92
Ў-28

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

92
Ў—28

БОШ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ
Бобир АЛИМОВ
Муроджон АМИНОВ
Турғунпўлат ДАМИНОВ
Тўрабек ДОЛИМОВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Беҳзод ЙЎЛДОШЕВ
Наим КАРИМОВ
Нажмиддин КОМИЛОВ
Жўра МУСАЕВ
Элшод НАБИЕВ
Абдулла ОРИПОВ
Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Даврон ШОРАҲМЕДОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Турсунали ҚЎЗИЕВ
Азим ҲОЖИЕВ
Зуҳриддин ҲУСНИДДИНОВ

ў $\frac{1500100000}{358-2005}$ – 05

ISBN 5–89890–082–9

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2005

Ў-28

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

111211

9

ТЎЙЧИ ҲОФИЗ — ШАРШАРА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

ФАН СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИ*

Адабиёт. Б. ВАЛИХЎЖАЕВ, Р. ИНОҒОМОВ, Т. МИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, О. ОРИПОВ, О. ШАРАФИДДИНОВ, А. ҲАЙИТМЕТОВ. **Амалий ва тасвирий санъат.** Н. АБДУЛЛАЕВ, Б. Ф. ЖАЛОЛОВ, К. ОКИЛОВА. **Астрономия, геодезия ва космонавтика.** С. П. ИЛЁСОВ, А. А. ЛАТИПОВ, М. М. МАМАДАЗИМОВ, К. Т. МИРТОЖИЕВА, Н. НИШОНБАЕВ, С. Н. НУРИТДИНОВ, И. САТТОРОВ. **Биология.** Ж. АЗИМОВ, О. АШУРМЕТОВ, О. МАВЛОНОВ, У. ПРАТОВ, Б. О. ТОШМУҲАМЕДОВ, Ж. Ҳ. ҲАМИДОВ. **География, геология ва геофизика.** К. Н. АБДУЛЛАЕВ, А. А. АЛИЕВ, Ш. С. ЗОКИРОВ, Б. А. ИСАҲОЖИЕВ, А. СОЛИЕВ, Н. Н. ГУЛОМОВ. **Давтарихи.** А. А. АЗИМОВ, Ш. ИСМОИЛОВ, А. МАНСУРОВ, А. Қ. МЎМИНОВ, Д. О. РАҲИМЖОНОВ, А. А. ҲАСАНОВ. **Жисмоний тарбия ва спорт.** А. ИМОМХЎЖАЕВ, Т. С. УСМОНХЎЖАЕВ, К. ЮСУПОВ, К. Д. ЯРАШЕВ. **Журналистика.** Х. ДУСТМУҲАММАД, Б. ДЎСТҚОРАЕВ, А. МЕЛИБОЕВ. **Иқтисодиёт.** С. САЛИМОВ, М. ШАРИПХЎЖАЕВ, Ш. ШОДМОНОВ, А. ЎЛМАСОВ, А. ҚОДИРОВ, С. ГУЛОМОВ. **Кимё.** С. Н. АМИНОВ, Қ. АХМЕРОВ, Н. ИСМОИЛОВ, Г. ОТАҚЎЗИЕВ, Н. ПАРПИЕВ, С. ТЎХТАЕВ. **Математика.** Т. АЗЛАРОВ, А. АЪЗАМОВ, Ш. А. АЮПОВ, Ш. ЕРМУҲАМЕДОВ, Т. ЖЎРАЕВ, М. САЛОҲИДДИНОВ, А.САЪДУЛЛАЕВ, Б. ШОИМҚУЛОВ, Ж. ҲОЖИЕВ. **Меъморлик.** Н. Ш. ЗОҲИДОВ, Х. НУЛАТОВ, Э. В. РТВЕЛАДЗЕ, М. ЮСУПОВА. **Мусиқа.** О.Н. АЗИМОВА, А. Ф. НАЗАРОВ, Р. Ю. ЮНУСОВ, Г. Б. ҒАФУРБЕКОВ. **Педагогика.** Қ. ЙЎЛДОШЕВ, А. СУЛАЙМОНОВ, М. ҚУРОНОВ, К. ҲОШИМОВ. **Тарих.** Д. АЛИМОВА, А. АСҚАРОВ, О. БЎРИЕВ, Ҳ. ДАДАБОЕВ, А. ЗИЕВ, Ҳ. ЗИЕВ, М. ИСҲОҚОВ, Ш. КАМОЛИДДИНОВ, А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ, Ш. ПИРИМҚУЛОВ, Қ. РАЖАБОВ, Т. ГИЁСОВ. **Театр, кино, цирк, хореография, балет.** О. РИЗАЕВ, Ж. ТЕШАБОЕВ, Т. ТУРСУНОВ, М. Х. ҚОДИРОВ. **Техника.** Ф. АБДУЛЛАЕВ, О. ЭКУБОВ, Р. ЗОҲИДОВ, Т. РАШИДОВ, Р. ТОЖИЕВ, Х. ХУДОЙНАЗАРОВ, Т. ШИРИНҚУЛОВ, С. ҚОДИРОВ, Э. ҚОСИМОВ. **Тиббиёт.** С. АРИФОВ, С. БАҲРОМОВ, Ў. Б. ЮҚИРОВ, Н. М. МАЖИДОВ, Ш. Ш. ШОВАҲОБОВ, Н. Ҳ. ШОМИРЗАЕВ, Э. Й. ҚОСИМОВ. **Тилшунослик.** А. ДАВЛЕТОВ, Н. МАҲКАМОВ, Н. МАҲМУДОВ, А. НУРМОНОВ, Қ. СОДИҚОВ, Э. УМАРОВ, О. ШОМАТОВ. **Фалсафа.** Ў. АБДИЛОВ, Ҳ. АЛИҚУЛОВ, Қ. НАЗАРОВ, Б. О. ТЎРАЕВ, М. ҚОДИРОВ, Э. ҒОЗИЕВ, Ў. ҲАЙДАРОВ. **Физика.** К. МУҚИМОВ, А. С. НУЪМОНХЎЖАЕВ, Ў. Ҳ. РАСУЛОВ, Н. Й. ТЎРАЕВ, Қ. Ғ. ҒУЛОМОВ, П. К. ҲАБИБУЛЛАЕВ. **Халқаро муносабатлар ва сиёсатшунослик.** Р. З. ЖУМАЕВ, С.А. ЖЎРАЕВ, В. С. КИМ, М. Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ, А. Ҳ. САИДОВ, А. М. ҚОСИМОВ. **Қишлоқ хўжалиги.** Б. Ж. АЗИМОВ, Ш. АКМАЛХОНОВ, С. Н. АЛИМУҲАМЕДОВ, У. НОСИРОВ, А.А. ХОНАЗАРОВ. **Ҳуқуқ.** Ғ. А. АБДУМАЖИДОВ, А. ИНОЯТОВ, Ҳ. Р. РАҲМОНҚУЛОВ, А. ТЎЛАГАНОВ, М. М. ФАЙЗИЕВ.

* Бош таҳрир ҳайъати аъзолари рўйхатга киритилмади.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор — Н.ТЎХЛИЕВ.

Директорнинг биринчи ўринбосари — Д.А. ШОРАҲМЕДОВ.

Директор ўринбосарлари — М. Н. АМИНОВ, А. НИЁЗОВ.

Илмий-методика ва сўзлик бўлими. М.ИСЛОМБЕКОВА (етакчи илмий муҳаррир), С. МИРЗАБЕКОВА (1-тоифали илмий муҳаррир), Ф. ШАМСИЕВА (2-тоифали илмий муҳаррир).

Биология ва кимё илмий таҳририяти. Ҳ.ЗОКИРОВ (мудир), О. МАВЛОНОВ, Р.МАЪРУПОВ (етакчи илмий муҳаррирлар).

География ва геология илмий таҳририяти. А.АБДУРАҲИМОВ (мудир), Ҳ.АЛИМУҲАМЕДОВА (етакчи илмий муҳаррир), И.КАРИМОВ (1-тоифали илмий муҳаррир), О. ИСАҲОЖИЕВА (2-тоифали илмий муҳаррир).

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти. С. ХОЛНАЗАРОВ (мудир), Б. АЗИМОВА (1-тоифали илмий муҳаррир).

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти. А.МАЖИДОВ (мудир), С.ТОИРОВ (етакчи илмий муҳаррир).

Маданият ва санъат илмий таҳририяти. М.АШИРОВА (мудир), Ш. АЛИМОВА, О. БЕКОВ, М. ҒАФФОРОВА (етакчи илмий муҳаррирлар).

Тарих илмий таҳририяти Ф. ҲАСАНОВ (мудир), Г. ХЎЖАЕВА (етакчи илмий муҳаррир), З. КАРИМОВА, И. МЕЛИҚУЛОВА (1-тоифали илмий муҳаррирлар).

Тиббиёт илмий таҳририяти. С. ИБРОҲИМОВА (мудир), Ш. ИНОҒОМОВА, З. ГУЛОМОВА (1-тоифали илмий муҳаррирлар).

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти. А.МАДВАЛИЕВ (мудир), Ҳ.АБДИЕВ (етакчи илмий муҳаррир).

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти. С.МУСАЕВ (мудир), Н.МУТАЛОВ (етакчи илмий муҳаррир), Р. БАРАТОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Физика, математика ва техника илмий таҳририяти. Э.ИНОҒОМОВ (мудир), М. МИРБОБОЕВ (етакчи илмий муҳаррир), Ж. ЮНУСОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Ишлаб чиқариш, картографияи ва безак бўлими. И.Р.ҲОДИЕВ (бошлиқ), А.БУРҲОНОВ (бош рассом), М.ОЛИМОВ (етакчи техник муҳаррир), А. ЭГАМБЕРДИЕВ (етакчи илмий муҳаррир), А. ЁҚУБЖОНОВ (етакчи илмий программист), А. СУЛАЙМОНОВ (суратчи), М. АБДУЛЛАЕВА, Д. ҲАСАНОВА (операторлар).

Т

ТЎЙЧИ ҲОФИЗ. Тошмуҳаммедов Мулла Тўйчи (1868 — Тошкент — 1943.1.6) — хонанда, ўзбек ашулачилик санъатининг йирик намояндаси. Ўзбекистон халқ ҳофизи (1927). Эски мактабда ўқиган (1878—84). Ҳофиз Навоий, Машраб, Бедил, Фузулий каби мумтоз шоирларнинг ижоди б-н яқиндан танишиб, уларнинг газаллари б-н ашулалар ижро этган. Т.ҳ. сиёсатидан аламкаши Қўқон отадан ашула айтиш сирларини ўрганган.

Таниқли ҳофизлардан Абдуқаҳҳор, Сандақмад, Назирхонлар ё-н ҳамнафасликда «Қўшиқ базми» кечаларини ташкил этган. Дастлабки репертуаридан «Эй дастан гул, марҳабо», «Фитон», «Шитоб айлаб» каби ашулалар ўрин олган. Шоҳзалил ҳофиз, Шобарот танбурчи жўрлигида «Шаҳноз-Гулёр» ашулалар туркуми Т.ҳ.га шуҳрат келтирган (1890). Кейинчалик унинг довруғи Туркистон ўлкасининг ҳамма шаҳарларига таралган.

Т.ҳ. ўзи ижро этган ашулаларни биринчилар қатори грампластинкага ёздирган, «Граммофон» жамиятининг «Пишущий Амур» фирмаси (Рига, 1905; Скобелев, 1911) ундан 25 та ашула, жумладан, «Илғор», «Хисрав», «Сувора» (учаласи ҳам 2 қисмли), «Бобо Равшан», «Янги курд», «Авжи курд» ва б.ни ёзиб олган. Т.ҳ. 1908—10 й.ларда Фарғона водийсидан бўлган Адолатхон, Мозидахон каби аёл хонандалар ижросидаги қўшиқларни ҳам биринчи марта грампластинкага ёздирган. Унинг ташаббуси б-н Андижон, Фарғона, Хўжанд ва б. шаҳарларда граммофон ва пластинка дўконлари ташкил этилиб (1906—12), уларда ўзбек, рус ва б. тилларда куй, қўшиқ ва ашулалари ёзилган пластинкалар сотилган.

Т.ҳ. Эрон, Туркия, Италия, Миср, Ҳиндистон (1900)да ва Шарқий Туркистон (1913—14) ш.ларида бўлиб, ўз ижрочилик маҳоратини намойиш қилган. Ўзбекистонда маҳаллий халқ мусиқа ансамбллари ташкил этишда, 1920- й.ларда саҳналаштирилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» спектакларига мусиқа танлашда фаол иштирок этган. 1927 й.дан умрининг охиригача Ўзбекистон Радиокўмитаси ўзбек халқ чолғу ансамблида устоз хонанда, шунингдек, Ўзбек давлат филармониясининг етакчи хонандаси бўлган. Т.ҳ. айтган ўзбек мумтоз ашулалари — «Баёт», «Фитон», «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Гиря», «Илғор», «Сувора», «Чоргоҳ», «Кўча боғи», «Тароналар Дутоҳ» («Дутоҳи Хусайний» туркумининг тароналари) ва б. ўзбек мусиқа маданиятида муҳим ўрин тутади. Т.ҳ. ашулалари талқин этилиши, жумлаларининг маромига етказиб айтилиши, қочиримларга бойлиги, ўзбек мусиқа анъанасидаги мумтоз ижро услуби, овозининг кучлилиги б-н ўзига хосдир. Айниқса, ноёб зеболик б-н Навоий газали («Қаро кўзум»)га ижро этган «Ушшоқ» ҳофизлик санъати юксак намунасига айланган. Т.ҳ. Москвада ўтказилган қ.х. кўргазмаси (1923) ва Ўзбек санъати декадаси қатнашчиси (1937).

Т.ҳ. репертуаридаги ашула матнларининг кўпи шоир Хислатнинг «Армуғони Хислат» (Т., 1912) баёзига киритилган ва буларнинг қайси куйда ижро этилиши ҳам кўрсатилган. Иттифоқ радиоқўмитаси Т.ҳ.дан «Баёт» ва «Ушшоқ»ни (1937), Санъатшунослик ин-ти (В. А. Успенский) «Чоргоҳ», «Баёт», «Кўча боғи», «Сувора» ва б.ни ёзиб олган. Ш. Шоумаров, Юнус ва Ризқи Ражабийлар, К. Зокиров, Б. Мирзаев ва бошқалар Т. ҳ. ижрочилик анъаналарининг давомчиларидир. Тошкент грампластинкалар з-ди ва Қашқаларё вилояти мусиқали драма ва комедия театрига Т.ҳ. номи берилган. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000).

Ад.: Насриддинов Б., Тўйчи Ҳофиз, Т., 1971.

Баҳриддин Насриддинов

ТЎЙЧИЕВА Ёқутхон (1949.6.9, Бешариқ ш. часи) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). ТошДУни тугатган (1971). 1971—2000 й.ларда Бешариқ туманидаги 1-мактаб, касб-ҳунар коллежи, 1-интернат лицейда физика ўқитувчиси.

ТЎЛА ИЧКИ ҚАЙТИШ — электромагнит тўлқинлар 2 муҳитнинг ажралиш четарасига қия тушганда юз берадиган ҳодиса. Бунда нурланишнинг синдириш кўрсаткичи n_1 катта бўлган муҳитдан синдириш кўрсаткичи n_2 кичик бўлган муҳитга ўтганда тушиш бурчаги i четаравий бурчак $i_{чег.}$дан катта бўлади (расмга қ.) ва қуйидаги ифода б-н аниқланади: $sini_{чег.}=n_2/n_1$.

ТЎЛА МАСХАРА (1842—Бухоро яқинидаги Демун қишлоғи —1916) — халқ масхарабози. Масхарабозликни Сайфулло масхара (1797—1867)дан ўрганган. Музаффархон саройида театр труппасининг раҳбари этиб тайинланган. Труппага Жўра масхара, Эргаш масхара, Мурод сиёҳ, Саъди масхара, Абдурауф оқсоқол, Холиқ масхара, Абдурасул корфармон, Саид мирзабоши, Калли Аббос, Ҳамро гармон, Ота Ашраф мавриги, Уста Қудрат, Шариф бозингар, Эгамберди чўпбоз каби 20 га яқин санъаткор уюшган. Улар чинакам бадиҳагўй, ҳар томонлама етук санъаткорлар, сўз усталари бўлганлар. Бу, ўз навбатида, Т.м.га мусиқа ва рақс б-н йўғрилган спектакллар яратиш имконини берган. У ўз труппаси б-н халқ орасида кенг тарқалган майда муқаллид ва тақлидлар асосида «Қозибозлик», «Полвонбозлик», «Сартарошлик», «Нишоллабозлик» каби йирик пьеса-спектакллар яратади. Т.м. иқтидорли санъаткор, кенг диапазонли актёр, хушовоз хонанда, яхшигина созанда, таъсирли нутқ эгаси бўлган. Шу сабаб у муқаллидда ҳам, ҳажвий-сатирик томошаларда ҳам муваффақият қозонган. Т.м. анъаналарини ўғли Мулла Гадой (1892—1963),

шогирди Сафар масхара Абдуллаев (1899—1962) кабилар давом эттирди.

ТЎЛА ҚАРШИЛИК (электр ҳодисасида) — ўзгарувчан электр токи занжирида кетма-кет уланган фаол қаршилик ва реактив қаршилик (индуктивлик ғалтаги ва конденсатор қаршиликлари)дан иборат занжирнинг ўзгарувчан токка кўрсатадиган қаршилиги. Т.қ. қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Z = \sqrt{R^2 + \left(\omega L - \frac{1}{\omega C}\right)^2},$$

бунда R— фаол қаршилик, ω— ўзгарувчан ток частотаси, L—ғалтак индуктивлиги, C—конденсатор сиғими. Формуладаги ωL— индуктивлик ғалтагининг ўзгарувчан токка кўрсатувчи қаршилигини ва $1/\omega C$— конденсаторнинг ўзгарувчан токка кўрсатувчи қаршилигини ифодалайди ва улар мос равишда индуктив қаршилик ва сиғим қаршилиги деб аталади. Агар частотанинг бирор қийматида индуктив қаршилик сиғим қаршилигига тенг бўлиб қолса, занжирнинг Т. қ.и энг кичик қийматга эга бўлади.

ТЎЛА ҚУВВАТ (электротехника) — занжирдаги даврий электр токи қийматлари б-н занжир учларидаги кучланиш U нинг кўпайтмасига тенг бўлган катталик. Синусоидал ток учун $\sqrt{P^2 + Q^2}$ га тенг, бунда P ва Q — фаол ва реактив қувватлар. Ўлчов бирлиги В·А.

ТЎЛАГАНОВ Аҳрор Тўлаганович (1908.23.9 — Тошкент — 1990.18.1) — зоолог, фитогельминтолог олим. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1950). Биол. фанлари д-ри (1947), проф. (1948). СамДУни тугатгач (1931), умуртқасиз ҳайвонлар кафедрасида аспирант, ассистент, доцент ва мудир (1931—41), Маориф халқ комиссарлигида бошқарма бошлиғи (1942—43). Ўрта Осиё ун-тида умуртқасиз ҳайвонлар кафедраси (1941 й.дан) ва фитогельминтология проблематик лаб. мудири (1959 й.дан). Ўзбекистон ФА Ботаника ва зоология ин-ти гельминтология лаб. мудири (1945—57), СамДУ ректори (1957—63). ТошДУ умуртқасизлар зоологияси кафедраси мудири (1963—88), ТошДУ биол. ф-ти декани (1973—74). Илмий ишлари тупроқ ва ўсимликхўр нематодаларни ўрганишга бағишланган. 25 га яқин нематодаларнинг янги турларини кашф этган. Унинг раҳбарлигида Ўзбекистон ҳудудида учрайдиган ўсимлик ва тупроқ нематодалари каталоги тузилган, каноп, ғўза ва сабзавот экинлари паразит нематодаларига қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974).

А: Растениеядные и почвенные нематоды Узбекистана, Т., 1949; Нематоды сельскохозяйственных культур Узбекистана и борьба с ними, Т., 1958; Фитонематоды Узбекистана, Т., 1975.

ТЎЛАГАНОВ Ғани Олимович (1935.29.5, Тошкент) — дирижёр, созанда. Ўзбекистонда (1984), Қорақалпоғистонда (1987) хизмат кўрсатган санъат арбоби. Тошкент консерваториясини қашқар рубоби ижрочилиги (1959) ва опера-симфоник дирижёрлиги (1964) ихтисосликлари бўйича тугатган. «Шодлик» ансамблида созанда (1951—59), Ўзбекистон консерваториясида ўқитувчи (1959 й.дан), проф. (1999 й.дан). Самарқанд опера ва балет театрида бош дирижёр ва бадиий раҳбар (1964—70). *Навоий театри*да дирижёр (1976—92), Ўзбек давлат филармонияси директори ва бадиий раҳбари (1979—84), Ўзбекистон консерваторияси қошидаги мусиқали театр студияси директори (1996—2003). Дирижёр сифатида бир неча опера ва балет спектаклларини, биринчи бўлиб ўзбек композиторлари асарларини (С. Бобоевнинг «Ёрилтош» ва «Филдийлар», У. Мусаевнинг «Мангулик», Н. Зокировнинг «Рақиблар», Ҳам. Раҳимовнинг «Зафар», Ик. Акбаровнинг «Сув элининг қоплони», М. Бурҳоновнинг «Алишер Навоий» опералари, У. Мусаевнинг «Афсоналар водийси» балети) саҳналаштирган.

ТЎЛАГАНОВА Ирода Ботировна (1982.7.1, Тошкент) — теннисчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2000), «Ўзбекистон ифтихори» (2001). Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари бронза медали совриндори (1998, Москва), қизлар ўртасида Осиё (1999, Фукуока), «Уимблдон» чемпионатлари (1999, Лондон) ва АҚШ очиқ чемпионати (1999, Нью-Йорк) ғолиби. 1998 й.дан профессионал теннисчи, WTA таснифига кирувчи 3 та мусобақада ғолиб бўлган (2000, Тошкент; 2001, Вена; 2001, Нокке-Хейт). Осиё ўйинлари ғолиби (2002, Пусан). «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1998).

ТЎЛАН НИЗОМ (тахаллуси; асл исм-шарифи Низомиддинов Тўланбой) (1939.17.8, Кува тумани) — Ўзбекистон халқ шоири (1998). Андижон педагогика ин-тини тугатган (1965). Ёшлар ташкилотларида раҳбар (1965—76), туман халқ таълими бўлимида мудир (1976—83), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимида масъул котиб (1983—85), Бўстон билим юртида директор (1985—2001). Биринчи шеърий тўплами — «Сенинг фтакларинг» (1970). Шундан сўнг Т.Н.нинг «Ифтихор» (1982), «Ой қизлар» (1988), «Муқаддас руҳ» (1993), «Ватан туйғуси» (1993), «Чаман ичра», «Акс садо», «Интизорлик» (1994), «Даҳр боғи» (1995), «Сайланма» (1998) каби шеърий тўпламлари нашр қилинган. Т.Н. сўнгги йилларда лиро-эпик жанрларда самарали ижод қилиб, Бобур, Машраб, Чўлпон, Миртемир, Усмон Носир, С. Зуннунова, М. Юсуф сингари сиймоларга бағишланган «Чўлпон», «Мажнунтол йиғиси», «Руҳи равоним» (1993), «Уч сўз» (1995), «Оқ гул», «Битмай қолган ой» (1996), «Алишер» (2003) сингари достон ва лирик қиссаларини ёзди. «Нон ҳиди» (1998), «Суҳбат» ва Камчиқ довони қурилишига бағишланган «Довон» (2002) достонлари муаллифи. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2003).

ТЎЛАНОВА Холбиби (1942.11.7, Косон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қарши педагогика ин-тини тугатган (1965). 1965—96 й.ларда Узун туманидаги 9-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

ТЎЛДИРУВЧИ (тилшуносликда) — гапнинг от ёки отлашган сўз б-н ифодаланадиган, ҳаракатнинг объекти бўлган предметни кўрсатиб, асосан кесимга боғланадиган бўлаги. У ўзи боғланган сўз (кесим)га нисбатан грамматик тобе муносабатда бўлади. Бошқарувчи сўзга боғланиш характерига кўра, Т. 2 хил бўлади: воситасиз Т. ва воситали Т. Воситасиз Т. тушум келишигидаги сўз б-н ифодаланади ва ҳаракат бевосита йўналтирилган объектни кўрсатади, ўтимли феъл кесимга боғланиб, кимни? нимани? қаерни? сўроқларига жавоб беради. Қиёсланг: Вали акасини кўрди. Тушум келишиги белгисиз ҳам қўлланиши мумкин: Карим китоб сотиб олди. Воситали Т. жўналиш, чиқиш ва ўрин-пайт келишикларидаги сўзлар ёки кўмакчи олган сўз б-н ифодаланиб, ҳаракат-ҳолат бевосита йўналтирилмаган объектни англатади. Мас.: Акамга шахмат ўйини ёқади; Биздан дўстларга салом денг; Карим ручка б-н ёзди.

ТЎЛИНОЙ — *Ой Ер* атрофида айланастиб, Қуёшга қарама-қарши ҳолатига ўтаётганда кўринадиган ҳолати. Т. осмонда янги ой кўрингандан кейин 13-кунда кўринади, шунда 15 кунлик (аниғи 14,765 кунлик) ой кўринишида бўлади. Бу ҳолатда Ердаги кузатувчига Ойнинг Қуёш томонидан ёритилган ярим сфераси тўла кўринади. Т. ҳолатида Ой Ернинг сояси томонида бўлганида, баъзан у б-н тўсилади, бундай пайтда Ой тутилиши содир бўлади.

ТЎЛИНСУВ ДАВРИ — дарё сувининг ҳар йили бир мавсумда такрорланиб турадиган кўпайиши ва сатҳининг кўтарилиши. Бу даврда дарёлар йиллик сувининг 60—80% оқиб ўтади. Дарёларнинг тўйиниш манбаларига қараб, Т.д. баҳор ва ёзда бўлади. Баҳорги Т.д. мавсумий қор сувларидан тўйинадиган текислик дарёлари б-н унча баланд бўлмаган тоғлардаги дарё-ларда (Қорадарё, Қашқадарё, Оҳангарон ва б.) кузатилади. Ёзги Т.д. баланд тоғлардаги мангу қор ва музликлар сувидан тўйинадиган дарёлар (Зарафшон, Шоҳимардон, Сўх, Исфара ва б.) б-н муссон ёмғирлари ҳисобига тўйинадиган дарёларда кузатилади. Т.д. кичикроқ дарёларда 1,5—2 ой, йирик дарёларда 3—4 ой давом этади.

ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА МАКТАБ — қ. *Етти йиллик мактаб, Саккиз йиллик мактаб.*

ТЎЛОВ БАЛАНСИ — бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга тўловлар кўринишидаги пул маблағлари ҳаракатини акс эттирадиган жадвал, рўйхат. Т.б. муайян муддат давомида мамлакат чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар суммалари нисбатини тавсифлайди. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган (импорт) товарлар ва хизматлар ҳақи, хориж инвестициялари, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқаролар ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва б. киради. Четдан келадиган тушумлар бошқа давлатлар қайтарган қарзлар, уларнинг фоизи, хориждаги корхоналар ва ташкилотлардан ўтказилган фойда, экспорт қилинган товарлар ва хизматлар ҳақи, бошқа юртлик фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, халқаро ёки минтақавий ташкилотлар ўтказган пуллан иборат бўлади. Четга берилган тўловларга нисбатан четдан келган тўловлар кўп бўлса Т.б. фаол ҳисобланади (Т.б. сальдоси ижобий). Бундай ҳолда мамлакатга валюта кўпроқ оқиб келади, унинг валюта фонди ўсади, акс ҳолда Т.б. пассив бўлиб, валюта чиқиб кетади ва валюта фонди қисқаради (Т.б. сальдоси салбий) Т.б.нинг муҳим қисмини товарлар ва хизматлар экспорт ва импорти — савдо баланси ташкил этади (яна қ. *Ташқи савдо*).

ТЎЛЯКОВ Тимур Турғунбекович (1975.11.2, Қирғизистон, Ўш вилояти) — боксчи, «Ўзбекистон ифтихори» (1998). Андижон давлат ун-тини тугатган (2002). Андижондаги спорт мактабида мураббий-ўқитувчи (1993—95), «Динамо» спорт жамиятида йўриқчи (1995—2002). 54 кг вазнда Ўзбекистон чемпиони (1994, 1997, 2000). Осиё ўйинларида 2-ўринни эгаллаган (1998, Бангкок), Яхши ният ўйинлари ғолиби (1998, Нью-Йорк). 2002 й.дан профессионал бокста ўтган.

ТЎЛҚИН — қ. *Тўлқинлар.*

«ТЎЛҚИН» — 1) Бухоро ва Самарқандда мақомлар услубидаги ашула номи. Бухорода кўпинча *талқин* ашула йўллари шу ибора б-н юритилади; 2) ўзбек халқ чолғу йўлларидан. *Сақийнома* доира усулида ижро этилади. Ўзбек мусиқа драмалари (мас., В. Успенский, «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳод арияси)да фойдаланилган.

ТЎЛҚИН УЗУНЛИГИ — бирор муҳитда қандайдир маълум йўналишда тарқалаётган тебранма ҳаракатнинг иккита кетма-кет келувчи, бир хил фазада тебранувчи нуқталар орасидаги масофа. Тебранма ҳаракат муҳитда υ тезлик б-н тарқалаётган бўлса, Т.у. λ тўлқиннинг бир давр T ичида тарқалиш масофасига тенг, яъни $\lambda=\upsilon\cdot T$. Тўлқинларнинг физик табиатига қараб уларнинг Т.у. бир неча километрдан ангстремнинг ($1Å = 10^{-10}$ м) маълум улушларигача бўлган қийматларга эга бўлиши мумкин. Бир жинсли муҳитда ва ҳавода товуш ва электромагнит тўлқинлар ўзгармас тезлик б-н ($\upsilon_т$=331 м/с; c = 300000 км/с) тарқалади, шунинг учун Т.у. тебраниш даври Т.у. га боғлиқ бўлади.

ТЎЛҚИНЛАР — фазода чекли тезлик б-н тарқалувчи модда ёки муҳитнинг ҳолат ўзгаришлари. Т.нинг тарқалиш жараёнида энергия фазонинг бир нуқтасидан иккинчи нуқтасига узатилади, аммо зарралари кўчмайди. Турли хил (механик, иссиқлик, электромагнит) ҳолат ўзгаришларига турли хил Т. мос келади. Эластик Т., сиртий Т., электромагнит Т. турлари кенг тарқалган. Эластик *деформация*ларни газ, суюқлик ва қаттиқ жисмларда тарқалиши эластик Т. дейилади. Товуш Т.и ва Ер қобиғидан сейсмик Т. эластик Т.нинг хусусий ҳоли ҳисобланади. Икки муҳит чегараси сирти бўйлаб тарқалувчи Т. сиртий Т.дир. *Электромагнит тўлқинлар* — хусусан радиотўлқинлар, ёруғлик Т.и, ультрабинафша Т., рентген ва гамма -Т. — тарқалаётган ўзгарувчи электромагнит майдонлардан иборат. Булардан ташқари *гравитацион тўлқинлар* ҳам мавжуд. Тўлқин жараёнлари физик ҳодисаларнинг деярли барча соҳаларида учрайди. Т.ни ўрганиш физика ва техника фанлари учун муҳим.

Муайян вақт оралиқларида такрорланиб турадиган ҳаракатлар *тебранишлар* дейилади. Тебранишлар Т. тарқалиш йўналиши бўйича бўлса, бўйлама Т., (расм, *а*), тарқалиш йўналишига перпендикуляр бўлса, кўндаланг Т. дейилади (расм, *б*). Бўйлама Т. тарқалаётганда муҳит зарралари Т. тарқалаётган йўналиш бўйлаб тарқалади. Кўндаланг Т.да эса муҳит зарралари Т. йўналишига перпендикуляр йўналиш бўйлаб тебранади. Газлар, суюқликлардаги эластик Т. бўйлама Т.дир. Қаттиқ жисм-лардаги эластик Т. (жумладан, Ернинг сейсмик Т.и) бўйлама Т. шаклидагина эмас, кўндаланг Т. ҳам бўлиши мумкин (муҳит зарраларининг тебранишлари Т. тарқалиши йўналишига перпендикулярдир). Электромагнит Т. кўндаланг Т.дир, уларда тебранувчи электр майдон ва магнит майдон кучланганликларининг йўналишлари Т. тарқалиши йўналишига перпендикуляр бўлади. Механик Т. манбаи ташқи куч таъсирида ҳолати ўзгаришга мойил бўлган чекли жисм ва моддалар бўлиб, электромагнит Т. манбаи тебраниш контури ва ҳаракатланаётган зарядлар ҳисобланади.

Т.нинг муҳим хусусияти шундан иборатки, улар энергия оқими б-н боғланган. Берилган нуқтада энергия оқимининг йўналишини кўрсатувчи, узунлиги эса шу йўналишга перпендикуляр бўлган юза бирлигидан бир c да ўтаётган энергия миқдорига тенг $\vec{S}$ вектор энергия оқими зичлигининг вектори дейилади. Узлуксиз муҳит учун бу вектор Умов вектори номи б-н юритилади. Электромагнит Т. учун $\vec{S}$ вектор Пойнтинг вектори дейилади ва қуйидагича ёзилади:

$$\overline{\Pi} = \frac{c}{4\pi}\left[\vec{E}\,\vec{H}\right],$$

бу ерда c — ёруғлик тезлиги, $\vec{E}$ ва $\vec{H}$ — Т.нинг электр ва магнит майдон кучланганлик векторлари. Энергия ютмайдиган муҳит ичидаги бирор сирт бўйича $\vec{S}$ вектордан олинган интеграл шу сирт орқали бир секундда ўтган Т.нинг энергия миқдорини ифодалайди.



а — бўйлама тўлқин; б — кўндаланг тўлқин.

Т. фазода ясси, синусоидал (гармоник), сферик, цилиндрик ва б. геометрик шаклларда тарқалади. Мас., нуқтавий товуш Т.нинг манбадан фазонинг ҳамма йўналишига чекли тезлик б-н (υ_T=331 м/с) тарқалиши натижасида дастлаб r_1, кейин $r_2=r_1+\upsilon_T t$ ($r_n=r_{n-1}+\upsilon_T t$; $t=t_1+t_2+\ldots+t_n$) ва ҳ.к. радиусли сфераларда эшитилади. Товуш эшитилаётган фазо қисми тўлқин сирти дейилади ва у сферик шаклга эга бўлади. Берилган вақт моментида барча нуқталари бир хил фазога эга сирт тенг фазалар сирти ёки Т. фронти дейилади. Т. фронтлари турли шаклларда бўлиши мумкин. Ясси Т. фронти тарқалиш йўналишига перпендикуляр бўлган текисликдир. Фронти сфера бўлган Т. сферик Т., фронти цилиндр бўлган Т. цилиндрик Т. дейилади.

Т.нинг хоссаларини ўрганишда унинг параметрларидан, яъни амплитудаси, узунлиги, частотаси, унинг тарқалиш тезлиги, фазаси, тўлқин вектори ва б. катталиклардан фойдаланилади. Т. частотаси, фазаси ёки амплитудасининг ўзгаришини Т. модуляцияси дейилади. Аниқ параметрнинг ўзгаришига қараб мос модуляция — частота модуляцияси, фаза модуляцияси, амплитуда модуляцияси рўй беради.

Ихтиёрий шаклдаги ҳар қандай Т. гармоник Т. йиғиндиси деб қаралиши мумкин. Вақтнинг ҳар бир моментида фазонинг чекланган кичик қисмидаги жуда яқин частоталарга эга Т. тизими Т. гуруҳи ёки Т. пакети дейилади. Умуман Т. фронти ва Т. пакетининг бирор, мас., максимал амплитудаси турли тезликлар б-н тарқалади. Т. фронти тезлиги бирор ўзгармас фаза тезлигидир, шу сабабли бу тезлик фазавий тезлик дейилади. Т. пакетига тегишли аниқ амплитуда тезлиги гуруҳий тезлик дейилади. Т. тарқалишида энергия гуруҳий тезлик б-н тарқалади.

Турли Т. учун *интерференция, дифракция*, синиш, қайтиш, қутбланиш ва б. ҳодисалар бир хил қонуниятлар асосида боради. Т.нинг гравитацион ва глюон турлари тажрибада тасдиқланмаган.

Ад.: Виноградова М. Б., Руденко О. В., Сухоруков А. П., Теория волн, М., 1973; Исакевич М. А., Общая акустика, М., 1973; Брагинский В. Б., Полнарев А. Г., Удивительная гравитация, М., 1987.

Назар Турсун

ТЎЛҒАМА — жанг чоғида ғаним кучларини қанотлардан айланиб ўтиш, сўнг ва орқа томондан зарба бериш. Ўрта асрларда мўғул ва туркийлар, хусусан, шайбонийлар тарафидан муҳорабаларда муттасил қўлланган махсус ҳарбий тактик амалиёт. *Амир Темур* армиясида бундай тактик амалиётни амалга оширувчи алоҳида қисм мавжуд бўлган ва у қунбул (қутбул) атамаси б-н номланган. Т.га биноан, душман кучлари қанотлардан кучли ҳужумга учраган ва пароканда қилинган. «Т.» атамаси *«Бобурнома»*да қайд этилган. Шайбонийхон томонидан айнан Т.нинг қўлланиши натижасида 1500 й. Сарипулда бўлган жангда Бобур мағлубиятга учраган эди. «Бобурнома»да ёзилишича: «Ўзбекнинг урушда бир улуғ ҳунари ушбу тўлғамадур, ҳеч уруши тўлғамасиз бўлмас». Бобур ушбу тактик амалиётни кейинчалик ўзлаштирган ва қатор жангларда, хусусан, 1526 й. Панипатда султон *Иброҳим Лўдий* б-н бўлган тўқнашувда қўллаган.

ТЎМАРИС (мил. ав. 6-а.) — Турон халқларининг *ахоманийлар* босқинига қарши курашига раҳбарлик қилган жасур саркарда. Қад. юнон тарихчиси *Геродот*нинг «Тарих» (мил. ав. 5-а.) асарида ёзилишича, *Ахоманийлар давлати* асосчиси *Кир II* мил. ав. 530 й.да Туронга бостириб кирганида, Т. массагетлар қабиласининг маликаси бўлган. Массагетлар бу пайтда Амударё (Аракс) бўйлари ва Қизилқумда яшашган. Т. массагетлар подшосининг хотини бўлиб, у эрининг вафотидан сўнг давлатни бошқарган.

Эрондан келган босқинчилар қўшини б-н массагетлар ўртасида шиддатли жанглар бўлган. Дастлабки жангда Т.нинг ўғли Спаргалис (Сипарангиз) бошчилигидаги массагетлар ғолиб чиққан. Бироқ кейинги жангда форслар ҳийла йўли б-н Спаргалис ва айрим массагетларни асир олишганда, ор-номусга чидай олмаган Спаргалис ўзини ўлдирган. Т. ўғлининг ҳалокатидан эсанкираб қолмай, ўз халқининг манфаатини ўйлаб, Кир II дан массагетлар юртидан чиқиб кетишини сўрайди. Бироқ форслар шоҳи рад жавобини бергач, икки ўртада даҳшатли жанг бўлади. Геродот массагетлар ва форслар ўртасидаги жанг тафсилотларини ўз асарида қуйидагича тасвирлайди: «Менинг билишимча, бу жанг варварлар ўртасидаги барча жанглардан ҳам даҳшатлироқ бўлган. Аввал ҳар иккала қўшин бир-бирини узоқ масофадан туриб, камондан ўққа тутдилар. Камон ўқлари тугагач, улар найза ва қилич б-н курашдилар. Жанг узоқ вақт давом этди. Кўп қон тўкилди. Ниҳоят, массагетлар ғалаба қозондилар. Форс қўшинларининг асосий қисми, жумладан, Кир II ҳам жанг майдонида ҳалок бўлган. У тўлиқ 29 й. шоҳлик қилган эди. Кир II нинг жасади топилгач, малика (Т.нинг буйруғи б-н) унинг кесилган бошини инсон қони б-н тўлғазилган мешга солинган».

Т.нинг жасорати ва ҳарбий-сиёсий фаолияти тўғрисида халқ достонлари яратилди, жангнома ва ривоятлар тўқилди. Эргаш Жуманбулбул ўғлидан Ҳоди Зарифов ёзиб олган «Ойсулув» достонида Турон мамлакатининг подшоси Ойсулув образида Т. фаолияти ўзининг бадиий талқинини топган. Ёзувчи Миркарим Осим «Тўмарис» қиссасида унинг жасоратини улуғлайди. Иброҳим Юсупов «Тўмарис» (1974) достонини ёзган, композитор Улуғбек Мусаев шу номли балет (1982)ни саҳналаштирган. Ўзбекистонда аёллар ўртасида *«Тўмарис ўйинлари» фестивали* ўтказилмоқда.

Ад.: Геродот, История (в девяти книгах), Л., 1972; Ўзбекистон тарихи — давлат ва жамият тараққиёти, 1-қисм, Т., 2000.

«ТЎМАРИС ЎЙИНЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ — Ўзбекистоннинг миллий спорт ўйинлари мусобақаларидан бири. 2 й.да бир марта ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари» давлат дастури (1999 й. 18 фев.) асосида ташкил қилинган. Мақсади — хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдамлашиш б-н бир қаторда улар орасидан маҳоратли спортчи қизларни тайёрлашдир. Фестивалда халқ миллий ҳаракатли ўйинлари «Отиб қочар», «Отишма», «Тортишмачоқ», арқонда сакраш, тўп улоқтириш, қўл кучини синаш, «Барчиной тестлари» бўйича мусобақалар бўлади. Фестиваль низомига кўра, мусобақа 3 босқичда ўтказилади: 1-босқич туманлар миқёсида ташкил қилинади. Туман мусобақаси ғолиблари 2-босқичда вилоят мусобақаларида қатнашадилар. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент ш. мусобақалари ғолиблари 3-босқич — республика финал баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. 1-«Т.ў.» ф. Аёллар йилига бағишланиб Жиззах ш.да бўлди (1999 й. 11—13 нояб.). 2-«Т.ў.» ф. 2001 й. 20—25 окт.да Шаҳрисабздаги «Ҳисор» стадионида ҳамда қ.х. коллежида бўлиб ўтди. 3-«Т.ў.» ф. Наманган вилоятининг Уйчи туманида ўтказилди (2003 й. 26—29 июнь).

ТЎН, чопон — устки миллий кийим; авра-астарли, узун, енгли, тик ёқали, олди очиқ. Бичиги тўғри бичимли бўлади. Ичига пахта солиб қавиладиган пахтали Т. ва пахтасиз (авра-астардан иборат яланг қават) Т. хили бор. Т. тўғри, тик ва қия қавилади, баъзан қавилмасдан сирма қилиб тикилади (бунда Т.нинг қавилган астари ҳар жой, ҳар жойидан аврасига чатиб қўйилади). Т. аврасн бахмал, беқасам, кимхоб ва б. матолардан тайёрланади, астарига чит ва сатин матолар ишлатилади. Т.нинг тик ёқаси жуда майда қавиқ чоклар б-н ишланганн учун қаттиқ бўлади, ёқа, енг учлари, этак атрофларига жияк тикиб ҳошияланади ҳамда улардан попукчалар чиқарилади; этагининг икки ён томонида ўтириб-турганда қулайлик яратиш учун «йиртмоч»лари бўлади. Т.нинг ички томони (астари)га гир айлантириб шойи ёки қора сатиндан тўрт энлик адип тутилади. Яланг қават (авра-астарли)Т.лар аврасига зар иплар б-н кашта тикиб зардўзи Т. тайёрланади. Т. ўғил болага хатна тўйида, кейинчалик никоҳ тўйида кийдирилган; ҳозирда ҳам Т. тикиш кенг йўлга қўйилган. Т. кундалик (ёшлар орасида уйлик) кийим сифатида кийилади, бундан ташқари тўй болага, куёвга, қудаларга, улуғ кишиларга, азиз меҳмонларга Т. кийдириш, азада мотам кийимлари сифатида ҳам кийиш удуми сақланган.

1. Тошкент — Фарғона тўни.
2. Бухоро зардўзи тўни.

Ўзбекистон ҳудудида Т.нинг бичими бир хил, айрим хусусиятлари (узунлиги, матонинг ранги ва безатиш усуллари) б-н бир-биридан фарқланади, холос.

Тошкент — Фарғона Т.и сипо (кўк, яшил, сариқ, бинафша) рангли матолардан тикилади, 20-а. бошларидан қора сатин ва сейлондан тайёрланган Т. кийиш урф бўлган; ёшлар очиқ рангли (сариқ, бинафша, яшил, оқ, кўк, пушти, қизил) йўлли беқасам Т. кийган, бундай Т.ни келин томон куёв Т. и сифатида куёвга совға қилиб юборган; ипа кимхобдан тикилган Т. ҳам нафис, майда қавиб тайёрланиши б-н бошқалардан фарқ қилади. 20-а. охирги чорагидан беқасам Т.лар б-н бир қаторда чийдухоба, бахмалдан тайёрланган Т.лар кенг тарқалди.

Бухоро Т.лари кенг ва узун, ёрқин рангли, ялтироқ, кенг йўлли ва йирик гулли матодан тикилади; зардўзи Т.лар амир ва унинг амалдорларигагина хос бўлиб, бахмал, кимхоб ва б. матолардан фақат амир саройида тайёрланган; ҳозир барча вилоятларда зардўзи Т. тайёрлаш кенг йўлга қўйилган.

Самарқанд Т.и узун ва ўртача кенгликда тикилади, уларда Бухоро ва Тошкент — Фарғона Т.ларининг таъсири сезилади.

Хоразмнинг енгил Т. и (астардеш) ўрта кенглик ва узунликда, пахтали Т.и (дўн) эса қоматга ёпишиброқ бичимда тўқ рангли, ингичка йўлли матолардан тикилади; матога махсус ишлов берилади (яъни, ялтироқ ҳолга келгунига қадар кудунгланади). Тикув машинаси пайдо бўлганидан сўнг Т.лар майда машина чокида ҳам қавила бошланди.

Т. — қад. кийим тури; буни Ўзбекистон ҳудудида сақланган деворий расмлардан, миниатюралардаги тасвирлардан билиш мумкин. Қадимдан хон ва амирлар томонидан бой ва амалдорларга яхши хизматлари эвазига, меҳмонлар, элчилар, хорижий меҳмонларга Т. кийдирилган, бу одат ҳоз. кунда ҳам сақланган. 18-а.дан Т. Россия, Хитой, Эрон ва б. мамлакатларга чиқарилган. 19-а.дан Россия б-н алоқаларда муҳим экспорт маҳсулотига айланган, айниқса, Бухоронинг зарбофт, Самарқанднинг кимхоб Т.лари машҳур бўлган. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон Т.лари Халқаро кўргазмалар (Париж, Москва, Нижний Новгород, Петербург ва б.) да намойиш этилган ҳамда мукофотларга сазовор бўлган.

Ўзбекистон Т.ларининг энг яхши намуналари республика ва хорижий мамлакатлар музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади.

ТЎНГА АЛП ЭР — қ. *Афросиёб.*

ТЎНГА ТУРОН (хитой йилномаларида Тунло Дулан, Юн Юйлюй (Йун Улуғ)) — Турк хоқонлиги ҳукмдори (588—600). Ишбара хоқон (581—587)нинг ўғли, *Бумин хоқон*нинг эвараси. Унинг даврида ашина хонадони аъзолари ўртасида ички курашлар авжга чиққан бўлса-да, ҳукмдорлигининг охирги йилларида Хитойга қарши бир неча маротаба муваффақиятли сафар уюштирилган. Шунингдек, хоқонлик 2 қисмга Ғарбий ва Шарқий Турк хоқонлигига бўлиниб кетиш арафасида бўлган. Айниқса, Истами ябғунинг ўғли Тарду (Қорачўрин Турк) хоқон (576—603) хоқонликнинг ғарбий қисмида якка ҳокимлик ўрнатишга ва Ишбара хоқонинг ҳукмдорлигини тан олмасликка ҳаракат қилади ва бирмунча муваффақиятга эришади.

Ад.: Гумилев Л.Н., Древние тюрки, М., 1967.

ТЎНГРА, тонгра — илк ўрта асрларда Мўғулистонда яшаган туркий қабила. Ушбу этноним дастлаб қад. турк битиктошларида (7—8-а.лар) Т., илк ўрта асрларга тааллуқли хитой йилномаларида эса тунло шаклида учрайди. Ушбу манбалардаги маълумотлардан уларнинг Тола ва Керулен дарёлари оралиғида яшаганлиги маълум бўлади. Жумладан, хитой йилномаларида тунло (Т.)лар сйеяньто (сиртардуш)лардан шим.да, доланге (теленгут)лардан шарқда истиқомат қиладиган уруғ сифатида кўрсатилади.

Т.ларни кўпчилик тадқиқотчилар битиктошлардаги маълумотларга асосланиб ўғузларнинг бир уруғи бўлган деб, ҳисоблашади. Чунончи, битиктошларда Турк хоқонлиги (552—745) 715 й.да ўғузларга қарши беш маротаба жанг қилган пайтда учинчи жанг Т.лар б-н бўлиб ўтганлиги ва уларнинг мағлуб этилгани қайд этилади. Хитой йилномаларида эса Т.лар телеларнинг 9 қабиласидан бири сифатида қайд этилади. Шунингдек, Т.ларнинг уйғурларни ташкил қилган 15 та қабиладан бири эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилади. Ушбу маълумотлардан Т.ларнинг яқин қардош қабилалар — ўғузлар ва

уйғурлар б-н биргаликда теле (тўлас) қабилалар уюшмасининг бири бўлганлиги маълум бўлади.

Ад.: Хўжаев А., Хужаев К., Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши, Т., 2001.

ТЎНЮҚУҚ, Тунюқуқ (тахм. 645—726) — *Турк хоқонлиги*да давлат арбоби ва саркарда. Ашида қабиласига мансуб. Турк зодагонларининг Хитой императори саройида гаров сифатида ушлаб турилган ўғиллардан бири. Унинг исми хитой йилномаларида Тунюйгу ва Юанчжен шаклларида учрайди. Ушбу исмнинг иккинчи шакли хитойчада «биринчи гавҳар» деган маънони билдириб, у Т. исми (қад. туркчада «тўнгич гавҳар»)га мос келади. У Табғач (Хитой)да туғилиб, вояга етган. Император саройида ишонч қозониб, маъмурий хизматга юборилган. Т. 680-й.ларда Турк хоқонлигини Хитой асоратидан қутқариб, уни янгитдан барпо қилишда Элтариш хоқоннинг энг яқин маслаҳатчиси бўлган. У 3 хоқон: Қутлуғ Элтариш (680—691), Қапоғон (691—716) ва *Билга хоқон* (716—734) ҳукмронликлари даврида бош вазир ва лашкарбоши бўлган. Умрининг катта қисмини хоқонликни мустаҳкамлаш, турли қабилалар аҳиллигини сақлаш, ташқи душманларга қарши кураш б-н ўтказган. Хитой йилномаларида хоқонликнинг энг доно амалдори сифатида тилга олинади. Уларда баён қилинишича, Билга хоқоннинг Хитой ичкарисига юриш қилиб, туркий қавмларни шаҳарларда жойлашиши, буддa динига ўтиши уларнинг жанговарлигини йўқотишини, ўтроқ яшаш тарзи туркийларга тўғри келмаслигини айтиб, хоқонни бу йўлдан қайтаради. Бу эса Т.нинг ниҳоятда ақлли, тадбиркор ва келажакни кўра оладиган шахс бўлганлигини кўрсатади. Т. лашкарбоши сифатида Хитойнинг шим.-шарқидаги Шаньдун вилоятига, Узоқ Шарқда *қорахитойлар*га, Енисей дарёси ҳавзаларидаги қирғизларга, Ўрхун ва Селенга дарёси бўйларидаги ўғузларга Еттисувдаги туркашларга қарши юришлар уюштиради ва уларни тобе этади. У 719 й. уйғурлар, чиниклар ва басмилларнинг Иккинчи Турк хоқонлигига қарши юришини тўхтатишга ва Хитой б-н 10 йиллик сулҳ тузишга муваффақ бўлади. У ўлимидан олдин ўзининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи китоба (яна қ. *Тўнюқуқ битиктоши*) барпо қилдиради. Ушбу ёдгорлик қад. турк ёзувининг ажойиб мажмуаси ҳисобланади.

ТЎНЮҚУҚ БИТИКТОШИ — мармар битиктош, туркий ёзув ёдгорлиги, *Элтариш* хоқон (680)нинг маслаҳатчиси ва саркарда Тўнюқуқ (тахм. 645—726) шарафига қўйилган (712—716). Улан-Батордан 66 км жан.-шарқда жойлашган. Битик 62 сатрдан иборат бўлиб, жан.ва шим. томонларга бирбирига қаратиб қўйилган 2 тўрт қиррали тош устунга ёзилган. Жан.даги устуннинг бал. 170 см, шим. дагиси-ники 160 см. Битикнинг 1—7-сатрлари тошлардан бирининг ғарбга, 8—17-сатрлар жан.га, 18—24-сатрлари шарққа, 25—35-сатрлари шим.га қараган тарафига ёзилган. Битикнинг 36—44-сатрлари иккинчи тошнинг ғарбга, 45—50-сатрлари жан.га, 51—58-сатрлари шарққа ва 59—62- сатрлари шим.га қараган тарафига битилган.

Битиктошда Турк хоқонлигининг қайта ташкил топиши, бу ишда Элтариш хоқоннинг хизмати, Тўнюқуқнинг хоқонлик шаклланиши, юксалишидаги, турли ўлка ва қабилаларга қарши уюштирилган ҳарбий юришлардаги қаҳрамонлиги, ватанпарварлиги батафсил баён этилган. Ёдгорлик нафақат бадиий-тарихий асар сифатида, балки қад. топонимлар ва этнографизмларни ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, унда Табғач (Хитой), Шантунг (Шандун — Шим.-Шарқий Хитойдаги провинция), Ўтукан (Олтой ва Хинган тоғлари оралиғидаги водий), Кўгман (Саян тоғлари), Тўғла (Тола дарёси), Олтун (Олтой), Йинчу угуз (Сирдарё), Суғд, Темир Қапиғ (Дарбанд — Ҳисор тоғидаги довон) каби ўлка ва жой номлари, турк, уғуз, қитаний, тургаш, қирғиз сингари қабила номлари учрайди.

Мазкур битиктошни 1897 й.да рус этнографи Елизавета Клеменц эри Дмитрий Клеменц б-н бирга Шим. Мўғулистоннинг Баин-Цокто манзилидан топган. Дастлаб, битиктошнинг фотосурати, транскрипцияси ва немисча таржимаси В. В. Радлов томонидан 1899 й.да нашр эттирилган. Ёдгорлик матни дан(дат), инглиз, рус, француз, немис тилларига таржима қилинган, турк ва ўзбек тилларида тавсиф этилган.

Ад.: Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А., Қадимги туркий тил, Т., 1982.

Ғайбулла Бобоёров.

ТЎНҒИЗЛАР, қобонлар ёввойи чўчқалар (Suidae) — кавш қайтармайдиган *жуфт туёқлилар* оиласи. Тумшуғи узун, учи доира шаклидаги ясси ва туксиз ҳаракатчан тоғайдан иборат. Танасидаги жунлари сийрак, асосан, дағал қиллардан иборат. Юқори жағларидаги қозиқ тишлари яхши ривожланган, узун, юқорига қайрилган. Оёқлари 4 бармоқли, ён бармоқлари (2- ва 3- си) каттароқ бўлиб, ерга зўрға етиб туради. Оиланинг 5 уруғи: Т., сўгалли Т., бабируссалар, попуккулоқ Т., ўрмон Т. маълум. Кейинги 4 уруққа биттадан тур, биринчи уруққа 3 тур: соқолли Т. (Малакка ярим оролида), карлик Т. (Ҳимолайда) ва ёввойи Т. (Шим. Африка ва Евросиёда) киради. Ўзбекистонда Т. тоғ ўрмонлари ва тўқайларда яшайди.

Тўнғиз

ТЎНҒИЗТАРОҚ (Dipsacus) — тўнғизтароқдошларга мансуб икки йиллик ёки кўп йиллик тиканли ўтлар туркуми; техника экини. Европа (Ўрта денгиз), Жан.-Шарқий Осиё ва Африкада 15—20 тури ўсади. Ўзбекистонда кўпроқ кесик Т. (D. laciniata L.), тоғ этакларининг майин ва нам тупроқли ён бағирларида Т.нинг кўк-бинафша ранг гулли тури (D. azureus Schrenk.) учрайди. Таркибида 0,3% тенинанин ва эритринига ўхшаш алкалоид бор. Бўйи 100—250 см. Пояси тик ўсади, тепа қисми шохланган. Илдиз бўғзидаги тупбарглар бандли, чўзиқ тухумсимон, 5—8 см. Ўрама барглари бигизсимон—наштарсимон. Гули оч бинафша ёки оқиш. Июль-авг. ойларида гуллаб, авг.—сент.да мева тугади. Бутазорларда, дарё бўйларида ўсади. Шолипоя, боғларда бегона ўт тарзида учрайди. Ўрта Осиёда қисман экма Т. (D. fillonum) кичик майдонларга экилади. Қуббаси тўқимачилик саноатида газлама тук (пат)ларини тарашда ишлатилади.

Тўнғизтароқ

ТЎНҒИЗТАРОҚДОШЛАР (Dipsacaceae) — икки уруғпаллалилар синфига мансуб туташтожбаргли ўсимликлар оиласи. Асосан, ўтлардан иборат. Ер юзида 10 туркум, 300 тури бор. Ўзбекистонда 4 туркумга мансуб 12 тури ўсади. Т., асосан, чўл, адир ва тоғ минтақаларида тарқалган. Чўл ва адирларда Scabiosa olivieri, S rhodantha турлари учрайди, тоғларда эса манзарали Scabiosa songarica ўсади. Айрим турлари бегона ўт.

ТЎП (спортда) — *спорт ўйинлари*нинг кўп турларида қўлланадиган, одатда, шар шаклидаги буюм. *Футбол, волейбол, баскетбол* ва *регби* ўйинларида қўлланиладиган Т.лар ҳаво б-н тўлдирилади; контокли хоккей, чим устида хоккей ўйинларидаги Т.лар эса турли материаллардан тигиз қилиб ишланади ва устки қисми синтетик материал ёки чарм б-н қопланган бўлади. Айрим ўйинларда қўлланадиган Т.ларнинг ранги қатъий қилиб белгиланган (мас., волейбол учун Т. оқ, баскетбол учун тўқ сариқ рангда бўлиши лозим). Футбол, волейбол, қўл тўпи, сув полоси Т.лари қобиғи 18 ёки 32 палдача қилиб тайёрланади.

ТЎП, тўда — 1) этник ҳудудий гуруҳ. Маълум бир қишлоқларнинг бир қисмини ифодалайди. Ўтроқ ўзбеклар яшайдиган йирик қишлоқлар Т.ларга бўлинади. Т. таркибига бир қанча қондошлар оилалар кирган. Кўпинча аждодлари ягона бўлган оилалар бир тўпни ташкил этиб, мазкур Т. бобоси номи б-н аталган. Шунингдек, баъзи Т.лар кичик уруғнинг номи, берилган лақаби, касбкори, тоифаси б-н ҳам номланган; 2) (ҳарбийда) узун стволли артиллерия қуроли (қ. *Тўп*).

ТЎП — тўғри траектория бўйлаб қуруқлик ва сувдаги нишонларга ёки ҳаводаги нишонларга зарба берадиган артиллерия қуроли. Замбарак Т.лари калибри 20—210 мм, стволининг уз. 40—80 калибр, отиш масофаси 35 км ва ундан ортиқ. Т. б-н қуруқликдаги қўшинлар, танклар, самолётлар, кемалар, қирғоқ артиллерия қисмлари ва б. қуролланган. Қирғоқ қўшинлари таркибидаги кўпгина замонавий Т. ўзиюрар бўлади; баъзи кемага ўрнатилган Т.лар денгиздаги, қирғоқдаги ёки ҳаводаги нишонларга зарба берадиган универсал бўлади (яна қ. *Артиллерия*).

ТЎПГУЛ (inflorescentia) — ўсимликдаги бир йиллик новдaнинг гул чиқарадиган қисми. Т. оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий Т. ботрик (рацемоз, ёнгулли) ва цимоз (тепагулли) Т. га бўлинади. Ботрик Т. моноподиал шохланиши ва гулларининг марказга қараб (пастдан юқорига) очилиши б-н; цимоз Т. эса учки гулининг мавжудлиги, симподиал шохланиши ва гулларининг марказдан қочиб (юқоридан асосига қараб) очилиши б-н тавсифланади. Оддий Т.да гуллар асосий гулпоя (биринчи тартибли гулпоя) да ёки иккинчи тартибли гулпояни ташкил қилувчи гулбандларда, мураккаб Т.да эса гуллар учинчи ва ундан ҳам юқори тартибли гулпояларда жойлашади. Оддий ботрик Т.лар: оддий шингил Т.: асосий гулпояга гуллар узун гулбандлари б-н жойлашган (карам, редиска, ачамбити); оддий бошоқ Т.: узун гулпояга майда бандсиз гуллар б-н ўрнашган (*зубтуруш*); калтаксимон Т. калта; йўғон гулпояга гулбандсиз гуллар б-н зич жойлашган (тўнғизтароқ, беда, себарга); оддий соябон Т.: асосий гулпоядан узун гулбандли гуллар соябон симлари каби ҳар томонга тарқалган бўлади (наврўзгул, пиёз, олча ва б.); оддий саватча Т.да майда гуллар гулпоянинг йўғонлашган учига жойлашади (мойчечак, кунгабоқар, бўтакўз). Оддий цимоз Т.га оддий моно-, ди- ва плейохазийлар мансуб бўлиб, Т.нинг учки гулидан пастроқда битта (айиқтовонда), иккита (юлдузчада) ёки бир нечта (сутламада) ён гуллар ривожланиб, улар кечроқ навбат б-н очилади.

Мураккаб Т. эса бир хил ёки бир неча хил оддий Т.лардан ҳосил бўлади. Мас., икки-учта гулдан ҳосил бўлган буғдой бошоқчаларининг бир нечтаси асосий гулпояга бирикиб, буғдойнинг мураккаб бошоғини, кўпчилик соябонгулдошларнинг бир неча оддий соябонлари мураккаб соябонни ташкил этади.

Т.нинг тузилиши систематикада муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир-бирига яқин ўсимликларнинг эволюция йўналишлари ҳақида фикр юритишга имкон беради.

Тўпгуллар: *1* — зубтуруmнинг оддий бошоғи; *2* — буғдойнинг мураккаб бошоғи; *3* — карамнинг оддий шингили; *4* — оддий соябон тўпгул.

ТЎПЛАМЛАР НАЗАРИЯСИ — мат.нинг тўпламлар умумий хоссаларини ўрганадиган бўлими. Тўплам тушунчаси мат.нинг бошланғич тушунчасидир. Т.н. асосчилари чех математиги Б. Больцано ва немис математиги Г. Кантор. Тўпламни ташкил қилган объектлар унинг элементлари дейилади. Агар x элемент A тўпламнинг элементи бўлса, у ҳолда $x \in A$ каби белгиланади, акс ҳолда $x \notin A$ каби белгиланади. Агар A тўпламнинг элементлари сони чекли бўлса, A тўплам чекли тўплам, акс ҳолда эса A тўплам чексиз тўплам дейилади. Мас., 1000 дан кичик жуфт сонлар тўплами чекли тўпламга, ҳақиқий сонлар тўплами эса чексиз тўпламга мисол бўлади. Агар A тўпламнинг ҳар бир элементи B тўпламга тегишли бўлса, A тўплам B тўпламнинг қисм тўплами дейилади ва $A \subset B$ каби белгиланади. A ва B тўпламлардан камида биттасига тегишли элементлар тўпламига A ва B тўпламнинг бирлашмаси (йиғиндиси) дейилади ва $A \cup B$ каби белгиланади. A ва B тўпламларнинг ҳар иккаласига тегишли элементлар тўплами A ва B тўпламларнинг кесишмаси (кўпайтмаси) дейилади ва $A \cap B$ каби белгиланади. Агар A ва B тўплам элементлари орасида ўзаро бир қийматли мослик ўрнатиш мумкин бўлса, уларнинг қуввати тенг дейи-лади. Агар A тўплам б-н натурал сонлар тўплами орасида ўзаро бир қийматли мослик ўрнатиш мумкин бўлса, A тўплам саноқли тўплам дейилади. Т.н. 19-а. охири — 20-а. бошларида ривожланган бўлиб, мат.нинг дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси, топология, функционал анализ, математик мантиқ, функциялар назарияси соҳаларида кенг қўлланилади.

ТЎПОЛОНДАРЁ — Сурхондарё вилоятидаги дарё. Ҳисор тизмасининг жан. ён бағридан бошланади. *Сурхондарё*нинг энг серсув ўнг ирмоғи. Уз. 117 км. Сув йиғиш майд. 2200 км^2. Энг юқори оқими Сариосиё ёки Қорасув.



Тўпламлар назарияси. Квадрат-универсум: *а* — штрихланмаган қисм ($A \cup B$) ва штрихланган қисм (катаклар); *б* — горизонтал штрихланган қисм (B) ва вертикал штрихланган қисм (A).


A
B


A
B

сўнгра Талишуш деб аталади. Ғовасой қўшилгандан сўнг Т. номини олади. Бошланиш жойидан Зарчўп қишлоғигача қадар чуқур ва тор, баъзи жойида каньонсимон водийдан оқади. Водийнинг кенглиги 20—30 м дан 200 м гача. Зарчўп қишлоғидан ўтгандан сўнг дарё водийси бир оз кенг, ён бағирлари қия. Тоғлар орасидан чиққач, қайирдан ташқари яна 3 та кўҳна қайир (терраса) ҳосил бўлган.

Т.нинг бир қанча ирмоқлари бор. Улардан энг йириклари: чапдан — Ойбексув (21 км), Ҳоватсой (42 км), Киштутсой (61 км), Дашнобод (64 км); ўнгдан — Шатрут (25 км), Чош (37 км); Баландсой (18 км). Т. асосан, мавсумий қор ва музликлар сувидан тўйинади. Ҳавзасида умумий майд. 22,5 $км^2$ га яқин музлик ва қорликлар мавжуд. Қор чизиғи ўртача 3900 м баландда. Энг кўп суткалик сув сарфи (470 $м^3$/сек.) 1941 й. январь ойида ва энг кам сув сарфи (5,48 $м^3$/сек.) 1946 й. декабрь ойида кузатилган. Йиллик сув ҳажмининг 51,8% март — июнь, 37,4% июль — сент., 10,8% окт. — фев. ойларида оқиб ўтади. Бир йилда ўртача 850 минг т лойқа олиб келади. Дарё водийсида ёнғоқзор, арчазор, яйловлар бор.

Т.дан чиқарилган Ҳазорбоғ канали Денов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларини сув б-н таъминлайди.

ТЎПОН — ғаллагулли ва дуккакли ўсимликлар донини янчиш ва тозалашда чиққан чиқинди. Т. майдаланган барг, уруғ қобиқлари, бошоқ ва дон бўлаклари, бегона ўт уруғларидан иборат. Сомонга нисбатан тўйимли. 1 кг буғдой Т.ида 0,43 озуқа бирлиги, 26 г протеин, жавдарникида 0,40 озуқа бирлиги, 21 г протеин, сулиникида эса 0,44 озуқа бирлиги, 23 г протеин бор. Т. ширали озуқалар, намланган барда кабиларга қўшиб, комбайн ўримида чиққан донли Т. эса сомон б-н аралаштирилиб чорва молларига берилади.

ТЎППОНЧА — қ. *Пистолет.*

ТЎПХОНА — Тожикистондаги Кофирниҳон дарёси водийсида, Ҳисор қишлоғининг ғарбий чеккасида жойлашган қад. мозорқўрғон (мил. ав. 1-а.нинг охири — мил. 3-а.). 1941 й.да очилган. 300 га яқин бир неча кўринишли (маййитлар чалқанча ва ёнбошлаб ётқизилган, хом ғишт терилган ва ғиштсиз, хумли, сопол тобутли) қабрлар очилган. Қабрлардан турли хилдаги сопол идишлар, жез билагузуклар, сирғалар, узуклар, ойналар, темир учли камон ўқи, пичоқлар, бигизлар, қайчилар, жез қўнғироқчалар, тош ва шиша мунчоқлар, миср чиннисидан ишланган буюмлар, туморлар, ғақиқчоқлар, ҳайкаллар, ҳинкалчалар, тангалар топилган.

ТЎПХОНА — 16—19-а.ларда Ўрта Осиё хонликларида тўплар ва турли қурол-яроғлар сақланадиган жой, иш. қ. *Арсенал.*

ТЎПЧИ ҚЎНҒИЗЛАР (Brachininae) — тошқоллар оиласига мансуб қўнғизлар кенжа оиласи. Танасининг уз. 5—20 мм, ранги ялтироқ ёки чипор. 500 дан кўпроқ тури бор. Ўзбекистонда 10 та яқин тури учрайди. Қуртлари бошқа ҳашаротлар танасида паразит. Т.қ. хавф туғилганда анал тешигидан суюқ модда отиб чиқаради. Суюқлик ҳаво б-н аралашганда қирсиллаган овоз чиқаради (номи шундан). Овоз ва сассиқ тутун Т.қ.ни душмандан ҳимоя қилади.

ТЎПЧИБОШИ — ҳарбий лавозим. Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий вазифаларни бажарган амалдор (асосан, артиллерия бошқарувчиси). Бухоро амирлигида 2 та Т. унвони мавжуд бўлган: бири тўпчибошийи лашкар деб номланган бўлиб, Бухоро гарнизонининг бошлиғи вазифасини адо этган, уни вазири ҳарб — ҳарбий вазир ҳам деб аташган, унга барча ҳарбий қисмларнинг сардорлари бўйсунган. Давлат қурол-яроғ омбори — тўпхонага масъул ҳисобланган. Ушбу шахс кутвол, баковул, ўроға каби мансаб эгалари қатори ҳукмдор қабулида баъзан ўтириш ҳуқуқига эга бўлган. Иккинчи Т. Бухоро қалъаси (арки) комендантй ҳисобланган, шу боис тўпчибошийи дарвозайи арки оли — «қалъа артиллерияси сардори» деб юритилган, у ўз мавқеига кўра, шиғавул, мирохурбоши, шихна (миршаб) каби лавозимлар даражасида турган.

Ад.: Мирза Бади'дивани, Маджма ал-аркам, Введение, перевод, примечания и приложения А. Б. Вильдановой, М., 1981.

ТЎР — 1) табиий ёки сунъий толалардан катак-катак кўзли ёки бежамдор қилиб тўқиладиган газмол; тюль. Махсус тўқув машиналарида 2 тизим ипдан тўқиладиган силлиқ Т. ва гулли Т. тури мавжуд. Т. аёллар кўйлаги, ички кийимлар, чойшаб ва б.га уқа учун, дераза пардалари шаклида ишлаб чиқарилади; аёллар (айниқса, келинчаклар) юзига туталиган (кўпинча Т.дан тайёрланади) кийим бўлаги ҳам Т. деб аталади ҳамда турли минтақаларда ўзига хос тарзда каштлар тикиб турлича безатилади. Кенг маънода — ҳар қандай материал (тола, сим ва б.) дан катак-катак кўзли ёки бежамдор қилиб тайёрланган нарса, буюм. Мас., сим тўр, чавон ва б.; 2) балиқ тутиладиган ёки қуш овлаладиган жойда катак кўзли буюм, матрап. Нишиқ толалардан тўқилади. 3) геодезияда — жойларда нишон, масштаби 1:2000, 1:5000 ва б. съемкаларни бажариш ва муҳандислик геод. ишларини шартли маълумотлар б-н таъминлаш учун тузиладиган чизма. Давлат геодезик таянч пунктлари асосида *триангуляция* ва *трилатерация* усулларида тузилади. Географик информацион система (ГИС)да ҳудудларнинг Т.лари тузилади. Т.лар компьютерда дастурлаш учун қулайлик туғдиради.

ТЎР ПАРДА, ретина — қ. *Кўз.*

ТЎРА, тура (тора, төрө) — 1) қонун, қоида, интизом, урф-одат. Қад. туркийлар ижтимоий ҳаётини тартибга солган мажбурий қоида (нормалар) мажмуи. Туркий давлатларда ҳукмдорнинг бурч ва мажбуриятлари, вазифаси, шунингдек, жамиятдаги ҳуқуқ ва жазони белгилаган Т. асосида амалга оширилган. Т. сўзи «қонун» маъносида илк бор хитой йилномаларида (4-а.) учрайди. Шунингдек, Урхун-Енисей битиктошларида *Турк хоқонлиги*нинг қонунлари сифатида тилга олинади. Билга хоқон битиктошида «тўй маросими» маъносида қайд этилган. *Чингизхон* томонидан жорий этилган кўчманчиларга хос ҳуқуқий одатлар ҳам қад. туркча Т. асосида белгиланган. Мўғул давлатининг қонун-қоидалари Чингизхон ясосида, Темурийлар салтанати тартиб-интизомлари эса, «Темур тузуклари»да ўз ифодасини топган; 2) жаноб, шаҳзода маъносида ишлатилган. Ота томонидан Муҳаммад пайғамбар авлодлари, она томондан эса Чингизхон авлодлари — оқсуяклар тоифасидан бўлганлар Т. деб аталган; 3) Бухоро амирлиги ва хонлигида амир ва хон ўғиллари ҳамда Туркистонда рус подшоси маъмурлари исм-шарифига қўшиб айтилган атама; 4) қад. даврларда урушларда ишлатиладиган, одам бўйи келадиган қалқон.

ТЎРА МУРОДТЎРА МИНОРАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1888). *Ичан қалъа* таркибидаги Тўра Муродтўра масжиди (сақланмаган) минораси. Минора бал. 9 м, диаметри 3,2 м; унга шим. дан кирилади. Танаси юқорига томон ингичкалашиб боради. Юқори қафасаси 4 равоқли, 2 қатордан ғиштин шарафа б-н туғаллаган. Пишиқ ғишт (27×4 — 28×5 см) қаторлари оралиғига мовий рангли сирланган кошин бандак услубида ўрнатилган. Ичидаги зина (эни 60 см) орқали юқорига чиқилади. Хиванинг 2500 йиллиги муносабати б-н Т.М.м. таъмирланган.

ТЎРА СУЛАЙМОН (1934.15.2, Бахмал тумани) — Ўзбекистон халқ шоири (1999). ТошДУнинг ўзбек филологияси ф-тини тугатган (1964). «Гулистон», «Сирдарё ҳақиқати» газеталарида ходим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлимида масъул котиб (1972—77), адабий маслаҳатчи (1977—81). Ижоди 50-й.лардан бошланган. Илк шеърлар тўплами — «Истар кўнгил» (1962). «Қорасоч» (1965) достони танқидчи ижодкорлар, танқидчилар томонидан яхши кутиб олинган. «Мен қайга борар бўлсам» (1965), «Жаҳонгашта» (1970), «Ҳамқишлоқларим» (1973), «Интизор» (1973), «Сирдарё қушиқлари» (1974), «Илтижо» (1976), «Алҳазар» (1976), «Тўйбоши» (1977), «Сизни эслайман» (1980), «Қоракўзгинам» (1981), «Гулшан» (1988), «Сарвиноз» (1990), «Харсанг» (1994), «Жаҳонномa» (1996), «Гул бир ён, чаман бир ён» (1996), «Евқочди» (1998), «Сайҳон» (2003), «Мамлакатнинг таянч нуқтаси» (2004) китоблари нашр этилган. Қўшиқ шеърлари кўпчиқ қилинган. Т.С. хилма-хил жанрларда қалам тебратади. Шоирнинг софлирик шеърлари, қисила ва фахриялари, манзумаларидан ташқари, халқ йўлида битилган, ўз давринин долзарб масалаларига бағишланган, воқеликни қад. бахшилар назари б-н кўриб, ўхшатма ёки назира шаклида ёзилган асарлари ҳам ўзига хос халқчиллиги б-н ажралиб туради. Айниқса, «Эргаш Жуманбулбул эз кезади» туркумидаги бахшиёна шеър ва достонлари ўзбекнинг миллий ғурурини тиклашга муносиб ҳисса қўшган асарлар сирасига киради.

Т.С. асарлари фақат ифода тарзи ёки оҳанги б-гина эмас, тасвирдаги самимият, ўхшатишларнинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан ҳам халқчил. Унинг ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммоларига бағишланган публицистик мақолалари ҳам бор («Мамлакатнинг таянч нуқтаси», мақолалар тўплами, 2004).

ТЎРАБЕКОВ Мирзақул Норбоевич (1943.15.1, Мирзаобод тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Сирдарё педагогика ин-тини тугатган (1976). 1963 й.дан Мирзаобод туманидаги 5-мактабда ёшлар етакчиси, бошланғич синф ўқитувчиси, 600 дан ортиқ кўргазмали қурол тайёрлаб, тарих хонасини техник воситалар б-н тўлиқ жиҳозлаган.

ТЎРАБЕКХОНИМ МАҚБАРАСИ, Суфилар сулоласи мақбараси — *Кўҳна Урганч*даги меъморий ёдгорлик (1333). Урганч ҳокими Қутлуғ Темур хотини, Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг қизи Тўрабекхоним номи б-н боғланган. Мақбара бинагача анча вайрона ҳолда етиб келган. Пештоқ орқали муъжаз миёнсаройга, ундан олти қиррали катта хонақоҳга ўтилади. Хона ичига чуқур равоқли токчалар ишланган. Ташқариси 12 қиррали, ҳар томонига чуқур равоқлар ишланган. Пойгумбази 24 қиррали, кулоҳий гумбазли (шарқий қисми сақланган), безакларида нафис кошинкори нақшлар, муқарнаслар қўлланилган. Т.м. 14-а. Хоразм меъморлигининг юксак бадиий маҳоратини акс эттирилган ноёб ёдгорлик намунасидир.



Тўрабекхоним мақбараси.

ТЎРАЕВ Бахтиёр Файзиевич (1963.26.10, Каттақўрғон ш.) — театр рассоми, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1999). Тошкент санъат ин-тини тугатган (1991). 1991 й.дан Ўзбек миллий академик драма театрида саҳналаштирувчи рассом, 1996 й.дан бош рассом. *Г. Бримнинг* шогирди. Т. ҳар бир спектаклнинг асл моҳиятини англашга ҳамда ифода этишга интилади, тасвирий, фазовий ва шаклий воситалар орқали ўзига хос тарзда, фалсафий мушоҳада б-н саҳна кенгликларидаги театрлаштирилган шаклу шамойилини яратади. «Алпомиш», «Фиғон», «Ёрқиной», «Муҳаббат султони», «Алданган хотин яхши», «Абулфайзхон», «Қатағон», «Чўлпон», «Амир Темур», «Чимилдиқ», «Ал-Фарғоний», «Машраб», «Пири кошнот» спектаклларн либослари салобатли, гўзал, даврига мос ҳолатда ҳал қилинган.

ТЎРАЕВ Жўрақул (1922.20.3 — ҳоз. Жиззах тумани — 1998.10.8) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 46-енгил артиллерия бригадаси, 1007-полки, 2-батареясининг тўп наводчиги, кичик сержант. Брест обл.нинг Гороховище қишлоғидаги жангда жасорат кўрсатганлиги учун Қаҳрамон унвони берилган (1944 й. 29 март). 1945 й. Подольск артиллерия билим юртини тугатган. Майор Т. 1953 й.дан захирада. Жиззах р-н партия қўмитаси инструктори (1954—59), шу район к-зларида раис муовини (1959—62), шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати директори (1970—74). Жиззах вилояти ремонт қурилиш бошқармаси таъминот бўлимининг бошлиғи (1974 й.дан). Жиззах ш. кўчаларидан бири Т. номи б-н аталади.

ТЎРАЕВ Исҳоқ Латипович (1960.24.2, Шаҳрисабз тумани)—актёр, реж. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1998). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1983). Ўз фаолиятини 1976—77 й.ларда Шаҳрисабз халқ театрида ҳаваскор актёр сифатида бошлаган. 1983—85 й.лар Сурхондарё театрида, 1985—87 й.лар Қашқадарё театрида актёр, 1991—93й.ларда «Мулоқот» театр-студиясида актёр, реж. ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатган. 1993 й.дан «Эски мачит» театр-студиясининг бадиий раҳбари. «Аёл алдасти ёхуд ҳароратли айиқ» (П. Мериме), «Шайх Санъон» (ўзи Шайх Санъон ролида, Ф. Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонлари асосида), «Найман она нидоси» (Жўламон ролида, Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асари асосида), «Қобил ва Ҳобил» (Қобил ролида, Байроннинг «Каин» асари асосида), «Рақсу самоъ» (Шоҳ Баҳром ролида, Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асари асосида) каби спектаклларни саҳналаштирган. «Манқуртларга бермаш дунёни» номли театрлаштан томошаси мамлакатимизнинг барча вилоятларида намойиш этилди.

ТЎРАЕВ Назар Йўлдошевич (1938. 19.5, Денов тумани) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1988), физика-мат. фанлари д-ри (1980), проф. (1982). Самарқанд ун-тини тугатган (1961). Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида (1961 —67), Электроника ин-тида (1968—77, 2000—2001), Тошкент техника ун-тида (1977 —83) ишлаган. Термиз ун-ти ректори (1983—2000). Ўзбекистон ФА Илмий-ўқув маркази директори (2001 й.дан). Илмий ишлари атом зарраларнинг қаттиқ жисмлар сиртида сочилиши назарияси, ионларнинг бирламчи ва иккиламчи сочилишига оид. У назарий физика масалаларини компьютерда алгоритмлаб ечишни Ўзбекистонда биринчи бўлиб амалга оширган. Унинг раҳбарлигида лазер нури билан қ.х. экинлари уруғларини нурлантириш илмий лаб.лари ташкил этилган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати (1990—95). «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1998).

ТЎРАМОН, Торомана (?—515) — *эфталийлар* сардори (490—515). Мил. 5-а. ўрталарида эфталийлар хионийлар (оқ ҳунлар) б-н иттифоқ тузганлар. Ўрта Осиёни забт этгач, улар Кобул водийсидаги кушоншоҳлар мулкини тобе этиб, Ҳиндистонга юриш бошлаган ва у ердаги сўнгги йирик қулдорлик давлати — *Гупталар давлати*ни босиб олишга киришганлар (490). 5-а. охири — 6-а. бошида Т. бу давлатнинг катта қисмини босиб олишга эришган. Т. Марказий Ҳиндистондаги Малава вилоятини эгаллаб олган. Шу тарика эфталийларнинг ҳинд тармоғи Шим.-Ғарбий Ҳиндистонда ярим мустақил давлат тузган, у қароргоҳи Бухоро яқинидаги Пойкендда бўлган эфталийларнинг олий ҳукмдорига маълум маънода қарам бўлган. Т.нинг ўғли *Михиракула* Шакала ш. (ҳоз. Сиалкот)ни ўзига пойтахт қилган.

ТЎРАҚУЛОВ Ёлқин Ҳолматович (1916.10.11, Қозоғистон Республикаси Марки ш. — 2005.1.3, Тошкент) — биокимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (1966). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965).

Биол. фанлари д-ри (1959), проф. (1962). ТошТИ ни тугатгач (1936), шу ин-т биокимё кафедрасида ассистент (1936—38), аспирант (1938—41), айни вақтда Тошкент фармацевтика ин-ти директори (1939—41). Уруш қатнашчиси (1941—44), яна шу ин-т директори (1944). СССР Тиббиёт ФА Биология ва тиббиёт кимёси ин-тида (Москва) илмий ходим (1944—47). ТошТИ ректори (1947—50), Ўзбекистон ФА Қишлоқ хўжалик ин-тида катта илмий ходим (1950—54), Андижон тиббиёт ин-ти проректори ва кафедра мудири (1954—56). Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида бўлим мудири (1957), директор ўринбосари (1960—62). Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўлка тиббиёт (ҳоз. Эндокринология) и.т. институти директори (1957—60, 1962—63, 1976—96), айни вақтда лаб. мудири (1957 — 97; 1998 й.дан илмий маслаҳатчи). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси (1970—72), вице-президенти (1963—66), биология фанлари бўлими раиси (1966—79). ТошДУ да кафедра мудири (1967 й.дан). Ўзбекистон ФА Биокимё ин-ти директори (1967—69), лаб. мудири (1967—70). СамДУ ректори (1970—72), Ўзбекистон ФА Тиббиёт фанлари бўлими раиси (1994—97).

Т.нинг илмий ишлари қалқонсимон без патологиясининг баъзи турларида тиреоид гормонлар биокимёсига оид. Унинг тадқиқотлари умумий биол., тиббиёт, биокимё, биофизика, радиобиология ва эндокринология фанларининг оригинал йўналишларига бағишланган. Қалқонсимон без касалликларида радиоактив йод ёрдамида ўтказилган клиник-биокимёвий ишлари учун шуфузли Давлат мукофотига сазовор бўлган (1964). Биокимёдан дарслик ва ўқув қўлланмалари, луғатлар ҳам тузган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985). «Эл-юрт ҳурмати» (1998) ва «Буюк хизматлари учун» (2003) орденлари б-н мукофотланган.

Ас.: Обмен йода и тиреоидные гормоны. Т., 1959; Биохимия и патохимия щитовидной железы. Т., 1963. Тиреоидные гормоны (в соавторстве). Т., 1972. Йод-протеины щитовидной железы (в соавторстве). Т., 1974.

ТЎРАҚУЛОВ Назир Тўрақулович (1892, окт., Қўқон — 1937.3.11) — давлат ва жамоат арбоби. Қўқондаги рус-тузем мактаби (1905), савдо билим юртини (1913) тугатган, Москва савдо ин-тининг иқтисод ф-тида ўқиган (1913—16). 1-жаҳон уруши пайтида Ғарбий фронт (Минск яқини)да Бутун Россия Земство иттифоқининг йўриқчиси (1916). «Эркин дала» ширин ташкилоти раҳбари (1916). Эсерлар партиясининг аъзоси (1918).

1918—19 й.ларда Қўқондаги совет идораларида турли лавозимларда ишлади. Кейинчалик Туркистон АССР Маориф халқ комиссари (1920), Туркистон АССР МИК раиси (1920 й. сент. —1921 й. авг.), Туркистон КП МК масъул котиби (1921—22). Туркистон МИК ҳузуридаги Қирғиз (қозоқ) бўлими раиси (1921—22). Туркистон «Қўшчи» уюшмасининг ташкилотчиларидан бири. Т. бу лавозимларда ишлаш жараёнида совет ҳокимияти ва большевиклар партиясига садоқатини намойиш қилди. Туркистон мухторияти ҳукумати ва Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига тўғри баҳо бера олмади ва уларни йўқотиш тарафдори бўлди. Москвага чақириб олинди. 1922 й.дан маъмурий хўжалик ва дипломатия ишида. Москва ва Ленинградлаги Шарқ халқлари ин-ти илмий ходими ва проректори (1936—37). 1937 й. 15 июнда қамоққа олинган ва отишга ҳукм қилинган (1937.3.11). 1958 й.да оқланган.

Ас. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб [Ўзбекистон совет мустақиллиги тарихи]. Т., 2000. Раҳабов К., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917—1924 йй.). Т., 2002.

Ҳазратқул Раҳабов

ТЎРАҚЎРҒОН — Наманган вилояти *Тўрақўрғон тумани*даги шаҳар (1979 й.дан). Туман маркази. Вилоят маркази (Наманган ш.)дан 12 км. Яқин т.й. станцияси — Тўрақўрғон (5 км). Аҳолиси 22,6 минг киши (2004). Шаҳар еридан Косонсой оқиб ўтади.

Т.да «Оҳангар-ТТТ», «Коопагрофирма» акциядорлик жамиятлари, «Ширинлик» Ўзбекистон—Голландия, «Ахсикент» қўшма корхоналари фаолият кўрсатади. 6 қурилиш корхонаси, 55 савдо, 25 умумий овқатланиш, 62 машина хизмат кўрсатиш шохобчалари, қ.х., қурилиш ва машина хизмат кўрсатиш, касб-ҳунар коллежлари ва иқтидорли болалар лицейи, 6 умумий таълим мактаби, маданият саройи, 2 музей, 4 кутубхона, 7 тиббиёт муассасаси, шу жумладан, марказий касалхона, поликлиникалар, тез ёрдам маркази бўлими фаолият кўрсатади. Шаҳар ёнидан Наманган — Тошкент автомагистрали ўтган. Наманган — Т. йўналишида троллейбуслар қатнови йўлга қўйилган.

Меъморий ёдгорликлардан Гойибназаркози мадрасаси (1892) сақланиб қолган.

ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИ — Наманган вилоятидаги туман. Вилоятнинг ғарбида жойлашган. 1936 й. 17 февда ташкил этилган. 1962 й. 24 декда Наманган тумани б-н бирлаштирилган.

«Ширинлик» маданият саройи.

1970 й. 7 декда қайта тузилди. Шарқдан Наманган тумани ва қисман Наманган ш., жанубдан Мингбулоқ, ғарбдан Чуст, шим.дан Косонсой туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,33 минг км², Аҳолиси 170 минг киши (2004). Т.т. да 1 шаҳар (Тўрақўрғон), 1 шаҳарча (Оқтош), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Ахси, Бураматут, Ертепа, Қатагонсарой, Сайрам, Холматов, Хўжанд, Шаҳанд) бор. Маркази — Тўрақўрғон ш.

Табиати. Туманнинг шим.-шарқий ва жан. қисми текислик, ғарбий қисми эса тог этаклари ва Ертепкан, Богибаланд, Кенгкўлсой, Наҳор ва Резаксой адирларидан иборат. Тупроқлари бўз ва шағал тупроқлар. Иқлими кескин континентал, янв ойининг ўртача т-раси —2°, —3°, энг паст т-ра —29°. Июль ойининг ўртача т-раси 26,3°, энг юқори т-ра 42°. Йиллик ёғин 188 мм. Вегетация даври 229 кун. Туман ҳудудининг жан. қисмидан Сирдарё, шим.дан Косонсой, ғарбий қисмидан Сумсарсой сойлари оқади. Туман ҳудудидан Шим. Фарғона, Мош каналлари, шим. қисмидан Катта Наманган канали ўтган.

Хотира ва қадрлаш халқ уйи.

Ёввойи ўсимликлардан адирларда ранг, қунтирбош, шайтонкавуш, оққурай, оқшувоқ, мингбош; пашмак, баликкўз, сета, пашмакшўра, жулғун, Сирдарё соҳилларида ингок, қамиш ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан калтамуш, қўшоёқ, кўрсичқон, бурсиқ, бўри, тулки, жайра; илон ва калтакесаклар, қушлардан чумчуқ, чугурчиқ, суфитўғай, попишак, белана, булбул, соч, қарға, тоғ, лойхўрак, қирғовуллар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, татар, уйғур, украин, яҳудий ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 515,1 киши (2004).

Хўжалиги. Т.т. да йирик саноат ва қурилиш ташкилотларидан «Оҳангар-ТТТ», қишлоқ хўжалик машинасозлиги, гишт заводи, қишлоқ қурилиш к-ти, «Коопагрофирма», пахта тозалаш з-ди, «Қишлоқхўжалик кимё», «Тўрақўрғон-Деҳқонмаштаъминот», Тўрақўрғон МТП корхоналари, Ширинлик» Ўзбекистон—Голландия, «Ахсикент» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхоналари, қишлоқ қурилиш конструкциялари к-ти, «Шамс» тугурт фабрикаси, норуда материаллар карьери, Оқтош автомобиль йўлидан фойдаланиш бошқармаси мавжуд.

Туманда 147 та давлат корхонаси, 21 та акциядорлик жамияти, 421 та хусусий корхона, 5 қўшма корхона, 259 фермер, 221 деҳқон хўжалиги ва б. мавжуд (2003).

Қ.х.нинг асосий тармоқлари — пахтачилик, галлачилик, пиллачилик ва богдорчилик. Туманда 10 пахтачилик, 2 богдорчилик ва токчилик ширкат хўжаликлари бор. 6450 га ерга пахта, 5076 га ерга дон, 1317 га ерга ем-хашак экинлари экилади. 1609 га ер боғ ва токзорлар б-н банд (2003). Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 30,3 минг қорамол, 34,6 минг қўй ва эчки, 52,6 минг парранда ва 331 йил-қи боқилади (2003). Т.т. орқали Тошкент — Наманган — Андижон поезди ўтади.

Тумандаги 59 умумий таълим мактабида 43 минг ўқувчи таълим олади. Тўрақўрғон қ.х. касб-ҳунар коллежи (1100 ўқувчи), касб-ҳунар лицейи (500 ўқувчи), Шаҳанд қ.х. касб-ҳунар коллежи (400 ўқувчи), Хўжанд саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи (400 ўқувчи), «Камалак» болалар истироҳат боғи, 56 кутубхона, Ибрат адабиёт музейи, шон-шуҳрат ва устоз-мураббийлар музейлари, маданият саройи фаолият кўрсатади (2003).

Гойибназаркози мадрасаси.

Спорт, кураш мактаблари, 2 стадион, 30 спорт зали, 69 футбол майдони, 36 кўл тўпи майдони, 7 теннис корти, 18 гимнастика майдони, 24 мини футбол, 25 баскетбол майдони, 2 сузиш ҳавзаси мавжуд.

Тумандаги 28 тиббиёт муассасасида 281 врач (ҳар 10 минг аҳолига 17 врач), 1281 ўрта тиббий ходим ишлайди. «Шаҳанд» санаторийси фаолият кўрсатади. Меъморий ёдгорликлардан Т.т. да Гойибназаркози мадрасаси (1892), Фалосбонбува (1860), Лангарбиби мақбаралари (18-а), Сирли (1895), Баланд (1895), Омонбойбува (1890), Бозорбоши (1860), Мирза Ҳамдам (1883), Исоқхонтўра (1806) масжидлари; қад. *Ахсикат* ш.нинг харобалари бор. 1971 й. 1 сент.дан туман «Давр» газ. нашр этилади (адади 5000).

ТЎРТ ТАКТЛИ ДВИГАТЕЛЬ — иш цикли *поршень*нинг тўрт юришида, яъни тирсакли валнинг икки марта айланишида бажариладиган *ички ёнув двигатели*. Ёнувчи аралашманинг тайёрланишига қараб, *карбюраторли* ва *дизель* хилларга бўлинади. Карбюраторли Т.т. да. ёнувчи аралашма цилиндр ташқарисида тайёрланади, дизель двигателида эса цилиндр ичида ҳосил бўлади.

Бир цилиндрли, 4 тактли дизель двигатели қуйидагича ишлайди (расм): *киритиш тактида* (расм, *а*) поршень *1* юқориги чекка нуқта (ЮЧН) дан пастки чекка нуқта (ПЧН) га ҳара-



Тўрт тактли дизель двигатели иш циклари: *а* — киритиш; *б* — сиқиш; *в* — иш йўли; *г* — чиқариш.

катланади; бунда чиқариш клапани *3* берк бўлади, киритиш клапани *2* эса очилиб, ҳаво тозалагич *4* дан цилиндрга киради. Цилиндрга ҳаво қанча кўп кирса, ёнилғи шунча кўп ёнади ва қуввати ошади. Сиқиш тактида (расм, *б*) поршень ПЧН дан ЮЧН га ҳаракатланади; бунда киритиш *2* ва чиқариш *3* клапанлари беркилиб, цилиндр ичидаги ҳаво қисилади, такт охирида ҳавонинг босими сиқиш даражасининг катталигига қараб 3—4 МПа (30—40 кгкуч/см²)га, т-раси 750—950° гача етади. Поршень ЮЧН га келиш олдидан *ёнилғи насоси 6* юқори босим остида ҳайдаган ёнилғини форсунка *5* майда зарралар тарзида пуркайди. Иш йўли тактида (расм, *в*) ёнилғининг майда зарралари қизиган ҳавога дуч келиб, ўзўзидан аланганади. Бунда иккала клапан ҳам берк бўлади. Ёнилғи-ҳаво аралашмаси ёниб, катта миқдорда иссиқлик ажралади, газсимон ҳолатга айланиб кенгаяди ва цилиндр ичида газ т-раси 2000° га, босими эса 8 МПа (80 кгкуч/см²) га етади. Натижада газ босими поршенни ЮЧН дан ПЧН га ҳаракатлантиради. Чиқариш тактида (расм, *г*) поршень ПЧН дан ЮЧН га ҳаракатланади; бунда киритиш клапани *2* берк, чиқариш клапани *3* очиқ бўлиб, иш бажарган газлар чиқариш клапани орқали атмосферага чиқиб кетади. Иш цикли шу тартибда қайтарилади. Т.т.д. автомобиль, трактор, самолёт, кемаларда ишлатилади.

ТЎРТ ШАББОЗ МАЖМУАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (тахм. 1842—1885). Дишан қалъа ҳудудидаги қабристонининг жан.да (Боғча дарвоза яқинида) жойлашган. Муҳаммад Раҳимхон II буюртмасига кўра, уста Ҳасанқули Азизон раҳбарлигида қурилган. Ривоятга кўра, 3 ака-ука авлиё (Низомиддин, Аловиддин, Шарофиддин) ва Хива хони *Асфандиёрхон* (1643 й. в. э.) шарафига «тўрт шаввоз» деб номланган (маҳаллий талаффузда «шаввоз» «шаббоз»га айланган). Ҳозир қабристон ҳудудига қушиб юборилган. Уларнинг қабрлари чинор тагида бўлган (сақланмаган), аммо бу ер ҳозир шератоҳ ҳисобланади. Ғ.ш.м.да 3 мадраса, масжид, минора, мақбара ва ҳовуз жойлашган. Катта майдон ўртасида ҳовуз (12×12 м), атрофида дарахтлар ўсилган. Марказий ғарбдаги масжид (18,0×12,0 м) 4 устунли, 9 гумбазли, бир томони айвонли. Устунлар ўйма нақшлар б-н безатилган. Масжид ўшиги тепасидаги мармар тахтачада меъморлик уста Муҳаммад Назарбой исми ва буюртма нақли (1874) ўйиб ёзилган. Масжид яқинидаги минора (асосининг диаметри 2,5 м) гиштдан безакли қилиб кўк сиркори нақшлар б-н безатилган. Қафасасига равоқчалар ишланиб, тепаси муқарнас безаклар б-н якунланган. Бундай безаклар мадраса пештоқида ҳам учрайди. Ғ.ш.м. шим.-ғарбида Тиллабий мадрасаси (1871), шарқда Асфандиёрхон мадрасаси, жан.-шарқий бурчагида Ҳудойберган карвонбоши қурдирган мадраса (1875) сақланган.

ТЎРТКЎЛ — 1) қад. яхлит ясси қирларнинг емирилишидан қолган сунасимон тепалар. Т.да чўкинди тоғ жинслар қатламлари горизонтал ётади. Амударё этагида кўп учрайди. Баъзан тўда-тўда жойлашиб Т. типли рельеф ҳосил қилади. 2) қад. қалъа харобалари, қўрғонлар, шунингдек, карвонсаройлар ҳам шу атама б-н юритилади. Жой номлари шаклида ҳам учрайди (мас., Тўрткўл ш.).

ТЎРТКЎЛ (1873—1918 йилларда Петро-Александровск) — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги шаҳар, туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Тўрткўл (4 км). Аҳолиси 50,8 минг киши (2004).

Т. Амударёнинг ўнг соҳилида ўрнашиб олган мустамлакачи рус ҳарбийлари томонидан қад. Тўрткўл қишлоғи ўрнида 1873 й. 13 авг.да қалъа сифатида барпо қилинган ва рус подшолари шарафига Петро-Александровск деб номланган. Шаҳар қуриш учун хон девонбегиси Матниёз (Муҳаммад Ниёз)га қарашли ерларнинг 3227 таноби (Амударё соҳилидан 12 чақирим нарида) тортиб олинган. Шаҳар қатъий план асосида тўртбурчак (тўрт гул — квадрат) шаклида қурилган (Т. номи шундан). Маҳаллий ривоятлардан бирида шаҳар номи «Дурил» форсча «Дурри гил» — сероғил, олтин тупроқ маъносида талқин этилади. Шаҳарда рус ҳарбий қўшинлари жойлашган, стратегик жиҳатдан қулай ердаги бу шаҳар аввало Россияни томонидан Сирдарё вилояти Амударё бўлимининг сиёсий-маъмурий ва ҳарбий бошқармаси қароргоҳига айлантирилди.

Тўрткўл тумани кўриниши.

1925 йилдан Т. Қорақалпоғистон Мухтор вилоятининг маъмурий маркази, 1932 йилдан Қорақалпоғистон АССРнинг биринчи пойтахти бўлди. Дарё сувининг қирғоқни ювиши натижасида ўнг қирғоқ емирилиб Амударё Т.га яқинлашиб кела бошлади. 1925 йилда Амударё Т.дан 8 км узоқликда оқиб ўтган бўлса, 1934 йилда сув шаҳардан атиги 500—800 м нарида оқиб ўта бошлади. 1938—40 йиллар мобайнида дарё қирғоғининг ювилишига қарши олиб борилган чоралар ҳам шаҳарни сув ювиб кетди ва 1949 йилда шаҳар янги жойга кўчирилди. 1932 йилда Қорақалпоғистон АССР пойтахти Т.дан *Нукус*га кўчирилган.

Т. иқтисодий ва маданий жиҳатдан Қорақалпоғистоннинг ривожланган шаҳарларидан бири. Шаҳарда «Агромаштаъмир», пахта тозалаш з-ди, «Тўрткўлтекс», «Тўрткўлёғ», «Тўрткўлмой» қўшма корхоналари, темир-бетон з-ди, «Осиё-Тўрткўл» ноат корхонаси, жумладан, пахта тозалаш з-ди (Тўрткўл), асфальт ва темир-бетон з-лари, Ўзбекистон—Туркия—Америка «Тўрткўлтекс» қўшма корхонаси, «Тўрткўлмой», «Тўрткўлёғ» қўшма корхоналари, 13 акциядорлик жамияти, 228 кичик ва ўрта хусусий корхоналар, аҳолига хизмат кўрсатувчи кичик корхоналар ва б. бор.

Тўрткўл туман ҳокимияти биноси.

корхонаси, 2 автокорхона, Ёнбошсув қурилиш, 3 қурилиш бошқармалари, 3 қурилиш кучма механизациялаш колонна, 3 МТП бор. Шунингдек, тумон ҳокимияти биноси, супермаркет, «Нигоҳ», «Навбаҳор», «Зарафшон», «Ором» кафелари, «Юсупота» чойхонаси, Тананалар уйи, автовокзал ва ж. вокзали, маданият саройи, «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғи, ульяновскик музейи, 2 уй-музейи, 2 маданият уйи, 8 кутубхона, марказий майдонда «Мустақиллик», «Мотамсаро она», «Баиназминал жангчиларга» ёдгорликлари мавжуд. 11 умумий таълим, бизнес, саноат мактаблари ва б., санаторий, мактаб-интернат, тиббиёт, банк, ҳ.х. маиший хизмат, спецсаноат касб-ҳунар коллежлари факулт курсатади. Т.да Тошкент иқтисодиёт университетининг ўқув консультация пункти ишлаб турибди.

Сталвон (20 минг урин), марказий касалхона (625 урин), тез тиббий ёрдам маркази бўлими, сил ва тери-таносил касалликлари диспансерлари, поликлиника, стоматология поликлиникаси, «Дори-дармон» ва б. дорихоналар мавжуд. Т. республика аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўли ёнида жойлашган. Тошкент—Нукус йўналишидаги поездлар Т. орқали ўтади. Ҳаво транспорти Т.ни Нукус, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ш.лари б-н боғлайди. Электр энергияси Тахиатош ГЭСидан олинади.

ТЎРТКЎЛ ТУМАНИ — Қорақалпоғистон Республикасидаги туман. 1927 й. 3 июлда ташкил этилган. Ғарбдан Эллиққалъа тумани, жан.-ғарбдан Хоразм, шарқдан Навоий ва Бухоро вилоятлари б-н чегарадош. Майд. 7,5 минг км². Аҳолиси 161,2 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳар (Тўрткўл), 14 қишлоқ (овул) фуқаролари йиғини (А. Дурдиев, Жамбасқала, Қалтаминор, Кўкча, Отауба, Оҳунбобоев, Оқбошли, Оқкамиш, Пахтачи, Тоғабоғев, Уллуёбот, Чуўқули, Шўрахон, Қумбосқан) бор. Маркази — Тўрткўл ш.

Табиати. Туман ҳудуди Амударёнинг ўнг соҳилида, паст-баланд текисликда (169—206 м) жойлашган. Шим.-ғарб ва шим. қисми Қизилқум чўли б-н банд. Бир қанча шўр кўллар (шим.-ғарбида Сувёрган, шим.-шарқида Сўккили, шимда Жумакетган ва б.) бор. Сувёрган кўлидан шарқда катта майдонлар шўрмоқлардан иборат. Туман ҳудуди, асосан, Пахтаарна (27,5 км), Бочёш (9,0 км), Қалтаминор (72,0 км), Оқбошли (18 км), Шўрахонён (10,0 км), Ёнбошқалъа (45,5 км), Аралқалъа (17,0 км), Амиробод (9,0 км), Битлеу (24,7 км), Бўзёп (18,0 км), Бетон (31,0 км) каналларидан суғорилади. Зах сувлар 433,3 км узунликдаги 21 та коллектор системаси орқали туман ҳудудидан чиқарилади. Тупроқлари шўрхок, кумлоқ, бўз тупроқлардан иборат. Ёввойи ўсимликлардан жийда, тураигил, тол, саксовул, қоғон, янтоқ, қамиш, оқбош, шўра, ажриқ ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, қобон, қўён, тошбақа, жайран, ондатра, юмронқозиқ, калтакесаклар; қушлардан қирғовул, чумчуқ, тўрғай, қарға, бойўтли ва б. бор. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси —4,9°, энг паст т-ра —28°, —35°, июль ойининг ўртача т-раси 28,2°, энг юқори т-ра 44°. Йиллик ёғин 100 мм. Вегетация даври 150—200 кун.

Тўрткўл шаҳридаги маданият саройи.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (62%), туркманлар (23,8%), қозоқлар (9%), қорақалпоқлар (5,5%), шунингдек, рус, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳоли зичлиги ўртача 1 км² га 21,5 киши. Шаҳар аҳолиси 50,8 минг киши, қишлоқ аҳолиси 110,4 минг киши (2004).

Хўжалиги. Туман иқтисодий негизини пахтачилик ташкил этади. Шу сабабли туман саноати ҳам пахта хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган. Т.т.да 7 саноат корхонаси, жумладан, пахта тозалаш з-ди (Тўрткўл), асфальт ва темир-бетон з-лари, Ўзбекистон—Туркия—Америка «Тўрткўлтекс» қўшма корхонаси, «Тўрткўлмой», «Тўрткўлёғ» қўшма корхоналари, 13 акциядорлик жамияти, 228 кичик ва ўрта хусусий корхоналар, аҳолига хизмат кўрсатувчи кичик корхоналар ва б. бор.

«Тўрткўл-маркет» савдо маркази.

Чорвачилик, шакчилик, богдорчилик сабзавот ва полизчилик ҳам ривожланган. Туманда пахтачиликка ихтисослашган 11 та ширкат, 4 та деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари; қорақўлчиликка ихтисослашган «Қизилқум» чорвачилик хўжалиги фаолият кўрсатади.

Туманда 580 дан зиёд фермер хўжалиги бўлиб, улар деҳқончилик, богдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Пахта етиштиришнинг 40%, галла етиштиришнинг 40%, сабзавот-полиз маҳсулотларининг 60—70% фермерлар ҳиссасига тўғри келади. Жами 22,2 минг га майдонда деҳқончилик қилинади. Экин майдонларига пахта, картошка, сабзавот ва полиз, озуқа экинлари эки-

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«Ниҳол» кафеси.

дали, 218 га ер боғлар б-н банд, шундан, 178 гектари мевазор. Ўрмонлар — 49,8 минг га. Ширкат ва фермер хўжаликларида 7,7 минг қорамол (шундан 2,2 мингдан зиёд сигир), 30,1 минг қўй, 1,2 минг йилқи, 682 туя боқилади.

Автомобиль йўллари уз. 1152 км (шундан асфальт ётқизилгани 308 км), т.й. 140 км. Туман ҳудудидан Амударё оқиб ўтади (туман ҳудудидаги уз. 50 км). 65 умумий таълим мактабида 36,6 минг ўқувчи таълим олади (2004). 6 касб-ҳунар коллежи (банк, тиббиёт, қ.х., саноат-транспорт, маиший хизмат, енгил саноат), сил касаллигини даволаш санаторий мактаб-интернати (240 ўқувчи) фаолият кўрсатади.

Туманда 12 клуб муассасаси, 10 маданият уйи, халқ театри, 34 кутубхона, 2 ўлкашунослик музейи, 2 уй-музейи, санъат мактаби, касалхона (625 ўрин), 2 тиббий диспансер (95 ўрин), 4 қишлоқ участка касалхонаси, 22 врачлик даволаш профилактика шохобчаси ва б. тиббий муассасаларда 270 врач ишлайди. Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли санаторийси (80 ўрин, А. Дурдиев хўжалигида) мавжуд.

Туманда (1933 й.дан «Дўстлик байроғи») 2004 й.дан «Тўрткўлнома» (ўзбек тилида, адади 3000), «Мекен» (туркман тилида, 2004 й.дан, 2001 й. 1 янв.дан «Ойдин йўл», адади 1000) газ.лари чиқади.

ТЎРТКЎЛТЕПА — Тошкент вилоятидаги шаҳар харобалари.

Т.I — Янгийўл ш. ғарбида жойлашган. Куркулдақ ирмоғи чап соҳилида квадрат (400×400) тарҳли қалъа, йирик хом ғиштдан (46—52×25 — 26×10—12 см) қурилган девор б-н ўралган. Ю. Ф. *Буряков* ўрганган (1977). Девор пойдеворининг қалинлиги 8 м, сақланиб қолган бал. 8 м. Деворга ёндош қилиб супали хоналар қурилган. Уларда жангчилар яшаган. *Қовунчи маданияти*га тегишли сопол буюмлар чиққан.

Т. II (Шаҳарбобо) — Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида жойлашган. Стратегик қулай баландликда, дарёнинг қуйилиш ерига яқин жойда. 2 томондан дарё ўзани ва қўшимча қазилган хандақ б-н ўралган. Шош-Илоқ экспедицияси томонидан аниқланган (1975). Шим.-ғарбдан — жан. шарққа қараб 750 м га чўзилган, кенглиги 300 м дан зиёд. Шаҳристоннинг бал. 18 м гача. Шим. қисмида тўртбурчак (75×80 м) тарҳли, бал. 22 м гача бўлган қалъа жойлашган.

Т. III (Унжакет) — Чирчиқ дарёси этагидаги Гул қишлоғида жойлашган. Ю. Ф. Буряков томонидан аниқланган (1971). 1972 й.да қазиш ишлари олиб борилган. Қалъанинг пахса девори кўтарма пойдевор устига қурилган. У 9-а. охири — 10-а.дан 13-а. бошигача мавжуд бўлган. Қалъа ва шаҳристон сингандан харобага айланган. 15—17-а.ларда Т. III да ҳаёт бир оз жонланган.

ТЎРТКЎЛТЕПА (Эски қўрғон) — Андижон вилояти Избоскан туманидаги шу номли қишлоқ марказида жойлашган шаҳар харобаси (мил. ав. 1—мил. 1—2-а.лар). Археологлар Ғ. Далабоев, Б. Матбобоевлар ўрганган. Майд. 13 га (350×350 м). Т. кўпбурчак шаклида қурилган. Ёғорлик қалин мудофаа девори б-н ўраб олинган, хом ғишт ва пахсадан тикланган деворда 20 га яқин *буржлар* бўлган. Деворнинг қалинлиги 6—10 м, бал. 6—7 м. Деворнинг ички томони бўйлаб бинолар қурилган. Бу биноларда мудофаачилар яшаган. Ташқи томондан девор остидан 3—4 м кенгликда ариқ-зовур ўтказилган. Шаҳар ирмоғининг шим.-ғарбида арк қолдиқлари сақланган. Ундан сал қуйида жан.-ғарбий қисмида яна бир бино қолдиқлари бор. Норин ва Қорадарё оралиғидаги Қолгандарёгача бўлган жойлар, яъни ҳоз. Янгиқишлоқ, Эйлатон, Бўз, Ботиробод, Майгир, Қўшкўприкда яшаган қад. аҳоли учун савдо-сотиқ, маданият маркази ҳамда «нотинчлик пайтида панагоҳ» вазифасини бажарган.

ТЎРТЛАМЧИ СИСТЕМА ГЕОЛОГИЯСИ — геологиянинг Ер тарихидаги тўртламчи системаси ва унга мос келадиган даврини ўрганадиган бўлими. 1920—30 й.ларда мустақил фан сифатида шаклланди.

Т.с.г.нинг мустақил фанга ажратилиши унинг фанерозой системаси бошқа даврларидан анча фарқ қилиши б-н боғлиқ. Тўртламчи давр тарихини қайта тиклашда ундан қадимроқ бўлган системаларга нисбатан стратиграфик ётқизиқларни мукаммалроқ ўрганиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда. Т.с.г. учун геоморфологик ва палинологик тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис Т.с.г. Ернинг ҳоз. вақтдаги қурилишини ўрганувчи геоморфология, иқлимшунослик, тупроқшунослик, зоол., ботаника, археология, муҳандислик геол.си каби фанлар б-н боғлиқ.

Геол.да маълум бўлган издалиш методлари б-н бир қаторда Т.с.г.да радиоуглерод, термолюминесцент, криолитологик, палеомагнит, палеоантропологик ва археологик махсус методлардан фойдаланилади.

Тўртламчи давр — одамзод ва инсониятнинг шаклланиши ва ривожланиш давридир. Бунинг илк дастлабки босқичлари тўғрисида инсон моддий маданияти қолдиқлари далил бўла олади. Ундан тўртламчи давр ётқизиқлари стратиграфиясидан хулоса чиқариш мумкин.

Т.с.г. вужудга келиши ва ривожланишига рус олимлари, П. А. Кропоткин, А. П. Павлов, С. Н. Никитин, В. А. Обручев, И. П. Герасимов, шунингдек, австриялик геолог олимлар А. Пенк, Э. Брикнер, немис олими П. Вольдштедт, америкалик олимлар Р. Флинт, Ф. Цейнер ва б. катта ҳисса қўшдилар.

Т.с.г. масалалари Тўртламчи даврни ўрганиш бўйича Халқаро ассоциация (JNQVA, ИНКВА, International Union for Qvaternaru research 1932 й.да ташкил қилинган) конгресслари, халқаро геол. ва геогр. конгресслар ва б. да муҳокама қилинади. Т.с.г. муаммолари махсус даврий адабиётларда ёритилади.

ТЎРТЛАМЧИ СИСТЕМА (ДАВР), антропоген — Ер геологик тарихининг сўнгги даври; кайнозойнинг неоген устидаги сўнгги (тугалланмаган) системаси. Қуйи чегараси мунозарали. Ёши 1,6 млн. йил (1993 й. геохронология шкаласи бўйича). «Т.с.» терминини 1825 й. француз олими Ж. Денуайе таклиф этган. Бу даврни ўрганиш ва бўлимларга ажратишда, асосан, биостратиграфик маълумотлар, палеонтологик, литологик, геоморфологик ва б. методларга асосланилган. 1932 й. Европа Т.с.ни ўрганиш ассоциацияси бу даврни 4 бўлимга ажратишни таклиф этган: қад. (эоплейстоцен), ўрта (мезоплейстоцен), янги (неоплейстоцен) ва ҳоз. (голоцен).

Т.с. иқлими умуман совуқ бўлган. Бу даврда ҳоз. мўътадил иқлимли минтақалардаги материкларнинг кўп қисми музлик б-н қопланган (шунга кўра,

Т.с. музлик даври деб ҳам аталади). Асосан, Евросиё ва Шим. Американи муз босган. Музликлар қуруқликлар юзасининг 30% га яқин қисмини ёки 45 млн. км² майдонни эгаллаган. Айрим жойлардаги муз қатламининг қалинлиги 2 км га етган. Кескин совуқ иқлим бир неча марта иссиқ иқлим б-н алмашиниб турган. Музликлар эриган даврларда қуруқликларнинг айрим қисмларини сув босган. Дунё океани сув ҳажмининг ўзгариб туриши денгиз трансгрессияси ва регрессиясига сабаб бўлган. Йирик регрессиялар вақтида денгизлар қуруқликларга айланган. Т.с.да турли тектоник ҳаракатлар бўлиб турган. Музлик б-н қопланмаган областларнинг иқлими қуруқлаша борган. Иқлимнинг ўзгариб туриши ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига таъсир кўрсатган. Иқлим мўътадиллашган даврларда Европада дуб ва дуб-граб дарахтлари ўсган. Т.с.да музликлар б-н қопланган областларда муз ётқизиқлари кенг тарқалган. Музламаган областлар (Шарқий Европа, Ўрта Осиё, Хитой, АҚШ ва б. ҳудудларда денгиз ва кўл ётқизиқлари б-н бирга, лёсс ва лёссимон қумоқ тупроқ қатламлари учрайди. Т.с. фаунасининг ҳоз. даврдан асосий фарқи турли ҳайвонларнинг ўзгача географик тарқалганлигида. Бундан ташқари, ўша давр ҳайвонларининг кўпи қирилиб битган. Т.с.да сут эмизувчилар ўзгарган; мамонт, узун жунли каркидон ва б. қутб ҳайвонлари пайдо бўлган. Сибирь узун жунли каркидони, бизон, баҳайбат буғу, йирик ғор айиқлари яшаган. Денгиз фаунаси ва ўсимликлари кам ўзгарган. Т.с.даги энг муҳим воқеалардан бири ибтидоий *одам*нинг пайдо бўлишидир (А. П. Павловнинг таклифига кўра, Т.с. антропоген системаси деб ҳам юритилади). 1932 й.да Т.с.ни ўрганиш юзасидан Халқаро ассоциация ташкил қилинди.

Ўзбекистонда Фарғона тоғлараро ва Тошкент тоғ олди ботиқликларида қуйи плейстоценда сўх, ўрта плейстоценда — тошкент, юқори плейстоценда — мирзачўл, голоценда — сирдарё; Қашқадарё тоғ олди ботиғида ўша даврларга мос ҳолда — азкамар, қарноб, сукайти, амударё; Сурхондарё ва Афғонистон — Тожикистон тоғлараро ботиқларида — кўлоб, илак, душанба ва амударё мажмуа ётқизиқлари ажратилади. Т.с. ётқизиқлари турли иншоотлар қуриш учун замин ва муҳит ҳисобланади. Улар табиий қурилиш материаллари (валунлар, шағал, қум, гил, лёсс ва б.) сифатида ишлатилади. Бу давр ётқизиқларидан торф б-н сапропель ёқилғи ва ўғит ҳисобланади. Т.с. ётқизиқларидан соф туғма металлар (олтин, платина), турли руда минераллари (касситерит, вольфрамит, шеелит, монацит ва б.), қимматбаҳо тошлар (олмос, сапфир, ёқут, зумрад) топилган. Ётқизиқларда кўл темир рудалари туплами, туз қатлами кўп.

Т.д. ётқизиқларини ўрганиш амалий аҳамиятга эга.

ТЎРТЛИК — тугал мазмун ифодасига эга бўлган шеърий шакллардан бири; 4 мисрадан иборат банд. Қофияланиш тартиби: авав, аввa, ааbа. Т.нинг учинчи мисраси (аваав) ёки унга бошқа банднинг улаш (аваес) ва б. йўллар б-н бир нечта Т.дан иборат шеър шакли вужудга келади. Бундай шеър тузилиши ўзбек халқ оғзаки ижодида, қад. ва ҳоз. ёзма адабиётда ҳам учрайди. Рубоийдан *вазни*, *композицияси*, *ар*узда ёзилганлиги ва фикрнинг қуйма ҳолда берилганлиги б-н фарқ қилади (яна қ. *Рубоий*).

ТЎРҚАНОТЛИЛАР (Neuroptera) — тўла ўзгариш б-н ривожланувчи ҳашаротларнинг туркуми. 500 га яқин тури маълум. Асосан, тропик мамлакатларда кўп тарқалган. Танасининг уз. 2—20 мм, қанотлари ёзилганда 6—75 мм. 4 та пардали қанотида томирлари тўрсимон жойлашган (номи шундан). Катта ёшдагиларининг оғиз аппарати кемирувчи типда, личинкалари санчиб сўрувчи. Етук ҳашаротлар қуруқликда яшайди. Личинкалари сув қирғоғида, ўсимликларда (тиллакўзлар), каналлар ва червецлар колониясида, чучук сув булутларида ривожланади. Т. йиртқич; ҳашаротлар ва б. бўғимоёқлилар б-н овқатланади. Личинкалари тутган ўлжасини жағлари б-н тишлаб ярадайди ва шу яра орқали ҳазм ширасини юборади, тайёр суюқ маҳсулотни сўради. Зараркунандаларни еб, фойда келтиради.

ТЎРҚОВОҚ — сайроқи қушлар боқиладиган қафаснинг бир тури. Сувқовоқнинг ост қисми ёки юпқа фанердан доира шаклида таглик ясалиб, унинг гардишига ип тўр тўқилади ва Т.нинг оғзини беркитадиган сурма ип ўтказилади. Гардишда сувдон учун тешикча очилади. Тўр тарангт турилиши учун металл сим ёки ёғочдан елка. Т.ни осиб қўйиш учун илгак ўрнатилади. Т.га қуш солинганидан кейин тўр оғзи сурма ип тортиб маҳкам боғланади. Т.да, асосан, сайроқи *бедана*лар сақланади.

Тўрқовоқ

ТЎРҒАЙ — Қозоғистондаги дарё. Уз. 825 км, ҳавзасининг майд. 157 минг км². Ўрта оқимида сувининг ўртача сарфи 9 м³/сек. Қозоғистон паст тоғларининг ғарбий чеккасидан бошланадиган Қоратўрғай ва Жалдама дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Асосан, Тўрғай сойлигидан оқиб ўтиб, Шалқартениз ботиғида тугайди. Қордан тўйинади. Ноябрда музлаб, апр.да музлан бўшайди. Ёзда қуйилиш жойида суви шўрланади.

ТЎРҒАЙ ПЛАТОСИ, Тўрғай сувайирғич ўлкаси — Қозоғистоннинг шим.-ғарбидаги платосимон қир. Шим.да Ғарбий Сибирь текислиги, ғарбда Жан. Урал ва Муғожар тоғлари этаклари, шарқда Қозоғистон паст тоғлари, жан.да Турон пасттекислиги б-н чегарадош. Т.п. чекка қисмининг мутлақ бал. 200—300 м. Тўрғай сойлиги (йўлаги)ни ҳам ўз ичига олади. Меридионал йўналишда 630 км, кенглик бўйлаб 300 км га чўзилган. Т.п. тўлқинсимон текислик бўлиб, асосан, пастроқ қирлар (супа тоғлар) ва ясси текисликлардан иборат. Улар орасида эса қуруқ водийлар жойлашган. Платода шамол ва суффозион жарёнлар натижасида вужудга келган ботиқчалар кўллар б-н банд.

Т.п.нинг ўрта қисми пастроқ (Тўрғай сойлигида 80—150 м га пасаяди). Платонинг замини палеозой даври кристалли тоғ жинсларидан тузилган, уларнинг устини қалин мезозой ва кайнозой ғовак жинслари (гил, мергель, қум, конгломерат ва б.) қоплаган. Иқлими кескин континентал ва қуруқ, қиши совуқ ва узоқ, ёзи иссиқ. Жан.га борган сари қурғоқчил. Янв.нинг ўртача т-раси шим. қисмида −15°, −16°, жан.да −13°, −14°. Июлнинг ўртача т-раси шим.да 23°, жан.да 25°. Баъзи йиллари қишда т-ра −45°, −46° га пасаяди, ёзда эса 42°, 44°га кўтарилади. Йиллик ёғин, шим.да 3000—3500 мм, жан.да 150—200 мм. Дарё кам, шим.га Тобол ва унинг тармоғи — Убаган, жан.га қараб Тўрғай, Иргиз ва б. дарёлар оқади. Йирик кўллари: Қушмурун, Оқсаут, Сариқара, Тентексўр, Қарасўр ва б. Тўрғай сойлигида жойлашган. Т.п. нинг шим. қисми дашт ландшафтларидан иборат. Оч рангли қоратупроқлар, жан.да каштан, қўнғир тупроқлар тарқалган. Дарё водийларида ўтлоқ, кўллар атрофида шўрхок-ботқоқ тупроқлар учрайди. Ўсимликлардан шим. қисмида чалов, бетага, жан.да чалов, бетага б-н бирга бурган, шувоқ, шўралар, дарё, кўл бўйларида қарағай, тол, терак ва қамишзорлар тарқалган.

Еввойи ҳайвонлардан юмронқозиқ, қўшоёқ, сичқон, бўри, тулки, бўрсиқ ва б. яшайди. Қушлардан тувалоқ, бизталдоқ, тўрғай, кўлларда ўрдак, ғоз ва б. учрайди. Темир, кўмир, боксит, туз конлари бор. Донли экинлар экилади. Чала чўл зонасида жойлашган жан. қисмидан яйлов сифатида фойдаланилади. Т.п. да йирик магнетит темир рудаси (Соколовск, Сарбай, Качар); боксит, кўмир конлари ва б. кондар бор. Наурзум қўриқхонаси ташкил этилган.

ТЎРҒАЙ СОЙЛИГИ, Тўрғай водийси — шим.дан жанубга Тўрғай платоси ва Ғарбий Сибирь текислиги ҳамда Турон пасттекислигининг шим. қисмини кесиб ўтган эрозион-тектоник сойлик. Қозоғистоннинг шим.-ғарбида. 800 км га чўзилган. Эни 20—75 км, бал. 125 м гача. Қад. аллювиал ва кўл-аллювиал қумоқларидан ташкил топган. Т.с. бўйлаб шим. йўналишда Убаган дарёси, жан. йўналишда Тўрғай дарёси оқиб ўтади, шўр кўллар бор. Эриган қор сувларидан ботқоқликлар ҳосил бўлган, грунт сувлари минераллашган. Дашт ва чала чўл ландшафтларда шўртоб-шўрхок, шўртоб-ўтлоқ-дашт ва ўтлоқлар бор. Яйлов ва пичанзор кўп.

ТЎРҒАЙЛАР (Alaudidae) — *чумчуқсимонлар* туркуми оиласи. 15 урутга мансуб 78 тури маълум. Асосан, Африка, Осиё, Европада тарқалган. Америкада 1 тури ва Австралияда 2 тури учрайди. Айрим турлари иқлимлаштирилган. Танасининг уз. 110—230 мм, оғирлиги 15—70 г. Т. очиқ ерларда —дала, чўл, саҳро, баъзан ўрмон ва ялангликларда яшайди. Уясини ерга қўяди. Одатда, 4—6 та тухум қўяди.


Дашт тўрғайи.

Тухумини фақат модаси 12—16 кун босади. Иккала жинс 10—11 кун болаларини уясида, 8—10 кун уядан ташқарида озиқлантиради. Ўсимлик уруғлари ва ҳашаротларни ейди. Кўпайиш даври тамом бўлгандан сўнг гуруҳларга бирлашади. Шим.да яшовчи Т. қишда жан. га, тоғдагилари водийга кўчиб ўтади. Ўзбекистонда дала тўрғайи, *сўфитўрғай*, қорақош Т., кичик Т., ҳинд тўрғайи, жўр ва б. учрайди.

ТЎСИН — бино ва иншоотларнинг томи, ораёпмалари, полига ишлатиладиган ва таянчларга таянадиган конструктив элементи. Жойига қараб темир-бетон, металл ва ёғоч Т.лар ишлатилади. Кўндаланг кесими шаклига кўра, тўғри тўртбурчак, тавр ёки қуштавр, трапеция ва доирани бўлиши мумкин. Таянчларининг сони ва Т.учларининг бириктирилишига қараб Т.нинг чўзилиш зонасига пўлат арматура жойланади. Т. ёки плитанинг ўрта қисмида кучланиш кам бўлганлиги сабабли, ўрта қисмлари кошкали, бўш-лиқли қилиб ишланади. Том ва ораёпма учун ишлатиладиган плиталарнинг аксарияти кўп бўшлиқли бўлади.

ТЎСИҚ РИФЛАРИ — маржонларнинг оҳак қолдиқларидан тузилган ва устини ўсаётган маржонлар қоплаган сув ости қоялари. Т.р. Тинч, Ҳинд ва Атлантика океанларининг илиқ сувли қирғоқ, яқинидаги кластикларга оид бир неча км дан ўнлаб км гача чўзилган бинобатан тор зона бўйлаб ривожланган. Т.р. ҳосил қилиш қадимда ҳам кўплаб олимларни қизиқтирган. Ер юзидаги энг йирик Т.р. — Катта Австралия тусиқ рифи (2000 км). *Рифлар. Маржон рифлари.*

ТЎСУНСОЙ — Самарқанд вилоятидаги сой. Нурота тоғларининг жан. ён бағирларидан бошланади. Уз. 76 км, сув йиғиш майд. 110 км². Ўртача йиллик сув сарфи 1,5—2,5 м³/сек. Дарё водийсида деҳқончилик ривожланган. Сувни Наврўз тумани яқин майдонларини суғоришга сарфланади.

ТЎСУНСОЙ РАСМЛАРИ — Нурота тог тизмасининг жан. ён бағирларини қоятошларга ишланган тасвирлар. санъат обидаси. Самарқанд вилояти Қушработ тумани ҳудудида 1977 и.да археолог О. Ростовцев, Т. Омонжулов, Г. Вафоев, И. Ишанқулиевлар томонидан топилган. 1986 и.да археолог М. Хужаназаров томонидан ўрганилган. Мил. ав. 2-минг йиллигининг охири — 1-минг йилликка мансуб, кенгинан даврларда яратилган расмлар ҳам учрайди. Расмлар қаттиқ бўюм б-н соя, шакл қўринишни, одам ва ҳайвонлар суябидаги ўриб-ўиб ишланган. Якка ҳолда алоҳида ишланган одамлар, от, ит, ёки, туя, киик, тўнғиз, бўри, қоплон ва б.нинг расмлари кўпчиликни ташкил қилади, ов манзаралари, от ва туя минган чавандозлар тасвирлари ҳам учраиди; кўп лавҳа ва тасвирлар ромб шаклидаги белги б-н бирга ишланган. Айрим қад. расмлар усти кейинги даврларда яратилган бирмунча янги шакллар б-н қопланган. Т.р. тасвирий санъат асари, археологик обида ва тарихий манба сифатида катта аҳамиятга эга.

ТЎСУНСОЙ СУВ ОМБОРИ — Самарқанд вилоятидаги сув омбори. Нурота тоғларининг жан. ён бағирларидан бошланиб, бир неча сойларнинг сувларидан ҳосил бўладиган Тўсунсой дарёсининг юқори оқимида (Қарақчитов тоғлари жан.да) барпо этилган. Дарё сувини мавсумий тартибга солади. 1989 й.да қурилиб ишга туширилган. Тўлиқ ҳажми 52,1 млн. м³, тўғон бал. 40,6 м, максимал сув ўтказиш қобилияти 40м³/с. Омбор суви Сағаноқсой орқали Оқларёга қуйилади. Иштихон, Каттақўргон туманларидаги экин майдонлари суғорилади.



Тўсинларнинг турлари.

ТЎТИ БАЛИҚЛАР, скарсимон балиқлар (Scaridae) — оилавий балиқлар туркумига мансуб балиқлар оиласи. Уларнинг бир неча ун ем дан 2 м гача ва баъзан қуп оғ. Олдинги тишлари бирлашиб, тути тумшугига ўхшаш шаклни ҳосил қилади (номи шундан). Бундай «тумшуқ» ҳар қайси жағда иккитадан бўлади. Баъзан ташқи қовоқ ва оғиз ишлар ҳам бор. Чиройли ранги, усиш давомида рангини бир неча марта ўзгартиради. 10 уруғи, 80 тури маълум. Тропик денгизларни қорал рифларида яшаб яшайди. Кечаси шиллиқлик модалдан иборат гилофга ўралиб олади; кундузи фаол ўқ кечиради. Гермафродит. Қорадор ва молюскалар б-н озиқланади. Тишлари ёрдамида рифларни ўиб олиб, чайнаб майдалайди.

Тути балиқ

ТЎТИЁЙИ, тутиё — қ. *Мис сульфат.*

ТЎТИЛАР (Psittaciformes) — қушлар туркуми. 1 оила, 7 кенжа оила ва 324 тури маълум. Танасининг уз. 9,5 см дан 1 м гача, оғирлиги 10 г дан 1 кг гача. Тунни нари ва моласи бир хил тусда, қушнинг ҳар хил рангли (мас., яшил, қизил, кўк аралаш, камдан-кам қора ёки кулранг ва б.), тумшуги йўғон, устки қисми ҳаракатчан; унинг ёрдами б-н дарахт шохларини чангаллаб юради; қаттиқ мевларни чақади. Қўнчилигида кокил ва узун думлари бор. Тирноқлари мустаҳкам. 1 ва 4- бармоқлари орқага қайрилган. Қўнчилиги яхши учади, баъзилари (мас., укка, тўти) учиш қобилиятини йўқотган. Тропик ва субтропик минтақаларда, айниқса, тропик Америкада кенг тарқалган. Баъзилари (мас., какаду) ерда, қўнчилиги дарахтда яшашга мослашган. Уясини дарахт ковакларига, тошлар ёригига, бошқа ҳайвонлар уяларига ва б. жойларга ясайди. 2—8 та тухум қўяди. Тухумини 2—4 ҳафта босади. Болаларини 5—12 ҳафта уясида, асосан, ўсимлик уруғлари, мевалари, баъзан ҳашаротлар ва нектар б-н озиқлантиради. Чиройлилиги ва айрим товушларга тақлид қилиш, жумладан сўзларни ифодалашга ўргатиш мумкин бўлгани учун баъзи Т. қафасда боқилади. 70 дан ортиқ тури Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Қизил китобига киритилган.

Тўтилар: *1* — қизил қулоқ ара; *2* — ара; *3* — оқбош амазон; *4* — пуэрторика амазони; *5* — кулранг елкали тўти; *6* — қизил бўйин тўти; *7* — сентлюс амазони; *8* — император амазони; *9* — сентвинсент амазони.

«ТЎТИНОМА» — Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ахлоқий-эстетик мазмундаги асар. Ҳиндистонда санскрит тилида халқ оғзаки ижоди асосида яратилган. Унда тўтиқушнинг шаҳзода Маймун ва унинг хотини Хужаста ҳақидаги ибратли ҳикоялари мажозий шаклда баднй акс эттирилади. Асар аввало ҳиндлар орасида «Шукасаптати» («Тўтининг етмиш ҳикояси») номи б-н машҳур бўлган. *Зиё Нахшабий* «Тўтинома» номи б-н форс-тожик тилига таржима қилган (1330). Асарда, асосан Маймун, Хужаста ва Тўтиларнинг ўзаро муносабатлари мисолида одоблилик, яхшилик, вафодорлик каби инсоний фазилатлар ардоқланган, ёмонлик, такаббурлик, бевафолик, маккорлик қораланган. «Т.» 52 ҳикоядан иборат. Унинг бир қанча вариантлари яратилган: Ҳиндистонда Муҳаммад Қодирий (17—18-а.лар) асарнинг форсча, Латифий (19-а. 1-ярми) ўзбекча нусхасини яратдилар (Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади). Шу даврда Мулла Қурбон Хиромий Зиё Нахшабий асарини ўзбек тилида шеърий йўлда ёзиб чиққан. «Т.» форс, инглиз, немис, француз, рус ва б. тилларга ҳам таржима қилинган. Ўзбек тилида бир неча бор нашр этилган.

Нашрлар: Тўтинома (Ҳинд эртакларидан), 2-нашри., Т., 1962.

ТЎФОН, довул — 1) *Бофорт шкаласи* бўйича кучи 12 балл, яъни тезлиги 35 м/сек.дан иборат. Ер атмосферасидаги энг кучли *шамоллардан.* Т. бинолларга катта зарар етказади, дарахтларни синдиради; денгизларда кучли тўлқин ҳосил қилиб, кемалар сузишини қийинлаштиради, ҳалокатларга ҳам олиб келиши мумкин. Т., одатда, серҳаракат циклонлар б-н боғлиқ вужудга келади. Баъзан кучли *қуюн* тарзида рўй беради; 2) яҳудий, христиан, ислом динларининг илоҳий китобларида нақл этилган оламни сув босиши. Бу ҳодиса осий бандаларга худо томонидан юборилган жазо сифатида таъкидланади. Қуръонининг бир неча оятларида бу воқеа Нуҳ пайғамбар даврида содир бўлгани қайд этилган. Бу нақлда мил. ав. 3-минг йиллигининг охирида *Месопотамияда* юз берган улкан сув тошқини акс этган бўлиши мумкин (яна қ. *Нуҳ*).

ТЎХТАБОЕВ Ҳусайберди (1932.17.12, Ўзбекистон тумани) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1982). Қўқон пед. билим юртини (1949), Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1955). Ўрта мактабда ўқитувчи ва директор (1955— 58), «Тошкент ҳақиқати» газ.да адабий ходим, бўлим мудири (1958— 62), «Совет Ўзбекистони» (1962—70) газ., «Гулистон» жур.да (1970—72), «Ёш гвардия» нашриётида (1972) бўлим мудири ва бош муҳаррир ўринбосари (1974— 76), «Гулхан», «Ёш куч» жур.ларида бош муҳаррир (1977— 80), «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси (1980—1998). Дастлаб журналист сифатида танилган, фельетонлар ёзган. Бадиий ижод б-н 20-а.

50-й.ларида шуғуллана бошлаган. Илк ҳикоялар тўплами — «Шошқалоқ» (1961). «Фельетондан кейин» (1962), «Сир очилди» (1963), «Сеҳрли қалпоқча» (1964) сингари қиссалари, «Муҳаббат қўшиғи» (1967), «Жонгинам, шартингни айт» (1969), «Конизар юлдузлари» (1978), «Омонбой б-н Давронбой саргузашти» (1974) ва б. асарлар муаллифи. «Сариқ девни миниб» романи (1968) ёзувчига катта шуҳрат келтирган. Шундан кейин «Сариқ девнинг ўлими» (1973), «Беш болали йигитча» (1976), «Қасоскорнинг олтин боши» (1981), «Йиллар ва йўллар» (1983), «Ширин қовунлар мамлакати» (1986), «Мунгли кўзлар» (1988), «Жаннати одамлар» (1996) романлари нашр этилди. Т. асарлари юморга бойлиги, болалар ҳаёти, уларнинг ўзига хос табиати, хусусиятлари, руҳий кечинмалари ниҳоятда жонли, қизиқарли ва болалабоп йўсинда маҳорат б-н тасвирланиши жиҳатидан ажралиб туради. Т. ўзбек болалар адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиққан ижодкорлардан биридир. Асарлари дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

ТЎХТАЕВ Азамат Рамзиддинович (1946.25.4, Тошкент) — меъмор. Ўзбекистон БА академиги (1997). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор (1991). Тошкент политехника ин-тини тугатган (1970). Тошкентдаги лойиҳалаш и.т. институтида лойиҳаловчи, катта меъмор, лойиҳа бош меъмори, гуруҳ раҳбари, директор (1963— 93). Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги «Ўзинтеркурилиш» фирмасида бош директор (1993— 95). Ўзбекистон меъморлар уюшмаси бошқаруви раиси (1998—2000). Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси (2000 й.дан).



Т. Ўзбекистон ва б. давлатлардаги бир қанча бино лойиҳалари муаллифи: Иссиққулдаги дам олиш уйи (1968), Қаршидаги мусиқали драма театри (1976), Москвадаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси интерьери (1978), Ўзбекистон Республикаси банклар ассоциацияси биноси (1998— 2000) ва б. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1999).

ТЎХТАЕВ Саидаҳрол (1942.1.9, Тошкент) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), кимё фанлари д-ри (1984), проф. (1986). ТошПИни тугатган (1963). Ўзбекистон ФА Кимё ин-тида аспирант (1966— 69), илмий ходим (1969 — 70), лаб. мудири (1971 й.дан), илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1991—92). Ўзбекистон ФА Ўғитлар ин-тида бўлим мудири (1993— 99), Ўзбекистон ФА Умумий ва ноорганик кимё ин-тида лаб. мудири (2000 й.дан). Айни вақтда шу ин-тнинг Тошкент Кимё-технология ин-тининг «Ноорганик моддалар технологияси» кафедраси филиали мудири (2000 й.дан). Илмий ишлари ўсимликлар осон ўзлаштирадиган микроэлементлардан иборат бирикмалар, физиологик фаол моддалар, мураккаб минерал ўғитлар олиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга оид. Т. раҳбарлигида Қизилқум фосфоритларидан оддий ва бойитилган суперфосфат, қ.х. экинларини барги орқали озиқлантириш учун сувда эрувчан янги мураккаб ўғитлар синтезининг назарий ва технологик асослари ишлаб чиқилган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1996).

Ас.: Формамид и удобрения на его основе (в соавторстве), Т., 1986; Сульфат калия с микроэлементами (в соавторстве), Т., 1988; Проблемы химии, технологии, агрохимии, экономики и экологии удобрений и дефолиантов (в соавторстве), Т., 1990.

ТЎХТАМИШ, Тўхтамишхон (1342—1408) — *Олтин Ўрда* ҳукмдори (1380— 97). *Жўжихон* наслидан бўлмиш Туйхожанинг ўғли. Отаси 1375 й. *Оқ Ўрда* ҳукмдори Ўрусхон томонидан қатл этилгандан сўнг Т. *Амир Темур* ҳузурига (1376) келади ва Соҳибқироннинг бегараз мадади туфайли аввал Оқ Ўрда (1377), кейин *Мамай* қўшинларининг *Куликово жанги*да енгилганидан фойдаланиб Олтин Ўрда тахтини қўлга киритади (1380).

Т. ички низоларга барҳам бериб, ўз ичида Олтин Ўрда давлат бирлигини қайта тиклашга эришади. Сирдарёдан Днестргача, Сибир ва Уралдан Киевгача чўзилган улкан салтанатнинг хонига айланади. Унга қарши бош кўтарган рус князликлари ҳамда литваликларни мағлубиятга учратади. 1382 й. ҳийла б-н Москвани олди, шаҳарни талон-торож қилиб ёқиб юборади. Муваффақиятлардан маълум даражада жанкириган Т. Амир Темур салтанати ҳудудларини қўлга киритишга ошиқади. Амир Темурнинг ғарб сафаридалигидан (1385) фойдаланиб, Озарбайжон ҳамда Мовароуннаҳрга бостириб киради, Самарқанд ва Бухорони қамал қилади. Лекин бу шаҳарларни олишни уддасидан чиқолмади. 1388 й.нинг февр.да Соҳибқирон қўшини б-н Т.га қарши Шероздан йўлга чиқади. Т. Амир Темур б-н юзма-юз тўқнашишдан воз кечиб, жудлик б-н Дашти Қипчоққа қайтиб кетади. 1391—95 й.ларда Т. Соҳибқирон б-н бўлган Қундузча ҳамда Терек дарёси бўйидаги жангларда мағлубиятга учраган. Олтин Ўрда пойтахти Саройни вайрон қилган Амир Темур кичик Т. ўрнига Темур Қутлуғни хон этиб кўтаради. 1397— 99 й.ларда Т. Литва қироли Витаутас ёрдамида Темур Қутлуғ ва Идику (Едигей)га қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда муваффақиятсизликка учрайди. Темур Қутлуғ вафотидан (1401) кейин Т. Олтин Ўрда тахтини қайта эгаллаш ҳаракатида бўлди. 1408 й. Тюмень ш. атрофларида қўлга туширилган. Т. Идику томонидан ўлдирилган.

Ҳамидулла Додобоев

ТЎХТАСИНОВ Маъмуржон Салимжонович (1958.18.11, Олтиариқ тумани) — лирик хонанда, Ўзбекистон халқ артисти (2000). Тошкент маданият ин-тини тугатган (1986). Олтиариқ маданият уйида бадиий раҳбар, мусиқа мактабида ўқитувчи (1986— 96), «Ўзбекнаво» бирлашмаси Фарғона вилояти бўлимида яккахон хонанда (1997 й.дан). Овози майин, кенг диапазонли, ижро услуби Фарғона водийси ҳофизлик анъаналарига асосланган. Репертуаридан мақом йўллари («Чорғоҳ», «Сарахбори Оромижон», «Савти Сувора» ва б.), мумтоз ашула ва замонавий бастакорлар асарлари («Кўча боғи», «Мустаҳзод», А. Исмоиловнинг «Гоҳо-гоҳо келасан», Р. Турсуновнинг «Ғамзасин»

ва б.) ўрин олган. Айниқса, «Бобур» (1990, «Яхшилик»), «Лайли ва Мажнун» (1993), «Кеча ва кундуз» (1995), «Шаҳзода ва Малика» видеофильмларига айтган мумтоз ва ўзи басталаган ашулалари машҳур. Тожикистон, Қозоғистон, Германия каби мамлакатларда гастролда бўлган. Ижролари 2 та грампластинка («Дилраболар», 1987, «Орзулар парвози», 1988) Ўзбекистон радиоси фонджамғармасига ёзилган. Халқаро Бобур мукофоти совриндори (1998).

ТЎХТАХЎЖАЕВ Тоҳир (1918.29.12 — Тошкент — 1976.24.5) — наққош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Уста О. *Қосимжонов*нинг шогирди. Тошкент бадиий ўқув-и.ч. к-тида наққошлик сирларини ўрганган (1938). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Москвадаги Бутуниттифоқ қ.х. кўргазмаси Ўзбекистон павильонини уста Е. *Раҳфов* б-н биргаликда безаб, ўзининг маҳоратини намойиш қилди (1953). 1946 й.дан Тошкент бадиий (кейинчалик Республика рассомлик) билим юртида ўқитувчи. Т. ижодий фаолиятида анъанавий нақшларни ўзига хос тарзда қўллаб, уни янги ранглар уйғунлиги б-н бойитди. Т. хонтахта, курси, қутича ва б. буюмларга нафис нақшларни жозибали ишлаган, шунингдек, биноларни ислимий ва ҳандасий нақшлар б-н безаган, меъморий обидалар (жумладан, Ўзбекистон амалий санъат музейи, Ситораи Моҳи Хоса саройи ва б. биноларни) таъмирлашда қатнашган. Т. яратган жозибали санъат буюмлари республика ва хорижий мамлакатлар (Германия, АҚШ, Канада ва б.)да уюштирилган кўргазмаларда намойиш этилган ҳамда юксак баҳоланган; ишларидан намуналар респ. ва хорижий мамлакатлар музейлари ва тўпламларида сақланади.

Т. Тўхтахўжаев безаган курси (1959).

ТЎХТАШЕВ Нарши (1926.16.11 — Пастдарғом тумани — 1980.4.4) — педагог. Халқ ўқитувчиси (1979). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1974). СамДУни тугатган (1951). 1952 й.дан Пастдарғом туманидаги 31-мактабда мат. ўқитувчиси.

ТЎШ (sternum) — одам, қуруқликда яшовчи ҳайвонлар скелетининг бир қисми. Елка камари суяклари учун таянч вазифасини бажаради. Қуруқликда яшовчи ҳайвонларда Т. қовурғалар б-н туташиб, кўкрак қафасини ҳосил қилади. Сувда ва қуруқликда яшовчиларда тоқ тоғай суяк ёки суякдан, судралиб юрувчиларда тоғайдан иборат. Қушларда яхлит суякдан иборат бўлиб, тож ўсимтасини, сут эмизувчиларда 3 бўғим — дастак, тана ва ханжарсимон ўсимтани ҳосил қилади.

ТЎШАК ҚАНДАЛАСИ, тахта қандаласи (Cimex lectularius) — *қандалалар* туркуми паразит қандалалар оиласига мансуб ҳашарот тури. Ер юзининг ҳамма жойида тарқалган. Эркагининг уз. 4,9— 6,4 мм, урғочиси 4,8—8,4 мм. Қизғиш-қўнғир (личинкаси оч сариқ). Оғиз органлари санчиб сўрувчи. Қанотлари иккиламчи марта йўқолиб кетган. Одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар эктопаразити. Қон б-н озиқланади. Т.қ. чақиб, одамни безовта қилади; тери қаттиқ қичийди. Хонадонлар, товуқхоналар, виварийлар, баъзан қушлар ва кўршапалаклар уясида, кемирувчилар инида яшайди. Кечаси фаол. Тез кўпаяди. Узоқ вақт (бир неча ойгача) очликка чидайди; осон тарқалади. Урғочи Т.қ. суткада 12 тагача, йилда бир неча юзга тухум қўяди. Тухумлари бир неча кундан 1 ойгача ривожланади. Личинкаси ривожланиш давомида (4— 8 ҳафта) 5 ёшни ўтади. Ҳар бир ёшда бир марта туллайди. Туллашдан олдин личинка қонга тўйиб олади. Вояга етган Т.қ. 14 ойгача яшайди.

ТЎҚАЙ — 1) қамиш босиб ётган ботқоқ ер; 2) дарё бўйидаги қалин чангалзор ўрмон. Сув сероб, микроиқлими атрофдан намроқ ва юмшоқроқ бўлганидан ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси ўзига хос бўлади. Тупроғи аллювиал, гидроморф тупроқ. Т.да дарахтлар б-н бирга буталар, ўтлар ҳам қалин ўсади. Ўрта Осиё Т.ларида терак, заранг, тол, юлғун, жийда, жингил, турангил, қамиш кўп ўсади. Ҳайвонот дунёси — тўнғиз, кийик, чиябўри, тўқай мушуги, тустовуқ ва б.

ТЎҚАЙ МУШУГИ (Felis chaus) — мушуклар уруғига мансуб йиртқич сут эмизувчи ҳайвон. Уз. 54— 94 см, думи 30 см ча. Шим.-Шарқий Африка, Ғарбий ва Жан.-Шарқий Осиё водийларидаги чакалакзорларда яшайди. Волга дельтаси, Ўрта Осиё дарё водийлари (Сирдарё ва Чу), Каспий денгизининг ғарбий қирғоғида, тўқайларда (номи шундан), қамишлар ва буталар орасида учрайди. Овланадиган баъзи ҳайвонлар ва қушларни еб, зарар келтиради. Қулоқлари учида калта тутам юнги бор. Сидирға сариқ-кулранг

Тўқай мушуги.

тусда, танасининг усти очиқроқ рангда. Мўйнаси паст сифатли. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

ТЎҚАЙ ЧИГИРТКАСИ — қ. *Кўчманчи чигиртка.*

ТЎҚАЙ ЧУМЧУҚЛАР — мойқутлар оиласига мансуб бир неча уруғларнинг умумий номи; майда қушлар. Евросиё ва Африкада тарқалган. Кўпчилик Т.ч. чакалакзорлар, сув бўйида ўсадиган қамишзор, баъзан ўрмон ва боғларда яшайди. Айрим турлари яхши сайрайди. Ўзбекистондаги тўқайлар ва қамишзорларда шақ-шақ, жан. Т.ч.и., ҳинд тўқай чумчуғи, ботқоқ тўқай чумчуғи, ингичка тумшуқ Т.ч., кенг думли Т.ч. ва б. 10 га яқин тури учрайди.

Тўқай чумчуқ.

ТЎҚИЛМАГАН МАТЕРИАЛЛАР — қ. *Нотўқима материаллар.*

ТЎҚИМА — келиб чиқиши, тузилиши ва функциясига кўра ўхшаш ҳужайралар системаси. Одам ва ҳайвонлар Т. си эпителий, бириктирувчи, мускул ва нерв Т.ларига бўлинади. Эпителий Т.си одам ва ҳайвонлар танасини қоплаб туради, ички органларда парда ҳосил қилади, ҳимоя функциясини; унинг ҳосилалари, мас., жигар ва меъда ости безининг серектор эпителийси секретор функциясини бажаради. Хусусий бириктирувчи Т. ва унинг ҳосилалари (қ. *Қон*, *Лимфа*, *Тоғай*, *Суяк*) ҳимоя, таянч ва трофик функцияни бажаради. Мезенхимадан ривожланади. *Мускул тўқимаси* қисқариш хусусиятига эга. Шу туфайли организм фазода ҳаракат қилади ва унинг органларида қисқариш ҳаракати содир бўлади; силлиқ мускул Т.си мезенхимадан, кўндаланг-тарғил мускул Т.си мезодермадан ривожланади. *Нерв тўқимаси* эктодермадан ҳосил бўлиб, организмнинг ҳаёт фаолиятини бошқаради, ташқи муҳитдан сигналлар қабул қилади ва организмнинг жавоб реакциясини белгилаб беради. Т.нинг ҳосил бўлиши (гистогенез) эмбрионнинг ривожланиши жараёнида дастлабки ҳужайранинг ихтисослашуви б-н боғлиқ. Кўпинча гистогенез вояга етган организмда ҳам содир бўлади. Т.нинг *регенерацияси*, баъзан ўсишини таъминлайди. Ҳар бир организмнинг ўзига хос функцияси, одатда, битта Т. ёки бир қанча ихтисослашган ҳужайралар б-н боғлиқ. Барча органларда бир неча хил Т. бўлади. Улар биргаликда организм функциясини бошқариб туради. Функционал жиҳатдан нерв ва мускул Т.си, айниқса, чамбарчас боғланган. Тубан кўп ҳужайралиларда Т. кучли ихтисослашмаган. Бир хил типдаги Т.нинг тузилиши организмнинг ҳар хил қисмида ва турли даражада тузилган организмларда бир хилда бўлмайди. Т. эволюция давомида ҳужайраларнинг функционал ихтисослашуви натижасида ҳосил бўлган.

Ўсимликларда Т. бир хил ҳужайралардан иборат бўлса — оддий (мас., колленхима), ҳар хил ҳужайралардан иборат бўлса — мураккаб Т. дейилади. Ўсимликнинг ҳаёти давомида ўсишини таъминловчи Т. *меристема* б-н боғлиқ. Илдиз ва поянинг учки қисмидаги Т. бирламчи меристема дейилади. Поя ва илдиз диаметрининг ўсиши иккиламчи меристема — камбий ва феллоген б-н боғлиқ. Одатда, ўсимликларда 3 хил: қопловчи, ўтказувчи ва асосий Т. системаси ажратилади. Қопловчи система бирламчи Т. (эпидерма, эпиблема, яъни ризодерма, экзодермадан ҳамда ҳимоя ва сўриш функциясини бажарадиган ҳаво, баъзан, тупроқ (илдизлар) ва иккиламчи Т. (ҳимоя функциясини бажарадиган) перидермадан иборат бўлиши мумкин. Пўст деб аталадиган учламчи қопловчи Т. дарахтлар илдизи ва поясида сиртқи перидерманинг нобуд бўлиши туфайли ҳосил бўлади. Ўтказувчи система 2 хил: бирламчи ва иккиламчи флоэма ҳамда бирламчи ва иккиламчи ксилемадан иборат. Асосий система бирламчи паренхима тўқимаси — хлоренхима, аэренхима ҳамда механик Т. — колленхима ва склеренхимани ўз ичига олади. Бундан ташқари, ажратиш, шамоллатиш функциясига эга бўлган Т. ҳам бор.

Одам ва ҳайвонлар Т.сини *гистология*, ўсимликлар Т.сини *анатомия* ўрганади.

ТЎҚИМАЧИЛАР (Ploceidae) — сайроқи чумчуқсимонлар туркуми оиласи. 4 кенжа оиласи, 40 га яқин уруғи, 200 га яқин тури маълум. Танасининг уз. 7—19 см, вазни 15—100 г. Европа, Осиё, Африка ва Австралияда тарқалган. Кўпчилик турлари Шарқий ярим шарнинг тропик ва субтропик ҳудудларида, дарахт кам бўлган очиқ майдонларда яшайди. Ерда сакраб ҳаракат қилади. Шим. ва мўътадил минтақадаги Т. одмироқ, тропик ҳамда субтропикларда яшовчи турлари патлари рангли, баъзилари бошида кокили, бўйнида патлардан иборат «ёқаси» бўлади. Жуфт-жуфт ёки колония бўлиб, дарахт ва буталарга уя қуради. Уяси турли шаклда (шарсимон, бутилкасимон ва б.), ўсимлик толалари, барглари ва ҳ.к.дан тўқийди. Йилда 1— 2 марта 3— 6 та тухум қўяди.



Тўқимачи ва у боғлаган тугунлар.

11— 12 кун тухум босади. Уяда болаларини 12— 20 кун боқади. Т., асосан, ўсимлик уруғлари ва мевалари, шунингдек, ҳашаротлар ва б. билан озиқланади. Айрим жойларда боғлар, ғалла экинларига бирмунча зиён келтиради. Ўзбекистонда Т.нинг 3 уруғи (чумчуқлар, қор вьюроклари, тош чумчуқлар)га мансуб 8 тури тарқалган.

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ — турли хилдаги ўсимлик толалари, жун ва сунъий синтетик толалардан турли газламалар, ип ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи енгил саноат тармоғи. Т.с. таркибига тўқимачилик хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш, ип газлама, зиғир, канон, жут толасидан газлама, шойи, жун газлама, нотўқима материаллар, тур тўқиш, тўқимачилик атторлик, трикотаж, кигиз-намат босиш соҳалари киради. Т.с. маҳсулотлари кийим-бош ва пойабзал и.ч.да, шунингдек, мебель, машинасозлик саноати ва б.да ишлатилади. Ўзбекистонда Т.с. *енгил саноатининг* етакчи тармоғини ташкил этади.

«Бухоротекс» корхонаси. Тўқув дастгоҳи.

Тўқимачилик буюмлари и.ч. қадим замонларда пайдо бўлган. Ғўза экиш, қўлда ип тайёрлаш ва газлама тўқиш Ҳиндистон, Хитой, Миср ва Ўрта Осиёда мил.дан бир неча аср илгари маълум бўлган. Т.с. машиналашган и.ч.га биринчи бўлиб ўтган саноат тармоғидир. Европада 18-а.нинг 2-ярмидаги *саноат тўнтариши* шу тармоқдан бошланган.

Ўзбекистонда Т.с. узоқ тарихга эга. Ўрта асрларда маҳаллий ҳунармандлар тайёрлаган *атлас*, *беқасам*, *бахмал*, *банорас*, занданачи, олача каби маҳсулотлар узоқ мамлакатларда машҳур бўлган. *Буюк ипак йўли* орқали Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига чиқарилган. Лекин майда тарқоқ ҳунармандчиликни бирлаштириб саноат асосини яратиш ва газламалар и.ч. эса фақат 20-а.нинг 20-й.ларидан бошланди.

1926 й.да Фарғона тўқимачилик ф-касининг 1-навбати ишга туширилди (10000 урчуқ ва 300 тўқув дастгоҳи), 1932 й.га келиб унинг 2- ва 3-навбатлари ҳам қурилди (19900 урчуқ, 906 тўқув дастгоҳи). 1930 й.да Самарқанд шойи тўқиш ф-каси ишлай бошлади. 1932 й.дан Тошкент тўқимачи-

Қўлда атлас тўқиш дастгоҳи. Марғилон. 2004 й.

лик к-тини қуриш бошланди. 1935 й. бу к-т газлама ишлаб чиқара бошлади (33630 урчуқ, 1152 дастгоҳ).

Т.с. машиналари, дастгоҳлари базасини яратишда 40-й.ларда қурилган «Тоштекстильмаш» з-дининг ҳиссаси катта бўлди. Урушгача бўлган йилларда Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув к-ти, Фарғона, Тошкент трикотаж буюмлари ф-калари, Марғилон шойи к-ти, Самарқанд янги трикотаж ф-каси барпо этилди. Уруш йилларида (1941— 45) Тошкентга Ростов-Дон ш.дан трикотаж, Ленинграддан ип, Марғилонга Ижевскдан шойи тўқиш, Фарғонага йигирув-тўқув ф-каси кўчириб келтирилди. Натижада Ўзбекистонда Т.с. ўсиш суръатлари тезлашди. 50-й.ларда янги корхоналарни қуриш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш давом этди. 60-й.лар ўрталарида Наманган костюмбоп ва штапель газламалар к-ти қурила бошланди. Тошкентда «Малика» трикотаж и.ч.к-ти, Бухоро тўқимачилик к-ти (1973— 76), Наманган нотўқима материаллар и.ч. бирлашмаси (1974), Поп нотўқима материаллар к-ти (1977), Андижон ип газлама к-тининг 1-навбати (1981), Хива гилам к-ти қуриб ишга туширилди. 80-й.ларда йирик тўқимачилик корхоналарида бир қанча филиаллар очилди. Шунингдек, Пахтаобод, Чувама, Кўрғонтепа, Марҳаматда ҳамда Ғижувон ва Вобкентда ф-калар қурилиб ишга туширилди. Филиалларда ҳам и.ч. технологик циклининг тугал бўлишига эришилди.

90-й.ларда Ўзбекистон Т.с. янги сифат ўзгаришлари босқичига ўтди. Республиканинг хорижий мамлакатлар б-н ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб, чет эллик шериклар б-н барпо этилган қўшма корхоналар сони кўпайиб борди.

Ўзбекистон Т.с.нинг ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири жаҳон бозорига пахта толасини чиқариш эмас, балки жаҳон бозорида рақобатбардош ип газлама и.ч.ни кўпайтиришдан иборат стратегия танланди. Шу мақсадда АҚШ, Италия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва б. мамлакатлар фирмалари б-н ип газлама ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхоналар ташкил этилди. Корхоналарни чет эл илғор тўқимачилик технологияси б-н жиҳозлаш бошланди. 1993—94 й.ларда «Бухоротекс» акциядорлик жамиятига Швейцария, Германия ускуналари ўрнатилди. 1994 й.да Туркиянинг «Язекс» корпорацияси б-н ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида тўлиқ технологик цикли тўқимачилик мажмуи ишга туширилди.

1995—2003 й.ларда Ўзбекистон Т.с.га киритилган хориж сармоялари 519,89 млн.дан ортиқроқ АҚШ долларини ташкил этди, шу жумладан, Жан. Кореянинг *«Кабул текстайлз»* компанияси киритган инвестиция 186 млн., Туркиянинг «Тими», «Типаш» компанияси 75 млн. (Намангандаги «Косонсой— Тикмен» костюмбоп ва пальтобоп газламалар, жун чойшаб ва қўлда тўқиладиган гиламлар учун йигирилган ип), «Бурсел» фирмаси 52,9 млн. (Чиноз тўқимачилик к-ти), «Астон» фирмаси 40,3 млн («Аснамтекстиль»), Япониянинг («Силк Роад», Наманган) «Марубени» фирмаси 60 млн. АҚШ долларидан иборат бўлди. Ўзбекистон Т.с.да экспортбоп маҳсулотлар и.ч. ҳажми тобора ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Т.с.да 2003 й.да 453,3 млн. $м^2$ газлама, шу жумладан, 415,2 млн.$м^2$ ип газлама, 167 млн. жуфт пайпоқ, 28,6 млн. дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Чет мамлакатларда Т.с. Ҳиндистон, Хитой, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Италия, ГФР, Мисрда айниқса тараққий этган. Ривожланган мамлакатлар Т.с.да биринчи ўринни пахта толасидан ип газлама и.ч. эгаллайди, жун ва шойи газламалар и.ч. кейинги ўринларда туради.

Ад.: Олимбоев Э., Давиров Ш., Ўзбекистон тўқимачилик саноати маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш технологияси, Т., 2002.

Эркин Олимбоев.

ТЎҚИМАЧИЛИК ТОЛАЛАРИ — *арқоқ* ва *танда* иплари, галтак ип ва б. тўқимачилик буюмлари тайёрлашда ишлатиладиган, узунлиги кўндаланг кесими юзасидан анча катта бўлган, эгилувчан, ингичка ва пишиқ материаллар. Т.т. табиий ва кимёвий гуруҳларга бўлинади.

Табиий толалар юқори молекулали органик моддалар — ўсимлик органлари ва ҳайвонлар жуни ҳамда момиғидан, ўсимликлар уруғи (мас., пахтадаги чигит), пояси (мас., зиғир толаси), барги (мас., юкка толаси), меваси (мас., ластовчник толаси), ипак қурти пиллаларидан олинади. Табиий толалар юқори молекулали анорганик моддалар (мас., минерал ва б.)дан ҳам ишлаб чиқарилади (яна қ. *Кимёвий толалар*).

Бўйламасига ажралмайдиган (якка) Т.т. элементар толалар, бир неча элементар толаларни бўйламасига бириктириб ҳосил қилинган Т.т. техник толалар дейилади. Анча узун элементар Т.т. элементар иплар деб аталади. Баъзи Т.т.да каналлар бўлади. Т.т.дан, асосан, ип олинади, ундан эса газлама, трикотаж, тўқимачилик буюмлари ва б. нарсалар тайёрланади. Т.т. орасида энг кенг тарқалгани *пахта* толаси ҳисобланади. Пахта толасидан кийим-кечак, техник мато ва турли-туман трикотаж, иплар, пахтадан эса момиқ пахта, йигирилмайдиган материаллар ва б. тайёрланади.

Луб толаларидан бири — зиғир поясидан олинадиган тола жуда ингичка, пишиқ, кам чўзилади, гигроскопик бўлади. Унинг ипидан қоп-қанор, кийим-кечак, техник мато ва б. газламалар тайёрланади. Дағал поя толаси — каноп ва пенькадан арқонлар, дағал газламалар тайёрланади. Жут ҳам дағал поя толаси бўлиб, у кўп тарқалган, намни ўзига яхши тортади, хоссаси канопникига яқин. Ундан кўпроқ шакар қоплари ва б. тайёрланади. Табиий толалардан *жун* ва *ипак* кийим-кечак ва б. тайёрлашда қимматли хом ашё ҳисобланади.

Асбест минерал Т.т.дан бўлиб, техник матолар тайёрлашда, кўпчилик саноат тармоқларида ишлатилади. Табиий Т.т. соф ва аралаш (мас., жун-пахта) ҳолда, кўпинча, штапель толалари б-н аралашган ҳолда ишлатилади. Аралаш ҳолдагиси газлама сифатини яхшилайди, и.ч. таннархини камайтиради.

...ги. Марказий. 2004 й.

...бошланди. 1935 й.
...ш ишга бошлади

Ўзбекистон Т.е.ини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири жаҳон бозорига пахта толасини чиқариш эмас, балки жаҳон бозорида рақобатбардош ип газлама ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат стратегия танланди. Шу мақсадда АҚШ, Италия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва б. мамлакатлар фирмалари б-н ип газлама ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхоналар ташкил этилди. Корхоналарни чет эл илғор тўқимачилик технологияси б-н жиҳозлаш бошланди. 1993—94 й.ларда «Бухоротекс» ак-

ТЎҚИМАЧИЛИК ТОЛАЛАРИ — *арқоқ* ва *тана* иплари, газлак ип ва б. тўқимачилик буюмлари тайёрлашда ишлатиладиган, узунлиги кўндаланг кесими юзасидан анча катта бўлган, эгилувчан, ингичка ва пишиқ материаллар. Т.т. табиий ва кимёвий гуруҳларга бўлинади.

Табиий толалар юқори молекулали органик моддалар — ўсимлик органлари ва ҳайвонлар жуни ҳамда момигидан, ўсимликлар уруғи (мас., пахтали чигит), пояси (мас., зигир толаси), барги (мас., юкка толаси), меваси (мас., ғалтоқчик толаси), ипак қурти пиллаларидан олинади. Табиий толалар юқори молекулали анорга-

ТЎҚУМБОЕВ Аали (тахаллуслари Балқа, Чалқар) (1904.7.11, Қирғизистоннинг ҳоз. Кемин тумани — 1988) — Қирғизистон халқ шоири (1945), қирғиз ёзма адабиёти асосчиларидан. Қирғизистон ФА акад. (1954). Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1934—49). «Меҳнат гули» (1932), «Дастлабки шеърлар» (1934) китоблари ва «Туткун Марат» достони (1932) замонавий мавзуда. «Днестр чуқур денгизга қуйилади» (1939), «Яраланган юрак» (1940) қиссалари муаллифи. 2-жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда ёзган шеърлар тўплами («Ташаккур», 1944; «Замон овози», 1966), достон («Манас ватандошлари», 1941; «Думбира навоси», 1960; «Жонли тарих», 1969) ва пьесалари («Қасам», 1943; «Тафтиш давом этади», 1962; «Биз ҳам солдат бўлганмиз», 1965) қирғиз халқининг ватанпарварлиги ҳақида. «Тонг олдидан» шеърий романи («Қонли йиллар», 1-китоб, 1935; «Бахтиёрлик уруғи», 2-китоб, 1947, бирлаштирилган қайта нашри, 1962)да қирғиз халқининг турмуш тарзи акс эттан. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Тўқтағул Сотилғонов номидаги Қирғизистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

ТЎҚҚАЛЪА — археологик ёдгорликлар мажмуаси (мил. ав. 4-а. — мил. 13-а.). Нукус ш.дан 14 км шим.-ғарбда, кичик табиий Тўқтов тепалигида жойлашган. Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали тарих, тил ва адабиёт институтининг Тўққалъа археологик экспедицияси томонидан ўрганилган (1958—65). Ёдгорлик антик, илк ўрта аср шаҳар харобаси қолдиқлари ва қабристондан ташкил топган. Т.нинг қад. қисмида қалъа қолдиқлари, буржлар, хоналар (эни 3 м, уз. 5,5 м), йўлаклар чиққан. Сопол буюмларига кўра, Т.нинг бу қисми мил. ав. 4—2-а.ларга оид. У антик Хоразмнинг шим.-ғарбий ҳудудларидаги давлат чегара истеҳкоми бўлган. Қалъа ҳарбий ҳаракатлар пайтида вайрон этилган. Бир оз танаффусдан сўнг Т.да ҳаёт қайта жонланган, турар жойлар вужудга келган. Шим.-ғарбий девор ўртасидаги хоналар остидан сопол қувурлар топилган. Т.дан, шунингдек, 7—8-а.ларга оид сопол идишлар, темирдан ясалган меҳнат қуроллари, мис тангалар (аксарияти Кардор ҳукмдори Хусравга тааллуқли, шунингдек, Хоразмшоҳлар ва Суғд тангалари) чиққан. Улар Кардор маданиятининг сўнгги босқичига оид. Қабристон Тўқтов тепалигининг шарқий ва шим. ён-бағирларида жойлашган. Ундан кўплаб оссуарийлар топилиб, унинг деворларида хоразмий ёзувида битилган қабр ёзувлари (эпитафия), турли диний рамзлар сақланган (мил. 7-а. охири — 8-а.). Оссуарийлар устида ўрта аср (8-а. 2 ярми — 14-а.) қабристони жойлашган.

Шинназар Матрасулов

ТЎҚҚИЗ-ЎҒУЗ, тўққиз-ўғуз (қад. туркийча уғуз — қабилалар — қад. туркий қабила иттифоқларидан бири. Т.-ў. (сейньто) қабила иттифоқининг асосини 9 қабила — сейньто, уйғур, пугу, тунло, хун, хусйе, атие ва б. ташкил қилган. Улар ҳоз. тива, олтой, теленгут, уйғур халқларининг илк аждодлари ҳисобланади. 6-а. охири — 7-а. бошларида йирик қабила иттифоқларидан теле ўз мустақиллиги учун *Турк хоқонлиги*га қарши кураш олиб борган. Бир қисми эса, Гоби саҳросининг шим.да, Толо дарёси (Лена дарёсининг юқори оқимларидан бири) бўйларига кўчиб келиб, Янги Теле хоқонлигини ташкил этишган. Бу хоқонликни сейньто қабиласи бошқарган. Т.-ў. ҳукмронлигидаги хоқонликка Мўғулистон ва Тува ерлари кирган. 7-а. ўрталарида Т.-ў. таркибидаги уйғурлар кучайиб, улар ҳукмрон роль ўйнаган. 8-а. ўрталарида уйғур ва қарлуқларнинг тўхтовсиз ҳужумлари натижасида Турк хоқонлиги енгилган. Марказий Осиёнинг ғарбий қисми уйғурлар қўлига ўтган. Уйғур қабила иттифоқи бир қанча қабилаларни, жумладан, Т.-ў.ларни ҳам бирлаштирган. Илк ўрта асрларда уйғур қабилалари иттифоқи Т.-ў. деб аталган. Уйғурларнинг илк аждодлари теле қабила иттифоқи таркибида бўлган. Кейинчалик кучайиб 663 й.да 1-мустақил Уйғур хоқонлигини барпо этган. Лекин уларнинг мустақиллиги узоққа бормади. Уйғурлар Шарқий Турк хоқонлигига тобе бўладилар. 2-Турк хоқонлиги инқирозга учрагач, уйғурлар 8-а. ўрталарида йирик уйғур хоқонлигини ташкил қилиб, ҳоз. Мўғулистоннинг катта қисмига эгалик қиладилар. Басмил, қисман қарлуқлар (асосан, Хангай тоғи олдида яшовчилар) уйғурлар тасаррўфида бўлганлар. 840 й. қирғизлар Т.-ў.ларга (уйғурларга) қаттиқ талафот етказганлар. Шундан кейин уйғурлар бир неча гуруҳларга бўлинадилар. Буларнинг бир қисми Шим. Хитойгача, 2-қисми Бешбалиқ ва унинг атрофларигача, 3-қисми Турфон воҳасига келиб жойлашиб, кичик Уйғур давлатини барпо этадилар.

Ад.: Шониёзов К., Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, Т., 2001.

ТЎҒАЛОҚ МУЛЛА (тахаллуси; асл исм-шарифи Бошимбет Абдураҳмонов) (1860.10.6 — ҳоз. Қирғизистоннинг Ўзган тумани — 1942.4.1) — қирғиз шоири, оқин. Қирғиз фольклорини билимдони. «Манас» эпосини айтувчилардан. Мадрасада ўқиган. 14 ёшида шеър ёза бошлаган. У «Деҳқоннинг ишчиси», «Темирчи дехқоннинг ишчиси», «Бир эрга берилган қиз ҳасрати», «Чолга эрга берилган қиз ҳасрати» каби шикоят-қўшиқлар, «Хожининг киртикорлари», «Сатта урган кун» каби ҳажвий шеърлар, «Турна ва тулки», «Булбул ва ошиқ» каби масаллар ёзган. «Кемпонтой», «Бобирхонлар» (1900), «Қушлар ҳангомаси» (1908), «Ўгитлик» (1919—23), «Насиҳат» (1925) каби достонлар, «Эртаклар» (1939) тўпламини нашр эттирган. «Шеърлар ва достонлар» (1947), «Танланган шеърлар» (1951), «Ер ва унинг болалари» (1952) ва 2 жилдли «Танланган асарлар» (1954—56) муаллифи. Навоий, Фурқат, Муқимий, Завқий ижоди Т.М. ижодига катта таъсир этган. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

ТЎҒОН — дарё ва сойларга қуриладиган гидротехника иншооти. Сув сатҳини кўтариш, босимни ошириш ва сув ҳавзалари ҳосил қилиш учун қурилади. Т.лар дарё сувини тартибга солишга, электр энергияси олишга, сув тошқинларига барҳам беришга, унинг атрофидаги микроиқлимни яхшилашга имкон беради. Экинларни суғориш ва ичиш учун сув манбаларидан сув чиқаришга интилиш мил. ав. 4- ва 3-минг йилликларга тўғри келади. Айниқса, суғорма деҳқончиликнинг аста-секин ривожланиб бориши туфайли Т.лар (дамбалар) қуришга эҳтиёж туғилди (қ. *Деҳқончилик*). Ибтидоий деҳқончиликдан маданий деҳқончиликка ўтиш даврида Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам суғорма деҳқончиликка ва, демак, *дамба* ва Т.ларга талаб кучайди. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиёда мил. ав. 10-а.да асосан ғалла экинлари, шоли, ғўза, кунжут, қовун, ток ва б. ўстирилган. Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Рим, Хоразм давлати ва б. жойларда суғориш иншоотлари (сунъий каналлар, дамбалар, тўғонлар) қурилган. Кейинчалик Т.лар қуриш усуллари ва уларни мустаҳкамлаш тадбирлари такомиллашиб борди. Ўзбекистонда Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Осмон сойига 10-а.да Хон бандли тўғони (уз. 50 м, бал. 15,2 м), 12-а.да Каттақўрғон туманида ғишт Т. қурилган. 16-а.да қурилган Абдуллахон банди Т.нинг бал. 15 м, уз. 83 м, эни 4,5 м бўлган. Ўша пайтларда Т. қуришида тупроқ, тош, ганч ва б. материаллардан фойдаланилган. Бетон Т.лар 20-а. 20-й.ларидан қурила бошлади. Ўзбекистонда Бўзсув ГЭС тўғони (1923—27), 1 Май Т.и (1926—30), Камирработ Т.и (1935—38), Фарҳод ГЭС тўғони (1943—50) ва б. қурилди. 20-а. 50-й.ларидан баланд Т.лар пайдо бўлди. Тошкент денгизи ва Каркидон, Каттақўрғон ва Пачкамар сув омборлари Т.лари (тупроқдан), Косонсой сув омбори Т.и (тошдан) ва Қорадарёдаги Андижон Т.и (бетондан) шулар жумласидан.

Тўғон: 1-расм. Бўзсув ГЭС (1926): а — станция тўғони, б — ГЭС биноси.

Вазифасига қараб, Т.лар сув омбори ва ГЭСларга қуриладиган, сув сатҳини кўтарадиган, оқова (ортиқча сувни чиқариб юборадиган), станцион (сув олиш туйнуги бўлган) хилларга бўлинади. Т., асосан, тупроқ, тош, бетон ва ёғочдан қурилади. Бетон Т.нинг гравитацион, равоқли ва тиргакли хиллари бўлади. Т.нинг тури геологик, топографик, гидрологик ва иқтисодий шароитларга қараб танланади. Т.ларнинг бал. 300 м га етиши мумкин (мас., Нурек ГЭС).

Сув босими кичик (2—4 м, камдан-кам 4—8 м, айрим ҳолларда 16—20 м) бўлган жойларда ёғоч Т. қурилади ва контрфорс (тиргак)лар б-н мустаҳкамланади. Тупроқ Т. бир хил материалдан, яъни маълум тартибда жойлаштириладиган қумоқ ва қумлоқ ёки тупроқ, қумлоқ ва қум ва ш.к.дан қурилади. Т. қорнуси ичида сув ўтказмайдиган экран (пластик ёки қаттиқ) ёки материаллар (тупроқ, қумоқ тупроқ, бетон, темир-бетон ёки металл)дан ички ядро ясалади. Тупроқ Т. тўкма ва қуйма турларга бўлинади. Сув омборидаги пўртаналар таъсиридан сақлаш учун Т.нинг юқори бағри тош, бетон плиталари ва б. сув ўтказмайдиган материаллар б-н қопланади. Аралаш типдаги Т. тош ва тупроқдан қурилади. Тош Т., асосан, тош ташлаш ёки тош тўкиш йўли б-н қурилади. Т. экрани ёки сув ўтмайдиган марказий элементи (диафрагмаси) темир-бетон, асфальт ва полимер ва б. материаллардан қурилади. Бетон ва темир-бетон Т. конструкцияси бўйича гравитацион, аркасимон ва тиргакли (контрфорсли) турларга бўлинади. Т. харсанг тош териб ёки бетон, тош-бетондан қурилади, ўз массаси б-н сув босимини тўсиб туради, асоси ва экрани мустаҳкам, сув ўтказмайдиган қилинади. Аркасимон, яъни ёйсимон Т. (дара кенглиги катта бўлганда) юқориги бьефи сув босими бўлганда) юқориги бьефи сув босими қирғоққа ёки махсус тиргакларга бирлаштирилади. Гравитацион Т.лар махсус тайёрланган, сув ўтказмайдиган мустаҳкам заминга қурилади ва катта массага эга бўлади. Тиргакли (контрфорс) Т.ларнинг босим тушадиган томони темир-бетон плиталар б-н тўсилади. Тиргакнинг ўзи мустаҳкам қоя ёки заминга ўрнатиладн. Металл Т.лар бошдан-оёқ металлдан ишланади, қимматлиги туфайли қўлланиш доираси чекланган. Замонавий Т.лар, асосан, темир-бетондан қурилади.



2-расм. Ёғоч тўғон схемаси: *1* — тиргаклар; *2* — контрфорс; *3* — кўприк устуни; *4* — кўприк; *5* — тўсқич; *6* — тупроқ дамба; *7* — қуйига солинган пол; *8* — лой ёстиқ; *9* — водобой пол; *10* — қабул қиладиган пол; *11* — рисберма.

Мирадҳам Файзиев, Ботир Ҳобилов.

ТЎҒРИ БУРЧАК — ўзига қўшни бўлган бурчакка, яъни 90°га тенг бурчак. Геометрия асосларида Т.б. мавжудлиги ва барча Т.б.лар бир-бирига тенг эканлиги исбот қилинади.

ТЎҒРИ БУРЧАКЛИ КООРДИНАТАЛАР — координата ўқлари ўзаро перпендикуляр бўлган системага нисбатан координаталар. Аффин координаталарининг хусусий ҳоли. Агар Т.б.к. системада ҳар бир ўқ бўйича масштаб ўлчов бирликлари тенг бўлса, *Декарт координаталар тизими* ҳосил бўлади. Агар x ва y нинг қийматлари нисбати жуда катта бўлса, $y=f(x)$ функция графигини тегишлича танланган масштабли Т.б.к.да тасвирлаш қулай.

ТЎҒРИ ИЧАК — қ. *Йўғон ичак.*

ТЎҒРИ КАСР — сурати ҳам, махражи ҳам мусбат ҳамда сурати махражидан кичик бўлган оддий каср. Мас.: $\frac{1}{2}; \frac{2}{3}; \frac{5}{7}; \frac{8}{11}$;. Т.к.нинг қиймати доим 0 ва 1 орасида бўлади.

ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАК — ҳамма бурчаклари тўғри (яъни 90°га тенг) бўлган ясси тўртбурчак. Т.т.нинг хоссалари: 1) қарама-қарши томонлари тенг ва параллель; 2) диагоналлари тенг ва кесишиш нуқтаси тенг иккига бўлинади; 3) иккита симметрия ўқига эга; 4) ташқи айлана чизиш мумкин; 5) юзи эни б-н бўйининг кўпайтмасига тенг: $S=ab$. Т.т.нинг эни ва бўйи тенг бўлса, квадрат ҳосил бўлади.

ТЎҒРИ ЧИЗИҚ — геом.нинг асосий тушунчаларидан бири. Т.ч. геометрияда бошланғич (таърифланмайдиган) тушунча деб олинади. Т.ч. ва унинг хусусиятлари геом.нинг бошқа тушунчалари б-н аксиомалар орқали боғланади. Мас., ҳар қандай икки нуқтадан фақат битта тўғри чизиқ ўтади. Агар A ва B сонлар бир вақтда нолга тенг бўлмаса, текисликдаги *декарт координаталар тизимида* Т.ч. $Ax+By+C=0$ тенглама б-н берилади. $B\neq0$ бўлса, бу тенгламани $y=kx+b$ кўринишга (бурчак коэффициентли тенгламага) келтириш мумкин. k сон Т.ч.нинг бурчак коэффициенти дейилади, у Т.ч.нинг Ox ўқининг мусбат йўналиши б-н ташкил қилган бурчаги тангенсига тенг.

ТЎҒРИҚАНОТЛИЛАР (Orthoptera) — ҳашаротлар синфига мансуб туркум. Танаси узунчоқ, 2 жуфт қаноти яхши ривожланган. Орқа оёқлари сакровчи. Урғочисининг тухум қўйгичи бор. Махсус товуш чиқариш ва эшитиш органлари мавжуд. Т.қ. туркуми 2 кенжа туркум: узун мўйловлилар (зднехилсимон-

а
б

лар, темирчаксимонлар, чиригдоқсимонлар, чиригдоқлар катта оилалари ва калта муйловлилар (треперстсимонлар, тетригидсимонлар, тимпаналсизлар, пуфакчилар, чигирткалар катта оилаларига ажратилади. 200000 дан, Ўзбекистонда 350 дан кўпроқ тури маълум. Жан. ҳудудлардаги очиқ ландшафтларда кенг тарқалган. Чала ўзгариш орқали ривожланади. Йилда битта наел беради. Одатда, тухум даврида қишлайди. Купчилик турлари ўсимликхўр, баъзи турлари аралаш ёки йиртқич озиқланади. Айрим турлари кўп сонли гала ҳосил қилиб, узоқ масофага учиб ўтиши (кўчиши) мумкин. Қ.х. экинларига зарар келтирувчи турлари бор (чигирткалар, бузоқбошилар). Гала бўлиб кўчиб юрувчи турлари (сариғ чигирткаси, марокаш чигирткаси) экинлар учун айниқса катта хавф туғдиради. Чўл темирчаги Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ТЎҒРИЛАГИЧ, ток тўғрилагич — ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирувчи қурилма. Асосий қисми — вентиль. Вентилнинг турига қараб, *кенотронли, газотронли, тиратронли*, симобли, ярим ўтказгичли, электр контактли; бир ва уч фазали, бир ва икки ярим даврли Т.ларга бўлинади. Т. *автоматика, телемеханика* ва радиоаппаратура ҳамда юқори қувватли саноат қурилмаларини ўзгармас ток б-н таъминлашда ишлатилади.

ТЎҒРУЛБЕК, Султон Тўғрулбек, Муҳаммад Тўғрулбек Рукнуддин Абу Толиб (993 — 1063.4.9) — *Салжуқийлар давлатининг* асосчиси ва 1-султони (1038 —63). *Салжуқбекнинг* невараси. *Ибн ал-Асир*нинг ёзишича, 11-а.нинг бошларида бироларн *Чағрибек* Довуд (990 —1060) б-н биргаликда кўчманчи ўғузлар — *салжуқийларнинг* ҳарбий бирлашмаларига бошчилик қилган. 1025 —30 йиларда Т. бошчилигидаги салжуқийлар *Алтечин* ва Сирдарё ибғуси қўшинларига қарши муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлар олиб боришган.

1035 й. май ойининг бошларида 10 минг кишилик салжуқийларнинг оғлиқ қўшини Т. ва Чағрибек қўмондонлигида Амударёни кечиб ўтиб, Амул (ҳоз. Туркманободни эгаллаган ва Марвдан Нисога пул олган. Ғазнавийлар султони *Масъуд Ғазнавий* уларга қарши қўшин жўнатган. Бу жангда салжуқийлар галаба қозониб, Хуросонда ўз мавқеларини тобора мустаҳкамлаб боришган, хусусан, Тус ва Нишопурни эгаллаб, Т.ни Нишопурда султон деб эълон қилганлар (1038 й. июнь).

*Данеканакон жанги*да ғазнавийлар устидан қозонилган галабадан сўнг Т. Хуросон ҳукмдори деб эълон қилинган. 1040 —1055 йиларда Т. Хоразм, Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Арманистонга ҳарбий юришлар уюштириб, бу ҳудудларнинг катта қисмини салжуқийлар давлати таркибига қўшиб олди. Қорахонийлар ҳам Мовароуннаҳрда Т. ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлган. Т. *араб халифалиги* пойтахти Бағдодни эгаллаб (1058 й. 23 апр.), ўз номига хутба ўқитирган ва аббосийлар сулоласининг халифаси ал-Қоим ҳукмронлик даври 1031 —75) унинг «султон» унвонини тан олиб, Ға «ал-Машриқ ва ал-Мағриб султони» деган юксак унвонни ҳам берган. Т. халифани *бошқалар*дан шу нарсалардан бўлганининг газабидан халос қилиб, ислом динининг сунний мазҳабини мустаҳкамлаган. Кейинчалик Т. халифа ал-Қоимнинг қизи Сайида Нисога уйланган (1063.17.2).

Т. 1038 й.дан ҳарбий ҳаракатлари давомида пирак ташкарбошилар ва қариндош-уруғларига мамлакат ҳудудини *иқто* сифатида тақсимлаб берган. Т. Рашн, Чағрибек Марвни уларга поытахт қилганлар. Кейинчалик Т. пойтахти Райдан Исфаҳонга кўчирган (1050). Форслардан бўлган вазири Абдулмалик Кундурий (1064 й. қиш ойлари) ёрдамида ўзбек салжуқийлар салтанатини бошқарган.

Манба Садр ад-дин Али ал-Хусайни, Ахбор ад-давлат ас-салжукиййа (Акбар ат-таворих), М., 1980; Абу л-Фазл Байхакн, История Масъуда (1030—1041), М., 1969.

Ад. Агаджанов С. Г., Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв., Ашхабад, 1969.

Қаҳрамон Раҳабов

ТҲИМИҲУ — *Бутан* пойтахти. Шарқий Ҳимолай тоғларида, Чичу дарёси (Брахмапутра ҳавзаси) водийсида. Аҳолиси 30 минг кишидан ошиқ (1998). Мамлакатнинг дунё маркази. Аэропорт бор. Савдо-саноат маркази. Ёғочсозлик ва озиқ-овқат саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси бор. Т.дан Дунё қалъасига қирол қароргоҳи жойлашган.

У

У — ўзбек кирилл алифбосининг ўн тўртинчи ҳарфи; нутқ товушлари таснифида лабланган, тор, тил орқа унлиси, шунингдек, алоҳида сўзни — кишилик ёки кўрсатиш олмоши ҳисобланган У сўзини ифодалайди. Ушбу ҳарф ифодалаган фонема расмий ёзма адабий тилда тил орқа фонемаси деб қабул қилинган бўлса-да, оғзаки нутқда ҳамда ўзбек тилининг қипчоқ ва ў. бир қанча шеваларида унинг 2 варианти: тор, тил олди, лабланган У товуши ў-н тор, тил орқа, лабланган У товуши мустақил фонемалар сифатида қўлланади (тул — машғул, кул— қул сўзларидаги У товушининг қиёсланг) ва баъзан маъно фарқлаш учун хизмат қилади: тут (ушлаб ол) — тут (мева), ун (товуш) — ун (янчилган галла). Бу ҳарф сўз бошида (ун, уюм, улфат) ва сўз ўртасида (уруг, уруш, ёзувчи) фаолроқ қўлланади, бироқ сўз охирида камроқ учрайди (ору, какку). Туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган ёзувларда У ҳарфи ўзига хос шаклларга эга бўлган. Улар қуйидаги жадвалда келтирилди.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	𐬎𐬌	Мил. ав. 6—4 - а
Ўрхун - Енисей ёзуви	𐰆𐰍𐰃	5 — 8 - а
Туркий (уйғур) ёзуви	𐽆𐽀𐽉	8 — 13 - а
Суғд ёзуви	—	Мил. ав. 1 - минг и. охири — 13 - а
Араб ёзуви	و - ۇ	13 - а — 1929 и.
Лотин ёзуви	U	1929 — 1939 и.
Кирилл ёзуви	У	1940 — 1995 и.
Янги ёзуви	U	1995 и. дан

У — Қад. Хитойда *Хань* сулоласи парчаланиши натижасида вужудга келган Санъго (Уч подшолик) даври шоҳликларидан бири (222—280). Хитойнинг жан. ва жан.-шарқий ҳудудларини (Янцзи дарёсининг ўрта ва қуйи оқими ва ундан жан.даги ерлар) қамраган. Пойтахти — Цзанье ш. (ҳоз. Нанкин). У га Хань салтанати саркардаси Сунь Цюан асос солган. Вэй ва Шу подшоликлари ўн-н узоқ муддат урушлар олиб борган. Юз қабилаларини мустамлака қилиш мақсадида уларга қарши босқинчилик юришлари уюштирган. 280 й. Гарбий Цинь империяси таркибига кирган.

УАГАДУГУ — *Буркина-Фасо* пойтахти. Қора ва Оқ Вольта дарёлари оралиғидаги платода, 300 м баландликда жойлашган. Иқлими субэкваториал, қуруқ иқлим. Январнинг ўртача т-раси 24,4°, июлники 31,5°. Ўртача йиллик ёғини 880 мм. Аҳолиси 709,7 минг киши (1990-й.лар охири). Транспорт йўллари тутуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Пахта тозалаш, тўқимачилик, озиқ-овқат корхоналари, пойабзал ф-каси, шина ва цемент з-длари, иссиқлик электр ст-яси бор. Тайёр қисмлардан йиғиладиган мотоцикллар йиғилади. Гилам тўқилади. Ҳунармандчилик ривожланган. Қ.х. районининг савдо маркази. Ун-т (1969), и.т. маркази, тропик ўрмон техник маркази ва б. бор.

Ўта 15-а.да асос солинган. 19-а. охиригача моси халқи давлатларидан бирининг пойтахти. 1919—32 ва 1947—60 й.larda Францияга қарашли Юқори Вольтанинг маъмурий маркази. 1960 й.дан мустақил Буркина-Фасо Республикаси пойтахти.

УАЙЛЬД, Уайлд (Wilde) Оскар (1854. 16.10, Дублин — 1900.30.11, Париж) — инглиз ёзувчиси, танқидчи. Ҳашамдор шеърлари б-н француз символистларига яқин туради. 1882 й.да АҚШ шаҳарлари бўйлаб саёҳатда бўлиб, эстетика бўйича маърузалар ўқиган. Бу даврда ва кейинроқ яратилган «Эътиқод ёки Нигилистлар» (1882), «Герцогиня Падуэская» (1883), «Саломея» (1893) драмаларида ёш ёзувчининг исёнкор кайфияти ифодаланиб, ижтимоий ҳаёт масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Лондонга қайтиб, газ. ва журлар б-н ҳамкорлик қилган. Ахлоқсизликда айбланиб, 2 й. (1895—97) қамоқда ётиб чиққач, Парижга кўчиб ўтган. Қамоқдан сўнг У. ҳаётида рўй берган руҳий тушкунлик «Рединг қамоқхонаси балладаси» (1898) автобиографик асари ҳамда ўлимидан кейин эълон қилинган «Қамоқхонадаги гавба» (1905)да ўз аксини топган. «Упидермир хонимнинг елпигичи» (1892), «Бенуқсон эркак» (1895), «Жиддий бўлиш қандай муҳим» (1896) комедиялари, «Бахтли шаҳзода» ва «Юлдузли бола» (1888) адабий эртаклар тўпламларида ўзи яшаган муҳит урф-одатларини танқидий акс эттирган. «Дориан Грей портрети» (1891) — 19-а. охиридаги интеллектуал романнинг ажойиб намунаси. 80-й.лардаги танқидий мақолаларида («Ўй-ниятлар» тўплами, 1891) У. ҳоз. инглиз адабиётидаги ўзига яқин воқеа-ҳодисаларни ёритган. Айни пайтда халқ қўшиқчилик ижодини, П. Беранже шеъриятини юқори баҳолаган, О. Бальзак, Л. Н. Толстой, И. С. Тургенев ва Ф. М. Достоевскийлар бадиий маҳоратини меҳр б-н тасвирлаган. У. пьесалари асосида фильмлар яратилган.

УАЙТ (White) Патрик Виктор Мартиндейл (1912.28.5, Лондон — 1990, Австралия) — австралия ёзувчиси. Кэмбриж ун-тини тугатган (1935). 1940—45 й.лар Британия авиациясида хизмат қилган. 1946 й. дан Австралияда яшаган. Биринчи романи — «Бахтли водий» (1939). Иккинчи романи — «Тириклар ва ўликлар» 2-жаҳон уруши йиллари яратилган. Урушдан кейин «Абиссинияга қайтиш» ва «Сохта дафн» пьесаларини ёзган. «Холамнинг саргузашти» романи АҚШда яхши баҳоланган. Асар ўз ички дунёсига берилиб ақлдан озган Гудмен исмли аёл ҳақида. «Инсон шажараси» (1955) романи эркак ва аёлнинг оилавий тарихи ҳақида бўлиб, ёзувчи оддий кишилар ҳаёти мисолида инсоний ҳаётнинг улуғворлигини акс эттирган. У. «Тумор» (1966), «Вивисектор» (1970), «Бўрон кўзи» (1973) каби романлар муаллифи. Новеллалар ҳам ёзган («Куйганлар» ва б.). Сўнгги асарлари: «Япроқдан ясалган белбоғ» (1977), «Туайнбернлар б-н бўлган чигал иш» (1979) романлари, «Том тушнидаги худо» (1978) шеърлар тўплами. Хилма-хил нутқий қатламлар ва оҳанглар-

нинг, поэтик рамзлар ва «аёвсиз» реализмнинг, кўтаринки руҳ ва муболағанинг ўзаро қўшилиб кетиши У. услубига хос хусусиятдир. Нобель мукофоти лауреати (1973).

УАЙТ-СПИРИТ (инг. white — оқ, рангсиз ва spirit — спирт, бензин) — эритувчи бензин, суюқ углеводородлар аралашмаси. Қайнаш т-раси 165—200° (98%), зичлиги 795 кг/м³, учувчанлиги 3—4,5. У.-с. кимёвий барқарор бўлиши, сақланганда ранги ва таркиби ўзгармаслиги, таркибида эрувчан кислоталар, ишқорлар, сув ва механик аралашмалар бўлмаслиги керак. У.-с. нефтни ҳайдаб олинади, лок-бўёқ саноатида эритувчи сифатида қўлланади.

УАТТ (Watt) *Жеймс* (1736.19.1, Гринок, Шотландия —1819.19.8, Хитфильд, Англия) — инглиз ихтирочиси, универсал *буг машинаси* яратувчиси; Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1875). Икки ёқлама ишлайдиган буғ машинасини ихтиро қилган (1774—84); бунда марказдан қочма ростлагични, цилиндр штокидан балансирга параллелограмм ёрдамида ҳаракат узатишни қўллаган ва 1784 й. да патент олган. У. яратган машина маҳсулотларни машина ёрдамида и.ч. га ўтишда катта роль ўйнаган.

УБАЙД МАДАНИЯТИ — Жан. Месопотамияда шаклланган *энеолит* даври маданияти (мил. ав. 5-минг йиллик). Мил. ав. 4-минг йилликда Шим. Месопотамияга, шунингдек, Сурия — Киликия, Кичик Осиё (Малатия р-ни), Урмия кўлининг жан.даги минтақаларга тарқалган. Қад. Ур ш. харобаларидан 6 км жан.да жойлашган Талл-ал-Убайд қишлоғида олиб борилган археологик қазишлар (Л. Вулли, 1923—24) натижасида олинган асосий материаллар номи б-н аталган. У.м. учун қўлда ясалиб, геометрик нақшлар б-н безатилган, баъзан ҳайвонлар шаклида ишланган сопол идишлар, кам миқдордаги мис идишлар, муҳрлар, чақмоқтошдан ясалган ўроқлар, маъбудалар ҳайкалчаси ва б. хос. У.м. аҳолиси ўтроқ деҳқончилик б-н шуғулланиб, уй чорвасига эга бўлганлар, хом ғиштдан ясалган уйларда яшаган, бу уйлар қишлоқни ташкил қилган, унинг марказида асосий саждагоҳ — иболатхона жойлашган.

УБАЙДУЛЛАЕВ Абдулла Муҳаррамович (1934.20.3, Тошкент) — пульмонолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими (1998), тиббиёт фанлари д-ри (1974), проф. (1979). ТошТИни тугатгач (1958), Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида клиник ординатор (1958—60), аспирант (1961—64), ассистент (1964—65), доцент (1966—70), терапия ф-ти декани (1974—86), пульмонология ва клиник аллергология

кафедраси мудири (1978 й.дан), 1986 й.дан Фтизиатрия ва пульмонология ил. институти директори. Ўзбекистонда пульмонологлар мактаби асосчиси.

Илмий фаолияти Ўзбекистонда нафас аъзолари касалликларининг эпидемиологияси, бронхиал астма ва ўпка сурункали обструктив касалликларининг генетик омилларини ўрганиш, сил касаллигини эрта аниқлаш, ёндош касалликлар б-н кечувчи силнинг патогенези, силга қарши дори-дармонларнинг ножўя таъсирини назарда тутиб, безарар усуллардан фойдаланган ҳолда комплекс даволашнинг янги технологиясини ишлаб чиқишга оид.

Ўзбекистон фтизиатрлар ва пульмонологлар илмий жамияти раиси (1986 й.дан), Европа респиратор жамияти ҳамда Халқаро сил ва ўпка касалликларига қарши кураш иттифоқи аъзоси (Париж). «Интерастма Россия — МДҲ жамияти» бошқарув аъзоси (Москва), Марказий Осиё пульмонологлар ассоциацияси вице-президенти. «Вестник» — Марказий Осиё пульмонологлар ассоциацияси журнали бош муҳаррири (1994).

Ас.: Функциональные методы диагностики в пульмонологии (в соавторстве), Т., 1997; Ўпка саркоидози (ҳамкорликда), Т., 2000; Бронхиальная астма (в соавторстве), Т., 2001; Нафас органлари касалликлари, Т., 2004.

УБАЙДУЛЛАЕВ Аҳадjон (1940.1.6, Поп тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Қўқон педагогика ин-тини тугатган (1983). 1958—97 й.ларда Поп туманидаги 23-мактабда меҳнат ўқитувчиси.

УБАЙДУЛЛАЕВ Маматхон (1925.3.3, Наманган) — Ўзбекистон халқ артисти (1982). 1943 й.дан Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида ишлайди. «Огриқ тишлар»даги Мамарасул, «Отелло»да Яго, «Майсаранинг иши»да Чўпон, «Она қалби»да Эркин, «Шубҳа»да Ҳайдар, «Қирол Лир»да Граф Эмонд, «Нурхон»да Мамат, Хожи, «Тоҳир ва Зуҳра»да Қоработир, «Ҳамлет»да Ҳамлет, «Сарвқомат дилбарим»да Илёс, «Эзоп»да Ксаф, «Азиз

Маматхон Убайдуллаев Шайх [illegible] ролида («А[illegible]») [illegible]

ва Санам»да Жуна илхон каби ролларни унутилган қаҳрамонларнинг поэтик психологик кечинмалар орқали ифода этиш, нутқ ва ҳаракатларини ранг баранглиги, кучли темперамент У. ижодининг етакчи хусусиятларидан. «Эл-юрт ҳурмати» ордени (1998), «Шуҳрат» медали (1993) б-н мукофотланган.

УБАЙДУЛЛАЕВА Маърифат (1929.4.6, Наманган вилояти Чодак қишлоғи) — Ўзбекистон халқ артисти (1983). 1953—61 й.лар Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида, 1961—92 й.лар Андижон вилоят мусиқали драма театрида, 1992 й.дан Аббос Бакиров номидаги Андижон ёшлар театрида актриса. Ширин («Фарҳод ва Ширин»), Хэмиолина («Ганг дарёсининг қизи»), Санам («Азиз ва Санам»), Ойпарча, Нодирабегим («Нодира»), Лайли («Лайли ва Мажнун»), Зулхумор («Равшан ва Зулхумор»), Нурхон («Нурхон»), Жамила («Бой ила хизматчи»), Катарина («Ўжар қизнинг қуюлиши»), Нигорoйим («Меҳробдан чаён»), Момо («Ҳаёт эшик ортида»),

Маърифат Убайдуллаева Нодирабегим (ўнгда) ролида («Нодирабегим»).

Наргиз («Наргиз») каби ролларни унинг ижодида алоҳида ўрин тутади. У. лирик ва характерли роллар устаси бўлиб, унинг ижоди юқори овоз, драматик маҳорати, бадиий ифодаси ҳаётийлиги б-н ажралиб туради. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (2002).

УБАЙДУЛЛАЕВА Раъно Ахатовна (1936.4.11, Тошкент) — иқтисодчи олима. Ўзбекистон ФА акад. (2000), иқтисод фанлари д-ри (1976), проф. (1981). Тошкент молия-иқтисод ин-тини тугатган (1958). Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт ин-тида лаборант (1958—60), аспирант (1960—63), кичик илмий ходим (1963—64), катта илмий ходим (1964—66), бўлим бошлиғи (1967—78; 1992—93), директор ўринбосари (1978—90) бўлиб ишлаган.

1993—97 й.ларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири ўринбосари, 1998 й.дан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори. Илмий ишлари Ўзбекистонда меҳнат ресурсларидан, хусусан, аёллар меҳнатидан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, оила, аҳолишунослик, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва б. масалаларга бағишланган.

Ас.: Женский труд в сельском хозяйстве Узбекистана, Т., 1969; Трудовые ресурсы Узбекистана, Т., 1970 (в соавторстве); Структурные преобразования в экономике и занятость женщин, Т., 1996; Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси (ўқув қўлланма), Т., 2001.

УБАЙДУЛЛАХОН, Убайдулла Султон, Убайдий (тўлиқ исми: Абулғозий Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон ибн Шоҳ Будоғ Султон ибн Абулхайрхон) (1486, Хоразмнинг Вазир ш. яқинидаги Тирсак мавзеси — 1540.17.3, Бухоро) — Бухоро хони (1533—40), шоир. *Шайбонийлар* сулоласидан. Муҳаммад *Шайбонийхон*нинг жияни, *Маҳмуд Султон*нинг ўғли. Отасининг илтимосига кўра, унга Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўз исмини берган. Тасаввуф бўйича дастлабки сабоқни отасининг пири Мавлоно Муҳаммад Қозидан олган. У.га ўз даврининг машҳур уламолари *Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон*, Махдуми Аъзам, Мавлоно Муҳаммад Азизон, Мавлоно Хожа Муҳаммад Садр ва б. устозлик қилган. Хусусан, унга давлат арбоби ва саркарда амир Абдулла Яманий (Бухорода Мир Араб номи б-н машҳур бўлган) ҳарбий санъатдан сабоқ берган ва ўзига мурид қилиб олган.

Хоразм ва Бухоро ҳокими бўлган отаси Маҳмуд Султон Қундузда вафот этгач (1504), унга Ўрусбек Дўрмон (1512 й. Кўли Маликда бўлган жангда ўлдирилган) оталиқ қилиб тайинланган.

У. амакиси Шайбонийхоннинг Хоразм (1505), Балх (1506), Ҳирот ва Машҳад (1507)га қилган ҳарбий юришларида қатнашган.

Дастлаб *сафавийлар* қўшинининг Мовароуннаҳр ичкарисига бостириб киришидан чўчиган У. ва *Муҳаммад Темур Султон* (Шайбонийхоннинг ўғли) шоҳ *Исмоил I* б-н элчилар алмашиб, сулҳ тузишга уринганлар. Шайбонийлар сулоласининг хони *Кўчкунчихон*нинг асосий нойиби (1510 й.дан) ва Бухоро ҳокими (1504 й.дан) сифатида У. душманга қарши курашга отланган. 1511 й.да бўлган жангда енгилган У. ва Кўчкунчихон, Самарқанд ҳокими Суюнчхўжахон, шунингдек, Муҳаммад Темур Султон ва *Жонибек Султон* ўз яқинлари б-н Туркистон шга чекинадилар.

1512 й. 28 апр.да *Кўли Малик жанги*да У. ғалаба қозониб, Бухоро ва Самарқандни эгаллади. 1512 й. баҳорида У.нинг ниҳояти натижасида Мовароуннаҳр яна шайбонийлар қўлига ўтди. Бироқ Исмоил I юборган *Нажми Соний* бошчилигидаги 60 минг кишилик сафавийлар қўшинига суянган Бобур 1512 й. кузида Ғузор ва Қаршини эгаллайди (қ. *Қарши мудофааси*). Нажми Соний қўшини Ғиждувонни қамал қилишга киришди. У. ва Жонибек Султон Кармана; Кўчкунчихон ва Темур Султон Миёнколга чекиниб, ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўришади. 1512 й. 24 нояб.даги *Ғиждувон жанги*да У. бошчилигидаги қўшин ғалаба қозонган.

1513 й. янв.да У. бошчилигидаги қўшин Хуросонга ҳарбий юришлар қилиб, сафавийларга кучли зарбалар берди. 1513 й. 11 мартда У. Марвни эгаллайди. Бу ерда У. Хоразмни ҳам эгаллаб, ўғли Абдулазизхонни ҳоким қилиб тайинлайди. Узоқ давом этган ҳарбий тўқнашувлардан сўнг Машҳад, Ҳирот (1529) ва б. шаҳарлар эгалланди. У. Ҳиротдаги мураккаб вазиятни тартибга солиш (бу ерда шиаларнинг таъсири кучайиб кетган эди) ва унинг Бухоро б-н алоқаларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратган. Кўчкунчихон вафот этгач, унинг ўғли Абу Саидхон даврида ҳам У. нойиблик вазифасида қолган.

1533 й.да Абу Саидхон вафотидан сўнг, туркий анъанага биноан султонлар ичида энг ёши улуғи У. Бухорода шайбонийлар сулоласининг хони қилиб кўтарилган. Пойтахт ҳам Самарқанддан Бухорога кўчирилиб, давлатнинг номи расмий равишда *Бухоро хонлиги* деб аталган. У. ҳукмронлиги даврида Бухоронинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги мавқеи кучайди.Бухорода *Мир Араб мадрасаси*, Мирак Саид Ғиёс боғи, Кўҳак (Зарафшон) дарёси устида *Меҳтар Қосим кўприги* ва б. иншоотлар қурилди.

У. яссавия ва нақшбандия тариқатларига эътиқод қилиб, шайх сифатида муридлар ҳам тарбиялаган. У. «Убайдий», «Қул Убайдий», «Убайдуллоҳ» тахаллуслари б-н ўзбек, форс ва араб тилларида ижод қилган. Унинг учала тилдаги девонларини ўз ичига олган куллиёти кейинчалик Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний томонидан кўчирилган (1583). У. нинг туркий девонида 310 ғазал, 430 рубоий, 11 туюқ, 18 маснавий, 7 муаммо, 2 ёр-ёр мавжуд. Шунингдек, девондан диний-тасаввуфий ва ахлоқий-дидактик руҳдаги «Омонатнома», «Шавқнома», «Ғайратнома», «Сабрнома» манзумалари ўрин олган. Форсий девонида эса 163 ғазал, 418 рубоий, 7 қитъа, 1 фард, 1 маснавий, 1 тaржеъбанд ва 3 муаммо бор. Араб тилидаги мероси 35 га яқин ғазал, қитъа ва фардлардан иборат. У. Аҳмад Яссавий асос солган ҳикматнавислик анъанасини ривожлантирган. Ундан 1786 байтдан иборат 220 дан ортиқ ҳикмат етиб келган. У. ижодида диний-тасаввуфий ғоялар етакчилик қилади.

У. ўзбек ва форс адабиётидаги йирик рубоийнавислардан ҳисобланади. Унинг бу 2 тилдаги рубоийлари 850 га яқин. Хусусан, ўзбек адабиётида рубоийнинг Бобурдан кейинги тараққиёти У. номи б-н боғлиқ. Шоир шеърларида ўзбек тилининг бой имкониятларидан, ўзига хос хусусиятларидан маҳорат б-н фойдаланган.

У. Бухоро яқинида жойлашган Баҳоуддин мажмуасидаги Дахмаи шоҳон (Шоҳлар дахмаси)даги шайбонийлар хилхонасида дафн этилган. У. куллиётининг ягона нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмалар фондида (инв. №8931), «Девони Убайдуллохон» қўлёзмаси Туркиянинг Нури Усмония кутубхонасида (инв. №4904), «Масоил ус-салот» номли терма баёзи Кўниёдаги Иззатқуюн хусусий кутубхонасида сақланади.

Ас.: Қул Убайдий, Вафо қилсанг, Т., 1994.

Ад.: Фазлаллаҳ ибн Рузбихан Исфахани, Михман-наме-ии-Бухара, М., 1976; Ҳасанхожа Нисорий, Музаккири аҳбоб, Т., 1993; Мирза Муҳаммад Ҳайдар, Тарихи Рашиди, Т., 1996; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, Абдулланома, 1—2-китоблар, Т., 1999—2000.

Қаҳрамон Ражабов, Эргаш Очилов.

УБАЙДУЛЛАХОН II, Убайдулло Муҳаммад Баҳодирхон (1681—Бухоро — 1711.16.3) — Бухоро хони (1702—11), *аштархонийлар* сулоласидан. *Субҳонқулихон*нинг ўғли. Бухорода мадраса таҳсилини олган. Субҳонқулихон вафоти арафасида валиаҳд қилиб невараси Балх ҳокими Муҳаммад Муқимхонни тайинлайди. Бироқ Бухоро уламолари ва қўшинининг мададига таянган У. II Бухоро тахтини эгаллайди (1702 й. сент.).

Балх ҳокими Муҳаммад Муқимхоннинг оталиғи ҳисобланган Маҳмуд хатагон (қ. *Маҳмудбий*) Бухорога бўйсунмасликдан ташқари Қубодиён (1703), Термиз (1704)ни ҳам Балхга қўшиб олиб, Балхни мустақил деб эълон қилган. Бекларнинг саройи фитнаси натижасида Муҳаммад Муқимхон ўлдирилгач (1707 й. март), У. II Балх устига катта қўшин б-н юриш қилади ва шаҳарни эгаллайди (1707 й. 27 май).

У. II мураккаб шароитда Бухоро хонлигини бошқарган. Иқтисодий таназзул ва ички низолардан ташқари жунғорлар (қалмоқлар)нинг ҳарбий босқинлари (мас., Самарқандга ҳужум), қалмоқлар хуружидан қочган қозоқлар ва қорақалпоқларнинг Мовароуннаҳр ҳудуди (Тошкент ва б. жойлар)га кўчиб келиши вазиятни яна ҳам мураккаблаштирган. Ана шундай шароитда У. II давлатнинг иқтисодий негизини мустаҳкамлашга қаратилган чоралар кўрган. Аввало у маъмурий соҳада ислоҳотлар ўтказиб, давлатни бошқаришга ўрта табақа: ҳунармандлар ва савдогарларни жалб қилади. У. II ҳатто марказий ҳокимиятни кучайтириш учун йирик ер эгаларининг имтиёзларини қисқартирган (мас., *Жўйбор хожалари* солиқ тўлашга мажбур қилинган). Бироқ Жўйбор шайхлари катта сиёсий куч бўлиб, У. II юргизаётган сиёсат учун хатарли мухолифга айланишган.

У. II нинг сиёсий фаолиятида пул ислоҳоти ҳам алоҳида ўрин тутади. У. II пул ислоҳотини ўтказиш орқали давлат хазинасини тўлдиришни, бебош амирлар, беклар ва уруғ бошлиқлари б-н курашда ўз мавқеини кучайтириш ва айрим маҳаллий ҳокимларнинг айирмачилик интилишларини бартараф қилиб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилди. Бироқ У. II нинг ислоҳотлари бадавлат табақалар ва айрим ўртаҳол шаҳарликлар томонидан норозилик б-н кутиб олинди. У. II га қарши ғалаёнлар кўтарилди.

У. II мамлакатда ободончилик ишларига эътибор қаратган. У мадраса ва Бухоронинг ғарбида Хонобод чорбоғи (1709)ни бунёд қилган. Тарихчи *Мир Муҳаммад Амин Бухорий* унинг саройида бош мунший бўлиб, У.нинг сиёсий фаолияти ҳақида «Убайдуллонома» (1716) асарини ёзган. *Муҳаммад Юсуф Муншийнинг* «Тарихи Муқимхоний» ва *Абдураҳмон Толеънинг* «Тарихи Абулфайзхон» асарларида ҳам У. II фаолияти акс этган.

У. II саройи фитнаси натижасида Бухоронинг Пири Мирза чорбоғида ўлдирилган. У Бухоро яқинида — *Баҳоуддин нақшбандиясидаги* Дахмаи шоҳонда отаси Субҳонқулихон қабри ёнига дафн этилган.

Ад.: Мир Муҳаммад Амин и Бухари, Убайдулла-наме, Т., 1957; Абдуррахман-и Тали, История Абулфейз-хана, Т., 1959; Муҳаммад Юсуф мунши, Муким-ханская история, Т., 1956.

Ад.: История Узбекистана (XVI — первая половина XIX века), Т., 1993; Очерки истории государственности Узбекистана, Т., 2001.

Қаҳрамон Ражабов

УБАЙДУЛЛОҲ ибн ЗИЁД (тахм. 649 — тахм. 685) — *Араб халифалигининг* Хуросондаги ноиби (673—674). Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан фатҳ этилишининг дастлабки босқичида фаол қатнашган араб саркардаси. Халифа *Муовия* томонидан 673 й. юборилган араб қўшинига бош бўлиб Амударёни биринчи бўлиб кечиб ўтган. Сўнгра Бухорони қамал қилган. Бухоро маликаси (қ. *Хутак хотун*) туркларни ёрдамга чақирган ва улар ёрдамида арабларга қарши зарбалар берган. Бироқ оқибатда араб қўшини ғолиб келиб, ўртада сулҳ тузилган. Сулҳга кўра Бухоро маликаси бир лак (бир миллион) дирҳам ҳажмда бож тўлаган. Шунингдек, араблар кўплаб қурол-яроғлар, кийим-кечаклар, олтин, кумуш буюмлар ва 4 минг бухоролик камончиларни ўлжа қилиб Хуросон ноиби қароргоҳи — Марвга қайтишган. У. ибн З. бухоролик камончиларни ўзининг шахсий гвардиясига айлантирган. Муовия Убайдуллоҳни 674 й. Хуросондан чақиртириб олиб Басра ноиби этиб тайинлаган, 681 й.дан — Басра ва Куфа ноиби.

Ад.: Табарий, История ат-Табари, Т., 1987.

УБСУ-НУР, Убса — Монголиянинг шим.-ғарбий қисмидаги оқмас шўр кўл. Шим.-ғарбий қисми Тува (РФ) ҳудудида. Майд. 3350 км², 753 м баландликда жойлашган. Соҳиллари текис, чўл ландшафтли. Ноябрдан апрелгача суви музлайди. У-Нга Тэс, Нарийн-Гўл дарёлари қуйилади.

УВАДА ГАЗ КОНИ — Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги кон, Қарши ш.дан 65 км шим.-шарқда. 1968 й.да очилган, 1981 й.дан фойдаланишга топширилган. У.г.к. майдони кенглик бўйича чўзилган брахиантиклиналдан иборат. Неоком-апт ярусининг бурма уз. 5,7 км, эни 3,5 км, бал. 250 м. Жан. қанот жинсларининг ётиш бурчаги 5—6°, шим. 7—8°. Бурма 2 та ер ёриғи б-н мураккаблашган, улардан биринчиси бурманинг марказий қисмидан кенглик бўйича, иккинчиси бурма чўзиқлигига кўндаланг кўна[illegible] ўтган. Кон [illegible] 1500 м.га [illegible] ва [illegible] қатламлари [illegible] жойлашган [illegible]. [illegible] уюми [illegible] 37—45 м, [illegible] 15—20 м. Говаклиги 14,6%, [illegible] 0,62. Газ конни [illegible] 742—745 м [illegible] 4—1,6 [illegible] 63,2 [illegible] 165,2 [illegible]. Конда [illegible] ишлатилмоқда.

УВАЙС ҚАРАНИЙ ([illegible] — 657) — сўфийликдаги [illegible] тарихий шахс. Муҳаммад (сав) даврларида яшаган бўлса ҳам у [illegible] б-н учрашмаган. Ривоятларга кўра, Расулуллоҳ (сав) Увайс [illegible] (625 [illegible]) [illegible] ларидан [illegible] ва [illegible] кийиб [illegible] У.Қ. Муҳаммад (сав)га бўлган юксак ҳурмати [illegible] Муҳаммад (сав) [illegible] мақсадида [illegible] бир [illegible] ўрин қилмаслиги учун ўзининг барча тишларини суғуриб олган. Муҳаммад (сав) ўз саҳобаларига [illegible] рига қўшилишини таклиф этган. Муҳаммад (сав) вафоти олдидан хирқаларини Алига У.Қ.га топширишни васият қилган. У.Қ. Алининг Муовия б-н бўлган Сиффин жангида ҳалок бўлган. Бошқа маълумотларга кўра, У.Қ. Хутанда вафот этиб, шу ерга дафн этилган.

УВАЙСИЙ (тахаллуси; асли Жаҳон) (1779 — Марғилон — 1845) — шоира, маърифатпарвар. У, аввал хат-саводни чиқариб, аввал халфа, сўнгра онасининг ёнида мактабдорлик қилган. Акаси Олимжон ҳофиздан шеърият илмини ўрганган, тез орада шоира сифатида танилган. У, [illegible] арузни, муаммо (шеърда фикрни яшириб ифодалаш) санъатини мукаммал эгаллаган. Қўқон адабий муҳити б-н яқинлашиб, мушоираларда қатнашган. Саройда *Нодира* ва б. хотин-қизларга шеърият илмидан дарс бериб, устозлик қилган. *Девони* отининг маълумот беришича, У. Нодира б-н Конибодом, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон каби шаҳарларга борган. 1842 й.да Бухоро амири Насруллохон Қўқонни эгаллагач, Марғилонга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган.

У. 4 девон тузгани маълум. Лекин бу девонларнинг асл қўлёзмалари топилмаган. У. мумтоз ўзбек шеъриятининг барча жанрларида ижод қилган. Навоий, Фузулий ва б.нинг асарларига мухаммаслар боғлаган. Шоиранинг адабий меросида 269 ғазал, 29 мухаммас, 33 мусаддас, 1 мурабба, чистон, 3 достон, [illegible] бир маснави бор. Ижодининг асосий мавзуи [illegible] кўп [illegible].

Шоира адабиётда тараққийпарвар намояндаларнинг қарашлари асосида майдонга келган [illegible], ишқ ва маърифатпарварлик ғояларига таалуқли лирик асарлар яратган. Асарларида инсоний [illegible], одамларни табиат ва ҳаёт ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишга ундаш, дўстлик, вафо ва садоқат ҳақидаги ўгитлар [illegible] Қуръон оятлари, ҳадислар ва тасаввуфий талқинлар б-н асосланган ҳолда ижодий баркамоллигини [illegible]. Унинг шеърларида [illegible] талаб ва қоидаларига [illegible] бўлган талқинлар кўп учрайди:

Фазлу [illegible] ҳеч кимга
йўқ [illegible],
Қабиҳ [illegible] машуқа [illegible]
[illegible].

У. ўз асарларида юксак одамийликни, шу [illegible] қалб тўрида авайловчи вафодор ёрни улуғлайди, уни Қуёш б-н қиёс қилади. Қуёш ҳар тонг уфқдан бош кўтариб, ўзининг олтин нури б-н оламга, одамларга ўз меҳр ва шафқатини сочади. Шоира ёр ва офтоб *тимсолларидаги* [illegible] санъати орқали энг гўзал туйғулар силсиласини яратади. Унинг лирик қаҳрамони мушоҳадакор донишманд, нафосат ошиқ.

Унинг анор ҳақидаги машҳур чистони ўзининг муҳим мазмуни ва юксак бадиийлиги б-н шоира ижодининг ёрқин бир саҳифаси сифатида кўзга ташланади:

Бу на гунбаздур, эшиги, туйнугидин
йўқ нишон.
Неча гулгун пок қизлар манзил
айлабдур макон?
Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидан
сўрсам хабар,
Кўнглида парда тортгандек турурлар,
бағри қон.

У. ҳаётлик шеъриндек нафис лирикаси б-н машҳур бўлган ва замондошларининг эътиборини қозонган. Лирик шеърларидан ташқари, унинг «Шаҳзода Ҳасан», «Шаҳзода Ҳусайн» каби лиро-эпик асарлари ва «Воқеоти Муҳаммад Алихон» каби тарихий достонлари мавжуд. Шоиранинг лиро-эпик достонларида ислом тарихи б-н боғлиқ воқеалар асосида яратилган.

У. асарлари ўзининг латиф мазмуни ва лирикаси бадиийлиги б-н халқ оммаси орасида кенг ёйилган, ҳофизлар, хонандалар томонидан мақом ва халқ куйларига ўқилиб, куйланиб келинади. Унинг хаттотлар томонидан кўчирилган 3 нусха қўлёзма девони Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти ва Андижон ун-ти кутубхонасида сақланади.

Ас.: Девон, Т., 1963; Кўнгил гавҳари, Т., 1985.

Ад.: Жалолов Т., Ўзбек шоиралари, Т., 1970.

Маҳбуба Қодирова

УВАЛ — ён бағирлари нишаб, чўзилиб кетган қирлар. Тепаси ясси ёки салгина гумбазсимон, лаги яққол кўзга ташланмайди. Унинг нисбий бал. 200 м гача бўлади.

УВАРОВИТ — гранатлар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Ca_3Cr_2[SiO_4]_3$. Куб сингонияда кристалланади. Кўк зумрад рангли, шишасимон, кучли ялтирайди. Қаттиқлиги 6,5—7, зичлиги 3,5—3,7 г/см³. Пневматолит-гидротермал генезисга эга. Хромит (ўта асосли жинсларда) рудаларнинг ёриқларида майда кристаллар шаклида учрайди. У. АҚШ, Канада, ЖАР, Польша, РФ (Урал) ва б. жойларда топилган. Финляндиядаги Оутокумпу конида 1,5 см гача бўлган кристаллари мавжуд. У. — заргарлик тоши.

УВЕК, Увек — *Олтин Ўрданинг* шаҳарларидан бири. 14-а. бошида бу ерда тангалар зарб этилган. 14-а. охирига қадар мавжуд бўлган. У. харобалари (Саратов яқинидаги Увек т.й. станцияси яқинида) 19-а.нинг охири ва 20-а.нинг бошида тадқиқ этилган. Турар жойлар, ҳаммомлар, мусулмонлар қабристони аниқланган. 1913 й. А.А. Кротков бадавлат [illegible] мақбараси (14-а.) очиб ўрганган. Бинолар пишиқ ва хом ғиштдан қурилган. Шаҳар харобасидан сув ва дон сақлаш учун мўлжалланган хумлар, сирланган ва сирсиз сопол идишлар, тошдан ясалган идишларнинг парчалари, кошин парчалари, қуроллар, Олтин Ўрданинг кумуш ва мис тангалари, жез маъбудчалар, хочлар топилган.

УВЕРТЮРА (лот. apertura — очиш, бошланиш) — опера, балет, оратория, драма, кинофильм ва б.нинг муқаддимасидан иборат чолғу пьеса; шунингдек, оркестр учун ёзилган концерт асари. Тингловчини опера, балет ва ҳ.к.даги воқеаларга тайёрлайди, ундаги жўшқин муҳитга олиб киради. У., одатда, асарнинг характери, ғоявий мақсади, асосий образларини умумлаштирган ҳолда ифодалайди. Илк намунасини К. *Монтеверди* «Орфей» операсида яратган. 17-а.да У.нинг 2 тури шакллана келди — француз (*Ж.Люлли намунада*) ва итальян У.си (3 қисмдан иборат sinfonia, А.Скарлатти). Итальян У.лари *симфония* ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди. 18-а. 2-ярмидан опера У.сида *соната* шакли пухта келди (К.Глюк, В.Моцарт, Л.Керубини ва б.). 18-а. охирларидан У. операдаги образ ва мавзу б-н янада уйғунроқ боғланган, [illegible] бўлади («Дон Жуан», В.Моцарт; «Фиделио» Л.Бетховен, «Руслан ва Людмила», М.Глинка ва б.). Соната шаклида бўлмаган У.лар, одатда, муқаддима, прелюдия, интродукция деб номланади. 19-а.дан симфоник мусиқада дастурий концерт У.си ривож топди. «Ёз тунидаги туш» (Ф.Мендельсон) биринчи романтик концерт У.дир. Ўзбекистон композиторлари опера ва мусиқали драмаларга У.лар, шунингдек, концерт У.лари (Р.Глиэр, «Тантанали У.», «Фарғонача байрам»; С.Юдаков, «Тантанали У.»; М.Тожиев, Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун 3 та У.; Ҳаб. Раҳимов, «Сайил»; А. Мансуров, 7 та У.) яратишган.

УВИЛДИРИҚ — моллюскалар, игнатерилилар, суякли балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар ва б.нинг сувга ташланган тухумлари. У. сув тубига ёки сув қаърига ташланади. Сув тубига ташланадиган У. сувдан оғирроқ ёки ёпишқоқ бўлади. Балиқлар бундай У.ни сув остидаги нарсаларга ва ўсимликларга ёпиштириб ёки сув остига кўмиб қўяди. Сув қаърига ташланадиган У. сувдан енгил бўлганидан сувда қалқиб туради. У. ўлчами 0,6 мм дан (қуя балиқда) 7,0 мм гача (айрим лососсимонларда). У. сони бир неча ўндан юз ва млн. тача (ойбалиқ) бўлади. Денгиз типратиканлари, сувда ва қуруқликда яшовчилар увилдириги классик тадқиқот объекти. Кўпчилик *игнатерилилар* (денгиз типратиканлари ва б.) увилдириги истеъмол қилинади. Тузланган ва консервланган осётрсимонлар ҳамда лососсимонлар увилдириги тансиқ таом ҳисобланади.

УВОЛОГИЯ (лот. uva — узум ва *логия*) — вино ва б. маҳсулотлар и. ч. да узум шингиллари ва гужумининг таркибий қисмларини ҳамда узумнинг озиқ-овқат сифати учун хом ашё тарзида ўрганадиган кимё-технология фани. У. узумни янгилигида ёки қуритиб истеъмол этиш, сақлаш ёки шарбат, вино, шампан, коньяк и.ч. учун қайта ишлаш жиҳатларидан ўрганади. Узум навларо-

ни увологик жиҳатдан текширишда ампелографик маълумотларга таянган ҳолда узумнинг таркиби ва хусусиятлари; кимёвий таркиби; пишиш муддатлари; узум ва ундан олинган маҳсулотларнинг таҳлили; токчиликни режа асосида жойлаштириш; виночиликни ихтисослаштириш; ток ўстириладиган ер шароити ва ток парвариши; бу омилларнинг узумнинг механик хусусияти ва кимёвий таркибига таъсир этиши ўрганилади ва ҳ.к. (яна қ. *Ампелография*).

УГАНДА (Uganda), Уганда Республикаси (Republic of Uganda) — Шарқий Африкадаги давлат. Майд. 236 минг км². Аҳолиси 24,7 млн. киши (2002). Пойтахти — Кампала ш. Маъмурий жиҳатдан 4 вилоят (region)га бўлинади.

Давлат тузуми. У. — республика. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстликка киради. Амалдаги конституцияси 1995 й. 8 окт.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (1986 й.дан Йовери Мусевени), у умумий тўғри овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис, ижроия ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади.

Табиати. У.нинг табиати гўзал ва иқлими юмшоқлиги сабабли «Африка дурдонаси» деб аталадилар. У. Шарқий Африка ясситоғлигида жойлашган. Ер юзаси, асосан, 1100—1500 м баландликдаги тоғлар учраб турадиган текисликлардир. Энг баланд жойи — Маргерита чўққиси (5109 м). Чўққиларни доим муз қалпоғи қоплаб ётади. Жан.-шарқдаги Элгон вулкани ва жан.-ғарбдаги Вирунга гуруҳи вулканлари сўниб қолган. Темир, мис, кобальт, полиметалл рудалар, ниобий, цирконий, апатит, олтин, қалай, вольфрам, асл тошлар, тоштуз ва б. конлар топилган. Иқлими—

Уганда герби

Уганда байроғи

экваториал, муссонли. Ўртача йиллик т-ра йил давомида 18,5 дан 22° гача. Йиллик ёғин 750—1500 мм. Кўл ва дарё кўп, шу жумладан, Африкадаги энг катта Виктория кўлининг шим. қисми У.га қарашли. Дарёларининг кўпи Нилга қуйилади. Тупроқлари, асосан, қизил-ферралитли, қурғоқчил жойларда эса темирли қизил қўнғир тупроқ. У.да саванна, ғол ўтлоқлари кўп, айрим жойларда баргi тўкувчи ва доим яшил ўрмонлар сақланиб қолган. Уларда дарахтларнинг 400 га яқин тури, жумладан, қимматбаҳо нав дарахтлар ўсади. Ҳайвонот дунёсида фил, жираф, арслон, леопард, бегемот, буйвол, зебра, кийик, маймун каби сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар (тимсоҳ, илон), ҳашаротлар бор, балиқ кўп. Кобарега, Рувензори миллий боғлари ва қўриқхоналар ташкил этилган.

Аҳолисининг 99% дан кўпроғи африкаликлар. Улар орасида энг кўпи банту тиллари гуруҳига мансуб халқлар (ганда, сога, ньянколе, тишу, ньяруганда ва б.) бўлиб, мамлакат марказий ва жан.да, нилот халқлари (туркона, ланго, ачоли ва б.) шим.да яшайди. Расмий тиллар — суахили ва инглиз тиллари. Шаҳар аҳолиси 12,5%. Аҳолининг 65% — католик ва протестантлар, 15% — мусулмонлар; қолган қисми маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Йирик шаҳарлари: Кампала, Жинжа, Мбале.

Тарихи. У. ҳудудида одам қуйи палеолит давридан яшай бошлаган. Мил. 1-минг йилликда Конго ғарбидаги ўрмонлардан келган бантулар ва шим.-шарқдан келган кўчманчи нилот қабилалари У. аҳолисининг ўзагини ташкил этган. 13—14-а.ларда (айрим маълумотларга кўра, 10—11-а.ларда) кўллар оралиғида илк Китара давлати пайдо бўлган. 16-а.да У. бир неча мустақил давлатлар (Уньоро, Нкоре, Торо ва б.)га парчаланиб кетган. 19-а.нинг ўрталарида 14-а.да ташкил топган Буганда давлати кучайди. 19-а.нинг 60-й.ларида бу ерга европаликлар суқилиб кира бошлади. Улар маҳаллий қабила ва диний жамоалар ўртасида низо ва уруш чиқариш йўли б-н уларни заифлаштириб, ўз таъсир доираларига ўтказиб олдилар. 1890 й. Англия—Германия шартномасига биноан, Буюк Британия Буганда ва бутун У. ҳудудида бемалол ҳаракат қилиш ҳуқуқини олди. 19-а.нинг 90-й.лари — 20-а. бошларида бу давлатлар устидан Британия протектората ўрнатилди, улар У. протекторатининг мухтор провинцияларига айланди. 1-жаҳон уруши бошланган пайтда Буюк Британия бутун У. ҳудудини забт қилиб олган эди. 20—30-й.ларда бошланган озодлик ҳаракати 2-жаҳон урушидан кейин янада авж олди. 1952 й. У. Миллий конгресс сиёсий партияси тузилди. Бу партия 1953—55 й.ларда Буюк Британиянинг ўз мустамлакачилик ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида У., Кения ва Танганьикадан иборат Шарқий Африка Федерациясига бирлаштириш йўлидаги уринишларига қарши оммавий ҳаракатга раҳбарлик қилди. 1962 й. 9 окт.дан У. мустақил давлат. Кабака (ворисий ҳукмдор) Мутеса II давлат бошлиғи бўлиб қолди. 1967 й. Милтон Оботе президент бўлди. 1971 й. 25 янв.да генерал Иди Амин бошчилигида ҳарбий тўнтариш бўлиб, Оботе лавозимидан олиб ташланди. Миллий мажлис ва ҳукумат тарқатиб юборилди. Сиёсий партиялар фаолияти тақиқланди. 1971 й. фев.дан И. Амин президент деб эълон қилинди. Иқтисодиётни «угандалаштириш», қ.х.ни ислоҳ қилиш йўли бошланди, армия 3 баравар кучайтирилди. Аммо бу сиёсат инқирозга учради, экспорт ва импорт издан чиқди, экин майдонлари қисқарди, ишсизлик кучайди, порахўрлик ошди. 1979 й. Моши (Танзания)да Миллий озодлик фронти (МОФ) тузилди. Амин армияси Танзанияга ҳужум қилганида МОФ отрядлари Танзания армияси ёрдамида Амин армиясини тор-мор этди. МОФ муваққат ҳукумат тузди. 1980 й. 10—11 дек.да Миллий мажлисга сайлов ўтказилди, унда Уганда Халқ Конгресси ғалаба қилди, партия раҳбари М. Оботе яна президент бўлиб қолди. Ҳукумат «бозор муносабатлари» усулларини жорий этиб, мамлакатни мушкул аҳволдан олиб чиқиш чораларини кўрди. 1985 й. ҳарбий тўнтариш бўлиб, М. Оботе лавозимидан олиб ташланди. Ҳарбий кенгаш давлат ҳокимиятининг олий органига айланди. 1986 й. Миллий қаршилик кўрсатиш армияси раҳбарлари ҳокимиятни қўлга олдилар. 1996 й. президент ва парламент сайловлари ўтказилди. 2000 й. 29 июнда ги референдумда аҳоли кўп партияли тизимга қарши чиқди ва президент Й. Мусевени бошчилигидаги «Ҳаракат» сиёсий ташкилотининг мамлакатга раҳбарлик қилишини сақлади. Анъанавий партияларга рухсат берилган, аммо уларнинг фаолияти чеклаб қўйилган. Янги партиялар тузиш тақиқланган. У. 1962 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 9 окт. — Мустақиллик куни (1962).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. «Ҳаракат», сиёсий ташкилот, Миллий қаршилик кўрсатиш ҳаракати асосида 1998 й. тузилган; Демократик партия, 1956 й. асос солинган; Консерватив партия, 1979 й. ташкил этилган; У. халқ конгресси, 1960 й. тузилган. У. касаба уюшмалари миллий ташкилоти, 1974 й. ташкил этилган, 16 тармоқ касаба уюшмасини бирлаштиради, Африка касаба уюшма бирлиги ташкилотининг аъзоси.

Хўжалиги. У. — иқтисодий жиҳатдан заиф ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 44%, саноатнинг улуши 17%.

Қишлоқ хўжалиги. Мамлакат иқтисодиётининг асоси бўлган қ.х.да меҳнатга лаёқатли аҳолининг 80% дан кўпроғи банд. Деҳқончилик учун яроқли бўлган 4 млн. гектарнинг 1/3 қисмидангина фойдаланилади. Асосан, кофе, какао ўстирилади, пахта, чой, шакарқамиш, тариқ, оқ жўхори, маккажўхори, маниок, батат, банан, ямс, тамаки ва б. экилади. Чорвачиликда қорамол, қўй, чўчқа боқилади. Кўлларда балиқ овланади; ёғоч тайёрланади.

Саноатида кончилик асосий ўрин олади. Килембеда мис-кобальт руда кони ва бойитиш ф-каси бор; вольфрам, апатит, оҳактош ва фосфорит қазиб олинади. Йилига ўртача 795 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Нил бўйидаги Оуэн-Фолс ГЭС, Килембедаги ГЭС, кичик иссиқлик ва дизель электр ст-ялари бор. И.ч. саноатида 10 дан ортиқ одам ишлайдиган 800 га яқин корхона бор. Жинжада мис эритиш ва пўлат қуйиш, Торорода асбоцемент, суперфосфат, Хималада цемент з-длари, турли жойларда озиқ-овқат (ун, ёғ, пиво, консерва), енгил (тўқимачилик, қоғоз, кўн-пойабзал, тикув), ёғочсозлик, фармацевтика, резина-техника, автотаъмирлаш ва йиғув (радиоприёмник ва совиткич и.ч.) корхоналари мавжуд. Муҳим саноат марказлари: Жинжа, Кампала, Мбале, Лира.

Т.й. узунлиги — 1,2 минг км. Автомобиль йўллари уз. — 27 минг км га яқин. Энтеббеда халқаро аэропорт бор. Четга кофе, пахта, чой, мис, чарм ва тери сотади, четдан машина ва ускуна, транспорт воситалари, нефть ва нефть маҳсулотлари, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари олади. Буюк Британия, АҚШ, Япония, Нидерландия, Кения, Ҳиндистон б-н савдо қилади. Пул бирлиги — уганда шиллинги.

Тиббий хизмати. Соғлиқни сақлаш тизими аралаш: давлат даволаш муассасалари б-н бирга хусусий шифохоналар ҳам бор. Врачлар Макерере ун-тининг тиббиёт мактабида тайёрланади.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Мажбурий таълим йўқ. Бошланғич мактаб 7 й.лик. Давлат мактаблари б-н бирга хусусий мактаблар ҳам бор. Ўрта мактаб 6 й.лик: 4 й.лик тўлиқсиз ва 2 й.лик тўлиқ мактабдан иборат. Дарслар, асосан, инглиз тилида олиб борилади. Бошланғич мактабнинг 4 синфи негизидаги ҳунар-техника ва қ.х. мактаблари, тўлиқсиз ўрта мактаб негизидаги ўрта техника ва қ.х. коллежлари ёшларга касб-ҳунар таълими беради. Ўқитувчилар коллежлари бошланғич мактаблар учун, Миллий пед. коллежи эса тўлиқсиз ўрта мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлайди.

Кампаладаги Макерере ун-ти (1922 й.да асос солинган, 1949 й.дан ун-т коллежи, 1970 й.дан миллий ун-т мақомини олган) олий таълим беради, унда гуманитар, ижтимоий фанлар, қ.х. ва ўрмончилик, табиий фанлар, педагогика ф-тлари мавжуд. Тижорат ва техника коллежлари ҳам бор. Йирик кутубхоналари: ун-т кутубхонаси (1940), 200 тармоқ кутубхонасидан иборат Бирлашган оммавий кутубхона. Кампалада У. музейи ва Ўрмон музейи (1922), Энтеббеда Геол. музейи, Ботаника боғи (1898), Овчилик ва балиқчилик музейи, аквариум ва б. бор. И.т.лар Кампаладаги қ.х. тадқиқот ст-яси (1937), давлат кимё лаб., пахтачилик и.т. станцияси, Энтеббедаги ветеринария тадқиқот маркази (1926), геол. хизмати ва минерал ресурслар бўлими, ўрмончилик бўлимида олиб борилади. Ун-т ҳузуридаги ижтимоий тадқиқот ин-ти, Миллий таълим ин-ти (1964), У. жамияти (адабиёт, тарих, маданият соҳаларида), айрим музейлар ва Ботаника боғида ҳам илмий ишлар олиб борилади. У. ҳудудида Шарқий Африка минтақавий и.т. муассасалари: дарё балиқчилиги ташкилоти (1948, Жинжа), трипаносомозлар тадқиқот ташкилоти (1949, Тороро) ва вирусология ин-ти (1949, Энтеббе) ишлайди.

Кампала шаҳри маркази.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. У.да нашр этиладиган асосий газ. ва жур.лар: «Иквейтор» («Экватор», инглиз тилидаги ҳафталик газ., 1981 й.дан), «Мкомбози» («Халоскор», инглиз тилидаги ойлик жур., 1982 й.дан), «Мунно» («Дўстингиз», католикларнинг луганда тилидаги ҳафталик газ., 1911 й.дан), «Нью вижн» («Янги нуқтаи назар», ҳукуматнинг инглиз тилидаги ҳафтада 2 марта чиқадиган газ., 1986 й.дан), «Ситизен» («Фуқаро» инглиз тилидаги ҳафталик газ.), «Стар» («Юлдуз», инглиз тилидаги кундалик газ., 1984 й.дан), «Таифа эмпиа» («Янги миллат», луганда тилидаги кундалик газ., 1953 й.дан). У. ахборот агентлиги ҳукумат агентлиги бўлиб, у 1972 й. ташкил этилган. У. радиоси ҳукумат томонидан назорат қилинади. У. телевидение хизмати тижорат хизмати бўлиб, ҳукумат томонидан назорат қилинади; 1962 й. тузилган.

Адабиёти. 20-а. бошларида алифбо жорий этилгач, У. халқлари тилларида адабиёт ривожлана бошлади. Илк даврда М. Нсимби, Э. Кавере, А. Каггва, Г. Гмотока ва б.ларнинг тарихий қисса-

Уганда табиати манзараси.

Тородаги чой плантацияси.

лари, саргузашт романлари, мелодрамалари пайдо бўлди. 1948 й. «Ист-африкен литератур бюро» нашриёти ташкил этилиши б-н адабиёт ривожида янги босқич бошланди. 50-й.ларда О. п Битек (1931–82)нинг «Тишинг оқ бўлса, кулавер!» достони, И.В. Лубамбуланинг шеърлари, Ж. Каллу, Э. Каверенинг романлари, Т. Базарабизенинг саргузашт қиссалари нашр этилди.

Инглиз тилидаги адабиёт тез ривожлана бошлади. Б. Киментье, А. Мазруи, Р.Серумага, Х. О. Кулетанинг ҳикоя ва романлари машҳур бўлди. Т. ло Лийонг кўп жанрларда баракали ижод қилди. 70–90-й.лар адабиётида ижтимоий ўткир, долзарб масалалар кўтарилиб чиқилди. П. Назаретнинг «Жигарранг ридо остида», Б. Лубеганинг «Хўрланганлар», О. Кулининг «Фоҳиша» романлари бунга мисолдир. Шеъриятда ватанпарварлик руҳияти, адолатсизликдан норозилик кайфияти кучли.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Аксарият халқ оммаси айлана тарҳли хода ва новдалардан конуссимон ясалиб томи похол ва ўт-ўлан б-н ёпилган кулбаларда яшайди. Кулбалар ёнида ағдарилган сават шаклидаги тўқима донхоналар барпо этилади. Қабила бошлиқлари (кабакалар)нинг дахмаси йўғон ходалардан конус шаклида ясалади ва похол б-н қопланади. Дастлабки европача (деворлари оқланган ва томи 2 нишабли ва черепицали) турар жойлар 1870-й.ларда қурилди. Кампала ва Энтеббеда масжидлар, черковлар қад кўтарди. 20-а.нинг 60-й.ларидан янги қурилиш материалларидан фойдаланиб уй-жой, мактаб, касалхона, саноат иншоотлари, кўп қаватли маъмурий бинолар қуришга киришилди.

У.да бадиий ҳунармандчилик орасида ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик айниқса ривожланган. Мебель, чолғу асбобларига нақш солинади. Луб, қамиш, пальма толаси, новда, похол, ўт, папирусдан сават, бўйра, қалқон, девор, турли идишлар ясалади. 1936 й.да рассомлик мактаби ташкил этилди. Замонавий ҳайкалтарошлардан Ж. Какоиса, Г. Малоба, рангтасвирчилардан М. О. Булума, И. Калангн, Д. Себегал, графикачи рассом В. Энвака ва б. Европадаги энг янги оқимлар таъсирида ижод қила бошладилар.

Мусиқаси қад. ва бой анъаналарга эга. У. халқларининг тиллари, урф-одатлари, турмуш тарзи турлича бўлгани туфайли мусиқаси ҳам хилма-хил. Ҳар бир элатга хос оҳанглар ва усуллар мавжуд. Урф-одат, меҳнат, маросим, севги қўшиқлари, қаҳрамонларни мадҳ этувчи қўшиқлар каби жанрлар ривожланган. Давра бўлиб ва якка тарзда айтиладиган қўшиқлар бор. Кўпчилик халқларининг мусиқаси пентатоникага, оддий ва мураккаб вазн ўлчовларига асосланган. Чолғу асбоблари: 8 торли арфа (эннанга), 8 торли лира (эндонга), 1 торли скрипка (эндигиди), камон (секитулеге), най, труба, барабан, чанг ва ш.к. У.да «Африканинг юрак уриши» миллий фольклор ансамбли, Эмбайре чангчилар ансамбли ва б. мусиқий жамоалар бор. Таниқли мусиқа арбоблари: композитор Ж. Кыгамбиддва, созанда Е. Мулинда, хонанда Ж. Катумба, мусиқашунослар — Б. Мубангизи, К. Семпебва ва б. Мусиқа кадрларини У. миллий ун-тининг санъат ф-ти, миллий мусиқа департаменти ва миллий коллеж тайёрлайди.

Театри. 1-жаҳон урушидан кейин инглиз ҳаваскорлик театри таъсирида Африканинг ўзига хос театр санъати вужудга келди. 20-а.нинг 50-й.ларида барча ҳаваскорлик тўгараклари театр гильдиясига бирлашди, унинг ташаббуси б-н Кампалада миллий театр биноси қурилди. Мамлакат мустақиллигига бағишланган «Қора дарвеш» спектакли (Нгуги Ван Тионго пьесаси асосида) У. ярим профессионал театри тарихини бошлаб берди. Машҳур жамоалари: биринчи профессионал жамоа «ТИЭЙР лимитед», «Африка артистлари уюшмаси», «Кампала шаҳри артистлари» ва б. Уларнинг репертуарида маҳаллий муаллифлар — Виклиф Кииммжа ва Байрон Кавадва пьесалари б-н бирга жаҳон мумтоз драматургиясининг асарлари ҳам бор.

УГАРИТ ЁЗУВИ — консонант ҳарф-товуш ёзуви (*миххат*), мил. ав. 14–13-а.ларда Угарит давлатида угарит тилидаги, шунингдек, хуррит тилидаги, баъзан *аккад тилидаги* матнларни ёзиш учун қўлланган. У.ё.да битилган матнлар Угаритдан ташқари ҳудудларда, жумладан, Фаластинда ҳам топилган. У.ё.нинг шумер-аккад миххати б-н генетик алоқаси борлиги ҳақидаги фикр унча ишонарли эмас. Унинг финикий ва жан. араб ёзуви б-н келиб чиқиши бир деган фараз ҳам ҳозирча тасдиқланмаган. У.ё. мил. ав. 2-минг йилликнинг 1-ярмигача пайдо бўлган. Дастлаб У.ё. бизгача етиб келмаган бўғинли миххат ёзувидан келиб чиққан ва унда 30 та белги бўлган. Бу белгилар, асосан, ундош товушларни ифодалаган. Матнларни тушунишни осонлаштириш учун махсус сўзажраткичлар (вертикал михсимон белгилар) қўлланган. Мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмида У.ё.нинг финикий ёзуви таъсирида қисқарган шакли (30 та ўрнига 22 та белги) ҳам мавжуд бўлган. У.ё. баъзи ижтимоий-сиёсий воқеалар оқибатида мил. ав. 1-минг йиллик бошларида муомаладан чиққан. Ушбу ёзув 1929–30 й.лардаги археологик қазишмалар натижасида фанга маълум бўлган ва француз олимлари Э.Дорм ва Ш. Виролло ҳамда немис олими Х. Бауэр томонидан ўқилган.

УГАРИТ ТИЛИ — ўлик *сом тилларидан* бири. Мил. ав. 23–13-а.ларда Ўрта денгизнинг шим.-шарқий соҳилида жойлашган Угарит давлатида, эҳтимол, Шим. Сурияда ва ундан кенгроқ ҳудудда тарқалган. Фонетика ва морфология соҳаларида бошқа сом тиллари б-н ўхшаш ва фарқли томонлари бор. Мас., о ўрнида а ишлатиш (а-лашиш), қад. ундошлар таркибининг сақланганлиги, от ва феълларда флектив ўзгаришларнинг мавжудлиги, артиклнинг йўқлиги ва б. Лексикасида ўзига ҳудудий яқин аккад, шумер ва хуррит тилларидан кўплаб ўзлашмалар бўлган. У.т. ёдгорликлари (шеърий ҳикоялар, ибодат матнлари, расмий ҳужжатлар, мактублар) мил. ав. 2-минг йилликнинг 1-ярмигача шаклланган *угарит ёзуви*да битилган.

УГЕДЕЙ, Угэдэй — қ. *Ўқтойхон.*

УГЛЕАММИАКАТЛАР — азотли суюқ ўғит. Рангсиз ёки сарғимтир-яшил суюқлик, аммиак ҳиди келиб туради. Аммоний карбонат ёки аммоний карбонат ва мочевинани аммиакда эритиб олинади. Таркибида 18–35% азот (кўпинча 25–29% атрофида), 12% CO_2, 4–7% эркин аммиак бор, зичлиги 1,1–1,4 г/см^3. У. герметик беркитилган мустаҳкам идишларда ташилади ва сақланади. У.ни барча қ.х. экинларига ишлатса бўлади. Ўсимликларни озиқлантиришда машиналар ёрдамида 10–12 см чуқурликда солинади, сарф меъёри 100–200 кг/га.

УГЛЕВОДЛАР (шакарлар, глицидлар) — оқсиллар ва ёғлар б-н бир қаторда одам, жониворлар ва ўсимликлар организми ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган кенг тарқалган органик бирикмалар гуруҳи. Организмда моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўладиган энергия манбаларидан бири. Хоссаларига кўра, оксиальдегидлар ва оксикетонларга яқин туради. У. асосий қисмининг умумий формуласи $C_nH_{2n}O_n$ ёки $C_n(H_2O)_n$ бўлиб, моносахаридлардан глюкоза (фруктоза) $C_6H_{12}O_6$ ёки дисахаридлардан сахароза $C_{12}H_{22}O_{11}$ уларга мисол бўла олади. Ўсимликлар қаттиқ моддаси массасининг 80% га яқини, жониворлар қуруқ массасининг 20% га яқини У.га тўғри келади. Ўсимликлар У.ни анорганик моддалар — карбонат ангидрид (CO_2) б-н сувдан синтез қилади. Тирик организмда У. биологик жараёнларда энергия манбаи, организм учун бошқа оралиқ ёки охирги метаболитлар синтезида хом ашё ролини ўйнайди. Ҳоз. таркибида углерод, водород ва кислороддан ташқари азот, олтингугурт ёки фосфор бўлган бирикмалар ҳам У. қаторига киритилади.

У. 2 катта гуруҳга: моносахаридлар ва полисахаридларга бўлинади. Полисахаридлар эса шакарсимон (олигополисахаридлар) — дисахаридлар (биозалар), трисахаридлар, тетрасахаридлар ва ношакарсимон полисахаридлардан иборат. Улар оддий У. (моносахаридлар ёки монозалар) ва мураккаб У. (полисахаридлар ёки полиозалар) деб ҳам аталади.

Моно- ва олигосахаридлар — мол. м. унча юқори бўлмаган сувда яхши эрийдиган моддалар. Ношакарсимон У.нинг мол. м. юқори, эритмалари фақат коллоид ҳолида мавжуд бўлади. Ношакарсимон У. (крахмал, ҳужайра) катта миқдордаги монозалар молекуласидан тузилган.

Монозалар тузилиши қатор реакциялар ёрдамида аниқланган, глюкоза водород йодид HI б-н қайтарилганда 2-йодгексан ҳосил қилиши, енгил шароитларда глюкоза оксидланганда глюкон кислотага айланиши, ацилланганда ва алкилланганда 5 та гидроксил гуруҳи мавжуд бўлиши инобатга олинади. Фруктозада глюкозадаги альдегид гуруҳи ўрнида кетоза гуруҳи бўлади. Глюкоза б-н фруктоза бир-бирига изомер моддалардир:



L, D - глюкоза



L, D - фруктоза

Оддий У. га тааллуқли моносахаридлар сувда яхши эрийдиган оптик фаол кристалл моддалар бўлиб, аксарияти ширин. Қайтарувчилик хоссасига эга. Кўп атомли альдегид ва кетоноспиртлар (кўпинча ички циклик яримацетал шаклда) ҳисобланади. Буларга мансуб олигосахаридлар эса гликозид боғи б-н боғланган 2–10 моносахариддан иборат. Дисахаридларга кирадиган сахароза, трегалоза, лактоза табиатда кенг тарқалган. Олигосахаридларнинг кўп сонли гликозидлари (физиологик фаол моддалар) тиббиётда қўлланади.

Полисахаридлар чизиқсимон ёки тармоқланган юқори молекулали бирикмалар бўлиб, улар молекулалари гликозид боғи б-н боғланган моносахаридлардан ташкил топган. Улар захира ҳолдаги У. — крахмал, инулин, гликоген, гемицеллюлозалардир. У. маълум ўсимликлардагина кўп тўпланади. Мас., лавлагида сахароза, кўзиқоринларда маннит, картошкада крахмал, пахтада целлюлоза кўп бўлади. У. органик кислоталар, кўп атомли феноллар, ошловчи моддалар, антоцианлар, аминокислоталар, ёғлар, оқсил ва б.га айланади. У. ҳайвонлар организми қуруқ массасининг 2% ини ташкил этади. У.нинг 1 г 4,1 ккал энергия бериб, асосан, ўсимликлардан олинади. Бундай энергия анаэроб, яъни гликолиз ва аэроб йўл б-н ҳайвон организмида сарфланади. Аэроб йўл нафас олиш орқали амалга ошади. Гликолиз реакциясини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$C_6H_{12}O_6 \rightarrow 2CH_3CH(OH)COOH + 25$ ккал.

Нафас олишда тахм. 30 баравар кўп энергия ажралади. Гликолиз жараёнида ҳосил бўлган сут кислотанинг бир қисми оксидланади, қолган қисми эса энергия ажралиши ҳисобига гликогенга синтезланади.

У.дан организм учун зарур бўлган глюкоза, фруктоза, аскорбин кислота, антибиотиклар, юрак гликозидлари ва б. олинади.

У. саноат ва халқ хўжалиги, фармацевтика ва тиббиёт, озиқ-овқат саноати ва б. соҳалар учун ҳам муҳим хом ашё манбаидир. Бижғиш маҳсулотлари, ҳилма хил кислоталар, дори-дармонлар, тўқимачилик саноатининг асосий хом ашёлари — целлюлоза, қоғоз, толалар, пластмассалар ҳам У.дан фойдаланиб тайёрланади. Портловчи моддалар, кинотасмалар, пергамент, гуммиарабик ва б. ҳам шулар жумласига киради.

УГЛЕВОДОРОДЛАР — молекулалари фақат углерод ва водород атомларидан тузилган органик бирикмалар синфи. У. тузилишига кўра, ациклик ёки алифатик (молекуладаги углерод атомлари бир-бири б-н чизиқли ёки тармоқланган занжир бўлиб боғланган), изоциклик ёки карбоциклик (молекуласи 3 та ва ундан кўп углерод атоми ҳалқаси — циклдан иборат) хилга бўлинади. Бу гуруҳ У. ациклик ва *ароматик углеводородлар*дан иборат (яна қ. *Ароматик бирикмалар*). Ациклик У. *тўйинган углеводородлар* ва *тўйинмаган углеводородлар*дан ташкил топган. Алициклик У. ҳам тўйинган ва тўйинмаган бўлиши мумкин. У. *гомологик қаторлар* ҳосил қилади (яна қ. *Органик кимё*). Нефть, табиий ёнувчи газлар, баъзи саноат газлари ва смоласи У.дан иборат.

УГЛЕРОД (лот. Carbo — кўмир, лот. Carboneum), С — Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 6, ат. м. 12,011.2 та барқарор изотопи: ^{12}C (98,892%) ва ^{13}C (1,108%) бор. Радиоактив изотопларидан ^{14}C($T_{1/2}$=5600 й.)нинг аҳамияти муҳим. Атмосферанинг юқори қатламида космик нурлар нейтронларининг азот изотопи ^{14}N га таъсири натижасида ^{14}C ҳосил бўлади. ^{14}C *изотоп индикаторлар* сифатида кенг қўлланади.

У. қадимдан маълум. Писта кўмир рудалардан металлар эритиб олишда, *олмос* қимматбаҳо тош сифатида

қўлланган. Кейинроқ эса графит тигель ва қатлам тайёрлашда ишлатилган. А. *Лавуазье* 1772 й.да олмоснинг кристалл ҳолдаги У. эканлигини исботлади. 1778 й.да швед кимёгари К. Шееле графитни селитра б-н қиздирилганда ҳам кўмирни селитра б-н қиздирилгандаги сингари карбонат ангидрид ҳосил бўлишини аниқлади. Инглиз олими С.Теннант 1797 й.да кальций карбонатга фосфор буғи таъсир эттириб соф У. олди.

У. Ер пўстининг масса жиҳатидан $2,3\cdot10^{-2}$% ини ташкил этади. У Ер пўстининг юқори қисми (биосферада) бўлади. Тирик моддаларда 18%, ёғочда 50%, тошкўмирда 80%, нефтда 85%, антрацитда 96% У. бор. У.га хос минераллар сони 112 та. У. коинотда ҳам кенг тарқалган. Қуёшда У. водород, гелий ва кислороддан кейин 4-ўринни эгаллайди.

У.нинг 4 кристалл модификацияси: *графит*, олмос, карбин ва лонсдейлит маълум. К а р б и н сунъий усулда олинган қора рангли майда кристалл кукун. Зичлиги 1,9—2 г/см³. Ўзаро параллел узун C атомлари занжиридан тузилган. Л о н с д е й л и т метеоритларда топилган ва сунъий усулда олинган. У.нинг атом радиуси 0,077 нм. Е. C^{4+} ионнинг радиуси 0,02 нм; C^{4-} нинг радиуси 0,26 нм. У.нинг аморф шакли — фаоллантган кўмир кучли адсорбент ҳисобланади. У нафақат газларни, балки эриган моддаларни ҳам ютади. У.нинг барча аллотропик шакл ўзгаришлари кимёвий жиҳатдан анча чидамли ва инерт моддалардир. У. металлар б-н *карбидлар* ҳосил қилади. У. ўз бирикмаларида +4, —4 +2 ва — 4 валентли. У. атомлари ўзаро бирикиб «очиқ», «тармоқланган», «ёпиқ» занжирлар, ўзаро (шунингдек, бошқа элементларнинг атомлари б-н) «якка», «қўш» ва «уч каррали» боғланишлар ҳосил қила олади (қ. *Органик кимё*).

У. кўпгина қотишмалар (*пўлат, чўян*) нинг муҳим компоненти ҳисобланади. Таркибида У. кўп бўлган материаллар электродлар, тигеллар тайёрлашда, қора порох и.ч.да, рудалардан металлар эритиб олишда (мас., кокс), противогазларда ютувчилар сифатида, кимё саноатида ва б. соҳаларда қўлланади. (У.нинг олиниши ва қўлланиши ҳақида яна қ. *Графит, Карбонатлар, Карбидлар, Кокс, Ис гази, Углерод* (IV)-*оксид, Олмос, Қурум*).

У. Ердаги ҳаётнинг асосини ташкил этувчи муҳим биоген элемент. Одам организмида масса жиҳатидан 20,2% У. мавжуд. У. шунингдек, оқсиллар (52% атрофида), ДНК ва РНК молекулалари (37% атрофида), ферментлар, гормонлар, витаминлар таркибига киради. Организмнинг тузилишида қатнашувчи ва унинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи турли-туман органик бирикмалар, асосан, У.дан иборат. Организм учун зарур бўлган энергиянинг катта қисми ҳужайраларда У.нинг оксидланишидан ҳосил бўлади. У. атомлари, шунингдек, У. б-н бошқа элементлар ўртасида мустаҳкам кимёвий боғ ҳосил бўлади, лекин бу боғ нисбатан юмшоқ физиологик шароитларда парчалана олади. У.нинг кучли ўзлаштирилиши (ассимиляцияси) механизми CO_2 *фотосинтез* шаклида яшил ўсимликларда доим содир бўлади (ўсимликлар ҳар йили 100 млрд. т. CO_2 ўзлаштиради). Ерда CO_2 нинг энг кўҳна ўзлаштирилиш усули — *хемосинтез* мавжуд. Купчилик ҳайвонлар У.ни овқатдан тайёр органик бирикма ҳолида олади.

Тирик организмда қуруқ модда ҳисобида қуйидаги миқдорда У. бўлади: сув ўсимликлари ва ҳайвонларида 34,5—40%, ер усти ўсимликлари ва ҳайвонларида 45,5—46,5%, бактерияларда 54%.

У.нинг анчагина қисми минераллашади ва ер ости бойликларини, чунончи: тошкўмир, нефть, оҳактош ва б.ни ҳосил қилади. У. радиоактив изотопларининг биол. ва тиббиёт тадқиқотларида қўлланиши моддалар алмашинувини ўрганишда катта аҳамиятга эга. ^{14}C молекуляр биологияда оқсиллар биосинтези ва ирсий информациянинг ўтказилиш механизмини ўрганишда қўлланади.

Углерод бирикмалари. У. галогенлар б-н умумий формуласи CX_4 бўлган (бу ерда X—Cl, F, Br, I) галогенидлар, олтингугурт б-н CS2,азот б-н (CN)₂ ҳосил қилади.

У. (IV)-х л о р и д (тетрахлорметан, перхлорметан) CCl_4 — рангсиз, хушбўй ҳидли, ёнмайдиган суюқлик. Қайнаш т-раси 76,7°, музлаш т-раси —22,9°. Сувда эримайди, ҳаво, ёруғлик ва концентрланган сульфат кислотага чидамли. Метанни хлорлаш ёки CS_2 га хлор таъсир эттириш йўли б-н олинади. Смола, лок, ёғ, мой ва б. учун эритувчи, ёнғинни ўчирувчи модда сифатида қўлланади.

У. (IV)-ф т о р и д CF_4 — рангсиз, ҳидсиз газ, сувда оз эрийди. Суюқланиш т-раси —183,6°, қайнаш т-раси —128°. Техникада паст т-рали тензиметрларда қўлланади.

У. (IV)-б р о м и д CBr_4 — кристалл модда, сувда оз эрийди. Суюқланиш т-раси 93,7°, қайнаш т-раси 189,5°.

У. (IV)-й о д и д CI_4 — кристалл модда, сувда оз эрийди. Суюқланиш т-раси 171°, зичлиги 4,32 г/см³.

У. (IV)-сульфид CS_2 — рангсиз, ўзига хос ҳидли суюқлик. Қайнаш т-раси 46,26°, музлаш т-раси —112,1°, зичлиги 1293 кг/м³. Заҳарли модда, жуда тез алангаланади. Ёнганида карбонат ангидрид CO_2 ва сульфит ангидрид SO_2 ҳосил бўлади. Сувда оз, эфир, спирт, хлороформда яхши эрийди. Техникада чўғ ҳолатдаги писта кўмир устидан олтингугурт буғи ўтказиш орқали олинади. Турли моддалар учун эритувчи сифатида, вискоза ипак ишлаб чиқаришда, қ.х. зараркунандаларига қарши курашда ишлатилади. Алангаланувчан модда бўлгани учун уни ишлатишда эҳтиёт чораларига риоя қилиш зарур.

У. (IV)-н и т р и д (циан ёки дициан) (CN)₂ — рангсиз, аччиқ бодом ҳидига ўхшаш ўткир ҳидли, заҳарли газ. Суюқланиш т-раси —20,5°, қайнаш т-раси —34,4°, суюқ ҳолатдаги зичлиги 860 кг/м³. Сувда, спирт ва эфирда яхши эрийди. Кимёвий реакцияларда оксидловчи ва қайтарувчи хоссаларини намоён қилади. Симоб (II)-цианидни изотермик парчалаш, шунингдек, 2 валентли мис тузларига калий цианид эритмасини таъсир эттириш йўли б-н олинади.

(Углероднинг водородли бирикмалари, уларнинг олиниши ва ишлатилиши ҳақида *Органик кимё* мақоласига қаранг.)

Ад.: Касымова С. С., Биогенные элементы, Т., 1990; Парпиев Н. А., Раҳимов Ҳ. Р., Муфтахов А. Г., Анорганик кимё. Т., 2003.

Сталина Қосимова.

УГЛЕРОД (II)-ОКСИД — қ. *Ис гази.*

УГЛЕРОД (IV)-ОКСИД, к а р б о н а т а н г и д р и д, CO_2 — углероднинг кислородли бирикмаси, углерод оксидланишининг охирги маҳсулоти. 1956 й.да шотландиялик олим Ж. Блэк магний карбонат парчаланганда газ чиқишини аниқлаган (CO_2 нинг таркибини 1789 й.да А. *Лавуазье* белгилаб берган). CO_2 рангсиз газ бўлиб, ўзига хос салгина аччиқ ҳиди ва мазаси бор. 0° ва нормал шароитдаги зичлиги 1,977 г/л; критик т-раси 31,3°, критик босими 7,3 МПа. —78,5° гача совитилганида қор каби оқ тусли қаттиқ жисмга — «қуруқ муз»га айланади. Суюқ CO_2 тез буғланганида ҳам қаттиқ CO_2 ҳосил бўлади. У оддатдаги босимда — 78,5° да суюқланмасдан тўғридан-тўғри газ ҳолатига ўтади. Қаттиқ CO_2 5МПа босимда — 56,7° да суюқланади. Сув, спирт ва эфирда эрийди. Сув б-н бирикиб *карбонат кислота* H_2CO_3 ҳосил қилади. Оддатдаги шароитда кимёвий нофаол модда, бошқа моддаларнинг ёнишига ёрдам бермайди, лекин фаол металлар (мас., магний) CO_2 атмосферасида ёнишни давом эттиради. Лаққа чўғ ҳолатидаги кальций CO_2 б-н реакцияга киришганида кальций карбид CaC_2 ва кальций оксид CaO ҳосил бўлади. Чўғ ҳолатидаги кўмир б-н реакцияга киришиб углерод (II)-оксид CO га, 200° да мис оксид (катализатор) иштирокида водород б-н реакцияга киришиб, метанга, юқори т-рада аммиак б-н бирикиб, карбамид $CO(NH_2)_2$ га айланади.

Табиатда CO_2 органик моддаларнинг чириши, бижғиши ва кўмирнинг қайта оксидланиши жараёнлари натижасида ҳосил бўлади. Ёқилғи ёнганида ҳам CO_2 пайдо бўлади. Ҳавода CO_2 ҳажм жиҳатидан 0,03% ни ташкил қилади. CO_2 организмда моддалар алмашинуви маҳсулоти бўлиб, У. фотосинтез жараёнида ҳам иштирок этади.

Техникада оҳактош ёки бўрни куйдириб, лабораторияда мармарни хлорид кислота б-н парчалаб олинади.

CO_2 озиқ-овқат саноатида, «қуруқ муз» тайёрлашда, ўт учиришда, кимё саноатида сода, мочевина, оксикарбон кислоталар ҳосил қилишда, пайвандлаш ишларида кенг қўлланади.

Ҳавода CO_2 миқдори 1,5—3% дан ошса, кишида бош оғриғи, бош айланиши ва кўнгил айниши пайдо бўлади, 6% дан ошса, киши ин қобилиятини йўқотади ва ҳаёти хавф остида қолади. Заҳарланган кишини очиқ ҳавога олиб чиқиш, сунъий нафас олдириш керак.

УГОМ (Оқбурхон, Тиканак) — Тошкент вилоятидаги дарё. *Чирчиқ* дарёсининг ўнг ирмоғи. Дарё ҳавзаси шим.дан Талас Олатови, ғарбдан Қоржонтов, шарқдан Угом тоғ тизмалари б-н чегараланган. Бир неча булоқ сувларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Уз. 68,5 км, ҳавзасининг майд. 870 км². У. Чорвоқ сув омборининг қуйи тўғони юқорисидан ўтгач, Чирчиқ дарёсига қуйилади. Асосан, қор ва қисман ёмғир сувларидан тўйинади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи 43 м³/сек.дан (кўп сувли йилда), 12 м³/сек.гача (кам сувсувли йилда). Тўлинсув даври мартда бошланади, энг кўп суткалик сув сарфи апрель ва июнда бўлиб ўтади ва 177 м³/сек.дан (кўп сувли йилда) 54,5 м³/сек.гача (кам сувли йилда) етади. Тўлинсув даври авг. да тугайди. Дарё тез оқади, ўзанида остоналар ҳосил қилган. Ўрта оқими водийсида кенг террасалар, дарахтзор, бутазор ва ўтлоқлар мавжуд. Дарё водийсида Чорвоқ қишлоғи, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари жойлашган.

Угом дарёсининг қуйи оқими. Юқорида Угом тизмаси.

Юрий Иванов.

УГОМ ТИЗМАСИ — Ғарбий Тяньшаннинг бир қисми. Тизманинг жан.-ғарбий қисми Т о ш к е н т вилояти *Бўстонлиқ тумани* ҳудудида. Талас Олатовидан (Манас тоғ тугуни яқинидан) бошланиб жан.-ғарб томон 115 км га чўзилган. *Пскем* ва *Угом* дарёлари оралиғида. Унинг жан.-ғарбий қисми Ўзбекистонда, шим.-шарқий қисми эса Қозоғистон ҳудудида. Сувайирғич яқинидан икки давлат чегараси ўтади. Ўртача баландлиги чегараси ўтади. Ўртача балатнинг чегараси ўтади. Ўртача баландлиги жан.-ғарб томон пасайиб боради. Ўзбекистондаги қисми анча паст, Чирчиқ дарёси яқинида бал. 1500 м. У.т.нинг айрим чўққилари 3500—4000 м га кўтарилган. Энг баланд чўққиси Сайрам (4238 м). Сайрам чўққисидан У.т. бир қанча тармоқларга ажралади, булардан энг баланди Тупроқбел ва Майдонтол шириклари Тупроқбел ва Майдонтол. Бу тармоқлар анча баланддир. Бу тармоқлар 4000 м дан бўлиб, баъзи чўққилари 4000 м дан юқори — (Тупроқбел — 4234 м). У.т.нинг бу қисмида доимий қор уюмлари ва кичик музликлар мавжуд.

У.т.нинг сувайирғич қисми асосан, қояли. Баъзи жойларида текисланган юзалар бор. Жан.-ғарбий ён бағри анча тик, шим.-шарқийси эса бироз нишаброқ. Ён бағирларида кўплаб калта, чуқур даралар бор. Остона ва шаршаралар ҳосил қилувчи дарёлар б-н кесилган.

У.т. герцин бурмаланиши даврида шаклланган антиклинорийдир. Ҳоз. баландлигига янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган. Палеозой даврига мансуб оҳактош, доломит, қумтош, сланец, гранит, гранодиорит, порфир каби тоғ жинсларидан ташкил топган. Оҳактошларда карст жараёнлари ривожланган. Сувайирғич қисмидаги текисланган юзаларда карлар, карст, воронка ва ботиқлар, ён бағирларида эса карст ғорлари, қудуқлари ва шахталари кенг тарқалган. У.т. Чорвоқ ботиғининг шим.-ғарб томонидан ўраб туради.

Иқлими тоғга хос, ёғингарчилик, айниқса, унинг шим.-шарқий қисмида, кўпроқ (1500—2000 мм). Ён бағирларида тиник ва тўқ бўз, қўнғир, жигарранг ўрмон тупроқлари тарқалган. Чалачўл, адирт ўсимликлари, дарё водийларида буталар ўсади. Тоғ ён бағирлари ўрмонзор, сувайирғич қисмида, ўтлоқ даштлар, субальп ва альп ўтлоқлари тарқалган. Ҳайвонлардан ўрмонларда қобон, бўрсиқ, олмахон, тизманинг баланд қисмларида кийик, қор қоплони, бўри, айиқ ва б.; қушлардан каклик, каптар, булбул, чумчуқ, лочин, калхат ва б. яшайди. Фойдали қазилмаларидан оҳактош, гранит, мармар бор. У.т.нинг шим.-шарқида Оқсув-Жабағли қўриқхонасининг ғарбий қисми жойлашган. У.т.нинг Чатқол тоғларига яқин келган жойига Чорвоқ ГЭС тўғони қурилган.

Мурод Маматқулов.

УГОМ-ЧАТҚОЛ ДАВЛАТ ТАБИАТ МИЛЛИЙ БОҒИ — Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларининг тоғли ҳудудларида жойлашган миллий боғ. 1990 й.да ташкил этилган. Умумий майд. 574,6 минг га, шу жумладан 56,4 минг га ўрмонлар б-н қопланган; арчазорлар 64679 га, шумтолзорлар 139 га, заранзорлар 565 га, бодомзорлар 1670 га, оқ қайинзорлар 985 га, ёнғоқзорлар 1424 га, ёввойи олмазорлар 1451 га, дўланазорлар 2056 га. Умуман миллий боғда 70 дан ортиқ дарахт ва 80 га яқин бута турлари ўсади. Ўсимликлар тури 1000 дан ортиқ. Ўрмонлар асосан шим. ва шарқий қияликларда. Жан. қияликлар сийрак дарахтзорлар ёки қалин бутазорлардан, кўпинча яйдоқ ерлардан иборат.

Миллий боғнинг ҳайвонот дунёси ҳам ҳар хил ва бой: тўнғиз, тоғ эчкиси, қўнғир айиқ, бўри, тулки, қуён ва б. ҳайвонлар, каклик, қирғовул, каптар, бургут, заҳча, чуғурчуқ каби ҳар хил қушлар бор.

Миллий боғ иқлими континенталлиги б-н ажралиб туради. Ўртача ҳарорат қишда —14,5° дан —32° гача, ёзда 33,5° дан 42° гача етади. Йиллик ёғингарчилик миқдори 400 мм дан 900 мм гача. Миллий боғда пастки тоғлик (900—1500 м), ўрта тоғлик (1500—2400 (2600) м), баланд тоғлик (2600—3000 м), альп (3000 м дан юқори), субальп (3200—3800 м) поясларини мав-

жуд. Миллий боғ ҳудудида Угом, Кўксув, Чатқол, Чирчиқ, Оҳангарон дарёлари ва жуда кўп сой ва сойликлар бор. Дарёлар соҳиллари ва сойликлар атрофларида оромгоҳлар ташкил этилган, сув омборлари, Чорвоқ ГЭС, Хўжакент ГЭС, Ғазалкент ГЭСлари бор.

Абдушукур Хонназаров.

УГОРЛАР — тил жиҳатдан қардош бўлган Урал ортидаги мансилар ва хантилар, Дунайдаги венгерлар (мадьярлар)нинг умумлашма номи. Фин-угор тил гуруҳига мансуб угор тилларида сўзлашади. 12-а.га оид рус манбаларида венгерларнинг аждодлари «угра», «угор», ханти ва мансиларни эса, «югра» деб аталган. Кейинчалик «югра» номи, асосан, хантиларни англатган.

УГОРСИМОНЛАР (Anguilliformes) — суякли балиқлар туркуми. Уз. 10 см дан 3 м гача, вазни 15 г дан 65 кг гача. Шакли илонга ўхшаш. Жабра ёйлари нурлари 6—51 та; баъзан бўлмайди. Сузгич пуфаги очиқ, сузгичлари тикансиз. Орқа ва анал сузгичлари узун. Қорин, баъзан кўкрак сузгичлари бўлмайди. Елка камари суяги мия қутиси б-н туташмаган. Личинкаси баргсимон, шаффоф. 23 оила (жумладан, муренасимонлар), 400 тури бор. Асосан, барча океанлар тропик сувларида тарқалган. Фақат угорлар чучук сувларда яшайди, лекин денгизда кўпаяди. Кўпчилик У. саёз сувларда яширин ҳаёт кечиради. Айрим У. чуқур сувларда (4000 м гача) учрайди. Асосан, йиртқич ҳаёт кечиради. Бир қанча турлари овланади. Болтиқ ва Қора денгиз ҳавзаларида оддий угор, Болтиқ денгизида денгиз угори яшайди.

«УГРАДАГИ ТУРИШ» — Катта Ўрда хони *Аҳмад* б-н улуғ князь *Иван III* Васильевич ўртасидаги ҳарбий ҳаракатлар (1480). 1476 й. Иван III *Ботухон* давридан бошлаб Ўрдага ҳар йили тўланадиган ўлпонни тўлашдан воз кечган. Аҳмадхон Қрим б-н бўлган урушда банд бўлганлиги сабабли фақат 1480 й.дагина фаол ҳаракатлар бошлай олган. У Польша-Литва қироли Казимирдан ҳарбий ёрдам олиши ҳақида келишиб олган. Рус давлатининг ғарбий чегаралари 1480 й. бошида Ливон ордени ҳужумларига дучор бўлган. 1480 й. янв.да Иван III га қарши укалари Борис ва Андрей Катталар исён кўтаришган. Бундай вазиятдан фойдаланган Аҳмадхон кузда асосий кучлари б-н юриш бошлаган. Рус боярлари ўртасидаги 2 гуруҳ вужудга келган, улардан бири Иванга қочишни, иккинчиси эса, Ўрда б-н курашишни маслаҳат қилган. 1480 й. Аҳмадхон Казимир қўшинлари б-н бирлашиш учун Ока дарёсининг ирмоғи — Угра дарёси бўйига келган. Уни Иван III нинг ўғли Иван Кенжа ва улуғ князнинг укаси Андрей Кичик бошчилигидаги рус қўшинлари қарши олган. 4 кунлик жангдан сўнг Аҳмадхоннинг Уграни кечиб ўтиш учун қилган ҳаракати зое кетган. Аҳмадхон Казимирни кутишга қарор қилган. Иван III вақтдан ютиш мақсадида Аҳмадхон б-н музокаралар бошлаган. Бу орада Иван III нинг исёнкор укалари у б-н ярашиб, ўз полкларини олиб келганлар. Аҳмад бундан хабар топган ва Казимирдан дарак бўлмагач, ҳужумга ўтишга иккиланиб қолган. Казимир ички низоларни бартараф қилиш ва Қрим б-н курашда банд эди. 11 нояб.гача кутган мўғул қўшинлари озиқ-овқат танқислиги, касаллик эпидемиясини тарқалганлиги ва кучли совуқлар натижасида жанга қараб кетган. 1481 й. 6 янв.да Аҳмадхон Туман (Тюмень) хони Ибоқ б-н тўқнашувда ўлдирилган. Катта Ўрдада ички низолар авж олган. «У.т.» Россияда мўғуллар асоратига чек қўйган. Рус давлати расман мустақилликка эришган.

УД (араб. — қора дарахт) — торли-мезробли қад. мусиқа асбоби. Араб, турк, форс, Кавказ (озарбайжон, арман) ва Марказий Осиё (ўзбек, тожик) халқларида кенг қўлланилади. Катта, ноксимон ва юпқа қопқоқли косахона, калта ва энли дастага эга. Товуши юмшоқ ва майин. *Айритом* харобасидан удсимон чолғуни ушлаб турган созанда аёл тасвирланган фриз топилган. 9—15-а.ларда Шарқ мусиқа назарияси (товушқатор, *парда, мақомлар*) масалаларини шарҳлаб беришда Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин ал-Урмавий, аш-Шерозий ва б.нинг рисолаларида У. етакчи соз ҳисобланган. Унинг дастлаб 4 тори бўлганлиги, Зирёб исмли (9-а.) созанда (айрим манбаларда Форобий) томонидан 5- тор қўшилганлиги маълум. Торлар квартага созланиб форсча ва арабча — ҳолд, зир, масна, маслас, бам деб номланган (қ. *зиру-бам*). Уд пардалари эса мутлақ (очиқ тор), зоид (очиқ торга нисбатан орттирилган), мужаннаб (қўшни парда), саббоб (кўрсаткич бармоқ б-н босиладиган), вустаи фурс (ўрта бармоқ б-н босиладиган форс пардаси), вустаи залзал (*Залзал*га нисбат берилган пардаси), бинсир (турдинчи бармоқ б-н босиладиган парда), хинсир (жимжилоқ б-н босиладиган парда) деб юритилган. Рисолаларда пардалар абжад тартибида арабча ҳарфлар б-н белгиланган. Ҳозирда қўлланиладиган У. пардасиз ва 11 торли. Улардан 5 таси жуфт торлардан, пастки тори битта бўлади. Ўзбекистонда мусиқа коллежлари ва Ўзбекистон давлат консерваториясида У. синфлари мавжуд. У., асосан, жўровоз (мумтоз мусиқа ансамбллари) ва якканавоз соз сифатида қўлланилади. У. асосида Европада лютня чолғуси кашф этилган.

Уд.

УДАЙПУР — Ҳиндистоннинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар, Аравали тизмаси ён бағрида. Рожастхон штатида. Аҳолиси 310 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Кимё, шакар, қанд, цемент, рангли металлургия саноати корхоналари мавжуд. Кустарь усулда матолар, гул тўқилади. У. яқинида фосфорит ва мамлакатда ягона қўрғошин-рух рудалари конлари бор. Шаҳар табиий ва сунъий кўллар б-н ўралган. 16—18-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. Туризм ривожланган.

УДАЛОВ Александр Андреевич [1914.21.9, Симбирск (ҳоз. Ульяновск ш.)] — рус ёзувчиси. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1974). 1920 й.дан Тошкентда яшаган. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1943—46). «Литературный Узбекистан» (1937—40), «Звезда Востока» (1960—65; 1967—69; 1971—85) журналарида ҳамда «Комсомолец Узбекистана» (1941—43) газ.да бош муҳаррир, Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир (1953—56), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари (1956—75). «Ватан уруши йилларида болалар» туркум ҳикоялари (1941) ва «Марина» қиссасини (1940) ёзган. Қисса ва ҳикоялар тўпламида («Ўрмонларда», 1943—49; «Жоним билан», 1947—48; «Замондошларим», 1950; «Ёз кунларининг бирида», 1957; «Қизлар», 1961; «Кўк тоғларда», 1981 ва б.) уруш фожиалари тасвирланган. «Сабр косаси» дилогияси («Сабр косаси», 1-китоб, 1964; «Муҳаббат мангу», 2-китоб, 1973) Туркистон тарихи ва халқлар дўстлиги ҳақида. «Ватан ўғлони» (1982), «Турмушимиз кунлари» романлари (1989) муаллифи. П. Муҳамаджёрова ва Ҳаким Назирнинг қисса ва ҳикояларини рус тилига таржима қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1983).

Ас.: Биринчи қор [қисса], Т., 1958; Сабр косаси [роман], Т., 1965; Избр. произведения, т. 1—2, Т., 1989; Открыватели мира [повести, рассказы], Т., 1990.

У-ДИ (асл исми Лю Чэ) (мил. ав. 156—87) — Хитой императори (мил. ав. 140—87), Ғарбий *Хань* сулоласидан. Тахтни У-ди (жанговар император) номи б-н бошқарган. Ниҳоятда қатиққўл, қобилиятли, шуҳратпараст ва жанговар шахс бўлган. Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш изчил сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ислоҳотлар ўтказган. Мил. ав. 127 й. зодагонлар ер мулкларини ворислар ўртасида тақсимлаш ҳақида фармон чиқарган. Мамлакат ҳудудини 14 округга тақсимлаб, маҳаллий ҳокимларни назорат қилиб туриш учун у ерларга нуфузли амалдорларни жўнатган. Маъмурий лавозимларни эгаллаш учун давлат имтиҳонлари топшириш тизимини жорий қилган. Унинг даврида конфуцийликни расмий мафкурага айланиши жараёни якунланган. 40 й.дан ортиқ ҳоз. Корея, Вьетнам, Монголия ҳудудларида мавжуд бўлган давлатларга қарши босқинчилик урушлари олиб борган. Бу урушлар салтанат ҳудудларини анча кенгайтирган, лекин Хитойни заифлаштирган, меҳнаткаш халқ оммаси аҳволини кескин ёмонлаштирган. Хун хоқонлигига қарши курашда Ғарбдаги давлатлар б-н иттифоқ тузиш учун Марказий Осиёга 2 марта *Чжан Цянь*ни элчи қилиб юборган, унинг ҳисоботи натижасида хитойликлар илк бор Ўрта Осиё халқлари б-н савдо имконига эга бўлганлар. У-ди ўз қўшинларининг жанговарлик имкониятларини ошириш мақсадида Фарғона (Давань, *Даван*) отларини сотиб олмоқчи бўлган. Фарғоналиклар бунга кўнмагач, мил. ав. 104 й. Ли Гуангли бошчилигида Фарғонага қўшин жўнатган. Биринчи юришда Хитой қўшинлари Ўзгандан нарига ўта олмаган. Мил. ав. 101 й. Хитой қўшини Фарғона давлатининг маркази — Эрши ш.ни 40 кун қамал қилган (қ. *Эрши мудофааси*). У-ди қўшини Фарғонани қўлга киритга олмагач, у б-н битим тузишга мажбур бўлган бўлса-да У-ди буни ғалаба деб баҳолаган.

УДМУРТ ТИЛИ — *пермь тиллари*дан бири. Россия Федерациясининг Удмуртия Республикасида, қисман Бошқирдистон ва Татаристон республикаларида, Киров ва Пермь вилоятларида ҳамда Қозоғистон, Украина, Ўзбекистон ва Белоруссия республикаларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 747 минг, жумладан, Удмуртияда 497 минг киши (20-а.нинг охирлари). У.т.нинг 2 лаҳжаси бор: шим. (бир қанча шевалар ҳамда бессермян этник гуруҳининг тили) ва жан. (Удмуртия жан.даги шевалар ҳамда Вяткаорти ва Камаорти шевалари). Удмуртиянинг ўрта ҳудудларида оралиқ шевалар ҳам учрайди.

У.т. бошқа пермь тилларидан баъзи унлилар ва ундошларнинг қўлланиш ўрни (мас., о нинг сўзнинг фақат биринчи бўғинида келиши), урғунинг сўздаги охирги бўғинга тушиши, 2 хил тусланишнинг мавжудлиги, унга хос феъл шакллари б-н фарқланади. Лексикасида кўплаб туркий ўзлашмалар бор. У.т.даги дастлабки ёзма ёдгорликлар 18-а.нинг 30-й.ларига мансуб. Ёзуви рус графикаси (кириллица) асосида 18-а.да яратилган. Ҳоз. адабий У.т. шим. ва жан. гуруҳ шеваларига мансуб грамматик белгилар ва лексиканинг унга хос қўшилмасидан иборат.

УДМУРТИЯ, Удмуртия Республикаси — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Ўрта Уралнинг ғарбий қисмида, Кама ва Вятка дарёлари оралиғида жойлашган. Майд. 42,1 минг км². Аҳолиси 1570,5 минг киши (2002). У.да 25 туман, 6 шаҳар, 12 шаҳарча бор. Пойтахти — Ижевск ш.

Давлат тузуми. У. — республика. Республика бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Давлат кенгаши, ижроччи ҳокимиятни раис бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. У. ҳудуди шим.дан жан.га, шарқдан ғарбга қиялаб борувчи сертепа текислик бўлиб, аксари қисмини дарё, жарликлар кесиб ўтади. Шим. қисмида Юқори Кама қирлари бор (бал. 300 м). Ғарбидаги Кильмезь дарёси бўйлари ботқоқлашган пасттекислик, жан.да Можга ва Сарапул қирлари бор. Фойдали қазилмалари: нефть, торф, кўмир, қурилиш материаллари (кварцли қум, гил, оҳактош ва б.). Минерал булоқлар, шифобахш балчиқлар (Варзи-Ятчи) мавжуд. Иқлими мўътадил континентал, қиши совуқ, ёзи нисбатан илиқ, шим. да ўртача т-ра янв.да —15,5° дан жан.да — 14,2° гача, июлда 17,5° дан 19,2° гача. Ўртача йиллик ёғин 400—600 мм. Энг катта дарёси — Кама. Сива, Иж, Вятка, Чепца, Кильмезь ва б. дарёлари Кама ҳавзасига мансуб. Воткинск сув омбори бор. Тупроқларининг аксари чимли подзол, жан.-шарқда сур тусли ўрмон тупроқлари, шарқи, жан. ва шим.да чимли-карбонатли тупроқлар учрайди. У. ҳудудининг 47,5% ўрмон (арча, пихта, қарағай, тоғтерак ва б.). Ҳайвонот дунёси: ўрмонларда тулки, сувсар, оқсичқон, бўрсиқ, бўри, кемирувчилар (тийин, қуён, дала сичқони ва б.); дарёларда норка, қундуз яшайди; ондатра иқлимлаштирилган. Қушлардан булдуруқ, карқур, қур, каклик овланади. Дарёларида турли балиқ кўп.

Аҳолиси удмурт (30,9%), рус (58,9%), татар (6,9%) ва б. Шаҳар аҳолиси 69,7%. Давлат тиллари — рус ва удмурт тиллари. Диндорлари, асосан, христиан (православ)лар. Йирик шаҳарлари: Ижевск, Сарапул, Воткинск, Глазов.

Тарихи. У. ҳудудида одам қадим замонлардан яшаганлиги маълум (Янги Мултон қишлоғида *неолит* ёдгорликлари топилган). 3—9-а.ларда Вятка ва Кама дарёлари оралиғида удмурт қабилалари бирлашмаси вужудга келган. 10—12-а.ларда Қуйи Кама ва Вятка бўйларида яшаган удмурт қабилалари *Волга-Кама Булғорияси* таркибида бўлган, унинг инқирозидан сўнг 1236 й.дан Олтин Ўрда ва Қозон хонликларига қарам бўлган. 1489 й. Ўрта ва Юқори Вятка удмуртлари, 1552 й. Кама бўйи удмуртлари Рус давлатига қўшиб олинган. 1558 й.га келиб У.нинг барча ҳудудини Россия босиб олди. Жабр-зулм кучайиши сабабли халқ қўзғолонлари бўлиб турди. 1662—64 й.лардаги бошқирдлар қўзғолони, *Разин қўзғолони* ва *Пугачёв қўзғолони*да удмуртлар фаол қатнашдилар. 1905—07 й.лардаги инқилобда иштирок этдилар. 1917 й. 9 нояб.да Ижевскда шўро ҳокимияти ўрнатилди. 1918 й. июнида У. РСФСР таркибига қўшиб олинди. 1919 й. апр.да У.ни *Колчак* қўшинлари ишғол қилди, ўша йил июнда яна шўро ҳокимияти тикланди. 1920 й. Вотяклар мухтор вилояти тузилди (подшо Россияси даври ва 1932 й.гача удмуртлар вотяклар деб атаб келинган; 1932 й.дан халқнинг ўз номи билан У. мухтор вилояти деб аталди). 1934 й. 28 дек.да У. Мухтор Со-



Ижевск шаҳри

вет Республикасига айлантирилди. 1990 й. сент.да суверенитет ҳақида Декларация қабул қилинди ва У. Республикаси деб атала бошлади.

Хўжалиги. У. — ривожланган индустриал-аграр республика. Ялпи маҳсулотда саноатнинг улуши 46,8%, қ.х.нинг улуши 12,8%, қурилишнинг улуши 4,1%, транспортнинг улуши 3,4%, савдонинг улуши 9,6%. Барча корхоналарнинг 69,2% хусусий, 5,1% давлат мулки, 8% муниципал мулк, қолган 8,1% мулкчиликнинг бошқа турлари, жумладан, аралаш ва хорижий мулкдир.

Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик, ёқилғи, озиқ-овқат, электр энергетика, рангли металлургия, қора металлургия, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз, қурилиш материаллари, енгил, кимё, нефть кимёси саноатидир. Энергетика кўмир, нефть, газ ва торфга асосланган. Ижевск, Сарапул, Воткинск, Глазовда иссиқлик электр ст-ялари бор. Йилига ўртача 3,2 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Қора металлургия «Ижсталь» и.ч. бирлашмаси, Ижевск ва Воткинскдаги металл қуюв корхоналаридан иборат. Глазовдаги Чепец механика з-дида атом энергетикасида фойдаланиладиган ва Россияда бирдан-бир цирконий олиш ва уни қайта ишлаш цехи ишлайди. «Воткинск заводи» и. ч. бирлашмаси қитъалараро баллистик ракеталар ишлаб чиқаради. Енгил автомобиль, мотоцикл, тепловоз, подшипник, қоғоз и.ч. машиналари, нефть, кимё, ётоқсозлик саноати учун ускуналар, металл қирқиш станоклари, радиотехника буюмлари, ов ва спорт қуроллари и.ч. ривожланган. Республика шим. ва ғарбий туманларида ёғоч тайёрланади. Мебель, гугуртсозлик, ёғочсозлик, шиша саноати корхоналари бор. Енгил саноатда зиғир толасини қайта ишлаш, тикувчилик, пойабзал, трикотаж, озиқ-овқат саноатида гўшт-сут, ун-ёрма, ликёр-арақ, пиво и.ч. тармоқлари бор. Нефть, кўмир, торф ондакон қазиб олинади.

Қишлоқ хўжалиги чорвачилик, галлачилик ва зиғирчиликка ихтисослашган. Қ.х. экинлари ерлар 1795 минг га, шундан 1461 минг га ер ҳайдалади. Ерларнинг салкам 60% да донли экинлар, 35% да ем-хашак экинлари етиштирилади. Қолган ерлар — зиғир, картошка, сабзавот ва б. билан банд. Боғ ва резавор мевачилик ривожланган. Чорвачилигида гўшт ва сут учун қорамол, шунингдек, чўчқа, қўй, эчки, парранда боқилади. Асаларичилик ривожланган.

Транспорти. Т.й. узунлиги — 768 км, автомобиль йўллари уз. — 5332 км. Кама дарёси ва Воткинск сув омборида кема қатнайди. Кема қатнайдиган ички сув йўллари уз. — 178 км. Ижевск ш.да халқаро аэропорт бор. Кўпгина нефть ва газ қувурлари У. ҳудудидан ўтади.

Тиббий хизмати. 20-а.нинг 90-й.лари ўрталарида У.да 7723 врач аҳолига тиббий ёрдам кўрсатди. Шифобахш минерал сув ва балчиқ б-н даволайдиган «Варзи-Ятчи» курорти, бир неча санаторий ва дам олиш уйлари, саёҳлар маскани ва б. бор.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. У.да таълим РФ таълим тизими асосида ривожланиб келаётир. 20-а. 90-й.ларида республикадаги 882 умумий таълим мактабида 253 минг, 30 ўрта махсус ўқув юртида 21 минг ўқувчи, 5 олий ўқув юрти — Ижевскдаги Удмуртия ун-ти, механика, қ.х., тиббиёт ин-тлари, Глазовдаги педагогика ин-тида 23,8 минг талаба таълим олди. У.да тарих, иқтисодиёт, тил ва адабиёт, физика-техника и.т. институтлари, қ.х. тажриба ст-ясида и.т. лар олиб борилади. У.да 5 театр, филармония, цирк, шунингдек, Ижевск ва Сарапулда ўлкашунослик музейлари, Воткинскда П.И. Чайковский ёдгорлик уй-музейи, Ижевскда тасвирий санъат музейи, Глазов ш.да «Иднакар» музей-қўриқхона бор. У.да бир неча газ. ва жур. нашр этилади. Удмурт ва рус тилларида радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар олиб борилади.

Адабиёти 19-а.да кирилл алифбоси асосидаги удмурт ёзуви жорий қилингандан кейин вужудга келди. 19-а. охирларида шоирлардан Г.Е. Верещагин, И.П. Прокопьев, 20-а. бошларида М. Можгин, К.П. Чайников (К. Герд), Кедра Митрей (Д.И. Корепанов) нинг шеърий ва насрий асарлари яратилди. 20-й.ларда шеърият устун бўлди. М. Прокопьев, Д. Майоров, И. Дядюков, Ашальчи Оки (Л. Векшина), К. Чайников ўз шеър ва достонларида инқилобий романтика анъаналарини ҳаққоний тасвирлашга интилдилар. И.М. Соколов, М.П. Петровнинг саҳна асарлари, К. Митрей, Д. Ившиннинг қисса ва романларида удмурт халқининг босиб ўтган йўли ва ҳаёти тасвирланган. 2-жаҳон уруши даврида адабиёт халқни фашизмга қарши курашга руҳлантирди. 20-а.нинг 2-ярмида М.П. Петров («Тошотар чоли», «Эски Мултон»), Г.Е. Гаврилов («Орфей чиқди»), Г.Е. Загребин («Баҳор ёмғири»), С.А. Самсонов («Гунги қўнғироқ») нинг асарлари яратилди. Шеъриятда Ф. Васильев, А. Белоногов, А. Уваров, В. Романов, В. Ившин баракали ижод қилдилар.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. У. ҳудудида мил. ав. 1-минг йиллик — мил. 2-минг йилликнинг 1-ярмига оид кўпгина бадиий ёдгорликлар топилган. 17-а.нинг 2-ярмида ётоқ қўрғонлар (Сарапул ва б. шаҳарлар) қурилди. 18-а. ўрталарида з-длар теварагида шаҳарчалар вужудга келди. 18-а. охири ва 19-а. бошларида Сарапул, Глазов, Ижевск, Воткинск ш.лари бош режа асосида қурила бошлади (меъморлар В. Гесте, С. Дудин, В. Петенкин, Ф. Росликов ва б.). 19-а. 1-ярми бинолар меъморлигида *ампир* услуби урф бўлди. Улардаги турар жойлар девори ёғочлари устма-уст тахлаш усулида тикланар, ҳовли атрофи ўралиб, нақшинкор дарвозалар ўрнатилар эди. 20-а.нинг 20—30-й.лари меъморлигида *конструктивизм*, 40—50-й.ларида классицизм (Ижевскдаги цирк, меъмори П. Попов, Пушкин кўчасидаги меъморий мажмуа, меъмори В. Орлов ва б.) анъаналаридан фойдаланилди. 60—70-й.ларда шаҳарларда янги турар жой даҳалари, меъморий мажмуалар (Ижевскда маъмурий-маданий марказ (меъмори Г. Александров) барпо этилди.

20-а.нинг 20-й.ларида тасвирий санъат вужудга келди. Замонавий рассомлар орасида Н. Косолапов, А. Холмогоров, П. Семёнов, Д. Холиров, И. Нурмухаметов, Б. Постников, П. Ёлкин асарлари машҳур. Халқ амалий безак санъатида каштачилик, бадиий тўқувчилик кенг ёйилган.

Мусиқаси қўшни халқлар — фин-угор, туркий ва славян халқлари санъати б-н ҳамоҳанг тарзда ривожланган. Қўшиқлари кўп овозли ва ҳар хил жанрли — тўй, марсия, деҳқончилик ва ов мавсумлари, сургун, жанг ва муҳаббат қўшиқларидан иборат. Чолғу асбоблари: гусли (крезь), скрипка, флейта (узы-гумы), чипчирган, шувшиндек, гармон, балалайка, скрипка, гитара ва б.лар. Профессионал мусиқа 20-а.нинг 20-й.ларидан ривожлана бошлади. Композиторлардан Н. Голубев, Н. Греховодов, Г. Корепанов, Г. Корепанов-Камский, Д. Васильев, Ю. Толкач, дирижёрлардан А. Мамонтов, Г. Бехтерев, Р. Анкудинова, хонандалардан К. Ложкин, Н. Зубков, Г. Титов машҳур. У.да «Италмас» давлат ашула ва рақс ансамбли (1933 й.дан), радио ва телевидение хори, мусиқа билим юрти (1933 й.дан), Халқ ижодиёти уйи (1936 й.дан), мусиқа мактаблари бор.

Театри. 1918 й. удмурт тилида дастлабки драма спектакллари саҳналаштирилди. 20-й.лардан сайёр халқ театрлари ишлади. 1931 й. Ижевскда Удмурт драма театри (1958 й.дан мусиқали драма театри) очилди. 30-й.ларда Алнаш (1934), Глазов ва Дебёс (1936) қишлоқ театрлари ташкил этилди. 1935 й. Рус драма театри ва республика қўғирчоқ театри ишлай бошлади. Удмурт драма театри саҳнасида маҳаллий муаллифлардан И. Гаврилов, М. Петров, Г. Красильников, Е. Загребин, Д. Перевощиков, С. Широбоков, қўшни республикалар драматурглари асарлари, жаҳон мумтоз драматургияси асарлари қўйилди. Театр арбобларидан Г. Веретенников, Н. Бакишева, В. Перевощиков, К. Гаврилова, В. Виноградова, А. Шклаева, Е. Романова ва б. машҳур.

УДМУРТЛАР (эски номи — вотяклар) — халқ, Удмуртиянинг туб аҳолиси (497 минг киши). Умумий сони 747 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Удмурт тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар. У.нинг этногенези Вятка-Кама дарё оралиғида яшаган қадимги қабилалар б-н боғлиқ. Мил. 1-минг йилликнинг охири — 2-минг йиллик бошида удмурт қабилаларига *Волга-Кама Булғорияси* сезиларли таъсир кўрсатган. 16-а. ўрталарига қадар У. маъмурий-ҳудудий бирликка эга бўлмай, шим. У. Вятка ерлари таркибига, жан. У. Қозон хонлиги таркибига кирган. Кейинчалик Рус давлати таркибига тўла кириб, иттифоқ бўлиб уюша бошлаган. У., асосан, деҳқончилик, чорвачилик, овчилик б-н шуғулланади.

УДОКАН — Байкалортидаги тоғ тизмаси (РФ Чита вилояти ва Саха Республикаси ҳудудларида). Уз. 250 км дан зиёд, энг баланд жойи 2515 м. Гнейс ва кристалли сланецлардан ташкил топган. Тизманинг юқори қисмларида қад. музлик излари мавжуд. Ён бағирларида 1200 м баландликкача тилоғоч ўрмонлари, ундан юқорида эса тоғ тундра ўсимликлари ўсади. Мис рудаси конлари бор.

УДОНЕЛЛИДЛАР (Udonellida) — киприкли чувалчанглар туркуми. 3 тури бор. Танаси цилиндрсимон, кейинги учида ёпишқоқ сурғичи бор. Ичаги ҳалқасимон, жинсий безлари ўраб турмайди. Илгари У. моногенеяларга киритилган, ҳозир эса чувалчанглар типининг алоҳида синфи сифатида қаралади. У. денгиз балиқларида паразитлик қиладиган қуракоёқли қисқичбақасимонларнинг ташқи комменсали ҳисобланади. Уз. 3 мм гача. Тухумларини узун поянча ёрдамида хўжайинга тўғри ёпиштириб қўяди. Метаморфозсиз ривожланади.

УДЭГЕЙЛАР (ўзларини удээ, удэхэ деб атайдилар) — Приморье ва Хабаровск ўлкалари (РФ)да яшовчи халқ. 1 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Удэгей тилида сўзлашади. У.да табиат кучлари ва ҳайвонларга сиғиниш, шомонлик сақланиб қолган. Асосий машғулоти — овчилик, балиқ овлаш, женьшень йиғиш.

УЖЖАЙН — Ҳиндистоннинг марказий қисмидаги шаҳар, Мадхья-Прадеш штатида. Виндхья тоғининг шим. этагида жойлашган. Аҳолиси 365 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари тугуни. Тўқимачилик, озиқ-овқат, металлсозлик саноати корхоналари бор. Ҳунармандчиликда турли буюмлар тайёрланади. У. ҳиндуларнинг 7 «муқаддас» шаҳаридан бири, диний зиёрат марказларидан. Шаҳар мил. ав. 7-а.да бунёд этилган. Қад. ҳинд географлари шартли бош меридианни У. орқали ўтказганлар. Шаҳарда жан.да 1730 й.да қурилган Жайсинх расадхонаси бор.

УЖГОРОД — Украинанинг *Закарпатье вилоятидаги* шаҳар, вилоят маркази. Шарқий Карпат тоғларининг этагида, Уж дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Т.й. станцияси. Шоссе йўллари чорраҳаси. Аэропорт бор. Аҳолиси 117,3 минг киши (2001).

Археологик текширишларга қараганда У. 8—9-а.ларда барпо қилинган ва ўша даврдан Киев Руси, 11-а. охиридан Венгрия қироллиги таркибида. 18-а. бошларида Австрия (1867 й.дан Австрия-Венгрия) қўл остида. 11-а.дан 1918 й.гача Унгвар деб аталган. 1938 й. нояб.дан Венгрия таркибида. 1944 й.дан Закарпатье Украинаси таркибида УССР га кирган, 1946 й.дан Закарпатье вилояти маркази. Асосий саноат тармоқлари: ёғочсозлик ва мебель (фанера-мебель к-ти), машинасозлик ва приборсозлик («Ужгород-прибор», газ аппаратураси), енгил саноат (пойабзал, тикувчилик ф-калари), уй-рўзғор кимёси, фурнитура з-длари, озиқ-овқат (гўшт, вино к-тлари; маргарин з-ди) саноати. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Шаҳар атрофида токзорлар бор. Ун-т, 2 театр, бадиий, халқ меъморлиги ва турмуши, ўлкашунослик музейлари, филармония мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан: қаср (11-а.), костёл (1762—67), епископ саройи (ҳоз. ун-т кутубхонаси, 17-а.) сақланган.

УЖДА — Мароккашнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Ужда вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 365,6 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари тугуни. Озиқ-овқат, металлсозлик, ёғочсозлик ва кимё саноати корхоналари, цемент з-ди, иссиқлик электр ст-яси бор. Цитрус мева ва чорва моллари ишлаб чиқариш савдо маркази. Шаҳар яқинидан тошкўмир, қўрғошин-рух рудалари қазиб олинади.

УЖУНГПАНДАНГ (1970 й.гача Макасар) — Индонезиядаги шаҳар. Жан. Сулавеси провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,09 млн. киши (1995). Индонезиянинг шарқий қисмидаги энг катта порт, четга копра, кофе, шраворлар, ўрмон маҳсулотлари ва кўн-тери чиқарилади. У. — Сулавеси о.даги савдо-транспорт, молия ва маданият маркази. Қ.х. маҳсулотлари қайта ишланади. Кема верфи, озиқ-овқат, тўқимачилик, металлсозлик саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчиликда қамиш ва пальма баргларидан, кумушдан бадиий буюмлар тайёрланади. Ун-т, ингтлар ва и.т. марказлари бор.

УЗАТИШ НИСБАТИ — машина механизмлари, шу жумладан, айланма ҳаракатланувчи узатмаларнинг асосий кўрсаткичларидан бири. Механизм айланувчи звеноларининг бурчак тезликлари ёки айланиш частоталари (сонлари) нисбати б-н белгиланади. Одатда, У.н. механизмнинг етакчи (ҳаракатлантирувчи) звеноси бурчак тезлиги (ёки айланишлар сони) б-н етакланувчи (ҳаракатланувчи) звеноси бурчак тезлиги (ёки айланишлар сони) орасидаги нисбатни билдиради $\left(n=\frac{\omega_1}{\omega_2}\right)$. У.н. оддий механизмлар (тишли ғилдираклар жуфти, червякли, тасмали узатмалар ва б.)

учун ҳам, кўп звеноли мураккаб механизмлар (кўп поғонали редукторлар, планетар редукторлар, узатмалар ва б.) учун ҳам тааллуқли. Механизмлар (айниқса, илашма узатмалар) учун У.н. тушунчаси б-н бирга *узатиш сони* термини ҳам ишлатилади.

УЗАТИШ СОНИ — машина механизмлари ёки турли узатмаларда етакчи (ҳаракатлантирувчи) звено иш қисмлари (мас., тишлари) сони б-н етакланувчи (ҳаракатланувчи) звено иш қисмлари сонига нисбати. Мас., тишли узатмада катта гилдирак тишлари сонининг кичик гилдирак тишлари сонига, червякли узатмада гилдирак тишлари сонининг червяк киримлари сонига, занжирли узатмада (жумладан, велосипедда) катта юлдузча тишлари сонининг кичик юлдузча тишлари сонига нисбати У.с. ҳисобланади. У.с. доимо 1 дан катта ёки 1 га тенг бўлади.

УЗАТМА (машиналарда) — айланма ҳаракатни узлуксиз узатиш учун мўлжалланган механизм. Турли машиналарнинг юритмаларида У. ёрдамида тезлик оширилади ёки пасайтирилади; тезлик поғонали ёки поғонасиз тарзда ростлаб турилади; битта двигателдан бир неча механизм ҳаракатга келтирилади ва ҳ.к. Асосий кўрсаткичлари: узатиш моменти, бурчак тезлиги, узатиш сони, узатиш нисбати, фойдали иш коэффициенти (ф.и.к.). У.нинг механик, гидравлик ва электр турлари бор. Механик У. деталларнинг илашиш (ёки тишлашиш) хоссасига (мас., тишли У., занжирли У., червякли У.) ҳамда ишқаланиш хоссасига (мас., тасмали У., фрикцион У.) асосланган. Бундай У.лар станоклар, автомобиллар, тракторларнинг тезликлар қутилари ва вариаторларида қўлланади. Гидравлик ва электр У.лар катта қувватларни узатишга имкон беради. Улар машинасозликнинг турли соҳаларида, айниқса, оғир транспорт машиналарининг юритмаларида қўлланади.

УЗАТМАЛАР ҚУТИСИ — ўзиюрар машиналар (мас., тракторлар) *трансмиссия*сида бирламчи ва иккиламчи валлар *узатиш нисбати*ни ўзгартириш учун мўлжалланган кўп звеноли механизм. Бу ўзгартириш алоҳида ёки бошқа механизмлар б-н умумий корпусда жойлашган тишли узатмаларни алмашлаб улаш натижасида амалга оширилади. Етакчи валнинг айланиш частотаси ўзгармаган ҳолда етакланувчи валнинг айланиш частотасини ўзгартирадиган У.қ.га *тезликлар қутиси* (мас., металл кесиш станокларининг асосий юритмаларида), металл кесиш станокларида суришларни ўзгартирувчи У.қ. суришлар қутиси дейилади. У.қ. *ички ёнув двигатели* автомобиллар ва б. транспорт воситаларининг етакчи гилдиракларини ҳаракатлантиришда кенг ишлатилади. У.қ.нинг конструкцияси унинг вазифасига, узатиладиган айланишларни алмашлаб улаш усулига ва машина ёки станокнинг техник тавсилотига: узатилаётган қувватга, тезкорликка, *узатиш сони*га (48 гача), ростлаш диапазонига боғлиқ. Тезлаштирувчи узатмалар учун *узатиш нисбати*, одатда, камида 1/2 га тенг бўлади, секинлаштирувчи узатмалар учун эса 4 дан ошмайди, 2 вал орасидаги узатмалар сони 6—8 га тенг бўлади. Узатишларни алмашлаб улаш усулига қараб сирпанувчи тишли блокли (кулачокли ва тишли муфтали); синхронизатори бўлган тишли муфтали, фрикцион муфтали ва тормозли, эркин юриш муфтали У.қ. фарқланади.



Автомобиль узатмалар қутисининг қирқими: 1 — [illegible]; 2 — шестерня; 3 — тишли гардиш; 4 — [illegible]; 5 — [illegible] шестернялар; 6 — [illegible]; 7 — [illegible] вал; 8 — [illegible] шестерня; 9 — [illegible]; 10 — [illegible] шестерналар; 11 — картер; 12 — оралиқ вал.

УЗЗОЛ (араб. — пастга сакраш, тушиш) — *Ўн икки мақом* ва *Шашмақом* таркибида маълум шўъба номи. Унда куй ҳаракатида 4 — 5 поғона пастга кўққисдан сакраш (тушиш) рўй беради. У.нинг дастлабки куй тузилиши ҳақида маълумот йўқ. Мусиқа рисолаларида унинг квинта диапазонидаги товуш қаторигина келтирилган. Шашмақомда Бузрук мақомининг биринчи гуруҳ шўъбалари орасида «Талқини У.», «Насри У.» номли шўъбалар ва «Уфари У.» куй мавжуд. Улар жуда ёқимли ва жозибали ашула йўллари бўлиб, бошланиш жумласида куй квартагача пастга сакрайди. Хоразм мақомларида эса бу ҳаракат поғонама-поғона туширилади. У. шўъбалари ва уфари даромад, миёнхат ҳамда туширим қисмларидан таркиб топган, 3 турли доира усулида ижро этиладиган бир хил ашула йўлидир. У. *намуд* сифатида ҳам кўп учрайди. Намуди У. Бузрук ва Рост мақомларининг турли шўъбаларида, шунингдек, йирик шаклдаги мумтоз куй ва ашулаларда, бастакорлар ижодида ҳам кенг қўлланилган.

Уйғурларда Ўзҳол деб номланиб, куй тузилиши Шашмақомдаги У.дан бутунлай фарқ қилади.

УЗИЛМА — *тектоник ҳаракатлар* натижасида тоғ жинслари блокларининг бир-бирига нисбатан тик ёки қия юзада узилиб силжиши. У.да осма ёнидаги тоғ жинслари узилиб пастга силжиди, остки ён бағир жинслари эса тепага кўтарилади. У. кўпинча магманинг ер юзасига чиқиши ҳамда вулқонлар жараёни натижасида пайдо бўлиши ҳамда уларнинг физик ва механик хоссалари тектоник жараёнларда У.ларни ҳосил бўлишини тақозо қилади. У. аксари, грабен ва горстларни вужудга келтиради. У. амплитудаси рифтларда бир неча км га етади. Улар Ер пўстининг турли структуравий зоналарида (қуруқлик ва океанлар) учрайди.

УЗЛАР — қад. туркий қавм. 7—8-а.ларда Еттисув ва Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшаб, *Турк хоқонлиги* ва *Қарлуқлар давлати* таркибида бўлишган. Уларнинг бир қисми ғарбга силжиб, 8-а.нинг охирида Орол денгизининг жан.-шарқий ҳудудларига бориб ўрнашган ва *ўғузлар* тасарруфида бўлиб келган. Ўғузларга тобе бўлишни хоҳламаганлари Орол денгизининг шим.-шарқий минтақаларига (Илк ва Эмба дарёлари оралиғи) бориб ўрнашган. 8-а.нинг 60-й.ларида ўғузлар У.га ҳужум қилиб, Сирдарё ва Орол денгизи воҳаларини эгаллаб, У.нинг бир қисмини бўйсундирган. 9-а.нинг охири — 10-а.нинг бошларида У. сиёсий ҳаётга фаол аралашиб кетган. У. ҳақидаги маълумотлар 10-а. араб географи Масъудий, 11-а. арман тарихчиси Матвей Эдисскийнинг асарларида тилга олинган. У. Каспий денгизининг шим.да яшовчи хазарлар б-н иттифоқ бўлиб, Волга ва Урал дарёлари оралиғида жойлашган бижанаклар ва қанғлиларга ҳужум қилишган ва бу ерларни босиб олишган.

У. 11-а.нинг 30-й.ларида Днепр ва Дунай дарёлари оралиғига бориб жойлашган. Бу ҳудудни 1060 й. Русь князлари биргаликда эгаллаганлар, натижада У.нинг асосий қисми ғарбга — «Муқаддас Рим империяси» ерларига кўчган. Юнон тарихчиларининг маълумотларига кўра, У. сони 600 минг кишига етган, кичик бир қисми эса, Кичик Осиёда, Усмонли турклар қўшилиб сингиб кетган. Кейинчалик У.нинг бир қисми яна ҳам ғарбга силжиб, Жан. Русь чўллари орқали Ғарбий Европа (Юнонистон ва Венгрияга) ўтиб кетганлар. У.нинг кейинги авлодлари — гагаузлар ҳозир ҳам Молдавия, Румыния ва Венгрияда яшайди. У.нинг Жан. Русь чўллари ва Дашти Қипчоқда қолган гуруҳлари қипчоқлар таркибига кирган. 15—18-а.лар давомида Дашти Қипчоқдаги У. Ўзбекистон ҳудудига келишган. Улар уруғлашиш жараёнида ўз уруғ-қабила номларини унутиб, ўзбек халқи таркибига сингиб кетганлар. Кичик бир гуруҳи эса 20-а.нинг бошларигача ўзларининг этник номларини сақлаб келганлар. У., асосан, чорвачилик б-н шуғулланган, кейинчалик деҳқончилик ҳам уларнинг машғулотига айланган. У.нинг авлодлари, асосан, Зарафшон воҳасининг ўрта оқимларида — Пайарик тумани (Қора узла), Навоий туманидаги Нуробод туманининг «Улус» хўжалигида яшайди. У.нинг катта қисми Қарши чўлидаги Кўкдала, Ҳардури, Талоқтепа, Олатўн, Ўтамали, Суфи, Хушхаҳли, Мойлижар, Шўрбозор ва б. қишлоқларда яшайди.

Ад.: Шониёзов К., Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, Т., 2001.

УЗЛАТ (араб. — чекиниш; кишилардан четлашиш; узлат этиш — ёлғизликни ихтиёр қилиш) — холи жой; танҳолик; ҳеч нимага боғланмаслик; дунёнинг хилма-хил ғавғоларидан фориғлик. Муҳаммад (сав)нинг Ҳиро тоғида ўтказган У.даги ҳаёти суфийлар учун ибрат ва намуна бўлган. Тасаввуфда У. дейилганда шайх, пир, муршид раҳнамолигида ва унинг кўрсатмаларига биноан, муриднинг махсус бир гўшада беркиниб, ибодат ва зикр орқали Аллоҳ б-н зоҳиран алоқа боғлаш тушунилади. Камида 40 кун давом қиладиган бу жараёнга «чилла ўтириш» дейилган. Тасаввуфда ҳаётни батамом хилватда ўтказиш шартлиги зинҳор тарғиб этилмаган. Тасаввуфга кўра, У. ҳаётдан қочиш, кундалик турмушдан ажралиб яшаш, одамлардан безиш эмас, балки маълум муддат руҳий камолотга эришиб, яна фаолиятни давом эттиришдир.

УЗЛУКЛИЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК — материянинг тузилиши ҳамда ривожланиши жараёнини ифодаловчи фалсафий категориялар. Узлуклилик материянинг фазо ва вақтда тузилиши ва ҳолати, унинг элементлари, кўринишлари ва яшаш шакллари, ҳаракати ва ривожланиши жараёнининг «дона-донали»ги (дискретлиги)ни билдиради. У. ривожланиш жараёнидаги материянинг бўлиниш хусусияти ва маълум даражада ички дифференциациялашиши ҳамда унинг таркибидаги барқарор элементлар, муайян сифатларга эга бўлган тузилмалар (мас., элементар заррачалар, ядролар, атомлар, молекулалар, организмлар, сайёралар ва б.)нинг нисбатан мустақил мавжудлиги асосланади.

Узлуксизлик эса, аксинча, маълум даражада мураккаб системалар таркибидаги элементларнинг бирлиги, ўзаро боғланиши ва бир-бирини тақозо қилишини билдиради ва муайян объектнинг нисбий барқарорлиги ва бўлинмаслигига асосланади. Ҳар қандай предмет ёки жараённинг структураси У. ва у.нинг бирлиги сифатида намоён бўлади. Уларнинг бирлиги турли ҳодисаларнинг ривожланиш жараёни учун ҳам хосдир. Бунда узлуклилик муайян системанинг янги *сифат*га ўтишини билдирса, узлуксизлик унинг нисбий турғунлигини, маълум *меъёр* доирасида бўлишини билдиради. У. ва у.ни бир-биридан ажратиш, уларни бир-бирига қарши қўйиш ёки бирортасининг аҳамиятини бўрттириб юбориш уларнинг ўртасидаги бирлик, ўзаро боғланишнинг узилиши, йўқолишига олиб келади.

УЗЛУКСИЗ КАСР (занжир каср) — сонларни тасвирлаш усулларидан бири. $a_0, a_1, \dots, a_n, \dots$ — натурал сонлар бўлса, У.к. қуйидагича ифодаланади:

$$a_0+\cfrac{1}{a_1+\cfrac{1}{a_2+\ddots+\cfrac{1}{a_n+\ddots}}}$$

a_0 — *ихтиёрий бутун сон.* У.к. қисқалик учун $[a_0, a_1, \dots, a_n, \dots]$ каби белгиланади. Агар У.к. элементлари сони чекли бўлса,

$$a_0+\cfrac{1}{a_1+\cfrac{1}{a_2}+\dots+\cfrac{1}{a_{n-1}+\cfrac{1}{a_n}}}$$

ифода чекли У.к. дейилади ва $[a_0, a_1, \dots, a_n]$ каби белгиланади.

Мисоллар:

1) $$\frac{17}{11}=1+\frac{6}{11}=1+\cfrac{1}{\frac{11}{6}}=1+\cfrac{1}{1+\frac{5}{6}}=1+\cfrac{1}{1+\cfrac{1}{\frac{6}{5}}}=1+\cfrac{1}{1+\cfrac{1}{1+\frac{1}{5}}},$$

демак,

$\frac{17}{11}=[1, 1, 1, 5]$. 2) $x=1+\cfrac{1}{1+\cfrac{1}{1+\dots}}$

дейлик, бундан $x=1+\frac{1}{x}$, $x=\frac{\sqrt{5}+1}{2}$,

демак, $\frac{\sqrt{5}+1}{2}=[1, 1, 1, \dots]$.

Ҳар бир *a* ҳақиқий сонга қиймати шу *a* дан иборат ягона У.к. мос келади. Агар *a*-рационал сон бўлса, унга мос У.к. чекли бўлади ва аксинча. Агар *a*-иррационал сон бўлса, унга мос У.к. чексиз бўлади ва аксинча.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ — ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими. Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири. 1997 й. 29 авг.да қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги ЎзР қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида алоҳида тамойил сифатида қайд этилган. У.т. миллий моделнинг асосий таркибий қисмларидан бири (қ. *Таълимнинг миллий модели*), ЎзРнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир. У.т. ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратади. У.т. тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимни ўз ичига олади.

У.т.нинг фаолият кўрсатиш тамойиллари қуйидагилардан иборат: таълимнинг устуворлиги — унинг ривожла-

нишининг 1-даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи; таълимнинг демократлашуви — таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши; таълимнинг инсонпарварлашуви — инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви; таълимнинг ижтимоийлашуви — таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш; таълимнинг миллий йўналтирилганлиги — таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари б-н узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш; таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги; иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

У.т. таълим жараёнида самарали натижаларга эришиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Масъуда Хошимова.

«УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ» — ўзбек тилида 2 ойда 1 марта чиқадиган илмий-услубий журнал. Муассислари — ЎзР Халқ таълими вазирлиги, Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон пед. фанлари и.т. институти, «Ma'rifat — madadkor» нашриёти. Жур. 2001 й.дан Тошкент ш.да чиқа бошлаган. Унинг саҳифаларида «Мактабгача таълим», «Умумий ўрта таълим», «Мактабдан ташқари таълим», «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими», «Олий таълим», «Олий ўқув юртидан кейинги таълим», «Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш» рукнлари бўлиб, унда ЎзРнинг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ республикамиз узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги материаллар бериб борилади. Адади 10 мингга яқин (2004).

УЗЛУКСИЗ ФУНКЦИЯ — маълум шартни қаноатлантирувчи функция; муҳим тушунчалардан бири. $f(x)$ функция $E\subset R$ тўпламда аниқланган ва $x_0\in E$ шу тўпламнинг лимит нуқтаси бўлсин. Агар

$$\lim_{x\to x_0} f(x) = f(x_0)$$

бўлса, $f(x)$ функция $x=x_0$ нуқтада узлуксиз дейилади. Функциянинг узлуксизлигини қуйидагича айтиш ҳам мумкин: агар ихтиёрий $\varepsilon>0$ сон учун шундай $\delta>0$ сон топилсаки, бунда $|x-x_0|<\delta$ тенгсизликни қаноатлантирувчи барча $x\in E$ да $|f(x)-f(x_0)|<\varepsilon$ тенгсизлик бажарилса, $f(x)$ функция $x=x_0$ нуқтада узлуксиз дейилади. Агар $f(x)$ функция E тўпламнинг ҳар бир нуқтасида узлуксиз бўлса, у шу E тўпламда узлуксиз дейилади. Узлуксиз функцияларнинг хоссалари: узлуксиз функцияларнинг йиғиндиси, айирмаси, кўпайтмаси ҳамда нисбати (махраж нолга тенг бўлмаган ҳолда) ҳам узлуксиз бўлади; $f(x)$ $(x\in R^n)$ функция $E\subset R^n$ тўпламда берилган бўлса, унинг $x\in E$ нуқтада узлуксизлиги юқоридагидек таърифланади.

УЗЛУКСИЗЛИК — қ. *Узлуклилик ва узлуксизлик.*

УЗЛУКСИЗЛИК АКСИОМАСИ — тўғри чизиқ (ҳақиқий сонлар тўплами)нинг узлуксиз (туташ)лиги ҳақида аксиома. Бу аксиома турлича (бир-бирига эквивалент) кўринишда ифодаланади: ҳақиқий сонлар тўпламида бажарилган ҳар қандай кесим битта ҳақиқий сонни аниқлайди (Дедекинд); ҳар қандай ичма-ич жойлашган сегментлар кетма-кетлиги бўш бўлмаган кесишмага эга; ҳар қандай юқори (қуйидан) чегараланган тўпламнинг аниқ юқори (аниқ қуйи) чегараси мавжуд (Вейерштрасс).

УЗНАДЗЕ Дмитрий Николаевич [1886.20.12(1887.1.1), Грузиянинг Зестафони тумани Сакар қишлоғи — 1950.12.10, Тбилиси] — грузин психологи ва файласуфи. Грузия ФА акад. (1941). Лейпциг (1909) ва Харьков (1913) ун-тларини тугатган. 1915 й. Грузияда грузин тилида ўқитиладиган хотин-қизлар ўрта мактабини ташкил қилган. Тбилиси ун-тининг асосчиларидан (1918) бири. Унинг ташаббуси б-н бу ун-тда психология бўлими, кафедраси ва экспериментал психология лаб.си очилган. Грузия ФА психология ин-тига асос солинган вақтдан бошлаб унинг директори бўлган (1950 й.дан У. номида). У тафаккур, нутқ, идрок, фаолият психологиясига оид бир неча асарлар ёзган. Психологияда установканинг оригинал назарияси, шунингдек, психология фанининг турли соҳалари бўйича дарсликлар муаллифи.

УЗОҚ ВА ЯҚИН ТАРТИБ — суюқлик ёки қаттиқ жисмлар структура элементлари (атомлар, молекулалар ва б.) нинг жойлашувидаги ўзаро боғлиқлик. Модданинг кичик ҳажмлари ичида қўшни зарра (молекула, атом)ларнинг ниҳоятда тартибланган жойлашуви яқин тартиб дейилади, аморф жисмларга хос. Масала кристалнинг бутун ҳажмида зарраларнинг мунтазам даврий жойлашуви узоқ тартиб дейилади (*кристалларда* мавжуд). Суюқликларда ҳам шундай ҳоллар учрайди.

УЗОҚ ШАРҚ — Осиёнинг шарқий қисмида жойлашган давлатлар ва ҳудудларнинг умумий номи. XIX а. охирида. Хитой шарқий қисми, Корея (КХДР ва Корея Республикаси), Япония, Филиппин, шунингдек, РФнинг энг чекка шарқий қисми киради. РФ Узоқ Шарқи тўғрисидаги тарихий маълумот ҳақида *Сибирь* мақоласига қ.

УЗОҚДАН КЎРИШ, гиперметропия — кўз нур синдириш (рефракция)нинг меъёрининг бузилиши. Одатда, кўзнинг нур синдириш хусусияти 3 хил бўлади. Биринчисида кўзга тушган нурлар тўр пардада синиб, кўз нарсаларни яхши, нормал кўради. Иккинчисида нурлар фокуси калта бўлиб, улар тўр пардага бормай, кўзнинг ичида синиб, ўз фокусида йиғилади. Бунда кўзнинг кўриш хусусияти фақат яқинга етади, бу *яқиндан кўриш* дейилади. Учинчисида эса кўзга тушган муҳитлардан ўтган нурлар тўр пардадан «кўзнинг орқаси», яъни «манфий масофа»га ўтиб кетади. Бунда кўз узоқдан ҳам, яқиндан ҳам яхши кўрмайди, чунки нурлар фокуси узоқда етади; кўз тўр пардасига фақат айрим-айрим нурлар тушади-ю, лекин у ташқи муҳитдаги буюмлар шаклининг тўлиқ акс эттира олмайди.

Кўзнинг нур синдириш хусусияти *диоптрия* б-н ҳисобланиб, ёш одамларда У.к. рефракцияси икки ёки кўпи б-н уч даражагача бўлса, уни *аккомодация* қоплай олади ва одам 40—50% гача кўриши мумкин. Лекин бундай одамларнинг кўзи тез чарчайди, қизаради, кўзи ва қовоғида оғриқ сезилади, боши оғрийди. 40 ёшдан ошган одамларда эса, аккомодатив аппарат ёшларникидай юмшоқ ва ҳаракатчан бўлмагани учун аккомодация кучи камаяди. Улар ҳарфларни яқиндан ўқий олмайдилар. У.к. болаларда *ғилайликка* олиб келади. Узоқдан кўрувчи кишиларга қавариқ кўзли кўзойнак тақиш тавсия этилади.

УЗОҚЛАШТИРУВЧИ НЕРВ — бош мия нервларининг 6-жуфти. Мия кўпригининг орқа чеккасидан, кўприк б-н узунчоқ миянинг пирамидаси орасидаги эгатдан чиқади, сўнг кўз косасига келади ва кўзнинг ташқи тўғри мускулини иннервациялайди. У.н. зарарланганда ташқи тўғри мускул фалажланганлиги сабабли, ички тўғри мускуллар кўз соққасини ички томонга тортиб кетади ва *ғилайликка* олиб келади.

УЗОҚНИ ЎЛЧАГИЧ — бир объект (пункт) б-н иккинчи объект (пункт) орасидаги масофани ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. Иш тамойилига кўра, геометрик ва физикавий турларга бўлинади. Геометрик У. ў.да ўлчаш тенг ёнли учбурчак (ABC) нинг баландлиги (h) ни ўлчашга асосланади. Бунинг учун учбурчакнинг AB томони (база) узунлиги (l), шу томон қаршисида ётган бурчак (β, радиан) маълум бўлиши лозим ($h=l/\beta$). Бу қийматлардан бири (l ёки β) ўзгармас ёки ўзгарувчан (ўлчанадиган) бўлади. Шу аломати бўйича У. ў. ўзгармас бурчакли ёки ўзгармас базали турларга бўлинади.

Объектни кузатиш зонасида иккита параллел тола бўлган кузатув трубасидан иборат толали У.ў.да бурчак ўзгармас ҳисобланади. Кўпчилик геодезик асбоблари (нивелирлар, теодолитлар ва б.) толали У. ў. билан таъминланган. Анча мураккаб оптик У.ў.лар хусусий ўзгармас базага эга бўлади. Улар 2 гуруҳга: монокуляр ва бинокуляр (стереоскопик) гуруҳларга бўлинади.

Физикавий У.ў.нинг ёруғлик, радио ва акустик турлари бор. Уларнинг иши ёруғлик, товуш ёки акустик сигналларининг объектга бориб-қайтиши учун сарфланган вақтни ўлчаб масофани аниқлашга асосланган. Бунда ёруғлик ва товуш тезлиги ўзгармас ҳисобланади. Бундай У.ў.лар космонавтикада, океан ва денгизлар тубида масофаларни ўлчашда ҳам қўлланади. Мас., «Луноход-1» га лазерли ёруғлик У.ў. ўрнатилган (1970). У Ойгача бўлган масофа (385000 км) ни бир неча метр аниқликда ўлчашга имкон берган. «Венера-7» сайёралараро автоматик ст-ясининг парвози пайтида (1970) Ер б-н *Венера* орасидаги масофа (60 млн. км дан узоқ) 1 км аниқликда ўлчанган.



1. Геометрик узоқни ўлчагич схемаси: AB — база, β — параллактик бурчак; h — ўлчанадиган масофа. 2. Монокуляр узоқни ўлчагич: B_1 ва B_2 — қайтаргичлар; O_1 ва O_2 — тасвир ҳосил қиладиган оптик тизимлар; C — махсус қайтаргич (призма); F — фокал текислик; $O_к$ — окуляр; *а* ва *б* — окулярда кўринадиган тасвирлар.

4—

У.ў. муҳандислик геодезиясида (г.ў. қурилишида, гидроиншоотлар қурилишида, электр узатиш линиялари ўтказиш ва б.да), топографик съёмкаларда, ҳарбий ишда (нишонгача масофани ўлчашда), навигацияда, астрономик тадқиқотларда, фотографияда, космонавтика ва океаншуносликда кенг қўлланади.

УЗОҚОВ Абдумалик (1947.12.9, Шуманай тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). ТошДУни тугатган (1970). 1970 й.дан Шуманай туманидаги 1-мактабда, 1971 й.дан 2-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси.

УЗОҚОВ Маъмуржон (1904.20.4 — Марғилон — 1963.12.6) — Ўзбекистон халқ ҳофизи (1939). Маматбува ҳофиз, Болтабой Ражабов, Ҳамроқул қори сингари ҳофизлар таъсирида ашула айтишни бошлаган. Ҳасан қоридан дутор чалиш ва ялла-

ларни, Ж. *Султонов*дан катта ашуланинг мураккаб йўлларини ўзлаштирган. 1922—25 й.лар Худойберган ҳофиз Мақсумов, 1926—32 й.лар Ҳасан қори, 1933—62 й.лар Ж. Султонов б-н ҳамнафасликда куйлаган. Дастлаб халқ тўй-сайилларида, чойхоналарда хизмат қилган. Марғилон театрида хонанда (1937—39), Муқимий театрида [Тоҳир, Жарчи (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зуҳра») ролларини ўйнаган] артист ва хонанда (1939—50), Ўзбекистон радиоқўмитаси (1950—52), Ўзбек давлат эстрадаси (1952—62)да яккахон хонанда. Баланд, ширадор ва ўта таъсирли овоз соҳиби. Репертуаридан халқ ашула, ялла ва катта ашулалар («Ул кун жонон», «Насиҳат», «Келдим», «Жонон келур», «Кўзларинг», «Баёт», «Парво этиб кет», «Қаддам қошинг», «Айлading», «Ёлғиз», «Кўп эрди ҳасратим жоно», «Сайдинг қўйбер, сайёд»), бастакорлар асарлари (аннқса, М. Мирзаевнинг «Якка бу Фарғонада», «Суратинг», «Доғман», «Ёр истаб», «Баҳор», «Қачон бўлгай, кимё», «Бир келиб кетсин» каби), мумтоз ашулалар («Феруз», «Мустаҳзод», «Баёт V») ўрин олган. У. Фарғона хонандалик мактаби анъаналарини давом эттирган ва ўзбек мусиқа маданияти тарихида чуқур из қолдирган. Ижролари Ўзбекистон радиоси жамғармасига, бир нечта грампластинка ва компакт дискларга ёзилган. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени (2000) б-н тақдирланган. Марғилон кўчалардан бири, болалар мусиқа мактаби ҳамда шаҳар маданият ва истироҳат боғига У. номи берилган. 1997 й.дан Марғилонда Ж. Султонов ва М. Узоқов номидаги хонандалар танлови ўтказилмоқда.

УЗОҚОВ Муллажон Каримович (1907, Қўқон — 1960.30.12, Тошкент) — ҳарбий арбоб, гвардиячи генерал-майор (1957). 1929 й.дан армия сафида. Тошкент ҳарбий-сиёсий билим юртини тугатган (1933). Москва ҳарбий-сиёсий академия тингловчиси (1934—38). У. Шим. Кавказ ҳарбий округи 10-отлиқ дивизиясининг сиёсий бўлимида катта йўриқчи (1938—39), Калинин ш.даги ҳарбий-сиёсий билим юрти бошлиғининг ўринбосари (1939—40), Ўрта Осиё ҳарбий округи 566-гаубицали артиллерия полкининг (1940—41), 38-алоҳида курсантлар бригадаси 103- ва 99-отлиқ дивизияларининг ҳарбий комиссари (1941—42). 2-жаҳон урушида Жан.-Ғарбий, Сталинград, Дашт, Марказий ва 1-Белоруссия фронтлари сафида дивизия командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари ва сиёсий бўлим бошлиғи. Урушдан сўнг 23-отлиқ дивизия сиёсий бўлимининг бошлиғи (1945—46). ЎзССР Ҳарбий комиссари (1946—59). Тошкент ш.даги кўчалардан бири У. номи б-н аталган.

УЗОҚОВ Облоқул (1922.10.4 — Самарқанд вилояти Ургут ш. — 1955.26.7) — 2-жаҳон уруши қаҳрамони, гвардиячи сержант. 16-гвардиячи Чернигов отлиқ аскарлар дивизияси, 62-полк, 1-эскадрон взводининг бўлим командири. Днепр дарёсини кечиб ўтишда (1943 й. 28 сент.) кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944 й. 15 янв). Урушдан сўнг халқ хўжалигининг турли соҳаларида масъул вазифаларда ишлаган. Фарғона вилояти, Данғара шаҳар типидаги шаҳарча кўчаларидан бири ва Ургут ш.даги мактаб унинг номи б-н аталади, туғилган қишлоғи Қоратепада ҳайкали ўрнатилган.

УЗОҚОВ Қидирбой (1945.12.8, Чимбой тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Нукус педагогика ин-тини тугатган (1971). 1972 й.дан Чимбой туманидаги 36-мактабда тарих ўқитувчиси. Дарсни янги педагогик технологиялар асосида ўтади.

УЗУК — қўл бармоғига тақиладиган *заргарлик* буюми; олтин, кумуш, мис ва б. металлардан турли катталик ва оғирликда ҳалқа шаклида ясалади. Кўзли У. (кўзи гавҳар, ёқут, дур ва б.

Узуклар.

қимматбаҳо тошлар ва шишалар), кўзсиз У. (нақшли ва нақшсиз), никоҳ У. (одатда, никоҳдан сўнг тақилади), муҳр У. (кўзи ўрнида муҳр ўрнатилган) ва б. хиллари бор. Қуйма ва суқма усулида ишланадиган У. юзасига жило берилади. Ҳозир махсус заргарлик корхоналарида ҳам тайёрланади.

УЗУМЧИЛИК — 1) боғдорчиликнинг *ток ўстириш* ва узум етиштириш б-н шуғулланадиган тармоғи. У. аҳолини янги узум, майиз б-н, виночилик, консерва саноатларини хом ашё б-н таъминлайди. Унинг 4 та асосий йўналиши: хўраки узум етиштириш, майиз қуритиш, техник мақсадларда узум етиштириш (консерва маҳсулотлари, шарбатлар, концентратлар тайёрлаш), виночилик (хом ашё тайёрлаш) соҳалари мавжуд.

У. боғдорчиликнинг энг кўҳна тармоқларидан бири бўлиб, ҳоз. даврда ҳам кўпгина мамлакатларнинг халқ хўжалигида салмоқли ўринни эгаллайди. Жаҳонда 84 мамлакатда узум етиштирилади. Токзорлар майдони бўйича энг олдинги ўринларда Испания (1 млн. 200 минг га), Италия (871 минг га), Франция (870 минг га), Туркия (560 минг га), Португалия (252 минг га), АҚШ (Калифорния штати, 357 минг га), Руминия (250 минг га), Эрон (260 минг га), Хитой (243 минг га), МДҲ мамлакатлари ичида Молдова (154 минг га) туради. Жаҳон бўйича токзорлар майд. 7,4 млн.га, ўртача ҳосилдорлик 81,7 ц/га. 1999 й.да 60,7 млн. т дан кўпроқ узум етиштирилди, 29,9 млн. т вино, 1,3 млн. т майиз тайёрланди. Энг кўп майиз АҚШ, Эрон, Туркияда тайёрланди.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда У. узоқ тарихга эга. Мил. ав. 4-асрларда ҳам ток экилгани маълум. Узоқ йиллар давомида Ўрта Осиё халқ селекциясида жуда қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган юзлаб навлар яратилган. Ўрта Осиёнинг деярли барча деҳқончилик минтақаларида, айниқса, Фарғона ва Зарафшон водийларида, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё воҳаларида кўп экилган. Лекин мутлақ истилоси даврида боғдорчилик тамомила вайронга келтирилди. У фақат 15-асрга келиб қайта ривожлана бошлади. Ўзбекистонда У.нинг ривожланишида Россия боғдорчилик жамиятининг Туркистон бўлими муҳим роль ўйнади. Бўлим узумнинг маҳаллий шароитга мос келадиган энг яхши навларини ўрганиб тавсия этиш, тегишли навларни бошқа минтақалар (Крим, Молдова, Закавказьедан олиб келиш ишларини ташкил қилди. Кейинчалик шу бўлим асосида Туркистон узумчилик ва виночилик қўмитаси ташкил этилди. Қўмита узумчилик ва виночиликни илмий асосда ривожлантириш (касалликларга, зараркунандаларга қарши кураш, унинг агротехника усулларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланди.

20-а. бошларида Ўзбекистон ҳудудида 30,6 минг га токзор бор эди. 20-й.ларнинг 2-ярмидан ихтисослаштирилган боғдорчилик ва узумчилик давлат хўжаликлари ташкил этила бошлади, тог ва тог этаклари минтақаларида ҳам бу тармоққа жиддий эътибор берилаётган бўлди. 50-й.лар охири — 60-й.лардан 2500—3000 га боғ ва токзорларга эга бўлган агрокомбинатлар ташкил этилди.

У. соҳасидаги илмий тадқиқот ва амалиёт ишлари 1948 й.да ташкил этилган ҳоз. *Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтида* олиб борилди ва Унинг назарий ва амалий масалалари, киши мис навларининг ҳосилдорлиги ҳамда ғалла ҳосили кўпайишини фотосинтез жараёнини оширишга устирувчи моддалар таъсири ўрганилди, тамбереленинг усулларини, тог ва тог этаклари шароитида ер ҳайдаш усулларини ишлаб чиқишга оид масалалар ҳал этилди. Мирзачўл ва Фарғона водийларида узумзорлар барпо қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Институт Самарқанд филиалида 100 га майдонда узумнинг 105 нави истиқболли тажриба майдони ташкил қилинди. Ўзбекистонда яратилган токларнинг ботаник коллекцияси яратилди.

Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида ҳамда унинг филиалларида Бутуниттифоқ селекцияшунослик институтининг Ўрта Осиё филиалида узумнинг Ўзбекистон мусаллати, Ғалаба, Октябрь, ВИР-1, Хиндистон кишмиши, Самарқанд кишмиши, *Жирғатал*, *Гарпон*, *Ризамат* ва ўнлаб навлари яратилди. Бу ишларда акад. М. *Мирзаев*, А. М. *Негруль*, М. С. *Жуковский*, А. В. *Рыбаков*, В. И. Горбач, Ю. М. Жовлакович ва б. олимларнинг, Р. *Мухаммаджонов* каби халқ селекционерларининг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳоз. Ўзбекистон Ўсд 120 минг га токзор мавжуд. Унинг 70% дан кўпроғи Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм, Бухоро вилоятларида жойлашган. Ҳосил берадиганлари 98,8 минг га, ўртача ҳосилдорлиги 63,1 ц/га (2003). Республикада У. майдонларини кенайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, жаҳон бозори талабларига мос маҳсулотлар етиштиришга эътибор берилмоқда. У. ишлашида жуда кўп фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Бу ишларда «*Узмевсабзавотузсаноат*» холдинг компанияси, «Мевасабзавот» уюшмаси каби соҳа ташкилотлари катта ишларни амалга оширмоқдалар.

2) Токнинг биологик хусусиятлари ва ўстириш усулларини ўрганадиган фан (*узумчиликшунослик*нинг бўлими).

Тошкент вилояти Паркент туманидаги Ғаркент ширкат хўжалиги узумзорлари.

Умумий ва хусусий У.ка бўлинади. Умумий У. — ток биологияси, экологияси, агротехникасини ўрганади; хусусий У. — турли тупроқ-иқлим шароитида, ич. ирригацияга қараб, ток агротехникасини ишлаб чиқади; *агротехнология*, ток селекцияси бўлимларидан иборат.

Ад. Рибаков А. А., Горбач В. И. нлб., Ўзбекистон узумчилиги, Т., 1969; Джавакхия Ю. М., Горбач В. И., Виноград Узбекистана, Т., 2001.

Жамшидбек Файзиев.

УЗУН — Сурхондарё вилояти Узун туманидаги қишлоқ, туман маркази. Т.й. станцияси. Қишлоқ 1920 й. тача Култепа деб аталган. Вилоят маркази (Термиздан 192 км. Ўрталсдан Обизаранг дарёси кесиб ўтган. Аҳолиси 12 мин кишн (2004). Обизаранг ва Қорасув дарёларидан сув олади.

Унда туман ҳокимияти бинoси, т.й. вокзали, автостанция, пахта тозалаш, темир-бетон буюмлари, ихтисослаштирилган тажриба з-длари, «Узун-Комрон» қўшма корхонаси, деҳқон бозори, меҳмонхона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. 3 умумий таълим мактаби, мусиқа мактаби, иқтисодий болалар интернат мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи (қ.х. ва маиший хизмат кўрсатиш), кутубхона, касалхона, марказий дорихона ишлаб турибди.

«Хотира ва қадрлаш» боғи, «Турон» стадиони, теннис корти мавжуд. Ундан Термиз, Денов ва б. шаҳарларга автобуслар қатнайди.

УЗУН ТУМАНИ — Сурхондарё вилоятидаги туман, 1942 й. 12 январда ташкил этилган. 1959 й. 15 окт.да Сариосиё туманига қўшиб юборилган, 1991 й. 29 мартда қайта тузилди. У.т. шим.-ғарбдан Сариосиё тумани, шарқ, жан., шим.дан Тожикистон, жан.-ғарбдан Қумқўрғон, ғарбдан Денов, Шўрчи туманлари б-н чегарадош. Майд. 2,33 минг км². Аҳолиси 128,0 минг киши (2004). Туманда 7 қишлоқ фуқаролари йиғини (Боботоғ, Жончека, Оқостона, Телпакчинор, Узун, Файзова, Хондиза) бор. Маркази — Узун қишлоғи.

Табиати. Туман вилоятнинг шим. қисмида жойлашган. Рельефи, асосан, тог ва адирликлардан иборат. Адирликларининг асосий қисми Боботоғ ва Ҳисор тизма тоғлари этакларида жойлашган. Туман ҳудудидан Туполонларё, Обизаранг, Қоратоғ, Қорасув, Сурхон дарёлари оқиб ўтади. Аҳоли ва ҳужаликлар экин майдонни шу дарёлардан сув олади. Боботоғ массиви эса Кофарниҳон дарёсидан суторилади. Туман марказидан 70 км ча узоқликдаги Ҳисор тоғлари этагида ўндан ортиқ қишлоқ жойлашган.

Фойдали қазилмалардан Хондизада (Ҳисор тоғлари этаги) полиметалл ва Хўжадасминда мармар конлари бор.

Туман иқлими мўътадил, деҳқончилик учун қулай. Январнинг ўртача т-раси 1°—2°, июлники 35°. Энг юқори т-ра 46°. Йиллик ёғин 650—700 мм. Вегетация даври 290—320 кун. Ёввойи ўсимликлардан арча, шувоқ, шўра, янтоқ, тог райҳони, анзур шиёни, равоч; мевали дарахтлар (ёнғоқ, анор, ўрик, хурмо, тут, анжир, лимон), шунингдек, тол, терак, қайрағоч, чинор ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, қобон, қоплон, айиқ, қийик, жайра; қушларданқаклик, ғоз, ўрдак, майна, қарға, бургут, белана, кантар, булбул, қалдирғоч, мусичa бор.

Аҳолиси: асосан, ўзбеклар (75,1%), тожиклар (22%), шунингдек, рус, татар, қозоқ, туркман, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 56 киши тўғри келади.

Хўжалигида деҳқончилик етакчи ўринда. Саноат корхоналаридан пахта тозалаш, темир-бетон буюмлари, махсус ихтисослаштирилган тажриба з-длари ҳамда 7 та савдо, 3 та жамоат овқатланиш, 4 та аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқон бозори, 272 та фирма ва кичик корхоналар, шунингдек, «Узун-Комрон» қўшма корхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тумандаги 9 та ширкат хўжалигидан 8 таси пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Хондиза ширкат хўжалиги богдорчилик ва асаларичилик б-н шуғулланади. Туманда 4 та фермер хўжалиги уюшмаси фаолият кўрсатади. Уюшмаларда 620 дан ортиқ фермер хўжалиги бўлиб, улар ҳам пахтачилик ва ғаллачилик ҳамда чорвачилик б-н шуғулланади. Шунингдек, 77,2 минг га ер майдонига эга бўлган ўрмон хўжалиги ҳамда 6 та сув ҳавзасига эга бўлган хусусий балиқчилик йўналиши бўйича 4 фермер хўжалиги мавжуд.

Туман хўжаликларида 5992 га ерга пахта, 4231 га ерга ғалла экилади. 1665 га ер боғ (2004).

2003/2004 ўқув йилида 64 умумий таълим мактаби (34,5 минг ўқувчи),

Оқостона мақбараси.

Узун тумани. Ўлкашунослик музейи бинoси.

2 истеъдодли болалар мактаб-интернати (375 ўқувчи), ихтисослаштирилган мактаб-интернати (225 ўқувчи), қ.х. ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари (1,2 минг ўқувчи) фаолият кўрсатади. 80 жамоат ва болалар кутубхонаси, 8 клуб, маданият уйи, «Хотира ва қадрлаш» маданият ва истироҳат боғи, музей ишлаб турибди. «Турон» стадиони, теннис корти бор.

У.тда 4 касалхона (410 ўрин), 21 амбулатория, 19 фельдшер-акушерлик пункти, 11 қишлоқ врачлик пункти, 15 ҳусусий дорихона ва б. тиббий муассасаларида 231 врач ва 1141 ўрта тиббий ходим ишлайди.

Туман марказидан Узун — Тошкент, Узун—Термиз, Узун — Денов ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди. 1952 й.дан туман «Боботоғ тонги» газ. чоп этилади.

УЗУН ТЎЛҚИНЛАР — тўлқин узунлиги 1 км дан 10—20 км гача бўлган радиотўлқинлар. *Радиотўлқинлар дифракцияси* ва ионосферадан қайтиши натижасида Ернинг сферик сирти бўйлаб 1—2 минг км гача бўлган масофаларга тарқалиши мумкин. У.т. Ер сиртида кам ютилади ва шу сабабли *қисқа тўлқинлар*га нисбатан ўз қувватини кам йўқотади. У.т. тарқалишига ионосфера деярли таъсир этмаганлиги учун уларнинг сутка давомида тарқалиши ўзгармайди. Бу, ўз навбатида, барқарор алоқани таъминлайди ва У.т.ни узоқ масофали (2000 км даги) алоқа тизимларида қўллаш имконини беради.

УЗУН ҲАСАН, асл исми Ҳасанбек (тахм. 1423—1478.5.1) — *Оқ қўюнли* давлати ҳукмдори (1453 й.дан), саркарда. *Қорақўюнли* давлатини тор-мор келтириб (1467), Табриз ш.ни пойтахт қилган (1468 й.дан). Кўчманчи турк зодагонлари сепаратизмига қарши кураш олиб борган. Унинг даврида кўприклар, бозорлар, мадрасалар, суғориш каналлари бунёд этилган. Мулкчилик муносабатлари учун У.Ҳ.дан кейин ҳам норма бўлиб қолган «Қонуннома» чиқарган. Усмонли турк империясига қарши кураш олиб борган. Бунда у Венеция б-н иттифоқ тузган (1463); Венгрия, Польша ва б. Европа давлатлари б-н иттифоқ бўлиш ҳақида музокаралар олиб борган. *Ширвоншоҳлар* б-н биргаликда темурий *Абу Саид*ни мағлубиятга учратган (1469). 1473 й. У. Ҳ. дастлаб турк султони Меҳмед II ни енгган, бироқ кейинчалик у томонидан тор-мор келтирилган. Унинг саройида бўлган венециялик элчилар Катарино Зено, Иосафат Барбаро, Амброджо Контаринилар У.Ҳ. давридаги Оқ қўюнлилар давлати ҳақида қимматли ёзма маълумотлар қолдиришган.

УЗУНБУРУНЛАР — қ. *Узунтумшуқ қўнғизлар.*

УЗУНЛИК —чизиқларнинг сонли характеристикаси. Кесма узунлиги унинг учлари орасидаги масофага тенг. Синиқ чизиқ узунлиги уни ташкил қилувчи кесмалар узунликлари йиғиндисига тенг. Регуляр чизиқ узунлиги унга ички чизилган синиқ чизиқлар узунликлари юқори чегарасига тенг. Регуляр чизиқ узунлиги чекли сон бўлади. Агар чизиқ дифференциалланувчи $y=f(x)$, $x\in[a,\ b]$ функциянинг графигидан иборат бўлса, унинг ёйи узунлиги қуйидаги формуладан ҳисобланади:

$$S=\int_a^b\sqrt{1+[f'(x)]^2}\,dx$$

Агар чизиқ n ўлчовли Евклид фазосида $x_i=x_i(t)$, $t_1\le t\le t_2$, $i=1,\ 2,\dots n$ дифференциалланувчи функциялар ёрдамида берилса, унинг узунлиги

$$S=\int_{t_1}^{t_2}\sqrt{\sum_{i=1}^{n}[x_i'(t)]^2}\,dt$$

интеграл орқали, g_{ik} метрик тензорга эга бўлган Риман фазосида эса

$$S=\int_{t_1}^{t_2}\sqrt{\sum_{i,k=1}^{n}g_{ik}\frac{dx^i}{dt}\frac{dx^k}{dt}}\,dt$$

интеграл ёрдамида ҳисобланади.

УЗУНЛИК ЎЛЧОВЛАРИ — берилган ўлчамдаги узунликни ўлчаш учун хизмат қиладиган воситалар; штрихли, чекли ва штрих-чекли хилларга бўлинади. Штрихли У.ў. (стерженлар, ленталар, симлар ва б.)нинг ўлчамлари уларга белгиланган икки штрих оралиқлари б-н, чекли У.ў. ўлчашни чеклаб турган сиртлар орасидаги масофа б-н белгиланади; штрих-чекли У.ў. чекли ўлчов бўлиб, унда узунлик бирлигининг бўлакларига тўғри келувчи қўшимча штрихлар чизилган. Штрихли У.ў. номинал қиймати 0,1 мм дан ўнлаб м гача бўлади; аниқлиги бўйича 6 синфга (0; 1; 2; 3; 4; 5) бўлинади. Нисбий хатолиги $0{,}5\cdot10^{-7}$ дан $5\cdot10^{-5}$ гача оралиқда бўлади. Чекли У.ў. тури синфга (0; 1; 2; 3) бўлинади; нисбий хатолик $2\cdot10^{-6}$ дан $2\cdot10^{-5}$ гача оралиқда бўлади. Штрих-чекли У.ў. кўпинча савдода газлама ва ҳ.к. товарларни ўлчашда ишлатилади.

УЗУНОЁҚЛИЛАР (Tipulidae) — *икки қанотлилар* туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. Танаси чўзиқ (12—30 мм), қанотлари энсиз узун, оёқлари нозик ва танасига нисбатан жуда узун (номи шундан). 2500 га яқин тури бор. Қуртлари тупроқдаги ёки сувдаги чириётган ўсимликлар, сувўтлар ва йўсинлар, баъзан ўсимликлар илдизи ва ёш барглари б-н озиқланади. Нам ва бирмунча илиқ иқлимли ҳудудларда тарқалган. Ўзбекистонда бир неча тури учрайди. У. вояга етган даврида озиқланмайди. Сув бўйи ва салқин жойларда оқшом пайти ёки тунда секин учиб юради. Хавф туғилганида оёқларини узиб ташлаб, душмандан қочиб қутулади. Зараркунанда У. қуртлари полиз экинларига зиён келтиради.

УЗУНТОВОНЛИЛАР (Tarsiidae) — чаламаймунлар оиласи. Битта уруғи, 3 тури: филиппин У.и, ғарбий У., шарқ У.и бор. Думи (уз. 13—27 см) жунсиз. Айрим анатомик белгиларига кўра маймунларга ўхшайди. Боши катта, 180° гача бурилиши мумкин. Кўзлари жуда катта, сарғиш. Орқа оёқлари олдингисига нисбатан узунроқ. Товон суяги узун (номи шундан). Бармоқлари узун, учки қисмида сўрғичлари бор. Малайя архипелаги ороллари ўрмонида тарқалган. Дарахтлар бўйида ва буталар орасида яшайди. Сакраб ҳаракатланади. Тунда, тарақ тарда ҳаёт кечиради. Жуфт ёки якка бўлиб яшайди. Ҳашаротлар, ўргимчаклар, калтакесаклар б-н озиқланади. 1 та бола туғади. Тутқунликда кўпаймайди. Барча турлар Халқаро Қизил китобга киритилган.

УЗУНТУМШУҚ КЎНҒИЗЛАР (Curculionidae) — қўнғизларнинг бир оиласи. 4000 тури маълум, шундан 400 га яқини кўпроқ учрайди. Бошининг олдинги учида кемирувчи оғиз аппарати жойлашган, бошида узун найчаси (баъзан хартум дейилади) бор. Бошидаги найчаси бошидан, айримларида танасидан ҳам узун бўлади. Шунга кўра калта хартумлилар ва узун хартумлиларга ажратилади. Мўйловлари, одатда бўғим-бўғим. Кўпчилик калта хартумлилар қаноти редукцияланган, устки қаноти бир-бири б-н қўшилиб ўсган. У.қ.нинг кўпи ўсимлик тури, камдан-кам турларининг личинкаси ўсимликнинг ер ости қисмлари б-н овқатланади (фитофаглар). Калта хартумли У.қ. тухумини тупроққа, узун хартумлилар эса ўсимлик тўқималарига қўяди. Личинкаси оқ ёки сарғиш, оёқсиз, тана қопламчи бўғимли, ўзи яшаётган муҳитда пилла ичида ғумбакка айланади. У.қ. қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар келтиради. Масалан, лавлаги узунбуруни, *ғўзачик филчалари, беда барг филчаси* ва б.

К у р а ш ч о р а л а р и: агротехника тадбирларига риоя қилиш ва кимёвий препаратлардан фойдаланиш.

УЗУНТУМШУҚЛАР — қ. *Филчалар.*

УЗУНЧОҚ МИЯ — бош миянинг энг орқа (пастки) қисми. Орқа миянинг давоми (қ. *Бош мия*).

УЗУНШЎР НЕФТЬ-ГАЗКОНДЕНСАТ КОНИ — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги кон, Бухоро ш.дан 95 км жан.да, 1969 й.да очилган. Коннинг ғарбий қисми Туркманистоннинг Лебап вилояти Фороб тумани ҳудудида. Кондан 80 км шим.-шарқда Бухоро—Урал магистрал газ қувури ўтган. Кон рельефи бархан қумлари ва шўрхок текисликдан иборат, 150—190 м баландликда жойлашган. Узуншўр структураси Чоржўй тектоник поғонасининг марказий қисмидаги Денгизкўл занжирсимон кўтарилмаси шим.-ғарбий қисмида жойлашган. Структура шим.-шарқ йўналишида чўзилган, 2 та мустақил қуббага эга. Шим.-шарқий қубба йирикроқ, симметрик тузилган. 2-қуббада нефть уюми мавжуд. У.н.-г.к. да жами 8 қудуқ қазилган бўлиб, палеозой, юра, бўр, палеоген, неоген-тўртламчи давр жинслари очилган. Юра даври ётқизиқлари нефть-газга маҳсулдор бўлиб, улар терриген, карбонат ва гуч-ангидрит қатламларидан таркиб топган. Бу ётқизиқларда маҳсулдор горизонтлар мавжуд. Газконденсат уюми бурманинг асосий ғарбий қуббаси б-н боғлиқ. Баъзи горизонтларда газлар қуруқ, азот-углеводород синфига мансуб. Конденсант кам олтингугуртли. 15—16-горизонтда ҳам нефть, ҳам газ учрайди. 15-горизонт қатлам сувлари седиментацион, метаморфлашган, хлорид-кальций таркибли намакоблардан иборат. Кон 2003 й. бошида саноат миқёсида фойдаланишга тайёрланган.

УЗУНҚАНОТ КЎРШАПАЛАКЛАР (Miniopterus) — силлиқ бурунлилар оиласига мансуб *кўршапалаклар* уруғи. Қанотлари узун ва ингичка, тез учишга мослашган. 10 га яқин тури бор. Африка, Мадагаскар, Жан. Европа, Жан. ва Жан.-Шарқий Осиё, Австралия, Янги Гвинея ва Янги Гибрид оролларида тарқалган. Ғорларда ҳаёт кечиради. Кўп минглаб кўршапалаклардан иборат колония ҳосил қилади. Оддий У.к. Карпатортги, Қрим, Кавказ, Копетдоғ ва Узоқ Шарқ жан.да учрайди. Қримда ҳозир йўқ бўлиб кетган.

УЗУНҚАНОТЛИЛАР (Apodas) — узунқанотсимонлар туркумига мансуб қушлар кенжа туркуми. Оёқлари калта, кўпчилик турларининг бармоқлари дарахт шохларини чангаллаб тутиб туролмайди. Тирноқлари б-н қоялар ва бинолар бўғотига илашиб олади. Қанотлари катта ва ингичка; тез учади, лекин ерда юролмайди; ердан ҳавога кўтарила олмайди. Шунинг учун У. ерга қўнмасдан учади. Сўлак безлари кучли ривожланган. Бу безлар суюқлигидан ин қуришда фойдаланади. Моногам, жиш жўжа очувчи. 2 оиласи: попукли У. ва асл У. бор. Попукли У.нинг 3 тури Жан. Ҳиндистондан бошлаб Янги Гвинеягача бўлган ҳудудларда тарқалган; бошида оқиш попуги (тожи) бўлади.

Асл У.га 67 тур киради. Қутблардан ташқари барча ҳудудларда тарқалган. Ўзбекистонда У. уруғига мансуб 2 тур: оқ қорин узунқанот ва қора узунқанот учрайди. Биринчи тур жан. ҳудудларда, иккинчиси тоғли ва тоғ олди ҳудудларда тарқалган. У. қоялар ва иморатлар шифтига уя қуради.

Узунқанотлилар: *1* — оқ қорин узунқанот; *2* — қора узунқанот.

УЗУНҚИР — шаҳар харобаси. Зарафшон тизмасидан бош олган Шўробсой бўйида (Китоб тумани) жойлашган. 1981 й.да ТошДУ Ўрта Осиё археология кафедраси экспедицияси ходимлари томонидан топиб текширилган. У. ўрнида мил. ав. 8—7-а.ларда қад. манзилгоҳ бўлган. Мил. ав. 7—6-а.ларда 70 га майдонни эгаллаган. У. Китоб—Шаҳрисабз воҳасининг иқтисодий ва маъмурий марказига айланган. У.дан Тахтақорача довони орқали қад. Самарқанд (Мароканда)гача бўлган масофа 70 км ни ташкил қилган. Шаҳар Мароканда—Бақтра карвон йўли бўйида жойлашиб муҳим савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик аҳамиятига эга бўлган. У. ички қалъа ва шаҳар ҳудудидан иборат. Ёдгорликнинг жан.-ғарбий томонида уз. 450 м мудофаа деворининг харобалари сақланиб қолган. Девор ҳам ғиштдан қурилган тўғри бурчакли буржларга, буржли хоналарга ва жанговар шинакларга эга. У. — Ўзбекистон ҳудудида илк шаҳарсозлик тузилмасининг шаклланиши намунаси. Унинг йирик ўтроқ деҳқончилик воҳасининг маркази сифатида қўрғонқароргоҳи, гузарлари бўлган. У. топилмалари — сопол идишлар, жездан ва темирдан ишланган меҳнат ва ҳарбий қуроллари шаҳарда ҳунармандчилик касби юқори даражада тараққий этганлигидан далолат беради. Шўробсой воҳасидан топилган маданий ўсимликлар

Узунқир мудофаа деворининг чизмаси.

(арпа, буғдой), турли узум навлари уруғлари бу ерда деҳқончилик ва боғдорчиликнинг тараққий этганлигидан далолатдир. Бу даврда канал, ариқлар, қазиш, дарёлардан сув чиқариш, янги экин майдонларини ўзлаштириш ва суғориш ишлари кенг йўлга қўйилган. Деҳқонлар атрофи девор б-н ўралган қўрғонли уйларда ва қишлоқларда яшашган.

Археологлар Китоб-Шаҳрисабз воҳасига, умуман Қашқадарё вилоятининг тоғ олди шарқий қисмига «Авесто»да келтирилган Гава, Гау, Гава Суғда (суғдийлар яшайдиган макон, «Суғд макони») тушунчаси тегишли бўлганлигини тахмин қиладилар. Ушбу сўзнинг ўзи Қашқадарёнинг шарқий қисмидаги кўпгина замонавий атамаларда сақланиб қолган. Мил. ав. 7—6-а.ларда Гава Суғди вилояти *Навтака* деб аталган. Навтака вилояти Зарафшон тизмасидан бошланиб Ўралдарё воҳасигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Вилоят маркази. У. қалъаси бўлган. Мил. ав. 3—2-а.ларда вилоят маркази У.дан Китоб ш. ўрнида асос солинган Янги шаҳарга кўчади. Ёзма манбаларда Сусе деб аталган бу ном «Суғда», «Суғуд», яъни Суғдиёна тушунчаларидан келиб чиққан.

Анатолий Сагдуллаев.

УИЛКИНС Морис Хью Фредерик (1916.15.12, Понгароа, Янги Зеландия) — инглиз биофизиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1959). Бирмингем ун-ти фалсафа д-ри (1940). АҚШ Калифорния ун-тида (1941—45), Лондон Кингз коллежида (1946 й.дан) ишлаган. Шу коллеж молекуляр биол. бўлими бошлиғи (1962 й.дан) ва биофизика проф. (1970 й.дан). ДНК молекуласининг қўш спиралли эканлиги тўғрисидаги Ф.Крик ва Ж. Уотсон моделини рентгеноструктуравий усули ёрдамида тасдиқлаган. Фото- ва термолюминесценция (электрон тузоқ) назариясини ишлаб чиққан. Нерв системаси биофизикаси бўйича ҳам тадқиқот олиб борган. Нобель мукофоти лауреати (1962, Ф. Крик ва Ж. Уотсон б-н ҳамкорликда).

УИЛКИНСОН Жефри (1921.14.7, Тодморден) — инглиз органик-кимёгари. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1965 й.дан). Атом энергияси бўйича бирлашган Англия—АҚШ—Канада лойиҳасида (1943—46), Калифорния ун-тида (1946—50), Массачусет технология ин-тида (1950—51), Гарвард ун-тида (1951—55) ишлаган, Лондон ун-ти проф. (1956 й.дан). Илмий ишлари металлорганик бирикмалар кимёсига оид. Енгил шароитларда олефинлар ва ацетилен углеводородларини гидрогенлашда қўлланадиган универсал гомоген катализатор — $[(C_6H_5)_3P]_3RhCl$ (Уилкинсон катализатори) кашф этган (1958). Гексаметилвольфрам ва б. металларнинг барқарор алкил ҳосилаларини синтез қилган. Нобель мукофоти лауреати (1973, Э. О. Фишер б-н ҳамкорликда).

УИПЛ (Whipple) Жорж Хойт (1878.28.8 — 1976.1.2) — америкалик врач-патолог. Йельск ун-ти (1900) ва Ж. Хопкинс ун-тини тугатган (1905). 1914 й.дан Калифорния ун-тида проф.;

Рочестер ун-ти патология проф. (1921—55). Илмий фаолияти анемия, пигментлар алмашинуви, жигар ва меъда ости бези яллиғланишлари, сил ва гемопаразитар касалликларга оид. Гемопоэзда жигарнинг аҳамиятини ва пернициоз анемияда жигар препаратларини қўллаш усулини кашф этган. Нобель мукофоти лауреати (1934; Ж. Р. Майнот ва У. Мёрфи б-н ҳамкорликда).

УИТМЕН (Whitman) Уолт (1819.31.5, Уэст-Хилс, Хантингтон, Нью-Йорк штати— 1892. 26.3, Камден, Нью-Жерси штати) — америкалик шоир. Ижодида демократик идеалларни мужассамлаштирган. У.нинг «Майса япроқлари» (1855—91) тўпламига шоирнинг энг яхши асарлари киритилган. Асарнинг асосий ғоялари трансцендентализм таълимоти б-н боғлиқ: коинот узвийлиги (гармонияси), дўстлик қадриятлари, инсоният бирдамлиги, черков ақидаларига қарши

исён ва б. «Янгра, ноғора!» (1865) шеърий тўплами 2-жаҳон урушига бағишланган. Кўпгина олимлар У. ни дунё демократияси шоири деб таърифлашган. Унинг шеърларида ижодкор халқнинг келажакда мукаммал демократик жамият қуришига ишонч оҳанглари янграйди. У.нинг шеъриятга янги мазмун ва янги шакл зарурлиги ҳақидаги фикрлари «Кўргазма ҳақида қўшиқ» (1871) достонида ўз аксини топган. У. ўз шеъриятининг асосий мақсадини барча халқларнинг тенглиги ва қардошлигини куйлаш деб таъкидлаган. Ёзувчи ўз ижодида янги, ёш миллат шаклланишини акс эттиришга ҳаракат қилган. Далил новатор бўлган: шеърга прозаик нутқ унсурларини олиб кирган. Вазнсиз ва қофиясиз эркин шеърни янада такомиллаштирган. У. насри ҳам унинг шеърияти б-н боғлиқ. Насрий асарларида ҳам бутун инсоният бирлиги ғояларини илгари сурган, фан ва техника тараққиётига оптимистик назар б-н қараган. Айрим шеърлари Азиз Саид томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ад.: Венедиктова Т. Д., Поэзия Уолта Уитмена, М., 1982; Чуковский К. И., Мой Уитмен, М., 1969; Мендельсон М., Жизнь и творчество Уитмена, М., 1969.

УЙ ПАШШАСИ, уй чивини (Musca domestica) — *икки қанотлилар* туркуми ҳақиқий пашшалар оиласига мансуб ҳашарот тури. Катталиги 5—9 мм, кенг тарқалган синантроп тур. Фақат одам яшайдиган жойларда учрайди. Бир йилда 9 тагача, жанубда 15 тагача насли ривожланади. Урғочиси 2 ой яшаб, 600 дан 2000 тагача тухум қўяди. Ҳаёт цикли (тухумдан вояга етган давригача) ҳарорат ва б. омилларга қараб 10 суткадан 45 суткагача давом этади. Қуртлари органик чиринди(?)ларда 10—45 кун давомида ривожланади. У.п. ҳар хил ўткир ичак касалликлари (ич терлама, ичбуруғ, вабо ва гельминтлар тухумларини тарқатади (яна қ. *Пашшалар*).

УЙ ЎСИМЛИКЛАРИ, хона ўсимликлари — уйларда ва жамоат биноларида ўстириладиган ўсимликлар. Табиий ҳолда Ер шарининг тропик ва субтропик минтақаларида ўсадиган ўсимликлар уй шароитида ўстирилади. У.ў. 2 гуруҳга: чиройли гулланадиган ўсимликлар ва манзарали-баргли (барглари ҳар хил кўринишдаги) ўсимликларга бўлинади. Ўзбекистонда алоэ, амариллис, бегония, гулисумбул, кактус, уй лимони, атиргул, ушмбар гунафшаси, хитой атиргули, финик пальмаси, фуксия ва б. кўпроқ ўстирилади.

У.ў. компостли, соф тупроқ, чимли тупроқ аралашмаси тўлдирилган сопол, пластмасса, шиша, сопол тувак ва б. мосламаларда дераза токчасида ёки деразa ёнида ўстирилади. Уларни суғориб туриш, ёз ойларида минерал ўғитлар эритмаси б-н (10 л сувга суперфосфат, аммиакли селитра, калий ўғити 1, 2,5, 0,5 чой қошиқ нисбатида) озиқлантириш, баргларини ювиб туриш зарур. У. ў. хонанинг юқори ҳароратига (20—25°) чидамли. Уларнинг яхши ўсиши учун ҳаво намлиги юқори бўлиши керак. У.ў. нинг субтропик турлари (*самбитгул* ва б.) эса қишда ҳарорат 10—12° да яхши ўсади.У. ў. нинг баъзи турлари (мас., *анжир*, *лимон*, *мандарин*, гармдори) меваси учун ҳам ўстирилади. Японияда қадимдан хоналарда қарағай, тилоғоч, эман, олхўри, олча каби пакана дарахтлар ўстирилади. Уларнинг ўсишини махсус усуллар б-н секинлаштириш натижасида пакана ўсимликлар ҳосил бўлган.

У.ў. уруғидан ёки қаламчасидан, туганакларидан, пиёзи, илдиз бачкасидан кўпайтирилади. Асосий зараркунандалари: оққанотлар, ёмғир чувалчанги, қизил канача; оранжерея трипси, шира, оққурт. Касалликлари: кул, хлороз ва б.

Ҳалима Отабоева.

УЙ ҲАЙВОНЛАРИ — одам урчитадиган ҳайвон турлари. Ҳамма У.ҳ. ёввойи аждодларидан келиб чиққан, лекин ташқи кўриниши, хулқ-атвори, маҳсулдорлиги б-н ёввойи ҳайвонлардан фарқ қилади. Бу фарқлар одам курсатган таъсир натижасидир. *Ипак қурти* ва *асаларидан* бошқа ҳамма У.ҳ. умуртқалилар жумласидан. Кўпгина кўп турга мансуб ёввойи ҳайвонларнинг ҳар хил тип, синф, туркум, оилага кирадиган бир қисмигина хонакилаштирилган. У.ҳ. га қорамол, қўй, эчки, шимол буғуси, туя, лама, буйвол, қўтос, бантенг, от, чўчқа, ит, мушук, қуён, денгиз чўчқаси, товуқ, ўрдак, ғоз, курка, цесарка, каптар, асалари, ипак қурти ва б. киради. Аквариум ва ҳовузларда кўпайтириладиган баъзи балиқлар, куркам қушлар (канарейка, товус), лаб ҳайвонлари ҳам У.ҳ. га яқин. Қафасда боқилаётган марал, хол(?)дор буғу, тулки, оқ тулки, сувсар, нутрия ва б. ёввойи ҳайвонлар ҳам хонакилаштирилмоқда.

Дастлабки ҳайвонлар қачон ва қаерда хонакилаштирилгани ҳақида, асосан, археологик, палеонтологик маълумотларга қараб хулоса чиқарилади. Қазилма топилдиқлар мезолит даврида ит, неолит даврида чўчқа, қўй, эчки, қорамол, кейинроқ от хонакилаштирилганлигидан далолат беради. У.ҳ. дастлаб Яқин ва Ўрта Шарқда, кейинроқ Нил, Дажла, Фурот, Ганг, Амударё, Хуанхэ, Енисей ҳавзалари каби қадимдан деҳқончилик ривожланган ерлардан келиб чиққан бўлса керак.

Кўпчилик ҳайвон зотлари одам эҳтиёжига қараб қўлга ўргатилган. Одам дастлаб онгсиз, кейинчалик мақсадга мувофиқ равишда ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириб борди (қ. *Сунъий танлаш*). Мас., ёввойи товуқ йилига 15 тухум қилган, ҳозир 300—365 тагача тухум қиладиган товуқ зотлари бор; ёввойи қорамол бир неча юз кг сут берган, ҳозир бир сигирдан ўртача 3500—4000 кг сут соғиб олинмоқда. *Дурагайлаш*, *танлаш* ва *саралаш*, молларни илғор зоотехния талабларига мувофиқ парваришлаш б-н қ.х. ва саноат талабларини қаноатлантирадиган янги зотлар етиштирилмоқда.

Убайдулла Носиров.

УЙБАТ ЧААТАСИ — Хакасия Республикаси (РФ)даги Уйбат ст-ясидан 6 км жан.-шарқда жойлашган қад. мозорқўрғон (мил. ав. 3-а. — мил. 7—8-а.лар). Энг қад. қабрлар *тагар маданиятига*, ақсарияти — *таштиқ маданиятига* оид. 1936 ва 1938 й.лардаги археологик қазишмалар (С.В. Киселёв, Л. А. Евтюхова ва б.) чоғида таштиқ маданиятига мансуб жиддағонлар қабридан (мил. ав. 1-а.— мил. 5-а.) уларнинг ганч ва терракотадан ясалган дафн ниқоблари, ёғочдан ишланган нақшинкор ҳайкалтарошлик намуналари ва б. топилган. 7—8-а.ларга оид енисей қирғизлари мозорқўрғонларидан сиртига олтин суви юритилган, ёғочдан ишланган қушларнинг ҳайкалчалари, Урхун-Енисей битиги туширилган кумуш кўзача ва б. чиққан. У.ч. топилмалари — қад. Сибирда мулкий табақаланишни вужудга келиши тарихини ўрганишда муҳим манба.

УЙГАРАК — сакларнинг мозорқўрғони (мил. ав. 7—5-а.лар). Сирдарёнинг қад. ирмоғи Инкардарё бўйида (Қозоғистон) жойлашган. 1961—63, 1965 й.ларда 80 та мозорқўрғон (диаметри 10—14 м, бал. 0,4—2 м)дан 70 таси ўрганилган. Мозорқўрғоннинг бал. 20 м, уз. 2 км дан иборат. У.даги қабрларнинг асосий қисмига жасадлар якка кўмилган. 3 та жуфт ҳолда ва битта — жамоа (3 киши) қилиб дафн этилган, қабр очилган. У.дан скифларнинг ҳайвонлар тасвири услубида ясалган ишланган от абзали, қурол-аслаҳалар (жез пайконлар, жез ва темир ханжарлар ва б.), тошдан ясалган кичик қурбонгоҳ, жез кўзгу, безак буюмлари, сопол идишлар топилган.

УЙ-ЖОЙ — қ. *Турар жой.*

УЙ-ЖОЙ ҲУҚУҚИ — фуқароларнинг турар жой биноларига эга бўлиш, улардан фойдаланиш қоидалари ва ш.к.ни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи. Уй-жой кўчмас мулк ҳисобланади. Ўзбекистон қонунларига кўра, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, унинг мулкдори ўша шахслар (фуқаролар, ташкилотлар ёки давлат)нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган ҳолда эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши мумкин. Уй-жой хусусий ёки давлат мулки бўлиши, айни вақтда у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ҳам ўтиши мумкин. Уй-жойга бўлган хусусий мулк миқдор, ўлчам ва қиймат жиҳатдан чекланмайди. Айни вақтда қонунда турар жой майдонининг бир киши ҳисобига энг кам ижтимоий нормаси ҳам белгиланади. Унга кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент ш. ҳокимликлари томонидан 1 киши ҳисобига 16 кв м дан, креслоаравачада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса — 23 кв м дан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади. Янги ажратилган ер участкасида қурилаётган уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Ажратиб берилган ер участкаси давлат мулки бўлиб, у фуқароларга ашёвий ҳуқуқ асосида (эгалик, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш тарзида) тегишли бўлади. Уй-жой б-н боғлиқ барча битимлар (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, мерос, ижара, гаров) ёзма шаклда тузилиши, нотариал гувоҳлантирилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мирodил Баратов.

Уйчи шаҳарчаси. Йигирув-тўқув корхонаси.

УЙЧИ — Наманган вилояти *Уйчи тумани*даги шаҳарча, туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Чортоқ (5 км). 1984 й. 10 окт.да ташкил этилган. Аҳолиси 15,6 минг киши (2004). У.да йигирув-тикув ф-каси, «Ноғўқима» акциядорлик жамияти, шунингдек, 80 дан ортиқ ташкилот, муассаса, уюшма ва жамғармалар фаолият кўрсатади. Шаҳарчада 5 умумий таълим мактаби (4668 ўқувчи), қ.х. ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежлар (1511 талаба) ишлаб турибди. Туман марказий «Пахтакор» стадиони, спорт мактаби, теннис корти бор. У.да туман марказий касалхонаси, юқумли касалликлар касалхонаси, 2 поликлиника аҳолига хизмат кўрсатади.

УЙЧИ ТУМАНИ — Наманган вилоятидаги туман. 1935 й. 28 июлда ташкил этилган (1962 й.да Янгиқўрғон туманига қўшиб юборилган, 1967 й.да қайта тузилган). Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. Жан.дан Норин, шим.дан Чортоқ туманлари, шим.-шарқда Қирғизистон Республикаси, шарқда Учқўрғон, ғарб ва жан.-ғарбда Наманган туманлари б-н чегарадош. Майд. 312 км². Аҳолиси 172 минг киши (2004). Туманда 2 шаҳарча (Уйчи ва Ўнҳаёт), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Дўстлик, Ёрқатай, Ёрқўрғон, Жийдакапа, Машад, Уйчи, Қизилработ, Ғайрат) бор. Маркази — Уйчи шаҳарчаси.

Табиати. Рельефи, асосан, текислик. Шим.-шарқий қисми адирлардан иборат. Иқлими континентал. Янв.нинг ўртача т-раси — 2,3°, энг паст т-ра — 26°. Июль ойининг ўртача т-раси 26,3°, энг юқори т-ра 42°. Йиллик ёғин 188 мм, вегетация даври 280—290 кун. Туман ҳудудидан Норин дарёси, Шим. Фарғона ва Катта Наманган каналлари оқиб ўтади. Тупроқлари, асосан, оч тусли бўз ва аллювиал тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан қамиш, ажриқ, печак, шўра, адирларда шувоқ ўсади. Қушлардан қалдирғоч, булбул, бедана, ғуррак, қарға, сассиқпопишак; судралиб юрувчилардан калтакесак, тошбақа, илон, кемирувчилардан юмронқозиқ, каламуш, сичқон ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; қисман, тожик, рус, татар, қирғиз ва б. миллат вакиллари яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 555 киши.

Хўжалигининг асосий тармоғи қишлоқ хўжалигидир. Пахтачилик, ғаллачилик етакчи ўринда. Саноат корхоналаридан «Ипакчи», «Йигирув-тўқув», «Ноғўқима мато» корхоналари, пахта тозалаш з-ди, «Ал-Жаҳон» Ўзбекистон—Хитой чой қадоқлаш қўшма корхонаси мавжуд. 900 дан зиёд кичик корхона бор. Туманда ирригация ўрмон хўжалиги, давлат ўрмон хўжалиги, Боғдорчилик, токчилик ва виночилик и.т. институти филиали, кўчат етиштириш хўжалиги мавжуд. Туман ҳудудидаги 256 км йўлдан 78 км вилоят ва республика аҳамиятига эга бўлган транспорт йўлларидир. Тошкент—Андижон т.й. ҳам туман ҳудудидан ўтган.

Туманда 13 ширкат, 203 фермер, 1 тажриба хўжалиги, бурдоқичилик базаси, паррандачилик ф-каси фермаси, вилоят наслчилик корхонаси фаолият кўрсатади.

Девонабобо мақбараси (18-а. боши).

Қ.х.да суғориладиган ерлар 20,7 минг га, экинзорлар 14,9 минг га, шу жумладан, 8,1 минг га ерга пахта, 5,5 минг га ерга ғалла, шунингдек, картошка, сабзавот ва полиз ҳамда турли хил экинлар экилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй, парранда боқилади.

46 умумий таълим мактаби, 1 махсус мактаб-интернатда 42,4 минг ўқувчи, 4 касб-ҳунар коллежида 2,6 минг талаба таълим олади. 34 жамоат кутубхонаси, 46 мактаб кутубхонаси, 4 касб-ҳунар коллежлари кутубхонаси бўлиб, уларда 545,5 минг китоб бор. Маданият саройи, 14 қишлоқ маданият уйи, Халқ музейи, 6 Хотира ва қадрлаш уйи, 1 маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Туманда спортнинг 14 тури бўйича машғулотлар олиб борилади. Спорт мажмуаси, «Соғлом авлод» спорт маркази, бир қанча стадион, спорт майдончалари бор.

Туман марказий касалхонаси, поликлиника, 4 қишлоқ участка касалхонаси, 13 қишлоқ врачлик пункти, болалар юқумли касалликлар шифохонаси, сил касаллигига қарши диспансери, 4 врачлик амбулаторияси ишлаб турибди. Стационарда ўринлар сони 910. Уларда 262 врач, 1436 ўрта тиббий ходим ишлайди. Ҳар 10 минг аҳолига 15,4 врач тўғри келади. Туман ҳудудида қад. Девонабобо зиёратгоҳи жойлашган. 1935 й. 20 мартдан «Уйчинома» туман газ. чиқади.

Муродилла Ҳайдаров, Ҳамидулло Мирзааҳмедов.

Уйчи тумани махсус интернат мактаби биноси.

УЙШУН, усун, уйсун — қад. турки қабилалардан бири. 3 та уруққа (сўқоқли ёки учоқли, кушламғали ва эргаиақли) бўлинган. Мил. ав. 3-а.га оид Хитой манбаларида тилга олинган. Бу вақтда У.лар Хитойнинг шим.-ғарбида яшаган. Умумий сони 63 минг киши бўлиб, чорвачилик (асосан, йилқичилик) б-н шуғулланган. Ўзаро низолар натижасида У.ларнинг катта қисми (4 минг уйли У.лар) мил. ав. 2-а. ўрталарида Еттисув ва Тяньшанга келиб ўрнашишган. *Турк хоқонлиги*га бирлашган ва у емирилгач, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларидаги илк давлатлар таркибига қабила бирлиги сифатида кирган. 19-а.нинг охири — 20-а.нинг бошларида У.лар ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, бошқирд, нўғай халқларининг таркибида бўлган.

УЙҚУ — одам ва ҳайвонларда даврий юз берадиган физиологик ҳолат. Бунда физиологик жараёнлар бир қадар секинлашади ва организмнинг, чунончи, марказий нерв системасининг иш қобилияти тикланиши учун энг яхши шароитлар яратилади. У. ҳар бир инсоннинг зарур ҳаётий эҳтиёжидир. Инсон бутун ҳаётининг учдан бири ҳар кеча-кундузда даврий кузатиладиган У. ҳолатида ўтади.

У. вақтида мускуллар тонуси сусаяди (уйқудаги одамнинг кўп мускуллари бўшашган бўлади), сезувчанликнинг барча турлари — кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид сезиш, тери сезувчанлиги кескин сусаяди. Шартсиз ва шартли рефлекслар тормозланади. Қаттиқ У.да нафас уйғоқликдагига нисбатан анча чуқур, юрак уриши секин, артериал қон босими, тўқималарга қон келиши, моддалар алмашинуви, гавда т-раси паст бўлади. Буларнинг барчаси У. ҳолатида мия б-н бир қаторда ҳужайралар ва тўқималар ҳаёт фаолиятини таъминловчи ҳамма ички аъзоларнинг ҳам «дам» олишидан далолат беради.

Аммо У. ҳақидаги замонавий тасаввурларга кўра, У. фақат дам олиш эмас, балки кун бўйи олинган турли ахборотни қайта ишлаш ва эртаси кун яна қабул қилиш қобилиятига эришиш учун қаратилган жараёндир.

Одам аста-секин ухлаганда нафас олиш ва юрак ритми пасаяди, кўз секин юмула бошлайди. Тез ухлаб қолганда эса бу ҳаракатлар, одатда, тезлашади.

Аста-секин ухлаб қолиш тунги У.нинг 75—80%ини, тез У.га кетиш эса 20—25%ини ташкил этади. Тез ва секин ухлаб қолишнинг навбатланиши, одатда, соғлом одамлар учун хосдир ва бунда одам уйқуси тунги вақтда кўпинча ҳамда бардам ҳис қилади. Тез ва секин ухлаш муддатининг ўзгариши, секин ухлашнинг етарли даражада чуқур бўлмаслиги, тез ухлаш даврида тез-тез уйғониб туриш одам нерв системасининг турли бузилишларига олиб келади, унинг руҳий ва эмоционал ҳолатига таъсир кўрсатади.

Нормал (физиологик) У.нинг даврий кеча-кундузлик ва даврий фасллиги (ҳайвонларнинг ёзги ва қишки У.си) турлари ва бир неча хил патологик шакллари, летаргик ва б. шунингдек, махсус таъсирлар оқибатида юзага келадиган гипнотик У. фарқ қилинади.

У.нинг кўпинча кузатиладиган бузилишларига уйқучанлик (гиперсомния) ва уйқусизлик киради.

УЙҚУСИЗЛИК, инсомния, агрипния — тунги уйқу маромининг бузилиши; тунда кам ёки юзаки ухлаш, уйқу келмаслик, бевақт уйғониш, шунингдек, жуда эрта уйқу учиб кетиши ва б.

Баъзи одамларда уйқу бошданоқ бузилган бўлади, мас., ирсий, илк ёшда бошдан кечирилган баъзи касалликлар ёки нерв системаси, бош мияning шикастланиши оқибатида келиб чиқади. У. кўпинча нерв системасининг кучли руҳий, эмоционал шикастлари, невроз, психоз, бош миянинг органик касалликлари (айниқса, мия қон томирлари атеросклерози), ички аъзолар ва эндокрин безлар (буйрак, жигар, қалқонсимон без) касалликлари б-н боғлиқ нерв системасининг функционал бузилишларида учрайди. У. ётадиган жойнинг ноқулай бўлиши, бирор нарсадан ҳаяжонланиш, бирорта касалликнинг бошланиш белгиси бўлиши ҳам мумкин. Агар У. нохуш кечинмалар, толиқиш, ухлаш маромининг бузилишидан (функционал У.) келиб чиққан бўлса, у ўзича тикланади. Бунинг учун ҳар куни бир вақтда одатдаги шароитда ётиш, яхши ҳаётлар суриш лозим. Бу тавсияларга риоя қилинса, ҳаяжонланиш, толиқишдан юзага келадиган У. тезда ўтиб кетади. Уйқу ёши қайтган ва қариган кишиларда ўзгаради; уйқу ёшлик даврига қараганда бирмунча юзаки ва қисқа муддатли бўлиб қолади, бу шу ёшдаги организмнинг физиологик хусусиятлари натижасидир.

У.нинг ҳар қандай турида ҳам врач б-н маслаҳатлашиб, зарур муолажаларни олиш тавсия этилади. Ўз билгича дори-дармонлар б-н даволаниш хавфли асоратларга олиб келади.

УЙҒОНИШ ДАВРИ, Ренессанс — Марказий Осиё, Эрон, Хитой (9—12 ва 15-а.лар), Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври. «Ренессанс» атамаси дастлаб Италиядаги маданий-маънавий юксалиш (14—16-а.лар)га нисбатан қўлланилган; уни ўрта асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолашлар. Ренессанснинг асосий аломатлари тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни енгиб ўтиб, инсонни улуғлаш (қ. *Гуманизм*), унинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш; антик давр (юнон-рум) маданиятига қайтиб, уни тиклаш, бойитиш; черков схоластикасидан қутулиб, адабиёт ва санъатда дунёвий гуллик, ҳаёт тарзоналарини қизғин куйлаш, инсон эрки, ҳурфикрлилик учун курашиш. Бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намойиш этадиган улуғвор бадиий асарлар, салобатли бинолар яратилди, илм-фан ривожланди. Италияда шоир *Петрарка* ва *Данте*, рассом *Жотто*, адиб ва мутафаккирлар *Боккаччо*, Ариосто, Тассо, Бёме Ренессанс ғояларининг жарчилари бўлиб майдонга чиқдилар. Кейинчалик *Микеланжело, Рафаэль, Шекспир, Сервантес* Европанинг турли мамлакатларида буни давом эттирдилар.

Аммо Ренессанс, яъни Уйғониш фақат Европа ҳодисаси эмас. Дунё маданиятини яхлит олиб ўрганган олимларнинг ишлари шуни кўрсатдики, Осиё марказида жойлашган Моварауннаҳр, Хуросон ва Эронда Италияга қараганда бир неча аср олдин (9—12-а.лар) улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм-фан, фалсафа, адабиёт кучли ривожланиб, илғор инсонпарварлик ғоялари жамият фикрини банд этган, ақлий ва ижодий фаоллик гуркираган. Бу давр дунё илмида «Мусулмон Ренессанси» (А. Мец) ёки «Шарқ Уйғониши» (Н. И. Конрад) номи б-н аталиб келинмоқда. Шарқ У.д.да Европа У.д.нинг асосий белгилари мужассам: жўшқин ижодий фаолият, улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилгани, ақлни ҳайратга солувчи беҳисл асарларнинг яратилгани шундан далолат беради. Шарқ У.д. ҳам улуғ алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирларни етиштирди. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад *Хоразмий*, Абу Бакр *Розий*, Абу Райҳон *Беруний*, *Аҳмад ал-Фарғоний*, *Умар Хайём*, Мирзо *Улуғбек* жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар. Абу Наср *Форобий*, Абу Али *ибн Сино*, *Ибн Рушд*, Муҳаммад Ғаззолий, Насафий Азизиддинларнинг фалсафий асарлари тафаккур хазинасини бойитди, олам, одам ва жамият ҳақида тадқиқ этилиб, янги қонуниятликда ақлий билим уфқларининг очилди, фозил жамият ва комил инсон назарияси чуқур ишлаб чиқилди. Шеъриятда Абу Абдулло *Рудакий*, Абул-Ало ал-*Маъаррий*, Абулқосим *Фирдавсий*, Жалолиддин *Румий*, *Ҳофиз Шерозий*, Абдураҳмон *Жомий*, *Низомий Ганжавий* ва *Алишер Навоий* каби даҳо ижодкорлар етишиб, ўлмас асарлар яратдилар, ишқ-муҳаббат, қаҳрамонлик, озодлик ва эзгуликни куйладилар. Миниатюра рассомчилигида бир неча мактаблар шаклланди, бунда Камолиддин *Беҳзод* расмлари янги ижодий йўналишга асос солди. У.д. нинг яна бир белгиси халқ руҳини ифодалайдиган «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Қирқ вазир», «Тўтинома», «Синдбодномa», «Жомеъул ҳикоёт» каби қизиқарли саргузашт асарларнинг кўпайгани, иккинчи томондан «Хамса»ларда бўлганидай, инсоний идеалларни мужассам этган ҳикмат ва фалсафага бой умумбашарий ғояларнинг тасвирланишидир.

Эрон ва Марказий Осиё халқлари бир неча минг йиллик цивилизация тарихига эга. Зотан, қадимияти, қад. давлатчилиги бўлмаган халқда У.д. ҳам бўлмайди. Марказий Осиёда 9—13-а.ларда ўз халқининг қадимиятига қайтиш, Авесто фалсафасини Қуръон маърифати б-н уйғунлаштириб, қайта тиклашга интилиш тасаввуф таълимоти, «ишроқ» фалсафасида намоён бўлган. Шу асосда турли назариялар, таълимотлар юзага келиб, фикрий хилма-хиллик ривожланди. Тасаввуфий-орифона таълимотнинг қарор топиши, тариқатлар ҳам, аслида, ҳурфикрлик ва инсон камолотига бўлган ишончнинг нишонаси эди. У.д. вакиллари динга эмас, балки диний схоластика ва жаҳолат манбаига айлантирган кишиларга қарши курашганлар.

Тафаккурдаги икки: ақлий (рационализм) ва важдий (иррационализм) йўналиш намояндалари зоҳиран ўзаро келишмай келган бўлсаларда, амалда Европа У.д.да бўлганидек, инсон онгини бедор этиш, уни ақидапарастлик (тақлидчилик) ғуборидан тозалашда ҳамкорлик қилдилар. Шу боис ҳурфикрли мутафаккирлар орасида рационалист олимлар б-н бирга, ориф сўфийлар ҳам бор эди.

Шарқ У.д. вакиллари ўз халқларининг қад. маданият б-н бирга, юнон ва ҳинд халқлари меросидан ҳам фойдаланишган. Юнон олимларининг асарлари 8—9-а.ларда араб тилига таржима қилиниб, тарқалди. Афлотун, Арастуни Шарқ файласуфлари ҳам ўз устозлари деб ҳисоблашган, *Плотин* қарашлари *Ибн ал-Арабий*га таъсир этиб, «ваҳдатул вужуд» фалсафасига туртки берди. Бироқ юнонлар кўп фикрларни қад. осиёликлардан олганлар. Бу тарих қонунияти;

Самарқанд. Шоҳизинда меъморий мажмуа безагидан парча.

Исмоил Сомоний мақбараси. Меъморий безагидан парча (9—10-асрлар, Бухоро).



тила мия б-н бир қаторда ҳужайралар ва тўқималар ҳаёт фаолиятини таъминловчи ҳамма ички аъзоларнинг ҳам «дам» олишидан далолат беради.

Аммо У. қақидаги замонавий тасаввурларга кўра, У. фақат дам олиш эмас, балки кун бўйи олинган турли ахборотни қайта ишлаш ва эртаси кун яна қабул қилиш қобилиятига эришиш учун қаратилган жараёндир.

Одам аста-секин ухлаганда нафас олиш ва юрак ритми пасаяди, кўз секин юмула бошлайди. Тез ухлаб қолганда эса бу ҳаракатлар, одатда, тезлашади.

Аста-секин ухлаб қолиш тунги У.нинг 75—80%ини, тез У.га кетиш эса 20—25%ини ташкил этади. Тез

бирор нарсадан ҳаяжонланиш, бирорта касалликнинг бошланиши белгиси бўлиши ҳам мумкин. Агар У. нохуш кечинмалар, толиқиш, ухлаш маромининг бузилишидан (функционал У.) келиб чиққан бўлса, у ўзича тикланади. Бунинг учун ҳар куни бир вақтда одатдаги шароитда ётиш, яхши ҳаёллар суриш лозим. Бу тавсияларга риоя қилинса, ҳаяжонланиш, толиқишдан юзага келадиган У. тезда ўтиб кетади. Уйқу ёши қайтган ва қариган кишиларда ўзгаради: уйқу ёшлик даврига қарағанда бирмунча юзаки ва қисқа муддатли бўлиб қолади, бу шу ёшдаги организмнинг физиологик хусусиятлари натижасидир.

У.нинг ҳар қандай турида ҳам врач б-н маслаҳатлашиб, зарур муолажаларни олиш тавсия этилади, ўз билгича дори-дармонлар б-н даволаниш хавфли асоратларга олиб келади.

Уйчи тумани махсус интернат мактаби биноси.

Муродилла Ҳайдаров, Ҳамидулло Мирзаҳмедов.



корлар ётишган.

дилар, ишқ-муҳаббат, қаҳрамонлик, озодлик ва эзгуликни куйладилар. Миниатюра рассомчилигида бир неча мактаблар шаклланди, бунда Камолиддин *Беҳзод* расмлари янги ижодий йўналишга асос солди. У.д. нинг лайдиган «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Қирқ вазир», «Тўтинома», «Синдбоднома», «Жомеъул ҳикоёт» каби қизиқарли саргузаштларга тўла, шавқу завқ кўзгатадиган асарларнинг кўпайгани, иккинчи томондан «Хамса»ларда бўлганидай, инсоний идеалларни мужассам этган ҳикмат ва фалсафага бой умумбашарий гояларнинг тасвирланишидир.

Эрон ва Марказий Осиё халқлари бир неча минг йиллик цивилизация тарихига эга. Зотан, қадимияти, қад. давлатчилиги бўлмаган халқда У.д. ҳам

йўналиш намояндалари зоҳиран ўзаро келишмай келган бўлсаларда, амалда Европа У.д.да бўлганидек, инсон онгини бедор этиш, уни ақидапарастлик (тақлидчилик) губоридан тозалашда ҳамкорлик қилдилар. Шу боис ҳурфикрли мутафаккирлар орасида рационалист олимлар б-н бирга, ориф суфийлар ҳам бор эди.

Шарқ У.д. вакиллари ўз халқларининг қад. маданият б-н бирга, юнон ва ҳинд халқлари меросидан ҳам фойдаланишган. Юнон олимларининг асарлари 8—9-а.ларда араб тилига таржима қилинди, шарҳланди. Афлотун, Арасгуни Шарқ файласуфлари ҳам ўз устозлари деб ҳисоблашган, *Плотин* қарашлари *Ибн ал-Арабий*га таъсир этиб, «ваҳдатул вужуд» фалсафасига туртки берди. Бироқ юнонлар кўп фикрларни қад. оснёликлардан олганлар. Бу тарих қонуниятн:

Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ат-тафҳим ли авоил синоат ат-танжим» асари қўлёзмаси (13-а).

юксалишига шайланган халқ ўз маданияти ва ўзигача яратилган башарий ютуқларни ўзлаштириб, яна юксакликка кўтарилади.

Шарқ У.д. кенг кўламли: таълим ва таҳлил, мадраса-маориф ривожланган, улкан кутубхоналарда юз минглаб жилд китоблар йиғилган, «хазинат ул-ҳикма», «дор ул-улум»ларда толиби илмлар, устоз-шогирдлар суҳбати бардавом эди, олимнинг обрў-эътибори юксак қадрланди. Шарқ У.д. ютуқлари Ғарбий Европадаги У.д.га бевосита таъсир этган. Чунки 12—14-а.ларда мусулмон олами б-н Европа давлатлари орасида алоқа кучайган эди. Айниқса, туташ чегара мамлакатлари: Қурдоба (Испания), Кавказ, Болқон я.о. да бу жараён кучли бўлган. Европаликлар Шарқ олимларининг асарларини лотин, испан, яҳудий тилларига қилинган таржималар орқали ёхуд бевосита араб тилида ўқиб ўрганганлар. Ибн Синонинг «*Тиб қонунлари*», «Аш-Шифо», Форобийнинг «Илмлар таснифи», Аҳмад Фарғонийнинг «Само ҳаракатлари ва юлдузлар илмининг жами китоби», Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг «Алжабр вал муқобила», Ибн Рушд, Абу Бакр Розий асарлари таржима қилиниб, кейинчалик нашр этилган. Алгебра, алгоритм фанлари Хоразмий асарлари туфайли шаклланган. «Тиб қонунлари» 7 аср мобайнида Европа ун-тларида тиббиёт дарслиги сифатида хизмат қилди. Ибн Сино шогирди Ибн Рушд ғоялари Италия, Франция ҳурфикрлигини бошлаб берган. Ибн Сино — Авиценна, Ибн Рушд — Аверроэс, Аҳмад Фарғоний — Ал Фрагени, Абу Бакр Розий — Ал Рамзан, Абу Маъшар Балхий — Албумазар деган лотинча номлар остида машҳур бўлган. «Ўша пайтда (13—16-а.) жаҳолат чангалидаги Европанинг қуйи-на қисмида мусулмонлар илм чароғини ёқдилар...; испанлар ёзуви ҳам, шимолий орамий ёзуви ҳам Осиёдан олинган; шим., ғарбий ва шарқий Европа маданияти юнон — румо — араб уруғидан униб чиққандир» (Г.Гердер). Платон, Аристотель асарлари ҳам Европага дастлаб арабча таржима ва талқинлар орқали кириб борган. «Шарқликлар Ғарбни Аристотель фалсафаси б-н ёритдилар» (Гегель).

Аниқ фанлар ва уларни ўрганиш усулларини, деҳқончилик ва чорвачилик илмлари, денгизда сузиш, ҳарбий техникани Европа шарқдан олиб ривожлантирди. «Математика, кимё, тиббиёт соҳасида мусулмонларнинг хизмати буюк... бу фанларда мусулмонлар Европанинг муаллимлари бўлиб қолдилар» (Г. Гердер). Европа У.д. адиблари Данте, Петрарка, Боккаччо Шарқ илм-фани, адабий асарларидан илҳомланганлар. Данте «Базм», «Илоҳий комедия» асарларида Ибн Сино ва Ибн Рушдни ўз устозлари қаторида эҳтиром б-н тилга олади. Аҳмад Фарғоний асарларидан фойдаланганини қайд этади. К. *Марлонинг* «Буюк Темур» драмасида Амир Темур жасур, халоскор инсон сифатида тасвирланган.

Флоренциядаги Санта-Мария дель Фьоре собори (13—15-аср бошлари, меъмори Ф. Брунеллески).

Мусиқада ҳам У.д. жараёнига хос юксалиш дастлаб Шарқда юз берди. Марказий Осиё халқларининг қад. анъаналари араб, ҳинд ва форс мусиқий мерос асарлари, чолғулари б-н ўзаро таъсир жараёнлари натижасида янада бойиб қайтадан жонланди. Зеро, Форобий ва унинг издоши Ибн Сино мусиқанинг назарий, фалсафий ва эстетик масалаларини атрофлича талқин этиб, умумшарқий таълимотни яратишган. Хусусан, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа амалиётида тизимлашган ҳолда, куй ва усуллар, қўлланилаётган созлар, муайян шакл ва жанрлар доирасида мунтазамлик мажмуини ифодалаган. Форобийнинг «Китоб ул-мусиқа ал-кабир» («Мусиқа ҳақида катта китоб») ва, айниқса, Ибн Синонинг «Жавомеъ илм ул-мусиқи» («Мусиқага оид илмлар тўплами») каби асарларида юнон олимлари (Пифагор, Аристоксен ва б.)нинг қарашлари бойитилиб, товушлар баландлиги муносабатлари математик услубда ифодаланган. Шунингдек, соф товушқатор тизими, ундан ўрин олган бўлакларнинг *мулоимат* ва *мунофират* таснифоти, *ийқо* назарияси илк бор асослаб берилган. 12—13-а.ларда ижодий ва ақлий кучлар ривожини намойиш этган *Ўн икки мақом* тизими юзага келди. Амир Темур (14 а.) ва Темурийлар (15—16-а.лар) мусиқанинг барча жабҳаларида янги У.д. юзага келишини таъминлаб беришди. Турли мамлакатлардан Самарқанд, Бухоро каби марказларга келтирилган санъаткорлар — *бастакорлик, мусиқа ижрочилиги ва мусиқашунослик* жадал ривожланишига ҳисса қўшишган. Мазкур соҳаларда нафақат муайян касб эгалари, балки ўта бадиий ижод соҳиблари, хусусан, Мирзо Улуғбек, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Бобурлар ҳам ном чиқаришган. Бу даврда маҳаллий мақом ижодиёти ва ижрочилиги юксалди, оғзаки анъанадаги мусиқанинг бошқа ривожланган шакллари (достон, ашула, чолғу куй ва б.) кенг ўрин эгаллаб, уларнинг юқори палаларига кўтарилди. Айни шу жараён кейинчалик Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари ва Фарғона — Тошкент мақом йўллари, катта ашулалар шаклланишига олиб келди.

Европа мусиқасида У.д. тамойиллари дастлаб 14-а.да ташкил топган илғор йўналиш — «*Арс нова*» намояндалари (айниқса, Италиядаги вакиллари — Ф. Ландино ва б.) ижодида ўз ифодасини топди. Улар дунёвий мазмундаги илк профессионал вокал мусиқа шакллари (*баллада, мадригал,* качча ва б.)ни ижод қилишди, шеърий матнлар мазмунига алоҳида аҳамият бериб ифодали, эркин тузилишдаги куйлар яратишди. У.д. чолғу мусиқанинг дастлабки мустақил шакл ва жанрлари (ричеркар, *прелюдия, фантазия, токката*) юзага келди, айниқса, *лютня, клавесин* ва клавикорд мусиқаси кенг ривож топди. Ижодкорлар ва мусиқа назариётчиларининг антик давр бадиий меросига қизиқиши туфайли янги жанрлар (мас., юнон трагедиясини «тиклаш» жараёнида — *опера*), кўп овозли мусиқада *полифониянинг* қатъий услуби, кейинчалик *гомофония* услуби қарор топди. Диний мусиқа жанрлари (*месса*, мотет) ислоҳ қилинди, ноталар чоп этилиши жорий этилди, жонли мусиқа амалиётини умумлаштирувчи мусиқа назарияси (Тинкторис, Ж. *Царлино*) ривож топди. Айни шу даврда муайян халқларда янги миллий ва маҳаллий композиторлик мактаблари пайдо бўлди: нидерланд (Дюфаи, Й. Окегем, Ж. Депре), француз (К. Жанекен ва б.), немис (Г. Финк ва б.), инглиз (Данстейбл, У. Бёрд ва б.), испан (К.де Моралес ва б.), Рим (*Палестрина*), Венеция (А. ва Ж. Габриели) ва б. У.д.нинг пировардида Европа композиторлик ижодиётида Шарқ мавзу ва образларига қизиқиш кучайиб, инглиз Г. *Пёрселл* ва француз Ж. *Рамо* умумшарқона экзотикани ифодалашган. Булар анъанаси кейинчалик Соҳибқирон Амир Темурни бош қаҳрамон сифатида гавдалантирган Италия (А. ва Д. *Скарлаттилар*, А. *Вивальди* ва б.), Германия (Г. *Гендель*, Г. Телеман ва б.) муаллифларининг операларида теранлашган.

Донателло. «Давид» (1430-йиллар, Флоренция).

У.д.да театр санъати ҳаёт кўзгуси ҳисобланиб, кўпқиррали инсон характери, реал воқелик зиддиятларини акс эттиришга алоҳида аҳамият берди. Бу давр театр намояндалари антик драма тажрибаларидан фойдаланиб халқ томоша санъати анъаналарини ривожлантирдилар, кундалик ҳаёт завқ-шавқини идрок қилишга даъват этилган дунёвий саҳна асарларини яратишга ҳаракат қилдилар (Л. Ариосто, А. Полициано, Н. Макиавелли ва б.). Испанияда У.д.даги театр ривожи М. *Сервантес* ва *Лопе де Вега*, Англияда У. *Шекспир* ижоди б-н боғлиқдир. У.д.да театр санъати профессионал омиллари кучайди, драматургия ва актёрлик санъати назарияси қарор топди, илк театр бинолари қурилди.

У.д. меъморлиги қад. анъаналарни ўзлаштириб, уни янги мазмун б-н бойитди, янги меъморий қурилмалар вужудга келди, кўп қаватли уйлар, янги қиёфадаги жамоат бинолари қад кўтарди. Бинони ташқи ва ички томонларининг безаш, кенгликни ташкил этиш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Бу ўзгаришлар Италиянинг *Флоренция*, Пиза, Сиена, Генуя, *Милан*, айниқса, *Венеция* ш.ларида жуда сезиларли бўлди. Улкан бинолар, ғоят катта гумбазли ва бир неча устунли сарой ва ибодатхоналар қурилди, айниқса, флоренциялик меъморлар антик меъморлик анъаналари ва ордер тизимидан унумли фойдаланди. Бу анъаналарни ўрта аср Италиянинг меъморлик техникаси ютуқлари, маҳаллий қурилиш хом ашёлари ва конструкциялари б-н уйғунлаштириб, ренессанс меъморлиги услубини яратдилар. Девор сатҳи текислигининг яхлитлигига эътибор кучайди, меъморлик мужассамотининг чизиқли ритми ва мутаносиблигига, хонанинг кенглиги, унинг яхлит ва кўркамлигига аҳамият берила бошланди; турар жой ва ибодатхоналар қурилиши ҳам янгиланди. Шаҳарнинг ижтимоий маъмурий марказин тарҳи ва тузилиши б-н боғлиқ бўлган янги тип пайдо бўлди. Флоренцияда шаклланган юксак У.д.нинг мумтоз услуби *Римда*, кейинроқ Венецияда монументал ёдгорликлар (*монументал санъат*) яратилишига сабаб бўлди. Йирик меъморий ансамблар вужудга келди, «идеал» шаҳарларнинг лойиҳалари яратилди.

Италия меъморлигида пайдо бўлган янги анъаналар У.д.нинг буюк меъморлари ишларида ўз аксини топди. Жумладан, Филиппо *Брунеллески* катта гумбазли бино қуриш муаммосини ҳал қилди (диаметри 42 м бўлган 8 қиррали гумбазли Санта-Мария дель Фьоре собори). Л. *Альберти* ўзи яратган янги меъморий композицияларини илмий назарий баён қилган «Меъморлик тўғрисида 10 китоб» асари б-н назариётчи олим сифатида намоён бўлди. Шу тарзда юксак У.д. меъморлиги услубига замин яратилди. Юксак У.д.нинг асосий тамойиллари Римда шаклланди ва ривожланди, даврнинг инсонпарварлик ғоялари улуғвор ва ҳашаматли меъморий композицияларда ўз ифодасини топди. Амалиётда антик меъморий ордерлар эркин ва ижодий ишлатила бошланди, меъморий услублар бирлаштирилиб ягона миллий меъморлик услуби шаклланди. Д. *Браманте*, Рафаэль, Микеланжело ва б. мураккаб меъморий мажмуаларида юксак маҳорат, бой илм ва назарий фикр, ўткир тафаккурни намоён қилдилар, бадиий ечимнинг гўзаллиги, нисбат ва шакллар уйғунлигининг бойлиги, композиция ечимининг ранг-баранглиги инсонга завқ бағишлайдиган меъморий маконни яратдилар.

Сўнгги У.д.да йирик меъморий иншоотлар ўрнини хусусий буюртмалар кенгроқ эгаллади. Вилла, палаццо қурилиши соҳасида кўзга кўринарли ишлар қилинди. Боғ-парк меъморлик услуби (*боғ тузиш санъати*) шаклланди. Паст-баландликка эга бўлган майдонда боғ яратиш муҳим аҳамият касб этди: паст-баландликлар бир-бири б-н мураккаб зиналар орқали боғланди, тепалик ва қияликлар турли безак қурилмалар (ғор, сув каскадлари, фаввора, ҳайкаллар) ҳамда манзарали ўсимликлар б-н безатилди. Асосий йўл, қолган йўлка ва зиналар дарвозага йўналтирилган бўлиб, композициянинг тугал бўлишини таъминлаган. Меъморий назарий масалаларга эътибор ортди. Бунёд этилаётган биноларни илмий асослашга интилиш кучайиб, бир нечта илмий асарлар яратилди. 16-а. ўрталаридан Италияда махсус ўқув юртлари, академиялар тузилди ва уларда меъморликка оид

Леонардо да Винчи. «Мадонна Литта» (1480-йиллар).

Рафаэль. «Сикст мадоннаси» (1515—19. Дрезден галереясида).

таълим берилиши муҳим воқеа бўлди. Бу эса Европа меъморлигининг кейинги тараққиётига таъсир кўрсатди, меъморий классицизм тамойилларининг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

У.д. Италиядан ташқарида (шартли равишда «шимолий» деб номланган) 15-а.да ривожланди. Готика анъаналарини ижодий англаган усталар айрим ҳодисаларни амалий йўл б-н ўзлаштириб бордилар. Нидерландия ва Германияда У.д. меъморлиги сўнгги готиканинг тараққий этган даврига тўғри келди (Антверпендаги ратуша, 1561—65, меъмори К. Флорис; Германиянинг Гейдельбергидаги сарой, 1556—59). 16-а. ўрталарида Францияда антик даврга ҳамда Италия У.д. меъморлигига асосланган ўзига хос меъморий услуб шаклланди (Шамбор қасри, 1519—40, меъмори Т. ва Д. Сурдо, П. Нево ва б.). Испания, Чехия, Польша, Венгрия У.д. меъморлиги ўзига хос миллий хусусиятларга эга бўлган (Прагадаги Бельведер ёзги саройи, 1535—63, меъмори Ж. Спацио ва б.).

У.д.нинг буюк ғоялари, айниқса, тасвирий санъатда ёрқин ифодаланди: ҳаётга муҳаббат, инсонга, унинг иродаси ва ақлига катта ишонч билдирилди. Антик давр меросини ижодий ўзлаштирган итальян рассомлари замонасининг илм-фан ютуқларига таяниб инсон ва уни ўраб турган муҳитни ҳаққоний акс эттиришга уриндилар. Улар санъатни *перспектива*, пропорция, *нурсоя*, *ритм*, *ранглилик*, ҳажм, *ракурс* ва ҳ.к. ҳамда одам танаси тузилишининг ҳақидаги аниқ билимлар б-н бойитдилар, иконадан *картина*га ўтилди, *ҳайкалтарошлик* мустақил жанрга айланди, *фреска* санъати юксалди. Янги даврнинг илк хусусиятлари 13—14-а.лар рассомлари (рассом *Жотто*, ҳайкалтарош Н. Пизано) ижодида кўринди. 15-а. бошларида янги бадиий дунёқараш рассом *Мазаччо*, ҳайкалтарош *Донателло* ижодида ёрқин намоён бўлди. Юксак У.д. Италия санъатида нисбатан қисқа даврни ўз ичига олади, лекин мазмунан жуда улуғ бўлиб, Италия санъатининг «олтин асри» ҳисобланади. Бу давр *Леонардо да Винчи*нинг психологик таъсирчан асарларида, уйғунликда ишланган Рафаэль полотноларида, кураш руҳи б-н йўғрилган Микеланжело рангтасвир ва ҳайкалтарошлик асарларида, *Жоржоне*, *Тициан*нинг колоритга бой ҳаётбахш картиналарида ва б.да намоён бўлди. 16-а.нинг 2-чорагидан бошланган Италиядаги иқтисодий ва маданий инқироз гуманистик ғояларнинг барбод бўлиши ва сўнишини бошлаб берди. У.д.нинг дунёвий, ҳаётбахш санъати ва маданияти ўрнини тушкун ғояларни илгари сурувчи ташқи жиҳатдан ялтироқ, лекин ҳаётдан, унинг муаммоларидан узоқ бўлган санъат (*маньеризм*) эгаллай бошлади ва кенг ёйилди.

У.д. Италиядан ташқарида Ғарбий ва Марказий Европада 15-а.дан бошлаб нотекис ривожланди, индивидуал инсон образи ва унинг муҳитига бўлган катта қизиқиш диққатга сазовор. 15-а. нидерланд рассомлари Я. *Ван Эйк* ва Х. ван дер Гус, кейинчалик бошқа рассомлар оддий одамларни тасвирлашга катта эътибор берди. 16-а. 2-ярми рассомлари (П. Брейгель Катта) ижодида демократик анъаналар ёрқин намоён бўлди. Германияда кескин сиёсий ва ғоявий курашлар даврида ўткир ижтимоий хусусиятга эга бўлган графика ва рангтасвир кенг тарқалди (А. *Дюрер*, Х. *Хольбейн* Кичкина ва б.). Францияда ўта уйғунлашган дунёвий мазмундаги У.д. ривожланди, психологик портретлар ва монументал безак ҳайкалтарошлиги тарқалди (рассом Ф. Клуэ, Ж. Фуке, ҳайкалтарош Ж. Гужон, Ж. Пилон ва б.). У.д.га хос хусусиятлар Испания, Чехия, Польша ва б. мамлакатларда ҳам намоён бўлди. У.д. Ғарбий мамлакатларининг маданий ва ғоявий ҳаётида катта ижобий роль ўйнади. Бу даврда жаҳон маданиятининг нодир ва бебаҳо асарлари яратилди. Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам У.д. инсониятнинг тараққиётидаги бетакрор даврдир. У.д.нинг қудратли ғоялари 18-а. маърифатпарварлик ҳаракатлари мерос қилиб олди. У.д. ижодкорларининг илмий ва адабий асарлари ҳозирда ҳам маънавиятимиз юксалишига хизмат қилиб келмоқда.

Ад.: Мец А., Мусульманский ренессанс, М., 1966; Хайруллаев М., Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, Т., 1971; Хайитметов А., Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан [10—15-асрлар], Т., 1970; Конрад Н. И., Запад и Восток, М., 1972; Сулаймонова Ф., Шарқ ва Ғарб, Т., 1997; Комилов Н., Тафаккур карвонлари, Т., 1999; Евдокимов Ю., Симакова Н., Музыка эпохи Возрождения, М., 1982; Всеобщая история архитектуры, т. 5, М., 1967; Шрамкова Г., Искусство Возрождения, М., 1977; Ғафурбеков А., Амир Темур образи талқинлари: ҳақиқат ва бадиий // Амир Темур шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши, Т., 1997.

Нажмиддин Комилов, Тўхтасин Ғафурбеков, Неъмат Абдуллаев.

УЙҒУН (тахаллуси; асл исм-шарифи Отақузиев Раҳматулла) (1905.14.5, Жамбул вилояти Марки қишлоғи — 1990.22.4, Тошкент) — шоир ва драматург. Ўзбекистон халқ шоири (1965). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1956). Ўзбекистон ФА нинг мухбир аъзоси (1974). Меҳнат Қаҳрамони (1985). Самарқанддаги пед. академияда таҳсил кўрган (1927—30). Ўзбекистон давлат нашриётида бўлим мудири, «Қурилиш» жур.да масъул котиб (1930—31), Маданий қурилиш (1932—33) ҳамда Тил ва адабиёт ин-ти (1933—43)да илмий ходим, сектор мудири. Ҳамза номидаги драма театрида репертуар бўйича бадиий раҳбар ўринбосари (1947—48), «Шарқ юлдузи» жур.да бўлим мудири (1948—50), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари (1949—50), раиси (1951—54), айни вақтда «Шарқ юлдузи» жур.да масъул муҳаррир (1950—51).

Дастлабки шеърлар тўплами — «Баҳор севинчлари» (1929).

У. ижоди 3 босқичдан иборат. Ижодининг дастлабки босқичида лирик

шоир сифатида шаклланган. Аммо пайтда «Жоннетмар» (1931—35), «Бригадир Каримов» (1934), «Тўлқасат» (1934—35), «Украина еллари» (1935) каби тарғибчилик асарлари б-н шўролар достончилиги тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган. Бундан ташқари, У. адабий мерос ва замонавий адабий жараён муаммоларига доир мақолалар ҳам ёзган. Фашизмга, босқинчилик урушига қарши кураш пафоси У. ижодининг 2-босқичдаги бош йўналишини белгилаб берди («Ғазаб тронаси», 1942; «Ғазаб ва муҳаббат», 1943; «Шеърлар», 1944). Бу даврда У. драматургияга ҳам мурожаат этиб, ватанпарварлик руҳидаги «Она», улуғ ўзбек шоирининг 500 йиллигига бағишланган «Алишер Навоий» (1942, Иззат Султон б-н ҳамкорликда) драмаларини ҳамда «Қатлас қизи» (1944) комедиясини ёзди. Урушдан кейинги йилларда саҳна юзини кўрган «Алишер Навоий» драмаси кенг томошабинлар оммасининг Навоийни кашф этиши ва улуғ шоирга муҳаббат туйғулари б-н йўғрилишида, шунингдек, ўзбек адабиётида тарихий-биографик драма жанрининг тараққиётида муҳим аҳамиятга молик бўлди. Шундан сўнг У. уруш ва урушдан кейинги машаққатли йилларга бағишланган «Ҳаёт қўшиғи» (1947), «Олтинкўл», «Навбаҳор» (1949) драмаларини яратди. Сўнгги драмаси б-н У. ижодига қишлоқ ҳаёти мавзуи кириб келди. Драматург бу асарида уруш даврида вайрон бўлган жамоа хўжалиги ҳаёти мисолида эскилик б-н янгилик ўртасидаги кураш мавзуини биринчилардан бўлиб урушдан кейинги ўзбек адабиётига олиб кирди.

У. ижодининг сўнгги, 3-босқичи 50-йилларнинг ўрталаридан бошланган. У. тинчлик учун кураш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик сингари ўша давр адабиёти учун муҳим ҳисобланган мавзуларда кўплаб шеърлар ёзган («Тинчлик куйлари», 1960; «Ҳаёт чақиради», 1961). Қуруқ риторика ва панд-насиҳатдан иборат бўлган бу шеърлар шу давр шеърияти тарихида бирор из қолдира олмаган. У. кўпроқ драматургия жанрларида қалам тебратган. «Навбаҳор» драмасида кўтарилган қишлоқ мавзуини яна давом эттириб, хотин-қизларнинг жамоа хўжалигига моҳирлик б-н раҳбарлик қилиши мумкинлиги («Ҳуррият», 1959), пахта яккаҳокимлиги даври фожиалари («Парвоз», 1963), шахта сиғимининг қишлоқ шароитидаги оқибатлари («Шубҳа», 1961), тиббиёт ходимларининг инсон саломатлиги учун масъулияти («Қотил», 1965) каби масалалар ҳақида баҳс юритувчи пьесалар ёзган. «Пахта учун кураш»нинг салбий оқибатлари фош этилган «Парвоз» драмаси эса совет воқелигининг бузилишини кўрсатишда айбланиб, саҳнадан олиб ташланган.

У.нинг ёшлар маънавияти муаммосига бағишланган «Парвона» (1966) комедияси жамоатчилик томонидан самимий кутиб олинган. У. Ўрта Осиё халқларининг машҳал сиймолари ҳақида ҳикоя қилувчи «Абу Райҳон Беруний» (1973), «Абу Али ибн Сино» (1979), «Зебуннисобегим» (1982) тарихий драмаларини яратдики, бу асарлар «Ҳуррият», «Парвона» ва «Парвоз» пьесалари б-н бирга драматург ижодининг 3-босқичидаги ютуқлари ҳисобланади. У. биринчи ўзбек балети «Гуландом» (1939) либреттоси муаллифи, «Ўзбекистон қиличи» (1942) пьесаси, «Алишер Навоий» (1947) ва «Авиценнинг саргузаштлари» (1958) киносценарийларининг эса муаллифларидан бири.

У.нинг адабий меросида таржима асарлар алоҳида ўринни эгаллайди. Урушгача бўлган даврда А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтов асарлари таржимасида муайян тажриба орттирган шоир кейинчалик Л.Н. Толстойнинг «Ҳожимурод», А.П. Чеховнинг «Чайка», У. Шекспирнинг «Юлий Цезарь» ва «Вероналик икки йигит» асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1984).

Ас.: Асарлар, 1—6-ж.лар, Т., 1975—75; Абу Али ибн Сино, Т., 1980.

Наим Каримов.

УЙҒУР, Маннон Уйғур (тахаллуси; асл исм-шарифи Мажидов Абдуманнон) (1897.11.10 — Тошкент — 1955.15.10) — реж., актёр, драматург. Ўзбекистон халқ артисти (1932). Европа шаклидаги ўзбек театр санъати ва ўзбек миллий академик драма театри (собиқ Ҳамза номидаги театр) асосчиларидан. 1916 й. «Турон» труппасида актёр сифатида иш бошлаган. Саҳнада Ҳожи Бахшали (Ж. Қулизода, «Ўликлар»), Хизматкор (А. Авлоний, «Адвокатлик осонми?»), Заҳҳок (А. Фитрат, «Абу Муслим»), Эшимқул (Уйғур, «Туркистон табиби»), Маҳмудхон (Ҳамза, «Заҳарли ҳаёт»), Раҳим ака (Ғ.Зафарий, «Ҳалима»), Нуриддин (А. Фитрат, «Чин севиш»), Миллер (Ф. Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Карл Моор («Қароқчилар») каби кулгили, драматик, фожиавий романтик образлар яратган. Фарбек (Н.Везиров, «Уй тарбиясининг бир шакли»), Маркиз Робль («Қотили Карима»)

Театрни жадидлар сингари маърифат ўчоғи, ибратхона деб билган. 1919 й.да «Турон» труппасини қайта тиклаб, унга истеъдодли ёшларни жалб этиш, драматурглар б-н янги асарлар устида иш олиб бориш, таржима қилиш, саҳналаштириш, саҳна ижодкорларининг малакасини ошириш масалалари б-н муттасил шуғулланган. 1918—20 й.лар Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?» комедиясини, Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари», «Бой ила хизматчи», «Туҳматчилар жазоси» асарларини, Ғози Юнуснинг «Заҳҳоки морон» трагедиясини, Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима», Фитратнинг «Абу Муслим», «Чин севиш» драмаларини саҳналаштириш б-н театр репертуарини миллий асарлар б-н мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Ўзи ёзган «Туркистон табиби», «Фаний уй», «Ўн икки соатлик ҳокимият» пьесаларини ҳам саҳналаштирди. Шунингдек, озарбайжон драматурглари асарлари («На қонур, на қондирур», «Хўр-хўр», «Дурсунали Баллибоди», «Иблис», «У ўлмаса, бу ўлсун» ва б.)ни ҳам таржима қилиб саҳналаштирди. У ўзининг кўпқиррали фаолияти б-н ҳаваскорлик труппасини Ўзбек давлат ўлка намуна театри даражасига олиб чиқди. Марказий Осиё бўйлаб томошалар кўрсатди. 1922 й. театр ишларини йўлга қўйиш учун Бухорога юборилган. «Абу Муслим», «Ҳалима», «Туркистон табиби» асарларини саҳналаштириб, бухоролик ҳаваскорларни саҳна қонун қоидаларига ўргатади. Карки ш.да биринчи театр труппаси ташкил қилади. 1923 й. Москва давлат марказий театр санъати техникумининг реж. лик бўлимига ўқишга киради. Шу йили унинг ташаббуси б-н Москвадаги Бухоро халқ маорифи уйи қошида ўзбек драма студиясини очишга қарор қилинар экан. У. Бухоро, Тошкент, Андижон, Қўқон ш.ларидаги театрга истеъдодли ёшларни тўплайди. 1924 й. Москвада Ўзбек драма студияси иш бошлайди. У. студиянинг ҳам талабаси, ҳам ташкилотчи раҳбари бўлиб, Чўлпон б-н бирга студия педагоглари Л. *Свердлин*, Р. Симонов, В. Канцель ва

б.га таржимонлик қилиб, спектакллар қўйишда ёрдамлашади. «Хасис» (Мольер, У. Гарпагон ролида), «Терговчи» (Н. Гоголь), «Маликаи Турандот» (К. Гоцци, У. Альтоум ролида) спектаклларининг яратилиши ва мамлакатимизда намойиш этилишида У.нинг хизмати бекиёс. Ўзи мустақил «Шаих Санъон» (Ҳ. Жовид), «Ёрқиной» (Чўлпон) каби асарларни саҳналаштирди. 1927 й. У. бошлиқ 24 нафар ўзбек ёшлари Самарқандга қайтиб, Ўзбек давлат драма труппасининг ўзагини ташкил қилдилар. У. «Арслон» (Фитрат), «Ҳужум» (В. Ян, Чўлпон), «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид), «Муштумзўр» (Чўлпон), «Тарих тилга кирди» (З. Саид, Н. Сафаров), «Ниқоб йиртилди» (З. Фатхуллин), «Лойқалар» (С. Ҳусайн) каби турли мавзу ва жанрда яратилган спектаклларида ўз истеъдоди ва студияда орттирган тажрибасини рўёбга чиқариш, студияни битирган ва ҳаваскорликдан кириб келган актёрларни тарбиялаш ҳаракатида бўлди. У.нинг реж.лик ва актёрлик маҳорати юксалиб, Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясини саҳналаштиришни ўзбек профессионал театрининг камолот палласига ўтганидан дарак берди. «Ҳамлет»дек мураккаб асарни саҳналаштиришда У. актёрларни қирол саройидаги киборларнинг кийинишни, ўзини тутиши, ўзаро мулозамат, таъзим, сўз ва нутқ устида қунт б-н ишлаш, образларнинг тарихий-фалсафий моҳиятини очиш сари йўналтирди. Томошабинларни эса бундай юксак трагедияни идрок этишга тайёрлаш мақсадида театрнинг ўзида, матбуот орқали тушунтириш ишлари олиб борилди, макет ва постановка тарихига оид кўргазма ташкил этди; спектаклнинг махсус дастури ва Чўлпон таржимаси эълон қилинди. Бош ролни Аброр *Ҳидоятов* ижро этди. Спектакль қаторасига 22 кун ўйналиб, катта муваффақият қозонди. «Ҳамлет» спектакли туфайли У. 30-й.лардаги қатағондан омон қолган бўлса-да, таҳқирланган бир шароитда ижод қилди. Қачонки у бир асарни саҳналаштирмоқчи бўлса, унинг ёнига албатта бир рус реж.ини тайинлашарди: «Отелло» (Н. Ладыгин б-н), «Муқанна» (Э. Михоэлс б-н) «Бир севги афсонаси» (А. Гинзбург б-н) каби спектаклларни шу таҳқир остида саҳналаштирди. «Жалолиддин Мангуберди», «Ҳаёт қушиғи», «Алишер Навоий» спектаклларини мустақил саҳналаштиргани учун турли тафтишларга учради. Айниқса, «Алишер Навоий» драмасининг саҳнавий талқини Навоийни идеаллаштиришда айбланди. Танқидий мулоҳазалар остида Навоийни Мажлиддин б-н аедиятларини кучайтиришга, Ҳусайн Бойқарони иродасизроқ, субутсизроқ қилиб тасвирлатиришга мажбур бўлди. Навоийнинг оддий халқ б-н алоқасини янада кучайтирди. Саҳна нутқи, талаффуз устидаги ишини давом эттириб, тугал бир саҳна тилининг яратилишига эришди. Спектаклда У.нинг адолат, тенглик, инсонпарварлик, меҳр-мурувват, софт муҳаббат ва нафосатни тарғиб этишга қаратилган реж.лик топилари актёрлар яратган образларда ўз аксини топди. 1948 й. «Алишер Навоий» драмасининг янги таҳрири намойиш қилинди ва катта муваффақият қозонди ҳамда У., асосий ижрочилар Давлат мукофотига сазовор бўлдилар (1949). Асар 42 й. мобайнида 760 марта ўйналиб, 350 минг томошабинга хизмат қилди. 1955 й. Р. Ҳамроев б-н биргаликда Муқимий театрида «Муқимий» (С. Абдулла) спектаклини саҳналаштирди. Бу унинг сўнгги спектакли бўлди. Миллий театрда, Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида актёр ва реж.ларнинг уч авлодини тарбиялаб етиштиришда У.нинг хизмати катта. Тошкент санъат ин-тига (1991), Сурхондарё театрига (1978) Маннон Уйғур номи берилган. Тошкент ш.даги кўчалардан бири У. номи б-н аталади. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001).

Маннон Уйғур «Алишер Навоий» спектаклини тайёрлаш жараёнида (тарихий сурат).

Ад.: Исмоилов Э. Ф., Маннон Уйғур, Т., 1983; Қодиров М., Саҳнамиз дочинлари, 1986; Раҳмонов М., Ҳамза [Ўзбек давлат академик драма театри тарихи], Т., 2000.

Муҳсин Қодиров.

УЙҒУР ЁЗУВИ — Шарқий Туркистондаги туркийзабон халқлар фойдаланган ҳарф-товуш ёзуви. *Суғд ёзуви* асосида пайдо бўлган кўҳна ёзуви. У. навбатида, ҳоз. олимлар тахминларига кўра, *оромий ёзув* шаклларидан бирига бориб тақалади. Дастлабки ёдгорликлари 8-а.га мансуб. У.ё.да ҳарфлар вертикал чизиқ бўйлаб юқоридан пастга қараб ёзилган, ёзув устунлари эса чапдан ўнгга томон жойлаштирилган. Ҳарфнинг сўз боши, ўртаси, охирига қараб тегишли ўринларда унинг алоҳида шакллари қўлланган. Диний асарлар, оддий, қитъий китобий ёзувда, расмий ҳужжатлар эса тез ёзувга асосланган курсивда ёзилган.

У.ё. 9—13-а.ларда будда динига сиғинувчи туркий қабилалар ўртасида кенг тарқалган. Ушбу қабилалар исломни қабул қилганларидан кейин бу ёзув аста-секин араб ёзуви томонидан сиқиб чиқарилган, лекин У.ё. будда ибодатхоналарида 18-а.да ҳам қўлланган. 18-а.да У.ё. мўғуллар томонидан ўзлаштирилган ва ҳоз. ҳам мавжуд бўлган *мўғул ёзуви* шаклланган; У.ё. асосида манжур ёзуви ҳам яратилган.

УЙҒУР ТИЛИ, янги уйғур тили — *туркий тиллар*дан бири. Асосан, ХХРнинг *Синьцзин-Уйғур мухтор район*ида, шунингдек, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикаларида, Афғонистон, РФ ва б. мамлакатларда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 7,7 млн. (жумладан ХХР да 7,5 млн.) кишидан ортиқ. «Уйғур», «У.т.» атамалари 1921 й.да япона этнолингвистик жамоа учун С.Е. *Малов* томонидан таклиф этилган (аввалги номлари: Ғарбий Хитой татар тили, Хитой мусулмонлари тили, Ғарбий Хитойнинг туркий лаҳжалари, Шарқий Туркистон тили ва б.) У.т. қад. уйғур тилининг давомчиси ҳисобланмайди.

У.т. 3 лаҳжага бўлинади: марказий (или, турфон, қашқар, кўмул, урумчи, қарашар, кўчор, қўрлин оқсу, ёркенд шеваларидан иборат) — ҳоз. адабий У.т. га асос бўлган; шарқий (лобнор) ва жан. (хўтан). Ўрта Осиё ва Қозоғистонда яшовчи уйғурларнинг 2 лаҳжаси бўлиб, уларнинг номланишида (или-еттисув, қашқар-фарғона) уйғурларнинг Ғарбий Хитойдан Еттисув ва Фарғонага кўчиб ўтганликлари акс этган.

Бошқа туркий тиллардан фарқли равишда У.т.да унлилар ва ундошларнинг регрессив *ассимиляцияси* [башбеши (бош-боши), тағ-таққа] мавжуд; сингармонизм изчил эмас: унлиларнинг лаб ва танглай гармонияси бузилиш ҳоллари учрайди; унлилар редукцияси (синил-синлим), ундошларнинг тушиб қолиши (ёлек-ёрлек, кесеиў-келсанчу), баъзан узун ва қўшимча ўртасида товуш орттирилиши (су—суйи (сув —суви), тохў — тоҳўрим (товуқ — товуғим)) кузатилади.

Уйғурлар 8-а. гача қад. уйғур ёзувидан, 11-а. гача суғд алифбосига асосланган ёзувдан, 11-а.дан эътиборан араб графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланадилар. Собиқ СССР ҳудудида яшаган уйғурлар 1930 й. гача араб, 1930—46 й.ларда лотин графикаси асосидаги ёзувдан; 1946 й.дан эса рус графикаси асосидаги ёзувдан унга уйғур фонемаларини ифодаловчи қўшимча ҳарфлар қўшган ҳолда фойдаланадилар. ХХР даги уйғурлар ҳоз. гача араб графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланишлар (1960—65 й.ларда лотин графикаси асосидаги ёзув ишлаб чиқилиб, 1965—80 й.ларда ҳар иккала алифбо параллел қўлланган, 1982 й.дан яна араб графикасининг ўзи қолган).

УЙҒУР ХОҚОНЛИГИ — *уйғурлар* давлати (744—840). Шарқий *Турк хоқонлиги* ҳудудида Босмил хоқонлиги (742—744) дан сўнг пайдо бўлган. Пойтахти — Қорақурум (Урхун дарёсининг чап қирғоғида). Биринчи хоқони Кутлуғ Билга хоқон (уйғурларнинг ёғлиқор уруғидан) даврида (744—746) У. х.га Олтойдан Манжуриягача бўлган ҳудуд қараган. Хоқон Мўюнчур (Қора хоқон) даври (746—759) да У. х. кучли давлатга айланган. Шим.да қирғизлар, шарқда киданларни енгиб, уларнинг ерларини ўз давлатига қўшиб олган. 8-а. ўрталарида У.х. га ғарбда Олтойдан, шарқда Хинган тоғларигача, жан.да Гоби чўлидан шим.да Саян тоғларигача бўлган ҳудуд кирган. Хоқон Идиган даври (759—780) да У.х.қўшинлари Хитойдаги ўзаро урушлардан фойдаланиб, унга бостириб кирган. 8-а. охирида маҳаллий бойларнинг ўзаро жанжаллари, тобе қабилаларнинг уйғурлар ҳукмронлигига қарши кураши кучайиб, У.х. таназзулга учрай бошлади. 9-а. бошларида бу кураш янада кучайди. 840 й. У.х. аҳолиси 5 га бўлинган. Бир қисми ўз жойларида қолган. Уйғурларнинг яна бир қисми Шарқий Туркистон ва Жунғорияга кўчиб ўтган. *Буюк ипак йўли* У.х. назоратида бўлиб, ташқи савдо кенг ривожланган. Хон давлатни *тутуқ*лар, беклар ёрдамида бошқарган. Хўжалиги чорвачилик ва деҳқончилик бўлиб, барча ер, яйлов, чорва маҳаллий бойлар қўлида бўлган.

У.х. да йирик маҳобатли қурилишлар (шаҳар, қалъа ва б.) олиб борилган. Қорақурум ш., Кичик Енисей дарёсининг бошланишида қалъа ва қаср (Пор Бажин), Хемчик водийсида 14 шаҳар-қалъа ва бир ҳарбий таянч пункти қурилган. Шаҳарларда аҳоли ҳунармандчилик (чарм, ёғоч, сопол, металлдан ишланган рўзғор буюмлари, заргарлик) б-н шуғулланган. Шу даврда уйғур ёзуви (суғдий алифбоси асосида) пайдо бўлган. У.х. да монийлик ҳукмрон дин бўлган (8-а.), кейинчалик буддизм тарқала бошлаган (9-а.дан).

УЙҒУРЛАР — халқ, ХХРдаги *Синьцзин-Уйғур мухтор район*нинг туб жой аҳолиси. 8 млн. кишидан ортиқ (1990-й.лар ўрталари). Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Ҳиндистон, Афғонистон ва Покистонда яшайди. *Уйғур тилида* сўзлашади. Диндорлари, асосан, сунний мусулмонлар. Япон (Ютянхенг), француз (Клапрот) олимлари фикрича, «уйғур» атамаси мил. ав. 3—2-а.лардан маълум. У. этногенези Хитой манбаларида 4—5 минг йил аввал тилга олинган «ди»(турк)ларнинг «чиди»(қизил ди — жан. турк) га бориб тақалади. Хитойнинг шим.да мавжуд бўлган Чиди давлати мил. ав. 594 й. Цзинь (Жин) хонлиги томонидан тугатилгач, чидилар шим.га кедан тугатилгач, кўчишга мажбур бўлишган. У. ҳун қабилавий иттифоқи (мил. ав. 3-а. — мил. 3—4-а.лар) да муҳим роль ўйнаганлар. Мил. 5—8-а.ларда У. *Жужан(Авар) хонлиги*, кейинчалик *Турк хоқонлиги* таркибига кирган. 7-а.га қадар У. таркибида ёғлиқор (хон авлоди), кутурғур, турдам-вейбур, буқосқир, овчағ, хазарқасар, хўгурсу, ягмо, аёвир каби 9 қабила мавжуд бўлган. Кейинчалик уларга Сирдарёнинг юқори қисми (Яссидарёси) бўйида яшаган адиз қабиласи қўшилиши б-н 10 уйғур иттифоқи шаклланган. 7—9-а.даги манбаларда 15 уйғур қабила уюшмаси [баку, ҳун, байирғу, тунгро, сиже, чибин, изгил(сиже), басмил (башими), қарлуқ (гэлулу), сир, тардуш, тува, қувурқон, барсук, қирғиз] қайд этилган.

Қадимда У.нинг аксарияти деҳқончилик б-н шуғулланиб, ўтроқ ҳаёт кечирган. Шу сабабли уларда қабила-уруғдошлик муносабатлари йўқолиб, яшаган жойлари номи б-н аталиб келган. У.нинг тоғлик ўлкалардаги ва чорвачилик б-н шуғулланган қисми кўчманчи ҳаётга мослашган. Улар 646 й. Шарқий Турк хоқонлиги ҳудудида Уйғур хонлигини тиклаган. Уйғур-Урхун хоқонлиги (*Уйғур хоқонлиги*) даврида (744—840) унинг барча фуқаролари «Уйғур» деб, 9-а.да У.нинг Идиқут (Турфон) давлати Хитой манбаларида «Кужу хонлиги» деб номланган. 11-а.да унинг ҳудуди ғарбда Кучар ш.дан *Буюк Хитой девори*гача чўзилган бўлиб, араб манбаларида «билод Уйғур» ёки «Йуғур»(ал-Марвазий) деб қайд этилган.

Уйғур аёли анъанавий тўй либосида.

У. мамлакати қад. маданият ўчоқларидан ҳисобланади; бу ҳудудда кўплаб қад. давлатлар, шаҳарлар мавжуд бўлган. У. қадимдан турли ёзувлардан (26 та) фойдаланган. Улар 5—6-а.лардан бошлаб махсус уйғур ёзуви ишлата бошлашган. Қад. уйғур мусиқа санъати Хитой мусиқасига катта таъсир кўрсатган. Уйғур халқи мусиқасининг гавҳари бўлган 12 мақом 16-а.да Омонниссохон томонидан тартибга солинган. У. ҳаётида тош, суяк, кумуш, мис ва темирдан турли зеб-зийнат буюмлари ясаш ривожланган. Улар қадимдан жун, ипак, пахтадан махсус дастгоҳларда мато тўқишган. Мил. бошларида (3-а.) улар томонидан ишлаб чиқарилган қоғоз, археологик қазишмалар натижасида топилган қоғоз нусхаларининг энг қад.си ҳисобланади.

Абдулаҳад Хўжаев, Абдухолиқ Айтбоев.

УЙҒУРСОЙ — Наманган вилояти *Поп тумани*даги шаҳарча. 1947 й. 31 дек.да ташкил қилинган. Яқин т.й. станцияси — Поп (13 км). Аҳолиси 1,4 минг кишига яқин (2003). Аҳолиси ва хўжаликлари Уйғурсой каналидан сув олади. Умумий таълим мактаби, касб-ҳунар мактаби, маҳаллий саноат корхонаси, кутубхона, алоқа бўлими, маданият саройи, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

УКИЁ-Э (японча, айнан — тез оқар дунё образлари) — 17—19-а.ларда япон рангтасвири ва графикасида шаклланган бадиий мактаб; шаҳар ҳаётининг ўсиши б-н боғлиқ ҳолда юзага келган; санъатда демократик анъаналарни акс эттирган. Рангтасвир усталари ва график рассомлар орасида «бидзин-га» («гўзалларни тасвирлаш») ҳамда бу жанрга яқин «якуся-э» («актёрларни тасвирлаш») жанри кенг тарқалди. Уларнинг қаҳрамонлари қиёфаларининг ташқи кўриниши шартли (тилла замин, рангларга бой) безаклар б-н уйғунлаштирилган. У.-нинг эркин йўналиши графикада, айниқса, ёрқин ифодаланган. Кўплаб нусха олиш имконини берадиган кесма *ксилография* усулида ишланиш граворларнинг кенг тарқалишини таъминлаган. Қўлда ишланган қизил ёки сариқ рангли даст-

Укиё-э. К. Утамаро. «Кир қуритиш» (рангли гравюра).

дабки У.-э. гравюраларига кейинчалик 2—3 рангли (асосан, пушти ва яшил) босмада соғлом, гўзал аёллар (Хисикава Морокобу, Окумура Масанобу) ва кўпол кучли, қудратли актёрларни (Тории Киёнобу, Тории Киёмицу) акс эттириш хос бўлган. У.-э. гравюраларининг кейинги ривожи манзара жанрининг тараққиёти б-н боғлиқ бўлди: Ватаннинг улуғвор образларини яратган Кацусика *Хокусай*, япон провинциялари табиатини атрофлича ишонарли содда акс эттирган Андо Хиросиге ва б. ижоди б-н белгиланади.

УККИЛАР (Bubo) — япалоққушлар уруғи. Уз. 30—72 см. Бошида «қулоқ» деб аталадиган патлари яхши ривожланган, бармоқлари патли. 12 тури маълум. Австралия ва Антарктидадан бошқа ҳамма қитъаларда учрайди. Оддий У. Африка, Европа ва Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда чўл, дашт ва тоғлардаги одам бормайдиган овлоқ ҳудудларда яшайди. Ерда, қоя тошлар орасида уя қуради; баъзан дарахтлардаги йирик қушлар ташлаб кетган уяларни эгаллайди. 2—6 та тухум қўяди. Ҳар хил майда қушлар, кемирувчилар, қуён, ўрдак, қурлар ва б. ҳайвонлар б-н озиқланади.

Укки.

УККОША МАСЖИДИ — Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (15-а.). Чорсунинг жан.-шарқида, Самарқанд дарвоза кўчасида жойлашган. У.м. Тошкентнинг энг машҳур ҳамла суви шифобахш ҳисобланган қад. Уккоша булоғи номи б-н аталган («Чорсу» меҳмонхонаси қурилиши муносабати б-н Чорсу жари ён бағрида жойлашган булоқ беркитиб ташланган). Мезанали дарвозахона (19-а. охири — 20-а. боши), ҳовли, ғарбда гумбазли хонақоҳ, унга туташ айвон ва пешайвондан иборат (пешайвон ва ҳовлининг шарқидаги дарвозахона 20-а. охирларида қайта қурилган). Хонақоҳ деворлари қалин, 4 равоқли. Ғарбидаги равоққа меҳроб ишланган, қолган равоқларига эшик ўрнатилган. Ишга қисми бурчакли, ташқи равоқ лентаси эгри чизиқли. Гумбази равоқларга таянган. Гумбаз ости равоқ-бағаллари ўзига хос. Айвон устунлари 4,8 ва 16 қиррали, устун кўзагидаги малоҳатлар нафис ишланган. У.м. Хожа Аҳрор Валий томонидан қурилган деб тахмин қилинади.

УКЛОНСКИЙ Александр Сергеевич (1888.5.11, Гомель ш. — 1972.16.2, Тошкент) — геолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1943). Геол.-минералогия фанлари д-ри (1920), проф. (1920), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. Москва ун-тини тугатган (1914). ТошДУ ва ТошПИда минералогия кафедраларини ва Ўзбекистон ФА Геология ва геофизика ин-тида минералогия ва геокимё бўлимларини ташкил этган. Тошкентда минералог-геокимёчилар мактабини яратган. У. Ўрта Осиё, Ўзбекистонда олтингугурт конлари минералогияси ва жойлашиш қонуниятларини ўрганган (1928—40), минералларнинг геокимёвий таснифини тузиб, дарслик ёзган (1940). Ўзбекистондаги оқар сувларнинг изотоп таркибини текширган. Геокимё фанига «протокристалл», «изотоп», «изобара», «параэлементлар» каби янги назарий тушунчалар киритган. У. Ўзбекистонда минералогия ва геокимё фанлари ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Янги топилган минерал *уклонсковит* деб аталган.

УКЛОНСКОВИТ — сувли сульфатлар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $NaMg[SO_4](OH)_2 \cdot 2H_2O$. 1964 й. Амударё қуйи оқими атрофларидаги неоген гиллари орасидан топилган. А. С. *Уклонский* номи б-н аталган. Қаттиқлиги 2, зичлиги 2,4 г/см^3. Моноклин сингонияда кристалланади. Япалоқ-чўзиқ призматик кристаллар ҳолида бўлади. Рангсиз, шаффоф, шишасимон ялтирайди. Сувда эримайди. Глауберит, астраханит, полигалит минераллари б-н ассоциацияда учрайди. Неоген ётқизиқлари пайдо бўлиши ва ундан кейинги диагенетик жараёнлар натижасида пайдо бўлган деб тахмин қилинади.

УКРАИН ТИЛИ — ҳинд-европа тиллари оиласидаги славян гуруҳига мансуб шарқий славян тилларидан бири. Асосан, Украинада, шунингдек, Беларуссия Республикаси ва РФнинг Украинага қўшни вилоятларида, Кубань ва Узоқ Шарқда, Польша, Словакия, Сербия, Канада, АҚШ, Аргентина, Австралия ва б. мамлакатларда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 46 млн., жумладан, Украинанинг ўзида 38 млн., РФ да 4,5 млн., Ўзбекистонда 150 минг, АҚШ ва Канаданинг ҳар бирида 500 минг кишидан ортиқ (20-а. нинг охирлари).

У.т.нинг 3 асосий лаҳжаси бор: жан.-шарқий (ўрта днепрбўйи, слобожан, дашт-чул шевалари), жан.-ғарбий (волинь-подольск, галич-буковина ва карпат шевалари) ва шим. (чапқирғоқ, ўнгқирғоқ, волинь-полесье шевалари). Ҳоз. адабий тили, асосан, жан.-шарқий лаҳжа асосида шаклланган.

У.т.нинг бошқа славян тилларидан фарқланувчи белгилари: фонетика соҳасида — илгариги г товушининг нисбатан тилорқа h товушидан фарқланиши, очиқ бўғинларда олдинги о, е товушларининг і га айланиши; морфология соҳасида — чақириқ келишигининг мавжудлиги, эркак жинсидаги отларда жўналиш ва ўрин келишикларининг ўзига хос қўшимчалари, сифат шаклларининг қисқариши; синтаксис соҳасида — ўзгармас феъл шакли шахссиз гапларнинг қўлланиши ва б.

Адабий У.т.нинг ривожланиш тарихи 2 босқичдан иборат: қадимги У.т. (14-а. — 18-а. ўрталари) ва ҳозирги У.т. (18-а. охиридан). Қадимги У.т.да юридик ва б. расмий ҳужжатлар, илмий наср, турли жанрлардаги бадиий адабиёт яратилган ва сақланиб қолган. Қад. У.т.нинг адабий меъёрлари Л. Зизанийнинг грамматикаси ва луғати (1596)да ҳам ўз аксини топган. Ҳоз. адабий У.т. Украинада И. Котляревский ва 18-а. охири — 19-а. бошларидаги бошқа ёзувчилар асарларининг майдонга келиши б-н барқарорлашган. Ҳоз. адабий У.т. тарихида Т.Г. *Шевченко* ижоди улкан роль ўйнади. Т.Шевченко умумхалқ сўзлашув тили негизида умуммиллий адабий У.т.га асос солди.

Ўтган асрнинг 20-й.ларида адабий У.т.да жиддий ўзгаришлар содир бўлди. У.т. Украина аҳолиси турли табақаларининг ижтимоий ва маданий ҳаётида кенг қўллана бошлади, публицистик, илмий ва расмий услубларнинг тез ривожланишини таъминлади. 50-й.ларда лексиканинг меъёрлардаги ва бир қанча фанлар терминологияларидаги бошбошдоқликларга барҳам берилди. Шу вақтдан бошлаб адабий У.т. меъёрлари ривожида янги босқич бошланди. Кейинги йилларда У.т.да рўй берган меъёрий ўзгаришлар, янги меъёрий вариантлар «Украин тили луғати»да (1—11-ж.лар, 1970—80) ўз аксини топади.

У.т.да қадимги рус ёзуви (кириллица) мерос бўлиб ўтган. Энг қад. ёзма ёдгорликлари: юридик ҳужжатлар (14—15-а.лар), диний-панднома мазмундаги асарлар (16-а.) ва б.

УКРАИНА (Україна) — Европанинг жан.-шарқида жойлашган давлат. Майд. 603,7 минг км^2. Аҳолиси 48,4 млн. киши (2002). Пойтахти — Киев ш. Маъмурий жиҳатдан Қрим Мухтор Республикаси ва 24 вилоят — Винница, Волинь, Днепропетровск, Донецк, Житомир, Закарпатье, Запорожье, Ивано-Франковск, Киев, Кировоград, Луганск, Львов, Николаев, Одесса, Полтава, Ровно, Суми, Тернополь, Харьков, Херсон, Хмельницкий, Черкасси, Черновци, Чернигов вилоятлари, Киев ва Севастополь ш.ларига бўлинади.

Давлат тузуми. У. — республика. Амалдаги конституцияси 1996 й. 28 июнда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2005 й. янв.дан Виктор Ющенко), у тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади ва 2 муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Олий Рада (парламент), ижроия ҳокимиятни бош вазир бошчилигида Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Табиати. У. ҳудудининг аксар қисми Шарқий Европа текислигининг жан.-ғарбий қисмига мансуб бўлиб, текислик ва ўр-қирлардан иборат. Жан.да Қрим тоғлари (бал. 1545 м гача) ва Ғарбда Украина Карпат тоғлари (бал. 206 м гача) бор. У. ҳудуди ғарбдан шарққа 1300 км, шим.дан жан.га 900 км га чўзилган. Қора денгиз соҳиллари, асосан, пасттекислик; қўлтиқ ва лиманлар бор. Азов денгизи соҳиллари эса песи, қум тиллари мавжуд. Рельефи — шим.-ғарбдан жан.-шарққа томон Волинь қирлари ва Подолия қирлари (энг бал. жойи 471 м — Камула тоғи), шарқроқда Жан. Буг б-н Днепр оралиғида Днепр бўйи қирлари жойлашган. Днепрнинг сўл соҳили, мамлакатнинг жан.-шарқий қисмида Азов бўйи қирлари бор. Украина Карпат тоғларининг жан.-ғарбида Закарпатье пасттекислиги ётади.

Украина герби.

Украина байроғи.

Геологик тузилиши жиҳатидан У. ҳудуди Шарқий Европа платформасининг жан.-ғарбий қисмидан ҳамда уни ўраб турган Карпат ва Қрим бурмали тоғларидан иборат. Платформада Украина кристалли массиви (қалқони), Волинь-Подолия платоси, Львов ботиғи, Донецк авлакогени, Днепр-Донецк, Қора денгиз бўйи ботиқлари ажралиб туради. Тоғли Қрим ва Шарқий Карпат тоғларининг бир қисми Альп *геосинклиналь* (бурмали) областига киради. Фойдали қазилмалардан тошкўмир ва қўнғир кўмир, нефть, табиий газ, темир, марганец, титан рудалари, симоб, боксит, тоштуз ва калий тузлари, графит, олтингугурт, қурилиш материаллари ва б. бор. Минерал сувли булоқ кўп.

Иқлими, асосан мўътадил континентал. Ғарбдан шарққа томон иқлимнинг континенталлиги кучаяди. Шим.дан жан.га томон ёз б-н қишнинг температурадаги фарқи ортиб, қор қопламининг қалинлиги ва сақланиш муддати, ёғин миқдори, нисбий намлик камайиб боради. Қрим я.о. нинг жан. соҳилида субтропик, Ўрта денгиз иқлими устун. Янв.нинг ўртача т-раси шим.-шарқда —7°, —8°, Қримнинг жан. соҳилида 2—4°; июлда шим.-ғарбда 18—19°, жан.-шарқда 23—24°. Йиллик ёғин шим.-ғарбда 600—700 мм, жан.-шарқда 300 мм гача, Қрим тоғларида 1000—1200 мм, Украина Карпат тоғларида 1200—1600 мм.

У. дарё шохобчаларининг жами уз. 170 минг км га яқин. Кўп дарёлари Қора ва Азов денгизларига қуйилади. Энг катта дарёси — Днепр. Йирик дарёлари — Днестр, Жан. Буг, Северский Донец, Прут, қисман Дунай. Уларнинг кўпи қишда музлайди. Йирик дарёларида ГЭСлар қурилган. 7 мингдан ортиқ кўл бор. Йириклари: Ялпуг, Катлабух, Сассиқ, Шагани, Алибей, Синевир ва б. Сув омборлари: Кременчуг (2250 км^2), Каховка (2155 км^2), Киев (922 км^2), Днепродзержинск (567 км^2) ва б.

Тупроқлари хилма-хил. Мамлакат шим. қисмида чимли-подзол тупроқларнинг турли типлари учрайди, ўтлоқи-ботқоқ ва торфли ботқоқ тупроқлар ҳам тарқалган. Ўрмонли дашт зонасида сур тусли ўрмон тупроқлари, подзоллашган ва ҳақиқий қора тупроқлар, дашт зонасида оддий ва жан. қора тупроқ, денгиз соҳилида тўқ каштан тупроқлар кўпроқ. Украина Карпат тоғларида ажриқли подзол тупроқлардан тортиб қора қайин ўрмон минтақаси, тоғ ўтлоқлари ва тоғ торфзорларида подзоллашган қўнғир тупроқларгача учрайди. Қрим тоғларида аксари қўнғир ўрмон ва тоғ-ўтлоқи тупроқлар, Қрим я.о.нинг жан. соҳилларида эса, қизил қўнғир ва жигарранг тупроқлар бор. У.да ўсимликларнинг 16 мингга яқин тури мавжуд. Шим.даги аралаш ўрмон зонасида қарағай, эман-қарағай, ўрмонли дашт зонасида граб-эман, эман, заранг-жўка ўрмонлар ўрмонсиз яйдоқ майдонлар б-н алмашиниб туради. Умуман У. ўрмон фондининг умумий майд. 9990 минг га. Қора денгиз бўйи субтропик ўсимликлар б-н қопланган. Ўрмонларда айиқ, лось, буғу, тўнғиз, ўрмонли дашт зонасида буғу, бўри, сувсар, олмахон ва б., қушлардан чил, хакка, зарғалдоқ, дашт зонасида юмронқозиқ, қўшоёқ, сичқон, тўрғай, бедана ва ҳ.к. яшайди. Дарё ва кўллари балиққа бой. Табиий ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси 20 та қўриқхонада сақлаб қолинган. Йириклари: Украина дашт, Қора денгиз биосфера, Полесье, Ялта тоғ-ўрмон, Карпат биосфера, Аскания-Нова, Луганск қўриқхоналари.

Аҳолиси. Асосий аҳолиси — украинлар (78% га яқин); рус, белорус, молдаван, қрим татарлари, болгар, венгер, румин, поляк, яҳудий, гагауз, ўзбек (12,5 минг) ва б. (ҳаммаси 130 миллат ва элат вакиллари) ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 66,9%. Аҳолининг аксарияти христиан (православ ва католик), шунингдек, яҳудийлик, ислом ва б. динларга эътиқод қилади. Йирик шаҳарлари: Киев, Харьков, Одесса, Запорожье, Днепропетровск, Донецк, Львов.

Тарихи. У. жанубида илк палеолит даврида одамлар яшаганлиги маълум (қ. *Кийик-коба*). Ўрта палеолит даврида *Мустье маданияти*га мансуб элатлар вакиллари ҳозирги У. ҳудудининг ан-



чагина қисмини эгаллаб олдилар. Сўнги палеолит даврида (35—40 минг йил аввал) бутун У. ҳудудида одам яшаи бошлаган. Мезолит даври (мил. ав. 10—7-минг йилликда балиқ овлаш, неолит даври (мил.ав. 6—4-минг йилликда деҳқончилик ва чорвачилик пайдо бўлди. Энеолит ва жез даврлари (мил. ав. 4-минг йиллик — 1-минг йилликнинг бошида деҳқончилик, чорвачилик ва кулолчилик анча юксалди (қ. *Трипилье маданияти*). Мил. ав. 2-минг йиллик охири — 1-минг йиллик бошларида Буг ва Днепр бўйи даштларида киммерий қабилалари яшаган. Мил. ав. 7-а.да Қора денгиз бўйидаги даштларга Осиёдан кўчманчи скиф қабилалари кириб келди. Мил. ав. 7—5-а.ларда Қора денгизнинг шим. соҳилларига греклар кўчиб келиб, шаҳар-давлатлар (Ольвия, Тира, Херсонес, Пантикапей ва б.)ни барпо этдилар. Мил. ав. 5-а.да эса Керчь ярим.да *Боспор подшолиги* ташкил топди. Мил. ав. 2-а.да У.нинг дашт ерларини *сарматлар* эгаллади. Мил. 3—6-а.ларда Қора денгизининг шим. соҳилларига гот, гунн, авар ва б. қабилалар келиб ўрнашди. 4—7-а.ларда вужудга келган Ўрта Днепр бўйларидаги тарқоқ шарқий славян қабилалари (византиялик муаллифлар уларни венедлар, антлар ва склавинлар деб атаганлар) 9-а. ўрталарида қабила иттифоқлари ва княжликларга бирлашиб, Киев Русини вужудга келтирдилар (қ. *Қадимги Рус давлати*). 1239—40 й.ларда бу давлат мўғуллар томонидан босиб олиниб, Олтин Ўрда мулкига айлантирилди. Руснинг бошқа қисмидан ажралиб қолган Украина ерлари 13—14-а.ларда полък, литва, венгер ва б. чет эл ҳукмдорлари қул остида бўлди («Украина» номи дастлаб жан.-ғарбдаги анчагина рус ерларига тааллуқли бўлиб, «кран» — чекка ёки четгара маъносини англатган; 16-а. охири — 17-а. бошларида у барча Украина ерларига тарқалиб, украин халқининг этник номига айланган). 15-а.да У.нинг жан. қисми ва Қрим я.о.да Қрим хонлиги ташкил топди.

1569 й. У. ҳудудининг аксари қисми бирлашган литва-полък давлати — Речь Посполита таркибига киритилди. Миллий ва диний зулмнинг кучайиши, синфий курашнинг авж олиши 15-а. охири — 16-а. 1-ярмида Запорожье казакларининг пайдо бўлишига олиб келди. Деҳқонларнинг казаклар томонига қочиб ўтиши кучайди. 16-а.да казаклар маркази — Запорожье Сечи ташкил топди ва у Қрим хонлиги, Усмонли турклар салтанати, полък-украин ҳукмрон доираларига қарши курашди. 1591—93 й.ларда гетман К. Косинский, 1594—96 й.ларда С. Наливайко раҳбарлигида деҳқон-казаклар қўзғолонлари бўлиб ўтди. 1648 й. Б. Хмельницкий бошчилигида украин халқининг ижтимоий ва диний-миллий истибдодга қарши озодлик кураши бошланди ва у миллий инқилобга айланиб кетди. Украина гетманлиги мустақил давлатга айланди. 1654 й. Мураккаб ташқи сиёсий ва ҳарбий вазиятда Б. Хмельницкий Москва б-н ҳарбий иттифоқ тузди, унга мустақил гетманлик ҳокимиятини сақлаб қолиш кўзда тутилди. Шу тариқа у Украина гетманлигини ташқи сиёсий жиҳатдан олиниишга эришди. Бироқ унинг вафотидан сўнг гетманлик ҳокимияти учун бошланган кураш узоқ давом этди (1657—76). Бундан фойдаланган Москва Украини ерлари устидан ҳақиқий назорат ўрнатиб олди. И. Мазепа гетман бўлган даврда (1687—1708) у рус-швед уруши вақтида (1708) Москва қасдидан қутулишга интилиб, Швеция қироли Карл XII томонига ўтди. Мазепадан кейинги гетманлар Россия империяси таркибида Украина гетманлигининг мухторият мақомини сақлаб қолишга интилдилар. Аммо подшо ҳукумати 1764 й. гетманликни батамом тугатди. 18-а.нинг 2-ярмида ўнг соҳил У. Россия империяси таркибига кирди. Польша ҳудуди 3 марта (1772, 1793 ва 1795) тақсимланганидан сўнг украин ерлари 2 империя — Россия ва Австрия-Венгрия таркибига ўтиб қолди.



19-а.нинг 20—30-й.ларида У.да миллий уйғонини жараёни бошланди. 19-а. охири — 20-а. бошларида сиёсий партиялар тузила бошлади. Россияда 1917 й. окт. тўнтаришни рўй берди, Россия ва Австрия-Венгрия империялари барбод бўлгач, украин сиёсий ҳаракати қатъий талаблар б-н майдонга чиқди ва миллий озодлик кураши даври ёки 1917—21 й.лардаги украин инқилоби бошланди. Ўша даврда У.да Украина Марказий Радаси, гетман Павел Скоропадский бошлиқ Украина Давлати, Украина Халқ Республикаси Директорияси украинларнинг ўз давлатини тузишга интилдилар. Аммо мураккаб ташқи ва ички сиёсий шароит, аввало Совет Россияси қўшинларининг бостириб кирганлиги украин инқилобининг мағлуб бўлишига олиб келди. 1921 й. Украина ССР эълон қилинди ва у 1922 й. 30 декл.да СССР таркибига кирди. Ғарбий Украина ерлари Польша таркибида қолди. Авваліга, 20-а.нинг 20-й.ларида совет У.сида украинлаштириш сиёсати ўтказилди. Бироқ 20-й.ларнинг охири — 30-й.ларнинг бошларида бу сиёсат тўхтатилди. Украин миллий зиёлилари оммавий қатағон ва қирғин қилина бошлади. 20-а.нинг 30—40-й.лари У. тарихидаги энг фожиали йиллар бўлди. 1921—23, 1932—33, 1946—47 й.ларда У.да ҳам очарчилик ҳукм сурди, украинлар оммавий равишда Сибирь, Олтой, Узоқ Шарққа, Қрим аҳолисининг бир қисми — Қрим татарлари 1944 й. Ўрта Осиёга сургун қилинди. 1954 й. Қрим вилояти РСФСР таркибидан У. таркибига ўтказилди.

20-а.нинг 50—70-й.ларида У.да кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий жараёнлар рўй берди, жумладан, саноат ривожланиб, шаҳарлар кенгайди. 80-й.лар охирида қайта қуриш сиёсати бошланиши б-н мухолифат ҳаракати кучайди, янги тузилган сиёсий ташкилотлар суверенитетга эришиш, демократияни ривожлантириш, миллий ва фуқаролик ҳуқуқлари учун кураша бошлади. Ниҳоят, 1991 й. 24 авг. куни У. мустақиллиги эълон қилинди. У. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР мустақиллигини 1992 й. 24 янв.да тан олган ва ўша йил 25 авг.да дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 24 авг. — Мустақиллик куни (1991).

Киев шаҳри.

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. 2000 й. бошларида У.да 100 дан ортиқ сиёсий партия, 1,5 минг жамоат ташкилоти бўлган. Энг оммавий ва нуфузли сиёсий бирлашма ва партиялари: У. Халқ Рух (У. Халқ Ҳаракати) ҳаракати (1989), Коммунистик партия, Социалистик партия (1991), Умумўкраин бирлашмаси — «Батькивщина» («Ватан», 1999), Социал-демократик партия (бирлашган, 1995), Регионлар партияси (2001), Кўкатпарварлар партияси (1990), У. касаба уюшмалари федерацияси (1990) ва бир қанча мустақил тармоқ касаба уюшмалари ҳам мавжуд.

Хўжалиги. У. — индустриал-аграр мамлакат. Миллий даромад таркибида саноат 30%, қ.х. 14%, хизмат кўрсатиш соҳаси 56% ни ташкил этади.

Саноати. Оғир индустрияда и.ч. саноатининг улуши жуда катта. Жумладан, кончилик саноати, қора ва рангли металлургия, кемасозлик, оғир машинасозлик, нефть кимёси ва кокс кимёси саноати, шунингдек, ҳарбий саноат мажмуаси ривожланган. Ўрмон, ёғочсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, бинокорлик материаллари и.ч., автомобилсозлик салмоқли ўрни тутади. Илм-фан ютуқларига асосланган саноат тармоқлари, айниқса, ракетасозликнинг улуши ортиб бормоқда. Жумладан, У.нинг «Зенит» элтувчи ракетаси ёрдамида халқаро «Денгиз старти» лойиҳасининг амалга оширилиши таъминланмоқда. Йирик иссиқлик ва атом электр ст-ялари, шунингдек, Днепр дарёсидаги ГЭС каскади (йириклари Днепр, Кременчуг, Каховка ГЭСлари) энергетиканинг асосини ташкил этади. 1986 й. Чернобиль АЭСда фалокат юз бериши оқибатида 3000 МВт қувватли 3 та энергетика блоки 2000 й.даги халқаро келишувга биноан ёпиб қўйилиши натижасида У.да электр энергия ҳосил қилиш бирмунча камайиб, 2003 й.да 179,5 млрд. кВт-соатга тушиб қолди.

У. иқтисодиётида кончилик саноати муҳим ўринга эга: тошкўмир (Донецк ва Львов-Волинь ҳавзалари), қўнғир кўмир (Днепр ҳавзаси), газ ва нефть (Карпатолди, Қора денгиз шельфи), темир рудаси (Кривой Рог ва Керчь ҳавзалари), марганец рудаси (Никополь яқини), калий (Карпатолди), тоштуз (Донецк ҳавзаси) ва б. фойдали қазилмалар қазиб олинади. Маҳаллий темир ва марганец руда конлари асосида ишловчи қора металлургия корхоналари чўян, пўлат, прокат, полиметалл конларига асосланган рангли металлургия корхоналари симоб, алюминий, титан, цирконий, никель, машинасозлик ва металлсозликнинг йирик корхонаси бўлмиш Новокраматорск машинасозлик з-ди домна ва мартен печлари учун ускуналар, шахталар учун машиналар, юк кўтариш механизмлари, темирчилик пресс ускуналари, экскаваторлар иш-

Киевдаги марказий бозор.

лаб чиқаради. Радиоэлектроника саноати, шу жумладан, телевизор ва ЭҲМлар и.ч. ривожланган. У.да тепловоз (Луганск), вагон (Днепродзержинск, Кременчуг, Кадиевка), автобус ва автоюклагич (Львов), енгил автомобиль (Запорожье), юк автомобиллари (Кременчуг) з-длари, кемасозлик (Николаев), Херсон, Киев самолётсозлик, станоксозлик, асбобсозлик, энергетика ва электр техника саноати корхоналари бор. Кимё ва нефть кимёси саноати корхоналари лок, бўёқ, синтетик смола, пластмасса, сунъий ва синтетик тола, кимёвий реакторлар, фотореактивлар, қ.х. ва рўзғорда ишлатиладиган турли маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Озиқ-овқат саноатида қанд-шакар, спирт, ёғ, гўшт, ун, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқарувчи кўпгина корхоналар мавжуд. Крим, Одесса, Херсон каби жан. вилоятларда ва Закарпатьеда виночилик, денгиз бўйи шаҳарларида балиқ саноати ривож топган. Енгил саноат тўқимачилик (ип газлама, мовут, шойи ва зиғир толали газлама и.ч.), тикувчилик, кўн-пойабзал, чинни з-д ва ф-каларини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги, асосан, дон, техника экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. У.нинг қ.х.га яроқли ер фонди 40,2 млн. гектарни ташкил қилади. Деҳқончиликда донли экинлардан кузги буғдой, маккажўхори, шоли, арпа, тариқ, гречиха ва б. етиштирилади. Боғдорчилик, полизчилик ва токчилик ривожланган. Техника экинларидан қанд лавлаги, кунгабоқар, узун толали зиғир, кўноқ, тамаки экилади. Картошка етиштирилади. Ўрмон-дашт ва дашт зоналарида доривор ва эфирмойли ўсимликлар экилади. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, қўй ва эчки, парранда боқилади. Бу тармоқ, асосан дашт зонасида, Карпат тоғлари ва Полесьеда ривожланган. Асаларичилик, пиллачилик, даррандачилик б-н ҳам шуғулланилади. Қора ва Азов денгизида балиқ овланади.

Транспортнинг ҳамма турлари ривожланган. Т.й. узунлиги 22,6 минг км, автомобиль йўллари узунлиги 172,3 минг км. Асосий денгиз портлари: Одесса, Ильичёвск, Херсон, Измаил, Мариуполь, Керчь. Днепр, Десна, Припять, Днестр, Дунай дарёларида кема қатнайди. Ильичёвск — Варна (Болгария) йўналишида денгиз пароми мавжуд. Нефть ва газ қувурлари қурилган. Киев яқинидаги Борисполь ш.да халқаро аэропорт бор. Туризм ривожланган. У. четга машина-ускуна, қора ва рангли металлар, темир ва марганец рудалари, озиқ-овқат (шу жумладан, қанд-шакар), енгил саноат маҳсулотлари чиқаради. Четдан энергия манбалари, асбоб-ускуна, истеъмол моллари олади. Россия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Туркманистон, Австрия, Польша, Белоруссия, Венгрия, Туркия, Қозоғистон, Ўзбекистон б-н савдо қилади. Пул бирлиги — гривна.

Тиббий хизмати. Давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббий муассасалар б-н бирга хусусий тиббий муассасалар ҳам ривожланган. 2000 й. бошларида 3 мингдан кўпроқ даволаш муассасида 500 мингга яқин ўрин бўлиб, уларда салкам 250 минг тиббий ходим хизмат қилди. Асосий курортлари: Қримнинг жан. соҳили, Азов денгизи ва Одесса атрофидаги курортлар, Трускавец, Миргород, Моршин, Карпат сиҳатгоҳлари.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 2000 й. бошларида 22 мингга яқин умумий таълим ўқув юртида 6600 мингдан кўпроқ ўқувчи таълим олди, салкам 570 минг ўқитувчи дарс берди; 665 олий ўқув юртида 560 минг талаба, ҳунар-техника мактабларида 510 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олди. Хусусий таълим тизимида 170 олий ўқув юрти ва 250 умумий таълим муассасаси бор. 20,4 минг оммавий ва универсал кутубхонанинг умумий китоб фонди 339 млн. нусхадан иборат, 6 минг кино қурилма мавжуд. Клуб типидаги 20,2 минг маданият муассасаси, 386 музей, жумладан, 123 ўлкашунослик, 134 тарих ва археология, 63 санъатшунослик, 44 адабиёт музейи мавжуд.

Ялта шаҳрининг Қора денгиз соҳили.

У.да 1490 тадқиқот илмий ва илмий-техникавий фаолият б-н шуғулланади, уларда 10 мингдан ортиқ фан д-ри ва 60 мингдан ортиқ фан номзоди ишлайди. Миллий Фанлар академияси, Таълим ва фан вазирлиги, У. аграр ФА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тиббиёт ФА, Аграр сиёсат вазирлиги тизимларидаги илмий муассасалар олий малакали илмий кадрлар тайёрлаш б-н шуғулланади. У. Миллий ФА, олий мактаб тизими ва тармоқ вазирликларида йирик илмий муассасалар фаолият юритади.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. У.да 2,5 мингдан кўпроқ газ., 2,2 мингга яқин жур. ва б. нашр этилади. Йириклари: «Голос України» (украин тилидаги газ., 1991 й.дан), «Урядовий кур'єр» («Ҳукумат хабарчиси», украин тилидаги газ., 1990), «Дзеркало тижня» («Ҳафта ойнаси», украин тилидаги газ., 1994), «День» («Кун», рус тилидаги газ., 1996), «Літературна Україна» («Украина адабиёти», украин тилидаги газ., 1927), «Факты и комментарии» («Факт ва шарҳлар», рус тилидаги газ., 1997), «Вечерние вести» («Кечки хабарлар», рус тилидаги газ., 1998), «Бизнес» (рус тилидаги газ., 1992), «Україна молода» (украин тилидаги газ., 1991), «Україна» (жур., 1941), «Сучасність» («Замонавийлик», украин тилидаги жур., 1961), «Політична думка» («Сиёсий фикр», украин тилидаги жур., 1993), «Дніпро» (украин тилидаги жур., 1927), «Галицькі контракти» («Галиция шартномалари», украин тилидаги жур., 1990), «Деловая Украина» («Ишбилармон Украина», рус тилидаги жур., 1992), «Політика і культура» («Сиёсат ва маданият», украин тилидаги жур., 1999), «Перець» («Қалампир», украин тилидаги сатирик жур., 1927), «Барвінок» (украин тилидаги ёшлар жур., 1928).

У.даги етакчи ахборот агентликлари: «Украина миллий ахборот агентлиги» (УКРИНФОРМ, 1981 й. тузилган, 1990 й.дан мустақил), «Украина мустақил ахборот агентлиги» (УНИАН, 1993), «Українські новини» («Украина янгиликлари», 1993). У.да телекўрсатув ва радиоэшиттириш тармоғи ривожланган. 2000 й. бошида 560 дан ортиқ теле ва радиокомпания ҳамда ташкилот фаолият юритди. Етакчи телекомпаниялар: «У. миллий телекомпанияси» (1995), «Интер» (1995), «Янги канал» (1998), «1+1» (1995), «ICTV» (1992), «СТБ» (1997). У.да радиоэшиттиришлар 1924 й.дан, телекўрсатувлар 1951 й.дан бошланган.

Адабиёти. У. адабиётининг илк манбалари қад. рус панд-насиҳатлари, авлиё-анбиёлар ҳақидаги ривоят ва қиссалар, 11—13-а.ларга оид йилномалардан бошланади. Киевда яратилган Остромир инжили (1056—57), «Ўтган йиллар қиссаси» (тахм. 1113) Киев Русидаги илк адабий ёдгорликлардир. 14—15-а.ларда йилнома ва воқеа-ҳодисалар тарихидаги адабий асарлар дунёга келди. Кейинроқ халқ шеърий ижодиёти, шу жумладан, тарихий қўшиқлар, қаҳрамонлик достонлари, севги ва меҳнат қўшиқлари, халқ эртаклари пайдо бўлди. 16—17-а.ларда мунозарали адабиёт ва илоҳиётга доир адабиёт муҳим роль ўйнади. [Герасим Смотрицкий, Василь Суразский, Мелетий Смотрицкий (машҳур «Грамматика» дарслиги муаллифи, 1619), Йоаникий Галятовский, Петро Могила (Шарқий Европадаги дастлабки академик ўқув юрти асосчиси; кейинчалик унинг номи б-н Киев-Могила академияси деб номланган, 20-а.нинг 90-й.ларида қайта тикланган), Иван Вишенский, Феофан Прокопович, Игнатий Потий, Захар Копистенский ва б.]. Бу даврда Львовда Иван Фёдоров томонидан У. ҳудудида биринчи китоб — «Апостол» нашр этилди. Европа Уйғониш даврида адабиёт тез ривожланди, 17—18-а.ларда адабий мавзулар кенгайиб, ғоявий-услубий жиҳатдан бойиди, хилма-хил жанрлардаги асарлар яратила бошлади. Ёзувчи, шоир ва маърифатпарвар Г.С. Сковорода (1722—94)нинг ижоди қад. украин адабиётининг хотимаси, янги украин адабиётининг муқаддимаси бўлди («Харьков масаллари» тўплами, «Илоҳий қўшиқлар бўстони» шеърлар тўплами).

19—20-а. бошларида мумтоз украин адабиёти шаклланди. И. Котляревский (6 қисмдан иборат «Энеида» достони), П. Гулак-Артемовский, Г. Квитка-Основьяненко, И. Франко, Л. Украинка, П. Мирний, О. Пчилка, Н. *Гоголь*, М. *Коцюбинский* ва б.ларнинг асарлари машҳур бўлди. Буюк қобизчи Т. *Шевченко* эса янги украин адабиётига асос солди. 20-а.да В. Сосюра, П. Тичина, М. *Рильский*, М. Кулиш, О. *Гончар*, И. Ле, М. Стельмах, П. Загребальний, Б. Олейник, В. Симоненко, М. *Бажан*, И. Драч, М. Мовчан ва б. кўпгина адиблар яратган насрий ва назмий асарлар, А. Корнейчук пьесалари У. адабиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ҳоз. замон украин адабиёти миллий анъаналарни замонавий Европа ва жаҳон маданияти тажрибаси б-н қўшиш руҳида ривожланиб бормоқда.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. У. ҳудудида илк палеолит даврига мансуб турар жой қолдиқлари, одам ва ҳайвон ҳайкалчалари сақланиб қолган. Дастлабки иншоот ва бинолар Византия меъморлиги таъсирида тикланган. Киевдаги Аё София собори ва Олтин дарвоза (11-а.нинг 1-ярми) шу даврга оид ёдгорликлардир. Умуман, У. меъморлиги Европа меъморий анъаналари руҳида ривожланиб келган, жумладан, тошдан қалъа ва саройлар қурилган, тасвирий ва амалий безак санъат асарлари яратилган. 14—16-а.ларда Волинь, Подолье ва Галицияда кўпгина истеҳком ва монастирлар барпо этилди. 16-а. 2-ярми ва 17-а. бошлари У. меъморлигида Уйғониш даврининг таъсири сезилади, халқчиллик унсурлари кўрина бошлади. 18-а. бошларида Сўл соҳил У.да барокко услуби устунлик қилган бўлса, тез орада рококо услуби ҳам кириб келди, дунёвий меъморлик санъати ривожланди. 18-а. охири — 19-а. бошларида эса классицизм етакчи мавқени эгаллади, жумладан, шаҳарларни шу услубда қайта қуришга киришилди. 19-а. охири — 20-а. бошларида бошқа меъморлик услублари қўшилган эклектик услуб устун бўлди. Совет даврида маҳобатли бинолар кенг ёйилди, аммо барибир оддий универсал меъморий лойиҳалар етакчи ўрин эгаллади.

20-а.нинг 30—40-й.ларида У. шаҳар ва қишлоқларини режа асосида қайта қуришда халқ меъморлиги шаклларидан фойдаланилди. 50—60-й.ларда шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклаш ва янгиларини барпо этишда улуғворлик ва безакдорликка зўр берилди. 70-й.лардан бошлаб типовой блоксекциялар ва йиғма уй конструкцияларидан фойдаланишга киришилди. Ҳоз. замон У. меъморлиги миллий услублардан ҳам, жаҳон тамойилларидан ҳам фойдаланиб, У.нинг европача қиёфасини шакллантиришга интилаётир. В. Городецкий, И. Кавалеридзе, Е. Вучетич номлари украин меъморлиги ва ҳайкалтарошлигининг фахри бўлиб қолган. Кейинги йилларда хароб аҳволга тушиб қолган тарихий ёдгорликларни қайта тиклашга катта эътибор берилди, жумладан, Киев ш.даги Михайлов

Одесса порти.

Златоверх собори, Киев-Печера лаврасининг Успение собори таъмирланиб, асл ҳолига келтирилди. Киев, Харьков, Львов ва б. шаҳарларда кўркам жамоат ва турар жой бинолари барпо этилди.

У. рассомлиги, аввало, ибодатхоналарни безатиш эҳтиёжи туфайли юзага келди. 16-а. безак рассомлиги ва ҳайкалтарошлик ривожланди. Ўрта асрлар рассомлигида китоб миниатюраси ҳам катта ўрин эгаллади, ёғоч гравюраси ривожлана бошлади, керамика, ёғоч ўймакорлиги, чилангарлик, заргарлик, каштачилик юксалди. Т.Г. Шевченко романтизм усулларини ижодий ўзгартириб, портрет, манзара ва б. жанрларда гўзал асарлар яратди. 18-а. охири — 19-а. бошида У. тасвирий санъатида классицизм таъсири сезилади. 19-а.нинг 2-ярми — 20-а. бошларида украин санъатида реалистик тамойиллар ривож топди.

Замонавий украин рассомлигида китоб графикаси, дастгоҳ графикаси, сиёсий плакат, театр ва кино безак санъати, портрет, манзара каби жанрлар ривожланган. Т.Н. Яблонская, В. И. Касиян, М. Г. Лисенко, М. Г. Деревус ва б. машҳур. Санъатнинг барча турлари бўйича кадрлар Киев тасвирий санъат ин-ти, Львов амалий ва безак санъати ин-ти, Харьков саноат рассомлиги ин-ти, Львовдаги полиграфия ин-ти, бир қанча махсус ўрта ўқув юртларида тайёрланади. У. мустақилликка эришгач (1991), 1992 й.да У. рассомлар уюшмаси У. Миллий рассомлар уюшмаси сифатида қайта тузилди (раиси — В. А. Чепелик). Уюшма таркибида вилоят бўлимлари, 4308 аъзо бор. 1998 й. Украина Президенти фармони б-н «Рассомлар куни» касб байрами таъсис этилган.

Мусиқаси шарқий славянлар халқ мусиқаси асосида вужудга келган. Киевдаги София соборининг деворий суратларида турли созларни чалиб турган мусиқачилар тасвирланган. Халқ мусиқаси дастлаб бир овозли, кейинчалик кўп овозли (*гетерофония* ва *гармония* тузилишида) вокал, вокал-чолғу ва чолғу шаклларида ривожланган. Скрипка, басоля, кобза, бандура, торбан, цимбала, лира каби мусиқа асбоблари бор.

У. профессионал мусиқаси Киев Руси давридан бошланган. Князь саройларида, черковларда махсус қўшиқчилар бўлган. 16—17-а.ларда шаҳарларда мусиқачилар уюшмалари, мусиқа мактаблари ташкил топди. 18-а.да крепостной мусиқа капеллалари, оркестрлари, опера ва балет труппалари ишлай бошлади. 1810 й. Одессада опера театри очилди. 19-а. 2-ярмида украин профессионал мусиқа мактаби шаклланди. Украин мумтоз мусиқаси миллий опера асарлари б-н бойиди (С. Гулак-Артемовскийнинг «Дунай ортидаги запорожьелик», П. Сокальскийнинг «Дубна қамали», «Мазепа», М. Аркаснинг «Катерина» асарлари ва б.). Н. *Лисенко*, К. Стеценко, М. Леонтович, Б. Лятошинский, Л. *Ревуцкий*, В. Косенко, ака-ука Г. ва П. Майборода каби композиторларнинг фаолияти украин мумтоз мусиқаси ривожида муҳим ўрин олади.

20-а.нинг 2-ярмида мусиқа арбобларидан И. Козловский, Б. Гмиря, А. Соловьяненко, Ю. Гуляев, халқ ва эстрада қўшиқлари ижрочиларидан Н. Яремчук, В. Ивасюк, Н. Матвиенко, С. Ротару, О. Ковальска, Ю. Багатиков халқаро миқёсда машҳур бўлдилар. «Евровидение-2004» фестивалида хонанда Руслана Лижичко 1-ўринни олди. Киев, Одесса, Львовда консерватория, Харьков санъат ин-ти, Донецк мусиқа-педагогика ин-ти, бир қанча маданият ин-тлари, мусиқа билим юртлари бор.

Ўзбекистонда Н. Лисенконинг «Полтавалик Наталка» (Муқимий театрида), Г. Майбороданинг «Арсенал» (Навоий театрида) асарлари саҳналаштирилган. Л. Ревуцкий Тошкент консерваториясида композиция кафедраси мудири (1941—1944) бўлган, шогирдлари орасида И. И. *Акбаров* ҳам бор.

Театри. У. театр санъати сарчашмалари мажусийлик даври халқ расм-русумларидан бошланади. Христианлик қабул қилингач, халқ актёрлари — скоморохлар ижоди ривожланди. 16-а. охирларида У. ҳудудига Ғарбий Европадан кириб келган диний драма аста-секин реалистик тус олиб, интермедия ва интерлюдия жанрлари тутила бошлади, шу тариқа замонавий комедияга асос солинди. 17—19-а.да «вертеп» деб аталган халқ кўғирчоқ театри ривожланди.

Украин театрининг вужудга келиб, камол топишини Киев-Могила академияси б-н боғлайдилар (17-а. 2-ярми — 18-а. боши). 18-а. охирларида Суд қирғоқ Узлин дворян кўргонларида крепостной театрлар, дворян ва б. табақа вакилларидан иборат ҳаваскорлик театрлари ҳам пайдо бўлди. Профессионал театр 18-а. охири — 19-а. бошларида ташкил этилди. И. Котляревскийнинг «Полтавалик Наталка» ва «Москаль-чаривник» пьесалари У. театри тарихида янги даврни бошлаб берди. Биринчи доимий опера театри Одесса ш.да очилди (1809). Кейинчалик бундай театрлар Киев ва Харьковда ҳам пайдо бўлди. 20-а. бошларида У. театр санъати юксак даражага кўтрилди. М. Кропивницкий, М. Старицкий, И. Карпенко-Карого, Н. Лисенко, М. Садовский, Ю. Лавривский ва б. мумтоз театрни камол топтирдилар. 20-а.нинг 90-й.ларидан давлатга қарашли бўлмаган янги уюшмалар ҳисобига профессионал театрлар сони кўпайиб, 2000 й.да 130 тага етди. Киев драма ва комедия театри, Ёшлар театри, Поэзия театри, Донецк, Днепропетровск, Запорожье, Суми ёш томошабинлар театрлари жаҳон мумтоз драматургияси асарлари б-н бирга маҳаллий муаллифларнинг пьесаларини кўрсатмоқда. Профессионал ва ҳаваскор жамоалар учун кадрлар Киевдаги И. К. Карпенко-Карого номидаги театр санъати ин-тида, Харьковдаги И. П. Котляревский номидаги санъат ин-тида, Киев, Харьков, Донецк маданият ин-тларида тайёрланади.

Каменец-Подольский шаҳридаги қалъа.

Киноси. У.да дастлабки хроника филмлари 19-а.нинг 90-й.ларида яратилган. 1896—1906 й.ларда харьковлик фотограф А. К. Федецкий хроникал киноленталари намойиш этган. 1911—14 й.ларда кинооператор Д. Сахненко реж. И. К. Садовский б-н бирга «Полтавалик Наталка» ва б. спектаклларини суратга олди. 1917—19 й.ларда Ялта ва Одессада хусусий кинотасмалар ишланди. 1922 й.дан мунтазам равишда бадиий филмлар ишлаб чиқарила бошлади. 1928 й. Киевда катта кинофабрика (ҳоз. А. Довженко номидаги Киев киностудияси) очилди. Биринчи кетма-кет А. Довженконинг «Муҳаббат меваси» (1926), «Звенигора» (1928), «Ер» (1930), «Аэроград» (1935) ва б. фильмлари яратилди. 50—60-й.ларда режиссёрлардан И. Савченко («Тарас Шевченко», 1951), С. Параджанов («Унутилган аждодларнинг соялари», 1965), В. Иванченко («Қора илон», 1965), шунингдек, Ю. Ильенко, Л. Осика, Л. Быков, К. Муратова, Р. Балаян ва б.ларнинг фильмлари экранга чиқарилди. Кино актёрларидан И. Миколайчук, Б. Ступка, М. Яковченко, Н. Ужвий, Л. Чайка, А. Роговцева, К. Степанков, Ю. Мажуга, Л. Гурченко, О. Борисов, Б. Бенюк, Залиповскийлар сулоласи, Е. Паперний ва б.ларнинг номи машҳур бўлди. Мустақиллик йилларида (20-а.нинг 90-й.ларида) У. киноси янги босқичда ривожлана бошлади.

Ўзбекистон — У. муносабатлари. У. — Ўзбекистон алоқалари қад. анъаналарга эга. 20-а. бошларида ҳоз. Ўзбекистон ҳудудига украин деҳқонлари кўчиб келганлар. 20—30-й.ларда кенг иқтисодий, маданий ва илмий алоқалар йўлга қўйилди. 2-жаҳон уруши йилларида У.нинг немис-фашистлари босиб олган ҳудуд аҳолиси Ўзбекистонга эвакуация қилинди. У.нинг бир қанча саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалари Ўзбекистонга кўчирилди. Бу ерга келган кўпгина фан ва маданият арбоблари маданий ҳаётда фаол қатнашдилар. М. Бажан, М. Терешченко ва б. украин адиблари Ўзбекистонда ижод қилдилар. Урушдан кейинги даврларда украин ва ўзбек адабий алоқалари янада ривожланди. П. Тичина, А. Корнейчук, М. Бажан, М. Терешченко, Иван Ле ва Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, К. Яшин, А. Қаҳҳор, Ш. Рашидов, Зулфияларнинг ижодий дўстлиги мустаҳкамланди. Т. Шевченко, Л. Украинка, П. Тичина, М. Бажан, Иван Ле, О. Гончар, М. Рильский, А. Малишко асарлари ўзбек тилига, Навоий, Мукимий, Фурқат, Ҳамза, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Зулфия, Миртемир асарлари украин тилига таржима қилиниб, нашр этилган. Тошкент ш.да Т. Шевченко ҳайкали ўрнатилган ва шаҳарлари кўчаларидан бири унинг номи б-н аталган.

Ўзбек театрларида украин драматургларининг пьесалари саҳналаштирилган. 2-жаҳон уруши даврида И. Франко номидаги украин академик драма театри Тошкентда ишлади. Ўзбек томошабинлари А. Корнейчукнинг «Макар Дубрава», «Платон Кречет», «Фронт», А. Левадининг «Фауст ва ўлим» асарларини кўришга муяссар бўлдилар. И. Котляревскийнинг «Полтавалик Наталка» (Тошкентдаги Муқимий номидаги театр), «Запорожьелик Дунай ортида» (Наманган театри) тарихий асарлари саҳналаштирилди. Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида Г. Майбороданинг «Арсенал» операси қўйилган. 2-жаҳон уруши йиллари Тошкент консерваториясида П. И. Чайковский номидаги Киев консерваторияси ўқитувчилари (проф. Л. Ревуцкий, Д. Бертье, К. Михайлов) ишладилар. 1966 й. апр.даги Тошкент зилзаласи оқибатларини тугатиш ва янги уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилишида украин қурувчилари фаол иштирок этдилар.

1991 й. У. ва Ўзбекистон мустақилликка эришгач, икки мамлакат ўртасида 1992 й. 14 авг.да дипломатия муносабатлари ўрнатилди. 1998 й. 18 фев.да Ўзбекистон Республикаси б-н Украина ўртасида Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги шартнома имзоланган. ЎзР билан У. ишончли стратегик ҳамкор бўлиб қолди. ЎзР ва У. давлат ҳамда ҳукумат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари натижасида 40 га яқин муҳим ҳужжатлар имзоланиб, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жаҳон сиёсати соҳасидаги фикрларининг бир-бирига яқинлиги қайд этилди. Иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик ўрнатиш ҳақида келишиб олинди. Кўп томонлама ҳамкорлик бўйича тузилган Ўзбекистон — У. қўшма комиссияси 2 томонлама муносабатларни мувофиқлаштириб туришди. Ваколатли банклар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ва тўловлар борасида алоқа ўрнатилган. Айни пайтда Ўзбекистон билан У. ўртасида эркин савдо тартиби жорий этилган. Натижада У. МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорларидан бирига айланди. 2003 й. ЎзР билан Украинг умумий товар айланмаси 280 млн. АҚШ долларини ташкил этди. У. ЎзР га металлургия саноати маҳсулоти, хизматлар, нефть ва газ саноати учун жиҳозлар, энергетика жиҳозлари, двигателларнинг қисмлари, насос, центрифугалар, руда ничиш машиналари, электр генераторлар, вагонлар учун тилдиракларни ва б. кобради, ЎзРдан хизматлар, энергия манбалари, рангли металлар, нахта, озиқ-овқат маҳсулотлари (қуритилган мевалар) олади. 1996—2003 йиллар мобайнида Украина Ильичёвск порти орқали 325 минг т Ўзбекистон пахта толаси хорижга жўнатилди.

ЎзРда У. нашбилармонлари иштирокида тузилган 40 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Унда эса ЎзР сармояси иштирокида 22 қўшма корхона ташкил этилган. Икки мамлакатнинг айрим ҳудудлари, жумладан, Навоий ва Запорожье, Самарқанд ва Львов, Қашқадарё ва Суми вилоятлари ўртасида узоқ муддатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган.

Украина ва ўзбек халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари руҳида маданият, фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар самарали давом этиб келмоқда. У. ҳудудида яшовчи ўзбек ва ЎзР ҳудудида яшовчи украин диаспораларининг эҳтиёжларини таъминлаш ишлари йўлга қўйилган.

Алексей Васильевич Ясь.

УКРАИНА КРИСТАЛЛИ ҚАЛҚОНИ — Шарқий Европа платформаси жан.-ғарбий қисми фундаментининг палахсали кўтарилиши. Днепр дарёсининг ўрта ва қуйи оқими бўйлаб чўзилган бўлиб, майд. 200 минг км² атрофида. Бурмаланган фундамент меридионал чуқур ёриқлар б-н Волин-Подольск, Белая Церковь-Одесса, Кировоград, Днепр олди ва Азов олди блокларига бўлинган. У.к.қ. катархей гранит-гнейслари ва турли шох алдамчиси — биотитли гнейслардан иборат. Буларга органик моддаларга бой жинслардан ҳосил бўлган графит ва графитли гнейс конлари ёндашган. Архей қалин қатламида асосли ва ўта асос жинслар ҳамда гранит интрузиялари бор. Кривой Рог свитасининг умумий қалинлиги 1500 м бўлиб, қумтош, кварцит, филлит, тальк, серицит, хлоритли сланецлар ва карбонат жинсларидан иборат. У.к.қ.нинг кристалли фундаменти жойларда кайнозой ётқизиқлари б-н қопланган. У.к.қ.га Кривой Рог темир рудали ҳавзаси ёндашган. Қалқонни қоплаган тоғ жинслари б-н Днепровск-Криворожье кўмир ҳавзаси, Никополь марганец рудалари кони боғлиқ.

УКРАИНА МИЛЛИЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — Украинанинг олий давлат илмий ташкилоти. 1918 й. 27 нояб.да ташкил этилган. Киев ш.да жойлашган. Унинг 1-президенти — машҳур геолог олим ва геокимётар В. И. *Вернадский*. Дастлаб академия 3 ин-т, 15 комиссия ва миллий кутубхонани бирлаштирган 3 илмий бўлимдан иборат бўлган. Академия таркибидаги 3 секция, 14 бўлим, 170 га яқин ин-т ва бошқа илмий муассасада 13 мингдан ортиқ илмий ходим ишлайди. ФАнинг 500 дан зиёд ҳақиқий ва мухбир аъзоси, 130 хорижий аъзоси бор. 7 минтақавий илмий марказ, 2 илмий кутубхона, 2 нашриёт мавжуд, 80 га яқин илмий жур., монография, маълумотнома, дарслик, луғат, илмий-оммабоп адабиётлар нашр этади. Академияда турли йўналишдаги илмий мактаблар шаклланган. Жумладан, Е. О. *Патон*нинг электр пайвандлаш, В. М. Глушковнинг кибернетика мактаблари жаҳонга машҳур. Академия 50 дан ортиқ мамлакатнинг илмий марказлари б-н ҳамкорлик қилади. Академия МДҲ мамлакатлари ФАларини бирлаштирувчи Халқаро ФА ассоциациясини тузиш ташаббускори. 20 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ишида қатнашади. Президенти Б.Е. *Патон* (1962 й.дан).

УКРАИНЛАР — халқ. Украинанинг асосий аҳолиси (37,42 млн. киши). РФда 4362,8 минг киши, Қозоғистонда 896,2 минг киши, Белоруссияда 291 минг киши, Ўзбекистонда 153,2 минг киши, Қирғизистонда 108 минг киши, Латвияда 92,1 минг киши, Канадада 530 минг киши, АҚШда 500 минг киши, Польшада 300 минг киши, Аргентинада 100 минг киши яшайди. Умумий сони 46 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). *Украин тили*да сўзлашади. Диндорлари — православлар, бир қисми униатлар. У. руслар ва белоруслар қатори

Украинлар анъанавий кийимда (Киев ш.).

шарқий славянларга мансуб. Уларнинг умумий этник асосини 10-а.га келиб яқин қардош шарқий славян қабилаларидан шаклланган ва ўз давлати — *Киев Русини* барпо этган қад. рус элати ташкил қилган. Кейинчалик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт ва қад. рус ерларининг сиёсий тарқоқлиги шароитида (12—14-а.лар) қад. рус элати асосида 3 та қардош халқ — рус, украин ва белорус халқлари шаклланган. Тахм. 14—15-а.лардан У. ўзига хос тили, хўжалиги ва маданияти асосида мустақил этник бирлик сифатида майдонга келди. 16—17-а.ларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт, халқнинг литва, поляк, венгер агрессияларига, турк-татар босқинчиларининг талончилик хужумларига қарши кураши натижасида украин элати уюшган ва мустаҳкамланган (яна қ. *Украина*).

УКРОП, шивит (Anethum) — соябонгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик, баъзан икки йиллик ўтсимон ўсимлик; сабзавот экини. Осиё ва Африкада 4 тури ўсади. Бир йиллик хушбўй У. (A. graveolens) тури Евросиё, Америка ва Африкада, Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистонда У. қадимий экин ҳисобланади. Илдизи ўқ илдиз, ер устки қисми ўртача шохланган, бал. 18—36 см, 6—12 та тик турувчи сочма барглардан иборат. Гули соябон, икки жинсли. Уруғи майда, оч ва тўқ жигарранг. У. совуққа чидамли, ёруғсевар, дастлабки ривожланиш пайтида намликка айниқса талабчан. Барглари таркибида С, B_1, B_2, РР, Р витамин-



Укроп: *1* — соябони; *2* — ёш ўсимлиги.

лари, каротин, фолат кислота, темир, калий, кальций, фосфор тузлари, эфир мойлари мавжуд. У. кундалик озиқ-овқат истеъмолида, бодринг, помидор ва б. сабзавотларни тузлашда ишлатилади, тиббиётда турли дорилар тайёрланади, саноатда У. ёғи олинади. Уруғи 7—20 кунда униб чиқади, 30—40 кунда ўрилади, 60—70 кунда тўлиқ гуллайди. Ўсув даври қисқа бўлганлиги учун У.ни бир неча марта экиб, ҳосил олиш мумкин. Қишда иссиқхоналарда, очиқ далага эрта баҳорда экилади. Экиш чуқ. 2—3 см. Ўзбекистонда У.нинг Ўзбекистон-243 ва Ором навлари экилади.

Ад.: Ҳакимов С. А., Ҳакимов А. С., Тошмуҳамедов А. А., Укроп, сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги, Т., 2003.

УЛАМО (араб. — олим сўзининг кўплиги — билимдон) — ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (фақиҳ)лари, шунингдек, диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча ислом дини олимлари.

УЛАН-БАТОР, Улаанбаатар (монголча — Қизил Ботир) — шаҳар, *Монголия* пойтахти. Богдо-Ўла тоғи этагида, Тола дарёси водийсида, 1325 м баландликда жойлашган. Иқлими кескин континентал, январнинг ўртача т-раси —27°, июлники 18°. Йиллик ёғин 250 мм. Аҳолиси 691 минг киши (1999). Алоҳида маъмурий бирлик қилиб ажратилган.



Шаҳарга 1639 й.да асос солинган. Дастлаб Мўғулистонда кўчманчи ҳаёт кечирувчи ламаизм черкови бошлиқларининг қароргоҳи — Ортоо (Урга) бўлган. 1706 й.дан Их-хурээ (Буюк ибодатхона), 1911 й.дан Нийслэл-хурээ (Пойтахт ибодатхонаси) деб аталган. 18-а.нинг 2-ярмидан Их-хурээ манжур ноиби қароргоҳи ва Ташқи Монголиянинг маъмурий маркази. Савдо йўлида жойлашган Их-хурээ йирик савдо марказига айланган. 1911 й.дан Нийслэл-хурээ — Ташқи Монголия Мухториятининг энг йирик шаҳри. 1921 й. 6 июлда Монголия Халқ Республикаси пойтахти деб эълон қилинган.

У.-Б. — транспорт йўлларининг муҳим чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг йирик саноат ва маданият маркази. Ялпи саноат маҳсулотининг 1/2 қисмидан ортиғи У.-Б.да ишлаб чиқарилади. Енгил саноат (жун ювиш, пустин тикиш, кўн-тери ва б. ишлаб чиқариш) ривожланган. Полиграфия к-ти, қурилиш материаллари и.ч., ёғочсозлик ва металлсозлик корхоналари, автомобиль таъмирлаш з-длари, озиқ-овқат саноати, иссиқлик электр ст-ялари мавжуд. Монголия ФА, ун-т, музейлар, театрлар бор. У.-Б.да замонавий режа асосида Ҳукумат уйи, турар жой бинолари қурилган.

УЛАН-БАТОР УНИВЕРСИТЕТИ — Монголиядаги энг йирик олий ўқув юрти. 1942 й. асос солинган. 1951—61 й.ларда ун-т факультетлари негизида пед., тиббиёт ва қ.х. институтлари ташкил этилган. Физика, мат., кимё, биол., иқтисодиёт, филол., ижтимоий фанлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонасида 50 мингга яқин асар сақланади. Ун-тда 4 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

УЛАН-БУРГАСИ — Ғарбий Байкалорти (Бурятия Республикаси)даги тоғ тизмаси. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа чўзилган. Турка ва Курба дарёлари оралиғида. Уз. 200 км га яқин. Бал. 1400—1800 м, энг баланд жойи 2049 м (Хурхат тоғи). Гранит жинслари ёриб чиққан қад. метаморфик жинслардан ташкил топган. Тоғ этакларида ва жан. ён бағирларида 700—800 м баландликкача тоғ-дашт ўсимликлари, юқорида тилоғочли тайга, 1600 м дан юқориси қурумлар б-н қопланган.

УЛАНОВА Галина Сергеевна [1909.26.12 (1910.8.1), Петербург — 1998, Москва] — балет артисти. Халқ артисти (1951). Замонавий энг йирик балериналардан. Ленинград хореография билим юртини тугатган (1928). 1928—44 й.лар Ленинград опера ва балет театри, 1944—60 й.лар Катта театр (Москва)да балерина. Одетта — Одиллия («Оққуш кўли»), Жизель («Жизель»), Жульетта («Ромео ва Жульетта», Золушка («Золушка»), Аврора («Уйқудаги гўзал»), Мария («Боғчасарой фонтани») каби партияларнинг моҳир ижрочиси сифатида танилган. Унинг санъати рақснинг барча ифода воситаларининг носиб уйғунлиги б-н алоҳида ажралиб турди. 1960 й.дан Катта театрда балетмейстер-репетитор бўлган.

Улан-Батор шаҳри. Сухэ-Батор майдони.

УЛАН-УДЭ (1934 й.гача — Верхнеудинск) — РФ Бурятия Республикаси пойтахти. Селенга дарёси ўнг соҳилида. Транс-Сибирь т.й. магистралидаги муҳим т.й. чорраҳаси. Селенга дарёсидаги пристань. Аҳолиси 359,4 минг киши (2002). 1666 й.да казакларнинг Удинское қишлоқ жойи сифатида вужудга келган. 1689 й.дан Верхнеудинск қалъаси, унинг атрофида шаҳар шаклланди. 17-а.да Забайкалье ҳудудининг маъмурий ва ҳарбий маркази. 1783 й.дан Иркутскноиблигининг, кейинчалик Иркутск губерниясининг уезд шаҳри; 1851 й.дан Забайкалье вилояти таркибида. Йирик савдо маркази. 1899 й.да шаҳар орқали Сибирь магистралининг ўтиши иқтисодий ривожланишига олиб келди. 1905 й.гача сургун жойи эди. 1920 й. апр.—окт.да Узоқ Шарқ Республикасининг пойтахти. 1921—22 й.ларда Узоқ Шарқ Республикасининг Бурятлар мухтор вилояти маркази. 1923 й.дан Бурят-Монголия мухтор ССР (1958 й.дан Бурятия мухтор ССР) пойтахти. 1934 й. 27 июлда У.-У. (Қизил Уда) деб аталди. Машинасозлик ва металлсозлик (авиация, приборсозлик, кемасозлик, «Теплоприбор» ва б. з-длар), енгил, озиқ-овқат, ёғочсозлик корхоналари, шиша з-ди бор. Россия ФА Сибирь бўлими филиали, 4 олий ўқув юрти, 4 театр (шу жумладан, опера ва балет театри) фаолият кўрсатмоқда. Музейлардан тарихий,

Улан-Удэ. Этнография музейи.

этнография, бадиий бурят тоши, Шарқ санъати, табиат ва б. музейлар мавжуд. Филармония бор. Меъморий ёдгорликлардан Одигитриев собори (18-а.), карвонсарой (19-а. бошлари) ва б. сақланган. Аэропорт бор.

УЛАРЛАР, тоғ куркалари (Tetraogallus) — *қирғовуллар* оиласи уруғи. Уз. 60 см гача. Оёқлари кучли; нарининг оёғида калта пихи бор. Яхши юради. Тоғ ён бағирлари ёки дараларда юқоридан пастга кенг қанотларини ёйиб (қоқмасдан) парвоз қилади. 5 тури бор. Кавказ У.и — Кавказ тоғларида; Каспий У.и — Закавказье ва Копетдоғда; Ҳимолай, ёхуд қора қоринли У. — Гиндукуш ва Помир-Олойда, тибет У.и — Шарқий Помирда, олтой У.и — Олтой ва Саянда тарқалган. Ўрмон минтақасининг юқори чегарасида уя қуради. Алп ўтлоқларида озиқланади. Қишда қор кам тушган тоғ ён бағирларига кўчиб ўтади. 3 тури Россия ва б. мамлакатлар Қизил китобига киритилган.

УЛГИ — қ. *Аотва*.

УЛГУРЖИ БОЗОР — товар истеъмолчиларига ёки уларни чакана сотадиган харидорларга товарлар йирик тўп (партия)лари б-н кўтарасига сотиладиган бозор. Улгуржи ёки майда улгуржи харидор-воситачи (дилер)лар тармоғи орқали амал қилади. Хоз. савдо компанияларининг асосий қисми фақат У.б.да фаолият кўрсатади (қ. *Бозор*).

УЛЕКСИТ, боронатрокальцит — сувли боратларнинг кичик синфига мансуб минерал. $NaCa[B_5O_6]\cdot 8H_2O$. Моноклин сингонияда кристалланади. Ранги оқ, ипаклек ёки шишасимон ялтирайди. Шаффоф, ёруғлик ўтказиш хусусиятига эга. Қаттиқлиги 1—2,5, зичлиги 1,9—2 г/см³. Мўрт, иссиқ сувда эрийди. Хемоген — чўкинди генезисга эга, гиперген минерал сингари кўллардаги чўкиндиларда учрайди. Бор рудаси. Конлари РФ (Индер), АҚШ (Невада), Аргентина, Чили ва Хитойда мавжуд.

УЛИН (Ohlin) Бертиль (1899.23.4, Клиппан — 1979, Стокгольм) — швед иқтисодчиси ва сиёсат арбоби. Стокгольм олий мактаби ва Копенгаген ун-ти (1924—29), Стокгольм олий савдо мактаби (1929—65) проф. Швеция савдо вазири (1944—45). 1949—60 ва 1969—70 й.ларда Европа Кенгашида, 1955—70 й.ларда Шим. кенгашда Швециянинг вакили. Швеция халқ партияси раиси (1944—67). У. «Минтақалараро ва халқаро савдо» асарида Э. Хекшер ва П. Самуэльсон б-н бирга *ишлаб чиқариш омиллари*нинг халқаро тақсимоти назариясига асос солди. У халқаро савдо ва халқаро капитал ҳаракати назарияларига ҳам катта ҳисса қўшди. *Кейнс* қарашларини ривожлантирган ҳолда давлат хусусий тадбиркорлар ва монополиялар учун қулай шароитлар яратиб бериши мумкин бўлган мутаносиб рақобат, монополия ва давлат томонидан тартибга солиш назариясини асослаб берган. К. Викселл ва Э. Линдалнинг издоши бўлиб, иқтисодий тараққиётнинг «швед модели»ни бутунлай қўллаб-қувватлади. Нобель мукофоти лауреати (1977, Ж. *Мид* б-н бирга).

Ад.: Фомин Б. С., Эконометрические теории и модели международных экономических отношений, М., 1970.

УЛКАН ҚОРАШЎР — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ҳудудидаги шўрхок. Қумлик ўртасида. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа чўзилган. Уз. 8 км, эни 2 км. Қор ва ёмғир сувлари тўпланиб туради. Шўрхокда шўрга мослашган эфемер ўсимликлар ўсади.

УЛОМОВ Валентин Иванович (1933.7.1, Тошкент) — геофизик, сейсмолог. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1984), физика-мат. фанлари д-ри (1974), проф. (1982). Ўрта Осиё политехника ин-тининг геол.-разведка ф-тини тугатган (1958). Тошкент марказий сейсмик ст-ясининг мудири (1960), Ўзбекистон ФА Сейсмология ин-тида директор ўринбосари (1966—90). *Тошкент зилзиласи* оқибатларини ўрганиш ва зилзилани башорат қилиш масалалари соҳасида сейсмологик тадқиқотлар олиб борган. Биринчи марта радон зилзила даракчиси эканлигини аниқлаган. Ўрта Осиёда Ер пўсти тузилиши ва динамикасини зилзила башорати нуқтаи назаридан ўрганган. У. 1990 й.дан Москвадаги Ер физикаси ин-тида илмий ходим, континентал сейсмик жараённи ўрганиш ва сейсмик районлаштириш лаб. мудири (1991). Россиянинг умумий сейсмик р-нлаштириш харитасини тузишга раҳбарлик қилган (1997). Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981).

Ад.: Динамика Земной коры Средней Азии и прогноз землетрясений, Т., 1974, Глубинное строение Земной коры юго-востока Средней Азии, по данным сейсмологии, Т., 1966.

УЛОТРИКС (Ulothrix) — улотриксдошлар оиласига мансуб ипсимон шохланмаган кўп ҳужайрали *яшил сув-ўтлар* туркуми. Ҳужайрасида битта тасмасимон хроматофор, битта ёки бир нечта пиреноид, битта ядро бор. Бир вақтнинг ўзида жинссиз ва жинсий кўпаяди. Айрим ҳужайраларида тўрт хивчинли зооспоралар етишса, қўшни ҳужайраларида икки хивчинли изогаметалар ҳосил бўлади. Зиготаси редукцион бўлиниб, гаплоид ҳужайралар ҳосил қилади. Уларнинг биридан янги У. униб чиқади. У.нинг 25 тури чучук сувлар ва денгизларда тарқалган.

Улан-Удэ. Этнография музейи.

этнография, бадиий буят тоши. Шарқ санъати, табиат ва б. музейлар мавжуд. Филармония бор. Меъморий ёдгорликлардан Одигитриев собори (18-а.), карвонсарой (19-а. бошлари) ва б. сақланган. Аэропорт бор.

шер ва П. Самуэльсон б-н бирга *ишлаб чиқариш омилларининг* халқаро тақсимоти назариясига асос солди. У халқаро савдо ва халқаро капитал ҳаракати назарияларига ҳам катта ҳисса қўшди. *Кейнс* қарашларини ривожлантирган ҳолда давлат хусусий тадбиркорлар ва монополиялар учун қулай шароитлар яратиб бериши мумкин бўлган мута-

сий кўпаяди. Айрим ҳужайраларида тўрт хивчинли зооспоралар етилса, қўшни ҳужайраларида икки хивчинли изогаметалар ҳосил бўлади. Зиготаси редукцион бўлиниб, гаплоид ҳужайралар ҳосил қилади. Уларнинг биридан янги У. униб чиқади. У.нинг 25 тури чучук сувлар ва денгизларда тарқалган.

УЛОҚ, кўпкари — Ўрта Осиё халқларининг қад. оммавий, миллий ўйинларидан бири. Асосан, ғалаба ва ҳосил байрамлари, тўй ва сайиллар муносабати б-н ўтказилган. Ҳукмдор ва ҳар хил амалдорлардан ташқари ўзига тўқ одамлар, ҳатто оддий аҳоли ҳам У. ўйинларини ташкил этган. Кўпроқ хатна (чипрон) тўйларида расм бўлган. У. туркий халқлар, айниқса, уларнинг қўнғирот, қурама, минг, манғит, ойрат, ёйилма, кенегас, қипчоқ, барлос каби уруғлари орасида оммалашган. У. томошалари олдидан махсус жарчилар қишлоқ, овулларга юборилиб, одамлар гавжум жойларда, бозорларда У. ким томонидан, қаерда, қачон ва нима мақсадда ўтказилаётганлигини ҳамда қўйиладиган совринларни эълон қилган. Турли жойда ҳар хил қоида бўйича (чорток, судратма, марра, пойга, пакка, минбар ва б. номлар б-н аталган) У. ўйини уюштирилган. У. кўнгилочар томоша ёки шунчаки ўйин бўлмасдан ўғил болалар, йигитларни мард, жасур, эпчил, довюрак қилиб тарбиялаш вазифасини бажарган. У. ўйинлари от наслини яхшилашга, чидамли, тез ҳаракат қиладиган зотларини кўпайтиришга ёрдам қилган. Қорабайир, араби, ахалтекин, қурама, лақай, кустанай, қорабоғ ва ҳоз. Орлов от зотлари У.чи отлар ҳисобланади.

У. халқ ўйини, асосан, 2 қисмдан — солим (қоқма) ва пойгадан иборат. Солим (қоқма). Чорток устидаги баковуллар (ҳакамлар) улоқ (сўйилиб ички аъзолари, бош ва оёқлари кесиб олинган эчки ёки бузоқ)ни тўдага ташлайди. Тўдадаги чавандозлар У.ни олиб, тортишиб, энг кучлиси У.ни маррага етказиб бериши лозим. Ким У.ни маррага ёлғиз ўзи ҳалол олиб келса, унга аввалдан белгиланган мукофот тақдим этилади. Катта тўйларда мукофотга пул, мато, кийим, гилам, қўчқор ва б. қўйилади. Пойга, у 2 турдан иборат: отда чавандознинг пойгаси (қ. *Пойга*) ва У. билан чопиш пойгаси. У. билан пойгада белгиланган жойдаги У.ни олиш учун ҳакамлар рухсат бергандан кейин чавандоз от чоптириб бориб У.ни ердан кўтариб олиши ва маррага етказиши керак.

Кейинги йилларда У. ўйинлари спорт турига киритилди ва Ўзбекистонда республика миқёсида расмий мусобақалар, халқаро турнирлар ўтказила бошланди (яна қ. *От спорти*). 1998 й. Самарқанд вилоятининг Челак туманида, 1999 й. «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланиб Навоий вилоятининг Хатирчи туманида республика мусобақалари ташкил қилинди. 1-халқаро мусобақа Навоий вилоятидаги Исломобод жамоа хўжалигида бўлиб ўтди (1999 й., 27—29 нояб.), унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон ва Ўзбекистон терма жамоалари б-н бирга Навоий, Самарқанд вилояти вакиллари алоҳида жамоа сифатида иштирок этди.

У.нинг спорт тури сифатида халқаро миқёсида 38 мамлакатда (2004 й.) тан олинишида Ўзбекистон от спорти ва улоқ федерацияси томонидан У. мусобақаларининг умумий қоидалари ишлаб чиқилиши ва Халқаро «кўк бўри» (У. — кўпкари) федерациясининг таъсис этилиши (2001 й. 7—11 нояб., Бишкек)нинг аҳамияти катта бўлди.

Ўзбекистонда алоҳида Улоқ-кўпкари федерацияси тузилди (2002 й. 29 апр.). Федерация туман, вилоят, республика мусобақаларини уюштиради.

Ад.: Самибеков Р., Чавандознинг белбоғи, Т., 1998; Йўлдошев С., Жўраев Н., Улоқ — шижоатли ва жасур суворийлар ўйини, Фарғона, 2002.

Талъат Усмонхўжаев, Жўрақўзи Турдиматов.

УЛОҚ — 6 ойликкача бўлган эчки боласи. Эчкичиликда улоқ жун ва тивит йўналишида яйловда онасидан ажратилмай, сут йўналишида бўлса ажратиб парвариш қилинади (4 ойлик бўлгач, оналаридан, эркаклари урғочиларидан ажратилади). Онасидан ажратиб боқилганда 1 ойлик У.ларга бир кунда 4—5 соат оралиқ б-н 4 марта (200—250 г дан), 3 ойлик У.ларга 3 марта (150 г дан) сут ичирилади. Шунингдек, У. 10 кунлик бўлгач сутга қўшиб 200 г, 2—3 ойлик даврда 800 г пиширилган суюқ сули аталаси берилади. 3—4 ҳафталик У.лар ўтлашга қўйилади.

Паркентда улоқ мусобақаси.

УЛУС (мўғулча — давлат, халқ, одамлар) — 1) *Мўғуллар давлати* шаклланиш даври (13-а. бошида) мулки бир хонга тобе бўлиб, унга қарашли ерларда кўчманчилик б-н ҳаёт кечирувчи катта-кичик оилалар гуруҳи; 2) *Чингизхон* тузган илк мўғул давлати; 3) *мўғуллар истилоси* даврида босиб олинган ҳудудлардан Чингизхон фарзандларига бўлиб берилган мулк (удел)лар (мас., Жўжи улуси, Чиғатой улуси ва б.). 13-а.нинг 2-ярмида бу У.лар мустақил давлатларга айланиб, номигагина салтанат ҳукмдори — улуғ қоонга бўйсунганлар. 15—17-а. охирларида У. — Мўғулистондаги ширик ер мулки ва мусулмон адабиётида Чингизийлар давлатларининг аталиши. Мўғулистон манжурлар томонидан босиб олингач, мамлакат аймоқлар ва хошунларга ажратилган. «У.» атамаси мулк маъносида қўлланилмайдиган бўлган ва аста-секин «халқ» маъносини англата бошлаган. Ҳоз. вақтда «У.» атамаси «давлат» атамасининг синоними сифатида ишлатилади; 4) бурятлар ва қалмиқлар Россия таркибига киритилгандан сўнг «У.» атамаси Окт. тўнтаришигача феодал мулк, сўнгра маъмурий бирлик маъносини сақлаб қолган.

УЛУСБЕГИ — улус ҳокими. 13—18-а.ларда Ўрта Осиёда У. ўз улусида олий ҳукмдор номидан иш юргизган. У. лавозимига, одатда, хоннинг қариндош уруғлари тайинланган. У. олий ҳукмдорнинг ҳар хил топшириқларини бажарган, уруш пайтида сафарга ҳукмдор б-н бирга отланган.

УЛУҒ АЙВОН, ўнг айвон — Хоразм уйларида ҳовлининг шим. томонига *терс айвон* қаршисида қуриладиган баланд айвон. Орол денгизидан келган салқин шамолни уй ичига йўналтириш учун қўлланилган.

УЛУҒ ЖУЗ — қ. *Катта жуз.*

УЛУҒ МУҲАММАД (? — 1445) — Олтин Ўрда хони (1419—37, танаффуслар б-н), *Қозон хонлиги* асосчиси. Жалолиддиннинг ўғли, *Тўхтамиш*нинг набираси. Идику (Едигей) вафотидан сўнг Олтин Ўрда тахтини эгаллаб, 1419—23 й.ларда *Ўзбек улуси*га (*Жўжи улуси*нинг шарқий қисми) эга бўлиш учун (темурий *Шоҳрух* б-н бўлган иттифоққа суянган ҳолда) *Бароқ* б-н қаттиқ кураш олиб борган. Бароқдан мағлуб бўлгач, 1423 й. Волга Булғориясига кўчган, лекин 1426 й. Литва буюк князи Витовт кўмагида яна Олтин Ўрда тахтига ўтирган. 1428 й. турк султони Мурод II б-н дўстона алоқа ўрнатиб, Қримни ўз ҳокимиятига тобе этган. 1433 й. Москва князи Василий II Васильевичга улуғ князлик ёрлиғини берган. Ўзаро ички курашлардан заифлашган ва мамлакат ичкарисида ўзига мустаҳкам таянч топа олмаган У.М. 1437 й. тахтни Кичик Муҳаммадга беришга мажбур бўлган. Ока дарёси бўйидаги Белёв ш.га кўчган. 1438 й. ўз ўрдаси б-н Ўрта Волгага кўчган ва Волга Булғорияси аҳолисини бўйсундириб, Янги Қозон хонлигини барпо этган. Шим.-Шарқий Русга бир неча бор юришлар қилган (1439 й. Москвага, 1444—45 й.ларда Муром, Рязань ва Суздалга). 1445 й. Москва улуғ князи Василий II ни асир олган. У.М. сулоласи 1521 й. барҳам топган.

«УЛУҒ ТУРКИСТОН» — Тошкент ш.да ташкил топган зиёлиларнинг «Иттифоқ» жамиятининг нашр органи. 1917 й. 25 апр.дан Тошкент ш.да чиқа бошлаган. Газ.га Солиқ Абдусатторов, Кабир Бакиров, П. Домогатский муҳаррирлик қилган. «У. Т.» дастлаб (41 сонига қадар) «Туркестанские ведомости» матбаасида, кейинчалик «Умид» матбаасида чоп этилган (жами 155 сони чиққан). 137- сонидан бошлаб газ.нинг охирги саҳифаси кирилл имлоси (русча)да берилган. Шунингдек, газ.нинг яна алоҳида 9 та илова сонлари ҳам нашр қилинган. «У.Т.» «Яшасин миллатлар мухторияти» шиори остида иш юритган. Газ. да турли тоифадаги ва турли сиёсий қарашларга тааллуқли зиёлилар, уламолар ҳам иштирок этган. Лазиз Азиззода, Мухтор Бакиров, Мустафо Чўқаев, Файзулла Хўжаев, Шерали Лапин, Шокиржон Раҳимий, Ғози Юнус, Абдурауф Фитрат, Нушервон Ёушев, Юсуф Халилий каби зиёлиларнинг мақолалари босилган. «У.Т.» 1917—18 й.ларда Туркистондаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларни ёритиб борган. Саҳифаларидан янги тузила бошлаган миллий сиёсий жамиятлар, уларнинг ўзаро алоқа ва фаолиятлари, жамиятлар томонидан нашр қилинаётган газ. ва жур.лар, Туркистон мусулмонларининг қурултойлари, Туркистон мухторияти, большевикларнинг ўлкада олиб борган сиёсати ва б. материаллар ўрин олган. «У.Т.» 1918 й. Туркистон АССР ички ишлар комиссарлиги ихтиёрига ўтгач, 1918 й. нояб.да комиссар Ориф Клеблеевнинг буйруғи б-н тўхтатилган.

Абдухолиқ Мингноров.

УЛУҒ ЮРТ — *Чингизхон* вафотидан сўнг *Мўғуллар давлати* таркибида ташкил топган улуслардан бири. Унга Мўғулистон, Шим. Хитой, Тангут ва Корея қараган. Қоон (улуғ хон) уни бошқарган ва ясса (мўғул қонунлар мажмуаси)га биноан улуслар (*Жўжи улуси, Чиғатой улуси* ва элхонийлар ёки ҳулокуийлар)нинг барчаси унга бўйсунган. Лекин *Мункэ* қоон вафотидан сўнг улуслар амалда У.Ю.га бўйсунмай қўйганлар ва ўзларини мустақил идора қила бошлаганлар. *Ўқтойхон* даври (1227—41) да Шим. Хитой ва Корея (1234), *Хубилай* ҳукмронлиги йиллари (1260—94) Хитойнинг жан. қисми ҳам У.Ю.га бўйсундирилган. Шу вақтдан бошлаб пойтахт Қорақурумдан Хонбалиққа (ҳоз. Пекин) кўчирилган. Лекин хитойларнинг *Мин* сулоласи ҳокимиятни қўлга олгач, мўғуллар Хитойдан бутунлай қувиб чиқарилган (1368). Қоонлар ҳукмронлиги (*Тулихон* авлоди) фақатгина Мўғулистоннинг ўзида сақланиб қолган ва 17-а.гача давом этган.

УЛУҒБЕК (тахаллуси; асл исми Муҳаммад Тарағай) [1394.22.3, Султония ш., Эрон Озарбайжони — 1449. 27.10, Самарқанд] — буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби. *Шоҳрух*нинг ўғли, *Амир Темур*нинг набираси. Соҳибқироннинг «беш йиллик юриш»ида (1392—96) Ироқдаги *Мордин* қалъасини қамал қилиш чоғида туғилган. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида ёзишича, Амир Темур ҳузурига чопар келиб У.нинг туғилгани ва мунажжимлар бу невара келажакда ҳам олим, ҳам ҳукмдор бўлишини башорат қилганлари хушхабарини етказади. Соҳибқирон хурсандлигидан Мордин қалъаси қамалини тўхтатиб, унинг халқига юкланган тўловни бекор қилади. Унинг ўз набирасига Муҳаммад Тарағай ва Улуғбек деб исм қўйганини ҳам мунажжимларнинг юқоридаги башорати б-н боғлаш мумкин.

Амир Темур У. тарбиясига алоҳида эътибор берган ва уни давлат аҳамиятига молик тадбирларда қатнаштирган. *Клавихо*нинг қайд этишича, У. бобосининг хорижий элчиларини қабул қилиш маросимларида иштирок этган. 1404 й. *Конигил*да ўтказилган тантаналарда Амир Темур олтита набирасининг (жумладан, У.нинг) никоҳ тўйларини ўтказган. Тўйда Соҳибқирон У.ка Тошкент, Сайрам, Янги (ҳоз. Тароз), Ашпара ва Мўғулистонни то Хитой ҳудудигача суюрғол қилиб берган. Амир Темур Ўтрорда вафот этган чоғда У. ҳам ўша ерда бўлган. Темурийлар ўртасида тожу тахт учун кураш бошланган. Ўтрордан қайтган Шоҳрух фарзандлари — У. ва Иброҳим Султонни амирлар пойтахт Самарқандга киритмайдилар, улар Бухородан паноҳ топишган. Самарқанд тахтини *Халил Султон* эгаллаган. Хуросонни бошқариб турган Шоҳрух У.ка дастлаб Андхўй б-н Шибирғонни, кейинчалик Хуросоннинг Тус, Хабушон, Калот, Бовард, Насо, Ёзир, Сабзавор ва Нишопурдан иборат қисмини бошқаришни топширган. 1410 й. Шоҳрух Мовароуннаҳрни ўз тасарруфига киритгач, уни идора этишни Туркистон вилояти б-н бирга У.ка топшириб, Соҳибқирон васиятини қайта тиклаган. У. ёш (15 ёш) бўлгани сабабли амир Шоҳмалик унга ҳомий этиб белгиланган. Лекин Шоҳмаликнинг рақиби — Ўтрордаги Шайх Нуриддин ва Муҳаммад Жаҳонгирнинг Ҳисордаги волийлари 1410 й. баҳорида У. ва Шоҳмаликка қарши чиққанлар. Шу йилнинг ёзида Шоҳрух иштирокида бўлган жангда Шоҳмалик ва У. ғалаба қилганлар. 1411 й. сент.да Шоҳрух Самарқандга келиб, Шоҳмаликни ўзи б-н Ҳиротга олиб кетган ва кейинчалик Хоразмга ҳоким қилиб юборган (1413). Шу вақтдан бошлаб У. Мовароуннаҳрни мустақил идора этишга киришган. Шоҳрух Мовароуннаҳрда бошқа темурий шаҳзодаларга ҳам мулк ажратган эди. Чунончи, Ҳисори Шодмонни *Муҳаммад Султон*нинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир мирзога, Ўзганд вилоятини Умаршайхнинг ўғли Амирак Аҳмадга суюрғол қилган эди. Бироқ улар У.ка тобе эдилар. 1414—15 й. улар ўртасида ихтилоф чиқиб, У. Амирак Аҳмад устига қўшин тортган ва уни енгган. Шоҳрух Амирак Аҳмадни Хуросонга чақиртириб олган; Қашғар ҳам то 1428 й.гача У.ка тегишли бўлган.

У. ўз ҳукмронлиги давомида 2 марта йирик ҳарбий юриш қилган. Биринчисида 1425 й. Мўғулистон хони Шермуҳаммад ўғлон (1421—25) ўзини мустақил хон деб эълон қилганда, У. унга қарши юриш қилиб зафар қозонган. У.нинг 2-юриши Сиғноқ ш. томон бўлган. Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси У. тасарруфида эди. У. 1427 й. Сиғноқ яқинида унинг мулкига таҳдид қилган Бароқ ўғлон (қ. *Бароқ*) б-н тўқнашган ва мағлубиятга учраган. Душман У.ни таъқиб қилиб, Самарқанд остоналаригача келган.

Мирзо Улуғбек (Акмал Икромжон асари, 1994).

Мовароуннаҳр хавф остида қолганлиги туфайли Шоҳрух Хуросондан катта лашкар тортиб келиб хавфни бартараф этади.

Шоҳрух вафоти (1447, 12 мартдан кейин) У.нинг катта ўғли Абдуллатиф ворис сифатида Темурийлар ҳукмдори бўлиб қолади. Лекин Шоҳрухнинг қаттиққўл хотини Гавҳаршод бегим бу ҳақда ўз фикрига эга эди. У Шоҳрух даврида Темурийларнинг пойтахти бўлиб қолган Ҳирот тахтига марҳумнинг 3-ўғли бўлмиш *Бойсунғур* мирзонинг ўғли ва суюкли набираси Алоуддавла мирзони ўтқазиш тарафдори эди. Гавҳаршод бегим Ҳирот тахтига Алоуддавлани ўтқазганини У.ка нисбатан иссён деб қаралмоғи керак эди. Шунинг учун У. 1448 й. баҳорида Абдуллатиф б-н биргаликда 90 минг аскар б-н Хуросонга келиб, Ҳирот яқинида бўлган жангда Алоуддавлани тор-мор қилади. Ғалаба Абдуллатифнинг шахсий шижоати ва лашкарбошилик истеъдоди туфайли эришилган бўлса ҳам, У. фатҳномани кичик ўғли Абдулазиз номидан эълон қилади. Ундан ташқари, бобоси Шоҳрух томонидан Абдуллатифга васият қилинган Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъаси ва унинг ичидаги бойликларини ҳам У. Абдулазизга беради. Шундан сўнг У. билан Абдуллатиф ўртасидаги муносабат очиқ душманлик тусини олади.

У. Самарқандда Абдулазизни қолдириб, лашкар б-н катта ўғлига қарши жангга юради. Абдуллатиф ҳам ўз лашкари б-н Амударё ёқасига келиб туради. Иккала лашкар ҳам ларёнинг 2 соҳилида узоқ муддат туриб, сувни кечиб ўтишга ботинмайди. Бу орада У., Абдулазиз лашкардаги амирларнинг оилаларини таъқиб этаётир, — деган хабарни эшитиб, Самарқандга қайтиб келишга мажбур бўлади ва шаҳар аҳолисининг Абдулазизга қарши иссён кўтарганининг гувоҳи бўлади. Тезда шаҳарни тартибга келтириб, яна Абдуллатифга қарши жангга йўлланади, лекин Самарқанд яқинида ундан мағлубиятга учрайди. Орадан кўп ўтмай, У. Абдуллатиф бир-рути б-н қатл этилди. Унинг жасади Гури Амир мақбарасига дафн этилган (қ. *Амир Темур мақбараси*).

У. оқсоқ Шоҳрух даврида сиёсий ҳукмдор сифатида ички ва ташқи сиёсат бобида оқилона мустақил бўлган. Бошқа давлатлар б-н дипломатик ва савдо-сотиқлик муносабатларини олиб борган. У. даврида Самарқандда иншоотчилик, меъморлик, адабиёт, умуман илм-фан ривожланди. Шаҳарда ҳунармандчилик, тижорат гуллаб-яшнади. 1417 й. Самарқандда (1420), Гиждувонда (1432—33) мадрасалар ва Марказий хонақоҳ мажмуалари қурилди. Мадрасаларда динни фанлар б-н бирга дунёвий фанлар ҳам ўқитилди, кўпроқ аниқ фанларга аҳамият берилди. Бибихоним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шоҳизинда ва Регистон мажмуалари қурилишлари поёнига етказилди. Бундан ташқари, мамлакатда кўплаб жамоат иншоотлари (работ-сарой, ҳаммом, работ ва ҳ.к.) барпо этилган (У. даврида Мовароуннаҳрдаги ички ва ташқи сиёсат, ҳарбий алоқалар, пул муомалалари, иқтисоди, маданий ҳаёт ҳақида қ. *Темурийлар*).

Илмий ва маданий мероси. У. Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг энг юқори поғонасига олиб чиқди. Унинг қилган энг буюк иши — Самарқанд илмий мактабини ўша давр академиясини барпо этганлиги бўлди. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олимлар фаолият олиб борган. Улар орасида энг иириклари Қозизода *Румий*, Ғиёсиддин Жамшид *Коший* эди. У.нинг илмий мактаби ўз фаолиятида ўрта асрларнинг машҳур олимлари Муҳаммад *Хоразмий*, *Аҳмад ал-Фарғоний*, Абул Аббос ал-Жавҳарий, Ибн Турк ал-Хуттолий, Ҳолид ал-Марварруди, Аҳмад ал-Марвазий, Абу Наср *Форобий*, Абу Райҳон *Беруний*лар бошлаб берган илмий анъанага асосланар эди. У. Самарқанд яқинида расадхона барпо қилди (қ. *Улуғбек расадхонаси*).

У. академиясидаги йирик олим — *Али Қушчи*ни У. «Зижи»нинг сўзбошисида «фарзанди аржуманд», яъни «азиз фарзандим» дейди. Аслида у У.нинг садоқатли шогирди бўлиб, «Зиж» устида ишлар поёнига етказилгунига қадар устозига ёрдам берган.

У. Самарқандда 2 та мадраса: бири — Регистон ансамбли таркибида ва 2-си Гўри Амир ансамбли таркибида барпо қилган. Бошқа йирик олимлар қаторида У.нинг ўзи ҳам бу мадрасаларнинг ҳар бирида ҳафтада бир маротаба маъруза ўқиган. Бошқа вақтини кўпроқ астрономик кузатишларга, «Зиж» устида ишлашга ва давлат ишларига бағишлаган (қ. *Зижи Кўрагоний*).

У.нинг яна бир математик асари «Рисолаи Улуғбек» деб аталади ва унинг 1-нусхаси Хиндистонда Алигарх университет кутубхонасида сақланади, ҳали ўрганилмаган. Балки у ҳам ҳисобдан математикага доир асардир.

У. мероснинг ўрганиш. Фан ва маданият тарихида сунъий қолдирган Улуғбек илмий мероси унинг «Зиж»идир. Бу асар саҳифалар, Қуёш ва Ой ҳаракатини белгиловчи қоидалар, жадваллар ҳамда улар қўлланиладиган математик усуллар баёнидан иборат астрономик асарларнинг ич мукаммали бўлганлиги учун ислом олимларининг диққатини жалб қилган. «Зиж»га илк шарҳни У.нинг шогирди Али Қушчи «Шарҳи Зижи Улуғбек» номи б-н ёзган.

Ўша 15-асрнинг ўзида қозирлик мунажжим Шамсиддин Муҳаммад ас-Суфийи ал-Миср ий «Таҳрил Зижи Улуғбек» («Улуғбек «Зиж»ини осонлаштириш») номли асар ёзиб, унда У. жадвалларини Қозирининг географик кенглигига мослаштирди. Ал-Миср ий ўзининг «Тақвим ал-кавокиб ас-сабъа» («Етти сайёранинг тақвимлари») ва «Жодавил ал-маҳдул ассани ала усул Улуғбек» («Улуғбек усулига кўра иккинчи ечимлар жадвали») номли яна 2 асарида У. «Зиж»ига мурожаат қилади.

Суриялик олим Зайниддин ал-Жавҳарий ас-Солиҳий (15-а.) «Ад-Дурр ан-нозид фи тасҳил ат-тақвим» («Тақвимни соддалаштиришда нозил бўлган дурдар») номли асарида У. «Зиж»ини қайта ишлаган.

У. «Зиж»ига ёзилган энг мукаммал шарҳ Самарқанд илмий мактабининг энг сўнгги намояндаси Низомиддин Абдул Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Биржандийнинг (1525 й.в.э.) 1523 й. ёзиб тугатилган «Шарҳи Зижи Улуғбек» асаридир. Биржандий ўз «Шарҳ»ида муфассал ва аниқ рақамлар б-н баён қилиб, «Зиж»нинг сирларини очади. У.нинг кўплаб жумларини у чизмалар б-н тушунтириб исботлаган.

Самарқандлик 2 буюк олим — Қозизода Румий ва Али Қушчининг набираси Мирам Чалабий (1525 й.в.э.) «Зиж»га шарҳ ёзиб, уни «Дастур ал-амал ва тасҳих ал-жадвал» («Амаллар дастури ва жадвалларнинг тузатилиши») деб атаган.

Эронлик олим Ғиёсиддин Мансур ал-Ҳусайний ан-Широзий (1542 й.в.э.) «Зиж»га «Рисола дар таъниқ Зижи Улуғбек» («Улуғбек «Зиж»ини аниқлаштириш ҳақида рисола») номли шарҳ ёзган.

«Зижи Кўрагоний» асари. Самарқандда кўчирилган нодир қўлёзма нусхаси.

16-а.нинг 2-ярми ва 17—18-а.лардаги қатор мусулмон олимлари «Зиж»га шарҳлар ёздилар ва уни қайта ишлаб ўз замонлари ва маконларига мослаштирганлар. Улар орасида суриялик Тақиюддин ан-Шомий (1526—85), Мазҳариддин ал-Қори (16-а.), миср лик Абдулқодир ал-Мануфий ан-Шофиъий (16-а.), эронлик Шоҳ Фатҳуллоҳ Широзий (1589 й.в.э.), Муҳаммад Бокир ал-Ядгий (1637 й.в.э.), ҳинд Фаридиддин Деҳлавий (1629 й.в.э.), турк Муҳаммад Чалабий (1640 й.в.э.), миср лик Ризвон ар-Развоқ ал-Миср ий (1710 й.в.э.), Дағистонлик Дамодон ал-Муҳий (1718 й.в.э.) каби олимларнинг шарҳлари шулар жумласидандир.

Булар орасида ҳинд давлат арбоби ва олими Савай Жай Сингҳнинг фаолияти алоҳида ўрин тутади. У Ҳиндистонинг Бобурий султони Муҳаммадшоҳнинг (1719—48) фармони б-н У. расадхонасидаги жиҳозларнинг таърифларига кўра, Деҳли, Банорас, Жайпур, Ужжайн ва Муттрада расадхоналарини барпо қилади. Сўнг у ҳомийлик қилган султонга атаб «Зижи Муҳаммадшоҳий» асарини ёзган ва унда Улуғнинг баъзи жадвалларини тайёрлигича қабул қилган. Т.Н. Қори-Ниёзий ва душанбелик Г. Собировлар Савай Жай Сингҳнинг асари б-н У. «Зиж» орасидаги боғлиқликни ўз ишларида кўрсатганлар.

У.нинг номи Европада ва умуман Ғарб мамлакатларида буюк бобоси Амир Темурнинг шуҳрати туфайли анча

Яи Геведийнинг «Астрономия дараҳчиси» китобидан олинган гравюра (Улуғбек — чапдан учинчи).

илгари маълум бўлган. Европа Амир Темур ва унинг оила аъзолари ҳақида 1-бўлиб Самарқандга 1403—05 йиллар сайёҳат қилган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавиходан эшитган. Клавихонинг «Кундаликлар»и 1582 й. Севильяда ва 1607 й. Парижда нашр этилганидан сўнг европаликлар дарҳол Амир Темур ва унинг оила аъзолари б-н қизиқа бошлаган. У. номи 17-а. бошларидаёқ (1601 йилдан) Амир Темурга бағишланган драматик асарларда эслатилади.

Бевосита У.ка бағишланган Европадаги 1-нашр инглиз астрономи Жон *Гривс* (1602—52) қаламига оид. Унинг 1648 й. нашр этилган асарида У. юлдузлар жадвалининг бир қисми (98 та юлдуз) илова қилинган. 1665 й. яна бир инглиз олими Томас Хайд (1636—1703) Гривс б-н боғланмаган ҳолда «Зиж»даги юлдузлар жадвалини форсий ва лотинча таржимада нашр этган.

1690 й. Гданьскда поляк астрономи Ян *Гевелий* чоп эттирган «Юлдузлар осмонининг атласи»даги иккита гравюрада ўша даврнинг машҳур астрономлари орасидан У.ка фахрли ўрин берган, унда У.нинг юлдузлар жадвалини Птолемей, Тихо Браге, Риччиоли, Вильгельм IV ва ўзининг жадваллари б-н солиштирган. 1711 й. Оксфордда У.нинг географик жадвали 3-марта нашр этилган. 1807 й. ўша ерда бу жадвал янги грек тилида ҳам нашр этилган. 1725 й. инглиз астрономи Д. Флеметид (1646—1719) У.нинг юлдузлар жадвалини Птолемей, Тихо Браге, Вильгельм IV, Ян Гевелий ва ўзининг жадваллари б-н бирга нашр этган. 1767 й. инглиз Г. Шарп У. юлдузлар жадвалининг Т. Хайд нашрини қайта нашр қилган. 1843 й. инглиз Ф. Бейли (1774—1844) шу нашрни янада такомиллаштириб, 3-нашрини амалга оширган. Француз шарқшуноси Л.А. Седийо (1808—76) 1839 й. У. «Зиж»идаги астрономик жадвалларнинг бир қисмини нашр этган. 1917 й. америкалик олим Э. Б. Нобл У. «Зиж»идаги юлдузлар жадвалини 27 қўлёзма асосида танқидий матнини , 1927 й. К. Шой «Зиж»нинг тригонометрик жадвалини нашр этган. У. «Зиж»и Россияда ва собиқ Совет Иттифоқида ҳам алоҳида тарихга эга бўлди. 18-а.нинг 1-ярмида Петербург академиясида У. «Зиж»и махсус муҳокамада бўлган ва олимлар Ж.Н. Делиль (1688—1768), Г. Я. Кер уни таржимасига киришганлар, лекин иш охирига етказилмаган.

Улуғбек расадхонаси.



Тошкентдаги Мирзо Улуғбек ҳайкали.

1908—09 йиллар В.Л. *Виткин* У. расадхонасининг харобаларини ва унинг асосий асбоби — квадрантини кавлаб топгандан сўнг, Самарқанд олимларининг фаолиятига янгидан қизиқиш бошланади. Натижада 1918 й. В. В. *Бартольд*нинг «Улуғбек ва унинг даври» асари нашр этилган.

Совет даврида У.нинг ҳаёти ва ижоди б-н мамлакат жамоатчилигини таништириш бўйича Т.Н. Қори-Ниёзий кўп саъй-ҳаракат қилган. У. ижодини тарғиб қилишда F. *Жалолов* ва В. П. *Шчегловлар*нинг нашрлари ҳам диққатга сазовордир. 20-а.нинг 80-йиллари бошига келиб У. «Зиж»ининг тўлиқ ва мукаммал ҳолда, илмий изоҳлар б-н таъминланган таржимасини А. Аҳмедов 1994 й. амалга ошириб, нашр эттирди.

Яқин йилларгача У. фақат астроном ва математик деб ҳисобланарди. Лекин 20-а. охирида унинг ижоди серқирра бўлиб, у тарих, шеърият ва мусиқа бобида ҳам қалам тебратгани аниқланди.

Тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида «Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд ва «Тўрт улус» тарихини тамомига етказдирган зот», деб ёзган. У нини туркийда ёзган «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари *Чингизхон* босиб олган мамлакатларининг 13—14-а. лар 1-ярмидаги сиёсий ҳаётини ўрганишда муҳим манбадир.

Машҳад бинолариниинг бирида У. қаламига мансуб ушбу байт топилган:

Ҳарчанд мулки ҳусн ба ориятини туст
Шуҳ мақти ки чашма бидин дар камини туст

Маъноси:

Ҳарчанд ҳусн мулки сенинг ҳокимлигда бўлса ҳам,
Шуҳлик қилмоғилиги сен унинг назари остидасен.

Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ва Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асарларида ҳам унинг шеърларидан намуналар келтирилган. Унинг даврида кўпгина асарлар араб ва форс тилидан эски ўзбек тилига таржима қилинган. У. ташкил этган бой кутубхонада турли фанларга оид 15 мингдан ортиқ жилдли китоб бўлган.

Алишер Навоий «Ҳамса» асарида У. ни улуғлаб, шундай ёзган эди:

Темурхон наслидан Мирзо Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек,
Ки даврон аҳли бирдин анламас ёл,
Анинг обиюйи жинси бўлди барбод.
Валек ул илми сари тонди чун даст,
Қуёш олдинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш — деби жаҳонлур,
Жаҳон ичра яна бир осмонлур.
Билиб бу нав илми осмоний,
Ки ондин ёдди «Зиж»и Кўрагоний».

Улуғбек ёдгорлик музейи.

Ўзоқ ва яқин ўтмиш муаллифлари («*Даҳнаиҳаи Чингий*, *Фитрат* ва б.)нинг таъкидлашича, У. ёшлигидан ўша фанлар қатори мусиқа илмидан сабоқ олиб, бир қанор куй ва усуллар яратган, бу соҳага оид рисола ҳам ёзган.

У. таваллудининг 600 йиллиги 1994 й. апрелда Парижда, октда Тошкент ва Самарқандда тантанали равишда нишонланди ва халқаро конференциялар ўтказилди. Шу йили Тошкентда У.ка ҳайкал ўрнатилди.

У. сиймоси Пулково расадхонаси, Москва ун-ти конференц-залларида дунёдаги машҳур олимларнинг портретлари қаторидан жой олган. Самарқандда У.нинг мемориал музейи ташкил этилган. Тошкентда Ўзбекистон миллий ун-ти, туман, планетарий, кўча, маҳалла, метро станцияси, петроглиф боғи, шаҳарча У. номи б-н аталади. Фартовна педагогика ун-тига, Самарқанд архитектура-қурилиш институтига, Китоб халқаро кенглик станциясига, қишлоқ, мактаб ва б.га У. номи берилган.

У.нинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида пьеса (М. Шайхзода, «Мирзо Улуғбек» трагедияси), роман (О. Ёқубов, «Улуғбек хазинаси»; С. Бородин, «Самарқанд осмонида юлдузлар»), опера (А. Козловский, «Улуғбек»), поэма (М. Бобоев, «Улуғбек»), балет (М. Бафоев, «Улуғбек буржи»), фильм (Реж. Латиф Файзиев, «Улуғбек юлдузи», 1965) ва б. яратилган.

Ас.: Тўрт улус тарихи [форс тилидан Б. Аҳмедов, Н.Норқулов ва М. Хасанийлар таржимаси], Т., 1994.

Ад.: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн [форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси], Т., 1969; Акрамов С. А., Улуғбек — буюк ўзбек олими, Т., 1961; Бартольд В.В., Улуғбек и его время (Сочинения, т. II, ч. I), М., 1964; Кары-Ниязов Т. Н., Астрономическая школа Улугбека, 1967; Қори-Ниёзий Т. Н., Улуғбек ва унинг илмий мероси, Т., 1971; Шчеглов В. П., Улуғбек расадхонаси, Т., 1980; Аҳмедов Б. А., Улуғбек, Т., 1989; Аҳмедов А., Улуғбек, Т., 1991; Темур ва Улуғбек даври тарихи, Т., 1996; Абдураҳмонов А., Улуғбек академияси, Т., 1994.

Ашраф Аҳмедов, Отамуғло Бўриев, Салоҳиддин Нуриддинов.

УЛУҒБЕК — Тошкент ш. Мирзо Улуғбек туманига қарашли шаҳарча (1961 й.дан). Яқин т. й. станцияси — Қодирия (6 км). Аҳолиси 5,2 минг киши (2004). Шаҳарчада Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-ти ва унга қарашли 4 корхона, 2 умумий таълим мактаби ишлаб турибди; 5 савдо, 1 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, меҳмонхона, 2 маданият, 2 тиббиёт муассасаси, ФАга қарашли касалхона, 2 спорт иншоотн бор. Тошкент шаҳридан У.га автобуслар қатнайди.

«УЛУҒБЕК ЗИЖИ» — қ. *«Зижи Кўрагоний»*.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ — Бухородаги меъморий ёдгорлик (1417). *Улуғбек* қурдирган 3 мадрасанинг энг қадимийси. *Абдуллахон II* даврида катта таъмир ишлари олиб борилган (1586). Бош тарзида мақобатли пештоқ, 2 қанотида 2 қаватли ҳужралар ва бурчакларида гулдасталар жойлашган. Гулдасталар тепаси қуббали қилиб ишланган. Мадрасанинг асосий безаги пештоғида бўлиб, унда сиркор гиштчалардан ташқари рангбаранг гулли парчин ва кошинлар фойдаланилган. Равоқли пештоқдан миёнсарой орқали ҳовлига ўтилади. Миёнсарой ички гумбази 12 қиррали, гиштдан тўрсимон шакл қилиниб, ораларига кўк ва ҳаво ранг кошин терилган. Ҳовли (26×25 м) атрофини 2 қаватли ҳужралар қатори ва пештоқли 2 айвон эгаллаган. Ҳовлининг шим. ва жан. томонлари қисқароқ кўринишга эга бўлиб, деворлари, равоқ ва пештоқларн оқ, феруза ва бинафша ранг сиркор гиштлар б-н пардозланган. Ҳужралар ичи ганч сувоқли. Мадраса (53×41,6 м) ўнча катта эмас, ҳужралари мўъжаз, ўзаро мутаносиб, ички ва ташқи тузилиши ўзига хос. Масжид (15,5×5,5 м) ва дарсхона (5,5×5,5 м) гумбазли, миёнсаройнинг 2 ён томонида жойлашган. Миёнсаройнинг 2-қаватида кутубхона бор. Хўжа Саъд Жўйборий томонидан ташқи пештоғи ва ёнларидаги ҳужралар таъмир этилиб (1586), пештоқ безагида майда ёзувли ва нақшли кошин ишлатилган. Ҳовли гарбидаги ҳужра тепасида ганчкори безаклар орасида таъмирловчи уста Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфаҳоний номи сақланган. Абдураззоқ Самарқандийнинг хабар қилишича, Улуғбек (1419 й. 28 ноябрда) мадрасага келиб илм олувчи талабаларга инъомлар улашган. Бизгача У.м. анча ўзгарган ҳолда етиб келган. 16—17-а.ларда, 1950—70 ва 1990—96 йилларда таъмирланган. Нақшларида юлдузсимон безаклар кўп. Айвон устунлари зарҳалланган. Эшик табақаларига араб тилида «Билим олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир», деган ибора ўйиб ёзилган.

Бухородаги Улуғбек мадрасаси.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ — Самарқандда меъморий ёдгорлик (1417—22). *Регистон ансамбли*нинг ғарбида жойлашган, 2 қаватли, тўғри тўртбурчак тарҳли (56×81 м). Бош тарзи майдонга қараган, маҳобатли пештоқ мужассамотида кенг тоқили равоқ (бал. 16,5 м), унинг 2 ёнида гулдасталар (бал. 32 м) бор. Равоқ тепасидаги юлдузли осмон акс этган қанос безаклари ўзига хосдир. Гулдаста тепаси муқарнас, шарафалар б-н якунланган. Пештоқ равоғи чети морпеч шаклида, токчасидаги намоёнлар ўзига хос услубда пардозланган. Пештоғи, гулдастаси ва ташқи деворларида гириҳ нақшининг турли бетакрор намуналари акс этган. Ганчкори панжаралар орқали хонага ёруғлик тушиб туради. Мовий ва кўк кошин ҳамда сопол гиштлар воситасида

Самарқanddаги Улуғбек мадрасаси.

геометрик нақшлар б-н безатилган девор сатҳи ёзувлар б-н ўзаро уйғунлашиб, кўзга яққол ташланиб туради. Пештоқ орқали чорси ҳовли (30×30 м)га ўтилади. Ҳовли атрофи 2 қаватли ҳужралар (48 та) б-н ўралган, ҳар бир ҳужра қазноқ, ётоқхона, умумий хонадан иборат. Мадрасанинг шим. ва жан. тарзлари ўртасида ташқи томондан алоҳида пештоқлар бор. Мадрасанинг 4 томонини дарсхона ва айвон эгаллаган. Масжид (22×8 м) жан.-шарқий томонга чўзилган. Ташқи тўрт бурчагида 4 та баланд минора бор. Хонақоҳ ва баъзи ҳужралар ичкариси нақшин безаклар б-н пардозланган. Безаклари орасида куфий ва сулс ёзувлари учрайди. Вайрон бўлган 2-қавати, қийшайган гулдастаси, деворларидаги кўчиб кетган безаклар қайта тикланган (1936), В. Шухов ва М. Мауэрлар лойиҳаси асосида шим.-шарқий минораси таъмирланган (1932). Э. Гендель қийшайган минорани ўз ҳолига келтирган (1965). Таъмирлашда А. Умаров, Ш. Ғафуров, Қ. Жалилов, И. Шермуҳамедов, А. Қулиев каби усталар қатнашган. У.м. меъморий шакли, тузилиши жиҳатидан Ўрта Осиё меъморлигида шу турдаги бинолар орасида энг мукаммал юксак санъат намунаси ҳисобланади.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ — Ғиждувон (Бухоро вилояти)даги меъморий ёдгорлик (1433). Улуғбек Самарқанд ва Бухорода қурдирган мадрасалардан энг кичик ва соддароғи. Мадраса бир қаватли, мурабба тарҳли (33×30 м), масжид, дарсхона ва ётоқхонадан иборат. Пештоғи чуқур равоқли. Ўртада миёнсарой, 2 ёнида масжид ва дарсхона (8×4,6 м), бурчакларида гулдаста жойлашган. Миёнсарой тўридаги эшикдан ҳовлига чиқилади. Ҳовли (15×13 м)нинг 2 ёнида 5 та ҳужра бўлиб, унинг 4 таси мурабба тарҳли, томи қуббали. Бизгача У.м.нинг бош тарзи (15-а.), унга туташган айвон ва минора сақланган. 1933 й.да В. Шишкин, В. Нильсен ва И. Ноткинлар

Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаси.



1. Улуғбек расадхонаси тарҳи



2. Расадхона жанубий фасадининг кўриниши (реконструкция).

ўлчамларини аниқлаган. Бош тарзида Улуғбек номи ва қурилган санаси ёзилган. Мадрасанинг ғарбида шайх Абдухолиқ *Ғиждувоний* қабри жойлашган. Ғиждувонийнинг 890 йиллиги (1993) муносабати б-н У.м. таъмирланган. Бош тарзи пештоғи ёнига устунли, текис томли айвон (бостирма) қурилиб, ичи кошин б-н безатилган, пештоқ ёндаридаги ҳужраларга бош тарздан кириладиган эшик, тобадонларга ганчкори панжаралар ўрнатилган. Серҳашам нақшинкори безаклари тикланган. Ғиждувоний даҳмаси устига 2003 йилда томи устунли ёғоч ўймакори гумбаз б-н ёпилган, айвон қурилди. Даҳма безаклари қайтадан тикланди. Мадраса олди, даҳма ва янги қурилган масжид жойлашган ҳудуд замонавий талабларга мос қилиб ободонлаштирилди.

УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИ — Самарқанддаги 15-а. меъморлигининг нодир намуналаридан бири, кўҳна астрономик кузатув муассасаси. *Улуғбек* фармойиши б-н 1428—29 й.да Кўҳак (Чўпонота) тепалигида улкан цилиндр шаклида бунёд этилган; айрим кўлёзмалар («Бобурнома»)га кўра, бал. 30,4 м дан иборат 3 қаватли қилиб қурилган. Унда ўнлаб ортиқ турли астрономик қурилма ва асбоблар бўлган. Улардан энг асосийси радиуси 40,2 м ли қўшалоқ ёйдан иборат квадрант (ёки секстантга яқин) қурилма ҳисобланади. Квадрантнинг жан. қисми ер остида, қолган қисми шим. томонда ер сатҳидан 30 м ча баландда жойлашган. Асбоб айланасида бир градус ёй 701,85 мм ва бир минут ёй 11,53 мм га тўғри келади. Расадхона ўрта асрларда асбоб-ускуналари жиҳозлари ҳам беқиёс бўлган. Асбоб астрономиянинг асосий доимийликлари — экватор ва эклиптика орасидаги бурчакни ўлчаш, йиллик прецессия доимийсини, тропик йил давомийлигини ва б. фундаментал астрономик доимийликларни аниқлашга имкон берган. Расадхонада кичик ўлчамли асбоблар: армилляр сфера, 2, 4 ва 7 ҳалқадан иборат ўлчов асбоблари, триангула, қуёш ҳамда юлдуз соатлари, *астурлоб* ва б. бўлган. Бу илмий ускуналар ёрдамида *Қуёш*, *Ой*, *сайёралар* ва алоҳида юлдузлар кузатилган. Мирзо Улуғбекнинг энг йирик астрономик асари «*Зижи Кўрагоний*» расадхонада яратилган. Унинг қурилиши ва кейинги илмий фаолияти Улуғбек таклифи б-н йиғилган қатор машҳур олимлар Ғиёсиддин *Коший*, Қозизода *Румий*, *Али Қушчи* ва б. номи б-н боғлиқ.

У.р.нинг археологик қолдиқлари 1908 й. В.Л. *Вяткин* раҳбарлигида олиб борилган қазилма ишлари натижасида топилган. Хусусан, бу ерда диаметри 48 м келадиган, қалинлиги бир ғишт бўлган айланма девор борлиги ва унинг марказида қўшалоқ ёйдан иборат улкан бош қурилманинг қолдиқ қисмлари аниқланган. Унинг катта залларида турли катта-кичик хоналари бўлган. Бобирнинг ёзишича, У.р.нинг сирти кошин ва сирли парчинлар б-н безатилган. Расадхона ичига ўрнатилган жуда катта асбоб ёрдамида Қуёш, Ой, сайёра ва юлдузлар катта аниқлик б-н ўрганилган. Расадхонада кутубхона ҳам бўлган. Ички деворда осмон тасвири, юлдузлар харитаси, тоғ, денгиз, мамлакатлар белгиланган Ер шари тасвири ишланган. Кейинчалик у қаровсиз қолиб, 16-а.да вайрон қилинган. Ҳозир У.р.даги катта асбоб — квадрантнинг ер остида сақланган қисми баландлиги б-н 11 м келади. 1964 й. У.р. ёнида Улуғбек музейи очилган. У.р.нинг асл кўриниши, ички тузилиши, бош қурилмаси ҳақида Ўзбекистон ва чет эл олимлари томонидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.



Расадхона секстантининг схемаси:
О — диоптр (тирқиш).

УЛУҒВОРЛИК — эстетика тушунчаларидан бири. Ҳажм ва салмоқ б-н боғлиқ бўлган нарса-ҳодисаларнинг бир қарашда илғаб олинмайдиган ботиний жиҳатларини, улкан қудрат ва миқёсга эга воқеликнинг эстетик кўринишини англатади. У. кундалик ҳаётда истисноли воқелик сифатида намоён бўлиб, одатий воқеа-ҳодисалардан ўзининг фавқулоддалиги б-н ажралиб туради. У. объектив ва субъектив асосга эга. Юлдузли осмон, вулқон, сув тошқини, улкан денгиз тўлқинлари каби табиатдаги нарса ва ҳодисалар, фидойилик, қаҳрамонлик, буюк тарихий шахсларнинг ижобий фаолияти каби жамиятдаги воқеликлар У.нинг объектив асослари ҳисобланади. Фавқулодда ёки одатий тасаввурлардан ташқаридаги воқеа-ҳодисаларни эстетик идрок этаётган инсон қалбининг мойиллиги У.нинг субъектив асоси саналади: кўпчиликни ҳайратга солган воқелик баъзиларни ҳайратга солмаслиги ва аксинча бўлиши ҳам мумкин. У. ўзининг ҳар томонлама ижодий ифодасини санъатда топади, санъатнинг барча тур, хил ва кўринишлари учун асосий тасвир объектларидан бири бўлиб хизмат қилади. У.нинг санъатда намоён бўлиши ахлоқийлик ва ижтимоийлик б-н боғлиқ. Инсоният ва жамият тараққиётида рўй берадиган муҳим воқеалар, улкан тарихий шахслар фаолияти, қаҳрамонликлари, фидойиликлари кишиларда ҳайрат ва уларга тақлид қилиш туйғуларини уйғотади. Санъатдаги У. бадиий мазмун ва шакл воситасида ифодаланади, бунда ғоя ҳал қилувчи роль ўйнайди. У. меъморликда алоҳида аҳамият касб этади. Миср эҳромлари, Самарқанд, Бухоро, Хива ш.лардаги меъморлик обидалари ўзининг салобати, улуғворлиги б-н кишини ҳайратда қолдиради. У. фақат миқёс б-н белгиланмайди, ундаги нафислик, атроф муҳит б-н узвий қўшилиб кетганлик алоҳида аҳамиятга эга. У. инсонни олижанобликка, юксакликка, буюкликка ундайди, табиат ҳодисаларини эстетик англаш ва баҳолаш имконини беради, шахс, жамият ва миллат эстетик тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Абдулла Шер.

УЛУҒНОР КАНАЛИ — Андижон вилоятидаги Улуғнор — Балиқчи — Мадгил каналлар таркибига кирувчи йирик суғориш иншооти. *Катта Фарғона канали*нинг Куйганёр сув олиш тугонидан 3,3 км қуйидан сув олади. Уз. 44,7 км, бош қисмидаги сув сарфи 35 $м^3$/сек. Олтинкўл қишлоғи яқинида Асака ташлама канали б-н кесишади. Каналнинг 11 км узунликдаги юқори қисмидан сув Асака ташламасига ташланади, бу сув қуйироқда тўсқич ёрдамида тўсилиб, тақсимлаш-ростлагич иншооти орқали каналга қайта олинади. У.к.да яна 8 та йирик: 20-км да Қўшкўпир, 35-км да Ўрмонбек, 45-км да умумий сув сарфи 8 $м^3$/сек бўлган шим. ва жан. тармоқлар ва б. иншоотлар бор. Қўшкўпир иншоотидан *Қорадарё* ва Замбаркўл коллектори оралиғидаги ерларни суғориш учун Мадгил каналига, ундан эса Ўрмонбек тармоғига сув олинади. У.к. Қорадарёнинг чап соҳилида 40 минг га атрофидаги экинзорни суғориш имконига эга.

УЛУҒНОР ТУМАНИ — Андижон вилояти таркибидаги туман. 1973 й. 26 дек.да ташкил этилган. Туман шим.дан Балиқчи, жан.-шарқдан Бўз, ғарб ва шим.-ғарбдан Наманган вилоятининг Наманган, Мингбулоқ туманлари, жан. дан Фарғона вилояти б-н чегарадош. Майд. 0,44 минг $км^2$. Аҳолиси 45,2 минг киши (2004). У.т. да 4 қишлоқ фуқаролари йиғини (Мингбулоқ, Мингчинор, Навоий, Оқолтин) бор. Маркази — Оқолтин қишлоғи.

Табиати. Туман ҳудуди текисликдан иборат. Кўчма қум тепалари кўп. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —4°, июлники 24—28°. Йилига ўртача 195—200 мм ёғин тушади. Вегетация даври 235 кун. Туман хўжаликлари Катта Андижон каналидан сув олади. Тупроғи ўтлоқи бўз, кучсиз шўрланган тупроқ. Ўсимликлардан шўра, шувоқ, момоқаймоқ, қамиш, мингдевона, янтоқ, ажриқ, юлғун, оқбош, отқулоқ, қирқбўғин, ғумай, қўйпечак, ялпиз ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан эчкемар, тошбақа, тулки, қуён, илон, калтакесак, қушлардан лайлак, ўрдак, чумчуқ, сўфитўрғай, қарға, мусича яшайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 $км^2$ га 102,7 киши тўғри келади.

Хўжалиги. У.т.да қишлоқ хўжалиги (пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик) етакчи ўринда. Энг муҳим тармоғи — пахтачилик. Туманда 900 га яқин йирик, ўрта ва кичик корхона ва ташкилот фаолият кўрсатади. Шулардан автокорхона, МТП, пахта тозалаш з-ди, Буюк Британиянинг «Кордесе ЛТД» фирмаси б-н ҳамкорликдаги «Улкард» қўшма корхонаси (тикувчилик ва тўқимачиликка ихтисослашган), спорт анжомлари и.ч. фирмаси, «Универсал» бозори, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Туман ҳудудидан Марғилон—Сойбўйи—Улуғнор—Мингбулоқ, Штаб—Улуғнор магистраль йўллари ўтган. Туман маркази автомобиль йўллари орқали Наманган, Марғилон, Фарғона, Андижон ва б. шаҳарлар б-н боғланган.

Қ.х.да экинзорлар, майд. 20,4 минг га, шу жумладан, 13,5 минг га ерга пахта, 6 минг га ерга ғалла экилади. Шунингдек сабзавот, полиз экинлари, картошка, ем-хашак экинлари ҳам экилади. 204 га боғ, 274 та тутзор, 1042 га яйловлар б-н банд. 606 га ерда ўрмонзор мавжуд. Туманда 8 ширкат, 80 деҳқон, 416 фермер хўжалиги бор.

Улуғнор туман ҳокимияти биноси.

Риждувондаги Улуғбек мадрасаси.

қўшалоқ ёйдан иборат квадрант ёки секстантга яқин) қурилма қисобланади. Квадрантнинг жан. қисми ер остида, қолган қисми шим. томонда ер сатҳидан 30 м ча баландда жойлашган. Асбоб айланасида бир градус ёй 701,85 мм ва бир минут ёй 11,53 мм га тўғри келади. Расадхона ўрта асрларда асбоб-

кан бош қурилманинг қолдиқ қисмлари аниқланган. Унинг катта залларидан турли катта-кичик хоналари бўлган. Бобирнинг ёзишича, У.р.нинг сирти кошин ва сирли парчинлар б-н безатилган. Расадхона ичига ўрнатилган ўйжуда катта асбоб ерламида Қуёш, Ой-



Расадхона секстантининг схемаси: О — диоптр (тирқиш).

лиқлари кишиларда ҳайрат ва уларга тақлид қилиш туйғуларини уйғотади. Санъатдаги У. бадиий мазмун ва шакл воситасида ифодаланади, бунда гоя ҳал қилувчи роль ўйнайди. У. меъморликда алоҳида аҳамият касб этади. Миср эҳромлари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги меъморлик обидалари ўзининг салобати, улуғворлиги б-н кишини ҳайратда қолдиради. У. фақат миқёс б-н белгиланмайди, ундаги нафислик, атроф муҳит б-н узвий қўшилиб кетганлик алоҳида аҳамиятга эга. У. инсонни олижанобликка, юксакликка, бу-

шўрланган тупроқ. Ўсимликлардан шўра, шувоқ, момоқаймоқ, қамиш, минтдевона, янтоқ, ажриқ, юлғун, оқбош, отқулоқ, қирқбўғин, ғумай, қўйпечак, ялпиз ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан эчкемар, тошбақа, тулки, қуён, илон, калтакесак, қушлардан лайлак, ўрдак, чумчуқ, сўфитўргай, қарға, мусича яшайди.

Улуғнор туман ҳокимияти биноси.

Мингбулоқ касб-ҳунар коллежи.

У.т. жамоа ва шахсий хўжаликларида 1,6 минг қорамол (шу жумладан, 626 сигир), 2,1 минг қўй ва эчки, 5 минг парранда, 37 йилқи боқилади. Яқин т.й. станцияси — Марғилон (туман марказидан 35 км).

2003/04 ўқув йилида 24 умумий таълим мактаби бўлиб, 10,3 мингга яқин ўқувчи, интернат-лицейда 110 ўқувчи, 2 касб-ҳунар коллежида 1,4 мингдан зиёд ўқувчи таълим олди.

3 маданият уйи, марказий кутубхона ва унинг 10 та тармоғи, музей, мусиқа мактаби, «Улуғнор» стадиони, теннис корти, «Улуғнор» спорт соғломлаштириш клуби, спорт мактаби фаолият кўрсатади.

Туманда марказий касалхона (170 ўрин) ва унинг болалар, жарроҳлик, гинекология, терапия, туғруқхона, тез тиббий ёрдам ва б. бўлимлари, поликлиника, 5 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. 1974 й.дан туман «Улуғнор» газ. нашр қилинади (адади 1000).

УЛУҒТОҒ, Улутов — Жезқазған (Қозоғистон)дан 100 км шим.да, Сарису дарёси шим.да жойлашган тоғ. 20-а.нинг 30-й.ларида Жезқазғандан 50 км ғарбдаги Қарсақпай кони яқинида Қорамўла тоғи ён бағрида ёзувлик тош топилган (Эрмитаж музейида сақланади). 1391 й. Амир Темур Тўхтамишга қарши юриши чоғида У.га етиб келиб, бир кун ичида унинг тепасига туғ ўрнатиб, қароргоҳ қурдирган ва қўшинига атрофдан тош тўплаб келтиришни ва минорасимон иншоот қуришни буюрган. Тоштарошлар харсанг тошга 2 тилда — араб ва қад. уйғур тилида битик ёзганлар. Битик 11 сатрдан иборат бўлиб, 8 сатри қад. уйғур ва 3 сатри («Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим») араб ҳарфиладир. Битиктошда 793 (1391) қўй йили ёз фаслининг ўртасида (Низомиддин Шомийнинг ёзишича, 28 апр.) Турон султони Темурбек 200 минг кишилик ўрдуси б-н Тўхтамишхонга қарши сафарга чиққанлиги ва нишон сифатида шу қўрғонни бунёд эттиргани ёзилган. Орадан 200 йил ўтгач, *Абдуллахон II* ҳам Соҳибқирондан ўрнак олиб, Амир Темур қурдирган минора қаршисида, У. сафаридан ёдгорлик сифатида масжид қурдирган. Бу ҳақда Ҳофиз Таниш ал-Бухорий шундай ёзади: «Ўша куни (1582 й. 3 май) намози пешинигача тўхтаб лашкарга буюрдики, «Кўп тош тўпласинлар». Буйруқни бажариб тўпланган тошлардан олийшаъни у маконда бир масжид бино қилдилар. Шу б-н рўзгор саҳифаларида у баландлқдар шоҳдан бир ёдгорлик қолдирдилар. Шундай иши фирдавсмакон, дину дунё қутби шаҳриёр Амир Темур Кўрагон... ҳам қилган эди».

Бойқўнғир космодроми У.га яқин ерда бўлгани туфайли 20-а.нинг 2-ярмида бу ҳудудга кириш ман этилган.

Манба: Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома, Т., 1997; Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, Абдуллаҳнома, «Шарафномаи шоҳий», 2-китоб, Т., 2000.

Ад.: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю., Золотая Орда и ее падение, М., 1950; Материалы по истории казахских ханств XV—XVIII вв., Алма-Ата, 1969.

Фахриддин Ҳасанов.

УЛУҒШЎРКЎЛ, Уллиширкул, Шўркўл — Хоразм вилояти жан.даги кўл. Хива ш.дан 14 км жанубишарқда ва Чиғирчи қишлоғидан 6 км жанубда жойлашган. Кўлнинг жан. қисми Туркманистон ҳудудига кириб борган. 86 м баландликда, ҳавзаси майд. 14,8 км². Кўл шим.дан жанубга чўзилган (уз. 16 км). Шим. қисмида эни 4 км гача. Озёрний коллектор сувлари ва шим. қисмидаги далаларни ювишдан оқиб келадиган ташлама сувлардан тўйинади. Суви шўр. Рекреация аҳамияти бор. Хоразм балиқчилик хўжалиги фаолият кўрсатади.

УЛЬВА (Ulva), денгиз салати — ульвадошлар оиласига мансуб *сувўтлар* туркуми. Танаси япроқсимон, яхлит икки қават ҳужайралардан тузилган. Уз. 30—150 см га яқин. 20 тури, асосан, субтропик ва мўътадил минтақаларда тарқалган. Японияда ва б. баъзи мамлакатларда истеъмол қилинади.

УЛЬКО Григорий Ильич (1925.5.4, Новосибирск вилояти Карасук тумани Екатерина қишлоғи — 1999.8.4, Самарқанд) — рассом. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Харьков рассомлик ин-тини тугатган (1958). 1959 й.дан Самарқандда. Унинг ижодий изланишлари маҳаллий композицияларда ўз аксини топди («Велосипедчилар», «Афсона», «Биринчи рейс», 1962), асарларида замон руҳи, давр нафаси сезилади, достон ва монументал рассомликнинг ифода воситалари уйғунлашиб кетган: «Панжакент фрескаси», «Халқ устаси А.Ҳайитқулов портрети» (1961), «Аму-Бухоро канали қурувчилари» портретлар туркуми (1964), «Уста У. Жўрақулов портрети» (1965), «Сув», «Биринчи сафар» (1967), «Уруғ тамакикорлари» (1971) ва б.

У. асарларидан намуналар республика музейлари (жумладан, Ўзбекистон давлат санъат музейи) ва б.ларда сақланади.

УЛЬСКИЙ ОВУЛИ (ҳоз. РФнинг Адигея Республикаси Улян Шовгенов р-ни) — қад. мозорқўрғонларда топилган овул. 1898, 1908—10 й.ларда Н.И.Веселовский томонидан 10 та мозорқўрғон очилган. Улардан энг қад.си мил. ав. 6-а.га оид. Қабрлар талон-торож қилинган. Дафн вақтида марҳум б-н бирга қувиб кўмилган отлар ва айрим буюмларигина сақланган. Энг катта мозорқўрғондан (бал. 15 м) қабила сардори б-н бирга кўмилган 400 дан ошиқ отларининг скелети чиққан. Топилмалар ичида скифларнинг ҳайвоний тасвир услубида ишланган буюмлари диққатга сазовор. Мозорқўрғонлар маҳаллий қабилалар — меотлар ёки Ғарбий Осиёга қилинган юришдан кейин Кубань орти даштларида яшаб қолган скифларга тегишли бўлган.

Г. Улько. «Сув» (1967).

УЛЬТИМАТУМ (лот. ultimus — энг охирги, сўнгги) — халқаро ҳуқуқда бирон масала юзасидан бир давлат ҳукуматининг бошқа давлат ҳукумати олдига дипломатик ҳужжатда ёки оғзаки шаклда баён қилинган, ҳеч қандай баҳс ёки эътирозга ўрин қолдирмайдиган қатъий талаби; У. қўйган ҳукумат агар бу талаб кўрсатилган муддатда бажарилмаса муайян чоралар кўришини билдиради.

УЛЬТРА... (лот. ultra — устида, юқори; меъёрдан, ҳаддан ташқари) — узлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: миқдор ва сифат белгиларига кўра меъёрдан, ҳаддан ташқари бўлган; энг четки, ўта каби маъноларни билдиради (мас., *ультрамодул*, *ультрамикроскоп*, *ультратовуш*).

УЛЬТРААБИССАЛ — океан тубининг 6000 м дан чуқур қисми (қ. *Абиссал*). Рельефи ўнқир-чўнқир. Жуда чуқур ботиқ ва новлар (8000—10000 м) учрайди (*Мариана нови*). Ҳайвонот дунёси қад. бўлиб, асосан, эндемиклардан иборат.

УЛЬТРААСОСЛИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ, ультрабазитлар, гипербазитлар — асосан, магнезиал-темирли силикатлар (оливин ва пироксен)дан иборат магматик тоғ жинслари. У.т.ж. таркибида оз миқдорда иккиламчи минераллар (хромит, магнезит ва б.) ҳамда кремний оксиди (SiO_2) 30—44% гача, Mg эса кўп (MgO 42% дан ортиқ) бўлади. У.т.ж.да дала шпатлари бутунлай бўлмайди ёки жуда кам. Асосан, рангли — пироксен, оливин ёки рудали минераллар (магнетит)дан ташкил топади. У.т.ж.нинг турлари: дунит ва оливин, перидот ва пироксенитлар. Оливин ёки пироксеннинг тўлиқ ёки қисман серпентин минераллар (хризотил, антигорит, лизардит)га ўтиб, серпентинитлар ҳосил қилиши У.т.ж. учун хосдир. У.т.ж. асосан, габбро, ишқорий жинслар ва карбонатитлар б-н бирга учрайди. У.т.ж. б-н фойдали қазилма (платина, хромитли, силикатли, никелли темир рудаларининг ҳамда асбест, нефрит ва б.) конларининг кўп турлари боғлиқ. У.т.ж. қолган ҳамма магматик жинсларга кўра кам тарқалган. Эффузив У.т.ж. Сибирь (маймечитлар) ва Камчаткада топилган.

УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАНИШ, ультрабинафша нурлар — тўлқин уз. 10^{-9} м дан $4\cdot10^{-7}$ м гача бўлган электромагнит нурланиш. У.н. кўзга кўринадиган нурланишнинг қисқа тўлқинли қисми б-н рентген нурларининг узун тўлқинли қисми оралиғида жойлашган. Тўлқин уз. $2\cdot10^{-7}$ м дан катта бўлган У.н.ни *люминофор*лар б-н қопланган экран орқали сезиш мумкин. Бунда экранга туширилаётган спектрнинг бинафша нур тушган жойининг ёнбошни ўзидан нур чиқара бошлайди. Бундай У.н.ни дастлаб немис олими И.Риттер ва инглиз олими У.Х. Волластон хлорли кумушга фотокимёвий модда таъсир қилиб сезишган (1801). Тўлқин уз. $2\cdot10^{-7}$ м дан кичик У.н. барча моддалар, ҳатто ҳавонинг юпқа қатламида ҳам кучли ютилади. Уни аниқлаш учун вакуум спектрал асбоблардан фойдаланилади. Тўлқин узунлиги қисқа У.н.ни биринчи бўлиб немис олими В.Шуман ўзи ясаган флюоритдан ясалган призмали вакуум спектрографи ёрдамида қайд этган (1885—1903).

У.н.нинг ҳосил бўлиши қуйидагича: атом ёки молекула уйғотилган ҳолатдан нормал ҳолатга ўтганида У.н. чиқаради ва электронларнинг тормозланиши ҳамда рекомбинацияси найтида т-раси 3000 К дан юқори бўлган қилинган моддалар У.н.ни туташ спектр кўринишида чиқара бошлайди. Атом, ион ва енгил молекулалар чиқарган У.н. спектри алоҳида-алоҳида чизиқлардан иборат бўлиб, маълум бир қонуният б-н жойлашган спектрал серияларни ҳосил қилади. Оғир молекулалар чиқарган У.н. спектрининг тузилиши мураккаб бўлиб, маълум кенгликдаги полосалардан иборат. Қуёш, юлдуз каби коинот объектлари У.н.нинг табиий манбаларидир. Қуёш тик пайтида У.н.нинг кўп қисми Ерга етиб келади. Сунъий усулда У.н.ни ҳосил қилиш учун турли газ б-н тўлдирилган лампалар қўлланилади. Булар ичида юқори босимли ПРК-2, ПРК-7 ва б. типдаги симобли лампалар кенг тарқалган. Бундан ташқари, саноатда У.н.ни ҳосил қилиш учун водород, ксенон ва б. газ разрядли лампалар ишлаб чиқарилган. Кўмир таёқчалар орасида ҳосил қилинган электр ёйи ҳам У.н. манбаи бўлиши мумкин. Ундан чиқаётган бутун нурланишнинг 80% У.н. спектрига тўғри келади.

Фан ва техникада ҳозирги пайтда У.н. оптик квант генератори — *лазер* ёрдамида олинади. У спектрограф *монохроматорлар* ёрдамида ўрганилади. Спектрнинг бу қисми учун мўлжалланган оптик асбоблар бошқа оптик асбоблардан объектив ва призмаларнинг кварцдан тайёрланганлиги б-н фарқ қилади. Чунки шиша $3{,}2\cdot10^{-7}$ м дан қисқа тўлқиндаги У.н.ни ўзида ютиб қолади. $1{,}8\cdot10^{-7}$ м дан қисқа тўлқиндаги У.н.ни кварц ҳам ютиб қолади. Шунинг учун бундай қисқа тўлқинли У.н.ни ўрганишда флюорит ёки фторли литийдан фойдаланилади.

Ҳайвон ва ўсимликлар тарихини ўрганиш (палеонтология)да, қад. қўлёзма ва ёзувларни текшириш (археология)да, картиналардаги оддий кўз б-н кўриб бўлмайдиган реставрация изларини тиклаш (санъатшунослик)да, ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини (криминалистика), қон гуруҳини аниқлашда, баъзи касалликлар, мас., болаларда рахит касаллигини даволашда, ҳаво, сув, сут кабиларни стериллаш (тиббиёт)да ва б. соҳаларда кенг қўлланилади. Узун тўлқинли У.н. атмосферада кам ютилади. Бундай нурлар таъсирида бадан қорайди. Қуёш нурлари тик тушган жойда маълум вақт давомида муҳим ҳаётий функцияларни яхшилайди. У.н.таъсирида газлар ионлашади, баъзи кимёвий жараёнлар тезлашади, хоналар бактериялардан дезинфекция қилинади. У.н. кўз тўр пардасига кучли таъсир этиб, уни емиради. Шу сабабли, қуёшга ҳимоя кўзойнагисиз қараш зарарлидир.

УЛЬТРАМЕТАМОРФИЗМ (*ультра...* ва *метаморфизм*) — мигматитлар ҳосил бўлиши кузатиладиган регионал метаморфизм. «У.» терминни швед геологи П. Хольмквист томонидан (1909) киритилган. У. натижасида метаморфик жинслар (гнейс, пироксен-плагиоклазли сланец ва амфиболитлар) такрорий метаморфизмга учрайди, 650—800° т-ра ва 4—10 кбар литостатик босимда *гранитланиш* рўй беради. Бунда пироксенлар ўрнини шох алдамчилар, унинг ўрнини эса биотит, плагиоклаз-калийли дала шпати, кварц олади ва жинсларнинг умумий кимёвий таркиби ўзгаради. У. жараёнида мигматитлар ҳосил қиладиган жинсларнинг гранитланиши анатексис (жинсларнинг иссиқдан эриши)нинг кучайиши ва уларнинг учувчи компонентларга тўйинган нордон магма б-н ўрин алмашиши натижасида содир бўлади. У. геосинклиналь ҳаракатчан зоналар тараққиётининг ороген босқичида учрайди.

УЛЬТРАМИКРОКИМЁВИЙ АНАЛИЗ — жуда оз миқдордаги моддалар намунасини текширишга асосланган усул ва услублар мажмуи. Тажрибада оддий концентрацияли, лекин ҳажми n (10^{-3}—10^{-6}) мл дан кўп бўлмаган эритмалардаги n (10^{-6}—10^{-12}) г миқдор модда аниқланади. У.а. *микрокимё-*

қилиши У.т.ж. учун хосдир. У.т.ж. асосан, габбро, ишқорий жинслар ва карбонатитлар б-н бирга учрайди. У.т.ж. б-н фойдали қазилма (платина, хромитли, силикатли, никелли темир рудаларининг ҳамда асбест, нефрит ва б.) конларининг кўп турлари боғлиқ. У.т.ж. қолган ҳамма магматик жинсларга кўра кам тарқалган. Эффузив У.т.ж. Сибирь (маймечитлар) ва Камчаткада топилган.

УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАНИШ, ультрабинафша нурлар — тўлқин уз. 10^{-8} м дан $4 \cdot 10^{-7}$ м гача бўлган электромагнит нурланиш. У.н. манбаи бўлиши мумкин. Ундан чиқаётган бутун нурланишнинг 80% У.н. спектрига тўғри келади.

Фан ва техникада ҳозирги пайтда У.н. оптик квант генератори — *лазер* ёрдамида олинади. У спектрограф *монохроматорлар* ёрдамида ўрганилади. Спектрнинг бу қисми учун мўлжалланган оптик асбоблар бошқа оптик асбоблардан объектив ва призмаларнинг кварцдан тайёрланганлиги б-н фарқ қилади. Чунки шиша $3{,}2 \cdot 10^{-7}$ м дан қисқа

ҳосил қилинган электр ёйи ҳам У.н. манбаи бўлиши мумкин. Ундан чиқаётган бутун нурланишнинг 80% У.н. спектрига тўғри келади.

Фан ва техникада ҳозирги пайтда У.н. оптик квант генератори — *лазер* ёрдамида олинади. У спектрограф *монохроматорлар* ёрдамида ўрганилади. Спектрнинг бу қисми учун мўлжалланган оптик асбоблар бошқа оптик асбоблардан объектив ва призмаларнинг кварцдан тайёрланганлиги б-н фарқ қилади. Чунки шиша $3{,}2 \cdot 10^{-7}$ м дан қисқа

ширини кучайиши ва уларнинг учувчи компонентларга тўйинган нордон магма б-н ўрин алмашиши натижасида содир бўлади. У. геосинклиналь ҳаракатчан зоналар тараққиётининг орогеник босқичида учрайди.

УЛЬТРАМИКРОКИМЁВИЙ АНАЛИЗ — жуда оз миқдордаги моддалар намунасини текширишга асосланган усул ва услублар мажмуи. Тажрибада оддий концентрацияли, лекин ҳажми n (10^{-1}—10^{-4}) мл дан кўп бўлмаган эритмалардаги n (10^{-6}—10^{-12}) г миқдор модда аниқланади. У.а. *микрокимё-*

вий анализ йўли б-н аниқлаб бўлмайдиган оз миқдордаги моддаларни аниқлаш имконини беради. У.а. усуллари оддий усулларда аниқлаш реакциялари каби реакцияларга асосланган. Тажрибада механик манипуляторлардан фойдаланилади. Текширишлар лупа (ҳажми 10^{-3} мл) ёки микроскоп (ҳажми 10^{-5} мл дан кичик) ёрдамида олиб борилади. Барча операциялар микроманипуляторлардан фойдаланиб микроскоп буюм столчасининг кўриш майдончасида ўтказилади.

Оз миқдордаги намуналарни анализга тайёрлаш усуллари ўзига хос бўлиб, намунанинг тури ва табиатига боғлиқ. Текширилаётган намуналар ва уларнинг табиати турлича, мас., коррозия маҳсулотлари, ғубор, қоплама, минераллардаги қаттиқ ва суюқ аралашмалар, метеоритлар, қотишмалардаги аралашмалар, кичик ҳажмдаги турли суюқликлар, янги кимёвий элементлар ва б. бўлиши мумкин.

УЛЬТРАМИКРОСКОП (*ультра...* ва *микроскоп*) — оддий микроскоп ёрдамида кўриб бўлмайдиган майда зарраларни кўришга хизмат қиладиган оптик асбоб. У. кўриладиган объект (зарралар)ни ёритиш усули б-н оддий микроскопдан фарқ қилади. Оддий микроскопларда қўлланиладиган объектни ёритиб кузатиш усули ўрнига, бунда қоронғилаштирилган майдон усулидан фойдаланилади. У.да объектни ёритиш учун кучли ёруғлик манбаи ва жуда катта ёруғлик кучига эга бўлган оптик тизимлар қўлланилади. Бу усулда текширилаётган объект (зарралар) нур бевосита кузатувчининг кўзига тушмайдиган қилиб, ён томондан жуда кучли ёритилади. Ҳар бир ёритилган зарра кузатувчига қоронғи майдонда ўзидан ёруғлик сочиб турувчи ёруғ нуқта бўлиб кўринади. Турли хилдаги У. ёрдамида турли *дисперс системалар*даги зарраларнинг концентрацияси ва ҳаракати аниқланади (расмга қ.т. У. ёрдамида $2 \cdot 10^{-9}$ м гача катталикдаги зарраларни ўрганиш мумкин. Дастлабки У. 1903 й.да австрия олимлари Г.Зидентопф (1872—1940) ва Р. Зигмонди (1865—1929) томонидан яратилган.



Тирқишли (*а*) ва кетма-кет жойлашган (*б*) ультрамикроскоп схемаси: *1* — ёруғлик манбаи; *2* — конденсор; *3* — оптик тирқиш; *4* — ёритувчи объектив; *5* — кювектa; *6* — кузатувчи микроскоп; *7* — фотометрик пона.

УЛЬТРАТОВУШ — частотаси 15-$20 \cdot 10^3$ Гц дан 10^9 Гц гача бўлган эластик тебранишлар ва тўлқинлар. У. паст частотали ($1{,}5 \cdot 10^4$ Гц), ўрта частотали (10^5—10^7 Гц) ва юқори частотали (10^7—10^9 Гц) У.га бўлиниш мумкин.

У. тебранишларини ҳосил қилишда маълум физик ҳодисаларга асосланиб ясалган У. нурлаткичлари қурилмаларидан фойдаланилади. Механик нурлаткичларда У. тебранишлар газ ёки суюқлик оқимининг механик энергияси ҳисобига содир бўлади. Электромагнит нурлаткичларнинг *магнитострикция* ва *пьезоэлектр* ҳодисаларига асосланган турлари кенг тарқалган.

У. сув ости кемаларини излашда, денгиз (океан) чуқурлигини аниқлашда, технологик жараёнларни тезлатишда, қийин кечадиган баъзи кимёвий реакцияларни рўёбга чиқаришда, масса алмашинишни, кристалл ўстириш, электролиз каби жараёнларни тезлатишда, моддаларнинг физик хусусиятларини ўрганишда, материаллар сифатини текширишда (қ. *Дефектоскопия*), моддаларга ишлов беришда, диагностика ва даволашда кенг қўлланилади.

УЛЬТРАТОВУШ БИЛАН ДАВОЛАШ — даволаш ва диагностика мақсадида *ультратовуш*дан фойдаланиш. Ультратовушнинг таъсир этиш механизми механик (ҳужайра ва тўқималар микромассажи), термик (иссиқ ҳосил бўлиши) ва физик-кимёвий фаол моддалар ҳосил бўлиши ва б. омилларга асосланган.

Ультратовуш тиббиёт амалиётида 30-й.лардан қўллана бошланди. Ундан даво мақсадида фойдаланишда махсус аппаратлар қўлланилади.

Ультратовуш танага 1 см дан 5—6 см гача чуқурликда киради, бу ундан турли аъзоларни даволашда фойдаланишга имкон беради. У. билан д.ла, асосан, унинг тўқималардаги ҳужайралар ички жараёнларини (оқсил биосинтези, биологик фаол моддаларнинг ҳосил бўлиши, ва б.) фаоллаштиришга ёрдам берувчи кичик дозасидан фойдаланилади.

Ультратовуш организмга механик, физик, кимёвий ва иссиқ таъсир қилади. Ультратовушнинг терапевтик таъсири маҳаллий ва умумий реакциялардан иборат бўлиб, нейро-рефлектор ва гуморал йўл орқали юзага чиқади. Ультратовуш маълум дозада оғриқни сантирувчи, сўрувчи, яллиғланишга қарши, спазмолитик, фибринолитик, қонни суюлтирувчи таъсир қилади. Унинг таъсирида битиш ва тикланиш жараёнлари тезлашади, нерв-мускул аппарати қўзғалувчанлиги ошади. Периферик нерв толасидан импульс ўтишини тезлаштиради, тўқиманинг трофик функциясини яхшилайди ва ҳ.к.

Таянч-ҳаракат аппарати касалликлари (артрит, артроз, ревматоид артрит, периферик нерв системаси жароҳати ва касаллиги, ҳазм аъзолари касалликлари, меъда ва 12 бармоқ ичак касалликлари), қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари (тонзиллит, фарингит), гинекологик касалликлар (сальпингоофаритлар), урологик касалликлар (простатит) ва стоматологик касалликлар (*пародонтоз*)да яхши наф беради.

Лекин ультратовушни қўллаш беморга тўғри келиш-келмаслигини фақат врач аниқлаб беради. Тўқималарни кесиш каби хирургик операцияларда ҳам ультратовуш асбобларидан фойдаланилади. Ультратовуш диагностика мақсадларида тош ва ёт жисмларни, ҳомиланинг жойлашиш ҳолати ҳамда бошининг ўлчамини ва б.ни аниқлашда қўлланилади.

УЛЬТРАҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАР — тўлқин уз. 1 мм (частотаси $3 \cdot 10^{11}$ Гц) дан 10 м (частотаси $3 \cdot 10^7$ Гц) гача бўлган радиотўлқинлар. У.т. нурлаткич қурилма (антенна) сининг ихчам ва кичик бурчак бўйлаб йўналтирилган хилларини яратиш мумкин. Бундай антенналарнинг кучайтириши катта бўлганлиги туфайли уларнинг самарадорлиги ҳам юқори бўлади. У.т. радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувларни кенг частота диапазонида олиб боришга имкон беради.

УЛЬЧЛАР, ольчлар (ўзларининг номи, айнан — одамлар деб атайдилар) — Хабаровск ўлкасида (РФ) яшовчи халқ. 3,2 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Ульч тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, православлар. Ўтмишда У.да анимизм, шаманизм кенг тарқалган. У.нинг этногенезида тайгадаги тунгуслар, қад. туб жой аҳоли ва б. этник қатламлар иштирок этган. Анъанавий машғулотлари — балиқ овлаш.

УЛЬЯНОВСК (1780 й.гача — Синбирск, 1924 й.гача — Симбирск) — РФ Ульяновск вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Волга ва Свияга дарёлари бўйида. Т.й. чорраҳаси. Дарё порти (Куйбишев сув омбори). Аэропорт бор. Аҳолиси 636 минг киши (2002). Шаҳар 1648 й.да Синбирск истеҳкоми сифатида вужудга келган. 18-а. бошларидан Қозон губерниясида. 1780 й.да Симбирск ноиблигига асос солинган. 1796 й.дан губерния шаҳри. 19-а.да Волга бўйидаги дон, балиқ, қорамол, ёғоч-тахта савдоси марказларидан бўлиб қолди. Озиқ-овқат саноати ривожланди. Машинасозлик ва металлсозлик (ҳозирги саноат мажмуи, «Авто УАЗ» и.ч. бирлашмаси; мотор, оғир ва уникал станоклар, «Контактор» ва б. заводлар), қурилиш материаллари и.ч., кимё, енгил, озиқ-овқат саноатлари ривожланган. 3 олий ўқув юрти, 2 театр, ўлкашунослик, бадиий музейлар, И.А.Гончаров тарихий-мемориал музейи; тарихий-мемориал қўриқхона бор. Меъморий ёдгорликлардан: гимназия (18-а.), Ленин мемориали биноси (1967—70) мавжуд. В.И.Ульянов (Ленин) номига қўйилган (Симбирскда туғилган).

Ульяновск вилояти. Маъмурий бино.

УЛЬЯНОВСК ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1943 й. 19 янв.да ташкил қилинган. Россия Европа қисмининг жан.-шарқида жойлашган. Майд. 37,3 минг км². Аҳолиси 1382,3 минг киши (2002), асосан, руслар (73%), шунингдек, татар, чуваш, мордва, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Вилоят таркибида 21 маъмурий туман, 6 шаҳар, 33 шаҳарча бор. Шаҳар аҳолиси 73%. Вилоят маркази — Ульяновск ш.

У.в. ҳудудининг $^1/_4$ га яқин қисми Волга бўйи қирларининг шарқида жойлашган. Волга дарёси У.в. ҳудудини ўнг ва чап (Заволжье) соҳилларга бўлади. Заволжье соҳили қисми бир оз қия текислик. Ўнг соҳилда Волга бўйи қирлари (бал. 363 м гача) жойлашган. Фойдали қазилмалари: кварц, кумуш, диатомитлар, қурилиш материаллари хом ашёси, нефть, табиий газ, ёнувчи сланецлар, торф, фосфоритлар. Ундори минерал суви бор. Иқлими мўътадил континентал, янв.нинг ўртача т-раси —13°, июлники 19°. Йилига 400 мм га яқин ёғин ёғади. Вегетация даври 174 кун. Асосий дарёлари — Волга ва унинг ирмоқлари (Сура, Свияга, Катта Черемшан ва б); Куйбишев сув омбори, кичик кўллар бор. Вилоят ўрмонли дашт ва кенг баргли ўрмонлар (асосан, шим.-ғарби) зонасида, жойлашган. Заволжьеда қарағайзорлар сақланган. Ўрмонлар вилоят ҳудудининг 25% ни эгаллайди. Катта майдони унумдор қоратупроқлар б-н қопланган. Ёввойи ҳайвонлардан лось, сувсар, тийин, оқ товушқон, сув паррандалари ва ботқоқ-қирғоқ қушлари яшайди. Куйбишев сув омборида балиқ овланади.

Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик (У.в.да Россия автобусларининг 64%, юк автомобилларининг 6%, шунингдек, самолётлар, станоклар, кимё саноати учун жиҳозлар, қ.х. машиналари, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарилади). Енгил (жун ва зиғир газламалар, пайпоқ) ва озиқ-овқат (ун, ёрма ва б.) саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари, цемент, термоизоляция и. ч., ёғочсозлик саноати корхоналари бор. Энг йирик корхоналари: «Ульяновский автозавод», «Волжские моторы», «Автодеталь-сервис», «Авиастар», механика машинасозлик з-длари, Димитровград агрегат заводи. Асосий саноат марказлари Ульяновск, Димитровград. Қ.х.нинг етакчи тармоғи сут-гўшт йўналишидаги чорвачилик. Қорамол, чўчқа, қўй боқилади. Асаларичилик ривожланган. Буғдой, арпа, гречиха, техника экинларидан кунгабоқар ва қанд лавлаги, шунингдек, картошка, сабзавот экинлари ва б. экилади. Т.й.лар узунлиги 709 км, автомобиль йўллари уз. 4615 км, Волгада кемалар қатнайди. Ҳаво транспорти вилоятни РФнинг кўпчилик р-нлари б-н боғлайди. 2 халқаро аэропорти (шу жумладан, Ульяновск-Восточний) бор. 46 санаторий-курорт муассасаси фаолият кўрсатади.

УМАВИЙЛАР — Яқин ва Ўрта Шарқ, Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган араб халифалари сулоласи (661—750), арабларнинг Маккадаги қурайш қабиласининг умайя уруғидан келиб чиқишган. Асосчиси — Муовия I. У. даврида араблар ғарбда Шим. Африка, Пиреней я.о.нинг катта қисми, шарқда Табаристон, Журжон, Мовароуннаҳр, Синд ва б. ҳудудларни босиб олишган. Муовия I (661—680) ва Абдулмалик даврида (685—705) давлатнинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий қудратини оширувчи бир қанча маъмурий ва ҳарбий ислоҳотлар ўтказилган. Хусусан, халифа лавозими наслий бўлиб қолган, давлат хазинаси ва давлат архиви ташкил этилган, араб тили давлат тили деб эълон қилинган, янги (олтин, кумуш ва мис) пул чиқарилган, ҳарбий-денгиз флоти ташкил этилган. У. пойтахтни Дамашқ ш.га кўчирганлар, шу туфайли бу халифаликни Дамашқ халифалиги деб ҳам аташади. У. даврида кўплаб қўзғолонлар (736—737 й. Ўрта Осиёдаги Хорис ибн Сурайж, 731—740 й.ларда Марокашдаги барбарлар қўзғолони, 742 й. Мағрибда хорижийлар қўзғолони ва б.) бўлган. 747—750 й.лардаги Абу Муслим қўзғолони натижасида халифа Марвон II тахтдан тушган, ҳокимият *аббосийлар* қўлига ўтган. У. ҳукмдорлари: Муовия I (661—680), Язид I (680—683), Муовия II (683—684), Марвон I (684—685), Абдулмалик (685—705), Валид (705—715), Сулаймон (715—717), Умар (717—720), Язид II (720—724), Ҳишом (724—743), Валид II (743—744), Язид III (744), Иброҳим (744), Марвон II (744—750).

УМАВИЙЛАР МАСЖИДИ, Катта масжид — Сурия (Дамашқ)даги ўрта аср араб йирик меъморий ёдгорлиги. Ал-Валид ҳукмронлиги даврида Юпитер ибодатхонаси масжидга мослаштирилиб қайта қурилган (705—715). У.м. кўп устунли жозибадор шаклда бўлиб, меъморий безакка эга дастлабки ёдгорликлардан.

Умавийлар масжидининг ички кўриниши (705—715, Дамашқ).

Масжид кенг майдон (385×305) ўртасида жойлашган, атрофини бозорлар эгаллаган. Ҳовли саҳнининг 4 бурчагига минора ўрнатилган (улардан фақат шим.-шарқий қисмидагиси сақланган). Ташқи девори бал. 14 м га яқин. Бош тарзи деворлари оралигига устунтўша (пилястралар ишланган. 2 дарвоза жез б-н қопланган. Масжид ҳовлиси 3 томондан галереяли пешайвон б-н ўралган. Жан.дан хонақоҳ (132×37 м) туташган. Мил. 1-а.даги *базилика* хонақоҳ учун мослаштирилган. Бош тарзи 3 неф (равоқли, ҳар бир неф бал. 15 м, улардаги равоқлар қатор қилиб терилган мармар устунларга таянган. Тепасидаги майда равоқчалар безак сифатида қўлланилган. Томи 2 нишабли, тўсинли. Устунлар асоси мармардан, каллагига тилла ҳал юргизилган. Деворлари ва шипига кошинкори нақшлар б-н боғ ва саройлар тасвири туширилган. У.м. ёнгиндан кейин қайта қурилган (1893). Жан.-шарқий бурчагига минора ўрнатилган (1340), жан.-гарбидаги минора тепасига қафаса ишланган (1488). Ҳовлида томи гумбазли, 8 қиррали, устунли 3 та кўшк ўрнатилган, гарбида хазинахона (778), марказида ҳовуз сақланган. У.м. кейинги давр Сурия ва б. мамлакатлар меъморий ривожига таъсир кўрсатган ёдгорликлардан.

УМАНСКИЙ Зиновий Маркович (1906.28.1, Литин ш., Украина — 1985, Тошкент) — провизор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967); фармацевтика фанлари д-ри (1948). Винница фармацевтика ин-тини тугатган (1929). Киев фармацевтика ин-ти аспиранти, айни вақтда шу ин-т аналитик кимё кафедрасида ассистент, анорганик кимё кафедрасида доцент (1932—35). Днепропетровск фармацевтика ин-ти фармацевтик кимё кафедрасида доцент (1936—39). Ленинград кимё фармацевтика и.т. институтининг аналитика бўлими раҳбари (1939—41). 1941 й.дан Тошкент фармацевтика ин-ти дорилар технологияси ва гален препаратлари кафедрасининг ташкилотчиси ва мудири ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти фармацевтика кафедраси мудири (1959—66). Илмий ишлари тиббиёт-фармацевтика саноати маҳсулотларининг техник шароити ва фармакопея стандартларини ўрганишга оид.

УМАР ибн ал-Хаттоб ал-Форуқ (тахм. 585—644) — дастлабки тўрт халифадан иккинчиси (ҳукмронлик йиллари 634—644). Исломни тахм. 616 й. қабул қилган. Муҳаммад (сав)нинг яқин сафдошларидан бири, у олиб борган барча жангларда қатнашган. *Абу Бакр* ўлимидан аввал У.ни ўз ўрнига тавсия этган. Унинг халифалик даврида ислом Ироқ, Сурия, Миср, Ливияга тарқалди. Эрон ҳудудлари халифаликка қўшилди. Араб-мусулмон салтанати таркиб топа бошлади. Унинг даврида барча асосий маъмурий-ҳуқуқий муассасалар, аввало солиқ тизими тузилди. Мусулмонлар жамоаси тез орада руҳонийлар идора қиладиган давлатга айланди. Бу ҳол У. халифа унвонига биринчи бўлиб қўшимча амир ал-муминин (мўминлар ҳукмдори) унвонини қабул қилишида ҳам ифодаланди. У. янги мусулмон йил ҳисоби — ҳижрий йил тақвимини жорий этди. Суннийлар тарихий анъанасида У. рисоладагидек ҳукмдор, яъни тақводор, мусулмонларга нисбатан адолатли, душманларга бешафқат инсон сифатида таърифланади. Унинг даври исломнинг «олтин асри» деб улуғланади. У. Муҳаммад (сав)нинг Мадинадаги қабри ёнига дафн этилган.

УМАР БОҚИЙ (18-а. охири — Хива — 19-а. бошлари) — ёзувчи. Алишер Навоий «Хамса»сига кирган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларининг насрий вариантларини яратган. «Фарҳод ва Ширин»ни асл матнига жуда яқин ифодалаган бўлса, «Лайли ва Мажнун» баёнида матндан бирмунча четга чиққан. У. Б. Навоий достонларининг ғоявий мазмунини, образлар характерини сақлаб, аслиятга ниҳоятда яқинлаштирган. Достонларнинг муқаддима ва хотима қисмларини тушириб қолдириб, халқ китобларидагидек, воқеаларнинг асосан асар мазмунига мос равишда бошланишига эришган.

Асарлари Тошкентда тошбосмада чоп этилган (1909, 1910).

Ас.: Куллиёти Фарҳоду Ширин, Т., 1908; Китоби Мажнун ва Лайли, Т., 1909.

УМАР ХАЙЁМ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурий) (1048.18.5 — Нишопур — 1131.4.12) — математик, астроном, файласуф, ҳаким ва мутафаккир шоир. Нишопурда бошланғич маълумотни олгач, Балх, Бухоро ва Самарқандда таҳсил кўрган. Маликшоҳ ва Низомулмулк (1019—92) даъвати б-н 1074 й.да Исфаҳонда расадхона қурдирган ва унга раҳбарлик қилган. Юлдузлар жадвали (зиж), 1079 й.да янги ислоҳ қилинган тақвим (календарь) тузган. Бу тақвим Европада ундан 500 й. кейин жорий қилинган Григорий календаридан ҳам аниқроқ бўлган.

У.Х. илмда ҳам, ижодда ҳам ўзини шайх ур-раис Абу Али ибн Синонинг ҳассос ва садоқатли шогирди ҳисоблаган. Ибн Сино асарларини тушунмаган кишилар уларни изоҳлаш ва шарҳлашни ундан сўраганлар. У устозининг бир қатор асарларини арабчадан форсчага таржима қилиб, шарҳлаб берган, унинг ғоя ва қарашларини давом эттирган ҳамда тарғиб қилган. «Рисолат ул-коин ват-таклиф» («Коинот ва унинг вазифалари ҳақида рисола»), «Рисола фи-л-вужуд» («Борлиқ ҳақида рисола»), «Рисола фи куллиёти вужуд» («Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола») каби фалсафий асарларида Ибн Синонинг вориси ва издоши сифатида намоён бўлган. 1077 й.да у юнон олими *Евклид* китобидаги бир неча геометрик шаклларни шарҳлаб ёзган «Рисола фи шарҳи мо ашкала мин мусодарат китоб ул-Иқлидис» («Евклид китоби муқаддималаридаги мушкулотлар шарҳи ҳақида рисола») асарида бутун сонларнинг илдизини топиш йўлларини кўрсатиб берган. «Рисола фи-л-бароҳини ала масоил ал-жабр ва-л-муқобала» [«Алгебра ва муқобала (қаршилик назарияси) исботлари ҳақида рисола»], «Мушкулот ул-ҳисоб» («Арифметика мушкулотлари») асарларида у юнон олимларининг аниқ фанларга оид фикрларини араб тилида кенг шарҳлаш б-н бирга, уларнинг қарашларини ривожлантирган, математик, физик тенгламаларнинг моделларини топган. 12-а. форс насрининг нодир намунаси ҳисобланган «Наврўзнома» асарида Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи, Шарқ халқларининг бу байрам б-н боғлиқ анъана ва маросимлари кенг ёритилган, кўплаб ҳикоят ва ривоятлар келтирилган.

У.Х.га унинг рубоийлари жаҳоншумул шуҳрат келтирган. Уларда шоир дунё, олам ҳақида, ҳаёт мазмуни ҳақида фикр юритади. Рубоийларида у материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, жисмнинг емирилиб, янгисининг пайдо бўлишини (кулол, кўза, тупроқ ҳақидаги рубоийлар ва б.) ифодаланади. Умуман, ишқ ва ҳаёт, инсон тафаккурининг қудрати, умрнинг маъноси, инсоннинг фазилат ва қусурлари, маърифат ва жаҳолат каби мавзулар шоир рубоийларининг асосини ташкил этади. Тез-тез учраб турадиган май образи эса илоҳий муҳаббат, ҳаёт лаззатларини улуғлаш воситасидир. Фирдавсий маснавийни, Ҳофиз ғазални қанчалик такомилга етказган бўлсалар, У.Х. ҳам рубоийни шунчалик юксак мавқега кўтарди. У.Х. рубоийлари дунёнинг деярли барча асосий тилларига таржима қилинган. Бу рубоийлар ўшандан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир кўрсатган. 19-а.дан Ғарбда ҳам машҳур бўлган. Айнан у туфайли рубоий жаҳон сўз санъатининг машҳур жанрларидан бирига айланган. У ўзининг фалсафий жиҳатдан теран ва сермазмун рубоийлари б-н Шарқ шеъриятида фалсафийликнинг чуқурлашувига катта ҳисса қўшган.

Америкада У.Х. асарлари асосида театрлаштирилган саҳна асари, Лондонда махсус хайёмхоналар саройи мавжуд. Уларда шоир рубоийлари ҳам аслида, ҳам таржимада бадиий сўз усталари, моҳир нотиқлар томонидан ўқилади. Шарқда бундай саҳна асари — «Ўз-ўзим билан суҳбат» Тожикистон халқ артисти Маҳмуджон Воҳидов томонидан яратилган. Шерали Жўраев, Фаррух Зокировлар ҳам У.Х. рубоийлари асосида қўшиқлар яратганлар.

У.Х. рубоийларини 20-а. бошларидан ўзбек тилига таржима қилишга киришилган. 1914 й. «Шўро» жур.нинг бир неча сонларида шоирнинг рубоийлари илмий шарҳи б-н насрий таржимада эълон қилинган. Фитрат «Форс шоири Умар Хайём» номли рисоласида (1929) унинг 35 та рубоийсини насрий таржимада келтирган. Кейинчалик Ф.Абдуллаев унинг 14 та рубоийсини шеърий таржима қилган. У.Х. рубоийлари таржимаси асосан Ш. *Шомуҳамедов* номи б-н боғлиқ; шоир рубоийлари унинг таржимасида бир неча марта босилиб чиққан. Сўнгги йилларда У.Х. рубоийларининг Ж.Камол, Э.Очиловлар томонидан арузда қилинган янги таржималари пайдо бўлди.

Ас.: Умар Хайём [рубоийлар], Т., 1970; Умар Хайём [рубоийлар], Т., 1985; Наврўзнома, Т., 1990.

Ад.: Шомуҳамедов Ш., Умар Хайём, Т., 1962; Алиев Р.М., Османов М.Н., Омар Хайям, М., 1959; Султанов Ш., Султанов К., Омар Хайям, М., 1987; Ҳомидий Ҳ., Шарқ дарғалари, Т., 1999; Фитрат, Форс шоири Умар Хайём [Танланган асарлар], 2-ж., Т., 2000.

Эргаш Очилов.

УМАРБЕКОВ Жавлон Юсупович (1946.17.6, Тошкент) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистон халқ рассоми (1989), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1982). П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1966) ва Бутуниттифоқ давлат кинематография ин-ти (1972) ни тугатган. Навоий номидаги Адабиёт музейида бош рассом (1972—73), Тошкент санъат ин-тида педагог (1974—76), 1976 й.дан Ўзбекистон рассомлар уюшмаси бошқаруви аъзоси, раиси (1984—87). У. ижоди серқирра, мавзуга бойлиги, услубий ранг-баранглиги б-н диққатга сазовор; илк ижоди реалистик санъат анъаналари асосида ижтимоий фикрларни ифодалашдан аста Шарқ, энг аввало Ўрта Осиё миниатюра санъати анъана ва услубини Европа реалистик санъат анъаналари б-н уйғунлаштиришга, ҳиссий кечинмаларини эркин ифодалашга ўта борди. Жаҳон тасвирий санъатидаги услуб ва изланишлар ҳамда ўзбек тасвирий санъатида содир бўлган пластик изланишлар У.нинг асарларида ўзига хос ечимни белгилашда сезиларли ўрин эгаллайди: «Болалик» (1968), «Қўшиқ» (1969), «Менинг дўстим» (1971), «Тафаккурли инсон» диптихи (1979—80), «Мен инсонман» (1981—83), «Ҳовуз бўйида» (1988), «Келинчак» (1995), «Соҳибқирон Амир Темур» (1995), «Етти иқлим султони» (1995), «Учрашув» (1996), «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» (1996). У., шунингдек, натюрмортлар («Ой натюрморти», «Кушон натюрморти» ва б.), манзаралар («Бўзсув», «Карвон», «Ипак йўли харобалари» ва б.) ҳамда туркумли асарлар («Жазоир бўйлаб», 1978; «Сурхондарё», «Тошкентнинг 30 кўриниши», 1983 ва б.) муаллифи.

У. Германия (1980, 1986, 1991), Япония (1982, 1995), Кувайт (1989, 1990), Туркия (1993), АҚШ (1997—2004) ва б. мамлакатларда ижодий сафарларда бўлган; асарлари б-н республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади, асарларидан намуналар республика ва хориждаги музей ва тўпламларда сақланади.

Ўзбекистон БА Олтин медали б-н мукофотланган (2002).

Ад.: Жавлон Умарбеков [Каталог], Т., 1996.

УМАРБЕКОВ Ўлмас (1934.25.1 — Тошкент — 1994.10.11) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1984). Ўрта Осиё ун-тининг филол. ф-тини тугатган (1956). Республика телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасида муҳаррир, бош муҳаррир (1956—71), Ўзбекистон КП МКда сектор мудири (1971—74), «Ўзбекфильм» киностудияси директори (1971—81), Ўзбекистон Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари (1982—86), вазири (1987—89), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1985—89), Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари (1989—91). Илк китоби — «Ҳикоялар» (1958), «Хатингни кутаман», «Юрак сўзлари» (1960); «Бобоёнғоқ» (1961), «Юлдузлар», «Менга ишонмайсанми?» (1962), «Ҳаёт абадий» (1964), «Чарос» (1966), «Кўприк» (1968), «Болгар қўшиқлари», «Олтин япроқлар» (1972), «Қиёмат қарз»

Ж. Ю. Умарбеков. «Етти иқлим султони» (1995).

У. Германия (1980, 1986, 1991), Япония (1982, 1995), Кувайт (1989, 1990), Туркия (1993), АҚШ (1997—2004) ва б. мамлакатларда ижодий сафарларда бўлган; асарлари ўн-и республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади, асарларидан намуналар республика ва хорижлдаги музей ва тўпламларда сақланади.

Ўзбекистон БА Олтин медали ўн-и мукофотланган (2002).

Лит.: Жамолов Умарбеков [Каталог]. Т., 1996.

УМАРБЕКОВ Ўлмас (1934.25.1 — Тошкент — 1994.10.11) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1984). Ўрта Осиё ун-тининг филол. ф-тини тугатган (1956). Республика телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасида муҳаррир, бош муҳаррир (1956 —71), Ўзбекистон КП МКда сектор мудири (1971—74), «Ўзбекфильм» киностудияси директори (1971—81), Ўзбекистон Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари (1982—86), вазири (1987—89), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1985—89), Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари (1989—91). Илк китоби — «Ҳикоялар» (1958). «Хатингни кутаман», «Юрак сўзлари» (1960); «Бобоёнгоқ» (1961), «Юлдузлар», «Менга ишонмайсанми?» (1962), «Ҳаёт абадий» (1964), «Чарос» (1966), «Кўприк» (1968), «Болгар қўшиқлари», «Олтин япроқлар» (1972), «Қиёмат қарз»

Ж. Ю. Умарбеков. «Етти иқлим султони» (1995).

(1976), «Ер ёнганда» (1993) каби ҳикоя тўпламлари муаллифи. Ҳикояларида Абдулла Қаҳҳор каби устоз ёзувчилар анъаналарини давом эттириб, уларни янги мавзу, янги тасвир усуллари б-н бойитган. «Бобоёнғоқ» каби ҳикояларида кишиларнинг маънавий-ахлоқий гўзаллигини тасвирлашга, инсоннинг жамият ва табиат олдидаги бурчини, масъулиятини кўрсатишга алоҳида эътибор берган. «Болгар қўшиқлари» (1972) туркум ҳикоялари ҳам ихчамлиги, драматизмга бойлиги, шеърий-ритмик хусусиятлари б-н ажралиб туради. У.нинг «Севгилим — севгилим» (1963), «Кимнинг ташвиши йўқ» (1965), «Уруш фарзанди» (1972), «Ёз ёмғири» (1973), «Оқ қалдирғоч» (1974) ва б. қиссалари жанрий ранг-баранглиги, қаҳрамонлар руҳий оламининг теранлиги, бадиий тасвир усулларининг такрорланмаслиги б-н диққатга сазовор. «Одам бўлиш қийин» (1970) ва «Фотима ва Зуҳра» (1994) романларида ёшлар, кишиларнинг хулқ-атворида кўринган салбий жиҳатларни тасвирлаш орқали совет даври маънавиятидаги камчиликлар ҳаққоний очиб берилган.

У. ижодида драматургия муҳим ўринни эгаллайди. 70-й.ларда ўз истеъдодини театр санъати соҳасида синаб, «Оқар сувлар» (1971), «Суд», «Ёшлик денгизи» (1972), «Комиссия» (1974) сингари пьесаларни ёзган. У. 80- й.ларда «Ўз аризасига кўра», «Кузнинг биринчи куни», «Қиёмат қарз», «Ассалом, куёв» сингари етук саҳна асарларини яратди. Айниқса, машҳур театр артисти Ш.Бурҳонов ижросидаги Сулаймон ота образи туфайли У. пьесаси асосида саҳналаштирилган «Қиёмат қарз» спектакли томошабинлар ўртасида катта шуҳрат қозонди. У. Ҳамза номидаги театр (ҳоз. Ўзбек Миллий академик драма театри)да саҳналаштирилган бу ва б. пьесалари б-н шу давр ўзбек драматургияси тараққиётига муҳим ҳисса қўшди. У. «Қизимга мактублар» («Мангу ҳаёт бўсағасида») деб номланган сўнгги публицистик асарида ҳаётга, ўткинчи умрга чуқур фалсафий назар ташловчи, ўзининг ва ўзгаларнинг ҳаётий тажрибасидан юксак хулосалар чиқарувчи ёзувчи даражасига кўтарилганини намойиш этган. Умрининг сўнгги йилларида ёзган «Туҳмат» (1987), «Оқсоқол» (1991), «Ўзинг учун ўл етим» (1992, тугалланмаган) драмалари ҳам эътиборга лойиқ.

У. «Йигит ва қиз» (1967), «Асосий кун» (1971), «Икки солдат қиссаси» (1973), «Чапталюрдаги ов», «Севги афсонаси» (1985) ва б. киносценарийларнинг муаллифларидан бири.

Ҳаётнинг ботиний қатламларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, инсон тақдирида рўй берган иллият ва ҳолатларни, белгиларини умумлаштириш, бадиий тафаккур тарозисига қўйиш, драматизмга мойиллик, инсон характерини унинг руҳий ҳолати, ҳис-туйғулари орқали очиб бериш У.нинг ижодий услубига хос хусусиятлардир. Асарлари хорижий тилларга таржима қилинган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1980).

Ас.: Танланган асарлар [3 ж.ли], 1—2-ж.лар, Т., 2002—04; Фотима ва Зуҳра [роман], Т., 2002.

Ад.: Мирвалиев С., Истеъдоднинг қин қиноғи, Т., 1994; Мирвалиев С., Ўлмас Умарбеков, Т., 2004.

Собир Мирвалиев

УМАРОВ Абдулхай Рашидович (1928.6.10 — Тошкент — 2002.31.5) — санъатшунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1978). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1952). 1957 й.дан Ҳамза номидаги Санъатшунослик и.т. институтида илмий ходим, 1961 й.дан катта илмий ходим, 1963 й.дан Ўзбекистоннинг замонавий тасвирий санъати бўлими мудири. 1959 й.дан Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси бошқаруви аъзоси (раис муовини, 1968—73). У. Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатининг ривожи, замонавий мавқеига оид илмий асарлар, ўзбек рассомлари ижодини таҳлил этувчи мақолалар муаллифи; Ўзбекистон санъати тарихига оид кўплаб китоб, альбомларда муаллиф сифатида қатнашган.

Ас.: Портретная живопись Узбекистана, Т., 1968; Абдулхак Абдуллаев, М., 1971; Чингиз Ахмаров, Т., 1979; Алишер Мирзаев, Т., 1990.

Ад.: Умаров Абдулхай Рашидович [Каталог], Т., 1989.

УМАРОВ Абдураҳим (1947.24.8, Тошкент) — ганчкор уста, меъмор. Ўзбекистон БА акад. (1999), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1992). Маҳмуд *Усмонов*нинг шогирди. Тошкент политехника ин-тини тугатган (1971); шу ин-тда «Жамоат бинолари ва интерьерларини меъморий лойиҳалаш» кафедрасида педагог (1971—76). 1976 й.дан Тошкент тажриба керамика к-тида ганчкор уста, 1985 й.дан Республикада «Усто» халқ санъати усталари бирлашмаси бош директори, 1997 й.дан «Усто» Республика махсус ижодий и.ч. уюшмаси раиси. Унинг ижодий фаолияти ўзбек халқининг бой маданий меросини асраш, қайта қўллаш, халқ амалий безак санъатини замонавий меъморчиликда қўллаб, унга миллий руҳ беришга бағишланган. Унинг ижодий раҳбарлигида республика ва хорижий мамлакатларда кўплаб меъморий иншоотлар (Темурийлар тарихи давлат музейи, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, Ўзбекистон консерваторияси, Термиз археология музейи, Ўзбек миллий академик драма театри бинолари, Бухоро меъморий мажмуи, Баҳоуддин мажмуаси ва б.) миллий меъморлик ва амалий санъат намуналари б-н безатилган.



УМАРОВ Акром (1899—1956) — самарқандлик ганчкор уста, меъмор. Ҳунарни отаси уста Умар ва *Абдуқодир муҳандис* (Абдуқодир Боқиев)дан ўрганган. 1928 й.дан Самарқанддаги меъморий обидаларни тиклаш б-н шуғулланган: Шердор мадраса (девори ва пештоғи), Тиллакори ва Улуғбек мадрасаларининг миноралариии тиклашда қатнашган; Шоҳизинда ансамблидаги Қўшгумбаз мақбараси, Амир Темур мақбараси пойгумбази ва гумбази устини кошинлар б-н тўлиқ қоплаган. Бухоро ва Шаҳрисабздаги меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган.

УМАРОВ Каримжон (1948.10.6, Косонсой тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Наманган педагогика ин-тини тугатган (1970). 1970—2003 йилларда Косонсой туманидаги 28-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

УМАРОВ Саидкомил Ҳамроевич (1946.2.11, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (2000). «Ўзбекфильм» қошидаги киноактёрлар тайёрлаш студиясини (1970), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини (1971) тугатган. «Ажал минораси» (А.Дюма) спектаклида ака-ука Готье Д'онэ ва Филипп Д'онэлар унинг саҳнада яратган илк образларидир. У образ яратишда асосий диққатни психологик таҳлилга қаратади. Яратган образлари бадиий

Саидкомил Умаров Навоий ролида («Алишер Навоий» видеофильми).

яхлитлиги, қаҳрамонларининг юқори маънавий фазилатларини, дунёқарашини, инсоний ҳис-туйғуларини нозик ҳис қила билиши ва таъсирли ифодалаш оснини б-н ажралиб туради. Театрда «Гани даръёсининг қизи»да Оккуй, «Қароқчилар»да Карл Моор, Шварц, «Келинлар қўзғолони»да Ҳаким, «Соҳибқирон»да Султон Бойзид, «Абулфайзхон»да Улфатсарой, «Зебуннисо»да Розий, «Отелло»да Кассио, «Кутлуг қон»да Салимбойвачча, «Истанбул фожиаси»да Искандар, «Шайтон ва Фаришта»да Қобил, «Бир қадам йўл»да Шокир, «Сабъаи сайёр»да Моний каби ролларни б-н танилган. У. кинода ҳам бир қанча образлар яратган: Элмурод («Ой бориб, омон қайт»), Миркомил Миршаропов («Узоқ-яқин йиллар»), Самандар («Қор кўйнида лола»), Гаспринский («Фидойилар») ва б. шулар жумласидан. Мулла Абдушукур («Кутлуг қон»), Навоий («Навоий ва Гули»), Меъмор Фазлиддин («Бобур»), Мирёқуб («Кеча ва кундуз»), Чернишевский («Ёш Россия»), Элмурод («Ўқитувчи») каби ролларни эса телевизион видеофильмларда ўйнаган.

УМАРОВ Солиҳ Ҳусанович (1921.2.5 — Тошкент — 1995.23.12) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Тошкент педагогика билим юртини (1938), кичик лейтенантлар курсини (1941) тугатган. Ўқитувчилик қилган ва 1940 й.дан армия сафида. 1-Белоруссия фронти, 47- армиянинг 76-ўқчи дивизияси, 80-артиллерия полки батареи командири. Германияда Вилгельмштадт аҳоли пунктидаги (1945й.2—3.5) кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1945 й.31.5). Капитан У. Минск ш.нинг фахрий фуқароси. Урушдан сўнг саноат ва хўжаликнинг турли соҳаларида ишлаган. Тошкент ш.даги кўчалардан бири унинг номи б-н аталади.

УМАРОВ Султон Умарович [1908.11(24).8, Хўжанд — 1964.6.5, Душанба] — физик олим, давлат ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА акад. (1943), проф. (1949). Тожикистон ФА акад. (1957). Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1958). Самарқанд Педагогика академиясини тугатган (1930). Ўзбекистон ун-ти доценти ва кафедра мудири (1936 й.дан). Тошкент педагогика ин-ти директори ўринбосари (1941). Ўрта Осиё ун-ти ректори (1942—43; 1945—50). Ўзбекистон ХКС раисининг ўринбосари (1943—45). Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти назарий физика бўлими мудири (1950—56), шу ин-т директори (1956—57). Тожикистон ФА президенти (1957—64). У.нинг илмий ишлари кинетик назария, статистик ва ядро физикаси, физик электроника, яримўтказгич асбобларнинг ишлаш назарияси ва физиканинг фалсафий муаммолари масалаларига оид.

Ас.: Атом ядро энергияси, Т., 1965.

УМАРОВ Улуғбек Юнусович (1958.15.12, Фарғона ш.) — и.ч. новатори, Ўзбекистон Қаҳрамони (1999). Қўқон автомобиль йўллари техникумини тугатган (2004). Меҳнат фаолиятини 1980 й.да «Фарғона ирригация қурилиши» тресети қурилиш-монтаж бошқармасида экскаватор машинисти бўлиб ишлашдан бошлаган. Фарғона автомобиль йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармасида экскаватор, автоскрепер машинисти (1983—2000), 2001 й.дан шу бошқармада механик. Республикадаги муҳим йўл қурилиши объектларида фаол иштирок этиб, юқори меҳнат кўрсаткичларига эришган, кўплаб экскаваторчи шогирдлар етиштирган.

УМАРОВ Фахриддин Асилпўлат ўғли (1926.1.9, Қибрай тумани) — Ўзбекистон халқ ҳофизи (2002). Илк мусиқа сабоқларини отасидан, сўнг ҳофизлик сирларини Асқар Убайдуллаев, Акмалхон ва Бобохон *Сўфихоновлар*дан ўрганган. Тошкент консерваториясида таълим олган (1950—53). Ўзбекистон радиоқўмитаси (1946—61), Ўзбек давлат филармонияси (1961—86)да яккахон хонанда. Репертуаридан, асосан, куйларни ўзи басталаган қўшиқ ва ашулалар — «Ишқингда зор ўлдим» (Ноқис ғазали), «Найларам» (Хислат), «Жамолинг», «Сочининг саваси тушди» (Бобур), «Онам дерман» (Е.Мирзо), «Қайдасан» (Машраб), «Ўзбегим» (Э.Воҳидов), «Эй, муҳаббат» (П.Мўмин), «Умр ўтмоқда» (Т.Сулаймон), шунингдек, мумтоз («Чоргоҳ», «Баёт» каби) ва замонавий бастакорлар ашулалари («Муножот», «Содирхон Ушшоғи» ва б.) ўрин олган. Ижролари Ўзбекистон радиоси фоножамғармасига, 20 дан ортиқ грампластинкага ёзилган.

Ад.: Боқий Н., Ҳамидов Ҳ., Мени ёд эт, Т., 2000.

УМАРОВ Холхўжа Мукаррамович (1955.2.2, Тошкент) — қурувчи-уста, и.ч. новатори, Ўзбекистон Қаҳрамони (1997). Ўрта мактабни тугатганидан сўнг 1977 й.дан «Тошкент уйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «Тошкентмахсуспардозқурилиш» акциядорлик жамиятининг 42-қурилиш бошқармасида уста (1977—80), сувоқчилар бригадаси бошлиги (1980—2000), 2001 й.дан уста. У. Тошкент ш.да, айниқса, 90-й.лардан кейин барпо этилган уй-жой, маданий-маиший, спорт мажмуалари бинолари, саройларини пардозлаш ишларида маҳорат кўрсатган, юқори меҳнат унумдорлигига эришган, кўплаб қурувчи-пардозловчи шогирдлар етиштирган.

УМАРОВ Шодмон (1918.27.11, Қашқадарё вилояти Китоб тумани Урус қишлоғи — 1984.2.1, Тошкент) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1938 й.дан армия сафида. Тбилиси пиёда аскарлар билим юртини (1942) ва ҳарбий академияни тугатган. 1-Белоруссия фронти (Брянск), 8-гвардиячи армиянинг

88-гвардиячи ўқчи дивизияси 266-гвардиячи ўқчи полкида батальон командири. Польшанинг Варта дарёсидан кечиб ўтишда (1945.25.1)ги жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1945.24.3). Урушдан сўнг ўқитувчи ва Тошкент ш. фуқаро мудофааси штаби бошлиғи бўлиб ишлаган. Тошкент ш.даги кўчалардан бири унинг номи б-н аталади.

УМАРОВ Ғиёс Ёқубович (1921.25.12 — Тошкент — 1988.21.12) — физик олим, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1968), техника фанлари д-ри (1967), проф. (1968). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1943). Тошкент политехника ин-ти доценти, кафедра мудири (1950—58), Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти илмий ходими (1958 й.дан), лаб. мудири (1960 й.дан), ин-т директори ўринбосари (1961 й.дан), директори (1962—65), шу ин-т гелиофизика бўлими мудири (1965—88). Илмий ишлари, асосан, ядро физикаси, гелиофизика масалаларига оид. У RaE ва RaD нинг β-емирилишини текширди, фототасвирларни радиоактив изотоп ёрдамида кучайтириш усулини ихтиро қилди, шогирдлари б-н ҳамкорликда *лантаноидларнинг* 30 дан ортиқ янги изотопларини очди, Қуёш иссиқлик ст-ялари қуриш мумкинлигини кўрсатди. У шогирдлари б-н Қуёш нурларини акслантирувчи параболид юзасини и.ч. услубини яратди. Қуёш энергиясини тўплайдиган юқори т-рали гелиоқурилмалар, Қуёш энергиясини узоқ муддат сақловчи ва б. турдаги энергияга айлантирувчи қурилмалар ихтиро қилди. Қийин эрийдиган металлар, сопол маҳсулотларини олиш, пайвандлаш ва б.ни амалга оширадиган қурилмалар яратди.

Унинг раҳбарлигида иссиқхоналарда сабзавот ва меваларни қуриткич, чигитни плёнка остида ундириш ускуналари ва б.нинг дастлабки намуналари яратилди. Тошкент ш.даги кўча ва маҳаллалардан бирига унинг номи берилган.

Ас.: Қуёш инсон хизматида, Т., 1972 (ҳамкорликда); Беруни, Коперник и современная наука, Т., 1973; Расчёт параметров внутреннего теплообменного контура двигателя Стирлинга, Т., 1979 (со авторами).

Ад.: Ершов А.А., Солнцепоклонник Гияс Умаров, М., 1996.

УМАРОВ Ҳамза (1925.17.12, Қўқон — 1987.26.11, Тошкент) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1967). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида (1948—51) ўқиган. 1950—86 й.лар Муқимий театрида, 1987 й. янв.—авг.да Ҳамза театрида, сўнгра «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлаган. «Арчутон» спектаклидаги Жаъфар У.нинг саҳнада яратган илк образидир. «Олтинкўл» (Уйғунда) Ғани, «Нурхон» (К.Яшинда) Ҳўжурхўжа, «Фарҳод ва Ширин» (Хуршидда) Шопур, «Равшан ва Зулхумор» (К.Яшинда) Терсак роллари б-н танилди. У ижодида 50-й.лар шаклланган характерли, лирик ва кулгили-ҳажвий йўналишлар кейинги йиллар ҳам давом этди. Қаҳрамонларининг феъл-атвори ва хусусиятларини бир от бўрттириб ифодалаши, сўзларини дона-дона ва жарангдор талаффуз қилиши, қўшиқларини қаҳрамон ҳолатига сингдириб юбориши, қарама-қарши ҳис-туйғуларни кучли психологик драматизмда етказиши б-н У. санъати алоҳида ажралиб туради. Исфандиёрхон («Ғазал фожиаси»), Маъдалихон («Нодира»), Саид («Гули сиёҳ»), Масхарабоз («Ўн иккинчи кеча»), Асқарали («Мавлоно Муқимий»), Гунг («Қизбулоқ»), Пантанивили («Ҳонума хоним») каби образлари бунга мисолдир. Реж. сифатида «Бағри тош», «Қайнона», «Инқиди билан» каби асарларни саҳналаштирган.

У.нинг кино санъати ривожига қўшган хизматлари алоҳида бўлиб, кинода унинг янги қирралари очилди, қиёфаси, чеҳраси, овози, хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши, ички кечинмаларининг юзида, кўзларида зоҳир бўлиши кинематография имкониятлари ва ифода воситаларига жуда мос тушган.

Кинода Салимбойвачча («Қутлуғ қон»), Умар («Маҳаллада дув-дув гап»), Маламинбек («Фавқулодда комиссар»), Ҳомид («Ўтган кунлар»), Қориев («Инқилоб чавандозлари»), Асқаров («Ёз ёмғири»), Нормат («Шижоат»), Сулаймонов («Фалокат оёқ остида»), Жабборов («Шиддат»), Қулдошев («Сени кутамиз, йигит»), Матнадар («Олтин соҳил») каби 60 дан ортиқ образ яратган. У бир қанча телевизион спектакллар (Масхарабоз, «Қиролнинг далхушни» ва б.)да ҳам ўйнаган. Дубляж санъатининг моҳир устаси сифатида танилган (1000 дан ортиқ фильмда овоз берган). «Бағри тош», «Хаёт йўли», «Дил торгса», «Ер юрган кучалар», «Тош фарзандлари» пьесаларининг муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970).

Муҳсин Қодиров

Ҳамза Умаров Масхарабоз («Ўн иккинчи кеча» спектаклида) ва Ҳомид («Ўтган кунлар» фильми) ролларида.

УМАРХОН, Амир Умархон, Амирий (1787 — Қўқон — 1822) — Қўқон хони (1810—1822), ўзбекзабон шоир. *Норбўтабий*нинг ўғли. Ўзбекларнинг минг уруғидан. Бошланғич саводини оилада чиқариб, кейин мадрасада таҳсил олган. Ёшлигидан саройи хизматига жалб қилинган; акаси — Қўқон хони *Олимхон*нинг давлатни бошқариш ишларида фаол иштирок этган. Олимхон 1807—08 й.ларда унга Фарғона ҳокимлигини топширган. Шу йиллардa у Андижон ҳокими Раҳмонқулибийнинг қизи Моҳларойим (*Нодира*)га уйланган.

Ҳоким табақалар Олимхоннинг Тошкентда кўтарилган ғалаённи бостириш учун кўшни тортганлигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар ва 1810 й. У.ни хон қилиб кўтарадилар, Олимхон эса ўлдирилади. У. Қўқон хонлиги ҳудудини кенгайтириш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш сиёсатини олиб боради. Бухоро амирига қарашли Туркистон ш. (1815), Ўратепани (1817) босиб олган. Сирдарё бўйидаги ерларда Янгиқўрғон, Жулек, Қамишқўрғон, Оқмачит, Қўшқўрғон номли ҳарбий истеҳкомлар қурдирган. Улар Ўрта Осиёни Россия б-н боғлайдиган муҳим савдо йўлида жойлашган эди. У Россия б-н дипломатик муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилган. У. даврида Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёотада масжид ва мадрасалар қурилиб, қабристонлар тартибга келтирилган. Шаҳрихон шаҳарчаси барпо этилган, янги қишлоқлар вужудга келган. Хон амалдорларининг талончилик сиёсатига қарши Чимкент ва Сайрамда кўтарилган қўзғолон бостирилган. 19-а.нинг 1-ярмида Қўқонда унга хос илмий-маданий муҳит вужудга келган — унинг бошида турган маърифатпарвар ҳукмдор У. илм, маданият, санъат, адабиёт, турли касб-ҳунарларининг ривожига катта эътибор берган, мадрасаларда ўқишўқитиш ишларини яхшилаган, турли ҳунар мактабларни очилишини қўллабқувватлаган. Ўзи ҳам Амирий тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Унинг атрофида 70 дан ортиқ шоир йиғилган. 1821 й.да Фазлий Наманганий У. амрига биноан, 63 шоирнинг шеърини ўз ичига олган «Мажмуаи шоирон» тўпламини тузган. Уни улуғлаб қасидалар ёзиш, ғазалларига татаббуълар боғлаш бу шоирлар ижодида етакчи ўрин тутган.

У. Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедилни ўзига устоз санаб, улардан ижод сирларини ўрганган, уларга эргашиб ижод қилган, ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Арузнинг турли алабиётда машҳур, халқ ижодида ҳам кенг тарқалган енгил ва ўйноқи вазнларидагина ёзилган бу шеърларнинг барчаси ишқу муҳаббат мавзуида. Уларда анъанавий мотивлар ва тасаввуфий руҳ устун. Ўзбек ва форс-тожик тилидаги шеърларини тўплаб, девон тартиб берган. Девон ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ жанрларидаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олган.

Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг матншунослик ва ёзма ёдгорликларини нашр этиш бўлимининг илмий ходимлари томонидан У.нинг турли даврларда кўчирилган 26 та қўлёзма девони ҳисобга олиниб, уларнинг илмий тавсифи берилган. Бу қўлёзмалар Санкт-Петербург, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида У.нинг 17 та қўлёзма девони мавжуд. Булардан ташқари, литографик усулда чоп этилган девонлари ва шоир шеърларидан намуналар берилган баёзлар бор.

Ас.: Девон [М. Қодирова нашрга тайёрлаган] Т., 1972.

Ад.: Қаюмов А., Қўқон адабий муҳити, Т., 1961; Ибрат, Фарғона тарихи, Т., 1991; Мулла Олим Маҳмуд Ҳожи, Тарихи Туркистон, Қарши, 1992; Қаюмов А., Тазкираи Қайюмий, 1-ж., Т., 1998; Ҳомидий Ҳ., Кўҳна Шарқ дарғалари, Т., 1999; Бобобеков Ҳ., Қўқон тарихи, Т., 1996; Дилшод, Тарихи муҳожирон, Т., 1994; Нодира-Комила, Девон, 2001.

Эргаш Очилов, Ҳайдарбек Бобобеков.

УМАРХЎЖАЕВ Муҳаммад (1910.5.1 — Тошкент — 1984) — Ўзбекистон халқ артисти (1968). 1931—80 й.лар Ҳамза театрида актёр. Турдибой (Уйғун, И.Султон, «Алишер Навоий»), Тихон (А.Островский, «Момақалдироқ»), Дож (У.Шекспир, «Отелло»), Саидобид (М.Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»), Зокир (А.Мухтор, «Самандар») каби роллари б-н танилган. Қаҳрамон характерини бўрттириб тасвирлантириш, уларни кўтаринки, жўшқин ифодалаш У. ижодига хос.

УМАРШАЙХ, Умаршайх Мирзо (1356 — Хармоту — 1394) — темурий шаҳзода. *Амир Темур*нинг иккинчи ўғли. Онаси Тўлун ого (Тўмлун ого). Ёшлигидан моҳир чавандоз ва мард жангчи бўлиб етишган. Кейинчалик кўп жангларда кўрсатган жасурлиги ва қаҳрамонлиги эвазига баҳодир унвонига эришган. 1370 й. Амир Темурнинг *Ҳусайн ибн Мусаллаб* б-н бўлган жангида, У. Балх қалъасини қамал қилиш чоғида мардона курашган, лекин жанг охирида оёғидан яраланган. У мўғулларга қарши олиб борилган кўпгина жангларда фаол қатнашиб, Соҳибқирон қўшинидаги истеъдодли саркардалар қаторидан ўрин олган. 1393 й. Амир Темур У.ни Форс вилоятини забт этиш ишига масъул этиб тайинлайди. У. Истахр, Фарак, Шаҳриёр ва б. қалъаларни эгаллаб, навбатдаги Саржон қалъасини эгаллаш учун уни қамал қилади. Айни шу чоғда Амир Темур Миср ва Шом (Сурия)ни қўлга киритиш учун Диёрбакр томон қўшин тортади. Шу боис Соҳибқирон У.ни ўз ҳузурига етиб келишини буюради. У. Саржон қалъасини қамал қилиш амалиётини амир Идику барлосга топшириб, ўзи Шерозга келади. Бу ерда У. Ишончли амири Севинчакини Форсни забт этиш ишига мутасадди қилиб, ўзи отасининг қошига йўл олади. У. сафар пайтида Бағдод (баъзи манбаларда Шавдистон) йўли б-н юриб Бағдоддан тўрт манзил масофадаги Курдистондан ўтиб бораётганида йўл чеккасидаги Хармоту қалъасига дуч келган. У. ушбу қалъани яхшироқ томоша қилиш мақсадида бир тепаликка чиқади. Шу пайт қалъа ичидан отилган ногаҳоний камон ўқи У.нинг қулоғи остидаги кўк томирга тегади. У. шу заҳоти оламдан кўз юмади. Унинг қўшини Хармотуни ер б-н яксон этади. Ушбу воқеадан хабар топган Амир Темур қаттиқ изтиробга тушади. У амир Учқаро баҳодирни У.нинг жасадини Шерозга олиб келиш учун Хармоту томон жўнатади. У.нинг жасади Шерозга олиб келингач, мотам тутилиб, мирзони муваққат дафн қиладилар. Маълум фурсатдан сўнг У.нинг хотинлари — Севинч Қутлуқ ого бегим, Бека Мулк ого бегим ва Мулкат ого бегимлар ҳамда ҳали вояга етмаган ўғли Искандар мирзолар жасадни Шероздан Кеш (Шаҳрисабз)га олиб келадилар ва темурийлар хонадони учун махсус барпо этилган дахмага дафн этадилар. У. вафотидан сўнг Амир Темур Форс мамлакати ерларини бошқаришни тўнғич ўғли Пирмуҳаммад мирзога топширади. У.дан шунингдек, яна беш ўғил — Рустам мирзо, Искандар мирзо, Аҳмад мирзо, Саид Аҳмад мирзо ва Бойқаро мирзолар қолган эди.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1966; Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1996.

УМАРШАЙХ Мирзо (1456, Самарқанд — 1494.9.6) — темурий шаҳзода. *Абу Саид* мирзонинг тўртинчи ўғли, *Бобур*нинг отаси. Абу Саид мирзо Кобул вилоятини У.га берган, бироқ У. ҳали ёш бўлганлиги боис унга Бобойи

Муҳаммад Умархўжаев Саид Обид ролида («Мирзо Улуғбек», ўртада).

Қобулийни бек атка қилиб тайинлайди. Аммо тез орада мирзоларнинг хатна тўйини ўтказиш муносабати б-н отаси У.ни Самарқандга қайтаради. Тўйдан кейин Абу Саид мирзо У.га Андижон вилоятини бошқаришни топширган. Бу гал мирзога Худойберди тукчи Темуртошни бек атка қилиб тайинлайди. Кейинчалик акаси *Султон Аҳмад мирзо* У.га Тошкент б-н Сайрамни беради. Шоҳрухияни эса, ўзи фириб б-н қўлга киритади. Маълум вақтдан кейин Тошкент ва Шоҳрухия У. тасарруфидан чиқади, унинг қўл остида Фарғона, Хўжанд ва Ўратепа қолади. У.нинг ўз салтанати ҳудудларини кенгайтириш мақсадида қилган ҳаракатларидан таҳликага тушган акаси Султон Аҳмад мирзо Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхон (Хоника) ибн Юнусхон ўзаро иттифоқ тузиб 1494 й. У. устига қўшин торталилар. Бироқ шу йилнинг 9 июнида У. каптар учириш вақтида каптархона б-н бирга жарга қулаб ҳалок бўлади. «Бобурнома»да қайд этилишича, У. паст бўйлик, пахмоқ соқолли, юмалоқ юзли, тўла, лўппи киши бўлган. Кийимни тор тиктириб кияр, саллани чирмаб ўрар эди; ханафий мазҳаблик, соф эътиқодлик киши эди, беш вақт намозини вақтида адо этарди. Хожа Аҳрорни ўзига пир санар, унинг кўпдан-кўп суҳбатларида қатнашган. У. хушхулқ, саховатли ва мард инсон бўлган.

Ад.: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобурнома, Т., 1960; Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1996.

УМБРИЕЛЬ — *Уран* сайёрасининг йўлдоши. Диаметри тахм. 1100 км, сайёрадан ўртача узоқлиги 265 минг км. Уран атрофини 4 суткада айланиб чиқади. 1851 й.да инглиз астрономи У. Лассел кашф этган. У. сайёра атрофида унинг айланишига тескари томонга ҳаракатланади (яна қ. *Сайёраларнинг йўлдошлари*).

УМЕШ МЕҲРА (1953.6.8, Деҳли) — ҳинд кино реж.и. «Иглфильмз» студиясининг асосчиси Ф.С.Меҳранинг ўғли. «Меники—Сеники» (1977) фильми унинг биринчи мустақил ишидир. «Нотинчлик», «Сенинг қучоғингда», «Аланга», «Нобуд», «Қасам», «Варди», «Гуру», «Мазлум», «Дайди ошиқ», «Бағри тош ёр», «Энг катта раққоса», «Раққосаларнинг раққосаси», «Қалъа», «Халқаро раққоса», «Бу муҳаббатдир» каби фильмлари б-н ҳинд киноси ривожига муносиб ҳисса қўшди. У.М. «Ўзбекфильм» б-н ҳамкорликда фильмлар («Алибобо ва қирқ қароқчи», «Севги афсонаси», «Овчи») ишлаган. Ўзбекистонда чиқалиган ҳинд фильми ҳақида ҳикоя қилувчи «Фильмз» жур.нинг иккинчи бош муҳаррири.

УМИД НЕФТЬ-ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Қашқадарё вилояти Касби туманидаги кон, Қарши ш.дан 125 км ғарбда. 1976 й.да очилган, 1989 й.дан фойдаланишга топширилган. Кон майдонининг бал. 250—303 м. У.н.-г.-к.к. Чоржўй тектоник поғонасининг жан.-шарқий қисмида, Денгизкўл кўтарилмасининг Кушоб эгилмаси б-н туташган жойида жойлашган. Коннинг геологик тузилишида туз усти, туз ости ва риф ости структура қаватлари ажратилади. Жами 18 та қудуқ қазилган, мезозой ва кайнозой эраси ётқизиқлари очилган. Юра даври ётқизиқлари маҳсуллор бўлиб терриген, карбонат ва туз-ангидрит жинсларидан таркиб топган. Туз-ангидритли қатлам регионал қопқоқ вазифасини ўтайди. Саноат миқёсидаги нефть ва газ юқори юра даврининг оҳактошли горизонтларида (2503—2629 м чуқурликда) учрайди. 15-Р горизонтидаги жинслар тузилишига кўра риф ва риф оралиғи зоналарига бўлинади. Риф зонаси, асосан, риф генезисли ғовакли оҳактошлардан тузилган. Геологик кесим (горизонтнинг умумий қалинлиги 168 м) 80—100% коллекторлардан иборат. Газ уюми массив кўринишда бўлиб, унда нефть ҳошияси мавжуд. Газ уюмининг уз. 8 км, эни 3,6 км, бал. 110—125 м. Нефть уюмининг уз. 8,4 км, эни 3,9 км, бал. 10—12 м. Кондаги газ қуруқ, метанли, кам олтингугуртли. Таркибида метан, пропан, изобутан, мўътадил бутан, изопентан, карбонат ангидрид гази, водород сульфид, азот ва гелий мавжуд. Кондаги нефть оғир, кам олтингугуртли, юқори смолали, парафинли, кам бензинли, асфальтенлар миқдори кам. Конденсатлар зичлиги 0,78 г/см³, юқори олтингугуртли кам парафинли. Асфальтен ва смола учрамайди. Фақат бензин фракциясидан иборат. Юқори юра даврининг карбонатли маҳсуллор жинсларидаги қатлам сувлари хлоркальцийли типга мансуб бўлиб, минераллашганлиги 91—106 г/л. Кимёвий таркиби: хлор, сульфат, гидрокарбонатдан иборат. Микрокомпонентлардан: йод, бром, аммоний бўлиб, сувдан йод, бром ҳамда нодир элементлар (литий, рубидий, стронций)ни саноат миқёсида ажратиб олиш мумкин. Кондан ҳоз. кунда фойдаланилмоқда.

УМИДЖОНОВ Ботир Хошимович (1933.31.1, Душанба — 2004.2.9, Тошкент) — хор дирижёри, композитор. Ўзбекистон халқ артисти (1982). Тошкент консерваториясини тугатган (1960). Ўзбек давлат филармониясида хор хонандаси ва хормейстер (1952—60), Ўзбекистон телевидение ва радиосининг хор жамоаси ташкилотчиси, бадиий раҳбари ва бош дирижёри (1960—93). Муқимий театрида хормейстер (1995—2000). Дирижёр сифатида ўзига хос, миллий анъаналарга асосланган хор ижрочилигини яратишга муваффақ бўлган. Композиторлик ижоди Шарқ халқларининг мусиқа мероси ҳамда Европа кўп овозли (хор) мусиқа услубларининг уйғунлашувига асосланган. Ўзбекистон хор жамоаларининг миллий репертуарини шакллантиришга катта ҳисса қўшган. 100 дан ортиқ ўзбек («Чаманда гул», «Қилпиллама», «Қора соч», «Ялдама ёрим» ва б.), тожик («Дилиман», «Чорбайтхо», «Эй санам»), қирғиз («Комузчу»), қозоқ («Янурай», «Шашибау»), уйғур («Уйнамду яшир»), озарбайжон («Тесниф») халқ қўшиқлари; шунингдек, мумтоз («Сарахбори Наво», «Сегоҳ», «Чоргоҳ») ашула йўлларини жўрсиз хор учун қайта ишлаган. «Асрим садоси» кантатаси (Ойбек; Д.Зокиров б-н), «Ипак йўли» хор туркуми, «Оқибат» мусиқали драма, романс ва қўшиқлар, кинофильм ва радиоспектакллар мусиқалари муаллифи. Европа ва Осиё мамлакатларида гастролда бўлган. бир неча халқаро хор фестивали, анжуман ва танловлар қатнашчиси. Ижролари Ўзбекистон радиоси фонджамғармасида сақланади.

УМИДИЙ (Ҳавоий, Марғилоний — тахаллуслари; асл исм-шарифи Муҳаммадумар қори Неъматулла охун ўғли) (1835 — Марғилон ш. — 1905) — шоир, тарихчи. Ҳаёти Фарғона ва Марғилонда, Шарқий Туркистон (Қашқар)да кечган. Фурқат, Муқимий ва б. шоирлар б-н яқин ижодий ҳамкорликда бўлган. Ижодий фаолияти 19-а.нинг 2-ярмида Фарғонадан бошланган; адабий мероси кичик ҳажмдаги лирик ва сатирик шеърлар ҳамда эпик достонлардан иборат. Унинг «Маснавийи Умидий», «Девони Умидий» (1981), «Качкули Қаландарий»

(1891—92) назмий ва насрий йўл б-н ёзилган ҳикоялар, афсона ва ривоятлар тўпламини асарлари, «Балавлатнома ёки Тарихи Хуқанд» (1880), «Мактубчаи хон» (1884), «Жангнома» (1888), «Ҳайрат ул-одам» ва б. тарихий, фалсафий-дидактик достонлари ёзиб кетган. У. лирикасида ватанпарварлик, вафо ва садоқат, соф муҳаббат каби инсоний фазилатлар тараннум этилса, достонларида Фарғона водийси ва Шарқий Туркистондаги турли жанг жадалларда хароб бўлган юрт, халқ аҳволи ҳаққоний тасвирланади. Мас., 2700 мисрадан иборат «Балавлатнома ёки Тарихи Хуқанд» достонида Умархон вафоти (1822) дан 1875 й.гача бўлган Қўқон тарихи ва *Ёқуббек* (Муҳаммад Ёқуббек Бадавлат)нинг ҳарбий юришлари ҳикоя қилинади.

У.нинг астрономия ва тиббиёт илмлари б-н шуғулланганини кўрсатувчи маснавийлари ҳам бор. Асарларининг қўлёзмалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти, Россия ФА Санкт-Петербург бўлими фондларида сақланади.

Омон Жалилов.

УМИДОВА Зулфия Иброҳимовна (1897.1.6 — Тошкент — 1980.17.4) — терапевт олима. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1949), СССР Тиббиёт ФА мухбир аъзоси (1948). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1944), тиббиёт фанлари д-ри (1947), проф. (1948). Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-тини тугатгач (1922), ф-т терапия клиникаси ординатори (1922—25), ассистенти (1926—37), ТошТИ доценти (1937—44), госпиталь терапия кафедраси мудири (1944—69), 1970 й.дан шу кафедранинг проф. консультанти. Илмий ишлари ўлка патологияси ва иссиқ иқлим шароитида юрак-томир системаси касалликларини даволашга, шунингдек, соғлом одамнинг юрак-томир системаси ва миокард инфарктининг клиник хусусияти ҳамда тонус, томирлар камчилигининг бошқа шаклларини ёритишга бағишланган. ТошТИ ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Юрак-томир системаси физиологияси ва патологияси муаммолари комиссиясининг раиси (1959—70).

Ас.: Особенности течения гипертонической болезни влияние на неё метереологических факторов в Узбекистане, М., 1961; Проблемы сердечно-сосудистой системы в Узбекистане, Т., 1964.

УМИР САФАР ЎҒЛИ, Умир бахши (1894, Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Ғамбир қишлоғи — 1966, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Карашина қишлоғи) — достончи. *Шеробод достончилик мактаби* вакили. *Шерна бахши*нинг шогирди. Деҳқонободдаги Карашина қишлоғидаги к-зда, сўнг туман МТСида ишлаган (1929—56). Отаси ҳам, амакиси Бойназар ҳам достончи бўлган. У.С.ў. 3 ёшида отасидан етим қолган. 14 ёшидан термалар айтган, дўмбира чертган. Тарихий ҳужжатлар, шахсий таассуротлари асосида «Қорақум», «Дастагул» каби замонавий асарлар ёзган. Унинг репертуарида «Олтин қовоқ», «Равшанхон», «Малика айёр», «Бодол», «Гўрўғли», «Аваз», «Нурали» каби достонлар бўлган. У.С.ў.дан «Алпомиш», «Балхивон», «Нурали», «Зандигор», «Ойпарча», «Мойгулистон» каби достонлар, жуда кўп термалар ёзиб олинган. Улардан «Ойпарча» ва «Балхивон» нашр этилган. Тошкентда ўтказилган халқ талантлари олимпиадаларида қатнашган (1946—48). Бахшининг ўғиллари — Қора ва Чори Умировлар ҳам достонлардан парчалар, термалар ижро этадилар.

Ад.: Собиров О., Умир шоир Сафаров, Т., 1982.

УМИРБЕК ЛАҚҚИ — қорақалпоқ халқ латифаларининг қаҳрамони. Умирбек 19-а.нинг 2-ярмида ўтган тарихий шахс бўлиб, Чимбой ш. яқинидаги овулда яшаган. «Лаққи» унинг халқ қўйган лақаби. Қорақалпоқ халқининг оғир қисмати 18-а. охири ва 19-а. бошларида яратила бошлаган достонларда ва Умирбек номи б-н боғлиқ латифаларда ўз аксини топган. Бу латифаларда ҳазилкашлик, топқирлик, баъзан эса ҳийлакорликни ифодаловчи ҳангомалар У.л. номидан ҳикоя қилинади. Унинг номи б-н боғлиқ латифалар «Қорақалпоқ халқ афсоналари ҳам латифалари» тўпламида босилиб чиққан (1962). Рус тилида «Анекдоты Омирбека» («Умирбек латифалари») тўплами нашр этилган (1977). «Огонёк», «Крокодил», «Муштум» ва б. жур.ларда бундай латифалардан намуналар бериб борилган. Нукус драма театрида «Умирбек лаққи» комедияси саҳналаштирилган.

УМИРОВА Бувсора Қўзибоевна (1952.21.12, Боёвут ш.часи) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Сирдарё педагогика ин-тини тугатган (1978). 1970 й.дан Боёвут туманидаги 40-, 1975 й.дан 15-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

УМЛАУТ (нем. Umlaut — унлини алмаштириш) — сўздаги унлиларнинг грамматик шакл ясаш воситаси сифатида алмашинуви; ўзакдаги орқа қатор унлининг ўзидан кейинги (асосан, суффиксал) унли таъсирида олд қатор унлига айланишидан иборат фонетик ҳодиса. Мас., герман тилларида, хусусан, немис тилида a, o, u унлилари ўзакка қўшиладиган қўшимчалардаги i товуши таъсири остида ёки кўплик қўшимчаси қўшилганда, кўплик шаклини ҳосил қилишда юмшариб, ä, ö, ü товушларига айланади: Nutz — фойда, nützlich — фойдали; Buch — китоб, Bücher — китоблар; alt — кекса, älter — кексароқ; Sohn — ўғил, Söhne — ўғиллар ва б.

«У.» термини германистикадан ташқари *туркийшунослик*да ҳам қўлланади, чунончи *уйғур тили*да ва ўзбек тилининг айрим (Наманган вилояти) шеваларида У. ҳодисаси учрайди. Мас., уйғур тилида at(уй ҳайвони)+и = äти ва ш.к.

УММА (араб. уммат — маълум динга эътиқод қилувчилар жамоаси) — Мадинада Муҳаммад (сав) изидан борган ва ислом динини қабул қилган кишилар жамоаси. Муҳаммад уммати дейилганда ана шу жамоа аъзолари тушунилган. Кейинчалик уммат умуман мусулмонлар мазмунида талқин этилган.

УММА (шумерча Убме) — Жан. Месопотамиядаги қад. шаҳар-давлат (ҳоз. Ироқдаги Жоха ш. харобаси). Мил. ав. 3-минг йилликда Месопотамияда ҳукмрон бўлиш даъвогарларидан бири. Мил. ав. 24-а. охирида У. Аккад подшоси Саргон томонидан босиб олиниб, Аккад давлати таркибига киритилган. Мил. ав. тахм. 2200 й. гутийлар (кутийлар) босқинига учраган. Мил. ав. 21-а.да Шумер ва Аккад подшолиги барпо этилгач (Урнинг III сулоласи), вилоят (округ) маркази. Урнинг III сулоласи қулагач (мил. ав. тахм. 2000 й.), аҳамиятини йўқотган. Мил. 20-а. бошларида Жоха ш. харобасида маҳаллий аҳоли томонидан кўплаб миххат жадваллари (мил. ав. 23—21-а.ларга оид подшонинг ибодатхона хўжалиги архиви) топилган. Бу ёзувлар қад. Шумер жамиятини ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Ад.: Тюменев А. И., Государственное хозяйство древнего Шумера, М. — Л., 1956.

УММАТОВ Алижон (1948.1.6, Кува тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Фарғона педагогика ин-тини тугатган (1971). 1970 й.дан Кува туманидаги 15-мактабда физика ўқитувчиси. Дарсда кўргазмали қурол ва техника воситаларидан унумли фойдаланади.

енти (1937—
афедраси му-
ан шу кафе-
нити. Илмий
си ва иссиқ

латифаларининг қаҳрамони 19-а.нинг 2-ярмида ўтган тарихий шахс бўлиб, Чимбой ш. яқинидаги овулда яшаган. «Лаққи» унинг халқ қўйган лақаби. Қорақалпоқ халқининг оғир қисмати 18-а. охири ва 19-а. бошларида яратила бошлаган достонларда ва Умирбек номи б-н боғлиқ латифаларда ўз аксини топган. Бу латифаларда ҳазилкашлик, топқирлик, баъзан эса ҳийлакорликни ифодаловчи ҳангомалар Ул. номидан ҳикоя қилинади. Унинг номи б-н боғлиқ латифалар «Қорақалпоқ халқ афсоналари ҳам латифалари» тўпламида босилиб чиққан (1962). Рус тилида «Анекдоты Омир-

потамиядаги қад. шаҳар-давлат (ҳоз. Ироқдаги Жоҳа ш. харобаси). Мил. ав. 3-минг йилликда Месопотамияда ҳукмрон бўлиш даъвогарларидан бири. Мил. ав. 24-а. охирида У. Аккад подшоси Саргон томонидан босиб олиниб, Аккад давлати таркибига киритилган. Мил. ав. тахм. 2200 й. гутийлар (кутийлар) босқинига учраган. Мил. ав. 21-а.да Шумер ва Аккад подшолиги барпо этилгач (Урнинг III сулоласи), вилоят (округ) маркази. Урнинг III сулоласи қулагач (мил. ав. тахм. 2000 й.), аҳамиятини йўқотган. Мил. 20-а. бошларида Жоҳа ш. харобасида маҳаллий аҳоли томонидан кўплаб миххат жадваллари (мил. ав. 23—

УММОН, Уммон Султонлиги — Арабистон я.о.нинг жан.-шарқий қисмида жойлашган давлат. Майд. 212,4 минг км² (ғарбда чегара чўлдан ўтганлиги учун аниқ белгиланмаган). Аҳолиси 2,7 млн. киши (2002). Пойтахти — Маскат ш. Маъмурий жиҳатдан 59 вилоятга бўлинади.

Давлат тузуми. У. — султон бошчилигидаги монархия. Амалдаги конституцияси 1996 й. 6 нояб.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — султон (1970 й.дан Қобус бин Саид). Шўро кенгаши ва Давлат кенгашидан иборат Уммон Кенгаши маслаҳат органи мавжуд. Ижрочи ҳокимиятни султон ва ҳукумат амалга оширади.

Табиати. У. Форс ва Уммон қўлтиқлари, Арабистон денгизи б-н ўралган. Шим. қисмини Уммон тоғлари (мамлакатнинг энг баланд нуқтаси 3353 м — Шом тоғи) эгаллайди. Уммон қўлтиғи соҳилидаги Ал-Батина пасттекислигида бир қанча воҳалар бор. У.нинг марказий қисмида *Рубъ ул-Холи* қумли чўлининг шарқий чеккаси, жан.-ғарбида Дофар (Зуфар) платоси (бал. 500—1000 м ва ундан ортиқ) жойлашган. Ер остидан нефть, табиий газ, мис, хром, тошкўмир, марганец, қўрғошин, олтин ва кумуш қазиб олинади. Иқлими тропик, ҳудудининг катта қисмида чўл иқлими. Ҳавонинг ўртача т-раси июнда 32°, янв.да 21° (максимал т-ра 45—50°). Йиллик ёғин — 150 мм, тоғли жойларда 500—700 мм гача. У.да мунтазам оқар дарёлар йўқ. Ер ости сувларидан *коризлар* ёрдамида кенг фойдаланилади. Тоғлар саванна ва барг тўкувчи ўрмонлар, ўтлоқлар б-н қопланган. Воҳаларда хурмозор ва кокос пальмазорлари бор. Дофар платосида смола





Уммон герби

олинадиган дараxт ва коммифора дарахтлари ўсади. Ҳайвонот дунёси: сут эмизувчилардан араб ғизоли (оҳу), тулки, чиябўри, сиртлон учрайди, қушоёқ, калтакесак, илон, қирғоққа яқин сувда балиқ кўп. Вади-Серин қўриқхонаси ташкил этилган.

Аҳолисининг 90%дан кўпроғи уммонлар (У. араблари). Балужлар, форслар, Ҳиндистон, Покистон, Африка мамлакатларидан келганлар ҳам яшайди. Расмий тил — араб тили. Давлат дини — ислом. Аҳолининг аксарияти Уммон қўлтиғи соҳилларида истиқомат қилади. Шаҳар аҳолиси 72%. Муҳим шаҳарлари: Маскат, Салала, Сур, Матраҳ.

Тарихи. Ҳозирги У. соҳилида мил. ав. 4-минг йилликдан Шим. Африка, Форс қўлтиғи мамлакатлари ва Ҳиндистон ўртасида воситачи савдо марказлари мавжуд бўлган. 6—5-а.ларда У.нинг соҳил қисмлари Аҳоманийлар ҳукмронлиги остида бўлган. Мил. 6-а.да сосоний Хисрав I Анушервон (Нуширавон) қўшинлари томонидан вайрон қилинди. 7-а. ўрталарида У. Араб халифалиги таркибига киритилди, ислом дини тарқалди. 8-а. ўрталарида халифа ноибига қарши қўзғолондан сўнг У. мустақил давлат — имомликка айланди, уни имом идора қила бошлади. 9-а. охирида Аббосийлар У.ни ўзига итоат қилдирди. 11-а. охирига келиб мамлакат яна мустақилликка эришди. 1515 й. У.нинг барча соҳил қисмини португаллар босиб олди. 1650 й. озод қилинди. 18-а.нинг 2-ярмида Буюк Британия б-н Франция У.ни эгаллаш учун ўзаро кураш бошлади. 1792 й. имомнинг укаси султон ибн Аҳмад У. соҳилларини, жумладан, Маскат ва Ас-Соҳар ш.ларини эгаллаб, алоҳида давлат — Маскат султонлиги тузилганлигини эълон қилди. Айни вақтда ваҳҳобийлар эгаллаб олган Форс қўлтиғи ва Ҳўрмуз бўғози соҳиллари У.дан ажралиб чиқди. Шу тариқа 19-а. бошларига келиб, мамлакат У. имомлиги, Маскат султонлиги, У.нинг шим. соҳили (инглиз адабиётида «Қароқчилар Соҳили» деб аталадиган ҳудуд)га бўлиниб кетди. 19-а.нинг 2-ярмида



Уммон байроғи

Маскат б-н «Қароқчилар Соҳили» Англия протектората (Маскат ва Шартномали Уммон — ҳоз. Бирлашган Араб Амирликларига айлантирилди). У. имомлигининг соҳил бўйларидан маҳрум бўлиши унинг савдо-сотиқдаги мавқеига путур етказди. 1865, 1886, 1890 й.ларда У.да мустамлакачиларга қарши халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. Қўзғолончилар Маскатни У. билан бирлаштириш ва Маскат б-н Буюк Британия ўртасида тузилган асоратли шартномани бекор қилинишини талаб қилдилар. Аммо қўзғолонлар ҳар сафар шафқатсизлик б-н бостирилди.

1913 й. имом Салим ал-Харусий бошчилигидаги У. қабила қўшинлари Маскатнинг кўп қисмини озод қилдилар. 1920 й. 25 сент.да инглиз мустамлакачилари б-н Маскат султони Ас-Сиб қишлоғида У. имомлигининг мустақил давлат деб тан олувчи шартномани имзоладилар. Бироқ У.да йирик нефть конлари очилгач, Англия қўшинлари Ас-Сиб шартномасини бузиб, 1955 й. кузда У.га бостириб кира бошлади, инглиз аскарлари ва Маскат султони Саид ибн Таймур лашкарлари У.нинг Назва, Рустоқ ва б. шаҳарларини эгаллаб олди. У. аҳолисининг бир қисми имом Ғолиб ибн Али бошчилигида босқинчиларга қарши кураш бошлади. 1959 й.га келиб имомлик ҳудудининг анчагина қисми инглизлар қўлига ўтди. Кўп уммонликлар ватанини тарк этишга мажбур бўлди. 1958 й.дан У. тақдири масаласи БМТда бир неча бор муҳокама қилинди. Осиё ва Африка мамлакатларининг талаби б-н БМТ Бош Ассамблеясининг 18-сессияси У. масаласи б-н шуғулланувчи махсус қўмита тузди. БМТ Бош Ассамблеясининг 20-сессияси (1965) У. ҳудудидан инглиз қўшинларини чиқариб юбориш ва У.га мустақиллик бериш ҳақида қўмита таклифини маъқуллади. 1970 й. охирида Маскат султонининг ўғли Қобус бин Саид Маскат султонлиги б-н У. имомлигини бирлаштириб, У. Султонлиги тузилганини эълон қилди. У. — 1971 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 18 нояб. — Миллий кун (1970).



Уммонлик хунарманд

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари йўқ.

Хўжалиги. У. нефть ва газ саноати ривожланаётган аграр мамлакат. Йирик нефть конлари очилганлиги туфайли 1967 й.дан нефть ва газ қазиб олиш ривожлана бошлади. Ялпи ички маҳсулотда нефть ва газ саноатининг улуши 38,5%, қ.х.нинг улуши 2,9%. Ҳудудининг 0,1% да деҳқончилик қилинади, аҳолининг 75% қ.х.да банд. Суғориладиган ерларда ер ости каналлари (коризлар) ёрдамида воҳа деҳқончилиги йўлга қўйилган. Экспорт учун хурмо (финик пальмаси), лимон ва тамаки экилади. Ички эҳтиёж учун тариқ, буғдой, арпа, сабзавот, полиз экинлари, маккажўхори, пахта, шакарқамиш, мева ҳам етиштирилади. Кўчманчи бадавийлар чорвачилик (қўй, эчки, туя боқиш) б-н шуғулланади. Денгиздан балиқ овланади. И.ч. саноатида қувур ва пластмасса маҳсулотлари, шунингдек, кимё, нефтни қайта ишлаш, цемент з-длари, қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи, кондитер, ун-ёрма, металлсозлик, машинасозлик, кемасозлик корхоналари бор. Йилига ўртача 7,8 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Автомобиль йўллари уз. 30,8 минг км; т.й. йўқ. Асосий денгиз портлари — Маскат ва Матраҳ. Маскат яқинидаги Ас-Сиб ш.да халқаро аэропорт бор. У. четга нефтдан ташқари нефть маҳсулотлари, рангли металл, хурмо, қуритилган балиқ, тамаки, цитрус мевалар чиқаради. Четдан машина ва ускуна, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, газлама, қурилиш материаллари олади. Буюк Британия, Япония, Корея Республикаси, Сингапур, АҚШ б-н савдо қилади. Пул бирлиги — Уммон риали.

Уммон табиати манзараси.

Маорифи. 1970-й.лардан халқ маорифини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрила бошлади. Диний мактаблар б-н бир қаторда дунёвий ўқув юртлари очилди. Болаларга таълим бериш, уларни дарслик, мактаб кийимлари ва б.лар б-н таъминлашни давлат ўз зиммасига олган. Ёшларга касб-ҳунар ўргатувчи таълим марказлари очилган. И.т. ишлари Маскат ш.даги У. маданий мероси директорати, У. тарихий ассоциацияси ва б. муассасаларда олиб борилади.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. У.да нашр этиладиган асосий газ.лар: «Ал-Ватан» (араб тилидаги кундалик газ., 1971 й.дан), «Уммон» (араб тилидаги кундалик газ.), «Оман дейли обсервер» («Уммоннинг кундалик шарҳловчиси», инглиз тилидаги кундалик газ., 1981 й.дан), «Таймс оф-Омон» («Уммон вақти», инглиз тилидаги кундалик газ., 1975 й.дан). Давлатга қарашли У. ахборот агентлиги 1984 й. тузилган. У. Султонлиги радиоси 1970 й., У. телевидениеси 1974 й. ташкил этилган.

Маданияти. У. адабиёти ва санъати умумараб маданиятининг бир қисми сифатида ривожланиб келган. У.нинг жан.-ғарбидаги Дофар вилоятида милоднинг дастлабки асрларида равнақ топган Ал-Балид, Рубат, Таки ш.лари, Хор-Рори (қад. Самхарам) портининг харобалари сақланиб қолган. Тошдан ибодатхоналар (жумладан, ой маъбудасига бағишланган ибодатхоналар) қурилган, жез ҳайкаллар ясалган (бўлаклари топилган). 7-а.да ислом дини қабул қилингач, масжид ва мадрасалар барпо этила бошлади. 16-а.дан бошлаб, португаллар ҳукмронлиги даврида денгиз соҳилидаги Маскат, Рас-ал-Хайма, Матраҳ ш.ларида, мамлакат ичкарисидаги Назва, Ибрида маҳобатли тош қўрғонлар қурилди. У. шаҳарлари, асосан, ўрта аср қиёфасини сақлаб қолган. Шаҳарлардаги уйлар 2—3 қаватли, дераза ва айвонларига панжара тутилган. Соҳилда ўрнашиб олган балуж ва африкаликлар қамиш ва бордондан ясалган, томи пальма япроғи б-н ёпилган кулбаларда яшайдилар. Қад. бадиий ҳунармандчиликдан заргарлик (зеб-зийнат буюмлари, қурол, ойинқса, сопига уйиб нақш солинган чиройли пичоқлар), мис ва сополдан сирланган идиш, чарм буюм (эгар-жабдуқ, қамчи, шиппак)лар ясаш, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги касблари сақланиб қолган.

УММОН ТОҒЛАРИ, Хожар тоғлари — Арабистон я.о.нинг шарқий қисмидаги тоғлар. Аксари қисми Уммон ҳудудида. Арабистон денгизининг Уммон қўлтиғи соҳили бўйлаб 600 км га чўзилган. Энг баланд жойи 3353 м (Шом чўққиси). Асосан, оҳактош, базальт ва серпентинлардан тузилган. Жан.-ғарбий ва ғарбий этаклари чўл, ён бағри саванна ва тропик ўрмонлар, тоғ тепалари эса ўтлоқдан иборат. Воҳаларда буғдой ва маккажўхори экилади, банан ва хурмозорлар барпо этилган.

УММОН ҚЎЛТИҒИ — Арабистон денгизидаги қўлтиқ. Ҳўрмуз бўғози орқали Форс қўлтиғи б-н боғланган. Майд. 112 минг км². Уз. 450 км, кенглиги 330 км гача. Энг чуқур жойи 3694 м. Маскат порти бор.

УММОНЛАР (Уммон араблари) — халқ, Уммоннинг асосий аҳолиси. 1,5 млн. киши (1900-й.лар ўрталари). Шунингдек, Кувайтда ҳам яшайди (100 минг киши). Араб тилида сўзлашади. Диндорлари — мусулмонлар (ибодийлар, суннийлар). Мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярмида Уммоннинг шим. қисми яманлик арабларнинг азадий қабилалари (бошқа номи — яманийлар) томонидан босиб олинган, мил. бошларида эса Шим. Арабистоннинг низорий қабилалари Уммоннинг жан. минтақаларига келиб жойлашган. Шу 2 гуруҳ У.нинг этник асосини ташкил этган. Асосий машғулоти — суғорма деҳқончилик, чорвачилик.

УМОВ — ПОЙНТИНГ ВЕКТОРИ — ўзгарувчан *электромагнит майдон* энергияси оқими зичлигининг вектори. Энергиянинг тарқалиш йўналишини аниқлайди. Сон жиҳатдан энергиянинг тарқалиш йўналишига перпендикуляр бўлган юза бирлигидан вақт бирлиги ичида майдон кўчираётган энергия миқдорига тенг. *Халқаро бирликлар тизими* СИ да У. — П. в. қуйидаги формула орқали белгиланади: $\vec{P} = [\vec{E} - \vec{H}]$, бунда $\vec{E}$ ва $\vec{H}$ — электр ва магнит майдонлари кучланганликлари. Вт/м² да ўлчанади. Рус физиги Н.А. Умов ва Ж. *Пойнтинг* номи б-н аталади.

...қустиқ-
...и ўралган.
...ари (ҳамм-
...си 3353 м
... Уммон
...ина паст-
...алар бор.
...ъ ул Хам
...ческаси,
...о платоси
...н ортиқ
...сть, табиа-
...тир, мер-
...я ҳумуш
...ник, ҳуду
... иқлими.
...ида 32°,
... 45—50°.
...тли мой-
... мунтазам
...ушларидан
...ъзаболева-
...т ўқувчи
...оплантан,
...с пальма
...ида смола

Аҳолисининг 90% дан кўпроғи ўзмонлар (ўзлари). Балужлар, форслар, Ҳиндистон, Покистон, Африка мамлакатларидан келганлар ҳам истиқомат қилади. Расмий тил — араб тили. Динидини — ислом. Аҳолининг аксарияти Уммон қўлтиғи соҳилларида истиқомат қилади. Шаҳар аҳолиси 72%. Муҳим шаҳарлари: Маскат, Салала, Сур, Матрах.

Тарихи. Ҳозирги У. соҳилида милоднинг 4 минг йилликдан Шимолий Африка, Форс қўлтиғи мамлакатлари ва Ҳиндистон ўртасида воситачи савдо марказлари мавжуд бўлган. 6—5-асрларда У.нинг соҳил қисмлари Ахомонийлар ҳукмронлиги остида бўлган. Мил. 6-асла сосонийлар Хирадж 1 Анушарвон (Шуҳрибин) қўшинлари томонидан вайрон қилинган. 7-а ўрталарида У. Араб халифалиги таркибига киритилди. Ислом дини тарқалган 8-а. ўрталарида халифа пойтахт қарши кўтарилган сўнг У. мустақил давлат — имомликка айланди, уни имом Жабр қала бошлаган. 9-а. охирида Аббосийлар Улан ўзи-

1866, 1891 йилларда У.да мустамлакачиларга қарши халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. Қўзғолончилар Маскатни 1 йилга бирлаштириб ва Маскат б-н бўлиб Британия ўрнатган тузилган аграрлар партиясини бекор қилишни талаб қилдилар. Аммо қўзғолончилар ҳар сафар парчаланиб кетиб бостирилди.

1913 й. имом Салимга т-Харусий бошчилигидаги У. қабилалари қўшинлари Маскатнинг кўп қисмини озод қилдилар. 1920 й. 25 сентябрда имом мустамлакачилари б-н Маскат султони Ас-Саъид қилдилда У. имомлигининг мустақиллигини тан олувчи шартномага имзолайдилар. Бирок У.да нефть конлари очилгач, Англия қўшинлари Ас-Саъид шартномасини бузиб, 1955 й. ҳужум уюштириб кирғин бошлади, инглиз десантчилари ва Маскат султони Сайид ибн Таймур лашкарлари У.нинг Низва, Рустоқ ва б. шаҳарларини эгаллаб олди. У. аҳолисининг бир қисми имом Ғолиб ибн Али бошчилигида босқинчиларга қарши кураш

Хўжалиги. У. нефть ва газ саноати ривожланган оғир мамлакат. Йирик нефть конлари очилганидан сўнг, айниқса 1967 йилдан нефть ва газ қазиб олиш ривожлана бошлади. Ялпи ички маҳсулотда нефть ва газ саноатининг улуши 28,5%, қишлоқ хўжалигининг 8,1% ни деҳқончилик қилиш, асосининг 2,9% қисми тўғри келади. Суғориладиган ерларда ер ости сувларидан (қоризлар) фойдаланиб воҳа деҳқончилиги ўз ва қўйилган. Экспорт учун ўрмон ёнғоқ пальмаси), лимон ва тамаки экилади. Ички эҳтиёж учун арпа, бедапой, арпа, сабзавот, тохир экилади, маккажўхори, полиз ва карбызлар, мева ҳам етиштирилади. Кўчманчи боқувчилар чорвачилик (қўй, эчки, туя боқиш) б-н шуғулланади. Денгизда балиқ овланади. Ишсаноатида қўмир ва пластмасса маҳсулотлари, шунингдек, кимё, нефтни қайта ишлаш, цемент з-длари. Қимоқдулотларини қайта ишловчи корхоналар, ун-ерма, металлсозлик, машинасозлик, комбинатлик корхоналари бор. Йилига ўртача 7,8 млрд. кВт-соат

...мларга олиб ўтилган. Ўнларга каби қишлоқ ўрталарида савдо марказлари очилган. Ирлар: Маскат шаҳрида У. маданият меросн дирекцияси, У. тарихий ассоциацияси ва б. муассасалар ишлаб боради.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Ула ишлаётган асосий газ.лари: «Ал Ватан» (араб тилида, 1972 йилдан), «Уммон» (араб тилидаги кундалик газ.), «Оман» (инглиз тилидаги кундалик газ., 1981 йилдан), «Таймс оф Оман» («Уммон вақти», 1975 йилдан). Давлатга қарашли У. ахборот агентлиги 1984 й. тузилган. У. Султонлиги радиоси 1970 й., У. телевидениеси 1974 й. ишга тушган.

Маданияти. У. алабиёти ва санъати умумараб маданиятининг бир қисми сифатида ривожланиб келган. Унинг жанр-турлари Дафар вилоятида милоднинг биринчи асрларида равож топган: Ал-Баянд, Рубат. Ғайи шаъри, Хор-Рори (қад. Самъарон) порлоқ харобалари сақланиб қолган.

УМР, умр кўриш — организм яшаш даврининг давомийлиги (онтогенези). У. организмни қарилик ва ўлимга олиб келадиган, емирадиган ва қайта тиклайдиган физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг ўзаро таъсиридан иборат. Одатда, физиологик, экологик ва ўртача У. фарқ қилинади. Физиологик У. тур индивидининг қулай яшаш шароитидаги максимал ёши б-н; экологик У. эса унинг табиий шароитдаги максимал ёши б-н белгиланади. Ўртача У. популяция индивидлари умрининг ўртача арифметик қийматидан иборат. Ўртача У. ташқи муҳит шароити таъсирида ўзгариб туради; физиологик ва экологик У. эса ўзгармас констант ҳисобланади.

Ҳайвонлар У.и суяк қолдиқлари ва тишлари, балиқларники — тана ўлчамлари, тангачалар ва сузгич нурлари кесими; моллюскалар У.и чиғаноқ ҳалқалари орқали тахм. аниқланади. Табиий муҳитда ёввойи ҳайвонлар ёшини тўғри аниқлаш қийин. Кўлда боқиладиган ҳайвонларнинг фақат физиологик У.ни аниқлаш мумкин. Узоқ У. кўриш ҳайвонларнинг ҳар хил систематик гуруҳлари учун хос. Мас., осётрсимонлар 50—100 й., қурбақа ва тритонлар — 25—30 й.гача, бақалар 12—13 й., тимсоҳлар ва тошбақалар 50—100 й.; бойқуш, қарға, бургут, оқ сақоқуш, тўти 50—70 й., балиқчи қуш, турна, қузғун, африка туяқуши 30—40 й., айрим сут эмизувчилар 70—110 й. У. кўради. Битта систематик гуруҳга мансуб турлар У.и бир-биридан бир неча баравар фарқ қилади. Мас., сут эмизувчилар синфига мансуб кемирувчилар (сичқон, каламуш) 3—4 й.гача; жуфт туёқлилар (чўчқа, қўй, сигир) 15—30 й.; тоқ туёқлилар (зебра, эшак, от) 30—70 й. У. кўради. Сут эмизувчиларнинг тана ёки айрим органлари (жигар, мия, буйрак усти бези) оғирлиги б-н У. ўртасида мусбат; тана ҳарорати б-н У. ўртасида манфий корреляция кузатилади. Тана ҳароратининг 10 даражага пасайиши б-н, одатда, тана ҳарорати пасаядиган иссиқ қонли ҳайвонлар уйқуга кетмайдиган ҳайвонларга нисбатан бир неча марта кўпроқ У. кўради. Иккига бўлиниб кўпаядиган бир ҳужайралилар (мас., амёбалар) ва тўхтовсиз кўпаядиган тўқималар қулай шароитда чексиз узоқ; айрим туфелькалар клони 10 й.гача У. кўради.

Эволюция жараёнида узоқ яшашга имкон берадиган белгилар тўпланиб бориши натижасида турлар У.и узайиб борган ва узоқ У. кўрадиган янги турлар пайдо бўлган. Айрим маълумотларга қараганда кейинги 60 йил давомида тусқин ва йиртқич сут эмизувчиларнинг физиологик умри 2—3 марта ортган.

Одам У.и кўп жиҳатдан ижтимоий шароит б-н боғлиқ. Мас., ўртача У. Қадимги Грецияда 18 й.га, Қад. Римда 22 й.га яқин, ривожланган Европа мамлакатларида Уйғониш даврида — 35 й.га, 19-а. ўрталарида — 40 й.га тенг бўлган. 20-а.да тиббиёт фанларининг ютуғи ва ижтимоий юксалиш натижасида оламнинг ўртача умри 20 й.дан кўпроқ ўсган. 20-а. 80-й.ларида ривожланган мамлакатларда ўртача У. эркаклар учун 70 й., хотин-қизлар учун 76 й.га тўғри келган. Атроф-муҳит шароити ва турмуш тарзи энг қулай бўлганида оламнинг ўртача У.и 85 й.га етиши мумкин. Одам У.нинг янада узайиши *қариш* сир-асрорларини чуқурроқ билиб олиш б-н боғлиқ.

Юксак ўсимликлар У.и яшаш муддатига биноан бир, икки ва кўп йиллик бўлади. Бундай бўлиниши шартли, чунки муҳит шароитига қараб турнинг У.и ўзгариши мумкин. Мас., ғўза ва канакунжут тропикада кўп йиллик, мўътадил иқлимда бир йиллик; кунгирбош пасттекисликларда бир йиллик, тоғ шароитида кўп йиллик бўлиб ўсади. Бир йиллик ўсимликлар орасида эфемерлар айниқса қисқа (бир неча ой) У. кўради. Кўп йиллик ўтлар У.и ҳар хил: айрим папоротниклар 100 й.дан ортиқ; гулли ўсимликлардан ўт, бута, чалабуталар бир неча 10 й.дан 100 й.гача; баланд тоғларда ўсадиган айрим чалабуталар (саурарча) 300 й., ҳатто 800 й. У. кўради. Ўсимликлар орасида, айниқса, дарахтларнинг У.и узоқ бўлади. Мас., мамонт дарахти 4 минг й., баобаб 4—5 минг й. У. кўради. АҚШнинг Калифорния ва Невада штатлари чегарасида 4300 ва 4680 й. умр кўрган қарағайлар; Сурхон водийси Сайроб қишлоғида 700 й.га яқин У. кўрган чинорлар бор. Лекин кўпчилик дарахтларнинг умри бир неча 10 й.дан ошмайди. Дарахтлар У.и поядаги йиллик ҳалқалар сони, танасининг йўғонлиги, йиллик қўшимча ўсиши, шохланиши, пўстлоғининг ранги ва тузилишига қараб аниқланади.

Тирик организмлар, жумладан, одамнинг қариши жараёнини *геронтология* ўрганади (яна қ. *Ёш*).

Ад.: Урманис Б. Ц., Эволюция продолжительности жизни, М., 1978; Феномен долгожительства антрополого-этнографический аспект исследования, М., 1982; Фролькис В.В., Старение и биологические возможности организма, М., 1975.

Очил Мавлонов.

УМРА — ислом анъанасида кичик ҳаж. У. Қуръон оят ва Пайғамбар ҳадисларига б-н собит бўлган амал. У.ни йил давомида икки ёки бажариш мумкин. У.нинг ҳаждан фарқи бор: эҳром, Каъбани тавоф қилиш. Бир киши Маккага борганда бир неча бор у.ни, отасига, онасига, яқинларига У. қилиши мумкин. Фақат ҳар бир У. учун қайта миқотга бориб, ниятиб, эҳромни кийиб У. [illegible] Ҳажга бориб, Маккада ниятлангандар учун «Таньим» (ҳазрат Оиша) масжиди миқот ҳисобланади.

УМРБОҚИЙ. Умрбоқий — халқ селекциясида яратилган кечпишар қовун нави. Хоз. Ўзбекистон ўсимликшунослик ин-тида такомиллаштирилган «Умрбоқий 374» нави чиқарилган (К.И.Пангало, М. Гольдгауэн). Униб чиққач, 115—130 кунда пишади. Қовуни тухумсимон (23—28 см), оғирлиги 3—6 кг. Тусi сариқ аралаш қорамтир-яшил, сирти текис, мева банди томони ширик тур б-н қопланган. Пўсти қаттиқ. Эти оч яшил, қалинлиги 4,5—5,5 см, тиғиз, серсув, ширин. Таркибида 10—11% қанд бор. Палагидан тўлиқ пишмай узиб олинади. Сақлаш даврида таркибидаги қанд миқдори ортади. Ҳосилдорлиги 300—350 ц/га. Келгуси йилнинг май ойигача сақлаш мумкин. 1956 й.дан давлат реестрига киритилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ташқари барча вилоятларда экилади.



Умрбоқий қовун нави.

УМРДИНОВ Муҳиддин (1912.10.4 — Қува тумани Бойистон қишлоғи — 1981.25.5) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Доғистоннинг Дербент ш.да ёғингдан сақлаш бўлими бошлиғи бў-либ ишлаган. 1937—39 й.ларда ва 1942 й.дан армия сафида. 1-Белоруссия фронти, 3-армиянинг 269-дивизияси, 1022-ўқчи полки командирининг ёрдамчиси. Белоруссияни озод этишдаги жангларда қатнашган. Орёл вилоятининг қишлоқларини қўлга киритишда кўрсатган алоҳида жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944.4.6). У. Бихова (Белоруссия) ш.нинг фахрий фуқароси. Урушдан сўнг қишлоғига қайтиб, жамоа хўжалигида ишлаган. Қишлоқдаги кўча ва мактаб унинг номи б-н аталган.

УМРЗОҚОВ Аҳмаджон — қ. *Аҳмаджон қўшнай.*

УМРЗОҚОВ Умаржон Ашурович (1952.21.5, Риштон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Фарғона педагогика ин-тини тугатган (1973). 1973 й.дан Риштон туманидаги 16-мактабда геогр. ўқитувчиси.

УМУМИЙ БОЗОР — қ. *Европа Иқтисодий Ҳамжамияти.*

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Умумий ва ноорганик кимё институти — и.т. муассасаси. 1933 й. Тошкентда Кимё ин-ти номи б-н ташкил этилган. 1998 й.дан шу номда. Ин-т негизида бир қанча ихтисослаштирилган и.т. институтлари, жумладан, ин-тнинг алкалоидлар кимёси, ғўза кимёси ҳамда полимерлар кимёси ва физик кимё лаб.лари асосида Ўзбекистон ФА *Ўсимлик моддалари кимёси институти* ажралиб чиқди (1956), 1959 й.да Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси ин-ти, 1965 й.да нефть кимёси лаб. асосида Ўрта Осиё Нефтни қайта ишлаш ин-ти (ҳоз. А. Султонов номидаги Ўзбекистон Кимё-фармацевтика ин-ти) ташкил этилди.

Ин-т олимлари томонидан 1934 й.да ароматик углеводородларни спиртлар б-н алкиллаш реакцияси очилди (И.П.*Цукерваник*); 1938 й.да кислота-асос назарияси эълон қилинди (М.И. Усанович).

Ин-тда сўнгги йилларда олиб борилган и.т. натижалари, жумладан, нефть ва нефть маҳсулотларини суюлтирувчи моддалар, газ конденсатлари асосида эритувчилар, «Қ-9» препарати, сувда ва мойда эрувчи сирт фаол моддалар олиш технологияси, чигитни тозалаш, кўп мақсадли катализаторлар, ғовакли вермукулит, нефть ва гидротермал сувлардан йод ажратиб олиш, Марказий Қизилқум фосфоритларидан оддий суперфосфат, таркибида фосфор, кальций, азот сақловчи мураккаб ва органоминерал ўғитлар («Азобиоком» ва б.), «Ҳосил» туркумидаги стимуляторлар, «Сиҳат», «Сардор» дефолиантлари и.ч. технологиялари кимё, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноатларида, ёғ-мой з-дларида, бурғилаш техникасида, қ.х.да, қурилиш материаллари и.ч. корхоналарида амалиётга жорий қилинди.

Ин-тда 17 лаб. бўлиб, уларда 145 ходим ишлайди, шулардан 3 акад. (Б.М. *Беглов*, З. С. *Салимов*, С. *Тўхтаев*), 16 фан д-ри, 30 фан номзоди фаолият кўрсатади. Ин-т ходимларининг 2 илмий иши Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига (К.С. *Аҳмедов*, Б. М. Беглов, С. А. Зайнутдинов, М.Н. *Набиев*, А. А. Вишнякова, М. Р. Одилова) сазовор бўлган.

7—

УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИ — қ. *Меҳнат стажи.*

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ — халқ хўжалигининг илмий гигиеник талаблар асосида таомлар тайёрлаб сотадиган ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатадиган соҳаси. У.о. соҳасига ярим фабрикат озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган ф-калар, ошхоналар, ресторанлар, чойхоналар, қаҳвахоналар, буфетлар, емакхоналар, газакхоналар ва б. киради. Уларнинг айримлари истеъмолчиларга иш ва ўқиш жойларида хизмат кўрсатади. Кўпинча уларда истеъмолчиларга имтиёзли (овқат тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш харажатларининг бир қисмини корхона ёки ўқув юрти ўз зиммасига олади) хизмат кўрсатилади.

Овқатни уйда тайёрлашдан У.о. корхоналарида тайёрлашга ўтиш жараёнининг ўзидаёқ меҳнатни кооперациялаш юзага келади, илғор технология ва юқори унумли жиҳозларни қўллаш туфайли меҳнат унумдорлиги бир неча баробар ошади. Истеъмолчиларнинг овқат тайёрлаш вақтини тежаш имкониятини яратиб, *бўш вақт*ни кўпайтиришга хизмат қилади.

У.о. корхоналари орасида ресторан, кафе, барлар асосий ўринни эгаллайди. Уларда овқатланиш б-н бирга маданий дам олиш, юбилей, оилавий, тўй тантаналари ва б. маросимлар ҳам ўтказилади. Меҳмонхоналарда, аэропорт, т.й. вокзаллари, автобуслар ст-ялари, поездлар ва теплоходларда жойлашган У.о. шохобчалари йўловчиларга, туристларга хизмат кўрсатади. У.о. корхоналарида, албатта, *пазандачилик* санъати етакчи ўринда туради. Узоқ асрлар мобайнида Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда, асосан, чойхоналар У.о. жойи бўлиб келган. 19-а. охирига келиб Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин «Ривьера», «Париж», «Шимол» (Самарқанд), «Регина», «Буффа», «Анона» (Тошкент) каби ресторанларда фақат юқори табақа вакилларига хизмат кўрсатилган. 1918 й.да Туркистон т.й. ишчи ва хизматчилари учун Тошкент, Қўқон, Арис, Ховас ва б. жойларда овқатланиш корхоналари очилган. Шу йилнинг охирида уларнинг сони 80 тага етган. 1923—24 й.ларда меҳмонхоналарда ошхоналар, дам олиш жойлари ва бозорларда қизил чойхоналар ва кабобхоналар очилган.

30- ва кейинги йилларда У.о. тизимига катта эътибор берилди. У.о.ни бошқариш ва ташкил этиш, тармоқнинг ривожланишини, санитария ҳолатини яхшилаш, зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар б-н таъминлаш ва маҳсулот сифатини яхшилаш каби тадбирлар амалга оширилди. 80-й.ларга келиб Ўзбекистонда У.о. корхоналарининг сони 18802 тага етди. Уларда 90,4 минг киши фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида У.о. тармоғида хусусийлаштириш жараёни тезлашди. Корхоналар мулкчилик шаклларини ўзгартириб, акциядорлик, масъулияти чекланган жамиятларга, хусусий корхона, фирма ва б. мулкчилик шаклларига ўтказилди. Шаҳар ва туман марказлари, гузарлар, йирик қишлоқларда кўплаб хусусий ресторан, кафе, ошхона, деҳқон бозорларида миллий таомлар расталари ва б. фаолият кўрсата бошлади. Ўзбекистонда 877,3 минг ўринга эга бўлган 17,5 минг У.о. корхоналари мавжуд. Буларнинг 0,6 мингтаси давлат, 16,9 мингтаси нодавлат корхоналаридир. Ҳар бир овқатланадиган ўринга 35 киши, ҳар бир корхонанинг хизмат кўрсатиш имкониятига 1428 киши тўғри келади (2003).

У.о.нинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й. 13 фев.даги «2003—2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва б. қарорлари муҳим роль ўйнади.

У.о. корхоналарининг анча қисми «Ўзбекбирлашув», «Ўзбектуризм», Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва б.га қарайди, касалхоналар, санаторий ва дам олиш уйларига, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари ва б. га хизмат кўрсатади.

У.о.ни ривожлантиришнинг асосий йўналиши овқатланиш ўринлари сонини кўпайтириш, юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ва музлатилган таомлар и. ч., У.о.ни хом ашё маҳсулотлари б-н таъминлашни яхши йўлга қўйиш, таомлар сифати ва хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш, пазандалик индустриясини ривожлантириш, қўл меҳнатини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳ.к.дан иборат. Республикада У.о. корхоналари фаолияти «*Савдогар*» газ.да, жур.ларда ёритилади.

Ад.: Бозоров Н., Шапошников Ф., Умумий овқатланиш системасини бошқаришни такомиллаштириш, Т., 1986; Эрбўтаев И., Умумий овқатланиш ва хизмат маданияти, Т., 2000; Аҳроров У., Вакиз М. М., Таом тайёрлаш технологияси, Т., 2004.

Уйғун Аҳроров.

УМУМИЙ ТАЪЛИМ — касби ва турмуш тарзи қандайлигидан қатъи назар табиат, жамият, тафаккур, санъат, маънавият бўйича ҳар бир киши эгаллаши зарур бўлган билим асослари, шунингдек, ҳар бир одамда ҳаётда қийналмай яшаши учун шакллантирилиши зарур бўлган кўникма ва малакалар йиғиндиси; маълум ёшдаги барча болаларнинг муайян билимлар минимумини берадиган мактабларда маълум жадвал бўйича мажбурий таълим олиши.

У.т.нинг эгалланиши ҳар бир кишига камолот дунёқарашини шакллантириш, унда оламни билиш қобилиятини ривожлантириш имкониятини беради. Шунингдек, У.т. касбий ҳамда политехник таълимнинг пойдевори бўлади. У.т. ўқув муассасаларида ўқиш орқали ҳам, мустақил таълим йўли б-н ҳам олиниши мумкин.

Жаҳон пед. фани ва амалиётида У.т.нинг бошланғич, кучайтирилган бошланғич ва ўрта сингари турлари мавжуд. Бошланғич У.т. ўқиш, ёзиш, арифметиканинг дастлабки амаллари ҳамда табиатшунослик, геогр. ва Ватан тарихи юзасидан ибтидоий тушунчалар, расм, мусиқа, жисмоний тарбия ва меҳнат сингари ўқув фанларини ўз ичига олади. Кучайтирилган бошланғич У.т.да эса ўқувчиларга она тили грамматикаси, чет тили, адабиётнинг қисқа курси, мат.нинг айрим бўлимлари, алгебра, геом., физика, табиатшунослик, чизмачилик бўйича ибтидоий маълумотлар, геогр., тарих, расм, меҳнат курслари қўшилади. Европа мамлакатларининг аксариятида бошланғич ва кучайтирилган бошланғич У.т. таълимнинг мустақил тизими сифатида қаралади ва ўрта У.т. билан етарли узвийлик касб этмайди. Ўрта У.т. одатда она тили ва адабиётнинг тизимли курси, чет тиллари, Ватан ва жаҳон тарихи, маданиятшунослик, алгебра, геом., тригонометрия, физика, кимё, биол., чизмачилик, геогр., жисмоний тарбия, информатика ва б.ни ўз ичига олади. Айрим У.т. мактабларида бир ёки бир неча ўқув фанларининг чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилишига ихтисослашган бўлади.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганига қадар (1997) У.т. бошланғич (1—4-синф), тўлиқсиз (5—9-синф) ва ўрта (10—11-синф) босқичлари иборат бўлган. Эндиликда Ўзбекистондаги У.т. бошланғич (1—4-синфлар), ўрта (5—9-синф) ва ўрта махсус (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари) каби босқичлардан иборат бўлиб, мамлакатимиз ёшларининг баркамол шахс бўлиб шаклланишининг таъминланишида пухта тирилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги аҳолининг кенг тармоқ силан бўлишига қарамай, умумий мажбурий У.т. расман 1930 йилнинг 15 сент.дан жорий этилди. Уша даврдаги ҳукуматнинг қарорига кўра, 1934 й.дан бошлаб Ўзбекистонда умумий бошланғич таълим олиш мажбурий қилиб қўйилди. Бу тартиб давомида мактаб ёшидаги болаларни бошланғич мактабга ва бу мактабдан катта ёшдаги аҳолига ҳам татбиқ қилинди. Шунинг учун ҳам мамлакатда саводсизлик ва чаласаводликни тугатишда йўналтирилган ишлар мактаблар тизими билан бирга 1938 й.дан бошлаб Ўзбекистонда умумий етти йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Лекин 2-жаҳон уруши мамлакатда умумий етти йиллик таълимни тўлиқ амалга оширишга имкон бермади. 1950 й.ларда етти йиллик У.т.га тўлиқ эришилди. 1958 й.дан Ўзбекистонда У.т. саккиз йиллик, 1975 й.дан ўн йиллик этиб белгиланди. 1990 й.дан Ўзбекистонда У.т. муддати ўн бир йилни ташкил этди.

Фан ва техниканинг шиддатли ривожланиб, ахборотларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб бориши ва янги ишлаб чиқариш технологияларининг тезкор тараққиёти У.т. мазмунини узлуксиз янгилаш ва ҳаётга янада яқинлаштиришни тақозо этмоқда. Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 1997 й.да Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Унга кўра, ЎзР.да У.т. тизими ўз ичига академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ҳам қамраб олди. Шу тариқа, Ўрта Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда У.т. ўрта махсус таълим даражасига кўтарилиб, муддати ўн икки йилга етказилди.

Қаҳрамон Йўлдошев.

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК — тилшуносликнинг, хусусий тилшуносликлардан фарқли равишда, тилни умуман инсонга хос ҳодиса, инсоннинг ажралмас қисми сифатида ўрганувчи бўлими. У.т.нинг асосий вазифаси дунё тилларига хос энг умумий белги—хусусиятларни аниқлаш ва ёритишдир. Бу вазифа айрим тиллар ва тил гуруҳлари юзасидан кузатишларни умумлаштириш: тил қурилишининг, табиий ва машина тиллари семантикаси ва синтаксисининг, шунингдек, фонетиканинг (фақат табиий тилларда) энг умумий, универсал қонуниятларини аниқлаш орқали ҳал этилади. Хусусий тилшунослик эса ўз ўрганиш манбаига кўра айрим бир тилга (русистика), бирор тиллар гуруҳига (сл. тиллари) грамматикаси, [illegible] ўрганилади.

У.т. [illegible] ўрганилади.

[illegible] морфологияни.

У.т. фани доирасида тилнинг табиати ва моҳияти, тил ва тафаккур, тил ва нутқ, тилнинг таркибий тузилиши, тил тизимини аниқлаш, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ёзувнинг пайдо бўлиши, тилларнинг морфологик (типологик) ва генеалогик таснифи, тилларни илмий ўрганиш методлари, тилда шакл ва мазмун каби муаммолар ўрганилади. Булардан тил ва нутқ, тилни текширишнинг методлари, тилда шакл ва мазмун муаммолари «У.т.» фани номи б-н, қолган муаммолар эса «Тилшуносликка кириш» фани номи б-н берилади. У.т.нинг таркибий қисми ҳисобланган тилшунослик тарихи курсида эса тил ҳақида бошланғич маълумотлар берилади. Тилшуносликда қўлланиладиган асосий илмий термин ва тушунчалар б-н таништирилади. Тилшуносликнинг асосий қисмларини ва хусусий тилшуносликда ўрганиладиган масалаларни ўзлаштириш учун назарий асос беради. Юқоридагиларга кўра «У.т.» терминини кенг ва тор маъноларда тушуниш тўғрироқ бўлади. У.т. тилшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар (мас., адабиётшунослик, фалсафа, тарих, археология, этн., психология) ҳамда табиий фанлар, хусусан, биология ва математика б-н алоқасини ҳам ўрганади.

Ад.: Общее языкознание, т. 1. Формы существования, функции, история языка, М., 1970; Усмонов С., Умумий тилшунослик, Т., 1972.

Ғаффор Тўйчиев.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ — мажбурий таълим муассасаси. Мамлакат ёшларида табиат, жамият, дунёқараш, санъат ва меҳнат борасидаги миллий тушунчалар шаклланишига асос бўладиган билим ҳамда уларнинг касбий ёки югризмах таълимни олиш учун етарли даражадаги кўникма ва малака беради.

Ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида У.ў.т.м. ўқув ишининг мустақил тизим сифатида *маҳаллийча, қориҳона, русча-тузем мактаблари*, шунингдек, *жадид мактаблари* шаклида мавжуд бўлган. 20-асрнинг 20-й.лари уларнинг ўрнига 7 йиллик мактаблар, қишлоқ жойларда деҳқон ёшлари мактаблари ташкил қилинди. 1934 й.дан У.ў.т.м. 10 йиллик мактабларга айлантирилиб, бошланғич (4 йиллик), тўлиқсиз ўрта (7 йиллик) ва ўрта (10 йиллик) мактаб турларига ажратилди. 2-жаҳон уруши йилларида У.ў.т.м.нинг янги турлари — ишчи ёшлар мактаблари ва қишлоқ ёшлари мактаблари вужудга келди.

Ҳозир Ўзбекистонда У.ў.т.м. бошланғич (1—4-синф) ва ўрта (5—9-синф) босқичдан иборат. У.ў.т.м.нинг бошланғич босқичида ўқувчилар атроф муҳитга онгли муносабатда бўлиш, мустақил фикрлаш ва ўз фикрини асослашга ўргатилади. Уларда зарур даражадаги илмий ҳамда умуммаданий билимларни олиш эҳтиёжини шакллантиришга, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий фазилатларни қарор топтиришга эътибор қилинади. Болаларда дастлабки онгли меҳнат кўникмалари шакллантирилишига кўпроқ эътибор берилади. У.ў.т.м.нинг ўрта босқичида ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар асослари, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари, ижтимоий фойдали меҳнатнинг энг зарур кўникмалари, ёшларнинг эътиқодли ва билимли тафаккурини шакллантиришга хизмат қиладиган ўқув фанлари ўрганилиши кўзда тутилган. Шунингдек, бу босқич ўқувчиларда ташаббускорлик ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини, назарий билимларни амалда татбиқ этиш кўникмаларини шакллантиришни ҳам кўзда тутади. У.ў.т.м.ларида дастлабки тарзда касбга йўналтиришга эътибор берилиб, ёшлар таълимнинг навбатдаги ўрта махсус босқичида қобилиятларига кўра ўқишга тайёрланади.

Ўзбекистонда У.ў.т.м. ягона мактаб тамойилига амал қилган ҳолда давлат томонидан ташкил этилади, фаолияти йўлга қўйилади ва молиявий таъминланади. Бу ҳол ихтисослашган ва йўналтирилган У.ў.т.м.лари бўлишини мумкинлигини истисно қилмайди. У.ў.т.м.лари фаолиятига тегишли қоидалар томонидан тасдиқланган ўқув режаси, давлат таълим стандартлари асосида юритилади. Ўзбекистонда 2002/03 ўқув йили 9799 У.ў.т.м., жумладан, ижтимоий ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирлар учун 85 мактаб ишлади.

УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ (Ўзбекистонда) — Ўзбекистон фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишдан иборат фахрий бурчи. 1992 й. 3 июлдаги 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 10-сессияси республика Қуролли Кучларини тузишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу сессияда «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги муҳим ҳарбий қонунлар қабул қилинди. Ҳарбий қасамнинг янги матни ва қасамёд қилдириш тартиби, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисидаги фармони тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини тузилиши «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилади. Унга кўра, ҳарбий хизматга ярокли бўлган ва чақирув куни 18 ёшга тўлган ЎзР фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар. Хизматга чақирувга биноан ўтаётган оддий аскар, сержант ва старшиналар учун ҳарбий хизмат муддати — 18 ой (олий маълумотли шахслар учун — 12 ой). Ҳарбий хизматдан бўшатилган, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақиришдан озод этилган фуқаролар (саломатлигининг ёмонлашгани туфайли ҳарбий ҳисобдан чиқарилганлардан ташқари) захирадагилар рўйхатига олинадилар. Захирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар ёшига қараб 3 даражага бўлинади. 3-даража чегараси умумий захирада бўлиш ёшининг чегараси ҳисобланади.

Оддий аскарлар, сержант ва старшиналар, прапоршчиклар ва мичманларнинг захирада бўлиш ёшининг чегараси: 1-даражадагилар учун — 35 ёшгача; 2-даражадагилар учун — 45 ёшгача; 3-даражадагилар учун — 50 ёшгача.

Ҳарбий хизматчилар захирада бўлиш ёшининг чегарасига етган бўлсалар ёки ҳарбий-тиббий комиссия томонидан саломатлигига кўра ҳарбий хизматни ўташга ярокsiz деб топилсалар — ҳарбийлар рўйхатидан ўчирилган ҳолда истеъфога чиқариладилар.

Исмоил Иноятов.

УМУМЛАШГАН ФУНКЦИЯЛАР — классик маънодаги *функция*ни умумлаштирувчи математик тушунча. У.ф.ни таърифлаш учун асосий функциялар синфи D, яъни, одатда, чексиз дифференциалланувчи ва бирор чегараланган соҳадан ташқарида нолга айланувчи чексиз функциялар олинади.

Чегараланган ҳар бир $f(x)$ функция У.ф. бўлади, чунки у

$$(f, \varphi) = \int f(x)\varphi(x)dx$$

кўринишидаги чизиқли узлуксиз функционални аниқлайди. Бу кўринишдаги У.ф. регуляр, қолган барча У.ф. сингуляр дейилади.

Мас., $(\delta, \varphi) = \varphi(0)$ $\varphi(0) = \int \delta(x)\varphi(x)dx$

тенглик б-н аниқланган дельта-функция (Дирак функцияси) сингуляр У.ф.дир. У.ф.нинг классик функцияларда бўлмаган хоссалари бор. Мас., ҳар қандай У.ф. умумлашган маънодаги ҳосилага эга; У.ф.ларни бошқа фазоларда ҳам функционал деб қараш мумкин; яқинлашувчи У.ф. қаторини ҳадлаб дифференциаллаш мумкин.

У.ф. тушунчасини матга биринчи бўлиб рус математиги С.Л.Соболев 1935 й.да киритган. Кейинчалик Л. Шварц ва б. математиклар ўрганган. У.ф. тушунчаси дифференциал тенгламалар, математик физика тенгламаларида кенг қўлланилади.

УМУМЛАШТИРИШ — инсоннинг воқеликни билиш, талқиқ этишдаги муҳим фикрий амаллардан бири; нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги, хусусиятларини, боғланишларини фикран муайян тушунчага бирлаштириш жараёни ва унинг натижаси. У. — илмий билимнинг муҳим воситаларидан ҳисобланади. Ундаги айрималикдан умумийликка ўтилади (мас., «инсоният» тушунчасидан «энергия» тушунчасига ўтиш) ва умумий тушунча ҳукм, назариялар ҳосил қилинади (сабзи, пиёз, карам — сабзавот; олма, нок, ўрик — дарахт). Бундай тушунчалардан юзага келган умумий билим моддий оламни чуқурроқ акс эттириб, унинг моҳиятини англаб олишга ёрдам беради. Воқелик тўғрисидаги тушунчаларни, уларга асосланган билимларни умумлаштирмасдан фанларнинг асосий категорияларини яратиб бўлмайди. У.сиз билимларимизни системага солиш мумкин эмас. У.сиз фан ва илмий билимлар тараққий эта олмайди. Барча илмий категориялар, улар ёрдамида ифодаланувчи қонун ва тамойиллар, тажрибада тўпланган эмпирик тушунчалар У. натижасида ҳосил қилинган.

УМУРТҚА, умуртқалар — одам ва умуртқали ҳайвонлар умуртқа поғонасини ташкил этадиган калта ғовак суяклар. Одамда У. тана, равоқ ва ўсиқлардан иборат. У. 33—34 бўлиб, улардан 7 таси бўйин, 12 таси кўкрак, 5 таси бел, 5 таси думғаза ва 4—5 таси дум У.лари. Думғаза ва дум У.лари кейинчалик (киши 17—25 ёшга етганда) ўзаро бирлашиб, битта суякни ҳосил қилади. У. равоқларининг бирлашишидан вужудга келган каналда орқа мия. У. атрофида эса мускуллар жойлашган. Умуртқаларнинг ўзаро қўшилишидан *умуртқа поғонаси* ташкил топади.

УМУРТҚА ПОҒОНАСИ — одам ва умуртқали ҳайвонлар *скелетининг* асосий қисми. *Онтогенезда* тоғайли ёки суякли умуртқа танаси ривожланиб, эмбриондаги *хорданинг* дастлаб бир оз қисмини, кейинчалик ҳаммасини эгаллаган. *Тўгарак оғизлилар, икки хил нафас олувчилар*, яхлит бошлилар, осётрсимонларнинг вояга етган индивидларида У.п. йўқ, жуфт ёйлар эса яхши ривожланган хордага жойлашган. Сувдаги умуртқали ҳайвонларнинг қуруқликда яшашга ўтиши У.п.нинг тараққиётини оширди. У.п. *орқа мияни* ҳам таъсирлардан ҳимоя қилади.

У.п. аҳамиятига кўра қатор қисмларга бўлинади. Балиқлар У.п. қовурғали тана ва дум, қуруқликдаги умуртқали ҳайвонларники бўйин, кўкрак, бел (баъзи гуруҳ вакилларида йўқ), думғаза ва дум қисмларидан иборат. Бошни атрофга ҳаракатлантириш зарурати бўйин қисмининг пайдо бўлишига олиб келган. Амфибияларда битта, судралиб юрувчиларда 4—9 (баъзиларида кўп), қушларда 11—25, сут эмизувчиларда 7—10 та бўйин умуртқаси бор. У.п.нинг кўкрак қисмида қовурғалар бўлиб, кўпчилиги тўш суяги б-н бирикиб *кўкрак қафасини* (амфибияларда йўқ) ҳосил қилади. Бел қисмида (амфибиялар ва судралиб юрувчиларда йўқ) рудиментар қовурғалар мавжуд. Думғаза умуртқалари (амфибияларда битта, судралиб юрувчиларда 2, сут эмизувчиларда 1—10 та ва ҳ.к.) чаноқ суяги б-н кўпинча ўзгарган қовурғалар ёрдамида туташган.

Одамда У.п. бўйин, кўкрак, бел, думғаза ва дум суяклари — *умуртқаларнинг* устма-уст қўшилувидан ташкил топади. У.п. шу умуртқа таналарининг орасида жойлашган тоғай дисклар ҳисобига узаяди. Умуртқалар бир-бирига уланиб бориши натижасида умуртқа канали ҳосил бўлиб, унда орқа мия ётади. Одам У.п. кишининг тик юришига мосланган бўлиб, пастга қараб кенгайиб боради. У.п.нинг бўйин, бел, кўкрак ва думғаза қисмларида физиологик букилмалар бор. Бўйин ва бел қисмидаги букилмалар олдинга (физиологик лордоз), кўкрак ва думғаза қисмидаги букилмалар кифоз (физиологик кифоз) деб аталади. Бўйин ва бел қисмлари олдинга, кўкрак ва думғаза қисмлари орқага қараб букилган бўлади. Бу букилмалар бола бошини мустақил кўтариб тура бошлаганда, ўтира бошлаганда ва тик юра бошлаганда шаклланади.

У.п.нинг бўйин ва бел қисми кўпроқ, кўкрак қисми кам ҳаракатланади. Касалликнинг қадди-қомати У.п. букилмаларига, мускулларининг ҳолатига боғлиқ.

У.п. умуртқа каналида орқа мияни сақлайди, мускулларнинг таянч жойи, гавдани тик тутади, кўкрак, қорин ва чаноқ бўшлиқларининг ҳосил қилиши ва б.да иштирок этади.

У.п. касалликларидан кўпинча умуртқа поғонасининг туғма аномалиялари, орттирилган касалликлари, шикастланиши ва б. учрайди. Туғма нуқсонлардан кўпроқ 2 ёки 3 умуртқанинг ўзаро бирикиб кетиши, ортиқча умуртқалар бўлиши ва ҳ.к. кузатилади. Бу хил нуқсонли У.п.да кўпинча оғриқ сезилмайди. Орттирилган касалликларига, асосан, *остеохондроз*, У.п. деформациялари (қ. *Умуртқа поғонасининг қийшайиши*, *Спондилёз*), яллиғланиш касалликлари (қ. *Спондилит*), У.п. бойламларининг узилиши ёки чўзилиши, умуртқаларнинг чиқиб кетиши ва б. киради.

УМУРТҚА ПОҒОНАСИНИНГ ҚИЙШАЙИШИ — нормал умуртқа поғонаси шаклининг ўзгариши. Одам умуртқа поғонасининг 3 хил: сколиоз (ёнга), лордоз (олдинга) ва кифоз (орқага) қийшайиши фарқ қилинади.

Катта ёшдаги кишиларнинг умуртқа поғонасида олд ва орқа томонга қараган кичикроқ букилма бўлади. Бу букилма ёшликдан аста-секин айниқса бола тик туришга ва юришга ўргана бошлаганида вужудга келади. Бу касаллик бўлмай, балки физиологик ҳолат ҳисобланади. Умуртқа поғонаси касаллигида эса умуртқа поғонасининг физиологик ҳолатдан чиқиб, ён ва орқа томонга қараб қийшайиши кузатилади.

Сколиоз туғма (умуртқаларнинг нотўғри ривожланиши туфайли) бўлиши мумкин, лекин кўпроқ 5—15 ёшли болаларда, айниқса ўқувчилар орасида учрайди. Ўқув машғулотлари вақтида болалар партада гавдасини нотўғри тутиб ўтириши натижасида умуртқа поғонаси ва мускулларига оғирлик бир хилда тушмайди. Оқибатда мускуллар бўшашиб қолади. Умуртқа поғонаси бола [illegible]

Кифоз бўлиши мумкин. Бунда умуртқа поғонасининг у ёки бу бўлаги орқа томонга қийшайган бўлади ва умуртқа поғонасининг орқа томонга туртиб чиқиши кузатилади. Ёшликдаги кифоз умуртқа поғонасининг кўкрак бўлимида кўпроқ учрайди. Орқа мускуллари тонусининг кескин камайиши, ёшликда рахит б-н касалланиш, гавдани узоқ вақт нотўғри ушлаб туриш ёки узун столлар ёнида [illegible] кифозга сабаб бўлади. Кифознинг олдини олиш ҳам сколиоздагига ўхшаш. Даво гимнастикаси, физиотерапия муолажалари, санаторий курортларда даволаниш буюрилади. Умуртқа поғонасининг орқа томонга туртиб чиқиши кўпроқ кўкрак умуртқаларида кузатилиб, букрилик деб аталади.

Лордозда умуртқа поғонаси ичкарига қийшаяди. Бунга кўпинча чаноқ суягининг сон суяги б-н туташган бўғимининг туғма чиқиши сабаб бўлади. Бел лордози қорнига ёғ йиғилишидан ҳам пайдо бўлади. Лордозда умуртқалар деформацияланади ва оғрийди. Умуртқа поғонаси шикастланган қисмининг ҳаракатланиши қийинлашади. Лордозни даволашда унинг сабаби аниқланади, врач даво гимнастикаси ва массаж буюради.

У.п.қ.нинг барча хилларининг олдини олиш учун болаларни қадди-қоматини тўғри тутишга ўргатиш, тана мускулларини мустаҳкамлайдиган комплекс машқларни ҳар куни бажариб туриш керак.

УМУРТҚАЛИЛАР, бошскелетлилар (Vertebrata ёки Craniata) — хордалилар типига мансуб ҳайвонлар кенжа типи. Турлари сони *умуртқасизларга* нисбатан кам, шунга қарамай улар ҳаёт[illegible] биосферасида муҳим ўрин тутади. У. юксак тузилган, [illegible]. Улар океан [illegible] Барча У. [illegible] умумий режа асосида ривожланиши [illegible]. Бундай ривожланиш морфологик, биокимёвий ва физиологик хусусиятлари, хатти-ҳаракатлари ҳамда психик фаолияти жиҳатидан [illegible] келиб чиққан.

У.нинг қад. аждодлари (бош скелетсизлар, [illegible]) денгизда яшаган. У. дастлаб чучук сувда пайдо бўлиб, эволюциянинг дастлабки босқичини ўтган. Улар эволюцияси давомида бирламчи ўқ скелет — хорда ўрнига дастлаб тоғайли, кейинроқ суякли умуртқа поғонаси пайдо бўлган. Натижада сув оқимига қарши ҳаракатланадиган кучли мускулатура учун пишиқ ва эластик таянч скелет вужудга келган. У.нинг сувдан қуруқликка чиқиши [illegible] улар организмида муҳим ўзгаришлар юз берган. Ҳаракат органларининг фаол ишлаши учун овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, қон айланиш, айириш, сезги органлари ва марказий нерв системаси яхши ривожланган. Овқат ҳазм қилиш системаси [illegible] бўлимли, [illegible] ферментлар ажралиб, овқатни [illegible]; жигар организмда муҳим кимёвий «лаборатория» вазифасини бажаради. У. юраги бўлмача ва қоринчадан иборат. Қон айланиш системаси ёпиқ. Жабра ёки ўпка орқали нафас олади. Қадимги У.нинг чучук сувда яшашга ўтиши б-н сув-туз алмашинуви бирламчи буйрак — мезонефрос ўрнига амниоталарда иккиламчи буйрак — метанефрос пайдо бўлган. Метаболизмнинг гормонал бошқарилиши мураккаблашган. У.нинг нерв системаси ва сезги органлари яхши ривожланган. Баъзиларида электр ва магнит сезувчи органлар ҳам бор. У., одатда, айрим жинсли, бироқ гермафродитизм ҳам учраб туради. Тубан У. тухум қўйиб, кўпчилиги тирик бола туғиб кўпаяди. Юксак У. наслига ғамхўрлик қилади. Энг қадимги У. қолдиқлари ордовик даври чучук сув ҳавзалари ётқизиқларидан топилган. Судралиб юрувчилар мезозойда жуда кенг тарқалган. Улардан сут эмизувчилар ва қушлар пайдо бўлган. Ҳозир У.нинг 40—45 минг тури мавжуд бўлиб, 7 синф (тўгарак оғизлилар, тоғайли балиқлар, суякли балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар, қушлар ва сут эмизувчилар)га бўлинади.

У. инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Бир қанча У. юқумли касалликлар (*ўлат*, *энцефалит*, *қутуриш*, [illegible] ва б.) қўзғатувчиларининг тарқатувчи ҳисобланади.

УМУРТҚАСИЗЛАР (Invertebrata) — *умуртқа поғонаси* бўлмайдиган ҳайвонлар гуруҳи. Ҳайвонот дунёсини умуртқасизлар ва умуртқалиларга ажратишни 19-а. бошида француз олими Ж.Б. Ламарк таклиф этган бўлиб, систематик аҳамиятга эга эмас. Чунки умуртқасизларга ҳайвонот дунёсининг хордалилардан ташқари барча типлари киради. Лекин хордалиларнинг ҳамма вакилларида умуртқа бўлмайди. Ҳозир «У.» термини фақат ҳайвонларни умумий таснифлаш учун илмий асар ва ўқув қўлланмаларида ишлатилади. У.нинг таксономик гуруҳлари унча-мунча ҳал этилмаган. Уларга бир ҳужайралилардан 5—7 типи, пластинкалилар, губкалилар, тароқлилар, барча чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёқлилар, игнатерилилар (ҳаммаси бўлиб 16—23 типга мансуб ҳайвонлар) типи киради. Лекин бир қанча таксономик гуруҳлар таркиби (мас., бир ҳужайралилар, чувалчанглар) аниқ белгиланмаган. У.нинг 1,5 млн. дан 2,0 млн.га яқин тури маълум. Умуртқалиларнинг эса 45 минг тури бор.

У. чучук сув, денгиз ва океанлар, қуруқлик ва тупроқ қатламларида яшайди; бир қанчаси паразит (қ. *Паразитизм*). У. табиатда катта аҳамиятга эга. Олдинги геологик даврларда яшаган У. билан чўкинди жинсларнинг таркибини ташкил этади (мас., бўрнинг таркиби деярли ўлиб битган фораминифера, кораллар, чиғаноқлар ва б. скелетидан иборат). Кўпчилик У. ёки уларнинг маҳсулоти одам ва чорва молларининг, паррандалар, балиқлар учун озиқ (мас., асал, [illegible] ва б.). У. ҳаётий маҳсулоти техник-хўжалик мақсадларда ишлатилади (мас., асалари муми, ипак қурти пиласи, моллюскалар чиғаноғи, марварид ва б.), шунингдек, У.дан қ.х.да экинлар ва ҳайвонлар зараркунандаларига биологик қарши курашда, чўкинди жинслар ёшини аниқлашда ҳам фойдаланилади. Фойдали У. б-н бирга, қ.х. зараркунандалари, юқумли касалликларни ташувчилар, паразитлик қилиб касаллик қўзғатувчилари ҳам бўлади.

Ад.: Маҳмудов О., Хуррамов Ш., Норбоев З., Умуртқасизлар зоологияси. Т., 2003.

УН — турли экинлар донини тегирмонда тортиб ҳосил қилинадиган озиқ-овқат маҳсулоти. У. кўпроқ буғдойдан тайёрланади. Шунингдек, жавдар, арпа, маккажўхори, сули, шоли, маржумак (гречиха), соя, нўхат ва б. экинлар донидан ҳам ун ишлаб чиқарилади. У.дан нон, нон-булка, кондитер ва макарон маҳсулотлари, турли таомлар тайёрланади, кепаги [illegible] берилади.

У.нинг кимёвий таркиби, озиқлик қиммати ва технологик сифати дон тури, нави, тортиш усулига, У. чиқиши (дон массасидан % ҳисобида)га боғлиқ. Ҳоз. даврда ун саноатида буғдойдан кимёвий таркибига кўра фарқ қиладиган кепакли, олий, 1-, 2-нав У. ишлаб чиқарилади. Олий нав буғдой унининг кимёвий таркиби (%): сув — 14; углеводлар — 73,6; оқсиллар — 10,8; клетчатка — 0,2; ёғлар — 0,9; кулдорлиги — 0,5 (1-навда тегишлича — 14; 72,9; 11,0; 0,3; 1,1; 0,7; кепакли У.да — 14; 69,6; 11,8; 1,6; 1,5; 1,5). Кепакли ва 2-навли ун таркибида B_1, B_2, PP ва E витаминлари бор, олий ва 1-навли унларда улар деярли йўқ. Ун таркибида нон тайёрлаш жараёнига ва сифатига сезиларли таъсир кўрсатадиган яна ҳар хил ферментлар (протеиназалар, амилазалар, каталаза, липаза ва б.) бор. Жавдар У.и, кўпинча, бир навли қилиб чиқарилади. Шунингдек, 96% ли бир навли буғдой-жавдар У.и (70% буғдой ва 30% жавдар) ҳамда 95% ли бир навли жавдар-буғдой уни (60% жавдар, 40% буғдой) ишлаб чиқарилади. Чиқиши ва навига қараб У.нинг ранги, кулдорлиги, буғдой уни учун эса, шунингдек, клейковина миқдори ва сифати меъёрлаштирилади. Юқори сифатли У. ўзига хос ҳидга ва чучук таъмга эга бўлади. У. сақланганда сифати ўзгариши мумкин. Дастлабки даврда (бир ойгача) юқори ҳарорат (20-30°)да сақланганда таркибидаги ёғнинг гидролизланиши ва оксидланиш жараёнлари натижасида У.нинг «етилиши» давом этади (нон пишириш хусусиятлари яхшиланади). Узоқ вақт сақланганда сифати ёмонлашади. У.нинг намлиги 15% дан ортиқ бўлмаслиги керак. У.нинг намлиги кўп бўлса, ачийди, моғорлайди, ўз-ўзидан қизиб кетади, намлиги паст (9—13%) бўлса, тез тақир бўлиб қолади. Шунингдек, У. нам ва ҳидларни ўзига осон сингдириши сабабли қуруқ, салқин ва ҳидли маҳсулотлардан узоқроқ жойда сақланиши лозим. Юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш учун буғдой уни таркибида нави ва [illegible] сифатига қараб, 1-ёки 2-гуруҳдаги клейковина миқдори камида 20—30% бўлиши керак.

Сули унидан печенье ва болалар учун тўйимли аралашмалар тайёрлашда фойдаланилади. Арпа унидан нон ёпилади. Маккажўхори уни нон ёпишда ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашда буғдой ва жавдар У.ларига аралаштирилиб ишлатилади; тез ачиши сабабли уни узоқ сақлаш тавсия этилмайди. Тўйимли болалар уни махсус рецепт бўйича олий нав буғдой У. ва шакар, тухум кукуни, қаймоғи олинмаган қуруқ сут, сариёғ, туз кабилар аралашмасидан тайёрланади. Бу ундан болалар учун суюқ бўтқалар тайёрлашдан ташқари ёғли печеньелар пиширишда ҳам фойдаланилади (яна қ. *Ун-ёрма саноати*).

Пўлат Турсунхўжаев, Олимжон Алимов.

УН КАНАСИ — қ. *Омбор зараркунандалари.*

УН ПАРВОНАСИ — қ. *Омбор зараркунандалари.*

УНАБИ — жумрутгуллилар оиласига мансуб унча катта бўлмаган дарахт ёки бута (қ. *Чилонжийда*).

УНАШТИРИШ — никоҳ тўйидан олдин йигит ва қиз томонининг розилигини расмийлаштириш учун ўтказиладиган маросим. Ўзбекларда У. қуйидаги кўринишда амалга оширилган: белқуда — яқин дўст-биродарлар ўз аёллари ҳомиладорлиги пайтида, ҳали туғилмаган болаларини бир-бирига аташтириб қўйишган. Гўдак туғилиб улғайгач, турмуш қуришлари мумкин бўлган; бешиккерти (бешиккуда, бахшанна, гавробахш, гавробаннон, этак йиртди, этак чатди) — бешикда унаштириш. Бундай У. одатлари ҳоз. кунда камдан-кам учрайди. Амалиётда балоғатга етган йигит ва қиз икки оила хоҳиш-истаги б-н унаштирилади. Бунда ота-она ўз ўғилларини уйлантириш учун қатъий бир қарорга келганларидан сўнг қизникига совчи юборишади. Қиз томон розилик берса, икки ёшнинг унаштирилганлиги муносабати б-н кичик тўй — фотиҳа тўйи ўтказилади. Унаштирилган қиз «фотиҳали қиз» деб ҳам номланади (яна қ. *Нон синдириш*).

УНВОН — ваколатли органлар томонидан белгиланадиган ва бериладиган ном. Бу алоҳида шахснинг хизматлари ёки касб, хизмат, илмий ва б. малакалари расман эътироф этилганлигини тасдиқлайди. У. белгилаш, бериш ва ундан маҳрум этиш тартиблари, шунингдек, У. б-н боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар қонун ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар б-н белгиланади. Ўзбекистон Республикасида Фахрий (қ. *Фахрий унвонлар*), ҳарбий (қ. *Ҳарбий унвонлар*), илмий (қ. *Илмий унвон*), махсус профессионал, спорт, академик У., турли мукофот, конкурс лауреатлари У. и ва шу кабилар бор. *Прокуратура* органларидаги прокурор ва терговчилар учун белгиланган У. чин, дипломатия ходимлари учун белгиланган У. *дипломатик даража ва мартабалари* деб аталади.

УНГУР — гумбаз шаклидаги шипли ва оғзи кенг, унча чуқур бўлмаган ғор; ғор йўлакдан сув ториши кенгайган қисми; эриган сувлар оқиб чиқиб кетадиган муз тили учидаги чуқур. Йирик У. баландлиги 100 м ча бўлади, эни бир неча 100 м га етиши мумкин. У., асосан, тоғ жинсларининг ер ости, кам ҳажмда денгиз сувлари таъсирида эришидан юзага келади. Тектоник ёриқлардаги буткул тўлиб қолмаган бўшлиқлар ҳам У. деб аталади. У.да кўп ҳолларда боксит, фосфорит, гипс ва ҳ.к. тўпланади. У.лар қурилиш ишлари (йўл қуриш, газ ва нефть қувурлари ўтказиш)га салбий таъсир кўрсатади. У.дан саноат чиқиндиларини кўмиб ташлаш, нефть ва б.ни сақлаш учун сиғим сифатида фойдаланилади. Баъзи У.лар туризм объекти ҳисобланади. Ўзбекистонда Туркистон, Нурота, Чатқол тоғларида кенг тарқалган. Павильон кўринишидаги сунъий У.лар 17—18-а.ларда Европа боғ-парк меъморлигида кенг урф бўлган.

УНГУТ, унгут — халқ. Илк ўрта асрларда Мўғулистоннинг жан. туманларида, Хитойнинг шим. чегараларида яшаган. Уларнинг умумий сони 13-а.да 20 минг кишига яқин (4 минг уй) бўлган. *Рашидуддин*нинг берган маълумотига кўра, У.лар туркий халқлардан бўлиб, кейинчалик мўғуллашиб кетган. Мўғул қўшинлари таркибида 13-а.да Ўрта Осиё ерларига келиб ўрнашганлар. Давр ўтиши б-н эса, маҳаллий халқлар таркибига қўшилиб, ўз этник номларини унутишган.

УНДАЛМА — сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки шахс деб тасаввур қилинган предмет-ҳодисани билдирадиган сўз ёки сўз бирикмаси. У., киришлар ёки киритмалар каби, гапни кенгайтиради, аммо унинг бўлаклари б-н синтактик алоқага киришмайди, ёзувда вергул ёки ундов белгиси б-н ажратилади. У. гап бошида ҳам, ўртасида ҳам ва охирида ҳам келиши мумкин. Қиёсланг: Ука, бу ишларинг менга ёқмаяпти; Бу ишларинг, ука, менга ёқмаяпти; Бу ишларинг менга ёқмаяпти, ука. Болалар! Кўчада эҳтиёт бўлинглар. Гап бошида У. махсус интонация б-н айтилади ва баъзан вокатив гап вазифасини бажаради. У., кириш, киритма каби, фикр баёнида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун уларни гапнинг учинчи даражали бўлаклари сифатида қараш ҳам мавжуд.

УНДИРУВЧИ САНОАТ, ундирма саноат — ер остидан, сувдан ва ўрмонлардан ҳар хил хом ашёлар ва ёқилғилар олиш б-н шуғулланувчи саноат тармоқлари мажмуи. У.с.нинг асосий тармоқлари фойдали қазилмалар (кўмир, нефть, газ, сланец, торф, темир рудаси, рангли, нодир ва асл металлар ҳамда норуда хом ашёлари) қазиб олиш, овчилик, балиқчилик, денгиз ҳайвонларини овлаш, денгиз маҳсулотларини йиғиш, ёғоч тайёрлаш ва б. У.с. маҳсулотлари, асосан, *ишлов берувчи саноат*да қўлланилади.

У.с. озиқ-овқат ва саноат хом ашёси олишнинг муҳим базаси ҳисобланади. Техника тараққиёти туфайли халқ хўжалигида турли хил хом ашёга бўлган талаб мунтазам ошиб боради, натижада У.с.нинг янги тармоқлари вужудга келади. У.с.нинг тараққиёт даражаси ҳар бир мамлакатнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий шароити б-н белгиланади.

Ўзбекистонда У.с.нинг барча тармоқларида йирик техника базаси вужудга келтирилган. Айниқса, мустақиллик йилларида кўмир, газ, нефть қазиб олиш ривожланди. Кундан-кун янгиянги хом ашё конлари топилди. У.с. хом ашёси базасида йирик саноат мажмуалари (мас., Олмалиқ, Навоий кон-металлургия комбинатлари) фаолият кўрсатади.

УНДОВ БЕЛГИСИ — гап охирида қўлланадиган, икки элементли тиниш белгиси (!). Ёзма нутқда, айниқса, бадиий асарларда турли туйғулар, ҳолатлар, ҳар хил эмоционалликларни ифодалашда У.б. нинг роли катта. У.б., асосан, ундов ва буйруқ гаплар охирига қўйилади. Бунда у муайян гапнинг эмоционал ёки қатъий буйруқ маъносига эга эканлигини, тугалланганлигини, бошқа гаплардан чегараланиш нуқтасини кўрсатади. У. б. ўзбек тилига рус тили орқали кириб келган. У ўзбек ёзувида 20-а.нинг бошидан — дастлаб «Туркистон вилоятининг газети»да 1901 й.дан, кейинчалик бошқа босма асарларда мунтазам қўллана бошлаган.

Ҳоз. ўзбек адабий тилида У.б., асосан қуйидаги ҳолларда қўлланади: 1) ундов гаплар охирида (Унсин учун, бечора қиз учун, бу қандай фалокат, бу қандай мудҳиш мотам! — Ойбек); 2) буйруқ, тилак, орзу маъноларини ифодалаган гаплар охирида (Онангни қўлингда тутсанг, синглингни бошингда тут! — Ойбек; Фидо бўлсин сенга жон-таним, онам!); 3) гап бошида кескин, кучли ҳис-ҳаяжон ифодалаган ундалмалардан, ундовлардан ҳамда ҳа ва йўқ сўзларидан кейин (Жамила! Бас, тур ўрнингдан! — Ҳамза; Йўқ, йўқ! Бу оғир ишни бўйнимга ололмайман). У.б. нинг қўлланишида яна бир қанча хусусий ҳолатлар ҳам учрайди.

УНДОВ ГАП — сўзловчининг ички ҳис-ҳаяжонини, воқеликка бўлган турлича эмоционал муносабатларини ифодаловчи гап. У.г. ўзига хос тузилиши ва грамматик белгиларга эга. У.г. да оҳангнинг роли катта бўлиб, қандай мазмун ифодаланишига қараб, оҳанг ҳам ўзгариб туради. У.г. ларда ҳайратланиш, таажжуб, шодланиш, орзу-умид, ачиниш, қўрқиш каби эмоционал мазмун ифодаланиши мумкин. Одатда, ҳис-ҳаяжон ифода қилаётган сўз кучли оҳангга эга бўлади. Мас., Эҳ, бу водий нақадар гўзал! Бу кунларга ким етди-ю, ким етмади! (Ў. Ҳошимов). У.г.ларнинг таркибида ундов сўзлар, ёрдамчи сўзлар иштирок этиши мумкин. Бундай гапларда фикр кучли ҳис-ҳаяжон б-н ифодаланганлиги учун баъзи адабиётларда улар ҳис-ҳаяжон гап деб ҳам юритилади ва кўпинча улар охирига *ундов белгиси* қўйилади.

УНДОВ ТУНЛАМИ (Agrotis exclamationis) — *тунламлар* оиласига мансуб капалак. Тана уз. 35—40 мм. Қаноти ёзилганида 35—45 мм; олдинги қаноти сарғиш кулранг тук жигаррангтача; қанотлари устида ундов белгиси (!) га ўхшаш қора доғи бор (номи ҳам шундан). Эркагининг мўйлови калта тароқсимон, урғочиники қилсимон. Тухуми сарғиш-оқ, қурти хира рангли, 6 ёшни ўтайди. Қуртлари 6-ёшда тупроқда қишлайди. Совуққа бардошли. Агрометереологик зоналарга қараб У.т. йилига 1—2 авлод беради. У *кузги тунлам*га нисбатан 10—15 кун кечроқ ривожланади. Россиянинг Европа қисми, Кавказ, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Қурти 75 тур ўсимликни, жумладан, бошоқли дон ўсимликлари, тамаки, каноп, маккажўхори, ғўза, кунгабоқар, қанд лавлаги ва б. ни зарарлайди. Зараркунандалиги кузги тунламга ўхшаш.

Кураш чоралари: кузги тунламга қарши қўриладиган чоралар қўлланилади.



Ундов тунлами. 1 — капалаги; 2 — ғумбаги; 3 — қурти.

УНДОВЛАР — ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб, ҳайдаш, чақириш каби маъноларни билдирувчи, гап бўлаклари б-н грамматик боғланмайдиган сўзлар туркуми ва шу туркумга оид муайян сўзлар. У. асосий хусусиятларига кўра 2 турга бўлинади: эмоционал (ҳиссий) У. ва буйруқ-хитоб (императив) У.

Эмоционал У. кишиларнинг ҳис-туйғуси, руҳий ҳолатини билдирувчи У. бўлиб, улар маъно жиҳатидан рангбарангдир. Ижобий эмоционал У. матн ва оҳанг б-н боғлиқ равишда: 1) шафқат, меҳрибонлик (ие, о, эҳ); 2) севинч, шодланиш, ҳавас (вой, ҳо, ўҳ-ҳў); 3) қойил қолиш, роҳатланиш (ҳай-ҳай, вой, о); 4) мамнуният, фахрланиш, хайрихоҳлик (э-ҳа, эҳ, эҳе, ўҳ-ҳў, ҳа-я, ў); 5) ундаш, огоҳлантириш, тасдиқ (ҳай-ҳай, ҳа) маъноларини билдиради. Салбий ҳис-туйғуларни ифодаловчи У. эса: 1) эътироз, норозилик, шикоят, зорланиш (ҳа, ҳо, воей, вой, оҳ, уҳ, оббо); 2) жирканиш, нафрат, ғазаб, жаҳл (э, эҳ, вой, ҳе, ҳа); 3) ачиниш, афсусланиш (ҳе, эҳ, оҳ); 4) киноя, кесатиқ, пичинг, койиш (оббо, оҳа, ўҳ-ҳў, ҳо-о, ҳай-ҳай, ҳой-ҳой); 5) танбеҳ, огоҳлантириш, кутилмаганлик (э, ҳай-ҳай, ия); 6) ғум-ғусса, қайғу-ўкинч (эҳа, оҳ, эҳ, вой-ей, эҳ); 7) чўчиш, ваҳима, даҳшат (воей, оҳ, о, войдод); 8) ажабланиш, ҳайратланиш, ранжиш (и, э-э, бай-бай-бай, ҳе) каби маъноларни билдиради.

Тилда расм-одатлар б-н боғлиқ У. ҳам мавжуд бўлиб, улар умумий ҳол-аҳвол сўрашиш, саломлашиш, хайрлашиш, рағбатлантириш, ташаккур, миннатдорчилик каби маъноларини ифодалайди. Мас.: эсонмисиз, омонмисиз, ҳорманг, бор бўлинг; ассалому алайкум, ассалом, салом, хайр, хўш, хўп; балли, баракалла, офарин, қойил, раҳмат, ташаккур, қуллуқ, марҳамат ва ш.к.

Буйруқ-хитоб (императив) У. кишиларга нисбатан уларнинг диққатини тортиш, огоҳлантириш ёки жониворларни бирор ишни бажариш ёки бажармасликка ундаш каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади: одамларга қаратилган У.нинг айримлари (ҳой, ҳей, эй, алло) кишилар диққатини сўзловчига қаратиш учун, бошқалари эса (тсс, қани, жим, тек) тақиқ, буюриш маъноларини ифодалаш мақсадида қўлланади; ҳайвон ва жониворларга қаратилган У. уларни тўхтатиш, чақириш, ҳайдаш, тинчитиш, бирор ишни бажаришга ундаш мақсадларида қўлланади (беҳ-беҳ, пиш-пиш, ту-ту, куч-куч, маҳ-маҳ; дирр, хўш, тақ, иш; чу, пишт, кишт, хих, кишт-кишт ва ш.к.).

Ўзбек тилида эмоционал У. таркибига ҳам, буйруқ-хитоб У. таркибига ҳам киритиб бўлмайдиган алоҳида У. гуруҳи ҳам мавжуд. Кўрсатиш (ҳу, ҳув, ҳовв), жавоб, таъкидни (ҳа-ҳа-ҳа, ҳа, хўш-хўш, а, лаббай) билдирувчи У. шу жумладандир.

Ад.: Усмонов С., Ундовлар, Т., 1953; Ўзбек тили грамматикаси, 2 жлд, 1-ж. Т., 1975; Ҳоз. ўзбек адабий тили, 1-қисм, Т., 1980.

Низом Маҳмудов.

УНДОШ ТОВУШЛАР — оғиз ва бўғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учраб пайдо бўладиган, таркиби фақат шовқиндан ёки овоз ва шовқиндан иборат товушлар. Уларнинг талаффузида ҳаво оқими сирғалиб ёки портлаб чиқади. Бу ҳаво оқими ун пайчаларини титратиб ёки титратмай ўтади. Натижада турли жиҳатдан бир-биридан фарқли У.т. ҳосил бўлади. Дунёдаги ҳар бир тил ўзига хос ундошлар тизимига эга. Тилдаги ундошлар тизими консонантизм (лот. consonans — ундош товуш) дейилади. У.т. сони турли тилларда турличадир. Мас., ҳоз. ўзбек адабий тилида У.т. сони 25 та бўлса, бошқа тилларда бундан кам (мас., турк тилида 17 та) ёки ортиқ бўлиши мумкин. Бу миқдор рус тилида 34 тани, фин тилида 14 тани ташкил этади.

У.т. бир неча жиҳатдан тасниф қилинади: 1) овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра; 2) ҳосил бўлиш ўрнига (нутқ аъзоларининг иштирокига кўра; 3) ҳосил бўлиш усулига кўра; 4) палатализацияга (тилнинг қаттиқ танглай томон кўтарилишига) кўра. Ушбу таснифларни ҳоз. ўзбек адабий тилидаги 25 та [б, в, г, д, ж (жюри), ж (жўжа), з, й, к, л, м, н, нг, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ] У.т. мисолида кўриб чиқиш мумкин.

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра, У.т. 2 асосий турга бўлинади: сонорлар ва шовқинлилар. Сонорлар (м, н, нг, л, р) таркибида шовқинга нисбатан овоз устунлик қилади. Шовқинлилар эса фақат шовқиндан ёки шовқинга овоз қўшилишидан ҳосил бўладиган У.т.дир. Овознинг қатнашиши ёки қатнашмаслигига кўра, шовқинли ундошлар ҳам 2 га: жарангли ундошлар ва жарангсиз ундошларга бўлинади. Жарангли ундошлар (мас., б, в, г, д, з, й) шовқинга овоз қўшилган ундошлардир. Жарангсиз ундошлар эса (п, ф, к, т, с, ш, ч) фақат шовқиннинг ўзидан иборат бўлади.

Ҳосил бўлиш ўрнига кўра, У.т. 3 га бўлинади: лаб ундошлари лаб-лаб ундошлари (п, б, м) ва лаб-тиш ундошлари (в, ф)дан иборат; тил ун-

д о ш л а р и — тил олди (б, п, д, т), тил орқа (к, г), тил ўрта (й) ва чуқур тил орқа (қ, ғ, х) ундошларидан иборат; б ў ғ и з у н д о ш и (ҳ).

Ҳосил бўлиш усулига кўра, У.т. 4 га бўлинади: п о р т л о в ч и л а р — нутқ аъзоларининг жипслашуви ва ҳаво оқими босимининг шу аъзоларни ёриб ўтиши натижасида ҳосил бўладиган п, б, т, д, к, г каби ундошлар; с и р ғ а л у в ч и л а р — нутқ аъзолари бир-бирига яқинлашиб, ҳаво оқими шу тор оралиқдан сирғалиб чиқиши натижасида ҳосил бўладиган в, ф, з, с, ж, ш, х, ғ каби ундошлар; т и т р о қ т о в у ш — тил учининг юқори милкка тегиб-тегмай титрашидан ҳосил бўлган р ундоши; а ф ф р и к а т а — портловчи товуш б-н сирғалувчи товушнинг яхлит битта товуш сифатида талаффуз қилинишидан ҳосил бўлган ч(т+ш), ж(д+ж), ц(т+с) товушларидир.

Ад.: Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм, Т., 1980; Р е ф о р м а т с к и й А. А., Введение в языковедение, М., 1998.

Азим Ҳожиев, Жўра Маматов.

УН-ЁРМА САНОАТИ — *озиқ-овқат саноати*нинг ғалла донларини қайта ишлайдиган тармоғи. Асосий маҳсулоти *ун* ва *ёрма*. Ун тортиш қадимдан маълум. Дастлаб донлар ёрғучоқ (тошёрма) ва ўғирда янчилган, қўл тегирмонда ёрма ёки ун қилинган, кейинчалик сув тегирмонлари, 17-а.да кам сувли жойларда шамол тегирмонлари қурилди. 1786 й. Буюк Британияда, 1818 й.да Россияда буғ б-н ишлайдиган дастлабки тегирмонлар пайдо бўлди. Электр энергияси пайдо бўлиши б-н тегирмонлар асосан шу энергия б-н ишлатила бошланди ва соҳа жадал ривожланди.

Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам ғалла қадимдан майда сув тегирмонларида тортилган. 1870 й.да ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида кепакли жайдари ун тортиладиган, унумдорлиги бир суткада бир неча центнер бўлган 5 мингдан ортиқ тегирмон бўлган. 1903 й.да 1975 та кичик сув тегирмони ишлаган. Биринчи катта тегирмон (з-д) 1883 й.да Тошкентда, иккинчиси 1898 й.да Самарқандда қурилди. Кейинчалик йирикроқ тегирмонлар Андижон (1901) ва б. шаҳарларда ҳам пайдо бўлди. 1908 й.да Туркистон ўлкасида 26,4 минг т., 1913 й.да 37,9 минг т ун тайёрланган.

1918 й. йирик тегирмонлар национализация қилинди. 1920 й. «Туркун» — Туркистон Республикаси ун саноати тресги ташкил этилди, унинг таркибида 21 ун корхонаси, 6 та гуруч з-ди ишлади. Ўша йилларда Ўзбекистонда хусусий мулк бўлган 4510 сув тегирмони ва обжувозлар бор эди.

30-й.лардан бошлаб вилоятлар марказлари, саноат корхоналари жойлашган йирик шаҳарларда янги ун з-длари ва комбинатлари қурилиши бошланди. 1932 й.да дон маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш б-н шуғулланадиган «Ўздонтайёрлов» республика идораси тузилди (1992 й.дан «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси). 1941 й.га келиб республикада саноат йўли б-н ун и.ч. 10 марта кўпайди (345,8 минг т). 60—70-й.ларда 3 навли ун тортадиган, 240 т/сутка қувватли 8 та ун комбинатлари ишга туширилди. 1970 й.да республика ун з-дларининг ишлаб чиқариш қувватлари 3243 т/суткага етказилди. 1991 й.дан кейин қишлоқ жойларда кўпгина жамоа, ширкат хўжаликларида кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари томонидан электр қуввати б-н ишлайдиган кичик тегирмонлар қуриш ривож топди.

«Ўздонмаҳсулот» корпорацияси таркибида навли ун, манний ёрмаси ишлаб чиқариладиган 52 з-д бор. Уларнинг 20 тадан кўпроғи замонавий технологик ускуналар (асосан, Швейцариянинг «Бюллер АГ» фирмаси) б-н жиҳозланган (2004).

Озиқ-овқат саноатининг яна бир муҳим тармоғи ёрма саноатида сули, маржумак, буғдой, арпа, маккажўхори, шоли ва дуккакли экинлар (нўхат, ловия, ясмиқ) донидан ҳар хил ёрма ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда, асосан, шолидан турли навли *гуруч* тайёрланади. Унинг йирик корхоналари Тошкент, Музробод, Хўжайли, Шуманай, Хонқа, Боғот ва б. шаҳарларда жойлашган. «Навоийдонмаҳсулот» к-тида қандолатчилик ва нон саноати учун маккажўхори ёрмаси б-н бирга маккажўхори уни ҳам ишлаб чиқарилади.

2003 й.да Ўзбекистон У.-ё.с. корхоналарида 971,1 минг т ун, 36,9 минг т ёрма, шу жумладан, 35,6 минг т гуруч ишлаб чиқарилди (2000 й.да тегишлича 1756,1; 88,5; 84,3 минг т).

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда буғдой уни озиқ-овқат маҳсулоти тайёрлашда асосий ўринда туради. Бу мамлакатларда аҳоли жон бошига нон истеъмол қилишнинг пасайиб боришига қарамай, ун ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бормоқда. АҚШ, Канада, Япония, Буюк Британия, Франция, Италия, Мексика, Бразилия ва б. мамлакатларда ун-ёрма ишлаб чиқариш саноати яхши тараққий этган.

Ад.: Б у т к о в с к и й В. А., Мукомольное производство, М., 1990.

Пўлат Турсунхўжаев.

УНЖА — Россия Европа қисмидаги дарё. Волганинг чап ирмоғи. Вологда ва Кострома вилоятларидан оқади. Кема ва Лундонга дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, Горький сув омборига қуйилади. Уз. 426 км, ҳавзасининг майд. 27,8 минг км². Ноябрда музлаб, апр.да муздан бўшайди. Сув сарфи қуйилишдан юқорида 50 км да 160 м³/сек. Қуйи оқимида кема қатнайди. Ёғоч оқизилади. У. бўйида Макарьев, Мантурово, Кологрив ш.лари жойлашган.

УНИ... (лот. unus, uni — бир) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми, «бир», «ягона», «умумий», «бирлик» каби маъноларни билдиради (мас., *унисон, унификация*).

УНИВЕРСАЛИЯЛАР (лот. universalis — умумий) — ўрта асрлар фалсафасидаги термин, умумий тушунчалар (ёки ғоялар)ни билдиради. Ўрта асрларда У. табиати тўғрисидаги баҳсларда 3 та асосий йўналиш — *номинализм, реализм, концептуализм* пайдо бўлди. Номинализмга кўра, фақат алоҳида нарсаларгина реал мавжуд, умумий тушунчалар — У. эса инсон тафаккури б-н яратилган номлар, белгилар ёки атамалардан бошқа нарса эмас (И. Росцелин, Иоанн Дунс Скот, У. Оккам ва б.). Реализмга кўра, У. реал маънавий моҳиятлардан иборат бўлиб, нарсаларнинг *субстанцияс*и ҳисобланади (Ансельм Кентерберилик, *Фома Аквинский* ва б.). Концептуализмга кўра, У. нарсаларнинг ўхшашлигига асосланган ҳолда умумлаштиришдан иборатдир (П. Абелияр, Иоанн Солсберийский ва б.).

Ҳоз. замон фанларининг кўпгина абстракт тушунчаларини У. сиз тушунтириб бўлмайди. Мас., комплекс сонлар, иррационал қийматлар, элементар зарралар таркибини ўрганишда қўлланиладиган абстракт тушунчалар, каср сонли зарядли кварклар, экстенсив ва интенсив чексизликлар, комбинаторлар, математик мантиқнинг тимсоллари У.нинг бугунги кунда намоён бўлишидир.

УНИВЕРСИАДА — жаҳон талабаларининг спорт мусобақалари. 1924 й. таъсис этилган. Халқаро университет спорти федерацияси — FISY (1949 й. ташкил этилган) томонидан уюштирилиб, 1960 й.дан тоқ йилларда ёзги, жуфт йилларда эса қишки ўйинлар ўтказилади. Ўзбекистонда *«Талаба» спорт уюшмаси* ташкил қилдадиган оммавий мусобақа.

УНИВЕРСИТЕТ (лот. universitas — йиғинди, мажмуа) — табиий, ижтимоий ва гуманитар йўналишда юксак малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган кўп тармоқли олий ўқув-илмий муассаса. У. ўз битирувчиларининг келажакдаги илмий-амалий ва педагогик фаолиятлари учун чуқур назарий тайёргарлик қурилишларини таъминлайди. Ўқув ва и.т. ишларининг узвий равишда қўшиб олиб борилиши У. таълимининг асосий ўзига хос жиҳатидир. У. мусулмон Шарқидаги олий мадраса ёки мадрасаи олия (қ. *Мадраса*) мақомига тўғри келади. Яқин Шарқ мамлакатларида *дорулфунун* деб аталади.

Ўрта асрлар Европасида дастлаб турли шерикчилик бирлашмалари, савдогарлар гильдиялари, саноат-тижорат цехлари ва б. ширкатлар У. деб юритилган. Европада У.нинг юзага келиши муайян иқтисодий тараққиётга эришилганлиги, шаҳарларнинг гуллаши, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, маданиятнинг юксалиши, шунингдек, илм-фаннинг тараққий этиб, турли фалсафий оқимларнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ. Шунинг учун ҳам илк У.лар иқтисодий жиҳатдан ривожланган Италия, Испания, Франция сингари Ғарбий Европа мамлакатларида ташкил топди. Дастлабки У.лар Италиянинг Болонья (11-а.), Салерно (12-а. охирлари), Франциянинг Париж (1215), Монпелье (1289), Буюк Британиянинг Кембриж (1209), Оксфорд (12-а. 2-ярми), Испаниянинг Саламанка (1218), Португалиянинг Лиссабон (1290) ш.ларида пайдо бўлди. 14-а.га келиб Марказий Европада ҳам бир нечта У.лар очилди. И.ч. ва илм-фан тараққиёти туфайли 1348 й. Прага, 1364 й. Краков, 1365 й. Вена У.лари юзага келди.

Ўрта асрлардаги У.ларда, одатда, артистлик (тайёрлов), илоҳиёт, тиббиёт, ҳуқуқ сингари 4 ф-т бўлган. Артистлик ф-ти ҳамма учун мажбурий бўлиб, унда рицарлар учун зарур *«етти эркин санъат»* ўргатилган. Артистлик ф-тининг грамматика, риторика, диалектика асосларини ўрганган талабасига санъат бакалаври даражаси берилган. Ф-тнинг фалсафа, арифметика, геом., астрономия ва мусиқа назариясининг тўлиқ курсини ўзлаштирган талаба санъат магистри даражасига эришган ва у қолган 3 ф-тдан бирига кириб ўқиш ҳуқуқини қўлга киритган. Дастлабки У.ларда худди мадрасалардаги каби ўқиш муддати ҳам, талабаларнинг ёш чегараси ҳам белгилаб қўйилмаган. Амалда У.да ўқиш 12—14 й.лаб давом этган.

Чет эллардаги ҳозирги У.лар ташкилий тузилишига кўра, мустақил ф-т, институт, мактаб ва коллежларнинг ўзига хос бирлашмасидан иборат. Дунёнинг кўп У.ларида илмий тадқиқотчилар б-н бирга ўрта мактаб ўқитувчилари ҳам тайёрланади. Одатда, аксар замонавий У.ларда табииёт, тиббиёт, ҳуқуқ, филол., фалсафа, иқтисод, муҳандислик, айримларида илоҳиёт ф-тлари мавжуд. Дунёда У. таълимининг Буюк Британия, Франция ва Испания тизимлари кенг ёйилган. Жумладан, Буюк Британияда У. таълими ҳар бири 2 й. давом этадиган 3 босқичдан иборат. 1-босқич оралиқ босқич деб аталади ва унда асосан умумтаълим фанлар ўрганилади. 2-босқич мутахассислик босқичи дейилади ва талабанинг бакалавр даражасини олиши б-н тугалланади. 3-босқич юқори босқич деб номланади ва битирувчи магистр даражасига эришади. Францияда У. таълим тизими доимий босқичларга ажратилмаган. Бу ерда қайси касбни эгаллашига қараб, талаба 4 й.дан 7 й.гача ўқийди. Испания У. таълим тизими ҳам Франция У. таълим тизимига яқин келади.

Туркистонда У., яъни мадрасаи олия 10-а.даёқ юзага келган бўлса-да, замонавий маънодаги дастлабки У. Тошкентда 1918 й. 21 апр.да *Туркистон халқ университети* номи б-н очилган. Аммо бу У. рус ва европалик аҳоли учун мўлжалланган эди. Орадан 20 кун ўтиб, ўзбек жадидлари ташаббуси б-н 1918 й. 12 майда *Мунавварқори* Абдурашидхонов раҳбарлигида «Туркистон мусулмон халқ дорилфунуни» ташкил этилди (қ. *Ўзбекистон миллий университети*). Ўзбекистонда иккинчи У. 1933 й. Самарқанд ш.да очилган (қ. *Самарқанд университети*). 1976 й.да *Қорақалпоғистон университети* ташкил этилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар мамлакатимизда 3 У. фаолият кўрсатган. 2002 й. Ўзбекистонда 20 У. бўлиб, уларда 113,7 минг талаба таълим олди. Республикадаги кўп У.лар мактаб, академик-лицей ва касб-ҳунар коллежлари сингари тузилмаларни ҳам ўз ичига олади. 2. У. (Ўзбекистон миллий ун-ти ва Тошкент техника ун-ти) ўз ин-тларига ҳам эга.

УНИТАР ДАВЛАТ — давлат тузилиши шакли; бунда давлат ҳудуди таркибида, *федерация*дан фарқли равишда, федератив бирликлар (штатлар, ерлар) бўлмайди, балки у маъмурий-ҳудудий бирликлар (*туманлар, вилоятлар, кантонлар* ва х.к.)га бўлинган бўлади. Мазкур мустақил қисмлар давлат суверенитети аломатларига эга эмас. Бундай давлатда олий органларнинг ягона тизими ҳамда ягона қонунчилик (Конституция, фуқаролик, олий давлат ҳокимияти) бўлади. Барча У.д.ларга хос бўлган марказлаштириш турли шаклларда ва турли даражада намоён бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда маҳаллий органлар умуман бўлмайди ва маъмурий-ҳудудий бўлинмалар марказий ҳокимият вакиллари томонидан бошқарилади. Бошқа давлатларда маҳаллий органлар ташкил этилади-ю, лекин улар (бевосита ёки билвосита) марказий ҳокимият назорати остида бўлади. Марказий ҳокимият маҳаллий органлар устидан назоратнинг қандай турини амалга оширишига қараб, У.д.лар марказлашган ва марказлашмаганга бўлинади. Марказлашган У.д.да маҳаллий органларнинг марказга бўйсунишни марказдан тайинланадиган мансабдор шахслар орқали амалга оширилади. Марказлашмаган У.д.да маҳаллий органлар марказий органлардан мустақил равишда шакллантирилади, шунинг учун улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар марказлашмаган асосларда ўрнатилади. У.д. таркибида давлат белгилари мавжуд миллий-ҳудудий тузилмалар ҳам бўлиши мумкин, мас., мухтор вилоят, мухтор республика. Ўзбекистон — У.д. Унинг таркибида давлат тузилишига хос белгилари мавжуд бўлган Қорақалпоғистон Республикаси бор.

УНИТАР КОРХОНА — мулк эгаси томонидан ўзига бириктириб берилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи берилмаган тижорат ташкилоти кўринишидаги давлат ёки маҳаллий бошқарув идоралари корхонаси. Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра, давлат ҳокимияти органи ёки маҳаллий бошқарув томонидан ташкил этиладиган х ў ж а л и к ю р и т и ш ҳ у қ у қ и г а асосланган У.к. ва о п е р а т и в б о ш қ а р и ш ҳ у қ у қ и г а асосланган давлат мулки бўлган У.к.лар бор. У.к. ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли жами мол-мулки б-н жавоб беради, лекин мол-мулки эгаси мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Ўзбекистон Республикасида 90-й.лар охиридан саноат, транспорт тармоқларида У.к.лар ташкил топа бошлади (мас., *Муборак газни қайта ишлаш заводи* 2000 й. 25- майдан У.к. мақомида фаолият кўрсатади).

УНЛИ ТОВУШЛАР — оғиз ва бўғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамай ҳосил бўладиган, таркиби овоздан иборат (шовқин деярли иштирок этмайдиган) товушлар. Ҳар бир тил ўзига хос унлилар тизимига эга. Тилдаги унлилар тизими в о к а л и з м (лот. vocalis — унли товуш) дейилади. У.т. сони турли тилларда турличадир. Мас., ҳоз. ўзбек адабий тилида У.т. 6 та бўлса, бошқа туркий тилларда 8 та, 10 та ва ундан ҳам ортиқдир. Бу миқдор рус тилида 5

ланиб, француз тилида эса 18 таси иштирок этади.

У.т. бир неча жиҳатдан таснифланади. Бу таснифларни ўзбек тилидаги 6 та унли фонема (и, э, а, о, у, ў) мисолида кўриб чиқиш мумкин. Унлилар дастлаб тилнинг ҳаракати ва лабнинг ҳолати (иштироки) нуқтаи назаридан турларга ажратилади. Тилнинг ҳаракатида 2 ҳодиса фарқланади: тилнинг ётиқ (ёйилма) ҳаракати; тилнинг тик (вертикал) ҳаракати. Тилнинг ётиқ (ёйилма) ҳаракатида ҳосил бўлиш ўрнига кўра унлилар 2 турга бўлинади: тил олди (ёки олд қатор) унлилари — и, э, а ҳамда тил орқа (ёки орқа қатор) унлилари — о, у, ў. Тилнинг тик ҳаракатига кўра У.т. 3 турга бўлинади: юқори кўтарилиш унлилари (и, у), ўрта кўтарилиш унлилари (э, ў), қуйи кўтарилиш унлилари (а, о).

Лабнинг ҳолати (иштироки)га кўра унлилар 2 га бўлинади: лабланган унлилар (у, ў) ва лабланмаган унлилар (и, э, а, о). Лабланган унлилар талаффуз қилинган вақтда лаблар фаол иштирок этади: лаб чўччайиб, олдинга чиқади, думалоқ шакл олади. Лабланмаган унлилар талаффузида лаблар иштирок этмайди ёки лаблар иштироки пассив бўлади.

Товушнинг ҳосил бўлишига кетадиган вақтнинг миқдорига кўра У.т. 2 турга бўлинади: чўзиқ унли; қисқа унли. Чўзиқ унли давомли (чўзиқ) талаффуз қилинадиган У.т.дир. Бундай товушлар кўпинча маъно фарқлаш учун хизмат қилади. Бу ҳодиса туркий тилларнинг баъзиларида, шунингдек, айрим ўзбек шеваларида учрайди. Мас., туркман тилида ач (қорним оч) ва ач (эшикни оч), бар (менда бор) ва бар (ишга бор), ат (одам исми) ва ат (йилқи) ва б. Қисқа унлилар талаффузига чўзиқ унлига нисбатан оз вақт кетади.

Ад.: Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм, Т., 1980; Реформатский А. А., Введение в языковедение, М., 1996.

Азим Ҳожиев, Жўра Маматов.

УНЛИЛАР ГАРМОНИЯСИ — қ. *Сингармонизм.*

УНСЕТ (Undset) Сигрид (1882.20.5, Калуннборг, Дания — 1949.10.6, Лиллехаммер, Норвегия) — Норвегия адибаси. Дастлабки асари — «Бахтли давр» (1908, ҳикоялар тўплами). «Вига-Лёт ва Вигдис» (1909) романи тарихий мавзуларга тақлидан ёзилган. «Йенни» романи ёш рассомнинг ўзидан катта эркак ва унинг ўғлига бўлган фожиали муҳаббати ҳақида. Бу автобиографик роман У.нинг муваффақиятли чиққан илк асари ҳисобланади.

1912—20 йилларда У. ҳикоялар тўплами ва «Баҳор» романини, [illegible] қиссалар тўпламини нашр эттирган. Романда шимоллик [illegible] кўра кўпроқ бахтсизлик келтиради, деган фикрни илгари сурган. Тарихий мавзудаги «Лавранс қизи Кристин» («Тож», 1920; «Бека», 1922; «Хоч», 1922) трилогиясида 14-а. да Норвегияда кечган воқеалар акс этган. Асарда бош қаҳрамоннинг мағрур ва гўзал қиз [illegible] турмушга чиққан [illegible] ўзи хасадгўйлик [illegible]. Унинг тарихий мавзудаги «Ҳувунстаддаги Олаф» (1—4-ж., 1925—27) романи Олаф ҳақидаги сага асосида ёзилган. Нобель мукофоти лауреати (1928).

УНСУР АЛ-МАОЛИЙ, Кайковус (1021—98) — форс ёзувчиси. Форс тилидаги биринчи насрий асар — «Қобуснома»нинг муаллифи.

УНСУРИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Абулқосим Ҳасан ибн Аҳмад) (970, Балх — 1040, Ғазна) — форс-тожик шоири, қасидагўй, ғазалнавис ва достоннавис. Хусусий муаллимлар ҳамда Балх мадрасасида таҳсил кўрган, замонасидаги барча илм-фанлардан хабардор. Дастлаб амир Наср Сабуктегин, кейин эса Султон Маҳмуд саройида хизмат қилган, «малик уш-шуаро» унвонига сазовор бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий У. девони 30 минг байтдан иборатлигини ёзиб қолдирган. Аммо бизгача қадар шоирнинг мўъжазгина девоний тўплами етиб келган. Бундан ташқари, Унинг махсус қасидалар девони борлиги ҳақида ҳам маълумот мавжуд. У. Шарқ адабиётида васф-баҳория ҳамда мадҳ қасидаларининг энг муҳим намуналарига эга санъаткордир.

У. халқ оғзаки ижоди асарлари ҳамда Шарқдаги афсонавий мавзу ва ривоятлар асосида «Вомиқ ва Узро», «Хингбут ва Сурхбут», «Шодбаҳр ва Айнул-ҳаёт» сингари достонлар ёзган. Охирги икки маснавийни, Султон Маҳмуд Ғазнавий илтимосига кўра, Беруний араб тилига таржима қилган.

Ад.: Бертельс Е. Э., История персидско-таджикской литературы, М., 1960.

[illegible]

УНХЎРЛАР, унхўр қўнғизлар — дон, дон маҳсулотлари ва б. озиқ-овқат заҳираларига зарар етказувчи [illegible] қўнғизлар оиласига мансуб қўнғизлар. Энг хавфлилари суринам унхўри ва сариқ унхўрлар.

Суринам унхўри (Oryzaephilus surinamensis) қўнғизи ҳамма жойда [illegible] 2,5—3,5 мм [illegible] 4 мм [illegible] Қўнғизлар [illegible] 1,5—2,5 мм [illegible] 2,5 мм [illegible] 3—4 [illegible].

Курашиш чоралари: [illegible] 2—3 марта бензафосфат, карбофос каби кимёвий препаратлар б-н дориланади (қ. *Ўсимликларни ҳимоя қилиш*).

УНЦИЯ [illegible] — масса ва оғирлик [illegible] бирлиги [illegible] 31,1035 г, [illegible] 28,35 г [illegible] 437,5 гран [illegible] АҚШда 29,57 см³ (1/128 галлон), Буюк Британияда — 28,41 см³.

УНЬОРО, Буньоро — Шарқий Африкадаги давлат. Мил. 2-минг йилликнинг охирларида вужудга келган (16-а.гача Китара деб номланган). 19-а. ўрталарида Буганда давлатига қарам бўлган. 1900 й. У. ҳудуди инглизларнинг Уганда протекторати таркибига киритилган.

УНГУЗ — қадимги дарё водийси, қолдиқ ўзан. Туркманистонда, хусусан, Қорақумда кўп қадимги дарё ўзанлари шу атама б-н юритилади.

УНГУЗ — Амударё шимолидаги Марказий Қорақумнинг шим. чеккаси бўйлаб шим.-ғарбга чўзилган соҳил. Уз. 470 км, эни 1—4 км. Шимолдан баландлиги 60—80 м ли Унгузорти Қорақумлари, жанубдан эса унча баланд бўлмаган қумли қатор тепаликлардан иборат ён бағирлик б-н ўраб олинган. Туби нотекис, уз. 15 км гача, эни 1—4 км келадиган шўрхок ва тақирлар б-н қопланган, [illegible] чўкмалар боғинчалардан иборат. Боғинчаларни бир-биридан бир оз кўтарилган қумлик ғов жинслари ёки шамол келтириб ётқизган қумли тепалар ажратади. У. Амударёнинг қад. ўзани, карст суффозион жараёнлар натижасида келиб чиққан

деган фикрлар мавжуд. Тупроқда У. [illegible] ҳаракатлар натижасида келиб чиққан, кейинроқ унинг [illegible] қисман шамол, карст суффозион ва эол жараёнлар қатнашган.

УОЛЛЕС (Wallace), Уильям (тахм. 1270 — 1305.23.8) — шотланд халқининг Англияга қарши мустақиллик учун курашида миллий қаҳрамони. 1297 й. 11 сент.да У. раҳбарлигидаги қўзғолончилар армияси Стерлинг яқинида инглиз қўшинларини тор-мор келтирган ва У. бир неча ой мамлакатда Шотландиянинг амалдаги ҳокими ҳисобланган. 1298 й. 22 июлда У. армияси инглиз қироли Эдуард I нинг кўп жиҳатдан устун бўлган қўшинидан енгилади. Аммо инглизларга қарши курашни давом этди. 1305 й. [illegible] тутилиб У. қатл этилган ва [illegible] шотланд халқининг [illegible] афсоналарда улуғланган.

УОЛТОН (Walton) Эрнест Томас Синтон (1903.6.10, Дангарван, Уотерфорд ш. яқинида, Ирландия — 1995) — ирландиялик физик. Дублин ва Кембриж ун-тларида ўқиган. 1932 й.да Ж. Кокрофт б-н ҳамкорликда биринчи протонлар тезлаткичи — каскад генераторни яратди ва сунъий тезлатилган протонлар б-н биринчи ядро реакциясини амалга оширган. Нобель мукофоти лауреати (1951; Ж. Кокрофт б-н ҳамкорликда).

УОТ ТАЙЛЕР ҚЎЗҒОЛОНИ — ўрта асрларда Англиядаги деҳқонларнинг энг йирик қўзғолони (1381). Раҳбарлари — Уот Тайлер ва Жон Болл. Кучайиб [illegible] ҳудудини қамраб олган. Июнда қўзғолончилар Лондонга кириб келган. Қирол б-н музокаралар чоғида крепостной ҳуқуқни бекор қилиниши («Майл-Энд дастури»), жамоа ерларининг қайтарилиши ва табақавий тенгсизлик (Смитфилд дастури) талаб қилинган. Музокаралар чоғида Уот Тайлер қирол одамлари томонидан хиёнаткорона ўлдирилган. Қўзғолон бостирилган.

«УОТЕРГЕЙТ ИШИ» — АҚШда «Президентни қайта сайлаш бўйича Республикачилар партияси комитети»нинг 1972 йил сайлов кампанияси давридаги ғайриқонуний ҳаракатлари б-н боғлиқ воқеалар [Демократлар партиясининг Вашингтондаги «Уотергейт» (Watergate) меҳмонхонасидаги қароргоҳида яширин тингловчи қурилмалар ўрнатишга уринишлари] текшируви. Оқ уй маъмурияти шахслари томонидан [illegible] қўрқитиш, ёлғон гувоҳлик бериш ва б.) очилган. Президент Р. Никсон «У.и.»да алоқадорликда айбланиб, унинг жавобгарликка тортилишидан қўрқиб импичмент арафасида 1974 й. августда истеъфога чиққан.

УОТСОН Жеймс Дьюи (1928.6.4, Чикаго, АҚШ) — америкалик биокимёгар. Молекуляр биология асосчиларидан. АҚШ Фан ва санъат академияси аъзоси (1957). Чикаго ун-тини тугатган (1947). Индиана, Копенгаген (1950—51), Кембриж (1951—53, 1955—56) ун-тларида, Калифорния технология ин-тида (1953—55), Гарвард ун-тида (1956 й.дан) ишлаган. АҚШ президентининг фан бўйича маслаҳатчиси (1962 й.дан). Нью-Йорк штатидаги Колд-Спринг-Арборс лаб. директори (1968 й.дан). Асосий илмий ишлари молекуляр биол.га оид. Ф. Крик б-н ҳамкорликда ДНК (қ. *Дезоксирибонуклеин кислота*) молекуласининг қўш спирали моделини ишлаб чиққан. Бактериялар рибосомалари ва уларнинг оқсил биосинтезидаги аҳамиятини ўрганган. Вируслар структурасини ўрганишга катта ҳисса қўшган. Нобель мукофоти лауреати (1962, Ф. Крик ва М. Уилкинс б-н ҳамкорликда).

УОТСОН (Watson) Жон Бродес (1878.9.1, АҚШнинг Гринвилл ш. — 1958.25.9, Нью-Йорк) — америка психологи, *бихевиоризм* асосчиси. Балтимордаги Ж. Хопкинс ун-ти проф. (1908—20). Унинг ҳайвонлар устидаги тадқиқотлари асосида вужудга келган концепция интроспектив психология методларига таъсир этди натижасидир. У. психологияни объектив эксперимент методларига [illegible] табиий фанлардан бири сифатида [illegible] ўрганган. Бутун психологик фаолиятни У. хулқ-атвор сифатида талқин қилди. У. фикрича, психологиянинг асосий вазифаси билим, малака, кўникма ҳосил қилиш жараёнини ўрганишдан иборат. У. ҳатто тафаккурни яширин ҳаракатлантирувчи фаолият деб баён қилишга интилган.

УОТСОН-КРИК МОДЕЛИ — қўш спирал дезоксирибонуклеин кислотаси тузилиш модели (гипотеза). У.-К.м.га кўра, ДНК молекуласи ўзаро антипараллел йўналган 2 полинуклеотид занжирдан ташкил топган. Занжирлар [illegible] буралган қўш спиралдан иборат. Қўш спирал қарама-қарши жойлашган азот асослари ўртасидаги водород боғларининг ўзаро таъсири туфайли мустаҳкам ушланиб туради. У.-К.м.ни 1953 й.да Америка ва инглиз олимлари, молекуляр биолог Ж. Уотсон ва физик Ф. Крик таклиф этган. Моделнинг яратилишида М. Уилкинс ва Р. Франклин олган ДНКнинг юқори сифатли рентгенограммаси (1950—52), Л. Полингнинг ҳар хил спирал структуралар рентгенограммаси кўринишини олдиндан айтиб бериш имкон берувчи назарияси (1951), А. Тодд ва унинг ходимлари томонидан ДНК молекуласидаги нуклеотидлар ўртасидаги кимёвий боғлар табиатининг аниқланиши (1952), Э. Чаргаффнинг ДНК молекуласидаги азот асосларининг ўзаро нисбатини аниқлаши (1947—50) муҳим аҳамиятга эга бўлди. У.-К.м. ДНКнинг матрицали яримконсерватив репликацияси механизмини, генетик информациянинг транскрипцияси (қ. *Транскрипция*) ва кодланишининг умумий принципларини, мутацион жараённинг айрим молекуляр механизмларини башорат қилиш учун асос бўлди.

Кейинчалик ўтказилган жуда кўплаб тадқиқотларда У.-К.м.нинг асосий кўрсаткичлари тажриба асосида тасдиқланди. ДНК молекуласининг бошқача кўринишга эга бўлган, мас., зигзагсимон модели ҳам таклиф қилинади. Геномнинг айрим қисмларида чап томонга буралган, яъни Z-ДНКнинг мавжудлиги тажриба йўли б-н тасдиқланган (А. Рич, 1974). Бироқ У.-К.м. ДНК молекуласи структурасини фақат in vitro эмас, балки in vivo шароитида ҳам, асосан, тўғри акс эттиришига шубҳа йўқ. У.-К.м.нинг кашф этилиши биологиянинг янги бўлими — молекуляр биол. фанининг ривожланиши учун кучли туртки бўлди. У.-К.м. биол. соҳасида 20-а.да кашф этилган учта йирик кашфиётдан бири сифатида эътироф этилади.

УПАНИШАДЛАР [санскритча — устознинг ёнида (ҳақиқатни билиш учун) ўтириш] — ҳинд диний-фалсафий рисоласи; проза ва шеър б-н ёзилган, веда адабиётининг якунловчи қисми, хотимаси (қ. *Ведалар*). Тахм. мил. ав. 7—3-а.ларда пайдо бўлган. Унинг марказида *веда динининг* фалсафий масалалари, одамнинг ўзини ўзи ва атрофидаги оламни билиши ётади. У.нинг асосий ғояси *Брахма* ва Атман (субъект, алоҳида шахс)нинг бирлиги тўғрисидаги таълимотда ифодаланади. Улар 2- ва 8—9-а.ларда ёзилган изоҳлар *ведантага* асос бўлган. У. кейинги асрларда Ҳиндистондаги барча ҳинд фалсафий тизимлари ва мактабларига ҳамда уларнинг вакиллари дунёқарашига таъсир қилган.

УПИТ Андрей Мартинович [1877.22.11(4.12), Скриверн, ҳоз. Латвия Республикаси, Огре тумани — 1970.17.11, Рига] — латиш адабиёти

асосчиларидан, адабиётшунос, давлат арбоби. Латвия халқ ёзувчиси (1943). Латвия Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1941—54). Латвия ФА акад. (1946). Латвия Олий Мажлиси Президиуми раиси ўринбосари (1940—51) ва аъзоси (1951 й.дан). Ижоди 1906 й.дан бошланган. 1907—12 й.ларда «Буржуа», «Сўнгги латиш» дилогиясини ёзган. «Робежниеклар» трилогияси (1909—33)да латиш деҳқонларининг 1905—07 й.ларгача босиб ўтган тарихий йўли акс этган. «Кичик комедия» ҳикоялар китоби (1909—10) ва «Аёл» (1910), «Олтин» (1914), «Хоинлар» (1915—16) романларида мешчанлик танқид қилинган. «Камалак кўприк бўйлаб» романи (1926), «Чўмилувчи Сусанна» (1922), «Чайканинг парвози» (1926), «Яшнаётган чўл» (1930) комедиялари ҳамда «Метаморфоза» (1923), «Қашшоқ ҳаёт» (1926), «Пастор ҳақида ҳикоялар» (1930) тўпламлари ва тарихий мавзудаги «Асрлар бошида» тетралогияси (1937—40) муаллифи. «Кўкаламзор» (1945), «Булутлардаги шуъла» (1951) романларида 19-а. охиридаги латиш қишлоқлари ҳаёти акс этган. Адабиёт тарихига оид тадқиқотлари бор. «Жаннатдан қувилганлар» (1973, 1980), «Яшил ер» (1962) асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

УПСАЛА — Швециянинг марказий қисмидаги шаҳар. Упсала ленининг маъмурий маркази. Аҳолиси 189,5 минг киши (2001). Машинасозлик, полиграфия, фармацевтика саноати корхоналари мавжуд. Мамлакатда энг қад. ун-т (1477), машҳур табиатшунос. К. *Линней* музейи бор. Шаҳарга 12-а.да Эстра-Арос номи б-н асос солинган. Меъморий ёдгорликлардан Скандинавияда энг катта готика собори (13—15-а.лар) сақланган.

УПСАЛА УНИВЕРСИТЕТИ — Швециядаги қад. ва йирик ун-тлардан бири. 1477 й. Упсала ш.да архиепископ Якоб Ульфсон томонидан ташкил этилган. 18-а.да ун-тда тиббиёт ва табиатшуносликдан швед табиатшуноси К. *Линней*, астрономиядан швед астрономи ва физиги А. *Цельсий* дарс берган. Ун-т ҳуқуқ, ижтимоий фанлар, теология, тиббиёт, тарих, фалсафа, тилшунослик, фармацевтика, мат., физика, биол., кимё, геогр. бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонаси (1920 й. ташкил этилган)да 2 млн.га яқин асар сақланади. Ун-тда 18 мингга яқин талаба таълим олади.

УР (шумерча У р и м) — қад. шаҳар-давлат. Носирия ш. (Ироқ)дан 20 км жан.-ғарбда, Тель-Муқайяр шаҳар харобаси ўрнида жойлашган. Инглиз олимлари Д. Тейлор (1854), Р. Кэмпбелл-Томпсон (1918), Р. Холл (1919—22) ва айниқса, Л. Вулли раҳбарлигидаги Англия-Америка экспедицияси (1922—34) томонидан кенг кўламда ўрганилган. Археологик тадқиқотлар У. ўрнида мил. ав. 5-минг йиллик охирида қишлоқ вужудга келгани ва у *убайд маданияти*га мансублигини аниқлади. Мил. ав. 4-минг йилликда *Урук* даврида У. шаҳар сифатида шаклланган. Қазишмалар натижасида топилган энг кўп ва қизиқарли ёдгорликлар У.да I ва III сулолалар ҳукмронлиги даврига мансуб (мил. ав. 25 ва 21-а.лар). I-сулолага мансуб 16 та мақбарага (кўпчилиги қад.да талон-торож қилинган) ҳукмронлар ва уларга қурбонлик қилинган жангчилар, арфа чалувчи аёллар, аравакашлар қўшиб дафн қилинган. Бу топилмалар дафн маросими ҳақида тасаввур қилиш имконини беради. Шумер санъатининг ноёб намуналари; олтин дубулға, олтин илишлар ва арфалар, тинчлик ва уруш саҳналари акс эттирилган мозаикали байроқ(туғ)лар шу даврга оид. III-сулола ҳукмронлиги даврига мансуб шаҳарнинг қалин мудофаа девори, сарой, ибодатхона девори қолдиқлари чиққан; ибодатхона марказида 3 қаватли зиккурат (бал. 42 м) ва б. иншоотлар жойлашган.

Мил. ав. 25-а.да, У.нинг I-сулоласи даврида (Месанепада, Аанепада ҳукмронлиги ва б.). У. кучли давлат бўлган. Мил. ав. 24—22-а.лар мобайнида (бироз танаффуслар б-н) қўшни шаҳар-давлатлар Умма, Урук, Аккад, гутийларга қарам бўлган. Мил. ав. тахм. 21-а.да

Урдаги зиккурат

«Шумер ва Аккад подшоси» (У.нинг III-сулоласи пойтахтига айланган. Подшо Ур-Намму даврида (мил. ав. 21-а.) Месопотамиядаги энг қад. ҳуқуқий низом яратилган. У.нинг ушбу даври тарихи учун шоҳларнинг катта мужассамликлари, қуллар, қароллар («уруш» ва «тинч») мавжудлиги хос бўлган. Мутлақ подшо ҳокимиятининг мафкуравий асослари яратилган (маъбудларга сажда қилишнинг янгы тизими «подшо ҳокимиятининг абадийлиги» ва б.). III-сулоланинг кейинги 4 подшоси (Шулги, Амар-Суэн, Шу-Суэн, Ибби-Суэн) ҳаётликлари чоғларида илоҳийлаштирилганлар. У.нинг III-сулоласи даврида шумер тилидаги маданият равнақ топган, бироқ аккад тили ҳам тарқала бошлаган. III-сулола даврлари мил. ав. тахм. 2000 й. Элам ва аморийлар б-н бўлган уруш жараёнида қулаган. У. Бобил (мил. ав. 18—6-а.лар) ва ахамонийлар подшоликлари (мил. ав. 6-а.дан) қўл остида муҳим савдо-ҳунармандчилик маркази сифатида қолган; мил. ав. 4-а. охирига келиб У. таназзулга учраган.

Ад.: Тюменев А. И., Государственное хозяйство древнего Шумера, М.-Л., 1956; Вулли Л., Ур халдеев (пер. с англ.) М., 1961.

Муҳаммаджон Раҳимов.

1. Аккадлик зодагон мескаламдугнинг олтин дубулғаси (Урдаги шоҳ қабр, мил. ав. тахм. 2550; Бағдоддаги Ироқ музейи). 2. Подшоҳ Ур-Наммунинг бунёдкорлик фаолияти мшҳ этилган битик (мил. ав. тахм. 2040; Бағдоддаги Ироқ музейи).

«УР, ТЎҚМОҚ» — ўзбек халқ эртакларидан. Шаклан ва мазмунан сеҳрли-фантастик эртаклар турига киради. Эртак мазмунини халқнинг тўқ яшаш, бахт-саодат, эркин ҳаёт ҳақидаги орзу-умидлари ташкил этади. Эртакда воқеалар «очил, дастурхон», «газла, газим», «ур, тўқмоқ», «пишли палов», «чиқ қовоқдан» каби сирли воситалар орқали ривожланади ва салбий персонажлар қиёфасида мавжуд тузумнинг ахлоқ меъёрлари — адолатсизлик, инсофсизлик, зулм ва зўрлик каби ёмон иллатлар фош этилади. «Очил, дастурхон», «Чол б-н кампир» эртаклари «У.т.» нинг вариантлари ҳисобланади. Эртак бошланғич синф дарсликларида берилган, ўзбек халқ эртаклари туркумида кўп бор нашр қилинган.

УРАЗМЕТОВА Ойбиби Йўлдошевна (1952.29.9, Урганч тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Хоразм педагогика ин-тини тугатган (1974). 1974 й.дан Урганч туманидаги 15-мактабда геогр. ўқитувчиси.

УРАЛ (1775 й.гача — Е й и қ) — Жан. Урал ва Каспийбўйи пастекислигидаги дарё. Россия ва Қозоғистон ҳудудларида. Уз. 2428 км, ҳавзасининг майд. 237 минг км². Уралтов тизмасидан бошланиб, Каспий денгизига қуйилади. Қуйилиш жойида 2 тармоқ — Ейиқ ва Олтин (кема қатнайдиган) тармоқларига бўлинади. Асосан, қордан тўйинади. Ўртача сув сарфи қуйи оқимида 400 м³/сек. Ноябрда музлаб март—апр. да муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари: чапда — Орь, Илек; ўнгда — Сакмара. Балиқ овланади. Магнитогорск ш. яқинида 2 сув омбори, Ириклй шаҳарчасида Ириклй ГЭС ва сув омбори, Уральск ш.дан (Қозоғистон) қуйироқда Кушум канали ва сув омбори қурилган. Уральскдан Атеровгача кема қатнайди. У. бўйида Магнитогорск, Орск, Оренбург (РФ), Атеров ва б. шаҳарлар жойлашган.

УРАЛ, У р а л т о ғ л а р и — Осиё б-н Европа қитъаларини бир-биридан ажратиб турувчи ўртача баландликдаги тоғли ўлка. Осиё б-н Европа чегараси У.нинг шарқий этакларидан ўтади. Шим.да Кара денгизи соҳилларидан, жан.да Урал дарёсигача 2000 км дан зиёд чўзилган. Эни 40—60 км дан 150 км гача (Жанубий У.), энг баланд жойи 1895 м (Народная тоғи). Баъзи олимлар Уралга жан.дан Муғожар тоғларини ҳам киритади.

У. номининг келиб чиқиши 2 хил: 1) Урал — қад. туркий тилдаги камар, белбоғ сўзидан; 2) бошқирд халқ эпосидаги Урал Ботир номидан деб талқин қилинади. У. табиати ва ресурсларини ўрганишга 18—20-а.ларда рус олимлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

У. табиатининг комплекс хусусиятлари, 1-навбатда геогр.си ва рельефига кўра 5 табиий областга бўлинади: 1) 68°23' — 65°40' ш.к.лар орасидаги Қ у т б и й У.да — тундра ва ўрмонли тундра; 2) 64° ш.к.гача давом этган Қ у т б ё н и У.да — тоғ ўрмон тундраси ва шим. тайга; 3) 59°08' ш.к.гача давом этган Ш и м о л и й У.да — тайга; 4) 55°55' ш.к. гача давом этган Ўрта У.да — жан. тайга ва аралаш ўрмонлар; 5) Урал дарёсигача тушиб келган Ж а н у б и й У.да — ўрмонли дашт ва дашт ландшафтлари устун.

У.нинг ғарбий ён бағри ва Уралолди чекка эгилмасида, айниқса, Сильва дарёси (Чусовая дарёсининг ирмоғи) ҳавзасида карст жараёнлари кучли ривожланган бўлиб, бир қанча йирик ғор (Дивья, Кунгур, Капова), қуплаб карст воронкалари ва чўкмалар учрайди.

У. рельефига кўра, ўзаро параллел жойлашган қатор (2—3 тадан, жан.да 7—6 тагача) паст ва ўртача баландликдаги тоғ тизмаларидан ҳамда улар орасидаги бўйлама водийлардан иборат. 55 ва 54° ш.к.лар орасида жойлашган Жанубий У. б-н шимолидаги Қутбий У.нинг орографияси анча мураккаб.

У. герцин бурмаланишида (юқори палеозой) шаклланган. Бу даврда кучли вулканизм жараёни содир бўлган. Геологик-тектоник жиҳатдан У. ғарбдан шарққа чўзилган бир неча ёши ва таркиби жиҳатдан турли тоғ жинсларидан ташкил топган структуравий зоналарга бўлинган. Булардан энг йириги кембрийгача ва палеозой даври метаморфик, отқинди ва чўкинди тоғ жинсларидан ташкил топган Марказий Уралтов антиклинорийсидир. Бунга У. тоғининг сувайирғич қисми тўғри келади. Ундан ғарбда чўкинди тоғ жинслари б-н тўлган Уралолди чекка эгилмаси, шарқда эса ўрта палеозой отқинди ва денгиз чўкиндилари б-н тўлган синклинорий типидаги эгилмалар гуруҳи жойлашган.

Мезозой даврида У. емирилган ва пасайган. Унинг ҳоз. рельефи янги тектоник кўтарилмалар таъсирида шаклланган. Айни вақтда нураш ва денудацион жараёнлар ҳам кучайган. Шунинг учун энг баланд тизмалар ва чўққилар нурашга чидамли тоғ жинсларидан (кварцит, габбро ва б.) ташкил топган, тизмалар орасидаги ботиқларда чўкинди тоғ жинслари тўпланган ва уларда кейинги эрозион-аккумулятив жараёнлар иши натижасида дарё водийларида бир қанча террасалар ҳосил бўлган. Ҳоз. дарё террасаларининг сони 3—5 та. Рельефда ташқи омиллардан нурашнинг роли катта. Қутбий У.да музлик ва музлик рельеф шакллари, Шим. ва Ўрта У.да рельефнинг қуйидаги типлари ажратилади: 1) Марказий ўқ зонанинг тоғ-водий типи, унда қад. пенепленлар, қурумлар, тоғ террасалари ва музлик рельефи шакллари асосий ўрин тутади; 2) У.нинг ғарбий ён бағридаги карст рельефи кенг тарқалган паст тоғлар — «пармалар» типи; 3) Урал олди тўлқинсимон аккумулятив текислиги; 4) Шарқий ён бағридаги ясси, қолдиқ тоғлар рельефи типи; 5) Ўрта У.нинг шарқий ён бағридаги сертепа увалар рельефи; 6) Жанубий У.нинг шарқий қисмидаги денгиз аккумулятив текислиги. У.да пермь, тошкўмир, девон даврларининг денгиз ва континентал қатламлари, синеклизаларда мезокайнозой чўкинди жинслари энг кўп тарқалган.

Иқлими континентал тоғ иқлими. Меридиан йўналиши бўйлаб катта масофага чўзилганлиги турли қисмида Қуёш радиациясининг ҳар хил туши-



1. Академик эдигон
мсскаламдугинин
олтин дубулгаси
(Урални шок кабр.

шига ва шим.дан жан.га т-ранинг ошиб боришига олиб келади. Иқлимнинг континенталлиги ғарбдан шарққа ва шим.дан жан.га ортиб боради. Унинг шарқий қисмида ғарбий қисмига нисбатан т-ра 1—2° га паст. Ғарбий қисмида янв.нинг ўртача т-раси Қутбий У.да −20°, −21°, Жанубий У.да эса −15°, −16°. Шарқий қисмида −22°, −23° (Қутбий У.да), −16°, −27° (Жанубий У.да). Июлнинг ўртача т-раси шим. қисмида 9—10°, жан.да 19—20°. Ёғингарчиликнинг тақсимланишига унинг рельефи катта таъсир кўрсатади. Йиллик ёғин ғарбий ён бағирларида шарқий ён бағирларига нисбатан 150—300 мм кўп. Энг кўп ёғин (1000 мм гача) Қутб ёни ва Шимолий У.нинг сувайирғич қисми яқинида тушади, бу ерда қор қоплами ҳам қалинроқ (90 см гача). Жанубий У.нинг ғарбий ён бағрида йиллик ёғин 650—750 мм, шарқий ён бағрининг шим. қисмида 500—600 мм, жан. қисмида эса 300—400 мм. Ёғиннинг асосий қисми ёз ойларида тушади.

У.нинг дарёлари Шим. Муз океани ва Каспий денгизи ҳавзаларига оқади. Шим. Муз океани ҳавзасига ғарбий ён бағирларидан бошланувчи Печора (Уса б-н), шарқий ён бағирларидан Обь дарёсининг ирмоқлари, Каспий денгизи ҳавзасига Кама, Чусовая, Белая, Сакмара, Урал ва б. киради. Қутб ёни ва Шимолий У.нинг ғарбий ён бағирларидан бошланувчи дарёлар серсув, энг кўп сув май—июнда оқиб ўтади. Жанубий У.нинг шарқий қисмидан бошланувчи дарёлар кам сувли, уларнинг баъзилари ёзда қуриб қолади.

Дарёлар, асосан, қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. 5—7 ой музлайди.

У.да тупроқ-ўсимлик қоплами кенглик зоналлиги, баландлик минтақалари қонунияти бўйича тарқалган ва дашт, ўрмон ландшафтлари ва уларга хос тупроқ ва ўсимликлар тарқалган. Дашт ландшафтлари Жанубий У.да айниқса кенг. Унинг шим. ва баландроқ қисмларида ўрмонли дашт кўп учрайди. Чимли подзол тупроқларда қарағай ва жўка аралаш қайин-ўрмонлар, қора тупроқларда чалов-турли ўтли ва шувоқ-чалов дашт ўсимликлари ўсади. Энг жан.да каштан тупроқлар тарқалган. Подзол тупроқларда игна баргли ўрмонлар (қорақарағай, оққарағай, кедр, қарағай, тилоғоч), аралаш ўрмонларда сур ўрмон тупроқлари ва игна барглилар б-н аралаш ўсувчи оқ қайин, тоғ терак, жўка, эман, зарангли ўрмонлар кенг тарқалган. Ўрмон ландшафтларидан юқорида, айниқса, Қутбий, Қутб ёни, Шимолий У.да голъц ландшафтлари учрайди. Бу ерларда тундра зонасида тоғ тундра ландшафтлари (мох, лишайник ва б.), ботқоқлик ўсимликлари катта майдонни эгаллаган. Унинг ҳайвонот дунёси хилма-хил, турли табиат зоналари ҳайвонлари мавжуд. Қутбий У.да қутб тулкиси, лемминг, буғу, оқ каклик ва б. яшайди. Ёзда қушлар (ғоз, ўрдак) учиб келади. Ўрмонларда қўнғир айиқ, силовсин, росомаха, бўрсиқ, олмахон, сувсар, оқ товушқон; қушлардан — қур, карқур, чил, келрқур, клест, қизилиштон, қоранақшақ, бойқуш, какку, дашт ва ўрмонли даштларда кемирувчилардан мала товушқон, сугур, қўшоёқ, турли илонлар бор. У.да олачипор буғу, ондатра, қундуз, марал, америка норкаси, енотсимон ит иқлимлаштирилган. Дарё ва кўлларда балиқларнинг турли хиллари (хариус, чўртан, лаққа ва б.) мавжуд. У.да Печора-Илич, Висим, Бошқирд, Ильмень қўриқхоналари ташкил этилган.

У. табиий ресурсларга, айниқса, фойдали қазилмалар ва ўрмонга бой. Темир, мис, никель, хром, кремний, молибден, вольфрам, ванадий, титан, кобальт, боксит, магний, марганец ва б. рудаларнинг конлари очилган. Қимматбаҳо рудалардан сурма, маргимуш, висмут, кобальт, кадмий, олтин ва б., қимматбаҳо ва нодир тошлардан зумрад, олмос, турмалин, аметист, сафсар, топаз, безак ва техник тошлардан мармар, малахит, яшмага бой. Бинокорлик хом ашёлари ва минерал шифобахш сув бойликлари мавжуд.

Қутбий Урал. Коми Республикаси ҳудуди.

У. ҳудудида одамлар бундан 75 минг йил аввал илк палеолит даври охирларида пайдо бўлган. Сўнгги палеолит даврига оид (35—10 минг йил аввал) бир нечта қароргоҳлар ҳам топилган. Неолит даврига келиб, У.да бир-бирига қариндош қабилалар шакллана бошлаган. Жанубий р-нларда чорвачилик ва ибтидоий деҳқончилик тармоқлари шу даврда пайдо бўлган. Мил. ав. 2-минг йиллик бошларида У.да мис, жездан фойдаланиш бошланган. Мил. ав. 8—7-а.ларда У.даги қабилалар темир эритиб олиш техникасини эгаллаганлар. Йирик-йирик қабилалар уюшмаси пайдо бўлган, чунончи, Жанубий У. чўлларида сарматлар, Кама дарёси бўйларида Ананьино маданиятига мансуб қабилалар яшаган. Мил. 3-а.дан бошлаб У. ҳудудида қад. аҳоли ўртасида жуда кўп кўчиш ҳодисалари юз берган. У. аҳолиси Турон, Эрон, Византия б-н мол айирбошлаш алоқалари олиб борган.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши натижасида мил. 10—11-а.ларга келиб, У. қабилалари ҳаётида ибтидоий жамоа тузуми барҳам топган. Заминдорлик муносабатларининг шаклланиш жараёни коми-пермяк, удмурт ва бошқирдларнинг авлодларида тезроқ, ханти ва мансилар авлодида секинроқ бўлган.

Руслар У.га ўрта асрлардан кела бошлаган. У.нинг шимолида Новгород ушкуйниклари дружиналари пайдо бўлган (14-а.). Югор ери, кейинроқ эса Пермь ери ҳам Новгород волостларига айлантирилиб, у ерга руслар бориб ўрнаша бошлаган. 12—14-а.ларда У.даги ерларни эгаллаш учун Новгород ва Владимир-Суздаль, сўнгра Москва князликлари ўртасида кураш кетган. 15-а. охирларига келиб, юқори Кама бўйи ерларини Москва давлати эгаллаб олган. Қозон хонлиги босиб

Жанубий Урал. «Красные камни» табиат ёдгорлиги.

олингач (1552), Бошқирдистоннинг катта қисми ва Удмуртиянинг Кама бўйи қисми ҳам 1557 й. Россия таркибига киритилган. Бир қанча рус қишлоқлари: Уфа (1574), Сарапул (1596) ва б. вужудга келган. Подшо инъомлари ва ерларнинг босиб олиниши натижасида Кама бўйида Строгановлар вотчиналари пайдо бўлди. Бу ерда Пискор (1558), Орёл-городок (1564), Нижний Чусовск (1568) ва б. шаҳарчалар қурилди. 1574 й. Иван IV ҳукумати томонидан Строгановларга ҳали Русь давлати эгаллаши улгурмаган У. орқасидаги ерларни бўйсундиришни учун ёрлиқ берилди. Шундан сўнг У.нинг шарқий томонида рус қалъа ва шаҳарлари вужудга кела бошлади.

17-а.да руслар Жан. ва Ўрта У.ни эгаллашган. Кунгур ш. (1649), йирик ҳунармандчилик қишлоғи — Новое Усолье (1606), Ирбит (1668) слободалари пайдо бўлди. У. халқларининг ҳаётида 16—17-а.ларга келиб заминдорлик муносабатлари тўла шакллантан. 18-а. бошида У.да заводлар қурилиши кенг авж олди. 18-а. нинг 1-ярмида 63 та металлургия з-ди қурилди. З-длар қурилиши 18-а.нинг 50—60-й.ларида ҳам давом эттирилди (яна 67 та корхона вужудга келди), аммо кейинчалик бу суръат пасайди.

1648 й.дан Чердин ва Соликамскда, 1703 й. Кунгур уездида қўзғолонлар 1773—75 й.ларда Е. *Пугачёв* бошчилигида деҳқонлар уруши бўлиб ўтди. 18-а.да Екатеринбург (1723), Орск (1735), Оренбург (1743) ва б. шаҳарлар вужудга келди. 19-а.нинг 2-ярмида шаҳар аҳолиси тез ўсди. Самара — Оренбург (1876), Горнозаводск (1878), Екатеринбург — Тюмень (1885), Самара — Уфа — Златоуст — Челябинск (1896) т. й.лари қурилди. 19-а.нинг охирида У.да 300 минг саноат ва т.й. ишчиси бор эди.

Ад.: Экономическая география Урала [Сб.ст.], 1974; Вопросы географии Урала, [Сб.ст.], 1970; История Урала, т. 1—2, Пермь, 1963—65; «Отечество», М., 1999.

Мурод Маматқулов.

УРАЛ ТИЛЛАРИ — *фин-угор тиллари* ва *самодий тиллари* оилаларини ўз ичига олган йирик тил бирлашмаси; мазкур тил оилаларини баъзи олимлар тил гуруҳлари деб ҳисоблайдилар; уларнинг қариндошлиги эса фин олими Э. Сетяля томонидан исботланган. У.т. анча катта ҳудудда: шим.да — Норвегия шим.дан Таймир ярим оролигача, жан. да — Сербия, Венгрия ва Мордовия республикаларида тарқалган. Сибирь, қуйи Волга ва Кавказдаги айрим манзилларда ҳам фин-угор халқлари яшайди. Топонимика ва гидронимика маълумотлари баъзи фин-угор ва самодий халқларининг (кареллар, саамлар, комилар, венслар, марийлар, мордвалар, мансилар ва б.) ўтмишда анча кенгроқ ҳудудда тарқалганлигидан дарак беради. Айрим У.т., мас., меряя, муром, мишчар, шунингдек, Саян тоғликларидаги кичик-кичик қабилаларнинг тиллари (сойот, матор, койбал ва б.) аллақачон йўқ бўлиб кетган, камасин тили ҳам яқиндагина йўқолган.

У.т. 2 та катта тармоққа (оилага): фин-угор тиллари ва самодий тилларига бўлинади. *Фин-угор тиллари*, ўз навбатида, 5 гуруҳга ажралади: 1) болтиқбўйи-фин гуруҳида фин, ижор, карел ва вепс тиллари шим. гуруҳчани, эстон, вод, лив тиллари жан. гуруҳчани ташкил этади; 2) волга гуруҳи — марий тили (барча лаҳжалари б-н), мордва тиллари (эрзя-мордва, мокша-мордва); 3) пермь гуруҳи — удмурт, коми-зирян, коми-пермяк тиллари; 4) угор гуруҳи — ханти ва манси тиллари, венгер тили; 5) саам гуруҳи — ғарбий ва шарқий лаҳжали саам тили. *Самодий тиллари* анъанавий тарзда 2 тармоқ ёки гуруҳга бўлинади: шим. — ненец, нганасан, энц тиллари; жан. — селькуп ва (яқинда йўқолган) камасин тили.

У.т.нинг кенг ҳудудда тарқалганлиги, бошқа халқлар тилларининг таъсири бу тилларнинг турли сатҳларида намоён бўлувчи катта типологик фарқларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Мас., пермь, угор, мордва ва марий тиллари агглютинатив тиллар бўлса, болтиқбўйи-фин, самодий тиллари, айниқса, саам тили сезиларли флектив хусусиятларга эга. Маълум бир гуруҳга мансуб тиллар ўртасидаги яқинлик даражаси бир хил эмас. Саам тили ўз хусусиятларига кўра болтиқбўйи-фин тилларига ўхшаб кетса-да, бу гуруҳга киритилмайди. Волга гуруҳидаги тилларнинг ўзаро фарқлари анча сезиларли. Ханти тилининг айрим лаҳжалари бир тилнинг лаҳжаларидан кўра кўпроқ мустақил қариндош тилларга ўхшайди.

У.т. ўз келиб чиқишларидаги умумийликни кўрсатувчи белгиларни намоён этади: умумий луғавий қатламлар, сўз ўзгартирувчи ва сўз ясовчи қўшимчаларнинг шаклий яқинлиги, эгалик суффиксларининг мавжудлиги, иш-ҳаракатнинг амалга ошишидаги давомийлик, кўп марталикни ёки бир марталикни билдирувчи суффиксларнинг кўплиги ва б. Шунингдек, бирга, айрим хоз. У.т. сезиларли ўзига хослик б-н ажралиб туради: ундош фонемалар миқдори адабий пермь тилларида 26 тага етса, фин тилида улар бор-йўғи 14 та. У.т.да урғунинг хусусияти ҳам бир хил эмас: биринчи, охирги ва ундан олдинги бўғинда боғлиқ ҳолдаги урғулар учрайди. Унлиларга ва дифтонгларга бой бўлган тиллар (мас., фин тили), шунингдек, турли-туман ундошлари кўп, лекин дифтонглари оз бўлган тиллар (пермь тиллари) ҳам бор. Келишикларнинг умумий сони 3 тадан (ханти тили)23 тагача (венгер тили) етади. Ўтган замон феъллари тизими типологик жиҳатдан бир-бирига ўхшамайди. Фин ва эстон тилларидаги ўтган замон тизими латиш тилидаги б-н бир хил бўлса, марий ва пермь тилларидаги айни шу тизим татар ва чуваш тилларидагига ўхшайдир. Ненец ва мордва тилларида майл тизими ривожланган бўлса, бошқаларида асосан шарт майли намоён бўлади. Кўпчилик У.т.да инкор махсус инкор феъллари б-н, мордва, угор, венгер ва эстон тилларида эса инкор юкламаси орқали ифодаланади.

Синтаксис соҳасидаги тафовутлар анча сезиларли. Болтиқбўйи-фин, саам, венгер, мордва ва коми-зирян тилларида ҳинд-европа тиллари — швед, немис, рус тилларининг, айниқса, эргаш гапли қўшма гаплар тузилишида анча кучли таъсири бор; самодий, угор ва қисман удмурт, марий тилларида эса ушбу тиллар синтаксисини туркий тилларники б-н яқинлаштирувчи баъзи архаик белгилар сақланиб қолган. Айрим У.т. узоқ тарихий ривожланиш мобайнида бошқа халқлар тиллари таъсирига учраган, бу таъсир излари асосан лексикада, қисман грамматик қурилишда сезилади.

У.т. жуда қад. ёзма ёдгорликларга эга эмас, қад. ёзма ёдгорликлар венгер тилида 1200-й. атрофида, карел тилида 13-а.да, қад. коми тилида 14-а.да, фин ва эстон тилларида 16-а.да, бошқа фин-угор тилларида эса 17-а. охири — 18-а. бошларида яратилган. Ҳоз. урал халқларида ёзув тизими анча нотекис ривожланган. Узоқ адабий анъанага эга бўлган тиллар (венгер, фин, эстон тиллари) б-н бир қаторда ёзуви яхши ривожланмаган (ненец, ханти, манси тиллари) ва ёзувсиз ёки ёзуви эндигина шаклланаётган (вод, вепс ва б.) тиллар ҳам мавжуд. У.т.ни, айниқса, фин-угор тилларини ўрганиш қад. анъаналарга эга. Венгрия, Финляндия, РФда, шунингдек, ГФР, АҚШ, Швеция, Норвегия, Франция ва Японияда ушбу тилларни ўрганиш бўйича йирик марказлар фаолият кўрсатмоқда.

Ад.: Основы финно-угорского языкознания, Т. 1—3, М., 1974—76; Хайду П., Уральские языки и народы, пер. с венг., М., 1985.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

Мордовия республикаларида тарқалган. Сибирь, қуйи Волга ва Кавказдаги айрим манзилларда ҳам фин-угор халқлари яшайди. Топонимика ва гидронимика маълумотлари баъзи фин-угор ва

чи суффикслари б-н бирга, айрим ҳоз. у.т. сезиларли ўзгаришлар ҳосил қ-н ажратиб туради: умумий фонемалар миқдори адабий пермь тилларида 26 тага етса, фин тилида улар

Ад.: Основы финно-угорского языкознания. Т. 1—3. М., 1974—76; Хайду П. Уральские языки и народы. пер. с венг. М., 1985.

Абдуваҳоб Мадвалиев

УРАЛ-МОНГОЛИЯ ГЕОСИНКЛИНАЛЬ МИНТАҚАСИ — Уралдан Марказий Осиё орқали Тинч океан соҳилларигача чўзилиб, қуруқликдаги жойларни эгаллаган. Ер пўстининг тектоник ҳаракатдаги минтақаси. Бу минтақа ғарбда Шарқий Европа, шим.-шарқда Сибирь, жан.да Хитой-Корея платформалари б-н чегараланган. Жан.-ғарбда эса, *Ўрта денгиз геосинклиналь минтақаси*, шарқда *Тинч океан геосинклиналь минтақаси* б-н бирлашади. У.-М.г.м. ўрнида кембрийнинг вужудга келиши тектогенезнинг бир неча эпохалари (байкал, салаир, каледон, герцин) мобайнида содир бўлган. Мезозой даврига келиб У.-М.г.м. ёш платформага айланган. Минтақа ривожланишининг барча босқичлари учун интенсив магматизм хосдир. Девон ва кечки палеозойнинг ороген даврига гранитлар йирик массивининг чўкурланиши ва йирик вулканларнинг ер устига отилиб чиқиши тўғри келади. У.-М.г.м.да темир, мис, олтин, қўрғошин, рух, қалай, вольфрам рудалари конлари ҳамда платина, хром конлари ва тошкўмир ҳавзалари мавжуд.

УРАЛЬСК (1775 й.гача Ёйиқ шаҳарчаси) — шаҳар, Қозоғистон Республикаси Ғарбий Қозоғистон вилояти маркази. Урал дарёси бўйидаги пристань. Т.й. станцияси. Аҳолиси 189,1 минг киши (2002).

16-а. охирида Оренбург урочищеси (масканида) Ёйиқ казаклари томонидан Ёйиқ шаҳарчаси истеҳкоми барпо қилинди. Нўғай татарлари томонидан вайрон қилинганидан кейин у 1613 й.да Ёйиқ (Урал) дарёсининг қуйи қисмига 50 км пастга кўч. ўрнига кўчирилди. Ёйиқ казаклари Степан Разин (1670—71), Емельян Пугачёв (1773—75) раҳбарлигидаги Крестьянлар урушида қатнашдилар. Ёйиқ шаҳарчаси шу даврда Крестьянлар урушн маркази бўлган. Шу боис, Е. Пугачёв қатл қилинганидан кейин (1775) истеҳкомшаҳарча ноиб Екатерина II фармони б-н У. деб ўзгартирилди ва шаҳарча Астрахон губернияси таркибига киритилди.

1868 й.дан шаҳар янгидан ташкил қилинган Урал вилояти маркази бўлди. Ўша даврда шаҳар аҳолиси, асосан, ҳунармандчилик, савдо, деҳқончилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланган. 1894-й.дан Рязань — Урал т.й. нинг ўтказилиши Каспий бўйи даштларида йирик савдо марказининг вужудга келишига омил бўлди. 1912 й.да У. да 100 дан ниёд майда саноат корхонаси, 300 хунарманд бор эди.

Ҳоз. машинасозлик ва металлсозлик (машинасозлик, арматура, механика, қурилиш-йўллари асбоб-ускунлари, приборсозлик кема таъмирлаш, кемасозлик, «Металлист» ва б. з-длари), енгил-озиқ-овқат (тўқ. комбинат, балиқ, ун, ёрма к-тлари, қандолатчилик ф-каси, ликёр-арақ, пиво, мой з-длари ва енгил (мўйна к-ти, кўн ва кўн пойабзал ф-калари, тикувчилик, кигиз босиш ф-калари) саноатлари ривожланган. Қурилиш материаллари и.ч. корхоналари (ҳовуз материаллари т-ди ва б.), мебель ф-каси, пешкчик электр маркази ишлаб турибди. 2 олий ўқув юрти, театр, тарихий-ўлкашунослик музейи, Е.М. Пугачёв уй музейи бор.

УРАН (лот. Uranium), U — Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий радиоактив элемент, *актиноидларга* киради. Тартиб рақами 92, ат. м. 238,029. Табиий У. 3 та радиоактив изотоп: ^{238}U ёки UI (99,2739%), ^{235}U ёки актиноуран AcU (0,7024%) ва ^{234}U ёки UII (0,0057%) дан иборат. Уларнинг масса сони 226 дан 242 гача бўлган 16 та сунъий радиоактив изотопларидан энг узоқ мавжуд бўладигани ^{236}U ($T_{1/2}$ = 1,62·10^7 йил); у торийни нейтрон нурлатиш йўли б-н олинади. ^{238}U ва ^{235}U *радиоактив қаторлар*нинг 1-аъзоси.

У ни дастлаб 1789 й.да немис кимёгари М.Г. Клапрот Загемининг Уран рудаси таркибида кашф этди ва Уран планетаси деб атади. 1841 й.да француз кимёгари Э.М. Пелиго У. хлоридни водород б-н қайтариб соф У. олишга муваффақ бўлди.

У. Ер пўстининг масса жиҳатидан 2,5·10^{-4}% ини ташкил қилади. Унинг 100 га яқин минераллари маълум. Бу минералларнинг асосийлари: уранинит UO_2, настуран (У. смоласи U_3O_8), браннерит-титан силикат (U, Ca, Fe^{2+}, Th)$_3$(Ti, Si)$_5$$O_{16}$, давидит ($Fe^{2+}$, Ce, U), ($Ti^{4+}$, Fe^{3+}, V^{3+}, Cr^{3+}), (O, OH)..., карнотит — калий уранилванадат $K_2(UO_2)_2(VO_4)_2 \cdot nH_2O$(n=1—3), тюямунит — кальций уранилванадат $Ca(UO_2)_2(VO_4)_2 \cdot nH_2O$(n=1—10), отенит — кальций уранилфосфат $Ca(UO_2)_2(PO_4)_2 \cdot nH_2O$(n=8—12), торбернит — мис уранилфосфат $Cu(UO_2)_2(PO_4)_2 \cdot nH_2O$(n=8—12). У. рудалари, одатда, У.га бой бўлмайди, мас., У. смоласида 0,005—0,5% U бўлади.

У — кулранг тусли металл. Унинг 3 та аллотропик модификацияси маълум: α-U, β-U, γ-U. Унинг суюқланиш т-раси 1132°, қайнаш т-раси 3818°, зичлиги 19,120 г/см³. У. инерт газлардан ташқари деярли ҳамма элементлар б-н реакцияга киришади, металлар б-н интерметалл бирикмалар ҳосил қилади. Бирикмаларида 2, 3, 4, 5, 6 валентли. Унинг 6 валентли бирикмалари барқарор. [illegible] 150° да [illegible] У(IV)-оксид UO_2 ва У(VI)-оксид UO_3 амфотер хоссаларга эга. UO_3 [illegible] $UO_2(OH)_2$ [illegible] ҳосил [illegible] ҳосил қилади. [illegible] UO_2 [illegible] UO_2 [illegible] пероксид $UO_4 \cdot 2H_2O$ ҳосил қилинади.

У. рудаларини бойитишда кимёвий [illegible] усуллари қўлланилади. Кўпинча У. рудасига кўп миқдорда сульфат ёки нитрат кислота ёхуд уларнинг аралашмаси билан ишлов берилади. [illegible] ... [illegible] Сўнгра бойитилган эритмалардан аммоний диуранат $(NH_4)_2U_2O_7$ ёки натрий диуранат $Na_2U_2O_7$ ёхуд уран (IV)-гидроксид $U(OH)_4$ ҳолида чўктирилади. Бу чўкмалар У. бирикмаларини ҳосил қилишда дастлабки модда сифатида ишлатилади.

У. ядро реакторларида ядро ёқилғиси сифатида қўлланилади. У. тузлари фотографияда, *аналитик кимёда*, шиша тайёрлашда (шишани сариқ-яшил тусли қилишда) ва юқори т-рага чидамли сирлар учун бўёвчи модда сифатида ишлатилади.

Одам, ҳайвон ва ўсимлик тўқималарида жуда оз (10^{-5}—10^{-8}%) миқдорда, ўсимлик кулида 1,5·10^{-5}%, баъзи бир қўзиқорин ва сувўтларда кўпроқ У. бўлади. У. одам ва ҳайвон организмига — ошқозон-ичак, сув ва овқат ҳазм қилишда ҳаводан ва тери орқали киради. У. қонда узоқ вақт айланмайди. Одам ва ҳайвон организмида У. миқдори 10^{-7} г дан ошмайди. У. ҳайвон ва ўсимликнинг нормал ҳаёт фаолияти учун зарур элемент ҳисобланади, лекин унинг физиологик функцияси яхши аниқланмаган. У.ни қазиб олишда ва ишлов беришда ундан заҳарланиш мумкин. У. организмга кирганида барча орган ва тўқималарга таъсир этади. Заҳарланишдан сақланиш учун герметик қурилмалардан фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза тутиш, ишчиларни тиббий назоратдан ўтказиб туриш ва гигиена қоидаларига риоя қилиш керак.

Ад.: Ахметов Н.С. Общая и неорганическая химия. М., 1998; Парпиев Н.А., Раҳимов Ҳ.Р., Муфтахов А.Г. Анорганик кимё. Т., 2003.

Нурмат Парпиев.

УРАН — юнон мифологиясида осмон худоси. *Гемини* эри, улар никоҳидан *титанлар*, киклоплар, *Кронос*, Рея, Океан ва б. туғилган. Унинг ўғли Кронос отасига қарши чиққан, уни бемонликка гирифтор қилиб ҳокимиятни эгаллаган, ўзи жаҳонда ҳукмронлик қила бошлаган.

УРАН — Қуёш системасига кирувчи 9 та сайёрадан бири; Қуёшдан узоқлиги бўйича 7-сайёра. Астрономик белгиси ♅. Қуёшдан узоқлиги 19,19 *астрономик бирлик* (2872,4 млн. км)га тенг. Орбита эксцентриситети 0,047, орбитасининг эклиптика текислигига оғиши 0,77°. Қуёш атрофида тўла айланиш даври (сидерик ёки юлдуз айланиш даври) 30685 Ер суткасига (84,015 тропик йилга) тенг. Унинг кўриниш ёлдуз катталиги 6ᵐ га тенг бўлиб, *дурбинда* аранг кўринади. Жуда катталаштириб энг мохир кўрилганда унда ҳеч қандай чизиқ ёки доғ борлиги сезилмайди. Унинг экваториал диаметри 52400 км ёки Ернинг 3,98 диаметрига тенг. Массаси Ер массасидан 14,56 марта катта; ўртача зичлиги 1,22 г/см³, ўз ўқи атрофида айланиш даври 17,2 соат. У ни В.*Гершель* 1781 й.да кашф қилган. У. Қуёшдан анча узоқ жойлашгани учун ундан оладиган ёруғлик ва иссиқлик Ерникига нисбатан 370 марта кам, бироқ унинг ёруғлик қайтариш хусусияти сайёралар орасида энг юқори ҳисобланади. Унинг сферик альбедоси 0,93 га, геометрик альбедоси 0,57 га тенг. У.нинг ички тузилишини назарий текширишлар шу нарса аниқланган, ташқи газ қобиғи водород (H_2), неон (Ne) ва метан (CH_4) ва уларнинг умумий массаси сайёра тўла массасининг 10%ни, ички қисмининг кўпи сувдан иборат бўлган суюқ ядрони ташкил этади. У.нинг 10 дан ортиқ йўлдоши маълум. Унинг энг ёруғ йўлдошлари — Титания ва Оберонларни 1787 й.да В. Гершель, камроқ ёруғликдаги Ариэль ва Умбриелни 1851 й.да У. *Лассел*, Мирандани америкалик астроном Ж. Койпер 1948 й.да топган. 1977 й.да У.да ҳалқалар борлиги аниқланди. (Қ. *Сайёраларнинг йўлдошлари*).

УРАН РУДАЛАРИ — таркибидаги уран ва унинг бирикмалари техник жиҳатдан саноатда ишлатишга ярокли ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ концентрацияда бўлган табиий минерал ҳосилалар. 100 га яқин уран минераллари маълум бўлиб, шундан 12 таси амалий аҳамиятга эга; айниқса, хўпроқ смола аҳамиятига эга бўлган уран оксидлари — *уранинит* ва унинг турлари, шунингдек, силикатлар — коффинит, титанатлар — давидит ва браннерит; сувли фосфатлар, арсенатлар ва ванадатлар — уранли слюдалар саноатда катта аҳамиятга эга. У.р. пайдо бўлишига кўра, экзоген, эндоген, метаморфоген рудаларга ажратилади. Эндоген рудалар юқори т-ра ва босим шароитида пегматит ва гидротермал эритмалардан ажралиб чиқади. Бундай рудалар бурмаланиш областлари ва фаоллашган платформаларга хос. Экзоген рудалар ер юзасига яқин жойларда ва ер остидаги чўкинди ҳосил бўлиш жараёнида (сингенетик рудалар) ёки грунт сувлар циркуляцияси натижасида (эпигенетик рудалар) ҳосил бўлиб, асосан, ёш платформалар б-н боғлиқ. **Метаморфоген** рудалар чўкинди қатламлар метаморфизми жараёнида дастлаб тарқалган уранни тақсимланишидан ҳосил бўлиб, қад. платформалар учун хос. У.р. ўта контрастли, контрастли, кам контрастли ва контрастли бўлмаган рудаларга ажратилади. Рудаларнинг контрастлилиги уларнинг радиометрик бойитилиши имкониятини ва миқдорда мувофиқлигини белгилайди. У.р. йирик доналар (кўпгаланган 25 мм), ўрта доналар (3—25 мм), майин (0,015—0,1 мм) ва дисперс (0,015 мм дан кам) га ажратилади. Уран минераллари агрегатлари ва доначаларининг ҳажмига қараб, рудаларни механик бойитиш имкониятти аниқланади. Таркибидаги аралашмаларга кўра соф уран, ванадийли уран, никель-кобальт-висмут-кумушли уран ва б. рудалар фарқланади. У.р. таркибидаги уранинг миқдорига қараб 5 турга бўлинади: уранга жуда бой рудалар (уран 1% дан кўп), бой рудалар (1—0,5%), ўрта рудалар (0,5—0,25%), урани кам рудалар (0,25—1%), урани жуда кам рудалар (0,1% дан кам). Таркибида 0,01—0,015% уран бўлган рудалардан ҳам қўшимча маҳсулот сифатида уран ажратиб олинади. У.р.нинг асосий конлари АҚШ (Колорадо платоси), Канада (Онтарио ва Саскачеван провинциялари), Франция (Марказий Франция массиви) ва ЖАР (Витватерсранд)да; Австралия ва Габонда ҳам уранинг йирик конлари бор. Ўзбекистон ҳудудида уранинг аҳамиятга молик захиралари мавжуд. Марказий Қизилқумда уран конларининг 24 таси аниқланган, улардан 11 таси йирик (Учқудуқ, Сугрели, Собирсой, Кетмончи, Букинай, Жан. Букинай, Шим. Конимех, Лавлакон, Бешқоқ, Алендп) кон ҳисобланади. Булардан ташқари, Чатқол-Қурама тоғларида ва Фарғона ботиғида ҳам У.р. топилган.

УРАН СЛЮДКАЛАРИ — фосфат, арсенат, ванадат синфидаги уранли минераллар гуруҳи. Кимёвий таркиби $A(UO_2)_2(XO_4)_2 \cdot nH_2O$. Бу гуруҳда 40 та яқин минерал бўлиб, энг асосийлари — *торбернит* ва *отенит*. Асосан, гексагонал сингонияда кристалланади. У.с. сариқ, яшил япроқсимон, баъзан пушти рангда бўлиб, садафдек ялтирайди. Қаттиқлиги 2—2,5; зичлиги 3,0—6,8 г/см³. Радиоактивли, кислотада осон эрийди. Барча У.с. гипероген минерал бўлиб, уран-сульфид конларининг оксидланиш зонасида учрайди. *Уран рудаларининг* таркибий қисми, улардан олинади даражали ҳисобланади. Конлари: Сент-Симфорьен, Ла-Торш (Франция), Яхимов (Чехия) ва б.

УРАНИНИТ — уранинг сувсиз оксиди, уранатлар гуруҳига мансуб минерал. Идеал формуласи UO_2. Таркиби ўзгарувчан (U^{4+} дан U^{6+} гача оксидланади); аралашмалари Th, Tr, Pb, Fe, Zr дан иборат. Куб сингонияда кристалланади. Октаэдрик кристаллар ва зич массалар ҳолида бўлади. Мўрт. Қаттиқлиги 5—6, зичлиги 8—10 г/см³. Ранги қора, хира металл ёки смоласимон ялтирайди. Кучли радиоактив, бир оз электромагнитли. Соф У.нинг настуран ва уран қуруми каби турлари маълум. Соф У. юқори т-рали минерал бўлиб, аниқ кристаллар шаклида бўлади. Унинг структураси флюоритникига ўхшаш. Пегматитлар, шунингдек, пиротермал, скарн ва чўкинди жинслар ичида учрайди. Ишқорли магматик тоғ жинсларида, паст т-рали гидротермал ва чўкинди конларда ҳосил бўлади. Уран қуруми говак тупроқсимон агрегатлардан иборат бўлиб, гидротермал сульфид-уран конлари ва чўкинди конлар учун хосдир. Барча У.да уран ва торийнинг радиоген парчаланишидан пайдо бўлган ҳосилалар (К, Ac, Po, He, Pb), шунингдек, Ca ва Zn бўлади. У. оксидланиш зонасида тез ўзгаради. Унинг структураси бўйича турлари: кристалли У. — бреггит (таркибида 6—15% ThO_2), клевеит (3—16% TR_2O_3 ва 3—8% ThO_2), калломорфли настуран ва б. Унинг барча турлари *уран рудалари*нинг асоси ҳисобланади. Йирик конлари Канада, АҚШ, Африка, Австралия, Францияда мавжуд.

УРАРТ ТИЛИ — урарт халқи ва Урарту давлатининг тили, ўлик тил. Мил. ав. 9—6-асрларга мансуб ўйма ёзувлар (миххат) орқали маълум. Ҳоз. Ван кўли атрофида, шарқроқда Урмия кўлигача, қисман Арманистон Республикаси ҳудудида тарқалган. У.т.га яқин хурридан деб фараз қилинаётган хур-

рит тили б-н бирга алоҳида тил оиласини ташкил этади. Ёзуви аккад миххатининг соддалаштирилган тизимидан иборат. График тизими камбағаллигидан фақат 16 ёки 17 унлининг ва 4 унлини фарқлаш мумкин, холос ва у. чамаси, У.т. фонологиясини тўла акс эттира олмаган. Графикага қараганда, У.т.да жарангли, жарангсиз ва бўғиз ундошлари фарқланган. Отлар сон (бирлик ва кўплик) ва келишик (8 та) категориялари бўйича ўзгарган; грамматик жинс категориясига эга эмас. Феъллар шахс-сон, замон, майл ва нисбатлар бўйича ўзгарган. Морфологик жиҳатдан ўтимли феъллар ўтимсизларга қарама-қарши қўйилган. Сўз ясалиши ва сўз ўзгариши агглютинатив суффикслар ёрдамида амалга оширилган. Олатдаги сўз тартиби: субъект — объект — предикат (ўтимли феълларда). У.т.да ёзилган кўплаб ёзномалар (500 дан ортиқ) дастлаб 19-а.нинг 20-й.ларида немис археологлари томонидан Ван кўли (Туркия) атрофидан топилган.

УРАРТУ (оссурийча аталиши: уратри — Биайнили, Библияда — «Арарат подшолиги») — Ғарбий Осиёдаги қад. давлат (мил. ав. 9—6-а.лар). Равнақ топган даврида Арманистон тоғлик р-ни (ҳоз. Арманистоннинг бутун ҳудуди, Туркия ва Эроннинг бир қисми)ни қамраган. Аҳолиси — урартлар. Пойтахти — Тушпа ш. (ҳоз. Туркиядаги Ван ш.) бўлиб, унда подшо Сардури I даврида катта қурилиш ишлари олиб борилган. Мил. ав. 9-а. охири —8-а.нинг 1-ярмида У. давлати равнақ топган. Менуа, Аргишти I ва Сардури II подшоликлари даврида У. ҳудуди анча кенгайган. Босиб олинган вилоятларда қалъалар қурилган (Арарат тоғининг шим. ён бағрида Менуахинили ш.; Эребуни — Ереван атрофидаги Арин-берд тепалиги; Араксниг сўл қирғоғида Аргиштихинили). У.да қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Мил. ав. 8-а. ўртасида Оссурия подшоси Тиглатпаласар III (мил. ав. 745—727) У. қўшинларини бир неча марта мағлубиятга учратган ва У. таркибига кирувчи Шим. Месопотамия ва Шим. Сурияни эгаллаган. Сўнгра Руса I даврида Саргон II бошлиқ Оссурия қўшинининг юришлари натижасида мамлакат хонавайрон бўлган. Бироқ 7-а.да У. Жан. Закавказьеда ҳали ҳам ўз мавқеини сақлаб қолган эди. Руса II (мил. ав. 685—645) бу ерда янги қалъалар бунёд этган (жумладан, *Тейшебаини* ва б.). Скиф-киммерий ёлланма қўшини ёрдамида У. подшолари Фригия подшолигини тор-мор қилганлар (мил. ав. 676 й.). *Мидия* подшолигининг кучайиши У.ни Оссурия б-н яқинлаштирган. Бироқ мил. ав. 6-а. бошида У. Мидия томонидан тор-мор этилган ва унинг таркибига қўшиб юборилган.

УРБАНИЗАЦИЯ (франц. urbanisation, инг. urbanization, лот. urbanus — шаҳарга мансуб, urbs — шаҳар) — жамият ҳаётида шаҳарлар ролининг ортиб бориши; ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашуви, аҳолининг ижтимоий, демографик таркиби, турмуш тарзи ва маданиятидаги ўзгаришлар б-н боғлиқ. У. — тарихий ривожланиш асосида шаклланган жамият босқичлари ва ҳудудий меҳнат тақсимоти натижасида содир бўлган кўп қиррали географик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёндир. У.нинг юқори даражаги демографик-статистик тушунчаси дунёда, алоҳида ҳудудларда, мамлакатларда шаҳарларнинг (айниқса, катта шаҳарларнинг) ва шаҳар аҳолиси салмоғининг кўпайиб боришини англатади.

Дастлабки шаҳарлар мил. ав. 3—1-минг йилликларда Мисрда, Месопотамия, Сурия, Ҳиндистон, Кичик Осиё, Хитой, Ҳиндихитой, шунингдек, Европа ва Африканинг Ўрта денгиз соҳилларида вужудга келган. Юнонрим дунёсида эса Рим ва Карфаген ш.ларининг мавқеи юқори бўлган. Ўрта асрлар ва Уйғониш даврида капиталистик и.ч. унсурлари шакллана бошлади. Бу жараён шаҳарларда аҳоли сонининг ўсиб боришига, концентрациялашувига олиб келди. Иқтисодий ривожланган давлатларда йирик шаҳарлар пайдо бўла бошлади.

У. жараёнининг ривожланиши шаҳарларнинг ўсиши ва шаҳар аҳолисининг шаклланиши, шаҳар аҳолисининг табиий ўсиши, шаҳар атрофи ҳудудларининг маъмурий жиҳатдан шаҳарга қўшилиб бориши, қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг шаҳар мақомини олиши б-н боғлиқдир. Шаҳарларнинг ўсишида шаҳар атрофи зоналарида шаҳар турмуш тарзининг шаклланиб бориши, яъни У. жараёнининг кучайиши ҳам аҳамиятлидир. Катта шаҳар атрофида кичик шаҳарлар пайдо бўлиб, катта шаҳарларга қўшилиб боради ва шаҳарлар *агломерация*си ҳосил бўлади. Ривожланган мамлакатларда агломерация жараёни авж олган, алоҳида агломерацияларнинг қўшилиб кетиши натижасида *мегаполис*лар вужудга келмоқда.

У.нинг асосий кўрсаткичи шаҳарликлар сонининг ўсиши ва жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолиси салмоғининг ортиб бормоқдалар. 20-а.нинг охири ва 21-а. бошларида дунёда шаҳар турмуш тарзининг қишлоқ жойларига тарқалиши, яъни У. жараёни кучаймоқда. Бу эса шаҳар аҳолиси салмоғининг ортиб боришига олиб келмоқда. 1950 й. дунё аҳолисининг 28,9% шаҳарларда яшаган. 1960 й. бу кўрсаткич 33,9% ни, 1970 й. 37,4%, 1980 й. — 41,1%, 1990 й. — 45,8% ва 2000 й. 51,2% ни ташкил этди. Шаҳар аҳолисининг салмоғи ривожланган мамлакатларда анча юқори (2000 й.да АҚШ, Буюк Британия, Япония, Швецияда 75% ва Германияда 94%, Россияда 73% бўлган). Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатларда У. жараёни дунёнинг ўртача кўрсаткичидан анча паст. 2000 й.да шаҳар аҳолисининг салмоғи Афғонистон ва Эфиопияда 11—14% ни, Миср ва Туркияда 45% ни ташкил этди.

У.нинг ҳоз. босқичида катта шаҳарларда аҳоли концентрациялашувининг ўсиши кучаймоқда. Бу жараёнда миллионер (1 млн. ва ундан ортиқ аҳоли яшайдиган) шаҳарлар алоҳида ўрин эгаллайди. 1900 й.да дунё бўйича миллионер шаҳарлар сони учта бўлган бўлса, 21-а.га келиб бу кўрсаткич 200 дан ошди. Дунёда аҳолиси 10 млн.дан ортиқ йирик шаҳарлар [Мехико (25 млн.), Токио (20 млн.), Сеул (13 млн.), Пекин (11 млн.), Париж, Қоҳира, Буэнос-Айрес ва Лондон (10 млн.)] мавжуд.

Ўзбекистонда У. жараёни ўз тарихий ривожланиш босқичларига эга. Унинг ривожланиши ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва демографик хусусиятлари б-н боғлиқ. Ўзбекистонда энг қад. шаҳарлар б-н бирга 20-а.нинг 2-ярмида вужудга келган шаҳарлар ҳам мавжуд. 1913—80 й.ларда Ўзбекистон шаҳарлари сони ва шаҳар аҳолиси салмоғи ўсди. Ўзбекистонда 120 та шаҳар бўлиб, уларда 8249,3 минг киши яшайди (2003). Уларнинг 38 тасида аҳоли сони 20 мингтача бўлган кичикроқ шаҳарлар, 65 таси 20 мингдан 100 мингтача бўлган ўрта шаҳарлар, 16 таси аҳолиси 100 мингдан 500 мингтача бўлган йирик шаҳарлар ва *Тошкент* миллионер шаҳардир. 19-а.нинг охиридан бошлаб Ўзбекистонда У. жараёни ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда У. кўламига, асосан, шаҳар аҳолисининг табиий ўсиш жараёни камайиб боришини таъсир этмоқда. 1991 й. Ўзбекистонда ҳар 1000 аҳолига нисбатан табиий ўсиш 19,9 кишини ташкил этган бўлса, 2002 й.да бу кўрсаткич 10,8 кишини ташкил этди.

Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг салмоғи, % ҳисобида

	1897	1924	1940	1959	1970	1991	2003
Шаҳар аҳолиси	18,8	20,3	24,5	33,6	36,6	40,5	36,7
Қишлоқ аҳолиси	81,2	79,7	75,5	66,4	63,4	59,5	63,3

Ад.: Народонаселение мира 1998, БМТ, 1999; Солиев А., Проблемы расселения и урбанизации в республиках Средней Азии, Т., 1991.

Мамлакат Бўриева.

УРБАНИЗМ (лот. urbs — шаҳар) — 1) санъат ва адабиётда — йирик шаҳарларнинг ва шаҳар ҳаётининг тасвири, тавсифи; 2) меъморликда — 20-а. шаҳарсозлигида юзага келган оқим, йўналиш. Бу оқим тарафдорлари шаҳарларни йириклаштиришга чақирдилар; бу эса шаҳарларда кўп қаватли баланд ва катта иморатларнинг тиғиз, жадал қурилишига, аҳолининг нормал яшаш шароитидан маҳрум қилишига олиб келди. У. назарияси қарор топишида ва, айниқса, 20-а.нинг 20-й.ларига келиб тез суръатда ривожланишига *Ле Корбюзье* фаолияти таъсири кучли бўлди. У. тушунчаси кўпинча шаҳар қурилиши синоними маъносида ҳам қўлланилади.

УРГАНЖИЙЛАР — этнографик гуруҳ. У. асли хоразмлик бўлган, фақат Урганчда эмас, балки Хоразмнинг турли хил шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилиб келганлар. Бу гуруҳнинг шаклланиши Чингизхон босқини б-н боғлиқ. 1221 й. мўғул қўшинлари Хоразмга ҳужум қилиб юз минглаб одамларни ўлдиради. Шу вақтда хоразмликларнинг бир қисми қиргиндан қочиб Мовароуннаҳр ва Хуросон вилоятларига кўчиб кетишган. Кўчиб ўтганлар ўзларини умумий ном — У. деб аташган. Улар бу ерларда урганжий қишлоқ ва шаҳарларда урганжий маҳаллаларига асос солдилар. 18—19-а.ларнинг 1-ярмида иқтисодий инқироз ва вабо тарқалиши туфайли Хоразмдан аҳолининг бир қисми яна кўчган. У.нинг энг катта гуруҳи Хоразмга қўшни бўлган Бухоро вилоятига кўчиб ўтишган. 1924 й. маълумотларига қараганда Бухоро вилоятида жами 26 минг У. яшаган. 20-а.га келиб У.нинг кичик гуруҳлари Самарқанд, Навоий, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Шим. Афғонистонда яшаганлар. У., асосан, ўтроқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланган. У.нинг бир қисми эски анъаналарини сақлаган бўлса, асосий қисми маҳаллий аҳоли урф-одатларини қабул қилишган.

УРГАНЧ (1929 й.гача Янги Урганч) — *Хоразм вилояти*даги шаҳар, вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Амударёнинг қуйи оқими чап соҳилида. Шовот канали шаҳар ўртасидан ўтиб, У.ни шим. ва жанубий қисмларга ажратган. Шим. қисмида, асосан, турар жой бинолари, илмий ва маданий маориф муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, жан. қисмида эса и.ч. корхоналари жойлашган. Ҳар иккала соҳил бир-бири б-н кўприклар орқали боғланган. Аҳолиси 136,8 минг киши (2004).

Абулғозий Баҳодирхон ҳайкали.

Шаҳарга 1646 й.да Хива хони *Абулғозий Баҳодирхон* томонидан асос солинган. Амударё ўз йўналишини ўзгартириб Орол денгизи томон оқа бошлаганидан сўнг Гурганж ш. (*Кўҳна Урганч*) сувсиз қолган. Абулғозий Баҳодирхон Гурганж, Вазир қалъа (шаҳар)ларида ва улар атрофларида тарқоқ

ҳолда яшаган аҳолини кўчириб Амударёнинг жан. қисмларида жойлаштирган ва аҳоли ўрнашган ҳудуд атрофини қалъа девори б-н мустаҳкамлаб унга «Тоза Урганч», яъни «Янги Урганч» деб ном берган. Шундан кейин қад. Гурганж ш.нинг номи Кўҳна Урганч бўлиб қолди. Янги Урганч б-н Кўҳна Урганч оралиги 170 км.

Янги Урганч (ҳоз. Урганч) ш. Буюк ипак йўлида жойлашганлиги туфайли тез суръатлар б-н ривожланган савдо ва ҳунармандчилик марказига айланган. Абулғозий Баҳодирхоннинг ўғли Анушахон (Анушоҳ) даврида (1664—89) Янги Урганч яқинида катта канал қазилиб, унга Шоҳобод (Шовот) номи қўйилган.

Маҳаллий тарихчи олимларнинг маълумотлари бўйича, Янги Урганч 17—18-а.ларда бал. 4—5 м ли девор б-н ўралган қўрғон (шаҳарча) бўлган. Шаҳарчада тахм. 5 минг киши яшаган; кўплаб майда дўконлар, устахоналар ишлаб турган. 1873 й. август ойида Туркистон вилояти газ.да Янги Урганч ҳақида: «Катталиги Орол бўйидаги Казалинский шаҳрича келади, атрофи қалъа деворлари б-н ўраб олинган, Амударёдан 12 чақирим нарида жойлашган кичкина шаҳар. Орол денгизидан то Хивага келгунча Урганчдек гўзал шаҳар йўқ. У боғлар ва ариқлар б-н ўраб олинган», деб ёзилган. Ўша даврда Янги У.да 6 мингга яқин аҳоли яшаган. 1889 й.да шаҳарда Ярославль мануфактураси корхонасига қарашли пахта тозалаш з-ди, 19-а. охири — 20-а. бошларида «Хайрия жамияти», Рус-Осиё банки,

Урганч шаҳар ҳокимлиги биноси.

Шаҳар куранти.

рус-тузем мактаби, хотин-қизлар мактаблари очилди. 1931 й.да вилоят театри Хива ш.дан У.га кўчиб ўтди. 1935 й.да шаҳарда ўқитувчилар ин-ти фаолият кўрсата бошлади. 1952 й.да Чоржўй-Урганч—Қўнғирот т.й. қуриб битказилди. 1959 й.дан У. Тахиатош электр энергиясини ола бошлади. 1963 й.да Ўрта Осиё — Марказ магистрал газ қувурига уланди.

Шаҳар номининг келиб чиқиши мил. ав. 7—6-а.ларга бориб тақалади. «Авесто» китобида Вурукаш (Орол) денгизи бўйида Урга (Урва) ш. бўлганлиги қайд этилган. Табиий офатлар (сув тошқини, қурғоқчилик) туфайли Урга ҳоз. Кўҳна Урганч ҳудудига кўчирилган. 8-а.гача «Гурганж» номи б-н юритилган. 712 й.да шаҳар араблар томонидан босиб олинганидан кейин «Журжония» деб аталди. 1221 й. мўғуллар эгаллагандан сўнг шаҳар номи У. шаклида юритила бошлади. 14-а. Европа манбаларида шаҳар (Кўҳна Урганч) Wrgant шаклида тилга олинади.

Мустақиллик йилларида У.да қурилиш ишлари авж олди. У.нинг шим.-ғарбий қисмида «Наврўз», «Тараққиёт» «Университет» шаҳарчалари пайдо бўлди. Урганч—Хива оралиғида 30 км ли троллейбус қатнови (1997) йўлга қўйилди.

У.да пахта тозалаш, экскаватор, ўт ўриш машиналари и.ч., «Урганчёғ» з-длари, пиллакашлик, тикувчилик, пойабзал ф-калари, Ўзбекистон—Туркия «Нуртоп» қўшма корхонаси ва б. фаолият кўрсатади.

Ун-т, Тошкент биринчи тиббиёт ин-тининг филиали, 36 умумий таълим, 3 мусиқа, 2 касб-ҳунар мактаблари, 8 касб-ҳунар коллежи мавжуд. Вилоят мусиқали драма ва комедия театри, картиналар галереяси, 27 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, «Олимпия» спорт мажмуаси, стадионлар, спорт заллари ва майдончалари, теннис кортлари бор. 21 касалхона, поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 4 санаторий, дам олиш масканлари ишлаб турибди. 1992—2003 й.ларда «Буюк алломалар хиёбони», «Ал-Хоразмий», «Ал-Беруний», «Амир Темур», «Мирзо Улуғбек», «Абулғозий Баҳодирхон», «Огаҳий», «Комилжон Отаниёзов», «Аваз Ўтар ўғли», «Хумо қуши», «Жалолиддин Мангуберди», «Авесто» ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди.

1999 й.да шаҳарда *Жалолиддин Мангуберди*нинг 800 йиллиги, 2001 й.да *«Авесто»* китоби яратилганлигининг 2700 йиллик юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. 2003 й.да шаҳарда тантанали равишда Хоразмда «Умид ниҳоллари» республика спорт мусобақаларининг ўтказилиши муносабати б-н бир қанча йирик спорт иншоотлари бунёд этилди. Қад. *Хива* б-н боғлиқ ҳолда туризм ривожланган. Маҳаллий ва хорижий меҳмонлар ва сайёҳларга «Ўзбектуризм» компаниясининг бўлими, «Жайҳун», «Хоразм Палас», «Авесто» меҳмонхоналари хизмат кўрсатади.

«Авесто» ёдгорлик мажмуаси.

Шаҳарда 27 номда газ. ва журналлар чиқмоқда: «Хоразм ҳақиқати», «Урганч оқшоми», «Гулшан овози», «Тўжжор» ва б. нашр этилади. Меъморий ёдгорликлардан Дошқинбобо меъморий мажмуаси (1827), Салимжоновлар уйи (1902), почта биноси (1915), Бобохўжи Салимов уйи (20-а. боши) ва б. сақланган.

Ад.: Абдуллаев И., Шаҳарни тур., Т., 1991; Нуржонов К., Матниязова Г., Хоразм тарихи, 1–2 ж., Урганч, 1998; Мамедов М.А., Мурадов Р.Г., Средневековые письменные источники о Древнем Ургенче, Ашхабад, 2000.

Сотим Авазов.

УРГАНЧ МУДОФААСИ, Гурганж мудофааси (1221) — *мўғуллар истилоси* даврида шаҳарнинг қаҳрамонона мудофаа қилиниши. *Чингизхон* хоразмшоҳлар салтанати пойтахти Урганч (Гурганж)ни осонгина, ортиқча куч ишлатмай олиш илинжида *Муҳаммад* Хоразмшоҳнинг онаси *Туркон хотун* ҳузурига ҳожиб Донишмандни элчи қилиб юборди ва шаҳарни жангсиз топширса унга Хоразм, Хуросон ва Жайҳуннинг нариги тарафи ва уларга туташ жойларни беришга ваъда қилади. Аммо Туркон хотун ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қочганидан хабардор бўлгач, ўғлининг хотинлари ва болаларини, унинг хазинаси ва қимматбаҳо ашёларини олиб, шаҳарни ташлаб кетган. Ҳокимсиз қолган Урганч аҳли саросимада қолган. Шаҳарда ҳокимиятни Али Кухий Дарурон исмли бир фирибгар ўз қўлига олган, натижада, тартибсизликлар янада кучайган, ўзаро жанжал ва босқинчиликлар бошланган, фуқаро ва девон моллари талон-торож қилинган.

Бир оз вақтдан сўнг давлат девонининг олий мансабдорлари мушриф Имомиддин ва Шарафиддин Кўкнак Урганчга қайтиб келиб, ўлган хоразмшоҳ номидан сохта ваколатнома хати тузиб, ҳокимиятни эгаллашган. Шундан сўнг шаҳарда бир оз тартиб ўрнатилган. Тез орада Урганчга хоразмшоҳ *Жалолиддин Мангуберди* б-н унинг укалари Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳлар келишган. Бироқ собиқ валиаҳд Ўзлоқшоҳнинг тарафдорлари Жалолиддиннинг давлат тахтига бўлган ҳақини тан олишмаган. Улар Туркон хотуннинг укаси Хумор тегинни султон деб эълон қилишган. Хумор тегин ва амирлардан Ўғул ҳожиб, Шайххон, Эр Буғо Паҳлавон ва Кутлуғхоннинг қўл остиларида 90 минг туркий аскарлар бор эди. Бу амирлар Жалолиддинга суиқасд уюштиришган, лекин, у бундан аввалдан огоҳ бўлгани сабабли *Темур Малик* бошчилигидаги 300 аскар б-н Урганчни тарк этган. 3 кундан сўнг мўғуллар яқинлашиб келаётганини эшитган Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳлар ҳам шаҳарни ташлаб кетишган. Шаҳарни дастлаб Чингизхоннинг ўғиллари Ўқтой ва Чиғатой бошчилигидаги 100 минг кишилик қўшин қамал қилган. Мўғуллар ўша замоннинг энг мукаммал қурол-аслаҳаларидан фойдаланишган. Мўғуллар ҳарбий ҳийла ишлатиб аскарларининг бир қисмини пистирмада қолдириб, оз сонли қўшин б-н ҳужумга ўтганлар. Шаҳардан кўплаб отлиқ ва пиёда гуруҳлар чиқиб «чекинаётган» мўғулларни таъқиб эта бошлаган. Урганч яқинидаги Боғи Хуррам боғлари ёнида пистирмадаги мўғул қўшини Урганч аскарларини ўраб олиб, минглаб кишиларни қириб ташлашган, шаҳарликларнинг кўпчилиги Ўғул ҳожиб бошчилигида қуршовдан чиқиб Хуросонга қочиб кетган. Мўғуллар хоразмликларнинг қочганларини қувиб Қобилон дарвозаси орқали Урганчнинг ташқи деворларининг ичига кирганлар. Лекин улар шаҳар аҳолисининг қаттиқ қаршилигига дуч келганлар ва шаҳардан бутунлай ҳайдаб чиқарилганлар. Эртаси куни мўғуллар Қобилон дарвозаси орқали ҳужумга ўтишган, лекин амир Фаридун Ғурий аскарлари томонидан улоқтириб ташланган.

Урганч қамали чўзилиб кетган. Чингизхон катта ўғли Жўжини ёрдамга юборган. Жўжи отаси унга бутун Мовароуннаҳрни мулк сифатида ваъда қилгани учун, бой шаҳар Урганчни, унга зарар етказмай қўлга киритишга ҳаракат қилган. Шунинг учун шаҳарликлар олдига ўз элчисини юбориб, шаҳарни ғолибларнинг раҳм-шафқатига топширилишини таклиф этган. Бироқ Чиғатой акасига эътироз билдириб, Урганчни вайрон қилинишини талаб қилган. Мўғулларнинг қамали 7 ой давом этган. Чингизхон ўғиллари орасидаги рақобатни бартараф этиш учун барча қўшин ва шаҳзодаларни Ўқтойга бўйсундирган. Шундан сўнг мўғуллар шаҳарга қаттиқ ҳужум уюштирганлар. Хумор тегин ва унинг мулозимлари шаҳар дарвозаларини очиб таслим бўлишга қарор қилишган. Мўғуллар шаҳарга ёпирилиб кириб, 7 кун давомида аҳоли б-н кўча жанглари олиб борганлар, босиб олинган уй ва биноларни бузиб, нефть б-н ёндириб боришган. Мўғуллар маҳаллама-маҳалла босиб борганлар, фақат 3 та маҳалла қолганда Хоразм муҳтасиби фақиҳ Алоуддин ал-Ҳайёт бошчилигидаги шаҳар элчилари омонлик сўрашган. Бироқ мўғуллар илтимосни рад этишган. Улар шаҳарнинг тирик қолган барча аҳолисини шаҳар ташқарисига чиқариб, Мўғулистонга юбориш учун 100 мингга яқин ҳунармандларни ажратиб олганлар, сўнгра мўғуллар Урганчнинг барча тирик қолган аҳолисини қатл этганлар.

Аҳолидан ўч олиб бўлгач, мўғуллар шаҳарни режали равишда вайрон қилишга ўтган. Улар Амударёдаги тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостирганлар. Ноёб маданий ёдгорликлар, кутубхоналар вайрон қилинган. У.м.дан сўнг мўғуллар ҳарбий ҳаракатларни Хуросонга кўчирганлар.

Ад.: Буниёдов З., Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097—1231), Т., 1998; Шиҳаб ад-Дин Муҳаммад ан-Насави, Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны, Баку, 1973.

Фахриддин Ҳасанов.

УРГАНЧ ТУМАНИ — *Хоразм вилояти*даги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган, 1962 й. 24 дек.да Шовот туманига қўшилган, 1964 й. 31 дек.да қайта ташкил этилган. Шарқдан Хонқа, ғарбдан Қўшкўпир, Шовот ва Янгибозор туманлари, шим.дан Гурлан тумани ва Қорақалпоғистон Республикаси, жан.дан Хива, Янгиариқ туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,46 минг км². Аҳолиси 141,1 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳарча (Чалиш), 10 қишлоқ фуқаролар йиғини (Бекобод, Чаккашоликор, Чандирқиёт, Чаткўпир, Юқорибоғ, Юқоридўрман, Қорамон, Қоровул, Ғалаба, Ғойбу) бор. Туман маркази — Қоровул қишлоғи.

Табиати. Туман рельефи пасттекисликдан иборат, бал. 100 м. Тупроғи қумлоқ, бўз-аллювиал, Амударё оқизиқларидан таркиб топган. Дарё бўйидаги тўқай ва қумликларда жийда, турангил, тол, саксовул, юлғун, янтоқ, қамиш, отқулоқ, олапўта, оқбош, шўра, ажриқ ўсади. Тўқай ва чангалзорларда қуён, чиябўри, қумликларда юмронқозиқ, калтакесак; қушлардан чумчуқ, тўрғай, қарға, бойўғли, каптар, мусича ва б. бор.

Иқлими кескин континентал. Янв. ойининг ўртача т-раси —4°, —5°, энг паст т-ра —25°. Июль ойининг ўртача т-раси 26°, 28°. Энг юқори т-ра 44°. Йиллик ёғин 80—90 мм. Вегетация даври 200—210 кун. Деҳқончилик суғориладиган ерларда амалга оширилади. Ер ости сувлари юза, ерларни тез-тез шўр босиб туради. Экин майдонлари Амударё ва туман ҳудуди орқали ўтказилган Ғозовот, Шовот, Кулобод, Қирғизёп, Ўрисёп, Дўрман ва б. каналлардан суғорилади. Ғозовот—Давдон, Янгибозор коллекторлари бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (92%), шунингдек, қозоқ, рус, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 306,8 киши. Шаҳар аҳолиси 5,6 минг киши, қишлоқ аҳолиси 135,5 минг киши (2004).

Хўжалиги. Туманда пахта тозалаш з-ди, 12 кичик ғишт з-ди, «Хоразм—Нуртоп» ип газлама корхонаси, сут ва узумни қайта ишлаш цехлари, 5 қурилиш ташкилоти, паррандачилик ф-каси мавжуд.

Қ.х., асосан, деҳқончиликка ихтисослашган. Туман ер майдони 26,8 минг га ни ташкил этади. Шундан 25,8 минг га ер суғорилади ва ҳайдалади. 11 минг га ерга пахта, 5,9 минг га ерга ғалла, 3,3 минг га ерга шоли, 835 га ерга полиз ва сабзавот экинлари экилади. Қолган майдонларда маккажўхори, оқ жўхори ва чорва учун озуқабоп экинлар етиштирилади. 1380 га ер боғ ва токзорлар б-н банд. Боғларда ўрик, олма, анжир, нок, нашвати, шафто-

Шовот канали.

ли, узум, анор, олхўри ва б. мевали дарахтлар ўстирилади.

У.т.да 14 жамоа ва ширкат хўжаликлари, 831 фермер ва деҳқон хўжаликлари мавжуд. 3 хўжалик фермер уюшмасига айлантирилган. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда 73,2 минг қорамол, 32,2 минг қўй ва эчки, 240,4 минг паррандa боқилади. Пилла ҳам етиштирилади. Туман ҳудудидан халқаро автомобиль йўли ва Тошкент—Шовот т.й. ўтган (уз. 40 км).

2003/04 ўқув йилидаги 44 умумий таълим мактабида 30 мингга яқин ўқувчиси таълим олди. 3 касб-ҳунар коллежи, мусиқа, спорт мактаблари, 1 марказий ва 39 тармоқ кутубхонаси, 2 стадион, 40 спорт майдончаси, касалхона (305 ўрин), 12 қишлоқ врачлик пункти, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 3 поликлиника, «Жайхун» санаторийси ишлаб турибди.

1958 й.дан «Урганч ҳақиқати» туман газ. чоп этилади (адади 1000).

Қодир Матчонов.

УРГАНЧ УНИВЕРСИТЕТИ, Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети — Ўзбекистонда илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1935 й. июлда Урганч ш.да тўлиқсиз олий маълумотли ўқитувчилар тайёрлаш ин-ти сифатида ташкил этилган. Дастлаб 2 (физика-мат., ўзбек тили ва адабиёти) ф-т бўлиб, уларда 64 талаба таълим олган, 10 дан ортиқ ўқитувчи фаолият кўрсатган. 1942 й. ўқитувчилар тайёрлаш ин-ти Хоразм пед. институтига айлантирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан 1992 й. 15 мартда Хоразм пед. институти негизида У. у. ташкил этилди. Шу йили ун-тга Ал-*Хоразмий* номи берилган. Ун-т таркибида 10 ф-т (ўзбек филол.си, тарих ва ҳуқуқ, физика ва мат., жисмоний маданият, пед., муҳандислик-техника, жаҳон тиллари, табиатшунослик, иқтисод, агроменежмент), Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, Тил ўрганиш минтақавий марказлари, бизнес мактаб, академик-лицей, 35 кафедра, маънавият ва маърифат, халқаро алоқалар, ноширлик, аспирантура, магистратура бўлимлари, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, Ахборот технологиялари ва масофавий таълим марказлари, 18 ўқув лаб., «Ижодкор», «Технолог», «Рассомлик» ўқув устахоналари, спорт мажмуаси бор; кутубхонасида 170 мингдан ортиқ асар сақланади (2004). Ун-т 32 йўналиш [тарих, иқтисодиёт (макроиқтисодиёт), касбий педагогик тайёргарлик (бухгалтерия ҳисоби ва аудит), бошланғич таълим ва тарбиявий иш, чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат, манзарали амалий санъат ва халқ ҳунармандчилиги, пед. ва психология, мусиқа таълими ва эстетик тарбия, касбий таълим (меҳнат таълими), мат., амалий мат. ва информатика, ахборот ва ахборот технологияси, физика, геогр., кимё, қ.х. маҳсулотлари и.ч., меъморлик, роман-герман филол.си ва б.] бўйича бакалаврлар, 16 ихтисослик [лингвистика (ўзбек тили, немис тили, инглиз тили), адабиётшунослик (ўзбек адабиёти, рус адабиёти), умумий тарих, математик таҳлил, дифференциал тенгламалар, биоэкология, иқтисодий ва ижтимоий геогр., макроиқтисодиёт ва б.] бўйича магистрлар тайёрланади. 2003/04 ўқув йили ун-тда 6493 талаба таълим олди, 84 магистр, 16 аспирант, 2 докторант илмий фаолият олиб борди, 330 дан ортиқ ўқитувчи, жумладан, 1 Ўзбекистон ФА акад., 21 фан д-ри ва проф., 140 га яқин фан номзоди ва доцент ишлади. Ун-т бир қанча хорижий давлатларнинг нуфузли ун-т ва ин-тлари б-н ҳамкорлик қилади. Ун-т фаолияти А.Саъдуллаев, Н.Қаландаров, О.Мадраҳимов, Р.Жуманиёзов, А.Ҳасанов, М.Жуманиёзов, Р.Эшчонов ва б. проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. Ташкил бўлгандан бери 30 мингга яқин мутахассис тайёрлади. Ун-тда 2001 й.дан «Илм сарчашмалари» жур., «Хоразм ёшлари» нашри чоп этилади.

Урганч университети

«УРГАНЧЁҒ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — озиқ-овқат саноатининг йирик корхонаси. «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси таркибига киради. Рафинацияланган пахта ва б. ўсимлик ёғлари, хўжалик совуни, алиф, кунжара, шрот ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Корхона дастлаб 1889 й. дек.да Янги Урганч ш.да пахта—ёғ з-ди тарзида ишга туширилган. 1910 й.да германиялик ишбилармонлар томонидан сотиб олинган ва и.ч. бинолари янгидан қурилиб, хорижий дастгоҳлар ўрнатилган. 1969 й.да Урганч ш.нинг саноатчилар ҳудудида суткалик қуввати 720 тонна чигитни қайта ишлайдиган, ўсимликларнинг ёғли уруғларини қайта ишлашнинг тўлиқ тизими (экстракция, форпресс, рафинациялаш, дезодорациялаш, қадоқлаш цехлари)га эга бўлган янги «Урганч ёғ экстракция заводи» қурилиши бошланди ва корхона 1977 й.да ишга туширилди. 1983 й.да унинг қуввати бир суткада 800 т чигитни қайта ишлашга етказилди. 1981 й.дан хўжалик совуни и.ч. цехи ишга туширилди. 1985 й.да қурилиш ускунасининг 2 тизими қурилди ва хўжалик совуни ишлаб чиқарадиган қувватлари йилига 14,0 минг т га етказилди. 1996 й.да Россиядан келтирилган хом ёғ кислоталарини ректификациялаш технологияси тизими ўрнатилди. 2002 й.дан пахта ва соя ёғи асосида қуритишда ишлатиладиган алиф ишлаб чиқарилади. 1994 й.дан очиқ турдаги акциядорлик жамияти, 2003 й.дан Швейцариянинг «Плэд ойл ЛТД» компаниясининг инвестицияси иштирокидаги очиқ акциядорлик жамияти.

Корхонада 56 минг т чигит, 11,3 минг т соя дони қайта ишланиб 8600 т рафинацияланган пахта ёғи, 1777 т соя ёғи ишлаб чиқарилди, 6410 т хўжалик совуни, 132 т алиф маҳсулоти тайёрланди. Чет элларга пахта шротини экспорт қилади (2003) (яна қ. *Ёғ-мой саноати*).

УРГУТ — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги шаҳар (1973 й.дан), туман маркази. Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий давоми ҳисобланган Чақилкалон тоғининг этагида, Самарқанд ш.дан 35 км нарида, вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. Шаҳар ўртасидан Ургутсой оқиб ўтади. Аҳолиси 60,5 минг киши (2003).

У. «Бобирнома»да Аркат, 18-а. боши-ларига оид тарихий ҳужжатларда Аркут қишлоғи сифатида тилга олинган. «Ургут» — Ўркент сўзининг кейинроқ ўзгарган ясамаси, ўр — баландлик; кент — шаҳар, яъни баландликдаги шаҳар маъносини англатади дегувчилар ҳам бор. Тарихчи Муҳаммад Яъқуб Бухорий ўзининг «Гулшан ул-мулук» асарида 1797—98 й.лардаги кучли зилзила оқибатида У. қўрғонининг вайрон бўлганлигини ёзади. Шаҳарда халқ ҳунармандчилиги (пичоқчилик, чолон, сузани ва ҳ.к.) қадимдан ривожланиб келган. 1931 й.да 55 от кучига эга бўлган электр двигатели ишга туширилган. 1935 й.да МТС ташкил қилинган.

У.да 5 саноат корхонаси, булардан ташқари, 6 қўшма ва 9 хусусий корхоналар мавжуд. Улар, асосан, қурилиш материаллари (ғишт, мармар, бетон плиталари), яхна ичимликлар, қандолат маҳсулотлари и.ч., сут ва гўштни қайта ишлаш, нон пишириш, тамаки ферментацияси б-н шуғулланувчи корхоналардир. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми ўрта ва кичик корхоналар. Қўшма корхоналар ичида Бельгия б-н ҳамкорликда қурилган «Ург-Газкарпет» ва б. корхоналар бор. Аҳолига хизмат кўрсатадиган 3500 дан зиёд хусусий устахона ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, машҳур «Ургут» бозори фаолият кўрсатади.

14 умумий таълим мактаби (13,5 мингга яқин ўқувчи), 2 касб-ҳунар коллежи (1250 ўқувчи), 9 кутубхона, маданият уйи, ўлкашунослик музейи, халқ театри, марказий маданият ва истироҳат боғи, стадион мавжуд. 4 касалхона, 5 поликлиника, 22 дорихона, шаҳар яқинида соғломлаштириш ўрмон-ли-санаторий мактаби, болалар ёзги оромгоҳлари, Хўжа Омон, Хўжа Чорчинор қўриқхоналари бор. У.дан Самарқанд ва Тошкентга автобуслар қатнайди.

Тошпўлат Жўлибоев.

УРГУТ ТАМАКИ ФАБРИКАСИ — *тамаки саноати* корхонаси, қуритилган тамаки баргларини ферментациялайди. Самарқанд вилояти Ургут ш.да жойлашган, 1978 й.да қурилган. 1994 й.дан «ЎзБАТ акциядорлик жамияти» Ўзбекистон—Буюк Британия қўшма корхонаси таркибида. 1994—2003 й.ларда ф-ка реконструкцияси учун 25 млн. АҚШ доллари инвестиция қилинди. Бир йилда 15 000 т тамаки баргини қайта ишлаш қувватига эга. Ф-када энг замонавий технологиялар ўрнатилган. Самарқанд сигарет ф-касига хом ашё етказиб беради.

УРГУТ ТУМАНИ — *Самарқанд вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. Шим.-шарқда Зарафшон дарёси орқали Булунғур тумани, шим. да Тойлоқ, шим.-ғарбда ва ғарбда Самарқанд туманлари, шарқда Тожикистон Республикаси, жан.да Қашқадарё вилояти б-н чегарадош. Майд. 1120,3 км². Аҳолиси 335,2 минг киши (2002). Туманда битта шаҳар (Ургут), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бахрин, Бешбулоқ, Жартепа, Илонли, Испанза, Мирзақишлоқ, Почвон, Урамас, Янгиариқ, Қоратепа, Ғус, Ҳамза) бор. Маркази — *Ургут* ш.



Табиати. Туман ҳудуди Зарафшон тоғ тизмаларининг давоми бўлган Чақилкалон ва Қоратепа тоғларининг ён бағирларида, ўртача 1000 м баландликда жойлашган. Шарқий, жан. ва ғарбий қисмлари паст-баланд текислик бўлиб, бир қанча сойликлар бор. Тоғ ён бағирлари сланец ва оҳактош қояларидан иборат, дарё водийлари тор, чуқур, қирғоқлари тик. Адирлар гилвак ва бўш чўкинди жинслардан ташкил топган. Адирлардаги сойларнинг водийлари кенг. Оҳактош жинсларидан тузилган жойларда ғорлар (*Кани ғори* ва б.) бор. Чақилкалон ва Қоратепа тоғлари орасидаги Тахтақорача довони (1675 м) орқали Катта Ўзбекистон тракти ўтади. Ургут кучли сейсмик ҳудудлардан бири бўлиб, 7 балли зонага киради. Омонқўтон яқинида ва Чақилкалонда мармар, оҳактош, марганец, мис, вольфрам ва б. фойдали қазилмалар бор. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси —1,5°, энг паст т-ра —25°, июлнинг ўртача т-раси 24,4°, энг юқори т-ра 49°. Йиллик ёғин 459—500 мм. Ёғиннинг кўп қисми қишда (34%) ва баҳорда (48%) тушади. Оққўрғон, Ғиждувонсой, Ғуссой, Ургутсой, Камонгаронсой, Қоратепасой, шунингдек, Даргом, Янгиариқ, Янги Ургут, Янги Қозонариқ ва б. каналлар бор. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Қум, шағал, қўнғир, каштан тупроқлар ҳам учрайди. Табиий ўсимликлардан қайрағоч, тол, қарағай, тоғ заранги, писта, арча, аччиқ бодом, бодом, дўлана, наъматак, ровоч, тоғ пиёзи, зира ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, қобон, қуён, тулки, жайра, типратикан, ҳар хил илонлар, эчкемар; қушлардан каклик, майна, чумчуқ, қарға, жиблажибон, олашақшақ, беданa, каптар, мусича, қалдирғоч, булбул, қизилиштон, сўфитўрғай, бойўғли, сассиқпопушак, тоғ зоғчаси, болтатумшуқ, қораялоқ, қирғалар ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, украин, татар, яҳудий, озарбайжон ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 300 киши (2002).

Хўжалиги нинг етакчи тармоқларини қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш ва маҳаллий саноат тармоқлари ташкил этади.

Тумандаги 800 дан зиёд корхонанинг 52 таси ўрта, 261 таси кичик, 506 таси микрофирмалар. Мармарни қайта ишлаш, ғишт, шлак-бетон плиталар и.ч., тамаки ферментацияси, мева, гўшт, сутни қайта ишлаш, нон пишириш, қандолатчилик, ҳар хил яхна ичимликлар и.ч. корхоналари бор. Автомобиль, мукаммаловчи, телевизор ва радиоаппаратураларни таъмирлаш корхоналари ишлаб турибди. У.т.да ҳунармандчилик қадимдан ривожланган. Ҳунармандчилик б-н 3500 дан зиёд киши шуғулланади.

У.т.да Бельгия б-н ҳамкорликдаги «Ург-Газкарпет» қўшма корхонаси, Ўзбекистон — Туркия «Ург-АНТЕТ ЯШАМ», «Ургут қоплон», «Ургут СаМНегин» гилам и.ч.га ихтисослашган қўшма корхоналар фаолият кўрсатади. Мармар тошни қайта ишлайдиган «Ургут ЛАДО мармар», қурилиш буюмлари ишлаб чиқарадиган «Сампластик», тамакини қайта ишлайдиган «УзВАТ» қўшма корхоналари ишлаб турибди.

Туман қ.х. тамаки, ғалла, сабзавот, картошка, мева, узум ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Кейинги йилларда туман учун Пастдарғом туманида ажратилган ерда пахта ҳам экилмоқда. Тумандаги асосий техника экини — тамаки. У.т. ер фонди 112 минг га ни ташкил этади. 9 минг га ерга тамаки, 14,8 минг га ерга дон экинлари, 1,2 минг га ерга картошка, 145 га ерга сабзавот

Тамаки плантацияси.

Тумандаги қишлоқ манзараси.

ва полиз экинлари. 2907 га ерга емхашак экинлари экилади. 1,4 минг га ер боғ ва токзор б-н банд. 46,8 минг га ер яйлов.

Туман чорвачилигида қорамолчилик, паррандачилик, пиллачилик етакчи ўринда. Етиштириладиган қ.х. маҳсулотларнинг асосий қисми фермер ва ширкат хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. У.т. да 381 фермер, 23 ширкат хўжалиги фаолият кўрсатади. Чорвачиликда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

2003/2004 ўқув йилида 127 умумий таълим мактаби (102,3 минг ўқувчи), 2 махсус соғломлаштириш интернати (4,9 минг ўқувчи) фаолият кўрсатади. 70 кутубхона, маданият уйлари, 21 спорт майдони ишлаб турибди. 8 касалхона (830 ўрин), 36 қишлоқ даволаш бўлими, 27 фельдшер-акушерлик пункти ва б. тиббий муассасаларда 488 врач ишламоқда. 14 дам олиш масқани ва ёзги оромгоҳларда вилоят ва қўшни Навоий вилоятидан келган болалар дам оладилар.

1992 й.дан «Чинор» туман телевидениеси эшиттиришлар олиб боради. 1956 й.дан «Ургут садоси» туман газ. нашр қилинади (адади 3000).

УРДУ — Покистоннинг инглиз тили б-н бир қаторда расмий ва Ҳиндистоннинг Конституцияда тан олинган 15 та асосий адабий тилидан бири. Генетик ва тузилиш жиҳатидан ҳиндий тилига ўхшайди. Ҳинд-европа тиллари оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб. Покистонда, асосан, йирик шаҳарлар (Карочи, Равалпинди, Лоҳур, Исломобод ва б.), Ҳиндистонда эса Уттар-Прадеш, Биҳар, Маҳараштра, Андҳра-Прадеш штатларидаги мусулмон аҳоли гаплашади. Сўзлашувчилар сони Ҳиндистонда 30 млн.дан ортиқ, Покистонда 20 млн. га яқин киши (20-а.нинг 90-й.лари). Деҳли атрофидаги кҳари бўли деб аталадиган лаҳжалар асосида ташкил топган. Шулар асосида 13—14-а.ларда миллатлараро оғзаки муомала тили — Ҳиндистоннинг («ҳиндавий») шаклланган. Мазкур тилнинг Дакан (Жан. Ҳиндистон) даги шакли дакҳиний («жанубий») деб ном олган. Ҳиндистоннинг аввал рехта, кейинчалик У. деб аталган адабий шаклига, унинг лексикасига форс тили кучли таъсир ўтказган. Ҳоз. У. 19-а. бошларида асосан шаклланиб бўлган. У *ҳиндий тили*дан алифбоси ва лексикаси б-н фарқ қилади. У бир қанча янги белгилар қўшилган араб алифбосига асосланган ёзувдан фойдаланади. 1947 й. дан кейин У. иккала давлатда турли шароитларда ривожланди. Шу сабабли Покистон урдусида лексиканинг бойиш манбаи, асосан, араб ва форс тиллари бўлса, Ҳиндистон урдусида ҳиндий (*санскрит*) тилидир. У. б-н ҳиндий орасида айрим фонетик ва грамматик фарқлар ҳам бор. Ҳиндистонда У. нинг ҳиндий тили б-н яқинлашиш аломатлари кўринмоқда. А. Иброҳимовнинг «Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар луғат»и (1998) Тошкентда, Т. Холмирзаевнинг «Урдуча-ўзбекча луғат»и (2003) Исломободда нашр этилган.

Ад.: Дымшиц З. М., Грамматика языка урду, М., 2001; Давидова А. А., Учебник языка урду, М., 2003; Шаматов А. Н., Классический дакхини (Южный хиндустани 17 в.), М., 1974.

Ансориддин Иброҳимов.

УРДУ АДАБИЁТИ — Ҳиндистон ва Покистонда *урду* тилида яратилган адабиёт. 18-а. нинг охиригача У.а. ва тили «ҳиндавий», «дакҳиний» деб юритилган. У.а. нинг пайдо бўлишига ислом фалсафаси, ҳинд ва форс адабиётининг таъсири катта. М.С. Салмон (1046—1121) шеърлари, Х.Ж. Сумнонийнинг «Тасаввуф одоби» (12-а.) асари У.а. нинг илк намуналаридир. У.а. форс адабиёти таъсирида қасида, марсия, ғазал, рубоий, маснавий каби жанрлар б-н бойиди. *Хусрав Деҳлавий* У.а. поэтик анъаналарини юқори поғонага кўтарди.

Деҳли султонлигининг кучсизланиши ва Деканда мустақил мусулмон давлатларининг вужудга келиши натижасида Жан. Ҳиндистон (Декан) да У.а.нинг марказлари пайдо бўлди. Х.Б. Гесударознинг «Меърож ул-ошиқин», Важҳийнинг «Сабрас» каби асарлари яратилди. 15—17-а.ларда У.а. Бижапур, Голконда, Вижайнагар ва б. жойларда кенг ривожланди. Бу даврда Муҳаммад Али Қутбшоҳ (тахм. 1568—1611), Иброҳим Одилшоҳ (1580—1627), Нусратий, Ғаввосий, Ибн Нишотий ва б. У.а. ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. 18-а.да У.а. Ҳиндистоннинг шимолида ҳам тараққий этди. Жан. Ҳиндистонда яшаб ижод этган машҳур шоир Вали Авранғободийнинг (тахм. 1668—1744)нинг Деҳлига келиши (1700) жан. ва шим. урдунинг бирлашиб кетишига сабаб бўлди. Бу ерда Вали Авранғободий б-н бир қаторда Хотим (1699—1791), Шоҳ Муборак Абру (ваф. 1750), Арзу (1689—1756), Фаиз Деҳлавий (18-а. бошлари), Мир Тоқий Мир (1724—1810) кабилар Деҳли мактабининг равнақига муносиб улуш қўшдилар. *Бобурийлар* ҳокимияти таназзулга юз тутгач, адабий марказ Лакҳнавга кўчди.

18-а. Шим. Ҳиндистонда насрчилик анъанаси пайдо бўла бошлади. Диний мавзудаги асарлар ва Қуръони шариф таржималари б-н бир қаторда халқ достонлари ҳам тарқалди. Урду насрининг ривожида Форт-Вилям (1800 й.да асосланган) ва Деҳли коллежи (1827 й.да асосланган) нинг фаолияти муносиб ўрин тутади (Мир Аммон Деҳлавийнинг «Боғу баҳор» асари, ўзбекча таржимаси Т., 1971). 1739 й.да Нодиршоҳнинг Деҳлини талон-торож қилиши ва мамлакатнинг инглизлар томонидан босиб олиниши оқибатида У.а.да фожиа кайфияти пайдо бўлди (Мир Дард, 1721—1785). Мирзо Саидо (1713—1780) нинг ижодида мамлакатнинг хонавайрон бўлиши ва тушкунлик акс этди. Мир Тоқий асарларида дард-алам ифодаланди. Инсонпарварлик ғоялари Назир Акбарободий (1740—1830)нинг шеъриятида намоён бўлди.

Ҳиндистон халқлари мустақиллик учун кураш олиб бораётган бир даврда *Мирзо Ғолиб* У.а.да янги саҳифа очди, урду бадиий насрини шакллантирди. Таниқли маърифатпарвар ва ёзувчи Саид Аҳмад Хон (1817—1898)нинг фаолияти У.а.нинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Маърифатпарварлик ҳаракатининг 19-а. охирларидаги босқичида роман асосий насрий шакл сифатида майдонга чиқди [Назир Аҳмад (1836 — 1912)нинг «Келин кўзгуси», «Носиҳ тавбаси»; Мирзо Русво (1858—1931) нинг «Зоти шариф»; Абдул Ҳалим Шарар (1860—1926)нинг «Маликул Азиз ва Варжана», «Мансур ва Мўҳана», «Ердаги жаннат» ва б.].

20-а. урду шеъриятида *Муҳаммад Иқбол*нинг фалсафий шеърияти алоҳида ўрин тутади. У «Бонги Даро», «Шарқ паёми», «Мангуликнома» каби асарларида ҳаёт ва жамиятдаги зиддиятларни кенг акс эттирди. Бу даврда У.а.га ижтимоий ғоялар кириб келди. *Премчанд* анъанавий романтик қаҳрамонларни замонавий ҳаёт воқелигига яқинлаштирди. 1936 й. Ҳиндистон тараққийпарвар ёзувчилари ассоциацияси тузилди. Бу ассоциация фаолиятини С. Зоҳир, А.С. Жаъфарий, Ф.А.Фаиз, К. Чандар, Р.С. Беди сингари ижодкорлар ривожлантирдилар.

Мустақилликка эришгандан сўнг (1947) У.а.да янги давр бошланди — У.а. Ҳиндистон ва Покистонда ривожлана бошлади. Ҳиндистонда ижтимоий-реалистик анъаналарни Р.С. Беди, Х.А. Аббос, И.Чуғтаий, К. Чандар каби ёзувчилар давом эттирдилар. У.а.да 2-жаҳон урушининг мавзуси ҳам акс этди. С. Зоҳир, А.С. Жаъфарий, Ф. Горакҳпурий, М. Султонпурий, Ж. Муродободий, Қ. Раиис У.а.га муносиб ҳисса қўшдилар.

Покистонда У.а.нинг atоқли вакиллари: Ф.А. *Фаиз*, Ж. Малиҳободий, А.Н. Қосимий, Ф. Бухорий, А. Фароз ва б. С.Ҳ. *Манто*, Ғ. Аббос, М. Адиб, М. Муфти каби ёзувчилар ҳикоя жанрини ривожлантирдилар. Сўнгги йилларда К. Наҳид, А. *Жаъфарий*, Ф. Риёз, З. Ниёз, Ҳ. Жолиб, И. Ориф ва б. шоирлар салмоқли асарлар яратдилар. Романнавислардан Азиз Аҳмад, Хадижа Мастур, Шавкат Сиддиқий, Интизор Ҳусайнларнинг номи машҳур.

Ҳар иккала мамлакатда ҳам урду тилида адабий журналлар нашр этилмоқда. Ҳиндистонда: «Шоҳроҳ», «Янги адабиёт», «Шоир» ва б. Покистонда: «Афкор», «Фунун», «Авроқ», «Сип» ва б.

Ас.: Ҳиндистон ёзувчиларининг ҳикоялари, Т., 1958; Премчанд, Қисмат [роман], Т., 1962; Мирзо Расво, Бир хоним саргузашти, Т., 1965; Мирзо Ғолиб, Ғазаллар, Т., 1972; Чандар К., Хотирамдаги чинорлар, Т., 1986.

Ад.: Хусейн Э., История литературы урду, М., 1961; Глебов Н., Сухочев А., Литература урду, М., 1967.

Ансориддин Иброҳимов.

УРЕМИЯ (юн. uron — сийдик ва haima — қон) — буйрак фаолияти етишмовчилиги натижасида организмнинг сийдик б-н заҳарланиши. Оғир кечади. У.да буйрак сув ва туз алмашинуви, кислота-ишқор мувозанатини ростлай олмай қолади, оқсил алмашинувининг заҳарли маҳсулотлари тўпланади, нерв-гормонал регуляция ҳам ўзгаради, бу эса организмдаги барча аъзо ва системалар фаолиятининг бузилишига олиб келади. У ўткир ва сурункали кечади.

Ўткир У. буйракнинг ўткир етишмовчилиги оқибатида юзага келади. Буйракнинг ўткир етишмовчилиги оғир шикастланишлар, куйиш, совуқ олиш, қон йўқотиш, сувсизланиш, аллергия, заҳарланиш, *сепсис* оқибатида юзага келадиган *шок* натижасида умумий қон айланиши бузилишидан пайдо бўлади. Сурункали У. буйракда қон айланишининг бузилишидан (буйрак томирларининг бекилиб қолиши), буйрак касалликлари (оғир, ўткир *нефрит*, сурункали нефрит, *пиелонефрит*) туфайли, сийдик йўлларининг тўсилиб қолиши (тош, ўсма, яллиғланиш инфильтрати) сабабли юзага келади. Лоҳасланиш, кувватсизлик, тез чарчаш, бош оғриши, яхши ухлай олмаслик, иштаҳа йўқолиши, хотиранинг пасайиши У. нинг дастлабки белгиларидир. Бемор ҳадеб ташна бўлаверади, териси оқариб, қуруқ бўлиб қолади, қичишади, тез озиб кетади. Қонни текширганда унда азот чиқиндилари кўпайиб кетганлиги аниқланади. У.нинг сўнгги босқичларида қондаги мочевина ва б. моддалар тери, шиллиқ ҳамда сероз парда орқали чиқа бошлайди ва шу жойларда турли ўзгаришлар пайдо қилади. Натижада уремик *гастрит*, *колит*, *плеврит*, перикардит белгилари юзага келади. Жигар, кўмик функциялари бузилади, беморнинг қони камайиб боради, айрим аъзолардан қон кетади, кўз хиралашади. Ўз вақтида тегишли даво тадбирлари кўрилмаса, уремик *кома* вужудга келади; бемор касалхонада даволаниши керак.

Сурункали У. б-н оғриганларга оқсили жуда кам бўлган парҳез таомлар буюрилади, ош тузи ҳам чеклаб қўйилади, шу йўл б-н касаллик ривожланишининг олди олинади. Сурункали У.нинг олдини олиш буйрак ва сийдик йўллари яллиғланишини ўз вақтида даволатишдан иборат. Доимо врач кузатувида бўлиб, сийдик ва қон таҳлиллари назорат қилиб турилса, У. нинг олдини олиш мумкин.

УРЕТАН КАУЧУКЛАР — синтетик каучуклар, диизоцианатлар б-н оддий ёки мураккаб эфирларнинг ўзаро таъсирида ҳосил бўладиган маҳсулотлар. У.к. синтезида бошланғич мономер сифатида *адипин кислота* ва б. дикарбон кислоталар, диэтиленгликоль ва б. гликоллар, толуилендиизоцианатлар ва б. *изоцианатлар* ишлатилади. У.к. 3 хилга бўлинади: 1) қуйма У.к. — синтез жараёнида *вулканизация* тўри ҳосил қиладиган каучуклар; 2) валикланадиган У.к. — резина и.ч.да оддий технология бўйича қайта ишланадиган каучуклар; 3) термопластлар — пластмасса и.ч. технологияси бўйича қайта ишланадиган каучуклар. У.к. зичлиги 1210—1250 кг/м³. У.к. асосидаги резинанинг муҳим хоссалари: ейилишга ўта чидамли (бу кўрсаткич бўйича У.к. бошқа барча каучуклардан устун туради), чўзилишга юқори мустаҳкам (30—50 МПа), эластик (нисбий узайиши 400—700%), мойлар ва ёнилғиларда бўкмайди, атмосфера ва радиацияга чидамли, газ ўтказувчанлиги паст ва б. Камчиликлари — совуққа ва иссиққа (қўлланиш т-ра оралиғи — 35 дан 100° гача, қисқа муддат 130° гача), сув, кислота ва ишқорлар таъсирига чидамсиз. У.к.дан пойабзал пошналари ва тагликлари, улкан автошиналар, кабеллар учун қопламалар, мой ва бензинга чидамли зичлагичлар, радиация ва б.дан ҳимояловчи костюмлар тайёрланади.

УРЕТАНЛАР (франц. urethane, лот. urea — мочевина ва ether — эфир), карбаматлар — карбамин кислота эфирлари. Умумий формуласи NH_2COOR (бу ерда R — метил, этил ёки б. органик радикал); рангсиз кристалл моддалар: метилуретан (суюқланиш т-раси 52°, қайнаш т-раси 177°), этилуретан (суюқланиш т-раси 49°, қайнаш т-раси 184°). Органик эритувчиларда эримайди, сувда яхши эрийди. Ишқорлар ва концентрланган кислоталар таъсирида парчаланади. Аммиак б-н *мочевина* ҳосил қилади. Полиуретанлар синтезида, гербицид ва инсектицид сифатида қўлланади; баъзи У. (мас., этилуретан) — тинчлантирувчи ва ухлатувчи модда.

УРЕТЕР (юн. ureter — сийдик йўли) — қ. *Сийдик йўли*.

УРЕТРА (юн. urethra) — қ. *Сийдик чиқариш канали*.

УРЕТРИТ — сийдик чиқариш канали (уретра)нинг яллиғланиши. Патоген микроорганизмлар (трихомонадалар, ачитқисимон замбуруғлар, вируслар ва б.), шунингдек, моддалар алмашинувининг бузилиши, аллергия, шикастланишлар сабаб бўлади.

Клиник кечишига кўра, ўткир ва сурункали, қўзғатувчисининг турига қараб сўзакли, трихомонадали, носпецифик У.лар фарқ қилинади. Аксари эркакларда учрайди. Сийганда ачишиш, оғриқ пайдо бўлади; уретрадан йирингли чиқинди келади. У., одатда, жинсий алоқа қилганда гонококкдан зарарланиш натижасида юқади (қ. *Сўзак*). Уретрага бактериялар (мас., ичак таёқчаси, стрептококк, пневмококк) тушиши, шахсий гигиена қоидаларининг бузилиши ёки ангина, сурункали тонзиллит, оғиз бўшлиғи ва б. аъзолардаги яллиғланишлардан қон ва лимфа томирлари орқали уретрага микроб ўтиши ҳам У.га сабаб бўлади. У.га хос белгилар юзага келиши б-н дарҳол врачга учрашиш лозим, акс ҳолда яллиғланиш уретранинг орқа қисми ва қовуққа тарқалиб моик ортиги (қ. *Эпидидимит*).

...лининг романтик қаҳрамонларини замонавий ҳикоя ижодиётига киритганлар. 1976 й. Ҳиндистон ёзувчилари ассоциацияси ташкил этилиб, ва асосчиларидан бирининг С. Зоҳир, А.С. Жафарий, Ф.А. Фаиз, К. Чандар, Р.С. Бедининг асарлари ижодкорларни ижодга ундаган.

Мустақилликка эришилгандан сўнг (1947) Ҳиндистон ёзувчилар уюшмаси — Ў.л. Ҳиндистон ва Покистонда романлар бозорда. Ҳиндистонда ижодиётга асос солганлардан Р.С. Белий, Х.А. Аббос, И. Чугтаи, К. Чандар кабі сўнгги даврда ижодиётга Ў.л.ни 2-жаҳон уруши мавзуси қизиқтирган. С. Зоҳир, А.С. Жафарий, Ф. Гафоркўрий, М. Сустонбурни, Ж. Мирзабобоев, К. Ранис Ў.л.га мувофиқ ҳикоя ёзганлар.

Покистонда Ў.л.нинг етакчи вакиллари: Ф.А. Фаиз, Ж. Маликубоший, А.Н. Қосимий, Ф. Бухорий, А. Фарош ва б. С.Х. Манто, Г. Аббос, М. Асиб, М. Муфти кабі ёзувчилар ижоси жанрнинг ранг-баранглигидан. Сўнгги Ў.л.ларида К. Пахта, А. Жамфарий, Ф. Рис, З. Ниёз, Ҳ. Жовид, Н. Ориф ва б. ҳикоялар салмоқли асарлар яратдилар. Романчиларидан Алия Аҳмад, Ҳадиқа Мастур, Шавкат Сиддиқий, Инсоф Ҳусайнларнинг номи машҳур.

Ҳар икала мамлакатда ҳам ўзбек тилида адабий журнал, газеталарда Ҳиндистонда: «Шоҳроҳ», «Жанг ва-бийт», «Шиъри» ва б. Покистонда: «Афкор», «Фунун», «Аврақ», «Сипо» ва б.

Ле Ҳиндистон ёзувчиларининг ижодиёти, Т., 1958; Премчанд, Ҳусният [рассказ], Т., 1962; Мирзо Расво, Бир умрлик сарғузашти, Т., 1965; Мирзо Голиб, Рубоийлар, Т., 1972; Чандар К., Ҳикоялар, Т., 1986.

Ле: Хусейн Э., Истории литературы Урду, М., 1961; Гусейн Н., Сухомлов А., Литература Урду, М., 1967.

Абдуғафур Ибрагимов.

УРЕМИЯ (юн. ураn — сийдик ва haima — қон) — буйрак фаолияти етишмовчилигига натижасида организмнинг сийдик ажратиш функциясининг бузилиши ҳамда сийдик таркибидаги зарарли моддаларнинг қонда тўпланиши билан боғлиқ синдром. Сурункали У. буйрак қон айланишининг бузилишига олиб келадиган барча касалликларнинг охирги босқичларидан бирини ташкил этади. буйрак клиникаларида (гипертония, сурункали нефрит, пиелонефритнинг туфайли, сийдик йўлларининг турли хилдаги тошлари, ўсма, интоксикация инфекциялар) сабабли келиб чиқади. Диққатларни, қуруқлик, тез чарчаш, бош оғриши, иштаҳа ёпилиши, ичак ишларининг бузилиши, кўнгил айниши, қусиш, терида қичишиш, ранги ўзгариши, кетади. Қонда азот чиқиндиларининг кўпайиб кетганлигини аниқлаш. Уларни қўлга киритишда қонни тозалаш ва б. усуллар тери, ичаклик ҳамда сероз пардаларга орқали чиқа бошлайди ва шу жойларда турли ўзгаришлар олиб келади. Натижада уремик стоматит, колит, плеврит, перикардит белгиларини юзага келади. Жигар, буйрак функциялари бузилади, беморнинг қони камайиб боради, лаборатория текширишларда қон кетиш, кўз харпланади. Ўт пакдаги тошнинг дастлабки белгилари кўринмаса, уремик ҳолатни олдини олиш учун қонни сунъий диализ ёрдамида тозалаш керак.

Сурункали У. б-н оғриганларни овқатланиши жуда қаттиқ бўлган вақтда тайёр буюмлардан они тузи ҳам чекланиб қўйилади. шу йўл б-н касаллик ривожланишининг олдини олинади. Сурункали У.нинг олдини олиш буйрак ва сийдик йўлларини яллиғланишини ўз вақтида даволашдан иборат. Доимо врач кузатувида бўлиб, сийдик ва қон таҳлилларини жиддий қилиб турилади. У.нинг олдини олиш мумкин.

УРЕТАН КАУЧУКЛАР — синтетик каучуклар. диизоцианатлар б-н оддий ёки мураккаб эфирларининг ўзаро таъсирлашувидан ҳосил бўладиган маҳсулотлар. спирти ҳосил бўладиган маҳсулотлар. Ў.к. синтезида бошланғич компонент сифатида *адипин кислота* ва б. дикарбон кислоталар, диэтиленгликоль ва б. тинчлантирувчи ва уялатувчи модда.

УРЕТЕР (юн. ureter — сийдик йўли) — қ. *Сийдик йўллари.*

УРЕТРА (лот. urethra) — қ. *Сийдик чиқариш каналы.*

УРЕТРИТ — сийдик чиқариш каналининг (уретра)нинг яллиғланиши. Патоген микроорганизмлар (гонококклар, аденовирусли замбуруғлар, вируслар ва б.) шунингдек, моддалар алмашинувининг бузилиши, аллергия, шикастланишлар сабаб бўлади.

Клиник кечишига кўра, ўткир ва сурункали, қўзғатувчисининг турига қараб спецификмас, трихомонадали, носпецифик Улар фарқ қилинади. Аксари эркакларда учрайди. Сийгандда ачишиш, оғриқ пайдо бўлади; уретрадан йиринглик чиқиши келади. У., одатда, жинсий алоқа орқали юқади. Ўткир У. 3—5 кунлик яширин даврдан сўнг бошланади. Ажралма кўп, йиринглик, қонли аралашган бўлади. Сийдик ажралиши оғриқли, тез-тез, оз-оздан бўлади. Сийдик пуфагининг учинчи ўзи (30—50 мл)да эластик (шиллиқ) ушланиб қолади. Моллар ва ёнғоқларни бўлмайди, атмосфера ва радиацияга чидамли, таъсирчанлиги паст ва б. Клиникаларни — совуққа ва иссиққа бўлганлиги т-ра оралиғи — 35 дан 100° гача, қисқа муддат 130° гача), сув, кислота ва ишқорлар таъсирига чидамсиз. Ўзлари юпқабоғ пошналари ва тагликлари, ўзлари автошиналар, кабеллар учун қопламалар, мой ва бензинга чидамли ҳимоялар, радиация ва бошқа ҳимоялаш костюмлар тайёрланади.

УРЕТАНЛАР (франц. uréthane, лот. urea — мочевина ва ether — эфир), карбаматлар — карбамин кислота эфирлари. Умумий формуласи NH_2COOR (бу ерда R — метил, этил ёки б. органик радикал); рангсиз кристалл моддалар; Метилуретан (суюқланиш т-раси 52°, қайнаш т-раси 177°), этилуретан (суюқланиш т-раси 49°, қайнаш т-раси 184°). Органик эритувчиларда эримайди, сувда яхши эрийди. Ишқорлар ва концентрланган кислоталар таъсирида парчаланади. Аллофан б-н осонгина ҳосил қилади. Полиуретанлар синтезида, гербицид ва инсектицид сифатида қўлланади, баъзи У. (масс. этилуретан) — тинчлантирувчи ва уялатувчи модда.

УРЕТЕР (юн. ureter — сийдик йўли) — қ. *Сийдик йўллари.*

УРЕТРА (лот. urethra) — қ. *Сийдик чиқариш каналы.*

УРЕТРИТ — сийдик чиқариш каналининг (уретра)нинг яллиғланиши. Патоген микроорганизмлар (гонококклар, аденовирусли замбуруғлар, вируслар ва б.) шунингдек, моддалар алмашинувининг бузилиши, аллергия, шикастланишлар сабаб бўлади.

Клиник кечишига кўра, ўткир ва сурункали, қўзғатувчисининг турига қараб спецификмас, трихомонадали, носпецифик Улар фарқ қилинади. Аксари эркакларда учрайди. Сийгандда ачишиш, оғриқ пайдо бўлади; уретрадан йиринглик чиқиши келади. У., одатда, жинсий алоқа орқали юқади. Ўткир У. 3—5 кунлик яширин даврдан сўнг бошланади. Ажралма кўп, йиринглик, қонли аралашган бўлади. Сийдик ажралиши оғриқли, тез-тез, оз-оздан бўлади. Сийдик пуфагининг учинчи ўзи (30—50 мл)да эластик (шиллиқ) ушланиб қолади. Моллар ва ёнғоқларни бўлмайди, атмосфера ва радиацияга чидамли, таъсирчанлиги паст ва б. Клиникаларни — совуққа ва иссиққа бўлганлиги т-ра оралиғи — 35 дан 100° гача, қисқа муддат 130° гача), сув, кислота ва ишқорлар таъсирига чидамсиз. Ўзлари юпқабоғ пошналари ва тагликлари, ўзлари автошиналар, кабеллар учун қопламалар, мой ва бензинга чидамли ҳимоялар, радиация ва бошқа ҳимоялаш костюмлар тайёрланади.

простата бези (қ. *Простатит*), уруғ пуфакчаси (қ. *Жинсий аъзолар*ни) ҳам яллиғлантиради, шунингдек бемор бепушт бўлиб қолиши ҳам мумкин.

У.нинг олдини олиш учун шахсий ва жинсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, организмдаги турли яллиғланишлар ҳамда умумий инфекцион касалликларни ўз вақтида даволаш муҳим.

УРИНМА — кесувчининг лимит ҳолати. Эгри чизиққа унинг A нуқтасида ўтказилган У. қуйидагича аниқланади: l чизиқда A дан фарқли B нуқтани олиб, AB кесувчи ўтказилади. B нуқта l эгри чизиқ бўйлаб ҳаракатланса, AB кесувчи A нуқта атрофида айлана бошлайди (расм, 1). Бунда AB кесувчи тайин бир лимит ҳолатга эга бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. AB кесувчининг B нуқтаси l чизиқ бўйлаб ҳаракатланиб, A нуқта б-н устма-уст тушишга интилгандаги лимит ҳолати мавжуд бўлса, у l чизиққа унинг A нуқтасида ўтказилган У. бўлади. AB кесма узунлиги нолга интилганда BAC бурчак ҳам нолга интилади. l эгри чизиқ узлуксиз бўлса-да, унинг бирор нуқтасида ҳам У. мавжуд (яъни AB кесувчи лимит ҳолатга эга) бўлмаслиги мумкин. B нуқта A га турли томондан интилганда AB кесувчи иккита турли лимит ҳолатга эга бўлиши ҳам мумкин (расм, 2). $y=f(x)$ функция графигининг x_0 абсциссали нуқтасида графикка У. ўтказиш масаласи мат.нинг асосий тушунчаларидан бири — ҳосила тушунчасига олиб келган масалалардан. $y=f(x)$ функция графигига $(x_0, f(x_0))$ нуқтада ўтказилган У.нинг бурчак коэффициенти функция ҳосиласининг x_0 нуқтадаги қийматига тенгдир: $\operatorname{tg}\alpha=f'(x_0)$. $y=f(x)$ функциянинг x_0 абсциссали нуқтасида ўтказилган У. тенгламаси $y=f(x_0)+f'(x_0)(x-x_0)$ бўлади. Мас., $y=x^2$ параболага унинг абсциссаси $x_0=1$ бўлган нуқтасида ўтказилган У. тенгламаси $y=2x-1$ дан иборат; $y=\sin x$ функция графигига унинг $x_0=\frac{\pi}{2}$ абсциссали нуқтасида ўтказилган У. тенгламаси $y=1$ бўлади.



Уринма.

УРИНМА ТЕКИСЛИК — сиртнинг бирор нуқтасидан ўтиб, шу сиртга шу нуқтада уринувчи текислик. $\vec{a}$ вектор Φ сирт устида ётувчи P нуқтадан ўтувчи эгри чизиқнинг уринма вектори бўлса, у Φ сиртга P нуқтадаги уринма вектор дейилади. Регуляр Φ сиртнинг берилган нуқтасидаги уринма векторлари тўплами икки ўлчамли чизиқли фазо ҳисобланади. $\vec r=\vec r(u,v)$ тенглама б-н берилган Φ сиртнинг $P(u_0,v_0)$ нуқтасидан ўтувчи ва $\vec r_u(u_0,v_0)$, $\vec r_v(u_0,v_0)$ векторларига параллел текислик У.т. бўлади. π текислик $P(u_0,v_0)$ нуқтасидан ўтувчи текислик; q нуқта Φ сиртнинг P га яқин нуқталаридан бири; P ва q нуқталар орасидаги масофа d, q нуқтадан π текисликкача бўлган масофа h бўлсин. У ҳолда π текислик P нуқтадаги уринма текислик бўлиши учун $\lim_{q\to P}\frac{h}{d}=0$ тенгликнинг бажарилиши зарур ва етарлидир. Агар регуляр сирт $f(x,y,z)=0$ тенглама б-н берилган бўлса, у ҳолда бу сиртнинг $M_0(x_0,y_0,z_0)$ нуқтасига У.т. формуласи қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\frac{\partial f}{\partial x}(x-x_0)+\frac{\partial f}{\partial y}(y-y_0)+$$

$$+\frac{\partial f}{\partial z}(z-z_0)=0,$$

бунда, $\frac{\partial f}{\partial x}, \frac{\partial f}{\partial y}, \frac{\partial f}{\partial z}$ — f функциянинг x, y, z ўзгарувчилар бўйича хусусий ҳосилаларининг (x_0, y_0, z_0) нуқтадаги қийматлари.

Маркази x_0 нуқтада бўлиб, радиуси R га тенг бўлган $S_R(x_0)$ сферанинг У.т.и шу нуқтадан ўтказилган радиусига перпендикуляр бўлади. Конус ва цилиндрларнинг P нуқтасидаги У.т. бу сиртларнинг P нуқтасидан ўтувчи ясовчиларидан фақат биттаси орқали ўтади.

УРМИЯ (собиқ Ризоия) — Эроннинг шим.-ғарбий қисмидаги оқмас шўр кўл. Тоғ оралиғидаги сойликда. Майд. 5,8 минг км². Чуқ. 15 м гача, сув сатҳининг бал. 1275 м. Баҳорда сатҳи кўтарилади. Шўрлиги 150—230‰. Соҳилларида шўрхоклар бор. У.га бир неча дарё қуйилади. Кема қатнайди. Жан. қисмида 50 дан ортиқ орол бор. Урмия миллий боғи ташкил этилган.

УРМИЯ (1926—80 йилларда Ризоия) — Эроннинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар, Урмия кўлининг ғарбий соҳилида. Ғарбий Озарбайжон остонининг маъмурий маркази. Аҳолиси 435,2 минг киши (1997). Қ.х. (токчилик ва мевачилик) р-нининг маркази. Шакар-қанд, тамаки, қуруқ мевалар тайёрлайдиган корхоналар бор. Гилам тўқилади. Ҳунармандчилик ривожланган. Ун-т бор.

УРО... (юн. uron — сийдик) — қўшма сўзларнинг сийдик ёки сийдик чиқариш қисмига, касалликларига алоқадорликни билдирувчи қисми (мас., *урология*, *урография*).

УРОЛОГИЯ (уро... ва ...логия) — клиник тиббиёт соҳаси; сийдик ажратиш аъзолари системаси ва эркак жинсий аъзолари касалликларини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, диагностикаси, даволаш ҳамда олдини олиш усулларини ишлаб чиқади.

У. 20-а. да жарроҳликдан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди. Урологик касалликлар қадимдан маълум. Абу Али ибн Сино қовуқдаги тошларни тушириш усулларини билган. Лекин илмий У. 19-а.да шаклланди. 1869 йилда Г. Симон (Англия) биринчи марта сийдик пайини катетерлаш, касалланган буйракни олиб ташлаш операцияси муваффақиятли б-н ўтказди. Франциялик Ф.Ж. Гюйон, Л. Мерле, Ж. Альбарран, англиялик Г. Томпсон, П. Фрейер, австриялик Л. Диттель У.нинг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. У.нинг ривожи, асосан, цистоскопия ва рентген нурлари орқали текшириш усулларининг кашф этилиши б-н боғлиқ. 20-а. да диагностика ва даволашнинг янги усуллари — хромоцистоскопия (Ф. Фолькер ва Э. Йозеф, Германия, 1903), ретроград пиелография (А. Лихтенберг ва Ф. Фолькер, Германия, 1906), экскретор урография (М. Свик, А. Лихтенберг, Германия, 1929) ва б. ишлаб чиқилди. Буйрак етишмовчилигида гемодиализ усули В. Колф клиникада биринчи марта сунъий буйрак ишлатди (1944).

Ўзбекистонда У.нинг ривожи 1924 йили Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-тида урология кафедраси ҳамда 25 ўринли урология клиникаси ташкил этилиши б-н боғлиқ. 60—70-й.ларда радиоизотоп, ангиографик, уродинамик, компьютер томографик текширувларнинг амалиётга кириб келиши б-н У.да жарроҳлик усуллари такомиллашди, ТУР-перкутан операциялар, буйрак тошларини масофадан парчалаш йўлга қўйилди. Ҳоз. кунда лапароскопик операциялар (қ. *Лапароскопия*) кенг қўлланилмоқда. Бунда О.М. Мухторов, И.П. Погорелко, Т.Н. Позднякова, Д.Л. Арустамов ва б.нинг ҳиссаси катта бўлди.

Тошкентдаги У. клиникаси асосида 1990 й. Республика урология илмий маркази ташкил этилди, 2002 йилда у Республика ихтисослаштирилган урология марказига айлантирилди. 1932 й.дан *Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти*да урология кафедраси ва клиникаси фаолият кўрсатмоқда. 1997 й. клиника қошида Болалар урологияси маркази ташкил этилди, унда ЎзР ва хориж ҳамкорлигида турли лойиҳалар амалга оширилади, У. бўлимларининг оғир, уларни малакали шифокорлар ва мутахассислар б-н таъминлаш ишлари амалга оширилади.

Республика клиникалари урологик касалликларни барвақт аниқлаш ва даволашда ультратовушли сканерлаш, уларнинг эндоскопик ва рентгенологик аппаратлар, ташқи тўлқин ёрдамида буйрак ва сийдик йўли тошларини майдалаш аппаратлари б-н жиҳозланиши У. соҳасининг жаҳон талаблари даражасига кўтарилишига имкон берди. Йирик клиникаларда таркибида нефрология бўлимлари ва марказларининг ташкил этилиши нефрологик ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги б-н беморларни даволаш имконияти ривожланди. Ўткир буйрак етишмовчилигида сунъий буйрак аппаратлари ёрдамида қонни тозалаш (*гемодиализ*) усули ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда Республикамизда *шошилинч тиббий ёрдам маркази* ҳамда вилоят марказий шифохоналари қошида У. бўлимларининг очилиши Ўзбекистонда У.нинг ривожланишида муҳим омил бўлди.

[illegible]

УРОН КИСЛОТАЛАР — альдегидкислоталар гуруҳи. Умумий формуласи $CHO(CHOH)_nCOOH$. Альдозаларнинг биринчи гидроксил гуруҳи ($-CH_2OH$) ўрнига карбоксил гуруҳи ($-COOH$) борлиги б-н фарқ қилади. Кристалл ёки аморф моддалар; сувда ва қутбли эритувчиларда яхши эрийди. Кимёвий хоссаларига кўра альдозаларга ҳам, оксикислоталарга ҳам ўхшайди. Табиатда 6 углерод атомли ҳамда уронлар (гексурон кислоталар). Уларнинг номи тегишли гексозага қараб белгиланади (мас., глюкурон кислота глюкоза номидан). У.к. ҳайвон ва ўсимликларнинг биологик муҳим биополимерлари таркибига киради. D-глюкурон кислота ҳайвон организмида заҳарли моддаларни йўқотишда қатнашади ва аскорбин кислота биосинтезида бошланғич маҳсулот ҳисобланади.

УРСОЛ КИСЛОТА, $C_{29}H_{46}(OH)COOH$ — тритерпенлар синфига оид органик кислота, оқ кристалл модда. Мол. м. 456,37, суюқланиш т-раси 112°. Сувда эримайди, спирт, хлороформ ва б. қутбланган органик эритувчиларда яхши эрийди. У.к. олма меваларининг пўстлоғидан Соксле аппаратида спирт б-н экстракциялаб олинади. Қолдиқ турушини хлороформ б-н экстракциялаб ҳам У.к.ни ажратиб олиш мумкин. У.к. биологик фаол модда, юракни озиқлантирадиган вена қон томирларини кенгайтириб, шифрий ионларини сақлаб қолиш хусусиятига эга. Шишуста ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади. У.к.нинг метил эфири модулятор.

УРУГВАЙ — Жан. Америкадаги дарё. Юқори оқими Бразилия ҳудудида, қолган қисми Аргентинанинг Бразилия ва Уругвай б-н бўлган чегарасидан оқади. Пелотас ва Канаос дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Атлантика океанининг Ла-Плата қўлтиғига қуйилади. Уз. 2200 км, ҳавзасининг майд. 307 минг км². Асосий ирмоғи — Рио-Негро. Юқори ва ўрта оқимида Бразилия ясситоғлигидан оқади. Серостона, шаршара кўп. Ўртача сув сарфи 550 м³/сек. Йирик гидроузел қурилган. Пайсанду шаҳрига қадар кемалар қатнайди. Йирик шаҳар ва портлари: Конкордия (Аргентина), Сальто, Пайсанду, Фрай-Бентос (Уругвай).

УРУГВАЙ (Uruguay), Уругвай Шарқ Республикаси (República Oriental del Uruguay) — Жан. Американинг жан.-шарқий қисмида жойлашган давлат. Майд. 176,2 минг км². Аҳолиси 3 млн. 387 минг киши (2002). Пойтахти — Монтевидео ш. Маъмурий жиҳатдан 19 департаментга бўлинади.

Давлат тузуми. У. — республика. Амалдаги конституцияси 1967 й. кучга кирган ва 1997 й. ўзгартишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент, у тўғри умумий овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни вакиллар палатаси ва сенатдан иборат бўлган Конгресс (Бош Ассамблея), ижроия ҳокимиятни президент амалга оширади. Президент вазирлар кенгашини тайинлайди.

Табиати. Мамлакат жан. ва жан.-шарқда Атлантика океани б-н ўралган. У. қирғоқлари кам парчаланган, паст, лагуна типли. Ер юзаси, асосан, сертепа текислик. Мамлакат чекка шарқининг аксарияти (Атлантика океани соҳили) ботқоқланган пасттекислик. У.нинг энг баланд нуқтаси — чекка жан.даги Пан-де-Асукар тоғи (501 м). Фойдали қазилмалардан темир, марганец, олтин, кумуш, хўргошин, гранит, тальк, қимматбаҳо тош, мармар, қўнғир кўмир бор. Иқлими субтропик, нам иқлим. Ўртача т-ра июлда 10°—12°, январда 22°—24°. Йиллик ёғин 1000—1200 мм. Катта дарёлари — Уругвай ва Рио-Негро. *Прерия*ларнинг қизил-қора тупроқларида ўтли субтропик саванна, дарё бўйларида доим яшил бутали саванна, ўрмон; пальмазорлар бор. Ҳайвонлардан тирқишлилар, нутрия, каламуш, пума, америка туякуши, тапир, буғу, ёввойи мушук, тулки, чумолихўр; қушлардан оққуш, қарқара, турна, колибри, судралиб юрувчилардан шақилдоқ илон, қора илон, калтакесак кўп. Кабо-Полонио, Санта-Тереса ва б. миллий боғлар ташкил этилган.

Аҳолиси. У.нинг аксарият аҳолиси — уругвайликлар (креоллар, испан колонистлари ва 19-а.да кўчиб келган италияликларнинг авлодлари). 19-а.нинг 2-ярмида французлар, немислар, славянлар ҳам кўчиб кела бошлаган. Расмий тил — испан тили. Диндорларнинг аксарияти христиан-католик. Шаҳар аҳолиси 88,7%. Йирик шаҳарлари — Монтевидео, Сальто.

Тарихи. У. ҳудудида қадимдан индейс қабилалари яшаган, улар деҳқончилик, овчилик, балиқ овлаш б-н шуғулланган. 16-а.нинг бошларида бу ерда испан мустамлакачилари пайдо бўлди. 1750 й. Испания бу ҳудудни бутунлай эгаллаб олди ва 1776 й. Шарқий соҳил (мустамлака даврида У. шундай деб номланган) Испанияга қарашли Ла-Плата вице-қироллиги таркибига киритилди. Америка қитъасидаги Испания мустамлакачиларининг мустақиллик учун олиб борган уруши йилларида (1810—26) Шарқий соҳил аҳолиси 1815 й. мустақиллик эълон қилди. 1816 й. Португалия қўшинлари Шарқий соҳилга бостириб кириб, 1817 й. уни батамом эгаллаб олди. 1821 й. Шарқий соҳил Бразилия таркибига қўшиб олинди. 1825 й. У. ватанпарварлари Х.А. Лавальеха раҳбарлигида кураш бошладилар ва Шарқий соҳил Португалия б-н Бразилиядан озод қилиниб, мустақил деб эълон қилинди (1825 й. 25 авг.), аммо тез орада Аргентинага қарам бўлиб қолди. Тўла мустақиллик учун озодлик кураши авж олди. 1828 й. Бразилия б-н Аргентина ўртасидаги сулҳ



Уругвай герби.

шартномасида У. мустақил давлатини тузиш назарда тутилди. 1830 й. У. Шарқ Республикаси деб эълон қилинди. 19-а. охирида уругвай миллати шаклланиб бўлди.

1-жаҳон урушида У. бетарафлик эълон қилди. 1933 й. ўнг кучлар мамлакатда тўнтариш уюштириб, диктатура режимини ўрнатди. 2-жаҳон уруши (1939—45) й.лари У. «ўқ» пакти давлатлари (Германия, Япония, Италия) б-н алоқасини узди (1942). 1945 й. Германия б-н Японияга уруш эълон қилди. 1951 й. конституцияни ислоҳ қилиш юзасидан ўтказилган плебисцит натижасида давлат идора усули ўзгарди: Миллий ҳукумат кенгаши давлат бошлиғи вазифасини бажара бошлади. 1966 й. конституция ислоҳоти якунида яна президент лавозими тикланди. 1973 й. қуролли кучларнинг ўнг қаноти давлат тўнтариши ўтказиб, парламентни тарқатиб юборди, сиёсий партия ва касаба уюшмаларининг фаолиятини тақиқлади. 1976 й. июлдан ҳарбийлар А. Мендесни президент лавозимига тайинладилар. 1981 й. сент.-да ҳокимият тепасига келган ҳукумат вазмин сиёсат юритди. У. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 26 дек. да тан олган. Миллий байрами — 25 авг. — Мустақиллик эълон қилинган кун (1825).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. «Колорадо» партияси, 19-а.да тузилган; Миллий партия («Бланко»), 19-а.да ташкил этилган; Фуқаролик иттифоқи, 1917 й. асос солинган; У. социалистик партияси, 1910 й. тузилган; Христиан-демократик партия, 1962 й. ташкил этилган. Меҳнаткашларнинг касаба уюшмалариаро пленуми, 1966 й. асос солинган.

Хўжалиги. У. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 26%, қ.х. ва балиқчилик улуши 8%, хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 66%.

Саноатида оз миқдорда графит, гранит, мармар, қурилиш материаллари қазиб олинади. И.ч. саноатининг етакчи тармоқлари — озиқ-овқат (гўшт, вино, консерва), тўқимачилик (асосан, жун газлама) саноати. Металлургия, автомобиль йиғув, нефтни қайта ишлаш, кимё, металлсозлик, электротехника, цемент, резина, пойабзал саноати корхоналари бор. Ёғоч тайёрланади. Йилига ўртача 7,8 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади (асосан, ГЭСларда).

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи гўштбоп қорамол ва жун олиналиган қўйчилик. Қ.х.га яроқли ерларнинг кўп қисми ўтлоқ ва яйловлардан иборат. Деҳқончиликда буғдой, шоли, маккажўхори, тариқ, оқ жўхори, ем-хашак экинлари, техника экинларидан ер ёнғоқ, шакарқамиш, кунгабоқар, цитрус мевалар, узум етиштирилади. Балиқ овланади.

Транспорти. Юкларнинг $^{3}/_{4}$ қисми автомобиль транспортида ташилади. Автомобиль йўллари уз. 51 минг км, т.й. узунлиги 2,1 минг км. Денгиз савдо флотининг ҳажми 172,5 минг т дедвейт. Асосий денгиз порти — Монтевидео. У. четга чорва мол, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, балиқ, жун, тери ва кўнчилик хом ашёси, сабзавот, тўқимачилик моллари чиқаради, четдан минерал хом ашё (жумладан, нефть), кимёвий моллар, қора металл, машина ва ускуна, транспорт воситалари олади. Бразилия, Аргентина, АҚШ, ХХР, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари б-н савдо қилади. Пул бирлиги — уругвай песоси.

Тиббий хизмати. Аҳолига, асосан, хусусий тиббий муассасалар хизмат кўрсатади. Тиббиёт ходимлари Монтевидеодаги ун-тнинг тиббиёт ф-ти ва 2 та тиббиёт билим юртида тайёрланади.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Барча типдаги ўқув юртларида таълим бепул. Бошланғич мактаб — 6 й.лик, ўрта мактаб ҳам 6 й. (3+3). Бошланғич ва кичик ўрта мактабларда ўқиш — мажбурий. Давлат мактаблари б-н бир қаторда хусусий умумий таълим ўқув юртлари ҳам бор. Ўрта мактабнинг 1-босқичи негизида 3 й.лик ҳунар-техника ва пед. билим юртлари ишлайди. У.да диний семинария кўп. Олий таълим, асосан, Монтевидеодаги Уругвай ун-тида (1849 й.да ташкил этилган) олинади. Унинг ҳузурида консерватория, кутубхоначилик мактаби, ижтимоий ёрдам мактаби, технология ва кимё ин-ти, нафис санъат мактаби бор. Монтевидеодаги Меҳнат ун-ти юқори типдаги махсус ўқув юрти ҳисобланади. Санъат ва ҳунармандчилик коллежи ва б. ўқув юртлари бор. Илмий ва техника тадқиқотлари миллий кенгаши мамлакатдаги и.т. фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Геогр. ва тарих ин-ти (1843), Кимё-

Уругвай байроғи

фармацевтика уюшмаси (1888), Метеорология бош бошқармаси (1912), Қ.х. тадқиқотлари маркази (1914), астрономия расадхонаси (1928), биология ин-ти (1923), кимё саноати ин-ти (1935), Атом энергияси миллий комиссияси (1955), онкология ин-ти (1960), Миллий муҳандислик академияси (1963) бор. Йирик кутубхоналари: Монтевидеодаги Миллий кутубхона (1816), Конгресс миллий кутубхонаси (1929), Марказий пед. кутубхонаси (1888). Муҳим музейлари: Монтевидеодаги Миллий нафис санъат музейи (1811), Миллий тарих музейи (1900), Табиат тарихи миллий музейи (1837), Пед. музейи (1888), Такуарембодаги индейслар музейи, Зоол. музейи.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Асосий газ. ва жур.лари: «Диарио офисьель» («Расмий кундалик газета», 1905 й.дан), «Маньяна» («Тонг», кундалик газ., 1917 й.дан), «Ора популар» (кундалик газ. 1989 й.дан), «Аки» («Шу ерда», сиёсий ҳафтанома, 1983 й.дан), «Бускеда» («Изланиш», ижтимоий-сиёсий ҳафтанома, 1972 й.дан), «Демокрасиа» («Демократия», ҳафтанома, 1981 й.дан), «Кроникас экономикас» («Иқтисодий янгиликлар», ҳафтанома, 1981 й.дан), «Эстудиос» («Тадқиқотлар», ойлик жур., 1956 й.дан). Миллий ахборот агентлиги йўқ. Миллий алоқа бошқармаси — АНТЕЛ давлат маҳкамаси 1974 й. тузилган бўлиб, мамлакатдаги радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни назорат қилади. Телекўрсатувлар 1956 й.дан ишлайди.

Адабиёти испан тилида. Дастлабки қўлёзма ёдгорликлари мустамлака даврида яратилган. Перес Кастельяносниг «Мемориал» асари (1779 й. ёзилган, 20-а. бошларида нашр қилинган) мактуб тарзидаги тарихий наср намунасидир. Х. Прего де Оливер, К. Вильядеморос шеърияти ва Х. П. Мартинеснинг «Бегубор садоқат» пьесаси (1808) бадиий адабиётга асос солди. Мустақиллик учун кураш даврида гаучолар (дашт аҳолиси)нинг халқ оғзаки ижодиёти негизида гаучо адабиёти вужудга келди. Унинг машҳур намояндаси Б. Идальго (1788—1822) шеърлари испан мустамлакачиларини фош этади ва ижтимоий адолатсизликни лаънатлайди. Европа клас-

сицизми анъаналарига таянувчи «академик адабиёт»нинг шеърий намуналари «Шарқий Парнас» антологиясида жамланган. Шу адабиётнинг атоқли вакили Ф. Акунья де Фигероа У. миллий мадҳиясининг муаллифидир. 19-а.нинг 30–40-й.ларидан У. адабиётида романтизм оқими ҳукмрон бўлди. Замонавий У. насрининг асосчиси Э. Асеведо Диас (1851–1924) «Исмаэл», «Шуҳрат шилоси» тарихий романларида гаучоларнинг диччли ҳаётини тасвирлади. 19-а. охири — 20-а. бошларида шоирлардан Х. Алонсо-и-Трельеса, Ф. Сильва Вальдес, Дельмира Агустини, Хуана де Ибарбуру, адиб Х. Э. Родо, драматург Ф. Санчес, қиссанавис О. Кирога ижод қилдилар. 30-й.лар охири ва, айниқса, 2-жаҳон урушидан кейин адабиётда ижтимоий иллатларни фош қилувчи асарлар кўплаб яратилди. Э. Аморим, А.Д.Гравина, М. Бенедеттининг шу руҳдаги романлари нашр этилди. 70—80-й.ларда фалсафий шеърият ривож топиб, инсонпарварлик ва миллийлик ғояларини тараннум этди. Айниқса, Х. Кунья, А. Беренгер, М. Бианчи, Х. Медина Видаль ва б. шоирларнинг асарлари илғор ижтимоий жунбишлари б-н ажралиб туради.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. У.да чарруа индейслари санъатидан олам, ҳайвон ва қушлар қиёфаси тасвирланган тош ва сопол буюмлар бизгача етиб келган. Мустамлака давридаги меъморлик турли истеҳкомлар, черковлар, барокко ва классицизм услубида барпо этилган шаҳар биноларидан иборат (Монтевидеодаги Муниципал нафис санъат музейи, 1804—08, меъмори Т. Торибьо). 19-а. ўрталаридан шаҳарлар европача эклектизм руҳида, 20-а. бошларидан модерн услубида қурила бошлади. 20-а. ўрталарида Монтевидео қайта қурилди, кўпгина осмонўпар бинолар (шаҳар ратушаси, банклар, меҳмонхоналар), курортлар ва савдо мажмуалари қад кўтарди. 20-а.нинг 2-ярмида жамоа турар жойлари ва савдо-жамоат марказлари (бозор, дўкон, клуб, ресторан, почта, поликлиника, мактаб, болалар боғчаси, кутубхона) бўлган шаҳарчалар қуришга киришилди. У.нинг машҳур меъмори Х. Виламахо биноларнинг теварак-атрофдаги табиий манзара б-н уйғун бўлишига ва уларни қуришда маҳаллий материаллардан фойдаланишга алоҳида эътибор берди. У БМТнинг Нью-Йоркдаги бош биноси қурилишида маслаҳатчи сифатида қатнашди.

У. тасвирий санъатида 19-а.нинг 2-ярмида, асосан, ажнабий рассомлар ижод қилдилар. У. миллий рангтасвир мактабининг шаклланишида Х.М.

Монтевидео шаҳри

Бланеснинг ижоди муҳим ўрин олади. Унинг мўйқаламига мансуб кўпгина тарихий композициялар, уруш манзаралари, портретлар, гаучо сиймолари мамлакат тарихи ва халқ ҳаётининг ёрқин қиёфасини гавдалантиради. Миллий ҳайкалтарошлик санъати ривожланди (Ж. Ливи, Д. Мора ва б.). 20-а.нинг 1-ярмида Д. Эккет, кейинроқ К. М. Эррера ва К. А. Кастельянос каби рассомлар етишиб чиқди. Шаклнинг нозик жистишиб чиқди. Шаклнинг нозик жиҳатларини идрок этувчи ҳайкалтарош Б. Мичелена меҳнат ва маданият аҳлининг сиймоларини гавдалантирувчи асарлар яратди. 1927 й. «Тесео» гуруҳига бирлашган кўпгина рассомлар илғор ижтимоий ғояларни *модернизм* анъаналари б-н боғлаб тасвирладилар. Р. Перес Баррадас, Х. Кунео Перинетти, П. Фигари ва б. рассомлар бир-биридан гўзал санъат асарларини яратдилар. Х. Торрес Гарсиа эса абстракт санъатининг фаол тарғиботчиси бўлди. 20-а. ўрталаридан «Гравюра клуби» (Л. Гонсалес ва б.) санъатда халқ ҳаёти ва ташвишларининг кенг акс эттириш йўлидан борди. Х.Т. Гарсиа, И. Дюкас, Р. Бар-К. Федерико Саэс, П. Фигари, радес, Х. Конео, В. Баркала, М. Эспинола, 20-а.нинг 2-ярмидаги машҳур рассомлардир. 1970—80-й.ларда К.Лара, Х. Гамарра каби рассомлар постмодернизм ғояларини маҳаллий анъаналар б-н юксалтиришга ҳаракат қилдилар. Замонавий рассомлар орасида А. Эрнандес, К. Пэас Виларо, Г. Ласарини, Л. Массей, Э. Диас Епес, Н. Берднлар бор. 1957 й. Нафис санъатлар миллий мактабига асос солинди.

Мусиқаси. Индейс мусиқасининг асосий шакллари меҳнат, уруш ва маросим қўшиқлари ҳамда рақсларидан иборат бўлган. Чолғу асбоблари: ёғоч барабан, ҳайвон шохи ва суягидан ясалган буғ, қамиш най (пинкильо), денгиз чиғаноғи, шақилдоқ (марака), ксилофон (маримба) ва б. Испан фольклори намуналари (вильянсико ва б.) сайёр қўшиқчилар — паядоралар ижоди орқали 16-а.дан тарқалган. Миллий (креол) қўшиқ жанрлари — триссте, видала, эстило, милонга; рақс турлари — гато, съелито, перикон, куандо, ранчера. 18-а.дан Европа профессионал мусиқа турлари, жумладан, диний мусиқа шаклларидан — хорал, орган ижрочилиги ва б., дунёвий мусиқа жанрларидан мусиқали театр (тонадилья, мелодрама) ва рақс мусиқа (менуэт, гавот, вальс ва б.) намуналари кириб келди. 19-а.нинг 20—50-й.ларида 6 та филармония жамияти, 1910 й. Монтевидеода консерватория, камер мусиқаси уюшмаси тузилди. 20-а. бошидан миллий композиторлик мактаби ташкил топди (Л. Самбусетти, Э. Фабини, А. Брокуа). Замонавий мусиқа арбоблари: композиторлар Э. Тосар, Л. Бирнотти, Р. Шторм, К. Эстрада, С. Сервети; дирижёр Х. Протаси; пианиночилар У. Бальцо, Н. Мариньо; гитарачи Х. Оянгурен; хонанда В. Кастро. Мусиқа таълими соҳасида шаҳар мусиқа мактаблари тизими мавжуд. Монтевидеодаги Республика ун-ти ҳузурида Миллий консерватория очилган.

Театри. Дастлабки театр томошалари Монтевидеода 18-а. охирларида кўрсатилди. 1793 й. бу ерда очилган Комедия уйида вақти-вақти б-н Б. Идальго, Э. Фахардо, Ф. Х.де Ача каби драматургларнинг пьесалари саҳналаштирилди. 1856 й. «Солис» театри қурил-

Уругвайлик чорвадор.

Монтевидеодаги Мустақиллик майдони. Майдон ўртасида Уругвай миллий қаҳрамони Х.Ж. Артигас ҳайкали.

ди. Миллий театрнинг равнақ топишида драматурглар Ф. Санчес ва Э. Эррера ижодининг аҳамияти катта бўлди. 20-а.нинг 30—40-й.ларида «мустақил театрлар» ҳаракати бошланди. «Комедия насьонал», «Эль Гальпон», «Театро уно», «Театро университарио» кабилар тижорат театрларидан фарқли ўлароқ миллий ва жаҳон драматургиясининг энг яхши намуналарини саҳнага олиб чиқдилар. Таниқли театр арбоблари — С. Корриери, Х. Савала Муньис, А. дель Чьопо, Х. Ортис, Ф. Вольф, А. Лоррета. 1949 й.дан Драма санъати мактаби ишлайди.

Киноси. 1898 й. дастлабки қисқа метражли «Аррайо Секо велодромидаги велопойга» фильми суратга олинди. «Муштлар ва олийҳимматлик» (1919, реж. Х. Борхес) — биринчи тўла метражли фильм бўлди. 1936 й.дан, асосан, ҳажвий мазмундаги овозли фильмлар чиқарила бошлади. 1950 й. кинематография ин-ти ташкил этилди. 60—70-й.ларда «Уругвайдек мамлакатни топиб бўпсиз» (1960, реж. У. Оливе), «Прагада» (1964), «Карлос» (1966), «Менга талабалар ёқади» (1968, ҳаммасининг реж. М. Андлер), «Сайловлар» (1967, реж. У. Оливе ва М. Андлер) каби сиёсий йўналишдаги фильмлар, турли реж.ларнинг новеллаларидан иборат «Оҳ, Уругвай» (1971) тўла метражли фильм яратилди.

УРУГВАЙЛАР (ўзларини *уругуайо* деб атайди) — халқ, Уругвайнинг асосий аҳолиси (2,7 млн. киши). Умумий сони 2,83 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Испан тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, католиклар. У., асосан, 16—18-а.лардаги испан колонистлари авлоди. 19-а. ўрталаридан Европадан, асосан, испанлар, итальянлар ва

Уругвайлар. Анъанавий кийимдаги аёл.

французлар кўчиб келишган. Туб жой аҳолига мансуб индейсларнинг чарруа ва б. қабилалари 19-а. бошларида қириб ташланган. Асосий машғулоти — чорвачилик; бир қисми озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатида банд.

УРУК — 1) Жан. Месопотамияда мил. ав. 4-минг йилликда тарқалган энеолит даври археологик маданияти. Урук ш. номи б-н аталган. Маҳобатли меъморий иншоотлар («Қизил бино» ва «Оқ ибодатхона» харобалари очилган); сопол буюмлар, шумер тилида битилган ёзувли тахтачалар, муҳрлар чиққан. Хўжалиги: деҳқончилик, мисни қайта ишлаш, чорвачилик бўлган; 2) *Шумер*даги шаҳар-давлат (шумерча — У н у г, Библияда — Э р е х, юнонча — О р х о я). Мил. ав. 28—27-а.ларда (эпик ривоятларда сақланиб қолган ярим афсонавий ҳукмдорлар Энмеркар, Лугальбанд, Гильгамешлар даврида) Жан. Месопотамиядаги шаҳар-давлатлар У. гегемонлиги остида бўлган (Урукнинг 1-сулоласи). Мил. ав. 24-а.да Лугальзаггиси даврида У. Шумер пойтахти эди. 22-а. охирида У. подшоси Утухегаль Икки дарё оралиғида «Шумер ва Аккад подшолиги» барпо этган, унинг вафотидан сўнг ҳокимият Ур-Намму — Урнинг III-сулоласи асосчиси қўлига ўтган. У.мил. ав. 1-минг йиллик охирига қадар муҳим шаҳарлигича қолган. Мил. ав. 8—2-а.ларда — Бобил, сўнгра Аҳоманийлар ва Салавкийлар давлати таркибидаги мухтор саждагоҳ шаҳар. Мил. 3-а.да сосонийлар томонидан вайрон қилинган. У. ўрнида ҳоз. Варка посёлкаси (Носирия ш.дан 65 км шим.-ғарбда) жойлашган. У.да немис археологлари томонидан 20-а. бошидан мунтазам равишдаги археологик қазиш ишлари олиб борилган.

УРУМЧИ — Хитойдаги шаҳар. *Синьцзян-Уйғур мухтор районининг* маъмурий маркази. Тяньшан тоғларининг шим. этагида. Урумчи дареси водийсидаги воҳада. Аҳолиси 2 млн. кишидан ошиқ (2004), асосан, хитойлар. Муҳим иқтисодий ва маданий марказ. Транспорт йўлларининг чорраҳаси. Хитойни Европа мамлакатлари б-н боғлайдиган т.й. У. орқали ўтган. Тўқимачилик, озиқ-овқат, металлургия, кимё, машинасозлик саноатлари; нефть, қайта ишлаш корхоналари мавжуд. Ун-тлар (Синьцзян ун-ти, Ислом ун-ти), музей (5—6 минг йиллик тарихга эга экспонатлар. Тақламакон чўли атрофидаги қад. шаҳарлар харобалари орасидан топилган жасадлар ва матолар бўлаклари сақланади) бор. Шаҳар ўзининг кечки бозорлари б-н машҳур. Туризм марказларидан. Шаҳар яқинида тошкўмир қазиб олинади.

Археологик маълумотларга кўра, У. ўрнида 2500 й. муқаддам турар жойлар бўлган. Шаҳар сифатида Тақламакон чўлининг шим.дан ўтган савдо йўли ёқасида вужудга келган. Бироқ шаҳарнинг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий аҳамияти 18-а. ўрталаридан ортиб борди. 19-а.дан 20-а. ўрталаригача У.ни хитойлар Дихуа деб атаганлар. Кўҳна будда ибодатхонаси бўлгани сабабли шаҳарнинг Хунгмяози (Қизил будда ибодатхонаси) деган номи ҳам бўлган. 1954 й.дан шаҳарнинг аввалги номи бўлган У. (мўғул тилида — атрофи ўралган дала) унинг расмий номи. У.да ҳукумат ва маъмурий бинолар жойлашган.

УРУСХОН (? — 14-а. нинг 70-й.лари 2-ярми) — *Жўжи улуси*нинг шарқий қисми — *Оқ Ўрда* хони (14-а.нинг 60-й.лари биринчи ярмидан). У. давлатининг пойтахти Сиғноқ ш. бўлган. У. Оқ Ўрдадаги ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, *Олтин Ўрда*ни ҳам ўз тасарруфига киритишга ҳаракат қилган. 70-й.лар ўрталарида у Ҳожитархон, Волга-Кама Булғорияси ва Сарой Берка ш.ни эгаллаган. *Тўхтамиш* б-н кўплаб жанглар қилган. Бу жангларда ғалаба доим У. томонида бўлган. Тўхтамиш Амир Темур ҳузурига қочиб бориб, ундан ёрдам сўраган. Соҳибқирон Жўжи улусида бўлиб ўтаётган воқеаларни зийраклик б-н кузатиб борарди. Чунки

Урумчи шаҳри. Марказий қисми.

Шим. Хоразм ва Оқ Ўрда Мовароуннаҳрга чегарадош эди. У. Олтин Ўрда хонининг ўзига тарафдор, тобе бўлишини истарди. Шу туфайли у Тўхтамишни яхши кутиб олиб У.га қарши курашида унга бир неча марта ҳарбий мадад берган. Бироқ У.нинг ўғли Тўхтақия Тўхтамишга қақшатқич зарба берган, ярадор Тўхтамиш Сирдарё бўйидаги қамишзорларга яширинган, сўнгра Соҳибқирон паноҳига қочиб борган. У. Амир Темурнинг Бухородаги қароргоҳига элчилар юбориб Тўхтамишни топширишни талаб қилган. Соҳибқирон бу таклифни қатъий рад этиб, тез орада уни жангга киришини айтган. Амир Темур У.га қарши юриш бошлаган, қўшини Сирдарёдан ўтказиб, Ўтрор атрофидаги текисликда қароргоҳ қурган. У. қўшини эса, Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, Ўтрордан 24 фарсах наридаги Сиғноқда жойлашган эди. Қаттиқ қиш, тинимсиз ёмғир ва қор ҳар икки қўшин фаолиятига таъсир кўрсатган. Улар майда тўқнашувларни ҳисобга олмаганда, деярли уч ой бир-бирларига қаршилик кўрсатмасдан рўбарў турганлар. Ҳар икки саркарда ҳеч бир натижага эришолмагач, ортларига қайтишган. Шундан сўнг Амир Темур бир неча ой Кешда бўлган ва У.га қарши юриш бошлаш учун унга Тўхтамишни йўлбошловчи қилиб олган. Жайронқамишга етганларида У.нинг вафот этганидан хабар топишган. У.нинг тўнғич ўғли Тўхтақия ҳам кўп ўтмай (1375) вафот этган. Соҳибқирон Тўхтамишга керакли аслаҳаларни бериб, уни шу ерда қолдириб, ўзи Самарқандга қайтган.

У. даврида Оқ Ўрдада суюрғол низом этиш кенг амалиётда бўлган. У. вафотидан сўнг ва унинг ворисларининг қисқа муддатли ҳукмронлигидан кейин У.нинг барча ер-мулкларини Тўхтамиш Амир Темур ёрдамида эгаллаб олган (14-а.нинг 70-й.лари охири).

Ад.: Ш а р а ф у д д и н А л и Я з д и й, Зафарнома, Т., 1997; А б д у р а и м о в М., Темур ва Тўхтамиш, Т., 2000.

Фахриддин Ҳасанов.

УРУШ — ижтимоий гуруҳлар, миллат (халқ)лар, давлатлар ўртасидаги низоларнинг куч, одатда, қуролли кучлар ёрдамида ҳал қилиниши. У.да асосий ва ҳал қилувчи восита сифатида қуролли кучлардан, шунингдек, курашнинг иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва б. воситаларидан фойдаланилади. Улар давлатлар олиб борадиган ички ва ташқи сиёсат натижасидир. У. келиб чиқишининг омиллари турлича бўлиб, бу омиллар У.нинг хусусиятини ва содир бўлган даврига боғлиқ. Ҳар қандай қонли тўқнашувни У. деб бўлмайди. У. олдиндан тайёргарлик кўрилган, муайян мақсад йўлида олиб бориладиган ҳарбий ҳаракатлардир. У. ҳолати давлатлар ўртасида қуролли тўқнашувсиз ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Мас., икки давлат ўртасида У. ҳаракатлари тўхтатилгандан кейин улар ўзаро сулҳ тузишмаса, У. ҳолати давом этаверади. Бироқ, энди улар ўртасида қуролли тўқнашувлар юз бериши шарт эмас. У.ларни қуйидагича таснифлаш мумкин: жаҳон У.лари; маҳаллий У., *фуқаролар уруши*; миллий озодлик У.лари. Ж а ҳ о н У. л а р и дунёда етакчилик даъвосини қиладиган давлатларни қамраб оладиган катта ҳарбий кучларнинг қуролли тўқнашувидир. М а ҳ а л л и й У. л а р, асосан, икки ёки бир неча мамлакатлар ўртасида олиб бориладиган У.лардир. Бундай урушларнинг келиб чиқиши ҳам томонларнинг олиб бораётган сиёсати ва унинг натижаларига боғлиқ. М и л л и й о з о д л и к У.лари мамлакатни мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши учун олиб борилган. Тарихда У.лар дунё сиёсий харитасининг қайта шаклланишига, чегараларнинг қайтадан белгиланишига сабаб бўлган. Улар туфайли кўп давлатлар ўзини сақлаб қололмай, империяларга қўшилиб кетган. Улар айрим давлатларнинг парчаланиши, бўлинишига олиб келиб, уларни пароканда аҳволга солиб қўйган.

У.ларнинг саноатлашуви (яъни қуролланиш соҳасида, шунингдек, қуролли кучларни «ҳарбий машина» сифатида ташкил қилишда саноат и.ч.и усулларини қўллаш) маҳаллий У.ларнинг умумжаҳон У.ига айланишига сабаб бўлди. 20-а. бошланишидан аввал энг йирик У.ларда ҳам аҳолининг кичик қисми, одатда, жангга бевосита қатнашаётган аскарлар ва жанг содир бўлаётган ер аҳолиси иштирок этар эди. *Биринчи жаҳон уруши* кўп жиҳатдан ҳарбий кучларнинг ривожланишини белгилаб берди. Бу У. ҳам миқёси, ҳам иштирок этган давлатлар сони жиҳатидан номига яраша эди. Ундаги қурбонлар сони аввал содир бўлган У.лардагидан кўп баравар ортиб кетди. Бу У.дан сўнг инсониятга қирғин келтирувчи қуроллар яратилишига зўр берила бошланди. *Иккинчи жаҳон уруши* ва ундан кейинги ҳарбий ҳаракатларда нафақат ҳарбий, балки тинч аҳоли орасидаги қурбонлар сони ақл бовар қилмас даражада катта бўлди. Умуман, тадқиқотчилар кейинги 3 асрда минг ва ундан ортиқ одам ҳалок бўлган У.ларни ҳисоблаб чиқиб, қуйидаги рақамларни қайд этишади: 18-а.да 68 та, 19-а.да 205 та, 20-а.да 237 та У. бўлган. Уларда қурбон бўлганлар сони 18-а.да 4,4, 19-а.да 8,3 ва 20-а.да 100 млн. кишидан ортган. Сўнгги 5,5 минг йил мобайнида эса, жами 14,5 мингта яқин катта ва кичик У. (шу жумладан, 2 та жаҳон У.и) бўлган, уларда 3,6 млрд.дан ортиқ киши ҳалок бўлган, эпидемиялар ва очарчиликдан ўлган. Ҳоз. шароитда 1980-й.лар охиридан «совуқ уруш» тугаганлиги муносабати б-н жаҳон ядро У. и хавфи камайди. Бироқ локал У. деб аталган У.лар — диний, ҳудудий ва миллий жанжаллар, қабилавий адоват ва б. билан боғлиқ ҳарбий низолар давом этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти давлатлар ўртасида куч б-н хавф солиш ва куч ишлатишни инкор этувчи муносабатлар тизимини вужудга келтиришга интилиб келади. 1945 й.да БМТ Уставига У.ни халқаро муаммоларни ҳал этишнинг воситаси сифатида воз кечиш принципи киритилган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида У.ни тарғиб қилганлик учун жавобгарлик белгиланган (150-модда).

Абдуллажон Бегматов.

УРУҒ — бир аждоддан тарқалиб, умумий бир ном б-н аталувчи қон-қариндошлик жамоаси. Қариндошлик ҳисоби она (она У.) ёки ота (ота У.) бўйича олиб борилган. У юқори ва қуйи палеолит даврлари оралиғида пайдо бўлган. Улар қабилаларга бирлашган. Жамиятда табақаланишнинг пайдо бўлиши б-н бўлиниб кетган. Уруғ — қабилаларга бўлиниш қолдиқлари кўп халқларда сақланиб қолган.

Ўрта Осиё халқлари кўпгина қабила ва У.ларга бўлинган. Мас., ўзбеклар 92 дан ортиқ, туркманлар 100 дан ортиқ, қозоқлар 300 дан ортиқ қабилалар ва У.ларга, улар эса яна бир неча У.чаларга бўлинган. Улар кўпинча яшаган географик жойлари ва и.ч. турларининг номланиши б-н аталган. Туркий халқлар таркибига барлос, қиёт, қушчи, қўнғирот, уйшун, найман, чимбой, қарлуқ, кенагас, дўрмон, манғит, нукуз, уйғур, хитой, тоймас, қипчоқ, туман, минг ва б. У.лар кирган.

УРУҒ, а в л о д (лот. genus) (з о о л о г и я д а) — турдан юқори таксономик категория, филогенетик жиҳатдан ўзаро қариндош турларни бирлаштиради. Мас., бўриларнинг ўзаро ўхшаш турлари (бўри, чиябўри, койот, ит ва б.) *бўрилар* У.ига; тулкиларнинг оддий тулки, корсак, афғон тулкиси ва б. турлари *тулкилар* У.га бирлаштирилади. Битта У.га битта ёки бир нечтадан бир неча юзтагача тур кириши мумкин. Мас., енотсимонлар уруғи, битта тур енотсимон ит, айрим ҳашаротлар уруғи мингта яқин турдан иборат. Одатда, кўп

турга эга бўлган У. кенжа У.га ажратилади. Яқин уруғлар битта оилага (қ. *Оила*) бирлаштирилади. Лекин У. б-н оила ўртасида яна кенжа оила (оиладан кичик таксономик категория) ҳам бўлиши мумкин.

Ботаникада У. туркумчасига мос келадиган таксономик категория *туркум* деб аталади.

УРУҒ — 1) ўсимликларда (semen) — уруғли ўсимликлар генератив органи, ниҳол ҳосил қилиш, тарқалиш ва ташқи ноқулай шароитлардан муҳофаза қилиш функцияларини бажаради; одатда, уруғлангандан кейин уруғкуртакдан ривожланади; баъзан уруғланмасдан ҳам ривожланиши мумкин (қ. *Апомиксис*, *Партеногенез*). У. муртак (эмбрион), пўст (қобиқ) ва кўпинча захира озиқ моддалар (*эндосперм*, *перисперм*) дан иборат. Баъзан У. да бир неча муртак бўлиши мумкин. Муртак захира озиқ моддалар ҳисобига ривожланади; бу моддалар эндосперм ва перисперма тўпланиши мумкин. Эндосперм ва перисперм бўлмаган уруғларда захира озиқ моддалар (оқсил, ёғ, крахмал, қанд, витаминлар ва б.) уруғ паллаларда тўпланади. У. қобиғи уруғкуртак деворидан ҳосил бўлади. Баъзи ўсимликлар У.нинг қобиғи ташқи (этли, серсув) ва ички (қаттиқ, қуруқ), бошқа ўсимликларники қаттиқ, қалин ёки юпқа бўлади. У. нинг катталиги ва оғирлиги ҳар хил: мас., орхидеяларда чанг катталигида, пальмаларда жуда йирик. Битта мевада битттадан бир неча минг, ҳатто млн.гача У. бўлиши; битта ўсимлик (ялпиқса, бегона ўтлар) миллиблаб У. бериши мумкин. Ҳар хил ўсимликлар У.нинг униб чиқиш муддати турлича бўлиб, бу У.нинг сақланиш шароитига боғлиқ. Тарихий ривожланиш жараёнида У. ўсимликларнинг қуруқлик муҳитига мосланиши натижасида пайдо бўлган. У. озиқ-овқат сифатида ишлатилади. У.дан ун, мой, крахмал, бўёвчи ва доривор моддалар олинади. Кўпчилик ўсимликлар У.и ёки уни мол ва паррандаларга ем сифатида берилади. Ғўза У.и (чигити) толалари (пахтаси) тўқимачилик саноатининг асосий хом ашёси; 2) одам ва ҳайвонларда У. — уруғ суюқлиги, яъни *сперма*дан иборат.

УРУҒ ҲУЖАЙРА — ҳайвонлар ва кўпчилик ўсимликларда вояга етган гаплоид эркак жинсий ҳужайра (қ. *Сперматозоид*).

УРУҒДОН — одам ва ҳайвонлар эркагида уруғ ҳужайралар — *сперматозоидлар* шаклланадиган жинсий безлар. У. жуфт, баъзан тоқ бўлади. *Бўғимоёқлилар*, *нинатанлилар* ва б. солда тузилган кўп ҳужайралилар У.и жинсий ҳужайралар ниҳоятидан иборат бўлиб, уруғ ҳужайралари ана девори[illegible] ёриб (*кавакичлилар*, [illegible]) ёки чиқарув йўллари [illegible] орқали ташқарига чиқарилади. Ясси чувалчанглар У.и майда пуфакчалар шаклида. Бўғимоёқлилар У.и жуфт бўлиб, шакли ва тузилиши ҳар хил. Бош скелетлилар У.и 25 жуфтга яқин, алоҳида чиқариш йўли бўлмайди. Кўпчилик умуртқалиларда У. қорин бўшлиғида симметрик жойлашган.

Кўпчилик сут эмизувчиларда (бир тешиклилар, ҳашаротхўрлар, чалатишлилар, картумлилар, даманлар, сиреналар, курақоёқлилар, китсимонлардан ташқари) У. моян халтасида урчийди. Баъзи сут эмизувчиларда (мас., кўршапалак кемирувчиларда) У. моян халтасига фақат урчиш даврида тушади, кейин эса қорин бўшлиғига кўтарилади. Одам уруғдони эллипссимон шаклида эга (яна қ. *Моя*, *Жинсий органлар*).

УРУҒКУРТАК (ovulum), уруғмуртак — юксак ўсимликлар уруғчи тугунчаси, одатда, уруғланишдан сўнг тугунча ичида ҳосил бўладиган бўртма. У. чева барг — плацентада, уруғпоядан махсус ўсимтада битта ёки бир неча бўлиб жойлашган; шарсимон ёки тухумсимон шаклда бўлади. У.нинг марказий қисми бир қават ёки бир неча қават қобиққа ўралган ядро (нуцеллус)дан иборат. Бу қобиқлар ўсиб, битта умумий қобиққа айланиши мумкин. У.нинг микропиляр ва халазал қисмлари бўлади. Микропиляр қисм У.нинг учидаги қобиқлар тугашиб кетмасдан чанг найлари ўтадиган уруғ йўли ёки чанг йўли (микропиле) ҳосил қилади. Тухумҳужайра уруғланганидан кейин У.дан уруғ ҳосил бўлади. Ўсимликларнинг тарихий ривожланиши жараёнида У. дастлаб уруғли қирққулоқларда пайдо бўлган. Ёпиқуруғлилар уруғкуртаги энг юксак даражада тузилган бўлиб, тугунчи ичида жойлашган; ташқи ноқулай шароитлардан ҳимояланган. Тухумҳужайра уруғлангандан кейин қобиқлари уруғ пўстлоғига айланади. Тугунчада битттадан бир неча минггача У. ҳосил бўлади. У. плацентага нисбатан тўғри (атроп), тескари (анатроп), эгик (кампилатроп) бўлади. Уларнинг ўткинчи шакллари ҳам бор. У тугунчада ҳар хил ҳолатда (марказий қисмида, тугунча деворида ва тубида) жойлашади.

УРУҒКЎЧАТ — *кўчатзорда* уруғдан ўстириладиган бир ва икки йиллик ўсимликлар. Мевали ўсимликлар У.идан *пайвандтаг* сифатида, манзарали ўсимликлар У.идан ўрмон барпо ишларида фойдаланилади. Селекция У.лар ўстирилади.

УРУҒЛАНИШ, сингамия — эркак ва урғочи жинсий ҳужайралар қўшилиши. Оталиқ ҳужайра, сперматозоид, спермийнинг урғочи тухум ҳужайра б-н қўшилиб, зигота ҳосил қилиши. Зиготадан янги организм ривожланади.

Одам ва ҳайвонларда У. дан олдин оталиқ уруғ ҳужайралари урғочи ҳужайра жинсий йўлига тушиши керак. У.да тухум ҳужайра фаоллашади, яъни тухум ва уруғ ҳужайра хромосомалари гаплоид тўплами қўшилиб, хромосомалар диплоид тўплами ҳосил бўлади. Кўпчилик ҳайвонларда У. б-н бирга ривожланаётган организм жинси ҳам аниқланади. Ота ва она [illegible] белгиларининг қўшилиши туфайли [illegible] генетик комбинацияси вужудга келади. У. туфайли табиий танланиш ва тур эволюцияси учун материал бўладиган генетик хилма-хиллик келиб чиқади. У. натижасида тухум ҳужайра фаоллашиб, бўлиниши жараёни (бластомерагенез) бошланади.

Ҳайвонларда У.нинг икки шакли маълум: моноспермияда тухум ҳужайрага фақат битта уруғ ҳужайра киргандан сўнг, бошқа уруғ ҳужайраларнинг кириши блокада қилинади. Блокада қилиниш механизми тухум ҳужайра сиртида ва унинг пўстида кортикал доначаларнинг суюқлик ажратиши, тухум плазмолеммасида рўй берадиган қайталанадиган ўзгаришлар б-н юзага келиши мумкин. Моноспермия барча ташқи У. ва кўпчилик ички У. хусусиятига эга бўлган ҳайвонлар учун хос. Полиспермияда тухум ҳужайрага бир неча (бир неча ўнта) сперматозоид кирсада, бироқ булардан фақат битта уруғ ҳужайра қўшилади. У.нинг бу хили ички уруғланадиган айрим гуруҳ ҳайвонлар учун хос бўлиб, эволюция давомида иккиламчи марта келиб чиққан. У.нинг ҳар хил шаклларида гаметаларнинг ўзаро яқинлашуви ва қўшилиши, асосан, бир хил кечади. Айрим ҳайвонлар тухум ҳужайраси пўстида сперматозоид кириши учун тешикча—микропиле бўлади. Кўпчилик ҳайвонлар тухумҳужайрасида микропиле бўлмайди. Сперматозоид тухумҳужайрага акросома (сперматозоид ички қисмида жойлашган перфоратор орган) ёрдамида кириб олади. Сперматозоид тухумҳужайрага яқинлашганида акросомадан ажралиб чиққан ферментлар ҳужайра пўстини юмшатади. Сперматозоид акросомаси ёки унинг болачаси тухум пўсти орқали ўтади ва иккала гаметалар плазмолеммаси қўшилиб, ягона ҳужайра — *зигота* ҳосил бўлади.

Одам ва сут эмизувчиларнинг овуляциядан ўтган тухумҳужайраси бир неча қават фолликуляр ҳужайралар б-н ўралган. Акросома ферменти гиалуронидаза фолликуляр ҳужайраларни бир-биридан ажратадиган [illegible] моддани емиради, сперматозоидларга йўл очиб беради. Гаметалар плазмолеммасининг қўшилиши тухум ҳужайранинг фаоллашувига олиб келади. Сперматозоид [illegible] тухум ҳужайра [illegible] тушади, унинг [illegible] қисми узилиб, ташқарида қолади [illegible]. Сперматозоид центросомаси атрофида пайдо бўлган нурлар «уруғ юлдузи» деб аталади. Уруғ юлдузи иккита бўлинади ва биринчи бўлиниш [illegible] дуксимон [illegible] иштирок этади. Сперматозоид ядроси уруғ юлдузи б-н бирга тухум цитоплазмасида ҳаракатланиб, аста-секин пуфаксимон эркак пронуклеусга айланади; унинг хроматини ёйилади, ядро мембранаси майда пуфакчаларга парчаланади; пронуклеус мембранаси қайтадан шаклланади. Бундай ўзгаришлар тухум ҳужайранинг етилиб, урғочи пронуклеус шаклланиши б-н бирга боради. Урғочи пронуклеус ҳам тухумнинг ички қисмидан унинг марказига кўчади. Тухум ҳужайраси иккала пронуклеус ҳужайра марказида (сариқлик цитоплазмада бир текис тарқалганида) ёки анималь томонига сариқлик кам бўлган қисмида бир-бирига дуч келиб, қўшилишади. Айрим ҳайвонларда иккала пронуклеус ўзаро қўшилиб (кариогамия), яхлит ядро синкарион ҳосил қилади. Лекин, одатда, улар тухум бўлинишни бошлаб, ҳужайра пўсти емирилгунча алоҳида туради. Пронуклеуслар қўшилиши б-н ота ва она гаметаларининг хромосомалари биринчи бўлиниш — майдаланиш дуксида бирлашади. Ота-она генларининг бирлашуви б-н У. жараёни якунига етади.

УРУҒЛИ МЕВА ДАРАХТЛАРИ — раъноликлар оиласига мансуб уруғли мева берадиган ўсимликлар. Буларга *олма*, *беҳи*, *нок*, *дўлана*, *ирғай* ва б. киради. У.м.д. бир неча тур ва тур-хиллари ўз ичига олади. Олма, нокнинг минглаб навлари бор. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида экилади. *Данакли мева дарахтларига* нисбатан кечроқ ҳосилга киради, лекин кўп умр кўриши, совуққа чидамли, меваси узоқ сақланади.

УРУҒЛИК — экиш учун фойдаланиладиган уруғ, мева, тўпмева ва мураккаб мева қисмлари. Баъзан вегетатив йўл б-н кўпайтириладиган ўсимлик қисмлари: туганак, пиёзча ва б. ҳам У.га киради. У. навдорлик ва уруғлик сифатлари бўйича давлат стандарти талабларига жавоб берадиган бўлиши керак. Уруғлик сифати (унувчанлиги, тозалиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги) лаб. таҳлили, навдорлик сифати учун дала апробацияси асосида Давлат уруғчилик инспекцияси томонидан текширилади. У. уруғчилик хўжаликларида, қ.х. маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликларнинг уруғчилик муҳандислари экин далаларида етиштирилади. Янги навлар уруғларини кўпайтириш учун и. т. ин-тлари, қ.х. ин-тларининг ўқув тажриба хўжаликларида элита ва биринчи репродукция уруғлари олинади.

Экиш сифати ва У. стандарти бўйича 3 синфга бўлинади. Мас., чигитнинг навдорлик меъёри: элита уруғ учун 100%, 1-репродукция учун 99%, 2-репродукция учун 98% ва 3-репродукция учун 96%; унувчанлиги: 1-синф учун 95%, 2-синф учун 90% ва 3-синф учун 85%. Юмшоқ буғдой (кузги ва баҳорги)нинг навдорлик меъёри: 1-синф учун 99%, 2-синф учун 98,5%, 3-синф учун 97%; унувчанлиги тегишлича 95%, 92 ва 90%. У.га 1- ва 2-синф уруғлар ишлатилади. 3-синф фақат хўжаликнинг ўзи давлатига экилади. У.лар омборларда сақланади, кўпинча олдин тозаланади, саралаиди ва қуритилади. Экишдан олдин уруғ У. сифатини ва унувчанлигини ошириш учун зараркунандалар ва касалликларга қарши дориланади, офтобда [illegible] ва б. Ҳар тойга ёйиб шамоллатилади ва б. Ҳар бир хўжаликда уруғлик дафтари тутилиб, унга экин тури бўйича уруғлик нави, сифатлари ёзиб борилади.

УРУҒЛИК РЕПРОДУКЦИЯСИ — навдорлик бошланадиган уруғлик авлоди. Уруғчиликда элита уруғларини 1-қайта экишдан 1 — репродукция, уларнинг экишидан қайта экишдан 2-репродукция ва ҳ.к. уруғлик олинади. Дала экинларида ва ҳ.к. уруғлик 8-репродукциядан (мас. уруғчиликда 5-даврда)нинг ялпи репродукциялари экилади. Пахтачиликда 1—3 репродукциялар уруғлик чигит ҳисобланади, 4-репродукция чигитлари, одатда, техник мақсадларда ишлатилади. У.р. ортиб бориши б-н навларнинг механик ва биологик ифлосланиши натижасида популяция навлардан эса *табиий танланиш* таъсирида популяция таркиби ўзгариши оқибатида уруғлик сифати пасайиб кетади, касаллик, зараркунандалардан шикастланиш даражаси ортади. Уруғчиликни тўғри ташкил этиш б-н бу ўзгаришлар суръатларини сусайтириш учун сифати паст репродукциялар уруғлари элита ва 2-репродукция уруғлари б-н даврий равишда алмаштириб борилади (яна қ. *Нав янгилаш*).

УРУҒЛИК ЭКИШ МЕЪЁРИ — 1 га ерга экиладиган меъёрдаги кўчат қалинлиги ва юқори ҳосилни таъминлайдиган уруғлар миқдори. Ўсимликларнинг озиқланиш майдони, шохланиши, сербарг бўлиши, ҳосил миқдори ва сифати У.э.м.га боғлиқ. У.э.м. унувчан уруғлар сони (млн. дона) ва 1 га ерга сарфланадиган уруғлар (уруғлик) вазни (кг) б-н ифодаланади. У.э.м. турли экинларда озиқланиш майдонига қараб ўзгаради ва уруғнинг майда-йириклиги, экин етиштириш мақсадлари (дон, силос ва б.), тупроқ шароити, унумдорлиги, экиш усуллари, вақти ва б.га боғлиқ. Уруғлари майда экинларда У.э.м. йирик уруғли экинларга қараганда юқорироқ бўлади. Бир турдаги экинлар уруғини экиш меъёри тупроқ-иқлим шароитининг биологияси ва б.га қараб ҳам ўзгаради. Мас., жан. ва шарқий минтақаларда баҳорги буғдойнинг У.э.м. гектарига 3,5—5 млн. дона, шим. минтақаларда эса 6—7 млн. дона, яхши ўғитланган, унумдор ерларда ўғитланмаган кам ҳосилли ерларга қараганда кўпроқ бўлади.

У.э.м.ни аниқлашда уруғлик сифати, синфи, тозаси, унувчанлиги ва б. кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Мас., навдорлиги 100% бутса, экиш меъёри гектарига 185 кг, навдорлиги 94% бўлса, гектарига $\frac{185\cdot100}{94}$ = 196,8 кг бўлади.

Уруғ сони бўйича У.э.м.ни белгилаш учун 1000 дона уруғ оғирлиги, бир гектарга сарфланадиган уруғ сони ва навдорлиги маълум бўлиши керак: мас., буғдойнинг 1 га ерга белгиланган У.э.м. 5 млн. дона, навдорлиги 94%, 1000 дона уруғ оғирлиги 40 г бўлса, У.э.м. гектарига: $\frac{5{,}0\cdot40\cdot100}{94}$ = 212,7 кг бўлади.

УРУҒЧИБАРГ, мевачибарг (carpellum) — ёпиқ уруғли ўсимликлар гулларидаги орган. Тугунчанинг асосий қисми. Ундан бошланиб уруғкуртак ривожланади. Битта ёки бир неча У.дан уруғчи ҳосил бўлади.

УРУҒЧИЛИК — ўсимликшуносликнинг навдор уруғликни ялпи кўпайтириш б-н шуғулланадиган тармоғи; фан ва и.ч. соҳаси. У. *уруғшунослик* ва *селекция* б-н чамбарчас боғлиқ. *Нав янгилаш*, *нав алмаштириш* учун қ.х. экинларининг юқори сифатли навдор уруғлигини етиштириш усулларини ишлаб чиқиш ва экинлар уруғини ялпи кўпайтириш б-н шуғулланади. У.нинг асосий вазифалари — янги ва р-нлаштирилган навларнинг қимматли хўжалик сифатларини сақлаган навдор уруғлик етиштириш; янги навларни тақомил-

лаштириш; барча хўжаликларни юқори сифатли уруғлик б-н таъминлаш; янги навларни жадал кўпайтириш, и.ч.га жорий этиш ва қулай р-нларда жойлаштириш. У. Россияда 19-а.нинг 2-ярмида, Ўрта Осиёда рус олимлари иштирокида 20-а. бошларида вужудга келган. Ўрта Осиёда биринчи марта 1900 й.да қ.х. тажриба ст-ялари ташкил этилди. Улар Туркистон, Андижон, Мирзачўл, Ашхобод тажриба ст-ялари бўлиб, уларда, асосан, ғўза бўйича иш олиб борилган эди. 1910 й.да *Туркистон тажриба станцияси*да (ҳоз. Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-ти) дон экинларининг Туркистон маҳаллий навлари экилиб, биринчи марта селекция-уруғчилик нуқтаи назаридан ўрганила бошланди. Ўрта Осиёда ғўза бўйича У. 1910 й.да тажриба муассасаларида уруғлик экинзорлари ташкил этила бошлагандан кейин пайдо бўлди. 1921—34 й.ларда У. ва селекциянинг ягона тизими ишлаб чиқилди. 1925—26 й.ларда илмий У. шаклланди. Ғўза У.ги бўйича ишлар 1925 й.дан Туркистон селекция ва уруғчиликни назорат қилиш ст-ясида олиб борилди. 1926 й.да Фарғона, 1929 й.да Тошкент вилоятларида сабзавот, полиз экинларининг навли уруғлигини етиштириш бўйича уруғчилик хўжаликлари ташкил этилди. 1926—37 й.ларда донли экинлар У. б-н Каттақўрғон ва Милютин (ҳоз. Ғаллаорол) тажриба ст-ялари шуғулланди. 1927 й.да Андижонда биринчи элита экинзорлари ташкил этилди. 1931 й.да донли экинларнинг навдор уруғлиги учун давлат стандарти тасдиқланди, давлат навдор уруғлик фонди тузилди ва янги У. тизими вужудга келди. 50—60-й.ларда ҳам У. тизимини шакллантириш ишлари давом эттирилди. 1965 й.да ғўза, беда ва б. ўт экинлари селекцияси ва уруғчилиги б-н шуғулланадиган ҳоз. Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги, 1974 й.да ғалла экинлари селекцияси ва уруғчилиги б-н шуғулланадиган Ўзбекистон ғаллачилик ин-ти (собиқ Милютин тажриба ст-яси) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қ.х. экинларининг ўз уруғчилик базасини яратиш, қимматли навларнинг генофондини сақлаб қолиш, республиканинг иқлим шароитларига мослашган янги нав ва дурагайларини яратиш, қ.х.ни серҳосил ва юқори сифатли уруғликлар б-н таъминлаш, уруғчиликка жаҳон тажрибаси ютуқларини жорий этиш У.даги асосий вазифаларга айланди. Бу масала давлат аҳамиятига эга эканлиги эътиборга олиниб 1996 й. 29 авг.да Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида» қонуни қабул қилинди. 1999—2001 й.ларда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида республикада экиладиган асосий экин турлари бўйича У. бошқармалари ташкил этилди.

Ўзбекистонда У. тизимининг умумий қоидаларига кўра, и.т. муассасалари (навлар муаллифлари) суперэлита ва элита уруғлигини етиштирадилар (бирламчи У.) ва уларни кўпайтириш учун республикадаги бошқа и.т. муассасаларининг тажриба хўжаликларига ва қ.х. олий ўқув юртларининг ўқув хўжаликларига берадилар. Бу хўжаликлар уруғчилик хўжаликларини уруғлик материал б-н таъминлайдилар. Элита уруғчилик хўжаликларидаги уруғлик экинлар далаларида ўсимликларни етиштиришда навдор, сара ва сифатли уруғлик олишни таъминлайдиган махсус технологиялар қўлланилади. Ўзбекистонда шаклланган ҳоз. У. тизими мамлакатда буғдой, ғўза, маккажўхори, беда, сабзавот ва б. навли экинлар майдонларини 100% га етказиш имкониятини яратди. У.нинг ҳоз.ги замонавий тизими ғўза У.и, бошоқли дон экинлари У.и, сабзавот экинлари У.и, картошка У.и, қанд лавлаги У.и, маккажўхори У.ги, мойли экинлари ва ўтлар У.ги ва б.дан иборат.

Ғўза уруғчилиги тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: навларни дастлабки кўпайтириш, нав алмаштириш, р-нлаштирилган навлар уруғини янгилаш; уруғлик чигит фондини тайёрлаш, чигитни экишга тайёрлаш, хўжаликларни уруғлик чигит б-н таъминлаш; уруғчилик назорати. Р-нлаштирилган янги навнинг чигити дастлабки кўпайтиришдан сўнг элита уруғчилик хўжаликларининг элита кўчатзорларига экилади. Олинган чигит кейинги йили яна хўжаликда экилиб, улардан 1-репродукция чигитлари олинади, улар кейинги йиллари уруғчилик хўжаликларида экилиб, 2- ва 3-репродукция уруғлари етиштирилади. 3-репродукция уруғлари шу минтақадаги бошқа пахтачилик хўжаликларида экилади. 4-репродукция чигитлари аксарият техника мақсадларида хом ашё сифатида ишлатилади. Чигитни кўпайтиришда элитадан 4-репродукциягача бўлган жараён 5 йил давом этади. Давлат реестрига киритилган ғўза навларининг элита уруғларини етиштириш икки услубда: нав ичида чатиштириш ўтказиш орқали ёки нав ичида чатиштириш ўтказмасдан олиб борилади.

Бошоқли дон экинлари уруғчилиги тизими. Республикада ишлаб чиқилган бошоқли дон экинлари уруғчилиги тизимига асосан, *Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли экинлар институти* ва унинг Ғаллаорол ва вилоят филиаллари нав муаллифлари б-н биргаликда р-нлаштирилган ва истиқболли бошоқли дон экинлари навларининг бирламчи уруғчилик тизимини тузиб олиб борган ҳолда элита уруғчилик хўжаликларини суперэлита уруғлари б-н таъминлайди. Вилоятлардаги элита уруғчилик хўжаликлари элита ва 1-репродукция уруғларини етиштириб махсус уруғчилик хўжаликларига беради. Улар элита ва 1-репродукция уруғларини 4-репродукциягача кўпайтириб, ўзлари ва уларга бириктирилган хўжаликларни навдор, юқори сифатли уруғлик б-н таъминлайди.

Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги тизими. Сабзавот ва полиз экинларининг деярли ҳаммаси четдан чангланиб уруғ тугади, шу сабабли уларнинг навдор уруғлари бошқа навлардан масофа б-н иҳоталанган майдонларда етиштирилади. Бундай навлараро оралиқ масофаларининг узоқ-яқинлиги экин турига қараб 50 м дан 2000 м гача (карам, сабзи) бўлади. Икки йиллик сабзавот экинларининг навлари биринчи йилда бир-биридан масофа орқали иҳоталанмайди. Уруғлик майдонларда нав тозалаш ишлари олиб борилади. Бодрингда нав тозалаш ишлари 1-марта ўсимлик гуллаб мева тугканда бошланади. Уруғлик мевалар тўлиқ пишиб бошлагандан сўнг дала апробацияси ўтказилади.

Картошка уруғчилиги тизимида республикада р-нлаштирилган навларининг навдор ҳамда бирламчи уруғчилиги, четдан келтирилган навлар бўйича фақат навдор уруғчилик ишлари олиб борилади. Бирламчи уруғчилик 6 йиллик схемада (бошланғич соғлом ўсимликни танлаб клон олиш, клонларни биринчи йили синаш; клонларни иккинчи йили синаш; суперсуперэлита, суперэлита; элита) ташкил этилган. Навдор картошка уруғлари «Ўзкартошканавуруғлари» фирма хўжаликларида биринчи репродукция, шунингдек, озуқабоп картошка етиштирадиган хўжаликларнинг уруғлик участкаларида 2—3-репродукция уруғлари етиштирилади. Экиладиган туганаклар вазни 60—80 г бўлиши (айрим ҳолларда 40—50 г лилардан ҳам фойдаланиш мумкин) талаб этилади. Уруғлик учун экилган майдонлар нав софлигини сақлаш учун фитопатологик тозаланади — бегона навлар ҳамда касалланган ўсимликлар олиб ташланади.

Баҳодир Норматов.

УРУҒЧИЛИК НАЗОРАТИ — қ. *Давлат уруғчилик назорати.*

УРУҒЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ — районлаштирилган экинларнинг юқори сифатли навдор уруғларини етиштирадиган ва вилоятлар ёки зоналар хўжаликларини уруғлик б-н таъминлайдиган махсус хўжаликлар ва и.т. муассасаларининг тажриба хўжаликлари. Янги нав уруғини дастлабки кўпайтириш элита хўжаликлари ва р-нлаштирилган навлар уруғини етиштирувчи хўжаликларга бўлинади. У.х. навли уруғларни и.т. ин-тларидан олинган элита ёки суперэлита уруғлардан кўпайтиради ва хўжаликларга 1- ва кейинги репродукция уруғлари етказиб беради. Мас., Ўзбекистонда пахтачилик соҳасида 80 га яқин, шу жумладан, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги и.т. ин-тида яратилган навлар бўйича 41 та элита хўжаликларида 1- ва кейинги репродукцияли уруғлар кўпайтирилади (2001). Ҳар бир элита У.х. 40—50 минг га, йирик хўжаликлар эса 100—200 минг га пахта майдонини 1- репродукцияли уруғлар б-н таъминлайди.

УРУҒШУНОСЛИК — уруғлар тўғрисидаги фан, уруғчиликнинг назарий асоси; *агрономия*нинг бир бўлими. Экинлар уруғларининг тузилиши ва ривожланишини, уруғлик материални баҳолаш ва уни назоратдан ўтказиш усулларини ҳам ишлаб чиқади. Ёввойи флора уруғларини ўрганадиган ботаник У. (*карпология*) ва маданий флора ва унга йўлдош бўлган бегона ўтлар У.ги ёки агрономик У.га бўлинади. У. ботаника, биокимё, генетика ва б. фанлар б-н боғлиқ. У. бўйича яратилган биринчи муҳим асар немис ботаниги Ф. Ноббенинг 1876 й.да эълон қилинган китоби ҳисобланади.

Ўрта Осиёда У. Тошкентда Туркистон селекция ст-яси ташкил этилган вақтдан (1922) бошлаб ривожлана бошлади. У. ва уруғчилик назорати иши биринчи марта шу муассасада мустақил фан сифатида ривожланди. А.И. *Автономов*, М.М. *Бушуев*, Г.С. *Зайцев*, Ф.М. *Мауер*, И.А. Родимцев, Х. Раҳимов, С. Муҳаммаджонов, Р. Руденко ва б. У. фани ривожига катта ҳисса қўшдилар.

У. уруғлик экин майдонларида апробация ўтказиш, уруғларни саралаш, зараркунандалардан сақлаш, уруғлик сифатини аниқлаш, унувчанлик қобилиятини ошириш ва б.ни ўрганади. У.нинг асосий йўналишлари: уруғларнинг ҳосилдорлик сифатларини, уларнинг биологиясини ўрганиш, уруғликни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш (яна қ. *Давлат уруғчилик назорати*).

Ад.: Йигиталиев М., Муҳаммаджонов С., Дала экинлари селекцияси ва уруғчилиги, Т., 1981.

УРХОН, Ўрхон Ғозий (1281—1359) — турк султони (1324—1359), *Усмон I* нинг ўғли.

Усмон I нинг ҳарбий юришларида ёшлигидан муваффақиятли иштирок этган. Отасининг вафоти (1324) дан сўнг, бу давлатни ғарбда — *Византия* империяси ерлари ва шарқда — қўшни туркий бекликлар ҳисобига кенгайтириш жараёнини давом эттирди. 1326 й. апр.да у Кичик Осиёнинг шим.-ғарбидаги йирик шаҳар — Бурсани эгаллаб, пойтахтни Мелангиядан Бурсага кўчирган. Бир неча йил мобайнида Кичик Осиёнинг бутун шим.-ғарбий ҳудудларини забт этиб, Қора денгиз қирғоқларига, кейинчалик Дарданелл бўғозининг шарқий соҳилларигача етиб борган.

У. илк марта ўз давлатида вазир лавозимини таъсис этган ва акаси Алоуддинни вазир қилиб тайинлаган (у бу лавозимда ўлимига қадар 7 й. ишлаган). Усмонлилар давлатида кумуш танга зарб қилиниб (1327), давлат ерлари маълум бошқарув бирликларига ажратилган. Қўшинда ҳам ислоҳотлар (1329) ўтказилиб, мунтазам армия: пиёда ва отлиқ қўшинлар каби ҳарбий қисмлар ташкил қилинган. Шу жиҳатдан олганда ҳам Усмонийлар давлатининг кейинги тараққиётида У.нинг хизматлари катта бўлган.

У. фақат Византия б-н чекланмасдан, шарқий ҳудудлар ҳисобидан ҳам ўз давлатини кенгайтирган. Туркий бекликлардан бирининг ҳукмдори Элхон Эртен вафот этгач, унинг мулкини ўз давлатига қўшиб олган ва Анқарани эгаллаган (1354).14-а. ўрталарида усмонлилар армиясининг Европага денгиз йўли орқали ҳужум қилиш режасини амалга ошириш учун интилган.

У. ҳукмронлиги даврида Бурса ва Эдирнада турклашиш ва исломлашиш жараёнлари юз бериб, бу пойтахт шаҳарлар йирик сиёсий ва маданий марказларга айланган.

Ад.: Рахманалиев Р., Империя тюрков. М., 2002.

Қаҳрамон Ражабов.

УРХУН-ЕНИСЕЙ ЁЗУВИ, қадимги турк руник ёзуви — тошметалл, ёғоч ва б. га ўйиб битилган қад. туркий ёзувлар. 5—8-а. (баъзи манбаларда 8—10-а.)ларга мансуб. Урхун ва Енисей дарёлари ҳавзаларидан топилганлиги сабабли шу ном б-н юритилади. Ташқи кўринишидан гот (қад. герман) ёзувига ўхшаш бўлганлиги учун *руник ёзув* деб ҳам аталган. У.-е.ё. ҳақида дастлаб 18-а.нинг бошларида рус олими С. Ремезов, кейинроқ швед олими Ф. Страленберг ҳамда немис олими Д.Г. Мессершмидтлар хабар берган. Бу ёзув (лар)нинг туркий халқларга мансублигини биринчи марта француз олими Ж.П. Абель-Ремюза (1820), сўнгра рус олими Н.М. Ядринцев (1889) исботлаган. 1890 й. Н.М. Ядринцев ва 1891 й. В.В. *Радлов* раҳбарлигида Урхун дарёси бўйига уюштирилган археологик экспедициялар натижаси сифатида 1892 й. 2 та атлас эълон қилинди. Бу атласларда босилган У.-е.ё. матнларини биринчи бўлиб данияли тилшунос В. Томсен ўқишга муваффақ бўлди (1893 й. нояб). В. Томсендан сўнг В.В. Радлов турк шаҳзодаси Култегин (8-а.) хотирасига битилган улкан тошдаги матннинг *транслитерация* ва *транскрипция*сини тузиб, немис тилига таржима қилди. Бу материал қад. туркий тил қурилиши, фонетикаси, морфологияси ва лексикаси юзасидан дастлабки тасаввурни шакллантирди.

У.-е.ё.нинг келиб чиқиши ҳақида мутахассислар ўртасида тан олинган ягона фикр йўқ. Бу ҳақдаги нисбатан кенг тарқалган мулоҳазага қараганда, мазкур ёзув ўз келиб чиқишига кўра суғд ва паҳлавий ёзувлари орқали оромий ёзувига бориб тақалади. У.-е.ё. нинг пайдо бўлиш жойи ва вақти ҳам ҳозирча узил-кесил ҳал қилинган масала эмас. Бу ёзув пайдо бўлиш ўрни ва вақти б-н боғлиқ бўлган айрим график хусусиятлари туфайли урхун, талас, енисей вариантларига эга. Буларнинг энг қадимийси урхун вариантидир. Бу ёзувлар туркий тилларга уйғун, мос, анча мукаммал, араб ёзувидан кўра ёзилиши ва ўқилиши бирмунча қулай бўлган. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва туркий халқлар яшаган бошқа кўп жойлар араблар томонидан босиб олингач, бу мамлакатларда араб ёзуви кенг тарқалади.

Мазкур ёзув, араб ёзуви сингари, ўнгдан чапга қараб ёзилган ва ўқилган. У.-е.ё. 38 белги (ҳарф)дан иборат бўлиб, фонетик ёзув тизимига киради. Ҳар бир товуш ёки товушлар бирикмаси махсус ҳарфлар б-н ифодаланиб, бир-бирига уланмай, якка-якка ёзилган. Кўп ҳолларда (асосан, сўз бошида ва ўртасида) унли ҳарфлар ёзилмаган. У.-е.ё. да тиниш белгилари ишлатилмаган. Сўзлар, баъзан морфема ёки сўз бирикмаларини бир-биридан ажратиш учун улар ўртасига икки нуқта (:) қўйилган, шартли равишда у «айиргич» деб номланган. У.-е.ё. нинг Лена-Байкалбўйи, Енисей, Мўғул, Олтой, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Шарқий Европа каби гуруҳлари аниқлан-



Урхун-Енисей ёзувидан намуналар.

ган. У.-е.ё. ни текширишда ва ўрганишда В. Томсен, В.В. Радлов, П.М. Мелиоранский, А.А. Поповцев, Г. Гейкель, С.Е. Малов, Л.Н. Гумилёв, Ҳ. Немет каби рус ва европалик олимларнинг хизматлари катта. Ўзбек олимларидан акад. F. Абдураҳмонов ва А. Рустамов, проф. Н. Раҳмоновлар ҳам У.-е.ё. ни ўрганиб, муайян тадқиқотларни амалга оширганлар. Ушбу ёдгорликларни тадқиқ этиш ҳоз. кунда ҳам давом этмоқда. У.-е.ё.га хос айрим лексик бирлик ва грамматик шакллар ҳоз. ўзбек, уйғур, озарбайжон, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, татар, бошқирд, қорачой, болқор ва б. туркий тилларда учрайди. У.-е.ё. туркий тиллар тарихи, маданияти, этнографияси, тил ва ёзувлари тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ад.: Малов С. Е., Памятники древнетюркской письменности, М. — Л., 1951; Малов С. Е., Енисейская письменность тюрков, М. — Л., 1952; Айдаров Г., Язык орхонского памятника Бильге-Кагана, Алма-Ата, 1965; Кляшторный С. Г., Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии, М., 1964; Абдураҳмонов F., Рустамов А., Қадимги туркий тил, Т., 1982.

Низомиддин Маҳмудов, Нигматжон Раҳмонов.

УРЧИТИШ [illegible] — чорва ҳайвонларининг генетик хусусиятларини [illegible] жараёнларини бошқариш. Чорва ҳайвон зотлари, линиялари, оилаларини [illegible] чиқариш [illegible]. Селекция-наслчилик ишларининг назарий асоси (қ. Зоотехния, Зот).

УРЧУҚ, дук — толалардан қўлда ёки машинада ип йигириш ва пишитиш учун мўлжалланган мослама ёки қурилма; йигириш-пишитиш машиналарининг асосий иш органи. Шарқ мамлакатларида қўл У. қадимдан қўлланилган, машина У.лари 18-а. 2-ярмида пайдо бўлган (қ. Йигириш). Қўл У. ёғочдан узунчоқ, ошиқ шаклида ясалган мослама бўлиб, ип йигирувчи уни қўлда айлантириб турган. Шунда толалар (пахта, жун ва б.) бир-бирига илашиб, чўзилиб ва буралиб ингичка ипга айланган. Машина У.лари патрон, шпуль ва галтак кийдириб қўйиладиган мураккаб геометрик шаклли пўлат шпиндель. Қисман ип, пилта ва ипларни пишитиш (бураш) ҳамда маълум ўрам ва шаклда ўрамлар ҳосил қилишга мўлжалланган йигириш ва пишитиш машиналарида қўлланади. У.нинг табиий толалар (пахта, жун, чиғир ва б.) ва кимёвий толалар учун мўлжалланган турлари бор.



Урчуқ. 1. Қўл урчуқ. 2. Табиий толалар йигиришда ишлатиладиган машина урчуғи: 1 — шпиндель; 2 — роликли подшипник; 3 — втулка; 4 — уя; 5 — тормоз қалқа; 6 — патрон; 7 — халқа; 8 — ип.

Кимёвий тола У.лари [illegible] ҳаракатлантирилади. Кимёвий толаларни пишитишга мўлжалланган У.лар электр двигатель б-н айлантирилади. [illegible] кўп бурамли У.лар қўлланилади.

УРЧУҚ КАПТАКЕСАКЛАР [illegible] — каптакесаклар туркуми. Қурилиши каптакесакларга ёки [illegible] ўхшаш оиласи. У.к. 1,2 м гача (думи билан). Танаси [illegible] қалин. Қовоқлари ҳаракатчан. 60 га яқин тури бор. Кубанинг, Марказий Американинг [illegible]. Урчуқ каптакесак ва [illegible] урчуқ каптакесаклар (7 тури) Европа ва Шим. Америкада тарқалган. Ер юзасида, кўпинча нам жойларда. Ўзбекистонда [illegible] сариқ илон кўп учрайди. Моллюскалар, ёмғир чувалчанглари, ҳашаротлар б-н озиқланади. Тухумдан тирик туғади.

УРҒУ — турли фонетик воситалар (мас., нафас чиқаришнинг кучи, овознинг кучайтирилиши, бўғин таркибидаги унлининг чўзиқ талаффузи, тон баландлигини ўзгартириш) орқали бўғин ёки сўзни ажратиш, шу ажратишга хос кучли талаффуз. Ажратиш объектига кўра, У.нинг 2 тури фарқланади: сўз У.си (луғавий У.) ва фраза У.си (синтактик У.). Икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзларда шу бўғинлардан бирини ажратиб, кучли талаффуз этилишини сўз У.си дейилади. Сўз У.си, ўз навбатида, сўзнинг қайси бўғинида туриши, қайси бўғинга бириктирилганлигига кўра 2 га бўлинади: боғлиқ У. ва кўчма (эркин) У. Боғлиқ У. сўзда бўғинлар сони ўзгаришига (ортишига) қарамай, ўрни ўзгармайдиган У.дир (мас., рус тилида). Кўчма У. аффикслар жалб этилса сўзда бўғинлар сони орта бориши б-н ўрнини ўзгартира боради, яъни охирги бўғинга силжиб борадиган У.дир. Мас., ўзбек тилида сўз У.си шундай: ўқит — ўқитув — ўқитувчи — ўқитувчилик. Айрим ҳолатларда сўз У.си маъно фарқлаш вазифасини ҳам бажаради: олма (феъл) — олма́ (от мева); кўсма (феъл) — кўсма́ (от) ёки сўз шаклини фарқлайди: ишчимиз (бизнинг ишчи) — ишчи́миз (биз — ишчи), отингиз (сизнинг отингиз) — отинги́з (милтиқни отинг) каби.

Сўз охиридаги баъзи қўшимчалар юкламалар У. олмайди, улар У. олдинги бўғинда қолаверади. Албатта, умуман, баъзан, доимо, ҳамиша, Кобил, Ҳалима каби ўзлашма сўзларда У. сўнгги бўғинда эмас, ундан олдинги бўғинларда ҳам келади. Кўп бўғинли сўзларда, баъзан урғудан ташқари, иккинчи даражали урғу ҳам бўлади.

Фраза У.си (синтагматик У.) синтактик бутунлик таркибидаги бирор бўлакни мантиқий жиҳатдан маҳкам бўлган нутқ тактини [illegible] ажратиб кўрсатади. Фраза У.си қайси бўлакка тушса, ўша бўлак ахборот [illegible] бўлак ҳисобланади. Мас., Ўзбек спортчилари олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этдилар. — Ўзбек спортчилари олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этдилар. — Ўзбек спортчилари олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этдилар.

Ад.: Гуломов А., Ўзбек тилида урғу, Т., 1947; Маҳмудов А., [illegible] речи в узбекском языке, Т., 1969; Нурмонов А. ва б., Ўзбек тилининг назарий фонетикаси, Т., 1992.

Абдуазиз Нурмонов.

УСА — Россия Европа қисмининг шим.-шарқидаги дарё (Коми Республикасида). Печоранинг ўнг ирмоғи. Уз. 565 км, ҳавзасининг майд. 93,6 минг км². Қутбий Урал [illegible] ён бағирларидан бошланади. Ўртача сув сарфи 1310 м³/сек. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Окт.да музлаб, май — июнда музи эрийди. Ёғон оқимидан қуйилиш жойидан 325 км да кема қатнайди. Пристанлари: Абезь, Петрунь, Макариха, Усть-Уса. У. ҳавзасида тошкўмир кони (Печора кўмир ҳавзаси) бор.

УСАЙ, Хуссей (Houssay) Бернардо Альберто (1887.10.4, Буэнос-Айрес — 1971.21.9) — аргентиналик физиолог. Аргентина биол. жамиятининг президенти. Буэнос-Айрес ун-тини тугатган, шу жойда проф. (1910 й.дан; тиббиёт ф-ти, 1911). Буэнос-Айресда биол. ва экспериментал тиббиёт ин-тига асос солган ва директори бўлган (1943—55). Илмий фаолияти физиология ва эндокринологияга оид. Қалқонсимон без, гипофиз, буйрак усти бези пўстлоғи гормонларининг углеводлар алмашинувидаги аҳамиятини, шунингдек, қандли диабет касаллигида углеводлар алмашинуви издан чиқишини аниқлаган. АҚШ Миллий ФАнинг хорижий аъзоси, Лондон Қироллик жамияти ва б. ФА ҳамда жамиятлар аъзоси. Нобель мукофоти лауреати (1947).

УСЛУБ — тилнинг инсон фаолиятининг муайян соҳаси б-н боғлиқ вазифаларига кўра ажратилиши. Кишилар фаолиятининг барча соҳаларида алоқа қилиш жараёнида тилдаги лексик, фразеологик, грамматик ва фонетик воситаларни танлаш ва ишлатишда бир-бирларидан маълум даражада фарқ қиладилар. Умумхалқ тили доирасида тил воситаларининг бундай танлаб ишлатилиши нутқнинг хилма-хил кўринишларининг пайдо бўлишига олиб келади. Нутқ У.и тилнинг вазифаси б-н бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам улар вазифавий (функционал) У. деб юритилади. Вазифавий У. деганда, шундан фарқ қиладиган қандайдир алоҳида нарса тушунилмайди, балки аниқ бир адабий тил таркибидаги нутқ қаралади, ўзига хос хусусиятлари, хизмат қилиш доираси б-н ўзаро фарқ қилиб турадиган ёрдамчи тизим тушунилади.

Вазифавий У. нутқ кўринишларининг асосий вазифаларига, яъни алоқа, хабар бериш, таъсир этиш воситаси бўлишига кўра турли қисмларга бўлинади. Адабий тилнинг қуйидаги вазифавий У.лари мавжуд: 1) сўзлашув У.; 2) расмий У.; 3) илмий У.; 4) публицистик У.; 5) бадиий У. Вазифавий У.лар номлари ва улар ҳам уларнинг қандай алоқа доирасида ишлатилаётганлигига қараб белгиланади. Сўзлашув У.и — кишиларнинг кундалик норасмий, эркин муомалалари доирасида тил бирликларининг ўзига хос амал қилишидир. Вазифавий У.нинг бу тури ўзига хос иш кўрсатиш шароити, яъни фикр олишувнинг бевоситалиги, тил воситаларини танлаб ишлатилмаслиги б-н, шунингдек, оҳанг воситалари, мимика, имо-ишора кабилардан кенг фойдаланиш, оддий лексик ва фразеологик бирликларнинг, экспрессив-эмоционал воситаларнинг кенг ишлатилиши б-н ажралиб туради. Мас., фаришта — жужуқ, дунёдан ўтмоқ — жон бермоқ, имтиҳондан ўта олмаслик — имтиҳондан йиқилмоқ каби жуфтликларнинг иккинчиси асосан сўзлашув У.ига хос. Сўзлашув У.и фонетик, лексик, морфологик ва синтактик ўзига хосликларга эга. Расмий иш У. (расмий иш қоғозлари У.и) — ҳоз. ўзбек адабий тилининг расмий ёзишмалар ва юридик ишларда ишлатиладиган бир кўринишидир. Қонунчиликка оид матнлари, фармонлар, буйруқ ва [illegible] кўрсатмалар, шартномалар, ҳар хил расмий ҳужжатлар, ташкилотлар ўртасидаги ёзишмалар расмий услубда ёзилади. Бу У. бошқа У.дан луғавий ва грамматик хусусиятлари жиҳатидан фарқланади. Расмий У.да сўз ва сўз шаклларини қўллашда муайян чегараланишлар мавжуд. Хусусан, расмий иш У.ида кичрайтириш-эркалаш қўшимчаларини олган сўзлар, кўтаринки-тантанавор ёки шевага оид сўзлар, тор доирадаги кишиларгина тушунадиган сўзлар, ўхшатиш, муболаға каби образли тафаккур ифодаси учун хизмат қилувчи шакллар ишлатилмайди. Расмий иш қоғозлари матнининг холислик, аниқлик, ихчамлик, мазмуний тугалликдан иборат зарурий сифатлари уларга ўзига хос сўз қўллаш, морфологик ва синтактик хусусиятлар орқали таъмин этилади. Бу У.даги гап қурилиши, одатда, таснифловчи, қайд этувчи ва қарор қилувчи қисмларнинг бирлигига асосланади. Шунинг учун ҳам расмий иш қоғозлари (ҳужжатлар)да нисбатан узун жумлалар, мураккаблашган, уюшиқ бўлакли гаплар кўп қўлланади. Лекин гап таркибида одатдаги сўз тартибига қатъий риоя қилинади. Расмий У.да сўроқ ва ундов гаплар деярли қўлланмайди, асосан, дарак ва буйруқ гаплар ишлатилади. Матн биринчи шахс ёки учинчи шахс номидан ёзилади. Расмий иш қоғозлари матнини тузишда турғунлашган, қолиплашган сўз бирикмаларидан кенг фойдаланилади. Мас., буйруқда «... сўз масаласи б-н ... лавозимига тайинлансин», ёки хизмат ёзишмаларида «Сизга ...ни маълум қиламиз», «...га кафолат беради» каби қолиплашган тузилмалар қўлланиши мумкин.

Илмий У. — фан, техника ва ишлаб чиқариш б-н боғлиқ бўлган вазифавий У.дир. Бу У.да табиат ва ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар аниқ таърифланади, тушунтирилади. Вазифавий У.нинг бу тури терминологик ва мавҳум лексиканинг, мураккаб синтактик тузилмаларнинг қўлланиши, сўзларнинг асосан аниқ, тўғри маънода ишлатилиши, махсус ибораларга эгалиги ва ш.к. б-н ажралиб туради. Илмий У.да яна фаннинг турли соҳаларига оид рамз (символ) ва белгилар, рақамлар ҳам ишлатилади. Илмий У. ўз ичида қуйидаги майда У.га бўлинади: илмий иш У., илмий-техник У., илмий-оммабоп У., илмий-публицистик У. Фаннинг у ёки бу соҳасига тегишли тушунчаларни ифодаловчи терминларга бойлиги илмий У.нинг энг асосий хусусиятларидан биридир.

Публицистик У. вазифавий У.нинг бир тури бўлиб, у ижтимоий-сиёсий сўз ва ибораларнинг қўлланиши, жанрларнинг хилма-хиллиги ва бунинг натижасида тил воситаларидан услубий фойдаланишнинг ранг-баранглиги ва ш.к. белгилар б-н характерланади. Публицистик У. ижтимоий-сиёсий адабиётларда, вақтли матбуотда, сиёсий чиқишларда, мажлислардаги нутқлар ва ш.к.да ўз ифодасини топади. Ижтимоий-сиёсий билимларни тарғиб қилувчи ва кенг халқ оммасига етказувчи восита сифатида бу услуб тилнинг ранг-баранглиги б-н кишилар онгига кўпроқ таъсир этади. Пуб-

лицистик У.нинг яна бир хусусияти шундаки, унда қисқалик асосий ўринни эгаллайди, яъни қисқа, лўнда, тушунарли, ёрқин, ихчам тилда ёзиш асосий талаблардан ҳисобланади. Публицистик У.да тил воситаларидан фойдаланишда муаллифнинг индивидуал У.и деярли ажралиб ёки сезилиб туради. Айниқса, бу ҳолат очерк, фельетон, бадиий публицистик мақолада тез кўзга ташланади. Бадиий У.да ҳам бу ҳолат мавжуд; расмий У.да эса бундай хусусият йўқ. Публицистик У. баъзи қўлланма ва илмий адабиётларда «оммабоп У.», «матбуот У.и» каби терминлар б-н ҳам аталади.

Бадиий У. — тилнинг коммуникатив ва эстетик вазифалари бирлиги б-н бошқа У.га хос унсурлардан кенг фойдаланиши, экспрессив ва тасвирий воситаларнинг кўп ишлатилиши, сўзларнинг образли, кўчма-метафорик қўлланиши ва ш.к. белгилари б-н ажралиб туради. Тил материалини қамраб олиш имкониятининг кенглиги, умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча луғавий бирликларнинг иштирок этавериши ва уларнинг муҳим бир вазифага — эстетик вазифани бажаришга хизмат қилишини бадиий нутқ У.ининг ўзига хос хусусияти деб қараш керак бўлади. Чунки ана шундай имконият бошқа вазифавий У.да чегаралангандир. Адабий тилда диалектизмлар, жаргонлар, варваризмлардан, дағал сўзлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмагани ҳолда уларни бадиий У.да ўрни б-н қўллаш мумкин. Вазифавий У.нинг ҳеч бирида тил ўзининг тузилиш жиҳатлари, луғат таркиби, яъни сўзнинг маъно бойлиги ва ранг-баранглигини, тўғри ва кўчма маъноларни бадиий нутқ У.идагичалик намойиш қила олмайди, грамматик қурилиши, яъни гапларнинг барча типлари б-н иштирок эта олмайди. Бадиий адабиётнинг барча жанрларида сўз ишлатиш ва сўз танлаш имкониятларига бир мезон б-н ёндашиб бўлмайди. Ҳар қайси адабий жанрнинг тасвир усули, сўз танлаш йўсини шу жанрдаги асарнинг умумий мавзусига, жанр турига боғлиқ бўлади. Мас., баён шаклида ёзилган роман, ҳикоянинг тил воситалари б-н сатирик ёки юмористик асарнинг тил воситалари бир хил эмас. Булардан ташқари, синоним сўзларнинг у ёки бунисидан фойдаланиш ҳам бадиий асар жанрига боғлиқ. Мас., башар, само, ораз, мужда сўзлари, асосан, назмда қўлланади. Насрда еки сўзлашув нутқида эса буларнинг синонимлари — одам, осмон, юз, намол, хушхабар сўзлари кенг қўлланади. Бадиий нутқ У.ида ёзилган асарларни тасвирий воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Услубий фигуралар деб аталувчи тасвир воситалари — инверсия, такрор, ўхшатиш, сифатлаш, метафора, жонлантириш, антитеза, градация, эллипсис, риторик сўроқларнинг бадиий У.да фаол қўлланиши бу У.нинг ўзига хос таркиби мавжудлигини кўрсатади. Тил воситаларининг вазифавий чегараланиши уларнинг нутқ жараёнида ҳам фарқлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Ад.: Ўзбек тили стилистикаси, Т., 1983; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё., Нутқ маданияти ва услубият асослари, Т., 1992.

Неъмат Маҳкамов.

УСЛУБШУНОСЛИК — қ. *Стилистика.*

УСМАТ — *Жиззах вилояти Бахмал туманидаги* шаҳарча (1994 й.дан), туман маркази. Вилоят маркази (Жиззах)дан 70 км. Яқин т.й. станцияси — Ғаллаорол (45 км). Аҳолиси 10,5 минг киши (2004).

Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг «Китоб ал-ансоб» («Насаблар китоби») асарида (12-а.) У.нинг номи «Усманд» шаклида берилган. У.дан фиқҳшунос Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид ал-Усмандий ас-Самарқандий (12-а.), Абдулло Усматий ибн Муҳаммад Юсуф Халифа («Шарқ ал-Илёс» асарини ёзган) етишиб чиққан.

Усмат шаҳарчаси. Бахмал спорт мажмуаси.

У.да «Нурли қуёш» агрохизмат маркази, 3 умумий таълим мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, иқтидорли болалар лицей интернати, автокорхона, қурилиш материаллари и.ч. корхонаси, деҳқон бозори, спорт мажмуаси, «Мотамсаро она» Хотира хиёбони, маданият уйлари, марказий кутубхона мавжуд. Марказий касалхона, дорихона, қишлоқ врачлик пункти, 20 савдо дўкони, 15 умумий овқатланиш корхонаси, 10 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 5 тегирмон фаолият кўрсатади.

УСМОН ибн Аффон (тахм. 575—656) — дастлабки тўрт халифадан учинчиси (ҳукмронлик йиллари 644—656). Умавийлар қабиласига мансуб. Маккалик бой савдогар. Муҳаммад пайғамбарнинг дастлабки издошларидан бири. Мусулмонлар гуруҳи б-н Ҳабашистонга кўчган, 623 й.да Мадинага келган. У. аввал Пайғамбар (ас)нинг қизи Руқияга уйланган (тахм. 610), у вафот этгач, Расулуллоҳ иккинчи қизи Умму Кулсумни ҳам У.га никоҳлаб берган (623), шунинг учун «Зун-Нурайн» — икки нур эгаси, деган ном олган. У. янги халифани сайлаш лозим бўлган шуро томонидан халифа қилиб тайинланган. У. ҳукмронлиги даврида сосонийлар давлатини фатҳ этиш тугалланди, мусулмонларнинг Тунис ва Кавказорти ўлкаларидаги мавқеи мустаҳкамланди. У.нинг буйруғи б-н Қуръони карим матни тўпланиб, бир бутун (мусҳаф) китоб шаклига келтирилди ва турли ўлкаларга тарқатилди. Масжиди Набавий кенгайтирилиб, қайта таъмирланди. Румо ариғи қазилди. Умрининг охирги йилларида биринчи бор халифага мухолифат юзага келди, Куфа ва вилоятлардаги қўзғолончилар ўртасида У. сиёсатига қарши норозилик кучайди. У. Мадинада Қуръон ўқиб турган чоғида душманлари томонидан ўлдирилган.

УСМОН АЗИМ (тахаллуси; асл исм-шарифи Азимов Усмон) (1950.13.8, Бойсун тумани) — Ўзбекистон халқ шоири (2000), драматург. Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (1972). Республика радиосида муҳаррир, катта муҳаррир ва бош муҳаррир ўринбосари (1976—89), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлимида масъул котиб (1989—90). Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида сектор мудири, етакчи консультант, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси (1991—94). 2003 й.дан Ўзбек миллий академик драма театрида адабий эмаклош.

Илк китоби — «Инсонни тушуниш» (1979). Шундан сўнг шоирнинг «Ҳолат» (1979), «Оқибат» (1980), «Кўзгу» (1983), «Сурат парчалари» (1985), «Дарс» (1985), «Иккинчи апрель» (1987), «Бахшиёна» (1989), «Ғаройиб ажлархо» (1990), «Уйғонишнинг азоби» (1991), «Ғусса» (1994), «Узун тун» (1994), «Бор экан-да, йўқ экан» (1995), «Сайланма» (1995), «Куз» (2001) каби шеърий ва «Жолу» (2003) насрий тўпламлари нашр этилган.

У.А. ўзбек шеъриятининг уфқини кенгайтириб, насрий шеърлардан бармоқ вазнигача бўлган турли вазнларда ижод қилади. Дастлабки шеърларида шоирнинг давр ва жамият ҳаётидаги ўрнини тушунишга, даврнинг оғриқли масалаларига эътибор қаратди ва шу жараёнда минбар шеърияти унсурларидан фойдаланди. Кейинчалик, шоир ижодида воқеликни фалсафий-истиоравий образлар орқали идрок ва тасвир этиш маҳорати кучайиб борди. 80-й.лар ижодида кўзга ташланган бахшиёна руҳ шеъриятда янги бир йўналиш яратилишига туртки бўлди. 90-й.ларга келиб, унинг ижодида кескин ўзгариш юз берди ва шеърларида сўфиёна кайфият акс этди.

У.А. «Бахтли бўлайлик», «Ҳужжатли фильм учун сюжет», «Баҳодир ва Малика» сингари радиопьесалар ёзган. У ана шу тажрибадан фойдаланиб, 90-й.ларда драматургия б-н жиддий шуғулланди ва «Бир қалам йўл», «Кундузсиз кечалар», «Бозор» (1997), «Алпомишнинг қайтиши» (1998), «Жазава» (2000), «Бахт куни» (2002), «Ўтган замон ҳангомалари» (2003) пьесаларини ёзди. Бу пьесаларнинг аксари Ўзбек миллий академик драма театрида саҳналаштирилган. У.А. бу пьесаларда саҳна қонуниятларини яхши ҳис этувчи, драматург сифатида намоён бўлди. Айни пайтда у ҳам тарихий, ҳам психологик драмалар, ҳам оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари асосида замонавий саҳна асарларини ярата олиш истеъдодини намойиш этди. У.А., шунингдек, кинодраматургияда ҳам қалам тебратиб, «Алишер Навоий» кинoқиссаси (1990), «Алпомиш» кинодостони (1997), «Севги» (1998, шу номли ҳикоя асосида) ва 2 серияли «Алпомиш» (2000) фильмларининг сценарийсига муаллифлик қилган. Поль Элюар, В. Вашетис, Х. Доғларжа, А. Вознесенский, Ю. Марцинкявичюс ва б. шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Шеърлари инглиз, француз, немис, поляк, македон, турк, рус, грузин, эстон, литва, тожик, қозоқ ва қирғиз тилларида нашр этилган. Кўплаб шеърларига мусиқа басталанган.

У.А. халқлар дўстлиги ва ватанпарварлик ғоялари б-н йўғрилган шеърлари учун Грузиянинг Маяковский номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган (1982). «Дўстлик» ордени (1998) б-н мукофотланган.

Ас.: Сайланма, Т., 1995; Куз [шеърлар], Т., 2003; Жолу [ҳикоялар], Т., 2003.

УСМОН I, Усмон Ғозий, Усмонбей (1258, Сёгут; Эскишаҳар яқинида — 1324, Бурса) — турк султони (1299—1324), *Усмонийлар сулоласи* ва Усмонли турк давлатининг асосчиси.

Ҳарбий саркарда ва уруғ бошлиғи оиласида туғилган. Отасидан ҳарбий ишни пухта ўрганган. 1281 й.да отаси Эртуғрулдан *салжуқийларнинг Кўния султонлигига* қарашли шим.-ғарбий чегара ҳудудидаги мулкка эга бўлди. Бу пайтда Кўния султонлиги таназзулга учраб, бир неча бекликларга бўлинган эди. 1289 й. У. I нинг бей (бек) (арабча: амир) унвони Кўния султони томонидан эътироф этилиб, унга ҳокимият рамзи — ноғора ва бунчук берилган. 1291 й.да У. I Меланияни забт этган ва пойтахт (қароргоҳ)ни бу ерга кўчирган.

1299 й.дан У. I мустақил беклик (бейлик) ҳукмдори. Айнан ушбу йилдан янги мустақил туркий давлат ташкил топганлиги тарихчилар томонидан эътироф қилинади. Кейинчалик бу бейлик ўз асосчисининг номи б-н Усмон бейлиги (беклиги), Усмонлилар давлати деб аталган. *Усмонли турк империяси* ҳам шу номдан олинган. У. I юнонлардан Ер Ҳисор қалъасини ҳам тортиб олган (1299). У. I ғарбда — *Византия* империяси ерларини забт этиш эвазига ўз давлати ҳудудини тобора кенгайтириб борган. Бурсани қамал қилиб, унинг атрофларини эгаллаган. У. I ва унинг вориси (ўғли) — *Урхон* туркий қабилалар бошлиқларининг қурултойида бекларбеги (бей) — ҳукмдорлик унвонига сазовор бўлган. У. I даврида ўғуз туркларининг қайи уруғи, кейинчалик Усмонли турк султонлигидаги халқлар усмонлилар деб аталган. У. I Бурса ш.да дафн этилган. Ундан 2 ўғил: Алоуддин ва Урхон қолган.

Ад.: Эрол Гунгўр, Тарихда туркий давлатлар, Т., 2003; Новичев А. Д., Турция. Краткая история, М., 1965.

Қаҳрамон Ражабов.

УСМОН МАМАТҚУЛ ЎҒЛИ (1880 — Учқўрғон тумани Хўжаобод қишлоғи — 1941) — ўзбек халқ достончиси. Ундан «Бўтакўз», «Шохдорхон», «Кундуз билан Юлдуз» достонлари ёзиб олинган. «Шоҳдорхон», «Бўтакўз» достонлари алоҳида китоб ҳолида нашр этилган (1968).

УСМОН НОСИР (тахаллуси; асл исм-шарифи Носиров Усмон) (1912.13.11, Наманган — 1944.9.3, Кемерово вилояти Мариинск ш. яқинидаги Сусловo қишлоғи) — шоир. Камбағал ҳунарманд оиласида туғилган. 4 ёшидан отасидан етим қолиб, дастлаб тоғаси қўлида тарбияланган. 1921 й.да ўгай отаси б-н бирга Қўқонга кўчиб борган. Шу ердаги «Янги ҳаёт» ва иккинчи босқич мактаблари (1921—29)да ўқиган. Сўнгра Москвадаги Кинематография ин-тининг сценарий ф-тида 1 йил таҳсил кўрган (1929—30). Ўқишни давом эттирмай, Қўқондаги қисқа муддатли таълим ва тарбия курсларида ўқитувчи, илмий бўлим мудири ва шаҳар театрида адабий эмаклош бўлиб ишлаган (1930—33). Самарқанддаги Пед. академия (ҳоз. СамДУ)нинг тил ва адабиёт ф-тида бирмунча муддат таҳсил олишда давом этган (1933—34). Кейин Тошкентга кўчиб келиб, «Ёш ленинчи» газ.да ишлаган (1934) ва эркин ижод б-н машғул бўлган.

«Ҳақиқат қалами» илк шеъри 1927 й. «Янги йўл» газ.да, фуқаролар уруши мавзуига бағишланган «Норбўта» номли биринчи достони 1931 й. «Янги Фарғона» газ.да, «Қуёш билан суҳбат» ва «Сафарбар сатрлар» дастлабки шеърий тўпламлари эса 1932 й.да эълон қилинган. Шундан кейин У.Н.нинг «Нахшон» (1934) достони, «Тракторобод» (1934), «Юрак» (1935) ва «Меҳрим» (1936) шеърий китоблари нашр этилган.

У.Н. 30-й.ларнинг бошларида ўзбек шеъриятига чақмоқ ўлароқ кириб келди. У. ижодининг дастлабки кезлариданоқ ҳаётда рўй бераётган муҳим воқеа ва ҳодисаларни лирик қаҳрамоннинг ҳиссиёт ва кечинмалари орқали ифодалашга, янги тарихий давр қаҳрамонини топишга интилди. «Тожихон», «Исроил» каби шеърларида янги давр қаҳрамони образини маҳорат б-н яратди. У.Н. қисқа муддат ичида шеърият санъатини мукаммал эгаллаб, гўзал лирик шеърлар ёза бошлади. У.Н.нинг «Монолог», «Юрак», «Яна шеъримга», «Нил ва Рим» сингари шеърлари нафақат унинг, балки шу давр ўзбек шеъриятининг энг юксак намуналаридан бўлди. «Нахшон» достони эса шоирнинг лиро-эпик жанрларда ҳам бадиий юксак асарлар яратиш мумкинлигини намойиш этди.

У.Н. қисқа ижодий умри давомида драматургия соҳасида ҳам қалам тебратиб, «Зафар» (1929), «Назиржон Ҳалилов» (1930), «Душман» (1931), «Сўнгги кун» (1932) сингари саҳна асарларини ёзган ва бу асарлар Қўқон шаҳар театрида саҳналаштирилган. Шоирнинг «Атлас» (1935) пьесаси ўз вақтида ҳаваскорлар театри саҳнасида қўйилган.

У.Н. ижодида таржима, айниқса, муҳим ўринни эгаллайди. А.С. Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани» ва М.Ю. Лермонтовнинг «Демон» достонларини моҳирлик б-н ўзбек тилига таржима қилди. 1937 й. бошларида В. Киршоннинг «Улуғ йўл» драмаси У. Н. таржимасида Ҳамза театрида саҳнага қўйилган.

У.Н. 1937 й. 13 июлда «халқ душмани» сифатида ҳибсга олиниб, дастлаб Магадан, сўнгра Кемерово вилоятларидаги қамоқхоналарга юборилган ва ўша ерда вафот этган. Тошкент ш.даги Фаробий қабристонида ва Кемерово вилояти Суслово қишлоғидаги маҳбуслар қабристонида унинг хотирасига рамзий сағана барпо этилган.

Наманган, Қўқон ва Тошкентдаги бир неча кўча, мактаб, техникум ва жамоа хўжаликларига У.Н. номи берилган.

Ас.: Юрак, Т., 1984; Унутмас мени боғим, Т., 1982.

Ад.: Ғафуров И., Лириканинг юраги, Т., 1982; Каримов Н., Усмон Носир, Т., 1993; Каримов Н., Усмон Носирнинг сўнгги кунлари, Т., 1994; Рашидова Н., Усмон Носир, Т., 2003.

УСМОН ХЎЖА, Пўлатхўжаев Усмон хўжа (1878, Бухоро — 1968.28.7, Истанбул) — давлат ва жамоат арбоби. Бухородаги *жадидчилик* ҳаракати намояндаси. Бухоролик савдогар оиласида туғилган. Бухорода мадраса таҳсилини олган ва дастлабки янги усул мактабларидан бирини очган. 1908 й.да Истанбулда ўқиган. 1912 й. бошларида У.Х. Бухорога қайтгач, *«Тарбияи атфол»* махфий ташкилотининг фаол аъзоларидан бирига айланган.

1917 й.да У.Х. *Ёш бухороликлар* партияси МК таркибига киритилган. *Колесов воқеасидан* сўнг, Тошкентда Ёш бухороликларнинг сўл эсерлар гуруҳини тузган (1918 й. апр.). Ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюросининг аъзоси (1920 й. фев.).

Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, У.Х. БХСР молия нозири (1920), Давлат назорати нозири (1921), БХСР Марказий Ижроия Қўмитасининг дастлабки раиси (1921 й. авг. — 1922 й. бошлари). У.Х. БХСР ҳукуматининг аксарият арбоблари сингари Бухоро Республикасининг ўз миллий армияси, миллий ҳукумати бўлган мустақил республикага айлантирмоқчи эди. У.Х. БХСРдан совет Россиясининг қизил аскарлари олиб кетилишини ҳамда Бухоронинг мустақиллиги учун изчил курашди. У.Х. 1922 й.дан шўролар б-н алоқасини узиб, Кобулга келгач, Россияга қарши кураш олиб бориш учун БХСР нинг давлат бошлиғи сифатида Афғонистон амири *Омонуллахон* б-н шартнома имзолаган (1922 й. 29 апр.). У Бухоронинг миллий армияси учун хорижий давлатлардан қурол-яроғ сотиб олишга ҳаракат қилган.

У.Х. Анқарада Турк Культури (Турк Маданияти) ин-тини ташкил қилишда катта жонбозлик кўрсатган. Туркистон тарихига оид кўплаб асарлар, жумладан, «Туркистон» (Истанбул, 1936) рисоласининг муаллифи.

Ад.: Садриддин Айний, Бухоро инқилобининг тарихи учун материаллар, М., 1926; Файзулла Хўжаев, Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997; Аҳмад Заки Валидий Туғон, Бўлинганни бўри ер (Хотиралар), Т., 1997; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2 китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Ражабов Қ., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

Шодмон Ҳайитов.

УСМОНЛИ ТУРК ИМПЕРИЯСИ, Усмонлилар давлати [Европада Оттоман империяси деб аталган] — Кичик Осиё, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Шим. Африка, қисман Кавказ ва Қримда *усмонлилар сулоласи* бошқарган давлат (1299—1922). У.т.и. га *Усмон I* асос солган.

Бу давлат дастлаб Кичик Осиёнинг шим.-ғарбий қисми Эски шаҳар ва Анатолия ҳудудида *салжуқийларнинг Кўния султонлигига* тобе кичик бир бекликл (бейлик) шаклида ташкил топган. Бу бекликнинг илк ҳукмдори *Эртўғрул* бўлса ҳам унинг ўғли — Усмонбей даврида беклик мустақил давлатга айланганлиги учун унинг номи б-н Усмонли беклиги деб аталган. Кейинчалик бу давлат У.т.и. номини олиб, ўрта асрларда жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бирига айланди. Усмон I ва унинг ўғли *Урхон* бек (бей) унвонини қабул қилган бўлса, Урхоннинг ўғли *Мурод I* давридан бошлаб ҳукмдорлар султон деб аталган.

Усмон Ғозий давридаёқ қўшни *Византия* империясига қарши бир қанча ҳарбий юришлар қилиниб, Қорача Ҳисор ва Ёр Ҳисор қалъалари, Бурсанинг атрофлари эгалланган. Унинг ўғли Урхон Ғозий Византиянинг Бурса, Никея, Никомедия шаҳарларини истило қилиб, 14-а.нинг ўрталаридаёқ Қора денгиз ва Мармар денгизи соҳилларига чиққан. Бу даврда усмонли турклар (улар ўғуз туркларининг қайи уруғига мансуб бўлган) Дарданелл бўғозидан ўтиб, Европа ҳудудига киришган. 1356 й.да Болқонни забт этиш тугалланиб, Европа ҳудудида янги Рум эли (*Румелия*) вилояти таъсис этилган. Айнан шу пайтдан Усмонлилар давлатининг салтанатга айланиш жараёни бошланган. 1360 й. *янича*р (туркча: янги черик) — махсус пиёда қўшин ташкил қилинган.

Давлатнинг дастлабки пойтахти Мелангия, 1326—62 й.ларда Бурса бўлган. Султон Мурод I, 1362 й.да пойтахтни Бурсадан Эдирна (Адрианополь)га кўчирган. Унинг ҳукмронлик даврида Европада янги ҳудудлар забт этилган. Косово майдонида бўлган жанг (1389)да сербларни мағлубиятга учратгач, Сербия У.т.и.га қўшиб олинди. Султон *Боязид I* Йилдирим Болгариянинг пойтахти Тирново (1393)ни эгаллаб, Никополь остоналарида салибчи рицарларнинг бирлашган 60.000 кишилик қўшинини мағлубиятга учратган (1396) ва Византиянинг пойтахти Константинополни қамал қилишга киришди. У Болгария, Валахия, Македония, Фессалияни ўз давлати таркибига киритди. Бироқ, 1402 й.да бўлган *Анқара жангида Амир Темур* қўшинидан У.т.и. нинг мағлубиятга учраши Византия империясини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолди. Султон *Меҳмед I* ва *Мурод II* ҳукмронликлари даврида қўлдан кетган ҳудудлар қайтариб олинган. Алоҳатли ва инсофли ҳукмдор сифатида ном чиқарган Мурод II Ғозий 1422 й. Константинополга ҳужум қилади. Варна яқини (1444 й. 10 нояб.) ва Косово майдони (1448 й. 17—19 дек.)да чех-венгерлар қўшинини мағлубиятга учратиб, 1449—50 й.ларда Албания устига 2 марта юриш қилган.

Мурод II нинг ўғли *Меҳмед II Фотиҳ* турк қўшинларига шахсан ўзи қўмондонлик қилиб, жаҳонгирлик сиёсатини олиб борган. У Шарқий Рим империяси — Византиянинг пойтахти Константинополни 40 кунлик қамалдан сўнг эгаллаб (1453 й. 29 май), Византия империясини тугатган. Константинополь туркча Истанбул номи б-н аталиб, пойтахт бу ерга кўчирилган. Бу ғалабадан сўнг Меҳмед II Фотиҳ Болқон ва Марказий Европа мамлакатларини забт этишга киришган. Сербия (1459), Моравия (1460), Босния (1463), Валахия (1476), Албания (1479) Трапезунд — Трабзон (1461) эгалланган. Қрим хонлиги тобе давлатга айлантирилган (1475). *Оқ қўюнли давлати* ҳукмдори *Узун Ҳасанга* қарши ҳарбий ҳаракатлар кучайтирилган. Европанинг Италия, Германия, Австрия каби давлатлари ҳудудларининг эгаллаш режаси тузилиб, амалий ҳаракатга ўтилган. Бу даврда ҳарбий ва маъмурий бошқарув соҳасида катта ислоҳотлар ўтказилиб, улкан салтанатни мустаҳкамлаш чоралари кўрилган. Айниқса, адабиёт, санъат ва меъморчилик гуллаб-яшнаган.

Султон Боязид II, *Салим I* ва *Сулаймон I Қонуний* ҳукмронлик қилган даврларда салтанат ҳаддан ташқари кучайган. Хусусан, Салим I Ёвуз Эрон сафавийлари шоҳи *Исмоил I* қўшинини ичиб ташлайди (1514 й. 23 авг.). Ироқ, Шом (Сурия), Фаластин, Мисрни эгаллаб, Қоҳирага киради (1517). Бу пайтда Мисрдан ташқари Шим. Африканинг Жазоир ҳудуди, шунингдек, Болқон, Арабистон, Жан.-Шарқий Анадолу ҳам У.т.и. таркибига кирган. Ҳалабда бўлган жума намози (1516 й. 28 авг.)да султон Салим I га «икки муқаддас шаҳар хизматчиси» фахрий унвони берилиб, халифа сифатида унинг номи хутбага қўшиб ўқилган (Усмонли султонлар шу кундан эътиборан то 1924 й.гача айни пайтда ислом оламининг халифаси ҳам ҳисобланган). Султон Сулаймон I ҳам жаҳонгирлик сиёсатини давом эттирган. Венгрия босиб олингач, турклар Венани 1-марта қамал қилишган (1529). Польша ва Украинага қўшин жўнатилиб, Эгей денгизидаги Родос ва б. ороллар ишғол қилинган. Сулаймон I Қонуний «Муқаддас Рим империяси»га қарши курашиш учун Франция қироли Франциск I б-н биринчи франциузтурк сиёсий шартномаси ва савдо битимини имзолаган (1535). 1556 й.га келиб У.т.и. га Кичик Осиё ҳудуди, Ғарбий Грузия, Ғарбий Арманистон, Ливан, Сурия, Ироқ (Бағдод б-н бирга), Фаластин, Ҳижоз, Яман, Миср, Триполи, Жазоир, Юнонистон, Болгария, Венгрия, Сербия, Босния, Валахия, Трансильвания, Молдавия, Қрим кирган. Бу пайтда у жаҳондаги энг қудратли салтанатлардан бири ҳисобланган. Салтанатнинг улкан ҳудуди 3 қитъа: Европа, Осиё, Африканинг катта қисмини эгаллаган бўлиб, унинг майд. 8 млн. км²га етган. 16-а.да туркларнинг кучли денгиз флоти бутун Ўрта денгиз ҳавзасини назорат қилиб турган.

Султон Мурод III ҳукмронлиги даврида Кипр о. бўйсундирилган. Бу пайтда Гибралтар бўғозидан Форс қўлтиғигача, Дунайдан Нил соҳилларигача бўлган ҳудуд султонликка қараган.

Бироқ 17-а. охиридан бошлаб султонликнинг ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий қудрати аста-секин заифлаша бошлаган. Европа мамлакатлари ўзаро иттифоқ тузиб, У.т.и.га қарши курашга чоғланганлар. Вена атрофида бўлган 2-жангда турк қўшини Австрия, Германия, Польшанинг бирлашган армиясидан енгилган (1683). Мунтазам давом этиб турган Россия-Туркия урушлари (1676—81, 1684—99, 1710—11, 1768—74, 1787—91, 1807—12, 1828—29, 1853—56, 1877—78, 1914—16 ва б.) оқибатида У.т.и. аста-секин заифлашиб борган. Ҳатто бу пайтда *ваҳҳобийларнинг* таъсири кучайиб, улар инглизларнинг ёрдамида Форс қўлтиғидаги Эл-Хаса (1792), Карбало (1801), Макка ва Мадина (1803—06)ни эгаллаб, туркларга қарши қирғин уюштирган.

Салим III ва Маҳмуд II ҳукмронликлари даврида салтанатни парчаланиб кетишдан сақлаб қолиш учун ислоҳотлар ўтказилган. Султон Абдулмажид яна ислоҳотлар (қ. *Танзимат*) ўтказиш (1839) орқали, бир томондан, султонлик инқирозини тўхтатишга, иккинчи томондан, янги турк зиёлиларини (улар ўзларини янги усмонлилар дейишган) шакллантиришга муваффақ бўлди. Бу пайтда бўлган *Қрим урушида* Туркия ўзининг эски рақиби *Россия империяси* устидан ғолиб чиқди ҳамда Қора денгиз ва Дунай дарёсидаги мавқеини қайта тиклади. Танзимат ва 1876 й.да қабул қилинган дастлабки конституция султон *Абдулҳамид II* томонидан бекор қилингач (1878), мамлакатда истибдод даври бошланган. Бу даврда султонлик Европа давлатларига иқтисодий жиҳатдан қарам бўла бошлаган. 19-а. охири — 20-а. бошларида *«Иттиҳод ва тараққий»* партияси аъзолари мамлакатда конституцион монархия ўрнатиш учун қатъий ҳаракат қилишган (қ. *Туркия*).

1922 й. 1 нояб.да Туркия Буюк Миллат Мажлиси султонликни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мустафо Камол (*Отатурк*) бошчиликдаги ва султонларга қарши кўтарилган миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилиб, султонликнинг асосан турклар яшайдиган ҳудуди — Кичик Осиё ва қисман Европада 1923 й. 29 окт.да Туркия жумҳуриятига асос солди.

Усмонлилар давлатининг Ўрта Осиё хонликлари билан ўзаро муносабатлари. Асрлар давомида икки халқ вакиллари, аввало, уламолар, олимлар, шоирлар, санъаткорлар мадрасаларда биргаликда таҳсил олишлари, зиёратлари, савдо-сотиқ муносабатлари ва ўзаро ташрифлар жараёнида дўстона алоқалар ўрнатганлар. Икки ўртадаги муносабатларда давлат раҳбарлари томонидан олиб борилган элчилик алоқалари муҳим ўрин тутади.

Сафавийлар давлатига қарши биргаликда курашиш учун султон Салим I элчи Муҳаммадбек орқали Шайбонийлар ҳукмдори *Кўчкунчихонга* ўзаро мактуб жўнатган (1514). Хусусан, султон Сулаймон I Қонуний ва Бухоро хони *Убайдуллахон* Эронга қарши биргаликда курашиш учун ҳаракат қилишган. Шайбонийларнинг Самарқанддаги ҳукмдори *Абдуллатифхонга* Сулаймон I катта миқдорда қурол-яроғ жўнатган (1551). Бухоро хони *Субҳонқулихон* сул-

Венанинг қамал қилиниши (1529 й.); олдинда Сулаймон I Қонунийнинг чодири; миниатюра.



тон Сулаймон II ҳузурига элчилар юбориб (1690) дўстона муносабатларни ривожлантирган. Бухоро амири *Дониёлбий* 1779 й.да Эрназар Масъуд ўғлини дастлаб Россия империяси сўнгра Усмонлилар султонлигига элчи қилиб тайинлаб, ўзаро алоқани мустаҳкамламоқчи бўлган. Дониёлбий 1783—84 й.ларда 2-марта султон Абдулҳамид I ҳузурига Муҳаммад Шарифни элчи қилиб жўнатган. Турк султони элчиси Маҳмуд Саид оға Бухоро амири *Шоҳмурод* ҳузурида бўлади. (1786) Султон Салим III ҳам 1789 й.да ўз элчиларини юборган. Бухоро амири *Ҳайдар* девонбеги Эшмуҳаммад ва Мирзо Муҳаммад Юсуф қўрчибошини мактуб б-н Истанбулга юбориб, султон Маҳмуд II дан шариатга доир китобларини сўратади (1815). Маҳмуд II ўз элчиси Ҳасан Чалабийдан Бухорога 32 жилдли китоб юборган. Хива хони *Оллоқулихон* хонликка қарши *Перовский экспедицияси*дан сўнг Истанбул ва Англияга элчилар юбориб, ҳарбий ёрдам сўрайди. Бироқ, Хива хонига масофа олислиги учун ҳарбий ёрдам жўнатилмай, тўп ясовчи турк усталари юборилади. Қўқон хони Султон Саййидхон (1865) ва Бухоро амири *Музаффар* муфтий Хожа Муҳаммад Порсоий (1866) элчи қилиб Истанбулга жўнатишган ва султонликдан ҳарбий ёрдам сўраган.

Шунингдек, мазкур давлатлар ўртасида маданий алоқалар кенг йўлга қўйилган. Асли бурсалик Қозизода *Румий* Мирзо *Улуғбек*нинг расадхонасида мудирлик қилган, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида бош мударрис бўлган. Улуғбек ўлимидан сўнг унинг шогирди *Али Қушчи* Истанбулда султон Меҳмед II саройида хизмат қилган ва аё-София мадрасасининг бош мударриси бўлган. Жалолиддин *Румий*нинг бутун онгли фаолияти Қўния (Кичик Осиё)да кечган. *Тасаввуф*нинг *нақшбандия* ва *яссавия* тариқатлари У.т.и. ҳудудида ҳам кенг тарқалиб, бу ерда *Баҳоуддин Нақшбанд* ва Аҳмад *Яссавий*нинг Юнус Эмро, Хожа Бектош Вали, Киййикли бобо сингари издошлари етишиб чиққан. Тилшунос олим, шоир ва элчи *Сулаймон Бухорий* 19-а. ўрталарида Истанбулда яшаб, «Луғати чиғатой ва турки усмоний» (2 жилдли) луғатини тузган.

20-а. бошларида Туркистондан борган 100 дан ортиқ талабалар (уларнинг орасида *Фитрат*, *Усмон Хўжа*, Отаулла Хўжаев, Бекжон *Раҳмонов* ва б. бўлган) Истанбулда таҳсил олган. Ёш туркларнинг ғоялари *Ёш бухороликлар* ва *Ёш хиваликлар* дунёқарашига ижобий таъсир қилган. «Иттиҳод ва тараққий» партияси маориф бўлими мудири доктор Нозим ва туркистонлик талабалар ташаббуси б-н Истанбулда «Бухоро таълими маориф жамияти» (1908) ташкил қилинган. Жамият Истанбулдаги Ғалаба кўприги ёнидаги янги Жомеъ масжидида туркистонлик ўқувчилар учун алоҳида мактаб очган ва уларни текин ўқитган. Жамият томонидан Фитратнинг кўплаб асарлари илк марта Истанбулда босилган.

Ад.: Алиев Г.З., Турция в период правления младотурок, М., 1972; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Рахманалиев Р., Империя тюрков, М., 2002; Эрол Гунгур, Тарихда турклар давлатлар, Т., 2003; Мирзо Салимбек, Кашкули Салимий. Таворихи муттақадимин ва мутааххирин, Бухоро, 2003.

УСМОНЛИЛАР СУЛОЛАСИ — Кичик Осиё, Болқон, Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Шим. Африка, қисман Кавказ ва Қримда ҳукмронлик қилган турк султонлари сулоласи (1299—1922). *Усмонли турк империяси* давлатини бошқарган. Сулола номи унинг асосчиси *Усмон I* ибн Эртўғрул номидан олинган.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшовчи ўғуз туркларининг қай (қайиғ) уруғига мансуб қавм *Эртўғрул* бошчилигида 13-а. 20-й.лари — *мўғуллар истилоси* даврида Кичик Осиёга бориб, ўрнашиб қолишган. Улар *салжуқийлар*нинг *Кўния султонлиги* ҳудудида мустақил беклик ташкил қилишган. Эртўғрул беклик бошқарувини 1281 й.да ўғли Усмон I Ғозийга топширган. Бу беклик 1299 й.да ўзини мустақил давлат деб эълон қилган. Кейинчалик бу давлат Усмонли турк султонлиги номи б-н дунёга танилиб, ўрта асрларда жаҳондаги энг қудратли давлатга айланган. Сулола вакиллари ўзларини аввал бек (бей), сўнгра султон (*Мурод I* дан бошлаб) деб атаганлар, кейинчалик энг юқори диний унвон — халифа унвонини ҳам ўзларига қўшиб олганлар (*Салим I* дан бошлаб). У.с. султонлари қуйидагилардан иборат:

Усмон I (1299—1324), *Урхон* (1324—1359), Мурод I (1359—1389), *Боязид I* (1389—1402), Боязид I ўғиллари Сулаймон Чалабей, Мусо Чалабейлар, Меҳмед Чалабейларнинг тахт учун кураши (1402—13), *Меҳмед I* (1413—21), *Мурод II* (1421—44; 1446—51), *Меҳмед II Фотиҳ* (1444—46; 1451—81), Боязид II (1481—1512), Салим I (1512—1520), *Сулаймон I Қонуний* (1520—66), Салим II (1566—74), Мурод III (1574—95), Меҳмед III (1595—1603), Аҳмад I (1603—17), Мустафо (1617—18; 1622—23), Усмон II (1618—22), Мурод IV (1623—40), Иброҳим (1640—48), Меҳмед IV (1648—87), Сулаймон II (1687—91), Аҳмад II (1691—95), Мустафо II (1695—1703), Аҳмад III (1703—30), Маҳмуд I (1730—54), Усмон III (1754—57), Мустафо III (1757—74), Абдулҳамид I (1774—89), *Салим III* (1789—1807), Мустафо IV (1807—08), *Маҳмуд II* (1808—39), Абдулмажид (1839—61), Абдулазиз (1861—76), Мурод V (1876), *Абдулҳамид II* (1876—1909), Меҳмед V Рашид (1909—18), Меҳмед VI Ваҳидуддин (1918—22), Мустафо Камол (*Отатурк*) ташаббуси б-н Туркияда султонлик тугатилгач (1922 й. 1 нояб.), сўнгги султон Меҳмед VI хорижга жунаб кетишга мажбур бўлган.

Ад.: Босворт К.Э., Мусульманские династии, М., 1971; Стэнли Лэн-Пуль, Мусульманские династии, Москва—Ташкент—Бишкек, 1966.

Қаҳрамон Ражабов.

УСМОНОВ Ботир Мақсудович (1984.15.4, Самарқанд) — оғир атлетикачи, халқаро тоифадаги спорт устаси (2001), «Ўзбекистон ифтихори» (2001). Самарқанд ш. республика Олимпия захиралари билим юртини тугатган (2002). Ўзбекистонда спорт устаси унвонига сазовор бўлган энг ёш оғир атлетикачи (1998). Ёшлар ўртасида Осиё (1999, Ухан; 2000, Ченжу; 2001, Нанчан; 2003, Бали), катталар ўртасида Ўзбекистон (2002, 2003, 2004) чемпиони. Кўплаб нуфузли мусобақалар совриндори. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ўқийди (2004). Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигида спорт йўриқчиси (2001 й.дан).

УСМОНОВ Жўрахон (1923— Сирдарё вилояти ҳоз. Ховос тумани Сават қишлоғи —1945.14.2) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, катта сержант. 1942 й. мартдан фронтда. 237-ўқчи полки (Марказий фронт 65-армиянинг 69-ўқчи дивизияси) взвод командири ёрдамчиси. 1943 й. 29 сент.да Карповка қишлоғи (Гомель вилоятининг Лоев тумани)да Сож дарёсини кечиб ўтишда жасорат кўрсатган. 1944 й. 15 янв.да Қаҳрамон унвони берилган. Қишлоғидаги мактаб ва Ховос посёлкасидаги кўча унинг номи б-н аталган.

УСМОНОВ Ислом [1922, Тошкент вилояти, Калинин тумани (ҳоз. Тошкент ш. Чилонзор тумани ҳудуди) — 1944.13.1, Запорожье] — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, кичик сержант. 1942 й.дан фронтда. 1118-ўқчи полки (3-Украина фронти 6-армиянинг 333-ўқчи дивизияси) бўлинма командири. 1943 й. 26 нояб.га ўтар кечаси биринчилардан бўлиб, Днепрнинг ўнг қирғоғига ўтган. Запорожье вилоятидаги Канавское қишлоғи учун бўлган жангларда жасорат кўрсатган. 1944 й. 2 фев.да (вафотидан сўнг) Қаҳрамон унвони берилган. Тошкентдаги у яшаган маҳаллада бюсти ўрнатилган ҳамда кўчалардан бирига номи қўйилган.

УСМОНОВ Маҳмуд (1910 — Тошкент — 1997.1.7) — ганчкор уста, Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистон халқ рассоми (1977). Ҳунарни отаси уста Усмон *Икромов*дан, кейинчалик *Уста Ширин* Муродовдан ўрганган. У. ижодида Тошкент ганчкорлиги санъати анъаналарини ривожлантирди, уни янги мазмун б-н бойитди; ислимий ва гириҳ нақшларини маҳорат б-н қўллаб жозибадор нақш мужассамотлари яратди; у ишлаган нақшлар на-

фис, аниқ ва лўнда, ўймалари мукаммаллиги б-н диққатга сазовор. У. Ўзбекистон амалий санъат музейи (собиқ Половцев уйи)ни таъмирлашда, *Навоий театри* ва *Муқимий театри*ни безашда фаол қатнашган; Ҳамза театри (1967—68), Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи (1968), Самарқанд аэропорти (1969), Ўзбекистон халқлари тарихи музейи (1969—70), Ўзбекистон санъат музейи (1973), «Буюк ипак йўли» метро бекати (1980) ва б., шунингдек, хорижда (Донецк, Киев, Тошҳовуз, Чимкент ва б.) жамоат биноларини ганчкорлик б-н безашда усталарга раҳбарлик қилган. У. педагог сифатида фаолиятини болалар уйида бошлаган (1935—48), Тошкентдаги болалар ва ўқувчилар уйлари, саройида ганч ўймакорлиги тўгарагига раҳбарлик қилган (1948—68); Беньков номидаги республика рассомлик билим юртида дарс берган (1952—60). У. кўплаб шогирдлар тайёрлаган, улар (Абдураҳим *Умаров*, А. *Султонов*, М. *Султонов*, фарзанди Мирвоҳид *Усмонов* ва б.) устозларининг ишларини давом эттирмоқда.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970).

Ад.: Санъатим — саодатим, Т., 1983.

Маҳмуд Усмоновнинг сўнгги иши.

УСМОНОВ Мирвоҳид (1946.9.5, Тошкент) — ганчкор уста, Ўзбекистон халқ устаси (2001). Тошкент политехника ин-тининг меъморлик ф-тини тугатган (1972). Уста Маҳмуд Усмоновнинг ўғли, сулола давомчиси. У ижодий фаолиятини Навоий театри биносининг ички безакларини таъмирлашдан бошлаган (1966); Ўзбекистон тарихи музейи, Тошкент метрополитенининг «Буюк ипак йўли» ва «Амир Темур» бекатларини ҳамда Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳарларидаги йирик маъмурий биноларнинг безатишда муаллифлик ишларини бажарган. Хорижий мамлакатларда ҳам йирик бинолардаги безакларни ўзбек амалий безак санъати анъаналарида бажарган (мас., Малайзиядаги йирик музей биноси).

УСМОНОВ Муталлиб Аҳмедович (1924.10.12, Андижон вилояти, Избоскан тумани — 1994.18.12, Тошкент) — исломшунос-файласуф олим. Фалсафа фанлари д-ри (1979), проф. (1993). Ўрта Осиё ун-тининг шарқшунослик ф-тини (1952), Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясини (1961) тугатган. Андижондаги туман ва вилоят газлари муҳаррири, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи (1952—57). 1961—65-й.ларда партия органларида ишлаган. Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тида бўлим мудири (1965—81; 1984—90), собиқ СССРнинг Афғонистондаги элчихонасида маслаҳатчи (1981—84), Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида етакчи консультант (1991—1994). Айни вақтда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида Қуръони каримни таржима қилиш гуруҳининг ва шу ин-тдаги исломшунослик бўлимининг бошлиғи (1990—1994). У.нинг илмий фаолияти ислом дини, унинг ақидалари, маросимларига, Қуръон шарҳларига бағишланган. У. атеизм ҳукмронлик қилган советлар тузуми даврида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Қуръони карим таржимаси ва илмий шарҳига қўл урган, бу борада кўплаб илмий оммабоп китоблар нашр этган. У.нинг масъул муҳаррирлигида «Ислом» маълумотномаси (1986; 1-нашри), «Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги илмий изоҳли таржимаси»нинг академик нашри чоп этилган (2004).

Ад.: Диний ақидалар ва уларнинг моҳияти, Т., 1972; Ислом ақидалари ва маросимлари, Т., 1975; Қуръони карим ва жаноби Расулуллоҳнинг амаллари, Т., 1992.



УСМОНОВ Саидмаҳмуд Нуъмонович (1929.18.5, Чимкент ш. — 2000.11.3, Тошкент) — агроном-иқтисодчи олим. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФА акад. (1991), иқтисод фанлари д-ри (1980), проф. (1981), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи (1979). Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1951). СоюзНИХИ да аспирант (1951—54), катта илмий ходим (1955—56). Тошкент олий партия мактабида ўқитувчи (1956—58). Ўзбекистон КП МК қ.х. бўлими мудири ўринбосари, Ўзбекистон КП Сурхондарё вилоят қўмитаси котиби (1958), Сурхондарё вилоят ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон КП МК котиби (1959—61), Куба ҳукумати ҳузурида совет бош маслаҳатчи-ташкилотчилар гуруҳи бошлиғи (1962). ЎзССР Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш вазирининг 1-ўринбосари (1963—64), Ўзбекистон КП Самарқанд вилоят қўмитасининг 1-котиби (1964—73), Ўрта Осиё қ.х. иқтисодиёти и.т. ин-ти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари (1973—75), шу ин-т директори (1976—91). Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФА нинг 1-вице-президенти (1991—93) ва президенти вазифасини бажарувчи (1993—97).

Ўзбекистон агросаноат мажмуида бозор ислоҳотлари и.т. ин-ти маслаҳатчиси (1997—2000).

Илмий ишлари меҳнатни иқтисодий рағбатлантириш, қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш, Ўзбекистон агросаноат мажмуини ривожлантириш масалаларига бағишланган.

Ас.: Экономика сельского хозяйства и организация заготовок в потребительской кооперации, Т., 1968; Қишлоқ хўжалик экономикасининг актуал масалалари, Т., 1987; Семейный подряд в сельском хозяйстве Узбекистана, Т., 1989; Путь экономиста, Т., 2003.

УСМОНОВ Файзулла Асадуллаевич (1935.30.4, Тошкент) — геолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1995). Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1998). Геол. ва минералогия фанлари д-ри (1979). Ўрта Осиё политехника ин-тини (1957), Тошкент ун-тини тугатган (1969). ЎзР ФА Геология ва геофизика ин-тида илмий ходим ва гуруҳ раҳбари (1957—84), бўлим мудири (1984—1992), ин-т директори (1992—2001), шу ин-тда математик геология лаб. мудири (1992 й.дан). Илмий фаолияти геологик тадқиқотларни математикалаштириш ва компьютерлаштиришга қаратилган. У. Е.Э.Раҳимова б-н ҳамкорликда биринчи марта Ер йўлдошларидан олинган маълумотлар бўйича геологик объектларда минералларни миқдорий аниқлашнинг назарияси ва услубларини яратди. У. статистик назарий таҳлил асосларини ва конларни башорат қилиш учун янги математик усуллар тавсия қилди ва улар асосида компьютер дастурлар мажмуасини ва «Геоанализ» номли компьютер ахборот тизимини яратди. У. Ўзбекистон геологлари миллий қўмитасининг вице-президенти, «Геология ва минерал ресурслар» журнали бош муҳаррири.

Ас.: Основы математического анализа геологических структур, Т., 1977; Математические методы в региональной геологии и металлогении, Т., 1984.

УСМОНОВ Ўктам (1938.25.7 — Қибрай тумани Байтқўрғон қишлоғи — 1990.3.1) — ёзувчи, журналист. Низомий номидаги Тошкент педагогика ин-тининг тарих-филол. ф-тини тугатган (1959). «Ленин учқуни», «Совет Ўзбекистони» газ.ларида адабий ходим ва бўлим мудири (1959—72). Республика партия МКда масъул ходим (1972—82), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида котиб (1983—86), «Совет Ўзбекистони» газ.да Бош муҳаррир (1987—90). Дастлабки ҳикоялари 50-й.ларнинг охирларида эълон қилинган. Биринчи ҳикоялар тўплами — «Гулдаста» (1964). Шундан кейин «Бас бойлашган бола» (1965), «Баҳор чақмоқлари» (1970), «Нотинч кеча» (1976), «Сирли соҳил» (1981), «Кишан» (1984), «Қисмат» (1988) ҳикоялар ва қиссалардан иборат китоблари чоп этилган. У. ижодида «Гирдоб» (1979) романи муҳим ўрин тутади. Роман асосида яратилган видеофильм халқ орасида шуҳрат қозонган. Асарда зиёлиларнинг машаққат ва изланишларга тўла ҳаёти, ҳақиқат ва ноҳақлик ўртасидаги шиддатли курашлар, зиддиятлар маҳорат б-н тасвирланган. Азиз, Маҳаматчатоқ образлари ҳаётий, самимий бўёқларда чизилган. Т. Драйзернинг «Америка фожиаси» романини, А. Ширвонзоданинг «Номус» қиссасини ўзбек тилига таржима қилган.

УСМОНОВ Қаҳрамон (1940.15.9, Жондор тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1962). 1962 й.дан Жондор туманидаги мактабларда мат. ўқитувчиси, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, директор, 1999—2001 й.ларда 20-ихтисослашган иқтидорли болалар интернат мактабида мат. ўқитувчиси.

УСМОНОВ Ҳамдам Усмонович (1916.16.10 — Тошкент — 1994.5.7) — кимёгар олим, Ўзбекистон ФА акад. (1966). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1966). Кимё фанлари д-ри (1954), проф. (1955). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1937). Уруш қатнашчиси (1941—45). Ун-т физик кимё кафедраси доценти (1946—54), лаб. мудири (1954—73). Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти директори (1952—56), Ўзбекистон ФА Ўсимлик моддалари кимёси ин-ти директори (1956—59), Ўзбекистон ФА Полимерлар кимёси ин-ти директори (1959—62). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси ва кимё фанлари бўлими акад.-котиби (1962—64). Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси и.т. институти директори ва лаб. мудири (1963—82), бош маслаҳатчи (1982 й.дан). Илмий ишлари целлюлоза кимёси ва физикаси, пахта толаси, линти, чиқиндилари ва фтор-полимерларни ўрганишга оид. У. раҳбарлигида пахта целлюлозаси олишнинг жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган бир қанча технологик тизимлари ишлаб чиқилган. Ғижимланмайдиган газмол и.ч. технологияси, гиббиет полимерлари, фторли полимерлар ва б. амалиётга жорий қилинган. Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1977).

Ас.: Электронная микроскопия целлюлозы (в соавторстве), Т., 1962; Перспективы химической переработки отходов хлопководства (в соавторстве), М., 1964; Световая и электронная микроскопия структурных превращений хлопка (в соавторстве), Т., 1974; Надмолекулярная структура гидратцеллюлозных волокон (в соавторстве), Т., 1974.

Ад.: Аҳмеров Қ., Ўзбекистон кимёгарлари, Т., 1974; Ҳамдам Усмонович Усмонов (биобиблиография), Т., 1976.

УСМОНОВА Купансин (1952.2.11, Зангиота тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). ТошДУ ни тугатган (1974). 1970 й.дан Тошкент туманидаги 84-, 1972—2003 й.ларда Асака туманидаги 7-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Мактабда намунали она тили ва адабиёт хонасини жиҳозлаб, уни турли кўргазмали қурол ва техник воситалар б-н бойитган.

УСМОНОВА Юлдуз (1963.12.12, Марғилон ш.) — эстрада хонандаси. Ўзбекистон (1995), Қорақалпоғистон (2000) халқ артисти. Тошкент консерваториясини тугатган (1988). Ўзи ташкил этган ансамблнинг якканоз хонандаси (1989 й.дан). Дардли ва ширали овоз соҳиби. Миллий эстрада қўшиқчилигига катта ҳисса қўшиб келмоқда. У. ижоди хонандалик ва актёрлик санъатининг омухталиги, жўшқинлик, кўтаринкилик, бадиий изланувчанлик, ҳар бир қўшиқ талқинида мусиқа ва саҳна воситаларининг эркинлиги б-н ажралиб туради. Репертуаридан ўрин олган аксарият қўшиқларнинг (сўзи ва мусиқаси) муаллифи. Халқ куй-оҳанг андозаларини ижодий қўллаш орқали ватанпарварлик руҳидаги жўшқин монолог, Муҳаммад Юсуф ва б.нинг шеърлари асосида ўзига хос даъват қўшиқларни яратди («Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон», «Ўзингдан қўймасин, халқим», «Элим», «Ўзбегим», «Халқ ишар» ва б.). Шунингдек, 20-а. ўзбек қўшиқчилиги анъаналарида лирик («Настарин», «Олов ёнар юрагимда», «Қизил олма» ва б.), ҳажвий («[illegible]», «Бухоролан куёв келди» ва б.), лирик-драматик («Онаизор», «Ғийбат, бўҳтон уларидан», «Шоҳ ва гадо», «Отажон», «Оллоҳим», «Муҳаммад Юсуфга» ва б.) қўшиқлар, бир қатор хориж ва қардош халқлар эстрада қўшиқлари [жумладан, «Я, ҳабиб» (арабча), «Дунё» (туркча), «Паркардигори» (тожикча) ва б.]ни маҳорат б-н ижро этган. «Болажон» кинофильмида бош қаҳрамон ролини ўйнаган, кунгина («Темир эркак», «Олдиндаги фаришта», «Тоҳир ва Зуҳра», «Сарвиноз» ва б.) кинофильмлар учун қўшиқлар ижро этган. Бир неча халқаро эстрада танловлари лауреати (Юрмала, 1989; Олмаота, 1991 ва б.). «Шарқ қўшиқлари қироличаси» унвонига сазовор бўлган (2000, Туркия). Ижролари 3 грампластинка ва 20 дан ортиқ компакт дискта ёзилган. Европа, Осиё, Америка, Шим. Африка мамлакатларида гастролда бўлган. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

УСМОНХЎЖАЕВ Иномжон Бузрукович (1930.21.5, Боғдод тумани) — партия арбоби. Ўрта Осиё политехника ин-тининг архитектура ф-тини тугатган (1955). Марғилон ш. бош меъмори (1959), Фарғона вилояти партия комитети инструктори (1960), Фарғона вилояти ижроия қўмитаси бошқарма бошлиғи (1961), Фарғона ш. ижроия қўмитаси раиси (1962—64). Сирдарё вилояти партия комитети котиби (1965—69), КПСС МК инструктори (1969—72), Наманган вилояти ижроия қўмитаси раиси (1972—74), Андижон вилояти партия комитети 1-котиби (1974—78), Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси (1978—83), Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби (1983—88). У. республикага раҳбарлик қилган йилларда сиёсий ва иқтисодий вазият ёмонлашди, у қатъиятсизлиги ва журъатсизлиги туфайли Марказнинг тазйиқига дош бера олмай, 1984—88 й.ларда Ўзбекистоннинг кўплаб хўжалик ва партия арбобларини «пахта иши» ва «ўзбеклар иши» деган сохта сиёсий айбловлар натижасида қатағон қилинишига, халқнинг миллий ғурури ва қадриятлари камситилишига йўл қўйиб берди.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ўзбекистон тарихи (1917—1981 й.), Т., 2002; Азизхўжаев А., Чин ўзбек иши, Т., 2003.

УСМОНХЎЖАЕВ Ҳалим Ҳайдарович (1919.20.11 — Тошкент — 1993.9.4) — механика соҳасидаги олим, Ўзбекистон ФА акад. (1984). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980). Тошкент тўқимачилик ин-тини тугатган (1950). Шу ин-тда и.т. сектори бошлиғи (1950—52), ассистент (1951—52), ўқитувчи (1954—57), декан (1958—61), Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида ўзи ташкил қилган механизм ва машиналар назарияси лаб. мудири (1961 й.дан). Илмий ишлари, асосан, машина агрегатининг динамикаси, пахта териш ва тозалаш машиналари, тўқимачилик машиналари назариясига доир. У. раҳбарлигида пахта териш машиналарининг иш унумини оширувчи ва пахтанинг тўкилишини камайтирувчи таркибий *шпиндель* яратилган ва и.ч.га жорий қилинган. У. шпиндель типлари траекториясига қараб техник режимини аниқлашга имкон берувчи «Универсал энгиноциклограф» асбобини яратган, пахта териш машинаси унумдорлигини олдиндан аниқлаш формуласини ишлаб чиққан. У. газлама тўқиш автомат станоги мокиси найчаларини алмаштиришдаги энергияни аниқлаш асбоби ва б. ихтиролар муаллифи. Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1989).

Ас.: Механизм ва машиналар назарияси [Дарслик], Т., 1970; Кинематика и динамика механизмов и машин (в соавторстве), Т., 1969; Тайны хлопка и чудесные механизмы, Т., 1979; Теория механизмов и производительность хлопкоуборочных машин, Т., 1990.

УСМОНҚОРИ (Раимбеков, 1886 — Марғилон — 1968) — халқ қизиқчиси. Қизиқчиликни *Саъди Махсум*дан ўрганган. 20 ёшида рус циркига ишга кириб, *Юсуфжон қизиқ* б-н танишади ва унинг ҳамкорига айланади. Паканадан келган, кўзлари сузук, ҳамиша шўх ва қувноқ У. оғзаки танқидий комедияларда ҳам, қуш ва ҳайвонлар тақлидини яратишда ҳам машҳур бўлган. Циркда ўйналадиган масхарабозликни ҳам яхши билган. Унинг репертуарида юзга яқин турли қизиқчиликлар бўлган. У қад. оғзаки қизиқчиликларни тиклаш, замонга мос қайта ишлаш ишига катта ҳисса қўшди. Москвада ўтказилган ўзбек санъати биринчи декадасида У. «Сайл» ва «Колхоз тўйи» инсценировкаларида ўн қизиқнинг бири бўлиб, «Заркокил» комедиясида, «Кичкинажон» кулки-ўйинида, «Соқиё» номли ялладли кулки-ўйинида, аския пайровларида фаол иштирок этди. У халқ ижодкорларининг вилоят ва республика кўрикларида, 1940 й. Тошкентда ўтказилган халқ қизиқчилари мусобақасининг фаол иштирокчиси. «Кетмон талаш» (эр ролида), «Келин туширди» (Куёв), «Бола ўқитиш» (Талаба), «Пул қисташ» (Уста) каби йирик комедиялардаги ижроси б-н шуҳрат қозонган.

Ад.: Қодиров М., Ўзбек театри тарихи, Т., 2003.

УСОМА ибн МУНҚИЗ (1095.24.6, Шайзар ш. часи, Сурия шим. — 1188, Дамашқ) — араб ёзувчиси, тарихчи, саркарда. Турли ҳоким ва амирларнинг хизматида бўлиб, ҳаётининг кўп қисми жангу жадаллар, саргузаштларда кечган.

У. и. М. нинг «Китоб ул-мавоқиф вал-масокин» («Манзиллар ва масканлар китоби», 1182) эсдаликлари машҳур. Ушбу китобнинг ягона қўлёзмаси 1880 й.да Эскуриал (Испания) кутубхонасидан топилган. Ўзбек тилида «Ибратли китоб» (1980) номи б-н нашр этилган. Салиб юришлари ҳақида яратилган кўплаб тарихий ва адабий асарларнинг муаллифлари Европа тарихчи ва ёзувчилари бўлган ва улар бу жараённи ўз қарашлари ва манфаатларига мувофиқ ҳолда ёритганлар. «Ибратли китоб» эса салиб юришларининг бевосита шоҳиди бўлган араб ёзувчиси қаламига мансубдир. У.и. М. нинг ушбу китоби қизиқарли бадиий-автобиографик асар бўлиш б-н бирга муҳим тарихий манба ҳам ҳисобланади: унда 12-а.да яшаган арабларнинг турмуш тарзи, ўрта аср араб шарқининг ҳаёти, арабларнинг салибчиларга муносабати акс эттирилган.

Турли манбаларда У.и М. нинг шеърий девони ва «Ибратли китоб» дан ташқари 10 га яқин асари борлиги қайд этилган. Лекин бизгача улардан фақат 2 таси етиб келган. Биринчи асари шеърий услуб ҳақида бўлиб, унда бадиий санъатлар тавсифланган. Иккинчи асари «Китоб ул- уккоз» («Ҳассалар ҳақида китоб») деб аталиб, унда Исо пайғамбар (ас) асо (ҳасса) сидан бошлаб, ҳамма афсонавий, мўъжизакор ҳассалар ҳақидаги ривоятлар ва У.и.М. қариган чоғида тутган ҳассаси ҳақида ҳикоя қилинган.

УСПЕНСКИЙ Виктор Александрович [1879.19(31).8, Калуга — 1949.9.10, Тошкент] — композитор, этнограф, педагог, мусиқа жамоат арбоби, санъатшунослик д-ри (1943). Ўрта Осиё мусиқий фольклористикаси асосчиларидан.

Туркманистон (1929) ва Ўзбекистон (1937) халқ артисти. Петербург консерваториясини тугатган (1913). 1917 й.дан Тошкентда. Туркистон халқ консерваторияси (1918), Маориф халқ комиссарлиги ҳузуридаги мусиқий этнография секцияси (1920) ташкилотчиларидан. Тошкент халқ консерваториясининг Эски шаҳар бўлими раҳбари (1919—22), Бухоро Шарқ мусиқа мактабида ўқитувчи (1923), Ўзбек мусиқа техникуми (ҳоз. Тошкент мусиқа коллежи)да миллий мусиқа бўлими раҳбари (1928—34). Санъатшунослик ин-тида мусиқа кабинети мудири (1932—49), Тошкент консерваториясида педагог (1936 й.дан), проф. (1943—49).

У. 1919—23 й.лар Ўрта Осиё халқларининг этнографик концертларини уюштирган. Ота Жалол, Ота Ғиёслардан Шашмақомнинг чолғу ва ашула бўлимларини (1923), Ш. Шоумаровдан Фарғона — Тошкент мақом йўллари (1934)ни нотага олган. Фольклор-этнографик экспедицияларини уюштириб, юзлаб ашула, катта ашула, чолғу куй ва халқ қўшиқларини (Фарғона водийси, 1927, 1931), 350 дан ортиқ туркман қўшиқ ва чолғу куйларини (Туркманистон, 1925, 1927, 1929) ёзиб олиб нашр эттирган: «Шашмақом» (М., 1924), «Туркман мусиқаси» (М., 1928), «Ўзбек вокал музикаси» (Т., 1950) ва б.

У. «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид пьесаси, 1936; 2-таҳрири Г. Мушель б-н ҳамкорликда, 1937) мусиқали драмаси, «Муқанна» симфоник сюитаси, «Туркманча каприччио», «Ўзбекча поэма- рапсодия», «Лирик поэма» (1947, Навоий хотирасига бағишланган) каби симфоник асарлар, спектакль («Ёрилтош», Г. Мушель б-н), кинофильмлар («Равот қашқирлари» ва ҳ.к.)га ёзилган мусиқалар ва б. муаллифи. Буларда У. ўзбек, туркман халқлари фольклорига таянган. У. бир неча ўзбек халқ қўшиқ ва куйларини қайта ишлаган («Ўрта Осиё халқларининг 4 куйи» ва б.). Тошкентдаги махсус мусиқа интернат-мактаби ва мусиқа лицейига У. номи берилган.

Ад.: Пеккер Я., Виктор Александрович Успенский, Т., 1959; Виктор Александрович Успенский (Научное наследие...), Т., 1980.

УСПЕНСКИЙ Фёдор Михайлович (1902.8.2, Кострома губернияси, Берисечка қишлоғи — 1984.15.5, Тошкент) — энтомолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1972), қ.х. фанлари д-ри. Ленинград амалий зоология ва фитопатология ин-тини тугатган (1929). Самарқанд ўлка ва Хоразм округ, Наманган вилояти ўсимликларини ҳимоя қилиш ст-ялари ва танич пунктларида йўриқчи (1929—38). СоюзНИХИ ўсимликларини ҳимоя қилиш ст-ясида катта илмий ходим (1938—44), лаб. мудири (1945—58), Ўрта Осиё ўсимликларини ҳимоя қилиш ин-тида лаб. мудири (1958—62), директор ўринбосари (1962—69), катта илмий ходим-маслаҳатчи (1970—84). Илмий ишлари оддий туркистон ўргимчакканаси биологиясини ўрганишга бағишланган. У. иштирокида бу ҳашаротга қарши кураш тадбирлари тизими яратилган; экинлар зараркунандаларига қарши кураш ва кимёвий ишлов бериш муддатларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Ас.: Обыкновенный паутинный клещ орошаемых районов Средней Азии, Т., 1966; Паутинный клещ биоценоз хлопковых полей и система приёмов интегрированной борьбы с главнейшими вредителями хлопчатника в Узбекистане, Т., 1970.

УССУРИ — РФ Приморье ва Хабаровск ўлкаларининг Хитой б-н бўлган чегарасидаги дарё. Амурнинг ўнг ирмоғи. Сихоте-Алинь тоғларидан бошланадиган Улахе ва Даубихе дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Уз. 588 км. Улахе дарёси б-н бирга 897 км. Ҳавзасининг майд. 193 минг км². Ёмғир, қор ва ер ости сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи қуйи оқимида 1150 м³/сек., энг кўп сув сарфи — 10520 м³/сек. Балиқ кўп. Қуйилиш жойидан 622 км масофада кема қатнайди. Юқори оқимида Лесозаводск ш.гача ёғоч оқизилади. У.нинг қуйилиш жойида *Хабаровск* ш. жойлашган.

УССУРИЙСК (1898 й. гача Никольское қишлоғи, 1926 й. гача Никольск, 1935 й. гача Никольск-Уссурийский, 1957 й.гача Ворошилов) — РФ Приморье ўлкасидаги шаҳар. Раздольная дарёси бўйида. Владивосток ш.дан 112 км шимолда. Т.й. станцияси. Аҳолиси 157,8 минг киши (2002). Машинасозлик ва кислород з-длари, енгил (тикувчилик ф-каси, кўн-пойабзал бирлашмаси), озиқ-овқат (ёғ-мой, шакар-қанд, ун ва гўшт к-тлари) корхоналари бор. 2 олий ўқув юрти, 2 театр, Приморье давлат музейининг бўлими мавжуд. Шаҳар 1866 й.да барпо қилинган.

УСТА — 1) касб-ҳунар эгаси; малакали мутахассис: пичоқчи У., мискар У., каштадўз У. ва ҳ.к.; 2) касб-ҳунар, илм ва ш.к.ни ўргатувчи, устоз.

УСТА АБДУЗОҲИД (тахм. 1852—1917) — самарқандлик наққош, моҳир ва чаққонлиги б-н шуҳрат қозонган. У. А. шогирдлари уста Бақо, уста Абдуғанилар б-н бирга ишлаган: Абду Дарун мажмуасидаги янги айвон (1908), Шоҳизинда масжиди айвони (1908—10), Боғи Баланд масжиди (1910), Маҳмуд Хоразмий масжиди ва б. асосий ишларидан.

УСТА АЗИМ (1853—1895) — самарқандлик ганчкор, бинокор. Қорабой оқсоқол масжиди гулдастаси, Муборак масжиди, Шарбатдор масжиди ва б.ни қурган. У. А. ганч ўймакорлиги ва қурилиш техникасини пухта эгаллаган усталардан бўлган.

УСТА АЛИ МАҚБАРАСИ (1-номсиз мақбара) — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (14-а. 80-й.лари); *Шоҳизинда* таркибида. Мақбарада қаршилик Уста Али Насафий номи сақланганлиги учун унинг номи б-н аталади. Мақбара тўртбурчак тарҳли (8,1× 9,8 м), бир хонали, пештоқ-гумбазли, гумбази 16 қиррали баланд асосга ўрнатилган. Мақбарага пештоқидаги чуқур равоқли эшик орқали кирилади. Мақбара остида тўртбурчакли сағана жойлашган. Пештоқ, равоқлари, ички деворларидаги ранг-баранг кошинкори ўсимликсимон, гириҳ нақшлар араб ёзувидаги китобалар б-н уйғунликда ҳамда мутаносибликда маҳорат б-н бажарилган. Мақбаранинг ён тарзлари сидлиқланган ғиштлар б-н қопланган бўлиб, ораларига шаклдор «печак»лар ишланган. Сержило безакларга бойлиги учун «гулдор» мақбара деб ҳам аталади.

Уста Али мақбараси.

УСТА ОЛИМ Комилов (1875, Марғилон — 1953.3.4, Тошкент) — созанда (доира, ноғора, чанг), миллий куй, усул ва рақслар билимдони, педагог, ўзбек саҳнавий рақс санъатининг асосчиларидан. Меҳнат Қаҳрамони (1932), Ўзбекистон халқ артисти (1937). Марғилонда Масаид оқадан доира чалишни ўрганган. Дастлаб Марғилон яллачилари, созандаларга журнавозлик қилиб, тўй, сайил, кейинчалик чойхоналарда хизмат қилган. Ўзбек давлат концерт- этнографик труппаси (1929 й.дан Ўзбек давлат мусиқали театри, 1939 й.дан Ўзбек давлат опера ва балет театри)да доирачи; рақс студиясида дарс берган (1926—43).

У.О. ўзбек рақс санъати ривожига катта ҳисса қўшган. У. тузлаган ва ўзи яратган ўзбек рақси усуллари раққосалар учун асосий қўлланма бўлиб қолди. У.О. *Тамарахоним* ва М. *Турғунбоева* каби раққосалар устозидир. Тамарахоним б-н ижодий ҳамкорликда қад. ўзбек рақсларини саҳналаштирган, уларнинг айримларини раққосалар ансамбли ижросига мослаштирган («Занг», «Гул ўйини», «Садр», «Дароздан гул ўйин» ва ҳ. к.), янги «Пилла», М. Турғунбоева б-н «Пахта», ўзи «Тантана» рақсларини яратган. «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид пьесаси; В. Успенский, Г. Мушель мусиқаси), «Гулсара» (К. Яшин, М. Муҳамедов; Р. Глиэр) спектаклларига рақслар саҳналаштирган, «Пахта» (Н. Рославец, 1933), «Шоҳида» (Ф. Таль, 1939) балетларини саҳналаштиришда қатнашган.

У.О. ижросидаги халқ доира усулларининг кўпи Ил. Акбаров («Доира усуллари», Т., 1952), В. Успенский, Е. Романовскаялар томонидан ёзиб олинган. У.О.нинг ижро услуби зарблар жилвадорлиги ҳамда тембр воситаларининг хилма-хиллиги б-н ажралиб туради. Т. Иногомов, К. Азимов, А. Тўйчиев ва б. доирачиларга устозлик қилган.

Москвада ўтказилган миллий театрлар олимпиадаси (1930), ўзбек санъати декадаси (1937) қатнашчиси (декадада ижро этилган «Сайил ва колхоз тўйи» инсценировкасининг яратувчиларидан). У.О. доиранинг бой ифода имкониятларини чет мамлакатларда ҳам намойиш қилган. Тамарахоним ва б. б-н биринчи халқаро рақс фестивалида ғолибликка эришган (Лондон, 1935) ва унинг кафтларидан олинган гипс нусха Англия музейида сақланади. Фарғонадаги 1-мусиқа мактаби, Тошкент ва Марғилондаги кўчалардан бирига У.О. номи берилган.

Ад.: Обидов Т., Уста Олим Комилов, Т., 1958.

УСТА ОМОНИЛЛА (19-а. ўрталари — тахм. 1900) — самарқандлик ғиштгор, ганчкор. Қурувчи уста Жалилнинг шогирди. Регистондаги барча меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган. Шердор мадрасасининг жан. кираверишидаги қалқонсимон қаносида «уста Омонилла 1313» ҳижрий (мил. 1895) ёзуви сақланган. Самарқанддаги Бухоро кўчасида жойлашган даҳа масжидини уста Абдурашид б-н ҳамкорликда қурган. Тош териш санъати б-н шуҳрат қозонган.

УСТА РАҲИМ Обидов (19-а. охири — 1924) — самарқандлик тоштарош уста, тоштарошлар сулоласи вакили. Тошкент, Қўқон, Самарқандда катта устахоналари бўлган. Мармарни йўниб, кўза, пойустун, тахтачалар ва б. буюмлар тайёрлаган ҳамда уларни майда бўртма ислимий ва ҳандасий (гириҳ) нақшлар б-н жозибадор безаган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган; жумладан, уста Жўра Обидовнинг фарзандлари — жиянлари Болта ва Жалил *Жўраевлар*га устозлик қилган.

УСТА РЎЗИМАТХОН — қ. *Исабоев* Уста Рўзиматхон.

УСТА ШАРИФ Саидов (1887 — ?) — бухоролик ёғоч ўймакори, дурадгор уста. *Уста Ширин* Муродов б-н бирга ҳунар ўрганган. Бухоро амири саройида ишлаган. Кўплаб жамоат бинолари (Болоҳовуз масжиди, Ситораи Моҳи Хоса ва б.)ни қуришда, Бухородаги Мир Араб, Кўкалдош мадрасаларини таъмирлашда қатнашган. Кейинчалик кўплаб к-з клубларини қурган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган. У. Ш. ёғоч ўймакорлигида юксак маҳорат б-н безаб тайёрлаган ишларидан намуналар (бир неча эшик) Бухоро вилоят ўлкашунослик музейида сақланади.



УСТА ШИРИН Муродов (1879, Бухоро — 1957.12.2, Тошкент) — меъмор, ганч ўймакори; Ўзбекистон ФАнинг фахрий аъзоси (1943), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943). Ҳунарни отаси уста Мурод ва бобоси уста Носирдан ўрганган, ёшлигидан амакиси уста Ҳаёт қўлида қолган ва ундан таълим олган. Мустақил уста сифатида Бухоро амирининг Кармандаги саройи (Ситораи Моҳи Хоса ёзлик саройининг Оқ зали)ни безашда қатнашиб, танилган. У.Ш. ижодида ганч ўймакорлиги анъаналарини маҳорат б-н қўллаган, уларни янги мазмун ва шакллар б-н бойитган. Илк бор иш фаолияти (ганч ўймакорлиги)да нақш заминида кўзгудан фойдаланди, яъни кўзгу устига ганчкори нақшлар ишлаб, жозибадорликка, ажойиб нақш жилвасига эришди.

Уста Ширин Муродов иш устида.

У.Ш. кўплаб клублар, маъмурий биноларни нафис ганчкорлик нақшлари б-н безади: Бутуниттифоқ қ.х. кўргазмасидаги Ўзбекистон, Туркманистон павильонлари (1938), Тошкент куранти, Навоий театри (Бухоро зали), Муқимий театри, ҳоз. Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи ва б.; меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган: Исмоил Сомоний мақбарасининг бузилган қисми, Мир Араб мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси гумбазларини, Мағоки аттори масжиди пештоғининг кошинкори нақшларини тиклади ва б.

У.Ш. кўплаб шогирдлар етиштирган: Самарқанд таъмирчилар мактаби, Тошкент қурилиш санъати мактаби (1940—42), Москва бадиий санъат билим юрти (1942—43), П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юрти (1952—57)да дарс берган. Республика (жумладан, Тошкент, Бухоро ва б.)даги мақ-



Уста Ширин иши: чорси намоён



Уста Ширин иши: китоба турунж.

таб, кўчаларга У.Ш. номи қўйилган; Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса ҳовлисида унинг бюсти ўрнатилган. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001).

УСТА ШОДИ Азизов (1878, Ғиждувон тумани — 1943, Ғиждувон) — хонанда, созанда (най, доира), раққос. Ўзбекистон халқ ҳофизи (1940). *Бухоро — Самарқанд мусиқа услуби* вакили. Болаликдан миллий рақс, масхарабозлик йўлларига қизиқиб, халқ тўй-сайилларида хизмат қилган. Тез орада халқ орасида шуҳрат қозониб, 1895 й. Бухоро амири саройига чақирилган. *Шашмақом* йўлларини Ота Жалолдан ўрганган. 1930-й.ларда Ғиждувон к-з—с-з театрида яккахон хонанда, педагог ва рақслар устаси (саҳналаштирувчиси). У. Ш. ижросида Е. Романовская Шашмақомнинг бир неча ашула йўлларини ёзиб олиб, нотага туширган. Шогирдлари орасида Тожикистон халқ артисти Б. Файзуллаев ва б. бор.

УСТАВ (рус.) — муайян муносабат доирасидаги фаолият ёки бирор давлат органи, корхона, ташкилот ва ш.к.нинг тузилиши, вазифасини йўналтириб турадиган асосий қонун-қоидалар мажмуи (мас., сиёсий партия, касаба уюшмаси, темир йўл, дарё транспорти, банк У.лари ва ҳ.к.). Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қуролли кучлар У.и билан тартибга солинади. У. юридик шахсларнинг асосий таъсис ҳужжати ҳисобланади. Юридик шахс ўз У.и асосида иш олиб боради. У. юридик шахс муассислари томонидан тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилади. У.да юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери, почта манзили, юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек, уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. У.да юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши лозим. Айрим ҳолларда халқаро шартномалар ҳам У. деб аталиши мумкин (мас., БМТ Устави).

УСТАВ КАПИТАЛИ — акциядорлик жамиятининг уставида қайд этилган пул ифодасидаги дастлабки, бошланғич капитал. У.к. акциялар сотишдан тушумлар, таъсисчиларнинг хусусий қўйилмалари ва давлат қўйилмалари ҳисобидан юзага келади. У.к.га бадаллар фақат пул маблағлари кўринишида эмас, балки мулк шаклида, мас., иморатлар, ер, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари: патентлар, лицензиялар, лойиҳалар шаклида ҳам бўлиши мумкин. У. к. тузилган ташкилот фаолиятининг моддий-ашёвий, пул, илмий-техника, ахборот асосини ташкил этади. У.к. баланснинг пассивида қайд этилади.

УСТАВ ФОНДИ — таъсисчилар — иштирокчиларнинг ўзлари ташкил этган компания, хўжалик жамиятига дастлабки киритган ва доимий улуш ҳисобланадиган моддий ва пул маблағлари мажмуи. У.ф. компаниянинг хўжалик фаолиятидан олинадиган фойда ҳисобига кўпайиб бориши мумкин. У.ф. компания, жамиятнинг асосий ва айланма маблағлари қийматини ташкил этади.

УСТАД ИМРАН ХОН (1936, Калькутта) — созанда (*ситар*, сурбаҳар), хонанда; 20-а. ҳинд мумтоз мусиқа маданиятининг йирик вакили. Машҳур (16-а.да *Акбаршоҳ* даврида асос солинган) мусиқачилар сулоласи вакили. Ашулачиликни онаси Баширан Бегим ҳамда бобоси Устад Бандех Ҳасан Хонлардан, ситор ижрочилик сирларини отаси Устад Инайат Хон ва акаси Вилайат Хондан ўрганган. Ёшлигидан хаял (ҳинд мумтоз лирик ашула) ижрочиси сифатида танилган. Кейинчалик ситор ижрочилигига хонандаликка оид бой оҳанг безаклари, товуш чиқариш усулларини сингдириб, ўзининг янги услубини кашф этган. 1956 й.дан акаси Вилайат Хон б-н биргаликда ўзининг мукаммал ижро ва бадиҳа маҳорати, виртуоз техникасини Европа ва б. мамлакатларда намойиш қилган. 1963 й.дан Европа ва АҚШ ун-т ва коллежларида дарс ва маърузали концертлар берган. Энг нуфузли Ҳиндистон ва халқаро (Эдинбург, Берлин, Гонконг, Токио, Вашингтон, Париж, Москва, Лондон ва б.) мусиқа фестивалларининг доимий қатнашчиси. Ижролари 100 та яқин грампластинка ва компакт дискга ёзилган. Бир неча кинофильмларга мусиқа ёзишда ижрочи сифатида қатнашган. Ҳиндистон ҳукумати томонидан энг олий «Сангит Натак академия» мукофоти б-н тақдирланган (1988).

УСТАЗОДА — устанинг фарзанди, ота-боболарининг ҳунарини эгаллаган фарзанд, яъни сулола давомчиси.

УСТАРАСИТ — минерал. Кимёвий таркиби $PbBi_6S_{10}$. У. таркибида Bi (60—65%), Pb (10—11%), Cu (0,3—1,4%), Sb (1,8—6,8%) ва S (17—18%) мавжуд. Кристаллари призма шаклида бўлиб, висмутинга ўхшаш. Кулранг, металлек ялтирайди. Қаттиқлиги 2,5. У. висмут, кобеллит, козалит, галеновисмутин, висмутин, шеелит ва б. минераллар б-н ассоциацияда учрайди. У. кам тарқалган минерал бўлиб, Писком тоғларидаги Устарасой конида топилган.

УСТАХОНА — 1) касб-ҳунар эгалари — *усталар* ишлаши учун махсус жиҳозланган жой, ишхона. Шарқ (жумладан, Ўрта Осиё)да усталар, асосан, кўча юзига қаратиб, уйларидан махсус жой ажратиб, У. қилганлар; шу тарзда заргарлик, темирчилик ва б. У.лар маҳалла (расталари юзага келган. Шунингдек, У.да усталар ишлаш б-н бирга «уста-шогирд тизими» асосида шогирдлар ҳам тайёрлаганлар; бу анъана ҳозир ҳам сақланган; 2) саноат корхоналарида тузатиш ишлари олиб бориладиган бўлим; 3) ижодкор, жумладан, рассом, ҳайкалтарош ва б.нинг иш (ижод) хонаси (яна қ. *Студия*).

«УСТО» Республика махсус ижодий и.ч. уюшмаси — республика халқ амалий санъати усталарининг бирлашмаси. 1978 й.да Ўзбекистон Бадиий фонди қошида амалий безак санъатини қайтадан тиклаш ва ривожлантириш, халқ усталари б-н ишлаш, уларга ижодий ишларида ҳар тарафлама ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган. Ўзбекистонда тасвирий ва амалий санъатни янада ривожлантиришга оид 1997 й. 23 янв. қарорига биноан ҳоз. номида қайтадан тузилди. «У.» нинг асосий мақсад ва вазифалари — халқ амалий санъатини ривожлантириш, унинг йўқолиб бораётган турларини қайтадан тиклаш, халқ усталарининг фаолиятига ёрдам бериш, устоз — шогирд ўқув тизимини ривожлантириш, миллий амалий санъатни республика ва хорижда кенг тарғиб қилиш, амалий санъат, *монументал рангтасвир* ва *монументал ҳайкалтарошлик*ни миллий *меъморликда* ҳамда хориждаги замонавий биноларда қўллаш. «У.» таркибига республика ҳудудидаги 16 корхона бирлашган бўлиб (2004), уларда 50 та яқин амалий санъат тури (*кулолчилик, кошинкорлик, ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, кандакорлик, наққошлик, гиламчилик, зардўзлик, каштадўзлик, локли миниатюра*, матога гул босиш ва б.) бўйича усталар ижодий меҳнат қиладилар. Бирлашманинг малакали усталари республикада (Олий Мажлис, Ўзбекистон консерваторияси, Ўзбек миллий академик драма театри, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ва б.) ва чет мамлакатларда йирик меъморий иншоотларни безаганлар. «У.» аъзоларининг бадиий асарлари республика ва Халқаро кўргазмаларда кенг намойиш қилиниб, юксак баҳоларга сазовор бўлди: Халқаро «Олтин глобус» (1993), «Сифат асри» олтин мукофоти (2002, Швейцария) ва б.

УСТО МЎМИН (тахаллуси; асли Николаев Александр Васильевич) (1897.30.8, Воронеж — 1957.27.6, Тошкент) — рангтасвир устаси, график рассом. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950). Москвадаги Бичкури рассомлик студиясида (1916—18) ва эркин устахоналарда таълим олган. 1920 й.дан Ўзбекистонда. Кўпгина асарларини левкасга темпера усулида ишлаган. У.М. ижодининг маълум даврида миниатюра санъати таъсирида асарлар яратган («Куёв», «Салдали йигит», «Беданабозлар» — 20-й.лар). У.М. ижоди учун реалистик расмнинг аниқ ва тугаллангандиги хос, образларнинг бадиий ифодасида майин чизиқлар, жонли шакллар муҳим аҳамият касб этган: «Баҳор» (1924), «Бой» (1932), «Хўжа Насриддин бозорда», «Уйғур рақси» (1944) ва б. Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» (1935), М. Козимийнинг «Қўрқинчли Теҳрон» ва б. асарларни бадиий безаган. «Правда Востока»,

Усто Мўмин (А. Николаев). «Баҳор» (1932).

«Қизил Ўзбекистон» газ.лари, «Муштум» жур.да ишлаб, расм ва карикатуралари б-н қатнашган, плакатлар яратган.

10...

УСТОД ҚУЛМУҲАММАД УДИЙ (15-а.) — созанда (уд, гижжак, қўбиз), шоир ва бастакор. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида У. Қ. У.нинг созандалик санъатига юқори баҳо берган. Бошқа манбаларда «Пешрави Удий», «Амали Удий», «Савти Удий» каби асарларига доир маълумотлар мавжуд.

УСТРИЦАЛАР (Ostreidae) — денгиз икки паллали моллюскалари оиласи. Чиғаноғининг бал. 45 см гача, тўғарак ёки овал — понасимон шаклда, тишсиз. Одатда, гермафродит, баъзи турлари айрим жинсли. Уруғ ҳужайралари сув оқими б-н мантия бўшлиғига ўтиб, тухумларни уруғлантиради. 0,3—6 млн. тухум қўяди. Личинкаси сувда ривожланади. Бир неча 10 та тури бор. Соҳил чизиғидан бошлаб 60 м чуқурликкача тарқалган. Ҳаракатсиз, чиғаноғи чап томони б-н субстратга ёпишиб яшайди. У. денгиз тубида кўп қават бўлиб жойлашган минглаб моллюскалардан иборат «устрица банкалари»ни ҳосил қилади. Сувни фильтрлаб озиқланади; танасида оғир металлар ва заҳарли моддаларни тўплаш хусусиятига эга. Мусккуллари ейилади. Махсус денгиз плантацияларида (асосан, Япония, Америка, Францияда) кўпайтирилади.

УСТРУШОНА (тож. Истаравшан), — Тожикистон Республикаси Суғд вилояти Ўратепа туманидаги шаҳар (2002 й.гача Ўратепа ш.), туман маркази. Туркистон тизмасининг шим. этагида, 1000 м баландликда жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Ховос (45 км). Июль ойининг ўртача т-раси 25°, янв.ники —2°. Йиллик ёғин 368 мм. У.дан вилоят маркази Хўжанд ш.гача 73 км. Шаҳар марказидан Душанба—Хўжанд автомагистрали (Шаҳристон ва Анзоб довонлари орқали) ўтади. Аҳолиси 50,4 минг киши (2001), асосан, тожиклар, шунингдек, ўзбек, рус, татар, украин, қирғиз, туркман, немис, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди.

У. Тожикистоннинг қад. шаҳарларидан биридир. Археологик маълумотлардан маълум бўлишича, шаҳарнинг бунёд этилиши мил. ав. 6-а.га тўғри келади. У. илк ўрта асрларда (5—9- а.лар) Ўрта Осиёдаги Уструшона тарихий-географик вилояти таркибига кирган. Ушбу вилоят Сирдарёнинг сўл қирғоғи б-н Сангзордарё оралиғидаги ҳудудни ўз ичига олган (ҳоз. Тожикистоннинг шим.-ғарбий қисми ва Ўзбекистоннинг Жиззах, Сирдарё вилоятлари). У.нинг сиёсий тарихи тарихий манбаларда кам ёритилган. Мил. ав. 6-а.нинг 30-й.ларида қадимги У. ҳудуди *Кир II* томонидан босиб олинган. Кир II ўз давлатининг шим.-шарқий чегараларини мустаҳкамлаш мақсадида Сирдарёнинг сўл қирғоғи бўйлаб 7 та чегара қалъаси қурдирган. Кейинчалик, мил. ав. 4-а.да *Александр* бу қалъаларни қийинчилик б-н забт этган, айниқса, *Куропаль* қаттиқ қаршилик кўрсатган. Мил. 5-а. охири — 7-а.да У. ҳудуди *эфталийлар* ва Ғарбий Турк хоқонлиги таркибига кирган. Бу даврда У.ни маҳаллий шоҳлар — афшинлар идора қилган. Араблар истилоси даврида У. мустақиллигини узоқ вақт сақлаб қолган ва фақат 822 й.га келиб узил-кесил халифаликка қўшиб олинган. 893 й.гача У.ни халифалик вассаллари бўлган афшинлар бошқаришни давом эттирганлар. 893 й.дан Сомонийларга тобе бўлган. У. Ўратепа номи б-н дастлаб *Бобурнинг* «Бобурнома» асарида (16-а.) тилга олинган. 18-а.да мустақил ҳудуд сифатида маълум эди. Кейинчалик, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги тасаррувида бўлган. 1886 й. шаҳарни подшо Россияси қўшинлари эгаллаган.

Шаҳар қадимдан Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги боис ҳунармандчилик ва савдо маркази сифатида шуҳрат қозонган. Кейинги йилларда У.да жаҳон бозори ташкил этилган.

У.да саноат корхоналари, мева ва сабзавот консервалаш, нон, сут, ғишт з-длари, трикотаж ф-каси мавжуд. Шунингдек, шаҳарда савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатади. Умумий таълим, мусиқа мактаблари, пед. ва ҳунар-техника билим юртлари, кутубхона, клуб, халқ театри, тарихий ўлкашунослик музейи ишлаб турибди. Меҳмонхоналар, касалхона, туғруқхона ва поликлиникалар аҳолига хизмат кўрсатади. У. ёғоч, металлга ўйиб гул солиш, сополга гул солиш ва каштачиликнинг қад. маркази.

Шаҳарда меъморий ёдгорликлардан: Кўкгумбаз (Абдуллатиф Султон) масжиди ва мадрасаси (16—17-а.лар), Боботаго (15-а. охири), Абдуқодир Желоний (Гелоний) (15-а. охири), Сари Мозор (16-а.), ҳамда Чоргумбаз (18-а.) мақбаралари ва б; 19—20-а.ларда қурилган сипчли нақшинкор бинолар сақланган.

Ад.: Мухторов А., Очерк истории Ура-Тюбинского владения в 19-в., Душанбе, 1964.

УСТУН — бинонинг таянч қисми. Асосан, томни кўтариб туришга хизмат қилади. У. деярли ҳамма халқларнинг меъморлигида қадимдан мавжуд. Меъморлик санъати юксак даражага кўтарилган Қад. Миср, Юнонистон, Римда, шунингдек, будда дини тарқалган мамлакатларда У.нинг шакли, ҳажми, безакларига асосланган *меъморлик ордерларида колонна* ва *колоннада*ларнинг турли тасвир ва нақшлар б-н безатилган ўзига хос турлари вужудга келган.

Имом ал-Бухорий мажмуидаги устунлар.

Ўрта Осиёда географик муҳит тақозоси б-н У.лар халқ меъморлигида, асосан, тик ва тўғри ўсган дарахт (тол, терак, қайрағоч) танасидан ясалган хиллари кенг тарқалган. У.лар *пойустун, кўзаги, боша* каби қисмларга бўлинган. У.лар бадиий талқинда одам гавдасига қиёс этилади. У.лар таянч вазифасидан ташқари безак сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. *Ёғоч ўймакорлигида* пардозланган У.лар ҳақиқий санъат асари ҳисобланади. У.лар айлана, мураббa, 6 ва 8 қиррали шаклларда ишланади. *Хоразм* У.лари мустаҳкамлиги, безакларга бойлиги, баландлиги (бал. 7,8 м гача) б-н ажралиб туради (*Жума масжид, Тошҳовли* ва б.). У.лар ҳоз. кун меъморлигида ҳам кенг қўлланилади. Пишиқ ғишт, тош, металл, темир-бетон каби У.ларнинг ўзига хос турлари замонавий қурилишда кенг татбиқ этилмоқда.

УСТУНГЎША — бурчак таянчи, *устун*. Бино бурчакларидаги устунсимон безак. Бино мустаҳкамлигини таъминлаган ва безак сифатида *пештоқ, равоқ, меҳроб* четига устун, ҳошия, морпеч шаклида ишланган. *Исмоил Сомоний мақбараси, Али Насафий мақбараси, Туркан ого мақбараси, Амирзода мақбараси, Оқсарой, Амир Темур мақбараси, Шердор мадраса* ва б.нинг У.лари турли шаклда, ўзига хос безакдор қилиб пардозланган.



Улуғбек мадрасасидаги устунгўша.

УСТУРЛАБ — қ. *Астролябия*.

УСТЬ-КАМЕНОГОРСК — Қозоғистон Республикасининг Шарқий Қозоғистон вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Рудали Олтой тоғлари этагида, Ульба дарёсининг Иртишга қуйилиш жойида. Иртиш дарёсидаги порт. Т.й. чорраҳаси. Аҳолиси 300,9 минг киши (2002).

Шаҳар 1720 й.да Усть-Каменная қалъаси сифатида вужудга келган. 1868 й.дан Семипалатинск вилоятининг уезд шаҳри. 1932 й.да Шарқий Қозоғистон вилоятида, 1939 й.дан вилоят маркази. Рангли металлургия (қўрғошин-рух, титан-магний к-тлари), машинасозлик ва металлсозлик (кон-шахта жиҳозлари, конденсаторлар, приборлар и.ч. етакчи ўринда. Цемент, ғишт, уйсозлик, темир-бетон буюмлар з-длари, қурилиш материаллари к-ти ишлаб турибди. Озиқ-овқат (гўшт, сут, вино-арақ к-тлари, мой-экстракция ва пиво з-длари), енгил саноат корхоналари бор. Шаҳар яқинида Усть-Каменогорск сув омбори, Усть-Каменогорск ГЭС қурилган. 2 олий ўқув юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади.

УСТЬ-ЎРДА БУРЯТЛАРИ МУХТОР ОКРУГИ — РФ *Иркутск вилояти* таркибидаги округ. 1937 й. 26 сент.да ташкил этилган. Майд. 22,4 минг км^2. Аҳолиси 135,3 минг киши (2002). Аҳолисининг кўпчилик қисми руслар (56%) ва бурятлар (36%), шунингдек, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Маркази — Усть-Ординский шаҳарчаси. Таркибида 6 маъмурий туман, 4 шаҳарча бор.

Мухтор округ Ўрта Сибирь ясситоғлигининг жан. қисмида, Байкал кўлининг ғарбида, Лена-Ангара платоси доирасида жойлашган. Ўртача бал. 1000 м. Ер юзаси дарё водийлари б-н ўйилган. Фойдали қазилмалари: тошкўмир (Иркутск ҳавзасининг шим. чеккаси), гипс (Унга дарёси водийсида) қурилиш материаллари (оҳактош, гил ва б.). Иқлими кескин континентал. Қиши кам қорли, совуқ. Янв.нинг ўртача т-раси −22°, июлники 17°. Йилига 300 мм га яқин ёғин ёғади. Вегетация даври 110—125 кун. Йирик дарёлари — Ангара ва унинг ирмоқлари. Чекка шим.-шарқида Лена ҳавзасига мансуб дарёлар бор. Ҳудудининг катта қисмида чимли-карбонатли ишқорсизланган ва кучсиз подзоллашган тупроқлар тарқалган. Ўсимликлари ўрмонли дашт зонасига хос. Кенг баргли дарахтлардан қайин ва тоғтерак учрайди. Ўрмонларда ҳар хил ҳайвонлар яшайди (росомаха, тулки, колонок, ўрмон сассиққўзани, кемирувчилардан тийин, бурундук ва б.; қуш тури кўп).

Хўжалигида етакчи тармоқлар: кончилик (кўмир қазиб олиш), ўрмончилик («Байтог» ўрмончилик хўжалиги), ёғочсозлик, озиқ-овқат (ёғ ва пишлоқ и. ч.) саноатлари. Асосий саноат маркази — Усть-Ординский шаҳарчаси. Округ Байкалбўйининг асосий қ. х. р-нларидан бири. Чорвачилиги гўшт-сут ва жун етиштиришга ихтисослашган. Қўй, чўчқа, йилқи боқилади. Буғдой, сули, арпа, шунингдек, картошка, сабзавот экилади. Мухтор округ жан.-ғарбидан Транс-Сибирь магистрали (30 км) ўтган. Ангара дарёсида кема қатнайди. Автомобиль йўли уз. 2194 км (2002). Аэропорт, пед. билим юрти, ўлкашунослик музейи бор. 1 санаторий-курорт муассасаси фаолият кўрсатади.

УСТЮРТ — Ўзбекистоннинг шим.-ғарби (Қорақалпоғистон) ва Қозоғистон ҳудудларидаги плато. Шарқда Орол денгизи ва Амударё дельтаси, ғарбда Манғишлоқ я.о. ва Қорабўғозгўл қўлтиғи, шим.да Каспийбўйи пасттекислиги оралиғида жойлашган. Майд. 200 минг км^2. Ўртача бал. 150—250 м, энг баланд жойи (370 м) жан.-ғарбида. У.нинг атрофи 60—150 м ли тик жарлик (чинк)лардан иборат. Чинклар ҳар хил чуқурликдаги жар ва сойлар б-н кесилган. У.нинг шим. чинклари шим.-ғарбда Ўликқўлтиқ шўрлигидан бошланиб, шим.-да Катта Бўрсиқ қумлигига бориб тақалади. Платонинг баланд шарқий четараси Орол денгизининг аввалги қирғоғи ва Амударё дельтасидан, жан. чинклари Қорақум чўли ва Ўзбой ўзани, ғарбий чинклари эса Қорабўғозгўл қўлтиғининг ғарбий соҳили, Қорниёриқ ботиғи, Қайдак шўрлиги орқали ўтади.

Плато ҳудуди геологик тузилиши жиҳатидан эпипалеозой плитасининг бир қисми ҳисобланиб, палеозой, мезозой ва кайнозой тоғ жинсларидан ташкил топган. Ер юзасига яқин қисми горизонтал ётган сармат оҳактошлари, гиллардан тузилган бўлиб, ораларида туз ва гипс қатламлари учрайди. У.да кенглик бўйлаб йўналган бир неча тектоник структуралар мавжуд. У.нинг шим. қисмида Шим. Устюрт кўтарилмаси, жан.да Устюрт букилмаси (унда Қўшбулоқ, Осмонтаймагай, Сам ва б. шўрхоклар) жойлашган. Бу букилма шим. Устюрт кўтарилмасини Қассарма кўтарилмасидан ажратиб туради. Қассарма кўтарилмаси жан.да Борсакелмас ботиғи бор. Ундан жан.да Марказий Устюрт кўтарилмаси, яна жан.роқда Асакаовдон чўкмаси жойлашган.

Устюрт платоси чеккаси.

У. юзаси супасимон текислик бўлиб, унда бир қанча қирлар: Музбел, Қорабовур, Оқтумшуқ, Қуланди ва б., Борсакелмас, Қорашўр, Асакаовдон каби чўкма ва ботиқлар мавжуд. Жан. қисмига Қоплонқир ва Сариқамиш ботиғи кириб борган. Унинг шим. қисмида Сам, Матайқум, Учтаган қумликлари ва бир қанча шўрхоклар (Қўшбулоқ, Осмонтаймагай, Сам ва б.) ҳамда тақирлар мавжуд. У.да карст ва карст-суффозион рельеф шакллари (карст воронкалар, ботиқлар, ғорлар) вужудга келган.

Иқлими кескин континентал. Қиши Ўзбекистонда энг совуқ, ёзи жуда иссиқ, узоқ давом этади. Июль ойида ўртача т-ра 25°—28°, энг юқори т-ра 46°. Қишда У.нинг ғарбий қисми б-н шарқий қисми ўртасида т-ра фарқи катта: энг паст т-ра ғарбда −20°, шарқида −40° гача пасаяди. Йиллик ёғин 112—121 мм, энг кўп ёғин (34%) баҳор ойларида тушади.

У.да доимий оқар сувлар йўқ. Баҳор ойларида ботиқлар, шўрхоклар, тақирларда сув йиғилиб, вақтинчалик кўллар ҳосил бўлади, ёзда улар қуриб қолади. Фақат платонинг жан.даги Сариқамиш ботиғида ва баъзи бир ғорлар ичида доимий кўллар бор. Ер ости сувларига нисбатан бой. Ер ости сув қатламлари сармат ва палеозой ётқизиқларида (20—50 м чуқурликларда) учратилади, уларнинг аксарияти шўр.

Устюрт платоси умумий манзараси.

У.нинг катта қисмида сур-қўнғир, ботиқлар, шўрхокларда шўрхок, тақир-шўрхок, қумликларда қумли тупроқлар учрайди. Ўсимлик қоплами сийрак, асосан, шувоқ ва шўралар ўсади. Булардан ташқари, қирқбўғин, коврак, қора саксовул, биюрғун, тетир, сарсазан, илоқ ва б. бор. Баҳорда эфемер, эфемероидлар ўсади. Ҳайвонот дунёси чўлга хос бўлиб, жайран, сайғоқ, бўри, тулки, юмронқозиқ, қоплон, Устюрт қўйи, олакўзан, ҳинд асалхўри, қўпиоёқ, қумсичқон, турли илонлар, қушлардан тўрғай, қора қарға, хўжасавдогар, қузғун ва б. яшайди. Ҳашаротлардан термит кўп. Ноёб ва «қизил китоб»ларга киритилган ҳайвон ва ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ва ўрганиш мақсадида Устюрт қўриқхонаси (Қозоғистон ҳудудида) ташкил этилган.

У. ҳудуди, асосан, яйлов сифатида фойдаланилади. Бу ерда нефть, газ ва ер ости сувларининг катта захиралари аниқланган.

Мурод Маматқулов.

УСТЮРТ МАКОНЛАРИ — неолит даврига оид маконлар. *Устюрт* платосида жойлашган. С.П. *Толстов* раҳбарлигидаги Хоразм археология этнография экспедицияси (1948), Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали археология отряди (1964) томонидан ўрганилган. 60 га яқин макон аниқланган. Улардан тошдан ясалган қуроллар, қирғичлар, тош парракчалар, ўқ учлари топилган. У.м. ичида энг йириги Темпа макони бўлиб, ундан 1300 га яқин чақмоқтош қуроллар чиққан.

УСУЛ — 1) Шарқ мусиқа назариясида мусиқий ритм асосларининг умумий тушунчаси. Қад. мумтоз мусиқада *аруз* вазнлари б-н мусиқий вазнларнинг умумийлигини ифода этган. Шеърнинг узун-қисқа бўғинлар алмашинуви У.ларда «т» ва «н» унсиз ҳарфлар ёрдамида белгиланган: очиқ «та», «на» бўғинлари қисқа, ёпиқ «тан», «нан» бўғинлар орқали — узун зарб (*нақр*)лар ўз ифодасини топган.

Мас.: тан та-на-нан тан тан.

Замонавий нота ифодаси:

2) доира ва ноғораларда ижро этиладиган зарб тузилмалари. Форобий, Сафиуддин ал-Урмавий, аш-Шерозий ва б. нинг мусиқа рисолаларида жуда кўп қад. усуллар келтирилиб, улар даври авсат, даври туркий, даври равон, даври асл, даври кабир, даври сақил, дуяк, чорзарб, мисатайн, уфар, зарбул фатҳ, мухаммас, хафиф сингари номлар б-н аталган. Бу усулларнинг кўпи бизгача устоз санъаткорлар ижоди орқали етиб келган. Ўзбек анъанавий мусиқасида «Катта ўйин», «Шодиёна» каби У. туркумлари мавжуд.

УСУЛ ад-ДИН (араб. — дин асослари, ислом асослари) — ислом шариати ва диндан олинган эътиқодий ҳукмларни баҳс қилувчи илм. Бу илм асосий ҳисобланиб, бошқа диний илмлар унга эргашади. Бу истилоҳни биринчи бўлиб Абул Ҳасан ал-*Ашъарий* ишлатган. У ўз китобини «Ал-Ибона ан усул ад-диёна» деб номлаган. Абул Қоҳир ал-*Бағдодий* ал-Ашъарий (1037 й.в.э.) «Усул ад-дин», ал-Лолкоий (1026 й.в.э.) «Усул ус-Сунна» китобини ёзган. *Ақоид* масалалари диннинг асли бўлгани учун бу илмнинг фақат номига эмас, ўзига ҳам катта эътибор берилган. Мусулмонлар учун У. ад.-д.ни ўрганиш катта аҳамиятга эга бўлган, уни билмаган одамнинг ибодати ҳам дуруст бўлмаслиги ҳаммага уқтирилган. Ҳоз. пайтда, «У. ад.-д.» истилоҳи кам қўлланилади, унинг ўрнига «ақоид» сўзи ишлатилади.

УСУЛ ал-ФИҚҲ (араб. — фиқҳ асослари, илдизлари) — ислом шариатида асосий манба ҳисобланган *Қуръон, сунна, ижмо* ва *қиёс*ни ўрганадиган илм. Шу 4 манба барча ислом мактаблари томонидан эътироф қилинган бўлсада, сўнгги 2 манбанинг аҳамияти ва имкониятини турли мазҳаб намояндалари турлича тушунтирадилар. Айрим фақиҳлар ҳуқуқий масалаларни оқилона бир тизимга солиш ва шахсий фикр

(рай) асосида ҳал этишга интилса, бошқалари барча фиқҳ меъёрларини пировард натижада худонинг ваҳийси деб ҳисоблайдилар. У. ал-ф.нинг ривожланиши Муҳаммад ибн Идрис *Шофиъий* номи б-н боғлиқ. У «Китоб ал-умм» тўпламига кирган «ар-Рисола» асарида фиқҳшунослик асосларини баён этди. У. ал-ф.га кўра, Қуръон ва *сунна* фиқҳнинг асосий манбаидир, чунки улар аниқ феъл-атвор қоидаларини ўз ичига олади ёки уларни илоҳий ваҳийлардан англаб олишнинг оқилона усулларини кўзда тутади. Ижмо 3-манба ҳисобланиб, у Қуръон ва суннада ҳал этиб берилмаган масалалар юзасидан *мужтаҳид*ларнинг якдил фикри деб тушуниладиган бўлган. Қуръон ва суннада аниқ жавоб берилмаган саволларни ўхшашлигига қараб ҳал этиш усули — қиёс фиқҳнинг 4-манбаи деб эътироф қилинади. Бундан ташқари, У. ал-ф. ҳуқуқий ечимларни излашнинг бошқа оқилона усулларидан қўшимча фиқҳ манбалари сифатида фойдаланишга йўл қўяди. Қиёс каби улар ҳам манба ва ижтиҳодга киритилган аниқлик деб ҳисобланади.

УСУЛИ САВТИЯ (араб. — товуш усули), товуш усули — хат-савод ўргатиш усулларидан. Бу усулда сўзнинг энг кичик бўлаги, яъни нутқ товушларини изчил идрок этиш (аналитик товуш усули) ва нутқ товушларини ёзув белгилари (ҳарфлар) орқали тиклаш асос қилиб олинади. Кўп тилларда, жумладан, ўзбек тилида савод ўргатиш аналитик-синтетик товуш усулига, яъни аналитик ва синтетик товуш усулларини узвий боғлаб олиб бориш тамойилига асосланади.

Аналитик товуш усулини дастлаб француз педагоги Ж. Жакото (19-а.нинг 30-й.ларида), синтетик товуш усулини немис педагоги Г. Стефани (19-а. бошларида) қўллаган. Аналитик-синтетик товуш усулининг энг мақбул вариантини Россияда К.Д. *Ушинский*, Ғарбий Европада Ф. Дистервег, К. Фогель ва б. яратган.

Товуш усули Ўрта Осиёдаги маҳаллий мактабларда, жумладан, ўзбек мактабларида 19-а.нинг охири — 20-а. бошларида пайдо бўлган. Унинг тарқалишида ўлкадаги *рус-тузем мактаблари* ва татар муаллимлари очган мактаблар асосий манба бўлган. Шу мактаблар таъсирида илғор маҳаллий зиёлилар, жадидлар мактабхоналардаги таълим усули (*усули ҳижоия*)да савод ўргатиш қийинлигини англаб, ўзлари очган мактабларида У.с.да дарс бера бошладилар. 1902 й. С. *Саидазизов* синтетик товуш усулида «Устоди аввал» ўзбекча дарслигини тузган. Бу дарслик узоқ йиллар янги усулдаги бир нечта мактабларда асосий алифбе китоби сифатида ўқитилиб келинган. Мусулмон ўқитувчиларнинг Тошкентда бўлиб ўтган 1-қурултойи (1918 й. авг.) барча ўзбек мактабларида товуш усулида дарс бериш ҳақида қарор қабул қилди. Давр ўтиши б-н бу усул пед. ва психология маълумотлари асосида такомиллашиб борган.

Ислом Абдуллаев

УСУЛИ ҲИЖОИЯ (араб. — бўғин усули), бўғин усули — хат-савод ўргатиш усулларидан. Бу усул сўзларнинг товуш таркибига эмас, балки бўғин (ҳижо)лар ҳосил қилиб, уларни ёд олишга асосланган. У.ҳ.да сўздаги ундош товушларга тегишли унли товушлар қўшилиб, ҳижо ҳосил қилинган, сўнг ҳижолар қўшиб ўқилган.

У.ҳ. таълимда қадимдан қўлланиб келган. Мил.ав. асрлардаёқ Юнонистон ва Рим давлатларида савод ўргатиш шу усул асосида олиб борилган. Ўрта Осиё, умуман Шарқдаги мактабхоналарда ҳам У.ҳ. узоқ давр ҳукмронлик қилган.

*Мактабхона*ларда У.ҳ.да савод ўргатиш (ҳарфлар номини ёдлаш, бўғинлар ҳосил қилиш, бўғинларни қўшиш) 3 босқичга бўлинган: 1-босқичда араб ҳарфларининг ёзилиш шакли бандларга ажратилиб ёзиб борилган. Ўқувчи ҳар бир бандлаги ҳарфларни ёдлаб олгандан сўнг («алиф», «бе», «те», «се» тарзида) 2-босқичга ўтилган. Бу босқичда ҳар бир ҳарфнинг номи айтилиб, унга «зеру забар» қўшиб бўғин ҳосил қилинган (мас., «бе» + «забар» + «ба»). 3-босқич *абжад* ўқиш б-н бошланган. Унда болалар қўлидаги тахтачага «абжад», «ҳавваз», «ҳутти», «каламан», «саъфас», «қарашат», «саххаз», «зағаз» сўзлари ёзиб борилган. Бу сўзларнинг таркибида араб алифбосидаги барча 28 ҳарф, чунончи «абжад» сўзида «бе», «жим», «дол» ҳарфлари қатнашган.

Бўғин усулида савод ўргатиш қийин бўлганлиги сабабли 19-а.дан уни бирмунча ислоҳ этишга ҳаракат қилинди. Хусусан, янги усулдаги ўзбек мактабларида усули маддия (араб. — чўзиш усули)да савод ўргатиш расм бўлди. Бу усулда ҳарфларнинг номига унли товушлар қўшилиб, чўзиб бўғин ҳосил қилинган. А. *Авлоний*нинг «Биринчи муаллим», А. *Ибодиев*нинг «Таҳсил-ул-алифбо», М. *Фахриддинов*нинг «Раҳбари аввал» дарсликлари усули маддия асосида тузилган. У.ҳ.га нисбатан усули маддиянинг бирмунча ижобий томони бўлган: бола бўғиннинг қандай ҳосил бўлишини бир оз бўлса-да, англаган, шу бўғинлар қатнашган сўзларни ўқиган. 19-а. охирларидан янги усулдаги мактабларда товуш усули (қ. *Усули савтия*) пайдо бўлиб, У.ҳ. ва усули маддиядан афзаллигини кўрсатди ва кейинчалик савод ўргатишда асосий усул бўлиб қолди.

Ислом Абдуллаев

УСУНЛАР — Марказий ва Ўрта Осиёдаги кўчманчи қабилалар. У. хитой манбаларига кўра, мил. ав. 3-а.да юэчжилар б-н бирга Дуньхуан (Дунгхуан) б-н Тангритоғнинг шарқи, Қоронгу тоғ (Қунлуннинг шим.даги Чилан тоғи оралиғидаги кичик бир даша) аҳолиси бўлган. Мил. ав. 177 й. улар юэчжиларнинг тазйиқи натижасида шарққа силжиб, ҳунлар орасига (ҳоз. Гансу ўлкасининг шим.-шарқидаги Эрсин вилояти) бориб жойлашган. У. гуньмоси (кунбеги, хони) Нанлубеи ўлдирилган. Мил. ав. 160 й. унинг ўғли Ляо Жиаобек ҳунлар ёрдамида юэчжиларни мағлуб этиб, уларнинг ҳудудини эгаллаб ғарбга силжиганлар. Етисувда улар кучли давлат ташкил этган. Унинг маркази хитой манбаларида Или дарёсининг жанубидаги Чигу (Қирғизистондаги қад. Чигил қўрғони ш.) деб юритилган. Мил. ав. 3-а.да Усун хонлиги Фарғонанинг шим.да, Кангқия (Канғюй, Канғ) нинг ғарбида бўлиб, унинг ҳудудига Иссиққулнинг шим., Балхаш кўлининг жан.даги ерлар кирган. Унинг бир қисми кўчманчи ўз юртларида қолган. Археологик маълумотларга кўра, 5-а.да У. юэчжилар б-н бирга Хэси йўлагида яшашган. Унинг Хитой б-н иттифоқ бўлиб ҳунларга қарши узоқ муддат кураши уларнинг парчаланишига олиб келган. Натижада Усун хонлиги журжанлардан енгилиб, мил. 404—410 й.ларда Помир тоғлари атрофига бориб жойлашган. 420—854 й.ларда Усун хонлиги аҳолиси 630 минг кишини ташкил қилган. 938 й. мазкур хонлик қорахитойлар хонига бож-хирож тўлаганлиги ҳақида хитой манбаларида маълумот берилган.

У. чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланишган, уларнинг давлат тузилиши, урф-одатлари ҳунлар б-н ўхшаш бўлган.

Туркий халқлар, жумладан, ўзбек, қозоқ, қирғизлар таркибига кирган уйшун қабиласи У. б-н айнан бир деб тахмин этилади.

Абдухолиқ Айтбоев

УТАМАРО Китагава [1753, Кавагоэ — 1806.30.10/19.6, Эдо (ҳоз. Токио)] — япон рассоми, рангли ксилография устаси. *Укиё-э* мактабининг йирик вакили. Эдода ижод қилган. У. асарлари колоритида ранг (мас., қоғознинг оқ туси ва б.)дан маҳорат б-н фойдаланган, япон ксилографиясида илк бор аёлларнинг кўкраккача бўлган портретларини яратган, аёлларнинг руҳий ҳолатларини майин оқувчан чизиқларда юксак маҳорат б-н тасвирлаган. У. ҳунармандлар ҳаёти мавзуида асарлар, манзаралар яратган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тасвирлаган («Ҳашаротлар ҳақида китоб» гравюралар альбоми, 1788 ва б.); бироқ у биллин-га (гўзал аёлларни тасвирлаш) жанрида яратган асарлари б-н шуҳрат қозонган («Тикаётган аёллар», 1790-й.лар; гейшаларга бағишланган «Йосивар йиллик уйлари йилномаси» гравюралар альбоми, 1804 ва б.).

Китагава Утамаро. «Абура-я хонадонидаги гўзал Осомэ» (1799).

УТБИЙ, Абу Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Утбий (961, Рай — тахм. 1036, Ғазна) — тарихчи олим. Бадавлат ва нуфузли зодагон оиласида туғилган. Ёшлигидан Хуросонда яшаган. Сомонийларнинг Хуросондаги ноиби Абу Али Симжурий, сўнгра Хуросонда сургунликда яшаган *зиёрийлар* ҳукмдори Қобус ибн Вушмагирнинг шахсий котиби (саркотиби), *Ғазнавийлар (Сабуктегин, Маҳмуд Ғазнавий, Масъуд Ғазнавий)* саройида йирик амалдор. У. султон Маҳмуд Ғазнавийнинг элчиси сифатида Ғарчистон вилоятига борган (999) ва Бодғизнинг шарқий қисмидаги Ганж рустак вилоятида соҳиб барид бўлиб турган. *Саолибий*нинг ёзишича, У. араб тилида «Тарихи Ямиций» («Ямиций тарихи»), «Латоиф ал-куттоб» («Котибларнинг латиф сўзлари») ва б. тарихий асарлар ёзиб қолдирган. «Тарихи Ямиций» асари Сабуктегин ва Маҳмуд Ғазнавий даврида Ғазнавийлар давлати таркибига кирган Хуросон, Хоразм ва қисман Мовароуннаҳрнинг 975—1021-й.лардаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олган. Мазкур асар «Ямин ул-давла» («Давлатнинг ўнг қўли») унвонига сазовор бўлган султон Маҳмуд Ғазнавийга бағишланганлиги учун ҳам «Тарихи Ямиций» деб аталган. Асарда *қорахонийлар*нинг Мовароуннаҳрга ҳужуми (922—996) ҳақида нодир маълумотлар мавжуд. Бу асар ўрта асрлар тарихшунослигига хос оғир услуб — *саж* б-н ёзилган. «Тарихи Ямиций»нинг арабча матни Деҳли (1847), Булоқ (1874) ва Лоҳур (1883) да чоп этилган. Бу асарнинг форсча таржимаси Теҳронда 3 марта нашр этилган (1856, 1955, 1966). Инглизча таржимаси ҳам босилган (Лондон, 1858). Ундан айрим парчалар француз, немис, рус, ўзбек тилларида нашр қилинган.

Манба: Саолибий, Йатимат ул-даҳр [4-жилд], Т., 1976.

Ад.: Материалы по истории Средней и Центральной Азии X — XIX вв. Т., 1988; Аҳмедов Б. А., Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, Т., 1991.

УТЕНИЁЗОВ Алланиёз (1936.8.2, Кегейли тумани) — Ўзбекистон Қаҳрамони (2001), Ўзбекистон халқ ўқитувчиси (1992), Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи (1986). Қорақалпоғистон педагогика ин-тининг инглиз тили ф-тини тугатган (1962). Нукус туманидаги 4-ўрта мактабда инглиз тилидан дарс берган (1962—1994). У. ўқитувчилик пайтида «Саховат» фермер хўжалиги ташкил этган эди, пенсияга чиққандан кейин ҳам шу хўжаликни бошқариб келмоқда. У. ногирон ва ёрдамга муҳтож қарияларга 42 та уй-жой, «Нукус» ширкат хўжалиги ҳудудида 2 мактаб, 2 акушерлик пункти, 2 болалар боғчаси ва 1 кутубхона биноларини қуриб берган. «Меҳнат Шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1995).

УТИЛИТАРИЗМ (лот. utilitas — фойда, манфаат) — 1) барча ҳодисаларини уларнинг фақат фойда келтириши, муайян мақсадга эришиш учун восита бўлиб хизмат қилиш имкониятни нуқтаи назаридан баҳолаш принципи; 2) этикада — позитивистик йўналиш. И. *Бентам* асос солган. Фойдани ахлоқнинг асоси ва инсоний хатти-ҳаракатларнинг мезони деб ҳисоблаган. 19-а.да Буюк Британияда тарқалган. Унинг асосий принципи шахсий манфаатлар-ни қондириш воситаси б-н «энг кўп одамларни иложи борича кўпроқ бахтли қилиш»дан иборат. У. давлат ва ҳуқуқ функцияларини тушунишга асос қилиб қўйилади. «Фойда принципи»ни билиш назариясига кўчириш *прагматизм*нинг пайдо бўлишига ёрдамлашди. Ҳоз. замон Ғарб этикасида У. ўрнига «ахлоқий мулоҳазаларни таҳлил қилиш» (эмотивизм, этикада мантиқий позитивизм) қўйилмоқда.

УТОПИЯ (юн. u — йўқ ва topos — жой; utopia — йўқ жой, хаёлий жой, бошқа тахминларга кўра, eu — фаровон ва topos — жой, яъни eutopia — фаровон жой) — илмий асослаб берилмаган идеал ижтимоий тузум тасвири; илмий фантастика жанри; ижтимоий қайта ўзгаришларнинг нореал режаларини акс эттирган барча асарларнинг аталиши. «У.» термини Т. *Мор*нинг «Утопия» асари номидан олинган. Бу тушунча кейинчалик адолатли ижтимоий тузум тимсоли — бир хаёлий мамлакат тавсифи сифатида қўлланиладиган бўлди (қ. *Хаёлий социализм*).

УТОРУД, аторид (араб.) — *Меркурий*нинг эски номи. Беруний, Улуғбек китобларида, қад. Шарқ шоирлари, жумладан, Навоий асарларида бу номни кўп учратиш мумкин.

УТРЕХТ — Нидерландиядаги шаҳар. Утрехт провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 256,2 минг киши (2001). Транспорт йўлларининг йирик чорраҳаси. Рейн дарёси дельтасидаги порт. Мамлакатнинг қад. савдо-молия, саноат, маданий маркази. Машинасозлик, кимё, озиқ-овқат, тамаки, тўқимачилик (11-а.дан) саноати корхоналари мавжуд. Ун-т (1636), музейлар бор. У. қадимги римликлар қишлоғи ўрнида бунёд этилган. Меъморий ёдгорликлардан роман-готика собори (11—16-а.лар), готика черковлари сақланган. Шаҳарда ҳар йили халқаро ярмарка ўтказилади.

УТРЕХТ УНИВЕРСИТЕТИ — Нидерландиядаги қад. ва йирик ун-тлардан бири. 1636 й. Утрехт ш.да ташкил этилган. 1815 й. қироллик ун-ти, 1961 й. давлат ун-ти мақомини олган. Ҳуқуқ, тиббиёт, ветеринария, табиий фанлар, мат., теология, гуманитар фанлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонаси (1581 й. ташкил этилган)да 1 млн.га яқин асар сақланади. Ун-тда 20 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

УТТАР-ПРАДЕШ — Ҳиндистоннинг шим. қисмидаги штат. Ҳимолай тоғларининг жан. этагида. Майд. 240,9 минг км^2. Аҳолиси 166 млн. киши (2001), аксари қисми ҳинду ва мусулмонлар. Асосий тили — ҳинди, аҳолисининг бир қисми урду тилида сўзлашади. Маъмурий маркази — Лакҳнау ш. Йирик шаҳарлари: Агра, Канпур, Варанаси, Алигарҳ, Илоҳобод.

Ер юзаси, асосан, текислик (Ҳинд-Ганг текислиги), 1/5 қисми Ҳимолай тоғларининг жан. тармоқлари (энг баланд жойи Нандадеви чўққиси, 7816 м). Иқлими тропик, муссонли иқлим. Текислик қисмида май ойида ўртача т-ра 32°, июлда 16°. Йиллик ёғин 700—1200 мм. Қурғоқчилик ҳам бўлиб тура-

ди. Энг йирик дарёлари: Ганг ва унинг ирмоқлари. Суғориш канали кўп. Июль — авг.да дарёлар тўлиб оқади, баъзан тошқинлар бўлади. Ҳайдалмаган ерларда пальмазорлар ва бутали, серўт саванналар бор. Штат ҳудудининг 12% дан зиёд қисми ўрмон.

Хўжалигида қ.х. етакчи. Асосий экинлари: шоли, буғдой, дуккаклилар, арпа, шакарқамиш, пахта, кунжут, тариқ, ер ёнғоқ, картошка. Чорвачиликда сут чорвачилиги ривожланган. Саноати, асосан, қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналардан иборат. Озиқ-овқат, кўн-пойабзал, тўқимачилик, қоғоз, тамаки, аниқ приборлар, электр ускуналари корхоналари, механика ва т.й. устахоналари бор. Аграда шиша буюмлар ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчиликда газлама, калава ип, пойабзал, мебель, заргарлик буюмлари тайёрланади. Штатда ун-тлар ва б. олий ўқув юртлари бор. У.-П. — қад. ҳинд маданияти маркази. Аграда машҳур *Тож Маҳал* саройи бор. Туризм ривожланган.

УТУРГУРЛАР — илк ўрта аср туркий қабилаларидан бири. Шарқий Европага кўчиб ўтган гуннларнинг бир қисми 5-а.нинг 2-ярмидан утигур ёки утургур деб аталган. Бу даврда улар Азов денгизининг шарқий қисмида кўчиб юришган. Уларнинг бошлиғи — машҳур Сандилх бўлган. Византия У.ни уларга қардош кутургурларга қарши гижгижлаган ва натижада улар ўртасида кураш узоқ вақт давом этиб ўзаро қирилиб кетишга олиб келган. 560 й. У. *аварлар* томонидан бўйсундирилган. 570 й.ларда улар *Турк хоқонлиги*га қарам бўлишган. 630 й.ларда У. ва Азов денгизи бўйида яшаган бошқа туркий қабилаларнинг авлоди *Қубратхон* бошчилигида Булғор подшолигига асос солинган.

Ад.: Артамонов М. И., История Хазар, Л., 1962.

УФА — РФ Челябинск, Свердловск вилоятлари ва Бошқирдистон Республикасидаги дарё. Оқ Идил дарёсининг ўнг ирмоғи (Кама ҳавзаси). Уз. 918 км, ҳавзасининг майд. 53,1 минг км². Ўрта Уралдаги унча катта бўлмаган Уфа кўлидан бошланади. Ўртача сув сарфи 32,9 м³/сек. (Павлов ГЭС ёнида). Энг кўп сув сарфи 3740 м³/сек. Дек. бошларида музлаб, май бошларида музлан бўшайди. Асосий ирмоқлари: Ай, Юрюзань (чапда), Бисерть, Тюй (ўнгда). Дарё ҳавзасида карст ривожланган. Ёғоч оқизилади. Дарёда Павлов ГЭС қурилган. ГЭСдан юқорида 135 км ва қуйида 170 км қисмида кема қатнайди. У. соҳилида Красноуфимск ш., қуйилиш жойида Уфа ш. жойлашган.

УФА — шаҳар (1586 й.дан), Бошқирдистон Республикаси пойтахти. Оқ Идил дарёсига Уфа ва Дема дарёлари қуйиладиган жойда. Т.й., дарё, автомобиль ва ҳаво йўллари чорраҳаси. Аҳолиси 1042,4 минг киши (2002). Шаҳар 1574 й.да бошқирдлар қалъаси Тўратау ўрнида рус қалъаси сифатида вужудга келган. 1781 й.дан Уфа ноиблиги, 1796 й.дан Оренбург, 1865 й.дан Уфа губерниясн маркази. 1922—91 й.ларда Бошқирдистон Мухтор ССР, 1991 й.дан Бошқирдистон Республикаси пойтахти.

Нефтни қайта ишлаш, кимё, нефть кимёси («Башнефть» и.ч. бирлашмаси, Новоуфим, Уфа нефтни қайта ишлаш з-длари, «Уфанефтехим», «Уфаоргсинтез» корхоналари), машинасозлик ва металлсозлик (моторсозлик, приборсозлик, агрегат, «Оргтехника» и.ч. бирлашмалари; «Электроаппарат», «Промсвязь», «Уфасельмаш» ва б. з-длар), ёғочсозлик, енгил, озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. 7 олий ўқув юрти (шу жумладан, Бошқирдистон ун-ти), Россия ФА нинг илмий маркази, 4 театр (шу жумладан, опера ва балет театри). Бошқирдистон давлат бадиий музейи, М. Ғафури музейи бор. Шаҳар марказида Салават *Юлаев*га ёдгорлик ўрнатилган.

УФА ПЛАТОСИ — Уфа дарёси ҳавзасидаги плато. РФ Бошқирдистон Республикаси ва Пермь, Свердловск вилоятларида. Ғарбда Шарқий Европа текислиги қўшилиб кетади, шарқий ён бағри тик. Энг баланд жойи 517 м. Ер юзаси сертепа. Асосан, оҳактош, доломит, қумтошлардан тузилган бўлиб, карст ҳодисаси ривожланган. Қорақарағай-қайин ўрмонлари, жан. кенг баргли ўрмонлар б-н қопланган.

УФАР, у ф о р — қад. доира (шунингдек, ноғора) усулларидан бири. Ўтмиш мусиқа рисолаларида У.нинг бир қанча турлари келтирилган. Уларнинг ҳозирда кенг тарқалган шакли — бум-бак; 2) халқ ва мумтоз мусиқада шу усул жўрлигида ижро этиладиган чолғу ва ашула йўллари У.лар $^{1}/_{4}$ ва $^{6}/_{8}$ тактўлчовидаги 2 хил усулда ижро этилади (бум-бака-бак-бум-бак ёки бум-бако-бум-бак); Шашмақом ашула бўлимининг 1- ва 2-гуруҳ шўъбалари туркуми У.лар б-н тамомланади. Улар 1- гуруҳ шўъбаларида Уфари Уззол (Бузрук мақомида), Уфари Ушшоқ (Рост да), Уфари Баёт (Наводa), Уфари Чоргоҳ, Уфари Сегоҳ (Сегоҳда), Уфари Ироқ (Ироқда) деб номланади. 2-гуруҳ шўъбаларида эса Савт, Мўғулча йўлларидаги шўъбалар номи б-н қўшиб аталади. Мас., Уфари Мўғулчаи Бузрук, Уфари Савти Ушшоқ каби. Шўъбалардаги У.лар у ёки бу шўъба асосий қисмининг У. усулига тушириладиган ритмик вариантидир. У.ларнинг сурнай йўллари ҳам яратилган. Айниқса, туркумли сурнай йўлларида куйларнинг охирги қисми У. усулида ижро этилади. У.лар жозибали, енгил куй ва ашулалар бўлиб, ёқимли ва равон янграйди. Кўпинча улар жўрлигида турли рақслар ижро этилади. У.лар ўзбек, тожик ва қисман бошқа Шарқ халқлари мусиқасида кенг тарқалган.

УФИМЦЕВ Виктор Иванович (1899.21.11, Жан. Уралдаги Шадринск ш. яқинида — 1964.31.12, Тошкент) — Ўзбекистон халқ рассоми (1944). Омскдаги рассомлик курсида ўқиган (1917—19). 1933 й.дан Ўзбекистонда. Ҳамза театрида бош рассом (1933—36). Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг раиси (1940—45). У., асосан, тарихий жанрда ижод қилди, долзарб мавзуларга ҳозиржавоблик б-н асарлар яратди, асарларида Ўрта Осиё халқлари ҳаётини акс эттирди: «Турксиб» (1931), «Қаҳрамоннома» (1936), «Жанговар режа» (1940); «Тошкент ҳарбий шаҳарча» (1943) асарлар туркуми, «Ер ва келажак ҳақида» (1957), «Бухоройи Шариф» (1957), «Ҳаёт гули» (1963), «Олдинги қаторда» (1964) ва б. Натюрмортлар («Мовий рюмкали натюрморт», 1949; «Сирень», 1950; «Дала гуллари», 1952; «Мовий гуллар», 1954 ва б.), ҳажвий плакатлар ва б. асарлар яратган, спектакллар («Менинг дўстим», 1934; «Номус ва муҳаббат», 1936 ва б.)ни безаган. Хорижий мамлакатларда бўлиб, таассуротлари асосида картиналар (мас., «Ҳиндистон» туркуми ва б.) яратган.

Уфа. Салават Юлаев ёдгорлиги.

В. Уфимцев. «Поездлар учрашуви» (1931).

УФОР — қ. *Уфар*.

УФФИЦИ (Uffizi, айнан — «канцелярия») — Флоренциядаги давлат картиналар галереяси; Италиядаги энг йирик тўпламлардан бири. Ҳукумат канцеляриясн учун қурилган бинога жойлашган (1560—85, меъмори Ж. Вазари ва Б. Буонталенти). Медичилар сулоласи тўплами заминида шаклланган У.га 1575 й.да асос солинган. У. 13—18-а.лар Италия рангтасвир асарларининг жаҳондаги энг бой тўпламига эга (Дуччо, Жотто, Уччелло, Пьеро делла Франческа, Боттичелли, Леонардо да Винчи, Рафаэль, Жоржоне, Тициан, Караважо ва б.), антик санъат, француз, немис, нидерланд, голланд ва фламанд санъатининг ажойиб намуналари сақланади. Европа рассомларининг автопортретлари, айниқса, нодирдир.

УФҚ, г о р и з о н т (юн. horizo — чегаралайман) — очиқ жойда Ер юзасининг кўриналиган чегара қисми ёки Ер юзасининг осмон сфераси б-н кесишадиган қисми. Кўринма У. ва математик У. фарқланади. Кузатувчига осмон сфераси Ер юзаси б-н туташиб кетадигандек бўлиб кўринувчи эгри чизиқни к ў р и н м а У. дейилади. У.нинг кўринма узоқлиги қуйидагича ифодаланади: $d \approx 3,83\sqrt{h}$, бу ерда d — масофа, км ларда; h — кузатувчининг Ер юзасидан (денгизда эса сув сатҳидан) турган баландлиги, м ларда ифодаланади. Баландлик ортиши б-н У.нинг кўринма узоқлиги, шунингдек, У.нинг пасайиши ортиб боради. Мас., денгиз қирғоғида турган одам 5—6 км, 10 м баландликда эса 12,1 км узоқдаги буюмларни кўриши мумкин. Кузатувчи турган нуқтада шовун чизиги осмон сферасини зенит ва надир нуқталарида кесади (қ. *Осмон сфераси*). Шовун чизигига перпендикуляр бўлган текислик б-н осмон сферасининг кесишишидан ҳосил бўлган катта доира м а т е м а т и к ёки ҳ а қ и қ и й У. дейилади. Кўринма У., одатда, математик У.дан пастда ётади. Шунга кўра, кўринма У. ҳақиқий У.дан кичик бўлади. Жойнинг меридиани ҳақиқий У. б-н икки нуқтада: шим. нуқта N ва жан. нуқта S да кесишади. N ва S лар ўртасида шим.га қараб турган кузатувчининг ўнг томони шарқ E ва чап томони ғарб W бўлади. У. осмон экватори б-н худди шу E ва W нуқталарда кесишади. N, S, E ва W лар У.нинг асосий (бош) нуқталари бўлиб, унга д у н ё т о м о н л а р и ҳам дейилади.

УФҚ ТЕКИСЛИГИ — берилган нуқтада шовун чизиги (зенит ва надир чизиги)га перпендикуляр ўтган осмон сферасининг катта доираси текислиги. Очиқ денгизда кўринма уфқ, кичик доира текислигини ташкил этиб, у ҳақиқий У.т.га параллел бўлади (Яна қ. *Уфқ*).

УФҚ ТОМОНЛАРИ, ё р у ғ л и к т о м о н л а р и — уфқнинг тўртта асосий нуқтаси: шимол, жануб, шарқ ва ғарб. Баъзан У.т. мос равишда N, S, E ва W б-н белгиланади.

УХАНЬ — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Ханьшуй дарёсининг Янцзи дарёсига қуйилиш ерида. Хубэй провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 7,3 млн. киши (1998, шаҳар атрофи б-н). Транспорт йўлларининг муҳим чорраҳаси. Дарё порти (денгиз кемалари ҳам кира олади). Мамлакатнинг йирик саноат маркази. Саноатининг етакчи тармоғи — қора металлургия. Станоксозлик, энергетика, транспорт, радиоэлектроника ва б. саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Хитой ФА филиали, университет, и.т. институтлари бор. Шаҳар 1953 й.да Ханькоу, Ханьян ва Учан ш.ларининг бирлашувидан вужудга келган. Ҳозирги У. ўрнидаги қишлоқлар мил. ав. 1-минг йилликдан мавжуд бўлган. Меъморий ёдгорликлардан 7 ярусли Баота пагодаси (13-а.) сақланган. Дарёлар четига У.ни сув тошқинидан ҳимоя қилиш мақсадида дамбалар қурилган.

УХЛАТУВЧИ ДОРИЛАР — уйқу келтирувчи дорилар; организмга юборилганда табиий уйқуга монанд ҳолатни пайдо қилади. У.д.нинг самараси марказий нерв системасининг турли қисмларига тормозловчи таъсир кўрсатишига асосланган. У.д.нинг кичик дозаси кишини тинчлантиради.

У.д.га барбитурат кислота ҳосилалари ёки барбитуратлар ва кимёвий тузилиши турлича бўлган моддалар киради. Тинчлантирувчи моддалар ҳам уйқуни нормаллаштиришга ёрдам бериб, ҳаяжонни камайтиради, тажанглик ва безовталикни йўқотиб, уйқу келтиради. Уйқунинг турли бузилишларида У.д. қўлланилади.

У.д. уйқу келтириш тезлиги ҳамда ухлатиш муддатига кўра, узоқ муддатли ва ўртача муддатли дориларга бўлинади. Врач турлича уйқу бузилишини даволаш учун дори танлашда бу хусусиятларни эътиборга олиши лозим.

Кўпчилик У.д. кучли таъсир этувчи дори моддалари қаторига киради. Уларни фақат врач рухсати б-н қабул қилиш лозим, акс ҳолда одам бу дориларга ўрганиб қолади.

УХТА — Коми Республикасидаги шаҳар (1943 й.дан). Ухта дарёси ва унинг ирмоғи Чибью бўйида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 103 минг киши (2002). 1931 й.да барпо қилинган. Нефтьгаз ва нефтни қайта ишлаш саноати маркази. Етакчи корхонаси — нефтни қайта ишлаш з-ди; механика ва таъмирлаш-механика ва бошқа з-длари; мебель ф-каси, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Бир неча илмий тадқиқот ин-тлари, индустрия ин-ти мавжуд.

УХУАНЛАР — қадимда Монголиянинг шарқида яшаган ва хитой манбаларида *дун ху* деб аталган халқнинг бир қисми. Мил. ав. 3-а.нинг бошларида ҳунлар У.ни ўзига бўйсундириб Ухун тоғи ён бағрига кўчиртирганлар. Шундан бошлаб улар у х у а н деб атала бошлаган. Мил. ав. 119 й. Хань империяси қўшинлари ҳунлар б-н урушганда, хитойлар ҳунларга қарши курашда улардан фойдаланиш учун У.ни шарқ томонга кўчишга мажбур қилганлар. Мил. ав. 1-а.нинг бошларида У. кучайиб нафақат Хань ҳукмдорларига, балки ҳунларга ҳам қарши ҳаракат қилган. Аммо ҳунлар улар устидан ғалаба қилиб, қайтадан ўз фуқаролигига ўтказган. Шундан кейинги 2—3-а.лар давомида У. гоҳ ҳунлар, гоҳ хитойлар таъсирида бўлиб турган. Мил. 207 й. Вэй ҳокимлиги ҳукмдори Цао Цао У.ни тор-мор келтириб, 200 минг нафар кишини асирга олган. 10 минг оилани эса, Хитойнинг марказий текислигига кўчиради, қолган қисмини Манжурияда қолдиради. Шундан кейин, У. аста-секин маҳаллий халқ б-н аралашиб, мустақил халқ сифатида тарих саҳнасидан йўқолиб кетган.

УХУМСОЙ — Жиззах вилояти Фориш туманидаги сой. Нурота тизмасининг шим. ён бағридан бошланади. Уз. 28 км, ҳавзасининг майд. 73,2 км². Ухум довонидан (1300 м) 2 км шим.-ғарбда Қорасой номи б-н бошланади. Ўрта Ухум қишлоғи яқинида Тикчасой б-н қўшилгач, У. деб аталади. Тоғлар орасида ён бағирлари баланд, кенг водийда нишаби катта тошлоқ ўзанда оқади. Ҳавзаси, асосан, сувни яхши ўтказадиган жинслардан тузилганлигидан қор ва ёмғир сувларининг кўп қисми ер остига сингиб кетади. Ўртача йиллик сув сарфи 1,17 м³/сек. дан (кўп сувли йилда) 0,130 м³/сек. гача (кам сувли йилда) ўзгаради. Қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Баҳорда суви кўпаяди, ёз охири, куз бошларида суви камаяди. Тоғлар орасидан текисликка чиққач, ёзда ўзани қуриб қолади. Суви экин майдонларини суғоришга сарфланади.

УЧ АВЛИЁ МАЖМУАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1549, 1821). *Ичан қалъа*нинг шарқий қисмида жойлашган. Мақбара 3 авлиё шайх (Боқий, Мақсуд ва Латиф)лар номи б-н боғланган.

Мақбара бир хонали, мураббаъ тарҳли (6×6 м), пишиқ ғишт (27×27×5 см)дан қурилган. Полига ҳам пишиқ ғишт (26×26×5 см) ётқизилган. Гумбази 16-а. Бухоро меъморлигига хос «қолибкори» услубида қурилган бўлиб, катак-катак юлдузчалар б-н безатилган. Мақбаранинг шим. деворидаги равоқда супа устига 6 та сағана ёнма-ён жойлаштирилган. Уларнинг 3 таси пастки шим.-шарқий қисмида. Мақбара безаксиз, унга 3 томондан кирилади. Бош тарзи баланд пештоқли (бал. 12 м). Пештоқ токчаси ва тепасидаги ясси равоқлар ғиштдан ҳошияли қилиб терилган. Мақбаранинг ягона безаги ёғоч ўймакори эшиги бўлиб, уни ишлашда қатнашган хивалик усталардан Абдулла ибн Саййд, Аҳмад Самарқандийнинг ўғли ва шогирди Асад Ҳусайн номлари ёзилган. Кейинчалик пештоқ қаршисида қорихона, хонақоҳ ва бир устунли айвон қурилган. Айвондаги ёзувда Ҳожи Мақсуд томонидан қурдирилгани (1893) қайд этилган. Пештоқдаги мармар тахтачада мутаваллий Назархўжа буйруғи б-н таъмирланганлиги (1821—22) ёзилган. У.а.м. И. Ноткин (1956—59) ва А. Раҳмонов (1981—82) раҳбарлигида илмий ўрганилган.

Уч авлиё мақбараси.



УЧ ЖИСМ МАСАЛАСИ (астрономияда) — бутун олам тортишиш қонунига мувофиқ ўзаро тортишувчи уч жисм ҳаракати ҳақидаги масала. Бунда жисмлар моддий нуқталар деб олинади. Бундай деб олиш учун улар шарсимон шаклда, оралиқдаги масофа уларнинг хусусий ўлчамларига нисбатан жуда катта бўлиши керак. Бир қанча осмон жисмлари, мас., *Қуёш, сайёралар* ва уларнинг йўлдошлари бу шартни етарли даражада қаноатлантиради. 1912 й.да фин астрономи К.Ф. Сундман У.ж.м. умумий ечимини чексиз қаторлар кўринишида чиқарди, бироқ бу ечим мураккаб бўлгани сабабли амалий мақсадларда фойдаланилмайди. У.ж.м. фақат махсус бошланғич шартлар қўйилгандагина тўла ечимга эга бўлади.

УЧ ШОХЛИ НЕРВ — бош мия нервларининг V жуфти. Варолий кўприги б-н миячанинг ўрта оёғи оралиғида жойлашган (қ. *Бош мия*). Сезувчи, ҳаракатлантирувчи ва вегетатив нерв толаларидан иборат. У.ш.н.нинг сезувчи толалари уч тармоққа бўлинади. 1-шохи юзнинг пешона қисмини, бошнинг олдинги сочли қисмини, юқори қовоқни ва буруннинг тепа қисмидаги терини, 2-шохи чакка, бурун, юқори лабнинг шиллиқ қаватларини, юқори жағдаги тишлар ва милкларни, 3-шохи пастки жағ канали бўйлаб йўналиб, пастки лаб, лунж, энгак, тилнинг шиллиқ қаватларини, пастки жағ тишларини ва милкларини иннервация қилади. У.ш.н.нинг ҳаракатлантирувчи толалари Варолий кўпригида жойлашган ҳаракатлантирувчи ядро ҳужайраларидан бошланади. Ҳаракатлантирувчи нерв толалар чакка, чайнов мускулларини иннервациялайди. У.ш.н.нинг кўп учрайдиган касалликларидан *невралгия* кучли оғриқ б-н кечади.

УЧАР БАЛИҚ (лот. Volans) — осмоннинг Жан. ярим шарида жойлашган унча катта бўлмаган юлдуз туркуми. *Рассом* ва *Киль* юлдуз туркумлари орасида жойлашган; энг равшан юлдузлари 3 —4 юлдуз катталикда кўринади. Ўзбекистон ҳудудида кўринмайди.

УЧАР БАЛИҚЛАР (Exocoetidae) — саргансимонлар туркумига мансуб балиқлар оиласи. Уз. 15—50 см. Жағлари қисқа, кўкрак ва айримларида қорин сузгичлари узун. 7 уруғи, 60 дан ортиқ тури тропик ва субтропик денгизларда тарқалган. Баъзи тўда ҳосил қилади. Сув устида учиш хусусиятига эга (номи шундан). Хавф сезганда сувдан 10 м гача баландликда 200 м, баъзан 400 м масофага учиб боради. Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанларининг тропик ҳамда субтропик қисмида яшайди. Япон учар

Учар балиқ.

балиғи, оддий узунқанот каби турлари бор. Планктонхўр. Увилдириқларини сувўтлар ёки бошқа нарсаларга ёпиштириб қўяди. 1—24 минг увилдириқ ташлайди. Овланади.

УЧАР БАҚАЛАР (Rhacophorus) — думсиз амфибиялар уруғи, курак оёқлилар оиласига мансуб. Уз. 6—10 см. 18 тури Жан. ва Жан.-Шарқий Осиё, Японияда тарқалган. Дарахтларда яшайди; бармоқлари орасида пардаси бор. Бармоқларини кенг ёйганида юзаси 20 см² гача етади. У.б. дарахтдан дарахтга ёки ерга 10—12 м гача сакраши мумкин. Танаси очиқ рангли, кўпинча

Учар бақа.

яшил тусда. Урғочиси, одатда, йирикроқ бўлиб, кўпайиш даврида эркаги олиб юради. Тухумларини сув устидаги барглар орасига қўяди; айримлари қорин қисмига ёпиштириб олади.

УЧАР ИТЛАР, тунги қанотлорлар (Bousettus) — қанотлор кўршапалаклар уруғи. Гавдасининг уз. ўртача 13 см, думи 1,4 см. 13 тури бор. Африка, Жан. Осиё, Малайзия ва Тинч океанидаги оролларда тарқалган.



Учар ит.

Ғорлар ичида яшайди. Қоронғи ғорларда эхолокация ёрдамида мўлжал олади. Баъзан барча қанотлор кўршапалаклар «учар итлар» деб аталади.

УЧАР ЮЛДУЗЛАР — қ. *Метеорлар*.

УЧБУРЧАК (лот. Triangulum) — осмоннинг Шим. ярим шарида жойлашган кичикроқ юлдуз туркуми. Ер шарининг ўрта кенгликларида ёзда, кузда ва қишда яхши кўринади. Энг ёруғ юлдузлари 3,0 ва 3,4 юлдуз катталикда.

УЧБУРЧАК — бир тўғри чизиқда ётмаган учта нуқта ва учлари шу нуқталарда бўлган учта кесмадан ясалган фигура. Берилган нуқталар У.нинг учлари, учларини туташтирувчи кесмалар У.нинг томонлари, томонлари орасидаги учта бурчак У.нинг бурчаклари дейилади. Учала томони ўзаро тенг бўлган У. тенг томонли (расм, а), икки томони тенг бўлса, тенг ёнли (расм, б) У. дейилади. Учала бурчаги ўткир бўлган У. ўткир бурчакли (расм, в), бурчакларидан бири тўғри бўлса, тўғри бурчакли (расм, г), бурчакларидан бири ўтмас бўлса, ўтмас бурчакли (расм, д) дейилади. У.да фақат битта тўғри ёки ўтмас бурчак бўлади (чунки У.нинг барча бурчаклари йиғиндиси икки тўғри бурчак, яъни 180° ёки радиан ўлчовида π га тенг). У.нинг юзи $S = \frac{1}{2}ah$ га тенг [a — У. томонларидан бири, h — эса ўша томонга туширилган баландлик (расм, е)]. У. ҳар томонининг узунлиги қолган икки томон узунликлари йиғиндисидан кичик, айирмасидан эса катталир. Қуйидаги шартлардан бири бажарилса, икки У. тенг бўлади: 1) томонлари мос равишда тенг; 2) иккитадан томонлари



Учбурчаклар.

ва бу томонлар орасидаги бурчаклари тенг; 3) биттадан томонлари ва бу томонга ёпишган иккитадан бурчаклари тенг. Уларнинг кўпгина бошқа хоссаларини тригонометрия, сферик геометрия, сферик тригонометрия ва б. соҳаларда ўрганилади.

«УЧИНЧИ РЕЙХ» (нем. учинчи империя, учинчи подшолик) — фашистлар Германиясига нацистлар берган ном. «У.р.» термини уч подшолик ҳақидаги ўрта аср мистик таълимотига асосланган. «Учинчи» ёки «минг йиллик» рейх (дастлабки 2 рейх ўрта асрларда мавжуд бўлган «Муқаддас Рим империяси» ва 1871—1918 й.лардаги Германия империяси ҳисобланган) ҳақидаги афсонада фашизм ижтимоий тараққиётнинг «якунловчи» «олий» босқичи деб эълон қилинган.

УЧИНЧИ ШАХСЛАР — фуқаролик ҳуқуқида бевосита фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этмайдиган, лекин вужудга келган ҳуқуқий муносабатда муайян даражада ҳуқуқ ва мажбурият туғдирадиган субъектлар. Ўзбекистон Республикасининг ФК га кўра, У. ш.га у ёки бу даражада ҳуқуқ ва мажбурият туғдирадиган нормалар: У. ш.нинг ҳаракатлари учун қарздорнинг жавобгарлиги (ФКнинг 334-моддаси), ижарага топшириладиган мол-мулкка нисбатан У.ш.нинг ҳуқуқлари (ФКнинг 543-моддаси), транспорт воситасидан фойдаланиш ҳақида У.ш. билан тузиладиган шартномалар (ФКнинг 569-моддаси), текин фойдаланишга топшириладиган ашёга У.ш.нинг ҳуқуқлари (ФКнинг 622-моддаси), омонатчининг ҳисобварағига У.ш.нинг пул маблағлари қўйилиши (ФК нинг 767-моддаси, У. ш.нинг ҳуқуқлари бўлган мол-мулкни ишончли бошқариш (ФКнинг 856-моддаси) ва б.дан иборат. Фуқаролик процессида даъвогар б-н жавобгар ўртасидаги низонинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган жисмоний ёки юридик шахслар. У.ш. даъвогар ёки жавобгар сифатида фуқаролик процессида иштирок этмайди, бироқ, суд томонидан чиқариладиган ҳал қилув қарори уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бевосита таъсир кўрсатади. Манфаатдорлик характерига кўра, бундай шахслар мустақил талаблар б-н арз қилувчи (мустақил даъво қилувчи) ва мустақил талаблар б-н арз қилмайдиган (мустақил даъволари бўлмаган) У.ш.га ажратиладилар (ФПКнинг 44—45-моддалари). Мустақил талаблар б-н арз қилувчи У.ш. иккала томонга ёки улардан бирига умумий асосларда даъво қилиб, бошланиб кетган процессга киришади. Бундай турдаги У.ш. даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва барча мажбуриятларига эга бўлади. Мустақил талаблар б-н арз қилмайдиган У.ш. агар иш бўйича қабул қилинган қарорларнинг томонлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ёки мажбуриятларига таъсир эта олса, ишга даъвогар ёки жавобгар томонида туриб киришади (ўз ташаббуси бўйича, томонларнинг ёки прокурорнинг илтимоси бўйича жалб этилади). Улар даъвонинг асосини ва предметини ўзгартириш ёки камайтириш, шунингдек, даъводан воз кечиш, даъвога иқрор бўлиш ёки келишув битими тузишдан бошқа ҳамма процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади ва тегишли процессуал мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

УЧИНЧИСИ ИСТИСНО ҚОНУНИ — формал мантиқнинг асосий қонунларидан бири. Дастлаб Аристотель ифодалаб берган. Бу қонунга кўра, бир-бирига зид бўлган икки фикрдан бири чин, иккинчиси хато, учинчи фикрга ўрин бўлиши мумкин эмас. Бу қонун қайси фикрнинг чинлигини кўрсатиб бера олмайди, лекин қайси фикрдан бири тўғри бўлса, кейингиси албатта нотўғрилигини билдиради. У.и.қ. «А ёки В ёки В эмас» формуласи орқали ифодаланади. У.и.қ. билиш ва муҳокама юритиш жараёнида тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

УЧКЎПРИК — Фарғона вилояти *Учкўприк тумани*даги қишлоқ. Туман маркази, яқин т.й. станцияси — Қўқон (8 км). Аҳолиси 6 минг кишидан зиёд (2004). Хўжаликлари Катта Фарғона каналидан сув олади. Асфальт-бетон, пахта тозалаш, мева сабзавот консерва з-длари, қурилиш ташкилотлари, МТП, нон к-ти, автокорхона, қўшма корхоналар, кичик ва хусусий фирма ва корхоналар фаолият кўрсатади. Умумий таълим мактаблари, лицей, болалар мусиқа ва спорт мактаблари бор. Маданият саройи ва б. маданият муассасалари, марказий кутубхона ва унинг шохобчалари ишлаб турибди. Стадион, спорт заллари, бир қанча спорт ва футбол майдонлари мавжуд. Марказий касалхона, туғруқхона, тез тиббий ёрдам ст-яси фаолият кўрсатади. У.дан Қўқон ва Фарғона ш.ларига автобуслар қатнови йўлга қўйилган.

УЧКЎПРИК ТУМАНИ — *Фарғона вилояти*даги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1962 й. 24 дек.да Бағдод тумани б-н қўшиб юборилди. 1964 й. 31 дек.да қайта тузилди. Шарқдан Бағдод, Бувайда, шим. ва ғарбдан Данғара, Қўқон ш., ғарб ва жан.-ғарбдан Ўзбекистон жан.-шарқдан Риштон туманлари б-н чегарадош. Майд.

0,28 минг км². Аҳолиси 164 минг киши (2004). Туманда 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Кенагас, Меҳнатобод, Наврўз, Полохон, Сариқўрғон, Учқўрғон, Чорбоғ, Янгиқишлоқ, Ғозиғиждон) бор. Маркази — Учкўприк қишлоғи.

Табиати. Рельефи, асосан, текислик. Жан. қисми Туркистон тизмасининг шим. этакларидаги адирлар, марказий қисми қад.дан деҳқончилик қилиб келинаётган текисликлардан иборат. Шим. ва шим.-шарқий қисми Марказий Фарғонага туташган. Адирлар туман ҳудудида бир неча км масофага чўзилиб боради. Улар Сўх дарёси ёйилтмасининг қад. конгломератларидан иборат. Иқлими континентал. Қурама, Чатқол ва Фарғона тизма тоғлари шим.дан келадиган совуқ шамолларни тўсиб туради. Шу сабабли бу ерда қиш илиқ. Ўртача йиллик т-ра 13,5°. Июлда 27—28°, энг юқори т-ра 42°, янв.да −2,2, энг паст т-ра −23°. Вегетация даври 235—240 кун. Ўртача йиллик ёғин 100—115 мм.

Экин майдонлари Сўх дарёсидан сув оладиган — Картан канали ва Катта Фарғона каналидан суғорилади. Умумий уз. 104 км бўлган 7 катта ариқ — Картан, Хон, Собиржон, Каламуш, Ғижлон, Оққўрғон, Қуқон ариқлари мавжуд. 624 км узунликдаги 105 коллектор бор. Ачиққўл ва Шим. Бағдод коллекторлари ер ости сизот сувларини Сирдарёга қуяди. Сизот ва булоқ сувларидан тўйинадиган Янгиқадам ариғи қўшимча сув беради. Сўх гидроузели — муҳим гидротехника иншооти ишлаб турибди. Бундан ташқари, тумандаги аҳоли пунктлари ва чорвачилик фермалари 130 га яқин артезиан қудуқларидан сув олади.

Адир ва адир этакларига ёндашган ерларда суғориладиган бўз, оч бўз, марказий қисмида суғориладиган ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқлар, шим. ва шим.-шарқий қисмида шўрхок ва қумоқ тупроқлар тарқалган. Адир ва адир этаги текисликларида эфемер ва эфемероид ўсимликлар, юлғун, оқбош, тароқбош, буғдойиқ, қамиш, қўға, шўра, ажриқ, какра, қумли майдонлар ва қум тепаларида қиндим, черкез, қум қиёғи, янтоқ каби ўсимликлар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, бўри, қуён, қизилқуйруқ, қумсичқон, жайра, қўшоёқ, каламуш, ўқилон, чипор илон, калтакесаклар; қарға, чумчуқ, чуғурчиқ, сўфитўрағай, қашқалдоқ, бедана ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, қорақалпоқ, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 586 киши.

Хўжалиги. Пахтачилик — туман хўжалигининг етакчи тармоғи. Туманда 380 та ширкат, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туман саноат корхоналари қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Пахта тозалаш, асфальт-бетон, мева ва сабзавот консервалаш, ғишт з-длари, автокорхона, МТП, 4 қўшма, 350 кичик хусусий корхоналар, 4 йирик саноат, шунингдек, қурилиш корхоналари фаолият кўрсатади.

Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, беда, шоли, дон, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Боғдорчилик ва токчилик ривожланган. Субтропик мевалар (мас., анжир) ҳам етиштирилади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Туман ҳудудидан Андижон—Москва, Бишкек—Жалолобод поездлари ўтади.

53 та умумий таълим мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, болалар ва усмирлар спорт мактаби, мусиқа мактаблари, марказий кутубхона ва унинг тармоқлари ишлаб турибди. Марказий касалхона, туғруқхона, 40 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункт, 2 та тиббий ёрдам курсатиш ст-яси мавжуд.

Ғолиб Йўлдошев

УЧЛАМЧИ СИСТЕМА (ДАВР) — Ер геологик тарихида *кайнозой эратемасининг* биринчи даври. «У.с.» терминини 1759 й. итальян геологи Ардуино таклиф этган. У.с. ётқизиқлари мезозой эрасининг бўр даври жинслари устида жойлашган бўлиб, антропоген (тўртламчи) даври жинслари б-н қопланган. Ҳоз. вақтда 2 мустақил — неоген ва палеоген системаларига ажратилган; илгари бу даврлар У.с.нинг бўлимлари ҳисобланарди. Яна қ. *Неоген системаси (даври), Палеоген системаси (даври).*

УЧЛАНМА НУҚТА (термодинамикада) — модданинг *ҳолат диаграммасида* ундаги 3 фаза — қаттиқ, суюқ ва газсимон фазаларининг турғун мувозанат ҳолатига мос келадиган т-ра ва босимни ифодаловчи нуқта. Гиббснинг фазалар қоидасига кўра, кузатилаётган модданинг мувозанат ҳолатида учтадан ортиқ фазалар бўлиши мумкин эмас. Агар модда учта эмас, балки ундан кўп фазаларда мавжуд бўлиши мумкин бўлса, бундай модданинг ҳолат диаграммасида бир неча У.н. бўлиши мумкин. Мас., сув учун битта У.н. босим 610 Па [4,58 мм сим. уст.] ва т-ра 0,008°C [273,15 K] бўлган нуқтада кузатилади. Бунда муз, сув ва сув буғи ўзаро мувозанатда бўлади. Сувнинг У.н. т-раси T=273,15 K *термодинамик температура шкаласининг* репер нуқтаси ҳисобланади. Турли моддалар учун У.н.да т-ра ва босим турлича бўлади (жадвалга қ.).

Баъзи бир моддаларнинг учланма нуқтаси

Модда	Температура, К	Босим, Па
Карбонат кислота	216,5	$5{,}2\cdot10^5$
Аммиак	195,4	6,1
Сув	273,16	$6{,}1\cdot10^{-3}$
Этил эфири	152,9	$8{,}6\cdot10^{-4}$

2000 атм ва ундан ортиқ босимларда ҳамда т-ра 20° дан паст бўлган шароитда сув б-н бирга унинг ҳолати — муз (кристалл)нинг 5 дан ортиқ фазаларини кузатиш мумкин. Шунинг учун айрим У.н.ларда 3 хил кристалл фазалар ўзаро мувозанатда ҳам бўлади.

УЧЛИК ҚОИДА — тўғри ёки тескари пропорционал миқдорларга оид масалаларни ечиш қоидаси. Масалада иккита x ва y миқдор қатнашиб, улардан бирининг иккита x_1, x_2 қиймати, иккинчисининг битта y_1 қиймати маълум бўлса, иккинчи y_2 қиймат оддий У.қ.га асосан топилади: x ва y тўғри пропорционал боғланишда бўлса, $x_1 y_1 = x_2 y_2$ пропорциядан $y_2 = \frac{x_2 y_1}{x_1}$, тескари пропорционал боғланишда бўлса, $x_1 y_1 = x_2 y_2$ пропорциядан, $y_2 = \frac{x_1 y_1}{x_2}$. Мас., 18 л суюқлик 20 кг келади. Неча литр суюқлик 12 кг чиқиши $\frac{18}{x} = \frac{20}{12}$ пропорциядан топилади: $x = \frac{18\cdot12}{20} = 10{,}8$ л.

Масалада иккитадан ортиқ миқдор (x, y, z,...,n) лар қатнашган бўлса, мураккаб У.қ., яъни бир неча марта такрорланадиган оддий У.қ. қўлланади.

УЧМА, оташак (Ceratocephalus Moench.) — айиқтовонгулдошларга мансуб бир йиллик ўтлар туркуми. Ўзбекистонда 2 тури — тўғритумшуқ У. (Ctesticulatus (Crantz) Bess.) ва илмоқтумшуқ У. (C. falcatus (L.) Pers.) ўсади. Тўғритумшуқ У. пояси 1—7 см, илмоқтумшуқ У.нинг бўйи 3—10 см, тумшуғи қайрилган. Барги панжасимон камбар бўлакчали, илдиз бўғзида жойлашган. Гули сариқ. Меваси тумшуқсимон ўсимтали, поя учида бошоққа ўхшаб тўпланган. Уруғи кузда ги биринчи ёмғирдан кейин униб чиқади; март—апр.да гуллаб уруғлайди. У. чўл ва адирлардаги ўтлоқларда, экинлар орасида кўп учрайди. Таркибида заҳарли модда бор. У.дан кўпинча қўй ва эчкилар заҳарланади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

Тўғритумшуқ учма.

УЧТАМҒАЛИ, уштамғали — йирик уруғлардан бири. 20-а.нинг бошларига қадар сақланиб келган. Улар қипчоқлар таркибида бўлишган. 15—16-а.лар давомида Нўғай Ўрдасининг ерларида кўчиб юрганлар. Нўғай Ўрдаси емирилгач (16-а.нинг 2-ярми), У.нинг бир қисми Азов денгизининг соҳилларига кўчиб ўтиб, кейинчалик нўғай халқининг, Дашти Қипчоқда қолган қисми эса Зарафшон водийсидаги қипчоқлар, Тошкент воҳасидаги қурамалар ҳамда қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз халқлари таркибига сингиб кетган.

УЧТЕПА — Жиззах вилояти *Жиззах туманидаги* қишлоқ, туман маркази. Туманнинг шим.да. Яқин т.й. станцияси — Жиззах (15 км). Аҳолиси 10 минг кишига яқин (2004). У.да 3 автокорхона, «Жиззах дон маҳсулотлари», қурилиш, маҳсулотларини қадоқлаш корхоналари, нон к-ти ва б. бор. Умумий таълим, болалар мусиқа, спорт мактаблари, лицей, 2 касб-ҳунар коллежи, марказий кутубхона ва унинг тармоқлари, клуб муассасалари, маданият уйлари, музей, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Стадион, теннис корти фаолияти кўрсатади. Марказий касалхона, тиббий диспансер ишлаб турибди. У. — Жиззах йўналишида автобуслар қатнайди.

ЎЧТУТ ЧАҚМОҚТОШ КОНЛАРИ — ашель, мустье ва юқори *палеолит* даврларида тайёрланган тош қуроллар учун хом ашё манбалари. У.ч.к. мил. ав. 5—4 минг йилликларга оид. 1958 й. Бухоро вилояти Навоий туманининг Учтут қишлоғи яқинидан Я. *Ғуломов* раҳбарлигидаги Моҳондарё экспедицияси аъзолари томонидан топилган ва шу қишлоқ номи б-н аталган. 1961—67 й.ларда М.Р.Қосимов ва 1967—80 й.лар Т.Мирсоатов томонидан ўрганилган. Конинг умумий майд. 8000 м² бўлиб, шундан 1000 м² қазиб ўрганилган ва 32 та чақмоқтош кони очилган. У.ч.к. воронка ёки овал шаклида (эни 95—110 см дан 4—5,5 м гача, чуқ. 5—5,5 м гача) бўлган. Тоғ жинсига 1—2 м қолганда конлар 3—4 мартагача кенгайиб борган. У.ч.к.нинг тупроқ қатламидан сақланиб қолган қурол излари шахталар қандай қурол-лар ёрдамида қазилганлигини аниқлаш имконини беради. У.ч.к.нинг тупроқ қатламидан буғунинг курак суяги, шахталар ёғоч қуролларнинг излари, шахталар ичидан учи силлиқланган ҳайвон шохлари топилган. Чақмоқтошларни тош қуроллар б-н кавлаб тоғ жинсидан ажратиб, сўнгра оғир вазндаги қайроқ тошлар б-н уриб, бир неча бўлакларга бўлганлар. Нам тортган чақмоқтош мўртроқ бўлиб, қурол ясаш осон бўлган. Одамлар кон яқинида чақмоқтошлардан қуроллар ясаб, ибтидоий устахоналар вужудга келтиришган. Бундай тошга ишлов бериш жойлари Қизилқумнинг бошқа р-ларидан ҳам топилган. Бунга Амударё бўгози яқинидаги Султонуиздоғ тош-кон макони мисол бўла олади. Ҳозиргача У.ч.к.дан 35 хил тош ҳамда ҳайвон шохидан ясалган қуроллар топилди. Булар қад. одамларнинг У.ч.к.дан узоқ муддат давомида хом ашё манбаи сифатида фойдаланганини кўрсатади.

УЧУНИҚ — бир қанча касалликларнинг бошланғич белгиси. Кўпинча касалликнинг 3—4-куни намоён бўлади. Беморнинг аъзои бадани зирқираб оғриши, гавда т-расининг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиши, лаб ва бурунга учуқ (баъзан қулоқларга тошма) тошиши б-и кечади. Шу сабабли халқда бу ҳолат У. деб аталади. Аксарият кишилар У.ни оёқ учида ўтиб кетадиган хасталик деб қарайдилар. Натижада У. бошқа касалликларнинг авж олишига сабаб бўлади. Киши учунганида врачга мурожаат этиши зарур.

УЧУР — РФ Хабаровск ўлкаси ва Саха (Якутия)даги дарё, *Алдан*нинг ўнг ирмоғи (Лена ҳавзаси). Уз. 812 км, ҳавзасининг майд. 113 минг км². Становой тизмасининг шарқий чеккасидан бошланиб, Алдан тоғлигининг шарқий чеккаси бўйлаб, кўпинча тор водийдан оқади. Ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 1345 м³/сек. Энг йирик ирмоқлари: Уян, Тиркан, Гонам, Гиним. Нояб.да музлаб, майда муздан бўшайди. Қуйилиш жойидан 159 км гача кема қатнайди.

УЧУҚ — лабга тошадиган *герпес.*

УЧЧЕЛЛО (Uccello) (асли ди Доно, di Dono) Паоло (1397 — Флоренция — 1475.10.12) — итальян рассоми. Флоренция мактабининг йирик намояндаси. У. *Донателло*, Ф. *Брунеллески*, *Мазаччо* ва 1407—14 й.ларда Л. Гиберти устахонасида таълим олган ва ундан илҳомланган. Асосан, Флоренцияда, шунингдек, Венеция (1425—30), Па-

Учтепа қишлоғидаги Жиззах иқтисодиёт -қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи.

Паоло Учелло. «Авлиё Георгийнинг аждаҳо б-н олишуви» (1450-йлар).

дуя (тахм. 1447), Урбино (1465—68)да ҳам ишлаган. У. ижодида готика шаклларига мойиллик янги, реалистик санъат масалаларига бўлган қизиқиш б-н гароиб уйғунликка эришган; портретлари («Кондотьера Ж.Акуто», Флоренциядаги собор леворига ишланган фреска, 1436), жанг лавҳалари («Сан-Романо жанги», тахм. 1450-йлар ўртаси, нусхалари Уффицида, Луврда, Лондондаги Миллий галереяда) ва б. асарлари сақланган.

УЧЎЧОҚ ЧЎҚҚИСИ — Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги тог чўққиси. Боботогнинг давоми — Оқтогнинг энг баланд жойи (751 м). Сурхондарё ва Кофарниҳон дарёлари оралиғида. Атрофи сойликлардан иборат. Неоген жинсларидан тузилган. У.ч. яқинидан нефть ва газ конлари топилган. Чўққи ёнидан мармартош тайёрланади.

УЧҚАТДОШЛАР — қ. *Шилидошлар.*

УЧҚИЗИЛ — Сурхондарё вилояти *Термиз туманидаги* қишлоқ, туман маркази. Т.й. станцияси, Термиз ш.дан 20 км узоқликда. Учқизил сув омбори (2004). Пахта тозалаш з-ди, 4 қўшма, 6 кичик корхона, автокорхона ва б. саноат ва қурилиш ташкилотлари, МТП, деҳқон бозори бор. Умумий таълим, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, лицей фаолият кўрсатади. Марказий кутубхона ва унинг шоҳобчалари, маданият уйлари аҳолига хизмат қилмоқда. Стадион ва б. спорт иншоотлари, сайёҳлик маскани мавжуд. Марказий касалхона, поликлиника, тез тиббий ёрдам ст-яси, дорихона. Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий тадқиқот ин-ти (Тошкент ш.нинг «Учқизил» филиали ишлаб турибди. У. — Термиз йўналишида автобуслар қатнови йўлга қўйилган.

Учқизил сув омбори.

УЧҚИЗИЛ СУВ ОМБОРИ — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридан шим. томонда, 20 км узоқликда, Учқизил дарёсидаги яқинидаги сув омбори. Атрофи тепаликлар б-н ўралган тақасимон табиий чуқурликда барпо этилиб, 1957 й.да фойдаланишга топширилган. Умумий ҳажми 160 млн. м³, фойдали ҳажми 80 млн. м³. *Жанг канали* ва унинг Жан. Занг сув келтириш канали орқали Сурхондарё суви б-н тўлдирилади.

Сув омборининг асосий иншоотлари: майда донадор қум б-н кўтарилган жан. ва ғарбий дамбалар; минора кўринишидаги сув чиқаргич ва бош ростлагич дамбалар; 1150 м узунликдаги жан. дамбанинг бал. 11,5 м, тепа қисмининг кенглиги 6 м, деворлари қиялигининг юқори қисмига армобетон плиталар ётқизилган. 2260 м узунликдаги ғарбий дамбанинг бал. 5,2 м. Сув чиқаргичдан 70 м масофада очиқ сув бўлгич — бош ростлагич қурилган бўлиб, у сувни шарқий ва ғарбий тақсимлаш каналларига бўлиб беради.

УЧҚИР ГАЗ КОНИ — Бухоро вилояти Жондор туманидаги кон, Ғазли ш.дан 40 км ғарбда. 1960 й.да очилган, 1968 й.да фойдаланишга топширилган. Кон рельефи чўл текислигидан иборат. У.г.к. Учқир структураси — шим.-ғарбий йўналишда чўзилган брахиантиклинални жойлашган. Структурасининг геологик тузилиши унинг яқинидан ўтган Бухоро-Ерали тасирида мураккаблашган. Юқори бўр даврининг сеноман яруси тил қатламларининг таянган бурма тумбаси яқинлашиш—ғарбий ва жан.—шарқий қўбоблардан ташкил топган. Иккала қўбобдаги газ уюмларининг ташқи чегаралик тузилишда четласи умумий. У.г.к. кул қатламли бўлиб, унинг геологик тузилишида палеоген, меловой ва қалиноий жинслари маълум. Газ уюмлари қўйи бўр ва юқори юра даври ётқизиқларида ажратилган горизонтларда топилган. Газ уюмида нефть ҳошияси мавжуд. Уюмлар ўлчами мос ҳолда 25×11 км, бал. 110 м ва 14,5×7 км, бал. 28,0 м. Уюмларни қатламли, тумбасимон. 1530—1660 м ва 1680—1770 м чуқурликда очилган. Ғалвирак мах. 1630 мин м³. Горизонтлар қуми алевролит, ич оҳактош, доломит, гил, алевролит ва қумтошлар б-н қаватланган оҳактошлардан таркиб топган. Уларнинг умумий қалинлиги 10—25 м. Уюмлар қатламли, тумбасимон, ўлчами мос ҳолда 17×5 км, бал. 46 м; 6,5×3,2 км, бал. 15 м ва 22×14 км, бал. 46 м. Ҳамма горизонтлардаги қатлам сувлари юқори даражада минераллашган бўлиб, намакоб турига мансуб. Кимёвий таркибига кўра, хлор-кальцийли. Микрокомпонентлардан: йод, ром, бор учрайди. Кондан ҳ.г. кунда фойдаланилмоқда.

УЧҚУДУҚ — Навоий вилояти *Учқудуқ туманидаги* шаҳар (1978 й.дан), туман маркази. Вилоятнинг шимда. Т.й. станцияси. У.дан Навоий ш.гача 300 км. Аҳолиси 25,3 минг киши (2004). 1961 й.да Мурунтов олтин конининг ишга туширилиши муносабати б-н барпо этилган. Уда олтин, олтингугурт, мармар ишлаб чиқарувчи кон саноати корхоналари, жумладан, Навоий кончилик к-пига қарашли Шим. кон бошқармаси, Зарафшон қурилиш бошқармаси таъсарруфидаги «Шимол» корхонаси, Кўкпатос геология разведка экспедицияси, 31-Қизилқум геологияразведка партияси, Ўзбекистон—Россия «Промэлектро» қўшма корхонаси, қурилиш, машина хизмат кўрсатиш корхоналари ва шохобчалари, автокорхона, 6 умумий таълим мактаби, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, гимназия, кончилик касб-ҳунар коллежи ишлаб турибди. Маданият уйи, 3 кутубхона, клуб муассасалари мавжуд. Стадион, соғломлаштириш пункти, сузиш ҳавзаси ва б. спорт иншоотлари аҳолига хизмат қилади. Марказий касалхона, тиббий санитария қисми, сил қарши диспансер, поликлиника, аёллар ва болалар консультацияси, дорихона, 2 қишлоқ врачлик пункти, 4 касалхона, 2 врачлик пункти, давлат санитария эпидемиология назорат маркази ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. Шаҳар ҳудудидан Навоий—Учқудуқ—Нукус йўналишидаги катта автотрасса ўтади. У. — Мискин янги т.й. тармоғи мавжуд.

Учқудуқ шаҳри. Маданият саройи.

УЧҚУДУҚ ТУМАНИ — *Навоий вилоятидаги* туман. 1982 й. 25 мартда ташкил этилган. Шимдан Қозоғистон Республикаси, жандан Бухоро вилояти ва шарқдан Томди, Конимех туманлари б-н чегарадош. Майд. 46,63 минг км². Аҳолиси 38,8 минг киши (2004). Туманда 5 қишлоқ фуқаролар йиғини (Авангард, Бўзғўғир, Минг-бўлоқ, Олтинтов, Узунқудуқ) бор. Маркази — *Учқудуқ ш.*

Учқудуқ туман ҳокимияти биноси.

Учқудуқ шаҳри. Шимолий кон бошқармаси биноси.

Ресупубликаси, жандан Бухоро вилояти ва шарқдан Томди, Конимех туманлари б-н чегарадош. Майд. 46,63 минг км². Аҳолиси 38,8 минг киши (2004). Туманда 5 қишлоқ фуқаролар йиғини (Авангард, Бўзғўғир, Минг-бўлоқ, Олтинтов, Узунқудуқ) бор. Маркази — *Учқудуқ ш.*

Табиати. Туман ҳудуди вилоятнинг тарбида, Қизилқум чўлида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик. Қизилқум чўли кўйлар учун асосий яйлов ҳисобланади. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, қиши совуқ. Йиллик ўртача т-ра 11°, январнинг ўртача т-раси —6°, энг паст т-ра —35°. Июлнинг ўртача т-раси 27°, энг юқори т-ра 45°. Вегетация даври 190 кун. Йилига 45—46 мм ёғин тушади. Ёғини, асосан, қиш ва баҳорда ёғади. Тупроқлари тақирли, сур қўнғир ва қумли тупроқлардан иборат. Ёввойи ўсимликлардан Қизилқум яйловларида саксовул, янтоқ, адрасман, туяқорин, селин, қўйсуяк, қизилча, текисрин, селин, қўйсуяк, қизилча, текисликларда турангил, жийда, юлғун, тол ва б. бор. Белтов қирларида оқбўюк ва шўралар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан, тоғларда қобон, қуён, жайран, бўри, тулки, чиябўри, ёввойи мушук, бўрсиқ, қўшоёқ, кўрсичқон; судралувчилардан тошбақа, илонлар, ҳар хил калтакесаклар; қушлардан тувалоқ, тўрғай, бургут яшайди. У.т. ҳудудида Мурунтов олтин кони жойлашган.

Аҳолиси, асосан, ўзбек ва қозоқлар, шунингдек, рус, украин, қорақалпоқ, тожик, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди.

Аҳолининг ўртача зичлиги 1км² га 0,8 киши. Шаҳар аҳолиси 25,3 минг киши, қишлоқ аҳолиси 13,5 минг киши (2004).

Хўжалиги. Туманда 279 корхона, шу жумладан, 226 микрофирма, 13 кичик, 13 ўрта, 27 йирик корхона фаолият кўрсатади. Ундан ташқари, Ўзбекистон—Россия «Промэлектро» қўшма корхонаси мавжуд. Қишлоқ хўжалигида яйлов чорвачилиги (қорамол, қўй, жумладан, қоракўл қўйлари ва эчки, йилқи, туя боқилади) ривожланган. У.т.даги жамоа ва шахсий хўжаликларида 2,2 минг қорамол (шу жумладан, 1714 сигир), 137,3 минг қўй ва эчки, 1,7 минг йилқи, 1,2 минг туя боқилади. Паррандачилик б-н ҳам шуғулланилади (2004).

Тумандаги 22 умумий таълим мактаби, шу жумладан, 1 гимназияда 8 мингдан зиёд ўқувчи таълим олади. Кончилик касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади (2004). 2 маданият уйи, 8 кутубхона, болалар мусиқа ва санъат мактаби, стадион, соғломлаштириш пункти, сузиш ҳавзаси ва б. спорт иншоотлари бор. Марказий касалхона, тиббий санитария қисми, давлат санитария эпидемиология назорат маркази, сил касаллигига қарши диспансер, поликлиника, аёллар ва болалар консультацияси, дорихона, 2 қишлоқ врачлик пункти, 4 касалхона фаолият кўрсатади. Туман маркази (Учқудуқ) б-н овуллар ўртасида ва Навоий ш.га автобуслар қатнайди. Туманда «Дўстлик—Дружба» газ, чиқарилади.

УЧҚУЛОҚ — Жиззах вилояти *Фориш туманидаги* шаҳарча (1983 й.дан). Шим.-шарқдан Айдаркўл соҳилларига ёндош. Туман маркази (Фориш)дан 12 км шим. да. Яқин т.й. станцияси — Жиззах (64 км). Аҳолиси 4,7 минг киши (2004).

Шаҳарчанинг тарихий номи «Хонбанди» 10-а.да қорахонийлар томонидан қурилган катта сув иншооти — тўғондан олинган (ҳозиргача сақланган). Тўғон тарашланган гранит ва чидамли махсус қоришмадан бунёд этилган. Унинг ёнида сув омбори бўлган. Вақт ўтиб сойлардан оқиб келган чўкиндилар, лойқа сув омборини тўлдириб, тўғонни ироқсиз аҳволга келтирган. Шундан сўнг одамлар бу ердан кўчиб кетган, яшаган воҳа дашт, чўлга айланган.

1930-йилларда Пистали тог тизмасида кўргошин, рух конлари топилиши муносабати б-н Учқулоч яйловида 1960—70 йилларда Учқулоч кончилар поселкаси

барпо этилган. Хонбанди тўғонидан 1,5 км жан.да шаҳарча қурилди. Унга Учқулоч номи берилди. Despite this, Кончилар посёлкаси ҳам У.га ҳам қўшилди.

У.да, асосан, кон саноати ривожланган. Олмалиқ кон-металлургия к-тининг руда кони, Ғаллаорол геология-разведка экспедициясининг гуруҳи, «Девон» корхонаси (мармар қазиб олинади), «Фортекс» хусусий корхонаси (жунни қайта ишлайди), 2 умумий таълим мактаби, касалхона, поликлиника, тугруқхона, савдо, алоқа ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва б. фаолият кўрсатади. Шаҳарчага Олмалиқ — У., Жиззах — У., Янгиқишлоқ —У. йўналишлари бўйича автобуслар қатнови йўлга қўйилган.

УЧҚУЛОЧ ҚЎРҒОШИН-РУХ КОНИ — Жиззах вилоятининг Фориш туманида, Нурота тоғларининг шим. тоғ олди қисмида жойлашган. Жан.дан Хонбанди ва шим.дан Шим. Учқулоч ёриқлари б-н чегараланган. Кон геол. си 1951 й.да комплекс ўрганилган. Коннинг 2 та участкасида муфассал қидирув ишлари олиб борилган, бу участкалар барит-пирит-галенит-сфалерит рудали майдонлардан иборатлиги маълум бўлди. У.қ.-р.к. майдонида, асосан, девон, карбон (тошкўмир) даврларига оид жинслар тарқалган. Магматик тоғ жинсларидан диабаз, габбро, альбитофир, кварцли порфир ва туфлар учрайди. У.қ.-р.к.да руда жисмлари 50—100 м дан 1100—1300 м гача бўлган чуқурликда жойлашган. Кондаги асосий фойдали қазилмалар — қўрғошин, рух, мис. Учқулоч руда майдони Хонбанди-тоғ горст — антиклиналида жойлашган. У.қ.-р.к. саноатбоп кон, асосий минераллари: галенит PbS (86,7% Pb), сфалерит ZnS (67% Zn), иккинчи даражали минераллари халькопирит, пирротин, карролит, кумуш, олтин ва б. У.қ.-р.к.нинг захиралари C_1 тоифаси бўйича: қўрғошин — 2862,1 минг т, рух — 3140,8 минг т; C_2 тоифаси бўйича: қўрғошин — 431,6 минг т ва рух 214,07 минг т.

УЧҚУН КАМЕРАСИ — зарядланган зарраларнинг треклари (излари) кузатиладиган ва қайд қилинадиган асбоб; ишлаш принципи зарраларнинг электр конденсаторнинг газ оралиғидан учиб ўтаётганда ҳосил бўлаётган учқун разряднинг кучайишига асосланган. У.к.нинг электродлари икки ясси параллел пластинадан иборат. Пластина оралиғи (одатда, 1÷50 см) He, Ne ёки уларнинг аралашмаси б-н тўлдирилади. Иш ҳажмидаги босим 1 атм.га яқин. Зарядланган зарралар томонидан газлар ионлашиши туфайли электронлар ҳосил бўлиб, учқун разряд вужудга келади. У.к.ни дастлаб 1957 й.да Краншау ва де Бир қўллашган. Кўпгина ҳолларда У.к.лар бошқа қайд қилувчи детекторлар (мас., Черенков ҳисоблагичи, ионлаш камераси) б-н биргаликда ишлатилади.

У.к.ларнинг бир неча хили мавжуд: а) тор оралиқли У.к.лар бир нечта электродлардан тузилиб, икки электроди ораси 1 см; б) электродлари 3÷50 см да жойлаштирилган У.к.лар (изли У.к.лар) да учқун разряд зарранинг изи бўйлаб кузатилади; в) стример У.к. (пластиналар оралиғи 5÷20 см) ларда уз. 3 мм дан 10 мм гача бўлган толасимон ёрқин каналлар — стримерлар ҳосил бўлади, уларни аппарат ёрдамида суратга олиш мумкин. Магнит майдонига ўрнатилган У.к.лар ёрдамида камерани кесиб ўтган зарранинг импульсини ҳам аниқлаш мумкин. У.к. ҳозирги кунда ядро зарралари, ядро реакциялар, элементар зарралар ва космик нурларни ўрганишда асосий воситалардан биридир.

УЧҚУН РАЗРЯД — қ. *Электр разряд.*

УЧҚЎРҒОН — Наманган вилояти *Учқўрғон тумани*даги шаҳар, туман маркази. Вилоятнинг шим.-шарқида, Норин дарёси (Сирдарё ҳавзаси)нинг чап соҳилида. Қўқон — Андижон — Тошкўмир йўналишидаги т.й. чорраҳаси. Намангандан 42 км шим.-шарқда. Аҳолиси 33,3 минг киши (2004). У.да «Учқўрғонёғ», «Учқўрғон дон маҳсулотлари», «Учқўрғоннон», «Учқўрғон—Текстиль» корхоналари, пахта тозалаш, асфальт з-длари, бир неча қурилиш ташкилотлари, автокорхона ва б. корхоналар бор.

Умумий таълим мактаблари, гимназия, лицей, 2 касб-ҳунар коллежи, маданият саройи ва маданият уйлари, мусиқа мактаби, марказий кутубхона ва унинг шохобчалари ишлаб турибди. Спорт соғломлаштириш мажмуаси, стадион ва б. спорт иншоотлари аҳолига хизмат кўрсатади. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, шаҳар врачлик пункти, тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими фаолият кўрсатади. У.дан Наманганга автобус қатнови йўлга қўйилган.

УЧҚЎРҒОН ГИДРОУЗЕЛИ — Норин дарёси қуйи оқимида, Қирғизистон Республикасида барпо этилган йирик гидротехника иншооти; *Катта Наманган канали* ва Чапқирғоқ Учқўрғон каналларига сув олишни таъминлайди, электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Гидроузел тўғони 1964—66 й.ларда ҳоз. кўринишда қуриб битказилган. Омбордаги сув босими 35,7 м дан 18,5 м гача ўзгариб туради. Тўғон жами 3300 м³/с гача, шу жумладан, ГЭС турбинаси орқали 760 м³/с сув ўтказиш қобилиятига эга. Тўғоннинг умумий уз. 100 м, бал. 56 м.

Учқўрғон гидроузели таркибига сув туширгичли бетон тўғон, чап қирғоқ тупроқ тўғон, Катта Наманган ва Чапқирғоқ Учқўрғон каналларининг бош сув олиш ростлагичлари, ГЭС биноси ва очиқ сув тақсимлаш қурилмалари киради. ГЭС ўзанли типга мансуб бўлиб, унинг биноси тўғоннинг чап қирғоғида жойлашган икки агрегатли блокдан иборат. Турбиналарга сув тўғон танасининг юқори қисмида жойлашган сув олгичлар воситасида узатилади, улардан настроқда умумий сув сарфи 2320 м³/с бўлган 8 та тўсиб билан сув ташлагичлар қурилган. Сув олгич ва тубидан сув ташлагичларини бундай ҳолатда қўллаш турбиналарга турли оқизиқларнинг тушишига йўл қўймайди.

УЧҚЎРҒОН ТУМАНИ — *Наманган вилояти*даги туман. 1935 й. 28 июлда ташкил этилган. 1962—73 й.ларда, 1988 й. сент.дан 1989 й.гача Норин тумани б-н қўшилган. 1940 й.гача Фарғона вилояти, 1941 й. 6 мартдан Наманган вилояти, 1960 й.дан 1967 й.гача Андижон вилояти, 1968 й.дан эса яна Наманган вилояти таркибида. У. т. вилоятнинг

Учқўрғон гидроузели.

шарқий қисмида жойлашган. Шим.ва шарқдан Қирғизистон Республикаси, жан.дан вилоятнинг Норин тумани, ғарбдан Уйчи тумани, жан.-шарқдан эса Андижон вилоятининг Избоскан тумани б-н чегарадош. Туманда 1 шаҳар (Учқўрғон), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бахт, Янгиобод, Янгиер, Яшик, Қайқи, Кўғай, Кўғайўлмас, Ҳамза) бор. Майд. 0,29 минг км². Аҳолиси 136,5 минг киши (2004). Маркази — *Учқўрғон* ш.

Табиати. Туман вилоятнинг шим.-шарқидаги текисликда жойлашган (бал. 500 м). Шим.-ғарбидан Норин дарёси оқиб ўтади. Катта Фарғона, Катта Андижон, Ҳаққулобод, Дамариқ, Ингичка, Чап соҳил, Бирлашган каналларидан экинларни суғоришда фойдаланилади.

Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 24—27°, энг баланд т-ра 42°, янв.да —22°, —24° гача совуқ бўлади. Йилига 250 мм ёғин ёғади. Тупроғи, асосан, бўз тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан тол, жийда, шумтол, терак, шувоқ, янтоқ, қўнғирбош, қиёқ, читир, қўйтикан ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, чиябўри, каламуш, юмронқозиқ, дала сичқони учрайди. Қушлардан қалдирғоч, лайлак, мусича, бойўғли, чумчуқ, майна, булбул, қораялоқ, зағизғон, ўрдак, қизилиштон, сассиқпопишак, бедана ва б.; судралиб юрувчилардан турли хил илонлар, калтакесаклар ва эчкемар бор. Сувларида лаққа, сазан, ондатра мавжуд.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, татар, тожик, рус, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 471 киши (2004). Шаҳар аҳолиси 33,3 минг киши, қишлоқ аҳолиси 103,2 минг киши.

Хўжалиги. У.т. вилоятнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган туманларидан биридир. Туман ҳудудида қадимдан ҳунармандчилик, кулолчилик, ип йигириш, тўқимачилик ва б. соҳалар ҳам мавжуд бўлган.

20-а.нинг 10-й.ларидан бошлаб Учқўрғон, Якубинский, Берузлик ва Бойледа пахта тозалаш з-длари қурилди. 1914 й. Норин дарёси устига кўприк қурилиб, т.й. Учқўрғон ш.гача узайтирилди. Учқўрғон ш. яқинида нефть ва тошкўмир конлари ишга туширилди. Учқўрғон ва Кўғай пахта тозалаш з-длари, «Учқўрғон ёғ», Кўғай таъмирлаш, «Учқўрғон дон маҳсулотлари», «Учқўрғоннон», пиво ва салқин ичимликлар, «Учқўрғон-Текстиль», ғишт, асфальт з-длари, бир неча йирик қурилиш ташкилотлари, автокорхона, қўшма ва кичик хусусий корхоналар ишлаб турибди.

Қ.х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачилик ҳам ривожланган. Туманда 13 ширкат, 390 дан зиёд фермер ва 26,7 минг деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатади. Умумий экин майд. 21,9 минг га, шундан 11,7 минг га ерга пахта, 7,3 минг га ерга ғалла, 1,1 минг га ерга сабзавот, 382 га ерга картошка, 159 га ерга полиз ва 670 га ерга беда экилади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда 33,6 минг қорамол (шу жумладан, 12,3 минг сигир) боқилади. Шунингдек, қўй, парранда ҳам бор. Пиллачилик ривожланган.

У.т. Қўқон—Андижон—Тошкўмир т.й. ёқасида жойлашган. Учқўрғон т.й. станцияси орқали Андижон—Наманган—Тошкент, Қўқон—Андижон йўналишларида поездлар қатнайди. Туманда 219 км узунликда умумий фойдаланиш йўллари, 192,1 км ички хўжалик йўллари бор.

2003/2004 ўқув йилида туманда 43 умумий таълим мактаби, ўқиш жараёни чуқурлаштирилган гимназия ва лицей мактабларида 31,5 минг ўқувчи таълим олди. 5 касб-ҳунар коллежи (3,4 минг ўқувчи), спорт интернат-лицейи (343 ўқувчи), махсус карсоқовлар интернати (252 ўқувчи) фаолият кўрсатади.

Туманда маданият саройи, 11 маданият уйи, мусиқа мактаби, 41 кутубхона (505,2 нусха асар), 20 болий ҳаваскорлик ансамбли бор. У.т.да спорт-соғломлаштириш маркази, «Пахтакор» стадиони, 48 спорт зали, 26 футбол майдони, 200 волейбол, 47 баскетбол, 33 мини-футбол майдонлари мавжуд. «Зайнобиддин» карате клуби, «Хумо» чим устида хоккей, «Турон» миллий кураш секциялари ишлаб турибди. Марказий касалхона (260 ўрин), 2 поликлиника, Кўғай ҳудудий касалхонаси (155 ўрин), Қайқи қишлоқ участка касалхонаси (65 ўрин), Кўғайўлмас қишлоғида ҳудудий юқумли касалликлар касалхонаси (60 ўрин), Ҳамза қишлоғида сил касаллигига қарши курашиш диспансери (40 ўрин), Янгиер қишлоғидаги тери-таносил касалликлари касалхонаси (30 ўрин), 10 қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ врачлик амбулаторияси, Учқўрғон дон маҳсулотлари корхонасига қарашли шаҳар врачлик пункти, 23 фельдшер-акушерлик пункти, 10 стоматология бўлими, 3 врачлик соғломлаштириш пункти, Учқўрғон ш. ва Кўғай қишлоғидаги 2 тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари ҳамда уларнинг 5 шохобчасида 374 врач, 1870 ўрта тиббий ходим хизмат қилади. «Ниҳол» она ва бола санаторийси ишлаб турибди.

1997 й.дан «Ёрқин ҳаёт» туман газ. (адади 5 минг), шунингдек, 1999 й.дан «Учқўрғон ғунчалари» газ. нашр этилади (адади 3300).

УШАКОВ Диодор Владимирович (1907, Харьков губернияси — 1971.12.4, Тошкент) — театр рассоми. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1965). Ленинград олий бадиий техника ин-тида таълим олган (1926—30). 1937 й.дан Ўзбекистонда яшаган. Унинг ижоди ўзбек театри декорацияси санъатида натуралистик ҳолатларга барҳам беришда муҳим роль ўйнади; И. *Вальденберг* б-н ижодий ҳамкорликда ишлаб Тошкент ш. театрлари учун декорация ва либос эскизлари тайёрлади. Ҳамза театрининг «Отелло» (1941), «Ромео ва Жульетта» (1956), «Ҳамлет» (1957), «Қонли сароб» (1964), «Сарвқомат дилбарим» (1964), «Қирол Лир» (1966) ва б. спектакллари ҳамда Горький театрининг «Сўнггилар» (1939), «Душманлар» (1948), «Чин инсон» (1954), «Қонли сароб» (1967) каби спектакллари шулар жумласидан.

УШИНСКИЙ Константин Дмитриевич [1824.19.2(2.3), Тула — 1870.22.12 (1871.3.1), Одесса, Киевда дафн этилган] — рус классик педагоги, Россияда илмий пед. ва халқ мактаби асосчиси. Москва ун-тининг юридик ф-тини тугатган (1844). Россиядаги турли мориф шохобчаларида, жур.ларда ишлаган.

У. педагогик системасининг негизи таълим ва ўқитиш тизимида демократлаштиришни талаб қилишдан иборат бўлган. У биринчи бўлиб, пед. тарбиянинг илмий назарияси, деган фикрни илгари сурган ва буни исбот этган. У. педагогика назариясининг асосини тарбиянинг халқчиллик ғояси — тарихий жараёнда меҳнаткаш халқнинг яратувчилик кучини эътироф этиш ташкил қилган. У. педагогикани кенг маънода

бир фан, тор маънода тарбия санъати деб ҳисоблаган. У. тарбияни шахсни ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний шакллантиришга қаратилган яхлит жараён деб билган ва бунда ахлоқий тарбия асосий ўринни эгаллаши лозим деб ҳисоблаган. Мактабда ўқувчилар меҳнатига таълим ва тарбиянинг муҳим омилларидан бири сифатида қараган. У.нинг ахлоқ ва ахлоқий тарбия тўғрисидаги қарашларида халқчиллик ғоялари акс этган. У. яхлит дидактик тизимни ишлаб чиққан. Унда таълим мазмунини танлаш ҳамда уни болаларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш масалалари очиб берилган. У. ўқитишнинг психофизик табиатини тадқиқ этди, диққат, қизиқиш, хотира, хаёл, ҳиссиёт, тафаккур каби психологик механизмларни таҳлил қилди. Ўзининг «Инсон тарбия предмети сифатида» деган асарида психологияни тажриба маълумотларига асосланиб тузишга ҳаракат қилди. У болалар психологияси б-н таълим-тарбия психологиясини ишлаб чиққан. Мактабда она тили дарсига катта аҳамият берди. Унинг «Болалар дунёси ва хрестоматия», (1861), «Она тили» (1864) каби дарсликлари мазмунининг бойлиги, тили ва методикаси жиҳатдан ўз даврининг энг намунали ўқув китобларидир.

УШОҚ ДАРД — қ. *Дард тутиши.*

УШР, ушур, ушар (араб.) — 1) ўндан бир улуш; 2) даромаднинг ўндан бири ҳисобидан олинадиган солиқ тури. Мусулмон мамлакатларида натура шаклида (баъзан пул б-н) ундирилган. У. солиги ҳар йили деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари ва б.дан олинган. Дастлабки даврларда саййидлар, йирик мусулмон уламолари, шунингдек, айрим амирлар ҳамда «ислом лашкарига ўз ихтиёри билан таслим бўлган» ҳудудлар аҳолисидан ундирилган. У. олинган ерсув «мулки ушрия» деб аталган.

Турли даврларда У. шакли маҳаллий шарт-шароитга кўра ўзгарган. Мас., Усмонли турк салтанатида — иқтоъ, димос, ўнли, ўнталик, саларийъа, Эрон, Бухоро амирлиги ва б. жойларда — даҳяк деб юритилган. Ўрта асрларда (қисман янги даврда). У. миқдори баъзан деҳқон даромадининг 10% дан ярмигача қисмини ташкил этган. Кейинчалик янгича даромад солиги жорий этила бошлагач, У. деярли ҳамма жойда (1918 й. Жазоирда, 1925 й. Туркияда, 1935 й. Тунисда) бекор қилинган. Аммо айрим мусулмон давлатлари (Саудия Арабистони, Яман Араб Республикаси ва б.)да ҳозир ҳам мавжуд. Ўрта Осиёда 20-а. бошигача бўлган.

УШШОҚ (араб. — ошиқ сўзининг кўплиги) — *Ўн икки мақом* тизимида биринчи мақом. Лирик куй ва ашулалардан иборат бўлгани учун У. деб ном олган. Қад. рисолаларда У. Умм ул-адвор (Мақом даврлари онаси) ва Тарона деб ҳам аталган. У. Ўн икки мақомда лад сифатида ҳам маълум бўлиб, унинг товушқатори ҳоз. миксолидий ладига мос келади. Ўн икки мақом тизимидаги 24 мураккаботдан бири — Ушшоқи Мои У. мақоми ва Мои овозаси пардалари асосида яратилган. Ўзбек, тожик мусиқа меросида У. мустақил мақом сифатида етиб келмаган. Шашмақомнинг Рост мақоми таркибида бир неча шўъба ва қисмлар мавжуд бўлиб, улар Муҳаммаси У. (чолғу қисм), Талқини У., Насри У., Уфари У., Савти У. (6 қисмли) деб номланган. У. ашула йўллари анча мураккаб, авжларида Намуди Уззол ва Намуди Муҳайири Чоргоҳдан фойдаланилган.

У. ашула йўллари халқ орасида кенг тарқалган. Ўзбек ва тожик бастакорлари У.нинг турли вариантларини яратган: *Ҳожи Абдулазиз*нинг «Самарқанд Ушшоғи», Содирхон Бобоширифовнинг «Содирхон Ушшоғи», шунингдек, «Қўқон Ушшоғи», «Тошкент Ушшоғи» ва ҳ.к. Бу У. йўллари бир хил доира усулида ижро этилади. У.нинг патнусаки варианти ва сурнай йўллари ҳам кенг тарқалган. У. йўллари жозибали ва таъсирчан. Уларнинг бошланиш жумлалари бошқа мақом ва шўъбаларда намуд сифатида ҳам қўлланилиб, Намуди У. деб аталади. У.дан, асосан, Бузрук ва Рост мақоми шўъбаларида, йирик шаклдаги оғзаки профессионал мусиқа асарларида, шунингдек, бастакор ва композиторлар ижодида (жумладан, Р. Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун», «Гулсара» операларида, В. Успенский ва кейинчалик Ю. Ражабийнинг «Фарҳод ва Ширин» операси ва мусиқали драмаларида, М. Ашрафийнинг «Дилором» операсида ва б. кўпгина асарларида) ҳам фойдаланилган.

УЭДДЕЛЛ ДЕНГИЗИ — Атлантика океанининг чекка денгизи, Антарктиданинг ғарбий қирғоқларига туташ. Майд. 2910 минг км². Энг чуқур жойи 6820 м. Денгизнинг аксари қисми йил давомида сузиб юрувчи музлар б-н банд, айсберг кўп. Қирғоқларида шельф музликлари бор. У.д.да кит ва тюленлар яшайди. Денгиз 1823 й.да Х. Уэдделл бошлиқ инглиз экспедицияси томонидан кашф қилинган ва 1900 й.дан Уэдделл номи б-н аталган.

УЭЛЛЕР (Weller) Томас Ҳакл (1915.15.6 — Анн-Арбор, Мичиган штати) — америкалик врач-вирусолог. Америка Фан ва санъат академияси, АҚШ миллий ФА аъзоси (1964). Мичиган университетини тугатган (1936), фан д-ри (1940). Бостондаги Гарвард тиббиёт мактабида, болалар касалхонасида, Педиатрия марказида (1936—47), Гарвард соғлиқни сақлаш мактабида ишлаган. 1954 й.дан тропик тиббиёт бўлими бошлиғи ва проф.и. Илмий фаолияти паразитология, тропик тиббиёт, бактериология, сувчечак, учуқ, цитомегалия, полиомиелит вируслари культурасига оид.

Ф. Роббинс ва Ж. Эндерс б-н ҳамкорликда полиомиелит вируси нейротроп эмаслигини ва вируслар етиштиришда ҳужайралар культураси усулини ишлаб чиққан, бу вирусологиянинг ривожланишига имкон берди. Нобель мукофоти лауреати (1954; Ф. Роббинс ва Ж. Эндерс б-н ҳамкорликда).

УЭЛЛС (Wells) Герберт Жорж (1866.21.9, Бромли — 1946.13.8, Лондон) — инглиз ёзувчиси. Лондон университетини тугатган (1888). 1942 й.дан биология д-ри. 1893 й.да биология ва физиография бўйича дарсликлар ёзган. У. 19-а.нинг 90-й.ларидан бадиий ижод б-н шуғулланган. «Вақт машинаси» (1895) романи б-н 20-а. илмий фантастикасига асос солган. У. учун Ж. Свифт, Вольтер, Америка ва немис романтикларининг асарлари адабий манба бўлиб хизмат қилган.

«Дунёлар муҳорабаси» (1898) романида Марсдан қилинган ҳужум натижасида кишиларда ўз ижтимоий тузумининг мукаммаллигига шубҳа туғилиши ҳақида ҳикоя қилган. «Озод этилган дунё» (1914) романида атом энергиясидан уруш ҳамда тинчлик мақсадларида фойдаланиш масаласи ёритилган. «Замонавий утопия» (1905) роман-рисоласида эса жамиятни давлат социализми асосида қайта қуриш лойиҳасини маъқуллаган; аммо У. бу социализмда хусусий корхоналарга кенг имконият очиб берилиши тарафдори бўлган. «Вильям Клиссольд дунёси» (1926), «Ошкора фитна» (1928) роман-трактатларида У. ўз назариясини марксизмга қарама-қарши қўйган. 1-жаҳон уруши йиллари (1914—18) да «Озод дунё» (1914) китобини ёзган. 1916 й.дан, гарчи урушларга қарши

асар ёзган бўлса-да («Мистер Бритлинг қадаҳни охиригача симирди»), расман ўз мавқеини ўзгартирмаган.

У. 3 марта (1914, 1920, 1934) Россияда бўлган ва ўз таассуротларини «Мудроқ Россия» (1920) китобида акс эттирган. Совет Россияси истиқболига ишонмаган, коммунизм ҳақидаги ғоялар шунчаки бир хомхаёл деб қараган. «Кўринмас одам» романи ўзбек тилида нашр қилинган (1967).

УЭЛЬС, Уэлс (Wales) — *Буюк Британия*нинг маъмурий-сиёсий қисми (тарихий-географик ҳудуд). Уэльс я.о. ва унга ёндош Англси о.да жойлашган. Майд. 20,8 минг км². Аҳолиси 3 млн. кишига яқин (2000). Энг катта шаҳри — Кардифф. Маъмурий жиҳатдан 8 графликка бўлинган. Туб аҳолиси — валлий (уэльс)лар.

Ер юзасининг кўп қисми тоғлик. Энг баланд жойи 1085 м. Иқлими мўътадил денгиз иқлими. Ўрмон, ўтлоқ ва ялангликлар бор. Тошкўмир, темир ва полиметалл рудалари конлари мавжуд.

У. ҳудудида қадимда кимврларнинг кельт қабилалари яшаган. Англосакс (5—6-а.лар) ва норманд (11-а.)ларнинг Британия о.ларини босиб олишлари натижасида У. ҳудудидаги кельт қабилаларидан бири бўлган бриттларнинг бир қисми бошқа жойларга кўчирилган, 13-а. охирида У. ҳудудини Англия эгаллаб олган (1536 й. гача мухтор князлик). 1301 й.дан инглиз тахтининг ворислари «Уэльс шаҳзодаси» унвонига эгадирлар.

УЮР — орасида бир айғири бўлган, эркин кўчириш учун ташкил этиладиган 10—30 бия тўдаси. Улар кўчириш мавсуми бошланишидан олдин (апр. ойи бошларида) шакллантирилади ва йилқида боқила бошланади. *Айғирлар* танланади. Улар йилқида бири иккинчисидан маълум масофада алоҳида-алоҳида сақланади. Айғирлар ўз уюрларини қўриқлайди, соқчилик вазифасини ўтайди ва уларга етакчилик қилади, бошқа айғирларни яқинлаштирмайди. Кўчириш мавсуми тугагач, айғирлар У.дан ажратиб олинади. 2—3 У. бириктирилиб, йириклаштирилади (қ. *Йилқичилик*).

Уэльс табиати манзараси.

УЮРМА ТОКЛАР, Фуко токлари — ўзгарувчан магнит майдонида ҳаракатланаётган массив металл ўтказгичларда ҳосил бўладиган ёпиқ электр *индукцион токлари* (расмга қ.). У.т. трансформаторларнинг ўзагида, электр машиналарининг турли қисмларида ва б.да ҳосил бўлади.

Ўзгарувчан ток: I занжирига уланган ғалтак ўзагида ҳосил бўлган уюрма токлар (пунктир чизиқ б-н кўрсатилган; B — магнит индукция вектори).



У.т. магнит майдони оқимининг ўзгаришига боғлиқ. Оқим қанча тез ўзгарса У.т. шунча катта бўлади. Ўтказгичдан маълум йўл бўйича ўтаётган электр токидан фарқли равишда У.т. ўтказгичнинг ўзида туташади ва уюрма контурлар ҳосил қилади. Бу ток контурлари уларни ҳосил қилган магнит оқимига таъсир кўрсатади. Ленц қоидасига биноан, У.т. нинг магнит майдони шу токни ҳосил қилган магнит оқимининг ўзгаришига қаршилик кўрсатади.

*Жоуль — Ленц қонуни*га мувофиқ, У.т. ҳосил бўлганда ўтказгичлар қизиб, энергиянинг йўқолишига ва оқибатда машиналарнинг ф.и.к. пасайишига сабаб бўлади. Буларни камайтириш учун ўзгарувчан токда ишлайдиган машина ва аппаратларнинг магнит ўзагини яхлит ферромагнетиклар (электротехника пўлати) дан эмас, балки бир-биридан изоляцияланган (мас., махсус локлар б-н) пластиналардан тайёрланади. У.т. металларни эритиш, уларнинг юзасини тоблаш ва б.да қўлланади.

УЮРМА ҲАРАКАТ — суюқлик ёки газнинг кичик элементлари (зарралари) фақат илгариланма ҳаракат қилибгина қолмай бирор оний ўқ атрофида айланишидан иборат ҳаракати. Табиатда учрайдиган ва техникада ишлатиладиган суюқлик ва газ оқимининг кўп қисми У.ҳ. қилади. Трубадаги сувнинг ҳаракати У.ҳ.га мисолдир. Девор сиртига суюқлик ёпишиши туфайли унинг шу нуқтадаги тезлиги нолга тенг, лекин девор сиртидан узоқлашган сари суюқлик тезлиги жадал ошиб боради, шунинг учун ёндош қатламларнинг тезлиги бир-биридан катта фарқ қилади; пастки қатламнинг секинлашиши ва юқори қатламнинг тезлашиши натижасида зарралар айлана бошлайди, бу эса, ўз навбатида, У.ҳ.га олиб келади (1-расм). Ҳавонинг атмосферадаги уюрмалари кўпинча катта ўлчамларга эга бўлиб, қуюн ва циклонлар ҳосил қилади. Кўприк устунлари орқасида ҳосил бўладиган сув уюрмалари, дарё оқимида ҳосил бўладиган уюрмалар ва ҳ.к. бунга мисол бўла олади. У.ҳ. миқдори зарра айланишининг бурчак тезлиги б-н $\vec{\omega}$ ифодаланади ва у зарранинг оқимдаги координатасига ва вақтга боғлиқ, $\vec{\omega}$ вектор берилган нуқтадаги муҳит уюрмаси дейилади; агар оқимнинг маълум қисмида $\vec{\omega} = 0$ бўлса, оқим уюрмасиз бўлади.

1-расм. Тезлик V нинг қувур кесими бўйича тақсимланиши; электр ҳажмлар стрелка бўйича айланади.



Муҳитда айланаётган зарралар уюрма найчалар ёки айрим уюрма қатламлар ҳосил қилиши мумкин (2-расм). Суюқликнинг ичида уюрма найчанинг боши ва охири бўлиши мумкин эмас, улар туташган бўлиши (уюрма халқа) ёки суюқликнинг чегарасида бўлиши мумкин.



2-расм. Уюрма найчалар.

Қовушоқ суюқликларда ишқаланиш кучи бўлиши туфайли ҳосил бўлган уюрмалар ўзининг жадаллигини ўзгартира бориб, аста-секин сўнади. Сув ва ҳавода қовушоқлик кам бўлгани учун уюрмалар нисбатан узоқ вақт давом этиши мумкин; қуюнларнинг катта масофадаги бошқа жойларга кўчиши бунга мисол бўлади.

Муҳитда жисм ҳаракати натижасида пайдо бўладиган уюрмалар шу жисмга таъсир кўрсатаётган кўтариш кучининг маълум бир қисмини ва тўқнашувчи жисмга қарши йўналган қаршилик кучи катталигини белгилайди. У.ҳ. ни ўрганиш самолёт қанотларини, ҳаво парракларини, турбина парракларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда катта аҳамиятга эга.

УЮШГАН ГУРУҲ — *жиноятда иштирокчилик* шакли; Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи бўйича (Ўзбекистон Республикаси ЖК, 29-модда), 2 ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши. У.г. бирга бажарувчилик кўринишида бўлиши мумкин. Бунда жиноий фаолият б-н биргаликда шуғулланиш учун уюшган шахсларнинг барчаси олдиндан тил бириктириб гуруҳнинг жиноятни содир қилишида бевосита иштирок этади. Айни пайтда бундай гуруҳлар учун шундай уюшганлик мансубки, унда гуруҳга қатнашадиган шахслар муайян вазифаларга эга, шунингдек, улар ўртасида мартаба-лавозимлар тақсимланиши амалга оширилган бўлади. Иккала кўринишда ҳам погонали тузилма бўлиши ва у субординация ҳамда мувофиқлаштиришга асосланган бўйсуниш кузатилади. Бироқ, одатда, бундай гуруҳларда уюшганлик даражаси, уларнинг кенг тарқалган бўлишига қарамай, *жиноий уюшма* б-н қиёсланганда унча юқори бўлмайди ва шу нуқтаи назардан улар уюшган жиноятчиликнинг қуйи «погонаси»да туради.

Қуролланган У.г.лар тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки иштирок этиш алоҳида баҳоланади. Гуруҳнинг қуролланганлиги мазкур гуруҳ аъзоларининг ҳеч бўлмаганда бирида қуролнинг мавжудлиги, бу ҳақда гуруҳнинг бошқа аъзоларининг бундан аниқ хабардорлигида ифодаланади. Қуролланган У.г.ни ташкил этишнинг ўзиёқ жиноий жавобгарликка лойиқ қилмиш саналади.

УЮШИҚ БЎЛАКЛАР — гапда бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажариб, тенг боғловчилар ёки санаш оҳанги б-н боғланган гап бўлаклари. Бундай бўлаклар гапда бирдан ортиқ ҳолда қатор келиши мумкин ва бу гаплар У.б.ли гаплар ҳисобланади. Мас., Тобора кўтарилаётган қуёш ўрик, олма, шафтоли ва гилосларнинг шохларига ўзининг эрталабки ёғдусини сепмоқда. Бу гапда ўрик, олма, шафтоли ва гилос сўзлари уюшиб келган. Улар бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажармоқда. Улар ўзаро санаш оҳанги ва тенг боғловчи ёрдамида бириккан. Гапнинг барча бўлаклари уюшиқ бўла олади: уюшиқ эгалар, уюшиқ кесимлар, уюшиқ аниқловчилар, уюшиқ тўлдирувчилар, уюшиқ ҳоллар. У.б. қисмлари, одатда, бир хил грамматик шаклда бўлади. Гапнинг бўлаклари якка-якка ҳолда ёки ўзига боғлиқ сўзлар б-н кенгайган ҳолда уюшиб келиши мумкин: Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий тажрибаси китобхонлар учун ҳам, адабиётшунослар учун ҳам, ёш ёзувчилар учун ҳам бебаҳо бир манбалар (П. Қодиров).

УЯ — ҳайвонлар болалаш мақсадида ва бошпана сифатида фойдаланадиган пана жой. Умуртқали ҳайвонлардан ҳашаротлар, айниқса, хилма-хил уя қуради. Умуртқалилар орасида айрим балиқлар (тикан балиқ), сувда ва қуруқликда яшовчилар (Ява қурак оёқли бақаси), судралиб юрувчилар (айрим тошбақалар ва тимсоҳлар), кўпчилик қушлар, бир қанча сут эмизувчилар (кемирувчилар, одамсимон маймунлар, ўрдакбурун) У. қуради. Судралиб юрувчилар (айрим тошбақалар, тимсоҳлар) У.си қумда қазиб, чўп ва барглар тўлдирилган чуқурдан иборат. Қушлар У.си жуда хилма-хил. Энг оддий У. хас-чўп тўшалган ер ковагидаги чуқурча шаклида бўлади. Ваҳмакўш, тўқимачи, зарғалдоқ каби қушлар ўсимлик толаларидан анча мураккаб У. қуришади. Кўпчилик кемирувчилар (сўзғлар, юмронқозиқлар) ва бир қанча қушлар У.си ин ичида жойлашган камералардан иборат. Айрим йиртқич сут эмизувчилар ларахт ковагида У. қуради. Йирик қушлар, сут эмизувчилар (олмахон) У.дан бир неча (баъзан 10 ва кўпроқ) йил давомида фойдаланишади. Бир қанча ҳайвонлар колония бўлиб уя қуради (мас., қушлар бозори). Колония бўлиб яшаш йиртқичлардан ҳимояланишда, болаларини тарбиялашда катта аҳамиятга эга.



Уялар: *1* — тикувчи мойқут; *2* — митти сичқон; *3* — тийин; *4* — Австралия термити; *5* — ваҳмакўш; *6* — оддий ари; *7* — катта қизилиштон; *8* — уч игнали тиканбалиқ; *9* — яп-яшил бақаси уялари.

УЯЛИ ТЕЛЕФОН, қўл телефон — симсиз телефон тури. Ҳар бир абонент ўзига уяли телефон компаниясининг телефон тармоғидаги база ст-яга боғланади. Ҳар қайси база ст-яга «уялар» бўлади деган шундай. Ҳар бир уяга бир неча канал бириктириб қўйилади; тармоқнинг катта-кичиклигига қараб уялар сони ҳар хил бўлади. У. т. аппарати қайси компания тармоғининг база ст-яига ўлаётганлигига қараб унинг алоқа боғлаш доираси четараси ҳар хил бўлади. Баъзи абонентлар фақат бир шаҳар доирасида алоқа боғлай олса, баъзилари бошқа шаҳарлар ва ҳатто бошқа мамлакатлар б-н ҳам алоқа боғлай олади. Бутун ер курраси қамраб олаётган хизмат курсатиш зонасини фақат база ст-ялар ва шифасини сунъий йўлдошлар бажарадиган У.т. тармоғида яратиш мумкин. У.т. тармоқларининг барча база ст-ялари бир-бирлари б-н ўзаро боғланган бўлиши, шу б-н бирга умум фойдаланадиган симли телефон тармоғига уланиб олиши лозим. Шундагина қўл (мобил) телефон аппарати ягона муқим (симли) телефон аппарати ягона б-н боғланиши мумкин. Бунга радиореле линиялар ёрдамида, ё бўлмаса, мис кабель ёки толали оптик телефон алоқа линиялари ёрдамида эришилади. У.т. ёрдамида абонент бошқа абонент б-н гаплашишдан ташқари, матнли ва факсимил хабарларни, интернет ресурсларини ва б.ни узата олади. Буниш учун У.т. аппарати ички қўчма компьютерга уланади. Телефоннинг нархига қараб, махсус модем ёки оддий кабель (ички дастурли моделини улаш учун) талаб қилинади. Энг оддий моделлари У.т. аппарати ҳам ҳақиқий микрокомпьютерлардан иборат. Мураккаб аппаратларда эса компьютерлар б-н бажариладиган барча операцияларни бажариш (ҳар хил ўйинлар ўйнаш, суратга олиш ва уни сақлаш, «телефон қилган» бошқа абонентнинг рақамини қайд қилиш, вақтничалик ўчириб қўйиш ва б.) мумкин.

Дастлаб 20-а. 80-иларида қўл телефон алоқа, асосан, аналог технологияларга асосланган, кейинроқ У.т.да алоқа тизими соф рақамли тизимга ўтган. Европа мамлакатларининг деярли ҳар бирида ўз миллий тармоғи ишлаб чиқилган (мас., Францияда Radiocom 2000). У.т.га доир халқаро ҳамкорлик дастлаб кўчма радиоалоқа тизими масалалари бўйича немис-француз галқақотлари натижаси сифатида почта ва коммуникациялар маъмурияти ходимларининг Европа конференцияси CEPT (Conference des administrations Europeennes des Postes et Telecommunications) раҳбарлигида ташкил этилди. 1982 й. бу ин-т 26 Европа мамлакатининг, аниқроғи почта, телефон ва телеграф алоқа PTT (Post, Telephone and Telegraph) маъмурий муассасаларини бирлаштирди. Шу тариқа Европа конференцияси «Мобил алоқани ишлаб чиқиш бўйича махсус гуруҳ» (GSM) ни тузди. Кейинчалик у «Мобил алоқа глобал тизими» деб атала бошлади. Европа ҳудудида бу тизим 1993 й. арафасида тўлиқ фаолият кўрсата бошлади. GSM тизими бошданоқ халқаро кўламдаги тизим сифатида ишлаб чиқилган. Барча қитъалардаги кўп мамлакатлар унга қўшилган. У.а. тизими инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб келди. GSM тармоқлари абонентларининг сони дунёда 200 млн. кишидан ошиб кетди (2005).

Ўзбекистонда ҳам бир неча У.т. компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Улар энг кенг тарқалган замонавий У. т. алоқа стандартлари — AMPS/DAMPS, GSM, CDMA дан фойдаланади. Республикада қўпгина бир неча У. т. компаниялари фаолият юритади: «Ўздунробита» Ўзбекистон — Америка ҚК (1992 й. ишга тушган; Ўзбекистондаги 1000 дан ортиқ шаҳар ва аҳоли яшаш пунктларини шаҳарлараро У.т. алоқаси б-н таъминлаган); BUZTEL GSM (Бакри Ўзбекистон телеком) компаниясини Индонезиянинг «Бакри коммуникейшн» компанияси 1966 й. таъсис қилган (энг арзон тарифли компания); COSCOM компанияси Ўзбекистон — Америка ҚК (1997 й. ишга тушган; Ўзбекистонда GSM тармоқлари энг кенг тарқалган); «Ўзмаком» компанияси (Малайзиянинг «Супериор Коммуникейшнс» компанияси ва Ўзбекистон Республикаси иштирокида 1996 й. ташкил қилинган; асосан, Тошкент ш. ва унга яқин ҳудудларга хизмат кўрсатади); Кореянинг «Daewoo Unitel» компанияси (1997 й. ишга тушган, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига хизмат кўрсатади), RWC (Rubicon Wireless Communications) Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси (1997 й. ишга тушган, Тошкент ш. ва Тошкент вилояти ҳудудида хизмат кўрсатиш доираларини борган сари кенгайтириб боради). Ўзбекистонда У.т. хизматига эҳтиёж кўпаяётганлиги учун яна бошқа янги-янги компаниялар тузилади.

Отабек Мирбобоев.

Уяли телефон аппарати.

УҒРУҚ, уғрақ, ўғруғ, уқруғ — тарихий атама. Дастлаб амир ёки хоннинг хотини, болалари, хизматкорлари яшаган чодирлар У. деб аталган. Кейинчалик У. деганда ҳарбий ҳаракатлар вақтида қўшин ортидан борувчи карвон тушунилган; унда ҳукмдорнинг хизматкорлари, хотини ва оиласининг айрим аъзолари, қурол-яроғ, озиқ-овқат ва б. олиб юрилган.

УҲУД ЖАНГИ (Уҳуд — Мадина ш. яқинидаги тепалик номи) — 625 й. 23 мартда Уҳуд тепалигида мусулмонларнинг маккаликлар б-н бўлган жанги. *Бадр жанги*да маккалик мушриклар маглубиятга учрагач, мусулмонлардан ўч олмоқчи бўлишган. Маккаликларнинг 3000 га яқин жангчиси, жумладан, 200 отлиқ аскари, 800 совут кийган жангчиси, Муҳаммад (сав)нинг эса 700 пиёда аскари (шулардан 100 нафари совутли) бор эди. Маккаликлар жанг майдонида яхши мавқени эгаллашганди. Муҳаммад (сав) ҳам аскарларини керакли жойга жойлаштириб, тепалик томонини қўриқлаш учун 50 та камончини қўйиб, уларга бу ердан силжимасликни тайинлаган. Жанг дастлабки пайтда мусулмонлар фойдасига ҳал бўла бошлади. Улар айни душманни таъқиб этадиган пайтда ғанимат (ўлжа) тўплашга тушдилар. Камончилар ҳам ўлжасиз қолмасликни ўйлаб ўз турган жойларини ташлаб кетишди. Бундан фойдаланган маккаликларнинг Холид ибн Валид бошчилигидаги отлиқ қўшини мусулмонлар қўшинининг орқа томонига ўтиб ҳужум қилди. Бу жангда мусулмонлар кўп талафот кўрган: Муҳаммад (сав) қуршовда қолиб, яраланган, 70 дан ортиқ киши ҳалок бўлган. Маккаликлар эса 19 кишисини бой берган. Мусулмонларнинг муваффақиятсизликка учраганлигининг сабаби Қуръон оятларида баён этилган.

Ф

Ф — ўзбек кирилл алифбосининг йигирма иккинчи ҳарфи; сиргалувчи, лабтиш, шовқинли жарангсиз ундош товушни ифодалайди. Сўз бошн (фойда, фуқаро, футбол), ўртаси (офтоб, ҳафта, шифер) ва охири (алиф, такаллуф, шараф) да кела олади. Асосан, араб, форс тилларидан ўзлашган сўзларда, рус тили орқали олинган байналмилал сўзларда учрайди. Талаффузда, шеваларда ва оғзаки нутқда ф товуши кўпинча п товушига, баъзан б товушига алмашинади (фабрика > пабрика, Фотима > Потима, дафтар > даптар, садаф > садап; афзал > абзал ва б.), лекин бу ҳодиса ёзув (имло)да акс этмайди.

Ф ҳарфи авесто, туркий (уйғур) ёзувларида, шунингдек, араб ва лотин алифболари асосидаги ўзбек ёзувида ўзига хос кўринишларга эга. Улар қуйидаги жадвалда кўрсатилди.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	—	Мил. ав. 6 – 4 - а
Ўрхун - Енисей ёзуви	—	5 – 8 - а
Туркий (уйғур) ёзуви	—	8 – 13 - а
Суғд ёзуви	—	Мил. ав. 1 - минг ил. охири – 13 - а
Араб ёзуви	ف	13 - а – 1929 й.
Янги ёзув	Ф	1929 – 1939 й.
Кирилл ёзуви	Ф	1940 – 1995 й.
Янги ёзув	F	1995 й. дан

ФАБРИКА (лот. fabrica — устахона) — машина тизимларини қўллашга асосланган саноат корхонаси, йирик машиналашган и.ч. шакли. Ф. 18-а. охири ва 19-а.нинг 1-чорагида пайдо бўлди. Европанинг айрим мамлакатларида, шунингдек, Ўзбекистонда тарихан «Ф.» тушунчаси енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарига нисбатан қўлланилади.

ФАБУЛА (лот. fabula — масал, эртак, ҳикоя) — эпик, лирик-эпик ва баъзан драматик асарларда тасвирланган воқеа ва ҳодисаларнинг баёни, ҳикоя қилиниш усули. Улар мантиқан сабабий-даврий изчилликда баён қилинади. Ф. баёнида экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация, ечим бир-биридан фарқланади. Ф. сюжетдан қуйидаги томонлари б-н ажралиб туради: 1) воқеалар баёнининг тартиби қаҳрамонлар ҳаётида бўлиб ўтганидек эмас, балки айрим ўрин алмашувлар, баъзи воқеаларни тушириб қолдириш ёки кейин аниқлаш тарзида амалга оширилади. Мас., Ч. *Айтматов*нинг «Алвидо, Гулсари» асарида шундай; 2) воқеалар баёнининг субъекти ҳалеб ўзини намоён қилавермайдиган (Бальзак, «Горио ота») ёки ўзининг эмоционал кайфиятларини ошкора ифодалайдиган (Гюго, «Кулиб турувчи киши») мулифизма эмас, балки тасвирланаётган воқеалар тувоҳи бўлган ҳикоячи (Мани, «Доктор Фаустус») ёки асардаги бирор қаҳрамон (Хемингуэй, «Алвидо, қурол») бўлиши ҳам мумкин; 3) воқеалар баёнининг мотива асарда эзалик хотира сифатида (Айний, «Эсталиклар»), кундалик шаклида, мактуб шаклида (Гёте, «Ёш Вертернинг изтиробларн»), йилнома тарзида (Салтиков-Шчедрин, «Бир шаҳар тарихи») ва б. бўлиши мумкин.

Ф. б-н сюжетнинг фарқи баъзи асарларда яққол ва равшан кўринниши, баъзан эса камроқ сезилиши ҳам мумкин. Ф. воситалари орқали муаллиф асарда воқеалар ривожини жонлантириши, қаҳрамонлар характери таҳлилини чуқурлаштириши, нафасни кучайтириши мумкин.

Адабиётшуносликда Ф. атрофлича ўрганилмаган, уни ортиқча термин, сюжет ичидаги тушунча деб талқин қилиш ҳоллари ҳам учрайди.

Ноғар Рамазонов.

ФАВВОРА, фонтан — сунъий босим остида юқорига отилувчи сув оқими ва уни ҳосил қилувчи иншоот. Дастлаб Ф.дан ичимлик суви манбаи сифатида ҳам фойдаланилган, кейинчалик шаҳар майдонлари, сарой ва боғларни безаш, ҳавони салқинлаштириш воситаси сифатида қўлланилган. Ф.лар қудуқ, чашма, ҳовуз каби сув иншоотлари б-н боғлиқ. Ф.да меъморлар томонидан оқар сувнинг бадиий-эстетик жиҳатлари ва шифобахшлигни намоён қилинган. Эллинизм даврида меъморий мужассамот марказини безатишда дарахт, ҳайкал б-н бир қаторда Ф.лар ҳам муҳим ўрин тутган (*Пергам*дағи «терраса» уйлари ва б.). Қўшнча серҳашам қилиб қурилади. Ф.ларнинг бетакрор жилоси Магрибдаги ҳиқалтаросшлик асарлари б-н безатилган *Маданат ал-Ҳамра сароғ мажмуасида*, жез ва тилладан ишланган *ал-Ҳамро сароғи* Ф.ларида ўз аксини топган. Шоҳ Аббос даврида Исфаҳон (Эрон) ҳиёбонида кўпгина ҳовузларни Ф.лар жонлантириб турган (Ҳашт-Биҳишт кўшки ўртасидаги 8 қиррали ҳовуза қурилган Ф., Чилъел сутун кўшкида ҳовуз бурчакларидаги пойустунга ишланган шер шаклидаги мармар ҳайкалли Ф.лар). Европала *Уйғониш даври* ва *Барокко* даврларида сарой-боғлар мужассамотида Ф.лар муҳим ўрин эгалланган (мас., Тиволидаги д' Эстье вилласи, 1550—72, меъмори П. Лигорио). Классицизмнинг серҳашам Ф.лари (*Версал*даги Катта канал, Аполлон ва Латона Ф.лари, *Петродворец*даги Катта каскал каскадлар) улугворлиги б-н ажралиб туради. Туркиядаги Ф. — чашмалар уй деворига туташ пештоқсимон ярим доира шийпон ёки *ротонда* ичига қурилган. 18-а.дан Ф.лар очиқ майдонларда мураббо, кўпбурчак ёки доира тарҳли қилиб қурилган, мармар б-н қопланиб, бежирим кўринишга эга бўлган; сиртлари равоқлар, жез панжаралар б-н безалган (Туркиянинг Тўпқопу саройидаги Ф.).

Ўрта Осиёда Ф. қурилиши 14—15-а.ларда кенг ривожланган. *Амир Темур боғлари*га ишланган Ф.лар ҳақида ёзма маълумотлар сақланган. Бу Ф.ларга сувлар махсус мосламалар (сопол қувурлар)дан келиб, ҳовузларга тушиб ариқчалар орқали ташқарига оқиб чиққан. Ҳовуз атрофи ҳар хил ранглаги мармар тошлар, ранг-баранг гуллар тасвири б-н безатилган. Ҳовузларга қуйиладиган ариқчаларнинг қиргоқлари ҳам мармар тошлар б-н қопланган. Қўлёзма китоблар (мас., Низомийнинг «Хамса», Бобурнинг «Бобирнома» ва б.)га ишланган миниатюраларда Ф. намуналари акс эттирилган.

Тошкент шаҳри Навоий театри олдидаги фаввора.

Ўзбекистонда Ф., асосан, маданият ва истироҳат боғларида, шаҳар майдонларида, жамоат бинолари олдида бунёд этилган (Тошкентдаги театр майдони, 1947; Халқа майдони, 1952—53; Навоийдаги «Фарҳод» ва «Ўзбекистон дарёлари», 1970 ва б.). Мустақиллик майдонидаги Ф.лар (1970—74) катта техник имкониятга эга бўлган, қатор жўмракли, ажойиб манзарали мураккаб муҳандислик иншоотн ҳисобланади.

Ҳоз. замон Ф.лари фан-техника ютуқлари асосида бунёд этилмоқда, Оқимомда улар ҳаракатдаги рангли нурлар б-н ёритилади. Сувнинг шовуллаш овози мусиқий оҳанглар б-н мувофиқлаштирилади.

Сурхондарё вилояти ҳокимияти биноси олдидаги фаввора.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ — давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг алоҳида иш режими. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқларига махсус қонун б-н белгиланган чекланшларга йўл қўйилади, шунингдек, уларга қўшимча мажбуриятлар юкланиши мумкин. Ф.ҳ., одатда, вақтинчалик тадбир бўлиб, реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, ички қуролли можаролар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 19-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти республиканинг бутун ёки унинг айрим жойларида Ф.ҳ. жорий этади ва қабул қилган қарорини 3 кун ичида Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритади.

...ФАГ (юн. phados — ютувчи, ютувчи) — ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми; «емирувчи», «еб, ютиб юборувчи» сўзларининг маъноларига тўғри келади (мас., *бактериофаглар*, фитофаг).

ФАГЛАР — қ. *Бактериофаглар.*

ФАГОТ (итал. fagotto — тутун, боғлам) — пуфлама-тилчали мусиқа чолғу асбоби. Тахм. 1530-й.ларда бомбарда (тилчали ёғоч-пуфлама соз) асосида ихтиро қилинган. Заранг ёғочдан ясалади, қўш тилчали. Цилиндр-конуссимон 2 асосий (катта ва кичик) ва уларни ўзаро боғловчи қўшимча канали мавжуд. Ҳоз. Ф.да чалғич тешиклари 25—30 та бўлиб, 5—6 таси бармоқ б-н, қолганлари клапанлар б-н беркитилади. Ўзига хос тембри, кенг техник имкониятлари туфайли асосий якканавоз, ансамбль ва оркестр созлари қаторидан ўрин олган. Контрафагот тури ҳам бор. Ўзбекистон давлат консерваторияси, айрим мусиқа лицей ва коллежларида Ф. синфлари мавжуд.

Фагот.

ФАГЛАР (юн. phagos — ютувчи ва ...*цит*) — одам ва ҳайвонлар бириктирувчи тўқималаридаги ҳимояга ихтисослашган, фагоцитоз хусусиятига эга бўлган ҳужайралар. Фагоцитоз ҳодисасини рус олими И.И.Мечников кашф этган (1882). Умуртқасиз ҳайвонларда Ф. вазифасини амёбоцитлар (гемолимфа таркибидаги ҳаракатчан ҳужайралар) бажаради. Умуртқалиларда қонининг шаклли элементларидан бири — нейтрофиллар (микрофаглар), ретикулоэндотелиал система ҳужайралари ва фаол макрофагларга айлана оладиган микроглиялар Ф. ҳисобланади. Нейтрофиллар майда зарралар (бактерияларга ва б.) ни, макрофаглар йирик ҳужайралар (гемолимфа таркибидаги ҳаракатчан ҳужайралар) бажаради. Умуртқалиларда қонининг шаклли элементларидан бири — нейтрофиллар (микрофаглар), ретикулоэндотелиал система ҳужайралари ва фаол макрофагларга айлана оладиган микроглиялар Ф. ҳисобланади. Нейтрофиллар майда зарралар (бактерияларга ва б.) ни, макрофаглар йирик ҳужайралар (гемолимфа таркибидаги ҳаракатчан ҳужайралар) бажаради. Умуртқалиларда қонининг шаклли элементларидан бири — нейтрофиллар (микрофаглар), ретикулоэндотелиал система ҳужайралари ва фаол макрофагларга айлана оладиган микроглиялар Ф. ҳисобланади. Нейтрофиллар майда зарралар (бактерияларга ва б.) ни, макрофаглар йирик ҳужайралар (гемолимфа таркибидаги ҳаракатчан ҳужайралар) бажаради. Умуртқалиларда қонининг шаклли элементларидан бири — нейтрофиллар (микрофаглар), ретикулоэндотелиал система ҳужайралари ва фаол макрофагларга айлана оладиган микроглиялар Ф. ҳисобланади. Нейтрофиллар майда зарралар (бактерияларга ва б.) ни, макрофаглар йирик ҳужайралар ёки кўп ҳужайралиларнинг айрим ҳужайралари томонидан бегона микроскопик тирик организмлар (бактериялар, ҳужайра парчалари), қаттиқ зарраларнинг фаол қамраб олиниши ва ютилиши (*Пиноцитоз* б-н солиштиринг). Зарраларни қамраб олиб ҳазм қилиш хусусияти тубан организмлар озиқланишининг асосини ташкил этади. Бу хусусият эволюция давомида бириктирувчи тўқиманинг муҳофаза функциясини бажарадиган ихтисослашган ҳужайралар — фагоцитларга ўтган. Ф. ҳодисасини дастлаб И. И. *Мечников* аниқлаган (1882). Айрим ҳайвонлар оошитлари, йўлдош ҳужайралари, тана бўшлиғи деворини қоплаб турадиган ҳужайралар ва кўз эпителийси пигменти ҳам фаол Ф. қилиш хусусиятига эга. Ф. кетма-кет келадиган бир

неча жараёнлар: Ф. қилинаётган объектга яқинлашув, объектнинг фагоцит ҳужайра сиртига ўрнашиб олиши, ютилиши ва ҳазм қилинишидан иборат. Ф.да ҳужайра мембранаси ёт заррачаларни ўраб олади ва цитоплазма ичига сўриб олиб, фагосомалар ҳосил қилади. Лизосомадан фагосомага гидролитик ферментлар келиб қуйилади, ютилган объектни ҳазм қилади. Ҳазм қилинмаган озиқ қолдиғи узоқ вақт ҳужайра ичида қолиши мумкин. Ф., асосан, яллиғланиш жараёнларида, жароҳатнинг битиб кетишида носпецифик иммунитет сифатида муҳим аҳамиятга эга. Баъзан «Ф.» ва «пиноцитоз» терминлари эндоцитоз номи б-н ягона тушунчага бирлаштирилади (яна қ. *Лизосома*).

ФАДЕЕВ Александр Александрович [1901.11(24).12, ҳоз. Калинин вилояти Кимри ш. — 1956.13.5, Москва] — рус ёзувчиси ва жамоат арбоби. 1908 й. Ф.лар оиласи Узоқ Шарққа кўчиб келган. Ф. шу ерда тижорат билим юртида ўқиган (1912—19) ва большевикларга яқинлашиб, инқилобий фаолият б-н шуғулланган. Москвадаги Тоғ-кон академиясида 2 й. таҳсил олгач, партиявий ишларда хизмат қилган (1924—26). СССР Ёзувчилар бошқаруви органларида турли лавозимларда ишлаган (1926—56). Бутунжаҳон Тинчлик кенгаши вице-президенти (1950—56).

Ижоди 1923 й.да бошланган («Оқимга қарши», ҳикоя). Узоқ Шарқдаги партизанлар урушига бағишланган «Тор-мор» романи (1927)да ёввойи тайга шароитида курашаётган кишиларнинг машаққатли ҳаёти тасвирланган. Ф. ушбу романи б-н ҳали шаклланиб улгурмаган социалистик реализм методининг асосий тамойилларини белгилаб берган.

Ф. 30-й.ларда совет ёзувчиларининг 1-съездини ўтказиш ва СССР Ёзувчилар уюшмасини ташкил этишга катта куч сарфлаган. Айни вақтда 6 қисмдан иборат «Удэгенинг сўнггиси» романи (1929—40, 4 қисми ёзиб тугатилган) устида жиддий иш олиб борган.

Ф. 2-жаҳон уруши йиллари (1943) да Краснодон ш.даги яширин ташкилот аъзоларининг немис босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамонона курашига оид ҳужжат ва хотиралар б-н танишиб, «Ёш гвардия» романини (1945) ёзган. Танқидчилик Ф.нинг партиянинг яширин ташкилот фаолиятидаги ролини романда тўғри акс эттирмаганликда айблаган ва ёзувчи асарни қайта ишлашга мажбур бўлган (1957). Ф. адабий-танқидий мақолалари б-н ҳам социалистик реализм методи асосларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. У бутун умри давомида Сталин ва партия ишига содиқ қолган. Шахсга сиғинишнинг фош этилиши б-н юзага чиққан фожиали воқеалар туфайли Ф. ўзини-ўзи отиб ўлдирган. Асосий асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Сочинения, т. 1—3, М., 1981—82; О литературе: Сборник статей, М., 1970; Тор-мор, Т., 1971; Ёш гвардия, Т., 1982.

ФАДЕЕВ Валентин Александрович (1912.31.7, Наманган вилояти Кетмонтепа қишлоғи — 1975, ?) — рангтасвир устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Тошкент бадиий билим юртида таълим олган (1933—38). Ф. яратган асарлардаги ёрқин ўзига хос хусусиятлар нозик деталларда намоён бўлади, уларда замон руҳи сезилиб туради: «Биринчи синф ўқувчиси»; «Қўғирчоқ ушлаган қиз» (1952); «Таня» (1953); «Дурадгор портрети» (1954), «Қоровул» (1955), «Кекса колхозчи Зулунбува портрети» (1957), «Темирчи Яхшибой» (1958) каби портретлар, тарихий ва б. мавзудаги асарлар, манзарий картиналар, натюрмортлар яратган.

ФАЁЗОВ Ваҳобжон Собирович (1912.8.10, Қўқон — 1974.2.8, Урганч) — актёр, реж., хонанда (лирик тенор). Ўзбекистон халқ артисти (1950). Ўз фаолиятини 1932 й. Қўқон темирйўлчилар клуби қошидаги ишчилар театрида бошлаган. 1933—34 й.лар Қўқон театрида, 1934 й.дан Огаҳий номидаги Хоразм театрида ишлаган. Ғариб (М. Юнусов, С. Самандаров, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»), Тоҳир (С. Абдулла, «Тоҳир ва Зуҳра»), Жалолиддин (М. Шайхзода, «Жалолиддин Мангуберди»), Мажнун, Фарҳод (Хуршид, «Лайли ва Мажнун»,

Ваҳобжон Фаёзов Ҳусайн Бойқаро ролида (чапда, «Алишер Навоий»).

«Фарҳод ва Ширин»), Ҳусайн Бойқаро (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Ғофир (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Тошболта (Ҳ. Ғулом, «Тошболта ошиқ»), Мулладўст (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Аброр (Уйғун, «Парвона»), Нурбобо (И. Султон, «Номаълум киши»), Мирзакаримбой (Ойбек, «Қутлуғ қон») образларини яратган. Ф. ижоди ҳиссиётлар гўзаллиги, буюк инсоний фазилатларни моҳирона оча олиши б-н эътиборли бўлиб, образлари ҳаётийлиги, юксак ижро савияси б-н ажралиб туради. Хонанда сифатида «Феруз 1,2», «Хоразм Чорғоҳи», «Дугоҳ», «Ёрим берган оқ румол», «Ғарибдурмен» каби ашулаларни баланд авжда чиройли ва ёқимли айтган. Реж. сифатида «Бой ила хизматчи», «Паранжи сирлари» (Ҳамза), «Шоҳи сўзана» (А. Қаҳҳор), «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Муқимий» (С. Абдулла) каби спектаклларни саҳналаштирган. Матёқуб *Раҳимов*, Комилжон *Отаниёзов* ва б. унинг шогирдларидир.

ФАЁЗОВ Михаил (Мамашариф) Гиёсович [1925.15.6, Авлиёота (Қозоғистон, ҳоз. Тароз ш.) — 1990.30.10, Чуст ш.] — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардиячи лейтенант. 1943 й.дан армия сафида. Шу йилдан фронтда. Кичик лейтенантлар курсини тугатган. 175-гвардиячи ўқчи полки (1-Украина фронти 5-гвардиячи армиясининг 58-гвардиячи ўқчи дивизияси) взвод командири. 1945 й. 23 янв.да Одер дарёсини кечиб ўтишда алоҳида кўрсатган жасорати учун 1945 й. 27 июнда Қаҳрамон унвони берилган. Чуст туманида турли хўжалик раҳбари вазифаларида ишлаган. Чуст ш.даги мактаб ва кўчага Ф. номи берилган.

ФАЁЗОВ Фариддин Зайниддинович (1941.1.3, Тошкент вилояти Нанай қишлоғи) — Ўзбекистон халқ артисти (2001). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1967). 1966—91 й.лар Муқимий театрида ишлаган. Театр саҳнасида Мамат, Ҳожи («Нурхон»), Фахриддин («Ўжарлар»), Турумбет («Жумагул»), Князь («Хонума хоним»), Андро («Кўнгли ёш қариялар»),

Фариддин Фаёзов Амир ролида («Лайли ва Мажнун»)

Казбек («Хотинимнинг эри»), Амир («Лайли ва Мажнун»), Зоир («Ҳалима»), Шайтон («Шайтон ва муридлар»), Рожа («Рожа») каби образлар яратиб кенг диапазонли, серқирра актёр сифатида танилди. Кино (терговчи, «Жасур болалар»; Ўзбек зобити, «Команда»; Судья, «Аёл зоти»; Ота, «Музаффар» ва б.), телевизион фильмлар

(Теолог, «Баланд тоғлар остида», 8 қисмли «Имон»да Бойбусинов ва б.)да ҳам суратга тушган. Радиопостановкалардаги роллари ҳам диққатга сазовор. Дубляж санъати устаси сифатида ҳам танилган. Телевизион ҳужжатли фильмларга дикторлик қилган.

ФАЁЗОВА Омина (1917.5.1, Бухоро — 1993.12.11, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1973). Москва давлат консерваторияси қошидаги Ўзбек опера студиясида ўқиган (1934—35). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1961). Бухоро театрида (1932—34), Ёш томошабинлар театрида (1935—39), 1939 й.дан Муқимий театрида ишлаган. «Ҳалима» (Ғ. Зафарий) спектаклидаги ўғил бола роли унинг саҳнадаги илк образидир. Кейинчалик «Ҳалима»да Ҳалима, «Аршин мол олон» (У. Ҳожибеков)да Гулчеҳра, «Паранжи сирлари» (Ҳамза)да Гулжон, «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла)да Юлдуз, «Равшан ва Зулхумор» (К. Яшин ва Т. Жалилов)да Оққиз, «Момо ер» (Ч. Айтматов)да Тўлғаной, «Тоғ гўзали» (С. Саидмуродов ва А. Муҳаммедов)да Илимоҳ, «Қайнона» (М. Шамхалов)да Қайнона, «Онасининг қизи» (Шуҳрат)да Ҳожар, «Майсаранинг иши» (Ҳамза)да Ойхон, Майсара, «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид)да Есуман каби образларни яратди. Пластик ифодавийлик, сўзларни дона-дона ишлатиш, айниқса, ўткир ҳажв ва юмор воситаларидан фойдаланиш, ўткир ижтимоий характерлар яратиш Ф. ижодига хос хусусиятлардир. «Нурхон» (К. Яшин ва Т. Жалилов)даги Ҳалча образи актриса ижодида алоҳида ўрин тутади. «Қайнона» телевизион спектаклидаги Қайнона роли унга катта шуҳрат келтирди. Ф. фильмлар («Чинор остидаги дуэль» ва б.)да ҳам суратга тушган. «Табассум» радиожурнали ва телевизион миниатюралар театрининг фаол иштирокчиси бўлган. «Ер қимирлаганда», «Қайнона билан келин», «Эрка кампир» каби кичик кулги ҳикояларининг муаллифи. У 1947 й.дан дубляж санъати б-н шуғулланиб, кўп кинофильмларда овоз берган.

Омина Фаёзова Увайсий ролида («Нодира»).

ФАЁЗТЕПА — мил. 1—3-а.ларга оид будда монастир-ибодатхона мажмуаси (*вихара*). Термиз ш. яқинидаги Эски Термиз шаҳар харобаларининг шим.-ғарбида, *Қоратепа*дан 1 км шим.-шарқда жойлашган.

Ф.нинг очилиши 1968 й. баҳорида чўпон Абсад Бекнаев томонидан мергелий оҳак тошидан ишланган будда санамини кўчма қум устидан топиб, Термиз ўлкашунослик музейига топширишидан бошланди. Ёдгорлик 1968—76 й.ларда археолог Л. И. Альбаум томонидан ўрганилди. Ф. майдони кўчма қумлар уюмидан тозалангач, унинг меъморий тарҳи очилиб, у 3 қисмдан иборат монументал иншоот, яъни марказий қисмида — ибодатхона, унинг шим.-ғарбида монастир, жан.-шарқида эса хўжалик қурилиш иншоотларидан иборатлиги аниқланган. Мажмуанинг умумий майд. 1,5 минг кв. м га яқин.

Ибодатхона таркибининг асосий қисмларидан бири — ступа бўлиб, у бошқа ибодатхоналардан фарқли ўлароқ, ибодатхона ҳовлисининг марказида эмас, балки унинг ташқарисида, муқаддас саждагоҳ б-н бир параллел чизиқда жойлашган. Улар ўзаро ҳовли майдонини кесиб ўтган ғишт ва мергелий тоши тўшалган йўлакча б-н боғланган. Ибодатхонанинг муқаддас саждагоҳида Будда ҳайкали (Бодхисатва) жойлашган, саждагоҳ деворлари ранг-баранг деворий суратлар б-н безатилган. Деворлар ости бўйлаб ўз вақтида будда ҳайкаллари (бал. 4 м) қўйилган. Кўпчилик ҳайкаллар қизил ранг б-н бўялган, сўнг устидан олтин суви юргизилган. Саждагоҳ жан. деворида сақ-қизил кийимда Будда тасвири ишланган. Унинг 2 томонидан елкаларига елкапўш ташлаган узун кийимдаги 2 одам расми туширилган. Улардаги 2 одам бири Буддага қараб сажда қилмоқда. Саждагоҳнинг шарқий деворида ҳам қандайдир деворий расмлар изи кўринади. Хонадаги сувоқ парчаларида ҳар хил одамларнинг расмлари учрайди. 60×80 см ли бир сувоқ парчасида Буддага юзланган 2 та эркакнинг расми топилган. Ҳар 2 шакл қиёфасига кўра, бактриялик Будда ихлосмандлари бўлиб, уларнинг Буддага сажда қилиш ҳолати тасвирланган. Ушбу хонада ганчкори ҳайкал бўлаклари кўплаб учрайди. Ҳатто хонанинг шарқий девори остида ҳайкаллар учун пишиқ ғиштдан махсус тагкурси қурилган, унинг усти эса мергелий тош парчалари б-н силлиқ қилиб қопланган. Ҳайкалларнинг кўпчилиги эса сомон қўшилган лойдан ясалиб, уларнинг сиртига ганч қоплама берилган. Ҳайкалларнинг боши махсус қолипда қуйилган. Қўл ва оёқлари алоҳида ясалиб, сўнг улар ҳайкал танасига ёпиштирилган.

Ф. ҳайкаллари орасида ганчдан ишланган Будданинг бош қисми диққатни ўзига тортади. Унинг тутамланган қоп-қора сочлари, фусункор чеҳраси унга гўзаллик бағишлайди. Буддани бундай ишланиши кушонлар даври ёдгорлигида биринчи бор учраши эди. Ушбу муқаддас саждагоҳ эшиги қаршисида яхлит мергелий тошдан ясалган ноёб санъат асари — триада топилган. Триада марказида ипак матнга ўралган Будда арка ва муқаддас бодха дарахти шохлари остида ўтирибди, 2 ёнида тик турган роҳиблар эса унга илтижо қилиб турган ҳолатда тасвирланган. Саждагоҳдан 2 Канишка ва битта Васудева тангалари топилган.

Ибодатхона ҳовлиси тўғри тўртбурчак шаклида, майд. 33×20 м, унинг тўрт томони бўйлаб будда роҳибларининг эшиклари ҳовлига қаратилган хоналари жойлашган. Ибодатхона ҳовлиси ушбу хоналарнинг ҳовли томон деворлари бўйлаб яхлит узун айвон б-н ўраб олинган. Айвон деворлари ранг-баранг деворий расмлар б-н безатилган. Рангли деворий безаклар айвон деворининг

Фаёзтепа. Будда ҳайкалчаси.

Будда монастири.

пастки қисмидагина сақланган. Айвон ости бўйлаб супа жойлашган.

Ибодатхона ҳовлисининг шим.-ғарбий қисмида, мергелий тош парчаларидан трапеция шаклида қурилган ҳовузча бўлиб, унинг томонини пастки қисмида сув оқизишга мўлжалланиб тешикча ясалган. Тешикча жағлари кенг очилган шер боши қиёфасида ишланган. Бундай ҳовузларда тоза сув сақланган. Шер кушонлар даври санъатида Будданинг куч ва қудрат тимсоли сифатида ўз аксини топган. Диний мажмуанинг 2-қисми — монастир бўлиб, у ибодатхона б-н ҳовли ғарбий деворидан очилган эшик орқали боғланган. Монастир майдонида жойлашган хоналарда роҳиблар ва монастир талабалари истиқомат қилишган, монастирда ўқув хоналари ва заллари, зиёратчилар тўхтаб ўтадиган ётоқхоналар жойлашган. Хоналар деворларида пилта чироқ ёритқичлари учун токчалар ишланган. Айрим хоналарнинг девори остида Будда ҳайкаллари ва уларни ўрнатиш учун супа-тагкурсилар қурилган. Демак, роҳиб ва талабалар ҳамда зиёратчи сайёҳлар марказий ибодатхонада диний маросимлар

Фаёзтепа. Кушон маъбуди. Деворий расмнинг бир қисми (1—2-асрлар).

тўхтаган вақтда ўз ибодатларини монастир саждагоҳларида амалга оширганлар.

Ибодатхонанинг жан.-шарқида унинг хўжалик қисми жойлашган. Унинг майдони квадрат шаклида, ҳажми 34,5×33,5 м. У ибодатхона б-н 3 эшик орқали боғланган. Ибодатхонанинг хўжалик қисмида 15 та хона очилган, уларнинг кўпчилигида ўчоқ қолдиқлари топилган. Мажмуа деворлари пахса б-н тикланган, хоналардаги сўри-супалар ва деворларнинг таъмири ғишт б-н урилган. Ҳамма хоналар сомон сувоқ қилинган, фақат иккита хона деворлари ганч б-н сувалган. Бу 2 хона ибодатхона хўжалик қисмининг саждагоҳлари бўлган деб фараз қилинади. Иккита хонадан тандир қолдиқлари ва қалин кул уюми топилган. Тандирли хоналарни қазиш вақтида кўплаб ҳайвон суяклари, хум, коса, нимкоса, сопол қалаҳ парчалари чиққан. Хумлардан бошқа барча идишлар кулолчилик чархида ясалган ва оч-қизил рангли ангоб б-н қопланган. Сопол сирти арча барглари, дисксимон нақшлар б-н безатилган. Шунингдек, сопол парчаларига ялан оёқ Будда товон излари туширилган.

Сополлар ичида пилта чироқлар ва сопол қозонлар кўплаб учрайди. Бир хонадан сопол қувур топилган. Ф.га Амударёдан сув келтирилганлигига ишора қилувчи канал изи ўрганилган. Ушбу каналга Амударёдан чиғир орқали сув чиқарилган деб фараз қилинади. Ибодатхона хўжалик қисмининг катта ҳовлиси айланаси бўйлаб кенглиги 0,7 м ли супа қурилган. Уни қазиш вақтида сон-саноқсиз турли ҳайвон суяклари топилган, кўплаб сопол коса ва қалаҳ парчалари учратилган. Ушбу ҳовли Будда ва унинг роҳибларига атаб қурбонлик қиладиган жой сифатида талқин қилинади.

Ф. мажмуасининг деворлари, асосан, пахса ва ғиштдан қурилган, айниқса, монастир ва ибодатхона деворларининг баландлиги 3 м гача сақланган. Ибодатхона хўжалик қисмининг жан.-шарқий деворлари яхши сақланмаган. Барча деворлар сомонли лой б-н сувалган бўлиб, кўп ҳолларда сувоқ устига оқ рангда жило берилиб, унинг усти рангли расмлар б-н безатилган.

Ф. Эрон сосонийларининг босқинчилик ҳужумлари натижасида харобага айланган. 5-а. —6-а.нинг 1-ярмида ибодатхона вайроналаридан эфталийлар дахма сифатида фойдаланганлар. Араблар истилоси даврида Ф. бутунлай вайрон қилинган, кейинчалик у кўчма қумлар остида қолиб кетган.

Ад.: Альбаум Л. И., Раскопки буддийского комплекса Фаязтепа. Сб. «Древняя Бактрия», Л., 1974; Козловский В. А., К изучению древних памятников материальной культуры Сурхандарьинской области. Сб. «Древняя Бактрия», Л., 1974; Альбаум Л. И., Исследование Фаязтепа в 1973 г. Сб. «Бактрийские древности», Л., 1976.

Аҳмадали Асқаров.

ФАЗА (юн. phasis — пайдо бўлиш) — 1) бирор жараён (ижтимоий, геологик ва б.) нинг тараққиёт пиллапояси, даври. 2) физиканинг тебранишлар назарияси — муайян вақтнинг ҳар бир моментида тебраниш жараёни ҳолатини ифодалайдиган катталик. Давр улушларида, бурчак ёки ёй бирликларида ўлчанади. Гармоник тебранишни ҳаракатининг тенгламаси $x=A\sin(\omega t+\varphi)$ да $\omega t+\varphi$ тебранишнинг тўлиқ (ўзгарувчан), φ — бошланғич вақт нолга тенг бўлгандаги (ўзгармас) Ф.си дир; 3) термодинамикада — тизимнинг бошқа қисмлари б-н аниқ чегара орқали ажралиб турган, бир жинсли ва хоссалари бир-биридан фарқ қиладиган ҳамда механик усул орқали ажратиб олиниши мумкин бўлган ҳар бир қисми. Сув-муз-сув буғи (газ) бир компонентли тизим бўлиб, у учта Ф.дан ташкил топган. Агар берк идишдаги сувга маълум миқдорда симоб, муз ва темир парчалари солинса, вақт ўтиши б-н мувозанат ҳолати юзага келади ва 2 қаттиқ фаза — муз ва темир ҳамда 2 суюқ фаза — сув ва симоб ва, ниҳоят, битта газдан иборат 5 фазали тизим ҳосил бўлади. Ҳар қандай тизим бир қанча қаттиқ Ф.дан, бир қанча суюқ Ф.дан ва биттадан ошмайдиган газсимон Ф.дан ташкил топган бўлиши мумкин. Модда ҳар бир



Маятникларнинг бир хил фазада *(а)* ва қарама-қарши фазада *(б)* тебранишлари. φ — маятникнинг мувозанат ҳолатидан оғиш бурчаги.

Ф.да термодинамик мувозанат ҳолатида бўлади. Бу ҳолат физик хоссалари бўйича модданинг бошқа мувозанат ҳолат (бошқа фаза) ларидан фарқ қилади. Модда бир Ф.дан бошқа Ф.га ўтганда унинг хоссалари сифат жиҳатидан ўзгаради (қ. *Фазавий ўтиш*). Юқори т-ра ва босимда модда плазма ҳолатига ўтади. Турли кристалл Ф.лари бир-биридан электр ўтказувчанлиги, электр ва магнит моментлари, ўта ўтказувчанлиги, кристалл тузилиши ва б. билан фарқ қилади. Турли суюқлик Ф.лари ҳам бир-биридан концентрацияси, ўта оқувчанлиги, электр хоссалари ва б. б-н фарқланади; 4) электротехникада — кўп Ф.ли, хусусан, 3 Ф.ли линиядаги ўтказгичлардан бири.

ФАЗА ТЕЗЛИГИ — монохроматик, яъни гармоник $y=A\sin\omega$ тўлқин фазасининг фазода кўчиш тезлиги. Бунда $\varphi=2\pi(t/T-x/\lambda)$ — тўлқин фазаси, A — амплитудаси (T — тебраниш даври, λ — тўлқин узунлиги, x — тўлқин манбаидан бўлган масофа, t — вақт). Доимий фаза (φ=const) $v=dx/dt=\lambda/T$ тезлик б-н тарқалади. Шу тезлик Ф.т. дир. Ф.т. тўлқин муҳитда тарқалганида турли частоталарда ҳар хил бўлади (дисперсия ҳодисаси). Шу сабабли Ф.т. тушунчасини номонохроматик тўлқинлар учун қўллаб бўлмайди. Бу ҳолда гуруҳ тезлиги ва тўлқин фронти тезлиги тушунчалари қўлланилади. Дисперсия бўлмаган ҳолда (мас., электромагнит тўлқинларининг бўшлиқда тарқалишида) бу учала тезлик ўзаро тенг бўлади.

ФАЗАВИЙ ЎТИШ — кенг маънода — ташқи шароит (т-ра, босим, электр ва магнит майдонлари ва б.лар) ўзгариши натижасида модданинг бир фазадан бошқа фазага ўтиши; тор маънода — ташқи параметрлар узлуксиз ўзгарганда модда физик хусусиятларининг сакраб ўзгариши. Мас., газнинг суюқликка, суюқликнинг қаттиқ жисмга айланиши, металлнинг ферромагнит ҳолатидан парамагнит ҳолатига ўтиши ва б. Кристалл қаттиқ моддаларнинг бир агрегат ҳолатдан иккинчи агрегат ҳолатига ўтиши Ф.ў.нинг хусусий ҳолидир. Умуман Ф. ў.да тизимни изоҳловчи параметрлар сакраб ўзгаради. Мисол учун газсимон ҳолатдан суюқликка ва суюқликдан қаттиқ ҳолатга ўтишда зичлик қиймати кескин ўзгаради. Ф.ў. содир бўладиган т-ра, босим ёки б. физик катталикларнинг қийматини **фаза ўтиши нуқтаси** дейилади. I тур ва II тур Ф.ў. мавжуд.

Модданинг бир фазадан иккинчи фазага ўтиши иссиқлик ютилиши ёки ажралиб чиқиши б-н содир бўлса, бундай ўтишлар биринчи тур Ф.ў. деб аталади. Эриш ва қотиш, буғланиш ва конденсатланиш, моддаларнинг полиморф алмашинишлари, магнит майдонида соф ўта ўтказгичнинг нормал ҳолатига ўтиши I турдаги Ф. ў.ларга мисолдир. Агар Ф.ў.да иссиқлик миқдори ютилмаса ёки ажралиб чиқмаса, бундай ўтишлар II тур Ф.ў. деб аталади. Иккинчи тур Ф.ў.га қуйидаги мисолни келтириш мумкин: гелий газсимон, қаттиқ ва икки хил суюқ фазада бўлади. Агар газсимон ҳолатдаги гелийни босими бир атм босимига тенг бўлган шароитда совитиб, т-ра 4,2 К га етказилса, у газсимон ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтади. Т-ра яна пасая бориб, 2,17 К га тенг бўлганида эса гелий биринчи суюқ ҳолатдан иккинчи суюқ ҳолатга ўтади, бунда ҳеч қандай иссиқлик ютилмайди ҳам, ажралмайди ҳам. Лекин ўтиш т-расидан юқори т-раларда *ёпишқоқлик* тахм. $2\cdot10^{-1}$ Пз бўлган бўлса, ўтиш т-расидан паст т-раларда у нолга тенг бўлади. Яъни, 2,17 К дан паст т-раларда гелий *ўта оқувчанлик* хусусиятига эга бўлиб қолади. Бундан ташқари, темир, никель каби элементлар ва турли қотишмаларнинг ҳар бир моддаси учун аниқ *Кюри нуқтаси* деб аталувчи т-рада ферромагнит ҳолатдан парамагнит ҳолатга ўтади, мутлақ нолга яқин т-раларда эса электр қаршилиги сакраб камаяди ва б.

ФАЗЛИЙ Наманганий (тахаллуси; асл исми Абдулкарим, 18-а. 2-ярми — 19-а. 1-ярми, Наманган) — шоир, адабиётшунос. 19-а. бошларида Тўрақўрғон ва Наманганда турли мансабларда ишлаган. Умархон ҳукмронлиги йилларида (1810—22) Қўқонга келган. Шеърий истеъдоди туфайли хоннинг марҳаматига сазовор бўлиб, тез орада саройи шоирларининг бошлиғи — «малик уш-шуаро» номини олган. Умархоннинг ҳаёти, фаолияти, ҳарбий юришлари, ҳукмронлиги давридаги воқеаларни «Умарнома» достонида тасвирлаган. Хон топшириғига кўра, Ф. «Мажмуаи шоирон» («Шоирлар мажмуаси», 1821) тазкирасини тузган. Ўзбек адабиётшунослиги тарихида илк марта шеърий йўл б-н яратилган мазкур тазкирада 19-а. бошлари Қўқон адабий муҳитининг 100 дан ортиқ вакиллари ҳақидаги қимматли маълумотлар ва асарларидан намуналар мавжуд. Шу жумладан, унда Ф.нинг қасида ва ғазаллари, шоира Маҳзуна б-н мушоираси ҳам бор. Ф.нинг «Девон» тузгани маълум, аммо у топилмаган. Унинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган ғазал, маснавий, мухаммас, рубоий ва туюқлари турли мажмуа ва баёзларда учрайди.

Ф.нинг «Мажмуаи шоирон» тазкираси 19-а. ва 20-а. бошларида қўлёзма ва тошбосма нусхаларда кенг тарқалган, асар адабиёт аҳли орасида катта шуҳрат топган. Унинг мукаммал қўлёзма нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. № 7510, 9914 ва б.). Ф. Умархон вафотидан сўнг (1822), Намангага кетган ва ўша ерда вафот этган.

Ас.: Ўзбек адабиёти [4 ж.ли], 3-ж, Т., 1959.
Ад.: Қаюмов А., Қўқон адабий муҳити, Т., 1961; Қаюмов П., Тазкираи Қаюмий, Т., 1998; Воҳидов Ш., Қўқон тарихчилари Фазлий ва Мушриф, Т., 1996; Тошболтаева Т., «Мажмуаи шоирон» ва унинг муаллифи, Т., 2002.

Рустамжон Тожибоев.

ФАЗЛУЛЛОҲ ибн РЎЗБЕҲОН, Рўзбеҳон Исфаҳоний [1457, Жан. Форс (Лористон)нинг Хунжи қишлоғи, Шероз яқинида — 1521.13.4, Бухоро] — тарихчи олим, фақиҳ ва шоир. Отаси — Жамолиддин Рўзбеҳон йирик илоҳиёт ва фиқҳ олими, сардорлар табақасидан бўлган. Ф.и. Р. Шероз ва Исфаҳон мадрасаларида таҳсил олган. Ҳижоз ва Макка (1474), Мадина, Миср (1482) га бориб илм олган.

Оқ қўюнлилар вакили султон Яъқуб уни Табризга чақириб, саройда юқори лавозимни топширган. — султон Абулфатҳ мирзо *Бойсунғур, темурийлардан* Султон *Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон*, Бухоро ҳокими *Убайдуллахон* саройларида юқори лавозимларда хизмат қилган. Умрининг қолган қисмини Бухоро ва Карманада ўтказган.

Ф.и. Р. «Тарихи олам-оройи Аминий» (1490) асарида султон Яъқуб ва б. оқ қўюнлилар ҳақида, темурий шаҳзода *Халил Султон*нинг уларга қарши олиб борган курашлари тўғрисида муҳим маълумотларни келтирган. «Сулук ал-мулук» (1514) асари Бухоро ҳокими султон Убайдуллахонга бағишланган бўлиб, унда шариат йўл-йўриқлари асосида давлатни идора қилиш масалаларига тўхтаб ўтилган.

Ф.и.Р. «Меҳмонномайи Бухоро» номли йирик тарихий асарида (1509) Туркистоннинг 15-а. 2-ярми — 16-а. бошларига оид тарихи баён қилинган бўлиб, у муқаддима, 59 боб ва хотимадан иборат. Шайбонийхоннинг 1508—09 й. қиш мавсумида қозоқ султонлари Жаниш Султон ва унинг ўғли Аҳмад султон, шунингдек, *Бурундуқхон* устига қилган ҳарбий юриши, ўзбек ва қозоқ хонларининг келиб чиқиш тарихи, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ ва қозоқ улусининг жуғрофий ҳолати, ўзбек ва қозоқларнинг келиб чиқиши, этник таркиби, урфодати ва анъаналари асарда ўз аксини топган.

Ас.: Михман-наме-йи Бухара, М., 1976; Тарих-и алам-ара-йи Амини, Боку, 1987.
Ад.: Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ., Самарқандлик олимлар, Т., 1969; Ҳасанхожа Нисорий, Музаккири аҳбоб, Т., 1993; Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Т., 2003.

Қаҳрамон Ражабов.

ФАЗО (математикада) — мантиқий фикрланувчи шакллар ёки бирор конструкциялар амалга ошириладиган муҳит. Мас., элементар геометрияда текислик ёки фазо турли шакллар ясаладиган муҳит бўлади. Ф.даги ўзаро боғловчи муносабатлар ички тузилиши (структураси) жиҳатидан одатдаги фазовий муносабатларга ўхшаш. Тарихий нуқтаи назардан математик Ф. реал Ф.нинг тақрибий абстракт қиёфасини ифодаловчи 3 ўлчовли *Евклид фазоси*дир. Мат., механика, физиканинг ривожланиб бориши б-н Евклид фазоси, *Евклид геометрияси*нинг тушунчаларини секин-аста умумлаштириш ва ўзгартириш натижасида «Ф.»нинг ҳозирги умумий тушунчаси вужудга келди. 19-а.нинг 1-ярмида яратилган Лобачевский Ф.си, *n* ўлчовли Евклид Ф.си тушунчалари Евклиднинг 3 ўлчовли Ф. сидан анча фарқ қилади.

Математик Ф. тўғрисидаги умумий тушунчани 1854 й.да Б. *Риман* олға сурган. Бу тушунча кейинчалик кенгайтирилиб, унга аниқликлар киритилди. Натижада вектор Ф., Гильберт фазоси, Риман фазоси, функционал Ф., топологик Ф. вужудга келди. Математикада Ф. сифатида объектларнинг узлуксиз (туташ) тўплами қаралади. Бу объектлар сифатида геометрик фигуралар, функциялар, физик тизимларнинг турли ҳолатларини олиш мумкин. Улар шу Ф.нинг «нуқталари» деб ҳисобланади.

Нуқталарнинг тўплами эса Ф.даги фигура деб қаралади. Мас., 1) метрик Ф.ларда нуқталар орасидаги масофалар тушунчаси тегишли равишда таърифланган, мас., бирор $[a, b]$ кесмадаги [шу кесмада узлуксиз бўлган $f(x)$ функция нуқталар вазифасини бажаради] узлуксиз функциялар Ф. сида $f_1(x)$ б-н $f_2(x)$ орасидаги масофа уларнинг фарқи модулининг максимуми $r = \max|f_1(x)-f_2(x)|$ сифатида аниқланади; 2) нисбийлик назариясида муҳим роль ўйнайдиган «ҳодисалар Ф.си» — учта, x, y, z координата ва t вақт б-н аниқланади, яъни ҳар қандай ҳодисалар тўплами тўрт ўлчовлидир.

Математик Ф.ларнинг қайси бири реал Ф.ни яхшироқ акс эттириши тажрибадан аниқланади. Мас., ҳозир реал Ф. хоссалари *Риман геометрияси*да Евклид геометриясига нисбатан аниқроқ акс этиши тўла тўкис исбот этилган (яна қ. *Геометрия, Математика*).

ФАЗО ВА ВАҚТ, макон ва замон — борлиқнинг умумий яшаш шакллари; фазо дунёни ташкил этувчи объектлар ва улардаги таркибий нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартиби, кўлами ва миқёсини ифода этса, вақт дунёда содир бўлувчи ҳодиса ва жараёнларнинг кетма-кет рўй бериши ва давомийлигини ифодалайди. Ф. ва в.нинг табиати ҳамда моҳияти ҳақида қадимдан файласуфлар хилма-хил нуқтаи назарни илгари сурган. Уларни умумлаштириб 2 га: субстанциал ва релацион концепцияга ажратиш мумкин. Субстанциал концепцияда Ф. ва в.нинг мутлақ жиҳатлари, релацион концепцияда эса уларнинг нисбий жиҳатлари мутлақлаштирилади. Субстанциал ёндашув тарафдорлари (Демокрит, Платон, Эроншаҳрий, Закариё ар-Розий, Беруний, Патрицци, Кампанелла, Гассенди, Ньютон, Эйлер ва б.)нинг фикрича, фазо—материя ва моддий алоқадорликлардан ташқарида, уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган мустақил субстанциядир; у моддий объектларнинг жойлашиш макони, фазо мутлақдир. Вақт эса борлиққа, фазо ва ҳаракатга жиддий таъсир кўрсатади; вақт муносабатлари ҳамда ҳисоб системаларида бир хилда ўтади. Ф. ва в.ни мустақил субстанция деб ҳисоблаганликлари учун уларнинг ёндашуви фанга субстанциал концепция номи б-н кирган. Релацион ёндашув вакиллари (Аристотель, Августин, ал-Киндий, Ибн Сино, Носир Хисрав, Фахриддин Розий, Насриддин Тусий, Декарт, Лейбниц, Толанд, Юм, Фихте, Кант, Гегель)нинг фикрича, фазо—моддий дунёнинг таркибий тузилиши тартибининг намоён бўлиши, жисмларнинг ўзаро жойлашиш ўрни ва моддий нарсаларнинг мавжудлиги тартибини ифодалайди. Фазо жузъий ҳолда ҳам, умумий ҳолда ҳам моддий дунёнинг ҳолатига боғлиқ; материя фазонинг мавжудлиги учун асосий воситадир, вақт эса материянинг атрибути (ажралмас хусусияти), у материядан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас, у нисбийдир. Фанда узоқ давр мобайнида фазони вақтдан ажратиб тушуниш ҳукмронлик қилиб келди. Шу жиҳатдан вақтга нисбатан динамик ва статистик қарашлар ҳам мавжуд. Динамик қараш бўйича, вақтнинг фақат ҳоз. замонигина реал мавжуд, ўтмиш ўтиб кетган, келажак эса ҳали йўқ. Статистик қараш вакилларининг фикрича, вақтнинг барча лаҳзалари бир йўла, яхлит ҳолда, бир вақтда мавжуддир, вақтнинг лаҳзаларини ҳар бир субъект ўз бошидан кечиради ва унга гўёки вақт оқиб ўтаётгандек туйилади. 20-а. бошларида А. *Эйнштейн* томонидан *нисбийлик назарияси*нинг яратилиши Ф. ва в.нинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, Ф. ва в. системанинг ҳаракат тезлиги б-н, вақт-фазо структурасининг модда зичлиги б-н боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар табиий-илмий ва назарий исботини топди.

Бундан илгарироқ яратилган ноевклид геометрияси намояндалари б-н дунё электродинамик манзарасининг боғланиши фазонинг структураси ҳақидаги табиий-илмий тасаввурларни янада кенгайтирди. Фан ютуқлари Ф. ва в.нинг хусусиятлари микро-, макро- ва мегадунёларда бир-биридан фарқ қилишининг исботлади. Ҳоз. замон фанлари аниқлаб берган Ф. ва в.нинг хусусиятларини 2 турга ажратиш мумкин. 1-турга тегишли ўлчов асбоблари (линейка, рулетка, соат кабилар) б-н ўлчаш мумкин бўладиган, турли ҳисоб системаларида турлича намоён бўладиган нисбий хусусиятлари киради ва улар метрик хусусиятлар деб аталади. Бундай хусусиятларга фазонинг кўлами, бир жинслилиги, изотроплилиги, [illegible], вақтнинг бир жинслилиги, бир хиллиги, давомийлиги, анизотроплиги ва б. киради. 2-турдаги хусусиятлари Ф. ва в.нинг туб моҳиятига алоқадор бўлган, барча ҳисоб системаларида бир хилда намоён бўладиган, ўзгармас, фундаментал хусусиятлардир. Улар топологик хусусиятлар деб аталиб, фазонинг узлуксизлиги (ёки дискретлиги), ўлчамлилиги, тартибланганлиги, компактлигида, вақтнинг эса узлуксизлиги, бир ўлчовлилиги, орқага қайтмаслиги, чизиқли боғланганлигида ва б. да намоён бўлади.

Ф. ва в.нинг метрик хусусиятлари борлиқнинг миқдорий муносабатларини ифода этса, топологик хусусиятлари эса туб сифат жиҳатларини акс эттиради. Шу сабабли фалсафада Ф. ва в.нинг метрик хусусиятлари — миқдорий хусусиятлар, топологик хусусиятлари эса сифатий хусусиятлар деб аталади. Ф. ва в.нинг метрик хусусиятлари ўзгарганда воқеликда жиддий структуравий ўзгаришлар рўй бермаслиги мумкин, топологик хусусиятларининг ўзгариши эса воқеликни, албатта, тубдан структуравий ўзгартиради. Ф. ва в.ни англашда реал, перцептуаль ва концептуаль Ф. ва в.ларни бир-биридан ажрата олиш лозим. Объектив воқеликдаги реал, жисмоний, физик объектлар, нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос Ф. ва в. алоқадорликлари реал Ф. ва в. дейилади. Реал Ф. ва в. нинг инсон тасаввурида идрок этилиши — перцептуаль Ф. ва б. бўлса, реал Ф. ва в.нинг математик тенглама ва ҳисоб-китобларда моделлаштирилиши — концептуаль Ф. ва в.дир. Перцептуаль ва концептуаль Ф. ва в. реал Ф. ва в.нинг инъикоси эканлигини ҳисобга олиш лозим, уларни айнанлаштириш кишини чалғитиши мумкин. Ҳоз. даврда борлиқнинг турли ташкилий структура даражаларига алоқадор физик, кимёвий, геологик, биологик, физиологик, ижтимоий (социологик), психологик Ф. ва в. ҳақидаги концепциялар ҳам яратилмоқда. Уларда оламнинг турлилиги жиҳатдан хилма-хиллиги ва бирлиги, кўп қирралилиги ва чексизлиги, мураккаблиги ва ниҳоясизлиги асосланмоқда. 20-а.нинг охири — 21-а.нинг бошларида назарий физика, топология, чизиқли алгебра, квант физикаси, релятивистик космология каби фанларнинг ривожланиши Ф. ва в. ҳақидаги тасаввурларни жиддий ўзгартирди, Ф. ва в.нинг турли-туман моделларини тадқиқ қилишга кенг йўл очилди. Бу тадқиқотлар оламдаги ягона ва умумий, универсал ва фундаментал алоқадорлик — Ф. ва в. алоқадорлигидир, деб хулоса чиқаришга асос берди.

Ад.: Современная наука и строение и эволюция материального мира, в кн: Основы философии, Т., 2004; Тураев Б. О., Вақт муаммолари, Т., 1986; Тураев Б. О., Пространство Время. Развитие, Т., 1992.

Бахтиёр Тураев

ФАЗОВИЙ МЕХАНИЗМ — звеноларининг нуқталари нотекис траектория чизувчи ёки траекторияси ўзаро кесишган текисликларда ётувчи механизм. Техникада звенолари нуқталарининг траекториялари концентрик сфераларда бўладиган сферик механизмлар кенг тарқалган. Бундай механизмлар кесишувчи ўқлар орасидаги айланма ҳаракатларни узатиш учун қўлланади (мас., тишли узатмалар, автомобилнинг карданли узатмаси, радиолокаторнинг буриш механизми ва б.). Енгил саноат ва озиқ-овқат саноатида Ф.м. айланма ҳаракатни узатиш б-н бирга фазовий траекториялар ҳосил қилади (мас., тикув машинасининг ип тортиш механизми). Ричагли Ф.м.лар одамнинг қўл ҳаракатларини такрорлайдиган манипуляторлар ва саноат роботларида ишлатилади. Ф.м.дан космик техника қурилмаларида, қ.х. ва б.да кенг фойдаланилади.



Фазовий механизм. Траекторияси кесишган икки ўқ орасидаги икки гиперболоид узатма (O_1-O_1 ва O_2-O_2 — кесишган ўқлар, 1 ва 2 — гиперболоидлар, $p-p$ — текислик).

ФАЗОМЕТР, фаза ўлчагич — саноат частотали ўзгарувчан ток электр занжирларида кучланиш ва ток кучи орасидаги қувват коэффициенти (фазалар силжиши бурчаги косинуси) ни ёки электр тебранишлари фазалар фарқини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. Ишлатилиш жойларига кўра бир неча хилга бўлинади. Саноат частоталарида фазалар силжиши бурчагининг косинуси электромеханик усулда — *логометр* (электродинамик, ферродинамик, электромагнит ёки индукцион) б-н ўлчанади. Логометр милининг оғиши кучланиш б-н токнинг фазалар силжишига боғлиқ. Кенг диапазондаги частоталар учун мўлжалланган Ф. сифатида электрон-ҳисоблаш ўлчагичлари қўлланади. Электрон Ф.лар б-н ўлчаш электрон-механик Ф.лар б-н ўлчашдагидан аниқроқ чиқади.

ФАЗОТРОН (*фаза*... ва ... *трон*) — вақт бўйича доимий магнит майдонга эга бўлган ва тезлатувчи электр майдонининг частотаси камайиб борадиган циклик резонанс тезлаткич; оғир зарралар (*протон*, дейтрон, α-зарра)ни тезлатишда қўлланилади. Ф.нинг асосий қисмлари доимий электромагнит ва магнит қутблари орасида жойлашган ҳамда тезлаштирувчи электрод (дуант)лар ўрнатилган вакуум камерадан иборат. Вакуум камера марказида зарралар манбаи жойлаштирилган. Бу манбадан чиқаётган зарралар доимий магнит майдонда айланма ҳаракат қилиб, электродлар орасидаги тирқишдан ҳар бир ўтишида электр майдон таъсирида тезлигини оширади. Зарралар тезлиги ортган сари айланиш радиуси ҳам ортиб бориб, спиралсимон траектория ҳосил қилади, зарранинг массаси ортиб боради, натижада айланиш даври ҳам ортади ва юқори частотали электр тезлатувчи майдоннинг частотаси камайиб боради. Магнит тизими кўпол бўлгани учун заррага 1 ГэВ дан ортиқ энергия берадиган Ф. қуриш самарали эмас: бундай ҳолларда *синхрофазотрон*лардан фойдаланилади. Ф. импульсли режимда, яъни синхротрон (резонанс) режимда ишлаганда қолган зарралар гуруҳи энергияси мумкин бўлган энг катта қийматга эришганда Ф.дан чиқиб кетади ва Ф.нинг параметрлари ўзининг бошланғич қийматига қайтади ҳамда тезлатишнинг янги цикли бошланади (яна қ. *Тезлаткичлар*).

ФАЙЗ, Аҳмад Файз (1911.13.2, Сиёлкат — 1984.27.11) — Покистон шоири, танқидчи ва жамоат арбоби. Сиёлкат (1917—29) ва Лоҳур (1929—34) коллежларида таҳсил олган. 1972 й.дан Покистон санъати миллий кенгашининг раиси. «Пакистан таймс» («Pakistan», 1947—51; 1955—58), «Имроз» («Imros», 1948—51; 1955—58) газ.ларида бош муҳаррир. 1950 й.да Жаҳон тинчлик кенгашининг аъзолигига сайланган ва шу йили «Равалпинди фитнаси» иштирокчиси сифатида айбланиб, қамоққа олинган. 1955 й.да озод қилинган. Урду ва панжоб тилларида ижод қилган. Ф. лирикасида инсоний ҳис-туйғулар, чуқур фалсафий мушоҳадалар ҳамда сиёсий масалалар муҳим ўрин тутади. У шеъриятнинг ғазал, қасида, марсия ва б. жанрларида ижод қилган. Ф. «Ғамгинлар» (1941), «Шамол қўли» (1952), «Зиндонинома» (1957), «Тош остида қолган қўл» (1963), «Синай водийси» (1971) шеърий тўпламлари, қамоқдан ёзилган хатлардан иборат «Панжарали туйнук» (1971) китоби ва б. асарлар муаллифи. Деҳлида ўтган Осиё ёзувчилари 1-конференцияси (1956), Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент (1958) ҳамда Олмаота (1973) конференциялари қатнашчиси. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. «Нилуфар» мукофоти лауреати (1975).

«ФАЙЗ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ — Ўзбекистон Республикасида мебель саноатининг йирик компанияси. Тошкент ш.да жойлашган. 1997 й.да «Маҳаллий саноат» корпорациясининг бир нечта корхоналари негизида ташкил этилган. Бош корхонаси — ошхона мебеллари ва б. мебеллар ишлаб чиқарадиган мебель з-ди (1979) негизида ташкил этилган «Файз» қўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамияти. Таркибида 30 корхона ва ташкилотлар, шу жумладан, 10 та чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхона бор. Компания устав капиталида чет эллик инвесторлар улуши 67% ни ташкил этади. Компания корхоналарида юмшоқ ва офис мебеллари, ошхона мебеллари, ётоқхона тўпламлари, мактаблар ва ўқув юртлари, болалар спорти, меҳмонхоналар учун турли мебеллар ишлаб чиқарилади. Маданият, соғлиқни сақлаш муассасаларини, маъмурий биноларни жиҳозлаш учун махсус мебелларни н.ч. ўзлаштирилган, шунингдек, поролон, гугурт ва б. маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилади. Компания корхоналари илғор хорижий технологиялар б-н жиҳозланган. Компанияда Ўрта Осиёда ягона бўлган ламинацияланган ДСП тахталари ишлаб чиқара-

диган корхона фаолият кўрсатади. Маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади (2000 й.да 300 минг, 2003 й.да 1,15 млн., 2004 й.да 1,16 млн. АҚШ доллари қийматидаги мебель ва ламинацияланган тахталар экспорт қилинди). 2003 й.да компания корхоналарида 8,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари, 5,9 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ва 5,3 млрд. сўмлик мебель ишлаб чиқарилди.

Мунаввара Ашнова.

ФАЙЗИЕВ Аҳмад (1910.10.5, Қўқон — 1993.8.1, Бухоро) — Ўзбекистон халқ артисти (1956). Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1940). 1925—30 й.лар Қоракўл туман болалар уйида мураббий ва ҳаваскорлик труппасининг бадиий раҳбари. 1930 й.дан Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театри актёри. Ф. асосан, комик ва ҳажвий роллар устаси сифатида танилган: Табиб (Ғ. Зафарий, «Ҳалима»), Холмат (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Мадазим (К. Яшин, «Тор-мор»), Соқов (М. Урдиболу, «Беш сўмлик келин»), Терсак (К. Яшин, Т. Жалилов, «Равшан ва Зулхумор»), Мажнидиддин (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Полоний (У. Шекспир, «Ҳамлет»), Гўдалак (С. Хўжаниёзов, «Суймаганга суйканма»),

Аҳмад Файзиев профессор Лученко ролида («Сотқинлар»).

Мўмин (Э. Воҳидов, «Олтин девор»), Подколёсин (Н. Гоголь, «Уйланиш») ва б. Ф. ўткир характерли актёр бўлиб, унинг ижоди анъанавий халқ театри намуналари, қизиқчилик санъати замонавий комедик роллар б-н уйғунлашган ҳолда олиб борилиши б-н ажралиб туради.

ФАЙЗИЕВ Бобомурод (1960.23.11, Еттисой тумани) — самбочи, хизмат кўрсатган спортчи (1988). 52 кг вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони (1978, 1981), жаҳон кубоги ғолиби (1982, Бильбао), 3 карра жаҳон чемпиони (1982, Овьядо; 1986, По; 1987, Милан). Тошкент ун-тининг юридик ф-тини (1985), Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини (1991) тугатган. Самбо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи (1988—1998). 1998 й.дан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида бошқарма бошлиғи.

ФАЙЗИЕВ Латиф Обидович (1929.2.1 — Тошкент — 1994.21.10) — кинореж. Ўзбекистон халқ артисти (1979). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Москвадаги кинематография ин-тини тугатган (1950). 1941—45 й.лар Ёш томошабинлар театрида актёр. 1950 й.дан «Ўзбекфильм»да реж. 1986—89 й.лар Ҳамза театрида бош реж. 20 га яқин ҳужжатли хроникал фильмлар («Амударё», 3 қисмли, «Тошкент фонтанлари», «Декамерон-76», «Чинор ҳақида афсона», «Деразалар учун ясалган кўприк» ва б.) яратган. «Бой ила хизматчи» Ф.нинг биринчи бадиий фильмидир. «Амирликнинг емирилиши», (биринчи ўзбек рангли фильми) «Қутлуғ қон», «Насашахоним» (биринчи ўзбек кенг экранли рангли фильми), «Иккинчи бор гуллаш», «Синчалак», «Улуғбек юлдузи», «Ватан ўғлонлари»; «Алибобо ва қирқ қароқчи», «Севги афсонаси», «Овчи» (ўғчаласи ҳиндлар билан ҳамкорликда), «Олтин жунли қўй териси» (саргузашт фильм), «Уйғониш», «Тақдир эшиги» каби фильмлари ўзбек киноси ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ф. ўзбек киносида фильм-балетга асос солганлардан: «Темур Малик», «Мовий сарой ошиқлари», «Жонланган миниатюралар», «Эски қалъа афсонаси» ва б. «Тожикфильм»да «Уч пальма дарахти», «Ганг узра тонг» (ҳиндлар б-н ҳамкорликда) фильмларини яратган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981). «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1994).

ФАЙЗИЕВ Ҳотам Холматович (1937.10.5, Тошкент) — кинооператор, реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1983). «Беш оғайнилар» фильми унинг биринчи мустақил ишидир. Кейинчалик «Сен етим эмассан», «Сурайё», «Виждон амри билан», «Тошкент нон шаҳри», «Севги фожиаси», «Абу Райҳон Беруний», «Йилнинг тўрт фасли», «Сел», «Эҳтиёт бўл! Илон!», «Бувимни қайтаринг», «Ҳаёт мазмуни», «Алиф Лайло», «Юлдузимни қайтиб бер», «Катта жанжал», «Ўтган кунлар», «Аёллар салтанати», «Чимиллиқ», «Сардор», «Дилхирож», «Ёдгор», «Дард» каби бадиий ва кўп қисмли телевизион фильмларда операторлик қилди. Шунингдек, «Серқуёш жон», «Ўзбек санъати декадаси», «Қирқ иш ва бир кун», «Тошкент — зилзила!», «Самарқанд, ҳамиша мен билан», «Навоий шаҳри», «Менинг минглаб ўғил-қизларим», «Авлоднома», «Муродининг орзу-умидлари», «Аёл малҳияси», «Бобур», «Тушлар» каби ҳужжатли фильмларни ҳам суратга олган. «Нашитар», «Зумраша» сатирик киножурналларининг кўп сонларига реж.-операторлик қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

ФАЙЗИЕВА Мунаввара Муродовна (1948.2.7, Вобкент тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Тошкент чет тиллар педагогика ин-тини тугатган (1973). 1976—98 й.ларда Вобкент туманидаги 16-мактабда немис тили ўқитувчиси. Таълим жараёнида турли дидактик материал, қўшимча манбалар, тестлардан самарали фойдаланган, чет тилини чуқур ўқитиладиган синфлар ташкил этган.

ФАЙЗОБОД — Афғонистоннинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Кўкча дарёси бўйида. Бадахшон вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 148,5 минг киши (2003). Мамлакатнинг бош автомобиль ҳалқа йўлидаги савдо-транспорт маркази. Қ.х. маҳсулотлари (тери, жун, ғалла) қайта ишланади. Ф.дан жануброқда ложувард қазиб олинади.

ФАЙЗОБОД ХОНАҚОҲИ — Бухородаги меъморий ёдгорлик (1598—99). Абдуллахон II даврида Дўстум Девонбеги томонидан қурдирилган. Ф.х. кўп хонали, пештоқ-гумбазли, тарҳи 35 ×28,8 м. Марказида гумбазли катта хонақоҳ (12,7×12,7 м), 3 томонидан равоқли бостирма (галерея) ўраб туради.

Файзобод хонақоҳи (1598—99, Бухоро).



Олд томонида улкан пештоқ, 2 ён томонида 2 қаватли ҳужралар ҳамда равоқли йўлак жойлашган. Пештоқ ва ҳужралар тобадонига ганчкори панжаралар ишланган, хонақоҳ гумбази 8 қиррали пойгумбазга ўрнатилган. Хонага ёруғлик пойгумбаздаги дарчалардан тушади. Хонақоҳ ичи, гумбаз ости қирма пардози нақш б-н нафис безатилган. Кулранг ва сариқ ганчдан ўйиб ислимий нақш ишланган. Бағаллари муқарнас б-н, ҳошияси содда нақшлар б-н зийнатланган. Ф.х. очиқ равоқли галерея шаклида қурилганлиги б-н ажралиб туради. Вайронага айланган Ф.х. 20-а.нинг 70—80-й.ларида Бухоро махсус илмий таъмирлаш и.ч. устахонаси (усталар А. Хаитов, Р. Қурбонов ва б.) томонидан қайта тикланган.

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ — қ. *Хўжаев Файзулла.*

ФАЙЗУЛЛАЕВ Жорулла Файзуллаевич (1924.11.2 — Тошкент — 1992.24.10) — гидромеханик олим. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1974). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1992). техника фанлари д-ри (1971), проф. (1971). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1948). Тошкент тўқимачилик техникумида (1947—53), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари ин-тида (1953—60) ўқитувчи. Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида катта илмий ходим (1960); директор (1962—63), директор ўринбосари (1966—70), гидродинамика лаб. бошлиғи (1961 й.дан).

Илмий ишлари суюқлик ва кўп фазали муҳитлар механикаси, гидродинамика, қон гидродинамикаси, суғориш гидродинамикасига оид. Х.А. *Рахматулин*нинг кўп фазали муҳитлар ўзаро кириншма ҳаракати моделига асосланиб, Ф. аралашмалар ҳаракатига оид масалаларни назарий ва экспериментал ҳал қилди. Реологик хусусиятлари ҳар хил бўлган фазалардан иборат аралашмалар гидродинамикасига оид адабиётларда Рахматулин — Ф. модели терминн киритилди. Ф. бир фазали гидродинамик моделларда Ньютон суюқлиги ва б. суюқликлар ҳаракатига оид қатор масалаларни, ёпишқоқ ва ёпишқоқ-пластик суюқликлар (сув, нефть)нинг қувурлардаги оқимига бўлган қаршиликларни камайтириш тадбирини асослаб берди. Тошкентдаги кўчалардан бири унинг номи б-н аталади.

Ас.: Ламинарное движение многофазных сред в трубопроводах, Т., 1966; Гидродинамика одно- и двухфазных сред и её практические приложения (в соавторстве), Т., 1980; Гидродинамика пульсирующих потоков (в соавторстве), Т., 1986.

ФАЙЗУЛЛАЕВ Иброҳим (1933.25.8, Денов тумани Қайирма қишлоғи) — қ.х. ишлаб чиқаришни ташкилотчиси. Ўзбекистон Қаҳрамони (1996), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қ.х. ходими (1993), уста пахтакор. Самарқанд қишлоқ хўжалиги ин-ти агрономия ф-тини тугатган (1969). Денов туманидаги генерал Собир Раҳимов номидаги жамоа хўжалигида к-чи ва ҳисобчи (1949—53). 1955 й.дан шу хўжаликда бош зоотехник, энтомолог агроном (1960—65), бош агроном (1965—70). Сурхондарё вилояти қ.х. бошқармасида бўлим бошлиғи, бош агроном (1970—71), Денов тумани қ.х. маҳсулотларини тайёрлаш ва сифати бўйича давлат бош инспектори (1971—83). 1983 й.дан шу тумандаги генерал Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги (2001 й.дан ширкат хўжалиги) бошқаруви раиси. Ф. раҳбарлик қилган хўжалик республикадаги илғор ва иқтисодий бақувват хўжаликлардан бири бўлиб, пахта, ғалла, пилла етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Хўжалик ҳудудини ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати (1990—95).

ФАЙЗУЛЛАЕВ Омонулла (1921.5.4, Тошкент) — файласуф олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981), фалсафа фанлари д-ри (1973), проф. (1977). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1942—45). Ўрта Осиё ун-тининг физика-математика ф-тини тугатган (1949). «Қизил Ўзбекистон» газ.да адабий ходим, Ўзбекистон «Билим» жамиятида бош муҳаррир (1946—49). Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари ин-ти назарий механика кафедрасида катта ўқитувчи (1952—57), Республика илмий-техника информацияси ин-ти директори (1957—59). 1959 й.дан Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тида бўлим мудири, етакчи илмий ходим. Илмий асарлари қад. мутафаккирларимизнинг жаҳон фани ривожланишига қўшган ҳиссасини тадқиқ қилишга, табиатшуносликнинг фалсафий муаммоларига бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1981). «Жасорат» медали (1995), «Дўстлик» ордени (2003) б-н мукофотланган.

Ас.: Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии, Т., 1974; Муҳаммад ал-Хоразмий ва унинг илмий мероси, Т., 1983; Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация (под. ред. П.К. Хабибуллаева и А.Ф. Файзуллаева), Т., 2000.

ФАЙЗУЛЛАЕВ Ортиқ (1933.1.5, Тошкент) — ёғоч ва суяк ўймакори, Ўзбекистон БА акад. (1999). Ўзбекистон халқ рассоми (1997). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини (1957) ва Тошкент пед. ин-тининг расм-чизмачилик бўлимини (1969) тугатган. 1962 й.дан П. Беньков номидаги рассомлик билим юртида педагог. Ф. нинг асарлари бадиий етуклиги, мазмунан теранлиги, услубининг юксаклиги б-н ажралиб туради, ёғоч ўймакорлиги анъаналаридан кенг фойдаланиб замон руҳига монанд ўзига хос янги жило ва безаклар яратди. Курси, хонтахта, столларни ўйма нақшлар б-н жозибадор безаган, намоён панжаралари бежирим, нафислиги б-н ажралиб туради. Ф. — ўзбек усталари орасида суяк ўймакорлиги б-н шуғулланган ягона уста. «Чўпон», «Лазги ўйини», «Курант», «Навоий ҳайкали», «Пахта ўйини» ва б. асарлари кўргазмаларда намойиш этилган, совринлар б-н тақдирланган. Ф. Тошкент ш.даги Навоий номидаги Адабиёт музейи (1968), «Мовий гумбазлар» чойхонаси (1970), Навоий номидаги Санъат саройи (1981), Кисловодскдаги Ўзбекистон санаторийси (1982), «Ўзбекистон» меҳмонхонаси (1983) ва б. биноларни анъанавий безашда фаол қатнашган.

Тўсиқ панжара табақаси (ўйма ёғоч панжара).

О. Файзуллаев. «Кунгабоқар» ва «Лазги ўйини» қаламдонлари (суяк ўймакорлиги).

Ўзбекистон БА Олтин медали б-н мукофотланган (2003).

ФАЙЗУЛЛАЕВА Дилором Шукуровна (1956.26.5, Зомин тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Сирдарё педагогика ин-тини тугатган (1977). 1972 й.дан Зомин туманидаги 60-мактабда, Сардоба туманидаги 4-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари. Дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ўтади.

ФАЙЛ — ЭҲМ (компьютер)ларда маълумот сақланувчи дискнинг номланган соҳаси. Ўз белгиси (номи)га эга бўлади. Дискка маълумотларни бошқа бир йўл б-н ёзиб бўлмайди: биргина ҳарфини дискка ёзиш зарур бўлса ҳам, унга ном бериб, Ф. кўринишида хотирада сақлаш керак. Ф.лар матнли, графикли (расм, тасвир) ва б. маълумотли бўлади. Ф.лар иш жараёнида, мас., матн ёки электрон жадвал б-н ишлашда, ё бўлмаса, бевосита фойдаланувчи томонидан ташкил этилади. Ф.нинг асосий белгилари — номи, ўлчами (байт ҳисобида), ташкил этилган санаси (кун, ой, йил), вақти (соат ва минут). Ф. асосий номга (DOS тизимида кўпи б-н саккизта белги) ва кенгайтиргичга (кўпи б-н учта белги) эга бўлиши мумкин. Файл номи ва кенгайтиргичи бир-биридан нуқта б-н ажратилади. Улар лотин алифбосининг катта ёки кичик ҳарфлари, сонлар ва тимсоллардан иборат бўлиши мумкин. Ф.ни номлашда унинг кенгайтиргичи берилиши шарт эмас, лекин файл мазмунига кўра кенгайтиргич берилса, уни ишлатиш осонлашади. Мас., exe, . com — бажарилувчи файллар; bat — буйруқли файл; bas — Бейсик дастури файли; pas — Паскал дастури файли; txt, doc — матнли файллар; xls — электрон жадвалли файл.

ФАЙНБЕРГ Александр Аркадьевич (1939.2.11, Тошкент) — рус шоири. Ўзбекистон халқ шоири (2004). ТошДУнинг журналистика ф-тини тугатган (1965). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи (1965—69). «Этюд» (1967), «Сония» (1969), «Шеърлар» (1977), «Олис кўприклар» (1978), «Ижобат» (1982), «Қисқа тўлқин» (1983), «Ёймабур» (1984), «Эркин сонетлар» (1990) ва б. шеърий тўпламлар муаллифи. Ф.нинг шеърий ижодида ўтмиш б-н ҳозирги кун, Ғарб б-н Шарқ, миллийлик б-н байналмилаллик ўзаро туташиб, ўзига хос бадиий оламни вужудга келтиради. Ф.нинг лирик қаҳрамони тарихий-ижтимоий силсилалар асрида ўзининг инсоний моҳиятини тўла сақлаб қолган, ўзгага меҳр-шафқат ва малал қўлини узатишга тайёр, айни пайтда ер куррасида содир бўлаётган нохуш воқеа ва ҳодисалардан изтироб чекувчи жўмард инсондир. Ф.нинг шеърий ижодида рус ва Европа шоирларининг энг яхши бадиий тажрибалари синтезлашган. Шарқ мумтоз шеърияти анъаналари ҳам унинг ижодий услубига бегона эмас.

Ф. ижодининг муҳим қисмини бадиий таржима ташкил этади. Ўзбек шеъриятини мукаммал билган шоир Навоий ғазаллари, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон ва б. ўзбек шоирларининг шеър ва достонларини рус тилига таржима қилган. Ф. сценарийси асосида «Ўзбекфильм» киностудиясида «Менинг акам», «Жазирама офтоб тагида», «Қиндаҳорда тобланганлар», «Тожикфильм» киностудиясида эса «Жиноятчи ва оқловчилар» ва б. фильмлар суратга олинган. Ф. сценарийси асосида 20 га яқин мультфильмлар яратилган.

ФАЙОЛ Анри (1841—1925) — француз олими ва муҳандиси, илмий бошқариш назарияси, *менежмент* фани асосчиларидан бири. 30 йил (1888—1918) мобайнида француз тоғ-кон металлургия компанияси («Comambault») нинг раҳбари бўлиб ишлаган. 1918 й.да Маъмурий тадқиқотлар марказини ташкил этган.

Ф. бошқарув фаолиятини бошқа фаолият турларидан ажратган ҳолда уни ташкил қилишнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқди, биринчилардан бўлиб бошқарув назариясининг шаклланишига асос солди. У бошқарув идораси бажарадиган 5 та маъмурий функцияни: тахмин қилиш, режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назоратни ажратиб кўрсатди. Бошқарув вазифалари: 1) техника (технология соҳасидаги фаолият; 2) тижорат фаолияти (ресурсларни харид қилиш, тайёр маҳсулотни сотиш, айирбошлаш); 3) молиявий фаолият (капитал қидириш ва уни самарали ишлатиш; 4) ҳимоявий фаолият (мулкни ва шахсни ҳимоя қилиш); 5) ҳисоб-китоб соҳасидаги фаолият (тафтиш, мол-мулкни ҳисобдан ўтказиш, баланс ҳужжатларини юритиш, сарф-харажатни ҳисобга олиш, статистика ҳисоботини амалга ошириш); 6) маъмурлик (шахсни таркибга таъсир кўрсатиш, вазифалар, буйруқлар бериш, ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш). Ф. танқидий режалаштириш масаласига алоҳида эътибор берган. Асосий асари 1916 й.да ёзилган «Умумий ва саноат маъмурияти» китоби. Ф. қарашлари бошқарув тизимини яратиш ва бошқарув таркибини шакллантиришнинг меъёрий концепциясини асослашга хизмат қилади.

Сафар Салимов.

ФАЙСАЛ ибн АБДУЛАЗИЗ ас-САЪУД (1906.27.11 —1975.25.3, Ар-Риёд) — Саудия Арабистони подшоси; Ташқи ишлар вазири (1931—53; 1962—64); бош вазир (1953—60); подшо (1964 й. 2 нояб.дан). Манжул тузумни сақлаб қолиш мақсадида айрим ички ислоҳотлар ўтказган (қулчилик бекор қилинган; иқтисодиётни мустаҳкамлаш тўғрисида декретлар чиқарган). Фитна натижасида ўлдирилган.

ФАЙСАЛОБОД (собиқ Лайаллпур) — Покистоннинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Панжоб вилоятида. Чинобод ва Рави дарёлари оралиғида. Аҳолиси 1,97 млн. киши (1998). Транспорт йўллари чорраҳаси. Пахтачилик р-нининг йирик савдо-саноат маркази. Ип газлама, тикувчилик, озиқ-овқат (шакар-қанд, ёғ-мой), кимё (минерал ўғитлар и.ч.) саноатлари, машинасозлик (асосан, тўқимачилик асбоб-ускуналари) ва металлсозлик корхоналари, иссиқлик электр ст-яси мавжуд. Ҳунармандчиликда қўлда гилам тўқилади, бадиий буюмлар (хусусан, қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари) тайёрланади. Шаҳар 19-а. охирида бунёд этилган.

ФАЙЮМ, Ал-Файюм — Мисрдаги воҳа. Ливия чўлининг шарқий қисмидаги тектоник ботиқда (денгиз сатҳидан 43 м пастда). Марказий қисмида Файюм ш. жойлашган. Т.й. ва автомобиль йўллари орқали Қоҳира ш. билан боғланган. Хурмозорлар бор. Деҳқончиликда пахта, шоли, донли экинлар экилади. Тўқимачилик, тамаки, озиқ-овқат, кўн-тери корхоналари бор. Ф.да палеолит ва неолит даврига оид манзилгоҳлар, 1887 й.да *Файюм портретлари* топилган.

ФАЙЮМ МАНЗИЛГОҲЛАРИ — Шим. Мисрнинг Ал-Файюм ботиги (денгиз сатҳидан 45 м пастда) атрофидаги неолит даври манзилгоҳлари (мил. ав. 4400—4200 й.лар). Қадимда ботиқ ўрнида кўл бўлган. Кишилар олов ёқиш учун кремнийдан, тош қуролларни силлиқлаш учун қайроқтошлардан фойдаланишган. Кулдан тош қуроллар (найза ва ўқ учлари) ва суякдан ишланган буюмлар (тўғноғичлар, санчқилар) топилган. Турар жойлар ёнида думалоқ шаклдаги дон ўралари бўлган. Ф.м. аҳолиси деҳқончиликдан ташқари чорвачилик (буқа, қўй, эчки ва чўчқалар боқиш) б-н шуғулланган.

ФАЙЮМ ПОРТРЕТЛАРИ — Қад. Мисрда ишланган марҳумларнинг рангтасвир портретлари; дастгоҳли рангтасвирнинг қад. намуналари. 1887 й.да илк бор эн йирик топилмалар аниқланган жой (Файюм воҳаси) номидан шундай аталган. Энг ривожланган даври 1—3-а.лар ўрталарига тўғри келади. Ф.п. *мум рассомлиги* усулида тахтага ишланиб, сўнг мумиёланган мурдалар тобутининг юз қисми ўрнига қўйилган. Ф.п.нинг дастлабкилари матога ишланган. Баъзан авлоддан хонадонлар учун ҳам тайёрланиб, тасвирланган шахс вафотидан сўнг унинг мумиёсига қўйилган. Ф.п.нинг услуб жиҳатидан 2 — антик санъат анъаналари ҳамда мисрликлар санъатига эргашган йўналишлари кузатилади. Ф.п.да образлар ўта ҳаётий, аниқ шакллар ҳажмли, чизиқлари ифодали, текис қилиб рўпарадан, баъзан бир озгина (3/4 га) бурилган ҳолда нурсоя воситасида шакллантирилган. Ф.п. нинг бой тўпламлари Россия (Москвадаги Тасвирий санъат музейи ва Эрмитажда), Миср (Қоҳирадаги Миср музейида), Буюк Британия (Лувр, Британия музейида), Германия (Берлиндаги давлат музейларида) ва б.да сақланади.



Файюм портрети. «Олтин тожли ўсмир» (2-аср). Москвадаги А.С. Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида.

ФАКС (лот. fac simile — айнан бажар), телефакс — матн, жадвал, расм ва б.нинг тасвирларини умумий фойдаланиладиган телеграф тармоғи орқали узатиш; *факсимил алоқа*нинг бир тури. Шундай тасвирларни узатиш ва қабул қилиш аппарати ҳам Ф. деб аталади.

ФАКСИМИЛ АЛОҚА, фототелеграф — ясси қўзғалмас тасвирлар (жадвал лар, расмлар ва ҳарфли-рақамли матнлар) ни узоқ масофага узатиш ва қабул пунктида пайдо қилиш; электр алоқанинг бир тури. Телеграф алоқа таркибига киритилади. Симлар орқали юбориладиган электр сигналлар ва радиосигналлар ёрдамида амалга оширилади. Фототелеграммаларни жойларга узатишда, метеорологик ст-ялар орасида гидрометеорология хариталарини алмашинишда ва б. ҳолларда Ф.а. воситаларидан фойдаланилади.

Қўзғалмас тасвирни узоқ масофага узатиш ғоясини итальян физиги Ж. Казелли 1855 й.да амалга оширди. 20-а. 20-й.ларида фотоэффект ҳодисаси, электрон лампалар, электр тебранишлари кучайтиргичлари пайдо бўлгандан сўнг Ф.а. ривожлана бошлади. Дастлаб Ф.а. орқали фақат фототелеграммалар узатилган ва фототелеграф алоқа деб аталган. 50—60-й.лардан бошлаб харитаграфия материаллари ва газ. саҳифалари ҳам узатила бошлади. Телефония ва телеграфия бўйича халқаро маслаҳатлашув қўмитаси (МККТТ) нинг таклифига кўра, 1953 й.да умумийроқ ном б-н, яъни Ф.а. деб атала бошлади.

Ф.а. факсимил аппарат ёрдамида амалга оширилади. Бу аппарат механик, ёруғлик-оптика ва электрон қурилмалар мажмуидан иборат. У узатувчи, қабул қилувчи ва қабул қилувчи-узатувчи турларга бўлинади. Унинг ёрдамида ясси қўзғалмас объектлар (оригиналлар) электр алоқа линиялари орқали узатилади ва объектнинг нусхаси (факсимил) тарзида қабул қилинади.

Ф.а.да бажариладиган амаллар: факсимил аппарат узаткичида узатиш объекти (оригинал) сиртини муайян аломатлари (мас., оптик зичлиги) бўйича бир хил бўлган кичик-кичик юзачаларга бўлиб чиқиш; шу юзачалар тасвирини электр импульсларига айлантириш; шу импульсларни алоқа линияси бўйича узатиш; қабул қилгичда бу импульсларни тасвирга айлантириш ва қайд қилиш. Узатиладиган объект (расм, матн ва б.) нинг нусхаси (факсимил) шу тарзда ҳосил қилинади. Тасвир нусхаси фотоқоғоз, фотоплёнка, электрографик, электрокимёвий, электротермик қоғоз ёки оддий ёзув қоғозига, ферромагнит материал ва б.га қайд қилинади.

ФАКСИМИЛЕ (лот. fac simile — айнан бажар) — 1) ёзилган, чизилган асл нусха (ҳужжат, қўлёзма, имзо, бирор-бир манзара, тасвир)нинг фотографик ёки босма усул б-н айнан акс эттириш; 2) акс (ўз қўли б-н қўйилган) имзони аниқ акс эттирувчи босма шакл; клише—муҳр.

ФАКС-МОДЕМ — оддий модем (матнли ахборотларни компьютердан узатиш кабелига ва кабелдан компьютерга тушунарли кўринишда ўтказувчи махсус электрон қурилма)нинг барча имкониятларга эга бўлган, қўшимча расмли, телефакс маълумотларини компьютерлараро алмашиш имкониятини берадиган қурилма. Ишлатилаётган кўпчилик модемлар Ф.-м.лар бўлиб, уларнинг айримлари овоз алмашиш имкониятига ҳам эга. Улар ички (электрон платали) ва ташқи (алоҳида) қурилма бўлиши мумкин; бир-биридан маълумот узатиш тезлиги б-н фарқланади (секундига 2400 дан 33600 битгача маълумотни узатиш имкониятига эга).

ФАКТОРИАЛ (инг. factor — кўпайтувчи) — бутун манфий бўлмаган сонлар учун аниқланган, амалда тез-тез учраб турадиган функция; $n!$ каби белгиланиб, 1 дан n гача ҳамма бутун сонларнинг кўпайтмасига тенг, яъни $n! = 1 \cdot 2 \cdot ... \cdot n$. Қулайлик учун $0! = 1$ деб олинади. Ф., айниқса, комбинаторикада кўп учрайди. Мас., n ўқувчини битта қаторга тизишнинг усуллари сони $n!$ га тенг, n ортиши б-н $n!$ функция жуда тез ўсади. Инглиз математик Ж. Стирлинг 1730 йили $n!$ функциянинг қийматини тақрибий ҳисоблаш учун жуда қулай формулани таклиф қилган (қ. *Стирлинг формуласи*):

$$n! \approx \sqrt{2\pi n}\, n^n e^{-n},\ n \to \infty$$

ФАКТОРИНГ (инг. factor — агент, воситачи) — кичик ва ўрта фирма (мижоз)ларга тижорат банклари ва уларнинг шўъба фактор-фирмалари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар тури. 16—17-а.ларда савдо воситачилари томонидан амалиётга киритилган, кейинчалик мижозга айланма капитал учун кредит беришнинг бир турига айланди. Ф.да фактор-фирма мижоз (товар етказиб берувчи)лардан қарздорларнинг қисқа муддатли қарзларини ундириш ҳуқуқини сотиб олади ва фирмаларнинг қарзларини (мажбуриятларини) мижозга тўлайди, яъни қарзни қайтариш муддатидан олдин унинг 70—90%ни мижозга қайтаради, қарзнинг қолган қисми, фоизлар чегирилган ҳолда қарздорлар фактор-фирма олдидаги ўз қарзини батамом узгандан кейин қайтарилади. Ф.да мижоз ўзининг қарздорларидан қарзни ундириш ҳуқуқини фактор-фирмага ўтказади.

Айниқса, Ғарб давлатларининг иқтисодий амалиётида кенг қўлланилади. Ф. бўйича кредитлар муддати 90—120 кун атрофида, кредит фоизлари расмий банк ставкасидан юқори туради.

ФАКТУРА (лот. factura — ишлов бериш, тузилиш) — 1) иқтисодиётда харидор номига сотувчи томонидан бериладиган ва сотилган товарнинг хили, миқдори ва қиймати кўрсатилган товар ҳужжати; 2) тасвирий санъатда бадиий асар сирти ҳамда унинг ишланиш хусусиятлари. Рангтасвирда Ф. бўёқ қатламининг хусусиятларини: мас., «очиқ» Ф. (кенг-кенг бўёқ суртиш, бўёқнинг нотекис қатлами) ёки «яширин» Ф.; ҳайкалтарошлик (ҳайкал, рельеф ва б.) ва амалий безак санъатида бадиий ҳунармандчилик асари сиртининг сайқаллангани, ғадир-будурлиги ва ҳ.к.ни ифодалайди. 20-а. санъатида Ф.ни мураккаблаштириш (коллаж, бўёқ қатламига қипиқ, қум қўшиш) бўйича тажрибалар тарқалди; 3) мусиқада муайян асарни ташкил қилувчи баён воситалари (*тембр, регистр* ҳолати, овозлар ўзаро нисбатлари ва б.) мажмуи.

ФАКУЛЬТАТИВ КУРС, ихтиёрий курс — олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари учун назарий билимларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида ўтиладиган мажбурий бўлмаган машғулот тури. Ф.к.лар фан, техника ва маданиятнинг энг янги муаммолари, шунингдек, бирор ўқув фанини ўрганиш давомида талаба (ўқувчи)ларни қизиқтириб қолган мавзу ёки бўлим юзасидан ташкил этилади. Тавсия этилаётган Ф.к.ларнинг тахминий рўйхати, одатда, ўқув режаларида акс этади. Олий ўқув юртларининг илмий кенгашлари ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари педагогик кенгашлари талаба (ўқувчи)лар қизиқишлари ҳамда минтақавий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда Ф.к.ларни ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар. Ф.к. практикум, семинар, лаб. машғулоти сингари шаклларда ҳам уюштирилиши мумкин. Ўрта махсус таълим тизимида Ф.к.ларни ўтиш учун олий мактаб ва и.т. муассасалари ходимлари, шунингдек, халқ хўжалиги ва маданият тармоқлари мутахассислари жалб этилади.

ФАКУЛЬТЕТ (лот. fakultas — имконият, қобилият) — олий ўқув юртининг ўқув-илмий, маъмурий-ташкилий бўлинмаси. Бир ёки бир неча ёндош мутахассисликлар бўйича талаба ва аспирантларни тайёрлаш, халқ хўжалиги ва маданиятнинг тегишли соҳаси ходимларининг малакасини ошириш, шунингдек, ўзи бирлаштирган кафедраларнинг и.т. ишларига раҳбарлик қилиш б-н шуғулланади.

Ўқув юртларининг Ф.ларга бўлиниши ўрта асрлаги ун-тлардан бошланган. Одатда, илк ун-тларда 4 Ф. мавжуд бўлган. Саноат ривожланган, фан-техника тараққиёти юксалган 18—19-а.ларга келиб, олий мактаблардаги Ф.лар сони кўпайган. Ихтисосликлар ва таълим турлари бўйича ўқув ишларини самарали йўлга қўйиш учун, айрим ҳолларда, Ф. таркибида бўлимлар ташкил этилади. Ф.даги ўқув, таълим-тарбия ва илмий ишларга *декан* раҳбарлик қилади. Ф. фаолиятидаги асосий масалаларни кўриб чиқиш учун декан раҳбарлигида Ф. илмий кенгаши ташкил этилади.

ФАЛАЖ (араб.), шол — ихтиёрий ҳаракатлар қилиш қобилиятининг йўқолиши; нерв системасининг органик ва функционал зарарланиши натижасида рўй беради. Ф.га қон айланишининг бузилиши, бош ва орқа миянинг яллиғланиши ёки шикастланиши, нерв системасининг ўсмалари ва ҳ.к. сабаб бўлади. Мускуллар яллиғланиб, суяк-бўғим аппарати шикастланганда ҳаракатларнинг механик тарзда чекланишини уларнинг Ф.даги бузилишидан фарқлаш лозим.

Аъзонинг қайси қисми зарарланганига қараб периферик (суст) Ф. ва марказий Ф. фарқ қилинади. Марказий Ф.да зарарланган қўлнинг букилишини ва зарарланган оёқнинг ёзилишини маълум вазиятда тутиб турадиган мускуллар тортишиб қолади. Периферик нерв системаси касаллиги (яллиғланиши, шикастланиш, қўрғошин, маргимушдан заҳарланиш) натижасида юзага келган фалаж периферик Ф. деб аталади. Унда мускуллар ингичкалашиб таранглиги сусаяди ва заифлашади, қўл-оёқ осилиб қолади, бўғимлар бўшашади. Бундай Ф. бола ёшлигида, мас., полиомиелитда рўй берса, касал қўл ёки оёқ ўсмайди. Ўтказиб юборилган Ф.да бўғимларнинг ҳаракатланиши қийинлашади, у қўл-оёқнинг нотўғри ҳолатда бўлишига олиб боради, бу эса кўпинча ҳаракатланишни Ф.дагидан ҳам баттарроқ оғирлаштириб қўяди.

Калла-мия нервлари касаллигида (яллиғланганда, шикастланганда калла суяги ичига, мияга қон қуйилганда) юз мускуллари фалажи рўй бериши мумкин. Мас., кўз соққаси мускуллари Ф.ида бемор кўзига нарсалар иккита бўлиб кўринади, юз нерви невритида юзнинг тегишли ярмида мимика мускулларининг ҳаракати йўқолади, тил ости нерви зарарланганда тил мускули фалажи келиб чиқади, бемор гапириш ва овқатланишга қийналади. Ф. бўлган беморга врач назорати остида даво қилинади. Бунда, асосан, қон айланиши аъзолари ҳамда марказий ёки периферик нерв системаси касалликлари даволанилади. Ф. ёки *парез*ларда Ф.л туфайли ўз функциясини йўқотган қўл ёки оёқ тўғри букилиб-ёзилади, тирсак ва тизза бўгими, бармоқлар, оёқ панжаси бир оз букилади, кафт олди-билак бўгими ёзилган ҳолга келтирилади. Қўл-оёқнинг тўғри ҳолатда бўлишини сақлаш учун юмшоқ болишча (пахтани қаттиқ қилиб ўраб устидан мато б-н тикиб қўйилади) ёки пластик материалдан қилинган шина ишлатилади. Бироқ касал қўл-оёқ ҳаракатсиз қолмаслиги лозим. Шу сабабли биринчи кундан бошлаб енгилроқ гимнастика қилиниб, касал қўл ёки оёқ бўгимлари галма-галдан букиб-ёзилади, буни беморнинг ўзи бажариши мумкин. Машқлар ҳам ҳаракатнинг тикланишига ёрдам беради. Бунда бемор бир вақтда ҳам соғлом, ҳам касал қўл-оёғини ҳаракат қилдиришга уриниши, қўл-оёқда ҳаракат пайдо бўлса, уни кучайтира бориши керак. Бемор кун сайин жуда бўлмаса 1—2 см ошиқроқ юришга ҳаракат қилиши, мускуллар кучая бориши б-н қўлга оғир келмайдиган машқлар (резина лента, эспандер, резина коптоқ ёрдамида) бажариши лозим. Юклама (нагрузка)ни босқичма-босқич кучайтира бориш яхши натижа беради. Ўр келадиган машқларга шошиб ўтиш ярамайди, акс ҳолда ҳаракатларнинг тикланиши тўхтаб қолади.

Машқлар тартибини даво физкультурасини ўтказувчи мутахассис тузади. Кучсиз қўл-оёқдаги ҳаракатларни осонлаштириш учун ортопедик аппаратлар ишлатилади. Даво Ф.га сабаб бўлган асосий касалликка қараб олиб борилади, *даволаш бадан тарбияси*, массаж, дори-дармон ва б. физиотерапевтик муолажалар буюрилади.

Ф. ва парезларнинг олдини олиш, асосан, уларнинг ривожланиши ва асорат қолдиришига сабаб бўладиган касалликларни бартараф этишдан иборат. Болаларни полиомиелитга қарши эмлаш, айниқса, катта аҳамиятга эга (қ. *Эмлаш*).

ФАЛАНГА (юн. phalanx) — Юнонистонда оғир қуролли пиёда аскар (гоплит) ларнинг жипс сафга тизилган кўп қаторли жанговар тартиби. Ф.да аскарлар орасидаги масофа 0,5—1 м ни ташкил этган. Ф., асосан, 8—16 (баъзан 25) қатордан иборат бўлиб, сафда турган 1000 жангчи 500—1000 м.гача фронтга чўзилган. Ф. *Троя уруши*гача маълум бўлса-да, бироқ, у мил. ав. 6-а.га келиб тўла шаклланади. Македониялик *Филипп II* Ф. таркибига муайян ўзгаришлар киритади, уни сувориилар б-н мустаҳкамлайди. Македония катта Ф.си 16384 гоплитлар, 8192 пелтастлар ва 4096 отлиқ аскарлардан ташкил қилинган. Ф.нинг лохос (16 гоплитлардан иборат бир қатор), синтагма (16 лохослар) ва кичик Ф. (16 синтагмадан иборат бўлинмалари тузилган. Ф. сафи (жанговар тартиби) квадрат, омбир ҳамда уйиқ кўринишида бўлган. Ф., асосан, узун найзалар ёрдамида рупарадан қақшатқич зарба бериш учун мўлжалланган. Ф.нинг жангтоҳда манёвр қилиш имконияти нисбатан чекланган. Ҳаракат пайтида Ф.нинг сафи тез бузилиб кетар эди. Ф. Қад. Римда (мил. ав. 4-а. охири) манипула (легион бўлинмаси) сафи жорий қилингунга қадар қўлланилган.

ФАЛАНГАЛАР (юн. phalanx — бўғим) — бармоқнинг бир бўлаги, бир бўғими; умуртқали ҳайвонларда оёқ, одамларда эса қўл-оёқ бармоқлари скелетини ташкил этувчи найсимон майда суяклар номи.

ФАЛАСТИН — Ғарбий Осиёдаги тарихий вилоят (қад. яҳудийча пелиштим — «филистимликлар» сўзидан олинган). Ўрта денгизнинг шарқий соҳилида жойлашган. Майд. 26 минг кв. км. Ф.нинг асосий қисми Исроил б-н Иорданияга қарашли. Мил. ав. 5—4 минг йилликда Ф.га сомий қабилалари кириб келган. Мил. ав. 3—2 минг йилликда Ф.да хананейларнинг илк шаҳар-давлатлари пайдо бўлган (мил. ав. 2-минг йилликда Ф. ва Финикия ҳудуди Ханаан деб аталган). Мил. ав. 16—13-а.ларда Ф. Миср тасарруфида бўлган. Мил. ав. 13-а. охирида Ф.да филистимликларнинг ҳукмронлиги ўрнатилган. Ўша вақтлаёқ мамлакатнинг аксарият қисми мил. ав. 11-а.да ташкил бўлган Исроил-яҳудий подшолиги ҳудудида истиқомат қилувчи қабилалар томонидан забт этилган. *Довуд* ва *Сулаймон* подшолар даврида Исроил қудрати авжига чиққан. Тахм. 935 й.да бу давлат иккита подшолик — Исроил ва Иудея (Яҳудия)га бўлинган. Мил. ав. 8-а. охирида Ф.нинг шим. ҳудуди — Исроил подшолиги *Оссурия* томонидан босиб олинган. Жан. Ф. (Иудея подшолиги)ни мил. ав. 6-а.да бобилликлар, сўнгра *ахоманийлар*, мил. ав. 4-а.да македониялик *Александр* ўзларига бўйсундирганлар. Мил. ав. 3—2-а.ларда Ф. Птолемейлар (Миср) б-н Салавкийлар ўртасида талаш бўлган. Ф. мил. 1-а.да (63 й.) римликлар томонидан босиб олинган. Лекин фақат Иудея урушлари (66—73 й.лар) ва Бар Кохба қўзғолони (132—135) бостирилганидан сўнггина Ф. Рим империясининг вилоятига айланган.

Мил. 1-а.да Ф.да христиан дини пайдо бўлган. 395 й.да Ф. Византия ихтиёрига ўтган. 640 й. Ф. араблар томонидан босиб олиниб, араб халифалиги таркибига кирган. *Аббосийлар* даврида Ф.да иқто тизими жорий қилинган, аҳолини ислом динига киритиш жараёни авж олган, христианларнинг ҳуқуқий мақоми кучсизланган. Бу бир қатор халқ қўзғолонлари, жумладан, 842 й. Абу Харба бошчилигидаги ғалаёнга сабаб бўлди. Аббосийлар халифалиги парчаланганидан сўнг Ф. аста-секин тулунийлар, ихшидийлар сулолалари ҳукмронлиги остига ўтган. 9—11-а.ларда Ф.да иқтисодий юксалиш юз берган, катта ер майдонларига ишлов берилган. Иудаизм, христиан ва исломнинг диний маркази Қуддусда 11-а.да 40 минг аҳоли яшаган. Акка, Кесария, Аскалон, Ғазода савдо ривожланган. 1099 й. *салибчилар* Қуддусни эгаллаб, уни Қуддус қироллигининг марказига айлантирганлар. 1187 й. Хаттин яқинидаги жангда *Салоҳиддин* салибчиларни енгиб, Қуддусни қўлга киритган. Ф. айюбийлар, кейинроқ *мамлуклар* томонидан Мисрга қўшиб олинган. Ф. 1516 й.гача уларнинг қўлида бўлиб, сўнг турклар тасарруфига ўтган. Усмонли турк империясининг 17-а. охиридан таназзулга юз тутиши б-н турк ҳукмдорларининг ўзбошимчалиги кучайган. Солиқлар ошган. Натижада Ф. иқтисодий тушкунликка учраган. 19-а.нинг 20-й.ларида Ф.да туркларга қарши халқ ҳаракати кучайган. 1832 й. Ф. Миср пошоси *Муҳаммад Али* томонидан забт этилган. Ҳокимиятнинг марказлашуви, зодагонлар зулмининг чекланиши Ф.ни иқтисодий ривожланишига туртки бўлган. Аммо солиқларнинг кўпайиши, ҳарбий мажбуриятнинг жорий қилиниши аҳоли ўртасида қўзғолонга олиб келган (1834). Ливан ва Сурия халқининг Миср ҳукмронлигига қарши 1840—41 й.лардаги курашини Ф. халқи қўллаб-қувватлагани баҳонасида Ф.да турк ҳукмронлиги тикланган. 19-а. нинг 40-й.ларидан бошлаб Европа давлатлари Ф.га кириб кела бошладилар. 1869 й. Сувайш каналининг очилиши б-н Ф.нинг стратегик ва иқтисодий аҳамияти янада кучайди. 1892 й. француз компанияси Ф.да биринчи Яффа — Қуддус т.й.ни қурган. 19-а. охиридан бошлаб Европа мамлакатларидаги яҳудий аҳолининг Ф.га кўчиши бошланган. 1-жаҳон уруши йилларида Ф. Германия, Туркия ҳамда инглиз қўшинлари ўртасидаги кураш майдонига айланган. Бу рақобат Ф.ни инглизлар томонидан забт этилиши б-н якунланди. 1916 й. Сайкс-Пико шартномасига биноан, Ф.да халқаро режим жорий қилиниши лозим бўлган. Ф.да ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида инглизлар Европа мамлакатларида 19-а.нинг 90-й.ларида пайдо бўлган реакцион (тескаричи) — миллатчи ҳаракатнинг кўринишларидан бири бўлган *сионизм*дан фойдаланганлар. Сионистлар Ф.да яҳудийлар давлатини тузишни талаб қилганлар. 1917 й. 2 нояб.да Англия ҳукумати Бальфур декларациясини эълон қилиб, Ф.да «яҳудий халқи учун миллий маскан» тузишни ваъда қилган. 1920 й. апр.да Сан-Ремо ш. (Италия)да Англия Ф. устидан инглиз мандатини жорий этишга муяссар бўлган. Англия Ф.нинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи мавқега эга бўлган. Европа мамлакатларидан кўплаб яҳудийларнинг кириб келишига имкон яратган. Сионист ташкилотлар Ф.да бир нечта концессияларни қўлга киритганлар. Мамлакатдаги бутун ҳокимият инглиз олий комиссари қўлига ўтган. Унинг ҳузурига инглиз амалдорларидан таркиб топган «Фаластин ҳукумати» тузилган. Араб аҳолиси мамлакатни идора қилишга жалб этилмаган. 1920—39 й.ларда инглиз мустамлака сиёсати сионистлар б-н ҳамкорлик қилишга асосланган. Сионистлар Англия ёрдамида араб халқ-озодлик ҳаракатига қарши иш кўрганлар. Шу боис Англия араб аҳолисининг кучли норозилигига дуч келган ва натижада унга қарши қуролли қўзғолонлар кўтарилган. 1936 й. окт.да Пил бошчилигида Ф.га юборилган комиссия Ф.ни яҳудийлар ва араблар яшайдиган қисмларга бўлишни тавсия қилган. Бу Ф.даги араб ташкилотлари ва араб мамлакатларининг қаттиқ норозилигини келтириб чиқарган. 1939 й. май ойида инглиз ҳукумати «Оқ китоб» ни эълон қилишга мажбур бўлган. Унга кўра, Англия маъмурияти Ф.га яҳудийларнинг келишини чеклаши ва кейинчалик тўхтатишга қарор қилгани баён этилган. Бу Англия маъмурияти б-н сионистлар ўртасига низо солган. Сионистларни АҚШ қўллаб-қувватлаган.

2-жаҳон урушидан сўнг Ф. халқларининг инглиз қарамлигидан халос бўлиш учун кураши кучайган. 1947 й. Англия Ф. масаласини БМТ муҳокамасига қўйишга мажбур бўлган. 1947 й. 29 нояб.да БМТ Бош Ассамблеяси Британия мандатини бекор қилиш, Ф.дан инглиз қўшинларини чиқариш ва Ф.да мустақил демократик яҳудий ва араб давлатини тузиш ҳақида қарор қабул қилган. Қуддус ш. алоҳида халқаро режимга эга мустақил маъмурий

бирликка айланиши лозим бўлган. 1948 й. 14 майда Яҳудий сионистик ташкилотлар *Исроил* давлати тузилганлигини эълон қилишган. 14 майдан 15 майга ўтар кечаси Англиянинг қутқуси б-н 1948—49 й.даги араб-исроил уруши бошланган. Араб давлати учун мўлжалланган ҳудуднинг бир қисми ҳамда Қуддус ш.нинг ғарбий қисми Исроил томонидан босиб олинган (6,7 минг кв. км). Исроил қўшинлари Ф. ҳудудидан 900 мингдан зиёд арабларни ҳайдаб чиқарганлар. Шундай қилиб, Исроил Яқин Шарқ минтақасида қочоқлар муаммосини келтириб чиқарган. Исроил БМТ қарорига мувофиқ, Ф. араб давлатига ўтиши керак бўлган ҳудуднинг 60% ини босиб олган. Ташкил этилиб улгурмаган мана шу давлатнинг шарқий қисми ва Қуддус (5,5 минг кв. км) Иордания ҳудудига, Ғазо сектори (258 минг кв. км) Миср назоратига ўтиб қолган. 1949 й. сулҳ шартномаларига биноан, Исроил б-н қўшни араб давлатлари ўртасида демаркация чегара чизиғи белгиланган.

1964 й. 28 майда Қуддусда қочоқлардаги фаластинликларнинг Фаластин Озодлик ташкилоти (ФОТ) тузилган. 1967 й. июнда Исроил — Сурия, Миср ва Иорданияга қарши уруш бошлади. Исроил Синай я.о., Ғазо сектори, Иордан дарёси ғарбий соҳилидаги ерлар, Қуддус ҳамда Жўлан тепаликларини босиб олган.

1987 й.га келиб Ф. қочоқларининг сони 2 млн.га яқинлашган. 1988 й. 15 нояб.да Ф. Озодлик ташкилотининг олий органи — Ф. Миллий кенгаши Жазоир ш.да мустақил Фаластин давлати тузилганини эълон қилган. 1989 й. 29 мартда Ф. Озодлик ташкилоти ижроия қўмитаси Ёсир *Арафотни* Ф. давлати президенти этиб тайинлаган. 1993 й. сент.да Исроил б-н Ф. Озодлик ташкилоти икки томон ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш тамойиллари тўғрисида декларацияга имзо чекдилар. Бу декларацияга мувофиқ, 1994 й. майда Ғазо сектори (Ғазза минтақаси) ва Иерихон ш. атрофи (Иордан дарёсининг ғарбий соҳили)да Муваққат Ф. мухторияти тузилган. БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига мувофиқ, Ф. можаросини узил-кесил ҳал этиш учун ўтиш даври (5 й.гача) белгиланган. 1996 й. янв.да Ф. қонун чиқарувчи кенгаши сайланган. 1998 й. авг.да ҳукумат тузилган. Исроил Бош вазири А. Шарон ҳукумати даврида Ф. б-н Исроил ўртасидаги таранг муносабатлар авжга чиқди. 2004 й. 22 мартда ҲАМАС экстремистик ташкилотининг раҳбари шайх Аҳмад Ёсин ўлдирилди. Натижада Ф. масаласини ҳал қилиш янада мураккаб тус олди. 2004 й. нояб.да Ё. Арафот вафотидан сўнг унинг ўрнига вақтинча Маҳмуд Аббос тайинланди. 2005 й. янв.да Маҳмуд Аббос Ф. Озодлик ташкилоти раислигига сайланди.

ФАЛАСТИН ОЗОДЛИК ТАШКИЛОТИ (ФОТ) — 1964 й. 28 майда тузилган. Қуддус ш.да ва араб мамлакатларида қувғинда бўлган барча фаластин арабларининг ваколатларини ифода этган ташкилот. Олий органи — Фаластин Миллий кенгаши ижроия қўмитаси. Ташкилот раҳбарлигига Аҳмад Шукейри сайланган. ФОТ ижроия қўмитасининг кейинги раислари Ёсир *Арафот* (1969—2004), Маҳмуд Аббос (2004 й.дан). ФОТнинг асосий мақсади «демократик ва дунёвий Фаластин давлати»ни тузишдир. 1974 й. окт.да араб давлатлари бошлиқларининг Работ ш. (Марокаш)даги анжуманида «ФОТ — фаластин араб халқининг ягона қонуний вакили» деган қарор қабул қилинган. Ташкилотнинг асосий маскани Ливанда жойлашган бўлиб, 1982 й. Исроилнинг бу мамлакатга ҳужумидан сўнг қароргоҳи Тунис ш.га кўчирилди. Ҳоз. эса Рамаллоҳда. ФОТ қувғиндаги фаластин арабларини азалий ерига қайтариш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш, мустақил Фаластин давлатини тузиш борасида кураш олиб бормоқда.

Темур Ғиёсов

ФАЛАСТИН УРУШИ — қ. *Араб-Исроил уруши.*

ФАЛЕС Милетлик (мил. ав. тахм. 625 — тахм. 547) — юнон файласуфи, антик фалсафа ва фаннинг илк намояндаси. *Милет мактаби*га асос солган. Ф. савдогар, сиёсий арбоб, мунажжим, физиолог, сув муҳандиси сифатида ҳам таниқли эди. У кўпгина мамлакатлар (жумладан, Миср ва Бобил)да бўлиб, уларнинг маданияти, фани, фалсафий мероси б-н яқиндан танишган. Турли соҳаларда, хусусан, астрономияда кашфиётлар қилди (мас., Юнонистонда 1-бўлиб Қуёшнинг мил. ав. 585 й.да тутилишини олдиндан айтиб берган). Ф.нинг фикрича, Ойнинг ёруғи Қуёш нурининг ундаги инъикосидир. У, шунингдек, Қуёшнинг 1 й. давомида ҳаракати 365 кунга тенг эканлигини исботлаган. Ф. таълимотига кўра, табиатдаги турли-туман нарса ва ҳодисалар дастлабки ибтидо — сувдан пайдо бўлган ва пировардида сувга айланади. У 1-бўлиб, оламнинг моддий бирлиги ҳақида, бу моддий бирликнинг доимий ҳаракатда ва ўзгаришда эканлигини айтган.

Ф. асарлари сақланмаган. У ҳақдаги маълумотни *Аристотель* асарларидан топиш мумкин. Жумладан, Ф. «Қуёшнинг ҳаракати ҳақида» «Тенг кунлик ҳақида» китобларининг ёзганлиги маълум.

ФАЛЛОПИЙ НАЙИ, бачадон найи, тухум йўли — аёлларнинг найсимон жуфт аъзоси. Италиян врачи Г. Фаллопий (1523—1562) номидан олинган. Тухумдонда етилган тухумҳужайра шу найлардан бачадонга ўтади. Ф.н.лари бир учи б-н бачадонга туташса, иккинчи учи тухумдон ёнида қорин бўшлиғига очилади ва шу тариқа тухумдоннинг чиқариш йўли бўлиб ҳисобланади (яна қ. *Жинсий аъзолар*).

ФАЛСАФА, философия — инсоннинг дунёда тутган ўрни ва дунёқарашининг яхлит тизимини ифодаловчи маънавий фаолиятининг бир шакли. Мил. 2—3-а.ларда ўтган юнон файласуфи Диоген Лаэртскийнинг шоҳидлик беришича, юнон мутафаккири *Пифагор* биринчи бўлиб ўзини «философ» деб атаган. Бу сўз *Гераклит*нинг фалсафий таълимотида нарсаларнинг табиатини тадқиқ этишга нисбатан қўлланилган, тадқиқотчининг ўзи эса «философ» деб аталган. Кейинчалик «философ» сўзи ҳар тарафлама, кенг, тушунарли ва ҳаққоний фикр юритишга интилувчи кишига нисбатан қўлланилган. Тарихий маълумотлар юнонча philosophia сўзи арабчага «фалсафа» бўлиб ўтганлиги, араблар бу фанни «ҳикма» деб аташи, русчага «философия» тарзида ўтганлигини тасдиқлайди, демак фалсафа б-н философия сўзлари бир хил маънога эга.

Ф.га ҳақиқатга элтувчи таълимот сифатида ёндашган сократчилар мактаби вакиллари нуқтаи назаридан қарасак, «ҳақиқатга муҳаббат», «ҳақиқатни севиш» деган маъно келиб чиқади. Ф. ҳақида фан тарихида турлича, ҳатто бир-бирига қарама-қарши қарашлар мавжуд. Ф.га ҳамма фанларнинг бошланиши, оламнинг асл моҳиятини ва универсал қонунларини очувчи фан деб ёндашишдан тортиб уни ўз тадқиқот объекти ва предметига эга бўлмаган мавҳум ва ўта умумлашган, инсон учун фойдасиз билимлар мажмуи деб ҳисобловчилар ҳам учрайди. Инсоният фойдаланаётган барча билимлар Ф.дан бошланиб, фалсафий хулоса б-н якунланади. Ф.ни фан даражасига олиб чиққан *Платон* уни «мавжудликни, мангуликни ва доимийликни билиш», *Аристотель* «нарсаларнинг сабаблари ва асосий тамойилларини тадқиқ этувчи фан» деб билган, стоиклар уни назарий ва амалий тафсилотларга интилиш деб, эпикурчилар унга «ақл воситасида бахтга эришиш йўли» деб қараган. *Форобий* Ф.ни «ҳикматни қадрлаш» ёки фикрлаш санъати деб билган. Ўрта асрлар христиан Ф.сида у «табиий ақл нури воситасида эришиладиган дунёвий донолик» (теология эса илоҳийлик нури воситасида эришиладиган илоҳий донолик) деб таърифланган.

Ф. *Бэкон* ва Р. *Декарт* Ф.ни «тушунчалар шаклига бурканган яхлит, ягона фан» деб ҳисоблашган. Х. *Вольф* Ф.ни «барча мумкин нарсалар ва уларнинг қай маънода ва нега мумкинлиги ҳақидаги фан» деса, *Кант* Ф.га «дунёни қандай тушуниш ҳақидаги, бутун билимнинг инсон ақлининг туб мақсадларига муносабати ҳақидаги фан» сифатида ёндашишни таклиф этади. *Фихте* Ф.га «қалб маърифати, маънавий маърифат» деб баҳо берган бўлса, *Шеллинг* воқеликнинг бутун кўлами ва теранлигини ўз тажрибасига кўра билиб олишни Ф. деб ҳисоблаган. *Гегель* предметларни фикран қараб чиқишни Ф. деб атаб, унга «ўз-ўзига эргашувчи ақл ҳақидаги фан» сифатида таъриф берган. Шопенгауэр дунёнинг бутун моҳиятини абстракт, яъни умумий ва равон шаклдаги тушунчаларда ифодалаш Ф.нинг асосий вазифаси деб билди.

Ф.нинг таркибий қисмларига *билиш назарияси* (гносеология), *метафизика* (*онтология*, космология, фалсафий антропология, мавжудлик Ф.си, *теология*), *мантиқ*, *этика*, *эстетика*, ҳуқуқ Ф.си, натурфалсафа, фан Ф.си, тарих ва маданият Ф.си, сиёсат Ф.си, дин Ф.си, *психология* ва б. киради. Булардан ташқари, ҳоз. замон Ф.сида тиббиёт, тилшунослик, мусиқа, кибернетика ва б. аниқ фанларнинг умумметодологик жиҳатларини ўрганувчи Ф. йўналишлари вужудга келмоқда. Ф.нинг дунёқарашлик, гносеологик, методологик, социологик, аксиологик, антропологик, мантиқий, психологик ва мафкуравий функцияси бор.

Ф. тарихи — инсон тафаккури тараққиёти тарихидир. Ф. тарихига оид адабиётларда инсоният тарихида хитой Ф.си, ҳинд Ф.си, Европа Ф.си ажратиб кўрсатилади. Йирик диний таълимотлар сифатида ҳиндуийлик Ф.си, христианлик Ф.си, буддавийлик Ф.си, ислом Ф.сини кўрсатиш мумкин.

Илк фалсафий таълимотлар қад. Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё ва Юнонистонда пайдо бўлган, кейин Ғарб мамлакатларига ёйилган. Қад. Ҳиндистондаги фалсафий мактаблар 2 турга бўлиниб, бири *ведалар*дан келиб чиққан ва уларга суянувчи мактаблар (*веданта, йога, вайшешика, ньяя, санкхья*), иккинчиси ведаларни рад этувчи мактаблар (*жайнизм, буддизм, локаята*) ҳисобланади. Қад. Хитойдаги дастлабки фалсафий таълимотлар мил. ав. 7-а.да вужудга келган. У Қад. Хитой ёзма манбаларида учраб, бу манбаларга «Қўшиқлар китоби», «Баҳор ва куз» каби қад. ёдгорликлар ва *Конфуций*нинг «Афоризм»ларини, даосизмни киритиш мумкин.

Марказий Осиёдаги фалсафий қарашлар қад. туркий ёзувлар, тангрига эътиқод қилиш тамойилларида ва зардуштийликнинг муқаддас китоби *Авесто*да ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, Шарқ халқларининг табиатнинг асосий унсурлари ер, сув, ҳаво ва оловни эъзозлаш ҳақидаги натурфалсафий қарашлари ва ғоялари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кенг ёйилиб Қад. Миср, Бобил, Лидия мамлакатлари халқларининг тафаккур тарзига сингиб кетган. Юнонистоннинг илк фалсафий мактаби — *Милет мактаби* ҳам ўз ғояларини Шарқдан олганлиги тадқиқотчиларга маълум. Мил. ав. 2—1-а.ларда Марв, Балх, Термиз, Сиғноқ, Самарқанд, Бухоро заминини ўзига қамраб олган ҳудудда кушонлар салтанати қарор топиб, унда будда дини ҳукм суради, унинг фалсафаси бу жойда яшовчи халқнинг тафаккур тарзига ўз таъсирини ўтказади. Аммо Авесто ғоялари халқ онгидан бутунлай чиқиб кетмайди. Мил. 3-а.га келиб тенглик ғояларини илгари сурувчи *монийлик* таълимоти пайдо бўлди. Бу таълимот *маздакийлар ҳаракати*нинг маънавий таянчи бўлган.

Юнонистондаги фалсафий мактаблар, асосан, мил. ав. 6—5-а.лардан вужудга кела бошлади ва унинг тараққиёт босқичлари классик эллинизм ва рим-эллинизм даврларига бўлинади. Эллинистик Ф. даври сократгача давр (Милет мактаби, Элея мактаби) ва классик (аттик) Ф.ни (Сократ, Платон, Аристотель) ўз ичига олади. Сократгача давр Ф.си космологик (гилозоистик) Ф. ва антропологик даврларни ўзига қамраб олади. Дастлабки космологик фалсафий таълимот *Фалес*га тегишли. У *Анаксимандр, Анаксимен*, Ферекид, Диоген б-н биргаликда Иония натурфалсафа мактабига мансуб. Улардан сўнг борлиқ ҳақидаги таълимот б-н Ксенофан, *Парменид*, *Зенон* (элеялик), Мелисс шуғулланганлар. Улар б-н бирга Пифагор мактаби (Пифагор, Филлолай, Алкмеон, Архит; мил. ав. 6—4-а.лар) фаолият кўрсатган. Бу даврда антропологик софистика мактаби вакиллари Протагор, Горгий, Гиппий, Продик ижод қилишган. Мил. ав. 3—2-а.ларда стоиклар (*Зенон* Китионлик), эпикурчилар (*Эпикур, Лукреций*), неоплатончилар (*Плотин*) юнон Ф.сига ўз ҳиссаларини қўшишган. Айниқса, Сократ, Платон, Аристотель Ф.си юнон Ф.сининг шуҳратини оширади. Юнон Ф.сидаги асосий қарашлар *Александр* Македонский (Искандар Мақдуний)нинг Шарққа истилочилик юришлари даврида Марказий Осиёга ҳам кириб келди.

Ислом дини ёйилган мамлакатлардаги фалсафий таълимотлар қуйидагича ўрганилади: илк ислом Ф.си (6—8-а.лар), шарқий ислом Ф.си (Мовароуннаҳр ва Хуросондаги фалсафий таълимотлар), ғарбий ислом Ф.си (Шим. Африка ва Испаниядаги фалсафий таълимотлар).

Илк ислом Ф.си даври юнон Ф.сининг араб ва сурёний тилларига таржима этилиши, бу таржималарда яҳудийлик ва христианлик ақидаларининг устуворлик қилиши б-н ажралиб туради. Бу даврда исломдаги жабарийлар б-н қадарийлар, мўътазилийлар б-н мутакаллимлар ўртасида фалсафий қарама-қаршиликлар бўлган. Шарқий ислом Ф.сида дунёвий ва исломий ғояларнинг, турли халқ ва цивилизацияларнинг тафаккур тарзи синтезлашган. Шунингдек, табиатшунослик илмларидаги йирик кашфиётларни (мас., кимё илмининг вужудга келиши) фалсафий асослаш, ҳисоблаш маданиятининг тубдан ўзгариши (Хоразмий системаси) б-н боғлиқ белгилар кўзга ташланади. Шарқий ислом Ф.си (Мусо *Хоразмий, Фарғоний, Киндий*, Абу Бакр *Розий*, Абу Мансур *Мотуридий, Ашъарий, Форобий, Беруний, Ибн Сино*, Носир Хисрав, *Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Хайём, Ғазолий, Замахшарий*, Аҳмад *Яссавий*, Нажмиддин *Кубро*, Фахриддин Розий, *Баҳоуддин Нақшбанд*, Ибн Халдун ва б.) ва ғарбий ислом Ф.си (*Ибн Туфайл, Ибн Божа, Ибн Рушд*) файласуфларининг мусулмон олимлари томонидан қайта ишланган, таржима қилинган асарларининг Европага қайта тақдим этилиши бу ерда *Уйғониш даври*нинг бошланишига таъсир кўрсатган. Ф.нинг кейинги равнақ топиши Марказий Осиёда темурийлар даври б-н бошланади. Амир Темур фалсафий ғояларнинг мамлакат истиқболига хизмат қилишини билган ҳолда илм-фан равнақига раҳнамолик қилди. Бу даврда Марказий Осиёда *тасаввуф* Ф.си, табиатшунослик Ф.си, мантиқ Ф.си ва

ахлоқий таълимотлар ривожланди (Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жалолиддин Румий, Тафтазоний, Журжоний, Улуғбек, Хожа Аҳрор, Фузулий, Насимий, Жомий, Навоий, Муҳаммад Қози, Махдуми Аъзам, Бобур, Машраб, Бедил ва б.). Шуни қайд этиш лозимки, ислом Ф.си ўзидан илгари ўтган барча диний ва дунёвий таълимотларни илмий анъаналарини қабул қилган. Ислом Ф.си ривожига иудаизм, христианлик, буддизм ва б. диний таълимотлар таъсир кўрсатган.

Европа Ф.си эса ўзидан олдинги барча фалсафий фикрни илмий билимларни жамият тараққиётига хизмат қилдириш б-н боғлаган. Тўғри, Ғарб Европадаги диний-схоластик фалсафий ғоялар жамият тараққиётига салбий таъсир қилди. Лекин, араб олимларининг таржималари туфайли антик давр фани ва Ф.си, қадриятларини қўлга киритган европалик олимлар жамиятни бамисоли қайта уйғотишди. Европа Ф.си схоластик даври, Уйғониш даври, янги давр ва немис классик Ф.си даврларига бўлинади. Схоластика даври схоластика равнақи (Буюк Альберт, Фома Аквинский, Р. Бэкон) ва схоластика инқирози (Дунс Скот, томизм, У. Оккам) даврларига бўлинади. Уйғониш даврида итальян гуманизми, реформация, табиатшунослик Ф.си, ижтимоий хаёлий назариялар илгари сурилган. Янги даврда Ф. Бэкон, Р.Декарт, Т.*Гоббс*, *Ж.Локк*, *Спиноза*, *Лейбниц*, Х. Вольф, Ж. *Беркли*, Д.Юм, П.Бейль, Ш.Монтескьё, *Вольтер*, *Руссо*, *Д.Дидро*, Д'Аламбер, *Ж.Ламетри*, П.*Гольбах* ва б. файласуфлар ижод қилишган. Немис классик Ф.си Гердер, Кант, Фихте, Шеллинг, Гегель, Фейербах номлари б-н боғланган.

Ф. тарихидаги фалсафий мактаб ва оқимлар ўзлари илгари сураётган фалсафий ғоянинг мазмунига қараб қуйидаги йўналишларга бўлинади: эмпиризм ва рационализм, номинализм ва реализм, материализм ва идеализм, скептицизм ва антискептицизм, агностицизм ва антиагностицизм, догматизм ва релятивизм кабилар.

19—20-а.лардаги фалсафий оқимлар: Шопенгауэр Ф.си, О.Конт позитивизми, марксизм, эмпириокритицизм, неокантчилик, Ф. Ницшенинг ҳаёт Ф.си, прагматизм, неопозитивизм, постпозитивизм, неотомизм, фрейдизм, экзистенциализм, герменевтика, структурализм, релятивизм, конструктив эмпиризм, феноменализм ва б. 21-а.га келиб ҳар бир минтақа, давлат ва миллатнинг тафаккур тарзини ўзида ифода этувчи фалсафий мактаб ва оқимларнинг шаклланишидан ташқари жаҳонлашув ижтимоий жараёнларнинг кескин ва жадал ўзгариб боришн, глобал миқёсда кўтарилиши умумжаҳон миқёсидаги фалсафий муаммоларни ҳал этиш заруриятини туғдирмоқда. Бундай муаммолар сирасига ижтимоий тараққиётнинг глобаллашуви, тинчлик ва уруш муаммоси, экологик, энергетик муаммолар, хомашё, озиқ-овқат ва чучук сув муаммолари, демография, соғлиқни сақлаш, иқлим ўзгаришлари, маърифат ва маънавият танқислиги муаммоси ва б. киради. Бу муаммоларни ечиш йўлларини кўрсатиш ва таҳлил этиш 21-а. Ф.сининг долзарб вазифасидир.

Ўзбекистон Ф.си Шарқ Ф.сининг таркибий қисми, ўзбек халқининг ўзига хос бўлган тафаккур тарзининг намоён бўлишидир. Унинг тарихи илдизларига қад. Турон ва Туркистондаги халқ оғзаки ижодига оид ҳикматлар, достонлар, мақол ва ривоятлар, мутафаккирларнинг фалсафий асарлари, Авестодаги эзгулик ғоялари, тарихимизда ўтган моцийлик, маздакийлик, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик динларидан кириб келган ҳикматлар, ислом Ф.си, исломнинг муқаддас китоблари, тасаввуф Ф.си, *мотуридийлик* таълимоти, суннийлик оқими, кубровийлик, ясавийлик, нақшбандия таълимотлари, ватанпарварлик ғоялари, маънавий-ахлоқий қадриятлар киради. Бу Ф. жаҳон фалсафий мероси дурдоналаридан озиқ олади. Ўзбекистон Ф.си ўзбек халқининг тафаккур тарзи сифатида 20-а.да шаклланди. Унда Ўзбекистонда яшовчи турли миллат ва элат вакиллари иштирок этишган. Унинг намояндалари *Беҳбудий*, *Фитрат*, Абдулла *Авлоний*, *Мунавварқори*, *Чўлпон*, *Абдулла Қодирий*, Исҳоқхон Ибрат, *Сўфизода* ва б. Шарқ Ф.си анъаналарини, миллий-маънавий, ахлоқий-маърифий қадриятларини шўролар даврида ҳам сақлаб қолиш ва ривожлантиришга интилишди, лекин бу интилишлар уларнинг коммунистик тузум қурбонига айланишига сабаб бўлди. Совет тузумини ёқлаган илм соҳибларигина қатағонлардан омон қолишди. С.Айний ва З. В. Тўғоновнинг Ф. тарихига оид бир қанча мақолалари босилиб чиқди. Совет даврида Ф. фани чуқур мафкуравий инқирозга учраган, коммунистик тузумнинг хизматкорига айлантирилган эди. Ёзувнинг арабча графикадан лотин графикасига, ундан кириллча графикага ўтказилиши миллий фан ва Ф. тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Наим Саид, К. Ерзин, Ҳаким Неъмат, Р. Холмуродов (Маллин) сингари олимлар Ф. соҳасида фаолият кўрсатдилар. 2-жаҳон уруши даврида Ўзбекистон ФА ташкил этилиши ижтимоий фанлар, хусусан, Ф. фани тараққиётига туртки берди. Бу даврда С. Валиев, Ж.М. Бобоев, Х.Б. Расулов, А.Т. *Азимов*, С.Азимов, И. *Мўминов*, В. *Зоҳидов* каби олимлар Ф. фанига ҳисса қўшишди. Ўзбекистонда Ф. тарихи (Б. Зоҳидов, М.М. *Хайруллаев*, М. *Баратов*, Х.Ф. *Валидов*, А.Шарипов), табиатшунослик Ф.си ва билиш назарияси (О. *Файзуллаев*, Б. Исмоилов, *Ж.Туленов*, К. Иванова, М. Абдуллаева), мантиқ (М.Хайруллаев, К.Хакбердиев, М.Х. Нурматов, Л.Е.Гарбер), маънавият Ф.си (К. *Саидкон*, С. *Шермуҳамедов*, Н.Бойбоева), дин (С.Азимов, А. *Ортиқов*, М.А.Усмонов, Ж.Бозорбоев), ахлоқ (Й. *Жумабоев*, Ҳ.Алиқулов, Х.*Шайхова*), ижтимоий Ф. ва эстетика (Э.*Юсупов*, Р.*Абдушукуров*, А.*Валиев*, Ҳ.*Пўлатов*, С.*Турсунмуҳамедов*, *К.Хонназаров*) йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ф. фани олдида уни коммунистик мафкура асоратларидан тозалаш, жамият тараққиётининг қонуниятларини фалсафий таҳлил этиш, миллий истиқлол ғоясининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, республикада шаклланаётган ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиш хусусиятларини очиб бериш каби вазифалар пайдо бўлди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 1998 й.да «Тафаккур» жур. бош муҳарриринииг саволларига берган жавобда янги жамиятни бунёд қилишда миллий мафкура ва ўзлигимизни англашда миллий Ф.нинг ролига катта баҳо берар экан, ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат б-н баҳсга киришиш кераклигини таъкидлади.

Ҳоз. даврда республика файласуфлари олдида ижтимоий воқеликнинг қонуниятларини тадқиқ этиш, мамлакатнинг истиқболи учун хизмат қилувчи ғоявий заминни яратишдек муҳим вазифалар турибди.

Ўзбекистонда Ф. бўйича н.т.лар олий ўқув юртлари Ф. кафедраларида, *Фалсафа ва ҳуқуқ институтида* олиб борилади. ЎзМУда Ф. факультети мавжуд. Республикада Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти фаолият кўрсатмоқда. Ф.га оид н.т.лар «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» (Ўзбекистон ФА нашри), «Фалсафа ва ҳуқуқ» (Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг нашри), «Тафаккур» журналларида чоп этилади.

Ад.: Фахриддин. Фалсафа тарихи, Т., 1998; Мўминов И.М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тарихидан лавҳалар, Т., 1998; Классическая наука в регионе Азии и современная мировая цивилизация, Т., 2000; Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов, М., 1979.

Баҳтиёр Тўраев.

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА И. М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти — фалсафа ва ҳуқуқ фанлари соҳасида н.т.лар олиб борувчи муассаса. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатчилик ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, миллий истиқлол ғояси ва унга оид тамойилларни муаммоларини тадқиқ этиш, шу соҳаларда юқори малакали ходимлар тайёрлаш ин-тнинг асосий вазифасидир. Тошкентда 1958 й.да Ўзбекистон ФА Президиуми ҳузурида Фалсафа ва ҳуқуқ бўлими асосида ташкил этилган. И.М.*Мўминов* ин-тнинг ташкилотчиси ва биринчи директори бўлган (1975 й.да ин-тга унинг номи берилган).

Ин-т олимлари 3 та фундаментал, 11 та амалий, 1 та инновацион мавзуларни тадқиқ этиш б-н банд. Ўзбекистон ФА Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2 та мавзуи бўйича илмий иш олиб бормоқда. Шунингдек, ин-тда миллий истиқлол ғояси, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш ва давлат ҳаётини эркинлаштириш муаммолари б-н боғлиқ 15 та мавзу бўйича н.т.лар олиб борилганти.

Ин-тнинг фалсафа бўлимларида ажлодларимизнинг фалсафий илмий меросини янгича методологик, назарий-ғоявий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш, таҳлил, ҳаётга жорий қилиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Ҳуқуқ бўлимларида Ўзбекистонда адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий тамойиллари, ҳуқуқий давлатчиликнинг конституциявий асосларини яратиш муаммолари, ислом ҳуқуқшунослиги ўрганилмоқда. Тадқиқотлар натижалари ўқув дастурлари, дарсликлар, монографик, рисола ва мақолалар тарзида чоп этилмоқда.

Кейинги пайтда ин-т олимлари мутахассислар б-н биргаликда «Мустақиллик лўғати» (22 б.т.), «Фалсафа: қомусий луғат» (75 б.т.), «Фалсафа: қисқача изоҳли луғат» (25 б.т.), «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар», «Ғарб фалсафаси» ва б. китобларни нашр этди. Ин-тда Шарқ маданияти, фалсафасини ўрганиш йўлга қўйилди, ўзбек ва шарқ халқлари тафаккуридаги муштараклик ва ўзига хослик масалаларига оид асарлар тайёрланмоқда. Ин-т Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти б-н ҳамкорликда «Фалсафа ва ҳуқуқ» жур.ни нашр этади. Ин-тда 13 фан д-ри, 20 га яқин фан номзоди ҳамда илмий ходимлар ишлайди (2004). Ин-т ҳузурида номзодлик, д-рлик диссертацияларни ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш, аспирантура, докторантура бор. Ин-тда Ўзбекистон ФА акад.лари М. *Бахриев*, А. *Валиев*, М. *Хайруллаев*, С. *Шермуҳамедов*, Х. *Сулаймонова*, мухбир аъзоси О. *Эшонов* ва б. фаолият кўрсатишган.

ФАЛЬЦЕТ (лот. falso — сохта сўзидан) — эркак овозининг энг юқори регистри. Товушлар бош чаноғи резонатори ёрдамида чиқарилади. Тембрида қўшимча товуш (обертон)лар камлиги б-н асосий регистрлардан фарқ қилади (номи шундан).

ФАЛЬЯ Мануэль де (1876.23.11, Кадис, Испания — 1946.14.11, Альта-Грасия, Аргентина) — испан композитори, пианиночи, дирижёр. 20-а. мусиқа намояндаси. Мадрид консерваториясида таълим олган (1896—98). Миллий мусиқа жамияти га (1914), Миллий мусиқа (Каписте хондо) фестивалини (Ф.*Гарсия Лорка* б-н биргаликда, 1922) асос солган. 1907—14 й.лар Парижда, 1939 й.дан Аргентинада яшаган. Ф. ижоди испан композиторлик санъати чўққисидир. Ижодида миллий мусиқа анъаналари (канте хондо, менестреллар санъати, миллий романс, Сервантес давридаги профессионал мусиқа ва б.) б-н 20-а. Европа мусиқа ютуқлари уйғунлашган. Услуби аниқ мазмунлари ва бўёғининг қисқалиги, нозик лад б-н сайқалланган шакллар, оркестр бўёқларининг бойлиги б-н ажралиб туради. «Қисқа умр» операси (1905), «Сеҳргар муҳаббат» (1915) ва «Треуголка» (1919) балетлари, вокал туркумлари («7 та испан халқ қўшиғи», 1914 ва б.), фортепиано («Бетик фантазияси», 1919 ва б.), гитара («Дебюсси хотирасига», 1920), турли ансамбль ва концерт асарлари машҳур. Фортепиано ва оркестр учун ёзган «Испан боғларидаги тунлар» сюитаси (1915) ҳамда б. асарларида мусиқий импрессионизм тамойиллари ўз аксини топган.

ФАМАГУСТА, Амохостос — Кипрнинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар ва порт. Аҳолиси 37,7 минг киши (2001). Савдо маркази. Озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Денгиздан балиқ овланади. Археология ёдгорликлари музейи бор. Шаҳарга мил. ав. 3-а.да асос солинган ва ўша даврда Арсиноя деб аталган. Меъморий ёдгорликларидан 14—16-а.ларда қурилган шаҳар деворй, готика черкови, саройлар сақланган.

ФАМИЛИЯ (лот. familia — оила) — 1) Қад. Римда қон-қариндошлар б-н бирга қуллари ҳам ўз ичига олган оиланинг хўжалик-ҳуқуқий муносабатларини ўзида мужассамлаштирган номи; 2) бола туғилганда, фарзандликка олинганда, олдинги Ф. ўзгартирилганда, никоҳдан ўтганда қабул қилинадиган ва наслдан наслга ўтадиган оилавий ном. Оилада шахс отларига қўшилиб келиб, шу шахснинг наслини билдиради. Илк Ф.лар шахс туғилган ёки унинг «наслий мероси» жойлашган жой номига нисбатан бериш орқали ясалган. Ғарбий Европада Ф. қўллаш 15-а.дан одат тусига кирди ва, асосан, юқори табақа орасида тарқалди. Ўзбеклардa ўтмишда ҳоз. маънодаги Ф. бўлган эмас. Лекин Ф. ва отанинг номини билдириш учун қўлланилган воситалар қадимдан мавжуд эди. 6—7-а.лардан ота исмидан кейин «ўғли», «қизи» сўзларини келтириш орқали (мас., Бойна Сангиун ўғли), кейинроқ ойни вақтда араблар таъсирида «ибн» (ўғли) (мас., Аҳмад ибн Муҳаммад), «бинт» (қизи) каби арабча сўзлар ёрдамида номлашлар бўлган. 20-а.нинг 20—30-й.ларида ўзбекларнинг Ф.лари, асосан, Аҳмад Фозил ўғли, Ҳакима Фозил қизи тарзида юритилган. Шунингдек, бу даврда зиёлилар орасида қисман «зода» (Ҳамза Ҳакимзода, Турғун Шарифзода), «-ний», «-вий», «-ия», «-ний» (Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мирзакалон Исмоилий, Музайяна Алавия) қўшимчалари орқали исм-Ф., тахаллуслар ясаш ҳам одат бўлган; баъзида қўшимчаларсиз ҳам қуйидаги шаклда аталган: Парда Турсун, Султон Жўра, Илёс Муслим. 30-й.ларнинг ўртаси ва 40-й.лардан -ов, (-ова), -ев (-ева) қўшимчалари ёрдамида ҳосил қилинган Ф.лар ўзбекларда муайян тартибга айланиб, кейинроқ қатъий қоида қилиб олинди. Мустақиллик давригача Ф. ясашнинг шундан бошқа барча миллий-маҳаллий шаклларини расмий равишда ёкиш ман қилинган эди. Бу қоидага Фуқа-

ролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идоралари, паспорт бўлимларида қатъий амал қилиб келинди. Мустақиллик кишиларга Ф. ва ота исмини, уларнинг шаклини эркин танлаш ҳуқуқини ҳам берди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра, ҳар бир фуқаро ўз Ф. сига эга бўлиши зарур. Бундай зарурият фуқарони жамиятнинг бошқа аъзоларидан ажратиб туришда, унга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашда ва уни ҳуқуқ субъекти сифатида тан олишда муҳим аҳамиятга эга. Фуқаронинг Ф.си у туғилган пайтда туғилганлик ҳолатини қайд этиш гувоҳномасида расмийлаштирилади ва ота ёки она томонидан ёки уларнинг келишувига кўра танланади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 69-моддасига мувофиқ, бола исм, ота исм ва Ф. олиш ҳуқуқига эга. Фуқаронинг Ф.си унинг ҳаёти давомида ўзгартирилиши ҳам мумкин. Бола 10 ёшга тўлгунча унинг Ф.си ота-она томонидан боланинг розилиги б-н ўзгартирилса, 16 ёшга тўлган фуқаро ота-онасининг розилиги б-н ўз Ф.сини ўзгартиради. 18 ёшга тўлган фуқаро эса, тўла муомала лаёқатига эга бўлгач, ҳеч кимнинг розилигисиз Ф.сини ўзгартиришга ҳақли. Никоҳдан ўтиш пайтида эр ёки хотин ўз Ф.сини ўзгартириши мумкин. Ф. ўзгартирилаётганда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган талабларга амал қилиш зарур. Фуқаронинг Ф.си унинг шахсий номулкий ҳуқуқи бўлиб фуқаролик ва оила қонунчилиги томонидан муҳофаза этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апр. 171-сонли қарори б-н тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш» қоидаларида Ф.ни белгилаш ва ўзгартириш тартиби белгиланган.

Ад.: Бегматов Э.А., Ўзбек исмлари, Т., 1998.

ФАН — дунё ҳақидаги билимлар системаси, ижтимоий онг шаклларидан бири. У янги билимларни эгаллаш б-н боғлиқ фаолиятни ҳам, бу фаолиятнинг маҳсули — оламнинг илмий манзараси асосини ташкил этувчи билимларни ҳам ўз ичига олади; инсон билимларининг айрим соҳаларини ифодалайди. Ф.нинг бевосита мақсади ўзининг ўрганиш предмети ҳисобланган воқеликнинг қонунларини кашф этиш асосида шу воқеликнинг жараён ва ҳодисаларини таърифлаш, тушунтириш, олдиндан айтиб беришдир.

Ф.нинг илк куртаклари кишилик жамиятининг пайдо бўлиши б-н боғлиқ ҳолда майдонга келган. Дастлабки билимлар амалий характерга эга бўлган. Тафаккур системасининг куртаклари *мифология* сифатида қад. Шарқ ва Юнонистонда пайдо бўла бошлаган. Мифология Ф.га ўтиш босқичида маълум босқич вазифасини бажарган. Ривожланиш давом этиши б-н мифология ўрнини *натурфалсафа* эгаллади. *Авесто*да мифология ва фан унсурлари бор эди. *Зенон, Демокрит, Аристотель* ва б. қадимги юнон мутафаккирлари табиат, жамият ва тафаккурни гоҳо биргаликда, гоҳо айрим-айрим равишда баён этишга уриниб бошладилар. Дунёни бир бутун, деб ифодаловчи тушунчалар, исботлаш усули пайдо бўлди. Эллинизм даврида *Евклид, Архимед, Птолемей* томонидан геом., механика, астрономия соҳасида дастлабки назарий системалар яратилди. Ўрта асрда Шарқ олимлари Ф.га улкан ҳисса қўшдилар. Улар қад. фан ютуқларини, илмий асарларини сақлаш, таржима қилиш ва уларни тарқатиш масаласига катта эътибор бердилар. Айни вақтда Ф.ни янги ютуқлар б-н бойитдилар, янги кашфиётлар қилдилар. Ўрта Осиёнинг буюк олимлари илм-фаннинг янги тармоқларини яратдилар ва янги қонун-қоидаларни кашф этдилар. Муҳаммад ал-*Хоразмий* тенгламалар ҳақидаги Ф. сифатида *алгебра* ва тўнғич *алгоритм*ларни яратди, астрономия соҳасидаги билимларни алгоритмик усулда ифодалаб берди. Аҳмад ал-*Фарғоний* астрономияга система тарзини берди, математик геогр. ва геодезияга оид стереографик проекциялар назариясини яратди. Ҳамид Хўжандий (10-а.) куб тенгламалар назариясини чуқурлаштирди. Маҳмуд *Кошғарий* ўз даврининг қомуси бўлган «Девону луғотит турк»ни ёзди. Абу Райҳон *Беруний* геодезия, минералогия, фармакогнозияни яратди. Абу Али *Ибн Сино* табобатнинг илмий заминини қўйди (11-а.) *Улуғбек*, Ғиёсиддин Коший, Али *Қушчи* сонлар назариясига муҳим ҳисса қўшдилар ва кузатиш астрономиясини юқори поғонага кўтардилар (15-а.). Европада *Уйғониш даври* арафасида, 12-а. бошларидан ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Киндий, *Ибн Рушд* ва б.нинг асарлари лотин тилига таржима қилина бошлади. *Леонардо да Винчи, Р.Бэкон, Т.Гоббс, Н.Коперник, Ж. Бруно, Г.Галилей, И.Кеплер, Р.Декарт* каби олимлар табиат ҳақидаги Ф.ларни ривожлантирдилар. Астрология ўрнини астрономия, алкимё ўрнини кимё эгаллади.

Янги давр деб аталувчи замонда Ф.нинг ижтимоий роли янада ошди. У маданиятнинг муҳим тармоғи ва техниканинг назарий асосига айлана бошлади. 16—17-а.ларда классик физиканинг пойдевори қурилди. Ф.нинг назария даражасига кўтарилганлиги тафаккурнинг индуктив ва дедуктив ривожланишига йўл очиб берди. Мавжуд илмий фактлар И.*Ньютон* томонидан динамиканинг асосий қонуни сифатида таърифланди. Бу умумлаштирилган қонундан 16—19-а.ларда хусусий қонуниятлар кашф этилди. *Лагранж, Эйлер, Гаусс* ва б. ижоди механикани моддий нуқталар системаси тарзида шаклланишига олиб келди. Механика Ф.и шу даражада мантиқий ривожландики, ҳар хил соҳа олимлари унга ҳавас қила бошладилар ва унинг исботланган қонуниятларидан бошқа соҳаларда ҳам фойдаланиш ҳаракатига тушдилар.

Саноатда туб ўзгаришлар юз бериши (18-а. охири) туфайли Ф.нинг тараққиётида янги босқич бошланди. 19-а.да физикада янги Ф.лар (термодинамика, классик электродинамика) пайдо бўлди, биол.да эволюцион таълимот ва ҳужайра назарияси вужудга келди, энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонуни шаклланди, астрономия ва мат.да янги концепциялар ривожланди (*Ж.Максвелл, М. Фарадей, Ж. Ламарк, Ч.Дарвин*, Т.Шванн, М.Шлейден ва б.). Геом. соҳасида инқилобий таълимот яратилди: асрлар давомида ҳукм суриб келган Евклид геометрияси ягона эмаслиги, балки ноевклид геом.лар ҳам борлиги Н.*Лобачевский* томонидан баён этилди ва кейинчалик исботланди. Д.И.*Менделеев*нинг даврий системаси ҳар хил кимёвий элементлар орасидаги ички боғланишни ифодалади. Мат. ва физикада 20-а.да ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди, техника Ф.ларида *радиотехника, электроника* каби соҳалар пайдо бўлди. Ф. ва техниканинг янада ривожланишига таъсири борган сари ортиб бораётган *кибернетика* вужудга келди. Физика ва кимё Ф.ларидаги муваффақиятлар ҳужайралардаги биологик жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишга имкон берди, бу ҳол қ.х. ва тиббиёт Ф.ларининг ривожланишига олиб келди. Ф.нинг и.ч. билан яқин ҳамкорлиги юз бериб, унинг ижтимоий ҳаёт б-н алоқалари мустаҳкамлана бошлади. Ҳозирги Ф.лар *фан-техника инқилоби*нинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ф. тизими умуман қуйидаги катта гуруҳларга бўлинади: табиий Ф.лар, гуманитар Ф.лар, техника Ф.лари ва ижтимоий Ф.лар. Бу гуруҳларнинг ҳар қайсисидан жуда кўп мустақил Ф. соҳалари ажралади. Мустақил Ф.лар бир-

бирига боғлиқ соҳаларда илмий изланишнинг йирик ва истиқболли муаммоларини ечишга тўғри келади, бу ҳол ҳоз. пайтда фанлараро ва комплекс тадқиқотларни кенг авж олдиришни тақозо этади. Табиатни муҳофаза қилиш муаммоси бунга яққол мисол бўла олади. Бу муаммо техника Ф.лари, Ер тўғрисидаги Ф.лар, биол., мат., тиббиёт, иқтисодиёт ва бошқалар б-н қўшилиб кетган. Бу хилдаги илмий ва илмий-техник муаммоларни ҳал қилиш учун ҳоз. фанларда тадқиқотларни дастурий-мақсадли ташкил этиш методи кенг қўлланилади. Илмий тадқиқотларни 2 га: фундаментал ва амалий тадқиқотларга ажратиш қабул қилинган. Табиат, жамият, тафаккурга хос қонунларни билиб олиш фундаментал тадқиқотларнинг, бу тадқиқотлар натижаларини билим орттириш ва ижтимоий-амалий муаммоларни ҳал қилиш учун қўллаш амалий тадқиқотларнинг вазифасидир. Фундаментал тадқиқотлар, одатда, амалий тадқиқотлардан олдинда боради ва улар учун назарий асос яратади. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, илмий ютуқлар натижаларини амалиётга тезроқ жорий этиш — ҳоз. давр Ф.и учун муҳим вазифалардан биридир.

Ҳоз. даврда Ф. жамият тараққиётини олга силжитувчи куч ва восита бўлиб қолаётганлигини кузатиш мумкин. Халқ ва миллат дунёқарашини шакллантириш, таълим-тарбия, ахлоқ нормаларини вужудга келтириш, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда Ф. алоҳида ўрин тутмоқда.

Мустақиллик шароити Ўзбекистонда Ф.нинг ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. Аввало, Ф.имиз структураси кескин ўзгарди: маънавий Ф.лар ҳисобланувчи *тасаввуф* илми тикланди, *ҳадис* билимларига йўл очилди, бинобарин, зиёлиларимиз, талабаларнинг руҳий дунёси анча бойиди, янги олий ўқув юртлари, ин-тлар ташкил қилинди; илм аҳли чет элдаги олимлар б-н мустаҳкам ижодий алоқалар ўрнатди. Бунинг натижасида табиат ва техника-технология ҳақидаги Ф.ларимиз ҳам жаҳон андозаси даражасига кўтарила бошлади. Олимларимиз илм-фаннинг долзарб соҳаларида тадқиқотлар олиб боришга киришдилар. Табиий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаш, информатика ва ҳисоблаш техникаси ҳамда эҳтимоллар назарияси соҳасидаги, геологик жараёнларнинг қонуниятларини, молекуляр генетик, ген-ҳужайра соҳасидаги, тиббиёт, қ.х., пахта селекциячилигидаги, моддаларнинг комплекс физикавий-кимёвий хоссаларини ўрганиш б-н боғлиқ, энергиянинг ноанъанавий турларини яратиш — Қуёш энергиясини комплекс ва самарали суратда бошқа турдаги энергияга айлантириш борасидаги тадқиқотлар ана шулар жумласидандир.

Омонулла Файзуллаев.

«ФАН» — Ўзбекистон ФАнинг илмий нашриёти. Академия тизимидаги и.т.-лар натижаларини тўпламлар, монографиялар, илмий-оммабоп рисолалар, мукаммал ва танланган асарлар ҳамда жур. мақолалари тарзида илмий жамоатчиликка ва оммага етказиб беради. Нашриёт Ўзбекистон Фан қўмитаси ҳузуридаги бўлим сифатида 1934 й.да ташкил топган. «Ф.» номи ўз тарихи давомида бир неча бор ўзгарган: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти (1943—63), Ўзбекистон ССР «Наука» нашриёти (1964—66); 1966 й.дан Ўзбекистон ФАнинг «Фан» нашриёти. 1940 й.дан нашриётнинг махсус босмахонаси ишга туширилди. Нашриёт 2004 й.да қарийб 150 номда китоб ва жур.лар нашр этди (умумий ҳажми 2000 босма табоқдан ортиқ). Китоб нашрларининг асосий турини кўп жилдли мукаммал ва танланган асарлар, и.т. натижалари, монография ва илмий-оммабоп асарлар ташкил этади. «Ф.»да Алишер Навоийнинг 10 ж.ли «Танланган асарлар»и илк бор рус тилида нашр этилди. Т.Н. Қори-Ниёзийнинг 8 ж.ли, Ҳ.М. Абдуллаевнинг 7 ж.ли, Ойбекнинг 20 ж.ли, Ҳамзанинг 5 ж.ли, Ҳамид Олимжоннинг 10 ж.ли, Ғафур Ғуломнинг 12 ж.ли, С.В. Стародубцевнинг 6 ж.ли «Тўла асарлар тўплами», И.М. Мўминов, В.П. Шчеглов ва б. олимларнинг кўп жилдли «Танланган асарлар»и чоп этилди. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати б-н унинг 60 босма табоқдан иборат «Зижи Кўрагоний» асари; Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асари ҳамда И.М. Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» китоби, «Алпомиш» халқ қаҳрамонлик эпоси (ўзбек ва рус тилларида) нашр этилди. 2004 й.да Алишер Навоийнинг 20 ж.ли «Мукаммал асарлар тўплами» нашри ниҳоясига етказилди.

«Ф.» нашриётида «*Фан ва турмуш*» илмий-оммабоп жур.и, шунингдек, 11 илмий жур.: «Гелиотехника», «Ўзбекистон тарихи», «Ўзбекистон физика журнали», «Механика муаммолари Ўзбекистон журнали», «Информатика ва энергетика муаммолари Ўзбекистон журнали», «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Ўзбекистон биология журнали», «Ўзбекистон кимё журнали», «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси маърузалари», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Фармацевтика журнали»ни нашр этади.

«Ф.» нашриётини ривожлантиришда Ж. Шарипов, А. Ёқубов, Ю. Юсупов, Ҳ. Бектемиров, Н. Ҳотамов, З.А. Мильман, У.Зокиров муайян ҳисса қўшдилар.

Наримон Ҳотамов.

«ФАН ВА ТУРМУШ» — Ўзбекистон ФАнинг илмий-маърифий, оммабоп журнали. Тошкент ш.да 1 йилда 6 марта нашр қилинади. Дастлаб «Социалистик илм ва техника» (1933—35), «Социалистик фан ва турмуш» (1939—41) номлари б-н чоп этилган. Муайян сабаблар туфайли 1941 й. июлидан 1957 й. фев.гача нашр этилмаган. 1957 й.дан ҳоз. номда. Жур.нинг қайта тикланишида Ўзбекистон ФА акад.лари Ҳ. Абдуллаев, Т. Қори-Ниёзий, журналист А. Ёқубовнинг хизмати катта. Жур.га таниқли олимлар Отажон Ҳошим (1933—37), Т. Қори-Ниёзий (1937, 1940—41, 1958—70), И. Исломов (1938—39), И. Мўминов (1957), М. Ўрозбоев (1970—71), М. Ҳомидхонов (1972), Ё. Тўрақулов (1974—88), К. Зуфаров (1988—92), М. Шарифхўжаев (1992—2001)лар муҳаррирлик қилишган.

Ўтган даврларда жур. саҳифаларида илм-фаннинг барча соҳалари, уларнинг айрим тармоқлари ривожи, жаҳондаги турли эл-элатлар ҳақида мунтазам равишда мақолалар чоп этилди. Ўзбекистонда фантаст ёзувчиларнинг шаклланишида жур. муҳарририяти ҳузуридаги «Фантаст ёзувчилар мактаби»нинг ҳиссаси катта бўлди (Ҳ. Шайхов, М. Маҳмудов, С. Абдуллаева, Ғ. Жаҳонгиров, Х. Дўстмуҳамедов, О. Мўминов, Р. Обидов ва б.).

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида жур. мамлакат халқи, айниқса, ёш авлод қалби ва тафаккурида миллий ғоя, миллий мафкура ва умумбашарий қадриятларга, демократик тамойилларга ҳамда фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган замонавий дунёқарашни шакллантиришга, халқимизни юксак маънавиятли, маърифатли этиш йўлида жаҳон кашфиётларини, ўзбек олимларининг хорижий мамлакатлар илмий тадқиқот марказлари б-н ҳамкорлиги натижаларини кенг тарғиб қилишга, буюк мутафаккирларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳамда илмий меро-

сидан халқимизнинг баҳраманд бўлишига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

2003 й.дан журнал мақолалар ўзбек ва рус тилларида чоп этилмоқда. Муҳаррири Шуҳрат Эгамбердиев (2002 й.дан).

Ҳусниддин Нурмуҳамедов.

ФАН ДОКТОРИ — юқори илмий даража. Дастлаб 1130 й. Болонья ун-тида жорий этилган бўлиб, магистрлик даражасига эга бўлган ўқитувчиларга берилган. Собиқ СССР, жумладан, Ўзбекистонда Ф.д. илмий даражаси 1934 й.дан бошлаб жорий қилинган. Ҳозир Ф.д. илмий даражаси дунёнинг деярли барча мамлакатларида берилади. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва б. мамлакатларда Ф.д. илмий даражасини магистрлик даражасига эга бўлган ва д-рлик диссертациясини ҳимоя қилган шахслар олиши мумкин.

Ўзбекистонда Ф.д. илмий даражаси олий ўқув юрти ёки и.т. муассасаси қошидаги ихтисослашган илмий кенгаш таклифига биноан, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати қарорига мувофиқ фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, тегишли миқдорда илмий мақолалари ва илмий монографияси босилиб чиққан, д-рлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга берилади. Д-рлик диссертацияси фан ва халқ хўжалиги ривожига катта ҳисса бўлиб қўшиладиган, долзарб илмий муаммони ҳал қилишнинг оригинал ва самарали йўлларини кўрсатиб берган, муҳим назарий умумлашма хулосалар чиқарилган мустақил и.т. иши бўлиши керак. Фаннинг бирор тармоғи юзасидан яратилган муҳим дарслик ёки даъвогарнинг катта илмий қимматга эга илмий ёхуд илмий-методик тадқиқоти ҳам д-рлик диссертацияси сифатида тақдим этилиши мумкин. 2002 й. Ўзбекистонда илм-фаннинг турли соҳаларида 2178 Ф.д. фаолият юритди.

ФАН КОМИТЕТИ, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳузуридаги фан комитети — 1930-й.ларда Ўзбекистонда фан штаби вазифасини бажарган илмий ташкилот. 1932 й. окт.да Ўзбекистон МИК ҳузурида ташкил этилган. Унинг таркибида геол. ва минерал ресурслар гуруҳи ҳамда кабинети, гидрогеол. ва муҳандислик геол.си, энергетиклар, агроўрмонмелиорация гуруҳлари, ўсимликлар ресурслари гуруҳи ва кабинети, харитаграфия бўлими ҳамда гуруҳлар қошида тупроқшунослик, гидрология ва б. секторлар бўлган. Ф.к. зиммасига зарур лаб. ва ин-тлар ташкил этиш ҳамда уларни жиҳозлаш, илмий кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган. 1934 й. 1 июндан Ўзбекистон ХКС ихтиёрига ўтказилган. 1935 й. Ф.к. тизимида 12 и.т. муассасаси, 2 кутубхона ва жур. таҳририяти бўлган. Шу йили таркибида янги бўлим, гуруҳ, лаб. ва секторлар ташкил этилди. Уларнинг фаолияти халқ хўжалигининг айрим соҳалари учун амалий аҳамиятга эга бўлган илмий масалаларни ҳал этишга қаратилди. Республика ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганувчи бўлимнинг ташкил топиши ҳам Ф.к. фаолиятида катта роль ўйнади. 1937 й. Ф.к. таркибида тиббиёт ва физика-мат., ижтимоий, техника фанлари бўлимлари тузилди; бўлим сифатида нашриёт ҳам ташкил этилди. Ф.к. фаолиятида кимё, физика, мат., гидроэнергетика, геол., адабиёт ва тил фанлари етакчи илмий йўналишга айланди. Ф.к. муассасалари Ўзбекистон ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тупроқ ва ер геол.си, ер юзаси ва ер ости сувлари энергетика ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш йўллари, минерал ёқилғи захиралари, нефть қатламлари ва б. бўйича и.т.лар олиб борди. Ижтимоий фан соҳалари — Ўзбекистон иқтисодиёти, ўзбек тили ва адабиёти, моддий маданият ёдгорликларини ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича тад-қиқотлар авж олди. 1938 й. Ф.к. нинг муассасаларида 83 илмий ходим, жумладан, 7 фан д-ри ва 5 проф. ишлади. Ф.к.га турли даврларда Отажон Ҳошим, Т.Н. *Қори-Ниёзий*, И.И. *Исломов* раҳбарлик қилган. Ф.к. негизида 1940 й. янв.да СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали, 1943 й. нояб.да *Ўзбекистон Фанлар академияси* ташкил топди.

ФАН НОМЗОДИ — Ўзбекистонда бериладиган илмий даража. Олий ўқув юртлари ва и.т. институтлари қошидаги ихтисослашган илмий кенгашлар томонидан номзодлик имтиҳонларини топширган, фаннинг долзарб муаммолари бўйича мустақил ёзилган диссертация тадқиқот ишини ҳимоя қилган олий маълумотли шахсларга берилади. 1934 й.да таъсис этилган. Ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан назорат тариқасида кўриб чиқилади ва Ф.н. илмий даражасини тасдиқловчи диплом берилади. Ф.н. олий ўқув юрти ёки и.т. институтларида доцент, катта илмий ходим, кафедра, бўлим, лаб. мудири лавозимларини эгаллаш учун танловларда қатнашиш ва *фан доктори* илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация аспирантура таълими даврида ёки мустақил равишда ёзилади. Диссертацияда янги илмий ва амалий хулоса ҳамда тавсиялар берилиши, тадқиқотчининг мустақил илмий ишлар олиб бориш қобилияти намоиш этилиши, фаннинг мазкур соҳасидаги назарий билимдонлиги акс этиши лозим. Ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг асосий тоғлари қатор илмий-назарий ва амалий йўналишдаги мақолаларда, тавсия ва қўлланмаларда ўз ифодасини топмоғи керак. Диссертациянинг ҳимояси олий ўқув юртлари ва и.т. институтлари қошидаги бирлашган ихтисослаштирилган илмий кенгашларда амалга оширилади. 2002 й. Ўзбекистонда илм-фаннинг турли соҳаларида 8904 Ф.н. фаолият юритди.

ФАНАТИЗМ (лот. fanaticus — жуда асабийлашган) — 1) *мутаассиблик*; 2) кўчма маънода — бирон нарсага эҳтирос б-н берилиш.

ФАНДИ ҚЎЛТИҒИ — Атлантика океанининг Шим. Америка қирғоқларидаги кўлтиқ. Мэн кўлтиғининг шим. қисми. Уз. 300 км, эни 90 км, чуқурлиги кираверши қисмида 208 м. Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади. Дунё океанининг энг баланд кўтариладиган қисми, бал. 18 м гача етади. Энг катта порти — Сент-Жон.

ФАНЕР (франц. fournir — устма-уст қўймоқ) — юпқа ёғоч шиллар (қатламлар)ни қатлам-қатлам қилиб ёпиштириб тайёрланган қурилиш материали. Ф. шиллари ёғоч ғўлаларни тарашлаб йўниш, арралаб тилиш ва сидириб шилиш усулларида тайёрланади.

Ғўлани сидириб шилиш усули кенг тарқалган. Бу усулга кўра, бутланган ёки қайнатилган ғўла махсус станок шпинделларига қистириб айлантирилади. Ғўла ўқига параллел ўрнатилган узун тиғ (пичоқ) айланаётган ғўлага яқинлаштирилса, ундан юпқа қатлам (шпон) шилиниб ажралиб чиқади. Ҳосил бўлган қатлам бўлаклаб қирқилади ва қуритилади. Қуриган шпонлар қатлам-қатлам қилиб елимланади. Ф. қатламлари қайин, қайрағоч, қарағай, дуб ва б. дарахт ғўлаларидан тайёрланади. Ф.нинг тунука қопланган, ўтга ва сувга чидамли хиллари ҳам бўлади. Ишлаб чиқариладиган Ф.нинг стандарт қалинлиги 1—19 мм, эни ва бўйи 725—2440 мм ни ташкил этади. Ф. қурилиш, автомобилсозлик, вагонсозлик, кемасозлик, самолётсозлик, мебель саноати, телевизорлар и. ч. ва б.да қўлланади (қ. *Ёғочсозлик саноати*).

ФАНЕРОЗОЙ ЭОНИ, фанерозой (юн. phanteros — аниқ, очиқ, *zoe* — ҳаёт, ҳает тарзи — Ер геологик тарихининг палеозой, мезозой ва кайнозой эраларини ўз ичига олган, умумий муддати 570 млн. йилни ташкил этган вақт бошининг жуда катта қисми. Ер геологик тарихини *криптозой эони* ва Ф.эга америкалик геолог Ж. Чедвик даврлаган (1930).

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТИЗМАСИ —Гарбин Помирнинг шим. қисмида (Тожикистонда) жойлашган тог тизмаларидан бири. Меридиан йўналишида 110 км га чўзилган. Энг баланд чўққиси 7495 м (Сомонийен). Тизмада кўплаб чўққилар мавжуд бўлиб, улардан 24 таси 6000 м дан баланд. Сувайиргич қисми алъп рельеф шаклига эга, палеозой даврига мансуб чўкинди, метаморфик ва отқинди тог жинсларидан ташкил топган. Ён бағирлари чуқур ва тор водийлар б-н кесилган ҳамда абадий қор ва кўрумлар б-н қопланган. Абадий қорлардан Помирнинг йирик музликлари (Федченко ва унинг кўплаб ирмоқлари — Бивачний, Гармо, География жамияти, Кичик Танимас ва б.) тўпланади. Улар сони 29 дан ортиқ музлик мавжуд бўлиб, умумий майд. 1500 км² дан ияёл. Ф.А.т. да баландтог глящиал нивал ва субнивал ландшафтлар тарқалган.

ФАНО — қ. *Бако ва фано.*

ФАНТАЗИЯ, ҳаёл — ҳаётда инсон томонидан идрок этилмаган тасаввур ва хаёлий ҳолатларнинг вужудга келишидан иборат психик фаолият. У инсоннинг билиҳатўйлик қобилияти, бадиий тўқималарга усталиги, топағонлиги, ихтирога мойиллиги, антика, ақлга тўғри келмайдиган ҳолатларни рўёбга чиқаришга уқувчанлиги кабиларда намоён бўлади. Ф. инсон онгида вужудга келишидан эътиборан борлиқнинг қиёфасини ўзгартиришга йўналган бўлади. Мас., бола ўзини космонавт сифатида ҳис қилади, конструктор ролини бажаради, сюжетли ўйинларда муайян қаҳрамонлар образини ижро этишга киришади. Ф. туфайли эшитмаган, кўрмаган нарса ва ҳодисаларни тасаввур қилади: чўплардан от қиёфасини, стуллан тезкор учиш аппаратини, сув ости ажойиботларидан сузиш асбобларини такомиллаштиришни хаёлан ўйлайди. Шу жиҳати билан Ф. улкан бадиий, илмий ва маърифий қимматга эга. Шахснинг ижодий фаолияти негизида Ф. иштирок этмаслан иложи йўқ. Ф. шахс амалга оширишни хоҳлайдиган образлар шаклида гавдаланади ҳамда ички ақлий фаолиятга айланади. Одамлар атроф муҳитни фаол ижодий изланишлари (ҳаёлот тимсоллари, Ф.) туфайли ўзгартиради.

ФАНТАЗИЯ (мусиқада) — бадиҳа услубидаги жанр; муайян композицион қолипларга боғланмаган (кўпинча чолғу) мусиқа асарларидан иборат. 16—17-а.ларда *импровизация* намуналари асосида юзага келган. 18-а.да клавир ва орган учун (айниқса, туркумли асарларда мукаддима кўринишида) Ф.лар кенг ривож топди (И.С. ва К.Ф.Э. Бахлар, В. А. Моцарт ва б.). Романтик композиторлар Ф.га алоҳида аҳамият бериб, унда турли (жумладан, туркум ва соната) шакл ва жанр хусусиятларини мужассам этган (Ф. Шуберт, Ф. Шопен, Р. Шуман). 19-а.дан кўп Ф.лар халқ куйлари ёки бирор композитор асарлари мавзуларига асосланади (Ф. Лист, Н. Римский-Корсаков ва б.). Шунингдек, муайян мавзули, симфоник Ф.лар ҳам учрайди (М.Мусоргский, Р. Рахманинов, П. Чайковский ва б.). Ўзбекистон композиторларидан С. Юдаков, Б. Гиенко, С. Каримҳожи, А. Латифзода ва б. турли Ф.лар яратишган.

ФАНТАСТИКА (юн. phantastike — хаёлан тасвирлаш санъати) — бадиий санъат тури. Ф. реализм ва натурализм йўналишидаги санъат, адабиётларнинг ҳаёт ҳақиқатига қарама-қарши қўйиб тасвирланади. Ф.нинг адабиёт, санъатнинг бошқа тур ва жанрларидан фарқи шуки, унинг тасвир соҳаси амалда мавжуд бўлган ҳаёт эмас, балки турмуш ҳақидаги умумий тасаввурлардан келиб чиқадиган ҳаётдир. Шунинг учун ҳамма нарса ва ҳодисалар жиддий ўзгарган, бўрттирилган, таажжублантирадиган даражада бўлади. Ф.нинг мақсад ва вазифалари фақат инсон орзусини эмас, балки келажак да кутиладиган хатардан огоҳ қилиш, эстетик завқ бериш ҳамдир. Ф. кўпинча халқ оғзаки ижодида учрайди. Лоф, лафлар ва достонларда Ф.ни ўта тифалар ва бўрттирилган шаклда кузатиш мумкин («Алпомиш», «Гўрўғли», «Манас» ва б.). Гомернинг «Илиада» достони, М. Сервантеснинг «Дон Кихот» асари, Ф. Рабленинг «Гаргантюа ёки Пантагрюэль» ҳажвий асари, Ж. Свифтнинг «Гулливернинг саёҳати», А. Дантенинг «Илоҳий комедия»си, М. Твеннинг «Том Сойернинг саргузаштлари», Гётенинг «Фауст», М. Булгаковнинг «Итюрак» ва б. асарлари Ф. йўналишининг ажойиб намуналари саналади. К. Чуковскийнинг эртаклари, А. Казанцевнинг «Ёнувчи орол», А. Грининг «Алвон елканлар» асарлари, Х.К. Андерсеннинг эртаклари ҳам катталарга ва болаларга мос Ф. жанрида ёзилган. Ҳоз. замон чет эл бадиий Ф.сининг намояндалари сифатида япониялик Кабо Абэ, америкалик Айзек Азимовни, полшалик Станислав Лем ва б.ни кўрсатиш мумкин. Ф. нафақат адабиётни, балки файласуфларнинг йирик ижодиётини ҳам ташкил қилади. Ф.да образлар кўп ҳолларда яхлит мазмунда бўлса, яна айрим ўринларда рамзий маъно касб этади. Ҳоз. замон ўзбек адабиётида Т. Маликнинг «Ҳикмат афандининг ўлими», Т. Ҳобиловнинг «Оққа сафар», Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», Х. Шайховнинг «Рене жумбоғи» асарлари Ф. жанрида яратилган. Ф. бадиий адабиётдан ташқари фольклорда, фалсафий утопияда, кино ва театрда, тасвирий санъатда ҳам муболағали бўрттириш б-н акс эттирилади. Ф. сюжет қурилмалари ва рамзий маъноларда ифодаланар экан, муаллифнинг ёки бир даврнинг дунёқараши, турмуш тарзи ва ундаги муаммолар мўъжизали, ғайритабиий шаклда тасвирланади.

19—20-а.ларда илмий Ф. тараққий этди. Илмий Ф.нинг асосий вазифаси — келажакни башорат қилиб, бадиий ифодалашдан иборат. Асосий тасвир усули — фикрий эксперимент (тажриба). 20-а.да илмий Ф.нинг равнақи жамият тараққиётида фан ва техниканинг тобора ўсиб бораётганлиги б-н боғлиқ. Шартли равишда ижтимоий утопия ва «антиутопия» жанрлари, фалсафий, «маиший», юмористик, «техник» жанрлар фарқланади. Илмий Ф. умумадабий ва ўзига хос тасвирий воситалардан фойдаланади.

Илмий Ф.нинг асосчилари — Ф. Бэкон (16-а.), Бержерак, Ф. Гадвин (17—18-а.лар). 19-а.да француз фантасти Ж. Верн шуҳрат топди. Унинг «Ажойиб саёҳатлар» туркум романларидан «Капитан Грантнинг болалари», «Ер юзи бўйлаб 80 кунлик саёҳат», «Капитан Гаттераснинг саргузаштлари» кенг тарқалган. Инглиз ёзувчиси Г. Уэллс «Замон машинаси», «Кўзга кўринмас одам», «Дунёлар кураши» романларида илмий-фантастик восита б-н катта ижтимоий масалаларни ўртага қўйган. Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётида илмий Ф. мавзуи қад. замонлардан бери салмоқли ўринни эгаллаб келган. «*Минг бир кеча*» туркумига кирган ҳикояларда, ўзбек фантастик эртакларида илмий Ф.га хос хусусиятлар мавжуд. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ши-

рин» достонидаги «ойнаи жаҳоннома» ҳақидаги эпизодлар, «Садди Искандарий»даги Маллу тилсимига қарши кураш боби илмий Ф.нинг яхши намуналаридир. Ҳоз. замон ўзбек адабиётида илмий Ф.га хос йўналиш кўпроқ ҳикоя ва очеркларда кўринмоқда.

Ад.: Кагарлицкий Ю. Ш., Герберт Уэллс, М., 1963; Иленков Э. В., Об эстетической природе фантазии, в сб.: Вопросы эстетики, вып. 6, М., 1964.

Шукур Жабборов.

ФАН-ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИ, илмий-техника инқилоби — ишлаб чиқарувчи кучларнинг туб сифат ўзгаришларида фаннинг асосий и.ч. омили бўлиши. 20-а.нинг ўртасида бошланган. Ф.-т.и. меҳнатнинг мазмуни, характери ва шароитини, ишлаб чиқарувчи кучлар структурасини, меҳнат тақсимотини, жамиятнинг профессионал структурасини ўзгартиради; меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади; жамият ҳаётининг ҳамма томонларига, маданий-маиший ҳаётга, инсон психологиясига таъсир кўрсатади. Ходимларнинг маълумот даражаси, малакаси, маданияти, уюшқоқлиги ва масъулиятига катта талаблар қўяди.

Электрон ҳисоблаш машиналари Ф.-т.и.нинг рамзи ҳисобланиб, унинг пайдо бўлиши инсон функцияларини аста-секинлик б-н машиналарга беришга, и.ч. ва бошқарувни комплекс автоматлаштиришга олиб келди. Ҳоз. даврда Ф.-т.и. қуйидаги хусусиятлари б-н ажралиб туради: фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши; шу б-н боғлиқ равишда ижтимоий меҳнат тақсимотида янги даврнинг бошланиши; меҳнатнинг характери ва мазмунида ижодий элементларнинг кучайиши; янги энергия манбалари ёрдамида сунъий материалларнинг яратилиши; ахборотнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги аҳамиятининг кучайиши, оммавий коммуникация воситаларининг мисли кўрилмаган тараққиёти; умумий ва махсус таълим ҳамда маданият даражасининг ўсиши; фанлараро ўзаро боғлиқ мураккаб муаммоларни комплекс ҳал қилиш, ижтимоий фанлар ролининг ортиши; ижтимоий тараққиётнинг кескин тезлашиши, планета миқёсида интеграциялашув; экологик муаммонинг пайдо бўлиши ва у б-н боғлиқ ҳолда жамият-табиат тизимини илмий бошқаришнинг зарурлиги.

Ф.-т.и. глобал муаммога айланган айрим салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Бу муаммолар (экология, халқаро терроризм, демография, энергия танқислиги б-н боғлиқ ва б.ни ҳал қилиш учун кучларни бирлаштириш тақозо қилинади.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ — *фан* б-н *техника*нинг ўзаро боғлиқ, ягона, илгарилаб борувчи тараққиёти, ижтимоий тараққиёт асоси. Дастлаб фан ривожи б-н техника тараққиёти ўртасидаги яқинлашув 16—18-а.ларда мануфактура и.ч.и билан боғлиқ ҳолда содир бўлди. Бунгача моддий и.ч. эмпирик тажрибалар, ҳунармандлик асосида шаклланган. Теология ва схоластика таъсиридаги табиат ҳақидаги илмий назарий билимлар ҳам и.ч.га ҳеч қандай салбий таъсир қилмасдан секинлик б-н ривожланган. Илмий ва техникавий тараққиёт инсон фаолиятининг 2 та нисбатан мустақил йўналиши сифатида юксала борган.

16-а.да савдо-сотиқ ва йирик мануфактуралаги туб ўзгаришлар бир қанча аниқ вазифаларни назарий ва экспериментал ҳал қилишни талаб қилди. Бу даврда фан *Уйғониш даври* ғоялари таъсирида схоластика анъаналарини парчалаб, амалиётга мурожаат қилди. Компас, порох ва китоб нашр қилиш илмий-техникавий фаолиятга асос солган 3 та йирик кашфиёт бўлди. Сув тегирмонларининг ривожланаётган мануфактура и.ч.ида қўлланилиши баъзи механик жараёнларни назарий тадқиқ этишни талаб қилди. Натижада чархпалак ғилдираги, чархпалак ҳаракати назарияси, қаршилик ва ишқаланиш таълимотлари яратилди. Фан б-н техника яқинлашувининг 2-босқичи машина и.ч.нинг 18-а. охиридан бошлаб тараққий этиши б-н боғлиқ бўлиб, бунда фан б-н техника бир-бирининг жадал ривожланишига таъсир кўрсатди. Бу даврда и.т. фаолиятида назарий масалаларни ҳаётга татбиқ қилишга даъват этувчи фаннинг махсус бўғинлари пайдо бўлди: амалий тадқиқотлар, и.ч. тадқиқотлари, амалий конструктив ишланмалар ва ҳ.к. Ф.-т.т. нинг 3-босқичи *фан-техника инқилоби* б-н боғлиқ. Унинг таъсирида техника тараққиётига қаратилган илмий соҳалар кенгаяди. Техник масалаларни ҳал қилишда биологлар, физиологлар, психологлар, мантиқшунослар иштирок этади. Ф.-т.т., шунингдек, ижтимоий фанлар йўналишлари, иқтисод ва и.ч.ни ташкил қилиш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни илмий бошқариш, аниқ ижтимоий тадқиқотлар кабиларга билвосита таъсир қилади. Фаннинг техникага нисбатан етакчилик мавқеи янада ёрқин намоён бўлади, фан техникани узлуксиз инқилоблаштирувчи кучга айланади. Ўз навбатида, техника ҳам фан тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг олдига янги талаб ва вазифалар қўяди. Ҳоз. замон фан-техника инқилобининг характерли хусусияти унинг саноат б-н бирга ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари: қ.х., транспорт, алоқа, тиббиёт, таълим, маиший хизмат кабиларни қамраб олганлигидадир.

ФАНФАРА (франц. fanfara) — 1) қад. пуфлама мис мусиқа чолғу асбоби, вентилсиз *труба*нинг узайтирилган тури. Икки марта қайрилган метал цилиндр ва конуссимон найдан иборат; 2) тантанали ёки жанговар сигнал. Европа мусиқасида кўпроқ *мажор* учтовушлигига асосланади. Барча мис пуфлама созларда ҳам ижро этилиши мумкин. Ф. оҳанглари *овчилик қўшиқ*, ҳарбий *марш*, шунингдек, опера, симфоник ва б. асарларда қўлланилади. Ўзбек миллий созларидан *карнай* (айниқса, бир нечта карнайлар) садолари ҳам асосан Ф. оҳангларидан иборат.

ФАОЛ ҲАРОРАТ, фойдали ҳарорат — қ.х. экинларининг ривожланишига қулай таъсир кўрсатадиган ҳаво ҳарорати. Қ.х. экинлари фаол вегетация даврининг иссиқлик б-н таъминланганлиги кўрсаткичи ҳисобланади. Ер шарининг турли ҳудудларида экинлар ривожланиши учун йиллик ҳарорат (иссиқлик) ресурсларининг қулайлик даражасини баҳолашда вегетация давридаги 10° дан юқори бўлган Ф.ҳ. йиғиндиси қўлланилади. Ф.ҳ. йиғиндиси 10° дан юқори бўлган барқарор ўртача суткалик ҳароратларни қўшиш йўли б-н топилади.

Ф.ҳ. етарли бўлмаган ҳолларда экин ўсмай ёки пишмай қолади. Экинлар турлари, навлари ва дурагайларини минтақалар бўйича жойлаштиришда, экиннинг иссиқлик б-н таъминланганлик даражасини ҳисоблашда Ф.ҳ. кўрсаткичидан фойдаланилади (яна қ. *Самарадор ҳарорат*).

ФАОЛИЯТ — кишиларнинг ташқи оламга фаол муносабати шакли, инсоннинг ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, инсон борлигининг муҳим хусусиятларидан бири. Фақат Ф. замиридагина инсон моҳияти намоён бўлиши, жамиятнинг, ҳар қандай ижтимоий тузилманинг мавжудлиги таъминланиши мумкин. Инсон ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, Ф. шакллари, асосан, қуйидагича туркумлаштирилади: моддий Ф. (инсоннинг ўз хавфсизлиги таъминланиши, озиқ-овқат, кийим-кечакка бўлган дастлабки эҳтиёжларининг қондирилиши ва меҳнат қуроллари орқали ташқи табиатнинг ўзгартирилиши); ижтимоий-сиёсий Ф. (ижтимоий муносабатларга, ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатиш); маънавий Ф. (илм-фан, санъат, дин, бадиий ижод ва б. соҳалардаги Ф.).

Инсон Ф.и шакллари, турлари, аввало, меҳнат тақсимоти, одамлар, жамият эҳтиёжининг ўсиши жараёнида ўзгариб, ривожланиб боради. Ф. элементларини инсонлар, инсон эҳтиёжлари ва манфаатлари, Ф. предмети, мотивлари, Ф.нинг мақсадлари, амалга оширилиш йўллари, воситалари ва усуллари ташкил этади. Ф. муайян яхлит жараён сифатида ўзида мавжуд оламни, ижтимоий борлиқни, амалиётни ўзгартиришни ва тушунтириш дастури ҳамда ундан келиб чиқадиган ҳаракатлар мажмуини мужассамлаштиради.

Кейинги даврларда Ф. функцияларининг мураккаблашуви, турларининг ортиши ва чуқурлашиши кузатилиб, у илмий, амалий, ижтимоий аҳамиятга молик масалага айланди. Шу боис, Ф. бир қанча фанлар: психология, социология, сиёсатшунослик, экология, иқтисодий назария, ҳуқуқшунослик, хусусан, фалсафанинг ҳам махсус тадқиқот объекти саналади.

ФАРА (франц. phare — маёқ, маёқ чироғи) — транспорт воситаси (автомобиль, трактор ва б.) ҳамда ўзиюрар машиналарнинг йўлни, иш бажарилаётган жой ва б.ни ёритиш учун мўлжалланган электр асбоби. Асосий қисмлари — штамплаб ясалган корпус ва оптик элементлар. Оптик элемент юпқа алюминий қатлами суркалган пўлат қайтаргич, бир ёки икки толали чўғланма лампадан иборат ёритиш манбаи ва ёруғликни сочиб берадиган ғадир-будир шишадан иборат. Ёруғлик қайтаргич фокусида жойлашган қувватлироқ толадан тарқаладиган нур узоқни ёритади, кичикроқ қувватли иккинчи тола фокусдан юқорироқда чап томонда жойлашган бўлиб, яқинни ёритиш учун мўлжалланади. Йод лампали Ф.лар кенг тарқалган. Бундай лампаларнинг колбасига йод буғлари бўлган спираллаштирилган газ тўлдирилади.

Фара: *1* — лампа; *2* — патрон; *3* — пружина; *4* — корпус; *5—6* — узоқни ва яқинни ёритиш толалари (симлари); *7* — ростлаш винти; *8* — шелагичлар; *9* — оптик элемент; *10* — тартишлар; *11* — тутқич.

Ҳар бир транспорт воситасига камида бир жуфт Ф. ўрнатилади. Улар машинанинг бўйлама ўқига нисбатан симметрик тарзда жойлаштирилади. Баъзи машиналарда туманга қарши иккита қўшимча Ф. ҳам ўрнатилиши мумкин. Махсус машиналар (ўт ўчириш машиналари, санитария машиналари ва б.) га буриладиган Ф.лар ҳам ўрнатилади. Баъзан Ф. машина орқасига ҳам ўрнатилади (мас., тракторларда тиркамани ёки плугни ёритиш учун шундай қилинади).

ФАРАДА — *Халқаро бирликлар тизими* СИ да *электр сиғим* бирлиги. Қисқача Ф б-н белгиланади. Ўтказгичдан 1 *кулон* электр заряд миқдори ўтганда унинг *потенциали* 1 *вольтга* ортса, ўтказгичнинг электр сиғими 1 Ф га тенг бўлади (мас., радиуси $9\cdot10^9$ м га тенг, яъни Ер радиусидан 1500 марта катта радиусли шар сиғими). Шунинг учун амалда Ф.нинг улушлари микрофарад (1 мкФ=10^{-6}Ф) ва пикофарад (пФ=10^{-12}Ф) ишлатилади. Инглиз физиги М. *Фарадей* шарафига қўйилган.

ФАРАДЕЙ Майкл (1791.22.9 — Лондон — 1867.25.8) — инглиз физиги, кимёгари, электромагнит майдони таълимоти асосчиси. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1824). Петербург ФА аъзоси (1830). Лондон Қироллик жамияти ин-тида ассистент (1813), лаб. директори (1825), кимё кафедрасининг проф. (1833—62). Илмий ишлари *электр, магнетизм, магнитооптика* ва электрокимёга оид. *Электромагнит индукция* ҳодисаси (1831), электролиз қонунлари (1833), *диамагнетизм* ва *парамагнетизм* ҳодисаси (1845), ёруғлик қутбланиш текислигининг магнит майдонда бурилиши (1845) ва б.ни кашф этган. Электр зарядининг сақланиш қонунини экспериментал тасдиқлаган (1843). Ф. ғоялари ва унинг илмий ютуқлари физика фанининг ривожланишида муҳим ўрин тутган.

ФАРАДЕЙ — электр зарядининг тизимга кирмайдиган бирлиги. Электрокимёда қўлланади. М. *Фарадей* шарафига қўйилган. 1Ф=$9{,}64914\cdot10^4$ К, яъни миқдоран *Фарадей сони* *F* га тўғри келади.

ФАРАДЕЙ СОНИ, Фарадей доимийси (F) — физик доимий; электролитдан электр заряд ўтганда электродда 1 моль, бир валентли модда ажратадиган электр миқдори. Ф.с. Авогадро доимийси N_A б-н элементар заряд *e* нинг кўпайтмасига тенг фундаментал физик доимий; $F=N_A\cdot e$=96485,309 Кл/моль. М. *Фарадей* шарафига қўйилган. Ф.с.нинг қиймати кумушнинг электрокимёвий эквивалентини ўлчаш йўли б-н аниқланган. Ф.с. электрокимёвий ҳисоблашларда кенг қўлланилади.

ФАРАДЕЙ ЭФФЕКТИ — *магнитооптика* эффектларидан бири. Доимий магнит майдон чизиқлари бўйлаб моддада тарқалаётган ясси қутбланган электромагнит нурланиш (мас., ёруғлик) қутбланиш текислигининг бурилишидан иборат. 1845 й.да М. *Фарадей* кашф этган. Ф.э. моддада магнит майдон чизиқлари бўйлаб тарқалаётган ўнг ва чап доиравий қутбланган электромагнит тўлқинларнинг фазавий тезлиги бир-биридан фарқли бўлиши б-н тушунтирилади. Ясси қутбланган тўлқинни ўнг ва чап доиравий қутбланган тўлқинлар йиғиндисидан иборат деб қараш мумкин. Қутбланиш текислигининг бурилиш бурчаги θ магнит майдон кучланганлиги *H* ва ёруғликнинг магнит майдонда ўтган йўли *l* га пропорционал: $\theta=VlH$, бунда *V* — модданинг хоссалари, т-раси ва нурланишнинг тўлқин узунлигига боғлиқ бўлган пропорционаллик коэффициенти бўлиб, Верде доимийси деб аталади. Ф.э. барча электромагнит тўлқинлар учун ўринли бўлиб, илмий ва амалий аҳамиятга эга.

ФАРАДЕЙ ҚОНУНИ — электролизнинг миқдорий қонунлари. М. *Фарадей* очган (1833—34). Ф.қ. электродларда ажралган модда массасининг модда табиатига ва электролитдан ўтган заряд миқдорига боғланишини ифодалайди. Фарадейнинг 1-қонуни электродда ажралган модданинг массаси *m* электролитдан ўтган заряд миқдори *q* га тўғри пропорционал эканлигини, 2-қонуни электролитдан бир хил заряд ўтганда ажраладиган турли моддаларнинг массалари бу моддаларнинг кимёвий эквивалентлари *A* га пропорционал эканлигини билдиради. Фарадейнинг 2-қонунидан турли моддаларнинг 1 га эквивалентини ажратиш учун бир хил заряд кераклиги келиб чиқади. Ф.қ.ни $m=qA/F=kq$ шаклда ёзиш мумкин, бунда *F* — Фарадей сони, $k=A/F$ — модданинг электрокимёвий эквиваленти.

ФАРАДОМЕТР, фарадметр (*фарада* ва *...метр*) — саноат частотасидаги ўзгарувчан ток электротехника буюмлари (конденсаторлар, кабеллар ва б.)нинг электр сиғимини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. Ф.да бевосита

ўлчовчи механизм сифатида электромагнит, электродинамик ёки ферродинамик *логометр* қўлланилган. Бу Ф.ларнинг шкалалари мкФ ва пФ да даражаланади. Магнитоэлектр ўлчаш механизмли Ф.лар ҳам бор.

ФАРАСМАН — Хоразм подшоси (мил. ав. 4-а.). Ф. ҳақида узуқ-юлуқ маълумотлар сақланиб қолган. Мил. ав. 328 й. македониялик *Александр*нинг Ўрта Осиёга юриши чоғида Ф. 1500 кишилик отлиқ қўшини б-н Александрнинг қароргоҳи жойлашган Бақтра ш.га келган ва у б-н иттифоқчилик битими тузган. Ф. Александрга Шим. Қора денгиз соҳилларига, у ердан Колхидага биргаликда ҳарбий юриш уюштиришини таклиф қилган, бироқ унинг лойиҳаси қабул қилинмаган.

ФАРД (араб. — якка, ёлғиз) — Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётидаги поэтик жанр. Ҳажми бир байт, яъни 2 мисрадан иборат бўлади. Муайян мазмун, ғоя илгари сурилади, бадиий умумлашма, ҳаётий тажрибадан келиб чиқувчи ҳукм, хулоса тажассум топади. Мас.,

Ҳолимни санга айтиб ҳажр ўтина ўртандим,
Эй ёр, ёмон қилдим, ҳар неки дедим, ёндим
(Бобур).

Ф.да долзарб, салмоқли фалсафий-ахлоқий ғоялар ифодаланади. Ф.нинг қисқа ва ихчамлиги шоирдан «Минг маънини бир нуқта била мухтасар этиш»ни (Машраб) тақозо этади. Ф. жанрига хос эркинлик шоирнинг ижодий имкониятини кенгайтиради, ижодий эркинлигини таъминлайди. Ҳоз. ўзбек шоирларидан Абдулла Орипов, Рауф Парфи ва б. ижодида Ф.лар учрайди.

ФАРЕНГЕЙТ (Fahrenheit) Габриель Даниель (1686—1736) — немис физиги. Бузук Британия ва Нидерландияда ишлаган. Спиртли (1709) ва симобли (1714) термометрлар ясаган. Ўз номи б-н аталадиган *температура шкаласи*ни таклиф қилган. Унда умум қабул қилинган таянч нуқталари нормал атм. босимида музнинг эриш нуқтаси б-н сувнинг қайнаш нуқтаси орасида т-ра интервали 180 бўлакка — Фаренгейт градуси (°F) га бўлинган. Музнинг эриш нуқтаси Ф. шкаласида 32°F, сувнинг қайнаш нуқтаси 212° F деб олинган (яна қ. *Градус*).

ФАРЕР ОРОЛЛАРИ — Атлантика океанининг шим.-шарқий қисмидаги архипелаг, *Дания*нинг мухтор вилояти. Майд. 1,4 минг км². Ороллариниг рельефи зинапоясимон платодан иборат. Энг баланд жойи 882 м. Базальт лавалари ва туфлардан тузилган. Қирғоқлари тик, фьорд кўп. Иқлими субарктика денгиз иқлими, ўртача т-ра фев. да 4°, июлда 11°. Йиллик ёғин 1500 мм. Ўтлоқлар, торфли ботқоқликлар, ўрмонсизлар бор. Парранда кўп. Балиқ овланади. Қўй боқилади. Маъмурий маркази — Торс-Хавн. Ф.о. да 7—9-а.ларда келт қабилалари яшаган. 9-а.дан норвеглар кўчиб кела бошлаган. 2-жаҳон урушига қадар турли давлатлар таркибида бўлиб келган.

ФАРЕР ТИЛИ — скандинавия тилларидан бири; *исланд тили* б-н биргаликда ороллардаги скандинавия тиллари гуруҳини ташкил этади. Асосан, *Фарер ороллари*да ва Данияниинг бошқа вилоятларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 45 минг кишига яқин (ўтган аср охирлари). Ф.т.нинг 6 лаҳжаси бўлиб, улар, асосан, фонетик жиҳатдан фарқланади. Ф.т. — Норвегиянинг жан.-ғарбидан чиққан ва 9—10-а.ларда Фарер ороллариии босиб олган норманнлар тилининг давомчиси. *Герман тилларининг* шим. (скандинав) тармоғига мансуб. Исланд тили каби, бошқа скандинавия тилларидан морфологиясининг бирмунча қадимийлиги б-н ажралиб туради. Лексикасида дан (дат) тилининг кучли таъсири сезилади.

Ф.т. 19-а. бошигача ёзувга эга бўлмаган. Ёзма тил вазифасини дан тили бажарган. 14—17-а.ларда яратилган фарер халқ балладалари илк бор 18-а. охирларида ёзиб олинган. 1846 й.да В.У. Хаммершайиб Ф.т. учун лотин графикаси асосида ёзув ва имло қоидаларини ишлаб чиққан. 1906 й.дан Ф.т. мактабларда ўқитила бошлаган. Адабий тил Торсхавн ш. лаҳжаси асосида шаклланган.

ФАРЕРЛИКЛАР — халқ, *Фарер ороллари* аҳолисининг катта қисми. 40 минг киши (1990-й.лар ўртлари). Шунингдек, 5 минг Ф. Данияниинг бошқа вилоятларида яшайди. Фарер тилида сўзлашади. Диндорлари — лютеранлар. Ф. — ороларга 9—10-а.ларда кўчиб келган *норманн*ларнинг авлоди. Асосий машғулоти — балиқ овлаш, қўйчилик ва деҳқончилик.

ФАРЗ(араб. — қатъият, мажбурият) — *шариат*да ҳамма мусулмонлар бажариши қатъий буюрилган амаллар. Буларга Қуръонда кўрсатилган диний эътиқод, маросим, урф-одат талаблари, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар киради. Ф. 2 тур — «фарзи айн» ва «фарзи кифоя»га бўлинади. Биринчи тури барча мусулмонларга баб-баробар буюрилган бўлиб, уларнинг адади 40 атрофида (мас., *намоз, рўза, таҳорат*даги Ф.лар). *Амри маъруф*, наҳий мункар, илм олиш ҳам «фарзи айн»га киради. «Фарзи кифоя» эса бир қисм мусулмонлар бажарса қолганлар иммасидан соқит бўладиган ишлар. Мас., *жаноза* намози, кафанлаш, мурдани ювиш, дафн этиш кабилар. Шариатга кўра, Ф.нинг бу турига киручи ишларни ҳеч бир мусулмон бажармаса, ҳамма мусулмонлар гуноҳкор бўладилар. Кенг маънода Ф. — бажарилиши зарур бўлган вазифа, бурч.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ — ота-онасининг ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни тарбияга олиш ва фарзандликка олинувчи б-н фарзандликка олувчи ўртасидаги, ота-она б-н болалар ўртасидаги мавжуд ҳуқуқий (шахсий ва мулкий) муносабатларни белгилаш. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва етим болалар, айни вақтда, фақат вояга етмаган болаларнигина уларнинг манфаатларини кўзлаб фарзандликка олиниши кўрсатилган. Ф.о. болани Ф.оли истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи (халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлимлари, васийлик ва хомийлик органлари) тавсиясига кўра, туман (шаҳар) ҳокими қарори б-н расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 12 апр.даги 171-сонли қарори б-н тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари»да белгиланишича, ФХДЁ органи қабул қилинган ҳужжатлар асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартишларни киритади ва туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома беради. Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши қайд этилган дафтарга унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ б-н ўзгартирилиши мумкин. Агар бола 10 ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилишига йўл қўйилади. Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Қуйидаги шахслар фарзандликка олувчилар бўлмайдилар: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлар; асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар; фарзандликка олгандиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар, қасддан содир қилинган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар. Қонун ота ва ўгай она томонидан Ф.о. ҳолларидан ташқари ҳолатларда фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ 15 ёшдан кам бўлмаслигини шарт қилиб қўяди. Фарзандликка олинувчининг қариндошлари, фарзандликка олинувчи оиласида яшаётган шахс, ака-ука, опа-сингиллари улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар, ўгай ота ва ўгай она, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар Ф.о.да устунлик ҳуқуқига эгадирлар. Қоида тариқасида, 10 ёшга тўлган болани Ф.о. учун унинг розилиги талаб қилинади. Боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади. Болани Ф.о. учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги талаб этилади. Аммо қуйидаги ҳолларда ота-онанинг розилигисиз Ф.о.га йўл қўйилади: ота-онасининг кимлиги номаълум бўлса; ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса; ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса; ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги болаларидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса. Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкий ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади. Айни вақтда фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (шунингдек, қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқларни йўқотадилар ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўладилар. Ф.о. сирини ошкор қилиш тегишли равишда жиноий жавобгарликка олиб келади.

Шоира Йўлдошева.

ФАРИДИДДИН АТТОР (тахаллуси; асл исм- шарифи Муҳаммад Абу Бакр ибн Иброҳим; тахм. 1148/51 — Нишопур — 1219/21) — мутасаввиф шоир. Асарларида тасаввуфни тарғиб қилган. Мансур *Ҳаллож*, Боязид *Бистомий* таълимотидаги ғояларни давом эттирган. Ф.А. фалсафасининг асосини тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигини тан олиш) илми ташкил этади. Унга кўра, тавҳид фақат Аллоҳнинг ягоналигини тан олиш эмас, балки у б-н қўшилишга интилиш, яъни инсоннинг мутлақ Рух томон интилишини англатадиган жараёндир. Ф.А.нинг «Булбулнома», «Мантиқ ут-тайр», «Уштурнома» асарлари рамзий-аллегорик тимсоллар асосида ёзилган. «Жавҳар уз-зот», «Ҳайлож», «Асрорнома», «Шарҳ ул-қалб», «Мусибатнома» каби достонлари бенсита муҳокама-мушоҳада, фикрий-шуурий баёнлар тарзида битилган. Бундан ташқари, «Хусравнома»га ўхшаб мажозий ишқни куйлаган романтик-саргузашт асари ҳам бор. Ф.А.нинг 2 қисмдан иборат «Жавҳар узот» асарида бутун руҳий ва моддий оламлар ягоналиги таърифланган. Илоҳ ҳар бир заррада мавжуд, аммо уни оддий кўз б-н кўриш мумкин эмас. Аллоҳ ўз борлиғида ҳам пинҳону ҳам пайдо, барча ашёлар ёлғиз жавҳардан келиб чиққан. «Асрорнома»да бу фикр янада аниқроқ ифодаланган. Ф.А. асарларида халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган. «Мантиқ ут-тайр» (1175, бу асар «Мақомоти туюр» деб ҳам номланган) асари машҳур. *Алишер Навоий* болалик чоғида бу достонни ёд олиб, унинг таъсирида «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») достонини ёзган. Ушбу асар тасаввуфнинг энг йирик адабий ёдгорлиги ҳисобланади. Бундан ташқари, Ф.А. «Панднома», «Бесарнома», «Девон», «Вуслатнома,» «Таъкират ул-авлиё» каби асарлар муаллифи. Ф.А.нинг «Илоҳийнома» асари ҳам маснавий йўлида битилган ишқий-маърифий, фалсафий-ахлоқий достондир. Масневийда 282 та ривоят, ҳикоят ва қиссалар баён этилган. Ф.А. Ҳақ ва ҳақиқат тушунчаларини ҳамма вақт инсон моҳиятига боғлаб тушунтирган. Зеро, тавҳид моҳияти ҳам, ҳақиқат ҳам охир оқибат инсон моҳияти ва ҳақиқати б-н изоҳланган. Ф.А.нинг 96 бобдан иборат «Таъкират ул-авлиё» асари насрда битилган ягона ва машҳур асар бўлиб, унда тасаввуф шайхлари, авлиёуллоҳларнинг ҳаёти, кашфу кароматлари баён этилган. Асарнинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида 10 дан зиёд қўлёзма нусхалари, Бомбай ва Лоҳурда 1877, 1887, 1895, 1900, 1903 й.ларда нашр қилинган босма нусхалари ҳамда Хожа Ҳасан мавжуд. Ушбу асарнинг Мирзо Кенжабек томонидан ўзбекчага қилинган таржимаси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида чоп этилган (1997).

Ас.: Илоҳийнома, Т., 1994.

Ҳабиб Абдуназар.

ФАРИНГИТ (юн. pharynx — халқум ва itis — яллиғланиш) — халқум (ютқин) шиллиқ пардасининг яллиғланиши. Ф. кечишига қараб ўткир ва сурункали бўлади. Ўткир респиратор касалликлар, грипп ва б. инфекцион касалликлар оқибатида рўй беради. Ҳалқум шиллиқ пардасига бевосита таъсир этадиган омиллар (совуқ ҳавода гаплашиш, нафас олиш, жуда иссиқ ёки совуқ овқатлар истеъмол қилиш, спиртли ичимликлар ичиш, чанг ҳаводан, газлар бугидан нафас олиш ва б.) ҳам Ф.га сабаб бўлиши мумкин. Ўткир Ф.да ҳалқум қуриб, қичишади, тупук ютганда, айниқса,«қуруқ ютинганда» оғриқ пайдо бўлади, гавда т-раси нормал туради, баъзан бир оз кўтарилади. Касалликнинг олди олинмаса, сурункали шаклга ўтиши мумкин. Сурункали Ф.да ҳалқумда шилимшиқ ажралма тўпланади, бемор кўпинча йўталиб, балғам ташлайди; йўталганда баъзан кўнгли айниб, қайт қилиши мумкин. Бурун, муртак ва чирнган тишларнинг йирингли яллиғланиши, сурункали тумов, организмда моддалар алмашинувининг бузилиши касалликлари натижасида сурункали Ф. пайдо бўлади. Ҳаво қуруқлиги, т-ранинг кескин ўзгариши, чанг ва газли муҳит каби зарарли омиллар ҳам Ф. сабабчисидир. Касалликни келтириб чиқарган омиллар ўз вақтида йўқотилмаса, у сурункали тус олиб, ҳалқум шиллиқ пардасининг атрофиясига олиб келади. Ф.нинг олдини олишда ҳалқум шиллиқ пардасига таъсир этадиган зарарли омилларни йўқотиш, шамоллашдан сақланиш, организмни чиниқтириш (ҳалқумни совуқ сув б-н чайиб туриш), чанг ва газли муҳитда ишловчилар махсус ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари лозим.

ФАРИШТА — иудаизм, христианлик, ислом ва б. баъзи динларда худонинг амрини бажарувчи гайритабиий мавжудот. Ф. сон-саноқсиз бўлиб, ҳар бири маълум вазифани бажаради. Мас., исломда ҳар бир одамнинг савоб ва гуноҳ ишларини ҳисобга олиб юрувчи Ф.лар, жаннат ва дўзахда дарвозабонлик қилувчи, одамларни қабрда сўроқ қилувчи (*Мункар ва Накир*), Аллоҳ тахтини осмонда кўтариб турувчи ва б. хизматларни бажарувчи Ф.лар мавжуд деб қаралади. Бу Ф.лардан 4 таси: *Азроил, Жаброил, Микоил, Исрофил* бош Ф. ҳисобланади.

ФАРМАКОГНОЗИЯ (юн. pharmakon — дори ва gnosis — ўрганиш) — *фармацевтия*нинг бир бўлими. Ўсимликлар ва ҳайвонлардан олинадиган доривор маҳсулотлар, уларни бирламчи қайта ишлашдан ҳосил бўладиган баъзи моддалар (эфир мойлар, смолалар, сут шираллар, дарахт елимлари ва б.)ни ўрганади. Асосий вазифаси доривор хом ашёларни тадқиқ этиш, улардаги таъсирқор моддаларни аниқлаш усулларини-

ни ишлаб чиқиш, шунингдек, бу моддаларнинг ўсимлик, ҳайвонлар аъзо ва тўқималарида жойлашган ўрнини ўрганишдан иборат. Бундан ташқари, ёввойи доривор ўсимликларнинг ўсиш жойи ва захирасини аниқлаш, уларни йиғиш, қуритиш, навларга ажратиш, қайтадан ишлаш, сақлаш ва ҳ.к. б-н ҳам шуғулланади. Ф. -фармациянинг қад. соҳаларидан бўлиб, юнон олими Диоскорид унга асос солган. *Гален* ва Парацельс эса Ф.ни янги йўналишга солиб юбордилар. Ўрта асрларда, айниқса, Абу Райҳон *Беруний*, Абу Али *ибн Сино* ва Шарқнинг бошқа олимлари Ф. ривожига улкан ҳисса қўшдилар (қ. *Тиббиёт*), 18-а.да Россияда Ф. соҳасида доривор ўсимликларнинг қўлланиши ҳақида маълумотнома ва қўлланмалар пайдо бўлди. 1778 й.да биринчи рус *фармакопея*си босилиб чиқди. Ҳоз. Республикамизда Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот ин-ти фаолият кўрсатиб келмоқда. Ф. га оид тадқиқотлар фармацевтика и.т. институтлари ва ф-тлари кафедраларида бажарилади. Ф. фармацевтика таълими системасига киритилиб, олий ва ўрта махсус фармацевтика билим юртларида ўқитилади.

ФАРМАКОЛОГИЯ (юн. pharmacon — дори ва *логия*) — тиббий-биологик фан; одам ва ҳайвонлар организмига дорилар юборилгандан кейин уларда рўй берадиган ўзгаришларни ўрганади. Ф. бир неча йўналишларни ўз ичига олади: фармакодинамика — дори-дармонларнинг организмга таъсирини, фармакокинетика — дорилар организмга тушгандан то организмдан чиқиб кетгунча бўлган ҳаракатини (сўрилиши, тақсимланиши, биотрансформацияси ва экскрецияси), биокимёвий фармакология — дориларнинг организмдаги молекуляр таъсир механизмини ўрганади. Дори-дармонларнинг тиббиёт амалиётидаги таъсирини ўрганиш эса клиник Ф.нинг вазифасидир.

Умумий ва хусусий Ф. ажратилади. Умумий Ф. дориларнинг организмга таъсир механизмини, шу туфайли келиб чиқадиган умумий ўзгаришларни, дори моддаларини организмга юбориш, уларнинг сўрилиши, тақсимланиши, ўзгариши ва организмдан чиқиш жараёнларини, дори моддаларининг хусусиятига таъсир этувчи шароитларни, дори моддаларининг таъсир ва даволаш турларини, уларни бирга қўлланганда рўй берадиган жараёнларни ҳамда уларнинг стандартлаш, таснифлаш ва қилириш каби жуда кўп муаммоли масалаларини ўрганади.

Хусусий Ф.нинг вазифаси — асосий таъсир кучига кўра систематлаштан дори моддалар, яъни оғриқсизлантирувчи, сийдик ҳайдовчи ва ҳ.к. ни ўрганиш. Шунингдек, турли хил микроорганизм ва паразитларга таъсир этувчи дорилар ҳам хусусий Ф.да қайд этилади. Хусусий Ф. фармацевтик кимё, фармацевтик технология, *фармакогнозия*, биокимёвий Ф., кимётерапия, токсикология ва б. фанлар б-н узвий боғлиқ. Шу туфайли тиббиётнинг асосий назарий билимлари Ф. орқали амалий тиббиётга татбиқ этилади.

Ф. тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади, чунки инсон яратилгандан бошлаб у табиат қўйнида яшаб ўзининг турли хил ноxуш ҳолатлари ва касалликларига атрофидаги гиёҳлардан, ҳайвонот оламидан шифо, дори-дармон излаган. Ф. ривожланишига қад. араб, юнон ва Осиё мамлакатлари олимлари ҳам катта ҳисса қўшганлар. Хусусан, Гиппократ, Диоскарид, Гален ва б.нинг доривор гиёҳлар ҳамда уларнинг ишлатилиши ҳақидаги маълумотлари 19-а.гача Ф. соҳасида асосий қўлланма бўлиб келган.

Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда Абу Райҳон *Беруний*, Абу Али *ибн Сино*ларнинг доривор гиёҳлар ва моддалар ҳақидаги асарлари Ф. тараққиётига муҳим туртки бўлди. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида қайд этилган 811 хил оддий дориларнинг 612 таси доривор ўсимликлар ва улардан фойдаланиш усулларига бағишланган. Ушбу асар шу кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

19-а.га қадар Ф. асосан эмпирик тарзда ривожланган. Шу даврга келиб экспериментал Ф. шаклланди. Бунда Ф. Мажанди, Клод Бернар, Р. Бухгейм, И. П. Павлов, В. В. Закусов, М. Д. Машковский ва б. жаҳон олимларининг улкан ҳиссалари бор.

Ўзбекистонда Ф. 1920 й. Тошкентда Туркистон давлат ун-ти тиббиёт ф-ти қошида Ф. кафедрасини ташкил этилиши туфайли ривожланди. Кейинчалик республиканинг турли шаҳарларидаги тиббиёт ин-тлари қошидаги Ф. кафедраларида, Ўзбекистон ФА нинг и.т. институтларида Ф. фани янада ривожлантирилди. Ўзбек фармакологларидан, проф. И.К. Камилов, М. Б. Султонов, Ў.Б. Зокиров, Қ.Н. Нажмиддинов, С. С. Азизова ва б.нинг изланишлари натижасида доривор ўсимликлар ва кимёвий-биологик фаол моддалардан 200 дан ортиқ шифобахш моддалар ажратиб олинди, уларнинг 30 дан ортиғи клиник текширувлардан ўтказилиб, тиббиёт амалиётига татбиқ этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида Доривор моддалар ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш ҳамда стандартлаш бўйича Бош бошқарма ҳамда улар таркибида фармакология ва фармакопея қўмиталарининг тузилиши муносабати б-н Ф. фани янада равнақ топди. Қисқа муддат ичида 20 дан ортиқ шифобахш усимликлар ва 10 дан ортиқ янги биологик фаол препаратлар (ширвин, кунир, фентриазолин, кобавит, фенсулкал, глиниз, мумиё таблеткаси, навбахтин, бензкетозон ва б.) тиббиётда қўллаш учун тавсия этилди.

Ветеринария Ф. си ҳам жадал ривожланмоқда. У доривор моддаларнинг турли ҳайвонлар организмига, уларнинг ўзига мос касалликларига таъсирини ўрганади, ҳайвонларнинг ўсишини тезлатувчи, маҳсулдорлигини оширувчи, боқувини бойитувчи ва турли касалликларининг олдини оладиган доривор моддаларни излайди ва ветеринария амалиётига (қовилон, навбахтид ва б.) татбиқ этади. Бу борада Самарқанд ветеринария ин-ти ва Тошкент аграр ун-тининг ветеринария бўлимларида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Ад.: Махсумов М. Н., Маликов М. М., Фармакология, Т., 1997; Азизова С. С., Фармакология, Т., 2002.

ФАРМАКОПЕЯ (юн. pharmakon — дори ва poieo — тайёрлайман) — дори воситаларини тайёрлаш, сифатини сифат-миқдорий жиҳатдан назорат қилиш, сақлаш шарт-шароитлари ва номланишини белгилайдиган давлат стандартлари мажмуи. Ф.да дори моддалари ва дори турларини кимёвий, физик, биологик ва б. усулларда сифат ҳамда миқдорий таҳлил қилиш усуллари, заҳарли ва кучли таъсир этадиган дорилар рўйхати, болалар ва катталар учун дориларнинг бир ичишлик, шунингдек, кунлик миқдорлари жадвали ёритилади. Хитойда 502 й.да чиқарилган «Минибе-лу» китоби, Европада 1130 й.да чоп этилган «Антидоторий» тўпламлари илк расмий Ф. ҳужжатларидир. Биринчи Ф. 1498 й.да Флоренцияда «Ricettario Fiopentino» номи б-н босилиб чиқди. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари у яшаган даврда қўлланилган дори воситаларини тайёрлаш, уларнинг сифатини баҳолаш ва қўлланилиши ҳақидаги маълумотлари б-н ўз замонасининг Ф.си деб баҳоланиши мумкин. Бугунги кунда кўпгина мамлакатларнинг миллий ва ҳудудий

Ф.лари мавжуд бўлиб, улардан Eu.P. (Европада ҳамжамияти Ф.си), USP (АҚШ Ф.си), BP (Британия Ф.си), ГФ XI (Давлат Ф.сининг 11-нашри), DP (Германия Ф.си) кабилар халқаро эътироф этилган Ф.лар ҳисобланади ва кўп ҳолларда дори воситаларининг сифат назорати юқоридагиларга асосан амалга оширилади.

ФАРМАКОТЕРАПИЯ (юн. pharmakon — дори ва *терапия*), дори терапияси — дори-дармон б-н даволаш. Этиотроп Ф.да дори-дармонлар касаллик қўзғатувчиларга таъсир этади (мас., инфекцион касалликларни антибиотиклар б-н, заҳарланишни эса антидотлар б-н даволашда). Ўрин босувчи Ф.да организмга юборилган дорилар физиологик фаол моддалар ўрнини босади (мас., ички секреция безлари етишмовчилигида гормонал препаратлар қўлланади). Патогенетик Ф.да дори-дармон касалликнинг *патогенез*ига таъсир этади (мас., адреналин бронхиал астмага, нитроглицерин стенокардияга, глюкозидлар юрак етишмовчилигида қўлланилади). Агар препаратлар касалликнинг фақат айрим белгилари (симптоми)га таъсир этса (мас., оғриқ ёки йўтал қолдирувчи дорилар), бундай Ф. симптоматик терапия дейилади. Ф. да турли хил дори-дармонлардан фойдаланилади.

Инфекцион касалликлар ва ўсмалар кимё терапияси — Ф.нинг асосий йўналишидир. Кимётерапевтик моддалар касаллик қўзғатувчилар тури — микроблар, вирусларга қараб специфик таъсир этади. Бундай таъсир этиш инфекцион агент ёки ўсма ҳужайрасининг физиологик, биокимёвий ва б. хоссалари б-н боғлиқ. Препаратлар таъсири уларнинг организмга қандай усулда юборилишига, тўқималарда сўрилишига ва б.га боғлиқ. Айрим ҳолларда организмда дори-дармонларга чидамли микроорганизмлар ёки ўсма ҳужайралари пайдо бўлиши ва кўпайиши мумкин. Шунинг учун кўпинча организмга антимикроб ва ўсмаларга таъсир этадиган бир қанча дориларни қўшиб юборилади.

ФАРМАЦЕВТ (юн. pharmakentes — дори тайёрловчи) — олий (*провизор*) ёки ўрта (провизор ёрдамчиси) фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассис. Ф.лар фармацевтика ин-тлари, тиббиёт ин-ти ҳамда тиббиёт коллежининг фармацевтика ф-тларида тайёрланади. Ф. дорихона, назорат-аналитик ва суд кимёси лаб.ларида, фармацевтика з-дларида фаолият кўрсатади.

ФАРМАЦИЯ (юн. pharmakeia — дори; дори ишлатиш) — дори воситалари ва тиббий буюмлар яратиш бўйича изланишлар, тадқиқотлар, шунингдек, уларни и.ч., тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, стандартлаш усуллари, давлат рўйхатидан ўтказиш, сақлаш, улар ҳақида ахборот бериш, дорихона ва даволаш муассасаларига етказиб бериш ва сотиш каби вазифаларни ўз ичига оладиган илмий-амалий фаолиятлар мажмуи. 18-а.га келиб Ф. фан сифатида шаклланди. Ф. *фармакология* б-н бирга доривор моддалар ҳақидаги фанни ташкил этади. Ф.га фармацевтик кимё, дори турлари ва доривор препаратлар технологияси, *фармакогнозия*, Ф.ни ташкил этиш ва унинг иқтисоди, суд кимёси каби ихтисослик фанлари киради. Дорилар таъсири, дори турлари, уларни қабул қилиш усуллари, тайёрлаш технологияси ва б. омиллар таъсирини Ф.нинг биофармация йўналиши ўрганади.

ФАРМЕР (Farmer) Генри Жорж (1882.17.1, Бирр, Ирландия — 1965.30.12, Карлук, Ланарк графлиги) — инглиз мусиқашуноси, дирижёр, композитор. Европада мусиқий шарқшунослик фанининг асосчиларидан. Глазго ун-тини тугатган (1910). Англиянинг турли театрларида дирижёр (1910—47), Глазго ун-ти ўқитувчиси ва кутубхонанинг мусиқий бўлими мудири (1934 й.дан). 1916 й.дан Шарқ халқлари мусиқа маданияти, хусусан, Форобий, Ибн Сино ва б.нинг мусиқа рисолаларини ўрганиб, Европа ва Осиё мамлакатларида маърузалар ўқиган, ўнлаб китоблар нашр этган («Араб мусиқаси тарихи 13- а.гача», 1929; «Шарқ мусиқа чолғулари», 1931; «Ислом мусиқаси», 1957 ва б.).

ФАРМОЙИШ — бошқарувга доир ҳуқуқий ҳужжат; конституциявий ҳуқуқда *давлат бошлиғи* ва *ижро этувчи ҳокимият* органлари томонидан ваколатлари доирасида чиқарилади. Ижро этувчи ҳокимият органининг тез ҳал қилиниши керак бўлган ва б. жорий масалаларга оид қарори Ф. шаклида чиқарилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасида кўрсатилишича, Президент конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва Ф.лар чиқаради. «Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва Ф.лар чиқаради» (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 98-модда). Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси Ф.лар чиқариши Конституцияда кўзда тутилган.

Бундан ташқари, муассаса раҳбарининг якка ўзи томонидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам Ф. ҳисобланади. Ф. мансабдор шахсларнинг муайян аниқ доирасига мўлжалланиб, унинг амал қилиш ва бажарилиш муддати белгиланган бўлади.

ФАРМОН — 1) муайян мамлакатларда давлат бошлиғи (Президент) чиқарадиган муҳим ҳуқуқий ҳужжат. Ф. билан, одатда, шахслар юксак лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат тартиби жорий этилади, орден ва медаллар б-н мукофотлаш амалга оширилади, олий ҳарбий ва фахрий унвонлар берилади, умумнорматив хусусиятга эга бўлган қарорлар расмийлаштирилади. Умумий қоидага кўра, Ф. мазкур давлат конституцияси ва қонунларига (ЎзРда — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва ЎзР қонунларига) зид бўлмаслиги керак. Ўзбекистон Республикасида Президент Ф.лари Олий Мажлис ёки Вазирлар Маҳкамаси розилигисиз мустақил тарзда Президент томонидан қабул қилинади. Ф. — мазмун ва моҳиятига кўра, конституциявий нормаларни ижтимоий ҳаётга татбиқ қилишнинг воситаси сифатида намоён бўлиб, юридик кучи нуқтаи назаридан конституция ва қонун нормаларига нисбатан иккиламчи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни (2000 й. 14 дек.)га кўра, Президент Ф.лари белгиланган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт. Ғарб мамлакатларида, Ф.га ўхшаш ҳужжатлар кўпинча *декрет* (АҚШда ижро этувчи директивалар) деб аталади; 2) Эрон шоҳлари, Усмонли турк империяси султонлари, Олд ва Ўрта Шарқ мамлакатларида қад. ҳукмдорларнинг олий буйруғи.

ФАРМОНОВ Шокир Қосимович (1941.20.2, Данғара тумани) — математик олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000). Физика-мат. фанлари д-ри (1973), проф. (1977). ТошДУ нинг механика-математика ф-тини тугатган (1963). Ўзбекистон ФА Математика ин-тида кичик, катта илмий ходим, сўнгра эҳтимоллар назарияси бўлими

мудири, бош илмий ходим (1965—88, 1996 — 2003). ЎзМУ эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси мудири (1988 — 96, 2004 й.дан проф.). Низомий номидаги Тошкент Педагогика ун-ти математика ўқитиш методикаси кафедраси мудири (2003 — 04). Илмий ишлари Марков занжири бўйича боғланган тасодифий миқдорлар ва векторлар учун лимит теоремаларига оид. Эҳтимоллар назариясининг лимит теоремалари бўйича туркум ишларни бажарган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973).

ФАРНАК I (? — мил. ав. 169) — *Понт подшолиги* шоҳи (тахм. 185—169). Қора денгизнинг жан. соҳилларидаги катта ҳудудни Понтга қўшиб олган, хусусан, 183—179 й.ларда юнон шаҳарлари: Синопа, Амисос, Армена, Киторос, Котиор, Керасунт, Трапезунт ва б., шунингдек, Понт тоғларидаги конларни босиб олган. 183 й. подшолик пойтахтини Амасиядан Синопага кўчирган. Қора денгизнинг жан. соҳилида Фарнакия шаҳар-қалъасини бунёд этган.

ФАРНАК II (? — мил. ав. 47) — Боспор подшоси (мил. ав. 63 й.дан). Шоҳ Митридат VI Евпаторнинг ўғли. Рим б-н уруш чоғида Ф. II отасига хиёнат қилиб, Рим саркардаси Помпей б-н иттифоқ тузган ва Боспор давлатининг катта қисмида (Фанагориядан ташқари) ўз ҳокимиятини ўрнатган. 49—48 й.ларда Помпей б-н Юлий Цезарь (Мисрда эди) ўртасидаги низодан фойдаланиб Фанагорияни босиб олган ва Кичик Осиёни эгаллаш мақсадида юриш қилган. У Вифиния ва Амисосни эгаллаган, лекин 47 й. 2 авг.да Кичик Осиёнинг Зела ш. яқинидаги жангда Цезарь томонидан тор-мор келтирилган. Цезарь Сенатга «Veni, vidi, vici» («келдим, кўрдим, ғалаба қозондим») деб нома жўнатган. Римликлар Ф. II ни озод қилиб кичик отряд б-н Боспорга жўнатганлар, бу ерда ҳокимиятни Ф. II нинг ноиби Асандр эгаллаб олган эди. Ф. II Асандр б-н бўлган жангда ҳалок бўлган.

ФАРРУХ -ЁСОР — Дарбандия сулоласидан бўлган *Ширвон* ҳукмдори (ширвоншоҳ) (1462—1501). Ф.-Ё. даврида Ширвон мустақиллигини сақлаб, иқтисодий жиҳатдан анча юксалган. Ф.-Ё. *Оқ қўюнли* ҳукмдорлари иттифоқчиси бўлган. 1488 й. *қипчоқбошилар* ҳужумини даф этган, лекин *Исмоил I* Сафавий б-н бўлган жангда енгилиб, жангда ҳалок бўлган. Ф.-Ё. даврида Ширвон Рус давлати б-н дипломатик (1465—66 й.ларда элчилар алмашинган, 1499 й. дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида битим тузиш ҳақида музокаралар) ва савдо муносабатлари ўрнатган Ф.-Ё. ўзининг бунёдкорлик фаолияти б-н ҳам шуҳрат қозонган.

ФАРҒОНА (1907 й.гача — Янги Маргилон; 1907 — 1924 й.ларда Скобелев, маҳаллий талаффузда — Искобид деб аталган. Подшо Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олишда ва кейинги йилларда кўплаб қирғинбаротлар уюштирган генерали М.Д. Скобелев номига қўйилган) — *Фарғона вилояти*нинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази, республиканинг йирик шаҳарларидан бири. Майд. 0,09 минг км². Аҳолиси 222,4 минг киши (2004, Фарғона водийсидаги шаҳарлар ичида аҳоли сони бўйича 3-ўринда). Шаҳар Фарғона водийсининг жан. қисмида, Олай тоғларининг этагида, 580 м баландликда жойлашган. Иқлими континентал. Ўртача йиллик т-ра 13°. Январнинг ўртача т-раси —2,7°, июлиники 26,4°. Энг паст т-ра 27°, энг юқори т-ра 42°. Йилига 192 мм ёғин тушади. Ёғинининг кўп қисми қиш ва баҳор фаслларида ёғади. Ғарбдан баъзан қаттиқ шамол ва гармсел. Олай тоғи (Шоҳимардонсой водийси)дан тоғ-водий шамоли эсади.

Ф. сўзининг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Олимлар «Ф.» сўзининг бундан 13 аср илгари суғд ёзувларида «Парғана», «Прағана» шаклларида ёзилганлигини ҳамда ҳинд-санскрит тилида «кичик вилоят»; форс тилларида «тоғ оралиғидаги водий», «атрофи берк сойлик» деган маъноларга эга бўлганлигини таъкидлайдилар.

1876 й. Россия империяси Қўқон хонлигини йўқотиб унинг ҳудудида Фарғона вилоятини тузгач, маъмурий марказ қуриш учун Маргилондан 10 км жанд жойлашган Ёрмозор ва собиқ Сим, Чирчиган қишлоқлари ўрнини танлади. Шаҳар қурилиши лойиҳа бўйича 1877 й. июнда бошланди. Қурилиш ҳаражатлари, асосан, меҳнаткашлар зиммасига юкланди (солиқ солинди). Бу шаҳарни катта майдонни қуришаб олган қалъа ичида қуриш кўзда тутилди. Қалъадан шим.-ғарб ва ғарбга томон радиус шаклида учта узун кўча қурилди. Улардан бири эски Маргилон томонга йўналди. Бу кўчалар параллел тор кўчалар б-н туташтирилди. Генерал-губернатор шаҳарни Янги Маргилон деб аталишни буюрди. Шаҳарнинг қурилиши 1904 й.да якунланди. Янги Маргилон, асосан, Маргилонсойнинг чап соҳилида жойлашди. Ўнг соҳили бозор учун мўлжалланди. Шаҳарнинг жан. қисмида казармалар қурилди, ғарбий қисмида ҳарбий бошқарма жойлаштирилди. 1880 й.да бу бошқарма ғарбий лагерга ўзгартирилди.

Шаҳар кўчаларининг ҳар икки томонига дарахт экилди. Шаҳарда саноат корхоналари қурилмади. 1898 й. Самарқанд—Андижон т.й. ўтказилишига қарамасдан, шаҳарнинг кенгайиши ва ривожланиши секинлик б-н борди. 1891 й.да шаҳарда 2 та пиво ишлаб чиқариш ва битта қўнчилик з-ди фаолият кўрсатди. Маҳаллий ярим кустарь корхоналар маҳаллий ҳом ашёни қайта ишлаш б-н шуғулланарди. Пахта тозалаш з-ди фақатгина т.й. ўтказилгандан кейин қурилди. 1899 й.да Янги Маргилон ш. аҳолиси атиги 4 минг кишини ташкил этди.

1907 й.да мустамлакачи маъмурлар шаҳар номини ўзгартириб, Скобелев деб аталилар. Ўша йили т.й. вокзалини ҳам қуриш бошланди.

1914 й.да яна 4 та пахта тозалаш з-ди ва 8 та пилла қуритиш мосламаси фойдаланишга топширилди. Шаҳарчада, асосан, подшо маъмурияти ва амалдорлари, ҳарбийлар, савдогар ва маҳаллий бойлар яшарди. 1913 й.да шаҳар аҳолиси 14 минг кишига етди. Шундан ўзбеклар атиги 3216 кишини ташкил этди.

Шаҳар тунда 80 та ёритқич (фонус) б-н ёритиларди. Дўконлар аҳолига хизмат кўрсатган. 1917 й.гача шаҳардаги 3 та гимназияда 600 ўқувчи, 5 та мактабда эса 821 ўқувчи ўқиди. Уларга 20 ўқитувчи сабоқ берди. Шаҳарда биргина касалхона (35 ўрин) ва бир дорихона мавжуд эди.

1917й. 6—7 дек.да Скобелевда ҳокимиятни шўролар эгаллади. 1921 й. да Ўрта Осиё ипакчилик саноатининг дастлабки корхонаси — пиллакашлик ф-каси фойдаланишга топширилди. 1917 й.гача шаҳарда, қувати 700 кВт бўлган хусусий (Линицкийга қарашли) электр ст-яси бўлган. Ўша йиллан кейин Фарғона водийсида ягона бўлган иссиқлик электр маркази ишга туширилди. Қувасой иссиқлик электр ст-яси фаолият кўрсата бошлагандан кейин улар ягона энергия системасига бирлаштирилди. Шундан кейин тўқимачилик ф-каси, ёғ з-ди ишлай бошлади. Пахта тозалаш з-длари, тегирмонлар, кустарь корхоналар қайта қурилиб кенгайтирилди ва электр энергия қуввати б-н ишлай бошлади. 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда ишга туширилган Ҳўжаобод—Ф., Шим. Сўх—Ф. —Қувасой газ қувурлари Ф.ни Бухоро яқинидан бошланган ягона газ қувури системаси б-н боғлади.

Ундан кейин гидролиз з-ди, 1958 й.да нефтни қайта ишлаш з-ди ишга туширилди. 1960-й.ларда Ф.да темирбетон буюмлари, шифер-гишт з-длари, 2 иссиқлик электр маркази қурилди.

Шаҳарда 2300 дан ортиқ кичик корхона, 10 автокорхона, маҳаллий ҳом ашёдан кимёвий тола (ацетат ипаги) ишлаб чиқарадиган, азот, совун, газ

Фарғона шаҳрининг Ахмад Фарғоний ҳайкали.

Амфитеатр.

Ад.: Тухтасинов И., Фергана, Т., 1969; Бобобеков Х., Қўқон тарихи, 1996; Колбинцев А., Фарғона водийси бўйлаб, 1979; Исҳаков Ф., Прошлое глазами историка, 1994.

ФАРҒОНА «АЗОТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ — давлат-акциядорлик компанияси, кимё саноатининг йирик корхонаси. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида. Фарғона вилоятидаги Қирғули ва Маргилон т.й. ст-ялари яқинида жойлашган. Асосий йўналиши — минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш. Суюқ техник аммиак, карбамид, аммиак селитраси, целлюлоза диацетати, сирка ангидриди, натрий хлорат, магний хлорат дефолиантлари, қуруқ, муз, техник кислород, карбонат кислота ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. 1962 й. авг.да Фарғона азотли ўғитлар з-ди номи б-н ишга туширилган. 1964 й.да корхонада биринчи аммиак маҳсулоти ишлаб чиқарилди. 1965 й.дан аммиак суви, техник кислород, магний хлорат, 1967 й.дан кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқарила бошланди. 1968 й.да корхонанинг 2-навбати ишга туширилди ва маҳсулотлар тури ва ҳажми кўпайди. 1994 й.дан давлат-акциядорлик компаниясига айлантирилди. 1999—2002 й.нинг 1 чорагида дефолиантлар и.ч. цехи қайта жиҳозланиб ишга туширилди. Қуюлтирилмаган азот кислотаси ва аммиак селитраси цехлари Россия ва Чехиядан келтирилган ускуналар б-н жиҳозланди. Янги замонавий аммиак агрегатини қуриш, карбамид и.ч. цехини қайта жиҳозлаш ва меламин цехини қуриш ишлари давом этмоқда (2004).

Маҳсулотлари ички бозорда сотилади ва чет элларга экспорт қилинади.

Ёшлар маданият ва спорт мажмуаси.

13–

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ДАВЛАТ РУС ДРАМА ТЕАТРИ — Ўзбекистондаги йирик театрлардан бири. Дастлаб, ёш томошабинлар театри сифатида ташкил қилиниб (1934), 1938 й. драма театрига айлантирилган. «Чапаев», «Икки бойга бир малай», «Ревизор» сингари дастлабки спектакларининг саҳналаштирилишида театрнинг биринчи бадиий раҳбари ва реж.и Г.Д. Абдулов (1970 й.гача ишлаган)нинг хизмати катта . В. Шчукарева, Т. Шляпникова, Ф. Горний, С. Мальцев, А. Черкасов, Н. Рибаков ва б. театрнинг дастлабки актёрлари, бош рассоми А. Н. Узлов театр шаклланиши, унинг кейинги равнақи, мустаҳкам мавқега эга бўлишига муносиб ҳисса қўшдилар.

2-жаҳон уруши даврида театр труппаси Қўқон ш.га кўчирилади. 1956 й. рус театри яна ўз биносига қайтади. Театр репертуарини кўпроқ мумтоз ва ўзбек ёзувчилари асарлари асосида яратилган спектакларга қаратади. «Бир стакан сув» (О.Э. Скриб), «Сўна» (Э. Войнич), «Палата» (С. Алёшин), «Фарҳод ва Ширин» (Ҳуршид), «Иркутск воқеаси» (А. Арбузов), «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Ҳаёт қўшиғи» (Уйғун), «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла), «Шоҳанам» (халқ достони) ва б. шулар жумласидан.

Театр спектакль яратишда эпик-қаҳрамонлик, маиший-психологик драма, комедиялар, ўткир сатирик, лирик пьесаларга алоҳида эътибор берган. «Сершовқин жой», «Пучина», «Қутурган пуллар» (А. Островский), «Зулмат ҳукмронлиги» (Л. Толстой), «Жалалар оралиғида» (А. Штейн), «Биз келдик» (В. Ернев), «Қишлоқ комедияси» (М. Варфоломеев), «Ретро» (А. Галин), «Риёкор тутқунлиги» (М. Булгаков) кабилар бунга мисолдир.

Мустақилликдан кейин театр ҳаёти қайта ўзгаришларга бой бўлди. Театр қошида актёрлик студияси очилди. Театр жамоаси янги актёрлар б-н тулдирилди. Ёш актёрлар маҳоратини ошириш мақсадида четлан республиканинг таниқли режиссура (мас., В. Умаров, М. Абдуллаева ва б.) таклиф этилди. Театр ижодкорлари ижод қилиш ва томошабинларга хизмат кўрсатишнинг янги шаклларини излашмоқда, саҳнага замонининг долзарб муаммоларини олиб чиқиши б-н бир қаторда мумтоз, тарихий асарларга ҳам кенг ўрин берилмоқда. «Гира-ширадаги уйин» (В. Баграмов), «Ҳушинг келмай турибо» (К. Новак), «Шайтонлик» (Н. Гоголь, «Сорочинск ярмаркаси» асари асосида), «Ал-Мансури узуклари» (шарқ ривоятларидан), «Амакимнинг туши» (Ф. Достоевский), «Кыолжин товалалари» (К. Гольдони), «Фарғона фарзандлари» (Й. Сулаймон, ал-Фарғонийнинг ҳаёти ҳақида) ва б. сўнги йиллар маҳсулидир. К. Новак, Ҳ. Саидов, Л. Сафкова, О. Шокирова, О. Бутаев, Л. Акромов ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Театрнинг бадиий раҳбари — Ҳусан Саидов, бош рассом — Н. Каменский.

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи биноси.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ — маданий-маърифий муассаса; Республикадаги кекса музейлардан. Фарғона ш.да жойлашган. 1894 й.да Янги Марғилон (ҳоз. Фарғона) ш.да очилган Қ.х. ва саноат кўргазмаси негизида 1895 й.да асос солинган. Дастлаб «Фарғона вилояти халқ музейи» (1899—1911, фондида 2223 дона буюм ва китоблар бўлган), «Фарғона шаҳар илмий музейи» (1920—38) номлари б-н аталган. 1938 й.дан ҳоз. номида. Музейнинг тарих, табиат, илмий-маърифий, санъат ҳамда хазина бўлимлари бор. Музей ўлка табиати ва қадимдан 20-а. бошларигача бўлган тарихини ўзида акс эттирган доимий экспозиция (археологик топилмалар, амалий санъат намуналари, санъат асарлари ва б.)га эга. Музей фондида археология (10000 дан иёд), нумизматика (7895 та), амалий санъат (900 та нодир кулолчик, 1200 та мискарлик, 562 та тарғарлик, 1670 та кийим ва калтаклучлик буюмлари ва б.), тасвирий санъат (1000 дан иёд) ва б. дан иборат осори атиқалар мавжуд. Музей таркибига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мемориал музейи (Шоҳимардонда), Адабиёт ва санъат музейи (Марғилонда) ҳамда вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги бошқа жамоатчилик музейлари кирган. Музей замонавий техника б-н жиҳозланган (ҳужжатлаш, Интернетга уланган компьютер тизимига эга). Музей н.т. ишларини олиб боради, хорижий мамлакатлар (Англия, Япония ва б.) б-н ҳамкорлик қилади. Музей 1985 й.дан махсус қурилган замонавий бинода жойлашган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ — 1993 й. ташкил бўлган. Дастлаб (1989 й. дек.дан) театр студияси сифатида фаолият кўрсатган, 1993 й. 1 мартдан ҳоз. номда. «Қўғирчоқбозлар томоша»си (Ғапратий) спектакли б-н очилган. Ҳабибулло Ҳакимов, Майрам Ашурова, Муҳаммадсоли *Юсуповлар* театрнинг дастлабки ижодкорларидан. Кейинчалик «Сирли сандиқ» (О. Толипов), «Ғаройиб нойга» (Спиранский) каби спектакллар б-н ўз мавқеини мустаҳкамлади. Итало Кальвинонинг «Уч апельсин» асари асосида Ҳ. Ҳакимов сценарийси бўйича саҳналаштирилган спектакль Республика кўғирчоқ театрлари 4-фестивали (Андижон, 1993 й.да «Энг яхши мусиқали спектакль» номинациясига, 1995 й. 5-фестивал (Тошкент)да «Ёвойи ўрдакча» спектакли «Энг яхши спектакль» совринига сазовор бўлган. Шу спектаклни яратганлар (реж. Ҳ. Ҳакимов, С. Седукин — рассом, Р. Литвин — композитор, Н. Маслова — актриса) «Энг яхши режиссура», «Энг яхши рассом», «Энг яхши мусиқа», «Энг яхши аёл роли» номинациялари голиби бўлганлар. Навоий ва Фузулий шеърияти асосида

Фарғона вилояти рус драма театри: 1. «Аҳмад ал-Фарғоний». 2. «Амакимнинг туши» спектаклларидан кўринишлар.

Фарғона қўғирчоқ театри: «Алпомиш» спектаклидан кўринишлар.

сақналаштирилган «Лайли ва Мажнун» мусиқали спектакли театрнинг сўнгги йиллар маҳсулидир. Театрнинг бадиий раҳбари — Ҳабибулло Ҳакимов, бош рассом — Шуҳрат Абдумаликов.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ — *Туркистон генерал-губернаторлиги* таркибидаги вилоятлардан бири. 1876 й. 19 февр.да Россия империяси томонидан босиб олинган Қўқон хонлиги ҳудудида ташкил қилинган. Таркибига Марғилон, Андижон, Қўқон, Наманган, Ўш уездлари ва Помир кирган. Майд. тахм. 160,1 минг км². Маъмурий маркази — Янги Марғилон ш. (1907—24 й.ларда — Скобелев ш.). Ф.в. аҳолиси 1897 й.ги аҳоли рўйхатига кўра, 1560411 кишидан иборат бўлган. Аҳолисининг асосий машғулоти — деҳқончилик ва чорвачилик. Вилоятда экин экиладиган ерлар 860000 десятинани ташкил қилган. Деҳқончиликда, асосан, бугдой, кунжут, пахта, тамаки, беда, жўхори, арпа, тариқ ва б. экилган. Айниқса, пахтачиликка эътибор берилган. 1901 й. вилоятнинг 232500 десятина ерига пахта экилган. Боғдорчилик ривожланган.

Ф.в.дан четга пахта, ипак, жун, пойабзал, тери, гилам, шоли чиқарилган. Маҳаллий мактаб ва ўқув юртлари 2246 та, масжидлар 6554 бўлган. Ф.в. аҳолиси Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўплаб чиқишлар қилган. Айниқса, 1898 й.даги *Андижон қўзғолони* ва 1916 й.даги *Ўрта Осиё қўзғолони*да фаол қатнашган. 1924 й. Ўрта Осиё республикаларида миллий давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати б-н Ф.в. тугатилган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ — Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1938 й. 15 янв.да ташкил этилган. Республиканинг шарқида, Фарғона водийсининг жан.да жойланган. Шим.дан Наманган, Андижон вилоятлари, жан. ва шарқдан Қирғизистон, ғарбдан Тожикистон Республикалари б-н чегарадош. Майд. 6,8 минг км². Аҳолиси 2815 минг киши (2004). Таркибида 15 туман (Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Олтиариқ, Охунбобоев, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Учкўприк, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон, Қува), 9 шаҳар (Бешариқ, Марғилон, Риштон, Фарғона, Яйпан, Қува, Қувасой, Қўқон, Ҳамза), 10 шаҳарча (Бағдод, Данғара, Дўстлик, Ёзёвон, Муқимий, Олтиариқ, Тошлоқ, Чимён, Шўрсув, Янги Марғилон), 164 қишлоқ фуқаролари йиғини бор (2004). Маркази — *Фарғона ш.*

Ф.в. Ўзбекистоннинг қад. маданият ўчоқларидан бири. Вилоят ҳудудида топилган тош даври манзилгоҳлари ва қоятошларига солинган суратлар водийда одамлар энг қад. даврлардан бери яшаб келганликларидан дарак беради. Ф.в.нинг тош даври ёдгорликларини 1954 й. А.П. *Окладников* раҳбарлигидаги археология отряди ўрганган. Водийнинг шарқий қисмидаги Қайроққум, Хўжагор ва Учқўрғон маконларидан мустье даврига оид тош қуроллар топилди. Водийнинг ғарбий қисмидаги қад. тош даври маданиятига оид манзилгоҳлар мустье давридаги Қалтача, Жарқўтон ва Қапчигай тош қуроллар ишлаш устахоналари топилиб ўрганилди. 1958 й. биринчи марта Марказий Фарғонадан мезолит даврига оид микролит тош қуроллари топилди. Шунингдек, Марказий Фарғонадаги Узунқўл ва Тайлоққўл атрофларидан мезолит ва неолит даврларига оид 24 та манзилгоҳ борлиги аниқланди (1965). Сўх воҳасидаги 28 гор ва унгурлар (Селунгур, Эшма, Обишир, Сур, Бел, Зим, Овикамбар, Богишим ва б.) рўйхатга олинди. Обишир горларидаги маданий қатлам яхши сақланган. Горларни қазиш жараёнида мезолит даврига оид тош қуроллар, ҳайвон суяклари топилган. Булар ўша давр турмушини ўрганиш имконини беради.

1967 ва 1969—70 й.ларда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейи ходимлари мезолит ва неолит даврларига оид 35 та манзилгоҳ топдилар. Ф.в.нинг археологик ёдгорликларини ўрганишда *Катта Фарғона канали*нинг қазилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Канални қазиш жараёнида жез даври, қулдорлик ва заминдорлик жамиятларига оид ёдгорликлар топилди ва текширилди. Қува ва Тошлоқ туманлари ўртасидаги Акбаробод қишлоғида жез даврига оид манзилгоҳ, Марғилонсойнинг чап соҳилида Оқтом қабристони бўлганлиги аниқланди. Ф.в.нинг Қува туманида қулдорлик даври оид Таҳёнтепа, Фарғона ш.да Симтепа (Чимтепа) каби ёдгорликлар топиб ўрганилган. Айниқса, Қува ш.даги мил. ав. 5-а. ва ўрта аср бошларига оид топилмалар яхши текширилган. 10—11-а.ларга доир тарихий манбаларда бу шаҳар ободлиги ва катталиги жиҳати-

Шоҳимардон тоғ манзараси.



«Кабул—Фарғона» қўшма корхонаси.

дан водийда *Ахсикат*дан сўнг энг йирик шаҳар деб қайд қилинган. Археологик материаллар *Марғилон* ш. 10-а.да катта қишлоқ бўлиб, 11—12-а.ларда шаҳарга айланганлигини, Риштон эса 10-а.да катта шаҳар бўлса ҳам, 11—12-а.ларга келиб қишлоқ қиёфасига кириб қолганлигини исботлайди.

Ўтроқ деҳқончилик, чорвачилик б-н шуғулланган Чуст маданиятига оид манзилгоҳлардан топилган ёдгорликлар Фарғона водийсини ўрганишда муҳимдир. У ерда и.ч. кучлари ва хўжаликнинг тараққиёти жез даврининг охирида деҳқончилик қабилаларининг ижтимоий тузумида ўзгариш юз беришига, натижада ибтидоий тартиблар тугаб жамиятдаги табақаланишга олиб келган. Рўзғор анжомларида хусусий мулкчилик куртаклари кўзга ташланади. Археологик текширишлар натижаси Ф.в.да қадимдан одамлар яшаб, овчилик, деҳқончилик, чорвачилик б-н шуғулланганлигидан, кишилик жамиятининг кейинги босқичларида эса маданият ривожлана бошлаганлигидан далолат беради.

Табиати. Ф.в.нинг шим. қисмини Қорақалпоқ ва Ёзёвон даштлари эгаллаган, жан.дан Олай тизмасидан оқиб тушадиган дарёларнинг ёйилмалари б-н ўралган. Жан.да адирлар Олай тизмасининг тоғ олдилари б-н алмашиниб туради. Ф.в. юқори сейсмик зона ҳисобланади.

Миллий банк вилоят бўлими биноси.

Иқлими континентал. Қиши бирмунча юмшоқ, баъзан ҳаво жуда совиб кетади. Янв. ойининг ўртача т-раси —3,2°, июлники 28°. Энг паст т-ра —27,9°, энг юқори т-ра 42°. Водийнинг ғарбида эсадиган кучли «Қўқон шамоли» иқлимга салбий таъсир этади. Шамолнинг тезлиги секундига баъзан 35—40 м га етади. Жан.-шарқида ёзда гармсел эсади. Йиллик ғарбида 100 мм дан (Қўқон атрофи) шарқий қисмида 170 мм гача, тоғ ён бағирларида 270 мм гача ёғин тушади, асосан, баҳорда ёғади. Вегетация даври 210—240 кун. Вилоятнинг шим.-ғарбий чегараси бўйлаб Сирдарё оқади. Олай тизмасидан Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрамсой бошланади. Дарёлар музлик-қор сувларидан тўйинади. Июль—авг.да тўлиб оқади. Дарё сувлари суғоришга сарфланади. Асосан, бўз тупроқ ва ўтлоқи ботқоқ тупроқлар кенг тарқалган. Адирларда аксари оч ва типик бўз тупроқлар. Сирдарё террасаларида аллювиал-ўтлоқи тупроқлар, вилоятнинг шим. қисмида шўрхок ўтлоқлар ва ажриқли ўтлоқлар мавжуд.

Марказий Фарғонадаги шўрхокларда турли хил шўра ўсади. Ерларининг каттагина қисми экинзор. Воҳаларда терак, тут, қайрағоч, дарё водийларида кенг баргли ўрмонлар ва арчазорлар бор. Ёввойи ҳайвонлардан Сирдарё тўқайзорларида қобон, адир ва Олай тизмаси тоғ олдиларида бўри, тулки, чиябўри, қуён, бўрсиқ, жайра яшайди. Ондатра, нутрия иқлимлаштирилган. Қушлар, судралувчилар кўп. Сув ҳавзаларида маринка, усач, зоғора балиқ, карп, оқ амур, дўнгпешона балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар шунингдек, тожик, рус, қирғиз, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1км² га 413,9 киши. Шаҳар аҳолиси 800 минг киши, қишлоқ аҳолиси 2015 минг киши (2004).

Хўжалиги. Ф.в. республиканинг саноати ривожланган вилоятларидан. Вилоятда 86 та йирик саноат корхонаси мавжуд. Саноатининг етакчи тармоқлари: ёқилғи-энергетика, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, пахтани тозалаш ва қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати ва б. Энергетика базаси, асосан, иссиқлик электр ст-ялардан иборат бўлиб, энг йириклари Фарғона, Қўқон иссиқлик электр марказлари, Кувасой иссиқлик электр ст-яси. Барча ст-ялар Ўрта Осиёнинг ягона энергетика тизимига бирлаштирилган. Кимё саноатининг энг йирик корхоналари Фарғона ва Қўқон ш.ларида жойлашган: «Азот» и.ч. бирлашмаси, кимёвий толалар, фуран бирикмалари кимё з-длари, Қўқон суперфосфат з-ди ва б. шулар жумласидандир.

Вилоятда Фарғона нефтни қайта ишлаш з-ди жойлашган.

Қурилиш материаллари саноати ривожланган. Кувасойдаги цемент з-ди республикада ишлаб чиқариладиган цементнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғини беради. Кувасойда шифер, гипс ва б. қурилиш материаллари, шиша ва чинни идишлар з-длари ишлаб турибди. Қўқондаги «Электромаш», «Текстильмаш» ва б. металлсозлик з-дларида саноатнинг бошқа тармоқлари учун асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

Озиқ-овқат саноати илдам ривожланмоқда. Бу тармоқ корхоналарида турли нав ёғлар, ун, нон, макарон, кондитер ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Вилоятда 84 қўшма корхона, 22 мингдан ортиқ кичик корхона фаолият кўрсатади. Фарғона ш.да «Нодира», «ПСМК-3», «Полина»; Марғилонда «Марғилон тонги» ва Қўқонда «Зилола» кичик корхоналар, «Ўзсаламан», «Кабул-Фарғона», «Бестекс», «Иншоот» қўшма корхоналари ишлаб турибди.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари — пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, боғдорчилик ва чорвачилик.

Вилоятдаги барча экин майдони 288,9 минг га, шу жумладан, 129,6 минг га ерга пахта, шунингдек, 115,9 минг га ерга пахта, шунингдек, техника экинлари, 11,7 минг га ерга сабзавот ва полиз экинлари, 24,1 минг га ерга озуқа экинлари экилади. 20,3 минг га яйловлар (2004). Ҳайдаладиган ерларда, асосан, обикор деҳқончилик б-н шуғулланилади. Пахта, буғдой, шоли, маккажўхори, арпа, картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Боғларда кўпроқ ўрик ўстирилади. Анор, анжир, олма, хурмо кўп. Токзорларда юқори навли узумдан мўл ҳосил олинади.

Суғориладиган ерлар вилоят ҳудудидан ўтувчи Катта Фарғона ва Андижон каналлари, Жан. Фарғона канали, Шоҳимардонсой, Марғилонсой, Сўх, Исфайрамсой, шунингдек, Каркидон, Қўрғонтепа сув омборлари ёрдамида суғорилади.

Вилоятда 8 мингдан ортиқ фермер хўжалиги, 143 ширкат хўжалиги, 74 хўжаликлараро корхоналар, 6 паррандачилик ф-каси мавжуд. Чорвачиликда қорамол, қўй ва эчки, паррандa боқилади. Вилоят жамоа ва шахсий хўжаликларида 511,9 минг қорамол (шу жумладан, 213,2 минг сигир), 431 минг қўй ва эчки, 1260,9 минг парранда бор (2004).

Транспорти. Т.й. узунлиги 227,8 км. Автомобиль йўлларининг уз. 8,6 минг км, шу жумладан, қаттиқ қопламали йўллар 8,5 минг км. Асосий йўналишлари: Тошкент — Қўқон — Андижон, Марғилон — Қўқон — Навоий, Қўқон — Марғилон — Қува. Фарғона ш.да йирик аэропорт ишлаб турибди.

Ф.в.да К. Мамажонов, М. Мадалиева, У. Умаров, Ю. Жўраевлар «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига эга бўлдилар.

Маданий-маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт. Вилоятда 4 олий ўқув юрти бўлиб, 18,9 мингдан ортиқ талаба, 910 умумий таълим мактаби (690 мингга яқин ўқувчи), 8 гимназия (7,3 минг ўқувчи), 47 лицей (16,3 минг ўқувчи), мусиқа ва спорт мактаблари ишлаб турибди. Халқ таълими соҳасида чет эл инвесторлари б-н алоқа боғланиб «Мерси КО» жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Япония грантлар дастури асосида компьютер ва б. жиҳозлар олинди. Вилоят спортчи ўқувчилари 2003—04 й.лардаги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида 2- ва 3- ўринларни эгалладилар.

Ф.в.да 77 касб-ҳунар коллежи, 3 академик лицей фаолият кўрсатади.

Вилоятда 4 театр, маданият уйлари, 3 музей, 193 клуб муассасаси, 609 оммавий кутубхона (603,6 минг нусха асар) аҳолига хизмат кўрсатади.

Ф.в.дан Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, М. Қориёқубов, Л. Саримсоқова, М. Мироқилов, М. Қўлдошев, О. Ҳасанов, А. Юсупов, Тамараxоним, Б. Мирзаев, С. Қосимов, А. Файзиев, Н. Раҳимов, Г. Раҳимова, М. Юнусов, Е. Петросова, М. Турғунбоева, Я. Маматхонов, С. Юдаков, С. Каримова, Т. Қодиров, Ҳ. Умаров, М. Исҳоқова, С. Қобулова, Х. Комилова, Ҳ. Иброҳимова, Р. Мазоҳидова, Ҳ. Носирова, Ж. Охунов, Р. Низомова, Р. Содиқов, С. Маннопов, М. Тўхтасинов, Ю. Усмонова, М. Юсупов, Ё. Хотамова каби Ўзбекистон халқ артистлари; Маматбува ҳофиз, Э. Каримов, Б. Ражабов, Ж. Султонов, М. Узоқов, Қ. Юсупов, Р. Мамадалиев, К. Ҳамроқулов, О. Саидхўжаев каби Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизлари; Қ. Тожиев, О. Мадалиев, А. Каримов, Ж. Пўлатов, М. Эрматов каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар ва б. етишиб чиқдилар (яна Қ. *Фарғона театри, Фарғона-Тошкент мусиқа услуби*). В. Усеинов, Н. Касин, Э. Қувондиқов, С. Алибеков каби таниқли рассомлар шу вилоятда яшаб ижод қилдилар. Вилоятда 1998 й.да Фарғонийнинг 1200 йиллик, 2000 й.да Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллик юбилейлари ўтказилди.

Кувасой шаҳри. Хотира майдони.

Соғлиқни сақлаш. 97 касалхонада 6,3 минг врач ва 31,9 минг ўрта тиббий ходим ишлайди. 413 амбулатория поликлиникаси, 214 қишлоқ врачлик пункти, 61 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 28 та диспансер бор. Дам олиш уйлари ва «Чимён», «Ўзбекистон», «Қизилтепа», «Нурафшон», «Темир йўлчи» санаторийлари, тез тиббий ёрдам вилоят бўлими бор.

Спорт. Ф.в.да «Универсиада-2004» спорт мусобақалари ўтказилди. 2004 й.дан бошлаб вилоятда спортнинг сув полоси ва синхрон сузиш турлари йўлга қўйилди, секциялар ташкил этилди. Мавжуд спорт федерацияларидан ташқари қўл тўпи, турон миллий якка кураши, синхрон сузиш, армрестлинг каби спорт турлари бўйича спорт федерациялари тузилди.

Ф.в.да жами 5135 спорт иншооти мавжуд. Шунингдек, Фарғона Олимпия захиралари спорт коллежида дастлабки спорт иншоотлари ишга туширилди. «Ёшлар маданият ва спорт мажмуаси», «Фарғона» марказий стадиони, «Истиқлол» теннис мажмуаси, от спорти мактаби, «Кимёгар» спорт мажмуаси фаолият кўрсатади. Спортнинг юнон-рим, қўл жанги, таэквондо, каратэ, шахмат, шашка, бокс, белбоғли кураш, миллий кураш, турон миллий яккакураши, енгил атлетика, мини футбол, волейбол турлари ривожланган.

Вилоят спортчилари 2004 й.да халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб 7 олтин ва 4 кумуш медалларга сазовор бўлишди. Айниқса, Корея Республикасида ўтказилган бокс бўйича ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати, Қозоғистонда армрестлинг, Японияда байдарка ва каноэ, Филиппинда бокс бўйича ўтказилган Осиё чемпионатларида вилоят спортчилари муваффақиятли иштирок этишди. Енгил атлетика бўйича ўтказилган республика спорт мусобақаларида вилоят вакиллари Е. Тунгускова ва З. Абдуллаевалар қатнашиб республика терма жамоаси таркибига киритилди. Оғир атлетика бўйича республика чемпионатида Е. Сисоева ўз вазни бўйича ғолиб бўлди. Шунингдек, Е. Сисоева ва Б. Тошпўлатовалар 2004 й.да АҚШда талабалар ўртасида оғир атлетика бўйича ўтказиладиган чемпионатга номзод этиб киритилди. Ногиронлар ўртасида стол теннисИ бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида А. Исматуллаев ғолиб бўлиб, Жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Республика терма жамоаси таркибига киритилди. 2004 й.нинг август ойида Афинада ўтказилган 28-ёзги Олимпия ўйинларида Ф.в. нинг 5 спортчиси иштирок этди. 2004 й.да вилоятда баскетбол бўйича халқаро «Мерсико» турнири, миллий ва белбоғ кураши бўйича Ҳазрат Али ҳамда Темиржон ва Ҳамид полвонлар хотирасига бағишланган халқаро турнирларда республика вилоятлари, 10 дан ортиқ хорижий давлат полвонлари қатнашди. Йил давомида ўтказилган спорт мусобақаларда иштирок

Республика тез тиббий ёрдам марказининг Фарғона вилояти бўлими.

Фарғона шаҳри. «Истиқлол» теннис корти.

рок этиб вилоят спортчилари 250 дан ортиқ медалларни қўлга киритишди. 15 спортчи спорт устаси нормасини бажарди.

Адабиёти. Фарғона замини кўплаб истеъдодлар бешиги бўлган. Қўқон тарихига оид баъзи манбаларда 10-а.да Фарғонада ёзма адабиёт намуналари бўлганлиги қайд этилган. Абу Таййи Хўқандий (10—11-а.лар) ижоди ҳақидаги маълумотлар бунинг яққол далилидир. Бироқ, ўрта аср Ф.в. адабиёти ҳақидаги манбалар жуда кам.

18-а.дан бошлаб Фарғона водийси, хусусан, Қўқонда фан, адабиёт ва санъат ривож топганлигини кўриш мумкин. Қўқон хонлиги ташкил топиши марказлашган давлат сифатида фаолият юритиши хонлик ҳудудида ўзига хос адабий муҳитнинг шаклланишига имконият яратди. Бу даврда Хувайдо, Шўхий, Акмал, Низомий Хўқандий каби адабиёт намояндалари ижод қилдилар. Хувайдонинг «Девон»и таркибига кирган шеърлар ва «Роҳати дил» достони халқ орасида машҳур бўлган.

19-а.да ушбу ҳудудда «Қўқон адабий муҳити» номи б-н маълум бўлган адабиёт равнақ топди. Ушбу муҳитнинг ташкилотчиси Қўқон хони Муҳаммад Саид Амир Умархон (1787—1822) саройига 100 га яқин ижодкорни жалб этиб, уларнинг ижод қилиши учун моддий ва маънавий шароит яратиб берди. Хоннинг ўзи ҳам *Амирий* тахаллуси б-н шеърлар «Девони»ни ёзди. Умархон даврида *Адо, Фазлий, Хотиқ*, Ҳижлат, Вазир, Махмур, Нодир, *Ғозий*, Маъдан, Мирий, *Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Гулханий*, Мушриф, Дабир, Рашақ, Умидий, Жалил, Маҳзун, Зокир, Фаизий, Вахмий каби ижодкорлар шуҳрат қозонганлар. Кейинроқ, Умархоннинг ўғли Қўқон хони Муҳаммад Алихон (Мадалихон) ҳам «Хон» тахаллуси б-н шеърлар ёзган, «Лайли ва Мажнун» достонини яратган.

Ушбу давр адабиётининг намунаси сифатида Абдулкарим Фазлийнинг Умархон топшириғи б-н 84 замондош шоирлар ҳақида ўзбек ва форс тилларида шеърий йўсинда ёзилган «Мажмуаи шоирони Умархон» тазкираси; Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари, Хозиқнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Нодир Ухатнинг «Ҳафт гулшан» достонларини айтиш мумкин. Аёл ижодкорларнинг мавқеи баланд бўлганлигини таъкидлаш лозим. Қўқон маликаси, Умархоннинг завжаси Моҳларойимнинг *Нодира*, Макнуна тахаллуслари б-н ижод этган ўзбек ва форс тилларидаги шеърлари алоҳида «Девон»га жам бўлса, Жаҳонотин *Увайсий*нинг 4 девони, «Воқеоти Муҳаммад Алихон», «Шаҳзода Ҳасан» ва «Шаҳзода Ҳусайн» достонлари, Маҳзунанинг гўзал шеърлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган.

Қўқон шаҳри. Даҳмаи шоҳон меъморий мажмуаси.

Ф.в. адабиётининг бу давридаги яна бир хусусияти кўп сонли тарихий-адабий асарларнинг яратилганлигидир. Сўнгги тадқиқотлардан маълум бўлишича, шу даврда биргина Қўқон хонлиги тарихига оид 40 га яқин шеър ва насрий асарлар яратилган. Шеърий услубда яратилган бундай асарлар сирасига Фазлийнинг «Шаҳномаи Умархон», Мутрибнинг «Шаҳномаи Девона Мутриб», Андалибнинг «Шаҳномаи девона Андалиб», Увайсийнинг «Воқеоти Муҳаммад Алихон» достонлари; Имомали Қори Қўлдуший — Комилнинг таниқли кишилар таваллудини, вафоти ва Қўқон тарихига оид турли воқеа — саналарнинг шеърий таърихлари жамланган «Таворихи мавзума» каби асарлари киради.

Тарихга оид насрий асарлар қаторида эса Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ут-таворих», Мулла Аваз Муҳаммад Атторнинг «Туҳфат ут-таворихи Хоний», Мушрифнинг «Шаҳномаи нусратпаём», Мулла Ниёзмуҳаммад Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳрухий», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансобус салотин ва таворихи хавоқин», Муҳаммад Амин Домуллонинг «Туҳфат ут-таворих», Абдулғафур Хўқандийнинг «Зафарномаи Худоёрхон», Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг «Хуллас ут-таворих», Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» ва б. асарларни келтириш мумкин. Тасаввуфий адабиёт намуналаридан Азим Хўжа эшон Азимийнинг «Мурод-ул-орифин» девони, Абдулазиз Мажзубнинг «Девон»и ва «Тазкира-ул-авлиё» асари (19-а.нинг 1-ярми), Салоҳиддин Соқибнинг «Маълумоти Соқибий» рисоласи (19-а.нинг 2-ярми) эътиборга лойиқ.

19-а.да Қўқон ш. ва унинг атрофида 100 дан зиёд шоир ва адиблар девон тузишган. Умархон, Муҳаммад Алихон ва Нодирабегим даврларида Қўқонда хушхат хаттотларни йиғиб, моддий жиҳатдан таъминлаб, Шарқ адабиётининг кўплаб нодир асарлари кўчиртирилиб, кўпайтирилган. Шулардан энг кўп кўчирилганлари Жомий, Навоий, Бедил, Фузулий ва Амирий асарларидир. Маълумотларга кўра, Амир Умархон Лутфий, Навоий ва Амирий девонлари жамланган, гўзал хатли, олтин безакли «Муҳаббатнома» мажмуасини усмонли турк султонига ҳадя тариқасида жўнатган.

Ф.в. адабиётида Шарқ мумтоз шеъриятининг деярли барча жанрларида самарали ижод қилинди. Бадиият ва ғоя, мавзулар ранг-баранглиги бу давр адабиётига хос хусусиятлардан бири эканлиги асарлардан маълумдир. Бу жиҳат 19-а. нинг 2- ярми — 20-а. бошлари адабиётида ҳам яққол кўринади. Ушбу даврда Писандий, Қорий, Муқимий, Муҳайийр, Фурқат, Завқий, Ғурбат, Рожий, Муҳсиний, Ҳазиний, Маҳжур, Муҳйи, Зорий, Сирожий, Жалолий, Ерий, Иброҳим Даврон, Мирзои Хўқандий, Насимий Хўқандий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва б. самарали ижод қилдилар.

Бу давр адабиётининг ёрқин намояндаларидан *Муқимий* ижодидаги халқона лирика б-н ҳажвий йўналиш ўзига хос мактабни яратган бўлса, Фурқат ижодидаги сероҳанг мисралар ва маърифатпарварлик руҳидаги шеърлар, Ҳазиний ижодидаги суфиёна истилоҳларга бой, пурҳикмат шеърлар, Қорий лирикасидаги жозибадорлик, Ҳамза ижодидаги ижтимоий руҳ бу давр адабиётининг ривожидан далолат беради. Аёл ижодкорлардан Дилшод Барно, Анбар Отин, Самарбону каби шоираларнинг ижоди ҳам самарали бўлди.

Миллий уйғониш даври адабиёти — жадидчилик йўналишида ижод қилган ва маърифатчилик ҳаракатида фаол иштирок этган ижодкорлар сирасига Иброҳим Даврон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мирзо Хайрулло Хўқандий, Ашурали Зоҳирий, Пўлатжон Қайюмий кабиларни киритиш мумкин. И. Давроннинг «Ашъори нисвон» шеърлар мажмуаси, Ҳамзанинг «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» тўплами, М.Х. Хўқандийнинг «Ахлоқи ҳамида», «Йигирма ҳикмат» асарлари ва б. ўша давр адабиётининг маҳсулларидир. П. Қайюмийнинг 20-а.нинг 2-ярмида яратган «Тазкираи Қайюмий», «Қўқон тарихи ва адабиёти» ва «Тазкираи шуаро» асарлари ҳам эътиборга лойиқ.

20-а. ҳоз. замон ўзбек адабиётининг кўплаб вакиллари ҳам Ф.в. адабиётининг қалдирғочларидир. Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Чархий, Хусайн Шамс, Амин Умарий, Шокир Сулаймон, Алҳам Раҳмат, Иброҳим Раҳим, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон каби шоир ва ёзувчилар шу замин фарзандларидир.

20-а.нинг 70—90-й.ларида Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимов, Анвар Юсупов, А. Муқимов, Ҳабибулло Саид Ғани, Комил Жўра, Ўрмон Омонов, Алишер Ибодинов, Баҳодир Исо, Исмоил Маҳмуд, Нуруллоҳожи Қўқондий, Энахон Сиддиқова, Сайдали Одилов, Зуҳра Алиева, Матлуба Деҳқон қизи, Илмер Назаров, Абдулҳамид Муҳаммадиев, Носир Зоҳид ва б. ўз ижодлари б-н элга танилдилар.

Мустақиллик йилларида Набижон Боқий, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Саид Анвар, Фарида Афрўз, Иқбол Мирзо, Абдураҳмон Жўра, Мирза Карим, Гулбаҳор, Отабек Рустамбек ўғли, Мухтасар Тожимаматова, Озода Тўрақулова каби ижодкорлар етишиб чиқдилар.

Ф.в.да Ўзбекистон Республикаси ижодий уюшмалари (ёзувчилар, рассомлар, журналистлар, меъморлар ва б.нинг вилоят бўлимлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телевидениеси. Вилоятда 7 та журнал, 73 та газета, шу жумладан, 2 вилоят газ. («*Фарғона ҳақиқати*», «*Ферганская правда*»), 21 шаҳар ва туман, 27 та тармоқ ҳамда 23 та хусусий газеталар чоп этилади.

Ф.в.да радиоэшиттиришлар 1932 й.да эфирга узатила бошлади. Вилоят радиоси орқали ўзбек, тожик ва рус тилларида кунига 1 соатдан эшиттиришлар берилади.

Вилоят телевидениеси ўз кўрсатувларини 1991 й. 22 дек.дан намойиш эта бошлади. Ўша пайтларда ҳафтасига 1 соат кўрсатувлар берилган. Ф.в. телевидениеси ҳафталик кўрсатувлари 18 соатни ташкил этади. Кўрсатувлар ўзбек, тожик ва рус тилларида олиб борилади. Ундан ташқари «Марғилон», «Сўх», «Мулоқот», «Ниҳол» туман ва шаҳар телестудиялари фаолият кўрсатади.

Меъморий ёдгорликлари. Ф.в.да асосий ҳисобланган Қўқон меъморлигининг шаклланиши 18-а.дан бошланади. Бу ерга дастлаб Бухородан бир гуруҳ бинокорлар таклиф этилди, улар мадраса, масжид, мақбара, карвонсарой, кўприк ва б. биноларни бунёд этдилар. Ҳозиргача шаҳарда сақланган меъморий ёдгорликлардан энг қад. си Мадрасаи Мир номи б-н халқ орасида машҳур бўлган Норбўтабий мадрасасидир (18-а. охири). Бу мадраса Қўқон ҳукмдори Норбўтабий ҳукмронлиги даврига оид. Ундан ташқари, Даҳмаи шоҳон, Даҳмаи Модарихон меъморий мажмуалари (19-а.нинг 20-й.лари), Миён Ҳазрат (1860 й.), Камол Қози (1837 й.) мадрасалари, Ўрда (1871 й., Қўқон хони Худоёрхон томонидан қурилган), Жоме масжиди (19-а. охири — 20-а. бошлари) каби меъморий ёдгорликлар сақланган.

ЎзМЭ 8-жилдининг 544—545-бетлари орасидаги Фарғона вилоятининг табиий ва иқтисодий рангли харитасига қ.

Ад.: Наливкин В. П., Краткая история Кокандского ханства, Казань, 1886; Акрамов З. М., Фарғона водийси, Т., 1957.

Тоир Абдураимов, Отабек Жўрабоев.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ, Фарғона сойлиги — Ўрта Осиёдаги тоғлар орасида жойлашган водий, Ўрта Осиёнинг йирик тоғ оралиғи (сойлик) ботиқларидан бири. Шим.да Тяньшан ва жан.да Ҳисор-Олай тоғ тизмалари б-н ўралган. Асосан, Ўзбекистон, қисман Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ҳудудида. Кенг қисми Туркистон ва Олай тизмаларининг шим. ён бағирларига бориб тақаладиган учбурчак шаклида бўлиб, шим.-ғарбдан Қурама ва Чатқол тизмалари, шим.-шарқдан Фарғона тизмаси б-н ўралган. Ғарбда тор йўлак (эни 8—10 км) «Хўжанд дарвозаси» орқали Тошкент—Мирзачўл ботиғи б-н туташган. Уз. 300 км, эни 60—120 км, энг кенг жойи 170 км, майд. 22 минг км^2. Баландлиги, ғарбида 330 м, шарқида 1000 м. Унинг умумий тузилиши эллипс (бодом)симон кўринишда. Ғарбдан шарққа кенгайиб боради. Ф.в. ер юзаси тўртламчи даврнинг аллювиал ва пролювиал-аллювиал чўкиндилари б-н тўлган. Сойлик тошкўмир даврида эгилма шаклида бўлган, ўрта тошкўмир даврида қалин қумтош — лойли чўкиндилар б-н қопланган. Бўр даврида саёз денгиз бўлган. Палеоген даврининг охирига келиб батамом қуруқликка айланган. Сойлик атрофидаги тоғ тизмалари альп бурмаланишида кескин кўтарила бошлаган, лекин, денудация жараёнида қайтадан емирилган. Водий тубидаги денгиз ётқизиқлари устини континентал ётқизиқлар қоплаган (қалинлиги 300—400 м).

Ф.в.да турли геологик даврларда нефть, кўмир, табиий газ, гипс, темир, мис рудалари, симоб, оҳактош, рух, олтингугурт, мум, туз, полиметалл рудалар, сурма, минерал сув каби фойдали қазилмалар ҳосил бўлган.

Ф.в. ер юзаси тузилишини бир неча поғона (зона)га бўлиш мумкин. Рельефининг биринчи поғонаси сойликнинг марказий қисмини ва Сирдарёнинг ҳоз. ўзанигача бўлган 300—400 м

Ахсикат — ўрта аср Фарғона водийси пойтахти.

баландликдаги ерларни эгаллаган. Бу ҳудудда 200 км масофадаги нишаблик шарқ, жан.-шарқ ва жан.дан ғарбга томон 80 м га тенг. Денгиз ётқизиқлари устида аккумулятив жинслар, кейинги даврларнинг кўл ётқизиқлари, шамол олиб келган жинслар кенг тарқалган. Бу поғонада шўрхоклар, кўлларнинг ўрни, қумли тепаликлар учрайди.

Сойликнинг иккинчи поғонаси дарё ва сойларнинг кенг ёйилмаларини эгаллаган тош-шағалли майдонлардан иборат (400—600 м). Тўртламчи давр аллювиал ётқизиқлари кенг тарқалган бўлиб, улар сойлик атрофини ҳалқа каби ўраб олган.

Рельефнинг учинчи поғонасини бал. 600—1200 м бўлган адирлар зонаси ташкил қилади. Ф.в. юзаси жанубдан ўраб турган Конибодом, Шўрсув, Риштон, Чимён, Аввал, Муян адирлари тош-шағаллардан иборат ётқизиқлардан, Навкат ва шарқий адирлари лёсс ва лёссланган гил жинслардан тузилган; катта-катта қоясимон жарликлар, қуламалар бу ер рельефи учун хосдир. Шим. Фарғонадаги Наманган, Чуст, Поп адирларининг жан. ён бағирлари Сирдарё водийси томон зинапоясимон пасайган. Адирлар оралиғидаги текисликлар аллювиал жинслар б-н қопланган. Водийни ўраб турган тоғлар ана шу аккумулятив текисликлардан бошланади.

Ф.в.нинг иқлими континентал иқлим. Йилнинг ўртача т-раси ғарбдан шарққа пасайиб боради. Сойлик иқлимининг шаклланишида ғарбий шамолларнинг роли катта. Ғарбий шамоллар баҳор фаслида тез-тез эсиб, баъзан нам, баъзан қуруқ ҳаво келтиради. Янв.да ўртача т-ра Қўқонда —2,3°, Кампирраватда —4,8°. Энг паст т-ра Қўқонда —27,9°, Кампирраватда —32°. Ёзда (июлда) ўртача т-ра Фарғона, Андижонда 27°, Наманганда 26,3°, Қўқонда 27,5°. Энг юқори т-ра шу ҳудудларда 40—44° гача кўтарилади. Вегетация даври 270 кун. Ёғин миқдори ғарбида 80—100 мм, шарқида 150—200 мм, жан.-ғарбида 74 мм, ва шим.да 200—300 мм. Ёғиннинг кўп қисми баҳор ойларида ёғади, ёзда ёғин деярли ёғмайди. Кучли шамоллар («Қўқон» ва «Бекобод» шамоллари) бўлиб туради.

Ф.в.да оқар сув кўп. Тоғлардан дарё ва сойлар оқиб тушади (Норин, Қорадарё, Сўх, Исфара, Шоҳимардонсой, Оқбура, Ғовасой, Чодаксой). Дарёлар, асосан, қор, ёмғир сувларидан тўйинади. Ф.в. ер ости сувларига ҳам бой. Сойлик атрофидаги тош-шағалли ёйилмаларда ер ости сувининг сатҳи окт.—ноябрь ойларида кўтарилади, май — июнда пасаяди; сув юзасининг йиллик тебраниши 1—3 м. Текислик қисмида ер ости суви 2 м чуқурликда, баъзан, ер юзасига чиқиб қолади. Грунт сувидан ташқари 400 м чуқурликда учта сувли қатлам жойлашган. Бу қатламлардаги сувлар артезиан қудуқлар орқали олинади. Ф.в.да Катта Фарғона, Жан. Фарғона, Катта Андижон каналлари, Сирдарёда Қайроққум сув омбори қурилган. 100 дан ортиқ кўл бор. Булардан йириклари: Саричелак, Қурбонкўл, Қорасувкўл ва б.

Ф.в.нинг тупроғи турлича. Сирдарё соҳили қайир усти террасаларида (кўҳна қайир) ва 400 м баландликкача ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, турли даражада шўрланган шўрхок тупроқлар тарқалган. 400 м дан 800 м гача бўлган баландликдаги текисликлар, сой, ёйилмаларда бўз ва сур-қўнғир тупроқлар, 800—1200 м баландликда оч бўз тупроқ, тўқ ва типик бўз тупроқлар тарқалган. Уларнинг таркибида 4% гача чиринди бор. Сойликнинг сернам ва ботқоқлашган паст жойларида қўл, ёввойи жийда, туранғил, қамиш, қиёқ, қумликларда черкез, қандим, қуёнсуяк, саксовул, жийда, адирларда илоқ, шувоқ, яйлов ва яйловчиларга қўнғирбош, бойчечак, чучмомалар, водийларда кичик-кичик тўқайзорлар учрайди. Фарғона ва Чотқол тоғ тизмалари ён бағирларида ёнғоқ, олма, олча ўрмонлари тарқалган. Ёввойи ҳайвонлардан қуён, бўри, тулки, кийик, қушлардан қирғовул, ўрдак, сўфитўрғай, лойхўрак, гўзтопиқ, қизилиштон, сичқон каби кемирувчилар, турли судралиб юрувчилар учрайди. Сув омборлари, сунъий кўл ва дарёларда балиқ тури кўп. Кейинги вақтларда суғориладиган ерлардаги коллектор-зовурларда ондатра кўпайтирилмоқда.

Ф.в. йирик пахтачилик, пиллачилик, узумчилик р-ни. Воҳада пахта, баъзи жойларда шоли экилади, боғлар, узумзорлар, полизлар бор. Ф.в. марказидаги қўриқ чўл ерлар ўзлаштирилмоқда. Чўл ерлар иш давомида, адирлар баҳорда яйлов ҳисматини ўтайди. Ф.в. Ўрта Осиёда аҳоли энг зич жойлашган р-нлардан, бу ерда *Хўжанд, Қўқон, Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш, Жалолобод* ш.лари жойлашган. Ф.в. Ўзбекистондаги туризм марказларидан.

Ад.: Акрамов З., Жемчужина Средней Азии, М., 1960; Ферганская долина, т. 1, Т., 1954.

Мурод Маматқулов.

Фарғона воҳаси.

«ФАРҒОНА ЁҒ-МОЙ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — *ёғ-мой саноатининг* йирик корхонаси. «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси таркибида. Тозаланган ва ҳидсизлантирилган пахта ёғи, пахта салат ёғи, озуқа саломаси, техник саломас, техник саломас ёғ кислоталари, 88—98%ли ва юқори навли глицерин, хўжалик совуни, атир совун, соя ёғи ва шроти ишлаб чиқаради. Корхона дастлаб Фарғона давлат ёғ заводи номи б-н 1930 й. 1 окт.да фойдаланишга топширилган. 1931 й. совун заводи ҳамда ёғни рафинациялаш цехи, 1935 й. техник глицерин ишлаб чиқариш цехи, 1946 й.да гидрогенизация з-ди ишга туширилган. 1947 й.дан Фарғона ёғ-мой комбинати. 1950 й.да глицеринни буғлантириб соф тоза маҳсулот ишлаб чиқарувчи глицерин цехи, 1958 й.да ёғни реактивсиз парчалаш цехи, 1959 й.да соапсток ёғ кислоталарини дистилляция қилиш тизими қурилди. 1966 й.дан майонез тайёрлашда ишлатиладиган салат ёғи и.ч. йўлга қўйилди. 1994 й.дан очиқ турдаги акциядорлик жамияти. Корхона бир суткада 800 т пахта чигитини қайта ишлаш қувватига эга. Чет эл технологик ускуналари б-н жиҳозланган. 2003 й.да корхонада 9,5 минг тонна пахта ёғи, асосий маҳсулотлардан 2358 т «Ўзбекистон» ёғи, 259 т салат ёғи, 1096 т глицерин, 7676 т хўжалик совуни, 1224 т атир совун, 14064 т техник саломас, 1293 т соапстокнинг дистилланган ёғ кислоталари ишлаб чиқарилди. 2002 й.дан хориждан олинган соя дуккакларидан соя ёғи ишлаб чиқарилди. Корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотлардан соя шроти, глицерин чет элларга экспорт қилинади.

ФАРҒОНА КИМЁВИЙ ТОЛАЛАР ЗАВОДИ — *кимё саноатининг* йирик корхонаси. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида, давлат корхонаси мақомига эга. Диацетатцеллюлоза, ацетон ва капролактамдан тўқимачилик ва трикотаж саноати учун ацетат иплар, полиамид-6 гранулалари, полиамид иплар, автомобиль шиналари корд қопламаси ишлаб чиқаради.

Корхона 1969 й.дан ацетат ипларни и.ч. йўналишида ишга туширилган. 1998 й.да пластмасса, қолбаса пўсти, автомобиль ғилдираклари учун шина, резина-техника асбоблари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган полиамид гранулалари и.ч. цехида Германия ускуналари ўрнатилди. Маҳсулотлари Жан.-Шарқий Осиё мамлакатлари, Россия, Туркия, Португалияга экспорт қилинади.

ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ — нефтни қайта ишлаш саноати корхонаси. Ф.н.қ.и.з. бош корхона, унинг таркибига Олтиариқ нефтни қайта ишлаш з-ди, Поп ва Ангрен нефть базалари киради. «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг шўъба корхонаси (2003). Юқори октанли бензин, шу жумладан, авиатехник керосин, дизель ёқилғиси, кокос, турли хил мотор ва дизель мойлари (компрессор, турбина, урчуқ), парафин, мотор мойларига қўшимчалар, битум, мазут каби 56 дан зиёд турли нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаради. З-днинг 1-навбати 1959 й. 27 янв. да ишга туширилиб, Ўрта Осиёда биринчи марта сурков мойлари ишлаб чиқарила бошлади. 1965 й.дан з-д қувватлари тўлиқ ишга туширилди. 1966 й.дан з-днинг 2-навбати қурила бошлади, 1970 й.дан з-дда А—72 маркали ва октан сони ундан юқори бўлган бензин ишлаб чиқарила бошлади. 90-й.лар бошидан тўлиқ Ўзбекистонда қазиб олинган нефтни қайта ишлашга ўтди. 1992—2004 й.ларда «Ўзнефтгаз» холдинг компанияси таркибида фаолият кўрсатди. Корхонанинг Ўзбекистон Республикасининг нефть мустақиллигини таъминлашда хизматлари катта. 2000 й.да з-д тўлиқ таъмирланди, и.ч. бўйича 44 технологик қурилмага эга. Бир йилда 8,5 млн.т. нефтни қайта ишлаш қувватига эга. 1996—99 й.ларда Япониянинг «Мицуи» фирмаси б-н ҳамкорликда дизель ёқилғисидан олтингугуртни ажратиб олиш қурилмаси қурилиб ишга туширилди. З-д шитирокида юқори сифатли мотор мойлари ишлаб чиқарадиган «ЎзТексако» ва мотор мойларига қўшимчалар ишлаб чиқарадиган «Фарғона-мой» Ўзбекистон — Америка қўшма корхоналари ташкил этилди. Янги маҳсулот турларини и.ч.ни ўзлаштириш дастурига мувофиқ янги технологиялар ўзлаштирилмоқда.

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ — халқ хўжалиги учун малакали муҳандислар, иқтисодчилар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Тошкент политехника ин-ти умумтехника ф-ти негизида 1967 й.да ташкил қилинган. Ин-тда 6 та ф-т: қурилиш, механика, энергетика ва ахборот технологиялари, муҳандислик-иқтисод, кимё-технология ва сиртқи бўлим ҳамда асбобсозлик маркази бор. Унда 33 та кафедра, 15 та и.т. лабораторияси фаолият кўрсатади. Ин-т қошида интернат-лицейи, «Ёрмозор» акад. лицейи, Иқтисодий минтақавий маркази, тайёрлов курслари мавжуд. Ин-тда 20 йўналиш бўйича бакалаврлар, 12 йўналиш бўйича магистрлар тайёрланади. Кутубхонасида 200 мингдан ортиқ асар сақланади. 2002/03 ўқув йили ин-тда 5000 га яқин талаба ўқиди, 394 ўқитувчи, шу жумладан, 24 фан д-ри ва проф. ишлади. Ин-т ташкил қилинганидан бери 30 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланган. Ин-тда 4 йўналиш бўйича и.т. ишлари олиб борилади. Ин-тда яратилган фан ва техника янгиликлари Фарғона нефтни қайта ишлаш з-ди, «Азот» и.ч. бирлашмаси, «Кувасойцемент» АЖ, «Кварц» АЖ ва б. корхоналарда татбиқ этилган. Ин-т қошида маданият саройи, талабалар уйи, профилакторий, дам олиш масканлари, спорт иншоотлари бор. Ин-т Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон олий ўқув юртлари, АҚШ, Англия, Германия, Бельгия, Корея, Ҳиндистон ўқув юртлари ва илмий марказлари, кўпгина халқаро жамғармалар ва ташкилотлар б-н ҳамкорлик қилади. Ин-т фаолияти М.А. Икромов, Н.Йўлдошев, Р.Ж.Тожиев, А.Мирзаев, Н.М.Орипов, Р.Ж.Тожиев, И.Тўхтаров ва б. олимлар номи б-н боғлиқ.

ФАРҒОНА РАҚСИ — ўзбек халқ рақс услуби. Фарғона водийсида шаклланиб, ривожланиб келган. Қадди-қоматни эркин тутиш, енгил ва ифодали юришлар, кўп қирралли, пухта ишланган ва аниқ маъноларга эга бўлган қўл, билак, бармоқ ҳаракатлари, нигоҳлар, нафис бош ҳаракатлари Ф.р.нинг асосини ташкил этади. Эркаклар рақсларида мардонавор ҳаракатлар, айланишлар, аёллар рақсларида жилвалар етакчилик қилган. Шунингдек, Ф.р.да уфорлар (усул-ҳаракатлар) нинг аҳамияти катта. Асосан, шаҳарларда яшовчи, рақс санъатини касб қилиб олган малакали раққос ва раққосалар Ф.р.да етакчи мавқега эга бўлиб, рақс меросини, ижро услубини, ўз тажрибаларини шогирдларига ўргатиш орқали рақс санъати анъаналарининг давомийлигини таъминлаганлар. Ф.р., асосан, майдонларга мўлжалланган «*Катта ўйин*» ва меҳмонхоналар ва ҳовлиларда ижро этиладиган «Майда ўйин» туркум рақслардан ташкил топган. «Катта ўйин»да

Тамарахоним ижросидаги Фарғона рақси.

рақс воситалари б-н сюжетли воқеалар акс эттирилган, 280 усулни ўз ичига олган. Муайян рақс шакли ва ҳаракатларини ҳосил қилувчи рез, титратма, шох, гул ўйин, йўрға, сарбози, чарх, ҳаққони, ором, жиловони, сахта, дучоба, роғ, катта само, ялдама, қайтарма, дупоя (оқсатма), олма-анор каби бизгача етиб келган усуллар шу жумладандир. Усуллар, асосан, доираларда (баъзан ноғоралар қўшилган) чертилган ва шунга мос рақслар гоҳ бир киши, гоҳ гуруҳ ўйинчилар томонидан бажарилган. «Майда ўйин» эса ялла ва лапарлар жўрлигида ижро этиладиган лирик рақслар, кулгили-тақлидий рақслардан ташкил топган бўлиб, доира, дутор жўрлигида ҳаваскор ва профессионал ўйинчилар томонидан ижро этилган.

Ф.р.да ялачи деган аёл ижрочиларнинг рақслари (жумладан, «Танавор» рақс туркуми), шунингдек, уйғур рақси таъсирида вужудга келган «Андижон самоси» (19-а. охирида «*Андижон полькаси*» номини олган) йигитлар рақси алоҳида ажралиб туради. Рақс усталарининг либослари рақслар мазмунини кучайтирган. Эркаклар сурп ва беқасамдан тикилган яктак ва камзуллар, шойи шолворлар, белбоғ ва дўппилар, ўткир учли махсус рангдор этиклар (мокки)дан, аёллар хонатлас, олача кўйлаклар, нимчалар, лозимлар, кавуш-махсилар, рўмоллар, дурралар, хилма-хил тақинчоқлардан фойдаланганлар. 20-а. бошида Маккандик (Уста Муҳаммаджон), Ҳамдамхон, Солиҳ Ҳожи Баратов, Отахўжа Саидазимов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Маҳкам ҳофиз, Камолахон Муҳаммаджонова, Назирхон, Чўнтак бачча, Адолхон, Шарофат сатанг сингари моҳир раққос ва раққосалар фаолият кўрсатган. Ф.р.ни 20-а. давомида саҳнага олиб чиқиб, уни янада ривожлантириш ва бойитишда Уста *Олим* Комилов, *Тамарахоним*, Мукаррама *Турғунбоева*, Розия *Каримова*, Гавҳар *Раҳимова*, Қундуз *Миркаримова*, Дилафрўз *Жабборова*, Қизлархон *Дўстмуҳамедова*, Маъмура *Эргашева* ва б.нинг хизмати катта.

Ад.: Авдеева Л.А., Ўзбек миллий рақси тарихидан, Т., 2001; Каримова Р., Ўзбек рақслари, Т., 2003.

Муҳсин Қодиров.

ФАРҒОНА ТЕАТРИ, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театри — Ўзбекистоннинг кўҳна театрларидан бири. 1930 й.да ташкил бўлган. Ташкилотчилари Мамадали Ҳайдаров, Соли *Аҳмедов*. 1933 й. Марғилон театр труппаси ҳам Ф.т.га бирлаштирилди. Муҳаммад Тожизода бош реж. этиб тайинланди. Б. Пўлатов, М.Олимова, М. Қориева, С.*Қосимов*, Л.*Саримсоқова*, С.Саидова, А.Раҳмонов, Я.*Маматхонов* кабилар театрнинг дастлабки ижодкорларидир. М. Тожизода «Ичкарида» (К.Яшин; Т. Жалилов) мусиқали драмасини саҳналаштирди. Она ролини ижро этган Л.Саримсоқованинг ижро маҳорати қимматли тажриба мактаби бўлди. Кетма-кет саҳналаштирилган «Ҳалима», «Аршин мол олон», «Ёндирамиз», «Номус ва муҳаббат», «Гулсара», «Рустам», «Платон Кречет» каби спектакллар б-н театр ўз мавқеини мустаҳкамлади. Театр репертуари ранг-баранг мавзуларга алоҳида эътибор берди. «Икки бойга бир малай» (К.Гольдони), «Маликаи Турандот» (К.Гоцци), «Уйланиш» (Н.Гоголь), «Номус» (Г.Мдивани) каби таржима асарлар саҳнага қўйилди. Лекин томошабин руҳиятидан бир қадар узоқ ва саҳналаштиришда кўринган тажрибасизлик туфайли театр фаолиятини улар эмас, балки халққа яқин «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби мусиқали драмалар белгилади. Илк бор Ф.т.да саҳналаштирилган «Тоҳир ва Зуҳра» (С.Абдулла; Т.Жалилов) спектакли мусиқали драма ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Театрнинг биринчи 10 йиллигида М. Ҳайдаров асосий ижодий сиймо бўлиб, унинг устозлигида С.Аҳмедов, С.Қосимов, А.Раҳмоновлар реж. сифатида етилдилар. С.Саидова, Я.Маматхонов, Ф.Хўжаева, Ю.Орипов, А.Юнатонов каби истеъдодли актёрлар ва Г. *Тошматов*, З.Ҳайдаров, Ғ.Ҳотамов каби созанда ва бастакорлар тарбия топдилар. Уруш йиллари Т. Шевченко номидаги Украина ва Москва Ленин комсомоли театрлари б-н бир бинода ижод қилдилар. «Нодира», «Беш сўмлик келин» каби мусиқали асарлар ҳамкорлик намунаси бўлди. «Қурбон Умаров», «Даврон ота» каби асарлар ҳам шу йиллар маҳсули.

Урушдан кейинги йилларда юқори ва ширали овозга эга бўлган актёрларнинг етишуви халққа яқин мусиқали драмаларни тубдан қайта талқин этиш имконини берди: «Лайли ва Мажнун», «Гулсара», «Нурхон», «Тоҳир ва Зуҳра» ва б. Ўтмиш ва шахсларга қизиқиш натижаси ўлароқ «Алишер Навоий», «Муқимий» спектакллари юзага келди. Янги яратилган мусиқали драмалар орасида «Алпомиш», «Райҳон ва Зулхумор», «Қумрининг муроди» театрга катта муваффақият келтирди. Замонавий мавзуда «Шоҳи сўзана», «Огриқ тишлар», «Юрак сирлари», жаҳон мумтоз асарларидан «Айбсиз айбдорлар», «Макр ва муҳаббат» саҳналаштирилди. 60-й.лар театр репертуари «Тоға-жиянлар», «Тошболта ошиқ», «Мели хоббону Наби товон», «Тобутдан товуш», «Ой тутилган тунда» каби спектакллар б-н бойиди. 1966 й. илк бор Фарғона театрида қўйилган «Гул ва Наврўз» (С. Абдулла, М. Муҳамедов; Т. Жалилов) спектаклидан бошлаб мусиқали драма йўналишида кескин кўтарилиш бошланди. Бу йиллар Х. Қозоқова, Ф. Баратова, Ж. Охунов, Т. Қодиров, К. Аҳмедова, Х. Ҳожинабиева, Қ.Хотамова каби актёрлар, бош дирижер Д. Жалилов, созандалардан М. Муртазоев, М. Ғиёсов, Й. Эргашев каби ва истеъдодли рассом З. Бошбоклар етакчилик қилдилар.

1976 й. театрга бош реж. бўлиб келган Н. *Отабоев* диққатини ижтимоий кўлами кенг асарларга қаратди: «Наргиз» (Уйғун), «Ревизор» (Н. Гоголь), «Қандала» (В. Маяковский), «Ўтган кунлар» (А. Қодирий), «Мухтор вакил» (Н. Юсуфий) ва б. шулар жумласидан. «Туйлар муборак» (Ў. Хошимов), «Туйдан кейин томоша» (Шукрулло), «Оқ булоқ парилари» (М. Мирзаева), «Ҳокими мутлақ» (М. Карим) сингари спектаклларини З. *Мадалиев* саҳналаштирди.

80-й.лардан авж ола бошлаган миллий уйғониш, ўзликни англаш Ф.т.да ҳам ўз аксини топди. Театрга реж. бўлиб келган О. *Салимов* Ч. Айтматов асари асосида «Соҳил бўйлаб чопаётган ола-пар» номли илк спектаклидаёқ унинг ижтимоий муаммоларни кескин ифодалаш этишлик хусусияти намоён бўлди. Ифода шаклининг оддийлиги ва маъно кўламининг кенглиги шу реж. саҳналаштирган «Темир хотин» (Ш. Бошбеков) спектаклида намоён бўлди. Машҳур спектакль Ўрта Осиё ва Қозоғистон театр фестивалида олий мукофотга сазовор бўлди ва шу спектаклда Қўчқор ролини ижро этган М. *Юсупов* «энг яхши эркак роли» мукофоти б-н тақдирланди. Реж.нинг «Жафога вафо» (Али Жамол), «Қоғоз қайиқчалар» (И. Турсунов), «Қўнғироқли ёлғончи» (А. Обиджон) спектакллари театр мавқеининг баланд кўтарилишида асосий омиллардан бўлди. Ажойиб-ғаройиб саргузашт, самимий юмор, оддийлик, сўз б-н ҳаракат, мусиқий ва пластик воситаларнинг ўзаро қовушимлилиги «Тошкентга саёҳат» (Ҳамза асари асосида Б. Омонов таблили) спектаклининг кенг довруғ таратишига сабаб бўлди.

«Кампир тонаймы, далажон» ва «Осмондан тушган одам» спектаклларидан кўриниш.

Истиқлол даври ижод эркинлиги туфайли дунёга келган қатор оригинал спектаклларда Ф.т.нинг ҳаётий воқеликка ёндашуви ўзига хос тарзда намоён бўлди. Ўтмиш тарихи б-н фахрланиш туйғуси саҳна темурномасига ҳисса бўлиб қўйилган «Амир Темур ва Тўхтамишхон» (Т. Мирзо), Ал-Фарғонийга қаратилган «Осмонга сиғмаган муҳаббат» (И. Сулаймон), «Парижга саёҳат» (Мольер пьесаси, Ш.Бошбеков таблили), «Кампир тонаймы, далажон» (А. Хурсандов), «Бахт ўғриси» (Н. Турсунов), «Тикансиз шиппакчилар» (Ш. Бошбеков), «Тузоқ» (Р. Том) ва б. театрнинг сўнгги йиллардаги энг яхши спектаклларидир. С. *Аҳмедов*, Е. *Хотамова*, Х. Икромов, С. *Ҳакимов*, Н. Султонов, М. Шомуродова, Р. Холбеков, Қ. Хўжанназаров, А. Исҳоқов, реж. М. Ғуломов, дирижёр А. Умаров ва б. театрнинг етакчи ижодкорларидир. Бош реж. — Муҳаммадкодир Юсупов (2004).

Сотволди Турсунбоев.

ФАРҒОНА ТИЗМАСИ — Марказий Тяньшаннинг ғарбий қисмидаги (Қирғизистон) тоғ тизмаси. Фарғона водийсини Ички Тяньшандан ажратиб туради. Шим.-ғарбда Исфанжойловбойбошота тоғ тугунидан бошланиб, Кичик Олай тизмасининг шарқида Тўйбел довонида (3934 м) тугайди. Уз. 225 км, энг кенг жойи 90 км дан зиёд. Бал. 3000 м. Энг баланд жойи 4692 м. Кўндаланг профили ассиметрик: жан.-ғарбий ён бағри узун ва қия, шим.-шарқий ён бағри калта ва тик. Ғарбий ён бағрида Ўзган ва Кучарғи сойликлари, шарқий ён бағрида Кўкиирим, Арпа сойликлари бор. Ф.т.дан Қорадарё, Ясси, Кучарғи, Қораунгур, Қоракулжа, Олабуқа ва б. дарёлар оқиб тушади.

Фарғона тизмасининг жануби-ғарбий ён бағирлари.

Тектоник жиҳатдан Ф.т. герцин бурмаланишининг босқичида шаклланган антиклинорийдир. Сланец, конгломерат, қумтош, оҳактош, метаморфик ва чўкинди ҳамда габбро, диабаз каби отқинди тоғ жинсларидан ташкил топган.

Жан.-ғарбий ён бағрининг қуйи қисмларида мезо-кайнозой даври ётқинди тоғ жинслари кенг тарқалган. Иқлими шим.-шарқий қисмида кескин континентал, ёғин миқдори кам, жан.-ғарбий ён бағрида эса мўътадил, ёғин миқдори мўл (700—1000 мм). Ф.т.да, асосан, жан.-шарқий қисмида музлик кўп (сони 156 та, майд. 125 км²). Ф.т.да бўз, дашт, жигарранг, тоғ-ўрмон, қўнғир, тоғ-ўтлоқ, субальп ва альп тупроқлар тарқалган. Тизманинг жан. ён бағирларида мевали ўрмонлар (ёр ёнғоқ, ёввойи олма, нок, ғайноли, писта ва б.), игна баргли дарахтлар, арчазорлар, буталардан зирк, наъматак, баланд қисмларида субальп ва альп ўтлоқлари мавжуд. Ёввойи ҳайвонлардан қизил бўри, тулки, барс, тоғ эчкиси ва қўйи, турли қушлар, судралиб юрувчилар учрайди.

Ф.т.нинг жан.-ғарбий ён бағрида кўмир, тоғ олди қисмида нефть-газ конлари очилган.

Мурод Маматқулов.

ФАРҒОНА ТУМАНИ — *Фарғона вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил қилинган. 1962 й. 24 дек.да Қува туманига қўшиб юборилган. 1964 й. 22 февр.да қайта тузилган. Шим.дан Марғилон ва Фарғона ш.лари, шарқдан Қува тумани ва Қувасой ш., жан.-шарқ ва жан.дан Қирғизистон Республикаси, шим.-ғарбдан Олтиариқ тумани б-н чегарадош. Майд. 0,62 минг км². Аҳолиси 168,5 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳарча (Чимён), 13 фуқаролар йиғини (Аввал, Гулшан, Дамкўл, Водил, Каптархона, Логон, Сойбўйи, Миндон, Навкат, Оқбилол, Хонқиз, Чекшўра, Чимён) бор. Туман маркази — Водил қишлоғи.

Табиати. Туман ҳудуди вилоятнинг жан. қисмида, Помир-Олай тоғлари этакларида жойлашган. Рельефи жан.да қир-адирлар (Хонтахт, Сарикучма, Каттакам, Кичиккам, Номозгўй, Хирмонжой) б-н банд. Тоғлардан Олтиариқсой, Файзободсой, Чимёнсой оқиб тушади. Шим., асосан, текисликдан иборат. Фойдали қазилмалардан нефть, табиий газ, оҳактош, мармар бор. Минерал булоқ кўп. Иқлими континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —2,7°, энг паст т-ра —27°. Июлнинг ўртача т-раси 26,4°, энг юқори т-ра 42°. Йиллик ёғин миқдори 174 мм. Вегетация даври 240 кун.

Тупроқлари, асосан, ўтлоқи бўз тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан шувоқ, янтоқ, қовул, ялпиз, чангал, лолақизғалдоқ, бангидевона, ажриқ, итузум, итқўноқ, бурган, бўзтикан, отқулоқ, айиқтовон, қўға, қамиш, дўлана, шўра ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, чиябўри, тулки, суғур, қуён, жайран, қобон, жайра, юмронқозиқ, каламуш, ҳар хил илонлар, эчкемар, сичқон; қушлардан каклик, бедана, булбул, ўрдак, ғоз, каптар, лайлак, мусича, чумчуқ, қалдирғоч, майна, зағизғон, олақарға, сор, қирғий, қизилиштон, тўрғай, зарғалдоқ, қарқуноқ, бойўғли ва б. қушлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 271,8 киши. Шаҳар аҳолиси 3,4 минг киши, қишлоқ аҳолиси 165,1 минг киши (2004).

Хўжалиги. Туманда саноат корхоналари, шу жумладан, таъмирлаш-механика з-ди (Чимён), МТП, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, 394 кичик, 2 қўшма корхона, пиллани

Шоҳимардон кўли.

қайта ишлаш з-ди ва б. бор. Қ.х. пахтачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик (айниқса, малинаси машҳур), чорвачилик ва пиллачиликка ихтисослашган. Ширкат хўжаликлари, 293 фермер хўжалиги мавжуд. Туман хўжаликларида пахта, картошка, сабзавот, дон, озуқа экинлари экилади. Тумандаги шахсий ва жамоа хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

61 умумий таълим, мусиқа мактаблари, лицей, 4 касб-ҳунар коллежи, марказий кутубхона ва унинг тармоқлари, маданият уйи, 11 клуб муассасаси, 2 музей ишлаб турибди. Марказий стадион, спорт заллари, футбол майдонлари бор. Марказий касалхона, поликлиника, туғруқхона, қишлоқ врачлик пунктлари, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. «Чимён», «Зилол», «Нурафшон» ва б. санаторийлар ишлаб турибди. Фарғона—Шоҳимардон, Водил—Олтиариқ автомобиль йўллари ўтган. 1932 й.дан «Шонли меҳнат» туман газ. нашр этилади.

Тоир Абдураимов.

ФАРҒОНА УНИВЕРСИТЕТИ, Фарғона давлат университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига мувофиқ 1991 й. 1 мартда Фарғона педагогика ин-ти (1930 й. 1 майда асос солинган) негизида ташкил этилган. Ун-тда 11 ф-т (мат., физика-техника, табиийёт, жисмоний тарбия, иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар мутахассисликлар, пед. ва маданият, ўзбек филол.си, хорижий филол., ҳуқуқ ва маънавият асослари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш), 30 кафедра, 34 ўқув ва 10 илмий лаб., 14 компьютер синфи, 2 академик лицей, интернат лицей, бизнес мактаби, «Нилуфар» театр студияси, санаторий-профилакторий, 8 очиқ ва 4 қишки ёпиқ спорт иншооти бор; кутубхонасида 800 мингга яқин асар сақланади (2004). Кутубхона қошида 100 ўринли ўқув зали, ф-тлараро 2 филиали ҳамда интернет тармоғига уланган компьютер зали мавжуд. Ун-т 26 йўналиш бўйича [мат., амалий мат. ва информатика, физика, касбий таълим, биол., кимё, тупроқшунослик, экология ва табиатдан фойдаланиш, геогр., меҳнат таълими, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, чақириққача ҳарбий тайёргарлик, иқтисодиёт (соҳалар бўйича), тарих, психология, социология, ўзб. филол.си, славян филол.си., роман-герман филол.си, бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш, ижтимоий маданий фаолият, мусиқий таълим, халқ ижодиёти, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, юриспруденция] бакалаврлар, 16 мутахассислик бўйича (дифференциал тенгламалар, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, мат. фанини ўқитиш методикаси, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, назарий физика, физика фанини ўқитиш методикаси, ноорганик кимё, зоол., ботаника, одам ва ҳайвонлар физиологияси, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, тармоқлар иқтисодиёти, Ватан тарихи, социологик тадқиқот усуллари, лингвистика, адабиётшунослик) магистрлар тайёрлайди. Ун-тда 12 йўналиш бўйича аспирантура ва 2 йўналиш бўйича докторантура ҳамда 2003 й.дан миллий ғоялар (ўзбек тили) бўйича бирлашган ихтисослашган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. 2003/04 ўқув йили ун-тда 7059 талаба таълим олди. 611 ўқитувчи, жумладан, 55 фан д-ри ва проф., 167 фан номзоди ва доцент ишлади. Ун-т фаолияти Б.Отақулов, М. Қорабоев, А. Ўринов, М. Аҳмедов, Р.Расулов, М. Абдуллаев, А. Мамажонов, Ғ. Тоиров, А. Ғофуров, А. Муҳаммадиев, Ғ. Ҳамидов, А. Қодиров, А. Маҳмедов, Ш. Хоникелдиев каби проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. Ун-тда илмий жур. ва «Фарғона университети» газ. нашр этилади. 2004 й.гача ун-т 70 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади.

ФАРҒОНА ФУРАН БИРИКМАЛАРИ КИМЁ ЗАВОДИ — гидролиз саноатининг йирик корхонаси. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига киради. Давлат корхонаси мақомига эга. Корхонада пахта шулхаси, шоли қипиғи, пахта линти ва б. маҳаллий хом ашёдан органик синтез кимёвий маҳсулотлари, шу жумладан, фурфурол, тетрагидрофурфурил, этил ва техник спиртлар, қатрон, пахта целлюлозаси, тормоз суюқлиги ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлари кон-металлургия, автомобилсозлик, тўқимачилик, нефть кимёси ва б. саноат тармоқларида қўлланилади.

Корхона гидролиз з-ди сифатида ташкил этилиб, биринчи навбати 1946 й. дек.да ишга туширилди ва этил спирти ишлаб чиқарила бошланди. 1947 й.дан фурфурол, 1950 й.дан ксилитан, 1955 й.дан карбонат ангидрид, 1964 й.дан тетрагидрофурил спирти, ем ачитқиси, терогидрофуран ва б. цехлар қурилиб фойдаланишга топширилди. 1963 й.дан ҳозирги номда. 2001 й.да Германиянинг «Униоматекс» фирмаси б-н ҳамкорликда целлюлоза и.ч. йўлга қўйилди. Маҳсулотлари МДҲ мамлакатларига экспорт қилинади.

Фарғона университети.

ФАРҒОНА ХАЛҚА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ — умумдавлат (республика) аҳамиятидаги йўл. Наманган вилоятининг Пунгон қишлоғида А-373 «Тошкент — Ўш» халқаро автомобиль йўлидан бошланиб, Қўқон — Риштон — Фарғона — Андижон — Наманган — Чуст — Поп ш.ларидан ўтиб Фарғона вилоятининг Қўқон ш.да яна А-373 автомобиль йўлига туташади. Йўлга 1931 й.да асос солинган бўлиб, халқ ҳашари усули б-н қурилган. 2-жаҳон уруши даврида қаровсизлик оқибатида бузилиб яроқсиз ҳолга келди. Урушдан кейин 1946—53 й.ларда қайта қурилди. Фарғона водийсининг асосий автомобиль йўлига айлантирилди ва йўл бўйлаб мунтазам йўлни сақлаш хизмати ташкил қилинди. Кейинчалик йўл йўналишидан четда бўлган Чуст ва Шаҳрихон ш.ларига, Фарғона дам олиш зонасига, Наманган аэропортига, Поп темир йўл ст-ясига, Каркидон сув омборига ва б. хўжалик объектларига уз. 43 км ни ташкил қилувчи чиқиш йўллари ҳам қурилиб ҳалқа йўл б-н узвий боғланди. Умумий уз. 295 км, шундан 159 км — I тоифали, 133 км — II тоифали, 3 км — III тоифали, қаттиқ асфальт-бетон тўшамали, йил давомидаги кунлик транспорт ҳаракати жадаллиги йўлнинг турли қисмларида турлича бўлиб 5000—12000 автомобиль /кунни ташкил қилади. Йўлнинг дарёлар, катта-кичик табиий сув ўзанлари б-н кесишув қисмларида уз. 5256 м бўлган 88 темир-бетон кўприклар ва уз. 20953 м бўлган 654 темир-бетон қувурлар қурилган.

Ад.: Стрельцов И.В., Семёнов Л.И., Опыт строительства автомобильных дорог в Узбекистане, Т., 1965.

Тоҳиржон Мирзаев.

«ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ» — Фарғона вилояти ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газетаси. 1917 й. окт.дан Қўқон шаҳрида «Эл байроғи» номи б-н нашр этила бошлаган. Кейинчалик «Меҳнат байроғи» (1918—22), «Фарғона» (1922—26), «Янги Фарғона» (1926—32), «Коммуна» (1932—90), «Олтин водий» (1991—93) номлари б-н чиққан; 1993 й. ноябрдан ҳоз. номда.

Ўз вақтида газнинг фаолият кўрсатишига Акмал Икромов, Назир Тўрақулов сингари республика арбоблари яқиндан ёрдам беришган. Газнинг оммалашиб боришида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Сўфизода, Абдулла Қодирий, Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир, Шариф Ризо, Наим Саид, Шариф Муртазин, Тўлаган Соатов, Муҳиддин Хайруллаев, Ҳасан Иззатий каби ёзувчи ва журналистларнинг хизмати катта бўлган. Кейинчалик уларнинг ишини А.Мирзаев, А.Ҳамдам, Ж.Машрабий, Ш.Тошматов, Ю.Каримов, Ҳ.Қодиров, А. Қамбаров, А.Олим, В.Музаффаров каби журналистлар давом эттирган. Охунжон Ҳакимов, Муҳаммаджон Хайруллаев, Абдукарим Нашибхўжаев, Йўлдош Сулаймон, Малика Мирзаева, Санъат Маҳмудова, Абдужаббор Ҳусанов, Комил Жўра, Алишер Ибодинов, Муҳаббат Иброҳимова, Абдужалил Бобожонов, Маҳфуза Усмоновалларнинг газ. ижодкорларининг 3-авлоди дейиш мумкин.

Газ.га турли йилларда Б. Солиев, А. Зоҳирий, Қ. Сорокин, М.Мироқилов, Наим Саид, Лутфулла Олимий, Акмал Пўлат, Аҳмад Ёгоров, Абдулла Мирзаев, Алҳам Ҳамдам, Дониёр Эргашев, Аҳмадали Хўжаевлар муҳаррирлик қилишган.

1993 й. ноябрдан «Ф.Ҳ.» ва «*Ферганская правда*» газ.ларининг таҳририятлари бирлаштирилган. «Ф.Ҳ.» ва «Ферганская правда» газ.лари вилоят аҳолисининг республика, вилоят ва дунё миқёсида рўй бераётган янгиликлардан, бунёдкорлик ишларидан хабардор этиш ва уларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга, ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, тинч-тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишларига жалб қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Айни пайтда газ. ҳафтасига 2 марта 8 саҳифада 7 минг нусхада чоп этилмоқда. Бош муҳаррири: Фотиҳ Азимов (2002 й. сент.дан).

Абдужалил Бобожонов.

ФАРҒОНА—ТОШКЕНТ МАҚОМ ЙЎЛЛАРИ — Тошкент ва Фарғона водийси (Қўқон, Наманган, Андижон, Фарғона, Марғилон, Қува ва б.) мусиқа амалиётида юзага келган мақом намуналарининг умумлашма номи. *Шашмақом* ва *Хоразм мақомлари*дан фарқли ўлароқ алоҳида-алоҳида чолғу ва ашула йўлларидан иборат. Жумладан, чолғу йўллари «Насрулло I—V», «Мунажот I—V», «Ажам ва тароналари», «Мискин I—V», «Сегоҳ I—III», «Сайқал I—II», «Мирзадавлат I—II», «Чўли Ироқ», «Чоргоҳ», «Сурнай Ироқи», «Сурнай Дугоҳи» «Сурнай Ушшоғи» кабилар машҳур. Ашула йўллари алоҳида бир қисмли («Сегоҳ, «Тошкент» ироғи» каби) намуналардан тортиб кенг кўламли туркумлардан ташкил топган. Айниқса, беш қисмли «Чоргоҳ», «Баёт», «Баёти Шерозий», «Гулёр—Шаҳноз» ва етти қисмли «Дугоҳ—Ҳусайн» ашула йўллари оммалашган. Улар мумтоз шеърият (Саккокий, Навоий, Бобур, Увайсий, Фурқат, Муқимий ва б.) намуналари асосида ўқилади.

Фарғона—Тошкент мақом туркумларининг қисмлари рақамлар воситасида ажратилади (мас., «Мискин I», «Мискин II», «Баёт I»). Айрим ҳолларда таркибий қисмларнинг махсус номлари ҳам учрайди. Жумладан, «Мискин» чолғу туркумининг III қисми «Алоий», IV қисми «Асирий», «Насрулло»нинг II қисми «Чавандоз», III қисми «Қашқарча», IV қисми «Тарона», V қисми «Уфар» деб номланади. Шунингдек, Ф.—Т.м.й.нинг чолғу куйларининг айримларига нисбатан «Машқ» атамасини қўллаш одати мавжуд (мас., «Машқи Чоргоҳ», «Машқи Дугоҳ—Ҳусайн» ва ҳ.к.).

Ф.—Т.м. й.ларининг шаклланиш ил-дизлари ўрта асрларда машҳур бўлган *Ўн икки мақом* тизими ва ундан ҳам олдинроқ мавжуд туркумли асарларга бориб тақалади. «Йўллари» атамаси ҳам шунга ишора этади. Зеро «мақом» атамасидан аввалроқ мусиқа илми амалиётида «йўл» маъносидаги «роҳ», «тариқа», «равиш» каби тушунчалар кенг қўлланиб келинган. Шашмақомдан фарқли равишда Ф.—Т.м.й. нафақат хон саройларида, балки халқ ҳаёти б-н боғлиқ турли вазият ва шароитларда ҳам мудом ижро этилган. Мас., сурнай йўллари халқ томоша ва байрамларида, дорбозлар ўйини ва тўй базмларида, дутор, танбур, ғижжак ижролари ҳамда ашула йўллари уй шароитларида ўтказиладиган турли йиғин ва мажлисларда

намоён бўлган. Айни пайтда, бу мақомларда *Фарғона—Тошкент мусиқа услуби*га хос ялла, ашула, катта ашула жанрларининг хусусиятлари ўз аксини топган. Бу ҳолат уларнинг мусиқий тили халқчил ва нисбатан оммавий эканлиги, халқ орасида машҳур бўлиши сабабларидан биридир.

Ф.—Т.м.й. ижрочилари мазкур анъанани олатда машҳур устозлардан ўрганишган. Шу тарзда бу мақомларни бизга етказиб берган таниқли талқинчилар қаторида Абдуқодир найчи, Аҳмаджон қўшнай, А.Юсупов (сурнай), Шобарот танбурчи, А.Абдуллаев (танбур), М. Нажмиддинов (дутор, танбур), К.Жабборов (гижжак, дутор), С.Калонов (най), Фахриддин Содиқов (чанг, дутор), Ғ.Тошматов (гижжак), Т.Алиматов (танбур, дутор), ҳофизлар — Ш.Шоумаров, Тўйчи ҳофиз, Шожалил ҳофиз, Илҳом ҳофиз, Содирхон ҳофиз, Ражабийлар. Расулқори Мамадалиев каби устоз санъаткорларнинг хизматлари катта. Бастакорлардан Т. Жалилов, О. Ҳотамов, Ф. Мамадалиев, сўнгги йилларда А. Исмоиловлар Ф.—Т.м.й. анъаналарида туркумли ва алоҳида ижро этилувчи асарлар яратишган.

Оқилхон Иброҳимов.

ФАРҒОНА—ТОШКЕНТ МУСИҚА УСЛУБИ — Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида қарор топган маҳаллий мусиқий анъаналар мажмуи. Мазкур услубнинг ўзига хос жиҳатлари ўзбек халқ мусиқа ижодиёти (болалар қўшиқлари, аёллар фольклори, терма, лапар, ялла, ашула ва б.) ҳамда мумтоз мусиқа (достон, ашула, катта ашула, мақом ва б.) намуналарида кузатилади. Ўзбек анъанавий мусиқасининг муҳим таркибий қисми бўлган ушбу услуб доирасида халқ мусиқасининг энг қад. даврларга мансуб куй-оҳанг ва усул намуналари ҳам ўз аксини топган. Жумладан, болалар («Лайлак келди», «Олатой», «Офтоб чиқди» ва б.) ва мавсумий-маросим қўшиқлари («Бойчечак», «Бинафша» ва б.)да халқ мусиқий тафаккурининг илк босқичларига оид қуйи (бирламчи) тузилма ва даракчи оҳанг аломатлари, парда асосларида эса *ангемитоника* хусусиятлари яхши сақланиб қолган. Шунингдек, инсон нутқи, сўз айтиш талаффузига яқин оҳанглар достончи бахшилар ижодида ҳам муҳим ўрин тутади. Ф.—Т.м.у.гагина хос бўлган *катта ашула* жанрида эса нутқдош оҳангларнинг мумтоз ғазаллар оҳизларига ҳамоҳанг куйчанлик б-н пайваста бўлган.

Олатда, сўздош тоифали оҳанглар қўлланган жанрлар доира усуллари қўлланилмайди. Улардан фарқли ўлароқ, куйчан хусусиятли жанрлар (ашула, ялла, мақом ва б.)да жўрнавоз чолғулар кенг қўлланилиши кузатилади. Хусусан, хотин-қизлар даваларида рақсга тушиб ялла ва лапар айтиш, ашула куйлаш (яллачилик) одат тусини олган. Якка ҳолда яллачилар ўз қўшиқларига дутор ёки доирада жўр бўлишади. Ансамбль шаклида ижрочилар эса одатда 2—3 аёлдан иборат бўлиб, улар асосан доира жўрлигида куйлашади. Яллачиларнинг репертуари ялла, қўшиқ, лапар ва тўй-маросим («Ёр-ёр», «Келин салом», «Ўлан» ва б. асарларидан ташкил топади. Яллачиликнинг яна бир кўриниши Наманган анъанасида «сатанг» деб аталиб, булар кўпроқ туркумли (2 ва ундан ортиқ қисмли) «катта ялла»ларни доира жўрлигида (одатда рақсга тушиб) куйлайдилар.

Ф.—Т.м.у.да сўлим табиатли куй-оҳанглар ҳам шаклланган бўлиб, уларнинг намуналарини маҳаллий ашулаларда кўриш мумкин. Булар икки хил бўлади: халқ оғзаки мусиқа ижодида юзага келган ашулалар ҳамда бастакорлар томонидан ижод этилган ашулалар. «Танавор», «Эй нозанин», «Ондек тўлибдур», «Фарзона», «Ул париваш» сингари халқ ашулалари нафақат ҳофизлар, балки шеъдилар, ҳунармандлар ва бошқа касб эгалари, шунингдек, хотин-қизлар томонидан ҳам ижро этиб келинган. Айни пайтда, «Нигорим», «Галдр», «Нисор», «Фиғон», «Чаман ялла» сингари ашулаларни, асосан, ҳофизлар мукаммал ижро этиб келмоқда. Бунда танбур ва дутор жўрнавозлиги кўп қўлланилади. Бу турдаги услубни шакллантиришда Т. Жалилов, К.Жабборов, Ж. Султонов, Ғ.Тошматов, Фахр.Солиқов каби бастакорлар катта ҳисса қўшганлар.

Ф.—Т.м.у.га хос хусусиятлар *Фарғона—Тошкент мақом йўллари*да ҳам ўз аксини топган. Хусусан, уларда ашула, катта ашула, ялла сингари жанрларнинг муҳим сифатлари ўзаро уйғунлиги кузатилади.

Ф.—Т.м.у. доирасида қарийб барча халқ чолғулари (дутор, танбур, рубоб, чанг, сато, гижжак, най, қўшнай, сурнай, карнай, доира, ноғора ва б.) намоён бўлади. Улар якка ёки ансамбль таркибида қўлланилади. Хусусан, оммавий байрам, халқ тантаналари ва тўй маросимларида сурнай, карнай, ноғора ва доиралардан иборат ансамбль садолари янграса, уй-хона шароитларида дутор, танбур, гижжак каби нисбатан майин садоли чолғулар қўлланилади. Бинобарин, халқ маданияти ҳаётида ҳар бир чолғу ўз ўрни, вазифаси ва ижро этиш учун махсус («Қушчор», «Чертмак», «Дутор бахти» кабилар) куйлар бўлиши б-н бирга маҳкур созлар ашула, ирик қўшиқларга жўрнавоз сифатида ҳам фойдаланилган. Бу чолғу (доира каби) хотин-қизлар орасида ҳам кенг оммалашган. Аммо танбур, сато, най, қўшнай, гижжак, чанг сингари созлар, асосан, касбий мусиқачилар чолғуси сифатида намоён бўлади. Ф.—Т.м.у.да «Дилхирож», «Андижон полькаси», «Фарғона рези», «Танавор», каби жозибали рақс куйлари ҳам машҳурдир.

Оқилхон Иброҳимов.

ФАРҒОНИЙ — қ. *Аҳмад ал-Фарғоний.*

ФАРҲОД — *Самарқанд вилояти*даги шаҳарча. Зарафшон дарёсининг чап соҳилида жойлашган. Самарқанд ш.дан 6 км. Аҳолиси 4,8 минг киши (2003). 1981 й.да ташкил этилган. Самарқанд шаҳар Кенгашига қарайди.

Ф.да темир-бетон плиталар и.ч., асфальт-шағал саралаш з-длари, Ўзбекистон—Англия—АҚШ «ЎзБАТ» (тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилади), Ўзбекистон—Туркия (тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади) қўшма корхоналари, сув хўжалиги қурилиш таъминоти бошқармаси, автокорхона, зовур-ариқларни тозалаш механизациялашган бирлашмаси бор. 3 умумий таълим, мусиқа мактаблари, спорт майдони, касалхона, поликлиника, 5 дорихона, савдо, маиший ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

ФАРҲОД — Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётида кенг тарқалган образ. Ф. қад. мифология ва фольклорда тоғ қаҳрамони сифатида тасвирланган. Ривоятларда Ф. афсонавий кучлардан ҳам юқори қўйилган. Бадиий адабиётда дастлаб форс-тожик шоири Огочий (10—11-а.лар) шеърларида тилга олинган. Балъамий («Тарихи Табарий»), Абу Дулаф («Рисолаи сония») асарларида Ф. Ширин б-н боғлиқ қаҳрамон сифатида эсланган. Шарқ адабиётида биринчи бўлиб Низомий Ф. образини кенг эпик планда тасвирлаган. 14-а.да Низомий достонини Кутб туркийга таржима қилган. Хусрав Деҳлавий «Ширин ва Хусрав»ида Низомий изидан борган. Ф. образига айрим аниқликлар киритган. Низомийда Ф.нинг келиб чиқиши ҳақида маълумот йўқ. Хусрав Деҳлавийда у Чин хоқонининг ўғли. Лекин уларда Ф. қаҳрамон даражасига кўтарилмаган. Ориф Ардабилийнинг «Фарҳоднома» достони (1369) дан бошлаб Ф. марказий қаҳрамон сифатида тасвирлана бошлаган. Ф.нинг мукаммал эпик образини Навоий яратган. Навоий Ф. образи орқали идеал инсон ҳақидаги гуманистик қарашларини ифодалаб, энг юксак инсоний фазилатларини мадҳ этган. Навоий достонида Ф. ва Шириннинг чин севгиси ҳақида ҳикоя қилади ва шу муҳаббат фонида ижтимоий ҳаёт муаммоларини ёритади. Кейинроқ Ф. ҳақида Кавсарий, Низорий ва б. достонлар яратдилар. Сўнгги давр достонлари ва саҳна асарларида ҳам Ф. образи яратилган (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин»; Самад Вурғун, «Фарҳод ва Ширин»; Скосирев, «Фарҳод» ва б.).

Ад.: Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси, Т., 1985.

«ФАРҲОД» — кечпишар шафтоли нави. Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ин-тининг Самарқанд филиалида географик узоқ Эльберта ва кечки Норунжи навларини чатиштириб яратилган (А.С.Черепаненко). Дарахти 5—6 м, шох-шаббаси кенг пирамидасимон. Барги йирик, гули пушти. Ўзидан чангланади. Кўчати ўтқазилгач, 3-йили ҳосилга киради. Меваси сент. 1-ярмида пишади, йирик (150—170 г), думалоқ тухумсимон, тукли, заргалдоқ. Таркибида 10—11% қанд, 0,68% кислота бор. Пўсти осон арчилади. Эти майин, сариқ, данак атрофи қизғиш, ширин ва сал нордон, мазаси яхши. Данаги этидан яхши ажралади. Ҳосилга кирган дарахти 50—70 кг мева беради. Янгилигида ейилади, қоқи ва консерва қилинади. 1959 й.дан давлат реестрига киритилган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида экилади.

«Фарҳод» шафтоли нави.

«ФАРҲОД» — эртапишар олма нави. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ин-тида эркин чангланган маданий навлар кўчатларидан танлаш йўли б-н чиқарилган (Р.Р.Шредер, А.Р.Шредер, А.Г.Шредер). Дарахти ўртача бўйли, шох-шаббаси кенг шарсимон. Кўчати ўтқазилгандан сўнг 5—6-йили ҳосилга киради. Меваси июль охири — авг. бошида пишади, ҳосилдорлиги бирмунча даврий. Ҳосилга кирган дарахти 8—9-й. 55 кг дан 20 ёшида 350 кг гача ҳосил беради. Меваси 140—200 г, думалоқ, пўсти силлиқ, оч яшил. Эти оч сариқ, серсув, ширин-нордон, хушбўй. Янгилигида ейилади, қоқи ва консерва қилинади. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун р-лаштирилган.

«ФАРҲОД ВА ШИРИН» — туркий халқлар адабиётларида анъанавий мазмунга эга бўлган ва бир неча ижодкорлар томонидан қаламга олинган ишқий қисса ва достонлардан бирининг номи.

Ширин ва Фарҳод форс-тожик адабиётида 10—11-а.лардан бошлаб Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин», Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав», ўзбек шоири Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» достонларида энг фидойи ошиқ ва маъшуқалар сифатида тасвирланган. Алишер Навоий Шарқда бу анъанавий ишқий қиссани қайта ишлаб, уни янгидан шакллантирган. Фарҳод ва Ширинни достоннинг бош қаҳрамонлари сифатида тасвирлаган ва унга «Ф. ва Ш» деб ном қўйган.

Навоий йигитлик даврида «Топмадим» радифи б-н ёзган ғазалларининг бирида ёшлигида ўзи қайта-қайта ўқиб, дилига жо қилган достонлар тўғрисида сўз юритади, унда шундай бир байт бор:

> Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
> Ўз ишимдин бўльажаброқ достоне топмадим.

Демак, Навоий ёшлигидан бошлаб машҳур ошиқ ва маъшуқалар, шу жумладан, Фарҳод, Ширин ҳақидаги қиссаларни кўп ва қайта-қайта ўқиган. Шу б-н бирга, бу достонлар вақт ўтиши б-н унинг шахсияти, шахсий ҳис-туйғулари ила бирлашиб кетган ва кўнглида Фарҳод ва Ширин ҳақида бутунлай янги бир достон ғояси шаклланa бошлаган. Бу ижодий режа эса 1483—84 й.ларда амалга оширилган.

Навоийнинг «Ф. ва Ш.» достони у яратган «Хамса»нинг 2-достони бўлиб, унда Фарҳод оддий тош йўнар ошиқ эмас, балки хоқоннинг ўғли, аниқроғи, Хўтан мамлакати подшосининг фарзанди. Ҳали ёшлигида кўрган яккаю ягона фарзанди бўлиб, ёшлигидан фаннинг барча соҳаларига қизиққан, ҳарбий билимларни, айниқса, тошйўнарлик касбини эгаллашга уринган. У Шириннинг отаси хазинасидаги сеҳрли ойнада кўриб, дарҳол севиб қолади. Унга эришиш учун турли машаққатларни бошидан кечиради. У Арман элида Ширин учун қазилаётган ариқни битказиш ишларида ўзининг нималарга қодир эканини кўрсатади. Аммо босқинчи Эрон ҳукмдори Хусрав б-н курашда ҳийла б-н қўлга олиниб, қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Унинг севгилиси Ширин эса унинг жасади устида жон беради.

15-а.дан кейин туркий халқлар адабиётида Фарҳод ва Ширин номлари б-н боғланган достончиликка Навоийнинг шу номдаги асари ўзининг катта таъсирини кўрсатади. Уйғур шоири Хирқатийнинг (17-а.) «Муҳаббатнома ва меҳнатком» ҳамда Абдураим Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони Фарҳод ҳақидаги халқ афсона ва ривоятлари б-н бир қаторда Навоий достонидан руҳланиб яратилган. 19-а.да яшаб ижод қилган ўзбек шоири Маҳзуннинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам Фарҳод б-н боғлиқ Навоий асарларидаги асосий сюжет чизиғи сақланган. Бу достонида Маҳзун Навоий ғазалларидан ҳам фойдаланган. Машҳур ўзбек халқ бахшиси *Фозил Йўлдош ўғли* репертуарида «Фарҳод ва Ширин» достони ҳам бўлиб, мазмунига кўра у кўп жиҳатдан Навоий достонига яқин.

1922 й.да «Фарҳод ва Ширин» номи б-н ўзбек шоири ва драматурги Хуршид томонидан мусиқали драма, 1941 й.да машҳур озарбайжон шоири Самад Вурғун томонидан драма асари яратилди. Бу асарларнинг юзага келишида Навоий достони биринчи манба бўлиши б-н бирга уларда улуғ шоир куйлаган инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, зулмни қоралаш ғоялари, халқчиллик янада ёрқин ўз аксини топди.

Ас.: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 8-ж., Т., 1991; Хуршид. Танланган асарлар. Т., 1967.

Ад.: Бертельс Е. Э., Низами и Физули, М., 1962; Эркинов С., Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. Т., 1971.

Абдуқодир Ҳайитметов.

ФАРҲОД ГИДРОУЗЕЛИ — Сирдарё ўзанига қурилган (1943—48) гидротехника иншооти. Бекобод ш.яқинида. Ф.г. таркибига тўғон, сув омбори, *Фарҳод ГЭС* киради. Тўғон бетонли оқова тўғон ва тупроқли тўғондан иборат. Бетонли оқова тўғоннинг уз. 120 м, бал. 28,5 м. Унга ҳар бирининг эни 10 м бўлган 8 та дарвоза ўрнатилган. Максимал сув сарфи 4430 $м^3$/сек. Ўнг қисмига *Далварзин канали* ростлагичи қурилган (сув сарфи 69 $м^3$/сек). Тупроқли тўғон уз. 28 м, юқори қисми эни 16,5 м, устига автомобиль йўли, чап қисмига эни

10 м бўлган 7 дарвозали деривация канали ростлагичи қурилган. Ростлагичнинг максимал сув сарфи 470 м³/сек. Туғон Сирдарё суви сатҳини 23,6 м га кўтаради ва Фарҳод сув омборини ҳосил қилади. Сув омбори уз. 28 км, эни 250—3000 м, ҳажми 330 млн м³, ўртача чуқ. 7,2 м, сув сатҳи юзаси 46 км². Ф.г.да 1943—49 й.ларда Фарҳод ГЭС қурилган. Ф.г.дан *Дўстлик канали* ва *Жанубий Мирзачўл канали* бошланади.

ФАРҲОД ГЭС — Сирдарёнинг ўрта оқимида, Фарҳод гидроузелида жойлашган гидроэлектр ст-я. «Ўзбекэнергия» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги шўъба корхона. ГЭС қурилиш ҳақида қарор 1942 й. 18 майда қабул қилинган. ГЭС қурилиши 1943 й. 10 фев.да умумхалқ қурилиши сифатида — ҳашар йўли б-н бошланган. 1948 й. 1-гидроагрегати ишга туширилган, 1949 й. июнь ойидан ўрнатилган умумий қуввати 126 МВт бўлган 4 та гидроагрегатли ст-я тўла қувват б-н ишлай бошлади. 1951 й.да саноат фойдаланишига қабул қилинди. Сирдарё вилояти шаҳар ва туманларини, шунингдек, «Бекободцемент», «*Ўзбекистон металлургия комбинати*» каби йирик корхоналарни электр энергияси б-н таъминлайди. Кувватлар 110, 35,6 кВ кучланишда узатилади. Ўрта Осиё Бирлашган энергетика тизими («Энергия» бирлашган диспетчерлик маркази)га уланган. 2003 й.да 562 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарди.

ФАСИҲ ҲАВОФИЙ, Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад ал-Ҳавофий (1375.28.9 — тахм. 1443) — тарихчи олим. *Темурийлар* саройида хизмат қилган. Давлат ишлари б-н Ҳиротдан Самарқандга — *Халил Султон* ҳузурига жўнатилган. 1415 й.да *Шоҳрух* саройида хизмат қилган. Муваджаҳи девон — девон вазири (1416—17) ва девон бошлиғи (1417—18) каби масъул лавозимларда ишлаган. Шоҳрух томонидан Кермон (1422—24)га юборилган. *Бойсунғур* саройида девон бошлиғи (1425—30) бўлган.

Ф.Ҳ. форс ва араб тилларида шеърлар ёзган. 1433—42 й.ларда форс тилида «Мужмали Фасиҳий» [«Фасиҳийнинг (тарихлар) мажмуаси»] тарихий асарини ёзган ва уни Шоҳрухга тақдим этган. Бу асар «Мужмал ут-таворих» («Тарихий саналар ишланмаси») деб ҳам юритилади. Асар дебоча, муқаддима, 2 мақола ва хотимадан иборат. Асарнинг асосий қисмида Ф.Ҳ. араб халифалари, сафforийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, гурийлар, хоразмшоҳлар тўғрисида маълумот берган, темурийлар тарихини батафсил тухталган. Асарда, шунингдек, шоирлар, фақиҳлар, муҳаддислар, шайхлар, шунингдек, иқтисодий ва маданий ҳаёт, ўша пайтда қурилган меъморий обидалар ҳақида муфассал маълумот берилган. Асар хотимаси Ҳирот ш.га бағишланган.

Ас.: Мужмал-и Фасихи, Т., 1980.
Ад.: Материалы по истории Средней и Центральной Азии X—XIX вв., Т., 1988; Буюк сиймолар, алломалар, 2-китоб, Т., 1996.

Қаҳрамон Ражабов

ФАСЛ — қ. *Йил фасллари.*

ФАСОД — қ. *Йиринг.*

ФАСЦИОЛЁЗ — одам ва ҳайвонларнинг гижжа касаллиги. Трематодалар синфига мансуб фасциолалар қўзғатади. Улар тухумини одам ва уй ҳайвонлар жигари, ўт йўллари, ўт пуфагига қўяди, ташқарига ахлат орқали чиқади. Касаллик қўзғатувчисининг кейинги ривожланиш даври сувли муҳитда ва оралиқ хўжайин организми — моллюскаларда ўтади. Личинка моллюска танасида бир неча босқичда туллаб ривожланади. Фасциолалар личинкаси бўлган сув ёки ўсимлик истеъмол қилинганда Ф. юқади. Касаллик ўткир ва сурункали кечади. Ф.нинг қўзғатувчиси организмга кириб, орадан 2—4 ҳафта ўтгач, бемор иситмалайди, тошма тошиб, йўтал пайдо бўлади. Жигар катталашади ва ушлаб кўрилганда оғрийди, бадан сарғаяди. Ф. сурункали кечганда меъда-ичак фаолияти бузилади, овқат яхши ҳазм бўлмайди, гоҳо кўнгли айниб, бемор қайт қилади, иштаҳаси яхши бўлишига қарамай, у озиб кетади, дармони қурийди.

Ф. олам ва ҳайвоннинг ахлати ҳамда қусуғини текшириб аниқланади. Ҳайвонларда касаллик ўткир ва сурункали давом этиб, ўт пуфаги ва ўт йўллари яллиғланади. Ҳайвон умумий ахволланади, моддалар алмашинуви бузилади. Ф. б-н асосан, қўй, эчки ва қорамол касалланади.

Даволаш. Ф.га сабаб бўлган омил бартараф этилади ва тегишли препаратлар берилади.

Олдини олиш: сувни қайнатиб ичиш, касаллик манбаи бўлган ҳилвонларни аниқлаш ва зарарсизлантириш, фасциолалар тухумини тарқатувчи моллюскаларни зарарсизлантириш, ҳилвонларни алмаштириш ва б.



Фарҳод ГЭС.

ФАСЦИЯЛАР (лот. fascia — боғлов) — ҳар бир мускулни ўраб турадиган бириктирувчи тўқимадан иборат парда. Одам ва ҳайвонларнинг аъзолари, нерв, қон томирларини ўраб, мускуллар учун фасциал ғилоф ҳосил қилади. Таянч ва трофик вазифаларини бажаради. Ф. бир мускулни иккинчи мускулдан ажратиб, ҳар қайси мускулнинг алоҳида қисқаришини таъминлайди. Ф., одатда, қаватма-қават мускулларни ўраб туради. Шу боис улар жойлашган ўрнига қараб чуқур, ўрта ва юза ёки тери ости Ф.ига ажратилади. Юза ёки тери ости Ф. тери ости ёғ қаватида жойлашиб, одамларда қўл-оёқ кафт терисининг остида, бошнинг сочли қисмида апоневрозлар ҳосил қилади. Ф. қон томирлари ва нервларга бой. Ф. тиббиёт амалиётида катта аҳамиятга эга.

ФАТАЛИЗМ — (лот. fatalis — тақдирга оид) — ҳамма воқеаларнинг азалдан белгилаб қўйилганлиги тўғрисидаги таълимот; мавҳум *тақдирга* (антик стоицизм), «пешонага ёзилган» тақдири азалга (*ислом* ва б.динлар) ва ш.к. га ишониш. Ф. нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши, шу жумладан, инсоннинг ҳаёти ва олдиндан белгиланганлиги ва бинобарин, янги имкониятларнинг пайдо бўлишини инкор этади. Фалсафа тарихида Ф.ни ирода эркинлиги қандай ҳал қилинганлигига қараб 3 асосий турга ажратиш мумкин: мифологик Ф. — ироқлани ақлдан ташқарида, «қоронғи тақдир» деб қарайди; теологик Ф. — инсон тақдир худо қудратига боғлиқ, инсон туғилишидан олдин унинг ким бўлишини, нималар қилиши пешонасига ёзиб қўйилган дейилади. Бу назария *каломнинг* энг муҳим ақидаларидан ҳисобланади, у *кальвинизм* ва янсенизмда ўзининг изчил ифодасини топган; рационалистик Ф. (механистик *детерминизм* б-н қўшилувчи) — тасодифни ва инсон иродаси азалий тақдирнинг зарур шарти деб қарайди.

Унинг намояндалари (синфаторчилар, *Демокрит, Ницше* ва б.) дониравий айланишнинг муайян даврасида воқеалар мутлақ такрорланишини таъкидлайди.

ФАТВО (араб. — тушунтириш, изоҳ, ҳукм, қарор) — исломда *муфтий* ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ. Исломнинг дастлабки даврида Муҳаммад (сав) сафдошлари, айниқса, дастлабки тўрт халифа (*чорёрлар*)нинг турли ҳуқуқий масалалар юзасидан берган изоҳлари, шунингдек, уларнинг *фиқҳга* доир чиқарган қарорлари Ф. деб айтилган. Ф. барча диний-ҳуқуқий мазҳаб асосчилари томонидан фиқҳга оид қўшимча манба сифатида қаралган. Ҳуқуқий масалаларда берилган Ф. диний жамоалар, муассасалар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Ф. Қуръон, ҳадислар ва шариатга ёки илгари берилган Ф.ларга асосланиб чиқарилади.

ФАТҲ АЛИШОҲ (ҳақиқий исми — Бобохон) (1766/71 — 1834.24.10, Қум ш.да вафот этилган) — қожарлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳи (1797 й.дан). Ф.А. ҳукмронлиги даврида Эрон ички низолар туфайли заифлашиб, Европа давлатлари ва подшо Россиясининг мустамлакачилик юришлари объектига айланган. Ф.А.Франция (1807), Буюк Британия (1801, 1809, 1814), Россия (1813, 1828) б-н тенгсиз битимлар имзолаган.

ФАТҲХОН (1778—1818) — афғон хони, баракзойлар қабиласи сардори. Маҳмуднинг Афғонистон шоҳи бўлишига 2 марта (1801 ва 1809 й.ларда) ёрдамлашган. Маҳмуд даврида (1801—03, 1809—18) вазир сифатида катта мавқега эга бўлган. Ф. давлатни марказлаштириш сиёсатини юргизган, баракзой зодагонларининг таъсирини мустаҳкамлашга интилган. Маҳмудшоҳнинг ўғли Комрон Ф.нинг таъсири кучайиб кетишидан хавфсираб, шунингдек, отасининг баракзой зодагонларидан норозилигидан фойдаланиб Ф.ни қўлга олиб, кўзига мил торттган ва зиндонбанд қилган. Кейинчалик шоҳнинг буйруғи б-н Ф. қатл этилган.

ФАУЛЕР Уильям Алфред (1911.9.8, Питтсбург — 1995) — америкалик физик. АҚШ миллий ФА аъзоси (1956). Огайо у-ти (1933) ва Калифорния технологик ин-тини (1936) тугатган. Шу ин-тда 1936 й.дан ишлаган. Илмий ишлари *ядро физикаси*, ядро астрофизикаси ва *космологияга* оид. Қуёшнинг нейтрино оқимини ҳисоблаган ва уларни қамраш тезлигини аниқлаган. Коинотда кимёвий элементларнинг пайдо бўлиш назариясини яратган. Нобель мукофоти лауреати (1983).

ФАУНА (лот. fauna — ўрмон ва далалар худоси, рим мифологиясида ҳайвонлар подаси ҳомийси) — муайян ҳудудда ёки акваторияда яшовчи ҳайвон турлари мажмуи. Ф. ҳайвонларнинг турли гуруҳидан ташкил топган бўлиб, бирор ҳудуд фаунистик комплексининг тарихий ривожланиши жараёнида вужудга келади. Тундра, тайга, ўрмон, дашт, ярим чўл, чўл, пантропик ва б. фаунистик комплекслар бор. Муайян Ф.ни ташкил этган фаунистик комплекслар миқдори турлича бўлиши мумкин. Ҳар бир ҳудуднинг ўз автохтонлари ва иммигрантлари бор. Ф. таркибини ўрганиш натижасида ундаги турлар бойлиги аниқланади. Шунга кўра, бутун Ер шари ёки унинг айрим ҳудудлари фаунистик р-нлаштирилади. Фанда Ф. турли систематик категориялардаги (мас., бирор ҳудуддаги қушлар Ф.си, қўнғизлар Ф.си ва ҳ.к.), маълум даврга оид (мас., миоцен даври Ф.си ва б.) ёки маълум геологик қатламга мансуб ҳайвонларни ифодалаш учун «Ф.» терминидан фойдаланилади. Ҳайвонот дунёсининг систематик таркиби тўғрисидаги йирик асарлар ҳам «Ф.» деб аталади (мас., Ўзбекистон Ф.си ва б.).

ФАХР СЕКСТАНТИ (Судси — Фахр) — ёйи айлананинг 1/6 қисмини ташкил этган ва градус, минут ҳамда секундларга тақсимланган, диаметри ~20 м ли қадимги меридиан асбоб. Айлананинг марказида диаметри ~15 см бўлган диоптр (туйнук) жойлашган. Ф.с. ёйи диоптр марказидан туширилган перпендикуляр асосидан шим. томонга қараб жойлашган. Ёйга перпендикуляр бўлган асос ёй шкаласининг ҳисоб боши қилиб олинган.

Ф.с. 11-а. бошларида астроном ва математик Абу Маҳмуд Ҳомид ибн ал-Хидир ал-Хўжандий томонидан ихтиро қилинган. У илк бор мазкур асбобнинг ёйини ер тагига тушириш тўғрисида фикр билдирди. Унинг бу фикрини Самарқандда ёйининг радиуси 40,2 м бўлган квадрантини қуришда Улуғбек амалга оширди. Унда ёйнинг ярми ер тагига туширилган эди.



Фахр секстанти схемаси.

ФАХРИ ҲИРОТИЙ, Амирий (тахаллуслари; асл исм-шарифи Султон Муҳаммад ибн Амир Муҳаммад) (15-а., Ҳирот — 1562/63, Ҳиндистон) — шоир, адабиётшунос. *Алишер Навоий*нинг «*Мажолис ун-нафоис*»ини «Латойифнома» номи б-н форсчага қайта таржима қилган (1521—22). Ф.Ҳ. асарга бир неча боб илова қилиб, «Мажолис ун-нафоис»га кирмаган 189 шоир ҳақида маълумот келтирган. Тазкирачиликда Навоий анъаналарини давом эттирган. Унинг «Саноеъ ул-ҳасан» асари бадиият илми, қофия ва арузга бағишланган, «Ҳафт кишвар»да тарихий воқеалар, турли афсоналар, ахлоқий масалалар акс этган. Шеърларидан 5000 байтли девон тузган. Ф.Ҳ. кейинчалик кенг тарқалган «Радоиф ул-ашъор» мажмуалари тузиш анъанасини бошлаб берган. Мажмуа турли даврларга мансуб шоирлар шеърларидан араб алифбоси тартибида ғазал, қасида ва б. шеърларининг радифи бўйича тузилган. Ф.Ҳ. «Бўстони хаёл», «Туҳфат ул-ҳабиб», «Жавоҳир ул-ажойиб», «Равзат ус-салотин» ва б. асарлар ҳам ёзган.

Ад.: Воҳидов Р., «Мажолис ун-нафоис»нинг таржималари, Т., 1984.

ФАХРИДДИН АЛИ САФИЙ (тахаллуси Сафий) (1463.11.2, Сабзавор — 1532, Ҳирот) — тарихчи ва файласуф, воиз, таржимон. Ҳусайн Воиз *Кошифий*нинг ўғли. 1468 й.да оиласи Ҳиротга кўчиб келган. Ф.А.С. Қаршида *Хожа Аҳрор* б-н илк марта учрашиб, 4 ой унинг хизматида бўлган (1484). Кейинчалик Самарқандга келиб 8 ой унинг ёнида турган ва котиблик қилган (1487). У Хожа Аҳрордан эшитганларини доимо ёзиб борган. Хожа Аҳрор вафотидан сўнг Ҳиротга қайтиб *Ҳусайн Бойқаро* хизматига кирган ва отаси сингари унинг воизи бўлган. Ф.А.С. форс тилида 10 га яқин асарлар ёзиб қолдирган. «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Оби ҳаёт томчилари»; қисқача «Рашаҳот»), «Латоиф ут-тавойиф» («Латофатнома» номи б-н 1996 й. Тошкентда нашр этилган), «Анийс-ул орифин фил мавоиз» («Доноларнинг нутқ пайтидаги йўлдоши»), «Ҳирз ул-амон мин фитан из-замон» («Замоннинг фитналаридан сақловчи тумор»), «Кашф-ул асрор» («Сирлар кашфи») асарлари ва «Маҳмуд ва Аёз» лирик достон муаллифи. У Шаҳобуддин Суҳравардийнинг «Уюн ал-ҳақоиқ ва изоҳ ал-тароиқ» («Ҳақиқатлар булоғи ва тариқатлар

изоҳи») асарини арабчадан форс тилига таржима қилган.

Тасаввуф намояндалари ҳақидаги «Рашаҳот» (1503) асарида машҳур шайх Хожа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолиятидан ташқари Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ўтган юзлаб шайхлар (асосан, бухоролик 7 пир)нинг ҳам таржимаи ҳолларини келтирган. Асарда Мовароуннаҳрнинг 15-а.даги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳволига оид қимматбаҳо маълумотлар мавжуд. Бу асар тасаввуф тарихини ўрганишда, Ўрта Осиёда яшаган машҳур мутасаввифлар, олимлар ва шайхларнинг ҳаётини тадқиқ этишда муҳим манба ҳисобланади. «Рашаҳот» дебоча, муқаддима, 3 боб ва хотимадан иборат. Асар форс тилида Ҳиндистон (1890, 1897, 1906)да, Тошкент (1911)да нашр этилган. Унинг арабча (1852, 1889), туркча (1888) таржималари ҳам чиққан. Хоразмда домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад томонидан эски ўзбек тили (1879)га қилинган таржимаси Тошкентда шарқшунос олимлар — Маҳмуд Ҳасаний ва Баҳриддин Умрзоқ томонидан нашр қилинди (2003, 2004). Бу асарнинг 50 дан ортиқ қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

Ас.: Латофатнома, Т., 1996; Рашаҳот, Т., 2003; 2004.

Ад.: Аҳмедов Б. А., Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, Т., 1991.

ФАХРИДДИН МУБОРАКШОҲ Марваррудий (12-а.нинг 2-ярми — 13-а. бошлари) — тарихчи олим. Фахр Мудир номи б-н ҳам машҳур бўлган. Амин Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим» номли асаридаги маълумотларга қараганда, Ф.М. ва отаси *гурийлардан* Ғиёсиддин Муҳаммад (1163—1203) ва Ғиёсиддин Маҳмуд (1206—12) саройларида хизмат қилган ва ўз замонасининг кенг маълумотли кишиларидан ҳисобланган. Ф.М. 1206 й. машҳур «Тарихи Муборакшоҳ» асарини ёзган. Бу асарни 30 й. давомида ёзган ва Ғиёсиддин Маҳмудга совға қилган. Асар 136 қисмдан иборат. Арабистон, Яман, Шим.-Ғарбий Ҳиндистон, Афғонистонда қад. даврдан 13-а.нинг бошигача ҳукмронлик қилган 136 сулола шажарасининг қисқача тарихи баён этилган. Марказий ва Ўрта Осиёдаги туркий қабилаларнинг хўжалик фаолияти, турмуши, одатлари ва тили тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилган. Асарнинг ягона қўлёзма нусхаси Англия (Бодлеян кутубхонаси)да сақланмоқда. Унинг гурийлар ва туркий халқлар тарихига оид қисми машҳур инглиз шарқшуноси Е. Денисон Росс томонидан 1927 й. нашр қилинган.

ФАХРИДДИН РОЗИЙ (тўлиқ исми Фахриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Умар ибн ал-Ҳусайн) (1149, Рай —1209, Ҳирот) — машҳур калом олими ва диний фалсафа намояндаси. Рай ва Марогада таҳсил олган. Шофиий ва ашъарий олим сифатида фаолият кўрсатган. Хоразм, Бухоро ва Самарқандда яшаган. Ғазнада (1185 й.дан) ва Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятларида фаолият олиб борган, кейинчалик Ҳиротда яшаган. Ҳиротда унинг учун махсус мадраса таъсис этилган, шайхулислом лақаби б-н машҳур бўлган, қизғин мударрислик фаолиятини олиб борган. Шу б-н бирга унинг кўплаб мухолифлари ҳам бўлган. Улар Ф.Р.нинг диний фалсафа, эътиқод ва ақида борасидаги қарашлари учун ислом асосларига путур етказганлик, динни бузғунчиликда айблаганлар. 1209 й.да карромийлар ташвиқи б-н заҳарлаб ўлдирилган.

Ф.Р. ижодини 2 босқичга бўлиш мумкин. Ибн Синонинг «Ал-ишорат ва-т-танбеҳот» («Ишоралар ва танбеҳлар») асарига шарҳ бўлган «Шарҳ ал-ишорат» асари ижодининг илк даврига оиддир. Унинг «Мунозарот ул-аллома Фахриддин» («Аллома Фахриддин мунозаралари») асаридан Мовароуннаҳр олимлари б-н турли масалалар бўйича қилган мунозара ва мубоҳасалари ўрин олган. Метафизикага оид «Китоби Муҳассал афкор ал-мутақаддимин вал мутааххирин» («Олдинги ва замондош олимлар фикрларидан намуналар», Қоҳира, 1938) ва Қуръон тафсири бўлган «Мафотиҳ ул-ғайб» («Ғайб сирларининг очувчи», Қоҳира, 1932) ижодининг кейинги даврига оид асарларидир. Мазҳаб масалаларига бағишланган «Маноқиб ал-имом аш-Шофиий» («Имом Шофиий маноқиби»), фиқҳ масалаларига бағишланган «Китоб ал-маҳсул» номли, адабиётшуносликка доир «Чаҳорлаҳ рисола» («Ўн тўрт рисола», Теҳрон, 1340) ва нужум илмига доир қатор асарлари унинг қомусий олим бўлганлигидан далолат беради. Ф.Р.нинг машҳур энциклопедик асарларидан бири «Жомеъ ул-улум» («Илмлар тўплами», Т., 1915; Теҳрон, 1331) бўлиб, хоразмшоҳ Алоуддин Такаш илтимосига биноан ёзилган. Ушбу асар ўша давр мусулмон шарқидаги 60 фан ҳақида дастлабки маълумотларни беради. Муаллиф фанларни нақлий (калом, фиқҳ, мазҳаб, тафсир ва ҳ.к.) ва ақлий (тарих, грамматика, аруз, мантиқ, физика, алгебра, мусиқа, астрономия, сиёсат, давлат бошқаруви ва ҳ.к.), фуруъий (бошқа фанлардан ҳосил бўлувчи) ва аслий (асосий) сингари қисмларга бўлади. Ҳар бир фан асослари 3 та бўлиниб оддийдан мураккабга томон асосида тушунтирилади: оддий асослар (ал-усул ал-жоҳирот), мураккаб асослар (ал-усул ал-мушкилот), такрорлаш учун саволлар (ал-имтиҳонот). Бундан мазкур асарнинг бўлажак шогирдлар учун қўлланма сифатида ёзилганлиги кўриниб турибди. Асарларининг қўлёзмалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти, Қоҳира, Париж, Дрезден ш.ларидаги кутубхоналар фондида сақланади.

Ад.: Ҳайдаров Н., Фахреддин Рази — Из философского наследия народов Ближнего и Среднего Востока, Т., 1972; Кулматов Н., Фахриддин Рази, Душанбе, 1980.

Нодир Раматов.

ФАХРИДДИН РОЗИЙ МАҚБАРАСИ — *Кўҳна Урганчдаги* меъморий ёдгорлик (12-а. 2-ярми); Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ҳудудида. Хоразмшоҳлари Отсиз (1128—56) ва Эл Арслон (1156—72) даврида қурилган деб тахмин қилинади. Маҳаллий аҳоли олим *Фахриддин Розий* номи б-н боғлайди. Бинонинг асосий қисми кубсимон шаклда (ички ўлчами 3,5×3,6 м), қуйи қисми пастга томон бир оз кенгайган. 12 қиррали пойгумбаз устига 12 қиррали кулоҳли гумбаз бопланган. Уч томонида тоқилонгли эшик жойланган. Олд томони сирлиқланган ғиштлар б-н 3 та равоқли тўртбурчакларга бўлинган, юзаси бари ва новдаларнинг нозик уйғунлигидаги ўйма нақшлар б-н жозибадор безатилган. Тўртбурчаклар ўзаро ёзувли ҳошия нақш б-н бирлашган. Ташқи гумбазига феруза ранг ғиштлар *мавж* усулида терилиб ҳандасий нақшлар ҳосил қилинган; ташқи гумбаздан анча паст бўлган ички гумбазига муқарнаслар ишланган.

Фахриддин Розий мақбараси.

ФАХРИДДИНОВ Зайниддин (1922.8.2 — Қибрай тумани Яланғоч қишлоғи —2000.11.8) — халқ селекционери, Ўзбекистонда цитрус мевачилик асосчиси. Ўзбекистон ФА фахрий акад. (1979). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном (1967). Меҳнат фаолиятини 1938 й.да Қибрай туманидаги жамоа хўжалигида бошлаган. 1960 й.дан жамоа хўжалиги иссиқхонасида боғбон. 1966 й.дан гулчилик ва цитрус мевачилик бригадаси бошлиғи. 1988—2000 й.ларда лимончилик жамоа хўжалиги бошлиғи.

Вегетатив дурагайлаш усулида *Мейер лимони* навига Новогрузинский лимон нави куртагини пайвандлаш ва олинган авлодини пайвандуст б-н қайта пайвандлаш (F_1—F_4) йўли б-н серҳосил, меваси йирик, касалликларга чидамли Ф—1 Тошкент, Новогрузинский нави уруғидан чиққан ниҳолга Новоафонский нави куртагини пайвандлаш ва пайвандлашни олинган авлодларда қайта такрорлаш (F_1—F_3) йўли б-н Ф—2 Юбилей («Тўёна») лимон навларини яратди ва бу навларнинг мукаммал агротехникасини ишлаб чиқди. Бу навлар МДҲ мамлакатларида кўплаб иссиқхоналарда саноат усулида етиштириладиган асосий навлар ҳисобланади. Ф. ташаббуси ва раҳбарлигида Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятлари хўжаликларида иссиқхона лимонзорлари барпо этилган.

Ас.: Тошкент лимони, Т., 1969; Золотое яблоко, Т., 1982.

Ад.: Аълам З., Ота ўгитлари, Т., 1985.

ФАХРИДДИНОВ Муҳаммадамин (1894 — Тошкент — 1941) — ўзбек маърифатпарвари, педагог. Тошкентдаги мадрасалардан бири ва 2 босқичли рус-тузем мактабини тугатган. 1913—17 й.ларда Тошкентдаги рус-тузем мактабларидан бирида ўқитувчи. Окт. тўнтариши (1917)дан сўнг ўзбек мактабларида ўқитувчилик қилган. Ф. янги усул мактаблари учун ўзбек тили дарслиги («Туркча қоида»), алифбе китоби («Раҳбари аввал»), геогр.дан қўлланма («Жуғрофияи риёзий»)лар ёзган. «Туркча қоида» (1913, Тошкент) ўзбек тилида биринчи марта ёзилган мактаб дарслиги бўлиб, бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган. Унда ўзбек тили грамматикаси, имло ва тиниш белгилари ҳақида дастлабки назарий маълумотлар, машқлар берилган. «Раҳбари аввал» (1917, Тошкент) усули мадлия (ҳарфларнинг номига унли товушлар қўшиб, чўзиб бўғин ҳосил қилиш)даги биринчи расмли ўзбек алифбесидир. Дарсликда оригинал матнлар б-н бир қаторда К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой ва б. рус педагогларининг болаларга мўлжалланган асарлари ҳам берилган.

ФАХРИЙ УНВОН — ЎзР да фуқароларнинг алоҳида хизматларини юксак эътироф этиш шаклларидан бири. Фуқароларни меҳнатдаги хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун уларни рағбатлантириш мақсадида берилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш ЎзР Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига киради. ЎзРнинг малакавий ва Ф.у.ларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти беради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 й. 26 апр.даги қарори б-н Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги Ф.у.лари таъсис этилган:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»,

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»,

«Ўзбекистон ифтихори»,

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»,

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»,

«Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»,

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»,

«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»,

«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»,

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»,

«Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»,

«Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи».

Ўзбекистон Республикасининг Ф.у.и берилган шахсларга белгиланган намунадаги кўкрак нишони ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топширилади. Ф.у. билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлардан фойдаланадилар. Ф.у.лар такроран берилмайди.

ФАХРИЯ — араб, форс ва туркий шеъриятда жанр турларидан бири: шоир томонидан ўз ижоди, истеъдоди ва фазилатларини мақтаб ёзилган шеър, шоирнинг ўз ижоди б-н фахрланиб айтган сўзлари. Ф.нинг дастлабки гўзал намуналарини араб шеъриятида, хусусан, ал-Мутанаббий (10-а.) ижодида, ўзбек мумтоз шеъриятида эса 15-а. шоирлари ижодида учратиш мумкин. Ф. кичик лирик шеър (мас., ғазал) ларда бир байтдан, катта ҳажмли асарлар (мас., қасида, достон) да бир неча байтдан иборат бўлади. Ана шундай байтлар иштирок этган ёки бутунлай шундай байтлардан иборат бўлган асарлар ғазали Ф., қасидали Ф. деб ҳам номланади. Ф.да шоир ўз ижодини бошқа бир шоир ижодига, муҳим бир воқеа-ҳодиса ёки объектга камтарона, муболағали ёки киноявий тарзда таққослайди, қиёслайди. Мас.:

Улуғбек хон билур Лутфий каломин,
Ки, рангин шеъри Салмондин қолишмас.
(Лутфий)

Навоий назм аро тиғи забонин ўйла сурдиким,
Пичоқ топмас уётдин ўзни ўлтурмоққа Саккокий.
(Навоий)

ФАЦИЯ (лот. facies — кўриниш, қиёфа) (геологияда) — чўкинди тоғ жинслари мажмуаси, ҳосил бўлиш шароитларини тавсифловчи муайян литологик ва минерологик хусусиятларга эга. Пайдо бўлиш шароитларига кўра денгиз, қуруқлик ва оралиқ Ф.ларига бўлинади. Ф.нинг йирик бир хил типли мажмуалари кесимда формацияларга бирлашади. «Ф.» терминини фанга 19-а.да швейцариялик геолог А. Гресли киритган. У фациал ўзгаришларнинг келиб чиқишини тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш шароитларидаги фарқи б-н боғлади ва уларни ҳозирги замон денгиз тубида кузатилиши мумкин бўлган ўзгаришлар б-н таққослади, уларни гуруҳлаб, тўпланиш шароитига қараб литораль ва пелагиал Ф.лар деб атади. Фин геологи П. Эскола эса метаморфик жинсларга татбиқан «метаморфизм Ф.си» тушунчасини киритди. 1933 й. Л. В. Пустовалов жинслар ҳосил бўлиш жараёнида пайдо бўлган бир хил геокимёвий белгиларга эга қатлам ва қатлам свитасини ифодалайдиган «қазилма геокимёвий Ф.» тушунчасини татбиқ этди. «Геокимёвий Ф.» термини нефть ҳосил бўлишида асос бўлган органик модданинг тўпланишида муҳим аҳамиятга эга чўкинди ҳосил бўлиш ва диагенез муҳитининг геокимёвий хоссаларини кўрсатади. Шунинг учун бу термин нефтчи геологлар орасида кенг қўлланилади. Американик геологлар (Ф. Петтижон, Л. Слоос, У. Крумбейн) «литологик Ф.лар» (ёки литофациялар) тушунчасини киритдилар; бу тушунча муайян жойдаги стратиграфик горизонт жинсларининг литологик таркибини билдиради (мас., қум Ф.си, гил Ф.си); жинсларнинг минералогик таркиби, структураси ёки текстурасига кўра ажратилиши ҳам шу тушунчага киради. «Биологик Ф.лар» (биофациялар) ҳам бўлиб, организмлар қолдиқларига асосланиб тикланган қазилма биоценозлардир (мас., маржонполип Ф., граптолит Ф. ва б.). Ф.ларни *тарихий геология*нинг бўлими — Ф.лар ҳақидаги таълимотда ўрганилади. Ер тарихининг қад. даврлари учун бу шароитларни реконструкция қилиш усуллари эса, фациал анализ дейилади.

ФАШИЗМ (итал. fassismo — тўда, бирлашиш) — тоталитар типдаги сиёсий диктатурага асосланган ҳокимиятнинг сиёсий концепцияси. Бунда фақат юқоридан пастга қараб буйруқ берилади. Ф. *демократия*нинг қарама-қаршиси ва уни инкор этиш ҳисобланади, у ҳокимиятнинг бўлинишига йўл қўймайди. Жаҳон тарихида Ф.нинг бир неча кўринишлари учраган. Жумладан, Италияда тоталитар режим ҳокимияти, Германияда нацистлар Ф.и, Португалияда ҳарбий-сиёсий Ф., Испанияда ҳарбий отрядлар Ф.и.

Ф.нинг ҳар қандай кўриниши демократия тартиботлари ва қадриятларини ҳеч қачон эътиборга олмайди, бундай тизимда инсон қадри, эркинлиги, ҳуқуқлари поймол қилинади. Ҳокимиятнинг жамият ҳаётининг барча жиҳатларига ҳаддан ташқари аралашуви натижасида ҳамма соҳаларни қаттиқ назоратда олувчи тоталитар сиёсий партия шаклланади ва у давлат-монопол ташкилотига айланади. Ф. ана шундай ташкилотга ва «доҳий»нинг эътироз билдириб бўлмайдиган обрў-эътиборига таянади.

Фашистик режим инсон манфаати, инсон омили б-н асло ҳисоблашмайдиган ёвуз режим бўлиб, барча халқларни, шу жумладан, ўз халқини ҳам азоб-уқубатга қўяди. Динсизлик, умуман динга душманларча муносабатда бўлиш; ҳуқуқий тоталитаризмни барпо этиш; партия якка ҳукмронлигини ўрнатиш, бундай шароитда кучайдиган коррупция ва ахлоқий бузилишлар; миллатчилик ва жангари шовинизм, сафсатабозлик, лаганбардорлик, деспотияни авж олдириш, фуқароларни, бутун аҳолини қўрқув остида сақлаш, инсон онги ва тафаккурини буйсуниш руҳида тарбиялаш; хурфикрлик, эркинликка интилувчиларга нисбатан террор ўтказиш Ф.ни тавсифловчи хусусиятлардир. Ф. умуммиллий бўҳронлар ёки кескин ўзгаришлар шароитида ижтимоий ночор гуруҳлар орасида ўзига таянч топади. Ф.нинг кўпгина белгилари турли ижтимоий ҳамда ўнг ва сўл кўринишдаги миллий ҳаракатларга хосдир. Ғоявий асосда қарама-қаршиликлар кўриниб турса-да (мас., «синф» ёки «миллат») жамиятни сиёсий сафарбар этиш йўллари, террористик ҳукмронлик усуллари жиҳатидан тоталитар ҳаракатлар ва большевизм, сталинизм, «қизил кхмерлар» ва б. режимлар Ф.га яқин туради. Демократик тартиблар бўш бўлган шароитда фашистик типдаги ҳаракатлар ривожланиб, Ф.нинг жиддий хавфга айланиш имконияти сақланиб қолади.

ФАЭТОН (юн. phaeton — юнон мифологиясидаги Қуёш худоси, яъни Гелиоснинг ўғли Фаэтон номидан), фойтун — 1) тепаси (соябони) очиладиган от қўшилган арава; 2) енгил автомобиль кузови; тепа (соябон) қисми осон очиладиган, 2 ёки 3 қатор ўриндиқли, 2 ёки 4 эшикли бўлади. Соябони юмшоқ материал (брезент, синтетик мато) дан ясалиб, тахланадиган каркасга тортилади.

ФАЭТОН (Phaethon) — куракоёқлилар туркуми уруғи. 3 тури маълум. Танаси 30—45 см, оғирлиги 0,9—1,4 кг. Пати оқ пушти, қора холлари бор. Думи жуда узун. Оёғи қисқа, нозик бўлгани учун қуруқликда қийинчилик б-н юради. Ёмон сузади, бироқ яхши учади. Ф. моногам. 6—12 тадан гуруҳ бўлиб яшайди. Сув ҳавзаларининг хилват оролларидаги тик қояларга уя қуради. Битта тухум қўяди; нари ҳамда модаси 41—45 кун навбат б-н босади. Ф. Ҳинд, Атлантика ва Тинч океанларининг тропик қисмида тарқалган. Балиқлар, кальмарлар, қисқичбақасимонлар б-н озиқланади.

Қизилтумшуқ фаэтон

ФАЯЛИТ — қ. *Оливин.*

ФАЯНС [итал. Faïans (Фаэнц), йирик керамика маркази номидан] — майда ғовакли зич керамика маҳсулоти (қ. *Керамика, Чинни*).

ФАЯНС САНОАТИ — қ. *Чинни-фаянс саноати.*

ФАҚИР — моддий жиҳатдан муҳтож, ночор, камбағал, қашшоқ одам. Баъзи кишилар (шоирлар, муаллифлар, хаттотлар) «мен» сўзи ўрнида ўзларини камтарлик билан Ф. деб атаганлар.

ФАҚИРИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдураззоқ Абдужаббор ўғли) (1880 — Хива яқинидаги Бўзхона қишлоғи — 1925) — шоир, хаттот ва наққош. Хивадаги Оллоқулихон мадрасасида ўқиган. Шарқ мумтоз адабиётини ўрганиб, ўзи ҳам шеърлар ёза бошлаган. Отасидан ёғоч ва тангага нақш ўйиш санъатини ўрганган. Машҳур хаттот Худойберган Девоннинг шогирди бўлган.

Ф. 1914—15 й.ларда ўз шеърларини тўплаб, «Девони Фақирий Хоразмий» ни яратган. «Девон» ғазал, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мустазод, рубоий, чистон каби жанрларда ёзилган шеърлардан иборат. Уларда севги ва садоқат, халқпарварлик, ватанга муҳаббат, маърифат, адолат, халқлар дўстлиги, шахс эрки ғоялари улуғланган. «Дафтари ашъор ул-жадида» («Янги шеърлар дафтари»)да эса Ф.нинг 1916—24 й.ларда ёзган шеърлари мавжуд. «Айрилгали», «Ўзингсан», «Бўлмағай», «Ўзгача», «Аё дилбар», «Кўргач», «Суратинг» радифли ғазалларида самимий муҳаббат, ошиқ изтироблари маҳорат б-н тасвирланган. Шеърларининг кўпи реал, ҳаётий тасвиротлар асосида ёзилган.

Сўнгги йилларда ёзилган бир туркум шеърлари «Югурумия» тўпламига киритилган (1923). «Девон»нинг шоир қўли б-н кўчирилган нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №7679).

Ас.: Шеърлар, Т., 1972; Асрлар нидоси, Т., 1982.

Ад.: Лаффасий Ҳасан Мурод, Хоразм шоирлари, Т., 1993; Ўзбек адабиёти тарихи [5-жилд], 5-ж., Т., 1980.

ФАҚИРИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Исмоилхон Шайх Иброҳимхон ўғли Шаҳрисабзий) (1910, Шаҳрисабз — 1980.4.1, Китоб тумани) — шоир, Нақшбандия тариқати силсиласини давом эттирувчи муршид даражасига эришган. Ф. ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Шоирнинг «Девон», «Баёз», «Ашъори мутафарриқот» («Пароканда байтлар») каби шеърий тўпламлари, шайх сифатида ёзиб қолдирган «Рисолаи тариқи зикр» («Зикр одоби рисоласи»), «Рисолаи тариқат» номли тасаввуфий рисолалари ҳамда дуохонлик, тиббиётга бағишланган «Китоби адьийа мин мужарработи Халили Ихвон» («Халил Ихвон томонидан қўлланган дуолар китоби») деб номланган асари қўлёзмаси сақланган.

Ас.: Баёзи Фақирий, Т., 2005.

Ад.: Каттаев К., Махдуми Аъзам ва Дахбед, Самарқанд, 1994; Воҳидов Ш., Шаҳрисабзлик хаттот ва шоирлар [Минг йиллар мероси], Т., 2002.

ФАҒНАВИЙ, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий [12-а. охири — Вобкент тумани Анжир Фағнав (ҳоз. Анжирбоғ) қишлоғи — 1286] — хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, бухоролик 7 пирнинг учинчиси. Гилкорлик б-н шуғулланган. Хожа Ориф Моҳитобон — *Ревгарий*дан таҳсил олиб, унинг вафотидан сўнг хожагонлик силсиласини бошқарган. «Силсилаи шариф» да 12-ҳалқанинг пири ҳисобланади. Хуфиёна (яширин) зикр б-н жаҳрия (баланд товушли) зикрга баравар амал этган. Хожа Али *Ромитаний* (Хожаи Азизон) га устозлик қилган. Ф. туғилган қишлоғида дафн этилган. Қабри устидаги мақбара мустақиллик даврида таъмирланиб, мақбара ёнида ҳовуз ва жомеъ масжид қурилган. Бу жой ҳозир зиёратгоҳга айлантирилган.

Ад.: Фахруддин Али Сафий, Рашаҳот, Т., 2003; Ориф Усмон, Бухорои шарифнинг етти пири, Т., 2003; Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Т., 2003.

ФАҲД бин Абдулазиз Ол Сауд (1923, Ар-Риёд) — Саудия Арабистони давлат арбоби. Абдулазиз ун-ти (1975), Имом Муҳаммад бин Сауд ислом ун-ти (1982)ни тугатган. 1953 й.дан Саудия Арабистони маориф, ички ишлар вазири, бош вазирнинг иккинчи ўринбосари, 1975 й.дан валиаҳд ва бош вазир ўринбосари. 1982 й. 13 июндан Саудия Арабистони Подшоҳлиги подшоҳи, бош вазир, қуролли кучлар олий бош қўмондони. 1986 й. 27 окт.дан икки муқаддас масжид ходими унвони соҳиби.

ФЕБА — *Сатурн* сайёрасининг 7 йўлдошларидан бири. Диаметри 220 км, сайёрадан ўртача узоқлиги 12 млн. 954 минг км. Сатурн атрофини 550 суткада айланиб чиқади. Ф.ни 1898 й. америкалик астроном У. Пиккеринг кашф этган. Ф. сайёра атрофида унинг айланишига тескари томонга ҳаракатланади (яна қ. *Сайёраларнинг йўлдошлари*).

ФЕВРАЛЬ (лот. Februarius — ҳалоллаш ойи) — *Григорий календари*да йилнинг иккинчи ойи (28 кунга, кабиса йилида эса 29 кунга тенг). Номи қад. римликларнинг ҳар йили 15 фев.да ўтказилган ҳалоллаш маросими б-н боғлиқ.

ФЕВРАЛЬ ИНҚИЛОБИ (1917) — Россияда самодержавиега барҳам берган инқилоб. Ф.и. ҳарбий мағлубиятлар ва хўжаликдаги вайронгарчилик б-н боғлиқ равишда мамлакатда иқтисодий ва сиёсий таназзулнинг кескин кучайиши оқибати эди. Озиқ-овқат етишмаслиги туфайли 23 фев.да Петроградда стихияли тарзда урушга қарши митинглар бошланди, у иш ташлашлар ва намойишларга, казаклар ва полиция ўртасидаги тўқнашувларга, 24—25 фев. да эса ялпи иш ташлашга айланиб кетди. 26 фев.да қўшинларга қарши жанглар, 27 фев.да ялпи иш ташлаш қуролли қўзғолон даражасига кўтарилди, аскарлар оммавий тарзда қўзғолончилар томонига ўта бошлади. Қўзғолончилар шаҳарнинг муҳим жойларини, ҳукумат идораларини эгалладилар. Николай II тахтдан воз кечди. Давлат думасининг Муваққат комитети тузилди. Ишчи ва солдат депутатлари Совети сайланди. Муваққат комитет ҳукумат тузди. 1 март куни Москвада, март ойи давомида бутун мамлакатда янги ҳокимият ўрнатилди. Ф.и. Туркистон ўлкаси мусулмон аҳолисини сиёсий жиҳатдан уйғотишда, демократик ўзгаришларга бошчилик қилмоқчи бўлган янги кучларнинг сиёсат майдонига чиқишида муҳим аҳамият касб этди. Жадидлар вужудга келаётган миллий демократик кучларнинг ўзаги бўлишди. Улар минтақа туб халқларининг тараққиёти ва мустақиллиги тўғрисидаги ўз ғояларини Ф.и. шиорлари б-н боғлаб, ўзлари эълон қилган принципларни амалга оширишга фаол киришдилар. Тошкентда *«Шўрои Ислом»* 1917 й. 14 март) ташкилоти тузилиб, Туркистон тараққийпарварларининг аксарияти унинг атрофида бирлашди. Бундан ташқари, Тошкентда Ишчи депутатлари Совети (1917 й. 2 март) ҳам тузилган эди. Туркистон ўлкаси генерал-губернатори ва Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал Куропаткин, унинг ёрдамчиси генерал Ерофеев, округ штабининг бошлиғи генерал Сиверс ўз вазифаларидан четлаштирилиб, 31 мартда уй қамоғига ташланди. Муваққат ҳукумат томонидан 1917 й. 7 августда Туркистон ўлкасини бошқариш учун 9 кишидан иборат Туркистон комитети (раиси — кадет Н. Н. Шчепкин) тузилди. Шунингдек, Бутунтуркистон мусулмонларининг 1 қурултойи (1917 й. 17—21 апр.) да Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Кенгаши (Краймуссовет) ҳам тузилиб, барча миллий жамиятлар, ташкилотлар ва иттифоқлар бирлаштирилди. 1917 й. баҳорда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ҳам сиёсий вазият кескинлашди. *Бухорода 1917 йил апрель намойиши* бўлди ва Хивада Идораи машрутия (1917 й. 5 апр.) ташкил топди. *Ёш бухороликлар* ва *ёш хиваликлар* бу хонликлар ҳудудида демократик ислоҳотлар учун курашдилар.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М., Туркистон тарихи (1917—1924 й.), Т., 2002.

Қаҳрамон Ражабов.

ФЕДЕРАЛ ТЕКШИРИШЛАР БЮРОСИ (ФТБ) (Federal Bureau of Investigation — FBI) — АҚШда федерал қонунлар бузилишларини текширувчи муассаса. 1908 й. тузилган. Қароргоҳи Вашингтон ш.да Уюшган жиноятчилик, терроризм, гиёҳванд моддалар савдоси, мансаб жиноятлари, зўравонлик ҳолатларига, АҚШ ҳудудида бошқа давлатлар разведкаларига қарши кураш ФТБ фаолиятининг муҳим йўналишларидир. Бюронинг мамлакат штатлари пойтахтларида, йирик шаҳарларда 60 га яқин бўлими, 500 дан ортиқ маҳаллий бўлинмалари, айрим мамлакатларда эса алоқа постлари мавжуд. ФТБ да 24 мингга яқин ходим, жумладан, 10 мингга яқин махсус агент хизмат қилади. Бюро раҳбарини АҚШ президенти тайинлайди, конгресс тасдиқлайди.

ФЕДЕРАТЛАР (лот. foederati, foedus — иттифоқ) — 1) Рим империяси чегараларида ҳарбий хизматни ўтовчи варвар қабилалари; яшаш учун чегара ҳудудидан ер, маош олишган; 2) 18-а. охиридаги Франция инқилоби даврида инқилобни ҳимоя қилиш учун

Парижга йўл олган кўнгиллилар; 3) Францияда «Юз кун» даврида Наполеонга қарши, коалиция кучларига қарши курашиш учун ташкил этилган кўнгилли отрядлар қатнашчилари; 4) 1871 й.даги Париж Коммунасини ҳимоя қилган Миллий гвардия жангчилари.

ФЕДЕРАЦИЯ (сўнгги лот. foederatio — бирлашма, уюшма) — 1) давлат тузилиши шакли; юридик жиҳатдан муайян сиёсий мустақиллиги бўлган давлат тузилмаларидан ташкил топган мураккаб (уюшма) давлат. Федератив давлатни ташкил этувчи давлат тузилмалари (штатлар, ўлка, контонлар) Ф. субъектлари ҳисобланади ва ўз маъмурий-ҳудудий бўлинишлари бўлади. Ф.да ягона конституция, ягона иттифоқ (федерал) давлат ҳокимияти органлари бўлади, ягона фуқаролик, пул бирлиги ва ш.к. амал қилади. *Унитар давлат*дан фарқли равишда Ф. ҳокимият олий органларининг 2 тизимига — федерал органлар ва Ф. аъзоларининг тегишли органларига эга бўлади. Федерал органлар мамлакатнинг ҳамма ҳудудида ўз ваколат ва вазифаларини амалга оширади. Ф.ни ташкил этувчи давлат тузилмалари том маънода давлат ҳисобланмайди. Улар суверенитетга, иттифоқдан бир томонлама чиқиш ҳуқуқига эга бўлмайди, юридик жиҳатдан халқаро муносабатларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум. Иттифоқ конституцияси ёки қонунлари бузилган тақдирда марказий ҳокимият Ф. субъектига нисбатан мажбурлаш чораларини кўриш ҳуқуқига эга. Ф.нинг энг зарур белгиларидан бири — федерал парламентнинг 2 палатали тузилмасидир. Одатда, Ф. аъзоларининг ўз мустақил конституцияси бўлади. Миллий (тил) омилнинг аҳамиятига қараб Ф. тузилишини белгилашда ҳудудий асосдаги Ф. (АҚШ, Австралия, Австрия, ГФР, Аргентина, Венесуэла, Бразилия, Мексика), миллий асосдаги Ф. (Ҳиндистон, Бельгия, Нигерия, Покистон) ва аралаш миллий-ҳудудий асосдаги Ф. (Россия Федерацияси, Швейцария, Канада) фарқланади. Конституциявий ҳуқуқ назариясида, шунингдек, баъзан конституциявий Ф. (АҚШ, Канада, Бразилия), конституциявий-шартномавий Ф. (Россия Федерацияси) ва шартномавий Ф. (Швейцария, Бирлашган Танзания Республикаси, БАА), марказлашган (мас., Ҳиндистон, бу ерда битта штатдан бошқа штатлар ўз конституцияси ва фуқаролигига эга эмас) ва марказлашмаган Ф. (АҚШ, ГФР, Швейцария) ўртасидаги фарқ кўрсатиб ўтилади.

Жаҳонда 21 та федератив давлат бор (2005); 2) халқаро ёки миллий жамоат ташкилоти (мас., Халқаро шахмат Ф.си).

ФЕДИН Константин Александрович [1892.12(24). 2, Саратов — 1977.15.7, Москва] — рус ёзувчиси ва жамоат арбоби, акад. (1958), Меҳнат Қаҳрамони (1967). «Шаҳарлар ва йиллар» (1924) романида фуқаролар уруши давридаги зиёлиларнинг ҳаёт йўли ҳикоя қилинган. «Европанинг ўғрланиши» (1—2-китоб, 1933—35) ва «Арктур» санаторийси» (1940) романларида янги жаҳон уруши арафасида Ғарбий Европадаги сиёсий-ижтимоий муҳит танқид қилинган. 2-жаҳон уруши йилларида «Тунгулар синови» пьесасини (1942), «Аҳоли яшайдиган бир неча пункт» ҳикоя ва очерклар тўплами (1943)ни ёзган. Уруш йиллари ёзган трилогияси («Дастлабки севинчлар», 1945; «Ажойиб ёз», 1947—49; «Гулхан», 1—2-китоб, 1961—65) да 1910 й.дан 2-жаҳон уруши охирига қадар бўлган воқеалар қамраб олинган. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Дастлабки севинчлар, Т., 1967; Ўтмиш билан учрашув [ҳикоялар], Т., 1971.

ФЕДЧЕНКО Алексей Павлович (1844.7.2, Иркутск — 1873.3.9.)— рус табиатшуноси, Ўрта Осиёни тадқиқ қилган олим. Москва ун-тини тугатган (1864). Зоол.га оид тўпламлар ва гербарийлар тўплаган. Антропология ва этн. б-н шуғулланган. 1868—71 й.ларда Олай водийсига саёҳат қилган. Олай орти тизмасини ўрганган. Ҳисор-Олай тоғ системасининг 1-орографик схемасини тузган. Ришта касаллиги қўзғатувчисининг биологиясини аниқлаган. Альп тоғларидаги Монблан чўққисига чиқишда ҳалок бўлган. Ф.нинг тўплаган материаллари географ олимлар томонидан қайта ишланиб, «А.П. Федченконинг Туркистонга саёҳати» номли рус тилидаги китобида нашр қилинган (1872—77 ва 1950-й.лар). Помир тоғидаги музлик Ф. номи б-н аталган.

ФЕДЧЕНКО МУЗЛИГИ — Ўрта Осиёдаги энг катта тоғ-водий музлиги. Помирнинг шим.-ғарбида. Уз. 77,4 км, майд. 824 км². Музнинг қалинлиги ўрта қисмида 1000 м дан зиёд. Музликнинг юқори қисми 7480 м, қуйи қисми эса 2900 м баландликда. Қор чизиғининг бал. 4650 м. Музлик учидан Селдара дарёси бошланади. Музликнинг энг йирик бўлаклари *Сомониён*, Гармо чўққилари тоғ массивлари ҳамда Шим. Танимас тизмаси атрофларида вужудга келган. Ф.м. Язгулом тизмаси шим. ён бағридан ва бир неча чўққилар тагидан бошланиб, Фанлар Академияси тизмасининг шарқий ён бағри бўйлаб давом этади. Баландкийик дарёсининг водийсига келади ва 30 дан ортиқ музликни қушиб олади.

1928—58 й.ларда музлик пили 30—35 м пасайиб фирнли қисми 12 м қалинлашган. Ф.м.нинг қуйи қисмини 1878 й.да В. Ф. Ошанин ўрганган, ўрта ва юқори қисмларини дастлаб 1928 й. Помир экспедицияси тадқиқ қилган. Музлик А. П. *Федченко* номи б-н аталади.

ФЕЙЕРБАХ (Feuerbach) Людвиг Андреас (1804.28.7, Ландсхут, Бавария — 1872.13.9, Рехенберг, Нюрнберг яқинида) — немис файласуфи. Дастлаб *Гегель*нинг издоши, кейин (1839) унинг фалсафасини танқид қилган. «Ўлим ва мангулик тўғрисидаги фикрлар» деган имзосиз китобини чоп этган ва унда руҳнинг ўлмаслиги ғоясини рад қилган. Бунинг учун Эрланген ун-тидаги муаллимлик ишидан четлаштирилган. Шунга қарамай илмий фаолиятини давом эттирган. Ҳаётининг сўнгги йилларида ижтимоий ва иқтисодий масалаларга катта қизиқиш б-н қараган, 1870 й. эса социал-демократик партияга аъзо бўлган.

Ф. фалсафасининг марказида биологик мавжудот, абстракт индивид сифатида талқин этиладиган инсон туради. Динни инсоннинг табиат ва жамият стихияси кучлари олдида ожизлиги туфайли келиб чиққан деб тушунтиради. У ахлоқ принципларини инсонга азалдан хос бўлган бахтга интилишдан келтириб чиқаради. Унинг фикрича, ҳар бир киши ўз эҳтиёжларини оқилона чеклаб, бошқа кишиларга меҳр-муҳаббат б-н қарагандагина бахтга эришиши мумкин.

Асосий асарлари: «Гегель фалсафасининг танқидига доир» (1839), «Христианликнинг моҳияти» (1841), «Келажак фалсафасининг асослари» (1843), «Диннинг моҳияти» (1851) ва б.

ФЕЙНМАН Ричард Филлипс (1918.11.5, Нью-Йорк — 1988) — америкалик физик. АҚШ миллий ФА аъзоси (1954). Массачусетс Технология институтини тугатган (1939). Фалсафа фанлари д-ри. (1942). Принстон ун-тида (1942—43), Лос-Аламос лаб.да (1943—45) ишлаган. Корнелл технология ин-ти проф. (1950 й.дан). Илмий ишлари майдон квант назарияси, квант электродинамика, элементар зарралар физикаси, статистик физика, ўта ўтказувчанлик ва гравитация назариясига оид. Майдон квант назариясининг ривожланишида муҳим ўрин тутган математик аппаратни ишлаб чиққан (1949) (қ. *Фейнман диаграммалари*). Ўта оқувчан гелийнинг уюрма табиатини тушунтириб берган («Фейнман уюрмаси деб аталади). «Физикадан Фейнман маърузалари» курси муаллифи. А. Эйнштейн мукофоти (1950), Нобель мукофоти лауреати (1965).

ФЕЙНМАН ДИАГРАММАЛАРИ, Фейнман графиклари — зарраларнинг сочилиши ва бошқа физик жараёнларни назарий таҳлил қилиш ва амплитудаларини ҳисоблашнинг график усули. Ф.д. 3 турдаги элементлардан ташкил топган: ташқи чизиқлар, ички чизиқлар ва чўққи (чизиқлар кесишувчи нуқта) лар. Диаграмманинг бошқа қисмлари б-н бирор бир чўққида бирлашмаган ташқи чизиқлар тушувчи ёки сочилган (реал тўқнашиш жараёнида тушган) заррага тўғри келади; улар системанинг тўқнашувигача ёки ундан кейинги ҳолатига мос келади. Икки чўққини туташтирувчи ички чизиқлар тўқнашиш жараёнида ҳосил бўладиган ва йўқоладиган зарраларнинг виртуал ҳолатларига тўғри келади. Чўққилар элементар «ўзаро таъсир акти»га — зарраларнинг бошқа зарраларга айланишига мос келади. Ф.д. майдон квант назариясида, квант механика ва статистик физикада кенг қўлланилади.



Фейнман диаграммаси.

ФЕЙХОА (испанча Feijoa), акка — миртадошларга мансуб доим яшил буталар ва дарахтлар туркуми. Жан. Американинг субтропик ҳудудларида 2 тури ўсади. 1-тури — Ф. Селлова (F. sellowiana) субтропик иқлимли мамлакатларда, жумладан, Грузия ва Қримнинг жан. соҳилларида ўстирилади. Бўйи 3 м. шох-шаббаси ёйиқ, қалин. Барглари бутун, қарама-қарши жойлашган. Гуллари икки жинсли. Май ойида гуллайди. Меваси тўқ яшил резавор, эти сершира, хушбўй, таркибида қанд, пектин, олма кислотаси, йод бор. Окт.-нояб.да пишади, янгилигида ейилади. Мураббо ва вино тайёрланади. Уруғи, қаламчасидан ва пайванд қилиб кўпайтирилади. Боғ-хиёбонларни кўкаламзорлаштиришда фойдаланилади. Ҳосилдорлиги 60—90 ц/га.

Фейхоа: *1* — гулли шохчаси, *2* — меваси; *3* — мевасининг кўндаланг кесими.

ФЕЙХТВАНГЕР (Feuchtwanger) Лион (1884.7.7, Мюнхен — 1958.21.12, Лос-Анжелес, АҚШ) — немис ёзувчиси. Мюнхен ва Берлинда ўқиган; фалсафа д-ри (1907). Дастлаб журналистика ва театр танқидчилиги б-н шуғулланган. «Ҳарбий асирлар» (1919) туркумидаги пьесаларида 1-жаҳон уруши воқеалари ва халқнинг урушга қарши курашлари кенг ифодаланган. 1933 й.дан Францияда эмиграцияда бўлган. «Томас Вендт» (1920), «Яҳудий Зюсс» (1920—22), «Кўримсиз герцогиня» (1923) романлари мавзуининг ранг-баранглиги б-н ажралиб туради. «Қувғин» (1939) романида ёзувчи ўзининг сургун туфайли сиёсий курашдан узоқлашиб қолганлигини тасвирлайди. «Яҳудийлар уруши» трилогияси (1932—42) да инсон шахси муаммосига муносабати ва гуманистик қарашлари акс этган. «Ака-ука Лаутензаклар» (1943), «Симон» (1944), «Тоқлардаги тулкилар» (1947), «Тентакнинг донолиги...» (1952) романлари, «Бека Капет» (1956) драмаси ва б. асарлар муаллифи. Кўпгина асарлари экранлаштирилган.

ФЕЛЛИНИ Федерико (1920.20.1, Римини — 1993) — италия кинорежиссёри. 1937 й.дан Флоренция, кейинроқ Римда журналист сифатида фаолият юритган. Шунингдек, суғурта агенти, витрина безовчи, карикатурачи-рассом, репортёр ҳам бўлган. 1942 й.дан метижорат учун ишланган комедия ва мелодрамаларга сценарий ёзган. Р. Росселлинининг «Рим—очиқ шаҳар», «Пайза» фильмлари яратилишида қатнашган. *Неореализм* анъаналаридан фойдаланган ҳолда ўзининг ёрқин кинематографик услубини яратди («Оқ шайх», «Онасининг болалари», «Йўл», «Ширин ҳаёт» ва б.). «Саккиз ярим» номли янги йўналишдаги фильмида реал образлар оқимини қаҳрамонларнинг субъектив қарашлари б-н бирлаштирди. «Рим», «Амаркор», «Оркестр репетицияси», «Интервью», «Ойнинг овози» каби фильмлари Италиянинг тарихий тақдири, миллий менталитет масалаларига бағишланди. Ф. ижодига бағишланган «Чао, Федерико» фильми ишланган (реж. Г. Бахман, 1969).

ФЕЛЬДМАРШАЛ (нем. Feldmarschall) — айрим давлатлар армияларидаги олий ҳарбий унвон. 1-марта 16-а.да Австрияда, 17-а.да Пруссияда жорий қилинган. Россияда 1699 й.да генерал-Ф. унвони жорий этилиб, 1917 й.да бекор қилинган. Ф. машҳур ҳарбий ва давлат арбоблари, император хонадони вакиллари ҳамда баъзи чет эл ҳарбий арбобларига берилган. Ф. унвони Буюк Британия ва б. баъзи давлатларда сақланган.

ФЕЛЬДШЕР (нем. feld — майдон ва scherer — сартарош) — ўрта маълумотли тиббиёт ходими; даволаш-профилактика муассасаларида Ф. врач ёрдамчиси бўлиб, у б-н ҳамкорликда ишлайди. Ф. врач келгунига қадар тиббий ёрдам кўрсатади, шунингдек, профилактика ва эпидемияга қарши санитария ишлари олиб боради. Ф. лар (санитария-эпидемиология ст-яларида ишлаш учун ва фельдшер-лаборантлар) тиббиёт коллежларида тайёрланади.

ФЕЛЬЕТОН (франц. feuilleton < feuille — варақ, варақа) — бадиий-публицистик жанр. Ижтимоий ҳаёт масалаларини сатира ва юмор воситаси б-н, яъни ижтимоий кулги асосида ёритади ҳамда ижтимоий танқид учун хизмат қилади.

Ф. деб дастлабки даврда матбуотда берилган ижтимоий-сиёсий, адабий-танқидий мавзудаги қизиқарли ва алоҳида ажратиб кўрсатилган материалларга айтилган. «*Туркистон вилоятининг газети*»да босилган айрим адабий мавзудаги материаллар, жумладан, шоир Маҳтумқули ва Огаҳий ҳақидаги мақолалар мазкур рукн остида берилган. Кейинчалик, жамият тараққий этиши б-н бу рукнда ижтимоий ҳаётда учрайдиган нуқсон ва камчиликларни кулги танқиди остига олувчи материаллар чоп этила бошлаган.

Ф. ҳажвий публицистиканинг алоҳида жанри бўлиб, ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутади. Мазкур жанрнинг асосий вазифаси жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-и. ч. ва маданий-маънавий томонларини қамраб олган ҳолда ўзида акс эттириш, мазкур соҳаларда учрайдиган камчилик, нуқсон, ижтимоий иллатларни фош этиш, бу камчилик ва нуқсонларнинг тугатилишига эришиш, бинобарин, жамият ҳаётининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишдан иборат. Ф. нинг танқидий мақола ва б. жанрларга оид материаллардан фарқи — унинг ҳажвий публицистика қонуниятларига асосланиши, яъни ижтимоий кулги, сатира ва юмор воситаларига таянишидадир. Ижтимоий кулгининг хил ва кўринишлари турлича бўлиб, улар орасида киноя, пичинг, ҳазил, енгил кулги кабилар б-н бир қаторда заҳарханда кулги, ижтимоий масхаралаш, гротеск (атайлаб бўрттирилган кулги) каби ҳажв воситалари ҳам мавжуд. Ф.да ижтимоий кулгининг ана шу серқирра усулларидан кенг фойдаланилади.

Ф. ўз олдига қўйган мақсад ва вазифасига кўра 2 хил — маълум фактга

асосланган ва умумий Ф. бўлиши мумкин. Маълум фактга асосланган Ф.да ҳаётдан олинган аниқ фактлар, муайян одамларнинг ижтимоий нуқсонлари, фаолиятларидаги камчиликлари кўрсатилади (Фурқатнинг «Ҳиил найрангбози Ёркентда», Абдулла Қодирийнинг «Тошкент бойлари» ва б.). Умумий Ф. эса ҳаётдаги бирор ижтимоий иллат, нуқсон ва муаммолар ҳақида бўлиб, унда мазкур масалалар ҳажвий мушоҳада этилади ва танқид қилинади (Абдулла Қодирийнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», Абдулла Қаҳҳорнинг «Қуюшқон» ва б.).

Ф. ёзилиш услуби жиҳатидан ҳикоя-Ф., публицистик Ф., Ф.-шарҳ, Ф.-тақриз, Ф.лар туркуми кабиларга бўлинади. Буларнинг ҳар бирида Ф.га хос умумий хусусиятлар б-н биргаликда алоҳида тасвирий услуб, ижодий йўналиш мавжуд. Ф. жанрининг Ф.-репортаж, Ф.-суҳбат, Ф.-кундалик ва б. шакллари ҳам бор. Ф. насрий бўлиши б-н бирликда шеърий ҳам бўлиши мумкин. Шеърий Ф. бадиий адабиётнинг муҳим тури бўлган ҳажвий шеърият талабларига жавоб бериши, шунингдек, ўзида публицистик хусусият ҳам касб этиши, ҳаётда учрайдиган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иллатларни кулги, танқид остига олиши лозим. Мас., Ғафур Ғуломнинг 30-й.ларда яратилган «Кўлтиқланган калла тўғрисида қофияли ваъз» ҳажвий шеъри ўзбек ҳажвий публицистикасида яратилган биринчи шеърий Ф. бўлган.

Ҳажвий публицистиканинг энг мураккаб ва мукаммал асарларидан бири — Ф.лар туркумидир. Бундай бадиий-публицистик асарлар бир неча Ф.лардан ташкил топади. Ф.лар туркуми ҳам ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалаларига, кўзга кўринарли иллат ва нуқсонларини фош этишга бағишланади ва бир ёки бир неча муаллифлар томонидан ёзилиши мумкин. Бундай ҳажвий-публицистик асар фельетончидан ҳаётни чуқур кузатишни, катта ҳажвий-публицистик маҳоратни талаб қилади. Маълум бир ҳажвий тип б-н боғланган Ф.лар туркуми ҳажвий публицистиканинг энг мураккаб асарларидандир. Бундай Ф.лар туркумига Абдулла Қодирийнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» каби асарлари мисол бўла олади. Моҳир фельетончи тўқима образлар — Калвак махзум ва Тошпўлат тажанг образлари орқали ўз даврининг ижтимоий иллатларини очиб ташлаган. Ҳажвий публицистиканинг бу ижодий анъанаси ҳоз. ўзбек ҳажвий матбуотида ҳам қўлланиб келмоқда.

Ф. бадиий публицистика жанри бўлганлиги сабабли, унда турли бадиий воситалар, жумладан, бадиий тўқима ҳам иштирок этади. Аммо Ф.да бадиий тўқима адабий асарлардагидан фарқли равишда чекланган кўринишга эга. У Ф.нинг асоси бўлиб хизмат қилаётган факт ва воқеалардан, «қаҳрамон»лар феъл-атворларининг мантиқидан келиб чиқиши лозим. Ф.да образ муҳим ўрин тутса-да, бадиий адабиёт асарларидан фарқли равишда, унда образ публицистик характерга эга бўлади.

Жаҳон матбуоти тарихида Ф. жанри муҳим ўрин тутиб келган. Ўзбекистонда ҳам мазкур жанрнинг тарихи узоқ замонларга бориб тақалади. Ҳали матбуот вужудга келмасдан илгари мазкур жанрнинг функцияларини ёзма ҳажвий адабиёт бажариб келганлиги маълум. Алишер Навоийнинг ҳаётдаги ижтимоий адолатсизлик, зулм-залолат ва б. иллатларга қарши қаратилган асарларини бу жанрнинг ўша даврдаги кўринишлари, дейиш мумкин. Кейинги даврларда ижод қилган Турди Фароғий, Махмур, Муқимий, Завқий ва б.нинг ўз давридаги муҳим ижтимоий иллатларни фош этган ҳажвларини мазкур жанрнинг ёрқин намуналари, дейиш мумкин. Ўзбекистонда дастлабки матбуот нашрлари пайдо бўлиши б-н Ф. жанри матбуот жанри сифатида иш кўра бошлади ва тез суратлар б-н тараққий этди. Айниқса, 20-а.нинг бошларида майдонга келган жадид матбуоти саҳифаларидан Ф. жанри кенг ўрин олди ва ривожланди. Мазкур жанрнинг вужудга келиши ва тараққий этишида Ҳамза, Тавалло, Чўлпон ва б. катта хизмат қилдилар. А. Қодирий 20-й.ларнинг моҳир Ф. чиси сифатида самарали ижод қилди. Ўзбек ҳажви усталари Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ҳам мазкур жанрнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонда 90-й.лардан публицистиканинг бошқа жанрлари қаторида Ф. жанри ҳам кенг ривожланди, унинг бир қатор янги турлари, жумладан, радиофельетон, телефельетонлар вужудга келди.

Мухтор Худойқулов.

ФЕЛЬЗИТ (нем. Felsit) — нордон эффузив жинсларнинг майда донадор массаси бўлиб, калийли дала шпати (ортоклаз) ва кварц, баъзан нордон плагиоклаз ҳамда тўқ рангли минераллар (пироксен, биотит ва б.)дан таркиб топган. Кимёвий таркиби бўйича Ф. дацитдан (SiO_2 массаси бўйича 68%) риолитгача (72—75%) ўзгариб туради. Зичлиги 2,2—2,4 г/см³. Диагенез ва бошлангич метаморфизм жараёнида вулқон шишасининг қайта кристалланишидан ҳосил бўлади. Палеотип жинслар (кварцли порфир, кератофир, ортофир) учун хосдир. Баъзан «Ф.» термини том жинслари номида учрайди (мас., фельзодацит, фельзофир). Ф. юқори сифатли кислотабардош материал сифатида ишлатилади. Конлари Шим. Кавказ, Закарпатье, Венгрия, Германия ва б.да мавжуд.

ФЕМИНИЗАЦИЯ (лот. femina — аёл, урғочи) — эркак организмда иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиши. Ф. — гормонал мувозанатнинг бузилиши; одамлар, балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, қушлар, сут эмизувчиларда кузатилган. Ф.ни бичилган (қ. *Ахталаш*) эркак ҳайвонларга тухумдонни кўчириб ўтказиш ёки урғочи жинсий гормон (эстроген) таъсир эттириб, сунъий пайдо қилиш мумкин. Мас., бичилган хўрозга тухумдон кўчириб ўтказилганида унда товуқлар учун хос бўлган патлар, тож, жинсий хатти-ҳаракатлар пайдо бўлади. Бичилган эркак сут эмизувчилар (каламушлар, маймунлар ва б.)да кўчириб ўтказилган тухумдон ёки эстроген таъсирида сут безлари ривожланади; урғочилар учун хос бўлган жинсий инстинктлар пайдо бўлади.

ФЕМИСТОКЛ (мил. ав. тахм. 525 — мил. ав. тахм. 460) — Афина саркардаси, демократик гуруҳ раҳбари. *юнон-форс урушлари* даврида (493/492 й.дан) бир неча бор архонт ва стратег. Умумюнон қаршилик ҳаракатини ташкил этишда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Афинани денгизда ҳукмрон давлат бўлишига ва Делос иттифоқи тузилишига эришган.

ФЕМЛАР — Византияда 7—12-а.ларда ҳарбий-маъмурий округлар. Ф.ни ҳарбий, суд, молия, ҳарбий ҳокимиятга эга бўлган стратиглар бошқарган. Ф. давлатга кўнгилли лашкарлар — стратиотларни етказиб берган. 8—11-а.ларда Ф. майда қисмларга бўлиб ташланган. 12-а.да Ф.даги ҳокимият граждан-лардан чиққан амалдорлар — судьяларга ўтган; Ф. ўрнига йирик чегара ҳарбий-ҳудудий бирликлар — дукатлар ва катепанатлар пайдо бўлган. 13-а.да Ф. Никея империясида сақланиб қолган.

ФЕНАКИТ (юн. phenax — алдамчи) — орол силикатлари синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Be_2[SiO_4]$. Унда BeO 42—45%. Тригонал сингонияда кристалланади. Кристаллари, одатда, майда призматик, баъзан ромбоэдрик, шунингдек, радиал-нурсимон ўсимталар ва сферолитлар шаклида. Рангсиз, сарғиш, пушти, кулранг, оқ. Шишадек ялтироқ. Тиниқ, шаффоф. Қаттиқлиги 7,5—8, зичлиги 2,9—3 г/см³. Ф. магматизмдан кейинги генетик типдаги конларда — пегматит, грейзен, гидротермал томирлар ва метасоматитларда учрайди. Гидротермал метасоматик ҳосилаларда флюорит, сульфидлар ва слюдалар б-н, дала шпатли метасоматитларда баъзан гентгельвин б-н ассоциацияда бўлади. Ф. келажакда Ве олинадиган манба. Йирик тиниқ кристаллари қимматбаҳо тош сифатида ишлатилади.

ФЕНИКС (юн. Phoenix) — осмоннинг Жан. ярим шаридаги юлдуз туркуми. *Турна*, *Ҳайкалтарош*, Эридан, *Тукан* ва *Печь* юлдуз туркумлари орасида жойлашган; энг равшан юлдузлари 2—3-катталикда. Ўзбекистоннинг баъзи жойларида кузда қисман кузатилади.

ФЕНИЛ, C_6H_5 — бир валентли органик радикал, *бензол* қолдиғи. Кўпгина ароматик қатор бирикмалари таркибига киради (яна қ. *Кимёвий радикаллар*).

ФЕННОСКАНДИЯ — Европа шим.-даги табиий ўлка. Скандинавия ва Кола я.о.лари ва Фин қўлтиғи, Ладога ва Онега кўллари ҳамда Оқ денгизни бирлаштириб турувчи шартли чизиқдан шим.-ғарбдаги ҳудудларни ўз ичига олади. Болтиқ, Шим. Норвегия, Баренц ва Оқ денгизлар ўраб туради. Майд. 1,5 млн. км². Ҳудудининг катта қисми Болтиқ қалқони ва Скандинавия тоғларининг каледон бурмаларидан иборат. Рельефида пенепленлашган ўртача баландликдаги тоғликлар ва ясситоғлар асосий ўринни эгаллайди. Энг баланд жойи 2469 м (Гальхёпигген тоғи). Болтиқ денгизи соҳиллари кенг текислик. Скандинавия тоғларида музликлар бор. Рельефида мореналиқатор тепалар ва қад. музлик шакллари сақланиб қолган, фьорд кўп. Иқлими мўътадил, ёзи салқин. Скандинавия тоғларининг ғарбий ён бағирларида йиллик ёғин 2000—3000 мм, шарқида 400—500 мм. Дарёлари серсув, серостона. Ботқоқлик ва кўл кўп. Ҳудудининг 1/2 қисми ўрмон, асосан, тайга, жан.да аралаш кенг баргли ўрмонлар. Тупроғи шим.да подзол, жан.да чимли подзол тупроқ. Ўлкада, асосан, ўрмон ҳайвонлари яшайди. Темир, мис, никель рудалари, апатит конлари бор. Ф.да Швеция, Норвегия, Финляндия ва Россия ҳудудининг бир қисми жойлашган.

ФЕНОКОПИЯ (юн. phaino — бўламан, топаман ва лот. copia — кўп) — *фенотип*нинг ирсий бўлмаган ўзгариши (модификация). *Генотип*нинг муайян ўзгариши (*мутация*)га ўхшаб кетади, лекин ирсийланмаслиги б-н улардан фарқ қилади. «Ф.» терминини немис генетиги Р. Гольдшмидт таклиф этган (1935). Ф. — физик ёки кимёвий омилларнинг ривожланаётган организмга таъсири натижаси. Мас., талидомид препаратини қабул қилган ҳомиладор аёллардан кўпинча мутант аллеллар пайдо қиладиган фекомелия (қўллари баргсимон қисқарган) чақалоқлар туғилган. Онтогенезнинг муайян даврларида Ф. кўпроқ намоён бўлади. Муайян омил ривожланишнинг турли даврларида ҳар хил Ф.; ҳар хил омиллар онтогенезнинг бир даврида бир хил Ф. пайдо қилиши мумкин. Мас., ривожланишнинг дастлабки даврларида товуқ эмбриони сариқлик халтасига инсулин инъекция қилинганида думсиз жўжалар, лекин шу гормон кейинроқ киритилганда устки тумшуғи калта жўжалар ривожланиб чиқади. Бу икки хил нуқсон генетик *мутация* тариқасида ҳам маълум. Ф. сабаби муайян омил таъсирида генотип ўзгармасдан онтогенезда содир бўладиган жараёнларнинг бузилишидан иборат. Ф. олиш мумкинлиги онтогенез жараёнларининг дискретлигини ва муайян генлар таъсирининг «критик даврлари» бўлишини кўрсатади. Бу ҳолат онтогенезда Ф.да генетик ахборотнинг юзага чиқишини ўрганишда фойдаланишга имкон беради.

ФЕНОЛ, карбол кислота, оксибензол, C_6H_5OH — ўзига хос ҳидли, рангсиз кристалл модда. Сақлаб қўйилганда пушти рангга киради. Мол. м. 94,11, суюқланиш т-раси 40,9°, қайнаш т-раси 181,75°, зичлиги 1058 кг/м³. Спирт, эфир, ацетон, хлороформда яхши, сувда бир оз эрийди. Кучсиз кислота хусусиятига эга, ишқорлар б-н фенолятлар ҳосил қилади. Ф. тошкўмир смоласидан олинади. Ф.нинг саноат кўламида синтезлаб олиниши изопропилбензол гидропероксидини кислоталар б-н парчалашга асосланган. Ф. *фенол-формальдегид смолалар*, *капролактам*, пикрин кислота, турли бўёғичлар ва пестицидлар, дори моддалари и.ч.да қўлланади. Терига текканда куйдиради; ҳавода 0,005 мг/л дан кўп бўлмаслиги лозим (яна қ. *Феноллар*).

ФЕНОЛЛАР — гидроксил гуруҳлари ароматик ядро углерод атомлари б-н бевосита боғланган окси ҳосилали ароматик бирикмалар. Молекуласидаги гидроксил гуруҳ сонига қараб Ф. 1 атомли, 2 атомли ва кўп атомли бўлади. 1 атомли феноллар гомологик қаторининг 1-вакили — оксибензол C_6H_5OH одатда *фенол* ҳам дейилади. Толуолнинг окси ҳосиласи (метилфеноллар) *о-*, *м-* ва *п-*крезоллар, ксилолларнинг окси ҳосилалари эса *ксиленоллар* дейилади. Нафталин қаторининг феноллари *нафтоллар* деб аталади. Оддий 2 атомли Ф. *о*-диоксибензол — *пирокатехин*, *м-* диоксибензол — *резорцин* ва *п*-диоксибензол — *гидрохинон* деб номланади. Кўп атомли Ф. *пирогаллол*, флороглюцин дейилади.

Кўпчилик Ф. рангсиз кристаллар, айримлари суюқ моддалар. Баъзи Ф. ўзига хос ўткир ҳидли. Оддий Ф. сувда бир оз, деярли барча Ф. спирт, эфир, бензолда яхши эрийди. Ф.нинг спиртлардан фарқи шуки, улар кучсиз кислоталар; ишқорлар б-н осонгина реакцияга кириш|б тузсимон моддалар — фенолятлар (мас., C_6H_5ONa) ҳосил қилади.

Кўпгина Ф. осон оксидланади. Ф.ни синтезлашда тегишли галоген ҳосилалари гидролизидан (мис тузлари иштирокида) фойдаланилади. Ф. арилдиазония тузлари эритмасини қиздириб ва б. усулларда ҳам олинади. Тошкўмир смоласи ва қўнғир кўмирнинг бирламчи дёготи (чирки) Ф. қаторларининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Баъзи Ф. антисептиклар, антиоксидловчи сифатида қўлланади. Ф. *фенол-формальдегид смолалар*, *полиамидлар* ва б. *полимерлар* олишда кўплаб ишлатилади. Ф. асосида *бўёғичлар*, дори ва парфюмерия препаратлари, *пестицидлар*, *пластификаторлар*, *сирт фаол моддалар* ва б. синтез қилинади. Ф. заҳарли.

ФЕНОЛОГИЯ (юн. phainimena — ҳодиса ва ... *логия*) — табиатдаги мавсумий ҳодисалар, уларнинг бошланиш муддатлари ва шу муддатларни белгиловчи омиллар тўғрисидаги билимлар системаси. «Ф.» терминини бельгиялик ботаник Ш. Морран таклиф этган (1853). Юксак ўсимликларда куртакларнинг бўртиши ва ёзилиши, барг чиқариши, ғунчалаш (шоналаш), гуллаш, уруғ ва меваларнинг пишиб етилиши, кузда барглар сарғайиши ва тўкилиши (хазонрезгилик); сут эмизувчи ҳайвонларда қишки уйқудан уйғониш, жуфтлашиш, болалаш, мавсумий туллаш ва ҳ.к.; қушларда баҳорги учиб келиш, уя солиш, тухум қўйиш, жўжа очиш, кузги учиб кетиш ва б.; балиқларда баҳорги серҳаракат ҳаёт, увилдириқ (икра) ташлаш, мавсумий кўчиб юриш; ҳашаротларда қишлаб чиққан индивидларнинг баҳорги уйғониши, ғумбаклардан ҳашаротлар пайдо бўлиши, тухумдан личинка (қурт) очиб чиқиши, жуфтлашиши, тухум қўйиши ва ҳ.к.нинг содир бўлиш муддатларини ўрганади.

Текшириш объектига биноан, Ф. умумий ва хусусий Ф.га бўлинади. Умумий Ф. табиат тараққиётини йил фаслларининг бир меъёрда алмашиниб туриши б-н боғлиқ ҳолдаги яхлит ҳодиса сифатида ўрганади. Хусусий Ф. фитофенология ёки ўсимликлар Ф.си ҳамда зоофенология — ҳайвонлар Ф.сига бўлинади. Фитофенологияда маданий ва ёввойи ўсимликлар, бегона ўт ва б.нинг мавсумий ривожланиши ўрганилади.

Табиатдаги мавсумий ҳодисалар қадимдан ўрганила бошлаган. Ҳозирги илмий Ф. 18-а.да қарор топди. 1734 й.да француз олими Р. Реомюр ғалла экинлари ва ҳашаротларнинг мавсумий ривожланиши ҳароратга боғлиқ эканлигини ўргана бошлади. 1748 й.дан бошлаб К. *Линней* фенологик кузатишлар олиб борди ва 1750 й.да кузатув пунктларининг биринчи тармоғини ташкил этди. 19-а. ўрталарига келиб, Ғарбий Европадаги барча йирик мамлакатлар ва Россияда фенологик кузатишлар олиб бориладиган бўлди. 20-а.да фенологик кузатишлар ва тадқиқотлар Марказий Европадаги ҳамма мамлакатлар ҳамда АҚШда, кейинроқ бориб, бошқа мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалди.

Табиатдаги мавсумий ҳодисаларнинг бошланиш муддатларини белгилаб берувчи омиллар ва қонуниятларни экологик Ф. ўрганади. Бу омиллар эндоген ва экзоген омилларга бўлинади. Экзоген омилларни ташқи муҳит белгилайди. Ўсимликларнинг баҳорги уйғониш муддатларини, асосан, иссиқлик режими белгилаб беради. Ҳайвонларда мавсумий ҳодисаларнинг муддати, кўпинча, уларнинг озиқланиш шароити б-н боғлиқ. Мас., ҳашаротхўр қушлар баҳорда ҳашаротлар кўпайган вақтда учиб келади.

Одатда, ўсимликлар устида ўтказиладиган фенологик тадқиқотларда визуал кузатиш, миқдорий ўлчаш (мас., ўсимликлар массасининг ўсиши), интеграл (у ёки бу ривожланиш фазасига кирган ўсимликлар сони фоиз ҳисобида) методлар қўлланади. Ҳар йиллик кузатишлар натижаси спектрлар шаклида; муайян ҳудудда ўсимликларнинг ҳар хил фенофазага кириш муддатлари жадвал ва график шаклда табиат календарига қайд этиб борилади. Одатда, бундай кузатишлар махсус ажратилган тажриба майдончалари ва табиат қўриқхоналарида ўтказилади. Кузатиш натижалари, яъни у ёки бу фенофазалар муддати географик атласлар таркибига кирувчи фенологик хариталарга туширилади.

Ф. маълумотларидан қ.х. экинларини экиш ва ҳосилни йиғиштириб олишнинг энг қулай муддатларини белгилаб бериш, асаларилар учун асал ширали ўсимликлар ва иҳота хиёбонлар ташкил этиш учун дарахтларни танлашда, ўрмонларда ва б. жойларда ёнғин энг кўп хавф туғдирадиган фаслларни аниқлашда фойдаланилади.

ФЕНОЛ-ФОРМАЛЬДЕГИД СМОЛАЛАР — *фенол* б-н *формальдегид*нинг поликонденсатланишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар. Бошланғич моддалар миқдорининг нисбати ва муҳитнинг рН ига (қ. *Водород кўрсаткич*) қараб реакция натижасида фақат қўшимча кимёвий реагентлар иштирокида қотадиган Ф.-ф.с. (новолаклар) ёки ҳеч қандай реагентлар иштирокисиз қотадиган Ф.-ф.с. (резоллар) ҳосил бўлиши мумкин. Ф.-ф.с. иссиққа ва совуққа чидамли, электроизоляцион хоссага эга, спирт ва ацетонда эрийди, ранги оч сариқдан жигарранггача бўлиб, қуёш нури таъсирида ёки и.ч. жараёнида тўқ жигарранг ёки ҳатто қора рангга ўтади. Ф.-ф.с. фенопластлар, елимлар ва локлар и.ч.да қўлланади.

ФЕНОЛФТАЛЕИН, 4,4-диоксифталофенон, $C_{20}H_{14}O_4$ — ҳидсиз, таъмсиз, рангсиз кристалл модда. Мол.м. 318,33. Суюқланиш т-раси 259—263°. Сувда оз, спиртда яхши эрийди. Фенолни фталь ангидрид б-н конденсатлаб олинади. Ф. трифенилметан бўёғичлар гуруҳига киради. *Аналитик кимёда* кислота ва ишқорларни титрлашда индикатор сифатида қўлланади. Тиббиётда сурги дори сифатида ишлатилади. Сурункали ич қотишда таркибида 0,1г Ф. бўлган таблеткалар (пурген) буюрилади.

ФЕНОЛЯТЛАР — фенол молекуласининг гидроксил гуруҳидаги водород атоми металл атомига алмашинган маҳсулотлар. Умумий формуласи $(RO)_n$Me (бу ерда R — арил радикали, n- металлнинг оксидланиш даражаси). Ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг ҳосилалари ион боғланишли бирикмалар бўлиб, гидролизга учрамасдан сувда эрийди, органик эритувчиларда эримайди, учмайди. Ф. сув, фенол ва ишқорий-ер металлар гидроксидлари б-н аддуктлар ҳосил қилади. Кўп валентли металларнинг Ф.и кимёвий хоссаларига кўра тегишли алкоголятларга жуда яқин туради. Кўп атомли фенолларнинг Ф.и ёки нитро-, амино- ва б. аралаш функцияли фенолларнинг Ф.и ички комплекс бирикмалардир. Ф. фенолларга гидроксидлар (реакция сувли эритмада олиб борилади) ёки металл галогенидлар, алкоголятлар, карбоксилатлар, сульфидлар таъсир эттириш йўли б-н олинади (сувсиз муҳитда). Ароматик оксикислоталар и.ч.да, полимерланиш катализаторлари сифатида, органик синтезларда қўлланади.

ФЕНОМЕН (юн. phainomenon — содир бўлувчи) — 1) тасодифий, камдан-кам бўладиган ҳодиса, факт; 2) ҳис-туйғу тажрибаси б-н намоён бўладиган ҳодисани англатувчи фалсафий тушунча (бу маънода у моҳияти жиҳатдан интеллектуал мушоҳада предмети сифатида намоён бўлувчи ноуменнинг қарама-қаршиси). «Ф.» атамасини Аристотель «кўринувчи», «туюлувчи» маъносида ишлатган. *Лейбниц* эса бу сўзни тажрибадан маълум бўлган ҳодисаларга нисбатан қўллаган. И. *Кант* Ф. тушунчаси ёрдамида моҳиятни ҳодисадан кескин ажратишга уринган: ва ҳодисани билиш мумкин, моҳиятни эса билиш мумкин эмас деб ҳисоблаган (яна қ. *Моҳият ва ҳодиса*).

ФЕНОМЕНАЛИЗМ — фалсафий таълимот; бевосита билиш объекти сезгиларнинг ўзидангина иборат деган нуқтаи назарга таянади. Бу таълимот вакилларини фалсафа тарихида ашаддий ва мўътадил Ф. тарафдорларига ажратиб ўрганишади. Ашаддий Ф. концепцияси дунё «ғоялар» мажмуаси, «сезгилар комплекси» деб ҳисобловчи (Беркли, эмпириокритицизм) субъектив идеализм оқимига ёки дунёни билиш мумкинлигини инкор этувчи *агностицизм*га олиб боради. Бундай концепция тарафдорлари фикрича, «сезгилар ортида нималар яширинганлигини билишимиз мумкин эмас» (Юм). Мўътадил Ф. вакиллари орасида сезгиларда намоён бўлувчи объектларнинг реал мавжудлигини тан олувчи ва бундай объектларни (Локк сингари) моддий объектлар деб ҳисобловчи ноизчил материалистларни ҳам, бу объектларни билиб олиш мумкин бўлмайдиган «нарса ўзида»дир деб ҳисобловчи кантча агностицизм тарафдорларини ҳам (Кант, Милль, Спенсер) учратиш мумкин. Ф. 19—20-а.ларда ўтган барча позитивистик таълимотларга ҳам хосдир. Ф. *неопозитивизм* оқимида лингвистик ва умуман семиотик шаклда намоён бўлади, чунки бу оқимнинг асосий даъвоси тажрибани «объектли» ёки «феноменалистик» тилда ифодалаб беришдан иборатдир. Ф. инглиз-америка неореализмига ҳам хосдир.

ФЕНОМЕНОЛОГИЯ (*феномен* ва ...*логия*) — 1) фалсафий фан; фалсафа тарихида турлича: ҳиссий билишни танқид қиладиган фан сифатида (И. Г. Ламберт, И. Кант), фалсафанинг вужудга келиши, онгни тарихий тадқиқ этиш шаклларини ўрганадиган таълимот сифатида (Г. Гегелнинг «Руҳ феноменологияси»), психик феноменларни баён этувчи психологиянинг бир қисми сифатида (Ф. Брентано, А. Мейнонг) талқин этилади; 2) фалсафий оқим, унинг принципларини 20-а. бошида Э. *Гуссерль* таърифлаб берган. У бир томондан, Ф. рационал эмпиризм ва позитивизм б-н боғлиқ эканлигини қайд этса, 2-томондан эса, натуралистик объективизм ва скептик релятивизмни танқид қилади. Ф. ни йўқотилган ва унутилган қадриятларни топишга кўмак берувчи фалсафий археология деб билади.

Ф. экзистенциализм ва ҳоз. замон фалсафасидаги бошқа оқимларнинг манбаларидан бири бўлган.

ФЕНОТИП — организмнинг барча ташқи белгилари ва хоссалари йиғиндиси. Ф. *генотип* ва ташқи муҳит шароитларининг ўзаро таъсири натижасида юзага чиқади. «Ф.» терминини Дания генетиги В. Иогансен таклиф этган (1903). Ф.да барча генотипик имкониятлар рўёбга чиқавермайди, чунки бу жараён муайян шароитда генотип намоён бўлишининг хусусий бир ҳолати ҳисобланади. Шу сабабдан ҳатто бир тухумдан ривожланган, генотипи бир хил бўлган эгизаклар ҳар хил шароитда ўсганида уларда сезиларли фенотипик фарқларни кузатиш мумкин. Микроэволюция жараёнида табиий танланиш индивидларнинг Ф.и бўйича боради. Шунинг учун популяциялар ичида чегараси генотип томонидан белгилаб бериладиган, кенг реакция нормасига эга бўлган индивидлар, ёхуд қатъий генотип б-н белгиланадиган, керакли Ф.га эга бўлган индивидлар танланади. Генотипик ўзгарувчанлик кузатилмаган ҳолларда Ф. бўйича танлаш натижа бермайди. Бунга В. Иогансеннинг соф линияларда ўтказган танлаш тажрибаси яққол мисол бўлади.

ФЕОД (сўнгги лот. feodum) — ўрта асрларда Ғарбий Европада сеньор томонидан ўзининг вассалига меросий мулк сифатида инъом этилган ерлар (ёки қайд этилган даромад). Бунинг эвазига вассаллар ҳарбий, сарой (сеньориал судларда иштирок этиш, сеньорияни бошқариш ва б.) хизматларини ўташлари, удумга биноан, тегишли бадал пулини тўлашлари лозим бўлган.

ФЕОДОСИЙ I, Буюк (Theodosius) (тахм. 346—395) — Рим императори (379 й.дан). 380 й. ортодоксал христианлик ҳукмронлигини ўрнатган, арианлар ва мажусийларни қувғин қилган. Унинг даврида Олимпия ўйинлари (мажусийларга хос деб) бекор қилинган. Александрия кутубхонаси ва мажусийларнинг кўплаб ибодатхоналари ёндириб юборилган.

ФЕОДОСИЯ — Украинанинг Қрим Республикасидаги шаҳар. Қрим я.о.нинг жан.-шарқий соҳилида. Симферополдан 116 км шарқда. Қора денгиз бўйидаги порт, т.й. станцияси, бальнеологик иқлим курорти. Аҳолиси 75 минг киши чамасида (2001).

Ф.га мил. ав. 6-а.нинг ўрталарида асос солинган. 2-жаҳон урушидан кейин шаҳар қайта тикланди, курорт марказларидан бирига айланди. Ёзи иссиқ, қиши илиқ, йилига 360 мм ёғин тушади. Даволаш воситалари: иқлим, денгизда чўмилиш, минерал булоқ сувларидан ичиш, Ажикўл балчиғи. Шаҳарда озиқ-овқат (сут, тамаки ва б. з-длар), қурилиш материаллари, металлсозлик саноати мавжуд. Мебель, офсет, ўйинчоқ ф-калари бор. Ўлкашунослик музейи, И. К. Айвазовский номидаги (Ф.да туғилган) картиналар галереяси, рус ёзувчиси А.С. Гриннинг адабий-мемориал музейи фаолият кўрсатади. 14—15-а.ларга оид генуяликлар қалъаси қолдиқлари, Иоанн Предтеча, Стефан, Архангеллар, Сергий черковлари (ҳаммаси 13—14-а.лар), Муфтий-Жоме масжиди (17-а.) каби меъморий ёдгорликлари сақланган.

ФЕОФАН ГРЕК (тахм. 1340 — 1405 й. дан кейин) — рус рассоми, миниатюра ва монументал санъат устаси; икона санъати тараққиётида муҳим роль ўйнаган ҳамда ўзига хос мактаб яратган. Ф.Г. асарларига кўтаринки руҳ, образларига эмоционал драматик талқин, динамик композиция, аниқ чизма, қатъий колорит, нафис дадил тасвирлар хос. Асосан, Византия ва Қад. Русда ишлаган. Константинополь, Феодосия, Новгород, Нижний Новгород, Москвада 40 га яқин черковларни фреска, икона, миниатюралар б-н безаган. Москва Кремлидаги Благовешченск ибодатхонасига Андрей *Рублев* б-н иконалар («Спас», «Ҳаворий Павел», «Буюк Василий» ва б.) яратган; Москвада устахона очган. «Донлик Биби Марям» иконаси шу ерда яратилган деб тахмин қилинади (1380 ёки 1392). Ф.Г. ижоди жуда кўп рус рассомларига кучли таъсир кўрсатган.

ФЕОФИЛАКТ СИМОКАТТА (7-а.) — Византия тарихчиси. Император Ираклий (610—641)нинг маслаҳатчиси. Ф.С.нинг асосий асари «Тарихлар» (ёхуд «Жаҳон тарихи») — император Маврикий ҳукмронлиги даври (582—602)ни баён этувчи муҳим манба. Унда Византиянинг *эфталийлар*, айниқса, *Турк хоқонлиги* б-н муносабатлари ҳақида маълумотлар бор.

ФЕРБЕРИТ — қ. *Вольфрамит*.

«ФЕРГАНА ОЙЛ» («Fergana Oil» — «Фарғона нефти») — 19-а. охирида ака-ука *Нобеллар* томонидан Россияда ташкил этилган халқаро нефть бирлашмасининг Фарғона водийсидаги маҳаллий бўлими, компания; 1917 й.даги Октябрь тўнтаришига қадар Фарғона водийсига Кавказ ва Челекен (Туркманистон)дан келтирилган нефтни қайта ишлаш, нефть қидирув ишлари, нефть қазиб олиш ва ш.к. б-н шуғулланган. Унинг фаолиятида АҚШ ва Англия капитали ҳам етакчи роль ўйнаган. «Ф.о.» компанияси Фарғона водийсида Чимён, Мойлисой, Қизилқия каби дастлабки нефть конларини очган. Вановская ҳоз. (Олтиариқ) т.й. ст-ясида нефтни қайта ишлаш з-дини қурган. Унга водийдаги нефть конлари, нефть маҳсулотлари б-н савдо қилувчи, шунингдек, нефтни қайта ишловчи корхоналар қараган. 1918 й.да тоғ-кон саноати национализацияси асосида «Ф.о.»нинг барча мулки совет давлати қўлига ўтган.

ФЕРГАНИТ (Фарғона водийсида топилган, номи шундан) — уранли слюдалар гуруҳига мансуб иккиламчи литийли минерал. Кимёвий таркиби $U_3[VO_4]_2\cdot 6H_2O$. Қаттиқлиги 2—2,5, зичлиги 3,3 г/см³. Ромб сингонияда кристалланади. Япроқча ва тангачалар шаклида, оч-сариқ кристаллар кўринишида учрайди. Ўта радиоактив, мумсимон ялтирайди. Уранли чўкинди ва магматик жинсларнинг нураш зонасида ҳосил бўлади. Ф. АҚШнинг Колорадо штати ва б. жойларда топилган.

«ФЕРГАНСКАЯ ПРАВДА» («Фарғона ҳақиқати») — Фарғона вилояти ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газетаси. Рус тилида ҳафтада 5 марта чиқади. Дастлаб «Знамя свободы» («Эрк байроғи»), «Щит народа» («Халқ қалқони»), «Известия» («Ахборот»), «Пролетарская мысль» («Пролетар фикри»), «Красная Фергана» («Қизил Фарғона»), «Советское слово» («Совет сўзи»), «Знамя труда» («Меҳнат байроғи») номларида нашр этилган. 1938 й.дан ҳоз. номда. Газ.га турли даврларда Г. Павлюченко, Г. Вершинин, Ф. Доронин, Б. Ренев, А. Алибьев ва б. муҳаррирлик қилишган. 1993 й. 9 ноябрда «Ф.п.» таҳририяти «*Фарғона ҳақиқати*» газ. таҳририятига қўшилди. Газ. вилоятда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни кенг ёритиб боради. Адади 3 мингга яқин (2004).

ФЕРГУСОНИТ — мураккаб оксидлар (тантал-ниобатлар гуруҳи)нинг кичик синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби (TR) (Nb, Ta)O_4. Аралашмалари

U, Th ва б. Ранги қора, қизил-қўнғир. Қаттиқлиги 5—7, зичлиги 4,2—6 г/см³. Мўрт, радиоактив. Ф. пегматит ва грейзенларда учрайди. Ф.нинг тури — [illegible] (SiO_2 6,0 — 7,8%). Гадолинит, ортит, монацит ва бошқалар б-н ассоциацияда учрайди. Ф. — тантал, ниобий рудаси.

ФЕРДИНАНД (Ferdinand) — «Муқаддас Рим империяси» императорлари номи.

Фердинанд I (1503—64) — император (1556 й.дан). Австрия эрцгерцоги: Чехия ва Венгриянинг габсбурглар сулоласидан чиққан 1-қироли (1526 й.дан). Карл V нинг укаси.

Фердинанд II (1578—1637) — император (1619 й.дан). Габсбурглар сулоласидан бўлган Австрия эрцгерцоги. Контрреформация сиёсатини юргизган. 1618—48 й.лардаги *Ўттиз йиллик уруш*нинг бошланғич даврида габсбурглар-католиклар гуруҳига раҳбарлик қилган.

Фердинанд III (1608—57) — император (1637 й.дан). габсбурглар сулоласидан бўлган Австрия эрцгерцоги. Унинг даврида Ўттиз йиллик уруш (1618—48) тугаган.

ФЕРМА (Fermat) Пьер (1601.17.8, Бомон-де-Ломань — 1665.12.1, Кастр) — француз математиги. 1631 йилдан Тулузада парламент маслаҳатчиси. Бир неча асар муаллифи бўлиб, уларнинг кўпчилиги Ф. вафотидан кейин ўғли томонидан «Ҳар хил математик асарлар» (1679) номи б-н нашр эттирилган. Ф. ҳаётлигида унинг ишлари мактублари ва шахсий алоқалари орқали бошқа олимларга маълум бўлган.

Ф. даражаларни дифференциаллашнинг умумий қонунини яратди ва уни касрли даражаларга татбиқ этди. Координаталар усулини ривожлантириб, тўғри чизиқ ва иккинчи тартибли чизиқлар тенгламаларини берди. Ҳамма иккинчи тартибли чизиқлар — конус кесимли эгри чизиқлар эканлигини исботлаб, аналитик геометрияга асос солди. Экстремумларни топиш қоидасини яратди. Сонлар назариясида иккита машҳур теорема, яъни *Ферманинг буюк теоремаси* ва *Ферманинг кичик теоремаси* Ф. номи б-н боғлиқ. Ф. физикада геометрик оптикага асос солди. *Дифференциал ҳисоб* ва *интеграл ҳисоб*да Ф.нинг ҳиссаси катта.

ФЕРМА — хусусий қ.х. корхонаси. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида Ф. ўз мулкида ёки ижарага олинган ерда хўжалик фаолияти б-н шуғулланадиган *фермер*га тегишли бўлади. Собиқ Иттифоқда чорвачилик маҳсулотлари и.ч. ва чорва молларини ўстириш б-н шуғулланадиган қ.х. корхонаси ёки унинг бўлинмаси Ф. деб аталган. Ихтисослашишига қараб Ф. қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик ва б. турларга бўлинади. Чорвачилик Ф.лари наслчилик ва товар Ф.ларига бўлинади. Ҳайвонни минтақа чорва моллари бош сони ва маҳсулот и.ч. ҳажми б-н белгиланади. Ф.лар ем-хашак экинларига яқин, молларни яйловда боқиш шароити, сув ресурслари, аҳолининг жойлашиши, аҳоли пункти жойларига яқинлиги, ветеринария-санитария ва б. омиллар мавжудлигига қараб ташкил этилади.

ФЕРМА (франц. ferme, лот. firmus — мустаҳкам) — 1) *қурилиш механикасида* — геометрик жиҳатдан ўзгармайдиган стерженли тизим. Ҳисоблашларда барча тугунлари шарнирли деб қабул қилинади; 2) том ёпиш, бостирмалар қуриш ва кўприк қуришда ишлатиладиган қурилиш конструкцияси. Деворлар ёки устунлар оралиғи катта бинолар (мас., кино-театрлар, бозор павильонлари, спорт заллари, саноат корхоналари ва б.)да том ёпиш учун тўсинлардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланади. Катта сой ва дарёларга қуриладиган кўприклар ҳам тўсинлардан ишланса, анча қимматга тушади. Шундай ҳолларда Ф.дан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан анча самарали бўлади. Ф.лар тусин (балка) ларнинг такомиллашган бир тури бўлиб, улар ўхшаш вазифани бажаради. Материалнинг хилига қараб, темир-бетон, металл ва ёғоч Ф.лар бўлади. Ташқи кўринишига кўра, параллел тасмали (расм, а), учбурчак шаклли (расм, б) ва полигонал тасмали (расм,



Ферма. Параллел тасмали (а): *1* — ташқи куч; *2* — панель; *3* — устки узатма; *4* — устун; *5* — хавон; *6* — шарнирли қўзғалмас таянч; *7* — тугунлар; *8* — оралиқ; *9* — остки тасма; *10* — шарнирли қўзғалувчи таянч; учбурчак шаклли (б) ва полигонал тасмали (в) фермаларни ҳисоблаш схемалари.

в) Ф.ларга бўлинади. Ф.лар панжарасининг ва тасмасининг кўриниши ҳам бир неча хилларга бўлинади. Ишлатилишига кўра том, ҳаволик ва кран Ф.лари бўлади. Кўприк Ф.ларида юкнинг уланиш ...
[illegible]

Оддий ташқи куч таъсирлар Ф. тугунларига тушади. Ф. стерженлари сиқилиш ва чўзилишга ишлайди. Ф.нинг барча стерженлари бир текисликда жойлашса, текис, акс ҳолда Ф. ҳар хил текисликда жойлашган фазовий Ф. деб аталади. Икки тугун орасидаги масофа кучни узатиш ... Ф.нинг ташқи контурини ҳосил қилган стерженлар тасмалар, улар орасида жойлашган стерженлар панжаралар, панжаралардаги тик элементлари устун, қия элементлари ҳавон деб аталади. Ф. тугунлари орасидаги горизонтал масофа панель дейилади (расм, а).

Ф. материални қандай бўлишидан қатъи назар ташқи кучлар (мас., том элементларининг таъсирида унинг стерженларида вужудга келадиган ички кучлар) қиймати материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси усуллари ёрдамида аниқланади. Ички кучлар аниқлангандан кейин бажариладиган ҳисоблаш ишлари (мас., кесим танлаш, мустаҳкамлигини текшириш ва б.) татбиқий фанлар-нинг усул ва қоидалари асосида бажарилади.

ФЕРМА ПРИНЦИПИ — *геометрик оптика*нинг асосий принципи. Унга кўра, ёруғлик нури фазодаги икки нуқта орасида шундай йўл бўйича тарқаладики, ёруғлик бу йўлни ўтиши учун бошқа шу нуқталарни туташтирувчи бошқа йўлларга нисбатан ёки энг кам, ёки энг кўп, ёхуд бир хил вақт сарф қилади. Ф.п.дан геометрик оптиканинг асосий қонунлари: ёруғликнинг тўғри чизиқ бўйлаб тарқалиш қонуни, қайтиш қонуни ва синиш қонуни келиб чиқади. Ф.п.ни 1660 й.да П. *Ферма* таърифлаган. Дифракция ҳодисасини ҳисобга олиш керак бўлган ҳамма ҳолларда Ф.п.ни қўллаб бўлмайди.

ФЕРМАНИНГ БУЮК ТЕОРЕМАСИ — П. *Ферма*нинг юнон математиги *Диофант*нинг $x^n+y^n=z^n$ тенгламаси счимлари мусбат бутун сонлар б-н ифодалари мусбат бутун сонлар б-н ифодаланмайди, деган даъвоси (исботи бунланмайди), деган даъвоси. П. да n — иккидан катта бутун сон). Ферманинг бу теоремасининг исботини биланлиги ва ёзишга жой бўлмагани учун келтирилмагани ҳақида маълумот берган бўлишига қарамай, бу теоремани инглиз математиги Э. Уайлс алгебраик геометриянинг мураккаб усулларини қўллаб исботлади. Э. Уайлс бу ишига 2002 й. Халқаро олий ўқув математикларининг бутунжаҳон конференциясида нотиқ қилинди.

ФЕРМАНИНГ КИЧИК ТЕОРЕМАСИ — Эйлер теоремасининг модуль $m=p$ туб сон бўлгандаги хусусий ҳоли. Ф.к.т. қуйидагича таърифланади: агар a бутун сон ва p туб сон бўлса, у ҳолда a^p-a ифода p га қолдиқсиз бўлинади. Бундан a сонини p га бўлинмаганда ҳолда бу теорема $a^{p-1}-1$ ифода кўринишда келади. Бу теоремани П. *Ферма* кашф этган. Бу теорема *Ферманинг буюк теоремаси* деб аталувчи теоремадан фарқ қилиши учун кичик теорема деб аталган.

ФЕРМЕНТЛАР (лот. fermentum — ачитқи), энзимлар — ҳайвон, ўсимлик ва бактерияларнинг тирик ҳужайраларидаги оқсилли катализаторлар. Ф. махсус хусусиятлари ва кимёвий реакцияларни тезлаштириши б-н оддий катализаторлардан фарқланади. Улар катализаторлар каби кимёвий реакцияларни фаоллаштириш энергиясини пасайтиради (қ. *Катализ*).

1814 й. рус кимёгари К.Г.С. Кирхгоф ундирилган арпа донидан олинган экстракт таъсирида крахмални қандга парчалади. 1833 й.да француз кимёгарлари А. Пайен ва Ж. Персо биринчи марта арпа донидан амилаза ферментини ажратиб олдилар. 19-а. ўрталарида *микробиология*нинг асосчиси Л. *Пастер* ачиш жараёнини тирик микроорганизмлар (ачитқилар) қўзғатади ва бу жараён уларнинг ҳаёти б-н боғлиқ деб кўрсатди. 1897 й.да немис кимёгари Э. Бухнер ачитқидан спиртли ачиш жараёнини чақирувчи ферментни ажратиб олди.

20-а. бошларига келиб немис кимёгари Р. Вильштеттер ходимлари б-н Ф.ни ажратиш ва тозалашда адсорбция усулидан кенг фойдаланди. 20—30-й.ларда Ж. Самнер биринчи кристаллик фермент (уреаза), сўнгра пепсин ва б. бир қатор протеолитик Ф.ни кристалл шаклида ажратиб олди.

20-а.нинг ўрталарига келиб, физик-кимёвий таҳлил (асосан, хроматография) ва оқсил кимёси усулларининг ривожланиши натижасида қатор Ф.нинг бирламчи структураси аниқланди. Мас., қорамол ошқозон ости безининг рибонуклеаза ферментлари тўртта дисульфид боғи б-н боғланган 124 аминокислота қолдиғидан иборатлиги кўрсатиб берилди. Шундан кейин рентген структура таҳлили ёрдамида бир қанча Ф.нинг иккиламчи ва учламчи структуралари аниқланди. Кўп Ф. тўртламчи структурага эга эканлиги, яъни молекулалари тармоқли ва структурадан жиҳатдан турлича бўлган бир қанча оқсил суббирликлар (биополимерлар)дан иборатлиги кўрсатилди.

Ф. барча оқсиллар каби оддий ва мураккаб бўлади. Мураккаб Ф.нинг молекулалари икки компонентдан: оқсил (апофермент) ва оқсил бўлмаган — простетик гуруҳ компонентидан иборат. Простетик гуруҳ апоферментдан осон ажраладиган ҳолларда кофактор ёки кофермент деб аталади. Углеводлар, нуклеотидлар, турли металларнинг ионлари ва б. бирикмалар, витаминлар ҳамда уларнинг ҳосилалари коферментлардан иборат. 150 дан ортиқ Ф. маълум) коферментлар бўлиши мумкин. Авитаминоз ва гиповитаминозларда кўпгина фермент тизимининг функцияси издан чиқади, бу бутун организм нормал ҳаёт фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади.

Кўпчилик Ф. жуда оз миқдорларда шу даражада юқори, ҳатто уларнинг абсолют миқдорини (мас., нанограммларда) билиш қийин. Шу сабабли Ф.нинг натижаги ажратиш миқдорини, уларнинг фаоллигига қараб аниқланади. Ф.нинг фаоллик бирлиги учун бир минутда маълум миқдордаги субстратнинг ўзгаришини катализлаши учун кетган Ф. миқдори қабул қилинган.

Ф.нинг таъсир этиши бир қатор омилларга, хусусан, т-ра ва муҳит pH га (pH — водород кўрсаткичи) боғлиқ. Ф.нинг таъсир этиш оптимуми т-раси 38—60°. т-ра бундан юқори бўлса, Ф. одатда, денатурланиб ўз фаоллигини йўқотади. Лекин баъзи Ф. (мас., рибонуклеаза, миокиназа) 100° иссиқликка ҳам чидайди. Одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар ферментлари 37—38°да, яъни тана ҳароратида таъсир кўрсатади. Ф. фаоллигининг т-рага боғлиқлигидан тиббиёт амалиётида, жарроҳликда фойдаланилади.

Кўпчилик Ф. нейтрал реакцияда (pH — 7,0 да) фаол бўлиб, кислотали ва ишқорли муҳитда улар ўз фаоллигини йўқотади. Кислотали муҳитда фаол бўлган пепсин ва баъзи тўқима протеиназалари, ишқорий муҳитда (pH — 8,0 да) фаол бўлган трипсин бундан мустасно.

Т-ра ва муҳит pH нинг катталигидан ташқари, Ф. фаоллигига турли моддалар кучайтирувчи (активаторлар) ёки тўхтатувчи (ингибиторлар) таъсир кўрсатади. Турли анорганик ионлар, хусусан, турли хил металл ионлари Ф. активаторлари ҳисобланади. Ф. фаоллигини сусайтирувчи бирикмалар — ингибиторлар Ф. б-н қўшилиб, ферментатив фаолликни йўқотадиган комплекс ҳосил қилади.

Ф.нинг биосинтези *генетик код* томонидан назорат этилади. Улар ички ва ташқи омиллар, мутациялар, ионловчи радиация, оксидловчи ширалар ва ф. таъсирида ўзгариши мумкин. Каталитик таъсири бир хил бўлиб, физик-кимёвий хоссаси б-н фарқланадиган Ф. изоферментлар дейилади. Ҳужайрада Ф. фаоллигини бошқаришда ҳужайра таркибий қисмини ташкил этувчи структуралар — митохондриялар, микросомалар ва б. катта роль ўйнайди.

Энзимопатия ёки ферментопатия деб аталувчи турли Ф. тизими функцияларининг бузилиши кишида кўпчилик касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Турли омиллар (радиация, кимёвий моддалар, вируслар, бактериялар ва б.) таъсирида Ф.нинг оптимал таъсир этиш шароити ўзгарганда Ф.нинг қондаги фаоллиги пасайиши кузатилган. Унинг бу хусусиятидан диагностикада фойдаланилади. Ф.нинг қон зардобидаги фаоллигини аниқлаш усули кенг қўлланилади. Бу усул ёрдамида касалликни бошланиш пайтида аниқлаш мумкин.

Ф. касалликларни аниқлашдагина эмас, балки шу касалликларнинг айримларини даволашда (энзимотерапия) ҳам қўлланилади.

Кишиларнинг амалий ҳаётида, шунингдек, енгил, озиқ-овқат ва кимё саноатларида Ф.дан кенг фойдаланилади.

ФЕРМЕР — қ.х. тадбиркори, *фермер хўжалиги* эгаси. Ўзбекистонда мавжуд қонун ҳужжатларига кўра, 18 ёшга тўлган, қ.х.да тегишли билим, малака ва иш тажрибасига эга бўлган ҳамда муомалага лаёқатли фуқаро Ф. бўлиши мумкин.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ — хусусий ёки узоқ муддатга ижарага олинган ерда қ.х. маҳсулотлари етиштириш б-н шуғулланадиган хўжалик. Ф.х.нинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва фаолият кўрсатиш тартиби турли мамлакатларда турлича бўлиб, қ.х. ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражаси ва хусусиятлари, шунингдек, меҳнатдан ва ердан фойдаланиш шароитлари, қ.х. ишлаб чиқаришини индустрлаш ва ихтисослаштириш даражаси, капитал ҳажми ва ш.к. омиллар б-н белгиланади. Илк ва мукаммал шаклдаги Ф.х.лари АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландияда мустамлакачилик сиёсати ва бўш ётган

ҳамда ерли аҳолига тегишли ерларда колониялар ташкил қилиш натижасида пайдо бўлди. Ғарбий Европа давлатларида капитализмнинг умумий тараққиёти ва помешчиклар хўжаликларининг йирик капиталистик корхоналарга айланиши жараёнида юзага келди. 20-а.нинг 20—30-й.лари АҚШ, Канада, Буюк Британияда, 50—60-й.ларда эса ривожланган Ғарбий Европа мамлакатларида қ.х. ишлаб чиқариши машиналашган босқичга ўтди, натижада фермерлар бу мамлакатларда қ.х. товар маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиларига айландилар. Бу мамлакатларда Ф.х. ерлари хусусий мулк ҳисобланади ёки ер ижарага олинади. Ф.х.да барча и.ч. воситалари ва етиштирилган маҳсулот Ф.х. бошлиги, яъни фермернинг ёки унинг аъзолари мулки ҳисобланади. Ф.х.да, асосан, фермер оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва мавсумда ёлланма ишчилар меҳнат қилади.

Ўзбекистонда дастлабки Ф.х. Ўзбекистон Республикасининг 1992 й. 3 июлда қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» қонунига мувофиқ, деҳқон хўжалиги шаклида ташкил этилди, дастлаб йирик қ.х. корхоналари таркибидаги ички Ф.х.лари ва мустақил юридик шахс сифатидаги Ф.х. фаолият кўрсатди. 90-й.ларнинг охирларидан бошлаб Ф.х.ни ташкил этиш ва унинг фаолиятига доир ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» қонуни (1998 й. 30 апр.; янги таҳрирда 2004 й. 26 авг.) б-н тартибга солинади.

Ўзбекистонда Ф.х.лари ердан ижара асосида фойдаланадилар ва уларга ер майдонлари 50 й.га ёки 30 й.дан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади. Ижарага бериладиган ер майдонларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачиликда камида 10 га, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва б. экинлар етиштириш учун камида 1 га қилиб белгиланган. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Ф.х.да камида 30 шартли бош чорва моли бўлиши лозим. Бундай хўжаликларда бир шартли бош чорва моли ҳисобига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда 0,3 га, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги суғориладиган ерларда 0,45 га, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 га ни ташкил этади.

Ўзбекистонда Ф.х.лари сони 87,6 мингтани, уларга бириктирилган ер майдони 2148,1 минг га ни, битта Ф.х.нинг ўртача ер майдони 24,5 га ни, Ф.х.да band бўлганлар сони 603 минг кишини, шу жумладан, ёлланма ишчи кучи 52,4 минг кишини ташкил қилди (2004 й. 1 янв.).

Рисолат Ҳолатов

ФЕРМИ (Fermi) Энрико (1901.29.9, Рим — 1954.28.11, Чикаго) — итальян физиги. Миллий академия аъзоси (1935). Пиза ун-тини тугатган (1922). Гёттинген, Лейден, Рим, Флоренция ун-тларида ишлаган. Рим ун-ти проф. (1926—38). АҚШга кўчиб ўтган (1938). Колумбия ун-ти проф. (1939—42). Чикаго ун-ти проф. (1942—45). Лос-Аламос лаб. бўлим бошлиғи (1944—45). Чикаго ядро тадқиқотлари ин-тида проф. (1946 й.дан).

Илмий ишлари атом ва ядро физикаси, статистик механика, космик нурлар, юқори энергиялар физикаси, астрофизика ва техник физикага оид. Ф. ядро физикаси, нейтрон физикаси, квант статистикаси, металлар физикаси ва б. яратувчиларидан бири; ядро энергиясини ўзлаштириш америка дастури иштирокчиси. Италия ва АҚШда илмий мактаб яратган. Назарий ва экспериментал физиканинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. *Паули принципи*га бўйсунувчи зарралар статистикасини ишлаб чиққан (1925, қ. *Ферми-Дирак статистикаси*). β-емирилишнинг миқдорий теоремасини яратган (1934), нейтронлар туфайли сунъий радиоактивликни ва моддада нейтронларнинг секинлашиш ҳодисасини кашф этган (1934). Нобель мукофоти лауреати (1938).

ФЕРМИ ЭНЕРГИЯСИ, Ферми сатҳи — *фермионлар (Ферми — Дирак статистикаси*га бўйсунувчи зарралар) тизимидаги эгалланган ҳолатларнинг мутлақ ноль т-ралардаги энг юқори энергияси. Ф. э. *Паули принципи* (бир ҳолатда биттадан ортиқ фермион бўла олмаслиги)нинг натижасидир. Идеал *ферми-газ* учун Ф.э. ҳажм бирлигидаги газ зарралари сони n орқали ифодаланиши мумкин: $E_F=[h^2/2m]\ [3n/(2S+1)4\pi^2]^{2/3}$, бунда m ва S — зарранинг массаси ва спини. Ф. э. тизимнинг физик хоссаларига кучли боғлиқ. Металларда, одатда, $E_F/k \sim 10^4$ K, ярим ўтказгичларда $\sim 10^2$K, ^{3}He да $\sim$1K, юлдуз моддасида миллионлаб K гача бўлиши мумкин.

Нолдан фарқли, лекин Ф. э.дан анча паст т-рада фермионлар тизимининг ҳолати асосий ҳолатдан шу б-н фарқланадики, бунда энергияси Ф. э.дан катта бўлган ҳолатларда ҳам кўп бўлмаган сондаги зарралар бўлади, энергияси Ф. э.дан кичик бўлган ҳолатларда худди шу сондаги бўш ўрин (ковак)лар бўлади. Ф. э. тушунчасидан қаттиқ жисм физикасида, *ядро физикаси*да, астрофизика ва ҳ.к.ларда фойдаланилади.

ФЕРМИ-ГАЗ, Ферми гази — ярим бутун (ħ бирликларида 1/2, 3/2, ...) спинли зарралардан ташкил топган газ. *Ферми — Дирак статистика*сига бўйсунади. Ўзаро таъсирлашмайдиган зарралардан ташкил топган Ф.-г. идеал Ф.-г. деб аталади. Металлар ва яримўтказгичлардаги электронлар, атом номери катта бўлган атомлардаги электронлар, оғир атом ядроларидаги нуклонлар, ярим бутун спинли *квазизарралар*дан ташкил топган газлар Ф.-г.лар ҳисобланади. Ф.-г. учун *Паули принципи* ўринли. T=0 K т-рада Ф.-г. асосий ҳолатда бўлади ва унинг зарралари энергияси *Ферми энергияси* (E_F) деб аталувчи энергияга бўлган барча квант ҳолатларни эгаллайди, энергияси $E>E_F$ бўлган ҳолатлар бўш бўлади. T≠0 K да идеал Ф.-г. квант ҳолатларини ўртача тўлдириш сони Ферми тақсимот функцияси б-н аниқланади. Идеал бўлмаган Ф.-г. учун ҳам чегаравий *Ферми энергияси* мавжуд, лекин унинг зарралари маълум квант ҳолатларда бўлмайди.

ФЕРМИ — ДИРАК СТАТИСТИКАСИ — ярим бутун (ħ бирликларида $^1/_2$, $^3/_2$, ...) спинли айний зарралар тизими учун қўлланиладиган квант статистик физика. Э. *Ферми* томонидан 1926 й.да таклиф қилинган ва ўша йили П. *Дирак* унинг квант механик маъносини кўрсатган. Ф.-Д. с.га кўра, ҳар бир квант ҳолатида биттадан ортиқ зарра бўлиши мумкин эмас (*Паули принципи*). Ф.-Д.с. *ферми-газ*лар ва *ферми-суюқлик*лар учун ўринли.

ФЕРМИЙ (лот. Fermium), Fm — сунъий радиоактив кимёвий элемент; *актиноид*ларга мансуб. Тартиб рақами 100, ат.м. 257,095. Масса сони 243 дан 259 гача бўлган изотоплари маълум. 1953 й.да термоядро қуроли портлашида β-парчаланиш маҳсулоти сифатида кашф қилинган. 1955 й.да италиялик физик Э. Ферми номига қўйилган. Ф. изотоплари уран (U) нинг ичида енгиллари (α. ^{252}Fm) уран (U) ни кислород (^{16}O) ионлари б-н ёки калифорний (Cf) ни α-зарралар б-н бомбардимон қилиб, оғирлари ($^{254-255}$Fm) U ва плутоний (Pu) ни ядро реакторларида нурлантириб, (^{255}Fm) эса эйнштейний (Es) ни α-зарралар б-н бомбардимон қилиб олинади.

ФЕРМИОНЛАР, Ферми зарралар — ярим бутун (ħ бирликларида $^1/_2$, $^3/_2$, ...) спинга эга бўлган зарралар ёки *квазизарралар*. Ф. сифатида *кварклар* (ва кварклардан тузилган барионлар — протон, нейтрон, гиперон ва б.) ҳамда *лептонлар* (электрон, мюон, τ- лептон, нейтриноларнинг ҳамма турлари) ва уларнинг антизарралари киради. Тоқ сондаги Ф.нинг боғланган тизимлари ҳам Ф.лар. Ф. учун *Паули принципи* ўринли, айнан Ф. тизими *Ферми — Дирак статистикаси*га бўйсунади.

ФЕРМИ-СУЮҚЛИК — ярим бутун (ħ бирликларида $^1/_2$, $^3/_2$, ...) спинли зарралар ёки *квазизарралар* (фермионлар) дан иборат квант суюқлик (мас., суюқ ^{3}He, металлдаги электронлар). *Ферми-газ*дан фарқли равишда Ф.-с. даги квазизарраларнинг ўзаро таъсир энергияси нолга тенг эмас. Паст т-раларда Ф.-с. ўта оқувчанлик ҳолатига ўтиши мумкин. Бу ҳолат металлардаги электронлар ҳолида ўта ўтказувчанликнинг ўзгинр.

ФЕРМОПИЛ ЖАНГИ — *юнон-форс урушлари* давридаги Ламия ш.дан жан.-шарқда жойлашган Фессалия б-н Ўрта Юнонистон ўртасидаги тор йўлагида содир бўлган жанг (мил. ав. 480 й.). Оз сонли юнон иттифоқчи қўшини (5 минг кишига яқин) Спарта подшоси Леонид бошчилигида Фермопил йўлагидаги позицияни эгаллаб, ахоманийлар подшоси *Ксеркс* қўшини йўлига ғов бўлган. Юнон қўшинидан қочиб ўтган хоин ёрдамида форслар юнонларнинг орқа томонига ўтиб олишга муваффақ бўлишган. Шунда Леонид асосий кучларини Афинани мудофаа этиш учун жўнатган, ўзи эса 300 та спарталик б-н Фермопилни қаттиқ мудофаа қилишни давом эттирган. Тенгсиз жангда барча жангчилар ҳалок бўлган. Форс қўшинлари Ўрта Юнонистонга бостириб кириб Афинани эгаллашган. Ф.ж. бўлган ерда ёдгорлик ўрнатилган.

ФЕРОМОН (юн. phero — элтаман, олиб бораман ва hormao — ҳаракатга келтираман, қўзғатаман), ҳашаротлар феромонлари — ҳашаротлар атроф муҳитга чиқарадиган биологик фаол моддалар, жинсий *аттрактантлар*. Ҳашаротлар жинсий Ф. чиқариш б-н турли жинсларнинг бир-бирини ўзаро «топишиши»ни, жинсий майлни, жалб қилиш Ф.и б-н чекланган майдонда жуда кўп ҳашаротлар тўпланишини таъминлайди. «хавф-хатар» Ф.и қочиш, беркиниш, ҳужумкорлик ҳаракатларига сабаб бўлади. Ҳоз. гача турли ҳашаротларнинг 300 дан ортиқ Ф.и ўрганилган. Улар асосида жуда кўп синтетик Ф.лар яратилган.

Ф. ҳашаротлар ҳаракатини бошқаришда самарали восита ҳисобланади. Улардан экинларнинг зараркунандаларига қарши курашда феромон тутқичлар тарзида фойдаланилади. Синтетик Ф. зараркунанда ҳашаротлар сонини ҳисобга олиш ва прогнозлашда, зараркунандаларни жалб этиб, сўнгра уларни йўқотишда қўлланилади.

Ад.: Минайло В. А., Пятнова Ю. Б., Феромоны насекомых, М., 1984.

Абдукарим Зокиров.

ФЕРРАРА МАКТАБИ — Уйғониш даври Италия рассомлиги мактаби. А. Мантенья, Пьеро делла Франческа, қисман нидерланд рангтасвири таъсирида Феррара ш.да шаклланган, энг тараққий этган даври 15-а. 2-ярмига тўғри келади. Ф.м.нинг йирик вакиллари ижодига сўнгги готика б-н Илк Уйғониш даври анъаналарининг доимий қўшилиши, образларнинг жўшқинлиги, шаклнинг нафис ва қатъийлиги хос бўлган (К. Тура, Ф. дель Косса, Э. Роберти ва б.). 16-а. бошида Ф.м. Рим ва Венеция мактаблари б-н яқинлашиб, эклектизм хусусиятларига эга бўлди (Гарофало, ака-ука Б. ва Д. Досси, Ортолано), 16-а. ўрталарида инқирозга учради.

ФЕРРИТ (лот. ferrum — темир) — темир-углеродли қотишмаларнинг таркибий фазаларидан бири; углерод ва легирловчи элементларнинг α-темирдаги қаттиқ эритмаси. Полиморф γ→α-ўзгаришида ҳосил бўлади. Углероднинг δ-темирдаги қаттиқ эритмаси юқори т-рали Ф. деб аталади. Ф.нинг кристалл панжараси ҳажмий марказлашган кубдан иборат. Унинг микроструктураси, доначаларининг катта-кичиклиги ва субструктураси қандай шароитда ҳосил бўлганлигига боғлиқ. Камроқ ўта совитилса тахм. тенг ўқли, полиэдрик доналар, кўпроқ ўта совитилса ва таркибида легирловчи элементлар (кремний, марганец) бўлса Ф. мустаҳкамланади.

ФЕРРО... (лот. ferrum — темир) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; «темир», «темирли», «темирга алоқадор» каби маъноларни билдиради (мас., *ферромагнетизм*, *ферроқотишмалар*, *феррохром*).

ФЕРРО, Иерро — Атлантика океанидаги орол, Канар ороллари гуруҳида. Испания ҳудуди. Майд. 275 км². Энг баланд жойи 1501 м. Иқлими тропик қуруқ иқлим. Иссиқ булоқлар бор. Эндемик ўсимлик турларига бой. Аҳоли деҳқончилик б-н шуғулланади. Эчки ва қўй, қорамол боқилади. Бош шаҳри — Вальверде. 1884 й.гача бир қанча мамлакатларда Ф. (тахм. 18° ғ.у.) орқали ўтказилган меридиан бошланғич меридиан сифатида қабул қилинган эди.

ФЕРРОМАГНЕТИЗМ — баъзи кристалл моддаларнинг магнит жиҳатидан тартибланган ҳолати. Бунда барча атомларнинг магнит моментлари параллел йўналишда жойлашади. Магнит моментларининг бундай жойлашиши *Кюри нуқтаси* деб аталадиган критик т-радан пастда юз беради. Атом магнит моментларининг ферромагнит тартиби юз берадиган моддалар ферромагнетиклар деб аталади. Ферромагнетикларнинг магнит қабул қилувчанлиги мусбат ва 10^4 - 10^5 қийматларгача етади. Уларнинг магнитланганлиги ва магнит индукцияси магнит майдон кучланганлиги Нга ночизиғий боғланган ҳамда H ~ 10^3 А/м қийматларда тўйинишга эришади. Ферромагнетикларнинг магнитланганлиги ташқи майдон йўқолганидан кейин ҳам сақланиб қолади. Кимёвий элементлардан Fe, Co, Ni, Gd, Tb, Dy, Ho, Er, Tm ферромагнетикдир. Материалларнинг ферромагнетик хусусиятларидан радиотехник ва электротехник қурилмалар (мас., трансформаторлар, ахборотни ёзишнинг магнит воситалари ва б.)да кенг фойдаланилади.



Ферромагнетикнинг тўйиниш магнитланганлиги I_s т-ра T га боғлиқлиги (Θ — Кюри нуқтаси).

ФЕРРОҚОТИШМАЛАР — темир (Fe)нинг кремний (Si), марганец (Mn), хром (Cr) ва б. элементлар б-н қотишмалари. Металлургия саноати учун хом ашё (чала маҳсулот) ҳисобланади. Таркибида темир фақат қўшимча сифатида ишлатилган баъзи қотишмалар (мас., силикомарганец, силикокальций) ҳамда техник жиҳатдан соф бўлган баъзи металлар ва нометаллар (металл марганец, металл хром, кристалл кремний) ҳам шартли равишда Ф. жумласига киритилади. Ф.нинг суюқланиш т-раси соф металлнинг суюқланиш т-расидан пастроқ бўлади. Шунинг учун Ф. суюқ пўлатга қўшилганда улар осонгина эрийди. Ф. рудалар ёки концентрланган электр печлар ва суюқлантириш шахталари (горн)ларда олинади.

ФЕРСМАН Александр Евгеньевич (1883.27.10, Петербург — 1945.20.5,

ФЕРСМАН Александр Евгеньевич (1883.27.10, Петербург — 1945.20.5, Сочи; Москвада дафн этилган) — рус кимёгари ва минералоги. Ф. *геокимё* асосчиларидан бири. СССР ФА акад. (1919 й.дан Россия ФА акад.). В. И. *Вернадский*нинг шогирди. Москва ун-тини тугатган (1907), проф. (1910). Кола я.о., Тяньшан, Қизил-қум, Қорақум, Урал, Байкалорти ва б. районларда олиб борилган қидирув ва тадқиқот ишларида қатнашган. Хибин тундралари (1920) ва Мончетундра (1930)да Ф. иштирокида апатит ва мис-никель руда конлари очилган. «Геокимё» (1—4т., 1933—39), «Пегматитлар» (1931) асарларининг муаллифи. Ф. элементлар *кларки* ва миграциясига катта эътибор берди. Ф. биринчилар қаторида фойдали қазилма конларини қидиришда геокимёвий методларни қўллаш зарурлигини асослади. 1926 й.да илк бор Монголия-Олтой геокимёвий минтақасини аниқлади. Ф. фаннинг ёрқин тарғиботчиси, жавоҳир ва зийнат тошлар бўйича йирик мутахассис. У. минерал ресурслар тадқиқоти бўйича бир қанча илмий муассасалар ва кўп сонли экспедициялар (шу жумладан, Кола я.о., Ўрта Осиё ва Уралда) ташкилотчиси. Давлат мукофотлари (1929, 1942) лауреати. Минераллардан: титанниобий оксиди — ферсмит ва титан ниобий силикати — ферсманит Ф. номи б-н аталган.

ФЕРУЗ, Муҳаммад Раҳимхон II (1845—Хива — 1910) — Хива хони (1864—1910); шоир ва бастакор. *Қўнғиротлар* сулоласидан. Хива ш.даги *Араб Муҳаммадхон мадрасаси*да таҳсил кўрган, давлат, ҳуқуқ илмини замонасининг машҳур мударриси, шоир ва олим Доий, Юсуфхўжа охун ва б.дан ўрганган. Огаҳий Ф.га устозлик қилган, унга шеърият сирларини ўргатган, тарих, таржима илмидан сабоқ берган. Отаси *Саййд Муҳаммадхон* вафотидан сўнг (1864) Хива тахтига ўтирган. Бу воқеа муносабати б-н Огаҳий Ф.га бағишлаб қасидалар битган. 1873 й. Хива хонлигига К.П. фон *Кауфман* бошчилигидаги Россия армияси ҳужум қилиб, хонликнинг асосий шаҳарлари ва пойтахтни босиб олган. *Гандимиён шартномаси* (1873 й. 12 авг.)га кўра, Хива хонлиги подшо Россиясига қарам бўлиб қолган. Ф. ана шундай мураккаб шароитда ярим асрга яқин муддат давомида Хива хонлигини бошқарган. Ф. саройга адабиёт ва санъат арбобларини тўплаган. Огаҳий, Комил, Табибий ва б. замонасида ўзи ҳам Феруз (бахтли, голиб) тахаллуси б-н шеърлар ёзган.

Ф. китобат ишларига катта аҳамият берган: девон тузиш, тарих ёзиш, таржима ишларини ривожлантирган. Хоразмда таржима мактаби яратган. Форс ва араб адабиётининг энг нодир тарихий, адабий, илмий асарларини ўзбек тилига таржима қилдирган. Унинг ҳукмронлиги даврида Огаҳий ва *Баёнийлар* томонидан Хоразм тарихига оид асарлар ёзилган. *Комил Хоразмий* мумтоз мақомлар учун нота ёзувини ихтиро қилган. Хивада босмахона (тошбосма) ташкил эттирган. Унда Хоразм шоирлари ҳақидаги «Мажмуат уш-шуаро» тазкираси, *Алишер Навоий* асарлари, Хоразм шоирлари девонлари нашр қилинган. Ф. Ҳиндистон, Арабистон, Эрон, Туркия савдогарлари орқали Хоразмга чет эллардан нодир китоблар келтиртирган ва уларни кўп нусхаларда кўчиртирган, тарих ва адабиётга оид китоблардан иборат бой кутубхона яратган. Ф. меъморлик, наққошлик, хаттотлик каби санъат турларини ҳам ривожлантирган. Бу даврда фотография ва кино санъати вужудга келган, ободончилик ишлари амалга оширилган. Ф. 1871 й. Кўҳна Арк қаршисида ўз номи б-н аталувчи 2 қаватли мадраса қурдирган (*қ. Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси*). Ф.нинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуси б-н 30 дан ортиқ мадраса, масжид, минора, хонақолар қад ростлаган. Ф. ерларни сув б-н таъминлаш, боғ-роғлар барпо этиш ишига ҳам алоҳида аҳамият берган. Унинг буйруғига мувофиқ, Қўнғирот тумани сарҳадида катта ариқ бунёд этилган. Ҳозирда ушбу ариқ «Хон ариғи» деб аталади.

Ф. мумтоз шеъриятнинг анъанавий жанрларида лирик шеърлар яратган. Шеърлари, асосан, ишқ-муҳаббат мавзуида. Инсон ва ҳаёт, севги ва садоқат Ф. ижодининг гоявий асосини ташкил қилади. Улар оҳангдорлиги, тасвирий-ифодавий бўёқларга бойлиги ва шакллан ранг-баранглиги б-н ажралиб туради. Унинг кўпчилик газаллари ўз замонасида созандалар ва гўяндалар томонидан куйга солиб куйланиб келинган. Шеърларига «Девони Феруз» номи б-н тарихи берган (1879). Бу девон Муҳаммад Шариф томонидан қайта кўчирилган (1900). Ф.нинг ўзи Паҳлавон Маҳмуднинг 350 рубоийсини қўлда кўчириб, китоб ҳолига келтирган. Ф. Шашмақом куйларини ўрганган, саройда мақом ансамблини тузган. «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ» мақомларига боғлаб куйлар яратган. Ф. *Саид Маҳруйхон мажмуасидаги* Саид Моҳи Рўйи Жаҳон мақбарасида дафн қилинган. Шеърлар девони нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. № 3442-1119)да сақланади.

Ас.: Эл шоҳу Хива куя, Т., 1997.

Ад.: Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул, Шоҳ ва шоир қисмати, Т., 1993.

Ҳабиб Йўлдошев, Иброҳим Каримов.

«ФЕРУЗ» — Хоразм мақомларининг Наво мақоми пардалари асосида юзага келган мумтоз ашулалар туркуми. Огаҳийнинг «Ваҳ не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзинг» газалига боғланган «Эски Феруз» («Ф.» II деб ҳам юритилади) Муҳаммад Раҳим I даврида яратилган. Авж қисмида Хоразм достон куй (нома)ларидан «Нолиш»нинг чолгу муқаддимаси ишлатилган. «Ф.» I «Эски Феруз»га нисбатан ҳажман йирик, авжлари баланд. У олдин *Феруз* газали «Базмимга келди ул пари...»га солиб ўқилган. Кейинчалик хоннинг ўзи «Ф.» I ни устози Огаҳийнинг «Мушкин қошингни ҳайъати ул чашми жаллод устина» газали б-н айтилишини амр этган. Иккала «Ф.» уч чоракли ўлчовда ривожланган «Зарбул қадим» усулида ижро этилади. Уларга савтлар ҳам боғланган. Баъзи тахминларга кўра, машҳур савтлар Муҳаммад Раҳим II саройи мақомчиси Матёқуб Фозачи ижодига мансуб. Савти Феруз I мураккаб тузилишга эга. Унинг Уфари жўшқин, шиддатли доира усулига боғланган. Уфарнинг ўрта пардаларида ҳофизлан овоз маҳоратини талаб этиладиган октава сакрашлари мавжуд. Савти Феруз I нинг Ҳ. Болтаев ва Р. Жуманиёзовлар ҳамнафаслигида ижро этилган намунаси машҳур. Савти Феруз II нинг оҳанглари Нақши Навоинни айнан ўзига ўхшаса ҳам, куй тузилиши ундан фарқ қилади. У Савти Феруз I га қараганда шўхчан ва жозибалироқ. К. Отаниёзов, М. Раҳимов, Н. Юсупова, А. Вафоев, О. Худойшукуров, Ж. Набиев ва б. «Ф.» туркумининг машҳур ижрочиларидир.

Ботир Матёқубов.

ФЕРУЗА — минерал. Кимёвий таркиби $CuAl_6[PO_4]_4(OH)_8 \cdot 4H_2O$. Триклин сингонияда кристалланади. Яширин кристалли яхлит массалар, куртаксимон агрегатлар, пўст, томирлар ҳосил қилади. Минерал агрегатларининг тузилишига қараб, қаттиқ ва юмшоқ хилини эга. Қаттиқ Ф.нинг ранги кўк ва самовий кўк бўлиб, яшил, қўнғир-яшил ва қўнғир рангтача ўзгаради. Юмшоқ Ф. нам ҳолатда учрайди, қуриганида қаттиқлашади. Ранги оқимтир, оч ҳаворанг, ҳаворанг-яшил ва оч яшил бўлади. Қаттиқлиги 5—6, зичлиги 2,6 —2,8 г/см³. Жилосиз, хира, мумга ўхшаш. Ф. гиперген минерал бўлиб, мис конларининг оксидланиш зонасида ҳамда кварц томирлари ва нураш жараёнига учраган кварцли порфирларда жойлашган. Ф. каолин, галлуазит, ярозит, алунит, опал, барит, хризоколлар б-н ассоциацияда учрайди. Заргарликда қимматбаҳо тош сифатида ишлатилади. Ўзбекистон ҳудудида жуда қадимдан маълум. Шарқ мамлакатларида қимматбаҳо тош сифатида қадрланиб келган. Узоқ вақтларгача Ўрта Осиё бошқа мамлакатларини Ф. б-н таъминлаб келган. Энг йирик кони — Нишопур (Эрон). Ўзбекистонда Ф. Марказий Қизилқум ва Қурама, Қоратепа, Султон Увайс тоғларида мавжуд.

Феруза.

ФЕРУЗАКОН — Қурама тоғларининг жан.-ғарбий ён бағрида жойлашган феруза кони, Тожикистон Республикаси ҳудудида. Ўрта карбон даврига мансуб Ақча свитасининг серицитлашган кварцитларида жойлашган. Бу «Ферузали ёриқ» зонаси ғарбдан шарққа 60 км га чўзилган. Коннинг уз. 600 м, эни 50 — 60 м, чуқ. 10 —25 м. Феруза оқарган ва аввал майдаланиб, кейинчалик қайта бириккан жинсларда 0,1 —0,3 см дан 2 —3 см гача қалинликдаги томирлар шаклида оқ кварц томирлари б-н бирга (баъзан мураккаб уячалар шаклида, тоғ хрустали кристалларини ёки атрофдаги жинслар бўлакчаларини бириктириб турган цемент) ҳолида учрайди. Кондаги феруза ёрқин ҳаворанг ёки бўрсимон оқимтир ҳаворанг. Қазиб олинган ферузанинг 5 —10% и заргарликда ишлатилади.

ФЕРУЗШОҲ ТУҒЛОҚ — *Деҳли султонлиги* ҳукмдори (1351 — 88). Ҳокимият тепасига мамлакатда йирик заминдорлар — муқтадорлар кучайиб, уларнинг айирмачилик ҳаракати, ижтимоий қарама-қаршиликлар авж олган шароитда келган. Ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида мулкдорларга баъзи масалаларда ён босган: инъом этилган ер мулкларини меросийлигини тан олган, мулкдорлар еридан марказий хазинага тушадиган тўловларни камайтирган, айрим мулкдорлардан илгари тортиб олинган ерларни қайтарган ва давлат ер солиги миқдори камайтирилган. Ф.Т. ҳукмронлигининг сўнгги даврида мулкдорлар айирмачилиги кучайган.

ФЕСТИВАЛЬ (лот. festivus — қувноқ) — мусиқа, театр, кино, эстрада, цирк санъати ютуқлари кўригидан иборат оммавий байрам. Илк бор 18-а. бошларида Буюк Британияда юзага келган. 20-а.дан халқаро кенг тарқалган. Миллий ва халқаро Ф.лар бўлади. Яна қ. *Кинофестиваль, Тошкент халқаро кинофестивали, Мусиқа танловлари ва фестиваллари.*

ФЕТИШИЗМ (португалча feitico, франц. fetiche — сеҳрли нарса, тумор) — ғайритабиий хусусиятларга эга деб ҳисобланадиган жонсиз нарсалар — фетишларга сигиниш. Сигиниш объектлари, яъни фетишлар — тош, таёқ, кўзмунчоқ, тумор ва ҳар қандай буюм бўлиши мумкин. Ф. диннинг қад. унсурларидан бири. Барча ибтидоий халқларда бўлган.

ФЕХНЕР (Fechner) Густав Теодор (1801.19.4, Гросс-Зерхен — 1887.18.11, Лейпциг) — немис психологи, физик, файласуф. Лейпциг ун-тининг физика проф. (1934 — 40). *Психофизика*га асос солган, қалб ва вужуд муносабати тўғрисидаги масалани психофизик параллелизм воситасида ечишга уринган. *Вебер-Фехнер қонуни*ни яратганлардан бири. Психологияда, шунингдек, эстетикада экспериментал методларни татбиқ этишга асосий эътибор берган.

ФЕЦЦАН (Феззан) — Ливиядаги тарихий вилоят. 7-а.гача маҳаллий қабилалар мустақилликларини сақлаб қолганлар. 7-а.дан араблар қўл остида. 16-а.дан *Усмонли турк империяси* таркибида; 1911 —12 й.лардаги Италия — Туркия урушидан сўнг Италиянинг Ливия мустамлакасига кирган (аҳолининг қаттиқ қаршилиги натижасида итальян қўшинлари Ф.ни фақат 1930 й. эгаллаганлар). 1943 й. француз қўшинлари томонидан босиб олинган (1956 й. у ердан чиқарилган). 1951 — 63 й.ларда Ливия қироллигида 3 вилоятдан бири.

ФЕЪЛ — ҳаракат билдирувчи сўзлар туркуми ва шу туркумга оид ҳар бир сўз. Грамматикада «ҳаракат» сўзи кенг тушунчали бўлиб, нафақат ҳаракатни, балки ҳолат ёки ҳодисани ҳам билдиради, мас.: югурмоқ, сакрамоқ, йиғламоқ, ухламоқ, ўйламоқ, севмоқ, тинчимоқ, қуримоқ, кўпаймоқ ва б.

Ф.лар луғавий маънога эга ёки эга эмаслигига кўра 2 турга бўлинади: мустақил Ф.лар, ёрдамчи Ф.лар. Мустақил Ф.лар, худди бошқа мустақил сўз туркумларига оид сўзлар каби, луғавий маънога эга бўлади, гапнинг мустақил бўлаги вазифасида кела олади ва ҳ.к. (қ. *Сўз туркумлари*). Ёрдамчи Ф.лар луғавий маънога эга бўлмайди. Улар турли ёрдамчи вазифаларда келиб, турли қўшимча маънолар ифодалаш учун хизмат қилади. Ёрдамчи Ф.лар ўз вазифасига кўра 3 асосий турга бўлинади: 1) феъл ясаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи Ф.лар: қил, эт, айла, бўл (қабул қилмоқ, таклиф этмоқ, тамом бўлмоқ каби); 2) Ф.нинг аналитик шаклини ясаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи Ф.лар (булар, одатда, «кўмакчи Ф.лар» деб юритилади). Ф.нинг бундай шакллари турли грамматик, модал ва б. маъноларни ифодалайди: ўқиб бўлди, кўриб қолди, қўрқиб кетди ва б.; 3) боғлама вазифасини бажарувчи ёрдамчи Ф.лар. Мас., қил, бўл: спортчи бўлмоқ, ўқитувчи бўлмоқ.

Ҳоз. ўзбек тилида ёрдамчи Ф.лардан фарқланувчи «тўлиқсиз Ф.» (луғавий маъносини тамомила йўқотган, ҳоз. ўзбек тилида маълум бир грамматик маъно ва вазифаларда қўлланувчи Ф.)нинг эди, экан, эмиш, эса шакллари ҳам қўлланади.

Ф. туркуми, бошқа сўз туркумлари каби, ўзига хос сўз ясалиши ва шакл ясалиши тизимига эга (қ. *Сўз ясалиши, Шакл ясалиши*). Ясама Ф.лар -ла, -лан, -лаш, -лантир, -лаштир аффикслари ҳамда қил, эт (айла) ёрдамчи Ф.лари б-н ҳосил қилинади: олқишламоқ, руҳланмоқ, бирлашмоқ, жабр қилмоқ, рухсат этмоқ.

Ф.лар ўзига хос мураккаб грамматик категориялар тизимига эга. Хусусий маънолари б-н ўзаро фарқланувчи, бир умумий маъносига кўра бирлашувчи шакллар тизими Ф.нинг грамматик категорияларини ҳосил қилади. Ўзбек тилида Ф.нинг қуйидаги грамматик категориялари бор: нисбат категорияси, бўлишли-бўлишсизлик категорияси, майл категорияси, замон категорияси, шахс-сон категорияси.

Нисбат категорияси — ҳаракатнинг субъект ва объектга муносабатини кўрсатувчи грамматик категория. Ҳаракатнинг субъект ва объектга муносабатини кўрсатишига кўра нисбат категориясининг 5 тури фарқланади: бош нисбат; ўзлик нисбати; орттирма нисбат; мажҳул нисбат; биргалик нисбати. Ҳар бир нисбат шакли

махсус қўшимча ёрдамида ясалади. Фақат бош нисбат махсус ясовчи (кўрсаткич)га эга эмас. Бош нисбат ҳаракатнинг эга б-н ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилишини билдиради: олди, келди, сўраяпти ва б. Ўзлик нисбати шакли -(и)н, -(и)л қўшимчалари ёрдамида ясалади ва ҳаракатнинг субъектнинг ўзига объект сифатида қаратилганлигини ёки субъектнинг ўзи доирасида юзага келишини (бажарилишини) билдиради: мақтанмоқ, кўринмоқ, тутилмоқ ва б. Орттирма нисбат шакли -дир, -ир, -т аффикслари ёрдамида ясалади ва объектсиз Ф.ни объектив Ф.га айлантиради, объектли Ф.дан ясалганда эса унга яна объект қўшилганини билдиради: келтир, кулдир, ичир, ўқит ва б. Мажҳул нисбат шакли -(и)л, -(и)н қўшимчалари б-н ясалади ва асосий эътиборни ҳаракатнинг бажарувчисига эмас, балки объект б-н ҳаракатнинг ўзига қаратилишини билдиради: келтирилди, тозаланди. Бу нисбат шакли объектсиз (ўтимсиз) Ф.лардан ясалганда, шахссизлик маъноси ифодаланади: (кўприкдан) ўтилди, (меҳмонга) борилди ва б. Биргалик нисбати -ш аффикси ёрдамида ясалади ва ҳаракатнинг бирдан ортиқ шахс томонидан, биргаликда бажарилишини билдиради: (ер) ҳайдашди, (мева) теришди ва б. Демак, нисбат шаклининг ўзгариши б-н ҳаракатнинг субъект ёки объектга муносабатида ўзгариш бўлади.

Бўлишли-бўлишсизлик категорияси — ҳаракатнинг тасдиқ ёки инкори маъносини ифодаловчи шакллар тизими. Бу категориянинг ўзаро зидлик ҳосил қилувчи 2 жиҳати бор: бўлишлилик ва бўлишсизлик. Бўлишли Ф.нинг махсус кўрсаткичи йўқ (ноль кўрсаткичли). Бўлишсиз Ф. шакли эса -ма аффикси ёрдамида ясалади: келди (бўлишли шакл) — келмади (бўлишсиз шакл). Бўлишсизлик (инкор) маъноси «йўқ» сўзи ва «эмас» тўлиқсиз Ф.и б-н ҳам ифодаланади: боргани йўқ, борган эмас.

Майл категорияси — ҳаракатнинг воқеликка муносабатини сўзловчи нуқтаи назаридан белгиловчи грамматик категория. Ўзбек тилида майлнинг қуйидаги турлари бор: 1) буйруқ-истак майли: айт, айттин, айтинг кабн; 2) шарт майли. Бу майл шакли -са аффикси ёрдамида ясалади: борсам, борсанг, кўрса каби; 3) шартли майл — бажарилиши шарт эргаш гапдан англашилган ҳаракатнинг бажарилишига боғлиқ бўлган (шартланган) ҳаракатни билдирувчи майл. Бу майл шакли -(а)р эди, -мас эди ёрдамида ясалади ва бу шаклдаги Ф. бош гапнинг кесими бўлиб келади: Вақтим бўлса, кинога борар эдик. Имконим бўлса, бундай қийналиб юрмас эдинг; 4) мақсад майли. Бу майл шакли -моқчи аффикси ёрдамида ясалади ва ҳаракатни бажариш-бажармаслик мақсадини билдиради: сўрамоқчиман, ўқимоқчиман, айтмоқчи эмасман; 5) ижро майли — ҳаракат-ҳолатни унинг бажарилиши (ижроси) б-н ҳар уч замондан бирида ифодалайдиган майл. Бу майл тури замон ва шахс-сон кўрсаткичлари орқали шаклланади: ўқидим, ўқияпман, ўқийман; кўрганман, кўргансан, кўрган.

Замон категорияси — ҳаракатнинг нутқ пайтига муносабатини билдирувчи грамматик категория. Ҳаракатнинг нутқ пайтига муносабатига кўра Ф.нинг 3 замон тури фарқланади: ўтган замон — келди, олдим; ҳоз. замон — келяпман, келяпти; келаси замон — келаман, оласан ва б.

Шахс-сон категорияси — ҳаракатнинг 3 шахс (сўзловчи, тингловчи, ўзгадан бирига оидлиги маъносини билдирувчи грамматик категория: келдим (биринчи шахс, бирлик), келдик (биринчи шахс, кўплик), келдинг (иккинчи шахс, бирлик), келдингиз (иккинчи шахс кўплик).

Ўзбек тилида Ф.ни маълум бир вазифага хословчи шакллар ҳам мавжуд. Булар: *сифатдош* (қ.), *равишдош* (қ.), *ҳаракат номи* (қ.) шаклларидир.

Булардан ташқари Ф.нинг турли модал маъно, такрор маъноси ва б. маъноларни билдирувчи шакллари ҳам бор. Улар махсус қўшимчалар, кўмакчи феъллар ёрдамида ҳосил қилинади: кета қол, кетиб қолди, кета кўрмоқ, туртқиламоқ, кўркинқирамоқ, кулимсирамоқ ва б.

Ф.лар қандай грамматик шаклда қўлланишига қараб гапнинг турли бўлаги вазифасида келади. Мас., майл, замон, шахс-сон парадигмасига мансуб шакллардан бирида қўлланганда — кесим вазифасида; сифатдош, равишдош шаклларида — аниқловчи, ҳол вазифасида; ҳаракат номи шаклида эса от туркумига оид сўзларга хос вазифаларда келади.

Азим Ҳожиев.

ФЕЪЛ-АТВОР, характер — шахснинг атроф муҳитга ва ўз-ўзига муносабатида намоён бўладиган индивидуал хусусияти. Ҳар бир кишининг Ф.-а.ида унинг босиб ўтган ҳаёт йўли акс этади. Кишининг Ф.-а.ини билиб, маълум вазиятда ўзини қандай тутишини олдиндан кўриш ва унинг хатти-ҳаракатини тўғри йўналтириш мумкин. Ф.-а. хусусиятларининг 4 та тизими бор: 1) айрим инсонга, гуруҳга, жамоага нисбатан муносабатларни ифодаловчи хусусиятлар (инсонийлик, меҳрибонлик қилиш, талабчанлик ва б.); 2) меҳнат фаолиятига нисбатан муносабатни акс эттирувчи хусусиятлар (меҳнатсеварлик, дангасалик, виждонлилик, меҳнатга масъулият ёки масъулиятсизлик б-н муносабатда бўлиш ва б.); 3) нарса ва ашёларга нисбатан муносабатни ифодаловчи хусусиятлар (озодалик ёки ифлослик, нарсаларни аяш ёки уларга эҳтиётсизлик б-н қараш ва б.); 4) инсоннинг ўз-ўзига нисбатан муносабатини ифодаловчи хусусиятлар (иззатнафслилик, шуҳратпарастлик, димоғдорлик, камтарлик ва б.). Ф.-а.нинг хусусиятлари туғма ва ўзгармайдиган хусусиятлар эмас, у инсоннинг турмуш шароитларига боғлиқ ҳолда таркиб топиб, ўзгариб боради, такомиллашади. Ф.-а.нинг шаклланишида бир неча турли руҳий таъсирлар мавжуд бўлиб, уларнинг ичида *одат* муҳим аҳамият касб этади. Ф.-а. умумбашарий сифатлар б-н чекланиб қолмасдан, миллий ва этнопсихологик хусусиятларга ҳам эга. Мас., ўзбек миллатининг ўзига хос миллий Ф.-а. хислатлари мавжуд. Ф.-а. сифатлари турмуш жараёнида тарбия, меҳнат ва ижтимоий шароит таъсири б-н маълум даражада ўзгаради. Уни яхши томонга ўзгартиришда ахлоқнинг ижтимоий меъёрларини ўзлаштириш, ўз-ўзини тарбиялаш ҳам катта аҳамиятга эга. Ф.-а.нинг шаклланишида ижтимоий муҳит ва тарбиянинг таъсири айниқса кучли.

ФЁДОР ИВАНОВИЧ (1557—1598) — Рюриковичлар сулоласидан бўлган сўнгги рус подшоси (1584 й.дан). Иван IV нинг ўғли. Давлат ишларига ноқобил бўлгани туфайли мамлакатни бошқариш қайнотаси Борис Годуновга топширган.

ФЁДОРОВ Владимир Иванович (1955.5.1, Тошкент вилояти — 1979.11.8, Днепродзержинск ш. яқинидаги Куриловка қишлоғи) — футболчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1976). Тошкентдаги олимпия заҳиралари билим юртини тугатган. «Пахтакор» жамоасида ҳужумчи (1972—1979). Олий ва биринчи табақа ўйинларида 187 (108+79) марта майдонга тушиб, 58 (26+32)та тўп киритган. 1974 ва 1976 й.да мамлакатнинг энг кучли 33 футболчиси рўйхатидан жой олган. Ёшлар терма жамоаси таркибида Европа чемпиони (1976), олимпия терма жамоаси сафида олимпиада бронза медали совриндори (1976, Монреаль). Ф. авиация ҳалокатида нобуд бўлган. Куриловка қишлоғидан келтирилган рамзий хоки Тошкентдаги Боткин қабристонига дафн этилган. Тошкент ш.даги кўчалардан бирига унинг номи қўйилган.

ФЁДОРОВ Евграф Степанович (1853.22.12, Оренбург — 1919.21.5, Петроград) — рус минералоги ва кристаллографи, ҳоз. замон структурали кристаллографияси ва минералогия асосчиларидан бири, Россия ФА акад. (1919). Петербург кончилик ин-тини тугатган (1883), проф. (1895). Петербург кончилик ин-ти директори (1905—10). Ф. кўп қиррали кристаллар таснифини яратиб, биринчи бўлиб кристаллар симметриясининг 230 гуруҳини аниқлади. Тоғ жинсларининг номенклатураси ва таснифини ишлаб чиқди. Илк бор кристалл-кимёвий анализ методларини кашф қилди. Ф. уш томонидан яратилган фёдоров столчаси ёрдамида кристаллографик тадқиқотлар олиб борди.

ФЁДОРОВА Полина Ивановна (1906.30.9, Москва вилояти Лермонтово қишлоғи) — эндокринолог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1971), тиббиёт фанлари д-ри (1962), проф. (1965). Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-тини тугатган (1928). Тошкент вилояти ва Самарқанд ш. касалхоналарида участка врачи (1928—32), Тош ТИ госпиталь терапия кафедрасида ординатор (1932—35), ассистент (1936—42), доцент (1943), ТошТИ стоматология ф-ти ички касалликлар кафедраси мудири (1965—72), даволаш ф-ти госпиталь терапия кафедрасининг эндокринология курси раҳбари (1972—77), 1977 й.дан эндокринология кафедраси мудири. Илмий ишлари эндокринология масалаларига оид. Иссиқ иқлим шароитида Базедов касаллигининг кечиши, унинг олдини олиш ва даволаш устида тадқиқот олиб борган.

Ас.: Вопросы климатофизиологии, Т., 1939; Межуточно-гипофизарные заболевания и орган зрения (в соавторстве), Т., 1971.

ФЁН (лот. favonius — илиқ ғарбий шамол) — тоғли ўлкаларда тоғлардан водийларга, юқоридан пастга томон эсувчи илиқ ва қуруқ кучли шамол. Ф. тоғ тизмасини ошиб, пастга тушаётганда *адиабатик жараён* сабабли исиб қурийди, баъзан қор кўчкиларига сабаб бўлади. Ўзбекистонда Чирчиқ ва Фарғона водийларида кўп кузатилади. Ф. қисқа муддат, суткадан кам, баъзан 5 сутка давом этиши мумкин. Экинларга *гармсел* каби таъсир кўрсатади. Ф.нинг зарарли таъсирини камайтириш учун ихота дарахтзорлари барпо этилади.

ФИАНИТЛАР — цирконий ва гафний оксидлари асосида олинган синтетик кристаллар. 1972 й. собиқ СССР ФА физика ин-ти (ФИАН)да яратилган (номи шундан). Ф. табиатда учрамайди, кубик кристалл панжарага эга. Ф. рангсиз ёки аралашмалар таъсирида турли рангларга бўялган бўлиши мумкин. Ф.нинг қаттиқлиги, эриш т-раси, кислота ва ишқорларнинг таъсирига турғунлиги юқори, нур синдириш кўрсаткичи $n=2{,}15-2{,}25$, зичлиги 6,5—10 г/см³. Ф. заргарлик саноатида сапфир, топаз, ёқут ва ҳатто олмос каби қимматбаҳо тошларнинг ўрнини босиши мумкин. Ф.дан юқори т-рада ишловчи оптик линзалар ва «туйнук»лар ясалади. Ф. лар лазер материали сифатида ҳам ишлатилади.

Фианитлар: *1* — ишлов берилмаган кристаллар; *2* — заргарлик фианитлар.

«ФИАТ» (FIAT; Fabrica Italiana Automobili Torino) — Италиядаги энг йирик автомобиль корпорацияси. Енгил, спорт, юк автомобиллари, саноат (метро поездлари, вагонлар) ва қ.х. техникалари ишлаб чиқаради, шунингдек, аэрокосмик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналари ҳам бор. Унинг бош идораси Турин ш.да. Корпорация 1899 йили бир гуруҳ сармоячилар томонидан таъсис этилган бўлиб, улар орасида Жованни Аньелли ҳам бўлган. Ж. Аньеллилар сулоласи ҳозиргача «Ф.»га раҳбарлик қилиб келади. 1899 й. корпорацияда «Рено» компаниясининг лицензияси б-н «Рено» автомобиллари йиғила бошлаган. 1912 й.дан бошлаб, «Ф.» русумли автомобилларни кенг серияда и.ч йўлга қўйилди. 1909 й. АҚШда «Ф.»нинг «Poughkeepsie» з-ди ишга туширилди. 1936—2002 й.ларда «Ф.» корпорациясида енгил автомобилларнинг ўнлаб янги моделлари яратилди. 1966 й. собиқ Совет давлати «Ф.» б-н шартнома тузиб, 1967—71 й.ларда Тольятти ш.да СССРда энг йирик Волга автомобиль з-дининг 1-навбати қурилишини амалга оширди (йиллик қуввати 220 минг автомобиль) ва «ФИАТ — 124» (ВАЗ — 2101 «Жигули») моделини кенг миқёсда и.ч. йўлга қўйилди. Бу автомобиллар Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалди.

АҚШ, Польша, Бразилияда корхоналари бор. 2002 й.да банкротликка учраган FERRARI ва LANCA, ALFA ROMEO компанияларини сотиб олган.

Садир Салимов.

ФИБИГЕР (Fibiger) Йоханнес Андреас Гриб (1867.23.4, Силькеборг — 1928. 30.1, Копенгаген) — даниялик микробиолог ва патолог-анатом. Р. *Кох* ва Э. фон Берингнинг шогирди. 1900—05 й.ларда клиник бактериология ин-ти директори; 1900 й.дан Копенгаген ун-ти патология проф. 1912 й. спироптер қурт личинкалари бериб боқилган сувараклар тажриба каламушлари меъдасида ўсма пайдо қилишини аниқлаган. Кейинчалик спироптерларнинг онкологик таъсири борлиги ўз тасдиғини топмади. Лекин Ф. тадқиқотлари экспериментал онкология ривожи, хусусан, *канцероген моддаларни* тадқиқ қилишга имкон берди. Нобель мукофоти лауреати (1926).

ФИБОНАЧЧИ (Fibonacci) Л. — қ. *Леонардо Пизано.*

ФИБОНАЧЧИ СОНЛАРИ — 1, 1, 2, 3, 5, 8, 13, ... сонли кетма-кетликнинг элементлари. Бу кетма-кетликнинг 1- ва 2- ҳадлари 1 га тенг, қолган ҳадлари эса $U_{n+1}=U_{n-1}+U_n$ рекуррент муносабат б-н аниқланади. Ф. с.нинг биринчи 14 таси *Леонардо Пизанский* (Фибоначчи) нинг 1228 й. даги қўлёзмасида келтирилган. Ф.с.нинг n-си

$$U_n = \frac{a_1^n - a_2^n}{\sqrt{5}}$$

формула б-н топилади,

бунда $a_1=\frac{1+\sqrt{5}}{2}$, $a_2=\frac{1-\sqrt{5}}{2}$. Ф.с. хоссалари: 1) U_3, U_6, U_9, ... ҳадлар жуфт; U_4, U_8, U_{12}, ... ҳадлар 3 га; U_5, U_{10}, ... ҳадлар 5 га; U_{15}, U_{30}, ... ҳадлар 10 га бўлинади. 2) $U_1+...+U_n=U_{n+2}-1$; 3) $U_1^2+...+U_n^2=U_n U_{n+1}$. 4) $U_n^2-U_n U_{n-1}-U_{n-1}^2=\pm1$. 5) $(U_n\cdot U_{n+1})^2+(2U_{n+1}\cdot U_{n+2})^2=U^2_{2n+3}$. Ф.с. узлуксиз касрлар назариясида, ҳисоблаш мат.сида кенг татбиқ этилади.

ФИБРИЛЛАР (лот. fibrilla — толача, ипча) — 1) ҳужайра цитоплазмасининг ҳаракатланиш ёки таянч функциясини бажарадиган ипсимон структураси. Ф. протофибриллалардан ташкил топган. Қисқарувчи Ф. қисқарувчи оқсил — актин, мускул ҳужайралари — миозиндан иборат. Қисқариш ва бўшашиш жараёнида Ф. ўз структурасини ўзгартиради. Тонофибриллалар (улардан айримлари кератинга эга) эпителий ҳужайраларида кўп бўлиб, ҳужайранинг таранглиги ва қаттиқлигини таъ-

минлайди. Нерв ҳужайралари цитоплазмасидаги нитрофибриллалар нерв импульсларини ўтказишда иштирок этади.

ФИБРИН (лот. fibra — тола) — эримайдиган оқсил; қон ивиши жараёнида *фибриноген*дан ҳосил бўлади. Ф. силлиқ ёки кўндаланг чизиқли толалар шаклида бўлади; Ф. толалари полимерланиб, қон оқишини тўхтатадиган тромб асосини ҳосил қилади. Ф. ҳосил бўлиши 3 босқичдан иборат: 1) фибриногендан тромбин таъсирида иккита *А* ва *Б* пептиди ажралиб, дисульфид боғлари б-н боғланган иккита суббирликдан иборат фибрин-мономер ҳосил бўлади; 2) фибрин-мономер фибрин-агрегатга (қуйқага) айланади; 3) фибрин-агрегат фибриноллигаза ферменти таъсирида фибрин-полимерга айланади. Қон томирлар шикастланганда Ф. қалин тўр ҳосил қилиб, қонни тўхтатади. Тозаланиб қуритилган қон қуйқасидан Ф. олинади. Ф.дан қон оқишини тўхтатувчи воситалар тайёрланади.

ФИБРИНОГЕН (*фибрин* ва ... *ген*) — қон плазмасининг глобулинлар гуруҳига кирувчи эрийдиган оқсили. Тромбин таъсирида *фибрин*га айланиб, қонни ивитади (қ. *Қон ивиши*). Жигарнинг паренхематоз ҳужайраларида ҳосил бўлади. Соғлом одам қон плазмасидаги Ф. миқдори 300—500 мг%. Ф. турли операцияларда, *гемофилия* ва б. касалликларда қон оқишини тўхтатиш учун ишлатилади. Лаб. тадқиқотларида Ф. препаратларидан фойдаланилади. Одам қонидан олинган Ф. клиникада ишлатилади.

ФИБРОАДЕНОМА (лот. fibra — тола ва *аденома*), аденофиброма — без ва бириктирувчи тўқимадан ривожланадиган хавфсиз ўсма. Асосан, сут безларида, простата бези ва б. аъзоларда учрайди. Секин ўсади, қобиққа ўралган бўлиб, атрофидаги тўқималардан чегараланиб туради. Безнинг сут йўли ичига ўсгани — ички Ф., сут йўли атрофидагиси — ташқи Ф., аралаш ўсгани улкан Ф. (япроқсимон), унда кўпинча тери б-н бирикиб кетган япроқсимон шаклдаги яралли тугунлар пайдо бўлади. Сут бези Ф.сида оғриқ, простата бези Ф.сида сийдикнинг қисман ёки тўла тутилиши кузатилади. Баъзан хавфли ўсмага айланиши мумкин. Давоси: жарроҳлик йўли б-н олиб ташланади.

ФИБРОЗ (лот. fibra — тола) — одам ва айрим ҳайвонлар организмидаги, етук толали бириктирувчи тўқималарнинг жадал ўсишидан иборат патологик жараён (қ. *Склероз, Цирроз*).

ФИБРОМА (*фибрин* ва ... *ома* — ўсма маъносини ифодаловчи қўшимча), фибробластома — бириктирувчи тўқимадан юзага келган хавфсиз ўсма. Тананинг ҳар қандай қисмида учрайди; ўсишига кўра, диффуз Ф. ва чегараланган Ф. фарқ қилинади. Ф.нинг манбаи фибробластлардир. Ф.нинг кечиш даври ва белгилари ўсманинг ўсиш тезлиги ва жойлашишига боғлиқ. Айрим вақтларда хавфли ўсмага айланиши мумкин. Операция йўли б-н даволанади.

ФИВА — Беотиядаги қад. юнон шаҳри. Ривоятларга кўра, Ф.га афсонавий Кадм асос солган, фиваликлар аждодлари — Кадм томонидан аждарҳо тишларини сочиб юборилишидан униб чиққан одамлар бўлган. Ф.нинг қадлиги *эгей маданияти* ёдгорликлари б-н исботини топади. Мил. ав. 6-а.да келиб Ф. қад. қабилавий ва диний иттифоқдан вужудга келиб, Беотиянинг деярли барча шаҳарларини бирлаштирган Беотия иттифоқига бошчилик қилган. Ф.да ҳукмрон бўлган уруғ зодагонлари *Юнон-форс урушлари* (мил. ав. 500—449) даврида форсларни қўллаб-қувватлаган ва мил. ав. 431—404 й.лардаги *Пелопоннес уруши* даврида Спарта томонидан туриб Афинага қарши бўлган. Коринф уруши (мил. ав. 395—387) даврида Ф. бош бўлган беотияликлар афиналикларни қўллаб-қувватлашган. 387 й. Анталкид сулҳига кўра, Беотия иттифоқи тарқатиб юборилган; Ф. ва Беотиянинг бошқа шаҳарларида Спарта ёрдамида ўта реакцион олигархик ҳукуматлар қарор топган. 379 й. олигархларни ағдариб ташлаб, Ф.даги ҳокимият тепасига Пелопид ва Эпаминонд бошчилик қилган демократлар келган. Беотия иттифоқи қайта тузилиши б-н Юнонистоннинг энг йирик сиёсий кучига айланган. 371 й. (Левктра ёнида) ва 362 й. (Мантинея ёнида) Эпаминонд бошчилигидаги фиваликлар қўшини спарталикларни мағлубиятга учратган. Бироқ, Спарта б-н бўлган қонли уруш Ф. ва иттифоқнинг барча шаҳарларини шу қадар ҳолдан тойдирганки, 362 й.дан сўнг улар ўз аҳамиятини йўқотган. 338 й. Ф. Македония томонидан босиб олинган. 335 й. Македонияга қарши қўзғолон бостирилгач, шаҳар буткул вайрон қилинган. Мил. ав. 315 й. Ф. қисман тикланган, лекин муҳим сиёсий роль ўйнамаган. Қад. Ф. ўрнида ҳоз. Грециянинг Фива шаҳарчаси жойлашган.

ФИВА (юн. Thebai, мисрча Уасет) — Қад. Мисрнинг энг йирик шаҳарларидан ва бадиий марказларидан бири. Ф. мил. ав. 3-минг йилликнинг ўрталаридан маълум. Мисрнинг барча ҳудудларини бирлаштирган 11-сулола фиръавнлари даврида (мил. ав. 22-а. ўртаси — 20-а.) Ф. пойтахт бўлган ва Ўрта ва Янги подшолиқлар даврида гарчи фиръавнлар бошқа шаҳарларни ўзларига қароргоҳ тутган бўлсалар-да пойтахтлигича қолган. Мил. ав. тахм. 730 й. Куш подшоси Пианхи Ф.ни босиб олган. Оссурия подшоси *Ашшурбанипал* мил. ав. 663 й. Ф.ни вайрон қилган ва мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий маркази Шим.га кўчирилгач, Ф. ўз ролини йўқотган ва мил. ав. 88-й.гача, яъни Птолемей IX Сотер томонидан вайрон қилинмагунча диний марказ сифатида роль ўйнаган. Ф.да ар-

Фиръавн Сети I (чапда) ва Фива ш. ҳомийси маъбуда Хатор (Сети I мақбарасидаги деворий расм, Абидос).

хеологик қазиш ишлари 19-а.нинг 1-ярмидан турли мамлакатлар олимлари томонидан олиб борилади. Ф. ҳудудида йирик ибодатхоналар мажмуи, некрополлар, фиръавнлар мақбаралари, фиръавнининг 2 та улкан ҳайкали ва б. сақланиб қолган.

ФИГУРА (лот. figura — ташқи кўриниш, образ) — 1) муайян нарса-буюмларнинг ташқи кўриниши, шакли; 2) инсон танасининг кўриниши, қадди-қомат; 3) бирор нарсани ҳаракат б-н бажаришда (рақс, гимнастикада, конькида учиш ва б.да) бажарувчи шахс эгаллайдиган, пайдо қиладиган ҳолат, кўриниш; 4) геометрияда — текисликдаги нуқталар тўплами (чизиқ, доира, бурчак, квадрат — ясси Ф.лар) ёки фазодаги нуқталар тўплами (конус, куб, пирамида — фазовий Ф.лар); 5) ҳайкалтарошлик, рассомликда — инсон ёки жониворларнинг ҳайкал ёки сурат тарзидаги тасвири; 6) тилшунослик ва адабиётшуносликда — нутқнинг тасвирий ифодалари, иборалари — стилистик (услубий) Ф.лар, мас., антитеза, *инверсия, муболаға* ва б.; 7) шахматда — пиёдалардан бошқа доналар (шоҳ, фил, от кабилар)нинг; карта ўйинида — катта қийматли карталар (валет, дама, шоҳ, туз)нинг умумий номи.

ФИГУРАЛИ УЧИШ — спорт тури. Унинг асосида конькида югурувчи спортчининг муз устида ҳаракат йўналишини ўзгартириши, айланишлар ва сакрашлар б-н боғлиқ махсус ҳаракатлари ётади. Аёллар ва эркакларнинг якка ҳолда, жуфт ҳолда учиши ва спорт рақслари бўйича мусобақаларни ўз ичига олади. Якка ҳолда учиш мактаб деб номланган 3 та мажбурий расм-фигура, 7 мажбурий элементдан иборат қисқа эркин дастур (бажариш вақти 2 мин.гача) ва шахсий эркин дастурини (аёллар учун 4 мин., эркаклар учун 5 мин) бажаришни ташкил этади. Жуфт ҳолда учиш қисқа дастур (6 мажбурий элемент — қадамлар комбинацияси, кўтариш; алоҳида ва биргаликда айланишлар, сакрашлар; 3 мин.гача давом этади) ва эркин дастур (5 мин)дан иборат. Спорт рақслари дастурида 3 мажбурий, оригинал ва эркин рақслар бўлади. Фигурачиларнинг маҳорати 6 балли тизим б-н баҳоланади. Ф.у. спорт тури сифатида 19-а.нинг 60-й.ларида пайдо бўлди. Европа чемпионатлари — 1891 й.дан якка ҳолда учишда (аёллар — 1930 й.дан), 1930 й.дан жуфт ҳолда учишда; жаҳон чемпионатлари — 1896 й.дан якка ҳолда учишда (аёллар — 1906 й.дан), 1908 й.дан жуфт ҳолда учишда ўтказилади. Спорт рақслари бўйича жаҳон биринчилиги 1952 й.дан ўтказилади. Ф.у. 1924 й.дан *қишки олимпиада ўйинлари* дастурига киритилди (спорт рақслари — 1976 й.дан; 1908 ва 1920 й.ларда мусобақалар *Олимпиада ўйинлари* дастурида ўтказилган).

Ўзбекистонда 1972 й. Ф.у. мактаби (Тошкентда) ташкил қилинди. Унда 200 га яқин спортчи шуғулланди. Ф.у. бўйича олимпия ўринбосарларини тайёрлайдиган республика махсус болалар-ўсмирлар спорт мактабининг тарбияланувчилари Марина Никитюк ва Рашид Кодиркаевлар жуфт бўлиб учишда ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионатининг кумуш медалига сазовор бўлди (1980). Тошкентлик Алина Спиргиаду ва Юрий Разгуляев спорт рақслари бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони (1991), кейин катталар ўртасида бир неча бор Осиё чемпионати ва йирик халқаро турнирларнинг ғолиби бўлдилар. Шунингдек, якка ҳолда учишда Осиё ўйинлари, 4 қитъа (Осиё, Африка, Австралия ва Америка) чемпиони, Гран при мусобақаларининг финалчиси Татьяна Малинина ва Роман Скорняков, жуфт ҳолда учишда Наталья Пономарева б-н Евгений Свиридов Ўзбекистоннинг машҳур фигурали учувчилари ҳисобланади.

ФИДЕ (FIDE; франц. Federation internationale des Eshecs) — халқаро шахмат федерацияси. 1924 й. Парижда тузилган. 149 мамлакатни бирлаштиради (1995); Ўзбекистон — 1992 й.дан аъзо. Шиори — «ҳаммамиз бир оиламиз» (лот. Gens una sumus). Бир қанча йирик халқаро мусобақани, шу жумладан, эркаклар (1927 й.дан) ва аёллар (1957 й.дан) шахмат олимпиадалари; шахсий (1886 й.дан эркаклар ўртасида, 1927 й.дан аёллар ўртасида) жаҳон чемпионатлари ва жамоалар ўртасида (1985 й.дан эркаклар жамоалари ўртасида, 4 й.да бир марта) биринчилик, шунингдек, сиртқи шахмат (1947 й.дан) ва тезкор шахмат (1988 й.дан), кўзи ожизлар (1966 й.дан) ва компьютерлар (1974 й.дан) ўртасида жаҳон чемпионатлари, композиция тузувчилар ўртасида (1956 й.дан) танловлар уюштиради.

ФИДЕИЗМ (лот. fides — эътиқод) — эътиқод ақл-идрокдан устун туради, деб таъкидловчи дунёқараш. Теистик динларга хос. Ф. тарафдорлари фан фақат ҳодисалар, далилларнинг иккиламчи (физик) сабабларини очади, у бирламчи (ғайритабиий) сабабларни очиб беришга, борлиқни тушунтиришга қодир эмас деб, фан ва илмий билишни чеклайди, фақат дин оламнинг мавжудлигини чинакам изоҳлаб беради, деб ҳисоблайди. «Ф.» сўзининг қўшимча салбий маъноси ҳам бор бўлиб, ақл-идрокни ишлатишдан воз кечишни англатади.

ФИДЕР (инг. feed — таъминлаш) — 1) радиотехника ва техникада — ўта юқори частота (ЎЮЧ)ли сигналларни узатиш линияси, радиотўлқинларни узатиш линияси; электромагнит тебранишлар (тўлқинлар)ни манбадан истеъмолчига юбориш учун мўлжалланган қурилма. Ф.лар очиқ ва берк турларга бўлинади. «Ф.» терминидан, асосан, радиоузатиш ва радио қабул қилиш техникасида, симли радиоэшиттиришда фойдаланилади; 2) электр энергетикада — энергияни тақсимловчи кабель линия ёки ҳавода электр узатиш линиясининг эскирган номи.

ФИДИЙ (Pheidias, мил. ав. 5-а.) — юнон меъмори ва ҳайкалтароши; қад. юнон санъатининг йирик намояндаси. *Афина, Олимпия* ва б.да ишлаган. Афинадаги *Акрополь* қурилишига бошчилик қилган. Ф.нинг ҳайкалтарошлик асарларидан антик муаллифлар асарларида тилга олинган ва кўчирилган нусхаларидан маълум ва машҳурлари: Афина Промахос (жез; тахм. мил. ав. 460); олтин ва фил суягидан ишланган Зевс

Фидий. «Чавандозлар» (деворий рельефдан лавҳа).

(Олимпиядаги Зевс ибодатхонасида; *етти мўъжиза*нинг бири деб эътироф этилган) ҳамда Афина Парфенос (Афинадаги Парфенон ибодатхонасида) ва б. ҳайкаллар.

Ф. ижоди ҳақида унинг раҳбарлигида ва бевосита иштирокида ишланган Афинадаги Парфенон ҳайкаллари (мармар, мил. ав. 438—432; Британия музейи, Лондон; Лувр, Париж; Акрополь музейи, Афина) чуқур инсонийлик б-н йўғрилган ҳамда санъатлар синтезининг юксак намунасидир.

ФИДОИЙЛАР (араб. — бирон мақсад йўлида ўзини қурбон қилишга тайёр шахс) — 1) ўрта асрларда Эрон, Сурия, Ливандаги ҳашшошийлар яширин майда ташкилотининг аъзолари; 2) Эрон инқилоби даври (1907—11)да диний зодагонлар, деҳқонлар, ишчилар ва камбағаллардан тузилган кўнгилли қуролли отряд аъзолари; 3) Эрон Озарбайжонида кўтарилган миллий демократик ҳаракат даври (1945—46)да тузилган мудофаа отрядлари аъзолари. Кейинчалик улар халқ лашкарларига айлантирилган; 4) Жазоирдаги миллий озодлик уруши (1954—62)да қатнашган яширин шаҳарлик аҳоли отрядлари; 5) Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати қуролли партизан отрядлари аъзолари.

«ФИДОКОР» — ижтимоий-сиёсий газета. Муассиси: Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси (ФМДП). 1999 й. 4 фев.дан ҳафтада 2 марта чоп этилади. Газ.нинг асосий мақсади ФМДПнинг ғоя ва мақсадларини, партия фаолиятини ёритиш, сайловларда иштироки, номзодлар ва депутатлар дастурларини оммага етказиш, шунингдек, Ўзбекистонда кечаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар жараёнидан кенг ўқувчилар оммасини хабардор қилиш ҳамда дунёда кечаётган воқеалар, сиёсий ва геосиёсий жараёнларга холис нуқтаи назар б-н ёндашишдан иборат. Вилоятларда ўз мухбирларига эга. Асосий рукнлари: «Моҳият», «Жараён»,

«Биз киммиз?», «Тўғри сўз», «Маънавият мангизи» ва б. Газ. саҳифаларида чоп этилган яхши мақолалар бир неча бор алоҳида тўплам ҳолида нашр қилинган. Бош муҳаррир — Жалолиддин Сафоев. Адади 8000 (2004).

ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ — қ. *Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси.*

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ — қ. *Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари.*

ФИЖИ (Fiji), Фижи Суверен Демократик Республикаси (Sovereign Democratic Republic of Fiji) — Океанияда, Тинч океанининг жан.-ғарбий қисмида. Фижи о.ларида жойлашган давлат. Майд. 18,4 минг км². Аҳолиси 856,3 минг киши (2002). Пойтахти — Сува ш. Маъмурий жиҳатдан 4 округга бўлинади.

Давлат тузуми. Ф. — Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги республика. Амалдаги конституцияси 1970 й. қабул қилинган. 1997 й.да унга ўзгартишлар киритилган. Давлат бошлиги — президент, у қабила бошлиқларининг Катта кенгаши томонидан маҳаллий фижийлар орасидан 5 й. муддатга тайинланади. Президент бош вазирни ва қуролли кучлар қўмондонини тайинлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент — сенат ва вакиллар палатаси, ижрочи ҳокимиятни Вазирлар маҳкамаси амалга оширади.

Табиати. Фижи архипелаги *Меланезия*нинг шарқий қисмидаги 300 дан ортиқ ороллардан иборат. Уларнинг йириклари — Вити-Леву, Вануа-Леву. Оролларнинг эгри-бугри қирғоқлари маржон рифлари б-н ўралган, замини гранит, гнейс ва б. қадимий кристалл жинслардан тузилган. Йирик ороллар рельефи баланд, 1000 м дан юқори тоғ тизмалари б-н ажралган платолардан иборат. Энг баланд жойи 1322 м (Вити-Леву о.да). Соҳил бўйлаб энсиз текислик жойлашган. Фойдали қазилмалари: нефть, мис, олтин, марганец. Йирик дарёлари: Рева (100 км гача кема қатнайди), Сингатока, Мба (Вити-Леву о.да). Иқлими тропик, океан иқлими, сернам, ўртача т-ра 25—28°. Йиллик ўртача ёғин 1700—3500 мм. Вулкан жинсларининг нурашидан ҳосил бўлган қизғиш тупроғи унумдор. Тоғларнинг шамолга рўпара жан.-шарқий ён бағирларида қимматбаҳо ёғоч олинадиган тропик ўрмон ва саванналар бор. Ҳайвонот дунёсида йиртқич ҳайвон ва заҳарли илонлар йўқ. Оролларга дунёнинг бошқа жойларидан жониворлар келтирилган. Мушук, эчки ва қуёнлар учрайди.



Аҳолисининг аксарияти — фижийлар ва фижилик ҳиндлар; океанияликлар, инглизлар, хитойлар ҳам яшайди. Расмий тил — инглиз тили. Шаҳар аҳолиси 46%. Диндорлари — христиан, ҳиндуий ва мусулмонлар. Йирик шаҳарлари: Сува, Лаутока, Ламбаса.

Тарихи. Фижи о.ларида дастлабки манзилгоҳлар мил. ав. 2-минг йиллик ўрталарида пайдо бўлган. Оролларга европаликлардан биринчи бўлиб голландиялик А. *Тасман* 1643 й. ва инглиз *Ж. Кук* 1774 й. борганлар. 1874 й.дан Буюк Британия Ф.ни мустамлакага айлантирди. 1879 й.дан мустамлакачилар шакарқамиш плантацияларида ишлатиш учун Ҳиндистондан ишчилар олиб кела бошлади. 1959 й. Ф.да миллий озодлик ҳаракати бошланди. 1970 й. 10 окт.да Буюк Британия мамлакатга мустақиллик беришга мажбур бўлди, аммо Буюк Британия томонидан тайинланадиган генерал-губернатор ҳокимияти сақланиб қолди. 1987 й. 25 сент.да Ситивени Рабука бошчилигида ҳарбий тўнтариш содир бўлди, 6 окт.да генерал-губернатор лавозими тугатилди ва Ф. республика деб эълон қилинди. Ф. — 1970 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 10 окт. — Мустақиллик куни (1970).


Фижи байроғи

Сува шаҳридаги маъмурий бино

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Ф. лейбористлар партияси, 1985 й. тузилган; Миллий федератив партия, 1960 й. асос солинган; Ф. консерватив партияси, 1989 й. ташкил этилган; Ф. сиёсий партияси — Сонгосонго ни Вакавулева ни Таукеи — СВТ, 1990 й. асос солинган. Ф. касаба уюшмалари конгресси, 1951 й. тузилган.

Хўжалиги. Ф. — аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 22%, саноатнинг улуши 12%. Иқтисодиётнинг етакчи тармоғи — тропик деҳқончилик. Мамлакат ҳудудининг 11% дан кўпроғи қ.х. экинлари б-н банд. Жамоа ер эгалиги устун. Бу ерларда ҳинд фермерлари экспорт учун шакарқамиш етиштиради. Маҳаллий аҳолиси ўз хўжаликларида кокос пальмаси, ямс, таро, батат, банан, ананас, цитрус мевалар, какао, тамаки, шунингдек, шоли, маккажўхори етиштиради. Чорвачилигида қорамол, чўчқа, йилқи, эчки, хонаки парранда боқилади. Балиқ овлаш ривожланган. Ёғоч тайёрланади. Оз миқдорда марганец рудаси, боксит, олтин, кумуш қазиб олинади. И.ч. саноати қанд, ёғ, шоли оқлаш, тамаки, мева консервалаш, копрани қайта ишлаш, тахта тилиш, ёғочсозлик, кийим-кечак, пойабзал, кенг истеъмол моллари корхоналаридан иборат. Сайёҳларнинг келиб-кетишидан яхшигина даромад олинади. Т.й. узунлиги 595 км, автомобиль йўллари уз. 5100 км. Асосий денгиз портлари — Сува, Лаутока. Вити-Леву о.нинг ғарбий соҳилида Нанди халқаро аэропорти бор. Ф. четга шакар хом ашёси, кокос мойи, копра, олтин, ёғоч, балиқ, кийим-кечак ва б. чиқаради, четдан машина ва ускуналар, ёқилғи, кенг истеъмол моллари олади. Австралия, Янги Зеландия, Буюк Британия б-н савдо қилади. Пул бирлиги — фижи доллари.


Шакарқамиш плантацияси

Маорифи. Мамлакатда 800 дан ортиқ мактаб бор, улар 50 дан зиёд оролда жойлашган. Мактабларда таълим инглиз, фижий ва ҳинд тилларида олиб борилади. Ф.да 8 й.лик таълим мажбурий. Бошланғич мактабга болалар 6—7 ёшдан қабул қилинади. Ўрта мактабда ўқиш муддати 4 й., аммо ун-тга кириш учун қўшимча 2 й.лик таълим курсида ўқиб чиқиш керак. Давлат мактабларидан ташқари хусусий мактаблар ҳам бор. 1968 й. Сувада Тинч океан жан. қисми мамлакатларининг регионал ун-ти ташкил этилди; халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, тиббиёт билим юрти бор. Самабуладаги Техника ин-ти (1964), Наусоридаги қ.х. коллежи (1954), Сувадаги Марказий тиббиёт билим юрти (1886)да тўлиқсиз олий маълумот олинади. Сувада ун-т кутубхонаси, шаҳар кутубхонаси, Самабулада Техника ин-тининг кутубхонаси, Нандида кутубхона, Сувада Ф. музейи (1906) мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши, телекўрсатуви. Ф.да нашр этиладиган газ. ва жур.лар: «Дейли пост» («Кундалик почта», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1989 й.дан), «Фижи Таймс» («Фижи вақти», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1869 й.дан), «Шанти дут» («Дунё хабарномаси», ҳинд тилида чиқадиган ҳафталик газ., 1935 й.дан), «Айленд бизнес» («Ороллар бизнеси», инглиз тилида чиқадиган ойлик жур., 1985 й.дан), «Нав джиоти» («Янги дунё», ҳинд тилида чиқадиган ойнома, 1989 й.дан). «Фижи бродкастинг комишн», ярим тижорат тусдаги радиоэшиттириш хизмати, 1954 й. тузилган. «Фижи Телевижн» телекомпаниясига 1994 й.да асос солинган.

ФИЖИ ТИЛИ — *океания тилларининг* шарқий тармоғига мансуб, *полинезия тилларига* энг яқин тил. Фижи оролларида туб аҳолининг тили сифатида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 350 минг кишидан ортиқроқ. Ф.т.нинг 2 гуруҳ лаҳжаси (ғарбий ва шарқий) мавжуд, лекин улар лаҳжадан кўра кўпроқ мустақил тилларга ўхшайди.

Фонетик тизимида 5 унли ва 15 ундош товуш бўлиб, унлилари қисқалик ва чўзиқлик бўйича фарқланади, ундошларда эса жарангсизлар б-н жарангдорлар қарама-қаршилиги кузатилади. Бўғин ҳар қачон унли б-н тугайди. Грамматикаси асосан аналитик хусусиятга эга. Кишилик олмошлари бирлик, иккилик, учлик ва кўплик шаклларига эга. Гап қурилишида аниқланмиш аниқловчидан, кесим эга ва тўлдирувчидан олдин келади. Ёзуви 1835 й.дан лотин графикаси асосида.

ФИЖИЙЛАР — халқ. Фижи оролларининг туб жой аҳолиси (340 минг киши, 1990-й.лар ўрталари). Фижи тилида сўзлашади. Диндорлари — протестантлар, анъанавий эътиқодлар сақланган. Асосий машғулоти — деҳқончилик, мевачилик, балиқ овлаш.

ФИЗАЛИС (Physalis), пақ-пақ — томатдошлар оиласига мансуб бир ёки кўп йиллик ўсимликлар туркуми; сабзавот экин. Ёввойи ҳолда 100 дан ортиқ тури тропик ва субтропик минтақаларда, кўпроқ Марказий Америкада тарқалган. Айрим турлари Африканинг жан.шарқида учрайди. Ф. Европага 18-а.да, кейинчалик Осиёга келтирилган. Асосан, мексика Ф.си ёки мексика помидори (P. ixocarpa); тукли Ф. (P. pubescens) ва перу Ф.си (перу олчаси) (P. peruviana) етиштирилади. Мексика Ф.си кўп тарқалган. Таркибида 8—9% қуруқ модда, 33,1—33,6% ёғ, 18,4—19,5% оқсил, 17,6—18,1% клетчатка, 4,4—8,3% кул, 3—4% қанд, 5—10% пектин, 20—30 мг % С витамини ҳамда каротин, органик кислоталар, аччиқ моддалардан физалин ва алкалоидлар (0,26—0,4%) бор. Шифобахш. Меваси нордон-ширин, туси оч-сариқ, кўкиш; янгилигида, қайта ишланган ҳолда истеъмол қилинади. Перу Ф.си (5—12 г) юмалоқ овал, сариқ, тўқ сариқ, нордон-ширин. Мазаси қулупнай таъмини беради. Етиштириш агротехникаси *помидордан* фарқ қилмайди. Консерва саноатида, соуслар, мураббо, тузламалар тайёрлашда ишлатилади. Пишган меваларидан лимон кислота олинади.

Физалис: 1 — гулли шохчаси; 2 — кўзаги; 3 — меваси.

Ад.: Пивоваров В. Ф., Арамов М. Х., Дубрунская Е. Г. ва б., Физалис. Овощные и бахчевые культуры в Узбекистане. М., 2001.

ФИЗИК ДОИМИЙЛАР, физик константалар — физик қонунларнинг тенгламаларига кирадиган сонли коэффициентлар. Ф.д.ларга ёруғлик тезлиги, электрон заряди, Планк, Авогадро, Фарадей доимийлари ва ҳ.к. киради. Ф.д. қаторига мустақил доимийлар ҳам, уларнинг комбинациялари (мас., Фарадей, Больцман, Стефан-Больцман доимийлари) ҳам кириши мумкин. Ф.д.нинг сон қийматлари экспериментлар асосида топилади ва бирор бирликлар тизимида ифодаланади. Физик экспериментлар техникаси ва физик назариялар ривожланиши б-н Ф.д.нинг қийматлари аниқлашиб боради. Ҳоз. замон физикаси ва техникасидаги кўпгина ўлчашлар Ф.д.нинг аниқ қийматларини (мас., радиолокацияда ёруғлик тезлигини) билишни тақозо қилади. Жадвалда Ф.д.нинг қийматлари Халқаро бирликлар тизимида берилган.

Катталик	Белгиланиши	Қиймати
Ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги	c	299792458 м/с
Гравитация доимийси	G	$6{,}67259\cdot10^{-11}$ Н·м²/кг²
Магнит доимийси	μ_0	$4\pi\cdot10^{-7}$ Гн/м=$1{,}25663706144\cdot10^{-6}$ Гн/м
Электр доимийси	$\varepsilon_0=(\mu_0c^2)^{-1}$	$8{,}85418782\cdot10^{-12}$ Ф/м
Элементар заряд	e	$1{,}60217733\cdot10^{-19}$ Кл
Газнинг универсал доимийси	R	8,314510 Ж/(моль·К)
Больцман доимийси	$k=R/N_A$	$1{,}380658\cdot10^{-23}$ Ж/К
Планк доимийси	h $\hbar=h/2\pi$	$6{,}6260755\cdot10^{-34}$ Ж·с $1{,}05457266\cdot10^{-34}$ Ж·с
Авогадро доимийси	N_A	$6{,}0221367\cdot10^{23}$ моль$^{-1}$
Стефан-Больцман доимийси	$\sigma=\pi^2k^4/(60\hbar^3c^2)$	$5{,}67051\cdot10^{-8}$ Вт/(м²·К⁴)
Ридберг доимийси	R_∞	$1{,}097373153\cdot10^{7}$ м$^{-1}$

Катталик	Белгиланиши	Қиймати
Ингичка структура доимийси	α α^{-1}	0,0072973531 137,035989
Электроннинг тинчликдаги массаси	m_e	$9,1093897 \cdot 10^{-31}$ кг
Протоннинг тинчликдаги массаси	m_p	$1,6726231 \cdot 10^{-27}$ кг
Нейтроннинг тинчликдаги массаси	m_n	$1,6749286 \cdot 10^{-27}$ кг
Электрон зарядининг массасига нисбати	e/m_e	$1,7588196 \cdot 10^{11}$ Кл/кг
Электроннинг классик радиуси	r_e	$2,8179402 \cdot 10^{-15}$ м
Ядровий магнетон	$\mu_n=e\hbar/2m_p$	$5,0507866 \cdot 10^{-27}$ Ж/Тл
Бор магнетони	$\mu_B=e\hbar/2m_e$	$9,2740154 \cdot 10^{-24}$ Ж/Тл
Электроннинг магнит моменти	μ_e	$9,2847701 \cdot 10^{-24}$ Ж/Тл
Протоннинг магнит моменти	μ_p	$1,4106076 \cdot 10^{-26}$ Ж/Тл
Протон учун гиромагнит нисбат	γ_p	$2,6752212 \cdot 10^{8}$ с$^{-1}$ Тл$^{-1}$
Магнит оқими кванти	$\Phi_0=h/2e$	$2,0678346 \cdot 10^{-15}$ Вб
Массанинг атом бирлиги	м.а.б.	$1,6605402 \cdot 10^{-27}$ кг

ФИЗИК КИМЁ — кимёвий ҳодисаларни тушунтириш ва уларнинг қонунларини физиканинг умумий принциплари асосида аниқлаб бериш б-н шуғулланадиган фан соҳаси. *Кимёвий термодинамика, кимёвий кинетика, катализ*, сирт ҳодисалари, *эритмалар, квант кимёси* ҳақидаги таълимотлар, молекулалар, ионлар, радикалларнинг тузилиши ва хоссалари тўғрисидаги таълимотлар Ф.к.нинг асосий бўлимлари ҳисобланади. Ф.к. ҳозирги мустақил бўлим сифатида — *электрокимё, фотокимё, кристаллокимё, радиацион кимё, физик кимёвий анализ* каби бўлимларни ҳам ўз ичига олади.

1840 й.да Г.И.*Гесс* Ф.к.нинг асосини қонунларидан бири — кимёвий ўзгаришларда иссиқлик интилишининг доимийлигини кашф қилди. 19-а. ўрталарида П. *Бертло* ва даниялик термокимётар Х.Томсен реакция иссиқликлари ҳақидаги тасаввурлари б-н Ф.к.га катта ҳисса қўшдилар. Немис олими В. *Оствальд* 1887 й. Лейпциг ун-тида илк бор Ф.к. кафедрасини ташкил қилди.

Ф.к. 19-а. охирларида мустақил фан сифатида ажралиб чиқди. Ф.к.нинг 19-а.нинг 2-ярми ва 20-а. бошларида ривожланишининг ўзига хос томони макроскопик, яъни бевосита текширилаётган система ва жараёнларни ўрганишдан иборат бўлди. Идеал газлар ҳолат тенгламаси узил-кесил аниқлаб берилди (Б. *Клапейрон*, Д.И.*Менделеев*). Термодинамика қонунлари кимёвий ва фазалар мувозанатларига татбиқ этилди (Ж.Гиббс, Я.*Вант-Гофф*, В.*Нернст*, А.Ле Шателье, Н.С.*Курнаков*, Г.Тамман), макроскопик кинетика асослари (К.Гульдберг, П.Вааге, Н.Н.*Бекетов*, Я.Вант-Гофф) ишлаб чиқилди, реакциянинг активланиш энергияси ҳақидаги тасаввур киритилди (С. *Аррениус*). М.*Фарадей* асос солган катализ ҳақидаги тасаввур янада ривожлантирилди. Адсорбциянинг асосий қонунлари таърифлаб берилди (Ж.Гиббс). Суюлтирилган эритмаларнинг термодинамик назарияси олға сурилди (Ф.Рауль, Я.Вант-Гофф, Д.П.*Коновалов*). Электролитик диссоциация назарияси яратилди (С.Аррениус). Гальваник элементлар учун электрод потенциаллари тушунчаси киритилди (В. Нернст). Ф.к.нинг шу тараққиёт босқичида қўлга киритилган таълимот натижалари саноатга татбиқ этилди (аммиак синтези, туз қазиб олиш, баъзи металлургия жараёнлари, ҳайдаш, ректификация ва б.).

19-а. охири ва 20-а. бошларида тиббиёт фанлари соҳасидаги йирик кашфиётлар — рентген нурлари, электрон, радиоактивлик ҳодисасининг очилиши, спектроскопиянинг ривожланиши Ф.к.нинг янги босқичи учун замин бўлди. Электронларнинг атом ва молекулаларда ҳаракатланиши қонунларининг (*квант механика* қонунлари) очилиши квант кимёсининг пайдо бўлишига олиб келди, бу ўз навбатида, кимёвий боғланиш, валентлик, кимёвий бирикмаларнинг тузилишини янгича талқин қилиб беришга имконият туғдирди.

Ф.к. турли фанларнинг экспериментал таълимот усулларидан фойдаланиб, кимёвий реакцияларнинг молекулар механизмини муфассал тушунтириб берди. Ф.к. анорганик, органик ва аналитик кимё соҳаларидаги таълимотлар учун ҳам, *кимёвий технологияни* ишлаб чиқаришни учун ҳам назарий асос бўлди. 20-а.нинг 50—70-й.ларида Ф.к.нинг қуйида соҳалари тез ривожланди ва молекулалар, ионлар, радикалларнинг турли физик-кимёвий жараёнлардаги табиатини муфассал ўрганишга янги йўналишлар вужудга келди. Диссоциация, ионларни ва фотоионларни энергияси талаб қилинди. Электр разрядларидаги реакциялар, қуйи т-рали плазмадаги жараёнлар *плазмалар кимёси*, сирт ҳодисаларининг қаттиқ жисмлар хоссаларига таъсири физик-кимёвий механика) мураккаблашган ўрганилди, полимерлар Ф.к.си газлар электрокимёси ва б. ривожланди. Ўзбекистонда Ф.к.нинг ривожланишида Х.У.*Усманов*, Х.Р.*Рустамов*, Н.А.*Парпиев* ва б.нинг хизматлари катта.

Ад.: Эткинс П., Физическая химия, пер. с англ., т. 1—2, М., 1980; Ахмеров К., Ўзбекистон кимёгарларининг муваффақиятлари, Т., 1987; Рустамов Х.Р., Физик кимё, Т., 2000.

Ҳусниддин Асқаров.

ФИЗИК КИМЁВИЙ АНАЛИЗ — модда ёки системанинг физик хоссалари б-н унинг таркиби ўртасидаги боғлиқликни ўрганадиган *кимёвий термодинамика* усули. Ф.к.а.да системанинг турли физик хоссалари, кўпинча *фазовий ўтиш* т-раси ва б. иссиқлик хоссалари (иссиқлик ўтказувчанлиги, иссиқлик сиғими, иссиқликдан кенгайиши), электр (электр ўтказувчанлиги, диэлектрик сингдирувчанлиги), оптик (синдириш кўрсаткичи), зичлик, қовушқоқлик, қаттиқлик каби хоссалари ўрганилади. Текширилаётган объектнинг рентген структуравий анализи, микроскопик металлография ва б. усуллари б-н аниқланадиган тавсифларидан ҳам фойдаланилади.

Ф.к.а.нинг асосий усули — хосса (таркиб) ўзгариши б-н ҳолат ўзгариши (таркиб — т-ра, таркиб — босим ва ҳ.к.)нинг геометрик анализига асосланган. Чунки фазалар мувозанатларини аналитик аниқлаш усули қийин бўлиб, фазалар соҳасини тақрибан аниқлай олади. Диаграммаларни геометрик анализ қилиш усули фаза структураси ва таркибининг ўзгаришини тўғри аниқлашга имкон берадиган ягона усул ҳисобланади. Бу Ф.к.нинг баъзи кўп фазали, кўп компонентли системалар — қотишмалар, минераллар, эритмалар, карбидлар, оксидлар,

ярим ўтказгич ва ўта ўтказгич материаллар, органик бирикмалардан иборат системалар ва б.ни талқин қилувчи муҳим усулга айланишига кенг йўл очди.

Ф.к.а. кимё ва кимё-технологиянинг барча соҳаларида, шунингдек, металлургия, геол.-минералогия таълимотларида ва б.да қўлланади.

ФИЗИК МАЙДОНЛАР — материянинг алоҳида шакли, чексиз катта яркинлик даражасига эга бўлган физикавий тизимлар. Физик майдонларнинг фазода ўзлуксиз тақсимланиши б-н тавсифланади ва чексиз яркинлик даражалари сонига эга бўлади. Электромагнит ва гравитацион майдонлар, ядро кучлари майдони, турли заррачаларга тегишли тўлқин (квант) майдонлар Ф.м. ҳисобланади. Майдон тушунчасини биринчи марта 19-а. 30-й.ларида М.*Фарадей* электр ва магнит майдонларга нисбатан ишлатган. М.Фарадейнинг электромагнит майдон тўғрисидаги гоясини 19-а. 60-й.ларида Ж.К.*Максвелл* ривожлантирган. Ҳоз. замонавий элементар заррачалар назариясида ўзаро таъсирлашувчи квант Ф.м. (электрон-позитрон, фотон, мезон) ва б. майдонлар ўрганилади.

ФИЗИК МАЯТНИК — қ. *Маятник.*

ФИЗИКА (юн. physis — табиат) — табиат ҳақидаги умумий фан; материянинг тузилиши, шакли, хоссалари ва уларнинг ҳаракатлари ҳамда ўзаро таъсирларининг ўзгармас умумий хусусиятларини ўрганади. Бу хусусиятлар барча моддий тизимларга хос. Турли ва аниқ моддий тизимларда материя шаклларининг мураккаблашган ўзаро таъсирига тегишли махсус қонуниятларни *кимё, геология, биология* сингари айрим табиий фанлар ўрганади. Бинобарин, Ф. фани б-н бошқа табиий фанлар орасида боғланиш бор. Ўзар орасидаги чегаралар нисбий бўлиб, вақт ўтиши б-н турлича ўзгариб бораверади. Ф. фани техниканинг назарий пойдеворини ташкил қилади. Ф.нинг ривожланишида кишилик жамиятининг ривожланиши, тарихий даврларнинг ижтимоий-иқтисодий ва б. шарт-шароитлари маълум аҳамиятга эгадир.

Ф. фани экспериментал ва назарий Ф.га бўлинади. Экспериментал Ф. тажрибалар асосида янги маълумотлар олади ва қабул қилинган қонунларни текширади. Назарий Ф. табиат қонунларини таърифлайди, ўрганилаётган ҳодисаларни тушунтиради ва юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларни олдиндан айтиб беради. Амалий Ф. ҳам мавжуд (мас., амалий оптика ёки амалий акустика).

Ўрганилаётган объектлар ва материалларнинг ҳаракат шаклларига қараб, Ф. фани бир-бири б-н ўзаро чамбарчас боғланган элементар заррачалар Ф.си, ядро Ф.си, атом ва молекулалар Ф.си, газ ва суюқликлар Ф.си, қаттиқ жисмлар Ф.си, плазма Ф.си бўлимларидан ташкил топган. Ўрганилаётган заррачаларга ва материянинг ҳаракат шаклларига қараб, Ф. моддий нуқта ва қаттиқ жисм механикаси, *термодинамика* ва *статистик физика, электродинамика, квант механика, майдон квант назарияси* ўз ичига олади.

Ф.нинг тарихий ривожланиши. Ф. тарихини 3 даврга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) қад. замондан 17-а.гача бўлган давр; 2) 17-а.дан 19-а. охиригача бўлган давр. Бу даврдаги Ф. фани, одатда, классик Ф. номи б-н юритилади; 3) 19-а. охиридан ҳоз. пайтгача бўлган давр. Ҳоз. замон Ф.си (ёки энг янги Ф.) шу даврга мансуб.

Турли ҳодисаларни ва уларнинг сабабини ўрганиш қад. замон олимларининг бизгача етиб келган асарларида акс этган. Мил. ав. 6-а.дан то мил. 2-а.гача бўлган даврда моддаларнинг атомлардан ташкил топганлиги ҳақидаги тушунчалар ва гоялар яратилди (*Демокрит, Эпикур, Лукреций*), дунёнинг геоцентрик тизими ишлаб чиқилди (*Птолемей*), электр ва магнит ҳодисалари кузатилди (*Фалес*), *гидростатика* (Пифагор) ва *гидростатиканинг* ривожланишига асос солинди (*Архимед*), ёруғлик нурининг тўғри чизиқли тарқалиши ва қайтиш қонунлари очилди, мил. ав. 4-а.да *Аристотель* ўтмиш авлодлар ва замондошларининг ишларига якун ясади. Аристотелнинг ижоди ютуқлар б-н бирга камчиликлардан ҳам холи эмас. У тажрибаларнинг моҳиятини тан олди, аммо уни билимларнинг ишончли белгиси эканини инкор этиб, асосий эътиборни фаросат б-н англашга, деб билди. Аристотель ижодининг бу томонлари черков намояндаларига қўл келиб, узоқ даврлар фан тараққиётига тўсқинлик кўрсатганлар. 9—16-а.ларда илмий изланишлар маркази Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига силжиди. Бу даврга келиб, фан ривожига Ўрта Осиё халқлари олимлари улкан ҳисса қўшдилар. Ф., *математика, астрономия* ва табиатшуносликка оид масалалар *Хоразмий, Ахмад* ал-*Фарғоний, Форобий, Беруний, Термизий, Ибн Сино, Улуғбек, Али Қушчи* ва б. ўрта осиёлик олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Бу олимларнинг Ф.га оид илмий ишлари, *механика, геометрия, осмон механикаси, оптика* ва турли табиат ҳодисаларини ўрганиш б-н боғлиқдир. Хоразмий ўрта асрларда, назарий ва амалий табиатшунослик ҳали бўлмаган даврда, дунёвий фанлар, илғор ижтимоий-фалсафий фикрлар ижодкори бўлиб чиқди. У Шарқнинг дастлабки академияси «Байт ул-Ҳикма» («Донолар уйи»)нинг шаклланишида фаол иштирок этган. Бу ерда унинг раҳбарлигида араблар ва б. халқлар вакиллари б-н бир қаторда Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Абдуллоҳ Марвазий каби ўрта осиёлик олимлар талқиқотлар олиб боргандар. «Алгоритм» сўзи «Хоразмий» сўзининг лотинча транскрипция-си бўлиб, бу сўзни алгебра масалаларини ечишда биринчи марта қўллаган эди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Осмон жисмлари ҳаракати» китоби 9-а.да битилган бўлиб, 12-а.да лотин тилига, 13-а.да Европанинг бошқа тилларига таржима қилиниб кенг тарқалган эди. Аҳмад ал-Фарғоний асарлари Европада Уйғониш даври илмий талқиқотчиларининг асосини ташкил этган асарлардан бўлди. У ёруғликнинг синиши ва қайтишини аниқлаган. Фарғоний стереографик проекция назария-сининг асосчиси сифатида фазо жисм-лари ҳаракатининг текисликлардаги проекцияларини нисбатлари асосида баъзи бир катталикларни ўлчаш мумкинлигини исботлади. Бу фикр бутун ҳам *астрофизика* фанида ўз қийматини йўқотмаган.

Беруний Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини ўзи ясаган асбоблар ёрдамида исботлади ва Ер радиуси 6490 км га яқин эканлигини аниқлади. У дунёнинг моддийлиги, ҳаракатнинг турлари, атомнинг бўлиниши, атомдан кейинги зарраларнинг ўзаро таъсир кучлари, солиштирма оғирликни аниқлаш усуллари, жисм инерцияси, бўшлиқ, атмосфера босими, суюқликлар гидростатикаси, қор, ёмғир ва дўлнинг пайдо бўлиш сабаблари, энергия айланиши, жисмларнинг электрланиши, денгиз ҳамда уммон сувларининг кўтарилиши ва пасайиш сабаблари, ёруғликнинг корпускуляр ҳамда тўлқин хоссаси, товуш ва ёруғлик тезлиги, ёруғликнинг қайтиши ҳамда синишининг сабаблари, дисперсия ҳодисаси, Ер ва б. сайёраларнинг Қуёш атрофидаги ҳаракатлари эллипс шаклига яқинлиги, фазовий жисмларнинг вазнсизлиги тўғрисида фикрлар юритди. Абу Наср ал-Форобийнинг *товуш тезлиги*, товушнинг тўлқин табиати, товуш частотаси, товуш тўлқинининг узунлиги ҳақидаги фикрлари ва уларга асосланиб яратилган мусиқа нотаси ҳамда оптикага оид кўпгина ишлари Ф. фа-

нинниг ривожланишига қўшилган катта ҳисса бўлди. Ибн Сино ҳаракатнинг нисбийлиги, инерция, куч, масса ва тезланиш орасидаги боғланиш, айланма ҳаракат, марказга интилма куч, чизиқли тезлик, бўшлиқ ва атмосфера босими, *конвекция*, иссиқликнинг табиати, иссиқлик узатилишининг турлари, ишин ва ишиннинг турлари, момақалдироқ ҳодисаси, товуш ва ёруғлик тезлиги, *ёруғлик дисперсияси*, линза, атом тузилиши ва б. мавзуларга тегишли мулоҳазаларининг аксарияти ҳоз. замон тушунчаларига жуда мос келади.

Ҳаким Термизий дунёвий фанларнинг унгача бўлган ютуқларини қомусий олим сифатида ўрганди, жумладан, табиат ҳодисалари ва жараёнларини таҳлил этувчи «Солнома», «Ҳафтанома» каби асарлари маълум. Мирзо Улуғбек 15-а.да жаҳонда ягона расадхона қурди. Унинг «*Зижи Кўрагоний*» асарида астрономиянинг назарий асослари ёритилди ва 1018 та юлдузнинг жойлашиш координаталарини жуда катта аниқликда берилди. Унинг қийматлари ҳозирги қийматларга жуда яқин.

Физик ҳодисаларни тушунтиришда ўрта осиёлик олимларнинг мулоҳазалари қад. анъаналар таъсирида ривожланган бўлса-да, улар математик усулларни кенг жорий этиб, тажрибалардан фойдаланиб, фанга катта ҳисса қўшдилар.

Классик физиканинг ривожланиши. 17-а.га келиб Г.*Галилей* механик ҳаракатни тажриба йўли б-н ўрганиб, ҳаракатни математик формулалар асосида ифодалаш зарурлигини аниқлади ва бу Ф. фанининг кескин ривожига туртки бўлди. У жисмларнинг ўзаро таъсири натижасида тезлик ўзгариб, тезланиш ҳосил бўлишини, таъсир бўлмаганда ҳаракат ҳолатининг ўзгармаслиги, яъни тезланишнинг нолга тенглигини ёки тезликнинг ўзгармасдан сақланишини қайд этиб, Аристотелнинг шу масалага қарашли фикрини, яъни таъсир натижасида тезлик ҳосил бўлишини инкор этади. Кейинчалик Галилей аниқлаган қонун *инерция қонуни* ёки Ньютоннинг механикага оид биринчи қонуни деган ном олди. 1600 й.да У. *Гильберт* электр ва магнит ҳодисаларни ўрганиш б-н шуҳрат қозонди ҳамда Ер тирик магнит эканлигини исботлади. У компас магнит милининг бурилишини Ернинг катта магнитга ўхшаши орқали тушунтирди, магнетизм ва электрнинг ўзаро боғланишини текширди. Галилей механикадаги нисбийлик принципини очди ва эркин тушаётган жисм тезланиши унинг тезлиги ва массасига боғлиқ эмаслигини исботлади. Э.*Торричелли* юқоридаги принциплардан фойдаланиб, атмосфера босимининг мавжудлигини аниқлади ва биринчи *барометрни* ярати. Р. *Бойль* ва Э. *Мариотт* газларнинг эластиклигини аниқладилар ҳамда газлар учун биринчи қонун — *Бойль—Мариотт қонуни*ни ярадилар. Голландиялик астроном ва математик В.Снеллиус (Снелль) б-н Р.*Декарт* ёруғлик нурининг синиш қонунини очдилар.

17-а.Ф.сининг энг катта ютуқларидан бири классик механиканинг яратилиши бўлди. И.*Ньютон* 1687 й.да Галилей ва ўз замондошларининг ғояларини умумлаштириб, классик механиканинг асосий қонунларини таърифлаб берди. Ньютон томонидан жисмлар ҳолати тушунчасининг киритилиши барча физик тизимлар учун муҳим бўлди, жисмлар тизимининг ҳолатини механикада уларнинг координаталари ва импульслари орқали тўла аниқлаш имконияти яратилди. Агар жисмнинг бошланғич вақтдаги ҳолати ҳамда ҳаракат давомида унга таъсир этувчи кучларнинг табиати маълум бўлса, Ньютон қонунларига асосланган ҳолда шу жисмнинг ҳаракат тенгламасини тузиш мумкин. Бу ҳаракат тенгламасидан фойдаланиб, ушбу жисмнинг исталган вақтда фазодаги ўрнини, тезлик, тезланиш ва физик катталикларни аниқлаш мумкин бўлди. Ньютон сайёралар ҳаракатларини тушунтирувчи *Кеплер* қонунлари асосида *бутун олам тортишиш қонуни*ни очди ва бу қонун орқали Ой, сайёралар ва кометалар ҳаракатини исботлаб берди. Х. *Гюйгенс* ва Г. *Лейбниц* ҳаракат миқдорининг сақланиш қонунини таърифладилар.

17-а.нинг 2-ярмида физик оптика асослари яратила бошланди, телескоп ва б. оптик қурилмалар яратилди. Ф. *Гримальди* ёруғлик дифракциясини, И. Ньютон эса *ёруғлик дисперсияси*ни тадқиқ қилди. 1676 й.да даниялик астроном О.Рёмер ёруғлик тезлигини ўлчади. Шу даврдан ёруғликнинг корпускуляр ва тўлқин назариялари юзага келди ҳамда ривож топа бошлади. И.Ньютон ёруғликни корпускула (заррача)лар ҳаракати орқали тушунтирса, Х.Гюйгенс уни фараз қилинувчи муҳит — эфирда тарқаладиган тўлқинлар ёрдамида тушунтирди.

Шундай қилиб, 17-а.да классик механика мустаҳкам ўрин эгаллади, *акустика*, *оптика*, электр ва магнетизм, иссиқлик ҳодисаларини ўрганиш соҳаларида катта изланишлар бошланди. 18-а.да келиб тажриба ва математик кенг фойдаланган классик механика ва осмон механикаси янада тез суръатлар б-н ривожланди. Ер ва Осмон ҳодисаларини механика қонунлари орқали тушунтириш асосий мақсад ҳамда бош таълимот ҳисобланар эди. Ҳатто, ўрганилаётган физик ҳодисани механика қонунлари орқали тушунтириш мумкин бўлмаса, танланган тушунтириш йўли тўлиқ эмас ёки нотўғри деб юритилар эди.

18-а.да заррачалар ва қаттиқ жисмлар механикаси б-н бирга газ ҳамда суюқликлар механикаси ривожланди. Д.*Бернулли*, Л. *Эйлер*, Ж.*Лагранж* ва б. идеал суюқлик гидродинамикасига асос солдилар. Француз олими Ш. Дюфе электрнинг икки тури мавжудлигини аниқлади ҳамда уларнинг ўзаро тортилиш ва итарилишини кўрсатди. Америкалик олим Б. Франклин электр зарядининг сақланиш қонунини аниқлади. Г.*Кавендиш* ва ундан мустақил Ш. *Кулон* қўзғалмас электр зарядининг ўзаро таъсир кучини тажрибада аниқладилар ҳамда математик ифодасини топиб, асосий қонун — *Кулон қонуни*ни очдилар.

Рус физиклари Г.Рихман, М.В.*Ломоносов* ва америкалик олим Б. Франклин атмосферада ҳосил бўладиган электр, яшиннинг табиатини тушунтириб бердилар. А.*Гальвани*, А.*Вольта* ва кейинчалик рус физиги ҳамда электротехниги В. Петровнинг кузатишлари ва тадқиқотлари *электродинамика*нинг вужудга келиши ҳамда тез суръатлар б-н ривожланишига сабаб бўлди. Оптика соҳасида П. *Бугер* ва И. *Ламберт* ишлари туфайли фотометрияга асос солинди. Инфрақизил (инглиз олими В. Гершель ва инглиз кимёгари У. Волластон) ва ультрабинафша (инглиз кимёгари И. Риттер) нурлар мавжудлиги аниқланди. Иссиқлик ҳодисалари, иссиқлик миқдори, т-ра, *иссиқлик сиғими*, *иссиқлик ўтказувчанлик* ва ҳ.к.ни ўрганишда ҳам қатор изланишлар олиб борилди. М. Ломоносов, Р.Бойль, Р.*Гук*, *Бернуллилар* иссиқликнинг молекуляр — кинетик назариясига асос солдилар.

19-а. бошида Т.*Юнг* ва О. *Френель*ларнинг тўлқин назарияси асосида *ёруғлик дифракцияси* ва *ёруғлик интерференцияси* яратилди. Ёруғликни кўндаланг тўлқин сифатида эластик муҳитда тарқалади деб, Френель синган ва қайтган ёруғлик тўлқинларининг интенсивлигини белгиловчи миқдорий қонунни аниқлади. Француз физиги Э.Малюс *ёруғликнинг қутбланиши* ҳодисасини кашф этди, ёруғлик спектрига ва дифракциясига тегишли изланишлар олиб борди. Ёруғликнинг табиати ҳақидаги корпускуляр ва тўлқин назариялари орасидаги деярли икки аср давом этган кураш тўлқин назарияси фойдасига ҳал бўлди.

Италиялик олимлар А.Гальвани ва А.Вольталарнинг электр токини кашф этишлари ҳамда дунёда биринчи марта 1800 й.да гальваник элементнинг яратилиши Ф. фанининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. 1820 й.да даниялик физик Х. Эрстед токли ўтказгичнинг компас мили б-н ўзаро таъсирда бўлишини электр ва магнит ҳодисалар орасида боғланиш борлиги б-н тушунтирди. Шу йилларда А. *Ампер* зарядланган заррачаларнинг тартибли ҳаракати туфайли пайдо бўлувчи электр токи б-н барча магнит ҳодисалари боғлиқ эканлиги тўғрисида хулосага келди ва тажриба асосида токли ўтказгичлар орасидаги вужудга келувчи ўзаро таъсир кучини ифодаловчи қонунни ихтиро қилди (*Ампер қонуни*). 1831 й.да М. *Фарадей электромагнит индукция* ҳодисасини очди ва *электромагнит майдон* тушунчаси ҳақидаги таълимотни ярати. Металларнинг электр ўтказувчанлигини ўрганиш Ом қонунининг (1826), моддаларнинг иссиқлик хусусиятларини ўрганиш — *иссиқлик сиғими* қонунининг яратилишига олиб келди.

Табиатнинг барча ҳодисаларини бир бутун қилиб боғловчи *энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни*нинг очилиши табиатшуносликда, жумладан, Ф.нинг ривожланишида катта аҳамиятга эга. 19-а. ўрталарига келиб тажриба орқали иссиқлик миқдори б-н бажарилган иш миқдорининг ўзаро қиёсий тенглиги исботланди ва шу асосда иссиқлик энергиянинг махсус тури эканлиги аниқланди. Энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни иссиқлик ҳодисалари назариясининг асосий қонуни бўлиб, у *термодинамика*нинг биринчи бош қонуни деб аталади. Бу қонунни Ю.Р.*Майер* таърифлаган, немис физиги Г.Гельмгольц аниқроқ шаклга келтирган (1874). *Термодинамика*нинг ривожланишида С. *Карно*, Р. *Клаузиус*, У.*Томсон*, Э.*Клапейрон* ва Д.И.*Менделеев*ларнинг хизматлари катта бўлди. С. Карно иссиқликнинг механик ҳаракатга айланишини аниқлади. Р.Клаузиус, У. Томсон иссиқлик назариясининг асосий қонуни — термодинамиканинг иккинчи бош қонунини таърифладилар. Р. Бойль, Э. Мариотт, Ж.*Гей-Люссак*, Б. Клапейрон идеал газнинг ҳолат тенгламасини аниқладилар. Д.И.Менделеев уни барча газлар учун умумлаштирди ва ҳ.к. Термодинамика б-н бирга иссиқликнинг молекуляр-кинетик назарияси ривожланиб борди. А. *Эйнштейн*, поляк физиги М. Смолуховский ва француз физиги Ж. Перренлар *броун ҳаракати* атом ҳамда молекулаларнинг иссиқлик ҳаракати эканлигини исботлаб, молекуляр-кинетик назария асослари бўлган броун ҳаракатининг миқдорий назариясини яратдилар. Бу эса, ўз навбатида, статистик механиканинг тўла тан олинишига олиб келди. Ж.К.*Максвелл* киритган эҳтимоллик характерига эга бўлган статистик тушунчалар асосида газлардаги молекулалар тезлиги, эркин югуриш узунлиги, вақт бирлиги ичидаги тўқнашувлар сони ва б. катталикларнинг ўртача қийматларини топишга йўл очилди, т-ранинг молекулаларнинг ўртача кинетик энергиясига боғлиқлиги кўрсатилди. Материянинг кинетик назарияси тараққий этиши Л. *Больцман* томонидан статистик механика — *Больцман статистикаси*нинг яратилишига олиб келди. 19-а.нинг 2-ярмида Ж.К.Максвелл электромагнит ҳодисаларнинг электромагнит майдон тушунчасига асосланган янги назариясини ва уни ифодаловчи тегишли тенгламалар тизимини яратди. У табиатда электромагнит тўлқинларнинг мавжудлигини, уларнинг аниқ хусусиятлари — босими, дифракцияси, интерференцияси, тарқалиш тезлиги, қутбланиши ва ҳ.к. борлигини аниқлади. Максвелл назариясининг энг муҳим натижаси электромагнит тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги ёруғлик тезлигига тенг бўлган қийматга эга эканлиги тўғрисидаги хулоса ҳисобланади. Максвелл назариясидан ёруғликнинг электромагнит хусусиятига эга эканлиги келиб чиқди. Г.*Герц*нинг электромагнит тўлқинларни аниқлаш бўйича олиб борган тажрибалари буни тасдиқлади. 1899 й. П.Лебедев ёруғликнинг босимини тажриба орқали аниқлади. 1895 й.да А.С.*Попов* Максвелл назариясидан фойдаланиб симсиз алоқани ярати. Юқоридаги ва б. тажрибалар Максвеллнинг электромагнит назарияси тўғрилигига якун ясади.

Шундай қилиб, 19-а. Ф.си 2 бўлимдан — жисмлар Ф.си ва майдон Ф.сидан иборат бўлди. Жисмлар Ф.си асосида молекуляр-кинетик назария қабул қилинган бўлса, майдон Ф.сида электромагнит майдон назарияси асосий роль ўйнади.

Классик Ф. модда, вақт, фазо, масса, энергия ва ҳ.к. ҳақидаги махсус тасаввурлар, тушунчалар, қонунлар, принциплардан ташкил топган. У классик механика, классик статистика, классик термодинамика, классик электродинамика ва б. бўлимларга бўлинади. Классик механикада ҳаракат қонунлари — Ньютон қонунларидан иборат. Моддий нуқта, мутлақ қаттиқ жисм, туташ муҳитлар тушунчалари муҳим роль ўйнайди. Буларга мос тарзда моддий нуқта механикаси, мутлақ қаттиқ жисм механикаси, туташ муҳит механикаси мавжуд.

Кўп амалий ҳолларда қониқарли натижалар берадиган классик Ф. катта тезликлар ва микрообъектлар б-н боғлиқ ҳодисаларни тўғри тушунтиришга ожизлик қилди. Шундай ҳодисалар қаторига қаттиқ жисмларнинг иссиқлик сиғими, атом тизимларининг тузилиши ва улардаги ўзгаришлар характери, элементар зарраларнинг ўзаро таъсири ҳамда бир-бирига айланиши, микротизимлардаги энергетик ҳолатларнинг узлукли ўзгариши, массанинг тезликка боғлиқлиги ва б. масалалар киради. Ф.нинг янги тараққиёти юқоридагига ўхшаш ҳодисаларни ҳам тўғри тушунтириб бера оладиган янги, ноклассик тасаввурларга олиб келди. Бундай тасаввурларга асосланган янги Ф. *майдон квант назарияси* ва *нисбийлик назарияси*дан иборат.

Ф.нинг классик ва ноклассик Ф.га ажратилиши шартлидир. Галилей — Ньютон механикаси, Фарадей — Максвелл электродинамикаси, Больцман — Гиббс статистикасини, одатда, классик Ф.га, майдон квант назарияси ва нисбийлик назариясини ҳозирги замон Ф.сига киритишади. Тарихий жиҳатдан бу ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо классик Ф. б-н ҳозирги замон Ф.сини бир-бирига қарши қўйиш асоссиздир. Янги техника, космосни эгаллаш каби соҳаларда классик Ф.дан кенг фойдаланиб муҳим ютуқларга эришилмоқда. Максвелл томонидан электромагнит ҳодисаларни ўрганиш жараёнлари унинг *классик электродинамика*ни яратиши б-н якунланди. 1897 й.да Ж.*Томсон*нинг электрон заррасининг очиши б-н Ф. ривожида янги давр бошланди.

Ҳозирги замон физикаси. 19-а. охирида аниқланган қатор янгиликлар (электроннинг очилиши, электрон массасининг тезлик ўзгариши б-н ўзгариши, ҳаракатланувчи тизимларда электромагнит ҳодисаларининг рўй беришидаги қонуниятлар ва б.) Ньютоннинг фазо ва вақт мутлақлиги тўғрисидаги тасаввурларини танқидий текшириб чиқиш кераклигини кўрсатди. Ж.*Пуанкаре*, Х.А.*Лоренц* каби олимлар бу соҳада тадқиқотлар олиб

боришди. 1900 й.да М. *Планк* нур чиқараётган тизим — *осцилляторнинг* нурланиш энергияси узлуксиз қийматларга эга деган классик фикрни рад этиб, бу энергия фақат узлукли қийматлар (квантлар)дангина иборат деган бутунлай янги фаразни илгари сурди. Шунга асосланиб назария б-н тажриба натижаларини таққослаганда уларнинг мос келишини аниқлади. Планк гипотезасини А. Эйнштейн ривожлантириб, ёруғлик нурланганда ҳам, тарқалганда ҳам квантлар — махсус зарралардан ташкил топади деган фикрга келди. Бу зарралар *фотонлар* деб аталди. Фотон иборасини 1905 й.да А.Эйнштейн фотоэффект назариясини талқин этишда қўллаган, бу ибора Ф. фанида 1929 й.дагина пайдо бўлди. Шундай қилиб, фотонлар назариясига мувофиқ ёруғлик тўлқин (интерференция, дифракция) ва зарра (корпускуляр) хусусиятга эга.

1905 й.да А. Эйнштейн Планк гипотезасини ривожлантириб, махсус нисбийлик назариясини яратди. 1911 й.да Э. *Резерфорд*нинг α-зарраларнинг жисмларда сочилишини текшириш тажрибаси атомлар ядросининг мавжудлигини исботлади ва у атомларнинг планетар моделини яратди. 1913 й.да Н. *Бор* нурланишнинг квант характери асосида атомлардаги электронлар маълум барқарор ҳолатлардагина эга бўлиб, бу ҳолатларда энергия нурланиши содир бўлмайди, деган постулатни яратди. Нурланиш электронларнинг бир барқарор ҳолатдан иккинчи барқарор ҳолатга «сакраб ўтиши»да, яъни дискрет равишда рўй беради. Бу постулат ўша йили Ж. *Франк* ва Г. *Герц* ўтказган тажрибаларда тасдиқланди. Бор постулати атомнинг планетар модели квант характерга эга эканлигини кўрсатади.

А. Эйнштейн бутун олам тортишиши (гравитация) масаласи б-н шуғулланиб, 1916 й.да фазо, вақт ва тортишишнинг янги назарияси — умумий нисбийлик назариясини яратди. Илгаридан маълум ва кузатилган, аммо тўғри ҳамда мукаммал илмий тушунтирилмасдан келаётган қатор ҳодиса ва фактлар нисбийлик назарияси туфайли ҳар томонлама ойдинлашди. Бу назария ўзига қадар фанга маълум бўлмаган кўплаб янги ҳодисалар қонунларнинг борлигини олдиндан айтиб берди, энг янги фан учун ғоят зарур бўлган натижа ва хулосаларга эришилди (массанинг тезлик ўзгариши б-н ўзгариши, масса б-н энергиянинг ўзаро боғланиши, ёруғлик нурларининг космосдаги жисмларнинг яқин атрофидан четланиб оғиши ва б.). М. *Лауэ* кристалларда атомларнинг тартибли жойлашишини рентген нурлари дифракцияси ёрдамида биринчи бўлиб тушунтириб берди. Рус физиги Г.В. Вульф ва инглиз физиги У.Л.Брэгг кристалларда атомларнинг жойлашишини, улар оралиғидаги масофаларни аниқлаб, рентген структуралари таҳлилига асос солдилар. П. *Дебай*, М. *Борн*лар кристалл панжаралари гармоник тебраниб турадиган осцилляторлар йиғиндисидан иборат, деб тушунтирдилар.

20-а.нинг 20-й.ларига келиб, квант механикаға тўла асос солинди, микрозарралар ҳаракатининг норелятивистик назарияси тўла исботланди. Бунинг асосини Планк — Эйнштейн — Борларнинг квантлашув ва Л. *Бройль*нинг материянинг корпускуляр-тўлқин хусусияти тўғрисидаги (1924) ғоялари ташкил этди. 1927 й.да тажрибаларда кузатилган электрон дифракцияси бу фикрни тасдиқлади. 1926 й.да австриялик физик Э. Шрёдингер атомларнинг узлукли энергияга эга эканлигини ифодаловчи квант механиканинг асосий тенгламасини яратди.

Квант механика б-н бир қаторда квант статистика ҳам ривожланиб борди. У кўп микрозарралардан ташкил топган тизимларнинг хоссаларини квант механика қонунлари ёрдамида ўрганади. 1924 й.да ҳиндистонлик физик Ш. *Бозе* квант статистикаси қонуниятларини фотонларга (спинлари 1 га тенг) татбиқ этиб, мувозанатли нурланиш спекторида энергиянинг тақсимланиши учун Планк формуласини, Эйнштейн эса идеал газ учун энергиянинг тақсимланиш формуласини келтириб чиқарди. 1925 й.да америкалик физиклар Ж.Уленбек ва С.Гаусмит электроннинг хусусий ҳаракат миқдори моментини аниқладилар. Шу йили В. *Паули* бир хил квант ҳолатда фақат биттагина электрон бўла олишини кўрсатди (*Паули принципи*), шу асосда Менделеев даврий системасига назарий тус берилди.

1926 й.да Э.*Ферми* ва П.Дирак Паули принципига бўйсунадиган, спинлари 1/2 га тенг бўлган, бир хилдаги зарралар тизими учун *Ферми-Дирак статистикасини* кашф қилдилар.

1928 й.да Я. *Френкель* ва В. *Гейзенберг ферромагнетизм* асосида квантли алмашинишдаги ўзаро таъсирлар ҳал қилувчи эканлигини кўрсатдилар. 1932—33 й.ларда француз физиги Л.Неель ва Л.*Ландау*лар *антиферромагнитизм* мавжуд эканлигини олдиндан башорат қилдилар. Х. *Камерлинг-Оннес* томонидан симоб, қалай ва бაъзи элементларнинг ўта ўтказувчанлигининг ҳамда *Капица* томонидан гелий-II нинг *ўта оқувчанлигининг* очилиши квант статистикасида янги йўналишларнинг вужудга келишига олиб келди. 1950 й.да келиб Л. Ландау ва В.Гинзбург *ўта ўтказувчанликнинг* батафсил назариясини ишлаб чиқдилар.

1916 й.да А. Эйнштейн яратган мажбурий нурланишнинг квант назарияси асосида 50-й.ларга келиб янги квант электроникаси ривож топди. Н. *Басов* ва А. *Прохоров* (улардан мустақил тарзда америкалик олим У. *Таунс*) яратган мазерда электромагнит тўлқинларни ҳосил қилиш ва кучайтиришни амалга оширдилар. Бу 60-й.ларда ёруғликнинг квант генератори — *лазер*нинг яратилишига олиб келди.

20-а.нинг 2-чорагида атом ядролари тизими сирларини ва мавжуд бўлаётган жараёнларни ўрганиш б-н *элементар зарралар* физикасининг яратилиши Ф.да инқилобий ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

А.Э.*Беккерель* П. *Кюри* ва М.*Склодовская-Кюри* б-н ҳамкорликда радиоактив нурланишни, кейинчалик Э. *Резерфорд* бу нурланишнинг ўз-ўзидан парчаланиши нурланиш б-н биргаликда ҳосил бўлишини очдилар. 1932 й.да Ж.*Чедвик* нейтрон заррани очди. Рус олими Д.Д.Иваненко ва В.*Гейзенберглар* атом ядросининг протон-нейтрондан иборат эканлигини аниқладилар. 1934 й.да И.*Жолио-Кюри* ва *Ф.Жолио-Кюри*лар сунъий радиоактивлик ҳодисасини очдилар.

Тезлаткичларнинг яратилиши зарядланган зарралар таъсирида ядро реакциялари ҳосил қилиш имконини яратди. Ядро бўлинишлари ҳодисасининг очилиши муҳим натижа бўлди. 1939—45 й.ларда биринчи марта уран-235 занжир реакцияси ёрдамида ядро энергияси ажралиб чиқишига эришилди. Бу энергиядан тинч мақсадда фойдаланиш 1954 й.дан амалга ошди. 1952 й.да термоядро синтези (термоядро портлаши) амалга оширилди.

Атом ядроси физикаси ривожи б-н бир вақтда элементар зарралар физикаси ҳам ривожланди. Биринчи муҳим ютуқлар космик нурларни тадқиқ қилиш б-н боғлиқдир. Мюонлар, π-мезонлар, К-мезонлар, гиперонлар каби зарралар топилди. Юқори энергияли зарядли зарралар тезлаткичлари яратилиши б-н элементар зарралар, уларнинг хусусиятлари ва ўзаро таъсирлари режали тадқиқ қилина бошланди. Тажрибаларда икки хил нейтринолар ва б. кўплаб элементар зарралар очилди.

Ф.нинг бошқа фанлар б-н алоқаси. Ф. текширадиган ҳодисаларни миқдорий таҳлил қилишда математикадан кенг фойдаланилади. Ҳодисаларнинг узлуксиз ва уларнинг табиатидаги мураккабликка қараб қўлланиладиган мат. усуллари ҳам мураккаблашади. Ҳоз. даврда *элементар математика, дифференциал, интеграл ҳисоблар, аналитик геометрия*, оддий дифференциал тенгламалар б-нгина чекланиб қолиш мумкин эмас. Мас., майдон назариясида *тензорлар*, операторлар каби тушунчалардан кенг фойдаланилади. Ф.нинг ривожланиши ҳамма вақт бошқа табиий фанлар б-н чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Ф.нинг ривожланиши бошқа табиий фанларнинг ривожланишига ва қўшима ҳолларда янги фанларнинг вужудга келишига олиб келган. Мас., физиклар томонидан микроскопнинг ихтиро этилиши *кимё, биология, зоология* фанларининг кенг кўламда ривожланишига сабаб бўлди. *Телескопнинг* яратилиши, спектрал анализ қонунларининг кашф этилиши *астрономия* фанининг ривожланишини жадаллаштирди. Электромагнит индукция ҳодисасининг кашф этилиши ва радионинг ихтиро этилиши электроника ва *радиотехника* фанларининг вужудга келишига олиб келди. Жуда кўп соҳалар борки, уларни Ф. бошқа фанлар б-н биргаликда ўрганади. Шу тариқа кимёвий физика, *биофизика, астрофизика, геофизика* ва б. фанлар вужудга келган. Ф.да яратилган кашфиётлар *техниканинг* турли соҳалари ривожланишига, пировардида саноат ва халқ хўжалигининг жадал ривожланишига олиб келган. Кундалик ҳаётда ишлатилаётган электр ёритгич асбоблари, *радиоприёмниклар, телевизорлар*, з-д ва ф-калардаги турли хил станоклар, замонавий электрон ҳисоблаш машиналари, самолётлар ва бошқалар Ф.даги яратилган кашфиётларнинг натижасидир. Ўз навбатида, техника фанларининг эришган ютуқлари Ф.нинг янада ривожланишига сабабчи бўлган. Техниканинг, умуман халқ хўжалигининг ривожланиб боришида узлуксиз равишда вужудга келувчи физик муаммоларни ҳал этиб боришга тўғри келди. Бу эса техника фанларининг ҳамма вақт Ф. б-н ҳамкорликда иш олиб боришини тақозо этади.

Ўзбекистонда ядро физикаси, физик электроника, қаттиқ жисмлар физикаси, юқори энергияли ва космик нурлар физикаси, яримўтказгичлар физикаси, *акустооптика, акустоэлектроника*, лазерлар физикаси, *гелиофизика, гелиотехника* ва бошқа Ф. соҳаларида муҳим ютуқларга эришилди.

Ҳозир Ўзбекистон ФА *Ядро физикаси институти, Физика-техника институти*, С.А.*Азимов* номидаги «Физика—Қуёш» ИИЧБ, У. О. *Орифов* номидаги Электроника ин-ти каби ўнлаб илмий муассасалар, *Тошкент миллий университети, Самарқанд университети, Тошкент техника университети* ва республикадаги қарийб барча олий ўқув юртларида ҳам Ф. фанининг турли муаммоларига оид ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатда Ф. фанини ривожлантиришда У.О.Орифов, С.А.Азимов, С.В.*Стародубцев*, С.У.*Умаров*, Ғ.Ё.*Умаров*, Р.Б.*Бекжонов*, М.С.*Саидов*, У.Ғ.*Ғуломов*, П.Қ.*Ҳабибуллаев*, Қ. Ғ.*Ғуломов*, Ў.Х.*Расулов*, Н.Й.*Тўраев*, М.М.*Мусахонов*, Б.С. *Йўлдошев*, А.К. *Отахўжаев*, Р.А. *Мўминов*, А.Т. *Маматқулов*, Т.М. *Мўминов*, М.С. *Юнусов* ва б.нинг хизматлари катта.

Ад.: Кудрявцев П.С., Краткий курс истории физики, М., 1974; М.Н.Раҳматов, Ватанимиз физиклари, Т., 1983; М.Аҳадова, Ўрта Осиёлик машҳур олимлар ва уларнинг математикага доир ишлари, Т., 1983; Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация, Т., 2000.

Назар Тўраев, Аброр Йўлмуҳўжаев, Муҳаббат Расулова.

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Стародубцев номидаги Физика-техника институти — физика ва техниканинг айрим соҳалари бўйича и.т. ишларини олиб борадиган илмий муассаса. Дастлаб СССР ФА Ўзбекистон филиалининг Физика-техника лаб. асосида 1943 й. ташкил этилган. 1967 й.дан унинг асосчиларидан бири С.В. *Стародубцев* номи б-н аталган. Ин-тдаги йўналишлар ва лаблар асосида 1956 й.да *Ядро физикаси институти*, 1967 й.да *Электроника институти* ва 1993 й.да Материалшунослик ин-ти ташкил қилиниб, ундан ажралиб чиққан. Ин-тдаги 10 илмий лаб.да 4 йўналиш — юқори энергиялар ва космик нурлар физикаси, яримўтказгичлар физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси ва қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммолари бўйича и.т. ишлари олиб борилади.

Ин-тда юқори энергиялар физикаси соҳасида — атмосферадаги электрон-ядро жалалари кашф қилинди ҳамда уларнинг хусусиятлари ўрганилди. Протонларнинг ядрода когерент дифракцион диссоциацияси ҳодисаси жаҳонда биринчи бўлиб аниқланди.

Ярим ўтказгичлар физикаси соҳасида — конденсирланган қаттиқ материалларда чарчашлан шикастланиш бошланғич жараёнларининг қандай кечиши жаҳонда биринчи бўлиб ўрганилди. Яримўтказгич хоссасига эга бўлган қаттиқ эритмаларнинг бир неча тури ҳосил қилинди ва физикавий хоссалари ўрганилди. Ўта юксак частота (ЎЮЧ)ли диодлар, яримўтказгичларда тез кечадиган электрон жараёнларни ўрганиш учун мўлжалланган асбоблар, тасвирни узатувчи фотодиод матрицалар, кремний, литийли детектор, ёғду диодлари, тензодатчиклар ва б. асбоблар ишлаб чиқилди.

Қаттиқ жисмлар назарияси бўйича — галаёнланиш назариясининг вариацион услуби ривожлантирилди ва биринчи марта муайян тўлқинли оптик солитонлар таъсирлашувлари ҳамда флуктуациялар таъсиридаги солитонлар динамикасини ўрганганиш татбиқ қилинди. Ф.-т.ида қуёш энергиясида фойдаланиш соҳасида кенг и.т. ишлари олиб борилади (қ. *Гелиотехника, Гелиоқурилма*). *Стирлинг двигатели* асосида ишловчи қуёш энергетика қурилмалари модулларининг тажрибавий нусхалари яратилди. Ин-тда 1965 й.дан бери «*Гелиотехника*» журнали нашр этилади.

Ин-тда ҳар йили 10 дан ортиқ Халқаро грантлар ва шартномалар бўйича илмий изланишлар олиб борилади. Ин-т қошида ҳамма 4 йўналиш бўйича аспирантура ва 2 йўналиш бўйича докторантура, докторлик илмий даражаси бериш ҳуқуқига эга бўлган 2 ихтисослаштирилган кенгаш мавжуд. Ин-тда 5 Ўзбекистон ФА акад., 17 фан д-ри ва 35 фан номзоди фаолият кўрсатади (2004). Ин-т фаолияти Г.М.Авакьянц, Э.*Адирович*, С.А.*Азимов*, У.О.*Орипов*, М.С.*Саидов*, С.В.Стародубцев, С.У.*Умаров*, Ғ.Ё.*Умаров* ва б. олимлар номи б-н боғлиқ.

ФИЗИОКРАТЛАР (франц. physiocrates; лот. physis — табиат ва kratos — ҳокимият) — 18-а.нинг 2-ярмида Францияда пайдо бўлган иқтисодий тафаккур мактаби. *Меркантилизм*га қарши қаратилган сифатида юзага келган. Асосчиси Ф.*Кенэ*. Унинг ўқувчилари В.Р.Мирабо (1715—89), П.С.Дюпон де Немур (1739—1817), А.Р.Тюрго (1727—81) ва бошқалар Ф.нинг асосий вакиллари ҳисобланади. Ф. бойликнинг манбаи савдо эмас, балки табиат б-н боғлиқ бўлган меҳнат, н.ч. (асосан, қ.х. соҳасида) ва миллатнинг ҳақиқий фаровонлиги ер б-н боғлиқ деган қарашларни тарғиб этганлар. Ф.В.*Петти* каби сиёсий иқтисодда табиий фанлар услубига амал қилганлар. Ф. жамиятга «табиий» жараён сифатида қараган ва унинг ривожи «табиий тартиб» қонун

лари асосида рўй беради, деб изоҳлашган. Ф. қарашларида иқтисодий категорияларнинг объективлиги тан олинади, пайдо бўлаётган ва тобора мустаҳкамланаётган дахлсиз хусусий мулк, иқтисодиётнинг эркин рақобат асосида ривожланиши, бозор нархларининг эркин ўзгариши, иқтисодиётга давлат аралашувини инкор этадиган жараёнлар, бойликнинг адолатли тақсимланиши қўллаб-қувватланади.

Ф.нинг иқтисодий тизимида «соф маҳсулот» тўғрисидаги таълимот марказий ўринни эгаллайди ва у и.ч. чиқимлари қопланганидан кейин қоладиган маҳсулот ёки даромаддир. «Соф маҳсулот» (ер рентаси) фақат қ.х.да яратилади, уни яратувчи меҳнат унумли, яъни қўшимча қийматни яратади. Ўша даврдаги жамиятни Ф. 3 синфга бўладилар: «соф маҳсулот» яратувчи, ишлаб чиқарувчи («унумли») синф — фермерлар; мулкдорлар (албатта ер мулкдорлари) ва соф маҳсулот яратмайдиган «унумсиз» синф — ҳунармандлар, ишчилар ва б. шаҳар аҳолиси (деҳқончиликдан бошқа соҳа вакиллари, саноатчилар деб ҳам аталади). Ф.нинг муҳим хизматларидан бири шуки, улар биринчилардан бўлиб *капитал* таҳлилини бошлаб бердилар, капитални «аванс» (бўнак) деб номлаб, уни «йиллик аванс» (айланма капитал) ва «дастлабки аванс» (асосий капитал) каби таркибий қисмларга ажратдилар. Ф.да пул капитали тушунчаси бўлмаган, пул бирорта аванс турига киритилмаган. Ф. таъкидлашича, пул ўз ҳолича «унумсиз» бўлиб, пулнинг фақат бир функцияси — муомала воситасигина тан олинади. Ф., хусусан, Ф. Кенэ «Иқтисодий жадвал» («Иқтисодий манзара») асарида фанда биринчи бўлиб такрор и.ч.нинг иқтисодий назариясини яратишга ҳаракат қилди ва уни жадвал ва чизмалар шаклида ифодалади. Ф. иқтисодий сиёсат соҳасида савдо эркинлигини (биринчи навбатда қ.х. маҳсулотлари савдосида), давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашмаслигини, ўша даврда мавжуд бўлган кўпдан кўп солиқлар ўрнига ягона ер солиғи жорий этилишини ёқлаганлар. Ф. ғоялари иқтисодий тафаккур тарихида бўлажак иқтисодий моделларнинг муҳим куртаги бўлиб қолди (яна қ. *Классик сиёсий иқтисод мактаблари*).

Ад.: Кенэ Ф., Избр. экономические произведения (пер. с франц.), М., 1960; Раззоқов А. ва б., Иқтисодий таълимотлар тарихи, Т., 2002.

Абдумалик Раззоқов.

ФИЗИОЛОГИК ЭРИТМАЛАР — таркибидаги туз миқдори *осмотик босим* ва б. хоссалари бўйича қон плазмасига яқин турадиган сувли эритмалар (0,9% ли NaCl, глюкозанинг 4,5% ли эритмаси, Рингер, Локк эритмалари ва б.). Ф.э., одатда, изотоник эритмалар деб ҳам юритилади. Таркиби жиҳатидан қон плазмасига кўпроқ Рингер, Локк ва Тироде эритмалари яқин, буларда NaCl дан ташқари KCl, $CaCl_2$, $NaHCO_3$, баъзан $MgCl_2$, фосфатлар ва глюкоза бўлади. Тиббиётда (даволаш мақсадида организмга юборилади) ва организмдан ажратилган аъзоларни ўрганишда (тадқиқот ишларида) Ф.э.дан фойдаланилади.

ФИЗИОЛОГИЯ (юн. physis — табиат ва ...*логия*) — организмлар ва улар қисмлари, системалари, органлари, тўқималари ва ҳаёт фаолиятини ўрганадиган фан. Ўрганиш объектига биноан, одам (қ. *Одам*), ҳайвонлар (қ. *Ҳайвонлар физиологияси*) ва ўсимликлар физиологиясига бўлинади (қ. *Ўсимликлар физиологияси*). Ф. анатомия, цитология, гистология ва, айниқса, биокимё ҳамда биофизика б-н узвий боғланган; у физиологик жараёнларни тушунтиришда кимёвий ва физик методлар ҳамда тушунчалардан фойдаланади. Ф. — психология, тиббиёт ва ветеринария фанларининг назарий асоси. Ф. умумий, солиштирма (эволюцион) ва хусусий (амалий) Ф.га бўлинади. Умумий Ф. барча тирик материя фаолиятининг асосий қонуниятлари, унинг ташқи муҳит таъсирига жавоб реакциясини, тирик объектларнинг нотирик табиатдан фарқ қиладиган хусусиятларини ўрганади. Солиштирма Ф. ҳайвонлар организми физиологик функциясини филогенетик (қ. *Филогенез*) ва хусусий ривожланиш (қ. *Онтогенез*) орқали ўрганади. Хусусий Ф. организмлар, биринчи навбатда одам организми ҳаёт фаолиятининг қонуниятларини ташқи муҳит шароити б-н боғлаб ўрганади. Шу сабабдан хусусий Ф. меҳнат физиологияси, спорт Ф.си, ёш Ф.си, овқатланиш Ф.си, космик Ф. каби фанларга ажратилади. Соғлом организмда кечадиган жараёнларни ўрганадиган нормал Ф. ва касал организмдаги жараёнларни ўрганадиган патологик Ф. ҳам фарқ қилинади.

Ф. — экспериментал фан. Физиологик тадқиқотлар ўткир (вивисекция, ажратилган органлар, перфузия методлари) ёки сурункали экспериментлар (шартли рефлекслар методи, фистула қўйиш, *трансплантация*, электродлар киритиш ва б. методлар) ёрдамида ўтказилади. Яхлит организм функциясини ўрганишда электроэнцефалография, электрокардиография, миография, биотелеметрия методларидан фойдаланилади.

Ф. соҳасидаги дастлабки маълумотлар тиббиёт б-н боғланган бўлиб, қадимдан маълум. *Гиппократ* ишларидаёқ организмдаги суюқлик, суюқ ва қуюқ моддалар нисбати тўғрисида хабар берилади. *Аристотель* «Ҳайвонлар қисмлари тўғрисида»ги асарида бир қатор ички органлар функцияси тўғрисида ёзади. *Гален* ишларида Ф.га катта аҳамият берилган. У. *нерв системаси*, юрак ва б. органларнинг умумий функцияси тўғрисида маълумот беради. Уйғониш даврида дастлаб организмлар ҳар хил системаларининг анатомик тузилиши, кейинчалик физиологик функцияси жадал ўрганила бошланди (А.Везалий, М.Мальпиги ва б. ишлари). Ҳайвонлар устида кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилиши натижасида У. *Гарвей* қон айланиш системасини очди (1628); Р.*Бойл* ҳайвонлар ҳаётида ҳавонинг аҳамиятини кўрсатиб берди (1660); А.*Лавуазье* бу жараёнда кислороднинг аҳамиятини аниқлади ва ҳосил бўладиган иссиқлик миқдорини ўлчади (1775). Р.*Декарт* мия функциясининг қайтариш (рефлекторлик) хусусияти тўғрисида ўз фикрини билдирди (1649); унинг бу фикрини 2 асрдан сўнг француз олимлари Ж.Легаллуа, П.Флуранса, Ф.Мажанди, инглиз олими М.Холл ва Ч.Белл тажрибалар орқали тасдиқлади. Ф.нинг ривожланишида Л.Гальванинг организмлардаги биоэлектрик жараёнларни кашф этиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу кашфиёт туфайли замонавий электрофизиологияга асос солинди.

19-а.дан бошлаб физика, кимё ва умумий биол. соҳасидаги кашфиётлар (тўқималарнинг ҳужайравий тузилиши ва эволюцион таълимотнинг яратилиши) туфайли организмлар функциясини батафсил ўрганиш бошланди. 19-а.да миянинг рефлекторлик фаолияти механизмини ўрганишга асос солинди; бу борада И.М.*Сеченов*нинг марказий тормозланиш табиатини ўрганиш соҳасидаги ишлари катта аҳамиятга эга бўлди; бош мия катта ярим шарлари пўстлоғининг сенсорлик ва ўтказувчанлик функциялари тўғрисида далиллар олинди (немис олимлари Г.Фрича, Э.Гитцига ишлари); эшитиш ва кўриш таълимотлари яратилди (немис олимлари Г.Гельмгольц, Э.Геринг); нафас олиш ва юрак-томир фаолиятининг нерв регуляцияси аниқланди (инглиз олими К.Бернар, немис олими К.Людвиг, украин олими В.Я.Данилевский, А.А.Миславский ишлари); овқат ҳазм қилиш фаолиятининг ферментатив механизмлари, уларнинг нерв ва гуморал бошқарилиш йўллари очиб берилди (немис олими Р.Гейденгайн, рус олими И.П.Павлов); ички секреция безлари кашф қилинди ва физиологик функцияларнинг бошқарилишида гормонлар аҳамияти очиб берилди (француз олими Ш.Броун-Секар); қоннинг транспорт ва ҳимоя функцияси кўрсатилди; организм ички муҳитининг доимийлиги (*гомеостаз*) ва унинг механизмлари тўғрисидаги тушунчалар шаклланди (К.Бернар, И.И.*Мечников*).

20-а.да физиологик экспериментларда электрон кучайтиргичлар, катодли осциллографлар, электрон микроскоп ва б.дан фойдаланиш туфайли физиологик функцияларни тадқиқ қилиш имкониятлари кенгайди. Бунинг натижасида ҳужайрада кечадиган ва организм барча функцияси асосини ташкил этадиган жараёнларни бевосита ўрганиш мумкин бўлди. Хусусан, ташқи қўзғатувчилар рецепциясининг ҳужайра механизми, нерв импульсларининг пайдо бўлиши ва тарқалиши, синаптик ўтказиш ва тормозланиш табиати; мускул қисқариши ва *секреция* механизмлари аниқланди; рецепторлардан марказий нерв системасига узатиладиган сигналларнинг кодланиши ва узатилиши, нерв марказига етиб келадиган ахборотнинг ҳар хил даражада қайта ишланиши очиб берилди. И.П.*Павлов* ва шогирдлари шартли рефлекторлик ва онг асосини ташкил этадиган, бош мия олий бўлимларида кечадиган нерв жараёнлари умумий қонуниятларини кўрсатиб беришди. Ички секреция безлари функциясини ўрганиш туфайли Ф.нинг мустақил соҳаси — *эндокринология* пайдо бўлди. Гормонлар ва медиаторлар таркиби аниқланиб, кўпчилик гормонлар ва улар таъсирини тормозловчи моддаларнинг синтезланиши замонавий фармакологиянинг асоси бўлди. Нафас олиш, юрак-томир, экскретор ва б. системалар функциясининг ҳужайра ва система механизмлари ҳам батафсил ўрганилди. А.М.Уголов ва шогирдлари томонидан озиқ моддаларнинг ичак мембранасида ҳазм бўлиши механизми очиб берилди.

Замонавий Ф.да одам ва ҳайвонларнинг психик фаолияти механизмини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бу муаммони ҳал этишда бош мия ярим шарлари функциясини батафсил ўрганиш, шартли рефлекслар нозик нейронал механизмларини тадқиқ қилиш катта аҳамиятга эга. Ҳоз. уйқу, эмоционал ва экспериментал *неврозлар* механизми устида ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда. Турли сенсор системаларнинг ахборотни қабул қилиши, узатиши ва қайта ишлашини ўрганишда олинган маълумотлар нутқнинг шаклланиши, уни тушуниб олиш, кўрилган образлар ва эшитилган товуш сигналларини фарқлаш механизмини билишга ёрдам беради. Одам турмуши ва меҳнат шароитига турли экстремал омиллар (эмоционал стресс, иқлим ва б.) таъсирини ва муҳит шароитига организм мослашувини тадқиқ қилиш ҳам бугунги Ф.нинг вазифасига киради. Мия хотира функциясига тақлид қиладиган моделларнинг яратилиши замонавий Ф.нинг энг сўнгги ютуқларидан бири бўлди.

Ўзбекистонда Ф. соҳасидаги тадқиқотлар А.Ю.*Юнусов*, Б.О. *Тошмуҳамедов*, И.В.Данилов, А.И.Израэл, А.С. Шаталина, З.Т.Турсунов ва б. номи б-н боғлиқ. Ф. соҳасидаги асосий тадқиқотлар ўта ноқулай шароитга организмнинг мослашуви муаммоларини ўрганишга оид. Иссиқ иқлим шароити гиподинамика (кам ҳаракат), гипердинамика (кўп ҳаракат), оғриқ, етарли овқатланмаслик ва б. омилларнинг овқатнинг ичакда ҳазм бўлишига таъсири механизмининг очиб берилиши муҳим тадқиқотлардан ҳисобланади (К.Р.Раҳимов, Б.З.Зарипов, Ш. Қ. Қурбонов, Б.А. Содиқов, Э.С.Маҳмудов ва б.). Бир қанча ишларда ўт суюқлигининг озиқ моддаларга таъсири (У.З.Қодиров), ичакларга гидролитик ва транспорт системаси ривожланишининг она ва бола гормонал ҳолати б-н боғлиқлиги кўрсатиб берилди (Л.С.Кўчқорова). Кейинги йилларда Ф. соҳасида ўзбек тилида бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди (У.З.Қодиров, Ш.Қ.Қурбонов, К.Т. Алматов, Қ. Содиқов ва б.).

Ад.: Алматов К.Т., Одам ва ҳайвонлар физиологияси, Т., 2004; Қодиров У.З., Нормал физиология, Т., 1996.

Баҳодир Содиқов.

ФИЗИОЛОГИЯ ВА БИОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Физиология ва биофизика институти — физиология ва биофизика соҳалари бўйича и.т. ишлари олиб борувчи илмий муассаса. Дастлаб 1959 й.да Зоология ва паразитология ин-ти таркибида умумий физиология лаб. ташкил этилган. Лаб. 1969 й.да Физиология бўлимига, 1975 й.да Физиология ин-тига айлантирилган. 1985 й.дан ин-тда биофизика соҳасида ҳам тадқиқотлар олиб борила бошланиши б-н Ф. ва б. ин-ти деб атала бошланди. Ин-тда овқат ҳазм қилиш, электрофизиология, ёшлар физиологияси, молекуляр физиология, мембраналар биофизикаси, ҳужайра биофизикаси, молекуляр биофизика лаб. мавжуд. Ин-тда марказий нерв ва эндокрин системасининг ички органлар б-н ўзаро функционал боғланиши, турли экстремал омиллар таъсирида моддалар алмашинуви, терморегуляция системасининг фаолияти, табиий ва сунъий мембраналарни тадқиқ қилиш, нерв ва мускул қўзғалувчанлик, ион ташувчи мембраналар тузилишининг молекуляр механизмлари ва б. муаммолар устида тадқиқот ишлари олиб борилади. Кейинги йилларда ин-т олимлари Оролбўйи минтақасида рўй бераётган экологик танглик ва унинг одам ҳамда ҳайвонлар организмига таъсирини ўрганишмоқда. Ин-т қошида одам ва ҳайвонлар физиологияси ҳамда биофизикаси бўйича ихтисослашган илмий кенгаш мавжуд. Ин-т Япония миллий физиология ин-ти, АҚШ нинг Алабама ва Луисвилл ун-тлари, Шотландиянинг Глазго ун-ти б-н илмий ҳамкорлик қилади. Ин-тда АҚШ ва Украина олимлари б-н ҳамкорликда биофизикага оид муаммолар бўйича халқаро комплекс-мақсадли дастурлар асосида и.т. ишлари олиб борилмоқда.

Музаффар Асроров.

ФИЗИОТЕРАПИЯ (юн. physis — табиат ва therapy — даволамоқ) — клиник тиббиётнинг бир соҳаси; табиий (қуёш нури, ҳаво, сув, шифобахш балчиқ) ва сунъий физик омиллар (электр токи, магнит майдони, сунъий ёруғлик манбалари, ультратовуш ва б.) таъсири механизмини ўрганади ва уларни даволаш-профилактика мақсадида қўллаш усулларини ишлаб чиқади.

Қад. Шарқ мамлакатлари, хусусан, Юнонистон ва Қад. Римда табиий омиллардан (айниқса, қуёш, маъданли сув) даво мақсадида фойдаланилган. 18-а.га келиб физиканинг ривожланиши ва электр токи кашф этилиши туфайли Ф., асосан, электр б-н даволаш вужудга келди. Кейинчалик гальваник ток (*гальванизация*, *электрофорез*), асимметрик ўзгарувчи ток (франклинизация), юқори частотали ток (*дарсонвализация*, *диатермия*) каби физик омиллар кашф этилиб, даво амалиётида қўлланила бошланди.

Ф. тиббиётнинг илмий-амалий махсус бўлими сифатида ривожланди. И.М.Сеченов, Н.Е.Введенский, И. П. Павлов ишларида Ф.нинг назарий асослари ёритиб берилган. Илмий ва амалий Ф.нинг кейинги риво-

жига Ўзбекистонда М.Файбушевич, Я.К.Мўминов, Р.А.*Кацевович*, З.Д.Долимов ва б. катта ҳисса қўшдилар.

Кейинги йилларда Ўзбекистон олимлари (Н.М.*Мажидов*, К.Й.*Йўлдошев*, А.Д.Ативи, С.Н. Бобожонов, Г.А.Солиқова, М.Ю.Алишхунова, З.Р.Зуннунов ва б.) томонидан гидроаэроионизация, ультратовуш, қуёш ва сунъий қизил импульсли ҳамда когерент нурлари, иқлим, маъданли сувлар, бишофит, бентонит, магнит, шифобахш ўсимликлар б-н даволаш усуллари, шунингдек, физиотерапевтик муолажаларни ҳужайра даражасида тажрибавий ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Ф.да даволаш мақсадида ташқи муҳитнинг табиий (ланд-шафт, иқлим, ёруғлик, сув, пелоидлар) ва сунъий физик омиллари (электр ва механик энергиянинг ўзгартирилган усули) ишлатилади.

Физик омиллар одамга унинг бутун эволюцион тараққиёти давомида таъсир этган. Шунинг учун физиотерапевтик даво тадбирлари дори моддаларига қараганда организмга физиологик жиҳатдан кўпроқ ижобий таъсир этади ва нохуш ўзгаришлар кам кузатилади. Физиотерапевтик омиллар организмга энг кичик дозада берилганда аъзолар махсус ҳимоя тизими, яллиғланишга қарши жараёнларини тиклаб, катта терапевтик самарага эришиши мумкин. Физик омилларнинг аъзоларга таъсири замирида танада ҳосил бўлувчи махсус биокимёвий реакциялар ётади. Физиотерапевтик муолажалардан нафас, юрак-қон томир тизими, овқат ҳазм қилиш, бўғим, нерв тизимлари ва б. хасталикларнинг олдини олиш ҳамда даволаш мақсадида фойдаланилади.

Замонавий Ф.да паст, юқори, ультраюқори ва ўрта юқори частотали магнит, электр ва электромагнит майдонларидан (индуктотермия, УЮЧ — терапия ва б.), турли ёруғлик нурлари (инфрақизил нурларидан тортиб ультрабинафша ва монохроматик когерент лазер нурларигача), механик тебранишлар (инфратовушлардан ультратовушларгача) ва б. дан ҳам фойдаланилади.

Кенг қўлланиладиган физиотерапевтик омилларга гальванизация, дорили электрофорез, электроуйқу, ДДТ, интерференц ток, амплипульс терапия, флюкторизация, дарсонвализация, индуктотермия, ультратовушли терапия киради.

Ундан ташқари, *иқлим билан даволаш*, *аэротерапия*, гелиотерапия, талласотерапия, псаммотерапия, тузли ғор, гидротерапия, шифобахш лой б-н даволаш, механотерапия ва б. табиий физиотерапевтик омиллардан ҳисобланади.

Ҳоз. Ўзбекистонда *Тиббий тиклаш ва физиотерапия илмий тадқиқот институти* ва унинг Термиз филиали, шунингдек, тиббиёт ин-тларининг физиотерапия кафедраларида катта илмий изланишлар олиб борилмоқда.

ФИЗО (Fizeau) Арман Ипполит Луи (1819.23.9, Париж — 1896.18.9, Вантёй қалъаси) — француз физиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1875). Париж ФА аъзоси (1860), президенти (1878). Коллежда ва Париж расадхонасида ўқиган. Париж политехника мактаби директори (1863 й.дан). Шу мактаб проф. (1865—67). Илмий ишлари физик оптикага оид. Айланувчи тишли ғилдирак ёрдамида ёруғлик тезлигини ўлчаш усули (Физо усули)ни ишлаб чиққан (1849), ер шароитида биринчи марта ёруғлик тезлигини ўлчаган. Ҳаракатдаги сувда ёруғлик тезлигини ўлчаган (*Физо тажрибаси*, 1851). Ф. тажрибаси ёруғликнинг тўлқин назариясини, тезликларни қўшишнинг релятивистик формуласини тасдиқлашда муҳим роль ўйнади. *Доплер эффекти*ни тўғри талқин этган (Доплер — Физо эффекти, 1848). Ёруғликнинг интерференциясини кузатиш усулини (1849) ва қаттиқ жисмларнинг кенгайиш коэффициентини ўлчашнинг интерференцион усулини (1852) ишлаб чиққан. Индукцион ғалтак, интерференцион спектроскоп, *дилатометр* ясаган.

ФИЗО ТАЖРИБАСИ — муҳит ҳаракатининг унда тарқалаётган ёруғлик тезлигига таъсирини аниқлаш тажрибаси. А. И.Л. *Физо* ўтказган (1851). Ф.т.да ёруғлик нури S манбадан чиқиб, ярим шаффоф пластинка *П* да икки нурга ажралади (қайтади ва синади, расмга қ.): нур *1* (расмда яхлит чизиқ б-н кўрсатилган) кўзгу *B* ва тўла ички қайтарувчи призма *C* ёрдамида йўналтирилиб, D_1 ва D_2 идишларда оқаётган сув орқали сув оқаётган йўналиш бўйича тарқалади, нур *2* (пунктир чизиқ б-н кўрсатилган) эса тескари йўналишда тарқалади. Иккала нур нуқта *А* да йиғилиб *интерференция* манзарасини ҳосил қилади. Тажрибалар аввал ҳаракатсиз сувда, сўнгра ҳаракатдаги сувда ўтказилган. Интерференция йўлларининг силжишини ўлчаб, Физо муҳит ҳаракатининг ёруғлик тезлигига таъсирини ҳисоблаган.



Физо тажрибаси.

ФИКОМИЦЕТЛАР (Phycomycetes) — тубан *замбуруғлар* синфи. Кўп ядроли, бир ҳужайрали яхши ривожланган мицелийга эга. 800 тури бор. Гаметалар ёрдамида жинсий, споралар ёрдамида жинссиз кўпаяди. Ф. оомицетлар ва зигомицетлар синфлари (олдинги системада кенжа синфлари)га бўлинади. Кўпчилик Ф.нинг тана тузилиши ва кўпайиш органлари яшил сувўтларга ўхшаб кетади. Бу ўхшашлик фақат ташқи кўринишда намоён бўлади. Ф.нинг аждодлари *архимицетлар*дир. Баъзи микологлар архимицетларни Ф. б-н бир синфга бирлаштиришади. Ф.нинг кўп турлари сапрофит, сувда яшайди; юксак тузилганлари эса тупроқ юзида яшашга мослашган, баъзи турлари ўсимлик, ҳайвон ва одамларда паразитлик қилади.

ФИКСИЗМ (лот. fixus — қаттиқ, ўзгармас) — Ер юзасида континентларнинг кўчалмас бўлиб жойлашуви ҳақидаги ва Ер пўсти ривожланишида вертикал йўналган *тектоник ҳаракатлар*нинг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги тасаввурдан келиб чиқадиган *тектоника*даги 2 йўналишнинг бири. 20-а.нинг 60-й.лари ўрталаригача, яъни *мобилизм* ғояси юзага келгунча Ф. геол.нинг асосий йўналиши бўлиб келган. Ф. тушунчаси асосида, плита, платформа, антиклинорий ва б. терриген материалларнинг силжиши манбалари, чуқур ёриқларнинг мавжудлиги, бир р-ннинг ўзида бир типли магматизмнинг узоқ вақт пайдо бўлиши тушунилади. Ер юзасидаги тектоник шароитлардаги асосий фарқлар, Ф. ғоясига биноан, Ернинг ички қисми эндоген режимининг фарқлари б-н аниқланади. Ф. ғояси мобилизмга тескари тушунча ҳисобланади.

ФИКУС (Ficus) — тутдошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. Доим яшил, баъзан барг тўкувчи дарахтлар, буталар ёки лианалар. Тропик ўрмонларда баланд ўсади. Кўпчилик Ф. ҳосил қилган ҳаво илдизлари хўжайин ўсимлик танасини ўраб олиб, уни нобуд қилиши мумкин. Ф.лар сут ширa ишлаб чиқаради. Гуллари сикон типидаги тўпгулни ҳосил қилади, думалоқ ёки ноксимон шаклда, ички қисмида тешиги бўлиб, бир жинсли майда гуллар жойлашган. 1000 га яқин тури маълум, асосан, Жан. Осиёнинг нам тропик ўрмонларида тарқалган. Парлақаноатли ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Айрим турлари (анжир, сикемор) меваси ейилади. Кўпчилик Ф.ларнинг ёғочи ишлатилади. Баъзи турлари хушманзара хона ўсимликлари. Ўзбекистонда 1 та ёввойи тури ўсади.

ФИЛ..., ФИЛО..., ...ФИЛ (юн. philos — севувчи, phileo — севаман) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ёки иккинчи қисми; «севиш, яхши кўриш», «бирор нарсани яхши кўрувчи», «бирор нарсага мойил», «дўст», «мухлис» каби маъноларни билдиради (мас., *филантропия*, *филология*; *библиофил*, *люфил*, *литофил*).

ФИЛ СУЯГИ ҚИРҒОҒИ — *Кот-д'Ивуар* давлатининг 1986 й.гача бўлган номи.

ФИЛ ТОШБАҚА (Geochelone elephantopus) — қуруқликда яшовчи тошбақаларнинг бир тури. 10 кенжа тури маълум (шундан бир нечтаси қирилиб кетган). Косасининг уз. 150 см ча, бўйи 60 см ча. Вояга етганларининг оғирлиги 100 (баъзилари 400) кг ча. Эркаги урғочисига нисбатан йирик. Ф.т. Галапагосе оролларида тарқалган. Ўсимликлар б-н озиқланади. 12—14 ойгача сувсиз ва озиқсиз яшай олади. Урғочиси ноябрь—апрелда ерни ўйиб (40 см чуқурликда), 2—22 та шарсимон оқ тухумини (товуқ тухумидан катта) кўмиб қўяди. Тухумдан боласи (70 г) 6—7 ойда чиқади. Мазали гўшти, ёғи ва ҳайвонот боғлари учун кўплаб овланганидан сони камайиб кетган.

ФИЛАДЕЛЬФИЯ — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар, Пенсильвания штатида, Делавэр дарёсининг қуйи оқимида, Атлантика океани соҳилида жойлашган. Аҳолиси 1,5 млн. кишн (2002). Денгиз порти. Транспорт йўлларининг муҳим чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. АҚШнинг энг муҳим саноат, савдо-молия ва маданият марказларидан. Саноати кўп тармоқли. Етакчи саноат тармоғи — машинасозликнинг турли соҳалари: саноат жиҳозлари и.ч., авиация, ракета-космик, ҳарбий, кемасозлик, автомобилсозлик, электротехника, радиоэлектроника саноатлари, назорат-ўлчов приборлари, т.й. вагонлари ва локомотивлар и.ч. Шунингдек, кимё (жумладан, кимё-фармацевтика, лок-бўёқ, нефть кимёси маҳсулотлари и.ч.), нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, тикувчилик, полиграфия саноатлари ривожланган. Целлюлоза-қоғоз, ойна-шиша, тўқимачилик, мебель саноати корхоналари мавжуд. Метрополитен қурилган. Театрлар, музейлар, нафис санъат академияси бор. Шаҳарга 1682 й.да асос солинган. Ф.да 1776 й.да АҚШ мустақиллиги эълон қилинган. 1790—1800 й.ларда мамлакат пойтахти. Туризм ривожланган. Ҳарбий-денгиз базаси.

Филадельфия шаҳрининг марказий қисми.

ФИЛАРМОНИЯ (юн. phileo — севаман ва harmonia — *гармония*) — 1) айрим мамлакатлардаги концерт ташкилотларининг номи. 19-а. иккинчи ярмида Европа ва Америка шаҳарларида ташкил топган илк Ф. жамиятлари, асосан, симфоник мусиқани тарғиб қилишган. Аксарият мамлакатларда Ф. давлат ташкилоти бўлиб, унинг вазифаси юксак бадиий мусиқа асарларини ва етук ижрочилар маҳоратини ташвиқ қилишдан иборат. Мусиқа б-н бирга баъзан эстрада санъати турлари (саҳна рақси, бадиий ўқиш ва б.)ни ҳам намойиш қилади. Ф. таркибида йирик мусиқа жамоалари (оркестр, хор ва б.), турли ансамбль, яккахон хонанда ва созандалар фаолият кўрсатади; 2) Ўзбек давлат филармонияси 1936 й.да ташкил топган (1970 й.дан Муҳиддин Қориёқубов номида, 1996 й.дан «Ўзбекнаво» бирлашмаси таркибида), 2000 й.дан мазкур ташкилот Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва *халқ бадиий жамоалар дирекцияси* деб аталади. Дастлаб таркибида М. Узоқов, Юсуфжон қизиқ, Уста Олим, Аҳмаджон қўшнай, Тамарахоним ансамбли, шунингдек, миллий ашула ва рақс ансамбли (1938 й.дан Ўзбек халқ чолғулари оркестри), хор капелласи, симфоник оркестр (1938), «Дуторчи қизлар ансамбли» (1939), Давлат торли квартети (1940) ва б., кейинчалик «Хайтарма» (1950), «*Лазги*», «*Зарафшон*», «Қаягим» (1960), «Шодлик» (1970) каби ашула ва рақс ансамбллари фаолият кўрсатган. Кенг тингловчилар жамоаси (айниқса, мактаб ўқувчилари)нинг мумтоз мусиқа б-н яқиндан таништириш мақсадида Ўзбек Ф.си томонидан 1950-й.лардан бошлаб маърузали концертлар (Я.Пеккер, Т. Жумаев, Ил.Акбаров, Т.Ғафурбеков ва б.), мақом кечалари уюштирилган. Маҳаллий ижодкорлар б-н бирга жаҳоннинг йирик санъат намояндалари (Э.Родэ, Г.Гинзбург, Л.Оборин, М.Ростропович ва б.), таниқли мусиқа жамоалари — АҚШ жаз оркестри (Б. Гудмен), Россия симфоник оркестри (Е. Светланов), чех филармоник оркестри (К.Анчерл) ва б.нинг концертлари уюштирилган.

Гулшан Турсунова.

ФИЛАТЕЛИЯ (франц. philatelie, юн. Phileo — севаман ва ateleia — тўловдан озод қилиш) — алоқа тўлови белгилари (маркалар, этикеткалар, штемпеллар ва б.), шу белгилар туширилган хатжилдлар ва откриткаларни ўрганиш ва тўплаш б-н шуғулланиш. 19-а. 40-й.лари охирида вужудга келган. «Ф.» терминини француз марка тўпловчиси Г.Эрапен 1864 й. киритган. 19-а. 60-й.ларидан бошлаб Ф.га доир каталоглар, жур.лар нашр қилинади. 70-й.ларидан бошлаб Ф. ишқибозлари жамиятлари тузила бошлади. Ф. ашёлари 3 йўналишда: тарихий, мавзувий ва хронологик йўналишларда тўпланади ва ўрганилади. ЎзР да филателистлар жамият 2003 й.да ташкил қилинган.

ФИЛАТОВ Александр Николаевич (1930.1.10, Челябинск вилояти) — математик ва механик олим. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1974), физика-мат. фанлари д-ри (1969), проф. (1970). Ўрта Осиё ун-тининг физика-математика ф-тини тугатган (1953). Ўзбекистон ФА Математика ва механика ин-тида аспирант (1953—56), илмий ходим (1957—61). Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида, сўнг ҳисоблаш маркази Кибернетика ин-тида лаб. мудири (1961—69), директор ўринбосари (1969—79). Россия Гидрометеорология маркази директори (1979 й.дан). Илмий ишлари, асосан, дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар назариясига асимптотик усулларни қўллашга оид. Ф. интеграл ва интегро-дифференциал тенгламаларнинг ўрталаштириш ва барқарорлаш усулларини ишлаб чиққан.

Ас.: Методы усреднения в дифференциальных и интегро-дифференциальных уравнениях, Т., 1971; Асимптотические методы в теории дифференциальных и интегро-дифференциальных уравнений, Т., 1974; Интегральные неравенства и теория нелинейных колебаний, М., 1976 (в соавторстве).

ФИЛАТОВ Владимир Петрович [1875.15(27).2, ҳоз. Пенза вилояти — 1956.30.10, Одесса] — офтальмолог, хирург. Украина ФА акад. (1939) ва СССР Тиббиёт ФА акад. (1944). Меҳнат Қаҳрамони (1950). «Тери поялаги» номи б-н машҳур пластик хирургия (1917), кўз мугуз пардаси трансплантацияси (1924), тўқима терапияси (1933) усулларини ишлаб чиққан. Биоген стимуляторлар ҳақида таълимот яратган.

ФИЛАТОВ Нил Фёдорович [1847.21.5 (2.6), баъзи маълумотларга кўра, 4 (16). 4, ҳоз. Пенза вилояти — 1902.26.1 (8.2), Москва] — рус врачи. Россияда *педиатрия* асосчиларидан бири. *Скарлатина* қизилчаси, *инфекцион мононуклеоз* (Филатов касаллиги) мустақил касаллик эканлигини ҳамда *қизамиқ*нинг дастлабки белгисини таърифлаб берган.

ФИЛАТОВ КАСАЛЛИГИ — ўткир инфекцион касаллик. Биринчи марта *Н.Ф. Филатов* тасвирлаган (қ. *Инфекцион мононуклеоз*).

ФИЛДИНГ, Филдинг (Fielding) Генри (1707.22.4, Шарпем-Парк, Гластонбери яқинида — 1754.8.10, Лиссабон) — инглиз ёзувчиси. Инглиз маърифатпарварлик адабиётининг йирик вакили. Итон коллежида (1719—27), Лейден ун-ти (Голландия, 1728—30) ва Темпл (Лондон)даги юридик мактабда (1737—40) ўқиган. 1730 й.дан драматург сифатида танилган. 25 та комедия ва фарслар яратган. Сатирик «Фожиалар фожиаси» пьесаси (1730) Ф.га шуҳрат келтирган. «Темпллик олифта», (1730), «Дон Кихот Англияда» (1734), «Пасквин» (1736), «1736 йилнинг тарихий тақвими» (1937) каби комедияларида порахўр судьялар, сотқин саёҳатчилар, фирибгар савдогарлар фош этилган. Кейинчалик Ф. бу комедиялардаги сатирик танқидий йўналишни ўзининг романларига ҳам кўчирган. «Марҳум Буюк Жонатан Уайлд тарихи» (1743), «Топиб олинган Том Жонс тарихи» (1749), «Амелия» (1752) ва б. романларида маърифатпарварлик гуманизмидаги инқирознинг айрим кўринишлари ўз аксини топган, сентиментал-дидактик оҳанглар кучайган, шунингдек, ўша давр Англияси учун долзарб бўлган бир қанча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий муаммолар кўтарилган. Ф. ўз романларини «комик эпопеялар» деб таърифлаган. Ёзувчи ижодига хос бўлган демократик кайфиятлар унинг памфлетларида ҳам яққол сезилади. Ф. ижоди кейинги даврлар Англия ва Европа адабиётига катта таъсир кўрсатган.

Ад.: Роджерс П., Генри Филдинг, М., 1984; Елистратова А. А., Английский роман эпохи Просвещения, М., 1966.

ФИЛЕТИК ЭВОЛЮЦИЯ — организм гуруҳларидаги ҳаракатлантирувчи табиий танланиш таъсирида кейинги авлод индивидларининг прогрессив мосланишидан иборат эволюцияси. «Ф.э.» терминини америкалик палеонтолог Ж. Симпсон томонидан таклиф этилган (1944). Ф.э.да мазкур турнинг генофонди бир бутун ҳолда дивергенциясиз ўзгаради. Ф.э.га отлар эволюцияси мисол бўлади.

ФИЛИПП Араб (Philippus Arabs) (? — 249) — Рим императори (244 й.дан). Император Гордиан III ни ўлдириб тахтни эгаллаган. Ф. даврида римликлар форслар ва готлар ҳужумларини қайтаришган. 248 й. 6 апр.да эса, Римнинг 1000 йиллик юбилейини жуда тантанавор байрам сифатида нишонлаган.

ФИЛИПП II (Philippos) (мил.ав. тахм. 382—336), Шарқда Файлақус — Македония подшоси (мил. ав. 359 й.дан). *Александр*нинг отаси. 359 й.да Македонияни бирлаштириб, ягона давлат тузишга эришади. Македониянинг мавқеини кўтариш, унинг сиёсий, иқтисодий, айниқса, ҳарбий ролини кучайтириш мақсадида бир қанча ҳарбий ислоҳотларни амалга оширади. Мунтазам қўшин ва кучли ҳарбий денгиз флоти ҳамда Македония фалангасини ташкил қилади, ягона пул бирлигини жорий этади, олтин тангалар зарб қилдиради. 359—336 й.лар давомида Пеония, Фессалия, Иллирия (бир қисми) каби қўшни давлатлар, сўнгра эса Халкидика ва б. Эгей денгизи бўйи мамлакатларини забт этади. Македония тобелигига Эпир, Фракия ва б. тушиб қолади. 338 й. Ф. II Херонея яқинида юнонларнинг бирлашган ҳарбий кучларини тор-мор этади. Натижада, Юнонистон Македониянинг якка ҳокимлигини тан олади. Шундан сўнг Ф. II форс ҳудудларига юриш қилишни режалаштиради. Бироқ сарой фитнаси натижасида ўлдирилади. Ушбу суиқасдда Ф. II нинг хотини, яъни Александрнинг онаси Олимпиаданинг ҳам қўли борлиги хусусида миш-мишлар тарқалади. Александр суиқасд иштирокчиларини қидириб топади ва уларни жазолайди. Ф. II ўлимидан кейин 20 ёшли Александр Македония тахтига ўтиради.

Ад.: Плутарх, Избранные жизнеописания, т. 2, М., 1990.

ФИЛИППИН (Philippines), Филиппин Республикаси (тагалча Republika ng Pilipinas, инг. Republic Philippines) — Жан.-Шарқий Осиёдаги давлат. Тинч океандаги Филиппин архипелагида жойлашган. Майд. 300 минг км². Аҳолиси 84,526 млн. киши (2002). Пойтахти — Манила ш. Маъмурий жиҳатдан 74 вилоят (province)га бўлинади.

Филиппин герби.

Давлат тузуми. Ф. — республика. Амалдаги конституцияси 1987 й. маъқулланган. Давлат бошлиғи — президент (2001 й.дан Глория Макапагал Арройо хоним), у тўғри умумий овоз бериш йўли б-н 6 й. муддатга сайланади, 2-муддатга қайта сайланиши мумкин эмас. Президент ҳукумат бошлиғи ҳам ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Ф. Конгресси (2 палатали парламент — сенат ва вакиллар палатаси), ижроия ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Ф. архипелаги 7107 ороддан иборат, шундан 800 тасида одам яшайди. Йириклари: Лусон, Минданао, Самар, Негрос, Палаван, Миндоро, Себу, Лейте. Мамлакат ер юзасининг аксарияти тоғли (энг баланд жойи — 2954 м, Минданао о.даги Апо вулкани). Ҳаракатдаги ва сўнган вулкан кўп. Тез-тез зилзила бўлиб туради. Ҳудуднинг 1/4 қисми пасттекислик. Тоғлар оралиғида сойликлар ва денгиз соҳилларида энсиз текисликлар жойлашган. Фойдали қазилмалардан темир рудаси, хромит, марганец, никель, мис, шунингдек, симоб, олтин, кумуш, турли қурилиш материаллари бор. Иқлими тропик ва субэкваториал муссонли. Ўртача ойлик т-ра 24—28°, тоғларда 19°гача. Йиллик ўртача ёғин миқдори 1000—4000 мм. *Тайфун*лар бўлиб туради. Рио-Гранде-де-Минданао, Агусан, Кагаян ва б. дарёлари серсув ва серостона. Кўл кам, энг каттаси Лусон о.даги Бай кўли.

Тупроғи, асосан, латерит типли қизил ва сариқ, тоғларда тоғ-каштан, дарё водийларида аллювиал тупроқ. 10 минг тур ўсимликнинг 40% эндемик. Ҳудуднинг 46% тропик ўрмондан иборат. Қимматбаҳо ёғоч олинадиган доим яшил дарахт тури кўп. Денгиз соҳилларида мангро ўрмонлари мавжуд. 1200 м дан баланд жойлар бутазор ва ўтлоқ б-н банд. Ҳайвон тури кўп эмас. Йирик сут эмизувчилар йўқ. Бугунинг бир неча тури, ёввойи тўнғиз, мангуст учрайди. Қушларнинг 750 дан ортиқ тури яшайди. Судралиб юрувчи ҳайвон кўп. Майон-Вольканьо, Канлаон, Маунт-Апо ва б. миллий боғлари ва қўриқхоналари бор.

Филиппин байроғи.

Аҳолиси. Ф.да ўзаро яқин тил ва шеваларда сўзлашувчи 90 дан зиёд элат ва қабилалар яшайди. Уларнинг йириклари: бисайя, тагал, илок, бикол, пампанган, пангасинан ва б. Булардан ташқари, хитой, осиёлик, европалик ва америкаликлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 56%. Расмий тиллар — тагал ва инглиз тиллари. Диндорлари христиан, ислом динларига эътиқод қиладилар. Йирик шаҳарлари: Манила, Кесон-Сити, Себу, Давао.

Тарихи. Ф. ҳудудида мил. ав. 2-минг йилликда Осиё қитъасидан, мил. ав. 1-минг йилликда Ҳиндихитойдан борган, кейинроқ Индонезиядан келган жан. монголоидлар маҳаллий негр-австралоидларини сиқиб чиқарганлар, қисман улар б-н қоришиб кетганлар. 14—15-а.ларда Индонезия орқали Лусон, Себу о.ларида, Сулу архипелагида ислом дини тарқалди. Бу ерларда майда тарқоқ ҳокимликлар, Сулу архипелагида эса Холо султонлиги вужудга келди. 1521 й. *Магеллан* бошчилигидаги Испания экспедицияси Филиппин о.ларига етиб келди. Бу экспедицияни Мактано ҳокими Лапулапу тор-мор этгач (Ф.да уни мустақиллик учун курашнинг биринчи қаҳрамони сифатида эъзозлайдилар). Испания 1564 й. Легаспи бошчилигида яна экспедиция юборди. Унинг отряди Ф.нинг марказий ва шим. қисмидаги асосий оролларининг соҳилларини босиб олди, аҳолининг кўпчилигини (жан.даги мусулмонлардан ташқари) христиан динига киритди. 1756—63 й.лардаги 7 йиллик уруш даврида инглиз қўшинлари Манила ш. ва бир қанча жойларини бир йилгача эгаллаб турдилар. 19-а.нинг 2-ярмида хорижий сармоя ёрдамида савдо-саноат ишлари ривожлана бошлади, зиёлилар вояга етди. Ислоҳот тарафдорлари (Х. Рисаль, М. дель Пилар ва б.) дастлабки ватанпарварлик ташкилотларини туздилар. 1892 й. А. Бонифасио ва б. раҳбарлигида Катипунан деб аталувчи яширин ватанпарварлик ташкилоти вужудга келди, тез орада кескин чора-тадбирлар кўриш тарафдори бўлган зиёлилар бу ташкилотга қўшилди. Катипунан чақириғи б-н миллий озодлик инқилоби (1896—98) бошланди. Инқилобчилар 1897 й. 22 мартда мустақил республикани эълон қилдилар. АҚШ 1898 й. апр.да Испания мустамлакаларини эгаллаш учун уруш бошлади. 1898 й. 12 июнда Ф. 2-марта мустақил деб эълон қилинди. 1899 — 1901 й.лардаги Америка — Филиппин уруши натижасида АҚШ Ф.ни босиб олди. 1934 й. Ф. мухториятга эга бўлди. 2-жаҳон уруши йилларида Ф. ҳудудини Япония оккупация қилди. 1946 й. 4 июлда Ф. мустақил республика деб эълон қилинди. Ф. 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1992 й. 22 янв.да тан олган ва ўша йил 13 апр. да дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 12 июнь — Мустақиллик куни (1898).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Либерал партия, 1946 й. тузилган; Миллатчилар партияси, 1907 й. асос солинган, 1972 й. тақиқланган, 1978 й. яна фаолият бошлаган; Ф. коммунистик партияси, 1930 й. ташкил этилган; «Ф. ватанпарвар оммасининг демократия учун кураши» партияси, 1997 й. тузилган; Лакас-Христиан демократлар миллий иттифоқи — партия блоки, 1992 й. ташкил этилган. Ф. касаба уюшмалари конгресси, 1975 й. асос солинган, 39 тармоқ касаба уюшмасини бирлаштиради.

Хўжалиги. Ф. — аграр-индустриал мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 22%, саноатники 32%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 48%.

Қишлоқ хўжалигида кичик-кичик деҳқон хўжаликлари кўпчиликни ташкил қилади. Йирик плантация хўжаликлари ҳам бор. Қ.х.га яроқли ерлар 9 млн. гектар (мамлакат ҳудудининг 30%), шундан 1 млн. гектар ер суғорилади. Деҳқончилик устун. Экспорт учун шакарқамиш, абака, гевея, кокос пальмаси, ер ёнғоқ, кофе, какао, тамаки, тропик ва цитрус мевалар етиштирилади. Асосий озиқ-овқат экинлари — шоли, маккажўхори, батат, маниок, сабзавот. Чорвачилиги ривожланган: қорамол ва буйвол, чўчқа, эчки, парранда боқилади, балиқ овланади. Ўрмонларда қимматбаҳо экспортбоп пушти ва қизил дарахт ёғочлари тайёрланади.

Саноатида кончилик ривожланган: никель, рух, мис, темир, марганец, хром рудалари, шунингдек, тошкўмир, нефть, симоб, олтин, кумуш қазиб олинади. И.ч. саноати қанд, шоли оқлаш, тамаки, ёғ-мой, мева консервалаш, копра, арқон ва б. корхоналардан иборат. Ёғочсозлик, мебель ва кўн-



Филиппин табиати манзараси.

пойабзал саноати ҳам ривожланган. Саноатнинг кимё, радиоэлектроника тармоқлари юксак суръатда тараққий этмоқда. Металлургия, металлсозлик, машинасозлик (жумладан, автомобиль йиғиш), телевизор, радиоприёмник, электр асбоблар, минерал ўғит, резинатехника буюмлари ишлаб чиқарадиган, нефтни қайта ишлайдиган, нефть кимёси, тўқимачилик, тикувчилик, ойна, цемент з-длари бор. Ҳунармандчилик қад. тармоқ ҳисобланади. Йилига ўртача 26,4 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Асосий саноат марказлари: Манила, Себу, Давао. Юклар, асосан, денгиз транспортида ташилади. Т.й. узунлиги 0,9 минг км, автомобиль йўллари уз. 161 минг км. Асосий денгиз портлари: Манила, Себу, Батангас, Давао. Манилада халқаро аэропорт бор. Ф. четга қанд-шакар, копра, кокос мойи, металл рудалари, ёғоч, машина ва ускуналар, кимёвий моддалар чиқаради, четдан нефть ва нефть маҳсулотлари, машина ва ускуна, транспорт воситалари олади. Япония, АҚШ, Австралия, Индонезия, Сингапур, Корея Республикаси, Саудия Арабистони б-н савдо қилади. Пул бирлиги — филиппин песоси.

Денгиз бўйидаги қишлоқ.

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Врачлар ун-т ва тиббиёт ин-тларида тайёрланади. Ф.да ўрта мактабларнинг ярмидан кўпроғи ва бошланғич мактабларнинг бир қисми хусусий. Давлатга қарашли ва хусусий мактабларда пул тўлаб ўқилади. Бошланғич мактабда ўқиш мажбурий ва бепул бўлиб, унга болалар 7 ёшдан қабул қилинади ва 6 й. ўқитилади. Ўрта мактабларда ўқиш муддати 4 й. Дарслар инглиз ва маҳаллий тагал тилларида олиб борилади. Ҳунар таълими бошланғич мактаб негизидаги қ.х., саноат, савдо мактабларида амалга оширилади. Бошланғич мактабларнинг ўқитувчилари пед. коллежларида тайёрланади. Уларнинг энг каттаси Маниладаги Ф. нормал (пед.) коллежидир. Олий ўқув юртларининг кўпи хусусий. Йирик олий ўқув юртлари: Маниладаги Католик Санто-Томас ун-ти (1611), Манила ун-ти, Узоқ Шарқ ун-ти (1928), Шарқ ун-ти (1946). Кесон-Сити ш.даги Филиппин ун-ти (1908). Етакчи илмий муассасалар ун-тлар ҳузурида ташкил этилган. Давлат илмий муассасалари — Ядро тадқиқотлари маркази (1958), Ф.тараққиёт академияси (1973), Кокос пальмаси и.т. институти, Ф. фанлар академияси (1976) ва б. Халқаро шоли и.т. институти бор. Ун-тлар ҳузурида йирик кутубхоналар. Манилада Миллий кутубхона ишлайди. Манилада Санто-Томас музейи (1682), Ф. Миллий музейи (1901) ва Метрополитен санъат музейи мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Ф.да бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Йириклари: «Балита» («Янгиликлар», тагал тилида чиқадиган кундалик газ., 1972 й.дан), «Манила буллетин» («Манила бюллетени», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1972 й.дан), «Манила ившнинг пост» («Манила оқшом почтаси», инглиз тилида чиқадиган кундалик кечки газ., 1975 й.дан), «Манила таймс» («Манила вақти», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1945 й.дан), «Пипл джорнал» («Халқ газетаси», тагал ва инглиз тилларида чиқадиган газ., 1979 й.дан), «Темпо» («Суръат», тагал ва инглиз тилларида чиқадиган кундалик газ., 1983 й.дан), «Юнайтед дейли ньюс» («Кун янгиликлари», инглиз ва хитой тилларида чиқадиган кундалик газ., 1973 й.дан), «Сулонг» («Олға», ойлик бюллетень). Ф. янгиликлар агентлиги — давлат ахборот маҳкамаси бўлиб, 1973 й.дан фаолият кўрсатади. Радиоэшиттириш 1952 й.дан, телекўрсатув 1953 й.дан бошланган. Мамлакатдаги барча радио ва телест-ялар фаолияти «Нэшнл телекоммюникейшнс коммишн» ҳукумат маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Адабиёти. Ф. халқлари ва элатлари адабиёти тагал ва б. маҳаллий тилларда, шунингдек, испан ва инглиз тилларида ривожланиб келмоқда. Ф. халқ оғзаки ижодиёти ва, айниқса, қаҳрамонлик достонларида малайя ва индонез-ява адабий анъаналарининг таъсири сезилади. 16—19-а.лардаги Испания ҳукмронлиги даврида испан тилида диний-насиҳат руҳидаги адабиёт вужудга келди. Замонавий тагал адабиётининг асосчиси Ф. Балтасар (тахаллуси Балагтас)нинг «Флоранте ва Лаура» достони (1838) машҳур. 1856 й. М. де Кастронинг тагал тилида босилиб чиққан биринчи романи «Урбан ва Фелиса» (1863)дан кейин 20-а.нинг 1-ярмида В. Эрнандес-Пеня, Л.К. Сантос романлари, Х. Корасан де Хесус, А.В. Эрнандес шеърлари, А. В. Эрнандес, Д. Росарио, Ф. Галауран ҳикоялари пайдо бўлди. 2-жаҳон урушидан кейин шеърият ва ҳикоянавислик янада ривож топди. А.В. Эрнандеснинг «Шайтон йиғи», «Ваҳший кушлар», Ф. Галаураннинг «Бир қисим гуруч», Н. Каравананинг «Қизил уйдаги фаришта» романлари ижтимоий ва маиший мавзуларга бағишланди.

Испан тилидаги адабиёт ривожида Х. Рисаль романлари («Менга тегишма», «Флибустьерлар») катта аҳамиятга эга бўлди. 20-а.нинг 1-ярмида С. Апостол, Ф. Герреро, К.М.Ректо ва б.ларнинг ватанпарварлик шеърияти машҳур бўлди. Худди шу даврда Х.Г. Вилья, М.Э. Аргилья, Н.В.М. Гонсалес, К. Булосан кабилар инглиз тилида новелла ва шеърлар яратишди. 2-жаҳон урушидан кейинги даврда Э. Окампо, Н. Хоакин, Э. Л. Тьемпо ва б. адиблар етишиб чиқди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Маҳаллий аҳолининг анъанавий уйлари қозиқлар устига чайласимон қилиб қурилади, усти пальма барги б-н ёпилади. Мустамлака даврида шаҳарлар, истеҳкомлар, черков ва саройлар *барокко* ҳамда классицизм услубида қурила бошлади (Лусон о.даги Сан-Николас черкови, 17-а.; Маниладаги Санто-Томас ун-ти, 1608—15 й.). 19-а. 2-ярми ва 20-а. 1-ярмида Манила ш.да Европа ва Америка меъморлиги услубида бинолар барпо этилди. Ф. меъморларидан П. Антонио, С. Консьо, Л. В. Локсин, А. Накпиль ўз ижодида испан меъморлиги услубидаги бино ва иншоотларни миллий руҳда безашга аҳамият бера бошладилар (Панай о. Илоило ш.даги Миаг-ао ибодатхонаси; Маниладаги Ф. маданият маркази, 1969, меъмор Л.В. Локсин).

Ф. ҳудудида мил. ав. 2—1-минг йилликка оид санъат ёдгорликлари сақланиб қолган. Қадимдан ёғоч ва бамбук ўймакорлиги, тўқимачилик, металлсозлик, каштачилик, заргарлик каби касблар машҳур бўлган. Маниладаги Сан-Агустин черковининг ўймакор ёғоч эшиклари (1606) ва Сан-Игнасио черковининг ибодат қилинадиган қисмидаги ўйма нақшлар Ф. санъатининг илк намуналаридир. 19-а.нинг 2-ярми ва 20-а.нинг 1-ярмида дастгоҳ рангтасвири (Х. де Луна, Ф. Идальго, Ф. Аморсоло), ҳайкалтарошлик (Г. Толентино) пайдо бўлди. Ф. Рохас портрет ва манзара, Х. Рисаль рангтасвир ва ҳайкалтарошлик соҳасида унутилмас асарлар яратишди. Ф. Аморсоло асос солган «Анъанавий мактаб» 20-а. ўрталарига келиб Ф. рассомлари академиясига айланди. 50—60-й.ларда К.В. Франсиско ижоди камол топди. У афсона ва ривоятларга, озодлик ҳаракати қаҳрамонларига, шунингдек, деҳқонлар, балиқчилар, кончилар ҳаётига бағишланган кўпгина деворий расм ва манзаралар яратди. А. Магсайсай-Хо номли аёл рассом қишлоқ хотин-қизларининг лобар сиймосини тасвирловчи гўзал асарлари б-н эътибор қозонди. В. Манансала, Р. Табуэна, М. Маланг Сантос, У. Йонсон, Э. Окампо, А. Р. Лус, Ф. Собель каби рассомлар, Х. Алькантара ва А.М. Имао, Н. Абуэ каби ҳайкалтарошлар миллий реалистик анъаналарни давом эттирдилар.

Манила — Филиппиннинг асосий порт шаҳри.

Мусиқаси. Маросим (ҳарбий, тўй), меҳнат ва б. халқ қўшиқ ҳамда рақслари азалдан давом этиб келади. Тоғлик ва мусулмон халқларининг қад. мусиқаси деярли ўзгаришсиз сақланган. 16—18-а.ларда христиан динига кирган ва испанлар таъсирида бўлган халқларда эса бироз маҳаллийлашган испанча рақслар (хота, хабанера) тарқала бошлаган. Чолғу асбоблари: бамбук ва ёғоч флейталар, гонглар, гитарасимон кудяпи, гит-гит (скрипка тури) ва б.лар. Рондалья деб аталувчи торли миллий оркестр шуҳрат қозонган. Профессионал мусиқа 19-а.дан ривож топди. 1916 й. Ф. университети ҳузурида консерватория очилди, кейинроқ Манила ва Кесон-Сити ш.ларида мусиқа муассасалари ва жамоалари ташкил топди. Композиторлар орасида Х. Силос, Х. Эстелья, А. Молина, Ф. Буэнкамино, Ф. де Леон, Ж. А. Далап ва б. машҳур. Манилада Миллий филармония жамияти, «Баянихан» (1956), «Филиппинескас» (1958), «Барангай» ашула-рақс ансамбллари, Ф. университетининг «Мадригал» камер хори, Манила симфоник оркестри, Ф. Маданият марказининг оркестри, Концерт оркестри ишлайди. Миллий мусиқа кенгаши, композиторлар жамияти мавжуд.

Театри. Қадимдан давом этиб келаётган ва ашула, рақслар б-н ўтадиган таомил, расм-русумлар ва уларда гавдалантириладиган меҳнат жараёнлари, тўй удумлари театр санъати учун манба бўлган. Ф. профессионал театри хитой, ҳинд, индонез, кейинроқ испан ва америка маданияти таъсирида шаклланди. 19-а. ўрталарида Манилада ҳаваскорлик театрлари: Эскосур труппаси (1848) ва Лопес Арис труппаси (1852) вужудга келиб, уларда испан тилидаги севги пьесалари (сарсуэлалар) саҳналаштирилди. 1914 й. Манилада инглиз тилидаги «Литл тиэтр» ташкил топди. Унинг актёрлари ҳам, томошабинлари ҳам асосан, Манила ун-тининг талаба ва муаллимлари эди. Ф. мустақилликка эришгач, тагал тилидаги драматургия ва театр ривожлана бошлади. «Барангай театр гильдияси» (1939), Ф. актёрлар лаб. (1959), Мералько театри, Раж Солиман театри ва б. ярим профессионал жамоалари миллий санъат (моро-моро, сарсуэла ва б.) анъаналарини жаҳон театрининг энг яхши намуналари ютуқлари б-н бирга қўшишга интилади. 1972 й. Манилада кўчма болалар театри ташкил этилди.

Киноси. 1919 й. режиссёр ва актёр Х. Непомусено миллий кино фирма ташкил этганидан сўнг кинофильмлар доимий ишлаб чиқарила бошлади. Тагал тилида «Қишлоқи қиз» номли дастлабки бадиий фильм яратилди. «Уч мақтанчоқ» (1926) овозсиз фильмлар орасида энг яхшиси бўлди. 1932 й. дастлабки овозли фильмлар («Қаллоб», реж. Ж. П. Муссер; «Олтин ханжар», реж. Х. Непомусено) чиқарилди. 30-й.лардаги энг йирик кино бирлашмалари — «Сампагита» ва «ЛВН» чиқарган фильмларда миллий тарих ва мифология сюжетларидан фойдаланилди, шунингдек, «Йиртилган байроқ», «Зулмат ва нур» комедиялари ҳам яратилди. 1946 й. ташкил этилган «Премьер продакшн» студияси кўнгилочар руҳдаги фильмлар б-н бир қаторда тоғли қабилалар ҳаётини тасвирловчи фильмларни ҳам суратга олди. 50—60-й.ларда «Харана», «Дунёнинг охиригача» (иккаласининг реж. Ж. де Леон), «Париж романси», «Балайо» (иккаласининг реж. Л.В. Авельяна) экранга чиқарилди. 20-а. охирларида яратилган «Қақроқ ерни суғор» (реж. О. Буэнавентура), «Наркотик чайқовчиларини ўлдиринглар» (реж. Ж. Эстрада) фильмлари долзарб замонавий мавзуларга бағишланган. 1960-й.ларнинг ўрталаридан Манила кинофестивали ўтказиб келинади.

ФИЛИППИН ДЕНГИЗИ — Тинч океанининг оролларaро денгизи, ғарбда Япон, Тайвань ва Филиппин ороллари б-н, шарқда сув ости тизмалари, жан.-шарқда Яп ва Палау о.лари оралиғида. Майд. 5726 минг км². Энг чуқур жойи 10265 м. Филиппин ва Ғарбий Мариана сойликларини ўз ичига олади. Юза оқими деярли ёпиқ антициклон циркуляциясини ҳосил қилади. 10° ва 20° ш.к. орасидан Шим. Пассат оқими ўтади. Тайвань о.дан шарқда Куросио оқими юзага келади. Сувининг т-раси ёзда 28°, қишда жан.да 28° дан шим.да 18° гача. Шўрлиги 34,5 ‰. Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади, бал. 2 м гача.

ФИЛИППИН ТИЛЛАРИ — *австронез тиллари*нинг малай-полинез тармоғига мансуб ғарбий гуруҳ тиллари; анъанавий тарзда индонез тиллари таркибига киритилади. Ф.т. нинг умумий миқдори 100 дан ортиқ бўлиб, улар Филиппин архипелагидаги одам яшайдиган 800 та оролда тарқалган (филиппинликларнинг 90% и мамлакатнинг

95% майдонини ташкил этувчи 11 та йирик оролда яшайди). Кенг тарқалган 6 та Ф.т. да (бисай, тагал, илоки, бикол, пампанган, пангасинан) 60 млн.дан ортиқ киши сўзлашади (ўтган асрнинг 90-й.лари). Юқоридагилардан *тагал тили* инглиз тили б-н бирга Филиппин Республикасининг давлат тили ҳисобланади.

Ф.т. таснифлари ибтидоий хусусиятга эга бўлиб, бу таснифлар соф лингвистик бўлмай, этнолингвистик ёки геолингвистик таснифлардир. Мас., америкалик Ф. Блейк 20-а. бошларида Ф.т.ни жан. ва шим. гуруҳларга бўлган; инглиз олими Р. Райт ва филиппинлик Г. О. Бейерлар эса уларни «христиан», «мусулмон» ва «мажусий» (бутпараст) тилларга ажратган; америкалик Х. Конклин Ф.т.ни 75 «асосий лингвистик гуруҳлар»га бирлаштиради; филиппинлик С. Лопес шим., марказий (бисай) ва жан. тилларни ажратади ва б. Испаниялик Г. С. Хили ва америкалик К. Макфарландларнинг таснифлари анча мукаммал бўлса-да, уларнинг биринчиси — этнолингвистик, иккинчиси геолингвистик хусусиятга эга.

Ф.т. фонетик тизимида ўртача 5 унли ва 16 ундош товуш, жумладан, портловчи бўгиз ундоши мавжуд; асосан очиқ бўгин учрайди. Бош урғу охирги ёки ундан олдинги бўғинга тушади. Морфологик жиҳатдан Ф.т. агглютинатив тилларга мансуб. Аффикслар, асосан, кўп маъноли бўлиб, уларнинг сони бир неча юзга етади. Икки бўғинли ўзак морфемалар ва бир ўзакли аффиксал морфемалар кўпчиликни ташкил этади. Гапдаги сўз тартиби унча барқарор эмас, лекин кесимнинг гап бошида келиши устунлик қилади. Сўз ясалишида аффиксация, сўз такрори, сўз қўшиш ҳамда урғунинг ўрни ўзгартириши каби усуллар қўлланади. Лексикада асл австронез. индонез қатламидан ташқари ўзлашма сўзлар ҳам (мас., тагал тилида санскрит, хитой, араб, испан, инглиз тилларидан кирган сўзлар) анчагина.

Ф.т. Испания истилосигача қад. ҳинд ёзуви браҳми асосида яратилган бўгинли ёзувдан фойдаланган (унлилар учун 3 та, ундошлар учун 14 та белги-ҳарф бўлиб, бошқа товушлар диакритик ва б. белгилар б-н ифодаланган), 17-а.дан бу ёзув испанлашган лотин графикаси б-н алмаштирилган. Минданао ва Сулу оролларидаги мусулмон аҳоли араб ёзувидан ҳам фойдаланади. 20-а.нинг 80-й.ларида Ф. т.дан фақат 14—15 тасигина ўз ёзувига эга бўлган эди, қолганлари ёзувга эга эмас.

ФИЛИППИНЛАР — Филиппиннинг асосий, туб жой аҳолиси, бир-бирига қардош халқлар гуруҳи (биколлар, бисайлар, илоклар, пампангалар, пангасинанлар, самбаллар, тагаллар ва б.). *Филиппин тилларида* (давлат тили тагал ва инглиз) сўзлашади. Улар соҳил бўйи ва текисликларда яшайдилар ва асосан, католиклар. Филиппиннинг жан. қисмида ислом динига мансуб моро (магинданао, маранао, сулу, самаллар, яканлар ва б.) халқлар гуруҳи яшайди. Тоғлик халқлар (ифугао, калинга, бонтока ва б.) 43% ни ташкил қилади. Ф. — деҳқончилик, шоликорлик, балиқ овлаш ва ҳунармандчилик б-н шуғулланади.

Филиппинларнинг анъанавий турар жойи.

ФИЛИСТИМЛИКЛАР (қад. яҳудийча — пелиштим) — халқ. Ўрта денгизнинг жан.-шарқий соҳилларида мил. ав. 12-а.дан яшаган «денгиз халқлари»дан. Ф.нинг яҳудийлар б-н урушлари бир қанча қад. Шарқ ривоятларида сақланган. Мил. ав. 8-а.дан Оссурия томонидан тобе эттирилган. Ф.дан *Фаластин* номи келиб чиққан.

... ФИЛИЯ (юн. phileo — севаман, яхши кўраман) — ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми; бирор нарсани яхши кўриш, ёқтириш, унга мойилликни ифодалайди (мас., *гидрофилия*, *термофилия*).

ФИЛЛАР (Elephanditae) — *хартумлилар* туркуми оиласи. Баъзи систематиклар фикрича, кенжа оиласи. 2 уруғи: Африка Ф.и (2 тур) ва Осиё Ф.и (1 тур) бор. Ф., асосан, Осиё ва Африканинг ўрмон ҳамда саванналарида тарқалган. Бўйи 4—4,5 м гача, оғирлиги 5—7,5 т гача. Териси калта ва сийрак тукли. Оёқлари йўғон, бақувват. Бармоқлари (олдинги оёқларида 5 та, орқадагисида 4 ёки 5 та) туёққа ўхшаш шохсимон тузилма б-н қопланган. Оёқ кафтининг тагида юмшоқ масса бўлиб, филнинг товушсиз ҳаракатланишини таъминлайди. Бир кунда 100 км ча йўл юриши мумкин. Жағининг устки ва пастки қисмида 1 тадан озиқ тиши бор, улар вақт-вақти б-н ейилиб тушиб, ўрнига бошқаси чиқиб туради. Юқори жағидаги 2 та курак тиши ташқарига туртиб чиққан бўлиб, умр бўйи ўсади (Осиё Ф.нинг урғочисида йўқ). Юқори лаб ва бурунининг қўшилиб ўсишидан хартум (учида сезгир ўсимта бор) ҳосил бўлган. Хартум хид билиш, сезиш ва қамраб олиш вазифасини бажаради. Турли ёшдаги филларнинг 9—12 таси пода бўлиб, гоҳо ёлгиз яшайди. Бўғозлик даври 22—24 ой. Битта (Осиё Ф.и баъзан иккита) 90—100 кг ли бола туғади. Ўсимлик шох-шаббалари, барги, меваси, куртаклари ва б. (бир кунда 100 кг ча) б-н озиқланади. 70—80 йил яшайди. Энг қадимги Ф. қолдиғи юқори плиоцен даври ётқизиқларидан топилган. Гўшти овқатга ишлатилади. Фил суяги, думидаги қаттиқ қили ва терисидан турли буюмлар ясалади. Ҳинд фили хонакилаштирилган, ишчи ҳайвон сифатида фойдаланилади. Кўплаб овланиши ва яшаш муҳитининг бузилиши натижасида Ф.нинг сони камайиб кетган. Барча турлари муҳофаза қилинади.

Африка фили.

ФИЛЛИПС ЭГРИ ЧИЗИҒИ — номинал иш ҳақи ставкалари ўзгаришлари сурьати (инфляция) б-н ишсизлик ўртасидаги тескари боғланишни ифода этади. Бу атама инглиз иқтисодчиси О. У. Филлипс томонидан Буюк Британияда 1861—1957 й.лар давомидаги ишсизлик ва пуллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида 1958 й.да ифодалаб берилган. Бу чизиққа кўра, ишсизлик даражасига қараб, иш ҳақининг кутиладиган ўзгаришини аниқлаш мумкин. Ундан сўнг пуллик иш ҳақининг нархлар б-н боғланишини кўрсатувчи махсус тенгламалар асосида бўлажак инфляциянинг ривожланиш сурьати аниқланади.



Филлипс эгри чизиғи.

Ад.: Майбурд Е. М., Введение в историю экономической мысли, М., 1996; Раззоқов А. ва б., Иқтисодий таълимотлар тарихи, Т., 2002.

ФИЛЛИТ (юн. phyllon — варақсимон) — серицит ёки хлоритнинг майда тангачаларидан таркиб топган, юпқа варақсимон метаморфик тоғ жинси. Ф. таркибида чақиқ кварц доначалари ва баъзан, альбитнинг янги ҳосил бўлган кристаллари мавжуд. Ранги, одатда, тўқ кулранг ёки қора. Ф. гилли сланецлар ва аргиллитларнинг метаморфизми жараёнида ҳосил бўлади. Метаморфизм даражаси ошган сайин, слюдали сланецларга айланиб боради. Ф.нинг серицитли, хлоритли турлари маълум. Ўзбекистонда Қурама ва Чатқол тоғларида, Фарғона жан.да, Қизилқумда, асосан, биотитли ва хлоритли Ф.лар кўп учрайди.

ФИЛЛОКСЕРА (Viteus vitifolii) — филлоксерасимонлар оиласига мансуб тўғриқанотли ҳашарот, хавфли ток зараркунандаси. Ташқи ва ички *карантин* объекти. Ф. ток шиғининг барг ва илдизини, ёш новдаларини зарарлайди. Натижада ҳосилдорлик камайиб, ток тўплари қуриб қолади. Биринчи марта 1854 й.да Шим. Америкада топилган. 20-а. бошларида Европа токзорларида тарқалган. Уз. 08—1,2 мм, танаси тухумсимон, сариқ-яшил. Барг ва илдизларга зарар етказадиган шакли токнинг Европа навлари учун гоят хавфли. Ҳозирда Ф.нинг МДҲ мамлакатлари токзорларида фақат илдизларга зарар етказадиган шакли учрайди.



Филлоксера: *1* — тухум қўядиган урғочиси; *2* — қанотсиз урғочиси.

К у р а ш ч о р а л а р и: чидамли навларни экиш, экиладиган материални экспертиза қилиш, тупроққа вақт-вақти б-н *фумигантлар* б-н ишлов бериш, Ф.га чидамли пайванд қилиб етиштирилган ток кўчатларини экиш.

ФИЛЛОМЕДУЗАЛАР (Phyllomedusa) — *бақақуриллоқлар* оиласи уруғи. 30 тури маълум. Асосан, Марказий ва Жан. Америкада тарқалган. Танаси 6 см га яқин, одатда, усти яшил, қорни қизил, бинафша ва б. ёрқин тусда. Оёқларидаги биринчи (бош) бармоғи бошқаларига қарши жойлашганлиги учун нарсаларни бармоқлари б-н қамраб ушлай олади. Қуруқликда қадамлаб югуради, сувда ёмон сузади. Бармоқлари орасидаги сузгич парда кам ривожланган ёки бўлмайди. Дарахтларда яшайди. Қоронғи тушганда ёки тунда фаол. Ўлжасини узун, ёпишқоқ тилига ёпиштириб ўраб олади. Ёпишқоқ увилдиригини (100 та яқин) [illegible]арда сув устида осилиб турган баргларга ўраб ёки улар орасига қўяди. Увилдириқдан чиққан итбалиқлар ривожланишининг кейинги босқичлари (*метаморфоз*)ни сувда ўтказади.

ФИЛЛОФОРА (Fhyllophora) — флоридеясимон сувўтлар туркуми. Танасининг бал. 50 см гача, шохлари ясси. Айрим турларининг спорофитлари кичикроқ ўсимта шаклида, гаметофит устида ҳосил бўлади. 15 та яқин тури бор, совуқ ва илиқ сувли денгизларда тарқалган. Агарсимон модда — филлофоран олишда фойдаланилади.

ФИЛОГЕНЕЗ (юн. phylon — авлод, қабила ва ... *генез*), ф и л о г е н и я — тирик организмлар ҳамда улар таксономик гуруҳлари: олам, тип (бўлим), синф, туркум (тартиб), оила, авлод (туркум, уруғ) ва турларнинг тарихий тараққиёти. «Ф.» терминини немис олими Э. *Геккель* томонидан фанга киритилган (1866). Биол.нинг Ф. ва унинг қонуниятларини ўрганадиган бўлими филогенетика дейилади. Ф.ни тадқиқ қилиш эволюциянинг умумий назариясини ривожлантириш, организмларнинг табиий системасини тузиш учун зарур. Филогенетиканинг хулосалари тарихий геол. учун ҳам жуда муҳим. Геккель Ф.ни тадқиқ қилиш учун палеонтология, солиштирма анатомия ва эмбриология далилларини таққословчи учлик параллелизм методини таклиф этган. Филогенетикада генетика, биокимё, молекуляр биол., этология, биогеогр., физиология, паразитология далилларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу далиллар турдан юқори бўлган ҳар қандай таксонлар эволюцияси боришини катта аниқлик б-н тиклаш имконини беради. Муҳит шароити бир хил бўлмаган, ҳар хил биотик ва абиотик омиллар қуршовида турли гуруҳлардаги эволюцион жараённинг боришини таққослаш тарихий тараққиётда катта гуруҳларга хос умумий хоссаларни аниқлаш имконини беради. Гуруҳлар эволюциясининг барча хусусиятлари индивидларнинг морфофизиологик томонларини ўрганиш асосида аниқланади. Аксарият гуруҳлар Ф.и адаптив радиацияга, яъни белгиларнинг дастлабки умумий формадан радиус бўйлаб ҳар томонга тарқалиш характерига эга. Ўсимлик ва ҳайвонлар Ф.и шажара дарахтини чизиш ёрдамида тасвирлаб берилади. Шажара дарахти ўсимлик ва ҳайвонларнинг умумий бир илдиздан келиб чиққанлиги; турли хил формалар Ердаги ҳаёт тарихининг ҳар хил даврларда шохланиш орқали аста-секин тараққий этганлигини акс эттиради. Организмлар филогенетик қайта тузилишларининг адаптив характерини белгиловчи асосий куч *табиий танланиш* ҳисобланади. Филогенетик шажара барча ўзгаришларининг бирламчи негизида *дивергенция* ва *филетик эволюция*, сўнг эса параллелизм ва *конвергенция* ётади.

Организм ҳар хил гуруҳларининг Ф.и бир хилда ўрганилмаган, бу қазилма қолдиқларнинг ҳар хил даражада сақланганлиги ва мазкур гуруҳларнинг қанчалик қадимийлиги б-н боғлиқ. Умуртқали ҳайвонлар (айниқса, юксак гуруҳлари) ва юксак ўсимликлар Ф.и, умуртқасиз ҳайвонлардан эса *моллюскалар*, *игнатерилилар*, *бўғимоёқлилар* Ф.и нисбатан яхши, *прокариотлар* ва тубан ўсимликлар Ф. и камроқ ўрганилган.

ФИЛОЁҚ, э л е ф а н т и а з — тўқималарда лимфа димланиши оқибатида тери ва тери ости ёғ қавати қалинлашиб, айрим аъзолар (мас., лаб, бурун, қулоқ, оёқ, ёрғоқ ва б.) шишиб, йўгонлашиб кетиши б-н кечадиган касаллик. Лимфа оқишининг бузилиши ва йўлларининг тўсилиб қолишига лимфа томирларидаги яллиғланишлар (сарамас, сурункали тромбофлебит, оёқ панжаси ва болдирдаги яралар) сабаб бўлади. Тропик мамлакатларда «Ф.» нинг сабабчиси лимфа томирларида паразитлик қиладиган ипсимон филяриялар ҳисобланиб, улар искабтопар чивини орқали тарқалади. Мохов касаллигининг тери қалинлашиши б-н кечадиган хили қадимда «юнон филоёғи» деб юритилган; касаллик ҳам биринчи бор юнон врачлари томонидан аниқланган.

Ф.да дастлаб товон бир оз шишади; касаллик авж олганда шиш аста-секин панжа, тўпиқ, болдир ва сонга тарқалади, оёқ териси дағаллашиб, касал оёқ шакли бесўнақай бўлиб, фил оёғига ўхшаб қолади. Баъзан оёқ терисида суюқлик б-н тўла пуфакчалар пайдо бўлиши мумкин. Ф.ни фақат врач даволайди. Касалликнинг олдини олиш учун шахсий гигиенага риоя қилиш, теридаги ҳар қандай яллиғланиш жараёнларини ўз вақтида даволаш, яраларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик зарур.

ФИЛОЛОГИЯ (юн. philologia — сўзни севиш, сўзга меҳр) — гуманитар фанлар — *тилшунослик*, *адабиётшунослик*, *матншунослик*, *манбашунослик*, *палеография* ва б.нинг ҳамкорлигидан таркиб топган умумий фан; ёзма ёдгорликларини лисоний ва стилистик

жиҳатдан таҳлил этиш орқали инсон маънавий маданиятининг тарихи ва моҳиятини ўрганади. Ўз ички масалалари ва ташқи алоқалари йиғиндисидан иборат бўлган матн Ф.нинг мавжудлигини белгиловчи юк асос қисобланади. Асосий диққат-эътиборни матнга қаратиш, унга ёрдамчи шарҳлар яратиш (фил. асарларнинг энг қад. шакли) орқали Ф. айни шу нуқтаи назар асосида инсон турмушини, энг аввало, маънавий турмушини бутун кенглиги ва теранлиги б-н қамраб олади. Ф. ёзув маданияти нисбатан юксалган даврда пайдо бўлган.

Яқин Шарқдаги қад. юксак тараққий этган маданиятлар Ф.дан деярли бехабар бўлган, Ўрта асрларда Ғарбий Европада ҳам унга етарлича эътибор берилмаган, айни пайтда Ф. фалсафанинг ватани, қад. Ҳиндистон ва Юнонистонда сўз ва нутқ устида фикрлаш, уни таҳлил қилиш тарзида, фалсафа б-н уйғунликда пайдо бўлган. Фалсафадаги марданликка интилиш б-н Ф.нинг аниқлиги, конкретлиги ўртасида кейинчалик рўй берган ихтилофларга қарамай, фалсафа ва Ф.нинг дастлабки яхлитлиги, бир бутунлиги тасодифий бўлмаган: Ф.нинг юксалиши, ўта ривожланиш даврлари кўпинча гносеологик тафаккурнинг буюк даврларидан (мас., эллинистик дунёда — Аристотелдан, 17-а.да Европада — Р. Декартдан, 19-а.да Германияда — И. Кантдан) сўнг рўй берган.

Ҳинд Ф.си Панини (мил. ав. 5—4-а.лар), Патанжали (мил. ав. 2-а.) каби грамматистларни, кейинчалик услуб назариётчиларини тарбиялаб етиштиради. Қад. Хитой маданияти ўз филологик анъаналарига эга бўлган (Лю Се асарлари, мил. 5—6-а.лар). Лекин Қад. Ҳиндистон ва Хитойнинг филологик таълимоти, бу соҳалари ютуқлари нисбатан энг янги даврларгача европаликларга маълум эмас эди. Европа Ф.си анъаналари бутунлай юнон манбаларига, антик дунё Ф.сига таяниб иш кўрган. Софистлар даврида (мил. ав. 5-а.нинг 2-ярми — 4-а.нинг 1-ярми) адабиёт соҳаси назарий поэтика ва Ф.нинг объекти бўлиш учун зоологик нуқтаи назардан жиддий ажралиб чиқади. Софистлардан Протагор, Горгий, Продик ва б. филологик методларни ишлаб чиқишда катта хизмат қилганлар; юнон адабиёт назарияси Аристотелнинг «Поэтика» асари б-н юқори босқичга кўтарилган. Эллинистик даврда (мил. ав. 3—1-а.лар) Ф. фалсафадан ажралиб чиқди ва мутахассислар — Искандария ва Пергам кутубхоналари қошида ўтади: улар антик муаллифларнинг тузатилган матнларини аниқлаш ва шарҳлаш б-н шуғулланганлар. Фракиялик Дионисий (тахм. мил. ав. 150—90-й.лар) сўз туркумларининг ҳозиргача ҳам қўлланиб келаётган назариясини ишлаб чиқди. Илк христианлик даври олимларидан Ориген, Иероним (Инжилни биринчи марта лотинчага таржима қилган зот) Инжилнинг асл нусхаси ва юнонча таржимаси устида улкан текстологик ишларни амалга оширдилар. Юнон Ф.си анъаналари ўзининг антик ҳолатини (муштоқ матнларни ўрганиш ва шарҳлаш) батамом сақлаган ҳолда Ўрта асрларда Византияда давом эттирилади: Рим империяси кулагандан сўнг (1453) Уйғониш даври Италиясига кўчиб келган олимлар туфайли Византия Ф.сини мерос қилиб олади. Қад. Рим Ф. тилнинг грамматик жиҳатини, имлосини ўрганишдан грамматиканинг фарқлаган турини. Ф.нинг кейинги тараққиёт босқичи Уйғониш давридаги Данте, Боккаччо, Петрарка, Лоренцо Валл рисолалари б-н боғлиқ. Ушбу рисолаларда Аристотель асарларининг ҳақиқий мазмуни аниқланган, қад. юнон ва римлик ёзувчиларнинг ўзига хос матнларни танқидий нуқтаи назардан ўрганилган ва шарҳланган.

Ўрта асрларда Ф. Европада тушкунликка учраган даврда, 8—14-а.лар давомида араб Ф.си кенг кўламда ривожлана бошлайди. Араб Ф.сида тилшунослик, қисман адабиётшунослик соҳалари ривожланган. Бу даврда Куфа ва Басра грамматик мактаби (оқимлари) юзага келган. Басра грамматик оқими вакиллари: *Халил ибн Аҳмад* (8-а.) ва унинг шогирди Сибавайҳий ўз асарларида классик араб тили меъёрларини ишлаб чиқиб, араб тилининг биринчи изоҳли луғатини тузганлар, Сибавайҳий араб тилида сўз туркумларини 3 асосий гуруҳга (исм, феъл, ҳарф) ажратган ва сўз туркумларининг синтактик муносабатларини белгилаган. Куфа грамматик оқими вакиллари эса ўз асарларида араб тили синтаксисига, араб тилининг диалектал грамматик хусусиятларига бағишлаганлар. 9—10-а.ларда ҳар икки грамматик оқим мустақил тилшунослик мактаби даражасига кўтарилган. Басра ва Куфа грамматик оқимлари асосида Бағдод грамматик мактаби юзага келади, Бағдод грамматик назарияси яратилади. Бағдод грамматик оқимининг вакили Ибн Жиний (10-а.) ўз асарларида этимология масалаларига эътибор берган. *Араб халифалиги* ҳукмронлиги Сурия, Миср, Эрон, Испания, Ўрта Осиёга ҳалар тарқалиши муносабати б-н бу ҳудудларда ҳам Куфа, Басра, Бағдод грамматик оқимлари таъсирида филолог-тилшунослар етишиб чиқади.

Араб Ф.си анъаналарининг ташкил топишида ва тараққий этишида арабларга б-н бир қаторда бошқа халқларнинг араб тилида ижод этган вакиллари ҳам иштирок этган. Инглиз шарқшуноси Е. Браунинг кўрсатишича, араб фани ва маданиятининг энг муҳим вакиллари деб саналган 45 кишидан 30 нафари араб бўлмаган халқларнинг вакиллари бўлган. Туркий Ф. фанининг вужудга келиши ҳам айни мана шу олимларнинг номлари фаолияти б-н боғлиқдир.

Туркий халқларда Ф. қадимда махсус фан сифатида қаралмаган бўлса-да, унга оид жуда кўплаб асарлар — луғатлар, грамматикалар, адабиётшунослик ка доир рисолалар, тазкиралар, туркий халқлар тарихи ва этнографиясига доир китоблар ёзилган. Маҳмуд *Кошғарий* (11-а.) туркий халқлар маданияти ва фани тарихида алоҳида ўрин тутади. У туркий Ф. фанини яратган олимлардан бири ва биринчиларидир. Унинг «*Девону луғотит турк*» асарида бу фаннинг деярли барча соҳалари ёритилган: туркий тиллар лексикаси, фонетикаси ва морфологияси, туркий тиллар таснифи, туркий халқларнинг оғзаки ижоди ва б. Асарда, шунингдек, туркий халқлар этнографияси, топонимикаси, географик жойлашувига оид қимматли маълумотлар ҳам бор. М. Кошғарий тилларни қиёсий ўрганишга ҳам асос солган. Ўз даври олимлари томонидан «Жоруллоҳ» («Аллоҳнинг қўшниси») лақабини олган Маҳмуд *Замахшарий* (11—12-а.лар) Шарқ фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшди. У фалсафа, тарих, адабиётшунослик, фольклоршунослик, тилшунослик каби фанларга оид 50 дан ортиқ асар яратди. Унинг «Муқаддимат ул-адаб» асари фақат араб тили ва тилшунослиги тарихини ўрганиш жиҳатидангина эмас, балки туркий халқлар тиллари тарихини ўрганиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Асарнинг луғат қисмида арабча сўзларнинг форсча, мўғулча таржималари б-н бир қаторда туркийча таржималари ҳам берилган. Булардан ташқари, 13—19-а.ларда номи машҳур ёки номаълум муаллифлар томонидан яратилган 10 дан ортиқ бир тилли ёки икки тилли изоҳли луғатлар туркий тилларда Ф. фанининг ривожига муайян ҳисса бўлиб қўшилди. Шунингдек, Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мезон ул-авзон», «Мажолис ун-нафоис», «Тарихи мулуки Ажам» асарлари, Бобурнинг «Бобурнома», «Мухтасар» («Рисолаи аруз») ва

«Бобурнома», Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» китоблари, Мунис, Огаҳий, Баёний каби муаллифларнинг тарихий асарлари, Шайх Аҳмад *Тарозий*нинг адабиётшуносликка оид «Фунун ул-балоға» китоби ва б. илмий асарлар ҳам кенг маънода Ф. фанини бойитган.

18-а.да Германияда филолог Н.И. Винке изланиши «неогуманизм» (янги гуманизм) назарияси пайдо бўлиши сабабли Ф.нинг янги даври бошланади. Антик дунёнинг яхлит, бир бутун образи ҳақидаги масала Уйғониш давридагидек, ҳатто янада кўпроқ илмий талабчанлик б-н ўртага ташланади. Немис филологи Ф. А. Вольф «Ф.» терминига қадимият, антик дунё ҳақидаги фаннинг номи сифатида аниқлик киритади. Бу даврда Ф. жуда кенг маънода тушунилиб, нафақат муайян халқ тили ва адабиётини, балки тарихи, фалсафаси, санъати ва ҳатто маданий маданиятини ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Ф.нинг қад. маданият ёдгорликларини ўрганувчи, юнон ва римлик муаллифлар асарларини шарҳловчи бўлими кейинчалик «классик Ф.» деб аталган. 19-а.да Ф.нинг бошқа фанлардан ажралиш жараёни кучайган эди. Немис филологлари Г. Узенер, Э. Роде, У. фон Виламовиц-Мёллендорф ва б.нинг фаолияти натижасида қадимги дунё тарихи мустақил фан тарзини сифатида Ф.дан ажралиб чиқади; айни шу даврда романтизм ва б. гоявий оқимларнинг таъсири остида «классик Ф.» б-н бир қаторда «янги Ф.» ҳам вужудга келди; германшунослик (акалар Я. ва В. Гриммлар), славяншунослик (А. Востоков, В. Ганка), шарқшунослик каби. Шу б-н бирга ака-ука Гриммлар, Ф.Диц, И. Добровский, А. Востоков ва б. филологлар тилларни ўрганишнинг қиёсий-тарихий методини ишлаб чиқдилар. 18—19-а.ларда Ф.нинг бир тармоғи сифатида *қиёсий тилшунослик* фани пайдо бўлди.

Ф.нинг юқоридагидек махсус бўлимлари юзага келган ва қиёсий-тарихий метод қўллана бошлаган даврда Ф. тушунчаси торайиб, *индоевропеистика* тенглашиб қолган. 19-а. охири — 20-а. бошларида Ф. тушунчаси ҳиндевропа тиллари ва у тиллар ва адабиётларни ўрганишни қамраб олади; матншунослик, манбашунослик, палеография каби фанлар Ф.нинг ёрдамчи соҳалари сифатида пайдо бўлади, айниқса, матншуносликнинг шаклланиши ва ривожланишида қад. қўлёзмаларни, мумтоз шоирларнинг (мас., Юсуф Хос Ҳожиб, Атоий, Навоий, Бобур; Пушкин, Лермонтов ва б.) асарларини нашр этишда муҳим роль ўйнади. Ф.ни ташкил этувчи тилшунослик ва адабиётшунослик фанлари, ўз навбатида, махсус соҳаларга тармоқланиши: умумий тилшунослик, тил тарихи, хорижий тилларни ўрганиш; адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқид ва б. Ф. доирасида фольклоршунослик ҳам тилшунослар, чунки фольклор ҳам сўз санъати ҳисобланади.

Ҳоз. Ф. тил ва адабиётнинг ўрганилишининг янги-янги муаммоларини ўртага ташлаб, янги-янги методларни ишлаб чиқмоқда; ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига хос ёзма манбалар б-н узвий боғланган ҳолда ривожланмоқда; филологик тадқиқотлар мавжуд манбаларга чуқур илмий ва танқидий нуқтаи назардан ёндашган ҳолда олиб борилмоқда. Бир пайтлар игоҳ. яхлит фан ҳисобланган Ф. бағридан ажралиб чиқиб, мустақил фанларга айланган тарих, фалсафа, санъатшунослик, маданият тарихи каби соҳаларнинг вазифалари б-н ўз вазифаларини чегаралаб олиш, шу б-н бирга, улар б-н ижодий ҳамкорлик қилиш ҳоз. Ф.нинг энг муҳим ўзига хос хусусиятидир.

Ўзбек Ф.сининг асослари М. Кошғарий, М. Замахшарий даврида ва асарларида бориб тақалса ҳам, аслида мозийга бориб тақалса-да, у узоқ даврлар давомида ўзига хос тарзда ривожланиб келган бўлса ҳам, ҳоз. маънодаги ўзбек Ф.си 20-а. бошларидан шаклланиб бошлади: ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги, манбашунослиги ва матншунослиги Ф. фанининг тармоқлари сифатида тараққий этди. Ҳоз. ўзбек Ф.си жаҳон Ф. фанининг таркибий қисми сифатида ҳар томонлама ривожланмоқда. Ўзбек Ф.си тараққиётига М. Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Авлоний, А. Зоҳидий, Элбек, Ғози Олим Юнусов, Ҳоди Зариф, Отажон Ҳошим, Ш. Хуррамов, С. Иброҳимов, П. Шамсиев, С. Муталлибов, Олим Шарафиддинов, С. Усмонов, Иззат Султон, О. Усмонов, У. Турсунов, Ф. Камол, Н. Абдуллаев, В. Зоҳидов, F. Каримов, Ф. Абдуллаев, А. Рустамов, Ҳ. Сулаймонов, рус олимларидан Е. Поливанов, К. Юдахин, А. Боровков, В. Решетов, А. Кононов, А. Шчербак ва б.нинг муносиб ҳиссалари бор. Шунингдек, Ш. Шоабдураҳмонов, F. Абдураҳмонов, А. Ҳайитметов, А. Қаюмов, А. Рустамов, К. Маҳмудов, М. Асқарова, Ш. Раҳматуллаев, А. Ҳожиев, А. Абдуғафуров, Б. Валихўжаев, Н. Каримов, Т. Мирзаев, Б. Назаров, Э. Фозилов, Э. Бегматов, Ҳ. Неъматов, А. Нурмонов, Н. Маҳмудов ва б. ҳоз. кунлари ўзбек Ф.сини ривожлантиришда ўз илмий изланишлари б-н иштирок этиб келмоқдалар.

Ад.: Қўчқортоев И., Исабеков Б., Туркий филологияга кириш, Т., 1984; Нурмонов А., Ўзбек тилшунослиги тарихи, Т., 2002.

Абдуқодир Ҳайитметов, Неъмат Маҳкамов

ФИЛОН Александриялик (милодий тахм. 21 йил — Александрия — мил. 41 йил 49) — яҳудий-юнон файласуфи. *Иудаизм* ақидаларини *Платон*нинг идеалистик таълимоти ва *стоицизм* б-н боғлаган. Ф. фалсафасининг асосида икки қонун: худонинг мутлақлиги ва инсонлар тўғрисидаги стоик-платонча таълимот ётади. *Логос* ҳақидаги назарияни яратган. Христиан илоҳиётининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

ФИЛОСОФИЯ (фил... ва sophia — донолик) — қ. *Фалсафа*.

ФИЛЧАЛАР (Curculionidae) — қўнғизлар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. Бошининг олдинги қисми найсимон чўзиқ бўлиб, хартумни эслатади. «Хартум»и учида кемирувчи оғиз органлари ва мўйловлар бўлади. Куртлари С шаклида, оқиш рангли ва оёқсиз, тупроқда ва ўсимлик тўқималарида ривожланади. 45000 дан зиёд тури маълум. Ўзбекистонда 1000 га яқин тури учрайди. Ф.нинг шакли ва ранги ҳар хил. Уз. 3—60 мм. Ўсимликхўр. Айрим турлари қ.х. экинларига ва омборларда сақланадиган озиқ маҳсулотларига зиён етказади. Фитономуслар, омбор узунтумшуғи (митта), шолн филчаси айниқса кенг тарқалган.

ФИЛЬМ (инг. film — плёнка), кинофильм — бирин-кетин плёнкага туширилган фото тасвирлар мажмуи, улар бир сюжет асосида суратга олиниб, экран орқали кўрсатишга мўлжалланади; *кино санъати* асари.

ФИЛЬМОСКОП (*фильм ва ... скоп*) — *диафильм*даги кўзғалмас тасвирларни кичкина окуляр орқали ёки экранга проекциялаб кўриш учун мўлжалланган асбоб.

ФИЛЬМОТЕКА (*фильм* ва юн. theke — сақланадиган жой) — кинофильмлар йиғиш, сақлаш, техник ишлари б-н шуғулланиб, уларни тарғибот қилувчи муассаса. Аксарият Ф.лар фотосуратлар, китоб ва журнал, сценарийлар, монтаж варақалари, декорация эскизлари, костюмлар ва б.ни сақлайди. Ф. каталоглар, маълумотномалар, кўрсаткичлар, бюллетень ва мавзули тўпламлар нашр этади. Ф.нинг асосий вазифаси — эски фильмларни тиклаш ва уларни тартибга солиш. Шунингдек, маърузалар, конференциялар, кино ҳафталиги ўтказиб туради. Ф. материалларидан и.ч. ва ўқув мақсадларида фойдаланилади.

ФИЛЬТР (франц. filtre — кигиз), с ў з г и ч — 1) с у ю қ л и к Ф.и — суюқликни ундаги қаттиқ зарралар ёки унга аралашмайдиган бошқа суюқликлардан ажратиш (тозалаш) учун мўлжалланган асбоб, мослама ёки ғовак жисм. Суюқлик Ф.лари иш принципига қараб, даврий ва узлуксиз ишлайдиган турларга бўлинади. Даврий ишлайдиганининг ҳажмий, листли, фильтр-пресс, патронли хиллари бор. Ҳ а ж м и й Ф. оз миқдордаги суспензияни ажратишда қўлланилади. У вакуум ёки босим остида ишлайди. Л и с т л и Ф. эритмаларни тиндириш, қаттиқ фазаси ҳажмининг 5%идан ошмаган суспензияларни ажратишда қўлланилади. Ф и л ь т р - п р е с с л а р - дан, асосан, майин дисперс системаларни ажратишда, п а т р о н л и Ф.дан суспензияларни тиндириш ёки қуюлтиришда фойдаланилади. Патронли Ф. вакуумда (қ. *Вакуум-пресс*) ёки босим остида ишлайди. Унинг ички панжарасига фильтрловчи тўсиқлар (патронлар) маҳкамланган. Чўкинди сиқилган ҳаво, пневмогидравлик зарб ёки титрама (вибрацион) қурилмалар воситасида тозалаб олинади; г а з Ф. л а р и узлуксиз ишлайдиган аппаратлардир. Тузилишига кўра, ясси фильтрловчи сиртли ва батареяли бўлади. Ясси фильтрловчи сиртли Ф.да тешик панжаралар бўлиб, уларга фильтрлаш тўсиқлари ўрнатилади. Унга қум, кварц ва б. қават-қават қилиб солинади ёки икки панжара орасига толали материаллар (асбест тола, шиша тола, пахта ва б.) қўйилади. Батареяли Ф. тўқималардан енг шаклида ясалади. 3) б и о л о г и к Ф. — оқова сувларни микроблар таъсирида парчалаш жараёнлари ёрдамида ёки органик моддаларни минераллаш йўли б-н зарарли моддалардан тозалаш учун мўлжалланган қурилма; 4) ё р у г л и к Ф. и — баъзи нурларни тутиб қолиш учун мўлжалланган мослама; мас., маълум ёруғлик нурларини тутиб қоладиган рангли шиша, рентген нурларини тутиб қоладиган металл пластиналар, иссиқлик нурларини тутиб қоладиган экранлар ёки совитиш идишлари (иссиқлик Ф.и); 5) э л е к т р Ф. и — бир хил частотали токларни ўтказиш, бошқа частотали токларни кучсизлантириш учун мўлжалланган қурилма. Ўзиндукция ғалтаклари ва конденсаторлардан иборат; 6) а к у с т и к Ф. — мураккаб товушдан муайян частоталар полосасини ажратиб олиш учун мўлжалланган қурилма. Мас., реактив двигателлар ва *ички ёнув двигатели*ларида иш бажариб бўлган газлар ҳосил қиладиган шовқинни пасайтириб беради (бунга автомобиль товуш сўндиргичи, яъни глушителни мисол қилиш мумкин). Техникада, қурилиш ва радиотехникада ҳам кенг қўлланади; 7) л а б о р а т о р и я Ф. и — лаб. ишларида суспензияларни суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш ёки фильтрлаш (сузиш) кўрсаткичларини аниқлаш учун мўлжалланган қурилма. Шиша идиш (най, воронка), ғовак шишадан қилинган сузиш тўсиғи ёки тешик-тешик тубига қоғоз, мато, тўр ва б. сузиш материали тўшалган идишдан иборат; 8) *ички ёнув двигатели*нинг ёнилғи б-н таъминлаш тизимида ёнилғини механик аралашмалар ва сувдан тозалаш учун мўлжалланган қурилма (қ. *Ёнилғи фильтри*).

ФИЛЬТР-ДАСТУРЛАР — *компьютер* учун вирусга қарши тузиладиган дастурлар. Компьютер ишлаш тизимига зарарни кўпайтириш ва зиён етказиш мақсадида вируслар томонидан операцион тизимга қилинаётган «ҳужум» (мурожаатларини тутиб қолади ва улар ҳақида фойдаланувчига маълум қилади.

ФИЛЬТРЛАШ (к и м ё д а) — суюқлик ёки газни ўтказиб, қаттиқ жисмларни тутиб қоладиган фильтрловчи тўсиқ ёрдамида суспензиялар ёки *аэрозоллар*ни ажратиш жараёни. Ф. махсус қурилма — фильтрда амалга оширилади. Суспензияни Ф.да суюқликдан ажраладиган қаттиқ жисмлар фильтрловчи тўсиқда кўпинча нам чўкма ҳосил қилади. Бу чўкма сув ва б. суюқликлар б-н ювиб туширилади ёки қуритиш мақсадида ҳаво б-н пуфланади. Жуда ковушқоқ ва концентрацияси кичик нозик дисперс суспензияларнинг қаттиқ зарралари фильтрловчи тўсиқнинг тешикчаларига сингиб, чўкма ҳосил қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Тешикчаларни камайтириш ёки кичрайтириш мақсадида ёрдамчи моддалар (диатомит, перлит, асбест, целлюлоза ва б.) қўлланади. Бундай моддалар фильтрловчи тўсиққа берилади ёки суспензияга қўшилади. Фильтрловчи тўсиқ орқали ўтган суюқлик ф и л ь т р а т деб аталади.

Ф.нинг қуйидаги турлари бор: а) суспензиянинг ўзинигина ажралиши, яъни суспензия таркибидаги фильтрловчи тўсиқда тутиб қолинган қаттиқ жисмни ажратиш; б) суспензияни қуюлтириш — фильтрловчи тўсиқ орқали суюқ фазанинг бир қисмини ўтказиб юбориб, суспензиянинг концентрациясини ошириш; в) суюқликни тиниқлаштириш — уни оз миқдордаги муаллақ моддалардан тозалаш.

Ф. бир жинсли бўлмаган суюқ системаларни ажратиш, газларни тозалашнинг самарали усулидир, у лаб. ва саноатда (кимё, озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш, кончилик ва б. соҳаларда) кенг қўлланади.

ФИЛЬХНЕР ШЕЛЬФ МУЗЛИГИ — Антарктида ғарбидаги музлик. Уэдделл денгизига тушиб боради. Узунлиги ғарбдан шарққа 200 км, шим.дан жан.га 450 км гача. Чекка қисмидаги бал. 30 м, марказий ва ички ҳудудларида 70—120 м, муз қалинлиги ҳам шунга мувофиқ тарзда 200 ва 450—700 м. 1912 й.да В. Фильхнер бошчилигидаги немис Антарктида экспедицияси томонидан топилган. Ф.ш.м.да турли мамлакатларнинг илмий ст-ялари фаолият кўрсатади.

ФИМОЗ (юн. phimosis — торайиш, торайиш) — эрлик олати (закар) чекка кертмак қисмининг торайиши. Бунда олат бошчаси етарли очилмайди. Тугма (баъзи болаларда 2—3 ёшгача кузатиладиган физиологик Ф.) ва орттирилган Ф. фарқ қилинади. Орттирилган Ф. сурункали баланопостит касаллиги оқибатида пайдо бўлади (қ. *Баланит*). Ф. захм ва сўзак туфайли ҳам юзага келиши мумкин. Асосий белгиси: сийганда сийдик яхши чиқиб кетолмай, чекка кертмак қопчасига тўпланиб, у шишади, лимфа томирлари йўғонлашади, баъзан човга оғриқли без келади; беморнинг т-раси кўтарилади, лоҳас бўлади. Оғирроқ ҳолларда сийдик чиқариш канали кенгайиб, яллиғланади. Ф. б-н оғриган болаларда кўпинча кечаси сийиб қўйиш, катталарда эса жинсий ҳаётнинг қийинлашиш ҳоллари кузатилади. Ф. рўй берганда дарҳол врачга мурожаат этиш лозим. Врачга кўрингунга қадар олатни калий перманганат (марганцовка)нинг кучсиз эритмаси б-н чайиш ва ванна қилиш мумкин.

ФИН ТИЛИ — *фин-угор тиллари* оиласидаги болтиқбўйи-фин гуруҳига мансуб тил. Финляндия, Швеция, АҚШ, Канада, Россия, Норвегия ва б. бир қанча мамлакатларда тарқалган. Ўтган аср охиридаги маълумотларга қараганда, Ф.т.да сўзлашувчиларнинг умумий сони 5,5 млн. кишидан ортиқ (Финляндиянинг ўзида 4,8 млн. кишига яқин). Финляндия Республикасининг расмий тили (швед тили б-н бирга). Финляндия ҳудудида 8 та асосий лаҳжа ажратилади: жан.-ғарбий (суоми), ем (хяме), улар оралиғидаги жан. ботник, ўрта ботник, шим. ботник, шим.-саво, жан.-шарқий.

Ф.т. — муайян флектив элементларга эга бўлган агглютинатив тил. Фонологик тизими 8 унли ва 13 ундош фонемадан иборат; уларнинг ҳар бири (j, v, h, d дан ташқари) чўзиқлик даражаси бўйича қарама-қарши қўйилади; бу имлода а—аа, о—оо, t—tt, р—рр каби (қисқа-чўзиқ) акс этади. Баъзи туркумларда унлилар гармонияси кузатилади. Унли фонемалар миқдори дифтонглар (16 та) ҳисобига кўпаяди. Морфологик белгилари: жинс категорияси йўқ; отлар 13 келишик б-н ўзгаради; феъллар 2 хил тусланишда, 4 майл, 4 замон, 3 шахс шакллари б-н ўзгаради, синтаксис соҳасида сўз тартиби нисбатан эркин.

Адабий тилнинг шаклланиши ва ривожланишида 2 давр: эски фин (1540—1820) ва янги фин (19-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб) даврлари ажратилади. Финляндиянинг швед мустамлакасидан озод бўлишига қадар (1809) расмий тил сифатида швед тили устунлик қилиб, адабий Ф.т. деярли ривожланмаган. Янги Ф.т. даври ҳам 2 босқичдан: илк янги фин (1820—70) ва ҳоз. фин (1870 й.дан) босқичларидан иборат. Илк фин даврида адабий тил оғзаки тил б-н яқинлашди. 1863 й.дан бошлаб Ф.т. расман швед тили б-н тенг ҳуқуқларга эга бўлди: мактаблар ва ун-тларда ўқитила бошлади, унда газ., жур. ва бадиий адабиёт нашр этиладиган бўлди. 19-а.нинг 70-й.ларига келиб ҳоз. адабий Ф.т. нинг асослари яратилди. 1919 й. Ф.т. Финляндиянинг расмий тили деб эълон қилинди. Ёзуви лотин графикаси асосида (16-а.дан).

ФИН ҚЎЛТИҒИ — Болтиқ денгизининг шарқий қисмидаги қўлтиқ. РФ, Финляндия, Эстония соҳиллари оралиғида. Майд. 30 минг км². Уз. 390 км, эни кираверишш қисмида 70 км. Қирғоқлари шим.да қояли ва шхера типли, жан. ва шарқида паст. Қўлтиқнинг шарқий қисми — Нева қўлтиқчасига Нева, шунингдек, Нарва, Луга дарёлари қуйилади. Чуқурлиги ғарбида 100 м, шарқида 7 м. Орол кўп. Сувнинг юза қисмида т-ра қишда 0° дан паст, авг.да 15—17°. Нояб. охиридан апр. охиригача муз б-н қопланади. Шўрлиги 2—5‰. Катта кемаларнинг Санкт-Петербург портига кириш учун Ф.қ.да Денгиз канали қазилган. Сув сатҳининг баландлиги шамоллар ва атмосфера босими таъсирида ўзгариб туради. Натижада Нева қўлтиқчасида сув кўтарилиб, Санкт-Петербургда тошқинлар бўлади. Ф.қ. соҳилидаги йирик портлар: Санкт-Петербург, Виборг (РФ), Таллин (Эстония), Хельсинки, Котка (Финляндия).

ФИНАЛ (лот. finis — охир, ниҳоя) — 1) тамом бўлиш, тугаллаш, якун, мас., спорт мусобақаларида ғолиблар аниқланадиган якуний учрашув; 2) (м у с и қ а д а) — саҳнавий (опера, балет) ва чолғу (симфония, соната каби) туркумли мусиқа асарларининг хотима қисми. Асарнинг бадиий мазмунини умумлаштириб, мавзуларнинг драматургик ривожига якун ясайди. Опера Ф.и бутун асар ёки муайян парда кульминациясини ўз ичига олади, жадал ривожи, драматизм ёки тантанавор характери б-н ажралиб туради (яна қ. *Апофеоз*). Чолғу Ф. кўпинча тез суръат, рақсбоп ритмлар, жонли кайфиятга асосланади.

ФИНВАЛ, с е л ь д с и м о н к и т (Balaenoptera physalus) — *тишсиз китлар* кенжа туркумига мансуб сут эмизувчи. Арктикадан Антарктикагача бўлган жойларда тарқалган. Узоқ Шарқ денгизларида, камдан-кам Баренц ва Оқ денгизларда учрайди. Урғочиси гавдасининг уз. 19—20 м (баъзан 27,3 м, одатда, эркаклари урғочисидан 1 м гача калта). Усти тўқ кулранг, қорни оқ, бошининг ўнг қисми чапига нисбатан оқиштироқ. Мўйлов пластинкалари (ҳар қаторда 360 га яқин) кулранг-кўк. Боласининг уз. 6—7 м. Ф. қисқичбақасимонлар, балиқлар, *бошоёқли моллюскалар* б-н озиқланади. Сони камайиб кетганлиги сабабли овлаш тақиқланади. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ФИНЗЕН, Финсен (Finsen) Нильс Рюберг (1860.15.12, Торсхавн, Фарер ороли — 1904.24.9, Копенгаген) — даниялик физиотерапевт. Копенгаген ун-тини тугатган (1890). Копенгагендаги ёруғлик б-н даволаш ин-ти ташкилотчиси ва директори (1896—1904).

Илмий фаолияти ультрабинафша нурларининг биологик таъсири ва ундан тери силини даволашда фойдаланишга оид. Ф. *ёруғлик билан даволаш*нинг илмий асосларини ишлаб чиққан. Нобель мукофоти лауреати (1903).

ФИНИК ПАЛЬМАСИ, х у р м о п а л ь м а с и, ф е н и к с (Phoenix) — пальмадошлар оиласига мансуб икки уйли дарахтсимон ўсимликлар туркуми. Африка ва Осиёнинг тропик ва субтропик минтақаларининг дарёларга яқин, ер ости сув манбалари бор қурғоқ жойларида, водийларда, ботқоқликларда 15 тури ўсади. Асил Ф.п. (Ph. dactylifera) ёки а р а б х у р м о с и тури — Шим. Африка, Арабистон ярим ороли, Жан. Эрон, Афғонистон ва Покистоннинг қуруқ субтропик минтақаларида ўсувчи қад. маданий ўсимликдир. Ёввойи тури маълум эмас. Ф.п. мил. ав. 4-минг йилликда Шумер, Оссурия ва Қад. Мисрда экилгани маълум. Танаси барг бандлари қолдиқлари б-н, тепа қисми қалин патсимон барглар б-н қопланган. Гуллари бир жинсли, рўвaксимон тўпгул ҳосил қилади, шамол ёрдамида чангланади. Меваси қаттиқ уруғли, баъзиларинники ейишли. Танаси тик ўсади, бал. 15—20 м гача, меваси — финики (хурмоси) чўзинчоқ ёки овал, уз. 7,5 см, диаметри 3,5 см, янгилигида ва ярим қуритилган ҳолда истеъмол қилинади. Араб мамлакатларида Ф.п. асосий овқат ҳисобланади (ундан камида 100 хил овқат тайёрланади), экспорт қилинади. Таркибида 62—71% қанд, 1—2,5% оқсил, 2,5% ёғ моддалари бор. Дарахт пўстлоғини тилиб шарбати олиниб, шакар, финик виноси, барглари толасидан арқон, саватлар тайёрланади. Уруғидан ва илдиз бачкиларидан кўпаяди. Асил Ф.п. меваси етиштириш бўйича Ироқ ва Шим. Африка мамлакатлари олдинги ўринларда туради. Ўрта Осиёда Туркманистон жан.-ғарбида 1939 й.дан экилади. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида учрайди.

Финик пальмаси: *1* — Канар финик пальмаси. *2* — араб хурмо пальмасининг мева шодаси.

ФИНИКИЙ АЛИФБОЛАРИ

Транскрипция	Ахирам мил.ав.13-а.	Ўрта финикий мил.ав.5-3-а.	Пуни	Янги пуни
'	𐤀	𐤀	𐤀 𐤀	𐤀𐤀𐤀
b	𐤁	𐤁 𐤁	𐤁	𐤁𐤁𐤁
g	𐤂	𐤂	𐤂 𐤂	𐤂𐤂
d	𐤃	𐤃 𐤃	𐤃 𐤃	𐤃𐤃
h	𐤄	𐤄 𐤄	𐤄 𐤄	𐤄𐤄
w	𐤅	𐤅 𐤅	𐤅 𐤅	𐤅𐤅𐤅
z	𐤆	𐤆	𐤆	𐤆
ḥ	𐤇	𐤇 𐤇	𐤇 𐤇	𐤇𐤇
ṭ	𐤈	𐤈	𐤈	𐤈
y	𐤉	𐤉	𐤉	𐤉
k	𐤊	𐤊	𐤊	𐤊
l	𐤋	𐤋	𐤋	𐤋
m	𐤌	𐤌	𐤌	𐤌
n	𐤍	𐤍	𐤍	𐤍
s	𐤎	𐤎	𐤎	𐤎
'	𐤏	𐤏	𐤏	𐤏
p	𐤐	𐤐	𐤐	𐤐
ṣ	𐤑	𐤑	𐤑	𐤑
q	𐤒	𐤒	𐤒	𐤒
r	𐤓	𐤓	𐤓	𐤓
š	𐤔	𐤔	𐤔	𐤔
t	𐤕	𐤕	𐤕	𐤕

Транскрипция	Мешал. мил.ав. 9-а.	Йўнонлик мил.ав.12-а.
'	𐤀	Α Α
b	𐤁	Β
g	𐤂	Γ
d	𐤃	Δ
h	𐤄	Ε
w	𐤅	Υ Υ
z	𐤆	Ζ
ḥ	𐤇	Η
ṭ	𐤈	Θ
y	𐤉	Ι
k	𐤊	Κ
l	𐤋	Λ
m	𐤌	Μ
n	𐤍	Ν
s	𐤎	Ξ
'	𐤏	Ο
p	𐤐	Π
ṣ	𐤑	Ϻ
q	𐤒	Φ
r	𐤓	Ρ
š	𐤔	Σ
t	𐤕	Τ

ФИНИКИЙ ЁЗУВИ — мил. ав. 2-минг йиллик ўрталарида Финикияда пайдо бўлган ҳамда финикияликлар ва карфагенликлар, қад. яҳудийлар ва моавликлар томонидан мил. 4-а.гача фойдаланилган консонант ҳарф-товуш ёзуви. Ф.ё. *угарит ёзуви* ёки қад. арабий (тамуд, сафати, лихёни) алифболар б-н бирга расмли қад. ханаан бўғинли-консонант ёзувидан келиб чиққан бўлса керак. Ф.ё.даги графемалар сони (22 та) асосий манба ёзувдагига (29—30 графема) нисбатан камайган. Унда фақат ундошларгина ифодаланган, унлилар мутлақо ифодаланмаган — Ф.ё. соф консонант ёзув бўлган. Ҳарфлар муайян қатъий кетма-кетликда жойлашган, яъни алифбони ташкил этган. Ҳар бир ҳарф белгили номга эга бўлган ва номлар айни ҳарф биллдирган товуш б-н бошланган. Мас., б — «бет», д — «далет», г — «гимел» ва ш.к.

Ф.ё. ўнгдан чапга қараб горизонтал ҳолатда ёзилган. Бу ёзувнинг пайдо бўлиши инсоният тарихида ёзувни такомиллаштиришда олға қўйилган қадам бўлган, чунки биринчи марта соф товуш ёзувининг, графемалар сони аниқ бўлган мукаммал алифбонинг юзага келиши жамиятда ёзувни билган кишилар доирасини ниҳоятда кенгайтириб юборган. Мил. ав. 12-а.да тула шаклланган Ф.ё. финикияликларнинг Ўрта денгиз бўйларида барпо қилган мустамлака ерларида тарқалган. 10—9-а.ларда Ф.ёдан *оромий ёзуви* (ундан эса яҳудий, набатий, араб; Олд ва Марказий Осиёнинг бошқа алифболари, жумладан, бидиосита грузин ва арман; суғд, уйғур ва мўғул ёзувлари ва б. ёзувлар) пайдо бўлган. 11—8-а.ларда эса юнон, кейинроқ лотин, кирилл алифболари, *браҳми* ёзуви (ундан Ҳиндистон, Шим.-Шарқий Осиё ва Тибет ёзувлари) келиб чиққан. Маълумотларга қараганда, ҳоз. бизга маълум бўлган ҳарф-товуш тизимидаги алифболарининг $\frac{4}{5}$ қисмидан кўпроги Ф.ёдан тарқалган.

Ф.ёда битилган энг қад. ёдгорликлар мил. ав. 12—10-а.ларга мансуб бўлиб, Финикиянинг ўзидан эмас, балки унинг мустамлакалари ҳудудидан топилган (улар кўп эмас). Ф.ё.даги ёдгорликларнинг кўпчилиги мил. ав. 5-а. — мил. 2—3-а.ларга мансуб. Ундан кейинги даврда Ф.ё. оромий ёзуви томонидан сиқиб чиқарилган.

ФИНИКИЙ ТИЛИ — *сом тиллари*нинг ханаан гуруҳчасига мансуб ва мил. ав. 2—1-минг йиллик — мил. 1-минг йилликда Финикияда ҳамда Ўрта денгиз соҳилларидаги финикий мустамлака-манзилгоҳлари (Кипр, Сицилия, Сардиния, Мессалия, Испания, Шим. Африка)да тарқалган (кейинчалик ўлик) тил. Ф.т. Финикиянинг ўзида мил. 2-а.да истеъмолдан чиққан; Шим. Африкада эса сўнгги даври Ф.т. (янги пуна тили) араблар истилоси даври (8-а.нинг сақланиб қолган. Мил. ав. 2-минг йиллик ўрталаридан мил. 2-а. гача (Финикия) ва мил. 3—4-а.ларгача (Ўрта денгизнинг ғарбий) бўлган даврга маъсуб ёзма ёдгорликлар орқали маълум; диалектал жиҳатдан шим. финикий, жан. финикий, кипр, пуна даҳжаларига бўлинади. Ф.тнинг морфологияси ва лексикаси бошқа сом тилларинiкига, хусусан, *иврит*никига ўхшаш. Ф.т. фонетикасининг ўзига мансуб бўлган хусусиятлари қаторига 28 ундошдан, графикасига кўра, 22 таси сақланиб қолган. Вокализм (унлилар) соҳасида ҳам анчагина фарқлар бўлган.

ФИНИКИЯ — Ўрта денгизнинг шарқий соҳилидаги қад. вилоят. Ривоятларга кўра, Ф.нинг аҳолиси Эритрея денгизи соҳилларидан келган; аврим финикиялик тарихчиларнинг фикрича, финикияликлар Ф.нинг ғуб аҳолисидир. Мил. ав. 5—4 минг йилликда Ф. ўзининг қулай географик жойлашувига кўра, Месопотамия ва Нил водийси аҳолиси б-н фаол савдо-сотиқ олиб борган. Мил. ав. 2-минг йиллик бошларида қулдорлик шаҳар-давлатлари: Угарит (Рас-Шамра), Сидон (Сайда), Берута (Байрут), Арвад(Арад), Тир (Сур) ва б. вужудга келиб, улар мил. ав. 12-а.гача Миср фиръавнлари қўл остида бўлган. Мил. ав. 13-а. охири — 12-а.нинг бошида Ф. ниҳоят Миср мустамлакасидан халос бўлган. Мил. ав. 1-минг йилликда Ф. Ўрта денгиз соҳил бўйининг Марказий ва Ғарбий қисмини эгаллаб, бу ерларга кўплаб финикиялик савдогарлар ва қароқчилар келиши авж олган. Тасос о.да темир рудаси конлари очилган. Мелькарт худоси ибодатхонаси ва кичик қиёслоқ бунёд этилган. Атлантика океанига туташган Шим. Африка соҳилларида, Линкс, Испаниянинг жан. қисмида, Галес, Малака, Сеҳси, Абдера, Сицилияда Мотия, Панорм ва Сардиния Нора шаҳарлари қад. қутарган.

Финикия. Библдаги «Тош иншоотлар ибодатхонаси» (мил. ав. тахминан 1900 й.).

Ф.да ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, кемасозлик жуда тараққий қилган; денгиз йўлларидан кенг фойдаланилган. Шаҳарлар ўртасида ҳукмронлик учун курашлар натижасида кучсизланган Ф. мил. ав. 8—7-а.ларда Осеурияга, мил. ав. 6-а.да Бобилга, мил. ав. 539 йилдан 332 йилгача ахоманийлар давлатига бўйсунган. Ф. мил. ав. 332 йилдан македониялик *Александр* давлати, мил. ав. 3-а. ўрталаридан Салавкийлар давлати қўл остида бўлган. Шу вақтдан бошлаб Ф.да эллинлаштиришнинг жараёни кучайган. Ўрта денгиз бўйидаги Делос, Афина ва б. шаҳарларда финикиялик савдогарларининг факторияларн ва уюшмалари пайдо бўлган. Мил. ав. 2—1-а.ларда Кипрда Юнон-Финикия подшолиги вужудга келган. Мил. ав. 63 йилдан бошлаб Ф. Римнинг Сурия провинцияси таркибига кирган. Аста-секин финикияликлар Сурининг бошқа аҳолиси таркибига сингиб кетган.

ФИНИКС, Феникс — АҚШнинг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Аризона штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,32 млн. киши (2000). Транспорт йўллари чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Деҳқончилик р-нининг муҳим савло-молия маркази. Тоғли штатларнинг машинасозлик маркази. Авиация, ракета-космик, радиоэлектроника (жумладан, яримўтказгичлар, ЭҲМ, навигация жиҳозлари, ҳарбий саноат учун ускуналар и.ч.) саноатлари ривожланган. Рангли металлургия, кимё, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари мавжуд. Ун-т бор. Шаҳарга 1870 й.да асос солинган.

ФИНЛАР (ўзларини суомалайсет деб атанадн) — халқ. Финляндиянинг асосий аҳолиси (4,65 млн. киши), умумий сони 5,43 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), жумладан, РФ да 47,1 минг киши (1989). Фин тилида сўзлашади. Диндорлари — протестантлар (лютеранлар). Болтиқбўйи - фин халқларининг аждодлари Финляндиянинг жан. га мил. ав. 3-минг йилликда келиб жойлашган. Улар аста-секин шим.га силжиб, ҳоз. саамлар (лопарлар) аждодларини сиқиб чиқаришган. Жан.-ғарбий (суми ёҳуд суоми), марказий (еми — ёҳуд хяме), шарқий (корела ёҳуд карьяла қабилалари ғарбий гуруҳи) қабила гуруҳларининг бирлашуви негизида фин элати шаклланган. Ф.нинг кўпчилиги саноатда банд.

ФИНЛЯНДИЯ (финча Suomi, шведча Finland), Финляндия Республикаси (финча Suomen Tasavalta, шведча Republiken Finland) — Шим. Европада жойлашган давлат. Майд. 337 минг км². Аҳолиси 5,186 млн. киши (2002). Пойтахти — Хельсинки ш. Маъмурий жиҳатдан 5 лени (губерния) га бўлинади. 1991 й.дан ўзини ўзи бошқариш мақомини олган Аланд о.лари бу ҳисобга кирмайди.

Финларнинг анъанавий турар жойлари.

Давлат тузуми. Ф. — суверен республика. Амалдаги конституцияси 2000 й. 1 мартда кучга кирган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан Тарья Халонен хоним), у тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н мамлакат фуқаролари томонидан 6 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 1 палатали парламент, ижрочи ҳокимиятни президент б-н ҳукумат биргаликда амалга оширади.

Табиати. Ботния, Фин кўлтиқлари ва Болтиқ денгизи соҳиллари кўпгина бухта ва шхерлар (сув остидаги ва сувдан чиқиб турадиган қоялар) б-н парчаланган. Ҳудудининг аксар қисми денгиз сатҳидан 100—200 м баснамидаги кўллар атрофи ҳамда шим. ва шарқида тепалик ва қирлар бор. Шим.-ғарбида Скандинавия тоғларининг тармоқлари жойлашган (энг баланд жойи 1365 м — Халтиатунтури чўққиси). Фойдали қазилмалардан хромит, темир, мис колчедани, мисникель, полиметалл рудалар, апатит, графит, магнезит, асбест, тальк, мармар, мусковит конлари бор, торф қазиб олинади. Иқлими мўътадил, шим.да континентал иқлим. Болтиқ денгизи ва Гольфстрим оқимининг яқинлиги иқлимга юмшатувчи таъсир қилади. Ўртача т-ра фев.да −3° дан — 14° гача, июлда 14° дан 17° гача. Йиллик ёғин 600—700 мм. Дарё кўп, қисқа, сершув, серостона. Йирикlари — Кеми-Йоки, Кюми-Йоки, Кокемяэн-Йоки, Торнио-Йоки. 60 минг яқин кўл бор (мамлакат ҳудудининг 8%), йирик кўли — Саймa. Ботқоқ кўп. Ҳудудининг 61% ўрмон, асосан, игна барглилардан иборат. Ўрмонлар, шим.да тоғ тундраси. Йирик миллий боғлари — Лемменйоки, Паллас-Оунастунтури, Оуланка ва б. Ф.да 18 қўриқхона бор.

Аҳолисининг 93%дан кўпроғи *финлар*. Жан. ва ғарбий р-нларда шведлар, шим.да саамлар яшайди. Расмий тиллар — фин ва швед тиллари. Диндорларнинг аксарияти лютеричилар, православлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 65,1%. Йирик шаҳарлари: Хельсинки, Тампере, Турку, Эспо.

Тарихи. Мил. ав. 3—2-минг йилликларда Ф. ҳудудида ҳоз. саам (лопар)-ларининг аждодлари яшаган. 1-минг йиллик бошларида бу ерга Болтиқ бўйидаги фин қабилалари кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли б-н қўшилиб кетган ва натижада фин элати шаклланган. 12—13-а.ларда Ф. ҳудудини шведлар истило қила бошлади. 19-а. бошларига

Финляндия табиати манзараси.

Финляндия терби.

келиб у бутунлай Швеция қўл остига ўтди. Аммо фин деҳқонлари шахсий озодликни қўлдан бермадилар. 1808–09 йлардаги Россия-Швеция урушидан сўнг Ф. ҳудуди Буюк Финляндия князлиги тарзида Россия таркибига қўшиб олинди. Ф.ни Россия подшоси тайинлаган генерал-губернатор (1816 йдан сенат раиси) бошқарди. Унга ички маъмурий мухторият б-н бирга иқтисодий мухторият ҳам берилди. 19-а.нинг 20-йларидан Ф.да иқтисодий юксалиш тезлашди. Ёғоч тилиш саноати, қ.х.да сут чорвачилиги ривожланди. Россия ва Ғарбий Европа мамлакатлари б-н савдо-сотиқ жонланди, 1860 йдан ўз пули жорий этилди. 19-а.нинг 2-ярмида пул-товар муносабатлари қарор топди. Фин миллати шакллана борди. 80-йларнинг ўрталарида подшо ҳукуматининг Ф. мухторияти ҳуқуқларига тажовузи кучайди. Фин халқи ўз миллий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш учун кураш бошлади. Дастлабки сиёсий ташкилот ва партиялар тузилди. 1916 й. парламент сайловида Ф. социал-демократик партияси ғалаба қозонди. 1917 й. 6 (19) дек.да Ф. сейми мустақиллик ҳақида декларация қабул қилди. 1919 й. Ф. республика деб эълон қилинди. 1939 й. Ф.га СССР қўшинлари ҳужум қилди. 1939–40 й. «қишки уруш»да финлар қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, Ф. ўз ҳудудининг бир қисмидан маҳрум бўлди. 2-жаҳон уруши йилларида фашистлар Германияси томонида бўлди. 1944 й. урушдан чиқди. Урушдан кейин мамлакат ўзини бетараф деб эълон қилди. Ф. — 1955 йдан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 30 декда тан олган ва 1992 й. 26 февда дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 6 дек. — Мустақиллик куни (1917).

Хельсинки шаҳри.
Финляндия парламенти биноси.

Асосий сиёсий партиялари ва бирлашмалари, касаба уюшмалари. Ф. сўл иттифоқи, Ф. компартияси (1918 й. тузилган) билан Ф. халқи демократик иттифоқи (1944 й. тузилган) нини қўшилиши натижасида 1989 й. ташкил этилган; Либерал халқ партияси, 1965 й. тузилган; Миллий коалицион партия, 1918 й. асос солинган; Ф. қишлоқ партияси, 1959 й. ташкил этилган; Ф. социал-демократик партияси, 1899 й. тузилган; Кўкатпарварлар иттифоқи, 1987 й. асос солинган; Ф. Маркази, 1906 й. ташкил этилган; Ф. Христиан-демократик партияси (1958 й. Ф. Христиан иттифоқи номи б-н ташкил этилган, 2001 йдан ҳоз. номда); Швед халқ партияси, 1906 й. тузилган. Ф. касаба уюшмалари марказий ташкилоти, 1907 й.да ташкил этилиб, турли номлар б-н юритилган, 1969 йдан ҳоз. номда.

Хўжалиги. Ф. —юксак даражада ривожланган индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 32%, қ.х., ўрмон ва балиқ хўжалигиники 5%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 63%.

Саноати, асосан, экспортга мосланган бўлиб, ўрмон, металлургия, машинасозлик (ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз саноати ва кемасозлик учун асбоб-ускуналар и.ч., электротехника ва радиоэлектроника), ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз (тилинган ёғоч, қоғоз, картон, фанер и.ч.), қора ва рангли металлургия, электр энергетикаси, нефтни қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқларидир. Ф.нинг ўзини энергетика ресурслари старли эмас, қаттиқ ва суюқ ёқилғининг аксар қисми чет элларан келтирилади. Электр энергиянинг 1/6 ГЭСларда, 1/3 АЭСларда ҳосил қилинади. Йилига ўртача 66,8 млрд. кВт·соат электр энергия ҳосил қилинади. Темир, мис, қўрғошин-рух, никель, хром рудалари, кобальт, ваниадий, графит, пирит ва б. қазиб олинади. Рах ва Хяменлинна ш.ларидаги металлургия з-дларида чўян ва пўлат, Харьявалта ва Пори ш.ларида мис ва никель, Кокколада рух эритилади. Торниодаги з-дда хром рудаси қайта ишланиб, концентрат ҳосил қилинади. Тампере, Раума, Лахти, Васа, Каҳудада машинасозлик, Хельсинки, Турку, Порво, Салода пул қуйилиши ва қурилиш ишлари учун механизмлар, кутарма-транспорт ускуналари, электрон ва телефон аппаратлари ишлаб чиқарилади. Ўрмон, аниқса, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноатининг экспортдаги улуши катта. Ўрмон саноатининг асосий марказлари — Котка, Кеми ва Пори. Четдан келтириладиган хом ашё негизида нефтни қайта ишлаш саноати ривожланган (Нантали, Порво). Кимё ва нефть кимёси саноатида пластмасса, минерал ўғит, синтетик материаллар, бўёқ, хлор, олтингугурт кислотаси ва б. ишлаб чиқарилади. Оина, чинни, кунпойабзал, тўқимачилик, тикувчилик саноати ривожланган. Озиқ-овқат саноати, аниқса сут саноати маҳсулотининг бир қисми экспорт қилинади.

Финляндия байроғи.

Қишлоқ хўжалигида фермерлик типидаги майда ва ўрта ер эгалиги устун. Қ.хга яроқли ерлар мамлакат ҳудудининг 8%ни ташкил қилади. Сут-гўшт чорвачилиги — қ.х.нинг етакчи тармоғи. Қорамол, чўчқа, қўй, от, парранда боқилади. Деҳқончиликда бугдой, ем учун жавдар, арпа, сули, техника экинларидан қанд лавлаги, шунингдек, картошка, пичанбоп ўт экилади. Даррандачилик (норка, кулранг тулки, шим. тулкиси), буғучилик, балиқ овлаш ривожланган. Ўрмон хўжалиги — мамлакат иқтисодиётининг қад. тармоғи. Ф.да 18 млн. гектардан ортиқ ўрмон бор. йилига 50–55 млн. м³ ёғоч кесилади.

Транспортида т.й. узунлиги 5,9 минг км, автомобиль йўллари уз. 77,7 минг км. Асосий денгиз портлари: Хельсинки, Турку, Котка. Швеция, Эстония, Польша, Германия б-н паром орқали қатнов йўлга қўйилган. Четга целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик, машинасозлик, кемасозлик, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотлари ва б. чиқаради. Четдан хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва мойлаш ашёлари, кенг истеъмол моллари ва б. олади. Россия, Германия, Швеция, Буюк Британия, АҚШ б-н савдо қилади. Пул бирлиги — фин маркаси.

Тиббий хизмати. Врачлар Хельсинки, Турку ва Оулу ун-тларининг тиббиёт ф-тларида, тиббиёт ҳамширалар тиббиёт мактабларида тайёрланади. Хельсинкида ветеринария колледжи бор.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Мактаб дарслари фин ёки швед тилларида утилади. Давлат мактаблари б-н бирга хусусий мактаблар ҳам бор. 1968 й. қонунига биноан, ягона умумий таълим тизимига ўтиш 1980 йлга нисбатан етказилди. Мажбурий таълим — 9 йлик. Мажбурий мактаб негизида 3 йлик катта ўрта мактаб ташкил этилган. Давлат, муниципал ва хусусий ҳунар билим юртлари ва мактабларида қўши ҳунар-техника таълими, техника, пед., тижорат ин-тларида ўрта махсус таълим берилади. 22 олий ўқув юрти, шу жумлада, 11 ун-т бор. Йириклари: Хельсинки ун-ти (1640), Тампередаги ун-т, Туркудаги Швед ун-ти (Або Академия), Тампере, Хельсинки ва Лапперанта ш.ларидаги техника ун-тлари. Олий тижорат мактаблари ва б. мавжуд. Бундан ташқари, бир қанча махсус олий ўқув юртлари: Я. Сибелиус номидаги мусиқа академияси, 4 та чет тиллар институти ва б. бор. Ф.да жами 400 га яқин муассаса ва жамият бўлиб, шулар 40 таси, жумладан, техника талқиқотлари маркази (1942), қ.х. илмий талқиқот маркази (1898), целлюлоза-қоғоз саноати маркази лаб., ўрмон генетикаси (1968) ва ўрмон муҳофазаси (1972) и.т. институтлари давлатга қарашли. Олий ўқув юртлари ҳузурида 50 дан ортиқ и.т. институти ва лаб. бор.

Йирик кутубхоналари: Хельсинки университетининг кутубхонаси (1640), Хельсинки шаҳар кутубхонаси (1860), Парламент кутубхонаси, Миллий музей, шаҳар музейи, Хельсинки ун-тининг зоол. музейи, Ботаника боғи, Туркуда тарих музейи, Тасвирий санъат музейи, Я. Сибелиус музейи, Марнанхаминда Кема қатновн музейи ва б. мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Ф.да бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Йириклари: «Аамулехти» («Тонги газета», кундалик газ., 1881 йдан); «Илта-саномат» («Оқшом газетаси», кундалик кечки газ., 1932 йдан); «Суоменмаа» («Suomi ehn», кундалик газ., 1908 йдан); «Турун пяйвялехти» («Турку кундузги газетаси», кундалик газ., 1898 йдан); «Хельсингин саномат» («Хельсинки янгиликлари», кундалик газ., 1889 йдан); «Хювяодетадеблалет» («Пойтахт газетаси», швед тилида чиқадиган кундалик газ., 1864 йдан); «Кансан лехти» («Халқ газетаси», кундалик газ., 1899 йдан); «Маасеудун тулевайсуус» («Қишлоқ истиқболи», ҳафтасига 3 марта чиқадиган газ., 1971 йдан); «Ме найсет» («Биз — аёллар», хотин-қизлар учун ҳафталик жур., 1952 йдан); «Финляндия сегодня» («Бугунги Финляндия», рус тилида жур., 1982 йдан); «Юхтейчиқадиган жур., 1905 йдан). Фин телеграф бюроси — ФТБ, 1887 й. тузилган, фин газ.лари, радио ва телевидениесининг акциядорлик жамияти. Радиоэшиттиришлар 1926 йдан, телекўрсатувлар 1956 йдан олиб борилади. «Флейсрадио», фин радиоси ва телевидениеси давлат маҳкамаси 1926 й. ташкил этилган. 1934 йдан давлат назоратида.



Адабиёти. Фин ёзуви 1521 й. Ф.да бошланган *Реформация* ҳаракати таъсирида вужудга келди. Реформация намояндаси М. Агрикола 16-а. ўрталарида босма китоблар нашр эта бошлади ва 3 аср давомида аксар диний китоблар босилди. 19-а. адабиёти фин халқининг шведлар зулмидан озод бўлиб, миллат сифатида шаклланиши, маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилиш б-н боғлиқ равишда ривожланди. 1830 й. Хельсинкида «Шанбалик сухбати» адабий-фалсафий тўгараги ишлай кетди. Тўгарак аъзолари бир йил ўтиб «Фин адабиёти жамияти»ни тузадилар (ҳозир ҳам мавжуд). Фольклоршунос Э.Лённрот (1802–84) халқ эпоси «Калевала»ни нашр эттирди. Шоир Й.Л.Рунеберг, файласуф, публицист ва танқидчи Й.В.Снельман адабиёт ривожига катта ҳисса қўшдилар. Янги фин адабиётининг асосчиси, илк миллий драма ва романлар муаллифи А.Киви адабиётда янги реалистик анъаналарни бошлаб берди. Ц.Топелиус тарихий романлар, Ю.Векселль шеър ва пьесалар, К.Р.Крамсу ижтимоий мавзуда шеърлар ёзди. Минна Канг, Ю.Ахо, А.Ярнефельт, К.А.Лейно ва б. ёзувчилар халқ ҳаёти ва, айниқса, аёлларнинг аянчли тақдирини ҳаққоний тасвирлаб бердилар. 20-а. бошларида турли адабий

Котка порти.

оқимлар юзага келди. А.Э. Лейно, Л.Онерва, В.Килпи янги реализм йўлидан борди, М.Лассила ҳажвий қисса ва комедиялар яратди, И.Киянто, М.Йотуни, Й.Лехтонен умидсизлик кафиятга берилди. 2-жаҳон урушидан кейин А.Эйкий, М.Ларни, В.Линна, П.Ринтал, В. Мери романларида ижтимоий муаммолар асосий ўринда турди. Хелла Вуолийокининг ҳаққоний пьесалари фин драматургиясининг муҳим ютуғи бўлди. 1897 й.дан Ф. ёзувчилар уюшмаси мавжуд.

Меъморлиги ва тасвирий санъати қад. анъаналарга бой. *Неолит* даврига мансуб қоятош расмлари, тош пичоқ, суякдан ясалган асбоблар, сопол идишлар сақланган. Мил. 13—15-а.ларда тошдан сарой ва арклар қурилган (Савонлинна яқинидаги Олавинлинна қалъаси, Туркудаги қасрлар ва б.). 14—16-а.ларда тошдан, 17—18-а.ларда халқ меъморлиги услубида ёғочдан черковлар барпо этилган (Торнио ва Кеурудаги черковлар). 19-а. ўрталарида меъморликда миллий романтизм оқими ҳукмрон бўлди (Хельсинкидаги вокзал биноси, меъмор Э.Сааринен), 19-а. охири — 20-а. бошларида «модерн» услуби расм бўлди. 2-жаҳон урушидан кейин биноларнинг замонавий қурилиш конструкцияларидан фойдаланиб тиклана бошлади, айниқса, жамоат бинолари зўр маҳорат б-н барпо этилди. А.Аалто, Р.Пиетила, А.Эрви каби меъморлар содда меъморий шакллар асосида жозибадор композициялар яратдилар (Сейнятсало шаҳрининг маъмурий маркази, Хельсинкидаги ишчилар маданият уйи, «Финляндия» саройи, «Президент» меҳмонхонаси б.).

Хельсинкининг оқшомдаги манзараси.

14—15-а.лардаги ўрта асрлар маҳобатли рангтасвирида халқ ижодкорлиги ривожланган (Хаттула, Таннасиладаги черков деворларига ишланган расмлар). 18-а.да М.Топпелиус маҳобатли рангтасвир соҳасида шуҳрат қозонди. Шу даврда Ф.да дунёвий дастгоҳ рассомлиги жанрлари оммаланди (И.Вакзин портретлари, Н.Шильмарк манзара ва натюрмортлари). 19—20-а.ларда фин тасвирий санъат мактаби шаклланди, халқ ҳунармандчилиги, ёғоч ўймакорлиги, ўрта аср маҳобатли рангтасвир анъаналари қайта тикланди. 20-а. ўрталарида В. Аалтонен ҳайкалтарошликда шуҳрат қозонди. Замонавий рассомлардан М.Коллин, А.Канерва, В.Виионойя, С. Грёнвалл; графиклардан В.Аскола, И.Коллианлер, Т.Таниовара; ҳайкалтарошлардан А.Тукиайнен, Р.Утриайнен, Л.Пуллинен, Э.Хилтунен; плакат ва дизайн усталаридан И.Таниовара, М.Куусалолар машҳур. Халқ санъатида мато ва гилам тўқиш, металл идишлар ясаш ривож топган.

Мусиқаси халқ мусиқий анъаналари асосида ривожланиб келди. Халқ қўшиқлари (рун, ёйку ва б.) ҳозиргача миллий мусиқа фольклорида ижро этилади. Меҳнат, маросим, ҳазил, севги қўшиқлари, рақс б-н бирга ижро этиладиган лапарлар кенг ёйилган. Чолғу асбоблари: кантеле (торли-чертма), йоухикко (торли-камонли), туохиторви (пуфлама); 19-а.дан кларнет ва скрипка, 20-а.дан гармон оммаланди. Профессионал мусиқа санъати ўрта асрларда шаклана бошлади (григориан, 16-а.дан протестант *хорали*).

Биринчи фин операси («Қирол Карл овга чиқди», 1852) ва миллий мадҳия муаллифи — Ф. Пасиус, биринчи симфония (1847) муаллифи — А.Г.Инелиус. Фин мусиқасида Ф.Шопен биринчи марта «Калевала»даги миллий оҳанглардан фойдаланиб, «Куллервo» симфоник увертюрасини яратди. 19-а. охири — 20-а. бошларида М.Ветелиус (1882 й. Хельсинкида Мусиқа ин-тини ташкил этган; 1939 й.дан Я.Сибелиус номидаги Мусиқа академияси) ва Р.Каянус (профессионал симфоник оркестр тузган) миллий композиторлик мактаби асосчиларидир. Я. *Сибелиус* ижодида миллий мусиқа анъаналари камол топди. Замонавий композиторлар орасида Э.Энглунд, Э.Бергман, Й.Кокконен, Э.Раутавара, дирижёрлар орасида Г.Шнефохт, А.Ярнефельт, Л.Сегерстам, пианиночилар орасида К.Экман, А.Валста, яккахонлар орасида И.Экман, А.Раутавара ва б. машҳур. Хельсинкида опера театри (1911; 1956 й.дан Ф. Миллий театри), шаҳар симфоник ва камер оркестрлари, Ф. радиосининг симфоник оркестри, Халқ консерваторияси, Ф. мусиқачилар уюшмаси ва б. ишлайди. Ф.да бир неча Халқаро мусиқа фестивали ва танловлари мунтазам равишда ўтказилади.

Театри. 1827 й. Хельсинкида дастлабки театр биноси — Театр уйи қурилди. Унда рус, немис, швед драма ва опера труппалари томоша кўрсатди. 1860 й. бу ерда швед актёрларидан иборат биринчи профессионал театр фаолият бошлади. 1872 й. фин тилидаги профессионал театр (драма ва опера труппалари) ташкил этилди. 1902 й. драма труппаси опера труппасидан ажралиб чиқиб, Фин Миллий театри номини олди. И.Аалберг, К.Авеллан, А.Линдфорс, К.Хальме, Р.Снельман, У.Сомерсалми (19-а. охири — 20-а. боши), Т.Пало, Э.Эронен, Э.Воланен, А.Иконен, Х.Салин, Э.Юркка (20-а.нинг 50—80-й.лари) театрнинг етакчи актёрларидир. Турли йилларда ишлаган машҳур реж.лар: К.Бергбум, Я.Халь, Я.Лахденсуо, Э.Калима, К.Кивима, Д.Витикка, В.Ильмари. Хельсинкида Халқ ишчи театри (1914), Миллий швед театри, Интим театри, лўлиларнинг «Дром» театри (1982) ҳам ишлайди. Тампере, Турку, Лахти, Куопио ва б. шаҳарларда ҳам театрлар бор.

Уларда жаҳон мумтоз драматургияси асарлари б-н бир қаторда маҳаллий муаллифларнинг пьесалари ҳам саҳналаштирилади. Театр ҳозирги Хельсинкидаги Олий театр мактаби (1943)да тайёрланади.

Киноси. 1904 й. Ф.да хроника фильмлари суратга олина бошлади. 1906 й. «Аполло» кинофирмаси ташкил этилди. 1907 й. «Пинҳона ҳайдовчилар» (реж. Т.Сварре ва Т. Пуро) қисқа метражли бадиий фильми чиқарилди. 20-й.ларда кўпроқ миллий адабиёт асарлари: М.Кант комедияси асосида «Анна Лийса» (реж. Т.Пуро ва Ю.Снельман), И.Топелиус новелласи асосида «Рауталюдлик кекса барон» (реж. Фагер), А.Кив комедияси асосида «Нумми этикдўзлари» (реж. Э.Кару) экранлаштирилди. «Комедия-фильм», «Феникса-фильм» ва «Акила-Суоми-компания» фирмалари ташкил этилди. 1933 й. Э.Кару Ф.даги энг йирик «Суоменфильмитеолиесус» фирмасини тузди. Унинг энг яхши фильмлари: «Юха» (1937), «Инсоннинг йўли» (1940; иккаласининг реж. Н.Таниовара), «Оқ қийик» (1953, реж. Э.Бломберг), «Сутчи Хилья» (1953, реж. Т.Сиркка), «Номаълум аскар» (1955, реж. Э.Лайне), «Қизил чизиқ» (1959, реж. М. Кассила), 60—70-й.ларда ижтимоий-танқидий йўналишдаги «Ишчининг кундалиги» (реж. Р.Ярва), «Каламушлар жанги» (реж. М.Курквара), «Заводдаги оғиш-ма» (реж. Э.Кивикоски) фильмлари яратилди. 20-а.нинг охирги ўн йилликларидаги яхши фильмлар: «Ёввойи ҳайвон белгиси» (реж. Я.Паккасвирт) ва «Денгиз бўйидаги тун» (реж. Э.Кивикоски).

ФИННА, финка — тасмасимон чувалчангларнинг юқумли личинкалик босқичларидан бири. *Оралиқ хўжайин*да паразитлик қилади. Ф. пуфакча кўринишида бўлиб, унинг ичида чувалчанг личинкасининг битта ёки бир нечта бошчаси бор. Ф. оралиқ хўжайинининг ҳар хил органлари (одатда, мускуллар, жигар, мия, ўпка)да ривожланади. Асосий хўжайин (одам ёки умуртқали ҳайвонлар) Ф.ни органни еб чувалчангни юқтиради. Ф.дан асосий хўжайин организмида етук чувалчанг ривожланади. Ф.нинг цистицеркоид (6 илмоқли бошча), ценур (битта пуфакда бир неча бошча), эхинококк (битта йирик пуфакда 2-, 3- ва ҳ.к. тартибдаги пуфакчалар ва улар ичидаги бошчалар), процеркоид ва б. хиллари бўлади.

ФИН-УГОР ТИЛЛАРИ — йирик тил оиласи — *урал тиллари* макрооиласи таркибидаги тиллар оиласи. Ф.-у.т.нинг тарқалиш ҳудуди, таснифланиши, айрим фонетик, лексик-грамматик хусусиятлари, ёзув тизимлари, ёзма ёдгорликлари ва ўрганилиши ҳақида қ. *Урал тиллари*.

ФИР, Фид, ал-Фир — Хоразмнинг қад. пойтахти; Амударёнинг сўл соҳилида жойлашган. Араб манбаларида ал-Мансура деб ҳам аталган. Берунийнинг хабар беришича, «Ал-Фир Хоразм шаҳри (Кат)нинг теккасидаги лой ва хом ғиштдан қурилган қалъа бўлиб, бир-бирининг ичига жойлашган ва баландликда бир-биридан қолишмайдиган уч қаватли қўрғон эди... Ал-Фир ўн милча ва ундан кўпроқ масофадан кўринар эди. Жайхун ҳар йили уни бузиб, йиқитиб ва парчалаб олиб кета берди; ниҳоят Искандар тарихининг 1305 йилида (мил. 993 й.) ундан асар қолмади». Шундан сўнг пойтахт Гурганж ш.га кўчирилган. Ф. ҳаробалари Шаббоз (ҳоз. *Беруний*) ўрнидадир.

ФИРДАВСИЙ Абулқосим Тусий (тахм. 934 — Тус ш. — 1030) — форстожик шоири ва мутафаккири. Тус ва Нишопур ш.ларидаги мадрасаларда таҳсил олган. Замонасининг барча асосий илмларини эгаллаб, араб ва паҳлавий тилларини чуқур ўрганган. Ўз даврининг қомусий олими бўлиб етишгани учун ҳам уни ҳаким деб улуғлашган. У Эрон, Турон, Юнон ва Ҳиндистон олимларининг турли соҳадаги асарларидан яхши хабардор бўлган. Ф. ёшлигиданоқ шеърлар машқ қила бошлаган. Бу ҳақда маълумотлар бўлса-да, шеърларининг ўзи етиб келмаган. Унинг «Юсуф ва Зулайхо» номли достон ёзганлиги ҳам ҳозирга маълум. Ф. отасидан қолган ерда деҳқончилик қилиб кун кечирган. Баъзи манбаларда унинг узоқ йиллар сарбозлик хизматида бўлгани ҳам айтилади.

Ф.нинг ёшлик йиллари сомонийлар давлатининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Бу даврда Эрон ва Турон халқларининг нафақат ижтимоий-сиёсий, балки маданий-маънавий ҳаётида ҳам бир кўтарилиш бўлган. Ўзининг кимдигини англаш ва уни бошқаларга ҳам кўрсатиш мақсадида улар Эрон ва Туроннинг шонли тарихини тиклашга интиладилар. Шу мақсадда қад. афсона ва ривоятлар, буюк шоҳлар ва баҳодирлар тарихи тўпланади ва ёзилади. Бу боradаги интилишларни сомоний ҳукмдорлар қўллаб-қувватлаб турганлар ва тўпланган улкан материални шеърга солишни Абу Мансур *Дақиқий*дан сўраганлар. Лекин Мансур Дақиқийдан сўраганлар. Лекин шоир эндигина минг байт ижод қилганда, фожиали равишда ўлдирилгач, ганда, фожиали равишда ўлдирилгач, Бухоро амири Нуҳ ибн Мансур Сомоний Ф.ни ҳузурига чорлаб, унга чала қолган «Шоҳнома»ни ниҳоясига етказишни буюради. Бундан мақсад шонли тарихи ва буюк шаън-шавкатига кўра форсий халқларининг арабларидан кам эмаслиги, балки устунлигини кўрсатиш ва уларга қарши курашда фойдаланиш эди. Ватанга ва унинг буюк тарихига муҳаббат руҳида гарбийланган, бозликдан қад. афсона ва ривоятлар, қаҳрамонлик қиссалари, жангномаларни жон қулоғи б-н тинглаб улғайган Ф.нинг ўзи ҳам халқ ичида юриб, уларни ёзиб олган, кўплаб оғзаки ва ёзма материалар тўплаган.

Эрон ва Турон халқларининг қарийб 4 минг йиллик тарихи юксак маҳорат б-н қаламга олинган «Шоҳнома» устида Ф. 30 й.дан ортиқ меҳнат қилган. Тадқиқотчилар асарни 3 қисмга бўладилар: 1-бўлимда энг қад. афсоналар қайта ишланиб, назм ипига терилган бўлса, 2-бўлимда халқ қаҳрамонлари ҳақидаги ривоятқиссалар бадиий талқин қилинади, 3-бўлимда тарихий шоҳлар ҳаёти тасвирланган. «Шоҳнома» энг қад. даврлардан бошланиб, сосонийлар шоҳи Яздигард III даврида арабларнинг Эронга бостириб кириши б-н якунланади. «Шоҳнома» ҳажми (60 минг байтни ўз ичига олади), мавзу кўлами, образлар олами, қаҳрамонларнинг кўп ва хилма-хиллиги, ғоявий мотивлари ва кўтарилган масалалар жиҳатидан жаҳон адабиётидаги энг катта эпик асар. 100 дан ортиқ достонлардан ташкил топган бу асарда мингдан зиёд катта-кичик персонажлар иштирок этади.

«Шоҳнома» гарчи шоҳлар китоби деб аталиб, 50 подшоҳликдан иборат 4 сулолининг тарихини тадрижий равишда ёритган бўлса-да, барча қатламлар ва қаҳрамонликлар халқ ичидан чиққан баҳодирлар томонидан амалга оширилган. Асарда Ватан ва халқ йўлида жонини тиккан юзлаб фидойи қаҳрамонлар образи яратилган. Подшоҳлар баҳонасида халқ, унинг тарихи, қадриятлари, қаҳрамонликлари улуғланган. Айни жиҳатдан «Шоҳнома» — халқ заковати ва жасоратига қўйилган ўзига хос назмий ҳайкал.

«Шоҳнома»нинг асосий ғояси — ватанни улуғлаш, халқ қудрати ва заковатини кўз-кўз қилиш, миллат фарзандларини васф этиш ва шу орқали

Тошга ўйиб туширилган Фирдавсий тасвири. Теҳрон. Мажлис кутубхонасидаги асар.

уларни биргаликка, марказлашган давлат қуришга чақириш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва тинчликсеварликни мадҳ этиш, эзгулик, олижаноблик, ҳалоллик, мардлик, меҳнатни тараннум этиб, қонли урушлар, ёвузлик, жабру зулм, адолатсизлик, мунофиқликни қоралашдан иборат. «Шоҳнома»даги Рустам, Суҳроб, Сиёвуш, Бижан, Золи Зар, Судоба, Гударз, Гев, Тус, Ҳожир, Гурдофарид, Ҳумой, Манижа сингари қаҳрамонлар ер юзида адолат тантанаси учун курашадилар. «Зол ва Судоба», «Бижан ва Манижа» достонларида чинакам байналмилаллик ғоялари илгари сурилган. «Исфандиёр», «Шоғод», «Ўн икки муҳораба» достонларида эса мамлакатнинг яхлитлигига рахна солувчи, уруш оловини ёқувчи золим ва фитначи шоҳу саркардалар кескин қораланади. «Сиёвуш» достонида уруш ва тинчлик масаласи бадиий талқин қилинади.

«Шоҳнома» чинакам халқ китобига айланиб, халқ орасида кенг тарқалгандан сўнг муайян ўзгаришларга ҳам учраган. Шунинг учун темурий шаҳзодалардан Бойсунқур Мирзо унинг 40 дан ортиқ нусхаларини ўзаро қиёслаб, мукаммал матнини туздирган. Фанда «Шоҳнома»нинг Бойсунқур нусхаси сифатида машҳур бу матн асарнинг ишончли нусхаларидан бири ҳисобланади. «Шоҳнома»нинг танқидий матнлари ичида энг мўътабари Е.Э.Бертельс ва Абдулҳусайн Нўшин таҳрири остида СССР ФА Шарқшунослик ин-ти жамоаси томонидан тайёрланган 9 жилдликдир.

Шоир жасади отасидан қолган боғнинг бир чеккасига кўмилган. 1934 й.да Ф. таваллудининг 1000 йиллиги муносабати б-н шоир қабри устига мақбара қурилган ва у шоир мухлисларининг муқаддас зиёратгоҳига айланган.

Шарқ мамлакатларида шоҳномахонлик бир анъана тусини олган. Ф. қаҳрамонлари ўзбек халқи орасида ҳам қадимдан машҳур. «Китоби Жамшид», «Китоби подшоҳ Афросиёб», «Шоҳ Таҳмурасп» номли халқ китоблари, «Рустам ва Суҳроб», «Доро ва Искандарбек» каби халқ эртакларида «Шоҳнома» таъсири яққол кўзга ташланади.

«Шоҳнома» дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Жумладан, 13-а. бошида араб, 15—16-а.ларда турк ва гуржи, 19-а.да эса француз, инглиз, немис, итальян ва рус тилларига ўгирилди. «Шоҳнома» ўзбекчага Шоҳ Ҳижрон, Хомуший (18-а.), Нурмуҳаммад Бухорий, Очилдимурод Мирий (19-а.), Ш. Шомуҳамедов, Ҳамид Ғулом, Назармат, Ж. Жабборов (20-а.)лар томонидан таржима қилинган бўлса-да, бу таржималарнинг бирортаси тўлиқ эмас. «Шоҳнома» сюжетлари асосида «Заҳҳоки Морон», «Сиёвуш», «Рустам ва Суҳроб», «Фаридун» сингари саҳна асарлари яратилган.

Ас.: Шоҳнома [3 ж.ли], Т., 1975—77; Шоҳнома Т., 1984; Фаридун [эпос], Т., 1987; Рустам ва Суҳроб, Т., 1994.

Ад.: Айний С., Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си ҳақида. — Асарлар, 8-ж., Т., 1967; Шомуҳамедов Ш., Шоҳкитоб ва унинг муаллифи, Т., 1992; Абдураҳмон Жомий, Баҳористон, Т., 1997; Ҳомидий Ҳ., Кўҳна Шарқ дарғалари, Т., 1999; Улуғзода С., Фирдавсий [роман], Т., 1994.

Эргаш Очилов.

ФИРМА (итал. firma — имзо) — корхона, компания, хўжалик ва тижорат ташкилотларининг умумий номи. Ходимлар сони, мулк шакллари, ҳуқуқий ҳолати ва б.га кўра хилма-хил Ф.лар бор. Ф.ларда банд бўлган ходимлар сони 2—3 кишидан 20—30 минг кишигача бўлиши мумкин. Ф.лар барча мулк турлари негизида давлат, кооператив, ширкат, жамоа ташкилотлари ва маҳаллий давлат идоралари, миллий ва чет эллик юридик ва жисмоний шахслар томонидан ташкил этилади. Улар қуйидаги турларга ажратилади: аффилирланган (қўшилган) Ф. — филиал, шўъба корхона шаклида йирикроқ турдош бош корхона таркибида фаолият юритади; брокер Ф. — тижорат мақсадларини кўзлайдиган ва мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан воситачи сифатида фаолият юритади; венчур Ф. — кичик ёки ўрта инвестицион Ф. ҳисобланиб и.т.лар ва муҳандислик ишланмаларини мослаштиради; инвестицион Ф. — инвестициялаш ва қимматли қоғозлар б-н боғлиқ операцияларни ўтказади; инжиниринг Ф. муҳандислик-маслаҳат кўрсатишга ихтисослашади; инновацион Ф. — Ф.нинг и.т. ишлари натижалари базасида янги технологияларни яратиш учун барпо этилади; консалтинг Ф. — унинг фаолият соҳасини маслаҳат хизматлари кўрсатиш ташкил этади; и.ч. Ф.си — аниқ бир маҳсулотни тайёрлаш б-н шуғулланади; савдо Ф.си — савдо-воситачилик фаолияти б-н шуғулланади; риэлтор Ф. — кўчмас мулк соҳасидаги амалларда қатнашади.

Ҳоз. иқтисодий ҳаётда Ф.ларнинг асосий қисми нисбатан кичик ва майда. Йирик Ф.лар нисбатан мустаҳкам и.ч., технологик ва хом ашё базасига эга бўлиб, халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этади, ўртача Ф.лар кооперациялашган ҳамда ихтисослашган қисмлар ва деталлар и.ч. соҳасида, шунингдек, умумий технологик ва техник инфратузилма соҳасида фаолият кўрсатади. Майда Ф.лар, асосан, товарлар и.ч. ва аҳолига хизмат кўрсатиш б-н шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида 236,4 мингта турли Ф.лар фаолият кўрсатди (2003).

Аҳмаджон Ўлмасов.

ФИРН (нем. firn — ўтган йилги, эски) — муз доналарининг қайта кристалланиши натижасида ҳосил бўлган йирик донадор муз. Ф. қор б-н муз оралиғидаги босқич бўлиб, ёғин, асосан, қор кўринишида ёғади, тоғларнинг ёз бўйи эриб улгурмайдиган қор чизиғидан юқорида жойлашган қисмида ва қутбий ўлкаларда юзага келади. Қор қуёш радиацияси, илиқ ҳаво таъсирида қайта кристалланиши ва сув буғининг сублимацияси натижасида Ф.га айланади. Ф. зичлиги 0,45 дан 0,8 г/см^3 гача. Тоғ музликларида Ф. қалинлиги 20—30 м, Антарктидада 100 м гача етади.

ФИРОҚИЯ (араб. — жудолик, айрилиқ) — Шарқ мумтоз адабиётида лирик шеър тури. Шоирнинг айрилиқ, ҳижрон кайфиятларини ифодалайди. 2 хил бўлади: а) ёридан, яқин кимсасидан ажралиш натижасидаги руҳий азобни, жудоликни ифодаловчи асарлар. Буларда лирик қаҳрамоннинг муайян муҳит ёки бошқа сабабларга кўра ўз яқинидан жудо бўлганлиги алам б-н куйланади:

Айрилиб мен ёрдин бир неча кун бўлдим жудо,
Ахтариб келдим сени, гунча даҳоним, қайдасан!

(Машраб).

б) қадимда шоир ўз ватанидан жудо бўлганида, ундан чиқиб кетишга мажбур қилинганида, бошқа мамлакатларда яшаб, эл-юртини соғиниб ёзган асарлари: «Адашганман», «Айрилиб қолдим» (Фурқат).

Ел эмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод эмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севунмас эмиш, албатта киши.

(Бобур).

Алишер Навоий, Машраб ва б. ижодида ҳам Ф.нинг етук намуналари бор.

ФИРЪАВН — Қад. Миср подшоларининг номи. 22-сулоладан бошлаб (мил. ав. 16-а.) подшоҳ унвони. «Ф.»сўзи қад. мисрча «пер-о»дан олиниб, дастлаб «Шоҳ саройи» («Улуғ уй») маъносини англатган, 18-сулоладан бошлаб, подшоҳнинг ўзи Ф. деб аталган. Мамлакатдаги барча экин ерлари Ф.лар мулки ҳисобланган. Аҳолидан тўпланган солиқлар, одатда, Ф. ларнинг шахсий эҳтиёжлари учун сарфланган. Қад. Миср диний тасаввурларига кўра, Ф. — қуёш маъбуди, Горнинг ўғли, унинг ердаги инъикоси ва табиат маъбуди Осириснинг меросхўри бўлган. Ф. ҳокимиятининг қудратини, улуғворлигини кўрсатиш учун уларга бағишлаб эҳромлар қурилган (қ. *Миср, Қадимги Миср*).

ФИРҚА (араб. — гуруҳ, тўда) — ислом эътиқодига доир бир ёки бир неча масала юзасидан махсус фикрга эга бўлган кишилар гуруҳи; мактаб, жамоа. Муҳаммад (сав) томонидан мусулмонлар жамоаси 73 (ёки 72) Ф.га бўлиниб кетади, деб башорат қилинган. Мусулмон тарихчилари диний-сиёсий гуруҳлар, илоҳиёт мактаблари, жамоа ва б. ўртасида қатъий чегара қўймай, Ф.ни мусулмонлар жамоаси бўлинадиган бирликлардан бирини англатувчи тушунча маъносида қўллаганлар. Эски ўзбек тилида «партия» сўзи ўрнида ҳам ишлатилган.

ФИСГАРМОНИЯ (юн. physa — дам, пуфлаш ва *гармония*) — клавишли дамли мусиқа чолғу асбоби. 1810 й.да Г. Ж. Гренье (Париж) ихтиро қилган. Шакли кичрайтирилган *пианино*га ўхшаш. Оёқ педали б-н дам берилади. Клавишлар босилиши б-н клапанлар очилиб, махсус каналлар орқали юборилган ҳаво босими ёрдамида пўлат тилчалар тебраниб садо чиқаради. 1—2 клавиатура (мануал), 6—20 *регистр*га эга. Диапазони 5 октавагача бўлади.

Фисгармония.

ФИСТУЛА (лот. fistula — найча) — бирор аъзо (мас., ичак, ўт пуфаги, меъда бўшлиғи) ёки ҳазм бези йўлини ташқи муҳитга туташтириш учун операция йўли б-н очилган сунъий тешик ёки канал (най). Бўшлиқдаги суюқлик (сийдик, ўт, йиринг ва б.) шу най орқали ташқарига чиқиб туради. Ф. аъзолар бўшлиғига киритилади ёки томирлар деворига тикилади.

Тугма (эмбрионал ривожланиш нуқсони туфайли) ва орттирилган (патологик жараён натижасида) Ф. фарқ қилинади. Тиббий кўрсатмага мувофиқ, шунингдек, экспериментал физиологияда Ф. кенг қўлланади. Ф. ёрдамида тоза меъда шираси олинади, ичак аъзолар ҳаракати, ҳолати, сийдик ажралиш динамикаси ва б. текширилади.

ФИТИНГ (инг. fit — йиғиш) — трубаларни улаш, уларнинг тармоқланган, бурилган, бир хил диаметрдан иккинчи хил диаметрга ўтадиган жойларига қўйиш ҳамда айрим жойларини бутунлай беркитиш учун мўлжалланган резьбали деталь. Вазифасига кўра, муфталар, тирсаклар, хочсимон, беркитувчи тиқин, беркитувчи қопқоқ, эгарча, ниппель, бирлаштирувчи гайка, футорка ва б. хилларга бўлинади. Бир хил диаметрли трубаларни бирлаштирувчи Ф. тўғри, ҳар хил диаметрли трубаларни бирлаштирувчи Ф. ўтиш Ф.и деб аталади. Ф. болғаланувчан чўян, пўлат, пластмасса ва б. материаллардан ясалади.



Фитинглар: *а* ва *б* — муфталар; *в, г* ва *д* — тирсаклар; *е* — хочсимон; *ж* — беркитувчи тиқин; *з* — беркитувчи қопқоқ; *и* — эгарча; *к* — ниппель; *л* — бирлаштирувчи гайка; *м* — футорка.

ФИТО..., ...ФИТ (юн. phyton — ўсимлик) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ёки иккинчи қисми; шу сўзларнинг ўсимликка ёки ўсимликлар ҳақидаги фанларга (мас., ботаникага) алоқадорлигини билдиради (мас., *фитобар, фитотерапия; галофитлар, геофитлар*).

ФИТОГЕЛЬМИНТЛАР, фитонематодалар — ўсимликларда паразитлик қилувчи *тўгарак чувалчанглар*нинг умумий номи. *Нематодалар* синфига мансуб. 10000 дан ортиқ, жумладан, Ўзбекистонда 700 га яқин тури маълум. Гавдасининг уз. 0,2—5 (баъзан 11) мм, йўғонлиги 10—100 мкм. Ўсимликнинг ер устки ёки ер остки қисмидаги турли органларда паразитлик қилишга ихтисослашган турлари бор. Ф. б-н зарарланган ўсимлик ўсишдан қолади, сўлийди; зарарланган органларда бўртма (шиш) пайдо қилади; тўқималари емирилиб, *некроз*га учрайди. Ўзбекистонда сабзавот ва полиз экинлари, ғўза, каноп ва б. ўсимликларга *бўртма нематодалар*, картошкага поя нематодаси катта зиён етказади. Ф.ни *фитогельминтология* ўрганади (яна қ. *Гельминтлар*).

ФИТОГЕЛЬМИНТОЛОГИЯ (*фито*... ва *гельминтология*), фитонематодология, агрономик гельминтология — гельминтологиянинг *фитогельминтлар*, яъни ўсимликларда паразитлик қилувчи тўгарак чувалчанглар (*нематодалар*)ни ўрганувчи бўлими. Ф. фитогельминтларга қарши кураш чоралари ва улар пайдо қиладиган касалликларни ҳам ўрганади. Ф. 20-а.нинг 20-й.дан ривожлана бошлади. Ўзбекистонда Ф.нинг ривожланиши Е.С. Кирьянова, А. Т. *Тўлаганов* ва б. нинг ишлари б-н боғлиқ. Ф. соҳасидаги тадқиқотлар *Ўзбекистон миллий университети, Термиз университети*, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ин-ти ва бир қанча олий ўқув юртлари қошидаги кафедраларда олиб борилади (яна қ. *Гельминтология*).

ФИТОГОРМОНЛАР (*фито*... ва *гормонлар*), ўстирувчи моддалар — ўсимликларда ҳосил бўлиб, уларнинг ўсиши ва мева ҳосил қилиш жараёнларини бошқаришда иштирок этадиган юқори физиологик фаол моддалар. Ўсимликлар ҳайвонлар каби гормон ишлаб чиқарадиган махсус секретор органларига эга эмас. Ф.га, одатда, *ауксинлар, гиббереллинлар*, цитокинин (кинин)лар, феноксиацетат кислота ҳосилалари ва б. киради. Ф. 3 та умумий хоссага эга: 1) ўсимлик органларидан бири (ёш барглар, куртаклар, илдиз ва новда учлари)да синтезланади ва б. жойларга ташилиб, бу ерда ўсиш ва онтогенез жараёнларини кучайтиради; 2) ўсимликларда жуда оз миқдорда синтезланади ва уларнинг ўсимлик ҳаётидаги иштироки деярли сезилмайди; 3) бошқа метаболитлар (жумладан, витаминлар)дан фарқли

равишда ўсимликларда органлар шаклланиши жараёнини тезлаштиради. Мас., гиббереллинлар поя ва меванинг ўсишини, ауксинлар илдиз ўсишини, кининлар ҳужайранинг бўлиниш жараёнини кучайтиради. Ўсиш жараёнларини сустлаштирадиган табиий ўсиш ингибиторлари (мас., абсциз кислота, этилен) алоҳида гуруҳларни ташкил этади (яна қ. *Ўсишни бошқарувчи моддалар*).

Абдукарим Зикирёев.

ФИТОМАССА (*фито*... ва *масса*) — маълум майдон (юза бирлиги) ёки айни пайтда яшаш жойига тўғри келадиган ўсимликлар (экосистема) биомассаси йиғиндиси. Ўсимликларнинг ер усти ва ер ости органлари: барглар, новдалар, гуллар, мевалар, поялар, шохлар, илдизлар, туганаклар, пиёзлар ва б.дан иборат. *Биомасса* каби г/м², кг/га, г/м³ ва б. ўлчовларда ифодаланади. Ф. кўрсаткичидан экосистемаларнинг биологик ҳосилдорлигига баҳо беришда фойдаланилади (мас., 1 га пахтазорда бутун вегетация даврида 8 т дан 16 т гача қуруқ Ф. йиғилади). Ер юзасидаги ўсимликлар ҳамжамиятларида, шу жумладан, *агробиоценоз*ларда, Ф., одатда, зоомассага қараганда кўп. Ф.нинг маданий ўсимликлар (шу жумладан, экинлар) яратадиган ва инсон томонидан фойдаланиладиган қисми (мевалар, уруғлар) ҳосил деб аталади.

ФИТОМЕЛИОРАЦИЯ (*фито*... ва *мелиорация*) — экинлар экиш ва кўчат ўтқазиш йўли б-н ерни яхшилаш ва унумдорлигини ошириш. Ф.дан кўпинча кўчма қумларни мустаҳкамлаш (тўсиш) ва қумликда дарахтзор-бутазорлар барпо этиш, яйловларни яхшилаш ва ювилган тоғ ён-бағирларини, дарёлар ёйилмаларини, шўрланган ерларни, грунт сувлари ер юзига яқин ётган майдонларни ўзлаштириш, шунингдек, далаларни қурғоқчилик, кучли шамоллардан муҳофаза қилиш мақсадларида *дала иҳота ўрмонзорлари* барпо этишда фойдаланилади (яна қ. *Агроўрмон мелиорацияси*).

ФИТОНЦИДЛАР (*фито*... ва лот. caedo — ўлдираман) — ўсимликлар ҳосил қиладиган фаол модда, бошқа организмлар (асосан, микроблар)ни ўлдиради ёки уларнинг ўсиш ва ривожланишини тўхтатади. Ф. ўсимликлар иммунитети ва биоценозлардаги организмларнинг ўзаро муносабатларида муҳим аҳамиятга эга. Кимёвий таркиби бўйича — гликозидлар, терпеноидлар ва б. иккиламчи метаболитлардан иборат. Дарахтлар (асосан, игнабарглилар)нинг Ф. ишлаб чиқариш хусусияти шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда аҳамиятга эга. Пиёз, саримсоқ, ерқалампир ва б. ўсимликлар Ф.и қўшилган препаратлар тиббиётда қўлланади.

ФИТОПАТАЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА — қ.х. экинлари уруғлиги ва ўсимликлардаги касаллик қўзғатувчи микроорганизмларни дастлабки текшириш. Асосан, касалликка чалинган қ.х. экинлари намуналари ва уруғлардаги касалликларни (*қоракуя, гельминтоспориоз, гоммоз, вилт* ва б.) аниқлаш учун ўтказилади. Ф.э. вазифалари сапрофит ва паразит микроорганизмларнинг тур таркибини, уруғликнинг зарарланиш даражасини аниқлаш; уларни зарарсизлантириш усуллари (қуритиш, қиздириш, дорилаш, яроқсизларини ажратиб олиш, фумигациялаш ва б.) бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. Ф.э. тадбирлари б-н *карантин инспекцияси* шуғулланади.

Ф.э. усуллари: б и о л о г и к у с у л д а уруғлар стерил шароитларда, аксарият озуқа муҳитида ундирилади; м е х а н и к у с у л д а уруғларнинг зарарланганини кўздан кечирилади ва уруғликни ювиб, сув микроскопда текширилади (бунда макроспориоз ёки альтернариоз конидияларини топиш мумкин); с е р о л о г и к у с у л д а амалий ва назарий масалалар — уруғлик ва ўсимликнинг касаллик қўзғатувчилари б-н зарарланганлиги, замбуруғ, бактерия ва вирусларнинг тур ва ирқи, ўсимликлардаги яширин вирусли касалликлар аниқланади.

Уруғлик материали жаҳон мамлакатлари ўртасида айирбошлаш тобора кенгайиб бораётган ҳоз. шароитларда Ф.э. алоҳида аҳамиятга эга. Экинларни мамлакатнинг янги ҳудудларига жорий этишда ҳам Ф.э. муҳим ўрин тутади. Бирон ҳудудда ҳали учрамаган ўсимлик касалликларининг четдан келиб қолишига ва хавфли касалликларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймайдиган карантин тадбирлари тизимида четдан келтирилаётган ўсимлик объектларининг соғломлик ҳолати Ф.э. орқали аниқланади (қ. *Карантин*).

Мирахбар Зуфаров.

ФИТОПАТОЛОГИЯ (*фито*..., *пато*... ва *логия*) — ўсимлик касалликлари, уларнинг олдини олиш ва тугатиш усуллари ҳамда тадбирлари ҳақидаги фан. Умумий ва хусусий Ф.га бўлинади. У м у м и й Ф. ўсимлик касалликларининг пайдо бўлиши сабабларини, касалликни қўзғатувчи организмлар тузилиши ва уларнинг систематикасини, ривожланиши ва тарқалиши қонуниятларини, касалланган организмлардаги анатомик-физиологик бузилишни, ўсимлик карантини ва иммунитет масалаларини, ўсимликларни ҳимоя қилиш усул ва тадбирларини; х у с у с и й ё к и м а х с у с Ф. экинлар касалликларини ўрганади ва уларга қарши кураш чораларини тавсия этади. Ф. ўсимлик анатомияси ва физиологияси, микробиология, микология, генетика, селекция, ўсимликшунослик, кимё, физика ва б. фанлар ютуқларидан фойдаланади.

Касалликларнинг ўсимликка зарар келтириши қадимдан маълум бўлган. 18-а. 2-ярмида тажрибалар асосида (Россияда А. Т. Болотов, Францияда А. Тиллет, Италияда Ф. Фонтана, Данияда Я. Фабрициус) қоракуя, занг, тошкуя ва б. касалликларнинг юқумлилиги исбот қилинди, лекин уларни бартараф этиш йўллари топилмади. 19-а.нинг 2-ярмида немис олими А. Де Бари, рус микологи ва фитопатологи М. С. Воронин ва уларнинг шогирдлари кўпчилик ўсимлик касалликларининг сабабчиси замбуруғ эканлигини исботладилар. 19-а.нинг охирида Ф. замбуруғлар, вируслар ва б. паразитлар келтириб чиқарадиган касалликларни ўрганувчи фан сифатида шаклланди. Бу даврга келиб унинг асосий йўналишлари: микология, паразитология, экология, иммунология, кимёвий токсикология, вирусология, ўсимликларнинг бактериоз ва нематода касалликлари ҳақидаги таълимоти шаклланди.

Тадқиқотчи олимлар қоракуя, занг, оқпалак (вилт) замбуруғлари турларини, *калмараз, фитофтороз* ва б. касалликлар қўзғатувчиларининг патогенезини, эпифитоэтиологиясининг муҳим қонуниятларини аниқладилар. Касаллик қўзғатувчиларига қарши курашнинг самарали кимёвий, биологик усулларини ишлаб чиқдилар. Терапевтик таъсир кўрсатувчи моддалар (баъзи антибиотиклар ва сиртдан таъсир қиладиган фунгицидлар) устида изланишлар олиб борилди. Селекционерлар ва фитопатологлар занг, оқ ва кулранг чириш, вилт, илдиз чириши каби касалликларга чидамли буғдой, кунгабоқар ва тамаки навларини яратдилар. Вилтга чидамли ғўза навларини етиштириш ва вилтга қарши курашнинг янги усуллари устида катта ишлар олиб борилди.

Ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш ва Ф.нинг янги масалаларини ишлаб чиқишда ўсимлик иммунитети омиллари ва қонуниятларини ўрганиш; ўсимликларни касалликка чидамлилигини аниқлаш, фитопатологик экспертиза ва ўсимлик касалликлари диагностикасининг янги усулларини ишлаб чиқиш; замбуруғ, бактериал, вирусли ва б. касалликлар патогенезини ўрганиш; ўсимликнинг кимёвий иммунизациясини ўрганиш (бунда ўсимликларнинг касалликларга чидамлилик қобилияти кейинги 2—4 авлодга ўтади); ўсимликларни ҳимоя

қилишнинг техникавий воситалари, катта ҳажмдаги ҳимоя ишларини режалаштириш учун зарур бўлган кўп йиллик маълумотлардан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш ва б. катта ёрдам берди. Ф. да турли тадқиқот усуллари, жумладан, микологик вирусология ва бактериологик тадқиқотлар, анатомия, биокимё ва ўсимликлар физиологияси, кимё ва биофизика, биотехнология, умумий агрономия, метеорология ва иқлимшунослик, вариацион статистика усуллари қўлланади.

20-а. бошларида ғўза касалликларини ўрганишни Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда биринчи бўлиб проф. Н. Г. *Запрометов* бошлаб берди. Олимлардан А. И. Соловьев, Н. С. Мирпўлатова, С. С. Рамазонова, А. Ҳ. Ҳакимов, М. Х. Комилова, А. А. Васильев, М. А. *Каримов*, А. Марупов, Р. Тешабоева, Д. Ҳайдаров, И. М. Китанова, Ҳ. Тиллаев ва б. ғўза касалликларини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. У. У. Расулев, С. Ниғманова ғўзанинг фузариоз ва илдиз чириш касалликлари, В. И. Сербинов сабзавот экинлари, Э. А. Холмуродов мева ва сабзавотларни сақлашдаги касалликлари, О. С. Зубрицкая дуб экинлари, Х. Қодиров, Х. Хошимов ток касалликлари, М. Жўраев ёнғоқ дарахти касалликлари, И. М. Азимжонов, А. Шералиев, М. А. Зупаров тут касалликларига қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқдилар. Ҳоз. бу тадбирлар кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда Ф. муаммолари б-н Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш и.т. ин-ти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси и.т. ин-ти, Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги и.т. ин-ти, олий ўқув юртларининг ихтисослашган Ф. кафедра ва тажриба ст-ялари ва б. муассасалар шуғулланади.

Сайёра Муродова, Мирахбар Зуфаров.

ФИТОТРОН (*фито*... ва thronos — макон, турар жой) — ўсимликларни сунъий бошқариладиган шароитларда ўстиришга мўлжалланган бино. Оддий Ф. вегетация шкафидан, мураккаброғи вегетация камерасидан, мукаммали кўп камерали (хонали) сунъий иқлим ст-ясидан иборат. Ф.да ҳаёт омилларини ўзгартириш орқали ўсимликларда кечадиган жараёнлар ёруғлик, тупроқ ва ҳаво намлиги, муҳит ҳарорати ва б. омилларга боғлиқ ҳолда йил бўйи ўрганилади. Ф.да турли иқлимий шароитларни ҳосил қилиш, йилига бир неча марта ҳосил олиш б-н селекция ва б. илмий тадқиқот жараёнларини тезлаштиришга эришиш мумкин.

Дастлаб Ф. 1949 й.да АҚШ (Калифорния) да барпо этилган. Ўзбекистонда биринчи Ф. 1987 й.да Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги и.т. ин-тида ишга туширилди. Бу Ф. мажмуининг умумий майдони 22 га, унинг таркибида майдони 1500 м² бўлган селекцион иссиқхона; ҳар бирининг майдони 36 м² бўлган 14 бокс селекция иссиқхоналари, репродукцион иссиқхона (майдони 2 га); лаборатория-и.ч. корпуси ва иқлим камерали зал ва б. ёрдамчи иншоотлар тармоғи бор.

Фитотрон. Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилик илмий тадқиқот институти.

Ф.ни ёритишда катта қувватли иситиш лампалари ишлатилади. Ф.нинг ўсимликлар ўсадиган зонасида ҳаво ҳарорати 18°—32° атрофида, ҳаво намлиги 60—75% ни ташкил этади.

ФИТОФАГЛАР (*фито*... ва phagos — еб қўювчи) — фақат ўсимликлар б-н озиқланадиган организмлар. Ф. ўсимликнинг турли қисмлари — униётган уруғлар, илдиз, барг, поя, шохлар, гул органлари ва б. б-н озиқланади. Ф.нинг озуқага нисбатан ихтисослашуви турлича. Ҳақиқий Ф.га кўпгина ҳашаротлар мансуб бўлиб, улар орасида поли- ва *олигофаглар* б-н бир қаторда *монофаглар* ҳам бор. Фитофагия — айниқса, юксак ҳашаротлар: мўйловдор қўнғизлар, баргхўрлар, узунтумшуқ қўнғизлар, пўстлоқхўрлар оиласи, чигирткасимонлар катта оиласи, тўғриқанотлилар туркуми ва б.нинг вакилларига хос. Кўпгина Ф. экинларга катта зарар етказади.

ФИТОФТОРОЗ, қ и з ғ и ш ч и р и ш — ўсимликларда фитофтора (Phytophtora) туркумига мансуб замбуруғлар қўзғатадиган касалликлар. Картошка, помидор, пиёз, цитрус экинлари, олма ва б.да учрайди. К а р т о ш к а Ф.ида (қўзғатувчиси — P.infestans) баргларда йирик доғлар, нам об-ҳавода баргларнинг орқа томонида оқ ғубор пайдо бўлади, туганагида дастлаб қора доғлар кўринади, сўнгра улар қўнғир ранг олиб, чирийди ва қаттиқлашиб қолади. Зарарланган туганаклар картошкани сақлаш жараёнида яна бошқа касалликлар б-н зарарланади.

К у р а ш ч о р а л а р и: касалликка чидамли навларни экиш, соғлом уруғлик тайёрлаш, фосфор-калий ўғитларини юқори дозаларда қўллаш, фунгицидлар пуркаш, ковлашдан олдин ўсимлик палакларини ўриб олиш. П о м и д о р Ф.ида ҳам (қўзғатувчиси — P.infestans) баргларнинг орқа томонида оқ ғуборли, поясида ғуборсиз чўзиқ қўнғир доғлар, мевасида қўнғир чириш пайдо бўлади. О л м а Ф.и (қўзғатувчиси — P.omnivora), асосан, дарахтнинг илдиз бўғзини зарарлайди, дарахт пўстлоғи кўк-бинафша тус олади ва ёрилиб кетади.

К у р а ш ч о р а л а р и: тўкилган мевалар йиғиштириб олинади ва йўқ қилинади. Ёрилган пўстлоқ тозаланиб дезинфекция қилинади, зарарланган жойлари куйдирилади.

ФИТОЦЕНОЗ (*фито*... ва *ценоз*), ў с и м л и к л а р ж а м о а с и — нисбатан бир хил шароитда бир-бирига мослашиб, жамоа бўлиб яшайдиган ўсимликлар мажмуи. Ҳар бир Ф. ўзига хос таркиб ва тузилмага эга. Ф.даги ўсимликлар ҳайвонлар ва ташқи муҳит б-н ўзаро бевосита боғланган. Баъзи Ф.лар инсон

Фитофтороз: 1 — картошка; 2 — помидор; 3 — олма фитофторозлари.

таъсирида ёки унинг бевосита иштирокида мавжуд бўлади (мас., агрофитоценоз). Ф.ни ташкил қилувчи ўсимликлар ўз ҳаёт фаолиятида муҳитга катта таъсир кўрсатади ва уни ўзгартира олади. Ҳар хил ўсимлик гуруҳларининг Ф.даги роли бир хил эмас. Ўсимликлар ташқи муҳитдан ўзи учун зарур бўлган моддаларни ўзлаштиради (қ. *Ассимиляция*), ташқи муҳитга эса моддалар алмашинуви маҳсулотларини чиқаради (қ. *Диссимиляция*). Ф. тупроғи ва унинг сиртида ўсимлик қолдиқлари чириб, тупроқ таркибини ўзгартиради; ўсимликлар ва *транспирация* таъсирида ўзига хос фитоиқлим ҳосил қилади. Ф. *биоценоз* ва *биогеоценоз*нинг энг фаол қисми ҳисобланиб, қуёш нури энергияси ва атмосферадаги азотни ўзлаштиради; ҳайвонлар б-н биргаликда энергия ўзгариши ва моддаларнинг айланиш жараёнларида қатнашади. Ф. органик моддаларнинг асосий яратувчиси бўлиб, *гетеротроф организмлар*, шу жумладан, инсон учун озиқ моддалар ва энергия манбаи ҳисобланади.

Ф. доимий бўлмасдан унинг таркиби ва ташқи кўриниши йиллар ва йил фасллари давомида ўзгариб боради. Натижада бир хил турлар ўрнини бошқалари эгаллайди; бир Ф. бошқаси б-н алмашинади, яъни сукцессия рўй беради. Ф. ҳақидаги таълимот *фитоценология* деб аталади.

ФИТОЦЕНОЛОГИЯ (*фитоценоз* ва *...логия*) — *геоботаника* ва биогеоценология бўлими (баъзан геоботаника синоними). Ўсимлик жамоалари, жамоа ҳосил қилувчи ўсимликларнинг ўзаро ва биоценозларнинг бошқа компонентлари б-н алоқасини ўрганади. Ф. фитоценозларнинг ташкил топиши, алмашиниб туриши, ер юзасида тарқалиши ва таснифи б-н ҳам шуғулланади. Ф.нинг пайдо бўлиши 19-а. охирида ўсимлик қопламлари тўғрисидаги тушунчаларнинг ривожланиши б-н боғлиқ.

Ф. бир неча йўналишда ривожланди. Немис олими А. *Гумбольдт* Ф.нинг географик йўналишини асослаб берган. Мазкур йўналишнинг ривожланишида рус олими В. В. *Докучаев*, рус геоботаниклари Г. Н. Висоцкий, А. Я. Гордягин, Б.А.Келлернинг хизматлари катта. 19-а.га келиб фитоценознинг тузилиши ҳақидаги материаллар тўпланди (австралиялик ботаниклар Й. Лоренц, 1858; А. Кернер, 1863; финляндиялик ботаник Р. Хульт, 1881 ва б.). 3-Халқаро ботаника конгрессидан (1910) кейин элементар таксономик бирлик сифатида ассоциация қабул қилинди, фитоценозларни ўрганиш ва ассоциацияларга ажратишда ҳар хил йўналишлар шаклланди.

Ердаги ўсимликларга оид экологик тадқиқотлар Г. Вальтер ишларида умумлаштирилган. Фитоценозларни ўрганишнинг биологик йўналишини швейцариялик ботаник О. П. Декандоль асослаб берди (1820, 1832). Бу йўналиш Ч. *Дарвин*нинг «Турларнинг келиб чиқиши» (1859) асари нашр этилгач, ривожлана бошлади. Декандоль ва Дарвин издошлари ўсимлик жамоаларининг таркиби, структураси ва ўзгариши фақат иқлим ва тупроқ шароити б-н эмас, балки ўсимликлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар б-н ҳам белгиланишини кўрсатишган. 19-а.нинг 70—80-й.ларида мазкур йўналиш рус олимлари Н. Ф. Леваковский ва С. И. Коржинский, сўнгра (20-а.да) Г. Ф. Морозов ва В. Н. Сукачев ишларида ривожлантирилди. Фитоценозлардаги ўсимликлар ўзаро алоқасининг ўрганилиши эксперименталь Ф.ни юзага келтирди.

Ф. ўсимликларнинг фақат табиий жамоасини эмас, инсон томонидан яратилган сунъий жамоаси (агроценозлар)ни ҳам ўрганади.

Ф. да ўсимлик жамоаларини маршрут, стационар, экспериментал ва математик ўрганишдан, жумладан, математик моделлаштиришдан кенг фойдаланилади. Ф. — ўсимлик қопламларини муҳофаза қилиш, оқилона фойдаланиш, улар маҳсулдорлигини оширишнинг илмий асосларидан бири. Ф.га оид тадқиқотлар ботаника, экология ва умумий биол.га оид илмий жур.ларда ёритилади.

ФИТР (араб. — рўза якуни садақаси). фитр садақа, фитр рўза — исломда рамазон ойи тугаши муносабати б-н бериладиган садақа (Ф.2,5 кг хурмо, арпа, ун, гуруч ёки уларнинг қиймати миқдорида белгиланган). Муҳтожликда яшовчи оила аъзолари ҳам ҳайит куни тўқ яшасин деган ниятда жорий қилинган ва вожиб амаллар сафига киритилган. У ўзига тўқ мусулмонларнинг муҳтож ва ҳожатмандларга қиладиган хайр-эҳсонларидир. Ф. асосида фуқаролар, мискинлар, бева-бечоралар ва ҳожатмандларнинг қалбларига ҳайит олдидан бир оз бўлса-да шодлик ва ҳуррамлик бахш этиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва оқибат натижада, одамлар орасида меҳр-шафқат туйғуларини уйғотиш ётади.

ФИТРАТ (тахаллуси; асл ном-шарифи Абдурауф Абдураҳим ўғли) (1886, Бухоро — 1938.4.10, Тошкент) — ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиесатшунос олим, давлат ва жамоат арбоби. Биринчи ўзбек проф. (1926). *Мир Араб мадрасаси*да таҳсил кўрган. 1902—03 й.ларда ҳаж сафари муносабати б-н Туркия, Ҳиндистон ва Арабистон мамлакатларида, тахм. 1906—08 й.ларда эса Марказий Россия-нинг Москва, Петербург сингари ша-ҳарларида бўлган. Шундан кейин Ф. ўқишини давом эттириш нетагида Туркияга бориб, 1909—13 й.ларда Истанбулда яшаган. Ф. ўша вақтда Туркияда кучайган *Ёш туркилар* ҳаракати таъсирида Туркиядаги бухоролик ёшлар ёрдамида «Бухоро таълими маориф жамияти»ни тузади. Жамият Бухоро ва Туркистон маорифининг олға силжишига доир муҳим ишларни амалга оширади.

Ф. Туркияда таҳсил олиш, маърузалар ўқиш б-н бирга самарали ижод ҳам қилган. 1909 й. Истанбулда унинг форс тилида ёзган «Мунозара», «Сайҳа» («Наъра») шеърий мажмуаси, 1912 й. эса «Сайёҳи ҳинди» («Баёноти сайёҳи ҳинди») асарлари нашр этилган. Кейинчалик Ф.нинг миллатчи, туркпараст ва исломпараст ёзувчи сифатида қора-ланишига сабабчи бўлган бу асарлар 20-а. бошларида Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракатининг норасмий дастури бўлиб хизмат қилган. Айниқса, «Мунозара» ва «Сайёҳи ҳинди» асарлари ёшлар дунёқарашининг кескин ўзгариши ва уларнинг жадидлар сафига келиб қўшилишига сабабчи бўлган.

Ф. ватанига қайтгач, Бухоронинг турли туманларида ўқитувчилик қилиб, жадидчилик ғояларини кенг тарғиб этди. *Ёш бухороликлар* ҳаракатининг мафкурачиси ва ғоявий раҳбарларидан бирига айланди. 1915 й.дан эса Ёш бухороликлар ҳаракатининг сўл қанотига бошчилик қилди. 1917 й. Февраль воқеаларидан кейин жадидларнинг Бухоро амирлигидаги аҳволи мураккаблашгач, Ф. Самарқандга кўчиб бориб, «*Ҳуррият*» газ.да муҳаррир бўлиб ишлади (1917—18). Айрим маълумотларга қараганда, Ф. шу йилларда «Иттиҳоди таққий» ташкилоти Эски Бухоро бўлимининг раиси ҳам бўлган. *Колесов воқеаси* (1918 й. март)дан кейин эса Тошкентга кўчиб келган. 1919—20 й.ларда Афғонистоннинг Тошкентдаги ваколатхонасида таржимонлик қилган, «*Чигатой гуруҳи*» маърифий-адабий уюшмасини, шунингдек, «Тонг» жур.ини ташкил этиб, ёш зиёлилар авлодини миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга киришган. «Тонг» жур.нинг шиори бўлган: «Мия ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар нетиз тутмас!» сўзлари Ф.нинг шу йилларда олиб борган фаолиятининг мақсад-моҳиятини тула ифодалайди.

БХСР ташкил топиши б-н Ф. 1921 й.да маориф, 1922 й.да ҳорижий ташқи ишлар нозири, халқ ҳужалиги кенгаши раиси, МИҚ ва Халқ нозирлари шўроси раисининг ўринбосари ва б. лавозимларда хизмат қилди. У шу давр-да БХСР мабдаги ҳисобига 70 нафар туркистонлик истиқболли ёшларнинг Германияга бориб ўқиши, Бухородa Шарқ мусиқа мактабининг ташкил этилиши, фан ва маданият тарихига доир халқ қўлида сочилиб ётган ноёб қўлёзмаларни тўпланида танаббускор бўлди. Ф.нинг саъй-ҳаракати б-н Бухоро жумҳуриятида турк (ўзбек) тили давлат тили деб эълон қилинди; давлат театри ташкил этилиб, бу театрда ишлаш учун Тошкентдан М. Уйғур ва Чўлпон, вақф ишларини бошқариш учун эса М. Абдурашидхонов таклиф этилди (1921). Аммо 1923 й. июнда Москвадан Я.Э. Рудзутак бошчилигида келган комиссия Ф.ни ишдан олиб, уни Россияга «чақириб олинган», деб эълон қилди ва Ф. 1923—26 й.ларда Москвага бориб, Шарқшунослик н.т. ин-тида ишлади. 1926 й.нинг охири — 1927 й.нинг бошларида ватанига қайтган Ф. 1937 й.да ҳибсга олингунига қадар Самарқандаги Олий педагогика ин-ти ҳамда Тошкентдаги Тил ва адабиёт ин-тида илмий фаолият олиб борди.

Ф. ижодини шартли равишда 3 даврга бўлиш мумкин. Агар Ф. 1909—16 й.ларни ташкил этган 1-даврда жадид маърифатпарвари сифатида ижод қилган бўлса, 1917 й. Февраль инқилобидан кейин Москвага сургун қилингунига қадар бўлган 2-даврда ҳуррият ва мустақиллик ғоялари б-н тўйинган асарлар ёзади (1917—23). Совет махфий хизматининг доимий назорати остида яшаган Ф. ижодининг 3-даври (1923—37)да асосан илмий ва педагогик фаолият б-н шуғулланади.

Ф.нинг адабий мероси бой ва ранг-баранг. У ёзувчи сифатида бадиий ижоднинг барча турларида қалам тебратибгина қолмай, ўзбек адабиётининг янги жанр ва турлар б-н бойиши, шеър тузилишининг ислоҳ этилиши, реализмнинг теранлашиши, давр, замият ва халқ ҳаёти б-н боғлиқ муҳим ижтимоий муаммоларнинг ўзбек адабиётида бадиий талқин этилишига улкан ҳисса қўшди.

Шеърий ижоди. Ф. зуллисонайн ёзувчи бўлиб, адабий фаолиятининг дастлабки даврида асосан форс тилида

ижод қилган («Сайҳа»). Ф.нинг бизга етиб келган ўзбек тилидаги шеърлари 1917 й. ва ундан кейинги даврга оид. Маълумки, Февраль инқилобидан кейин Туркистон халқларининг мустақиллликка эришишлари учун бирдан-бир тарихий имконият туғилган. Ф. шу даврда халқни мустамлакачилик кишанларини парчалаб, истиқлол учун курашга даъват этувчи шеърлар ёзишга киришган. Аммо анъанавий аруз вазни, унинг назарида, бундай замонавий ғояни ифодалаш, халқни оёққа қалқтириш ва сафарбар этиш кучига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам Ф. турк ва татар шеъриятларида шаклланган, ўзбек халқ оғзаки шеъриятида айрим унсурлари бўлган сочмани миллий адабиётимизга олиб кирди. Ғоя «Юрт қайғуси» деб номланган бир шеър ва 4 та сочма ёзиб, уларда ҳуррият учун кураш ғоясини баралла қуйлади. Ф. мазкур сочмаларида Туркистонни хўрланган ва хорланган Она образида тасвирлаб, бу жабрдийда Онани зулм асоратидан халос этиш учун Амир Темур сингари жаҳонгирлар руҳига мурожаат этди, халқни эрк ва ҳуррият учун кураш майдонига даъват этди. У шу йилларда «Миррих юлдузига», «Шарқ», «Шоир» сингари шеърларини яратиб, уларда Туркистонни энди «қизил» мустамлакага айлантира бошлаган большевикларга ва улар барпо этаётган тузумга нафрат туйғусини ифодалади. Ф. бармоқ вазнида ёзилган шу шеърлари б-н халқ оғзаки шеъриятининг мулки бўлган бармоқни ислоҳ этиб, Чўлпон б-н бирга уни ёзма адабиётга олиб кирди ва унга янги ҳаёт бағишлади. «Ўзбек ёш шоирлари» (1922) шеърий мажмуасининг тузувчиси ва асосий муаллифи. Афсуски, Ф. бу шеърларидан кейин шеърият соҳасида қарийб ижод қилмади.

Насрий ижоди. Ўтган асрнинг 10-й.ларида саҳна асари сифатида намойиш этилган «Мунозара» Ф.нинг насрдаги илк асаридир. «Мунозара» ҳам, «Сайёҳи ҳинди» ҳам Ф. публицистикасининг ёрқин намуналаридан. Ф. кейинчалик ҳам ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий ҳамда эстетик қарашларини ифодалашда публицистикадан самарали фойдаланди. Фақат 20-й.ларнинг ўрталарига келибгина у «соф» насрий асарларни ярата бошлади («Қиёмат», «Меърож», «Оқ мозор», «Зайд ва Зайнаб», «Заҳронинг имони» ва б.). «Мунозара» ва «Сайёҳи ҳинди» асарларида кўтарилган миллий қолоқлик, диний фанатизм мавзуси 20-й.лар учун ҳам долзарб аҳамиятга эга эди. Ф. бу ҳикояларида диний сюжетлардан дин таъсирига қарши курашда фойдаланди. Бу асарлар, айниқса, 1930 й.да қайта ишлаган «Қиёмат» хаёлий ҳикояси ҳоз. ўзбек адабиётида фантастиканинг туғилиши ва шаклланишида миллий манба бўлиб хизмат этди.

Драматургияси. Ф. 1916 й.дан бошлаб театр учун кўплаб асарлар яратди. Аммо унинг нафақат 1916—18 й.ларда ёзган «Бегижон», «Қон», «Або Муслим», «Темур сағанаси», «Ўғизхон» сингари пьесалари, ҳатто 30-й.ларда ёзган «Тўлқин» опера либреттоси (1934) ҳам бизга етиб келмаган. Маълумки, Ф.нинг 5 пардали «Бегижон» пьесасида деҳқонларнинг хон зулмига қарши кўтарган исёнлари тасвир этилган, «Темур сағанаси» пьесасида эса муаллифнинг «Юрт қайғуси (Темур олдида)» сочмасидаги истиқлол учун кураш ғояси ўзининг бадиий тажассумини топган. Ф. шу йилларда ёзган бошқа саҳна асарларида ҳам тарихий ўтмишга мурожаат этганига қарамай, большевикларнинг Туркистонда олиб борган гайриинсоний сиёсатига фаол муносабат билдириб, зулм ва зўравонликка асос-ланган «янги тузум»ни кескин қоралаган. Ф. ижодининг шу даврдаги етакчи мотиви — большевизмга қарши истиқлол учун кураш ғояси «Чин севиш» (1920) ва «Ҳинд ихтилолчилари» (1923) пьесаларида, айниқса, ёрқин ифодаланган. Драматург Туркистонда Совет ҳокимияти йилларида содир бўлаётган фожиали воқеаларни Англиянинг мустамлакаси бўлган Ҳиндистонга кўчириб, инглиз мустамлакачиларига қарши курашаётган ҳинд ихтилолчи (истиқлолчи)лари сиймосида, маълум маънода, ўз ватандошлари образини яратди. Ж. Нерунинг эътироф этишича кўра, Ф.нинг бу асарлари ҳинд халқининг мустамлакачиликка қарши олиб борган курашига куч ва малаҳ берган.

Ф. Москвадалик пайтида «Абулфайзхон» ва «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924), она юртига қайтганидан кейин эса «Арслон» (1926), «Шўриши Восе»

(«Восе қўзғолони», 1927), «Тўлқин» пьесаларини ёзди. Бу асарлар орасида «Абулфайзхон» ўзининг шекспирона эпик кўлами б-н алоҳида ажралиб туради. Мазкур пьеса асосида *аштархонийлар* сулоласининг сўнгги вакили *Абулфайзхон* салтанатининг таназзули (18-а.) натижасида Бухорода манғит амирларининг ҳокимият тепасига келишлари б-н боғлиқ тарихий воқеалар ётади. Ф.нинг олис тарихий даврга назар ташлашдан мақсади «Подшолик қон б-н суғорилган бир оғочдир. Қон оқиб турмаган ерда бу дарахтнинг қуриб қолиши аниқдир» деган «фалсафа» б-н яшаган ва ўзи ҳам шу ғайриинсоний «фалсафа»нинг қурбони бўлган Абулфайзхон сингари қонхўр подшоларни тарих қаъридан олиб чиқиб, халққа кўрсатишдир. Ф. бу асари б-н большевиклар тузуми 20-а.нинг Абулфайзхони — Сталинни яратиши ва унинг бепоён мамлакатни қонга ботиришини башорат этди. Шу маънода мазкур трагедия Ф. закоси б-н яратилган халқни огоҳлантирувчи асардир.

«Абулфайзхон»нинг бадиий қиммати шундаки, Ф. асарда шекспирона қабартма тип ва характерларни яратди, зулмга асосланган салтанат тожининг отадан болага ўтиб келиши натижасида пайдо бўлувчи қонли оқибатларни ҳаққоний тасвирлади. Ф. бу асари б-н ўзбек адабиётида трагедия жанрига асос солиб, мазкур жанрнинг асосий тамойилларини белгилаб берди.

И ж т и м о и й - ҳ у қ у қ и й, д и н и й в а м а ъ р и ф и й а с а р л а р и. Ф. илм-фан ва маърифатнинг турли соҳаларида ҳам теран из қолдирди. У 1914—16 й.лардаёқ «Раҳбари нажот» («Нажот йўли»), «Оила» ва «Мавлуди шариф ёки Муръоти хайр ул-башар», 1917—20 й.ларда «Ўқу» («Ўқув»), «Шарқ сиёсати» ва «Йиғла, Ислом», 1925 й.да эса «Мухтасар ислом тарихи» сингари асарларини эълон қилди. Ф. мазкур асарларида, бир томондан, шу йилларда рўй берган сиёсий-ижтимоий масалаларга муносабатини ифодалаган бўлса, иккинчи томондан, мусулмон олами учун ўз аҳамиятини йўқотмайдиган ёки муайян тарихий даврда сақланиб қоладиган маънавий ва маърифий қадриятларни тушунтириб берди. Ф. бу асарларида миллатнинг нафақат сиёсий-ижтимоий, балки диний-маърифий масалаларда ҳам етарли даражада билимга эга бўлмаганини эътиборга олиб, ҳар бир мусулмоннинг билиши лозим бўлган бир қатор масалаларга ёрқинлик бағишлади. Форс тилида ёзилган «Раҳбари нажот» рисоласида тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом илмлари, шунингдек, лисоний, фалсафий, дунёвий илмлар тўғрисида аниқ тасаввур берди; авлод, бадан, фикр, ахлоқ тарбиясига оид фалсафий-этик қарашларини олға сурди. Ф.нинг «Оила» рисоласида эса оиланинг жамият ва инсон ҳаётидаги ролини оширишга, оила аъзоларининг ҳуқуқий меъёрларини белгилашга қаратилган фикр ва мулоҳазалари янада ривожлантирилди.

Ф.нинг мактаб ўқувчиларига мўлжалланган «Ўқу» («Ўқув» 1917 й., Боку) қўлланмаси ватан, дунё, табиийёт, тиббиёт ва гигиена сингари масалалар, шунингдек, ўтмишда яшаган алломалар ҳақида тасаввур беради (номаълум сабабларга кўра, ушбу қўлланманинг 2-қисми ёзилмаган).

Ф. ҳуқуқий давлат қуриш ва унинг ривожини таъминлаш мақсадида 1918 й.да Ёш бухороликлар партиясининг 13 бобдан иборат дастурини ёзиб берди. Бу дастурда олимнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари ўзининг чуқур ифодасини топди.

Т и л ш у н о с л и к в а а д а б и ё т ш у н о с л и к к а о и д а с а р л а р и. Ф. ўзбек тилининг грамматикасини ўрганиш ишини бошлаб берган ва шу соҳа ривожига катта ҳисса қўшган. У 1918 й.да Қ. Рамазон ва Ш. Раҳимий б-н ҳамкорликда «Она тили» дарслигини яратди. 1921 й.да Тошкентда бўлиб ўтган Тил ва имло қурултойида Ф. ўзбек тилининг софлигини таъминлаш ва ривожлантиришга қаратилган бир қанча таклифларни ўртага ташлади. У 20-й.ларда ўзбек тили табиатини ўрганишда давом этиб, «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Сарф» (1925), «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Наҳв» (1926) дарсликларини яратди ва бу дарсликлар 1930 й.га қадар бир неча марта нашр этилди. Олим ўзбек тили морфологияси ва синтаксисига бағишланган бу асарлари б-н ўзбек тили грамматикасини илмий асосда ўрганиш ишига тамал тошини қўйди. Ф.нинг тилшунослик соҳасидаги катта хизматларидан яна бири унинг 20-й.ларда қад. туркий тил, жонли халқ тили ва шеваларга таянган ҳолда, илмий-маданий муомалага кириб келаётган янги тушунча ҳамда ҳодисаларни ифодалаш учун ўзбек тилининг луғат фондига янги сўзлар ва атамаларни кўплаб олиб кирганлигидадир.

Олим «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927), «Ўзбек адабиёти намуналари» (1-ж., 1928) тазкираларини тузиб, миллий адабий меросимизнинг энг қад. даврдан сўнгги даврларга қадар яратилган намуналарини тўплаб, муайян тизимга солди («Намуналар»нинг 2-жилди эълон қилинмай қолган). «Қутадғу билиг» сингари ўзбек ёзма адабиётининг халқ орасида сочилиб ётган ноёб ёдгорликларини қўлга киритиш, ўрганиш ва чоп этишга интилди. Ўзбек адабиёти йирик намояндалари ижодини илк бор ўрганиб, «Бедил» (Бир мажлисда)» (1923), «Навоийнинг форсий шоирлиги ва унинг форсий девони тўғрисида», «Қутадғу билиг» (1925), «Аҳмад Яссавий» (1927), «Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар», «Ҳиббат ул-ҳақойиқ», «Ўзбек шоири Турди» (1928), «XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш», «Муҳаммад Солиҳ», «Форс шоири Умар Хайём» (1929), «Машраб», «Фарҳоду Ширин» достони тўғрисида» (1930) каби катта илмий қимматга эга рисола ва мақолалар яратди. Ф. бу тадқиқотлари б-н ўзбек адабиётшунослик фанига пойдевор қўйди. «Шеър ва шоирлик» (1919), «Адабиёт қоидалари» (1926), «Санъатнинг маншаи» (1927), «Аруз ҳақида» (1936) сингари мақола ва рисолалари б-н адабиёт назарияси фанига асос солди.

Бундан ташқари, Ф. тарихшунослик ва шарқшунослик соҳаларига оид форс тилида мақола ва рисолалар ҳам ёзди («Амир Олимхоннинг кечмиши», 1930). 1921 й. Б. Солиев ва Б.С. Сергеев б-н биргаликда амирга қарашли нодир қўлёзмалар, вақф ҳужжатларини йиғиш, уларга тартиб ва тавсиф беришда иштирок этди. Б.С. Сергеев б-н биргаликда В. Л. Вяткин архивида сақланган қозиларга оид ҳужжатларни ўрганиб, рус тилида «Казийские документы XVI века» (1937) китобини нашр этди.

С а н ъ а т ш у н о с л и к к а о и д х и з м а т л а р и. Ф. 1921 й.да Шарқ мусиқа мактабини ташкил этиб, унинг биринчи директори бўлган. Мактабга мумтоз мусиқа билимдонлари (созанда ва хонандалар) б-н бирга В. А. *Успенский* сингари мусиқашуносларни ҳам таклиф этди. У шу вақтдан бошлаб «Шашмақом» куйларини тўплаш ва нотага ёзиб олиш ишларига раҳбарлик қилди. Ф. ташаббуси б-н Ота Жалол ва Ота Ғиёсдан Бухоро Шашмақоми В. Успенский томонидан илк бор нотага олиниб нашр этилди [Шесть музыкальных поэм (маком), Бухара-М., 1924]. Ф. «Шашмақом», «Ўзбек мусиқаси тўғрисида» мақолалари ва «Ўзбек классик мусиқаси ҳам унинг тарихи» (1927) рисоласи б-н 20-а. ўзбек мусиқашунослик фанини бошлаб берди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1991 й. 25 сент.да Фитратга (вафотидан кейин) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти берилди. Бухоро шаҳрида Ф. боғи ва уй-музейи ташкил этилди. Бухорода Ф. ҳайкали ўрнатилган. Республикадаги бир неча мактаб, кўча ва хўжаликлар Ф. номи б-н аталди.

Ас.: Қиёмат, Т., 1967; Мухтасар ислом тарихи, Т., 1992; Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври, Т., 1992; Бедил, Т., 1996; Чин севиш, Т., 1996; Адабиёт қоидалари, Т., 1995; Аруз ҳақида, Т., 1997; Оила ёки оила бошқариш тартиблари, Т., 1998; Нажот йўли, Т., 2001; Танланган асарлар, 1—3-ж.лар, Т., 2000—2003.

Ад.: А л и е в А., Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат, Т., 1984; Фидойилар, Т., 1990; Қ о с и м о в Б., Маслакдошлар: Беҳбудий. Ажзий. Фитрат, Т., 1994; Ғ а н и е в И., Фитрат, жиҳод, ижод, Т., 1994; Ғ а н и е в И., Фитратшунослик, Бухоро, 1994; Б о л т а б о е в Ҳ., Абдурауф Фитрат, Т., 1996; Б о л т а б о е в Ҳ., Фитратнинг илмий мероси, Т., 1996; Қ у р б о н о в а М., Фитрат — тилшунос, Т., 1996; Э р г а ш е в а М., Абдурауф Фитрат — буюк ҳуқуқшунос, Т., 2001; Қ о с и м о в Б., Миллий уйғониш, Т., 2002.

Наим Каримов.

ФИТЧ (Fitch) Вал Логсдон (1923.10.3, Мерримак) — америкалик физик, АҚШ Миллий академияси аъзоси (1966). Мак-Гилл ун-тини тугатган (1948). Колумбия ун-ти (1953—54), Принстон ун-тларида (1954 й.дан) ишлаган, фалсафа фанлари д-ри (1954), проф. (1960 й.дан). Илмий ишлари ядро ва мезон физикаси ҳамда элементар зарралар физикасига оид. μ-мезон массасини (Ж. Рейнуотер б-н), мю-мезон чиқарадиган рентген нурлари спектрини ўлчаган, мю-мезоатомларини кашф этган (1953). Тартиб рақами 13÷85 оралиғидаги ядролар радиусини ўлчади ва $1,2\cdot10^{-13}$ см га тенглигини кўрсатди (1953). Тау- ва тета-мезонлар яшаш вақти тенглигини экспериментал тасдиқлади (1956). K^0-мезонни кашф этди (1960). Ж. Кронин ва б. б-н 1964 й.да нейтрал каоннинг ноёб емирилишини аниқлади. Биринчи марта K^-- ва K^0-мезонлар интерференциясини кузатди (1965). Нобель мукофоти лауреати (1980).

ФИФА (FIFA, франц. Federation internationale de Football Association сўзлари бош ҳарфидан) — халқаро футбол уюшмалари федерацияси. 1904 й. Францияда таъсис этилган. 204 та миллий футбол уюшмасини бирлаштиради (2003). Ўзбекистон 1994 й.дан аъзо. Турли миқёсдаги халқаро мусобақалар: миллий жамоалар ўртасида жаҳон чемпионати (1930 й.дан), мини футбол бўйича, аёллар жаҳон чемпионатини, ўсмирлар ўртасида, 16—17 ёшли футболчиларнинг жаҳон чемпионатини, қитъалараро турнир ва кубок мусобақаларини ташкил қилади ва ўтказади. «ФИФА магазин» безакли жур., «ФИФА Ньюс» ойлик бюллетенини нашр этади. Футболни тарғиб қилишдаги улкан муваффақиятлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози С. Арутюнов ФИФА медали б-н мукофотланган (1998). «Нефтчи» (Фарғона) жамоаси футболчиси С. Лебедев ФИФА терма жамоаси таркибида ўйнаган (1997).

ФИХТЕ (Fichte) Иоганн Готлиб (1762.19.5, Рамменау — 1814.29.1, Берлин) — немис файласуфи, жамоат арбоби. Йена ва Лейпциг ун-тларида ўқиган. Йена (1794—99), Берлин (1810 й.дан) ун-тларининг проф. 1798 й.да Ф. ўзини асоссиз равишда тоявий ўзбошимчаликда айбланганликларига норозилик сифати ун-тни тарк этди. 1810 й.да у Берлинда янги ташкил этилган Олий мактабнинг биринчи ректори этиб сайланди. «Немис миллатига қаратилган нутқлар»и (1808) да немис халқини ахлоқий жиҳатдан уйғотишга ва бирлаштиришга даъват этган. Кантнинг «нарса ўзида»сини инкор қилган. Ф. ўз фалсафий таълимотини танқидийлик деб атаган. Ф. таълимотича, «танқидий фалсафа»нинг ибтидоси тафаккур қилувчи «Мен»дир. Ундан сезги ва тафаккурнинг бутун мазмунини аниқлаш мумкин. Ф. «Мен»га ҳамма нарсани яратувчи қудратли ижодий куч сифатида қаради. «Мен» учун икки томонлама — амалий ва назарий фаолият хос. Ф. фикрича, соф «Мен» ғайриҳиссий, абадий; эмпирик «Мен» эса ҳиссий, вақтинча. Оддий индивиднинг эмпирик «Мен»ига соф «Мен»ни қарама-қарши қўяди. Унинг фикрича, соф «Мен» алоҳида кишининг онги эмас, балки ҳамма кишилар онгининг асосини, моҳиятини ташкил этувчи соф реалликдир; унинг моҳияти фаолиятида, ўз-ўзини барқарор этишда. Ф. таълимотича, инсоният пароканделик ва бузуқлик даврларидан ўтиб, дастлабки бегуноҳлик ҳолатидан ақл ҳукмронлигига кўчади. Ф.нинг хизмати шундаки, у инсоннинг ақлли «Мен»ини, унинг фаол бунёдкорлик қобилиятини юқори кўтарди. Асосий асарлари: «Умумий фан таълимининг асослари» (1794), «Ахлоқийлик ҳақидаги таълимот тизими» (1794), «Тилга қобилият ва тилнинг келиб чиқиши тўғрисида» (1795) ва б.

ФИЦЖЕРАЛЬД (Fitzgerald) Фрэнсис Скотт (1896.24.9, Сент-Пол, Миннесота штати — 1940.21.12, Хейворт. Голливуд) — америка ёзувчиси. 1913—17 й.ларда Принстон ун-тида ўқиган. «Жаннатнинг бу томони бўйлаб» (1920) номли биринчи романида Ф. биринчи бўлиб «йўқотилган авлод», 20-йиллар америка ёшлари тасвирига эътибор қаратади. «Йўқотилган авлод» Ф. ижодидаги асосий мавзулардан бўлиб, унинг 20-й.лардаги кўплаб ҳикоялари ва «Гўзаллар ва ҳалокатга маҳкумлар» (1922) романида ҳам ўз аксини топган. Америка адабиётидаги мумтоз асарлардан ҳисобланган «Буюк Гэтсби» (1925) романида Американинг ҳар қандай америкалик ўзининг ҳалоллиги, ғайрати, меҳнатсеварлиги б-н ижтимоий нарвоннинг энг юқори босқичига эриша оладиган мамлакат эканлиги ҳақидаги афсонани фош этади. «Мулойим тун» (1934) романида эса истеъдодли психиатр-врач, баланд кайфиятли идеалист Дик Дайверининг аста-секин завол топиши, бойлик олдида таслим бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади, романтик орзу-хаёллар б-н ҳақиқий ҳаёт тўқнашувидаги чуқур фожиа тасвирланади. Тугалланмаган ижтимоий романи «Сўнгги магнат» (1941 й. нашр этилган) Голливуд ҳаёти, ундаги кишиларнинг хулқ-атвори ҳақида. Ф., шунингдек, «Йўлдан оздирувчи аёллар ва файласуфлар» (1920), «Жаз асри эртаклари» (1922), «Барча ғамгин йигитлар» (1926), «Тонгда уйғотувчи овоз» (1935) каби ҳикоялар тўпламлари, «Ҳалокат» автобиографик очерклар тўплами (1946 й. нашр этилган), пьесалар, сценарийлар муаллифи. Теран психолог, ўткир танқидчи, наср устаси бўлмиш Ф. вафотидан анча кейин, 50-й.ларнинг ўрталаридан машҳур бўлиб кетади.

ФИШЕР Ганс Эйген (1881.27.7, Хехст — 1945.31.3) — немис органик кимёгари ва биокимёгари. Марбург ун-тини тугатган (1904). Инсбрук (1916 й.дан), Вена (1918 й.дан) ун-тларида ва Мюнхен олий техника мактабида проф. (1921—45). Асосий илмий ишлари пиррол ва унинг ҳосилалари кимёсига оид. Хлоринлар ва б. пиррол бирикмаларини синтез қилган (1920). Қондаги гемоглобин глобин оқсили ва таркибида темир тутган гемин комплексидан иборат эканлигини аниқлаган (1929). Нобель мукофоти лауреати (1930).

ФИШЕР (Fisher) Роберт Жеймс (1943.9.3, Чикаго, АҚШ) — америкалик шахматчи, халқаро гроссмейстер (1958). Жаҳоннинг 11-чемпиони (Б. Спасский устидан ғалаба қозонган, 1972—75). АҚШ нинг 8 марта чемпиони (1957—67). «Оскар» шахмат мукофоти совриндори (1970—72). «Эсдан чиқмас 60 партиям» китобини ёзган (1969).

ФИШЕР Эмиль Герман (1852.9.10, Эйскирхен — 1919.15.7) — немис органик кимёгари. Страсбург ун-тини тугатган (1874). Мюнхен (1879 й.дан), Эрлангер (1882 й.дан), Вюрцбург (1885 й.дан), Берлин (1892—1919) ун-тлари проф. Илмий ишлари углеводородлар, оқсиллар, пурин бирикмалари кимёсига оид. Пуриннинг физиологик фаол ҳосилаларидан — *кофеин*, теобромин, ксантин, гипоксантин, теофиллин, гуанин ва аденинни (1897), сийдик кислота (1899), шунингдек, пуринни (1898) синтез қилган. Қандлар (1887 й.дан), *манноза, фруктоза* ва *глюкоза* (1890) синтезини амалга оширган. Кўпгина оқсилларнинг парчаланиш маҳсулотларида *валин* (1901), *пролин ва оксипролин* (1902) мавжудлигини очган, *полипептидлар* синтезига асос солган ва илк бор соф дипептид олган (1902). Нобель мукофоти лауреати (1902).

ФИШЕР Эрнст Отто (1918.10.11, Сольна) — немис органик кимёгари. Мюнхен олий техника мактабини тугатгач, шу мактабда ишлаган (1949 й.дан), проф. (1964 й.дан). Илмий ишлари металлорганик бирикмалар кимёсига оид. Технеций (Tc) ва трансуран элементларнинг [плутоний (Pu) дан калифорний (Cf) гача] металлорганик ҳосилаларини синтез қилган, углерод б-н 5f электрон конфигурацияли металлар орасида кимёвий боғ ҳосил бўлиши мумкинлигини аниқлаган. Илк бор оралиқ металларнинг барқарор карбен комплексларини олган, оралиқ металл — икки валентли углерод боғининг физик хоссаларини мукаммал ўрганган (1964), металларнинг карбин комплексларини синтез қилган (1973). Нобель мукофоти лауреати (1973, Ж. Уилкинсон б-н ҳамкорликда).

ФИҚҲ (араб. — билиш, тушуниш) — мусулмон ҳуқуқшунослиги, *шариат* қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланувчи ислом таълимотининг бир соҳаси. «Ф.» сўзи атама сифатида Қуръон ва ҳадисларда қўлланилган. Ф. ислом дини вужудга келиб, халифалик қарор топиши биланоқ дарҳол таркиб топган эмас. Ф.нинг қарор топиши Муҳаммад (сав) ҳадислари ва чорёрларнинг айтган гапларини ёзиб олиш б-н бирга давом этган. Зайд ибн ал-Ҳасаннинг «Мажмуъ ал-фиқҳ», *Молик ибн Анас*нинг «ал-Муваттаъ», *Ибн Ҳанбал*нинг «ал-Муснад» китоблари Ф.га оид дастлабки асарлар ҳисоблансa-да, улар муайян мавзуда танлаб олинган ҳадислардан иборат эди. Ф. илми 10-а.га келиб мустақил фан сифатида шаклланган. Ф. б-н шуғулланувчи, уни ўрганувчи киши фақиҳ (қонуншунос) деб аталган. Мовароуннаҳрда *Бурҳониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандий* ва б. машҳур фақиҳлар ҳисобланган. Ф. ислом ҳуқуқшунослиги сифатида 2 соҳада — шариат манбаларини ишлаб чиқиш (усул ал-фиқҳ) ва шариатни таъин соҳаларга татбиқ қилиш (фуруъ ал-фиқҳ)дан иборат бўлган. Исломнинг суннийлик йўналиши ҳуқуқшунослигида 4 та мустақил ҳуқуқ мазҳаблари — ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик ва ҳанбалийлик вужудга келган. Ф.да бошқа мактаблар ҳам мавжуд эди, бироқ 14-а.га келиб, мазкур 4 мазҳаб ҳамда бир неча шиалик тариқатларигина сақланиб қолган. Ўрта асрларда ва янги даврда Ф.га оид асарлар орасида *фатво* тўпламлари кўпайди. Ал-Кудурийнинг (1037 й.в.э.) «Мухтасар», Қозихоннинг (1196 й.в.э.) «Фатово», Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Ибн Баззознинг (1414 й.в.э.) «Фатово» асарлари бунга мисол бўлади. Улар ичида «Ҳидоя» асари ҳанафийлик мазҳабида катта шуҳрат қозонган амалий қўлланмадир. «Ҳидоя»га бир қанча шарҳлар ёзилган. Мусулмон фақиҳларининг кўп асарлари қози ва муфтилар учун дастуриламал бўлган, кўпинча маъмурларнинг буюртмаси б-н давлат маҳкамалари учун махсус китоблар ёзиб берилган: Абу Юсуфнинг (798 й.в.э.) «Китоб ал-харажи» ёки бобурийлар салтанатининг ҳукмдори Аврангзеб (1658—1707) амри б-н 1669 й.да бир гуруҳ ҳанафий ҳуқуқшунослар тузган «ал-Фатово ал-ҳиндийа» асари ва б. Ислом мамлакатлари ҳуқуқ тизимида Ф.нинг роли доимо бир хил бўлган эмас. Жумладан, 16-а.да усмонли турк салтанатида ва 17-а. 2-ярмида бобурийлар давлатидаги ҳуқуқий амалиётда унинг қоидалари жуда кенг ва изчил қўлланилди. Бироқ, умуман Ф. ҳуқуқшунослик б-н тўла-тўкис мос келган эмас. Ф.нинг ҳокимият тепасидаги кучларнинг манфаатларини ифодалаган ва давлат томонидан бирон-бир тарзда қўллаб-қувватланган қоидаларигина амалдаги ҳуқуққа айланган, фақиҳларнинг бошқа хулосалари эса ҳуқуқий назария доирасидан ташқари чиқмаган. Ҳоз. вақтда ислом мамлакатларида дунёвий ҳуқуқ тизими амалга киритилмоқда, бу эса Ф. таъсир доирасининг муайян даражада торайишига олиб келмоқда. Шундай бўлса-да, Ф.нинг айрим тармоқлари, тартиб-қоидалари ва меъёрлари кўпчилик аҳолиси мусулмон бўлган Шарқ мамлакатларининг аксариятида бирон-бир тарзда қўлланилади.

Ад.: Бурҳониддин Марғиноний, Ҳидоя, Т., 2000; Абдулваҳҳоб Халлоф, Усул ул-фиқҳ (Ислом қонуншунослиги асослари), 1—2 қисм, Т., 1997; 3—4 қисм, Т., 1999; Жуҳжоний А. Ш., Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари, Т., 2002; Саидов А., Бурҳониддин Марғиноний — буюк ҳуқуқшунос, Т., 1997; Хусниддинов З., Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар, Т., 2000.

ФЛАВИЙЛАР — Рим императорлари сулоласи (69—96 й.лар). Ф.га Веспасиан, Тит, Домициан мансуб бўлган. Ф. Рим ва лотин гражданлиги ҳуқуқини вилоятлар аҳолисига кенг миқёсда бериш сиёсатини олиб борганлар, вилоятлик зодагонларни Сенатга қабул қилганлар.

ФЛАГМАН (голландча) — 1) флот ёки ҳарбий кемалар (эскадра, дивизия) қўшилмаси қўмондони; 2) Қўмондон тушган кема (Ф. кемаси)нинг қисқартирилган номи; 3) 1935—40 й.ларда собиқ СССР Ҳарбий-Денгиз флотида адмирал унвони жорий қилинишига қадар қўлланилган ҳарбий унвон; олий қўмондонлар таркибига берилган (1- ва 2-ранг Ф.).

ФЛАЖОЛЕТ (франц. flageolet — кичик *флейта*) — 1) пуфлама мусиқа чолғу асбоби, бўйламасига чалинадиган юқори регистрли флейта. Цилиндр ёки конуссимон каналининг уз. 30—45 см. Юқори қисмида ҳуштакча, ён томонида бармоқ (ёки клапан)лар б-н ёпиладиган 6 та чалғич тешиги мавжуд. Диапазони 2 октава атрофида; 2) *орган, фисгармония* регистри; 3) торли созларнинг ўзига хос (чийиллайдиган) тембрга эга, торига бармоқ б-н сал тегиш ор-қали ҳосил қилинадиган юқори тон (*обертон*)лар. Ф. чолғуси товушини эслатгани учун шундай ном олган.

Флажолет.

ФЛАМАНД ТИЛИ — *нидерланд тили* жан. вариантининг шартли ва анъанавий номи; нидерланд тилининг Фландриядаги лаҳжаси. Бельгиянинг шим. вилоятлари (Ғарбий ва Шарқий Фландрия, Брабант, Антверпен, Лимбург)да, қисман Франция ва АҚШда тарқалган. Ўтган аср охиридаги маълумотларга кўра, Ф.т.да сўзлашувчиларнинг умумий сони 7,2 млн, (жумладан, Бельгияда 5,1 млн. Нидерландияда 1,7 млн, Францияда 250 минг) кишидан ортиқ.

ФЛАМАНДЛАР — Шим. Бельгиядаги халқ (5,1 млн.дан ошиқ киши, 1990-й.лар ўрталари). Шунингдек, Нидерландияда (1,72 млн. киши) ва б. мамлакатларда (250 минг кишига яқин) яшайдилар. Фламанд тилида сўзлашади. Диндорлари — католиклар. Ф. бадиий ҳунармандчилик (мато ва тур тўқиш), металла ишлов бериш б-н шуғулланади.

ФЛАМИНГОЛАР, қизил қанотлилар (Phoenicopteriformes) — қушлар туркуми. Гавдасининг уз. 91—120 см. Тумшуғи пастга эгилган; тили ва тумшуғи четларидаги мугуз тишчалари ёрдамида балчиқдан ва лойқаланган сувдан майда қисқичбақасимонлар, чувалчанглар, усимликлар уруғи ва б. озиқ моддаларини сиздириб олади. 1 оиласи 6 тури бор. Австралиядан бошқа барча тропик ва субтропик ҳудудларда тарқалган. Ўзбекистон ҳудудида битта тури — оддий фламинго, яъни қизилқанот Амударё водийси, Орол денгизи, Зарафшон, Фарғона водийси сув ҳавзаларида қушлар учиб ўтиш даврида учрайди. Каспий денгизи жан.да қишлайди. 50 тадан 25 мингтагача қушлардан иборат колония ҳосил қилади. Қумдан ва лойдан конуссимон уя қуриб, 1—2 та тухум қўяди. Тухумларини нари ва модаси навбатлашиб 30 кунга яқин босади. Илгари овланган. Сони камайиб бораётганлиги туфайли овлаш тақиқланган. Ўзбекистон Республикаси ва б. мамлакатлар Қизил китобига киритилган.

ФЛАНЕЦ (нем. Flansch) — трубалар, валлар, арматура, идишлар (резервуарлар) ва б.нинг уларни деталлар, машиналар, аппаратларга бириктирувчи қисми. Болтлар ва шпилькалар ўтказиш учун мўлжалланган тешиклари бор ясси диск ёки ҳалқадан иборат. Одатда, труба, вал ва б. деталлар б-н яхлит қилиб тайёрланади. Труба ва идишлардаги зичловчи Ф. ички бўшлиқларнинг зичлиги (герметиклиги)ни, вал ва б. айланувчи деталлардаги Ф. куч узатишдаги мустаҳкамликни таъминлайди.



Фланецлар: *а* — резбали; *б* — босим билан бириктирилган; *в* — пайвандланган.

ФЛЕБИТ (юн. phlebos — вена, itis — яллиғланиш) — веналарнинг яллиғланиши. Қўл-оёқ веналари флебити, одатда, юқумли касалликлар, йирингли яралар, абсцесс, флегмонанинг асорати сифатида, шунингдек, туғруқдан кейин юзага келиши мумкин. Аксари стрептококклар қўзғатади. Қўл-оёқнинг юза ва чуқур веналари, чаноқ веналари флебити кўпроқ учрайди. Венада тромб ҳосил бўлишидан *тромбофлебит* келиб чиқади. Ўткир ва сурункали Ф. фарқ қилинади. Ўткир юза Ф.да вена қаттиқлашиб, оғрийди ва шу жой териси қизаради, бемор лоҳасланади, иситмалайди. Сурункали Ф. йиллаб чўзилиши ва бот-бот қўзиб туриши мумкин. Чуқур веналар Ф.ида касаллик аломатлари яққол кўзга ташланмайди, уни врач текшириб аниқлаши мумкин. Ф.да яллиғланган соҳани ҳаракатлантирмаслик лозим. Давони врач тайинлайди. Ф.нинг олдини олишда тери, хусусан, оёқ панжаси терисини тўғри парвариш қилиш, чақаланиш ва йирингли касалликларни ўз вақтида даволатиш лозим.

ФЛЕГМАТИК (юн. phlegma — шиллиқ) — мизож турларидан бири (қ. *Мизож*).

ФЛЕГМОНА (юн. plegmone — иситма, яллиғланиш) — ёғ қаватининг тарқоқ яллиғланиши. Пайдо бўлган жойига кўра, тери ости (юза), мускулляраро (чуқур), қорин орти, буйрак (паранефрит) ва тўғри ичак атрофи (парапроктит) ёғ қаватлари Ф.си ажратилади. Микроблар ёғ қаватига чақаланган, шикастланган тери ёки шиллиқ қават орқали, шунингдек, абсцесс, чипқон, хўппоз каби организмда мавжуд йирингли манбалардан ўтади (қ. *Чипқон*). Бунда кўпинча тери ости ёғ қавати яллиғланади. Ф.да қаттиқ оғриқ ва шиш пайдо бўлиб, шу соҳа териси қизаради. Касаллик анчагина жой яллиғланади. зўрайганда т-ра кўтарилиб, эт увушади, кўнгил айниши, бош оғриғи ва б. кузатилади. Ф. атрофдаги тўқималарга ҳам тарқалиб кетиши натижасида пай, бўғим ва мускулларнинг йирингли яллиғланиши юзага келади. Ф., асосан, операция йўли б-н даволанади. Ўз вақтида олди олинса, бемор тезда тузалиб кетади, кечиктирилганда сепсис пайдо бўлиши мумкин. Панжа Ф.си оғирроқ кечганда бемор бармоқларини ҳаракатлантира олмай қолади. Ф.нинг олдини олиш учун чақаланган жойларни, тери ва тери ости ёғ қаватининг йирингли касалликларини ўз вақтида даволатиш, шунингдек, тери ва шиллиқ қаватнинг шикастланишига йўл қўймаслик, гигиена қоидаларига риоя қилиш зарур.

ФЛЕЙТА (нем. Flöte) — пуфлама мусиқа чолғу асбоби. Обнус ва б. дарахт ёғочи (дастлаб ёғочдан, ҳозирда — асосан металл)дан ясалади. Бошча (пуфланадиган оғзи ва тиқини б-н) ҳамда 2 асосий бўғиндан (чалғич тешиклари б-н) иборат. 1830-й.ларда немис созандаси, соз устаси ва композитор Т. Бём

Флейта.

томонидан такомиллаштирилган замонавий Ф. клапанли механизм б-н жиҳозланган. Хроматик товушқаторга эга. Диапазони (3 октавадан ошиқ — h ёки c^1 — c^4 ёки e^4) ва ижро имкониятлари кенглиги туфайли ҳозирда симфоник ва пуфлама созлар оркестрлари, турли ансамбллар таркибида ҳамда якканавоз соз сифатида кенг қўлланилади. Ўзбекистон давлат консерваториясида, мусиқий коллеж ва лицейларда Ф. синфлари мавжуд. Ижрочи ва устозлардан Ҳ.Исоқов, Р. Юнусов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар А. Малкеев, А. Карагадаев, А. Сайфуллаев ва б. машҳур.

ФЛЕКСИЯ (лот. flexio — эгилиш, букилиш; букик) — сўз ўзгаришларида намоён бўладиган грамматик категориялар мажмуи кўрсаткичи; шундай кўрсаткичлардан фойдаланадиган сўз ўзгариши тизимининг ўзи. Ф.да қўшимчалар қўшилиши ёки ўзакдаги баъзи товушларнинг ўрин алмашиниши натижасида сўзлар дастлабки шаклини йўқотади ёки ўзгартиради. Ички ва ташқи Ф. фарқланади. Ички Ф. сўз ўзгартиришнинг шундай усулики, унда сўз шакллари асос таркибидаги товушларнинг ўзгариши орқали ҳосил қилинади. мас., араб тилидаги «kataba» (у ёзди) сўз шакли k-t-b ўзагига ҳамда грамматик маъно ифодаловчи a-a-a унлиларига (ҳарф сифатида эмас, диакритик белги б-н кўрсатиладиган қисқа унлиларга) ажратилади [қиёсланг: «kutiba» — ёзилган (u-i-a) «maktaba» — кутубхона, китоб дўкони (яна a-a-a)]. Кўринадики, ички Ф. нафақат грамматик шаклларнинг ҳосил бўлишига, ҳатто сўз ясалишига хизмат қилади. Ташқи Ф. синтетик аффикслардан фойдаланувчи сўз ўзгариши (мас., рус тилидаги пол-е, пол-я, пол-ей ва ш.к. (қ. *Синтетик тиллар*). Морфологиясида асосан Ф.дан фойдаланувчи тиллар *флектив тиллар* деб аталади.

ФЛЕКСУРА (лот. flexura — эгилиш, букилиш) — моноклиналь тоғ жинслари қатламларининг «тирсак» ёки «зинапоя»симон эгилиши натижасида ҳосил бўлган тектоник структура. Ф.нинг кўтарилган ёки ботган икки қаноти қия ёки деярли горизонтал ётган бўлиб, бир-бири б-н қатламларнинг вертикал энкайиши орқали бирлашади. Кўтарилган ва ботган қанотлари орасидаги вертикал масофа Ф.

амплитудаси деб аталади. Ф.нинг кўтарилган қанотларида кўпинча гумбазсимон структуралар занжири жойлашади. Қанотларининг ётишига қараб оддий, йўл-йўлакай, қарама-қарши; эгилиш шарнирларининг қиялигига қараб Ф. ўлчами 1 м дан бир неча км гача, қанотларининг қиялиги — аранг сезиладидан вертикалгача бўлади. Ф. платформаларда ва бурмаланган областларда тарқалган. Айниқса, йирик Ф.лар платформа чеккаларида ва синеклизанинг бортларида учрайди. Уларнинг баъзилари чўкинди ҳосил бўлиши жараёнига таъсир кўрсатиб, фацияларнинг тақсимланишини ва чўкинди қатламларнинг қалинлигини белгилайди. Баъзида Ф.лар б-н нефть ва газ конлари боғлиқ бўлади.

ФЛЕКТИВ ТИЛЛАР — грамматик, баъзан лексик маънолар *флексия* йўли б-н ифодаланадиган тиллар; лингвистик *типология, тилларнинг морфологик таснифи*даги асосий тушунчалардан бири. Ф.т. тушунчаси 1809 й.да немис олими Ф. Шлегель томонидан фанга киритилган. У сом тиллари, грузин тили ва баъзи ҳинд-европа тилларини Ф.т. қаторига киритади. Ф.т. 2 та, одатда, ўзаро кесишувчи ички ва ташқи флексияли гуруҳларга бўлинади.

Ташқи флексия (фузия — асос б-н аффиксни ажратиш, фарқлаш қийин бўлган ҳолат), аффикслардан фарқли равишда, кўп маънолилик [мас., «рук-ой» шаклидаги «-ой» морфемаси бир пайтнинг ўзида жинс (женский), сон (бирлик) ва келишик (творительный) маъноларини ифодалайди], шунингдек, асос б-н маҳкам боғланганлик хусусиятлари б-н ажралиб туради. Ички флексияда морфема таркибидаги унлиларнинг шарт-ланмаган ўрин алмашинуви грамматик маънога эга бўлади: немис тилида geht — бормоқда, ging — борди, der Gang — бориш; араб тилида qatala — (у) ўлдирди, qutila — ўлдирилган, qattol — ўлдирувчи ва ш.к. Ички флексия механизми, айниқса, феъл морфологиясида, сом тилларининг феъл туркумида яққол намоён бўлади. Флексия тилда аксар ҳолларда маъно ифодалашнинг бошқа воситалари б-н бириккан ҳолда бўлади.

ФЛЕМИНГ Александр (1881.6.8, Локфилд — 1955.11.3, Лондон) — инглиз микробиологи. Лондон Қироллик жамияти (1943), Париж ФА аъзоси (1946). Лондон ун-ти қошидаги тиббиёт коллежини тугатган (1906). Лондондаги бактериология ин-тида ишлаган (1908—14; 1918—48), шу ин-т проф. (1928 й.дан), директори (1946—54). Лондон ун-тида бактериология бўйича проф. (1948—55). Эдинбург ун-ти ректори (1951—54). Микробиология жамиятининг биринчи президенти. Асосий илмий ишлари бактериология, иммунология ва кимётерапияга бағишланган. 1922 й.да бактерия ҳужайраларини парчаловчи фермент — лизоцимни кашф этган. Моғор замбуруғларидан пенициллин антибиотигини олиш усулини ишлаб чиққан (1929). Нобель мукофоти лауреати (1945, Х. Флори ва Э. Чейн б-н ҳамкорликда).

ФЛИБУСТЬЕРЛАР (франц. flibustier, голландча vrijbuiter — қароқчи) — денгиз қароқчилари (17—18-а. бошлари). Англия ва Франция томонидан мустамлакаларга эга бўлиш учун Испанияга қарши курашга жалб қилинган.

ФЛИШ (нем. fliessen — оқмоқ) — денгиз чўкинди тоғ жинсларининг қалин қатлами (серияси), қалинлиги 1000 м гача бўлган геологик ётқизиқ. Асосан, чақиқ жинслардан иборат. Денгизнинг муайян чуқур жойларида бир турдаги оҳактош, қумтош, гил, мергель каби чўкинди жинсларнинг ўзаро такрорланишидан ҳосил бўлади. Ф. бир қанча кичик (бир неча см дан бир неча дм гача) цикллар (циклотема, циклосома, қаватлардан тузилади. Циклосомалар 2—4 қават, ёки элементлардан иборат бўлиб, пастки қисми доналор жинслар (қумтош, алевролит, чақиқ оҳактошлар)дан, юқориси эса, пелитлардан таркиб топган бўлади. Ф. учун шакли ҳам пайдо бўлиши турлича гиероглифлар хослир. Ф.нинг шаклдилиги (ритмлилиги) чўкинди ҳосил бўлиш хусусияти — асосан, лойқали оқимнинг такрорланиш даврларига боғлиқ. Ф. типик геосинклиналь формация (геогенерация) бўлиб, эвгеосинклиналь ёки миогеосинклиналь ороген олди ривожланишига хос. Ф. микрофаунага камбағал, баъзан планктон микроорганизмлар чиғаноқлари (фораминифера, радиоляриийлар)га бой, юқори қисмида бентос фораминифералари кўп. Энг типик Ф. геосинклиналь ривожланишнинг ўрта босқичида таркиб топади. Ф. б-н нефть ва минерал сувлар боғлиқ бўлади. Ф. протерозой, палеозой (Урал), мезозой (Карпат) ётқизиқларида кўп учрайди; Ўзбекистонда Жан. Фарғона (Қорачатир), Бўкантов атрофларида бор.

ФЛОБЕР (Flaubert) Гюстав (1821.12.12, Руан — 1880.8.5, Круассе, Руан яқинида) — француз ёзувчиси. Париж ун-тининг ҳуқуқшунослик ф-тида ўқиган. Ёшлигидан ҳикоя, қисса ёза бошлаган. Асосан, «Бовари хоним» (1857) романи б-н шуҳрат қозонган. «Саламбо» (1862) романида узоқ ўтмишда (мил. ав. 3-а.нинг 2-ярмида) Қад. Римнинг Карфагенга қарши курашлари тарихи тасвирланган, пок муҳаббатни таҳқирлаган зўравонлик, ноҳақлик фош этилган. «Авлиё Антонийнинг алданиши» (1874) фалсафий драмасида, хусусан, христиан динининг таркибини қонунларини Антоний образи орқали кенг очиб берган. «Ҳислар тарбияси» (1869) романи, «Бувар ва Пекюше» (1881, тугалланмаган) ҳажвий романи, «Сийқаси чиққан ҳақиқат» нарсдиеси (нашри — 1910) бор. Ф. рус ёзувчилари И. Тургенев, Л. Толстой б-н яқин ижодий алоқада бўлган. Ижоди Россиядаги пешқадам адабий жамоатчилик диққатини ўзига тортган. М. П. Мусоргский унинг «Саламбо» асари асосида опера ёзган. Истеъдодли стилист бўлган Ф. жаҳон адабиётида реализм тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Ас.: Бовари хоним, Т., 1976.
Ад.: Реизов Б. Г., Творчество Флобера, М., 1955.

ФЛОГОПИТ (юн. phlogopos — олов рангли, қизғиш) — варақсимон силикатлар синфига мансуб минерал, биотит — Ф. изоморф қаторидаги магнезиал кам темирли слюда (Mg/Fe>2). Кимёвий таркиби $K(Mg, Fe)_3[AlSi_3O_{10}](OH, F)_2$; аралашма ҳолида Na_2O (8% гача), TiO_2 (9% гача), MnO (18% гача — манганофиллит), шунингдек, Rb, Cs, Ba ва б. бўлади. Моноклин сингонияда кристалланади. Агрегатлари варақсимон, пластинкасимон, тангасимон. Темирсиз Ф. рангсиз, темирлиси кўк, қизғиш-қўнғир. Қаттиқлиги 2—2,5; зичлиги 2,8—3,0 г/см³. Метаморфик жинсларнинг кенг тарқалган минерали, нураш жараёнида *вермикулит*га айланади. Пневмотолитлар ва контакт метасоматик тоғ жинсларида, кристалли сланецларда, оҳактош ва доломитларда учрайди. Саноат аҳамиятидаги конлари магнезиал жинслар б-н алюминий-кремнеземли жинслар контактида метасоматоз жараёнида ҳосил бўлади. Ф. — электроизоляцион материал. У сунъий йўл б-н ҳам олинади. Ф.дан электротехникада электроизоляцион қистирмалар тайёрлаш, саноат печларининг кўриш ойналарини ясаш, электрон асбоблар деталларини тайёрлашда ва резина саноатида тўлдиргич сифатида фойдаланилади. Конлари Сибирь, Канада шарқи, Мадагаскар о., Кола я.о., Бразилия ва АҚШда мавжуд. Ўзбекистонда Қурама, Чатқол, Кулжуқтоғ тоғларида учрайди.

ФЛОККУЛЛАР (лот. floccus — бўлак, парча) — монохроматик ёруғликда ёки бирор муайян нур чизиқларида Қуёш дискида кўринадиган ёруғ толасимон элементлар. Қуёш дискининг фаол соҳаларида, асосан, водород спектрал чизиғи H_α ва ионлашган кальций чизиқлари H ва K да олинган спектрогелиограммаларда кўринади. Ф. Қуёш хромосферасида жойлашади. Ф. Қуёш дискининг майдон кучланганлиги 50 э ва ундан ортиқ бўлган қисмида кўринади. Кучланганлик қанча юқори бўлса, Ф. шунча ёруғ бўлади.

ФЛОРА (янги лот. flora, лот. Flora — гуллар ва баҳор худоси; лот. flos — уруғ, floris — гул) — ўсимликларнинг муайян ҳудудда тарихан таркиб топган таксонлари мажмуи. Ф. муайян географик жойга тааллуқли бўлиб, унинг ҳоз. табиий шароити, ўтмиши б-н боғлиқ ва у ер юзидаги бошқа Ф. б-н ўзаро муносабатда бўлади. Бу жиҳатдан Ф. муайян ҳудуддаги ўсимликлар жамоасидан (ўсимликлар қопламидан) фарқ қилади. «Ф.» тушунчаси маълум ҳудуддаги барча ўсимликлар таксонларини ўз ичига олади. Тубан ва б. юксак ўсимлик турлари мажмуи, одатда, маълум систематик бирликлар б-н белгиланади (мас., «спорали ўсимликлар Ф.си», «сувўтлар Ф.си» ва б.). Флораси ўрганилаётган материал ҳажми маълум даражада ихтиёрий бўлиб, танланган жойга боғлиқ (мас., Ўзбекистон Ф.си, Кавказ Ф.си, Зарафшон Ф.си ва ҳ.к.). Ҳар бир Ф.ни билиш унинг тур, туркум оила ва б.ни аниқлашга, яъни Ф. инвентаризациясига асосланган. Инвентаризациянинг барча турлари маълум белгиларига кўра Ф. элементларига ажратилади. Жумладан, географик элементлар ўзининг географик тарқалишига кўра ўхшаш, генетик элементлар эса географик келиб чиқиши ва жойлашиш тарихига кўра яқин турларни бирлаштиради. Ф. ёшини таҳлил қилиш унинг прогрессия (келиб чиқиш, жойлашиш вақтига биноан ёши), консерватив ва реликт элементларни аниқлашга имкон беради. Ҳар қайси Ф.нинг муҳим белгиси унинг систематик структураси, яъни Ф. таркибида турли систематик гуруҳларнинг бирлашишидан иборат.

Бирор ҳудуддаги ўсимликлар систематик таркибини ёритувчи йирик асарлар ҳам, одатда, «Ф.» деб номланади. Кўпинча Ф.га мазкур ҳудудда кенг тарқалган маданий ўсимликлар ҳам киритилади, лекин ботаника боғлари, оранжереяларда ўстириладиган ўсимликлар киритилмайди. Ўсимликлар тушунчаси ўрнига Ф. тушунчасининг ишлатилиши нотўғри.

ФЛОРА ДУНЁЛАРИ, Ер юзи флора дунёлари — Ер юзининг муайян ҳудудларида тарихан таркиб топган, келиб чиқиши б-н ўзаро ўхшаш *флора*ларнинг энг йирик бирлашмалари. Ф.д.ни бир-биридан фарқлашда палеогеографик омиллар (асосан, бўр давридан бошлаб) ҳамда тупроқ ва иқлим шароитлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир Ф.д. тарихан узоқ геологик давр мобайнида муайян ҳудудда келиб чиққан ва тарқалган эндемик ўсимлик оилалари ва туркумлари комплексига эга. Ф.д. кичикроқ флористик бирликлар (*флора областлари*, провинция, округ, р-н ва б.)га бўлинади.

Голарктика Ф.д. (ёки *Голарктика области*) Шим. ярим шарнинг тропиклардан бошқа ҳамма қисмини — жанубда Яшил Бурун о.лари, Саҳрои Кабир ва Арабистон я.о.нинг шим. қисмлари, Форс кўрфази соҳиллари, Ҳиндукуш ва Ҳимолай тоғларининг жан. ён бағирлари, Хитойнинг жан. чеккаси, Шим. Америкада Мексика тоғларининг шим. қисмлари ва Мексика кўрфази соҳилларигача бўлган жуда катта ҳудудни эгаллаган. Голарктика, ўз навбатида, Арктика, Бореал, Ўрта денгиз бўйи, Марказий Европа, Ўрта Осиё, Шарқий Осиё, Калифорния (Сонора), Аппалачи Ф.д.га бўлинади. Ўрта денгиз бўйи ва Шарқий Осиё областларида эндемик турлар кўп.

Палеотропик Ф.д. (ёки *Палеотропик область*) Голарктика Ф.д.дан жан.да (Шарқий ярим шарда) то Жан. Африка субтропикларигача (Ҳинд ва Тинч океанлардаги ороллар б-н) бўлган ҳудудни эгаллайди. Ўсимлик дунёси бой. Эндемик ўсимликлар кам. Саҳрои Кабир, Судан, Замбия, Гвинея, Конго, Калахари, Кап, Мадагаскар, Ҳиндистон, Ҳиндихитой, Малайя, Папуа, Гавайя, Полинезия областларини ўз ичига олади.

Неотропик флора дунёси (ёки *Неотропик область*) Америка қитъасида Жан. Калифорния ва Багама о.ларидан бошлаб, то 41° ж.к.гача бўлган қисмини эгаллаган. Флорасида космополит ўсимлик оилалари кўп. Сериам ва иссиқ экваториал зона ўрмонлари турларга бой. Кариб, Ориноко, Амазонка, Бразилия, Ла-Плата, Анд флора областларига бўлинади.

Жан. флора дунёси Австралия материги ва Тасмания о., Янги Зеландия, Жан. Американинг жан. чеккаси, Антарктида ёни о.лари ва Антарктидани ўз ичига олади. Австралия, Янги Зеландия, Янги Каледония ва Магеллан-Антарктика флора областларига бўлинади. Австралия флораси ўзига хос ўсимлик турларига эга (эвкалиптлар ва б.). Шунинг учун баъзи ботаниклар уни алоҳида Ф.д. ҳисоблашади.

ФЛОРА ОБЛАСТЛАРИ, Ер юзининг флора областлари — қуруқликнинг муайян қисмида тарихан таркиб топган, флора дунёларини ҳосил қиладиган ҳудудлар. «Ф.о.» термини кенг маънoли; баъзан *флора дунёлари* синоними сифатида ҳам қўлланади.

ФЛОРЕНЦИЯ — Италиянинг марказий қисмидаги шаҳар. Арно дарёси бўйида. Тоскана вилояти ва Флоренция провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 352,2 минг киши (2001). Мамлакатнинг муҳим саноат ва маданий маркази. Металлургия, машинасозлик (хусусан, оғир машинасозлик, электротехника, радиоэлектроника, фотоаппаратлар, астрономия приборлари и.ч.) саноатлари ривожланган. Кимё, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, кўн-пойабзал, ёғочсозлик, ойна-шиша, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари мавжуд. Заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчиликда бадиий буюмлар тайёрланади. Ун-т (1321), консерватория, бадиий академия, Тоскана Фанлар ва адабиёт академияси, Европада энг қад.

Флоренция шаҳри. Делла Синьория майдони.

ботаника боғи (1545), астрофизика расадхонаси, машҳур картиналар галереялари (Уффици, Питти ва б.), этруски-рим, фан тарихи, палеонтология музейлари, театрлар бор. Ф. — дунёга машҳур шаҳар-музей.

Улуғвор бинолари, асосан, Уйғониш даврида бунёд этилган. Ўша даврда қурилган сарой-палаццолар, Строцци палаццоси, Питти саройпалаццоси, Санта-Мария дель Фьоре черкови, серҳашам баптистерий, Уффици галереяси, кўприклари Ф.нинг энг муҳим меъморий ёдгорликлари ҳисобланади. Замонавий бинолар, асосан, шаҳар атрофида қурилмоқда.

Ф. қад. этруски қишлоғи ўрнида римликлар томонидан мил. ав. 1-а.да барпо этилган. 10 —11-а.ларда Тоскана маркграфлиги таркибига кирган. 11-а.да муҳим савдо ва ҳунармандчилик марказига айланган. 13-а.нинг 2-ярмидан Ф. Ғарбий Европа банк ишлари марказига айланди. 14-а.да шаҳарда жун саноати равнақ топди. 1865 —71 й.ларда бирлашган Италия пойтахти. Шаҳар 1966 й. сув тошқинидан катта талафот кўрган.

Ф.да «Флоренция майи» халқаро мусиқа фестивали, бадиий кўргазмалар ўтказилади. Туризм ривожланган.

ФЛОРЕНЦИЯ МАКТАБИ — 13 — 16-а.ларда Италиядаги асосий бадиий мактаблардан бири; Илк Уйғониш давридан бошлаб то ренессанс маданияти инқирозигача бўлган даврни ўзида акс эттиради. Ф.м. рангтасвири асосчиси Жотто бўлиб, унинг ижоди *Флоренцияни проторенессанс* санъатининг авангардига айлантирган; издошлари (Таддео Гадди, Мазо ди Банко ва б.)нинг ижоди кўндаланг қўйилган масалаларни ҳал қилиш жараёнида ривожланди. Ф.м.да 14-а. 3-чорагида байналмилал готика ғалаба қозонди (Аньоло Гадди, Лоренцо Монако). Инсонпарварлик ғоялари Илк Уйғониш даври Ф.м. санъатининг ғоявий асосига айланди. Меъмор Ф. *Брунеллески*, ҳайкалтарош *Донателло*, рассом *Мазаччо* ва б. ижоди Ф.м. шаклланишида муҳим роль ўйнади. Ф.м. рангтасвири реалистик изланишларнинг давомийлиги, санъат ва фан амалиётлари (*перспектива* ва б. масалалар)нинг назария ва амалиётлари б-н қизиқиши, санъат ва амалиётнинг ўзаро алоқалари б-н ажралиб туради (Верроккьо, П. Уччелло ва б.). 15-а. охирида Ф.м.да демократик анъаналар (Д. *Гирландайо*) сақлангани ҳолда Лоренцо Медичи саройида шаклланган аристократлар санъати анъаналари ҳукмронлиги ортиб борди (*Боттичелли*, Филиппино Липпи). *Леонардо да Винчи* ва *Микеланжело* ижоди Ф.м. доирасидан чиқиб Юксак Уйғониш даври санъатининг чўққисига айланди. Ф.м. услубий яхлитлиги бу ерда *маньеризм* тарқала бошлаши б-н барҳам топди (Ж. Вазари ва б.).

ФЛОРЕНЦИЯ УНИВЕРСИТЕТИ — Италия ва Европадаги қадимги ун-тлардан бири. 1321 й. Флоренция республикаси маблағи ҳисобига ташкил этилган. 1472 й. ун-т Пиза ш.га кўчирилди, Флоренцияда филол., фалсафа, теология кафедралари қолди; кейинчалик бу ерда мат., астрономия, физика, зоол., ботаника, минералогия кафедралари тузилди. Ф.у.да машҳур италян олимлари А. Полициано, Л. Пачоли, А. Чезальпино, Э. Торричелли, Ф. Реди дарс берган. Г. Галилей «ун-тнинг биринчи математиги» унвонига сазовор бўлган. 1859 йил ун-т Олий амалий тадқиқотлар ва такомиллаштириш ин-тига айлантирилган; 1924 й.дан яна Ф.у. Ун-т юридик, сиёсий, техника, табиий фанлар, иқтисодиёт ва тижорат, адабиёт ва фалсафа, пед., тиббиёт, меъморлик, қ.х. ва ўрмончилик бўйича мутахассислар тайёрлайди. Марказий миллий кутубхона (1747 й. ташкил этилган, 4 млн.дан ортиқ асар) ва Маручелли кутубхонаси (1752 й. асос солинган, 0,5 млн.га яқин қал. қўлёзма ва нашрлар)ни бирлаштирган кутубхонаси бор. 40 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

ФЛОРИ Пол Жон (1910.19.6, Стерлинг, Иллинойс штати — 1985.9.9) — америкалик физик-кимёгар. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1953 й.дан). Колумбусдаги Огайо штати Давлат ун-тини тугатган (фалсафа д-ри 1934). Корнелл ун-ти проф. (1948 —56), Мелонов ун-тида илмий раҳбар (1956 —61), Станфорд ун-ти проф. (1961 й.дан). Илмий ишлари полимерлар поликонденсацияси ва физикасига оид. Поликонденсатланиш жараёнларида функционал гуруҳларнинг реакцияга киришиш хусусияти ўзаро таъсир этувчи молекулалар занжири узунлигига боғлиқ эмаслигини аниқлаган (Флори принципи). Нобель мукофоти лауреати (1974).

ФЛОРИ (Florey) Хоуард Уолтер 1898.24.9, Аделанда, Австралия — 1968.21.2, Оксфорд) — инглиз патологи; Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1941), президенти (1960 —65). Аделанд ун-тини тугатган (1921); Шеффилд ун-ти (1931 —34) ва Оксфорд ин-ти (1935 —62) проф. Оксфорд Қироллик коллежи ректори (1962 —68). Илмий фаолияти капилляр қон айланиши патологияси, яллиғланиш жараёнлари, лимфоцитлар функцияси, *лизоцим ва антибиотикларга* оид. Ф. илк бор пенициллинни одам ва ҳайвонларни даволашда қўллаган (1940). Нобель мукофоти лауреати (1945, А. *Флеминг* ва *Э. Чейн* б-н ҳамкорликда).

ФЛОРИДА — Шим. Американинг жан.-шарқий қисмидаги ярим орол, шарқда Атлантика океани ва ғарбда Мексика қўлтиғи б-н ўралган. Майд. 115 минг км². Рельефи ясси текислик, энг баланд жойи 100 м. Асосан, оҳактошлардан тузилганлиги учун карст рельеф шакли кўп. Иқлими шим.да субтропик, жан.да тропик океан иқлими. Қиши илиқ, ёзи серёмғир. Янв.нинг ўртача т-раси 14 —21°, июлники 27 —29°. Йиллик ёғин 1200 — 1400 мм. Кучли тўфонлар бўлиб туради. Кўл ва бот-қоқлик кўп. Дарёлари қисқа ва серсув. Шим.да субтропик, жан.да тропик ўсимликлар ўсади. Эверглейс миллий боғи ташкил этилган. Шарқий соҳил қисмида курорт кўп: Майами, Майами-Бич, Уэст-Палм-Бич ва б. Канаверал бурнида ва Мерритт о.да космик марказга эга Кеннеди номли Шарқий синов майдони жойлашган.

ФЛОРИДА — АҚШнинг жан. қисмидаги штат. Флорида я.о., материкнинг унга ёндош қисми ва Флорида-Кис о.ларида. Майд. 152 минг км². Аҳолиси 16,7 млн. киши (2002). Шаҳар аҳолиси 85%. Маъмурий маркази — Таллахасси ш., энг йирик саноат шаҳри — Жэксонвилл. Рельефи текислик. Иқлими субтропик, жан.да тропик иқлим. янв. нинг ўртача т-раси шим.да 12°, жан.да 21°, июлда 26° ва 29°. Йиллик ёғин 900 — 1400 мм. Ф. ҳудудининг катта қисми ўрмон ва ботқоқлик. Дарёлари қисқа ва серсув. Кўл кўп. Қ.х.да субтропик ўсимликлар етакчи ўринда. Йил бўйи сабзавот етиштирилади. Шим. қисмида пахта, ер ёнғоқ, тамаки, жан.да шакарқамиш экилади. Шаҳарлар атрофида сут чорвачилиги ва паррандачилик ривожланган. Балиқ овланади. Фойдали қазилмалардан фосфорит қазиб олинади. Озиқ-овқат, целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик, кимё, радиоэлектроника, ракетасозлик саноатлари ривожланган. Канаверал бурнида ракета синов майдони ва космодром бор. Ф.да қишки курорт кўп. Йирик денгиз портлари: Тампа, Жэксонвилл, Майами.

Флорида штати.
Канаверал бурнидаги космик полигон.

Ф. ҳудудини 1513 й. испанлар пасха байрами куни (испанча Pascua Florida) кашф этиб, шу куннинг номи б-н атаган. 1763 й.да Буюк Британия эгаллаган. Версаль шартномасига мувофиқ, 1783 й.да яна Испанияга қайтарилган. 1819 й.дан АҚШ таркибида.

ФЛОРИДА БЎҒОЗИ — Флорида я.о. б-н Куба ва Багама о.лари оралиғидаги бўғоз. Мексика қўлтиғини Атлантика океани б-н туташтиради. Уз. 651 км, энг камбар жойининг эни 80 км. Фарватёрида чуқ. 150 дан 2085 м гача. Ф. б.дан *Гольфстрим* оқими бошланади. Йирик портлари: Гавана (Куба) ва Майами (АҚШ).

ФЛОРИДА ОҚИМИ — Флорида бўғозидаги илиқ оқим, *Гольфстрим* оқимининг бошланиш қисми.

ФЛОРИСТИКА (*флора* сўзидан) — ботаниканинг бир бўлими. Ер юзидаги ёки унинг бир қисмидаги ўсимлик турлари мажмуини ўрганади. Ф. маълумотларидан ўсимлик турлари ёки б. таксономик гуруҳлар ареалларини аниқлашда фойдаланилади. Ф. ботаниканинг систематика, геоботаника, палеоботаника ва б. бўлимлари б-н чамбарчас боғланган (яна қ. *Флора*).

ФЛОТ (франц.) — 1) муайян вазифани бажарадиган (транспорт Ф.ти, овчилик Ф.ти, ҳарбий-денгиз Ф.ти), бирон турдаги (елканли Ф., галерали Ф., дизел Ф.) ёки дислокация ҳудудига мансуб (Қора денгиз Ф.ти) кемалар мажмуи; 2) йирик давлатлар ҳарбий-денгиз Ф.тининг океан (денгиз), жанг майдонида ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун мўлжалланган оператив қўшилмаси. Турли кучлар қўшилмасидан — сув ости ва сув усти кемалари, денгиз авиацияси, денгиз пиёдаларидан таркиб топган. Ф.га қўмондон раҳбарлик қилади. Ф. таркибига Ф. штаби ва б. бошқарув органлари, шунингдек, турли хизматлар (фронт орти, алоқа, қурол-яроғ, кемаларни таъмирлаш ва б.) киради.

ФЛОТИЛИЯ (франц.) — 1) ҳарбий-денгиз флоти (ҳарбий-денгиз кучлари)нинг оператив бирлашмаси ёки йирик қўшилмаси. Денгиз, дарё, кўл Ф.лари мавжуд; алоҳида ёки бирор флот таркибига кириши мумкин. 2) ов қилувчи, экспедиция ёки спорт кемалари қўшилмаси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси таркибида Амударё Ф.си бор.

ФЛУКТУАЦИЯЛАР (лот. fluctuatio — тебраниш) — физик катталикларнинг ўз ўртача қийматларидан тасодифий оғиши. Тасодифий омилларга боғлиқ бўлган ҳар қандай катталикларда Ф. содир бўлади. Статистик физикада Ф. тизим зарраларининг иссиқлик ҳаракати туфайли вужудга келади. *Броун ҳаракати* майда зарраларга муҳит молекулалари кўрсатаётган босимнинг Ф.и натижасида содир бўлади. Ф. физик ўлчашлар аниқлигини чегаралаб қўяди, радиоприёмникларда шовқин ҳосил қилади. Шунинг учун статистик физика, радиотехника ва ҳ.к.ларда Ф. ҳисобга олинади. Ф. ҳар қандай тасодифий жараёнларга тегишли.

ФЛУОРЕСЦЕНЦИЯ (*флюорит* ва лот. escent — кучсиз таъсирни ифодаловчи суффикс), флюоресценция — қисқа вақтда сўнадиган *люминесценция*. Одатда, Ф. атом ва молекулаларнинг спонтан квант ўтишларида содир бўлади, шунинг учун Ф. давомийлиги атом ва молекулаларнинг уйғонган ҳолатда яшаш вақти б-н аниқланади (ман этилган ўтишлар ҳолида Ф. давомийлиги анчагина катта бўлиши мумкин). Ф. ёрдамида моддалар структураси ва уларда юз берадиган физик жараёнлар ўрганилади. Ф.дан люминесцент анализ, чақновчи санагичлар, дефектоскопия, микробиология, тиббиёт, биофизика ва ҳ.к.ларда фойдаланилади.

ФЛЮВИОГЛЯЦИАЛ ЁТҚИЗИҚЛАР (лот. fluvius — дарё, оқим ва glacies — муз) — эриган музлик сувлар оқими ётқизиқлари. Ф.ё. 2 типга: муз олди ва муз ичидагиларга бўлинади. Муз олди Ф.ё. музликнинг энг чеккасида эриган сувларда ҳосил бўлади. Улар учун музликнинг чеккасидан узоқлашган сари йирик шағаллар ва валун қумларининг майда донали қия қатламли қумлар б-н алмашинуви хосдир. Муз ичидаги Ф.ё. муз ости тоннелларида, ўпқонларда ва музнинг эриган қатламларида жойлашади. Кесимда ғўлатош ётқизиқларининг тўплами, шағаллар ва майда шағаллар, турли ўлчамдаги қумлар алмашинуви, тузилишининг турли-туманлиги б-н ажралиб туради.

ФЛЮГЕР (нем. Flager, голландча vleugel — қанот) — шамол йўналиши ва тезлигини аниқлайдиган қурилма. У вертикал ўққа қўзғалмас қилиб маҳкамланган шамол йўналиши кўрсаткичлари, стерженда эркин айланувчи посангили флюгарка (қанотча)лар, ёй ва штифтлар бириктирилган металл пластинкадан иборат (расмга қ.). Шамол йўналишини 8 та асосий *румб*дан белгилаб олинади. Шамол йўналишини флюгарка бўйича аниқланади. Флюгарканинг посангиси ҳамиша шамолга тескари йўналган бўлади. Шамол тезлигини эса металл пластинанинг вертикал вазиятдан маълум бурчакка огиши (ёйга белгиланганн) бўйича ўлчанади. Ф. 10 —12 м баландликдаги минорага ўрнатилади. Ф. б-н 40 м/с гача бўлган шамол тезлигини ўлчаш мумкин.



Флюгер: *1* — йўналиш кўрсаткичи; *2*— *3*—посангилар; *4* — металл пластина; *5* — ёй.

ФЛЮОРИТ (лот. fluor — оқим), плавик шпати — фторидлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби CaF_2; , баъзан Ca, оз миқдорда Y (иттрофлюорит), ноёб ер элементлари (TR), Sr, Mn, Na, U б-н алмашади. Ф. куб сингонияда кристалланиб, Ф.ли структура ҳосил қилади. Кристаллари куб ва октаэдр шаклида, агрегатлари яхлит, йирик кристалли, донадор, тупроқсимон (ратовкит). Рангсиз, пушти, яшил, сариқ, ҳаво ранг, гунафша ранг хиллари бор. Ф. қиздирилганда ранги йўқолади ва рентген нурлари таъсирида яна бўялиб қолади. Шишадек ялтирайди, мўрт. Қаттиқлиги 4; зичлиги 3,1 — 3,2 г/см³, иттрофлюоритники 3,3 г/см³ гача; эриш т-раси 1360°. Ф. хар хил шароитда кенг тарқалган магматик акцессор минерал бўлиб, пегматит, грейзен, скарн, иккиламчи кварцитлар ва чўкинди жинсларда ҳосил бўлади. Унинг асосий қисми гидротермал жараёнда бўшлиқлар ва томирларни тўлдирган ҳолда металл рудаси ҳисобланган минералларга йўлдош сифатида учрайди. Генетик минералогиянинг муҳим типоморф минерали. Ф. металлургияда флюс сифатида ишлатилади; кимё саноатида

ундан плавик кислота, криолит олинади; керамикада эмаль, глазурь (сир) тайёрланади. Ф. синтетик кристалларни ўстириш учун хом ашё ҳисобланади. Тиниқ, шаффоф, рангсиз ёки ним ранг кристалларидан линза, объектив, телескоплар, вакуум ва рентген спектрографлари учун призмалар тайёрланади. TR ва U б-н фаоллаштирилган Ф. лазер материалидир. Конлари РФ (Приморье ўлкаси, Байкалорти), Қозогистон, АҚШ, Мексика, Францияда мавжуд. Ф. конлари Ўзбекистонда Чатқол-Қурама регионида жойлашган: Агата-Чибаргата, Навгискон, Обираҳмат, Кенгутан, Қизилбаур ва Навгарзонда қазиб олинган; Суппатош ва Шабрез ўзлаштиришга тайёрланган.

ФЛЮОРОГРАФИЯ, радиофотография, рентгенофотография — рентгенодиагностика усули: бунда объектнинг рентген аппарати экранидаги тасвири унчалик катта бўлмаган фотоплёнкага туширилади. Ўлчами 70×70 ёки 90×90 бўлган флюорограммаларда кўкрак қафаси аъзолари тасвири олинади.

Ф., асосан, кўкрак қафаси аъзолари, сут безлари, суяк системаси ва б.ни текширишда қўлланилади. Яширин кечадиган касалликларни оммавий текшириш мумкинлиги унинг бошқа рентгенодиагностик усуллардан афзаллигидир. Ф. кабинетлари кўчма ва стационар бўлади.

ФЛЮС (нем. fluss — оқим) — қ. *Пилла*.

ФЛЮСЛАР (нем. Fluß — оқим) (металлургияда) — металларнинг кавшарланадиган ёки пайвандланадиган сиртида ҳосил бўлувчи оксидларни эритиб юбориш, шлак ҳосил қилиш, металл таркибини кераклигича ўзгартириш учун мўлжалланган материал. Асосли (оҳак, доломит, пирит қолдиғи, кальций, сода ва б.), кислотали (кварц, қум,, қумтупроқли чақмоқтош) ва нейтрал (боксит, плавик шпати ва б.) хиллари бор. Металларни кавшарлаш ва пайвандлашда Ф. сифатида канифоль, рух хлорид, аммоний хлорид ва б. ишлатилади. Рангли металлар ва қотишмаларни оксидланишдан сақлашда ишқорли ва ишқорли-ер металлар (тош туз, сильвинит, корналлит, бура ва б.) хлоридлари ва фторидларидан фойдаланилади. Ёйли электр пайвандлаш ишлари бевосита махсус тайёрланган Ф. остида бажарилади.

ФОБ, франко борт (инг. FOB, free on board) — халқаро савдода товарларни етказиб бериш шартларидан бири, айнан «кемада эркин» маъносини билдиради. Бу шартга кўра, сотувчи ўз ҳисобидан товарни кема бортига етказиб (ортиб) беради ва (ФАС-дан фарқ қилган ҳолда) экспорт божларини тўлайди; харидор эса кемани ўз ҳисобидан ёллаши, товар ҳақини тўлаши, етказиб берилганидан кейин товарни ташиб беришни таъминлаши лозим.

...ФОБ, ... ФОБИЯ (юн. phobos — қўрқув) — ўзлашма қўшма сўзларнинг асосан иккинчи қисми; бирон кишни ёки нарсани ёмон кўрувчи, унга қарши киши; бирон нарсани ёқтирмаслик, ундан қўрқиш каби маъноларни билдиради (мас., *англофоб; гидрофобия*).

ФОБИЯЛАР — бемор миясига ўрнашиб қолган қўрқув, ваҳима; киши руҳиятининг бузилиш ҳолати. Кўпчилик руҳий касалликлар (мас., *шизофрения*)да бошланғич белги, *неврозлар* ҳамда *психастения*нинг асосий белгиси ҳисобланади. Қўрқув ва ваҳима ҳисси бемор сезги ҳамда хатти-ҳаракатларида кўринади. Ф. мазмуни жиҳатидан турлича бўлади. Агорафобияда киши якка ўзи кўча ва майдонларни кесиб ўтишдан чўчийди. Айхмофобия — пичоқ, қайчи, тўғноғич ва б. ўткир асбоблардан (худди танасига қадалаётгандек) қўрқиш; нозофобия — айрим тузалмайдиган касалликка чалиниш ёки уни юқтиришдан қўрқиш (сифилофобия — захмдан, канцерофобия — ракдан); танатофобия — ўлимдан ваҳималаниш; клаустофобия — одам гавжум жойлар ва транспортда юришдан қўрқиш; монофибия — ёлғизликдан, якка қолишдан ваҳимага тушиш; эрейтофобоя — қизариб кетиш, уялиш ва ҳ.к. Ф.да бемор доим кўнгли ғаш, паришонхотир бўлиб, тушкунликка тушади, кўпинча қўрқув таъсирида ўзини ҳимоя қилаётгандек бемаъни хатти-ҳаракатлар (мас., касаллик юқмаслиги учун ўзини ҳаддан зиёд озода тутиш, вақт-бевақт қўл ювавериш ва б.)га одатланади. Қаттиқ чарчаш, қўрқиш, руҳий изтироб ва б. натижасида соғлом кишиларда ҳам баъзан вақтинчалик Ф. кузатилади, лекин бу ҳолат салбий омиллар йўқолганидан кейин ўтиб кетади.

ФОБОС (юн. phobos — қўрқинч) — *Марс* сайёрасининг йўлдоши. 1877 й.да америкалик астроном А. Холл кашф этган. Ф.нинг узунлиги 27 км ва кенглиги 21 км бўлиб, аниқ шаклсиз жисмдан иборат. Сайёрадан ўртача узоқлиги 9378 км. Марс атрофини 0,3 суткада айланиб чиқади. Ф.нинг 1971 й.да «Маринер-9» ёрдамида олинган фотосуратларидан унинг сатҳида кратерлар мавжудлиги аниқланди (яна қ. *Сайёраларнинг йўлдошлари*).

ФОВИЗМ (франц. fauvisme, fauve — ёвойи) — 20-а. бошларида француз рангтасвирида ҳукм сурган авангард бадиий оқим. Парижда 1905 й.да очилган кузги салон кўргазмасида намойиш этилган асарлар муаллифлари (рассомлар А. Матисс, А. Дерен, А. Марке, Ж. Брак ва б.)га замонавий танқидчилар томонидан киноя тарзида берилган ном. Ф. асарлари бевосита натурани, борлиқни кузатиш асосида яратилади. 19-а. анъанавий санъатидан ўзининг рангдорлиги, ҳаётий воқеаларни эркин талқин этиши ва шакл бузилишларига йўл қўйиши б-н ажралиб туради. Рассомлар асарларида примитив санъат, ўрта аср ва шарқ санъати услубларидан ҳам фойдаланиб, янги эстетик туйғуларни беришга ҳаракат қилди. Ижодкорнинг унча мураккаб бўлмаган ҳис-туйғуларини ифодалашда буюм ҳажми, кенглик, ҳаво перспективаси кабилар ёрқин безак ранг гаммаси, жўшқин ранг суртмалари ва б. томонидан сиқиб чиқарилди.

ФОЖИА — қ. *Трагедия*.

ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИ (1872, Жиззах вилояти Бахмал тумани Лойқа қишлоғи — 1955.17.3, Самарқанд вилояти Булунғур ш.) — ўзбек халқ шоири, бахши. Йўлдош Мулла Мурод ўғлининг шогирди. Булунғур достончилик мактабининг энг йирик вакили. Етимликда ўсган. Чўпонлик қилган. Достончиликка ҳаваси эрта уйғонган. Ёшлигида дўмбира чертишни, терма айтишни машқ қилган. 20 ёшларида устози Йўлдош шоирдан достончилик сирларини ўрганган. Ёш бахшини халқ ўртасида устози уюштирган синовдан муваффақиятли ўтиб, 25—26 ёшларида етук достончи сифатида танилган. Ф.Й.ў. Амин шоир, Чини шоир, Товбузар шоир, Қурбонбек шоир, Султонмурод шоир, Йўлдош булбул, Йўлдош шоир, Қўлдош, Суяр каби Булунғур достончилик мактабининг пешқадам достончиларидан адабий анъанани қабул қилиб олган, уни пухта эгаллаб, юксак бадиҳагўйлик б-н бойитган ва ўзбек достончилигини янги босқичга кўтарган.

Ф.Й.ў. репертуари мавзу ва жанр жиҳатидан бой ва ранг-баранг. У 40 дан ортиқ халқ достонларини ёд билган ва юксак маҳорат б-н куйлаган. Ундан «Алпомиш», «Ёдгор», «Юсуф б-н Аҳмад», «Муродхон», «Рустамхон», «Ширин б-н Шакар», «Гўрўғлининг туғилиши», «Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши», «Малика айёр», «Машриқо», «Зулфизар», «Балогардон», «Интизор», «Нурали», «Жаҳонгир», «Зевархон», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом», «Ошиқ Ғариб» каби 30 га яқин достон ёзиб олинган.

Шоир қаҳрамонлик, романтик, тарихий достонлар ҳамда китобий достонларнинг энг яхши намуналарини куйлаб келган. «*Алпомиш*» достони унинг ижодида алоҳида ўрин тутади. Бу достоннинг ўзбек халқ достончиларидан ёзиб олинган 40 га яқин вариантлари орасида Ф.Й.ў. варианти энг мукаммали ва бадиий жиҳатдан баркамоли ҳисобланади. Унда шоирнинг юксак достончилик маҳорати тўла намоён бўлган. Ф.Й.ў. замонавий мавзуларда ҳам қатор достон ва термалар яратган. Унинг «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони», «Кунларим» каби достонлари, «Жангчи ўғлимга», «Элат ботир», «Ота насиҳати», «Қуролланинг», «Эр йигитлар, майдонга!», «Жаҳон тинглагай», «Болаларимга», «Пушкинга» каби термалари шулар жумласидандир.

Бахши куйлаган халқ достонлари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир, Пўлкан, Абдулла шоир кабилар репертуари ва оригинал асарлари б-н биргаликда ўзбек достончилиги ва адабиётига қўшилган катта ҳисса бўлди. Шоир мероси кенг ўрганилмоқда. Шоир дафн этилган Булунғур ш.да музей ташкил этилган ва унга ҳайкал ўрнатилган.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1949; Интизор, Нурали, Т., 1964; Муродхон, Т., 1965; Балогардон, Т., 1986; Малика айёр, Т., 1988; Алпомиш, Т., 1999; Рустамхан, М., 1972; Алпамыш, Л., 1982.

Ад.: Ғозибоев Т., Фозил Йўлдош ўғли, Т., 1968; Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар, 3-китоб, Т., 1973.

Тўра Мирзаев.

ФОЗИЛОВ Носир (1929.10.6, Қозоғистон Республикасининг Туркистон тумани) — ёзувчи, таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1954). «Гулхан» жур.да масъул котиб (1955—59), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим мудири (1959—63; 1975—82), «Шарқ юлдузи» жур.да масъул котиб (1963—75; 1982—84; 1986—92). Биринчи тўплами — «Ирмоқ» (1959). «Оқим» (1962), «Робинзонлар» (1964), «Қуш қаноти билан» (1965), «Қорхат» (1968), «Кўклам қиссалари» (1970), «Болалигим — пошшолигим» (1989), «Бир отар тўппонча» (1995), «Шум боланинг набиралари» (1995), «Тошкентнинг носи» (1996) ва б. асарлар муаллифи. Ҳикоя ва қиссалари миллий бўёқларининг ёрқинлиги, тилининг жозибадорлиги, халқ турмуши манзараларининг, айниқса, болаларнинг ички дунёси, ўй-кечинмаларининг жонли тасвири, кўтаринки руҳи б-н ажралиб туради. Асарларида чўл табиатига хос манзаралар шоирона чизилган. Қорақалпоқ ва қозоқ ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

Ас.: Танланган асарлар [2 ж.ли], Т., 1982—83; Устозлар даврасида, Т., 1989; Мунаввар лаҳзалар, Т., 1997; Саид Аҳмад номинг балина, Т., 1999; Эсласанг, кўнглинг ёришур, Т., 2004.

ФОЗИЛОВ Эргаш Исмоилович (1933.10.3, Янгийўл ш.) — тилшунос-туркийшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), филол. фанлари д-ри (1967), проф. (1976). Москва ун-ти филол. ф-тини ва айни пайтда шу ун-т қошидаги Шарқ тиллари ин-тини тугатган (1957). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида кичик ва катта илмий ходим (1960—68), тарихий-этимологик луғатлар бўлими мудири (1968—82), айни пайтда директор ўринбосари (1974—82). Берлин ун-ти шарқ тиллари ф-ти проф. (1982—86), Тошкент вилояти партия комитети котиби (1987—89), Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари (1990—92). Ф.нинг илмий ишлари туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг шаклланиш тарихи, тараққиёт йўллари, эски ўзбек тили грамматикаси, лексикаси тадқиқига, 14—15-а. ёзма ёдгорликларини ўрганишга бағишланган. Ф. 4 жилдли «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (1983—85) тузувчиларидан бири.

Ас.: Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, Т., 1966; Эски ўзбек тили. 14-аср Хоразм ёдномалари, 1—3 ж.лар, Т., 1996, 1971, 1973; Хўжандий. Латофатнома, Т., 1976.

ФОЗИЛОВ Ҳосил Фозилович (1909.28.8 — Тошкент — 2003.8.3) — энергетик олим. Ўзбекистон ФА акад. (1956). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1959); Ўзбекистонда хизмат кўрсатган энергетик (1989). Техника фанлари д-ри (1953), проф (1954). Ўрта Осиё индустриал ин-тини тугатган (1934). Тошкент политехника ин-тида ассистент (1935—37), ТошПИда катта ўқитувчи, доцент (1940—47), Ўзбекистон ФА катта илмий ходими (1947—56), Ўзбекистон ФА Энергетика ин-ти директори (1956—62), Ўзбекистон ФА бош илмий котиби (1956—62), Ўзбекистон ФА техника бўлими бошлиғи (1962—63), Ўзбекистон ФА Энергетика ва автоматика ин-ти лаб. бошлиғи (1963—69), ТошТУ кафедра мудири (1969—93), кафедра проф. (1993 й.дан). Ф. электр тизимлари режимларини таҳлил қилиш назариясининг асосчиларидан бири.

Илмий ишлари электр энергиясини узоқ масофага узатиш муаммоларини ҳал этиш, электр энергетикасини ривожлантириш муаммоларига бағишланган. Унинг раҳбарлигида республиканинг электр энергетика ресурсларини ўзлаштириш лойиҳалари илмий жиҳатдан асослаб берилди, электр тизимларини ҳисоблаш алгоритми яратилди. Ф. республиканинг энергетика ва сув муаммоларини ечишга катта ҳисса қўшган.

Ас.: Оптимизация режимов электроэнергетических систем, Т., 1987; Установившиеся режимы электроэнергетических систем и их оптимизация (в соавторстве), Т., 1999.

Ад.: Ҳосил Фозилович Фозилов (библиография), Т., 1984.

ФОЗИЛОВА Олтиной (1947.25.10, Жиззах тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1969). 1969 й.дан Жиззах туманидаги 5-, 1981 й.дан 4-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси.

ФОЗИЛОВА Ҳакима (1952.4.2, Тошкент ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1988). 1971—97 й.ларда Тошкент ш.даги мактабларда бошланғич синф ўқитувчиси. 1997 й.дан Сергели туманидаги 318-ихтисослашган мактаб-боғча мажмуаси директори ўринбосари.

ФОЗИЛТЕПА, Қанғли қўрғон — илк ўрта асрларга оид археологик ёдгорлик (5-а. охири — 12 а.). Тошкентнинг жан.-ғарбида, Ниязбой шоҳариғи ёқасида жойлашган. У қозоқ-қанғлиларнинг кузатув жойи бўлган. Асли эса илк ўрта асрлардаги бадавлат деҳқон қаср-кўшки харобаси. Я.Ғ. Ғуломов раҳбарлигидаги Тошкент археология отряди томонидан текширилган (1967—68). Ф.нинг сақланиб қолган бал. 20 м га яқин, унинг шим.-шарқида қишлоқ бўлиб, унинг излари 250 м гача масофада қайд этилган. Тепалик майд. 41×35 м.

Ф.да ўтказилган стратиграфик тадқиқотлар илк ўрта асрларда ҳаёт 2 босқичда давом этганлигини кўрсатди: 1) хўжалик чиқиндилари тўлдирилган қатлам ва пахса девор қурилган даври (5-а. охири — 7-а. боши), 2) пахса супа устига қурилган мустаҳкам бино (қаср-кўшк) мавжуд бўлган давр (7-а.нинг 2-ярми — 8-а.). Ф.да топилган илк буюмлар сўнгги Қовунчи маданиятига мансуб бўлганлари, шубҳасиз. Ф. этагида олиб борилган қазишмалар натижасида тепалик атрофида пайдо бўлган қишлоқнинг ёши аниқланган. Тадқиқотларга кўра, қишлоқ нисбатан текис ерда (ҳар 2 ердаги материк қатлам орасидаги фарқ 0,3 м дан ошмайди) вужудга келган. Қишлоқ анча катта ҳудудни эгаллаб олган, 6-а.нинг 2-ярмида унинг харобаларининг бир қисмида қаср ёки арк биноси бунёд этилган. Ф.дан сирланмаган сопол идишлар: хумлар, хумчалар, пастлик кўзалар, кичик кўзачалар (6—7-а.) топилган.

Ад.: Древний Ташкент, Т., 1973.

ФОЗИЛХЎЖАЕВ Қодир Фозилович (1930.5.7 — Тошкент — 2001.20.5) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980). Тарих фанлари д-ри (1969), проф. (1974). Ўрта Осиё ун-тининг тарих факультетини тугатган (1950). Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тида катта илмий ходим (1956—59). «Билим» жамияти бошқаруви раисининг 1-ўринбосари (1958—76). Ўзбекистон Компартияси МК қошидаги Партия тарихи ин-ти директорининг ўринбосари (1976—89). Қори-Ниёзий номидаги пед. и. т. институти директори (1989—92). Республика ўқитувчилар уйининг директори (1992—96). Илмий ишлари ўзбек халқининг қардош халқлар б-н алоқалари ва касаба уюшмалари тарихини ўрганишга бағишланган.

ФОИЗ СТАВКАСИ — қ. *Банк фоиз ставкаси*.

ФОЙДА — товарлар ва хизматларни сотишдан олинган даромаднинг бу товарларни ишлаб чиқариш харажатларидан ортиқ қисми. Корхоналар ва тадбиркорлар хўжалик фаолияти молиявий натижаларининг асосий кўрсаткичларидан бири. Ф. пулда ифодаланади. Ф. бозор даромади бўлиб, унинг қонун-қоидаларига биноан вужудга келади, тақсимланади ва ишлатилади. Ф. капитал, и.ч. омили сифатида товар ва хизматлар нархи таркибига киради, улар сотилгач, пул шаклида капитал соҳибига охирида келади. Ф. топиш тадбиркорликнинг асл мақсади ҳисобланади, унга интилиш бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлайди. Амалиётда Ф. (F) даромад (D) б-н харажатларнинг (W) айирмаси сифатида қаралади (F=D−W). Ф. 3 омилга боғлиқ: а) б о з о р б о п т о в а р в а х и з м а т л а р н и н г я р а т и л и ш и, натижада уларни сотишдан келган пул тушуми кўпаяди, бунинг таркибидаги Ф. ҳам ортади; б) д а р о м а д л а р — тушумлар миқдори (D). Тушумлар сотилган товарлар ва хизматлар миқдорига (Q) ва уларнинг ҳар бирининг нархи (P)га боғлиқ (D=Q·P); в) х а р а ж а т л а р м и қ д о р и. Бозорда нархлар ўзгармай қолган тақдирда харажатларнинг пасайиши Ф.ни кўпайтиради, уларнинг ортиши эса уни қисқартиради. Харажатлар динамикаси меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Меҳнат унумдорлигининг ортиши харажатларни камайтириш орқали Ф.ни кўпайтиради. Шу сабабли Ф.ни кўп олиш шарти — меҳнат унумдорлигини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади. Харажатлар пасайган шароитда Ф.нинг даромаддаги ҳиссаси ортади, акси юз берганда бу ҳисса қисқаради. Борди-ю, товарларга талаб ҳаддан ортиқ бўлиб, уларнинг бозор нархи ошса, ўз-ўзидан бу харажатлардан қатъи назар, Ф. ортади. Нархнинг фойдага таъсири шундан гувоҳлик берадики, бозорбоп товарларни чиқармай туриб яхши Ф. кўриш мумкин эмас. Ҳар қандай фирма Ф.ни энг кўп олишга, яъни уни максимумлаштиришга интилади, Ф. миқдорига таъсир этувчи омилларни ишга солади.

Ф.нинг ўз ўлчами бор. Бу унинг нормаси ва массасидир. Ф. н о р м а с и (F') нисбий кўрсаткич бўлиб, капитал қандай ишлатилиб, қандай Ф. кўрилганини билдиради ва у орқали Ф. (F) капиталнинг (K) неча фоизига тенглиги аниқланади. $(F'=\frac{F}{K}\times100)$. Агар K=200, F=20 бўлса, $F'=\frac{20}{200}\times100=10\%$. Демак, капитал бирлигининг $\frac{1}{10}$ ҳиссасига тенг Ф. кўрилган. Ф. нормаси капиталнинг нақадар самарали ишлатилишини билдиради. Ф. кўриш тадбиркорликнинг мақсади бўлганидан ҳар доим Ф. нормасини оширишга интилиш сақланиб қолади.

Ф. м а с с а с и — бу фойданинг мутлақ миқдоридир. Ф. массаси қанчалик кўп бўлса, Ф. шунчалик максимумлашган ҳисобланади. Агар Ф. нормаси юқори бўлса, оз капитал б-н ҳам кўп Ф. олиш мумкин, борди-ю Ф. нормаси паст бўлса, капитални кўпайтириб Ф.ни кўпайтириш мумкин. Ф. максимумлаштириш учун ҳам Ф. нормаси, ҳам капитал суммаси катта бўлиши зарур. Ф. нормасини пасайиши ҳисобидан Ф. массаси қисқарган чоғда бу йўқотишни бартараф этиш учун *инвестициялар* ҳисобидан капитал кўпайтирилади. Олинган Ф.нинг бир қисми инвестицияга айланади, бу б-н у капиталлашади. *Амортизация* ва *кредит* ҳисобидан ҳам пул инвестицияланганда капитал кўпаяди. Натижада Ф. нормаси пасайган чоғда ҳам олинадиган Ф. миқдори қисқармайди. Агар Ф. нормаси пасайишига нисбатан капитал тезроқ кўпайса Ф. массасининг ортиши юз беради.

Қаерда ҳосил бўлишига қараб саноат, тижорат, банк, сервис, агробизнес ва б. Ф. турлари мавжуд. Қандай усул б-н ҳосил бўлишига қараб оддий ва устама Ф.га бўлинади. О д д и й Ф. эркин — мукаммал рақобат шароитида кўпчилик тадбиркорлар оладиган Ф.дир. У с т а м а Ф.ни фирманинг монопол мавқеи, яъни товарлар таклифининг танҳо ёки озчилик фирмалар қўлида тўпланишини юзага келтиради. Монопол мавқе бозордаги ҳукмронликни, яъни нархларга таъсир этиш имкониятини беради. Монопол фирма нархларни ошириш ҳисобидан устама Ф. олади. Ф. нима ҳисобидан яратилишига қараб нормал, иқтисодий ва омад Ф.дан иборат бўлади. Н о р м а л Ф.ни тадбиркорлик қобилияти яратади. Бу ишбилармонлик учун мукофоти ҳарида энг кам деганда малакали ишчи ёки мутахассиснинг иш ҳақига тенг бўлиши керак, акс ҳолда тадбиркорлик б-н машғул бўлиш ўрнига ёлланиб ишлаш маъқул бўлади. Бундай Ф. харажатлар таркибига киради, чунки товарлар харажатларга тенг нарх б-н сотилганда ҳам тадбиркор даромад топади ва бизнесни ташлаб кетмайди. Бизнесни бошқариш капитал соҳибидан менежерларга ўтган тақдирда нормал Ф. уларга мукофот тариқасида тегади. И қ т и с о д и й Ф. харажатлар б-н даромад ўртасидаги фарқдан иборат, уни капитал яратгани сабабли бу Ф. капитал насибаси ҳисобланади. О м а д Ф.и — бу Ф.ни бозор конъюнктурасидаги жуда ҳам қулай ўзгаришлар юзага келтиради. Бозорда талаб кутилмаганда ошиб, нархлар кўтарилганда омад Ф.и ҳосил бўлади. Иқтисодиётда таваккалчилик Ф.и ҳам бор. Бу таваккалчилик қилгани учун бизнес эгаларига тегадиган мукофот ҳисобланади.

Ф. иштирокчилар ўртасида тақсимланади, ундан солиқлар тўланади. Капитал қарзга олинганда Ф.нинг бир қисми фоиз қарзларини тўлашга ажратилади. Ф.нинг фирмада қолган қисмидан ишчи ва хизматчиларга мукофот берилади, агар фирма *акционерлик жамияти* бўлса, Ф.дан *дивиденд* тўланади, хайр-эҳсон ишларига пул ажратилади. Барча чегирилишлардан сўнг қолган фойда тақсимланмаган ёки тутиб қолинган Ф. ҳисобланади. Тақсимланмаган фойда ҳажми қанча кўп бўлса, фирманинг ўз маблағи ҳисобидан инвестициялаш имконияти шунчалик катта бўлади. Фирманинг ўзида қолган фойда инвестиция орқали капиталлашади, яъни асосий ва айланма капиталга келиб қўшилади. Бу фирмаларнинг иқтисодий салоҳиятини оширади.

Ф. бозор механизмидаги муҳим иқтисодий восита ҳисобланади. Ф.га интилиш ресурсларни керакли соҳалар ўртасида тақсимлашига олиб келади. Капитал талаб қисқарган ва нарх пасайиб Ф. кам олинадиган соҳалардан чиқиб талаб ошган серфойда соҳаларга доимо кўчиб туради. Бу б-н керакли товарлар ва хизматлар яратилиши, иқтисодиёт ўсади. Ф.нинг кўп бўлиши мамлакат иқтисодий салоҳиятини ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Абдуғани Ўлмасов.

ФОЙДА СОЛИҒИ — қ. *Даромад солиғи*.

ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦИЕНТИ (ф.и.к.) — бирор бир тизим (қурилма, машина, двигатель ва б.) сарфлаган энергиянинг самарадорлигини ифодаловчи тушунча; қанча энергия фойдали ишга айланишини, қанча энергия йўқолишини кўрсатади. Энг сўнги ҳолатда, фоизларда ифодаланади. Фойдали ишга сарфланган энергиянинг машина олган умумий энергия миқдорига нисбати б-н аниқланади:

$$\eta=\frac{W_ф}{W_{ум}};$$

бунда: $W_ф$ — фойдали меҳнатга кетган қувват; $W_{ум}$ — тизим олган умумий қувват.

Иссиқлик двигателларидаги ф.и.к. — механик фойдали ишнинг сарфланган иссиқлик миқдорига нисбати, электр трансформаторларидаги ф.и.к. — иккиламчи чулғамда олинган электромагнит энергиясининг бирламчи истеъмол чулғамидаги энергияга нисбати, электр двигателларидаги ф.и.к. — фойдали механик ишнинг манбадан олинган электр энергиясига нисбатидан иборат ва б.

Машинанинг умумий ф.и.к. унинг айрим қисмлари ф.и.к.лари кўпайтмасига тенг. Энергиянинг турли кўринишда йўқолиши туфайли ф.и.к. ҳамиша 1,0 дан кичик бўлади. Такомиллашган электр трансформаторларда ф.и.к. 98—99%, электр генераторларида 90—95%, ички ёнув двигателларида 40—50% ва иссиқлик электр ст-яларида 35—40%.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА ЗАХИРАЛАРИ — фойдали қазилма конлари тузилишини ўрганиш, геол. қидирув ишлари, разведка қилиш, уларни қазиб олиш ва фойдаланиш жараёнида олинган маълумотларга кўра ер остида, устида, ҳавзалар остида аниқланган фойдали қазилма миқдори. Ушбу маълумотлар фойдали жисм ҳажмини ҳисоблаб чиқишга имкон беради, бу ҳажмни зичликка кўпайтирганда Ф.қ.з. оғирлигини ҳисоблаш мумкин. Суюқ ва газсимон (нефть, ер ости сувлари, ёнувчи газлар) Ф.қ.з. бурғи қудуқларидаги оқимлар ҳисобланиб усули б-н аниқланади. Баъзи конлар учун ундан ташқари, улардаги қимматли компонентларнинг захиралари, мас., рудалардаги металл миқдори ҳисоблаб чиқилади. Захиралар $м^3$ (қурилиш материаллари, ёнувчи сланец ва б.), т (нефть, кўмир, рудалар), кг (нодир металлар) ва каратда (олмослар) ўлчанади. Ф.қ.з. уларнинг аниқланганлик даражасига қараб, A, B, C_1 ва C_2 тоифаларга бўлинади. Ўзлаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлигига қараб захиралар баланс ва балансдан ташқари турларга ажратилади. Ф.қ.з. конларни саноатбоп тоифага ажратишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИ РАЗВЕДКАСИ — ер ости минерал хом ашёлари захирасини геологик-иқтисодий баҳолаш ҳамда геол. разведка ишлари жамланмаси ва улар б-н боғлиқ бўлган изланишлар. Разведка натижасида коннинг геологик тузилиши, фазовий жойланиш қонуниятлари, фойдали қазилма уюмларининг тузилиши, ўлчами, шакли, ётиш шароитлари, ер ости минерал хом ашёларининг миқдори ва сифати, келажакда олиб бориладиган ўзлаштириш ишлари шароитларини аниқлайдиган технологик хусусиятлари ва омиллари белгиланади. Ф.қ.к.р. геологик съёмка, *геологик қидирув* ишларидан кейин 2 босқичда — дастлабки ва муфассал разведка олиб борилади. Дастлабки разведка майдоннинг геологик тузилиш схемаси, саноат минераллашувининг умумий кўлами, ер ости минерал хом ашёларининг ўртача сифати, коннинг саноатда ўзлаштирилиши нисбати ва мақсадга мувофиқлиги аниқланади. Муфассал разведка биринчи ўринда ўзлаштиришга мўлжалланган конларда бажарилади. Дастлабки разведкадан фарқли равишда, муфассал разведка қилинадиган майдон бутун конга тааллуқли бўлмай, фойдали қазилмаларнинг маълум уюмларигагина тегишли бўлади. Геол. разведка ишлари бурғи қудуқлари ва кон иншоотлари ўтказиш йўли б-н амалга оширилади. Бурғи қудуқлари чуқурликда жойлашган конлар учун, ер ости кон иншоотлари мураккаб тузилишга эга бўлган қаттиқ фойдали қазилма конлари учун қўлланилади. Уларда геологик, геокимёвий, геофизик, гидрогеологик ва муҳандислик геологияси бўйича изланишлар амалга оширилади. Ушбу изланишлар ва намуналаш натижаларига қараб, геологик режалар ва кесимлар тузилиб, чегараланади ва фойдали қазилма захиралари ҳисоблаб чиқилади.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ — Ер қаъридан қаттиқ, суюқ ва газсимон фойдали қазилмаларни чиқариб олишнинг ўзаро боғланган кон ишлари жараёни мажмуи. Ф.қ.к.ў.нинг очиқ (карьер), ер ости (*шахта*), бурғи қудуқлари ва денгиз тубидан олиш (денгиз сатҳидан пастдаги конлар) усуллари мавжуд. Очиқ ва ер ости усулларидан қаттиқ фойдали қазилмаларни, бурғи қудуқларидан эса, асосан, суюқ ва газсимон фойдали қазилмаларни чиқариб олишда фойдаланилади. Ер ости усули б-н катта чуқурликда ётган фойдали қазилмалар қазиб олинади. Ф.қ.к.ў.да Дунё океанида конларни ўзлаштириш ва денгиз тубидан фойдали қазилмаларни чиқариб олиш алоҳида ўрин эгаллайди. Дунё бўйича очиқ усул б-н 60% га яқин металл рудалари, 85% нометалл рудалар, 100% қурилиш фойдали қазилмалари ва 35% га яқин кўмир қазиб олинади.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР, минерал хом ашёлар — Ер пўстида қаттиқ, суюқ ва газсимон ҳолатларда учрайдиган, турли геологик жараёнлар натижасида тўпланган ҳамда миқдори, сифати, жойлашиш шароитларига кўра саноатда ишлатишга яроқли бўлган табиий минерал моддалар. Ф.қ. турли конларни ҳосил қилади. Пайдо бўлиш шароитига кўра Ф.қ. конлари сериялар — седиментоген (гиперген), магматоген (гипоген) ва метаморфоген конларга бўлинади (қ. *Гиперген конлар, Гипоген конлар, Метаморфоген конлар*). Геологик давр жиҳатидан Ф.қ. конлари ичида архей, протерозой, рифей, палеозой, мезозой ва кайнозой ёшидаги конлар фарқ қилинади. Шаклланиш жойи жиҳатидан геосинклиналь (бурмаланган областлар) ва платформалардаги конлар бўлади. Қандай чуқурликда пайдо бўлишига кўра, Ф.қ. конлари ультраабиссал (10—15 км дан чуқур), абиссал (3—5 км дан чуқур), гипабиссал (1,5 км чуқурликда жойлашган) конларга бўлинади. Ф.қ. 3 гуруҳга: металл, нометалл ва ёнувчиларга бўлинади. Металл Ф.қ. соф металлар, қора, рангли, сийрак ва радиоактив металл рудалари, шунингдек, нодир ер элементларидан иборат. Нометалл Ф.қ.га кончилик-кимё хом ашёси (турли тузлар, гипс, барит, олтингугурт, фосфоритлар, апатитлар), оловбардош, электротехник, пьезооптик, иссиқлик ва товушни изоляция қилувчи, кислота ва ишқорларга чидамли хом ашё, қурилиш материаллари, қимматбаҳо ва техник тошлар киради. Нефть, ёнувчи газ, тошкўмир ва қўнғир кўмир, торф, ёнувчи сланецлар ёнувчи Ф.қ.га мансуб. Физик ҳолатига кўра, қаттиқ (қазилма кўмирлар, рудалар, норуда Ф.қ.), суюқ (нефть, минерал сувлар) ва газсимон (ёнувчи табиий ва инерт газлар) Ф.қ. бўлади. Минерал ресурслар мамлакат, қитъа ёки бутун дунё заминидаги Ф.қ. йиғиндиси бўлиб, саноат ишлабчиқаришнинг муҳим тармоқлари (энергетика, қора ва рангли металлургия, кимё саноати, қурилиш) тараққиёти негизи ҳисобланади. Минерал ресурслар саноатда ишлатилишига қараб, бир қанча гуруҳларга ажратилади: а) ёқилғи-энергетика ресурслари (нефть, табиий газ, қазилма кўмир, ёнувчи сланецлар, торф, уран рудалари); б) қора ва рангли металлургия хом ашёси ҳисобланган руда ресурслари (темир ва марганец рудалари, хромит, боксит, мис, қўрғошин-рух, никель, вольфрам, молибден, қалай, сурма рудалари, нодир металлар рудалари ва б.); в) кончилик-кимё хом ашёси (фосфорит, апатит, ош тузи, калий ва магний тузлари, олтингугурт ва унинг бирикмалари, барит, бор рудалари, бром ва йод таркибли эритмалар); г) табиий қурилиш материаллари ва норуда Ф.қ.нинг катта гуруҳи, шунингдек, безак, техник ва қимматбаҳо тошлар (мармар, гранит, яшма, агат, тоғ хрусталь, гранат, корунд, олмос ва б.); д) гидроминерал ресурслар (ер ости чучук ва минерал сувлари). Минерал бойликлар кўп табиий ресурслардан фарқли равишда қайтадан тикланмайди. Дунё океани сувлари ва ер ости шўр сувлари минерал хом ашёнинг муҳим резервлари ҳисобланади.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР КОНИ — геологик жараёнлар натижасида ер ости ва устида йиғилган минерал моддаларнинг миқдори, сифати ва саноатда фойдаланишга яроқли шароитда тўпланиб ётиши. Газ (углеводород таркибли ёнувчи газлар ва гелий, неон, аргон, криптон — ёнмайдиган газлар), суюқ (нефть ва ер ости сувлари) ва қаттиқ (қимматбаҳо элементлар, кристаллар, минераллар, тоғ жинслари) фойдали қазилмалардан иборат конлар мавжуд. Саноатда фойдаланишга кўра, Ф.қ.к. рудали, норуда, ёнувчи ва гидроминераллиларга бўлинади. Ундан ташқари, ер ости сувлари (ичимлик, техник, бальнеологик ёки минерал сувлар ҳамда нефтли, бром, йод, радий таркибли ва б. сувлар) конлари мавжуд. Ф.қ.к. ер устида (очиқ конлар) ёки ер остида (ёпиқ конлар) бўлиши мумкин. Ф.қ.к. Ер пусти ривожланишининг ҳамма даврларида ҳосил бўлган. Пайдо бўлиш жойларига қараб геосинклиналь ва платформа Ф.қ.к.га ажратилади. Конларнинг ҳосил бўлиш шароитига қараб серияларга [седиментоген (гиперген), магматоген (гипоген) ва метаморфоген], сериялар ўз навбатида, гуруҳ, синф ва кичик синфларга бўлинади (қ. *Гиперген конлар, Гипоген конлар, Метаморфоген конлар*).

Фойдали қазилмалар: *1.* Вольфрам рудаси (Ингичка кони). *2.* Мис рудаси (Қалмоққир кони). *3.* Қўрғошин-рух рудаси (Қўрғошинкон кони). *4.* Симоб рудаси (Олтинвул кони). *5.* Гилмон (Азкамар кони). *6.* Фосфор рудаси (Марказий Қизилқум). *7.* Мармарлар (қора мармар — Бахмал кони, ранг-баранг мармар — Ғозғон кони). *8.* Волластонит рудаси (Қўйтош кони).

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР ҲАВЗАСИ — тоғ жинсларининг маълум формацияси б-н боғлиқ, қатламли чўкинди фойдали қазилмаларнинг узлуксиз ёки деярли узлуксиз тарқалган берк области. Ф.қ.ҳ. кўмир (Кузнецк, Донецк, Москва ёни ва б.), нефть ва ёнувчи газ (Амударё, Бухоро нефть-газ области б-н бирга, Фарғона, Форс қўлтиғи, Пермь — АҚШда, Ғарбий Сибирь, Мексика қўлтиғи ва б.), норуда фойдали қазилмалари (туз ҳавзалари — Артёмовск-Славянск, Иркутск ва б.), рудали (Кривой Рог темир рудаси, Никополь марганец рудаси ва б.) конлар учун хос. Ф.қ.ҳ. майдони бир неча юз км^2 дан бир неча юз минг км^2 гача бўлиб, унинг ҳудудида йирик кончилик саноати мажмуалари мавжуд.

ФОЙДАЛИ ҲАШАРОТЛАР — қ.х. экинлари зараркунандалари миқдорини камайтирадиган, шунингдек, одамга бевосита ёки билвосита фойда келтирадиган ҳашаротлар. Ф.ҳ. ўсимлик гулларини чанглатувчи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хом ашё берувчи, экинлар зараркунандалари ва б. зарар берувчи ҳайвонлар ҳамда бегона ўтларнинг табиий кушандалари, табиий жараёнларда иштирок этувчилар каби гуруҳларга ажратилади. Ҳашаротларнинг, айниқса, *ари* ва *асаларилар*нинг ўсимлик гулларини чанглатишдаги аҳамияти қадимдан маълум.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва техника материаллари берувчи Ф.ҳ.га асаларилар (асал ва мум беради), тут *ипак қурти* (пилла), айрим *червецлар* (лок ишлаб чиқаради) ва б. киради. Зараркунанда ҳашаротлар кушандаси ёки уларда паразитлик қилувчи кўпгина Ф.ҳ. маълум. Мас., *олтинкўзлар, сирфидлар, хонқизи қўнғизлари*, канахўр, трипслар, йиртқич қандала — ориуслар, афидиидлар ва б. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулида паразит энтомофаглардан *трихограмма, габробраконда*н (тунламлар тухуми ва қуртига қарши) фойдаланилади. *Шумғия*га қарши маҳаллий гербифаг — фитомиза пашшаси муваффақиятли қўлланилади.

Ҳашаротлар *тупроқ* пайдо бўлишида ҳам иштирок этади (мас., бирламчи қанотсиз ҳашаротлардан *оёқдумлилар*). Кўпгина ҳашаротлар тупроқ қатламини органик моддалар б-н бойитади (тупроқда яшовчи чумолилар, термитлар, чувалчанглар ва баъзи қўнғизлар).

Ад.: Давлетшина А.Г., Еременко Т.С., Полезные и вредные насекомые хлопчатника, Т., 1979; Муродов С.А., Умумий энтомология курси, Т., 1986.

Султон Алимухамедов.

ФОКС Кесада Висенте (1942.2.7, Мехико) — Мексика давлат арбоби. Мехикодаги Ибероамерика ун-ти ва Гарвард ун-ти (АҚШ) аспирантурасини тугатган. 1987 й. Миллий ҳаракат партияси, 1988 й. Конгресс аъзоси, 1995 й.дан Гуанахуато штати губернатори. 2000 й.дан Мексика Қўшма Штатлари президенти.

ФОКСТРОТ (инг. fox — тулки ва trot — йўртиш, тез юриш) — салон рақси. 20-а. бошида АҚШда *жаз* рақслари асосида пайдо бўлиб, 1-жаҳон урушидан сўнг оммавийлашган Европа рақси. Ўзбекистонда 1930—40-й.лардан кинотеатр, боғ-парк концерт ҳамда рақс майдончалари ва б.да фаолият кўрсатган ҳарбий, эстрада оркестр ва ансамбллари репертуаридан кенг ўрин олган. Ф. куйлари 4/4 ўлчовида, маршсимон, бир оз синкопалашган ритми б-н ажралиб туради («тулки қадамлари»). 2 тури мавжуд — шошмасдан ижро этиладиган «slow» Ф. ва тез суръатли «quickstep». Ф. ритм ва оҳангларидан композиторлар ҳам кенг фойдаланишган (Ж.Пуччини, Ф.Пуленк, И.Стравинский, Д.Мийо, Д. Шостакович, Ўзбекистонда В.Сапаров ва б.).



Фойдали ҳашаротлар: *1* — икки нуқтали хонқизи қўнғизи; *2* — оддий олтинкўз (*а* — етук ҳашарот; *б* — бит еётган личинкаси); *3* — апантелеснинг тунлам қуртига тухум қўйиши; *4* — битларга ҳужум қилаётган йиртқич қандала.

ФОКУС (лот. focus — ўчоқ, олов), оптикада — нурларнинг параллел дастаси оптик тизимдан ўтганидан сўнг даста нурлари кесишадиган (ёки, агар тизим параллел дастани ёйилувчи дастага айлантирса, нурларнинг давоми кесишадиган) нуқта. Агар нурлар тизимнинг оптик ўқига параллел бўлса, Ф. шу ўқда жойлашади; бу ҳолда у бош Ф. деб аталади. Ҳар қайси оптик тизим иккита бош Ф.га эга: предмет жойлашган фазодаги олд бош Ф. ва тасвир ҳосил бўлган фазодаги орқа Ф. (яна қ. *Линза*). Идеал оптик тизимда ҳамма Ф. лар тизимнинг оптик ўқига перпендикуляр бўлган ва фокал текислик деб аталадиган текисликда ётади. Реал тизимда эса Ф. бошқа бир фокал сиртда жойлашиши мумкин.

ФОКУС (математикада) — 1) иккинчи тартибли эгри чизиқ (*эллипс, гипербола, парабола*) нинг фокуси ушбу эгри чизиқ текислигидаги шундай F нуқтаки, унда эгри чизиқдаги ҳар қандай нуқта б-н F орасидаги масофанинг директрисагача бўлган масофага нисбати ўзгармас ва бу нисбат эксцентриситетига тенг; Ф. иккинчи тартибли чизиқларнинг оптик хоссаларини ифодалашда муҳим ўрин тутадиган нуқта. «Ф.» терминини 1609 й. немис олими И.Кеплер киритган; 2) дифференциал тенгламалар назариясида Ф. дифференциал тенгламалар махсус нуқталарининг бир тури. Бу нуқтадан ўтувчи интеграл эгри чизиқлар ўрамлари сони чексиз бўлган спираллардан иборат.

ФОКУС МАСОФАСИ — оптик тизимнинг бош нуқтасидан унга мос *бош фокус*гача бўлган масофа. *Фокус* ва бош нуқта буюмлар фазосига тегишли бўлса, Ф.м. олд Ф.м. f дейилади, агар улар тасвирлар фазосига тегишли бўлса, Ф.м. орқа Ф.м. f' дейилади. Агар муҳитнинг синдириш кўрсаткичи буюмлар фазосида n, тасвирлар фазосида n' бўлса, у ҳолда $f/n' = f/n$. Агар оптик тизимнинг иккала томонида айнан бир муҳит бўлса, $f' = f$. Ф.м. — оптик тизимнинг муҳим характеристикасидир.

ФОЛАТ КИСЛОТА (лот. folium — варақ) — қ. *Витаминлар*.

ФОЛКЛЕНД (МАЛЬВИН) ОРОЛЛАРИ — Атлантика океанининг жан.-ғарбий қисмидаги архипелаг, Аргентина қирғоқлари яқинида. Буюк Британия мулки. Майд. 12,2 минг км². 2 йирик орол — Шарқий (Соледад) ва Ғарбий Фолкленд (Гран-Мальвин) о.ларидан ва 200 га яқин майда орол ва қоялардан иборат. Ороллар, асосан, метаморфик ва чўкинди жинслардан тузилган. Энг баланд жойи 706 м. Иқлими совуқроқ океан иқлими. Йиллик ёғин 600—700 мм, кучли шамоллар эсади, тез-тез туман тушади. Ўтлоқ ва бутазорлар, торфли ботқоқликлар бор. Денгиз паррандаси кўп. Балиқ ва денгиз ҳайвонлари овланади, қўйчилик ривожланган. Маъмурий маркази — Порт-Стэнли. Ф. о.га европаликлардан биринчи бўлиб инглиз денгизчи сайёҳи Ж. Дэйвис 1592 й.да етиб борган. 1765 й.дан Испания мулки. 19-а.нинг 20-й.ларида ороллар Аргентина назорати остига ўтди. 1833 й.да инглизлар босиб олди. Аргентина ороллари ўз ҳудудининг таркибий қисми деб ҳисоблаб, ороллар устидан Британия суверенитетини тан олмайди. 1982 й.ги Аргентина б-н Буюк Британия ўртасидаги қуролли тўқнашувдан сўнг инглизлар ороллар мулкчилик мақомини ўрнатди. 1995 й.да Аргентина б-н Буюк Британия ўртасида орол ҳудудида жойлашган нефть-газ конларини биргаликда ўзлаштириш ва қазиб олиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида декларация имзоланди.

ФОЛКНЕР (Faulkner) Уильям (1897.25.9, Нью-Олбани — 1962.6.7, Оксфорд, Миссисипи штати) — америкалик ёзувчи. 20-а. жаҳон адабиёти классикларидан. 1-жаҳон уруши йиллари (1914—18)да Канада авиациясида хизмат қилган, лекин ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаган. Миссисипи университетида ўқиган (1919). 1920 й. ун-тни ташлаб, Нью-Йоркка кетган. У ердаги китоб дўконида сотувчилик қилган. Бир оз вақтдан сўнг Оксфордга қайтиб, ун-тда почтачи бўлиб ишлаган. 1925 й. Нью-Орлеанга келган. Шундан кейин Ф.нинг «Аскар мукофоти» (1926) ва «Чивинлар» (1927) романи чоп этилган, бироқ бу асарлар муваффақият қозонмаган. Ф. умидсизланмай, «Сарторис» (1929) романини ёзган. Асар воқеалари Америка жанубида жойлашган хаёлий Йокнапатофа шаҳрида кечади. Ушбу роман танқидчилар эътиборини тортган бўлишига қарамай, Ф. «Шовқин ва ғазаб» (1929) романидан кейингина тан олинган. «Ўлим тўшагида» (1930) романи 59 та ички монологдан иборат. «Иболатхона» (1931) асари гангстер томонидан тўрланган аёлнинг фоҳишахонадан бошпана топиши ҳақида ҳикоя қилади. Роман тез орада машҳур бўлиб кетган. «Август ёғдуси» (1932) романида ирқчилик ва пуританлик принципларининг салбий оқибатлари очиб ташланган. «Авессалом, Авессалом» (1936) романида жанубда плантаторларнинг «янги династия» сини яратиш учун бўлган ҳаракатларининг оқибатсизлиги кўрсатилган. Ф. «Қишлоқча» (1940), «Шаҳар» (1957), «Кўрғонча» трилогияси, «Бу, ўн учлар» (1931), «Кел, Мусо» (1942) ҳикоя ва новеллалар тўпламлари муаллифи. «Танланган асарлар» тўплами чоп этилгач, Ф. асарларига қизиқиш бирмунча ошган. 1962 й.да сўнгги романи — «Олибқочарлар»ни ёза бошлаган. Аммо асар тугалланмаган. Нобель мукофоти лауреати (1949).

ФОЛЛИКУЛАЛАР (лот. folliculus — халтача) — ҳайвонларнинг турли органларида жойлашган юмшоқ, овал ёки ноксимон кўп қаватли ковак тузилмалар; ҳар хил функцияни бажаради. Сут эмизувчилар тухумдонидаги Ф.да тухум ҳужайра етилади. Қалқонсимон без Ф.ида тиреоид гормонлар синтезланиши учун зарур бўлган секрет ишлаб чиқарилади. Соч фолликуласи (соч халтаси) та ёғ безларининг чиқариш йўли очилади. Овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, айириш органлари шилимшиқ қаватларида жуда кўп Ф. жойлашган.

ФОЛЛИКУЛИН (Folliculinum), эстрон — аёллар жинсий гормони. Ҳомиладор аёллар ёки бўтоз ҳайвонлар сийдигидан олинади. Сувда эримайдиган, эфирда, ацетонда ва ёғда яхши эрийдиган кристалл модда. Тухумдонлар функцияси етишмовчилигида, аёллар жинсий аъзолари етарли ривожланмаганида, аменореяда буюрилади. Ёғли эритма ҳолида ампулаларда 1 мл дан чиқарилади.

ФОЛЛИКУЛИТ — қ. *Сизғонич.*

ФОЛЬГА (лот. folum — варақ) — қ. *Зарқоғоз.*

ФОЛЬКЛОР (инг. folk — халқ, lore — билим, донолик) — халқ ижодини ифодаловчи термин. Фанга 1846 й.да инглиз археологи У.Ж.Томс олиб кирган. 1880—90 йилларда «Ф.» термини кўплаб мамлакатларда, жумладан, Россияда ҳам қўллана бошлаган. Ўзбекистонда дастлаб, «оғзаки адабиёт», «оғиз адабиёти» атамалари қўлланган. «Ф.» термини 30-й.ларнинг ўрталаридан ишлатила бошлаган. 1939 й.да Ҳоди Зарифнинг «Ўзбек фольклори» хрестоматияси нашр этилгач, бу термин ўзбек фольклоршунослигида мустаҳкам ўрин олди (қ. *Халқ ижоди, Фольклоршунослик*).

ФОЛЬКЛОРИЗМ — ёзма адабиётда қўлланган оғзаки поэтик ижод материали. Илмий адабиётларда Ф. «иккинчи шакл» (К.Чистов) атамаси б-н ҳам юритилади. Ёзма адабиётда муаллиф ёки персонаж нутқида қўлланган халқ мақоллари, матал ҳамда иборалар олдин Ф. саналади. Ижодкорнинг фольклорга хос тасвир услубига эргашиши, фольклор материалидан ўз асарида фойдаланиши, фольклорга мансуб сюжет ёки мотивни асарига олиб кириши ва б. мураккаб Ф. ҳисобланади. Асқад Мухторнинг «Чинор», Туроб Тўланнинг «Суюк момо», Эркин Воҳидовнинг «Руҳлар исёни», Абдулла Ориповнинг «Қасам дара», Ўткир Хошимовнинг «Парвона кули» каби асарларида Ф.нинг ёрқин намуналари бор. Ф.лар маданий ҳаёт ривожининг ҳоз. босқичида адабиёт ва санъатнинг гоявий-бадиий жиҳатдан ўзлуксиз тараққиётини таъминловчи боғ омилга айланди.

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК — *халқ ижоди* ҳақидаги фан. Ф. турли даврларда ва турли мамлакатларда этнография, адабиётшунослик, мусиқашунослик, антропология ва социологиянинг бир қисми сифатида қаралиб келган. Кейинчалик халқ санъатини (халқ оғзаки ижоди, мусиқа фольклори, рақси, театри, цирки каби) ўрганувчи мустақил ва махсус фан сифатида ривожланади. Филология ва санъатшунослик фанлари б-н узвий боғлиқдир. Ф.нинг асослари қад. дунё эстетик тафаккурига бориб тақалади. Қад. дунё сайёҳлари ва тарихчиларининг афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимлар ҳақидаги қайдлари, ёзувчи ва бастакорларнинг фольклор тўғрисидаги дастлабки фикрлари Ф. учун муҳимдир. Туркий халқларда фольклор материалларини ёзиб олиш бўйича дастлабки тажрибалар 11-а.дан бошлаб кўзга ташланади (*Маҳмуд Кошғарий*нинг «Девону луғотит турк» асаридаги фольклор материаллари). Шу б-н бирга, ёзувчи ва шоирлар томонидан эртаклар, мифлар, афсона ва ривоятларни қайта ишлаш жараёни ҳам бошланди. 18-а. ва 19-а. бошларида фольклорга нисбатан илмий қизиқишнинг кучайиши, халқ оғзаки ижоди материалларини тўплаш ва нашр этиш жадал ривожланишни ё-и боғлиқ ҳолда уни чиқакамига ўрганиш бошланди. Натижада Европа ва Россия фольклоршунослигида турли назариялар, мактаблар юзага келди. Шундан мактаблардан бири — мифологик мактаб бўлиб, фольклор жанрларининг юзага келишини қад. мифларга боғланди. Мазҳабпарварлар эса, фольклорнинг демократик ва синкретик характерини, унлаги умуминсоний ва миллий хусусиятлар бирлигини ўрганишга алоҳида эътибор бердилар.

19-а. ўрталаридан бошлаб фольклорни илмий принциплар асосида тўплаш ва нашр этишнинг янада кучайиши Ф.да янги йўналиш — «сайёр сюжетлар» назариясини юзага келтирди. Бу назария тарафдорлари ўхшаш сюжет, мотив ва образлардаги мураккаб жараёнларни ҳисобга олмай, уларни бир халқдан иккинчи халқнинг шунчаки ўзлаштириши, деб талқин қилдилар. Антропологик мактаб тарафдорлари эса, халқ ижодидаги ўхшаш ҳолисаларни турли миллат ва ирқларнинг умумийлиги б-н изоҳламоқчи бўлдилар. Ижтимоий ҳолисаларни бундай биологик қонунлар асосида тушунтиришга уринишга ҳоз. замон Ф.да турли-туман оқимларни (фрейдизм, неомифологизм ва б.) юзага келтирди. Фольклорни халқ тарихи б-н боғлиқ ҳолда ўрганишда тарихий мактаб вакиллари катта ишлар қилдилар. Фольклор асарлари сюжетларининг тарихий-географик тарқалиш *ареал*ини белгилаш, уларни таснифлаш, систематика солиш ва каталоглаштиришда фин мактаби вакиллари ҳам бирмунча ютуқларга эришдилар.

Ҳоз. пайтда дунёнинг деярли барча мамлакатларидаги тегишли ин-тларда фольклор секторлари мавжуд. Шунингдек, турли мамлакатларда халқаро ёки муайян минтақа бўйича ҳар хил жамиятлар ҳам бор. Мас., ЮНЕСКО ҳузуридаги Этнология ва фольклор халқаро жамияти, Халқ мусиқаси халқаро кенгаши, Фольклор ўртоқлик жамияти каби лар шундай илмий ташкилотлардир.

Ўзбек фольклори намуналарини тўплаш ва нашр этиш ишлари 19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб ахён-ахёнда кўзга ташланиб турса-да (Ҳ.Вамбери, Н.П.Остроумов тўпламлари, «Ҳикояти Гўрўғли султон», «Юсуф б-н Аҳмад» каби нашрлар), уни чинакамига тўплаш ва нашр этиш ишлари 1919 й.дан йўлга қўйила бошланди. Янгича йўналишда шаклана бошлаган ўзбек Ф.нинг дастлабки босқичи (1918—25й.лар) ўша давр шарқшунослиги ва ўлкашунослиги эришган ютуқларини изчиллик б-н ўзлаштиришга интилиш, фольклор материалларини жадал жамлаш, халқ ҳаёти ва маиший турмушининг барча томонларига кириб боришга уриниш ё-и ажралиб туради. Бунда Ғози Олим, Ғулом Зафарий ва Элбекларининг фаолиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. 20-й.ларнинг 2-ярмидан бошлаб яна ҳам жиддий ютуқлар қўлга киритилди. *Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан* шоир каби атоқли достончилар аниқланди. Улар ижросида биринчи марта эпик асарлар ёзиб олина бошлади, халқ санъатўла ёзиб олина бошлади, халқ санъатўла ёзиб олина бошлади, аткорларига ижодкор сифатида қараб, оригинал кузатишлар олиб борилди. Бу ишда ўзбек фольклоршунослиги ўзининг мустаҳкам илмий йўналишига эга бўлди, унинг асоси яратила бошлади.

30-й.ларда Ф.га Б.Каримов, Ш.Разжабов, М.Афзалов, М.Аловия, З.Ҳусанова каби фольклоршунослар келиб қўшилдилар. Фольклорни тўплаш ва ўрганишга, бир қанча эпик асарлар ҳамда халқ ижоди намуналарини нашр этишга алоҳида эътибор берилди, фольклор бўйича хрестоматия ва ўқув қўлланмалари тузилди. Бу даврда халқ театри, рақси ва томоша санъати (цирки)ни ўрганиш бошланди. Ғ.Зафарий, А.Қодирий, М.Гаврилов, А.Боровков, А.Троицкая ва б. бу соҳада самарали ижод қилдилар. Мусиқа халқ санъатини ўрганишда эса В.Успенский, Е.Романовская, Н.Миронов, Илёс Акбаров, Юнус Ражабий ва б.нинг ҳиссалари катта (қ. *Мусиқа, Мусиқашунослик*).

2-жаҳон уруши йилларида жангчиларни ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи фольклор асарларига катта аҳамият берилганлиги бу давр Ф.нинг муҳим хусусиятидир. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовларнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китоби яратилди ва Москвада нашр этилди (1947, муфассал тилида ҳам босилиб чиқди).

60-й.ларнинг охирларидан бошлаб, хусусан, мустақиллик йилларида фольклористик ишларнинг миқёслари янада кенгайди, экспедициялар уюштириш доимий равишда йўлга қўйилди, нисбатан йирик, миқёсан кенг, фундаментал ишларни яратишга интилиш кучайди. Фольклорнинг турли жанрларига бағишланган монографияларнинг яратилиши, «Ўзбек фольклори очерклари», «Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» номида туркум тўпламларнинг юзага келиши, «Ўзбек халқ ижоди», «Булбул тароналари», «Алпомиш» достонининг академик нашри каби улкан нашрларнинг амалга оширилиши бунга ёрқин мисолдир. Бу ишларни амалга оширишда Ҳ.Раззоқов, Т.Ғозибоев, О.Собиров, Ж.Қобулниёзов, М.Саидов, М.Муродов, А.Қаххоров, Х.Эгамов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Ғ.Жалолов, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, С.Рўзимбоев, М.Жўраев, А.Мусақулов каби фольклоршуносларнинг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлди. Санъатшунос олимлар Ф.Кароматов, М.Қодиров, Р.Абдуллаевлар Ўзбекистонда мусиқа ва театр Ф.нинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ад.: Азадовский М.К., История русской фольклористики, т. 1—2, М., 1958—1963; Музыкальная фольклористика в Узбекистане, Т., 1963; Земляновa Л.М., Современная американская фольклористика, М., 1975; Ҳоди Зариф, Ўзбек фольклористикаси тарихидан // Ўзбек фольклори масалалари, Т., 1970; Мирзаев Т., Ҳоди Зариф, Т., 1967; Қодирова М., Музайина Аловия, Т., 1968.

Тўра Мирзаев

«ФОЛЬКСВАГЕН АГ» («Volkswagen AG») — немис автомобиль концерни. Енгил, юк ташийдиган автомобиллар ва кичик автобуслар ишлаб чиқаради. Бош бошқарув идораси ва асосий корхоналари Вельфсбург ш.да жойлашган. Асосчиси машҳур немис конструктори (жаҳонга маълум «Porsche AG» автомобиль компанияси асосчиси) Фердинанд Порше, 1934 й. Германиянинг миллий — социалист ҳукуматидан замонавий енгил автомобиль н.ч. бўйича буюртма олган. 1937 й.да «Фольксваген», яъни «халқ автомобили» деган ном олган енгил автомобилларни ишлаб чиқарган. 2-жаҳон урушидан кейин 1945 й.нинг кузидан Вельфсбург ш.даги з-дда автомобилларни н.ч. йўлга қўйилди ва шу йили Англия ҳукумати 20 минг дона автомобиль н.ч.га буюртма берди. 1949 й.дан бошлаб кабриолет ва лимузин тоифасидаги янги моделлар ишлаб чиқарила бошланди. 1953 й. Бразилияда, 1956 й. ЖАР да, 1957 й. Австралияда, 1964 й. Мексикада ва б. мамлакатларда филиаллар ташкил этилди.

«Ф.» дунёнинг 15 та мамлакатида ўзининг з-длари бўлган, бешта савдо маркаси б-н (Volkswagen, Audi, Skoda, Seat, Ролле—Ройс) автомобиллар ишлаб чиқарадиган, сотув ҳажми бўйича жаҳонда етакчи концерн ҳисобланади. «Ф.» таркибига «Volkswagen AG», «Audi AG», «Seat C.A.», «Шкода аутомобилова», «Фольксваген — Саксония Гмбх» фирмалари киради.

Сайир Салимов

ФОМА АКВИНСКИЙ (Фома Аквинат; Thomas Aguinas; 1225 ёки 1226, Акуино яқинидаги Роккасекка қалъаси — 1274.7.3, Жанубий Италия, Фоссануова монастири) — ўрта аср файласуфи ва схоласт-теолог, *томизм* асосчиси. 1244 й.дан доминикочилар ордени монахи. 1257 йили д-рлик даражасини олган. Ф.А.нинг объектив-идеалистик фалсафий тизими дин ва ақл уйғунлиги тамойилига асосланган бўлиб, *Аристотель* таълимотини илоҳий жиҳатдан талқин қилиш натижасида вужудга келган. Ф.А. табиий борлиқнинг ва инсон ақл-идрокининг нисбий мустақиллигини эътироф қилиб (табиий ҳуқуқ концепцияси ва б.), табиат худонинг марҳаматида, ақл-идрок эътиқодда, фалсафий билиш ва табиий илоҳиёт эса ғайритабиий ваҳийда якунланади, деб ҳисоблаган. 1323 йили Ф.А. авлиёлар қаторига қўшилган, 1879 й. эса унинг таълимоти *католицизм*нинг бирдан бир чин фалсафаси деб эълон қилинган. Асосий асарлари: «Мажусийларга қарши тўплам» (1261—64), «Илоҳиёт тўплами» (1265—73) ва б. (яна қ. *Неотомизм*).

ФОМА СЛАВЯНИН (тахм. 760—823) — Кавказ ва араб халқлари қўллаб қувватлаган *Византия*даги оммавий қўзғолонлар раҳнамоси (тахм. 820). Константинополни қамал қилишда муваффақиятсизликка учраган, Фракияга чекинган. Византия ҳукумати томонидан қўлга олинган ва қатл этилган.

ФОМЕНКО Иван Иванович (1904.13.4, Самара — 1985.1.3, Тошкент) —пианиночи-концертмейстер, педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1967). Тошкент давлат мусиқа билим юртини тугатган (1931). 1920 й.дан Тошкентда. Дастлаб кинотеатрлар (овозсиз кино сеанслари)да, кейинчалик Ўзбек давлат эстрада ва цирк бирлашмасида (1924—36) пианиночи, Ўзбек давлат филармониясида концертмейстер (1936—72). Тошкент консерваториясида доцент (1972 й.дан). 2- жаҳон уруши даврида *Тамарахоним* ансамбли концертларида қатнашган. Ўзбек адабиёти ва санъати декадалари (Москва, 1937, 1951) иштирокчиси. Чет эл гастролларида бўлган.

ФОМОЗ — сабзавот экинларининг юқумли касаллиги. Phoma туркумига мансуб замбуруғлар қўзғатади. Карам (қўзғатувчиси — P. lingam), сабзи (қўзғатувчиси — P.rostrupii), картошка (қўзғатувчиси — P. solanicola), лавлаги (қўзғатувчиси — P. betae)нинг пояси, барги, илдизмеваларини зарарлайди. Ўсимлик пояси ва баргларида ботиқ қора доғлар пайдо бўлади, касаллик юққан илдизмевалар ва туганаклар (сабзи ва картошка) сақлаш пайтида чирийди, тўқималарида қўнғир ҳалқалар пайдо бўлади, истеъмолга яроқсиз ҳолга келади. Касаллик касалланган уруғлик, ўсимлик қолдиқлари, тупроқдан юқади.

Мевалар ва илдизмеваларни омборда сақлашда Phoma туркумига мансуб замбуруғлардан зарарланган: *1* — олма; *2* — лавлаги; *3* — ўрик; *4* — картошка; *5* — сабзи.

Кураш чоралари: уруғликни дорилаш; далада касалланган ўсимликларни юлиб ташлаш; минерал ўғитларни тўғри нисбатларда қўллаш, далани ўсимлик қолдиқларидан тозалаш; картошка, сабзи, карам ва б.ни сақлаш қоидаларига амал қилиш.

ФОН (юн. phone — товуш) — *товуш* баландлиги даражасининг бирлиги. Турли частотали товушлар ҳар хил баландликка эга бўлса-да, уларнинг интенсивлиги турлича бўлади. Товуш баландлиги частотаси 2000 Гц бўлган тоза тондаги товуш б-н таққосланиб баҳоланади. 1 Ф. — частотаси 1000 Гц, баландлиги бўйича тенг, интенсивлиги бўйича 1 децибелга фарқ қилувчи 2 та товушнинг баландликлар даражаси айирмаси.

ФОН — қ. *Замин*.

ФОН ТОҒЛАРИ — Помир-Олай системасидаги баланд тоғлар. Зарафшон ва Туркистон тизмалари оралиғида. Шим.дан Зарафшон водийси, ғарбдан Киштут дарёси водийси ва шарқдан Фондарёнинг чуқур дарасимон водийси б-н чегарадош. Энг баланд жойи Чимтарға тоғи (5489 м). Ф.т.да Искандаркўл бор. Ўртача баландликдаги қисмларида ўрмон, ўтлоқи дашт ландшафтлари асосий ўрин тутади. Баланд тоғлар альп ва субальп ўтлоқлари, чўққилари доимий қор ва музликлар б-н қопланган. Ён бағриларида қоя ва қурум кўп. Янв.нинг ўртача т-раси —10°,—15°; июлники 10—15°. Ёзги яйлов сифатида фойдаланилади. Ф.т.дан Тошкент—Душанба автомобиль йўли ўтган. Туристлар кўп келади.

ФОНАРЬ (юн. phanos — чироқ, машъал) — қ. *Фонус*.

ФОНВИЗИН Денис Иванович [1744.3(14).4 ёки 1745, Москва — 1792.1(12).12, Петербург] — рус ёзувчиси, маърифатпарвар. Рус ижтимоий комедиясининг яратувчиси. Москва ун-ти қошидаги гимназияда ўқиган (1755—62). Петербург Ташқи ишлар коллегиясида таржимон (1762). Н. И. Панин раҳбарлигидаги Ташқи ишлар коллегиясида котиб (1769). Ф. эркин фикрловчи ёш офицерлар гуруҳи б-н яқинлашган. Умумтаълим учун курашган, маърифатпарвар подшоҳ тарафдори бўлган. «Хизматкоримга мактубим» (1763—69) ҳажвий асари ҳамда «Бригадир» сатирик комедияси (1770 й. саҳналаштирилган)да дворянлар ахлоқи, уларнинг франпузпарастлиги ҳажв қилинган. 1777—78 й.лар Францияга саёҳат қилган. Шу саёҳат таассуротлари асосида ёзилган «Биринчи саёҳат хотиралари» (Н. Панинга хатлар, 1800) асари рус насрининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Ф. «Зарурий давлат қонунлари ҳақида мулоҳазалар» (1780) асарида чор Россияси давлат тартибларини танқид қилган. «Нодон» («Недоросль», 1783) комедияси рус реалистик театри, комедияси тараққиётига кучли таъсир этган. 1784 й. «Граф Никита Иванович Панин ҳаёти» асарини имзосиз, француз тилида нашр эттирган. «Каллисфен» қиссаси (1786, имзосиз) ҳам бор. 1789 й. ёза бошлаган автобиографик қиссаси тугалланмай қолган. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

ФОНД БИРЖАСИ — қимматли қоғозлар ва б. молиявий воситалар олди-сотди қилинадиган биржа; пул капитали ҳаракатига хизмат кўрсатадиган молия бозорининг дастакларидан бири. Бозор инфратузилмасининг муҳим бўғини. Қимматли қоғозлар (давлат облигациялари, корхоналар акция ва облигациялари, банк кредит билетлари, тижорат векселлари), валюта олди-сотдиси бўйича мунтазам ва ташкилий фаолият кўрсатади.

Ф.б.нинг асосий вазифалари: бўш турган пул ва қимматли қоғозларни жамғариш ва сотишни ташкил этиш орқали жамғарилган пул капиталини сафарбар этиш ва тўплаш; хусусий хўжалик субъектлари ва давлат инвестицияларини уларнинг қимматли қоғозлари харидини ташкил этиш йўли б-н молиялаштириш; қимматли қоғозларнинг юқори даражадаги ликвидлигини, яъни қимматли қоғоз эгалари учун нуқсонлардан техда пул маблағларига айланишини таъминлаш. Ҳуқуқий мақомига кўра, жаҳон амалиётида доимий давлат назоратида фаолият кўрсатадиган ёки ҳуқуқий, акциядорлик жамиятлари шаклидаги хусусий ва давлат капитали иштирокидаги аралаш Ф.б. турлари бор.

Ф.б. 16-а.да Ғарбий Европа мамлакатларида пайдо бўлган. Жаҳонда 150 дан ортиқ йирик Ф.б. бор (2003). Ўзбекистонда биринчи фонд биржалари 1991 й.дан бошлаб ташкил этила бошлади, лекин уларнинг кўпи кейинчалик ёпилди (қ. *«Тошкент» республика фонд биржаси*).

ФОНД БОЗОРИ, қимматли қоғозлар бозори — молия бозорининг *қимматли қоғозлар* эмиссияси ва уларнинг олди-сотдиси б-н шуғулланадиган соҳаси. Ф.б.нинг асосий вазифаси: инвестицияларни, яъни кенгайтирилган такрор и.ч.га ва техника равнақига зарур инвестиция маблағларини тўплаш ҳамда тақсимлаш; қимматли қоғозлар пакетларидан фойдаланган ҳолда мулк эгалигини ўзгартириш; қимматли қоғозлар олди-сотдиси йўли б-н бозорни қайта тақсимлаш; қимматли қоғозлар чиқариш ёрдамида давлат қарзини молиялаштириш ва б.

Ф.б. қатнашчилари капитал «истеъмолчилари» (эмитентлар) ва уни «тақдим этувчилар» (инвесторлар)дир. «Истеъмолчилар» давлат, маҳаллий ҳокимият органлари, йирик миллий ва халқаро компаниялар ҳисобланади. Инвесторлар эса институционал (қимматли қоғозлар б-н иш юритувчи ҳар хил молиявий кредит институтлари: тижорат ва инвестиция банклари, суғурта жамиятлари, пенсия фондлари ва б.) ва якка (хусусий шахслар, шу жумладан, венчур бизнеснинг унча катта бўлмаган корхона эгалари) гуруҳларга бўлинади.

Ф.б. ишлари унинг профессионал ходимлари: брокерлар (битимда ўз капитали б-н қатнашувчи воситачилар), бошқарувчилар (ишониб топширилган қимматли қоғозларни идора қиладиган шахслар), клиринглар (ўзаро мажбуриятларни аниқлаш б-н шуғулланувчи ташкилотлар), депозитарийлар (қимматли қоғозларни сақлаш бўйича хизмат кўрсатади); реестр юритувчилар (қиммат қоғозларни рўйхатдан ўтказиш ишини бажаради); савдо-сотиқни ташкил этувчилар (қимматли қоғозлар б-н битим тузишга ёрдам бериш хизматини бажаради); жобберлар (қимматли қоғозлар бозори конъюнктураси бўйича мутахассислар) орқали амалга оширилади. Улар б-н бирга қимматли қоғозлар бозорига банк хизматчилари, инвестиция фондлари ходимлари, шунингдек, молиявий бозор учун зарур бўлган қонунчилик ва назоратни таъминловчи давлат хизматчилари ва юристлар хизмат кўрсатади.

Ф.б. инфратузилмасини *фонд биржаси*, рўйхат (реестр)га олувчи муассасалар, депозитарийлар тизими ташкил этади.

Ф.б. қимматли қоғозларнинг келиб тушиш вақти ва усулига қараб бирламчи ва иккиламчи бозорларга ажратилади. Бирламчи бозор — Ф.б.нинг асоси ҳисобланади. Унда биринчи марта чиқарилаётган қимматли қоғозлар жойлаштирилади. Бирламчи бозорнинг асосий қатнашчилари қимматли қоғоз эмитентлари ва инвесторлардир. Инвестиция қилиш учун асосий ва айланма молиявий капитал харажатларига муҳтож бўлган эмитентлар Ф.б.да қимматли қоғозлар таклифини белгилайди. Ўз капиталини қўллаш учун фойдали соҳа излавчи инвесторлар қимматли қоғозларга талабни шакллантиради. Бирламчи бозорда вақтинча эркин пул маблағларини жалб этиш амалга оширилади. Лекин бирламчи бозор жамғармани фақат миллий иқтисодиёт кўламидагина кенгайтириш б-н чегараланмайди. Унда эркин пул маблағларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича тақсимланиши ҳам содир бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида қимматли қоғозлар келтирадиган даромад тақсимланиш мезони бўлиб хизмат қилади. Бу ҳолат эса эркин пул маблағлари энг кўп даромадни таъминловчи корхоналарга, хўжаликлар, тармоқлар ва соҳаларга йўналтирилади, деган маънони билдиради. Бирламчи бозор янги чиқарилган қимматли қоғозларнинг эмитентлар томонидан жойлаштирилишини назарда тутади. Шу б-н бирга *корпорациялар*, ҳокимиятлар, ўз-ўзини идора қилувчи маҳаллий органлар эмитентлар бўлишлари мумкин. Бундай эмитентлар гуруҳларининг бозордаги аҳамияти мамлакатдаги иқтисодиёт ҳолати ва унинг умумий тараққиёт даражаси б-н аниқланади. Кўпчилик мамлакатларнинг давлат бюджетидаги доимий тақчиллик қимматли қоғозлар бозорида давлатнинг муҳим роль ўйнашини таъминлайди. Якка ва институционал инвесторлар ҳам қимматли қоғозлар харидорлари бўлиши мумкин. Булар тижорат банклари, пенсия фондлари, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, ўзаро ёрдам фондлари ва ҳ.к.

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори — бирламчи бозорнинг зарурий қўшимчаси. Унда қимматли қоғозларнинг олибсотарлик шаклидаги айланмаси содир бўлади. Қимматли қоғозлар бўйича битимларнинг шаклига қараб уларни уюштирилган (биржали) ва уюштирилмаган (биржадан ташқаридаги ёки «кўча») бозорларига ажратиш мумкин. Уюштирилган бозорни фонд биржалари ташкил қилади. Қимматли қоғозлар б-н қилинадиган бошқа барча битимлар уюштирилмаган бозорда амалга ошади. Биржадан ташқари айланмадаги савдони мутахассислар — брокерлар ва дилерлик компаниялари олиб боради. Биржадан ташқари айланмада савдо жараёнларини бажарадиган ягона марказ йўқлиги туфайли олди-сотди битимлари телефон ва компьютер тармоқлари орқали бажарилади. Нарх-наволар биржадан ташқари айланмани тартибга солувчи қоида асосида келишиб белгиланади.

Ф.б. молия-кредит тизимининг таркибий қисми сифатида давлат бошқаруви объекти ҳисобланади. Унинг асосий мақсади инвесторлар манфаатини эмитентлар ва воситачилар томонидан қилинадиган ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишдир. Шу мақсадларда қимматли қоғозлар эмиссияси, уларнинг муомалада бўлиши ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари фаолиятини тартибга солувчи, шунингдек, мамлакатда амалда бўлган тегишли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилади, махсус маъмурий идоралар тузилади.

Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини бошқариш ва бўш турган пул маблағларни иқтисодиётга жалб қилишнинг самарали воситаси бўлган Ф.б.нинг шаклланиши 90-й.лар бошларига тўғри келади. 1993 й. 2 сент.да бу бозор фаолиятининг ҳуқуқий базаси бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» қонуни қабул қилинди.

Қисқа муддатларда Ф.б. инфратузилмасининг асосий муассасалари — 1994 й.да *«Тошкент» республика фонд биржаси* ўз фаолиятини бошлади. Республика Президентининг 1996 й. 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурида қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказини ташкил этиш тўғрисида» Фармонига кўра, республикада қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи ҳисобланадиган Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тузилди. 1999 й.да нақдсиз чиқарилган қимматли қоғозлар

ни сақлаш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларидаги давлат ҳиссаси (ҳуқуқи) ҳисобини юритадиган Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва 30 дан ортиқ иккинчи босқич депозитарийларини ўз ичига олган икки поғонали депозитарийлар тизими ташкил топди. Республика Ф.б.да брокерлар, дилерлар, бошқарувчи компаниялар, инвестиция фондлари, инвестиция маслаҳатчилари, реестр юритувчилар ва инвестиция компанияларидан иборат 300 дан ортиқ профессионал қатнашчилар фаолият юритади (2004). Улардан «Элсис клиринг» ҳисоб-китоб палатаси (1998) республикада бирламчи (уюшган) Ф.б. иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни самарали амалга оширишга кўмаклашади. *«Вақт» миллий депозитарийси* (1994) Ф.б.нинг йирик институти бўлиб, қимматли қоғозларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқлар ҳисобини олиб боради. «Давинком» («Давлат инвестиция компанияси», 1999) хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини инвесторларга сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ваколатли вакили ҳисобланади. 2000 й.да республикада инвестиция муассасаларининг миллий уюшмаси ташкил этилган. Унинг таркибида 45 дан ортиқ инвестиция муассасаси бор (2004).

Расулбек Саидов, Мурод Юнусматов.

ФОНДАРЁ, Фандарё — Тожикистондаги дарё. Зарафшон дарёсининг чап ирмоғи. Ҳисор тизмасининг шим. ён бағридан бошланадиган Ягнобдарё ва Искандардарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Уз. 24 км (Ягнобдарё бошланган жойдан 140 км), ҳавзасининг майд. 3230 км². Бутун оқими давомида Зарафшон тизмасини кесиб, шим. йўналишда дарё ва каньонлардан иборат тор водийда, шаршаралар ҳосил қилиб, катта ўзанда оқади. Ф. музликлар, қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Сувининг 38% март—июнь, 50% июль—сент., 12% окт.— фев. ойларига тўғри келади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 62 м³/сек. Ҳар 1 м³ сувда ўртача 400 г лойқа оқиб келади. Асосий ирмоғи — Пасруддарё. Ф. водийсидан Тошкент—Душанба автомобиль йўли ўтган.

ФОНЕМА (юн. phonema — товуш) — тил товуш қурилишининг маъноли бирликлар — *морфема*ларни таниб олиш ва фарқлаш учун хизмат қиладиган бирлиги; ўз навбатида, морфемаларнинг энг кичик таркибий қисми сифатида сўзларни ҳам ўзаро ажратади ва фарқлайди. У фақат сўз ва морфемалар таркибидагина муайян маънога, маъно фарқлаш хусусиятига эга бўлади. Мас., ўзбек тилида **к** Ф.си яқин тил орқа, портловчи жарангсиз ундош товуш бўлиб, чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли **ғ**, лаб-лаб, портловчи жарангли **б** Ф.ларидан фарқланади. Ф. қандайдир энг содда элемент эмас, чунки бир пайтнинг ўзида мавжуд бўладиган белгилардан иборатдир.

Ф.нинг белгилари фарқловчи (дифференциал) ва фарқламайдиган (интеграл) турларга бўлинади. Фарқловчи белгиларига кўра, Ф.лар оппозициялар (зидланишлар) ҳосил қилади. Ф.лар фарқланадиган позиция, яъни уни ўз артикуляцияси б-н аниқ талқин этиш учун қулай шароит кучли позиция; Ф. фарқланмайдиган, бошқа бир Ф. б-н мос тушиб қоладиган позиция, шароит кучсиз позиция деб аталади. Кучли позицияда Ф. морфема ва сўзларни фарқлаш вазифасига (семасиологик вазифага) эга бўлади, кучсиз позицияда эса Ф. бундай вазифага эга бўлмайди. Ўзбек тилида унлилар олдидан келган ундошлар кўпинча кучли позицияда (мас., бола, мола, қозон, дор, гул), сўз охиридаги жарангли ва жарангсиз Ф.лар кучсиз позицияда (тоб, суд, мақсад, буг, барг) бўлади. Кучсиз позицияда Ф.нинг вариантлари юзага чиқади, кучли позицияда эса унинг асосий кўриниши ўзининг барча фарқловчи белгилари б-н намоён бўлади. Тафовути, фарқи биргина Ф.га таянган морфема ва сўзлар жуфтида Ф. айниқса аниқ билинади (кўл—сўл, чол—чал—чўл). Ф.нинг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳам морфема ва сўзларни фарқлаши мумкин (дармон—армон, уни—унни).

Ф.нинг фарқловчи белгилари жуда хилма-хил, лекин ҳар бир тилда уларнинг тўплами чекланган бўлади. Мас., рус тилида ундошларнинг қаттиқлик—юмшоқлик белгиси фарқловчи белги ҳисобланса, ўзбек ва француз тилларида бу белги деярли аҳамиятсиз, яъни фарқловчи белги эмас. Муайян бир Ф.ни рўёбга чиқарувчи барча товушлар унинг аллофонлари (юн. allos — бошқа ва ...*фон*) дейилади. Улар Ф.нинг вариантлари ўлароқ унинг асосий кўринишига ўхшамаслиги мумкин.

Ҳоз. термин маъносидаги «Ф.» тушунчаси, шунингдек, фонология назарияси биринчи марта 19-а.нинг 70—80-й.ларида рус-поляк тилшуноси Бодуэн де Куртенэ томонидан ишлаб чиқилган. Ф. *фонология* ва *морфонология*нинг ўрганиш объектидир.

Ад.: Трубецкой Н. С., Основы фонологии, М., 1960; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм, Т., 1980; Реформатский А. А., Введение в языковедение, М., 1998.

Абдуваҳоб Мадвалиев, Ибодулла Мирзаев.

ФОНЕТИК ЎЗГАРИШЛАР, товуш ўзгаришлари, фонетик жараёнлар — нутқ жараёнида сўзнинг фонетик тузилишида, таркибида содир бўладиган ўзгаришлар. Нутқ жараёнида, талаффузда товушлар бошқача айтилиши, тушиб қолиши, баъзан эса товуш орттирилиши, бир товушнинг иккинчиси томонидан мослаштирилиши мумкин. Бундай Ф.ў. товушларнинг комбинатор-позицион (лот. combinare — қўшмоқ, бирлаштирмоқ ва positio — ҳолат, жойлашиш) ўзгаришлари дейилади. Комбинатор ўзгаришлар ёнма-ён товушларнинг ўзаро таъсирлашуви натижасида юзага келади ва уларга қуйидагилар киради: аккомодация (лот. accomodatio — мослашиш) — ёнма-ён турувчи 2 товуш (унли ва ундош товуш) артикуляциясининг қисман мослашиши, мувофиқ келиши. Мас., тил олди унлилари (а, э, и) тил орқа ундошлари (қ, ғ, х)нинг талаффуз этилишига мувофиқлашиб, орқага силжийди; *ассимиляция* (қ.), *диссимиляция* (қ.), *метатеза* (қ.), диэреза (юн. diairesis — ажралиш, бўлиниш) — муайян талаффуз шароити туфайли сўз таркибидаги товушнинг тушиб қолиши: настқам>насқам каби.

Сўз ўзагидаги ёки унга қўшилган қўшимчалар таркибидаги айрим товушларнинг маълум фонетик қуршов ёки позиция таъсирида талаффуз этилмаслиги натижасида содир бўладиган Ф.ў.га қуйидагилар киради: прокопа (юн. prokope) — сўз бошида унли ёки ундош товушнинг тушиб қолиши: йироқ>ироқ, йилон> илон каби; синкопа (юн. synkope — қисқартириш) — сўз ўртасидаги товушнинг тушиб қолиши: ўғил > ўғлим каби; апокопа (юн. apokope — тугалланмаган қисқартириш) — сўз охиридаги унли ёки ундошнинг ёхуд қўшма сўздаги 2-қисмнинг тушиб қолиши: баланд > балан, дўст > дўс; килограмм > кило, метрополитен > метро каби.

Товуш ёки таркибий қисмнинг тушиб қолишига олиб келадиган сабаблар қаторига фонацион энергияни тежаш, ихчамликка эришиш каби омиллар ҳам киради. Бунда қуйидаги Ф.ў.лар ҳам кузатилади: элизия (лот. elisio — сиқиш, сиқиб чиқариш) — унли б-н туговчи ва унли б-н бошланувчи 2 сўзнинг қўшилиши натижасида унли товушдан бирининг тушиб қолиши. Мас., ёза олади > ёзолади, айта олади > айтолади; сандҳи (санскритча sandhi — алоқа, боғланиш) — аналитик шаклларнинг ихчамлашуви натижасида содир бўладиган Ф.ў.: ишлар эди > ишларди; афереза (юн. aphaeresis) — олдинги сўзнинг охирги товуши таъсирида кейинги сўз бошидаги товушнинг тушиши: не учун > нечун каби; *гаплология*, мас., трагикокомедия > трагикомедия; синереза (юн. synеresis) — сўз ўртасида бир жойда келган икки унлининг бири кучсизланиб, нутқда тушиб қолиши: саодат > со:дат, маориф > мо:риф каби ва б.

Ўзбек тилига чет тиллардан кириб келган ўзлашма сўзларни туркий сўзларнинг анъанавий фонетик таркибига мослаштирилишида ҳам бир қатор Ф.ў. содир бўлади. Булар: *протеза* (қ.), эпентеза [юн. epenthesis — (товуш) орттириш, қўшиш] — сўз таркибида аслида бўлмаган товуш, ҳарф, бўғиннинг пайдо бўлиши: фикр > фикир, ҳукм — ҳуким; бригадир > бирғадир, трактор > тирактир; эпитеза (юн. epithesis) — сўз охирида муайян фонетик ёки морфологик таъсир остида шу сўзда аслида бўлмаган товушнинг ортиши: танк > танка, киоск > киоска каби.

Редукция (қ.) ҳам нутқда муайян фонеманинг кучсиз талаффуз этилиши ёки тушиб қолиши б-н боғлиқ Ф.ў.лардан биридир.

Ад.: Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм, Т., 1980; Реформатский А. А., Введение в языковедение, М., 1998; Жамолхонов Ҳ. А., Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм, Т., 2004.

Неъмат Маҳкамов.

ФОНЕТИКА (юн. phonetikos — товушга, товуш чиқаришга оид; товушли, овозли) — 1) тилшуносликнинг нутқ товушларининг ҳосил бўлиш усулларини ва акустик хусусиятларини; бўғин, нутқнинг пауза б-н ажралувчи қисмларини ўрганувчи бўлими. Шу б-н бирга, айрим тилшунослар Ф. доирасига товуш бирликларининг ёзувдаги ифодалари (графика) ва маъноли бирликларнинг ёзилиш қоидалари (имло)ни ҳам қўшиб, унинг ўрганиш объектини янада кенгайтирадилар (рус олими Л. В. Щерба). Ўзбек тилшунослигида Ф. доирасида, асосан, нутқ товушлари [уларнинг артикуляцион, акустик, перцептив (психофонетик) ва функционал томонлари] ва оҳанг (бўғин, синтагма, урғу ва б.) ўрганилади.

Нутқнинг товуш томони сегмент (лот. segmentum — қирқим, парча, бўлак) ва устсегмент (суперсегмент) бирликларга бўлинади. Сегмент бирликлар кетма-кет жойлашади (бир вақтнинг ўзида 2 та товушни талаффуз қилиб бўлмайди). Шунинг учун уларни силсилали ёки кетма-кет бирликлар дейиш мумкин. Устсегмент бирликларга урғу ва оҳанг (интонация) киради. Бу бирликлар сегмент бирликлар устига қўйилади ва уларга турлича тус беради.

Ҳар қандай нутқ товуши, аввало, нутқ аъзоларининг ҳаракати туфайли талаффуз этилади, яъни физиологик хусусиятга эга. Иккинчидан, у ҳавонинг маълум эластик жисмни тебранишидан ҳосил бўлади; демак, унинг акустик (физик) жиҳати бор. Учинчидан, муайян сўз ва морфеманинг маъно томони б-н товуш қобиғи биргаликда инсон онгида шаклланади, зеро инсон маълум товушлар мажмуини эшитиш б-н қабул қилар экан, ушбу мажму заминидаги маънони идрок этади, бу перцептив (психофонетик) хусусият саналади. Ва ниҳоят, энг муҳими, нутқ маълум вазифани бажаради, бинобарин, функционал қимматга эга. Нутқ товушлари юқоридаги хусусиятларига кўра турли нуқтаи назардан ўрганилиши мумкин. Ф. тилнинг товуш тизимини қайси жиҳатдан ўрганиши (мақсади) нуқтаи назаридан қуйидаги турларга бўлинади: умумий Ф.; тарихий (диахрон) Ф.; қиёсий Ф.; тасвирий (синхрон) Ф.; экспериментал Ф. Юқоридагилар б-н бирга хусусий Ф. ҳам ажратиладики, унда барча фонетик хусусиятлар аниқ бир тил мисолида ўрганилади.

Умумий Ф. барча тиллар учун умумий бўлган фонетик хусусиятларни (нутқ товушларининг ҳосил бўлиши, уларнинг универсал таснифи, товушларнинг бирикиш қонуниятлари, ёндош товушлардан бирининг иккинчисига таъсири ва б.ни) ўрганади. Умумий Ф. хусусий Ф. материалларига асосланади. Тарихий Ф. тилнинг фонетик тизимини тарихий тараққиётида, ривожланиш жараёнида ўрганади. Тасвирий Ф. эса муайян тил фонетик тизимининг ҳоз. ҳолатини ўрганади. Қиёсий Ф. икки тил фонетикасини, қариндош тиллар товуш тизимини бир-бирига қиёслаб ўрганади. Экспериментал Ф. нутқ товушларини, фонетик ҳодисаларни маълум техник воситалар ёрдамида ўрганади.

Нутқ товушларининг ҳосил бўлиш механизмини ўрганиш 17-а.да бошланган бўлиб, бу ҳол кар-соқовларни ўқитиш эҳтиёжидан келиб чиққан (испаниялик Х. П. Бонет, англиялик Ж. Уилкинс, нидерландиялик И. Амман асарлари). Тилнинг товуш томонини ҳар жиҳатдан лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш биринчи марта немис олими Э. Зиверснинг «Товуш физиологияси асослари» (1876, 2-нашри «Фонетика асослари» деб номланади, 1881) асарида кузатилади. Россияда умумий Ф.нинг ривожига И. А. Бодуэн де Куртенэ ва унинг шогирдлари В.А. Богородицкий ва Л. В. Щербалар ўз асарлари б-н муҳим ҳисса қўшдилар.

Ф. тилнинг бошқа соҳалари б-н боғлиқ, чунки товуш, урғу ва оҳангсиз бўғин, сўз, сўз бирикмаси ва гап бўлмайди. Шу туфайли Ф. лексика, морфология, синтаксис ва стилистика б-н боғлиқ тил босқичи деб қаралади. Ўзбек тили Ф.си ҳам чуқур ўрганилмоқда. Ўзбек тилининг тасвирий Ф.сини тадқиқ қилишда В. В. Решетов, Ш. Шоабдураҳмонов, Ф. Абдуллаев, А. Ғуломовлар; ўзбек тили Ф.сини 60-й.лар охиридан экспериментал ўрганишда А. Маҳмудов ва С. Отамирзаевалар; ўзбек тилининг тарихий Ф.сини ўрганишда Ф. Абдуллаев, Ғ. Абдураҳмонов, А. Рустамов, Қ. Маҳмудов, Ҳ. Неъматов, Э. Умаровларнинг хизматлари катта.

Ф. *фонология* б-н узвий боғлиқ. 2) маълум тилга хос товушларнинг акустик ва артикуляцион (физиологик) хусусиятлари, муайян тилнинг фонетик тузилиши. Мас., ўзбек тили фонетикаси.

Ад.: Матусевич М. И., Введение в общую фонетику, М., 1959; Решетов В. В., Узбекский язык, ч. 1. Введение. Фонетика, Т., 1959; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-ж., Т., 1966; Баскаков Н. А., Содиқов А. С., Абдуазизов А. А., Умумий тилшунослик, Т., 1979; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм, Т., 1980; Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика, М., 1984; Неъматов Ҳ., Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси, Т., 1994; Реформатский А. А., Введение в языковедение, М., 1998.

Абдуҳамид Нурмонов.

ФОНИЙ — қ. *Алишер Навоий.*

ФОНО..., ...ФОН (юн. phone — овоз, товуш) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ёки иккинчи қисми; шундай сўзларнинг товушга, овозга алоқадорлигини билдиради (мас., *фонограмма, фонотека; телефон, гидрофон, магнитофон*).

ФОНОГРАММА (юн. phone — товуш ва *грамма*) — махсус техник восита (фонограф, магнитофон, рақамли рекордер каби)лар ёрдамида ёзилган товуш садолари йиғиндиси. Тайёрланиш усули (механик, фото, электромагнит, электрон-рақамли ва б.)га кўра турли шаклларда намоён бўлади: *граммофон пластинкаси*, магнит тасма, кинотасма, трэк, электрон *файл* ва б. Ёзиш жараёни хусусиятларига биноан моно, стерео, квадро ва б. турлари ажратила

ди. Ф., одатда, махсус овоз ёзиш студияси ҳамда киностудияларда тайёрланади. Ф. юқори акустик сифатлари, энг яхши ижроларни танлаш ҳамда улардан узоқ муддат мобайнида фойдаланиш имкониятлари туфайли радио (1940-й.лар охири), телевидение (1950-й.лардан), оммабоп мусиқа маданияти (айниқса, *поп-мусиқа*)дан кенг ўрин олган.

Ўзбекистонда *овозли кино*, радио ва телевидение, грампластинкага овоз ёзиш (Тошкент грампластинка заводи, 1945) тизимлари ташкил топиши Ф. тайёрлаш жараёнига асос солди (овоз реж.лари А. Тимохин, Ю. Сальников ва б.). 1962 й.дан Н. Ҳасанов ташаббуси б-н стерео Ф.лар тайёрлана бошланди («Шашмақом» ёзувлари ва б.). Кейинчалик А. Тожиев, Р. Умарxўжаев, В. Гушчинлар ва кейинги йилларда «Мустақиллик», «Наврўз» каби давлат байрамлари, йирик шоу-концертлар учун сифатли Ф.ларни тайёрлашда И. Иосис, И. Миничлар алоҳида хизмат кўрсатдилар. Айни пайтда, Ўзбекистонда Ф.лар очиқ концерт ва турли маросимларда одат тусини олиб, жонли ижролар камайиб кетиши, мусиқий ижод жараёнига муайян (айниқса, Ғарб поп-мусиқасига оид) услубий қолипларнинг сингдирилишига сабаб бўлмоқда.

Муҳиддин Носиров.

ФОНОГРАФИК ЁЗУВ, фонография (фоно... — ... графия) — тилнинг фонетик тузилишини, товуш таркибини аниқроқ, тўлиқроқ акс эттирувчи ёзув тури; ёзув тарихида пиктографик (расмли) ва идеографик (сўз—тушунча) ёзувлардан кейинги босқичдаги ёзув. Ушбу ёзув белгилари (фонограммалар) сўзнинг товуш элементларини, яъни бўғин ва товушлар (фонемалар)ни ифодалайди; шунга қараб фонографиянинг 2 тури — *силлабик (бўғинли) ёзув* (қ.) ва *ҳарф—товуш ёзуви* (қ.) фарқланади. Силлабик ёзув намунаси сифатида ҳинд ёзуви — деванагарини, ҳарф—товуш ёзуви намунаси сифатида эса кириллица асосидаги ҳоз. ўзбек ёзувини кўрсатиш мумкин.

ФОНОЛОГИЯ (*фоно...* ва *...логия*) — тилшуносликнинг тил товуш қурилишининг структуравий (тузилмавий) ва функционал (вазифавий) қонуниятларини, тилнинг энг майда, маъно билдирмайдиган бирликлари — бўғинлар, фонемаларнинг тузилиши ва амалда қўлланишини ўрганувчи бўлими. Ф.нинг фонетикадан фарқи шундаки, унинг диққат марказида физик ҳодиса сифатидаги товушларнинг ўзини эмас, балки уларнинг нутқда янада мураккаброқ маъноли бирликлар — морфемалар, сўзларнинг таркибий қисми сифатида бажарадиган вазифасини ўрганиш турали. Шу туфайли Ф.ни баъзан функционал фонетика деб ҳам атаганлар. Рус-чех тилшуноси Н. С. Трубецкойнинг аниқлашича, Ф. б-н фонетика ўртасидаги ўзаро муносабат шундан иборатки, ҳар қандай фонологик тавсифнинг ибтидоси маъно фарқловчи товушлар зиддиятларини аниқлашдир; фонетик тавсиф эса бошланғич нуқта ва моддий асос сифатида қабул қилинади.

Ф.нинг асосий бирлиги — фонема, асосий тадқиқот объекти — фонемаларнинг зидланишлари (оппозициялари) бўлиб, бу оппозициялар бир бутун ҳолда тилнинг фонологик тизимини ҳосил қилади. Муайян ўринда бир фонеманинг иккинчисига қарама-қарши қўйилишини намоён этувчи сўзлар (бур-бор-бир каби) квазиомонимлар (сохта омонимлар) дейилади. Одатда, тилдаги фонемалар сони квазиомонимлар ёрдамида аниқланади ва бунда бир йўла бир фонемани иккинчисига қарама-қарши қўйиш орқали уларнинг фарқланиш элементлари тасниф этилади. Мас., **тол-сол** сўзларидаги икки фонема — **т** ва **с** портловчи-сирғалувчи фарқланиш элементларига эга. Уларнинг ҳар иккиси ҳам тил олди, жарангсиз, шовқинли ундошлардир ва бу белгилари фарқланмовчи элементлар дейилади. Демак, фонема тилда ўз вазифасини фонологик жиҳатдан фарқланувчи ва фарқланмовчи элементлар орқали бажаради.

Ф. замонавий маънодаги мустақил тилшунослик фани сифатида 20-а.нинг 20—30-й.ларида шаклланди; унинг яратувчилари Н. С. Трубецкой, рус-швейцар олими С.О.Карцевский, рус-америка тилшуноси Р.С. Якобсонлар бўлиб, улар 1928 й. Гаагада бўлиб ўтган Тилшуносларнинг 1-халқаро конгрессида Ф.нинг асосий ғояларини баён этганлар. Н. С. Трубецкойнинг «Фонология асослари» (1939) китоби Ф. тараққиётидаги энг муҳим босқич бўлган. Ф. пайдо бўлишининг илк асослари 19-а. охирларида немис олими И. Винтелер ва инглиз олими Г. Суит асарларида, умумназарий жиҳатлари кейинчалик Ф. де *Соссюр* тадқиқотларида шаклланган. Айниқса, Ф.нинг ривожланиш асосларини яратишга рус-поляк тилшуноси И. А. Бодуэн де Куртенэ катта ҳисса қўшди: фонема ғояси ва унинг принциплари илк марта унинг асарларида ишлаб чиқилган. Бодуэн де Куртенэ тадқиқотлари негизида Ленинград ва Москва фонологик мактаблари шаклланди (ўзбек тилшуносларининг фонологик тадқиқотлари ҳам асосан ана шу мактаблар таъсирида яратилган). Ҳоз. кунда мазкур мактабларнинг фонологик назарияларидан ташқари Европа ва АҚШда яна 10 га яқин фонологик назариялар яратилган.

Ўзбек тили Ф.сини ўрганишда Е.Д. *Поливанов*, В. В. *Решетов*, А. Нурмонов, А. Абдуазизов ва б.ларнинг илмий ишлари айниқса аҳамиятлидир.

Ф. ҳам фонетика каби умумий Ф., хусусий Ф., тарихий (диахроник) Ф. ва тасвирий (синхроник) Ф.га бўлинади. Умумий Ф. фонеманинг моҳияти, фонемалар ўртасидаги ҳамда фонема ва товуш ўртасидаги муносабатларни, фонеманинг морфема ва сўзга бўлган поғонали муносабатини ўрганади; тилнинг фонологик (фонематик) таркибини аниқлашнинг методлари ва тамойилларини белгилайди. Хусусий Ф., умумий Ф.нинг методлари ва тамойилларига асосланган ҳолда, у ёки бу тилнинг фонологик тизимини ўрганади; ўз навбатида, умумий Ф.га материал беради. Тарихий Ф. маълум бир тил фонологик тизимининг тарихий тараққиётини, тасвирий Ф. эса тарихий тараққиёт жараёнидаги муайян бир даврнинг фонологик тизимини ўрганади.

Ад.: Трубецкой Н. М., Основы фонологии, пер. с нем., М., 1960; Зиндер Л. Р., Общая фонетика, Л., 1960; Поливанов Е. Д., Статьи по общему языкознанию, М., 1968; Реформатский А. А., Из истории отечественной фонологии, М., 1970; Баскаков Н. А., Содиқов А. С., Абдуазизов А. А., Умумий тилшунослик, Т., 1979; Нурмонов А. Н., Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси, Т., 1990; Абдуазизов А. А., Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси, Т., 1992.

Абдуҳамид Нурмонов.

ФОНОН (юн. phone — товуш) — кристалл панжара тебранишлари майдонининг кванти. Кристалл атомларининг тебранишлари ўзаро таъсир натижасида тўлқин шаклида тарқалади. Ҳар бир шундай тўлқинга квазизарра — Ф.ни мос қўйиш мумкин. Ф.нинг энергияси $\varepsilon = \hbar\omega$, квазиимпульси $\vec{p} = \hbar\vec{k}$, бунда $\hbar$ — Планк доимийси, ω — тўлқин частотаси, k — квазитўлқин сони. Ф. бозон бўлиб, *Бозе — Эйнштейн статистикаси*га бўйсунади. Барча қаттиқ жисмлардаги Ф.лар сони $N_ф$ т-ра T га боғлиқ; $T \to 0$ да $N_ф \sim T^3$ ва $T >> \theta_D$ да $N_ф \sim T$ (θ_D — Дебай т-раси). Ф.лар бир-бири б-н ва б. квазизарралар (ўтказувчанлик электронлари, магнонлар ва ҳ.к.) ва кристаллнинг стационар дефектлари б-н таъсирлашади. Кристалларнинг иссиқликдан кенгайиши ва ҳ.к. шу таъсир туфайли бўлади. Хусусан, ўта ўтказувчанлик электрон — фонон ўзаро таъсир б-н тушунтирилади.

«ФОНОН» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ — заргарлик саноати корхонаси. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида фаолият кўрсатади. Олтин ва кумушдан ясалган заргарлик буюмлари, қимматбаҳо уй-рўзғор идишлари, Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари, қимматбаҳо тангалари ва оптик ҳамда лазер кристаллари ишлаб чиқаради. Таркибида 1-сонли з-д (Тошкент заргарлик заводи), 3-сонли з-д, 4-сонли з-д ва қуйма корхоналар («Кумуш», «Uzbek Jewellery») ҳамда илмий марказ бор. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 й. 6 майдаги қарори асосида Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида акад. М. Х. *Ашуров* раҳбарлигида лаб.да олиб борилган илмий изланишларни и.ч.га жорий этиш асосида ташкил этилган. 1992 й.дан мустақил иш фаолиятини бошлаган бирлашма Ўзбекистонда заргарлик саноатини ривожлантиришда салмоқли ўринга эга. Бирлашманинг Илмий марказида халқаро грантлар ҳисобига муҳим йўналишларда илмий изланишлар олиб борилади. Ҳоз. ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади.

ФОНОТЕКА (*фон...* ва юн. theke — нарсалар сақланадиган жой), фонограмархив — муайян тартибда сақланадиган овоз (мусиқали, адабий, ҳужжатли, махсус ўқув ва б.) ёзувлари (*фонограммалар*) тўплами, овоз ёзувларини тўпловчи, қайта ишловчи, сақловчи муассаса. Европада 19-а. охири —20-а. бошида юзага келган (Австрия ФА Ф.си, 1899; Берлин психология ин-ти Ф.си, 1900 ва б.). Универсал ҳамда ихтисослаштирилган (мас., киностудиялардаги) Ф.лар мавжуд. Олий, ўрта махсус (айниқса, мусиқа, театр, педагогика ва б.) ўқув юртларида ўқув Ф.лар кенг тарқалган. Ўзбекистон Ўзтелерадиокомпаниясининг Радио уйи, Санъатшунослик и.т. ин-ти, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон миллий кутубхонаси ва б.да йирик Ф.лар мавжуд.

ФОНТАН (итал. fontana, лот. fong — булоқ) — қ. *Фаввора*.

ФОНУС, фонарь — 1) қўлда кўтариб юриладиган (ичига чироқ ёки шам қўйиладиган), шамол ва ёғин-сочиндан муҳофаза қилинган, бирор жой (кўча, майдон)га ўрнатиладиган чироқ, қандил; 2) меъморликда бино томи қуббасидаги думалоқ ёки кўпқиррали ичкарини табиий ёритиш ва шамоллатиш учун хизмат қиладиган меъморий шакл. Дарбозий услуби Ф.ларнинг дастлабки кўринишидир (*Нисо*, *Панжакент*даги турар жой ва меҳмонхоналар реконструкциялари). Ф.лар, асосан, зал, гумбаз, минора чўққисига ишланади. Унинг содда кўринишлари *Парфенон*, Қад. Мисрнинг *гипостиль* заллари, Қад. Рим *базиликалари*да, *Пантеон*, *Жума масжид*, *Абулфазл мақбараси*, *София ибодатхонаси*, *Тўрабекхоним мақбараси* гумбаз гардишидаги дарчалар қаторида учрайди. Бухородаги Абдуллахон мадрасаси Ф.нинг 8 туйнугидан тушаётган ёруғлик икки қаватли ҳужраларни ёритиб туради. Замонавий меъморликда хона (зал)ларни тепадан ойнаванд Ф.лар орқали ёритиш кенг тарқалган (Тошкентдаги Ўзбек миллий академик драма театри, банк бинолари ва б.).

ФОНУС ХАЁЛ — ўзбек халқ қўғирчоқ театрининг тури. Навоийнинг «Ҳайрат-ул-аброр» достонида берилган ва б. маълумотларга қараганда, Ф.Х. 14—16 а.ларда яхши тараққий этган. Қўғирчоқлар чарм ёки тахтадан ясси қилиб ишланган, кийим-кечаклари тикиш ва ранг б-н белгиланган. Қўғирчоқлар дастўпларга ўрнатилган. Дастўпларни ҳаракатлантириш ва уларнинг бўғинларига боғланган ипларини тортиш орқали улар жонлантирилган. Томошалар кечқурун ва тунда бино ичида кўрсатилган. Улар юпқа оқ парда ортида, унга жуда яқин масофада (5—7 см) ҳаракатлантирилган. Қўғирчоқларнинг ортидан шамъ ўрнатилган ёки зиғир ёғи қуйилган бир неча фонуслар ёритиб турган. Натижада қўғирчоқларнинг акси пардага тушган. Ф.х. томошаларида қаҳрамонлик достонларининг сюжетлари акс эттирилган ва у кўпинча саройларда кўрсатилган.

Ад.: Қодиров М., Халқ қўғирчоқ театри, Т., 1972.

ФОРВАРД (инг. forward — олдиндан, олдинги) — валюта ёки бошқа турдаги битим тузилган вақтдан 2 иш куни ўтгач, бажариладиган ҳисоб-китоб амали. Одатда, Ф. битимлари банклар, савдо-саноат фирмалари томонидан нархлар, валюта курслари ўзгаришлари тебранишларидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларга йўл қўймаслик мақсадларида тузилади.

ФОРД (Ford) Генри (1863.30.7, Мичиган штати Дирборн яқинида — 1947.7.4) — америкалик саноатчи, АҚШ автомобилсозлик саноати асосчиларидан бири. 1879 й.дан Детройтда механик шогирди. 1893 й.дан «Эдисон иллюминейтинг компани», 1899—1902 й.ларда «Детройт автомобил компани» бош муҳандиси. 1892—93 й.ларда ўзининг биринчи 4 тактли ички ёнув двигателига эга бўлган (4 о.к.) автомобилини яратди. 1903 й.да «*Форд Мотор*» компаниясига асос солди. Кейинчалик бу компания жаҳондаги энг йирик автомобиль компанияларидан бирига айланди. Ўз з-дларида стандартлаштириш ва конвейер-поток усулини кенг қўллади, меҳнатни интенсивлаш орқали юқори меҳнат унумдорлигини таъминлашга эришди. Кейинчалик меҳнатни ташкил этишнинг Ф. қўллаган тизими ва унинг қарашлари тарихга фордизм номи б-н кирди. Меҳнатни ва и.ч.ни ташкил этиш тўғрисидаги ўз қарашлари ва тажрибаларини «Менинг ҳаётим ва ишим» (1922); «Бугун ва эрта» (1926); «Олға ҳаракат» (1930) китобларида баён этган. Асарлари 20-й.ларда рус тилига таржима қилинган.

Ад.: Лавров Н. С., Генри Форд и его производство, Л., 1926.

ФОРД (Ford) Жералд Рудолф (1913.14.7, Омаха, Небраска штати) — АҚШнинг 38-президенти (1974—77). Республикачилар партиясидан. 1973—74 й.ларда вице-президент. 1974 й. 9 авг. да Р. *Никсон* истеъфога чиқиши муносабати б-н АҚШ президенти бўлган. Ф. президентлиги даврида илгариги маъмуриятнинг ички ва ташқи сиёсатини давом эттирган. Ф. ҳукумати АҚШ нинг ҳарбий потенциалини кучайтиришга интилган, хусусан, 1975 й. АҚШ нинг Жан.-Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мавқеини оширишга қаратилган «Тинч океан доктринаси»ни эълон қилган. 1976 й.даги президентлик сайловларида мағлубиятга учраган.

«ФОРД МОТОР» — жаҳондаги энг йирик автомобиль компанияларидан бири. 1903 й.да АҚШ автомобиль саноати асосчиларидан бири, саноатчи Генри *Форд* томонидан ташкил этилган. Бошқарув идораси Мичиган штатининг Дирборн ш.да, энг катта з-ди Детройт ш.да жойлашган. Турли русумдаги енгил, юк автомобиллари, турли қ.х. техникаси (тракторлар) ишлаб чиқаради. «Ф.М.» даставвал ишни арзон автомобилларни и.ч.дан бошлади. «Ф.М.» да жаҳонда бирламчи бўлиб автомобилларни йиғишда стандартлаштириш ва конвейер усули қўлланилди. 8 соатлик иш вақти жорий қилинди. «Ф.М.» 20-а.нинг 90-й.лари охирига қадар янги з-длар қуриш, бошқа автомобиль компанияларини сотиб олиш ҳисобига кенгайди. «Ф.М.»да автомобилларнинг «Ford», «Lincoln», «Mercury», «Jaguar», «Aston Martin», «Mustang» каби 70 дан ортиқ моделлари яратилди ва ишлаб чиқарилди. 1996 й.га келиб «Ф.М.» конвейерларидан жами 250 миллион автомобиль чиқди. 1998 й.да компания енгил ва юк автомобиллари и.ч. ҳажми бўйича жаҳонда 2-ўринни эгаллади. «Ф.М.» АҚШдан ташқари дунёнинг 30 мамлакатида ўзининг и.ч., йиғув ва савдо марказларига, шунингдек, «Mazda Motor», «Kia Motors Corporation» компаниялари акцияларида улушга эга.

ФОРЁБ, Парёб, Барёб — ўрта асрларда Хуросонга мансуб вилоят ва шаҳар. Ф. ва фороб сўзларининг маъноси бир бўлиб «ҳайдалган, ишлов берилган ер» ёки «суғориладиган ер»ни англатган. *Гардизий*нинг ёзишича, сосонийлардан Феруз ибн Яздигард II (459—484 й.ларда ҳукмронлик қилган) асос солган. Араблар истилоси арафасида Ф. алоҳида мустақил мулк маркази бўлган. Унинг ҳокими Турсул деҳқон унвонига эга бўлган. 7-а.нинг 3-чорагида Ф.ни араблар эгаллаган. 8-а. бошида араблар Ф. вилоятидан 70 минг дирҳам миқдорида хирож солиғи, 820—827 й.ларда эса 55 минг дирҳам олганлар. Ф. аҳолиси Тохаристон халқларининг арабларга қарши қўзғолонларида бир неча бор қатнашган. Ф. вилоятини бошқарган араблар ноиби қароргоҳи Яҳудон ш. бўлган. 10-а.да Сомонийлар ва Фариғунийлар даврида Ф. шаҳри ва вилояти Гузғанон шоҳига тобе этилган. Ф. савдо-сотиқ ривож топган чиройли шаҳар бўлган. Ф.да минораси бўлмаган жоме масжиди бўлган, шаҳардаги ҳамма бинолар пахсадан қурилган, шаҳарда ҳунармандчиликнинг деярли барча турлари тараққий этган. 1220 й. Ф. шаҳри мўғуллар томонидан вайрон қилинган ва у 16-а.нинг 1-ярмида хароба ҳолга келган, сўнгра қайта тикланган. Ф. — ҳоз. Афғонистоннинг шим.-ғарбидаги кичик вилоят номи. Маркази — Давлатобод ш. Б. А. *Аҳмедов*нинг фикрича, Давлатобод яқинидаги Салуртепа ш. харобаси Ф.нинг қолдиқлари ҳисобланади. Давлатобод ш.нинг ўзи манбаларда 17-а. бошидан қайд этилган.

Ад.: Аҳмедов Б. А., История Балха, Т., 1982; Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ФОРЗАЦ (нем. Vorsats) — китобда блок (тартиб б-н тикилган варақлар) ва муқова орасига қўйиладиган қўшалоқ қалин қоғоз варақлари. Блокни муқова б-н бирлаштиради ва китобнинг четки варақларини кирланишдан асрайди, айни вақтда китобни безаш воситаси ҳам ҳисобланади. Тайёрланиш технологияси бўйича ёпиштирма, тикма ва қалама; безалишига кўра, оддий (ҳеч нарса босилмаган), мавзули (бирор мавзудаги матн ёки расм босилган) ва безак-орнаментал турларга бўлинади.

ФОРИНТ (венгерча forint, итал. forin — флорин) — Венгрия пул бирлиги. 1946 й. 1 авг.дан муомалага киритилган. 1 Ф.=100 филлер. Халқаро ифодаси HUF. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 281,55 Ф. (2003).

ФОРИШ ТУМАНИ — *Жиззах вилоятидаги* туман. 1935 й. 9 фев.да ташкил этилган. 1962 й.да Нурота ва Жиззах туманлари таркибига қўшиб юборилган. 1964 й.да қайта ташкил этилган. Ф.т. дастлаб Самарқанд, 1964 й. Сирдарё, 1974 й. Жиззах вилоятлари таркибига киритилган. Шим. ва шим.-шарқдан Қозоғистон, шарқдан Жиззах, Зафаробод, Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл туманлари, жан.дан Ғаллаорол тумани, ғарбдан Самарқанд, Навоий вилоятларининг Қўшработ, Нурота туманлари б-н чегарадош. Майд. 9,53 минг км². Аҳолиси 74,8 минг киши (2004).

Маҳаллий маълумотлар бўйича туман номига ўтган Фориш қишлоғининг номи Амир Темур Самарқанд атрофида қурдирмоқчи бўлган «Париж» ш. номидан олинган. Кейинроқ маҳаллий халқ шевасида бу атама Фариж, Фариш, Фориш деб ўзгариб борган деган, тахмин мавжуд.

Туманда 2 шаҳарча (Учқулоч, Янгиқишлоқ), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Арнасой, Гараша, Гулзор, Дарвоза, Омонгелди, Осмонсой, Ухум, Фориш, Эгизбулоқ, Қизилқум, Қораабдал) бор. Маркази — *Янгиқишлоқ* шаҳарчаси.

Табиати. Туман ҳудуди вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. Рельефи пастекислик, қир, адир ва Нурота, Пистали тоғларидан иборат. Нурота тизмаси шим.-шарқдан (230—250 м) жан.-ғарбга (1400—2000 м) кўтарила боради. Энг баланд жойи 2169 м (Заргар тоғидаги Ҳаётбоши чўққиси). Жан.-ғарбда Нурота тоғлари ва Қўйтош, Балиқлитов, Писталитоғ, Етимтоғ тизмалари жойлашган. Туманда Арнасой, Тузкон, Балиқли, Пистали кўллари ва Айдар ботиғи бор.

Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, қуруқ, қиши совуқ. Йиллик ўртача т-ра 14,5°, янв.нинг ўртача т-раси —1,5°, энг паст т-ра —32°, июлнинг ўртача т-раси 29,5°, энг юқори т-ра 46°. Йилига ўртача 340—360 мм (шим.-шарқида 240—260 мм, жан.-ғарбида 459—480 мм) ёғин ёғади. Вегетация даври 216—218 кун. Адирлар қумтош, қум, мергель, лёсслардан ташкил топган, айрим жойлар чағир тошлар б-н қопланган. Сойлик, жар, ёзда қуриб қоладиган сой кўп. Баҳорги ёғингарчилик пайтида сойларда сув тўлиб оқади.

Адирларнинг тупроғи типик бўз, ўтлоқи бўз, қумоқ, қумлоқлар, шўрхок ва шўрланган тупроқлар тарқалган.

Нурота тоғларидан оқиб келадиган Устихонсой, Осмонсой, Боламансой, Ухумсой, Ҳаётсой, Оқтошсой, Каттасой, Чорвоқсой ва б.лардан тоғ этакларидаги лёссли қия текисликларни суғоришда фойдаланилади.

Туманда ер ости сувлари анча юза жойлашган (шим.-шарқида 1—2 м, жан.-ғарбида 10—25 м). Эрта баҳорда эфемер ва эфемероидлар ўсади. Дашт ўтлар ҳамда итқовун, юлғун, янтоқ, шўра, шувоқ каби ўсимликлар қоракўл қўйлар учун муҳим озуқадир. Тоғли қисмида ёввойи жийда, олма, арча, ҳандон писта, ёнғоқ, бодом, наъматак, зирк ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, қобон, чиябўри, архар, жайрон, куён; қушлардан бургут, тувалоқ, бедана, қирғовул, каклик, ўрдак, қайтар; кемирувчилардан каламуш, юмронқозиқ, дала сичқони; типратикан, тошбақа, заҳарли илонлар, калтакесаклар, сув ҳавзаларида турли хил балиқ кўп. Туман ҳудудида Нурота давлат қўриқхонаси ва Биосфера резервати қўриқхоналари ташкил этилган.

Фориш тумани табиати манзараси.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, тожик, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 7,9 киши (2004). Шаҳар аҳолиси 12,8 минг кишидан зиёд, қишлоқ аҳолиси 62 минг киши.

Хўжалиги. Туманда, асосан, қ.х.нинг чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик, токчилик тармоқлари ривожланган. Ф.т. ҳудудидан қурилиш, рух, оҳактош, базальт, мармарлашган қора оҳактош очиқ усулда қазиб олинади. Тумандаги «Карбонат», Учқулоч кони, «Девон», «Фортекс» ва б. корхоналар самарали фаолият кўрсатмоқда. Туманнинг умумий ер фонди 474,3 минг га.

Туманда чорвачиликка ихтисослашган 4 та, сабзавот ва боғдорчиликка ихтисослашган битта, ғаллачилик-чорвачиликка ихтисослашган 7 та ширкат хўжалиги мавжуд.

400 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Экин майдонининг 12,5 минг гектарига ғалла (асосан, лалмикор), 90 гектарига сабзавот, 707 гектарига полиз экинлари экилади. 609 га боғлар, 1058 га токзорлар б-н банд. Ф.т. шахсий ва жамоа хўжаликларида 22,2 мингдан зиёд қорамол, 31 минг қўй ва эчки, 34,5 минг парранда, 3,6 минг йилқи боқилади. Туман ўрмон хўжалиги ҳисобида 80 минг га ер мавжуд. Шундан 2000 га да саксовулзор, 130 га да ёнғоқзор барпо этилган. Ўрмон хўжалигида сариқчой, кийикўт, тоғрайҳон, наъматак, равоч каби доривор ўсимликларни йиғиб дорихоналарга топширилади. Хўжалик йилига 10 минг туп ёнғоқ, ток кўчатларини тайёрлаб аҳолига етказиб беради.

1- умумий таълим мактаби биноси.

Ф.т.да автомобиль йўллари уз. 343 км, шундан 288 км республика аҳамиятига эга. Т.й. узунлиги 71 км.

2003/2004 ўқув йилида туманда 70 умумий таълим мактаби (18,3 минг ўқувчи), 7 мактабгача, 3 мактабдан ташқари муассасалар ишлади. 2 қ.х. ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи (892 талаба) бор (2004). Маданият саройи, 5 маданият уйи, 5 клуб, «Чорвадор» халқ дастаси (1972 й.да ташкил этилган) фаолият кўрсатмоқда.

Марказий кутубхона ва болалар марказий кутубхонаси, 28 қишлоқ кутубхонаси (китоб фонди 281,4 минг асар) аҳолига хизмат кўрсатади. Стадион, спорт заллари, майдончалари ва б. спорт иншоотлари мавжуд.

10 касалхона (қарийб 600 ўрин), 30 фельдшер-акушерлик пункти, 19 қишлоқ врачлик пункти, 7 қишлоқ врачлик амбулаториясида 110 врач ва 426 ўрта тиббий ходим ишлайди. Ҳар 10 минг аҳолига 15 врач тўғри келади.

Балиқчи кўлидан олинадиган шифобахш балчиқ б-н даволайдиган санаторий бор. Шифобахш балчиқ б-н республикадаги бошқа стационар ва санаторийлар ҳам таъминланади.

Хонбанди тўғони.

Хонбанди тўғони ёдгорлиги (10-а., 1582), Қоратош (1—2-а.лар), Абдуллахон Чорбоғи (16-а.) археология ёдгорликлари мавжуд. Янгиқишлоқ—Жиззах, Янгиқишлоқ—Фориш, Янгиқишлоқ—Чимқўрғон ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди.

1936 й.дан «Фориш тонги» газ.си нашр қилинади (адади 2000).

ФОРМА (лот. forma — кўриниш) (математикада) — бир ҳадларнинг даражаси бир хил бўлган бир нечта ўзгарувчили кўпҳад. Ўзгарувчилар сони n га қараб Ф.лар бинар ($n=2$), тернар ($n=3$) ва б., даражасига қараб чизиқли ($m=1$), квадратик ($m=2$), кубик ($m=3$) ва ҳ.к. дейилади. Мас., $2x^3y+xyz+xy^2$ тернар кубик Ф.дир. Ф. унга кирадиган $\xi_1, \xi_2, \ldots, \xi_n$, $\eta_1, \eta_2, \ldots, \eta_n$ ўзгарувчиларнинг ҳар бир гуруҳига нисбатан чизиқли бўлиши мумкин. Ўзгарувчилар гуруҳи иккита бўлганда Ф. бичизиқли, учта бўлганда уч чизиқли, умумий ҳолда — кўп чизиқли (поличизиқли) Ф. дейилади. Мас., бичизиқли Ф.нинг умумий кўриниши $\sum_{i,j=1}^{n} a_{ij}\xi_i\eta_j$, бунда a_{ij} — Ф. коэффициентлари.

Татбиқ учун квадратик Ф.лар катта аҳамиятга эга. Мас., вектор узунлигининг квадрати вектор координаталаридан тузилган квадратик Ф. б-н ифодаланади. Сонлар назариясида бутун сонларни бутун коэффициентли квадратик Ф. ёрдамида тасвирлаш жуда муҳим масаладир. Ф.лар алгебра, геометрия, сонлар назарияси, механика ва мат.нинг бошқа соҳаларида қўлланилади.

ФОРМАЛИЗМ (лот. formalis — формага, шаклга оид) — инсон фаолиятининг турли соҳаларида шакл (форма)ни мазмунга нисбатан устун қўйиш. Урф-одат, ахлоқ қоидаларини, ҳатто ҳаётий вазият уларни аҳамиятсиз қилиб қўйганда ҳам, сўзсиз бажаришда, киши кўзига қонунни ҳурмат қилаётгандек бўлиб, аслида унга кўпда риоя қилмасликда кўринади. Жамиятни бошқаришда бюрократизм, тўрачиликда намоён бўлади.

Санъат ва адабиётда Ф. — *реализм*га зид бўлган бадиий метод. Санъатда Ф. санъат ва воқеликни қарама-қарши қўйиш, бадиий шаклни мазмундан ажратиш, шаклнинг алоҳидалиги ва устунлигини таъкидлашдан иборат. Ф. 19-а.нинг охири ва 20-а.да пайдо бўлган формалистик оқимлар — футуризм, экспрессионизм, сюрреализм ва б.нинг умумий номи. Ф. санъат мавжуд ҳаётнинг инъикоси эмас, инсон субъектив оламининг ҳаётдан мустақил кўринишидир, деб даъво қилади. Санъатнинг тарбиявий ролини, унинг миллийлигини, миллий анъаналарини инкор этади.

ФОРМАЛИН, ф о р м о л ь — таркиби 37 — 37,3% *формальдегид*, 6—15% метил спирт, 0,02—0,04% чумоли кислотадан иборат сувли эритма; зичлиги 1076—1111 кг/м³ (18°да). Ф. таъсирчан ҳидга эга. Сув ва спирт б-н ҳар қандай нисбатда аралашади; заҳарли. Дезинфекцияловчи ва дезодорацияловчи восита, фунгицид сифатида, тери ошлашда, органик синтезда ва б.да қўлланади.

ФОРМАЛЬДЕГИД (лот. formica — чумоли), ч у м о л и а л ь д е г и д, $\mathrm{H{-}C}\genfrac{}{}{0pt}{}{/\!/\mathrm{O}}{\backslash \mathrm{H}}$ — алифатик *альдегидлар* гомологик қаторининг 1-аъзоси; ўткир ҳидли, рангсиз газ. Сув ва спиртда яхши эрийди. Суюқланиш т-раси — 118°, қайнаш т-раси — 19,2°, зичлиги 815 кг/м³ (20°да). Саноатда метил спирти ёки метанни ҳаво кислороди б-н оксидлаб олинади. Ф. реакцияга яхши киришади, полимерланади, кучли қайтарувчи. Ф. заҳарли; унинг ҳавода энг катта йўл қўйиладиган концентрацияси 1 мг/м³. Синтетик смолалар (*мочевина-формальдегид смолалар, меламин-формальдегид смолалар, фенолформальдегид смолалар* ва ҳ.к.), *бўёвчилар*, *портловчи моддалар*, дори-вор препаратлар, ошловчи, антисептик ва дезодорацияловчи воситалар олишда қўлланади.

ФОРМАЦИЯ (лот. formatio — ҳосил бўлиш) (г е о л о г и я д а) — ҳосил бўлиш шароитларининг умумийлиги б-н ўзаро боғлиқ бўлган тоғ жинсларининг табиий ва қонуниятли уйғунлиги; Ер пўсти асосий структуравий зоналари ривожланишининг муайян босқичларида вужудга келади. «Ф.» терминини дастлаб 18-а.да немис геологи Г. Фюксель муайян таркибли ва стратиграфик ҳолатли чўкинди жинсларни ифодалаш учун ишлатган. Умумий тектоник режимнинг типига кўра платформа, оралиқ, геосинклиналь Ф.лар ва уларнинг гуруҳлари фарқ қилинади. Ф. *фациялар* ва ётқизиқларнинг генетик типлари мажмуи-дир. Унинг чегаралари вақт ўтиши б-н ўзгариб туради, турли типлари ҳар хил ёшдаги ётқизиқларда такрорланиб, хусусиятини бир оз ўзгартиради. Ф. моддий таркиби, тектоник белгиларига кўра таснифланади. Унинг литологик, петрографик (магматик ва метаморфик), вулканоген, рудали ва б. турлари мавжуд. М а г м а т и к Ф.лар маълум геологик шароитларда Ер пўстидаги бирон участка тараққиётининг айрим босқичларида ҳосил бўлган магматик тоғ жинслари тўпламидан иборат. М е т а м о р ф и к Ф. тектоник структураларга эга бўлган метаморфик тоғ жинсларининг пайдо бўлиш умумийлиги қонуниятларига асосан ажратилади. М е т а с о м а т и к Ф. кам ўрганилган. Р у д а Ф.си (хромит, полиметалл-олтин-кварц ва б.) магматик ва метасоматик Ф. б-н узвий боғлиқ. Бу соҳани ўрганиш алоҳида йўналишни касб этди. Иқлим шароитларига кўра аридли, гумидли ва б; литологик-петрографик асосий белгиларига кўра — карбонатли, терригенли, галогенли, вулканогенли ва б. Ф. ва уларнинг гуруҳлари ажратилади. Ф.нинг типлари б-н фойдали қазилмаларнинг турлари боғлиқ. Шу сабабли, литология, палеогеография ва тектоникада ҳамда турли фойдали қазилмаларнинг жойланиш қонуниятларини ўрганиш ва уларни қидиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда формацион анализнинг аҳамияти катта.

ФОРМУЛА (лот. formula — қоида, меъёр) — 1) ҳар қандай қисқа таъриф; 2) муайян фикр, мулоҳаза ёки қонуннинг математик белгилар орқали ифодаси. Мас., 1) агар n бутун сон бўлса, $2n$ жуфт сон Ф.си, 2) агар a ва h мос равишда учбурчак асоси ва баландлигининг узунликлари бўлса, $S = \frac{a \cdot h}{2}$ ўша учбурчак юзининг Ф.си, 3) $(a+b)^2 = a^2+2ab+b^2$ икки a ва b сон йиғиндиси квадратининг Ф.си. Демак, мураккаб жумлалар Ф. б-н қисқа ва қулай ёзилиши, тўғри ва хато мулоҳазаларни ифодалаши мумкин. Мас., 1) ҳар қандай a ва b ҳақиқий сонлар учун $|a+b|>0$. Ф. тўғри бўлса, 2) $a^2 - b^2 = a+b$ формула эса $a = -b$ бўлганда тўғри, $a \neq -b$ да эса хато; 3) қ. *Кимёвий формулалар*.

ФОРОБ — Тошкентнинг шим.-ғарбидаги қад. воҳа ва шаҳар. Воҳа ҳоз. Қозоғистондаги Арис дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойида, дарёнинг ҳар 2 соҳилида жойлашган. Ф. шаҳри эса, Сирдарёнинг ўнг соҳилида бўлган. Ф. ўрта аср араб географлари асарларида «Бороб», форс манбаларида «Пороб» шаклида учрайди. *Форобий* ва *Жавҳарий*нинг ватани. Араб тарихчиси *Ибн Ҳавқал*нинг ёзишича, Ф. воҳасининг узунлиги ҳамда кенглиги бир кунлик йўл чамасида бўлиб, ери қисман шўр ва ботқоқдан иборат бўлган. Мазкур воҳада Ф.дан ташқари Восиж ва Кадар ш.лари ҳам жойлашган. *Истахрий* ва Ибн Ҳавқалда — ноҳия, Мақдисийда — рустоқ, *Ёқут Ҳамавий* асарларида вилоят деб ёзилган. Мақдисийнинг ёзишича, Ф. ва унга қўшни ерларни (30 фарсахгача) ҳар йили Сирдарё суви босган. Воҳанинг асосий шаҳри Восиж ҳисобланган, кейинчалик Ф.га кўчирилган. Кадар ш. Восиждан 2 фарсах нарида жойлашган. Ф. 9—12-а.ларда энг йирик иқтисодий ва маданий марказга айланган. У арк, шаҳристон ва рабоддан ташкил топган. Шаҳристон 4 дарвоза, бир-бирини кесиб ўтган 2 та катта кўча, жоме масжиди, рабоддан иборат. Бозорнинг кўп дўконлари рабодда, шаҳардан ташқарида жойлашган. Ф. 1219—20 й.ларда *Чингизхон* қўшинлари томонидан вайрон қилинган.

2) ўрта асрларда Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган шаҳар. Манбаларда турли шаклларда (Фарабр, Фироб, Фирабр) учрайди. *Наршахий*нинг сўзларига кўра, Ф. турк хоқонининг ўғли Шери Кишвар (Эл-Арслон) томонидан бунёд этилган (мил. 6-а. охири — 7-а. боши). 9-а.да Ф. Марв вилоятининг чегара шаҳри ҳисобланган. 10-а.да Ф. маъмурий жиҳатдан Бухоро вилоятига мансуб бўлган. Ўрта асрларда Ф. арк ва шаҳристондан иборат, атрофи мудофаа девори б-н ўралган, жоме масжиди бор шаҳар эди. 10-а.да унинг атрофида бир неча чиройли работлар қурилган. Ф. шаҳар харобаси Фороб т.й. станциясидан 10 км, Амударё қирғоғидан 1 км масофада жойлашган. Арк (майд. — 9 га) нинг 7 минораси ва бир дарвозаси, шаҳристон (70га)нинг камида 3 дарвозаси бўлган. Ф. 13-а. бошида *Чингизхон* томонидан вайрон қилинган, кейинчалик унинг ўрнида кичик қишлоқ мавжуд бўлган. 14-а.да Ф.нинг ўз зарбхонаси бор эди. 18-а.да Ф. ташландиқ ҳолга келган.

ФОРОБИЙ (тахаллуси; тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий) (873, Фороб ш. — 950, Дамашқ) — Ўрта Осиёнинг улуғ мутафаккири ва қомусий олими. Юнон фалсафасини чуқур билгани, унга шарҳлар битганлиги ва жаҳонга тарғиб қилгани ҳамда замонасининг илмларини пухта ўзлаштириб, фанлар ривожига улкан ҳисса қўшгани учун «ал-Муаллим ас-соний» («Иккинчи муаллим» Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» номларига сазовор бўлди. Ф. Сирдарё соҳилидаги Фороб (Ўтрор) деган жойда туркий қабилага мансуб ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топади. Ўша даврда Мовароуннаҳрда сомонийлар сулоласи ҳукмронлик қилаётган эди. Бўлажак файласуф бошланғич билимини Ўтрорда олгандан сўнг, ўқишини Тошкент, Самарқанд ва Бухорода давом эттиради. Ф. илмини янада чуқурлаштириш мақсадида Бағдодга йўл олади. Олим йўл-йўлакай Эроннинг

Форобий (Чингиз Аҳмаров асари, 1978).

йирик шаҳарлари Рай, Ҳамадон, Исфаҳон ва б. жойларда бўлади. Бағдодда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан келган талаба ва олимлар тўпланган эди. Бу ерда кўзга кўринган олиму фузалолар б-н танишди, юнон фалсафий мактаби, турли фан соҳалари намояндалари б-н учрашиб, улардан илм сирларини ўрганди. Мас., Абу Башар Матта ибн Юнусдан (870—940) юнон тили ва фалсафасини, Юҳанна ибн Ҳийлондан (860—920) эса тиббиёт ва мантиқ илмини ўрганди. Баъзи тарихий манбаларда келтирилишича, Ф. 70 дан ортиқ тилни билган.

Олим 941 й.дан Дамашқда муҳтожликда кун кечира бошлайди. Шунга қарамай илм б-н шуғулланади, фалсафа ва б. фанлар соҳасида тадқиқот ишлари олиб боради. У Алеппо (Ҳалаб) ҳокими Ҳамдамид (ҳукмронлик йиллари 943—967) илтифоти ва ҳурматига эришади. У олимларнинг ҳомийси сифатида танилган эди. Ҳоким Ф.ни ўз саройига таклиф этади, лекин, у саройга бормасдан, эркин ҳаёт кечиришни маъқул кўради. Шунга қарамасдан, алломанинг Ҳалабдаги ҳаёти сермаҳсул бўлди, бу ерда унинг кўплаб асарларини ёзди. Ф. 949—950 йилларда Мисрда, сўнгра Дамашқ-да яшайди ва шу ерда умрининг охирги кунларини ўтказади. У Дамашқдаги «Боб ас-сағир» қабристонига дафн этилган.

Мавжуд маълумотларга қараганда, Ф. 160 дан ортиқ асар ёзган. Лекин уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Шунга қарамай, мавжуд рисолаларининг ўзиёқ унинг буюк олим эканлигидан далолат беради.

Ф.нинг асосий асарлари: «Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Энциклопедиядан мантиқ бўлимининг бир қисми», «Талиқот» (шарҳлар), «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Бўшлиқ ҳақида мақола», «Донолик асослари», «Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши», «Ҳайвон аъзолари, функцияси ва потенцияси», «Мантиқ тўғрисидаги рисолага муқаддима», «Мантиқ илмига кириш», «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида», «Мусиқа ҳақида катта китоб», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Масалалар моҳияти», «Буюк кишиларнинг нақллари», «Иҳсо ал-улум», «Ҳикмат маънолари», «Ақл тўғрисида», «Илмлар ва санъатлар фазилати», «Қонунлар ҳақида китоб», «Субстанция ҳақида сўз», «Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида», «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз», «Риторика ҳақида китоб», «Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз», «Мусиқа ҳақида сўз», «Физика усуллари ҳақида китоб», «Фазилатли хулқлар», «Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари», «Жисмлар ва акциденцияларнинг ибтидоси ҳақида», «Аристотелнинг «Метафизика» китобининг мақсади тўғрисида» ва б. Ф. асарлари 20-а.нинг 70—80-й.ларида Тошкент ва Олмаотада «Фалсафий рисолалар», «Мантиқий рисолалар», «Математик рисолалар», «Ижтимоий-ахлоқий рисолалар», «Тадқиқотлар ва таржималар» номлари остида рус тилида нашр этилган.

Ф. илк ўрта асрда, Шарқ Уйғониш даврида ижод этди. Бу давр ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, ҳунармандчилик, ирригация иншоотларининг юксалиши, янги шаҳарларнинг бунёд этилиши, маданий ва маънавий ҳаётнинг равнақ топиши б-н ажралиб туради. 9—10-а.ларда ички ва ташқи савдо кучайди, айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Византия, Африка мамлакатлари б-н алоқа йўлга қўйилди. Бу давр қарама-қаршилик ва адоватлардан холи эмас эди. Ф.нинг фалсафий қарашларида ўша даврнинг ютуқ ва камчиликлари, мураккаб ва зиддиятли жиҳатлари ўз ифодасини топди.

Олимнинг илм-фан олдидаги хизматларидан бири унинг юнон мутафаккирлари асарларини шарҳлаганлиги ва уларни янги ғоялар б-н бойитганлигидир. Аллома, энг аввало, Арасту асарларига шарҳлар битган, унинг натурфалсафий ғояларининг тарғиботчиси ва давомчиси сифатида танилган. Ф., шунингдек, Афлотун, Александр Афродизийский, Евклид, Птолемей, Порфирий асарларига ҳам шарҳлар ёзганлиги маълум. Булардан ташқари, Гиппократ, Эпикур, Анаксагор, Диоген, Хрисипп, Аристипп, Суқрот, Зенон асарларидан хабардор бўлган ҳамда эпикурчилар, стоиклар, пифагорчилар, киниклар мактабларини яхши билган.

Ф. ўрта асрда мукаммал ҳисобланган илмлар таснифини яратди. У «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида», «Илмларнинг таснифи ҳақида» номли рисолаларида ўша даврда маълум бўлган 30 га яқин илм соҳасининг тавсифи ва тафсилотини баён қилиб берди. Мутафаккир табиат ва инсон организмига хос бўлган табиий жараёнларни ўрганувчи илм соҳаларини биринчи ўринга қўйди. Ф. илмларни қуйидагича таснифлайди: 1) тил ҳақидаги илм (грамматика, орфография, шеърият, тўғри ёзув ва б.ни ўз ичига олади); 2) мантиқ (8 бўлимдан иборат бўлиб, тушунча, муҳокама, хулоса, силлогистика, диалектика, софистика ва б.ни ўз ичига олади); 3) мат. (арифметика, геом., астрономия, механика, оптика, сайёралар, мусиқа ва оғирлик ҳақидаги илмлар,

лат иборат). 4) табиий илмлар. иккиҳай илмлар ёки метафизика. 5) илоҳот ҳақидаги илм (ғойибий илм, фиқҳ, псих., ахлоқшунослик ва калом киради).

Ф. ғояларни таснифининг бошқа хусусиятларининг таҳлилидан ва уларнинг ўзаро акс этишидан келиб чиқади. Унинг таснифи, энг аввало, табиатга, тафаккур ва нуткни, тил ва мантиққа ўргатишга қаратилган эди. Ф.га кўра, илмларнинг таснифидан мақсад ҳақиқатни ўрганиш ва тасниқлашдан, ўзи ёлғонлаш фарқланган иборат. Олимнинг фикрича, фанлар ва умуман билимлар барчадан келиб чиқиб, барчадан улуғ шахт ўргатиш асосида тўпланиб боради. Турли илмлар бир-бирини инкор қилмайди, балки ўзаро бир-бирн б-н боғлиқ ҳолда ривожланади. Улар дунёни ядрок қилишга ва инсоният бахт-саодатга эришишга қаратилгандир.

Фанинг фанлар таснифида табиий ва институт фанлар ўз вазифасига кўра бир-биридан фарқ қилади. Мас., математика, табиатшунослик ва метафизика илмлари инсон ақл-заковатини бойитишга хизмат қилади. грамматика, пеърият ва мантиқ эса фанлардан тўғри фойдаланишни. Билимларни бошқаларга тўғри тушунтириш, яъни ақлни тарбия учун хизмат қилади. Сиёсат, ахлоқшунослик ва педа гика оид билимлар кишиларнинг жамоага бирлашуви, ижтимоий ҳаётнинг қонун ва қоидаларини ўргатади. Хулоса. Фанинг илмлар таснифи тўғрисидаги маълумоти ўрта асрда турли фанларнинг ривожини муҳим ахамиятга эга бўлди, ке-йинги авлодлар учун йўлланма вазифасини ўтади.

Ф.нинг онтологик қарашлари. Мутафаккир бирлик муаммосини «мужуди вожиб» ва «мужуди мумкин» таълимотидан келиб чиқади ҳолда тушунтиради. Унингча, «мужуди вожиб» барча мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳарса, жисм ва моддаларнинг биринчи сабабчисидир. Ф. худога биринчи сабаб, биринчи моҳият, деб таъриф беради. Худо биринчи сабаб сифатида бошқа сабаб ва туртки муҳтож эмас. У яратган, лекин бошқа нарсалар томонидан яратилмайди. Аллоҳдан ташқи ҳамма нарса-қўшилиқ, эндилит, турли чуқонлар, бекарорлик ва б жараёнлар мос эмас. «Мужуди мумкин»ни барча яратилган, мавжуд бўлган ва яратилажак нарса ва ашёларни англатади. Ф. ғойиб, ашё ва жисмлар турли шаклдаги мураккаб ва оддий ҳамда мураккаб бўлмаган бирлашмалардан иборат, деб ҳисоблайди. Бутун мавжудотнинг сабаб-оқибат нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Худо — биринчи сабаб, оламдаги барча мавжудотнинг сабабчиси. Худо — биринчи сабаб, иккинчи сабаб ҳам осмон жисмлари, ойнг фаол ақл, жон (нафс), шакл (ҳе-сурият), модда ёки анъаналар (ғаноллиқ). Худо—ноаниқ нужуд. яъни карорай мавжудлик бўлса, қолганлари нужудга мумкин, яъни имконий мавжуд нарсалардир. Булар бир-бири б-н сабабий боғланган. Худо, яъни «нужуди вожиб» биринчи бўлиб ақлни ғояларни яратган. Ақл эса ҳар бир сапёратга хос ақлни яратган. Энг сўнгги самовий ақл натижасида Ернинг ақл-руҳи ва барча моддий жисмлар, яъни 4 унсур, тупроқ, ҳаво, олов, сув пайдо бўлади. 4 унсурдан эса табиатга оламлар, ҳайвонот олами, инсон зоти ва ноорганик табиат нужудга келади. Органик олам га ўсимлик руҳи, ҳайвонот руҳ ва инсоний руҳ хосдир. Жисмларга ҳаракат хос бўлиб, улар ўзаро бир-бири б-н боғланган. Шундай қилиб, Фанинг борлиқ ҳақидаги таълимоти кейинги даврларда ҳурофотларга қарши курашда ўзига хос бўлди.

Ф.нинг гносеологик қарашлари. Инсон билиш ҳақидаги таълимоти ижтимоий-фалсафий фикр ривожи тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Олимнинг бу борадаги фикрлари унинг «Мантиқ тўғрисида рисолага мукаддима», «Мантиққа кириш», «Ақл тўғрисида», «Фалсафанинг мақсади ва келиб чиқиши» ва б. асарларида жалб қилиб берилган. Мутафаккир инсон Ер юзасига ошиб мавжудот эканлигини таъкидлаб, унинг қобилияти, теварак-атрофни нарса ва ҳодисаларни идрок қилиш кучига катта баҳо беради.

Ф. ўз асарларида билиш шакллари, инсоннинг руҳий ҳолати, жон ва танининг ўзаро муносабати, мантиқий ҳукмлар тўғрисидаги мулоҳазаларини баён этган. Унинг айтишича, инсонларни билиш, руҳий қобилиятларнинг ҳам бошқаради, ирқи эса барча ъзоларни ҳаёт учун зарур бўлган қон б-н таъминлаш ча чарказ ҳисобланган юракдир. Ф. «Илм ва санъатнинг ғояларн ҳақида» китобида табиатни билишнинг чексизлигини, билим бкласасидаги билишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга, индивидуал (ал-ҳарийдан субстанцион (жавҳарга қараб боришни уқтиради. Инсон воқелликни идрок, сезги, хотира, тасаввур, мантиқий тафаккур, ақл, нутқ ва б. восита ҳамда усуллар орқали билиб олади. Олим ҳиссий ва ақлий билишнинг, улар бир-бирисиз ҳеч мавжудлигини, улар бир-бирисиз фарқ қилишини қўшиб ўтади. Ҳиссий билишда ақл ёрдамида бирор бир ҳодиса ёки нарса ва ҳодисаларнинг умумий сифат ари билиб олинади. Шу б-н бирга, сезги орқали нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ҳам ажратиб олинади. Ақлий идрокда нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини ва умумий хоссаларн билиш.

Ф. ақлни, бир томондан, руҳий қувват, яъни туғма, 2 томондан, таълим-тарбиянинг маҳсули эканлигини таъкидлаган. Ф. донишманд деб қарашлар, қонуниятларга амал қилишга, кишилараро муносабатда, ахлоқ ва хулқ-одоб қоидаларига риоя қилишга, таълим-тарбияга ақл ҳукмидан келиб чиққан ҳолда қарашга қилиши керак, деб ҳисоблайди. Ф.нинг қимматли фикрларидан бири унинг инсоний руҳ ва инсоний ақл, уларнинг барқарорлиги ҳақидаги таълимотининг талқинидир. Мутафаккирнинг назарича кишининг руҳи ва ақли ўлганидан кейин ҳам бўлиб кетмасдан, балки дунёнинг руҳ ва ақл б-н қўшилади. Демак, инсоннинг руҳи ва ақли абадийликка кетади. Лекин улар ҳеч вақт қайтиб келмайди ва намоён бўлмайди. Улар танани ташлаб кетгандан сўнг бир бутунликка ташкил этади, ақл ва руҳ дейди: «Бу шундай бир санъаткн, у ҳеч

нарсага ўхшамайди. Бундай ҳолда ақлнинг фаолияти бир бутун ҳолда ўлардаги ҳар бирини англа ва етишликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни ўзлаштириб боради. Шундан сўнг инсонлар кўпайдилар ва ернинг ҳарна ташаббусни қисмлар ўрганишлар, натижада инсон жамиятга ривожлана келган». Шаҳарлар, унинг фикрича, инсонларнинг жамоа бўлиб умумлашишга олиб келиб бўлиб, унда инсоний биркамол бутун етишиш учун зарурий шароитлар бўлади. Ф. инсонлар табиий мойиллик натижасида ўзаро бирлашиб, жамоани ташкил қилишларини алоҳида таъкидлайди.

Ф. ижтимоий ҳаётнинг шаклларини тузишда, муҳокама, ҳисоб, ғойят ва бошқа тамоил қилади. У таъкидлайди, давлатни ва етакчиларни одилона ҳаёт ва ўзга ҳамкасбларини ҳақиқатга ўргатувчи деб ҳисоблаган ҳамда ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган. Ф. ижтимоий ҳаётнинг ташкил қилишда ва ундаги ўзгаришларда ҳам ақлнинг ролини алоҳида таъкидлайди. Ф. давлатни ҳам ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этувчи деб ҳисоблаган.

Ф. ақлий ғояларни 4 ая тақсимлайди: ақлбуюл (ақлий имконият сифатида) ақлда ҳосил бўлган ғоялар; ақлий ғоялар. Олим ўзининг «Мантиқ илмига кириш» асарида ақлнинг қандай ҳолатдан ақлий ғояларга ўтиши ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этган. Ф. ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган. Ф. ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган.

Ф. ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган. Ф. ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган.

Ф. ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган. Ф. ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган.

Ф. ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган. Ф. ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган.

Ф. ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган. Ф. ақлнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам ўзининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилган.

са, унинг қобилияти тезда сўниб қолиши мумкин. Туғма қобилият ҳам нисбий тушунчадир. Баъзи кишилар туғма қобилиятини ишга солиб яхши натижага эришса, бошқалари ёмон натижага эришиши мумкин.

Ф. мусиқани инсон тарбиясига таъсир қилувчи омиллардан бири деб билди. У мусиқани инсонга нафосат, эстетик завқ бағишловчи, ҳис-туйғулари ва ахлоқини тарбияловчи муҳим восита, деб ҳисоблайди. Мутафаккир «Мусиқа ҳақида катта китоб» номли кўп жилдли асарида мусиқа назарияси ва тарихи, турли мусиқа асбоблари, куйлар ва уларнинг ички тузилиши, товушлар, ритмлар, оҳанглар ҳақида маълумот берди; *илми айқо*, *илми таълиф* фанларига асос солди. Юқоридаги асарида ўтмишдаги мусиқашунос ва тадқиқотчилар мусиқа тараққиётига катта ҳисса қўшганлигини алоҳида қайд қилади. Шунингдек, куйлар уйғунлиги, куй ижро этиш усуллари ҳақида сўз юритади. Ривоятларда келтирилишича, Ф. янги мусиқа асбоби яратган, куй басталаган, моҳир созанда сифатида ном чиқарган. Ф.нинг айтишича, мусиқий тасаввурлар инсон руҳининг энг нозик жойидан қайнаб чиқиб, оҳанг ҳолида сезги қувватларига таъсир қилади.

Ф.нинг дунёқараши, унинг жамият ва ахлоқ тўғрисида яратган яхлит таълимоти илк ўрта асрлар ва кейинги даврларда ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва ахлоқий фикр ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг қарашлари Шарқ мамлакатларига кенг ёйилди. Ўрта аср мутафаккирлари Ибн Халликон, Ибн ал-Кифтий, Ибн Аби Усайбиъа, Байҳақий, Ибн Сино, Ибн Божа, Умар Хайём, Беруний, Ибн Рушд, Ибн Халдун ва б. Форобийнинг таълимотини чуқур ўрганиб, уни янги ғоялар б-н бойитганлар. Буюк мутафаккир ва шоирлардан Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий, Жалолиддин *Давоний* Ф.нинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва ахлоқий таълимотидан баҳраманд бўлганлар.

Ф. илгари сурган фикрлар 16—20-а. ларда ҳам мусулмон мамлакатлари олимлари томонидан катта қизиқиш б-н ўрганилди. Мутафаккир қолдирган мерос фақат Шарқ мамлакатларида эмас, балки Европада ҳам тарқалди ва ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётида сезиларли таъсир кўрсатди.

Ф.нинг илмий меросини ўрганиш 20-а.нинг 1-ярмида бошланган. Европа олимлари Карра де Во, Р. Хортен, М. Алонса, Д. М. Донлап, А. Штекл, Т. У. Буур, Б. М. Штреншнейдер, Г. Лей, Р. Хаммонд, Р. де Эрланжер, И. Гольцихер, Ф. Детерини, Г. Фармер, Н. Ришар ва б. Форобийнинг илмий меросини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Рус олимлари А. Крымский, М. М. Филиппов, Т. И. Райнов, В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, С. Н. Григорян, О. В. Трахтенберг, А. В. Сагадеев, А. М. Жоҳид ва б. Форобий асарларини талқиқ этиш борасида кўп иш қилдилар. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари олимлари Деххудо Ҳусайний, ал-Фахурй, Усмон Амин, М. Махди, Саид Нафисий, И. Мадкур, Ражаби Табризий, Мехрзод, А. Атеш, Ойдин, Умар Фаррух, Саидҳусайн Носир, Маҳмуд Аббос, Туркер ва б. Форобийнинг ҳаёти ва ижоди б-н қизиқдилар. Қозоқ олимлари А. Мошанов, А. Х. Қосимжонов, А. Кубасов, С. К. Сатибекова ва б. Форобийнинг асарларини рус тилида чоп этиб, ижтимоий-фалсафий, мантиқий ва ахлоқий қарашларини таҳлил қилдилар. Ф.нинг бой илмий меросини ўрганишда, айниқса, ўзбек олимларининг ҳиссаси катта бўлди. А. Саадий, Т. Н. Қори-Ниёзий, И. М. Муминов, В. Й. Зоҳидов, М. К. Орипов, Р. Носиров, Ҳ. Аликулов, О. Файзуллаев, А. Казибердов, А. Ирисов ва б. алломанинг ҳаёти, ижоди ва фалсафий қарашлари ҳақида и.-т. олиб бордилар. М. М. Хайруллаев собиқ Шўролар даврида биринчи бўлиб И. М. Мўминов раҳбарлигида 1966 й. Форобийнинг фалсафий мероси ҳамда дунёқарашига бағишланган д-рлик диссертациясини ҳимоя қилди ва Ўзбекистонда форобийшуносликка асос солди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, қомусий олимнинг асарлари ўзбек тилида чоп этила бошлади, унинг бой мероси холисона, тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари асосида ёритила бошланди. Олий ўқув юртлари, мактаб ва кутубхоналар, кўчалар унинг номи б-н аталади.

Ас.: Рисолалар, Т., 1975; Философские трактаты, Алма-Ата, 1972; Фозил одамлар шаҳри, Т., 1993.

Ад.: Хайруллаев М. М., Форобий ва унинг фалсафий рисолалари, Т., 1963; Хайруллаев М. М., Абу Наср Форобий, Т., 1966; Григорян С. Н., Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока, М., 1966; Хайруллаев М. М., Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии, Т., 1967; Хайруллаев М. М., Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, Т., 1971; Кубесов А., Аль-Фараби, Алма-Ата, 1972 (қозоқ тилида); Хайруллаев М. М., Форобий. Рисолалар, Т., 1975; Хайруллаев М. М., Фараби. Эпоха и учение, Т., 1975; Из философского наследия народов Ближнего и Среднего Востока, Т., 1972; Аль-Фараби. Научное наследие. Сборник, М., 1975; Социально-утопические идеи в Средней Азии, Т., 1983; Аликулов Х. А., Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана, Т., 1992; Ҳайруллаев М. М., Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти, Т., 1994; Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан, Т., 1995; Жумабоев Й., Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан, Т., 1997; Муминов И. М., Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар, Т., 1999; Маънавият водийлари, Т., 1999.

Музаффар Хайруллаев. Ҳайдар Аликулов.

ФОРС — Эроннинг жанубий тарихий вилояти. Қадимда Персида (юнонча), Порсо (қад. форсча; арабча шакли — Ф.). 7-а.да Ф.ни араблар босиб олиб, унинг бош шаҳри Истахрни вайрон қилишган. 7-а. охирларида Ф. — *хоражитлар* ҳаракати тарқалган ҳудуд. Ф. Бувайҳийлар, Салғурийлар, Музаффарийлар, Зендлар давлатининг ўзагини ташкил этган. Бу давлатларнинг маркази Шероз ш. бўлган.

ФОРС ТИЛИ, форсий — ҳинд-европа тиллари оиласидаги эроний тиллар гуруҳининг жан.-ғарбий тармоғига мансуб тил; асосан, Эронда (Эрон Ислом Республикасининг расмий тили ҳамда миллатлараро алоқа тили), шунингдек, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Ироқ, Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШда, Кавказорти ва Ўрта Осиё республикаларида («эроний» деб аталади) тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони, ўтган аср охирларидаги маълумотларга кўра, 26 млн. кишидан ортиқ. Ф.т. тарихида 3 давр фарқланади: қад., ўрта ва янги. Ҳоз. Ф.т. ғарбларда Озарбайжон ва Ҳиндистонда ҳам адабий тил сифатида қўлланган.

Ф.т.нинг кўплаб лаҳжа ва шевалари бўлиб, техрон лаҳжаси уларнинг энг асосийси ва энг кўп ўрганилганидир. Бу лаҳжа ҳоз. адабий Ф.т.га асос бўлган. Фонетик хусусиятлари: 6 та монофтонг, 2 та дифтонг, 22 та ундош фонема мавжуд. Чуқур тил орқа ва бўғиз ундошлари бор, ургу, одатда, охиргги бўғинга тушади. Морфологик қурилиши аналитик хусусиятга эга, келишик ва жинс каби грамматик категориялар мавжуд эмас. Отлар сон, аниқлик ва ноаниқлик категорияларига, феъллар шахс, замон, нисбат ва майл категорияларига эга. Феъл ягона тусланиш турига эга ва тузилишига кўра содда ва қўшма феълларга ажралади. Гапдаги сўзлар алоқасида изофали туташмалар кени қўлланади. Кесим, асосан, гап охирида, эга эса гап бошида, аниқловчи аниқланмишдан кейин келади. Лексикасининг асосини соф эроний сўзлар ташкил этади, лекин арабча ўзлашмалар ҳам жуда кўп (барча лексиканинг 50% ига яқин), шунингдек, турк, франциз, инглиз ва б. тиллардан кирган сўзлар ҳам бор.

Ф.т. қад. ёзув анъаналарига эга, унда бой адабиёт мавжуд. Дастлабки ёдгорликлари 9-а.нинг 1-ярмига мансуб. Ёзуви араб алифбоси асосида, унга форс тилига хос товушларни ифодаловчи 4 ҳарф қўшилган ҳолда шакллантирилган.

Ад.: Рубинчик Ю. А., Современный персидский язык, М., 1960; Пейсиков Л. С., Лексикология современного персидского языка, М., 1975.

Анвар Исмоилов.

ФОРС ҚЎЛТИҒИ — Ҳинд океанидаги қўлтиқ. Эрон б-н Арабистон я.о. қирғоқлари оралиғида. Шарқда Ҳўрмуз бўғози ва Уммон қўлтиғи орқали Арабистон денгизи б-н боғланган. Майд. 240 минг км², уз. 926 км, эни 180 дан 320 км гача. Энг чуқур жойи 115 м. Қирғоққа яқин қисмида орол кўп, жан. қисмида маржон рифлари бор. Ф.қ.га Шатт ул-Араб дарёси қуйилади. Сув т-раси августда 30—33°, февда 15—21°. Шўрлиги 30—40‰. Балиқ овланади, марварид олинади. Ф.қ. тубида ва унга туташ ҳудудларда катта нефть ҳавзаси бор (*қ. Форс кўлтиғи нефть-газ ҳавзаси*). Асосий портлари: Фао, Басра, Ободон, Кувайт, Манама, Умм-Саид ва б.

ФОРС ҚЎЛТИҒИ НЕФТЬ-ГАЗ ҲАВЗАСИ, Месопотамия ҳавзаси — шим.ғарбдан жан.-шарққа (шим.да Шарқий Тавр тоғ олдиларидан жан.-шарққа Араб денгизигача) 2500 км масофага чўзилган. Нефть ва газ конлари пермь, юра, бўр, палеоген ва неоген даврларига оид гумбаз ва қумтошлар б-н боғлиқ. Нефть ва газ конларининг структураси гумбаз ва брахиантиклиналлардан ҳамда валснмон кўтарилмалардан иборат. Нефть ва газ тўпламларининг катта қисми, асосан, 1800—3000 м чуқурликда. Ф.қ.н.ҳ. дунёда энг катта ҳавзалардан бўлиб, Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, Уммон, БАА, Қувайт, Баҳрайн ва Қатар давлатлари, қисман Туркия ва Сурия ҳудудида жойлашган; ҳавзанинг кичикроқ жан.-шарқий қисмини Форс қўлтиғи сувлари эгаллаган. Умумий майд. 1 млн. км², шу жумладан, 300 минг км² акваториядан иборат. Ф.қ.н.ҳ. — нефть ва газнинг ноёб концентрацияли области. 1940-й.лардан бошлаб дунёнинг нефть қазиб чиқарувчи регионлари орасида етакчи мавқега эга. Биринчи нефть кони Масжиди-Сулаймон 1908 й.да топилиб, 1911 й.дан ишга туширилган, биринчи газ кони Форс 1965 й.да очилган. Ф.қ.н.ҳ.да 400 дан зиёд нефть ва газ ҳамда 55 газ конлари, шу жумладан, 36 нефть ва 6 газ гигант конлари мавжуд бўлиб, ҳар бири 300 млн.т. нефть ва 500 млрд.м³ газнинг бошланғич захирасига эга. Йирик нефть конлари: Катта Бурган (9140 млн.т.), Гавар (10136 млн.т), Румайла ва Шим. Румайла (3783 млн. т), Саффания-Хафжи (3451 млн.т); газ конлари — Кенган (820 млрд. м³), Форс (2120 млрд. м³), Шимолий (6000 млрд.м³ гача) ва б.

ФОРСЛАР (ўзларини эроний деб аташади) — Эрондаги халқ (тахм. 25,3 млн. киши). Умумий сони 22,9 млн. кишидан ортиқ (1995). Форс тилида сўзлашади. Диндорлари — шиа мусулмонлар. Эроний қабилаларининг ҳоз. Эрон ҳудудига кириб келиши мил. ав. тахм. 2-минг йиллик ва 1-минг йиллик ўрталарида рўй берган. Айрим олимларнинг фикрича, Ўрта Осиёдан, бошқа олимларнинг фаразига кўра, Кавказ ортидан келишган. Ф.нинг шаклланишида араб, турк ва мўғул қабилалари иштирок этишган. 19-а. охирида Ф. миллати шаклланган. Ф.нинг асосий машғулоти деҳқончилик, богдорчилик, сабзавотчилик, чорвачиликдан иборат. Гилам тўқиш, тўқувчилик, кулолчилик ва б. ривожланган.

ФОРСМАН (Forssmann) Вернер (1904—79) — немис хирурги ва урологи. Берлиндаги Фридрих Вильгельм ун-ти тиббиёт ф-тини тугатган (1928). ун-т тиббиёт акад.нинг фахрий проф. (1964 й.дан), ун-т проф. (1970 й.гача). Юракни катетерлаш (катетеризация) усули муаллифларидан бири. Нобель мукофоти лауреати (1956; А. Курнан ва Д. Ричардс б-н ҳамкорликда).

ФОРСТЕРИТ — *қ. Оливин.*

ФОРСУНКА (инг. force — босим бирдан ҳайдаш) — суюқ ёнилғиларни зарралар тарзида пуркаш учун мўлжалланган қурилма. Ёнилғилар босим остида ёки сиқилган газ, буғ таъсирида пуркалади. Ёнилғи Ф.дан узлуксиз (ўчоқлар, газ турбинали ва реактив двигателлар, кавшарлаш лампалари ва б.да) ёки қисқа-қисқа вақт оралатиб (дизеллар ва б.да) пуркалиши мумкин. Ф.нинг марказдан қочма, уюрмали, айланма тўзитгичли, оқма, штифтли, газ пуркайдиган ва б. турлари бор. Ф.дарда берилаётган ёнилғи миқдорини ўзгартираднган клапани (мас.: нина) бўлади. Клапанни қўлда, берилаётган суюқлик таъсирида ёки автоматик қурилмалар ёрдамида бошқарилади. Газсимон ёки чангсимон ёнилгини пуркаш учун мўлжалланган Ф.га ўхшаш қурилма горелка деб аталади. Ф.лар ички ёниш қозонлари, печь агрегати, газ турбиналари, реактив двигателлар, ички ёнув двигателларида ишлатилади.



Дизель форсункаси: *1* — пуркагич; *2* — игна; *3* — гайка; *4* — корпус; *5* — ёнилғи канали; *6* — шток; *7* — пружина; *8* — ростлаш винти; *9* — қалпоқча; *10* — тўр фильтр.

ФОРТЕПИАНО (итал. forte — кучли ва piano — кучсиз, секин) — *рояль* ва *пианино*ларнинг умумий номи. 18-а. бошида Б. Кристофори (Италия), Ж. Марнус (Франция) ва К.Г. Шрётер (Германия) томонидан ихтиро қилинган. Кейинчалик Ф. механизми ва шакли И. А. Штейн, И. А. Штрейхер (Австрия), А. Бекерс (Лондон), С. Эрар (Париж) ва б. усталар томонидан такомиллаштирилган. Товуш *клавиш*ларини босиш орқали кигиз қопланган ёғоч болғачалар б-н торларга уриш натижасида ҳосил қилинади. *Клавесин* ва клавикордлан динамикаси ўзгарувчанлиги (мас., кучли fortedan аста-секин piano даражасига ўтиш имкониятлари) б-н фарқ қилади (номи шундан). Ф. учун илк асарларни Й. Гайдн, В. А. Моцарт, Л. Бетховен ва б. ижод қилган. Ф. ўзининг кенг ижровий-техник ҳамда ифодавий имкониятлари туфайли Европа кўп овозли мусиқасида асосий якканавоз ва жўрнавоз соз сифатида кенг ўрин олган.

Ўзбекистонда Ф. мусиқаси 1920—30-й.ларда В. Успенский, Б. Надеждин қайта ишлаган ўзбек халқ куйларидан бошлаб, кейинчалик Г. Мушель, Ҳ. Изомов, Б. Гиенко, Сайфи Жалил, Н. Зокиров, охирги йилларда Д. Сайдаминова, Р. Абдуллаев, А. Набиев, М. Отажонов, Д. Омонуллаева ва б.нинг миниатюралари, соната ва концертлари, кўп қисмли туркумлари б-н бойиди. Ўзбекистонда Ф. ижрочилиги санъати ривожига А. *Лисовский*, Н. *Яблоновский*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист-

лар О. Юсупова, А. Шарипова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Т. Попович, халқаро танловлар ғолиби Э. Мирқосимова, А. Султонов, У. Полвонов ва б. ўз ҳиссасини қўшган.

ФОРТИФИКАЦИЯ (лот. fortificatio — истеҳком) — 1) қўшин позицияларини мустаҳкамлаш ва шикаст берувчи қуроллар таъсиридан сақланиш усуллари ҳақидаги фан; 2) ҳарбий муҳандислик ишининг тармоғи (қ. *Истеҳком, Мудофаа иншоотлари*).

ФОРТРАН [инг. for(mula) tran(slation) — формулалар таржимаси] — ЭҲМ (компьютер) ёрдамида илмий-техникавий масалаларни ечиш алгоритмини баён қилиш учун қўлланиладиган *программалаш тили*. 1957 й.да ишлаб чиқилган (АҚШ). Ф.нинг кўпчилик вариантлари 2 асосий варианти: Basic Fortran ва Ф.-IV нинг кенгайтирилган вариантлари ҳисобланади.

ФОРТ-УЭРТ — АҚШ жан.даги шаҳар. Даллас ш.дан 60 км ғарбда, Техас штатида. Аҳолиси 534,6 минг киши (2000). Транспорт йўллари чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Қ.х. районининг муҳим савдо-молия маркази. Машинасозликнинг йирик маркази. Авиация, автомобилсозлик, радиоэлектроника саноати корхоналари бор. Нефть саноати учун жиҳозлар, музлаткичлар, тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқарилади. Металлсозлик, озиқ-овқат, кимё-фармацевтика, полиграфия саноати корхоналари ишлаб турибди. Ун-т бор. Шаҳарга 1849 й.да асос солинган.

ФОРУМ (лот. forum) — 1) қад. Римда сиёсий ҳаётнинг маркази — жамоат майдони. Ф.да бозор, ибодатхоналар, суд, халқ йиғинлари ва б. мақсадлар учун қурилган *базиликалар*, сенат, шаҳар бошқармасининг бинолари бўлиб, атрофи устунли пешайвон ва ҳайкаллар б-н безатилган; 2) оммавий йиғин мажлис, кенгаш, йирик анжуманлар Ф.и (мас. журналистлар Ф. и; Жаҳон ёшлари Ф.и ва б.).

ФОС, Фес — Марокашнинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Фос вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 772 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Савдо-транспорт маркази. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Муҳим саноат марказларидан. Тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғочсозлик, кимё саноатлари ривожланган. Станоксозлик з-ди бор. Ҳунармандчиликда мато тўқилади, сопол идишлар ва теридан турли буюмлар тайёрланади. Мамлакатнинг маданий-тарихий маркази. Мағрибнинг диний марказларидан бири. Машҳур Қарауин мусулмон ун-ти (859), Марокаш санъати музейи бор. Шаҳарга илк бор 8-а.да асос солинган бўлиб, 3 қисмдан иборат: Фос ал-Бали (эски Ф., 789 й.да Идриси I асос солган), Фос ал-Жадид (янги Ф., 1276 й.да қурила бошлаган) ва 1916 й.дан кейин қурилган замонавий шаҳар.

Шаҳар 9—10-а.ларда Идрисийлар давлати маркази бўлган. 13—15-а.ларда Маринийлар давлати, 14-а.дан Мағрибнинг сиёсий маркази. 1911 й.да Ф.ни французлар босиб олган. 1956 й.дан Марокаш мустақилликка эришгач, Ф. тез ривожлана бошлади.

ФОСГЕН, карбонат кислота дихлорангидриди, $COCl_2$ — чириган пичан ҳиди келадиган рангсиз газ. Мол. м. 96,92. Суюқланиш т-раси — 188°, қайнаш т-раси 8,2°; буғларининг ҳавога нисбатан зичлиги 3,5; сувда оз, органик эритувчиларда яхши эрийди. Газсимон Ф. ҳаво нами таъсирида секин, сувда эса тез гидролизланади. Ф. CO га Cl_2 (фаоллашган кўмир иштирокида) таъсир эттириб олинади.

Ф. — жуда заҳарли модда, нафас йўлларига кучли таъсир этади. Ф. таъсир этганда газ алмашинуви бузилади, кислород етишмайди, қон қуюқлашади ва ивийди, қон айланиши қийинлашади. Кучсиз заҳарланганда бронхлар зарарланади, кучли заҳарланганда нерв-психик зарарланиш ҳам рўй беради.

Биринчи жаҳон урушида (1914—18) Ф. бўғувчи *заҳарловчи моддалар* сифатида ишлатилган. 0,005 мг/л Ф. хавфли; 0,1—0,3 мг/л Ф. 15 минутда одамни ўлдиради. Ф.дан сақланиш учун противогаз кийиш керак.

ФОСИҚ (араб. — йўлдан адашган, ахлоқсиз) — 1) ислом анъанасида диний мажбуриятларни адо этмаган гуноҳкор. Қуръонда яҳудийлар, христианлар, мушриклар ва мунофиқлар ҳақида сўз бораркан, кўпларининг Ф. эканлиги билдирилади, айрим оятларда мўминларга нисбатан ҳам ишлатилиб, Аллоҳ Ф.лардан рози бўлмайди, эҳсонларини қабул этмайди ва ўзларини ҳидоятга эриштирмайди, уларни дунёда жазолагани каби, охиратда ҳам жаҳаннамга ташлайди, деб баён қилинади; 2) ахлоқий маънода — фаҳш, бузуқ одам.

ФОСФАМИД, БИ-58, рогор ($C_5H_{12}NO_3PS_2$) — сиртдан ва сингиб таъсир этувчи инсектицид ва акарицид. 40% ли эмульгирланувчи кукун ҳолида ишлаб чиқарилади. Ўсимликхўр каналар, шира, трипс ҳамда барг кемирувчи зараркунандаларга қарши курашда қўлланилади. Таъсир қилиш муддати 10—15 кун. Сарф меъёри 1,5—2,5 кг/га. Беда ва б. экинларда Ф.нинг 1,5% ли суперфосфат б-н донадор аралашмаси экиш б-н бирга солинади. *Ўргимчаккана, шира, кузги тунлам* қуртларига қарши қўлланилади. Сарф меъёри 50—70 кг/га. Заҳари ўртача.

ФОСФАТ КИСЛОТАЛАР — фосфат ангидрид (P_2O_5)нинг сувли ҳосилалари. Бир молекула фосфат ангидрид б-н бир неча молекула сув бирикишига қараб 3 хил фосфат кислота олиниши мумкин: $P_2O_5+H_2O\rightarrow2HPO_3$ (метафосфат кислота); $P_2O_5+2H_2O\rightarrow H_4P_2O_7$ (пирофосфат кислота); $P_2O_5+3H_2O\rightarrow2H_3PO_4$ (ортофосфат кислота). Буларнинг ичида энг муҳими ортофосфат кислота, у тўғридан-тўғри фосфат кислота деб аталади. Фосфат кислота (H_3PO_4) — рангсиз, тиниқ кристалл модда. Суюқланиш т-раси 42,35°, зичлиги 1,87 г/см³. Нормал шароитда инерт, юқори т-рада кўпгина металл ва уларнинг оксидлари б-н реакцияга киришади ва, ҳатто кварц б-н олтинга ҳам таъсир этади. Фосфат кислота сув б-н ҳар қандай нисбатда аралашади. Ортофосфат кислота 3 асосли, у 3 хил туз ҳосил қилади, мас., $Ca(H_2PO_4)_2$ — кальций дигидрофосфат (бирламчи фосфат); $Ca_2(HPO_4)_2$ — кальций гидрофосфат (иккиламчи фосфат); $Ca_3(PO_4)_2$ — кальций фосфат (учламчи фосфат).

Фосфат кислота техникада экстракцион ва термик усуллар б-н олинади. Экстракцион усул майдаланган ва озроқ фосфатга кислота қўшилган табиий фосфоритни сульфат кислота эритмасида эритишдан иборат. Термик усулда эса аввал фосфоритдан соф фосфор ажратиб олинади, сўнгра уни куйдириб фосфор (V) -оксид — фосфат ангидрид ҳосил қилинади. Бу моддага сув таъсир эттириб уни H_3PO_4 га айлантирилади. Метафосфат кислота орто- ёки пирофосфат кислотани қиздириб олинади. Пирофосфат кислота эса гидрофосфатларни қиздириб ва б. усулларда олинади.

Фосфат кислота ўғитлар, техник реактивлар и.ч.да муҳим хом ашё. У органик маҳсулотлар синтезида, фаоллашган кўмир и.ч.да, металлар сиртида ҳимоя қопламалар ҳосил қилишда қўлланади. Тозаланган, озиқ-овқат фосфат кислотаси деб аталадиган хили спиртсиз ичимликлар, фармацевтик препаратлар, озуқа концентратлари тайёрлашда ишлатилади.

ФОСФАТ РУДАЛАРИ — таркибидаги фосфор, саноатда фойдаланиш учун техник томондан қулай ва саноатнинг турли соҳалари учун фосфор таркибли маҳсулотларни (минерал ўғитлар, фосфатлар, фосфор тузлари) олиш йўли б-н уларни қайта ишлаш, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган бирикма ва концентрацияларда бўлган табиий минерал ҳосилалар. Ф.р.нинг асосий компоненти — фосфор, P_2O_5нинг таркиби Ф.р.да 2—6% дан 25—34% гача ўзгариб туради ҳамда технологик хусусиятлар, қазиб олишнинг геологик шароитлари ва б. омилларга боғлиқ бўлади. Ф.р. табиий ҳосилаларнинг асосий 2 гуруҳидан — *фосфоритлар* ва *апатитлар*, баъзан алюмо- ва темир фосфатлардан ташкил топган бўлади. Ф.р.нинг асосий компоненти — апатит гуруҳининг фосфат минераллари, уларнинг ичидан кўпроқ тарқалганлари — фторапатит, фторокарбонатапатит ва уларнинг модификацияси — франколит ва курскит. Ф.р. конлари келиб чиқишига қараб эндоген ва экзоген конларга бўлинади.

ФОСФАТИДЛАР — қ. *Фосфолипидлар*.

ФОСФАТЛАР — фосфат кислота тузлари ва эфирлари. Ортофосфат ва полимер (ёки конденсатланган) Ф.га бўлинади. Конденсатланган Ф. тетраэдрик $[PO_4]^{3-}$ гуруҳларининг ўзаро бирлашиш усулига кўра полифосфатлар, метафосфатлар ва ультрафосфатга бўлинади. Полифосфатлар — PO_3—O—PO_3— занжирлардан иборат $[PO_3]^{-}$ гуруҳлардан тузилган (занжирларда 10^6 гача фосфат атомлари бўлиши мумкин). Метафосфатларда $[PO_4]^{3-}$ тетраэдрлар берк ҳалқалар ҳосил қилади. Ультрафосфатлар тармоқланган занжир ва ҳалқалардан тузилган. Ультрафосфатлар таркибида $Me_2O:P_2O_5$ нисбати 0>1 дан кичик бўлади. Ультрафосфатлар сувда кам эрийди. Улар сувда гидролизланиб турли мета- ва полифосфатлар ҳосил қилади.

Ортофосфатлар — ортофосфат кислота (H_3PO_4) тузлари. Улар бир алмашинган [мас., KH_2PO_4, $Ca(H_2PO_4)_2$ ва б.], икки алмашинган [мас., $(NH_4)_2HPO_4$, NH_4NaHPO_4 ва б.] ва уч алмашинган [мас., $Ca_3(PO_4)_2$, NH_4MgPO_4 ва б.] ортофосфатларга бўлинади. Ф. таркибидаги $[PO_4]^{3-}$ анион ҳам тетраэдрик тузилишга эга. Нордон ортофосфатлар қиздирилганида қиздириш шароитига қараб ҳалқасимон метафосфатлар ёки занжирсимон полифосфатлар ҳосил бўлиши мумкин. Нормал (ўрта) ортофосфатлар ($Me^{I}_3PO_4$) қиздирилганида ўзгармайди, лекин катион термик беқарор бўлса, парчаланиб учувчан маҳсулотлар ажралиб чиқиши мумкин. Бир алмашинган ортофосфатлар сувда эрийди. Икки ва уч алмашинган ортофосфатлардан фақат ишқорий металлар ҳамда аммоний ортофосфатлари сувдаги эритмаларда гидролизланади. Мас., NaH_2PO_4, Na_2HPO_4 ва Na_3PO_4 ларнинг 1%ли эритмаларида pH 4, 6, 8, 9 ва 12,1 га тенг. Bi, Sn, Ti, Zr, Hf, Th лардан бошқа металларнинг ортофосфатлари кучли кислоталарда эрийди. Сувда эрувчан ортофосфатлар ҳосил қилиш учун металларнинг гидроксид ёки карбонатлари эритмасига тегишли миқдорда H_3PO_4 қўшилади.

Кальций ва аммоний ортофосфатлар фосфорли ўғитлар, эмаллар, бўғиқ шишалар и.ч.да, фармацевтика саноатида, оловбардош материаллар тайёрлашда қўлланади. Кальций ва аммонийнинг кристалл ҳолдаги, бир алмашинган ортофосфатлари жуда қимматли сегнето- ва пьезоэлектрик материаллардир.

Тузилиши турлича полимер Ф.ни қуйидаги формула б-н ифодалаш мумкин: чизиқли полифосфатлар $Me_{n+2}P_nO_{3n+1}$, ҳалқали полифосфатлар $Me_nP_nO_{3n}$. Бу ерда n — полимерланиш даражаси. Полимер Ф.нинг хоссалари катион табиатига, фосфат-анионнинг тузилиши, полимерланиш даражаси, фосфат структураси ва б.га боғлиқ. Циклик метафосфатлар ичида тримета-, тетрамета-, гексамета- ва октаметафосфатлар кўпроқ ўрганилган.

Фосфат кислота эфирларидан бир, икки ва уч алмашинган ортофосфатлар мавжуд. Улар $POCl_3$ га спирт таъсир эттириб олинади. *Пестицидлар*, экстрагентлар ва б. сифатида қўлланади. Баъзи органик Ф. (*нуклеин кислоталар, аденозинтрифосфат кислоталар*) тирик организмларда муҳим функцияларни бажаради.

Саидакрол Тўхтаев.

ФОСФАТЛАР, табиий фосфатлар — минераллар синфи, таркиби нисбатан хилма-хил бўлган ортофосфат кислотаси тузлари H_3PO_4. 230 га яқин минераллан таркиб топган; ўртача тузлар (мас., ксенотим $Y[PO_4]$, *монацит*) кам. Оролли ва қатламли структурага эга. Ф., асосан, икки ёки ундан ортиқ катионларнинг [Ca^{2+}, Fe^{2+}, Fe^{3+}, Al^{3+}, $(UO_2)^{2+}$, Cu^{2+}, Mn^{2+}, Pb^{2+}, Zn^{2+} ва б.], қўшимча анионларнинг (OH^-, Cl^-, F^-, O^{2-}, CO_3^{2-}) ёки молекуляр сувнинг мураккаб бирикмасидан иборат. Баъзи Ф. монетит CaHPO4 типидаги нордон тузлардан ташкил топган. Ф. яхлит донадор агрегатлар, тупроқсимон массалар, оолитлар, конкрециялар, баъзан қирраланган кристаллар кўринишида учрайди. Ранги турли хилда бўлади. Қаттиқлиги 2 дан 5—6 гача, зичлиги 1,7—7,1 г/см³. Ф., асосан, тоғ жинсларида тарқалган; энг кўп тарқалган ва амалий аҳамиятга эга бўлган апатит гуруҳи (Ф.нинг ҳам таркибий қисми бўлган) минераллари, вивианит (Fe^{2+}, Fe^{3+}) $[PO_4]\cdot8H_2O$, монацит, ксенотим, амблигонит $LiAl[PO_4]\cdot(F, OH)$, торбернит, отенит, феруза ва б. Ф., асосан, Ер пўстининг юқори қисми — денгиз ва кўл тублари, ботқоқликлар, нураш пўсти, кўпгина рудали конларнинг оксидланиш зонасида ҳосил бўлади. Ф. магматик келиб чиқишга эга (апатит, монацит, ксенотим) ҳамда гидротермал томирларда акцессор минерал сифатида учрайди. Ф.дан *фосфат рудалари* (апатит ва фосфорит) сифатида фойдаланилади. Баъзи Ф.дан: вивианит — арзон кўк бўёқ ва маҳаллий фосфор ўғити, монацит — торий ва ноёб ер элементлари, амблигонит — литий рудаси, феруза — заргарлик тоши сифатида фойдаланилади.

ФОСФАТЛИ ОЗУҚАЛАР — таркибида фосфор ва кальций бўлган ва молларга бериладиган минерал озуқа. Саноатда чорвачилик учун озуқа сифатида фторсизланган фосфат (35% гача Са, 17% Р), трикальций фосфат (камида 32%Са, 14%Р), дикальций фосфат ёки озуқа *преципитат* (камида 16,6% Са, 16,6% Р), *суяк уни* (камида 28,6% Са, 13,4% Р) ва суяк кули (рационда фосфор ва Са етишмаганда фойдаланилади), диаммоний фосфат (8,6%Р, 13,1% N; рационда фосфор етишмаганда ва кальций ортиқча бўлганда қўлланилади) ишлаб чиқарилади.

Рационда Ф.о. миқдори молларнинг ёши, вазни ва маҳсулдорлигига қараб белгиланади. Мас., бир суткада қорамолларга 50—200 г, тана ва новвосларга 20—100 г преципитат, трикальций фосфатдан тегишлича 50—75 ва 25—100 г бериш мумкин. Ф.о. аралаш ем, силос, туруп, майдаланган илдизмеваларга қўшиб берилади.

ФОСФИДЛАР — фосфорнинг металлар, шунингдек, фосфорга нисбатан электр мусбат металлмаслар (B, Si, As ва б.) б-н бўлган бирикмалари. Ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг Ф.и сувда ва суюлтирилган кислоталарда парчаланиб *фосфин* ажратиб чиқаради. Ишқорий-ер металларнинг ва мис гуруҳчасидаги металларнинг Ф.и. иссиққа чидамсиз; бу хил Ф. таркибида нисбатан кўпроқ фосфор тутганда яримўтказгич хоссага эга бўлади. Оралиқ металлар, лантаноид ва актиноидлар Ф.и кимёвий барқарор, сув ва суюлтирилган кислоталарда парчаланмайди.

Ф. элементлардан 600—1200° да вакуум остида синтезлаш натижасида ёки инерт газлар атмосферада ҳосил бўлади; фосфинга металлар ва металлмаслар ёки уларнинг оксидларини таъсир

эттириб олинади ва ҳ.к. Галлий Ga, индий In ва б. металларнинг Ф.и ярим-ўтказгичлар, рух Ф.и кемирувчиларга қарши заҳарли дори сифатида қўлланади. Ф. баъзи рангли металлар қотишмаларининг антифрикцион хоссаларини яхшилаш мақсадида уларнинг таркибига қўшилади. Пиротехникада сигнал воситаси сифатида ишлатилади.

ФОСФИН, PH_3 — фосфорнинг водород б-н бирикмаси; сасиган балиқ ҳиди келадиган рангсиз газ; зичлиги 1,55 г/л, суюқланиши т-раси — 133°, қайнаш т-раси −87,8°. Қиздирилганда фосфор б-н водородга парчаланади. Кимёвий хоссаси жиҳатидан аммиакка ўхшайди. Кучли қайтарувчи. 100° дан юқори т-рада ҳавода ёнади. Кальций фосфид Ca_3P_2 га хлорид кислота HCl таъсир эттириб олинади. Жуда заҳарли.

Ўз-ўзидан алангаланадиган суюқ Ф. деб аталадиган дифосфин P_2H_4 нинг қайнаш т-раси 65°, −99° да қотади. Кислоталар б-н реакцияга киришмайди. Узоқ вақт сақланса, ўзидан аста-секин PH_3 чиқариб сариқ рангли қаттиқ Ф.— $P_{12}H_6$ га айланади. Қаттиқ Ф. сувда ва органик эритувчиларда эримайди.

ФОСФОЛИПИДЛАР, фосфатидлар — мураккаб *липидлар*, молекулаларида фосфат кислота қолдиқлари бўлади. Ф. таркибига *глицерин*, *ёг кислоталари*, *альдегидлар* ва азотли бирикмалар (холин, *этаноламин*, *серин*) киради. Глицерофосфатидлар [фосфатидилхолин (*лецитин*), фосфатидилэтаноламин (кефалин), фосфатидилсерин, фосфатидилинозит, кардиолипин] ва фосфосфинголипидлар — сфингомиелинлар Ф.нинг муҳим вакиллари.

Ф. табиатда кенг тарқалган. Асосий структура компонентлари сифатида ҳайвонлар, ўсимликлар ва микроорганизмлар ҳужайра мембраналари таркибига киради. Оқсиллар б-н липопротеин комплекслар ҳосил қилади.

Ф.дан ташқари фосфонолипидлар ҳам маълум, буларда фосфор атоми азот асосига (холин ва этаноламинга) P—C ковалент боғ орқали бириккан. Бу бирикмалар моллюскалар ва бактерияларда топилган.

ФОСФОР (юн. phosphoros — ёруғлик ташувчи, phos — ёруғлик ва phoro — ташийман, лот. Phosphorus), P — Менделеев даврий системасининг V группасига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 15, ат.м. 30,97376. Ф.нинг 1 та изотопи — ^{31}P бор. 6 та сунъий радиоактив изотопи: ^{28}P, ^{29}P, ^{30}P, ^{32}P, ^{33}P, ^{34}P олинган. Унинг ^{32}P ($T_{1/2}$=14,22 кун) изотопи нишонли атом сифатида кенг қўлланади.

Ф.ни 12-а.да араб алкимёгари А. Бехил (Баширр) сийдикдан ажратиб олган. Гамбурглик алкимёгар Х.Бранд сийдикни буғлатишдан ҳосил бўлган қолдиқни кўмир иштирокида қуруқ ҳайдаш б-н оқ Ф. олган (1669). Ф.ни илк бор *Лавуазье* кимёвий элемент деб атаган. К. Шееле 1771 й.да Ф.ни суяк кулидан олган.

Ф. Ер пўстининг масса жиҳатдан $8 \cdot 10^{-2}$% ини ташкил қилади. Ф. фаол элемент, табиатда фосфоритлар ва апатитлар таркибида учрайди. Ф.нинг 3 та аллотропик шакл ўзгариши: оқ, қизил ва қора Ф. маълум. Оқ Ф. P_4 таркибли тетраэдр шаклдаги молекулалар ҳосил қилади. Унинг суюқланиш т-раси 44°, зичлиги 1,83 г/см³, қайнаш т-раси 281°; у сувда, спиртда оз, углерод (IV)-сульфид, бензол, эфир, скипидар ва суюқ аммиакда яхши эрийди. Оқ Ф. кимёвий реакцияларга яхши киришади. 50° да ҳавода ўз-ўзидан алангаланади. Қиздирилганда ҳатто платина б-н ҳам бирикади. Жуда заҳарли, 0,1 грами одамни ўлдиради. Оқ Ф. сувда сақланади. У берк идишда 260° гача қиздирилганда қизил Ф.га айланади. Қизил Ф. (қора Ф. ҳам) юқори полимер модда. Суюқланиш т-раси 590°, зичлиги 2,3 г/см³. Қизил Ф. қиздирилганда суюқланмасдан буғланиб кетади, углерод (IV)-сульфидда эримайди; ҳавода 260° да алангаланади, заҳарли эмас. Қора Ф.нинг тузилиши ва кўриниши графитга ўхшайди (қ. *Углерод*). У Ф.нинг энг барқарор шаклидир. Зичлиги 2,7 г/см³. 490° да алангаланади. Углерод (IV)-сульфидда эримайди; электр токини ўтказади (оқ Ф. ва қизил Ф. электр токини ўтказмайди). Қора Ф. оқ Ф.га юқори босим таъсир эттириш ёки уни 270° да узоқ қиздириш натижасида ҳосил бўлади.

Ф. фаол металлмаслар жумласига киради. Унинг оксидланиш даражалари +5, +3, +1,0 ва −3 га тенг. Юқори т-рада (1000° дан юқорида) Ф. буғлари, асосан, P_2 молекулаларидан иборат. Қуйи т-рада Ф. буғлари тетраэдр шаклидаги P_4 молекулаларидан тузилган. Ф.нинг −3 оксидланиш даражадаги бирикмаси PH_3 — жуда заҳарли газ. Ф.нинг +3 га мувофиқ оксиди P_4O_6 таркибли димер молекулалардан, +5 га мувофиқ оксиди P_4O_{10} молекулалардан тузилган. Ф.нинг бу оксидларига мувофиқ келадиган кислоталари H_3PO_3 — ортофосфит кислота, HPO_2 — метафосфит кислота, H_3PO_4 — ортофосфат кислота, HPO_3 — метафосфат кислота, $H_4P_2O_7$ — пирофосфат кислота. Ортофосфат кислота кучи ўртача кислоталар жумласига киради, у 3 асосли. Апатитлар ортофосфат кислотанинг кальцийли тузидир.

Апатит ва фосфоритлар Ф. олишда хом ашё сифатида ишлатилади. Уларни электр печда 1400—1600° да кокс б-н қайтариб эркин Ф. ҳосил қилинади. Кальций оксидни шлакка ўтказиш учун SiO_2 қўшилади. Ҳосил бўлган Ф. буғлари сувда оқ Ф. шаклида конденсатланади.

Ф. ҳарбий мақсадларда, гугурт саноатида, металлургияда, фосфорли бронзалар ҳосил қилишда қўлланади. Ишлаб чиқариладиган Ф.нинг асосий қисми термик фосфат кислота ва фосфорли ўғитлар тайёрлаш учун кетади. Техник Ф.нинг деярли ярми синтетик ювувчи воситалар тайёрлаш учун сарфланади. Фосфор (V)-оксид P_4O_{10} қуритувчи восита сифатида, метилметакрилат смолалар олишда қўлланади. Ф. сульфидлари флотацион воситалар, антикоррозион қўшимчалар, *фосфорорганик бирикмалар* синтезида ишлатилади.

Ф. тирик организм ҳужайралари ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Ф. моно-, ди-ва трифосфат группалар $-H_2PO_3$, $H_3P_2O_7$ ва $H_4P_3O_{10}$ тарзида ферментларнинг фаол группалари таркибига киради. Биологик системаларда (ҳужайралар митохондрияларида) аденозинтрифосфат кислота (АТФ) мавжуд бўлиб, у организмга энергия захирасини бериб туради, чунки АТФ гидролизга учраганда аденозиндифосфат кислота (АДФ) ва фосфатлар ҳосил бўлиб, бу жараён энергия ажралиб чиқиши б-н содир бўлади. Организм ҳужайраларида электронлар озуқа моддалардан ҳаво кислородига кўчади. Бу жараён вақтида АДФ ва фосфатлардан АТФ ҳосил бўлади. Суякда Ф. гидрок-сид апатит $3Ca_3(PO_4)_2 \cdot Ca(OH)_2$ ва карбонат апатит $3Ca_3(PO_4)_2 \cdot CaCO_3 \cdot H_2O$ шаклида мавжуд. Ўсимликлар Ф.ни тупроқдан фосфатлар ҳолида ўзлаштиради. Ўсимлик ва ҳайвон организмларида Ф. турли органик моддалар ҳосил қилади.

Ад.: Парпиев Н.А., Раҳимов Х.Р., Муфтахов А.Г., Анорганик кимё, Т., 2003. Касымова С.С., Биогенные элементы, Т., 1990.

Сталина Қосимова.

ФОСФОР ГАЛОГЕНИДЛАР — фосфорнинг галогенлар б-н бўлган бирикмалари. Фосфор тригалогенидлар PX_3 (бу ерда X — галоген): PF_3, PCl_3, PBr_3; пентагалогенидлар PX_5, PF_5, PCl_5, PBr_5 муҳим аҳамиятга эга. Фосфор моногалогенидлар PX (мас., PCl, PBr); дигалогенидлар P_2X_4 (мас., P_2Cl_4, P_2F_4); аралаш Ф.г. (мас., $PFCl_2$, PF_2Cl_3); полигалогенидлар (мас., PBr_7, PCl_3I_7) ва оксигалогенидлар (мас., $POCl_3$, POF_3) ҳам ўрганилган.

Ф.г. реакцияга шиддатли киришади, уларнинг кимёвий фаоллиги фторидлардан йодидларга қараб пасайиб боради, сув б-н осон гидролизланади.

Фосфор (III)-хлорид PCl_3, рангсиз суюқлик, суюқланиш т-раси — 93,6°, қайнаш т-раси 76,1°, зичлиги 1,575 г/см³, органик эритувчиларда эрийди. Осон гидролизланиб фосфит кислота ва хлорид кислота ҳосил қилади. Оқ фосфорни хлорлаб олинади. *Фосфорорганик бирикмалар* синтезида ишлатилади.

Фосфор (V)-хлорид PCl_5, оч яшил кристалл модда, суюқланиш т-раси 167°, зичлиги 2,11 г/см³, осон сублимацияланади, органик эритувчиларда эрийди, сувда гидролизланиб оксихлорид $POCl_3$ ва хлорид кислота ҳосил қилади. Фосфор (III)-хлорид PCl_3 ни хлорлаб олинади. Органик синтезда хлорловчи реагент сифатида ишлатилади.

ФОСФОР ОКСИДЛАРИ — *фосфорнинг* кислород б-н ҳосил қилган бирикмалари. Ф.о. дан фосфор (III)-оксид ёки фосфит ангидрид P_2O_3, фосфор (V)-оксид ёки фосфат ангидрид P_2O_5 ва фосфор (IV)-оксид $(PO_2)_n$ муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг молекулалари димер ҳолда, яъни P_4O_6, P_4O_{10} ва P_2O_4 (фосфор қўш оксид) шаклида мавжуд.

Фосфор (III)-оксид, P_2O_3 — рангсиз модда. Суюқланиш т-раси 23,8°, қайнаш т-раси 173,7°, зичлиги 2,135 г/см³. Сув, углерод сульфид ва бензолда яхши эрийди. Совуқ сувда эриганда фосфит кислота H_3PO_3, иссиқ сувда эса эркин фосфор, *фосфин*, фосфат кислота ва б. бирикмалар ҳосил қилади. Ҳавода аста-секин фосфат ангидридгача оксидланади. 210°да PO_2 ва қизил фосфорга парчаланади. Фосфит ангидрид фосфорга чекланган миқдорда ҳаво таъсир эттириш йўли б-н олинади. Органик синтезда кўплаб ишлатилади.

Фосфор (IV)-оксид, $(PO_2)_n$ — рангсиз модда, сублимацияланганда ялтироқ кристаллар ҳосил бўлади. Зичлиги 2,54 г/см³. Сувда эриганда эквимолекуляр миқдорда фосфат ва фосфит кислоталар ҳосил бўлади:

$$P_2O_4+3H_2O=H_3PO_4+H_3PO_3$$

Фосфор (V)-оксид, P_2O_5 — оқ кукун, ниҳоятда гигроскопик модда. Суюқланиш т-раси 420°, зичлиги 2,29 г/см³. 1 атм. босимда 360° да сублимацияланади. Сув таъсирида *фосфат кислоталарга* айланади. Саноатда фосфат ангидрид фосфорни кислороди кўп ҳавода куйдириш йўли б-н ҳосил қилинади. Фосфат ангидрид газлардаги намни, суюқликлардаги сувни ютувчи восита, кимёвий синтезларда конденсацияловчи модда сифатида қўлланади. P_2O_5 шиллиқ пардаларга таъсир этади, йўталтиради, бўғади, терини куйдиради, шу сабабли у б-н ишлаганда хавфсизлик техникасига риоя қилиш лозим.

ФОСФОРБАКТЕРИН — бактериал ўғит; таркибида фосфорорганик бирикмаларни ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклга ўтказиш қобилиятига эга бўлган микроорганизмлар спораси бор. Ф. юқтирилган уруғлик б-н тупроққа кирган бактериялар ўсимликнинг илдиз атрофида ривожланади. Ф. суюқ ёки қуруқ ҳолда бўлади. Экиш олдидан 1 га майдонга экиладиган уруғликка 100 мл суюқ ёки 250 г қуруқ Ф. сарфланади. Мева дарахтлари кўчатларини ўтказишда 10—15 г қуруқ Ф. 10—20 л сувда эритилади ва кўчат учун қазилган чуқурга оз-оздан қуйилади ёки кўчат экилганидан кейин тупроқ юзига сепилади ва тупроқ юмшатиб қўйилади. Ф. органик моддаларга бой, унумдор тупроқларда яхши самара беради.

ФОСФОРЕСЦЕНЦИЯ — уйғотиш тугагандан кейин ҳам анча давом этадиган *люминесценция*. Ф. бир неча секунд, минут, соат, ой ва ҳатто йил давом этиши мумкин. Кристаллофосфорларнинг Ф.си уйғотиш вақтида ажраладиган электронлар ва ковакларнинг *рекомбинацияси* вақтида содир бўлади. Нурланишнинг чўзилиши электронлар ва ковакларнинг турли «қопқон»ларга илиниши б-н боғлиқ. Улар фақат «қопқон» чуқурлигидан катта бўлган қўшимча энергия олибгина бу «қопқон»лардан озод бўлиши мумкин. Мураккаб органик молекулаларнинг Ф.си уларнинг метастабил (оралиқ) ҳолатда бўлиши б-н боғлиқ. Органик молекулалар Ф.сининг равшанлиги, одатда, вақт бўйича экспоненциал қонун бўйича камаяди. Кристаллофосфорлар Ф.си равшанлигининг сўниш қонуни мураккаб. Кристаллофосфорлар т-расининг ортиши, одатда, Ф.нинг сўнишини тезлатади (яна қ. *Флуоресценция*).

ФОСФОРИТ УНИ — фосфорли ўғит, *фосфоритлардан* кукун ҳолида ишлаб чиқарилади, тупроқ нордонлигини пасайтиради, сувда эримайди. Таркибида ўсимликлар қийин ўзлаштирадиган ва $CaCO_3$, CaJ_2 аралашган $Ca_3(PO_4)_2$ шаклидаги 19—30% P_2O_5 бор. Нордон, ботқоқи, қумлоқли тупроқларда қўлланилади (бир неча йил таъсир қилади). Тупроқдаги кислота, микроорганизм-лар фаолияти, ўсимликлар илдизи аж-ратадиган моддалар таъсирида Ф.у. таркибидаги фосфор ўсимликлар ўзлаштира оладиган $Ca(H_2PO_4)_2 \cdot H_2O$ шаклига ўтади. Ф.у.ни кўпгина экинлар учун қўллаш мумкин. Дуккакли экинларга яхши таъсир қилади.

ФОСФОРИТЛАР — фосфатлар (асосан, апатит)га тўйинган чўкинди тоғ жинслари. Ф. таркибида фосфат ангидриди (P_2O_5)нинг миқдори 18%дан кам бўлмаслиги керак, аммо геологик қидирув ишлари амалиётида таркибида 5—18% гача P_2O_5 бўлган тоғ жинслари ҳам Ф.га киритилади. Соф Ф.нинг ранги асосан оқ бўлиб, жуда кам учрайди. Ф. таркибидаги рангли моддаларга кўра қора, кулранг, жигарранг, баъзан кўк, яшил, қизил, сариқ, оч кулранг бўлади. Ф. таркибида деярли ҳар доим органик моддалар, Ca, Mg, Fe карбонатлари, гил минераллари, пирит, темир гидрооксид, кварц, хальцедон бўлади. Ф.да уран, лантаноидларнинг церий группасига мансуб элементлари ҳамда кўпроқ Y, Pb, Sr, оз миқдорда V, Sc, Zr, Se, Be аралашмалари тўпланиши мумкин. Ф. структурасига қараб яхлит, донадор, желвaксимон (конкрецион), шағалсимон, конгломератли турларга бўлинади. Яхлит ва донадор Ф. кўп тарқалган. Яхлит (геосинклиналь) Ф. зич бир хил жинсдан иборат бўлиб, таркибидаги жуда кичик думалоқ фосфат доналари ва оолитлар фосфат, карбонат ёки силикат ангидрид (SiO_2) бирикмалари ёрдамида жипслашган. Маҳсулдор қатламлари қалин (10 м дан ортиқ), юқори сифатли (28—36% P_2O_5), кенг майдонда тарқалган. Бундай Ф. конлари Хубсугул (Монголия), Куньяна (Хитой), Жоржина (Австралия) кембрий ётқизиқларида мавжуд. Донадор (платформа) Ф. — карбонат ёки терриген чўкинди тоғ жинслари, таркибидаги фосфат доналари ҳамда денгиз организмлари қолдиқлари карбонат, силикат ангидрид ёки гил ёрдамида жипслашган. Маҳсулдор қатлам қалинлиги кўпинча 2—3 м (баъзан 10 м гача), таркибида 22—30% P_2O_5 бўлади. Бу типдаги Ф. Россиянинг Европа қисми, Шим. Африка, Ўрта Осиёда бўр ва палеоген ётқизиқларида кенг тарқалган. Ф. пайдо бўлиши ҳақида турли биокимёвий, кимёвий ва биоген назариялар мавжуд бўлиб, биокимёвий назария кўпчилик томонидан тан олинган. Ф. кимё, тиббиёт

ва озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган фосфор, фосфор кислота ва турли фосфорли бирикмалар олиш манбаси ҳисобланади. Асосий истеъмолчи — қ.х. бўлиб, Ф. 90% гача фосфорли ўғитлар тайёрлашда ишлатилади. Ундан ташқари, Ф.дан кўп-йўлакай саноат чиқиндиси сифатида бир қанча нодир элементлар ажратиб олинади. РФ, Болтиқбўйи, Сибирь, Қозоғистонда йирик Ф. конлари бор. Ўзбекистон ҳудудида Ф. палеоген, бўр, девон, силур ва токембрий ётқизиқларида топилган. Улардан, Марказий Қизилқумдаги Жерой-Сардара (P_2O_5 захираси 57,68 млн.т), Шим. Ёғинтоғ ва Қоратоғ конларида мавжуд.

ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР — таркибида *фосфор* бўлган минерал ва органик моддалар; ўсимликларнинг фосфор б-н озиқланишини яхшилаш учун ишлатилади. Ўсимликлар ўзлаштирган фосфорнинг тупроқдаги ҳажмини тўлдиришнинг бирдан-бир манбаидир. Ф.ў. таркибида фосфор бўлган рудалар — *апатит* ва *фосфоритлар*ни қайта ишлаб олинади. Булардан ташқари, металлургия саноати чиқиндилари — томасшлак ва мартен фосфатшлак ҳамда органик моддалар, мас., *суяк уни*, гўнг ва бошқалар Ф.ў. сифатида ишлатилади. Қ.х.да етказиб бериладиган Ф.ў. таркибидаги фосфор ортофосфат кислота (H_3PO_4)нинг ортофосфат тузлари шаклида бўлади. Айрим Ф.ў. эса полифосфат (суперфосфат) кислота, шу жумладан, метафосфат кислота асосида олинадиган мураккаб ўғитлардир. Ф.ў. саноат йўли б-н олинган биринчи минерал ўғитлардан ҳисобланади (1842 й.да Буюк Британияда суперфосфат ишлаб чиқарила бошланган). Эрувчанлик даражасига қараб Ф.ў. ни 3 асосий гуруҳга ажратиш мумкин: сувда эрийдиган (оддий, қўшалоқ ва аммонийлашган *суперфосфат*, *аммофос*, *диаммофос*) Ф.ў. Бу ўғитларда фосфор бир асосли кальций фосфат $Ca(H_2PO_4)_2 \cdot H_2O$ ҳолида бўлади; сувда эримайдиган (*преципитат* ёки кальций гидрофосфат, томасшлак, мартен фосфатшлаки, фтордан тозаланган фосфат ва б. термик фосфатлар) Ф.ў.; бу ўғитларда фосфор 2 асосли кальций фосфат — $CaHPO_4 \cdot H_2O$ ёки тетракальций фосфат — $Ca_4P_2O_9$ ҳолида бўлади. Аммоний цитрат, лимон кислота эритмаларида эрийдиган бу ўғитлар тупроқларда асосий ўғит сифатида ёки культивация вақтида қўлланилади. Қийин эрийдиган ёки сувда ва кучсиз кислоталарда эримайдиган (фосфорит уни ва суяк уни) Ф.ў. Уларда фосфор кальций фосфат — $Ca_3(PO_4)_2$ ҳолида бўлади. Бундай ўғитлар қийин эрийдиган фосфатларни ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклга келтирувчи нордон тупроқларга бир йўла ёки сифатида юқори дозаларда солинади. Ф.ў.нинг ишлатилиш хусусияти уларнинг эрувчанлик даражасига боғлиқ.

Сувда эрийдиган Ф.ў. кукуни ва донадор ҳолда лимон кислота ва аммоний цитратда эрийдиганлари кукун ҳолда, қийин эрийдиганлари жуда майда кукун ҳолида қўлланилади. Суғорма деҳқончилик зоналарида, одатда, сувда эрийдиган Ф.ў. қўлланилади. Уларнинг барчаси нам тортмайди, муштлашиб қолмайди. Суғориладиган тупроқларда Ф.ў. таркибидаги фосфор, азот ва калий нисбатлари 1:0,7:0,5, ғўзаси кўп тупроқларда 1:0,8:0,5 қилиб қўлланилганда яхши самара беради. Фосфор сувда кам эриганлиги сабабли юқолиб кетмай тупроқнинг юқори қатламида тўпланади. Тупроққа солинган Ф.ў. таркибидаги фосфорнинг 20—25% солинган йили, 40—60% 2—3 йил ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Ф.ў. ўсимлик ривожланиши учун зарур ўғитлар. Ф.ў. ғалласида ҳосил пишиши тезланади, ҳосилдорлик ортади, маҳсулот сифати яхшиланади, картошкада крахмал, қанд лавлагида қанд кўпаяди. Фосфор етишмаганда ўсимлик баргларининг чети қорайиб қурийди, ўсимлик нимжон бўлиб ўсади.

Ўзбекистонда Ф.ў. Олмалиқ «Аммофос» бирлашмаси, Самарқанд кимё з-ди, Қўқон суперфосфат з-дларида чиқарилади (яна қ. *Минерал ўғитлар*).

Ад.: Набиев М.Н., Азотнокислотная переработка фосфатов, т. 1, Т., 1976.

Расулбой Қурбон.

ФОСФОРОРГАНИК БИРИКМАЛАР — таркибидаги фосфор атоми углерод атомига бевосита ёки гетероатом — кислород, азот, олтингугурт орқали бириккан органик бирикмалар синфи. Кейинги гуруҳга Ф.б. фосфат, пирофосфат, трифосфат кислота эфирлари ҳолида табиатда кенг тарқалган (*фосфат кислоталар*); буларга *нуклеин кислоталар*, кўпгина муҳим *коферментлар*, *аденозинтрифосфат кислота* ва баъзи *витаминлар* киради.

Ф.б. турли белгиларига қараб таснифланади. Молекуладаги углерод—фосфор (C—P) боғи сонига қараб, чунончи: бирламчи (RPH_2), иккиламчи (R_2PH) ва учламчи (R_3P) фосфинлар ва уларнинг турли ҳосилалари (R органик қолдиқ), фосфорнинг валентлик ҳолатига кўра, 3 ва 5 валентли фосфор ҳосилалари бор; фосфорнинг координацион сони 2, 4, 5 ва 6 га тенг бўлган бирикмалари ҳам маълум. Фосфор функцияси таснифига кўра: фосфатлар, фосфин оксидлари (R_3PO), сульфидлар (R_3PS), имидлар (R_3PNR), фосфин-метиленлар ($R_3P{=}CR'R''$), фосфоний бирикмалари ($R_4P^+X^-$), кислородли кислоталар: фосфонит (RPO_2H_2), фосфинит (R_2POH), фосфонат (RPO_3H_2), фосфинат (R_2PO_2H) кислоталар ва уларнинг турли ҳосилалари ва олтингугуртли аналоглари ҳамда ҳосилалари, шунингдек, гипофосфит H_3PO_2, фосфит H_3PO_3, фосфат H_3PO_4 кислоталар ва б. кислоталарнинг органик ҳосилалари (эфирлар, амидлар, ангидридлар ва б.) бўлади. Бундан ташқари, P—P боғли Ф.б. ҳам бор, мас., ди-, три- ва тетрафосфинлар, гетероциклофосфинлар ва уларнинг ҳосилалари.

Ф.б. синтезида C—P боғини ҳосил қилиш усулининг аҳамияти катта. Бунга Арбузов реакцияси: $(RO)_3P + R'X \rightarrow R'PO(OR)_2 + RX$ ва Михаэлис-Беккер реакцияси: $(RO)_2PONa + R'X \rightarrow R'PO(OR)_2 + NaX$ ва б. реакциялар мисол бўлади.

Ф.б. техникада, қ.х.да, тиббиётда, шунингдек, и.т. ишларида қўлланилади. Фосфорорганик пестицидлар (инсектицидлар, акарицидлар, дефолиантлар, стимуляторлар ва х.к.) кўплаб ишлаб чиқарилади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ФА Ўсимлик ва ноорганик кимё ин-ти олимлари томонидан Ф.б. асосида янги мураккаб ўғитлар, дефолиантлар ва ўстирувчи моддалар синтез қилинди. Фосфат кислота б-н моноэтаноламиннинг сувдаги эритмасининг ўзаро кимёвий таъсири натижасида олинган янги модда этаноламин фосфат $2NH_2C_2H_4OH \cdot H_3PO_4$ стимуляторлар шулар жумласидандир. Ф.б.дан тиббиётда, асосан, *офтальмологияда* фойдаланилади. Биологик муҳим фосфатлар, мас., аденозинтрифосфатлар, кокарбоксилаза, бир қатор витаминлар муҳим аҳамиятга эга. Ф.б. комплекс ҳосил қилувчи моддалар сифатида рудаларни бойитишда (уран ва б. металлар и.ч.да) қўлланилади. Кўпгина Ф.б. сунъий моййларга қўшимчалар, *пластификаторлар* ва тизимларнинг *оловбардош* компонентлари (антипиренлар), эритувчилар, полимерлар сунъийликлар ва б. сифатида ишлатилади. Ф.б.дан органик синтезда ҳам кенг фойдаланилади. Баъзи кучли заҳарловчи моддалар (мас., *зарин*, *зоман*, *табун*), фосфорли-эпоксидлар) ҳам Ф.б.га мансуб.

Зуҳриддин Нодиров.

ФОТ (юн. phos — ёруғлик) — *ёритилганлик* бирлиги. Ф. 1 *люмен* ёруғлик оқими 1 см² сирт бўйлаб текис тарқалганда ҳосил бўладиган ёритилганликка тенг. Ф. ҳалқаро ph б-н белгиланади; 1 ф=10⁴ лк. *Люкс* киритилгунга қадар ишлатилган.

ФОТЕҲ НИЁЗИЙ (1914.16.1, Самарқанд — 1991.20.8, Душанбе) — Тожикистон халқ ёзувчиси (1986). Самарқанд Пед. академиясида ўқиган (1934). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—45).

Ф.Н.нинг ижоди ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган. Дастлаб ўзбек тилида «Маяк» (1933), «Бу кунниш гапалари» (1938), «Севги» (1940) сингари тўпламлари нашр қилган. «Вафо» (1-китоб, 1949; 2-китоб, 1958) романи, «Кўшни қиз» (1954) қиссаси, кўпчига катта шуҳрат келтирган «Ўрмоннинг ҳидлари бисмар» (1975), «Қуролсиз аскарлар» (1986) романларида 2-жаҳон урушининг дастлабки (1941—42) й.лари воқеалари ифодаланган. Ф.Н. драматург ва киносценарист сифатида ҳам «Ватанпарварлар» (1938), «Купрук» (1959) каби драмалар, «Учинчи қиз» (1971), «Баҳромнинг ғалабасининг саргузашти» (1975) каби киносценарийлар яратган. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти лауреати (1977).

Ас.: Вафо [роман], Т., 1974.
Ад.: Имомов Қ., Устозлар, Т., 1968.

ФОТИМА (тахм. 605/606, Макка — 632/633, Мадина) — *Муҳаммад* пайғамбарнинг кенжа қизи. Ф.га нисбатан қизиқиш шиалар ўртасида кенг тарқалган. Шиа имомлари ва мусулмон мамлакатларидаги кўпгина сулолалар (*идрисийлар*, *фотимийлар*, сайидийлар ва б.), шунингдек, барча *саййидлар* Ф. ва унинг эри *Али* ибн Абу Толиб авлодлари деб ҳисобланади. Ф. тўғрисида уни иффат ва тўзимлилик ҳам кўпинча аталади. Ф.нинг 5 фарзанди: 3 ўғли (*Ҳасан*, *Ҳусайн*, Муҳсин) ва 2 қизи (Умми Гулсум ва Зайнаб) бўлган. Муҳаммад (сав) вафотидан олти ойдан сўнг Ф. оламдан ўтган. Мадинада борган шиа зиёлар Ф. қабрини зиёрат қилади.

ФОТИМИЙЛАР — Яқин Шарқда ҳукмронлик қилган *исмоилийлар* халифалари сулоласи (909—1171). Насабларини Муҳаммад (сав)нинг қизлари *Фотима*га бориб тақашади. Ф. давлати Тунисда барпо этилган. 10-а. ўрталарида Ф. Шим. Африканинг бутун ҳудуди ва Сицилияни, 969 й. Мисрни, 10-а. охири — 11-а. бошида эса Сурияни тобе этганлар (яна қ. *Фотимийлар халифалиги*).

ФОТИМИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИ, Фотимийлар давлати (909—1171) — Шим. Африкада *фотимийлар* сулоласи бошқарган ҳарбий-теократик давлат. Ифриқия (Тунис)да исмоилийлар ҳаракати натижасида гуноҳга ботган бўлиб, уларнинг Убайдуллоҳ жадидлар ўрнига тузилган 910 й.да Раққа ш.да исмоилийлардан бўлган имом Убайдуллоҳ халифа ва маҳдий деб эълон қилинган. 10-а. ўрталарида келиб бутун исмоилийлар даъватини тўлиқ интилиштирган фотимийлар бутун Шим. Африкани ва Сицилияни ўзларига бўйсундириб олди. Ўрта денгизда эса уларнинг флоти илова ҳукмрон кучга айланди. 969 й.да фотимийлар қўшини Мисрни босиб олган, лашкарбоши Жавҳар Фустат яқинида Қоҳира ш.га асос солган. Бу шаҳар 973 й.да уларнинг пойтахти бўлиб қолган. 11-а. охирида Ф.х.га Жазоир, Тунис, Ливия, Миср, Сурия (Фаластин б-н), Ғарбий Арабистон (Ҳижоз, Яман) кирган. Фотимийлар марказлашган ҳарбий-теократик давлат қурдилар. Ҳокимият мерос сифатида ота-боладан ўтарди, ҳукмрон синфга қарашли барча ер Байрутийлар бўлишни тарзда ўтар эди. Байрутийлар бўлишни насроний ва яҳудийларга нисбатан христианлар ва яҳудийларга нисбатан анъана, бағрикенглик сиёсати олиб борилган. Ҳукмдорнинг асосий ривожланган соҳалари — деҳқончилик, мелиорация, савдогарчилик ва ҳунармандчилик. 11-а.да қудратли давлат бўлган. Мустансир (Муизз б.) ҳукмронлиги даврида (953—975) ерлар хирож солиғи давлатда қаттиқ назорат қилинган. Ҳунармандчиликка ҳукмдорнинг меҳнатидан фойдаланилган. Александрия, Дамиетта, Тиннис шаҳарларида тўқимачилик корхоналари мавжуд бўлган. Терига ишлов, металл, сопол, қоғоз ва пергамент маҳсулотларининг и.ч. ҳам ривожланган. Ф.х. Ҳиндистон, Византия, Италиянинг Амальфи, Венеция, Генуя, Пиза шаҳарлари б-н мунтазам савдо алоқаларига эга бўлган, Ф.х.нинг тилла динори ўзининг юқори сифати б-н ва тангаси ўзининг юқори сифати б-н ажралиб турган. Ф.х. тарихининг Миср даврида етиштирилган сўнг эрамиз маҳсулотларни ҳисобига янада кўпайди, кучларнинг ҳисобига янада кучайиб, натижада мустаҳкам сиёсий куч шаклланган. 10—11-а.ларда Ф.х.нинг маънавий ва маърифий ҳаётида юксалиш даври юзага ташланади. Илм-фаннинг кўпгина тармоқлари, риёзиёт, ҳандаса, мантиқ, фалсафа, фалакиёт, геом., адабиёт, араб грамматикаси, театр, тиббиёт, кимё, физика, биол., ношириқ, исломшунослик, ҳадисшунослик, диншунослик ва таржимонликка фойдалилик юзага чиқарилган. 11-а. бошида Қоҳирада «Дор ул-Ҳикма» («Билимлар уйи») шаклланиб, Муҳаммад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр ар-Розий, Абу Наср Исмоил ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Бакр ар-Розий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад ат-Термизий, Абу Наср ал-Форобий, Яъқуб ал-Кандий, Ибн ал-Хайсам, ас-Сабафий, Ибн Ризвон, Абу Ҳотим ар-Розий, Ҳонимдаги Кирмоний сингари алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти «Билимлар уйи» б-н узвий боғланган эди. «Билимлар уйи»нинг салоҳияти ва машҳурлигининг ошишида Мовароуннаҳр олимлари ва мутафаккирларининг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. 11-а. ўрталарида Мисрда мисли кўрилмаган қурғоқчилик туфайли юзага келган очлик ва эпидемия кўп зарар етказган. Арвонда эса, турклар ва суданлик-лар ўртасида зиддиятлар кучайиб кетган. Халифа Мустансир вазиятни бошқариш учун ҳокимиятни ҳарбий саркарда Бадр ал-Жамолийга топширган ва уни вазир этиб тайинлаган. Бошбошдоқликлар ва зиддиятлар Ф.х.нинг барча ижтимоий қатламларига кириб борган. Вазирларнинг мавқеи ошиб борган. Мустансир (1094) ва Амир (1130)нинг вафотидан сўнг, мустақиллик халқларнинг кураши авж олган, бу омиллар Ф.х.нинг парчаланишига олиб келган. 1048 й.да Шим. Африка Ф.х.дан ажралиб чиққан. 1071 й.да Сицилия *норманлар* томонидан босиб олинган. Мисрдан салибчилар сиқиб чиқарилган, натижада 1169 й.да Ф.х.нинг вазири этиб ҳарбий саркарда Салоҳиддин тайинланган. У охирги фотимийлар халифаси Адиднинг ағдариб, ҳокимият тўнтаришини амалга оширган (1171). Мисрда *айюбийлар* сулоласининг ҳукмронлиги ўрнатилган.

ФОТИҲА (араб. — очиқ, бошламоқ) — 1) *Қуръон*нинг биринчи (бошланғич) сураси номи. Ф. 7 оятдан иборат бўлиб, унда Аллоҳ таолога ҳамд, унинг сифатлари, қиёмат куни эгаси эканлиги, ибодат, ихлос, дуо, ёлвориш, яхши уммат(лар)нинг зикри ва ёмон йўлдан юрганларнинг оқибати нима бўлиши баён қилинган; 2) бирон воқеа муносабати б-н ўқиладиган дуо. Қуръоннинг айрим қисқа сураларидан бирини тиловат қилиш. Ислом оиласида Ф. — марҳумнинг вафоти муносабати б-н оила аъзоларига билдириладиган таъзия. Бундан ташқари, «Ф.» сўзи ниятнинг тушунчасини, шунингдек, яхши тилак тилаш, табриклаш каби кўпгина маъноларни ҳам англатади.

ФОТО... (юн. phos, photos — нур, ёруғлик) — қўшма сўзларнинг биринчи қисми: 1) ёруғлик таъсирига, умуман ёруғликка тааллуқлиликни кўрсатади (мас., *фотосинтез*, *фотокимё*, *фотоэлемент*); 2) фотография, суратга алоқадорликни билдиради (мас., фотоаппарат, фотомонтаж).

ФОТО САНЪАТИ — бадиий ижод тури; асарлари фотография (сурат) воситалари асосида яратиладиган тасвирий санъат тури. Бадиий маданиятда Ф.с.нинг алоҳида ўрни тутиши фан (физика, кимё, оптика) ва техниканинг маълум ютуқлари заминида юзага келиши мумкин бўлган техникавий санъат тарихида дастлабкиси бўлганлиги б-н белгиланади. 20-а. ўрталарида техникавий санъат турлари гуруҳи кинематография (кино санъати), телевидение, радио санъати, дизайн ва б. б-н бойиган. Ф.с. ижодининг кенг соҳасига айланди ҳамда унинг таркибида ҳужжатли Ф.с., бадиий фотография ва амалий Ф.с. (плакат, китоб безаги, реклама ва б. учун) мустақил кўринишлар сифатида шаклланди. Бу янги техника воситаси — тасвирни муҳрлаш юзага келган кунданоқ тасвирий санъат намояндалари унга мурожаат қилди. Фотография ихтирочиси Луи-Жак Даггер асли рассом бўлиб, унинг дастлабки суратлари рангтасвирнинг анъанавий портрет, манзара ва натюрморт жанрлари йўлида яратилди. Илк давр фотографияси очиқдан-очиқ рангтасвир асарларига тақлид қилди; 19-а. тасвирий санъатидаги фотографияда ўзининг иккинчи нусхасига эга эди. Бадиий фотография номини олган бу йўналиш асосчилари Ф.с. юксак тасвирий маданиятга эришиши, нафис санъатлар б-н узвий боғланиши учун қарийб 3 аср давомида таниқли ижодкорларнинг катта меҳнати сингган.

Ф.с. тарихида Э. Майбриж (АҚШ) томонидан турли кўриш нуқталаридан бир неча камерада суратга олинган суратлар муҳим воқеа бўлди. Бу янгилик туфайли 20-а. 1-чорагида Ф.с.да реал борлиқни янгича талқин қилишга қизиқиш ортди.

2-жаҳон уруши давридаги репортажлар Ф.с.нинг янги тараққиёт босқичи бўлди. Уруш фотоиллюстрацияларини яратишда турли мамлакатлар фоторепортёрлари катта ҳиссаларини қўшдилар. 1950—80 й.лар ҳужжатли Ф.с., жаҳоннинг энг йирик агентликлари томонидан жўнатилган репортёрларнинг саёҳатда яратган жанрли фотографиялари ривожи б-н характерланади.

Ўзбекистон ҳудудига 19-а.нинг 2-ярмида Европадан келган кўплаб сайёҳ-тижоржлар ва б. касб эгалари юртимизни бебаҳо маданий мероси, айниқса, уларни ҳайратга солган миробчилик (ирригация) санъати, қ.х., нафис ҳунармандчилик санъати ва одамларнинг яшаш тарзи маданиятини акс эттирган ва бу тасвирларни тарқатишган.

Дастлабки ўзбек фотоусталадан бири хивалик Худойберган *Девонов* 1907—08 й.лар Петербургга бориб бу касбни чуқур ўрганиш б-н бирга ўша даврнинг энг илғор фототехникасини олиб келган ва жуда кўплаб ўта юксак тарихий, бадиий маҳорат намуналари бўлган фотосуратлар яратган.

Ўзбекистонда чинакам Ф.с.нинг асосчиларидан бири М.З. *Пенсон*дир. У 20-а.нинг 20-й.ларидан то 50-й.гача Ўзбекистоннинг фотойилномасини яратишга ҳисса қўшди. Унинг «Ўзбек мадоннаси», «Ўғил савол чиқарди» ва б. суратлари машҳурдир. 1940-й.ларда Ўзбекистон Ф.с. ижодий услублари кўпайди, жанрий шакллар ортди, фотографлар турли соҳалар бўйича ихтисослаша борди (мас., Е. Юдинцкий — меъморлик, К. Ромеев — театр, А. Палехов — портрет, Р. Альбеков — болалар ҳаёти, Р. Шамсиддинов, С. Безносов — маиший жанр, С. Маҳкамов — маданият бўйича ихтисослашди). Ўзбекистон журналистлар уюшмаси фотосекцияси, йирик корхоналарда ташкил топган фотоклублар республика Ф.с. ривожида муҳим роль ўйнади.

М. Пенсон. «Тамарахоним» (1930-йиллар).

Миллий истиқлол туфайли ўзбек фотографияси тамомила янгича ривожланиш йўлига эга бўлди. Жаҳон фотосанъатининг ўта муҳим ўрни, аҳамиятини назарда тутган ҳолда 2002 й.да Ўзбекистон БА таркибида «Тошкент фото уйи» ташкил этилди.

Р. Шагаев. «Келин» (2000 йил).

Ф. Қурбонбоев, Р. Шагаев, Н. Муҳаммаджонов, К. Миначенко, М. ва Д. Пенсон, Т. Зельма, В. Вяткин, Турсун Али, Ш. Усмон, В. Ан, В. Соколов, Р. Ярудлин каби фотоусталар Ўзбекистон Ф.с.да самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

1-, 2-Халқаро Тошкент фото биенналиси, «Мўътабар қарияларимиз», «Маҳалла — мен яшаётган олам», «Сув — бу ҳаёт демакдир» (2003 й. БМТ б-н ҳамкорликда), шунингдек, 2003—2004 й.ларда «Ўзбекистон: севги изҳори» очиқ республика ҳаваскор фоторассомлари учун анъанавий тарзда халқчил фототанловлари ўтказилди.

Ўзбекистон фотоусталари нуфузли Халқаро фототанловларда юксак ўринларга сазовор бўла бошладилар (мас., 1999 й. ЮНЕСКО фототанловида Брюссель, Гента, Антверпен каби шаҳарларда «Ўзбек маҳалласи: одамлар, урф-одатлар, анъаналар» фотокўргазмаси Европа бўйлаб намойиш этилди.

2003 й.да Ўзбекистон Бутунжаҳон бадиий фотография федерацияси (Буюк қароргоҳи Люксембургда) ҳақиқий аъзо қилиб қабул қилинди.

Турсун Али. «Хива миноралари» (2004 йил).

ФОТОАППАРАТ, фотокамера, суратга олиш аппарати — суратга олинаётган объектлар оптик тасвирини фотоматериалларнинг ёруғлик сезгир қатламига туширувчи оптик-механик қурилма. Фотосуратга олишда объектнинг оптик тасвири оптик тизимлар ёрдамида фотоматериалнинг ёруғлик сезгир қатламига маълум вақт оралиғида проекцияланади. Натижада ёруғлик сезгир қатламда суратга олинаётган объектнинг яширин тасвири ҳосил бўлади; фотоматериалга кимёвий-фотографик ишлов берилгандан сўнг суратга олинган объектнинг кўринадиган *негатив* ёки *позитив* тасвирига айланади. Ф.нинг ҳаваскорлик, профессионал ва махсус хиллари бор. Ҳаваскорлик ва профессионал Ф.лардан кишиларни, пейзаж, спорт мусобақаларини суратга олишда, портретлар ясаш ва б. да фойдаланилади. Махсус Ф.ларда фототехника ишлари, аэрофотосъёмка, микросъёмка ва б. бажарилади. Ф. фотоматериалда ҳосил бўладиган тасвирлар ўлчами (кадрлар формати)га қараб митти (13×17 мм), ярим форматли (18×24 мм), кичик форматли (28×28 ва 24×36 мм), ўртача форматли (45×60 дан 60×90 мм гача) ва йирик форматли (90×120 мм ва ундан катта) хилларга бўлинади.

Замонавий Ф.ларнинг асосий узеллари: ёруғлик ўтказмайдиган камера (унинг корпуси бикр, икки томонлама очиладиган, телескопик ёки буклама кўринишда бўлади), объект тасвирини фотоматериал (фотоплёнка ёки фотопластинка)га тушириб берадиган *объектив*, фотоплёнка ёки фотопластинкаларнинг ёруғлик сезгир қатламига ёруғлик нурини ўтказишни таъминлайдиган затвор, равшанликка тўғрилаш механизми, видоискатель (кўриниш қидиргич), фотоплёнкани кайта ўраш механизми, фотоплёнка кассетаси, затвор ва чақмоқлампа ишини синхронловчи синхроконтакт, экспозиция вақтини ярим автоматик аниқлайдиган фотоэкспонометр, затворни ишга тушириладиган автоматик тепки.

Фотоаппарат: *1* — плёнка тортувчи механизм; *2* — суратга олиш кнопкаси; *3* — қайта ўраш механизми; *4* — автоматик суратга олиш ричаги; *5* — объектив.

Мил. ав. 350 й.да юнон олими *Аристотель* кичик тешик (мас., дарча) дан қоронғи хонага тушаётган ёруғлик нурларидан хонанинг қарама-қарши деворида ташқаридаги, дарча олдидаги нарсаларнинг ёруғлик тасвири ҳосил бўлиши мумкин, деган эди. 18 аср ўтгандан кейин *Леонардо да Винчи* бу ҳодисадан турли нарсаларнинг тасвирини қоғозга чизишда фойдаланган. 1611 й.да немис астрономи И. *Кеплер* икки линзадан иборат телескопик тизимни ясади. 1840 й.да австриялик олим И.Пецвал бир неча линзадан иборат оптик тизимни (объективни) ҳисоблаб чиқди ва уни немис оптиги П.Ф. Фойхтлендер ясади. 19-а. 30-й.ларида франциялик Жиро кассетаси катта бўлган ёғоч фотокамерани кўплаб ишлаб чиқарди. 1842 й.да Германияда металл корпусли Ф. ишлаб чиқарила бошланди. 1888 й.да америкалик ихтирочи Ж. Истмен дунёда биринчи марта роликка ўралган фотоплёнка ўрнатилган Ф. яратди. 1924 й.да «Лейц» фирмаси кичик формати «Лейка» Ф.ни, 1970-й.ларда экспозицион параметрлари ярим автоматик ва автоматик ўрнатиладиган, объективи автоматик фокусланадиган, фотозатвори электрон бошқариладиган, плёнкани тортиш механизми электр юритмали Ф.лар яратилди. Ҳозир фототасвирларни бир зумда чиқариб берадиган, *уяли телефон* аппаратига «сингдирилган» Ф.лар маълум.

Чет элда Ф. ишлаб чиқаришга ихтисослашган 50 дан ортиқ концерн, фирма ва з-длар маълум, жумладан: «Истмен кодак», «Полироид» (АҚШ), «Альфа-Гевърт» (Германия-Белгия), «Ниппон когаку», «Кэнон», «Минольта камера», «Асахи оптикл», «Конисировку фото» (Япония), «Лейц», «Роллей», «Карл Браун», «Минокс», «Пентакон» (Германия), «Хассельблад» (Швеция), «ЛОМО» бирлашмаси (Россия), «Арсенал з-ди» (Украина) ва б.

Ҳаваскорлик Ф.дан «Кэнон», «Никон» (Япония), «Пентакон» (Германия), «Кодак» (АҚШ), «Зенит», «ФЭД», «Зоркий» (Россия), «Киев» (Украина), «Хассельблад» (Швеция) кўплаб ишлатилади.

Қўлланиладиган фотоматериалга қараб, Ф.лар плёнкали ва пластинкали бўлади.

Баъзида Ф.дан кўз илғамас (фотоқатламда қайд қилинадиган) ультрабинафша ёки инфрақизил нурларни суратга туширишда фойдаланилади. Бундай ҳолларда кўзгули объектив ёки нурларга мос келувчи линза компонентлари, шаффоф материаллар: кварц, флюорит, литий фторидли (ультрабинафша нурлар учун); натрий хлорид, кремний, германийли (инфрақизил нурлар учун) объектив ишлатилади. Объект тасвирини бирор тор спектрал интервалда олиш ёки фотосъёмкада сурат бадиий яққол чиқиши учун объективда олиб қўйиладиган турли ёруғлик фильтрлари қўлланилади. 20-а. охири ва 21-а. бошларидан рақамли Ф. қўлланила бошланди.

ФОТОБИОЛОГИЯ (*фото...* ва *биология*) — ультрабинафша ва инфрақизил нурлар таъсирида организмларда содир бўладиган жараёнларни ўрганадиган фан; биол.нинг бир бўлими. Ф.га 18—19-а.ларда асос солинган. Унинг пайдо бўлиши *фотосинтез*нинг кашф этилиши, рангли кўриш жараёнининг асослаб берилиши, ёруғлик иштирокида содир бўладиган табиий ҳодисалар (фотопериодизм, фототаксис ва б.) нинг аниқланиши б-н боғлиқ. Лекин Ф. мустақил фан сифатида 20-а.нинг 2-ярмида нурланиш квант таълимотининг ишлаб чиқилиши, шунингдек, биокимё, биофизика ва физиологиянинг ривожланиши б-н боғлиқ. Ф.нинг вазифаси ёруғлик квантлари энергиясининг кимёвий боғлар ва биологик мембраналардаги электр потенциал энергиясига айланишини ҳамда фотобиологик жараёнларда фотокимёвий ва коронғилик ферментатив фазаларининг ўзаро боғланишини аниқлаш, фоторецепторлар ва улар функциясининг молекуляр асосларини ўрганиш ҳамда фотобиологик жараёнларнинг самарадорлиги сабабларини кўрсатиб беришдан иборат.

Ф. соҳасидаги тадқиқотлар қ.х. ўсимликларининг ҳосилдорлигини ошириш, қуёш нуридан фойдаланиш, фотобиологик ҳодисалар принципларини асосида сунъий системалар яратиш, лазер нурларидан биол., фототерапия ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида амалий фойдаланишга оид.

ФОТОГРАММЕТРИЯ (*фото... грамма* ва *метрия*) — объектларнинг шакли, ўлчами ва ўрнини уларнинг фотосуратлардаги тасвиридан аниқлаш б-н шуғулланувчи илмий-техникавий

фан. Объектларнинг фотосуратлари бевосита махсус фотоаппаратларда, радиолокацион, телевизион, инфрақизилиссиқлик, лазер, электрон ва б. оптик тизимлар ёрдамида олинади. Ф.да объектнинг якка ёки бир-бирини маълум даражада қоплаб турадиган қўш суратлар (стереожуфтлар)дан фойдаланилади. Ф.нинг объектларни қўш суратлар бўйича ўрганадиган бўлими стереофотограмметрия деб аталади.

Олинган фотосуратлар аналитик усулда ўрганилади (таҳлил қилинади). Бу усулдан ташқари, фотограмметрик асбоблар (фототрансформаторлар, стереограф, стереопроектор ва б.)дан фойдаланишга асосланган аналогия усуллари ҳам қўлланади. Ф. усулларида тинч турган ва ҳаракатдаги объектларни ўрганиш мумкин. Объектни бевосита ўрганишнинг имкони бўлмаган (мас., учиб кетаётган самолёт ёки отилган снарядни ўрганиш), ё бўлмаса, объект жойлашган зонада инсоннинг бевосита бўлиши хавфли бўлган ҳолларда (мас., отилаётган вулкан, ядро портлаши ва б.)да Ф. усуллари қўл келади. Ф. Ер, сайёралар, Ой хариталарини тузишда, муҳандислик иншоотларини лойиҳалашда, геодезия, ҳарбий иш, космик тадқиқотлар ва б.да кенг қўлланади.

ФОТОГРАФИЯ (*фото*... ва ...*графия*) — махсус оптик асбоб *фотоаппарат* ёрдамида ёруғлик сезгир фотографик материаллар (махсус модда қопланган қоғоз, шиша, плёнка)да объектнинг оқ-қора ёки рангли тасвирини ҳосил қилиш усули; шундай усулда олинган сурат. Фан, техника ва саноатнинг муҳим соҳаси. Ёруғликнинг фотоаппаратга жойланган фотоматериал (мас., фотоплёнка)нинг ёруғлик сезгир қатламида яширин фотографик тасвир ҳосил қилиш хоссасига асосланган. Кимёвий- фотографик ишлов берилгани (кимёвий модда — очилтиргич таъсир эттириб очилтирилгани)дан сўнг кўринадиган тасвир (олдин *негатив*, кейин *позитив*) ҳосил бўлади. Бу тасвир фотонусха (фотосурат) деб аталади. Очилтиргич таркибига метол, гидрохинон, параминофенол, амидол, глицин, диэтилпарафенилдиамин (рангли тасвирлар учун) ва б. кимёвий моддалар киради. Очилтирилган тасвирга мустаҳкамлагич модда (фиксаж) таъсир эттириб, фотосурат мустаҳкамланади. Мустаҳкамлагич сифатида натрий тиосульфат (гипосульфит) асосидаги эритмалар (одатда, сувдаги 25% ли эритмаси) қўлланади. Баъзи фотографик жараёнларда «қайтар» фотоматериаллардан фойдаланилади. Махсус кимёвий ишлов берилганидан сўнг уларда бевосита позитив ҳосил бўлади.

Бир поғонали диффузион фотографик жараён, яъни фотоаппаратнинг ўзида бир вақтда негатив ва позитив тасвирни жуда тез ҳосил қилиш усули ҳам яратилган. Ф. оқ-қора (монохром) ва рангли, статик ва динамик (кинематография), ясси (оддий) ва ҳажмий (стереоскопик) турларга бўлинади. Ёруғлик сезгир материаллардан фойдаланиб ҳажмий (фазовий) тасвирлар олишнинг алоҳида усули *голография* деб аталади. У 15-а.да объектлар тасвирини проекциялаб, сўнгра қоғозга расмини чизишдан бошланган. Бу усулни *Леонардо да Винчи* қўллаган. Лекин Ф. ёруғлик сезгир моддалар маълум бўла бошлагач пайдо бўлган. 18-а.да дастлабки ёруғлик сезгир модда сифатида кумуш тузи топилган ва тадқиқ қилинган. Буюк Британияда 1802 й.да Т. Уэжвуд $AgNO_3$ қатламида тасвир олишга эришди, лекин уни мустаҳкамлаш усулини била олмади. Ф. ихтиро қилинган вақт 1839 й. деб ҳисобланади, чунки шу йили француз рассоми Л.Ж.М.Дагер (француз олими Ж.Н.Ньепс б-н ҳамкорликда) Париж академиясига Ф. усули ҳақида ахборот беради. Бунда ёруғлик сезгир қатлам сифатида кумуш иодиддан фойдаланилган. Кейинроқ объектив ихтиро қилинди (муаллифи венгриялик оптик И.Пецваль, 1840), инглиз ихтирочиси Ф. Скотт-Арчер 1857 й.да хўл ёруғлик сезгир материал (коллоидли эмульсия)га асосланган фотожараённи ишлаб чиқди, 1871 й.да унинг ватандоши Р.Мэддокс қуруқ ёруғлик сезгир материалдан фойдаланишни таклиф этди. 20-а.да Ф. асосий ахборот ва ҳужжатлаштириш воситаси бўлиб қолди.

Оптик сенсибилизация ҳодисаси кашф қилинганидан, плёнкали фотоматериаллар, кумуш бирикмалари бўлмаган фотоматериаллар, янги моделдаги фотоаппаратлар яратилганидан сўнг Ф.ни қўллаш соҳалари анча кенгайди. Ҳозир фототасвирларни бир зумда чиқариб берадиган фотоаппаратлар мавжуд. Ф. астрономия соҳасидаги тадқиқотларда (қ. *Астрофотография*); астрофизикада (қ. *Астрофотометрия*), биология, кимё, кинематография, телевидение, космонавтика, тиббиёт, физика, матбаа, матнли ва графикли асл нусхалардан фотографик усулда нусхалар кўпайтиришда, кундалик турмушда кенг қўлланади.

ФОТОДАВРИЙЛИК —ўсимликлар ва ҳайвонларда кеча-кундузнинг ёруғ (кун узунлиги) ва қоронғи (тун узунлиги) даврлари нисбатларига, уларнинг узун-қисқалигига жавоб реакцияси; ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши жараёнлари ўзгаришларида намоён бўлади. Ф. экологик омил сифатида турнинг яшаш имкониятини белгилайди. Онтогенезнинг ташқи шароитлардаги мавсумий ўзгаришларига мосланиши б-н боғлиқ ҳолда эволюция жараёнида вужудга келган. Кун узунлиги ўсимликларда йилнинг даври (мавсум) кўрсаткичи ва гуллашга ўтиш ёки ноқулай мавсумга тайёргарлик учун ташқи сигнал бўлиб хизмат қилади. Ўсимликнинг фотодаврга реакциясини барглардаги махсус пигмент — *фитохром* ($Ф_{730}$) назорат қилади. Ф. ўсимликларнинг гуллаш жараёнида ёрқин кўринади. Ёруғлик ва қоронғиликдан таъсирланиш тарзида ўсимлик баргида гуллашга рағбат берадиган гормонлар комплекси ҳосил бўлади. Гуллашни уйғотадиган, яъни фотодавр бўйича ўсимликлар узун кун ўсимликлари (бошоқли ғалла экинлари), қисқа кун ўсимликлари (ғўза, шоли, тариқ, наша, соя ва б.) ҳамда бетараф (нейтрал) ўсимликлар (маржумак, нўхат ва б.)га бўлинади. Узун кун ўсимликлари, асосан, мўътадил ва қутб атрофи кенгликларида, қисқа кунликлари — субтропикларга яқин кенгликларда тарқалган. Ф. ўсимликдаги бошқа морфологик (тугунаклар, пиёзлар, илдизмевалар, поялар пайдо бўлиши) ва физиологик (ўсиш жадаллиги ва шакли, ва тиним даври, хазонрезгиликнинг бошланиши ва б.) жараёнларга ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Ўсимлик турлари у ёки бу фотодаврий гуруҳларга мансублиги бўйича, навлар ва линиялар эса Ф. реакциясининг юзага чиқиши даражаси бўйича фарқланади. Бу ҳол навларни р-нлаштиришда, шунингдек, ёруғликда ўстириш ва ўсимликларни ҳимояланган ерларда ўстиришда ҳисобга олинади. Ҳайвонларда Ф. *кўпайиш* даври муддатлари, кузги ва баҳорги *туллаш*, қишки уйқуга кетиш, тухум қўйиш ва б.га таъсир кўрсатади, генетик жиҳатдан *биологик ритмлар* б-н боғлиқ. Ф. реакциясидан фойдаланиб қ.х. ҳайвонлари ривожланишини бошқариш мумкин (мас., паррандачиликда куз-қиш мавсумида кун узунлигини сунъий узайтириб тухум қўйиш даврини чўзиш мумкин).

Ад.: Скрипчинский В.В., Фотопериодизм — его происхождение и эволюция, Л., 1975.

Абдукарим Зикирёев

ФОТОДИОД (*фото*... ва ...*диод*) — оптик нурланиш таъсирида бир томонлама фотоўтказувчанлик хоссасига эга бўлган яримўтказгичли диод; фотоэлектроника воситаси. Ф. электрон-ко-



Фотодиод: 1 — ярим ўтказгичли кристалл; 2 — метал чиқиш; 3 — шиша дарча.

вак (*p—n*) ўтишли яримўтказгичли кристаллдан иборат. Унда иккита метал чиқиш (бири *p*, иккинчиси *n* соҳалан) бўлиб, металл ёки пластмассали ҳимоя корпусига ўрнатилган. *p—n* ўтишли Ф.да ёруғлик электрон-ковак ўтишга дарча орқали тушади. Бунда қўшимча электрон ва коваклар сони ҳосил бўлади. Ф. икки иш режимида ишлайди: фотодиод режимида Ф. ташқи занжирида *p—n* ўтишдан ҳосил бўладиган ўзгармас ток мавжуд, вентиль режимида бундай ток бўлмайди. Ф.нинг интеграл сезгирлиги — 20 мкА/лм, инерционлиги ≤10 нс. Ф. фотодиод режимида *фоторезистор*дек Ф. занжирдаги электр токини бошқаришда, вентиль режимида эса *фотоэлемент*га ўхшаш фото электр юритувчи куч генератори сифатида, тасвирларни узатишда нурланиш детектори сифатида, оптик ахборотларни қабул қилиш, ўлчаш техникаси ва б. да қўлланилади.

ФОТОИОНЛАНИШ, фотоионизация — *атом* ёки *молекула*нинг бир ёки бир неча *фотон* б-н ўзаро таъсири натижасида ионланиши. Агар атом (молекула) уйғонмаган бўлса, бир фотон таъсирида *ионланиш* юз бериши учун ионлаштираётган фотоннинг энергияси $h\nu$ (ν — нурланиш частотаси) ионланиш энергияси W дан кичик бўлмаслиги керак. Ҳамма суюқлик ва газларнинг атомлари ҳамда молекулалари учун W шундайки, $h\nu>W$ шарт фақат ультрабинафша нурлар ва яна ҳам қисқа тўлқин узунликка эга бўлган нурлар учун ўринли. Бироқ Ф. поғонавий ионланиш ҳисобига $h\nu<W$ бўлганда (мас., жадаллиги катта бўлган кўринма ёруғлик б-н нурлантирилганда) ҳам кузатилиши мумкин. Ф. эҳтимоллиги $h\nu\approx W$ ҳолда энг катта бўлади. $h\nu-W$ айирма (W) га нисбатан кичик бўлса, Ф. вақтида фотон ютилади. $h\nu-W$ айирма Ф. маҳсулотлари (хусусан, эркин электронлар) нинг кинетик энергиясига айланади. Катта энергияли фотон (рентген нури фотонлари, γ-квантлар) Ф. актида ўз энергияларининг бир қисминигина сарфлайди; бунда уларнинг частотаси ўзгаради. Бундай фотонлар модда орқали ўтишида кўп сонли Ф. актлари содир қилади. Ф., мас., атмосфера юқори қатламларининг ионланиш жараёнида муҳим роль ўйнайди.

ФОТОКИМЁ — кимёнинг ёруғлик таъсирида содир бўладиган реакцияларни ўрганувчи бўлими. Ф. оптика ва оптик нурланиш б-н чамбарчас боғлиқ. Ф.нинг илк қонунлари 19-а.да пайдо бўлди (Гротгус қонуни, *Бунзен* қонуни). Ф. 20-а.нинг 1-чорагида Эйнштейн қонуни эълон қилингандан кейингина мустақил фан сифатида ташкил топди. Модда молекуласи ёруғлик квантини ютганида асосий ҳолатдан уйғонган ҳолатга ўтади ва кимёвий реакцияга киришади. Бу дастлабки реакция (фотокимёвий реакция) маҳсулоти кўпинча охирги маҳсулотларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи турлича иккиламчи реакцияларда қатнашади. Шу нуқтаи назардан Ф.ни ёруғлик квантларини ютганда ҳосил бўладиган уйғонган молекулалар кимёси деб таърифлаш мумкин. Уйғонган молекулаларнинг талайгина ёки бир қисми кўпинча фотокимёвий реакцияга киришмай, турлича дезактивацион фотофизикавий жараёнлар натижасида асосий ҳолатига қайтади. Ушбу жараёнлар кўпчилик ҳолларда квант ёруғлик чиқариш (флуоресценция ёки фосфоресценция) б-н содир бўлади.

Молекулаларнинг диссоцияланиб атом ва радикаллар ҳосил қилиши газ фазасидаги фотокимёвий реакцияга яққол мисол бўла олади. Мас., кислородга қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлар таъсир этганида ҳосил бўлган уйғонган O_2^* молекулалари эркин атомларга диссоцияланади:

$$O_2+h\nu\rightarrow O_2^*,\quad O_2^*\rightarrow O+O.$$

Бу атомлар O_2 б-н иккиламчи реакцияга киришиб *озон* ҳосил қилади: $O+O_2\rightarrow O_3$. Бундай жараёнлар атмосферанинг юқори қатламида қуёш нури таъсирида содир бўлади (қ. *Атмосфера озони*).

Фотокимёвий реакциялар механизмини ўрганиш жуда мураккаб масала. Ёруғлик квантининг ютилиши ва қўзғалган молекуланинг пайдо бўлиши бир-йўғи 10^{-15} сек. ичида ўтади.

Каррали боғли ва ароматик ҳалқали органик молекулаларда 2 типдаги, яъни синглет ва триплет ҳолати мавжуддир. Молекула ёруғлик кванти ютганидагина бевосита синглет уйғонган ҳолатга ўтади. Молекула фотофизикавий жараён натижасида синглет ҳолатдан триплет ҳолатга ўтади. Молекуланинг синглет уйғонган ҳолатда мавжуд бўлиш даври ~10^{-8} сек; триплет ҳолатда мавжуд бўлиш даври эса 10^{-5} —10^{-4} сек.дан (суюқ муҳит учун) 20 сек.гача (қаттиқ муҳит, мас., қаттиқ полимерлар учун). Шу боис кўпчилик органик молекулалар триплет ҳолатдагина кимёвий реакцияларга киришади. Бу ҳолатда молекулаларнинг концентрацияси шунчалик катта бўладики, улар нурларни ютиб юқори уйғонган ҳолатга ўтади ва икки квантли реакция деб аталувчи реакцияга киришади. Уйғонган A* молекула кўпинча уйғонмаган A молекула б-н ёки бошқа B молекула б-н комплекс ҳосил қилади. Фақат уйғонган ҳолатда бўлган бундай комплекслар эксимерлар (AA)* ёки эксиплекслар (AB)* дейилади. Эксиплекслар бирламчи кимёвий реакциялар асоси ҳисобланади. Фотокимёвий реакцияларнинг бирламчи маҳсулотлари — радикаллар, ионлар, ион-радикаллар ва электронлар тезлик б-н, одатда, 10^{-3} сек. гача бўлган вақт ичида қоронғи реакцияга киришади.

Фотокимёвий реакциялар механизмини текширишнинг энг самарали усулларидан бири импульс фотолиздир. Бу усулнинг моҳияти реакция аралашмасига қисқа муддатли, лекин кучли ёруғлик нури таъсир эттириб юқори концентрацияли уйғонган молекулалар ҳосил қилишдан иборат. Бунда ҳосил бўлган қисқа муддат мавжуд бўлувчи зарралар (аниқроғи — уйғонган ҳолатдаги молекулалар, юқорида айтиб ўтилганидек, фотокимёвий реакциянинг бирламчи маҳсулотлари) «зондловчи» нурни ютишига қараб аниқланади. Зарраларнинг нур ютиши ва уларнинг вақт бўйича ўзгариши фотокўпайтиргич ва осциллограф ёрдамида қайд қилинади.

Ф.дан амалда кенг фойдаланилади. Фотокимёвий реакцияга асосланган кимёвий синтез усуллари ишлаб чиқилган. Информацияларни ёзишда фотохром бирикмалардан фойдаланилади. Фотокимёвий жараёнлардан микроэлектроникада рельеф тасвирлар, полиграфияда, босма формалар ҳосил қилишда фойдаланилади. Фотокимёвий хлорлашда (асосан, тўйинган углеводородларни) ҳам Ф. муҳим амалий аҳамиятга эга. Ф. фотографияда кенг қўлланади.

ФОТОЛИЗ (*фото*... ва ...*лиз*) — суюқ, қаттиқ ва газсимон моддаларнинг ёруғлик нури таъсирида парчаланиши. Парчаланган маҳсулотлар мол. м. кичик бўлган молекулалар, эркин радикаллар ёки атомлар (фотодиссоциация), мусбат ва манфий зарядли ионлар (фотоионизация) бўлиши мумкин (яна қ. *Фотокимё*).

ФОТОЛИТОГРАФИЯ (*фото*... ва *литография*) — 1) тошбосма қолипи тайёрлашнинг фотомеханик усули: бунда тасвир *негативдан* сиртига ёруғлик сезгир қатлами қопланган тош (металл)га кўчирилади. Нусха очилтирилгандан сўнг унга кимёвий ишлов берилади, натижада сирт босма ва пробель (оралиқ) элементларига бўлинади. Ҳоз. вақтда Ф. камдан-кам ишлатилади; 2) фоторезист (ёруғ сезгир полимер қатлам) ларадаги махсус фотографик жараён. Ф.дан мақсад фоторезист қатламида берилган конфигурация шаклидаги «тешик» ҳосил қилиб, шу тешик орқали оксидлинган пардага яримўтказгичли пластинага хуруштлаш моддаси киритишдир (қ. *Хуруштлаш*). Бундай «тешик»лар фоторезистни ультрабинафша нурланиши оқимида ёки электронлар оқимида маълум вақт қолдириб ҳосил қилинади. Натижада хуруштлаш моддаси эриш хусусиятини йўқотади (негатив фоторезист) ёки эриш хусусиятига эга бўлиб қолади (*позитив* фоторезист). Бу усул рангли телевизорларнинг никобларида тартибли жойлашган юз минглаб ортиқ майда тешик ҳосил қилишда қўлланилади; 3) Ф. усули б-н тайёрланган литографик босма қолипидан олинадиган нусха (қ. *Литография*).

ФОТОЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ — ёруғлик нурлари ва ультрабинафша нурлар вужудга келтирадиган *люминесценция* тури. Ф.нинг оптик спектрлари (10^{1}—0,1 мкм тўлқин узунликдаги электромагнит нурланиш спектрлари) чизиқли, йўл-йўл ва узлуксиз (туташ) бўлиши мумкин. Уларнинг қандайлиги модданинг агрегат (баъзи хоссалари сакраб-сакраб ўзгарадиган) ҳолатига, атомлар ва молекулаларнинг вужудга келиш (уйғониш) шарт-шароитларига боғлиқ, фақат булар Ф.ни спектрларигина уйғотувчи нурланиш (ёруғлик нурлари ва ультрабинафша нурлар) тўлқинлари узунлигига боғлиқ бўлади. Ф.нинг энг оддий ҳоли — атом бугларининг резонанс (уйғуналашиб) нурланиши. Ф.дан люминесцент лампалар, ёруғликни қайд қилиш асбобларида ва б.да фойдаланилади.

ФОТОМАТЕРИАЛЛАР — *фотография* ва *кинематографияда* фотографик тасвир ҳосил қилиш учун қўлланадиган ёруғлик сезгир материаллар, уларга кимёвий ишлов берадиган реактивлар ва ёрдамчи воситалар. Ф. ёруғлик сезгир компонентининг кимёвий таркибига қараб, кумушли ва кумушсиз хилларга бўлинади. Кумушсиз Ф.нинг ёруғлик сезгирлиги паст бўлиб, фақат *нусхакашлар* олишда қўлланади. Ф. фотопластинкалар (асоси шиша пластина), фотоплёнкалар (асоси целлулоид), киноплёнкалар ва фотоқоғозлар (асоси ярим шаффоф қоғоз) бўлинади.

Синовда умумий мақсадлар учун «изоорто», «изохром» ва «панхром» фотопластинкалар, ёруғлик сезгирлиги 32, 65, 130 ва 250 бирликка тенг бўлган фотоплёнкалар, ўта юқори ёруғлик сезгир киноплёнкалар, фотоқоғозлар 16×9 дан 30×60 см форматда ишлаб чиқарилади.

Ёруғлик сезгирлиги 32 бўлган фотоплёнка табиий ёруғликда сурат олишга мўлжалланган. Сезгирлиги 250 бўлган фотоплёнкалар қоронғи жойларда сурат олишда ишлатилади. Махсус Ф. икки гуруҳга бўлинади: диапозитив (пластинка, плёнка) учун ёрдамида тўғридан-тўғри кашталаштирувчи аппаратлар орқали суратлар кўрсатилади; репродукцион Ф. — кумуш бромид фотопластинка, фотоплёнка ва б. Улар кенглик ва б. воситасида расмлардан нусха кўчиришда қўлланилади. Ёрдамчи воситаларга ёруғлик сезгир Ф. солиб ёки ўраб қўйиладиган ёруғлик ва намликдан ҳимояланган махсус қоғозлар, елимлар, позитивларни атмосфера таъсиридан сақлайдиган локлар киради. Кенг тарқалган ёруғлик сезгир қатламлар — диспергланган AgHal микрокристалл қуруқ желатинли қатламлар (Hal=Cl, Br, Cl+Br, Cl+J, Cl+Br+J, Br+J). Бундай қатламлар 1870 й.ларнинг ўрталаридан кўплаб ишлаб чиқарила бошланган.

Кейинги вақтларда AgHal — ёруғлик сезгир қатламлар рентген нурлари ва электронлар оқими таъсирини олишда қўллана бошланди (қ. *Рентгенография*).

AgHal асосида ёруғлик сезгир материаллар тайёрлашнинг 3 босқичи бор: 1) эмульсиялаш ва биринчи (физик) етилтириш. Бу босқичда эмульсия, яъни AgHal микрокристалларининг қаттиқ фазаси ҳосил бўлади ва ўсади. $AgNO_3$ б-н эритмалари таркибида желатина бўлган галогенидлар орасида бўладиган реакция натижасида AgHal ҳосил бўлади; 2) иккинчи (кимёвий) етилтириш. Бу босқичда эмульсия маълум вақт юқори т-рада тутиб турилади; 3) эмульсияни қуйишга тайёрлаш. Бу босқичда ёруғлик сезгир қатламга керакли физик-кимёвий хусусиятлар берилади. Бунинг учун эмульсияга бўёвчи — сенсибилизаторлар (ёруғ сезгирлари), стабилизатор (ёруғлик сезгирлигини оширадиган ва сақлайди), ошловчилар (қатламнинг механик мустаҳкамлигини ва желатинанинг т-рага чидамлилигини оширади), пластификаторлар (қатлам мўртлигини пасайтиради), суртувчилар (ёруғлик сезгир қатлам бир текис бўлишини таъминлайди) қушилади; 40 қўйиш [эмульсия поли (5—10 мкм) қилиб асосга берилади]. Тайёр материал қуритилади, кейин зарур бичимларда кесилади.

Ф. сифатида кумушсиз ёруғлик сезгир қатлам (полимер плёнка, шишасимон модда ва б.)лар кенг қўлланади.

ФОТОМЕТР (*фото*... ва ...*метр*) — фотометрик катталиклар (ёруғлик кучи, ёруғлик энергияси, ёритилганлик, нурлилик, ёритувчанлик, ёруғлик экспозицияси, шунингдек, оптик материалларнинг ёруғлик характеристикалари, мас., ёруғлик ютиш ва қайтариш коэффициентлари ва б.) ўлчанадиган асбоб. Ф. ясалиши ва ишлаш принципига кўра, визуал, фотоэлектрик, таққословчи, интеграловчи, шарли ва б. хилларга бўлинади. Ф. газ, қаттиқ ва суюқ моддаларни текширишда, оптик тизимларда ишлатилади.

ФОТОМЕТРИЯ (*фото*... ва ...*метрия*) — физик оптиканинг манбалардан чиқиб, турли муҳитларда тарқаладиган ва жисмлар б-н ўзаро таъсирланадиган оптик нурланишнинг энергетик кўрсаткичларини ўрганадиган бўлими. Ф. фотометрик катталикларни ўлчашнинг экспериментал усуллари ва воситаларини ҳамда шу катталикларга тегишли назарий қоидалар ва ҳисоблашларни ўз ичига олади. Ф.нинг асосий энергетик тушунчаси — нурланиш оқими $Ф_e$ бўлиб, унинг физик маъноси электромагнит нурланиш ташийдиган ўртача қувватдир. Тор маънода Ф. деб, ёруғлик катталикларини ўлчашга тегишли (ёритилганлик, ёруғлик кучи, равшанлик ва ҳ.к.) катталикларни ўлчаш ва ҳисоблаш тушунилади. Фотометрик катталикларнинг нурланиш тўлқин узунлигига боғлиқлиги ва энергетик катталикларнинг спектрал зичликларини ўрганиш спектрофотометрия ҳамда спектрорадиометрия мазмунини ташкил этади. Ф.нинг асосий қонунини И. *Кеплер* 1604 й. таърифлаган: $E=I/r^2$ (бунда E — ёруғлик манбаидан I кучи r бўлган ёруғлик манбаидан r масофадаги ёритилганлик). Ф.нинг П. *Бугер* экспериментал асослаб берган. Моддалар ва жисмларнинг фотометрик хусусиятлари ўтказиш коэффициенти τ, қайтариш коэффициенти ρ ва ютиш коэффициенти α б-н тавсифланади. Бир жисмнинг ўзи учун $\tau+\rho+\alpha=1$ муносабат ўринли. Нурланишнинг ингичка дастаси модда орқали ўтишида кучсизланиш оқимининг сусайишини Бугер — Ламберт — Бер қонуни орқали аниқланади. Ф. усулларидан астрономиядаги спектрлар турли шкалаларида нурланувчи космик манбаларни тадқиқ қилишда, ёруғлик техникасида, сигнализация техникасида, астрономия, астрофизика ва ҳ.к.ларда қўлланилади.

ФОТОН (юн. phos — ёруғлик) — элементар зарра, электромагнит нурланиш (тор маънода — ёруғлик) кванти; Ф. нинг тинчликдаги массаси $m=0$, шунинг учун у вакуумда фақат ёруғлик тезлиги c б-н ҳаракатланади. Ф.нинг спини ($\hbar$ бирликларида) 1 га тенг, шунинг учун бозонлар гуруҳига киради ва *Бозе — Эйнштейн статистикасига* бўйсунади. Ф. электромагнит ўзаро таъсир ташувчиси бўлиб, заряд бўлмаган барча элементар зарралар б-н ўзаро таъсирлашади. Энергиялари 100 кэВ дан катта бўлган Ф.лар, одатда, γ-квантлар деб аталади. Атом ядросининг электростатик майдонида энергияси >1 МэВ бўлган γ-квантлар электрон ва позитронга (электрон-позитрон жуфтининг туғилиши жараёни) айланиши мумкин. Электрон ҳамда позитрон тўқнашганда иккита (ёки учта) γ-квантга аннигиляцияланиши мумкин. Ф.нинг нурланиш классик назарияси *Максвелл тенгламалари*, Ф.ларнинг ўзаро таъсири эса квант назарияси *квант электродинамикаси* асосланган. Ф.лар манбалари бўлиб ёруғлик манбалари, γ-квантлар манбалари бўлиб радиоактив изотоплар хизмат қилади.

«ФОТОН» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — радиоэлектроника саноатининг йирик корхонаси. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига киради. Тошкент ш.да жойлашган. Радиоэлектроника асбоб-ускуналари ва турли радиоэлектроника маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган электрон техника маҳсулотлари, шу жумладан телевизорлар, хотирали касса аппаратлари ва б. халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаради, уларнинг ишланмаларини яратади. 1941 й.да Фрязино ш.дан (Москва вилояти) эвакуация қилинган «Радиолампа» электровакуум асбоблари з-ди негизида ташкил этилган. Уруш й.ларида з-д мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқарган. 1966 й.дан Тошкент электрон техника з-ди деб номланган. 1976 й.да корхона ва унинг филиаллари негизида «Фотон» и.ч. бирлашмаси ташкил этилган. 1995 й.дан очиқ турдаги акциядорлик жамияти. Корхонада ўтган асрнинг 50—80-й.ларида мудофаа саноати аҳамиятига эга қабул қилгич-кучайтиргич лампалар, генератор лампалари, газотронлар, кенотронлар — юқори вольтли тўғрилагичлар, қопламалар технологияси бўйича ярим ўтказгичли приборлар, биполяр технологиялар асосида қаттиқ жисмли интеграл микросхемалар (15 турдан кўпроқ) ишлаб чиқарилган.

90-й.лар бошидан корхонада и.ч. сунъий-литарқли ташкил қилинган. 1994 й.да Украина («Весна») ва 1997 й.да Япония (Sony) фирмалари б-н ҳамкорликда оқ-қора ва рангли телевизорлар, 1995 й.дан хотирали касса аппаратларини и.ч. ўзлаштирилди.

Маҳсулотлари, шунингдек, ярим ўтказгичли приборлар «Фотон-Р» савдо уйи орқали Россияга экспорт қилинади. Умумий и.ч. ҳажмида экспорт ҳиссаси 53%ни ташкил этади (2003).

Маъруф Саидкаримов

ФОТОРЕЗИСТОР (*фото* ва *резистор*) — электр қаршилиги ёритилганлигига боғлиқ бўлган ярим ўтказгичли резистор; оптоэлектроника асбоби. Ф.нинг асосий қисми диэлектрик шослага суртилган ёруғлик сезгир ярим ўтказгич қатлами (кўрғошин ёки кадмий сульфидлари, кадмий селениди ва б.) ёки ярим ўтказгич пластинкаси. Қатлам (пластинка)га ток ўтказувчи контакт (электрод)лар жойлаштирилади. Намлик ва б. таъсирлардан сақлаш учун Ф. махсус қопламага олинади ёки герметикланади. Ф.ларнинг солиштирма интеграл сезгирлиги анча катта, бироқ улар нисбатан инерцион. Ёруғлик кўрсаткичлари чизиқли бўлмайди. Ф.лар инфрақизил, кўринувчи, ультрабинафша, рентген ва гамма нурланишларининг интенсивлигини ўлчашда, фототелеграф аппаратлари, товуш эшиттириш қурилмалари, кузатувчи тизимлар, ёруғлик реледарида ва б.да қўлланади.

ФОТОСИНТЕЗ (*фото*... ва *синтез*) — юксак ўсимликлар, сувўтлар ва айрим фотосинтезловчи бактерияларда хлорофилл ва б. фотосинтетик пигментлар ўзлаштирадиган ёруғлик энергияси ҳисобига оддий бирикмалардан мураккаб органик моддалар ҳосил бўлиши. Ф. табиатда содир бўладиган энг муҳим биологик жараёнларнинг бири. Ф.да қуёш энергияси органик бирикмалардаги кимёвий энергияга айланади. Ф.да ҳосил бўлган органик бирикмалар барча тирик организмлар учун асосий ҳаёт манбаи ҳисобланади. Ф.да барча тирик организмларнинг нафас олиши учун зарур бўлган кислород атмосферага ажралиб чиқади.

$$6CO_2 + 12H_2O \xrightarrow[\text{хлорофилл}]{\text{ёруғлик}} C_6H_{12}O_6 + 6O_2 + 6H_2O$$

Ф. ҳақидаги дастлабки маълумотлар инглиз ботаниги ва кимёгари С. Гейлс (1727), рус олими М.В. Ломоносов (1753) ишларида келтирилади. Аммо Ф.ни тажрибалар орқали ўрганиш инглиз кимёгари Ж. Пристли (1771), голланд табиатшуноси Ж. Сенебье (1782), швейцариялик олим Т. Соссюр (1804) ва б.нинг ишлари б-н бошланди. Немис физиологи Ю. Сакс (1863) барглардаги хлоропластларда крахмал синтезланишини кўрсатди. Ф.да кислород ҳосил бўлиши жараёнини немис физиологи Т.В. Энгельман (1881) ўрганган. Ф.да ёруғлик нурининг аҳамияти 19-а.нинг ўрталаридан ўргана бошланди. Рус олими К.А. Тимирязев (1875) ёруғлик энергиясининг ўсимликлардаги хлорофилл орқали фотосинтетик ўзгаришлар жараёнида иштирок этишини кўрсатди. 19-а.нинг ўрталаридан бошлаб Ф.ни ўрганишнинг методлар (газ анализи, изотоп методи, спектроскопия, электрон микроскопия усуллари ва б.) қўлланила бошлангандан сўнг Ф.да хлорофиллнинг қатнашиш механизмлари ишлаб чиқилди.

Рус биокимёгари А.Н. Бах (1893) Ф.да CO_2 ассимиляцияси сув водороди ва гидроксил гуруҳи иштирокидаги оксидланиш-қайтарилиш жараёнидан иборат эканлиги ҳақида фикр билдирди.

Голландиялик микробиолог К.Б. Ван Нил бактериялар ва ўсимликлар Ф.ини солиштириб, бирламчи Ф.нинг фотокимёвий жараёни сувнинг диссоциланишидан иборатлигини аниқлади. Фотосинтезловчи бактериялар (цианобактериялардан ташқари) H_2S, H_2, CH_4 ва б. қайтарувчиларга муҳтож бўлгани учун кислород ажратмайди. Ф.нинг бу хили фоторедукция дейилади. Яшил ёки пурпур олтингугурт бактериялари учун Ф.нинг умумий формуласи қуйидагича бўлади:

$$CO_2 + 2H_2A \xrightarrow{\text{ёруғлик}} [CH_2O] + H_2O + 2A$$

Бунда H_2A — оксидланувчи субстрат, яъни водород донори ҳисобланади.

Ван Нилнинг фикрича, юксак ўсимликлар ва сувўтлар учун H_2A — бу H_2O, 2A эса O_2 бўлиб, Ф.нинг умумий формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$CO_2 + 4H_2O \xrightarrow[\text{хлорофилл}]{\text{ёруғлик}} [CH_2O] + 3H_2O + O_2$$

Ушбу тенглама 2 реакцияни ўз ичига олади, уларнинг биринчиси ёруғлик таъсирида сувнинг фотодиссоциацияланиши, иккинчиси CO_2 нинг углеводородларгача қайтарилишидан иборат.

$$1)\ 2H_2O \xrightarrow[\text{хлорофилл}]{\text{ёруғлик}} 4[H] + O_2;$$

$$2)\ CO_2 + 4[H] \rightarrow [CH_2O] + H_2O$$

Шартли равишда биринчи реакцияни ёруғлик реакцияси, иккинчисини қоронғулик реакцияси деб аташ мумкин.

Ф.нинг дастлабки жараёнлари хлоропластлар тилакоидларида рўй беради; углеводлар эса стромада синтезланади. Кейинчалик АҚШ олими Д.И.Арнон хлоропластлар мембранасини ажратиб олиб, унинг стромасида НАДФН ва АДФ иштирокида CO_2 ассимиляцияси рўй беришини кузатади:

$$^{14}CO_2 + \text{АДФ} + \text{НАДФН} \xrightarrow[\text{қоронғулик}]{\text{стромалар}} \rightarrow [^{14}C]\text{углевод}$$

Фотосинтезловчи бактериялар молекуляр кислород ажратмайди ва қабул қилмайди; уларнинг кўпчилиги анаэроб озиқланади. Турли хил организмлардаги Ф. жараёнининг умумий схемаси қуйидагича:

$$ДН_2 + А \xrightarrow[\text{хлорофилл}]{\text{ёруғлик}} АН_2 + Д$$

Бунда $ДН_2$ — донор, А — акцептор, $АН_2$ — фотосинтез маҳсулоти.

Фотосинтез системаси хлорпластларда жойлашган (қ. *Хлоропластлар*). Ф. аппаратининг энг муҳим компоненти хлорофилл хлорофиллин ва икки карбон кислотаси мураккаб эфиридан иборат. Унинг яшил ранги таркибидаги магний ионларига боғлиқ. Ф.да каротиноидлар ҳам қатнашади. Каротиноидлар кўк-бинафша ва кўк (480—530 нм) нурларни ютиб, улар энергиясини хлорофилл («*а*»)га узатади. 400 дан ортиқ каротиноидлар аниқланган. Кўк-яшил сувўтлар (цианобактериялар), қизил сувўтлар ва айрим денгиз криптомонадаларида хлорофилл «*а*» ва каротиноидлар б-н бирга фикобилин пигментлари ҳам бор. Улар хлорофилл ютиши мумкин бўлган нурлар максимуми оралиғидаги нурларни ютади. Ўсимликларда Ф.да фикобилинлардан фитохром пигменти ҳам қатнашади. Фитохром, асосан, қизил ва инфрақизил нурларни ютиб, хлорофиллга узатади. Ф.нинг ёруғлик босқичида хлорофилл молекуласи томонидан бошқа пигментлар (хлорофилл «b», каротиноидлар, фикобилинлар) иштирокида ёруғлик энергияси ютилиб, бу энергия АДФ ва НАДФ бирикмаларининг кимёвий ёруғлик энергиясига айланади. Хлорофилл ёруғлик энергиясини квантлар ёки фотонлар ҳолида ютади. Ютилган энергия таъсирида хлорофиллдаги электронлар қўзғалган ҳолатга ўтади. Бунда электрон асосий (S^0) поғонадан биринчи синглет (S^1) поғонага ўтади. Бу жараён жуда қисқа вақт (10^{-9} сек) давом этади. Шу қисқа вақт давомида электрон ўз энергиясини сарфлаб, квант ютадиган ҳолат ($S^1 \rightarrow S^0$) га қайтади. Агар электрон тўлқин узунлиги ультрабинафша нурлардан бир квант ютса, янада юқорироқ синглет (S^2) поғона ($S^0 \rightarrow S^2$)га ўтади. Шундан сўнг қисқа вақт ичида (10^{-11} сек) электронлар иккинчи синглет биринчи поғонага ($S^2 \rightarrow S^1$) тушади. Квант энергиясининг бир қисми эса иссиқликка айланади. Фотокимёвий жараёнларда, асосан, биринчи синглет (S^1) ҳолатдаги электронлар, айрим ҳолларда триплет (T^1) ҳолатдаги электронлар иштирок этади. Шундай қилиб, хлорофилл молекуласи ютган квант энергия, асосан, Ф. реакциялари учун сарф бўлади ва молекуладан ёруғлик ёки иссиқлик энергияси ҳолида ажралади. Ф. реакцияларида ёруғлик энергиясининг самарадорлиги ютилган квант ҳисобига ажралиб чиққан O_2 ёки ўзлаштирилган CO_2 миқдори б-н белгиланади. Ф.да бир молекула CO_2 тўла ўзлаштирилиши учун 502 кЖ энергия сарфланади. Агар ҳар бир квант нур 171 кЖ энергияга эга бўлиши ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда $CO_2+H_2O \rightarrow [CH_2O]+O_2$ жараёнининг тўла амалга ошиши учун 700 нм узунликдаги 3 квант нур зарур. Лекин ютилган қизил нурларнинг фойдали иш коэффициенти 40% бўлганидан бир молекула CO_2 ўзлаштирилиши учун 8 квант нур зарур. Р. Эмерсон (1957) хлорелла сув ўтида ўтказган тажрибаларида нурларнинг аралаш спектрларида Ф.нинг самарадорлигини аниқлади. Мас., 710 нм қизил нурдан 1000 квант ютилганда 20 мол. O_2, 650 нм нурлар учун эса бу кўрсаткич 100 молекула O_2га тенг бўлади. 710 ва 650 нм нурлар бир вақтнинг ўзида таъсир этганда 160 мол O_2 ажралиб чиққан. Бу ҳодиса Эмерсон эффекти дейилади.

Ф. ўсимликлар маҳсулдорлигини белгиловчи жараён. Ф. маҳсулдорлиги 1 $м^2$ барг юзаси ҳисобига 1 соат давомида ўзлаштирилган CO_2 ёки ҳосил бўлган органик модда миқдори б-н белгиланади. Ф.нинг соф маҳсулдорлиги эса ўсимлик қуруқ массасининг унинг барглари юзаси ҳисобига бир кеча-кундуз давомидаги миқдорий ортиши тушунилади. Кўпчилик ҳолларда ушбу кўрсаткич 5—12 г/$м^2$ га яқин. Ёруғлик — Ф.нинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи. Ёруғлик нурларининг фотосинтетик фаол (400—700 нм) қисмини 80—85% кўзга кўринадиган нурлар ва 25% ини инфрақизил нурлар ташкил этади; жами Қуёш нурининг 55% ини барглар ютади. Аммо фақат уларнинг 1,5—2% Ф. жараёнига сарфланади ва иссиқлик ҳолида тарқалади. Ф. жараёни ҳар хил ўсимликларда бир хил тезликда бормайди. Мас., ёруғсевар ўсимликлар учун ушбу кўрсаткич 10000—40000 люкс бўлса, соятга чидамли ўсимликлар учун 10 баравар кам — 1000 люксдир. Ёруғлик миқдорининг бирор ўсимлик учун ҳаддан ташқари кўп бўлиши хлорофилл ва хлоропластларнинг емирилиши ҳамда маҳсулдорликнинг пасайишига олиб келади. Ф.да сарф бўлган CO_2 миқдорининг нафас олишда ажралиб чиққан CO_2 миқдорига тенг бўлган ёруғлик даражаси ёруғликнинг компенсацион нуқтаси дейилади. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун ёруғлик миқдори компенсацион нуқтадагига нисбатан бирмунча юқори бўлиши лозим. Ф.да нурларнинг спектрал таркиби ҳам катта аҳамиятга эга. Катта энергияга эга бўлган қизил нурлар таъсирида Ф. жуда тезлашади. Кўк нурлар энергияга бой бўлади, лекин ўсимлик бу нурлардан фотокимёвий реакцияларда фойдалангунича энергиянинг бир қисми иссиқлик энергиясига айланиб тарқалиб кетади. Шунинг учун кўк нурларнинг самарадорлиги паст бўлади. Агар ўсимликка қизил ва кўк нурлар 1:4 нисбатда таъсир эттирилса, Ф. жадаллашиб, унинг самарадорлиги ошади. Ф. учун зарур бўлган CO_2 газининг атмосфера ҳавосидаги миқдори нисбатан кам (0,03%). Атмосферада CO_2 миқдори 0,008% бўлганда Ф. бошланади. Бу газ миқдори ошиб бориши б-н Ф. ҳам жадаллашиб 0,3% кўрсаткичда энг юқори даражага етади. Шунинг учун иссиқхона ўсимликларини CO_2 б-н қўшимча озиқлантириш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш мумкин.

Сув — Ф.да иштирок этувчи моддалардан бири, O_2 ва H_2 нинг манбаи ҳисобланади. Ўсимликнинг сув б-н доимий таъминланиши барг оғизчаларининг фаоллигини белгилайди. Баргларнинг жадаллиги хужайраларнинг сув б-н таъминланишига бевосита боғлиқ. Сув етишмаслиги Ф.да электронларнинг ҳалқали ва ҳалқасиз ташилишига ҳамда фосфорланишига салбий таъсир этади.

Илдиз тупроқдан турли хил озиқ элементларини ўзлаштиради. Бу элементлар хужайра ва унинг тузилмалари таркибига киради. Ўсимликнинг ҳаводан ва илдиздан озиқланиши ўзаро узвий боғлиқ. Мас., азот ва фосфор хлоропластларнинг шаклланишида ҳамда уларда кечадиган жараёнларда фаол иштирок этади. Бу элементлар етишмаса хлоропластлар тузилишида ва функциясида чуқур ўзгаришлар содир бўлади. Ф. аэроб шароитда ўтиши туфайли ушбу жараёнда кислород муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўсимликнинг кислород б-н муқобил таъминланишини талаб қилади. Аммо ҳавода кислороднинг кўпайиб кетиши Ф.га салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳосилдорликни кўпайтириш учун ўсимликнинг Қуёш нуридан фойдаланиш коэффициентини ошириш зарур. Бунда ҳар бир ўсимлик учун CO_2, сув ва тупроқдаги озиқ моддалар етарли миқдорда бўлиши зарур.

Ф.нинг жадаллиги баргнинг анатомик тузилиши, фермент системасининг фаоллиги ва б. омилларга боғлиқ. Ф. жадаллигини оширишда ўсимликлар селекциясининг ҳам аҳамияти катта. Чунки CO_2 ни тез ўзлаштира оладиган ва ҳосил бўлган органик моддалардан самарали фойдаланадиган янги навларни яратиш мумкин.

Ф. табиатда энг муҳим биологик жараёнлардан бири. Ф. туфайли ҳар йили қуруқликда 100—172 млрд. т, денгиз ва океанларда 60—70 млрд. т (қуруқ оғирликка нисбатан) органик модда ҳосил бўлади. Ф. туфайли атмосферадаги CO_2 миқдори доимий (0,03%) сақланиб туради. Ф. натижасида бир йил давомида атмосферага тирик организмлар нафас олиши учун зарур бўлган 70—120 млрд. т. га яқин эркин кислород ажралади. Бу жараёнда ўрмонлар, айниқса катта аҳамиятга эга. Мас., 1 га ўрмон дарахтлари баҳор ва ёз ойларида 1 киши нафас олиши учун етарли миқдорда кислород ажратади. Кислород атмосферанинг юқори (25 км) қатламида озон (O_3) ҳалқани ҳосил қилиб, тирик организмларни ультрабинафша нурлардан ҳимоя қилади (қ. *Озон*). Ф. энергетикаси ҳамда механизмини ўрганиш келажакда кишилик жамиятини энергия ва озиқ-овқат, и.ч.ни хом ашё б-н таъминлаш масаласини ҳал этишда жуда катта аҳамиятга эга.

Ад.: Физиология фотосинтеза, М., 1982; Полевой В. В., Физиология растений, М., 1989; Умумий биология, Т., 2003; Мавлонов О., Биология, Т., 2003.

Бегали Бекназаров

ФОТОСИНТЕЗЛОВЧИ МИКРООРГАНИЗМЛАР, фототроф микроорганизмлар — хужайра компонентларини синтезлашда Қуёш энергиясидан фойдаланадиган микроорганизмлар. Ф.м.га қирмизи ва яшил бактериялар, цианобактериялар, прохлорофитлар, айрим галобактериялар ҳамда сувўтлар бўлимига мансуб бир қанча эукариот организмлар (диатомлар, эвгленасимонлар, пирофитлар, тиллараш ва сариқ-яшил сувўтлар ва б.) киради. Барча Ф.м.да (галобактериялардан ташқари) фотосинтез худди яшил ўсимликлар сингари хлорофилл иштирокида боради. Галобактерияларда эса фотосинтез функциясини оқсил комплекси бажаради. Цианобактериялар ва сувўтларда фотосинтезда O_2 ажралади. Бошқа Ф.м.да фотосинтезда O_2 ҳосил бўлмайди; улар электрон донори сифатида сувдан эмас, балки сульфидлар, тиосульфит, водород ва органик моддалардан фойдаланади. Кўпчилик Ф.м. молекуляр азотни ўзлаштиради. Ф.м. сув ҳавзаларида кўп учрайди. Органик моддаларнинг тўпланишида, олтингугурт ва азотнинг табиатда айланишида фаол иштирок этади.

ФОТОСФЕРА (*фото...* ва *сфера*) — юлдузлар атмосферасининг кўзга кўринадиган энг пастки ва зич қатлами. Юлдузлар сочаётган оптик тўлқинлардаги нурланиш. Ф. спектри *Фраунгофер чизиқлари* б-н кесилган узлуксиз спектрдан иборат. Қуёш Ф.нинг қалинлиги унинг радиусининг 0,001 қисмига, юлдузларда эса радиусининг 10^{-4}—10^{-3} қисмига, оқ митти юлдузларда ~10^{-6}, гигант ва ўтагигант юлдузларда эса 10^{-1}—10^{-2} қисмига тенг. Ф. газининг ўртача зичлиги қайноқ юлдузларда 10^{-9} г/$см^3$, оқ митти юлдузларда 10^{-6} г/$см^3$.

Қуёш Ф.си яхши ўрганилган; қалинлиги ~300 км, т-раси 4500—8000° К, газ босими 10^{-3}—10^{-1} дина/$см^2$ (яна қ. *Қуёш*).

ФОТОТЕЛЕГРАФ АЛОҚА — 1) *факсимил алоқа*нинг умумий қабул қилинган номи; 2) тор маънода — қабул қилинаётган фототасвирларни электрографик, фотографик ва б. усулларда қайд қилиш.

ФОТОТЕЛЕГРАФ АППАРАТИ, факсимил аппарат — ясси оригиналлар (босма ёки қўлёзма матнлар, расмлар, фотосурат ва б.)нинг кўзгалмас тасвирларини электр алоқа симлари орқали узатувчи ёки қабул қилувчи аппарат. Электромеханик усулда ишлайдиган биринчи Ф.а.ни 1855 йилда италиялик физик Ж. Казелли қурган. Замонавий Ф.а. ёруғлик-оптик ва электрон қурилмалар, фотоэлектрик ўзгартиргичлар, *модуляторлар, детекторлар* ва б.дан иборат. Ф.а. узатувчи, қабул қилувчи ва қабул қилувчи-узатувчи хилларга бўлинади.

Узатувчи Ф.а. (ёки қабул қилувчи узатувчи Ф.а.нинг узаткичи) объект тасвирини видеосигналга айлантирувчи таҳлил (анализ) тизимидан ва видеосигнални алоқа канали бўйича узатиш учун қулай шаклга ўзгартирувчи электрон узел (модулятор)дан иборат. Таҳлил тизими: ёруғлик-оптик қурилма (объект сиртида нуқта-нуқта ёруғлик доғи ҳосил қиладиган ёруғлик дастаси вужудга келтиради), ёювчи қурилма (ёруғлик дастасини навбатма-навбат барча элементар майдончаларга йўналтиради, натижада объект сиртидан ёруғлик оқими қайтади), фотоэлектр ҳосил қилгич (қайтган ёруғлик оқимини видеосигналга айлантиради)дан иборат. Видеосигнални ўзгартирувчи узелда тебраниш модуляцияси вужудга келади.

Қабул қилувчи Ф.а. (ёки қабул қилувчи-узатувчи Ф.а.нинг қабул қилгичи) қабул қилинадиган модуляцияланган тебранишларни демодуляция қилиш учун мўлжалланган видеосигнал ажратувчи электрон узелдан ҳамда ёювчи ва ёзиб олувчи қурилмалардан тузилган синтезловчи тизимдан иборат. Қабул қилинган видеосигнал фотоқоғоз, фотоплёнка, ферромагнит материаллар ва б.га ёзиб олинади. Алоқа линияси бўйича келаётган ток кучининг катталигига қараб, лампа фотоқоғоз ёки фотоплёнкани турлича ёритади. Тасвирларни, мас.: махсус (электрокимёвий, термокимёвий, электростатик ва б.) ёки оддий қоғозга ёзиб олишнинг бошқа усуллари ҳам бор.

Қабул қилувчи-узатувчи Ф.а.нинг ёювчи қурилмалари кўпинча бир-бирига ўхшаш бўлади; тузилиши жиҳатдан улар механик ва электрон турларга бўлинади.

ФОТОТРАНЗИСТОР (*фото...* ва *транзистор*) — ёруғликни сезувчи ва бунда содир бўладиган электр ток кучини кучайтирувчи ярим ўтказгичли асбоб. Ф. германий ёки кремнийли монокристалл яримўтказгичли пластинадан иборат; унда *транзистор*никига ўхшаш 3 соҳа — эмиттер, коллектор ва база бор. Ф. базасида чиқарилган учлиги бўлмаслиги б-н транзистордан фарқ қилади.

Ф. ташқи занжирга биполяр (бир қутбли) транзисторга ўхшаш уланади. Ёруғлик базага тушганда, унда жуфт заряд ташувчилар (электрон ва ковак) ҳосил бўлиб, коллекторли ўтишда

электр майдон ёрдамида бўлинади. Натижада база соҳасида асосий ташувчилар тўпланади, бу эса эмиттерли ўтишдаги потенциал тўсиқни камайтиришга ва Ф.дан ўтаётган токнинг ортишига олиб келади. Ф. назорат ва автоматик тизимларида ёритилганлик датчиклари сифатида, киноқурилмаларда товушни қайта эшиттириш ва б.да ишлатилади.

ФОТОТРОПИЗМ (*фото...* ва юн. tropos — бурилиш) — ўсимлик ўсиш органларининг ёруғлик нури йўналишига ёки тескари томонга ҳаракатланиши. Мусбат ва манфий Ф. аниқланган: ўсимлик органларининг ёруғлик манбаи томонга қараб бурилиши мусбат, ёруғлик манбаидан тескари томонга қараб бурилиши манфий Ф. бўлади.

Ф., асосан, ўсимликнинг ер усти органлари учун хос. Мутлақо ёруғлик бўлмаган тупроқ остида ўсадиган органлар (илдиз ва илдизпоялар) ёруғликдан таъсирланмайди. Ўсимликларнинг мусбат ёки манфий бурилиш хусусияти ёруғлик кучига боғлиқ. Ўсимлик битта органининг ўзи ёруғлик кучсиз бўлганда мусбат Ф. хусусиятига эга бўлса, кучли ёруғликда манфий бўлади; ўртача ёруғликда эса ўсимлик ёруғликдан бутунлай таъсирланмайди. Бир томонлама тушган ёруғликка таъсирланиш хусусияти ҳар хил ўсимликларда турлича бўлади. Ўсимлик ҳаётида Ф. жуда катта аҳамиятга эга. Ўсимликлар ёруғликка юқори даражада сезгирлиги туфайли уруғ чуқур экилишига қарамай, ниҳолнинг учки қисми тупроқдан юқорига чиқади. Ф. жараёнини соя жойларда ва хона ичида очиқ жойларга қараганда аниқроқ сезиш мумкин. Бунга бир меъёрда тушадиган ёруғликда ўсимликларда фототропик сезгирликнинг пасайиши, кун давомида қуёш ёруғлиги ўзининг йўналишини узлуксиз равишда ўзгартириб туриши сабаб бўлади. Баъзи ўсимликлар ёруғлик йўналишининг ўзгариб туришига жуда тез жавоб қайтаради. Мас., кунгабоқар ва иттиканак ўз ривожланишининг маълум даврларида қуёш нури оғадиган томонга бурилади.

ФОТОЭЛЕКТР ҲОДИСАЛАР — электромагнит нурланиш таъсирида моддаларда юз берадиган электр ҳодисалар (электр ўтказувчанликнинг ўзгариши, э.ю.к. ҳосил бўлиши, электронлар эмиссияси ва б.). *Фотон* энергияси • *ν* электроннинг каттароқ энергияли ҳолатга ўтишига сарфланадиган ҳолларда юз беради. Фотон энергияси фақат атомни уйғотишгагина етарли ҳолларда, модданинг диэлектрик сингдирувчанлиги ўзгариши мумкин (фотодиэлектрик эффект). Агар фотон энергияси эркин электронлар ва ковакларҳосил қилиш учун етарли бўлса, у ҳолда жисмнинг электр ўтказувчанлиги ортади (*фотоўтказувчанлик*). Бир жинслимас яримўтказгичларда, хусусан, *p—n* ўтиш соҳасида, яримўтказгич — металл контакти яқинида фото э. ю. к. пайдо бўлади. Ўтказувчанлик электронлари фотонларни ютганда ҳам уларнинг ҳаракатчанлиги ортиб, фотоўтказувчанлик ва фото э. ю. к. ҳосил бўлиши мумкин. Фотон энергияси газ атомлари ва молекулаларини ионлаш учун етарли *фотоионланиш* юз беради. Суюқлик ёки қаттиқ жисм электронлари ютган фотонларнинг энергиялари анча катта ҳолларда электронлар жисмнини сиртига етиб бориш ва потенциал тўсиқни ошиб ўтиб, вакуумга ёки бошқа муҳитга чиқиши мумкин. Бу ҳолда ташқи фотоэффект деб аталадиган фотоэлектрон эмиссия вужудга келади. Қаттиқ жисм ичида электронларнинг боғланган ҳолатлардан эркин ҳолатларга ўтиши б-н боғлиқ Ф.ҳ «ички фотоэффект» деб аталади. Металларнинг электр ўтказувчанлиги жуда катталиги учун уларда ички фотоэффект кузатилмайди, фақат фотоэлектрон эмиссиягина содир бўлади.

ФОТОЭЛЕМЕНТ (*фото...* ва *элемент*) — ўзига тушаётган ёруғликни ютиб, электр токи (фототок) ёки фото электр юритувчи куч ҳосил қилувчи электр асбоб. Ички фотоэлектрон эмиссия ёки ички фотоэффект ҳодисасига асосланган. Фотоэлектрон эмиссия асосида ишлайдиган Ф. вакуум ҳосил қилинган ёки газ тўлдирилган шиша, ёхуд кварц колба ичига жойланган 2 электрод — фотокатод ва анодли электровакуум асбобдан иборат. Фотокатодга тушадиган ёруғлик оқими унинг сиртида фотоэлектрон эмиссия ҳосил қилади; Ф. занжири туташтирилганда унда ёруғлик оқимига монанд фототок оқими вужудга келади. Газ тўлдирилган Ф.да газнинг ионланиши ва номустақил кучли разряд ҳосил бўлиши натижасида фототок кучаяди. Ички фотоэффект асосида ишлайдиган Ф. гомоген электрон-ковак ўтишли (*p—n*-ўтишли), яримўтказгич, гетероўтишли ёки металл-яримўтказгич контактли яримўтказгич асбобдан иборат. Бундай Ф.да оптик нурлар ютилиб, заряд ташувчилар концентрацияси зўраяди ва электр юритувчи куч ҳосил бўлади.

Ф.лар, одатда, нурланиш ёки ёруғлик қабул қилгичлари вазифасини ўтайди. Яримўтказгичли Ф.лардан қуёш батареялари, фотоэлектр генераторларида қуёш энергиясини тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантиришда фойдаланилади. Ф. автоматика, телемеханика, фотометрия, ўлчаш техникаси, метрология, космонавтика, фототехника, кинотехника ва б. соҳаларда қўлланади.



Фотоэлектрон эмиссия асосида (*а*) ва ички фотоэффект асосида (*б*) ишлайдиган фотоэлементнинг схематик тасвири: *A* — анод; *K* — катод; *E* — ўзгармас ток манбаи; $R_н$ — нагрузка; *n* — электрон ўтказиш ўтказиш соҳаси; *p* — ковак ўтказиш ўтказиш соҳаси; *Ф* — ёруғлик оқими.

ФОТОЭФФЕКТ — моддаларнинг электромагнит нурланиши таъсирида *электрон* чиқариши. Ф. ҳодисасини 1887 йил немис физиги Г. *Герц* очган. Дастлабки асосий тадқиқотларни рус олими А. Г. Столетов (1888), сўнгра немис физиги Ф. Леонард (1899) ўтказган. Ф. қонунларини биринчи бўлиб А. *Эйнштейн* (1905) назарий тушунтирган. Ф.нинг асосий қонуниятлари: 1) чиқарилаётган электронлар сони нурланиш интенсивлигига пропорционал; 2) ҳар бир модда учун унинг сиртининг маълум ҳолатига ва T=0 К т-рада чегара — нурланишнинг энг кичик частотаси ν_0 (ёки энг катта тўлқин узунлиги λ_0) мавжуд бўлиб, бу чегарадан ташқарида Ф. содир бўлмайди; 3) фотоэлектронларнинг энг катта кинетик энергияси нурланиш частотаси ν ортиши б-н чизиқли ортади ва нурланишнинг интенсивлигига боғлиқ бўлмайди. Ф. — квант ҳодиса, унинг очилиши квант назариясини экспериментал асосланишда муҳим роль ўйнади: Ф. қонуниятларини фақат квант назарияси асосида тушунтириш мумкин. Эркин электрон *фотонни* ютиши мумкин эмас, чунки бунда бир вақтнинг ўзида энергиянинг ҳам, импульснинг ҳам сақланиш қонуни бажарилмайди. Электрон атроф муҳит б-н боғланганлиги учун Ф. ҳодисаси *атом, молекула* ва конденсатланган муҳитда ҳосил бўлиши мумкин. Бу боғланиш атомда ионланиш энергияси ε_i б-н, конденсатланган муҳитда чиқиш иши *A* б-н тавсифланади. Ф.даги энергиянинг сақланиш қонуни Эйнштейн муносабати б-н ифодаланади: $E=\hbar\omega-\varepsilon$ (ёки $E=\hbar\omega-A$), бунда *E* — фотоэлектронинг кинетик энергияси. T=0К ва ёруғлик интенсивлиги кичик бўлганда (амалда кўп фотонли эффектлар бўлмаганда), агар $\hbar\omega<\varepsilon_i$ ёки $\hbar\omega<A$ бўлса, Ф. бўлмайди.

Газларда Ф. алоҳида атом ва молекулаларда кузатилади (*фотоионланиш*). Бунда фотон ютилиб, электрон чиқариш ёки б-н ионланиш юз беради. Фотоннинг ионлашга сарфланган энергиядан бошқа гамма энергияси чиқарилаётган электронга берилади. Конденсатланган муҳитларда фотонларни ютиш механизми уларнинг энергиясига боғлиқ. $\hbar\omega > A$ да фотон ўтказувчанлик электрони (металларда) ёки валентлик электрони (яримўтказгичлар ва диэлектрикларда) томонидан ютилади. Натижада ташқи Ф. ёки ички Ф. кузатилади. $\hbar\omega$ жуда катта бўлганда (γ-квантлар ҳолида) фотоэлектронлар атомнинг чуқур қобиқларидан уриб чиқарилиши мумкин. Кўпгина металларнинг юза сиртлари учун A>3 эВ, шунинг учун металларда Ф. ультрабинафша соҳада кузатилади. Ишқорий ер металлари ва барий (Ва) учун Ф. кўринадиган ёруғлик соҳасида ҳам кузатилади.

ФОТОЯДРО РЕАКЦИЯЛАР, ядро фотоэффекти — *атом ядросининг* γ-квантларни ютиши натижасида *протонлар p, нейтронлар n* ёки мураккаб заррадар (дейтронлар, α-заррадар ва ҳ.к.) чиқаришни. Кўп тарқалган Ф. р.: (γ,*n*), (γ,*p*), (γ, 2*n*), (γ, *pn*). Дейтрон, қарилаётган жараёнларнинг эҳтимоллиги камроқ. Бўлинувчи ядроларда катта эҳтимоллик б-н (γ, *f*) фотобўлиниш реакциялари боради. γ-квантларнинг энергияси зарраларни чиқаришга етмаганда фотонларнинг эластик (γ, γ) ва ноэластик (γ, γ′) сочилиши юз беради. γ- квантларнинг энергияси мезонларнинг тугилиш энергиясидан катта бўлганда, ядронинг бўлиниши б-н бирга фототугилиш (мас., пионларнинг) жараёнлари ҳам боради. Ҳар қандай ядро реакцияси каби Ф. р. ҳам γ-квантларни ютишнинг эффектив кесими σ б-н тавсифланади. σ γ-квантнинг энергияси E_γ га боғлиқ. $\sigma(E_\gamma)$ боғланишнинг хусусияти гигант резонанс деб аталувчи катта максимумининг мавжудлигидир. Бу максимумнинг кенглиги бир неча МэВ тартибида бўлиб, енгил ядролар (^{12}C, ^{16}O) учун E_γ ~20—13—18 МэВ соҳасида жойлашган.

ФОТОЎТКАЗУВЧАНЛИК, фоторезистив эффект — электромагнит нурланиш таъсирида яримўтказгичларнинг электр ўтказувчанлиги ортиши. Ф.ни биринчи бўлиб 1873 йил америкалик физик У. Смит селенда кузатган. Одатда, Ф. ёруғлик таъсирида ток ташувчилар концентрациясининг ортиши туфайли юзага келади (концентрацион Ф.). У бир неча жараён ҳисобига ҳосил бўлади: фотонлар электронларни валент зонадан «юлиб» олиб, ўтказувчанлик зонасига «отади», бунда бир вақтнинг ўзида ўтказувчанлик электронлари ва ковакларсони ортади (хусусий Ф.); электронлар валент зонадан бўш аралашма сатҳига ўтади — ковакларсони ортади (ковакли Ф.); электронлар аралашма сатҳларидан ўтказувчанлик зонасига ўтказилади (электронли Ф.). Концентрацион Ф. етарлича қисқа тўлқинли нурланиш таъсирларигина пайдо бўлиши мумкин, бунда фотонларнинг энергияси ёки ман этилган зона кенглигидан (хусусий Ф. ҳолида), ёки зоналардан бири ва аралашма сатҳи орасидаги масофадан (электронли ва ковакли Ф. ҳолида) катта бўлиши керак. Ф.нинг ток ташувчилар концентрациясини ўзгартириш б-н боғлиқ бўлмаган турлари ҳам бўлиши мумкин. Мас., эркин ток ташувчилар узун тўлқинли электромагнит тўлқинларни ютганда уларнинг энергияси ортади. Натижада уларнинг ҳаракатчанлиги ва демак, электр ўтказувчанлик ортади (ҳаракатчанлик Ф.). Ф. ни ўрганиш — қаттиқ жисмларни талқин қилишнинг энг самарали усулларидан биридир. Ф. ҳодисасидан фоторезисторларни, нурланишнинг сезгир ва инерцияси кичик қабул қилувчиларини яратишда фойдаланилади.

ФОУЖЕЛ (Fogel) Роберт (1926.1.7, Нью-Йорк) — америкалик иқтисодчи. Корнель ун-тини тугатган (1948). 1965 й.дан Чикаго, 1975 й.дан Гарвард ун-тлари проф. 1981 й.дан Чикаго ун-тидаги Аҳолишунослик иқтисодиёти маркази бошлиғи. Иқтисодий тадқиқотлар Миллий бюроси б-н ҳамкорлик қилган. АҚШнинг узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш тадқиқотлари дастурини бошқарган. Ф. илмий ишлари узоқ даврларнинг иқтисодий тарихини моделлаштириш, янги технологияларнинг иқтисодий ривожланишга таъсири, иқтисодий демография масалаларига бағишланган. «Клиометрия» ёки тарихий жараёнларни ўрганишда иқтисодий назария ва миқдорий усуллардан фойдаланадиган «янги иқтисодий тарих» асосчиларидан бири. Нобель мукофоти лауреати (1993; Д. *Норт* б-н бирга).

ФОҲИШАЛИК — ўз танасини (асосан, аёллар) сотиш б-н шуғулланиш. Антик жамиятда пайдо бўлган. Ҳоз. баъзи мамлакатларда тақиқланган ёки чеклаб қўйилган, бир неча мамлакатларда рухсат этилган. Жиноят қонунчилигида зўрлаб ёки зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки алдаш йўли б-н Ф.ка жалб қилганлиги учун жавобгарлик белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддасига кўра, фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш, шунингдек, гаразли ёки бошқа тубан ниятларда қўшмачилик қилишга нисбатан жиноий жазо қўлланилади.

ФРАЗЕОЛОГИЗМ, фразеологик бирлик, фразема — икки ёки ундан ортиқ сўздан ташкил топган, маъновий жиҳатдан ўзаро боғлиқ сўз бирикмаси ёки гапга тенг келадиган, яхлитлигича кўчма маънода қўлланадиган ва бўлинмайдиган, барқарор (турғун) боғланмаларнинг умумий номи. Ф.лар, шаклан ўзларига ўхшаш синтактик тузилмалардан фарқли равишда, нутқда сўзларни эркин танлаш, алмаштириш йўли б-н юзага келмайди, балки маъно ва муайян лексик-грамматик таркибли, авваллан тайёр материал сифатида қўлланади, яъни Ф. таркибидан бирор қисмни чиқариб ташлаш, тушириб қолдириш мумкин эмас: анқонинг уруғи, арпасини хом ўрмоқ, чучварани хом саналмоқ, терисига сигмай кетмоқ, капалаги учмоқ, кўнгли жойига тушмоқ, кўли очиқ, қулоғи оғир ва б.

Ф.лар тарихий қўлланиш меъёрларига, усулларига эга бўлиб, уларнинг маънолари муайян нутқий жараёнда ойдинлашади. Ф.ларнинг қуйидаги турлари фарқланади: фразеологик чатишма — фраземанинг маъноси унинг таркибидаги сўзларнинг маъносига боғлиқ бўлмайди, фраземадан англашилган кўчма маъно унинг таркибидаги сўзларнинг маъноси б-н изоҳланмайди: тўнини тескари кийиб олмоқ, оёғини қўлига олиб чопмоқ, бошини олиб чиқиб кетмоқ ва б.; фразеологик бутунлик (бирлашма) — фраземанинг маъноси унинг таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида изоҳланади, шу маънолар асосида умумлаштирувчи кўчма маъно ифода қилинади (кўпинча бундай бирлашмаларнинг ўз маъносида қўлланадиган вариантлари ҳам мавжуд бўлади): ёғ тушса ялагудек, енг шимармоқ, хамирдан қил суғургандек, тўйдан олдин ноғора чалмоқ ва б.; фразеологик қўшилма — бунда фраземалар таркибидаги бир сўз кўчма маънода қўлланади, бошқаси эса ўз луғавий маъносини сақлайди: гапнинг тузи, қўли гул, иштаҳаси очилди ва б.

Ф.лар синтактик тузилишига кўра 2 га бўлинади: бирикмага тенг Ф.лар (катта оғиз, аммамнинг бузоғи, туёғини шиқиллатмоқ) ва гапга тенг Ф.лар (юзи ёруғ бўлди, боши осмонга етди, сирқаси сув кўтармайди). Ф.нинг қисмлари ажралмас ҳолда бўлганлиги

учун, Ф. гапда битта синтактик вазифада келади. Мас.: «Қизга ўзбек қишлоғининг содда ҳаёти, оқ кўнгил одамлари ёқди» ва «Насимжон боши кўкка етгудай суюнди» гапларида «оқ кўнгил» фраземаси — аниқловчи, «боши кўкка етгудай» фраземаси ҳол вазифасида келган. Ф.лар тайёр луғавий бирлик — сўзга тенг бўлганлиги туфайли сўзга хос шакл ва маъно муносабатларига ҳам эга бўлади, яъни тилда фразеологик омонимия (мас., қўл кўтармоқ — 1) урмоқ, урмоқчи бўлмоқ, 2) тарафдорлигини билдирмоқ), фразеологик синонимия (тоқати тоқ бўлмоқ — сабр-косаси тўлмоқ) ва фразеологик антонимия (кўнгли оқ — ичи қора, кўкка кўтармоқ — ерга урмоқ) мавжуддир.

Асрлар давомида шаклланган Ф.лар оғзаки нутқда, бадиий адабиётда ҳамда публицистикада ўткир, таъсирчан тасвирий восита сифатида кенг қўлланади. Ёзувчилар ўз асарларида Ф.лардан унумли фойдаланиш б-н бирга мавжуд Ф.ларни асар руҳига мослаган ҳолда қисман ўзгартирадилар, шу йўл б-н янги иборалар яратадилар. Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад ва б. томонидан ижод қилинган Ф.лар бунга мисол бўла олади.

Турли хусусиятларга эга бўлган Ф.лар мажмуи тилнинг фразеологик қатламини ташкил этади. Тилнинг фразеологик қатлами доимий равишда янги Ф.лар б-н бойиб боради ва халқнинг маданий-тарихий тажрибасини, шунингдек, муайян тилнинг тарихий тараққиёт қонунларини акс эттиради. Ф.ларни ўрганиш ва тасниф қилиш б-н *фразеология* шуғулланади.

Ад.: Раҳматуллаев Ш., Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари, Т., 1966; Виноградов В. В., Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины, в его кн.: Избр. труды, т. 3, М., 1977; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш., Ҳозирги ўзбек адабий тили [3-нашр], Т., 1992; Реформатский А. А., Введение в языковедение, М., 1998.

ФРАЗЕОЛОГИЯ (юн. phrasis — ифода, ибора ва ...*логия*) — 1) тилшуносликнинг тилнинг фразеологик таркибини (қ. *Фразеологизм*) унинг ҳоз. ҳолатида ва тарихий тараққиётида текширувчи бўлими; 2) муайян тилдаги фразеологизмлар мажмуи.

Тилшунослик бўлими сифатидаги Ф.нинг асосий диққат-эътибори фразеологизмлар табиатини ва уларнинг категориал белгиларини ўрганишга, шунингдек, фразеологизмларнинг нутқда қўлланиш қонуниятларини аниқлашга қаратилади. Ф.нинг энг муҳим муаммоси фразеологизмларни нутқда ҳосил қилинадиган (яъни аввалдан тайёр бўлмаган) сўз бирикмаларидан фарқлаб, ажратиб олиш ва шу асосда фразеологизмларнинг белгиларини аниқлашдир. Идиома-фразеологизмлар, фразеологик бирикмалар ва барқарор жумлалар (мақол ва маталлар, гапга тенг бошқа фразеологизмлар) ўртасидаги муайян тафовутларга қараб кўплаб тадқиқотчилар Ф.ни 2 хил: тор ва кенг маънода тушунадилар. Уни кенг маънода тушунилганда, Ф. доирасига мақол ва маталлар, фольклорга хос барқарор жумлалар, баъзи мулоқот шакллари (саломлашиш, хайрлашиш жумлалари) ҳам киритилади. Лекин бу масала, яъни Ф.ни кенг маънода тушуниш масаласи ҳануз мунозарали бўлиб қолмоқда.

Ф.нинг асосий вазифалари ёки масалалари: фразеологик таркибнинг яхлитлигини аниқлаш ва шу муносабат б-н фразеологизмнинг белги(лик) хусусиятини ўрганиш; фразеологизмлар омонимияси, синонимияси, антонимияси, полисемияси ва вариантдорлигини тавсифлаш; фразеологизмлар таркибида қўлланувчи сўзлар ва уларга хос маъноларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; фразеологизмларнинг сўз туркумлари б-н ўзаро муносабатларини ойдинлаштириш; уларнинг синтактик ролини аниқлаш; фразеологик бирликлар таркибида сўзларнинг янги маънолари ҳосил бўлишини ўрганиш ва б. Ф. фразеологик бирликларни ажратиш принципларини, уларни ўрганиш, таснифлаш ва луғатларда тавсифлаш методларини ишлаб чиқади. Ф.да ишлаб чиқилган ўзига хос, хилма-хил методлар асосида тилнинг фразеологик таркиби турлича: структур-семантик, грамматик, вазифавий-услубий асосларга кўра тасниф этилади. Структур-семантик тасниф принципи асосий ҳисобланади.

Ф. тилшуносликнинг мустақил тармоғи сифатида 20-а.нинг 40-й.ларида рус тилшунослигида пайдо бўлган. Унинг дастлабки шаклланишига рус олимлари А. А. Потебня, И. И. Срезневский, А. А. Шахматов асарларида асос солинган бўлса, барқарор (турғун) сўз бирикмаларини алоҳида тилшунослик бўлими — Ф.да ўрганиш масаласи 20—40-й.лардаги ўқув-методик адабиётларда — Е.Д.Поливанов, С. Абакумов, Л. А. Булаховский асарларида кўтариб чиқилган. Ғарбий Европа ва Америка тилшунослигида Ф. тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ажратилмайди.

Ўзбек тилшунослигида фразеология соҳасидаги тадқиқотлар ўтган асрнинг 50-й.ларидан бошланган. Шу кунгача фразеологизмлар турли жиҳатлардан ўрганилган (Ш. Раҳматуллаев, Б. Йўлдошев, А. Мамадов ва б.), Ф. бўйича бир неча луғатлар тузилган (Ш. Раҳматуллаев, М. Содиқова), ёзувчилардан Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ойдин, Саид Аҳмад асарларининг фразеологик таркиби тадқиқ этилган. 70—80-й.ларда СамДУ қошида фразеологик тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи ва махсус тўпламлар чиқарувчи марказ фаолият кўрсатган.

Ад.: Бабкин А. М., Русская фразеология, развитие и источники, Л., 1970; Виноградов В. В., Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины, в его книге: Избранные труды, т. 3, Лексикология и лексикография, М., 1977; Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии, вып. 3—4, Самарканд, 1974—76; Раҳматуллаев Ш., Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари, Т., 1966; Раҳматуллаев Ш., Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати, Т., 1978.

Ўрин Лафасов, Носиржон Улуқов.

ФРАКИЙ ТИЛИ, фракия-дакия тили — қадда Болқон ярим оролининг шим.-шарқида, шунингдек, Кичик Осиёнинг шим.-ғарбида яшаган ҳинд-европа қабилалари — фракияликлар тили; мил. ав. 6—3-а.ларга мансуб, юнон ёзувида ёзилган, изоҳланиши қийин бир қанча ёзувлар, антик ва византиялик муаллифлар асарларидаги кўплаб атоқли номлар, ҳоминий Динарҳлар, кейинги антик давр врачи Диоскорид рўйхатидаги дакча ўсимлик номлари орқали маълум ўлик тил. Ҳинд-европа тиллари оиласи таркибидаги алоҳида гуруҳни ташкил этади.

Болгар, румин, рус олимлари томонидан Ф.т.нинг бир қатор фонетик, лексик, морфологик хусусиятлари аниқланган; яхлит боғлиқ матнлар йўқлиги сабабли синтактик жиҳатлари амалда ўрганилмаган. Ф.т. элементлари (субстрати) ҳоз. болқон тилларида (асосан, румин ва албан тилларида) сақланиб қолган.

ФРАКИЯ (юн. Thrake, лот. Thracia) — тарихий вилоят. Болқон я.о.нинг шарқий қисмида. Эгей, Қора ва Мармар денгизлари ўртасида жойлашган. Қадимда Ф. ҳудудида *фракияликлар* истиқомат қилган. Мил. 46 й.да Рим империяси провинциясига айланган. 395 й.дан Византия империяси таркибида. 6-а.да Ф.га *славянлар* кўчиб келган. Ф. қисман *Биринчи Булғор подшолиги* (680—1018) таркибига кирган. 1204 й. Ф. қисқа муддат Лотин империяси таркибида бўлиб, кўп ўтмай 15-а.да усмонли турклар томонидан босиб олинган. 1878 й.даги Берлин конгресси қарорига биноан, Ф.нинг бир қисми Шарқий Румелияга кирган, лекин, асосий қисми Усмонлилар империяси таркибида қолган. 1-Болқон уруши (1912—13) дан сўнг Лондон тинчлик шартномасига асосан, Ф. бутунлай Болгария тасарруфига ўтган. 2-Болқон урушидан сўнг Бухарест сулҳ шартномасига биноан, Ф.нинг ғарбий қисми Грецияга берилган. Болгария-Туркия ўртасидаги 1913 й.ги Константинополь тинчлик шартномасига биноан, Ф.нинг шарқий қисми Лозенград, Дулибургаз ва Адрианополь (Эдирне) б-н Туркия тасарруфида, Болгарияда эса Ф.нинг ғарбий қисми Дедеагоч ва Порто-Лагос посёлкалари б-н қолган. 1-жаҳон уруши (1914—18) дан сўнг Ф.нинг ғарбий қисми Болгариядан Грецияга, 1920 й.даги Севр сулҳ шартномасига биноан Ф.нинг шарқий қисми эса Адрианополь б-н (бўғозлар орасидаги тор йўлакдан ташқари) Грецияга топширилган. 1919—22 й.лардаги Греция Туркия урушида Грециянинг мағлубияти туфайли 1923 й.даги Лозанна тинчлик шартномасига кўра, Шарқий Ф. Адрианополь б-н (Марица дарёсигача) Туркия таркибига киритилган, Ғарбий Ф. (Қораоғоч) Грецияда қолди, Болгарияда эса ички Ф.нинг бир қисми сақланиб қолган. Бу чегаралар 2-жаҳон урушидан кейин ҳам сақланиб қолган.

ФРАКИЯЛИКЛАР — қадда Болқон я.о.нинг шим.-шарқида ҳамда Кичик Осиёнинг шим.-ғарбида яшаган ҳинд-европа гуруҳига мансуб қабилалар (даклар, гетлар, бесслар, одрислар, трибаллар ва б.)нинг умумий номи. Дастлаб, Ф. Адриатика денгизигача бўлган ҳудудни банд этган, лекин мил. ав. тахм. 13-а.да иллирийлар томонидан Шарққа сиқиб чиқарилган. Ф. деҳқончилик, чорвачилик (асосан, йилқичилик) ва кулолчилик б-н шуғулланган, кон саноати ва металлни қайта ишлаш ривожланган.

Эгей ва Қора денгизлари бўйларидаги Ф. жойлашган ҳудудда 8—7-а.ларда юнонларининг колониялари вужудга келган. Ф. *Халқларнинг буюк кўчиши* даврида бошқа қабилалар б-н аралашиб, ҳоз. халқлар (болгарлар, руминлар ва б.)нинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Ф. санъати (мил. ав. 2-минг йиллик охири — 1-минг йиллик боши)га доир кўплаб нодир обидалар сақланиб қолган.

Фракияликлар санъатидан намуна: мураккаб геометрик нақшлар б-н безатилган, олтиндан ясалган идиш қопқоқлари (мил. ав. 13—12-а.лар; София, Тарих музейи).

ФРАКЦИЯ (лот. fractio — синдириш, бўлиб ташлаш) — 1) бирор-бир сиёсий партиянинг сиёсатини парламентда ифода этувчи, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувда, жамоат ташкилотларида ўз органларига эга бўлган айни партия вакилларидан иборат ташкилий гуруҳ; 2) аниқ ғоявий-сиёсий стратегияга, бу стратегик мақсадларни амалга оширишга қаратилган платформага эга бўлган сиёсий партиянинг алоҳида қисми.

1996 й. 26 дек.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Парламентида ўз партияларининг ғоявий-сиёсий мақсадларини рўёбга чиқариш, партия дастурлари ва платформасида илгари сурилган режаларни амалга ошириш учун тегишли сиёсий партиялардан номзоди кўрсатилган депутатларнинг таъсис мажлисларида муайян партиянинг Ф.си тузилиши мумкин. Ф. унинг раҳбарининг аризаси, таъсис мажлисининг қарори ва тегишли ҳужжатлар асосида рўйхатга олинади. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Ф.нинг молиявий, техникавий ва қулай иш шароитини яратиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг таркибида 5 та сиёсий партия — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари фаолият кўрсатади (2005).

Нарзулла Жўраев.

ФРАНК (Franck) Жеймс (1882.26.8, Гамбург — 1964.21.5, Гёттинген) — немис физиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1964). Гейдельберг ун-тида ўқиган (1901—02). Берлин ун-тини тугатган (1906), ўша ерда 1917 й.гача ишлаган, проф. (1916 й.дан). Берлин кимё ин-ти физика бўлимини бошқарган (1917—21). Гёттинген физика ин-ти директори (1921—34). Хопкинс ун-ти проф. (1935—36), Чикаго ун-ти проф. (1938—47). Илмий ишлари атом ва ядро физикаси, молекуляр спектроскопияга оид. Г. *Герц* б-н симоб буғи атомларини электронлар зарби б-н уйғотиш ва ионлаштириш бўйича қатор экспериментлар ўтказиб (*Франк — Герц тажрибаси*) (1912—14), атом энергетик сатҳларининг дискретлигини исботловчи ва Бор атом назариясини тасдиқловчи электронларнинг атомлар б-н тўқнашиш қонунларини кашф этди. Флюоресценция, фотокимёвий жараёнларни ўрганган. Нобель мукофоти лауреати (1925).

ФРАНК Илья Михайлович (1908—1990) — рус физиги, акад. (1968). Москва ун-тини тугатган (1930). Давлат оптика ин-тида (1930—34), СССР ФА Физика ин-тида (1934—1970) ишлаган. Нейтрон физикаси лаб. мудири (1957 й.дан, Дубна), Ядро текширишлар ин-ти лаб. мудири (1971 й.дан). Москва ун-ти проф. (1940 й.дан). Илмий ишлари физик оптика, нейтрон ва паст энергияли ядро физикаси соҳасига оид. *Вавилов — Черенков нурланиши* назариясини (И. Е. Тамм б-н ҳамкорликда) ишлаб чиққан. Ядро реакциялари устида қатор экспериментал ва назарий ишлар қилган. Нобель мукофоти лауреати (1958; ҳамкорликда).

ФРАНК (франц. franc) — 1) Франция пул бирлиги. 1799 й.дан ливра ўрнига муомалага киритилган. 1 Ф.= 100 сантим. Халқаро ифодаси FRF. Халқаро валюталар курси бўйича 1 Ф.= 91 сўм 32 тийин (2002, фев).

2) Бельгия пул бирлиги. 1 Ф.= 100 сантим. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 45,68 Ф.; 10 Ф. = 148 сўм 49 тийин (2002, фев.).

2002 й. 1 янв.дан *Европа Иттифоқи* таркибидаги мамлакатларда ягона пул бирлиги — *евро* муомалага киритилиши б-н Франция ва Бельгия Ф.лари 2002 й. 30 июндан муомаладан тўхтатилди.

3) Швейцария пул бирлиги. 1 Ф.= =100 сантим. Халқаро ифодаси CHF. Халқаро валюталар курси бўйича 1 Швейцария Ф.и = 705 сўм 19 тийин (2003, фев.).

Шунингдек, Бенин, Буркина-Фасо, Бурунди, Габон, Гвинея, Камерун, Конго, Лихтенштейн, Люксембург, Мадагаскар, Марказий Африка Республикаси, Монако, Мали, Нигер, Руанда, Сенегал, Того, Чад ва б. мамлакатлар пул бирлиги ҳам Ф. деб аталади. Бу мамлакатларда 1 Ф.= 100 сантим.

ФРАНК ДАВЛАТИ — илк ўрта асрларда Ғарбий Европадаги давлат (5-а. охири —843). 5-а. охирида Ғарбий Рим империясининг Галлия вилоятини Хлодвиг I раҳбарлигидаги франклар томонидан босиб олиниши жараёнида вужудга келган. Буюк Карлнинг ҳарбий юришлари натижасида ўз таркибига Ғарбий Европанинг деярли бутун қисми ва Марказий Европанинг бир қисмини киритган. Ф.д.ни меровинглар (751 й.дан), каролинглар (800 й.дан императорлар) сулолалари бошқарган. 843 й.даги Верден битимига кўра, Ф.д. ҳудуди Буюк Карлнинг набиралари томонидан ўзаро тақсимлаб олинган, хусусан, Лотарга Италия ҳудуди, Рейн ва Рона дарёлари бўйидаги ерлар (кейинчалик *Лотарингия*) теккан. Карл Калбошга Рейннинг ғарбидаги ерлар ва Людовикка Рейннинг шарқидаги ерлар берилган.

ФРАНК — ГЕРЦ ТАЖРИБАСИ — атом ички энергиясининг дискретлигини исботловчи тажриба. Биринчи бўлиб 1913 й.да Ж. *Франк* ва Г. *Герц* ўтказган. Симоб буғи б-н тўлдирилган электровакуум найнинг *K* катоди ва C_1 тўрига *электрон*ларни тезлатувчи кучланиш, C_2 тўр ва *A* анодга эса секинлаштирувчи *U* кучланиш берилган ва ток кучи *I* нинг *U* га боғланиши олинган. I соҳада тезлашган электронлар II соҳада симоб атомларига урилади. Электронларнинг тўқнашишдан кейинги энергияси III соҳадаги секинлаштирувчи кучланишни енгиб ўтишга етарли бўлса, улар анодга етиб боради. Демак анод токи *I* электронларнинг урилишида энергия йўқотишига боғлиқ. Тажриба электроннинг энергияси $E<4{,}9$ эВ бўлганда уларнинг симоб атомлари б-н тўқнашиши эластик бўлишини (энергия йўқотмайди), $E>4{,}9$ эВ бўлганда эса тўқнашиш ноэластик бўлиб, ҳар тўқнашишда электрон симоб атомига 4,9 эВ энергиясини беришини кўрсатади. Бу атомнинг ички энергияси узлуксиз ўзгармай, сакраб ўзгаришини исботлайди.

ФРАНКЛАР — Қуйи ва Ўрта Рейн бўйларида мил. 3-а.да яшаган қабилалар иттифоқига бирлашган герман қабилалари гуруҳи (хамавлар, бруктерлар, усибетлар, тенктерлар, сугамбрлар ва б.). Адабиётларда 2 гуруҳга бўлинган. 1-гуруҳ (ғарбий Ф.)нинг негизини сали (денгиз бўйи; кельтча sal — денгиз) Ф. и ташкил этган. Улар дастлаб Эйсел дарёси бўйларида, 4-а. ўрталарида эса Рейн дарёси соҳилларида яшаганлар. 2-гуруҳ (соҳил Ф.) Рейн дарёсининг юқори қисми бўйлаб Майнгача бўлган ҳудудда яшаган. Сали Ф.и 4-а. ўртасида римликлар томонидан тормор этилган, бироқ федератлар ҳуқуқида Токсандрияда қолдирилган; 451 й. гуннларга қарши *Каталаун жанги*да қатнашганлар. 5-а. бошида сали Ф.и *Галлия*ни Соммагача эгаллаганлар. Франк давлати (5-а. охири — 9-а. ўрталари) ташкил топган. Маас ва Луара дарёлари оралиғида яшаган Ф. кейинчалик маҳаллий аҳоли б-н сингиб кетиб, шим. француз, шунингдек, валлон элатлари таркибига, Луаранинг жан. роғида яшовчи Ф. эса, жан. француз (провансаль) элати таркибига кирган. Рейн дарёсининг қуйи ҳавзасида яшовчи Ф. голландлар ва фламандларнинг этногенезида катта роль ўйнаган. Рейн дарёсининг ўрта оқими бўйлаб ва Маас дарёси ҳавзасида яшовчи Ф.да ўзига хос этник хусусиятлар сақланиб қолган.

ФРАНКОНИЯ (Franken) — Германиядаги тарихий вилоят. Илк ўрта асрларда франклар истиқомат қилган ҳудуд. 9-а. охири — 939 й.да Германия қироллигининг қабилавий герцогликларидан бири, кейинчалик бир неча феодал мулкларга парчаланиб кетган. Ф. номи фақат Шарқий Ф. (Майн дарёси ҳавзаси) учун сақланиб қолган. Унинг катта қисми 1803 й.да Бавария таркибига киритилган.

ФРАНКОНЛАР СУЛОЛАСИ (Сали сулоласи) — герман қироллари ва «Муқаддас Рим империяси» императорлари сулоласи (1024—1125). Асосчиси — Конрад II. Асосий вакили — Генрих IV.

ФРАНКФУРТ-МАЙН — Германиядаги шаҳар, Гессен ерида. Аҳолиси 644,7 минг киши (1999). Транспорт йўллари чорраҳаси. Майн дарёси бўйидаги порт. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. ГФРнинг йирик молиявий, муҳим савдо, саноат ва маданият маркази. Машинасозлик (хусусан, станоксозлик, электротехника, автомобилсозлик, приборсозлик), рангли металлургия, кимё ва нефть кимёси, полиграфия, тикувчилик, кўн-пойабзал, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилади. Метрополитен бор. Атрофидаги шаҳарлар б-н ягона саноат р-нини ташкил қилади. Гёте номидаги ун-т (1914), атом тадқиқотлари ва бошқа и.т. институтлари. Нафис санъат академияси, бадиий ин-т ва б. бор. Шаҳар галереяси, Гёте уй-музейи, бадиий ҳунармандчилик ва б. музейлар фаолият кўрсатади. Шаҳар илк бор 8-а. манбаларида тилга олинган. Франклар, германлар ва римликлар ихтиёрида бўлган. 1866 й.дан Пруссия таркибида, 19-а.дан Германиянинг йирик саноат маркази. Меъморий ёдгорликларидан Заальхоф саройи — князь қароргоҳи (12-а.), Санкт-Бартоломеус собори, ратуша ва б. сақланган.

Франкфурт-Майн шаҳри. «Дойче банк» биноси.

ФРАНС (France) Анатоль (тахаллуси; асл исм-шарифи Анатоль Франсуа Тибо) (1844.16.4, Париж — 1924.12.10, Сан-Сир-сюр-Луар) — француз ёзувчиси. Франция академияси аъзоси (1896). Адабий фаолияти библиографик каталогларга битиклар, энциклопедияларга мақола ва тақризлар ёзиш б-н бошланган, 60-й.ларда «Парнас» адабий гуруҳи б-н яқинлашган ва бу ҳол унинг илк китоби — «А. де Виньи» (1868) да, шунингдек, «Олтин достонлар» (1873) тўплами ва «Коринф тўйи» (1876) драматик достонида ўз аксини топган. Шундан кейин Ф. шеъриятдан узоқлашиб, 1879 й.да Ч. Дарвин ва И.Тэн сингари табиий фан намояндалари таъсирида «Иокаста» ва «Қилтириқ мушук» қиссаларини ёзган. Осори атиқалар шайдоси — кекса филолог олимнинг кундалиги тарзида ёзилган «Сильвестер Боннарнинг жинояти» (1881) романи Ф.га шон-шуҳрат келтирган. Ёзувчи «Таис» (1890) романида фалсафий ва ахлоқий қарашларини ифодалаш учун илк христианлик даврига мурожаат этган. Ф. 90-й.ларда яратган бир неча романлари («Саламандра» 1892; «Жаноб Жером Куаньярнинг мулоҳазалари», 1893 ва б.)да донишманд ва дайди аббат Куаньяр ҳамда бошқа қаҳрамонлар образи орқали нафақат 18-а.даги Франция қироллиги, балки 3-республикадаги воқеликка ҳам ўз муносабатини ифодалаган. Ф.нинг Куаньярга бағишланган барча асарлари фалсафий роман жанрида ёзилган бўлиб, уларда сюжет ва воқеа эмас, балки фалсафий мушоҳадалар катта мавқега эга. Ф.нинг «Қизил гул» (1894) романида ҳиссиётга асосланган муҳаббатнинг мўрт бўлиши ҳақидаги фикр бадиий мужассамланган. 80—90-й.ларда Ф.нинг «Валтасар» (1889), «Садаф қутича» (1892), «Авлиё Кларанинг қудуғи» (1895), «Клио» (1900) каби кичик ҳикоя тўпламлари нашр этилган.

Ф. 20-а. бошларида социалистларга яқинлашиб, 1905 й. рус инқилобини яхши қарши олган. Ҳатто рус халқи ва Россияга қўшиб олинган халқлар дўстлиги жамиятини тузиб, унга раислик қилган (1905 й. фев.). 1905—07 й. рус инқилобининг мағлубиятга учраши эса унинг руҳияти ва дунёқарашига катта таъсир қилган. У ҳатто тарихда олға ҳаракат йўқ, тарих босиб ўтилган йўлнинг такрорланишидан иборат, шунинг учун инсоният тарихий тараққиётининг бир нуқтасида депсиниб туради, деган хулосага келган. Ф. нинг «Пингвинлар ороли» (1908), «Худолар хоҳиши» (1912), «Фаришталар исёни» (1914) романларидаги сатирик руҳ қисман ёзувчи дунёқарашидаги ана шу пессимистик ҳолат б-н изоҳланади.

Ф. умрининг сўнгги йилларида болалик ва ўсмирлик йилларига бағишланган «Кичкина Пётр» (1919), «Гулга бурканган ҳаёт» (1922) сингари хотиралари б-н бирга фалсафий мазмун б-н йўғрилган «Гул тагидаги суҳбатлар» (1917) асарини ёзган. 2 жилдли «Жанна д' Арк ҳаёти» (1908) тарихий тадқиқоти, «Соқов қизга уйланган киши ҳангомаси» (1912) сингари пьесалар муаллифи. «Жаноб Жером Куаньярнинг мулоҳазалари» асаридан олинган «Башарият тарихи» ҳикояси *Ойбек* томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Нобель мукофоти лауреати (1921).

Ас.: Собрание сочинений, т. 1—4, М., 1983—84.

Ад.: Л и х о д з и е в с к и й С., Анатоль Франс, Т., 1962; Ф р и д Я., Анатоль Франс и его время, М., 1975.

ФРАНС ПРЕСС — Франция ахборот агентлиги. 1944 й. Парижда «Гавас» ахборот агентлиги (1835—1940) негизида ташкил этилган. Кўп мамлакатларни халқаро ахборотлар б-н таъминловчи жаҳон агентликлари қаторига киради.

ФРАНЦ I (1768—1835) — Австрия ҳукмдори (1792 й.дан; 1804 й.дан Австрия императори унвонига эга бўлган). *Габсбурглар* сулоласидан. «Муқаддас Рим империяси»нинг сўнгги императори (1792—1806 й.ларда Франц II номи б-н). Европа монархларининг Францияга қарши коалицияси ташаббускорларидан бири. Ф. I даврида Австрия 1792—1809 й.ларда Франция б-н бўлган 4 та урушда енгилган. Унинг қизи Мария Луиза 1810 й. Наполеон I га турмушга чиққан. Ф. I — Наполеон империяси барҳам топгач, Австрия, Пруссия ва Россия томонидан тузилган Муқаддас иттифоқ (1815) ташкилотчиларидан бири.

ФРАНЦ ИОСИФ I (Franz Joseph) (1830—1916) — Австрия императори ва Венгрия қироли (1848 й.дан). *Габсбурглар* сулоласидан. 1867 й. Австрия империясини қўш монархия — Австрия-Венгрия қилиб ўзгартирган. 1882 й.даги Учлик иттифоқи (қ. *Антанта*) ташкилотчиларидан бири.

ФРАНЦ ФЕРДИНАНД (Franz Ferdinand) (1863—1914) — Австрия эрцгерцоги, Франц Иосиф I нинг жияни, валиаҳд. 1898 й.дан бош қўмондон ўринбосари. Босния ва Герцеговинани аннексия қилиб олиш ташаббускорларидан бири (1908). «Ёш Босния» яширин гуруҳ аъзолари томонидан Сараевода ўлдирилган (қ. *Сараеводаги қотиллик*).

ФРАНЦИЙ (лот. Francium), Fr — Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент. Тартиб рақами 87, мол. м. 223,0197. Ф.нинг барқарор изотоплари йўқ, 27 та радиоактив изотопи маълум, уларнинг масса сонлари 202—229. Дастлаб француз радиокимёгари М. Перей 1939 й.да ^{227}Ac нинг α-емирилиш маҳсулоти сифатида ^{223}Fr ни кашф қилди. Ф. номи ана шу тадқиқотчи аёлнинг ватани «Франция» номидан олинган. Табиатда фақат ^{223}Fr учрайди. Унинг ярим емирилиш даври 22 минут, ўзидан β-нур чиқариб AcX га айланади. Ф.нинг бошқа изотоплари кўп зарядли ионлар б-н турли элементларнинг атомлари орасидаги ядро реакциялари натижасида ҳосил бўлади. Ф.нинг Ер пўстидаги миқдори 24,5 мг ни ташкил қилади.

Ф.нинг физик хоссаларига оид барча маълумотлар экстраполяция (интерполяция) йўли б-н ҳосил қилинган. Зичлиги 2,5 г/см^3, суюқланиш т-раси 8° атрофида. Ф. кимёвий жиҳатдан цезийга ўхшайди. Цезийнинг барча кимёвий шакллари Ф.да ҳам кузатилади. Ф. нинг оксидланиш даражаси +1. Ф. кимёвий хоссаларига кўра ишқорий металлар ичида энг фаол элемент ҳисобланади. Ф. ишқорий металларга мансублиги сабабли унинг сувда эримайдиган тузлари бир нечта. Ф. ўз бирикмаларининг сувдаги эритмаларидан (кислотали муҳитда) рубидий ва цезийнинг перхлоратлари ва хлорплатинатлари таъсирида бирга чўкади.

ФРАНЦ-ИОСИФ ЕРИ — Баренц денгизининг шим.даги архипелаг. РФга қарашли. Майд. 16,1 минг км^2. 190 та ороллардан иборат. Уч қисмга бўлинади: шарқий қисми бошқа ороллардан Австрия бўғози б-н ажралган Вильчек Ери (2059 км^2), Грейм-Белл о.лари (1708 км^2) ва б.; марказий қисми — Австрия бўғози б-н Британия канали оралиғида жойлашган ороллар; ғарбий қисми — Британия каналининг ғарбидаги ороллар, бутун архипелагдаги энг катта Георг Ери ороли (2900 км^2) ана шу ерда. Архипелаг юзасининг 85% музликлар б-н қопланган, улар орасидан қоятошлар чиқиб туради. Энг баланд жойи (620 м) Винер-Нейштадт о.да. Ороллар қум, гил ва қумтошлардан тузилган, базальт қопламлари кенг тарқалган. Ўртача т-ра январда −23°, −24°, июлда 1,5°—0,2°. Йиллик ёғин шим.да 300 мм, жан.да 500 мм, қишда қуюқ туман, кучли шамоллар бўлади. Ўсимликлар кам (йўсин, лишайниклар). Сут эмизувчилардан оқ айиқ, камдан-кам қутб тулкиси учрайди. Қуш кўп, асосан, архипелагнинг жан.да «қушлар бозори» бор. Ф.-И.Е. қирғоқларида Гренландия тюлени, нерпа, денгиз қуёни, морж яшайди. Ф.-И.Е.да қутб тунлари 125 кун, қутб кунлари 140 кун давом этади. Қутб ст-яси, геофизика расадхонаси бор.

Ф.-И.Е. 1873 й.да К. Вайпрехт ва Ю. Пайер бошчилигидаги Австрия-Венгрия экспедицияси томонидан кашф қилинган ва Австрия-Венгрия императори Франц-Иосиф номи б-н аталган.

ФРАНЦИСК I (Francois I) (1494—1547) — Франция қироли (1515 й.дан). Валуа сулоласидан. Ф. I нинг сиёсати Францияни мутлақ монархияга айлантиришга қаратилган. 1494—1559 й.лардаги Италия урушлари даврида Мариньяно жангида (1515) ғалаба қозонган; Павиа ёнида асир олинган (1525); асирликдан қайтиб келгач, 1527 й. ҳарбий ҳаракатларни қайта бошлаган.

ФРАНЦИЯ (France), Франция Республикаси (Republigue Française) — Ғарбий Европадаги давлат. Ғарбда ва шим. да Атлантика океани ҳамда Ла-Манш бўғози, жан.да Ўрта денгиз б-н ўралган. Майд. 547,03 минг км^2. Аҳолиси 60,424 млн. киши (2004). Пойтахти — Париж ш. Маъмурий жиҳатдан 22 регион (вилоят), 96 департаментга бўлинган. Ф. таркибида денгиз орти департаментлари (Гваделупа, Мартиника, Гвиана, Реюньон), денгиз орти ҳудудлари (Таити, Янги Каледония, Франция Полинезияси, Тинч океанидаги Уоллис ва Футуна о.лари ва б.), ҳудудий бирликлар (Майотта ва Сен-Пьер ва Микелон) бор.

Франция герби.

Давлат тузуми. Ф. — республика. Амалдаги конституцияси 1958 й. референдумда қабул қилинган (бир неча марта ўзгартишлар киритилган). Давлат бошлиғи — президент. У умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади ва яна 1 марта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият — парламент 2 палата (Миллий мажлис ва Сенат)дан иборат. Ижрочи ҳокимиятни президент ва Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати. Ф.нинг шарқ ва жан.да тоғ тизмалари, марказининг жан. қисмида тоғ ва кенг текисликлар бор. Альп тоғлари б-н Юра тоғлари Италия ва Швейцария б-н табиий чегарани ташкил этган. Ф.даги Альп тоғларининг кўп чўққилари 4000 м дан зиёд. Энг баланд жойи — Монблан тоғи (4807 м). Баландлиги 1700 м гача бўлган Юра тоғлари Бельфорт пастлиги томонга Рона дарёси водийлари узра пасайиб боради. Бельфорт пастлигининг шим.-шарқий томонидан Рейн бўйлаб Ф.-Германия чегараси ўтади. Бу жойда бал. 1424 м бўлган Вогез тоғ тизмаси мавжуд. Ф. ва Испания ўртасида табиий чегара бўлган Пиреней тоғларининг баландлиги Ф. томонида 3298 м га (Виньмаль) етади. Ф.да фойдали қазилмалардан кўмир, темир рудаси, уран, табиий газ, вольфрам ва сурма, тальк хом ашёси, қўрғошин, олтингугурт ва рух бор. Нефть ва газ жуда кам миқдорда.

Иқлими асосан уч хил: океан, континентал ва денгиз иқлими. Ф. иқлими қ.х. учун қулай. Мамлакатнинг кўп қисмида океан иқлими. Ғарб ва шим.да Атлантика океанидан нам ҳаво оқими келиб, мўътадил иқлимни ҳосил қилади: ёзда салқин, қишда илиқ. Йил бўйи ёмғир ёғиб туради. Ўрта денгиз соҳиллари, Юра, Рона пасттекисликлари ва Корсиканинг иқлими субтропик. У ерларда қиш илиқ, ёз эса қуруқ ва иссиқ. Шарқ ва шим.-шарқдаги текислик ҳамда пасттекисликларда янв.-фев.да ўртача т-ра 1—3°, ғарб ва жан.-ғарбда 5—7°, мамлакат жан.да 8—10°. Июль ва авг.да текисликларда 16—18°, шим.да 20—22°, жан.-ғарбда 23—24°. Йиллик ёғиннинг энг кўпи (1500—2000 мм) Альп, Вогез, Севенн ва Пиреней тоғларининг ғарбий қисмига тўғри келади. Йирик дарёлари: Луара, Рона, Сена, Гаронна, мамлакат шарқида Рейн дарёсининг бир қисми ўтган. Ф.да кўл кам, Женева кўлининг кўп қисми Швейцария ҳудудида жойлашган. Тупроғи қўнғир ўрмон тупроқлари, шўрхок кулранг, чимли кулранг, қўнғир рендзин, кулранг ҳамда «терра росса» деб аталувчи қизил тупроқлардан иборат. Ўрмонлар мамлакат ҳудудининг 20% ни ташкил этади. Шим.да кенг баргли ўрмонлар (дуб, қайин, шумтол), Ўрта денгиз соҳилида дуб ва қарағай ўсади. Ҳайвонот дунёси: сут эмизувчилардан ёввойи ўрмон мушуги, тулки, бўрсиқ, буғу, кийик, тўнғиз, олмахон, куён; тоғ тепаларида тоғ эчкиси, олмахон, альп суғури, қора эчки учрайди. Қушлардан каклик, булдуруқ, лойхўрак, якантовуқ, олақарға, қорабалоқ, чумчуқ, каптар, бургут, жан.да қизил ғоз яшайди. Дарёларда турли балиқлар бор. Мамлакат ҳудудининг 10% ҳимоя остига олинган. Улар: миллий боғ (Экрен, Севенн ва б.), ҳудудий миллий боғ ва кичик табиий қўриқхоналар. Кўп қўриқхоналар тоғларда жойлашган (Альпдаги Вануаз ва Пельву миллий боғлари, Пиренейдаги Неувьель қўриқхонаси).

Аҳолисининг 90% дан кўпроғи французлар; шунингдек, эльзас ва лотаринг, каталон, бретон, фламанд ва басклар ҳам яшайди. 3,5 млн. муҳожир (жазоир, португал, итальян, испан, арман ва б.) бор. 4 млн. мусулмон истиқомат қилади. Расмий тили — француз тили. Бундан ташқари, бир қанча маҳаллий шевалар ҳам мавжуд. Шаҳар аҳолиси 73%. Аҳолининг 80% христиан (католик), 5% га яқини мусулмон, 2% протестант, 1% яҳудий. Йирик шаҳарлари: Париж, Марсель, Лион, Тулуза, Ницца, Нант, Страсбург, Бордо, Монпелье, Лилль.

Тарихи. Ф. ҳудудида одам жуда қадим замонлардан, тахм. 1 млн. йилдан буён яшаб келади. Мил. ав. 6—5-а.ларда Ф. ҳудудининг деярли барча қисмида кельт қабилалари (римликлар уларни галлар, мамлакатни Галлия деб аташган) яшаган. Мил. ав. 2-а. охири — 1-а. ўрталарида Галлияни римликлар босиб олди. Мил. 2—4-а.ларда аҳоли ўртасида христианлик тарқалди, романлаштириш натижасида лотин тили кельт тилларини сиқиб чиқарди. 3—6-а.ларда Галлияни герман қабилалари (вестготлар, бургундлар, франклар) босиб олиб, унинг ҳудудида бир қанча давлатларни ташкил қилди. Улар орасида энг каттаси *Франк давлати* эди («Франция»



Франция байроғи.

франклар номидан келиб чиққан). *Каролинглар* империясининг парчаланиши (843) натижасида Ғарбий Франк қироллиги ташкил топди. Шу даврдан Ф. мустақил давлат бўлиб қолди. 10-а.дан мамлакат «Ф.» деб атала бошлади. 1302 й. дастлабки Бош штатлар чақирилиб, табақали монархия ўрнатилди. Ф. билан Англия ўртасида бўлган *Юз йиллик уруш* (1337—1453) натижасида и.ч. ва савдо кескин камайди, халқ оммасининг аҳволи оғирлашиб, *Жакерия* (1358) ва халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. 15-а. 2-ярмида Ф. иқтисодиёти аста-секин қайта тикланди, қирол ҳокимияти мустаҳкамланди. 16—17-а.лардан иқтисодий ривожланиш даври бошланди. Ф. қироллари Ғарбий Европада ўз сиёсий таъсирини ўрнатишга уринган Габсбурглар б-н узоқ муддат кураш олиб бордилар (қ. *Уттиз йиллик уруш*). 17-а.да келиб Ф. мустамлакачилик сиёсатини бошлади: Америка (Канада, Вест-Индия) ва Ҳиндистоннинг бир қисмини босиб олди. 17-а.нинг 2-ярмида Ф.Ғарбий Европанинг энг кучли давлатига айланди. Аммо Испания мероси учун бўлиб ўтган уруш (1701—14) ва ниҳоят *Етти йиллик уруш* (1756—63) натижасида Ф.нинг Шим. Америка (Канада ва б.) ҳамда Ҳиндистондаги деярли барча мустамлакалари Англияга ўтди. 16—17-а.ларда француз миллати шаклланди, шим.да француз тили ягона тил сифатида кенг тарқалди. 18-а. охирида ўтган *Буюк француз инқилоби* натижасида, айниқса, унинг чўққиси бўлган якобинчилар диктатураси даврида абсолютизм муносабатлари емирилди. Янги сайланган Миллий конвент 1792 й. 22 сент.да Ф.да республика тузумини ўрнатди. Конвент 1793 й. 24 июнда демократик конституцияни қабул қилди. Аксилинқилобий термидор Конвент (1794—95) ва Директория режими (1795—99) дан сўнг *Наполеон I* Бонапартнинг *Биринчи империя* шаклидаги ҳарбий диктатураси (дастлаб консуллик, 1804 й.дан империя) ўрнатилди. Наполеон даврида Ф. кўпгина босқинчилик урушларини олиб борди. Ф. ҳудуди бирмунча кенгайиб, Европада Ф.га тамомила қарам бўлган давлатлар пайдо бўлди. Аммо шунга қарамай, Ф.нинг Европада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга бўлган интилиши мағлубиятга учради. 1814—15 ва 1815—30 й.ларда Бурбонлар монархияси қайта тикланди. 1815 й. мартда Наполеон яна ҳокимиятни эгаллади, юз кундан кейин Ватерлоо ёнидаги жангда (1815 й. 18 июнь) у мағлубиятга учрагач, Париж сулҳига мувофиқ, Ф. 1790 й.ги чегарасига қайтарилди. 1830 й. Июль инқилоби натижасида Бурбонлар сулоласи ағдариб ташланди. Ф.да монархия вужудга келди, орлеанлик герцог Луи Филипп қирол деб эълон қилинди.

1848 й. фев. инқилоби натижасида Ф.да Июль монархияси тугатилиб, Иккинчи Республика қарор топди (1848—52). 1851 й. 2 дек.да бўлиб ўтган давлат тўнтаришидан сўнг Луи Наполеон Бонапартнинг ҳарбий диктатура тузуми ўрнатилди. 1852 й. 2 дек.да у Наполеон III номи б-н император деб эълон қилинди. Иккинчи империя деб номланган тузум қарор топди (1852—70). Демократик эркинликлар бекор қилинди. Иккинчи империя тўхтовсиз босқинчилик урушлари олиб борди. 1870—71 й.лардаги Ф. — Пруссия урушида Ф. енгилиб турган шароитда (1870) Сент. инқилоби юз берди. Иккинчи империя барҳам топди. Ф. республика деб эълон қилинди. Аммо ҳокимиятни республикачилар эгаллаб олди. Халқнинг инқилобий фаоллигидан қўрққан Муваққат ҳукумат амалда таслимчилик сиёсатини олиб борди. Ҳукуматнинг ишчиларни қуролсизлантириш сиёсатига қарши Париж ишчилари 1871 й. 18 мартда қўзғолон кўтариб, *Париж коммунаси*ни эълон қилдилар. 1871 й. Франкфурт сулҳ шартномасига кўра, Ф. Эльзас ва Лотарингиянинг талайгина қисмидан маҳрум бўлиб, Германияга катта товон тўлади. Монархиячиларнинг монархияни қайта тиклашга уринишлари муваффақиятсизликка учради. 1875 й. Миллий мажлис томонидан Учинчи Республика (1870—1940) конституцияси қабул қилинди. 19-а. охирига келиб, Ф. мустамлакачилик империяси кўлами ва иқтисодий аҳамияти жиҳатидан Буюк Британиядан сўнг 2-ўринга чиқди. 20-а. бошларида Ф. саноати тез суръатда ривожланди, лекин у 1-жаҳон урушигача аграр-индустриал мамлакат бўлиб қолаверди. Ф. билан Германия ўртасидаги зиддиятлар кучайиши сабабли 1891—93 й.ларда Ф. — Россия иттифоқи ташкил топди. Бу иттифоқ 1904 й.ги Ф. — Буюк Британия битими б-н *Антанта*ни ташкил этишда муҳим роль ўйнади. Ф. 1-жаҳон уруши (1914—18)да қатнашди. Германиянинг урушдаги ҳарбий мағлубиятидан фойдаланиб, Ф. Европада ўзининг ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилди. 30-й.лардаги жаҳон иқтисодий бўҳрони Ф.да бошқа мамлакатларга нисбатан кечроқ бошланди ва узоқроқ давом этди. Мамлакатда фашистик гуруҳлар фаоллаша бошлади. Фашизм хавфига қарши Ф.даги демократик кучлар Халқ фронтига уюшиб, ҳаракат қилдилар (1935). 1936 й. июнда Халқ фронти мададига таянган ҳукумат тузилди. 1938 й. бошларида реакция кучлари Халқ фронтига раҳна солиб, янги ҳукумат тузишга муваффақ бўлдилар. 1939 й. 3 сент.да Ф. Германиянинг Ф. иттифоқчиси бўлган Польшага ҳужумидан сўнг унга қарши уруш эълон қилди. Аммо Польшага ёрдам бериш учун ҳеч қандай тадбир кўрилмади. 1940 й. май ойида Германия қўшинлари Ф. ҳудудига бостириб кирди. 10 июнда Ф.га Италия уруш эълон қилди. 14 июнда эса Германия қўшинлари Парижни урушсиз эгалладилар. 22 июнда Ф. ҳукумати таслим бўлиш шартларига рози бўлди. Германия қўшинлари Ф. ҳудудининг $^{2}/_{3}$ қисмини босиб олди. Мамлакатнинг қолган қисмини бошқариш учун Виши ш.да А. Ф. Петен бошчилигида қўғирчоқ (Виши) ҳукумати тузилди. 1942 й. 11 нояб.да Германия б-н Италия бу ҳудудни ҳам ишғол қилди. Француз халқи фашистлар оккупациясининг дастлабки кунлариданоқ *Қаршилик кўрсатиш ҳаракати*ни бошлаб юборди. 1940 й. генерал Ш. де Голль бошчилигида «Озод Франция» ҳаракати (1942 й.дан «Курашаётган Франция») тузилди. Бу ҳаракатга Ф.нинг Африкадаги мустамлакалари (Чад, Камерун, Ўрта Конго, Габон ва б.)нинг француз ҳарбий қисмлари ва маъмурлари ҳам қўшилди. 1941 й. 24 сент.да де Голль француз миллий қўмитасини ташкил этди, бу қўмита кейинроқ муҳожирликдаги Ф. ҳукуматининг ўзаги бўлди. 1943 й. 3 июнда Жазоирда генерал де Голль раҳбарлигида Ф. Миллий озодлик қўмитаси (ФМОҚ) тузилди. 1944 й. 2 июнда АҚШ, Буюк Британия ва СССР томонидан тан олинган ФМОҚ Ф. республикасининг Муваққат ҳукуматига айланди. 1944 й. охирига келиб, Ф. ҳудуди француз ватанпарварлари ва Англия, Америка қўшинлари томонидан озод этилди.

2-жаҳон урушида мамлакат иқтисоди катта зарар кўрди. Унинг халқаро мавқеи пасайиб, Ф. мустамлакачилик империясининг парчаланиши бошланди. 1946 й. 24 дек.да демократик руҳдаги янги конституция қабул қилинди.

Альп тоғларидаги Монблан тоғ массиви.

Тўртинчи республика даври (1946—58) бошланди. 1949 й. Шим. Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО)га аъзо бўлди. Мамлакат ва армия ичидаги реакцион кучлар 1958 й. майда Жазоирда республикага қарши исён кўтардилар. Жазоирдаги француз армияси қўмондонлиги де Голль бошчилигида «миллий нажот» ҳукуматини тузишни талаб қилди. 1 июнда Миллий мажлис де Голлга ҳукумат тузиш ваколатини берди. 1958 й. янги конституция қабул қилинди. Ш. де Голль президент этиб сайланди. Шу йилдан Ф. Бешинчи республика номини олди. 60-й.ларда Ф. Африкадаги мустамлакалари — Гвинея, Судан, Мадагаскар, Дагомея (ҳоз. Бенин), Нигер, Юқори Вольта (ҳоз. Буркина Фасо), Фил Суяги Қирғоғи (ҳоз. Кот-д' Ивуар), Чад, Марказий Африка Республикаси, Конго, Габон, Мавритания, Того, Камерун ва Жазоирга мустақиллик беришга мажбур бўлди. 1966 й. мартда Ф. НАТО ҳарбий ташкилотидан чиқиб, ўз ҳудудидаги АҚШ ҳарбий базаларини тугатди. 1965 й. 19 дек.да Ш. де Голль қайтадан 7 й.га президент этиб сайланди. 1968 й.ги талабалар ғалаёни ва умумий иш ташлаш ҳаракатлари, ижтимоий сиёсий танглик Ф.ни ларзага келтирди. 1968 й. кузда Бешинчи республика тузуми чуқур молиявий тангликни бошидан кечирди. Ф. ўз олтин валюта резервларининг ярмини йўқотди, франкнинг курси беқарор бўлиб қолди. 1969 й. де Голль маъмурий-ҳудудий бошқариш тизимини ўзгартириш ва Сенатни ислоҳ қилиш тўғрисида референдум ўтказди, аммо муваффақият қозонмади. Натижада де Голль истеъфога чиқди. 1969 й. «Республика учун демократлар иттифоқи» партиясининг номзоди Ж. Помпиду. 1974 й. Мустақил республикачилар миллий федерацияси раҳбари Валери Жискар д' Эстен. 1981 й. сўл кучлар етакчиси Франсуа Миттеран президент этиб сайланди. 1986—88 й.лар ўнг ва сўл кучлар баҳамжиҳатлигининг биринчи даври бошланди ва 1988 й. Ф. Миттеран яна президент этиб сайланди. 1995 й. президент сайлови натижасида Жак Ширак ҳукумат тепасига келди. 2000 й. 25 сент.даги референдумга асосан президентлик даври 7 й.дан 5 й.га ўзгартирилди. 2002 й. Ж. Ширак қайта президент этиб сайланди. Ф. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР мустақиллигини 1992 й. 3 янв.да тан олган ва 1992 й. 1 мартдан дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 14 июль — Бастилия ишғол қилинган кун (1789).

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Ф. социалистик партияси, 1971 й. ташкил этилган; Республикани қўллаб-қувватлаш бирлашуви партияси, 1962 й. тузилган, 1976 й.гача турли номда бўлган; Француз демократияси учун иттифоқ партияси, 1978 й. асос солинган; Француз демократияси учун халқ партияси, 1965 й. ташкил этилган, 1995 й.дан ҳоз. номда; Ф. коммунистик партияси, 1920 й.тузилган; Миллий фронт партияси, 1972 й. асос солинган. Умумий меҳнат конфедерацияси Ф.даги энг катта касаба уюшмаси бўлиб, 1895 й. тузилган; Ф. демократик меҳнат конфедерацияси, 1919 й. асос солинган; Ф. христиан меҳнаткашлари конфедерацияси, 1919 й. асос солинган; «Форс увриер», касаба уюшма маркази, 1947 й. тузилган.

Хўжалиги. Ф. — юксак даражада ривожланган индустриал-аграр мамлакат. Жаҳондаги энг ривожланган етти давлатдан бири. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 24,9%, қ.х., ўрмон, балиқ хўжалигининг улуши 2,7%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 72,4% ни ташкил этади (2002).

С а н о а т и. Ф. саноат и.ч. бўйича АҚШ, Япония ва Германиядан сўнг дунёда 4-ўринни эгаллайди. Асосий и.ч. тармоқлари: аэрокосмик саноати, машинасозлик (авиасозлик, кемасозлик), электрон техника, радиоэлектроника, қора ва рангли металлургия, кимё ва фармацевтика маҳсулотлари, тўқимачилик, тикувчилик, нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси кабилар. Ф.да темир рудаси (асосан, Лотарингияда), уран рудаси (Ла-Крузий, Л'Экарпьер ва б. конлар), боксит (Вар ва Эро департаментларида) ва алюминий рудалари қазиб олинади. Лотарингия кўмир қазиб чиқаришнинг анъанавий маркази ҳисобланади. Кейинги даврда мамлакат маркази ва жан.да кўмир қазиб олиш бирмунча камайди. Никель, калий тузлари, гипс, вольфрам ва олтингугурт, барий, каолин, асбест, плавик шпат, оз миқдорда қўрғошин, рух ва кумуш қазиб чиқарилади. Ф.нинг жан.-ғарбий ҳудуди, Ландесда нефть ва газ захиралари мавжуд. Металлургия к-тларида пўлат (Ле-Крёзо, Сент-Этьен), алюминий (Гардан, Саленлр, Ногер), мис (Ле-Палле), қўрғошин ва рух (Нуайель-Годо, Лион, Вивье), никель (Гавр), кобальт, вольфрам ва б. эритилади. Қурилиш материаллари, жумладан, қум, шағал, тош бутун Ф. ҳудудида қазиб олинади. «Рено» ва «Пежо» компаниялари автомобиль ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардир. Автомобиль саноати марказлари Париж, Монбельяр, Лионда жойлашган. Авиация-космос тармоқлари (ҳарбий ва фуқаро самолётлари, вертолёт, двигателлар, ракета ва космик техникасининг асосий марказлари — Париж, Тулуза, Бордо. Кемасозлик ривожланган (Нант, Дюнкерк, Марсель). Локомотив ва вагонлар, станок, трактор, қ.х. машиналари ва б. ишлаб чиқарилади. Ф. компаниялари мудофаа, транспорт машинасозлиги ва б. тармоқларда ўзининг энг янги технологиялари б-н машҳур. Йилига ўртача 475,6 млрд. кВт-соат электр энергия (шундан 3/4 қисми атом электр ст-ларида) ҳосил қилинади. Атом саноатининг асосий марказлари — Ле-Буше, Пьерлат, Маркуль. Нефть ва нефть кимёси саноати пластмасса, синтетик каучук ва смола, кимёвий тола, ҳарбий кимё маҳсулотлари, минерал ўғит, дори-дармон, упа-элик ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради (Париж, Лион, Гавр ва Марсель). Енгил саноатининг асосий тармоғи — тўқимачилик бўлиб, Париж, Лилль, Арманьер, Рубе-Туркуэн, Мюлуз, Эпиналь. Труада йирик ип газлама, жун, зиғир, жут, трикотаж корхоналари мавжуд. Тўқимачилик ва галантерея, пойабзал, озиқ-овқат саноати ривожланган. Коньяк, вино, ликёр, шампан винолари дунёда ном чиқарган.

Қ и ш л о қ х ў ж а л и г и га яроқли ерлар мамлакат ҳудудининг 35,6% ни ташкил қилади, шундан 40% яйлов ва пичанзор. Чорвачилик қ.х.нинг етакчи тармоғи (маҳсулот қийматининг 55%). Қорамол, қўй, чўчқа, парранда боқилади. Асосий қ.х. экини бўлган буғдой Шим. Франция пасттекислигида экилади. Арпа ва маккажўхори катта аҳамиятга эга. Марказий Ф. массивининг унумсиз ерларида жавдар, Рона дельтасида шоли етиштирилади. Техника экинларидан қанд лавлаги, зиғир, хмель ва тамаки муҳим ўрин олади.

Бордо департаменти ҳамда Рона, Сона, Гаронна, Дордонь ва Луара дарё водийларида токзорлар катта майдонни эгаллайди. Сабзавотчилик, боғдорчилик, гулчилик ривожланган. Ўрмонларда ёғоч тайёрланади. Атлантика океани ва Ўрта денгизда балиқ овланади.

Т р а н с п о р т и. Т.й. узунлиги 42000 км. Соатига 300 км йўл босадиган тез юрар поезд Париж ва Ф.нинг бошқа шаҳарларини Англия, Бельгия, Нидерландия, Германия б-н боғлайди. Ички юкларнинг аксар қисми автомобилда ташилади. Автомобиль йўллари уз. 812,7 минг км. Париж, Лондон, Марсель, Ницца, Страсбург ва Тулузада йирик аэропортлар бор. Сена, Рейн дарёларида, Сена—Севр, Марна—Рейн каналларида кема қатнайди. Денгиз савдо флотининг тоннажи 4981 минг т дедвейт. Йирик денгиз портлари: Марсель, Гавр, Дюнкерк, Руан, Нант, Сен-Назер, Бордо. Ички сув йўллари уз. 8,6 минг км. Нефть ва б. суюқ маҳсулотларининг бир қисми қувурлар орқали ташилади.

Т а ш қ и с а в д о с и. Ф. четга электрон ва махсус машина, ускуналар, самолёт, темир ва пўлат, офис машиналари, дон маҳсулотларини қайта ишлаш воситалари, алкоголли ичимликлар, газлама, пишлоқ, гўшт, сут, кийим-кечак, пойабзал, упа-элик ва ҳ.к.ларни чиқаради. Четдан ёнилғи, саноат хом ашёлари, транспорт жиҳозлари, машиналар, истеъмол моллари келтирилади. Ташқи савдода Европа Иттифоқи мамлакатлари: Бельгия, Германия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Буюк Британия, Испания, шунингдек, АҚШ ва Япония б-н ҳамкорлик қилади. Ф.да халқаро туризм ривожланган: йилига 50 млн. киши келиб-кетади. Пул бирлиги — франк.

Тиббий хизмати. Соғлиқни сақлаш соҳаси касалхоналардан ва «шаҳар тиббиёти» деб аталувчи эркин тиббий муассасалардан иборат. Тиббиёт тармоғида 2 млн.га яқин киши ишлайди (60 минги касалхоналарда). Давлат соғлиқни сақлаш тизими ривожланган. Ф.да профилактик тиббиётнинг аҳамияти катта. Бу — туғишгача ва ундан кейинги даврларда аёлларни назорат қилиб, тадқиқотлар олиб бориш ва айрим кўп тарқалган касалликлар (асосан, чекиш, алкоголизм, ОИТСга қарши кураш ва ҳ.к.) бўйича иш жойларида ва ахборот компанияларида консультациялар олиб бориш ва ҳ.к.лардир. Шу туфайли Ф.да болалар ўлими дунёда энг паст даражада. Врачлар 33 ун-тнинг тиббиёт ф- тларида тайёрланади. Машҳур бальнеология курортлари: Виттель, Виши, Пломбьер-ле-Бен, Экс-ле-Бен ва б.; иқлимий курортлари: Антиб, Канн, Ментона, Ницца (Ложувард соҳил), Биарриц, Дьеп.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Давлат маориф тизими марказлашган. Давлатнинг мактаб устидан назорати 19-а. бошида Наполеон I давридан бошланган. Замонавий таълим тизими 19-а. охирларида қабул қилинган. 1905 й.дан давлат ва черков мактаблари ажратилган. 1959 й.дан мажбурий таълим жорий қилинган. 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар учун таълим мажбурий ва ун-т даражасига барча ўрта мактабларда ўқиш бепул. Мактабгача таълим муассасалари ҳамда ўрта мактабларда 12 млн. 236 минг бола тарбияланади ва таълим олади (2002). Ўсмирлар саводхонлиги дунёда энг юқорилардан бири — 99%. 2—3 й. мактабгача тарбиядан сўнг 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар бошланғич мактабда ўқийдилар. Ўрта мактабдаги таълим 2 босқичдан иборат бўлиб, ўқувчилар 15 ёшгача коллежларда, сўнг умумий лицей, академик курсларда ўқийдилар ёки ҳунар лицейларида техника таълими оладилар ва ҳунар ўрганадилар.

Олий таълим тизимига ун-тлар, олий ўқув юртлари, техника мактаблари киради. 90 ун-т, 3600 олий ўқув юртида 2 млн. 129 минг талаба таълим олади (2003). Энг йирик олий таълим муассасалари — *Париж университети*, Олий нормал мактаб, Миллий политехника ин-ти, Олий амалий мактаб, Миллий маъмурий мактаб, Олий кончилик мактаби, Коллеж де Франс ва б.

Энг йирик кутубхоналари: Париждаги Миллий кутубхона (7 млн.дан ортиқ асар), Франция ин-ти кутубхонаси (1,5 млн. асар), Сорбонна кутубхонаси (1,8 млн. асар), Сент-Женевьев кутубхонаси (1,5 млн.дан ортиқ асар), Арсенал кутубхонаси (1,5 млн.дан зиёд асар), Страсбургдаги Миллий ва ун-т кутубхонаси (3 млн.дан ортиқ асар). Энг йирик музейлари: Париждаги Лувр (225 галерея ва 400 мингдан ортиқ экспонат) Версаль, Карнавал (Париж тарихи) музейлари, Ж. Помпиду номидаги санъат ва маданият миллий маркази, Пикассо музейи, Замонавий санъати музейи, Импрессионистлар музейи, Амалий санъат музейи, Бальзак, Гюго, Роден музейлари, Граф Монте-Кристо қасри деб аталган Иф о.даги музей ва б. Илмий муассасалари, асосан, Париж ва унинг атрофида жойлашган. И.т.ларнинг асосий қисми олий таълим мактабларида олиб борилади. Давлат и.т. муассасалари: Космик тадқиқотлар миллий маркази, Атом энергияси бўйича комиссарлик, тиббиёт тадқиқотлари ва соғлиқни сақлаш миллий ин-ти, ижтимоий тадқиқотлар миллий ин-ти, Океанографик тадқиқотлар миллий маркази ва Информатика ваколатхонаси. Йирик и.т. марказлари: «Нор-авиасион», «Электрисите де Франс», «Шарбонаж де Франс», «Газ де Франс», «Сен-Гобен», «Франс-Атом», «Мерлен-Жерен», «Крезо» ва «Шнейдер» компаниялари.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Ф.да матбуот давлат назорати ва цензурадан мустақил. Ф.да нашр этиладиган йирик газ. ва жур.лар: «Фигаро» (кундалик газ., 1826 й.дан), «Ле Паризиен» («Парижлик», кундалик газ., 1944 й.дан), «Монд» («Тинчлик», кундалик газ., 1944 й.дан), «Франс Суар» («Франция оқшоми», кундалик кечки газ., 1941 й.дан), «Орор» (кундалик газ., 1944 й.дан), «Круа» («Хоч», кундалик кечки католик газ., 1880 й.дан), «Юманите» («Инсоният», кундалик газ., 1904 й.дан), «Уэст—Франс» («Ғарбий Франция», кундалик газ., 1944 й.дан), «Сюд—Уэст» («Жануби-Ғарб», кундалик газ., 1944 й.дан), «Л экспресс» (ҳафталик ижтимоий-сиёсий жур., 1953 й.дан), «Пари матч» («Париж матчи», ҳафталик безакли жур., 1949 й.дан), «Мари-Клер» (ойлик жур., 1954 й.дан) ва б.

Франс Пресс агентлиги — мухтор тижорат агентлиги (1944 й.да ташкил этилган) дунёдаги энг йирик агентликлардан бири; 1835 й. тузилган Гавас француз ахборот агентлигининг давомчисидир. Радио ва телевидение хизматлари мустақил, жамоат томонидан таъминланувчи ташкилотлар ва хусусий тижорат операторлари томонидан бошқарилади. Телекўрсатувлар мустақил комиссия — Conseil Superieur de l' Audiovisuel (CSA) томонидан назорат қилинади. 100 дан ортиқ телекўрсатув мавжуд, улардан ташқари, текин ва пуллик тармоқлар, кабель ва йўлдош

Париж шаҳридаги Зафар дарвозаси.

Бретань б-н Нормандия чегарасидаги Мон-Сен-Мишель қалъаси.

каналлар бор. Йирик радио ва телевидение ташкилотлари: «Радио Франс», 1975 й. тузилган. Телевизион франсэз—1, «Антенн—2», «Франс режьон-э» давлат телевидение компаниялари, 1975 й. ташкил этилган.

Адабиёти. Энг қад. адабиёт намуналари 9-а.нинг 2-ярмига тўғри келади. Улар, асосан, диний мавзуда бўлган (мас., «Авлиё Евлалия ҳақида кантилена»). 10—11-а.ларда биринчи эпик афсоналар пайдо бўлган. «Роланд ҳақида қўшиқ» асари Буюк Карл номи б-н боғлиқ, «Руссильонли Жирар» асари ҳам ўша даврга мансуб. Эпик афсоналар 11-а.дан 13-а.гача ёзиб келинган. Бу даврнинг машҳур ёзувчилари: Гас Брюле ва шампанлик Тибо (1201—53). 12-а. ўрталаридан рицарлик романлари пайдо бўла бошлади. Дастлабки романлар тарихий афсоналарнинг қайта ишланиши маҳсулидир. Уларга Бенуа де Сент-Моранинг «Александр ҳақида роман», «Фива ҳақида роман», «Эней», «Троя ҳақида роман» (барчаси 1140—65 й.ларда яратилган), Кретьен де Труанинг (тахм. 1130—тахм. 1191) «Эрек ва Энида», «Ивейн», «Персеваль» ва б. романлари киради. 12-а.нинг охирларида «Тристан ва Изольда» афсонаси, «Флуар ва Бланшефлор», «Окассен ва Николет» каби севги романлари ёзилган. 14—15-а.лар Ф. адабиёти учун ўтиш даври ҳисобланади. Ўша даврнинг машҳур ёзувчилари Гильом де Машо (тахм. 1300—77), Эстаж Дешан (тахм. 1346— тахм. 1407), Кристина Пизанская (1363—тахм. 1431), Ален Шартье (1385— тахм. 1434), орлеанлик Карл (1394—1465)лар ўз асарларида давр руҳиятини — 1337—1453 й.ги 100 й.лик уруш фожеасини акс эттирдилар.

15-а. охирларида Ф.да Уйғониш даври бошланди. Италия б-н алоқалар кучайди, матбаа ривожланди, антик ва гуманитар фанларга қизиқиш ортди. Уйғониш даври адабиётининг Ф.даги йирик вакили Ф. Рабле (1494—1553) «Гаргантюа ва Пантагрюэль» асари б-н машҳур бўлди. 16-а. 1-ярмида Ф. лирикаси итальян неопетраркизми таъсири остига тушиб қолди ва аср ўрталарига келиб, француз адабиётида ислоҳот ўтказилди. «Плеяда» деб номланган француз шеърий мактаб шоирлари адабиётда гуманизм ғояларини олға сурди, уни янги шакллар (сонет, ода, эпик асар ва б.) б-н бойитди. Бу эса миллий адабий тилнинг шаклланишига олиб келди. «Плеяда» шеърий мактабининг машҳур шоирлари П. де Ронсар (1524—85), Ж. Дю Белле (1522—60), Р. Белло (1528—77), Э. Жодель (1532—73) ва б.дир. 16-а.нинг охирида шоирлар Т. А. д'Обинье (1552—1630), Ж. Воклен де ла Френе (1535—1606), Ф. Депорт (1546—1606) «Плеяда»нинг ижобий услублари қоидаларига амал қилган ҳолда барокко унсурларини ҳам қўлладилар. 17-а. бошида француз адабиёти реалистик, классик ва барокко жанрларининг қайта ишланиши каби жараённи бошдан кечирди. Классицизм эстетикаси Ж. Шаплен (1595—1674), К. Вожл (1585—1650), Г. де Бальзак (1597—1654), Ф. д'Обиньяк (1604—76) назарий асарларида акс этди. 1635 й. ташкил топган Франция академияси фаолияти ва Р. Декарт (1596—1650)нинг рационалистик фалсафаси классицизм доктринасининг шаклланишига олиб келди. Классицизм театрнинг трагедия жанрига кўпроқ таъсир ўтказди. Классицизм комедиясининг асосчиси ва унинг буюк вакили *Мольер* ҳисобланади. У ўзининг «Тартюф», «Мизантроп», «Хасис», «Дон Жуан» ва б. асарларида жамиятнинг салбий томонларини, аристократиянинг мунофиқлигини, текинхўрлигини зўр истеъдод б-н акс эттирди. Жан де Лафонтен масаллари жаҳон адабиётида масал жанри ривожига самарали таъсир кўрсатди.

17-а. 2-ярмида классицизмнинг янги қирралари очилди. Бу даврда Ф. Фенелоннинг «Телемакнинг саргузаштлари» романи, Ш. Сент-Эвремоннинг мақолалари, драматург Ж. Расин (1639—99)нинг «Андромаха», «Британник», «Федра» асарлари яратилди. 18-а.нинг бошида рококо адабиёти пайдо бўлди. У ўзининг гедонизми, скептизми ва жуда эркин фикри б-н ажралиб турган. Ж.Б. Руссо уйноқи рококони классицизм меъёрлари б-н уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Монтескьё, Вольтер, Дидро каби маърифатпарварлар ҳам рококо усулларидан кенг фойдаланишган. 18-а. 1-ярмида комедия ва роман жанри ривожланди. Мольер, А.Р. Лесаж, П.К. Мариво, Ф.Н. Детуш, Ш. Л. Монтескьё («Форс мактублари») бу жанрнинг етук намояндалари бўлса, унда *Вольтер* етакчи роль ўйнади. 1751 й.дан Д. Дидро, Ж.Л. Д'Аламбер ва б. маърифатпарварлар томонидан Энциклопедия нашр эта бошланди.

18-а. 2-ярми — 19-а. бошида Ф. адабиётида *сентиментализм* оқими пайдо бўлди. Буюк Француз инқилоби арафасида сентиментализм б-н бир қаторда романтизм куртаклари кўрина бошлади. Бу Ж. Казот, Э. Парни, Ж.Б. Луве де Кувре асарларида ва, айниқса, П.А. Ф. Шодерло де Лаклоннинг «Хавфли алоқалар» романи, *Бомарше*нинг «Фигаронинг уйланиши» комедиясида намоён бўлди. К.Ж. Руже де Лилльнинг «Марсельеза» қўшиғи, Робеспьер, Маратларнинг публицистик мақолалари ўша даврда кенг тарқалди. 19-а. бошларида Ф. адабиётида *романтизм* етакчи оқим бўлди, унинг 2-босқичида инқилоб шабадаси эса бошланди. Бу давр В. *Гюго* асарларида ўзининг ёрқин аксини топди. Шунингдек, Жорж Санд, А. *Дюма*, Э. Сю асарларида ҳам ёрқин ифода этилди. *Стендаль* ва О. де *Бальзак*нинг жамиятда меҳнаткаш инсон фожиаси катта маҳорат б-н кўрсатилган романларида, П.Ж. Беранже (1780—1857)нинг сатирик шеър ва қўшиқларида реализм тамойиллари ўзининг юксак ифодасини топди. 60—70-й.лардаги илмий техника тараққиёти шароитида Ж. Вернинг илмий фантастик асарлари кенг тарқалди. 1870—71 й. Ф.-Пруссия уруши ва Париж Коммунаси даврида адабиётнинг янги ривожланиш даври бошланди. Э. Потье 1871 й. июнда «Интернационал» шеъри ва 1876 й. «Париж Коммунаси» достонини ёзди. Э. *Золя* ижодида, Ги де *Мопассан* новеллаларида жамият муҳитининг ўта тубанлиги, меҳнаткаш инсоннинг оғир қисмати ўз бадиий ифодасини топди. 19-а. охирида назмда кўпроқ символизм асосий

йўналиш бўлиб қолди. 1-жаҳон уруши даврида А. *Барбюс* асарлари француз адабиётида учмас из қолдирди. Барбюс 1919 й. «Кларте» Халқаро ёзувчилар ташкилотини тузди. 20—30-й.лар адабиётида Ален, П. Валери, Б. Сандрар, П. Реверди, Ж. Кокто, Т. Тцара, А. Бретон, П. Элюар, Л. Арагон, Ф. Супо каби шоир ва ёзувчилар ижоди салмоқли ўрин эгаллади. 2-жаҳон уруши даврида антифашистик руҳдаги адабий асарлар ёзила бошлади. П. Элюар, Л. Арагон, Э. Гильвик, М. Риффо, А. Сент-Экзюпери каби ёзувчилар асарларида уруш воқеалари акс этди. 50—60-й.ларда француз адабиётида экзистенциализм оқими вужудга келди. Ж.П. Сартр, А. Камю, Э. Ионеско, С. Беккет, Н. Саррот, М. Бютор, К. Симон (1985 й. Нобель мукофоти лауреати бўлган) ва б. бу оқимнинг намояндаларидир. Маргерит Юрсенар (1903—87), Маргерит Дюра (1914—96) каби ёзувчилар Ф. адабиётида беқиёс из қолдирдилар. Замонавий ёзувчилардан Мишель Турнье, Филипп Соллерс, Жан-Мари Ле-Клезио, Патрик Модиано, Патрик Гренвиль, Паскаль Киньяр машҳур.

Ф. ёзувчиларидан О. де Бальзак, В. Гюго, Мопассан, А. Сент-Экзюпери, Ж. Верн, А. Дюма, Стендаль, Вольтер, Франсуа Мориак, Шарл Перро, Монтескьё, Л. Арагон каби адибларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Меъморлиги. Ф. ҳудудидаги энг қад. санъат ёдгорликлари палеолит даврига мансуб. Темир даврида Рим томонидан кельт (галл)лар шаҳарлари забт этилгач, бу ерда галл-рим санъати ривожланди: тошдан мақбара, театр, зафар дарвоза, акведуклар қурила бошлади, тобут, саркофаглар тайёрланди. 5-а.дан варварлар давлати ташкил топгандан сўнг ўрта асрлар санъати шакллана бошлади. Каролинглар санъати роман услубининг вужудга келиши учун асос бўлди (10—12-а.лар), ибодатхона ва монастирлар кўпроқ қурилди (Аквитаниядаги Клюни черкови, 3-а., Перигёдаги Сен-Фрон, 1120 й.дан кейин, Лангедокдаги черков-қўрғонлар).

12-а.да Шимолий Ф. шаҳарларида готика вужудга келди. Бу даврда шаҳарлар сони ортди, шаҳарларда соборлар кўплаб қурила бошлади. Уларнинг энг йириклари: Сен-Дени аббатлигидаги черков (1137—44), Санс (тахм. 1140) ва Лан, Шартр, Реймс, Амьендаги соборлар, Париждаги Биби Марям ибодатхонаси (1163—1257). 15-а.нинг 2-ярмидан меъморликда француз Уйғониш даврининг ҳашамдор ва гўзал услуби шакллана бошлади. Шу даврда вужудга келган Амбуаз (1492—98), Гайон (1501—10) қирол ва дворянлар қўрғонлари ўзининг қулайлиги ҳамда ҳашаматлилиги б-н ажралиб туради. Қирол Франциск I томонидан Италиядан таклиф қилинган машҳур меъморлардан (жумладан, Леонардо да Винчи) ташқари, Ф.нинг ўзида ҳам Н. Башелье, Ф. Делорм, П. Леско, Ж. А. Дюсерсо каби истеъдодли меъморлар етишиб чиқа бошлади. Француз Уйғониш даври меъморлигининг энг юксак миллий дурдоналари қаторига Блуадаги Франциск I қасрининг қанотлари, Луара водийсидаги Азе-ле-Ридо, Шенонсо, Шамбор каби қўрғон-қароргоҳлар, Фонтенбло саройи ва Париждаги Янги Лувр биносини (меъмор П. Леско, ҳайкалтарош Ж. Гужон) киритиш мумкин.

17-а.да абсолютизм кучайиши б-н санъатда монарх шахси ва ҳокимиятини улуғлаш кучайди. Қироллик рассомлик ва ҳайкалтарошлик (1648) ҳамда меъморлик (1671) академиялари ташкил топди. Классицизмнинг сино ва вазминлиги б-н кенглик кўламини уйғунлаштирган абсолют монархия деб аталган услуб шаклланди. У классицизмнинг улуғворлиги, мантиқий тузилишини акс эттирган эди. Бу шаҳар ва шаҳар ташқарисидаги ансамбллар, қирол қароргоҳлари ва зодагонлар уйлари қурилишида намоён бўлди. Париж геометрик жиҳатдан тўғри, услубий яхлит Дофина, Вогезов, Ғалаба, Вандом майдонлари б-н безалди. Пале-Руаяль саройи (1629—36), Ногиронлар уйи (1671—76), Сорбонна биноси (черков б-н, 1629—54), Версаль саройи (1661—89), зафар дарвозалар ва кўприклар қурилди.

Сарой ва бинолар пластик нақшлари ҳамда ихчамлиги б-н ажралиб туради. 18-а.нинг 1-ярмида ҳашаматли режа услуби қўлланилди. Бордодаги майдон ва кўчалар тармоғи, Нансидаги майдонлар, Людовик XV майдони шулар жумласидандир.

18-а. 2-ярмида абсолютизмнинг инқирози муносабати б-н маърифатпарварлик классицизми йўналиши вужудга келди. Классицизм руҳида черковлар (Сент-Женевьев, ҳоз. Париждаги Пантеон), саройлар (Версалдаги Кичик Трианон), театрлар (Бордодаги Катта театр) ва б. жамоат иншоотлари (Париждаги Ҳарбий мактаб) қурилди. 19-а. бошларида янги меъморий услуб — ампир услубида улуғвор, маҳобатли иншоотлар қурилди (Ла Мадлен черкови, Вандом колоннаси). 19-а. ўрталарида Парижда йирик қурилиш ишлари амалга оширилди, 19-а. охири — 20-а. бошларида Амьен, Нант, Орлеан, Тулуза ва б. шаҳарлар қисман реконструкция қилинди. 19-а. 2-ярмида қурилишлар эклектизм руҳида олиб борилди («Гранд-Опера» театри, Сакре-Кёр базиликаси). Ёпиқ бозор, универсал магазин, пассаж, вокзал, кутубхона (Париждаги Сент-Женевьев кутубхонаси ва Миллий кутубхона), элеватор, депо ва б.лар қурилди. Машҳур Эйфель минораси ҳам шу даврда қурилди. 19-а. охири — 20-а. бошларида модерн услубида иншоотлар яратилди (Париж метросининг бекатлари, Париждаги «Кастель Беранжа» меҳмонхонаси). 1860 й.дан қурилишда темир-бетон ишлатила бошланди. 1920—30 й.ларда замонавий меъморликнинг асосий қирраларини шакллантиришга киришилди. Меъмор Ле Корбюзье шаклларнинг функционал ва конструктивлигини, бетон, ойна ва пўлатнинг кенг қўлланилишини замонавий меъморликнинг 5 асосий принципига айлантиришга ҳаракат қилди. 1960—70-й.ларда Париж ва унинг атрофларида қурилишлар авж олди. Бу даврнинг машҳур меъморлари Р. Камело, Ж. де Майи, Б. Зерфюсс ва муҳандис Н. Эсквиллан меъморликда ажойиб иншоотлар яратдилар. Бунга мисол қилиб, Париждаги саноат ва техника миллий маркази зали, ЮНЕСКО биноси ва Радио уйини кўрсатиш мумкин.

1980-й.лардан Ф. меъморлигида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, хорижий меъморларнинг ғояларига кенг йўл очиб берилди. Лувр музейи америкалик меъмор Марио Пей томонидан тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Шишадан ясалган пирамида Луврнинг рамзига айланди. Кейинги йилларда яратилган меъморий иншоотлардан Париж ш.даги Сен-Лазар

Париж. Сена дарёси.

Париж шаҳри. Версаль майдонидаги фаввора.

вокзали перронидаги Арман композицияси (1985), П. Пикассо шарафига қурилган Сезар композицияси (1985), Сен-Жермен о.даги Жан Дюбюффе ҳайкаллари б-н безалган минора (1988), «Атеней» театридаги рассом Жан-Пьер Шамба томонидан чизилган асарлар (1989)ни кўрсатиш мумкин.

Тасвирий санъати. Ф. ҳудудидаги энг қад. санъат асарлари палеолит даврига мансуб. Полихром расмлар (Ласко, Фон-де-Гом), ҳайвонлар тасвири ва ҳайкаллари (Ла-Маддлен, Тюк-д'Одебер) сақланиб қолган. Темир даври *гальштат маданияти* ва *латен маданияти* ёдгорликлари б-н намоён бўлди. 5-а.дан варварлар давлати ташкил топиши б-н ўрта асрлар санъати (меровинглар санъати) вужудга келган.

10—12-а.ларда каролинг санъати роман услубининг вужудга келиши учун асос бўлди. Бу даврдан ҳар хил тақинчоқлар, Лимож эмаллари, мато ва кашталар, гиламлар сақланиб қолган. Ф.нинг готик ҳайкалтарошлигида инсоннинг жисмоний гўзаллиги ва ҳисларига, реал табиий шаклларга қизиқиш ортди. Бу Париж Биби Марям ибодатхонасидаги ҳайкаллар, Амьен соборининг ҳайкал ва образларида намоён бўлди. 14-а.да ҳайкалтарошлик мажмуалари камроқ яратилди, интерьерларда кўпроқ тасвирий санъат асарлари ва бўялган ёғоч ҳайкаллар пайдо бўлди. Готика тасвирий санъатида интерьерни рангли безатишда витраж энг асосий унсур бўлиб қолди (Париждаги Сент-Шапель ибодатхонаси ва Шартр собори витражлари). 13-а. 2-ярмидан витражларда кўпроқ ёруғ ранглар қўлланила бошлади. Фреска сарой ва қасрлар деворларида кўпроқ учрайди. 14—15-а.ларда нидерланд ва итальян санъати таъсири остида дастгоҳли картина ва портретлар пайдо бўла бошлади. Теварак атрофни реал тасвирлаш ака-ука Лимбурглар ижодидан бошланди. Уларнинг «Беррий герцогининг энг бой часослови» (тахм. 1411—16) асари сақланиб қолган. 15-а. ўрталарида қирол саройи қошида француз Уйғониш даври куртаклари бўлган мактаблар ташкил топган. Унинг энг машҳур вакили Ж. Фуке бўлган. Уйғониш даври ҳайкалтарошлигини М. Коломб бошлаб берган. 15-а. 2-ярмида Уйғониш даври услуби ёғочдан ишланадиган гравюраларга ҳам таъсир қилди. 16-а. бошларида қирол саройи тасвирий санъат марказига айланди.

Инсон шахсиятига бўлган қизиқиш қалам ва рангли портретларда ҳам ўз аксини топди. Бу давр санъатига кенжа Ж. Клуэ, Корнель де Лион, Этьен ва Пьер Дюмустьелар каби рассомлар ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар. 17-а.га келиб, классицизм услуби майдонга чиқди. Расмий тасвирий санъатининг раҳбари С. Вуэ Рим бароккоси, Болонья мактаби академизми ва Фонтенбло мактаби маньеризмини уйғунлаштирди. 17-а. 2-чорагида тасвирий санъатда классицизм етакчи роль ўйнай бошлади. Бу давр санъат асарлари пластик шакллари аниқ бўлиши, табиат манзараларининг чуқур лиризми б-н ажралиб туради. 17-а. ўрталарида Ф. санъат ҳаётининг пешқадами Ш. Лебрен Париж ва Версаль саройларини безашга раҳбарлик қилди. Бу даврдаги Г. Риго, Н. Ларжильер, Р. Нантейль, Ж. Одран, Ж. Эделинк, Ф. Жирардон, А. Куазевокс каби рассом ва ҳайкалтарошларнинг кўп асарлари ҳозиргача етиб келган. Портрет, гравюра, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, заргарлик ривожланди. 18-а. тасвирий санъатида А. Ватто асарлари рококо услубига асос бўлди. Рококо услуби манзарали нақшин панноларда, гиламлар, афсонавий саҳналарга эга бўлган десюдепортларда, аллегорияларда акс этди. Ф. Буше, К. Ванлоо, Н. Ланкрелар рококо услуби намояндаларидир. 18-а. 1-ярмида безак пластика ҳам ривожлана борди. М.К. Латура, Ж.Б. Лемуан, Ж. Б. Перронно каби рассомлар ижодида аналитик аниқлик, эмоционал жозибадорлик кўринади. 18-а. ўрталарига келиб табиатга бўлган қизиқиш пейзажнинг вужудга келишига туртки берди. Ж. Берне, Л. Г. Моро, Ю. Робер, О. Фрагонар, Ж. А. Гудон, Ж. Л. Давид бу даврнинг машҳур рассомлари қаторига кирадилар. 19-а. бошида баъзи рассомларнинг асарларида аввалги қаҳрамонлик образлари ўрнини Наполеон I ни улуғлайдиган асарлар эгаллади. Реставрация ва Июль монархияси даврида романтик мактаб ташкил топди. Т. Жерико, Э. Делакруа асарларида романтизм яққол намоён бўлди. Ҳайкалтарошликда романтизм тамойиллари Ф. Рюднинг «Марсельеза» асарида, П.Ж. Давид д'Анже портретларида ва А. Л. Бари асарларида акс этди. 1848 й.ги инқилоб Ф. санъатига демократлаштирувчи таъсир кўрсатди. 1851 й. гунтаришдан сўнг реакция кучлари ҳукмронлиги шароитида демократик санъат кўп жиҳатдан ўзининг оммавийлигини йўқотди. 1860-й.ларда мамлакат тасвирий санъатида Э. Маненинг реалистик изланишлари марказий ўринни эгаллади. Мане ижоди импрессионизм йўналиши б-н яқинлашди. Бу йўналишда Манедан ташқари К. Писсарро, А. Сислей, О. Ренуар ва Э. Дегалар ҳам ижод қилишган. 1850—60-й.лар ҳайкалтарошликда Ж.Б. Карпонинг декоратив, аниқ ва қувноқ асарлари, Ж. Далунинг меҳнат одамларининг ҳайратли ва жиддий образлари, О. Домьенинг экспрессив-гротеск пластикаси алоҳида ўрин тутади. 19-а. сўнгги чорагида француз ҳайкалтарошлигининг энг ёрқин намояндаси О. Роден ҳисобланади.

19-а. охири — 20-а. бошларида импрессионизм б-н биргаликда «модерн» услубининг пайдо бўлишига таъсир этган *символизм*нинг турли вариантлари ҳам ривожланди. 19-а. охирида тасвирий санъатда ижтимоий мавзулардан бирмунча чекиниш сезилади. 20-а. бошидан Парижга кўплаб чет эл рассомлари кела бошлади ва уларнинг ижоди француз санъатининг ажралмас қисмига айланди. 1905 й.да А. Матисс бошчилигида *фовизм* (А. Марке, Ж. Руо, А. Дерен, М. Вламинк, Р. Дюфи ва б.), 1907 й.да эса *кубизм* оқими (П. Пикассо, Ж. Брак, Х. Грис) вужудга келди. 1-жаҳон урушидан сўнг *сюрреализм*, 2-жаҳон урушидан кейин *абстракт санъат*нинг турли йўналишлари вужудга келди. 1970-й.ларда санъатда абстракционизмдан чекиниш ва санъатнинг турли хил фигуратив турлари (гиппер-реализм)га ўтиш кузатилди. Умуман олганда, Ф. тасвирий санъатида гуманизм гоялари сақланиб қолган. П. Пикассо ва Ф. Леже асарларида уруш ва фашизмга қарши алангали ғалаён, халқларнинг тинчлик учун кураши мавзулари кўп акс этган. 1945 й.дан сўнг неореализм оқими пайдо бўлди, карикатура санъати ривожланди, қониқмаслик ва тушкунлик кайфияти аскетик рассомчиликда акс этди. Гуманистик санъат анъаналари ҳайкал-

тарошликда ҳам етакчи ролни эгаллайди. А. Бурделнинг қаҳрамонона драматик образларида, А. Майолнинг гармоник ҳайкалларида, Ж. Бернарнинг ўткир психологик портретларида бу нарса ўз аксини топди. Умуман, Ф. 21-а.да ҳам жаҳон бадиий санъатининг энг йирик марказларидан бири ҳисобланади.

Мусиқаси. Ф. миллий мусиқаси манбаларда қад. кельт, галл ва франк қабилалари фольклоридан бошланади. 11—13-а.ларда трубадур ва трувер (шоир-хонандалар) мусиқа санъати ривожланган. 14-а.даги илк Уйғониш даврида черков ижрочилиги ривож топди. Ўша давр машҳур композиторлари Гильом де Машо, Филипп де Витри *Арснова* (янги санъат) мусиқа ҳаракатининг энг етук намояндалари эдилар. Мусиқанинг кейинги ривожи Г. Дюфаи, Жоскен Депре, И. Окегем, хор полифонияси устаси К. Жанекен, гугенот хорали асосчиси К.Гудимель, буюк полифонист, нидерланд мактаби вакили О. *Лассо* ижоди б-н боғлиқ. 1672—87 й.лар *«Гранд опера»* театрининг миллий опера мактаби ҳамда лирик трагедия жанри асосчиси *Люлли* бошқарган. 17-а.дан чолғу мусиқа — *лютня* (Д. Готье), *клавесин* (Ж. Шамбоньер, Л. *Куперен*), виола (М. Маре) мактаблари ташкил топди. Чолғу *сюита* жанрида ижод қилган Ф. Купереннинг бадиий мероси — француз мусиқий классицизми чўққисидир. 18-а.нинг энг йирик композитори Ж.Р. *Рамо* К.В. *Глюк*нинг опера ислоҳотига замин яратган, *гармония* фанига асос солган. 18-а. ўрталарида миллий симфония пайдо бўлди (Ф. *Госсек*). Бу даврда янги жанр — комик опера ҳам пайдо бўла бошлади. Унинг етук муаллифлари қаторига Э. Дуни, Ф. Филидор, композиторлардан П. А. Монсиньи («Дезертир», 1769), А.Э. М. Гретри («Люсиль», 1769) киради. Комик опералар «Опера комик» театри (1715 й. Сен-Жермен ярмаркасида театр сифатида ташкил топган, 1801 й.дан юқоридаги ном)да қўйилган. 1792 й. Ж. Руже де Лиль томонидан «Марсельеза» ёзилди ва у кейинчалик Ф. миллий мадҳиясига айланди. 1793 й. Парижда Миллий мусиқа ин-ти (1795 й.дан Мусиқа ва декламация консерваторияси) очилди. 19-а. бошларида Париж жаҳон мусиқа маданиятининг марказларидан бирига айланди. Француз мусиқасидаги романтизм Г. *Берлиоз* асарларида, 19-а. 2-ярмида эса лирик опера жанри пайдо бўлгач, Ш. *Гуно*, Ж. *Масне*, А. *Тома*, Л. *Делиб* асарларида ўз аксини топди. Ж. *Бизе* ижоди француз мусиқасида опера реализмининг чўққисига айланди («Кармен», 1874). 19-а. 80-й.ларида Ф. буюк Р. Вагнерни қарши олди. 19-а. 2-ярмида оперетта жанри ривож топди (Ж. *Оффенбах*, Ф. Эрве, Ш. Лекок, Р. Планкет). 19-а. охири — 20-а. бошида С. Франк К. Сен-Санс, Э. Лало, Э. Шоссон турли жанрларда самарали ижод қилишди. Ф.да шансон (оммабоп қўшиқ) жанри гуллаб яшнади. 20-а. мусиқасида *импрессионизм* яратилди (К. *Дебюсси*, М. *Равель*). 1-жаҳон урушидан сўнг Ф. мусиқа санъатида неоклассицизм, экспрессионизм, конструктивизм тобора ривожланди («Олтилик» композиторлари Д. Дюрей, Д. Мийо, Ж. Орик, А. Онеггер, Ф. Пуленк, Ж. Тайфер ва б.). 2-жаҳон урушидан сўнг Ф. мусиқа ҳаёти жонланди. О. *Мессиан*, Ф. Пуленк, Д. Мийо, А. Жоливе, А. Соге, Ж. Орик, Ж. Франсе, М. Ландовски каби композиторлар ижоди фаоллашди. 1950-й.лардан *додекафония*, *алеаторика*, *электрон мусиқа*, *соноризм*, *конкрет мусиқа* каби янги мусиқа йўналишлари ривож топди (П. Булез, Я. Ксенакис, П. Шеффер ва б.). 20-а. француз йирик ижрочилари: дирижёрлар — П. Паре, Ш. Брюк, С. Бодо, Ж. Мартинон, П. Булез; пианиночилар — А. Корто, М. Лонг, Р. Казадезюс, И.Нат; скрипкачилар — Ж. Тибо, З. Франческатти, Ж. Невё; виолончелчилар — М. Марешаль, П. Фурнье, П. Тортелье; органчилар — Ш. Турнемир, Ш. Видор, М. Дюпре, М. Дюруфле; хонандалар — Д. Дюваль, Ж. Креспен, Л. Пенс; шансоньелар — М. Шевалье, Э. Пиаф, Ш. Азнавур, Ж. Беко, Ж. Дассен, Ж. Брассенс, М. Матьё ва б. Париж, Авиньон, Эксан-Прованс, Страсбург, Безансон, Бордо, Тур, Руан, Ла-Рошелда мусиқа танлов ва фестиваллари ўтказиб турилади. Парижда энг муҳим мусиқа ўқув юртлари — консерватория, «Схола канторум» (1894 й. асос солинган), «Эколь нормаль де мюзик» (1919) ҳамда граммофон фирмалари, мусиқа жамиятлари, Ф. Миллий мусиқа қўмитаси жойлашган. Бир қанча мусиқа журналлари чоп этилади.

Театри. Ф. театр санъати ўрта асрлардаги сайёр актёр ва созандалар, жонглёрлар томошаларидан бошланади. 9—10-а.лардаёқ ўрта аср театрида диний драма вужудга келди. Улардан энг машҳури 15- а. ўрталаридаги А. Гребаннинг «Худо эҳтирослари мистерияси»дир. 1599 й.дан профессионал артистлар труппаси ишлай бошлади. Бу биринчи доимий актёрлар жамоаси эди. Улар трагедия, трагикомедия ва пастораллар қўяр эдилар. 17-а.дан Ж. Ротру, М. Скюдери пьесалари қўйила бошлади. 1634 й. «Марс» театри очилди. П. Корнель, Ж. Расин трагедиялари ва Мольер комедиялари театр санъати ривожига катта ҳисса қўшди. Мольер вафотидан сўнг ташкил этилган «Комеди Франсез» театрида (1680) актёр М. Барон ва трагик актриса А. Лекуврёр унинг саҳна принципларини давом эттирдилар. Француз маърифатпарварлари театрни халқни тарбиялаш воситаси деб билдилар. Маърифатпарвар классицизмнинг энг йирик актёрлари Ж. Бризар, Ф. Моле, Ж. Офрен ва Ж. Дюгазондир. Буюк француз инқилоби қаҳрамонлик санъатини вужудга келтирди. 1791 й. «Театрлар эркинлиги ҳақида декрет»дан сўнг, Парижда 19 театр ташкил топди. «Комеди Франсез» театрида В. Гюго, А. Виньи, А. Дюма асарлари кўрсатилди. Гюгонинг «Эрнани» драмасининг қўйилиши (1830) француз театрида муҳим воқеа бўлди. 19-а. 1-ярмида бульвар театрлари пайдо бўлди. 1848 й.дан қаҳрамонлик мавзуси яна олдинга чиқди. 19-а. охирида Э. Золя янги реалистик драматургияни яратиш ва театрларни ислоҳ этишни талаб қилиб чиқди. Француз саҳнасидаги чуқур ўзгаришлар А. Антуан номи б-н боғлиқ. «Эркин театр» ва «Антуан театри» асосчиси, «Одеон» театри бошқарувчиси бўлган Антуан ўз даврининг долзарб муаммоларини саҳнага олиб чиқди. 1910 й. Ж. Руше томонидан «Театр дез Ар» ташкил этилди. 1926 й. тўрт буюк реж.: Г. Бати, Ш. Дюллен, Л. Жуве ва Ж. Питолар иттифоқи — «Картель» тузилди. Улар кўпроқ классикага — Мольер, Шекспир, А. П. Чехов, Б. Шоу, Л.

Перигё шаҳри.

Пиранделло, П. Клодел, Ж. Дюамел, Ж. Ромен, Ж. Жироду, Ж. Ануя, А. Салакру асарларига мурожаат этишди. 1930-й.лар бошида демократик ва антифашистик ҳаракат ривожланди, халқ театри катта роль ўйнади. 2-жаҳон уруши йиллари — немис-фашист оккупацияси даврида француз театрлари деярли ишламади. Илғор жамоатчилик Ф.нинг қадимий театрларидан бўлган «Комеди Франсез»ни қўллаб-қувватлади. Унда йирик актёр ва реж.лардан Ж. Л. Барро, М. Рено, П. Дюкс, Ж. Русийон ва б.лар вояга етдилар. 40-й.лар 2-ярми — 50-й.лар 1-ярмида мамлакатда драма марказларининг кенг тармоқлари ташкил топди. Лион, Гренобль, Тулуза, Канн, Бордо, Страсбург ва б. шаҳарларда театрлар пайдо бўлди. Миллий халқ театри театр санъатининг етакчи марказига айланди. Унда буюк француз актёрлари Ж. Филипп, М. Казарес, Ж. Вильсон, Д. Сорано, С. Монфорлар фаолият олиб борди. 1970-й.ларда Буюк француз инқилобига бағишланган «1789» ва «1793» театрларининг ташкил топиши Ф. театри ҳаётида катта воқеа бўлди.

Француз саҳна санъатининг ривожига актёр ва реж. Ж.Л. Барро катта ҳисса қўшди. Турмуш ўртоғи М. Рено б-н биргаликда «Компани Рено—Барро» труппаси яратилди ва у 20-а.да француз драматургиясини тарғиб этди. 1950 — 60-й.ларда театр ҳаётида «абсурд театри» катта ўрин эгаллади. 20-а. 2-ярмидан Ф. театр санъати янада ривожланди. Бунга 1981 —86 ва 1988—93 й.ларда Ф. маданият вазири бўлиб ишлаган Ж. Ланг катта ҳисса қўшди. Парижнинг кўп театрлари, жумладан, «Гранд-опера», «Комеди Франсез», «Одеон» ва «Шайо» миллий театрлари ҳукумат томонидан қўллаб қувватланди. Ж.Л. Барро, А. Вите, А. Мнушкин, П. Брук, Р. Блен, Р. Планшон, Ж. Савари каби реж.лар машҳур. Ф.да 42 миллий драматик марказ мавжуд; 170 театр гуруҳи шартнома асосида, 398 гуруҳ дотация асосида фаолият юритади. «Комеди Франсез» театри миллий театр анъаналарини давом эттирмоқда. 1954 й. ташкил этилган «Халқлар театри»да халқ-аро театр фестиваллари ўтказилади.

Киноси. Ака-ука Л. ва О. Люмьерлар томонидан қўйилган кинематографиянинг дастлабки асарлари (хроникал сюжетли «Поезднинг келиши», «Болани эмизиш», «Шалаббо бўлган сув сепувчи» фильмлари) 1895 й. 28 дек.да Парижда намойиш этилган. Ф. киносининг илк даврдаги ривожи кинотрюкларни суратга олиш ихтирочиси Ж. Мельесу номи б-н боғлиқ. Унинг «Фильм д'ар» фирмаси кинога машҳур драматург, актёр ва композиторларни жалб этди. 1919 й.да реж. А. Ганс урушга қарши руҳдаги «Мен айблайман» памфлетини, реж. А. Антуан эса бир қанча фильмлар («Ер», 1921; «Арлезианлик аёл», 1922)ни яратди. 1-жаҳон урушидан кейинги йилларда кинодан тижорат йўлида фойдаланишга қарши чиққан ва кинони бадиий жиҳатдан янгилашни талаб қилган кино назариячилари ва амалиётчиларидан Л. Деллюк, А. Ганс, М.Л. Эрбье, Ж. Эпштейн, Ж. Дюлак «Авангард» ҳаракатига бирлашдилар. Бу ҳаракатдаги бир қанча реалист реж.лар қад. анъаналарга таянган ҳолда кўпгина асарларни яратдилар [«Кренкебиль» (1922) ва «Янги жаноблар» (1928, реж. Ж. Фейдер), «Нана» (1926) ва «Кичик гугурт сотувчи» (1927, реж. Ж. Ренуар), «Сомон шляпа» (1927, реж. Р. Клер)].

30-й.лардан француз кино саноати овозли фильмлар чиқара бошлади. 30-й.лар ўрталарида Ф. кинематографиясининг ижтимоий йўналиши Миллий фронт ҳаракати б-н боғлиқ «Октябрь» ва «Эркин кино» уюшмалари ташкил топди. Бу давр учун «Марсельеза» (1938, реж. Р. Ренуар), «Буюк сароб» (1937, реж. Р. Ренуар), «Охирги миллиардер» сиёсий сатираси (1934, реж. Р. Клер), «Аҳил компания» (1936, реж. Ж.Дювивье) каби фильмлар характерлидир. 2-жаҳон уруши ва нацистлар оккупацияси даврида француз кинематографлари кураш ва жасоратга чорловчи «Кечки меҳмонлар», «Осмон сизларга тегишли» каби фильмларни яратдилар. 1944 й. «Парижни озод этиш» фильми чиқарилди. «Райка болалари» фильми (1945) миллий маданиятнинг энг яхши гуманистик анъаналарини ўзида акс эттирган, фашизмга қарши руҳдаги фильм бўлди. Реж. Р. Клеманнинг «Рельслар устидаги жанг» фильми озод этилган Ф.нинг биринчи картиналаридан ҳисобланади. Шу даврда яратилган машҳур фильмлар: «Парма ибодатхонаси» (1948, реж. Кристиан-Жак), «Қизил ва қора» (1954, реж. К. Отан-Лара, иккиси ҳам Стендаль асарлари асосида), «Тереза Ракен» (1953, реж. М. Карне), «Жервеза» (1956, реж. Р. Клеман, иккиси ҳам Золя асарлари асосида), «Ўлимга маҳкум қилинган қочди» (1956, реж. Р. Брессон). 1940 —50-й.лар бошларида Ж. Филипп, Бурвиль, Ж. Маре, М. Казарес, Л. де Фюнес, С. Режани ва б. актёрлар машҳур. 50-й.ларнинг 2-ярмида яратилган фильмларнинг кўпи кўнгил очар фильмлар бўлди. Ф. кинематографиячилари кучли ижтимоий қаҳрамонни фашистларга қарши кураш мавзусидан топдилар. «Кун ва соат» (1963), «Париж ёняптими?» (1966) фильмлари фашизмга қарши руҳда яратилди. 1968 й.дан кейин асосан сиёсий мавзуда, француз меҳнаткашларининг ҳаёти ҳақидаги фильмлар яратила бошлади. Ж. Татининг «Байрам куни» (1949), «Менинг амаким» (1958), Кристиан Жакнинг «Фанфан-Тюльпан» (1952), «Қонун — бу қонун» (1958), П. Этекснинг «Оқ тортувчи» (1963), «Йо-йо» (1965) фильмлари комедия жанрига мансуб. Ф. қисқа метражли фильмлари (реж. А. Ламориснинг «Қизил шар»), П. Гримонинг мультипликациялари, Ж. Рушнинг ижтимоий фильмлари машҳур. 70-й.лар ўрталарига келиб, француз киносида ўткир мавзулардан чекиниш кузатилди, бу даврда кўнгил очар киноларни и.ч. кенг ривожланди. 60 —70-й.лардаги энг машҳур актёрлар сирасига: Ж. Габен, Ж. Моро, Ж.Л. Трентиньян, Ж.П. Бельмондо, К. Денёв, А. Делон, А. Жирардо ва б. киради. Энг яхши француз тасвирчилари: Р. Юбер, А. Тирар, Р. Кутар, А. Алекан, А. Деке. Француз ва жаҳон киноси тарихи ва назариясига ўзларининг фикр ва ғоялари б-н катта ҳисса қўшган кинолар: Л. Муссинак, Ж. Садуль, А. Базен, Ж. Митри, А. Ажел, К. Мети ва б. 1943 й. тузилган Олий кино таълими институти реж., тасвирчи, монтажчиларни тайёрлайди. 1946 й.дан Каннда ҳар йили Халқаро кинофестиваль ўтказилади. 1936 й. «Синематика», 1972 й. Кино тарихи музейи очилган. 1976 й.да Американинг «Оскар» мукофотига ўхшаш «Сезар» миллий кино мукофоти таъсис этилган. 1970 —90-й.ларда реж.лар Ж.Ш. Такелл («Жиннилар», 1975), Д. Вин («Мартин Герр»нинг қайтиши», 1984), Д. Кюри («Орамизда», 1985), К. Берри («Жан де Флоретт», 1987), Ж. Риветт («Мафтункор ёнғоқ дарахти», 1991), Р. Варньер («Ҳиндихитой», 1992) ҳис-ҳаяжонли ҳамда анъанавий мавзуларда фильмлар яратишди. Ф.да 4400 кинотеатр мавжуд, йилига 130 га яқин тўлиқ метражли фильм яратилади (2003).

Ўзбекистон — Ф. муносабатлари. Икки давлат ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 й. фев.да ўрнатилган бўлса-да, мамлакатлар орасидаги алоқалар узоқ тарихга бориб тақалади. Ф. қироли Карл VI ле Валуа (1368 — 1422) ва Амир Темур давридаги ўзаро савдо-сотиқ ва дўстона муносабатларга оид ёзишмалар бизга маълум.

1992 й. Ф.нинг Ўзбекистондаги элчихонаси, 1995 й. Ўзбекистоннинг Ф.даги элчихонаси ўз фаолиятини бошлагач, ўзаро алоқалар, делегацияларнинг ташрифлари йўлга қўйилди. Икки томонлама алоқалар ривожланишининг тамал тошлари ЎзР Президенти И. Каримовнинг 1993 й. окт.да Ф.га давлат ташрифи пайтида қўйилган бўлиб, унда бир қатор шартномаларга имзо чекилди. Ўзбекистон Республикаси ва Ф. Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, ҳукуматлар ўртасида инвестицияни ҳимоялаш ва ўзаро рағбатлантириш ҳақидаги битим, ҳукуматларнинг маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битими шулар жумласига киради. 1994 й. апр.да Ф.нинг собиқ президенти Ф. Миттеран энг ривожланган етти давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб, ЎзРга давлат ташрифи б-н келди. Президент И. Каримовнинг Ф.га 1996 й. апр.даги иккинчи ташрифи ва ЎзР Президенти И. Каримов ҳамда Ф. президенти Ж. Ширакнинг 1996 й. июнда Флоренцияда Европа Иттифоқи раҳбарларининг саммитидаги, 2002 й. давлат раҳбарларининг НАТОга аъзо давлатлар раҳбарларининг Прагадаги саммитида учрашувлари икки томонлама алоқаларни янги даражага кўтариш имкониятини берди. ЎзР Президенти И. Каримовнинг 1996 й. 21—24 апр.даги иккинчи ташрифи икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтарди. И. Каримовнинг Ф. Республикаси Президенти Ж. Ширак б-н учрашуви чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Ушбу ташриф давомида И. Каримов ЮНЕСКО қароргоҳида ташкил қилинган «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг ривожи» мавзусидаги кўргазмада иштирок этди.

Ўзбекистон ва Ф. ўртасида ўзаро товар айланмаси 2003 й. 72,3 млн. АҚШ доллари, шундан экспорт 24 млн., импорт 48,3 млн. долларни ташкил этди. Экспортда пахта толаси 74,4%, тўқимачилик маҳсулоти 13,4%, кимё маҳсулотлари 8,8%, агросаноат мажмуаси маҳсулотлари 2,9%ни, импортда эса электроника ва электр ускуналар 26,2%, кимё маҳсулотлари 23,3%, механика ускуналари 13,7%, фармацевтика ва парфюмерия маҳсулотлари 13,6%, маиший техника 7,9%, транспорт воситалари 5,5%, озиқ-овқат маҳсулотлари 3,6%ни ташкил этди.

2003 й.да Ўзбекистонда Ф.нинг 14 компанияси ва 2 банки («Креди Коммерсиаль де Франс» ва «Сосиете Женераль») ишлади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда 15 қўшма корхона, 100% француз сармояси б-н 2 корхона фаолият олиб борди. 2004 й. 14 —16 янв. да Ўзбекистон — Ф. савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳукуматлараро комиссиясининг 2-мажлиси бўлиб ўтди. Икки давлат ҳамкорлиги режаларига мувофиқ, «Сосиете Женераль» банкининг кредити ҳисобига «Бухоро вилоятида сув таъминотини яхшилаш» дастури (8,1 млн. АҚШ доллари) амалга оширилади ва 2 та «Боинг—767-300 ER» самолёти (187,9 млн. АҚШ доллари) сотиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ром Пулек» француз кимё корхонаси б-н расмий алоқа ўрнатган. Тошкентда бу корхонанинг ваколатхонаси очилган. ЎзР Почта ва телекоммуникация агентлиги билан Ф.нинг почта ва телекоммуникация вазирлиги ўртасида телекоммуникация жиҳозларини и.ч. ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳақида баённома имзоланган. Француз мутахассислари ёрдамида «Спринт» электрон почта тизимининг фаолияти йўлга қўйилди. «Ўзбекнефтегаз» миллий корпорацияси Ф.нинг «Элф-Акитэн» корхонаси б-н ҳамкорликда Бухорода нефтни қайта ишлаш з-дини қуриш ҳақида шартнома тузди. ЎзР Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бир қатор француз банклари («Креди Леоне», «Сосиете Жюзи», «Банк Насиональ де Пари», «Париба», «Креди Коммерсиаль де Франс») б-н вакиллик алоқаларини ўрнатган. Ўзбекистонда «Бофур Испэн Интернейшнл», «Ронпуленк» француз корхоналари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Ф.нинг «Эр Франс» ва Ўзбекистоннинг «Ўзбекистон ҳаво йўл-лари» авиакомпаниялари Тошкент — Париж — Тошкент маршрути бўйлаб рейсларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ва Ф. ўртасидаги илмий-техникавий алоқалар ҳам ривожланмоқда. Бу алоқалар 1993 й. окт.да имзоланган маданий, илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида олиб борилмоқда. Ҳар йили юздан ортиқ Ўзбекистон фуқароси Ф.нинг турли ўқув юртларида малака ошириб келмоқда. Икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида талаба ва проф.-ўқитувчилар алмашиш, стажировка, ўқитувчилар малакасини ошириш курслари, биргаликдаги семинарлар ташкил этиш ривожланган. Ўз навбатида, Париж, Тулуза, Лион, Экс/Марсель, «Париж-сюд» ва «Париж IV» ун-тлари б-н Тошкент, Самарқанд, Бухоро ун-тлари, Тошкент иқтисодиёт ун-ти, «Бретан-сюд» ун-ти б-н Ўзбекистон жаҳон тиллари ун-ти ўртасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ф. Ўзбекистонга Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури доирасида ҳам кадрлар тайёрлаш соҳасида техникавий ёрдам кўрсатяпти. Ф. Бош вазири ҳузуридаги Давлат бошқаруви халқаро институти (ДБХИ) ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига техникавий ёрдам кўрсатиш бўйича 1 млн. 400 минг экю қийматидаги дастур муваффақият б-н амалга оширилди. Француз мутахассислари академия тингловчиларига маърузалар ўқишди. Шунингдек, ЎзР вазирликларининг ходимлари ҳар йили ДБХИ нинг қисқа муддатли малака ошириш курсларида ўқиб келаётир.

Лион шаҳрининг умумий кўриниши.

Ўзбек ва француз олимлари ўртасидаги илмий ҳамкорлик ҳам муваффақият б-н давом этмоқда. Бунда ЎзР Фанлар академияси ва Ф. илмий тадқиқотлар миллий маркази ўртасидаги самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, археол., астрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳаларидаги ҳамкорлик яхши натижа бермоқда.

1998 й. окт.да ЎзР Фанлар академияси делегацияси Ф.нинг Атроф муҳит ва энергияни бошқариш марказига ташриф буюрди. Қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича ўзбек олимлари томонидан таклиф қилинган лойиҳа Европа ҳамжамияти доирасида COP ERNICUS грантини олишга муваффақ бўлди. Ташриф давомида мазкур лойи-

ҳанинг тарихий масалалари муҳокама қилинди. Ф. б-н маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича 1995 й.дан Тошкентда фаолият кўрсатаётган Ф. Ташқи ишлар вазирлиги қошида тузилган Марказий Осиёни ўрганиш француз ин-ти катта роль ўйнайди. Институт француз ва ўзбек олимлари ҳамда тадқиқотчилари ҳамкорлигида гуманитар ва ижтимоий соҳаларда турли тадқиқотлар олиб боради, илмий асарлар чоп этади. Институт археол., санъат, мусиқашунослик, Марказий Осиёнинг қад. ва замонавий тарихи бўйича бой кутубхонага эга бўлиб, дунёнинг барча мамлакатларида Марказий Осиёга оид чоп этилган асарларни йиғишга киришган. Ин-т қисқа вақтда «19-а.дан бери Марказий Осиёдаги исломий ислоҳотлар», «Ҳиндистон — Марказий Осиё: савдо ва фикр йўллари», «Россияда ислом», «Темурийлар мероси», «Қўлёзмаларни сақлаш», «Ислом ва мусиқа» мавзуларида халқаро конференциялар ташкил қилди ва уларнинг материалларини чоп этди.

ЎзР Фанлар академияси б-н Ф.нинг илмий тадқиқотлар илмий маркази ўртасида тузилган шартнома доирасида археол. соҳасида самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда. 1995 й. июнида ЎзР Фанлар академиясининг геол. ва геофизика институти б-н Ж. Фурье ҳамда Гренобль ун-тлари ўртасида сейсмология соҳасида шартнома тузилган. ЎзР Фанлар академияси Кимё ва ўсимлик моддалари ин-ти Ф.нинг «Логоксан» ташкилоти б-н биргаликда узоқ муддатли шартномалар асосида косметика маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Ҳоз. пайтда Ф. илмий тадқиқотлар маркази бир қатор соҳаларда, хусусан, чорвачилик, ақиқчилик, нодир металлар, ўсимликлар асосидаги янги дори-дармонлар, нефть ва газ маҳсулотлари ва б. соҳаларда ҳамкорлик ўрнатиш имкониятларини ўрганмоқда. Тошкент техника ун-ти билан Париж ун-ти ўртасидаги ҳамкорлик ҳақидаги шартнома космосдан олинаётган аэросуратларни ўрганувчи ўзбек-француз илмий марказига асос бўлади.

Француз санъат мухлисларини ўзбек санъати б-н таништириш Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошланган. 1994 й.да таниқли ўзбек санъаткорлари Турғун Алиматов ва Муножот Йўлчиева Париж саҳналарида концерт бериб, француз санъат мухлислари олқишларига сазовор бўлган. Парижда уларнинг бир неча лазер дисклари чиқарилди. «Сумалак» ансамбли Лиондаги миллий консерваторияда ўз репертуарини ижро этди. Ўзбек хонандаси Маҳлиё Давлабоева 1996 й. биринчи марта ўз қўшиқларини француз томошабинларига ҳавола этган бўлса, 1997 й.да халқ қўшиқлари фестивалида қатнашди. 1998 й.да эса Хоразм халқ қўшиқлари ижрочиси Зуҳро Жуманиёзова б-н биргаликда Парижда бўлиб ўтган «Ижодий фантазия фестивали»да муваффақиятли иштирок этди. Концерт кунлари «Мусаввир» ва «Усто» илмий-ижод. ва илмий-техник бирлашмалари ўзбек халқ ҳунармандчилиги кўргазмасини ташкил этишди. 1996 й. Париждаги «Катта саройи» музейидаги «Буюк ипак йўлида буддавийлик санъати» кўргазмасида Ўзбекистон тарих музейи коллекциясидан ўрин олган Будданинг лойдан ясалган ҳайкали намойиш этилди. 1994 й. Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини нишонлаш доирасида олимнинг илмий меросига бағишланган илмий анжуман, Ўзбекистон санъат усталарининг концерти ўтказилди. «Темурийлар санъати ва тарихини ўрганиш ҳамда ўзбек-француз маданий алоқалари» ассоциациясининг «Темурийлар» журнали махсус сони Мирзо Улуғбекка бағишлаб чиқарилди. 1996 й. Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, 1997 й. эса, ЮНЕСКО раҳбарлигида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати б-н байрам тадбирлари ўтказилди. Бухоро ва Хива шаҳарлари юбилейи тантаналарига «Ўзбекистон маданияти кунлари» уланиб кетди. Шунингдек, Ф.да ўзбек ёзувчиларининг, Ўзбекистонда француз ёзувчиларининг таржималари алоҳида ажратилиб китоблари нашр этилмоқда. Бу ишларни амалга ошириш учун Ф. Таш.-ги элчи вазирлиги Алишер Навоий номидаги дастурни ишлаб чиқди. 2003 й. француз ёзувчиси Ф. Бреселиннинг Ф.да француз тилида нашр этилган «Мафтункор Самарқанд» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тошкентдаги Ф. элчихонасида 2002 й.дан В. Гюго номидаги француз маданий маркази ишламоқда. 2004 й. февралда Парижда «Ибн Сино» уюшмаси тузилди. 1998 й. апрелдан Ўзбекистонда «Ўзбекистон — Франция» дўстлик жамияти фаолият юритмоқда. Самарқанд ва Лион, Бухоро ва Рюэль-Мальмезон шаҳарлари ўртасида турли-туман ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Малика Шарипова, Маргуба Азимова.

ФРАНЦИЯ АКАДЕМИЯСИ (Académie Française) — Франция миллий маданияти, фанининг йирик вакиллари ҳамда сиёсий арбоблари уюшмаси. 1635 й. кардинал А.Ж. Ришелье томонидан ташкил этилган. 40 аъзодан иборат доимий таркибга эга. Турли даврларда Ж.Б. Кольбер, Ж. *Расин*, П. *Корнель*, *Д'Аламбер*, *Вольтер*, Ш. *Монтескьё*, В. *Гюго*, Л. *Пастер*, А. *Франс* ва бошқалар аъзоси бўлишган. Асосий вазифаси — француз тилини такомиллаштириш ва француз тили луғатини яратишдан иборат. *Франция институти* таркибига киради.

ФРАНЦИЯ ИНСТИТУТИ — Франциянинг асосий расмий илмий муассасаси. 1795 й. ташкил этилган (1806 й.гача Фан ва санъат миллий ин-ти деб номланган). *Франция академияси*, Ёзув ва нафис адабиёт академияси (1663, қад. ва шарқ. тиллари, ўрта аср ва ҳ.к. соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб боради), Табиий фанлар академияси (1666; 130 ҳақиқий, 160 мухбир, 80 хорижий аъзо), Санъат академияси (1803; 50 ҳақиқий, 50 мухбир, 15 хорижий аъзо), Ахлоқий ва сиёсий фанлар академияси (1832; 50 ҳақиқий, 60 мухбир, 12 хорижий аъзо)ни бирлаштиради.

ФРАНЦИЯ-ВЬЕТНАМ УРУШЛАРИ (19-а.) — Вьетнамни Франция томонидан мустамлака қилиш мақсадида олиб борилган урушлар. 1858—62 й.лардаги уруш французларнинг Вьетнамни мустамлака қилишларини бошлаб берган; урушда Испания Франция томонидан туриб қатнашган. 1862 й.ги Франция—Испания—Вьетнам битимига кўра, Франция Жан. Вьетнамдаги 3 вилоятни олган. Вьетнам Франция ва Испанияга товон тўлашни зиммасига олган. 1883—84 й.лардаги уруш б-н Вьетнамни босиб олиш тугалланган: 1884 й.да Франция бутун Вьетнам бўйича Франция протекторатлигини ўрнатган.

ФРАНЦИЯ-ПРУССИЯ УРУШИ (1870—71) — Европада ўз гегемонлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган ва Германияни бирлашишига қарши турган Франция ва бир қатор герман давлатлари б-н унга мухолиф бўлган Пруссия ўртасидаги уруш. Уруш жараёнида Франциядаги иккинчи империя қулаган ва Германиянинг Пруссия атрофида бирлаштирилиши тугалланган. Седан жангида (1870.1—2.9) француз армияси тор-мор қилинган. Пруссия қўшинлари Франциянинг катта қисмини босиб олишган. 1871 й.даги Париж Коммунасини бостиришда қатнашишган. Ф.-П.у. Франкфурт сулҳ шартномаси (1871) б-н якунланган.

ФРАНЦИЯ-РОССИЯ УРУШИ, Ватан уруши (1812 й.) — рус халқининг *Наполеон I* босқинига қарши озодлик уруши. 1806—07 й.лардаги Франция-Россия урушида рус қўшинлари енгилгач, Тильзит сулҳ шартномасига кўра, Наполеон I Россияни Англияга қаратилган минтақавий қуршов тизимига аъзо бўлишга мажбур қилган. Россия Англия б-н савдо қилишдан маҳрум бўлиб қолганлиги боис унинг иқтисоди вайрон бўлган. 1810 й. дек.да рус божхона тарифи янги тартибда ислоҳ қилиниб, Россияга келтириладиган молларга, жумладан, Франциядан келтириладиган ипак, духоба, вино ва б.га бож солиғи оширилган. Бу Наполеон I нинг Россияга қарши урушга тайёргарлик кўришига туртки бўлган. 1812 й. бошида Наполеон I Россияга қарши биргалашиб урушиш мақсадида Австрия ва Пруссия б-н иттифоқ тузган. Наполеон I ўз иттифоқчиларининг ҳудудлари Россия ҳисобига кенгайтирилишига ваъда берган. Француз императорининг мақсади, Россияни бўлиб ташлаш, уни катта миқдорда уруш товони тўлашга мажбур қилиш, бу мамлакатни Франциянинг мустамлакасига айлантириш бўлган.

Россияга қарши юриш учун 1372 тўпга эга бўлган 640 минг кишидан иборат «буюк армия» тузилган. Уларнинг деярли ярмини чет элликлар (австрияликлар, немислар, поляклар, итальянлар, испанлар, швейцарияликлар, португаллар ва б.) ташкил қилган. Рус армиясида 591 минг киши бўлиб, уларда 1620 тўп бўлган. 1812 й. 12 июнда Наполеон I армияси Неман дарёсини кечиб ўтган. Ф.-Р.у.нинг ҳарбий ҳаракатларини 3 даврга бўлиш мумкин: 1 — уруш бошланишидан (июнь) *Бородино жанги*гача (сент.); 2 — Бородино жангидан (сент.) Наполеон I нинг Малоярославецдан чекинишигача (окт.); 3 — Наполеон I армиясининг ҳалокати ва уни Неман дарёсидан ўтиб, Россиядан қочиши (дек.). 18 авг.да Наполеон I Смоленскни штурм б-н эгаллаб, Москва томон йўл олган. Александр I 8 авг.да фельдмаршал М.И. *Кутузов*ни бош қўмондон этиб тайинлаган. 1812 й. 26 авг.да машҳур Бородино жанги юз берган. Бородино жанги Наполеон I армияси ҳалокатининг бошланиши бўлди. М.И. Кутузов армияни сақлаб қолиш ниятида Москвага чекинган ва Филида ҳарбий кенгашда (13 сент.) Москвани ташлаб кетиш ҳақида қарор қабул қилган. Наполеон I Москвага кирган кундан бошлаб (2 сент.) шаҳарда ёнғинлар бошланган. Озиқ-овқат, ем-хашак етишмаган ёки олиб кетилган. Наполеон I, 3 марта рус императорини сулҳ тузиш ҳақида музокара қилиб, унга ўз вакилларини юборган. Аммо Александр I сулҳ тузмаган. Тарутино қишлоғи яқинидаги жангда руслар ғолиб келганлар (17 сент.). Москвадаги ёнғин натижасида француз армиясини боқишнинг иложи бўлмаган. Босқинчиларга қарши рус халқининг озодлик кураши авжга чиққан. Наполеон I армияси танг аҳволга қолган. Россиядан қочаётган француз армиясини рус қўшинлари таъқиб қилган. Ғарбий Россия ўлкаларида қаҳратон совуқ бошланган. Ноябр ўртасида Наполеон I Березина дарёсидан ўтганда унинг «Буюк армия»сидан асар ҳам қолмаган. Наполеон I қўмондонликни Мюратга топшириб, ўзи Парижга равона бўлган. Бу урушда Наполеон I, 550 минглик қўшинидан маҳрум бўлган. Рус армиясининг талафоти 300 минг кишини ташкил этган. Бу уруш Европа халқларининг озодлик курашининг авж олишига туртки бўлган.

Ғофур Бобоев.

ФРАНЦИЯ КАМПАНИЯСИ (1940. 10.5 — 24.6) — 2-жаҳон уруши даврида Франциядаги ҳужумкорлик ҳаракатлари. Май ойида вермахт қўшинлари Люксембург ва Бельгия орқали ҳужум қилиб, Кале р-нида Ла-Манш соҳилига ёриб чиққанлар ва Англия—Франция—Бельгия гуруҳини Дюнкерк р-нида қуршаб олганлар.

1940 й. июнида Германия қўшинлари Франциянинг ички ҳудудига ҳужум қилиб, француз армиясини тор-мор келтирган. Мағлубиятга Франциянинг таслимчилик ҳукумати ва маршал А. Петен бошчилигидаги қўмондонликнинг хатти-ҳаракати сабаб бўлган. 22—24 июнда Франция фашистлар Германияси ва Италияга таслим бўлган.

ФРАНЦУЗ ТИЛИ — ҳинд-европа тиллари оиласининг роман гуруҳига мансуб тил; Франция, Франция Гвианаси, Гаити, Монако, Бенин, Буркина-Фасо, Габон, Гвинея, Конго Демократик Республикаси, Конго Республикаси, Кот д'Ивуар, Мали, Марказий Африка Республикаси, Нигер, Сенегал, Того, Чад давлатлари; Бельгия Қироллигининг расмий тили; Бельгия Қироллигининг, Канада, Швейцария Конфедерацияси, Камерун, Люксембург, Андорра, Мадагаскар, Бурунди, Руанда, Комор Ороллари Федератив Ислом Республикаси, Жибути, Вануату, Сейшел Ороллари давлатларининг расмий тилларидан бири. Италия ва АҚШнинг баъзи ҳудудларида ҳам тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 100 млн. кишидан ортиқ. Франциянинг ўзида 57 млн. кишидан ортиқроқ. БМТнинг расмий ва иш тилларидан бири.

Асосий лаҳжалари: франсиен (Ф.т.нинг тарихий негизи), шим. (Бельгиядаги норманд, пикард, валлон ва б.), ғарбий (анжуй, галло ва б.), жан.-ғарбий (пуатевин), марказий, жан.-шарқий (бургунд, франш-конт), шарқий (лотарингия, шампан), франк-провансаль.

Ф.т. истилочилар тили (лотин тили) ва Галлия туб аҳолиси тилларининг ўзаро таъсири жараёнида шаклланган. Ф.т. тарихи қуйидаги даврларга бўлинади: галл-роман (5—8-а.лар), эски француз (9—13-а.лар), ўрта француз (14—15-а.лар), илк янги француз (16-а.), янги француз-классик (17—18-а.лар) ва ҳоз. француз (19-а.дан). Ўрта асрларда умумфранцуз ёзма тили майдонга келади. 16-а.да миллий тил (1539 й.дан давлатнинг расмий тили) шаклланади. 17-а.да адабий тил меъёри барқарорлашди. 20-а.да адабий ва оғзаки нутқ ўртасида сезиларли фарқ пайдо бўлади. Дастлабки ёзма ёдгорликлари 8—9-а.ларга мансуб.

Фонетик хусусиятлари сифатида урғусиз, айниқса, сўз охиридаги унлиларнинг редукцияси, урғунинг асосан сўнгги бўғинга тушиши, урғу таъсирида унлиларнинг ўзгариши, унлилар ўртасидаги ва сўз охиридаги ундошларнинг тушиб қолиши ва б.ни кўрсатиш мумкин. Ф.т. морфологияси учун аналитизм характерлидир (мураккаб замон, нисбат, қиёсий даражаларнинг аналитик шакллари). Сўзларнинг морфологик жиҳатдан ўзгармаслиги кучайган. Бир қанча грамматик маънолар (жинс, сон, шахс)нинг ифодаланиши кўпинча синтаксис соҳасига кўчирилади, ёрдамчи сўзлар кенг қўлланади. Феъл соҳасида 4 майл, 5 нисбат ва кенг тармоқли замон шакллари мавжуд. Лексикасида галлардан сақланиб қолган сўзлардан ташқари франклар тилидан сақланиб қолган муайян қатлам ҳам мавжуд. Ф.т. ривожида адабий лотин тили катта роль ўйнаган: ундан кўплаб сўзлар, сўз ясаш қолиплари, синтактик тузилмалар ўзлашган.

Ёзуви бир қанча диакритик белгилар қўшилган лотин алифбоси асосида шаклланган. Ф.т. Бельгия, Швейцария ва Канадада миллий вариантлари. Африка мамлакатларида эса, асосан, фонетик ва луғавий ўзига хосликларга эга.

Ад.: Балли Ш., Общая лингвистика и вопросы французского языка, пер. с франц., М., 1955; Балли Ш., Французская стилистика, пер. с франц., М., 1961; Реферовская Е. А., Формирование романских литературных языков. Французский язык, Л., 1981; Гак В.Г., Теоретическая грамматика французского языка, ч. 1—2, М., 1986.

Абдукарим Мамадалиев, Йўлдош Мирзаев.

ФРАНЦУЗЛАР — халқ, Франциянинг асосий аҳолиси. 47 млн.га яқин киши (1990-й.лар ўрталари). Француз тилида сўзлашади. Диндорлари католиклар. Ф.нинг этногенезида мил. ав. 1-минг

Анъанавий кийимдаги бургунд қизи.

йиллик ўрталарида ҳоз. Франция ҳудудига келиб жойлашган кельт қабилалари (римликлар уларни галлар деб аташган) муҳим роль ўйнаган. Рим империяси Галлияни (ҳоз. Франция ҳудуди) босиб олгач (мил. ав. 58—52-й.лар), Ф. улар б-н аралашиб кетган. Галларнинг романлашиши б-н, уларнинг тили «лотин тили» бўлиб қолган. 5-а.да герман қабилалари — *вестготлар, бургундлар, франкларнинг* Галлияга бостириб кириши Ф.нинг этник тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган. *Франк давлати* ташкил топган. 9-а.да бу давлат *Буюк Карл* томонидан йирик империяга айлантирилган. 9-а.да Ф. халқ бўлиб шаклланган. 18-а. охиридаги *Буюк француз инқилоби* Ф.нинг миллат бўлиб шаклланишида ҳал қилувчи омил бўлган.

Ф.нинг аксарияти саноатда банд, қисман деҳқончилик б-н шуғулланади.

ФРАУНГОФЕР (Fraunhofer) Йозеф (1787.6.3, Штраубинг — 1826.7.6, Мюнхен) — немис физиги. Бавария ФА аъзоси (1823). Мустақил маълумот олган. Мюнхен мат. ва оптика ин-ти директори (1818 й.дан), Мюнхен ун-ти проф. Асосий илмий ишлари физик оптикага оид. Ф. Қуёш ва сайёраларнинг спектрларини ўрганган. Дисперсияни тадқиқ қилишда, ахроматик линза олишда муҳим ҳисса қўшган. Катта ахроматик объективлар тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, спектрометр, ахроматик микроскоп, окуляр микрометр ва гелиометрни ихтиро қилган. Қуёш спектридаги қора чизиқлар *(фраунгофер чизиқлари)*ни биринчи бўлиб ўрганган, тўлқин узунлигини ўлчаган. *Дифракцион панжара* ихтиро қилган ва уни параллел нурлар дифракциясини тадқиқ қилишда қўллаган.

ФРАУНГОФЕР ЧИЗИҚЛАРИ — *Қуёш* спектридаги ютилиш спектрал чизиқлари. Ёруғликнинг Қуёш ёки Ер атмосферасидаги ютилиши туфайли ҳосил бўлади (теллурий чизиқлар). Ф.ч.ни 1802 й.да биринчи марта инглиз физиги У. Уолластон кузатган, 1814 й.да немис физиги Й. *Фраунгофер* батафсил текширган ва баён этган, 1860 й.да Г. *Кирхгоф* назарий тушунтириб берган. Электромагнит тўлқинлар спектрининг инфрақизил, кўринувчи ва ультрабинафша соҳаларида 20 мингдан ортиқ Ф.ч. кузатилади. Улардан энг қисқасининг тўлқин узунлиги λ=155 нм. Ф.ч.нинг кўпчилиги маълум кимёвий элементларнинг спектрал чизиқлари б-н бир хил эканлиги аниқланган. Ф.ч.ни ўрганиш Қуёш атмосферасининг кимёвий таркибини, Қуёшдаги физик шароитлар ва ҳ.к.ни аниқлаш имконини беради.

ФРЕГАТСИМОНЛАР (Fregatidae) — денгиз сақоқушлари оиласи. Уз. 78—104 см. Тумшуғи узун, учи жуда эгилган, қанотлари узун (2 м гача) ва ингичка. Бармоқларида узун тирноқлари бор; сузгич пардаси фақат бармоқлари асосида ривожланган. Енгил ва чиройли учади. Дам олиш учун сувга қўнмайди (думғаза бези яхши ривожланмаган, қанотлари ҳўл бўлиб қолади). Океанлардаги оролларда 5 турни ўз ичига олган битта уруғи (фрегатлар) бор. Гуруҳ бўлиб дарахт, қоялар ёки ерга ин қуради. 1 та, баъзан 2 та тухум босади. Балиқлар ва денгиз умуртқасизлари б-н озиқланади. Ўлжасини пастлаб учиб сувдан ушлайди. Бошқа қушлар колонияси яқинида яшайди; уларнинг ўлжасини ва жўжаларини ўғирлайди. 2 тури Халқаро қизил китобга киритилган.

Фрегат

ФРЕЗА (франц. fraise) — металл ва металлмас материаллардан тайёрланган заготовкаларнинг юзаларига ишлов бериш, уларда тиш, резьба ўйиш ва б. учун мўлжалланган кўп тиғли кесувчи асбоб. Тишлар ўйилган сиртининг шаклига қараб, цилиндрик, дискли, бурчакли, торец, шаклдор; тишининг шаклига қараб, тўғри, винтли, кўп томонлама тишли; тишларининг тузилишига қараб, ўткир, қаторли; яхлит, таркибий, комплект, йиғма; маҳкамланишига қараб, ўтказиладиган, конуссимон ва цилиндрик думли; винт ариқчаларининг йўналиши бўйича чап ва ўнг ариқчали хилларга бўлинади. Ф. легирланган пўлат, тез кесар пўлат, асбобсозлик пўлатидан тайёрланади.

Фреза: *а* — цилиндрик; *б* — конуссимон қуйруқли; *в* — торец (ён) юзаларни фрезалайдиган қуйма пичоқли; *г* — червяк фрезалайдиган.

Ф. б-н фрезалашда фреза айланма, ишлов бериладиган заготовка илгарилама ҳаракат қилади. Фрезалашнинг хомаки ва тозалаб фрезалаш усуллари бор. Хомаки фрезалашда Ф.нинг айланиши суриш йўналишига тескари, тозалаб фрезалашда бир хилда бўлади. Фрезалаш ишлари *фрезалаш станоги*да бажарилади.

ФРЕЗАЛАШ СТАНОГИ — деталларнинг ташқи ва ички юзалари (текис ва шаклдор юзалар), ботиқлар ва чиқиқларга, айланувчи жисм сиртларига, резьба ва тишли ғилдирак тишларига *фреза* ёрдамида кесиб ишлов берувчи станок. Фрезалаш принципи 16-а.да *Леонардо да Винчи*нинг думалоқ эгов кўринишидаги фрезанинг эскизини чизишидан пайдо бўлган. 1665 й.да Пекинда айланувчи эгов ўрнатилган станок қурилганлиги маълум. Ҳоз. замон Ф.с.нинг нусхалари 19-а.да вужудга кела бошлаган.

Вазифаси ва тузилишига қараб Ф.с. бир неча хилга бўлинади.

Универсал Ф.с. консолли, шпинделининг ўқи горизонтал жойлашган бўлиб, унда фреза оправкасини тутиб турадиган осма бўлади. Турли хил фрезалар б-н ишлайди. Станокдаги буриладиган стол бўйлама, кўндаланг ва вертикал йўналишда силжийди. Горизонтал Ф.с. универсал Ф.с.га ўхшайди, аммо унинг столи бурилмайди. Вертикал Ф.с. шпинделининг ўқининг вертикал жойлашиши б-н горизонтал ва универсал Ф.с.лардан фарқ қилади. Бўйлама Ф.с. йирик габаритли заготовкаларга ишлов беришга мўлжалланган. Андаза б-н ишлайдиган Ф.с. турли текис профиллар (шаблонлар, кулачоклар ва б.)га ёки андаза (модель) бўйича фазовий-мураккаб юзаларга ишлов бериш учун хизмат қилади. Резьба Ф.с. тароқсимон, дискли, червякли, бармоқли фрезалар ёки махсус резьба каллаклари ёрдамида ташқи ва ички резьбалар чиқариш учун мўлжалланган. Шпонка Ф.с.дан шпонка ариқчалари очишда фойдаланилади. Бунда айланувчи фреза илгарилама-қайтма ҳаракат қилади; бир ва кўп шпинделли бўлади. Карусель Ф.с. қуйма, болғаланган ва штампланган заготовкаларга торец фрезалари б-н ишлов бериш учун хизмат қилади. Барабанли Ф.с. айни пайтда заготовканинг икки торец юзасини фрезалаш, ариқчалар очиш учун мўлжалланган. Саноатда дастур б-н бошқарилувчи турли Ф.с. лари қўлланилади.



Фрезалаш станоги: *а* — универсал консолли; *б* — вертикал.

Еточ ишлаш Ф.с.да фреза маҳкамланадиган айланувчи вертикал шпиндель мавжуд. Унда заготовкаларни кесиб ишлашда фойдаланилади. Оддий, карусель (бир ва икки шпинделли) ва андаза б-н ишлайдиган хиллари бор.

ФРЕЙБУРГ УНИВЕРСИТЕТИ, Альберт Людвиг номидаги Фрайбург университети — Германиядаги қад. университетлардан бири, 1457 й. эрцгерцог Альбрехт VI томонидан Альбертин номи б-н ташкил этилган. Таркибида теология, юридик, бадиий ва тиббиёт ф-тлари бўлган. Машғулотлар 1460 й.дан бошланган. 1620 й.дан муҳим лавозимларни иезуитлар эгаллаган. 1767 й. давлат ўқув юртига айланган. 19-а. бошларидан Альберт Людвиг номи б-н аталади (ун-тга баденлик герцог Людвиг катта ёрдам кўрсатган). Теология, ҳуқуқ, иқтисодиёт, тиббиёт, фалсафа, мат., физика, кимё, биол., фармакология, Ер ҳақидаги фан, ўрмон хўжалиги бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонаси (1974 й. ташкил этилган)да 2 млн.га яқин асар сақланади. 23 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

ФРЕЙД (Freud) Зигмунд (1856.6.5, Фрайберг, Австрия-Венгрия — 1939.23.9, Кемпстед, Буюк Британия) — австриялик психиатр врач, психолог. *Фрейдизм* асосчиси. 1902 й.дан Вена ун-ти проф., 1938 й.дан Англияда. Ф.нинг дастлабки тадқиқотлари бош мия физиологияси ва анатомиясига бағишланган. 19-а.нинг 80-й.ларида неврозлар муаммосига, 90-й.ларнинг ўртасидан бошлаб эса руҳий таҳлил (психоанализ) асосида неврозларни даволаш усулига эътиборини қаратди. Индивиднинг психосексуал ривожланиши назариясини такомиллаштирди, феъл-атворнинг шаклланиши ва унинг патологиясида болалик даври кечинмаларини асосий ўринга қўйди. Психоанализ қоидаларини инсоният маданиятининг турли соҳалари — мифология, фольклор, бадиий ижод, дин ва б.га жорий қилди. Ф.нинг баъзи фикрларини *неофрейдизм* инкор этади. Асосий асарлари: «Тушлар таъбири» (1900), «Кундалик ҳаёт психопатологияси» (1904), «Психоанализга кириш бўйича маърузалар» (1910), «Тотем ва табу» (1913), «Мен ва У» (1923), «Мусо ва тавҳид» (1939).

ФРЕЙДИЗМ — З. *Фрейд* фалсафий-антропологик ва психологик концепциясининг ва шу асосда ривожланган жами таълимотлар ва мактабларнинг умумий номи. Ф. инсон, жамият ва маданиятга тааллуқли ҳодисаларни тушунтириш учун Фрейднинг психологик таълимотини қўллашга ҳаракат қилади. Ф. инсондаги 2 хил инстинктга катта эътибор беради: биринчиси — ҳаётни давом эттиришга қаратилган жинсий инстинктлар, иккинчиси — ҳаётни барбод қилишга йўналтирилган вайронкор (деструктив) инстинктлар. Бу инстинктлар гуруҳининг ҳар бири ўз қувват манбаига эга. Биринчисиники — нафс (либидо), иккинчисиники — тажовузкорлик. Фрейдга кўра, инсон ҳаётида жинсий нафс ва тажовузкорлик қувватлари ижобий эврилишга учрайди, яъни ижтимоий-маданий қадриятлар яратишга қаратилади. Эврилишнинг турлари спортда, ақлий меҳнатда, ижодда ва б. соҳаларда намоён бўлади. Цивилизацияни айнан шу ижтимоий эврилишга дуч келган «тубан» биологик қувватлар яратади. Ф. вакиллари — А. *Адлер*, К.Г. *Юнг* ва б. 20-а.нинг 30-й.лари охирида *неофрейдизм* келиб чиқди. У психоанализ б-н АҚШ социологик ва этнографик назариялари қўшилиши жараёнида вужудга келди.

ФРЕНЕЛЬ (Fresnel) Огюстен Жан (1788.10.5, Брольи — 1827.14.7, Виль-д'Аврс, Париж яқинида) — француз физиги, Париж ФА аъзоси (1823), Лондон Қироллик жамияти аъзоси, тўлқин оптикаси асосчиларидан бири. Физикани мустақил ўрганган. Политехника мактабида (1806), сўнгра кўприклар ва йўллар мактаби (Париж)да ўқиган (1809). Илмий ишлари физик оптикага оид. *Интерференция* принципини қайта кашф қилди (1815). Гюйгенс принципини тўлдирди (*Гюйгенс—Френель принципи* 1816), ёруғлик дифракцияси назариясини ишлаб чиқди (1818), тўсиқ чети ва думалоқ тирқишдан *дифракция*ни кузатди. Ёруғлик тўлқинларининг кўндаланглигини исботлади (1821), нурнинг иккиланиб синишини, қутбланиш текислигининг бурилишини тушунтириб берди. Икки муҳит чегарасидан ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонунларини топди.

ФРЕНЕЛЬ ДИФРАКЦИЯСИ — сферик ёруғлик тўлқинининг экрандаги тешикдан бўладиган *дифракцияси*. Бунда тешикнинг радиуси Френелнинг биринчи зонаси радиуси тартибида бўлиши керак: $r=\sqrt{\frac{ab}{a+b}\lambda}$, бунда a — ёруғлик манбаидан тешиккача бўлган масофа; b — тешикдан кузатиш нуқтасигача бўлган масофа; l — ёруғлик тўлқини узунлиги. О.Ж. *Френель* шарафига қўйилган (яна қ. *Ёруғлик дифракцияси*).

ФРЕНЕЛЬ ЗОНАЛАРИ — фазонинг берилган *(P)* нуқтасидаги тўлқин амплитудасини аниқлашда ҳисоблашларни соддалаштириш учун ёруғлик тўлқин сирти бўлинадиган ҳалқасимон соҳа (зона)лари. Монохроматик ёруғлик тўлқинининг *Q* манбадан P кузатиш нуқтасига тарқалишини кўрайлик (расм). *Гюйгенс — Френель принципи*га кўра, *Q* манбадан *P* нуқтага келаётган тўлқинни қўшимча *S* сиртда жойлашган ҳаёлий манбалардан келаётган тўлқинлар йиғиндиси билан алмаштирилади. *S* сирт сифатида *Q* дан келаётган сферик тўлқин сирти олинади. Бунда *S* сирт, ҳар бир зона четларидан P нуқтагача бўлган масофалар λ/2 га фарқланадиган ҳалқасимон зоналарга бўлинади (λ — тўлқин узунлиги). Юзлари ўзаро тенг бўлган бундай зоналар Ф.з. деб аталади. m — Ф.з.нинг радиуси ($ml \ll b$ ҳолда) $r_m=\sqrt{\frac{mb}{a+b}\lambda}$ формула б-н аниқланади. Қўшни Ф.з.дан келаётган тўлқинлар *P* нуқтада бир-бирини йўқо-



Френель зоналари: *Q* — тўлқин манбаи; *S* — тўлқин сирти; *P* — тўлқинсимон жараённинг хусусияти аниқланадиган нуқта; λ — тўлқин узунлиги.

тали. Агар *S* сирт ўрнига маркази *O* нуқтада бўлган доиравий тешикли тўсиқ қўйилса, тешикка жуфт сондаги Ф.з. тўлиқ жойлашган ҳолда *P* нуқтада қоронғилик кузатилади; тешикка тоқ сондаги Ф.з. тўлиқ жойлашган ҳолда эса *P* нуқтада тўлқин амплитудаси энг катта бўлиб, у тўсиқ умуман бўлмаган ҳолдагидан 2 марта катта бўлади ($r_0 \ll b$ ҳолларда). Ф.з. усули оптика, радио ва товуш тўлқинларини ўрганиш ва б.ла қўлланади.

ФРЕНОЛОГИЯ (юн. phren — ақл ва ...*логия*) — инсон руҳий хусусиятлари б-н унинг калла суяги тузилиши ўртасида боғланишлар бор, деб ҳисобловчи таълимот. Асосчиси — немис шифокори Франц Галль (1758—1828). 19-а.нинг 1-ярмида кенг тарқалган. Ф. қобилиятлар одам бош миясининг турли қисмларида жойлашган бўлади, деган фикрни илгари сурган. Ақлий сифатлар катта ярим шарлардаги изчалар орқали изоҳланган. Галль мия харитасини тузиб, унда ҳар бир қобилиятнинг махсус органини тасвирлаб берган. Ф. таълимотига кўра, мия айрим қисмларининг ривожланиши калла суяги шаклига таъсир кўрсатади ва унинг тегишли қисмини қабариқ шаклга келтиради. Ф. 19-а.да руҳий ташхис услуби сифатида кенг қўлланилган. 1870 й.да Фрич ва Гитциг томонидан миянинг турли қисмларида руҳий ҳаракат марказлари мавжудлиги тўғрисидаги қонуниятнинг кашф этилиши Ф.нинг яроқсизлигини кўрсатди.

Эркин Ғозиев.

ФРЕОНЛАР — ёғ қатори углеводород фторидлар ва углеводород фторхлоридлар гуруҳи. Ф. сувда эримайдиган, органик эритувчилар ва кўпгина сурков мойларида эса яхши эрийдиган газсимон ёки суюқ моддалардир. Ф. нисбатан кимёвий инерт, ҳаво б-н портловчи аралашмалар ҳосил қилмайди, ёнмайди, лекин аланга таъсирида парчаланиб заҳарли дифтор- ва фторхлорфосгенга айланади. Ф. сульфат кислота ва концентрланган ишқорлар таъсирига чидамли, техникада қўлланадиган кўпгина металл ва қотишмалар (латун ва магний асосидаги қотишмалардан ташқари) б-н реакцияга киришмайди. Ф. водород фторид ёки сурма фторидларга тегишли углеводород хлоридлар таъсир эттириб ҳосил қилинади. Совитиш машиналарида совиткич модда ўрнида (мас., CCl_3F, CCl_2F_2 ва б.), ёнғинни ўчиришда (мас., $CBrF_3$), баъзи Ф. олефин фторидлар ва улар асосида полимерлар олишда хом ашё сифатида қўлланади.

ФРЕСКА (итал. fresco — янги) — рангтасвир асари яратиш усули; асарлари янги нам сувоққа қуриганда юпқа шаффоф кальций карбонат қатлами ҳосил қилувчи сувли ёки оҳак суви қўшилган бўёқларда ишланади. Бунда бўёқлар мустаҳкамланиб, Ф.нинг узоқ сақланишини таъминлайди. Шу усулда яратилган рангтасвир асари ҳам Ф. деб аталади. Меъморлик б-н боғлиқ ҳолда монументал композицияларни яратиш имконини берувчи Ф. *деворий рассомлик*нинг асосий усулларидан. Ф. учун сувоқ асос бир неча қатлам — 1 қисм сўндирилган оҳак ва 2 қисм минерал тўлдирувчилар (қум, оҳак, ғишт ёки сопол кукунлари)дан иборат бўлади, баъзан сувоқни ёрилишдан сақлайдиган органик моддалар (сомон, пўкак, каноп ва ҳ.к.) қўшилади. Одатда, оҳак б-н кимёвий реакцияга киришмайдиган бўёқлар ишлатилади. Ф. ранг тусларининг барча имкониятларини юзага чиқаради, фақат бунда бўёқлар қуриганда ўта оқаришини назарда тутиш керак. Ўсимлик бўёқлар қуруқ сувоққа елим ёрдамида ёткизилади. Ф.да *лессировка* муҳим роль ўйнайди, бироқ кўп бўёқ қатламида ранг хиралашади ва оқаради. Ф.дан ташқари қуруқ сувоққа ишланадиган рангтасвир усули (а секко) ҳам қадимдан маълум бўлган.

Ф. мил. ав. 2-минг йилликдан маълум; эгей санъатида тарқалган, антик бадиий маданиятда юксак даражада ривожланган. Милоднинг дастлабки асрларида Ф.га яқин бўлган бўяма деворий расмлар Шарқ (Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва б.) халқларида яратила бошланди. Антик давр усталари Ф.ни, одатда, *темпера* ёрдамида тугатганлар; бу усул Ўрта асрлар Ф.си (Византия, Қад. Русь, Италия ва б.)га ҳам хос бўлган. Уйғониш даврида италиялик рассомлар (*Жотто, Мазаччо, Рафаэль, Микеланжело* ва б.) ижодида Ф. янги тараққиёт босқичига кўтарилди, 16-а.дан темпера қўлланилмаган «соф» Ф. тарқалди. 20-а.нинг илғор рассомлари (Италияда А. Боргонцони, Мексикада Д. Ривера, Россияда В.А. Фаворский ва б.) Ф.да ижод қилди, Ф. палитраси кўпгина янги синтетик бўёқлар б-н бойиди.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан қуруқ сувоққа ишланадиган Ф. усулига яқин деворий расмлар яратилган (*Афросиёб деворий расмлари* ва б.). 20-а.дан Ф. кенг тарқалди. Ф. санъатининг Ўзбекистонда ривожланишига Ч. *Аҳмаров*, Н. *Кашина*, А. Ган ва б. катта ҳисса қўшди.

Тошкентдаги Навоий номидаги театр фойесига ишланган фреска (Ч.Аҳмаров асари).

ФРЕСКОБАЛЬДИ (Frescobaldi) Жироламо (1583.9.9, Феррара — 1643.1.3, Рим) — итальян композитори ва орган ижрочиси. 1608 й.дан авлиё Петр ибодатхонасида (Рим) органчи. *Полифония* («эркин услуб») ва *фуга* ривожига катта ҳисса қўшган. Италия орган мактаби асосчиси («италиялик *Бах*» номига сазовор бўлган). Орган ва клавесин учун турли асарлар, мадригаллар, 2 месса ва б. диний асарлар ёзган.

ФРИГИЙ ТИЛИ — Қадимги Кичик Осиёнинг шим.-ғарбий қисмида яшаган, мил. ав. 2-минг йиллик — 1-минг йилликнинг бошида шу ерга кўчиб ўтган ҳинд-европа қабилалари — фригияликлар тили; ҳинд-европа тиллари оиласи таркибида алоҳида гуруҳни ташкил этади. Кичик Осиёдан топилган, 2 даврга мансуб ёдгорликлар ҳамда юнон ва рим муаллифлари асарларидаги изоҳ сўзлар орқали маълум. Қад. фригий матнлари диний ёдгорликлар ва сопол буюмларда бўлиб, мил. ав. 8—3-а.ларга мансуб (улар 200 тадан ортиқ; қад. юнон алифбосига ўхшаш ҳарфий алифбода ёзилган). Янги фригий матнлари қабртош ёзувларидан, юнонча марсиялар охиридаги қарғиш, лаънат ифодаларидан иборат. Улар 100 тадан ортиқ бўлиб, мил. 2—3-а.ларга мансуб ва юнон ёзувида битилган. Ф.т.нинг юнон (грек) тили, ҳинд-эрон тиллари, арман тили б-н, шунингдек, албан тили, болтиқ ва славян тиллари б-н нисбатан яқин алоқалари аниқланган; ўзига хос фонетик, лексик-грамматик хусусиятлари тавсиф этилган. Ф.т.даги ёдгорликларни тўплаш ва изоҳлаш 19-а.дан бошланган. Дастлабки мунтазам нашрлари америкалик У.Рамсей, инглизлик У.М. Колдер ва германиялик И.Фридрихлар томонидан амалга оширилган.

ФРИГИЯ (Phrygia) — Кичик Осиёнинг шим.-ғарбий қисмидаги қад. мамлакат. Аҳолиси мил. ав. 15—13-а.ларда Европадан кўчиб келган ҳинд-европа қабилалари — фригияликлар. Ф. мил. ав. 13-а.да юнонларга қарши курашда *Троя*га ёрдамлашган. Мил. ав. 10—8-а.ларда пойтахти Гордион ш. бўлган подшолик вужудга келган. Мил. ав. 546 й. форслар, мил. ав. 333 й. *Александр*га тобе бўлган. Мил. ав. 133 й. Ф.нинг бир қисми римликлар қўл остига, шарқий қисми Галатия провинцияси таркибига ўтган. Византия империяси даврида Ф. географик ва сиёсий мавқеини йўқотган.

ФРИДЕЛЬ (Friedel) Шарль (1832.12.3, Страсбург — 1899.20.4, Монтобан) — француз органик-кимёгари ва минералоги. Париж ФА аъзоси (1878 й.дан), Петербург ФА хорижий мухбир аъзоси (1894 й.дан). Страсбург ун-тини тугатган (1852). Париж ун-ти проф. (1876 й.дан). Асосий илмий тадқиқотлари органик синтезга оид. Илк бор ацетофенон (1857), сут кислота (1861), иккиламчи пропил спирт (1862), глицерин (1873) ва б.ни синтез қилган. Ароматик бирикмаларни алкил- ва ацилгалогенидлар б-н алюминий хлорид иштирокида алкиллаш ва ациллаш усулини кашф этган (*Фридель—Крафтс реакцияси*). Сунъий усулда кварц, рутил, топаз ва б. минералларни олган.

ФРИДЕЛЬ — КРАФТС РЕАКЦИЯСИ — ароматик бирикмаларни кислотали катализаторлар иштирокида алкиллаш ёки ациллаш. Бензолнинг этил хлорид ва ацетил хлорид б-н аммоний хлорид иштирокида конденсатланиши Ф.—К.р.га мисол бўла олади:



Ф.—К.р. ароматик ядрода электрофиль алмашинишини яққол намоён қилади. $AlCl_3$ дан ташқари, катализатор сифатида Льюис кислоталари — BF_3, $ZnCl_2$, $FeCl_3$, SbF_5, $TiCl_4$, $HgCl_2$, протон кислоталар — HF, H_2SO_4, H_3PO_4, кислотали оксидлар, сульфидлар, шунингдек ион алмашинувчи смолалар қўлланиши мумкин. Ф.—К.р.дан, асосан, этилбензол ва унинг гомологларини саноатда синтез қилишда фойдаланилади. Реакцияни Ш. *Фридель* ва Ж.Крафтс 1877 й.да кашф этган.

ФРИДМЕН (Fridman) Милтон (1912.31.7, Нью-Йорк) — америкалик иқтисодчи, иқтисодий назарияда Чикаго мактабининг етакчи вакили. Ратгерс ун-тини тугатган (1932). Фалсафа (1946) ва ҳуқуқ (1968) д-ри. Чикагодаги ун-тда иқтисодиёт проф. (1948 й.дан). 1971—74 й.ларда АҚШ президенти Р. *Никсон*нинг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси. Асосий илмий ишлари пул муомаласи назарияси ва амалиёти масалаларига бағишланган. Ф. макроиқтисодиётда *монетаризм* йўналиши асосчиси, миллий даромаднинг монетар назариясини ва АҚШнинг деярли 100 йиллик пул муомаласи тарихини ўрганиб пулнинг миқдорий назариясини асослаб берган. *Кейнсчилик*ка қарши бўлган Ф. тадбиркорлик эркинлиги, бозор механизмларининг ўзи давлат иқтисодиётга фаол аралашмаган ҳолларда ҳам такрор и.ч.нинг ўз меъёрида боришини таъминлайди деб қараган. Ф. нуқтаи назарига кўра, давлатнинг вазифаси муомаладаги пул миқдори ўсишини тартибга солиш б-н чегараланиши лозим. Асосий асарлари: «Инфляцияни бартараф этишда солиққа тортиш», 1943; «Позитив иқтисодий назария очерклари», 1953; «Истеъмол функциялари назарияси», 1957; «Нархлар назарияси», 1962; «Америка Қўшма Штатларида пул муомаласи тарихи, 1867—1960 йиллар», 1963; «Инфляция сабаблари ва оқибатлари», 1963. Нобель мукофоти лауреати (1976).

ФРИДРИХ I Барбаросса (Friedrich Barbarossa, айнан — қизил соқолли) (тахм. 1125—90) — Германия қироли (1152 й.дан), Штауфенлар сулоласидан бўлган «Муқаддас Рим империяси» императори (1155 й. дан). Шим. Италия шаҳарларини тобе эттиришга ҳаракат қилган, бироқ Леньяно жангида (1176) Ломбардия лигаси қўшинларидан мағлубиятга учраган.

ФРИДРИХ ВИЛЬГЕЛЬМ (Friedrich Wilhelm) (1620—88) — Бранденбург курфюрсти (1640 й.дан), Гогенцоллерлар сулоласидан бўлган «Буюк курфюрст». Унинг даврида Бранденбург Пруссия герцоглигини (унгача — Польша лени бўлган) ва б. ерларни узил-кесил қўшиб олган. Прус абсолютизмига асос солган.

Фридрих Вильгельм I (1688—1740) — Пруссия қироли (1713 й.дан); Гогенцоллерлар сулоласидан. «Тахтдаги фельдфебель» лақабини олган.

Фридрих Вильгельм II (1744—97) — Пруссия қироли (1786 й.дан); Гогенцоллерлар сулоласидан. 1792 й. инқилобий Францияга қарши Австрия б-н иттифоқ тузган.

Фридрих Вильгельм III (1770—1840) — Пруссия қироли (1779 й.дан); Гогенцоллерлар сулоласидан. 1807 й.даги Тильзит сулҳига кўра, Наполеон I га Пруссия ҳудудининг ярмини берган.

Фридрих Вильгельм IV (1795—1861) — Пруссия қироли (1840 й.дан); Гогенцоллерлар сулоласидан. Руҳий касаллиги туфайли 1857 й.дан давлат ишларидан четлашган.

ФРИДРИХ II Штауфен (Friedrich Staufen) (1194—1250) — Германия қироли (1212 й.дан), «Муқаддас Рим империяси» императори (1220 й.дан), Сицилия қироли (1197 й.дан). Сицилия қироллигини марказлашган давлатга айлантирган. Папалик ва Шим. Италия шаҳарлари б-н кураш олиб борган.

ФРИДРИХ II (1712.24.1, Берлин — 1786.17.8, Потсдам) — Пруссия қироли (1740 й.дан). Гогенцоллерлар сулоласидан. Қирол Фридрих Вильгельмнинг ўғли. Йирик саркарда. Ёшлигида француз маърифатпарварлари таъсирида бўлган. Айни вақтда прусс ҳарбий-бюрократик милитаризмининг энг изчил вакилларидан. 1740 й. Ф.II Австрияга тегишли Силезияга бостириб кириб, бир неча бор уруш қилган. 1-Силезия уруши (1740—42) ва 2-Силезия уруши (1744—45) натижасида муҳим иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган бу ўлкани ўзига тобе қилган. 1756—63 й.лардаги *Етти йиллик уруш*да Австрия ва Франция қўшинларига бир неча марта зарба берган. Ф. II ўзини санъатни қадрловчи ва ҳомийси қилиб кўрсатган. Бир қатор фалсафий ва тарихий асарларнинг муаллифи бўлган. Асарларини, асосан, француз тилида ёзган. Абсолютизмни мустаҳкамлаш юзасидан Ф.II бир неча ислоҳотлар ўтказган.

Ф. II даврида Пруссия буюк давлатлар қаторига чиққан, унинг ҳудуди 2 баробар кўпайган. Аммо зулм ва расмиятчиликка асосланган бу давлат мустаҳкам бўлмаган. Ф. II вафотидан сўнг кўп ўтмай Пруссиянинг Франция б-н олиб борган урушларида бу аҳвол очиқ намоён бўлган.

ФРИЗ (франц. frise, итал. fregio — безак) — 1) *меъморлик ордерларида антаблементнинг* архитрав б-н карниз оралигидаги ўрта горизонтал қисми. Кўпинча тасмасимон *рельеф* ёки бўяма нақш ва тасвирлар б-н безатилади, безаксиз ҳам бўлиши мумкин; 2) амалий безак санъатида бино деворининг тепа қисми ёки поли юзасига, гилам ва б.га ҳайкалтарошлик, рангтасвир, кўпинча нақкошлик усулида горизонтал ишланган безак ҳошия.

ФРИЗ ОРОЛЛАРИ — Шимолий денгиздаги бир гуруҳ кумли ороллар, Нидерландия, ГФР ва Дания таркибида. Нидерландиядаги Ютландия я.о.гача тахм. 250 км га чўзилган бўлиб, Ғарбий, Шарқий ва Шимолий Ф.о.га бўлинади. Материкдан ваттлар йўлаги б-н ажралган. Қатор тепалар (бал. 20 м гача), пересхзор ва қарағай ўрмонлари бор. Резерватлар ташкил этилган. Иқлим курорти кўп.

ФРИЗ ТИЛИ — герман тилларининг ғарбий гуруҳчасига мансуб, Нидерландиянинг Фрисландия вилоятида, Ғарбий Фриз о.ларида ва Германиянинг Қуйи Саксония (Затерланд) ерида, Шлезвиг шим.-ғарбида, Шим. Фриз о.ларида, Гельголанд о.да тарқалган тил; асосан, оғзаки мулоқот тили сифатида қўлланади. Сўзлашувчиларнинг умумий сони Нидерландияда 400 минг, Германияда 20 минг кишидан ортиқ (ўтган асрнинг 90-й.лари).

Ф.т. заҳжалари 3 та: ғарбий (Фрисландия), шарқий (Затерланд) ва шим. (Шлезвиг). Фрисландия шаҳарларида «шаҳар Ф.т.» варианти — нидерландча тилининг сезиларли таъсири бўлган вариант тарқалган. Генетик жиҳатдан қад. инглиз тили б-н узвий боғлиқ. Ф.т.нинг фонологик тизимида вокализм анча ривожланган. Отларда 2 та жинс мавжуд. Кучли ва кучсиз феъллар фарқланади. Илк ёзма ёдгорликлари 13-а.га мансуб, 16-а.дан барча расмий доираларда нидерланд тили қўллана бошлади, Ф.т., асосан, оғзаки муомала тилига айланди. Кейинги ўн йилликларда Нидерландия мактабларида Ф.т. ихчил равишда ўқитила бошлади, кўплаб адабиётлар, даврий матбуот нашр этилди. Ёзуви лотин графикаси асосида.

ФРИЗЛАР — Нидерландиядаги (400 минг киши) ва Германиядаги халқ. Умумий сони 410 минг киши (1990-й.лар ўрталари). *Фриз тилида* сўзлашади. Диндорлари — кальвинистлар, бир қисми католиклар. Асосий машғулотлари — қ.х. ва балиқ овлаш. Нидерландиядаги Ф. *голландлар*га яқин бўлишларига қарамай ўзига хос маданий анъаналарини сақлаб қолишган.

ФРИКЦИОН УЗАТМА — бир-бирига сиқилиб айланадиган дисклар, цилиндрлар, конуслар ва б. орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи ҳисобига айланма ҳаракат узатиладиган ёки ўзгартириладиган механик узатма. Ф.у. ўқлари параллел ва кесишувчи валлар орасида ҳаракат узатиш, айланма ҳаракатни винтли ва илгарилама ҳаракатга айлантириш учун ишлатилади. Ф.у. ўзгармас ва ўзгарувчан узатиш нисбатида ишлайди. *Узатиш нисбати* ўзгармас бўлган Ф.у. сиқувчи кучи ҳосил қилиш қийин бўлмаган асбобларда ишлатилади. Машинасозликда, кўпинча, узатиш нисбати ўзгарувчан Ф.у. ишлатилади. Буларнинг айланиш тезликлари поғонасиз тарзда (айланувчи жисмлар радиусини катталаштириб ёки кичрайтириб) ўзгартирилади. Поғонасиз Ф.у. дискли, конуссимон, шарли ва торецли хилларга бўлинади. Ф.у. асбоблар, станоклар, юк кўтарувчи ҳамда транспорт машиналари ва б.да қўлланади.



Фрикцион узатма (ўзгармас узатиш нисбатида ишлайдиган): *а* — айланма ҳаракатни узатиш учун; *б* — айланма ҳаракатни винтсимон ҳаракатга узатиш учун; *в* ва *г* — айланма ҳаракатни илгарилама ҳаракатга узатиш учун.

ФРИСТАЙЛ (инг. free — эркин, style — усул) — тог чанғи спорти тури. Ф.нинг 3 та тури бор: могул, чанғи балети, чанғи акробатикаси. *Могул* — паст-баланд трассадан тог чанғисида тез тушиш; *чанғи балети* — тепаликдан турли шакллар (қалампар, айланишлар, бурилишлар ва б.) бажариб тушиш; *чанғи акробатикаси* — 2 м. ли трамплиндан бир неча акробатик шаклларни бажариб (сальто, пируэтлар ва б.) сакрашдан иборат. Спортчилар бажарган элементларнинг оғир-енгиллиги ва ижросининг аниқлиги, шунингдек, артистик маҳорати ҳакамлар томонидан баҳоланади.

Ф. чанғичиларнинг дам олиш тури бўлган. Томошабоплиги учун чанғи бўйича ўтказиладиган талабирларга киритиларди. Ф. бўйича биринчи мусобақа 1971 й.да АҚШнинг Нью-Хампшир ш. ҳудудида ўтказилган. 1978 й.да Халқаро чанғи спорти федерацияси қошида Ф. бўлими очилган, унга 100 дан ортиқ давлат аъзо (2004). Бу бўлим 1978 й.дан жаҳон кубоги, 1986 й.дан жаҳон чемпионатини ўтказиб келади. 1992 й.да могул, 1994 й.да чанғи акробатикаси олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олди. Ф. АҚШ, Канада, Австралия, Германия, Франция ва Скандинавия давлатларида ривожланган.

Ўзбекистонда Ф. 20-а.нинг 90-й.ларидан бошлаб оммалашди. Васила Семенчук 1991 й.да жаҳон чемпиони бўлди. Унинг талабаларини *Л. Чернова* давом эттирди. Сергей Бренер, Лариса Уводова, Ирина Черникова каби спортчилар қитъа мусобақаларида муваффақиятли қатнашишган. Ўзбекистон Ф. федерацияси 1992 й.да тузилган, ўша йили халқаро ташкилотга қабул қилинган. Тошкентдаги қишки спорт турларига ихтисослашган мактабда Ф. бўлими фаолият кўрсатади. 4 нафар мураббий 800 дан иёд шуғулланувчига Ф.дан сабоқ беради.

Фритаун шаҳри кўчаларида.

ФРИТАУН — *Сьерра-Леоне* пойтахти. Вестерн Эрио я.о.нинг шим. чеккасида жойлашган. Аҳолиси 670 минг кишн (1990-й.лар ўрталари). Ф. — мамлакатнинг савдо-саноат ва молиявий маркази. Атлантика океани соҳилидаги йирик порт, четга пальма ёнғоғи, мойи, какао ва олмос чиқарилади. Кема верфи, олмосга сайқал бериш ф-каси, шакар-қанд, кислород, цемент, нефтни қайта ишлаш з-длари мавжуд. Ун-т, коллежлар, миллий музей, кутубхоналар бор. Шаҳарга 1792 й.да инглизлар томонидан асос солинган. 1961 й. 27 апр.дан мустақил Сьерра-Леоне давлати пойтахти.

ФРИТТЛАР (итал. fritta, frigo — қовураман, қуритаман) — шиша ёки керамиканинг микроэлементлар (бор, рух, марганец, молибден, мис, темир) б-н қотишмаси ҳолидаги микроўғит. Таъсир этувчи моддалар миқдори Ф. тайёрлаш технологиясига боғлиқ. Кўпроқ концентрланган борли Ф.да 6% гача, мисли Ф.да 15,2% гача, рухли Ф.да 19% гача, марганецли Ф.да 26% гача, молибденли Ф.да 4,5% гача микроэлемент бўлади. Ф. ўсимликлар микроэлементлар б-н бир текисда озиқланадиган маълум бадир. Ф. тупроқда секин эрийди (нордон муҳитда тезроқ), микроэлементлар ювилиб кетмаслиги сабабли ўсимликлар бир неча йил давомида ўзлаштиради. Ф. усимлик ўсишини, маҳсулот сифатини яхшилайди, баъзи ферментлар, мас., аскорбинокислага, пероксидаза, полифенолоксидазалар фаоллигини оширади, бари тўқималарнинг оксидланишини камайтиради. Жуда майдаланган Ф. тупроққа асосий ишлов беришда ёки экиш пайтида органик ва минерал ўғитлар б-н бирга солинади.

ФРИУЛЛАР (ўзларини фурланлар деб аташади) — Италиядаги халқ (720 мин кишн; 1990-й.лар ўрталари). Ретороман тилида сўзлашади. Диндорлари — католиклар.

ФРИШ (Frisch) Карл фон (1886. 20.11, Вена — 1982.12.6, Мюнхен) — немис физиологи ва этологи. Вена ун-тининг тугатган (1910), Мюнхен ун-ти проф. (1950 й.дан). Илмий ишлари балиқлар ва ҳашаротларнинг сезиш органларини ўрганишга онд. Асаларининг физиологик ва биологик хусусиятларини тадқиқ қилган. «Асаларилар рақси» номли асарида (1942) асалариларнинг бир-бирига ахборот бериш, учиш йўналишини, бирор мақсадга учиб бориб қўниш жойигача бўлган масофани белгилаш механизмини таърифлаб берган. Нобель мукофоти лауреати (1973, К. Лоренц ва Н. Тинберген б-н ҳамкорликда).

ФРИШ (Frisch) Ратнер Антон Китиль (1895.3.3 — Осло — 1973.31.1) — норвег иқтисодчиси. Норвегия ФА аъзоси (1931). Осло ш.даги ун-тда ўқиган. Осло ун-ти ҳузуридаги Иқтисодиёт ин-ти директори (1931—1965); Йель (1930), Сорбонна (1933) ун-тларида иқтисодиёт бўйича лекциялар ўқиган. Иқтисодий назарияда математик йўналиш вакили. *Эконометрика* асосчиси, биринчилардан бўлиб макро- ва микроиқтисодий таҳлил соҳалари чегараларини кўрсатди, иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда қўлланиладиган иқтисодий циклнинг динамик моделини яратган. Иқтисодий-математик программалаштириш усулларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий режалаштиришда қарорлар қабул қилиш моделини ишлаб чиқди. Ф. таклиф этган иқтисодий ўсиш усуллари ва моделлари, шунингдек, *миллий ҳисоблар*ни тузиш тартиблари Норвегия ва б. мамлакатларнинг бюджет, статистика органларн фаолиятида кенг қўлланилган. Иқтисодиёт соҳасидаги биринчи Нобель мукофоти лауреатларидан бири (Я. *Тинберген* б-н бирга, 1969).

ФРОММ (Fromm) Эрих (1900.23.3, Франкфурт-Майн — 1980.18.3, Муральто, Швейцария) — немис-америкалик психолог, социолог, *неофрейдизм* асосчиси. 1929—32 й.ларда Франкфурт-Майндаги Ижтимоий тадқиқотлар ин-тида ишлаган. 1933 й. АҚШга муҳожир бўлиб кетган, ҳаётининг сўнгги ўн йилида Швейцарияда яшаган. Фалсафа, психология, антропология, дин социологияси ривожланишига катта ҳисса қўшган. Ўз таълимотини «гуманистик психоанализ» деб атаган. Фрейд биологизмидан чекиниб, шахс шаклланишида психологик ва ижтимоий омилларда психологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро алоқаларини очиб беришга интилган. Гуманизм нуқтаи назаридан психоанализик ижтимоий соғломлаштириш усуллари ёрдамида, хусусан, АҚШ да, ҳар томонлама уйғун бўлган, «соғлом жамият»ни вужудга келтиришни таклиф этган. Асосий асарлари: «Эркинлик-лиф этган. Асосий асарлари: «Эркинликдан қочиш» (1941), «Психоанализ ва дин» (1950), «Унутилган тил» (1951), «Севиш санъати» (1956), «Инсон қалби» (1964), «Инсон вайронкорлигининг анатомияси» (1973), «Эга бўлмоқ ёки бор бўлмоқ» (1976).

ФРОНДА (франц. fronde, айнан — праҳмон, сопқон) — 1) 1648—53 й.ларда Францияда абсолютизмга, Ж. Мазарини ҳукуматига қарши ижтимоий ҳаракат; §з таркибига турли социал табақаларни қамраб олган (парламент Ф.си, «шаҳзодалар» Ф.си»); 2) асосан, шахсий ёхуд гуруҳий характерга оид принципиал бўлмаган мухолифат.

ФРОНТ (франц. front, лот. frons — пешона, олд томон) (ҳарбий ишда) — 1) одатда, уруш бошланиши б-н қўролли кучлар барпо этилган оператив-стратегик бирлашма; 2) ҳарбий ҳаракатлар майдонидаги қўшинлар олд бўлинмаларининг ёйилиш ва душман б-н тўқнашув чизиғи; 3) сафининг ҳарбий хизматчилар юзланган (машиналарнинг олд) томони.

ФРОНТ ОРТИ — 1) урушаётган мамлакатнинг ҳарбий ҳаракатлар зонасидан ташқари барча ҳудуди, унинг аҳолиси, иқтисодий ресурслари; 2) сафининг орқа, фронтга тескари томони ёки бир қисми.

ФРОНТИСПИС (лот. frontis — олд томон ва spicio — қарайман), *саррасм* — китоб варағининг чап томонида берилган безакли саҳифа. Унда асарнинг асосий гояси ифодаланган безак, айрим ҳолларда эса муаллиф ёки китоб бағишланган шахс раеми берилади.

ФРОНТИТ [лот. frons (frontitis) — пешона] — пешона бўшлиғи шиллиқ қаватининг яллиғланиши. Ўткир ва сурункали кечади.

Ўткир Ф., асосан, грипп, шамоллаш ва б. юқумли касалликларнинг асорати сифатида пайдо бўлади. Унда пешонанинг касалланган соҳаси бир оз шишиб, оғрийди, бемор дармонсизланади, бурунидан нафас олишга қийналади, ҳарорати кўтарилади. Ўткир Ф. яхши даволанмаса, сурункали Ф.га айланади. *Сурункали Ф.*да пешона ва юқори қовоқлар оғрийди, бурун шиллиқ қаватидан седга ўхшаш суюқлик келади; бурун гиперплазияси, грануляция ва полиплар ҳосил бўлади.

ФРОНТОН (франц. fronton — пешона, олд томон) — бинонинг бош тарзи, портик, устунларнинг тугалланиш қисми; учбурчак, айрим ҳолларда ёйсимон шаклда бўлади. Юқоридан том қирралари, пастдан карниз б-н чегараланади. Ф. юзаси *(тимпан)* кўпинча ҳайкаллар, бўртма тасвирлар б-н безатилади. Бино эшик ва деразаларининг тепа қисмида Ф. шаклидан безак мақсадларида фойдаланилади. Кўп қаватли биноларнинг юқори қаватлари деворидан бўртиб чиққан эшик, дераза, айвонлар тепасидаги меъморий қисмлар ҳам Ф. деб аталади.

ФРУКТОЗА (лот. fructus — мева), левулоза, $C_6H_{12}O_6$ — ширин таъмли рангсиз кристалл модда. Қайнаш т-раси 102—104°; сувда эрийди. Ф. — моносахарид, кўпчилик меваларда, мас., помидор, олма, асалда (50%) эркин ҳолда учрайди; олиго- ва полисахаридлар таркибига киради. Ф. фосфатлари (фруктоза-1,6 дифосфат, фруктоза-6-фосфат) *фотосинтез*нинг қоронғи фазасида (Кельвин цикли), метаболизм жараёнида (*гликолиз*, спиртли бижғиш)

Юнон ибодатхонаси фронтони.

ва углеводлар биосинтезида ҳосил бўладиган оралиқ бирикмалардир.

Ф. — қимматли озиқ-овқат маҳсулоти, организмга яхши сингийди; меваларн. *сахароза* ва *шарбати* гидролизлаб, шунингдек, *D*-глюкозага ишқор таъсир эттириб олинади. Ф.нинг фураноза (табиий) шаклидан ташқари очиқ, кетон ва б. таутомер шакли ҳам маълум. Ф. озиқ-овқат саноати ва тиббиётда қўлланади. Фруктоза-1,6-дифосфат — шок ҳолатида ва юрак касалликларида ишлатилади.

ФРУНЗЕ Михаил Васильевич [1885.21.1 (2.2), ҳоз. Бишкек ш. — 1925.31.10, Москва] — Туркистонда совет режимини қурол кучи б-н ўрнатган шўро ҳарбий арбобларидан бири. *Россияда 1905—07 йиллар инқилобида* фаол қатнашган. Иваново-Вознесенск губерния партия комитети ва губерния ижроия қўмитаси раиси ҳамда Ярославль губернияси ҳарбий комиссари (1917—18). Шарқий фронтнинг 4-армия қўмондони (1918—19), Шарқий фронт (1919 й. июлдан), *Туркистон фронти* (1919 й. авг. — 1920 й. сент.) қўмондони. Бутун Россия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон комиссияси (Турккомиссия) аъзоси (1919 й. окт. — 1920 й. сент.). *Бухоро босқини* (1920 й. 29 авг.–2 сент.)нинг асосий ташаббускори сифатида Самарқандда туриб қизил армиянинг ҳарбий ҳаракатларини бошқарган. Бухорода амирлик тузумни ағдариб талангач, ўша пайтда жаҳондаги энг катта хазиналардан бири ҳисобланган амирликнинг бутун хазинасини 2 эшелонда (ҳар бирида 14 ташан вагон) Москвага жўнатган ва унинг маълум қисмини ўзи ўзлаштирган.

Жан. фронт қўмондони (1920 й. окт. дан) сифатида Ф.Қримни босиб олишда қатнашган. Украина ССР ХКС раиси ўринбосари (1922—24). СССР ҳарбий инқилобий кенгаши раиси ўринбосари ва раиси, ҳарбий ва денгиз ишлари бўйича халқ комиссари (1924—25). Айни пайтда Ишчи-Деҳқон Қизил армияси штаби ва Ҳарбий академия бошлиғи (1924 й. апрелдан). РКП(б) МК Сиёсий бюроси ва РКП(б) МК Ташкилий бюроси аъзолигига номзод (1924—25). Ошқозонни операция қилингач, шубҳали тарзда вафот этган ва Москва Қизил майдонига дафн қилинган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ражабов Қ., Бухорога қизил армиянинг бостириб кириши, Т., 2002.

Қаҳрамон Ражабов.

ФРУСТРАЦИЯ (лот. frustratio — алданиш, режаларнинг барбод бўлиши) — муаммони ҳал қилиш ёки мақсадга эришиш йўлидаги фаолиятни издан чиқарувчи руҳий ҳолат. У кишининг мақсадга эришиш йўлида учрайдиган, объектив равишда енгиб бўлмайдиган ёки субъектив равишда шундай туюладиган қийинчиликлар туфайли пайдо бўлади. Ф.ни келтириб чиқарувчи сабаблар фрустраторлар дейилади. Ф. ҳолати фрустраторнинг кучига, жадаллигига боғлиқ. Ф. ҳолатида шахснинг вазиятни тўғри баҳолаш қобилияти муҳимдир. Шу боис турмушнинг ноқулай таъсирларига қарши курашиш учун одам феъл-атворини барқарорлиги шакллантириш лозим. Ф. ҳам бошқа руҳий ҳолатлар сингари киши феъл-атворига хос ёки янги хислатларнинг бошланишини кўрсатувчи, шунингдек, ўткинчи ҳолат бўлиши мумкин. Ф., асосан, салбий хиссиётлар уйғотади. Ф.нинг турлари: тажовузкор ҳолат, апатия, депрессия ҳолати, тамтиликнинг туйғуси, ўзига ишонмаслик, кучсизлик, маъюслик ва б. Ф.нинг тажовузкор ҳолати кўпинча ўзини тута олмайдиган, кўпол одамга хос бўлса, депрессия ҳолати ўзига ишонмайдиган шахсга тааллуқлидир. Баъзан айрим табиатли кишиларда ҳам шу хилдаги ҳолатнинг вужудга келтириш мумкин, лекин бу ғазаб ушиккa чўзилмайди.

ФТАБАТЭЙ СИМЭЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Хасэгава Тацуносукэ) (1864.28.2, Токио — 1909.10.5, Сингапур) — япон ёзувчиси. Япон танқидий реализми ва ҳоз. япон адабий тили асосчиси. Токио чет тиллар ин-тининг рус бўлимида ўқиган. Ф.С. ижодига рус адабиёти катта таъсир кўрсатган. «Рус адабиётининг умумий назарияси» (1886) асарида Ф.С.нинг адабий маҳорати, адабиётнинг ижодий методи бўлмиш реализмга қарашлари баён этилган. «Сузилган булут» (1887—88) романида янги буржув воқелигидан кўнгли қолган ўртаҳол киши образи тасвирланган. «Унинг қиёфаси» (1907), «Оддий одам» (1907) каби романлари ҳам бор.

ФТАЛАТ АНГИДРИД, $C_8H_4O_3$ — фталат (ортофталат) кислота ангидриди; рангсиз кристаллар. Мол. м. 148,11. Суюқланиш т-раси 130,8°, қайнаш т-раси 284,5°, зичлиги 1527 кг/м³. Ф.а. сувда жуда оз (25° да 0,6%), спиртда, углерод сульфидда яхши эрийди. Қайноқ сув таъсирида гидролизланиб *о*-фталат кислотага айланади. Конденсатланиш реакцияларига осон киришади. Ф.а. нафталин, шунингдек, *о*-ксилолни ҳаво кислороди ёрдамида газ фазада катализатор иштирокида оксидлаш йўли б-н олинади. Органик бўёқлар, *алкид смолалар*, *пластификаторлар* ва б. муҳим саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатилади.

ФТАЛАТ КИСЛОТАЛАР, бензолдикарбон кислоталар, $C_6H_4(COOH)_2$, ароматик қаторнинг 2 асосли *карбон кислоталари*. 3 та изомер ҳолида мавжуд: *орто*-фталат ёки тўғридан-тўғри фталат кислота (суюқланиш т-раси 200°); *мета*-фталат ёки изофталат кислота (суюқланиш т-раси 348°); *пара*-фталат ёки терефталат кислота (суюқланиш т-раси 425°). Ф.к. — амалий жиҳатдан сувда эримайдиган кристалл моддалар. *О*-Ф.к. саноатда *фталат ангидрид* ҳолида олинади. *О*-Ф.к.нинг ўрта эфирлари қайнаш т-раси юқори бўлган мойсимон суюқликлар, *пластификаторлар*, манометр суюқликлари, вакуум насосларининг мойи суюқликлари сифатида ишлатилади. Ф.к.нинг муҳим ҳосилаларидан диметилтерефталат *полиэтилентерефталат* синтезида қўлланади.

ФТАЛОЦИАНИН БЎЁҒИЧЛАР — тетрабензотетраазапорфин (фталоцианин) ҳосилалари, синтетик органик бўёғичлар гуруҳи. Ф.б.дан мис фталоцианини — зангори рангли *пигмент* муҳим техник аҳамиятга эга. Бу гуруҳ хлорлаб яшил, сульфирлаб феруза рангли, сувда эрийдиган, кўкиш нурга чидамли Ф.б. олинади. Ф.б. ёрқин рангли, иссиққа, кислота ва асослар таъсирига чидамли, жуда ёпишқоқ. Синтетик толалар, пластмассалар ва резинани бўяшда, сувда эрийдиган Ф.б. эса жун, ипак ва б. матоларни бўяшда ишлатилади.

ФТИЗИАТРИЯ (юн. phthisis — ориқлаш, дармонсизланиш ва iatreia — даволаш) — тиббиётнинг бир бўлими. Силнинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш механизми, клиник-морфологик аломатлари, даволаш, олдини олиш чораларини ўрганади. «Ф.» терминини фанга *Гиппократ* томонидан киритилган. Ф. мустақил илмий-амалий фан сифатида *терапия*дан ажралиб чиққан. Даволаш-профилактика муассасалари ва илмий тадқиқот ин-тлари силга қарши курашни уюштирувчи ташкилий методик марказлар бўлиб, силга қарши диспансерлар, санаторийлар, касалхоналар ишини бошқариб туради, силнинг турли шаклларини даволаш, олдини олиш усулларини, шунингдек, Ф.нинг назарий асосларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. Ф.да клиник, рентген-радиологик, эндоскопик, эпидемиологик, функционал-ультратовуш текшируви, шунингдек, биокимёвий, бактериологик, иммунологик усуллар ва б.к. қўлланади. Ф.нинг фтизиохирургия, фтизиопедиатрия, фтизиоурология, фтизиоэпидемиология сингари соҳалари бор. Ф.да гигиена ва санитария режими, суюқлик пневмоторакс, климатотерапия ва мадорлик дамлаш йўлларини махсус дори воситаларидан ҳам фойдаланилади.

1932 й. Самарқандда Сил касалликлари ил.-т. институти ташкил этилиб, 1935 й. мазкур ин-т Тошкентга кўчирилган. Шундан бошлаб Ўзбекистонда силга қарши кураш ишлари анча кучайтирилди ва Ф. фанига асос солинди.

Ф. фани Ўзбекистонда асосан 40-й. лардан кейин ривожланади. Бунда, асосан, Ўзбекистон Сил ин-ти ходимлари: акад. Ш.А. Алимов (сил бор ёш касалини реабилитациясини ишлаб чиққан), проф. Р.А. Абдимов, А.А. Саидахмедов, А.А. Калинкужаев ва б. олиб борган илмий тадқиқотлар ва кузатишлар муҳим аҳамият касб этди. Шу ин-т ходимлари томонидан Ўзбекистонда силнинг тарқалиш даражаси, унинг сабаблари ўлка шароитларини ҳисобга олган ҳолда атрофлича ўрганилди. Силни аниқлаш ва даволашнинг янги усуллари, чунончи дориларни нафас йўллари орқали киритиш (ингаляция) усули, кимёвий препаратларнинг организм иммунитетини оширувчи моддалар б-н бирга қўллаш (иммунокимётерапия), микроэлементлар ва витаминлар, шунингдек, меҳнат б-н даволаш усуллари ишлаб чиқилди ва кенг татбиқ этилди.

Кейинги йилларда республикада ўпка касалликлари экологик ўзгаришлардан силнинг келиб чиқиши ва кечишига таъсири ҳамда беморларни даволаш усуллари устида илмий ишлар олиб борилади.

Ҳоз. кунда Ф.га оид илмий ишлар *пульмонология* соҳаси б-н бирга олиб борилмоқда. Бу илмий ишлар ва тадқиқотларга акад. А.М.Убайдуллаев, проф. Р.А.Абдимов, Т.М. Каримов, А. А. Калинкужаев, С.И. Орифхонова, М.Э. Эшонхонов, К.М. Махкаматов, Р.Ш. Хамрокулов, П.Х. Назиров, Г.А. Воҳидова, А.Б. Болтабоев, М.А. Иброҳимов, Д.З. Мухторов, К. Ғофуров ва б. катта ҳисса қўшмоқдалар. ТошТИ, СамТИ, Андижон тиббиёт ин-ти, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти ва б.да Ф. кафедралари бор. Улар сил касаллигининг олдини олиш, уни ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг янги усуллари устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Абдулла Убайдуллаев.

ФТОР (юн. phthoros — ҳалок, бузилиш, лот. Fluorum), F — Менделеев даврий системасининг VII мансуб гуруҳига кимёвий элемент; галогенларга киради. Тартиб рақами 9, ат.м. 18,9984. Ф. бир изотоп ^{19}F дан иборат. Шунинг учун Ф. «соф элемент» ҳисобланади. Ф.нинг 5 та радиоактив изотопи сунъий равишда олинган.

Ф.нинг дастлаб маълум бўлган бирикмаси кальций фторид CaF_2 дир. 1771 йилда швед кимёгари К. Шееле фторид кислота HF ни олди. А. Ампер 1810 йилда фторид кислотанинг хлорид кислотага ўхшашлигига асосланиб, хлор каби яна бир элемент мавжуд, у хлорнинг ўрнини олиши керак деган фикрга келди. Француз кимёгари А. Муассан 1886 йилда калий фторид қўшилган суюқ фторид кислотани платина идишда — 55° да электролизлаб илк бор эркин Ф. олган.

Ф.нинг энг муҳим минераллари: флюорит ёки кальций фторид CaF_2 (таркибида 48,7% Ф.бор) ва криолит Na_3AlF_6 (таркибида 54,3% Ф. бор). Ф. бирикмалари табиий сувда, ўсимлик ва ҳайвон организмида учрайди. Ф. Ер пўстининг масса жиҳатидан $2,7 \cdot 10^{-2}\%$ ини ташкил қилади.

Ф. оч сариқ тусли, ўткир ҳидли, заҳарли газ. Нафасни бўғади. Суюқланиш т-раси —219,6°, қайнаш т-раси — 188,1°. Газ ҳолатдаги Ф.нинг зичлиги 1,693 г/л (0°, 760 мм сим. уст.да). Эркин Ф. 2 атомли молекула — F_2 дан иборат. Ф. бирикмалари жуда мустаҳкамлигидан, уни кимёвий усулларда эркин ҳолатда ажратиб олиб бўлмайди. Ф. сув б-н реакцияга киришади, бензол, хлороформ каби эритувчиларда эрийди. Ф. жуда фаол элемент, энг кучли металлмас, энг кучли оксидловчи. Ф. кислород ва азотдан бошқа барча элементлар б-н бевосита реакцион бирикади. Ф. водород билан қаттиқ ҳолатда (—250° да) ҳам портлаб реакцияга киришиб водород фторид HF ҳосил қилади. Унинг кислород билан усулда олинган кислород бирикмаси F_2O заҳарли газ. Ф. олтин, платина ва б. асл металларга таъсир этади. Кўпгина металлар Ф. таъсирида юпқа фторид қатлами б-н қопланади ва бу қават металлни Ф.нинг кейинги таъсиридан сақлайди. Ф. ўз бирикмаларидан — 1 валентли.

Флюорит CaF_2 Ф. ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланади. Унга 130° да сульфат кислота таъсир эттириб водород фторид олинади. Соф ҳолдаги Ф. олиш учун KF·HF ёки KF·2HF тирқиба тузларининг электролизидан фойдаланилади.

Олинган Ф.нинг асосий қисми фтор-органик бирикмалар (фреон CF_2Cl_2, винил фторид $CH_2{=}CHF$) тайёрлаш учун сарфланади. Суюқ Ф. ракеталарда ишлатиладиган суюқ ёқилғилар учун оксидловчи сифатида қўлланади. Газсимон Ф. атом техникасида уран (IV)-фторидни оксидлаб уран (VI)-фторидга айлантириш учун кетади. Ф., шунингдек, хлор фторид ClF_3 (бу модда суюқ ракета ёқилғи учун оксидловчи сифатида ишлатилади), кобальт, кумуш, марганец, сурма каби металларнинг фторидларини тайёрлашда қўлланади (бу фторидлар фторловчи восита сифатида ишлатилади). Одам организмида масса жиҳатидан $1 \cdot 10^{-5}\%$ Ф. бор. Бир суткада организмга овқат орқали 1 мг га яқин миқдорда Ф. киради. У барча орган ва тўқималар таркибида бўлади, лекин унинг асосий қисми — 99,4%и қаттиқ тўқималар (суяклар, тишлар, соч)да тўпланади.

Ф. — заҳарли, у нафас йўллари, ўпка ва марказий нерв системаси ва б. органлар (юрак, жигар)га салбий таъсир этади. Ф. терига тегканда сув б-н яхшилаб ювиш керак. Ф. ўта чидамсиз, портловчи. Шу сабабли Ф. б-н ишлаганда эҳтиёт чораларига риоя қилиш талаб этилади.

Ад.: Касымова С.С., Биогенные элементы, Т., 1990; Парпиев Н.А., Рахимов Х.Р., Муфтахов А.Т., Анорганик кимё, Т., 2003.

Соҳиба Қосимова.

ФТОРИД КИСЛОТА — *водород фторид* HF нинг сувдаги эритмаси. 77% ли эритманинг зичлиги 1262 кг/м³, 95,2% ли эритманики эса 1082 кг/м³. Ф.к. оксидлар б-н реакцияга киришиб, *фторидлар* ва уларни эритиб, комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Ф.к. бошқа кислоталардан фарқли ўлароқ силикат материаллар б-н (жумладан, шиша б-н) ҳам шиддатли реакцияга киришади. Шишани чизиб гул ва турли белгилар чизишда, фторидлар олишда, эритувчи ва реагент сифатида ишлатилади.

ФТОРИДЛАР — фторнинг бошқа элементлар б-н бўлган бирикмалари. Менделеев даврий системаси I ва II гуруҳ элементлари Ф.и элемент – фтор ион боғли қаттиқ моддалар; VI ва VII гуруҳ элементларининг кўпчилик Ф.и элемент-фтор ковалент боғли газлардир: таркибида углерод бўлган Ф. *фторорганик бирикмалар* синфини ҳосил қилади; кўпчилик металлар (V, Mo, W, Re ва б.)нинг юқори валентли Ф.и учувчан моддалардир. Ф. табиатда учрайди. Галогенлар, инерт газлар, кислород, азот ҳамда бошқа кўпгина юқори даражада оксидланадиган элементларнинг Ф.и оксидловчилар; марганец, сурма, бор Ф.и кучли кислоталардир.

Ф. элементларга фтор таъсир эттириб, водород фторидни металлар б-н реакцияга киритиб ва б. усулларда олинади. Ф.дан *водород фторид*, кислород Ф.и, азот Ф.и кенг қўлланади. Хлор Ф.и ракета техникасида, фторловчи агент сифатида, металл қопламалари, оптик шишалар тайёрлашда ишлатилади.

ФТОРКАУЧУКЛАР — макромолекуласи таркибида фтор атоми тутган каучуксимон полимерлар (эластомерлар). Иссиққа чидамлиги, ёнмаслиги ва емирувчи муҳитларга бардошлилиги б-н ажралиб туради. Гексафторпропилен ёки трифторхлорэтилен б-н винилиденфториднинг сополимерланишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар саноатда кўп ишлатилади. Бу хилдаги сополимерлар узоқ сақланадиган, оқ тусли заҳарсиз маҳсулот, зичлиги 1830—1860 кг/м^3, шишаланиш т-раси —20° га яқин, мол. м. 10 мингдан 1 млн.гача.

Ф. асосида олинган резиналардан совуққа чидайдигани перфторметилвинил эфир б-н винилиденфториднинг сополимерланиши негизида олинади. Бу Ф.нинг шишаланиш т-раси — 40° атрофида.

Ишқорлар, турли эритувчи ва оксидловчиларга, шу жумладан, фторга чидамли резиналар тўлиқ фторланган каучуклардан, мас., трифторнитрозометанли тетрафторэтилен сополимери, иссиққа чидамли резиналар эса перфторметилвинил эфирли тетрафторэтилен сополимерлари асосида олинади.

Мономерларни эмульсияда радикалли полимерлаш — Ф.нинг асосий синтез усули ҳисобланади. Ф., асосан, мой, оксидловчилар ҳамда емирувчи моддалар (200° ва ундан юқори т-рада) б-н бевосита контактда бўладиган асбоб-ускуналарнинг зичловчи қисмларини тайёрлашда, кимё саноатида, авиация ва космик техникада ишлатилади.

ФТОРОПЛАСТЛАР — таркибида фтор бўлган *пластмассалар*. Фтор ҳосилали этилен гомополимерлари ва уларнинг бошқа фтор ҳосилали олефинлари; олефинлар, перфторалкилвинил эфирлари б-н бўлган сополимерлари. Политетрафторэтилен ва политрифторхлорэтилен катта аҳамиятга эга. Бу полимерлар оқ рангли, кимёвий жиҳатдан чидамли, иссиқ ва совуққа бардошли, ёнмайди.

Политетрафторэтилен $[-CF_2-CF_2-]_n$ мол. м. $5 \cdot 10^5-2 \cdot 10^6$, зичлиги 2,2 г/см^3 (20°да). Кимёвий чидамлилиги жиҳатдан платина, кварц, графит ва барча синтетик материаллардан устун туради; кучли оксидловчилар, қайтарувчилар, кислоталар, ишқорлар, органик эритувчиларга чидамли. Сувда, ёғлиги ва мойларда айнимайди. Тропик иқлимга, замбуругларга бардошли. —269°гача эластиклигини сақлайди, 415°да парчаланади.

Политрифторхлорэтилен $[-CF_2-CFCl-]_n$, мол. м. 56000—360000, зичлиги 2,09—2,16 г/см^3 (25°да). Оксидловчилар, ишқорлар, кучли кислоталар таъсирига чидамли, эфирлар ва галоген ҳосилали углеводородларда бўкади, ароматик углеводородларда эрийди. 210°да суюқланади, 270°да парчаланади. Қўлланиш т-раси —196° дан +190° гача. Тетрафторэтиленнинг гексафторпропилен б-н, шунингдек, перфторпропилвинил эфир б-н бўлган сополимери юқори термик ва ишланувчанлик хусусиятига эга. Тетрафторэтиленнинг перфторолефинлар б-н бўлган сульфогуруҳли сополимери иссиқбардош, кимёвий жиҳатдан чидамли катион алмаштирувчи смола. У кислоталилиги жиҳатдан бошқа барча қаттиқ *ион алмаштирувчи смолалар*дан устун туради. Ёнилги элементлари учун мембрана сифатида ишлатилади.

Ф. радикали полимерланиш асосида ёки тегишли мономерларни сополимерлаб олинади. Ф.дан плёнкалар, транспортёр тасмалари, антифрикцион материаллар, тола ва тўқима, лаб. идишлари, кимёвий чидамли қопламалар, металлопластлар ишланади. Ф.дан ясалган маҳсулотлар электр, радио ва ракета техникасида, машинасозликда, кимё ва озиқ-овқат саноатида ҳамда тиббиётда ишлатилади.

Ф. МДҲ мамлакатларида фторлон, АҚШда эса тефлон номида ишлаб чиқарилади.

ФТОРОРГАНИК БИРИКМАЛАР — молекуласи таркибидаги фтор атоми углерод атоми б-н бевосита богланган органик моддалар. Барча органик бирикмалар синфининг фторли ҳосилалари маълум. Тўйинмаган Ф.б. (фторолефинлар)ни полимерлаш йўли б-н оксидланмайдиган, ёнмайдиган, иссиққа чидамли мойлар, гидравлик суюқликлар, пластмассалар (*фторопластлар*), *фторкаучуклар* олинади. Ф.б. асосида кўпгина янги материаллар, мас., тиббиёт учун сунъий идишлар, юрак клапанлари ва б. тайёрланади. Баъзи Ф.б. қ.х. зараркунандаларига қарши курашда, заҳарсиз совиткич (*фреонлар*) ва б. сифатида қўлланади.

ФУГА (итал. fuga — югуриш, қочиш) — *полифония*нинг эркин услубидаги мураккаб ва энг мукаммал мусиқий шакли. Одатда, бир (оддий Ф.), баъзида икки ва ундан ортиқ (мураккаб Ф.) мавзуларни *имитация* ва б. полифоник воситалар ёрдамида ривожлантиришга асосланади. Ф. мавзуси ихчам бўлиб, муайян образни акс эттирувчи бир овозли куйдир. *Гомофония* услуби таъсирида қарор топган Ф.да мавзунинг барча овозлар бўйлаб ўтказилиши (мавзунинг «югуриши» — номи шундан) муайян лад-тоналлик (гармония) режасига мувофиқ бажарилади. «Ф.» атамаси дастлаб (14—17-а.лар) *канон*га нисбатан қўлланилган. 17-а.да ричеркар, канцона, фантазия (И.Фробергер, Ж. Фрескобальди, Я.Свелинк) каби чолгу шакллар заминида Ф. юзага келиб, И.С.Бах, Г.Ф.Гендель ижодида юксак бадиий даражасига кўтарилди. Ф. мустақил чолгу асар, туркум шаклининг муайян қисми сифатида (мас., И.Бах, Д.Шостакович, Ўзбекистонда — Г.Мушель, Т. Қурбоновларнинг «Прелюдия ва Ф.» туркумлари), йирик асар таркибида (месса, оратория, кантата — Г.Гендель, Й.Гайдн, С.Танеев; операда — М.Глинка, Ж.Верди, Р.Вагнер; симфонияда — С.Рахманинов) бўлиши мумкин.

ФУДЗИЯМА, Фудзи, Фудзисан (айнлар тилида Фусхи — олов маъбудаси, японча яма, сан — тоғ) — *Хонсю* о.даги сўнмаган вулкан. Япониядаги энг баланд чўққи (3776 м). Токио ш.дан тахм. 100 км жан.-гарбда. Базальт ва андезит лаваларидан тузилган. Сўнгги бор 1707—08 й.ларда отилган. Кратери тўгри конус шаклида, диаметри 700 м, чуқ. 250 м. Йилнинг 10 ойида муз б-н қопланиб ётади. Ён багирлари доим яшил ўрмон ва бутазорлар. Миллий боғ таркибида. Ф. — японларнинг «муқаддас тоғи». Туристлар кўп келади.

ФУЗАЙЛ МАХДУМ Абдугафурбек ўгли, Ҳожи Абдулкарим (19-а.нинг сўнгги чораги, Кармана — 20-а.нинг 30-й.лари) — *Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат* раҳбарларидан бири. Йирик уламо сифатида Бухоро амирлигида шуҳрат қозонган. 20-а. бошларидан Қоратегинда беклик қилган.

*Бухоро босқини*дан сўнг Шарқий Бухорога қизил армия қисмлари бостириб келганида Ф.М. Қоратегин кўрбошиси сифатида *Иброҳимбек*нинг асосий ўринбосари ҳисобланган. 1921 й.да унинг қўл остида 3 минг йигитдан иборат 26 та кўрбошилар дасталари ҳаракат қилган. У Қоратегин ва Шеробод музофотларида қизил армияга қарши кураш олиб борган. Ф.М. 1921 й. мартда Дарвоз (маркази — Қалъайи Хумб)ни озод этиб, бу ерда большевиклар ҳукмронлигига барҳам берган.

Ф.М. Гарм ш.да милтиқсозлик, ўқдори ясаш, ҳарбий кийимлар тикиш устахоналари очган. У ўзи бошқарган вилоят ҳудудида мустақил сиёсат юритган. Садриддин *Айний*нинг ёзишича, «Ф.М. ўз давлатини мустаҳкамлаш учун қогоз ақча ҳам босиб чиқарган».

Қоратегин ва Дарвоз қизил аскарлар томонидан босиб олингач, 1923 й. авг. ойида Ф.М. кичик миқдордаги аскарлари б-н Афгонистонга ўтиб кетган. Кейинчалик у бир неча марта Шарқий Бухоро ҳудудига қайтиб, қизил аскарларга кескин зарбалар берган.

Кейинчалик Ҳожи Абдулкарим номи б-н Шарқий Туркистон (Қашқардаги миллий озодлик курашида фаол қатнашган. 20-а.нинг 30-й.лари ўрталарида у Қашқардаги совет элчихонасига топширилгач, совет режими томонидан қатл қилинган.

Ад.: Садриддин Айний, 2-ж., Т., 1964; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

Қаҳрамон Ражабов.

ФУЗАРИОЗЛАР — Fusarium авлодига мансуб такомиллашмаган замбуруглар қўзгатадиган ўсимликлар касаллиги. Тупроқда ва ўсимлик қолдигида сақланган замбуруг ўсимликка илдиз тизими ва поянинг пастки қисми орқали киради. Зарарланган уруг ва кўчатлар ҳам касаллик манбаи бўлиши мумкин. Ингичка толали гўза (фузариоз вилт), каноп, карам, қовоқ, мош, ловия, нўхат, картошка, помидор, бақлажон ва б. экинларнинг Ф.и, галла экинлари ва дуккакли дон экинларини зарарлайдиган фузариозли илдиз чириши, донли экинлар бошоқлари Ф.и, маккажўхори сўтаси Ф.и, кузги бугдой, жавдар, кўп йиллик кўнгирбош ўтлар Ф.и, ёки оқ могори айниқса хавфли.

Кураш чоралари: алмашлаб экиш, касалликка чидамли навларни экиш, ўсимлик қолдиқларини йигиштириб олиш, уругликни тозалаш, саралаш, қуритиш, қиздириш, дорилаш, ерга фунгицидлар б-н ишлов бериш, соглом уруглик ва кўчатлардан фойдаланиш, фосфор-калий ўгитларни кўп миқдорда қўллаш.

ФУЗАРИОТОКСИКОЗ (Fusariotoxicosis) — чорва молларининг Fusarium туркумига мансуб замбуруглар б-н зарарланган озуқаларни ейишдан заҳарланиши. Ф. кўпроқ отлар, чўчқалар ва паррандаларда учрайди (заҳарланиш оқибатида ўлим 3% дан 100%гача бўлиши мумкин). Яширин даври бир неча соатдан 5—6 кунгача. Ўткир, ярим ўткир ва сурункали кечади. Ўткир кечганда ҳайвонларнинг умумий ҳолати ёмонлашади, ҳаракатсизлик кузатилади, ич кетади ва бурун бўшлигидан шиллиқ суюқлик оқади, лабларида ва огиз шиллиқ қаватида ёрилиш ва яралар кузатилади, тезагидан ўткир қўланса ҳид келади. Товуқларда патлар ҳурпайган, тож ва сиргалар кўкаради. Касаллик 1—4 кун давом этади. Қон таркибида эритроцитлар ва лейкоцитлар миқдори ошади.

Даволаш: касаллик ўткир кечганда таркибида кальций хлорид, глюкоза ва аскорбин кислота бўлган эритма ҳайвон согайгунга қадар бир кунда бир маҳал венага юборилади. Енгил ҳазм бўлувчи ва витаминларга бой озуқалар берилади.

Олдини олиш: молларга берилаётган ем-хашак токсикологик текширувдан ўтказилади.

ФУЗАРИУМ (Fusarium) — такомиллашмаган *замбуруглар* синфига мансуб замбуруглар. 26 тури бор. Жинссиз конидиялар орқали кўпаяди. Бир ёки бир неча ҳужайрали овал ёки тухумсимон шаклли микроконидиялар мицелийда ва конидия ҳосил қилувчиларда пайдо бўлади. Кўпчилик Ф.лар сапрофит, тупроқда ва ўсимлик қолдиқларида яшайди. Баъзи турлари паразит, ўсимликларда фузариоз (вилт) касаллигини қўзгатади. Ф.нинг айрим турлари ўсимликларга ёмон таъсир қилувчи заҳарли моддалар чиқаради. Бу моддалар б-н заҳарланган ўсимликларни истеъмол қилган кишиларда септик ангина, ҳайвонларда эса *фузариотоксикоз* касаллиги пайдо бўлади.



ФУЗУЛИЙ Муҳаммад Сулаймон (1498 — Карбало ш., Ироқ — 1556) — озарбайжон шоири ва мутафаккири. Озарбайжон, форс ва араб тилларида ижод қилган. Отаси Баёт қабиласидан бўлиб, 15-а. охирларида Озарбайжондан Багдодга кўчиб борган. Багдод мадрасаларида таҳсил олиб, ўзи ҳам мударрислик қилган. Фазлий тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Узоқ вақт Багдодда яшаган. Озарбайжон ҳукмдори шоҳ *Исмоил I Сафавий* ва Туркия султони *Сулаймон I Қонуний* шоирни моддий жиҳатдан бир оз таъминлаб турганлар. Лекин унинг турмуши кўп вақт қийинчиликда ва камбагалчиликда ўтган. Ироқнинг Багдод, Ҳилла, Нажаф каби шаҳарларида бир қанча муддат яшаган Ф. она шаҳри Карбалога қайтиб, шу ерда вабо касалидан вафот этган.

Ф. бой адабий анъанага эга бўлган форсий ва туркий адабиётнинг Хоқоний Ширвоний, Мужрим Байлагоний, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Салмон Соважий, Ҳофиз Шерозий, Атоий, Лутфий, Алишер Навоий ижодини меҳр б-н ўқиб-ўрганиб, уларнинг маҳорат сирларидан баҳраманд бўлган. Шоир ижодига, айниқса, Лутфий б-н Навоий кучли таъсир кўрсатган.

Ф. девон тузиб, уни «Муҳаббатнома», «Фарзанди дилбанд» деб таърифлаган. Шоир ишқий лирикасида инсоннинг маънавий олами, жўшқин ҳис-туйгулар тугёни, олижаноблик б-н жаҳолат, очкўзлик ўртасидаги кураш, инсонга самимий, юксак муҳаббат б-н боглиқ ботиний кечинмалар акс эттирилган. Ф. поэтик меъросининг асосий қисмини газал ва қасидалар ташкил этади. Лутфийнинг (16-а.) ёзишича, газалиётда Ф.нинг «Навоийга ўхшаш гаройиб бир ёқимли йўли ва ажойиб бир услуби бор» бўлган. Шеърларида лирик қаҳрамон-ошиқнинг руҳий кечинмаларини, қалб сирларини бутун ички қарама-қаршиликлари б-н мумкин қадар теран тасвирлашга эришган. Бунда ошиқ ўз маҳбуби йўлида ҳар қандай азоб-уқубатларни енгувчи, комил инсон сифатида намоён бўлади.

Ф. ижодининг чўққиси «Лайли ва Мажнун» достони (1536—37)дир. Асар лирик-эпик характерда бўлиб, Шарқда машҳур бўлган анъанавий сюжет ва образлар асосида яратилган ва туркийзабон халқлар ўртасида кенг тарқалган. Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Ҳофизнинг «Девон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Чор девон» китоблари қаторида, Ф. асарлари ҳам мадрасаларнинг ўқув дастурига киритилган. Ф.нинг «Матлаъ ул-эътиқод» фалсафий рисоласи, «Ҳадиқат ус-суадо», («Бахтиёрлар боги»), «Суҳбат ул-асмор» («Мевалар мунозараси»), «Шикоятнома», «Бангу бода» («Банг ва бода»), «Анис

ул-қалб», («Қалб дўсти») «Етти жом» ёки «Соқийнома», «Ринду Зоҳид», «Сиҳҳат ва Мараз» («Соғлик ва беморлик») каби назмий-насрий, фалсафий-дидактик асарлари озарбайжон адабиётининг энг нодир дурдоналари ҳисобланади. Бадиий юксак асарлари б-н озарбайжон адабиётини янги босқичга кўтарган Ф. шеърларининг асосий мавзуси ҳам, ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, бу шеърларини ичдан нурлантириб турган қувват манбаи ҳам ишқ. Мутасаввиф шоир сифатида илоҳий муҳаббатни улуғлаган, дунёга берилишни қоралаган. Инсонни камолотга олиб борадиган фазилатларни тараннум этиб, уни тубанлаштирадиган иллатларни танқид қилган.

Ф. ўзидан кейинги барча туркийзабон шоирлар, жумладан, ўзбек шоирларига ҳам кучли таъсир кўрсатган. Ф. таъсирида, унга эргашиб шеърлар битиш, шоир ғазалларига назира-татаббуълар ёзиш, мухаммаслар боғлаш деярли барча шоирлар ижодида учрайди. Ф.нинг озарбайжонча девони ўзбек халқи орасида 18—19-а.лардаёқ кенг тарқалган ва бир неча бор ўзбек тилида нашр қилинган. Ғазал, мураббаъ ва мухаммаслари куйга солиниб, асрлар давомида хонандалар томонидан куйланиб келмоқда («Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўлгандан сўр...» ва б.). Атоқли озарбайжон бастакори Узайр Ҳожибеков 1908 й. «Лайли ва Мажнун» достони асосида биринчи озарбайжон операсини яратган. 1958—61 й.ларда Ҳамид Арасли таҳририда Ф. асарларининг тўла илмий-танқидий нашри яратилди. Девонининг 1581 й. кўчирилган нусхаларидан бири Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади.

Ас.: Девон, Т., 1961; Муҳаммад Фузулий [Асарлар], 2 ж., Т., 1968.

Ад.: Арасли Х., Великий азербайджанский поэт Физули, Баку, 1958; Жалолов Т., Фузулий //Фузулий. Девон, Т., 1961.

ФУКЕ (Fouquet) Жан (тахм. 1420 — Тур — 1481.8.11) — француз рассоми, Францияда Илк Уйғониш даври санъати асосчиларидан. 1440—45 й.лар Парижда яшаган. 1445—47 й.лар орасида Римда бўлган (А. Филаретедан эмал техникасини, Л.Альберти асарларини ўрганган), Мазаччо ва Ф. Анжеликолардан илҳомланган. 1475 й.дан қирол саройида рассом. Ф.нинг диний ва тарихий мавзудаги китоб миниатюраларида воқеалар рассомнинг замонавий муҳитида реал тасвирланган, асарлари майин колорити, маҳорат б-н қўлланган *перспективаси* б-н ажралиб туради («Катта француз хроникалари», Ж. Боккаччонинг «Таниқли эркак ва аёллар ҳаёти», француз тилида, 1458). Ф. яратган портретлар ўта ҳаётийлиги б-н ажралиб туради (Карл VII; канцлер Г.Жюванель дез Юрсен ва б.). Шунингдек, Ф. нафис колорити ва расми б-н ажралиб турувчи диний композициялар («Мадонна гўдак б-н» диптихининг чап бўлаги, тахм. 1451, Нафис санъатлар қироллик музейида, Антверпен ва б.) муаллифи ҳамдир.

ФУКИДИД (Thukydides) (мил. ав. тахм. 460—400) — юнон тарихчиси. Афиналик бадавлат аслзода оиласида туғилган; қариндошларидан унга Фракия соҳилидаги олтин конлар мерос қолган. Яхши таълим олган, ўз замонасининг файласуф ва табиатшунослари б-н яхши алоқада бўлган. Ф. сиёсий ҳаётда фаол қатнашган. Пелопоннес уруши даврида (424 й.) стратег ва Фракия соҳиллари яқинидаги Афина эскадраси қўмондони. Бироқ, Спарта саркардаси Брасиднинг Амфиполни эгаллаб олишига тўсқинлик қила олмагани учун Афинада қаттиқ қораланиб, қувғин қилинган. Ватанидан олисда 20 й. қувғинликда юрган Ф. ўзининг тарихий асари учун материал тўплаган. 404 й. уруш тугаши б-н Афинага қайтиб келган. Пелопоннес уруши тарихига (мил. ав. 411 й.гача) бағишланган «Тарих» асари (8 китобдан иборат) антик давр тарихшунослигининг энг юқори чўққиси ҳисобланади.

ФУКО (Foucault) Жа Бернар Леон (1819.18.9 — Париж — 1868.11.2) — француз физиги. Берлин ФА, Лондон Қироллик жамияти аъзоси, Петербург ФА мухбир аъзоси (1860). Париж ФА аъзоси (1865). Париж расадхонаси физиги (1855 й.дан). Илмий ишлари оптика, механика ва электромагнетизмга оид. Айланма кўзгу усули (Фуко усули) ни кашф қилди (1850). Маятник (*Фуко маятниги*) ёрдамида Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини экспериментал тасдиқлади (1851). *Гироскоп* ихтиро қилди (1852). Яхлит металл жисмларнинг индукцион токлар (Фуко токлари) таъсирида қизишини аниқлади ва уни камайтириш усулларини кўрсатди. Биринчи марта шиша кўзгулар ясашнинг аниқ усулини яратди (1857), биринчи бўлиб нурланиш ва ютилиш чизиқлари орасидаги боғланишни аниқлади.

ФУКО МАЯТНИГИ — Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини тасдиқловчи тажрибани намойиш қиладиган қурилма. Ф.м. узун сим ёки ипга осилган оғир юк бўлиб, у ҳар қандай вертикал текисликда тебрана олиши керак. Агар Ф.м.ни вертикалдан оғдириб, қўйиб юборилса, унга таъсир қилувчи *оғирлик кучи* ва ипнинг таранглик кучи ҳамма вақт маятникнинг тебраниш текислигида ётади ҳамда бу текисликни юлдузлар б-н боғланган саноқ тизимига нисбатан бура олмайди. Ерда турган ва Ер б-н бирга айланаётган кузатувчи Ф.м. нинг тебраниш текислиги Ерга нисбатан унинг айланишига тескари йўналишда секин бурилаётганини кўради. Худди шу ҳол Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини исботлайди. Уз. 67 м бўлган биринчи Ф.м.ни француз физиги Ж.Б.Л.*Фуко* 1851 й.да Париждаги Пантеон биносига ўрнатди. Санкт-Петербургдаги Исаак ибодатхонасига ўрнатилган Ф.м.нинг уз. 98 м бўлган.

ФУКО ТОКЛАРИ — қ. *Уюрма токлар.*

ФУКУИ Кеничи (1918.4.10, Нара префектураси) — япон кимёгари. Япония ФА аъзоси (1983). Киото ун-тини тугатган (1941), шу ун-т проф. (1951 й.дан). Асосий и.т.лари *квант кимёсига* оид. Чегара орбиталар назариясига асос солган (1952), оралиқ ҳолат ёки фаоллашган комплекснинг шаклланиши тўғрисидаги тушунчаларни ривожлантирган (1954—57), ўз назариясини кўп марказли фаоллашган комплекслар ва турли каталитик реакцияларда қўллаган. Нобель мукофоти лауреати (1981; Р.Хофман б-н ҳамкорликда).

ФУКУОКА — Япониядаги шаҳар. Кюсю о.нинг шим.-ғарбида. Фукуока префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,34 млн. киши (2000). Хаката қўлтиғи соҳилидаги порт. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Авиация, кемасозлик ва электроника машинасозлиги, озиқ-овқат, металлсозлик, тўқимачилик, ёғочсозлик, ойна-керамика, полиграфия саноати корхоналари бор. Миллий бадиий буюмлар (ўйинчоқлар, матолар) ишлаб чиқарилади. Балиқ овлаш флоти базаси. Ун-тлар, ибодатхоналар бор. Туризм ривожланган. Ф. яқинида тошкўмир кони топилган.

ФУКУС СУВЎТЛАР (Fucales) — қўнғир сувўтлар қабиласи. Танасининг уз. 0,1—2 м, баъзан 10 м гача. Бошқа сувўтлардан кўпайиш цикли б-н фарқ қилади. Шакли ҳар хил. Фукус туркуми вакили (Fucus) шохланган, дихотомик, қора-қўнғир, тасмасимон пластинка шаклида. 300 тури (40 туркуми), асосан, 3 та: фукусдошлар (Fucaceae), цистозирдошлар (Cystoseiraceae) ва саргасдош сувўтлар (Sargassaceae) оиласи бор. Ф.с. Каспий ва Орол денгизларидан ташқари, барча денгизларда учрайди. Ф.с.дан альгинат, ем уни ва ўғит олинади. Баъзи турлари овқатга ишлатилади.

ФУЛА, фульбе, фулфульде, фулани, фуль, пёль, тукулор — *конго-кордофан тиллари* оиласининг ғарбий атлантик гармоғига мансуб, Ғарбий Африкада Атлантика океани қирғоқларидан Чад кўлигача бўлган ҳудудда (Нигерия, Гвинея, Мали, Камерун, Сенегал, Буркина-Фасо, Нигер ва б. мамлакатларда) тарқалган тил. Баъзи ҳудудларда, айниқса, Гвинея ва Шим. Камерунда қабилалараро, уруғлараро алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 23 млн. кишидан ортиқ (ўтган асрнинг охирлари). Асосий лаҳжалари: фута-торо (Сенегал), фута-жаллон (Гвинея), масина (Мали), шим. нигерия (Нигерия), адамауа (Ғарбий Нигерия, Камерун).

Ф.нинг фонетик белгилари: ундошлар тизимида жарангсиз, жарангли, бўғиз, бурун ундошлари фарқланади; унлилар қисқалик — чўзиқлик бўйича ажратилади. Ф. тузилиши, асосан, синтетик, қисман агглютинатив хусусиятга эга.

Ф.да 17—19-а.ларда диний, тарихнавислик, маиший мазмундаги матнлар яратиш мақсадида араб ёзувининг ажамий деб номланган туридан фойдаланилган; 20-а.нинг 2-ярмида лотин графикаси асосидаги ёзув кенг тарқалади, фольклор матнлари, маросим ва эпик шеърият намуналари нашр этилади. Шундай бўлса-да, умумий адабий меъёр мавжуд эмас.

Ад.: Коваль А. И., Зубко Г. В., Язык фула, М., 1984.

ФУЛЛЕРЕНЛАР — *углерод*нинг сунъий равишда олинган модификациялари, унинг кластерлари, кўп қиррали тузилишга эга фазовий моддалар. 1985 й. америкалик олим Г. Крото ҳамкасблари б-н ҳамкорликда лазер ёрдамида графитни буғлатиб гўзал фазовий кўринишга эга бўлган 32 қиррали C_{60} молекуласини кашф этди. C_{60}нинг мол.м. 720,669, зичлиги 2,5—3,0 г/см³. Углероднинг янги кластери — C_{60}ни муаллифлар ўз ватандошлари меъмор, муҳандис — ихтирочи Р.Б. Фуллер шарафига фуллерен деб аташни таклиф этдилар. Бунинг боиси 1967 й. Монреал ш.да ўтказилган Жаҳон халқаро кўргазмасида АҚШ павильони учун қурилган фазовий геодезик гумбазнинг конструкцион элементлари кашф этилган янги модда тузилишининг катталаштирилган кўринишини (футбол тўпини) эслатарди. Орадан кўп вақт ўтмай, углерод кластерлари юлдузлар спектрларида, метеоритлар, коинот зарралари ва ҳатто оддий кўмир қурумида ҳам мавжудлиги аниқланди. 1988 й.да углерод кластерларининг бир қатор вакиллари — C_{70}, C_{76}, C_{84} ва C_{90} ҳам синтез қилинди.



Фуллерен (схематик кўриниши).

1990 й. Ф.нинг кристалл шаклдаги хиллари олиниб, уларга фуллеритлар деб ном берилди. Фуллеритлар таркибига турли элементлар, жумладан, *ишқорий металлар* киритилиб, ноёб хоссаларга эга бўлган моддалар (фуллеридлар) синтез қилинди. K_3C_{60} 18 Кда ўта ўтказувчанликни намоён қилди. 20 та 6 бурчак, 12 та тўғри 5 бурчак ва 32 қиррали Ф. ва унинг бирикмалари 1000° т-рага бардошлидир. Ф. — келажаги порлоқ моддалар. Улар кимё саноатида, машинасозликда, кемасозликда, авиасозликда, ер ости иншоотлари, бинолар, шарсимон ва геодезик гумбазлар қурилишида конструкцион материал сифатида қўлланиши мумкин.

Ад.: Жариков О.В., Фуллерены — материалы XXI века, М., 1992; Ахмеров Қ., Футбол тўпини эслатувчи модда, Т., 2002.

Қудрат Аҳмеров.

ФУЛЬБЕ (афули, фулани, пёль) — халқ, Нигерия, Гвинея, Сенегал, Мали, Нигер, Камерун, Буркина-Фасо, Бенин ва Гвинея-Бисау ва б. мамлакатларда яшайди. 22,7 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), жумладан, Нигерияда 14 млн. киши. *Фула тили*да сўзлашади. Диндорлари — асосан, сунний мусулмонлар.

ФУМАР КИСЛОТА — қ. *Малеин ва фумар кислоталар.*

ФУМАРОЛЛАР (итал. Fumarola) — Ер қаъридан қайноқ вулкан газлари ҳамда суюқ ҳолатга айланган сув буғлари оқиб чиқадиган ёриқ ва тешиклар. Магмадан ажралиб чиққан қайноқ газлар (H_2O, HCL, HF, SO_2, CO_2, CO, H_2S ва б.) бирламчи, ҳали совиб улгурмаган лава оқимлари ва пирокластик ётқизиқлардан чиққан газлар иккиламчи Ф. лар дейилади. Ф. кратерларда, вулканнинг юқори ва пастки қисмларида бўлади. Ф.дан газларнинг чиқиши босим остида содир бўлиб, овоз чиқариб туради. Т-ра пасайиши б-н сув буғлари суюқ ҳолатга айланади; термодинамик шароитга боғлиқ ҳолда, унда биргаликда ажралаётган баъзи газлар ҳамда ён-атрофдаги жинслар б-н реакцияга киришиш натижасида ҳосил бўладиган ва Ер юзасига кўтарилаётганда бирга олиб чиқилган газ ва моддалар эрийди, ҳаракатдаги вулканлар р-нида гидротермал эритмалар ҳосил бўлади. Денгиз остида вулканик газларининг отилиб чиқиши сув ости Ф. дейилади.

ФУМИГАНТЛАР (лот. fumigantis — тутатадиган, дудлайдиган) — экинлар зараркунандалари ва касаллик қўзғатувчиларини *дудлаш* усули б-н йўқотишда қўлланиладиган кимёвий моддалар. *Пестицидлар* гуруҳига мансуб. Ф. суюқ, қаттиқ ва газ ҳолида ишлаб чиқарилади. Учувчан, тез буғланади, ҳавода осон тарқалади, сингиб кириш, алангаланиш ва б. хусусиятларга эга. Баъзи препаратлар, мас., *олтингугурт* препаратлари ҳаво ҳарорати юқори (25° дан ортиқ) бўлганда газ ҳолига айланиб таъсир кўрсатади. Фосфорорганик инсектицидлар зараркунандаларга буғ ҳолида таъсир кўрсата олади. Газ ҳолидаги Ф. хоналарга махсус аппарат ёки баллонлар ёрдамида пуркалади, суюқлари тунука товаларга қуйилиб, газламаларга сепилиб ёки шимдирилиб хоналарга осилади, қаттиқлари зарарсизлантириладиган хоналарга бир текисда сепилади.

ФУМИГАЦИЯ (лот. fumigatio — дудлаш) — қ. *Дудлаш.*

ФУНАФУТИ — Тувалу давлати пойтахти, Фунафути атоллида. Тинч океан соҳилидаги порт. Аҳолиси 4,0 минг киши (1995). Четга копра чиқарилади. Ф. яқинидан балиқ овланади.

ФУНГИЦИДЛАР (лот. fungus — замбуруғ ва caedo — ўлдираман) — қ. х. экинлари касалликларига қарши қўлланиладиган кимёвий моддалар, *пестицидлар*нинг бир гуруҳи. Ф. ўсимликлар касаллиги қўзғатувчиларини йўқ қилади, уларнинг ривожланишини батамом ёки қисман тўхтатади.

Кимёвий хусусиятларига қараб Ф. анорганик (*бордо суюқлиги, оҳак-олтингугурт қайнатмаси*, туйилган ва коллоид олтингугурт, *мис купороси*, темир купороси, миснинг хлор оксиди ва б.) ва органик (каптан, вектра, каратан, топаз, бронотак ва б.) бирикмаларига, шунингдек, антибиотиклар қаторига киради. Касаллик қўзғатувчиларига таъсир этишига кўра, Ф. ҳимоявий (олдини олиш) ва даволовчи турларга бўлинади. Ҳимоявий Ф. ўсимликларнинг зарарланиши ва касаллик тарқалиши олдини олади, асосан, қўзғатувчиларнинг бўлиниш (кўпайиш) органларини йўқотади. Даволовчи Ф. ўсимлик касаллангандан кейин замбуруғ мицелийси, қўзғатувчининг кўпайиш органлари ва қишлайдиган босқичларига таъсир этиб, уларни нобуд қилади.

Ўсимлик тўқималари ичида тарқалиш хусусиятига кўра, сиртдан ва сингиб (ичдан) таъсир кўрсатадиган турларга бўлинади. Сиртдан таъсир этувчи Ф. ўсимлик сиртидаги касаллик қўзғатувчиларига бевосита тегиб, уларни нобуд қилади. Уларнинг самарадорлиги таъсир қилиш муддати, миқдори (дозаси), ишлов берилган сатҳдан ушланиб қолиш даражаси, тупроқ-ҳаво шароитларига боғлиқ. Сингиб таъсир этувчи Ф. ўсимлик тўқимасига барг, тана (поя), илдиз орқали ўтиб, касаллик қўзғатувчиларига таъсир этади ёки ўсимликларда модда алмашинуви жараёнида қўзғатувчиларнинг ривожланишини тўхтатади; самарадорлиги ўсимлик тўқималарига сингиш тезлиги (қисман метеорологик шароитларга боғлиқ) б-н белгиланади. Ишлатилиш шароитларига кўра, Ф. уруғликни дорилашда, тупроқдаги касаллик қўзғатувчиларини йўқотишда, ўсимликларнинг тиним даврида (эрта баҳор — куртак кўкаргунича, кеч куз ва қишда қўзғатувчиларнинг қишлайдиган босқичларига), вегетация даврида (асосан, ёзда касалликларнинг олдини олиш препаратлари), омборларни дудлаш ва пуркашда қўлланиладиган турларга бўлинади.

Ҳоз. даврда 200 дан ортиқ Ф. маълум, уларнинг 1500 дан ортиқ бирикмалари ва препаратлари дуст, эмульсия концентратлари, суспензия, кукун, ҳўлланувчи кукун, аэрозол, паста кўринишида ишлаб чиқарилади. Ф.ни ишлатиш усуллари: пуркаш, чанглатиш, сепиш, уруғликни дорилаш, уруғликни ва омборларни газлаш (фумигация) ва б. Ф. б-н ишлашда техника хавфсизлигига амал қилиш лозим.

Ўзбекистон қ.х.да 90-й.лардан бошлаб Япония, Германия, АҚШ, Швейцария, Ҳиндистон фирмаларида ҳамда *«Навоий электрокимё заводи» акциядорлик жамияти*да ишлаб чиқарилган юқори самарадор Ф. қўлланилмоқда. Кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда Ф.ни қўллаш қонун б-н тартибга солинади.

Ад.: Фунгициды, Т., 1980; Ўзбекистон Республикасида ишлатиш учун рухсат этилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхати, Т., 2003.

Абдукарим Зокирёев.

ФУНДАМЕНТ (рус.) — қ. *Пойдевор.*

ФУНДАМЕНТАЛИЗМ — кенг маънода — муайян таълимот ақидаларининг ўзгармаслигини эълон қиладиган, эътиқодни ақл далилларидан устун қўядиган, илоҳий китоблардаги ваҳий қайси маънода баён этилган бўлса, шу маънода қабул қилинишини талаб этадиган, айни вақтда уларни мажозий маънода талқин этишга ҳар қандай уринишларни рад этадиган, дин асосларини оғишмай бажаришни қаттиқ талаб қиладиган ижтимоий, мафкуравий, диний йўналишлар. Тор маънода — *протестантизм*даги ортодоксал оқимлар. 1910-й.ларда АҚШнинг жан. штатларида пайдо бўлган. Улар христианликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса, Библиянинг мутлақо мукаммаллигига ишончни мустаҳкамлашни, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб қиладилар. 1919 й. Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солинди.

20-а.нинг 70-й.ларидан Ф. сўзи исломга нисбатан қўлланила бошланди. Ислом Ф.и Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этиш ва илк исломга қайтишни тарғиб қилади. Кейинги пайтларда мутаассиб мусулмонлар «фундаменталистлар» деб аталмоқда. Ислом Ф.и турли йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари террор усуллари б-н қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзини намоён этса, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим б-н, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, ун-т, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, аудио-видио кассеталарни тар-қатиш б-н шуғулланади. Ислом Ф.ига хос бўлган ғоялар—ғарб турмуш тарзи ва ғарб товарларининг истеъмолига қарши кураш, динсиз ёки «соф исломдан чекинган» давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, исломда ширкка барҳам бериш ва б.лар.

Ислом Ф.и талқинида азиз-авлиёлар қабрини эъзозлаш ҳам бутпарастликка киради. Ҳоз. даврда ислом Ф.и вакиллари бутун дунёга ёйилиб, ҳар ерда ўз маслакдошларини топишга интилмоқда.

Абдуҳасан Нуриймон.

ФУНДУК, фундуқ (Corylus maxima Mill.) — қайинндошлар (қайинғуллилар оиласи)га мансуб бута ёки дарахт. Ўрмон ёнғоғининг йирик мевали бир тури. Жан. Европа ва Осиёда тарқалган. Ўрта ва Жан. Европа, Туркия, АҚШ, Кавказ, Қрим ва б. жойларда ўстирилади. Бўйи 3—10 м, бир уйли, гули айрим жинсли, чангчиси (оталик гули) кучаласимон тўпгулга, урғочиси (оналик гули) якка-якка ёки 2—3 талан йиғилган. Сент-окт.да пишади; меваси (ёнғоғи) йирик, чўзинчоқ, пўсти юпқа. Мағзи таркибида 52—71% ёғ, 12—18% оқсил ва 3—10% углевод бор; Ф. мағзи қовурилган ёки хом ҳолида ейилади, қандолатчилик саноатида ишлатилади, ёғ олинади. Ф. уруғидан, пархиш, бачки илдизларидан кўпайтирилади. Кўчатлари 8×6 ёки 8×10 м схемада экилади. Шакл беришда тупида 8—10 асосий новда қолдирилади. Кўчати ўтказилгач, 4—6-йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги 10—30 ц/га.

Фундук: *1* — кучаласи ва урғочи тўпгули; *2* — мевали шохчаси; *3* — меваси (ёнғоғи).

ФУНИКУЛЁР (лот. funiculus — арқон) — қия йўналишда, қисқа масофада юк ва йўловчиларни вагонларда ташийдиган тор (1000 мм) изли темир йўл. Вагонлари электр двигатель, чиғир (лебёдка) ва пўлат арқон (канат) воситасида ҳаракатлантирилади. Ф.дан биринчи марта 1854 й.да Италия(Генуя) ва Австралия (Зоммеринг)да фойдаланилган. 20-а. бошларида Нижний Новгород (Россия), Киев (Украина) шаҳарлари ва б. шаҳарларда пайдо бўлган. Кейинчалик бошқа шаҳарларга тарқалган. Ф.нинг асосий қисмлари: рельсли из, пастдаги ва юқоридаги ст-ялар (баъзан оралиқ ст-я ҳам бўлади), вагонлар. Ф. авария тормозлари, сигнализация, алоқа ва блокировка воситалари б-н таъминланади. Ф. бир изли ва уч (кўп тарқалган), икки изли ва кўп вагонли изли; бир вагонли ва кўп вагонли бўлиши мумкин. Бир вагон бир издан кўтарилганда, иккинчи вагон бошқа издан пастга тушади. Ф. изларининг ўртача узунлиги — 400 (баъзан 1500 мм дан ошиши ҳам мумкин), қиялиги — 0,78, вагонларга 60—200 киши сиғади, ҳаракатланиш тезлиги 2—5 м/сек. Ф. шаҳарлар, курорт жойларда, тоғли мамлакатлар (Швейцария, Италия, Австрия, Украина, Грузия, Россия ва б.)да бор (2005).

Фуникулёр схемаси.

ФУНКЦИОНАЛИЗМ — 20-а. меъморлигидаги бино ва иншоотларнинг маиший эҳтиёжлар, и.ч. талабларига жавоб берадиган қилиб қуришни талаб этувчи йўналиш. Ф. қурилиш техникаси ютуқларидан кенг фойдаланди, ингичка лойиҳалаш усулларига эътибор қаратди.

Ф. 20-а. бошида пайдо бўлди. Асосчилари — америкалик меъмор Л.Г.Салливен ва Ф.Л.Райт. Ф. *рационализм* тарафдорлари бўлган Ғарбий Европа меъморлари томонидан қўллаб-қувватланди, қоидалари Францияда *Ле Корбюзье*, Германияда меъморлар В. *Гропиус*, Л. *Мис ван дер Роэ*, Х.Мейер ва б. томонидан ривожлантирилди ва тарғиб қилинди. Ф. Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ва Японияда кенг тарқалиб, «халқаро услуб»га айланди.

«Ф.» атамаси илк бор швейцилик меъморлик назариётчиси З. Гидион томонидан қўлланган. 1930-й.лардан Финляндия (А.Аалто ва б.), Швеция (С.Маркелиус ва б.)да Ф.га асосланган мамлакатнинг миллий хусусиятларига мослаштирилган усуллар ишлаб чиқилди. 2- жаҳон урушидан кейин 1939—45 й.ларда вайрон бўлган шаҳарларни тиклашда Ф. таъсири қайта жонланди, бироқ «халқаро услуб» бутунлай барҳам топди. Ф.нинг асосий талабларига брутализм, неоклассицизм тарафдорлари қарши чиқди.

Замонавий меъморлик назариясида Ф. усталарининг мероси (асосан, 1930-й.лар меъморлиги б-н боғлиқ бўлган тамойиллар)ни диққат б-н ўрганиш анъаналари устунлик қилади, айни бир пайтда Ф. тарафдорларининг ижтимоий утопик (меъморлик ёрдамида жамиятни ўзгартиришга умид қилган) қарашлари танқид қилинди.

Ад.: Гропиус В., Границы архитектуры, [пер. с нем.], М., 1971; Всемирная история архитектуры, т. 11, М., 1973.

ФУНКЦИЯ (лот. functio — бажариш, амалга ошириш) (тилшуносликда) — муайян тил, тил бирлиги, лисоний шаклнинг у ёки бу вазифани бажариш қобилияти; тилнинг кишилик жамиятидаги роли, вазифаси; тил тизимининг барча сатҳларида унинг бирликлари ўртасидаги боғлиқлик ёки муносабатлар. Тил бирлиги Ф.сини белгилаш унинг муайян тил (тил тизими)даги ролини аниқлашни кўзда тутади, мас., гапда коммуникатив (бирор нарса, воқеа ҳақида хабар бериш) ва номинатив (ушбу воқеани аташ) Ф.лар ажратилиши мумкин. Ҳар бир тил бирлиги маълум мақсад учун хизмат қилади, яъни муайян Ф.ни (вазифани) бажаради, шунинг учунгина бошқа тил бирлигидан фарқ қилган ҳолда мавжуд бўлади. Тил бирликларининг кўплаб Ф.лари — ўхшатиш, ажратиш, фарқлаш Ф.лари ажратилади; ана шу Ф.ларга мувофиқ равишда тил бирликларининг ўзлари ҳам фарқланади, ажратилади. Мас., *фонема* турли сўз ва морфемаларни фарқлаш ёки улар орасига чегара қўйиш учун хизмат қилади.

Ф.лар нафақат тил бирликларини, балки тилнинг ўзини тизим сифатида тавсифлашда ҳам ўрганилади. Тилнинг асосий Ф.лари: коммуникатив (муомала, алоқа қилиш Ф.си), билиш, акс эттириш, шакллантириш, алоқа ўрнатиш, номинатив (борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни номлаш, аташ), экспрессив (ифода, баён Ф.си), апеллятив (мурожаат, ундаш, даъват Ф.си) ва б. Тил Ф.лари қаторида унинг сатҳий Ф.лари — фонологик, морфологик ва б. Ф.лари ҳам кўрсатилади. Функционал нуқтаи назардан тил тизими кўп ўлчовли тузилма бўлиб, унинг намоён бўлиш шакллари (оғзаки ва ёзма тил), ижтимоий мақсад-вазифаси (адабий тил, ижтимоий гуруҳлар тиллари, арго ва б.), эстетик йўналганлиги (поэтик тил) ва б. жиҳатлари фарқланади.

ФУНКЦИЯ — мат.нинг энг муҳим ва умумий тушунчаларидан бири. Ўзгарувчи миқдорлар орасидаги боғланишни ифодалайди. Мас., қиррасининг узунлиги a га тенг бўлган куб ҳажми $V=a^3$ га тенг. Қиррасининг узунлиги ўзгариши б-н куб ҳажми ҳам ўзгаради. a нинг тайин бир a_0 қийматига V нинг ҳам тайин бир V_0 қиймати мос келади. $a_0=2$ дейлик. Ҳажм V нинг $a_0=2$ бўлгандаги қиймати $V_0=V(2)=(2)^3=8$ бўлади. Кубнинг қирраси узунлиги a ихтиёрий мусбат қийматларни қабул қилиши мумкин: a ўзгарувчи $(0, \infty)$ оралиқда ўзгаради. Демак, $V=a^3$ формула (қоида, қонуният) ёрдамида $(0, \infty)$ даги ҳар бир сонга $(0, \infty)$ даги тайин бир сон мос қўйилапти. $X=\{x\}$, $Y=\{y\}$ тўпламлар берилган, дейлик. Уларнинг x ва y элементлари ихтиёрий табиатли бўлиши мумкин. X тўпламнинг ҳар бир x элементига Y тўпламнинг тайин бир y элементини мос қўювчи f қоида (функция) Ф. дейилади. Бу таърифда 2 жиҳат муҳим: 1) X нинг ҳар бир x элементи учун Y нинг бу x га мос келувчи элементи мавжуд. Y нинг x га мос келувчи бундай y элементи ягона. Ф. акслаиш, акслантириш сўзлари, одатда, синоним сўзлар сифатида қўлланилади.



Функция. График усул.

Ф. 3 та объектдан иборат: 1) Ф.нинг аниқланиш соҳаси деб аталадиган X тўплам (аксланадиган тўплам); 2) Ф.нинг ўзгариш (қийматлар) соҳаси деб аталадиган Y тўплам (X тўплам аксланиш натижасида шу Y тўпламига ўтади); 3) X нинг ҳар бир x элементига Y нинг битта y элементини мос қўювчи қоида (мослик қонуни). Аниқланиш соҳаси X ва қийматлар соҳаси Y бўлган f функция $f:X\to Y$ (ёки $x\to f(x)$, $x\in X$) каби белгиланади. Бу символ «f X ни Y га акс эттирувчи функция» деб ўқилади. $y=f(x)$ ёзувда x — аргумент (эркли ўзгарувчи), y эса Ф. (эрксиз ўзгарувчи) дейилади; f эса берилган x_0 га мос y_0 ни топиш учун x_0 устида бажариладиган амалларни (x_0 бўйича y_0 ни топиш қоидасини) билдиради. Натижада ҳосил бўлган y_0 сон $f(x)$ Ф.нинг x_0 нуқтадаги қиймати дейилади: $y_0=f(x_0)$. Мас., $y=f(x)=x^2-5x+6$ Ф.нинг $x_0=1$ даги қийматини топайлик: $y_0=f(1)=1^2-5\cdot1+6=2$. Шунингдек, $y_0=f(2)=2^2-5\cdot2+6=0$. Ф.ни бериш — X ва Y тўпламлар орасидаги мослик қоидасини кўрсатиш демакдир. Мослик қоидаси f турли усулда берилиши мумкин: аналитик, график, жадвал.

Аналитик усул. Бунда x ва y ўзгарувчилар орасидаги мослик қоидаси аналитик ифода (формула) ёрдамида берилади. Мисол: $y=kx+b$, $y=-x^2+3$,

$$y=\frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}}e^{-\frac{(x-a)^2}{2\sigma^2}}$$

Ф.ни бир нечта формулалар ёрдамида ҳам берса бўлади. Мас.,

$$f(x)=\begin{cases} x^2, \text{ агар } x\le 0 \text{ бўлса,} \\ 0, \text{ агар } 0\le x\le 1 \text{ бўлса,} \\ \log_2 x, \text{ агар } x\ge 1 \text{ бўлса.} \end{cases}$$

Битта Ф.нинг ўзи турли хил формулалар б-н ифодаланиши ҳам мумкин.

График усул. Текисликдаги барча $(x, f(x))$, $x\in R$ нуқталар тўплами $y=f(x)$ Ф.нинг графиги дейилади. Мас., (x, x^2), $x\in R$ нуқталар тўплами текисликда $y=x^2$ Ф. графиги — параболадан иборат (расм). x ва y ўзгарувчилар орасидаги функционал боғланишни яққолроқ тасаввур этиш ва амалий хулосалар чиқариш учун бу боғланиш графигидан фойдаланиш қулай.

Тиббиёт, физика, биология каби фанларда, техникада миқдорлар ора-

сидаги боғланиш кузатилади ёки тажриба натижасида аниқланади. Бу боғланиш, кўпинча, график, жадвал кўринишида берилади. Кузатиш, тажриба натижаларини тақрибийдир, улар да кичик бўлса-да, хатоликлар бўлади. Ф.нинг жадвал усулда берилиши график усулда берилиши каби амалий аҳамиятга эга. $y=f(x)$ Ф.нинг $x_1, x_2, ..., x_n$ нуқталаги қийматлари $y_1, y_2, ..., y_n$ бўлсин: $y_k=f(x_k)$, $k=1, 2, ..., n$. У ҳолда Ф.ни ушбу жадвал кўринишида ифодалаш қулай.

x_1	x_2	...	x_n
y_1	y_2	...	y_n

Бу жадвал мас., вақт б-н бирор жойнинг ҳаво т-раси орасидаги боғланиш бўлиши мумкин. Бу боғланишнинг ифодаловчи Ф. йўқ. Бундай ҳолларда Ф.ни жадвал кўринишида тасвирлаш қўл келади.

Муҳаммад Маҳмудов

ФУНКЦИЯЛАР НАЗАРИЯСИ — мат.нинг функциялар умумий хоссаларини ўрганувчи бўлими. Ф.н. ҳақиқий ўзгарувчининг Ф.н. ва комплекс ўзгарувчининг Ф.н.га бўлинади (қ. *Аналитик функция*). Ҳақиқий ўзгарувчининг Ф.н., ўз навбатида, метрик, дескриптив, конструктив назариялар (қ. *Конструктив математика*) га бўлинади. Дескриптив назария тўпламлар назариясининг Евклид фазосида нуқтали тўпламлар тузилишини ўрганадиган бўлимидир. Қуйида эса функцияларнинг метрик назарияси қаралади. Классик математик анализ, асосан, узлуксиз функциялар б-н боғлиқ бўлган масалалари, шунингдек узлуксиз функцияларни ўрганишни тақозо қиладиган турли физик масалалар ва б. математика фани олдига узлуксиз функцияларга нисбатан умумийроқ функцияларни текшириш масаласини қўйди.

Тўпламлар назариясининг Ф.н.га кириб бориши (20-а. бошларида) уни систематик равишда ривожлантирди. Ф.н.да функцияни интеграллаш ва дифференциаллаш умумий ҳолда ўрганилади, узлуксиз функциянинг тузилиши текширилади. Ўлчовли функция тушунчаси метрик функциялар назариясининг асосий тушунчаларидан биридир. Ўлчовли E тўпламда $f(x)$ функция берилган бўлсин. Агар ҳар қандай ҳақиқий a сони учун $\{x:f(x)<a\}$ тўплам ўлчовли бўлса, у ҳолда $f(x)$ ўлчовли функция дейилади. $\{x:f(x)<a\}$ тўплам $E(f<a)$ каби белгиланади. Барча узлуксиз функциялар ўлчовли. Ўлчови нолга тенг тўпламда барча функциялар ўлчовли. Ўлчовли функция синфи тўрт арифметик амал ва лимитга ўтиш амалига нисбатан ёпиқ. Агар $f(x)$ ўлчовли функция бўлиб, энг кўпи б-н саноқли қийматларни қабул қилса, $f(x)$ содда функция дейилади.

$f(x)$ ўлчовли функция бўлиши учун уни текис яқинлашувчи содда функциялар кетма-кетлигининг лимити сифатида тасвирлаш зарур ва етарлидир. Н.Н.Лузин ўлчовли функция маълум маънода узлуксиз функция б-н яқинлаштирилиши мумкин бўлган функция эканини исботлади. $f(x)$ функция $[a, b]$ кесмада ўлчовли бўлса, у ҳолда ҳар қандай $\varepsilon>0$ учун $[a, b]$да узлуксиз шундай $g(x)$ функция мавжудки, у $mE(f\neq g)<\varepsilon$ муносабатни қаноатлантиради, яъни ўлчовли функциянинг ўлчови етарлича кичик бўлган тўпламдаги қийматларини эътиборга олмасак, уни узлуксиз функция деб қараш мумкин.

Агар $E(f\neq g)$ тўпламнинг ўлчови $mE(f\neq g)=0$ бўлса, $f(x)$ ва $g(x)$ функциялар E тўпламда эквивалент дейилади. E нинг ўлчови нолга тенг бўлган $A\subset E$ тўпламда бажарилмай, E нинг қолган қисмида бажарилса, у ҳолда бу хосса E да деярли бажарилади дейилади. Эквивалент функциялар деярли тенг. $f(x)$ ва $g(x)$ функциялар $[a, b]$ да узлуксиз ва эквивалент бўлса, устма-уст тушади. Умуман ўлчовлик эквивалент функция устма-уст тушиши шарт эмас. Мас., Дирихле функцияси

$$\chi(x)=\begin{cases}агар\ x\ рационал\ бўлса,\ 1\\ агар\ x\ иррационал\ бўлса,\ 0\end{cases}$$

айнан нолга тенг бўлган функцияга эквивалентдир.

Ф.н.да функциялар кетма-кетлигининг яқинлашиши турлича киритилиши мумкин. Ўлчовли E тўпламда $\{f_n(x)\}$ ўлчовли функциялар кетма-кетлиги берилган. Деярли барча $x\in E$ учун $\lim_{n\to\infty} f_n(x)=f(x)$ бўлса, $\{f_n(x)\}$ кетма-кетлик $f(x)$ функцияга E нинг деярли ҳамма ерида яқинлашади дейилади. Агар ҳар қандай $\varepsilon>0$ учун $\lim_{n\to\infty} mE(|f_n-f|\geq\varepsilon)=0$ бўлса, $\{f_n(x)\}$ ўлчовли функциялар кетма-кетлиги $f(x)$ функцияга ўлчов бўйича яқинлашади дейилади. Бу икки яқинлашиш орасидаги муносабат А.Лебег ва Ф. Рисс теоремаларида берилган. Ўлчовли функциялар кетма-кетлигининг $f(x)$ функцияга деярли ҳамма ерда яқинлашишидан бу кетма-кетликнинг шу $f(x)$га ўлчов бўйича ҳам яқинлашиши келиб чиқади. Агар $f(x)$ га ўлчов бўйича яқинлашса, у ҳолда $\{f_n(x)\}$ дан $f(x)$ га деярли ҳамма ерда яқинлашувчи $\{f_{n_k}(x)\}$ қисмий кетма-кетлик ажратиб олиш мумкин.

Функцияларнинг деярли ҳамма ерда яқинлашиши б-н текис яқинлашиши орасидаги муносабат Егоров теоремасида берилган: ўлчовли E тўпламда $f(x)$ функцияга деярли ҳамма ерда яқинлашувчи $\{f_n(x)\}$ ўлчовли функциялар кетма-кетлиги берилган бўлсин. У ҳолда ҳар қандай $\delta>0$ учун шундай ўлчовли тўплам $E_\delta\subset E$ мавжудки, унинг учун $mE_\delta>mE-\delta$ муносабат бажарилади ва $\{f_n(x)\}$ функциялар кетма-кетлиги E_δда $f(x)$ га текис яқинлашади. Ф.н.да квадрати б-н жамланувчи функциялар синфи муҳим ўрин тутади (қ. *Гильберт фазоси*). Функцияларнинг метрик назариясига Р. Бэр, Ф. Рисс, француз математиклари Э.Борель, А.Лебег, рус математиклари Д.Ф.Егоров, Н.Н.Лузин, А.Н.*Колмогоров*, Д.Е.Меньшов, ўзбек олимларидан Т.А. *Саримсоқов*, С.Х. *Сирожиддинов* ва б. катта ҳисса қўшган.

ФУНТ (лот. pondus — вазн, оғирлик) — 1) инглиз ўлчов тизимида асосий масса бирлиги. Ш б-н белгиланади. 1 Ф. (савдода)=0,4095... кг =1 *қадоқ*; 1Ф (дорихонада) =0,35832336 кг; 2) рус ўлчов тизимида масса бирлиги: 1Ф =0,4095124 кг =1/40 *пуд*.

ФУНТ (лот. pondus — вазн, оғирлик, тарозига тошни) — МАР пул бирлиги. 1Ф.=100 пиастр=1000 миллим. Халқаро ифодаси EGP. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган курси бўйича 1Ф.=163 сўм 34 тийин (2003, май). Шунингдек, Гибралтар (GIP, 1Ф. = 100 пенс), Ирландия (IEP, 1 Ф. = 100 пенс), Кипр (CYP), Ливан (LBP), Сурия (SUP) ва Судан (SDP) пул бирликлари ҳам (ҳар бири = 100 пиастр) Ф. деб юритилади.

ФУНТ СТЕРЛИНГ (инг. pound ёки pound sterling) — Буюк Британия пул бирлиги. 1 Ф.с. = 100 пенс (1971 й.га қадар Ф.с. = 100 шиллинг = 240 пенс бўлган). 11-асрдан кумушдан, 14-а. ўрталаридан олтиндан ҳам тангалар шаклида зарб қилинган. Ф.с. банкноталарини Англия банки 1694 й.дан чиқара бошлаган. Жаҳондаги энг барқарор валюталардан бири. Халқаро валюталар курси бўйича 0,7 Ф.с. = 1 АҚШ доллари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган курс бўйича 1 Ф.с. = 1581 сўм 22 тийин (2003 й. май).

ФУНШАЛ — Португалиядаги шаҳар, Мадейра о.да. Аҳолиси 115,4 минг киши. Атлантика океани соҳилидаги порт. Четга вино, мева ва балиқ чиқарилади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Виночилик, шакар қанд, кема таъмирлаш корхоналари бор. Халқаро курорт ва туризм маркази. Шаҳарда 1421 й.да асос солинган 15—16-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган.

ФУОД КЎПРУЛУ (Fuat Köprülü), Меҳмет Фуод Кўпрулузода (1890.4.12, Истанбул — 1966.28.6) — турк адабиётшунос олими, тарихчи ва давлат арбоби. Истанбул ун-ти проф. (1913). Туркия ташқи ишлар вазири (1950-1956). Ҳайдельберг (1923), Сорбонна (1937), Афина (1938) ва б. кўплаб ун-тларнинг фахрий д-ри. Истанбул ҳуқуқ мактабини тугатган. «Haile Ҳолида» (1908) шеъри б-н танилган. 28 ёшидан бошлаб Истанбул ун-тининг адабиёт ф-тида (1913—41), шунингдек, Туркиянинг бошқа олий ўқув юртларида турк адабиёти тарихи, маданият тарихи, адабиёт тарихи ва б. фанлардан дарс берган. Туркий халқлар адабиёти ва маданияти тарихи бўйича фундаментал тадқиқотлар яратган. Туркияда замонавий адабиётшунослик фанига асос солган. «Буюгги адабиёти» (1924), «Миллий адабиёт ларихининг илк мубашширлари ва Девони Туркийи басит», «Турк адабиёти тарихи» (1928), «Қадим турк шеъри ва адабиёти ҳақида тадқиқотлар» (1934), «Янги усмонли адабиёт тарихи» (1935), «Алишер Навоий» (1941) каби 20 дан зиёд монографиялар эълон қилган. «Турк халқ шоирлари» (1939; 1940; 1962) антологиясини тузган. Ф.К. Ўрта Осиё халқлари адабиёти, тили ва маданияти тарихига, айниқса Яссавий, Бақирғоний, Навоий, Бобур ва б. шоирлар ижодига, фольклор асарларига бағишланган 500 дан зиёд мақолалар муаллифи. Ф. К. нинг тасаввуф адабиёти намояндаларига бағишланган «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» (1919) асари 8 марта нашр этилган. Ф.К. Яссавий издошларидан Султон Аҳмад Ҳазиний (16-а.) ҳақида илк марта маълумот берган. В. Бартольднинг «Ислом маданияти тарихи» китобини турк тилида нашрга тайёрлаган. Айрим мақолалари ўзбек тилида чоп этилган.

Ад.: Фитрат, Танланган асарлар, 2-ж., Т., 2000; Гордлевский В. А., Избранные сочинения, т. 3, М., 1961.

Иброҳим Ҳаққул

ФУРАН, фурфуран — гетероциклик бирикма; хлороформ ҳидли келадиган рангсиз суюқлик. Мол.м. 68,07. Суюқланиш т-раси −85,6°, қайнаш т-раси 31,35°, зичлиги 936,6 кг/м³. 25°да 100 г сувда 1 г Ф., 100 г Ф.да эса 0,3 г сув эрийди. Ф. кўпгина органик бирикмаларнинг бошланғич ҳисобланади. Ф. бирикмаларнинг ҳосилаларининг амалий аҳамияти катта, мас., *фурфурол*, тетрагидрофуран Ф., асосан, фурфуролдан олинади. Ф. тетрагидрофураннинг синтезлашда оралиқ маҳсулот ҳисобланади, у пиррол олишда ҳам ишлатилади.

ФУРАЦИЛЛИН — бактерияларга қарши кучли таъсир этувчи дори. Граммусбат ва граммманфий микроорганизмлар (стафилококклар, стрептококклар, дизентерия таёқчаси) га таъсир қилади. Сувда кам эрийди, мазаси сал тахир, майда кристалл сариқ порошок. Ф. эритмаси ва малҳамлари йирингли яллиғланишларни (яраларни, куйганда ва б.) даволашда ишлатилади.

Ф. айрим антисептик препаратлар таркибига киради.

ФУРГОН (франц. fourgon) — юк ёки юк-йўловчи автомобили ва тиркамасининг усти ёпиқ кузови. Умумий ишларга мўлжалланган ва махсус хилларга бўлинади. Махсус Ф.нинг ичи муайян бир юк турини (мас., мебель, нон маҳсулотлари ва б.) ташиш учун мослаштирилган бўлади. Ф. каркаси фақат металл (синчи ҳам, қопламаси ҳам металл) ёки ёғоч-металл (синчи ёғоч, қопламаси металл) дан ясалиши мумкин. Юкни ортиш ва тушириш осон бўлиши учун Ф.га икки тавақали орқа (баъзан, ён) эшик қилинади. Кам (1 т гача) юк ташиш учун мўлжалланган енгил Ф.ларнинг кабинаси юк кузови б-н бирлашган бўлади, лекин кузов кабинадан оинали тўсиқ б-н ажратилади.

ФУРМА (нем. Form — форма, шакл) — металлургия печи ва агрегатларига ҳаво ёки кислород юбориш мўлжалланган қурилма. Ф. пўлат ёки рангли металлар қуйишда ёниш жараёнини тезлаштириш, металларни зарур кислородлаштириш... Ф. сопло (домна печлари), махсус учликли қувур (конвертерлар, мартен печларида) кўринишида бўлиши мумкин. Ф. орқали ҳаво ва кислороддан ташқари кукунсимон материаллар ҳам юборилади (қ. *Кислород-конвертер жараёни*).

ФУРОТ, Фрот (арамийча — ширин сув, араб. номи — Шатт ул-Фурот) — Турк. Ғарбий Осиёдаги энг катта дарё. Туркия, Сурия ва Ироқ ҳудудларидан оқади. Сурия ва Ирокдаги дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Узунлиги Мурод дарёси бошланишидан 3065 км, Мурод ва Қорасув дарёлари қўшилишидан 2700 км. Ҳавзасининг майд. 673 минг км². Тоғ тизмаларидан бошланиб, чекка тизмаларни ўтганда тор дара ҳосил қилади. Сўнгра Сурия платосида чуқур водийда оқиб, Месопотамия пасттекислигига чиқади. Бу ерда дарё ўзанининг кенглиги 150—300 м, чуқурлиги 10 м гача етади. Қуйи қисмида Дажла дарёси б-н қўшилиб, Шатт ул-Араб деб аталади ва Форс кўлтиғига қуйилади. Баҳорда тўлиб оқади, ёз ойларида суви камаяди. Тоғли қисмида қор, ёмғир, текисликда ёмғир сувларидан тўйинади. Тошқин пайтда сув сатҳи 3—4 м кўтарилади. Сув сарфи Хит ш. да ўртача 840 м³/сек, қуйи қисмида 300—400 м³/сек. Сув камайиб боради. Ф. суви, асосан, суғоришга сарфланади. Бир қисми буғланади ва ерга сингади. Дарё оқизиқлари ўрта оқимида (йилига 13—15 млн. т) қуйилишига томон чўкиб камайиб боради. Ф. б-н Дажла оралиғи Ер юзидаги энг қад. маданият марказларидан бўлган (қ. *Месопотамия*). Дарё суви қадимдан суғоришда кенг фойдаланилган. Ф.да Тошқинга қарши гидротехник иншоотлар ва марказлар, гидроузел ҳамда сув омборлари қурилган. Хит ш.гача кема қатнайди. Соҳил қисмида воҳа кўп.

ФУРУНКУЛ (лот. furunculus) — қ. *Чипқон*.

ФУРФУРОЛ (лот. furfur — кепак, қипиқ ва oleum — мой). $C_5H_4O_2$ — ниси ёпилган жойлари кон ҳидли келадиган гетероциклик альдегид: сарғиш мойсимон суюқлик. Суюқланиш т-раси — 36,5°, қайнаш т-раси 161,7°, зичлиги 1159 кг/м³; сувда оз, спирт ва эфирда яхши эрийди. Ф.нинг кимёвий хоссалари бензоат альдегидникига ўхшайди. Ўсимлик материаллари (мас., маккажўхори ўзаги, шоли қипиғи)ни гидролизлаб олинади. Ф. фурфурил спирт, тетрагидрофурфурил спирт, тетрагидрофуран, фуран смолалари, диенлар, саноат олишларида ишлатилади. Ф.нинг баъзи ҳосилалари тиббиётда *фурацилин* сифатида қўлланади.

ФУРЬЕ (Fourier) Жан Батист Жозеф (1768.21.3, Осер — 1830.16.5, Париж) — француз математиги. Париж ФА аъзоси (1817). Осердаги ҳарбий мактабни тугатган, ўша мактабда, кейин Политехника мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган (1796—98). Дастлабки илмий ишлари алгебрага доир. Асосий илмий ишлари математик физикага оид. Унинг қаттиқ жисмларда иссиқликнинг тарқалиши назариясини тузишдаги илмий иши математик физиканинг ривожланиши тарихида алоҳида ўрин тутган. «Иссиқликнинг аналитик назарияси» асарида у иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламасини чиқарган ва уни ечиш усулини тавсия этган. Ф.нинг ўзгарувчиларни ажратиш усули кейинчалик С. Д. *Пуассон*, М. В. *Остроградский* ва б. олимлар ишларида ривожлантирилди.

ФУРЬЕ (Fourier) Франсуа Мари Шарль (1772.7.4, Безансон — 1837.10.10, Париж) — француз социологи, утопик социалист. Буржуа тузумини танқид қилиб, бўлажак жамият режасини ишлаб чиққан. Унингча, инқирозни бошидан кечираётган цивилизациялашган жамият ўрнига уйғунликка асосланган, инсоннинг барча қобилиятлари намоён бўладиган олий ижтимоий тузум келади. Бу жамиятнинг бошланғич ячейкаси саноат ва қ.х. ишлаб чиқаришини бирлаштирувчи «фаланга» (жуда катта жамоа)лардир. Ф. га кўра, социалистик ғояларни тинч йўл б-н тарғиб қилиш орқали янги жамият қарор топади. Асосий асарлари: «Тўрт ҳаракат ва муштарак тақдирлар назарияси» (1808), «Жаҳон бирлиги назарияси» (1822), «Уй ва ер ишлари уюшмаси ҳақидаги рисола» (1822), «Янги хўжалик социетар дунёси» (1829).

ФУРЬЕ АЛМАШТИРИШЛАРИ — берилган $f(x)$ функцияни

$$\varphi(t)=\frac{1}{\sqrt{2\pi}}\int_{-\infty}^{\infty} f(x)e^{-itx}dx \quad (1)$$

формула б-н аниқланадиган $\varphi(t)$ функцияга алмаштириш. Агар: а) $f(x)$ жуфт функция бўлса, Ф.а.

$$\varphi(t)=\sqrt{\frac{2}{\pi}}\int_{0}^{\infty} f(x)\cos xt\,dx \quad (2)$$

кўринишда ёзилиб, Фурьенинг косинус алмаштириши,
б) $f(x)$ тоқ бўлса, Ф.а.

$$\varphi(t)=\sqrt{\frac{2}{\pi}}\int_{0}^{\infty} f(x)\sin xt\,dx \quad (3)$$

кўринишда ёзилиб, Фурьенинг синус алмаштириши дейилади. (2), (3) формулалар $f(x)$ жуфт (тоқ) функциялар учун симметрикдир, яъни:

$$f(x)=\sqrt{\frac{2}{\pi}}\int_{0}^{\infty} \varphi(t)\cos xt\,dt \quad (4)$$

ёки

$$f(x)=\sqrt{\frac{2}{\pi}}\int_{0}^{\infty} \varphi(t)\sin xt\,dt \quad (5)$$

Умумий ҳолда Ф.а.га тескари алмаштириш

$$f(x)=\frac{1}{\sqrt{2\pi}}\int_{-\infty}^{\infty} \varphi(t)e^{itx}dt \quad (6)$$

кўринишга эга.
Ф.а. асосий хоссалари: агар $f(x)$ функция $(-\infty, +\infty)$ да абсолют интегралланувчи бўлса, у ҳолда

а) $t \in (-\infty,\infty)$ учун

$$|\varphi(t)| \le \frac{1}{\sqrt{2\pi}}\int_{-\infty}^{\infty} |f(x)|\,dx,$$

б) $$\varphi(0)=\frac{1}{\sqrt{2\pi}}\int_{-\infty}^{\infty} f(x)dx,$$

в) $f(x)$ учун $\varphi(t)$ Ф.а. бўлса, $f(ax+b)$ нинг Ф.а.

$$\varphi(t)=\frac{e^{\frac{ibt}{a}}}{a}\varphi\left(\frac{t}{a}\right) \quad (7)$$

кўринишга эга.
г) агар $\varphi_1(t)$, $\varphi_2(t)$ лар мос равишда $f_1(x)$, $f_2(x)$ ларнинг Ф.а. бўлса, $C_1f_1(x)+C_2f_2(x)$нинг Ф.а. $C_1\varphi_1(t)+C_2\varphi_2(t)$ дан иборат.

д) $f(x)$ учун ушбу $\int_{-\infty}^{\infty}|f(x)|^2dx$ интеграл яқинлашувчи бўлса, (1) ва (6) лардаги интеграллар ўртача яқинлашади ва

$$\int_{-\infty}^{\infty}|f(x)|^2dx=\int_{-\infty}^{\infty}|\varphi(t)|^2dt \quad (8)$$

тенглик ўринлидир.

Бу формула Парсевал формуласининг умумлашгани бўлиб, Планшарель теоремаси дейилади. (8) формула, физика нуқтаи назаридан, тебранма ҳаракат энергияси унинг гармоник компонентлари энергияларининг йиғиндисига тенг эканлигини билдиради.

Ф.а. операторини юқорида айтилган маънода интегралланувчи функциялардан кўра умумийроқ функциялар синфига, чунончи баъзи бир умумлашган (секин ўсувчи) функциялар синфига ҳам қўллаш мумкин. Ф.а. Бессел функцияларига нисбатан умумлаштирилган. Ундан ташқари, эҳтимоллар назариясида кенг қўлланиладиган Фурье-Стилтьес алмаштириши ҳам бунга мисол бўлади. Бу хилдаги $\varphi(t)$ алмаштириши, камаймайдиган ва ўзгариши чегараланган $F(x)$ функция учун

$$\varphi(t)=\int_{-\infty}^{\infty} e^{-itx}dF(x) \quad (9)$$

Стилтьес интеграли б-н ифодаланиб, характеристик функция дейилади.

Ф.а. дастлаб иссиқлик ўтказиш назариясида қўлланилиб, кейинчалик у математиканинг кўпгина муҳим соҳаларида дифференциал, интеграл тенгламаларни ечишда, махсус функциялар назариясида ва б.да қўлланилиб келмоқда.

ФУРҚАТ (тахаллуси; асл исм-шарифи Зокиржон Мулло Ҳолмуҳаммад ўғли) (1859, Қўқон —1909, Ёркенд) — тараққийпарвар шоир, мутафаккир, публицист. Маҳалласидаги мактабда савод чиқарган, мударрис ва котиблардан хаттотлик, араб тилини ўрганган. Мадрасада ўқиган (1873—76). Алишер Навоий ижодини, форс адабиёти намояндалари меросини чуқур ўрганган, форс тилини мукаммал ўзлаштирган. 1876 й.да Янги Марғилон (ҳоз. Фарғона) ш.даги савдогар тоғасининг илтимосига кўра у ерга бориб, савдо ишларида унга ёрдамлашган, кейинчалик ўзи ҳам кичик дўкон очган. Айни пайтда билимдон шахс сифатида кишиларнинг арз ва илтимосларини расмий маҳкамаларга аризалар шаклида битиб, мирзалик ҳам қилган.

Ф. Янги Марғилонда ижодкор сифатида тўла шаклланди, ўз ғазалларига «Фурқат» тахаллусини қўйиб, шуҳрат қозона бошлади. Бу ерда ўтказилган йиллар Ф.нинг халқчил дунёқарашини, илғор адабий-эстетик тушунчаларининг шаклланишида ҳам муҳим бир босқич бўлди.

80-й.ларнинг бошларида Ф. Қўқонга қайтиб, оила қуради ва, асосан, ижодий иш б-н шуғулланади. Муқимий ва Муҳйи етакчи бўлган Завқий, Нодим, Нисбат, Муҳаййир каби ижодкорлар гуруҳи б-н бевосита мулоқотда бўлади, улар уюштириб турадиган адабий мажлислар, шеърият кечаларининг фаол иштирокчисига айланади.

Ф.нинг Қўқондаги бу давр ижоди тур ва мавзу, мазмун ва шакл рангбаранглиги жиҳатидан ҳам, сермаҳсуллиги жиҳатидан ҳам диққатга сазовор. У мумтоз шеърият анъаналари руҳида кўплаб ишқий ғазаллар, мухаммаслар яратган. Алишер Навоий асарларига гўзал назира ва тахмислар боғлаган. Унинг шеърларида ижтимоий руҳ ва замонавийлик тобора кенг ўрин эгаллай бошлаган (мас., «Бўлди» радифли мухаммаси ва б. шеърларида). Ф. халқнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги ва иқтисодий ночор аҳволидан қайғирган («Не журм ўттики биздин, бунчалик Фарғона танг бўлди?...»)

Қўқон хонлигининг узил-кесил тугатилиб, батамом мустамлакага айлантирилиши воқеасига боғлиқ ҳолда яратилган: «Демиш хон бир куни: ким, давру давронлар қаён қолди?» мисраси б-н бошланувчи мухаммаси ҳам Ф.нинг шу даврдаги ижоди маҳсулидир. Тожу тахтдан, шаъну шавкат ва аъёнлардан маҳрум бўлган Худоёрхон номидан битилган бу асар ҳам шоир ижодида замонавий ижтимоий мавзу кенг ўрин эгаллаганининг исботидир.

Ф.нинг ижодий меросида анъанавий шеърий турлар, ўзбек мумтоз адабиётидаги асосий мавзулар етакчи ўрин эгаллайди. Унинг ғазал ва мухаммаслари, боғлаган тахмислари ўзининг ҳаётийлиги, мусиқийлиги, ниҳоятда самимийлиги б-н ўқувчини мафтун этади. Ф. шеърларида она-юрт табиати ва баҳор гўзаллиги, жўшқин севги-муҳаббат ва чин инсоний фазилатлар, ҳаёт шодликларидан қувониш ва турмуш ташвишларидан шикоят қилиш, умуман, одам ва олам, кишиларнинг маънавий дунёси, меҳри ва қаҳри яққол тасвирланган. Мас., «Баҳор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса», «Умр хуш ўтмас баҳор айёми саҳро бўлмаса», «Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг», «Жаннатнинг гулларидан гулзорингиз чиройлик», «Кўнгул дардига топмай борамен ҳаргиз даво истаб», «Фасли навбаҳор ўлди кетсун зимистонлар» каби мисралар б-н бошланувчи ғазаллари, «Этти фалак», «Бири», «Истар кўнгул», «Дўст», «Кокулунг» радифли мухаммаслари, Навоий ғазалларига тахмислари давр шеъриятининг ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан етук намуналари ҳисобланади.

Ф. шеъриятида мустамлака тузумининг иллатларини қоралаш, жорий адолатсизлик ва зўравонликдан, ҳуқуқсизлик ва ночор ҳаётдан, нодонларнинг замонада эътибор топиб, доноларнинг хор-зор этилишидан норозилик эса қоларли бадиий бўёқларда тасвирланган.

«Чархи кажрафторнинг бир шевасидан догмен:
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур»

каби баркамол мисралар шоир ижодидаги ижтимоий йўналишнинг акс эттиради. «Бормасмиз» радифли шеърида эса ўзбек миллий руҳияти бадиий ифодаланган. Машҳур «Сайдинг қўябер, сайёд...» мусаддасида эса шоир шахснинг эркин яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилади, зулм ва истибдодни қатъий қоралайди.

Ф. худди шу йилларда «Ҳаммоми хаёл» рисоласини ёзади. «Чор дарвеш» ҳикоятини форсчадан таржима қилади. «Нуҳ манзар» номли шеърий китоб яратади. «Булардин бўлак ҳар хил ғазалиётим Фарғона музофотига (яъни, ён-атроф қишлоқ-шаҳарларига) ва дигар мамлакатларга мунташир (машҳур) бўлди», деб ёзади шоир. Худди шу йилларда Ф. илк бор шеърларини тўплаб, мажмуа ҳолига ҳам келтирган. Афсуски, шоирнинг ўзи қайд этган рисола, манзума ва таржималари каби бу мажмуа ҳам шу кунгача топилган эмас.

Ф. тахм. 1886—87 й.ларда Марғилонга бориб, у ердаги Масжиди жоме ҳужрасида истиқомат қилган, ёру биродарлари кўмагида кичик дўкон очган бўлса-да, асосан, шеърият б-н шуғулланган, шаҳарнинг зиёлилари

Фурқат (А. Абдуллаев асари).

жумладан, Хўжажон *Ражий*, Муҳаммад Умар *Умидий*-Ҳавоий, Мулла Тошболту Роиқ каби ижодкорлар б-н танишиб, адабий суҳбатлар қурган. Ф. илк бор газ. б-н танишиб, унинг «Тошкент шаҳрида босма бўлгон»лигини шу ерда билади. Янгиликка чанқоқ, тараққийпарвар шоирда ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришларга, секин-аста ёйила бораётган фан ва техника намуналарига қизиқиш уйғонади, янгиликлар б-н бевосита танишиш, ўз кўзи б-н кўриш иштиёқи зўраяди. 1889 й. бошларида Тошкент сафарига чиқади. Хўжандда тўхтаб, Тошхўжа *Асирий* бошлиқ шоирлар, адабиёт мухлислари б-н учрашади, адабий кечаларда иштирок этади. Ниҳоят, 1889 й.нинг июнида Тошкентга келади. Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси ҳужраларидан бирида яшайди. Кўзга кўринган олим, фозиллар б-н танишади. Шарифхўжа эшон тавсияси б-н маълум муддат «Фарҳат» (шодлик, хурсандлик) тахаллусида шеърлар ёзади, лекин кўп ўтмай, эски тахаллусига қайтади.

Ф. Тошкентда рус зиёлилари, европача ҳаёт тарзи б-н танишди. Чор маъмурлари шоирнинг театр, гимназияга, турли концертларга киритишни уюштирадилар, кўргазмаларга олиб бордилар. Янги тарихий шароит туфайли юз берган ўзгаришларни мушоҳада этиш натижасида Ф. дунёқарашида жиддий ўзгариш бўлади ва бу ҳол унинг ижодида ўз бадиий ифодасини топади — маърифатпарварлик, европача илм-маданият, фан-техникага хайрихоҳлик шоир шеърларининг етакчи ғоясига айлана боради. Бу эса Ф.нинг кўп асрли ўзбек адабиётига янги мавзулар, янги ғоялар олиб киришига замин бўлди. Тошкентда очилган эрлар гимназияси, маориф муассасалари, маданият ва санъат ўчоқларини, тобора кўпроқ кириб келаётган фан-техника янгиликларини кузатиш оқибатида унинг «Илм хосияти», «Гимназия», «Виставка хусусида», «Акт мажлиси хусусида», «Тошкент шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида», «Суворов» ва б. асарлари майдонга келди ва уларнинг барчаси 1890 й.ларда «Туркистон вилоятининг газети»да чоп қилинди.

Бу туркум асарларида Ф. янгилик ва тараққиётнинг, илм-фан ва европача маориф-маданиятнинг тарғиботчиси сифатида намоён бўлади; ўз ватандошларини замонавий билимларни пухта эгаллашга ва илғор халқлар қаторидан ўрин олишга даъват этади. Бироқ Ф. айрим замондошлари сингари рус истилочилик сиёсатининг асл моҳиятини бирданига англай олмади. Рус, Европа маданиятпарварлиги орқасида маҳаллий руслаштириш сиёсати пинҳон эканлигини сўнгроқ тушуниб етди. Худди шу йилларда яратилган «Шоир аҳволи ва шеър мубоғаласи хусусида» асарида Ф. ижодкор ва бадиий адабиёт хусусида гап очиб, шеъриятда реалистик тасвир масаласини кўтаради.

Ф. ҳақли равишда ўзбек публицистикасининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Ф.нинг публицист сифатидаги фаолияти 1890 й.дан бошланди. «Туркистон вилоятининг газети»га расман ишга кирди, газ.ни тайёрлашда бевосита қатнашди. Бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида Сатторхон каби илғор маърифатпарварлар б-н ҳамкорликда ишлаб, газ. саҳифаларида ўз мақолаларини эълон қилди. Мас., 1891 й. 1-ярмида «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти. Ўзи ёзгони» публицистик асарини ёзиб, шу газ.да эълон қилди. 1891 й. майда Самарқандга борди, осори-атиқалар б-н танишди, газ.га хабарлар йўллади, кейин Бухорода бўлди. Июлда эса чет эл саёҳатига чиқди. Унинг чет элга саёҳати ҳақида турли тахминлар бор. Айрим маълумотларга қараганда, у атайин қайтиб келмайдиган қилиб ўз юртидан чиқариб юборилган. Хуллас, 1891 й.нинг июлида Марв—Ашхобод—Боку—Батуми орқали Истанбулга борди. Дўстларига ёзган мактубларида, воқеаларни олдиндан билгандек, ватанидан бир умр ажралиб қолдигин одамнинг кайфиятини акс эттирди. Мас., Истанбулдан ёзган «Са-

боға хитоб» шеърий мактубида Ватан иштиёқи, дўстлар соғинчи, ғурбат азоблари ва ёлғизлик мотивлари биринчи ўринга чиққан.

Ф. Истанбулдан Булғория ва Юнонистонга ўтди. Болқон ярим оролининг қатор шаҳарларида бўлди. 1892 й.нинг мартида Истанбулдан Ўрта денгиз орқали Арабистонга — Макка, Жидда, Мадина ш.ларига борди. Маккадаги ҳаж зиёрати муносабати б-н «Ҳажнома» асарини ёзди. Сўнг Бомбайга келди, Ҳиндистоннинг қатор вилоятларига саёҳат қилди. Унинг бу даврда ёзган насрий ва назмий мактубларида тушкунлик, она-юрт соғинчи ва изтироблари акс этган. «Адашганман» радифли ҳамда «Кашмирда», «Булбул» деб номланувчи лирик шеърлар туркуми шу жиҳатдан ўзига хос ҳижронномадир. 1893 й. мартида Ф. Кашмир ва Тибет орқали Шарқий Туркистонга бориб, Ёркендда турғун яшаб қолди. Оила қурди. Табибликдан хабардор бўлган шоир доривор ўсимликлар б-н савдо қилувчи дўкон очди, ижодий иш ва хаттотлик б-н шуғулланди. Ф. доимо Ватанига қайтиш умиди б-н яшади. Аввал бошлаган «Саёҳатнома» асари устидаги ишни Ёркендда давом эттирди. Лекин бу асар ҳануз топилгани йўқ. У ердан Тошкентга публицистик асарлар, турли мавзудаги хат-мақолалар, Фарғона ва Тошкентдаги ёр-дўстларига мактублар йўллаб турган. Ф. ўзбек матбуоти тарихида *фельетон* жанрини бошлаб берди («Ҳинд найрангбози Ёркендда», 1905).

Баркамол лирикаси, жозибали насри ва публицистикаси б-н 19-а. охири ва 20-а. бошларидаги миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган Ф. она-ватанидан узоқда вафот этди. Унинг жасади Ёркенднинг Донгдор қабристонига кўмилган. 1990 й. шоир қабри устига мақбара қурилган.

Ф.нинг шеърлари китоб ҳолида дастлаб 1913 й.да Муқимий шеърлари б-н бирга баёз ҳолида тошбосмада босилган эди, 50—80-й.ларда кўп бор нашр этилди. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида қатор илмий асарлар ёзилди, диссертациялар ёқланди, опера либреттоси, киносценарий ва б. яратилди. Ўзбекистондаги бир қатор қишлоқ, туман, мактаб, кўча ва хиёбонлар, боғлар унинг номи б-н аталади.

Ас.: Танланган асарлар, 2 ж.ли, Т., 1959; Асарлар мажмуаси [2 ж.ли], Т., 1991.
Ад.: Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар, Т., 1958; Фурқат (тўплам), Т., 1959; Холид Расул, Фурқат. Танқидий биографик очерк, Т., 1959; Абдуғафуров А., Зокиржон Фурқат (ҳаёти ва ижоди), Т., 1977; Юсупов Ш., Фурқат йўлларида, Т., 1984; Қаюмов А., Шеърият жилолари, Т., 1997.

Абдурашид Абдуғафуров, Бегали Қосимов.

ФУРҚАТ ТУМАНИ — *Фарғона вилоятидаги* туман. 1992 й. 9 апр.да ташкил этилган. Шим.дан Тожикистон Республикаси ва Данғара тумани, ғарбдан Бешариқ, жан. ва шарқдан Ўзбекистон туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,31 минг км². Аҳолиси 88,7 минг киши (2003). Туманда 6 қишлоқ фуқаролари йиғини (Навбаҳор, Томоша, Шунқор, Қўқон, Ғаллакор, Ғунча) бор. Маркази — *Навбаҳор* қишлоғи.

Табиати. Рельефи пастткислик, қир, тошлоқ ва қумли чала чўллар. Туман ҳудуди Марказий Фарғона чўлида, Сўх-Исфара массивида жойлашган. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси 0°, —5°, энг паст т-ра —17°, июлнинг ўртача т-раси 29—31°, энг юқори т-ра 42°. Йилига 100—300 мм ёғин тушади. Вегетация даври 210—230 кун. Баҳор ва кузда кучли «Қўқон шамоли» эсади. Ф.т.нинг шим. қисмидан Сирдарё ва Қолгандарё ирмоғи, жан. қисмидан Катта Фарғона канали оқиб ўтади. Тупроқлари сур-қўнғир ва бўз, суғориладиган ўтлоқ, қумли ўтлоқ ва шўрхок тупроқлардан иборат. Ёввойи ўсимликлардан шувоқ, бетага, буғдойиқ, шўра, янтоқ, қамиш, қўға, оқ мия, қизил мия, қандим, юлғун, саксовул; Сирдарё соҳилларида турангил, тол, чингил ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, чиябўри, қуён, тўқай мушуги, эчкемар, ҳар хил илонлар, калтакесаклар; қушлардан каклик, бедана, чумчуқ, зағча, мусича, ҳинд майнаси, қарға, тўрғай, ўрдак, сассиқпопишак, қашқалдоқ, бойқуш, қирғовул; кемирувчилардан каламуш, юмронқозиқ, ондатра ва б. учрайди. Сувларда лаққа, илонбалиқ, сазан ва б. балиқлар бор. Туманнинг Данғара тумани б-н чегарадош қисмида Абдусамат буюртма қўриқхонаси ташкил этилган.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 286,1 киши (2003).

Хўжалиги. Туманда саноат, қурилиш, давлат ташкилотлари, қўшма ва 600 дан зиёд кичик корхоналар мавжуд. «Ишонч» ип-йигирув корхонаси, пахта тозалаш, ғишт з-длари, МТП, маҳаллий саноат корхоналари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Туман қ.х. пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослаш-

ган. 5 ширкат, 600 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Ф.т.даги суғориладиган ерларга пахта, дон, сабзавот, ва полиз, картошка, беда ва озуқа экинлари экилади.

Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, паранда боқилади. Боғдорчилик (бодом, гилос, нок, шафтоли, анжир, анор, узум), пиллачилик, балиқчилик б-н ҳам шуғулланилади. Туман ҳудуди орқали Тошкент — Андижон т.й. ва Фарғона — Ўш автомагистрали ўтган.

33 умумий таълим (қарийб 24 минг ўқувчи), болалар мусиқа ва спорт мактаблари, ихтисослашган лицей-интернат, 2 касб-ҳунар коллежи (1900 талаба) фаолият кўрсатади. Жумладан, 2004й.нинг сент. ойида ишга тушган ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида банк иши, солиқ ва солиққа тортиш, ҳуқуқшунос-иқтисодчи, моляи, бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси, болалар ва хотин-қизларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш йўналишларида 600 ўқувчи таълим олади. Туманда клуб муассасалари, марказий кутубхона ва унинг 27 филиали, маданият ва истироҳат

Фурқат тумани. Агросаноат касб-ҳунар коллежи биноси.

Навбаҳор қишлоғи. «Оталар» чойхонаси (ички кўриниши).

боғи, 6 маданият уйи аҳолига хизмат кўрсатади.

Марказий стадион, бир қанча футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари ишлаб турибди. 4 касалхона, 3 поликлиника, 18 фельдшер-акушерлик ва 11 қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ врачлик амбулаториялари, Саломатлик маркази, дорихоналар мавжуд. Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Қилич Мерган бобо тарихий қабристони, Абдуқаҳҳор ота зиёратгоҳи, жоме масжидлар бор. 2002 й.дан «Навбаҳор» туман газ. чоп этилади.

ФУТ — 1) рус ўлчовлар тизимидаги узунлик бирлиги. 1Ф.=1/7 *саржин* =12 *дюйм* = 0,3048 м; 1918 й.да бекор қилинган; 2) инглиз ўлчовлар тизимида узунлик бирлиги. 1Ф. = 1/3 *ярд* = =12 дюйм = 0,3048 м.

ФУТБОЛ (инг. foot — оёқ, ball — тўп) — спорт ўйини, 2 дарвоза (7,32×2,44 м) ли махсус майдон (90—120 × 45—90)да тўп б-н жамоа бўлиб ўйналади. Ф. тўпининг оғирлиги 410—450 г, айлана диаметрининг уз. 68—70 см. Ўйиннинг асосий вақти 90 мин. (45 мин.дан 2 бўлим, 12—15 мин. танаффус). Майдонда иккала жамоада 11 кишидан бўлади. Ўйиндан мақсад рақиб дарвозасига тўпни оёқ ёки гавда қисмлари б-н (қўлдан ташқари) киритишдан иборат. Фақат дарвозабонларгина қўл б-н ўйнаши мумкин (жарима майдончасида).

Ф.га ўхшаш ўйинлар мил. ав. Миср ва Шарқ мамлакатларида маълум бўлган, кейин Европага ўтган. 1848 й.да Буюк Британиядаги Кембриж ун-ти ўқитувчилари Ф.нинг дастлабки замонавий қоидаларини ишлаб чиқишган. 1857 й.да шу мамлакатдаги Шеффилд ш.да илк Ф. клуби ташкил этилган. 1863 й.да Англия Ф. уюшмаси тузилиб, Ф. қоидалари тасдиқланган. 18-а.нинг охири — 19-а.нинг бошларида Европа ва Жан. Америка давлатларида

қилинди. 1896 й. Ф. олимпиада ўйинлари дастурига киритилди. 1904 й.да халқаро футбол федерацияси — *ФИФА* тузилди. Ф. Бразилия, Германия, Италия, Аргентина, Буюк Британия каби давлатларда кенг ривожланган. *Пеле, Марадона, Ф. Беккенбауэр, Л. Яшин, З. Зидан, Р. Роналдо* ва бошқа Ф.чилар бу ўйиннинг жаҳонда оммавийлашишига ҳисса қўшишди.

Ўзбекистонда 20-а. бошларидан замонавий Ф. қоидалари асосида ўйинлар ўтказилган. 1912 й.да Қўқонда биринчи Ф. жамоаси тузилди. Кейинроқ Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Наманган ш.ларида ҳам Ф. жамоалари пайдо бўлди. 20-а.нинг 20-й.ларидан мамлакатимизда турли тоифадаги мусобақалар (1937 й.дан Ўзбекистон биринчилиги) мунтазам равишда ўтказила бошланди. 1956 й.да Тошкентда *«Пахтакор»* жамоасининг ташкил этилиши ва шу номдаги стадион қурилиши республикада Ф.нинг ривожланишига туртки бўлди. 20-а.нинг 80-й.ларидан Ўзбекистонда Ф.чиларнинг янги авлодини тарбиялашга киришилди. М. *Қосимов*, И. Шквирин, А. Абдураимов, М. Шацких Ўзбекистондагина эмас, Осиё ва б. қитъаларда ҳам ном қозондилар.

1959 й.да ташкил этилган Ўзбекистон футбол федерацияси 1992 й.да (кейин 2001 й.да) қайта рўйхатдан ўтди. 1992 й.дан Ф. бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати ва кубоги, турли тоифадаги мусобақалар ўтказиб келиняпти, Ф. жамоаларининг халқаро учрашувларда иштирок этиши таъминланаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» (1993 й. 18 март) ҳамда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (1996 й. 17 янв.)ги қарорлари Ф.даги ютуқларга замин яратди. Фарғонанинг «Нефтчи» клуби МДҲ кубогининг финалига чиқди (1994), «Пахтакор» клуби Осиё чемпионлар лигасининг ярим финалида ўйнади (2003, 2004), мамлакат ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионати финал босқичида қатнашди (2003), Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё ўйинлари (1994) ва Африка-Осиё ўйинлари (2003) ғолиби бўлди. Ҳоз. кунда Ўзбекистонда 36 та (олий ва биринчи лигада) профессионал клуб бор (2004). 2-лигада 196 та жамоа шундай мақомга эришиш учун мамлакат биринчилигида қатнашяпти. Ф. клублари қошида 18 та Ф. интернат мактаблари, коллежлари фаолият кўрсатяпти, уларда 2000 дан зиёд ўқувчи шуғулланади. Шунингдек, Ф.га ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари иши яхшиланди. Ф. *универсиада*, «Баркамол авлод» ва *«Умид ниҳоллари»* мусобақалари дастурларидан ўрин олган. Болалар-ўсмирлар ўртасида республикада ўтказиладиган «Футбол ғунчаси» мусобақаларида 692 жамоада 13840, «Футболимиз келажаги» мусобақаларида 15035 жамоада 300700 ўйинчи иштирок этди (2004). Аёллар ўртасида ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаларида Андижоннинг «Андижанка», Наманганнинг «Гулбаҳор», Қаршининг «Севинч» жамоалари етакчилик қилиб келади. Фахрий Ф.чилар ўртасида ҳам мунтазам равишда мусобақалар уюштирилади. Жисмоний қобилияти чекланган Ф.чилар ўртасида Тошкентнинг «Матонат» жамоаси (ҳоз. «Байналмилал») жаҳон кубогини қўлга киритган (1991). Ҳоз. кунда республикада 362 та стадион, 7113 та Ф. майдони мавжуд. 460658 киши (улардан 4642 нафари аёллар) Ф. билан шуғулланади. 1916 нафар мураббий фаолият кўрсатади (2004). «Ўзбекистон футболи» (Тошкент), «Футбол-Экспресс» (Андижон), «Аср футболи» (Наманган), «Интер футбол» (Косонсой), «Бокс плюс футбол» (Тошкент) каби ихтисослашган газ.лар чиқиб турибди. С. Арутюнов, Е. Валицкий, А. Келлер, М. Акбаров, Р. *Акрамов*, Ю. Саркисян, М. Раҳимов каби мураббийларнинг ўзбек Ф. и равнақида хизмати катта. И. Тошмуҳамедов, А. Имомху-



Футбол майдони чизмаси (метрда): 1 — бурчакдаги байроқ; 2 — 11 м ли белги; 3 — ўрта чизиқ; 4 — ён чизиқ; 5 — жарима майдончаси; 6 — дарвоза майдончаси; 7 — дарвоза чизиғи.

жаев, Б. Белозёров, Н. Ризаметов, Б. Ҳайдаров сингари тажрибали ҳакамлар ишини давом эттираётган Р. Эрматов ва И. Кушилло расмий нуфузли халқаро мусобақаларни бошқаришди.

Ф.нинг турларидан бири мини-футбол (футзал) дир. Майдонининг ўлчами 28—40 × 16—20 м, дарвозасининг ўлчами 3×2 м, тўпининг оғирлиги 400—600 г, айлана диаметрининг уз. 60—62 см, ўйинининг соф вақти 40 мин. (20 мин.дан 2 бўлим), жамоалар мусобақаларда 12 тадан Ф.чини рўйхатга киритишади, майдонга чиққан иккала жамоада ҳам 5 тадан Ф.чи (биттадан дарвозабон) қатнашади. Мини-Ф. бўйича жаҳон чемпионати 1989 й.дан, Осиё чемпионати 1998 й.дан бошлаб ўтказилади. Ўзбекистон мини-Ф. чемпионати 1997 й.дан бошланган. Мураббий Р. Абдиев бошчилигидаги Ўзбекистон мини-Ф. жамоаси Осиё чемпионатида 2-ўринни эгаллаган (2001, Теҳрон). Ушбу жамоада А. Нурматов, А. Королёв, Ф. Қудратов сингари Ф.чилар маҳоратларини кўрсатишган. Ўзбекистонда 4244 та мини-Ф.га мос майдон бор, 3235 киши Ф.нинг шу тури б-н шуғулланади (2004).

Футбол бўйича жаҳон чемпионлари

Йил	Чемпион
1930	Уругвай
1934	Италия
1938	Италия
1950	Уругвай
1954	ГФР
1958	Бразилия
1962	Бразилия
1966	Англия
1970	Бразилия
1974	ГФР
1978	Аргентина
1982	Италия
1986	Аргентина
1990	ГФР
1994	Бразилия
1998	Франция
2002	Бразилия

Футбол бўйича Осиё ўйинлари чемпионлари

Йил	Чемпион
1954	Хитой
1958	Хитой
1962	Ҳиндистон
1966	Бирма
1970	Бирма ва Корея Респ.
1974	Эрон
1978	КХДР ва Корея Респ.
1982	Эрон
1986	Корея Республикаси
1990	Хитой
1994	Ўзбекистон
1998	Эрон
2002	Эрон

Ад.: Планета футбола, М., 2002; Сафаров В. А., Матч длиною в 40 лет, Т., 1996; Имомхўжаев А., Футбол — қувончим, дардим, фахрим, Т., 1996; Правила игры в футбол, Т., 2002.

ФУТЕРОВКА (нем. Futter — қоплама) — иссиқлик агрегатлари (печлар, ўчоқ, қувурлар ва б.), кимёвий аппаратлар ва тери ошлаш ванналарининг ички ҳимоя қопламаси. Вазифасига қараб, ғишт, плиталар, блоклар ва б.дан қопланади. Оловбардош (шамот, динас, магнезит, доломит ва б.), кимёвий турғун, иссиқлик ўтказмайдиган хиллари бор. Агар иссиқлик оқимлари, кимёвий моддалар агрегатларнинг қопламасига ташқаридан таъсир қилса, бундай агрегатларнинг ташқи қопламаси ҳам Ф. деб аталади.

ФУТУРИЗМ (лот. futurum — келажак) — 20-а. бошларида Европа адабиёти ва санъатида майдонга келган *авангардизм* оқими. Ф. ғоялари, айниқса, Италия ва Россияда адабиёт, театр, мусиқа ва кино санъатларидан ташқари, адабиётшунослик ва санъатшунослик фанларида ўз ифодасини топди. Шунингдек, Ф. Европадаги қатор адабиёт ва санъат намояндаларини ҳам таъсир доирасига тортди.

1909 й. 20 фев.да «Фигаро» (Париж) газ.да «Футуризм манифести»нинг эълон қилиниши Италияда Ф.нинг вужудга келишига сабабчи бўлган. Ф.нинг назарияси ва поэтикаси 1909—15 й.ларда шаклланган. Миландаги илк футуристлар гуруҳи раҳбари Ф.Т. Маринетти «Футуризм манифести» (1909), «Ой нурини ўлдирамиз!» (1911), «Футуристик адабиётнинг техник манифести» (1912), «Синтаксиснинг емирилиши...» (1913) мақолалари, шунингдек, рассомлар — У. Боччони, К. Карра, композитор Прателли ва б. ўз манифестлари б-н Ф. эстетикасига асос солишган. 20-а.да юзага келган бошқа авангардлик оқимлари сингари, Ф. ҳам мавжуд дунё б-н алоқани узиб, дунё маданиятини рад этган, ўзининг аксилэстетикасини анъанавий адабий дид ва мактабларга қарши қўйган. Футуристларнинг янги нутқий ифода воситаларини ахтаришлари («эркин» синтаксис, товуштақлид ва б.) поэтик тил соҳасидаги ислоҳот бўла олмаган. Итальян футуристлари бадиий меросдан воз кечиш б-н бирга куч ва зўравонликни тарғиб қилиб, урушни «дунё гигиенаси» сифатида мадҳ этган, айримлари эса кейинчалик Муссолини томонига ўтиб кетган.

Рус Ф.и мустақил бадиий ҳаракат сифатида майдонга келди. Рус Ф.нинг тарихи «Гилея» ёки кубофутуристлар (В. В. Хлебников, Д. Д. ва Н. Д. Бурлюклар, В. В. Каменский, В. В. Маяковский ва б.), «Эгофутуристлар уюшмаси» (И. Северянин, И. В. Игнатьев, К. К. Олимпов ва б.), «Шеърият шийпони» (В. Шершеневич, Р. Ивнев ва б.) ҳамда «Центрифуга» (Б. Л. Пастернак, Н. Н. Асеев ва б.) гуруҳларининг ўзаро муносабатлари ва кураши тарихидан иборат. «Гилея» бошқа гуруҳлардан аввал тузилган ва дастур характеридаги бир неча тўпламларини нашр этган уюшма сифатида ўзида рус Ф.нинг қиёфасини кўпроқ акс эттирган. Эскиликнинг муқаррар емирилажагини, «жаҳон тўнтариши» ва «янги инсоният»нинг туғилишини санъат орқали сезиш ва олдиндан айтиб беришга уриниш мазкур ҳаракатнинг умумий асосини ташкил этган. Бадиий ижод, рус футуристларининг фикрича, тақлид эмас, балки табиатнинг давоми; табиат эса инсоннинг ижодий кучи ёрдамида янги дунёни барпо этади. Адабий жанр ва услубларнинг шартли тизимини бузиш, тил табиатининг таркибий қисми бўлган даврга, фольклор-мифологик манбаларга қайтишнинг боиси шундадир. Футуристлар жонли рус тили заминида тоник шеър ва фонетик қофияни ишлаб чиқдилар, янги сўзни «ижод этиш»га маҳлиё бўлиб, ҳатто янги шева яратишгача бордилар.

1917 й.дан кейин Россияда «ЛЭФ», «Коммуна санъати», Украинада «Аспанфут», Грузияда «41» сингари гуруҳлар тузилди. В. В. Маяковский сингари футурист шоирларнинг довруқ қозониши б-н Ўзбекистонда ҳам уларнинг издошлари пайдо бўлди. Улар (Олтой, Ш. Сулаймон, У. Исмоилов) маълум вақт товуш тақлидига асосланган, шаклбозлик кўринишларидан иборат шеърий тажриба б-н машғул бўлдилар. Аммо социалистик реализм методининг қарор топиши б-н бундай ҳолларга барҳам берилди. Адабий-бадиий тараққиёт авангардлик оқимларининг ўткинчи давр самараси эканини исботлади.

Ад.: Литературное движение советской эпохи. Материалы и документы, М., 1986.

Наим Каримов.

ФУТУРОЛОГИЯ (лот. futurum — келажак ва ...*логия*) — кенг маънода — инсоният келажаги, умумбашарий муаммолар ҳақидаги умумий концепция ёки тасаввурлар мажмуаси; тор маънода — ижтимоий жараёнлар ҳамда фан-техника тараққиётига оид соҳалардаги жараёнларни изчилликда ўрганишни ва келажагини башорат қилиш имкониятини берадиган фан соҳаси, «башорат қилиш» сўзининг синоними. 1943 й. немис социологи О. Флейтхейм «Ф.» терминини келажак ҳақидаги фан сифатида ишлатишни таклиф қилган. Ҳоз. вақтда Ф.да 2 асосий йўналиш кузатилади. 1-йўналиш — «экологик пессимизм» тарафдорлари инсоният ривожининг салбий оқибатларини башорат қиладилар, 2-йўналиш — илмий-техникавий оптимизм намояндалари технологик тараққиётнинг ижобий имкониятлари асосида инсоният цивилизациясини сақлаб қолиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

ФУТШТОК (нем. Fußstock) — денгиз, дарё ёки кўлда сув сатҳини назорат қилиб туриш учун мўлжалланган мослама (даражаларга бўлинган рейка). Сув ўлчаш постларига ўрнатилади. Ф. сув ҳавзасида фаслга қараб сув сатҳи ўзгариб туришини ўрганиш, ўртача сув сатҳини аниқлаш, сувнинг чуқурлигини ўлчаш, сув тўлқинланганда қанчалик баланд кўтарилишини билиш ва б. мақсадларда қўлланади. Портлар ва гидротехника иншоотлари қуришда ҳам Ф. асқотади. Мутлақ баландликлар Кронштат (Россия) Ф.идаги нулдан ўлчанади (қ. *Мутлақ баландлик*).

ФУЦЗЯНЬ — Хитойнинг жан.-шарқий қисмидаги провинция. Тайвань бўғози соҳили ва Миньцзян дарёси ҳавзасида. Майд. 123 минг км². Аҳолиси 32,9 млн. киши (1998). Маъмурий маркази — Фучжоу ш. Ҳудудининг аксари қисми тоғлик. Денгиз соҳили камбар пасттекислик. Иқлими тропик муссонли, сернам иқлим. Хўжалигида деҳқончилик етакчи тармоқ. Асосий экини шоли, шунингдек, батат, шакарқамиш, ер ёнғоқ, тамаки ҳам экилади. Тропик мевачилик ва чой ўстириш ривожланган. Чорвачиликда, асосан, чўчқа боқилади. Балиқ овланади. Ёғоч, камфара дарахтининг пўстлоғи, лок дарахти меваси, бамбук ярим маҳсулотлари тайёрланади. Фойдали қазилмалардан темир ва марганец рудалари, тошкўмир конлари бор. Озиқ-овқат, ёғочсозлик, тўқимачилик, қоғоз, қора ва рангли металлургия, кемасозлик, машинасозлик саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчиликда чинни идишлар, бамбукдан ишланган буюмлар тайёрланади. Йирик саноат марказлари: Фучжоу, Сяминь, Наньпин ва б. Муҳим денгиз порти — Сяминь.

ФУЧЖОУ — Хитойнинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Фуцзянь провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 5,8 млн. киши (1998). Миньцзян дарёси бўйидаги йирик савдо порти. Кема верфи, металлургия, машинасозлик, кимё, электроника, тўқимачилик, қоғоз, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Маҳаллий қ.х. ва ўрмон хўжалиги ҳамда денгиз маҳсулотлари қайта ишланади. Бадиий ҳунармандчилик ривожланган, локли буюмлар, ёғоч ўймакорлиги, чинни идишлар, бамбук ва теридан турли буюмлар тайёрланади.

ФУЧИК Юлиус (1903.23.2, Прага — 1943.8.9, Берлин) — чех ёзувчиси, танқидчи ва журналист. ЧССР Миллий қаҳрамони. Плъзендаги реал гимназияни тугатгач (1921), Прага ун-тининг фалсафа ф-тида ўқиган. 1922 й.дан адабиёт ва театр масалаларига оид мақолалар чоп эта бошлаган. «Кмен» («Ствол», 1927—29) ва «Творба» («Ижод», 1927—28) жур.ларига муҳаррирлик қилган пайтида барча илғор кучларни ягона фронт атрофида бирлаштиришга уринган. 1930 ва 1934—36 й.ларда СССРда бўлиб, сафар таассуротлари асосида «Эртанги кунимиз кечаги кун бўлиб қолган мамлакатда» (1932) китобини ёзган. СССРга қилган 2-сафари вақтида Ўзбекистонда бирмунча вақт яшаб, мамлакатимизда рўй берган ўзгаришларни кузатган ва ўзбек хотин-қизлари ҳаётига бағишланган «Тожихон Шодиева тарихи», «Розияхон Мирсоатова» сингари очерклар ёзган. Ф. Ўрта Осиё халқлари ҳаётига доир 24 та очерк ва мақола эълон қилган. Ф.нинг 30-й.лар сўнгидаги адабий-танқидий фаолиятида умуминсоний қадриятларни фашизм хавфидан сақлаб қолиш ғояларига устуворлик қилади. 1942 й. апр.да Чехословакия компартиясининг яширин нашрларига раҳбарлик қилгани учун гестапо томонидан ҳибсга олинган ва 1943 й.нинг ёзида Германияга олиб кетилиб, қатл этилган. Ф. Прагадаги Панкрац қамоқхонасида «Дор остидаги сўз» (1942) китобини ёзган. Кўпгина тилларга таржима этилган ушбу китоб фашизмга қарши марддона кураш олиб борган кишилар, шу жумладан, Ф.нинг ўзи ҳақидаги, уларнинг матонати ва жасорати ҳақидаги ҳужжатли қиссадир.

Ф. Тинчлик тарафдорларининг 2-бутунжаҳон конгрессида Халқаро тинчлик мукофоти б-н тақдирланган (1950). Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Ўрта Осиё ҳақида, Т., 1961; Дор остидаги сўз, Т., 1975; Избранное, кн. 1—2, М., 1982.

Ад.: Фучикова Г., Воспоминания о Ю. Фучике, М., 1973.

ФУШУНЬ — Хитойнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Ҳуанхэ дарёси бўйида. Ляонин провинциясида. Аҳолиси 1,4 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Мамлакатнинг оғир саноат марказларидан. Алюминий эритиш корхонаси, йирик пўлат қуйиш, машинасозлик, нефть кимёси ва цемент з-длари бор.

ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ — халқ хўжалиги соҳаси; ҳаво йўллари орқали йўловчи, юк, почта ташиш, қ.х.да ва ўрмончилик саноатида, геол.-қидирув ишлари, балиқ овлаш, турли саноат объектларини қуришда, жойларни аэрофотосуратга олиш, тиббий-санитария хизматида ва б. мақсадларда фойдаланилади. Ф.а. таркибида замонавий самолётлар ва вертолётлар парки, техника иншоотлари тизимига эга бўлган ҳаво йўллари тармоқлари, аэропортлар, аэродромлар, радио ва метеостанциялар, з-длар ва таъмирлаш-техника базаси, и.т. муассасалари, ўқув юртлари фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда Ф.а. тарихи 1924 й. 12 майда Тошкент—Авлиёота (Тароз) — Пишпек (Бишкек) — Олмаота ҳаво йўлида дастлабки йўловчиларни ташишдан бошланади (қ. *Авиация*, *«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компанияси*, *Ҳаво транспорти*).

ФУҚАРО ВАҚТИ — маҳаллий ўртача ярим тун (24^{00}) дан бошлаб ҳисобланадиган вақт ҳисоблаш тизими. Ўртача қуёш суткаларига асосланади. Ф.в. сут-

Фучжоу шаҳри манзараси.



кани ҳисоблаб бошлаш вақти б-н ўртача қуёш вақтидаги фарқидан (ўртача қуёш вақтида сутка боши деб шартли ўртача ярим кун, яъни туш вақти, $12^{ч}$ қабул қилинади). Астрономияда 1925 й.гача кун ҳисоби туш вақтида ўзгарар эди. 1925 й.дан бошлаб кун ҳисоби Ф.в. (ярим тун) дан ҳисобланмоқда (қ. *Вақт*).

ФУҚАРО МУДОФААСИ — аҳолини душманнинг эҳтимол тутилган ҳаво ҳужумидан ҳимоя қилиш ва халқ хўжалигининг барқарор ишлаб туришини таъминлаш учун ўтказиладиган умумдавлат тадбирлари тизими. 20-а.нинг 50—60-й.ларида йирик давлатларда ташкил этилган. Ф.м.нинг махсус бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбийлаштирилган ва ҳарбийлаштирилмаган қисмлари (бу қисмлар корхона, муассаса ва аҳоли ҳисобидан тузилади) бўлган. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1991 й.да Туркистон ҳарбий округи Ф.м. штаби ва унинг жойлардаги бўлинмалари бўлинмалари негизида Ф.м. тизимини қайта кўриб чиқиб, уни фуқаро муҳофазаси тизимига айлантирди. Ушбу тизимдан ҳарбий ва милитаризация унсурлари чиқариб ташланди. Айни пайтда унинг инсон хавфсизлигини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигига таҳдиднинг олдини олиш борасидаги вазифалари кенгайтирилди. Бу тизим Мудофаа ишлари бўйича вазирлик таркибига Ф.м. ва Фавқулодда вазиятлар бошқармаси сифатида киритилди. Президент И. А. Каримов сўзларига кўра, Ф. м. биринчидан, фақат хабардор қилиш б-н шуғулланиб қолмай, балки илмий маълумотлардан, тарихий тажрибалардан, гидрометеомарказ ахборотларидан, Ўзбекистон ҳудудининг геологик ўзига хос томонларидан фойдаланган ҳолда фавқулодда вазиятларни башорат қила олишлари, одамлар хавфсизлигини таъминлаш ва объектлар барқарорлигини ошириш борасида тавсиялар беришлари зарур. Иккинчидан Ф.м. ташкилотларининг кўрсатмалари барча вазирликлар, бошқармалар, маҳаллий ҳокимият тизимлари, фуқаролар томонидан бекаму кўст бажарилиши лозим. Учинчидан, Ф.м. тизимлари фақат кўрсатмалар бериш б-н чекланиб қолмай, балки ҳарбийлар сифатида раҳбарларни, фуқароларни тавсия этилган муҳандислик-техник ва профилактик тадбирларни бажаришга мажбур этишлари ва ушбу ишларни ташкил этишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 й. 4 мартдаги фармонига биноан, аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, республикада табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида ЎзР Мудофаа ишлари вазирлигининг Ф.м. ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизида ЎзР Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил қилинган.

Икром Иномов

ФУҚАРОВИЙ ДАЪВО — ўзининг бузилган ҳуқуқ ёки қонун б-н қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилишнинг процессуал воситаси. Ушбу туркумдаги даъволар фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига оид нормаларнинг бузилиши оқибатида вужудга келади. Шунингдек, шахсларнинг жиноят қилиши оқибатида фуқароларга етказилган зарар ҳам Ф.д. тартибида қўзғатилиб, ундириб берилиши йўл қўйилади. Ф.д. деганда, асосан, низоли иш тушунилади. Бундай ишларда албатта низолашувчи субъектлар — *даъвогар* ва жавобгар қатнашади. Улар ўртасида даъво талабининг бўлиши ва унинг судга тааллуқли эканлиги Ф.д.нинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай Ф. д.нинг моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий томони бўлади. Даъвонинг моддий-ҳуқуқий томони деганда даъвогарнинг талаби, мас., ашёни топшириш, пул ундириш, зарарни қоплаш ва б. тушунилади. Даъвонинг процессуал-ҳуқуқий томони эса низони судга тааллуқлигини ва суд томонидан кўриб ҳал қилинишини билдиради. Ф.д.нинг берилиши судда иш қўзғатиш учун асос бўлади. Шунингдек, қонунчиликда даъволи ишлардан ташқари низосиз, даъвосиз ишлар ҳам судда кўрилиши белгиланган.

ФУҚАРОВИЙ ЖАВОБГАР — фуқаролик иши бўйича даъвогарнинг даъво аризаси юзасидан судга жавоб бериш учун жалб қилинган шахс. Даъво талаби кимга нисбатан қаратилган бўлса, ўша шахс жавобгар сифатида эътироф этилади. Мас., алимент ундириш тўғрисидаги ишда алимент тўлаши шарт бўлган шахс, жиноят оқибатида етказилган зарарни ундиришда айбланувчи шахс Ф.ж. сифатида ишга жалб қилиниши мумкин.

Ф.ж. даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олишга, даъвога нисбатан эътироз ва қарши даъво беришга, қонунда белгиланган тартибда биринчи инстанция суди чиқарган қарорлари устидан шикоят беришга ҳақли.

ФУҚАРОЛАР УРУШИ — бир мамлакат ичидаги ижтимоий гуруҳлар ўртасида давлат ҳокимияти учун олиб бориладиган қуролли кураш. Ф.у. ижтимоий кескинликлар натижасида вужудга келади. Тарихда Ф.у. турли шакл ва кўринишларда намоён бўлган: қуллар қўзғолони, деҳқонлар уруши, партизанлар уруши, халқнинг ҳукуматга қарши қуролли кураши ва б.қ. Ф.у. давлатлар ўртасидаги урушлар, чет эл босқинчиларига қарши кураш ва миллий озодлик ҳаракати б-н қўшилиб кетиши мумкин. Ҳокимиятдаги ҳукмрон гуруҳлар бир-бирига қарши туриши Ф.у. ҳам бўлади (Рим республикасининг охирларидаги даврларда Ф.у., Англиядаги Қизил гул ва Оқ гул урушлари). Ф.у. этник (2000—2003 й.ларда Руандада), сепаратистик (2008—2002 й.ларда Сербияда), конфессионал (бир неча бор Шим. Ирландияда) сабабларга кўра келиб чиқиши мумкин. Ф.у.да низолашаётган томонларнинг бири диний, иккинчиси дунёвий шиорлар остида (1992—95 й.ларда Тожикистонда) ҳаракат қилиши мумкин. Ф.у. иқтисодий бўҳронлар, кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ — фуқароларнинг халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш, давлат ва жамият ишларида тўғридан-тўғри иштирок этиш шаклларидан бири. Асосий вазифаси фуқароларни маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда мустақил фаолият олиб боришини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (105-модда) ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1999 й. 14 апр.)да Ф.ў.ў.б.о. ҳуқуқий ҳолати кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонунга кўра, Ф.ў.ў.б.о. қуйидагилардир: шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги маҳалла фуқароларининг йиғини; фуқаролар йиғинининг кенгаши; фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар; фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси; туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия. Ф.ў.ў.б.о. маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди. Ф.ў.ў.б.о. юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олиниши керак.

Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ Ф.ў.ў.б.о. фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролар йиғини органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига сайлаш, фуқароларнинг қонунда белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаган ҳолда, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин ёки очиқ овоз бериш йўли б-н амалга оширилади. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун қабул қилинган (2004 й. 29 апр.).

Фуқаролар йиғини — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг олий органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Фуқаролар йиғинида 18 ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашади. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунда шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари кўрсатилган. Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиғидаги даврдаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғиннинг масъул котибидан иборат таркибда фуқаролар йиғинининг кенгаши тузилади. Ф.ў.ў.б.о.нинг фаолиятини ташкил этишни унинг кенгаши ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) амалга оширади. Фуқаролар йиғини кенгаши ўз аъзолигига бўлиниши мумкин, унинг ходимлари эса йиғин томонидан белгиланади. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), масъул котиби ва кенгаш аъзолари, ходимлари фуқаролар йиғинининг маблағлари ҳисобидан, ҳам, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига ҳам таъминланиши мумкин. Тафтиш комиссияси Ф.ў.ў.б.о. молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади. Маъмурий комиссия маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ўз ваколатлари доирасидаги ишларни кўриб чиқиш учун тузилади.

Ф.ў.ў.б.о.нинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республика Оқсоқоллар Кенгаши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича вилоят, туман, шаҳар мувофиқлаштириш кенгашлари тузилиши мумкин. Ф.ў.ў.б.о. фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади (яна қ. *Маҳалла*).

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ — фуқароларнинг Конституция ва қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган асосий ҳуқуқ ва бурчлари. Улар давлат органлари томонидан муҳофаза этилиши ва бажарилиши назорат қилинади. Ўзбекистон Конституциясининг 2-бўлимида фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари қуйидагича туркумланади: 1) *Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар*; 2) Сиёсий ҳуқуқлар (қ. *Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар*); 3) Иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлар (қ. *Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар*).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг қуйидаги бурчлари кўрсатилган: фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга; Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга; атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга; қонун б-н белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР, апатридлар — муайян мамлакатнинг фуқароси ҳисобланмайдиган ва бирор чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлай олмайдиган шахслар. Шахс ўз фуқаролигини йўқотган ва янгидан фуқаролик ҳуқуқини олиши вақтида фуқаросизлик келиб чиқади. Ф.б.ш. сонини қисқартириш ва Ф.б.ш.нинг ҳимоясини кучайтириш ва ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча халқаро конвенциялар қабул қилинган (мас., «Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги 1961 й.ги конвенция», «Эрга теккан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги 1957 й.ги конвенция»).

Ўзбекистонда Ф.б.ш.нинг ҳуқуқий ҳолати «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун (1992 й. 2 июль)да ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасида яшаб турган, лекин Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўхтатилган, бошқа давлат фуқароси бўлмаган шахсларга ички ишлар идораси томонидан Ф.б.ш.га мўлжалланган истиқомат гувоҳномаси берилади. Ф.б.ш. фуқаролар каби шахсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар, бироқ сиёсий ҳуқуқлардан фойдалана олмайдилар: олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайлана олмайдилар; давлат ҳокимиятининг бошқарув органларида ишлай олмайдилар, шунингдек, ҳарбий хизматни ўташлари мумкин эмас.

ФУҚАРОЛИК — шахснинг муайян давлат б-н доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқаси. Бу алоқа шахс ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида ифодаланади. Шахс Ф.ка эга бўлгач, давлат унинг ҳамма ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этади, уларнинг ҳаётга ошишини таъминлаш чораларини кўради. Фуқароларнинг манфаатларини давлат, фуқаролар бошқа мамлакатлар ҳудудида турган вақтда ҳам ҳимоя қилади, уларга ҳомийлик кўрсатади. Ўз навбатида, фуқаролар давлат қонунларига ва қоидаларига сўзсиз риоя қиладилар, улар учун белгиланган мажбуриятларни бажарадилар. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси фуқаронинг сиёсий-ҳуқуқий мақомини ташкил этади, фуқаролар эса шу мақом б-н чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан ажралиб турадилар. Ф. асосан 2 йўл б-н қабул қилинади: туғилганлик далили асосида («филиация») ва натурализация йўли б-н. Туғилиш асосида Ф.ка қабул қилишда 2 хил қоида: «қон ҳуқуқи» ва «тупроқ ҳуқуқи» қоидаси қўлланилади. «Қон ҳуқуқи» деб номланган қоида шу давлатнинг фуқароларидан туғилган шахсни фуқаро деб тан олади (бирин давлатларда ота-онасининг бири тегишли Ф.ка эгалиги етарли). Қайси давлат ҳудудида бу шахснинг туғилганлиги аҳамиятга эга эмас. «Тупроқ ҳуқуқи» қоидаси. Фуқароликдан қатъи назар, агарда шахс мазкур давлат ҳудудида туғилган бўлса, уни ўша шахс фуқаро деб тан олинади. Натурализация — кўпинча Ф.ни қабул қилиш мамлакатда яшаб келаётган шахснинг Ф.ни олиш тўғрисидаги илтимоси б-н боғлиқдир.

Ўзбекистонда Ф.нинг ҳуқуқий ҳолати ЎзР Конституциясининг 6-бўлими ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуни (1992 й. 2 июль)да кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона Ф. ўрнатилган. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, уни қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи

инсон, ҳамма учун тенгдир. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Ф.ка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун б-н белгиланади.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — конституциявий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг шарт-шароитлари, унда инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шаклларини эркин танлаш кафолатланадиган, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қарор топадиган, кўп партиявийлик, сиёсий ин-лар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланадиган ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тузум. Бунда жамиятнинг ҳар бир фуқароси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини жамоат бирлашмалари ва фондлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб, улар орқали қондирадилар. Ф.ж.да фуқаролар давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатадилар. Давлатнинг кўпгина вазифалари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланади. Давлат фаолияти эса мамлакатнинг умумий тараққиёт режаларини тузиш, унинг стратегиясини ишлаб чиқади. Мудофаа, миллий хавфсизлик, давлат мустақиллиги ва чегаралари дахлсизлигини, унинг суверенитетини таъминлаш, пул-молия, солиқ, ташқи сиёсати, ташқи сиёсат ва жаҳон ҳамжамияти б-н алоқалар тизимининг ривожланишини бошқаради. Ф.ж.ни қуриш кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради.

Ф.ж. ҳақидаги илк тасаввурлар Аристотелнинг «Сиёсат» асарида баён этилган. Унга кўра, инсоннинг эркин яшаш ҳуқуқи кишилик жамиятининг адолат ва қонун устуворлиги асосида ташкил этилиши орқали таъминланиши лозим. Жамиятни бошқаришда қонунларнинг тўғри ва адолатли бўлишига алоҳида эътибор берилади. Бу ғоялар 17-а.га келиб кенг ривожланди. Жумладан, Т.Гоббс асарларида такомиллаштирилган. 18-а. Буюк француз инқилоби даврида Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясининг эълон қилиниши б-н эса Ф.ж. тушунчаси кенг тарқала бошлади. Чунки жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари — «фуқаролар» тушунчаси пайдо бўлди, улар жамият ва давлат манфаатлари б-н боғланган шахсий манфаатларини англай бошладилар. *Кант, Руссо, Гегель*, Поппер илгари сурган фикрлар Ф.ж. ғоясининг янги-янги қирраларини, умуминсоний қадрият сифатидаги моҳиятини очиб берди.

Шарқда Ф.ж.нинг ўзига хос илдизи мавжуд. Бу Беҳистун, ахлоқ, маданият ва маънавиятнинг ҳуқуқ б-н уйғунлашган, фикр, ақида, хатти-ҳаракатлар ва қоида-меъёрларнинг умумий уйғунлашган шакли б-н боғлиқ. Жумладан, энг қад. маданий тарихий-ҳуқуқий ёдгорлик — *Авестода* кишиларнинг уюшиб яшаши, улар муносабатлари ва алоқаларининг ахлоқ ва меъёрларга таяниши каби ғоялар илгари сурилган. Бунда ўз-ўзидан жамиятда қонун устуворлигига эришиш, жамиятни шахс томонидан эмас, қонун бошқариши каби Ф.ж.нинг илк белгилари намоён бўлган. Форобийнинг «Фозил шаҳар аҳли» асарида мамлакатни бошқаришда адолатли қонун зарурлиги, фозил Ф.ж.нинг шаклланишида моҳияти чуқур таҳлил этилган. Қонунлари мукаммал бўлган мамлакатда адолат, инсон ҳуқуқлари устувор бўлиши муқаррар эканлиги баён қилиб берилган. Форобийга кўра, «Шаҳар (мамлакат) аҳлини хушбахтликка эга бўлмаган тақдирда ҳокимиятга эҳтиёж туғилади». Жамиятчилик, бефарқлик, қонунбузарлик қонунлар заифлиги, ақлий, ахлоқий-маънавий жиҳатдан баркамол бўлмаган шароитда юз беради. Бундай халқни тартибга чақириш учун кучли таъсир ўтказувчи ҳокимият керак бўлади. Бу каби ғоялар Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур ва б. томонидан ҳам илгари сурилган ва амалиётда кенг қўлланилган.

Узоқ тарихий ривожланиш натижасида Ф.ж.нинг ҳозирги замонавий тушунчаси шаклланди. Унга кўра, Ф.ж.да мулкчилик шаклларининг хилма-хил ва тенг бўлиши, чекланмаган тадбиркорликнинг эркинлигига йўл қўйилиши, мафкуравий хилма-хиллик ва ахборот эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, ривожланган ўзини ўзи бошқариш, чекланган ҳуқуқий ҳокимият бўлиши ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлиги таъминланиши муҳим ҳисобланади. Ўзбекистонда Ф.ж.ни қуриш тарихий анъана бўлса-да, у бугунги янги тарихий шароитларда жаҳон давлатчилиги илғор тажрибалари ва кўп минг йиллик миллий қадриятларнинг синтези сифатида дунёга келмоқда. Янги демократик ва ҳуқуқий, озодлик ва тараққиёт, қонунга итоаткорлик ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллик, эркинлик ва қатъий тартиб-интизом уйғунлиги Ф.ж. шаклланмоқда.

ФУҚАРОЛИК ИШИ — фуқаролик суд ишлари юритиш (процессуал) қонунларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқиладиган ҳар қандай иш. Ф.и.га қуйидагилар киради: фуқаролик ҳуқуқи турлисидаги келишмовчиликка доир ишлар; бошқарув органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини фуқароларнинг ҳуқуқларини камситиб содир этган ҳаракатлари юзасидан шикоятлар бўйича ишлар; юридик аҳамиятга эга бўлган далилларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар ва махсус юритиладиган бошқа ишлар. Фуқаролик ишлари туфайли фуқароларнинг шахсий-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун б-н қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинади.

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ (ФК) — *фуқаролик ҳуқуқининг* энг муҳим ва асосий қоидаларини белгилайдиган кодификациялаштирилган нормалардан иборат қонун ҳужжати. ФК фуқаролик ҳуқуқининг асосий манбаи ҳисобланиб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари унга зид бўлмаслиги керак. ФК фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва б. ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек, бошқа мулкий ҳамда у б-н боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг ФК 2 қисмдан иборат бўлиб, унинг 1-қисми 1995 й. 21 дек.да, 2-қисми 1996 й. 29 авг.да қабул қилинган ҳамда иккала қисми бир вақтда — 1997 й. 1 мартдан кучга кирган. Ўзбекистон Республикасининг ФК 6 бўлим, 71 боб ва 1199 моддадан ташкил топган. ФКнинг 1-қисмида фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари, тамойиллари, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари, мазмуни ва объектлари, вакиллик ва ишончнома, муддатлар ва даъво муддати, мулк ҳуқуқи ва б. ашёвий ҳуқуқлар, мажбурият ҳуқуқининг умумий қоидалари, шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар белгиланган бўлса, кодекснинг 2 қисмида мажбуриятларнинг алоҳида турлари ҳисобланган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни, шартномадан ташқари мажбуриятларни, интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари б-н боғлиқ муносабатларни, ворислик ҳуқуқини ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилишини тартибга солувчи қоидалар мустаҳкамланган.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИ — судда фуқаролик ишларини кўриш, уларни ҳал қилиш ва суд қарорларининг ижро этилиши б-н боғлиқ фаолият. Фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари б-н белгиланади. Процессуал қонун суд фаолиятини амалга оширишдаги манфаатдор шахсларга ишда иштирок этиш ҳуқуқини, уларга ҳамда процессуал ҳуқуқлар берилишини ва процессуал бурчлар юклатилишини белгилайди. Ф.п. шахсларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоя қилинишининг шакли сифатида қурилади. Шу муносабат б-н муайян фуқаролик процессуал ҳаракатлар қилинади. Бундай ҳаракатлар судда фуқаролик ишининг тарафлари сифатида қатнашувчилар ва ишнинг бошқа иштирокчилари томонидан қилинадиган процессуал ҳаракатлар, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича тегишли судловни амалга оширувчи суднинг процессуал ҳаракатларидан иборат бўлади. Фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш бўйича суд фаолияти маълум босқичлар (стадия)ларга бўлиниб амалга оширилади. Ф.п.нинг бундай босқичлари: фуқаролик ишини қўзғатишдан, ишни судда кўриш учун тайёрлашдан, ишни суд мажлисида кўриш ва ҳал қилишдан, суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари юзасидан шикоятлар бериш ва протестлар келтириш, назорат тартибида ҳал қилув қарорлари ижросидан иборат.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ (ФПК) — фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормаларининг тизимга солинган мажмуи. Фуқаролик ишларини кўришда суд фаолиятини, суднинг қарор ва ажримларини бажаришда суд ижроси, шунингдек, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади. Ўзбекистон Республикасининг ФПКда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тузумини, фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, уй-жой ва б. шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини ва қонун б-н қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг ФПК 1997 й. 30 авг.да қабул қилинган ва 1998 й. 1 янв.дан кучга кирган. Унга Ўзбекистон Республикасининг 2000 й. 14 дек.даги 163-II-сонли қонуни б-н ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг ФПК 5 бўлим, 40 боб, 391 моддадан иборат. Биринчи бўлим умумий қоидалардан иборат бўлиб, суд қарорлари ва бошқа ишлари, судга тааллуқли ишлар, процесс иштирокчилари, далиллар, суд харажатлари, суд жарималари, процессуал муддатлар, суд хабарномалари ва чақирувлари нормаларини ўз ичига олади. 2-бўлим 1-инстанция судида иш юритиш тартибларидан иборат бўлиб, унда даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва б. органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш, алоҳида тартибда иш юритишга оид нормалар ўз ифодасини топган. 3-бўлим суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш, 4-бўлим суд қарорларининг ижроси, 5-бўлим фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ — ҳуқуқ соҳаси; суд томонидан фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш, шунингдек, судлар ва б. айрим органлар қарорлари ижро этилиши тартибини белгилайди. Ф.п.ҳ.нинг предмети — суд мажлисида текширилаётган ва суд — фуқаролик ишлари туфайли келиб чиқадиган суд ва процессни вужудга келтирадиган суд ва процесс иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий муносабатлардир. Ф.п.ҳ. фуқаролик ишларини юритишни тартибга солиб, кўрилаётган иш бўйича суднинг, процесс иштирокчиларининг, суд қарорини ижро этувчиларнинг қандай ҳаракатларни қандай тартибда бажаришлари лозимлигини, бундай ҳаракатларни бажариш оқибатларини белгилайди. Ф.п.ҳ. ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, мас., фуқаролик ҳуқуқи, *оила ҳуқуқи*, меҳнат ҳуқуқи б-н боғлиқ. Ҳуқуқнинг бу ҳар икки соҳасини бирлаштирадиган умумий жиҳати шундаки, улар ягона судлов ишлари б-н боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ф.п.ҳ.нинг асосий манбаи Ўзбекистон Республикасининг ФПКдир.

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ҲУЖЖАТЛАРИ — қонунда белгиланган давлат органларида қайд этилиши зарур бўлган ҳуқуқий далолатномалар; улар бўйича ҳуқуқий ҳолатни белгиловчи инсон ҳаётидаги асосий воқеалар б-н боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 38-моддасига кўра, қуйидаги Ф.ҳ.ҳ. давлат томонидан қайд этилиши керак: туғилиш; ўлим; никоҳ тузилиши; никоҳдан ажралиш. Шунингдек, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш каби фуқаролик ҳолатлари ... ҳолатларни белгиловчи ҳужжатларга тегишли ёзувларни киритиш орқали амалга оширилади. Ф.ҳ.ҳ.ни шаҳар ва туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлимлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари рўйхатга олиб боради. Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш ёзувларини бекор қилиш ва қайта тиклаш ФҲДЁ идоралари томонидан суд қарорларига асосан амалга оширилади (яна қ. *Туғилганлик ҳақида гувоҳнома, Никоҳ, Никоҳни бекор қилиш*).

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ — ҳуқуқ соҳаси; юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар ўртасидаги мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи ва мустақилликка асосланган ҳуқуқ нормалари йиғиндисидан иборат. Ф.ҳ. ўзининг предмети ҳисобланган мулкий ва шахсий муносабатларни тартибга солишда иштирокчиларнинг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартномавий эркинликка, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик б-н аралашишига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширилишига, бузилган ҳуқуқлар тикланишига, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади. Ф.ҳ.да мулкий муносабатлар асосий ўринни эгаллайди. Мулкий муносабатлар жумласига мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, мажбуриятларни бажариш б-н боғлиқ муносабатлар ва ш.к. киради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда Ф.ҳ. бошқа шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳам тартибга солади. Шахсий номулкий муносабатлар ва мулкий муносабатлар б-н боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар жумласига шаъни, қадр-қиммат, ишчанлик обрўси, интеллектуал мулк объектлари б-н алоқадор муносабатлар киради. Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат Ф.ҳ.нинг субъектлари ҳисобланади. Ф.ҳ.нинг объектларига ашёлар, шу жумладан, пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек, шахсий номулкий ҳуқуқлар ва б. моддий ҳамда номоддий бойликлар киради. Ўзбекистон Республикаси Ф.ҳ.нинг асосий манбаини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ФК ташкил этади.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК — юридик жавобгарликнинг мустақил тури. Мулкий хусусиятга эга бўлган санкциялар кўринишида ифодаланади. Одатда, Ф.ҳ.ж. *мажбурият*ларнинг бузилиши натижасида вужудга келади. Ф.ҳ.ж. қарздорга ёки ҳуқуқбузарнинг мулкий аҳволига салбий таъсир этиш орқали ҳуқуқи бузилган шахснинг ёки жабрланувчининг ҳуқуқларини тиклашга ва мулкий аҳволини яхшилашга қаратилган жавобгарлик шаклидир. *Неустойка* ва етказилган *зарар*ни қоплаш Ф.ҳ.ж. чоралари ҳисобланади.

ФЬОРД, фиорд (норвегча — fiord) — қирғоқлари тик ва баланд қоялардан иборат бўлган тор ва чуқур денгиз кўлтиқлари. Ф.нинг узунлиги эндан бир неча баробар ортиқ бўлади. Баъзиларининг (мас., Согне-Фьорд) уз. 200 км, чуқ. 1000 м дан ошади. Тик қирғоқларининг бал. 1500 м га етади. Туби ҳам нотекис. Кўпинча Ф.ларни очиқ денгиздан сайёзликлар ажратиб туради. Ф.лар тўртламчи давр материк музликлари фаолияти натижасида, кейинчалик дарё водийлари ва тектоник ботиқларнинг денгиз суви босиши оқибатида юзага келган. Ф.лар Норвегия, Гренландия, Чукотка в.о., Чили қирғоқларида, айниқса, кенг тарқалган.

ФЬЮЧЕРС (лот. futurus — келажак) — товар ёки фонд биржаларида хом ашё товарлари, олтин, валюта, қимматли қоғозларни ҳоз. амалда бўлган нархларда, лекин етказиб бериш ва ҳақини кейинги келишилган муддатларга қолдириш б-н олди-сотди қилиш бўйича битишувлар. Битишув иҳросига қадар харидор камроқ кафолат сумасини (закалат) беради. Аксарият ҳолларда Ф. битимлари товарни ушл.-кесил харид қилиш ёки сотиш мақсадларида эмас, балки келгуси битишувларга нақд товарни гамлаш ёки товарни кейинчалик қайта сотиш ҳисобидан фойда олиш мақсадларида тузилади. Ҳали ишлаб чиқарилмаган товарнинг намуналари бўйича олди-сотди битишувларини ҳам Ф. деб аташ мумкин. Ф. то муддати келгунига қадар биржаларда махсулар томонидан кўп марта қайта сотилади ва сотиб олинади.

ФЭР (*рентгенининг физик эквиваленти*) (фэр, рэф, тет) — ионловчи корпускуляр нурланиш (α- ва β-зарралар, нейтронлар) дозасининг тизимдан ташқари бирлиги. Рентген ва γ-нурларнинг 1 рентгенга тенг дозаси ҳавода неча жуфт ион ҳосил қилса (қуруқ ҳавонинг $1{,}293 \cdot 10^{-3}$ кг ида $2{,}08 \cdot 10^9$ жуфт ион бор), 1 Ф. нурланиш ҳам шунча жуфт ион ҳосил қилади.

ФЮЗЕЛЯЖ (франц. suseau — ўрчуқ — авиацияда — учиш аппарати (*вертолёт, гидросамолёт, самолёт*)нинг экипаж аъзолари, йўловчилар, юклар ва жиҳозлар учун мўлжалланган корпуси. Аппаратнинг қанотлари, дум қанотлари, баъзан, шасси (тана) ва куч қурилмасини ўзаро боғлаб туради. Асосий қисмлари каркас («синч», қобирга) ва қопламадан иборат. Асосан, суйри (шалмол сийпаб ўтиб кетадиган) шаклда ясалади. Ф.нинг фермали (ёғоч ёки металдан иборат), балкали (бўйлама ва кўндаланг балкалар, яъни лонжерон, стрингер ва шпангоутлардан иборат) ва аралаш (олд қисми фермали, орқа қисми балкали ва аксинча) хиллари бўлади.



Балкали (стрингерли) фюзеляж: *1* — шпангоутлар, *2* — стрингерлар.

Товушдан тез учар самолётлар Ф.нинг думшуқ қисми учли (ўта сўпир) қилиб ясалади. Шунда уларнинг аэродинамик хоссалари яхшиланади. *Гондола*да дум қанот махсус балкаларга урнатилади. Гидросамолётнинг Ф.и қайиқ шаклида ясалади.

ФЮН — Дания о.лари гуруҳидаги орол. Майд. 2976 км². Катта ва Кичик Бельт бўғозлари ўраб туради. Қирғоқлари паст, бухталар ўй-н парчаланган. Рельефи моренали сертепа текислик, энг баланд жойи 131 м. Табиий яйловлар бор. Сут чорвачилиги ривожланган. Бугдой, арпа, қанд лавлаги экилади. Кўприклар орқали Ютландия в.о. билан боғланган. Бош шаҳри — Оденсе.

ФЮРНО — Басс бўғозининг шарқий қисмидаги ороллар гуруҳи. Тасмания бўғозидан шим.да, Австралия таркибида. Майд. 2,7 минг км². Энг баланд жойи 777 м. Иқлими субтроник океан иқлими. Ён бағирларида эвкалипт ўрмонлари, текисликларда ўт ўсимликлари ва сийрак бутазорлар бор. Қўйчилик ривожланган. Оролга европаликлардан биринчи бўлиб 1773 й.да Кук экспедицияси таркибидаги Т. Фюрно бошчилигидаги кемалардан бири етиб борган.

X

X — ўзбек кирилл алифбосининг йигирма учинчи ҳарфи. Чуқур тил орқа, сиргалувчи, шовқинли, жарангли ундош товушни ифодалайди. Сўз боши (хат, хизмат, хон), ўртаси (бахт, дарахт, пахта, яхши)да кўпроқ, сўз охирида (мих, сих, ях) камроқ учрайди. Ўзбек қипчоқ шеваларида ушбу товуш баъзан қ тарзида талаффуз этилса-да, бу ҳолат адабий тилда, имлода акс этмайди (хат — қат, хотин-қиз, пахта — пақта, мих-миқ). Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган ёзувларда бу ҳарф ўзига хос шаклларга эга бўлган. Улар қуйидаги жадвалда келтирилди.

Ёзув тури	*Белги*	*Сана*
Авесто		*Мил. ав. 6 — 4 - а*
Урхун - Енисей ёзуви	—	*5 — 8 - а*
Туркий тошбит ёзуви		*8 — 13 - а*
Суғд ёзуви	—	*Мил. ав. 1 - минг и. охири — 13 - а*
Араб ёзуви	ﭺ	*13 - а — 1929 и.*
Лотин ёзуви	X	*1929 — 1939 и.*
Кирилл ёзуви	X	*1940 — 1995 и.*
Янги ёзув	X	*1995 и. дан*

ХААВЕЛМО (Haavelmo) Трюгве (1911 — Осло — 1999) — норвег иқтисодчиси. Осло ун-ти тугатган (1933). 1947—79 й.ларда Осло ун-ти иқтисодиёт проф., Гарвард ун-тида ёқланган диссертацияси (1944 й.да эълон қилинган «Эконометрияда эҳтимоллик ёндашуви» асари) эконометрия назариясини янги ғоялар б-н бойитди. «Иқтисодий назария эволюцияси бўйича тадқиқотлар» (1954) асарида иқтисодий таҳлил усулини қўллаб глобал иқтисодий тенгсизлик муаммоларини ўрганди. «Инвестиция назарияси бўйича тадқиқотлар» (1960) асари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Нобель мукофоти лауреати (1989).

ХАБАР БЕРМАСЛИК (жиноят ҳуқуқида) — одил судловга қарши жиноят тури. Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда давлат ҳокимияти ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилмаслик жиноятга даҳлдорлик ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖКда бунинг учун жазо чораси белгиланган (241-модданинг 1-қисми). Жиноят ҳақида Х.б.нинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам, жиноят қонунида ҳам таъкидлаб ўтилган. Қонунда фақат оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳақида хабар бермаганлик учунгина жавобгарлик белгиланган. Агарда шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тўғрисида хабар бермайдиган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

ХАБАРОВСК (1893 й.гача Хабаровка) — РФдаги шаҳар (1880 й.дан), Хабаровск ўлкаси маркази, Амур дарёсининг ўнг соҳилидаги порт. Узоқ Шарқнинг муҳим транспорт йўллари чорраҳаси. Т.й. станцияси. Аэропорт бор. Аҳолиси 583,1 минг киши (2002).

Шаҳар 1858 й. Хабаровка ҳарбий пости сифатида вужудга келган, 1880 й.дан Приморье вилоятининг маъмурий маркази. 1884 й.дан Приамурье генерал-губернаторлиги маркази. 1893 й.дан рус сайёҳи Е.П.Хабаров шарафига Х. деб аталган. 1902 й.да Х.да «Арсенал» ҳарбий з-ди қурилган. 1904 й.дан Амур ҳарбий флотининг базаси. 20-а. бошларида Х. Узоқ Шарқнинг йирик савдо марказига айланди. 1926—38 й.ларда Узоқ Шарқ ўлкаси маркази.

Машинасозлик ва металлсозлик (станоксозлик, кемасозлик ва кема таъмирлаш, кабель ва б. з-длар), нефтни қайта ишлаш, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари бор; қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, кимёфармацевтика з-ди фаолият кўрсатади. 8 олий ўқув юрти, 7 н.т. институти, 3 театр, ўлкашунослик, адабиёт, балет музейлар, телемарказ бор. Шаҳар атрофида 3 санаторий, дам олиш уйлари мавжуд.

ХАБАРОВСК ЎЛКАСИ — РФ таркибидаги ўлка. 1938 й. 20 окт.да ташкил этилган. РФ Узоқ Шарқи жан. ярмининг марказий қисмида. Жан.-гарбда Хитой б-н чегарадош, шарқда Охота ва Япон денгизларига туташ. Татар ва Невель бўғозлари орқали Сахалин о.дан ажралиб туради. Майд. 788,6 минг км². Аҳолиси 1435,4 минг киши (2002), асосан, руслар (86%), шунингдек, украин, белорус, татар, нанай, эвенк, ульчи, нивх ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 80,6%. Маркази — *Хабаровск* ш. Бошқа йирик шаҳарлари — Комсомольск-Амур, Амурск. Таркибига 17 маъмурий туман, 7 шаҳар, 25 шаҳарча, Шантар ва б. ороллар киради.

Х.ў. қирғоқлари кам ўйилган. Қирғоқ чизиғининг уз. 2500 км чамасида. Рельефининг 70% дан кўпроқ қисми тоғлардан иборат (Сихотэ-Алинь, Жуғжур ва б.). Бу тоғлар Охота ва Япон денгизига параллел чўзилган. Ўлканинг энг баланд жойи — Сунтар-Хаята чўққиси (2933 м). Шим.-гарбида Юдом-Май тоғлиги бор. Йирик пасттекисликлари: Қуйи ва Ўрта Амур, Эворон-тутур (жан. ва марказий қисмида), Охота (шим.-да). Фойдали қазилмалардан олтин, қалай, алюминий, темир, кўнгир кўмир конлари, графит, қурилиш материаллари мавжуд. Иқлими мўътадил, муссонли иқлим. Қиши совуқ, қор кам ёғади, ёзи иliқ, сернам. Янв.нинг ўртача т-раси —22°дан (жан.да) — 40°гача (шим.да); денгиз соҳилида — 15°дан —25°гача, июлники 11°дан (денгиз бўйи қисмида) 21° гача (ички жанубий р-нларда). Йиллик ёғин 400 мм дан (шим.да) 800 мм гача (жан.-да), Сихотэ-Алининг шарқий ён бағирларида 1000 мм гача. Вегетация даври ўлканинг жан.да 170—180 кун. Энг йирик дарёси — Амур ва унинг ирмоқлари (Бурея, Тунгуска, Горюн, Амгунь, Уссури, Анюй, Гур). Йирик кўллари: Болонь, Падали, Хумми, Кади, Удиль, Орёл, Эворян.

Чимли подзол, ўтлоқи-ботқоқ, кўнгир, кўнгир-ўрмон тупроқлар тарқалган. Х.ў. тайга зонасида жойлашган. Ўрмонлар ўлка ҳудудининг 50% ни эгаллаган. Даурия тилоғочи, раян қорақарағайи, оққарағай, дарё соҳилларида корея кедри, шумтол, заранг, граб, қайин, жўка ўсади. Тайгада лось, шимол бугуси, кўнгир айиқ, силовсин, бўри, соболь, тулки, сувсар, елик,

колонок; қушлардан каркур, чил яшайди. Кўл ва дарёларида балиқнинг 100 дан ортиқ тури бор (жумладан, амур чўртани, амур, бақрабалиқ, товонбалиқ, лаққа, таймень, лешч, сазан, елимбалиқ ва б.). Х.ў.да Большехехуир, Ботчи, Бурея, Жугжур, Комсомольск қўриқхоналари ташкил этилган.

Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик (океан ва дарё кемалари, самолётсозлик, «Дальдизель» корхонаси, металл кесувчи станоклар, қуюв машиналари ва б.), қора металлургия (қора металл прокати, пўлат — «Амурсталь» корхонаси), ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз (фанера, целлюлоза ва б.), кончилик (кўмир, рангли металлар рудаси, қалай ва мисининг бойитилган рудалари), кимё (олтингугурт, кислород, шина таъмирлаш, синтетик ювувчи воситалар, кимё фармацевтика, гидролиз ва биокимё з-длари), балиқ ҳамда озиқ-овқат ва енгил саноатлар. Асосий саноат марказлари — Хабаровск, Комсомольск-Амур, Советская Гавань, Николаевск-Амур, Амурск.

Қ.х.да сули, арпа, бугдой, соя, картошка, сабзавот экилади. Чорвачилиги, асосан, сут етиштиришга ихтисослашган. Паррандачилик, асаларичилик ривожланган (асал ва асалари муми экспорт қилинади). Ўлканинг шим.да буғучилик б-н шуғулланилади, даррандачилик ва ов хўжалиги ҳам муҳим тармоқ ҳисобланади. Т.й.лар уз. 2307 км. Ўлканинг жан. қисмидан Транссибирь, марказий қисмидан Байкал-Амур т.й. магистраллари ўтади. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 4389 км. Денгиз транспорти ривожланган. Портлари: Ванино, Николаевск-Амур, Охотск. Амур дарёсида кемалар қатнайди. Хабаровскда халқаро аэропорт фаолият кўрсатади. 2 и.т. институти, 10 га яқин олий ўқув юрти, 34 илмий муассаса, музей, 4 театр бор. 10 дан зиёд санаторий-курорт ва дам олиш муассасалари, шу жумладан, минерал сувлари курорти мавжуд.

Хабаровск шаҳрининг умумий кўриниши.

ХАББЛ (Habble) Эдвин Пауэлл (1889.20.11, Маршфилд, Миссури штати — 1953.28.9, Сан-Марино, Калифорния штати) — америкалик астроном, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1927 й.дан). Йерк расадхонаси (Чикаго) (1914—17) ва Маунт-Вилсон расадхонасида (1919) ишлаган. Асосий илмий ишлари галактикаларни, Коинотнинг узлуксиз кенгайиш хусусиятини ўрганишга оид. Коинотда кузатилаётган туманликларни икки гуруҳга, яъни бизнинг Галактикамиз (газ-чангдан ташкил топган) га кирувчи ва Галактикамиздан ташқарида жойлашган галактикаларга ажратди (1922). 1924—26 й.ларда бизга яқин бўлган бошқа галактик туманликлар табиати бизнинг Галактикамизга ўхшаш ва юлдузлардан ташкил топганини кўрсатиб берди. Бу б-н Коинотда Галактикамизга ўхшаш юлдуз системалари мавжудлигини исботлаган. Яқин галактикаларда бир нечта цефеид, шарсимон ва газ туманликлари, қизил ва зангори ўтагигантларни очган. Галактикалараро масофа б-н уларнинг нурий тезликлари орасида космологик боғланишни аниқлаган (1929) (қ. *Космология, Хаббл қонуни*).

ХАББЛ ҚОНУНИ — Коинотнинг узлуксиз кенгайиши хусусиятини ифодаловчи қонун; 1929 й.да Э. *Хаббл* таклиф этган. Бу кенгайишнинг энг оддий модели болалар шарини пуфлаганда унинг катталашишидир. Бунда шар сиртидаги бошлангич нуқталар бир-биридан вақт давомида узоқлашиб боради. Кузатувчи шу нуқталарнинг (галактикалар тўдасининг) бирида жойлашган, деб тушунтиради. Галактикалар тўдалари ва квазарларнинг биздан узоқлиги R ва узоқлашиш тезлиги V орасидаги боғланиш қуйидагича ифодаланади: $V=H\cdot R$; бунда H — Хаббл доимийси. Х. қ. катта масштабда доимо ўринли, H доимий физик табиатига кўра, вақтга боғлиқ функция бўлиб, гравитацион тортиш кучлари Коинот кенгайишини секинлаштириши мумкин.

Х.қ. амалда кенг қўлланилади. Унинг ёрдамида, хусусан, бизнинг Галактикамиздан жуда узоқда жойлашган объектларгача бўлган масофа осонлик б-н аниқланади. Бунинг учун объектнинг спектридан унинг *қизилга силжиши* қиймати топилиб, юқоридаги формуладан масофа қиймати ҳисобланади. Коинот галактикалари, одатда, кўпроқ тўдаларни ҳосил қилиб, уларга кирмайдиганлари (уз хусусий тезликлари бўлгани учун) Х. қ.га тахминан 15% хатолик б-н бўйсунади.

ХАБЕРТИОЗ — чорва молларининг инвазион касаллиги. Кўпроқ қўйларда учрайди, уларнинг йўғон ичагида паразитлик қилувчи Chabertia ovina нематодалари қўзғатади. Ҳайвонлар инвазион личинкаларни сув ёки ўт б-н ютганда зарарланади. Кучли ориқлаш, жунининг ҳурпайиши ва тўкилиши, камқонлик ва ич кетиш б-н кузатилади. Ёш моллар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади.

Давоси: 1 кг вазнига 0,5 г фенотиазин ёки 0,5 г дизерезинни ҳўлланган кепакка ёки бошқа емга қўшиб бериш; нилверм препаратини тери остига юбориш ёки ичириш; 1% ли формалин аралашмаси б-н чуқур клизма қўйиш.

Олдини олиш: ҳайвонлар яйловга чиқаришдан олдин гельминтсизлантирилади.

ХАБИБУЛИН Озад Гарифович (1949.26.7, Ғиждувон) — монументал рангтасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми (2004). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1973). 1974 й.дан Тошкент ҳайкалтарошлик ва монументал санъат к-тида рассом. Х. ижодида мажозий қиёфалар шакл ва миллий нақкошлик санъатининг уйғунлигида ўзига хос янгича талқинга эга бўлди: «Планета ҳаёти» (ЎзР Матбуот

О.Г. Хабибулин. Ўзбекистон консерваторияси биноси ичига ишланган деворий расмлан парча.

марказида), «Шарқ алломалари» (ЎзР Фан ва техника марказида), «Амир Темур салтанати» (Ўзбекистон Байналмилал маданият марказида), «Илҳом париси», «Сирли олам» (Ўзбекистон консерваториясида); «Бахт уйи» (Навоий ш.), Ўзбекистон қуролли кучлари тарихи музейи, «Тошкент» ва «Ойбек» метро бекатларидаги кулолчик ва мозаика безаклари ва б. 1977 й.дан Республика ва Халқаро кўргазмаларда иштирок этади.

ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ (ҳуқуқда) — шахсга қариш жиноятлардан бири: ҳаёти ёки соғлиги хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик. Фуқаро шахсни Х.о.қ.ни шартли равишда 2 га бўлиш мумкин: 1) фуқаро ёрдамига муҳтож шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имконият эга бўлган ҳоллар. Мас., онанинг ўз боласи ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбурияти, хизмат вазифасидан келиб чиқадиган мажбурият, қутқарувчининг мажбурияти ва ҳ.к.; 2) фуқаро ёрдамига муҳтож шахсга ғамхўрлик қилиши шарт бўлмаган, аммо у шахсни ҳаёти ва соғлиги учун хавфли аҳволга тушириб қўйган ҳоллар. Мас., сузишни билмайдиган одамни сувга ташлаб юбориш, автотранспорт воситаси б-н босиб кетиш натижасида ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳолда қолдириш ва ҳ.к. Х.о.қ. натижасида шахсни ҳаёти ва соғлиғи хавфли аҳволга тушиб қолиши эътиборга олиниб, Х.о.қ. жиноий норма сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖКга киритилган ва тегишли жазо белгиланган (117-модда).

ХАВФЛИ ЎСМА — қ. *Рак, Ўсмалар.*

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ — қ. *Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши.*

ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ — *меҳнат муҳофазаси* бўлимларидан бири; и.ч.даги жараёнларда вужудга келадиган хавфли омилларнинг ишловчиларга зарарли таъсири олдини олишга доир ташкилий ва техник тадбирлар ҳамда воситалар мажмуи. Уларни яратиш ва и.ч.да қўллаш ишлари белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий-техник ҳужжатлар (стандартлар, қоидалар, меъёрлар, инструкциялар) асосида амалга оширилади. Ташкилий тадбирлар: ишчиларга хавфсиз ва зарарсиз иш усуллари тўғрисида йўл-йўриқлар бериш, и. ч. санитарияси ва меҳнат гигиенаси асосларини ўргатиш; меҳнат қилиш ва дам олиш қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш ва и.ч.га татбиқ қилиш.

Техник тадбирлар маълум меъёрлар ва қоидаларга асосланади. Бунда инсоннинг руҳий, анатомик, физиологик хусусиятлари ҳисобга олинади. Мас., машинанинг бошқариш органларини инсон учун қулай ерга жойлаштириш, иш вақтида заарли чанг, газ чиқмаслигини таъминлаш зарур, хавфли таъсирлардан ҳимоя қилиш учун тўсиқлар қилинади, огоҳлантирувчи белгилар ва плакатлар осиб қўйилади. Кўпинча ишлаётган машиналарнинг узеллари б-н боғлиқ қурилмалар (электрон қурилмалар, фотоэлемент, автоматик сақлагич) дан фойдаланилади. Буларга сақлагич клапанлари, включателлар, эрувчан сақлагичлар, штифтлар ва б. киради. Хавфли, зарарли ишларни бажаришда жараёнларни узоқдан туриб бошқариш усули яхши самара беради. Ҳимоя қилишда *сигнализация*дан фойдаланилади. Жиҳозларни юргизиб юборишдан олдин уларнинг иши текширилади ҳамда синалади. Жуда хавфли жиҳозлар (босим остида ишлайдиган идишлар, юк кўтариш машиналари) давлат инспекцияси назорати остида бўлади, намлик, т-ра, ҳавонинг тозалиги, шовқинлар, нурланиш таъсири ва б. доимо назорат қилинади. И.ч. нинг муайян соҳаларида ишлайдиган кишилар қоидаларга мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари (қийимбош, пойабзал, эҳтиёт белбоғи, кўзойнак ва б.)дан фойдаланади. Ҳар бир корхонада Х.т. учун маъмурият жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистонда Х.т. нуқтаи назаридан энг хавфли ва маъсулиятли корхоналар — пахтани дастлабки ишлаш з-длари, тўқимачилик корхоналари, тери ошлаш корхоналари ва б.ҳисобланади, чунки бу корхоналарда пресслар ишлатилади, зарарли чанг ва газлар ажралади ва б. Шу туфайли меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий амал қилиш талаб қилинади. Х.т. техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш б-н узвий боғлиқ бўлади.

ХАГГИНС (Huggins) Чарльз Бретон (1901.22.9, Галифакс, Канада) — америкалик хирург ва онколог; АҚШ Миллий ФА аъзоси (1949 й.дан). 1927 й.дан Чикаго ун-тида ишлаган (1936 й.дан хирургия проф.и). 1951—69 й.ларда Бен-Мей клиникасида ракни талқиқот қилиш лаб. директори. Х. простата бези ракини даволашда илк бор гормонларни қўллаб, гормонотерапияга асос солди, бу рак кимётерапияси ривожига олиб келди. Нобель мукофоти лауреати (1966, Роус Ф.П. б-н ҳамкорликда).

ХАДИЧА бинт Хувайлид (555/556—620/621) — *Муҳаммад* (сав)нинг биринчи хотини. У бева қолган бой хотин бўлган. Муҳаммад (сав) аввал Х.нинг савдо ишларини бошқарган, кейинчалик унга уйланиб, унинг маблағлари б-н савдогарлик қилган. Х. Муҳаммад (сав) га кўп ғамхўрлик ва мехрибонлик кўрсатган. Муҳаммад (сав) нинг пайғамбарлигига биринчи бўлиб ишонган ва исломни қабул қилган. У Муҳаммад (сав) дан 4 қиз, 3 ўғил кўрган. Аввалги икки турмушидан 2 ўғил, 1 қиз кўрган, лекин улар ҳақида маълумот учрамайди.

ХАДИЧА БЕГИМ (1451, Ҳирот — ?) — *Ҳусайн Бойқаро*нинг хотини. 1457—64 й.ларда *Абу Саид*нинг хос канизаги. 1469 й. Абу Саид вафотидан сўнг Ҳусайн Бойқаро никоҳига кирган. Маълум фурсатдан сўнг ҳарамда улуғ бекалик ўрнини эгаллаган. У Султон Ҳусайн Бойқародан 2 ўғил кўрган — каттаси Шоҳғариб Мирзо (1471—99), кичиги — Музаффар Ҳусайн Мирзо (1473—1509) (қ. *Музаффар Мирзо*).

Х.б. кичик ўғлини валиаҳд қилиб тайинлашга эришиш учун бор кучини ишга солган. Бироқ, одатга кўра, валиаҳдлик *Бадиуззамон*га тегишли бўлган. Айни вақтда *Алишер Навоий* бошлиқ арконн давлат валиаҳдликка Бадиуззамоннинг 11 ёшли ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзони (қ. *Мўмин Мирзо*) муносиб ҳисоблаган. 1497 й.да отаси томондан Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Астробод ҳокими этиб тайинланиши Ҳусайн Бойқаро ва Бадиуззамон ўртасида ихтилофнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Музаффар Ҳусайн Мирзо қўшини Астрободни забт этган ва Муҳаммад Мўмин Мирзони асир олиб, Ҳиротдаги Ихтиёруддин қалъасига қамаган. Х.б. вазир Низомулмулк иштирокида Муҳаммад Мўмин Мирзони зудлик б-н қатл қилиш ҳақидаги фармонга муҳр бостириб олган, ҳукм ўша тундаёқ ижро этилган.

1506 й. Ҳусайн Бойқаро вафот этгач, Х.б.нинг салтанат ишларига аралашуви туфайли тахтга 2 шаҳзода — Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо ўтирган. *Шайбонийхон* Ҳиротни эгаллагач (1507), Х.б.ни амири Шоҳ Мансур бахши ихтиёрига топширган.

Ад.: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., 1960; Файзиев Т., Темурий маликалар. Т., 1994; Файзиев Т., Темурийлар шажараси. Т., 1995.

ХАДРАМАУТ, Хадрамавт — Ямандаги тарихий вилоят. Мил. ав. 1-минг йиллик — мил. 1-минг йилликнинг 1-ярмида Х. ҳудудида мил. 3-а.да Саба, 4-а.да Ҳимъярий подшолиги таркибига кирган давлат мавжуд бўлган. 7-а.дан турли араб давлатлари таркибида. 19-а. охири — 20-а. бошида Х.да Британия протекторатлиги ўрнатилган (1930-й.лар охиридан Аданнинг Шарқий протекторатлиги таркибида).

ХАЁЛ — қ. *Фантазия.*

ХАЁЛИЙ СОЦИАЛИЗМ, утопик социализм — мулкнинг умумийлигига, мажбурий меҳнат қилишга, адолатли тақсимотга асосланган идеал жамият ҳақидаги таълимот. Дастлаб Т. Морнинг «Утопия» асари (1516) да Х.с.га оид фикрлар баён қилинган. Х.с.нинг вужудга келишида турли халқларда асрлар мобайнида илгари сурилган ижтимоий адолат ва тенгликни ифодаловчи хаёлий ғоялар асос бўлган. Х.с.нинг йирик вакиллари: Т.Мюнцер, Т.Кампанелла, Ж.Уинстэнли, Ж.Мелье, Морелли, Г.Б. Мабли, Г.Бабёф, Т.Дезами, К.А.Сен-Симон, Ш.Фурье, Р.Оуэн, А.И.Герцен ва Н.Г.Чернишевский.

ХАЗАНОВИЧ Рахиль Лейбовна (1906.9.10, Украина, Полтава вилояти Лоховица ш. — 2002) — фармакогност, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967), фармацевтика фанлари д-ри (1955), проф. (1958). Харьков фармацевтика ин-тини тугатган (1929). Прилуки ш. дорихонасида ассистент-рецептор (1929 — 33), тамаки ф-касида кимё лаб. бошлиги (1934—35), Днепропетровск фармацевтика ин-ти фармацевтик кимё ва фармакогнозия кафедрасида ассистент (1935—40). 1940 й.дан Тошкент фармацевтика ин-ти фармакогнозия кафедраси мудири. Илмий ишлари Ўзбекистонда сурги ва буриштирувчи таъсирга эга бўлган доривор ўсимликларни ўрганишга оид.

ХАЗАР ТИЛИ — Хазар хоқонлиги аҳолиси тили; ўлик тиллардан. Византия, араб, яҳудий ва б. тарихий манбаларнинг маълумотлари ҳамда этнонимика ва топонимика материаллари Х.т.нинг туркий тиллар оиласига мансублигини тасдиқлашга ва уни булғор тили б-н яқин қариндош дейишга имкон беради. Ўрта аср тарихчилари ва филологлари Х.т.нинг булғор (ал-Истахрий) ва печенег (бижанак — М. Кошғарий) тиллари б-н яқинлигини қайд этганлар. Венгер олими А. Вамбери, рус олимлари В.В. Григорьев, А.А. Куник, В.В. Бартольдлар уни туркий тиллар оиласига мансуб деб ҳисоблайдилар. В.В. Бартольд хазар шаҳри номи «Саркел» этимологиясини («оқ қалъа») чуваш тилидаги айни маънода бўлган бирикма («шура кил» — оқ уй) б-н қиёслаб, лингвистик асосларга кўра уни чуваш тили б-н генетик яқинлигини қайд этади. Н.А. Баскаков эса Итил, Саркел, Самандар, Баланжар каби топонимларни энг қад. хазар сўзлари деб ҳисоблайди. Бир қатор туркийшунослар ҳоз. туркий тиллардан қримтатар, қўмиқ тилларида, озарбайжон тилининг шим. лаҳжаларида Х.т. нинг таъсирини аниқлаганлар. Шундай бўлсада, Х.т.нинг туркий тилларга мансублиги ҳақидаги фикрларнинг айримлари илмий фараз даражасида қолмоқда.

ХАЗАР ХОҚОНЛИГИ — Ғарбий турк хоқонлиги парчаланиши натижасида (қ. *Турк хоқонлиги*) 7-а. ўрталарида Қуйи Волгабўйи ва Шим. Кавказнинг шарқий қисмида вужудга келган илк ўрта аср давлати. Х.х.ни туркий Ашина хонадони сулоласи бошқарган. 8-а. бошига қадар хоқонлик пойтахти Доғистондаги Самандар ш., сўнгра Қуйи Волгадаги Итиль ш. бўлган. 7-а.нинг 2-ярмида *хазарлар* Буюк Булғория давлати таркибига кирадиган Азовбўйи булғорларининг бир қисмини тобе этганлар (қолган қисми мағлубиятдан сўнг Ўрта Волгага, қолгани Днепр ортига, Дунай томонга кетган), шунингдек, Доғистоннинг денгиз бўйидаги Гуннсавирлар подшолигини бўйсундирганлар. *Кавказ Албанияси* Х.х.га ўлпон тўлаган. Византия Закавказьеда ўрнашиб олган Араб халифалигига қарши Х.х. б-н иттифоқ тузган. 8-а. бошига келиб хазарлар Шим. Кавказ, Азовбўйи, Қримнинг (Византиядан тортиб олинган) катта қисми, шунингдек, Шарқий Европанинг Днепргача чўзилган ҳудудига эгалик қилганлар. Айни вақтда улар Закавказьени қўлга киритиш учун араблар б-н кураш олиб борганлар. 795 й. Каспий йўлаги ва Дарёли орқали араблар Х.х. ҳудудига бостириб киришган ва хоқон (қаған) қўшинини тор-мор келтиришган. Хоқон ва унинг мулозимлари ислом динини қабул қилган, бироқ аҳолининг аксарияти уни қабул қилмагани учун улар ҳам диндан қайтганлар. 8-а.нинг 1-ярмида (тахм. 731 й.) Шим. Доғистондаги хазарларнинг бир қисми иудаизм (яҳудийлик)ни қабул қилган (Шим. Доғистонга сосонийлар Эрони, кейинчалик Византия томонидан қувғин қилинган яҳудийлар, жумладан, князь Булан деган шахс келиб жойлашганди). 8-а. охири — 9-а. бошида Буланнинг авлодларидан бири — Обадия Х.х. тахтига ўтирган ва иудаизмни давлат дини деб эълон қилган. Бироқ бу бошқа хазар аслзодаларининг норозилигига сабаб бўлиб, мамлакатда қўзғолон бошланган. Қўзғолончилар Волга ортидан мадьярларни, Обадия эса кўчманчи гузларни ёрдамга чақирган. Қўзғолон бостирилган, мадьярлар Днепр ортига чекинганлар, улар б-н бирга тирик қолган исёнчилар (кабарлар) ҳам кетган. Қримдаги готлар ва б. халқлар Х.х.даги нотинч вазиятдан фойдаланиб Византия ҳомийлигига ўтишган. Шу йилларда Дон бўйида Саркел қалъаси қурилган, у Ғарбдан Итилга келадиган савдо йўлини муҳофаза этишга мўлжалланган. 9-а. охирида Шим. Қора денгиз бўйига *бижанаклар* (печенеглар) босиб кириб Х.х.га қарам бўлган мадьярларни Дунайбўйига ҳайдаб юборишган (895). Х.х.нинг асосий рақиби Қад. Русь давлати бўлган. 9-а.дан рус дружиналари Каспий денгизига қадар келиб, хазарлар учун ўта муҳим бўлган Каспий-Волга савдо йўлига ғов бўлишган. 913/914 ва 943/944 й.ларда рус қўшинлари Хазария ҳудудидан ўтиб Каспий бўйини ғорат қилганлар. 964/965 й. рус князи Святослав Игоревич Волгага юриш қилиб, Х.х.ни тор-мор келтирган. Итиль ва Самандар вайрон этилган. Саркел ш. босиб олинган. 10-а.нинг 2-ярмида хазарлар исломни қабул қилиш ва тобе бўлиш эвазига Хоразм ёрдамида вазиятни тикламоқчи бўлганлар. Бироқ ички низолар, кўчманчи халқлар (бижанаклар, гузлар)нинг босқинлари, 964/965 й.даги мағлубият ва б. натижасида 10-а. охирига келиб Х.х. барҳам топган.

Ад.: Артамонов М.И., История хазар, Л., 1962; Плетнева С.А., От кочевий к городам, М., 1967.

Фахриддин Ҳасанов.

ХАЗАРЛАР — туркий халқ. *Гунлар* босқинидан сўнг (4-а.) Шарқий Европада пайдо бўлган ва Ғарбий Каспий бўйи даштида, Шим. Доғистондаги Сулак дарёси б-н Қуйи Волга оралиғида кўчманчи ҳаёт тарзи кечирган. Савирлар б-н биргаликда Х. Эрон ва Византиянинг Закавказьедаги мулкларига ҳужум қилган. Х. бунда ўзаро рақобатда бўлган гоҳ Эрон, гоҳ Византия томонида туриб урушга кирган. 6-а.нинг 60-й.ларида Х. *Турк хоқонлигига* тобе бўлишган. 7-а. ўртасида, Ғарбий Турк хоқонлиги парчалангач, унинг давоми сифатида *Хазар хоқонлиги* барпо этилган. Узоқ вақт Х.нинг асосий машғулоти кўчманчи чорвадорлик бўлиб қолган. 8-а.да Х.да уруғчилик муносабатлари емирилиб, илк мулкчилик муносабатлари шаклланган. Аҳолининг бир қисми ўтроқ ҳаётга ўтиб, деҳқончилик ва боғдорчилик б-н (аввал Шим. Доғистонда, сўнгра Волга бўйида) шуғулланган. 10-а.да *Хазар хоқонлиги* барҳам топгач, Х. Дашти Қипчоқдаги туркий бижанакларга сингиб кетган.

ХАЗИНА — 1) давлат пули, қимматбаҳо буюмлари, умуман бойлиги сақланадиган жой; 2) яшириб қўйилган (кўпинча ер остига кўмилган) ва эгаси олмаган, кейинчалик эса тасодифан топилган қимматбаҳо буюм ва тангалар мажмуи. Қимматли тарихий манба; 3) ҳуқуқда — ер остига кўмилган ёки бошқа усул б-н яшириб қўйилган, эгасини аниқлаш қийин бўлган пул ёки қимматбаҳо буюмлар. Булар давлат мулкига ўтади. Қимматбаҳо буюмларни топган шахсга қонунда белгиланган ҳолатда мукофот тариқасида ҳақ тўланади; 4) марказлашган давлатларда уларнинг молиявий захиралари мажмуи. АҚШ, Буюк Британия, Франция ва б. мамлакатларда бюджетнинг касса ижросини олиб борадиган давлат молия органи. Булар солиқ, йиғимлар ундиришни ташкил этади. Х. билетлари чиқаради. Ўзбекистонда бу вазифани Молия вазирлиги ва Марказий банк бажаради.

ХАЗИНА БИЛЕТЛАРИ — валютага ва олтинга майдаланмайдиган, ҳукуматнинг хазина ташкилоти (аксарият ҳолларда Молия вазирлиги) томонидан муомалага чиқариладиган қоғоз пуллар ва хазина ташкилотларининг қисқа муддатли мажбуриятлари. Давлат харажатларини молиявий таъминлаш учун чиқарилади, Айниқса, 1914—18 й.лардаги 1- ва 1939—45 й.лардаги 2-жаҳон уруши даврида бюджет тақчиллиги ва ҳарбий харажатларни қоплашда Х.б.дан кенг фойдаланилган. Собиқ СССРда 1991 й.га қадар 1, 3, 5 рубль қийматидаги Х.б. муомалада бўлган. Х.б. ҳозирги даврда кам қўлланади ва муомалада юрган қисқа муддатли давлат мажбуриятларига киради. Ўз моҳиятига кўра, Х.б. давлат Марказий банки чиқарадиган *банкнотларга* — банк қоғоз пулларига яқин туради.

ХАЗИНА МАЖБУРИЯТЛАРИ — давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғоз; Х.м. сотилганидан сўнг эгасининг маълум пул миқдорини бюджетга ўтказганини тасдиқлайди ва эгалик қилиш муддати давомида қайд қилинган даромад олиш ҳуқуқини беради (қ. *Қимматли қоғозлар*).

ХАЗИНАЧИ — ҳукмдор ва б.нинг пуллари, қимматбаҳо буюмлари ва б. моддий бойликларини сақловчи шахс. Сомонийлар даврида Бухоро Регистони атрофида жойлашган 10 та девоннинг 2-си Х. девони, яъни мустовфий девони ҳисобланган. Хоразмшоҳлар даврида мустовфий ўлка молия органи бошлиги, молия маслаҳатчиси, ўлка бошқарув органи аъзоси тарзида фаолият кўрсатган. Қорахонийлар давлатида Х. масъулиятли лавозимлардан бири саналиб, ағичи атамаси б-н ифодаланган. 14—16-а.ларда Марказий Осиё давлатларида *хазина* учун масъул шахслар «хозин», «хазинадор» атамалари б-н ифодаланган. Эски ўзбек тилида ҳам «Х.» истилоҳи қўлланилган. Бухоро хонлигида Х. нисбатан қуйи мансаблардан бири ҳисобланган.

Ад.: Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966; Юсуф Хос Ҳожиб, Қутадғу билиг, Т., 1971; Шиҳаб ад-Дин Муҳаммад ан-Насави, Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны, Баку, 1973; Бартольд В.В., Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. 1, ч. 1, М., 1973.

«ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ» («Маънолар хазинаси») — *Алишер Навоий*нинг асари. 1491—96 й.ларда тартиб берилган. «Х.ул-М.» — «Ғаройиб ус-сиғар» («Ёшлик ғаройиботлари»), «Наводир уш-шабоб» [«Йигитлик нодирлик (шеър)лари»], «Бадоеъ ул-васат» («Ўрта ёш бадиалари») ва «Фавойид ул-кибор» («Кексалик фойдалари») номли девонлардан таркиб топган мукаммал йиғма девон. Халқ орасида «Чор девон» деб ҳам юритилади. «Х.ул-М.»нинг тузилиш тарихини Алишер Навоийнинг ўзи «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Муншаот», «*Муҳокамат ул-луғатайн*», айниқса, «Х.ул-М.»га махсус ёзган «Дебоча»сида баён этган. Ушбу асарларда ёзилишича, Абдураҳмон Жомий ўз шеърларини тўплаб (1491—92), 3 девон тузган ва Навоийга тақдим этган. Навоий бу девонларнинг аралашиб кетмаслиги учун уларга махсус номлар қўйишини маслаҳат берган. Навоий маслаҳати Жомийга маъқул тушган ва у девонларини «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшликнинг бошланиши»), «Воситат ул-иқд» («Боғланиш воситалари»), «Хотимат ул-ҳаёт» («Ҳаёт хотимаси») каби номлар б-н атаб, умумий «Дебоча» ёзган ҳамда бу фикрнинг Навоийдан чиққанлигини алоҳида таъкидлаган. Шундан сўнг, Навоий ҳам устози таклифи б-н барча лирик шеърларини тўплаб «Х.ул-М.»ни тузишга киришган. «Х.ул-М.»нинг юзага келиши Жомий ва Навоий дўстлигининг, ўзбек ва тожик адабиётлари ўртасидаги алоқаларнинг ёрқин далилидир.

«Х.ул-М.» 45 минг мисрага яқин, 3130 дан ортиқ лирик шеърлардан тузилган. Унга шоирнинг 7—8 ёшидан бошлаб умрининг охирига қадар ёзган ўзбекча шеърлари киритилган. «Х.ул-М.» таркибида қарийб 2600 ғазал, 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо, 10 мухаммас, 10 чистон, 13 туюқ, 4 мустазод, 5 мусаддас, 4 таржиъбанд, мусамман, таркиббанд, қасида, маснавий, соқийнома мавжуд. Ҳар бир жанрдаги шеърлар қофияси ёки радифидаги тугалланувчи ҳарфга қараб маълум тартиб асосида жойлаштирилган. «Х.ул-М.» ўз давридаги маънавий ҳаётнинг ўзига хос қомуси бўлиб, шоир ўз шеърларида ҳаётни, инсонни, унинг олижаноб туйғу ва интилишларини улуғлаган. «Х.ул-М.»ни яратиш учун шоир ўзининг бутун умрини сарфлагани ва бу б-н ғоят фахрланганини асарнинг «Дебоча»сида қуйидагича ёзади:

Сарф этдим анга умр баҳорин доғи,
Бўстони ҳаёту лолазорин доғи,
Оламда хазони зар нисорин доғи,
Кофур фишон қиш била қорин доғи.

Алишер Навоий «Х.ул-М.» б-н ўзбек шеъриятининг жанр ва мавзу доирасини янада бойитди. Ўзбек шеъриятида бирон ижодкор бундай мукаммал девон тузиш даражасига кўтарила олмаган. Шоирнинг бу девони қўлёзма нусхаларда тўла ва қисқартирилган ҳолда бир қанча мамлакатларда қайта-қайта кўчирилган ва кўп бор нашр этилган.

Нашри: Хазойин ул-маоний, 1—4-ж., Т., 1959—60;

Ад.: Ҳайитметов А., Навоий лирикаси, Т., 1961.

ХАЗОНРЕЗГИЛИК — дарахтлар ва буталар, баъзан ўтлар (қичитқон ўт) баргининг тўкилиши. Барглар йилнинг муайян даврида бир вақтда (мас., барг тўкадиган дарахтларда) ёки узоқ вақт давомида (доим яшил ўсимликларда) биттадан тўкилиши мумкин. Тропик минтақаларда дарахтлар бир неча кун, мўътадил иқлимли ҳудудларда 8—9 ой баргсиз бўлади. Х. — баргларнинг қариши б-н боғлиқ нормал физиологик жараён. Х. олдидан баргларда чуқур биокимёвий ва физиологик ўзгаришлар содир бўлади: хлорофилл емирилади; каротиноидлар узоқ вақт сақланиб қолиб, баргнинг кузги рангини белгилайди. Барглардаги озиқ моддалар захира тўпловчи органлар (туганаклар, илдизмева, илдизпоялар) ўсиш нуқталари ва ёш новдаларга ўтади. Х. механизми барг ёки барг банди асосида паренхима ҳужайралари ҳисобидан кўчиб тушадиган қатламнинг ҳосил бўлиши б-н боғлиқ. Баргни пояда ушлаб турадиган ўтказувчи тўқима баргнинг оғирлиги ва шамол таъсирида узилиб, тўкилади. Х. ўсимликларнинг намлик сарфини камайтириш ва новдаларини қор оғирлиги таъсирида синишдан сақланишга мосланишдан иборат эволюцион жараён.

ХАЙБАРТЕПА — ўрта аср шаҳар харобаси (9—10-а.лар). Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Аброн қишлоғи четида, *Шуллуктепа*дан 14 км масофада жойлашган. Х. харобалари 1 км узунликка чўзилган бўлиб, ўрта қисмида эни 400 м ни ташкил қилган. Ўрта асрларда Х. ўрнида Афурон қишлоғи бўлган. Х.нинг мустаҳкамланган марказий қисмида бал. 11 м ли қалъа жойлашган. Бу ердан 9—10-а.ларда қазилган 10 дан ортиқ қудуқ топилган, уларнинг айримларидан ҳозир ҳам фойдаланилади. Х.да ҳаёт мўғуллар истилосидан сўнг ҳам давом этган.

ХАЙД Томас (1636—1703) — инглиз шарқшуноси ва таржимони. Оксфорд ун-тининг проф. Бодлеян кутубхонасининг илмий назоратчиси. *Улуғбек*нинг юлдузлар жадвалини учта форсча қўлёзма бўйича текшириб, «Жайҳуннинг ҳар икки томонининг қудратли ҳокими улуғ Амир Темур набираси Улуғбекнинг кузатишлари бўйича кўзғалмас юлдузларнинг узунлик ва кенгликлар жадвали» номи б-н 1665 й. 1 марта форс ва лотин тилларида нашр эттирган. Бу эса Европа олимларига *Улуғбек расадхонаси* фаолиятини ўрганишлари учун асосий манба бўлди.

ХАЙЕК (Hayek) Фридрих Август фон (1899.8.5, Вена — 1992.23.3, Фрайбург) — иқтисодчи ва файласуф. Иқтисодий назариядаги *Австрия мактаби* анъаналарини ривожлантирган иқтисодий либерализм мактаби вакили. Вена ун-тини тугатган (1921). Буюк Британия, АҚШ, Германия ва Австрияда ишлаган. Илмий ишлари пул назарияси, иқтисодиёт фанининг методологик муаммолари, иқтисодий, ижтимоий ва тузилмавий ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги масалаларига бағишланган, *кейнсчилик*нинг кўпгина қарашларига эътироз билдирган. Социализм ғоялари ва амалиётини қаттиқ танқид қилган. Асосий асарлари: «Нархлар ва ишлаб чиқариш» (1931), «Қулликка йўл» (1944), «Қонун, қонунчилик ва эркинлик», 1—3 жилдлар, (1973—79) ва б. М. *Фридмен* б-н ҳамкорликда Ғарб мамлакатлари иқтисодий сиёсатида неоконсерватив бурилиш илҳомчиларидан бири. Нобель мукофоти лауреати (1974, Г. *Мюрдаль* б-н биргаликда).

ХАЙИТҚОРА — кечпишар тарвуз нави. Бутуниттифоқ ўсимликшунослик и.т. ин-тининг Ўрта Осиё тажриба ст-ясида яратилган. Палаги узун, ён шохлар ва барглар сони кўп. Барглари конуссимон, ранги яшил, бир оз майин тукли. Меваси шакли тескари шарсимон, катта. Туси тўқ яшил, баъзан қорамтир. Пўсти қалин (1,9—2,5 см), қаттиқ. Юзаси силлиқ, банд томони сезилмас дўнгроқ. Ерга тегиб турган жойлари сарғиш жигарранг. Вазни 3,5—4,5 кг. Этининг ранги қизил, серсув, сершира, таркибида 8,1% қуруқ модда ва 7,2% қанд бор. Ҳосили 120—130 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 300—320 ц/га. Ташишга ва сақлашга чидамли. 1949 й.дан давлат реестрига киритилган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида экилади.

Хайитқора тарвуз нави.

ХАЙНАНЬ — Хитойдаги провинция. Жан. Хитой денгизидаги оролда. Материкдан Хайнань бўғози орқали ажралган. Майд. 34,3 минг км². Аҳолиси 7,5 млн. киши (1999). Маъмурий маркази — Хайкоу ш. Рельефи, асосан, текислик, жан.да тоғлар (энг баланд жойи 1867 м) бор. Иқлими муссонли, тропик иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси 16—19°, июлники 29°. Доим яшил ўрмон ва бутазорлар бор. Иқтисодиётида қ.х. етакчи ўринда. Шоли, пахта, шакарқамиш экилади. Машинасозлик (жумладан, кемасозлик), кимё ва резина, озиқ-овқат (чой, шакар-қанд, кокос ёнғоғи, консерва) саноати корхоналари мавжуд. Провинция 1988 й.да ташкил этилган.

ХАЙРИДДИН Салоҳ (Салоҳиддинов Хайриддин) (1934.15.1 — Тошкент — 1969.5.6) — шоир. Низомий номидаги Тошкент пед. ин-тининг тарих-филология ф-тини тугатган (1957). «Ўзбекистон маданияти» (1963—66) газ. ва «Гулхан» жур. да (1968—69) адабий ходим. «Чашма» (1959), «Иккинчи имтиҳон» (1961), «Ишқим ва рашким» (1965), «Туғён», «Наъматак» (1969), «Излар ва ҳислар» (1974), «Шуълалар қўшиғи» (1975), «Лирика» (1985) шеърий китоблари ва «Лайло», шоир *Султон Жўра* ҳақидаги «Янгроқ ҳаёт» (1969), Тошкент зилзиласига бағишланган «Тошкент билан суҳбат» (1966) каби достонлар муаллифи. У. Г. Гейне, Байрон, М. Лермонтов, Т. Шевченко, Р. Ҳамзатов ва б.нинг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

ХАЙРОБОД ЭШОН МАЖМУАСИ — Тошкент ш.даги меъморий ёдгорлик (16—20-а. бошлари). Хайробод эшон маблағига уста Қорахўжа раҳбарлигида бунёд этилган. Мажмуа шарққа қаратиб ёнма-ён қурилган, томи гумбазлар б-н ёпилган масжид, мақбара, ҳовузли ҳовлидан иборат. Мақбара трапеция тарҳли (7,5×7,7 м), безаксиз, пишиқ ғиштдан ганч қоришмасида барпо этилган. Бош тарзига девор сатҳидан 80 см бўрттириб унча катта бўлмаган пештоқ ишланган, гумбази равоқлар шаклидаги бағалларга ўрнатилган, ички деворларида саёз равоқли тахмонлар бор, ғарбий деворидаги туйнук орқали хонага ёруғлик тушиб туради. Мақбара эшиги ёғоч панжара шаклида, тобадонига ёғоч ўймакорлигида панжара ишланган. Масжид тўртбурчак хонали (12,5×16,5 м), олди ва шим. томонидан устунли айвонлар б-н туташган. Масжиднинг ички деворларига тахмонлар ва одам бўйи баландлигида гир айлана наволи токчалар ишланган. Жан. деворидаги 2 та дераза ташқи тарафдан буклама ёғоч парда-дераза б-н беркитилади. Айвонлар томи текис, тоқили шифти бир неча бўлакларга бўлиниб, ислимий нақшлар б-н турли рангларда жозибадор безатилган. 20-а.да таъмирланган. Ҳовуз сақланмаган.

ХАЙРОБОДТЕПА — шаҳар харобаси (мил. ав. 1-а. — мил. 3—4-а.лар) Термиз ш. (Сурхондарё вилояти)дан 30 км шим.да, Ангор қишлоғи яқинида жойлашган. Тарҳи тўртбурчак (150×100 м), миноралари бўлган мудофаа девори ва хандақ б-н ўралган. Х.нинг жан.-

Хайробод эшон мажмуаси (масжид ички безакларининг бир қисми).


Хайрободтепа. Нерон тангаси (жездан ясалган; олди ва орқаси; Сурхондарё вилояти).

шарқий қисмида мустаҳкамланган арк бўлиб, унинг атрофига ҳам хандақ қазилган. Х. қалимда девор б-н тенг 2 қисмга ажратилган. Деворнинг эни 8 м, сақланган бал. 10 м. Х.нинг бир қисмида илк ва ривожланган ўрта асрларда ҳам ҳаёт давом этган. Археологик қазишмалар натижасида сопол идишлар, терракота ҳайкалчалар, бактрий ёзуви битилган хумлар, Сападбиз, Нерон, Калфиз II, Канишка, Васудева тангалари чиққан.

ХАЙРУЛЛАЕВ Музаффар Муҳитдинович (1931.17.11, Қўқон — 2004.26.3, Тошкент) — файласуф олим. Ўзбекистон ФА акад. (1989), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981), Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1991), фалсафа фанлари д-ри (1966), проф. (1967). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1951). 1954—55 й.ларда Самарқанд ва Тошкент олий ўқув юртларида ўқитувчи, Ўзбекистон ФА Тарих ин-тининг катта илмий ходими (1955—58), Ўзбекистон ФА Фалсафа бўлими мудири (1958—59), Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти сектор мудири, сўнг директор ўринбосари (1959—61), директори (1961—70; 1975—80). Айни вақтда ТошДУда (1955—57; 1962—65), ТошТИда (1957—60) ўқитувчи. Ўзбекистон КП МҚда бўлим мудири (1970—75). Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти директори (1980—87; 1993—2004). 1987—89 й.ларда Ўзбекистон ФА фалсафа, иқтисод ва ҳуқуқ фанлари бўлимининг акад.-котиби, 1988—93 й.ларда Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тида бўлим мудири. Асосий илмий ишлари Ўрта Осиё халқлари фалсафий тафаккури тарихи, хусусан, Форобий дунёқараши, мантиқ, этика, эстетика, маънавият ва маданият назарияси масалаларига бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1992). «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2003).

Ас.: Форобий ва унинг фалсафий рисолалари, Т., 1963; Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии, Т., 1967; Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, Т., 1971; Маданият ва мерос, Т., 1975 (ҳаммуаллифликда); Фараби. Эпоха и учение, Т., 1975; Абу Наср ал-Фараби, М., 1982; Мантиқ, Т., 1993 (ҳаммуаллифликда); Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти, Т., 1994.

ХАЙФО — Исроилдаги шаҳар. Аҳолиси 214,9 минг киши (2003). Транспорт йўллари чорраҳаси. Мамлакатнинг Ўрта денгиз бўйидаги муҳим порти. Тель-Авив ва Эйлатдан нефть қувурлари ўтказилган. Металлургия, нефтни қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик, ойна-шиша, цемент, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Тайёр қисмлардан автомобиль йиғилади. Музейлар бор. Салибчилар қалъаси қолдиқлари сақланган.

ХАЙФОН — Вьетнамдаги шаҳар. Атрофидаги ҳудудлар б-н марказга бўйсунувчи махсус маъмурий бирликни ташкил этади. Аҳолиси 784 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари чорраҳаси. Хонгха дарёси дельтасининг шим.даги йирик денгиз порти. Мамлакатнинг муҳим саноат маркази. Цемент, ойна-шиша, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари, кемасозлик, кема ва автомобилларни таъмирлаш ҳамда бошқа корхоналари мавжуд. Анъанавий ҳунармандчилик ривожланган. Балиқ овлаш маркази. Шаҳарга 19-а.да асос солинган.

ХАКАС ТИЛИ — *туркий тиллардан бири*; асосан, РФнинг Хакасия Республикасида, Красноярск ўлкаси ва Тива Республикасининг унга қўшни туманларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 80 минг кишидан ортиқ (20-а.нинг 90-й.лари). Лаҳжалари: сағай, качин, қизил ва шор; улардан сағай ва качин лаҳжалари адабий тилга асос бўлган.

Х.т.нинг фонетика соҳасидаги асосий белгилари: 17 унли ва 24 ундош мавжуд; унлиларнинг чўзиқ ва қисқа вариантлари бор. Асл хакас сўзларидаги ундошларнинг қаттиқ ва юмшоқлиги унлига боғлиқ; орқа қатор унлилари б-н доимо қаттиқ ундошлар, олд қатор унлилари б-н юмшоқ ундошлар уйғунлашади. Бу ҳодиса фонематик даражада бўлмаганлиги сабабли, вариант ундошлар ёзувда акс этмайди. Хакасча сўзлар бошида жарангли ундошлар деярли бўлмайди. Грамматикаси барча туркий тиллардаги каби белгиларга эга бўлса-да, айрим ясовчи аффиксларнинг қўлланиши, келишиклар тизими, айрим феъл шакллари жиҳатидан ўзига хосликларга эга. Лексикасида оз миқдорда арабча ва форсча, лекин анчагина русча ва мўғулча ўзлашмалар бор. Ёзуви 1926 й.дан рус графикаси, 1929 й.дан лотин графикаси ва 1939 й.дан яна рус графикаси асосида шаклланган.

ХАКАСИЯ, Хакасия Республикаси — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Шарқий Сибирь жан.да жойлашган. Майд. 61,9 минг км². Аҳолиси 546,1 минг киши (2002). Пойтахти — *Абакан* ш. 5 шаҳар, 13 шаҳарча бор.

Давлат тузуми. Х. — республика. Республика раҳбари ва ижроия ҳокимият бошлиғи — ҳукумат раиси. Олий ижрочи ҳокимият органи — ҳукумат. Олий қонун чиқарувчи ҳокимият органи — Олий кенгаш.

Табиати. Х.да Жанубий Сибирь тоғларининг бир қисми жойлашган. Кузнецк Олатовининг шарқий ён бағирлари ва Абакан тизмаси, Ғарбий Саяннинг шим. ён бағирларини ўз ичига олган тоғлик қисм ва жан.да Минусинск сойлиги, шим.да Чулим-Енисей сойлигини қамраб олган паст-баланд текисликдан иборат. Фойдали қазилмалардан тошкўмир, темир рудаси, мис, молибден, вольфрам ва б. бор. Иқлими кескин континентал. Янв.да ўртача т-ра — 16°, —20°, июлда 18°—20°. Ўртача йиллик ёғин 300—700 мм. Асосий дарёси — Енисей ва унинг ирмоғи Абакан. Тупроқлари чимли



ўрмон ва чимли подзол. Ҳудуднинг 40% ўрмон (тайга). Тоғларда игна баргли ва кенг баргли ўрмонлар бор, чўққилар тундрага хос. Х. ҳудудида «Чази» ва «Кичик Абакан» табиий қўриқхоналар бор.

Аҳолиси хакас, рус, украин, татар, немис, мордва ва б. Шаҳар аҳолиси 70,8%. Давлат тиллари — хакас ва рус тиллари. Диндорларнинг аксарияти православлар. Шаҳарлари: Абакан, Черногорск, Саяногорск.

Тарихи. Х. ҳудудида *палеолит* давридан одам яшаган. 17-а. охирида Х.да яшовчи қабилаларда майда хонликлар пайдо бўлган. 17—18-а. бошларида бу хонликларни Россия босиб олиб, ўз таркибига қўшган. 19-а. ўрталарида Х. ҳудудида товар-пул муносабатлари вужудга кела бошлади. Енисей губерниясининг асосан хакаслар яшайдиган Минусинск уездида 1917 й. нояб.да шўро ҳокимияти ўрнатилди. Бу ерда шўро ҳокимиятини тан олмаган хакаслар б-н «қизил»лар ўртасидаги кураш 1923 й.гача давом этди. 1923 й. охирида Хакаслар миллий уезди тузилди. 1925 й.да у округга айлантирилди. 1930 й. 20 окт.да Красноярск ўлкаси таркибида Х. мухтор вилояти ташкил этилди. 1991 й. июлдан Х. ССР, 1992 й. фев.дан Россия Федерацияси таркибидаги Х. Республикаси.

Хўжалиги. Ялпи маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 48,8%, қ.х. 7,9% ни ташкил этади. Асосий саноат тармоқлари: рангли металлургия, электр энергетикаси, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қора металлургия, бинокорлик материаллари саноати, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз, кимё ва нефть кимёси саноати. Тошкўмир (Минусинск кўмир ҳавзаси), темир рудаси (Абакан кони), гипс, оҳак, мармар қазиб олинади. Сорскда молибден, Абаза, Черногорск, Аскиз, Усть-Абаканда ўрмон ва ёғочсозлик корхоналари, Усть-Абаканда гидролиз з-ди, Черногорскда қурилиш материаллари корхоналари мавжуд. Абаканда вагон, контейнер ва автокран з-длари, пойабзал ва трикотаж ф-калари, гўшт, ун к-тлари, сут ва шарбат-вино з-длари, кондитер ф-каси бор. Енисей дарёсида Саян-Шушенск ва Майна ГЭСлари қурилган; Черногорск ГРЭС, Абакан ТЭЦ ҳам бор.

Енисей дарёси.

Абакан шаҳри. «Хакасия» меҳмонхонаси.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 1650,1 минг га, шундан 665,5 минг га (40%) экинзор. Гўшт-сут чорвачилиги ва майин жунли қўйчилик салмоқли ўрин тутади. Асаларичилик ва паррандачилик ҳам ривожланган. Деҳқончиликда ғалла, картошка, сабзавот, ем-хашак экинлари етиштирилади.

Транспортида т.й. уз. 642 км. Муҳим т.й. тармоқлари: Абакан—Тайшет—Иркутск, Абакан—Новокузнецк, Абакан—Ачинск. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари уз. 2471 км. Асосий автомагистраллари: Усинск тракти (Абакан—Минусинск—Қизил), Абаза тракти (Абакан—Абаза—Оқ Довурак), Абакан—Черногорск—Красноярск автойўли. Енисей дарёси ва унинг ирмоғи — Абаканда кема қатнайди. Ички сув йўллари уз. 495 км. Асосий порти — Абакан.

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 1990-й.лар охирида ҳар 10 минг аҳолига 35 врач тўғри келди. Бир қанча санаторий-курорт ва дам олиш муассасалари, шу жумладан, Шира кўли бальнеология-балчиқ б-н даволаш курорти бор. Х.да 281 умумий таълим мактабида 94 минг, 7 ўрта махсус ўқув юртида 6,7 минг ўқувчи, 1 олий ўқув юрти (Хакасия ун-ти)да 6 мингга яқин талаба таълим олади. Х.да тил, тарих ва адабиёт и.т. институтлари бор. 400 дан зиёд оммавий кутубхона, бир қанча клуб муассасалари ва кинокурилма, Абаканда ўлкашунослик музейи, драма ва қўғирчоқ театрлари, «Жарки» халқ хореография ансамбли ишлайди. Хакас ва рус тилларида бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Маҳаллий радио ва телевидениеси хакас ва рус тилларида эшиттириш ҳамда кўрсатувлар олиб боради.

Адабиёти. Х. халқининг бой оғзаки ижодиёти — эртак, ривоят, афсона, қўшиқлар бор. 20-а. бошларида ёзма адабиёт вужудга келди. В. Кобяков, А.Топанов, А.Кузугашев асарлари нашр этилди. М.Коков, М. Аршанов, П.Штигашев ўз шеърларида хакас қишлоқлари ҳаётини акс эттирди. 2-жаҳон уруши йилларида Н.Доможаков, И.Котюшев, И.Костяков ватанпарварлик руҳида асарлар яратишди. Шоирлардан М.Баинов, М.Чебодаев, М.Кильчичаков, В. Майнашев, А.Халларов, адиблардан М. Тиников, К.Нербишев, Г.Казачинова, драматург В.Шулбаева, адабиётшунослардан М.Унгвицкая, П.Трояков, К.Антошин, А.Кизласова ва б. машҳур.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Хакасларнинг анъанавий турар жойи — кигиз ёки қайин пўстлоғи б-н ўралган, томига юпқа тахта ва тунука қопланган 6—14 бурчакли ўтовдан, шунингдек, ходалардан ясалган чайла (капа), ярим ертўла ва ёғоч кулбалардан иборат бўлган. 20-а.да Абакан, Черногорск, Абаза, Саяногорск ш.лари барпо этилди, замонавий уй-жой, жамоат ва маданият бинолари қурилди. Х. ҳудудида 7—8-а.ларга оид темир, олтин, қалай ва б. металл буюмлар (идиш, қурол, зеб-зийнатлар) топилган. Бу ерда азалдан ёғоч ўймакорлиги, каштачилик ривожланган. 20-а. бошларида дастгоҳ санъати пайдо бўлди. М. Бурнаков, В.Новосёлов, М. Серебряков каби рассомлар, В.Тодиков, В. Бутанаев каби графиклар етишиб чиқди.

Мусиқаси, асосан, халқ қўшиқларидан иборат. Улар қисқа тахпах (меҳнат, маросим, севги қўшиқлари, нолалар), узун ир (айтишув, ёр-ёр)лардир. Қаҳрамонлик (алиптир ним) ва тарихий афсона (кипчоох) руҳидаги

достон ва эртакларда ҳам ирлар учрайди. Ривоятлар («Албинчи», «Алтин Ариг» ва ҳ.к.) чатхан (чертма чолғу) жўрлигида ички овоз б-н ижро этилади. Чолғулари хомис, ных деб аталган торли, хобрах деб аталган пуфлама, тюр (бубен) деб аталадиган зарбли, темир хомис (*чанқўбиз*га яқин) асбоблардан иборат. 20-а.да балалайка, гитара, мандолина, баян кабилар урф бўлди. Чатхан жўрлигида эртак ижро этувчилар (хайжалар) халқ мусиқа санъатининг намояндаларидир (Х.Балахчин, С. Калишев, М. Добров ва б.). Профессионал мусиқа 1920-й.лардан сўнг ривожлана бошлади. Композиторлар орасида А.А.Кенель, Г.Челбораков, Г.Колмаков, Н.Катаева ва б. машҳур.

ХАКАСЛАР (ўзларини — хакас деб аташади; эски номлари — Абакан ёхуд Минусинск татарлари) — Хакасиядаги халқ (62,9 минг киши), жами РФда — 79 минг киши (1989). *Хакас тилида* сўзлашади. Диндорлари — православлар, анъанавий эътиқодлар сақланган. Асосан, чорвачилик, овчилик ва деҳқончилик б-н шуғулланадилар.

ХАКСЛИ (Huxley) Андру Филдинг (1917.22.11, Лондон) — инглиз физиологи. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1955 й.дан). Кембриж ун-тини тугатган (1938). Лондон ун-ти коллежи физиология бўлими проф. (1960 й.дан). *Мускул қисқариши* назариясини кашф этган (1957), *миофибриллар*нинг нозик тузилишини аниқлаган; нерв толалари *синапслари*ни ва нерв импульсларини узатишда рўй берадиган физик-кимёвий ўзгаришлар ва ҳ.к.ни тадқиқ этган. Нобель мукофоти лауреати (1963; А.Л.Хожкин ва Ж.К.Эклс б-н ҳамкорликда).

ХАЛАЖ, қолоч — қад. туркий қабила. Х.лар дастлаб (6-а.) Жан. Сибирда, кейинчалик Талас водийсида, Кошғарда яшаган. 7—8-а.ларда катта қисми Тохаристонга (асосан, Шим. Афғонистонга ва Мовароуннаҳр ерларига) бориб ўрнашганлар, вақт ўтиши б-н Х.лар туб ерли аҳоли б-н аралашиб кетган. Айрим қабилалар ўз этник номларини 20-а. бошларигача сақлаб қолганлар. Х.лар афғон-хилжойларнинг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Шунингдек, Х.лар Эроннинг жан. даги кўчманчи туркий қабилалар — қашқайларнинг муҳим компонентларидан бирини ташкил этган. Тожикистоннинг жан. ва Вахш водийсидаги Х.лар эса, 16-а. бошларидаёқ мустақил этник бирлик ҳисобланган. 19-а. га оид ёзма манбаларда Х.лар Амударёнинг ўрта оқимидаги туркман қабилалари қаторида тилга олинган. Ўрта асрларда Х.лар тарқоқ ҳолда Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятлари (жумладан, Зарафшон водийси ва Қашқадарёнинг юқори қисми)да ҳам яшаган. Ҳоз. Х. авлодлари Эрон, Закавказье ва Афғонистонда турк ва эрон тилли халқларда этник ном сифатида сақланиб қолган.

ХАЛАЖ ТИЛИ — туркий тиллардан бири. Марказий Эронда, Теҳроннинг жан.-ғарбида тарқалган. Сўзлашувчилар сони 20 минг киши атрофида (ўтган аср 80-й.лари охири). Шевалари 2 гуруҳга — шим. ва жан. гуруҳларга бўлинади.

Х.т.да қад. туркий тил элементлари, хусусан, бирламчи чўзиқ унлилар сақланган; сўз ўртаси ва охирида бошқа туркий тилларда з, т, ж, р келган ўринларда д қўлланади. Айрим келишик қўшимчалари ва феъл шаклларида ҳам бир қатор ўзига хосликлар мавжуд. Лексикада энг қад. туркий қатлам ҳамда келиб чиқиши ноаниқ бўлган сўзлар қатлами ажралиб туради; озарбайжон тилидан, эроний лаҳжалардан ўзлашмалар бор. Асосан, хотин-қизлар ўртасида кундалик муомала тили ҳисобланади.

ХАЛАПА — Мексиканинг шарқий қисмидаги шаҳар. Веракрус штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 390 минг киши (2000). Транспорт йўллари чорраҳаси. Плантация хўжалиги (кофе, шакарқамиш, тамаки) р-нининг савдо маркази. Озиқ-овқат, машинасозлик, тўқимачилик, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари мавжуд. Ун-т. Антропология музейи бор. Шаҳарга 16-а.да асос солинган. Мустамлакачилик даврида қурилган меъморий ёдгорликлари сақланган. Туризм маркази.

ХАЛАФ МАДАНИЯТИ (археологияда) — Шим. Месопотамия ва Суриядаги энеолит даври (мил. ав. 5-минг йиллик)га оид маданият. Шим.-шарқий Суриядаги Тел-Халаф қишлоғи номи б-н аталган. Турар жой харобалари, гулдон, сопол идишлар, мис буюмлар топилган. Аҳоли деҳқончилик, чорвачилик б-н шуғулланган.

ХАЛДЕЙЛАР — Жан. Месопотамияда мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида яшаган сомий қабилалар. Бобилга эгалик қилиш учун Оссурия б-н кураш олиб боришган. 626—538 й.ларда Бобилда Янги Бобил подшолигига асос солган халдейлар сулоласи ҳукмронлик қилган.

ХАЛИЛ ибн АҲМАД (тўлиқ номи Абу Абдураҳмон ал-Халил ибн Аҳмад ибн Амр ибн Таймир) (718, Уммон — 792, Басра) — араб олими. Ал-Басрий тахаллуси б-н машҳур бўлган. Х. ибн А. аруз илми асосчиларидан. У араб грамматикасини тизимлаштирган. «Ал-Аруз», «Китоб уш-шавоҳид» («Шоҳидлар китоби»), «ан-Нукат ваш-шакл» («Мазмун ва шакл»), «ан-Нағам» («Оҳанглар»), «Маоний ал-ҳуруф» («Ёрдамчи сўзларнинг маънолари»), «Жумлат олот ал-араб» («Араб тилидаги нотугал гаплар»), «ал-Авомил» («Юкламалар») ва б. асарлари машҳур. Бизгача араб тилининг биринчи энг катта изоҳли луғати — «Китоб ул-айн» («Булоқ китоби») асари етиб келган; Бағдод музейида.

Ад.: Крачковский И. Ю., Избранные сочинения, т. 2, М., 1956; Звегинцев В. А., История арабского языкознания, Краткий очерк, М., 1958.

ХАЛИЛ МАРДАМБЕК (МАРДАМБЕЙ) (1895 — Дамашқ — 1959.21.7) — араб шоири, адабиётшунос, давлат арбоби (Сурия). Лондон ун-тини тугатган (1929). Дамашқдаги Араб ФА аъзоси (1925) ва президенти (1953—59), Қоҳирадаги Араб тили академияси аъзоси (1948 й.дан), Ироқ ФА аъзоси (1949 й.дан). Сурия ҳукуматида Маориф (1948) ва Ташқи ишлар (1953) вазири. Х.М. Сурия адабиётшунослиги ривожига катта ҳисса қўшган. Дамашқда «Ар-Робита ал-адабийя» («Адабий алоқалар») адабий жамияти (1921) ва шу номдаги адабий жур. (1929), шунингдек, «Ас-Сақофа» («Маданият») адабий жур. асосчиларидан. «Сурия шоирлари» (1—3-ж.лар, 1954), «Араб адабиёти тарихи» (1—5-ж.лар, 1955) монографиялари муаллифи. Ўрта аср араб шоирлари Ибн Ҳаййус, Ибн Унайн, Али ибн ал-Жаҳм ас-Сомий ва б.нинг девонларини изоҳлар б-н нашр эттирган. Х.М.нинг араблар бирлигига даъват этувчи шеърлари ва шеърий драмаларида миллатпарварлик оҳанглари кучли. Шеърлар девони шоирнинг вафотидан сўнг нашр этилган.

ХАЛИЛ СУЛТОН (1384—1411.4.10) — *темурийлар*дан бўлган Мовароуннаҳр ҳукмдори (1405—09). *Амир Темур*нинг набираси. *Мироншоҳ*нинг ўғли. Сароймулкхоним *(Бибихоним)* тарбия қилган. 15 ёшли Х.С. Соҳибқироннинг Ҳиндистонга қилган юришида (1399—1400) қатнашиб катта жасорат кўрсатган. Қуйи табақадан чиққан Шодимулкка уйланиши б-н Амир Темурнинг ғазабига учраган, сўнг кечирилган. Соҳибқироннинг Хитойга қилган юришида Х.С. қўшиннинг ўнг қаноти бошлиғи этиб тайинланган. 1405 й. Амир Темур вафот этгач, Мовароуннаҳр тахтини эгаллаган. Ўзига қарши бош кўтарган амирлар (Худойдод, Оллоҳдод, Шайх Нуриддин ва б.)га қарши бетиним ку-

рашган. Давлат хазинасини беҳуда сарфлаб, ҳокимиятни бошқаришда хотинининг сўзларига амал қилган. Саройдаги катта мансабларга тасодифий кишилар тайинланган. Бу бошқа темурийларнинг қаттиқ норозилигига учраган. Хуросон ҳукмдори Шоҳрух катта қўшин б-н Мовароуннаҳрга юриш қилиб, Самарқандни эгаллаган. Шоҳрух б-н тузилган шартнома (1409) натижасида Мовароуннаҳрдан воз кечган. Х.С.га Рай берилган. Умрининг охиригача шу ерда яшаган. Х.С. вафот этгач, Шодимулк ҳам ўзини ўлдирган.

ХАЛИЛИЙ — эртапишар узум нави. Бу навнинг Қора Х. ва Оқ Х. хиллари бор. Қора ёки қизил Х. Ўзбекистон, Қирғизистон Туркманистонда тарқалган. Тупи кучли ўсади. Барги йирик, орқаси тукли. Гули икки жинсли. Узум боши ўртача (280—300 г), шингиллари тигиз. Ғужуми йирик, тухумсимон, тўқ қизил, эти сершира, карсиллайди, пўсти юпқа. Таркибида қанд миқдори 17—18%, нордонлиги 4—4,5%. Июль ўрталарида пишади. Ғуға б-н касалланади. Ҳосилдорлиги 100—120 ц/га. Оқ Х. ватани — Эрон. Ўзбекистон, Туркманистон, Россиянинг Ставрополь ўлкаси, Марокаш ва Калифорнияда экилади. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача, сал чўзиқроқ, сал буришган ёки силлиқ. Гули қўш жинсли. Узум боши ўртача тигиз. Ғужумлари ўртача, оқиш ёки кўкиш-сариқ, пўсти юпқа, эти

Қора ва Оқ халилий узум навлари.

серсув, таркибида қанд миқдори 18—19%, нордонлиги 4—4,5%. Ҳосилдорлиги 120—160 ц/га. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида р-нлаштирилган.

ХАЛИЛОВ Набижон (1922.6.1, Қўқон — 2002.7.7, Тошкент) — дирижёр, композитор. Ўзбекистон халқ артисти (1989). Тошкент консерваториясини тугатган (1956). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—45). Ҳамза театрида мусиқа бўлими бошлиғи (1952—56). Ўзбек давлат филармониясида симфоник оркестр дирижёри (1957—64), «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари (1965—68). 1968 й.дан Муқимий театрида бош дирижёр сифатида ўнлаб спектаклларни саҳналаштирган. Айни пайтда, Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида ўқитувчи (1968 й.дан), проф. (1989 й.дан), кафедра мудири (1970—91). «Бахт тўйи» (Ё. Мирзо), А. Муҳамедов б-н ҳамкорликда «Олифта» (Ф. Мусажонов), «Дилафрузга тўрт ошиқ» (Т. Миннуллин), «Сеҳрли узук» (С. Қориев), «Тошкентга саёҳат» (Б. Дарвеш) каби мусиқали драма ва комедиялар мусиқасини, шунингдек, «Жон Ўзбекистон» вокал-рақс сюитаси, «Нидо» вокал-симфоник поэмаси, «Тошкент гуллари», «Севгисим-баҳорим» ва б. қўшиқларни ёзган.

ХАЛИСКО — Мексикадаги штат, Мексика тоғлигининг жан.-ғарбий қисмида. Майд. 80,1 минг км². Аҳолиси 6,3 млн. киши (2000). Маъмурий ва муҳим саноат маркази — Гвадалахара ш. Иқтисодиётининг етакчи тармоғи — қ.х. Маккажўхори ва дуккакли экинлар, суғориладиган ерларда ер ёнғоқ экилади. Машинасозлик, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш саноати корхоналари мавжуд. Чапала кўлидан балиқ овланади.

ХАЛИФА (араб. — ўринбосар, ноиб) — мусулмон жамоаси ва мусулмон давлатининг диний ҳамда дунёвий бошлиғи. Х. Муҳаммад пайғамбар (сав)нинг ўринбосари, *умавийлар* давридан бошлаб эса Аллоҳнинг ердаги ноиби ҳисобланган. Муҳаммад (сав)дан кейинги тўрт Х. (*Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон, Али*)ни хулафои рошидин, яъни тўғри йўлдан борувчи Х.лар деб аташган. *Аббосийлар, фотимийлар* сулоласидан бўлган ҳукмдорлар Х. номи б-н аталган. 13-а.дан кейин айрим мусулмон мамлакатларининг ҳукмдорлари ўзини диний бошлиқ ҳам даъво қилиб, Х. номига эга бўлишган. 16-а.да турк султонлари ўзларини Х. деб атай бошлаганлар, бу ҳолат 1924 й.гача, яъни усмонлилар давлати тугагунча давом этган.

ХАЛИФАЛИК — 7—8-а.ларда араб истилолари натижасида Арабистон я.о., Яқин ва Ўрта Шарқ, Шим. Африка, Испания, Марказий Осиё ва Кавказортини ўз ичига олган давлат (қ. *Араб халифалиги*). *Ибн Халдун*нинг ёзишича, «жоҳилия араблари» фақат диний сифатдаги (пайғамбарлик, валийлик, коҳинлик ва ҳ.к.) ҳокимиятни тан олганлар. Шунинг учун ҳам ҳижратдан сўнг (622 й.) Мадинада барпо бўлган ва 630—632 й.ларда бутун Арабистон я.о.ни ўз ичига олган тузум ислом динига асосланган, теократик давлат шаклини олган. Бу давлатнинг бошлиғи — расулуллоҳ — Аллоҳнинг элчиси, аммо у абадий эмаслиги пайғамбарнинг ўзи томонидан қайта-қайта таъкидлаб келинган. Бу давлатни келажакда бошқарадиганлар сиёсий усуллардан фойдаланишлари муқаррар эди, зеро Муҳаммад (сав) — пайғамбарларнинг охиргиси (хотам ул-анбиё). Биринчи бўлиб бу ҳақиқат Пайғамбар (сав) томонидан англанди. «Халифалик мендан кейин умматларим ичида ўттиз йил, сўнгра амирлик (подшолик) дир», деган мазмундаги ҳадис айнан шу фикрни исботлайди. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг номидан (ваҳий орқали) умматини бошқарган Муҳаммад пайғамбар вафотидан сўнгра раҳбарликка илоҳий раҳнамолик сифатига эга бўлмаган ва бунга даъво ҳам қилмаган халифалар келган. Саҳобалар бундан кейин дунёвий ишларни оддий инсон ҳукмдор — амир бошқаришини тушунганлар. Маккалик ва мадиналик саҳобалар — муҳожирлар ва ансорлар ўртасидаги баҳс фақатгина уларнинг қайси бири ана шу лавозимга сайланиши ҳақида борар эди. Абу Бакр Сиддиқнинг Халифату Расулуллоҳ — Аллоҳ элчисининг ўринбосари бўлиб сайланиши шундан далолатдир. Айнан шу даврда ҳокимият вазифаларининг (суд, молия ва ҳ.к.) бўлиниши ва уларнинг, асосан, муҳожирлар ўртасида тақсимланиши юз берган. Бу жараён, яъни давлат бошқарув тизими динийлик қиёфасини йўқотиб, дунёвий тус олиши 4 халифа — Абу Бакр Сиддиқ (632—634), Умар ибн Хаттоб (634—644), Усмон ибн Аффон (644—656) ва Али ибн Абу Толиб (656—661) даврида узил-кесил амалга ошган. Улар «ал-Хулафо ар-рошидун» (тўғри йўлдан борувчи халифалар) деган ном олдилар.

Али ибн Абу Толиб вафотидан сўнг давлатни бошқарган умавий халифалар (661—750) араб тарихий адабиётида «диний тарбиядан умуман йироқ» шахслар сифатида тавсифланадилар. Халифалар расман диний ва дунёвий ягоналикни мужассам этган бўлсаларда, лекин амалда жамиятнинг диний ҳаётига таъсир кўрсатмасдилар. Диний арбоблар (муҳаддислар, қорилар, муфассирлар, фақиҳлар) қатлами вужудга келганки, энди диний масалалар бўйича жамоатчилик фикрини халифалар эмас, балки айнан ўша арбоблар шакллантирадиган бўлганлар.

750 й.да *Аббосийлар* халифалиги бошланган. Умавийлардан фарқли ўлароқ аббосийлар ўз исмларига Аллоҳ сўзини қўшиб мартабали лақаблар олдилар, шу йўл б-н ўз ҳокимиятларига теократик тус беришга уриндилар. Лекин амалда уларнинг кўпчилиги қўғирчоққа айланиб қолиб, бошқа қавмлар бошлиқлари (мас. *Маҳмуд Ғазнавий*), салжуқлар султони *Тўғрулбек*, бувайҳийлар амири Аҳмад қабиларга мубоъа (гувоҳнома) бердилар ва уларнинг ҳокимликларини қонунийлаштирдилар. 9-а.дан эътиборан Аббосийлар халифалиги парчалана бошлаган. Испанияда *Кордова*, Шим. Африкада *Фотимийлар халифалиги*нинг вужудга келиши халифалик яккаю ягона бўлиши керак деган тушунчага яна бир бор зарба берган.

12-а.да Турк сулолалари заифлашиб, Бағдод халифалиги қисқа муддатга ўз қудратини қайта тиклаган эди ҳамки, мўғулларнинг қақшатқич зарбасига учради ва 1258 й. *Ҳулоку* охирги Бағдод халифаси ал-Мустаъсимни қатл қилган.

Шундай қилиб, Аббосийлар халифалиги мўғуллар томонидан йўқ қилинди. Аммо 1261 й. Миср мамлукларининг султони Зоҳир Байбарс дастлаб охирги Бағдод халифасининг амакиси ал-Мустансир, сўнг яна бир вакил ал-Ҳаким I ни Қоҳирага келтириб, аббосийлар сулоласини давом эттирди. Юқорида зикр этилган иккала шахснинг ҳам ҳақиқатан аббосийларга мансуб эканини ўз вақтида акад. В.В. Бартольд қаттиқ шубҳа остига олган эди. Қандай бўлганда ҳам Қоҳирадаги Аббосийлар халифалиги 1517 й. усмонли турклар томонидан Миср босиб олингунга қадар давом этди.

Охирги халифа ал-Мутаваккил III ни усмонли турк султони *Салим I* Истанбулга кўчирган ва унинг авлодлари Туркияда Мустафо Камол Отатурк томонидан дастлаб султонлик (1922 й.), сўнг халифалик (1924 й.) бекор қилингунига қадар яшаганлар.

Демак, Х. ислом теократик давлати тарихда бир марта тузилган ва Муҳаммад пайғамбар шахси б-н бевосита боғлиқ. Ҳозир нафақат ислом, балки бошқа ҳар қандай динга асосланган теократик давлат тузиш самарасиз ва бефойдадир, зеро 20-а.нинг йирик тарихчиси А. Тойнби таъбири б-н айтганда, черков замин муаммоларини замин воситалари орқали ҳал қилишга қодир эмас. Бизнинг кўз ўнгимизда «Толибон» ислом динини ниқоб қилиб олиб, теократик давлат тузишга уриниб кўрди. Ҳоз. пайтда «Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий» партияси халифалик шаклидаги ягона мусулмон давлатини ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Аммо унинг бу хатти-ҳаракатлари батамом асоссиз, ғайриқонуний ва ислом шариатига зиддир. Қуръони каримда Х.ни барпо қилиш бўйича буйруқ берилмаган, қатъий далил ҳам мавжуд эмас.

Аҳаджон Ҳасанов.

ХАЛЛ, Гулл, Кингстонапон-Халл — Буюк Британиянинг шарқий қисмидаги шаҳар. Аҳолиси 269,1 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Шим. денгиз соҳилидаги порт. Машинасозлик (хусусан, кемасозлик), ёғочсозлик, озиқ-овқат корхоналари мавжуд. Балиқ овлаш базаси. Ун-т бор.

ХАЛОНЕН (Halonen) Тарья (1943.24.12, Хельсинки) — Финляндия давлат арбоби. Хельсинки ун-тини тугатган. Юридик фанлари номзоди (1968). Фаолиятини Финляндия талабалар миллий уюшмаси котиблигидан бошлаган. 1970-й.ларда Финляндия касаба уюшмалари марказий ташкилотида адвокат. Финляндия бош вазири ҳузурида парламент котиби. 1979 й.дан парламентда Финляндия социал-демократик партиясидан депутат. 1985 й.дан парламентнинг ижтимоий масалалар бўйича комиссияси раиси. 1987 й.дан Финляндия ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш иккинчи вазири, адлия вазири (1990—91), 1995 й.дан ташқи ишлар вазири. 2000 й. 6 фев.дан Финляндия Республикаси президенти.

ХАЛС, Гальс (Hals) Франс (тахм. 1581—85, Антверпен — 1666.28.6, Харлем) — голланд рассоми, портрет устаси; Европа реалистик санъатининг йирик намояндаси. Х. ижодида буржуа инқилоби ғалабасидан кейин юзага келган голланд санъатига хос бўлган кўтаринкилик, ҳаёт завқи ва демократизм ўз аксини топган; рассом бўёқдоғларини эркин қўллаш орқали инсон руҳиятини тасвирлаш кўламини кенгайтирди, кўпроқ тасвирланаётган шахснинг ички руҳиятидаги ёрқин лаҳзани бадиий муҳрлашга интилди. 20-й.ларда портретлар б-н бир қаторда жанрли лавҳалар ҳам яратди, муқаддас зотлар реал ҳаётдан олинган оддий одамлар қиёфасида тасвирланди («Евангелист Лука», «Евангелист Матфей», тахм. 1623—25 й.лар), голланд жамиятидаги ижтимоий типлар образлари галереяси юзага келди («В. ван Хейтхейзен», тахм. 1625—26; «Лўли», «Мулат», тахм. 1630 ва б.). Гуруҳ портретлар устида ишланган рассом тасвирларига ҳаётийлик ва ҳаққонийлик бахш этди («Авлиё Адриан ўқчилар ротаси зобитлари гуруҳ портрети», 1633; «Авлиё Георгий ўқчилар ротаси зобитлари», 1639 ва б.). 40-й.лардан портретларида психологик ҳолатлар чуқурлашди («Авлиё Елизавета касалхонаси регентлари», 1641), асарлари колоритида кумушсимон кулранг туслар ортиб борди. Сўнгги даврларда яратилган оқ ва қора ранглар кескинлигига асосланган асарларида чорасизлик ва тушкунлик кайфиятлари кўзга ташланади («Қариялар уйи регентлари», 1664). Х. ижоди Ғарбий Европа реалистик санъатининг чўққиларидан бири бўлиб қолди. Шогирдлари орасида А. Брауэр, ака-ука А. ва И. Остаделар, Я. Стен ва б. бор. Асарларининг кўп қисми Харлемдаги Х. музейида сақланади.

Ф. Халс. Эркак портрети.

ХАЛТАЛИ АЙИҚ — қ. *Коала.*

ХАЛТАЛИ БЎРИ, тасмания бўриси (Thylacinus cynocephalus) — йиртқич *халталиларга* мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Гавдасининг уз. 100—130 см, думи 50—65 см. Танаси чўзиқ, оёқлари узун, орқа оёқларида 1- бармоғи йўқ. Халтаси танасининг кейинги қисмида очилади, сут сўрғичлари 4 та. Қозиқ ва озиқ тишлари кучли ривожланган. Динго (ёввойи ит) тарқалмасидан олдин Австралиянинг барча ҳудудларида яшаган. Европаликлар Австралияни кашф этганида фақат Тасмания оролида дарахтзорларда қолганлиги аниқланган (2- номи шундан). 2—4 та

Халтали бўри.

дан болалаган. Х.б. сўнгги марта 20 а.нинг 40-й.ларида учратилган. Ҳозир қирилиб кетган бўлиши мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ХАЛТАЛИ БЎРСИҚЛАР, бандикутлар (Peramilidae) — халтали сут эмизувчилар оиласи. Танасининг уз. 17—50 см, думи 9—26 см, вазни 4,7 кг. Олдинги оёқларида 2—4- бармоқлари узун ва кучли тирноқли; орқа оёқларидаги 2- ва 3-бармоқлари ёпишиб ўсган бўлиб, фақат тирноқлари ажралиб туради. Бу тирноқлар ёрдамида юнгини тозалайди. Халтаси танасининг кейинги қисмида пастга қараб очилади. *Халталилар* орасида йўлдошга эга бўлган ягона вакил ҳисобланади. Эмбриони худди ҳақиқий йўлдошлилар сингари имплантация бўлади. 17—19 тури маълум. Австралия, Тасмания, Янги Гвинея ва б. о.да тарқалган. Қуруқликда сакраб ҳаракатланади. Кўпчилиги ҳашаротхўр. Йилда 1 марта 2—8 бола туғади. Бўғозлик даври қисқа — 12,5 кун. Айрим Х.б. териси ва гўшти учун овланган. Сони жуда камайиб кетган.

ХАЛТАЛИ ИБЛИС, тасмания иблиси, тасмания шайтони (Sarcophilus harrisii) — йиртқич *халталилар*га мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Уруғнинг ягона тури. Гавдасининг уз. 50 см га, думи 25 см га яқин. Танаси миқти, оёқлари калта. Орқа оёқларида 1-бармоғи бўлмайди. Халтаси танасининг кейинги қисмига очилади. Сут безлари сўрғичи 4 та. Йиртқич ва озиқ тишлари кучли ривожланган. Тасмания о. бута ва чакалакзорларида яшайди. Этхўр. Йилига 1 марта 4 тадан болалайди. Паррандачиликка зиён келтиргани сабабли кўплаб овланган. Сони камайиб кетган.

ХАЛТАЛИ ОЛМАХОНЛАР (Petaurus) — кускуслар оиласига мансуб халтали сут эмизувчилар. Танасининг уз. 12—32 см, думи 15—48 см. Олдинги ва кейинги оёқлари ораси тери парда б-н туташган. 4 тури бор. Австралия, Тасмания, Янги Гвинея о.да тарқалган. Дарахтда яшайди. Оёқлари орасидаги тери пардасини ёзиб, шохдан шохга ёки бир дарахтдан иккинчисига 70 м гача парвоз қилади.

ХАЛТАЛИЛАР (Metatheria), қопчиқлилар — тирик туғувчи сут эмизувчилар инфрасинфи (айрим маълумотларга кўра, туркум). Гавдасининг уз. 4 см дан 160 см гача. Кўпчилик Х. урғочисида боласи халта ичида ривожланади. Халта ичида сут безлари сўрғичи бўлади. Бош мияси тубан тузилган. Йўлдош (бандикутдан ташқари) ҳосил бўлмайди. Бўғозлик даври 12,5—45 кун, боласи нимжон (уз. 0,5—3 см) туғилади, кўпинча халтаси ичидаги сут бези сўрғичига ёпишиб олиб, 250 кун давомида ривожланади. Сут махсус мускуллар ёрдамида боласи оғзига сиқиб чиқариб турилади. 1 туркуми ва 9 оиласи (опоссумлар, йиртқич Х., халтали чумолихўрлар, халтали кўрсичқонлар, бандикутлар, вомбатлар, кенгурулар ва б.) мавжуд. Австралия, Тасмания, Янги Гвинея, Жан., Марказий ва Шим. Америка, айрим Катта зонд о.да тарқалган. Янги Зеландияда ҳам иқлимлаштирилган. Рақобат қилувчи йўлдошли сут эмизувчиларнинг бўлмаслиги туфайли Х. Австралияда улар б-н конвергент белгиларга эга бўлган бир қатор формаларни ҳосил қилган. Х. турлар сони (2400 га яқин) бўйича ҳоз. сут эмизувчиларнинг 6%ини ташкил этади. Лекин улар адаптив радиация жиҳатдан қолган барча сут эмизувчилар каби хилма-хил. Айрим турлари қ.х.га зиён келтиради. Бир қанча турлари териси ва гўшти учун овланади. 21 тури Халқаро Қизил китобга киритилган.

ХАЛФА — 1) ўрта асрлар устахоналарида ҳунар ўрганувчи шогирд. Шогирдлик муддатини ўтагач, уста қўлида бир неча йил ишлаб, ўзи уста бўлган; 2) эски мактабда ўқувчилар етакчиси, мактабдор домла (ўқитувчи)га дастёр; 3) ҳунар-касб ўрганувчи шогирдлар бошлиғи.

ХАЛФА (фольклорда) — Хоразм воҳасида маҳаллий оғзаки ижод намуналарини ижро этувчи аёл. Х.лар фаолият кўрсатиш шароитига кўра икки йўналишга бўлинади: тўй ва базмларда қўшиқлар ижро этувчи «сози халфа» ҳамда «китобий халфа» — таъзия ва маросимларда китоб ўқувчи аёл, *отин* (отинойи). Уларнинг иккаласи ҳам «ичкари»да аёлларга хизмат қилган.

«Сози Х.»лар санъатида жўрнавозли ва якка ижрочилик мавжуд. Ансамбль уч кишидан таркиб топади: Х. (гармон чалади ва қўшиқ айтади), доирачи (қўшиқларга жўр бўлади, баъзан рақс тушади) ва ўйинчи (рақс тушади ва лапар айтади). Х.лар репертуаридан асосан «Тўй муборак», «Ёр-ёр», «Ошиқ» туркумидаги («Тоҳир ва Зуҳра», «Ошиқ Албанд», «Асли ва Карам», «Ҳурлиқо ва Ҳамро», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» каби) достонлардан парчалар, Махтумқули ва б. шоирларнинг шеърлари асосидаги насиҳат ва рақсбоп қўшиқлар урин олган. Ижодкор Х.лар замонининг муҳим масалаларига бағишланган асарлар яратиб, уларга ўзлари куй басталаганлар. Мас., Хоним Сувчи Саййидаҳмад қизи (1858—1926)нинг «Бевафо экан», Бибижоним Қосим Девон қизининг «Айрилдим», Айнаш чўлоқ (Онажон Собирова, 1885—1952)нинг «Онажонлек дилбар жаҳона гали», Ожиза (Онабиби Отажонова, 1889—1961)нинг 30 дан ортиқ қўшиқлари Назира Собирова, Розия Матниёз қизи, Саодат Худойберганова ва ҳоз. Х.лар томонидан куйланмоқда.

«Сози халфа» ансамбли.

«Китобий Х.»лар эса, асосан, таъзия, «Улли пир», «Мушкул кушод» каби маросимларда «Ғавсули Аъзам», «Пайғамбарлар ҳикояти», «Бобо Равшан», «Биби Сешанба» ва б. диний мавзудаги китобларни якка ҳолда ўқиб аёллар дардини енгиллатишади ва маърифат тарқатишади.

Ад.: Юнусов Р., Олти халфа, Хива, 1994.

Ботир Матёқубов.

ХАЛФА НИЁЗҚУЛ МАДРАСАСИ — қ. *Чор минор.*

ХАЛФА ТИЛЛО МАЖМУАСИ — Фарғона вилоятидаги меъморий ёдгорлик (20-а. бошлари). Мажмуа ёнма-ён жойлашган 2 ҳовли, ҳовузли боғ, масжид (қ. *Дўсти Худо масжиди*) ва Халфа Тилло мақбараси жойлашган қабристондан иборат. Халфа Тилло мақбарасининг тарҳи тўртбурчакли (7,1×9,4 м), атрофи равоқли тўсиқлар б-н ўралган, мақбарага бош тарзидаги чуқур равоқли пештоқ орқали кирилади, икки ёнидаги гулдаста-буржлари қафаса б-н тугалланган. Масжид мажмуанинг шим. қисмида жойлашган. Халфа Тилло мақбараси б-н масжидни уларнинг ўртасидаги шийпонга ўхшаш 2 қатор ёғоч устунли дарвозахона ўзаро боғлаб туради. Дарвозахона шифтининг безаклари масжид безаклари б-н уйғун, серҳашам. Х.Т.м. Фарғона меъморлигига хос мажмуот намунаси.

ХАЛФА ХУДОЙДОД МАЖМУАСИ — Бухоро вилоятидаги меъморий ёдгорлик (1777—1855). Мажмуа мадраса, масжид, ҳовли, сардоба ва қабристондан иборат. Ҳовли уч томондан бир қаватли ҳужралар б-н ўралган. Ҳовлининг жан.-ғарбида жойлашган масжид мураббаъ тарҳли, гумбаз б-н ёпилган, уч томонига ёғоч устунли айвон ишланган, тарзи ганч ўймакорлигида, устунлари ўймакори нақшлар б-н жозибадор безатилган. Сардобага зинапоя орқали кирилади. Мадрасанинг олд



Халфа Худойдод мажмуасидаги масжид (1777).

томонида кошин қолдиқлари сақланган. Ҳовлининг шимолий маркази орқали Халфа Худойдод қабри бўлган қабристонга ўтилади, қабр яқинида 2 устунли, шифти бўяма нақшлар б-н пардозланган айвон бор. Х.Х.м. турли диний ва мемориал иншоотларни ўз ичига олган мажмуа намунасидир, тарҳи ҳамда шакли жиҳатидан 18—19-а.лар меъморлиги учун хос. Тарихчи Носируддин ал-Ҳанафийнинг «Туҳфат уз-зоирин» («Зиёратчиларга туҳфа») асарида ёзилишича, Х.Х.м. шайх, яссавийлик тариқатининг намояндаси шайх Худойдод ибн Тошмуҳаммад Азизон ал-Бухорий томонидан қурилган.

ХАЛХА (мўғулча халх — қалқон, ёпинчиқ) — Шим. Монголия ҳудудининг тарихий номи (этноним сифатида аҳолиси номида сақланиб қолган). Мўғул йилномаларида 15-а.да 5 та ўтоқ (отоқ)дан иборат бўлгани қайд этилган. 17-а.да Х. 7 хошунга ёки 13 ўтоққа, манжурлар даврида — 3 аймоққа, кейинчалик 4 га бўлинган. Уларнинг тепасида хонлар турган. Ҳозир Х. МХРнинг асосий қисмини ташкил этади.

ХАЛХИН-ГОЛ — Монголия ва Хитойдаги дарё. Уз. 233 км, ҳавзасининг майд. 17 км². Катта Хинган тоғларининг ғарбий ён бағридан бошланиб, Барги текислигидан оқади ва 2 тармоққа бўлиниб, Буир-Нур ва Орчун-Гўл кўлларига қуйилади. Ўртача сув сарфи 25 м³/сек. Х.-Г. бўйида 1939 й.да Совет Иттифоқи ва Монголия қўшинлари б-н япон ҳарбий қисмлари ўртасида жанг бўлган.

ХАЛЦЕДОН (Мармар денгизи соҳилидаги қад. Халкедон ш. номидан) — минерал, кварцнинг ёпиқ кристалли тури. Таркибида аралашма ҳолда Fe^{3+}, Al^{3+}, 1—1,5% сув ва б. бўлади. Толалари параллел ва радиал шуъласимон шакллар ҳосил қилади. Куртак, пўстлоқ ва шоласимон ҳамда сталактитга ўхшаш агрегат, томир ва конкрециялар ҳосил қилади. Оқ, кулранг, ҳаво ранг, сариқ, кўк, қизғиш-қўнғир рангли тури кўп. Мумдек ялтироқ. Қаттиқлиги 6,5—7, зичлиги 2,6 г/см³. Мумли Х.нинг турлари: ранги бўйича — сердолик, хризопраз, сардер, моховик, сапфирин ва б.; текстураси бўйича — агат (ақиқ), оникс ва б. мавжуд. Кимёвий ва биоген чўкинди жинслар таркибига киради. Х. — кенг тарқалган жинс ҳосил қилувчи минерал. Паст т-рали гидротермал эритмалардан ҳамда диагенез, эпигенез ва нураш жараёнларида ҳосил бўлади; иссиқ булоқларда тўпланади. Х. кўпинча кремнийли жинслар, шунингдек, яшманинг асосий компоненти. Кўпинча кварц ва опал б-н бирга учрайди. Абразив материал сифатида, соат тошлари, заргарлик буюмлари тайёрлашда қадимдан ишлатилади. Байкал орти шарқида (Тулдун), Урал (Магнитогорск), Кавказ жан.да (Ахалтака), Қрим (Қорадоғ) да Х. конлари мавжуд. Ўзбекистонда Қурама тоғларида, жан. ҳудудларда ва Тошқазғанда топилган.

ХАЛЬКОЗИН (юн. Chalkos — мис), мис ялтироғи — сульфидлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби Cu_2S; аралашма ҳолида Ag, баъзан Fe, Co, Ni, As бўлади. Ромб ва гексагонал сингонияда кристалланади. Одатда, тупроқсимон массалар ҳолида учрайди. Ранги қўрғошинга ўхшаш, кулрангдан қорағача. Металлдек ялтироқ, хира, мўрт ва осон болғаланувчан. Қаттиқлиги 2,5—3; зичлиги 5,5—5,8 г/см³. Электр ўтказувчан. Мис рудалари таркибига киради. Ер юзасида оксидланиш натижасида Х. ҳисобига куприт, малахит, азурит, туғма мис ва миснинг бошқа минераллари ҳосил бўлади. Х.нинг гипоген ва гиперген турлари маълум. Асосий массаси экзоген шароитда, мис сульфид конларининг иккиламчи сульфидли бойиш зоналарида пайдо бўлади. Х. мисга энг бой сульфид, мис эритиб олинадиган руда ҳисобланади. Борнит, халькопирит ва б. сульфидлар б-н ассоциацияда учрайди. АҚШ, Чили, Африка, Қозоғистон (Жезқазған)да Х. конлари бор. Ўзбекистонда Чатқол, Ҳисор тоғларида топилган.

ХАЛЬКОПИРИТ (юн. Chalkos — *мис* ва *пирит*), мис колчедани — минерал, мис ва темир сульфиди. Кимёвий таркиби $CuFeS_2$ (34,57% мис, 30,54% темир, 34,9% олтингугурт), аралашма ҳолда Ag, Zn, Au, As, Se, Sn бор. Тетрагонал ва куб сингонияда кристалланади. Мўрт. Яримўтказгич; антиферромагнетик. Донадор, яширин кристалли, баъзан буйраксимон агрегатлар ҳосил қилади. Ранги олтиндек сариқ, тўқ сариқ. Металлдек ялтироқ. Қаттиқлиги 3—4; зичлиги 4,1—4,3 г/см³. Деярли барча генетик типдаги магматик конлардан чўкинди конларгача учрайди. Интрузив жинслар орасида жойлашган мис-никель сульфид конларида пирротин, пентландит, магнетит, кубанит ва б. минераллар б-н бирга топилади. Нураш жараёнида Х. ҳисобига куприт, малахит, лимонит, хризоколла ва б. минераллар ҳосил бўлади. Х. миснинг энг кўп тарқалган минерали ва мис рудаларининг асосий минерали. Конлари РФ (Норильск), Қозоғистон (Жезқазған), Канада, Испания, Буюк Британия, АҚШ, Марказий Африкада мавжуд. Ўзбекистонда Олмалиқ, Қўнғирот, Қўрғошинкон, Қалмоққир, Қўшбулоқ, Қорамозор конларида топилган.

ХАЛЬКОФИЛЬ ЭЛЕМЕНТЛАР (юн. chalkos — мис ва phileo — севаман) — норвегиялик геокимёгар В.М. Гольдшмит таснифи бўйича Ер пўсти ва метеоритларда учрайдиган сульфид рудаларининг кимёвий элементлари. Элементлар даврий системасининг қўшимча гуруҳидаги 19 элементдан иборат: Cu, Ag, Au, Zn, Cd, Hg, Ga, Ln, Tl, Po, Ge, Sn, Pb, As, Sb, Bi, S, Se, Te. Х.э.нинг металлари S, Se, Tl га ўхшаш. Бу элементлар табиатда сульфидлар, селенидлар, теллуридлар ва сульфотузлар (фақат қалайгина касситерит SnO_2) тарзида мавжуд. Au, Ag, Cu, As, S, Bi ва б. айрим Х.э. табиатда элементар ҳолатда мавжуд. Барча Х.э. Ер пўсти массасининг 0,046% ингина ташкил этади, лекин муайян шароитларда тўпланиш хусусиятига эга бўлганлигидан руда конлари, асосан, гидротермал томирли конлар ҳосил қилади. Cu, Pb, Zn ва қисман Ag чўкинди жинсларда стратиформ (яхлит) руда ётқизиқларини ҳосил қилади. Сульфид рудалари (Х.э.нинг Ер пўстида тўпланган шаклда учраши) рангли металлургияда ва саноатнинг бошқа соҳаларида хом ашё сифатида катта амалий аҳамиятга эга.

ХАЛЬМАХЕРА, Жайлоло — Индонезиядаги орол. *Молукка ороллари* таркибидаги энг катта орол. Майд. 18 минг км². Мураккаб шаклга эга: 4 та ярим ороли марказдан елпиғичга ўхшаб чўзилиб кетган. Рельефи тоғли, энг баланд жойи 1635 м (Гамкуноро ҳаракатдаги вулкани). Доим яшил тропик ўрмонлар б-н қопланган. Кокос пальмазорлари бор. Четга зираворлар, қимматбаҳо ёғоч чиқарилади. Энг катта порти — Жайлоло.

ХАЛЬЦИДЛАР (Chalcidoidea) — пардақанотлилар туркумига мансуб ҳашаротларнинг катта оиласи. 27 оила, 8 мингга яқин тури мавжуд. Танасининг уз. 1—3 (айримлариники 10)мм. Ранги

яшил, қора ёки сариқ бўлиб, товланади. Мўйлови камида 15 бўғимдан иборат. Олд елка, одатда, қисқа, қанот қопқоғига етмайди. Ўрта елкаси баъзан бўйлама эгатли. Х. турли ҳашаротлар — *кокцидлар*, ўсимлик битлари (ширалар), икки қанотлилар ва б.нинг ички ёки ташқи паразити. Х. орасида иккиламчи паразитлар, яъни фойдали бирламчи паразитни нобуд қиладиган паразитнинг паразитлари (ўта паразитлари) ҳам бор. Личинкалари паразитлик қилиб яшайди. Ривожланишнинг турли фазасидаги ҳашаротлар хўжайинлик вазифасини ўтайди. Паразит, одатда, хўжайинига тухум қўяди. Мавсумда 7 авлод беради. Х. дан кўпгина қ.х. зараркунанда ҳашаротларига қарши биологик курашда фойдаланилади. Айниқса, Х.дан афелинус ва *трихограмма* катта амалий аҳамиятга эга.

ХАЛҚ — 1) муайян мамлакатнинг барча аҳолиси; 2) тарихий бирликнинг турли шакллари (қабила, элат, миллат). Х.ларнинг келиб чиққан тарихини (этногенезини) ва шаклланиш жараёнини ўрганишда ижтимоий фанларда «этнос» (юн. «халқ») ва «этник бирлик» иборалари қўлланилади (қ. *Этнос*, *Этник бирлик*).

ХАЛҚ БАДИИЙ ЖАМОАЛАР ДИРЕКЦИЯСИ, Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги таркибидаги концерт ташкилоти. 2000 й.да Ўзбек давлат *филармонияси* негизида ташкил топган. Ҳозирда (2005) «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли (бадиий раҳбари Қ. Мўминов), мумтоз ашула ансамбли (Ў. *Саиджонов*), М. *Йўлчиева* гуруҳи, «Туркистон» камер оркестри (Э. *Азимов*), «Ўзбекистон солистлари» камер ансамбли (А. Раимжонов), Тўхтасин Жалилов номидаги давлат академик *халқ чолғулари оркестри* (Ф. *Содиқов*), Ботир Зокиров номидаги эстрада симфоник оркестри (М. *Тошматов*), Давлат хор капелласи (Д. Жланов) фаолият кўрсатмоқда.

ХАЛҚ БАНКИ, Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат халқ банки — йирик универсал давлат-тижорат жамғарма банки. 1992 й. да собиқ давлат меҳнат жамғарма кассалари (1923) негизида ташкил этилган меҳнат жамғармалари ва аҳолини кредитлаш махсус банки — СССР Жамғарма банки (1987)нинг Ўзбекистон бўлими асосида Ўзбекистон жамғарма банки ташкил этилди. 1995 й.да бу банк ҳукуматнинг махсус қарори б-н Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат халқ банки деб номланди. Бошқаруви Тошкент ш.да. Банк таъсисчилари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (51%) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (49%).

Х.б. кенг тармоқли универсал банк, республикадаги банк тизимининг йирик бўғинларидан бири ҳисобланади. 14 та ҳудудий филиали, 188 туман (шаҳар) филиали, 144 мини банк, 2517 та шохобчаларга эга (2004). Жисмоний ва юридик шахсларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатади.

Банкнинг асосий вазифалари: республикада банк жамғарма ишларини ривожлантиришга қаратилган депозит сиёсатини олиб бориш; аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш ва улар ҳисобига шаклланган ресурсларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтириш; давлат ва бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларини харид қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ҳамда иккиламчи бозорда олди-сотди муомаласини амалга ошириш; лаҳзали ва б. турдаги лотереяларини ташкил қилиш ва ўтказиш; хўжалик субъектлари ва якка тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркорларга микрокредитлар бериш; юридик ва жисмоний шахсларга ҳисоб-китоб — касса хизмати кўрсатиш, учинчи шахс фойдасига тўловлар қабул қилиш ва б. Банк муассасалари давлат томонидан кўп болали ва кам таъминланган оилаларга тайинланадиган нафақа ва ёрдам пулларини эгаларига тарқатади.

Х.б. Жаҳон жамғарма банклари ин-ти, Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди б-н ҳамкорлик қилади. Халқаро жамғарма банклари ассоциацияси, «SWIFT», «WESTERN UNION» халқаро тўловлар тизимига аъзо. Банкнинг жами активлари (минг сўм) — 70534634, банк капитали — 14018286, инвестициялари — 2871773, кредит портфели — 12180978, банк мажбуриятлари — 56616348, даромади — 15004633, ликвидлиги — 88,7% (2004, 1 янв.; 2002 й.да тегишлича 31850108; 5914903; 312964; 5270258; 25935205; 7797813; 85,1%).

Адҳам Ҳайдаров.

ХАЛҚ ДРАМАСИ — қ. *Оғзаки драма.*

ХАЛҚ ИЖОДИ — халқ оммасининг бадиий, ижодий-амалий ва ҳаваскорлик фаолияти; анъанавий моддий ва номоддий маданиятнинг халқ оғзаки бадиий ижоди (фольклор), халқ мусиқаси (мусиқа фольклори), халқ театри (томоша санъати), халқ ўйинлари (рақс), қўғирчоқбозлик, дор ва ёғоч оёқ ўйинлари (халқ цирки), халқ тасвирий ва амалий безак санъати ҳамда техникавий ва бадиий ҳаваскорлик каби ижодиёт турлари. Яратилиши ва ижодий жараёнида кўпчиликнинг иштироки бўлган Х.и. нинг турлари халқ турмуш тарзи, яшаш шароитлари, ижтимоий меҳнат даражасига мос равишда шаклланиб, авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга ўтиб, доимий равишда мукаммаллашиб, сайқалланиб, тобора анъанавийлашиб борган ва ниҳоят, касбийлик (профессионаллик) хусусиятига эга бўлган, жонли ижро шароитлари ва кундалик амалиётда бизгача етиб келган. Шунингдек, Х.и.нинг бир қатор қад. намуналари ёзма манбаларда, тарихчи ва ёзувчиларнинг асарларида, қоятошларда (Сармишсой, Зараутсой расмлари каби), археология ва архитектура ёдгорликларида, уй-рўзғор буюмларида сақланиб келган.

Х.и. намуналарида халқнинг турмуш тарзи, ижтимоий ва маиший ҳаёти, меҳнат фаолияти, табиат ва жамиятга қарашлари, эътиқоди ва диний тасаввурлари, инсон ва оламга нисбатан ҳис-туйғулари, бадиий олами, билим даражаси, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўй-фикрлари ўз ифодасини топган. Х.и. қадимдан ривожланиб келган (қ. *Ибтидоий санъат*). Жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимотининг кучая бориши б-н Х.и. жанрларига нисбатан айрим истеъдодли шахсларнинг ихтисослашуви оша борган. Шу тариқа бахшилар, масхарабозлар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, раққослар, машшоқлар, наққошлар, кулоллар, ўймакорлар, каштадўзлар ва ҳ.к. лар санъати юзага келган, корфармон ва ишбошилар пайдо бўлган. Аммо унинг яратилиши ва ўзлаштирилишида кўпчиликнинг иштироки, ҳар бир ижро ёки амалиёт қадимдан қарор топган мустаҳкам анъаналар доирасида воқе бўлиши сақланиб келган. Ҳар қандай бадиҳа, ижодий хатти-ҳаракат, янгилик барқарор анъаналар ва устоз-шогирд муносабатлари доирасида рўй берган. Бир томондан, анъаналарнинг ўзи ривожлана борган, иккинчи томондан, ҳар бир ижро ёки амалиёт давомида ўзгартиришлар, янгиликлар киритилган, янги асарлар, вариантлар юзага келган. Қай бирлари унутилиб, ижро ва амалиётдан тушиб қолган.

Х.и. профессионал санъатнинг юзага келиши ва ривожида катта ўрин тутади. Ўз навбатида, профессионал санъат ҳам Х.и. ривожига таъсир кўрсатиб, уни бойитиб келмоқда. Жамиятда Х.и. намуналарини сақлаш ва ривожлантириш, йўқолганларини тиклаш эҳтиёжи ўзининг эстетик талабларини қондириш, яхши яшаш ва ҳаётини мукаммаллаштиришга бўлган интилишидан келиб чиққан. Бугунги кунда Х.и.-ни сақлаш ва ривожлантириш учун катта имконият ва шароитлар яратилган. Умумдавлат миқёсидаги музейлар ва қўриқхоналарнинг ишлаётганлиги, Х.и. намуналарининг илмий ўрганилиши ва нашр этилаётганлиги, кўплаб фольклор-этнографик ансамблларнинг мавжудлиги, бадиий ҳаваскорликни юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги бунинг тасдиғидир.

Халқ оғзаки бадиий ижоди (фольклор). Инсон нутқи шаклланиши б-н халқ оғзаки бадиий ижодининг қад. тур ва жанрлари ҳам қоришиқ ҳолда юзага кела бошлади. Кишилик бадиий тафаккурининг турли шаклларини ўз ичига олган бу синкретик ижод намуналари ибтидоий инсон маишати ва фаолиятининг барча жиҳатлари б-н маҳкам боғланган бўлиб, қад. одамларнинг диний-эътиқодий ва мифологик қарашларини, бошланғич илмий (эмпирик) билимларини, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларини акс эттирган. Бироқ қад. фольклорнинг бундай намуналари бизгача етиб келмаган, балки уларнинг излари ва айрим қисмлари халқнинг яшаш ва турмуш тарзи б-н боғлиқ турли-туман тасаввур ва қарашларида, халқ урф-одатлари, удумлари, маросимлари, байрамлари таркибида, баъзи бир ёзма манбаларда, кейинги даврларда ёзиб олинган фольклор асарларида қолдиқ ҳолидагина сақланиб қолган. Ёзувнинг юзага келиши натижасида халқ оғзаки бадиий ижоди б-н тарихан боғлиқ адабиёт ҳам пайдо бўлди. Бадиий матннинг айрим ижодий (ёзувчи, шоир, драматург) фаолият б-н боғланиши, муайян ижодий ҳаракат сифатида ёзув б-н мустаҳкамланиши адабиётнинг асосий хусусияти бўлиб, инсоният бадиий тафаккури тараққиётидаги ўзига хос бурилиш нуқтасидир. Адабиёт ўзининг тараққиёти давомида фольклордан барча эстетик тушунчалар ва бадиий шаклларни олганлигига қарамай, ўзига хос бадиият қонуниятлари асосида мустақил равишда ривожлана борди. Сўз санъатининг мустақил тури сифатида фольклор ҳам у б-н биргаликда ёнма-ён яшаб келди. Чунки кишилик жамиятининг умумий эстетик талаби ва эҳтиёжи узоқ йиллар давомида фақат адабиёт б-н эмас, балки фольклор б-н ҳам мустаҳкам боғлиқ бўлди. Сўз санъати бу 2 турининг мустақил ривожи, адабиёт ва фольклор асарлари яратилган ижтимоий муҳитдаги фарқлар, ижодий жараённинг хилма-хиллиги уларнинг ўзларига хос специфик хусусиятларини янада кучайтирди. Натижада адабиёт ва фольклор ўзларига хос муайян эстетик тизим, жанрлар таркиби, бадиий хусусиятларга эга бўлган сўз санъатининг мустақил 2 тури — оғзаки ва ёзма тури сифатида ривожланишда давом этди.

Яратувчилик ва ижрочилик жараёнининг оғзакилиги ва унда кўпчиликнинг иштирок этиши (жамоавийлик) халқ оғзаки бадиий ижодининг асосий хусусиятидир. Унинг анъанавийлик, ўзгарувчанлик, вариантлик, оммавийлик, анонимлик (муаллифининг номаълумлиги) каби кўпдан-кўп белгилари фольклорга хос ижодий жараённинг ана шу бош хусусияти доирасида намоён бўлади. Фольклор намуналари оғзаки яратилиб, авлодлар ва авлодлар алоқадорлигида оғзаки тарқалар ҳамда оммавий репертуардан кенг ўрин олар экан, бунда бадиий шаклларнинг барқарорлиги (турғунлиги), матндан матнга ўтувчи умумий ўринларнинг қатъийлашганлиги, ўхшаш сайёр сюжетларнинг кўплиги имконият яратади. Ҳар бир ижодкор (қайта ижод) ва ижрода анъанавий асардаги нималардир ўзгаради, нималардир аввалгисидан бошқачароқ талқин этилади, нималардир қўшилади ёки тушиб қолади. Бундай ўзгарувчанлик ижтимоий муҳит, маиший шароит, эшитувчилар талаби ва ижрочи (ижодкор) салоҳиятига боғлиқ. Лекин ҳар қандай ўзгариш, ижро давомидаги қайта ижод асрлар давомида қатъийлашган пухта анъаналар доирасида содир бўлади. Демак, жонли оғзаки анъана доирасидаги бадиҳагўйлик фольклор асарларининг кўп вариантларида тарқалишига олиб келади.

Халқ оғзаки бадиий ижодининг деярли барча жанрлари турли-туман ижрочи ва ижодкорлар фаолияти б-н боғлиқ. Истеъдодли ижодкорлар фольклор намуналарини сақлаб қолиш ва кенг оммалаштириш б-н бирга оғзаки анъаналар доирасида уни янада мукаммаллаштирадилар, баъзан янгиларини ҳам ярата оладилар. Бироқ бунда барқарорлашган ва қатъийлашган жамоавийлик анъаналари етакчилик қилади. Айрим жанрлар (мас., топишмоқ, мақол каби) оммавий характерга эга бўлса, яъни уларнинг намуналаридан ҳар бир киши озми-кўпми айта олса, бошқаларининг (мас., достон, оғзаки драма сингари) ижроси муайян тайёргарликни талаб қилган. Шу тариқа халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини яратиш ва ижро этишда ўзига хос касбий ижодкорлик юзага келган. Ўзбек фольклорида ижодкор ва ижрочиларнинг касбийлашуви ниҳоятда ривожланган. Бахшилар, эртакчилар, аскиябозлар, қизиқчилар, дорбозлар ижрочилиги профессионал санъат бўлиб, уни эгаллаш учун бўлғувчи ижодкор махсус тайёргарлик кўриши ва муайян устоздан таълим олиши зарур бўлган.

Афсона, ривоят, лоф, латифа, мақол, топишмоқ, эртак, достон, қўшиқ, аския, оғзаки драма ва б.лар халқ оғзаки бадиий ижодининг асосий жанрлари бўлиб, улар сўз санъати намуналари бўлиш б-н бирга муайян ижтимоий-маиший функцияларни ҳам адо этадилар. Мас., ҳўп майда, ҳўш-ҳўш, турей-турей, чурей-чурей каби қўшиқ турлари меҳнат жараёнларига алоқадор бўлса, ёр-ёр, ўлан, лапар, келин салом, йиғи-йўқлов, бадик, суст хотин сингарилар ҳар хил маросимлар б-н боғлиқдир. Фольклор жанрлари ғоявий-бадиий хусусиятлари б-н эмас, балки ижро усуллари (якка ижрочилик, жамоавий ижрочилик, созли, созсиз каби) жиҳатидан ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар. Уларнинг бири куйлаш учун, иккинчиси айтиб бериш, ҳикоя қилиш учун, бошқаси кўрсатиш, намойиш этиш учун ёки ҳам куйлаш, ҳам ўйнаш, ҳам айтиш учун мўлжалланган бўлади. Фольклор жанрлари қанчалик хилма-хил, баъзан ўта функционаллашган ва қатъий вазифадор бўлишига қарамай, улар яхлит бадиий тизимни ташкил этади.

Фольклор жанрлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт б-н узвий боғлиқ. Халқ ҳаётидаги тарихий ўзгаришларга кўра, улар ҳам ўзгара борган. Қай бир жанрлар ёки намуналар бутунлай йўқолган, янгилари юзага келган. Шунинг учун ҳам уларда кўп қатламлилик мавжуд бўлиб, узоқ ижро давомида бир неча даврлар ўз изини қолдирган. Жанрларнинг босқичли тараққиёти ва тарихий-типологик нуқтаи назардан қараганда, энг қад. даврларда кўпчилик халқларда мифлар, уруғ ва қабилалар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, топишмоқ ва мақоллар, олқиш ва қарғишлар, мавсум-маросим фольклори намуналари, меҳнат қўшиқлари кенг тарқалган. Кейинги даврларда эса, эртаклар, эпоснинг архаик шакллари юзага келган. Патриархал-уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва илк давлатларнинг шаклланиши даврида қаҳрамонлик достонлари яратилган. Кейинроқ романик эпос, лирик ва тарихий қўшиқлар, оғзаки драма, латифа ва лофлар пайдо бўлган.

Халқ оғзаки бадиий ижоди миллий маданиятнинг таркибий қисми сифа-

тида жуда катта ижтимоий қийматга эга. У халқнинг тарихи, маиштаи, урф-одатлари, дунёқараши, ижтимоий муносабатлари, орзу-умидлари ҳақида кенг билим беради. Унда халқ бадиий диди, воқеликка нисбатан халқона эстетик муносабат ифодаланган. Эстетик сезгилар ривожида, гўзалликни, бадиий сўз қадри ва қимматини, она тили бойликларини ҳис қилишда унинг аҳамияти беқиёсдир. Фольклор профессионал санъат турлари — адабиёт, театр, мусиқа, кино ва б. тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Халқ мусиқаси (мусиқий фольклор) — *оғзаки анъанадаги мусиқа* тури. Ибтидоий санъатда пайдо бўлган ўйин усуллари, жолу айтимлари, товушли сигналлардан тортиб халқ ашула ва чолғу куйларгача каби шакллардан иборат. Бошқа мусиқа турларидан, асосан, турмуш жараёни (урф-одат, маросим, байрам ва б.)га бевосита боғланганлиги б-н ажралиб туради. Аксарият мусиқий фольклор намуналари соф эстетик ҳодисалар маъносида эмас, кундалик ҳаёт (маиший, меҳнат, маросим ва б.) вазифаларини бажарадиган бадиий шакллар сифатида қарор топади. Кўпгина халқ мусиқаси намуналари синкретик шакллар бўлиб, буларда куй-оҳанглар сўз *(қўшиқ, терма, лапар)*, рақс (ўйин-рақс куйлари), томоша (мусиқий томоша) б-н уйғунлашган ҳолда юзага келади. Муайян бадиий анъана ва шакл (мас., оҳанг) андозаларига асосланган халқ мусиқа намуналари турли давр ва шароитда (мас., тингловчилар ёки ижрочилар таркиби, ижро этиш вақти, жойи ва муҳитига қараб) ўзгаради. Шунинг учун ҳар бир мусиқий фольклор намунасининг бир неча варианти мавжуд бўлади. Халқ мусиқасида минтақавий, миллий ва маҳаллий услублар ажратилади (мас., ўзбек халқ мусиқасида *Бухоро—Самарқанд мусиқа услуби, Сурхондарё—Қашқадарё мусиқа услуби* ва б.).

«Гулёр» ансамбли (Бўстонлиқ тумани).

Мусиқий фольклор намуналари бадиий мазмун жиҳатидан эпик (терма, мусиқий эртак, *маддоҳлик*, қиссахонлик, афсона куйлари каби), драматик (мусиқий томоша ва б.) ва лирик (қўшиқ, лапар, *ялла*, мадҳия ва б.) турларга, ижро этиш шароитига қараб — маиший, *маросим қўшиқлари*, меҳнат қўшиқлари ва б. турларга ажратилади. Халқ мусиқаси намуналари халқ (омма) бадиий онгининг маҳсули сифатида ҳаёт кечириб, якка ҳолда ҳаваскор хонанда (*гўянда, халфа* ва б.), созанда (дўмбракаш, дуторчи каби) томонидан, шунингдек, ансамбль ёки жамоавий тарзда ижро этилади. Халқ мусиқаси миллий мусиқа услубининг асоси, бастакор ва композиторлар ижоди, оммабоп мусиқанинг муҳим манбаидир (қ. *Халқ куйларини қайта ишлаш*). Мусиқий фольклор, ўз навбатида, профессионал мусиқа санъати б-н ўзаро чамбарчас алоқада ривожланади. Ҳоз. даврда халқ мусиқа намуналарининг қадимий ва ўзгартирилгани, шунингдек, улар асосида янгидан яратилганлари мавжуд.

Халқ *мусиқа чолғу асбоблари* хилма-хил. Улар бир халққа (мас., қирғизларда кўмуз, украинларда бандура) ёки асрий тарихий-маданий алоқалари турли халқларга (мас., ўзбек, тожик, уйғур, туркман, қорақалпоқларда дутор ва б.) мансуб бўлиши мумкин. Халқ мусиқаси намуналарини ижро этиш муҳити ва б. хусусиятларини ёзиб олиш б-н мусиқий этнография, тадқиқ этиш б-н мусиқий *фольклористика* (этномусиқашунослик) шуғулланади.

Халқ театри — халқ оғзаки ижоди б-н боғлиқ санъат тури. Илк кўринишлари ов ўйинлари, деҳқончилик ва чорвачилик б-н боғлиқ қад. маросим ҳамда байрамларда пайдо бўлиб, тараққий этган, халқ санъати даражасига кўтарилган. Дастлабки даврларда халқ театрида сўз ва ўйин б-н бир қаторда қўшиқ, рақс, найрангбозлик ва б. аралаш бўлган. Кейинчалик жамият тараққиёти давомида халқ театри мустақил ижодий соҳа сифатида ажралиб чиққан. Жаҳон халқлари халқ театрида жонли актёрлар театри ва *қўғирчоқ театри* мавжуд. Халқ қўғирчоқ театри қўғирчоқларнинг кўриниши, уларни ўйнатиш усулига кўра хилма-хил. Уларда кўпроқ эртак, афсона ва б. саҳналаштирилади. Халқ театри тўла маънода профессионал бўлмаса-да, қатнашчилари

Халқ қўғирчоқ театри.

малакали, истеъдодли кишилардир. Мас., Қад. Римда *мимлар*, Ғарбий Европада шпильманлар, жонглёрлар, Россияда скоморохлар, Ўрта Осиёда масхарабозлар, шунингдек, турли мамлакатлардаги қўғирчоқбозлар ва б. Халқ театри актёрлари ёлғиз ёки тўдаларга уюшиб, шаҳарма-шаҳар ва қишлоқма-қишлоқ юриб, тўй, сайил ва байрамларда, кўпинча очиқ майдонларда томоша кўрсатишган. Улар репертуаридан халқ оғзаки ижодига асосланган томошалар, кейинчалик турли адабий асарларнинг халқ театрига мослаштирилган вариантлари ўрин олган.

Кийим ва жиҳозлар, ҳаракат ва ҳолатлардаги яққол шартлилик халқ театри учун (умуман, фольклор санъати учун ҳам) хос хусусиятлардан. Халқ театрида актёрлар ўйин давомида томошабинлар б-н бевосита мулоқотда бўлади. Халқ театрининг, одатда, на саҳнаси, на декорацияси бўлган. Унда диққат, асосан, томоша қаҳрамони характерини очишга эмас, балки вазият, ҳолатларнинг кулгили ва фожиавий чиқишига қаратилган. Халқ драмасида икки — драматик (қаҳрамонлик ёки романтик) ва комик персонаж мавжуд. Драматик персонажларга, асосан, дабдабали муомала услуби, комик қаҳрамонларга эса ҳазил ва ҳажвий усуллар, сўз ўйини хосдир.

Халқ театри негизида муайян ижодий анъаналарга асосланган профессионал театрлар майдонга келган. Шарқда анъанавий театр халқ оғзаки ижоди, рақси ва пантомимага таянган. Мас., Ҳиндистонда катхакали, Японияда гигаку ва Но, Индонезияда ваянг—топенг, ваянг—оранг ва б., Хитойда цзацзюй, чуаньци ва б., Ўрта Осиёда *масхара* ва *муқаллид* ва б. Халқ театрининг ўзига хос бадиий ва ижро усуллари айрим замонавий театр актёрлари ижодига замин бўлган.

Халқ рақсининг қад. намуналари кишиларнинг ҳайвонот ва табиат оламини кузатишларини акс эттирган. Овчилик, чорвачилик б-н шуғулланувчи халқларнинг рақслари ёввойи ва уй ҳайвонлари, қушларнинг хатти-ҳаракатлари, қилиқларига тақлидан яратилган: помирча «Бургут», «Тулки», туркманча (лайлак ҳаракатларини ифодаловчи) «Химмил», хоразмча «Чағалоқ» («Балиқ қуш»), «Тўрғай», ёқутча «Айиқ», Шим. Африкадаги «Туи», Америка ҳамда Марказий ва Жан. Африкада оммалашган «Овчилар» рақслари ва б. Қ.х. меҳнати б-н боғлиқ рақсларда турли меҳнат жараёнлари бадиий ифодасини топган. Мас., латишча ўримчилар, гуцулча ўтин ёрувчилар, белорусча зиғиркорлар, ўзбекча «Пилла» рақслари ва ҳ.к. Ҳунармандчилик ва б. меҳнат турлари юзага келиши б-н янги халқ рақслари пайдо бўлган: украинча бондарь, карелча тўқувчилар, ўзбекча чеварлар рақси ва б. Халқ рақсларининг кўплиги маросим ва ибодатлар б-н боғлиқ бўлган. Кишилар рақснинг сеҳрли кучига ишониб, ўйин-рақслар б-н аждодлар руҳига, тангриларга сиғинишган, ёмон жинларни ҳайдашган ва ҳ.к. Халқ рақси орасида жанговарлик ва баҳодирликни улуғловчи рақслар ҳам кўп учрайди (грузинча хоруми, ўзбекча қилич ва таёқ б-н ўйналадиган рақслар ва б.). Ҳар бир халқда ўз рақс анъаналари мавжуд. Ғарбий Европа халқларининг рақслари аксар оёқ ҳаракатларига асосланади. Ўрта Осиё ва б. Шарқ мамлакатларида диққат кўпинча қўл ва тана ҳаракатига қаратилган. Халқ рақси негизида Европада саҳна рақси, Шарқда (жумладан, Ўзбекистонда) *мумтоз рақс* юзага келган. Ҳозирда халқ саҳна рақси ансамбллари деярли барча мамлакатларда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда қад. оммавий (*Бешқарсак* каби) ўйин-рақслари б-н бирга якка халқ рақслари ҳам кенг ўрин олган (қ. *Ялла, Халфа, Мавриги*). 1920-й.лардан бошлаб *Ашула ва рақс ансамбли*нинг ҳаваскор ва профессионал жамоалари фаолият кўрсатмоқда.

«Бешқарсак» ўйини («Чавқи» ансамбли, Самарқанд вилояти).

Халқ циркининг келиб чиқиши қад. маросим, ўйин ва маиший ҳаёт б-н боғлиқ. Мас., Хитой ҳунармандлари тўқилган арқоннинг мустаҳкамлигини кўрсатиш мақсадида уни тортиб, устидан югурган. Шу тарзда *дорбозлик санъати* юзага келган. *Акробатика* дастлаб ибодат маросимлари б-н боғлиқ эди. Профессионал акробат, эквилибрист, жонглёрлар Юнонистонда, Қад. Римда, Хитой, Византияда маълум бўлган. Ўрта асрларда сайёҳ артистлар шаҳар ва қишлоқ майдонларида чиқишлар қилиб, акробатика номерларини намойиш қилган.

Тарихий манбаларга кўра, Ўзбекистон ҳудудида қад. замонлардан хилма-хил цирк томошалари кенг тарқалган. Халқ байрам ва сайилларида, бозор майдонларида ва тўй-базмларда хонанда, созанда, қизиқчи ва масхарабозлар б-н бир қаторда цирк артистлари ҳам томоша кўрсатишган. Халқ цирки жанрлари бой, ранг-баранглиги ва ўзига хослиги б-н ажралиб туради. Хусусан, дорбозлик, симбозлик, *ёғочоёқ*, *ёғочот*, найрангбозлик, *бесуяк* ва *муаллақчилик*, *жонглёрлик*, ҳайвон ўйнатиш каби анъанавий цирк турлари кенг ривож топган.

20-а.нинг 2-ярмида халқ цирки соҳасида Усмонжон Нишонбоев, Мадаминжон Юсупов, Кимсан Назаралиев (Андижон), Эргаш ва Ҳокимжон Парпиевлар (Асака), Лочин Усмонов (Фарғона), Қосим Абдуллаев (Бухоро), Қадам Жабборов (Хива), Жўрахўжа Норхўжаев (Наманган) ва б. самарали ижод қилишлар. Ҳоз. Ўзбекистонда 20 дан ортиқ оилавий цирк гуруҳлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақиллик йилларида Юнусали Ғозиев (Андижон), Тўлқин Болтабоев (Паркент), Аҳмад Муродов (Қўқон), Аҳмад Набиев (Фарғона), Турсунали Мамажонов (Фарғона), Баҳром Жабборов (Хива), Абдимурод Эргашев (Самарқанд), Саъдулла Мамадалиев (Қашқадарё), Анвар Мўйдинов (Гулистон) ва б.

Ёғоч ўйин (Хоразм).

раҳбарлигидаги халқ цирки жамоаларининг ижрочилик маҳорати сезиларли даражада ошиб, репертуари анъанавий циркнинг турли жанрлари б-н бойиб келмоқда. Халқ цирки жамоалари барча кўрик-танловларда қатнашиб келади. Кўпгина халқ цирки жамоалари чет эл гастролларида бўлиб қайтмоқдалар.

Ўзбекистонда халқ ижодининг турли йўналишларини ривожлантириш, тарғиб этиш, халқ ижоди соҳасида турли кўрик-танлов, фестиваль ва оммавий байрамларни ташкил этиш б-н Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази шуғулланади. Шу жумладан, Ўзбекистонда мунтазам равишда фольклор-этнографик жамоалари, аскиячи ва қизиқчилар, тўй-маросим қўшиқлари ижрочиларининг Республика кўрик-танловлари, миллий дорбозлар, анъанавий цирк санъати ва ҳаваскор қўғирчоқ театрларининг Республика кўрик-фестиваллари, «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фольклор фестивали ва б. ўтказилади.

Халқ меъморлиги инсоннинг ўзини ташқи муҳитдан муҳофаза қилиш, ўзига яшаш учун қулай шароит яратиш йўлида қилган изланишлари натижасида юзага келган. Ибтидоий даврдан бошлаб одамлар яшаб турган жойининг иқлим шароити, ландшафтини инобатга олган ҳолда бошпана қурган. Қурилган уйларда иморат тарҳининг қулайлиги, конструктив асосларининг мустаҳкамлиги, маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиш йўллари, иморатнинг табиат инжиқликларига бардошлиги такомиллашиб борган. Инсон тафаккурининг бой олами унда иморатнинг эстетик жиҳатдан безаш орзу-ҳавасини ҳам уйғотади. У хоналардан айримларини ранг-баранг нақшлар б-н безай бошлайди.

Синфий жамият шакллангач, меҳнат тақсимоти натижасида иморат қуриш, уни безаш б-н боғлиқ алоҳида соҳалар

Тоғдаги уйлар манзараси (Нурота). Д. Нозилов чизмаси.

юзага келган *(ганчкорлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, тош ўймакорлиги)*. Бу соҳаларни эгаллаган халқ усталари, меъморлари асрлар давомида синовдан ўтган тарҳ, тарз ва конструктив асослардан фойдаланиб келган. Натижада халқ меъморий анъаналари юзага келган, айрим иморатлар санъат дурдонасига айланган. Халқ меъморлиги инсоннинг нафақат ижтимоий-маиший ва маънавий талабларини қондириш, балки унинг ҳаёт хавфсизлигини ҳам таъминлаб келган. Шунинг учун ҳар бир ўлка, вилоят, шаҳар, тоғ воҳаси халқ меъморлиги тарҳ, тарз, композиция жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган анъаналарга эга. Х.м. анъаналари 19-а. охири — 20-а. бошларида қурилиб, ҳозиргача сақланиб келган *турар жой*ларда яққол сезилади.

Жумладан, Бухоро уйлари икки-уч (дарун—ичкари, берун — ташқари ва хўжалик) ҳовлидан ташкил топган. Асосий яшаш хоналари ёзги ва қишкига бўлинади. Ёзги хоналар олдида баланд айвон бўлиши одат бўлган. Ҳовли композицияси бир-бирига мутаносиб жойлаштирилган баланд айвон ва айвончалар ҳамда уларнинг хушбичим устунлари б-н бойитилган. Хона композициясида *шоҳнишин* — меҳмон ўтирадиган бўлинма дид б-н безатилган. Бой хонадонларда меҳмонхоналар ён деворлари полдан шифтгача кўтарилган токчаларга эга бўлган. Уларнинг юқори қисми равоқ шаклида бўлиб косасимон *шарафа*лар б-н безатилган. Текис юзали деворлар ҳам занжира — *рутала*р б-н бўлинмаларга тақсимланган. Улар ичига ниҳоллари ҳамма томонга ёйилган, гуллари қийғос очилган ранг-баранг гулдасталар ишланган.

Самарқанд турар жойлари ҳам дарун ва берун (ички ва ташқи) ҳовлилардан ташкил топган. Самарқандда иккинчи қаватдаги айвонлар кўчага қаратилган ҳолда ҳам учрайди. Хона айвон ёки даҳлиз б-н «Г» ҳарфи шаклида, узунасига, ёнма-ён тарҳда бирлашиб, турли бой мужассамотлар ташкил қилган. Меҳмонхона кўпроқ ташқи ҳовлида бўлиб, бой бадиий безакка эга бўлган. Хона тўридаги девор уч бўлинмага ажралиб, кўпинча ўртада токчабанд, икки ёнида ўрин-кўрпа учун тахмон жойлаштирилган. Хона ён деворларида катта-катта токчалар тоқ сонда ўрнатилган. Ҳовлига қараган деворда хона катталигига қараб икки ёки учта дарча назарда тутилган. Улар серҳашам ўймакори *баrдоди* эшиклар б-н ҳовли томондан тўсиб қўйилган. Дарчалар оралиғида катта-катта токча бўлинмалари мавжуд. Хона шифти кўпинча кабза услубида бўлиб, васса ва тўсинлар ранг-баранг ўсимликсимон нақшлар б-н тўлдирилган.

Хива турар жойларида ҳовли кичикроқ бўлиб, асосий қисми катта (улу) айвон ва кичик (терс) айвон б-н ёпилган. Айвонлардаги катта ва кичик ўймакор ёғоч устунлар майда нақшлар б-н безатилган, мармар курсиларга ўрнатилган. Хона ҳавоси алмашувини таъминлаш учун улу айвон хонадан анча баланд қилиб қурилган. Катта айвон ўзининг жойлашиши, ўймакор баланд устунлари б-н ҳовли композициясини безаб туради. Хива уйларида хона деворининг юқори қисмига девор юзасидан бўртиб чиққан токчалар бир чизиқда жойлаштирилган. Улар юзаси нафис равоқчаларга эга.

Фарғона турар жойлари ўзининг симметрик тарҳи ва тарзи б-н ажралиб туради. Бу ерда икки хона ўртасида даҳлиз жойлаштирилган, улар кўпинча ҳовли томондан узун айвон б-н бирлаштирилган бўлади. Меҳмонхона ўзининг серҳашам безаги б-н қолган хоналардан фарқ қилади. Даҳлизда турли тузилишдаги безакли мўри ўрнатилган.

Тошкент турар жой меъморлигида ҳам ташқи ҳовли уйлари икки қаватли қурилган. Иккинчи қават марказида шийпон назарда тутилган. Шийпон ёнидаги хоналар учун усти берк, атрофи очиқ ҳовли вазифасини бажарган. Тошкент халқ турар жой меъморлигида даҳлиз ёки айвон бир хона б-н ёнма-ён ёки икки хона оралиғида, икки ёки уч хона бурчагида бўлади. Бу ерда қашқарча айвон кенг қўлланган. Меҳмонхона кўпинча ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида бўлган. Интерьери ўзининг ички ҳашаматли безаги б-н қолган хоналардан ажралиб турган. Хона тўридаги девор кўп ҳолларда уч бўлинмадан ташкил топган. Улардан ўртадаги ёки икки четидагиси тахмон бўлиши мумкин. Хона ён деворларидаги битта ёки иккита бўлинма майда токчабанд қилинган, қолган бўлинмалари катта-катта токчаларни ташкил қилади. Токчалар ичига бинафша ва пушти рангда гулдасталар ишланган.

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ халқ меъморлигида иморат деворлари гувала, пахса ва ёғочли синчдан қурилади. Яккасинчли ва қўшсинчли деворлар шаҳар халқ туражой меъморлигида кенг қўлланади. Қўшсинчли девор мустаҳкам бўлиб, унинг мағзида тахмон ва токчалар ўрнатилган. Хонада токчали деворларнинг сони қўшсинчли девор сони б-н белгиланади. Шунинг учун Самарқанд уйлари хоналарида икки девор, Бухорода — бир ёки икки, Фарғона ва Тошкентда тўрт девор қўшсинчли бўлади. Токчалар хўжалик буюмларни сақлаш, тахмонлар кўрпа-тўшак ва сандиқларни жойлаштириш имконини беради. Улар оппоқ ганч ҳошияли бўлиб, майда нафис нақшлар ва улар замиридаги қизил, кўк, сариқ ранглар хонага ўзига хос гўзаллик бағишлаган.

Ўзбекистон тоғ ҳудудидаги турар жойлари ҳам ўзига хос меъморий анъаналарга эга. Тоғнинг қия ён бағрида жойлашган қишлоқлар панорамаси узоқдан кўп қаватли яхлит композицияли уйга ўхшаб кетади. Уйларнинг тузилиши, лойиҳаси кўпроқ ўша жой табиий иқлим шароитига ва ландшафтига боғлиқ ҳолда шаклланган. Шу сабабли ҳар бир вилоят тоғ воҳаси ва дараларда қурилган уйлар мужассамотини бир неча турга бўлиш мумкин.

Жумладан, Нурота тоғ қишлоқлари халқ меъморлигида пиллапоя тузилишидаги ёки устма-уст қурилган икки қаватли уйлар, кам нишаб майдонда бир қаватли қурилган уйлар асосий ўрин тутади. Қашқадарё тоғ турар жой биноларида совуқ об-ҳаводан ҳимояланиш мақсадида яшаш хоналари, асосан, айвон (баъзида икки, уч ёки ҳамма томони берк бўлган пешайвон) атрофида жойлашган. Иккинчи қаватда уч томони хона б-н ўралган кичик ҳовличалар ташкил этилган. Сурхондарё тоғ уйлари кўпинча чўзинчоқ шаклда қурилган, олд томонидан узун айвонга эга бўлади. Биринчи қават томи иккинчи қават учун ҳовли вазифасини ўтайди. Қашқадарё ва Сурхондарё тоғ халқ меъморлигида қишки хона кириш эшиги ёнидаги девор олди яна бир девор б-н тўсилган. Икки девор оралиғида ўчоқ назарда тутилган. Фарғона, Тошкент вилояти тоғли ҳудудларида ҳам ўзига хос халқ меъморлиги анъаналари ривож топган, жумладан, уйлар тарҳида томонлари тенг катта хоналар кўп учрайди. Тоғ халқ меъморлигида қурилиш материали сифатида синч, пахса, гувала б-н бирга тош девор ҳам ишлатилган. Яна қ. *Амалий санъат*.

Ад.: Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т., Узбекский народный героический эпос, М., 1947; Обидов Т., Дорбозлар қиссаси, Т., 1963; Қодиров М., Ўзбек театри анъаналари, Т., 1976; Нозилов Д., Халқ меъморчилиги, Т., 1982; Кароматов Ф., Ўзбек халқ мусиқа мероси, 1—2-китоб, Т., 1978—83; Ўролов А., Нозилов А., Тўрақулов Ш., Қишлоқ уйлари, Т., 1988; Ўзбек фольклори очерклари, 1—2-ж.лар, Т., 1988—1989; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., 1990; Абдуллаев Р., Обрядовая музыка Центральной Азии, Т., 1994; Иброҳимов О., Ўзбек халқ мусиқа ижоди, Т., 1994; Алпомиш, Т., 1999; Авдеева Л., Ўзбек миллий рақси тарихидан, Т., 2001; Мақоллар махзани, Т., 2001; Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О., Ўзбек халқ мақоллари, Т., 2002; Каримова Р., Ўзбек рақслари, Т., 2003.

Тўра Мирзаев, Олимжон Беков, Ўткир Тоҳиров, Пўлат Тошканбоев, Додо Нозилов.

ХАЛҚ КИТОБЛАРИ — қ. *Қисса*.

ХАЛҚ КУЙЛАРИ — *халқ ижоди*га мансуб *қўшиқ* ва чолғу куйлари.

ХАЛҚ КУЙЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ — профессионал мусиқа — *бастакорлик* ва *композиторлик* ижодиёти соҳаси, муайян жанр. Кўп овозли мусиқа заминида *аранжировка*, *гармонизация*га қисман яқин, лекин услубан бирмунча мураккаб. Композиторлик мактаблари шаклланишида Х.к.қ.и. муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дастлабки босқич вазифасини бажаради, зеро миллий мусиқа услубларини ўзлаштиришда ижодий лаб. вазифасини ўтайди (*Комитас*, У. *Ҳожибеков*, З. *Палиашвили*, М. *Глинка*, Э. *Григ*, Н. *Лисенко*, Б. *Барток*, Ж. *Гершвин*, С. *Прокофьев*, Л. Яначек ва б.).

Ўтмиш ўзбек мусиқа ижрочилиги ва ижодиёти ўзгарувчанлик, оғзакилик каби омилларга асосланган бўлиб, унда халқ ҳамда мумтоз чолғу куй ёки ашула йўлларининг вариантларини яратиш кенг ўрин олган. Мазкур анъанани бастакорлик ижодиётининг таркибий йўналишига айлантириб, Т. Жалилов, Ю. Ражабий ва б. ижодкорлар Х.к.қ.и.нинг *монодия* заминидаги етук намуналарини яратишган.

Композиторлар ижодидан Х.к.қ.и. катта ўрин олиб, Ўзбекистонда *мусиқали драма*, *опера*, *балет*, *симфоник мусиқа*, *кантата*, *оратория*, *камер мусиқа* жанрлари ўзлаштирилишида муҳим омил бўлди. Бу соҳадаги дастлабки тажриба (19-а. охири — 20-а. бошларида Н. Кленовский, Ф. *Лейсек*, Н. *Миронов*, К. Абдуллаев, З. Мақсудов ва б. яратган асар)ларда композиторлар ўзбек мусиқа мероси хусусиятларини сингдиришолмади. 1920—30 й.ларда В. *Успенский* бошқа композиторлар каби халқ қўшиқлари («Заркокил», «Чаманда гул» ва б.), «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида мураккаб ашула ҳамда мақом йўллари («Найларам», «Чорғоҳ» ва б.)ни тингловчиларга мўлжаллаб қайта ишлашда кўп овозли мусиқа воситалари (айниқса, гармония имкониятлари)дан чекланган ҳолда фойдаланган. Фақат 30-й.ларнинг 2-ярмида А. *Козловский* 4 та фарғонача («Танавор», «Ўзганча», «Фиғон» ва «Гул юз узра») ашулани овоз ва симфоник оркестр учун қайта ишлаб, кўп овозли мусиқа воситаларини кенг татбиқ этди (айниқса, «Танавор»да), бадиий етук натижаларга эришди. Г. Мушель 1941 й. «55 ўзбек халқ қўшиғи» тўпламини яратди. Х.к.қ.и. да янги босқич 50-й.ларда М. *Бурҳонов*нинг жўрсиз хорга мўлжалланган ўзбекча «Эндли сандек», «Ганжи Қорабоғ», тожикча «Сари кўҳи баланд», уйғурча «Сайра», қорақалпоқча «Бибигул» каби қайта ишланган қўшиқлари б-н бошланди. Уларда монодия ва кўп овозли мусиқа анъаналари узвий боғланган. Кейинги йилларда халқ куйларига асосланган жўрсиз хорлар Ик. Акбаров, С. Бобоев, Б. Умиджоновлар ижодида ривожланди. Б. Надеждин, Т. Содиқов, Б. Гиенко, М. Левиев, Д. Зокиров, С. Жалил ва б. композиторлар халқ куйларини турли ижрочи (якка соз, якка соз ва фортепиано, ансамбль ва оркестр)лар учун қайта ишлашган.

Ад.: Гафурбеков Т., Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества, Т., 1984.

Тўхтасин Ғафурбеков.

ХАЛҚ ЛАШКАРЛАРИ — қадимда ва ўрта асрларда уруш вақтида фуқаролардан (асосан, кўнгиллилардан) ташкил топадиган ҳарбий тузилмалар; чет эл босқинчиларига қарши кураш учун кенг халқ оммасини жалб қилиш шаклларидан бири. Х.л. даврли барча халқлар тарихида жуда қадимдан маълум. Бир давлат бошқа бир давлатга ҳужум қилганида босқинчиликка учраган мамлакат халқи ўз ватанини мудофаа қилиш учун қўлига қурол олган ва мунтазам қўшинлар б-н бир қаторда душманга қарши курашган. Х.л. кўнгилли ватанпарварлардан ташкил топганлиги б-н партизанларга ўхшаб кетсада, улар бир-биридан фарқ қилади: яъни партизанлар душман босиб олган ҳудудда ҳаракат қилади, Х.л. эса, душман босиб олмаган ҳудудда тузилади.

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ (ЎзРда) — 1-инстанцияда жиноят ва фуқаролик ишларини кўришда қатнашиш учун сайланган фуқаролар. Иш бўйича қарор чиқаришда судья б-н тенг ҳуқуққа эга. Одатда, ишни кўраётган суд таркибига 2 нафар халқ маслаҳатчиси киради. Одил судловни амалга оширишда фуқаролар Х.м. сифатида қатнашиши уларнинг фуқаролик бурчи ҳисобланади. Суд таркибида одил судловни амалга оширишда Х.м. мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар. Х.м.нинг суддаги фаолиятига ҳеч қандай аралашувга йўл қўйилмайди, бундай аралашув қонун бўйича жавобгарликка олиб келади. Суд таркибида фаолият кўрсатаётган даврда халқ маслаҳатчиси унинг розилигисиз бўшатилиши ёки бошқа иш жойига ўтказилиши мумкин эмас. Х.м.нинг шахси дахлсиздир. Х.м.га нисбатан жиноят иши фақат ЎзР Бош прокурори ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан қўзғатилиши мумкин. Х.м. 25 ёшдан кичик бўлмаган ЎзР фуқароси орасидан турар жой ёки иш жойи бўйича фуқаролар йиғинида очиқ овоз бериш орқали 2,5 й. муддатга сайланади. Х.м.нинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонунида (2000 й. 14 дек.) кўрсатиб берилган (62-модда).

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ПОЭТИК ИЖОДИ — қ. *Халқ ижоди*.

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ — *тарбия*нинг мақсад ва вазифалари борасида муайян халқнинг ҳаётий тажрибаси ҳамда турмуш тарзида шаклланган амалий қарашлар мажмуи; муайян жамиятда яшаш учун ҳар бир одам амал қилиши шарт саналган ва урф-одат, удум, хулқ-одоб, маросим, анъана, турмуш тарзи, бадиий ижод, ўйин сингари эмпирик воситаларда намоён бўладиган амалий фаолият ҳамдир. Х.п. фанда этнопедагогика деб ҳам юритилади. Пед. фанида Х.п.га хос энг муҳим белгиларидан бири унинг қадимийлигидир. Ҳар қандай халқ муайян этнос сифатида мавжуд бўлиши учун ўзига хос қиёфага эга бўлиши керак. Халқнинг ижтимоий, маънавий, интеллектуал қиёфаси эса унинг пед. воситасидагина шаклланади. Х.п. муайян халқнинг ўзи б-н бирга дунёга келгани учун ҳам унинг тарихи халқ тарихи б-н тенг. Х.п.нинг иккинчи белгиси унинг тўлиқ амалий хусусиятга эгалигидир. Халқ

таълим-тарбия жараёни ва унинг натижаларига прагматик назар б-н қараган учун Х.п. гоялар шаклида эмас, балки урф-одат, анъана, амал, удум, хулқ-одоблар тарзида намоён бўлади. Х.п. таълим-тарбия ҳақидаги фикрлар йиғиндиси эмас, балки амал қилиниши мажбурий бўлган ва бажарилиши ҳамма томонидан назорат қилинадиган амалий хулқий кўникмалар ва ш.к. мажмуидир. Х.п.нинг учинчи хусусияти унинг муаллифи номаълум, аноним пед. эканлигидир. Х.п. талабларининг яратувчиси маълум бўлмаганлиги учун ҳам мукаддас саналган ва сўзсиз бажарилган. Этнопедагогикага доир бирор талабнинг муаллифи маълум бўлса, унинг таъсири пасайиб кетади. Чунки у, ким бўлса-да, қандайдир бир одамнинг истаги сифатида қабул этилади. Анонимлик эса урф-одат, удум, хулқ-одатларга сирлилик, муқаддаслик тусини беради. Х.п.нинг тўртинчи белгиси унинг синкретик (қоришиқ) хусусиятга эгалигидир. Халқ ҳаёти кўп қиррали экани ҳолда яхлит бўлгани сингари унинг пед.си ҳам қоришиқдир. Халқининг турли йўналишдаги педагогик тадбирлари синкретик тарзда бирваракайига олиб борилгани учун Х.п.га алоҳидалик эмас, умумийлик хосдир. Х.п.нинг бешинчи белгиси унинг кенг ёйилганлигидир. Х.п.га оид амаллар муайян этник бирликнинг ҳаммасига бирдай татбиқ қилинади. Муайян шахсларнинг хоҳиш-иродаси қандайлигидан қатъи назар, халқнинг ҳар бир вакили унинг тарбия ва яшаш тарзига доир талабларига риоя этишга мажбур. Х.п. талабларини бажаришда тарбияланувчининг истаклари инобатга олинмайди. Муайян этник бирликнинг турмуш тарзида намоён бўлиши Х.п.нинг олтинчи хусусиятидир. Х.п. эмпирик табиатга эга бўлиб, жамият аъзолари ҳаётини йўлга қўйишга қаратилган ва унинг қоидалари муҳокама учун эмас, балки турмуш мобайнида амал қилиш учундир.

Ўзбек Х.п. узоқ тарихга эга ва миллатдаги энг консерватив, секин ўзгарадиган, ана шу хусусияти туфайли халқнинг ўзига хос қиёфаси сақланиб қолишини таъминлайдиган ҳодиса эканлигига қарамай, ўз тараққиёти давомида бир қатор ўзгаришларни бошидан кечиран. Ўзбек Х.п.нинг тараққиёт тарихи исломгача бўлган давр халқ пед. си, ислом таъсири даври халқ пед.си, ташқи таъсирлар даври халқ пед.си, мустақиллик даври халқ пед.си сингари босқичлардан иборат. Ўзбек Х.п.нинг бу тарзда даврлаштиришда халқ руҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзидаги туб сифат белгиларининг ўзига хослиги ҳисобга олинган. Кўп минг йиллик тарихга эга ўзбек халқи илмий ва моддий буюм тарзидаги далилларга кўра, ислом дини қабул қилингунгача бўлган вақтда тамомила ўзига хос тарзда ҳаёт кечирган. Олам ҳодисаларини ўзгача йўсинда тушунган ва изоҳлаган, ҳаётдан бошқача таъсирланган ва таъсир кўрсатган, тириклик ва ўлим, у дунё ва бу дунё, эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуклик, савоб ва гуноҳ, ҳалол ва ҳаром сингари тушунчалар ўзгача мазмун англатган. «Авесто» асари юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар, шунингдек, Селенгур, Хоразм, Болаликтепа, Иссиққўрғон, Чуст, Риштон ва Бурчмуллодан топилган обидалар шундан далолат беради. Ислом динининг қабул қилиниши ўзбек халқининг турмуш тарзини тамомила ўзгартириб юборди, уни оламнинг мусулмонлар деб аталмиш кўп сонли қисми б-н яқинлаштирди, халқининг турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, руҳияти, иқтисоди ва ижтимоий турмушига фавқулодда катта таъсир кўрсатди. Айни вақтда, халқ ўзининг азалий миллий қиёфасини ҳам сақлаб қолди. Чунки у қадимдан пухта шаклланган ва қатъий амал қилинадиган удумлар, одатлар, анъаналар тизимига эга эди. Халқ исломни қабул қилгандан кейин унинг яшаш, фикрлаш, таъсирланиш тарзида содир бўлган ўзгаришлар Х.п.да акс этди. Энди халқ ҳалол ва ҳаром, гуноҳ ва савоб, тақдир, қисмат, у дунё ва бу дунё, ҳаёт, ўлим ҳамда қайта тирилиш борасида тамомила янги қадриятларни ўзлаштириди, уларни ҳаёт тарзига, удумларга, урф-одатларга, анъаналарга, маросимларга, яъни пед.га айлантирди. Бу даврдаги хулқ-атвор, анъана, удум, одатлар маънавий турмушдаги айни шу жиҳатларни акс эттирадиган бўлди. Ўзбек миллати жуда узоқ вақт мобайнида ислом дини таъсиридаги Х.п.га амал қилган ҳолда яшади. 19-а.нинг 2-ярмига келиб, Россия босқини сабабли ўзбек халқининг турмуш тарзи, фикрлаш йўсини, тарбия тамойилларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Фақат ислом дини белгилаган турмуш тарзи, ақида, анъана ва одатлар б-нгина яшаш мумкин бўлмай қолди. Халқининг онги, ахлоқи, фикри, турмуши ўзгариши б-н унинг пед.си ҳам ўзгаришларга учради. Янги анъана ва одоблар пайдо бўлди, айрим педагогик қадрият, ахлоқий ақидалар эса йўқолди. Х.п.даги йўқотишлар, айниқса, шўро даврида кенг тус олди. Х.п. туфайли шаклланиш ўзгаришлар гирдобида қолган ўзбек миллати ўз қиёфасини сақлаб қола билди. Истиқлол натижасида эса ўзбек халқининг фикрлаш, яшаш, оламни англаш ва изоҳлаш йўсини янгиланди, халқ руҳияти, маънавий қиёфаси ўзгарди. Бу ўзгаришлар халқнинг турмуш тарзида пайдо бўлаётган янги одат, анъана, хулқ-атвор, урф ва удумлар тарзида намоён бўлмоқда. Мустақиллик даври Х.п.да кўплаб исломий анъаналар қайта тикланиб, амалий тарбия қараёнига татбиқ этила бошланди. Х.п. тарихий тушунча сифатида ҳоз. кунда ҳам замон талабларига мос равишда бойиб бормоқда ва жиддий амалий-тарбиявий аҳамият касб этмоқда.

Қаюмбой Йўлдошев.

ХАЛҚ СЕЛЕКЦИЯСИ — *селекциянинг* ривожланиш тарихидаги бир босқич ва йўналиш; қ.х. экинларининг янги нав, клон, пайвандларини ҳамда чорва молларининг янги зотлари, гуруҳларини номаълум муаллифлар, миришкор деҳқонлар ва чорвадорлар томонидан олдинги усулларда танлаб, саралаб яратилиши. Х.с. бир неча минг йиллик тарихни ўз ичига олади. Ўрта Осиё ҳудудида кўпгина маданий экинлар — бугдой, арпа, шоли, мева, узум, сабзавот-полиз экинлари ва б. бундан бир неча минг йил аввал ўстирилганлиги маълум. Одамлар экинларни экиш, уларга ишлов бериш б-н бир қаторда улар орасидан қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган нусха, шаклларини танлаб, сақлаб, кўпайтириб борганини ва шу тариқа Х.с. пайдо бўлган. Чорвачиликда ҳам асрлар давомида танлаш ва саралаш асосида қорамол, қўй, эчки, от ва туяларнинг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган кўплаб ноёб зотлари яратилган (ҳисори, сархеж қўй зотлари, қорабайир, лақай от зотлари, зебусимон сигир зотлари). Х.с. анъаналари ҳоз. даврда ҳам илмий селекция усулларини ва муассасалари б-н ёнма-ён давом этиб келмоқда.

Ўзбекистонда 20-а.нинг 40-й.лари бошида сурхондарёлик Муслима Бегимова машҳур «Муслимка» бугдойини кашф этди. Н. Ниёзов (Тошкент вилояти) гўзанинг мева шохлари чекланган навларини (H_1 ва H_2). К. Неъматиоев (Андижон вилояти) *108—Ф* навидан мева шохларининг бўғимлари жуда калта, тупи ихчамлиги б-н фарқланадиган гўза нусхаларини (Пахтаобод нави), У. Абдуллаев (Наманган вилояти) Косон навини, Н. Ҳайдаров (Фарғона вилояти) Бешариқ навини яратдилар. 1950—90 й.ларда полиз-сабзавотчиликда халқ селекционерлари қовун ва тарвузнинг 50 дан ортиқ навларини (Аббосхон Алигавҳаров, Ўринбой Каримов, Ҳошим Қосимов, Тиркаш Тожиев, Ҳакимолвон Усмонов, Хўжамберди Қўшоқов, Матвафо Юсупов), картошканинг Обидов (Али Обидов), помидорнинг Юсупов (Карим Юсупов) навини яратдилар ва бу навларнинг кўпчилиги давлат реестрига киритилган ва р-нлаштирилган.

Халқ селекционерлари яратган навлар экин турлари колдекцияларини бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Бу навларнинг кўпчилиги селекцияда бошланғич материал сифатида ҳам фойдаланилади.

Баҳодир Норматов, Абдулғазиз Аббосов.

«ХАЛҚ СЎЗИ» («Народное слово») — оммавий ижтимоий-сиёсий газета. Муассиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. 1991 й. 1 январдан чиқа бошлаган. Ҳафтада 5 марта, ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг органлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини, мамлакатимизда ва хорижда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий жараёнларни холис ва бетараф ёритиш таҳририятнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мустақилликни ивайлаб-асраш, мустаҳкамлашнинг асосий шарти — фуқароларнинг сиёсий онгини ошириш, бир бутун миллат, халқ сифатида шакллантириш, Ватанга муҳаббат, аждодларимизнинг қаҳрамонона анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш, ҳурфикрлилик, миллий ифтихор, ватанпарварлик, эркинлик ва озодликни энг улуғ неъмат деб билиш газ.нинг муҳим йўналишидир.

Газ. вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, қўшма корхоналар, чет эл ваколатхоналари ва б. муассасалар б-н келишув ва шартномаларга мувофиқ фаолиятнинг турли соҳаларига оид ахборотларни, давлат, тижорат тизимлари ва хусусий шахсларнинг реклама ҳамда эълонларини босиб чиқаради. Асосий рукнлари: «Кучли давлатдан — кучли жамият сари», «Олий Мажлисда», «Парламент назорати», «Фармон ва ижро», «Огоҳлик», «Бугуннинг гапи», «Исломхот одимлари», «Суд-ҳуқуқ ислоҳоти», «Таълим ва илоҳот», «Долзарб мавзу», «Бевосита мулоқот», «Куч — билим ва тафаккурда», «Маърифат соати», «Олам нафаси», «Журналист суриштируви», «Бир хат изидан» ва б. Адади 34000 (2004). Бош муҳаррири Аббосхон Усмонов (1997 й.дан).

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ — мамлакатда тарбиявий, ўқув ва маданий-маърифий муассаса ва тадбирлар тизими ҳамда уларни бошқариш органлари. Х.т. тушунчаси 20-а.нинг 80-й.ларида ўзбек тили лексикасидан ўрин олди. Унгача «халқ маорифи» атамаси қўлланилган бўлиб, у кишиларнинг билими ва онгини ошириш, умумий савиясини кўтаришга қаратилган таълим-тарбия тарзида, нисбатан торроқ маънода қўлланилган. «Х.т.» атамаси илм-фан ёки касб-ҳунар соҳалари бўйича эгалланиши зарур бўлган маълумот ва кўникмалар мажмуини, таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, кўрсатма, билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, йўл-йўриқ ўргатиш тушунчаларини қамраб олади. Бу атама замирида мамлакат фуқароларини нафақат маърифатли, саводли қилиш, балки уларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунарга йўналтириш, уларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни ҳам қамраб олинади. Давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари, таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ҳамда ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар, таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари ҳамда уларга қарашли корхона, муассаса, ташкилотларни ўз ичига қамраб олади. Ўзбекистонда Х.т.нинг бош мақсади — маънавий баркамол авлодни тарбиялашдан иборат бўлиб, у инсонпарварлик ва демократик характер касб этади. ЎзР нинг 1997 й. 29 авг.да қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Х.т. тизимининг барча йўналишларини такомиллаштириш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берди. Қонун ва дастурда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари, жумладан, узлуксиз таълим таърифланиб, унинг асосий вазифаси белгилаб берилган. Х.т. мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, *ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим*, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим турларини қамраб олади. Х.т.нинг умумий ўрта тури (9 й.) мажбурий, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим тури (3 й.) эса ихтиёрий-мажбурийдир.

Кўп мамлакатларда Х.т.нинг асосий тизими бошланғич таълим ҳисобланади ва у 4 й.дан 9 й.гача давом этади. Ўзбекистонда Х.т.нинг дастлабки босқичи мактабгача таълим ҳисобланади. Мактабгача таълим бола шахсини руҳан ва жисмонан соғлом, етук тарзда, мактабда ўқишга тайёр ҳолда шакллантиришни назарда тутади. Бу таълим 6—7 ёшгача оилада, болалар боғчалари ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади. Х.т.нинг умумий ўрта тури *бошланғич таълим* (1—4-синфлар) ва *умумий таълим* (5—9-синфлар)ни қамраб олади. Бошланғич таълим тўрт йиллик бўлиб, у умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилган. Бошланғич таълимнинг 1-синфига болалар 6—7 ёшдан қабул қилинади. Х.т.нинг умумий таълим босқичида ҳам билимлар давлат таълим стандартларида белгиланган ҳажмда берилади. Умумий ўрта таълим (1—9-синфлар)да ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилияти ривожлантирилади, уларнинг тафаккур ва фаолиятидаги эркинлиги, мустақиллиги таъминланади. Х.т.нинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими турида таълим олиш ихтиёрий-мажбурий тарзда амалга оширилади. Умумий ўрта таълимни якунлаган ўқувчи билим олишни таълимнинг маълум йўналишини чуқур ўзлаштириш учун *академик лицей* ёки умумий ўрта таълимни маълум касб-ҳунар б-н боғлаб ўрганиш мақсадида *касб-ҳунар коллежида* ихтиёрий равишда давом эттириши зарур. Х.т.нинг олий таълим босқичи юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий таълим ун-т, ўқув академияси, ин-тларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида амалга оширилади. Олий таълим олиш ихтиёрий бўлиб, таълим муддати камида 4 й.дан иборат бўлган *бакалавриат* ҳамда ўқиш муддати камида 2 й.дан иборат бўлган *магистратура* босқичида амалга оширилади. Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган таълим тури ҳисобланади. У олий ўқув юрти ва н.т. институтларида *аспирантура, адъюнктура, докторантура,*

мустақил тадқиқотчилик шаклида амалга оширилади. Х.т.нинг кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тури мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни назарда тутади. Х.т.нинг мактабдан ташқари таълим турида болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари томонидан маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт каби йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш назарда тутилади.

Х.т.ни бошқаришнинг марказлашган, марказлашмаган ва аралаш турлари мавжуд. Марказлашган бошқарувда таълим-тарбия жараёнини бошқариш таълим вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади. Бошқарувнинг бундай шакли Франция, Италия, Бельгия ва Лотин Америкаси мамлакатларида йўлга қўйилган. Бу мамлакатларда давлат мактабларнинг моддий таъминоти б-н шуғулланади, уларни дастур, дарслик, методик ва ўқув қўлланмалар б-н таъминлайди, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатни олиш учун ягона талабларни белгилайди, ўқитувчиларни танлаш ҳамда тайёрлаш ишлари б-н шуғулланади. Марказлашмаган бошқарувда таълимни бошқариш жойлардаги маъмурий органлар томонидан амалга оширилади. Мактаблар таъминоти аҳоли зиммасида бўлади. Давлат томонидан маълум вазифалар, баъзи ҳолларда қисман молиявий эҳтиёжларни қондириш ишлари амалга оширилади. Бундай тур Буюк Британия, Норвегия, Швеция ва АҚШда ташкил этилган. Мас., АҚШ да ҳар бир штатнинг таълим бўйича ўз қонунлари мавжуд. Бошқарувнинг аралаш турида таълим-тарбия жараёнининг барча ишлари марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамкорлигида амалга оширилади. Ҳиндистон, Покистон, Янги Зеландия мамлакатларида таълимни бошқарув шу тарзда амалга оширилади.

Ўзбекистонда Х.т. тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли б-н бошқарилади ва марказлашган ҳолда демократик тарзда олиб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари ЎзРнинг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997)га мувофиқ белгиланади. Х.т.ни молиялаш республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. 2002/03 ўқув йили бошида Ўзбекистонда 9799 умумий таълим мактаби (6 млн. 329,1 минг ўқувчи), кундузги умумий таълим мактаблари негизида 288 лицей (88,9 минг ўқувчи) ва 103 гимназия (65,7 минг ўқувчи), 141 махсус ўқув юрти (158,5 минг ўқувчи), 62 олий ўқув юрти (232254 талаба) фаолият кўрсатди (яна қ. *Умумий ўрта таълим мактаби, Саводхонлик, Таълим, Таълимнинг миллий модели*).

Ад.: Каримов И. А., Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Т., 1997; Баркамол авлод орзуси, Т., 2000; Педагогика, Т., 1996; Ўзбек педагогикаси тарихи, Т., 1997; Йўлдошев Ж. Ғ., Таълимнинг истиқлол йўлида, Т., 1996; Ўзбек педагогикаси антологияси [Тузувчилар: К. Ҳошимов, С. Очил], 1-, 2-жлар, Т., 1995, 1999.

Қундузхон Ҳасанбоева.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАР ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий институти — Ўзбекистондаги энг йирик ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти. 1934 й. 4 майда Халқ таълими кадрлари малакасини ошириш ин-ти номи б-н ташкил топган. 1941—64 й.ларда Республика ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти, 1964 й.дан Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий ин-ти, 1992 й.дан халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий ин-ти, 2001 й. дан халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ин-ти деб аталган. 2004 й. 10 дек.дан ҳоз. номда. Ин-тга Абдулла *Авлоний* номи 1992 й.да берилган. Ин-тнинг асосий вазифаси халқ таълими раҳбар ва педагог ходимлари малакасини оширишдир.

Ин-т Ўзбекистонда халқ таълими тизими раҳбар ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу масалалар бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ўқув-методик маркази ҳисобланади. Ин-т республикалаги педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ин-тларининг ўқув-методик ҳамда илмий фаолиятларини мувофиқлаштиради. Ўз фаолияти йўналиши бўйича илмий, методик қўлланма, тавсия ва ахборотномалар тайёрлайди ва нашр этади. Халқаро ҳамда хорижий таълим муассасалари б-н ҳамкорлик қилади. Ин-тда 1992 й.дан илмий кенгаш ва 1998 й.дан аспирантура фаолият кўрсатади.

Ин-тда 7 кафедра, 5 бўлим, масофадан ўқитиш маркази, ўқитувчилар уйи, санаторий-профилакторий мавжуд. Ин-тда 5 фан д-ри ва проф., 16 фан номзоди ва доцент ишлайди (2004). Ин-тда ҳар йили 4500 га яқин халқ таълими раҳбар ва педагог ходим ўз малакасини оширади. Малака ошириш курсини тугатганларга курсни тугатганлиги тўғрисида ЎзР Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома топширилади.

Саидҳосият Усмонов.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ — муайян мамлакатнинг меҳнат тақсимоти орқали ўзаро боғланган и.ч. тармоқлари мажмуи, бутун мамлакат хўжалиги, иқтисодиёти. «Х.х.» атамаси Ўзбекистон тарихининг совет даврида кенг қўлланилган. Ҳоз. даврда *миллий иқтисодиёт* атамаси ишлатилади.

ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ ОРКЕСТРИ — *оркестр* тури; кўп овозли мусиқа асарларини ижро этиш учун мослаштириб қайта ишланган миллий созлардан иборат. Бир турдаги (мас., фақат торли-чертма) чолғулардан ва турли (мас., торли, пуфлама ва урма) чолғулар гуруҳларидан ташкил топиши мумкин. Турли халқларда кенг тарқалган миллий чолғу ансамблар таркибида оиладош чолғулар (мас., дуторнинг прима, альт, бас, контрабас турларидан иборат) гуруҳларининг мавжудлиги, *гармония* ва *полифония* услубидаги асарларнинг муайян куй йўлларини ижро этиш имкониятлари б-н ажралиб туради.

Ўзбекистонда биринчи Х.ч.о. 1937 й.да Н. *Миронов* ташкил этган «Нота оркестри»дир. Мазкур жамоа Ўзбек давлат филармониясининг ашула ва рақс Катта ансамбли (раҳбар Т. *Жалилов*) созандаларидан қарор топди. Таркиби анъанавий халқ чолғулари, фортепиано, трунавий халқ чолғулари, фортепиано, труба, тромбондан иборат бўлиб, репертуаридан қайта ишланган «Қаринаво», «Сегоҳ» каби ўзбек мумтоз куйлари ҳамда чет эл композиторларининг ом мабоп мусиқа намуналари ўрин олган.

1938 й.да Ўзбек давлат филармонияси қошида Ўзбек халқ чолғулари оркестри ташкил топди. Асосчиси — А. *Петросянц* (1966 й.да оркестрга Тўхтасин Жалилов номи. 1980 й. «Давлат», 1991 й. «академик» унвонлари берилди. 1976 й.дан бадиий раҳбари ва бош дирижёри — Фахр. *Содиқов*). Мазкур жамоа таркибига дастлаб анъанавий (най, қўшнай, сурнай, ғижжак, доира, ноғора каби), сўнгра қайта ишланган (12 погонали тенг *темперация* қилинган тенор ва бас чанглари, афғон ва қашқар рубоблари, дутор) ҳамда янгитдан яратилган (рубоб-прима, дутор-бас, ғижжак-контрабас ва б.) созлар киритилган. Репертуаридан М. Бурҳонов, С. Алиев, С. Габриэлян, Б. Гиенко ва б. томонидан қайта ишланган ўзбек халқ куйлари, Ўзбекистон композиторлари (С. Бобоев, Сайфи Жалил, Ғ. Қодиров, Ф. Назаров, Т. Қурбонов, Ф. Алимов ва б.) ёзган увертюра, рапсодия, поэма, концерт ва симфония каби йирик шаклдаги асарлар ҳамда чет эл муаллифлари (П. Сарасате, П. Чайковский, Г.Свиридов кабиларнинг оммабоп мусиқа асарлари ўрин олган.

1957 й. Ўзбекистон радиоси қошида Халқ чолғулари оркестри ташкил этилди (1989 й.дан Дони *Зокиров* номида). Асосчиси, биринчи бадиий раҳбари ва бош дирижёри — Д. Зокиров (1986—2000 й.ларда — М. *Бафоев*, 2002 й.дан Ҳ. Ражабов). Ижро услубида кўп овозли мусиқа намойиллари б-н миллий мусиқа анъаналари уйғунлашган. Оркестр таркибида созанда сифатида фаолият кўрсатган бастакорлар (М. *Мирзаев*, Ғ. *Ташматов*, К. *Жабборов*, Фахр. *Содиқов*, С. *Калонов*, Ҳ. Жўраев ва б.) оркестр учун кўпгина асарлар яратишган. Репертуаридан, шунингдек, Д. Зокиров, Т. Жалилов, С. Юдаков, С. Хайитбоев, М. Бафоев ва б. ўзбек композиторлари асарлари асосий ўрин олган.

1991 й. «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестри ташкил топди (асосчиси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, проф. Ф. Абдураҳимова). Репертуаридан қайта ишланган ўзбек куйлари ҳамда замонавий ўзбек композиторлари асарлари ўрин олган. Мазкур жамоа чет эл мамлакатларида (АҚШ, Испания ва б.) гастролда бўлган.

Озода Тожиматова.

ХАЛҚАРО АСТРОНАВТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ — космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш муаммолари, шунингдек, ракета техникаси ва космик ҳуқуқ масалалари б-н шуғулланувчи халқаро илмий ташкилот. 1950 й. астронавтика ва ракета жамиятларининг Парижда ўтказилган 1-Халқаро конгрессида 8 та давлат (Австрия, Аргентина, Буюк Британия, Дания, Испания, Франция, Германия, Швеция) вакиллари Х.а.ф. тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Х.а.ф. Халқаро астронавтика конгрессини ўтказиб туради. 1952 й. Штутгарт (Германия) да бўлиб ўтган 3-Халқаро астронавтика конгрессида Х.а.ф.нинг низоми қабул қилинди. 1960 й.дан Х.а.ф. қошида Халқаро астронавтика академияси ва Халқаро космик ҳуқуқ институти фаолият кўрсатади. Ушбу ташкилотлар ўз низоми ва бошқарув органларига эга. Х.а.ф.нинг асосий бошқарув органи Бош ассамблея бўлиб, у ҳар йили Х.а.ф.нинг конгресси б-н йиғилади. Бош ассамблея сессиясида Х.а.ф. нинг жорий ишларини президент ва 4 та вице-президентдан иборат бюро бошқаради. 40 га яқин мамлакатнинг илмий ташкилотларини бирлаштиради. ЮНЕСКО ва Халқаро электр алоқа иттифоқи қошида консультатив мақомга эга. Х.а.ф.нинг штаб-квартираси ва котибияти Париж ш.да жойлашган.

ХАЛҚАРО АСТРОНОМИЯ ИТТИФОҚИ — Халқаро илмий жамият. Жаҳондаги астрономик муассасалар, расадхоналар, ин-тларнинг ҳаракати б-н 1919 й. ташкил этилган. Унга 70 давлат аъзо. Ўзбекистон 1998 й.дан аъзо. Асосий вазифалари: астрономиянинг барча соҳаларини ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш; астрономик тадқиқотларда илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш; астрономия фани манфаатларини бошқа халқаро ташкилотларда ҳимоя қилиш. Х.а.т. иш органлари ижроия қўмитаси ва астрономиянинг алоҳида муаммолари б-н шуғулланувчи 37 та қўмитасидан иборат 7 та бўлимни ўз ичига олади. Қўмиталари, асосан, халқаро конференция, симпозиум ва б.ни ташкил қилиш йўли б-н мувофиқлаштиришга ёрдам кўрсатиш; халқаро савдонинг кенгайиши ва мувозанатли ўсиши учун қулай шароитларни яратиш; валюта курсларининг барқарорлигига ёрдам бериш, рақобат туфайли юз берадиган валюта девальвацияларининг олдини олиш; кўп томонлама тўловлар тизимини яратишда ва жаҳон савдосини ривожига тўсиқ қўядиган валюта алмаштириш б-н боғлиқ чеклашларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш; аъзо мамлакатларга ўз тўлов балансларини тиклаш, шунингдек, уларнинг халқаро тўлов балансларини тақчиллиги давомийлиги ва миқдорини қисқартириш учун муддатли молиявий маблағлар бериш. ХВФ жаҳон валюталари мониторингини олиб боради, барча мамлакатлар ўртасида ташкилий тўлов тизими фаолиятига ёрдам беради, тўлов балансида чуқур тақчилликка учраган, шунингдек, ўз валютасининг тўлиқ конвертациясига эришмоқчи бўлган мамлакатларга қарз беради. ХВФ капитали аъзо мамлакатлар тўлайдиган ва уларнинг ҳар бири учун белгиланган квотага мувофиқ бадаллар ҳисобидан ташкил топади.

Физик катталикнинг берилган бирликлар тизимидаги асосий физик катталиклар ўлчамлари б-н боғланиши ифодасига шу катталикнинг ўлчамлиги деб аталади. СИ тизимида асосий катталиклар узунлик, масса, вақт, электр токи кучи, термодинамик т-ра, ёрутлик кучи, модда миқдори ўлчамликлари мос равишда *L, M, T, I, Q, J, N* орқали ифодаланади.

Х.б.т. фан ва техниканинг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади. Х.б.т.да механик, иссиқлик, электр, магнит ва б. катталиклар ўзаро боғланган бўлади. Ушбу тизимнинг асосий ва ҳосилавий бирликлари амалий ўлчашлар учун жуда қулай ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ, ХВФ (IMF; International Monetary Fund) — БМТ нинг ихтисослашган муассасаси, аъзо мамлакатларнинг валюта ҳамкорлигини амалга оширадиган халқаро ташкилот. 1944 й.да Бреттон-Вудс (АҚШ) да ўтказилган халқаро валюта-молия конгрессида Жаҳон банки б-н бир вақтда таъсис этилган (қ. *Бреттон-Вудс битими*). 1947 й. март ойидан ўз фаолиятини бошлаган. 182 мамлакат аъзо (1999). Штаб-квартираси Вашингтонда. Фондининг расмий мақсадлари: маслаҳатлар бериш ва валюта муаммолари бўйича ҳамкорлик қилиш орқали халқаро валюта ҳамкорлигига ёрдам кўрсатиш; халқаро савдонинг кенгайиши ва мувозанатли ўсиши учун қулай шароитларни яратиш; валюта курсларининг барқарорлигига ёрдам бериш, рақобат туфайли юз берадиган валюта девальвацияларининг олдини олиш; кўп томонлама тўловлар тизимини яратишда ва жаҳон савдосини ривожига тўсиқ қўядиган валюта алмаштириш б-н боғлиқ чеклашларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш; аъзо мамлакатларга ўз тўлов балансларини тиклаш, шунингдек, уларнинг халқаро тўлов балансларини тақчиллиги давомийлиги ва миқдорини қисқартириш учун муддатли молиявий маблағлар бериш. ХВФ жаҳон валюталари мониторингини олиб боради, барча мамлакатлар ўртасида ташкилий тўлов тизими фаолиятига ёрдам беради, тўлов балансида чуқур тақчилликка учраган, шунингдек, ўз валютасининг тўлиқ конвертациясига эришмоқчи бўлган мамлакатларга қарз беради. ХВФ капитали аъзо мамлакатлар тўлайдиган ва уларнинг ҳар бири учун белгиланган квотага мувофиқ бадаллар ҳисобидан ташкил топади.

1998 й. бошида ХВФ капитали 199 млрд. долларни ташкил қилди. АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Франция, Япония, Италия, Канада энг катта квота-

ларга эга. Унинг ўсиши янги аъзоларнинг бадал пули ва кредитларга тўланган фоизлар ҳисобига юз беради.

ХВФнинг раҳбар органлари — Бошқарувчилар кенгаши ва Муваққат қўмита. Бошқарувчилар кенгаши — олий орган бўлиб, ҳар бир аъзо — мамлакат томонидан 5 й.га тайинланадиган бошқарувчилар ва уларнинг ўринбосарлари (одатда, аъзо мамлакатлар молия вазирлари ёки Марказий банки бошқарувчилари)дан ташкил топади. Кенгаш ҳар йили сессияга йиғилади. Муваққат қўмита ХВФнинг 24 бошқарувчисидан иборат бўлиб, бир йилда 2 марта йиғилади ва Бошқарувчилар кенгаши олдида ҳисоб беради. ХВФнинг ижроия органлари — Ижроия кенгаш, унга доимий асосда энг катта квоталарга эга бўлган мамлакатлар томонидан тайинланадиган ёки мамлакатлар гуруҳи сайлайдиган 24 ижрочи директор киради. Ижроия кенгаш мажлислари ҳар ҳафтада 3 марта ўтказилади. Ижроия кенгаш ижрочи директорни сайлайди. ХВФ капиталида квотасини ҳисобга олган ҳолда 7 та ривожланган мамлакатларга овозларнинг 45%, шу жумладан, АҚШга 18% тўғри келади.

ХВФ кредитлари тўлов balансидаги номувозанатлик сабабларига кўра бир неча турларга бўлинади. ХВФнинг оддий кредити тўлов балансидаги вақтинчалик танглисларни бартараф этиш мақсадларида 1 й.гача муддатта *СДР*да берилади (уни 4—5 йилгача чўзиш имконияти б-н). Катта миқдордаги кредитлар фоиз б-н «СТЭНД Бай» шартномасини тузган мамлакатларга ХВФ барқарорлаштириш дастури бажарилишига қараб ажратилади.

1991 й. Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар қаторида ХВФга аъзо бўлиб кириши учун шартшароит яратди. 1992 й.нинг 2 июлида «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш уюшмаси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама Агентликка аъзолиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизни ХВФга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши учун ҳуқуқий асос бўлди. 1992 й. 27 апр.да Ўзбекистон ХВФ аъзолигига қабул қилинди ва Тошкент ш.да унинг ваколатхонаси очилди.

1998 й. 18 мартда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро валюта фонди б-н ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» қарори қабул қилинди ва республиканинг ХВФ б-н алоқаларини янада ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилди. 2002 й.да Ўзбекистон Ҳукумати ва ХВФ ўртасида Меморандум имзоланди. 2003 й.нинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки томонидан «Жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютани эркин айирбошлаш бўйича ҳаракат режаси» ишлаб чиқилди ва у ХВФга тақдим этилди. 2003 й.нинг 15 окт.да Ўзбекистон Республикаси ХВФ Битимининг 8-моддасига имзо чекди ва миллий валюта — сўмни жорий халқаро операциялар бўйича чет эл валюталарига эркин айирбошлашни таъминлаш бўйича мажбуриятни қабул қилди.

Хўжаёр Шеппаев.

ХАЛҚАРО ГЕОЛОГИК КОНГРЕССЛАР — геологлар илмий бирлашмаси (IUGS)нинг ҳар 3—4 йилда бир марта ўтказиладиган халқаро анжумани. Х.г.к.га 141 давлат геологларининг миллий қўмиталари (жумладан, Ўзбекистон геологлари Миллий қўмитаси) ҳамда 38 га яқин Ер ҳақидаги фанларнинг тор мутахассисликлари бўйича Халқаро геологик уюшма ва ташкилотлари аъзо. Х.г.к.нинг асосий вазифаси — Ер ҳақидаги фанлар бўйича назарий ва амалий тадқиқотларга ёрдам бериш; минерал хом ашё турларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш ва хом ашё б-н таъминлаш йўлларини ишлаб чиқиш; конларни ўзлаштириш; ичимлик суви муаммолари; зилзилашунослик ва б. бўйича маълумотлар ва тажриба алмашишдан иборат. 1875 й.да қабул қилинган Низомга мувофиқ, Х.г.к. ҳар сафар навбат б-н турли мамлакатларда ўтказилади. 2004 й.гача жами 32 та конгресс бўлиб ўтган; илк бор 1878 й. Парижда — навбатдаги сўнггиси 2004 й. Флоренция (Италия) ш.да бўлиб ўтди. Ҳар бир сессия муайян илмий мавзуга бағишланиб, асосан, инглиз тилида олиб борилади. Унда энг яхши илмий иш учун Спендиаров мукофоти (1897 й. Рус геологи Л.А. Спендиаров хотирасига таъсис этилган) берилади. Анъанага кўра, бу мукофот соҳиби конгресс ўтказилаётган мамлакатнинг энг иқтидорли ёш олими бўлиши керак.

ХАЛҚАРО ГЕОФИЗИКА ЙИЛИ — 1957 й. 1 июлдан 1958 й. 31 дек.гача ўтган (18 ой) давр; бу давр ичида бутун Ер шаридаги 67 мамлакатда ягона дастур ва методика асосида геофизик кузатишлар ва тадқиқотлар олиб борилди. Х.г.й. бундан илгари ўтган иккита Халқаро қутб йилларининг давоми бўлди. Қуёш активлигининг максимум даврига тўғриланган Х.г.й. дастурига қуйидаги кузатишлар киритилди: аэрологик ва метеорологик, океанографик, гляциологик, магнит, гравиметрик ва сейсмик; устки атмосфера — қутб ёғдулари, ионосфера, метеорлар, космик нурлари ҳам ўрганилди. Натижада Қуёш б-н Ер ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганишнига катта ҳисса қўшилди. Антарктидани тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этди, у ерда турли мамлакатлар ўз базаларини барпо этишди. Х.г.й. кузатиш материаллари асосида Антарктидада Жан. совуқлик қутби аниқланди, у ерда йиллик ўртача т-ра —57° лиги қайд этилди. Озон қатлами тропик минтақаларда жуда юқорида ва юпқа, қутбий минтақаларда эса қалин ва паст жойлашганлиги исбот этилди. Шарқий Сибирда янги музликлар борлиги аниқланди.

ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ ПОЛИЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ — қ. *«Интерпол»*.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК — халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим кўринишларидан бири. *Жаҳон хўжалиги*нинг ривожланиб, глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб боришн б-н Х.и.ҳ.нинг миллий иқтисодиёт тараққиётидаги аҳамияти ортиб борали. Унинг асосий субъектлари — давлатлар, трансмиллий компаниялар, минтақавий ва халқаро иқтисодий ташкилотлар ҳисобланади. 20-а.нинг 80-й.ларидан эътиборан, Х.и.ҳ. доираси кенгайиб, иқтисодий муносабатларни кенг кўламда қамраб олди, ташқи ва халқаро савдо, кредит муносабатлари, валюта ва тўлов — ҳисоб-китоб соҳаси, миграция ва капитал чиқариш, минтақавий интеграция, трансмиллий компанияларни ташкил этиш ва кредит-молия ин-тларини шакллантириш, халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиб, илмий-техника ва и.ч. соҳаларида муваффақиятли амалга оширилмоқда. Х.и.ҳ. унинг субъектлари иқтисодий манфаатларини миллий чегаралардан ташқарида рўёбга чиқаришнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Жаҳон давлатлари ўзларининг туб ички манфаатларини амалга ошириш мақсадида, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда Х.и.ҳ.нинг муайян йўналишларида фаоллик кўрсатдилар. Мас., саноати ривожланган мамлакатларнинг ахборот технологиялари савдосида, халқаро валюта-кредит ва молиявий ин-тлар фаолиятида юқори мавқе б-н иштироки кузатилади. Ривожланаётган мамлакатлар Х.и.ҳ.нинг ишчи миграцияси, капитал киритиш, инвестицион товарлар импорти йўналишларига устуворлик берадилар.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жаҳон хўжалигига чуқурроқ интеграциялашиш мақсадида Х.и.ҳ. бир неча йўналишларида ривожлантирилмоқда. Ташқи савдо таркибини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида қатнашиш, минтақавий иқтисодий бирлашмалар б-н ҳамкорлик қилиш шулар жумласидандир. Кейинги йилларда Ўзбекистон ишчи кучини экспорт қилиш борасида ҳам хориж мамлакатлари б-н яқиндан ҳамкорлик қилмоқда (яна қ. *Халқаро меҳнат тақсимоти*, *Ташқи савдо*).

Неъмат Холматов.

ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР — *халқаро шартнома* турларидан бири; давлатларнинг, одатда, бирон-бир ихтисослашган соҳада ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Кўп томонлама Х.к. умумий характердаги нормаларни ўз ичига олади (мас., халқаро гуманитар ҳуқуқ бўйича 1899 ва 1907 й.лардаги Гаага конвенциялари, 1949 й.даги *Женева конвенциялари* ва б.). Аксарият Х.к. БМТ ва унинг ихтисослашган халқаро ташкилотлари томонидан қабул қилинади.

ХАЛҚАРО КООПЕРАТИВ АЛЬЯНСИ, ХКА — миллий ва минтақавий кооперативлар уюшмалари ва кооператив федерациялари (матлубот, кредит, қ.х. ва б.)ни бирлаштирувчи халқаро ташкилот. БМТда маслаҳат мақомига эга.

1895й.да Лондонда ташкил этилган. Асосий мақсади барча мамлакатларда кооперациялар ривожланишига ёрдам бериш, кооператив ҳаракат тамойилларини тарғиб этиш, турли мамлакатлардаги кооператив ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга ёрдам бериш ва б. ХКА БМТнинг бир қатор органлари ва ихтисослашган ташкилотлари б-н ҳамкорлик қилади. ХКА қошида халқаро ёрдамчи қўмиталар қ.х. кооперациялари, суғурта, кредит, уй-жой, матлубот савдоси, и.ч. ва ҳунармандчилик кооперативлари муаммоларини ўрганиш б-н шуғулланади.

ХКА ташаббуси б-н 1923 й.дан бошлаб ХКАга аъзо мамлакатларда ҳар йили июль ойининг 1-шанбаси кооператив ташкилотлар ва корхоналар аъзоларининг халқаро бирдамлик куни — Халқаро кооперация куни тарзида нишонланади.

ХКАнинг раҳбар органлари — Конгресс (3—4-й.да бир марта чақирилади), Марказий қўмита (ҳар йили чақирилади), Ижроия қўмита (ХКА Президенти ва 2 вице-президенти ва 13 аъзодан иборат). Кундалик ишларга директор ва секретариат раҳбарлик қилади. Штаб-квартираси Женевада.

ХКА 2000 й. бошларида 540 млн. аъзодан иборат (76 мамлакат) кооператив ташкилотларини бирлаштирди. Ўзбекистонни ХКАда *«Ўзбекбирлашув»* тақдим этади, 1992 й. окт.да Японияда ўтказилган йиллик сессиясида Ўзбекистон ХКА аъзолигига қабул қилинган.

Муҳтор Расулов.

ХАЛҚАРО КРЕДИТ — давлатлар, банклар, фирмалар, бир мамлакатдаги жисмоний ва юридик шахслар томонидан бошқа мамлакатлар ҳукумонидан бошқа мамлакатлар ҳукуматлари, банклари, фирмаларига бериладиган кредитлар; пул ва моддий воситаларнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги ҳаракати. Х.к. *жаҳон хўжалиги*нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши б-н боғлиқ. Х.к.нинг моҳияти, шакли ва вазифалари ижтимоий-иқтисодий шароитга қараб ўзгариб туради. Муддатига кўра қисқа (1 йилгача), ўрта (1 йилдан 5—7 йилгача), узоқ (5—7 йилдан кўп) муддатли бўлади. Фирма кредитлари асосан қисқа ва ўрта муддатларда товар шаклида тақдим этилади. Банк кредитлари тўғридан-тўғри ёки экспорт-импорт банклари томонидан йирик лойиҳаларни молиялаштиришда қўлланилади. 20-а.нинг 50-й.ларидан бошлаб давлатлараро кредитлар кенг тус олди. *Халқаро валюта фонди*, *Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки*, *Европа тикланиш ва тараққиёт банки*, *Осиё ривожланиш банки* ва б. банклар фаолиятида аъзо мамлакатларга кредитлар ажратиш муҳим ўринда туради. 20-а. охирларидан Х.к.нинг *лизинг*, *факторинг* ва қопланма битишувлар бўйича кредитлар турлари кенг тарқалди (қ. *Кредит*).

ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОЙИ — Ўзбекистон Бадиий академиясининг илмий-маърифий маркази. 2002 й. ўзбек-япон ҳамкорлиги ризида ташкил бўлган. Биноси *Хираяма* Икуо маблағига қурилган. Бино 2 қисм (А ва Б блок)дан иборат: А блокда кутубхона, конференция зали, маъмурий хоналар, лаборатория ва б., Б блокда «Буюк ипак йўли керамикаси» музейи, кўргазма зали, археологик топилмаларни таъмирлаш лаб. жойлашган. Маданият карвонсаройи тарих, маданият, археология, этн. ва санъат йўналишларини ўз ичига олади. Марказнинг асосий вазифаси — Буюк ипак йўли давлатлари, Ғарб ва Шарқ, Ўзбекистон тарихи, маданияти, санъати ва илм-фанини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси ва чет эл ҳамжамиятининг шу соҳалар бўйича билим даражасини кенгайтириш. Хираяма Икуо жаҳон маданияти ва санъати ривожини ўз ичига олган 2 мингта китобни марказ кутубхонасига тақдим этди, 2004 й. Япония ҳукумати кўргазма ускуналар мажмуасини совға қилди. Марказда халқаро анжуманлар, кўргазмалар, концертлар, ижодий учрашувлар ўтказиш анъанага айланди. Шунингдек, ўзбек-япон археологик экспедициялар ҳамкорлигининг келажак йўлланмалари белгиланмоқда. «Буюк ипак йўли керамикаси» музейи фаолият кўрсатмоқда.

Музей Ўзбекистон ҳамда Хитой, Эрон, Вьетнам каби хорижий давлатларнинг қад. кулолчилик мактабларига оид тўпламлар, археологик экспедициялар даврида топилган (Тошкент вилоятидаги Қанқа, Сурхондарёдаги қад. ёдгорликлар) ноёб экспонатларга эга.

ХАЛҚАРО МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИ — метеорологияга доир халқаро аҳамиятга молик тезкор ва илмий масалаларни биргаликда ҳал қилиш мақсадида метеорологик хизматларнинг ишини мувофиқлаштириш учун тузилган ҳамкорлик ташкилоти. 1871 й.да Женевада асос солинган. Дастлаб Х.м.т. директорлар конференциясидан иборат бўлган, кейинчалик президент томонидан бошқариладиган ижрочи котибиятдан, шунингдек, жаҳондаги метеорология тармоқлари, аэрология, иқлимшунослик, синоптик ахборотлар ва б. масалалар б-н

Халқаро маданият карвонсаройи.

шуғулланадиган бир қатор комиссия ва кичик комиссиялардан иборат бўлиб қолди. Бу ташкилот айрим ҳолларда халқаро съездлар уюштириб туради. БМТ метеорология хизмати директорларининг Вашингтон конференцияси қарорига биноан, 1947 й.да Х.м.т. ўрнига *Жаҳон метеорология ташкилоти* (ЖМТ) ташкил қилинди (унга 150 дан ортиқ давлат аъзо, Ўзбекистон Республикаси 1992 й. 23 декабрда аъзоликка қабул қилинган).

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ (ХМТ) — БМТнинг ихтисослашган муассасаси. 1919 й.да Миллатлар лигаси (иттифоқи) ҳузурида меҳнат қонунлари ва меҳнат шароитларини яхшилаш масалалари бўйича конвенция ва тавсияларни ишлаб чиқиш учун халқаро комиссия сифатида тузилган; Х.м.т. 8 соатлик иш куни, оналикни ҳимоя қилиш, болалар меҳнатига оид қонунлар ва иш ўринларида хавфсизликни таъминлаш юзасидан халқаро меъёрлар ишлаб чиқилишига, иш б-н бандлик дастурларини тайёрлашга катта ҳисса қўшди.

Х.м.т.га 170 дан ортиқ давлат аъзо (2000). Ўзбекистон Республикаси 1992 й. Х.м.т.га аъзо давлатлар таркибига кирган, ташкилотнинг 11 та конвенциясини ратификация қилган. Бу ташкилот меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилаш, иш б-н тўлиқ бандликни таъминлаш ва турмуш даражасини кўтариш, тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасида ҳамкорликни рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш учун ҳукуматлар, тадбиркорлар ва меҳнаткашларни тенг ҳуқуқларда бирлаштиради. Х.м.т. таркиби Халқаро меҳнат конференцияси; маъмурий кенгаш; халқаро меҳнат бюроси; уч томонлама қўмиталар; минтақавий ва махсус конференциялардан ташкил топган. Қароргоҳи Женевада. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун Нобель мукофотига сазовор бўлган (1969).

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ — айрим мамлакатларнинг муайян маҳсулотларини и.ч.га ихтисослашуви ва маҳсулотларни айирбошлаши. Ижтимоий-ҳудудий меҳнат тақсимотининг юқори шакли, *жаҳон бозори*нинг ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил этади, давлатлар миллий хўжаликларини жаҳон хўжалиги тизимига бирлаштириш омили бўлиб, объектив жиҳатдан меҳнат унумдорлигининг ўсишига ёрдам беради. Жамият тараққиётининг дастлабки даврларида айрим мамлакатларда табиий шароитлар тафовути б-н боғлиқ бўлган Х.м.т.нинг содда кўринишлари мавжуд бўлган. 19-а.нинг ўрталаридан Европа мамлакатларида жуда катта миқдордаги хом ашё, тез ўсиб бораётган шаҳар аҳолиси учун озиқ-овқат келтиришни талаб этган машина индустриясининг пайдо бўлиши Х.м.т.нинг ривожланган шаклларини юзага келтирди. Х.м.т.ни шакллантирган яна бир муҳим омиллардан бири — мустамлакачилик системасининг пайдо бўлиши ҳисобланади. 20-а. бошларига келиб мустамлака ва қолоқ мамлакатлар тамомила «жаҳон қишлоқлари»га, Европа ва Шим. Американинг саноати ривожланган мамлакатлари «жаҳон шаҳарлари»га айланди. Х.м.т.нинг бу хусусияти 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам сақланиб қолди. 1960-й.ларда собиқ мустамлака ва ярим мустамлакалар — жаҳон аҳолисининг 80% дан ортиги яшайдиган Лотин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатлари ҳиссасига жаҳон саноат маҳсулотларининг тахм. 15% тўғри келди. Бу мамлакатлар экспортининг асосий қисмини хом ашё ва озиқ-овқат ташкил этган ҳолда уларнинг импортга қарамлиги жуда юқори эди, чунки бу мамлакатлар зарур саноат товарларининг деярли барчасини ва етишмайдиган озиқ-овқатни четдан келтиришга мажбур эди.

Фан-техника тараққиёти шароитларида Х.м.т. тобора ривожланган шаклларга эга бўлиб боради, халқаро ихтисослашувга эҳтиёж кучаяди, чунки бир мамлакат доирасида ҳоз. техника тараққиёти даражасида муттасил ортиб бораётган маҳсулотларнинг барча турини кенг миқёсда и.ч. мумкин эмас. Ҳозирги Х.м.т.нинг хусусияти — ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар ўртасидаги Х.м.т.да тармоқлараро ихтисослашув етакчи ўринда турса, ривожланган мамлакатлар ўртасида тармоқлар ичида ихтисослашишнинг чуқурлашаётганидир.

Ривожланган мамлакатларнинг халқаро ички тармоқ ихтисослашуви (маҳсулот, деталь, технология бўйича) мамлакатлараро саноат маҳсулотлари савдосининг ортишига олиб келади. Бу мамлакатлар и.ч.нинг юқори ёки пастроқ даражадаги комплекс тармоқ тузилмасига эга. Бундай шароитларда Х.м.т.нинг ички тармоқ ихтисослашуви йўналишида чуқурлашуви энг янги тармоқлар ривожланишининг зарурий шартига айланади. Ички тармоқ ихтисослашувининг йўналишларидан бири — маҳсулот тури бўйича ихтисослашиш ҳисобланади, яъни муайян маҳсулот турини и.ч. у ёки бу мамлакатда амалга оширилади (мас., тракторсозлик АҚШда юқори қувватли ғилдиракли ва занжирли тракторлар и.ч.га, Буюк Британияда ўртача типдаги ғилдиракли тракторлар и.ч.га, Германияда қуввати кичик тракторлар и.ч.га ихтисослашган).

Деталь бўйича ихтисослашишда айрим мамлакат з-длари пировард маҳсулот учун қисм тарзида фойдаланиладиган бутловчи қисмлар, деталлар и.ч.га ихтисослашади. Мас., «Роллс-Ройс» инглиз фирмаси АҚШ, Франция ва б. мамлакатларда тайёрланадиган самолётлар учун реактив двигателлар ишлаб чиқаради. Бу жараёнда бир ривожланган мамлакатдан бошқасига капитал чиқарилишининг кўпайиши, турли мамлакатлар корхоналари ўртасида ихтисослашув ва кооперациялашувнинг ривожланиши муҳим роль ўйнайди. Фирмалараро кооперация (қўшма корхоналар), жуда улкан трансмиллий корпорацияларнинг ташкил этилиши, саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётларининг интеграцияси (қ. *Европа Иттифоқи*) ҳам ривожланган мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимотини чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Х.м.т.да пахта толаси, энергетика ресурслари (табиий газ, электр энергияси), рангли металлар, ўғитлар ва б. маҳсулотлар етказиб берувчи мамлакат тарзида иштирок этади (яна қ. *Меҳнат тақсимоти*).

Аҳмаджон Ўлмасов, Алишер Ваҳобов.

ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ, ХМК (IFC, International Finance Corporation) — БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси; *Жаҳон банки гуруҳи*га киради. 1956 й.да *Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки* (ХТТБ) нинг филиали тарзида ташкил этилган, кейинчалик мустақил юридик шахс. Аъзо давлатлар сони 174 та (1998). ХМК Штаб-квартираси Вашингтонда. ХМКнинг олий органи — Бошқарувчилар кенгаши ва директорат (24 ижрочи директорлар)га ХТТБнинг бошқарувчилари ва ижрочи директорлари киради ва улар ХМКда ҳам тегишли лавозимларни эгаллайдилар. ХТТБ президенти ХМКнинг ҳам президенти ҳисобланади. ХМКнинг ижрочи вице-президенти умумий бошқарув ва корпорациянинг жорий операцияларига жавоб беради. Бундан ташқари ХМКда 7 та вице-президент бўлиб, улар 5 минтақавий [Африка (Сахара жан.роғидан), Осиё; Ўрта Осиё, Яқин Шарқ ва Шим. Африка; Европа; Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси] ва 4 тармоқ (агробизнес; кимё, нефть кимёси ва ўғитлар; инфратузилма; нефть, газ ва тоғ-кон саноати) департаментлари ишини назорат қилади. ХМК ҳузурида банк ишлари маслаҳат

комиссияси фаолият кўрсатади. Корпорациянинг расмий мақсадлари: хусусий секторга молиявий ёрдам кўрсатиш б-н ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига кўмаклашиш, шунингдек, и.ч. соҳасида тадбиркорликни рағбатлантириш орқали аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига ёрдам кўрсатиш. ХМК фақат юқори рентабелли лойиҳаларга кредитлар ажратади. Қарзлар 15 йилга қадар муддат б-н ссуда капитали бозоридаги ўртача йиллик фоиз ставкаларидан юқорироқ фоиз ставкаларида берилади.

1961 й.дан корпорация кредитлар ажратиш б-н бирга қурилаётган корхоналар акциядорлик капиталига инвестициялар киритиш ва кейинчалик бу акцияларни хусусий инвесторларга сотишни ҳам амалга оширади. Корпорация иштироки ҳиссаси, одатда, акциядорлик капиталининг 1/5 қисмидан ортиқ бўлмайди. 1986 й.да ХМКда хорижий инвестициялар бўйича Маслаҳат хизмати ташкил этилган. Бу хизмат ҳукуматларга узоқ муддатли ривожланиш эҳтиёжлари учун капитал жалб этиш, мақбул инвестиция муҳитини яратиш учун қонунчилик, стратегиялар, қоида ва тартиблар масалаларида маслаҳатлар беради. ХМК молиялаштиришда ҳукуматлар кафолатларини қабул қилмайди ва хусусий молия тузилмаси тарзида ўзининг молиявий ва б. хизматларини бозор нархларида тақдим этади.

ХМК ташкил этилган пайтдан бошлаб 2004 й.гача жаҳоннинг 140 та ривожланаётган давлатларининг 2825 та компаниясини молиялаштириш учун 34 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағларини йўналтирган.

2002 й.да Тошкентда ХМКнинг миссияси иш бошлади. Корпорация Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантиришга, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. 2002 й.да ХМК Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш учун 45,0 млн. АҚШ доллари ажратди.

21-а. бошидан Ўзбекистонда ХМКнинг «Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш бўйича лойиҳа»си амалга оширилмоқда. 2002 й. охирларида ХМК *Европа тикланиш ва тараққиёт банки* б-н ҳамкорликда «Ўзбеклизинг Интернешнл» компаниясига 4,5 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очди.

Ҳўжаёр Шеннаев.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҚЎМИТАСИ (ХОҚ) — олимпиада ҳаракатининг олий раҳбар органи; ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро спорт ташкилоти. 1894 й. П. Де Кубертен ташаббуси б-н *Олимпиада ўйинлари* ўтказишни бошқариб туриш, бу ўйинларнинг ижтимоий аҳамияти ва обрўсини кўтариш, ҳаваскорлик спортини ривожлантиришга ва барча мамлакатлар спортчилари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида тузилган. ХОҚ — доимий ишлайдиган ташкилот, ўз аъзоларини турли мамлакатлардаги спорт ҳаракатининг энг фаол ташкилотчилари орасидан танлаб олади. ХОҚ ижроия қўмитаси президент (8 йил муддатга сайланади), уч вице президент ва 5 нафар аъзодан иборат. Олимпиада ўйинлари хартияси — ХОҚнинг устав ҳужжатидир. ХОҚ сессиялари ҳар йили ўтказилади, олимпиада ўйинлари бўладиган йилларда — икки марта: ёзги ва қишки ўйинлар вақтида ўтади. Олимпиада ўйинлари вақтида ХОҚ мусобақаларни ўтказишга раҳбарлик қилиш ҳуқуқини Халқаро спорт федерацияларига беради.

ХОҚ ҳозиргача 200 дан ортиқ миллий олимпиада қўмиталарини (шу жумладан, 1993 й. Ўзбекистон миллий олимпиада қўмитасини) тан олган. ХОҚ қароргоҳи Лозанна (Швейцария) ш.да жойлашган.

ХАЛҚАРО САВДО-КЎРГАЗМА МАЖМУАСИ, «Тошкент-плаза» халқаро савдо-кўргазма мажмуаси — Тошкент ш.даги йирик савдо-кўргазма маркази; мажмуа номидаги «плаза» атамаси Шарқда кенг маънони англатадиган *тим* сўзига яқин. 1999 й.да бунёд этилган (меъмори А.Тўхтаев). «Интерконтинентал» меҳмонхонасидан жан.роқда. 2 қаватли ва ер ости омборхонасига эга бўлган бино 3 минг кв. м дан ортиқ савдо майдонига эга. Усти ёпиқ ички ҳовли (атрий) меъморий мужассамотининг марказида, унинг икки ёнида расталар жойлашган. Савдо расталаридан дунёга машҳур фирмаларнинг дўконлари ўрин олган. Ҳовли марказида ҳовуз ва унинг томида суви паст (ҳовуз)га оқиб тушадиган фаввора жойлаштирилган. Маъмурият, учрашувлар зали 1-қаватда жойлашган.

Мажмуа Амир Темур кўчаси б-н собиқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бош павильони олдини ўзаро боғлайди.

ХАЛҚАРО СПОРТ БИРЛАШМАЛАРИ — жисмоний маданият, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги жаҳон ва минтақавий ноҳукумат ташкилотлари. Уларнинг сони ҳоз. вақтда 200 тадан ортиқ. Х.с.б. — универсал (мас., *Халқаро олимпиада қўмитаси* — ХОҚ), спорт турлари бўйича федерациялар (*ФИФА*, *ФИДЕ*, ФАИ ва ҳ.к.) тарзида бўлади. Гимнастика федерацияси (1881 й. тузилган), академик эшкак эшиш (1892), конькида югурувчилар уюшмаси (1892), ХОҚ (1894) энг аввал ташкил қилинган. Халқаро спорт бирлашмаси ҳисобланади.

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТИ (ХСТ) — бутун жаҳон мамлакатлари учун умумий бўлган (халқаро) стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда стандартлаштириш соҳасида жаҳон миқёсида ҳамкорлик қилиш б-н шуғулланадиган нодавлат ташкилот. Лондонда 1946 й. таъсис қилинган. Идораси Лондонда жойлашган. Х.с.т.га 90 мамлакатнинг стандартлаштириш миллий ташкилоти аъзо (2004). Ўзбекистон Республикаси Стандартлаштириш ва сертификациялаштириш давлат қўмитаси (2002 й. ноябрдан «Ўзстандарт» агентлиги) 1992 й. мартдан аъзо.

ХАЛҚАРО СУД — БМТнинг асосий судлов органи. 1945 й. ташкил топган. Давлатлар ўртасидаги юридик низоларни уларнинг розилиги б-н ҳал қилади ва ҳуқуқий масалалар бўйича тавсиявий хулосалар беради. 15 нафар судьялардан иборат, улар БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан 9 йилга сайланади. БМТ Уставининг ажралмас қисми ҳисобланадиган Статут асосида иш олиб боради. Х.с. Гаага ш.да жойлашган.

Халқаро савдо-кўргазма мажмуаси.

ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ УЮШМАСИ, ХТУ (IDA, International Development Association) — БМТнинг ихтисослашган муассасаси, *Жаҳон банки* гуруҳига киради. 1960 й.да *Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки* (ХТТБ)нинг филиали тарзида ташкил этилган. 160 давлат аъзо. Бошқаруви ва штаб-квартираси ХТТБ билан ягона, Вашингтонда жойлашган.

Уюшманинг расмий мақсадлари: энг камбағал мамлакатларга фоизсиз кредитлар ажратиш йўли б-н уларнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам кўрсатиш. Бундай мамлакатларга аҳоли жон бошига йиллик ялпи ички маҳсулот 925 доллардан ортиқ бўлмаган (1997) давлатлар киради. Бу мезон асосида ХТУ дан қарз олиши мумкин бўлган мамлакатлар сони 70 га яқин; ХТУ кредитлари Жаҳон банки берадиган жами қарзларнинг 1/4 қисмини ташкил этади ва фақат ҳукуматларга берилади. Уюшма камбағал мамлакатларга 35—40 йилга фоизсиз кредитлар (улардан маъмурий харажатларни қоплаш учун йиллик 0,75% миқдорида комиссион ҳақ олинади) беради. Қарзларни қайтариш 10 йиллик имтиёзли даврдан кейин бошланади. 1998 й. ўрталарида ХТУ кредитлари 109,1 млрд. долларни ташкил этади. 1998 молия йилида 19 мамлакатга умумий миқдори 7,5 млрд. доллар бўлган 67 та қарз ажратди.

Хўжаёр Шенгаев.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР — давлатларнинг ёки ҳукумат қарамоғида бўлмаган миллий жамият (ассоциация)ларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, фан-техника, маданият ва ш.к. соҳаларда умумий мақсадларга эришиш учун тузилган уюшмаси; давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг энг муҳим шаклларидан бири. Х.т. 19-а.да вужудга келди ва 2-жаҳон урушидан кейин кўплаб тузила бошлади. Ҳоз. кунда Х.т.нинг сони 4 мингдан ортиқ бўлиб, 300 таси ҳукуматлараро ташкилотдир. Х.т. ўзига хос бир қанча хусусиятлари б-н ажралиб туради. Жумладан, Х.т.нинг тузилмаси, асосий мақсад ва ташкилот фаолиятининг йўналишларини белгилаб берувчи таъсис ҳужжати (устави) бўлади; бундай ташкилотлар доимий ёки вақт-вақти б-н фаолият юритади; кўп томонлама музокаралар ва муаммоларни муҳокама қилиш улар фаолиятининг асосий усули ҳисобланади; қарорлар овоз бериш ёки консенсус йўли б-н қабул қилинади; қарорлар, одатда, тавсиявий кучга эга бўлади. Ҳукуматлараро Х.т. ва ноҳукумат Х.т., шунингдек, умумжаҳон ва минтақавий ташкилотлар фарқланади.

Х.т. ташкилот, иттифоқ, жамғарма, банк, агентлик, марказ ва ш.к. номлар б-н аталади.

Ўзбекистон Республикаси 50 дан ортиқ нуфузли Х.т.нинг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ — бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган *терроризм;* оламларнинг беҳуда ҳалок бўлишига олиб келувчи, давлатлар ва улар расмий вакилларининг нормал дипломатик фаолиятини бузувчи ҳамда халқаро алоқалар ва учрашувларни, шунингдек, давлатлар ўртасида транспорт ва бошқа алоқаларни амалга оширишни қийинлаштирувчи халқаро миқёсдаги ижтимоий хавфли ҳаракат ва қилмишлар йиғиндиси. Х.т. 20-а.нинг 60—70-й.ларига келиб ўзини яққол намоён қилди: дастлаб турли давлатлардаги жиноятчилар, ўз давлатига нисбатан экстремистик руҳдаги гуруҳлар бирлашиб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолаётган ва кам ривожланган мамлакатларда ҳаракат кўрсата бошлади. Халқаро террорчилар айрим давлатларнинг раҳбарларига, халқаро миқёсда обрўга эга бўлган сиёсатчиларга четдан туриб суиқасд уюштириш, давлат, транспорт, алоқа ва миллий хавфсизлик тизимини ишдан чиқарувчи портлашлар ва ҳаракатлар содир этиш, транспорт воситалари, жумладан, самолётларни олиб қочиш б-н шуғуллана бошладилар. 80-й.ларга келиб Х.т. янада жиддий тус олди. Бегуноҳ, тинч аҳоли ўртасида кўпдан-кўп қурбонлар бўлиши, халқаро террорчиларнинг бошқа ёвузликлари жаҳон жамоатчилигини қаттиқ ташвишлантириб қўйди. 1978 й. кучли «еттилик» давлатлари раҳбарларининг Бонн (ГФР) ш.даги учрашувида Х.т.га қарши кураш тўғрисида баёнот қабул қилинди. Х.т.нинг ошиб бораётган хавфи ва унга қарши кураш масалалари олий даражадаги кейинги барча учрашувларнинг асосий мавзуи бўлиб қолди. Чунки халқаро террорчилар бир тизимга бирлашиб, байналмилаллашди. Улар сафида турли давлат, миллат вакиллари, диний экстремистик руҳдаги шахслар, наркобизнес ва қурол-яроғ савдосидан фойда кўрувчи жиноий тўдалар, ёлланиб хизмат қилувчилар пайдо бўлди. Халқаро террорчилик ва экстремизм марказларида разил жиноятчиларни тайёрлайдиган махсус лагерлар очилди. Халқаро террорчилар аҳолини, хусусан, диндорлар ва ёшларни давлатга, давлат ташкилотларига қарши қўйишга ҳамда ҳокимиятга қарши мухолафатни шакллантиришга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъият б-н курашиб келмоқда. ЎзР кўплаб халқаро битимларнинг, чунончи, Х.т. кўринишларига қарши курашга қаратилган битимларнинг, жумладан, ҳаво кемаларини қонунга хилоф равишда эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги 1970 й.ги Гаага конвенциясининг, Фуқаро авиациясининг хавфсизлигига қарши қаратилган қонунга хилоф ҳаракатларга қарши кураш тўғрисидаги 1971 й.ги Монреаль конвенциясининг, Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги 1973 й.ги конвенциянинг , терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги ва б. конвенцияларнинг иштирокчиси. 2004 й. 1 январдан Тошкентда *Шанхай ҳамкорлик ташкилоти* (ШҲТ)нинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси фаолият кўрсата бошлади.

Ад.: Каримов И.А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., 1997. Каримов И.А., Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ, Т., 2004.

Сайфиддин Жўраев.

ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ, ХТТБ (IBRD, International Bank for Reconstruction and Development) — БМТнинг ихтисослашган муассасаси. Жаҳон банки гуруҳига киради. *Халқаро валюта фонди* б-н бир вақтда, БМТнинг 1944 й.да Бреттон-Вудс (АҚШ)да ўтказилган халқаро валюта-молия конференцияси қарорига кўра ташкил этилган. 1946 й.дан ўз фаолиятини бошлаган. Аъзо давлат сони — 181 та (1999). Унга фақат давлатларгина аъзо бўлиши мумкин. Штаб-квартираси Вашингтонда.

Банк даромади ўртача ва даромади паст мамлакатларга қарз беради ва ёрдам кўрсатади. Банкнинг расмий мақсадлари: и.ч. мақсадлари учун капитал қўйилмаларни рағбатлантириш йўли б-н аъзо давлатларнинг тикланиш ва тараққиётига кўмаклашиш; и.ч. мақсадларидаги хусусий чет эл инвестицияларини рағбатлантириш; узоқ муддатли мувозанатланган ўсишни ва банк аъзолари бўлган давлатларнинг и.ч. ресурсларини ривожлантириш учун халқаро инвестицияларни рағбатлантириш йўли б-н тўлов балансининг барқарорлигини сақлашга кўмаклашиш ва б. Банк устав капитали аъзо давлатларнинг банк акцияларини сотиб олиши ҳисобига шаклланади. Банкдаги пайларнинг 40% дан кўпроғи етакчи ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия, Франция,

Канада ва Италия ҳиссасига тўғри келади. ХТТБнинг олий органи — Бошқарувчилар кенгаши. Ҳар бир аъзо давлат Кенгашда молия ёки режалаштириш вазири даражасидаги ва 5 й.га тайинланадиган бир бошқарувчи (ва бир ўринбосарига эга.

Бош ижроия орган — ижрочи директорлар кенгаши. 24 ижрочи директордан 5 таси Банкнинг йирик акциядорлари бўлган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия) томонидан, қолган 19 таси мамлакатлар гуруҳлари томонидан тайинланади. Банкни президент бошқаради. Бошқарувчилар кенгаши сессиялари йилда 1 марта ўтказилади. Мамлакатлар ХТТБ капиталидаги ўз пайи салмоғига мутаносиб овоз ҳуқуқига эга. Банкда ривожланаётган мамлакатларга молиявий ресурслар ажратиш масалалари бўйича Тараққиёт қўмитаси — ХХТБ ва ХВФ Бошқарувчилар Кенгашларининг қўшма қўмитаси мавжуд.

Банк кредитларини молиялаштиришнинг асосий манбаи — ссуда капитали бозорларида маблағларни жалб этишдир. Хусусий банклар ва бошқа кредит муассасалари амалда кредит хатари бўлмаган юқори фоиз ставкалари (6% дан ортиқ) эвазига Банк облигацияларини сотиб оладилар. Банк ҳукуматларга ва давлат кафолати б-н хусусий корхоналарга қарз беради, айни пайтда муттасил соф даромад ҳам олади. 1994 й.да Вашингтон, Лондон, Париж, Токиода аъзо мамлакатлардаги лойиҳалар тўғрисида ахборотлар берадиган янги ахборот марказлари ташкил этди. 1998 й.да банк 21,1 млрд. доллар қарз бериб, унинг соф фойдаси 1,2 млрд. долларни ташкил этди.

Одатда, банк объект қийматининг 30% га яқин қисмини қоплайдиган кредитлар беради, унинг қолган қисми ички ёки бошқа ташқи манбалар ҳисобига қопланиши лозим. Кредитлар ссуда капитали бозоридаги фоиз ставкалари даражаси б-н белгиланадиган юқори фоизларда 20 йилгача муддатга берилади. Банк кредитларининг асосий қисми энергетика, транспорт, алоқа ва инфратузилманинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга мўлжалланади. Банк ўз фаолиятини бошлаганидан бери (1998 й.нинг 30 июнига қадар) энг кўп қарз олган мамлакатлар (млрд. доллар): Мексика (29,1), Бразилия (25,7), Ҳиндистон (25,4), Индонезия (24,4), Хитой (21,4), Аргентина (14,5), Корея Республикаси (13,5), Туркия (13,2), Филиппин (9,9), Россия (9,8).

Банк кредитлар ажратишдан ташқари мамлакатларга лойиҳаларни тайёрлашда ёрдам кўрсатади.

1992 й. Ўзбекистон ХТТБ га аъзо бўлиб кирди ва 1993 й.да унинг ваколатхонаси Тошкент ш.да фаолият кўрсата бошлади. 1993 й. ноябрь ойида Ўзбекистон учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, молиявий секторни ривожлантириш бўйича таркибий йўналиш ва дастурларни ишлаб чиқишни молиялаштириш учун 21,0 млн. АҚШ доллари миқдорида дастлабки қарз маблағлари ажратди. 1994—2000 й.ларда банк томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турли лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида жами 458,0 млн. доллар миқдорида қарз маблағлари ажратилди. Улардан энг йириклари мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантиришга (66,0 млн. доллар) ва сув таъминоти, санитария ва саломатлик тадбирларини молиялаштиришга (75,0 млн. доллар) сарфланди.

2003 й.да Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши Ўзбекистонга 60,0 млн. доллар миқдорида (унинг ярми ХТТБ томонидан 20 й. муддатга имтиёзли фоиз ставкаларида) кредит маблағлари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хўжаёр Шенгаев.

ХАЛҚАРО ТИЛЛАР — турли давлатлар халқларининг алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган тиллар. Табиий тилларга ва сунъий тилларга бўлинади. Т а б и и й Х.т.нинг халқаролик вазифаси аниқ бўлса-да, миллий ёки қабилавий тиллардан фойдаланишга нисбатан иккинчи даражали ҳисобланади. С у н ъ и й Х.т.нинг халқаролик вазифаси бирламчи ҳисобланса-да, улар ҳар доим ҳам рўёбга чиқмаган, чунки бундай тилларнинг ҳаммаси ҳам миллатлараро алоқа-аралашув амалиётида қўлланавермаган.

Табиий Х.т. қад.да ва ўрта асрларда минтақавий характерга эга бўлган (уларнинг қўлланиши муайян минтақа, ҳудуд б-н чегараланган). Чунончи, Қад. Шарқ халқларида алоқа воситаси сифатида хитой тили (иероглифик шаклда), Ғарбий Осиёнинг қад. давлатларида турли даврларда шумер, аккад ва оромий тиллари қўлланган. Юнон тили эллинистик дунёнинг, лотин тили эса турли тилларда сўзлашувчи Рим империясининг умумий тили бўлган. Ўрта асрларга келиб Яқин Шарқ ҳудудида араб ва форс тиллари, славян мамлакатларида эса қад. славян тили Х.т. вазифасида қўллана бошлаган. Янги даврда, маълум объектив сабаблар туфайли аввалдан сақланиб қолган минтақавий Х.т. гуруҳи б-н бир қаторда дунё миқёсида қўлланувчи Х.т. (жаҳон тиллари) ҳам пайдо бўлди.

У ёки бу тилнинг Х.т. даражасига кўтарилиши экстралингвистик (сиёсий, иқтисодий ва маданий) ва лингвистик (тил функционал тизимларининг ривожланганлиги, соҳавий терминологияларнинг мавжудлиги ва б.) омиллар йиғиндиси б-н белгиланади. Жаҳон тиллари сони тобора ортиб бормоқда. 18-а.дан сўнг («француз тили умумий тил бўлган аср» деб ҳам номланади) аста-секин инглиз ва немис тиллари, 20-а.дан эса рус ва б. бир қанча тиллар жаҳон миқёсида қўллана бошлади. Х.т.нинг халқаролиги уларнинг халқаро ташкилотлар ёки конференцияларнинг (БМТ, ЮНЕСКО) «расмий» ёки «ишчи» тили сифатида тан олиниши туфайли ушбу мақомда юридик жиҳатдан мустаҳкамланиши б-н белгиланади (мас., инглиз, араб, испан, хитой, рус, француз тиллари БМТнинг расмий ва ишчи тиллари ҳисобланади).

Х.т.ни кўп миллатли давлат ичида қўлланувчи, миллатлараро алоқа воситаси ҳисобланувчи тиллардан фарқлаш керак. Баъзи тиллар ҳам халқаро, ҳам миллатлараро тил сифатида қўлланиши мумкин (мас., рус ва хитой тиллари).

Сунъий Х.т. деганда алоқа-аралашув учун махсус шакллантирилган ясама коммуникатив тизимлар тушунилади. Лотин тилининг халқаролик вазифаси сусайиши муносабати б-н 17-а.дан бошлаб сунъий тилларнинг кўплаб лойиҳалари пайдо бўла бошлади. 1629 й.да француз файласуфи Р.Декарт лингволойиҳалаш назариясига асос солди. 17—19-а.ларда сунъий тилларни яратувчилар кўпинча табиий тилларни номукаммал тиллар сифатида танқид қилиб, сунъий тилларни табиий тилларга алмаштирилиши зарур бўлган универсал тиллар деб баҳолаганлар. 18-а. ўрталарида халқаро алоқанинг махсуслашган воситаси ҳисобланган ва табиий тиллар б-н ёнма-ён мавжуд бўлган сунъий тилнинг ёрдамчилик, воситачилик хусусияти ҳақида тасаввур шаклланди. 1879 й.да яратилган *волапюк* ҳам оғзаки, ҳам бадиий ижод соҳасидаги алоқа доирасида қўлланган дастлабки сунъий тилдир. 1884—89 й.ларда волапюк тарафдорларининг 3 та халқаро конференцияси ўтказилган, унда дунёнинг турли мамлакатларида бир неча ўнлаб газ. ва жур.лар нашр этилган бўлса-да, бу ҳаракатлар узоқ давом этмади. Фақат *эсперанто*гина (1887 й.да яратилган) кенг оммалашиб, унда кўп кишилар сўзлашади-

ган бўлди. Шундай бўлса-да, эсперанто ҳар доим тор доирадаги ёрдамчи, иккиламчи тил сифатида қўлланган. Сунъий тиллардан идо (1907), окциденталь (1921—22) ва *интерлингва* (1951) ҳам у қадар муваффақият қозонмай, тор коммуникатив доирада қўлланиб келмоқда (яна қ. *Сунъий тиллар*). Лекин мазкур сунъий Х.т.нинг барчаси ғарбий тиллар материаллари негизида шаклланган бўлиб, шарқ тиллари учун бегона ҳисобланади. Ўтган асрнинг 90-й.ларида Ўзбекистонда ва бир қатор туркийзабон давлатларда туркий халқлар учун муштарак бўлган халқаро тил — ўрта турк тилини яратишга ва жорий қилишга уринишлар, даъватлар бўлган бўлсада, бу уринишлар ҳозирча бирон-бир ижобий натижа бергани йўқ. Ҳақиқий Х.т. фақат тарихий жараёнда аниқ мавжуд бўлган миллий тиллар базасида вужудга келиши мумкин.

Ад.: Свадост Э.П., Как возникает всеобщий язык? М., 1968; Проблемы интерлингвистики. М., 1976; Реформатский А.А., Введение в языковедение. М., 1998.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК — халқаро муносабатлар тизими; ҳамма давлатлар томонидан риоя қилинадиган халқаро ҳуқуқнинг принцип ва нормалари; давлатлар ўртасидаги жанжалли масалаларни ва келишмовчиликларни куч ва куч ишлатиш хавфи б-н бартараф этишни истисно қилишга асосланган. Х.х. принциплари қуйидагиларни назарда тутади: ҳамма давлатлар учун баб-баравар хавфсизликни таъминлаш; ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалий кафолатларни юзага келтириш; ҳар бир халқнинг суверен ҳуқуқларини сўзсиз ҳурмат қилиш; халқаро тинчлик ва минтақавий низоларни сиёсий йўл б-н адолатли бартараф этиш; давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш; *халқаро терроризмни* олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш; *геноцид, апартеидни* тугатиш, *фашизмни* тарғиб қилмаслик, *дискриминациянинг* ҳар қандай шаклларини халқаро амалиётдан йўқотиш; қамал ва санкциялардан (жаҳон ҳамжамияти тавсияларисиз) воз кечиш. Х.х.нинг ажралмас қисми БМТ Устави б-н мустаҳкамланган амалдаги коллектив хавфсизлик механизмидир.

Х.х. ҳар бир даврда турли омилларга: халқаро алоқаларнинг ривожланиш йўналишлари ва хусусиятига, цивилизация даражаси, маънавият ва ш.к.га боғлиқ бўлади. Шахс, синф, жамоат ташкилотлари ва халқаро ташкилотларнинг фаолияти Х.х.га жиддий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси жаҳонда, хусусан, Марказий Осиёда хавфсизлик таъминланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Минтақавий хавфсизликни халқаро хавфсизликни таъминлаш сари» концепцияси Х.х.ни таъминлашнинг янги қоидаси сифатида жаҳон миқёсида тан олинмоқда.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМА — давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ёки бошқа соҳаларга оид ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб берадиган келишув; халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи. Х.ш. 2 томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади. Кўп томонлама шартнома очиқ бўлиши (унга бошқа давлатлар қўшилиши) ва ёпиқ бўлиши (унга бошқа давлатлар Х.ш. иштирокчиларининг розилиги б-нигина қўшилиши) мумкин. Х.ш.нинг номлари турлича: шартнома, битим, конвенция, пакт, декларация, меморандум статут, протокол, устав, баёнот ва б. Х.ш. мудлати тугагандан кейин, унда белгиланган мажбуриятлар бажарилгач, тарафларнинг ўзаро келишуви бўйича ва *денонсация* йўли б-н амал қилишдан тўхтайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Х.ш.ларда тенг, мустақил мамлакат сифатида қатнашадиган бўлди ва кўплан кўп Х.ш.ларни ратификация қилди. Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва б. соҳалардаги барча халқаро ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонуни (1995 й. 22 дек.) б-н тартибга солинади.

ХАЛҚАРО ЭРКИН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ — халқаро касаба уюшмалари маркази; 148 мамлакатдаги умумий сони 157 млн. дан ортиқ аъзоси бўлган 226 миллий касаба уюшма марказларини бирлаштиради. 1949 й. дек.да Лондонда Ғарбий Европа касаба уюшмаларининг Америка меҳнат федерацияси б-н биргаликда ўтказган таъсис съездида асос солинган. Олий органи Конгресс 4 й.да 1 марта чақирилади. Конгресслар ўртасида конфедерацияга Ижроия қўмита раҳбарлик қилади, у 2 й.да бир марта чақирилади. Қароргоҳи Брюссель (Бельгия) ш.да жойлашган. Шунингдек, Женева, Нью-Йорк, Москвада бўлимлари ва Рим, Венада доимий вакиллари бор.

ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ҲАРАКАТИ — умумжаҳон инсонпарварлик ҳаракати. 1863 й.да асос солинган. Мазкур ҳаракат 3 тузилма — Халқаро Қизил хоч қўмитаси (ҲҚҚҚ); Халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим Ой жамиятлари федерацияси (ҲҚҚ ва ҚЯОЖФ); Қизил Хоч ва Қизил ярим Ой Миллий жамиятлари (МЖ)дан иборат: Х.Қ.Х. ва Қ.я.О.ҳ. учала тузилмасининг фаолият ваколатлари Х.Қ.Х. ва Қ.я.О.ҳ.нинг Устави (1986) ва Севилья битими (1999) асосида белгиланган. Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси инсонпарварлик ташкилотидир. Асосан, қуролли тўқнашувларда жабрланганлар, қуруқлик ва денгиздаги яралар ва бемор ҳарбий хизматчилар, ҳарбий маҳбуслар, фуқаро аҳолига ёрдам бериш, шунингдек, ҳарбий низолар ва б. фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланиб қолган ҳамда беларак йўқолган шахсларни қидириш вазифасини бажариб, бетараф воситачи сифатида инсонпарварлик ёрдами кўрсатади. Тинчлик соҳасидаги фаолият учун Нобель мукофоти б-н тақдирланган (1917, 1944, 1963 й.лар). Қарортоҳи Женева ш.да. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил ярим Ой жамиятлари федерацияси 1919 й. тузилган инсонпарварлик ташкилоти. Дунёнинг 181 мамлакати Миллий жамиятларини бирлаштиради (2004). Асосан, табиий офатларга тайёрланиш ва уларга муносабат билдиришда Миллий жамиятларга ёрдам бериш, табиий офатлар, техникавий ва саноатдаги аварияллар, фалокатларда алоҳида халқаро инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга оид амалларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, аҳоли саломатлиги профилактикаси, энг муҳтож кишиларга қараш ва уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, аҳолини 1-ёрдам кўрсатишга ўқитиш, кўнгилликни ривожлантириш вазифаси б-н шуғулланади. ҲҚҲ ва ҚЯОЖФ фаолиятини Котибият таъминлаб туради. У Женева ш.да жойлашган. Қизил Хоч ва Қизил ярим Ой Миллий жамиятлари — ҳукуматлари Женева конвенцияларига имзо чеккан мамлакатлардаги Миллий жамиятлар. Қонунларга кўра, ҳар бир мамлакатда фақат битта Қизил Хоч ёки Қизил ярим Ой Миллий жамияти тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Қизил ярим Ой жамияти 1925 й. ташкил этилган бўлиб, собиқ СССРнинг Қизил Хоч ва Қизил ярим Ой жамиятлари уюшмаси таркибига кирар эди. 1992 й.да мустақил Миллий жамият мақомига эришди. 1995 й.да Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси томонидан эътироф этилиб, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил ярим Ой жамиятлари федерациясига аъзо бўлди (яна қ. *Ўзбекистон Қизил ярим Ой жамияти*).

Михаил Кренков.

ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ФОНДИ (IFAD) — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус муассасаси. 1977 й.да БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат конференцияси қарорига кўра ташкил этилган.

IFAD нинг бош мақсади — ўз аъзолари бўлган ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни яхшилаш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, шунингдек ривожланаётган мамлакатларда қашшоқликда яшайдиган қишлоқ аҳолисининг соғлиғи ва овқатланиш даражасини кўтаришга йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни тўғридан-тўғри молиялаштириш ва уларга қўшимча маблағлар жалб қилиш. Фонд ўз аъзоси ҳисобланган ривожланаётган мамлакатларга қабул қилинган дастур ва лойиҳалар учун имтиёзли, оралиқ ва оддий шартларда кредитлар беради.

Фонд 1977 йилда 1028 млн. АҚШ доллари миқдорида бошланғич маблағ б-н ўз фаолиятини бошлаган. 2004 й.га келиб унинг маблағи 4 марта кўпайди. Бу маблағнинг 2/3 қисми фондининг аъзоси ҳисобланган саноати ривожланган мамлакатлар, қолган учдан бир қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига шаклланган. *OПEK* аъзолари фондининг асосий донорлари ҳисобланадилар. Ҳозирга қадар фонд 11 та мамлакатда умумий қиймати 7,7 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган 603 та лойиҳани амалга оширган. БМТ га аъзо бўлган ҳар бир мамлакат IFAD га ҳам аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

Фондининг Бошқарув Кенгаши қарор қабул қилувчи энг юқори орган ҳисобланади. Ҳар бир аъзо мамлакат Бошқарув Кенгашида ўз вакилига эга. Фондининг Ижроия Кенгаши унинг умумий фаолиятини назорат қилади ва қарз ҳамда субсидиялар беришни кўриб чиқиб, маъқуллайди.

Ўзбекистон IFAD нинг аъзоси эмас, лекин Ўзбекистоннинг бу ташкилотга кириш масаласи кўриб чиқилмоқда (2004). Штаб-квартираси Римда.

Расулжон Ҳусанов.

ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ ТРИБУНАЛ — 2-жаҳон уруши бош ҳарбий жиноятчиларининг айбини очиш ва жазолаш бўйича тузилган халқаро суд органи. Х.ҳ.т. фашистлар Германияси томонида туриб жанг қилган Европа мамлакатларининг асосий ҳарбий жиноятчиларини жазолаш учун 1945 й. 8 авг.да АҚШ, Буюк Британия, СССР ва Франция давлатлари ўртасидаги Лондон битимига мувофиқ тузилган (қ. *Нюрнберг суд жараёни*). Узоқ Шарқ учун япон бош ҳарбий жиноятчилари устидан суд олиб бориш мақсадида Х.ҳ.т. 1946 й. 19 январда штифоқчи ҳукуматлар ўртасидаги мувофиқлаштириш асосида тузилган (Токио трибунали).

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига мувофиқ, 1993—1994 й.лар Руанда ва Югославия бўйича халқаро трибуналлар ташкил этилди.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ — халқаро муҳокотдаги давлатлараро ва б. қатнашувчилар (субъектлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи оммавий юридик принциплар ва нормалар мажмуи. Давлат ички ҳуқуқидан фарқли равишда Х.ҳ. объекти ўз мазмун-моҳияти жиҳатдан аҳолида давлат ваколатидан ташқарига чиқувчи халқаро, аниқроғи, давлатлараро муносабатлар ҳисобланади. Давлат ички ҳуқуқидан фарқли равишда Х.ҳ. нормаларини яратиш ва бажарилишини таъминлаш б-н шуғулланадиган қонун чиқарувчи органлар йўқ. Х.ҳ.нинг асосий субъектлари давлатлар ҳисобланади. Уларнинг ўзаро келишуви б-н вужудга келадиган Х.ҳ. нормалари давлатларнинг келишилган ирода-сини ифода этади. Х.ҳ.нинг ўзига хос хусусияти ана шундадир. Турли *халқаро шартномалар*, битимлар, келишувлар, *конвенциялар*, *декларациялар*, БМТнинг ҳужжатлари Х.ҳ.нинг норматив базаси ҳисобланади.

Ҳоз. замон Х.ҳ.и халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқга бўлинади. Халқаро оммавий ҳуқуқ халқаро муносабатларда қатнашаётган давлатлар ва б. субъектларнинг ўзаро муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Халқаро хусусий ҳуқуқ турли давлатлар фуқаролари ҳамда ташкилотлари ўртасидаги мулкий ва бошқа муносабатларни, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини, юрисдикциясини, яшаб турган давлат миллий қонунчилигини қўллаш тартиби ва шартларига доир муносабатларни тартибга солади.

Халқаро оммавий ҳуқуқ халқаро шартномалар ҳуқуқи, дипломатик ва консуллик ҳуқуқи, халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, халқаро экология ҳуқуқи,халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи, халқаро ҳаво ҳуқуқи, халқаро космик ҳуқуқ каби соҳаларни ўз ичига олади. Х.ҳ.нинг умум эътироф этилган тамойиллари бор. Улар Х.ҳ.ни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этувчи универсал мажбурий меъёрлардир. Х.ҳ.нинг аксарият тамойиллари БМТ Уставининг 2-моддасида баён этилган. Улар БМТ Уставига мувофиқ, давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка таалуқли Х.ҳ. тамойиллари тўғрисидаги 1970 й. Декларациясида ҳамда *Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши* (ЕХҲК)нинг Якунловчи ҳужжатида батафсил ёритиб берилган. Булар қуйидагилардир: куч ишлатмаслик ва куч б-н таҳдид қилмаслик; халқаро низоларни тинч йўл б-н ҳал этиш; давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги; давлатларнинг суверен тенглиги; халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши; давлатларнинг халқаро мажбуриятларини виждонан бажариши; чегаралар дахлсизлиги; давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги; инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишдир. Жаҳон ҳамжамияти олдида турган умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Замонавий Х.ҳ.нинг асосий тамойиллари «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги (1996 й. 26 дек.) қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Акмал Саидов.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИ — Тошкент ш.даги маданият марказларидан бири; турли тадбирлар (съезд, курултой, фестиваль ва б.) ўтказиш, концертлар беришга мўлжалланган. 1981 й.да очилган (меъмори Е.Букина, С.Одилов, Е. Розанов, Е.Суханова.

Халқлар дўстлиги саройи.

Ф. Турсунов, В.Шестопалов, Е.Шумов ва б.). Бино қиёфаси ва безакларида миллий меъморликка хос бўлган муқарнасга ўхшаш шакллардан фойдаланилган; бинони безашда маҳаллий хом ашёлар, Нурота ва Ғозғон мармарлари ишлатилган. Бино тарҳи тўртбурчак шаклда, тарэларига ишланган қуёш нурини тўсадиган жимжимадор шаклдар бинога салобат, кираверишдаги бал. пештоқлар кўрк бахш этган. Бино тепасига сирти мармар б-н қопланган муқарнасни эслатувчи йирик йиғма темир-бетон қурилмалар ўрнатилган. Бино мужассамоти марказида балконли, амфитеатр шаклидаги 4 минг ўринли зал туради (бир оз қияроқ ён деворлари томошаларни яхши кўриш ҳамда эшитиш имконини беради). Саҳна махсус қурилмалар (кўтарилиб-туширилади-ган супалар, президиум, саҳна ва хор супаларини саҳнада силжитишга имкон берадиган транспортёр, декорацияларни кўтариб-туширадиган штанкетлар, кенг форматли экран) б-н жиҳозланган. Залда кино-товуш техникаси ҳамда матнни бир йўла 8 тилга таржима қилиш аппаратлари, махсус технологик алоқа тизими бор. Вестибюль табиий тошлардан ишланган «Халқлар дўстлиги», «Байрам», «Гуллаган ўлка» мозаикалари (рассом А.Бухорбоев) б-н безатилган. Президиум зали тобелен (рассом Б. Жалолов), томоша зали «Санъат» мозаикаси (рассом В.Бурмакин, Р.Немировский), ёғоч ўймакорлиги (уста Қ.*Ҳайдаров*, О.*Файзуллаев*), банкет зали безаклари (рассом Ж. *Ҳакимов*, А.*Илҳомов*), ён деворлари сопол ганглар (рассом А.Кедрин) б-н зийнатланган. Феруза рангли улкан кошинкори (Тошкент чинни з-дида тайёрланган) девор сарой интерьерига алоҳида жозиба бахш этган.

ХАЛҚЛАРНИНГ БУЮК КЎЧИШИ — Европада мил. 4—7-а.ларда германлар, славинлар, сарматлар ва б. қабилаларнинг Рим империяси ҳудудига ўтишидан иборат йирик этник кўчишларининг шартли номи. 4-а.нинг 70-й.ларидан бошлаб *гунлар*нинг оммавий равишда ғарбга силжишлари Х. б.к.га бевосита туртки бўлган. Гунлар Уралбўйидан юриш бошлаб тахм. 370 й. Волгани кечиб ўтганлар, сўнгра бўйсундирилган *аланлар* б-н бирга Шим. Қора денгиз соҳилларида яшовчи *готлар*га ҳужум қилганлар (375). 376 й. кузида гунлар таъйиқига бардош беролмаган *вестготлар*нинг бир қисми Римнинг рухсати б-н империяга тегишли Дунайнинг жан. даги ҳудудга жойлашганлар. Бироқ ҳукумат амалдорларининг зўравонлиги натижасида вестготлар 377 й. қўзғолон кўтарганлар. 378 й. 9 авг.да Рим қўшини Адрианополь яқинида қўзғолончилар томонидан тормор келтирилган. Готлар, аланлар ва гунларнинг империяга таъйиқи тўхтатилган, лекин готлар Дунай дарёси ва Болқон тоғлари орасидаги ҳудудда Рим федерати сифатида яшай бошлаган, Рим армиясида варварлашув жараёни кучайган. 4-а. охиридан варварлар таъйиқи янгидан авжга чиққан. 394—395 й.лар қишида гунлар Суурия ва Каппадокияда чопқун уюштиртанлар. Вестготлар Аларих I бошчилигида Юнонистонни талон-торож этиб, Иллирикада муқим ўрнашганлар. 410 й. 24 авг.да улар Римни эгаллаб, уни талаганлар. Гарчи готлар 27 авг.даёқ Римдан кетган бўлсалар-да, «абадий шаҳар»нинг қулаши улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган. 5-а. мобайнида герман қабилалари Ғарбий Рим империясининг бутун ҳудуди бўйлаб жойлашиб, бу ерда бир неча варвар қироллигларини барпо этганлар. Хусусан, Галлиянинг жан.-ғарбида маркази Тулуза ш. бўлган Вестгот қироллиги (418 тахм.; у кейинчалик Испанияга ҳам тарқалган), Шим. Африкада *Вандаллар* қироллиги (429—439), Италияда *Остготлар* қироллиги (493), Шим. Галлияда Франклар қироллиги (476 й.; кейинчалик у қўшлаб варвар қироллигларини тобе этган, қ. *Франк давлати*), Галлиянинг жан.-шарқида маркази Лион ш. бўлган *Бургундлар* қироллиги (тахм. 457 й.); англлар, саксслар, ютлар 5-а. ўрталаридан бошлаб Британияни босиб ола бошлаганлар ва 6-а. охири — 7-а.да бу ерда ўзларининг бир қанча қироллигларини барпо этганлар. 5-а. бошида Ўрта Дунай (Паннония)да ўрнашиб олган гунлар *Аттила* даврида (434—453) Галлия ва Италияни эгаллашга ҳаракат қилганлар. Бироқ *Каталаун жанги* (451)дан сўнг уларнинг иттифоқи парчаланиб кетган. Император *Юстиниан I* даврида Шарқий Рим империяси (Византия) варвардардан Шим. Африка, Италия ва Испа-



нининг бир қисмини қайтариб олиб, бу ерларда Рим тартиботларини қисман тиклашга эришган. Х.б.к.нинг сўнгги босқичи б-а. охири — 7-а.ларга тўғри келган. 568 й. *лангобардлар* Шим. ва Ўрта Италияда муқим ўрнашганлар. *Славянлар* — аварлар ва протоболгарлар (булғорлар) кўмагида Болқон я.о.да мустаҳкам жойлаша бошлашган, натижада 7-а. га келиб бу ҳудуд аҳолиси, асосан, славинлардан иборат бўлиб, улар ўз давлатчиликларини тузганлар. Славинларнинг бир қисми Кичик Осиёга, Византия империяси ҳудудига бориб жойлашган. Славянлар ғарбга — *алеманнлар* ва *сакслар* эгаллаган ҳудудларга қадар тарқалишган. Х.б.к.нинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий оқибатлари жуда улкан бўлган. У Ғарбий Рим империясининг қулашига олиб келган.

Ад.: Удальцова З. В., Италия и Византия в VI в., М., 1959.

ХАЛҚОБОД — Наманган вилояти Поп туманидаги шаҳарча (1966 й.дан). 1948 й.да иссиқлик электр марказ ва «Ўзбектомёпқич» к-тининг қурилиши (1965) муносабати б-н вужудга келган. Яқин т.й. станцияси — Поп (3 км). Аҳолиси 8 минг киши (2003). Х.да ўрамли том ёпқич ашёлар к-ти (рубероид, пергамин, картон, изоляция материаллари и.ч.), нотўқима материаллар и.ч. бирлашмаси мавжуд. Умумий таълим мактаблари, 2 кутубхона, соғломлаштириш пунктлари, поликлиника бор.

ХАЛҚОБОД (1993 й.гача Комсомолобод) — Сурхондарё вилояти *Музработ тумани*даги қишлоқ, туман маркази. Туманнинг шарқида, 320 м баландликда жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Шеробод (10 км). Х.дан вилоят маркази (Термиз)гача 52 км. Аҳолиси 7,5 минг кишига яқин (2004). Аҳолиси ва хўжаликлари Занг каналидан сув олади. Шунингдек, артезиан қудуқларидан олинган ичимлик сувидан фойдаланилади. Х.да туман ҳокимияти биноси, алоқа уйи, деҳқон бозори, автовокзал, универсал магазин, меҳмонхона, новвойхона, маданий, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари бор. Марказий кутубхона, маданият уйи, Бахт уйи, марказий касалхона (180 ўрин), поликлиника, дорихоналар мавжуд. Х.дан Термиз ш.гача автобуслар қатнайди.

ХАЛҚОБОД — Қорақалпоғистон Республикаси *Кегейли тумани*даги шаҳар (1986 й.дан). Республиканинг шим.да Яқин т.й. станцияси — Кегейли (3 км). Аҳолиси 11,7 минг кишига яқин (2004).

Х. 1830 й.да Қумўзак ариғи бўйидаги Баганали қуми ёнида вужудга келган. 1830—73 й.ларда қалъа (ҳоз. кунгача сақланган) ёнида қўрғон қурилиб, унда мадраса, қозихона, кутубхона, ҳаммом ва б. бўлган. 1916 й.да маҳаллий аҳоли ва туркманлар орасидаги дўстлик рамзи сифатида қалъа Халқобод деб номланган.

Х.да 1965 й.да пахта тозалаш з-ди, автокорхона, 1967 й.да кўчма механизациялашган колонна, 1970 й.да ихтисослаштирилган механизациялашган колонна ишга туширилди. Шунингдек, ҳаммом, тикувчилик цехи, алоқа бўлими ва б. қурилди. Шаҳарда «Халқобод момиғи», «Халқобод» автотранспорт корхоналари, «Агроқурилиш» ва «Сув қурилиш», Кегейли қурилишсозлаш бошқармаси, деҳқон бозори, «Халқободматлубот» шўъба корхонаси, тикувчилик цехи, Ўзбекистон-Россия «Қарроқишлоқмаш» қўшма корхонаси, 14 хусусий фирма, 40 нафар якка тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. 3 умумий таълим мактаби, саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи, мактаб-боғча мажмуаси, спорт мажмуаси, қишлоқ касалхонаси мавжуд.

ХАМАМАЦУ — Япониядаги шаҳар. Хонсю о. марказий қисмининг жан.да. Аҳолиси 582,1 минг киши (2000). Балиқ овлаш порти. Мотоциклар и.ч. ва машинасозлик тармоқларининг йирик маркази. Кимё, тўқимачилик, ёғоч-қоғозлик корхоналари мавжуд. Мусиқа асбоблари ишлаб чиқарилади. Будда ибодатхонаси бор. Туризм ривожланган.

ХАМАНАЙИ Саид Али Ҳусайний (1939.15.7, Машҳад) — Эрон давлат арбоби, *оятуллоҳ* (1989). 1964 й.гача Қум, кейинчалик Машҳадда диний таълим олган. Оятуллоҳ *Ҳумайний*нинг шогирди. 1962 й. Ҳумайний раҳбарлигидаги ислом ҳаракатига қўшилган. 1963 й.дан бир неча марта қамоқ ва сургунда бўлган. 1979 й.ги шоҳга қарши инқилобда Машҳаддаги ислом ҳаракатига бошчилик қилган. Монархия ағдарилгандан сўнг, 1979—80 й.ларда Ислом инқилобий кенгаши (давлат ҳокимиятининг олий органи) аъзоси, мудофаа вазири ўринбосари, «Ислом инқилоби посбонлари» корпуси қўмондони, оятуллоҳ Ҳумайнийнинг Олий мудофаа кенгашдаги вакили давозимларида бўлган. 1980—81 й.ларда Ислом кенгаши мажлиси (парламент) депутати. 1981 й. окт.дан Эрон Ислом Республикаси президенти, Олий мудофаа кенгаши раиси. Ҳумайний вафотидан сўнг, 1989 й. 4 июндан Эрон Ислом Республикаси Раҳбари.

ХАМАР-ДАБАН — РФнинг Бурятия Республикасидаги тоғ тизмаси. Байкал кўлининг жан. ва жан.-шарқий соҳилларида. Уз. 420 км, энг баланд жойи — Байшинт-Ўла (2995 м). Гнейс, кристалли сланец, оҳактош, базальтдан ташкил топган; гранит интрузияси кўп. Иқлими кескин континентал. Йиллик ёғин 400—500 мм, ғарбий қисмида 800—1300 мм. Шим. ён бағирларида оққарағай-кедр, жан. ён бағирлари қарағайтилоғоч ўрмонлари б-н қопланган. Жан. да ўрмонли дашт ва дашт ерлар учрайди, 2000 м дан баландда тоғ тундраси ўсимликлари ўсади.

ХАМЕЛЕОН (юн. chamaileon) — осмонининг Жан. қутби яқинидаги юлдуз туркуми. *Пашша*, *Қил*, *Учар Балиқ*, Стол Тепа (Супа Тоғ), *Октант* ва Жаннат Қуши юлдуз туркумлари орасида жойлашган. Энг равшан юлдузи 4-юлдуз катталигида. Ўзбекистон ҳудудида кўринмайди.

ХАМЕЛЕОНЛАР, буқаламунлар (Chamaeleontidae) — калтакесаклар туркуми оиласи. 90 тури маълум. Африка, Мадагаскар о. ва шу атрофдаги бошқа оролларда ҳамда Жан. Европа, Ғарбий ва Жан. Осиёда тарқалган. Танаси 60 см ча. Бўйни калта, узун думи спиралсимон ўралади. Оёқлари узун, беш бармоқли, бармоқлари 2—3 талаи гуруҳ бўлиб тери гилоф ичида жойлашган. Танаси шохсимон тангачалар ва тери ўсиқчалар б-н қопланган. Кўз қовоқлари ривожланган (кўзлари бирбиридан мустақил равишда ҳаракатлана олади). Кўпчилик Х. ўпкасида халтасимон ўсиқлари бўлади. Хавф сезганда кўп ҳаво ютади ва тана шакли ўзгариб, қўрқинчли тус олади. Ранги ёруглик, т-ра ва б. таъсирида тез ўзгаради (номи шундан). Дарахт ва буталарда соатлаб ўлжасини пойлаб, қимирламай ўтира-

Хамелеон.

ди. Узун тилини ўлжасига отиб, ёпиштириб олади. Ҳашаротлар б-н, йирик турлари майда қушлар ва калтакесаклар б-н озиқланади. Кўпчилиги тухум қўйиб (бир йўла 35 тагача), айримлари тирик (14 тагача бола) туғиб кўпаяди.

ХАМИР — ун, сув, сут, ёғ, туз қўшиб тайёрланадиган ярим фабрикат. Турли таомлар, нон, қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари, ширинликлар тайёрлашда ишлатилади. Мўлжалланган маҳсулотга қараб турли Х.лар тайёрла-

нади. *Оддий ошхамир* — тоғорачага эланган ун солиниб, олдиндан тайёрланган намакобдан оз-оздан қўшиб хамир қорилади, яхшилаб пишитиб ийланади. Тайёр Х.ни тиндириш учун зувала қилиб, 10—15 мин. ўраб қўйилади, сомса, чучвара, угра, норин, лағмон ва б. таомлар тайёрлаш учун юпқа қилиб ёйилади. Бундай Х.ни тайёрлаш учун 1 кг унга 2 стакан илиқ сув, 2 чой қошиқ туз солинади. *Оширма* ёки хамиртурушли *нонхамир* тоғорачадаги сувга туз ва хамиртуруш солиб эритилгач, мўлжалдаги ун солинади ва оз-оздан сув қўшиб Х. қорилади. Тайёр Х. усти қалинроқ нарса билан ёпилиб, ошириш учун бир соатга иссиқроқ жойга қўйилади. Х.нинг ошганлиги кўпчиши ва орасида майда ғовакчалар пайдо бўлганлигидан билинади. Оширма Х. тайёрлаш учун 1 кг унга 2 чой қошиғида туз, 2 стакан илиқ сув, 25—30 г хамиртуруш керак бўлади. Оширма Х.дан, асосан, нонлар, айрим сомсалар тайёрланади. *Хамиртурушсиз* сут, ёг ва тухум қўшиладиган Х. турли нонлар, патир, ўрама, занғза, чакчак, бўғирсоқ каби пиширикдар тайёрлашда ишлатилади. Бундай Х.ни тайёрлаш учун 1 кг ун, 2 стакан сут ёки широбча, 1 ош қошиғида сариёг ёки эритилган қўй ёғи, 1 дона тухум ва 1 чой қошиғида туз керак бўлади. Агар Х. фақат тухумнинг ўзида қорилади-ган бўлса, 1 кг унга 4—5 дона тухум керак бўлади. *Хамиртурушли* сут, ёг ва тухум қўшиладиган Х.дан турли булочкалар, пирогдар, рулетлар тайёрланади. Бундай Х.ни тайёрлашда барча масаллиқлар ун, сут, ёг, туз, шакар, тухум, хамиртуруш ва б. бирданига қўшиб қорилади. Х.ни тоғоранинг ўзида иссиқ қилиб ўраб ошириш учун олиб қўйилади. Бундай Х. учун 1 кг унга 35—40 г хамиртуруш, 2 стакан илиқ сут (ёки 1 стакан сут б-н 1 стакан широбча ёки 1 стакан сут, 200 г сариёг) керак бўлади. Агар тухумнинг ўзида қориладиган бўлса, 5—6 дона тухум, 2 чой қошиғида туз, 3—4 ош қошиғида шакар қўшилади. Айрим ҳолларда хамиртуруш ўрнига қатиқ ёки сметана қўшиш мумкин.

ХАМИРТУРУШ — *хамирни* ошириш учун ишлатиладиган ачитқи. Таркибида ачитқи бактериялари бўлган Х. қўшиб қорилган хамир ферментатив жараёнлар таъсирида кўпчийди. Хонадонларда ошган хамирдан Х. учун бир зувала олиб қолинади ва суприга ўраб қўйилади, кейинги хамирларга қўшилади. Ҳоз. даврда нон саноатининг ривожланиши б-н махсус ачитқи бактерия-

Миххат б-н ёзилган Хаммурапи қонунлари тўпламн матнидан лавҳа (базальтга ёзилган, мил. ав. 16-а.; Париж, Лувр).

лари ёрдамида саноат усулида прессланган, суюқ ва қуритилган Х. турлари ишлаб чиқарилади (буғдой унидан тайёрланган навли 100 кг ун учун 1 кг Х. сарфланади) ва савдо дўконларида сотилади (яна қ. *Бижғиш*).

ХАММУРАПИ — Бобил подшоси (мил. ав. 1792—1750). Унинг даврида Бобил давлати равнақ топган. Аморей қабиласидан. Моҳир сиёсатчи ва саркарда бўлган. Х. қадимги куч ва дипломатик йўл б-н ўз подшолигининг дастлабки 35 йилида Оссурия, Месопотамиянинг жан. ва ўрта қисмини Бобилга тобе эттирган. Х. даврида товар-пул муносабатлари ривожланган, хусусий қуллорлар хўжалиги кучайган, давлатнинг марказлашуви ва подшо ҳокимиятининг мустаҳкамланиши жараёни ўсган; Х. қонунлари қуллорлик тузуми ҳуқуқининг характерли белгиларини ўзида акс эттирган Қад. Шарқ ҳуқуқининг қимматли ёдгорлиги саналади. Х. қонунлари 282 моддадан иборат бўлиб, ҳуқуқнинг айрим соҳаларига тегишли суд процесси, мулк ҳуқуқи, мулкнинг турли кўринишлари, ер-ерга эгалик, никоҳ-оила, мерос ҳуқуқи ва б. масалаларни ўз ичига олади. Хусусий мулкчиликни, айниқса, қуллорликни қаттиқ ҳимоя қилган. Мас., унда қулни ўгирлаганлик, қочоси белгиланган.

«ХАМСА» (араб. — беш) — *Алишер Навоий*нинг беш достонидан, яъни *«Ҳайрат ул-аброр»*, *«Фарҳод ва Ширин»*, *«Лайли ва Мажнун»*, *«Сабъаи сайёр»*, *«Садди Искандарий»*дан иборат катта асари (яна қ. *Бижғиш*).

ХАМСА — Қора денгиз ва Азов денгизи аччиқ балиқлари кенжа гурухининг умумий номи. Қора денгиз Х.сининг уз. 13—15 см гача; Қора денгизда доимий яшайди; ёзда сувнинг юза қатламларида, қишда 70—80 м гача чуқурликда учрайди; Грузия ва Жан. Қрим соҳилдари яқинида қишлайди. Азов Х.сининг уз. 10—14 см, ёзда Азов денгизида тарқалади, қишлаш учун Қора денгизга ўтади. Х. денгиздаги энг кўп сонли балиқ; скумбрия, пеламидалар, белугалар, дельфинлар, сув қушларининг асосий озиғи ҳисобланади. 3—4 й. умр кўради; 2-й.да вояга етади. Илиқ мавсумда кўпаяди; 20—25 минг тухум қўяди. Овланади.

Хамса.

«ХАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙЙИРИН» — *Алишер Навоий* томонидан унинг пири ва устози Абдураҳмон *Жомий* вафоти муносабати б-н 1494 й.да ёзилган, адабиётнинг хотира турига оид асар номи.

«Х.ул-М.» ибораси «ҳайратланарли бешлик» маъносида. Жомий 14-а.нинг 40-й.лари охири ва 50-й.ларида Самарқандда Улуғбек мадрасасида, сўнг бошқа мадрасаларда ўқиб юрар экан, дарсларни яхши ўзлаштиришда у бошқалардан 5 талаба «Х.ул-М.» деб ном чиқарган. «Х.ул-М.» деганда одатда 5 ёруғ юлдуз (аниқроги, сайёралардан Аторуд, Зуҳра, Миррих, Муштарий, Зуҳал) кўзда тутилади. Бунда Навоий ўша ибордан фойдаланган.

«Х.ул-М.» рисоласи ҳам 5 қисмдан ташкил топган бўлиб, муқаддима, 3 мақолат ҳамда хотимадан иборат. «Муқаддима»да Жомийнинг қачон ва қаерда тугилгани, кўпроқ қаерда яшагани, насл-насаби, жуда эрта савод чиқариклиқдан шеърлар ёза бошлагани, тасаввуфда Саъдиддин Кошғарийга шогирд тушгани, илмда тез камол топиб, одамлар б-н муомалада ўзини қар томондан оддий тутгани тўғрисида маълумотлар берилади.

«Х.ул-М.»нинг асосий қисми 3 мақолатдан ташкил топган бўлиб, биринчи мақолатда Навоий шахсан ўзи б-н Жомий орасида юз берган воқеа ва ҳодисалар, ноёб ижодий суҳбат ва учрашувлар ҳақида 16 ҳикоя келтирган. Уларнинг ҳар бирида Жомийнинг юксак ақл-заковати, ўз ижодкорлари ва шогирдларига самимийлиги, шу б-н бирга, талабчан бўлгани, ҳозиржавоблиги, ҳазил-мутойибага мойиллиги, кўп масалаларда Навоий б-н ҳамфикр бўлгани яққол кўзга ташланади.

Иккинчи мақолатда Навоий ва Жомийнинг ўзаро ёзишмаларига изоҳлар берилган. Бу икки улуг шахс бевосита мулоқот имкониятн йўқ вақтларда бир-бирларига узлуксиз хат ёзиб, ҳолаҳвол сўрашиб туришган. Улар ўз мактубларида баъзан ўз даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммолари юзасидан ҳам фикр алмашишган. Бу номалар гоҳ наср да, гоҳ назмда битилган. Мас., Жомийнинг 1472 й. ҳаж сафарига чиқиб, Ироқнинг Дажла дарёси бўйидан Навоийга Ватанини согиниб йўллаган хатидаги ғазалида шундай бир байт бор:

Бар қанори Дажла дур аз ёру маҳжур аз диёр.
Дорам аз ашки шафақгун Дажлаи хун бар канор.

Мазмуни:

Дажла бўйида ёру диёр билан айриликда,
Шафақранг кўзёшларимдан шу ерда яна бир Дажла пайдо бўлди.

Навоий эса ўша «газалга татаббуъ қилиб», нома ёзиб, Жомийга жўнатган. «Х.ул-М.»дан маълум бўладики, Навоийнинг «Туҳфат ул-афкор» қасидасининг яратилишида Жомийнинг ҳам роли катта бўлган.

Учинчи мақолатда Жомий ёзган ва турли адабий жанрларга оид 40 асарнинг рўйхати, бу асарларнинг бир қанчаларининг юзага келишида Навоий сабабчи бўлгани аниқ мисоллар б-н изоҳлаб берилган.

«Хотима» қисмида Навоий Жомий ҳузурида мутолаа қилган ва фойдаланган китобларининг шарҳлари, унинг баъзи замондошлари ҳақида ўта салбий фикрлар билдиргани ва бунинг сабаблари, шоирнинг вафоти ва дафн этилиш тафсилотлари гоят таъсирли кўрсатилган. Асар охирида Навоийнинг устози мотами муносабати б-н форсий тилда ёзган марсияси матни тўла келтирилган.

Нашри: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами [20 ж.ли]. 15-ж., Т., 1999.
Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи [5-ж.ли]. 2-ж., Т., 1977.

Абдуқодир Хайитметов.

ХАМСАЧИЛИК — Шарқ халқлари адабиётида достоннавислик шаклларидан бири; *«Хамса»* ёзиш б-н боғлиқ адабий анъана. *Низомий Ганжавий* асос солган. Ижодкорлар Низомий «Панж ганж»ини («Беш хазина») ташкил этувчи «Маҳзан ул-асрор», «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар», «Искандарнома» достонларининг мавзун, сюжет ва композицияси, қаҳрамонлари, вазни, жойлашиш тартибини сақлаган ҳолда мустақил асар яратганлар. Бу бадиий ижодда катта маҳорат мактаби саналган. Хамса достонларининг ҳар бири мавзун, қаҳрамонлари, ҳатто қўйилган масалаларигача аниқликка эга бўлиб, бу жанрда ижод қилган ёзувчи ўз маҳоратини ана шу анъанавий воситалар ёрдамида кўрсатиши, шу орқали ўз даври идеалларини ифодалаши лозим бўлган. Анъанага кўра, хамсадаги 1-достоннинг асосини фалсафий-ахлоқий масалалар ташкил этган. 2—3-достонлар севги орқали акс эттирилган ижтимоий-маънавий масалаларни ёритувчи мавзу асосида уюшган. 4-достон саргузашт асар бўлиб, унда адолатли шоҳ масаласи кўтарилган. Сўнгги достон авлиёларининг ҳулосаси, умумлашмаси бўлиб, унда ижодкорнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари акс этган. Шарқда бадиий қиммати турлича бўлган 50 дан ортиқ хамсалар вужудга келган. Хамсанинг алоҳида достонларига жавоблар ҳам ёзилган. Лекин бизгача бу асарларнинг ҳаммаси ҳам етиб келган эмас. Хамса достонларидан фақат биригагина жавоб ёзиб, юксак даражада шуҳрат қозонган ижодкорлар ҳам бўлган (Фузулий «Лайли ва Мажнун»). Х.да энг кўп достонлар «Лайли ва Мажнун» мавзуида яратилган. Кейинги ўринларда тегишли равишда «Хусрав ва Ширин», «Маҳзан ул-асрор», «Искандарнома», «Ҳафт пайкар» мавзуидаги достонлар туради.

Хамсанавислар ўз асарларида эпик-романик, қаҳрамонлик ёки суфийлик мавзуини биринчи ўринга қўйганлар. Низомий Ганжавий «Хамса»сининг сюжет ва мавзулари турли халқлар бадиий адабиётларига таъсир этиб, 13—20-а.лар мобайнида 600 дан ортиқ асар яратилган.

Низомий «Хамса»сини форс тилида ёзган. Бошқа халқлар Х. анъанасини ўз тилларида давом эттирганлар. Туркий, уруду, пушту, курд, арман ва б. тилларда хамсалар яратилган. Даврлар ўтиши б-н муайян ижтимоий-сиёсий шароитда белгиланган мавзу, сюжет, композиция, образларга эга бўлган «Хамса» достонларининг мазмуни, Қавказортси, Ўрта Осиё, Афгонистон, Покистон ва Ҳиндистон мамлакатларида давом эттирилган.

Туркий халқлар адабиётида Х.ка қизиқиш 13—14-а.лардан бошланган. *Қутб* Хоразмий Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини, *Ҳайдар Хоразмий* шеърий шаклини сақлаган ҳолда айрим ўзгаришлар б-н «Маҳзан ул-асрор» достонини туркий тилга таржима қилган. Туркий (ўзбек) тилида «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» номлари б-н 5 достон — «Хамса» яратган Алишер Навоий Х. тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган ва Х.ни туркий халқлар адабиётида Низомий даражасига кўтарди. Бунда Навоий ўзигача бўлган буюк хамсанавислар — Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийларни ўзига устоз деб билди ва уларнинг Х.даги ғоявий-бадиий анъаналарини маҳорат б-н ривожлантирди. Х.ни юқори поғонага олиб чиқди. Навоий Х.да анъанавий образлар ҳисобланган Фарҳод, Ширин, Дилором, Лайли, Мажнун, шоҳлардан Хусрав, Баҳром, Искандар образларини янгича, ўз даври адабиётининг инсонпарварлик ғоялари нуқтаи назаридан талқин этди. Навоий «Хамса»си турли халқлар достончилигининг кейинги тараққиётига ижобий таъсир қилган. Ўзбек шоири *Хожа* («Мақсад ул-атвор»), турк шоири Ломий ва уйгур шоири Низорий («Фарҳод ва Ширин»), озарбайжон шоири *Фузулий* («Лайли ва Мажнун») ўзларининг достонларини Навоийнинг «Хамса» достонлари таъсирида яратганлар. Навоий «Хамса»си айни вақтда ўзбек адабий тилининг бойиши, мукаммал ва рангбаранглигини ҳам намойиш этади.

Ад.: Бертельс Е. Э., Низами и Физули. М., 1962; Бертельс Е. Э., Навои и Джами. М., 1965; Хайитметов А., Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан, Т., 1970; Алиев Г., Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока, М., 1985.

Ҳабиб Абдумажид.

ХАМУН — Сейистон ботиғидаги (бал. 480 м) чучук ва шўр сувли оқмас кўллар гуруҳи. Эрон ва Афгонистонда. Ҳилманд, Ҳашруд ва Фарруҳруд дарёлари баҳорги тўлин сув даврида ягона сув ҳавзасини (майд. 2—3 минг км², чуқ. 1—1,5 м) ташкил этади. Қамишзорлар бор. Сув паррандалари қишлайдиган жой.

ХАМХИН — КХДРнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Сончхонган дарёси бўйида. Хамгён-Намдо провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 701 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари чорраҳаси. Шарқий Корея қўлтиғи яқинидаги порт.

Мамлакатнинг энг йирик кимё (сунъий буюмлар, пластмасса) саноати маркази. Оғир машинасозлик, рангли металлургия (алюминий), электротехника, тўқимачилик, пойабзал, озиқ-овқат, цемент саноати корхоналари, ГЭС каскади бор. Балиқ овланади.

ХАН (Hahn), Ганн Отто (1879.8.3, Франкфурт - Майн — 1968.28.7, Гёттинген) — немис физиги ва радиокимёгари. Марбург ва Мюнхен ун-тларида ўқиган. Берлинда проф. (1910—34), Берлиндаги кимё ин-тида директор (1938 й.дан), М. *Планк* жамияти президенти (1946—60), фахрий президенти (1960 й.дан). Асосий илмий ишлари радиоактивликни тадқиқ этишга бағишланган. Бир неча изотоплар ва янги радиоактив элемент — протактинийни кашф қилган (Л. Майтнер б-н ҳамкорликда). Жаҳонда биринчи бўлиб табиий радиоактив элементларда ядро изомерияси ҳодисасини (1921), уран ядроларининг нейтронлар таъсирида бўлинишини топган (1938, Штрасман б-н ҳамкорликда) (қ. *Ядро реакциялари*). Нобель мукофоти лауреати (1945).

ХАНГАЙ — Мўғулиянинг марказий қисмидаги тоғлик. Уз. 700 км чамасида, эни 200 км гача, бал. 2000—3000 м, энг баланд жойи 3905 м (Отхон-Тангри тоғи). Гранит, сланец, қумтош ва базальт жинсларидан тузилган. Чўққилари ясси, ён бағирлари кенг водийлар б-н парчаланган. Ландшафти қуруқ тоғ дашти, шим. ён бағирларида тилоғоч ўрмонлари бор. Резерватлар ташкил этилган.

ХАНДАҚ — қад. ва ўрта асрларда шаҳар, қалъа, қўрғон ва мудофаа истеҳкомларини душман ҳужумидан эҳтиёт қилиш мақсадида уларнинг ташқи девори ёнидан гир айланасига қазилган ўра, чуқурлик. Одатда, ташқи деворни кўтаришда лой Х. ўрнидан олинган. Х.нинг эни 5 —6 м дан 30 — 40 м гача, чуқ. 3 — 4 м бўлиб, ичи аксарият сув б-н тўлғазилган. Баъзан Х. шох-шабба б-н иҳота қилинган. Истеҳкомга кирадиган йўлга осма кўприк қурилган. Амир Темур ва темурийлар даврида қўшин лашкаргоҳга тушганда унинг атрофи Х. билан мустаҳкамланган. Х.нинг сони душман қўшинининг миқдорига қараб 1 дан 6 тагача бўлган. Кўп вазиятларда Х.лар олдига катта ҳажмдаги қалқонлар (чапар) қўйилган. Эски ўзбек тили манбаларида мўлжар, чипжип, чоҳ, ўр, ўрғарим каби атамалар Х.га маънодош сифатида қўлланган.

ХАНДАҚ ЖАНГИ — Муҳаммад (сав) пайғамбар тарафдорлари (300 киши) томонидан Мадинани маккаликлардан ҳимоя қилиш жангларидан (627 й.) бири. Маккаликлар раҳбари Абу Суфён 10 минга яқин аскари б-н Мадинани қамал қилган. Саҳобалардан бири эронлик Салмон ал-Форсий (655 й.в.э.)нинг маслаҳатига кўра Муҳаммад пайғамбар шу пайтгача арабларга номаълум бўлган, бироқ форсларга маълум бўлган жанг усулларидан бири — хандақ қазишга буюрган. 3 ҳафталик қамалдан сўнг Абу Суфён қўшини чекинишга мажбур бўлган. Бу жанг ислом тарихида Х.ж. деб ном олган.

ХАНДАҚЛИ — Хива хонлигидаги *қўнғиротлар* таркибидаги қабила. Улар, асосан, Амударёнинг ўнг қирғоғида яшаган. Х.лар 19-а. ўрталарида 365 хўжаликни ташкил этган бўлиб, хонликка 73 отлиқ, 219 қазувчи беришга, 735 тилла солғут солиғи тўлашга мажбур бўлган.

ХАНИ (ўзларини «одамлар» деб аташади) — Хитой (1,3 млн. киши) ва Ҳиндихитойдаги халқлар гуруҳи. Умумий сони 1,48 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Лоло-бирма тил гуруҳига мансуб тилда сўзлашади. Х.да *полигиния, левират*, ер, осмон, тоғ, аждодлар руҳига сиғинишган. Ҳар бир қишлоқдаги «аждарҳо дарахти»га сиғинишган.

ХАНИКОВ Николай Владимирович (1819.24.10, Калуга губерниясининг Лихвинск уезди — 1878.3.11, Париж яқинидаги Рамбулье) — махсус топшириқ б-н Бухоро амирлигига юборилган рус географи, шарқшуноси ва дипломати. Царское Селодаги лицей (1836)ни тугатиб шарқ тиллари (асосан, араб ва форс)ни мустақил ўрганган. *Перовский экспедицияси* (1839—40) таркибида *Хива хонлиги*га қарши уюштирилган ҳарбий босқинда қатнашган ва хонлик ҳақида жосуслик маълумотларини тўплаган. 1841—42 й.ларда жосуслик ниятидаги *Бутенев миссияси* таркибида Бухоро амирлигида бўлган. Закавказье ўлкаси Бош бошқармасининг дипломатик канцелярияси ходими (1845—50). Рус геогр. жамияти Кавказ бўлими раҳбари (1850—54). Табриз (Эрон)да бош консул (1854—57), Хуросонга уюштирилган илмий экспедиция раҳбари (1858—59). 1860 й.дан умрининг охиригача Париж ва унинг атрофида яшаган. Х. Туркистон, Бухоро, Эрон, Афғонистон, Кавказ халқлари тарихи, этн.си, геогр.сига оид кўплаб асарлар ёзган.

Ас.: Описание Бухарского ханства, С.П.б., 1843.

Ад.: Халфин Н. А., Рассадина Е. Ф., Ханыков — востоковед и дипломат, М., 1977; История Узбекистана в источниках и сообщениях путешественников и ученых (20—80-е. годы XIX), Т., 1990; Ғаниев И., Мустанов К., Туркистон ва Н. В. Хаников, Бухоро, 1995.

ХАНИН Михаил Никифорович (1902.18.1, Самара вилояти — 1976) — патофизиолог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1954), тиббиёт фанлари д-ри (1942), проф. (1942). Саратов ун-ти тиббиёт ф-тини тугатгач (1928), ҳоз. Ульяновск вилоят касалхонасида врач (1928—30). Саратов Тиббиёт ин-ти патофизиология кафедрасида аспирант (1930—32), ассистент (1932—38), доцент (1938—40). ТошТИ патофизиология кафедраси мудири, проф. (1941—72). Илмий ишлари Ўрта Осиёда учрайдиган токсик гепатит, энефалит ҳамда жигарнинг сурункали касалликларида аллергия ва аутоаллергия жараёнларини аниқлаш ва ўрганишга бағишланган.

ХАНКА — РФ Приморье ўлкаси ва Хитойдаги кўл. Ҳавзасининг майд. 4190 км^2 (шундан РФда 3030 км^2). Уз. 95 км. Ўртача чуқ. 1—3 м, энг чуқур жойи 10,6 м. Ханка бўйи пасттекислигида жойлашган. Аллювиал ёткизиқлар Кичик Ханка кўлини Х.дан ажратиб туради. Қирғоғининг кўп қисми ботқоқ. Суви чучук, лойқа. Нояб. да музлаб, апр.да муздан бўшайди. Х.га Лефу, Мо ва б. дарёлар қуйилади. Кўлдан Уссурининг чап ирмоғи Сунгача дарёси оқиб чиқади. Балиқлар (сазан, калуга ва б.), сув тошбақаси, қундуз бор. Ондатра иқлимлаштирилган. Кема қатнайди.

ХАНОЙ — *Вьетнам* пойтахти, Хонгха дарёсининг Бакбо қўлтиғига қуйилиш еридан 175 км масофада жойлашган. Атрофидаги ҳудудлар б-н марказга бўйсунувчи маъмурий бирликни ташкил этади. Аҳолиси 1,24 млн. киши (1998). Иқлими муссонли, субэкваториал, янв.нинг ўртача т-раси 16°, июлники 29°. Йиллик ёғин 1800 мм. Транспорт йўллари чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Денгиз аванпорти — Хайфон.

Х. — мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Мамлакат саноат маҳсулотининг 1/6 қисми Х.да ишлаб чиқарилади. Машинасозлик (жумладан, электротехника, станоксозлик, транспорт), кимё, ёғочсозлик, тўқимачилик

Ханой шаҳридаги пагода.

(ип газлама, ипак), озиқ-овқат (жумладан, тамаки), керамика саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчиликда уй-рўзғор, бадиий буюмлар тайёрланади. Каучук қайта ишланади. Ун-т (1918), политехника ин-ти. Хо Ши Мин мақбараси, музейлар, ботаника боғи бор. Меъморий ёдгорликлардан Конфуцийга бағишланган «Адабиёт маскани» ибодатхона мажмуаси (1070), Дьен-Бо пагодаси (11-а.) ва б. сақланган. Шаҳар 2 қисмдан: Эски шаҳар ва Янги шаҳарлардан иборат. Х.га 5-а.да (баъзи маълумотларга кўра 8-а. да) асос солинган. 9—11-а.ларда Дайла, 11-а.дан 1833 й.гача Тханглаунг ёки Донгкинь деб аталган. 1804 й.да пойтахт Хюэ ш.га кўчирилгач, Х. Вьетнам шим. қисмининг бош шаҳри бўлиб қолди. 19-а.нинг 80-й.лари ўрталарида Тонкин француз протекторатининг маъмурий маркази, 1902 й.дан Франция Ҳиндихитойи мустамлакаси маъмурий маркази. 1976 й. 2 июлдан Вьетнам Социалистик Республикаси пойтахти.

ХАНОЙ УНИВЕРСИТЕТИ — Вьетнамдаги йирик олий ўқув юртларидан бири. 1918 й. Ханой ш.да ташкил этилган. 1956 й. қайта тузилган. Ижтимоий фанлар, физика, мат., кимё, биол., тарих, геол. ва геогр., вьетнам тили, филол. бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонасида 70 мингдан ортиқ асар сақланади. 3 минга яқин талаба таълим олади.

ХАНТАЛ, горчица — карамдошлар оиласининг Sinapis ва Brassica туркумига мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми; мойли экин. Ватани — Ўрта денгиз бўйлари. Европа, Шим. Африка ва Осиёда тарқалган. Sinapis туркуми 7—10 турни ўз ичига олади. Оқ Х. тури (S.alba) Ўрта денгиз мамлакатларида ўстирилади, асосан. Ғарбий Европада экилади. Бўйи 25—100 см, пояси тик ўсади. Тўпгули кўп гулли, икки жинсли, ўзидан ҳамда четдан чангланади. Меваси қўзоқча. Уруғи оч сариқ ёки оч жигарранг, таъми аччиқ, эфир ҳиди келади. Ёввойи Х. ёки дала Х.и (S.arvensis) бир йиллик (баҳорги экинлар далаларида ўсадиган) бегона ўт. Европа, Шим. Африка ва Осиёда тарқалган. Қора Х. (S.nigra) қўзоқлари пояга ёпишган. Кичик Осиё, Европа ва Америкада экилади. Хабашистон Х. и (B.carinata) Эфиопияда экилади. Х. намсевар, совуққа чидамли, узун кун ўсимлиги. Ўсув даври 95—120 кун. Х. уруғидан нон, қандолатчилик, консерва, парфюмерия саноатида ишлатиладиган сифатли мой олинади (35—40%). Х. кунжарасидан олинадиган кукундан тиббиётда ишлатиладиган ханталли қоғоз ва истеъмол қилинадиган

Хантал: *1* — тўпгули поя-си; *2* — пишган меваси.

зиравор бўтқа тайёрланади. Х.нинг илдизмевали ва баргли навлари сабзавот ўсимлиги ҳисобланади. Ҳамма Х.лар асал берувчи экин.

Ҳалима Отабоева.

ХАНТИ ТИЛИ — фин-угор тилларининг об-угор гуруҳига мансуб тил. РФнинг Тюмень (Ханти-Манси ва Ямал-Ненец мухтор округлари) ва Томск вилоятларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 23 минг кишига яқин (20-а.охирлари). Диалектал жиҳатдан ғарбий ва шарқий гуруҳ шевалари фарқланади. Ғарбий ва шарқий лаҳжалар фонетика, морфология ва лексика соҳаларида ўзаро фарқ қилади. Ёзуви, асосан, 20-а.нинг 1-ярмида аввал лотин графикаси асосида (1930), кейинчалик рус графикаси асосида (1937) шаклланган. Бадиий ижодда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда, матбуотда ғарбий гуруҳ лаҳжалари (казим, шуришкар) қўлланади.

ХАНТИЛАР (ўзларини хантэ — «инсон, одам» деб аташади) — халқ, РФнинг Ханти-Манси (11,9 минг киши) ва Ямал-Ненец (7,2 минг киши) автоном округлари ва Томск вилоятида яшайдилар. РФдаги умумий сони — 22,3 минг киши (1989). Ханти тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар.

ХАНТИ-МАНСИЙСК (1940 й.гача Остяко-Вогульск) — РФ Тюмень вилояти Ханти-Мансилар мухтор округидаги шаҳар (1950 й.дан), округ маркази. Иртиш дарёсининг ўнг соҳилида. Дарё порти. Аҳолиси 35,9 минг киши (1998). 1931 й.да ишчилар шаҳарчаси — мухтор округининг маркази сифатида вужудга келган. 1934 й.дан Омск вилояти, 1944 й.дан Тюмень вилояти таркибида. Шаҳар таркибига 16-а.дан маълум бўлган Самарово қишлоғи ҳам киради. Етакчи саноат тармоғи — балиқ саноати. Шунингдек, ўрмон саноати ҳам мавжуд. Асосий корхоналари: балиқ консервалаш, ёғочсозлик к-тлари, тахта тилиш з-ди, мебель ф-каси. Йирик даррандачилик хўжалиги; Чекка Шимол қ.х. илмий тадқиқот ин-тининг тажриба ст-яси бор. Ўлкашунослик музейи ишлаб турибди.

ХАНТИ-МАНСИЛАР МУХТОР ОКРУГИ (1940 й.гача Остяк-Вогуллар миллий округи) — РФ Тюмень вилоятидаги мухтор округ. 1930-й. 10-дек.да ташкил этилган. Майд. 523,1 минг км^2. Аҳолиси 1433,1 минг киши (2002), хантилар, мансилар, руслар, украинлар, татарлар ва б. яшайди. Шаҳар аҳолиси 90,9%. Маркази — Ханти-Мансийск ш. Асосий шаҳарлари — Сургут, Нижневартовск, Нефтеюганск. Таркибига 9 туман, 16 шаҳар, 24 шаҳарча киради.

Х.-М.м.о. Ғарбий Сибирь пасттекислигининг марказий қисмида, Обь ва Иртиш дарёларининг қуйи оқимида жойлашган. Ер юзаси — текислик. Чекка ғарбий қисми Шим. ва Қутб ёни Урал тоғларининг шарқий ён бағирларидан иборат. Нефть ва газнинг йирик

Ханти-Мансийск шаҳридаги меҳмонхона.

конлари мавжуд. Иқлими континентал. Январнинг ўртача т-раси —18°дан —23° гача, июлиники 16°—19°. Йилига 400—500 мм ёғин тушади. Вегетация даври 120—130 кун. Шим.да кўп йиллик музлоқ ерлар бор. Асосий дарёси Обь ва унинг ирмоқлари (Иртиш, Шим. Сосьва, Вах, Пим, Лямин, Назим, Казим). Кўл кўп (1500 дан зиёд), улар аксари бир-бири б-н туташган. Ботқоқликлар катта майдонларни эгаллайди. Тупроқлари торф-ботқоқ, подзол ва аллювиал тупроқлар. Ҳудудининг 30% ўрмон. Қорақарағай, қарағай, кедр, қайин ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан олмахон, соболь, колонок, тулки, оқ қуён, сувсар, оқ сувсар ва б. бор. Қушларининг 200 га яқин тури, шу жумладан, булдуруқ, каркур, оқ каклик мавжуд. Дарё ва кўлларида балиқ (лосось, оқ балиқ, осётр ва б. турлари) кўп.

Округда «Кичик Сосьва», «Юган» қўриқхоналари, «Нумто», «Сибирь Уваллари» табиий боғлари, «Конда кўллари», «Юқори конда» давлат табиат буюртма ҳудуди бор.

Нефть (Самотлор, Мамонтов, Фёдоров ва б.) ва газ (Игрим, Пунгим ва б.) қазиб олинадиган йирик р-н. Нефть ва газни қайта ишлаш, машинасозлик ва металлсозлик, ўрмон ва ёғочсозлик, озиқ-овқат (шу жумладан, балиқ) саноатлари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Йирик корхоналари: «Сургутнефтегаз» (Сургут ш.), «Юганскнефтегаз» (Нефтеюганск ш.), «Лукойл— Когалимнефтегаз» (Когалим ш.), «Лангепаснефтегаз» (Лангепас ш.), «Кондпетролеум» (Нянгань ш.). Сургут ва Нижневартовск ёнида иссиқлик электр станлари ишлаб турибди.

Қ.х.да чорвачилик, шу жумладан, буғучилик, сут чорвачилиги ва даррандачилик, мўйначилик ривожланган. Сабзавот, картошка ва б. экилади. Обь, Иртиш, Конда, Шимолий Сосьва, Вах дарёларида кема қатнайди. Т.й.лар уз. 2454 км. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 16970 км. 5 дарё порти (шу жумладан, энг йириклари Сургут ва Ханти-Мансийск) мавжуд. Округда 14 аэропорт (шу жумладан, Ханти-Мансийск ва Сургутда халқаро аэропортлар) фаолият кўрсатади. Округ ҳудудидан Нижневартовск—Анжер-Судженск—Сургут—Полоцк; Нижневартовск—Самара, Усть-Балик—Омск нефть-газ қувурлари; Уренгой—Помари—Ужгород, Уренгой—Челябинск газ қувурлари ўтказилган.

Тиббиёт, пед. ин-тлари, Тюмень қх. академияси бўлими бор. Бир қанча археология ёдгорликлари, шу жумладан, Барс тоғи (Сургут ёнида) мавжуд. Санаторий-курорт ва дам олиш муассасалари фаолият кўрсатади. Варьеган, Ларьяк, Угут қишлоқларида этнография музейлари, Ханти-Мансийск ш. яқинида очиқ осмон остидаги «Торум-Маа» музейи жойлашган.

Ханчжоу шаҳри. Сиху кўли.

ХАНЬ, Хан — қад. Хитойда императорлар сулоласи (мил. ав. 206 — мил. 220), ушбу сулола бошқарган давлат ва хитой халқининг номи. Х. сулоласи 2 қисмга бўлинган: Ғарбий Х. (Сихань — мил. ав. 206 — мил. 25) Аввалги Х. (Цяньхань) ҳамда Шарқий Х. (Дунхань — мил. 25—220) ёки Кейинги Х. (Хоухань). Биринчи Х. сулоласининг асосчиси Лю Бан бўлиб, у Гаоцзу номи б-н мил. ав. 202—195 й.лари, иккинчи Х. сулоласининг асосчиси эса Лю Сю (57) бўлиб, у Гуан-уди номи б-н мил. 25—57 й.лари тахтни бошқарган. Ҳар 2 сулола деҳқонлар қўзғолонлари натижасида юзага келган ва тугатилган. Бу сулолалар авалги анъанавий маъмурий тузум ва тафаккурни янада такомиллаштириш йўлилан борганлар. Айниқса, Хитой императорлари ўзларини Тангрининг ер юзидаги фарзанди, уларга ҳамма итоат қилиши ва бундан бош тортганлар эса жазоланиши лозим, деган ғояни ўзларига дастур қилиб олганлар. Ички ва ташқи сиёсат ҳам айнан шу ғояга асосланган.

Ғарбий Х. сулоласининг дастлабки даврида қўзғолончилар раҳбарларининг ўлкаларга ҳоким этиб тайинланиши ва бир қанча имтиёзларга, жумладан, ўзи идора қилаётган ҳудуддаги солиқ ва молия масалаларини мустақил ечиш ҳуқуқига эга бўлиши марказий ҳокимиятнинг заифлашиши ва ҳокимларнинг кучайиб кетишига олиб келган. Узоқ йиллар давомида Хун империясига ўлпон тўлаш ва унга қарши курашиш Хитойнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатган. *У-ди* (мил. ав. 140—87) даврида вазият ўзгарган. Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлида сиёсий, иқтисодий, маъмурий, ҳарбий ислоҳотлар ўтказилган. У-ди даврида Х. сулоласи ўз ҳудудини кенгайтирди, *Буюк ипак йўлини* ҳунлар қўлидан тортиб олиш ва бунга тўсиқ бўлиб турган Хун (Сюнну) хоқонлигига қарши курашини масаласига катта эътибор берган. Бу борада ҳунлар таъсиридан қутулишга интилган давлатлар б-н иттифоқ тузиш, «узоқдаги рақиб б-н дўстлашиб, яқиндаги душманга зарба бериш» стратегияси амалга оширилган. Шу мақсадда ўша даврда Туркистонда мавжуд бўлган Кангкия (Канцзюй), Фарғона (Даван давлати), Улуғ юэчжи (Даюэчжи) каби давлатларга *Чжан Цянь* 2 марта элчи қилиб юборилган. Фарғонага 2 марта қўшин юбориб уруш қилган.

У-дидан кейинги даврда мамлакат инқирозга юз тута бошлаган. Узоқ йиллар олиб борилган урушлар Х. империяси ҳудудини кенгайишига олиб келган бўлса-да, улар мамлакат иқтисодини заифлашиши, солиқларнинг кўпайиши, ички сиёсий ва ижтимоий вазиятни кескинлашишига олиб келган. Ванман ҳукмронлиги даврида (мил. 9—22) Хитойда «Қизил қошликлар қўзғолони», «Яшил дарахтзорликлар қўзғолони» каби деҳқонлар ҳаракати бўлиб ўтиб натижада Ғарбий Х. сулоласи якун топган. Ушбу сулолага мансуб айрим амалдорлар, жумладан, Лю Сю фурсатдан фойдаланиб ҳокимиятни қўлга олишга эришган. Мил. 25 й. у ўзини император деб эълон қилиб Х. сулоласи номини тиклаган. Аҳолисини тинчлантириш мақсадида солиқ ҳажмини 30 баравар камайтирган. Аҳоли қайтадан рўйхатга олинган ва мамлакатда 21 млн. киши яшаётганлиги аниқланган. Давлатнинг сиёсий ва иқтисодий асослари мустаҳкамланган. Шарқий Х. сулоласи ўзининг ташқи сиёсатини фаоллаштирган. 43—44 й.ларда Вьетнамга қарши уруш қилиб, у ерда ўз назоратини ўрнатган. Шундан кейин Х. сулоласи ҳунларга қарши уруш бошлаб, Шарқий Туркистонни босиб олишга интилган. Бу борада маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги иддиятлардан фойдаланишга ҳаракат қилган ва мил. 97 й. бу вазифани Бань Чао бошчилигидаги бир гуруҳ соқчиларга топширган. Аммо Х. сулоласи айрим ютуқларга эга бўлган бўлса ҳам натижада ўз мақсадига етишолмаган.

Ҳунларга қарши амалга оширилган тўхтовсиз урушлар, Фартовага қилган ҳарбий юришлар ва *Буюк Хитой девори*ни чўзиш ҳамда уни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар иккинчи Х. империяси иқтисодига салбий таъсир кўрсатган. Мамлакатда хиёнат, қонунбузарчилик, ўзаро низолар, жанжаллар, сиёсий ва ижтимоий кескинлик авж олган. Булар натижасида «сариқ белбоғликлар» номли деҳқонлар қўзғолони юзага келган ва Х. сулоласи тугатилган. Х. сулоласи даврида барча этилган давлат бошқарув тизими Хитойда давлатчилик тизимининг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Абдулазиз Ҳўжаев.

ХАНЬШУЙ, Ханьцзян. Цзюйхэ — Хитойдаги дарё, Яншэн дарёси ирмоғи. Уз. 1532 км, ҳавзасининг майд. 174 минг км². Циньлин тизмасининг жан. ён бағрларидан бошланиб, Цзянхан текислигидан оқади. Ўртача сув сарфи 2000 м³/сек., ёзда тошади. Қирғоқларида тошқинга қарши дамбалар қурилган. Суғоришда фойдаланилади. Қуйи оқимида кема қатнайди.

ХАОС (юн. chaos — тартибсизлик) — юнон мифологиясида азалий чексиз фазо. Оламнинг яратилишигача мавжуд бўлган. Х. — коинот манбаи, у Гея (Ер), Эрот (севги), Эреб (қоронғулик) ва Нюкта (тун)ни яратган, улардан эса бўлар эмиш. Кўчма маънода — бошдан-оёқ тартибсизлик, чигаллик.

ХАРА-БАЛҒАС, Қораболғасун — Уйғур хоқонлиги пойтахти — Ўрдубалиқ ш. харобаси (8—9-а.лар). 840 й. Енисей қирғизлари томонидан босиб олиниб вайрон қилинган. Урхун дарёсининг сўл соҳилида Эрээни-аду монастири (Мўғулистон)дан 15 км шим.да жойлашган. Х.-Б.нинг марказий қисми кўтарма тупроқ б-н ўраб олиниб, қалъа ва арқдан жан.-ғарбда бўлган. Истеҳкомлар ва хом гиштдан қурилган деворларнинг сақланиб қолган бал. 10—12 м, кўриқчи минора (донжон) қалъа ўртасида жойлашиб, унинг бал. 14 м ни ташкил этган. Шаҳар қатъий режа асосида қурилган. Х.-Б. ҳудудида 8—9-а.ларга оид уйғур совол идишлари топилган. Қалъадан жанда ибодатхоналар мажмуи ва унга шарқ томонидан ёндошган турар жой мавзеси аниқланган. Афтидан бу мавзе уйғур хоқони б-н боғлиқ бўлиб, у ердан топилган гранит стела (устун) сиртида аждарқо тасвири ва 9-а.даги уйғур хоқонларидан бирининг шаънига атаб уйғур, хитой ва суғд тилларида битилган ёзувлар акс этган.

ХАРАЖАТЛАР, сарф-харажатлар, чиқимлар — товарларни ч.ч. ва муомаласи жараёнида турли ресурслар (хом ашё, материаллар, меҳнат, хизматлар, маблағлар) сарфлари б-н боғлиқ чиқимларнинг пул шаклидаги ифодаси. Асосан, ч.ч. ва муомала Х.га бўлинади. Ишлаб чиқариш Х.и: доимий Х. — ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмаган чиқимлар (мас., ҳудудни кўриқлаш, маъмурият, бино-иморатларни сақлаш чиқимлари); ўзгарувчан Х. — ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат ҳажмига боғлиқ бўлган чиқимлар. (мас., материаллар, ми кўтарма тупроқ б-н ўраб олиниб, қалъа ва арқдан жан.-ғарбда бўлган. Истеҳкомлар ва хом гиштдан қурилган деворларнинг сақланиб қолган бал. 10—12 м, кўриқчи минора (донжон) қалъа ўртасида жойлашиб, унинг бал. 14 м ни ташкил этган. Шаҳар қатъий режа асосида қурилган. Х.-Б. ҳудудида 8—9-а.ларга оид уйғур совол идишлари топилган. Қалъадан жанда ибодатхоналар мажмуи ва унга шарқ томонидан ёндошган турар жой мавзеси аниқланган. Афтидан бу мавзе уйғур хоқони б-н боғлиқ бўлиб, у ердан топилган гранит стела (устун) сиртида аждарқо тасвири ва 9-а.даги уйғур хоқонларидан бирининг шаънига атаб уйғур, хитой ва суғд тилларида битилган ёзувлар акс этган.

ХАРАЖАТЛАР, сарф-харажатлар, чиқимлар — товарларни ч.ч. ва муомаласи жараёнида турли ресурслар (хом ашё, материаллар, меҳнат, хизматлар, маблағлар) сарфлари б-н боғлиқ чиқимларнинг пул шаклидаги ифодаси. Асосан, ч.ч. ва муомала Х.га бўлинади. Ишлаб чиқариш Х.и: доимий Х. — ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмаган чиқимлар (мас., ҳудудни кўриқлаш, маъмурият, бино-иморатларни сақлаш чиқимлари); ўзгарувчан Х. — ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат ҳажмига боғлиқ бўлган чиқимлар. (мас., материаллар, ражатлари ва б.) ва савдо учун (товарни харид қилиш, ташиш, сақлаш ва сотиш б-н боғлиқ чиқимлар) алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда «муқобил Х.» тушунчаси (агар ҳозирги мавжуд ч.ч. ўрнига муқобил ч.ч. бўлганида олиниши мумкин бўлган қиймат) қўлланади. Бу Х.га фонлар ва мулкдорга тўланадиган ҳақ ҳам киритилади. Х.ни қисқартириш *фойда*ни кўпайтиришнинг муҳим талаби ҳисобланади.

Алишер Вахобов.

ХАРАКИРИ (японча хара — қорин ва кири — ёрмоқ, кесмоқ) — Японияда қорнини ёриб ташлаш орқали шахснинг ўз жонига қасд қилиши. Ўрта асрлардан маълум. *Самурайлар* орасида қабул қилинган бўлиб, ҳукмга биноан ёхуд ихтиёрий суратда (самурайнинг ўз ҳомийси, хўжайинига садоқат белгиси сифатида, самурайнинг «ор-номуси топталган» чоғда ва б. ҳолатларда) амалга оширилган. 2-жаҳон урушида Япония енгилгач (1945 й. авг.), бир қанча япон солдат ва зобитлари иттифоқчи қўшинларга асир тушмаслик учун Х.га амал қилиб, ўзларини ўлдирганлар. Ҳоз. Японияда Х. ҳодисалари кам учрайди.

ХАРАКТЕР (юн. character — хусусият, ўзига хослик) — 1) одам, нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти (мас., жой Х.и); 2) психологияда — одамнинг хатти-ҳаракати ва атроф муҳитга муносабатида намоён бўладиган индивидуал хусусияти. Яна қ. *Феъл-атвор.*

ХАРАКТЕР — адабиёт ва санъат асарларида хусусий белгилари мукаммал тасвирланган ва ўзида феъл-атвор (хатти-ҳаракат, кечинма, фикрий ва нутқий фаолият)нинг тарихан аниқ типини мужассамлантирган, шунингдек, муаллифнинг маънавий-эстетик концепциясини ифодалаган инсон образи. Бадиий Х. умумий (такрорланувчи) ва хусусий (такрорланмайдиган); объектив (бадиий Х.га прообраз бўлиб хизмат қилган киши ҳаётининг ижтимоий-психологик асослари) ва субъектив (прообразнинг муаллиф томонидан идрок ва талқин этилган) белгиларнинг ўзаро уюшган ҳосиласидир. Адабиёт ва санъат асарларидаги Х. тушунчаси фалсафа, социология ва психологиядаги айни тушунчадан инсон образининг концептуавийлиги б-н ажралиб туради.

Х. тушунчаси илк марта Юнонистонда, бадиий ижод руҳий маданиятдан ажралиб чиққан бир даврда пайдо бўлган. Х.нинг антик даврда ифодаланган мазмуни унинг ҳоз. талқинидан кес-

кин фарқ қилган. «...Шоирлар ишгиррокчиларнинг характерларини тасвирлаш учун уларни асарга олиб киришмайди, — деб ёзган эди Аристотель «Шеърият санъати тўғрисида»ги рисоласида, — балки уларнинг хатти-ҳаракатлари орқали характерларини ҳам (асар доирасида) жалб этишади». Антик давр трагедиясида ҳам инсон образи (Х.) эмас, балки воқеа асар ғоясини ифодалаб келган ва муҳим бадиий образ ҳисобланган; персонажлар асардаги муайян бадиий вазиятда ўйнаган роли б-н бир-биридан фарқланган.

Персонаж Х.нинг мустақил тоявий-бадиий аҳамиятга эга эканлиги антик даврдаёқ англашила бошлади. Чунончи, Плутарх «Параллел ҳаётномалар» асарида қаҳрамонларни улар «тақдир»и ва Х.ига кўра ўзаро қиёслаган. «Х.» атамасининг бундай 2 хил маънода қўлланиши 18-а.гача давом этиб келди. Адабиёт ва санъатнинг кейинги ривожланиши натижасида Х. *фабула*дан, асар сюжетидан тамомила ажралиб чиқди.

Узоқ давом этган тарихий-адабий жараёнда Уйғониш ва классицизм даврлари алоҳида ажралиб туради. Уйғониш даврида Х. хулқ-атворининг муайян белгиларидан фориғ бўлиб, умуминсоний ҳодиса сифатида намоён бўла бошлади. У нафақат антик давр ва ўрта аср учун муҳим бўлган маданийлик ва ёввойилик, диний эътиқод ва эътиқодсизлик сингари ўзаро қарама-қарши белгилардан, балки турли руҳоний сифатлардан ҳам холи бўлиб борди. Уйғониш даври қаҳрамонларининг Х.ида ҳаракатчанлик, ўзгарувчанлик кўзга яққол ташланди. Классицизм Х.нинг яна аввалги статик ҳолатига қайтди ва айни пайтда диққат-эътиборини шахснинг онгига — «бурч» б-н «кўнгил»нинг иккисидан бирини танлаш масаласига қаратди. Романтизм эса Х.ни шахснинг ички олами б-н муштарак бўлган ҳодиса сифатида талқин этди. 19-а.да *танқидий реализм*нинг майдонга келиши б-н Х. шахс б-н жамият ўртасидаги ўзаро муносабатнинг узвий бирлиги сифатида узил-кесил шаклланди.

Адабиёт ва санъат асарларида қаҳрамон шахсининг ташқи ва ички моҳияти унинг Х.ини белгилайди ҳамда бу қаҳрамон Х.и муаллифнинг ва б. персонажларнинг у ҳақдаги тавсифномалари, шунингдек, сюжет ривожидаги ўрни ва роли б-н инкишоф этилади. Мас., Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Отабек Х. и, бир томондан, ёзувчи б-н бирга маргилонлик биродарларнинг тавсифномалари, баҳолари, муносабатлари, иккинчи томондан, мазкур қаҳрамоннинг асар сюжетида, воқеалар ривожида ўйнаган роли орқали аниқ қирралар касб этади. Шу фикр романдаги бошқа етакчи қаҳрамонлар Х.ига ҳам оиддир.

Адабиёт ва санъат асарларида тасвирланган қаҳрамонлар ҳар доим ҳам Х. даражасига кўтарила бермайди. Х., образдан фарқли ўлароқ, ёзувчидан катта маҳоратни, қаҳрамоннинг муайян тарихий-ижтимоий ва маданий-маърифий шароитдаги ўзига хос ўрни ва хусусий белгиларини теран очишни тақозо этади. Шу маънода эпик жанрлар ёзувчига қаҳрамон Х.ини ёркин яратиш имконини беради. Мас., М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» ҳикоясида мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган, аммо шунга қарамай, ўзининг эзгу инсоний фазилатларига гард ҳам юқтирмаган Соколов Х.и катта маҳорат б-н яратилган. Бундай ҳолни Ғафур Ғуломнинг «Менинг ўтгинам болам», «Ҳасан Кайфий», Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри», «Анор» каби ҳикояларида ҳам учратиш мумкин.

Ҳар бир миллий адабиётнинг бойлиги қаҳрамонлар Х.ининг ранг-баранглиги б-н ҳам белгиланади. Агар Абдулла Қодирий ўзбек адабиётига Отабек ва Кумуш, Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек ойим сингари ўз сиймосида ўзбек халқи тарихининг муайян тарихий даврини ва шу халқнинг муайян қатламини ифодалаган Х.ларни олиб кирган бўлса, Ойбек 20-а. бошларида яшаган Йўлчи, Гулнор, Шоқосим, Қоратой, Ёрмат сингари 20-а. бошларида яшаган меҳнаткашларнинг ранг-баранг типлари б-н бойитди («Қутлуғ қон»), Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Низомулмулк, Мажидиддин сингари тарихий, Султонмурод, Зайниддин, Тўғонбек сингари тўқима қаҳрамонлар Х.ини кашф этди («Навоий»). Шундай ўзига хос Х.лар Шайхзода, Миртемир, С. Абдулла, М. Осим, Р. Файзий, О. Ёқубов, П. Қодиров, Ш. Холмирзаев каби ёзувчилар ижодида ҳам кўплаб учрайди.

Бадиий кашфиёт даражасига кўтарилган Х., ижобий ёки салбий моҳиятга эга бўлишидан қатъи назар, ҳар бир адабиётнинг бадиий бойлигини ташкил этиб, ўзи мансуб бўлган халқнинг миллий Х.ини, миллий ўзига хослигини бадиий мужассамлантиргани б-н аҳамиятлидир.

Ад.: Тимофеев Л. И., Основы теории литературы, М., 1971; Султонов И., Адабиёт назарияси, Т., 1980; Храпченко М. Б., Горизонты художественного образа, М., 1982; Введение в художественную характерологию, Самарканд, 1983.

Нажм Каримов.

ХАРАКТЕРИСТИК ТЕНГЛАМА — квадрат матрица асосида тузиладиган

$$\det(A-\lambda E)=\begin{vmatrix} a_{11}-\lambda & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22}-\lambda & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1} & a_{n2} & \dots & a_{nn}-\lambda \end{vmatrix}=0$$

кўринишдаги тенглама. У λ га нисбатан n-даражали алгебраик тенглама бўлиб, чап томонидаги кўпҳад матрицанинг характеристик кўпҳади дейилади (қ. *Матрица*).

Чизиқли акслантириш матрицасининг Х.т.си танланган базисга боғлиқ бўлмайди. Х.т. $\lambda^n+p_1\lambda^{n-1}+\dots+p_n=0$ кўринишга келтирилганда, ундаги p_1, p_2, ..., p_n коэффициентлар мос чизиқли алмаштиришнинг муҳим инвариант характеристикаси бўлади (мас., p_1 — матрицанинг изи, p_n эса матрица детерминантидан фақат ишораси б-н фарқ қилади).

Х.тнинг $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n$ илдизлари A матрица ва унга мос чизиқли алмаштиришнинг хос қийматлари дейилади. Мас., $A=\begin{pmatrix} 2 & -1 \\ -3 & 0 \end{pmatrix}$ матрицанинг Х.т.си

$$\begin{vmatrix} 2-\lambda & -1 \\ -3 & -\lambda \end{vmatrix}=\lambda^2-2\lambda-3=0$$

бўлиб, хос қийматлари $\lambda_1=3$, $\lambda_2=-1$. Эрмит матрицасининг хос қийматлари доим ҳақиқий, ортогонал матрицанинг хос қийматлари эса модули 1 га тенг комплекс сонлар бўлади.

Х.т. астрономия, математика, физика, техника каби фанларнинг кўп соҳаларида учрайди: 1) астрономияда сайёраларнинг асрий ғалаёнлари Х.т. га асосан аниқланади. Шунинг учун баъзан Х.т. *асрий* ёки *секуляр* (франц. siecle — аср) *тенглама* деб ҳам аталади; 2) ўзгармас коэффициентли чизиқли дифференциал тенглама

$$p_0y^{(n)}+p_1y^{(n-1)}+\dots+p_ny=0 \qquad (1)$$

нинг Х.т.си y функция ва унинг ҳосилаларини ҳосила тартибига мос даражали λ параметрга алмаштириб ҳосил қилинади:

$$p_0r^n+p_1r^{n-1}+\dots p_n=0.$$

(1) тенгламанинг ечими шу Х.т. илдизлари орқали аниқланади; 3) физикада ғалаёнланмаган квант системанинг ҳолати n каррали айниган системанинг ташқи ғалаён таъсирида бу айниган энергиявий сатҳ n та сатҳга ажралади. Ҳар бир ажралган сатҳнинг энергиявий қиймати масалага оид Х.т.ни ечиш б-н аниқланади.

Ад.: Курош А. Г., Олий алгебра курси [Дарслик], Т., 1976.

ХАРАКТЕРИСТИКА (математикада) — 1) *хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар* б-н боғлиқ махсус оддий дифференциал тенглама (характеристикалар тенгламаси)нинг интеграл чизиқлари.

$$P\frac{\partial u}{\partial x}+Q\frac{\partial u}{\partial y}=R \qquad (1)$$

кўринишдаги квазичизиқли тенглама учун Х.лар тенгламаси

$$\frac{dx}{P}=\frac{dy}{Q}=\frac{dz}{R} \qquad (2)$$

системадан иборат. (1) тенгламанинг ечими (2) система интеграл чизиқларидан тузилган сирт ҳосил қилади. Қуйидаги

$$a\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+2b\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial y}+c\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}=$$

$$=f\left(x,y,u,\frac{\partial u}{\partial x},\frac{\partial u}{\partial y}\right) \qquad (3)$$

чизиқли тенглама учун Х.лар тенгламаси

$$ady^2-2bdxdy+cdx^2=0 \qquad (4)$$

шаклда бўлади. (4) тенглама интегралларидан ёрдамида (3) тенглама каноник кўринишга келтирилади.

Х. тушунчаси ихтиёрий сондаги аргументли, чизиқсиз тенглама ҳолда тенгламалар системаси учун ҳам киритилади; 2) ўнли логарифмнинг бутун қисми.

ХАРАППА — *Харанпа маданияти* бош марказларидан бирининг харобаси. Покистоннинг Мўлтон вилоятидаги Рави дарёсининг эски ўзани яқинида жойлашган. 19-а.нинг 50-й.ларида инглиз олими А.Каннингхэм томонидан очилган. Кейинчалик инглиз ва ҳинд археологлари Ж. Маршалл, Э. Маккей, М.Уилер, Д.Сахни, Р.Банержилар талқиқ қилганлар. Қишлоқ 260 га дан зиёд майдонни эгаллаб, қалъа ва қуйи шаҳар қисмидан иборат бўлган. Шаҳар қисми аниқ режа асосида қурилган, у кварталларга бўлинган, и.ч., хўжалик мажмуалари (ғалла омбори, тегирмонлар, қу-йиш устахоналари) мавжуд бўлган. Ҳ.дан топилган бошқа моддий маданият ёдгорликлари Харппа маданиятининг барча қишлоқлари учун ҳам хосдир.

ХАРАППА МАДАНИЯТИ, Ҳинд водийси тамаддуни — жез даврига оид юксак ривожланган шаҳар маданияти (мил. ав. 2500—1800 й.лар). Ҳиндистоннинг қад. аҳолиси — дравидлар томонидан яратилган деб тахмин этилади. Ҳиндистон ва Покистоннинг Ҳинд дарёси водийси ва унга қўшни вилоятлардаги улкан ҳудудга (300 минг кв. км майдонга) тарқалган. Харппа савдо колонияси мансублиги аниқланган. Х.м.нинг ҳалокатга учраши (ҳасид-орийлар истилоси, экологик шароитнинг ўзгариши, безгак эпидемияси) сабаблари номаълум.

Харппа маданияти. Моҳенжо Дародан топилган ҳайкалча.

Ёзувли муҳр намуналари.

Ад.: Косамби Д., Культура и цивилизация древней Индии. Исторический очерк, М., 1968; Культура древней Индии, М., 1975; Бэшэм А., Чудо, которая была Индия, М., 1977; Ғиёсов Т.Ғ., Қадимги Ҳиндистон тарихи, Т., 2000; Индия и Центральная Азия (доисламский период), Т., 2000.

ХАРАРЕ (1982 й.гача Солсбери) — *Зимбабве* пойтахти. Матабеле платосида 1400 м баландликда жойлашган. Иқлими субтропик, янв.нинг ўртача т-раси 21°, июлиники 16°, йиллик ёғин 800 мм дан зиёд. Аҳолиси 1,4 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), асосан, африкаликлар, қисман европаликлар. Т.й. орқали Ҳинд океани соҳилидаги Мапуту ва Бейра портлари б-н боғланган. Автомобиль йўллари чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга.

Х. — мамлакатнинг муҳим савдо-саноат ва молия маркази. Металлсозлик, машинасозлик, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат (тамаки, шакар-қанд, ёғмой, ун тортиш, пиво ва б.) саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқарилади. Тамаки маҳсулотларининг йирик бозори. Шаҳар олтин ва хром қазиб олинадиган р-н маркази. Ун-т, илмий муассасалар, йирик ўқув маркази, Миллий санъат галереяси, музейлар, кутубхона. Миллий боғ бор. Шаҳарга 1890 й.да асос солинган.

ХАРАСИМОН СУВЎТЛАР (Charophyta, charophyceae) — юксак тузилган сувўтлар гуруҳи. Тузилиши қирқбўғимларга ўхшайди. Бўйи 1 м гача. Таначаси бўғимларга бўлинган; «поя» ва

Хараре шаҳри. Марказий кўча.

Харасимон сувўтларнинг умумий кўриниши.

«барг»лардан, ҳар бир бўғимда ҳалқа бўлиб жойлашган калта цилиндрсимон шохчалардан иборат. Ҳар бир ҳалқадаги барглардан бирининг барг қўлтиғидан асосий пояга ўхшаган ён «поя» ўсиб чиқади. Танасининг пастки қисми балчиққа ёки қумга ботиб туради. Вегетатив кўпаяди. Х.с. палеозой эрасининг ўрталарида кенг тарқалган, тўрт қабиласи қолган. 3 оила ва 7 туркумга бирлашган 300 тури маълум. Ўзбекистонда нителла, нителлопсис, лампротамниум ва б. турлари тарқалган.

Х.с., кўпинча чучук ва шўр сувли ҳавзаларда учрайди. Ўзбекистонда, асосан, кўл, зовур, шолипоя ва қисман дарё, ариқ ва булоқларда харазорларни ҳосил қилади. Бир гектар майдондан 30—330 т тўйимли ва озуқабоп биомасса олинади.

ХАРА-ХОТО (мўғулча — Қора шаҳар) — Эдзина (ёхуд Хэйжучен) шаҳар-қалъа харобаси, Ғарбий Ся давлатининг Эдзин-Гол дарёси қуйи оқими бўйидаги ҳарбий округларидан бирининг маркази. Дастлаб 11-а. бошидаги ёзма манбаларда қайд этилган. 1226 й. *Чингизхон* томонидан вайрон қилинган. П.К.Козлов бошчилигидаги рус археологик экспедицияси томонидан (1908, 1909, 1926 й.ларда) тадқиқ этилган. Тўғри тўртбурчак тарҳли (440×360 м) шаҳар — бурж, миноралари, истеҳкомлари, субурганлари (буддавий диний иншоотлар) бўлган пахса девор б-н ўралган. Дўкон, устахона, турар жой, омборхоналар харобалари сақланган. Шаҳар атрофида экинзорлар, суғориш каналлари, чорбоғлар жойлашган. Кўплаб меҳнат қуроллари, ҳунармандчилик буюмлари, турли ҳужжатлар, хитой тангалари, Юань сулоласи томонидан жаҳонда илк маротаба чиқарилган қоғоз пуллар топилган. Субурғанлардан бирида Будда динига оид буюмлар (гравюра, ҳайкаллар), тангут, тибет, хитой тилларида битилган 2000 жилддан зиёд китоблар ва қўлёзмалар, тангут ёзувини ўқишга асос бўлган тангут-хитой луғати ва б. чиққан. Х.-Х. топилмалари Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажида сақланади.

Хара-Хото яқинидаги будда иншооти.



ХАРАШКАТ — қ. *Қанқа*.

ХАРБИН — Хитойнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Хэйлунцзян провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 9,2 млн. киши (1998). Сунгари дарёсининг ўнг соҳилида. Йирик т.й. чорраҳаси, дарё порти. Аэропорт бор. Мамлакатнинг муҳим саноат, илмий ва маданий маркази. Етакчи саноат тармоғи — машинасозлик, хусусан, электротехника, электроэнергетика, транспорт, станоксозлик, приборсозлик ва б. Ёғочсозлик, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Х.да 15 дан ортиқ олий ўқув юрти, музей ва театрлар бор. Шаҳарга 1898 й.да Хитой Шарқий т.й.нинг қурилиши б-н асос солинган.

ХАРГИЗА, кўкўт (Poterium ployqamum W. et. K.) — раънодошлар оиласига мансуб кўпйиллик ўтсимон ўсимлик. Бўйи 40—80 см. Илдизи ўқ илдиз. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида учрайди. Йўл, дала, ариқ ёқаларида ва боғларда, шунингдек, тоғ водийлари ва ён бағирларида ўсади. Май — июнда гуллаб, июлда мева тугади. Экинзорларда бегона ўт сифатида учрайди.

ХАРДАНДОН (Halimocnemis villosa Kar. et. Kir.) — шўрадошларга мансуб бир йиллик сершох ўт. Бўйи 3—25 см, қисқа ва узун туклар б-н қопланган. Барглари қалами, семиз, уз. 20—50 мм. Гулқўрғони оддий, 4 та наштарсимон бўлакчадан иборат, уларнинг пастки қисми мева етилиши олдидан қўшилиб кетади ва қаттиқлашади. Х. июнь — сент.да гуллаб мева беради. Ўзбекистонда шўрхок, қумоқ, майда чағиртошли, лой тупроқли ва қумли ерларда кенг тарқалган. Қоракўл қўйлари ва туяларга озуқа.

ХАРДИ—ВАЙНБЕРГ ҚОНУНИ — бир ген аллеллари бўйича фарқ қилувчи, ўзаро эркин чатишадиган популяцияларда аллеллар ва генотипик синфлар учрашиши тезлигининг тақсимланишини тасвирловчи қонун. 1908 й.да бир-бирларидан мустақил ҳолда инглиз математиги Г. Харди ва немис врачи В. Вайнберглар кашф этишган. Х. — В. қ.га биноан, мутация, танлаш босими, миграция ва генлар дрейфи юз бермайдиган ҳолларда аллелларнинг ўзаро учраш тезлиги авлоддан-авлодга ўзгаришсиз ўтади. Модомики, авлодда аллелларнинг учраш тезлиги ота-оналарникига ўхшаш бўлар экан, у ҳолда генотипларнинг ҳам учраш частоталари ўзгаришсиз қолади. А-аллелини «р», а-аллелини эса «q» ҳарфи б-н белгиланса, у ҳолда $p+q=1$ бўлиши, бу формула ёрдамида популяцияда А ва а аллелларининг учраш тезлиги; АА, Аа, аа генотипларининг учраш тезлигини эса $p^2+2pq+q^2$ формула ёрдамида аниқлаш мумкин. Х. — В.қ. популяциялар генетикаси учун муҳим аҳамиятга эга. Қонун популяцияларда кам учровчи аллелларнинг аксарият ҳолларда гетерозигота организмларда сақланиб қолишини кўрсатиб беради. Х. — В. қ. табиий шароитда амал қилиши жуда қийин, чунки популяцияларга генетик мувозанатни бузувчи ташқи ва ички омиллар доимо таъсир этиб туради. Шу сабабли Х. — В.қ.ни кейинги популяцион-генетик моделлар яратилишининг бошланғич шакли сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлади.

ХАРИ (қурилишда) — иморат тўсинлари остидан кўндалангига қўйилган асосий ёғоч. Тўсинларга нисбатан узунроқ ва йўғонроқ, асосан, думалоқ кесимли бўлади. Баланд ва пишиқ навли дарахтлар (терак, қарағай, қайрағоч, игна баргли дарахтлар ва б.)дан тайёрланади. Х. боп ёғоч олиш учун дарахт танаси зарур узунликда кесиб олингандан сўнг пўстлоғи шилиниб, салқин жойда аста-секин қуритилади. Х.лик ёғоч иложи борича дарз кетмаган, ёрилмаган бўлиши лозим. Х. диаметри (йўғонлиги) 15—30 см, уз. 5—7 м бўлади. Диаметри бўйига монанд қилиб (қанча узун бўлса, шунча йўғон ёғоч) танланади. Шунда у тўсинлар оғирлигидан эгилиб кетмайди. Дарахт танасининг бутоқлари, шох-шаббалари кесиб ташланиб, пўстлоғи шилингани хода (узуни Х.ликка ярайди), калта-калта қилиб кесилган бўлаклари ғўла деб аталади.

Ад.: Қосимов Э., Қурилиш ашёлари, Т., 2004.

ХАРИД ҚОБИЛИЯТИ — 1) мамлакат пул бирлигининг муайян миқдордаги товар ва хизматларга айирбошланиш қобилияти, пул бирлигига сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори.

Пулнинг Х.қ., биринчи навбатда, товарлар нархи ва хизматлар учун белгиланган тарифларга, шунингдек, *инфляция*га боғлиқ. Мас., нархлар 2 марта ошганда пулнинг Х.қ. 2 марта пасаяди.

Пулнинг Х.қ. паритети икки (ёки бир неча) валюта ўртасида муайян товарлар ва хизматлар тўпламини харид этиш қувватлари нисбатини, бошқа мамлакатларнинг пул бирликларида ифодаланган бир мамлакат пул бирлигининг харид қуввати нимага тенг эканлигини кўрсатади. Мас., бир хил товарлар тўплами АҚШда 1000 доллар, Германияда 2000 евро турса Х.қ. паритети 1 доллар=2 евро ёки 1 евро = =0,5 доллар бўлади; 2) фирма, хонадон ва давлатнинг ўз қўлида бўлган пул маблағларига мос ҳолда мамлакатда шаклланган товарлар нархи ва хизматлар тарифлари даражасида сотиб олишга қодир бўлган товарлар ва хизматлар миқдори. Аҳолининг Х.қ. даромадлар даражасига ва бу даромадда харид учун ажратилиши мумкин бўлган қисм миқдорига боғлиқ. Товарлар нархи ва хизматлар тарифлари қийматлари ҳам муҳим роль ўйнайди (яна қ. *Аҳоли харажатлари*).

ХАРИЗМА (юн. charisma — мурувват, илоҳий қобилият) — бирор шахснинг бошқаларга нисбатан алоҳида хусусиятларга эгалиги (донолиги, қаҳрамонлиги, авлиёлиги) ва шу хусусият ёрдамида халқни бошқаришга ҳақли эканлигини ифодалайдиган тушунча. Х. тушунчасини илк бор италиялик руҳоний Ст. Паул мўъжизавий қобилиятга эга бўлган Исо пайғамбарга нисбатан ишлатган. Аммо Х.ни илмий тушунча сифатида М. *Вебер* чуқур тадқиқ қилиб, уни «худо берган неъмат» деб номлаган. Қад. даврларда фақат илоҳий мазмунга эга бўлган тушунча вақт ўтиши б-н олимлар томонидан реал ҳаётга татбиқ этила бориб, илоҳий қобилиятга эга бўлмаган, аммо алоҳида хусусиятларга, юксак фазилатларга эга бўлган етакчи тарихий шахсларга нисбатан ҳам ишлатила бошланган.

ХАРИСБОБО МАҚБАРАСИ — Хоразм вилоятидаги меъморий ёдгорлик (18—19-а.лар). Мақбара пештоқли зиёратхона ва гўрхонадан иборат; пишиқ ғиштдан безаксиз, гумбазтомли қилиб қурилган. Пештоқли дарвоза орқали зиёратхона (4,0×4,0 м) ва ундан гўрхона (3,0×3,0 м)га ўтилади. Пештоқ юқорига томон бир оз торайиб бориб, ғиштин шарафа б-н якунланган. Зиёратхона гумбази қалқонсимон бағалларга ўрнатилган, гўрхона гумбази бир ғишт қалинлигида ишланган.

ХАРИТА (юн. charles — варақ ёки хат ёзиладиган папирус), карта — Ер юзаси, бошқа осмон жисмлари ёки космик фазонинг математик аниқ белгиланган, кичрайтирилган, умумлаштирилган тасвири. Қабул қилинган шартли белгилар системасида уларда жойлашган объектлар кўрсатилади (қ. *Географик хариталар, Харитаграфия*).

ХАРИТАГРАММА (*харита* ва ... *грамма*) — бирор ҳодисанинг ўртача интенсивлигини харитада кўрсатилган маъмурий-ҳудудий бирлик доирасида ҳар хил қуюқликдаги ранглар б-н ёки зичликда штрихлаб тасвирлаш усули. *Харитадиаграммалардан* фарқли равишда, Х.да нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади (мас., вилоят ёки туманлар бўйича аҳоли зичлиги, қ.х. экинларнинг ҳосилдорлиги ва ҳ.к.). Рангларнинг қуюқлашиши ёки штрихларнинг зичлиги харитага туширилаётган кўрсаткич қийматининг ўсиши ёки камайишига мос равишда ўзгариб боради, одатда, интенсивлик учун поғонали шкала қўлланилади. Х.ни тузишда хаританинг мақсади эътиборга олинади. Ўқув хариталарида поғоналар 3—5 тадан ошмайди, маълумотнома хариталарда эса кўпроқ танланади. Натижада кўрсаткичларнинг аниқлиги ортади.

ХАРИТАГРАФИК ПРОЕКЦИЯЛАР — Ер эллипсоиди сирти ёки унинг бирор қисми юзасини хариталар чизиш мақсадида текисликда математик асосланган тасвирлаш усуллари. Шар ёки эллипсоид сиртини текисликка ёйганда устма-уст тушган ва очиқ жойлар ҳосил бўлади. Ер юзасини текисликда тасвирлаганда 2 асосий талаб, яъни тасвирнинг бир хиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш талаб этилади. Уларни бажариш учун узилган жойларда тенг чўзиш ва, аксинча, буришиб қолган (яъни, устма-уст тушган) жойларда тенг сиқиш ишлари бажарилади. Харитаграфик тасвирда улар натижасида узунлик, бурчак, майдон ва шакл хатоликлари (бузилишлар) юзага келади. Узунликлар хатосида харитадаги чизиқларнинг масштаби уларнинг ҳолати (ўрни) ҳамда йўналиши ўзгариши б-н ўзгаради. Харитадаги бурчаклар Ер юзасидаги бурчакларга тенг бўлмайди. Бурчаклар хатоликлари контурлар шаклидаги хатоликни келтириб чиқаради. Майдонлар хатолиги натижасида харитадаги майдонлар масштаби жой ўзгариши б-н ўзгаради. Шакл хатолиги натижасида объектларнинг харитадаги шакли жойдаги ўзига мос географик объектларнинг шаклига ўхшамайди. Х.п. назариясида Ер эллипсоиди юзасидаги чексиз кичик доирачалар текисликда эллипс б-н тасвирланади ва хатоликлар эллипси деб юритилади.

Х.п. назариясининг тараққиёти геодезия, астрономия, геогр. ва мат.нинг ривожланиши б-н узвий боғлиқ. Унинг илмий асослари Юнонистонда (мил. ав. 6—1-а.ларда) яратилган. Жумладан, Милетлик Фалес (мил. ав. 6-а.) юлдузлар харитасини тузишда гномоник проекцияни ишлаган. Ернинг шарсимонлиги аниқлангандан сўнг Х.п. янада ривожланди ва географик хариталар тузишда (Гиппарх, Птолемей, Беруний ва б.) кенг қўлланилди. 16-а.дан географик тадқиқотлар кенгайиб, янги Х.п. тузила бошланди *(Меркатор проекцияси)*. 17—18-а.ларда Х.п. топографик хариталар тузиш асосида тараққий этди (Р. Бонн, Ж. Кассини, И. Ламберт ва б.). 19-а.дан ҳарбий харитаграфия юксалиб, Х.п.нинг математик асоси тез ривожланди (К. Гауссниг геодезик проекцияси). А. Тиссо Х.п.даги хатоликларнинг умумий назариясини берди. Л. Эйлер, Ф.И. Шуберт ва б.нинг асарларида Х.п.нинг янги гуруҳлари, таснифи, умумий назарияси масалалари ишлаб чиқилган.

Х.п. хатоликлар хусусиятларига кўра тенг бурчакли, тенг майдонли ва ихтиёрий проекцияларга бўлинади. Тенг бурчакли проекцияларда бурчаклар ва харитада кўрсатилган контурлар шакли хатосиз тасвирланади. Улардан навигация хариталари (денгиз, авиация, йўл хариталари)ни тузишда кўпроқ фойдаланилади. Бироқ тенг бурчакли проекцияларда майдонлар бўйича хатоликлар катта бўлади. Тенг майдонли проекциялар майдонларнинг ҳақиқий қийматини (эквивалентлигини) сақлаб қолади. Ихтиёрий проекциялар орасида тенг оралиқли проекциялар кўпроқ учрайди. Уларда масштаб бош йўналишлар, мас., меридиан ёки параллеллар бўйича ўзгармас ва бош масштабга тенг. Эллипсоид ёки шар юзасини харитага туширищ вақтида текислик, цилиндр, конус, конуслар серияси ва б. геометрик шакллар ёрдамчи юзалар сифатида хизмат қилади. Цилиндрик проекцияларда ёрдамчи геометрик юза бўлиб, эллипсоид ёки шар сиртига уринма ёки кесувчи цилиндрнинг ён томон сирти, конусли проекцияларда эллипсоид ёки шарга уринма ёки уни кесувчи конуснинг ён томон сирти, азимутал проекцияларда эллипсоид ёки шар сиртига уринма ёки уни кесувчи текислик ҳисобланади. Харитаграфик тўрларнинг кўриниши, меридиан ва параллелларнинг шакли, улар ўртасидаги оралиқлар қиймати Х.п. усулига боғлиқ бўлади. Ёрдамчи юзани эллипсоид ёки шарнинг қутбий ёки экваторга нисбатан ориентирлашга кўра Х.п. нормал (тўғри), кўндаланг ва қийшиқ проекцияларга бўлинади. Бир ёки бир неча



Харитаграфик проекциялар:
1. Азимутал: *а* — нормал (тўғри) тенг оралиқли; *б* — кундаланг тенг майдонли; *в* — қияшиқ тенг оралиқли.

2. Г. Меркаторнинг тенг бурчакли цилиндрик проекцияси.

3. В. В. Каврайскийнинг тенг оралиқли конусли проекцияси.

дастлабки асос қилиб олинган проекцияларни қайта тузиш йўли б-н ҳосил қилинган псевдоцилиндрик, псевдоконусли, псевдоазимутал ва б. проекциялар шартли проекциялар ҳисобланади. Булардан ташқари, ҳар қандай ҳудуд учун керакли проекцияни танлаб олишга имкон яратувчи Х.п.нинг махсус атласлари мавжуд. Улар ёрдамида компьютер орқали мақбул тўр осон топилади, хусусиятларни тезда баҳолаш зарурати бўлса, интерактив режимда уларнинг шакли бошқа кўринишга келтирилади ҳамда ўзгартириш имкони бўлади. Х.п.ни танлашда ҳудуднинг географик ўрни, катталиги, ташқи кўриниши, хатоликлар хусусияти, узунлик, бурчак ва майдонлар хатоликлари, уларни тақсимланиши ва б. ҳисобга олинади.

Дунё хариталарини тузишда, одатда, цилиндрик, псевдоцилиндрик ва кўп конусли проекциялар, ярим шарлар хариталарини тузишда азимутал, материк хариталарини тузишда ҳам, асосан, азимутал проекциялар асос қилиб олинади. Ўзбекистон хариталари нормал (тўғри) тенг бурчакли ва нормал (тўғри) тенг оралиқли конусли проекцияларда тузилади [мас., Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўқув табиий хариталари (2004 й.)]. Топографик хариталар Гаусс-Крюгерларнинг кўндаланг цилиндрик проекциясида, денгиз хариталари Меркатор проекциясида тузилади. Умуман, цилиндрик проекциялардан экваторга нисбатан симметрик ёки унга яқин жойлашган, шунингдек, узоқлик бўйича чўзилган ҳудудлар учун, конусли проекциялардан ўрта кенгликларда-ги ҳудудлар учун, азимутал проекциялардан қутбий ўлкаларни тасвирлашда, кундаланг ва қияшиқ цилиндрик проекциялардан меридианлар бўйлаб чўзилган ҳудудларни, кундаланг ва қияшиқ азимутал проекциялардан қиёфаси айланага яқин ҳудудларни тасвирлашда фойдаланилади.

Ад.: Берлянт А. М., Картография, М., 2002; Бугаевский Л. М., Математическая картография, М., 1998; Этамбердиев А., Картография, Т., 2000.

ХАРИТАГРАФИК ТАДҚИҚОТ УСУЛИ — воқеа-ҳодисаларни билиш, илмий таҳлил қилиш ва олдиндан айтиб бериш учун тайёр *географик хариталар*дан фойдаланиш усули. Х.т.у. қуйидагилардан иборат: 1) хариталарга қараб воқеа-ҳодисаларнинг жойлашиши, ареалари ва динамикасини бевосита кўз б-н аниқлаб таҳлил қилиш; 2) график таҳлил — хариталар асосида профиллар ва кесмалар чизиш, блок диаграммалар, графиклар ва б. диаграммалар тузиш; 3) фоаналитик ишлар — харитада тасвирланган объектларнинг координаталари, масофалари ва баландлиги, майдони, ҳажми, бурчаги ва б. хусусиятларини харитадан аниқлаш; 4) бир хил воқеа-ҳодисалар (ҳаво тераси, аҳоли зичлиги, ҳосилдорлик ва б.)ни хариталарга қараб таққослаш этишда қўлланиладиган математик-статистик таҳлил; 5) харитадан олинган дастлабки маълумотлар асосида воқеа-ҳодисаларни математик-харитаграфик моделлаштириш. Булар кўпинча биргаликда ишлатилади.

ХАРИТАГРАФИК ТЎР — хариталарда *меридиан* ва *параллел*ларнинг ўзаро кесишишидан ҳосил бўлган тўр. Чизиқлар харита масштаби ва белгиланишига кўра турли интервалдаги градус, минутлардан ўтказилади. Ўрта ва йирик масштабли хариталарда Х.т. кўрсатилмайди, харита рамкаларида меридиан ва параллеллар ўрни кўрсатилади. Хариталарни тайёрлашда Х.т. харитаграфик тасвирни яратиш учун синч (асос) вазифасини бажаради. Ҳар идидаги нуқталар координаталарини аниқлашга, харитага нуқталарни уларнинг координаталари бўйича туширишга, чизиқлар йўналишини дунё томонларига нисбатан ўлчашга, хариталарнинг исталган жойида масштабларини ва хатоликларини ҳисоблаб чиқаришга имкон беради. Х.т.да параллелларнинг ҳисоби экватордан бошланади. 1884 й.ги Халқаро келишувга мувофиқ, *Гринвич меридиани* бош меридиан деб қабул қилинган.

ХАРИТАГРАФИЯ (юн. khartо — *харита* ва *графия*) — харитаграфик асарларни ўрганиш, яратиш ва фойдаланиш б-н шуғулланувчи фан, техника ва н.ч. соҳаси. Ҳоз. кунда Х. 3 йўналишда: хариталар воситасида табиат ва жамият ҳодисаларини ҳудудий жойлашуви, уйғунлиги ва ўзаро алоқаларини акс эттириш ва тадқиқ этиш ҳақидаги фан; Х. асарларини яратувчи ва фойдаланувчи техника ва технологиялар соҳаси; Х. маҳсулотларини (хариталар, глобуслар, атласлар ва б.) тайёрлаш ва босиб чиқариш б-н боғлиқ н.ч. соҳаси сифатида ривожланмоқда.

Х. хариташунослик, математик Х., хариталарни лойиҳалаш ва тузиш, харитаграфик семиотика, харитаграфик дизайн, хариталарни нашр қилиш, хариталардан фойдаланиш, Х. манбашунослиги, Х. информатикаси ва б. ни ўз ичига олади. Х. геодезия, топография ва геогр. фанлари б-н узвий боғлиқ. Х. тадқиқотлари натижаларидан иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг фойдаланилади.

Х.нинг фан сифатида ривожланишида юнон олимлари (Анаксимандр, Эратосфен, Аполлоний, Гиппарх ва б.)нинг ишлари муҳим аҳамиятга эга. Улар биринчи бўлиб, тасвирлаш асосида математик принципларни қўллаб, меридиан ва параллеллар тўридан фойдаланганлар. Эратосфен берган маълумотга кўра, Ернинг илк харитаграфик тасвирини Анаксимандр (мил. ав. 610—546 й.лар) яратган. Эратосфен биринчи бўлиб харитага градус тўрларини тушириб, Ер меридиан айланаси узунлигини ҳисоблади. Птолемей Х. проекцияларини яратиш усуллари баёнини ўз ичига олган 8 китобдан иборат «География»ни (қисқача «География») асарини ёзди. У ўша даврда маълум бўлган маълумотларга асосланиб 90 дан ортиқ харита тузди ва бизгача етиб келган географик хариталарнинг энг биринчи системали тўпламини яратди.

9—11-а.ларда яшаб, ижод қилган Хоразмий, Беруний, Кошғарий, Ҳофиз Абру каби буюк алломалар жаҳон геогр.си ва Х.синнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. Хоразмий Шарқда биринчи бўлиб, Птолемейнинг «География» асарини танқидий ўрганиб, янги маълумотлар б-н бойитди ва Шарқ географлари тўпланган маълумотларга таянган ҳолда янги «Жаҳон хариталари»ни яратди. Ушбу хариталар изоҳини у «Сурат ал-арз» асарида баён этган. Беруний Шарқда биринчи бўлиб глобус яратган (1616) ва мустақил тарзда меридиан айланаси узунлигини ҳисоблаб чиққан. «Китоб ат-Тафҳим» китобида илова тарзида дунё харитасини берган.

13-а. охири ва 14-а. бошларида савдо-сотиқ ва кемачиликнинг ривожланиши, мустамлакаларни кенгайтириш мақсадида денгиз ва океанларда хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи махсус навигацион хариталари (портолона)ни яратишга туртки бўлди. Терига чизиқли масштаб асосида туширилган бундай хариталарда қирғоқ чизиқлари, портлар ва улар орасидаги масофалар аниқ кўрсатилган. Географик харита ва Х. тараққиётида 15-а. алоҳида босқич ҳисобланади. Бу даврда китоб нашр этиш кашф қилиниши натижасида хариталарга бўлган эҳтиёж кескин ошди. Бундай корхоналар дастлаб Италиянинг Генуя, Венеция ва Флоренция каби йирик савдо шаҳарларида вужудга келди. Ўша даврда нидерланд олимлари Аврам Ортелий (1527—1598) ва Г. *Меркатор* Х. ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

Илм-фан ва техника ривожланиши б-н хариталарга, уларнинг мазмуни ва аниқлик даражасига бўлган талаблар ҳам ортиб борди. 18-а.да Франция ФА олимлари градусни аниқ ўлчаб, Ернинг шакли ва катталигини ҳамда 1° меридиан ва параллел ёйларининг узунлигини аниқ ҳисоблаб чиқдилар. Ёйларнинг узунлиги голланд олими В. Снелиус кашф қилган триангуляция усулида аниқланди. Натижада Ернинг шар шаклида эмас, балки айланма эллипсоидга яқин шаклда эканлиги маълум бўлди.

19-а. охири — 20-а. бошларида давр талаби топографик хариталарда рельефнинг аниқ тасвирланишини тақозо этди. Натижада план олиш ишлари кипрегель ёрдамида бажарилиб, рельеф эса горизонталлар ёрдамида тасвирланадиган бўлди. 19-а.нинг 1-ярмида фаннинг кўпгина соҳаларида илмий ва амалий маълумотлар тўпланди. Уларни системага олиш ва атрофлича ўрганиш зарурати туғилди. Махсус иқлим, тупроқ, геологик, иқтисодий ва б. хариталар тузила бошланди. 20-а. бошларига келиб, йирик масштабли хариталар аэрофотосъёмка материаллари асосида яратиладиган бўлди. Сўнгги йилларда географик хариталарни тузишда космоснан туриб олинган суратлар кенг қўлланади.

Ўзбекистонда Х. 20-а. бошларидан ривожланди. 1934 й.да Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона бўлган Тошкент Харитаграфия ф-каси ташкил этилди. Давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларини мавзули, сиёсий-маъмурий, маълумотнома ва ўқув хариталари ва атласлари б-н таъминлаш вазифаси ушбу ф-ка зиммасига юкланди. Ҳоз. кунда Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари учун топографик, обзор-топографик ва обзор хариталар мавжуд. Улар турли мавзудаги харита ва атласларни тузишда асос бўлиб хизмат қилади. Хўжалик, таълим ва мамлакат мудофаасининг хариталарга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида мавзули ва комплекс харита олишнинг турли йўналишлари ривожланди, системали ёндошган ҳолда комплекс харита олиш концепцияси шаклланди. Шу мақсадда аэрокосмофотосъёмка материалларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди ва янги харитаграфик асарлар яратишда турли соҳа мутахассисларининг ҳамкорлигида катта илмий-услубий аҳамиятга молик тажриба тўпланди. 1997 й. 25 апр.да «Геодезия ва картография тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди ва амалга киритилди.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда Х.нинг ривожланиши ҳақида *География* мақоласининг Харитаграфия қисмига қ.

Ад.: Берлянт А. М., Картография, М., 2002; Этамбердиев А., Ўзбекистонда картографиянинг шаклланиши, қозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболлари, Т., 2001.

Асомбердн Этамбердиев.

ХАРИТАДИАГРАММА (*харита* ва *диаграмма*) — бирор ҳодисанинг жамланган мутлақ рақамли қийматини харитада кўрсатилган маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича тақсимланишини диаграммалар ёрдамида тасвирлаш усули. Ҳ.дан кўргазмали таққослаш учун фойдаланилади (мас., вилоят ёки туманлар бўйича қ.х. экинлари майдони, ялпи ҳосили ва б.). Улар алоҳида тасвирлаш усули сифатида, айниқса, ижтимоий-иқтисодий мавзули хариталарни (мас., аҳоли ва меҳнат ресурслари, саноат, қ.х. ва ўрмон хўжалиги, ижтимоий инфраструктура ва ҳ.к.) яратишда кенг қўлланилади. Диаграммалар узунлиги, майдони ва ҳажми тасвирланаётган миқдорларга пропорционал бўлади.

ХАРИТА-СХЕМА — харитаграфик тасвир ва географик асос элементлари соддалаштириб тасвирланган харита. Х.-с.да харитаграфик тўр кўрсатилмайди. Х.-с. объект (воқеа, ҳодиса ёки жараён) ҳақида умумий тасаввур беради ва унинг энг муҳим хусусиятларини кўрсатади. Х.-с.да махфийлик бўлмайди, масштаб ҳам кўрсатилмаслиги мумкин.

ХАРИТАШУНОСЛИК — харитаграфик асарлар ҳақидаги таълимот, *харитаграфия*нинг бўлими. Унинг назарий асосларини, фан сифатидаги предмети ва методини, умумий муаммоларини, хариталарни яратиш ва улардан фойдаланишнинг методологик асосларини ўрганади. Харитаграфик белгилар ва харитаграфик тасвирлаш усулларини, харитаграфик умумлаштиришнинг назарий асосларини, харита ва атласларни таснифлаш ҳамда харитаграфик тадқиқот усули принципларини, харитаграфия ва географик хариталар тарихини ўрганиш ҳам Х.нинг вазифаларидан.

ХАРИУСЛАР (Thymallidae) — лососсимон балиқлар туркумининг оиласи. Уз. 25—30 см, вазни 500 г, баъзан ундан ортиқроқ. Танаси қалин тангачалар б-н қопланган. Орқа сузгичи узун, кўпинча чиройли рангли. Ён чизиқлари, жағлари ривожланган. Европа, Шим. Осиё ва Шим. Америка дарёларида яшайди. 1 уруғи 6 тури маълум. Ўрта Осиё дарёларида учрамайди. Одатда, туби шағал тошли дарёларда тарқалган. Ҳашаротлар ва улар личинкаси, қисқичбақасимонлар, моллюскалар, майда балиқлар б-н озиқланади. 3—4 й.да вояга етади. Май — июнда шағал тошли сув тубига 3—36 минг увилдириқ ташлайди. Х. маҳаллий аҳоли томонидан ва спорт мақсадида овланади.

ХАРЛЕМ, Гарлем — Нидерландиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Шим. Голландия провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 148,7 минг киши (2001). Спарна каналидаги бандаргоҳ. Гулчилик р-ни маркази. Экспорт учун гуллар, асосан, лола экилади. Транспорт машинасозлиги, синтетик каучук и.ч., парфюмерия, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Музейлар, боғлар бор. 14—18-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган.

ХАРРАТОВ Матёқуб Қурбон харрот (дурадгор) ўғли (1867, Хива — 1939, Урганч) — халқ созандаси (танбур, дутор, ғижжак), мақомчи, хаттот. Худойберган муҳркан, Ниёзжон Хўжа ва Комил Хоразмийларнинг шогирди ва издоши. Комил Хоразмий ихтиро этган *«Танбур чизиғи»*ни такомиллаштиришда ва унинг воситасида Хоразм мақомларини нотага олишда ижрочи, тадқиқотчи ва хаттот сифатида Муҳаммад Расул Мирзабоши б-н ҳамкорлик қилган (1886—91). Муҳаммад Раҳим II саройида созанда ва мақомчилар устози (1888—1906). Хива мусиқа мактабида ўқитувчи (1923—28), Созчилар уюшмаси ансамбли (1928—32) ва Урганч театри (1932—39)да созанда. Х.дан Санъатшунослик ин-ти ходимлари Е. Романовская, И. Акбаровлар 1934 й. танбур ижросида Хоразм мақомларининг чолғу йўлларини ёзиб олган («Хоразм классик мусиқаси», Т., 1939). Ғижжак учун «Харротий» номли куй яратган.

Ad.: Олимбоева К., Аҳмедов М., Ўзбекистон халқ созандалари, Т., 1959.

ХАРРАТОВ Матюсуф (тахаллуси Чокар) (1889, Хива, Шайхлар қишлоғи — 1952, Тошкент) — хонанда, созанда (чанг, танбур), бастакор, шоир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). *Харратов* Матёқубнинг ўғли. Ёшлигидан мусиқачи ва шоирлар муҳитида ўсган. Хоразмда биринчи мусиқа мактаби ташкилотчиси ва раҳбари (Хива, 1923—28), Самарқанддаги мусиқа ва хореография ин-тида ўқитувчи (1928—32), Ўзбекистон радиоси (Тошкент, 1935—37) ва Навоий театри (1937—50)да созанда. Москвадаги ўзбек санъати декадаси қатнашчиси (1937). Х. қўшиқ («Севикли Ватан», «Баҳодир йигитлар», «Эй меҳрибоним» ва б.), «Колхоз марши» каби куйлар муаллифи. Чанг диапазонини кенгайтириб (хроматик товушқатор тузиб), уни такомиллаштириш устида ишлаган (1935). Б. Раҳмонов б-н ҳамкорликда «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобини ёзган (М., 1925). Чокар тахаллуси б-н ёзган шеърлари ўзи тузган қўлёзма девон ва турли баёзларга киритилган, вақтли матбуот ва тўпламларда нашр қилинган. Шеърлари демократик ва маърифатпарварлик ғоялари б-н суғорилган. Ўғли Фозил Х. — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, замонавий чанг ижрочилик мактабининг асосчиси.

Ас.: Шеърлар, Т., 1974.

Ad.: Олимбоева К., Аҳмедов М., Ўзбекистон халқ созандалари, Т., 1959.

ХАРСАНГТОШ — кўпинча оҳактош, доломит, қумтош, баъзан гранит каби тоғ жинсларининг ажратиб олинадиган нотўғри шаклли (кўндалангига 15—50 см) бўлаклари. Х. тайёрлаш учун қисилишга мустаҳкамлик чегараси 100 $Мн/м^2$ (1000 $кгс/см^2$)гача бўлган тоғ жинсларидан фойдаланилади. Х.лар пойдеворлар остига солишга, эҳромлар, ёрдамчи деворлар, канализация, каналлар, гидротехник иншоотлар ва б. қуришда ишлатилади. Илгариги вақтларда тегирмон тошлари сифатида кенг фойдаланилган. Х. ўтмишда кўпинча очиқ усулда, кам ҳолларда ер остидан ажратиб олинган. Қадимда Х. кенг кўламда Хитой, Миср, Месопотамия, Юнонистон, Римда, ўрта асрларда ҳоз. Ўрта Осиё ҳудудида оддий усулда қазиб олинган. 18-а.дан Х. олишда бурғилаб портлатиш усулидан фойдаланила бошлади.

ХАРСАНИ (Harsanyi) Жон (1920.29.5, Будапешт — 2000) — америкалик иқтисодчи. Будапешт ун-тида социология бўйича фан д-ри (1948). 1950 й.дан Австралияда ишлаган. 1958 й.да Станфорд ун-ти (АҚШ)да ўйинлар назарияси бўйича д-рлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1961 й.да Дейтройт ун-ти проф. 1964—90 й.ларда Берклидаги Калифорния ун-тида ишлаган. Х.нинг илмий ишлари ўйинлар назариясига бағишланган (нокооператив ўйинлар, тўла бўлмаган ахборотлар шароитидаги ўйинлар). «Ахборотлар иқтисодиёти» асосчиси. Нобель мукофоти лауреати (1994; Р. *Селтен* ва *Ж. Нэш* б-н бирга).

ХАРТИЯ (юн. chartes — қоғоз, ёрлиқ) — 1) ўрта асрлардаги (шаҳарлар ва коммуналар Х.си, Эркинликнинг буюк Х.си ва б.) ва янги замонлардаги (Буюк Британияда 1838 й.ги Халқ Х.си, конституцион Х. ва б.) оммавий-ҳуқуқий ва сиёсий тусдаги ҳужжат. Халқаро ҳуқуқда одатда *декларация* сўзининг синонимни сифатида қўлланиб, мажбурий кучга эга бўлмайди, халқаро актнинг умумий қоидалари ва мақсадини ифодалайди (мас., Янги Европанинг Париж Х.си); 2) эски қўлёзма.

ХАРТЛАЙН (Hartline) Холден Кеффер (1903.22.12, Блумсберг, Пенсильвания — 1983) — америкалик физиолог ва биофизик. АҚШ Миллий ФА аъзоси. Балтимордаги Жонс Хопкинс ун-тини тугатган (1927). Пенсильвания ун-ти (1943—49), Ж. Хопкинс ун-ти (1943—53), Рокфеллер ун-ти (1953—74) проф. Илмий ишлари бўғимоёқлилар кўзидаги айрим нерв ҳужайраларининг биоэлектр потенциалларига оид. Нобель мукофоти лауреати (1967; Р. Гранит ва Ж. Уолд б-н ҳамкорликда).

ХАРТУМ — Суданнинг пойтахти. Мамлакатнинг энг йирик шаҳри, савдо-молия, саноат ва маданият маркази. Кўк Нилнинг чап ва Оқ Нилнинг ўнг соҳилида, улар қўшилган ерда 380 м баландликда жойлашган. Аҳолиси 1 млн. киши (1998). Иқлими тропик, қуруқ ва иссиқ. янв.нинг ўртача т-раси 23°, июлники 32°. Йиллик ёғин 160 мм. Транспорт йўллари чорраҳаси, дарё порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Х.да хорижий ва давлат банклари, савдо фирмалари штаб-квартиралари жойлашган. Озиқ-овқат, пахта тозалаш, трикотаж, тўқимачилик, кўн-тери, резина-техника, металлсозлик саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчилик ривожланган. Ун-т, Қоҳира ун-ти филиали, театр ва музейлар бор.

Шаҳарга 1822 й.да мисрликлар ҳарбий лагерь сифатида асос солган. 1825 й.дан Судан пойтахти. 1898 й.да инглизлар босиб олган. 1956 й.дан мустақил Судан пойтахти. Меъморий ёдгорликларидан Республика саройи (1889), Жоме масжиди (1900) ва б. сақланган.

ХАРТУМ — судралиб юрувчи (мас., юмшоқ тошбақа) ва сут эмизувчилар (кўпчилик ҳашаротхўрлар, тапир, айрим куракоёқлилар, фил ва б.) тумшуғининг узайган бурун қисми. Бурун тешиклари Х. учига очилган. Нафас олиш, ҳид билиш ва туйғу функциясини бажаради. Х. филларда яхши ривожланган. Фил Х.и бурунининг чўзилиб, юқори лаб б-н қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Фил Х.и учидаги бармоқсимон ўсимтаси ёрдамида озиғини қамраб олади, уни пайпаслаб кўради ва буюмларни тутиб туради. Баъзи умуртқасиз ҳайвонлардаги сўриш вазифасини бажарувчи тананинг кўриниши ўзгарган олдинги қисми ёки унинг ўсимтаси ҳам Х. деб аталади. Айрим турбелляриялар, немертинлар, хартумли зулуклар ва қориноёқли моллюскалар Х. и ёрдамида ўлжасини жонсизлантиради ва ушлайди, шунингдек, ўзини ҳимоя қилади. Паразит чувалчанглар илмоқ Х.и ёрдамида ичак деворига ёпишиб олади. Фил Х.и б-н сўриб олган сувни оғзига юборади.

ХАРТУМ МАДАНИЯТИ — Судандаги неолит даври (мил. ав. 7-минг йиллик охири — 4-минг йиллик)га мансуб маданият. Хартум ш. яқинидан топилгани учун номи шундан. Манзилгоҳлардан микролитлар, тош искана ва болталар, ёрғучоқлар, сопол буюмлар топилган. Аҳоли балиқ овлаш, теримчилик, овчилик ва чорвачилик б-н шуғулланган.

ХАРТУМЛИЛАР (Proboscida) — сут эмизувчилар синфи туркуми. Устунсимон оёқлари 5 бармоқли. Устки лаби ва бурни жуда чўзилиб хартумни ҳосил қилади (номи шундан). Х. — ўтхўр. Ҳозирги Х.нинг *филлар* оиласига мансуб 2 тури маълум. Х.нинг тепа жағидаги 2 та курак тиши ташқарига ўсиб чиққан бўлиб, *фил суяги* дейилади. Фил суяги жаҳон бозорида жуда қадрланади. Ҳид билиш ва эшитиш органлари яхши ривожланган. Териси қалин, сийрак тукли, серажин бурмалар ҳосил қилади. Фақат ҳоз. қирилиб кетган мамонтлар териси қалин жун б-н қопланган бўлган. Х.дан хўжалик ишларида фойдаланилади. Сони камайгани учун айрим жойларда муҳофазага олинган.

ХАРТФОРД — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Коннектикут дарёси бўйида. Коннектикут штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 121,5 минг киши (2001). Транспорт йўллари чорраҳаси. Янги Англиянинг йирик саноат, савдо-молия ва маданий маркази. Йирик суғурта компанияларининг бошқармалари жойлашган. Авиация, станоксозлик, электротехника, радиоэлектроника, металлсозлик саноатлари ривожланган. Металлургия, полиграфия, озиқ-овқат, қоғоз саноати корхоналари мавжуд. Саноат жиҳозлари, қурол-яроғ, мусиқа асбоблари ишлаб чиқарилади. Ун-тлар, М. *Твен* музейи бор. Шаҳарга 1633 й.да асос солинган.

ХАРЬКОВ — Украинанинг Харьков вилоятидаги шаҳар, вилоятнинг маъмурий ва иқтисодий маркази. Йирик транспорт йўллари чорраҳаси. Аҳолиси 1470,9 минг киши (2001).

Шаҳар 1655—56 й.ларда қалъа сифатида бунёд этилди. 1919—34 й.ларда Х. УССРнинг пойтахти бўлиб турди. Х. машинасозлик бўйича Украинада етакчи ўринда (республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 1/5 қисмини беради). Х.да энергетика машинасозлиги, шу жумладан, электротехника саноати («Турбоатом», «Электротяжмаш», «Укрэлектромаш» ва бошқа и.ч. бирлашмалари; электромеханика, «Южкабель» ва б. заводлар), трактор машинасозлиги («Харьковский тракторный завод» ва б.), қ.х. ва транспорт машинасозлиги (мотор йиғиш, «Серп ва молот» и.ч. бирлашмалари; авиация саноати ва б.), станок ва приборсозлик; радиоэлектроника саноати ва б.; кимё ва кимё-фармацевтика, озиқ-овқат, енгил (тўқимачилик, пойабзал, кўн-тери, мўйначилик ва б.) саноатлари ривожланган. Метрополитен (1975 й.дан), 21 олий ўқув юрти (шу жумладан, 3 ун-т), 6 театр (шу жумладан, опера ва балет театри), тарихий, бадиий, табиат музейлари бор. Меъморий ёдгорликлардан Покровский (17-а.), Успение (18-а.) соборлари; Екатерина саройи (18-а.), провиант омборлари (18-а.) сақланган.

Харьков шаҳри. Озодлик майдони.

ХАРЬКОВ ВИЛОЯТИ — Украина таркибидаги вилоят. 1932 й. 27 фев.да ташкил этилган. Майд. 31,4 минг км. Аҳолиси 2,9 млн. кишига яқин (2004), асосан, украинлар ва руслар. Шунингдек, яҳудий, белорус, татар ва молдаванлар ҳам яшайди. 1 $км^2$ га 94 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 73%. Муҳим шаҳарлари: Изюм, Лозовая, Балаклея, Купянск, Люботин, Волчанск, Мерефа, Чугуев, Готвальд. 25 маъмурий туманга бўлинган. 15 шаҳар, 62 шаҳарча бор. Маркази — Харьков ш.

Табиати. Х.в. Украинанинг шим.-шарқий қисмида. Ер юзаси қия текислик бўлиб, дарё, жарликлар б-н ўйилган. Шим.-шарқий чеккаси қирдан иборат (бал. 236 м гача), жан.да эса Донецк кряжининг этаклари (бал. 230 м) жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —7,2 дан —8,4° гача, июлники 20—21,4°. Йиллик ёғин 457—568 мм. Х.в. ҳудудида 200 га яқин дарё, 5 сув омбори ва кўллар бор. Тупроқлари қоратупроқ, ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар. Ҳудудининг 18% ўрмонзор (эман, жўка, заранг, қайрағоч, тоғтерак, ёввойи нок ўсади). Ҳайвонлардан елик, қобон, лось, бўри, тулки, қуён, бўрсиқ, сассиқкўзан; қушлардан бедана, бойқуш, каклик, лайлак яшайди.

Вилоятда 600 дан зиёд саноат корхонаси бор. 14,1 минг кичик корхона фаолият кўрсатади. Саноат и.ч.да машинасозлик ва металлсозлик етакчилик қилади (вилоят саноат маҳсулоти ҳажмининг 33,5%), озиқ-овқат саноати (18,0%), электроэнергетика (22,2%).

ёқилғи саноати (14,5%), қурилиш материаллари и.ч. (3,1%) ва енгил саноат (0,9%).

Вилоят мамлакатнинг асосий машинасозлик марказидир. Бу ерда, таркиби 10 корхонадан иборат бўлган йирик тракторсозлик мажмуаси тузилган. Қ.х. машинасозлиги вилоят иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллайди. Х.в.да гидравлик, буғ ва газда ишлайдиган турбиналар, турбогенераторлар ишлаб чиқарилади. АН-72, АН-140 русумли самолётлар халқаро авиасалонларида машҳур. Шунингдек, станоксозлик маҳсулотлари (йўнувчи ва агрегат станоклар) жаҳон бозорида юқори баҳоланади.

Вилоятда Украина газининг 40% қазиб олинади. Х.в. ҳудудида баланс захираси 310 млрд. $м^3$ бўлган 42 та газ ва газконденсат конлари мавжуд. Бир йилда 7 млрд. $м^3$га яқин газ қазиб олинади. Марказлашган электр ст-ларининг умумий қуввати 3179 МВт.

Вилоятда гўшт саноатига қарашли 11 та ва сут саноатига қарашли 26 корхона; 11 қанд, 6 спирт ва ликёр-арақ и.ч., 5 пивочилик, 59 нон-булка маҳсулотлари и.ч. корхоналари, 21 озиқ-овқат моллари, 9 ун-тортиш з-длари, 3 ёғ-мой тармоқ корхоналари ва б. ишлаб турибди.

Қ.х.да дон, қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка, техника экинлари, экилади. Боғ, токзорлар бор. Сут-гўшт чорвачилиги, паррандачилик, ривожланган. Украинадаги энг йирик «Слобожанка» чўчқачилик мажмуйи (600 минг чўчқа) ишлаб турибди. Асосий транспорт тури — т.й. (уз. 1520 км). Автомобиль йўллари уз. 9,3 минг км.

Вилоятда 212 и.т. муассасаси, 6 театр (шу жумладан, 3 академик театр), филармония, орган ва камера мусиқаси уйи, цирк, 32 музей (шу жумладан, тарих ва бадиий музейлар), кутубхоналар (шу жумладан, Давлат илмий кутубхонаси), 78 эстетик тарбия мактаби, 800 клуб ва маданият уйи, маданият ва истироҳат боғлари, ҳайвонот боғи бор. Маданият академияси, санъат ин-ти, маданият, мусиқа, бадиий ўрта махсус билим юртлари фаолият кўрсатади. Вилоят ҳудудида 2250 дан зиёд тарихий ва маданият ёдгорлиги давлат муҳофазасига олинган.

ХАРЬКОВ УНИВЕРСИТЕТИ — Украинадаги қад. университетлардан бири. 1805 й. россиялик маърифатпарвар олим В.Н. Каразин ташаббуси б-н ташкил этилган. Физика, мат., биол., иқтисодиёт, геол., машинасозлик, геогр., приборсозлик, тарих, филол. ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонасида 3 млн.дан ортиқ асар сақланади. 8 минга яқин талаба таълим олади.

ХАРЬЯНА — Ҳиндистон штати. Ҳинд-Ганг текислигида жойлашган. Майд. 44,2 минг $км^2$. Аҳолиси 21 млн. киши (2001). Маъмурий маркази — Чандигарҳ ш. Штат 1966 й.да Панжоб штатининг бўлинишидан ташкил этилган. Шунинг учун ландшафти, хўжалиги, ривожланиш даражаси ва ихтисослашувига кўра Панжоб штатига яқин. Бироқ аҳолисининг аксари қисми ҳинди тилида сўзлашади ва ҳиндуизм динига эътиқод қилади. Иқлими кескин континентал, қуруқ иқлим. Йиллик ёғин 400 мм гача. Иқтисодиётида қ.х. етакчи ўринда. Асосан, донли экинлар, пахта, шакарқамиш ва картошка экилади. Саноати қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Кичикроқ тахта тилиш, қоғоз ф-калари, шакар-қанд ва крахмал з-длари, ойна саноати корхоналари бор. Аниқ ва жарроҳлик, оптик асбоблар ишлаб чиқарилади. Енгил ва аниқ машинасозлик, велосипед, трактор з-длари ва нефть-кимё комплекси ишлаб турибди. Электр ст-лар қуввати 3 млн. кВт (2002).

ХАСАВЮРТ — РФ Доғистон Республикасидаги шаҳар (1931 й.дан). Ерикcув дарёси бўйида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 84,8 минг киши (1998). Озиқ-овқат (консерва, гўшт, аралаш ем к-тлари, сут з-ди) саноати ривожланган. Приборсозлик, таъмирлаш-механика, ғишт, темир-бетон з-длари, мебель, тикувчилик ф-калари бор. Бир қанча ўрта махсус билим юрти фаолият кўрсатади.

ХАСКАШ — хашак, хас-чўп ва б.ни йиғиш, тўплаш ёки уруғи сочиб экиладиган ўсимликлар (арпа, буғдой, укроп, кашнич ва б.)ни экишга мўлжаллаб ҳайдалган ёки чопилган ер тупроғини майдалаб текислаш учун ишлатиладиган қ.х. ва уй-рўзғор қуроли. Уй-рўзғорда ишлатиладиган Х.нинг узун дастаси ёғочдан, кўп тишли танаси тобланган пишиқ металлдан ясалади. Қ. х.да ишлатиладиган Х.нинг тракторга тиркаб ёки осиб ишлатиладиган хиллари бўлади. Бундай Х. ўрилган ўсимлик (беда, ўт ва б.) пояларини уюм қилиб тўплаш, қуритиш учун ағдариб туриш, боғ-боғ қилиб боғлашга тайёрлашда ишлатилади.

ХАСКОВО — Болгариянинг жан. қисмидаги шаҳар. Хасковска дарёси бўйида. Хасково вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 80,8 минг киши (2001). Машинасозлик (кимё, озиқ-овқат ва тамаки саноати учун жиҳозлар и.ч.), озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Х.дан ғарброқда Хасковски-Минерални-Бани бальнеологик курорти жойлашган.

ХАСМОЛ, мидкак, панариций — қўл бармоғи тўқималарининг ўткир йирингли яллиғланиши. Кўпинча бармоқнинг охирги (тирноқ) фалангасидаги майда жароҳатга (ёриқ, тирналган, тикан, зирапча кирган, пичоқ кесган, санчилган) йиринглатувчи микроблар киришидан пайдо бўлади. Яллиғланиш юзада (терида, тирноқ яқинида) ва чуқур (тери остида) пайда, бўғимда, суякда бўлиши мумкин.

Юза Х.да йиринг эпидермис остида йиғилади; атрофидаги тери қизаради, оғрийди (асосан, ачишиш сезилади). Пуфак аста-секин катталашади. Бунда йирингли яллиғланиш камдан-кам ҳолларда чуқурроқ жойлашган тўқималарга ўтади. Тирноқ яқинидаги Х.да йирингли пуфак тирноқ гардиши терисида ҳосил бўлади. Агар йиринг тирноқ илдизи остига ўтса, тирноқ ости Х.и дейилади ва бу, одатда, тирноқ кўчиб тушгандан сўнг йўқолади.

Чуқур Х., одатда, бармоқнинг кафт юзасида, аввалига тери остида пайдо бўлади. Бу юзадаги тери қалин бўлганидан унинг остида ҳосил бўлган йиринг узоқ вақтгача ташқарига ёриб чиқа олмайди, натижада пайга, бўғимларга ва суякка ўтади, баъзан уларни бир вақтнинг ўзида шикастлантиради. Бунда кучли оғриқ пайдо бўлади, касалланган бармоқ безиллаб туради. Бармоқни қимирлатганда, уни букиб ёзганда оғриқнинг кучайиши Х.нинг пай ёки бўғимга ўтганлигини билдиради.

Х.нинг ҳар қандай шакли ва айниқса, чуқур Х. нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Х.нинг олдини олишда бармоқларни шикастланишдан асраш, қўлни тоза тутиш, тирноқ олишда эҳтиёт бўлиш зарур. Бармоқ териси салгина шикастланганида уни тоза сув б-н ювиб, йод, спирт суртиш ва ўша жойини стерил бинт б-н боғлаш лозим. Х.ни ўз билгича даволаш ярамайди.

Давоси: консерватив муолажалар (УВЧ, ультратовуш, кварц) ўтказилади, агар улар наф бермаса жарроҳлик усули қўлланилади.



Хаскаш (тракторга тиркаб ишлатиладиган кўндаланг хаскаш): *а* — пружиналанувчи тиш; *б* — хаскаш; *1* — хаскаш асоси; *2* — ўнг рама; *3* — кўтариш механизми; *4* — ўнг секция ғилдираги; *5* — подшипниклар; *6* — тозалаш чивиқлари; *7* — тишлар (қамрагичлар); *8* — тиркаш балкалари; *9* — автомат; *10* — ўрта секция рамаси; *11* — ўрта секция ғилдираги; *12* — кўтариш вали.

ХАССЕЛЬ (лот. Hassel) Одд (1897.17.5, Осло — 1981.11.5) — норвегиялик физик-кимёгар. Норвегия ФА аъзоси (1933). Мюнхен ун-тида (1922—23), Берлин физик-кимё ва электрокимё ин-тида (1923—24), Осло ун-тида (1925—64) ишлаган (1934 й.дан проф). Асосий илмий ишлари органик бирикмалар стереокимёсига оид. Электронография усулини ривожлантирган ва уни мураккаб моддалар молекулаларини тадқиқ қилишда қўллаган. Нобель мукофоти лауреати (1969; Д. Бартон б-н ҳамкорликда).

ХАССУНА МАДАНИЯТИ — Шим. Месопотамиядаги неолит даври (мил. ав. 7—6-минг йилликлар)га оид маданият. Мосул ш. (Ироқ) яқинидаги Талл-Хассуна қишлоғи номи б-н аталган. Манзилгоҳлар ва қабрлар топилган. Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган.

ХАТ (мусиқада) — мумтоз ашула йўлларида ғазалнинг бир *байтини* қамраб олган мусиқий тузилма. Одатда, икки мусиқий жумла ёки бир даврийдан ташкил топади. Мақом шўъбаларининг бош икки жумласи *даромад* ёки сарҳат, ўрта регистрдаги жумлалар *миёнхат* деб аталади. Бир *мисра* шеър б-н айтиладиган қисми нимхат деб юритилади.

ХАТАНГА, Лима — РФ Красноярск ўлкасидаги дарё. Хета ва Котуй дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Лаптевлар денгизидаги Хатанга қўлтиғига қуйилади. Уз. 227 км, ҳавзасининг майд. 364 минг $км^2$. Путорана тоғлари орасидан, каньон ҳосил қилиб тошлоқ тор ўзанда, этак қисмида Шим. Сибирь пасттекислигида кенг водий бўйлаб қумлоқ ўзанда оқади. Х., асосан, қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 3320 $м^3$/сек. Сент. охири — окт. бошларида музлаб, июнда муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари: Попигай, Хета. Балиқ тури (муксун, нельма ва б.) кўп. Кема қатнайди. Х. бўйида Хатанга пристани жойлашган.

ХАТБОШИ, абзац — босма ёки ёзма матнда хатнинг биринчи қаторидан (ёки сатр бошидан) жой ташлаб бошлаш. Алабиётда Х. матннинг сатр бошидан бошланиб, кейинги сатр бошигача давом этадиган қисми сифатида тушунилади.

ХАТИНЬ — Белоруссия Республикасининг Минск вилояти Логой р-нидаги собиқ қишлоқ. У 1943 й.да немис фашистлари томонидан аҳолиси (149 киши, шу жумладан, 75 бола) б-н бирга ёқиб юборилган. 1969 й. қишлоқ ўрнида Х. мемориал меъморий-ҳайкалтарошлик мажмуаси («Х. бонги»), «Қишлоқлар қабристони», «Х. тутуни», мемориал лавҳали ва мангу оловли «Хотира майдони», «Бўйсунмаган

Хатинь. «Бўйсунмаган одам».

одам» ҳайкали бунёд этилган (меъморлар: Ю.М. Градов, В. П. Занкович, Л. М. Левин, ҳайкалтарош С. И. Селиханов).

ХАТИРЧИ ТУМАНИ — Навоий вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1927—30 й.ларда Зарафшон округидаги туман, 1938 й.дан Самарқанд вилояти, 1982 й.дан Навоий вилояти, 1989 й.дан Самарқанд вилояти, 1992 й.дан Навоий вилояти таркибида. Шим.дан Нурота, жан.-шарқдан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, шим.-шарқдан Қўшработ, жан.дан (Зарафшон дарёси орқали) Нарпай ва Пахтачи туманлари, ғарбдан Навоий вилоятининг Навбаҳор тумани б-н чегарадош. Майд. 1,37 минг $км^2$. Аҳолиси 143,9 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳар (Янгиработ), 1 шаҳарча (Лангар), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Боғчакалон, Олчинобод, Охунбобоев, Оқолтин, Пўлкан шоир, Хонақа, Янгийўл, Қорача) бор. Маркази — Янгиработ ш.

Табиати. Шим. қисми Нурота тоғ тизмаси ва тоғ этаги қия текисликлардан иборат, жан. қисми Оқдарё, Қорадарё ва қисман Зарафшон дарёси водийларини ўз ичига олади. Иқлими континентал, йиллик ўртача т-ра 13,5°. Янв.нинг ўртача т-раси −1,7°, энг паст т-ра −33°. Июлнинг ўртача т-раси 28,7°, энг юқори т-ра 44°. Вегетация даври 212 кун. Йиллик ёғин миқдори, шим. тоғлик қисмида 300 мм, жан.даги текисликда 200 мм. Сув ресурслари Қорадарё, Оқдарё, Зарафшон ва бир неча сойлардан иборат. Тупроқлари тоғ этаклари типик бўз, оч бўз тупроқлар. Жан. қисмида суғориладиган бўз, аллювиал, ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар тарқалган. Тоғ этакларидаги қия текисликларда чорвачилик ва токчилик ривожланган. Ёввойи ўсимликлардан дарё террасалари ва қайирларида қамиш, рўвак, бутдойиқ, шўражриқ, кампирсоч, итгунафша, сувранг, юлғун ва б., Нурота тоғлари этакларида ранг, илтирбош, чалов, каррак, кийик ўти, оқ сафрак, гулхайри, бетага; баҳорда эфемерлар ўсади. Буталардан дўлана, писта учрайди. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, чиябўри, қуён, жайран, тоғ эчкиси ва тўқайзорларда қирғовул, лойхўрак, ўрдак, лочин, булдуруқ, қирғий, сўфитўрғай, чумчуқ, чуғурчиқ, зарғалдоқ; судралувчилардан гекконлар, тошбақа, сариқ илон, кобра, эчкемар; кемирувчилардан жайра, кўрсичқон, кичик қўшоёқ, қумсичқон, типратикан, каламуш ва б. учрайди. Нурота тоғининг ён бағрида *Лангар кони* бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (99, 1%), шунингдек, тожик, рус, украин, татар, озарбайжон, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 $км^2$ га 105 киши. Шаҳар аҳолиси 20,2 минг киши, қишлоқ аҳолиси 123,7 минг киши (2004).

Хўжалиги. Туманда 2,1 минг корхона рўйхатга олинган (2004). 55 кичик, 32 ўрта, 109 йирик корхона, микрофирмалар фаолият кўрсатади. Х.т.да «Лангар-УзРос» қўшма корхонаси ишлаб турибди (2003). Хатирчи пахта тозалаш з-ди, нон к-ти, қурилиш ташкилотлари, МТП ва б. бор.

Хатирчи туман ҳокимияти биноси.

Пўлкан шоир ҳайкали.

Қишлоқ хўжалиги, асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Туманда 300 га яқин деҳқон, 907 фермер, 17 ширкат хўжаликлари мавжуд (2003). Экин майдонларига пахта, дон, озуқа, картошка, сабзавот ва полиз экинлари экилади. Шу жумладан, 12,3 минг га ерда пахта, 10,3 минг га ерда ғалла етиштирилади (2004). Боғдорчилик (бодом, ёнғоқ, анор, ўрик, анжир ва б.), токчилик ривожланган. 19,9 минг га ер ўрмонзор (2004). Тутзорлар ҳам бор. Ипакчилик б-н шуғулланилади.

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 56,8 мингга яқин қорамол (шу жумладан, 33,1 мингдан зиёд сигир), 86,7 мингга яқин қўй ва эчки, 38 мингга яқин парранда, 853 йилқи боқилади (2003).

Туманда 85 умумий таълим мактаби (44 мингга яқин ўқувчи), шу жумладан, 1 лицей (245 ўқувчи), болалар мусиқа ва санъат мактаби, 4 касб-ҳунар коллежи (2000 дан зиёд ўқувчи), 23 клуб муассасаси, 35 кутубхона, музей, маданият ва истироҳат боғи, маданият саройи ишлаб турибди (2004).

Х.т.да марказий стадион, бир қанча спорт иншоотлари, спорт майдонлари ва спорт заллари фаолият кўрсатади.

Марказий касалхона, туғруқхона, поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари, дорихоналар ва б. тиббий муассасаларда 244 врач хизмат қилади. Олтинсой санаторийси мавжуд. Туман маркази б-н Навоий ш. ўртасида автобус қатнайди. «Хатирчи ҳаёти» туман газ. (аввалги «Янги Ҳаёт») 1998 й.дан нашр қилинади (адади 7300 га яқин).

ХАТЛОН ВИЛОЯТИ — Тожикистон Республикаси жан.-ғарбидаги вилоят. 1992 й.да Кўлоб ва Қўрғонтепа вилоятларининг қўшилиши натижасида вужудга келган. Х.в. шарқдан Тоғли Бадахшон мухтор вилояти, шим.дан Республикага бўйсунувчи туманлар, ғарбдан Ўзбекистон Республикаси, жан.дан Афғонистон б-н чегарадош. Майд. 24,6 минг км². Аҳолиси 2151 минг киши (2002), асосан, тожиклар, шунингдек, ўзбек, туркман, араб, рус, лўли, татар, қирғиз, корейс, немис, афғон ва б. жами 40 га яқин миллат вакиллари ҳам яшайди. Маркази — Қўрғонтепа ш. Таркибида 24 туман, 5 шаҳар, 18 шаҳарча ва 128 қишлоқ фуқаролари йиғини бор.

Х.в. Қўрғонтепа ва Кўлоб қисмларига бўлинади. Қўрғонтепа қисмининг иқлими субтропик. Янв. ойидаги ўртача т-ра водийларда 1°—3°, тоғларда —2° гача, июль ойида водийларда 30°, 31°, тоғларда 24°, 26°. Йиллик ёғин 150—200 мм дан 500 мм гача. Қўрғонтепа томонида Вахш ва Кофарниҳон водийлари жойлашган. Ушбу ҳудудда Бобо-тоғ, Оқтоғ, Рангонтоғ, Қоратоғ ва Тераклитоғлар мавжуд. Вахш дарёсининг қуйи қисмида «Полвонтўқай» тўқайзори жойлашган.

Кўлоб тарафида Сарсарак, Илонтоғ, Тик тоғлари, Ҳазрати Шоҳ тоғлари, шунингдек, Хўжа Сарез ва Хўжа Мўмин ёнида туз гумбазлари мавжуд. Қизилсув (Сурхоб) ва Яхсув дарёларидан суғоришда фойдаланилади. Энг йирик дарёси — Панж.

Кўлоб қисмининг жан.да субтропик иқлим. Водийларда янв.да ўртача т-ра —2° гача, июлда 22°—30°. Йиллик ёғин 200—400 мм. Тоғ ён бағирларида йиллик ўртача т-ра янв.да —2°, —4°, июлда 20°—24°, йиллик ёғин 600—800 мм, жан.-ғарбидаги пасттекисликларда 200—400 мм. Шим. қисмидаги водийларда ҳаво нисбатан салқинроқ. Йиллик ёғин 1000 мм. Данғара, Мўминобод, Ховалинг, Чубек ва Фархор атрофидаги тоғ ён бағирларида писта, ёнғоқ, анор, олча, ўрик, нок, тут, бодом, дўлана, жийда, арча ва б. ўсади. Жан.-шарқида токзор ва лалми шароитларга мослашган бошқа мевали дарахтлар мавжуд. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, жайра, илон, ёввойи мушук, тоғ эчкиси, кийик; қушлардан каклик, бедана, бургут, ўрдак, лайлак ва б. учрайди. Фойдали қазилмалардан олтин, кўмир, газ, нефть, торф ва б. бор.

Саноати пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати (ёғ-мой, консерва, гўшт, пиво пишириш, туз), кимё (азотли ўғитлар), электротехника (трансформатор), қурилиш материаллари (темир-бетон, гишт, оҳак) и.ч. корхоналаридан иборат. Вахш дарёсида Сарбанд, Марказий, Шаршара электр ст-ялари, Бойғози гидроузели ишлаб турибди. Республикадаги энг йирик Норак ГЭС ҳам шу вилоят ҳудудида жойлашган. Қўрғонтепа ва Кўлобда аэропортлар бор. Республикада етиштириладиган пахтанинг асосий қисми, жумладан, ингичка толали пахтанинг барчаси ушбу ҳудудда етиштирилади. Шунингдек, боғдорчилик, токчилик, лимончилик, пиллачилик, чорвачилик (жумладан, қоракўлчилик) ривожланган. Ғаллачилик, шоличилик кейинги йилларда тез ривожланди. Асаларичилик яхши йўлга қўйилган. Вахш тупроқшунослик-мелиорация ст-яси фаолият кўрсатади.

1960—70-й.ларда Ёвон, Обикиик, Ғаравути, Тошрабод, Қаролум, Бешкент водийси ва Данғарадаги қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб пахтазорга айлантирилган.

Вилоятда 1187 умумий таълим мактаби, 9 ўрта махсус билим юрти ва 2 та ун-т жойлашган. 3 театр, 6 музей, 502 жамоат кутубхонаси бор.

Х.в. аҳолиси қад.дан ҳунармандчиликнинг заргарлик, кулолчилик, эгарчилик, каштачилик ва б. турлари б-н шуғулланади. Вилоятда Ҳазрати Амир Саид Ҳамадоний (Кўлоб ш.да), Ҳазрати Узун Остона (Жиликўл туманида), Чилу-чор чашма (Бешкентда) ва б. зиёратгоҳлар мавжуд.

Насриддин Маманазаров.

ХАТМИ-ҚУРЪОН — Қуръонни батамом ўқиш ва шу муносабат б-н ўтказиладиган диний маросим. Рамазон ойида, таровиҳ намозида Қуръонни аввалидан охиригача тиловат қилиб чиқилиши ҳам Х.-Қ.дир.

ХАТНА (араб.) — асосан, ўғил бола олатининг чекка кертмагини кесиш маросими. Дастлаб ибтидоий жамоа тузумида пайдо бўлган, ўспирин боланинг катталар сафидан ўрин олиши, балоғатга етиши муносабати б-н бажарилган. Бунда ҳар хил жисмоний синовлар (оч қолдириш, терини тилиш, қулоқ супрасини йиртиш, тишни синдириш, тишни эговлаш ва ш. к.)га дучор этилган. Шундай одатлар Австралия, Океания, Африкада яшовчи айрим халқларда сақланиб қолган. Баъзи жойларда қизларни ҳам Х. қилиш (клиторни ёки кичик жинсий лабларни олиб ташлаш) каби одатлар мавжуд. Бир қанча ҳолларда, жумладан, яҳудий, мусулмонларда диний маросим шаклини олган. Мусулмонларда болалар 3—5—7 ёшда, айрим ҳолларда 11—12 ёшгача Х. қилинади. Х. маросимлари ўзбеклар ва бир қанча халқларда тўй шаклида ўтказилади. Илмий тиббиётда олат касалланганда ва туғма нуқсонлари бўлганда (парафимоз, фимоз ва б.) ҳам шундай операция ўтказилади.

ХАТНА ТЎЙИ — ўзбеклар ва б. бир қанча мусулмон халқлардаги *хатна* маросими. Ислом дини тарқалгандан сўнг суннат амали бажарилишини байрам қилиш сифатида одат тусига кириб қарор топган. Х.т. ўғил болалар «қўлини ҳалоллаш»нинг, яъни уларни чин мусулмонлар қаторига ўтказишнинг асосий шарти ҳисобланган. Тўйга тайёргарлик (мас., *маслаҳат оши*), меҳмонларни таклиф қилиш, меҳмонлар шарафига ўйин-кулги, томошалар уюштириб зиёфат ўтказиш Х.т.нинг таркибий қисми ҳисобланган.

ХАТОЛАР НАЗАРИЯСИ — *математик статистика* бўлими. Тақрибий ҳисобларда топиладиган тақрибий қийматлар учун қоидалар ишлаб чиқади. Шунингдек, йўл қўйиладиган хатоликларни ўрганади. Бирор қийматни топиш учун бир неча марта ўлчаш ишлари олиб борилганда натижалар турлича чиқади, яъни қандайдир хатоликка йўл қўйилади. Хатоликлар 3 хил бўлади: доимий, қўпол, тасодифий. Доимий хатоликларнинг учраши ўлчов асбоблари б-н боғлиқ. Қўпол хатолик кўрсаткичлар натижасини нотўғри ўқиш туфайли рўй беради ва бундай хатолик дарҳол кўринади. Тасодифий хатоликлар ўлчаш пайтидаги турли тасодифий сабаблар туфайли пайдо бўлади. Х.н., асосан, қўпол ва тасодифий хатоликларни ўрганади.

«ХАТТИ БОБУРИЙ» («Бобур хати») — Заҳириддин Муҳаммад *Бобур*нинг рисоласи ва шу рисолада илгари сурилган хат тури. «Х.Б.» араб алифбоси асосида тузилган бўлса-да, бу алифбодан баъзи жиҳатлари б-н ажралиб туради. Аммо бу ҳам араб алифбоси сингари 29 ҳарфдан иборат. Рисолада Бобур араб алифбосини таҳрир қилиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш йўлидан боради ва шу мақсадда уни туркий тилнинг талаффуз меъёрларига мослаштиришга ҳаракат қилади. У Ҳиндистонда эканлигида бу хат б-н китобат қилинган ўзининг бир қанча шеърларини Мовароуннаҳр ва Афғонистонга Ҳумоюн Мирзо, Хожа Калон ва Ҳиндол Мирзога жўнатган эди. Х.Б. б-н муқаддас Қуръони карим ҳам кўчирилган ва у «Мусҳафи Бобурий» деб аталган. Бу ноёб қўлёзма Машҳад ш. (Эрон)даги Имом Ризо ёдгорлик мажмуаси кутубхонасида, ксеронусхаси Андижон ш.даги «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб музейида сақланади.

«Хатти Бобурий» билан араб алифбосининг қиёсий жадвали.

ХАТТОТЛИК (араб. — ҳуснихат ёзувчи), к а л л и г р а ф и я — *ёзув* (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадиий буюмларнинг *китоба*ларини яратиш касби. Ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келди. Айниқса, араб ёзувининг кенг тарқалиши туфайли Х.нинг ривожланиши жадаллашди. Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда *китоб босиш* вужудга келгунига қадар қўлёзма китоб нусхаларини тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш (матн кўчириш) б-н хаттотлар шуғулланган (қ. *Китобат санъати*). Хаттотлар саройларда, айрим амалдорлар ҳузурида гуруҳ бўлиб ишлаган. Жумладан, темурий шаҳзода *Бойсунғур* Мирзо (1397—1433) Ҳиротда ташкил қилган кутубхонада мусаввир, наққош ва б. усталар б-н бир қаторда 40 дан ортиқ хаттотлар қўлёзма китоблар тайёрлаш, яроқсиз ҳолга келганларини таъмирлаш б-н машғул бўлган. Х. санъатига бағишланган кўплаб рисолалар 10 хил асосий хат услублари (*насх, куфий, муҳаққақ, настаълиқ, сулс, тавқе, таълиқ, девоний, риқо, рикъий*) мавжудлиги ҳақида дарак беради.

Ўрта Осиёда араб ёзувлари тарқалгунига қадар турли ёзув усуллари бўлган [мас., суғдий, урхун-енисей (қад. туркий хоқон ёзувлар) ва б.]. Қад. ёзувлардан бўлган куфий ёзуви кўпгина меъморий ва б. ёдгорлик обидаларининг безагида сақланиб қолган. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасида сақланаётган Усмон Қуръони ҳам ана шу куфий (қад. ҳижоз адабий ёзуви)да кўчирилган. Қуръон кўчиришда насх, буйруқ ва фармонлар ёзишда тавқе, мактублар битишда риқо ишлатилган. Булардан ташқари тумор, губор, шажарий, *туғро* ва б. ёзув усуллари ҳам бўлган. 15-а.дан китоб кўчириш (форс, эски ўзбек тиллари)да настаълиқ хати расм бўлган. Х. Марказий Осиёда *Темурийлар, Шайбонийлар* ва сўнгги сулолалар (*аштархонийлар, манғитлар*) даврида юксак даражада тараққий этган. Амир Темур даврида Мавлоно Шамсуддин Мунший, сангтарош ва хаттот Олтун жуда машҳур бўлган. *Алишер Навоий*нинг шахсий кутубхонасида 11 та йирик санъаткорлар (*Султонали Машҳадий, Абдулжамил* Котиб, *Дарвеш Муҳаммад Тоқий* ва б.) Х.да самарали ижод қилган. «Хаттотлар султони» Султонали Машҳадий, Мир Али Табризий ва б. настаълиқ хатини санъат даражасига кўтарган. Темурий шаҳзодалар (Иброҳим бин Шоҳруҳ, Бойсунғур Мирзо, Бадиуззамон Мирзо ва б.) ҳам Х.га ҳомийлик қилиш б-н бирга ўзлари бу санъат тури б-н шуғулланган; Заҳириддин Муҳаммад *Бобур* эса янги хат ва алифбо *«Хатти Бобурий»* ихтирочисидир. Китобат санъати б-н бир қаторда биноларнинг китобалари, қабртошлардаги битиклар ва буюмларда Х. кенг қўлланилган. Шайбонийлардан Муҳаммад Шайбонийхон ва Убайдуллахон Х. б-н шахсан шуғулланган ва насх хатида юксак маҳорат б-н ёзган. 16-а. Мовароуннаҳр Х. мактабини юзага келишида *Мир Али Ҳиравий*нинг ҳаёти ва ижоди алоҳида ўрин тутади. Босмахона пайдо бўлгунига қадар котиб, хаттотлар

меҳнати китоб тайёрлашда муҳим ўрин тутган. Бу борада Бойсунғур Мирзо, Алишер Навоий, Муҳаммад Раҳимхон II (*Феруз*) ва б.нинг фаолиятлари диққатга сазовор. 20-а.да йирик кутубхоналарда хаттотлар қўлёзма китоблар нусхасини кўпайтириш б-н шуғулландилар. Мас., Навоий кутубхонаси (Ўзбекистон миллий кутубхонаси)да бир гуруҳ хаттотлар ишлаган. 1943 й.да Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти ташкил топгач, малакали хаттотлар (Ибодулла Одилов, Абдуқодир *Муродов*, Абдулла Носиров, Усмон Каримов ва б.) шу ерга тўпланди: улар қўҳна қўлёзмаларини тиклаш, кўчириш, тавсиф варақалари тузиш б-н шуғуллана бошладилар. 20-а. 80-й.ларига келиб китобат санъати бир гуруҳ кишилар томонидан қайта тикланди. Бунда Ҳабибулла Солиҳ, Абдулла Мирсоатов, Тўхтамурод Зуфаров, Алишер Шомуҳаммедов ва б. нинг хизматлари катта. Жумладан, Ҳабибулла Солиҳ Мусҳафи Усмон Қуръонининг асл нусхасидан пергаментга 3 марта нусха кўчириб тайёрлаган (бир нусхаси Малайзиянинг Куала-Лумпур ш.да; пергаментга кўчириб тайёрлаган яна бир нусхаси Тошкент ислом ун-тида). Катта Лангар Қуръонидан (Санкт-Петербург ва Ўзбекистондаги нусхалари асосида) терига кўчириб нусха тайёрламоқда. Ҳабибулла Солиҳ 1998 й.да Истанбулда ўтказилган Халқаро хаттотлар беллашувида «Девоний» хат услуби бўйича кучли ўнликдан ўрин олди; 1999 й.да Х.да янги тарз (нақшин безак ёзувининг алифбосини кашф қилиб бу соҳада янгилик) яратгани учун Лоҳурдаги Халқаро хаттотлар беллашувида «Парвин рақам» («Шарқ юлдузи») унвонига сазовор бўлди. Абдулазиз Мансуров, Ислом Маматов, Салимжон Балалбоев, Ғафуржон Ҳақбердиев ва б. бугунги кундаги энг машҳур хаттотлардир. Х. ҳоз. кунда Тошкент шарқшунослик ин-ти, Тошкент ислом ун-ти, Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-тида ўргатилади.

Ад.: Муродов А., *Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан*, Т., 1971.

Абдулмажид Мадраимов.

ХАТШЕПСУТ (айнан — иззат-икром қилинадиганларнинг биринчиси) — Миср маликаси (мил.ав. 1525—03). Фиръавн Тутмос II (мил. ав. 1525 — тахм. 1523) нинг тахтдоши, тутинган синглиси ва хотини; сўнгра Тутмос III (мил. ав. 1525—1473; Х.нинг ўгай ўғли)нинг тахтдоши. Амалда уларни ҳокимиятдан четлатиб, ўзини расман фиръавн деб эълон қилган (рассомлар Х.ни соқолли этиб тасвирлаганлар). Х., асосан, Амон маъбуди коҳинларига таянган. Унинг даврида Миср Фаластин ва Суриядаги мулкларидан ажралган. Пунтга савдо экспедицияси уюштирилган; ибодатхоналар қурилиши авжга чиққан. Х. вафотидан сўнг Тутмос III у ҳақидаги хотираларни йўқотиш мақсадида барча жойлардан унинг исми ва тасвирини ўчириб ташлашни буюрган.



Хатшепсут. Фива маъбуди Амон (чапда) эркак қиёфасида тасвирланган малика Хатшепсутни тахтга чиқармоқда (Карнакдаги обидага туширилган бўртма тасвир, мил. ав. тахм. 1480).

ХАУНСФИЛД (Hounsfield) Годфри Ньюболд (1919)—инглиз физик муҳандиси. Ички аъзоларни сканирлаш учун компьютер рентген томограф аппаратини кашф этган. Нобель мукофоти лауреати (1979; А.Кормак б-н ҳамкорликда).

ХАУРА — Ҳиндистондаги шаҳар. Катта Калькутта агломерацияси таркибида, Ғарбий Бенгалия штатида. Аҳолиси 1,01 млн. киши (2001). Хугли дарёси бўйидаги порт. Ип газлама ва жут саноатининг йирик маркази. Қоғоз, ойна-шиша, металлсозлик, машинасозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ботаника боғи бор.

ХАУСА — Нигерия (26 млн. киши), Нигер (4,3 млн. киши) ва б.даги халқ. Умумий сони 30,8 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Хауса тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, сунний мусулмонлар. Асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланади.

ХАУСА — сом-ҳом (африка-осиё) тиллари макрооиласининг чад тиллари тармоғига мансуб ва Шим. Нигерия, Нигер, Чад, Камерун, Гана, Бенин, Того каби мамлакатларда тарқалган тил. Ғарбий Африкада қабилалараро, уруғлараро тил сифатида кенг қўлланади. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 31 млн. (баъзи манбаларда 40 млн.) кишидан ортиқроқ (ўтган асрнинг 90-й.лари). Х.нинг асосий лаҳжалари — кано, кацина, сокото, зария, халажия, дамагарам, гобир ва б. — бир-бирига жуда яқин; асосан феъл тизими ва кишилик олмошлари соҳасидаги қўплаб тафовутлар шим.-ғарбий лаҳжаларда (Нигер ва Нигерия) учрайди. Ҳоз. адабий Х. кано лаҳжаси асосида шаклланган.

Х. ўзига хос фонетик ва морфологик хусусиятларга эга. Сўз ўзгариши ва сўз ясалиши тизимида аффикслар (суффикс ва префикслар), шунингдек, ички флексия алоҳида роль ўйнайди. Лексикаси, асосан, туб чад сўзларидан иборат; араб, инглиз, француз ва қўшни тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам анчагина. 18-а.дан араб алифбоси асосидаги ажамий ёзувидан, 19-а. охиридан эса баъзи диакритик белгилар қўшилган лотин алифбосидан фойдаланилади. Газ., жур. ва китоблар, асосан, лотин графикасида, анъанавий шеърият ва диний (исломий) адабиёт ажамий ёзувида нашр этилади. Ажамийда нашр этилган адабиётда ғарбий европа тилларидан ўзлашмалар деярли учрамайди. Нигериянинг шим. штатларида Х.ни маъмурий соҳада, мактаб таълимида (айниқса, бошланғич мактабларда), радиоэшиттиришларда инглиз тили б-н бир даражада қўлланади.

ХАФАБАНД (форс. — хафа ва банд — тусиш), гулбанд — заргарлик буюми; аёлларнинг бўйин тақинчоғи. Бўйинни ўраб турадиган тасма ҳамда нозиклар-маржон ва турли шакллардаги тўрсимон дан териб яратиладиган тўрсимон шокилали тузилишига эга турлари бор. Кўкраккача тушиб турадиган шокилалар трапеция ва б. шаклларда бўлиб, учгуллари рамзий маънодаги шох, учбурчак, ромб ва б. ҳандасий нақшлардан иборат. «Гулбанд» атамаси асли «гулбанд» (ёвуз руҳ ва банд) бўлиб, ёмонлик, ёвузликдан сақловчи тумор вазифасини бажарган, вақт ўтиши б-н атама ўзгариб кетган. Х.нинг бошқа шакллари — (мас., Тошкент, Самарқанд ва б.да) кумуш гардишга ўрнатилган ҳақиқлар қатори ёки ўзаро ҳалқачалар б-н катланувчи илмоқ ёки ҳалқачалар б-н бирлаштириладиган муробба, тўртбурчак ёки овал япроқчалардан тузилаган шокилали ва шокиласиз турлари кенг тарқалган.

ХАФАҚОН (араб. — урмоқ, титрамоқ) — юракнинг тез ёки нотекис уришини сезиш ҳолати. Бу сезги юрак-томир ва б. системалар (мас., нерв, эндокрин тизими) касалликларида, шунингдек, соғлом кишиларда кучли ёки одатдан ташқари жисмоний зўриқиш, ҳаяжонланиш ва б.да пайдо бўлади. Х.ни даволаш ва олдини олиш касалликни келтириб чиқарган сабабларга боғлиқ. Баъзан «Х.» атамасини юрак уришининг ўзгариши қон босими ошганида ҳам кузатилганлигидан *гипертония касаллиги*га нисбатан ҳам ишлатадилар.

Х. тушунчаси аслида Шарқ табобатидан маълум. Ўтмишда табиблар Х. сабабларини тўғри тушуниб, унинг кўп ва хилма-хил касалликлар (мас., юракнинг органик ва функционал ўзгаришларида, ўпка, меъда ва ичак хасталикларида, иситланиш, шикастланиш, заҳарланиш, иситмалаш, гижжа касаллигида, бирор нарса чаққанда юзага келишини ва б.)да кузатганлар. Улар юрак уриши ўзгаришларини *пульс* сифатлари (яъни пульс тезлиги, текис ёки нотекислиги, тўлиқ-тўлиқмаслиги ёки тарангилиги)га кўра аниқлаганлар. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида Х. ҳақида муфассал айтиб ўтган. Унга кўра, Х. гоҳо хилтли моддадан, гоҳо *мизождан*, гоҳо шишдан, гоҳида узлуксизликнинг бузилишидан, баъзан эса қаттиқ ҳисдан ва б. ёт нарсалардан пайдо бўлади. Хилтли модда гоҳо қондан, гоҳо рутубатдан, гоҳо сафродан, гоҳо елдан иборат бўлиши мумкин. Баъзан фақат юрак азиятлари эмас, балки ўпканинг юракка ёндош томонида тиқилмалар кўпайиб, нафас керагича ўта олмаслиги (ўпканинг ҳамкорлиги б-н), меъда аҳволининг ўзгариши (меъданинг ҳамкорлиги б-н) ҳам Х. пайдо бўлишига олиб келади. Х.нинг ҳамма турида томир нотекис уриши кузатилади, аммо касаллик белгилари унга сабаб бўлган омилларга боғлиқ бўлади (мас., Х.га гижжалар сабаб бўлса, бунда ланжлик, сўлак оқиши ва б. кузатилади).

Ад.: Ибн Сино, Тиб қонунлари, 2-ж., Т., 1992

ХАФЕЛЬ — Германиядаги дарё, Эльба дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 341 км, ҳавзасининг майд. 24,4 минг км². Мекленбург кўлли платосидан бошланиб, Шим. Германия пасттекислигидан кўл ва сув омборлари орқали оқади. Асосий ирмоғи — Шпре дарёси. Ўртача сув сарфи 80 м³/сек. Каналлар орқали Одер ва Эльба дарёлари б-н боғланган. Х. бўйида Берлин, Бранденбург, Потсдам ш.лари жойлашган.

ХАФИФ (араб. — енгил) — Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа назариясида ритмик тузилма (*усул*)лар номи. Бир неча турлари мавжуд: Х.и рамал (тан—танан тан—танан), Х.и сақил (тан—тана—тан—тана) ва б.

ХАФСИЙЛАР — Тунисда ҳукмронлик қилган сулола (1229—1574). *Ал-Муваҳҳидун* ҳаракатининг асосчиларидан бири шайх Абу Хафс номи б-н аталган. Сулола асосчиси — Абу Закариё (1229—49). Хафсийлар давлати 13-а.нинг ўрталари —14—15-а. охирида гуллаб яшнаган. 1574 й.да Усмонли турк империяси томонидан қулатилган.

ХАФУН, Рас-Хафун — Сомали я.о.даги бурун, Африканинг энг чекка шарқий нуқтаси (10°26' ш.к. ва 57°23' шқ.у.).

ХАЧАТУРОВ Николай Григорьевич [1907.14(27).6 — Тошкент — 1989.17.2] — актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1966). Фаолиятини Ёш томошабинлар театрида бошлаган (1935—36). 1938 й.дан М.Горький номидаги рус драма театрида ишлаган. Х. характерли актёр бўлиб, қаҳрамонларининг энг кичик хислатларини ҳам ўткир штрихларда бериш, кўпроқ сатирага мойил ҳаёт воқеаларини бўрттириб, кулгули тасвирлаш унинг ижодига хос бўлган. Людовико (Лопе де Вега, «Ит пичан емайди, ўзгага ҳам бермайди»), Вурм, Қирол Филипп (Ф. Шиллер, «Макр ва муҳаббат», «Дон Карлос»), Мурзавецкий (А.Островский, «Бўрилар ва қўйлар»), Жевакин (Н.Гоголь, «Уйланиш»), Епиходов (А. Чехов, «Олчазор»), Барон (М.Горький, «Тубанликда»), Мамат, Мулладўст (Ҳамза, «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши»), Нурбобо (И.Султон, «Номаълум киши»), Дункан (У.Шекспир, «Макбет»), Дон Кихот ва Сервантес (Д. Вассерман, Д.Дэрион, «Ламанчлик киши»), Консул (Г.Мдивани, «Консулни ўғирлашди») каби ролларни б-н шуҳрат қозонди.

ХАЧАТУРЯН Арам Ильич (1903.6.6, Тбилиси ёнидаги Кожори қишлоғи — 1978.1.5, Москва, Ереванда дафн этилган) — композитор, дирижёр. Миллати арман. Халқ артисти (1954), Меҳнат Қаҳрамони (1973), Арманистон (1938), Россия (1944), Ўзбекистон (1967)да хизмат кўрсатган санъат арбоби. Москва консерваториясини тугатган (1934). Гнесинлар номидаги Мусиқа-пед. ин-ти ҳамда Москва консерваториясида (1950 й.дан) дарс берган (1952 й.дан проф.). Х. мусиқаси ўта жўшқинлиги, ҳаётбахшлиги, куйлар жозибадорлиги, гармония ва оркестр бўёқларининг ранг-баранглиги б-н ажралиб туради. Ижодида Кавказ халқлари (айниқса, арман) мусиқа (*гусанлар, ашиқлар* санъати ва б.) анъаналарини замонавий композиторлик ижодиёти тамойиллари б-н узвий боғлаб, ўзига хос услубини яратишга эришган. Фортепиано (1936), скрипка (1940), виолончель ва оркестр учун (1946) концертлари, «Гаяне» (1942, биринчи миллий балети) ва «Спартак» (1954) балетлари, симфоник сюиталар («Маскарад», 1944 ва б.) дунёга машҳур. Шунингдек, Х. 3 симфония (1934—47), 3 концерт-рапсодия (1961—68), камер асарлар, қўшиқлар, спектакль ва кинофильмларга мусиқа ва б. муаллифи. Ўзбек ва Кавказ халқ куйлари асосида трио (1932), «Рақс сюитаси» (1933) ни яратган. Италия, Германия ва б. санъат академияларининг фахрий аъзоси. Дирижёр сифатида Европа, Америка, Шим. Африка, Осиё мамлакатларида гастролда бўлган.

ХАЧИР (Mulus) — уй ҳайвони; от (бия) б-н эшак (ҳанги) дурагайи. Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Африка, Италия, Франция, Испания, Ўрта Осиёда Х. етиштириш азалдан мавжуд бўлган. Сўнгги даврларда Мексика, Аргентина ва АҚШда ҳам ривож топди. Ўзбекистонда қадимдан Х. етиштириш ва хўжалик мақсадларида улардан юк ташишда ва улов тарзида самарали фойдаланиб келинган. Х. гавдаси, кўкрак қафаси кенглиги ва тез юриши б-н отларга ўхшаса, чидамли ва ишчанлиги, бошининг катталиги қулоғининг узунлиги, бўйнининг тўғрилиги ва калталиги б-н эшакка ўхшайди. 40—50 й. яшайди, 30—35 й. ишлаш қобилиятига эга, юқумли касалликларга кам чалинади, иқлим шароитига яхши мослашади, озуқа танламайди, парваришга унчалик муҳтож эмас. Туси ҳар хил. Х.нинг эркаги ва урғочиси бепушт бўлади. Улар ўзаро насл бермайди, лекин урғочи Х. айрим ҳолларда айғирдан ёки ҳанги эшакдан қочиб насл бериш хусусиятига эга. Эркак Х. 1,5 ёшда бичилади. 2—3 ёшидан ишга ўргатилади. 4 ёшида етук иш ҳайвонига айланади. Йирик биялардан ва завод зотидан бўлган эшаклардан бўйи 160—170 см ва тирик вазни 600—650 кг бўлган ўта кучли ва юк ташувчи Х.лар олинади. Х.ни отлар каби тирик вазига мувофиқ озиқлантириш тавсия этилади. 20-а.нинг 30-й.ларигача Ўрта Осиё йилқичилик, туячилик, эшакчилик ва хачир етиштириш ст-ясида Х. етиштириш ва

Хачир.

улардан фойдаланиш масалалари илмий ўрганилди (В.А. *Шчекин*). 20-а.нинг 50-й.ларидан бошлаб Х. Ўзбекистонда автомобиль транспортининг ривожланиши б-н деярли йўқолиб кетди.

Ад.: Лакоза И.И., Шчекин В.А., Верблюдоводство и основы ословодства и мулопроизводства, М., 1964.

Абдусаттор Аниров.

ХАЧМАС — Озарбайжондаги шаҳар (1938 й.дан). Каспийбўйи пасттекислигида, Кудиалчай дарёси бўйида жойлашган. Т.й. станцияси. Аҳолиси 28 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Консерва к-ти (сабзавот, мевалари қайта ишлайди), сут з-ди, гилам ф-каси бор.

ХЕВЕШИ (лот. Hevesy) Дьердь (Георг) (1885.1.8, Будапешт — 1966.5.7, Фрейберг, ГФР) — венгриялик физик-кимёгар, радиокимёгар. Венгрия ФА фахрий аъзоси (1945 й.дан) Цюрих ва Манчестер ун-тларида (1911—13), Венадаги радий ин-тида (1913), Будапешт ун-тида (1913—20) ишлаган (1918 й.дан проф.). Копенгаген (1920—26 ва 1934—43), Фрейбург (1926—34) ва Стокгольм (1943 й.дан) ун-тлари проф. Илмий тадқиқотлари радиокимёга оид. Изотоп индикаторлар усулини таклиф қилган. Илк бор биол.да радиоактив индикатор (радий Д) қўллаб ўсимликларда қўргошиннинг тақсимланишини ўрганган. Д.Костер б-н бирга *гафний* кимёвий элементини кашф этган (1922). Огир сувдан фойдаланиб тирик организмларда сув мувозанатини аниқлаш мумкинлигини кашф этган (1941) Нобель мукофоти лауреати (1943).

ХЕЙДЕНСТАМ (Heidenstam) Карл Густав Верner фон (1859.6.7, Ольсхаммар, Эребру — 1940.20.5, Эвралид, Эстерйётланд) — швед шоири ва ёзувчиси. Швед. акад. аъзоси (1912). Илк шеърлар тўплами — «Зиёрат ва дунё кезиш йиллари» (1888). Ўртаер денгизи атрофидаги кўҳна дунё «Эндимион» (1889) романида акс этган. «Ренессанс» (1890) романида ўзининг адабий манифести эълон қилинган. Унда натурализмни танқид қилиб, бой тасаввур, гўзалликни жонли ҳис қиладиган ва тушкун бўлмаган реализмга асосланган янгича эстетика яратишга чақирган. Х. «Шеърлар» поэтик тўпламидан сўнг швед адабиётида йирик шахс сифатида танилган. Х. Швецияни қудратли салтанатга айлантирган қирол Карл XII даври аскарлари ҳақида ҳикоялар ёзиб (1897—98), уларни бир-бирига мазмунан улаб, «Карл XII нинг юришлари» китобини яратади. Бу китоб орқали янгича, миллий афсона яратмоқчи бўлган. «Аллиё Биргит зиёрати» (1901), «Фолькунглар шажараси» (1905—07, 2 ж.ли) романлари ҳамда «Шведлар ва уларнинг доҳийлари» (1908—10, 2 ж.ли) достонида у ўзининг дастлабки тояларидан чекиниб, аристократик дунёсига қайтган. 1915 й. нашр этилган «Янги шеърлар» китобидан сўнг Х. Швециянинг кўзга кўринган лирик шоири сифатида тан олинган. Нобель мукофоти лауреати (1916).

ХЕЙЕРДАЛ (Heyerdahl) Тур [1914.6.10, Ларвик — 2002.18.4, Колла-Микери қишлоғи(Италия)] — норвег этнографи ва археологи, денгиз сайёҳи, ёзувчи. Осло ун-тида ўқиган (1933—37). Х.нинг 1-саёҳати Полинезиядаги Фату-Хива о.га бўлган (1937—38). «Кон-Тики» солида экипаж б-н биргаликда Перудан Полинезияга қадар Тинч океанини кечиб ўтган (1947). Бу саёҳат уни бутун дунёга машҳур қилган. 1969—70 й.ларда «Ра» папирус қайиғида Африкадан Марказий Америкадаги ороллargача борган. 1977—78 й.ларда қамишдан ясалган «Тигрис» қайиғида Ал-Курна (Ироқ) — Ҳинд дарёсининг қуйилиш ери — Жибути йўналиши бўйича сузган. Пасха, Галапагос ва Канар о.ларида археологик қазишма ишлари олиб борган. Буюк сайёҳ викинглар ҳақидаги манбаларни тадқиқ этиш мақсадида 2001 й. Азов бўйига археологик экспедиция уюштирган. Кўплаб илмий-оммабоп асарлар муаллифи. Асарлари: «Кон-Тики»да саёҳат (1949), «Аку-Аку» (1957), «Ра» (1970), «Фату-Хива» (1975) ва б.

ХЕЙЗЕ (Heyse) Пауль (1830.15.3, Берлин — 1914.2.4, Мюнхен) — немис шоири, ёзувчи ва новеллачиси. Берлин, Бонн (1847—51), Швейцария ва Италия (1852—53) ун-тларида таълим олган. Мюнхен ёзувчилар тўгараги раҳбарларидан бири; «санъат санъат учун» (соф санъат — бадиий ижоднинг муайян мақсадга қаратилгани, санъатнинг сиёсат ва жамият талабларидан мустақил бўлишини ёқловчи бир қатор эстетик концепция) тарафдорларидан. Дастлабки асарлари — «Аррабиата» новелласи ва «Марион» қиссаси (1855). «Треппилик қиз» (1858), «Андреа Делфин» (1859), «Она портрети» (1859) асарлари муаллифи. Х. қиссалар ва ҳикоялардан ташқари драматик асарлар ҳам ёзган. «Ганс Ланге» (1866) пьесаси, «Мария Магдалина» (1899) трагедияси оммабоп бўлиб кетган. Шунга қарамай, Х. ёзувчи сифатида кўпроқ танилган. «Аср фарзандлари» (1873), «Жаннатда» (1875), «Мерлин» (1892) романларида ахлоқий масалалар ёритилган. Х.нинг 24 жилдли новеллалари, 6 роман, 60 га яқин пьеса ва 9 шеърий тўплами нашр этилган. Нобель мукофоти лауреати (1910).

ХЕЙЛИТ (юн. cheilos — лаб) — лабларнинг яллиғланиши; бунда лабларнинг қизил ҳошияси, шиллиқ пардаси ва териси яллиғланади. Х.га лаб ёрилиши, куйиши, турли шикастлар, офтобда, изғиринда узоқ туриб қолиш, паразит замбуруғлар ёки вируслар, шунингдек, меъда-ичак фаолиятининг бузилиши, юрак касалликлари, организмда витаминлар (хусусан, В гуруҳ витаминлар) етишмаслиги ёки аллергия (турли бўёқлар, лаб буёғи) сабаб бўлади.

Ўткир ва сурункали кечади. Ўткир Х.да лаб қизаради, шишади ва безиллаб туради; баъзан йиринглайди (қ. *Абсцесс*), т-ра кўтарилади, бош оғрийди. Сурункали Х.да лаб пўст ташлайди, узоқ вақтгача битмайдиган ёриқлар, ярачалар пайдо бўлади, лаб бичилади, шишади ва катталашади. Касалликнинг илк белгилари пайдо бўлганда дарҳол врачга мурожаат этиш ва даволаниш лозим.

Х.нинг олдини олишда шикастланган лабни риванол, калий перманганат (марганцовка) ёки фурацилин эритмасига ҳўлланган бинт, пахта б-н тозалаб артиш; офтобда куйган ёки шамолда ёрилган бўлса, таркибида А витамини бўлган юмшатувчи малҳам суртиш тавсия этилади.

ХЕЙМАНС (Heymans), Гейманс Корней (1892—1968) — бельгиялик физиолог ва фармаколог. Нафас ва қон айланишининг бошқарилишида каротид синуслар ва аорта хеморецепторлари аҳамиятини кашф этган. Нобель мукофоти лауреати (1938).

ХЕКЛАР, мерлузалар (Merluccidae) — трескасимон балиқлар оиласи. Гавласининг уз. 1,3 м гача (одатда, 40 см га яқин), вазни 10 кг гача. Орқа сузгичи 2 та. 4 уруғи, 15 тури бор. Атлантика ва Тинч океаннинг илиқ ва субтропик сувларида яшайди. Кумушранг Х., асосан, Шим. Америка соҳиллари яқинида кенг тарқалган. Уз. 70

Хек.

см гача; 3—4 йилда воята етади. Май—окт.да 40—150 м чуқурликда 400 минггача увилдириқ ташлайди. Ҳаётининг дастлабки йилларида майда қисқичбақасимонлар, воята етгандан сўнг йирик умуртқасизлар (кальмар, креветка) ва б. балиқлар б-н озиқланади. Х.нинг 1 тури Қора денгизда учрайди. Барча Х. йиртқич. Овланади.

ХЕКМАН (Heckman) Жеймс (1944.19.4, Чикаго) — америкалик иқтисодчи. Пристон ун-тини тугатган (1968). Нью-Йорк ва Колумбия ун-тлари, Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси ва «РЭНД» корпорациясида ишлаган. 1977 й.дан Чикаго ун-ти проф. Х. илмий ишлари меҳнат ресурслари, аҳолишунослик, «инсоний потенциал», давлат сиёсати, микроэконометрия соҳасида микро маълумотларни статистик таҳлил усуллари, хусусан, статистик танламани шакллантириш муаммоларига бағишланган. Нобель мукофоти лауреати (2000, Д. *Макфадден* б-н бирга).

ХЕЛАТЛАР (юн. chele — қисқичбақа панжаси), комплексонлар — микроэлементларнинг металлорганик бирикмалари; микроўғит сифатида ишлатилади. Сувда яхши эрийди, ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади, тупроқ коллоидлари таъсирида чўкмага тушмайди. Микроорганизмларнинг емириш таъсирига қариши турши хусусияти, барча тупроқларда гидролизга қарши турғунлиги, ўсимликларга зарарли таъсири йўқлиги б-н аҳамиятли. Таркибида 10—12% темир, 6—10% рух, 8—10% марганец, 9—18% мис бор. Тупроққа экин экиш олдидан бошқа ўғитлар б-н бирга солинади, барглар орқали озиқлантиришда қўлланилади.

ХЕЛИЦЕРАЛИЛАР (Chelicerata) — бўғимоёқлилар типига мансуб умуртқасиз ҳайвонлар кенжа типи. Уз. 0,05 мм дан (айрим каналар) 1,8 м гача (қазилма эвриптидлар). Х.нинг боши ва 6 та кўкрак бўғими қўшилиб, бошкўкракни ҳосил қилади. Қорин қисми 12 бўғимдан, содда Х.да олдинги қорин (7 бўғим) ва кейинги қорин (5 бўғим)дан иборат (*чаёнлар*). Бошкўкракда 6 жуфт ўсимта бор, улардан олдинги 2 жуфт оғиз тешиги олдида (хелицералар) ва орқасида (педипалпалар), кейинги 4 жуфти юриш оёқлари ҳисобланади. Қорин оёқлари қолдиғи ўзгариб жабралар, ўпка, тароқсимон ўсимталар, ўргимчак сўгалларини ҳосил қилади. 2 синф: меростомалар ва ўргимчаксимонларга бўлинади. Меростомалар, асосан, денгизларда яшайди; кўпчилиги қирилиб кетган. Х.нинг 54000 га яқин тури мавжуд.

Хельсинки шаҳридаги банларгоҳ ва собор.

ХЕЛЬСИНКИ, Гельсингфорс — Финляндия пойтахти. Усима ляниининг маъмурий маркази. Аҳолиси 551,1 минг киши (1999). Транспорт йўлларининг муҳим чорраҳаси. Фин кўлтиги соҳилидаги порт. Мальми аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий, молия ва маданият маркази. Етакчи саноат тармоғи — машинасозлик (асосан, кемасозлик, электротехника, кўтариш кранлари ва целлюлозақоғоз саноати учун жиҳозлар и.ч.). Тўқимачилик, кимё ва керамика, кўнпойабзал, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ин-тлар, Мусиқа академияси, опера ва миллий театр, миллий, шаҳар, бадиий, тарих-этнография музейлари, зоол. ва ботаника боғлари, йирик концерт заллари бор. Метрополитен қурилган.



Х.га 1550 й.да Ванта-Йоки дарёсининг қуйилиш жойида асос солинган ва дастлаб Гамельстат деб аталган. Финляндия Россияга қўшиб олиниб (1809) Буюк Финляндия князлиги тузилгач, 1812 й.да мамлакат пойтахти Турку (Або) ш.дан Х.га кўчирилди. 1917 й. дек.да мамлакат мустақиллиги эълон қилингач, Х. Финляндия Республикаси пойтахти. Х.да халқаро учрашув, съезд, конференция ва кенгашлар бўлиб ўтади, Жаҳон Тинчлик кенгаши котибияти жойлашган.

Х. — замонавий шаҳар. Шаҳар марказида Швед театри биноси, Сокос универмаги, Парламент биноси жойлашган. Меъморий ёдгорликлардан собор, ун-т биноси, президент саройи, ратуша, Шаҳар думаси уйи ва б. сақланган. Х. — туризм маркази.

ХЕЛЬСИНКИ УНИВЕРСИТЕТИ — Финляндиядаги йирик олий ўқув юртларидан бири. 1640 й. Турку ш.да ташкил этилган. 1828 й. Хельсинки ш.га кўчирилган. Теология, ҳуқуқ, тиббиёт, фалсафа, тарих, филол., табиий мат., қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, пед. бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонаси (1640 й. ташкил этилган)да 2 млн.га яқин асар сақланади. 27 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

ХЕЛЬСИНКИ ЯКУНЛОВЧИ АКТИ — қ. *Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши.*

ХЕМИНГУЭЙ (Hemingway) Эрнест Миллер (1899.21.7, Ок-Парк, Чикаго яқинида — 1961.2.7, Кетчем, Айдахо штати) — америкалик ёзувчи. 1917 й.дан Канзас-Ситида журналист-репортёр сифатида иш бошлаган. 1-жаҳон уруши қатнашчиси (1914—18). Х. 1928 й.гача Парижда, 1939—60 й.ларда Кубада яшади. Дастлабки ҳикоялар китоби — «Бизнинг замонда» (1924). «Қуёш чиқади» (1926, инглизча нашрларда «Фиеста» номи б-н чоп этилган), «Алвидо, қурол!» (1929) романларида урушнинг бемисл мантиқсизликлари, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркига тажовуз, айни пайтда, инсоний мардлик, қадр-қиммат ва муҳаббатнинг ҳар қандай ёвуз кучлардан устунлиги ёрқин ифодаланган.



1930-й.ларнинг 1-ярмида Х. ижодида тушкунликни кузатиш мумкин. Шу даврда ёзувчи ҳаёт йўлини қайта мулоҳаза қилиб кўришга, ўз ижодининг муайян йўналишларини аниқлашга интилади. Натижада «Пешиндан кейинги ўлим» (1932), «Африканинг яшил тепаликлари» (1935), «Ғолибга байроқ берилмайди» (1933) ҳикоялар тўплами дунё юзини кўради. «Ҳўкизнинг шохи», «Френсис Макомбернинг бахти», «Килиманжаро қорлари» (1936) ҳикоялари, «Тўқчилик ва йўқчилик» (1937) романида Х. ижодий юксалиши кўзга ташланади. Х. асарларида дастлабки журналистик кузатув ўрнини таҳлилий, қиёсий мулоҳаза ва мушоҳадалар эгаллайди. У ҳар қандай урушни қоралайди, шу туфайли инсоният азият чекаётганига эътибор қаратади. Инсон ҳуқуқлари йўлида, озодлик курашида ёлғиз майдонга тушишнинг ҳалокатли оқибатларга олиб келишини оддий кишилар образи орқали ифодалайди.

Х. 1931—39 й.лари испан халқининг миллий озодлик курашида ҳарбий мухбир сифатида қатнашади. Шу йилларда унинг бир неча очерк ва репортажлари, «Мотам қўнғироғи» (1940) романи чоп этилади. Бу асарлардаги қаҳрамонлар халқ озодлиги йўлида фашизмга қарши курашадилар, инсоният тақдири учун ўзларининг масъул эканликларини қалбан ҳис этадилар, кишилар б-н бирга изтиробга тушадилар, хавф-хатардан қутулиш чораларини излайдилар.

2-жаҳон урушидан кейин Х. ижодида янги давр бошланган. Бироқ бу даврда юзага келган «Хавфли ёз» ва «Океандаги ороллар» романлари аввалгиларига қараганда бадиий жиҳатдан анча бўш асарлар саналади. Лекин маълум муддат ўтиб, Х. инсоннинг руҳий ҳолатини тадқиқ этиш б-н жамиятдаги мавжуд вазиятни очиб беришга қодир асарларни яратди. Бадиий жиҳатдан анча юксак бўлган «Дарёнинг нарёғида, дарахтлар соясида» (1950) романи, «Чол ва денгиз» (1952) қиссаси Х.га катта шуҳрат келтирди. Х. 20-а.да ўзигагина хос бўлган қатъий холисликка асосланган характерли услубни яратдики, кейинчалик Америка қитъасидан етишиб чиққан ёзувчилар бу услубга тез-тез мурожаат қиладиган бўлишди.

«Чол ва денгиз», «Алвидо, қурол!» ва б. асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Нобель мукофоти лауреати (1954).

Ад.: Кашкин И., Эрнест Хемингуэй, М., 1966; Грибанов Б., Хемингуэй, М., 1970; Финкельштейн И., Хемингуэй-романист, Т., 1974; Папоров Ю.Н., Хемингуэй на Кубе, М., 1979.

Норали Очилов.

ХЕМНИЦ (1953—1990 й.ларда Карл-Маркс-Штадт) — Германиянинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Саксония ерида. Аҳолиси 266 минг киши (1999). Муҳим саноат маркази ва транспорт йўллари чорраҳаси. Машинасозлик (хусусан, тўқимачилик ва кимё саноатлари учун жиҳозлар, автомобиль, мотоцикл ва велосипедлар и.ч.), кимё, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик ва мебель саноати корхоналари мавжуд. Шаҳарга 12-а.да Рудали тоғлардан ўтган савдо йўли ёқасида асос солинган. 12—18-а.ларда қурилган меъморий обидалари сақланган.

ХЕМО... — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; ўзи қўшилган сўзнинг кимёга, кимёвий жараёнларга алоқадорлигини билдиради (мас., *хемосинтез, хемосорбция*).

ХЕМОГЕН ЁТҚИЗИҚЛАР (*хемо...* ва *ген*) — эритмалардан турли моддаларнинг кимёвий йўл б-н чўкиши натижасида ҳосил бўладиган ва сув ҳавзалари тубида йиғиладиган чўкинди тоғ жинслари, минераллар ва фойдали қазилмалар гуруҳи. Х.ё.нинг таркиби ва ҳосил бўлиш шароитлари ҳавза суви таркиби ва географик иқлим шароитига қараб турлича бўлиши мумкин. Х.ё. ҳосил бўладиган ҳавзалар — денгиз, қуруқлик ва оралиқдаги ҳавзалар бўлиши мумкин. Тропик иқлимда жойлашган денгиз ҳавзаларида оҳактош, гил, силикатли тоғ жинслари ва улар б-н бирга темир, алюминий, марганец ва фосфорит рудалари; қуруқ иқлим шароитидаги ҳавзаларда эса, сув концентрацияси ортиб борган сари, аввал карбонатли ва сульфатли тоғ жинслари, сўнгра ҳар хил минерал тузлар; галит (ош тузи), сильвин (ялама туз), карналлит ва улар б-н бирга учрайдиган бром, йод, бор, ишқорий металлар (литий, рубидий, цезий) чўкади. Қуруқликдаги кўлларда ҳосил бўлган Х.ё. шу кўлга қуйиладиган дарёлар сувининг таркибига қараб, содали, сульфатли ва хлорли бўлади. Ўзбекистоннинг жан. даги қуруқ иқлим зонасида Х.ё. палеоцен ва, айниқса, юқори юра даври денгиз типидаги лагуна ҳавзаларида ҳосил бўлган. Бу ётқизиқлар карбонат, сульфит тоғ жинслари, ош тузи, калий тузлари қатламларидан иборат. Қуруқликдаги кўлларда ҳоз. кунгача ҳосил бўлаётган Х.ё. Қизилқум, Фарғона водийси, Устюрт ва б. жойларда кўп учрайди. Х.ё. қазилма бойликлар манбаи ҳисобланади.

ХЕМОРЕЦЕПЦИЯ (*хемо...* ва *рецепторлар*) — бир ёки кўп ҳужайралилар ихтисослашган ҳужайраларининг ташқи муҳитдаги ҳаёт учун муҳим бўлган кимёвий моддалардан таъсирланиши. Х.нинг дастлабки жараёни таъсирловчи кимёвий модда б-н ҳужайра мембранасидаги хеморецептор оқсил ўртасидаги таъсирдан иборат. Х. — эволюция жиҳатидан энг қад. рецепция типи, барча тирик организмлар учун хос. Кўпчилик ҳайвонлар учун 2 хил Х.: интерохеморецепция (кўп ҳужайралилар ички муҳитини, жумладан, гормонлар, медиаторлар, антигенлар ва б.ни анализ қилувчи) ва экстерохеморецепция (ташқи кимёвий таъсирларни қабул қилувчи) хос.

Юксак тузилган организмларда ихтисослашган кимёвий *сезги органлари* — ҳид билиш, таъм билиш пайдо бўлади. Бу хилдаги органлар умуртқали ҳайвонлар ва бир қанча умуртқасизлар (мас., ҳашаротлар)да бор. Бундан ташқари, кам ихтисослашган Х. — гавда қопламининг таъсирловчи моддаларга нисбатан умумий кимёвий сезгирлиги ҳам мавжуд.

Х. кўпчилик ҳайвонларнинг озиқ қидириб топиши, душманлари ёки ноқулай шароитдан сақланиши, ўз тури ва оиласи индивидлари ҳамда ўз жуфтини топиб олишида катта аҳамиятга эга. Х.нинг жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротлар ҳаётидаги аҳамияти айниқса катта. Бундай ҳашаротлар оиласидаги мураккаб физиологик хатти-ҳаракат реакциялари (озиқ қидириб топиш, ўзаро тобелик муносабатлари) Х. б-н боғлиқ.

ХЕМОСИНТЕЗ (*хемо...* ва *синтез*), хемолитоавтотрофия — таркибида хлорофилл пигменти бўлмаган микроорганизм (бактерия)лар томонидан анорганик бирикмалар (водород сульфид, олтингугурт, водород, аммиак, азот кислота, темир пероксид, марганец ва б.)дан оксидланиш реакциясида ҳосил бўлган энергия ҳисобига карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиши ва органик бирикмаларнинг биосинтез қилиниш жараёни. Х. рус микробиологи С.Н.Виноградский томонидан кашф этилган (1887). Х.нинг кашф қилиниши тирик организмларда кечадиган моддалар алмашинуви жараёнининг асосий типлари тўғрисидаги тушунчани ўзгартириб юборди. *Фотосинтез*дан фарқли равишда Х. жараёнида ёруғлик энергиясидан эмас, балки оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида ажралган энергиядан фойдаланилади ва бу энергия аденозинтрифосфат кислота (АТФ) ни синтез қилишда етарли бўлади. Электронларнинг донорлари сифатида оддий анорганик бирикмалардан фойдаланадиган организмлар хемолитотрофлар деб аталади. Буларга водород, олтингугурт, темир бактериялари ва *денитрификацияловчи бактериялар* киради. Водород бактерияларидан берк экологик системада оқсил олишда, атмосферани CO_2 дан тозалашда фойдаланиш мумкин. Хемосинтетик бактериялар биосферада турли элементларни ўзлаштиришда иштирок этади.

ХЕМОСОРБЦИЯ (*хемо...* ва *сорбция*), кимёвий сорбция — суюқлик ва қаттиқ жисмнинг атроф муҳитдан моддалар ютиши. Бунда кимёвий бирикмалар ҳосил бўлади. Торроқ маънода Х. қаттиқ жисм сиртининг моддани кимёвий ютиши, яъни кимёвий *адсорбция* деб қаралади. Х.да иссиқлик миқдори кўпроқ ажралиб чиқади: одатда, Х. иссиқлиги 84—126 кЖ/моль, баъзи ҳолларда, мас., кислороднинг металларга сингишида 420 кЖ/моль дан ҳам ортиши мумкин. Кимёвий реакцияларга ўхшаб, Х. ҳам анчагина фаоллаш (активация) энергиясини талаб қилади. Шунинг учун т-ра ортганда Х. тезлашади. Х.ни ўрганиш учун *спектроскопия*, электрон парамагнит ва ядровий магнит резонанс, электрон ҳамда ион проекторлари, секин ҳаракатланувчи электронлар *дифракцияси* ва б. қўлланилади. Х. гетероген катализда, газларни тозалашда, вакуум техникаси ва б.да муҳим роль ўйнайди. Х. саноатда кенг қўлланилади.

ХЕМОСТЕРИЛИЗАТОРЛАР, ҳашарот хемостерилизаторлари — бепушт қилиш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар. Зараркунанда ҳашаротларга қарши биологик курашда фойдаланилади (улар организмида генетик ва функционал ўзгаришларни вужудга келтиради). Уч гуруҳга бўлинади. Антиметаболитлар — метотрексат, аминоптерин, фторурацил ва б. кимёвий бирикмалар. Улар ҳашарот организмига кириб, алмашинувчи реакциялардаги нормал метаболитларни сиқиб чиқаради, жинсий ҳужайра ядросидаги ДНК ва РНК синтезини бузади ва асосан, урғочи ҳашаротларни бепушт қилади. Алкилловчи моддалар — хлорамбуцил, афолат, афроксид ва б. Улар жинсий ҳужайра хромосомаларида ўзгариш (уларнинг қайта-қайта бирикиши ёки узилиши)га сабабчи бўлади ва, асосан, эркак ҳашаротларни бепушт қилади. Бошқа кимёвий бирикмалар — триазин типидаги *гербицидлар*, ксилогидрохинон, баъзи антибиотиклар, алкалоидлар, ҳашарот гормонларининг баъзи аналоглари Х. бўлиши мумкин.

Ҳашаротларни пуштсизлантириш учун препаратнинг жуда оз миқдорини унинг терисига (сиртдан таъсир этиш) тегизиш ёки озуқага қўшиб бериш кифоя. Бунинг учун жуда оддий мосламалар (кювета, цилиндр, қутича ва б.)дан фойдаланилади; бунда уларнинг ичига таркибида озуқа моддалари — шакар, шарбат ҳамда ҳашаротларни жалб қилувчи модда — *аттрактантлар* ва б. бўлган махсус эритма шимдирилган дока ёки губка солинади. Пуштсизлантирилган ҳашаротлар зараркунандалар кўп тарқалган жойларга қўйиб юборилади. Пуштсизлантирилган эркак ҳашарот табиатдаги серпушт урғочиси б-н (ёки аксинча) қўшилганда вужудга келган тухум ривожланишга лаёқатсиз бўлади.

Пуштсизлантириш усули зараркунандаларга қарши курашнинг бошқа усуллари б-н биргаликда (мас., олдин инсектицидлар таъсирида ҳашарот миқдорини камайтириб) амалга оширилганда юқори самара беради.

Ад.: Ла Брек Ж.К., Смит К., Генетические методы борьбы с вредными насекомыми: (Хемостерилизация насекомых)/ Пер. с англ. М., 1971; Химическая защита растений/ Под ред. проф. Г.С.Груздева. 3-изд. М., 1987.

Султон Алимуҳамедов, Шамил Хўжаев.

ХЕМОТРОНИКА (*хемо...* ва *...трон*) — илмий-техник йўналиш; иши электр-кимёвий жараёнлар ва ҳодисаларга асосланган автоматика, ўлчаш ва ҳисоблаш техникаси асбоблари ва қурилмаларини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш масалалари б-н шуғулланади. Х. шуғулланадиган асбоблар ва қурилмаларнинг электрод — электролит чегарасидан электр токи ўтказилганда электр-кимёвий жараёнлар юз беради. Х.да ана шу жараёнлар ўрганилади. Х.да электроосмос ҳодисасидан, электрод атрофидаги қатламларда электролит фаол компонентлари ўзгариши ва б. ҳодисалардан ҳам фойдаланилади. Энг оддий хемотрон асбоб — электр-кимёвий уя ичига электролит тўлдирилган ва иккита электрод жойланган ихчам герметик шиша идиш (ампула)дан иборат. Бунда электролит сифатида кислоталар, тузлар ва асосларнинг сувдаги эритмалари ишлатилади. Электродлар Pt (платина), Ag (кумуш), Al (алюминий), Zn (рух) ва б. металлар ва уларнинг қотишмаларидан тайёрланади. Кўпинча бу мақсадда Hg (симоб) дан фойдаланилади.

Хемотрон асбоблар асосида ихчам ток ва кучланиш кучайтиргичлари, тўғрилагичлари, вақт релелари, интеграторлари, тезланиш, т-ра ва тезлик датчиклари, титрашлар (вибрация) ни ўлчаш асбоблари, индикаторлар, кулонометрлар ҳамда 10^{-7} — 10 Гц частоталар диапазонида ишлайдиган бошқа асбоб ва қурилмалар яратилади.

ХЕМОТРОПИЗМ (*хемо...* ва *тропизм*), кимиотропизм — кимёвий моддаларнинг бир ёқлама таъсирида ўсимлик органларининг бурилиб ўсиши (ўсув йўналишини ўзгартириши). Баъзи моддалар оз миқдорда мусбат Х. (ўсимлик органларининг таъсирот томонга қараб ўсиши) кўп миқдорда эса манфий Х. (органларнинг таъсирот томондан қарама-қарши томонга қараб ўсиши) ҳосил қилади. Чанг найчаларининг уруғкуртакка қараб ўсишида, замбу-

руглар гифасининг хўжайин-ўсимлик тўқимасига қўшилиб ўсиб кетишида, илдизнинг ўғит доналари томонга қараб ўсишида Х. кузатилади.

ХЕНЧ (Hench) Филип Шоуолтер (1896.28.2, Питсбург — 1965.30.3, Очо-Риос, Ямайка) — америкалик ревматолог. Питсбург ун-ти тиббиёт мактабини тугатган (1920). Мейо клиникаси ходими (1921), тиббиёт бўлими консультанти ва ревматик касалликлар секцияси раҳбари (1926 й.дан). 1928 й.дан Миннесот (Рочестер) ун-тида, проф. (1947 й.дан). Ревматик касалликлар клиникасида эндокрин омилларни тадқиқ этган ва уларни даволашда буйрак усти бези пўстлоғи гормонини биринчи бўлиб қўллаган. Нобель мукофоти лауреати (1950; Э.*Кендалл* ва Т.*Рейхштейн* б-н ҳамкорликда).

ХЕОПС (юн. Cheops), Хуфу (миср-ча) — Миср фиръавни (мил. ав. 27-а. боши). Х. даврига оид йирик номанинг қолдиқлари, шунингдек, Х.нинг Мағхара водийси (Синай я.о.даги мис ва феруза конлари яқинида жойлашган)да бадавийлар устидан қозонган ғалабаси акс этган қоятошга ўйиб ишланган расм сақланиб қолган. Х. исми Нубиянинг шим.да, Абу Симбалдан шим.-ғарбдаги диорит тош конларида аниқланган. *Геродот* эҳромлар бунёд этишнинг қад. миср ча анъанасини баён қилар экан, Х.ни Миср га кулфат келтирган, халқни ўзи учун ишлашга мажбур этган мустабид ҳукмдор сифатида тасвирлайди. Гизадаги Х. эҳроми — Миср эҳромлари орасида энг катта бўлиб, бал. 146,6 м ни ташкил этади.

ХЕРМЕСЛАР (Adelgidae) — тенг қанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. Қанотли ва қанотсиз турлари бор. Шим. ярим шарнинг мўътадил минтақасидаги игнабаргли дарахтларда учрайди. 40 тури маълум. Х. ҳаёт циклида жинсий уруғланиш б-н бирга партеногенез кўпайиш ҳам содир бўлиб туради. Икки уйли Х. (мас., яшил Х.) қора қарағай (бирламчи хўжайин)да кичкина ғудаларга ўхшаш бўртмалар ҳосил қилади; бошқа игнабарглилар (иккиламчи хўжайин)да оталанган уруғочи Х. қишловчи тухумлар қўяди. Бир уйли Х. (мас., сариқ Х.) ўрмон ва хиёбонлардаги дарахтларни зарарлайди.

ХЕРСОН — Украинанинг Херсон вилоятидаги шаҳар. Вилоят маркази. Днепрнинг ўнг соҳилида, унинг Днепр лиманига қуйилиш жойида. Денгиз ва дарё порти. Т.й. чорраҳаси. Аэропорт бор. Таркибида 3 шаҳар тумани мавжуд. Аҳолиси 328,4 минг киши (2004).

Шаҳар 1778 й.да кемасозлик корхоналари б-н бирга Қора денгиз флотини барпо этиш учун қалъа сифатида вужудга келган ва Херсонес Таврический деб аталган. 1783 й.дан уезд шаҳри. 1803 й.дан губерния маркази. Етакчи саноат тармоқлари — кемасозлик ва машинасозлик (комбайн, кардан валлари, электромашинасозлик з-длари ва б.), нефтни қайта ишлаш, енгил (ип газлама к-ти ва б.), озиқ-овқат (консерва, гўшт, балиқ ва б.), қурилиш материаллари, мебель саноати тармоқлари ривожланган. 4 олий ўқув юрти, 2 театр, филармония, телемарказ, бадиий ўлкашунослик музейлари бор. Шаҳарда Украина ёбикор деҳқончилик и.т. институти, балиқ хўжалиги и.т. институтининг бўлими, Жан. Украина синоп ст-яси мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан Арсенал (18-а.), Грек-Софий черкови (1780), Святой Дух монастири (19-а. бошлари), Спас собори (1806), Қора денгиз госпитали (1803—10) сақланган.

Херсон шаҳри. Дарё соҳили.

ХЕРСОН ВИЛОЯТИ — Украинадаги вилоят. 1944 й. 30 мартда ташкил этилган. Майд. 28,5 минг км². Аҳолиси 1145,4 минг киши (2004), украин, рус, белорус, яҳудий ва б. яшайди. 18 маъмурий туманга бўлинган, 8 шаҳар ва 29 шаҳарча бор. Шаҳар аҳолиси 59%. Маркази — *Херсон* ш. Муҳим шаҳарлари — Херсон, Каховка, Цюрупинск.

Табиати. Вилоят Украинанинг жан.да. Қора денгизбўйи пасттекислигида жойлашган. Жан.дан Қора ва Азов денгизлари б-н ўралган. Ер юзаси текислик, жан.ға томон бир оз қия. Қумли ороллар, қум тиллари, кичикроқ қўлтиқлар учрайди. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси жан.да —3° дан шим.да —5° гача, июлники жан.да 21,5° — 23,5°. Ёзи иссиқ ва қуруқ, айрим вақтда бўронлар бўлиб туради. Вегетация даври 215—230 кун. Йиллик ёғин 300—400 мм. Асосий дарёлари: Днепр, унинг ўнг ирмоғи — Ингулец. Тупроқлари жан.-да чириндиси кам қоратупроқ, тўқ каштан тупроқлар денгиз соҳилида каштан, шўртоб ва шўрхок тупроқлар. Вилоят ҳудудида Аскания-Нова, Қора денгиз қўриқхоналари, шунингдек, Азов-Сиваш қўриқхона-овчилик хўжалиги бор. Вилоят ҳудудининг 2,6% ўрмон ва бутазор.

Хўжалиги. Машинасозлик ва металлсозликда кемасозлик з-длари, комбайн, кардан валлари ва электр машинасозлик (Херсон), электр пайвандлаш жиҳозлари ва автомобиль таъмирлаш з-длари (Каховка) бор. Херсонда нефтни қайта ишлаш з-ди ва Украинада шиша идишлар ишлаб чиқарувчи энг йирик з-длардан бири, Цюрупинскда целлюлоза-қоғоз к-ти, Новая Каховкада мебель ф-каси ишлаб турибди. Енгил саноатда тўқимачилик етакчи ўринда (Херсон ип-газлама к-ти). Ип-газлама и.ч. бўйича Х.в. Украинада 1-ўринда. Озиқ-овқат саноати консерва, ун ва ёрма, гўшт-сут, балиқ ва б. тармоқлардан иборат.

Қ.х.да галлачилик, сабзавотчилик, полизчилик, токчилик, боғдорчилик ва гўшт-сут чорвачилиги ривожланган. Ғалла, картошка ва сабзавот, емхашак экинлари экилади. Чорвачилиги гўшт-сутга ихтисослашган, чўчқачилик ва майин жунли қўйчилик, пиллачилик, балиқчилик ривожланган (9 балиқчилик хўжалиги бор). Т.й. узунлиги 1100 км. Автомобиль йўллари уз. 6 минг км. Муҳим портлари: Херсон, Скаловск, Геническ, Хорли. Днепрда кема қатнайди. Аэропорт бор. 4 олий ўқув юрти, 2 театр, филармония, телемузей, 2 телерадиокомпания, телемарказ фаолият кўрсатади.

ХЕРЦБЕРГ, (Herzberg) Герцберг Гергард (1904—99) — канадалик физик-кимёгар ва физик. Келиб чиқиши немис, 1935 й.дан Канадада. Дармштат технология ин-тини тугатган (1928). Миллий тадқиқот марказида ишлаган (1949). Илмий ишлари атом ва молекуляр спектроскопия соҳаларига доир. Кўпгина молекулалар ва эркин радикалларнинг спектрларини тадқиқ этган, уларнинг электрон структурасини аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1971).

ХЕРШБАХ (Herschbach) Далли Роберт (1932.18.6., Сан-Хосе, Калифорния штати) — америкалик кимёгар. АҚШ Миллий ФА аъзоси. Калифорния ун-тида ишлаган (1958—63). 1963 й.дан Гарвард ун-ти проф. Илмий ишлари физик-кимёга оид. Х. 1960—70 й.ларда кимёвий реакциялар тезлиги ва механизмини тадқиқ қилиш натижасида тўғри элементар жараёнлар деб номланган 3 та ўзаро фарқланадиган янги механизмлар (тўхтатиш, уринма ва оралиқ механизмлар)ни кашф этган. Нобель мукофоти лауреати (1986; Я.Ли ва Ж.Ч.Поляни б-н ҳамкорликда).

ХЕРШИ (Hershey) Альфред Дей (1908.4.12, Ланесинг Мичиган штати) — америкалик генетик ва вирусолог. Америка фан ва санъат академияси аъзоси. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1958 й.дан). Мичиган ун-тини тугатган (1930). 1934—50 й.ларда Вашингтон ун-тида дарс берган. 1950 й.дан Карнеги ин-тида ишлаган (1962 й.дан директор). Илмий фаолияти бактериофаглар генетикаси ва ДНК вируси кимёсига оид. Х. бактериофаглар хромосомасининг генетик харитасини тузди; бактериофаглар ирсиятини ташувчиси унинг ДНК си эканлигини аниқлади. Нобель мукофоти лауреати (1969, М.*Дельбрюк* ва *С.Лурия* б-н ҳамкорликда).

ХЕТАГУРОВ Коста (тахаллуси, асл исм-шарифи Константин Леванович Хетагуров) [1859.3(15).10, ҳоз. Шим. Осетия Алагир тумани Нор қишлоғи — 1906.19.3(1.4), Қорачой-Черкас вилояти Коста Хетагуров қишлоғи; Владикавказда дафн этилган] — осетин шоири ва жамоат арбоби. Осетин адабиётининг асосчиси. Петербург БАда ўқиган (1881—85). 1891 й. ҳукумат қарорларига қарши публицистик мақолалари учун 5 йилга Тверь вилоятига сургун қилинган. 1893 й. фев.дан «Северний Кавказ» («Шимолий Кавказ») газ.да ишлаб, чор ҳукуматининг Кавказдаги сиёсатига қарши мафкуравий кураш олиб борганлиги сабабли 1899 й.да Херсон вилоятига бадарға этилган. 1902 й. сургундан қайтган. 1903 й.да оғир касалликка чалиниб, ижодий ва ижтимоий фаолият б-н шуғуллана олмаган. Х.нинг адабий мероси лирик шеърлар, масаллар, романтик ва ҳажвий достонлар ҳамда шеърий ривоятлардан иборат. Х.нинг рус тилида ёзган шеърлари «Шеърлар» (Ставрополь, 1895), осетин тилида ёзганлари эса «Ирон фандир» («Осетин сози», 1899) тўпламларида эълон қилинган. Х. шеърий ижодининг марказида осетин халқининг тарихий тақдири б-н боғлиқ масалалар ётади («Фотима», 1889; «Суд олдида», 1893; «Йиғлоқи қоя», 1894 достонлари; «Кимдир» этнографик очерки). Х.га қадар ҳам осетин тилида шеърлар ёзилганига қарамай, у гоявий-бадиий ва лисоний жиҳатдан юксак асарлари б-н миллий адабиётга тамал тошини қўйди. Владикавказда Х.нинг уй-музейи бор.

Ас.: Собрание сочинений, т. 1—3, М., 1973.

ХЕТТ ПОДШОЛИГИ — Кичик Осиёдаги қад. давлат (мил. ав. 18—12-а. бошлари). Таркибига хеттлар, хаттлар ва б. этник гуруҳлар кирган. Хеттлар подшоси Аниттас даври (тахм. 18-а.)да Анатолиянинг баъзи вилоятлари бирлашга бошлаган. У Неса, Хаттусас шаҳарини босиб олган. Куссар шаҳри пойтахт қилган. Қад. хетт сулоласининг асосчиси — Лабарна (17-а. бошлари) Х.п. ҳудудини кенгайтирган. Лабарнанинг вориси Хаттусилис I даври (17-а. ўрталари)да Кичик Осиёнинг шим.-дағи Цалпа ш. ва Кичик Осиёнинг бир қанча жан.-шарқий вилоятлари батамом босиб олинган. У пойтахтни Хаттусаста кўчирган. Хаттусилис I нинг ўғли Мурсилис I (17-а. охири) даврида Х.п.нинг ҳарбий қудрати ниҳоятда ошган. 14—12-а.ларда Хетт подшолари Шим. Сурия ва Шим. Месопотамияда яшайдиган хуррий қабилалардан бўлган. Подшо Суппилулиумас I (14-а. бошлари) узоқ давом этган урушлардан кейин Митанни (Шим. Месопотамиядаги қад. давлат)ни босиб олган. Угарит (Шим. Финикиядаги қад. шаҳар-давлат)ни ўз вассалига айлантирган. Мурсилис II ҳукмронлиги (14-а. охири)дан бошлаб Х.п. билан Миср ўртасида Сурия учун кураш кетган. 13-а. охири — 12-а. бошларида Х.п. ўзаро урушлар, қарам вилоятлар ва иттифоқдош подшоликларнинг ажралиб кетиши туфайли инқирозга учраган. Қад. Х.п.нинг охирги йирик подшоси Телепину (16-а. охири) бўлган. Кичик Осиёнинг шарқига жан. ва ғарбдан халқларнинг кўчиб келиши б-н подшолик барҳам топган.

ХЕТТ ТИЛИ — ўз ёзувига эга бўлган энг қад. ҳинд-европа тилларидан бири; хатт, палайя, лидия ва б. тиллар б-н *хетт—лувий тиллари* (анатолия тиллари) гуруҳини ташкил этган ўлик тил. Х.т.да сўзлашувчи аҳоли қад. Анатолиянинг марказий ва шим. қисмларида яшаган. Х.т. тарихида 3 давр фарқланади: қад. давр (мил. ав. 18—16-а.лар), ўрта давр (мил. ав. 15-а. — 14-а. боши) ва янги давр (мил. ав. 14-а. ўрталари — 13-а.). Бизгача етиб келган матнларнинг аксарияти Янги подшолик даврига мансубдир. Х.т.нинг асосий грамматик хусусиятлари: феъл қўшимчалари 2 турга бўлинган, отлар 2 грамматик жинс категориясига бўлинган. Лексикасида хатт, аккад ва хуррит тилларидан ўзлашган сўзлар — асосан терминлар кўп бўлган. Х.т. ёзуви — *миххат* бўлиб, у шим. Суриядан, эҳтимол, қад. аккад миххатидан ўзлаштириб олинган. Ёзма ёдгорликлари асосан 1906—07 й.лардаги археологик қазишмалар чоғида Хаттусасдаги (Туркия, ҳоз. Бўғозқўй) подшолик архивидан топилган.

ХЕТТЛАР — Кичик Осиёда қадимда яшаган халқ. *Хетт тилида* сўзлашган. Шунинг учун ҳам одатда Х. ёки уларнинг авлодлари Кичик Осиёга Болқон («ғарбий» назария) ёки Кавказ орқали («шарқий» назария) кедиб жойлашган деб ҳисобланади. Қад. *Хетт подшолигида* шаҳарларнинг шарққа хос услубда қурилиши Х.нинг Кавказ орқали кўчиб келганини кўпроқ тасдиқлайди. Анатолиянинг савдо марказларидан топилган аккад тилида ёзилган ҳужжатларда хетт тилига мансуб сўзлар ва шахс номларининг учраши, Х.нинг мил. ав. 3—2-минг йилликлардан бошлаб Кичик Осиёда яшай бошлаганлигини кўрсатади. Мил. ав. 14—12-а.нинг бошларида Хетт подшолигида *хетт тили* асосий давлат тили бўлса-да, Х. бошқа этник гуруҳлар б-н қўшилиб кета бошлаган.

ХЕТТЛАР МАДАНИЯТИ — мил. ав. 2-минг йилликда равнақ топган *Хетт подшолигида* шаклланган маданият. Подшолар қароргоҳи бўлган Хаттусас ш. (Кичик Осиёдаги ҳоз. Боғозқўй ш.) барча хетт шаҳарлари каби доирасимон тарҳли, мудофаа девор ва иншоотларга алоҳида аҳамият берилган, шаҳарнинг қўш девори бурж, миноралар б-н мустаҳкамланган. Бинолар ҳайкал, рельефлар б-н безатилган. Шаҳар дарвозаларининг икки ёнига улкан шер ҳайкали, сфинкслар ўрнатилган. Боғозқўй яқинидаги Ёзувликоя рельефлари (мил. ав. 16—

Хеттлар тасвирий санъати. Шерови (Малатьяда деворга ишланган рельеф).

Диний маросимда ишлатиладиган идиш (мил. ав. 14-а., Хаттусас Анқара, Археология музейи).

13-а.ларда шер устида тик турган кишилар акс эттирилган, 2 бошли бургут тасвири гербни эслатади. Баъзи рельефларда, хеттларнинг доирасимон тамғаларидаги каби, рамзий тасвирлар учрайди. Мил. ав. 1600 й.да қад. хеттларда ҳайкалтарошлик, кулолчилик тараққий этган (мас.: ўрдакбурун шаклидаги кўзачалар, ҳайвонлар шаклида ишланган идишлар, маъбудлар ва б. тасвирланган идишлар).

ХЕУОРС (Haworth) (Геворт, Хэворт) Уолтер Нормен (1883.19.3, Чорли — 1950.19.3, Бирмингем) — инглиз органик-кимёгари. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1928 й.дан). Манчестер ун-тида (1911), Шотландиядаги Сент-Андрус ун-ти коллежида ишлаган (1912 й.дан проф.). Ньюкаслдаги Дархем ун-ти (1920—25), Бирмингем ун-ти (1925—48) проф. Асосий илмий ишлари углеводлар кимёсига оид. Метилсульфат ва ишқорлардан фойдаланиб қандларнинг метил эфирларини олиш усулини таклиф этган (1915). Бу усул углеводлар тузилишини ўрганишда муҳим роль ўйнаган. С витаминининг тузилишини аниқлаган ва уни илк бор синтез қилган (1933, Т. Рейхштейн б-н бир вақтда). Нобель мукофоти лауреати (1937).

ХЕФРЕН (юн. Chephren), Хафра (мисрча) — Миср фиръавни (мил. ав. 27-а. охири — 26-а. боши). *Хеопс*нинг ўғли ёхуд укаси. *Геродот* уни Хеопснинг деспотик ҳокимиятини давом эттирувчи сифатида таърифлайди. Гизодаги Х. эҳроми — катталиги жиҳатидан 2-бўлиб (бал. 143,5 м), қадимда яширин йўл орқали водийдаги гранит ибодатхона б-н боғланган; ибодатхонадан Х.нинг диоритдан ишланган 2 ҳайкали топилган (Қоҳирадаги Миср музейида сақланади). Эҳром яқинида Х. даврида қоятошлардан ўйиб ишланган Сфинксининг улкан ҳайкали бор.

ХИБИН ТОҒЛАРИ (фин тилида хибин — кичик тепа маъносини англатади) — Кола я.о.даги тоғ массиви. РФ Мурманск вилоятида. Майд. 1300 км², энг баланд жойи 1191 м. Плато шаклида бўлиб атрофи ботқоқлашган паст-баланд текислик. Тоғ тундраси мавжуд. Тоғ ён бағирлари ва этаклари игна барглы ўрмон ва паст бўйли қайинзорлар б-н қопланган. Айрим жойларида музлик ва қорликлар бор. Қор кўчкилари тез-тез кузатилади. Ёвойи ҳайвонлардан лемминг, қутб тулкиси, тундра каклиги, оқ бойўғли яшайди. Х.т. интрузив массиви, нефелин, сиенитлардан ташкил топган. Бой апатит-нефелин рудалари конлари очилган. Улар негизида апатит саноати юзага келган. Вудъеврчорр тогида дунёдаги ягона қутб-альп ботаника боғи жойлашган.

ХИВА — Хоразм вилоятидаги шаҳар. *Хива тумани* маркази. Ўзбекистоннинг шим.-ғарбида, вилоятнинг жан.да. Амударёнинг чап соҳилида, ларёдан 40 км жан.да, 91 м баландликда жойлашган. Шаҳар ёнидан Полвонён (қад. Хейканиқ) канали ўтган. Яқин т.й. станцияси — Урганч (30 км). Майд. 0,08 минг км². Аҳолиси 51,2 минг киши (2004).

Х. — Ўзбекистоннинг қад. шаҳарларидан бири. Археологик маълумотларга кўра, шаҳар мил. ав. 5-а.да барпо этилган. Унинг номи шаҳарнинг қад. қисмида жойлашган Хивақ (Хейвақ) қудуғи б-н боғлиқ. Баъзи тадқиқотчилар шаҳар номини хоразмий тилига яқин бўлган қад. осетин тилидаги «Хиаув» — қалъа сўзидан, бошқалари бу атамани антик даврдан Х. ҳудудидан оқиб ўтган Хейканиқ (ҳоз. Полвонён) каналининг ўзгартирилган (Хейканиқ—Хейваниқ—Хейвақ—Хева—Хива) номидан келиб чиққан дейдилар. Хоразмлик тарихчи-солномачи Худойберди Қўшмуҳаммад ўзининг 1831 й.да ёзган «Дили Ғаройиб» асарида Хоразмнинг қад. шаҳарларини номма-ном санаб экан, «Бу мамлакатнинг яна бир қалъаси — Қалъаи Рамлдир. Бу қалъага Сом ибн Нуҳ асос солган бўлиб, у ҳозирги Хивақ номи ила машҳурдир» дейди.

Халқ ривоятларида ҳам шаҳарнинг бунёд этилиши Нуҳ замонларига бориб тақалади. Бунда Нуҳнинг ўғли Сом бўлажак шаҳар ёнига келиб қудуқ қаздирган ва шу б-н Х.га асос солган. Ҳақиқатан ҳам Х.нинг Ичан қалъасида қад. Хейвақ (Хивак) қудуғи сақланиб қолган.

Х. тўғрисидаги дастлабки ишончли маълумотлар 10-а.дан бошлаб араб-форс тилидаги тарихий-географик манбаларда учрайди. Истахрий (930) Х.ни ўша даврдаги энг йирик 30 та шаҳар рўйхатига киритган. У. Х.ни Ҳазораспдан 8 фарсах масофада Журжония (Гурганж) йўлида жойлашганлигини қайд қилади. Муқаддасийнинг маълумотларига кўра эса Х. б-н Ҳазорасп ўртасидаги масофа 8 довон (10 фарсах)дан иборат бўлган. Х. Ёқут Хамавий (13-а.), Низомиддин Шомий (14-а.) асарларида ҳам карвон йўлида жойлашган шаҳар сифатида эслатиб ўтилади.

17-а.да яшаб ўтган Маҳмуд ибн Вали бу шаҳар тўғрисида шундай ёзади: «Хива кенг ва баҳаво шаҳар. У шайх Нажмиддин Кубронинг ватанидир». Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларидаги Х. хусусидаги фикрлари ҳам ана шу даврга мансуб.

Х. ўзининг тарихий ўтмиши, меъморий тузилиши, обидаларининг яхлит сақланганлиги жиҳатидан мазкур қад. шаҳарлар орасида алоҳида ўрин тутади. Ер курраси да машҳур бўлган Афина, Рим, Қоҳира шаҳарига тенгдош бўлган бу шаҳарнинг *Ичан қалъа* қисми (1990) *Жаҳон мероси* рўйхатига киритилган 100-шаҳар бўлиб, дунёга ал-Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Шиҳабуддин Хивақий, Паҳлавон Маҳмуд, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз), Мунис ва Огаҳий каби буюк зотларни етказиб берган азим замин ҳисобланади.

Мил. ав. 5-а. охиригача Х. Хоразм таркибида Ахоманийлар давлати сатрапиясида, сўнгра мустақил Хоразм давлати таркибида бўлган. Илк ўрта асрларда Х. орқали Шарқни Ғарб б-н боғловчи *Буюк ипак йўли* ўтган. 4-а. бошларидан Х. — Хоразм б-н бирга Сосонийлар давлати таркибига кирган. Бу даврда у қалъа девори б-н ўраб олинган. 712 й. Х.ни арablar истило қилган. Араб сайёҳлари Истахрий ва Муқаддасий кўзёмаларида келтирилишича, Х. 10-а.да Хоразм воҳасида энг йирик шаҳарлардан бири бўлган. 1221 й.дан мўғуллар империяси, 1389 й.дан темурийлар давлати таркибида, 16-а. бошларидан 1920 й. 2 февралча Хива хонлиги пойтахти бўлган. Хонлик 1873 й. рус қўшинлари томонидан ишғол қилиниб, *Гандимиён шартномаси*га кўра, Россия империяси протекторатига айлантирилган. 1920—24 й.ларда Х. Хоразм Халқ Совет Республикаси пойтахти бўлиб турган.

Ичан қалъа девори ва Оқшайхбобо кўшки.

Х.ни археологик жиҳатдан ўрганиш қисман С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов, А.И.Тереножкин ва б. томонидан 20-а. ўрталарига олиб борилган. 1984—1993 й.ларда археологик қазишма ишлари режали равишда кенг миқёсда олиб борилди. Қазишмалар Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими археологлари ва хоразмлик археологлар ҳамкорлигида амалга оширилди. Шаҳар ҳудудида 6 та стратиграфик қазилма ва 7 шурф белгиланди. Х.нинг қад. қисми — Ичан қалъада 1200 м² бўлган майдон қазиб ўрганилди. Археологик ашёларнинг 7 м гача чуқурликдан топилганлиги, шаҳарнинг пайдо бўлиш даври қад. эканлигидан далолат беради. Шаҳар тарихий тараққиётининг биринчи даврида Ичан қалъа ўрнида одамлар яшай бошлаган. Археологик материалларнинг шаҳодатича, бу давр мил. ав. 5-а.га тўғри келади. Кулолчилик чархида тайёрланган сопол буюмлар мажмуаси, шунингдек, пахса девор қолдиқлари шу даврга мансубдир. Мил. ав. 5-а. охирида Хоразм Эроннинг сиёсий тазйиқидан халос бўлгач, Х.да шаҳар системасининг асосий элементлари шакллана бошлади.

Мил. ав. 4—3-а.ларда қалъа атрофи 2 қаватли қалин девор б-н ўраб олинди. Девор олдин пахса, унинг устига хом ғишт терилиб, бунёд этилган. Ғиштларнинг аксариятига тамға босилган. Девор орасида (ичида) эни 2 м ли йўлак бўлган. Девор бўйлаб, ҳар 22—27 м масофада миноралар тикланган. Деворлаги миноралар тўғри бурчакли бўлган. Қалъа деворининг бутун тизими асосий девордан 4,4—8,5 м масофадаги қўшимча тўсиқ — девор б-н ўраб чиқилган.

Девор ичи ва йўлакларидан топилган сопол буюмлар мил. ав. 4—3-а.ларга тааллуқли. Бўйин қисми ингичка, нозик қилиб ишланган хум ва хумчаларнинг сиртига оч пушти рангда гул нақши солинган. Яна бир нодир топилма — кўзачанинг шер калласи шаклидаги дастасидир. Қад. қалъа девори ва йўлаклар Х. ўша даврда воҳада йирик шаҳарлардан бири сифатида Хейканиқ (Полвонён) канали соҳиллари ҳамда соҳилга яқин ҳудудларни назорат қилиб турганлигини тасдиқловчи далилдир.

Х. дастлаб аграр-ҳунарманд шаҳар сифатида ривожланди. Мил. ав. 2-а.да Х.нинг катта қисми қум остида қолгач, аҳоли шаҳарни тарк этди. Ичан қалъа деворлари вайрон бўлди.

Мил. бошларида шаҳарда ҳаёт яна тиклана бошлади. Қалъа деворининг ғарбий қисмида арк бунёд этилди. 1—3-а.ларда (Кушонлар даври) Х. Ичан қалъа деворлари ташқарисидан қалин гиштин девор б-н мустаҳкамланди, натижада шаҳар девори қалинлиги 7,5—9 м га етди.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, мил. 4—5-а.ларда шаҳарни яна қум босган. 6—8-а.ларда Х. қайта тиклана бошлади. Х. ҳудудида замин-дорларнинг дастлабки қўшклари пайдо бўла бошлади. Ичан қалъада шундай қўшклардан 2 таси топилган.

Шаҳар Хоразмшоҳлар даври (12—13-а. боши) равнақ топиб, ҳудуди кенгайди. 1220—21 й.ларда Х. Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон этилди. Кейинроқ қайта тиклана бошлади. Ҳунармандчилик (кулолчилик, кошинкорлик ва б.) ривожланди.

Кейинги даврда айниқса, 16—19-а.ларда шаҳар жадал тараққий эта борди. Қуйи Волга, Ўрта ва Яқин Шарқ шаҳарлари б-н савдо алоқалари ўрнатилди.

Х. 16-а.нинг 2-ярмидан Хоразмнинг пойтахтига айланган, ҳар томонлама ривожланди. Меъморий қиёфаси ҳам ўзгара борди. Шаҳардан ўзаро кўндаланг кесишган 2 та катта кўча ва 4 дарвоза (Отадарвоза, Полвондарвоза, Боғчадарвоза, Тошдарвоза) орқали Дишан қалъа (рабод)га чиқилади. Ичан қалъа деворининг уз. 2200 м, бал. 6—8 м, таг заминининг қалинлиги 5—6 м. Қалъа тўғри тўртбурчак шаклида қурилган бўлиб, уз. 650 м, эни 400 м, жами 26 га майдонга эга.

Х.нинг рабод қисми *Дишан қалъа* 1842 й. Оллоқулихон даврида (1825—42) баланд девор б-н ўраб олинган. Ўша даврда Ичан қалъада 33 маҳалла (мачитқавм) ва Дишан қалъада 34 маҳалла бўлган. Маҳаллалар номи шу ерда яшаётган аҳолининг касб-кори (Читкарлик, Элакчилик, Кулоллар, Мисгарлик, Гассоллар) ёки шахс лавозими (Отамурод қушбеги, Ёқуб меҳтар, Юсуф ясовулбоши) б-н аталган. Шаҳарда 109 катта-кичик кўча, 79 масжид ва 120 қорихона бўлган. Х.да 19-а. ўрталарида 20 минг киши яшаган. Шаҳар, асосан, 19-а.нинг 2-ярмидан кенгая борди.

1874 й.да шаҳар маъмурий жиҳатдан Қумёсқа, Каптархона, Ўр. Кўҳнабозор, Калтаминор, Амин чорсу, Мевастон, Қорааълам ва Янги қалъа мавзеларига бўлинган. Х. хонининг «мулки холисаси» ҳисобланиб шахсан унинг ўзи томонидан бошқарилган. 19-а. охири — 20-а. бошларида Х.да 64 мадраса, 79 масжид бўлган. 1924 й. шаҳарда олинган аҳоли рўйхатида 4029 хонадонда 18145 киши қайд қилинган.

Х.нинг илк тарҳи 1740 й.да чизилган. Шаҳар тарҳи узунасига 1 минг м, энига 400 м бўлиб, 40 га майдонни эгаллаган. Унинг бутун теварак атрофи сувли хандақ б-н ўраб олинган. Шаҳарга шарқ томонидан махсус кўприк орқали кириш мумкин бўлган. Кўприк кечалари кўтариб қўйилган. Кўприк ёнидаги дарвозадан бошланган катта кўча тўппа-тўғри Арк дарвозасига бориб тақалган. Арк шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган. Шаҳарнинг асосий кўчаси уни 2 қисм (шим. ва жан.) га ажратган. Аркда хон саройи, ҳарамхона, аслаҳахона бўлиб, улар махсус қалъа девори б-н ўралган. Лекин, ўша даврдаги баъзи иншоотлар чизмага кирмай қолган. Шаҳарнинг

Паҳлавон Маҳмуд меъморий мажмуаси.

ина бир тарҳи Россиядан махфий топшириқ б-н келган топограф Г.Н.Зеленин томонидан 1839 й.да чизилган. Зеленининг маълумотларига кўра, шаҳарда ўша даврда 17 та масжид, 22 та маҳалла ва 260 савдо растаси бўлган. Шаҳарнинг жуда аниқ ва мукаммал бўлган сўнгги тарҳи 1873 й.ги рус истилосидан сўнг рус топографлари томонидан тузилган ва ўша йилиёқ «1873 йилги Хива юришлари» мақоласига илова тарзида босилган.

Меъморий ансамблининг яхлитлиги жиҳатидан шаҳар Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. 1967 й.да Ўрта Осиёда илк бор Х.нинг Ичан қалъа (шаҳристон) қисми тарихий-меъморий ёдгорликлар қўриқхонаси деб эълон қилинди. Х.нинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ЮНЕСКО Бош конференциясининг (1995 й. окт.—нояб.) 28-сессиясида алоҳида қайд қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 й. 3 янв.даги қарори б-н Х.нинг 2500 йиллиги 1997 й.да жаҳон миқёсида кенг нишонланди.

Шаҳарда «Хива-Карпет» қўшма корхонаси, сопол буюмлар, пахта тозалаш, гилт з-длари, тикувчилик, *«Хива гилами» акциядорлик жамияти* ва б. гилам тўқиш корхоналари, нон к-ти, леҳкон бозори, маданий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатади. Урганч ун-тининг агроменежмент ф-ти, Ўзбекистон ФАнинг Хоразм Маъмун академияси бўлими, Қорақум и.т. станцияси, вед., тиббиёт, туризм касб-ҳунар коллежлари, касб-ҳунар лицейи, гимназия, 15 умумий таълим мактаби, меҳрибонлик уйи, 2 махсус интернат, вилоят қўғирчоқ театри, санъат мактаби, 2 кутубхона ва унинг тармоқлари, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Ал-Хоразмий, Феруз ёдгорликлари, биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девонов музейи, марказий стадион, спорт мажмуаси, теннис корти, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари бор.

Туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғруқхона, болалар касалхонаси, тиш даволаш маркази, марказий дорихона, хусусий дорихоналар ва б. тиббий муассасалар мавжуд.

Тарихий-меъморий обидалардан *Саид Аловиддин мақбараси, Пахлавон Маҳмуд мажмуаси, Жума масжид, Қўҳна Арк*, Оқшайх бобо қўшки, *Тошҳовли, Нуруллабой саройи, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси, Исломхўжа мадрасаси ва минораси, Оллоқулихон мадрасаси, Қутлуғмурод иноқ мадрасаси, Оллоқулихон карвонсаройи ва тими, Анушахон ҳаммоми, Оқ масжид, Полвон дарвоза, Ота дарвоза, Боғча дарвоза, Тош дарвоза, Ҳазорасп дарвоза, Қўш дарвоза* ва б. сақланиб қолган.

Исломхўжа минораси ва Пахлавон Маҳмуд мақбараси.

Шаҳарда «Хива—Шарқ гавҳари» журнали (2001 й.дан), «Хива тонги» туман газ. нашр этилади. Шаҳар жаҳон туризми марказларидан бирга айланган. Х.га ҳар йили 200 мингдан зиёд сайёҳ, шу жумладан, 7 мингга яқин хорижлик сайёҳ ва меҳмонлар ташриф буюради. Шаҳарда «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли ва бир неча хусусий меҳмонхоналар ишлаб турибди.

Х.дан Урганч ш.га троллейбус қатнови йўлга қўйилган (1997). Х.—Тошкент, Х.—Бухоро, Х.—Навоий—Самарқанд—Тошкент йўналишида, шунингдек, Урганч, Қўшкўпир, Янгиариқ, Боғот, Ҳазорасп ва вилоятдаги бошқа шаҳар ва йирик аҳоли пунктларига автобуслар ва маршрутли таксилар қатнайди.

Хива шаҳри. Ичан қалъа.



Ад.: Гулямов Я.Г., Памятники города Хивы, Т., 1941; Абдурасулов А., Хива, Т., 1997; Захидов П.Ш., Хива, Т., 1980; Мамедов М.А., Мурадов Р.Г., Средневековые письменные источники о древнем Урганче, Ашхабад, 2000.

Абдулла Абдурасулов, Иброҳим Каримов.

«ХИВА ГИЛАМИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — гиламчилик саноатининг йирик корхонаси. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига киради. Гилам, гилам маҳсулотлари, калава ип ишлаб чиқаради. Корхона Хива гилам комбинати номи б-н қурилган (йиллик лойиҳа қуввати 2450 минг м² гилам, 4000 т дан ортиқ калава). 1-навбати 1977 й.да, 2-навбати 1978 й. охирида ишга туширилган.

1988 й.да к-т ва Ҳазорасп ип йигирув ф-каси қўшилиб, Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. 1990 й.да корхонада 2450 минг м² гилам ва 4022 т калава ип ишлаб чиқарилди. 1994 й.дан корхона «Хива гилами» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. 2001 й.да Ҳазорасп ип йигирув ф-каси мустақил корхона сифатида ажралиб чиқди. Кейинги йилларда корхона реконструкция қилинди. Замонавий ППМ-240 Ш ип йигирув машиналари, Россиянинг АЧ-214 тараш аппаратлари б-н жиҳозланди, корхонада гилам и.ч. қувватларини тўлиқ таъминлайдиган ҳажмда ярим жун калава и.ч. йўлга қўйилди. 2002 й.да корхона и.ч. майдонининг ярмида (30 тўқув станоги) ташқи бозорда харидоргир бўлган жун гиламлар ишлаб чиқарадиган «Хива Карпет» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси ташкил этилди.

2003 й.да корхонада 1430 т калава, 756 минг м² гилам ишлаб чиқарилган. Маҳсулотлари Россия, Украина, Германия ва б. давлатларга экспорт қилинади.

Ад.: Сафоев А., Хива гиламлари, Урганч, 1993.

ХИВА «ИЧАН ҚАЛЪА» МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ, Хива «Ичан қалъа» тарихий-меъморлик музей-қўриқхонаси — *Хива ш.даги* музей-қўриқхона; Хоразмнинг қад. моддий ва маданий ёдгорликларини, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзига хос анъаналарини сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш б-н шуғулланадиган маданий-маърифий муассаса. 1920 й. *Кўҳна Арк* (Архона)да кўргазма-музей тарзида очилган; 1924 й. *Тошҳовли*га кўчирилган. 1969 й.дан Хоразм тарихий-инқилобий музейи «Ичан қалъа» музей-қўриқхонаси б-н бирлаштирилиб, ҳоз. номи б-н аталади. 1990 й.да *Ичан қалъа* ўзининг тарихий аҳамиятга эга майдонлари (Дишан қалъа девори харобаларига қадар бўлган ҳудуди) б-н *Жаҳон мероси* рўйхатига киритилган.

Музей-қўриқхона 26 га майдонни эгаллаган бўлиб, унинг таркибида 54 та тарихий обидалар бор, 3253,2 кв. м майдонни Хоразмнинг қадимдан ҳоз. давригача бўлган бой тарихи, моддий ва маънавий маданиятини ўзида акс эттирган 13 та доимий музей-экспозициялар ташкил қилади: Кўҳна Арк-да — Қад. Хоразм; *Муҳаммад Раҳимхон мадрасасида* — Тарих ва адабиёт; *Қози мадрасасида* — Мусиқа тарихи; *Калон мадрасасида* — Табобат; *Шерғозихон мадрасасида* — Халқ амалий санъати; *Исломхўжа мадрасасида* — Ислом маданияти; *Абдуллахон мадрасасида* — Табиат; Муҳаммад Паноҳ мадрасасида — Археология; *Арабхон мадрасасида* — Ҳунармандчилик; *Арабхон мадрасасида* — Асосий фонд ва б.

«Хива гилами» акциядорлик жамияти. Тайёр маҳсулотлар цехи.

Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси.

Музей-қўриқхона фондлари 50 мингдан зиёд экспонатлар (2004) — археологик топилмалар (1109 та), қурол-аслаҳалар (120), турли даврларда зарб қилинган нодир тангалар (14895), амалий санъат буюмлари (2309), уй-рўзғор анжомлари (1815), тасвирий санъат асарлари (127), ноёб китоб ва ҳужжатлар (4954), фото-фотонегатив ҳужжатлар (3071) ва б. ноёб осори-атиқаларни, тарихий обидаларни авайлаб асрайди, илмий жиҳатдан ўрганади, уларни топилмалар б-н бойитади ва б. ишларни амалга оширади.

Мустақиллик йилларида Шайх Мавлон бобо, Кўҳна Арк, *Саид Маҳмўджон мажмуаси*, Шайх Қаландарбобо, Қибла Тозабоғ мажмуалари, Биби Хожар мақбараси, Муҳаммад Раҳимхон, Муса Тўра мадрасалари, «Ичан қалъа» кўчаларида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Музей-қўриқхона ҳудудида сайёҳлар учун интернет марказлари очилган.

Камилжон Худойберганов.

ХИВА МУДОФААСИ — Россия империясининг Ўрта Осиёни истило қилиши даврида шаҳар аҳолисининг кураши. 1872 й. охирларида ҳарбий вазир бошчилигида Петербургда Туркистон, Оренбург генерал-губернаторлари ва Кавказдаги подшо ноиблари иштирокидаги махфий кенгашда *Хива хонлиги*ни босиб олишга қарор қилинган. Хонлик қўшинида ҳаммаси бўлиб 27 эски замбарак, 2 минг отлиқ аскар, 4 минг навкардан иборат қўшин бўлган. Россия қўшини ҳам сон, ҳам сифат

жиҳатдан, шунингдек, ҳарбий техника имконияти, қурол-яроғлари б-н ҳам Хива хонлиги қўшинидан устун эди. Мазкур ҳарбий операцияга раҳбарлик қилувчи зобитлар, генераллар амалий тажрибаси ҳам хивалик лашкарбошилардан кўп даражада юқори бўлган. Туркистон қўшинларига генерал Кауфман, Оренбург отрядига генерал Верёвкин, Мангқишлоқ отрядига полковник Ломакин қўмондон бўлиб, Орол флотилияси ҳам улар ихтиёрига берилган эди. Истилочилар шу йўсинда 3 йўналиш бўйича Хива хонлиги устига бостириб кирган. Император Александр II Хива юришига катта эътибор беради. Кауфман юриш олдидан Хивани сиёсий тарафдан яккалаб қўйиш чораларини кўрган. У Бухоро амири ва Қўқон хонига таҳдидли мактублар йўллаб уларни Хивага ёрдам бермасликка чақирган. Хива хонининг масалани тинч йўл б-н ҳал қилишга уринишлари беҳуда кетгач, ҳарбий кенгаш чақириб, мудофаа режаларини тузган ва душманга қарши ўзининг лашкарбошиларини сафарбар қилган. Матмурод девонбеги, Маҳмуд ясовулбоши, Ёқуббек қалмоқ, Элтузар иноқ ва Бобо меҳтар раҳбарлигидаги ўзбек ва туркман йигитлари рус қўшинлари ҳужумини қайтариш учун 2 гуруҳга бўлинганлар. Руслар йўлда учраган ҳар бир шаҳар ва қишлоқни талаб, уйларга ўт қўйиб, қирғин уюштирганлар. Уларнинг кетидан кулгепалар ва жасадлар қолган. Аммо, Хоразм ватанпарварлари бўш келмай, ўзларига қулай жойлардан душманга ҳужум қилишган. 1873 й. 29 май куни Хива хони ортиқча қон тўкилишини истамай, ўз вакилларини фон Кауфман ҳузурига жўнатган, аммо, генерал хоннинг таклифини оқибатсиз қолдириб ҳужумга киришган.

Афсуски, шундай қалтис бир пайтда хоннинг оиласи ва яқин қариндошлари душманга қарши якдил бўлиш ўрнига, сулолавий низоларга берилиб кетишган. 1873 й. 29 майда Хива ишғол қилинган. Хон саройидаги олий ҳукмдорларнинг тахти, бебаҳо олтин-кумуш буюмлари, турли-туман қимматли матолар ва нодир қўлёзма асарлар Петербургга, подшоҳ саройига ўлжа сифатида олиб кетилган. Ўлжа олинган беҳисоб бойликлар генераллар, зобитлар ва аскарлар ўртасида тақсимлаб олинган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-ж. [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000.

ХИВА ТУМАНИ — *Хоразм вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Туман шим., шим.-ғарб ва ғарбдан Қўшкўпир, шим.-шарқдан Урганч ва Хонқа, шарқдан Янгиариқ туманлари, жан. ва жан.-ғарбдан Туркманистон б-н чегарадош. Майд. 0,47 минг км². Аҳолиси 174,5 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳар (Хива), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гандимиён, Дашёқ, Журён, Ирдимзон, Оқён, Саёт, Чинобод, Шомоҳулум, Эски Қиёт) бор. Маркази — *Хива* ш.

Табиати. Туман ҳудуди Амударё қуйи оқимининг чап соҳилидаги текисликда жойлашган, ўртача бал. 97 м. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ ва қуруқ. Йиллик ўртача т-ра 12,1°. Ўртача т-ра январда —4,5°, июлда 27,4°, энг паст т-ра —31°, энг юқори т-ра 45°, 46°. Х.т. республиканинг ёғин кам ёғадиган туманларидан бири. Йиллик ёғин миқдори 100 мм. Вегетация даври 200 кун. Тупроқлари аллювиал, ўтлоқи, шўрхок, тақир ва қумли чўл тупроқларидан ташкил топган.

Ёввойи ўсимликлардан қизилмия, шўра, олабўта, оқтулоқ, қирқбўғим, чирмовуқ, исириқ, қамиш, юлғун, семизўт, бўритароқ, тол, жийда, туранғил, терак, янтоқ, кўкпечак, такасоқол, ажриқ, зарпечак ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қуён, тулки, чиябўри; қушлардан сассиқпопишак, қўтон, бирқозон, мўйловли читтак, қарғалдоқ, инуи, мусича, деҳқончумчуқлар учрайди. Судралувчилардан тошбақа, калтакесаклар (кулранг ва тароқбармоқли геккон, юмалоқ бошли калтакесаклар) яшайди; кўлларда карп, олабуға, лаққабалиқ, чўртанбалиқ ва б. балиқлар кўп. Ер ости суклари юза (0,8—1 м) бор. Ер ости суклари юза (0,8—1 м) жойлашган. Туман ҳудудида Шўркўл, Қоракўл, Равоткўл, Говуккўл ва б. кўллар бор.

Қ.х. экинларини суғоришда Полвонён, Ғозовот, Ангарик, Сирчали, Пишаник ва б. канал ва ариқлар сувларидан фойдаланилади. Қурилиш материалларидан қум, гил (лой) бор.

Хива. «Карвонсарой» савдо маркази.

Хива газ компрессор станцияси.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, татар, рус, қозоқ, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 371 киши. Шаҳар аҳолиси 51,2 минг киши, қишлоқ аҳолиси 123,3 минг киши (2004).

Хўжалиги. Туманда пахта тозалаш, сопол буюмлари, сут, гишт, автомобиль таъмирлаш з-длари, газ-компрессор ст-яси, 2 автокорхона, «Хива гилами» акциядорлик жамияти, нон к-тлари, гилам тўқиш, тикувчилик, паррандачилик ф-калари, қурилиш ташкилотлари ва б. мавжуд. Туманда фаолият кўрсатаётган 1563 корхонадан 95 таси йирик, 18 таси ўрта, 106 таси кичик корхона, 1344 таси микрофирмадир (2004). Ўзбекистон—Латвия—Швейцария «Комплексимхива», Ўзбекистон—Англия «Хива», Ўзбекистон—АҚШ «Хива маликаси», Ўзбекистон—Германия «Хива—Карпет» каби қўшма корхоналар самарали ишлаб келмоқда. Туманда ва, айниқса, Хива ш.да ёғоч ўймакорлиги, мис ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, гиламчилик, ганчкорлик, наққошлик, шунингдек, темирчилик, мисгарлик, харротчилик, чугурмадўзлик, тунукачилик, тандирчилик, дурадгорлик, этикдўзлик, тикувчилик ва б. ҳунармандчилик соҳалари қадимдан ривожланган. Хива бозори вилоятдаги йирик бозорлардан ҳисобланади. Х.т.да 6 ширкат уюшмаси, 3 фермер хўжалиги уюшмаси, МТП ва б. мавжуд. Туман қ.х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Галлачилик, мевачилик, полизчилик, токчилик, пиллачилик ҳам ривожланган. Жами ер майдони 39 минг га, шундан экин майдонлари 17,1 минг га. 7,7 минг га майдонга пахта, 5,6 минг га ерга дон, 421 га ерга картошка, 1,7 минг га ерга сабзавот, 400 га ерга полиз экинлари экилади. Шунингдек, озуқа экинлари ҳам етиштирилади. Боғлар 755 га, токзорлар 26 га, тутзорлар 275 га, ўрмонлар 7682 га ерни эгаллайди (2004).

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 49,2 минг қорамол (шу жумладан, 21,2 мингга яқин сигир), 22,1 мингдан зиёд қўй ва эчки, 240 мингдан зиёд паранда боқилади (2004).

2003/04 ўқув йилида тумандаги 57 умумий таълим мактабида 42 мингга яқин ўқувчи таълим олди. Шу жумладан, 42 ўрта, 10 тўлиқсиз ўрта мактаб, 2 гимназия, 2 лицей, ихтисослашган мактаб фаолият кўрсатади. Х.т.да 2 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, болалар мусиқа мактаблари бор. Хива ш.да *Хоразм Маъмун академияси*, Қоракум и.т. станцияси, Хива тарихий-меъморлик *Ичан қалъа* музей-қўриқхонаси, маданият ва истироҳат боғи, вилоят қўғирчоқ театри, халқ театри, шаҳар ва туман марказий кутубхоналари ва уларнинг филиаллари, 31 клуб, «Достон» ва б. фольклор-этнографик дасталар бор. Марказий стадион, спорт мажмуаси, 68 футбол, 46 баскетбол, 48 волейбол, 34 қўл тўпи майдонлари, 43 спорт зали, 4 теннис корти ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 13 қишлоқ врачлик пункти, 4 та тиббий диспансер, 3 фельдшер-акушерлик пункти, 7 поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасаларда 469 врач, 1150 ўрта тиббий ходим ишлайди.

«Достон» фольклор ансамбли.

Туман ҳудуди орқали Хива—Тошкент, Хива—Урганч, Хива—Қўшкўпир, Хива—Янгиариқ, Хива—Боғот, Хива—Ҳазорасп ва б. йўналишларда автобус ва маршрут таксилари қатнайди. Хива—Урганч йўналишида троллейбус қатнови йўлга қўйилган.

Меъморий ёдгорликлардан Шоҳимардон, Шайх Мавлон бобо, Отажон тўра меъморий мажмуалари, Чодра ҳовли меъморий обидаси, Иброҳим хўжа мадрасаси, Қубла Тозабоғ саройи ва б. сақланиб қолган.

1931 й. 7 ноябрдан «Хива тонги» туман газ. нашр этилади (алади 1500).

Гулорам Матвиринова, Сапарбек Давлетов.

ХИВА ХОНЛИГИ — ўзбек давлатчилиги тарихи босқичларидаги учта хонликдан бири (1512—1920 й.). Пойтахти — *Вазир, Кўҳна Урганч*, 16-а.нинг 70-й.ларидан — *Хива* ш.

Темурийлар тасарруфида бўлган Хоразм ҳудудини *Шайбонийхон* 1505 й.да босиб олган. Шайбонийхон вафоти (1510) дан кейин Хоразм Эрон сафавийлари қўл остига ўтди. Уларга қарши халқ қўзғолони бўлиб, унга Вазир қалъаси қозиси Умар ва Бақирғон қишлоғидан мулла Санд Ҳисомиддин бошчилик қилди. Икки йил давом этган курашлар натижасида эронийлар мамлакатдан қувиб чиқарилган ва хоразмликлар тақлифи б-н 1511 й. Вазир ш.ни эгаллаган шайбонийлардан *Элбарсхон* Хоразм ҳукмдори деб тан олинган.

Элбарсхон (1511—16) б-н бирга Дашти Қипчоқдан Хоразмга келган халқлар ўтроқлашганлар. Унинг даврида хоразмликлар Туркманистоннинг жан. қисми, Эрон шим.даги Сарахс, Орол ва Мангишлоқни эгаллашган. Янги ерларни Элбарсхон ўғиллари ва укаси, қариндошларига бўлиб бериши натижасида майда ҳокимликлар пайдо бўлган. Элбарсхон вафотидан кейин узлуксиз ўзаро низолар сабабли хонлар тез-тез алмашиб турган. 16-а.да Х.х.ни Султон Ҳожихон (1516), Ҳусайинқулихон (1516), Сўфиёнхон (1516—22), Бужақахон (1522—26), Аванешхон (1526—38), Алихон (1538—47), Ақатойхон (1547—56), Юнусхон (1556—57), Дўстхон (1557—58), Ҳожи Муҳаммадхон (1559—1602) лар бошқаришган. Бу даврда халқ, Элбарсхон авлодлари ўртасидаги ўзаро қирғинларидан ташқари

Бухоро ва Х.х. ўртасида урушлар азобини ҳам тортишга мажбур бўлган. Бухороликлар *Убайдуллахон* ва *Абдулазизхон II* ҳукмронлик даврларида (1537—38; 1593; 1595—98) Хоразмга ҳужумлар қилиб, қисқа вақт Х.х.ни Бухорога бўйсундирганлар. Бу урушлар ва 16-а.нинг 70-й.ларида Амударё ўзанининг ўзгариб, Каспий денгизига оқмай қўйганлиги ҳам Хоразм иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатган.

17-а. бошларига келиб, Хоразм тахти учун бўлган сулолавий курашлардан сўнг, тахтга ўтирган *Араб Муҳаммадхон* даврида Х.х.да давлат пароканд алиги ўзининг юқори чўққисига етган. Рус казаклари, қозоқлар ва қалмиқларнинг талончилик юришлари, Араб Муҳаммадхоннинг ўғилларн Ҳабаш ва Элбарсларнинг оталарига қарши чиқишлари пароканд аликни авж олдирган. Бу курашда уларнинг қўли баланд келиб, оталарини қатл эттиришга эришадилар. Падаркуш Элбарс ва Ҳабаш султонлар (1621—23) акалари Асфандиёр (Исфандиёр, 1623—43) томонидан тахтдан туширилиб, қатл қилинган. Эрон шоҳи *Аббос I* ҳомийлигида тахтга чиққан *Асфандиёрхон* даврида мамлакат сиёсий ҳаётидаги кескинлик сақланиб қолди. Орол бўйидаги ўзбек қўнғиротлари Асфандиёрга бўйсунмай қўйишган. Мамлакатда тарқоқлик ва зулм кучайган. Бундан фойдаланган йирик мулкдорлар *Абулғозий Баҳодирхонни* 1643 й.да хон қилиб кўтаришган. Абулғозий Баҳодирхон акаси вафотидан кейин 1644 й.да Х.х. тахтига ўтирган. У марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб, Бухоро хонлигининг Чоржўй, Варданза, Қоракўл, Кармана атрофларига бир неча марта ҳарбий юришлар қилди.

Абулғозий Баҳодирхон 1662 й.да Бухоро хони *Абдулазизхон* б-н сулҳ тузиб, 1663 й.да ҳокимиятни ўғли *Анушахонга* топширган. Шунга қарамай Хива қўшинлари Бухоро, Самарқанд, Қаршига талончилик юришларини давом эттирган. 1685 й. Хива қўшинлари Ғиждувон яқинида мағлубиятга учрагач, Бухоронинг Х.х.га таъсири кучайган. Бухоро хони *Субҳонқулихон* Анушага қарши фитна уюштириб, унинг ўғли *Оранг Муҳаммадхонга* тахтни эгаллашга ёрдам берди. Лекин унинг ҳукмронлиги жуда қисқа бўлган. 17-а.нинг охири — 18-а. бошларида Х.х.да Ҳудойдодхон (1687—88), Ўзбекхон—Арнакхон (1688—90), Жўжи Султон (1694—97), Вализхон (1697—99), Шоҳниёзхон (1699—90), Шоҳбахтхон (1702—03), Сайид Алихон (1703—05), Мусахон (1705—06), Ёдгорхон (1706—13) каби ўнлаб хонлар алмашган. Бу мамлакат аҳволини янада оғирлаштирган. Худди шу даврга келиб Россиянинг Шарққа бўлган қизиқиши ортган ва Петр I 1714—17 й.ларда Александр Бекович-Черкасский (қ. *Бекович-Черкасский ҳарбий экспедицияси*) бошчилигида Х.х.га ҳарбий экспедиция жунатган. Хива хони Шерғозихон (1714—28) Қипчоқ дарасидаги очиқ тўқнашувда катта талафотга учрагач, ҳарбий ҳийла ишлатиб, рус қўшинларини 5 та шаҳарга бўлиб юборган ва уларни алоҳида-алоҳида қирғин қилган. Бу пайтда ички низолар, зулм авж олган, Орол бўйи аҳолиси Хивага бўйсунмай қўйган эди. 1728 й. Хивадаги Шерғозихон мадрасаси қурилишида қуллар кўзғолон кўтариб, хон ва унинг мулозимларини қатл қилишган. Шу воқеадан кейин Х.х.да сиёсий ўйин яна авж олган. Х.х.даги ўзаро урушларда Элбарсхон (1728—39) ҳокимиятни қўлга киритгач, ички низоларни бостириб, қўшни ҳудудларга босқинчилик юришларини амалга оширган. 1740 й. Эрон шоҳи *Нодиршоҳ* Х.х.га бостириб кириб, уни ўзига бўйсундирган. 1741 й. хоразмликларнинг қўзғолони эроний лар томонидан бостирилган. 18-а. ўрталаридаги хонлар гоҳ Эрон шоҳларининг хоҳиши, гоҳ Бухоро ҳукмдорларининг таъсири, гоҳ маҳаллий аҳоли қўнғирот уруғининг ёрдами б-н тез-тез алмашиниб турган. Бу даврда Тоҳирхон (1739—40), Абулҳайрхон (7—8 кун), Нуралихон (1740—42), Абулғозийхон II (1742—46), Ғойибхон (1746—56), Қорабойхон (1756—57), Темурғозийхон (1757—64) ва бошқалар Х.х.да расман ҳукмронлик қилишган. 18-а.нинг 60-й.ларидан балавлат шаҳарликлар ва руҳонийларнинг қўллаб-қувватлашига эришган қўнғирот уруғлари Х.х.да ҳокимиятни қўлга ола бошлаган. Иноқ Муҳаммад Амин (1770—90) 1770 й.да туркманларнинг қаршилигини синдириб, 1782 й.да Бухоро амирлиги ҳужумини қайтариб, Х.х.да қўнғиротларнинг амалдаги ҳокимиятини мустаҳкамлаган. *Ават Муҳаммад Иноқ* даврида Х.х.да марказий ҳокимият мустаҳкамланиб, иқтисодий аҳвол бирмунча яхшиланган. Бу б-н 19-а. бошларида қўнғиротлар сулоласи ҳокимиятни расман эгаллашига замин тайёрлаган. Муҳаммад Амин Иноқ ва Аваз Муҳаммад Иноқлар чингизий султонлар номидан ҳокимиятни бошқарган бўлсалар, уларнинг вориси *Элтузар* (1804—06) 1804 й.да Абулғозихон V Ёдгорхон ўғли (1802—04)ни тахтдан тушириб, ўзини хон деб эълон қилган. Шунинг учун ҳам Элтузарнон Х.х. тахтига ўтирган қўнғиротлар сулоласининг 1-хони ҳисобланади. Унинг вориси, иниси *Муҳаммад Раҳимхон I* Х.х.ни бирлаштиришни ниҳоясига етказган. 1811 й.да бир қанча юришлардан кейин қорақалпоқларни ҳам Х.х. таркибига қўшиб олган. У ўтказган сиёсий, маъмурий, иқтисодий ислоҳотлар натижасида бошқарув тизими такомиллашиб, солиқлар тартибга тушган.

Оллоқулихон (1825—42), Раҳимқулихон (1842—45) ва *Муҳаммад Аминхон* (1846—55) даврларида Хива қўшинларининг Хуросонга юришлари кучайди. Марв ш. учун Бухоро амирлиги б-н тез-тез урушлар бўлиб турган. Хива хонлари бу даврда Сирдарёнинг Орол денгизига қуйиладиган жойидан Туркманистон ҳудудидаги Кушкагача бўлган ерларни бошқарган. 1855 й.да Сарахсни қамал қилиш пайтида Муҳаммад Аминхоннинг ҳалок бўлиши мамлакатда пароканда лик га сабаб бўлган. Абдуллахон (1855—56), Қутлуғмуродхонлар (1856) б-н кўп ҳукмронлик қилмасларидан 1856 й.да тахтни Саид Муҳаммадхон (1856—64) эгаллаган.

Х.х.да сўнгги мустақил ҳукмдор Фарруз тахаллуси б-н ижод қилган *Муҳаммад Раҳимхон II* (1864—1910) бўлган. Унинг даврида хонликнинг сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан ўсиши кўзга ташланади. Лекин, 1873 й. Россия Х.х.ни босиб олган. Муҳаммад Раҳимхон II ва К.П.Кауфман имзолаган *Гандимиён шартномаси*га кўра, Х.х. Россияга қарам давлатга айланиб қолган. *Асфандиёрхон* (1910—18) Россиядаги ўзгаришлар сабаб Х.х.да зулмни кучайтирган. Шу б-н бирга Россия ҳукумати талаби б-н 1910—13 й.ларда вазир Исломхўжа бошчилигида исло ҳотлар ўтказишга ҳаракат қилган. 1914—16 й.ларда солиқларнинг кўпайиши, иқтисодий аҳволнинг оғирлашиши сабабли халқнинг норозилик ҳаракати кучайди.

1917 й. Россиядаги фев. инқилоби таъсирида *Ёш хиваликлар* ва б. сиёсий кучларнинг талаби б-н Асфандиёрхон кенгашмажлис чақириш ва нозирлар кенгашини тузиш тўғрисидаги манифестга имзо чеккан. 1917 й. охирларида Х.х.да ги советларга мойил кучларнинг чиқиб кетилиши мажлиснинг тугатилишига асос бўлган. 1918 й. янв.да сўнгги рус аскарларининг Х.х.дан чиқиб кетиши *Жунаидхон* Хива ш.ни эгаллашига

имкон берган. Асфандиёрхон Жунаидхон қўлида қўғирчоқ ҳукмдорга айланиб қолган. Сиёсий ўйинлар сабабли 1918 й. окт. ойида Жунаидхон томонидан Асфандиёрхон ўлдирилган ва сўнгги хон Саид Абдуллахон (1918 й. окт. — 1920 й. 2 фев.) тахтга чиқарилган. Бу даврда Х.х. мустақил давлат сифатида фаолият юргизган. Ёш хиваликлар қизил армиянинг ёрдами б-н 1920 й. 2 фев.да Саид Абдуллахонни тахтдан туширишган ва Х.х. тутатилди деб эълон қилишган.

16—19-а.лар давомида Х.х. ҳудудлари доимо ўзгариб турган. Дастлаб хонлик ҳудуди Хоразм воҳасидагина жойлашган бўлса, кейинчалик унинг чегараси жан.да Эрон ва Марвгача, шим.да Урал дарёсигача бўлган ерларга чўзилган, шарқда Бухоро амирлиги, ғарбда эса Каспий денгизи қирғоқларигача етган. Руслар босқинидан кейин Амударёнинг чап қирғоғида 62237,2 км² ер майдонига эга кичик вассал давлатга айланиб қолган. Аҳолисининг сони ҳам доимо ўзгариб турган. Ўртача 1 млн. киши атрофида аҳоли яшаган. Унинг кўпчилигини ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар, кам сонли форслар, араблар, руслар ва б. ташкил қилган.

Х.х. бошқарув тизими, асосан, Бухоро ва Қўқон хонликларидек бўлиб, фарқи, 19-а. бошларидан хон ҳузурида Кенгаш (Девон) бўлган. Энг юқори амалдорлардан ташкил топган кенгаш ваколати чекланган. Асосий қарорлар хон томонидан қабул қилинган бўлсада, амалдорларнинг хонлик бошқарувидаги мавқеи баланд эди. Мансаб ва унвонлар ҳарбий-маъмурий, ҳарбий ва диний тоифаларга бўлинган. *Иноқ, оталиқ, бий, амир ул-умаро, меҳтар*, қушбеги, *беклярбеги, девонбеги* ва б. унвон ва мансаблар хонлик иқтисодий, сиёсий, молиявий, ҳарбий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хонлик суд ишлари, асосан, диний уламолар қўлида бўлиб, уларнинг мамлакат ҳаётида таъсири кучли бўлган.



Хонликда давлат тили ўзбек тили бўлиб, Бухоро ва Қўқондан фарқли ўлароқ барча фармонлар, давлат ҳужжатлари фақат ўзбек тилида ёзилган.

16 — 18-а.ларда Х.х.нинг маъмурий жиҳатдан бўлиниши вилоят деб аталган бўлса, 18-а.дан бекликлар деб атала бошлаган. Дастлаб хонликда 16 та вилоят, 2 та нойиблик бўлган бўлса, кейинчалик вилоятлар сони 22 тага етган. Уларни хон томонидан тайинланган ҳоким ва нойиблар бошқарган. Хива ш. эса хон ва бош вазир томонидан бошқарилган.

Ижтимоий ҳаётда хон ва унинг амалдорлари ва диний уламоларнинг мавқеи юқори бўлиб, иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил қилувчи ер ҳам, асосан, улар қўлида бўлган. Кам ерли ва ерсиз деҳқонлар улардан ижарага ер олиб ишлаганлар ва уларнинг аҳволи жуда оғир бўлган. Суғориш суғоришга асосланган деҳқончилик мамлакат иқтисодида муҳим ўрин тутгани учун Амударёдан чиқарилган каналларни қазиш давлат аҳамиятига молик иш ҳисобланган. Шунингдек, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ҳам иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутган.

Хонлик ҳарбий қўшини ва қурол аслаҳасини яхшилаш жуда паст даражада бўлган. Қўшинни кўпроқ ярим кўчманчи туркманлар ташкил этган. Олдинги даврлардаги ҳарбий соҳадаги ижобий тажрибалар ривожлантирилмай ташлаб қўйилган.

Х.х. Бухоро, Қўқон, Эрон ва Россия каби қўшни давлатлар б-н савдо-сотиқ ишлари олиб борган. Солиқлар барча мусулмон давлатларидагидек хирож, закот, бож ва жузъядан иборат бўлган. Шу б-н мажбурий меҳнатнинг баъзи турлари амалга оширилган.

Бошланғич мактабда ўқиш, ёзишни ўрганган болалар мадрасаларда ўқитилган. 19-а.да Х.х.да 1500 га яқин бошланғич мактаб ва 103 мадраса мавжуд бўлган. Хива ш.нинг ўзида 22 та мадраса бўлган. 19-а.да Х.х.да адабиёт, тарихнавислик, хаттотлик, мусиқа санъати, меъморлик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида муайян ютуқлар қўлга киритилган.

Мунис, Огаҳий, Фероз, *Комил Хоразмий*, Камрон, *Баёний*, Хисравий, Муродий, *Рожий, Мутриб Хонаҳаробий*, Лаффасийлар асарлари ўзбек адабиёти ривожида ўзига хос ўринга эга. *Танбур чизиғи* нотасини яратган Комил Хоразмий «Мақоми Феруз Шоҳий» асари ва «Панжгоҳ» мақоми б-н ўзбек миллати санъатига катта ҳисса қўшган. Абулғозихон «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима» асарлари б-н Хоразм тарихнавислик мактабини бошлаб берган бўлса, Мунис ва Огаҳийлар тарихнавислик ва таржимонлик мактабини яратиб, «Фирдавс ул-иқбол», «Зубдат ут-таворих», «Ғиёс ул-давлат», «Жоме ул-воқеоти султоний», «Шоҳид ул- иқбол» асарлари б-н тарих соҳасини ривожлантирдилар. Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», «Хоразм тарихи» асарлари Ўзбекистон тарихини ўрганишда асосий манбалар ҳисобланади.

Ҳоз. Хива ш.да сақланиб қолган қад. меъморлик иншоотлари, асосан, хонликлар даврида қурилган. Буларга *Анушахон ҳаммоми*, Шерғозихон мадрасаси, *Муҳаммад Аминхон мадрасаси*, Кўҳна Арк, *Тошҳовли, Каровонсарой, Исломхўжа минораси*, Қалъа девори, *Нуриллабой саройи* ва б. киради.

Ад.: Абулғозий, Шажарайи турк, Т., 1992; Огаҳий, Асарлар, 5—6-ж., Т., 1978—80; Баёний, Шажараи Хоразмшоҳий, Т., 1994; Хива минг гумбаз шаҳри, Т., 1997.

Неъмат Полвонов.

ХИВА ҚЎЗҒОЛОНИ — Хива хони *Асфандиёрхон* ва унинг амалдорлари зулми ҳамда подшо Россияси мустамлакачилигига қарши кўтарилган халқ қўзғолони (1916).

Х.қ.нинг 1-босқичи (1916 й. 14—30 янв.)да Хўжаэли ҳокими (беги) Аваз бий Хўжа (Асфандиёрхоннинг жияни) бошчилигидаги исёнчилар (600 киши) Хивага йўл олишади. Уларга йўл-

йўлакай хонликнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларидан бош кўтарган кўзғолончилар ҳам қўшилгач, кўзғолончилар сони 3 минг кишига етган. Кўзғолончилар шахсан хонга мурожаат қилиб, у ва амалдорларини раъиятга зулм қилишдан тийилишга ва шариатга риоя этишга чақирмоқчи бўлишган. Кўзғолончиларнинг миллий таркиби ўзбеклар, туркманлар ва қисман қорақалпоқлардан иборат эди. Кўзғолончилардан тахм. 300 киши 1916 й. 18 янв.да Хивага келиб, хонлнинг валиаҳди Раҳмонқул тўра (Инoқ тўра деб ҳам аталган)нинг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳига келиб тушганлар. Бу ҳолдан даҳшатга тушган Асфандиёрхон Амударё бўлими бошлиғи полковник В.П.Колосовскийга чопар юбориб, ундан кўзғолонни бостиришни сўрайди. Колосовскийнинг буйруғи б-н полковник Голошевский бошчилигидаги рус отряди Раҳмонқул тўра қароргоҳига келиб, қўзғолон раҳбарлари (Авазбий Хўжа Муртазобий Хўжаев, унинг иниси Маҳмуд хўжа; Қиёт ҳокими Абдуллабек иноқ Бобобеков; Гурлан ҳокимлигидан Қутлимурод иноқ Ибодуллаев ва Худойбергандбек Муҳаммадниёзов, Манғит ҳокимлигидан Муҳаммад Амин дарға ва б.)ни қамоққа олишган.

Жунаидхон бошчилигидаги 3 минг отлиқ Хива ш.ни қуршовга олган. Колосовский Хивага қўшимча равишда ҳарбий отрядлар юборишни сўраб, Туркистон генерал губернаторига мурожаат қилган.

Х.қнинг 2-босқичи (1916 й. 1—14 фев.)да асосий ролни Жунаидхон бошчилигидаги туркманлар ўйнашди. Бу босқичда қўзғолон Хива хони зулмига қарши курашдан подшо Россиясн мустамлакачилигига қарши миллий озодлик кўзғолони даражасигача кўтарилди. 1916 й. 3—4 фев.да туркманлар Тошҳовуз, Шоҳаббос, Қиёт, Гурлан, Манғит, Қилинчбой ш.лари ҳокимларини гаровга олиб, Янги Урганч томон йўл олишлар. 7 фев.да 15 минг кишилик қўшин Ғозиобод (Ғозавот)ни эгаллайди. Жунаидхон ва Хон Эшон Қўшкўпирга келишиб, қамоққа олинганларни озод қилишни сўраб, яна Хивага талабнома юборишган. Бироқ Колосовский томонидан қамоққа олинган қўзғолончиларнинг раҳбарлари (8 киши) Хўжаэлида ўлдирилган эди. 8 фев.да қўзғолончилар Янги Урганч ш.ни эгаллаб, шаҳарликлардан 50 минг сўм товон пули ундиришган. Жунаидхон эгаллаган ва у қайта бориладган ҳокимликлар аҳолиси унинг фуқаролигини қабул қилишган. Туркистон ўлкаси генерал-губернатори Мартсонинин Петроградга — Россия ҳарбий ишлар вазири номига йўллаган телеграммасида айтилишича, 8 фев.да Хонқа ҳокимлиги аҳолиси чиновлар бошчилигида Жунаидхоннинг фуқаролигига ўтган. 10 фев.да кўзғолончилар Хивани қамал қилишган. 13 фев.га ўтар кечаси Жунаидхон қўшини Хивага кириб, хон саройини эгаллайди. Бироқ Асфандиёрхон ўз ўрнида қолдирилиб, ундан 18 минг сўм товон пули олинган.

Туркистон ўлкаси генерал-губернатори Хивадаги қўзғолон Закаспий обл. ва бутун Туркистон ўлкасига тарқалиб кетишидан хавфсираб, Сирдарё обл. ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Галкин бошчилигидаги ҳарбий отрядни Хивага юборди. Галкин жазо отряди 15 фев.да Хивага етиб келиб, Кожевский отряди б-н қўшилган. Х.қнинг 3-босқичи (1916 й. 15 фев. — 4 май)ни жазо отряди томонидан бостириш жараёни шу шундай бошланди. Бу пайтда Жунаидхон қўшини Хива б-н Янги Урганч ва Петро-Александровск (ҳоз. Тўрткўл) ўртасидаги телеграф алоқасини узиб ташлади. Бироқ Жунаидхоннинг қўшини бутун хонликдаги шаҳарларга сочилиб кетганлиги сабабли у Галкин жазо отрядига қаршилик кўрсатиш олмай, 16 фев. да Хивани тарк этишга мажбур бўлди. 15 рота, 5 та казак юзлиги ва 16 та тўпдан иборат Галкиннинг жазо отряди 15 март эргалаб Хивадан Ғозиободга йўл олди. Ғозиободда улар қаттиқ қаршиликка учрашди, 16 мартда Ғозиобод босиб олиниб, шаҳарга ўт қўйилди. 19—20 мартда Тахта қалъаси эгалланиб, Жунаидхон, Хон Эшон ва уларнинг сафдошларига қарашли ҳовлилар вайрон қилинди. Жунаидхон эса 19 апрелга ўтар кечаси Сувдукли давадан Эронга ўтиб кетган.

Галкин жазо отряди 24 апр. — 4 майда Кўҳна Урганч, Хўжаэли, Порсу, Илонли (Илалли), Тошҳовуз, Гурлан, Янги Урганчда бўлиб, кўзғолончиларни жазолагач, Хивага қайтади. Мустамлакачилар хонлик аҳолисидан катта миқдорда товон пули (мас., Хўжаэли фуқароларидан 100 минг сўм) олишган. Жазо отряди фақат кўзғолончиларни эмас, балки уларнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларини ҳам шафқатсиз жазолади, тинч аҳоли вакилларини ўлдирди.

Х.қнинг моҳияти подшо ва совет Россияси ҳукмронлиги қилган даврда сохталаштирилиб, у сунъий равишда прогрессив ва реакцион босқичларга ажратилди. Фақат 21-а. бошларига келиб, ўзбек тарихчилари томонидан бу кўзғолон ўзининг холис баҳосини топмоқда.

Ад.: Алексеенков П., Хивинские восстание 1916 года, Т., 1930; Хоразм тарихи, 1-жилд, Урганч, 1997; Полвонназиров Ҳ., Юсупов Е., Ҳоразмда мустамлакачилик [illegible]. Урганч, 1999.

Қаҳрамон Раҳимов.

ХИВЧИНЛИЛАР (Mastigophora) — саркомастигофоралар типига мансуб бир ҳужайрали ҳайвонлар синфи (бошқа систематика бўйича кенжа тип). 2 кенжа синф — ўсимликсимон Х. ва ҳайвонсимон Х.га ажратилади. Ўсимликсимон Х.ни ботаниклар ўсимликлар дунёсига киритишади. Х.га 13 туркумга бирлаштирилган 7000 дан ортиқ тур киради. Танаси дуксимон, ортиқ тур киради. Танаси дуксимон, сукунчимон, цилиндрсимон, шарсимон ва б. шаклда. Уз. 2—3 мкм дан (лейшманиялар) 1 мм гача (айрим опалиналар). Хивчинлари 1 тадан бир неча минггача, уз. бир неча 10 мкм. Айрим Х. хивчини асосида кинетопласт (келиб чиқиши б-н митохондрияларга яқин бўлган ДНК сақловчи органоид) бўлади (кинетопластидалар). Кўпчилик денгиз ва барча паразит Х.нинг қисқарувчи вакуоли бўлмайди. Ҳужайра ядроси, одатда, битта; 2 ядроли (диплодиналар) ва кўп ядроли (опалиналар) Х. ҳам бор. Одатда, бўйига 2 га бўлиниш орқали жинссиз кўпаяди. Бу бўлиниш охиригача бормаганида (бўлинажараён охиригача бормаганида) дучерлар ажралиб кетмаган колония ҳосил бўлади. Кўпчилик Х.да жинсий кўпайиш гаметалар копуляцияси орқали боради. Тубан Х.да жинсий кўпайиш изогамия (бир хил типдаги жинсий ҳужайраларнинг қўшилиши), юксакларида гетерогамия (ҳар хил типдаги ҳужайраларнинг қўшилиши)дан иборат. Эркин яшовчи Х. (5100 га яқин) чучук сув ва денгизларда, қисман тупроқда учрайди. Табиатда модда алмашинувида катта аҳамиятга эга (айниқса, планктон Х.). Кўпчилик Х. сувлар ифлосланишининг биологик индикаторлари ҳисобланади. Бир қанча Х. одам ва ҳайвонларда паразитлик қилиб, оғир касалликлар (трипаносомоз, лейшманиоз ва б.)ни пайдо қилади. Айрим Х. термитлар ичагида симбиоз яшаб, қийин ҳазм бўладиган озиқ моддаларининг ҳазм бўлишига ёрдам беради.



Хивчинлилар: 1 — яшил эвглена; 2 — фақус паризиста.

ХИВЧИНОЁҚЛИЛАР (Pedipalpi) — ўргимчаксимонлар синфининг бир гуруҳи. Х.нинг 3 туркуми: телифонлар, тартаридлар ва фринлар бор. Телифонлар (чаёнўргимчаклар (70 тур)) танаси 7 см гача. Бошкўкрак бириккан, қорни бўғимларга бўлинган ипсимон дум б-н тугайди. Тартаридлар (30 тур) танаси 2—7 мм. Кўзи йўқ. Тупроқда, ўсимлик қолдиқлари остида ва б. жойларда яшайди. Тухумини тупроқдаги чуқурчага қўяди ва шу ерда тухумдан болалари чиқади. Фринлар (50 тур) катталиги 45 мм гача. Бошкўкраги қал-



Хивчиноёқлилар: 1 — урғочи тартарид ва тухумлари билан; 2 — фрин.

қон б-н қопланган. Урғочиси 60 га яқин тухумини қорни тагида олиб юради. 3 йилда вояга етади. Х., асосан, тропик минтақаларда тарқалган. Ҳашаротлар ва б. майда умуртқасизлар б-н озиқланади.

ХИДИРАЛИЕВ Иноғжон (Иноғомжон) (1891.23.2, Наманган уезди Поп волостидаги Исковат қишлоғи — 1928.31.12, Москва) — давлат ва жамоат арбоби, дипломат. Х. 1919 й.дан турли совет идораларида масъул лавозимларда ишлади: Фарғона вилояти партия қўмитасининг котиби (1920—21), Туркистон АССР Ер ишлари халқ комиссари (1922), Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси (1922—24). РСФСР Ер ишлари, федерал комитети Президиуми аъзоси (1923—24). Туркистон АССР нинг РСФСРдаги мухтор вакили (1924 й. янв.—нояб.). Х. Туркистон республикаси манфаатларини ҳимоя қилиб, большевикларнинг шовинистик сиёсатига қарши курашган. Ер ишлари халқ комиссари (1925) сифатида Х. Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини амалга оширишда фаол қатнашган. Пахтакор деҳқонларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш тарафдори бўлган.

Москванинг Ваганково қабристонида дафн этилган. Х. вафотидан кейин, 1937 й.даги оммавий репрессия даврида «халқ душмани» сифатида қораланган эди. Андижондаги кўча, Кўрғонтепа туманидаги мактабга Х. номи берилган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Шамсутдинов Р., Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар, Т., 2001; Ражабов Қ., Ҳайдаров М., Туркистон тарихи (1917—1924 й.). Т., 2002.

ХИДИРОВ Али (1944.27.9, Жиззах тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУни тугатган (1971). 1971—99 й.ларда Жиззах туманидаги 18-, 4-мактабларда она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

ХИДИРОВ Бекзод Султонмуродович (1981.18.12, Тошкент) — боксчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (2002). «Ўзбекистон ифтихори» (2002). 57 кг вазн тоифасида мусобақалашади. Ўзбекистон (1999—2001), Марказий Осиё ўйинлари (2003, Душанбе), Осиё чемпиони (2002, Серембан). Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори (2002, Пусан). олимпиада ўйинлари қатнашчиси (2004, Афина). Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини тугатган (2003). Ўзбекистон къ спорт жамиятининг спорт йўриқчиси (2004). [illegible]

ХИЁБОН — меъморий тартиб б-н икки томонига дарахт, бута, гул, ўсимликлар экилиб ярапилладиган пиёдалар йўли, йўлка. Қадимдан қўлланилиб келинган. Одатда, парк-боғлар ораси, майдонлар атрофи, спорт иншоотлари ва б. жойларда барпо этилади. Ландшафт меъморчилигида Х. хиёбон атроф-муҳит, биноларга уйғунлаштириб режалаштирилади.

ХИЁБОНТЕПА — Тошкент ш.нинг Эски шаҳар қисми марказида, Кайковус канали бўйидаги жойлашган археологик ёдгорлик, қишлоқ, тугашган қасркўшк (7-а., 9—13-а. боши). 1924 й. М.Е.*Массон* томонидан қайд этилган. Тошкент археологик экспедицияси текширган (1968—69). Хом ғиштдан қурилган қўшкнинг энг баланд қатлами қисман хоробаларк сақланган. Сақланмаган ми хоробалари қатлами 9—12-а.ларга юқори маданий қатлами 9—12-а.ларга мансуб бўлиб, ўша даврда қаср биноларининг икки равоқли тарзибига кирган ва унинг хоробалари қабри биноларм остинда қолиб кетган. Х. шаҳар ҳудуди сифатида мўғуллар истилосига қадар (13-а.нинг 1-чораги) мавжуд бўлган.

ХИЗМАТ МАНСАБИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ — бошқарув тартибига қарши жиноятлардан бири; мансабдор шахснинг мансаб ваколати, ана шундан ўз манфаати йўлида фойдаланилиши. Мансаб ваколати мансабдор шахснинг ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари б-н белгиланади. Х.м.с.қ. фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун б-н қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлади. Амалини суистеъмол қилиш: оплат ҳолия интизомини бузиш; назорат ва тафтиш идораларини алдаш; товар-моддий бойликларни ўғирлаш ва камомадларни яшириш: давлат, жамоат мулкини ёки бошқа ҳар қандай мулкни ўзлаштириш ёки уни ўзлаштирмаган ҳолда ғаразли мақсадларда фойдаланиш, айрим фуқаролар ва б.га тегишли мулк ҳисобига ноқонуний бойиш-дан иборат. Ўзбекистон Республикасининг ЖКда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик учун тегишли жазо белгиланган (205-модда).

ХИЗР, Ҳазрати Хизр, Хизр бува — ислом ривоятларидаги шахс, тақводор инсон. Х. Қуръонда тилга олинмаган, лекин уламолар Қуръонда «Аллоҳнинг қули» номи б-н тилга олинган шахсни Х. деб талқин қилганлар. Х.га оламларга Аллоҳга бўлган эътиқодни қўллаб туриш учун *Иса, Илёс* ва *Идрис* сингари абадий ҳаёт ато этилган. У ҳаёт булоғидан «оби ҳаёт» ичган ва умри боқий бўлган. Унг қўлининг бош бармоғи суяксиз бўлганлиги, паҳоҳига йўлиқиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлиши Х.га хос белги саналади. Ривоятларга кўра, Х. оралардан яшайди, осмонда учади, қуёш бўйлаб кезиб юради. Ҳар йили ҳаж қилади, жума кунлари Макка, Мадина ва Қуддус ш.ларидаги масжидларда намоз ўқийди. Денгизда сузувчиларга ҳомийлик қилади, махсус дуолар б-н чақирилса, ёрдамга келади: сувга чўкаётганларни қутқаради, саҳрода адашганларни учратади, ўғрилар ҳуружидан, жинларнинг ҳийлаларидан, илон чақишидан асрайди. Чол, сувори ёки йўловчи кўринишида пайдо бўлади, деҳқон далаасига ёки хирмонга назар ташласа, ҳосил баракали бўлади ва ҳ.к. Сўфийлар Х.ни пайғамбар пири сифатида эътирофлайдилар. Ислом анъанасида Х.нинг умри боқий деб талқин этилганига қарамай, мусулмон мамлакатларида Х.нинг бир қанча қабри бор ва улар мусулмонларнинг зиёратгоҳларига айлантирилган.

ХИКС (Hicks) сэр Жон Ричард (1904.8.4, Уорик — 1989) — инглиз иқтисодчиси. Оксфорд ун-тида ўқиган (1922—26), Лондондаги иқтисодиёт мактабида дарс берди (1926—1935). Манчестер (1938—46) ва Оксфорд (1952—65) ун-тлари проф. Ўз асарларида иқтисодий назариядаги математика мактабининг умумий иқтисодий мувозанат назарияси ва энг юқори иқтисодий назарияси томонидан ривожлантирди. Шунингдек, иқтисодий

сидлаб ва б. усулларда олинади. Х. ва уларнинг ҳосилалари *бўягичлар* олишда оралиқ маҳсулот ҳисобланади (қ. *Антрахинон бўёқлар*). Улар фунгицид, инсектицид, ошловчи моддалар сифатида ҳам ишлатилади. 2-метил- 1,4-нафтохинон — К витамини.

ХИНШЕЛВУД (Hinshelwood) Сирил Норман (1897.19.6 — Лондон — 1967.9.10) — инглиз физик-кимёгари. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1929) ва президенти (1955—60). Оксфорд ун-тининг Бейльел коллежини тугатган (1924); шу ун-тда проф. (1937—64). Асосий илмий ишлари *занжир реакциялар* соҳасига оид. Рус олими Н.Н. Семёнов б-н бир вақтда занжир реакциялар назариясини асосларини яратди. Х. анорганик ва *органик модда*ларнинг, мас., *калий перманганат*, альдегидлар, кетон ва б. моддаларнинг бўлиниш кинетикасини тадқиқ этган. Бактерияларнинг турли муҳитларда ўсиш муаммолари б-н шуғулланган (1938 й.дан). Нобель мукофоти лауреати (1956; Н.Н. Семёнов б-н ҳамкорликда).

ХИОНИЙЛАР — туркий қабила. Баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра, дастлаб Олтой тоғлари атрофида яшашган ва 4-а.нинг 1-ярмида жан.-ғарбга силжиб, Амударё ва Сирдарё оралиғига кириб келишган. Бу ерда дастлаб улар Зарафшон воҳасини эгаллаб, жан.га ҳаракат қилишган ва анча заифлашиб, сосонийлар Эронига қарам бўлиб қолган Кушон подшолиги ўрнини эгаллаганлар ҳамда маркази Тохаристон бўлган Шим. Ҳиндистон, Афғонистон, Хуросоннинг бир қисмини ҳам ўз ичига олган Х. (Хионитлар) давлатини (4—5-а.лар) барпо қилишган. Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса Х.нинг дастлаб Орол денгизи шим.да яшаганлиги ва йирик массагет қабилалар иттифоқига мансуб бўлиб, ҳунлар б-н аралашганлигини таъкидлайдилар (Л.Н. Гумилев, С.П. Толстов, К.В. Тревер). Уларнинг фикрича, юнон ва лотин тилидаги асарларда Х. «оқ ҳунлар» деб аталган. 4-а.нинг 70-й.ларида Х. сосонийлар Эронига қарши ҳужум уюштириб, муваффақиятга эришганлар. Шунингдек, сосоний подшолар Варахран (418—438), Яздигард II (438—457) даврларида улар Эроннинг энг йирик рақибига айланганлар. Х. ҳукмронлиги давом этаётган бир пайтда янги бир сулола — кидарийлар ўртага чиққан. Улар Олтой тоғлари ва Шарқий Туркистон оралиғидан жан.-ғарбга силжиб, 420 й.да Боло (Нахшаб) ш.ни ўзига қароргоҳ қилишган ва Хионийлар давлати б-н қўшни бўлиб қолганлар.

5-а.нинг 2-ярмида Х. ва Кидарийлар давлати ҳудудини ўз ичига олган янги бир давлат *эфталийлар* сулоласи ўртага чиқди ва 6-а.нинг 60-й.ларигача Марказий Осиёдаги энг йирик давлатга айланади.

Ад.: Шониёзов К., Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, Т., 2001.

ХИРА РУДАЛАР — минераллар гуруҳи, миснинг мураккаб сульфидлари бўлиб, теннантитнинг изоморф қаторини — кимёвий таркиби $nCu_{12}As_4S_{13}+ +mCu_{12}Sb_4S_{13}$ бўлган тетраэдритни ҳосил қилади. Қаторнинг соф аъзолари кам учрайди. Х.р. орасида таркибига қараб турлари: аргентотеннантит ва фрейбергит (Ag таркибли), зондбергерит ва биннит (Zn, Ag таркибли) ферротеннантит ва ферротетраэдрит (Fe таркибли), шватцит (Hg таркибли), аннивит (Bi таркибли) ва б. мавжуд. Синч типли мураккаб структурага эга. Куб сингонияда кристалланади. Х.р. пўлат рангли кулрангдан, темир рангли қорағача. Янги синган жойлари металлдек ялтирайди, лекин ҳавода тез хиралашади (номи шундан). Қаттиқлиги 3—4, зичлиги 4,4—5,1 г/см³. Турли генетик типдаги гидротермал рудали жинсларда ҳосил бўлади. Галенит, сфалерит, халькопирит, пирит, кварц, барит, кальцитлар б-н бирга учрайди. Ернинг юқори қисмида осон нурашга учраб малахит, азурит, куприт ва б.га айланади. Мис рудаларининг таркибига киради ҳамда улардан сурма, кумуш, симоб ажратиб олинади.

ХИРА СИРТ — ўлчамлари кўринувчи ёруғликнинг тўлқин узунлиги (380—760 нм ёки 3800—7600°А) га яқин бўлган микроскопик нотекисликларга эга сирт. Х.с.га ёруғлик тушганда ундан диффуз қайтади, яъни ҳар тарафга сочилади (ёруғлик силлиқ сиртдан худди кўзгудан қайтгандек тўғри йўналишда қайтади). Ёруғликнинг тушиш бурчаги унча катта бўлмаган (∠60—70°) ҳолларда *Ламберт қонуни* тахминан тўғри келади.

ХИРАЯМА Икуо (1930.15.6, Икучжима ш.) — япон рассоми, тадқиқотчи олим, Токио нафис санъат ва мусиқа миллий ун-ти президенти. Унинг и.т. лари Буюк ипак йўлининг кўп асрлик тарихига бағишланган. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ш.ларидан олган таассуротлари натижаси ўлароқ «Туркистон харобалари», «Бухоро», «Марказий Осиё» каби картиналари юзага келди. Япон-ўзбек маданияти арбоблари алоқаларини кенгайтиришда, ҳамкорликдаги археологик экспедициялар, кўргазмалар ўтказишда фаоллик кўрсатмоқда. 2001 й. ўз маблағига Тошкентда *Халқаро маданият карвонсаройи* қурдирди. ЮНЕСКО—Япония ассоциациясининг раиси. Япония Шарқ маданияти музейининг асосчиси ва директори. Афғонистон ва Ироқ маданий ёдгорликлари ва тарихини сақлаб қолиш жамғармасининг президенти. Халқаро мукофотлар (Авлиё Георгий ордени, Ватикан, 1974; Франция мукофоти, 1991; Швейцария мукофоти, 1995), Япониянинг бир қанча мукофотлари, Ўзбекистон БА нинг «Олтин медали» б-н мукофотланган (2002).

Шуҳрат Ёқубов.

ХИРБАТ ал-МАФЖАР — Иорданиядаги меъморий ёдгорлик (8-а.); *умавийлар* саройи. Иордан дарёсининг ғарбида, қад. *Иерихон*нинг шим.да жойлашган. Сарой (атрофи буржли мустаҳкам девор б-н ўралган), девордан ташқаридаги масжид, ҳаммом, ички ва ташқи ҳовлилар б-н ягона мажмуа ҳосил қилган. Х. ал-М. бинолари тош-оҳактошлардан бунёд этилган, гумбазлар б-н ёпилган, ҳовлилар юзасига тош плиталар ётқизилган. Сарой умавийлар саройига хос анъанавий мужассамотга эга: мураббa тарҳли ҳовли галерея ва шарқий ҳамда ғарбий томони бўйлаб ғишт гумбазли 2 қаватли бинолар б-н ўралган. Сарой биноси тўртбурчак тарҳли (67×63 м), тарзлари равоқлар қатори б-н қуёшдан тўсилган. Сарой миёнсаройи минора кўринишида, тарзлари ўйма турунжлар б-н безатилган

Хираяма. «Тинчлик карвони» (1985, «Буюк ипак йўли» туркумидан).

ва юқориси данданалар б-н якунланган; миёнсарой 2 (ташқи мураббa ва ички тўртбурчак тарҳли) хоналадан иборат бўлиб, хоналар ўзаро кенг эшик б-н боғланган, ташқи хона деворларига бурчак устунларига ўрнатилган равоқлар ишланган, ички хона гумбазли; миёнсарой девори бўйлаб ўрнатилган ўриндиқлар қабулхона вазифасини ўтаганидан дарак беради. Тарзлари пилтавор бўртиқлар шаклидаги ҳаммом биноси мураббa тарҳли катта хона (30×30 м) ҳамда унинг шим.-ғарбидаги кичик хона (4,5×4,5 м)дан иборат (кичик хона сарой эгасининг хос хонаси бўлган деб тахмин қилинади). Масжид тўртбурчак тарҳли (23,6×17,1 м), 2 қатор мармар устунли, ёнида пойдеворга ўрнатилган минора жойлашган. Ташқи катта ҳовли ўртасида ҳовуз бўлиб, устига 4 устунга ўрнатилган гумбаз томли кўшк ишланган. Х. ал.-М. бинолари тош ва ганч ўймакорлигида ҳандасий, ислимий нақшлар б-н серҳашам безатилган, нақшин безаклар орасида бўртма тасвирлар, ҳайкалтарошлик (аёллар бошлари, атлант ва б.) безаклари ҳам учрайди. Миёнсарой, ҳаммом ва б. хоналарининг поллари ажойиб (ҳандасий, тўғри ва эгри чизиқлар, айлана, тўртбурчаклар уйғунлигидаги) мозаика б-н қопланган.

ХИРМОН — йиғиб-териб олинган экинлар ҳосили тўпланадиган майдонча. Ғаллачиликда шамол яхши эсадиган тепароқ жойларда, пахтачиликда дала ёнида бўйи 70—80 м, эни 45—60 м ли майдон Х. учун жиҳозланади, яъни ер текисланади сомон сувоқ қилинади ёки асфальт ётқизилади. Х.да маҳсулот тозаланади, қуритилади, ишш (қоп)ларга жойланади ва омборларга жўнатилади.

ХИРОЖ, хараж (араб.) — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда давлат томонидан ундирилган ер солиғи. *Сосонийлар давлатида* Қавад I ва унинг ўғли Хусрав I Анушервон ўтказган солиқ ислоҳоти натижасида жорий қилинган ер солиғи (хараг). Х. илк *Халифалик* ҳудудида «жизья» атамасининг синоними сифатида қўлланилиб, мусулмон бўлмаган аҳоли б-н бир қаторда ер, сувга эга бўлган мусулмонлардан ҳам ундирилган. Мусулмон қонуншунослари Х.-мисоҳа (ер майдони бирлигидан ундирилган) ва Х.-муқосама (ернинг сифати ва суғориш усулига қараб ҳосилнинг 1/4, 1/3 ёки 1/2 қисми ҳажмида ундирилган)га ажратилган. Х. *Усмонли турк империясида* 18-а. охирларига келиб жизья б-н қўшилиб кетган. Мисрда эса, 1907 й. даромад солиғи б-н алмаштирилган.

Х. Ўрта Осиёда 7-а.да араблар томонидан жорий қилинган. Х. йиғиш учун ҳар бир вилоятга саркор, қишлоққа девонбеги ва котиб тайинланган. Хива хони Муҳаммад Раҳим I (1775—1825) Х.ни пул б-н ундиришни жорий қилган. Бунда Х. олинган ҳосил миқдоридан эмас, балки ер эгасининг хўжалиги ва ер майдонига қараб олинган. Қўқон хонлиги Россия томонидан босиб олингандан кейин бу ерда ҳам Х.ни натура ўрнига пул б-н йиғиш расм бўлган.

ХИРОМИЙ (тахаллуси; исми Мулло Қурбон) (1796, Китоб вилояти Чармгарон гузари — ?) — шоир. Баъзи манбаларда Мирзо Қурбон, Муҳаммад Қурбон деб ҳам тилга олинган. Кенагас уруғидан. Бухородаги *Мир Араб мадрасасида* таҳсил кўрган. Иқтисодий танглик туфайли мадрасани тугата олмаган, 25 ёшида Китобга қайтган. Хаттотлик, табиблик, чармгарлик қилиб рўзғор тебратган. Х. *Насруллахон*нинг босқинчилик сиёсатига қарши курашувчилар сафида турган, Китоб мудофаасида қатнашган.

Х. истеъдодли ва сермаҳсул шоирлардандир. У ўтмиш алломалар ижодидан ўрганган, замондошлари Шавқий, Ҳозиқ, Вола ва б. б-н яқин ижодий алоқада бўлган. Дастлаб Саъдий, Навоий, Зебуннисо ғазалларига мухаммаслар боғлаган, уларнинг бадиий маҳорат соҳасидаги анъаналарини давом эттирган.

Х. 19-а. ҳаётидаги ярамас иллатларни, адолатсиз ҳукмдорлар, ноқобил ҳокимлар, замин, замон, кишилар тўғрисидаги қарашлари ифодаланган «Чор дарвеш» (1834), «Маҳфил оро» (1844—56), «Тўтинома» (1854), «Раъно ва Зебо» (1856), «Юсуф ва Зулайҳо» (1862) достонларини ёзган. Буларнинг орасида кенг тарқалгани «Чор дарвеш»дир. Асар қолиплаш усулида ёзилган, қолипловчи ҳикоя Озодбахт ҳикоясидир. Озодбахт ўз фарзандсизлигидан сўз бошлаб, дарвешлар саргузаштини тинглайди. Достон Озодбахтнинг Бахтиёр исмли фарзанд кўриб, париларнинг улуғ шоири Малик Шоҳбоз ёрдамида мурод-мақсадларига етиши б-н тугайди.

Х.нинг ҳажман энг йирик асари «Тўтинома» 12 минг мисрадан иборат. Асарнинг бош ғояси — вафо ва садоқат. Тўтининг барча ҳикоя ва қиссалари шу ғояни асослаш, исботлашга қаратилган. «Раъно ва Зебо» достони ҳам қолиплаш усулида бўлиб, қолипловчи ҳикоя Раъно ва Зебо саргузаштларидир. Пок муҳаббатни улуғлаш достоннинг асосини ташкил этади. Унда инсон ҳуқуқи, ижтимоий тенглик, адолат, олижаноблик каби ғоялар ёритилган.

Адабий меросининг умумий ҳажми 30 минг мисра атрофида. Асарлари қўлёзмалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида («Чор дарвеш», инв.№359, 9251, 1675, 7713, 4819, 7847, 217 (11); «Тўтинома», инв. №1795; «Раъно ва Зебо», инв. №217; «Юсуф ва Зулайҳо», инв. №1799) ва СамДУнинг асосий кутубхонасида сақланади.

Ас.: Чор дарвеш, Т., 1960; Раъно ва Зебо, Т., 1962.

Ад.: Қораев Т., Хиромий Мулла Қурбон, Т., 1975; Ўзбек адабиёти тарихи [5-ж.ли], 4-ж., Т., 1978.

Бегали Қосимов.

ХИРОСИМА — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.нинг жан.-ғарбида. Хиросима префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,12 млн. киши (2000). Мамлакатнинг муҳим транспорт, саноат, молия ва маданият маркази. Ота дарёси дельтасидаги порт. Кемасозлик ва станоксозлик, автомобилсозлик, ҳарбий, резина-техника, ёғочсозлик, қоғоз, тўқимачилик, озиқ-овқат ва полиграфия саноати корхоналари мавжуд. Ун-т бор. Шаҳар заминдорлар қасри атрофида 16-а.да бунёд этилган. 1945 й. 6 авг.да АҚШ авиацияси томонидан ташланган атом бомбасидан қаттиқ зарар кўрган. Бомбардимон нати-

Хиросима шаҳри. Тинчлик мемориал маркази.

жасида ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик музейи барпо этилган. Тинчлик мемориал маркази Х.даги энг муҳим замонавий меъморий бино ҳисобланади.

ХИРУРГИЯ (юн. cheir — қўл ва ergon — ҳаракат, иш), ж а р р о ҳ л и к — *тиббиёт*нинг бир соҳаси. Хирургик операцияларни талаб этадиган касалликларни ўрганади ҳамда операция қилиш усулларини ишлаб чиқади.

Қадимдан одамлар ўз-ўзига ёки бир-бирларига ёрдам бериб, жароҳатдан оқаётган қонни тўхтатиш учун жароҳатни босиб туриш, яраларга кул сепиш каби оддий усуллардан фойдаланганлар. Қад. қазилмаларда бош суяк чаноғи трепанацияси, оёқ ампутациясидан кейинги излар топилган. Х. дастлаб фан ва маданияти ривожланган давлатлар (Миср, Ҳиндистон, Юнонистон, Хитой, Византия) да шаклланган. Мил. ав. ҳам касалликларни даволашда қон чиқариш, қовуқдан тошларни тушириш операциялари ўтказилганлиги қайд этилган. *Гиппократ* (мил. ав. 460—377 й.лар) жароҳатларни бирламчи ва иккиламчи битишини кузатган, турли боғловларни қўйиш техникасини ишлаб чиққан, операцияни ўтказишда тозаликка риоя қилиш мақсадида қайнатилган ёмғир сувидан фойдаланган. У ишлаб чиққан плевра бўшлиғини дренажлашда қўлланиладиган қовурға резекцияси операцияси ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Қад. Римда Цельс (Антиллус) баъзи аъзолар анатомиясини, яллиғланишнинг белгиларини ва операция вақтида қон тўхтатиш учун томирларни боғлаш, оқма яраларни даволаш усулларини, *Гален* эса жароҳатларни тикишда ипакдан фойдаланишни, жарроҳлик операцияларини ўтказишда аъзоларнинг анатомияси ва функциясини ҳисобга олиш зарурлигини таклиф этган. Абу Али *ибн Сино* (980—1037) «Тиб қонунлари» асарида хирургик касалликларни даволашда қўлланилган усулларни баён этган; у операция вақтида наркоз сифатида беморга опий, мандрагор ишлатган, шунингдек, буйракдан тош олиш, ўсмаларни аниқлаш ва ўсмани соғлом тўқимагача олиб ташлаш ва б. операциялар техникасини яхши билган.

А. *Левенгук* (1632—1723) томонидан микроскоп, В.К. *Рентген* томонидан рентген нурининг кашф этилиши касалликларни аниқлашда (диагностика) муҳим роль ўйнади.

1731 й.да Парижда Хирурглар Академиясига асос солинди. Шундан сўнг Х. фан сифатида тараққий эта бошлади.

Умуман Х. 3 босқичда ривожланди: 1) қад. замонлардан антисептика давригача (1860); 2) антисептика даври (1860—1890); 3) асептика даври — ҳозиргача давом этмоқда.

19-а.нинг 2-ярмида наркоз, антисептика, асептиканинг жорий этилиши Х. тараққиётида ижобий ютуқларга олиб келди (қ. *Антисептика, Асептика*). Шунга кўра меъда, ичаклар, ўпка ва б. ички аъзоларда йирик операциялар муваффақиятли ўтказила бошланди. 19—20-а.да турли мамлакатларнинг хирурглари ўтказган кенг экспериментал тадқиқотлар энг мураккаб операцияларни: меъдани, ичак ёки ўпканинг бир қисмини олиб ташлаш, томирлар ва нервларни тикиш, шунингдек, синган суяклар, жароҳатлар, куйишни даволашнинг операция усуллари ва техникасини ишлаб чиқиш имконини берди. Х.нинг тармоқлари кўпайиб, *травматология, ортопедия, урология, нейрохирургия*, болалар хирургияси каби мустақил илмий-амалий соҳалар вужудга келди.

Ҳоз. замон Х. фани кимё, физика, молекуляр биол. каби соҳалардаги ютуқлар натижасида ривожланиб бормоқда. Шунга кўра юрак клапанлари ва томирларни протезлаш, аъзолар ҳамда тўқималарни кўчириб ўтказиш, сунъий бўғимлар яратиш, сунъий юрак вужудга келтиришга доир ишлар амалга оширилди. Миокард инфарктини операция йўли б-н даволаш, микрохирургия (мас., бутунлай узилган бармоқни тиклаш ёки юракнинг майда томирларида янги қон оқимини вужудга келтириш), лазерлар, махсус камераларда юқори кислород босими, яъни гипербарик оксигенация (қ. *Баротерапия*)ни қўллаш, ярадор ва куйганларга даво қилишда микробсиз шароитлар яратиш, сунъий ва қўшимча қон айланиши ва б. Х.да янги йўналишлар бўлиб қолди.

Ўзбекистонда Х.нинг шаклланиши 1920 й. Туркистон ун-тининг тиббиёт ф-ти қошида хирургия кафедраси ташкил этилиши б-н боғлиқ. Кейинчалик Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро тиббиёт ин-ти, Тошкент педиатрия тиббиёт ин-ти, шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тларида, Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия и.т. институтининг Тошкент филиали (1977 й. ҳоз. В. Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган *Хирургия маркази*)да Х. кафедралари фаолият кўрсата бошлади. Мазкур илм масканларида врачлар тайёрлаш ва турли хирургик муаммолар устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда Х.нинг ривожланишида С.А. Маъсумов, Ў. О. Орипов, В.В. Воҳидов, М. Ашрафова, Р.М. Нурмуҳамедов, Ш.И. Каримов, Д.С. Ғуломов, Ф.Г. Назиров, С. М. Аъзамхўжаев, С.А. Долимов, Л.Д. Василенко, А.М. Ғофуров, К.Х. Тоҳиров ва б.нинг хизматлари катта.

Ҳоз. илм-фан ва техниканинг ривожланиши, янги тадқиқот ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш (*эндоскопия, ультратовуш, компьютер томографияси*, ядро-магнит резонансли томография, лапароскопия, лазер нурлари ва б.) Х.ни янада ривожланишига олиб келди. 1998 й. Тошкентда шошилинч тиббий ёрдам маркази ҳамда вилоятларда унинг филиал ва субфилиаллари ташкил этилди.

Ад.: Аъзамхўжаев С. А., Раҳмонов Р. Қ., Ямбоева Р. Қ., Хирургик касалликлар, Т., 1991; Каримов Ш. И., Шомирзаев Н.Х., Хирургические болезни, Т., 1994.

ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ, В. В. Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий маркази — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигига қарашли и.т. ва даволаш муассасаси. 1975 й. Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия и.т. институтининг Тошкент филиали сифатида ташкил этилган. 1991 й.дан ҳоз. номи б-н фаолият кўрсатади. Марказ илмий ва амалий фаолиятининг асосий йўналишлари кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзоларида бошқа ўхшашлиги бўлмаган, ўзига хос жарроҳлик амалиётларини ўтказади, буларга, биринчи навбатда, ҳаёт учун муҳим аъзолар, юрак нуқсонлари, йирик қон томирлар, ўпка, жигар ва меъда ости бези реконструктив-тиклаш жарроҳлиги ва б. киради. Х.м.нинг вазифаси Ўзбекистонда жарроҳлик муаммоси б-н боғлиқ масалаларга раҳбарлик қилиш ва бошқариш, республикада хирургия хизматини ташкил этиш; юқори малакали ихтисослашган илмий ва амалий хирург мутахассислар тайёрлаш ва б.дан иборат. Марказда 12 клиник бўлим: жигар-ўт йўллари ва портал гипертензия жарроҳлиги, лазер ва меъда-ичак жарроҳлиги, юрак-қон томир жарроҳлиги, кўкрак қафаси жарроҳлиги, реконструктив-пластик жарроҳлик, рентген-эндоваскуляр жарроҳлик ва интервенцион радиология, шунингдек, патоморфология ва лазер терапияси, анестезиология ва реаниматология, микробиология ва клиник биокимё, экспериментал жарроҳлик каби фундаментал ва амалий бўлимлар, 370 ўринли клиник касалхона ва поликлиника ишлаб турибди. Х.м. да 90 дан зиёд илмий ходим, жумладан, 22 фан д-ри ва проф., 50 фан номзоди хизмат қилади (2004). Марказда д-рлик ва номзодлик диссертацияларни ҳимояси бўйича махсус илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Марказ олимлари кўпгина йирик илмий анжуманларда қатнашиб келади. Х.м. илмий тўплам, монография, дарслик ва турли қўлланмалар чоп этади, ихтиролар қилади. Марказ базасида Тошкент биринчи тиббиёт ин-тининг госпитал хирургия, магистратура ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти 1-хирургия кафедраси бор.

Хирургия маркази.

ХИРҚА (араб. — ямоқ, қуроқ) — жунли матодан тикилган устки кийим. Асосан, суфийлар кийган. Х. одатда суфийликда пирдан шогирдга ўтган, узоқ вақт кийилгани сабабли у кўпинча эскирган, қуроқ ва ямоқ бўлган. Х. ўзбеклар орасида *жанда* деб аталган.

ХИСЛАТ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳайбатуллахўжа Орифхўжа ўғли) (1880.10.5 — Тошкент — 1945.8.6) — шоир ва таржимон. Ўзбек мумтоз адабиётининг сўнгги намояндаларидан бири. 16—17 ёшларида Тошкент ш. Кесаккўрғон маҳалласидаги мадрасага ўқишга кириб, араб ва форс тилларини мукаммал ўзлаштирган; ўзбек, озарбайжон, турк, форс ва араб адабиётларини пухта ўрганган. 1908—09 й.ларда Навоий ижодини мутолаа қилиб, «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонларининг соддалаштирилган насрий нусхаларини тайёрлаган ва ўз ҳисобидан нашр этган. 1910—14 й.ларда мадрасадоши Сидқий Хондайлиқий б-н ҳамкорликда «Армуғони Хислат», «Ҳидояи Хислат», «Савғоти Хислат», «Туҳфаи Хислат» каби баёзларини нашр эттирган. Бу баёзларда шоирнинг 100 дан зиёд лирик шеърлари эълон қилинган. Х.нинг лирик шеърларида Бобур, Машраб ва, айниқса, Навоий ижодининг таъсири кучли. Бу таъсир унинг «Найларам боғу чаман сайрини жонон бўлмаса», «Эй нигорим», «Қандоқ қилай», «Иқлими девона қилган бир пари савдосидур», «Ўлдим асиринг, эй ёр», «Эй хублар сароси», «Оразингму ё гули раъномидур», «Эй париваш» сингари ғазалларининг бадиий қурилмасида ҳам, ғоявий йўналишида ҳам яққол кўринади. Х.нинг дунёвий ғоялар б-н йўғрилган бир қанча ғазаллари Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ва Ҳамроқул қори каби машҳур ҳофизлар томонидан ижро этиб келинган.

Х. 1917 й.дан кейин ҳам бадиий ижод б-н шуғулланиб, замонавий мавзуларда ғазал ва мухаммаслар яратган. Аммо Совет давлатининг жадид шоирларга нисбатан совуқ муносабати туфайли у ёшликда эгаллаган ҳунари — дурадгорликни давом эттириб, 1940 й.га қадар иморатсозлик ишлари б-н кўпроқ машғул бўлган.

Х.нинг адабий меросида таржима асарлар катта ўрин эгаллайди. У Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достони, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони асосида насрлаштирилган «Барзуйи шер», «Паҳлавони Аҳмад», Убайд Зоконийнинг «Муш ва сичқон» асарларини форс тилидан таржима қилган, араб ва форс мумтоз адабиётларидаги болаларбоп ривоятлар ва масалларни шеърий таржима қилиб, «Нон ва ҳалво» деган мажмуа тузган. Тошкент ш.даги кўчалардан бири Х. номи б-н аталади.

Ас.: Ғазаллар, Т., 1971.

ХИТИН (юн. chiton — кийим, тери, қобиқ) — полисахаридлар гуруҳига мансуб табиий бирикма; бўғимоёқлилар ва бир қатор умуртқасиз ҳайвонлар ташқи скелетининг асосий компоненти; замбуруғлар, бактериялар ва айрим сувўтларнинг ҳужайра девори таркибида бўлади. Таянч вазифасини бажаради. Х. N-ацетил-Д-глюкозамин қолдиғидан иборат. Сув, суюлтирилган кислота, ишқор, спирт ва б. органик эритувчиларда эримайди; концентрланган кислоталарда эрийди. Х.нинг тузилиши, физик-кимёвий хоссаси ва биологик аҳамияти ўсимлик целлюлозасига ўхшаш.

ХИТОЙ, Х и т о й Х а л қ Р е с п у б л и к а с и (хитойча Чжанхуа женьминь гунхэго), ХХР — Марказий ва Шарқий Осиёда жойлашган давлат. Дунёда аҳолиси энг кўп ва майдони жиҳатидан энг йирик давлатлардан бири. Шарқда Тинч океанининг Сариқ, Шарқий Хитой ва Жан. Хитой денгизлари б-н ўралган. Майд. 9,6 млн. км². Аҳолиси 1 млрд. 292 млн. 750 минг киши (2003). Пойтахти — *Пекин* ш. Маъмурий жиҳатдан 23 провинция (Хитой Тайпейи ҳам шу ҳисобга киради), 5 мухтор р-н ва марказга бўйсинувчи 4 шаҳар (Пекин, Шанхай, Тяньцзинь, Чунцин)га бўлинади.

Давлат тузуми. Х. — халқ республикаси. Амалдаги конституцияси 1988 й. 4 дек.да қабул қилинган; 1988, 1993, 1999 й.ларда айрим тузатишлар киритилган. Конституцияга кўра, Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси (ХВУМ) давлат ҳокимиятининг олий органи. ХВУМ давлат бошлиғи — ХХР раиси (2003 й.дан Ху Цзиньтао) ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни ХВУМ амалга оширади. ХВУМ провинция, мухтор р-н, марказга бўйсунувчи шаҳарлар ва қуролли кучлар томонидан сайланадиган депутатлардан иборат. ХВУМнинг доимий ишловчи органи Доимий қўмитадир. ХВУМ ваколат муддати 5 й. Ижроия ҳокимиятни Давлат кенгаши (ҳукумат) амалга оширади. У ХВУМ ва унинг доимий қўмитаси олдида ҳисоб бериб туради. Давлат кенгашининг ваколат муддати 5 й.

Табиати. ХХР, асосан, мўътадил ва субтропик минтақаларда (жан. қисмида кичикроқ ҳудуд тропик минтақада) жойлашган. Табиати жиҳатидан Шарқий Осиёда жойлашган шарқий ва Марказий Осиёда жойлашган ғарбий қисмларга бўлинган. Мамлакатнинг шарқи денгиз бўйи пастекисликлари, паст ва ўртача баландликдаги тоғлар б-н банд. Х.нинг ғарби эса баланд тоғлик, катта

Хитой герби.

тизмалар, кенг ясситоғлик ва ботиқлардан иборат. Х. қиргоқ чизиғининг уз. 15 минг км чамасида. Кичик қўлтиқ ва бухта кўп. Йирик я.о.лари: Шанъдун ва Ляодун.

Х. — мураккаб орографияга эга бўлган тоғли ўлка. Мамлакатнинг жан.-ғарбида *Тибет тоғлиги*, ундан шим.-роқда Марказий Осиё текисликлари ва ясситоғликлар минтақалари ва атрофи тоғлар б-н ўралган Шарқий Хитой пасттекисликлари яққол ажралиб туради. Тибет тоғлиги Х.нинг энг баланд қисмидир (ўртача бал. 4500 м га яқин).

Марказий Осиё текисликлари ва ясситоғликлари ғарбда бир-биридан Шарқий Тяньшан тоғлари б-н ажралган *Қашқар текислиги* ва *Жунгария текислиги*ни ўз ичига олади. Уларга жан.-шарқдан *Турфон сойлиги* (туби денгиз сатҳидан 154 м паст) туташган. Шарқроқда эса Гашун Гобиси, *Алашань* ва *Ордос* плато ва текисликлари, улар орасида Бэйшань, Алашань ва Иньшань тоғлари жойлашган. Шарқий Хитой пасттекисликлари, асосан, Сариқ денгиз соҳили бўйлаб шим.дан жан.га чўзилган ва тоғ тизмалари б-н ўралган.

Х.да фойдали қазилмалардан тошкўмир ва ёнувчи сланец, нефть, темир ва марганец рудалари, боксит, қалай, вольфрам, симоб, мис ва полиметалл рудалари, олтин, тоштуз конлари бор.

Х. иқлими ғарбда континентал, шарқда, асосан, муссонли. Мавсумлар давомида ҳаво т-расининг фарқи катта. Янв.нинг ўртача т-раси Харбинда −20,4°, Пекинда −4,6°, июлники худди шу жойларда 23° ва 26°. Йиллик ёғин Шарқий Х.да 500—2000 мм (кўп қисми ёзда ёғади). Ғарб ва шим.-ғарбга томон иқлимнинг континенталлиги ортиб боради. Ёз иссиқ (Турфон ботиғида июлнинг ўртача т-раси 34°), қиш совуқ. Янв.нинг ўртача т-раси Х. шим.-да (Хайлар) — 28°, ғарбида (Урумчи) — 14,9°. Йиллик ёғин 250 мм дан кам, Қашқар текислиги ва Цайдамда 50 мм дан кам. Тибет тоғлигида қиш жуда совуқ, ёзи эса салқин. Гартокда (Хинд дарёсининг юқори қисми) янв.нинг ўртача т-раси — 11,8°, июлники 11,8°. Т-раниng сутка давомидаги фарқи катта. Кучли шамоллар эсади. Х.нинг баланд тоғларида музликлар бор, лекин ёғин камлигидан уларнинг майдони катта эмас (100 минг км² чамасида).

Тупроқлари Х.нинг шарқий қисмида чимли подзол, қўнғир-ўрмон, сариқ-жигарранг, сариқ ва ҳар хил қизил тупроқлар, дарё водийларида эса аллювиал тупроқлар тарқалган. Денгиз соҳилларида шўрланган тупроқлар учрайди. Х. ғарбий қисмининг тупроги чўлга хос каштан, қўнғир, сур тусли қўнғир тупроқлар, тоғ олди текисликлари ва тоғларда бўз, тоғ-каштан ва тоғ-ўтлоқ, Тибет тоғлигида эса совуқ чўлга хос тупроқлар.

Х.да дарё кўп. Мамлакат шарқидаги дарёлар сершув ва уларда кема қатнайди. Йириклари — Янгзи, Хуанхэ, Сунгари, Чжуцзян, Меконг, Салуин, Брахмапутра дарёларининг бир қисми ҳам Х.дан оқиб ўтади. Х. ғарбида дарёлар камсувли, айримлари ёзда қуриб қолади. Уларнинг йириклари — Ёркенд ва Оқсув. Кўл кўп; асосийлари — Кукунор, Дунтинху, Поянху.

Х.нинг шарқий қисмида жуда хилма-хил (25 мингдан зиёд) ўсимлик тури мавжуд. У ерда аҳоли қадимдан зич яшаганлигидан ўрмон, асосан, тоғли ерларда қолган. Пасттекисликларнинг ҳаммаси экинзор ва боғ. Янгзи дарёси қуйи оқимидан жан.да доим яшил субтропик, энг жан.да тропик ўрмон ва мангра чакалакзорлари мавжуд. Х.нинг ғарбий қисмида юкак ўсимликларнинг тури 5 мингдан ошади. Хинган тоғлари этагидаги даштларда бошоқли ўтлар, Тибет тоғлигидаги чўлларда ўт ва буталар ўсади. Тоғ водийлари субальп ўтлоқлари ва ўрмонли даштдан иборат.

Ҳайвонот дунёси бой ва хилма-хил. Умуртқалиларнинг 3500 тури (шундан 400 турга яқини сут эмизувчилар) ва қушларнинг 1000 дан зиёд тури бор. Х.нинг жан. ва жан.-ғарбида тропик минтақага хос ҳайвонлардан ҳар хил маймунлар, лемур, лори, каркидон, тапир, йўлбарс; шарқида учқир, мангуст, қоплон ва ҳ.к. учрайди. Х.нинг шим.-шарқида Сибирь тайга фаунасига хос ҳайвонлар, чўлларда от, қулон, жайран, икки ўркачли туя, юмронқозиқ, дашт ва тоғ даштида кийик, қумсичқон, ёввойи қўй, эчки, турли йиртқич ва судралиб юрувчилар яшайди. Бир неча қўриқхона бор.

Аҳолиси. Х. — кўп миллатли давлат. Жами аҳолининг 95% и хитойлар; қолганининг қисми турли тил гуруҳи ва оиларга мансуб бўлган 56 халқдан иборат. Хитойларнинг кўпи мамлакатнинг

Хитой байроғи.

шарқий қисмида яшайди. Хуэйлар (7 млнга яқин) ҳам хитой тилида сўзлашади. Х.нинг шим.-ғарбида туркий тиллар гуруҳига мансуб халқлар — уйғурлар, қозоқлар, қиргизлар, салорлар ва б., шим. ва шим.-шарқидаги дашт ва чала чўлларда монгол гуруҳига кирувчи халқлардан монғоллар, дунсянлар, тулар, шим.-шарқида тунгус-манжур халқлари, ғарби (Тибет) ва жан.-ғарбида тибет-бирма халқлари, жан.да тан тилларида сўзлашувчи халқлар ва б. яшайди. Синьзянининг жан.-ғарбида помир тожиклари ҳам бор.

Диндор хитойлар буддизм (шим. тармоғи), даосизм ва *конфуцийчилик*ка эътиқод қилади. Тибетлар ва монголларнинг дини — буддизм-ламаизм. Хуэйлар ва туркий гуруҳга кирувчи халқларнинг кўпчилиги ислом динининг сунна мазҳабига эътиқод қилади (помир тожиклари исмоилия мазҳабида). Расмий тил — *хитой тили*. Йирик шаҳарлари: Шанхай, Пекин, Тяньцзинь, Люйда, Ухань, Чунцин ва б.

Тарихи. Шимолий Х. ҳудудида илк ибтидоий маданият қолдиқлари, Пекин яқинида илк палеолит даври манзилгоҳларидан тошга айланган синантроп қолдиқлари топилган. Х.да ўрта палеолит даврига мансуб Хэтао (Ордос) маданияти, сўнгги неолит даврига мансуб Яншао ва Луншань маданиятлари, айниқса, машҳур. Яншао маданиятида (тахм. мил. ав. 3-минг йиллик ўрталаридан 2-минг йиллик ўрталаригача) одамлар овчилик ва балиқ овлаш б-н бирга деҳқончилик ва чорвачилик б-н ҳам шуғулланганлар. Х.да ибтидоий жамоа тузуми жез даврigача давом этган.

Сўнгги 20 й. ичида Такламакон чўли атрофида 5—6 минг йиллик тарихга эга бўлган жасадлар, мато бўлаклари, сопол идиш ва б. топилганлиги Х.нинг ғарбий ҳудудида ҳам ниҳоятда қад. маданият бўлганлигидан далолат беради.

Мил. ав. 1766—1122 й. Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимларида даставвал Шанг, кейинчалик Инь деб номланган (Шанг-Инь даври) илк давлат тузуми ташкил топган. Инь давлати узоқ йиллар давомида қўшини қабилалар б-н уруш олиб борганлиги туфайли мил. ав. 11-а.га келиб унинг ҳудуди бирмунча кенгайди. Инь даврида маданият ривожланди. Ой календарининг белгилари, ёзув — ҳоз. хитой иероглиф ёзувининг ибтидоси пайдо бўлди. Шу даврда Инь давлатининг ғарб томонида Чжоу деб номланган қабила кучайиб, ўз давлатини ташкил қилди (мил. ав. 1122—256) ва Инь давлатини босиб олди. Чжоу давлати ғарбий Чжоу (мил. ав. 1122—771) ва Шарқий Чжоу (мил. ав. 770—256) каби 2 қисмга бўлинган. Ушбу даврда қуллорлик янада ривожланди. Чжоу қабиласи босиб олган катта ҳудуд дастлабки Чжоу вандари томонидан ўз қариндошлари, яқинлари ва ишончли кишиларига бўлиб берилди. Шу сабабли кейинчалик бу ҳудудларда бир-бири б-н кураш олиб борган бир қанча подшоликлар пайдо бўлди. Кураш давомида айрим йирик подшоликлар вужудга келди. Бу подшоликлар Чжоу вандарининг ҳокимиятини тан олмай қўйди. Шундан кейин улар ўртасида икки ярим аср давомида урушлар юз берди.

Бу давр курашувчи ёки урушувчи давлатлар даври (Чжанго даври — мил. ав. 475—221) деб номланди. Мазкур даврда уруш Цинь, Чин, Чу, Хан, Чжао, Вэй, Ян каби 7 давлат орасида юз берди. Чжанго даврида темир и.ч., ундан қурол ясаш тез ривожланди. Бу ҳол деҳқончилик тараққиётига таъсир кўрсатди. Ҳунармандчилик ихтисослашди, савдо-сотиқ тараққий эта бошлади, савдо-сотиқ тараққий этди, шаҳарлар қурилди ва у деворлар б-н ўралди. Ерга хусусий эгалик пайдо бўлди. Синфий қарама-қаршилик ва бўлди. Синфий қарама-қаршилик авж олтурли подшоликлар ўртасида авж олган сиёсий кураш мафкурада ҳам ўз аксини топди. Мил. ав. 6—3-а.ларда конфуцийчилик, даосизм, моизм (файласуф Мо-цзи таълимоти) ва б. фалсафий оқимлар шаклланди. Чжанго даврида подшоликлар ўртасида олиб борилган урушлар Цинь подшолигининг ғалабаси б-н тугалланди. Натижада Х.да биринчи марказлашган *Цинь* империяси (мил. ав. 221—207) барпо этилди. Империянинг асосчиси ва биринчи императори Цинь Ши-хуанди мамлакатни бирлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қатор ислоҳотлар ўтказди. Унинг даврида ҳунларга қарши мудофаа деворини қуриш мақсадида шим.даги подшоликлар деворлари бирлаштирилиб, *Буюк Хитой девори* барпо этилди. Оғир зулмга жавобан халқ ғалаёнлари кўтарилиб, мил. ав. 206 й.да Цинь империяси тугатилди. Лю Бан (Гао цзу) янги сулола ва империя — Биринчи *Хань* империясига (мил. ав. 206—мил. 25 й.лар) асос солди. Хань империяси даврида йирик савдо марказлари (Лоян, Чэнду, Хандан, Линцзи) пайдо бўлди, товар-пул муносабатлари, ички ва ташқи савдо ривожланди. Шарқий Туркистон орқали ғарбга — Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига борадиган савдо йўли ривожлантирилди (*қ. Буюк ипак йўли*). Бу даврда қуллорликнинг энг юқори даражага кўтарилиши Ғарбий Хань империясида юз



моний зиддиятларнинг авж олишига сабаб бўлди. Деҳқон, аскар ва қулларнинг қўзғолонлари оммавий тус олди (бу қўзғолонлар тарихга «қизил қошлар» ва «яшил ўрмон одамлари» қўзғолони номи б-н кирган). 25 й. қўзғолончилар пойтахт Чанъанни эгаллагандан сўнг Ғарбий Хань империяси тугатилди. Заминдор зодагонлар қўзғолончиларга қарши кураш мобайнида Лю Сю бошчилигида Сўнгги (Иккинчи ёки Шарқий Хань) империя (25—220)га асос солдилар. 27 й. «қизил қошлар» қўзғолони бостирилган бўлса-да, Лю Сю фақат 37 й.га келибгина мамлакатни бирлаштиришга муваффақ бўлди. 184—204 й.лардаги деҳқонлар қўзғолонларидан сўнг империя инқирозга учради. Шундан кейинги уч ярим аср давомида Х. майда подшоликларга бўлиниш ҳолатида бўлди. 220 й.га келиб Саньго номини олган уч давлат — Уч подшолик [Вэй (220—265), Шу (221—263), У (222—280)] пайдо бўлди. 265 й. Уч подшолик даври тугаб, мамлакат Ғарбий Цзинь сулоласи ҳукмронлиги остида бирлашди (265—316). Лекин 316 й. кўчманчи халқлар Цзинь империясини тор-мор қилиб бутун Шимолий Х.ни босиб олди. Натижада Шим. Х.да турли давларда 16 та нохитой подшоликлари ҳукм сурди. Х. зодагонларининг кўп қисми шим.да Жан. Х.га кўчиб ўтиб, Шарқий Цзинь сулоласи (317—420)ни барпо этдилар. Нохитой подшоликлар ўртасида 100 й.дан ортиқ давом этган ўзаро урушлар натижасида Тоба Вэй (Шим. Вэй) давлати (386—534) голиб чиқиб, бутун Шимолий Х.ни ўз қўл остида бирлаштирди.

4—6-а.ларда будда ер эгалиги ривожланди. Буддизм Х.га мил. 1-а.да Ҳиндистондан Ғарбий ва Шарқий Туркистон орқали кириб келган. 420—581 й.ларда Жан. ва Шим. сулолалар (Нанбэй чао) ҳукмронлик қилган. Бу даврда мамлакатнинг жан.да Сун (420—479), Чи (479—502), Лянг (502—557), Чэн (557—589), шим.да Шимолий Вэй (386—534), Шарқий Вэй (534—550), Шим. Чи (550—577), Ғарбий Вэй (535—557), Шим. Чжоу (550—581) каби давлатлар пайдо бўлди. Жан.даги давлатлар хитойлар томонидан, шим.даги давлатлар эса хитой бўлмаган халқлар томонидан ташкил этилди. 581 й.да Х.даги майда давлатларни бирлаштириш асосида Суй сулоласи (581—618), 618 й.да Тан сулоласи (618—907) ҳокимият тепасига келди. Айрим маълумотларга кўра, этник жиҳатдан Тан сулоласи туркларга алоқадор бўлганлиги сабабли дастлабки мазкур сулола туркlар томонидан қўллаб-қувватланди. 7-а. охирида Тан империяси ҳарбий жиҳатдан юксалди, босқинчилик урушлари олиб борди. 630 й. Шарқий Турк хоқонлиги, 657 й. Ғарбий турк хоқонлигига зарба берилиши натижасида Шарқий Туркистондаги давлатлар 100 йилга яқин Х.га қарам бўлиб қолди. 751 й. Тан армияси *Талас жангида* араблар томонидан мағлубиятга учрагач, империя ғарбга қилмоқчи бўлган юришлари воз кечишга мажбур бўлди. Уйғур хоқонлиги даври (745—840)да эса унинг таъсири остига тушиб қолди.

8-а. ўрталаридан марказий ҳокимият б-н чекка вилоят ҳокимлари ўртасида кураш кучайди, 874—901 й.лардаги деҳқонлар қўзғолонлари натижасида Тан империяси инқирозга юз тутди. Сўнгра тарихда турли тўдалар қураши ва мамлакатнинг майда ҳокимликларга бўлиниб кетиши б-н машҳур бўлган У дай шиго («Беш сулола 10 та ҳокимлик», 907—960) деб ном олган давр бошланди. 960 й. саркарда Чжао Куанинь сўнгги Чжоу (951—960) сулоласини ағдариб ташлаб Сун империяси (960—1279)га асос солди. Бу империя даврида Х. ҳудуди шим.да Буюк Хитой деворидан, ғарбда Хуанҳэ дарёсининг юқори қисмидан, жан.да Вьетнам чегарасидан нарига ўтмади. Шим. ва шим.-шарқда Х. ҳудудининг талай қисмини Ляо қидонлар давлати, Си-Ся тангутлар давлати босиб олди. Сун империяси бу давлатларга кумуш ва шойи б-н хирож тўлаб турди.

Хитой табиати манзараси.

Х.га бостириб кирган чжурчжэнлар 1125 й. Ляо империясини тор-мор этиб, четараларни Хуанҳэ дарёси бўйлаб ўтадиган Цинь давлатини барпо этдилар. 1141 й. Сун империяси Цинь давлатининг вассалига айланди.

13-а.нинг 1-ўн йиллигида мўғуллар Х.ни истило қилишга киришиб, 1279 й.да унинг барча ҳудудини босиб олдилар. Хитой ва Тибет халқлари мўғулларнинг Юань сулоласи ҳукмронлиги (1271—1368; Х.да 1280 й.дан) остида яшади. Хитой халқининг мўғул босқинчиларига қарши олиб борган кўп йиллик кураши 14-а. ўрталарида Мин сулоласи (1368—1644)нинг вужудга келиши б-н якунланди.

16-а.да Х.да европаликлар пайдо бўлди. 1557 й. Португалия Х.нинг Аомынь ҳудудини «ижара»га олди. Синфий қарама-қаршилик, ҳукмрон гуруҳларнинг ички курашлари, Манжурияниинг жан.да яшовчи чжурчжэн қабилалари (17-а. бошларидан манжурлар)нинг ҳужумлари натижасида 17-а. бошида Мин империяси чуқур инқирозга юз тутди. 1628—45 й.лардаги деҳқонлар уруши натижасида Мин сулоласи барҳам топди. Х.ни манжур босқинчилари босиб олди. Ҳокимият манжурларнинг Цин сулоласи (1644—1911) қўлига ўтди. Цин империяси босқинчилик сиёсатини олиб бориб, Ички Мўғулистон (1636), Жунгария хонлиги (1757), Шарқий Туркистон (1760), Тибет (18-а. охири) ҳисобига ўз ҳудудини анча кенгайтирди. Шарқий Туркистондаги Еркенд ва Жунгория хонликлари йўқ қилинди. Шарқий Туркистон Синьцзян — «Янги чегара» номи б-н Цин империясига қўшиб олинди. Цин империясида деҳқонларнинг антиманжур қўзғолонлари авж олди.

17—18-а.ларда Цин империяси б-н расмий муносабатлар ўрнатишда муваффақиятга эришга олмаган ғарб давлатлари, биринчи навбатда, Буюк Британия 18-а. охирларидан Х.га тазйиқ ўтказа бошлади. Инглиз савдогарлари Х.га кўплаб афюн келтира бошладилар. 1839 й.га келиб инглиз-хитой муносабатлари кескинлашди ва 1840—42 й.ларда Англия б-н Хитой ўртасида биринчи «афюн» уруши бўлиб ўтди. Натижада инглизлар Х.да бир қатор имтиёзларни қўлга киритдилар. 1842 й. Нанкин шартномасига кўра, Х. Англия савдоси учун 5 та портини очишга, Сянган (Гонконг) о.ни Англияга беришга, товон тўлаш, савдо имтиёзлари ва б. беришга мажбур бўлди. 18-а. охирларидан Цин империяси инқирозга юз тутди. Синфий ва миллий зиддиятлар кучайди. 1844 й. Х. АҚШ ҳамда Францияга ҳам шундай имтиёзлар берадиган шартномаларни имзолашга мажбур бўлди. Х. ярим мустамлака мамлакатга айлана бошлади. Айни вақтда Х.нинг турли вилоятларида халқ оммасининг манжурлар зулмига қарши қўзғолонлари авж олди. 1850 й. тайпинларнинг динни мазҳаби манжурлар зулмига қарши қўзғолон кўтарди (қ. *Тайпин қўзғолони*). Мазкур қўзғолондан кейин Шарқий Туркистонда ҳам умумий халқ қўзғолони юз берди. Натижада ушбу мамлакат 14 й. давомида мустақил бўлди.

1856 й. Англия, сўнгра Франция Х.даги мавқеларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Х.га қарши янги уруш очдилар (иккинчи «афюн» уруши). Улар 1858 й. шим.даги Дагу фортларини эгаллаб, Тяньцзинь ва Пекинга жиддий хавф солдилар. Цин ҳукумати таслим бўлди. 1860 й. Англия-Франция экспедицияси Пекинни ишғол қилди. 1860 й.ги Пекин шартномаларига кўра, Х. Англия б-н Францияга катта товон тўлашга, Буюк Британияга Цзюлун (Коулун) о.нинг бир қисмини беришга, чет эл савдоси учун Тяньцзинни очиб қўйиш ва б. шартларга рози бўлди.

1860-й.лардан Англия, Франция ва АҚШ Цин ҳукуматига тайпинларга қарши курашда ёрдам бера бошлади. «Афюн» урушлари ва тайпинлар қўзғолонининг бостирилиши натижасида Англия, АҚШ ва Франция Х.даги мавқеларини мустаҳкамлаб олди. 1884—85 й.лардаги Х.-Франция урушида Х. енгилди. Ўша йиллари Х.нинг Япония б-н муносабатлари ёмонлашди. Япония 1874 й.да Тайванни босиб олишга уринди. 1879 й.да Рюкю о.ларини эгаллади. 1894 й. эса Япония-Х. уруши бошланди. Х. бу урушда енгилди. Уруш натижасида шу давргача Х. қўл остида бўлган Корея мустақилликка эришди, Тайвань о. ва Пэнхуледао о.лари Японияга берилди. Германия, Франция, Буюк Британия, Япония ва Чор Россияси Х.нинг бир қанча ҳудудини «ижара»га олдилар ва Х.да ўз таъсир доираларини барпо этдилар. Х.нинг бошқа давлатлар томонидан босиб олиниши ва Цин ҳукмдорларининг таслимчилик сиёсати Х.да катта норозиликка сабаб бўлди. 1894 й. Х.да Сунь Ятсен бошчилигида инқилобий демократик ҳаракат майдонга келди. 1899 й. йирик антиимпериалистик Ихэтуань қўзғолони бўлиб ўтди. Империалистик давлатлар (Буюк Британия, Германия, Австрия-Венгрия, Франция, Япония, АҚШ, Россия, Италия) Х.га қарши интервенция бошлаб, 1900 й. авг.да Пекинни ишғол қилдилар. 1901 й. 7 сент.да чет давлатлар б-н Х. ўртасида «Якунловчи баённома» имзоланиб, Цин империяси ярим мустамлакага айлантирилди. 20-а. бошида Х. ярим мустамлака мамлакатнамунаси эди. 1905 й. Сунь Ятсен Японияда Тунмэнхой инқилобий партиясини тузди. 1910 й.га келиб шаҳар ва қишлоқларда қўзғолонлар янгидан авж олди. Х.да т.ф. қурилишини чет эл монополияларига топширишга қарши 1911 й. сент.да Сичуанда бошланган ҳаракат ҳукуматга қарши қўзғолонга қўшилиб кетди. Бу қўзғолонлар Синьҳай инқилобининг бошланишига сабаб бўлди. 1911 й. дек. да Сунь Ятсен 16 й.лик эмиграциядан қайтиб келди. 1912 й. 1 янв.да Х. расман республика деб эълон қилинди. 1912 й. 12 фев.да Цин сулоласи ағдарилиб, монархия бекор қилинди. Инқилобий вилоятлар вакилларининг Нанкиндаги мажлисида Сунь Ятсен Х. республикасининг муваққат президенти қилиб сайланди. Аммо шим.даги хитой помешчиклари ва ҳарбий доиралари Юань Шикай бошчилигида инқилобий жан.га қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлади. 1912 й. 25 авг.да Сунь Ятсен тарафдорлари Гоминьдан партиясини туздилар. Х.да Шимолий Х. ва Жанубий Х. ҳукуматлари пайдо бўлди.

Шанхай шаҳри.

1-жаҳон уруши (1914—18) даврида Япония Х.га нисбатан ўз экспансиясини кучайтирди. Пекиннинг Антанта давлатлари б-н боғланган милитаристик ҳукумати 1917 й. авг.да Германияга қарши уруш эълон қилди. Жанубий Х. ҳукуматини 1917 й. сент.дан 1919 й.гача Сунь Ятсен бошқарди.

Х.даги инқилобий ҳаракатнинг ривожланишида хитой халқининг 1919 й. май—июнь ойларидаги мустамлакачиларга қарши чиқишлари («Тўртинчи май» ҳаракати) муҳим босқич бўлди. 1921 й. июлда Шанхайда Хитой Коммунистик партияси (ХКП)нинг 1-таъсис съезди бўлиб ўтди. Сунь Ятсен ХКП ва ишчи-деҳқон ҳаракати б-н яқинлашиш йўлини танлади. 1923 й. фев.дан Сунь Ятсен яна Гуанчжоуда Жанубий Х. ҳукуматини бошқарди ва Миллий инқилобий армия (МИА)ни тузди.

1924 й. кузда инглизлар Хитой мухлифатчи кучлар б-н биргаликда Сунь Ятсен ҳукуматини ағдариб ташламоқчи бўлдилар, лекин МИА ва ишчи отрядлари бу ҳаракатни бостирдилар.

1925—27 й.ларда Х.да коммунистлар раҳбарлигида инқилоб бўлди. 1925 й. 1 июлда Гуанчжоу ҳукумати ўзини Миллий ҳукумат деб эълон қилди. 1925—26 й.ларда МИА Гуанси, Гуйчжоу провинциялари ва Хунан провинциясининг жан. қисмида инқилобий ҳокимият ўрнатди. Шундан кейин коммунистлар б-н гоминдончилар ўртасида ҳокимият учун кураш бошланди. Коммунистлар совет ҳукумати, Чан Кайши бошчилигидаги гоминдончилар АҚШ ёрдамига суянди. Совет ҳукумати ёрдамидан тўла фойдаланиш мақсадида коммунистлар ўз базаларини шим.га кўчиришни лозим топди. Шу боис 1926 й. июлда МИА шим.га юриш бошлади. 1927 й. мартда ХКП раҳбарлигида кўзғолон кўтарган Шанхай ишчилари шаҳарни озод қилдилар. Тез орада Нанкин ҳам озод этилди. Гоминьданнинг ўнг қаноти МИА Бош қўмондони Чан Кайши бошчилигида 1927 й. 12 апр.да Шанхай ва Нанкинда, сўнгра Гуанчжоуда тўнтариш қилди. 1927 й. 18 апр.да Нанкинда акселинқилобий «Миллий ҳукумат» тузилди. 1927 й. июлда Уханда ҳам акселинқилобий тўнтариш ўтказилди. Кўп ўтмай чап қанот гоминьдончилар ҳам уларга таслим бўлди. ХКП қонундан ташқари деб эълон қилинди.

Хитой миллий инқилоби маглубиятдан сўнг гоминьдан реакцион диктатураси қарор топди.

Х.нинг кўп қисмида гоминдан ҳукмронлигига қарамасдан айрим қишлоқ р-нларида ХКП раҳбарлигида Х. Қизил армияси отрядлари, ўша даврда советлар деб аталувчи инқилобий демократик ҳокимият ўчоқлари (асосан, Жан. ва Марказий Х.да) тузилди, демократик тадбирлар амалга оширилди. 1931 й. нояб.да Жуйцзинь ш. (Цзянси провинциясида Х. совети р-ни вакилларининг 1-Умумхитой съезди бўлиб, у Хитой Совет Республикаси (ХСР)нинг МИК ва Муваққат марказий ҳукуматини сайлади, ХСР конституцияси лойиҳасини қабул қилди. 1930—33 й.ларда Х. Қизил Армияси гоминьдан қўшинларининг 4 йирик юришини қайтарди.

1931 й. охирида япон қўшинлари Шим.-Шарқий Х.ни ишғол қилиб, 1932 й.да Маньчжоу-Го қўғирчоқ ҳукуматини тузди. 1933 й. япон қўшинлари деярли қаршиликсиз Жэхэ провинциясини босиб олди. 1933—34 й.ларда Чан Кайши Х. совет р-нларига қарши 5-йирик юриш қилди. Х. Қизил Армияси (ХКП МК б-н бирга) Марказий Х.ни ташлаб шим.-ғарбга кўчиб ўтишга мажбур бўлди (1934 й. окт. — 1936 й. нояб.) ва Шэньси ҳамда Ганьсу провинциялари чегарасига чиқди. 1936 й. Япония агрессияси хавфининг кучайиши ва кенг халқ оммасининг норозилиги гоминьдан раҳбарларини Х. Қизил Армиясига қарши курашни тўхтатишга мажбур этди.

1937 й. июлда Япония бутун Х.ни босиб олиш режасини амалга оширишга киришди. Урушнинг биринчи ойларидаёқ японлар Х.нинг катта қисмини, жумладан, Бэйпин (Пекин), Тяньцзинь, Шанхай ва б. шаҳарларини босиб олди. Хитой халқининг япон босқинчиларига қарши озодлик уруши (1937—45) бошланди. Халқнинг тазйиқи остида гоминьдан раҳбарлари 1937 й. 23 сент.да ХКП б-н гоминьдан ўртасида ҳамкорлик ўрнатилганлигини маълум қилди. Япон қўшинлари 1937 й. июлдан 1938 й. окт.гача Шимолий Х.нинг барча ҳудудини, Марказий Х.нинг бир қисмини, шунингдек, Жанубий Х.нинг муҳим денгиз бўйи р-ларини босиб олди. ХКП японлар босиб олган р-ларда партизанлик ҳаракатини кенг авж олдирди.

Совет Армияси ўтказган Манжурия стратегик операцияси (1945) натижасида Шим.-Шарқий Х. ва Ички Монголия япон милитаристларидан озод этилди. 1945 й. 2 сент.да Япония сўзсиз таслим бўлди. 1945 й. 13 окт.да Чан Кайши ҳукумати қўшинлари озод қилинган ҳудудларга ҳужум бошлади. Гоминьдан ҳукумати ва ХКП ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга келишган (1946 й. 10 янв.) бўлса ҳам 1946 й. июлда Чан Кайши тарафдорлари бутун мамлакат миқёсида фуқаролар урушини яна бошлаб юборди. АҚШ чанкайшичиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсата бошлади. Бидавчиларга қарши муваффақиятли жанглар олиб бориб, 1948—49 й. янв. бутун Шим.-Шарқий Х., Шимолий Х.ни, Шим.-Ғарбий Х.нинг кўп қисмини, Марказий Х.нинг Янцзи дарёсигача бўлган ерларини озод қилди. 1949 й. кузга келиб Х. Халқ озодлик армияси ҳужумни давом эттирди ва Шим.-Ғарбий Х. ва Марказий Х.ни, Жан. ва Жан.-Ғарбий Х.нинг катта қисмини озод қилди. Чан Кайши тўдаси эса Тайванга қочди. 1949 й. 1 окт.да Пекинда Хитой Халқ Республикаси (ХХР) тузилганлиги эълон қилинди. Шарқий Туркистон, Ички Монголия ва Тибет ҳам ушбу республикага киритилди.

ХХР тузилгач, давлатни бошқаришни ўз зиммасига олган Мао Цзедун бошчилигидаги Х. раҳбарияти ва ХКП ХХРнинг бош йўли — мамлакатда социалистик жамият қуриш эканлигини эълон қилди ва хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш, қ.х.ни жамоалаштириш, социализмнинг совет модели негизини яратиш йўлини танлади. 1951 й. Х. ҳудудини гоминьдончилардан озод этиш (Тайвань ва Пэнхуледаодан ташқари) тугалланди. 1952 й. ХХР ҳукумати жойларда халқ ҳокимияти органларини тузиш, гоминьдончиларни йўқотиш, йирик капитални мусодара қилиш бўйича катта ишларни амалга оширди. 1953 й. аграр ислоҳотлар ўтказилди. 300 млн.га яқин ерсиз ва кам ерли деҳқонлар ва уларнинг оилаларига собиқ заминдорлар ерлари бўлиб берилди. 1953—54 й.ларда маҳаллий ва марказий ҳокимият органларига умумий сайловлар бўлди. 1954 й. сент. да Умумхитой халқ вакиллари мажлисининг I-сессияси бўлиб, ХХР конституцияси қабул қилинди.

50-й.ларнинг 2-ярмида Мао Цзедун бошчилигидаги ХХР раҳбарлари 1958—60 й.ларда «катта сакраш» (беш йил мобайнида саноат и.ч.ини 6,5 марта, қ.х. ишлаб чиқаришини 2,5 марта кўпайтириш) йўлини тутдилар. Барча қ.х. кооперативлари «халқ коммуналари»га айлантирилди.

1966—76 й.ларда «маданий инқилоб» амалга оширилди. Мао Цзедун шахсига сиғиниш авж олди. Хавфсизлик органлари ва армия иштирокида, шунингдек, сиёсий жиҳатдан чиниқмаган ўқувчи ёшлар ва талабалардан тузилган хунвэйбинлар («қизил қўриқчилар») ҳамда цзаофанлар («ғалаёнчилар») отрядлари ёрдамида Мао Цзедун кўрсатмасига биноан мингларча масъул партия ва давлат ходимлари ва зиёлилар ишдан олиниб, сургун қилинди ёки уй қамоғида сақланди. Провинция ва уездларда партия қўмиталари ва халқ томонидан сайланган ҳокимият органлари амалда тарқатиб юборилди ва тепадан тайинланадиган, армия вакиллари асосий роль ўйнаган «инқилобий қўмиталар» б-н алмаштирилди, халқ хўжалигидаги танглик янада чуқурлашди. Хитой КПнинг бу сиёсати (кейинчалик Х.да кескин танқидга учраган) Мао Цзедун вафоти (1976)дан кейин қайта кўриб чиқилди. Бунда иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш орқали 21-а. ўрталарига келиб Х.ни юксак даражада ривожланган давлатга айлантириш вазифаси қўйилди. Корхоналарнинг хўжалик юритиш фаолиятидаги мустақиллиги оширилди, кўп укладли иқтисодиётга рухсат берилди, хорижий сармояларни жалб қилиш мақсадида Х.да «очиқ иқтисодий р-лар» ва «махсус иқтисодий ҳудудлар» ташкил этилди. 1990-й.ларнинг бошларидан Хитой КП томонидан амалга оширилаётган «социалистик бозор хўжалиги»га ўтиш шаклланди. Х.нинг Буюк Британия б-н тузган битими (1989)га мувофиқ Синган (Гонконг) Х.га ўтди ва ХХРнинг махсус маъмурий р-ни мақомини олди. Х. 1971 й.дан БМТ аъзоси (1945 й. Сан-Франциско конференциясида БМТ уставига гоминьдан ҳукумати вакили имзо чеккан. ХХР тузилгач, унинг БМТ даги ўрнини Тайвань ноқонуний равишда эгаллаб келган, ХХР эса бу ташкилотда вакиллигидан маҳрум қилинган эди. 1971 й. 25 окт.да БМТ нинг Бош Ассамблеяси ХХРнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш ва БМТ ҳамда унинг барча органларидан Тайвань вакилларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди). Х. 1991 й. 27 дек.да ЎзР суверенитетини тан олган ва 1992 й. 2 янв.да дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 1 окт. — Республика эълон қилинган кун (1949).

Сиёсий партия ва ташкилотлари, Х. халқ сиёсий маслаҳат кенгаши, касаба уюшмалари. Х. Коммунистик партияси (ХКП, 1921 й. тузилган; Бош котиби *Ху Цзинтао*, 50,3 млн. аъзоси бор); Гоминьдан инқилобий қўмитаси, 1948 й. асос солинган; Х. Демократик лигаси, 1941 й. тузилган; Х. Демократик миллий қурилиш ассоциацияси, 1945 й. тузилган; Х. Демократия тараққиётига кўмак берувчи ассоциация, 1945 й. ташкил этилган; Х. деҳқон-ишчилар демократик партияси, 1947 й. асос солинган; Чжунго чжигун дан (Х. давлатга интилиш партияси), 1925 й. тузилган; Цзюсань сюе шэ (3 сент. жамияти), 1946 й. тузилган; Тайвань мухторияти демократик лигаси, 1947 й. асос солинган; Х. халқ сиёсий маслаҳат кенгаши; 1949 й. тузилган. Умумхитой касаба уюшмалари федерацияси, 1925 й. тузилган.

Хўжалиги. Х. — индустриал-аграр мамлакат. 1949 й. халқ инқилобидан сўнг халқ хўжалигини тиклашга киришди ва дастлабки 5 й. ичида юксак натижаларга эришди. Аммо ундан кейинги 20 й.дан ортиқ давр ичида иқтисодиётда ниҳоятда қийин аҳволга тушиб қолди. 1978 й.да бошланган иқтисодий ислоҳотлар мамлакат иқтисодиётини ривожланиш йўлига олиб чиқди. Иқтисодий ўсиш суръати йилига ўрта ҳисобда 8—10%, хусусий мулкчиликка асосланган тармоқларда 30% га ошди. 1980-й.лар охирида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2 баравар кўпайди, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари б-н таъминлаш муаммоси ҳал бўлди. 1990-й.лар охирида ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 49%, қ.х.ники 19%, хизмат кўрсатиш тармоғиники 32%ни ташкил этди.

Саноатида кўп тармоқли машинасозлик [станоксозлик, қ.х. ва транспорт машинасозлиги, тракторсозлик, автомобилсозлик (2003 й. 4 млн. 443 минг 700 дона автомобиль ишлаб чиқарилди), электр энергетикаси ва б. саноат жиҳозлари, электрон буюм ва приборлар, шунингдек, велосипед, тикув машиналари, соат ва б. ишлаб чиқариш], кимё, қора металлургия муҳим мавқега эга. Саноатнинг асосий тармоқларидан — тўқимачилик [ип-газлама (1996 й. 22,1 млрд. метр), шойи, жун газлама и.ч.], озиқ-овқат саноати ривожланган. Иссиқлик энергетика базасининг асоси — кўмир. У, асосан, Х.нинг шим. ва шим.-шарқида қазиб олинади (1993 й. 1149 млн. тонна). Нефть мамлакат шим.-ғарби ва шим.-шарқида қазиб олинади (142 млн. тонна). Х. шим.-шарқида ёнувчи сланец конлари, Сичуань сойлиги ва Цайдам текислигида газ конлари бор. Йилига ўртача 1654 млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади (асосан, иссиқлик электр ст-яларида). Пўлат (йилига 86 млн. тонна), рангли металлар (алюминий, мис, рух, қўрғошин, қалай, сурма) эритилади. Цемент (490 млн. тонна), минерал ўғит (27 млн. тонна) ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик ҳам катта аҳамиятга эга [энг қад. тармоқлари — йигирув-тўқув, керамика (чинни ва фаянс) ва уй-рўзғор буюмлари и.ч.]. Х. бадиий-ҳунармандчилик буюмлари б-н ҳам машҳур.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Қ.х.да фойдаланиладиган ернинг 93 млн. гектари (мамлакат ҳудудининг 10%) ишланади, 49% сугориладиган ерлар. Экин майдонининг 2/3 қисмини шоли, буғдой, батат, картошка эгаллайди, 18% га техника экинлари (пахта, соя, ер ёнғоқ, чой, тамаки, жут, шакарқамиш, қанд лавлаги ва б.) экилади. Шунингдек, тариқ, арпа, гречиха ҳам етиштирилади. Х.нинг жан.даги денгиз соҳиллари ва Сичуань сойлигида шакарқамиш, шарқий ва марказий р-ларида чой ўстирилади. Тунг ва лак дарахтлари ҳам ўстирилади. Тропик, субтропик ва мўътадил минтақаларда кўп тармоқли богдорчилик (цитрус мевалар, ананас, банан, манго, олма, нок ва ҳ.к.) ривожланган. Айрим р-ларда токчилик б-н шуғулланилади. 1992 й. 443 млн. тонна галла, 5 млн. тоннага яқин пахта етиштирилди.

Чорвачиликда Х.нинг ҳар бир йирик р-ни ўзига хос йўналишга эга. Шарқий Х.да чўчқачилик, паррандачилик ривожланган, иш ҳайвонлари кўпайтирилади. Ички Монголия, Синьцзян-Уйғур мухтор р-нининг шим. қисми ва Тибетда яйлов чорвачилиги (қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик) асосий ўринда. 1996 й. 109 млн. қорамол, 452 млн. чўчқа, 127 млн. қўй бўлган. 1992 й. 29 млн. тонна гўшт, 5 млн. тонна сут тайёрланган. Янцзи ва Чжуцзян дарёлари ҳавзаларида тут ипак қурти, Шим.-Шарқий Х.да ва Шанъдунда дуб ипак қурти боқилади. Х. дунёда табиий шойи етиштирувчи йирик давлатлардан бири. Х. балиқ ва б. денгиз ҳайвонларини овлашда дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Чучук сув ҳавзаларида ва шолиюларда балиқчилик ҳам кенг тарқалган. Х.да ёғоч тайёрланади, ёввойи ўсимлик мевалари ва шифобахш ўтлар йиғилади.

Транспорти. Т.й. транспортнинг асосий тури. Уларнинг уз. 73 минг км. Х.нинг шарқий портлари т.й. орқали Монголия, Россия, Марказий Осиё давлатлари, Эрон ва Европа мамлакатлари б-н боғланган. Автомобиль йўллари уз. 1,278 млн. километр. Сўнгги йилларда тез юрар автомобиль йўллари қуриш ривожланган. Уларнинг уз. 8733 км.

Ички сув йўлларининг уз. 150 минг км дан ортиқ. Йирик денгиз портлари: Шанхай, Далянь, Цинхуандао, Циндао, Гуанчжоу (Хуанпу б-н), Тяньцзинь (Синьган б-н). ХХРнинг кўп шаҳарлари жаҳондаги йирик шаҳарлар ҳаво йўллари б-н боғланган.

Ташқи савдоси. Х. четга кўмир, чой, балиқ, тўқимачилик хом ашёси, шойи маҳсулотлари, трактор ва автомобиль, вольфрам рудаси, электрон, тўқимачилик ва машинасозлик саноати маҳсулотларини чиқаради. Четдан машина ва жиҳозлар, мураккаб ҳисоблаш техникаси, нефть, ғалла, кимёвий ўғит, ёғоч ва б. олади. Ташқи савдода Япония, АҚШ, Германия, Россия, Покистон б-н ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — юань.

Тиббий хизмати. Х.да 1978 й.дан бошлаб ўтказила бошлаган иқтисодий ислоҳотлар натижасида тиббий хизмат кўрсатиш тармоғида ҳам туб ўзгаришлар юз берди.

Илгари ёпилган тиббиёт ўқув юртлари ва тиббий муассасалар қайта тикланди ва янгилари очилди. 1999 й. мамлакатда 310 минг касалхона ва б. даволаш масканлари фаолият кўрсатди. Касалхоналардаги ўринлар сони 2,91 млн., тиббий хизматчилар сони 4,42 млн., жумладан, шифокорлар сони 1,41 млн.дан ошди. Мамлакатда фаолият кўрсатаётган санитария-эпидемиология ст-ялар сони 5907 дан, улардаги хизматчилар сони 220 мингдан, тиббиёт муассасалари сони 2724 ва улардаги хизматчилар сони 73 минг кишидан ошди. ХХРда халқ табобати ман этилмаган. Аксинча, унга эътибор кучайтирилган. Ушбу соҳада махсус ўқув масканлари, шифохоналар, дорихоналар мавжуд. Кўп хитой шифокорлари ўз фаолиятларини ғарб, халқ табобат услуби асосида олиб борадилар. Барча дорихоналарда халқ табобати негизида яратилган дори-дармонлар сотиладиган бўлимлар мавжуд. Халқ табобатига доир махсус қўлланма ва адабиётлар ҳам тез-тез нашр қилиниб туради.

Халқ маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. ХХР ташкил топгунга (1949) қадар аҳолининг 80% саводсиз бўлган. Халқ ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг маориф тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Лекин «маданий инқилоб» йилларида маориф тизими

Цинхай провинциясидаги қишлоқ.

ҳам тангликка учради. Уни амалга ошириш вақтида деярли барча ўқув юртлари ёпилди, саводсизликни тугатиш бўйича ишлар тўхтатилди. Халқ маорифи тизимида 1985 й.дан бошланган ислоҳотлар асосида мамлакатда 9 й.лик мажбурий таълим жорий этилди. У бошланғич (ўқиш муддати 5 й.) ва ўрта умумий таълим мактабидан иборат. Ўз навбатида ўрта умумий таълим мактаби 1 ва 2 босқичли бўлиб, уларда ўқиш муддати 5 ёки 6 й. Ўрта махсус ўқув юртлари ва касб-ҳунар-техника билим юртлари мавжуд. Олий ўқув юртларида 4,13 млн. талаба таълим олади (1999). Йирик олий ўқув юртлари: *Пекин университети*, Нанкин ун-ти, Шанхайдаги Тунцзи ва Фудань ун-тлари, Пекиндаги «Цинхуа» политехника ин-ти, Пекин авиация, машинасозлик ин-тлари, ўлка ва мухтор р-н марказларидаги ун-тлар ва б. Йирик кутубхоналари: Пекин миллий кутубхонаси (4,5 млн. асар), Хитой ФА нинг марказий кутубхонаси (2,6 млн. асар), Нанкин кутубхонаси (2,4 млн. асар), Шанхай кутубхонаси (7,1 млн. асар) ва б. Музейлари: Пекиндаги сарой музейи, Хитой музейи, Хитой тарихий музейи, Тяньцзинь тарих музейи, Шанхайдаги тиббиёт тарих музейи, Шанхай музейи, Пекиндаги геол. музейи, ўлка ва мухтор р-нлардаги музейлар ва б.

И.т.лар Х. фанлар академияси (1949), Тиббиёт ФА (1956), Қ.х. фанлар академияси ин-т ва и.т. муассасаларида ҳамда олий ўқув юртларида олиб борилади. Х.да, шунингдек, Ўрмончилик академияси, Хитой анъанавий тиббиёти и. т. институти, Геол. фанлари академияси, Т.й.лар вазирлиги и.т. институти, Чўян ва пўлат марказий ин-ти, Рангли металлар марказий академияси, Нефть қидирув ва қазиш и.т. институти, тўқимачилик и.т. институти ҳам фаолият кўрсатади. 1999 й. Хитойда 2,71 млн. киши и.т. ишлари б-н шуғулланди. 1981 й.дан талқиқотчиларга бакалавр, магистр ва фан д-ри каби илмий даражаларини бериш тизими жорий этилди. Барча и.т.лар ХХР Давлат кенгаши ҳузуридаги фан ва техника давлат қўмитаси томонидан мувофиқлаштириб турилади.

Чой плантациясида.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Х.да бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Йириклари: «Баньюэтань» («Суҳбат», 2 ҳафтада 1 марта чиқалиган жур., 1980 й.дан), «Бэйцзин жибао» («Пекин газетаси», кундалик газ., 1950 й.дан), «Вэньхуэй бао» («Адабий оқим», кундалик газ., 1937 й.дан), «Гуанмин жибао» («Ёруғлик», кундалик газ., 1949 й.дан), «Гуанси жибао» («Гуанси газетаси», кундалик газ.), «Гунжэнь жибао» («Ишчилар газетаси», кундалик газ., 1949 й.дан), «Жэньмин жибао» («Халқ газетаси», кундалик газ., 1948 й.дан), «Наньфан жибао» («Жанубий газета», кундалик газ., 1952 й.дан), «Пекин ревью» («Пекин шарҳи», ҳафталик сиёсий ва назарий жур., 1958 й.дан), «Синьцзян жибао» («Синьцзян газетаси», кундалик газ.), «Сичуань жибао» («Сичуань газетаси», кундалик газ., 1952 й.дан), «Цзинцзи жибао» («Иқтисодий газета», ҳафтада 6 марта чиқалиган газ., 1983 й.дан), «Цюши» («Ҳақиқатга интилиш», жур.), «Чжунго цинянь бао» («Хитой ёшлари», ҳафтада 4 марта чиқалиган газ., 1951 й.дан), «Чжунго шаонянь бао» («Хитой пионерлар газетаси», кундалик газ., 1951 й.дан), «Шанхай стар» («Шанхай юлдузи», инглиз тилидаги газ., 1992 й.дан). Синьхуа расмий ахборот агентлиги 1931 й. 7 нояб.да ташкил этилган, дастлаб Қизил Хитой агентлиги деб номланган; 1937 й.дан ҳоз. номда. Миллий радиоэшиттириш ҳукумат хизмати 1947 й. тузилган. Марказий телевидениега 1958 й. асос солинган. 1993 й. дек.да мамлакатда 500 дан ортиқ телевизион ст-я ишлади.

Адабиёти. Х. адабиёти жаҳонда энг қад. адабиётлардан бири бўлиб, уч минг йиллик анъаналарга эга. Қадимги Х. адабиётининг биринчи йирик шеърий асари «Шицзин» («Қўшиқлар китоби», мил. ав. 11—6-а.лар) халқ қўшиқлари ва диний маросим мадҳиялари мажмуасидан иборат. Мил. ав. 1-минг йилликка мансуб бадиий наср фалсафа, тарих, геогр. ва б.га доир асарлар б-н узвий боғлиқ («Шан шу» — «Тарихий ривоятлар китоби» ва б.). Сима Цяннинг (мил. ав. 1-а.) «Ши цзи» («Тарихий хотиралар») китоби Хань даври (мил. ав. 206 — мил. 220-й.лар) насрининг йирик ёдгорлиги ҳисобланади. Шеъриятнинг муҳим қисмини ташкил этган лирик ва сатирик халқ қўшиқлари (юэфуда халқ ҳаёти ўз ифодасини топган. 4-а. охири — 5-а. бошларида яшаган йирик новатор шоир Тао Юаньмин (365—427) шеърияти ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадалардан иборат бўлди. Мамлакатни Тан сулоласи (618—907) бирлаштиргач, адабиёт ривожи учун қулай шароит яратилди. Худди ўша даврда янь янь — хитой адабий тили узил-кесил шаклланди.

7—10-а.ларда Чэнь Цикан, Ван Вэй шеърлари машҳур бўлди. Адабиётнинг янада тараққий этишида Ли Бо, Ду Фу ва Бо Цзюйи каби шоирларнинг таъсири катта бўлди. 8—9-а.ларда новелла жанрида юксак ютуқларга эришилди (Юань Чжэнь, Бо Синцзянь, Ли Гунцзо). 10—13-а.ларда шоирлардан Ван Аньши, Су Ши, Лю Юн, Лу Ю, шоира Ли Цинчжао машҳур бўлган. Оуян Сю тарихий ва фалсафий мавзуда асарлар яратди.

Мўғулларнинг Юань сулоласи ҳукмронлиги даври (1280—1368)да шаҳарлар ривож топди. 13-а.да мамлакат шимолда қаҳрамонлик ва маиший мавзуларда мусиқий драма жанри шаклланди. 14-а.да эпопея-роман жанрининг шаклланиши адабиётда муҳим воқеа бўлди. 16-а. охирларидан наср янги босқичга кўтарилди, тарихий-фантастик, ижтимоий-маиший романлар яратилди.

Х.ни манжурлар босиб олган (1644)дан кейин мухолиф кайфиятдаги шоирлар пайдо бўлди, маърифатпарварлик руҳи авж олди. Классик роман чўққиси бўлиб майдонга келган Цао Сюэцин (тахм. 1715—62)нинг «Қизил кўшкдаги уйқу» романида эзодагонларнинг ахлоқий ва иқтисодий тушкунлиги ифодаланди.

Янги давр адабиёти (19-а. ўрталари — 1917) манжур-хитой эзодагонлари, империалистик давлатлар зулмига қарши озодлик ҳаракатини, жамият тушкунлигини акс эттирди. Ғарб маданияти б-н биринчи танишув бошланди. 1900-й.ларнинг бошларидаги инқилобий кўтарилиш кўпгина адиблар ижодида ўз ифодасини топди.

1919 й.да бошланган «4 май» озодлик ҳаракати давридан эътиборан энг янги адабиёт вужудга келди. Бу адабиётнинг илк йирик намояндаси Лу Синь (1881—1936) асарларида олдинчи марта асар қаҳрамонлари биринчи қаламга олинди. 1922 й.да «Ижод» гуруҳига уюшган адиблар романтик руҳда асарлар яратдилар. 20-й.лар бошларидан шеъриятдаги сўзлашув тилига асосланган янги шакл классик шеърият шаклларини сиқиб чиқарди. Х. халқининг япон босқинчиларга қарши миллий озодлик уруши (1937) даврида ватанпарварлик руҳида ёзилган кичик ҳажмдаги асарлар кенг ёйилди. Япония тор-мор этилгач (1945), адабиёт мамлакатни демократик ривожлантириш учун курашни авж олдирди. Х. Компартияси раҳбарлигида халқнинг озодлик учун курашига ёрдам берадиган инқилобий адабиёт ривожлана бошлади. 1949 й. ХХР ташкил қилиниши социалистик қурилишни акс эттирадиган, янги кишини тарбиялашга хизмат қиладиган янги адабиёт ривожига имкон яратди. Чжао Шули (1906—70)нинг «Саньливань қишлоғи», Чжоу Либо (1908—79)нинг «Пўлат оқим» романларида ишчи ва деҳқонларнинг янги ҳаёти ва меҳнати ифодаланди. Тарихий-инқилобий сюжетларда романлар (Ян Моннинг «Ёшлик қўшиғи») яратилди. 50-й.ларнинг бошларида тинчлик ва халқлар дўстлиги мавзуларида, айниқса, шеъриятда муҳим асарлар ижод қилинди. Лекин 1958 й.да «инқилобий романтизм б-н инқилобий реализмнинг уйғунлиги» Х. адабиётида бирдан бир ижодий метод деб эълон қилинди. Амалда эса ижод аҳлидан хаспўшлаб акс эттириш, воқеаларни идеаллаштириш талаб қилинди. 60-й.лар ўрталаридан «маданий инқилоб» бошланиши муносабати б-н янги бадиий асарлар яратилмай қўйди, таржима асарларини нашр этиш тўхтатилди, кўпгина адабий-бадиий журлар ёпилди. Х. ёзувчилари уюшмаси (1953 й.дан ташкил қилинган)нинг фаолияти ҳам, асосан, тўхтаб қолди. 1970-й.ларнинг бошларидан адабий ҳаётда бир оз жонланиш юз берди. «Маданий инқилоб» йилларида қувғинга учраган ёзувчи ва шоирларнинг катта гуруҳи оқланди, уларнинг фаолияти қайта тикланди. Улар томонидан ёзилган асарлар нашрдан чиқарилди. Халқнинг онгини бозор муносабатларига мослаштириш, ўтган даврга танқидий ёндошиш, миллийликни сақлаб қолиш каби масалалар янги адабиётнинг асосий гоясига айланди. Жаҳон адабиётининг хитой адабиётига бўлган таъсири кучайди.

1977 й.дан пьеса, шеър, насрий ва публицистик асарлар пайдо бўла бошлади. Бу йилларда яратилган асарларда ўн йиллик тартибсизликлар давридаги турмуш очиб берилди. Наср, айниқса, ҳикоя жанри жонланди. Лю Синьунинг «Синф раҳбари», Ван Мэннинг «Сартарош ҳикояси», Жу Чжицюаннинг «Кутилмаган воқеа» каби ҳикоялари шуҳрат қозонди. Қиссалардан Шэнь Жуннинг «Ўртача ёш», Е. Вэйминнинг «Дарёда мўлжалсиз сузиш», Лу Яньчжоунинг «Будутлар ортидаги тоғлар

Пекин шаҳридаги маъмурий бино.

қиссаси» ажралиб туради. Шунингдек, Чжоу Кэшиянинг «Сюй Мао ва унинг қизлари», Вэй Вэянинг «Шарқ», Ли Чжуниинг «Хуанхэ шарққа қараб оқади», Гу Хуанинг «Нилуфар гуллари водийсида» романлари пайдо бўлди.

Меъморлиги. Х. ҳудудида мил. ав. 4—1-минг йилликка оид манзилгоҳлар сақланган. Мил. ав. 2-минг йилликда деворлар б-н ўралган, ибодатхона ва саройлари бўлган шаҳарлар пайдо бўлди (пойтахт Аньянь ш. саройи харобалари). Синчли бинолар қурилган. Мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида меъморлик ва шаҳарсозлик принциплари шаклланди. Мамлакат марказлашган ягона Цинь давлатига бирлаштирилгач (мил. ав. 221—207), *Буюк Хитой девори*нинг асосий қисми қурилди. Цинь ва Хань даврлари (мил. ав. 206— мил. 220)да 2—3 қаватли уйлар, йирик саройлар қурилди. Мил. ав. 3-а.гача мураккаб конструкцияли улкан саройлар, катта кўприк, мақбара, дарвозалар қурилди (Сичуань провинцияси, Яань уездидаги Гаои цюе). 3—6-а.ларда буддизм таъсири натижасида кўп ярусли ибодатхона — пагодалар барпо этилди (Хэнань провинциясида, 523). 7—12-а. хитой меъморлиги шаклларининг қатъийлиги ва маҳобатлилиги б-н ажралиб туради. Бу даврда Лоян, Чанъан ш.лари, сарой ва ибодатхона мажмуалари (Утайшань тоғларидаги Фогуан ибодатхонаси, 857), пагодалар (Сианя яқинидаги Даяньта ёки «Ёввойи ғозлар» катта пагодаси, 652). Сун давлати даврида Х. меъморлигига шаклларнинг ниҳоятда нафис ва мутаносиблиги хос (Кайфиндаги Тета ёки «Темир» пагода, 1041—48). Мўғулларнинг Юань сулоласи ҳукмронлиги даври (13—14-а.)да юанлар давлати пойтахти Даду (кейинчалик Пекин)да бинолар ансамбли қайта қурилди, сарой мажмуалари яратилди.

19-а. 2-ярмида Шанхай, Тяньцзинь, Нанкин, Гуанчжоу каби йирик шаҳарларда Европа типидаги эклектик бинолар пайдо бўлди (Ихэюань боғидаги Циньяньфан сарой павильони, Пекиндаги кутубхона). 20-а. 80-й.лардан замонавий қурилиш конструкциялари миллий меъморий анъаналар б-н уйғунлаштирилиб, йирик бино ва иншоотлар бунёд этилди.

Тасвирий санъати. Х.нинг қад. санъат ёдгорликлари мил. ав. 3-минг йилликка мансуб. Х.нинг кўп жойларидан нафис ишланган сопол идишлар, жез ва нефритдан ишланган ва шакли ҳамда гули ҳар хил бўлган буюмлар, ҳайвонларнинг Инь даврига мансуб тошдан ишланган ҳайкалчалари, Чжоу даври (мил. ав. 11—3-а.)га мансуб амалий-безак санъати асарлари топилган. Мил. ав. 1-минг йилликдан қилич сопи, мебель тайёрлашда лоқдан фойдаланила бошланди. Мил. ав. 4—3-а.ларга оид шойига тушь б-н расм солинган асар сақланган. Хань даври (мил. ав. 206 — мил. 220) мақбараларидан мифология ва дунёвий мавзудаги рельеф ҳамда ёзувлар, одам, уй ҳайвонлари тасвирланган сопол идишлар, олтин ва кумуш б-н безатилган жез буюмлар топилган.

4-а.дан будда ғор ибодатхоналари ҳайкал ва деворий расмлар б-н безатилди (Юньган, Луньминь, Майцзишань). Бу даврда рассом Гу Кайчжи ва хаттот Ван Сичжи ижод қилдилар. Тан (618—907) ва Суи (960—1270) сулоласи даврида Х. санъатининг барча турлари улкан ютуқларга эришди. Бу даврда халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттирувчи монументал рангтасвир пайдо бўлди; расссомликнинг шойи матога тушь ёки бўёқ б-н расм солиш тури шаклланди. У Даоцзи, Ван Вэй, Янь Либень, Чжоу Фан, Хан Ган ва б. Тан даврининг машҳур рассомлари бўлган. Амалий безак санъати ривожланди. Цзиндечжень чинни мануфактурасида тайёрланган маҳсулотлар чет элга чиқарилди ва жаҳонга машҳур бўлди. 16-а.дан бадиий каштадўзлик ва тўқувчилик ривожланди. 19-а. 2-ярмида Х.нинг ярим мустамлакага айланиши ижтимоий ва маданий ҳаётда қарама-қаршиликлар вужудга келтирди, тасвирий санъатда тургунлик кўзга ташланди. Шу даврда Европа санъати таъсирида мойбўёқ рассомлиги пайдо бўлди. 19-а. охиридан рассомлар миллий классикани ижодий ривожлантириш ёки уни Европа услуби ютуқлари б-н уйғунлаштиришга интилдилар. 20-а.нинг 20—30-й.ларида ёғоч гравюраси пайдо бўлди. ХХР ташкил бўлгач (1949), Хитой тасвирий санъа-

Хэнань провинциясидаги Будда ҳайкаллари.

ти жадал суръатда ривожлана бошлади. Бу даврда Цзян Янь, Хуан Чжоу, Е Цяньюй, Ян Чжигуан ва б. самарали ижод қилдилар. «Маданий инқилоб» йиллари Х. рассомлиги инқирози даври бўлди. 1976 й.дан сўнг қайта тиклана бошлади. Рассомлар ўз фаолиятларини такомиллаштириш йўлларини қидира бошладилар. Х.да Ци Байши, Сюй Бэйхун, Пан Тяньшоу, Ли Кучать, Лю Хайсу, Гуань Шаньюэ ва б. рассомлар машҳур. Замонавий тасвирий санъатида турли оқим ва йўналишлар мавжуд.

Мусиқаси. Х. мусиқа маданияти жаҳоннинг энг қад. мусиқа маданиятларидан бири. Унинг манбаи мил. ав. 2-минг йилликдаёқ муайян даражада ривожланган қад. қўшиқ ва рақсларга бориб тақалади. «Шицзин» («Қўшиқлар китоби», мил. ав 11—6-а.лар) да 3000 халқ қўшиғи, маросим мадҳиялари тўпланган бўлиб, халқ қўшиқ санъатининг муҳим ёдгорлигидир. Хитой халқ мусиқаси бир овозли бўлиб пентатоникага асосланган (мил. ав. 7-а.да шаклланган). Кейинчалик 7 ва 12 овозли система пайдо бўлди. Асосий мусиқа чолғулари (анъанавий хитой оркестри, одатда, 100 га яқин чолғудан ташкил топади): торли — сэ, цинь, пипа, эрху, сиху, баньху; пуфлама — сяо, пайсяо, ди, сона, шен; урма — гонг, қўнғироқча, барабан, тарелкалар. Нота ёзувидаги (иероглиф тизими) биринчи профессионал асар — «Юланьцу» («Танҳо орхидея») пьесасидир (муаллифи Цю Мин, 6-а.). 8-а.да балет санъати ривожлана бошлади. 12—13-а.ларда драматик диалог, оркестр жўрлигида куйлаш, пантомима ва рақсни ўзида мужассамлаштирган хитой операси шаклланди. 17-а.нинг ўрталаридан Шарқий Х.да оркестр мусиқаси ривожланди. 19-а. билан 20-а оралиғида Европа мусиқаси таъсири сезилди. 1927 й. консерватория очилди. Х. мусиқасига бошқа мамлакатлар мусиқа санъати ютуқларини олиб киришга интилувчи «Янги хитой мусиқаси» деб номланган илғор мусиқа ҳаракати пайдо бўлди. Композиторлар Не Эр (1912 —35; оммавий ватанпарварлик қўшиқлар муаллифи), Си Синхай (1905—45), Хуан Цзи (1904—38), Чжаншу (1908—38) янги мусиқа асосчиларидир. 1953 й. Х. композиторлар уюшмаси тузилган. Пекин, Шанхай, Шэньянь, Ченду, Тяньцзинь, Сиань, Гуанчжоу ш.ларида консерваториялар ишлайди. Х.да дирижёрлар Ли Дэмунь, Хуан Инзюнь, Янь Лянкунь, Хан Чжунцзе, Чжэнь Сяоин, композиторлар Ли Хуаньчжи, Лю Чжи, Цюй Сисянь, Цюй Вэй, Чжу Цзяньэр, Чжан Жуй, Чжэн Цюфэн, ижрочи-солистлар Лу Чуньлин, Лю Дэхай, Ван Готун, Шэнь Чжунго, вокалчилар Чжан Цюань, Вэй Цисянь, Ху Сунхуа, Ван Кунь, Ли Гунлар машҳур. Сўнгги чорак аср давомида мусиқа санъатида катта юксалиш юз берди. Айниқса, замонавий эстрада жанри тез ривожланди. Ёшлар ўртасида ғарб мусиқасига бўлган интилишнинг кучайиши ҳар хил ёшлар ансамбллари ташкил топишига олиб келди. Европа мусиқа оҳанглари б-н миллий мусиқа оҳангларининг қўшилиб кетиши кузатилди. Мусиқа ижро этишда замонавий мусиқа чолғуларидан фойдаланиш кенг тарқалди.

Театр сарчашмалари халқнинг қўшиқ-рақс ижоди, турли маросим ва ўйинлар б-н боғлиқ томошалардан бошланади. Хань даври (мил. ав. 3-а. — мил. 3-а.)да шаҳарлар ва ҳунармандчиликнинг ривожи театр санъати тараққиётига таъсир этди. Тан даври (7—10-а.лар)да буддизм хитой адабиёти ва санъатига, хусусан, рақс санъатига катта таъсир кўрсатди. 8-а. ўрталарида император Сюань-цзунь саройида «Нокзор» («Лиюань») театр мактаби ташкил қилинди. 10—12-а.ларда профессионал актёрлар труппалари вужудга келди. 13—14-а.ларда театр санъати такомиллашди. 17—19-а.ларда муайян ҳудуд б-н боғланган маҳаллий театр жанрлари (банцзи, циньцян, юэцзюй ва б.) пайдо бўлди. 19-а. ўрталарида маҳаллий театрлар негизида театрнинг янги шакли — Пекин мусиқали драмаси шаклланди; у кейинчалик хитой умуммиллий классик мусиқали драмасига айланди. 20-а. бошларида замонавий драма театри шаклланди (асосан, Европа драма санъати таъсирида). 1907 й.да биринчи драма труппаси — «Кўкламги мажнунтол» («Чуньлюшэ») ташкил қилинди. Ўша йили «Кўклам кучини» («Чуньяншэ») профессионал театри ҳам ташкил топди. 1927 й. Шанхайда илғор театр арбоблари, драматург ва актёрлар «Жанубий жамият» («Наньтоншэ»)га бирлашдилар. 1930—40 й.лардаги йирик драматурглар: Цао Юй, Го Можо, Хун Шэнь, Тянь Хань, Оуян Юйцянь, Ся Янь ва б.

1930 й.да Сўл театр арбоблари лигаси тузилди. 30-й.ларда замонавий драма театр саҳналарида рус ва Ғарбий Европа драматургларининг пьесалари қўйилди (Н.В.Гоголь, А. Н. Островский, М. Горький, Г. Ибсен ва б.нинг пьесалари). ХХР ташкил этилгач (1949), театр санъатида ислоҳот ўтказилди, классик драмалар қайта кўриб чиқилди. 1952 й.да 1-Умумхитой театр ва драма кўригида ислоҳотга якун ясалди. 1963—64 й.ларда театрда инқилоб ўтказиш, классик пьесаларни «замонавий инқилобий пьесалар» б-н алмаштириш масаласи кун тартибига қўйилди, натижада профессионал жамоалар кескин камайиб кетди. «Маданий инқилоб» даври театр санъати учун ҳам тушкунлик даври бўлди. 1976 й.дан сўнг театр тараққиёти янги босқичга ўтди. Ўз асарларида ҳаётни реал акс эттирувчи ёш истеъдодли драматурглар етишди. Замонавий ва тарихий мавзуларда кўплаб пьесалар яратилди.

Киноси. Х.да биринчи фильм 1913 й. яратилган («Сохта эр-хотинлар»). 1920—30-й.ларда прогрессив йўналишдаги фильмлар ишлаб чиқарилди («Балиқчи қўшиғи», «Йўл», «Чорраҳа» ва б.). 1940-й.ларда Х. кинематографчилари ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фильмларни суратга олдилар («Сунгари дарёсида», «Баҳорги сувлар шарққа оқади», «Саккиз минг ли, ой ва булутга йўл» ва б.). 1938 й. сент.да тузилган Яньань киногуруҳи озод этилган ҳудудларда «Яньань ва 8-армия», «Доктор Норман Бетьюн», «Наньнивань» каби ҳужжатли фильмлар яратдилар. 1946 й. Х. шим.-шарқининг озод этилган р-нларида Дунбэй (Шим.-шарқ) студияси (кейинчалик Чаньчунь) ташкил этилди. «Хитой қизлари» (реж.лар Лин Цзифэн ва Чжай Цян), «Пўлат аскар» (реж. Чэнь Инь), «Оқ сочли қиз» (реж.лар Ван Бинь ва Чжан Шуйхуа), «Партия қизи» (реж. Линь Нун), «Тинчлик йўлида» (реж. Хуан Цзолинь) фильмлари 1950-й.лардаги энг яхши фильмлардир. 1950 й. Пекин ш.да кинематография ин-ти ташкил этилган. 1960-й.ларнинг ўрталаридан фильмлар

н.ч. камайди. 1967—69 й.ларда деярли барча студиялар ўз фаолиятларини тўхтатди, фақат бир нечтагина ҳужжатли фильм чиқарилди. 1976 й.дан кейин кино н.ч. аста-секин тиклана бошлади. 1980-й.ларда қишлоқ ҳаёти мавзусидаги «Юэлян қишлоғидаги қаҳқаҳа», «Сюй Мао ва унинг қизлари», «Қишлоққа муҳаббат» ва б. фильмлар яратилди. «Сиань ҳодисаси», «Наньчань қўзғолони» фильмларида инқилоб тарихидан муҳим лавҳалар акс эттирилди. «Қон ҳар доим қайноқ», «Кўприк остида» фильмлари ҳоз. замон ёшлари, уларнинг муаммоларига бағишланди. Шунингдек, Лу Синь, Мао Дунь, Лао Шэ асарлари асосида ҳам фильмлар яратилди. «Булутлар ортидаги тоғлар қиссаси», «Ўртача ёш», «Йилқичи» каби фильмларда хитой халқининг маънавий гўзаллиги ва меҳнатсеварлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Х.да бадиий ҳамда ҳужжатли фильмлар б-н бир қаторда мультипликацион ва илмий-оммабоп фильмлар ҳам ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон — Х. муносабатлари. Ўзбекистон ҳудуди Буюк ипак йўлининг чорраҳаси бўлганлиги туфайли икки давлат ўртасидаги муносабатлар бир неча минг йиллик тарихга эга. Аммо биринчи Хитой элчиси Чжан Цяннинг қад. Фарғона (Давань, Дайюан) давлатига келиши мил. ав. 128 й.да юз берган. Ушбу воқеани икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқанинг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. Элчи ватанига қайтиб боргандан сўнг, хитойликлар нафақат Фарғона, балки бутун Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотларга эга бўлган. Шунинг учун улар элчини ғарбга борадиган Буюк ипак йўлини очган шахс деб билишади. Чжан Цяндан кейин ҳоз. Ўзбекистон ҳудудига келиб кетган элчилар ва будда роҳибларининг сони кўпайган. Қадим замондан бери Ўзбекистон ва Х. ўртасида ижобий аҳамиятга эга бўлган савдо ва б. муносабатлар ривожланган. Шу б-н бирга икки мамлакат ўртасида нохуш дамлар ҳам бўлиб ўтган. Мас., Х.да тезлик воситаси ва бойлик мезони ҳисобланган Фарғона тулпорларини қўлга киритиш мақсадида Хань империяси қўшинларининг Фарғонага қилган уруши (мил. ав. 104—100) ва Тан империяси армиясининг Тошкентга қилган ҳарбий юриши (658) бунга мисолдир. Алоқаларнинг ривожланиши б-н бирга узум, шафтоли, мош, пиёз, ошқовоқ каби мева-сабзавотлар ва тандир нони, сомса каби озиқ-овқатларнинг юртимиз ва қўшни давлатлардан Х.га тарқалиши кузатилган. Ўтган ўрта ва қад. асрларда ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида яшаган кўп кишилар Х.га бориб фаолият кўрсатганлар. Улар нафақат савдо ишларида, балки қурилиш, фан ва техника соҳасида ҳам ном чиқаришган. Айниқса, Х.да ташкил топган ва Юань деб номланган мўғуллар сулоласи даври (1279—1368)да *Маҳмуд Ялавоч*, Умар Шамсиддин ва б. давлат ишларида, Жамолиддин Бухорий, Камолиддин, Муҳаммад Бухорий, хоразмлик Аҳмад Фанакатий ва б. математика ва астрономия соҳасида улкан ишлар қилиб, Х.да машҳур бўлганлар, 13—14-а.ларда бир қатор табиблар Х.да фаолият кўрсатган, улар ёрдамида *Ибн Сино*нинг «Тиб қонунлари» хитой тилига таржима қилинган ва у хитой табобати дурдонаси ҳисобланган «Хуэйхуэй яофан» («Мусулмон дориворлари») ҳамда «Бэньцао ганму» («Гиёҳ дориворлар қонуни») асарларининг яратилишида асос бўлган. Ўзбекистонликлар Х.да исломнинг тарқалишига ҳам катта ҳисса қўшишган. Шу замонларда Самарқанддан борган ва ўғуз қабиласининг солор уруғи авлодидан бўлган 40 дан ортиқ оила Цинхай вилоятига бориб жойлашган. Уларнинг авлоди кўпайиб ҳозир ХХРда мавжуд бўлган 56 халқ (миллат) нинг бирини ташкил қилади.

1368 й. ҳокимият тепасига келган Мин сулоласи даврида Буюк ипак йўли орқали амалга оширилаётган Х. ва Туркистон ўртасидаги алоқалар бироз сусайди. Аммо *Темурийлар* даврида бу алоқалар яна жонланди.

1950 й.дан Ўзбекистон Х.нинг Синьцзян-Уйғур мухтор р-нига кадрлар тайёрлаш, маҳаллий аҳолини уйғур, қозоқ тилларидаги адабиёт ва ўқув китоблари б-н таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ер ости бойликларни аниқлаш, ирригация тизимини яхшилаш бўйича катта ёрдам кўрсатди. Адабиётларни нашр қилиш учун Тошкентда махсус таҳририят, кадрлар тайёрлаш учун Ўрта Осиё давлат ун-ти (ҳоз. Ўзбекистон миллий ун-ти)да махсус кафедра ташкил этилди. 1978 й.дан Ўзбекистон талабалари Х.га тил ўрганиш учун юборилди. Тошкентда термос ишлаб чиқарувчи Х.-Ўзбекистон қўшма корхонаси ташкил этилди (1987). Шу йили Ўзбекистонга ХХРнинг биринчи расмий делегацияси ташриф буюрди. 1990 й. нояб.да Синьцзян-Уйғур мухтор р-ни раиси Темур Давомат Тошкентга келди. 1991 й. июнда илк бор Ўзбекистоннинг расмий делегацияси Урумчига борди. Икки давлат ўртасида савдо ва туристик алоқалар жонланди.

1991 й. ХХР Ўзбекистон мустақиллигини тан олиб 1992 й. дипломатия муносабатлари ўрнатилгач, икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатила бошлади. Ўтган 13 й. давомида икки давлат ўртасида 100 дан ортиқ расмий ҳужжатлар имзоланди. 1992 й. 15 окт.да Тошкентда ХХР элчихонаси, 1995 й. 6 майда Пекинда Ўзбекистон элчихонаси очилди. Шу давр давомида ЎзР Президенти И. Каримов 4 марта (1992, 1994, 1999, 2001 й.) расмий ташриф билан Х.да бўлди. Илк бор расмий ташриф б-н 1995 й. Ўзбекистонга ХХР Давлат кенгаши бошлиғи Ли Пэн келган. ХХР раиси Цзян Цзэмин (1996) ва унинг ўрнини эгаллаган Ху Цзинтао (2004)лар ҳам расмий ташриф б-н Ўзбекистонга келдилар. Ху Цзинтао ХХР раисининг ўринбосари сифатида 1995 й.да ҳам Ўзбекистонда бўлган. Бундан ташқари, ўтган давр давомида икки давлат ташқи ишлар вазирлари, Вазирлар Маҳкамаси раҳбар ходимлари, Парламент делегациялари ва б.нинг ўзаро ташрифлари амалга оширилди. 1994 й.да икки мамлакат ўртасида тузилган савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доимий фаолият кўрсатиб келмоқда. Ху Цзинтаонинг 2004 й. июндаги ЎзРга ташрифи чоғида Ўзбекистон б-н Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма декларация, шунингдек, наркотик воситаларнинг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва суиистеъмол этилишига қарши курашда ҳамкорлик қилишга, техникавий-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланди. 2003 й. икки томон товар айирбошлаш ҳажми 216 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Шундан Ўзбекистоннинг ХХРга қилган экспорти 53 млн., импорти 163 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон бозорларида Х. молларининг кўпайганлигини кузатиш мумкин. Х.дан Ўзбекистонга техника, электроника, электр жиҳозлари, кофе, халқ истеъмол моллари, чой ва зиравор, оптика приборлари ва аппаратлари, транспорт воситалари, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечак, пойабзал ва б. келтирилади. Ўзбекистон Х.га рангли металлар ва улардан тайёрланган буюмлар, минерал ёнилғи, нефть ва нефть маҳсулотлари, пахта ва ипак толаси, пластмасса ва б. юборади. Айни вақтда Ўзбекистонда Х. инвесторлари иштирокида тузилган 122 корхона рўйхатдан ўтган. Шулардан 102 таси қўшма корхона, 20 таси 100% Х. сармояси ҳисобидаги корхонадир. Республикада Х. нинг савдо ҳамда Х. компанияларининг 23 ваколатхонаси фаоли-

ят кўрсатмоқда. Х.нинг Ўзбекистонга киритилган сармояси ҳажми 435 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Икки мамлакат ўртасида маданият, фан, техника ва таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик ривожланмоқда. Х. вакиллари Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида, Ўзбекистон фольклор жамоалари Пекинда ҳар йили ўтадиган халқаро маданият ва туризм фестивалида мунтазам иштирок этадилар.

1996 й. Пекинда ЎзР Фанлар академияси б-н ХХР Фанлар академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида, 2000 й. Тошкентда ЎзР Фанлар академияси б-н ХХР Ижтимоий ФА ўртасида битим имзоланди. 1997 й. ЎзР Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари Х.да хитой тилига таржима қилиниб чоп этилди. Шу йил Ўзбекистонга бағишланган махсус жур. ва 2004 й. китоб нашрдан чиқди. Тошкент б-н Шанхай ш.лари, Бухоро вилояти б-н Хубэй провинцияси, Тошкент вилояти б-н Шаньси провинцияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. 2000 й.да илмий-техника ҳамкорлиги бўйича махсус қўмита ташкил этилган. 2001 й. Тошкентда Х. маданий маркази ташкил топди. 2002 й.да Тошкентда «ХХР фани ва техникаси кунлари» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди. 2003 й. Чанчунь (Цзилин ўлкаси) ш.да Камолиддин Беҳзоднинг ҳайкали ўрнатилди. 2004 й.да Пекинда Ўзбекистон — ХХР муносабатларига бағишланган илмий анжуман, Тошкентда хитой маданияти кунлари ўтказилди. Икки давлат ўртасида талабалар алмашуви ҳам амалга оширилмоқда. 2004 й. июнда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги б-н Хитой таълим вазирлиги ўртасида Тошкентда хитой тилини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институтни ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди.

2001 й.да Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлгандан бери ушбу ташкилот доирасидаги муносабатлар ривожланмоқда. Айниқса, терроризмга қарши кураш ва Ўрта Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида икки томонлама ҳамкорлик кенгаймоқда. Мазкур ташкилотнинг юридик асосларини ишлаб чиқиш ва унинг амалий вазифаларини белгилашда Ўзбекистон фаол иштирок этди. 2004 июнда Тошкентда ушбу ташкилотнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди ва унда минтақавий аксилтеррористик марказнинг ижроий қўмитаси расман очилди.

2004 й.дан Ўзбекистон ва ХХРнинг Синьцзин-Уйғур мухтор р-ни телевидение компаниялари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Тошкент телестудияси ХХР ҳақида, Урумчи телестудияси Ўзбекистон ҳақида кўрсатувлар олиб бормоқда. Спорт соҳасида ҳам икки давлат ўртасидаги алоқалар мавжуд. Икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишига 1998 й. 1 дек.да тузилган «Ўзбекистон — Хитой» дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Абдуҳамид Хўжаев.

ХИТОЙ, қтой, кидан — туркий уруғлардан бири. Уларнинг аждодлари қад. киданлар бўлган (қ. *Киданлар*). 11-а.га келиб уларнинг Шим. Хитойдаги давлати тугатилгач, бир қисми Ўрта Осиёга кўчиб ўтган. Манбаларда уларни қора-Х. деб аташган (қ. *Қорахитойлар*). 16-а.да Х.ларнинг бир қисми *Шайбонийхон* қўшинлари таркибига кирган. 17-а.да Х.ларнинг катта гуруҳи қипчоқлар б-н биргаликда Х.-қипчоқлар қабилавий иттифоқини тузганлар ва Ўрта Зарафшон воҳасига кўчиб ўтганлар. Бу қабилавий иттифоқ 19-а.нинг ўрталаригача давлатнинг сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Х.лар 3 катта уруққа бўлинган: қанжиғали-Х., қўштамғали-Х. ва ўтарчи. 19-а.нинг 70-й.ларида Самарқанд вилоятида яшовчи Х.лар 45 минг кишини ташкил қилган. Х.лар Бухоро, Хоразм вилоятларида ҳам яшаганлар. Х.лар қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, бошқирд ва б. туркий халқлар таркибига кирган.

Ад.: Шаниязов К., К этнической истории узбекского народа, Т., 1977.

ХИТОЙ АТИРГУЛИ (Hibiscus rosa sinensis) — гулхайрилошларга мансуб хонаки гул. Ватани — Жан. Хитой ва Ҳиндистон. Бўйи 3 м гача етади. Манзарали ўсимлик сифатида хонадонларда ўстирилади. Ўсиб турган новдасидан олинган кўк қаламчалардан кўпайтирилади.

Хитой атиргулининг гулли шохчаси.

ХИТОЙ ЁЗУВИ — сўз ва морфемаларни ёзишда махсус белгилар — *иероглифлар* қўлланадиган ёзув. Х.ё.да иероглифлар шакли турли комбинацияларда такрорланувчи 1 дан 36 тагача бўлган стандарт чизиқлардан ташкил топади. Иероглифлар маълум ёзув қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда муайян тартибда (чапдан ўнгга, юқоридан пастга) ёзилади. Энг қад. пиктограмма-иероглифлар мил. ав. 2-минг йиллик ўрталарига мансуб. Х.ё. тарихида иероглифларнинг 7 хил — гу вэн (қад. ёзув), да жуан (катта белгили ёзув), сяо жуан (кичик белгили ёзув), ли шу (расмий ёзув), синг шу (ярим тез ёзув), цао шу (тез ёзув), кай шу (намунали ёзув) каби ёзилиш услублари бўлиб, улар 4—5 минг йил давомида бири бирининг ўрнини эгаллаган ҳолда шаклан ўзгариб, такомиллашиб борган. Ҳоз. пайтда мил. 1—2-аларда ишлаб чиқилган «кай шу» ҳуснихат туридан кенг фойдаланилмоқда.

Х.ё. да иероглифларнинг умумий сони 60 мингдан кўпроқ бўлиб, шундан тахм. 96 фоизи мураккаб (икки ва ундан ортиқ қисм — чизиқдан тузилган) ва 4 фоизи содда (фақат бир қисмдан иборат) иероглифлар ҳисобланади. Ҳоз. хитой тилида тахм. 8—10 минг иероглиф қўлланади.

Хитой анъаналарида иероглифларнинг 6 туркуми фарқланиб, улар 3 гуруҳга ажратилади: 1) пиктограммалар ва идеограммалар — 1500 атрофида бўлиб, улар энг қад. содда белгилар, шунингдек, мавҳумроқ маъноларни ифодаловчи аралаш белгилардан иборат; 2) фонограммалар (иероглифларнинг кўпчилиги) — сўз ёки морфеманинг маъносига ишора қилувчи очқич (калит)лардан иборат мураккаб белгилар ҳамда белгининг аниқ ёки тахм. талаффузини кўрсатувчи фонетик белгилардир. Очқичлар ҳар доим содда белгилар кўринишида, фонетик белгилар эса содда ва мураккаб ҳолатда бўлади. Хитой луғатларида иероглифлар одатда очқичлар бўйича жойлаштирилади; 3) «ўзлашма» иероглифлар — дастлаб муайян сўзларни ёзиш учун яратилган, кейинчалик бошқа, мавҳум маъноли сўзларни ёзиш учун қўлланган турли кўринишдаги белгилар. Айни бир иероглиф маъноси бир хил бўлса-да, турли лаҳжаларда фонетик жиҳатдан фарқланувчи сўзларни, шунингдек, қад. ва ҳоз. тилда талаффуз жиҳатдан анчагина фарқ қилувчи сўзларни ёзиш учун қўлланади.

Х.ё. дастлаб Япония, Корея ва Вьетнам халқлари томонидан муайян миқдордаги хитойча сўзлар б-н ўзлаштирилади. 20-а. ўрталарида иероглифлардан фақат Япония ва Жан. Кореяда (япон бўғинли ёзуви ва корейс алифбоси б-н қўшилган ҳолда) фойдаланилади. Бугунги кунда Жан. Кореяда Таълим вазирлиги томонидан тасдиқланиб, кенг истеъмол учун қабул қилинган 2000 га иероглифдан фойдаланилмоқда.

1958 й. фев.да ХХРнинг Хитой иероглифларини ислоҳ қилиш қўмитаси томонидан иероглифларнинг талаффузи учун лотин графикаси асосида 26 ҳарфдан иборат транскрипцион алифбо қабул қилинди. Ушбу алифбо ҳоз. кунда жамиятнинг барча соҳаларида кенг қўлланмоқда. Х.ё.ни ислоҳ қилиш ва алифболи ёзувга ўтиш лаҳжаларнинг кўплиги ва тарқоқлиги, маданий мерос ва тил муаммолари сабабли катта қийинчиликларга дуч келмоқда. 1956 й.дан ХХР да иероглифларни график жиҳатдан соддалаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ад.: Истрин В.А., Возникновение и развитие письма, М., 1965; Фридрих И., История письма, пер. с нем., М., 1979; Махмутхўжаев М. Х., Бекмуротов И. Н., Хитой ёзуви (иероглифлари) ҳақида, Т., 1990.

Исмат Бекмуротов.

ХИТОЙ ТИЛИ — *хитой-тибет тиллари* оиласига мансуб тиллардан бири. ХХРнинг расмий давлат тили. Унда ХХРнинг 92% аҳолиси — 1 млрд. 292 млн.дан ортиқ киши сўзлашади (2003 й.). Х.т., шунингдек, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Вьетнам, Мьянма, Малайзия, Таиланд, Сингапур, Бруней, Сянган, Аомин, Филиппин, Япония, Корея ва дунёнинг бошқа мамлакатларида тарқалган (30 млн.дан ортиқ киши сўзлашади). БМТнинг расмий ва ишчи тилларидан бири.

Х.т.да асосан, 7 лаҳжа гуруҳи фарқланади: 1) шим. (бу лаҳжада 70% киши сўзлашади ва у ҳоз. адабий Х.т.га асос бўлган); 2) у; 3) сян; 4) ган; 5) хакка; 6) юэ; 7) минь. Бу лаҳжалар фонетик ва лексик жиҳатдан ўзаро катта фарқ қилади, ҳатто лаҳжаларнинг вакиллари бир-бирларини тушунмай қоладилар; бироқ уларнинг грамматик қурилиши ва луғат таркиби ягонадир. Лаҳжалар мунтазам тарздаги товуший мосликлар орқали ўзаро боғланган. Х.т.нинг фонетик меъёрлари Пекин ш. талаффузига асосланади.

Х.т. га оид қад. ёзма ёдгорликлар (тош, бронза, суяк ва б.га ёзилган ёзувлар) мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмига оид. Қад. адабий ёдномалар — «Шуцзин» («Тарих китоби») ва «Шицзин» («Қўшиқлар китоби») мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмига оид. Ўша даврдаги жонли лаҳжалар асосида қад. адабий Х.т. — вень-янь вужудга келган. Кейинчалик у оғзаки жонли тилдан узоқлашиб, мил. 1-минг йилликда халқ тушунмайдиган тил бўлиб қолган. Шу сабабли мил. 1-минг йилликда янги (содда) ёзма тил — байхуа вужудга келади; шим. байхуа тили кейинроқ умумхалқ Х.т. — путунхуа (умумхалққа тушунарли тил) учун асос бўлди. 20-а.нинг 1-ярмида путунхуа қад. Х.т. — веньянни тамоман сиқиб чиқариб, ягона миллий тил бўлиб қолди.

Х.т.даги морфема ва содда сўзлар одатда бир бўғинлидир. Бўғин таркибига кирувчи ундош ва унли товушлар (уларнинг сони ҳақида ҳануз ягона фикр йўқ) маълум бир тартибда жойлашади. Мас., бир неча ундош товуш кетма-кет келиши мумкин эмас, бироқ унлилар кетма-кет, ўзаро бирикиб келиши мумкин. Тўлиқ таркибли хитой бўғинида биринчи ўринда ҳамиша ундош товуш туради, иккинчи ўринда 1-унли, ундан кейин 2-унли, охирида эса ярим (кучсиз) унли ёки бурун товуши жойлашади. Қатъий тартибга қарамасдан Х.т.да бўғин таркибига кирувчи товушларнинг ҳаммаси ҳам бир-бири б-н бирика олмайди, шунинг учун хитой бўғинларининг миқдори чегараланганидир. Путунхуада 414 бўғин, тон (оҳанг—мусиқий овоз) вариантларини ҳисобга олганда, 1324 бўғин бор. Х.т.да тон (оҳанг), товушга ўхшаб, маъно фарқлаш вазифасини бажаради (қ. *Тонал тиллар*). Агар бир бўғин 4 хил тон б-н талаффуз этилса, 4 та ҳар хил маъноли сўз ҳосил бўлади.

Х.т.да бир бўғинли сўзларга нисбатан икки бўғинли сўзлар кўпроқ. Терминологиянинг ривожланиши натижасида иккидан ортиқ бўғинли сўзлар ҳам кўпаймоқда. Сўз ясалиши сўз қўшиш, аффиксация ва конверсия (бир сўз туркумидан бошқа сўз туркумига ўтиш) орқали амалга ошади. Сўз ясаш қолиплари сўз бирикмалари қолипларига ўхшаш бўлганлигидан баъзан ясама, қўшма сўзларни сўз бирикмаларидан ажратиб олиш қийин.

Х.т.да деярли ўзлашма сўзлар йўқ. Ўзига хос морфологик ва синтактик хусусиятларга эга. Х.т., асосан, аморф тиллардан бўлса-да, айрим ҳолларда агглютинатив белгилар ҳам учрайди. Х.т. иероглифик ёзувдан фойдаланади (қ. *Хитой ёзуви*).

Ад.: Горелов В. И., Практическая грамматика китайского языка, М., 1957; Солнцев В. М., Очерки по современному китайскому языку, М., 1957; Яхонтов С. Е., Древнекитайский язык, М., 1965; Ҳидоятова Ш., Каримов А., Аминов Э., Хитой тили грамматикаси (фонетика ва иероглифик ёзув), Т., 2004.

Акрамжон Каримов.

ХИТОЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, ХХР Фанлар академияси — Хитойнинг олий илмий муассасаси. Фаннинг барча соҳалари бўйича тадқиқотларни мувофиқлаштиради, кўп и.т. муассасаларига раҳбарлик қилади. Нанкиндаги Марказий и.т. академияси ва Пекин и.т. академияси негизида 1949 й. нояб.да Пекин ш.да ташкил этилган. Академия таркибида физика-мат. ва кимё фанлари, биол. фанлари, геол. ва геогр. фанлари, техника фанлари, фалсафа ва ижтимоий фанлар бўлимлари, 80 га яқин и.т. муассасаси мавжуд.

ХИТОЙ-КОРЕЯ ПЛАТФОРМАСИ, Сина қалқони — қадимги платформа; Хуанхэ дарё ҳавзасининг қуйи қисми ва Корея я.о., шунингдек, Сариқ денгиз тубининг кўп қисмида жойлашган. Платформа ғарбда Ички Монголия бўйлаб давом этиб, торайиб боради. Шарқий қисми Корея ва Шарқий Хитойни қамраб олган, бурмаланган кристалли замини токембрий (протерозой ва архей) ёшида. Корея, Ляодун я. о.лари ва Шаньсида кўтарилмалар шаклида ер юзасига чиқиб қолган пойдевор метаморфик жинслар (гнейс, мигматит, кристалли сланец, амфиболитлар) ва гранитлардан тузилган. Аншань сериясида (қуйи протерозой) темирли кварцитларнинг йирик конлари мавжуд. Платформа пойдевори устида чўкинди қоплам жинслари бўлиб, чўкинди мажмуасининг қуйи қисми сина системаси ётқизиқларидан иборат. Тошкўмир, пермь ва юра даврлари ётқизиқларида тошкўмир конлари, палеоген ва неоген ётқизиқларида ёнувчи сланецлар ва кўмир (Фушунь), пермь ётқизиқларида эса бокситлар (Шаньдун провинцияси) мавжуд. Бохайвань қўлтиғи соҳилидаги Шим.-Хитой синеклизасининг бўр ва кайнозой ётқизиқларида нефть конлари жойлашган. Ордос синеклизасида ҳам нефть ва газ конлари мавжуд. Корея я.о.даги олтин, вольфрам, полиметалл конлари ва Ляодун я.о.даги сурма ва мис конлари пайдо бўлиши мезозой магматизми б-н боғлиқ.

ХИТОЙЛАР (ўзларини ханцзу, хань деб атайдилар) — халқ, ХХРнинг асосий аҳолиси. Шунингдек, Х. Таиланд, Малайзия, Индонезия, Сингапур, Вьетнам, Бирма, Филиппин ва Камбоджада яшайди. Дунёда сон жиҳатдан энг кўп халқ ҳисобланади. Умумий сони тахм. 1,325 млрд. киши (2003 й.). *Хитой тилида* сўзлашадилар. Х.нинг асосий қисми монголоид ирқининг Тинч океан тармоғига, Х.нинг кичик гуруҳлари эса Шарқий Осиё ва Жан. Осиё вариантига мансуб. Ёзуви иероглифлардан иборат. Динлор-

Миллий кийимдаги хитой йигити.

лари — асосан, будда динига, даосизм, конфуцийликка эътиқод қилади, мусулмонлар, христианлар ҳам бор. Қадим замонда Х. ся, хуася деб номланган. Ся этнонимининг ханга айланиши Хитойни 2-марта бирлаштирган *хань* сулоласи номи б-н боғлиқ. Хань этноними одатга киргандан сўнг ушбу халқ тили ханюй, ёзуви ханзи деб аталди. Х. 4000 йиллик ёзма тарихга эга бўлиб, улар илк бор Хуанхэ (Қорамурон) дарёси қуйи оқими бўйларида яшашган. Х. аждодлари қаторига мил. ав. 2-минг йилликда турли хил маданиятлар (Яншао, Луншань ва б.)ни яратган, Хуанхе ва Янцзи дарёлари ҳавзасида деққончилик б-н шуғулланган қабилалар киргган. Мил. ав. 2-минг йилликда ҳоз. Хенань, Шэньси, Шаньси вилоятлари ҳудудида ибтидоий жамоа муносабатларининг асосий белгилари сақланиб қолган Инь давлати пайдо бўлди. Иниларнинг ғарб томонида уларга қардош бўлган чжоу қабилалари яшаб, улар мил. ав. 11-а.да Инь давлатини истило қилишган. Мил. ав. 11—3-а.ларда ҳоз. Хитой ҳудудида инь ва чжоу халқларининг авлодлари б-н аралашиб кетган турли халқлар (мань, жун, ди, и) яшаган. Шунингдек, мил. ав. 1-минг йиллик ўрталаридан хитой манбаларида Янцзи дарёсидан жан.да яшаган кўп сонли юэ қабиласи ҳам тилга олинган. Бу қабилаларнинг кўпчилиги, асосан, тай халқларининг, шунингдек, индонезлар, вьетнамлар ва монкхмер халқларининг аждодлари ҳисобланган. Х.нинг ўзига хос менталитети, анъанаси, урф-одат.лари, ахлоқ нормалари, миллий гояси ва маданияти мавжуд. Асосан, қ.х. (шоли, пахта етиштириш), пиллачилик, боғдорчилик, чой етиштириш б-н шуғулланадилар. Хитой чинниси дунёда жуда машҳур.

Пекин кўчаларида.

ХИТОЙ-ТИБЕТ ТИЛЛАРИ, сино-тибет тиллари — жаҳондаги энг йирик тил оилаларидан бири: ХХР, Мьянма (Бирма), Непал, Бутанда ва Ҳиндистоннинг шим.-шарқий қисмида тарқалган 100 дан ортиқ, баъзи маълумотларга кўра, бир неча юз қабилавий ва миллий тилни ўз ичига олади. Сўзлашувчиларнинг умумий сони, 2003 й. маълумотларига кўра, 1 млрд. 360 млн.дан ортади (шундан 1 млрд. 320 млн.дан ортиқроғи хитой тилида сўзлашади).

Ҳоз. тилшуносликда Х.-т.т., одатда, уларнинг ички бўлиниши ва дунё лингвистик харитасидаги ўрнига қараб 2 асосий тармоққа ажратилади: 1-тармоқни кўплаб лаҳжалар ва шева гуруҳларига эга бўлган *хитой тили* ташкил этади. Баъзи таснифларда *дунган тили* ҳам шу тармоққа мансуб деб кўрсатилади; 2-тармоқни *тибет-бирма тиллари* ташкил этади. Ушбу тармоқдаги асосий тиллар ёки қариндош тиллар гуруҳлари қуйидагилардир: *бирма тили* — Мьянма давлатининг расмий тили (35 млн.га яқин киши сўзлашади); *тибет тили* — асосан ХХРда, қисман Непал ва Бутанда, Ҳиндистоннинг Кашмир ҳудудида тарқалган (6 млн.га яқин киши сўзлашади), карен тиллари — Мьянма ва Таиландда тарқалган (тегишли равишда 3,5 млн.дан ва 200 мингдан ортиқ киши сўзлашади); хани — ХХРда тарқалган (1,5 млн.га яқин киши сўзлашади), *манипури* — Ҳиндистоннинг Ассом ва Трипури штатларида, шунингдек, Бангладеш ва Мьянмада тарқалган (1 млн. 300 мингга яқин киши сўзлашади); бодо (качари) — Ҳиндистонда тарқалган (800 минг киши сўзлашади); гаро — Ҳиндистонда тарқалган (800 минг киши сўзлашади); цзинпо (качин) — ХХР ва Мьянмада тарқалган (600 мингдан ортиқ киши сўзлашади); лису — ХХРда тарқалган (600 минга яқин киши сўзлашади); гаманг, *невар* ва гуруи тиллари — Непалда тарқалган (ҳар бирида 500 мингдан ортиқ киши сўзлашади) ва б.

Х.-т.т. бутили, озми-кўпми агглютинацияга мойил бўлган аморф тиллардир. Бутун асосий фонетик бирлик бўлиб, бунда бўғинлар четараси бир пайтнинг ўзида морфема ва сўзларнинг четараси ҳам ҳисобланади. Бўғин таркибидаги товушлар қатъий белгиланган тартибда жойланади. Бўғин охирида учрайдиган ундошлар сонига қараганда бўғин бошида учраши мумкин бўлган ундошлар сони ортиқроқдир. Кўп тилларда тон мавжуд (қ. *Тонал тиллар*). Тарихи яхши ўрганилган тилларда консонантизм (ундошлар тизими)нинг астасекин соддалашгани ҳамда унлилар ва тонлар тизимининг мураккаблашганини кузатиш мумкин. Умумий қоидага кўра, морфема бўғинга тенг келади, ўзак эса ўзгармайди. Лекин барча Х.-т.т.да ҳам ушбу қоидага тўлиқ риоя қилинавермайди. Ўзакларни қўшиш сўз ясашнинг асосий усулидир.

Х.-т.т.нинг ёзувлари 3 асосий турга: идеографик ёзув, ҳинд ёзувидан келиб чиққан фонетик ёзув ва яқин вақтларда лотин ёки рус алифболари асосида яратилган ёзувларга бўлинади. 1-турдаги ёзувга хитой иероглифлари (қ. *Хитой ёзуви;* илк ёзма ёдгорликлари мил. ав. 14—13-а.ларга мансуб), тангут ёзуви (11-а., ҳозир йўқолган), наса ёзуви, и ёзуви кабилар киради. 2-турдаги ёзувга энг аввало тибет алифбоси (7-а.дан мавжуд) ва бирма алифбоси (11-а.дан мавжуд) киради. Невари (12-а.дан маълум), ронг (17-а. охиридан маълум), манипури ва бирма ёзувлари унча кенг тарқалмаган. Мазкур ёзувларнинг умумий ўзига хослиги шундаки, уларда «а» унлиси махсус шаклга эга эмас — тегишли ундошлар ана шу унли б-н биргаликда ўқилади; бошқа унлиларнинг белгилари ҳам ундошни ифодаловчи ҳарфларнинг ё остига, ё устига жойлаштирилади. Лотин алифбоси асосидаги ёзувлар ХХР ва Мьянмадаги бир қанча тиллар (мас., и тили) учун ишлаб чиқилган. Россия ва Қозоғистонда яшовчи дунганлар эса рус алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланадилар. Х.-т.т.ни қиёсий ва типологик ўрганиш 19-а.нинг 80—90-й.ларидан бошланган.

Ад.: Яхонтов С. Е., Глоттохронология и китайско-тибетская семья языков. М., 1964.

Абдуваҳоб Маҳмадиев.

ХИШРОВ — Самарқанд вилоятидаги шаҳарча. Самарқанд ш. дан 7 км. Дарғом каналининг ўнг соҳилида. Маъмурий жиҳатдан Самарқанд шаҳар Кенгашига қарайди. 1951 й.да ташкил этилган. Аҳолиси 4,5 минг киши (2003). Х.да автокорхона, «Ўзэлектқурилиш» механизациялашган колоннаси, Хишров ГЭС каскади, «Самарқанд» кичик ст-яси, гидроцех, транспорт цехи, тикувчилик ательеси, деҳқон бозори ва б. бор. Умумий таълим, мусиқа мактаблари, касалхона, амбулатория, тиббий пункт мавжуд. Кутубхона, маданият уйи аҳолига хизмат кўрсатади.

ХИШРОВ КИШМИШИ, Хишрави — ўртапишар хўраки ва майизбоп узум нави. Богдорчилик, узумчилик ва виночилик ин-тининг Самарқанд филиалида *Нимранг* ва *Қора кишмиш* навларини чатиштириб чиқарилган (Г. В. Огиенко, К. В. Смирнов ва А. Ф. Герасимова). Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига мансуб. Тупи кучли ўсади. Барги йирик, думалоқ, 5 бўлакли, ўртача кертикли. Гули икки жинсли. Узум боши ўртача катталикда (250 г). Шакли конуссимон, шингиллари ўртача зич ёки зич. Ғужуми йирик, овалсимон, ранги оқиш-қахрабо. Пўсти қалин, этдор, сершира, хушхўр. Таркибида қанд миқдори 26—27%, нордонлиги 3.5—4,5%. Новдалари яхши пишади. Ҳосили фаол ҳарорат йиғиндиси 3000—3275° да 140—145 кунда тўлиқ етилади. Ҳосилдорлиги 140—145 ц/га. Янгилигида ейилади, майиз солинади.

Хишров кишмиши узум нави.

Узоқ жойларга юборишга чидамли. 1982 й.дан Бухоро ва Навоий вилоятларида экиш учун давлат реестрига киритилган.

ХЛАМИДОЗООЗ, риккетсиоз, кератоконъюнктивит — ҳайвонларнинг ўткир юқумли касаллиги. Кўп ҳолларда Х. катта иқтисодий зарар келтиради, касаллик ҳайвоннинг кўр бўлиши б-н тугаши мумкин. Касалликни рекетсиялар қўзғатади. Х. б-н барча қ.х. ҳайвонлари, кўпроқ қорамоллар зарарланади. Касаллик йилнинг барча фаслларида учраши мумкин, бироқ иссиқ пайтида кўпроқ ва оғирроқ кечади. Х.нинг яширин даври 2—12 кун. Кўпроқ бир кўз, камроқ иккала кўз ҳам зарарланади. Тана ҳарорати кўтарилади, ҳолати ёмонлашади, кўзидан кўп миқдорда шиллиқ-йирингли суюқлик оқади. Сўнгра абсцесс ўз-ўзидан ёрилади, унинг ўрнида яра ҳосил бўлади. Ҳайвоннинг аҳволи яхшиланиб, аста-секин соғаяди. Касалликнинг эпизоотологияси, клиник белгилари ҳамда конъюнктива суртмасини микроскопда текшириш орқали ташхис қўйилади.

Даволаш: касал моллар салқин хоналарда сақланиб, антибиотиклар қўшилган турли малҳам дорилар (мазлар ёки линементлар) қўлланилади. Оғир ҳолларда новокаинли блокада қилиш яхши самара беради.

Олдини олиш: ҳайвонларни стационар носоғлом хўжаликлардан чиқармаслик тавсия этилади. Моллар қиш фаслида бир ойда бир марта, ёз ойларида эса ҳар куни кўздан кечирилади. Соғлом молларнинг кўзига профилактика мақсадида антибиотиклардан тайёрланган мазлар ёки эмульсиялар сурилади, пашшаларга қарши курашилади.

Ҳошим Нурназаров.

ХЛОДВИГ I (Chlodvig) (465 ёки 466—511) — сали франклари қироли (481 й.дан), кейинчалик *Франк давлати* қироли. Меровинглар сулоласидан. 486 й. *Галлия*нинг кичик бир қисмини бошқарган. Римнинг собиқ нойби Сиагрий қўшинлари устидан ғолиб келиб, ўз қўшинлари устидан ғолиб келиб, ўз ерини Луарагача кенгайтириб олган ва Франк давлатини барпо этган. *Аламанн*лар ерининг катта қисмини эгаллаган (496 й.). Х.I. Галлиядан *вестготлар*ни (496 й.). Х.I. Галлиядан *вестготлар*ни қувиб чиқарган ва Рейн дарёсининг ўрта оқими бўйидаги *франк*ларни ўзига бўйсундирган. 496 й. христианликни қабул қилган. Парижни ўзининг қароргоҳига айлантирган. Х.I қироллик ҳокимиятини мустаҳкамлаб, уни меросий нормалари тўплами) яратилган.

ХЛОР (юн. chloros — оч яшил, сариғиш-яшил, лот. Chlorum), Cl— Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, галогенларга киради. Тартиб рақами 17, ат. м. 35,453. Нормал шароитда 2 атом-ли газ (Cl_2). Х.ни илк бор 1774 й.да швед кимёгари К. Шеели хлорид кислотани марганец (IV)-оксид таъсирида оксидлаб ҳосил қилган. *Ж. Гей-Люссак*, француз кимёгари Л. Тенар, инглиз кимёгари ва физиги Г. Дэви 1810 й.да Х.нинг элемент эканлигини исбот қилишди.

Х. Ер пўстининг масса жиҳатидан $1{,}7 \cdot 10^{-2}$% ини ташкил этади, денгиз ва океан сувларида 2% гача Х. мавжуд. Фаол элемент бўлгани сабабли эркин ҳолда вулқон газларидагина учрайди. Асосий минераллари: галит NaCl, сильвинит KCl, сильвинит KCl·NaCl, бишофит $MgCl_2 \cdot 6H_2O$ ва б. Х.2та барқарор изотоплар ^{35}Cl(75,53%) ва ^{37}Cl(24,47%) аралашмасидан иборат. Сунъий радиоактив изотопларидан ^{36}Cl($T_{1/2}$=32,4 мин), ^{38}Cl ($T_{1/2}$=3,08·10^5 й.), ^{39}Cl($T_{1/2}$=37,29 мин) кимёвий ва биокимёвий жараёнларни ўрганишда фойдаланилади.

Х. — ўткир ҳидли, сариғиш-яшил тусли газ. Ҳавога нисбатан 2,5 марта оғир. Суюқланиш т-раси — 101°, қайнаш т-раси 34,1°, зичлиги 3,214 кг/$м^3$. Сувда яхши эрийди. Т-ра кўтарилиши б-н Х.нинг сувда эрувчанлиги пасаяди (100° ли сувда Х. амалда эримайди). Х. ўз бирикмаларида —1, +1, +3, +4, +5 ва +7 валентли. У кимёвий жиҳатдан жуда фаол бўлгани учун кўпчилик элементлар б-н бевосита бирикади, углеводлардаги водород ўрнига алмашинади. Тўйинмаган бирикмалар CO, C_2H_4 ва б. Х.ни бириктириб олиш мумкин. Кислород, азот, углерод ва инерт газлар Х. б-н бевосита реакцияга киришмайди. Намгарчилик бўлмаган муҳитларда Х. темир б-н бирикмаганлиги боис уни пўлат баллонларда ташиш мумкин. Х. водород б-н шиддатли реакцияга киришиб водород хлорид HCl ҳосил қилади. Сувда гидролизланиши натижасида кучсиз гипохлорид кислота HClO ва кучли хлорид кислота HCl ҳосил бўлади. Х.нинг Cl_2O, ClO_2, Cl_2O_6, Cl_2O_7 каби кислородли бирикмалари ва Cl_2O_8 таркибли пероксиди маълум. Х. ишқорларнинг эритмалари б-н реакцияга киришиб хона т-расида гипохлоритлар, қиздирилганда эса *хлоратлар* ҳосил қилади. Х. бошқа галогенлар б-н реакцияга киришиб ClF, ClF_3, BrCl, ICl, ICl_3 каби бирикмалар беради. Саноатда Х. NaCl нинг сувдаги эритмасини пўлат катод ва диафрагмадан фойдаланиб (диафрагма усули), ион алмаштирувчи мембраналар ёки симоб катод қўллаб (симоб усули) электролизлаб олинади. Х. дезинфекциловчи восита сифатида, ичимлик сувини тозалаш ва зарарсизлантиришда қўлланади.

Метил хлорид, хлороформ, тетрахлорметан, фреонлар ва таркибида Х. тутган турли полимерлар олишда Х.дан кенг фойдаланилади.

Х. заҳарли. Х. ишлатиладиган корхоналарнинг ҳавосида унинг концентрацияси 1 мг/$м^3$ дан ортиқ бўлмаслиги керак. Х. ионлари баъзи ферментларнинг фаоллигини оширади. Натрий хлорид тирик организм ҳаёти учун ниҳоятда зарур модда. Одам организмининг қарийб 0,25% ини Х. ташкил этади.

Ад.: Парпиев Н. А., Раҳимов Х. Р., Муфтахов А. Г., Аноргник кимё, Т., 2003; Касымова С. С., Биогенные элементы, Т., 1990.

Рустам Маҳмудов.

ХЛОР ОКСИДЛАРИ — хлорнинг кислород б-н ҳосил қилган бирикмалари: Cl_2O, ClO_2, Cl_2O_6, Cl_2O_7, ClO_4.

Хлор (I)-оксид, Cl_2O — сарғиш-жигаррант қўланса ҳидли (хлор ҳиди келади) газ; суюқланиш т-раси — 121°, қайнаш т-раси 2°. Кучли оксидловчи. Кальций гипохлорит олишда ишлатилади.

Хлор (IV)-оксид, ClO_2 — қовоқ ранг ўткир ҳидли газ; суюқланиш т-раси 59,5°, қайнаш т-раси 11°, кучли оксидловчи, портлайди. Матолар, целлюлоза ва юқори навли қоғозларни оқартириш ишларида фойдаланилади.

Хлор (VI)-оксид, Cl_2O_6 — ҳавода тутайдиган тўқ қизил суюқлик; суюқланиш т-раси 3,5°, қайнаш т-раси 203°; осон оксидланувчан моддаларга тегса портлайди.

Хлор (VII)-оксид (перхлорат ангидрид), Cl_2O_7 — рангсиз суюқлик; суюқланиш т-раси —93°, қайнаш т-раси 83°.

Cl_2O_4 — хлорид кислота ва унинг тузларини электролизлашда ҳосил бўладиган оралиқ маҳсулот. Эркин ҳолда ажратиб олинмаган.

ХЛОРАМИНЛАР — молекулалардаги хлор атоми азот б-н боғланган хлор ҳосилали аммиак (анорганик Х.) ва аминлар (органик Х.). (Анорганик Х. ҳақида қ. *Азот хлоридлари*).

Органик Х. — ўткир ҳидли суюқлик ёки қаттиқ моддалар. N — хлордиметиламин $(CH_3)_2NCl$ 46° да, N, N-дихлорметиламин CH_3NCl_2 58—60°да, N, N-дихлорэтиламин $C_2H_5NCl_2$ ва N-хлордиэтиламин $(C_2H_5)_2NCl$ 91° да қайнайди; гексахлормеламин — сариқ кристалл модда, 149° да суюқланади. Х. сув ва ҳаво намида амин б-н гипохлорид кислота (HOCl)га парчаланади. Х. аминларга ва уларнинг тузларига хлор ёки гипохлорит кислота таъсир эттириб олинади.

Х. оксидловчи ва хлорловчи таъсирга эга бўлганлигидан аналитик кимёда, тўқимачиликда матоларни оқартиришда, дегазация, дезинфекция ишларида, сувни хлорлашда қўлланади.

ХЛОРАТЛАР — хлорат кислота $(HClO_3)$ тузлари. Оддий т-рада барқарор кристалл модда, қиздирилганда ёки катализаторлар иштирокида кислород чиқариб парчаланади. Кўпчилик Х. сувда ва баъзи органик эритувчиларда эрийди. Органик ва осон оксидланадиган моддалар б-н портловчи аралашмалар ҳосил қилади. Металл хлоридларнинг сувдаги эритмаларини электрокимёвий оксидланиш, металл гидроксидларини хлорлаш усуллари б-н олинади. Х.дан натрий хлорат $NaClO_3$, калий хлорат $KClO_3$ (бертолле тузи), кальций хлорат $Ca(ClO_3)_2$, магний хлорат $Mg(ClO_3)_2$ саноат миқёсида ишлаб чиқарилади. Натрий хлорат гугурт ва пиротехник таркибларни тайёрлашда, кальций хлорат калий хлорат олишда оралиқ маҳсулот сифатида ишлатилади.

Магний хлорат *десикантлар* гуруҳига киради. Унга оз миқдорда этаноламин фосфатнинг сувдаги эритмасини қўшиб самарали таъсир этувчи *дефолиантлар* олинади. Бу препаратлар ғўзага қўлланганда ёш яшил кусаклар сақланиб қолади, барглар қуримасдан 80—90% гача тўкилади, ҳосил гектарига 3—4 ц га ортади.

ХЛОРБЕНЗОЛ, C_6H_5Cl — ўзига хос ҳидли рангсиз суюқлик; суюқланиш т-раси —45,6°, қайнаш т-раси 132°; сувда оз эрийди. Спирт, эфир бензол ва б. органик эритувчиларда эрийди. Сув б-н азеотроп аралашма (71,6%Х., қайнаш т-раси 90,2°) ҳосил қилади. Саноатда бензолни катализатор ($FeCl_3$, $AlCl_3$) иштирокида 40—60°да хлорлаб олинади. Х. ва унинг баъзи ҳосилалари органик синтезда ва эритувчилар сифатида қўлланади.

ХЛОРЕЛЛА (Chlorella) — бир ҳужайрали хлорококк сувўтлар уруғи. Ҳужайраси шарсимон, 15 мкм, қобиғи силлиқ, 4—8 (баъзан 16) тагача автоспоралар ҳосил қилиш орқали жинссиз кўпаяди. 20 га яқин тури, жумладан, Ўзбекистонда бир неча тури тарқалган. Чучук ва денгиз сувларида, нам тупроқда учрайди; лишайниклар ва сувда яшовчи организмлар танасида симбиоз яшайди. Оқар сувларни биологик тозалашда, ёпиқ экосистемалар (мас., космик кемалар, сув ости кемалари)да ҳавони қайта тозалашда ва *фотосинтез* жараёнларини ўрганишда кенг миқёсда фойдаланилади.

ХЛОРИД КИСЛОТА, HCl — бир асосли кучли кислота; водород хлориднинг сувдаги эритмаси. Рангсиз тиниқ суюқлик, водород хлорид ҳиди келади; Х.к.нинг максимал концентрацияси 36% дан ошмайди; бундай концентрациядаги эритманинг зичлиги 1180 кг/м³, у ҳавода тутайди.

16-а.нинг охирида Х.к. ош тузини темир купороси б-н қиздириб олинган. 17-а. ўрталарида немис кимёгари И. Глаубер NaCl га H_2SO_4 таъсир эттириб Х.к. олган.

Саноатда Х.к. Cl_2 ва H_2 ни бириктириш йўли б-н олинади. Органик бирикмаларни хлорлашда ёнаки маҳсулот сифатида кўп миқдорда HCl ҳосил бўлади. 24% ва ундан ортиқ HCl бўлса, «концентрланган» кислота дейилади.

Х.к. кучли кислота; у сувдаги эритмасида H^+ ва Cl^- ионларга тўла диссоцияланади. Х. к. турли металл хлоридлари ва хлорли органик маҳсулотлар олишда, металлар сиртига ишлов беришда, турли хил идишларни, бурғилаш трубаларини карбонатлар, оксидлар ва б.дан тозалашда, металлургияда рудаларга ишлов беришда, кўнчилик саноатида терини ошлашда, лаб.да ишлатилади. Х.к. шиша баллонларда ёки ичига резина қопланган металл идишларда сақланади ва ташилади.

Газсимон HCl — заҳарли, ўткир ҳидли рангсиз газ; ҳавода тутайди. Қайнаш т-раси — 84,8°, зичлиги 1640 кг/м³. Сувда жуда яхши эрийди. Х.к. ва органик бирикмаларнинг хлорли ҳосилаларини и.ч.да қўлланади. У кишига узоқ вақт таъсир этганда нафас йўлларининг яллиғланишига, тишнинг ва меъда-ичак фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Концентрланган HCl б-н ишлаганда противогаз, резина қўлқоп, пойабзал ва фартук кийиш, кўзойнак тақиш керак. Меъда ширасида 0,3% гача Х.к. бўлади, у овқат ҳазм бўлишига ва касал қўзғатувчи бактерияларни ўлдиришга ёрдам беради. Тиббиётда меъда ширасида кислота етишмаганда буюрилади.

ХЛОРИДЛАР — хлорнинг кислород ва фтордан бошқа барча элементлар (металлар ва металлмаслар) б-н ҳосил қилган бирикмалари. Металларнинг хлоридлари қаттиқ моддалар, улар сувда яхши эрийди. Металлмасларнинг хлоридлари газсимон, суюқ ёки қаттиқ моддалардир. Натрий, калий, магний, кальций хлоридлари табиатда кенг тарқалган (Х.нинг хоссаси, олиниши ва ишлатилиши ҳақида тегишли элементларнинг Х.ига қ.).

ХЛОРИДЛАР, табиий хлоридлар — HCl туз кислотасининг тузлари, минераллар синфи. Таркиби, хусусияти ва ҳосил бўлиш шароитига қараб Х. 2 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга (28 та минерал) Na, K, NH_4, Mg, Ca, Al, Mn ва Fe нинг эриш хусусиятига эга бўлган сувли ва сувсиз Х. киради. Асосий минераллари: галит, сильвин, бишофит, карналлит, тахгидрит, ринниит ва б. бўлиб, таркибида 20—70% Cl мавжуд. Куб ёки тригонал сингонияда кристалланади. Одатда, рангсиз; қаттиқлиги 1—2, зичлиги 1,6—3,2 г/см³. Гигроскопик, сувда, қисман спиртда эрийди, аччиқ ва шўр мазали. Кўллардаги чўкиндиларда, шўр тупроқларда, вулканик ва фумарол фаолияти маҳсулида ҳосил бўлади. Кўпгина Х.дан кимё ва озиқ-овқат саноатида, қ.х.да кенг фойдаланилади. Иккинчи гуруҳга (49 та минерал) Cu, Pb, Ag, Hg, As, Sb ва Bi нинг эриш хусусиятига эга бўлмаган Х. киради. Асосий минераллари: нантокит, атакамит, коннелит, лаурионит, матлокит, мендипит, хлорарнирит ва б. бўлиб, таркибида 6—35% Cl мавжуд. Ромб ва тетрагонал сингонияда кристалланади. Рангсиз, кўк, яшил, сариқ, қаттиқлиги 4, зичлиги 3,7—8,3 г/см³. Сувда эримайди. Қуруқ иқлим шароитида рудали конларнинг оксидланиш зонасида; рудали минераллар ва саноат шлакларига шўр сувларнинг таъсири бўлганда, вулкан ҳаракатлари жараёнида ҳосил бўлади. Оксидланган рудалар таркибида Cu, Pb, Ag олиш учун хом ашё ҳисобланади.

ХЛОРИТЛАР (юн. chloros — яшил) — минералларнинг кенг тарқалган гуруҳи, магний ва темирнинг металюмосиликатлари. Кимёвий таркиби ўзгарувчан $(Mg, Fe^{2+})\cdot[AlSi_3O_{10}(OH)_2]\cdot 3(Mg, Fe)(OH_2)$. Таркибидаги Fe^{2+} Fe^{3+} нинг ўзаро нисбати бўйича Х. ортохлоритлар ва лептохлоритларга бўлинади. Si ва $Fe^{2+}+Fe^{3+}$ нинг миқдорига кўра Х. 2 гуруҳга ажратилади. 1-гуруҳ магнезиал Х. (корундофиллит, шериданит, клинохлор, пеннин, тальк-хлорит), магнезиал — темирли Х. (рипидолит, пикнохлорит, диабантин) ва темирли Х. (псевдотюрингит, дафнит, брунсвигит)дан иборат. 2-гуруҳга мансуб Х. — тюрингит, шамозит, делессит. Ҳамма Х. моноклин ёки триклин сингонияда кристалланади. Варақ-варақ, пўстлоқ, тангасимон, сферолит, оолит шаклида, яширин кристалли, юпқа варақчалари эгилувчан бўлса ҳам, қайишқоқ эмас; бир-биридан термик анализ орқали фарқланади. Асосан, яшил, шунингдек оқ, сариқ, пушти, қизил-бинафша ранг, кўнғир-қора хиллари бор. Қаттиқлиги 2—3, зичлиги 2,6—3,3 г/см³. Х. табиатда кенг тарқалган. Асосан, паст т-рали гидротермал жараёнлар таъсирида, таркибида алюминий, магний ва темирли силикатлар кўп бўлган жинсларнинг ўзгаришидан ҳосил бўлади. Ортохлоритлар қоғоз саноатида ишлатилади. Катта-катта қатлам тарзида топилган лептохлоритлар темир рудаси сифатида саноат аҳамиятига эга.

ХЛОРИТОИД [хлоритлар (минераллар)га ўхшаш ва юн. eidos — кўриниш] — ороллди силикатлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $(Fe, Mg)_2(AlFe^{3+})Al_3[SiO_4]_2O_2(OH)_4$ Оттрелитда 16,6% гача MnO бор. Моноклин ёки триклин сингонияда кристалланади. Тўғри тузилган кристаллари кам учрайди, кўпинча варақ-варақ, тангасимон агрегатлар шаклида тарқалган. Рангсиз, яшил-сарғиш, сариқ, кўнғир-кўк, қорамтир кўк; шишадек ялтироқ. Қаттиқлиги 6,5, зичлиги 3,5—3,8 г/см³. Хлоритлар ва слюдалардан қаттиқлиги, мўртлиги ва оптик хусусиятлари б-н фарқланади. Баъзи метаморфик сланецлар ва контактли роговикларда жинс ҳосил қилувчи минерал ҳисобланади. Х. наждак конларида учрайди. Корунд, диаспор, хлорит, маргарит, кальцит, рутил ва анатаз б-н ассоциацияда топилади. Ўзбекистонда Нуроташ, Молгузар тоғларида учрайди. Абразив хом ашё сифатида ишлатилади.

ХЛОРКАУЧУКЛАР — хлорланган каучук маҳсулотлари. Хлорланган табиий каучуклар (хлоркаучук), $[C_{10}H_{11}Cl_7]_n$ — термопласт. Мол. м. 100 мингтача, юмшаш т-раси 70° атрофида, зичлиги 1630—1660 кг/м³. Ароматик углеводородларда, хлороформда, кетонларда, мураккаб эфирларда, нитробензолда эрийди. Кислота ва ишқорлар таъсирига чидамли, ёнмайди. Пластик ҳолатдаги табиий каучукнинг эритмаси орқали 80°да хлор ўтказиш йўли б-н олинади. Лок-бўёқ, елим и.ч.да қўлланади.

ХЛОРЛИ ОҲАК, оқартқич оҳак — қўшалоқ тузлар $Ca(OCl)_2$, $CaCl_2$, $Ca(OH)_2$ б-н кристаллизация сувидан иборат мураккаб комплекс; хлор ҳиди келадиган қуруқ оқ гигроскопик кукун. Товар Х.о. таркиби 1,5 $Ca(ClO)_2 \cdot 1,5\ CaCl_2 \cdot 3Ca(OH)_2 \cdot nH_2O$ га яқин. Унда 28% дан 38% гача фаол хлор ва 10% гача сув бўлади. Кучли оксидловчи. Хлор б-н сўндирилган оҳак $Ca(OH)_2$ ни бирбирига таъсир эттириб олинади. Х.о. сақланганда аста-секин парчаланади. Тиббиётда антисептик восита сифатида эритмаси бинолар, идишлар ва сувни хлорлашда, ташландиқларни зарарсизлантиришда ва б.да ишлатилади.

ХЛОРЛИ СУВ — хлорнинг сувдаги эритмаси. *Хлораторда* сувдан хлор ўтказиб ҳосил қилинади (концентрацияси ~7 г/л, 20°да). Х.с. совитилганида хлоргидрат —9,6°да парчаланадиган сариқ кристалл модда $Cl_2 \cdot nH_2O$ ҳосил бўлади. Эритмада хлор сув б-н қисман бирикиб, гипохлорит ва хлорид кислота ҳосил қилади:

$$Cl_2 + H_2O \rightarrow HClO + HCl;$$

гипохлорит кислота HClO ёруғлик таъсирида O_2 ва HCl га парчаланади. Кучли оксидловчи. Х.с. сувни зарарсизлантиришда ва матоларни оқартиришда ишлатилади.

ХЛОРОЗЛАР (юн. chloros — оч яшил, яшил-сарғиш), ўсимлик баргларининг рангсизланиши — баргларнинг қисман ёки бутунлай сарғайиши б-н кечадиган касаллик. Х.да баргда хлорофилл ҳосил бўлиши бузилади ва *фотосинтез* жараёни сусаяди (баргларнинг майдалашуви, уларнинг барвақт тўкилиши, поя учларининг қуриши, илдиз тукларининг нобуд бўлиши ва б. кузатилади). Патоген микроорганизмлар, тупроқда темир ва б. микроэлементларнинг етишмаслиги ҳамда юқори нам-лик сабаб бўлади. Кўпроқ мевали ва манзарали ўсимликлар зарарланади. Инфекцион (юқумли) Х.га вируслар, замбуруғлар ва б. микроорганизм-лар, шунингдек, вирусли Х.ни тарқа-тувчи зараркунандалар (трипс, ширалар ва б.) сабаб бўлади. Ирсий Х. (ола чипор-лар) манзарали ўсимликларнинг маълум шакли ва навлари учун нормал ҳолат. Нoинфекцион ёки функционал Х. ноқулай тупроқ-иқлим шароити ҳамда экинларни ўстириш технологияси бузилганда келиб чиқиб, табиатда кўпроқ учрайди. Ноинфекцион Х. минерал озиқ моддалар — темир, рух, магний ва б. етишмаслиги ёки улар фаоллигининг бузилиши натижасида юз бериши мумкин. Хлорозлар қ.х. га катта зарар келтиради. Карбонат ангидрид газининг ўзлаштирилиши ва органик моддалар ҳосил бўлишининг кескин сусайиши туфайли касалланган ўсимлик ўсиш ҳамда ривожланишдан орқада қолади, ҳосил камаяди ва сифати ёмонлашади. Суғориб етиштириладиган экинларда Х. карбонат тузларига бой тупроқли жойларда кўп кузатилади, чунки карбонатлар темир тузларини сувда эримайдиган бирикмаларга айлантириб юборади, темир етишмаслиги сабабли барглар рангсизланади. Шунингдек, экинларда Х. сув кучли минераллашганда, янги тупроқда ҳар хил минерал тузлар кўп бўлганда ҳам юз бериши мумкин.

Кураш чоралари: ерга темир тузлари, минерал ва микроўғитлар солиш, дренажлар қуриш, сўрувчи ҳашаротлар ва бегона ўтларга қарши кураш, алмашлаб экиш, кузги шудгорлаш.

ХЛОРОПЛАСТЛАР (юн. chloros — яшил ва plastos — ясалган) — ўсимликларнинг *фотосинтез* қиладиган ички органоидлари (пластидалари).Х. ўсимликларнинг ер устки қисмида жойлашган ҳужайралари, айниқса, барглар ва яшил мевалар ҳужайралари цитоплазмасида кўп учрайди. Яшил сувўтлар ҳужайраси Х.и *хроматофоралар* дейилади. Хроматофоралар, одатда, битта, баъзан бир нечта бўлади. Х.да фотосинтез б-н бир вақтда аминокислоталар ва ёғ кислоталари ҳам синтезланади; крахмалнинг вақтинчалик захиралари сақланади. Х. уз. 5—10

мкм, эни 2—4 мкм га яқин, шакли юмалоқ-линзасимон ёки эллипссимон. Х. цитоплазмадан икки қават мембрана б-н ажралган, ички бўшлиғи строма дейилади. Х. стромасида жойлашган тузилма бирлик — тилакоидлар ясси халтачаларга ўхшайди. Бир гуруҳ дисксимон тилакоидлар устма-уст жойлашиб, гранлар (қирралар) ҳосил қилади. Гранлардаги тилакоидлар бўшлиғи ўзаро туташган бўлади. Х.да гранлар сони 40—60, баъзан 150 тага етади. Тилакоидлар мембраналарида асосий пигмент — *хлорофиллар* ва қўшимча пигментлар — каротиноидлар жойлашган. Электрон микроскопда тилакоидлар устма-уст қўйилган тангачаларга ўхшайди. Х. стромасида рибосомалар, ДНК ҳамда фотосинтез ва АТФ синтезида қатнашувчи ферментлар жойлашган; стромада липидлар, крахмал ва оқсил ҳам учрайди. Х.да рибосомалар, фотосинтезнинг ёруғлик фазаси реакцияларини катализловчи ферментлар ва тилакоид мембраналари таркибига кирувчи оқсиллар ҳам синтезланади. Х. ўз генетик аппарати ва махсус оқсил синтезловчи системага эга бўлгани учун ҳужайранинг автоном органоидлари қаторига киритилади. Х.даги оқсилларнинг 25—30% га яқини уларнинг ўзида, қолган қисми ядро генлари назоратида синтезланади. Х. тузилишига биноан айрим бактерияларга ўхшайди. Худди бактериялардаги сингари Х. стромасида бир ёки бир нечта ДНК молекулалари мавжуд, лекин гистонли оқсиллар бўлмайди. Х. ҳам бактериялар каби бўлиниш йўли б-н кўпаяди ва ҳужайрадаги сони ортади. Х. пропластидларнинг бўлиниши натижасида ҳосил бўлади. Барглар ва поялар қариганида ёки мевалар пишганида хлорофилл пигментлари парчаланиши туфайли ўсимлик яшил рангини йўқотади; барглар сарғайиб, мевалар ўзига хос рангга киради. Бу ўзгаришлар туфайли Х. ўзгариб хромопластларга айланади. Х. цианобактерияларнинг қадимги ядроли гетеротроф сувўтлар б-н симбиогенези натижасида келиб чиққан деб тахмин қилинади.

Қурош Нишонбоев.

ХЛОРОПРЕН, 2-хлорбутадиен-1,3, $CH_2=CH\ CCl=CH_2$ — ўткир ҳидли рангсиз суюқлик; мол. м. 88,536. Суюқланиш т-раси — 130°, қайнаш т-раси 59,4°, зичлиги 959 кг/м³ (20° да). Сувда эримайди, органик эритувчилар б-н аралашади. Мис хлорид ва аммоний хлорид иштирокида 0—20° да винил-ацетиленни гидрохлорлаб олинади. Заҳарли; нерв системасига таъсир этади, нафас йўлларини яллиғлантиради. Осон полимерланади, хлоропрен каучуклар и.ч.да қўлланади.

ХЛОРОПРЕН КАУЧУКЛАР, наирит, неопрен, $[-CH_2C(Cl)=CHCH_2-]_n$. Мол.м. 100—200 минг. Шишаланиш т-раси —40°дан —50° гача, кристалланиш т-раси —10°, зичлиги 1200—1240 кг/м³. Юқори ёпишқоқликка эга. Ароматик ва хлорланган углеводородларда эрийди. Хлоропренни эмульсион полимерлаш йўли б-н олинади. Рух, магний ва б. металларнинг оксидлари таъсирида вулканизацияланади.

Резиналар мой, бензин, озонга, иссиққа, ишқорлар, суюлтирилган кислоталар таъсирига чидамли, ёнмайди, едирилишга бардошли, эластик. Резина техник маҳсулотлар, елимлар и.ч.-да, симлар, кимёвий жиҳозлар ва валлар учун қопламалар тайёрлашда, шунингдек, латекс сифатида қўлланади.

ХЛОРОФИЛЛ (юн. chloros — яшил ва phyllon — барг) — ўсимликларнинг яшил пигменти, юксак ўсимликларнинг *хлоропластлари*да, тубан ўсимликлар (сувўтлар)нинг *хроматофора*ларида жойлашади. Кимёвий таркиби — гемоглобинга яқин туради. Х.нинг биологик хусусияти ёруғлик энергиясини ўзлаштириш ва уни органик моддаларнинг кимёвий энергиясига айлантиришдан иборат. Х.ни биринчи марта француз олимлари П. Пельтье ва Ж. Каванту яшил ранг сифатида ўсимлик баргидан ажратишган (1818). Рус олими М. С. Цвет бир-бирига ўхшаш иккита яшил пигмент Х. «а» ва Х. «в»ни кашф этган (1910). Х.ни 1960 й. америкалик кимёгар Р. Б. Вудворд ходимлари б-н тўла синтез қилиб олди. Х.нинг миқдори ўсимликлар турига, баргнинг жойлашишига ва б. шароитларга боғлиқ. Х. етишмаса ўсимликлар ўсиши сусайиб, барглари сарғаяди. Бу эса ўсимликларда хлороз касаллигини қўзғатади.

ХЛОРОФОРМ, трихлорметан, $CHCl_3$ — ўткир ҳидли, ширин таъмли, рангсиз суюқлик. Суюқланиш т-раси —63,5°, қайнаш т-раси 61,2°, зичлиги 1148 кг/м³ (20° да). Сувда эримайди, органик эритувчилар (спирт, эфир ва б.) б-н аралашади. Ёруғликда ҳаво кислороди таъсирида аста-секин парчаланиб фосген, хлор, водород хлорид ва чумоли кислота ҳосил қилади. Х.ни барқарорлаштириш учун унга 1% ли этил спирти қўшилади. Х. метан, ацетон ёки спиртни хлорлаб олинади. Фреонлар синтезида бошланғич хом ашё ҳисобланади. Наркотик моддалар гуруҳига мансуб. Тиббиётда наркоз, саноатда эритувчи сифатида қўлланади.

ХЛОРСИРКА КИСЛОТАЛАР — органик бирикмалар, сирка кислотанинг 1,2 ёки 3 та хлор атоми тутган, моно-, ди-ва трихлорсирка кислоталари, $CH_2ClCOOH$, $CHCl_2COOH$, CCl_3COOH. Моно- ва три-Х.к. рангсиз кристалл моддалар; суюқланиш т-раси тегишлича 63° ва 59,2°, қайнаш т-раси 189,3° ва 197°. Х.к. сув, спирт, ацетон ва эфирда эрийди. Буларнинг ичида моно- Х.к. муҳим амалий аҳамиятга эга. У нил бўёқ ва купгина *бўягичлар* синтезида оралиқ маҳсулот сифатида, карбоксиметилцеллюлоза, ухлатувчи модда — барбитал, *гербицидлар* олишда ишлатилади. Муз ҳолатдаги сирка кислотани хлорлаб ва б. усулларда олинади.

ХЛОРСУЛЬФОН КИСЛОТА, $SO_2Cl(OH)$ — сульфат кислота монохлорангидриди. Рангсиз суюқлик; суюқланиш т-раси — 80°, қайнаш т-раси 155° (парчаланади), зичлиги 1750 кг/м³. Х.к. жуда фаол, сув б-н шиддатли реакцияга киришиб, сульфат ва хлорид кислота ҳосил қилади. Кучли кислота. Водород хлорид б-н сульфат ангидриднинг ўзаро таъсирида ҳосил бўлади. Органик синтезда, бўягичлар, ювувчи воситалар ва дори моддалари, тутун ҳосил қилувчи моддалар тайёрлашда ишлатилади.

ХМЕЛЬНИЦКИЙ Богдан (Зиновий) Михайлович (тахм. 1595—1657.6.8) — Ук-украин давлат арбоби, саркарда, Украина гетмани (1648—57), поляклар зулмига қарши кўтарилган мустақиллик уруши раҳбари (1648—54). 1637—38 й.лардаги халқ қўзғолонларида қатнашган. 1640 й. ўрталарида полякларга қарши қўзғолонга тайёргарлик кўриб, казаклар қўшинини тузган. 1648 й. қамоққа олинган, лекин кўп ўтмай Запорожье Сечига қочган.

Киев ш.даги Б. М. Хмельницкий ҳайкали.

Ижтимоий, диний-миллий зулмга қарши қонли ва узоқ давом этган озодлик урушлари 1648 й. янв.да Х. бошчилигидаги миллий инқилобга айланган. Бу урушларда Қрим хонлиги, Россия, Швеция, Трансильвания, Усмонли турк империяси, Молдова ва б. қатнашган. Украина — Гетманлик мустақил давлат бўлди. 1654 й.дан мураккаб ташқи сиёсат ва ҳарбий вазият (Польша қироли катта армия юборган) оқибатида Х. Москва б-н давлатлараро ҳарбий иттифоқ тузган. Х. мустақил гетманлик ҳокимиятини, чекланган ташқи сиёсий муносабатлар ва казак қўшинларининг 60 минглик таркибини сақлаб қолиш тўғрисида таклиф қилган. Украина —Гетманлик ҳокимиятини ташқи сиёсатда тан олинишига эришган. Украинага автоном ҳуқуқи берилган. Х. украин халқини Польша ҳукмронлигидан озод қилишда катта роль ўйнади.

ХМЕЛЬНИЦКИЙ (1954 й.гача Проскуров) — Украинанинг Хмельницкий вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Жан. Буг дарёси бўйида. Т.й. чорраҳаси. Аҳолиси 254 минг кишига яқин (2004). Х. 15-а.да истеҳком сифатида вужудга келган (Б. *Хмельницкий* номи б-н аталган). 1793 й.гача Польша таркибида, 1793 й.дан Россия империясида. Машинасозлик (трансформатор кичик ст-яси, темирчилик-пресслаш асбоб-ускуналари, радиоаппаратура, приборлар и.ч.), қурилиш материаллари (ғишт, темир-бетон буюмлари з-длари), озиқ-овқат (ёғ-сир, гўшт тармоқлари), енгил (пойабзал, тикувчилик, трикотаж ва б.), кимё ва б. саноатлар ривожланган. Маиший хизмат кўрсатиш технологияси ин-ти, 2 театр, филармония, ўлкашунослик музейи, рус рассоми Г.С. Верейский (1886—1962) уй-музейи мавжуд.

ХМЕЛЬНИЦКИЙ ВИЛОЯТИ (1954 й.гача Каменец-Подольский) — Украина таркибидаги вилоят. 1937 й. 22 сент.да ташкил этилган. Майд. 20,6 минг км². Аҳолиси 1396 минг киши (2004), асосан, украинлар (90,8%); шунингдек, рус, поляк, яҳудий, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 32%. Муҳим шаҳарлари: Хмельницкий, Каменец-Подольский, Шепетовка, Славута. 20 туман, 24 шаҳарча бор. Маркази — *Хмельницкий* ш.

Табиати. Х.в. Подолия қирларининг марказий қисмида жойлашган. Иқлими мўътадил, континентал. Ёзи илиқ ва сернам; июлнинг ўртача т-раси 19,4°; қиши юмшоқ, янв.нинг ўртача т-раси —5,6°. Йилига 563—622 мм ёғин тушади. Вегетация даври 217 кун. Дарёлари Днестр, Жан. Буг, Горинь, Случь. Тупроғи, асосан, кам чириндили қоратупроқ, подзоллашган қоратупроқ, сур ва оч сур тусли, қумоқ, чимли-подзоллашган, чимли-карбонатли тупроқлар. Х.в., асосан, ўрмонли дашт зонасида. Ҳудуднинг 13,4% ўрмон (дуб, қайин, тоғтерак, граб, заранг, жўка ўсади). Қуён, тулки, бўри, елик, лось, тийин, кемирувчилар бор.

Хўжалиги. Озиқ-овқат саноатида, айниқса, шакар-қанд тармоғи ривожланган. Мой-сир корхоналари, гўшт к-тлари, сабзавот-консерва, пиво, қандолатпазлик саноат тармоқлари бор. Енгил саноат тармоқларидан мовут и.ч., тикувчилик, трикотаж, кўн-атторлик, пойабзал, йигирув-тўқув тармоқлари ривожланган. Станоксозлик ва асбобсозлик з-длари, электротехника, автоматлаштириш ва бошқарув системаси воситалари приборсозлиги, радиотехника, трактор ва қ.х. машинасозлиги, автоагрегат, машинасозлик (енгил ва озиқ-овқат саноатлари учун машиналар) з-длари бор.

Қ.х. ғаллачилик-лавлагикорлик б-н сут-гўшт чорвачилигига ихтисослашган. Ғалла, сабзавот ва картошка, ем-хашак, техника экинлари экилади. Боғдорчилик ривожланган. Қорамол, чўчқа, қўй ва парранда боқилади. Ҳовуз балиқчилиги ва асаларичилик б-н ҳам шуғулланилади. Т.й. узунлиги 732 км. Днестр дарёсида кема қатнайди. Хмельницкий ш. авиалиниялари орқали Киев, Львов, Черновци ва б. вилоятлар б-н боғланган. 3 олий ўқув юрти, 3 музей, 2 театр, филармония бор.

ХО — Ҳиндистон (Биҳар штати)даги мунда гуруҳига мансуб халқ, 1,2 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Мунда лаҳжасида сўзлашади. Диндорлари — ҳиндуизмга эътиқод қилади. Асосан, деҳқончилик, овчилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланадилар.

ХО ШИ МИН (Ho Chi Minh), Нгуен Тат Тхань (1890.19.5, Нгеан провинцияси, Кимлиен қишлоғи — 1969.3.9, Ханой ш.) — Вьетнам меҳнаткашлар партияси МК раиси (1951 й.дан), Вьетнам президенти (1946 й.дан); айни вақтда Вьетнам бош вазири (1946—55). 1945 й. авг. — 1946 й. мартда Вьетнам Муваққат ҳукумати раиси. Вьетнам адабиётининг таниқли вакили. Француз тилида ҳикоя ва очерклар, хитой тилида шеърлар ёзган. Сайгон ш.га Х.Ш.М. номи берилган.

ХОАНАЛАР (юн. choane — воронка, воронкасимон тешик) — ички бурун тешиги. Х. айрим балиқлар ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар учун хос. Панжа қанотли ва икки хил нафас олувчи балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар ҳамда кўпчилик судралиб юрувчиларнинг бурун бўшлиғи бирламчи Х. орқали оғиз бўшлиғига очилади. Тошбақалар, айрим қушлар, айниқса, тимсоҳлар ва сут эмизувчиларда қаттиқ танглай пайдо бўлиши туфайли бурун бўшлиғининг кейинги қисми чўзилиб, ҳалқумнинг юқори қисмига очиладиган иккиламчи Х. (бўғиз)ни ҳосил қилади. Ҳосил бўлган нафас найи оғиз бўшлиғида овқат бўлганида ҳам нафас олишга имкон беради.

ХОБАРТ — Австралиядаги шаҳар, Тасмания о.да, Деруэнт дарёси бўйида жойлашган. Тасмания штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 194,2 минг киши (1999). Сторм қўлтиғи соҳилидаги порт. Транспорт йўллари чорраҳаси. Рангли металлургия, автомобилсозлик ва кемасозлик, цемент, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ботаника боғи, картиналар галереяси, ун-т бор. Шаҳарга 1804 й.да асос солинган.

ХОВДОҒ — Сурхондарёнинг ўнг соҳилидаги қир. Шим.дан жанубга тахм. 15 км га чўзилган, эни 5—8 км. Сурхондарё ва Шеробод воҳалари оралиғида. Бал. 553 м гача. Атрофидаги текисликлардан деярли тик кўтарилган. Тектоник жиҳатдан антиклиналь структура. Бўр, палеоген, неоген, қумтош, конгломерат, гил, оҳактошлардан ташкил топган. Иқлими кескин континентал, ёғингарчилик кам (100—130 мм). Сур-қўнғир тупроқлар тарқалган, эфемер ва эфемероидлар ўсади. Нефть конлари очилган.

ХОВОС — Сирдарё вилояти *Ховос туманидаги* шаҳарча (1960 й.дан), туман маркази (2004 й.дан). Т.й. чорраҳаси. 1899 й.да Урсатьевская т.й. станцияси сифатида барпо этилган. Катта Ўзбекистон тракти ёнида, вилоят маркази (Гулистон ш.) дан 30 км. Аҳолиси 27,3 минг кишидан зиёд (2004).

Х.да нефть базаси, ғишт, керамика, узумни қайта ишлаш з-длари, ун ва нон к-тлари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, Ўзбекистон — Хитой «Ховос-Фусин» қўшма корхонаси (колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаради), деҳқон бозори бор. 5 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар коллежи, кутубхоналар, маданият саройи, клуб муассасалари, марказий стадион, марказий касалхона, т.й. касалхонаси ва поликлиникаси, тез тиббий ёрдам, ташхис марказлари мавжуд.

Ховос т.й. станцияси орқали Тошкент—Наманган—Андижон поездлари ўтади. Ховос — Гулистон, Ховос — Фарҳод йўналишлари бўйича автобуслар қатнайди.

ХОВОС ТУМАНИ — Сирдарё вилоятидаги туман. 1926 й.дек.да ташкил қилинган. 1955 й.дан 1966 й.гача Боёвут тумани, 1966 й. 25 авг.дан 1975 й. 6 мартгача Янгиер тумани деб аталган. 2004 й. 11 майдан Х.т.га Меҳнат-обод тумани қўшилди. Туман маркази Фарҳод-5 қишлоғидан Ховос шаҳарчасига кўчирилди. Шим.-шарқдан Боёвут, жан.-шарқдан Тошкент вилоятининг Бекобод тумани, жан.да Тожикистон Республикаси, ғарбдан Жиззах вилоятининг Зомин, шим.-ғарбдан вилоятнинг Сардоба, Мирзаобод туманлари б-н чегарадош. Майд. 1,5 минг км². Аҳолиси 74,1 минг кишидан зиёд (2004). Туманда 1 шаҳарча (Ховос), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бинокор, Гулбаҳор, Зафаробод, Пахтакор, Соҳибкор, Чаманзор, Қаҳрамон, Туркистон, Фарҳод, Ҳавотағ, Ҳуснобод) бор. Маркази — *Ховос* шаҳарчаси.

Табиати. Туман ҳудуди, асосан, вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. Рельефи пасттекислик, қир, баланд адир ва тоғлардан иборат бўлиб, шим.дан (250—350 м) жан.га (1200—1600 м) кўтарила боради. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ, қуруқ, қиши совуқ. Йиллик ўртача т-ра 15°, янв.нинг ўртача т-раси —2°, энг паст т-ра —30°, июлнинг ўртача т-раси 30°, энг юқори т-ра 46°. Йиллик ёғин миқдори 315 мм (шим.-ғарбда 200—250 мм, жан.да 400—450 мм). Ховос шамоли (*Бекобод шамоли*) Ўрта Осиёдаги энг кучли шамоллардан биридир. Йил бўйи ўртача ҳисобда 48—52 кун кучли шамол эсади, кўпинча ноябрь ойида бошланиб, мартда тугайди. Қишда шамолнинг тезлиги секундига 25—30 м, ёзда 10—15 м бўлади. Шамол 1—3 кун, ҳатто 5 кунлаб давом этади. Вегетация даври 224 кун.

Адирлар қумтош, қум, лёсслардан ташкил топган. Жан. қисмидаги адирларнинг тупроғи эса лёсс устида ҳосил бўлган бўз, оч бўз, типик бўз тупроқлардир. Бу ерлардан баҳорикор деҳқончиликда фойдаланилади. Текисликларда бўз, оч бўз, типик бўз, ўтлоқи бўз тупроқлар тарқалган бўлиб, деҳқончилик учун қулай. Туман Сирдарёдан чиқарилган Саркисов номидаги Жан. Мирзачўл канали орқали суғорилади. Саватсой, Сармичсой, Мўғулсой, Хўжамушкентсой, Қипчоқсой ва б.дан ҳам суғоришда фойдаланилади. Баҳорда адирлар турли ўтлар б-н қопланади. Текислик қисмида қўнғирбош, ранг, илоқ, қиёқ, шўра, шувоқ, янтоқ, қамиш, пахтатикан, итузум, шамак, ғумай ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, бўри, чиябўри; қушлардан чўл бургути, лайлак, тустовуқ, ёввойи ўрдак; кемирувчилардан қуён, типратикан, каламуш, юмронқозиқ, дала сичқони; судралувчилардан тошбақа, илонлар, калтакесаклар ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; шунингдек, тожик, қозоқ, татар, туркман, корейс, рус, қрим татар, озарбайжон, арман, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 49,4 киши (2004).

Хўжалиги. Туманда Фарҳод ГЭС, Сирдарё иссиқлик электр ст-яси, саноат, қурилиш бошқармалари, 37 фирма ва кичик корхона, Хитой б-н ҳамкорликдаги «Ховос-Фусин» қўшма корхонаси (колбаса ишлаб чиқаради), автокорхона, нефть базаси, МТП, узумни қайта ишлаш, ғишт з-длари, 3 деҳқон бозори бор. Туманда 3 ширкат, 930 деҳқон-фермер хўжалиги фаолият кўрсатади.

Қ.х.да фойдаланиладиган ер майдонининг 36,7 минг га ерда деҳқончилик қилинади. Боғ, токзор, кўчатзорлар бор. 13,5 минг гектарига пахта, 11,7 минг гектарига ғалла, шунингдек, сабзавот, полиз экинлари, картошка ҳам экилади.

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 17,7 минг қорамол, 21,8 мингга яқин қўй ва эчки, 25,4 минг парранда, 408 от боқилади (2004).

Туман ҳудудидан Ховос ва Янгиер т.й. станциялари орқали Тошкент—Самарқанд, Тошкент—Хўжанд, Тошкент—Жалолобод поездлари ўтади. Ховос—Гулистон, Фарҳод—Ховос, Ховос—Янгиер йўналишлари бўйича автобуслар қатнайди.

Х.т.да 2003/2004 ўқув йилида 28 умумий таълим мактабида 15,9 минг ўқувчи таълим олди, 2 иқтидорли болалар, мусиқа мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, 11 маданият уйи, 20 кутубхона, 9 эстрада, 4 фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. 9 стадион (шу жумладан, 1 марказий стадион) мавжуд. Туманда марказий касалхона, тез тиббий ёрдам, ташхис марказлари, болалар жарроҳлик, реанимация бўлимлари, юқумли касалликлар касалхонаси, 7 қишлоқ врачлик пункти, 3 поликлиникаси, шифобахш сув б-н даволайдиган «Хавотоғ» санаторийси фаолият кўрсатади. 1931 й.дан «Ховос овози» туман газ. чиқади.

Қосим Ёқубов.

ХОВРЕНКО Михаил Александрович (1866.17.3, Степанакерт ш. — 1940.24.11, Тошкент) — виношунос-кимёгар олим. Ўзбекистонда вино саноати ташкилотчиларидан бири. Москва олий техника билим юртини тугатган (1892). «Магарач»да кимёгар-виночи, 1909 й.дан Москва қ.х. ин-тида ўқитувчи, проф. (1912). 1927 й.да «Ўзбеквино» трестида бош виношунос ва Ўрта Осиё ун-тида (Самарқанд) проф. *Кагор* типидаги ва б. винолар и.ч. технологиясини соддалаштиришга имкон берувчи «розенштейн-ховренко усули»ни таклиф қилган; *портвейн* ва *мадера* тайёрлашда виноларни иссиқ (ҳароратда сақлаб) етилтириш технологиясини ишлаб чиққан ва бу усул корхоналарда оммавий тарзда қўлланила бошланди. Х. Ўзбекистонда узумчилик ва виночилик ривожига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган бир қанча винолар, жумладан, *ликёр* типидаги маркали «Ўзбекистон» ва маркали «Ҳосилот» винолари муаллифи. 1940 й.дан *Самарқанд шароб комбинати* унинг номи б-н аталган.

ХОГАРТ (Hogarth) Уильям (1697.10.11 — Лондон — 1764.25.10) — инглиз рангтасвир устаси, график рассоми ва санъат назариётчиси. Лондондаги Ж. Торнхилл академиясида таълим олган. 1743 ва 1748 й.ларда Францияда бўлган. Х. асарлари демократик руҳи, ўта ҳаётий тавсифи, реалистик усули б-н ажралиб туради («Капитан Т. Корем», 1740; «Автопортрет», 1745; «Қиз қисқичбақалар б-н» ва б.). Бироқ Х.га инглиз ҳаётидаги нуқсонларни фош этувчи Европа маърифатпарварлиги руҳидаги ҳажвий картиналари ва гравюралари шуҳрат келтирди («Урф бўлган никоҳ» гравюралари, 1743—45; «Жин тор кўчаси» ва «Пиво кўчаси» гравюралари, 1751; «Сайловлар», тахм. 1754 ва б.). Х. «Гўзаллик таҳлили» назарий рисоласида ҳаётни унинг ўзига хос кўринишида бера оладиган асимметрик, дифференциал шаклларни далил қўллашга ундайди; унинг ғоя ва асарлари 18-а. Европа маданиятига кучли таъсир кўрсатган (Англияда — Л. Стерн, Германияда — Э. Лессинг, Г.К.Лихтенберг ва б.).

ХОДУКИН Николай Иванович (1896, Троицк ш. — 1957, Тошкент) — паразитолог ва эпидемиолог олим. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1947). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1940). Тиббиёт фанлари д-ри (1936), проф. (1936). Қозон ун-тининг тиббиёт ф-тини тугатган (1919). Тошкент Вакцина ва зардоблар ин-тининг паразитология бўлими мудири (1925—40), илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1940—57). Илмий ишлари Ўзбекистоннинг ўлка патологияси, безгак, лейшманиоз касалликларини ўрганишга оид.

ХОЖА (форс. — хўжа, хўжайин) — тасаввуфда тариқат машойихларига бериладиган унвон. Бу унвон, асосан, Юсуф *Ҳамадоний*дан бошлаб ишлатила бошланган. Мас., Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Муҳаммад Самосий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий ва ҳ.к. Ундан олдинги улуғ пирларга «шайх» унвони берилар эди.

ХОЖА АБДУЛҚОДИР МАРОҒИЙ (тўлиқ исми Хожа Абдулқодир бин Ғоиби ал-Ҳофиз ал-Мароғий) (14-а. 2-ярми, Мароға ш. — 1434/35) — созанда (уд, чанг, най), хонанда, бастакор ва мусиқашунос. Ҳаёти асосан *Жалойирийлар давлатида* ўтган. Амир Темур уни Бағдоддан Самарқандга олиб келган ва 1394—1405 й.ларда у Соҳибқирон, сўнг Шоҳрух Мирзо, Халил Султон саройларида умрининг охиригача хизмат қилган.

Х.А.М. мусиқа назарияси соҳасида бой мерос қолдирган: «Канз ул-алҳон» («Куйлар хазинаси»), «Жомс ул-алҳон» («Куйлар мажмуаси»), «Мақосид ул-алҳон» («Куйлар ҳосил қилиш ўрни»), «Шарҳ-ал-адвор» (*Сафиуддин ал-Урмавий*нинг «Китоб ул-адвор»ига шарҳ) ва б. Шунингдек, у «Китоб ул-адвор»ни турк тилига таржима қилган. Х.А.М. асарларида Форобий, Сафиуддин ал-Урмавий, Маҳмуд аш-Шерозийларнинг мусиқага оид назарий фикрларини ривожлантириб, қатор масалаларда аниқликлар киритган (мас., *адвор* илмида *жамлар* доираларининг 103 хилини келтирган). У ўз даврида қўлланилган 45 чолғу (*уд, рубоб, чанг*, ётуғон, руҳафзо, эгри, *қўбиз* ва б.)ни тавсифлаган. Х.А.М. уди мурассаъ деб аталган торли соз ихтиро қилган. Бастакор сифатида Шарқ халқлари мусиқасида машҳур *тасниф, пешрав, амал, савт* шаклларида («Таснифи Хожа Абдулқодир», «Амали Бўстон» каби) куй ва ашула йўллари, янги (Зарбул фатҳ, Чоҳор зарб сингари) доира усуллари яратган, уларнинг баъзилари ҳозир ҳам ижро этилади (мас., туркларда «Қиёр» куйи ва б.). У форс ва турк тилларида ғазаллар ҳам ёзган; ғазаллари равонлиги ва мусиқийлиги б-н ажралиб туради. Х.А.М.нинг мероси Эрон, Озарбайжон, Хуросон, Ироқ, Туркия, Ўрта Осиё (хусусан, Ўзбекистон) халқлари мусиқа тарихини ўрганишда муҳим манбалардандир.

ХОЖА АҲМАД МАҚБАРАСИ — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (14-а. 60-й.лари); *Шоҳизинда* хазирасининг юқори ҳовлиси (тўри)да жойлашган. Мақбара пештоқ-гумбазли, тўртбурчак тарҳли (7,6×3 м) хонадан иборат бўлиб, хона ўртасида 4 та номсиз сағана бўлган. Бино ичи, гумбаз ости тузилиши 12-а. меъморлиги услубини

Хожа Аҳмад мақбараси пештоғи.

эслатади. Олд томондаги пештоғи рангли сиркори кошинлар б-н безатилган, сулс ва куфий хатидаги китобалар ва безаклар маҳорат б-н уйғунлаштирилган. Ўймакори безаклар орасида «... амали уста Фахр Али...» ёзуви сақланган. Хожа Аҳмад номи битилган ёзув қисми сақланмаган. Тамғоч Буғрохон вақфномаси шу манзилда Аҳмад муқаддас — қиссагўй мақбараси борлигини қайд қилган.

ХОЖА АҲРОР (тахаллуси; асл исми Хожа Убайдуллоҳ ибн Хожа Маҳмуд ибн Хожа Шаҳобиддин Шоший) (1404, ҳоз. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Боғистон қишлоғи — 1490, Самарқанд) — ўртаосиёлик мутафаккир, *нақшбандия* тариқати раҳнамоларидан. Отаси шайх Хожа Маҳмуд нақшбандиянинг хожагон сулукида бўлган, тижорат ва зироат ишлари б-н шуғулланган. *Шайх Хованди Тоҳур* она томондан унинг бобосидир. Х.А.нинг болалик ва ёшлик даври Тошкентда ўтган. Тошкент ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган. У тасаввуф илмига қизиқади, шу мақсадда Ҳиротга бориб Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Хавофий каби таниқли мутасаввифлар суҳбатида бўлди. *Баҳоуддин Нақшбанд*нинг шогирди шайх Ёқуб Чархий (1447 й.в.э.)дан нақшбандия тариқати асосларини ўрганди. У Ёқуб Чархийдан иршод ҳуқуқини олиб, муршиди комиллик мақомига етгач, Тошкент, Туркистон атрофларида шуҳрат топа бошлайди. Нақшбандия таълимотининг давомчиси сифатида уламолар ўртасида катта обрў орттирди ва «валий» («авлиё») сифатида танилиб «Аҳрор» («Ҳур», «Озод») номига эга бўлди. Тасаввуфда бу ном 3 хил асирликдан халос бўлган: ҳайвоний ҳис-туйғуларни енгган; ўзининг барча хоҳиш-истагидан воз кечиб, фақат Аллоҳнинг иродасига бўйсунган; расм-русум ва ҳаёт кечиришнинг барча одат ва анъаналаридан холи бўлиб, илоҳий нур ёғдусига ғарқ бўлган зотга нисбатан қўлланилади.

Х.А., айни вақтда, деҳқончилик ва тижорат ишлари б-н шуғулланади. Жуда катта ер-сув, мол-мулк унинг тасарруфида эди. Шу боис Ўрта Осиёда беқиёс иқтисодий ва сиёсий қудратга эга бўлиб, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида етакчи ўрин эгаллайди. У фақат Мовароуннаҳрда эмас, Хуросон, Ҳиндистонда ҳам савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйган. Бутун умри давомида эл-юрт ва халқнинг манфаати йўлида кўп савоб, хайрли ишлар қилган. Ўз хўжалик фаолиятидан олган даромаднинг кўп қисмини аҳоли тўлаши лозим бўлган солиқларни тўлашга, диний ишларга, маданий қурилишларни амалга оширишга сарфлаган. Ҳожатманд инсонларга ва оилаларга муттасил ёрдам бериб, меҳр ва мурувватини аямаган. Жамиятдаги тутган юксак мавқеидан фойдаланиб тахт учун курашган шаҳзодалар ўртасидаги низоларни тинчлик йўли б-н бартараф қилган. Х.А. Амир Темур тузган буюк салтанат парчаланаётган, таҳликали ва ўта мураккаб даврда яшади. Шундай шароитда у фуқаролар, эл-юрт манфаатини кўзлаб, сиёсий воқеаларда иштирок этишга мажбур бўлди. Гарчи соликлар сиёсатдан узоқ туришни афзал кўрган бўлсалар-да, Х.А. бу анъанани бузди. Х.А.нинг султон ва подшоҳлар б-н мулоқотда бўлиши шунчаки юксак мартаба, шахсий манфаат ва шуҳрат кетидан қувиш учун эмас, балки оддий фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш учун зарур эди. У шу тарзда мазлумларнинг ҳомийсига айланди. Жомий, Навоий, Бобур Х.А.ни ўзларига маънавий пир-устоз деб билганлар.

Х.А.нинг 3 рисоласи бизгача етиб келган. Биринчи, «Фақарот ул-орифин» («Орифлар сўзларидан парча-

Хожа Аҳрор саганаси.

лар») бўлиб, унда Х.А. ва бошқа баъзи мутасаввифларнинг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. Иккинчиси «Волидия» («Отага бағишлов») бўлиб, уни ўз отаси илтимосига кўра ёзган. Унда тариқат йўлига кирган кишининг ахлоқи, одоби, фақр ва фано тушунчалари ҳақида сўз боради. Бу рисола ўз даврида кенг шуҳрат қозониб, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий унга муносиб баҳо берган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу рисолани форс тилидан ўзбек тилига шеърий таржима қилган. Бу таржима 1991 й.да Тошкентда нашр этилган. Рисола 2004 й.да шарқшунослар Маҳмуд Ҳасаний ва Дилора Ражабова томонидан форсийдан қайта таржима қилинган ва нашр этилган. Учинчи рисола «Ҳавронйя» деб аталиб, машҳур мутасаввиф шоир Абу Саид Абдулхайр (11-а.)нинг «Ҳавро» («Ҳурлар» ёки «Фаришталар») сўзи б-н бошланувчи бир рубоийсини шарҳлашга бағишланган. Бу асарлардан бошқа Х.А.нинг ўз замондошларига йўллаган мактублари ҳам бизгача етиб келган. Улар Х.А.нинг ўз даври ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида тутган ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Бу мактубларнинг русча таржимасини тарих фанлари д-ри Асомиддин Ўринбоев тайёрлади. Мактублар А.Ўринбоев б-н америкалик олима, Нью-Жерси ун-тининг профессори Жо Энн Гросс ҳамкорлигида инглиз тилига ўгирилиб, «Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг хатлари ва унинг муридлари» номи б-н 2002 й.да Голландияда нашр этилди.

Х.А. тасаввуф назарияси ва амалиётига катта ҳисса қўшган. Унинг маданий меросида Қуръон оятларининг тафсири, ҳадисларнинг шарҳлари алоҳида ўрин эгаллайди. Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот» асарида Х.Анинг 120 га яқин тафсиру шарҳлари рашҳа (томчи)лар тарзида берилган. Х.А. мусулмон дунёсининг буюк мутасаввифлар силсиласида мўътабар ўрин тутади. Мусулмон дунёсида 356 та авлиё ўтган бўлиб, улардан 3 таси Қутб ул-Ақтоб (улуғ даражага етган авлиё) сифатида эътироф этилган. Шу 3 зотнинг бири Х.А. бўлган.

Ўзбекистонда истиқлол туфайли Х.А.нинг маънавий мероси чуқур ўрганилмоқда. Х.А. таваллудининг 600 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2004 й. 25 март) унинг ана шу меросидан халқни баҳраманд этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ад.: Валихўжаев Б., Хожа Аҳрор тарихи, Т., 1994; Маънавият юлдузлари, Т., 1999.

Убайдулла Уватов, Зокиржон Қутибоев.

ХОЖА АҲРОР МАЖМУАСИ — Самарқанд атрофидаги меъморий ёдгорлик (15—20-а.лар); Самарқанд туманидаги Улуғбек қишлоғи ҳудудида. Хожа Аҳрор қабри яқинида турли даврларда бунёд этилган *Нодир Девонбеги мадрасаси*, икки айвон, масжид, минора ҳамда ҳовузли ҳовлидан иборат мажмуа. Мажмуанинг маркази 8 ёқли ҳовуз, унинг жанд.да Хожа Аҳрорнинг оқ мармарли қабртоши бор, қабртошига араб ёзувида ҳуснихат б-н марсия ёзилган. Шим.да Нодир Девонбеги мадрасаси, тўртбурчак ҳовлининг атрофида ҳужралар жойлашган; ҳовлининг тарбида айвон бор, безаклари 17-а.га хос, мармар курсили устунлар бошаси муқарнасли, шифти 3 қисмга бўлиниб, юллузсимон шаклдаги ҳовузлар ишланган. Иккинчи мураббатарҳли айвонининг шарқий томони очиқ қолган уч томони қалин девор б-н ўралган, деворларига чуқур равоқлар ишланган; ён томонидан масжидга кирилади. Масжид синчли бино бўлиб, тўғри тўртбурчак тарҳли, ёғоч устун-тўсинли, шифти вассали, нафис нақшлар б-н серҳашам безатилган. Масжид изорасига кошинкори нақшлар ишланган, меҳроб ва равоқлари муқарнаслар б-н тўлдирилган. юқоридаги ҳошия қаторлар қирма усулида бажарилган. Ҳужралар ҳовлининг шим.да жойлашган, содда, безаксиз. Ҳовуз ёнида тағи 6 қиррали минора қад кўтарган. Таъмир вақтида томи тунука б-н ёпилган. Таъмирлашда уста Саъдулла (1909), ганчкор уста Т. Исмоилов (1921), дурадгор уста Ҳафиз ва б. қатнашган.



Масжид меҳроби.

Хожа Аҳрор масжиди.

Ад.: Захидов П., Самаркандская школа зодчих, Т., 1965.

ХОЖА АҲРОРИЙ — маҳаллий эртапишар хўраки узум нави. Тупи ўртача ўсади. Барги тўғарак, бутун ёки уч бўлмали, туксиз. Гули икки жинсли. Узум боши йирик, цилиндрсимон, ўртача зич ёки ҳавол. Ғужуми ўртача, думалоқ тухумсимон, пўсти юпқа ва майин, хушхўр, кўкимтир-новвот ранг. Таркибида қанд моддаси 20—22%. Авг. бошларида пишади. Ҳосилдорлиги 100—140 ц/га. Асосан, томорқа боғларда етиштирилади.

ХОЖА БАҲРИДДИН МАҚБАРАСИ — Тошкент ш.даги меъморий ёдгорлик (19-а. ўрталари); суфийлик тариқати вакили Хожа Баҳриддин дафн қабри устига қурилган. «Қўшчинозор» қабристонида жойлашган. Мақбара пештоқ-гумбазли қилиб пишиқ гишт (24,5×25×4,5 см)дан қурилган хона ва унинг ғарбидаги синч деворли олди айвонли иншоатхонадан иборат. Мақбара тарҳи тўртбурчак (4,6×5,4 м), деворнинг ташқи сиртидаги гишт чоклари ганч қоришмаси б-н тўлдириб, текисланган. Пештоқининг ғарбий томонидаги деразадан хонага ёруғлик тушади. Мақбара ички деворларига равоқлар ишланган. Гумбаз (диаметри 2,5 м) ва хонанинг томонлари тенг, гумбаз остидаги давра девор Тошкент меъморлигига хос, яъни тепага томон кичрайиб боради; гумбаз пойгумбаздан гиштин шарафа б-н ажратилган. Х.Б.м. Тошкент меъморлиги анъаналарида қурилган мақбара намунасидир.

Хожа Баҳриддин мақбараси.

ХОЖА ДОНИЁР МАҚБАРАСИ — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (20-а. бошларида қурилган). Афросиёб

Хожа Дониёр мақбараси.

ХОЖА ЖАРРОҲ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ — Қарши ш.даги меъморий ёдгорлик (14-а.). Соҳибқирон Амир Темур 14-а. охирларида Шом ерларини забт этган пайтда улуғ саҳобалардан бири Абу Убайда Омир ибн ал-Жарроҳ қабри ҳақидан келтириб Қарши ш.да дафн эттирган ва у ерга мақбара қурдирган. Мақбара бузилиб кетган. 20-а. 2-ярмида қайта тикланган мажмуа мақбара, айвон, миноралардан иборат. Мақбара тўртбурчак тарҳли, пештоқ-гумбазли, пишиқ гиштдан қурилган, бош пештоғи бурчакларига буржлар ишланган, ён деворларида меҳроб шаклидаги деразалар бўлиб, панжаралар ўрнатилган. Мақбара ичи ганч ўймакорлигида пардозланган.

Хожа Жарроҳ ёдгорлик мажмуаси.

ХОЖА МИР МУҲАММАД САЛИМ, Муҳаммад Рустам султон ўғли (17-а. охири — 18-а.нинг 1-ярми) — тарихчи олим. Аштархоний султонлар оиласида туғилган. *Убайдуллахон II* ўлдирилгач (1711), ҳаж қилиш баҳонаси б-н Арабистонга жўнаган. Ҳаж маросимидан кейин *бобурийлар*дан Носируддин Муҳаммадшоҳ (ҳукмронлик даври 1719—48) хизматига кирган. Носируддин Муҳаммадшоҳнинг топшириғи б-н у 1731 й.да форс тилида «Силсилат ас-салотин» («Подшолар силсиласи») тарихий асарини ёзган. Асар муқаддима ва 4 қисмдан иборат. Асарнинг 3—4-қисмлари алоҳида қимматга эга бўлиб, *Бухоро хонлигининг* 16—18-а. 1-чораги тарихини ўз ичига олади. Асарда Бухоро хонлари ва Динмуҳаммадхонининг Ҳиндистон, Туркия ва Эрон ҳукмдорлари б-н ёзишмалари (20 та мактуб) матни келтирилган. Шунингдек, асарда улус тизими, солиқлар, Ўрта Осиё шаҳарлари, аҳолиси ва урф-одати ҳақида қимматли маълумотлар бор. Бу асарнинг қўлёзмаси Бодли кутубхонаси (Англия)да (инв. №269) сақланади.

Ад.: Аҳмедов Б.А., Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, Т., 1991.

ХОЖА МУҲАММАД ИСЛОМ ибн Хожа Аҳмад, Фахриддин Хожа Муҳаммад Ислом, Хожа Ислом Жўйборий (1493—Бухоро—1563.15.9) — *Жўйбор хожаларининг* машҳур намояндаси, Бухоро шайх ул-исломи. Бухоро хонлари *Убайдуллахон* ва *Абдуллахон II* нинг пири. Х.М.И. ёшлигидан нақшбандия тариқати асосларини пухта ўрганган. *Маҳдуми Аъзам* унга устозлик қилган. Х.М.И. кейинчалик нақшбандийлик тариқатини кенг тарғиб қилгани учун «Пири Шастий» унвонига ҳам сазовор бўлган. Х.М.И. ёшлигидан давлат ва сиёсат ишларига фаол аралашган. Бухоро ҳокими Убайдулла султон саройида хизматда бўлган.

Х.М.И. Абдуллахон II нинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги қатъиққўл сиёсатини қўллаб қувватлаган. Бухоро хонлигидагина эмас, балки бутун мусулмон Шарқида унинг нуфузи баланд бўлган. Ҳиндистон, Эрон, Кошғар, Балахшон ҳукмдорлари у б-н хат ёзишиб туришган. Мовароуннаҳрдаги сиёсий жараёнларда Маҳдуми Аъзам вафоти (1542)дан сўнг марказий сиймо (йирик диний уламо) сифатида асосий роль ўйнаган. Абдуллахон II Балх ҳокими Пирмуҳаммадхон таклифини қабул қилиб, Бухородаги ҳокимлигини Балхдаги ҳокимликка алмашмоқчи бўлганида Х.М.И. Абдуллахон II б-н учрашиб, уни бу янглиш қарордан қайтаради (1561).

Бухоро хонлигида шу даврда қурилган кўплаб меъморий обидалар (масжидлар, мадрасалар, ҳаммомлар, сардобалар, устахоналар, савдо расталари ва каналлар, хонақоҳ ва б.) ота-ўғил: Х.М.И. ва Хожа Саъдуддин номлари б-н боғлиқдир. Х.М.И.нинг Гавкушон ва Жўйбор мадрасаларида 8 минг жилдлик улкан кутубхонаси бўлган. У саховатли ва мурувватли инсон бўлгани учун Бухоро халқи томонидан «Қутбул ғавс» («Мададкор қутб»), яъни авлиё деб эъзозланган.

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО — (тўлиқ исми Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофиз ал-Бухорий) (1345, Бухоро — 1419, Мадина) — *нақшбандия* тариқати намояндаси. Бухородаги мадрасаларда таҳсил олган. Қуръон ва ҳадисларни, калом илмини чуқур ўрганган. *Баҳоуддин Нақшбанд* уни шогирдликка қабул қилган ва «порсо» (тақводор, диндор) тахаллусини берган. Нақшбанд вафотидан сўнг, унинг ўрнига тариқатга раҳбарлик қилган.

Х.М.П. ўша даврдаги сиёсий жараёнларда фаол иштирок этган. Мовароуннаҳр ҳукмдори *Халил Султон* б-н мулоқотда бўлган, *Шоҳруҳ* б-н турли масалалар бўйича ёзишмалар олиб борган. *Улуғбек* саройи (Самарқанд ва Бухоро)даги илмий мунозараларда қатнашган.

Тасаввуф ва ислом тарихига оид «Рисолаи қудсия» («Хожа Баҳоуддиннинг қудсий калималари ҳақидаги рисола»), «Эътиқод» («Эътиқод ҳақида рисола»), «Таҳқиқот» («Тасаввуф истилоҳлари бўйича рисола»), «Тафсири Қуръон» («Қуръон тафсири»), «Рисолаи калифия» («Кароматлар ҳақида рисола»), «Мухтасари тарихи Макка» («Макка шаҳрининг қисқача тарихи»), «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» («Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақомоти»), «Ҳафтоду ду фирқа» («Етмиш икки фирқа») каби 20 дан ортиқ асар ёзган. Шариат ва тариқат масалаларига бағишланган ва унга катта шуҳрат келтирган асари «Фасл ул-хитоб би-вусули-л аҳбоб» («Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоб») бўлиб, у ўрта асрларда ислом уламолари учун қўлланма вазифасини ўтаган. Асар 494 та масалага бағишланган бўлиб, уларнинг ҳаммаси исломда баҳсли ҳисобланган ва муаллиф турли асарларга суянган ҳолда бу масалаларни ечиб берган. Асар бир неча марта чоп этилган.

Х.М.П. 2-марта ҳаж зиёрати пайтида касалга чалиниб, Мадинада вафот этган.

Ад.: Муҳаммад Боқир, Баҳоуддин Балогардон, Т., 1993; Маънавият юлдузлари, Т., 2001; Фахруддин Али Сафий, Рашаҳот (2-нашри), Т., 2004.

ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ — қ. *Термизий*.

ХОЖА САЪДУДДИН, Хожа Саъд Хожа Калон Хожа (1531—Бухоро — 1589.23.10.) — Жўйбор хожаларидан. Бухоро шайх ул-исломи. *Хожа Муҳаммад Ислом*нинг ўғли. Отаси вафоти (1563)дан сўнг унинг ўрнига *Абдуллахон II* томонидан Бухоро шайх ул-исломи қилиб тайинланган. Абдуллахон II Х.С. фатвосисиз бирорта жиддий ишга қўл урмаган. Х.С.га «Қутблар қутби» ва «Саййидлар паноҳи» унвонлари берилган.

Х.С. отаси каби катта ер-сув ва кўчмас мулк эгаси бўлган.

Абдуллахон II унга Бадахшондаги Арханг вилояти ва Кўлобдаги Вахшни ҳадя этган.

Ад.: Аҳмедов Б., Тарихдан сабоқлар, Т., 1994; Ҳусенов С., Ражабова И., Чор Бакр, Т., 2001.

ХОЖА УББОН — Бухоро ш.дан 50 км шим.-ғарбда, Дашти Урганжий қумлигида жойлашган шифобахш суvли қудуқ ва қаламжо (сағанали дахма). Аслида у «Хожа Оббон» шаклида юритилиб, «сув қўриқчиси, сув ҳомийси» маъносини англатган.

Ривоят қилинишича, Х.У.Амударё қайиқчи ва кемачиларининг пири ва сув муаккили: қоқшоқ қўриқ ерлар ва даштларга булутларни ҳайдаб ёмғир ёғдирадиган авлиё ҳисобланган. Шу боисдан Бухоро вилоятининг сувсиз даштликларидаги айрим қишлоқ ва қаламжолар Уббон, Султон Хубби, Ҳазрат Хуббин ва Оқшиx бобо каби номлар б-н аталади. Х.У. қудуғининг суви минерал тузларга бой, таъми шўр ва аччиқ бўлиб, ўтмишда тери касалликларига йўлиққан кишиларнинг даволаниш маскани ва зиёратгоҳи бўлган.

Х.У. зиёратгоҳи илгари бир неча иншоотлар мажмуидан иборат бўлган. Қудуқ усти пишиқ ғиштдан чортоқ услубида гумбазли бино, унинг ёнгинасида хонақоҳ ва панжа шаклида мис туғлар ишланган, бир нечта сағаналарнинг бош қисмида архар шохлар ўрнатилган.

1964 й.да Х.У. қудуғи устидан 14-а. меъморий ҳамда нодир гидротехника обидаси бузиб ташланган. Бироқ, кўп вақт ўтмай у жойда янги қудуқ кавланиб, янги иморатлар қад кўтарди, сағаналар таъмирланди, даволанувчи зиёратчиларнинг сони эса ортиб борди.

Ад.: Айний С., Эсдаликлар, Т., 1953; Ғуломов Я., Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадим замонлардан ҳозиргача, Т., 1959; Нурдошев Н., Бухоро авлиёларининг тарихи, Бухоро, 1997.

Абдулаҳад Муҳаммаджонов.

ХОЖА ФАЗЛУЛЛОҲ, Хожа Жамолуддин Фазлуллоҳ Абуллайсий (15-а.) — самарқандлик шоир, мударрис. *Алишер Навоий*нинг устози. Фалсафа, фиқҳ фанларини, форс ва араб тилларини яхши билган. Фиқҳ илми борасида «Иккинчи Абу Ҳанифа» (қ. *Мазҳаб*) лақабини олган. Алишер Навоий Самарқандда ўқиб юрган чоғларида (1465—69). Х. Ф. хонадонида яшаган, таълим олган. Наvоий кейинчалик «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг 2-мажлисида у ҳақда: «Фақиҳ Абдуллайс авлодидандир. Фиқҳда ани Абу Ҳанифаи Соний дерлар эди ва арабият (араб филологлар)ида Ибн Ҳожиб (араб тили грамматикаси бўйича «ал-Кофия» номли мукаммал дарслик муаллифи) каффасида тутарлар эрди», деб ёзади. Х.Ф. мадрасада дарс бериш ҳуқуқини устози, буюк тилшунос олим Сайид Шарифдан олган.

Х.Ф. катта тилшунос бўлиш б-н бирга ижодий ишлар б-н ҳам шуғулланган. Унинг шеърлари, хусусан, муаммолари ўз даврида машҳур бўлган. Х.Ф. 15-а. илмий ва адабий муҳитида, маънавий ҳаётида катта ўрин тутган.

Ад.: Абдуллаев В., Танланган асарлар, 1-ж., Т., 2002; Валихўжаев Б., Мумтоз сиймолар, 1-ж., Т., 2002.

ХОЖА ҲАСАН АНДОҚИЙ, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн ал-Андоқий (1069, Бухородаги Андоқ қишлоғи — 1157.2.11, Бухоро) — хожагонлик тариқатининг йирик намояндаси. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Хожагон — нақшбандия тариқатининг машҳур шайхи Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг истеъдодли муриди ва 2- халифаси сифатида устози б-н бирга Хоразм ва Бағдодга борган. Ўз умрини муридлар тарбиялаш б-н ўтказган. Шунингдек, Х.Ҳ.А. *тасаввуф*нинг хожагонлик тариқатини ишлаб чиқишда *Абдухолиқ Ғиждувоний*га катта ёрдам берган. «Рашаҳот» асарида ёзилишича, «у ўз даврининг буюк шайхларидан бири ва тариқат йўлида энг яхши инсонларидандир». Машҳур олим *Самъоний* Марвдаги Юсуф Ҳамадоний хонақоси ва Бухородаги хонақода ул зотдан ҳадис илмини ўрганган.

Ад.: Абдулкарим ас-Самъоний, Насабнома (Ал-Ансоб), Бухоро, 2003; Фахруддин Али Сафий, Рашаҳот, Т., 2003; Ҳасанив М., Раззоқова М., Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий, Т., 2003.

ХОЖКИН (Hodgkin) Алан Ллойд (1914.5.2, Бинбери, Оксфордшир, Англия) — инглиз физиологи; Лондон қироллик жамияти аъзоси (1948) ва президенти (1970—75). Кембриж ун-тини тугатган (1936). Шу ун-т проф. (1952 й.дан), Лестер ун-ти ректори (1971 й.дан). Асосий илмий ишлари нерв ҳужайралари физиологияси, нерв қўзғалиши ва тормозланиши механизмларини ўрганишга оид. Биопотенциалларнинг ҳосил бўлиши ҳужайра мембраналари орқали ионларнинг ўтказилиши б-н боғлиқ эканлигини назарий ва экспериментал исботлаб берган. Нерв толаларида потенциаллар таъсири механизмларини тадқиқ қилиш мақсадида мембраналарда потенциалларни ўлчайдиган оригинал усулни ишлаб чиққан. Нерв импульслари ҳосил бўлишида ион градиентларининг аҳамияти тўғрисидаги асосий назария муаллифи. Нобель мукофоти лауреати (1963; ҳамкорликда).

ХОЙ — Эроннинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ғарбий Озарбайжон остонида. Аҳолиси 148,2 минг киши (1997). Табриз, Урмия ва Арзирум ш.га борадиган автомобиль йўллари чорраҳаси. Савдо маркази. Тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Гилам тўқилади. Ҳунармандчиликда уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади.

ХОК ХАЗИНАСИ — ҳоз. Наманган вилояти Хок қишлоғидан 1894 й.да топилган металл буюмлар (мил. ав. 2-минг йилликнинг 1-ярми). Жами 6 та буюмдан иборат бўлиб, 5 таси жездан ва биттаси кумушдан тайёрланган. Булар: кўза, пичоқ бўлаги, 3 та тўғноғич (биттаси кумушдан ясалган), искана бўлаги. Тўғноғичлар жуда майда ишланган бўлиб, унинг бир томонига бузоқча ҳамда сигир соғаётган аёл жуда усталик б-н тасвирланган. Х.х. Фарғона водийси археологиясида ноёб ҳисобланади. Х.х. Санкт-Петербургдаги Давлат эрмитажининг Шарқ бўлимида сақланади.



Хок хазинаси: 1. Кўза. 2. Пичоқ бўлаги. 3—5 — Тўғноғичлар. 6. Искана бўлаги.

ХОКА — АҚШнинг Калифорния штатида ва Мексикадаги индейс халқлари гуруҳи (шаста, помо, карок, яна, вашо, салина, чумаш, юма, ачомави-ацугеви, чимарико, чонталлар, тлапанеклар). 70 минг кишига яқин (1990-й.лар ўрталари). Хокальтек тилларида сўзлашади. Анъанавий эътиқодлар сақланган. Асосан, деҳқончилик, овчилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланадилар.

ХОККАЙДО — Японияниннг шим. қисмидаги орол, катталиги бўйича 2-ўринда (Хонсю о.дан кейин). Тинч океан ва унинг Япон ва Охота денгизлари ўраб туради. Майд. 77,7 минг км² (атрофидаги ороллар б-н 78,5 минг км²). Х. мураккаб шаклга эга. Рельефи, асосан, тоғли, энг баланд жойи 2290 м (Асахи чўққиси). Ҳаракатдаги вулканлар бор. Тез-тез кучли зилзилалар бўлиб туради. Тошкўмир, олтингугурт, темир рудаси конлари бор. Иқлими мўътадил, муссонли иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси —3° дан 1°гача, июлники 17—21°. Йиллик ёғин 800—1500 мм. Кузда тайфунлар бўлади. Дарёлари серсув, гидроэнергияга бой. Х. майдонининг 60% ўрмон. Йирик шаҳарлари — Саппоро, Хакодате. Хўжалиги ҳақида *Япония* мақоласига қ.

ХОККЕЙ (инг. hockey) — спорт ўйини. Дарвозалар ўрнатилган махсус майдонча (саҳн)да клюшка ва тўп (шайба) б-н жамоа бўлиб ўйналади. Ўйинчилар томонидан рақиб дарвозасига кўпроқ тўп (шайба) киритиш мақсад қилиб қўйилади. Х.нинг 3 та асосий тури бор: чим устида Х., муз устида ўйналадиган тўпли Х., шайбали Х.

Чим устида Х. майдонининг ўлчами 91,4×55 м, клюшкасининг оғирлиги 652—794 г, тўпининг оғирлиги 156—163 г, ўйин вақти 90 мин. (45 мин.дан 2 бўлим). Мусобақалашаётган 2 жамоада 11 тадан ўйинчи қатнашади. Чим устида Х.га ўхшаш ўйинлар мил.дан 2 минг йил аввал ҳам Миср, Юнонистон, Ўрта Осиё ва б. жойларда мавжуд бўлган. Ўрта Осиёда чорвадорлар ўртасида аввал тош б-н ўйналадиган подачи, кейинроқ от миниб ўйналадиган *чавгон* оммалашган. Чавгон Бобурийлар салтанати даврида Ҳиндистонда кенг тарқалган. 19-а. нинг 2-ярмида Буюк Британияда чим устида Х. клублари тузилди. 1875 й.да Лондон Х. уюшмаси томонидан чим устида Х.нинг замонавий ўйин қоидалари ишлаб чиқилди. Бу қоида 1907 й.да тасдиқланди. Чим устида Х.нинг эркаклар мусобақаси 1908 й.дан, аёллар мусобақаси 1920 й.дан олимпиада дастурига киритилган. 1924 й.да Халқаро Х. федерацияси (FIH) ташкил этилган, унга 120 давлат аъзо (2003). Бу федерация 1970 й.дан эркаклар ўртасида, 1973 й.дан аёллар ўртасида жаҳон чемпионатлари ўтказади. Чим устида Х. Ҳиндистон, Покистон, Буюк Британия, Германия, Голландияда ривожланган.

Шайбали хоккей ўйини.

Ўзбекистонда чим устида Х. 20-а.нинг 70-й.ларидан оммалаша бошлади. 1972 й.да Андижонда дастлабки чим устида Х. жамоаси тузилди. 1973 й.дан эркаклар, 1975 й.дан аёллар ўртасида чим устида Х. мусобақалари ўтказила бошланди. Республикада чим устида Х.га ихтисослашган 10 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бор, уларда 45 нафар мураббий қўл остида 1200 нафардан зиёд ўқувчи шуғулланади (2004). Мириман Ким, Ойбек Патиддинов, Ринат Маматказин, Лилия Муталапова каби маҳоратли мураббийлар етакчи Х.чиларни тарбиялади. Айниқса, аёл Х.чилар юқори натижаларга эришди. Валентина Заздравних, Неллико Горбаткова, Лайло *Ахмерова* ва Алина Хам олимпиада ўйинлари бронза медали совриндорларидир (1980, Москва). Ўзбекистон чим устида Х. аёллар терма жамоаси Осиё ўйинлари ва жаҳон кубоги финалида қатнашган.

Тўпли Х. майдонининг ўлчами 90—100 × 50—65 м, клюшкасининг уз. 120 см, қайрилган қисми 6,5 см, оғирлиги 450 г, тўпининг диаметри 6 см, оғирлиги 58—62 г, ўйин вақти 70 мин. (35 мин.дан 2 бўлим). Мусобақалашаётган 2 жамоада 11 тадан ўйин-

чи қатнашади. Тўпли Х.га ўхшаш ўйинлар Европанинг шим. мамлакатларида ўрта асрларда пайдо бўлди. 1891 й.да Буюк Британияда миллий ассоциация тузилган ва тўпли Х.нинг ўйин қоидалари ишлаб чиқилган. 1955 й.да Халқаро тўпли Х. федерацияси (IBF) ташкил этилиб, тўпли Х.нинг ўйин қоидалари тасдиқланган. Федерация 1957 й.дан жаҳон чемпионатлари (1961 й.дан 2 й.да 1 марта) ўтказиб келади. Россия, Швеция, Финляндия ва б. давлатларда тўпли Х. ривожланган.

Шайбали Х. майдонининг ўлчами 51—61 × 24—30 м, клюшкасининг уз. 140 см, қайрилган қисми 37,5 см, оғирлиги 500 г, резинадан тайёрланган шайбанинг диаметри 7,62 см, қалинлиги 2,54 см, оғирлиги 150—170 г, ўйин вақти 60 мин. (20 мин.дан 3 бўлим). Мусобақалашаётган 2 жамоада 6 тадан ўйинчи қатнашади. Шайбали Х. 19-а.нинг 60-й.ларида Канадада пайдо бўлган ва Европанинг шим. давлатларида ҳам кенг тарқалган. 1870 й.да Торонтода шайбали Х. ассоциацияси тузилди. 1886 й.да шайбали Х.нинг ўйин қоидалари эълон қилинган. 1892 й.дан Канадада шайбали Х. бўйича Стэнли кубоги мусобақалари ўтказиб келинади. 1899 й.да Монреалда шайбали Х.га мослашган дастлабки ёпиқ спорт саройи қурилди. 1908 й.да Халқаро муз устида Х. лигаси (LIHG) ташкил этилди. Унга 40 га яқин давлат аъзо (2004). 1924 й.дан шайбали Х. қишки олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. 1973 й.да Жаҳон Х. ассоциацияси (WHA)га асос солинди ва Стэнли кубоги мусобақаларида канадаликлар б-н бирга АҚШ профессионал клублари қатнаша бошлади. Шайбали Х. Канада, Россия, Швеция, АҚШ, Чехия, Финляндия, Словакия давлатларида ривожланган.

ХОКРЕЗ (форс. хок — тупроқ ва рез — тўкмоқ, уймоқ) — тупроқдан ясалган кўтарма, тепа. Х.дан ўрта аср ҳарбий стратегиясида мудофаа иншооти сифатида фойдаланилган. Одатда, *хандақ* б-н қалъанинг ташқи девори оралиғида барпо этилган. Х. душман қўшинларининг қалъага қаттиқ ҳужум қилишида қийинчилик, қалъа мудофаачилари учун душманни кузатиш ва ўққа тутишда қулайлик туғдирган. Баъзида ҳалок бўлган мудофаачилар Х.га дафн этилган.

ХОКСОР (тахаллуси; исми Муҳаммад Ризо) (тахм. 1760 — Хива — 19-а.нинг 1-ярми) — ўзбек тилшуноси, шоир. Хива ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, араб ва форс тилларини мукаммал ўрганган. Х. «Мунтахаб ул-луғот» («Танланган сўзлар», 1799) ва «Зубд ул-луғот» («Сара, танлаб олинган сўзлар», 1840) каби илмий луғатлар яратган, лирик шеърлар ёзган. Х.нинг «Мунтахаб ул-луғот» асарини шартли равишда «Арабча—форсча—ўзбекча луғат» деб айтиш мумкин, чунки унда асосан Навоий асарларида, шунингдек, Навоийдан олдин ёки кейин ўтган, форс ва туркий тилларда ижод қилган баъзи мумтоз шоирларнинг асарларида учровчи арабча, форсча ва тушунилиши қийин бўлган туркий сўзлар изоҳланган. Бундай сўзларнинг маъносини ойдинлаштириш учун турли услубларда ёзилган туркий ва форсий адабиёт намуналаридан мисоллар келтирилган. Ушбу луғатдан турли касб-ҳунарларга, ижтимоий-иқтисодий ва табиий фанларга доир кўплаб сўз ва терминлар ҳам ўрин олган. Шу жиҳатдан «Мунтахаб ул-луғот» 18-а. илмий терминологиясини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Х.нинг 2-асари «Зубд ул-луғот»-да форс, ўзбек тилларидаги тушунилиши қийин сўзларнинг изоҳи берилиб, уларнинг қайси тилга мансублиги кўрсатилган.

Х.нинг 2 шеъри — «Мунтахаб ул-луғот»га ва бир мухаммаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланаётган (инв. № 1157) баёзга киритилган.

Х. асарларининг 10 дан ортиқ нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. №275, 427, 428, 1203, 1681, 3852, 4010, 4367), Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик ин-ти (инв. №1818) қўлёзмалар фондида сақланади.

Ад.: Абдуллаев В.А., Хоксор ва Ниязтий, Самарқанд, 1960; Щербак А.М., Грамматика староузбекского языка, М.—Л., 1962; Турсунов У., Ўринбоев Б., Ўзбек адабий тили тарихи, Т., 1982.

ХОКУСАЙ Кацусика, Накадзима Тамэкадзу [1760 — Эдо (Токио) — 1849.18.4] — япон рассоми, *Укиё-э* йўналишининг йирик намояндаси. Япон гравюрасида манзара жанри асосчиси. Кацукава Сюнсо ва б. усталардан таълим олган (1777—78). Хитойнинг Мин даври, Кано мактаби рассомлигини ўрганган. «гўзаллар», «одамлар», манзара жанрларида ижод қилган. 30 мингга яқин гравюра ва расмлар яратган (15 жилдли «Манга» китобида, 1812—71). Йирик асарларида дадил перспектив самаралар таассуроти кутилмаган ранглар уйғунлиги орқали япон манзараларининг ўзига хос образини яратган: «Фудзи тоғининг 36 кўриниши» туркуми (1823—29), «Турли вилоятлардаги [illegible] кўприклар» (1827—30), «Турли вилоятлар шаршаралари бўйлаб саёҳат» (1827—33), «Фудзи тоғининг 100 кўриниши» (1834—35) ва б.

Х. асарлари ҳозиргача қизиқиб ўрганилади, кўргазмаларда намойиш этилади, рассомлар (жумладан, ўзбекистонлик рассомлар) ижодига таъсири кузатилади.

К. Хокусай. «Суо провинциясидаги Кинтай кўприги» (1828—33).

ХОЛ — заргарлик буюми; аёллар юзи (пешона ва чаккасига тақалиган безак, тақинчоқ. Мастика (ёмноқ мум) дан кичкина ҳажмда доира шаклида ясалиб, ҳалланган. Х. юзга қиём ёки асал б-н 1 донадан ёпиштирилади; худди шундай шаклдаги булоқи ҳам Х. (холбини) деб аталган. Х. ўтмишда ёмонликдан сақловчи, асрагувчи маъносига эга бўлган; шунинг учун Х. аввал ҳимояловчи, сўнг безак вазифасини бажарган. Бақтрия (2-а.), Далварзинтепа (3-а.) ва б.дан топилган пешонасида ясама Х. бўлган ҳайкаллар Х.нинг қадимгидан дарак беради.

ХОЛ — терининг туғма нуқсони, айрим ҳужайраларнинг зўр бериб ўсиши. Томирли, пигментли, сўгалли ва бошқа Х.лар бўлади. Томирли Х. тери томирларининг кенгайишидан вужудга келади. У катта-кичик, четлари нотекис, қизғиш ёки кўкимтир-қизғиш тусда, усти ғадир-будур, серговак, шакли ясси, ипалоқ ёки тугунчали бўлади. Пигментли Х. меланин пигменти бор ҳужайралардан, тери нервлари қобиғининг ҳужайраларидан вужудга келади. Х.нинг сони ва катталиги турлича: жигарранг юзаси силлиқ ёки сўгалсимон. Пигментли Х. юзасида кўпинча туклар бўлади. Сўгалли Х. қўнғир тусли сўгаллар кўринишида кўзга ташланади.

Х.ни турли шикастланишлардан ва қуёш нуридан сақлаш керак. Пигментация кучайганда ёки камайганда, шунингдек, Х. катталашганда тезда врачга мурожаат қилиш керак.

ХОЛАНГИТ (юн. chole — ўт ва angeion — томир), ангиохолит — ўт йўлларининг яллиғланиши. Х.ни, одатда, ичак таёқчаси ва б. микроблар қўзғатади. Кўпинча *холецистит*, *ўттош касаллиги* б-н бирга кечади. Инфекция ўт йўлларига *ўт пуфаги*, меъда-ичак йўли, меъда ости безидан ва лимфа, қон орқали тушиши мумкин. Шунингдек, ўт йўли мотор функциясининг бузилиши ёки тош пайдо бўлиб, ўт тўхтаб қолиши ҳам Х.га сабаб бўлади. Х. катарал, йирингли ва некротик бўлиши мумкин. Кечишига кўра, ўткир ва сурункали Х. фарқланади.

Ўткир Х.да беморнинг эти увишиб, вақт-вақти б-н иситмалайди, кўп терлайди, оғзи тахирлашиб, қусади, ўнг қовурға ости оғрийди. Жигари шишиб, териси сарғаяди, қичишади. Сурункали Х. кўпинча ўткир Х.дан сўнг вужудга келиб, белгилари холециститга ўхшайди. Бунда кўз оқлари сарғайиб, ўнг қовурға ости доим оғриб туради, беморни дармони қуриб, вақт-вақти б-н эти увишади, тез чарчайди. Кўпинча жигар ва талоқ шишади. Баъзан Х. оқибатида *перитонит*, *жигар циррози*, *панкреатит* ва б. келиб чиқиши мумкин.

Даво беморнинг умумий аҳволи ва касаллик белгиларига қараб олиб борилади, парҳез буюрилади.

ХОЛБОБОЕВ Мансурбек Маҳкамович (1958.1.1, Бўз ш.часи) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Андижон педагогика ин-тини тугатган (1980). 1980—2002 й.ларда Бўз туманидаги 18-, 11-, 22-мактабларда кимё-биол. ўқитувчиси.

ХОЛДИНГ, холдинг компания (инг. holding — эгалик) — асосий фаолияти корхоналарнинг акцияларини ўз тасарруфига олиш орқали уларнинг ишини назорат қилиш ва бошқаришдан иборат бўлган компания, бош корхона. Х. таркибида асосий корхона ва шўъба корхона ёки бир неча шўъба корхоналар мавжуд бўлади. Холдинг компаниянинг ўзи и.ч. фаолияти б-н шуғулланмаслиги мумкин, лекин кўп ҳолларда Х.лар акцияларни бошқариш б-н бир қаторда молия-кредит, савдо, транспорт ва б. фаолият турлари соҳасида тадбиркорлик б-н шуғулланади. Иш оқилона ташкил этилганда Х. ягона илмий-техника, инвестиция, ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш, айрим хизматларни марказлаштириш имкониятини яратади. Х. бошқа корхоналар акцияларининг пакетларига эгалик қилиш орқали назоратидаги корхоналарнинг директорлар кенгаши, бошқаруви ва б. раҳбар органларига ўзи таклиф этадиган номзодларнинг сайланишини таъминлаш имкониятига эга бўлади. Х.нинг асосий белгиси бир корхона (бош корхона) бошқа корхона ёки корхоналар (шўъба корхоналар) томонидан қабул қилинадиган қарорларни назорат қилиш имкониятига эгалигида. Бир қанча корхоналарни бошқаришнинг Х. шакли уларнинг мустақиллигини бекор қилиш б-н бир корхонага бирлаштириш, бир марказга тўлиқ бўйсундириш ва ўзаро фаолиятни мувофиқлаштириш учун тенг ҳуқуқли корхоналар ассоциациясини ташкил этиш ўртасидаги оралиқ шакл ҳисобланади. Ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, Х., одатда, *акциядорлик жамияти* қаторига киради. Ўз навбатида, аксарият ҳолларда, Х. акцияларига унинг ўзи назорат қиладиган корхоналар эгалик қилади, бу эса корхоналарнинг манфаатларини ўзаро ва Х. компания манфаатлари б-н уйғунлаштириш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда 20-а.нинг 90-й.лари ўрталаридан ёқилғи саноатида «Ўзнефтгаз» миллий холдинг компанияси, мебель саноатида *«Файз» холдинг компанияси*; озиқ-овқат саноатида *«Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» компанияси*, қишлоқ хўжалиги машинасозлигида *«Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси* муваффақиятли фаолият олиб боради. Кўп ҳолларда бошқа корхоналар фаолиятини назорат қиладиган (уларнинг акцияларига эгалик қилиш орқали) компаниянинг ўзигина эмас, балки Х. орқали ўзаро боғланган юридик шахслар мажмуи ҳам Х. деб аталади.

ХОЛДОРОВ Олимжон (тахаллуси Олимжон Холдор; 1932.18.9, Андижон вилояти Булоқбоши тумани Кулла қишлоғи) — шоир ва ёзувчи, драматург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1992), проф. (2002). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1952). Андижон радиосида муҳаррир (1960), «Коммунист» (1965) ва «Ёш ленинчи» (1966—68) газ.ларида мухбир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Андижон бўлими бошлиғи (1968—83). Дастлабки шеърлар тўплами — «Арғувон тонгида» (1965). Х. «Андижон сулувлари» (1968), «Кафтимдаги тупроқ» (1970), «Ошиқона» (1972), «Андижон баҳори» (1976), «Субҳидам қўшиқлари» (1977), «Кумуш коса» (1979), «Тўёна-тўёна» (1982), «Ер фарзанди» (1986), «Сенга интиламан» (1986), «Даврани кенг олинг» (1990), «Кўз тегмасин» (1992) каби тўпламлар муаллифи. Шунингдек, у «Мен — Андижонман», «Андижон самоси», «Келажакдан бир садо», «Роз», «Карвон қўнғироғи» каби лиро-эпик асарлар ҳам ёзган. 100 дан ортиқ ғазалларига куйлар басталанган.

Х. драматургия соҳасида ҳам бир қанча асарлар ёзган («Қотил ким», 1992; «Севги афсонаси», 1992; «Анда жон қолди», 1999). Асарларида инсон гўзаллиги, маънавий олами, меҳр-муҳаббат ва садоқат ҳақида баҳс юритилади. Х.нинг сўнгги йилларда йирик эпик жанрларга мансуб «Кўнгил» (1992) қиссаси, «Аросат» (1993), «Миркомилбой» (1998) романлари ва б. асарлари эълон қилинди. Болаларга бағишланган «Боборуҳ» (2000) пьесаси ҳам бор.

Ас.: Сайланма, 3 ж.ли, Т., 2001; Пьесалар, Т., 2002.

Ад.: Водий куйчиси, Т., 1992; Олимжон Холдор, Т., 2002.

«ХОЛДОРХОН» — «Гўрўғли» туркумидаги достонлардан энг йириги. Шеърий қисмининг ўзи 11 минг мисрага яқин. *Эргаш Жуманбулбул ўғли*дан ёзиб олинган (1927) ва нашр этилган (1972). Достонда Қрим хони Холдорхоннинг Гўрўғлига ғарази, Гўрўғлининг Қримга бориши ва жанггу жадаллардан кейин Холдорхон б-н ярашиши, Гўрўғлининг тоғаси Аҳмад Сардорнинг Чамбил элини талаши каби воқеалар тасвирланган. Асарда ўз юртини ташқи ва ички душманлардан мардларча ҳимоя қилган халқ қаҳрамонлари — Гўрўғли ва унинг 40 йигити (Аваз, Бексара, Асқар, Бердиёр, Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон каби баҳодирлар) шижоати, Юнус пари бошчилигидаги Чамбил аёллари жасорати куйланади. Достон воқеа-ҳодисалар кўламининг кенглиги, тасвирнинг бойлиги, наср қисмининг санъаткорона ишланганлиги жиҳатидан ўзига хос роман даражасига кўтарилган.

Ад.: Булбул тароналари, 4-ж, Т., 1972.

ХОЛЕРИК (юн. chole — сафро, ўт) — мизож турларидан бири (қ. *Мизож*).

ХОЛЕСТЕРИН, холестерол —стериллар гуруҳига мансуб модда. Биринчи марта ўт тошидан ажратиб олинган. Сувда эримайди, органик эритувчиларда яхши эрийди, рангсиз кристалл. Х. барча тирик организмларда учрайди; Х.нинг кўп қисми нерв ҳамда ёғ тўқималарида, тухум ва сперма ҳужайраларида, жигарда (Х. биосинтез қилинади), буйрак усти безларида, ва б.да бўлади. Қон плазмасида Х. юқори ёғ кислоталари (олеин кислота) б-н бирга мураккаб эфир ҳолида учрайди. Организмда Х. буйрак усти безлари гормонлари, ўт кислоталар, Д витамини ва б. алмашинувида қатнашади. Одам қонида ўртача 150—200 мг% Х. бўлади. Кўпроқ ёғли овқат истеъмол қиладиган кишиларда Х. миқдори кўпаяди, бу ўт тошлари ҳосил бўлишига, қон томирлари деворида Х. тўпланишига ва моддалар алмашинувининг бузилиши ва б.га олиб келади.

ХОЛЕЦИСТИТ (юн. chole — ўт ва kystis — пуфак) — *ўт пуфаги*нинг яллиғланиши. Овқат ҳазм қилиш системасининг кенг тарқалган касалликларидан бири. Кўпроқ ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда учрайди. Аксарият *ўт-тош касаллиги*да кузатилади. Ўт пуфаги функциясининг бузилиши (дискинезия), унда тош пайдо бўлиб, *ўт* тўхтаб қолиши, овқатланиш хусусиятига боғлиқ ҳолда ўт таркибининг ўзгариши, кам ҳаракатланиш, сурункали қабзият, ҳомиладорлик, турли хил инфекциялар (ичак таёқчаси, кокклар ва б. касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг ичак девори ёки қон орқали ўт пуфагига ўтиши натижасида) Х. га сабаб бўлади. Ўткир ва сурункали Х. фарқ қилинади.

Ўткир Х.да ўнг қовурға остида жигар соҳасида, баъзан киндик атрофида тўсатдан қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Бемор иситмалайди, кўнгли айниб қусади. Оғриқ кўпинча ўнг қўл ва ўнг куракка тарқалади. У зўрайганда бемор бетоқатланиб, ўзини қўйгани жой тополмай қолади. Жигари, ўт пуфаги шишади, кўз оқлари, териси сарғаяди (қ. *Сариқ касаллиги*). Сийдик қизғиш-сариқ рангга киради.

Сурункали Х. кўпинча ўткир Х.дан сўнг, аста-секин вужудга келади. Кўп белгилари ўткир Х.га ўхшаш. Сурункали Х. оғриқсиз кечиши ҳам мумкин, баъзан қориннинг юқори қисмида оғирлик сезилади, кўнгил айнийди, кекирик пайдо бўлади. Аччиқ ёки ёғлиқ қовурма таомлар истеъмол қилинганда касаллик янада зўраяди.

Х.да семириш ва моддалар алмашинуви бузилишининг олдини олиш, қабзиятга йўл қўймаслик, организмдаги инфекция манбалари (чириган тишлар, тонзиллит ва б.)ни даволаш керак.

ХОЛИД ибн ВАЛИД, Холид ибн ал-Валид (? — 642) — қурайшийлардан бўлган ислом саркардаси. Дастлаб *Муҳаммад* (сав)нинг ашаддий рақибларидан бўлиб, айниқса, мусулмонлар жамоаси учун муваффақиятсиз тугаган *Уҳуд жанги*да алоҳида хизмат кўрсатган. Бироқ, Расулуллоҳ Х.и.В.нинг қариндошлари бўлган Маймунага уйланганларидан сўнг, исломни қабул қилиб мусулмонларнинг энг жасур саркардаларидан бирига айланган. Сурия (Шом)даги Муъта жангидан сўнг у «Сайфуллоҳ» («Аллоҳнинг қиличи») фахрий номини олган. Пайғамбар вафотларидан кейин сохта пайғамбар Мусайлима издошларини шафқатсиз жазолаган, 633 й. Қодисия жангида форсларни енгган, 635 й. Дамашқни эгаллаган, 636 й. Византия императори Хераклий (Ираклий) қўшинларини Ярмук жангида енгиб, Фаластин ва Сурия (Шом)ни забт қилган. Хумс ш.да вафот этган.

ХОЛИД РАСУЛ (асл номи Расулов Холид) (1911.20.6 — Тошкент — 1991.11.3) — адабиётшунос, шоир ва драматург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1991). филол. фанлари д-ри (1972). Тошкентдаги ишчилар ф-тини (1932), Маданий қурилиш ин-тини (1934), Тил ва адабиёт ин-ти аспирантурасини (1937) тугатган. Республика газ. ва жур.ларида ишлаган (1931—49). Пед. фанлари и.т. ин-ти илмий ходими (1941—43; 1947—50), Адабиёт музейи илмий ходими (1950—54) ва директори (1955—57), Тил ва адабиёт ин-ти сектор мудири (1957—67). 1967 й.дан Адабиёт музейи, 1978 й.дан Ўзбекистон ФА Қўлёзмалар ин-ти бўлим мудири. Илк шеърий тўплами — «Қалб қўшиғи» (1931). «Райҳон» (1938) ва «Тарас» (1939) достонлари муаллифи. Шеърларида табиат манзаралари, инсон ички кечинмалари, ўзбек халқининг фидокорона меҳнати улуғланган. Бастакор И. Хамроев б-н ҳамкорликда «Шоирнинг орзуси» мусиқали драмасини яратган (1962).

Х.Р. Фурқат ижодининг илк тадқиқотчиси ҳисобланади: «Зокиржон Фурқат ижоди» (1954), «Фурқат» монографиялари, Фурқат асарлари 2 жилдлиги (1991; нашрга тайёрловчи ва хаттот) ва б. Фольклоршунос сифатида «Ўзбек халқ эртаклари» (1960, 2 ж.ли), «Балогардон» ва «Муродхон» достонларини (1965) нашр эттирган. «Катталар алифбоси» (1952—58; 1964), «Ватан адабиёти» (1950—55), «Ўзбек адабиёти тарихи» (1962) дарсликларининг муаллифларидан. «Қозоқ шеърияти антологияси»ни ўзбек тилига таржима қилган.

Ас.: Ҳаёт илҳомлари, Т., 1949; Бахт нишонаси, Т., 1960; Инсон мадҳи, Т., 1968; Ўзбек шеъриятида халқчиллик (18—19-а.нинг I-ярми), Т., 1973.

Ад.: Имомхўжаев Т., Холид Расул ижоди, Т., 1973.

ХОЛИЗМ (юн. holos — яхлит, бутун) («яхлитлик фалсафаси») — дунёни ижодий эволюция натижаси деб қаровчи таълимот; бунга кўра, эволюция номоддий «яхлитлик омили» б-н йўлга солиб турилади. Х. асосчиси — жан. африкалик Я. Смэтс (1870—1950).

ХОЛИН — В гуруҳига мансуб витаминлар. Гўшт, творог, пишлоқ, соя дуккаги, карам, исмалоқ ва б. масаллиқларда бўлади. Овқатда Х. бўлмаса, жигарни ёғ босади, буйрак ва қон яратувчи аъзолар зарарланади (яна қ. *Витаминлар*).

ХОЛИНЭСТЕРАЗА — носпецифик ацетилхолинэстераза; ацетилхолинни сирка кислота ва холинга парчалайдиган фермент. Қон зардобида ва эритроцитларда, турли ҳайвон ва одам тўқималари (айниқса, нерв)да топилган. Кобра илони заҳарида кўп. Организмда парасимпатик нерв толалари қўзғалганда ҳосил бўлади.

ХОЛИСЛАР — жиноят процессида иштирок этувчилардан бири, Ўзбекистон Республикаси ЖПКга кўра, Х. суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ҳаракати ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганлигини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун чақирилади. Улар ишнинг оқибатидан манфаатдор шахс бўлмаслиги лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин Х.га уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКда кўрсатилган (74-модда). Дастлабки терговда тинтув ўтказиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, тергов эксперименти ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш, эксперимент тадқиқотини ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш кабилар камида 2 нафар холис иштирокида амалга оширилади. Х.ни ишга жалб қилиш далилларни тиклашда катта аҳамиятга эга.

ХОЛИҚИЙ Муҳаммаджон (1890, Қўқон — 1938.18.11, Бухоро вилояти) — маърифатпарвар педагог. Қўқон ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. 1910 й. ўз уйида янги усул мактабини очган ва болаларни ўқитган; шоир *Чархий* шу мактабда ўқиган. 1917 й. Қўқондаги «Таълими маориф» («Маориф тарқатиш») жадидлар ташкилотида саркотиб бўлган. 1917—26 й.ларда Қўқондаги дорилмуаллимин (1920 й.дан таълим-тарбия техникуми)да ҳуснихат, она тили ва адабиётдан дарс берган; дорилмуаллиминда ёзувчи *Абдулла Қаҳҳор*, акад.лар Т. *Зоҳидов*, Ж. *Саидов* ўқиган. Айни пайтда 1918—28 й.ларда Қўқондаги 11-мактабда ўқитувчи. 1929—30 й.ларда ва 1937 й.дан миллатчиликда айбланиб, ҳибсда бўлган. Турмада вафот этган. 1913 й.дан жадид матбуотида илм-маърифатга доир мақолаларини эълон қилган. «Туркий алифбо» дарслиги (1916), «Жумҳурият нима?» (1917) рисоласи муаллифи.

ХОЛИҚОВ Низомиддин (1939.1.9, Андижон) — график рассом. Ўзбекистон халқ рассоми (2001). Львов полиграфия ин-тини тугатган (1967). 1967 й.дан Ғафур Ғулом номидаги нашриётда рассом — бадиий муҳаррир (1967—78; 1969—71 й.ларда бош рассом), 1978 й.дан Андижон «Рассом» ижодий к-тида рассом (1981—83 й.лар раҳбар). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида педагог (1972—73). Х. линогравюра, ксилография, литография, офорт, монотипияда ижод қилади, асарларида тасвирий шакл ва бадиий мазмун уйғунлигига эришади. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан «Гулпари», «Ойжамол», «Гулшанбоғ» каби достонлар, ўзбек мумтоз адабиёти («Садди Искандарий», Алишер Навоий; «Сайланма», Муқимий ва б.) ҳамда ўзбек адабиёти («Нурли чўққилар», А. Қаҳҳор; «Чинор», Асқад Мухтор ва б.)дан чоп этилган китобларни бадиий безади.

Кейинги йилларда мойбўёқ рангтасвирида самарали ижод қилмоқда («Баҳор», «Нуронийлар», «Ҳунармандчилик», «Ёшлик», «Алпомиш», «Уммон», «Ҳарорат» ва б.); портретларида инсон руҳияти теран ифодаланган («Миртемир», «Муҳаммад Али», «Бригадир», «Она» ва б.).

Н. Холиқов. Муқимийнинг «Асарлар» китобига ишланган расм.

ХОЛЛ (инг. Holl) — жамоатхона, даҳлиз; Европада илк ўрта асрда баланд том б-н беркитилган жой. Бу жойда инглиз-саксон қабилаларининг аъзолари йиғилган, кейинчалик инглиз турар жойларининг жамоатхонасига айланган. Замонавий жамоат биноларида (мас., театр, ётоқхона, меҳмонхоналар)да дам олиш ёки бирор шахсни кутиш, суҳбатлашиш мақсадида фойдаланилади (улар диван, кресло, телевизор кабилар б-н жиҳозланади, хона гуллари қўйилади).

ХОЛЛИ (Holley) Роберт Уильям (1922.28.1, Эрбана, Иллинойс штати, АҚШ) — америкалик биокимёгар. Иллинойс штати ун-тини тугатган (1942). Корнелл ун-тининг турли илмий марказларида, Дю Вино лаб.да (1943—47), қишлоқ хўжалик тажриба ст-ясида (1948—57), ўсимликлар, тупроқ ва ўғитлар лаб.да (1957—64), молекуляр биол. ва биокимё бўлимида (1965—66). Солка ин-тида ишлаган (1966 й.дан). Нуклеин к-талар тузилишини ўрганган. Аланиннинг ташувчи РНК сида нуклеотидларнинг тўлиқ кетма-кетлигини биринчи бўлиб аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1968, М. У. *Ниренберг* ва Х. Г. *Корана* б-н ҳамкорликда).

ХОЛМАТОВ Аҳмаджон Алиматович (1948.22.3, Янгиқўрғон ш.часи) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Кубань ун-тини тугатган (1972). 1973 й.дан Янгиқўрғон туманидаги 16-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, 1978—94 й.ларда 1- ва 50-мактабларда, 1994 й.дан лицей-интернатда чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси.

ХОЛМАТОВ Ниёзали (1947.20.2, Қўрғонтепа тумани) — миниатюрачи рассом, Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистон халқ устаси (2000). Москва бадиий саноат билим юртини тугатган (миниатюра бўйича, 1973). Х. иш фаолиятини Москва бадиий гравюра корхонасининг тажриба лаб.да бошлади (1973—80), 1980 й.дан «Усто» бирлашмаси қошидаги мактабда мутахассислар тайёрлаш б-н шуғулланади; Ўзбекистон БА нинг акад.-котиби (1998—99), Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн ин-тида педагог. Х. бир нечта жамоат биноларини маҳобатли асарлар б-н безади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари ва б. бадиий асарларга миниатюралар туркумларини яратди.

Х. асарлари республика ва халқаро кўргазмалар (Германия ва б.)да намойиш этилган, музейлар ва хусусий тўпламларда сақланади.

ХОЛМАТОВ Ҳамид Холматович (1923.4.5, Қозоғистон Республикаси Жамбул вилояти) — провизор олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими (1983). Фармацевтика фанлари д-ри (1976), проф. (1976). Тошкент фармацевтика ин-тини тугатган (1944), шу ин-т фармакогнозия кафедрасида аспирант (1944—47), ассистент (1947—57), доцент (1957—76), айни вақтда ин-т декани (1953—59), ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор (1959—70), ректор (1970—85); 1985 й.дан фармакогнозия кафедраси проф. Илмий ишлари, асосан, Ўзбекистон халқ табобатида қўлланиладиган, хусусан, Ибн Сино ишлатган доривор ўсимликларни фармакогностик ўрганиш ва тиббиётга татбиқ этишдан иборат.

Ас.: Фармакогнозия Т., 1995.

ХОЛМИРЗАЕВ Шукур (1940.24.3, Бойсун тумани) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991). Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (1963). «Ёш гвардия» нашриётида муҳаррир (1963—67), Муқимий номидаги мусиқали драма театрида адабий эмакдош (1967—69), «Гулистон» (1969—75) ва «Шарқ юлдузи» (1978—80) жур.ларида адабий ходим, бўлим мудири.

Х.нинг дастлабки ҳикоя ва очерклари 1958 й.дан нашр этила бошлаган. Х. ижодининг илк давридаёқ ҳикоя б-н бир қаторда қисса жанрида ҳам қалам тебратиб, «Оқ отли» (1962), «Тўлқинлар» (1963), «Ўн саккизга кирмаган ким бор?»

(1965) қиссаларини яратди. Бу асарлар 60-й.лардаги ўзбек қиссаларининг энг яхши намуналаридан бўлиб қолди. Ёзувчининг шу даврда ёзган ҳикоялари кейинчалик «Олис юлдузлар остида» (1971), «Ҳаёт абадий» (1974), «Оғир тош кўчса...» (1980), «Йўллар, йўлдошлар» (1984), «Бодом қишда гуллади» (1986), «Тоғларга қор тушди» (1987) сингари тўпламларидан ўрин олди. Х.нинг ҳикоя ва қиссаларида, бир томондан, ёшлик ва талабалик йилларининг ўзига хос романтикаси ифодаланган бўлса, иккинчи томондан, ёзувчи туғилиб ўсган Бойсун туманида яшовчи турфа табиатли кишилар ҳаёти, жамиятда ва улар руҳий оламида кечган кураш ва ўзгаришлар ўзининг бадиий талқинини топди. Кейинчалик Бойсун ва бойсунликлар ҳаёти Х. ижодининг асосий мавзуси даражасига кўтарилиб, ёзувчи ижодида реалистик тасвирнинг устувор йўналишга айланишида муҳим омил бўлди. Х. воқеликдаги мураккаб ҳаётий жараёнлар ва кишиларнинг зиддиятлардан иборат руҳий оламини кашф эта боргани сайин унинг дастлабки ҳикоя ва қиссаларидаги романтик пафос энди ўз ўрнини реализмга бўшатиб берди ва ёзувчининг ўзбек адабиётига «шафқатсиз реализм» унсурларини олиб киришига имконият яратди. Х. 80—90-й.ларда яратган асарларида мазкур даврдаги жамият ва халқ ҳаётининг чуқур бадиий таҳлилини берди.

Х. «Сўнгги бекат» (1976), «Қил кўприк» (1984), «Йўловчи» (1987), «Олабўжи» (1992), «Динозавр» (1-китоб, 1996) сингари романларини ёзди. Х.нинг «Сўнгги бекат», «Йўловчи» ва «Олабўжи» романларида шўро жамиятининг 70—80-й.ларга келиб ичдан емирила бошлагани ёрқин бадиий образлар орқали акс эттирилди. Бу романларда кўтарилган ижтимоий масала ёзувчининг «Динозавр» романида ўзининг янгича бадиий талқинини топди. Шўро давлатининг халқпарвар давлат эканига, у олиб борган ички ва ташқи сиёсат халқ ва мамлакат манфаатига хизмат қилувчи сиёсат эканига астойдил ишонган кишининг ҳаёти ва руҳий оламидаги зиддиятлар кураши тасвири мазкур романнинг марказида туради.

Х. ёзувчилар орасида биринчилардан бўлиб ўзбек халқи тарихининг «босмачилик ҳаракати» деб аталиб келинган даврини ўргана бошлади. Ёзувчининг «Қил кўприк» романи ва «Қора камар» (1987) пьесасида шу мавзу ўз ифодасини топди. Уларда адашган кишилар фожиаси образларда ёрқин гавдалантирилган. Х. пьесаси асосида Аброр Ҳидоятов номидаги Ёшлар театрида саҳналаштирилган «Қора камар» спектакли ёш авлодда тарихий ўтмишга янгича ёндашиш майлининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнади. Х.нинг ўзбек хотин-қизларининг шўро давридаги фожиали тақдирига бағишланган «Зиёфат» пьесаси ҳам Ёшлар театрида саҳналаштирилган (1990).

Х. сўнгги йилларда Ш. Бурҳонов, Б. Зокиров, Р. Чориев, Шуҳрат, О. Ёқубов, Ў. Умарбеков, А. Орипов, М. Қўшжонов сингари таниқли адабиёт ва санъат намояндалари ҳақида эсселар ва адабий-танқидий мақолалар ёзди.

Х. — роман жанрида бир қатор асарлар ёзгани ва бу асарлар шу давр ўзбек романнавислиги тарихида муайян ўринга эга бўлишига қарамай, аввало ҳикоянавис. У ўз ҳикояларида А. Қодирий, А. Қаҳҳор каби ўзбек ёзувчиларининг энг яхши анъаналарини давом эттириш б-н бирга ўзбек ҳикоянавислигини рус ва Европа ёзувчиларининг бадиий тажрибалари б-н ҳам бойитди. Х.нинг энг яхши ҳикоялари қаҳрамон образининг янги ва ёрқинлиги, композициясининг ўзига хослиги, қаҳрамонлар тилининг ранг-баранглиги б-н ажралиб туради.

Ас.: Сайланма [3-ж.ли], 1—2-ж.лар, Т., 2004—05.

Ад.: Каримов Ҳ., Шукур Холмирзаев, Т., 1999; Тавалдиев Г. Н., Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодий йўли, Т., 2001; Дониёрова Ш., Ижодкор ва услуб, Т., 2004.

Наим Каримов.

ХОЛМУРОДОВ Асқар Ғаниевич (1939.10.5, Яккабоғ тумани — 1997.16.1, Тошкент) — биотехнолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1989), биол. фанлари д-ри (1976), проф. (1980). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1960), Украина ФА Биокимё ин-тида аспирант (1961—64), кичик ва катта илмий ходим, бўлим бошлиғи (1965—86), Ўзбекистон ФА Микробиология ин-ти директори (1986 й.дан), Ўзбекистон ФА Президиуми бош илмий котиби (1988—90), вице-президенти (1990 й.дан). Илмий ишлари ҳайвон организми ҳужайраларида витаминлар ва коферментлар алмашинувига оид. «Корник» деб аталадиган биологик препаратни кашф этган. Х. биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси (1995—1997).

Ас.: Экспериментальная витаминология (в соавторстве), Минск, 1979; Мембранный транспорт коферментных витаминов и коферментов (в соавторстве), Киев, 1982.

ХОЛОВА Муҳиба Собировна (1952.2.11, Когон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1979). 1973 й.дан Когон туманидаги 10-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. «Тестлар тўплами» ва «Диктантлар тўплами»ни тузган.

ХОЛОДИЛЬНИК (рус.) — қ. *Совиткич.*

ХОЛЧАЁН — Юнон-Бақтрия ва кушонлар даври маданиятига оид ёдгорликлар мажмуаси (мил. ав. 4—мил.5-а.). Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ҳудудида жойлашган. Бир неча тепалик (Хонақоҳтепа, Қорабоғтепа, Маслаҳаттепа ва б.)дан иборат. Санъатшунослик ин-тининг Г.А.*Пугаченкова* раҳбарлигидаги археология-санъат экспедицияси ўрганган (1959—63). Хонақоҳтепадан мил. ав. 2—1-а.ларга оид ҳукмдор саройи қолдиғи топилган. Бино тўғри тўртбурчак шаклда, майд. 35×26 м бўлиб, марказий фасади (олд томони) тўрт устунли очиқ айвон (16,5×7 м)дан иборат. Ёғоч устунлар оҳактошдан ишланган тагкурсига ўрнаштирилган. Айвондан катта залга (17,6×6,1 м) ўтилган. Зал деворлари ости бўйлаб кенг супа ясалган. Бино фундаменти квадрат шаклдаги хом ғиштлардан ишланган, ғиштларнинг сиртига турли шаклдаги тамғалар босилган. Бино бир қаватли, усти текис қилиб ёпилган бўлиб, ташқи қалинлиги 2,2 м, баъзи жойларда 4 м га етган. Зал ва айвон деворларининг пастки қисмида деворий сурат излари топилган, юқори қисмига эса ҳайкалчалар ишланган. Г.А. Пугаченкованинг тахминига кўра, сарой юечжи қабилаларидан бирининг жабғуси Герайга тегишли бўлган. Сарой хоналаридан кўплаб пайконлар, олтиндан ишланган йирик кўкрак нишонаси, олтин тақинчоқлар,

Деворий расмдан парча — эркак тасвири.

ипак парчаси, қимматбаҳо тош мунчоқ ва тегма парчалари, шиша идишлар, темир қилич, шунингдек, турли қадаҳлар, сопол идишлар, от минган чавандоз ҳайкалчалари топилган. Х. мажмуасига кирувчи Қорабоғтепанинг атрофи мудофаа девори (қалинлиги асосида 8 м га етган) б-н ўралган. Тепада ҳаёт мил. 3-а. бошигача давом этганлиги ҳақида Васудева I тангалари гувоҳлик беради. Умуман, Х.дан 50 дан ортиқ турли даврларга оид тангалар топилган. Уларнинг энг қадимгиси Юнон-Бақтрия подшоларидан Деметрий (мил. ав. 200 й.) кумуш тангаси, Гелиокл (мил. ав. 156—140 й.) тетрадрахмаси, Кушон подшоларидан Кадфиз I, Кадфиз II, Канишка, Хувишка, Васудева I ва Васудева II тангалари бўлиб, улар нафақат Жан. Бақтрия, балки Шим. Бақтрия ҳудудларида ҳам кенг тарқалган. Х. деворий суратларида узум ғужуми, япроқлар, улар орасида осилиб турган қандайдир думалоқ мевалар, гуллар тасвири ўрин олган. Шунингдек, ўзаро композицион уйғунликда бўлган одамлар образлари, юнон худолари ёхуд олий ҳукмдорнинг маҳобатли суратлари учрайди. Деворий суратлар орасида айниқса икки эркак ва бир аёл тасвири кишини ўзига тортади. Биринчи суратда эркак кишининг оғзигача қисми туширилган боши тасвирланган. Унда ўспирин йигитнинг калта тўлқинсимон сочлари ва қора кўзлари, думалоқ ияги, ярим ой шаклида чизилган қора қошлари, қирра буруни кўзга ташланади. Бу суратда туб жойли бақтриялик акс этган. Аммо, иккинчи суратда думалоқ боши, сочлари устара б-н қирилган, олтин исирга таққан қулоғи четида кокили бор, бодом қовоқли турк тасвирланган. Аёл кишининг сурати яхши сақланмаган. Унинг бош қисмидан қора сочлари ва камалаксимон қошларигина қолган.

Х. саройи айвон ва бош зали деворларининг юқори қисмида, бал. 2 м ли панно устига ишланган пирамон (фриз)да деворга ёпиштирилган қабартма ҳайкаллар мажмуаси бўлган. Улар орасида Герай ва унинг уруғига тегишли персонажлар тасвири кўп учрайди. Герай сакларни Қад. Бақтриядан жан.га суриб чиқарган 5 юечжи қабиласидан бири — ғуйшуан қабила жамоасининг сардори. Унинг номи б-н пул зарб этилганлиги ғуйшуанларни қолган қабилалар ичида иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлганлигидан далолат беради.

Холчаён саройининг ташқи кўриниши (реконструкция лойиҳаси).

Холчаён саройининг ички кўриниши (реконструкция лойиҳаси).

Зал жан. деворида чавандозлари б-н елиб кетаётган 6 та от ҳайкаллари (қизил, оқ ва қора рангли) тасвирланган. Отларнинг асбоб-анжомларига қараганда, бу турдаги отлар енгил кавалерияда хизмат қилган. Бу деворда оғир кавалерияга мўлжалланган отларнинг ҳайкаллари ҳам учрайди. Улар металлдан ишланган ҳимоя қалқонига ўралган. Бундай типдаги отлар расми Васудева I тангаларида ҳам учрайди. Бу илк кушонлар қўшинининг қурилиши ва таркиби ҳақида гувоҳлик беради.

Ад.: Пугаченкова Г.А., Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии, Т., 1966; Пугаченкова А., Ртвеладзе Э.В., Северная Бактрия — Тохаристан. Очерки истории и культуры, Т., 1990; Ртвеладзе Э.А., Великий шелковый путь, Т., 1999.

Аҳмадали Асқаров.

ХОЛЬБЕЙН, Гольбейн (Holbein) Ханс Кичкина (тахм. 1497/98, Аугсбург — 1543 й.нинг 7.10 ёки 29.11, Лондон) — немис рассоми ва графиги; Уйғониш даврининг йирик вакили. Отаси рассом Ханс Х. Каттадан таълим олган. 1515—26 й.лар Базелда, 1526—32 й.лар Англияда ишлаган, 1536 й.дан қирол Генрих VIII саройида рассом. Х. санъати инглиз ва Ғарб. Европа портрети ривожига кучли таъсир кўрсатган. Базелда диний мавзуларда асарлар яратган («Жонсиз Исо», 1521 ва б.), инсонпарварларнинг ички қадрияти ва маънавий қудратини ифодаловчи портретлар («Эразм Роттердамский», 1523, Лувр ва б.), портрет расмлар, иллюстрациялар (Эразм Роттердамскийнинг «Тентаклик мақтови» асарига, 1515 ва б.) ишлаган, жамоат биноларини безаган. «Ўлим қиёфалари» (1524—26, «Ўлим рақслари» номи б-н машҳур) туркум расмларида Буюк хоч уруши воқеаларини мажозий шаклда акс эттирган. Инглиз инсонпарварлари б-н ишлаган даврда психологик ўткир ва аниқ ранггасвир («Астроном Николос Кратцер», 1528, Лувр ва б.) ва графика («Томас Мор», қалам, кўмир, сангина, 1527, Виндзор қасрида ва б.) портретлари юзага келди. Х. замондошларининг ўзига хос хусусиятларини синчиклаб кузатади ҳамда уларнинг қиёфаларини аниқ тасвирлайди; савдогар Г. Гисце (1532, Берлин-Далем картиналар галереясида), француз элчиси Ш. Моретт (тахм. 1534—35, Дрезден картиналар галереясида), инглиз қироличаси Жейн Сеймур (1536—37, Вена

Холбейн. «Жейн Сеймур» (1536).

санъат тарихи музейида) кабиларнинг машҳур портретлари шулар жумласидан; «Темирсарой» (1541—43, Лондон) ва б. деворий расмларни ишлади.

Х. ижоди жаҳон портрет ва Уйғониш даври бадиий маданиятининг чўққисидир.

ХОЛҚЎЗИЕВ Мурозилла Нурматович (1899.27.5., Тўрақўрғон тумани — 1966.22.2, Самарқанд) — анатом. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1959), тиббиёт фанлари д-ри (1944), проф. (1949). Қозон тиббиёт ин-тини тугатгач (1931), шу ин-т нормал анатомия кафедрасида аспирант (1931—35), ассистент (1935—42), доцент (1942—45). 1948 й.дан СамТИ нормал анатомия кафедрасининг мудири. Илмий ишлари анатомиянинг турли масалалари, нерв системасининг морфологиясига оид.

ХОМ АШЁ — конлардан олинган фойдали қазилмалар ва б. табиий ресурслар, улардан ишлаб чиқарилган ва яна ишлов талаб этадиган маҳсулотлар. Кенг маънода Х.а. меҳнат таъсирида ўзгарган ва янада ишланиши лозим бўлган *меҳнат предметини* англатади. И.ч. жараёнида Х.а.дан тайёр маҳсулот ёки ярим фабрикат пайдо бўлади. Х.а.нинг жами хилма-хил кўринишлари келиб чиқишига кўра саноат ва қ.х. хом ашёсига бўлинади. Саноат Х.а.си, ўз навбатида, минерал ва сунъий Х.а.га бўлинади. Ишлатилишига кўра, минерал Х.а. ёқилғи-энергетика (нефть, табиий газ, кўмир, уран, ёнувчи сланецлар), металлургия (қора, рангли, нодир ва асл металлар рудалари), конкимё (агрономия рудалари, барий, кальций фторид, олтингугурт), техника (олмос, графит, слюда), қурилиш материаллари (цемент, керамика) и.ч. Х.а.лари ва б.га бўлинади. Сунъий Х.а.га синтетик смолалар, пластмассалар, синтетик каучук, сунъий тери, синтетик ювиш воситалари ва б. киради. Қишлоқ хўжалиги Х.а.си ва ўрмон хўжалиги, балиқ овлаш ва тайёрлов тармоғининг ишлов берилмаган (хом) маҳсулотлари ўсимлик Х.а.си (дон ва техника экинлари, ёғоч, ёввойи ва шифобахш ўсимликлар) ва ҳайвонот Х.а.си (гўшт, балиқ, сут, тери, жун) га бўлинади. Айрим саноат тармоқларида Х.а.ни бирламчи (металлургияда рудалар, қоғоз саноатида целлюлоза) ва иккиламчи (металл парчалари, макулатура) турларга бўлиш муҳим амалий аҳамиятга эга. *Иккиламчи хом ашёдан* тўғри фойдаланиш ижтимоий меҳнатни тежашни таъминлайди. Бирламчи Х.а.ни комплекс қайта ишлаш саноатнинг Х.а. базасини кенгайтириш ва иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим манба ҳисобланади.

ХОМТОК — *ток*ни парвариш қилиш усулларидан бири; кузги ва баҳорги ток кесишнинг давоми. Х. қилинган ток ҳаво, ёруглик ва қуёш нуридан тўла фойдаланади, касалликка кам чалинади; новда ва мевалари яхши ривожланади, пишиб етилади, ҳосил кўпаяди.

Ток, асосан, 2 марта Х. қилинади. Биринчи Х. ток шўра чиқариб, ҳосилли ва ҳосилсиз новдалар фарқлана бошлаганидан гуллагунга қадар («шўра хомток»), иккинчи Х. ток гуллаб, гўралар мошдек бўлганда («гўра хомток») қилинади. Шўра хомтокда кунладан ўсиб чиққан бақувват новдалардан 3—4 таси қолдирилиб (улар қариган занглларни ёшартиришда фойдаланилади), қолганлари кесиб ташланади, эндигина гулга кираётган ҳосилли новдаларнинг учини чилпиш ҳосилдорликни ва ҳосил сифатини оширади (новдалар вақтинчалик ўсишдан тўхтаб, озиқ моддалар шўра ва гулларнинг ривожланишига сарф бўлади). «Гўра хомток»да биринчи Х.дан қолган ҳосилсиз, ортиқча зич ва ноўрин ўстан, асосий новдалар ва шу йилги новданинг қўлтиғидан ўсиб чиққан бачки новдалар олиб ташланади.

Х. ни ўтказиш ток нави, агротехника тадбирлари, об-ҳаво ва ер шароитларига боғлиқ. Кучли ўсувчи ток навлари Х. қилинганда ортиқча новдалар олиниб, сийраклаштирилади. Ток ўртача ўсиб, ҳосил яхши бўлса, новдалари тараб боғлаб қўйилади. Сust ўсган токнинг барг ва новдалари оз бўлиб, уларни ортиқча сийраклаштириш ҳосилни офтобдан зарарланишга олиб келиши мумкин. Х.да баргларни кўплаб ва палапартиш юлиб ташлаш ярамайди. Чунки, барг сийраклашса, ҳосилли новдаларга озиқ моддаларнинг келиши сусаяди, юлинган барг қўлтиғидаги куртак зарарланади. Х.дан кейин қолдирилган новдалар тезда нам чипта б-н боғазларга боғланади, акс ҳолда улар салгина шамолда ҳам синиб кетади.

Жамолиддин Файзиев.

ХОН — туркий ва мўғул халқлари ҳукмдорлари унвони. Дастлаб қабила сардори, кейинчалик олий ҳукмдорни англатган. *Салжуқийлар ва хоразмшоҳлар* даврида Х. вилоят, шаҳар ҳокими ёхуд даражасига кўра *амир* ёки *малик* лавозимларига нисбатан юқори ҳисобланган, айни пайтда, мамлакат бошлиғи султонга тобе бўлган туркий бошлиқни билдирган. Х. арслон, буғра сингари сўзлар б-н бирикиб *қорахонийлар* давлати ҳукмдорларини англатган. Мўғул империясига асос солган Темучин «Чингизхон» унвонини қабул қилган. Империя ҳудудида ташкил топган улус ҳукмдорлари ҳам Х. деб номланган. *Чингизхон* вафотидан сўнг, салтанат тахтига ўтирган чингизийларга қон унвони берилган. Мўғул ҳукмронлиги даврида Эронда номусулмон ҳукмдорлар Х., мусулмон ҳукмдорлар эса, султон деб аталган. *Темурийлар*да Чингизхон сулоласига дахлдор шахслар Х. унвони б-н юритилган. *Шайбонийлар*да Х. ҳукмдор ёки тахт вориси-ни, султон эса шаҳзодани ифодалаган. *Сафавийлар* даврида Х. унвони шаҳзода бошлиқлари — амирларга берилган ва улар ўз рутбаларига кўра, 3-табақали вазғонлар сифатида эътироф этилган.

Айни вақтда Х. Эрон ва Афғонистоннинг турли кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалари орасида қабила ёки уруғ сардори унвони тарзида шуҳрат топган. Қўқон ва Хива хонлиги ҳукмдорлари ҳам ўзларини Х. деб аташган. Бу ном уларнинг чингизийлар б-н қариндошлик ришталари мавжудлигига ҳам ишора ҳисобланган. Қозарлар давлатида (19-а.) турли даражадаги ҳарбий ва маъмурий амалдорлар, Ҳиндистондаги мусулмон давлатларида турли мартабадаги мансабдорлар ҳам Х. деб юритилган.

Ad.: Бартольд В. В., Сочинения, т.2., ч. I, М., 1963; Дадабаев Х., Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных памятниках XI—XIV вв., Т., 1991.

ХОНА (арифметикада) — ўнли саноқ системасида ёзилган натурал сонда қатнашган рақамлар ўрни. Мас., 7816 — тўрт хонали сон. 6871679123 сонида 9 рақами чапдан 7-хонада туради дейилади. Натурал сон учун ҳар бир хона ўз номига эга: ўнгдан 1-хона «бирлар», 2-хона «ўнлар», 3—хона «юзлар», 4— хона «минглар», 7—хона «миллионлар», 10—хона «миллиардлар» хонаси дейилади.

ХОНА (мусиқада) — ўзбек, тожик, уйғур мумтоз (мақом ва б.) чолғу куйларида мунтазам ўзгарувчан ва ривожланиб борувчи тузилманинг ифодаси. Х.лар воситаси б-н куй шаклан кенгаяди ва мазмунан бойиб боради. Х.лар куйнинг ўзгармасдан такрорланувчи *бозгўй* тузилмасига уланади. Куйлар-нинг бошланишидаги асосий тузилмаси сархона, кейин келадиган бўлаги миёнхона деб аталади (яна қ. *Хат, Миёнхат*).

ХОНАБАЗМ — ўзбек халқ рақсининг тури; базмнинг ўй ичида ўтказилувчи шакли. Кичик даврага мўлжалланган бўлиб, кўпинча якка раққос ёки раққоса санъатини намойиш этишга қаратилган, қўл, елка, кўкрак, бел ҳаракатлари, мимика воситалари, нигоҳлар, жилвалар кенг ишлатиладиган рақслар туркуми Х. (баъзан «кичик ўйин») деб аталади. Улар орасида ялла, лапар ва байтлар б-н ижро этилувчи лирик, характерли, кулгили ўйинлар кўп учраган. Ҳукмдорларнинг қасрларида уюштирилаётган базмларда рақслардан ташқари куй тингланган, ашула айтилган, шеърхонлик, бадиҳагўйлик бўйича мусобақалар ўтказилган, кўзбоғловчилар, найрангбозлар томоша берган ва ҳ.к. 20-а.да Х. рақсларидан баъзилари қайта ишланиб, саҳнага олиб чиқилди. Муҳиддин Қориёқубов раҳбарлигидаги этнографик ансамблда тикланиб, ижро этилган «Ойижон», «Қорасоч укам», «Олмача анор», «Ҳилпилда ёрим», «Чилвир соч» каби лапар-ўйинлар шулар жумласидан.

Ad.: Авдеева Л. А., Ўзбек миллий рақси тарихидан, Т., 2001.

Мухтор Қодиров.

ХОНАЗАРОВ Абдушукур Абдухалилович (1939.3.1, Бўстонлиқ тумани Сойлиқ қишлоғи) — ўрмоншунос муҳандис-олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989). қ.х. фанлари д-ри (1984), проф. (1995). Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФА акад. (1991). Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1962). Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги и.т. ин-тида кичик, катта илмий ходим, тоғ мелиорацияси бўлими мудири (1968—85; 1978—79 й.ларда Афғонистонда ўрмон хўжалиги бўйича маслаҳатчи). шу ин-т директори (1985—90). «Ўзбекўрмон» ўрмон хўжалиги и.ч. бирлашмаси бош директори (1990—91), Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси (1991—2000), Ўзбекистон ўрмон хўжалиги ин-ти директори (2001—2004), 2004 й. дек.дан Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари — Ўзбекистон қ.х. илмий-и.ч. маркази бош директори, айни пайтда Тошкент аграр ун-ти ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси мудири (1995 й.дан).

Илмий ишлари тоғ ён бағирларида тупроқ эрозияси, сел ҳодисалари ва уларга қарши кураш, ўрмон мелорацияси, ёнғоқ мевали ва тез ўсувчи дарахтлар саноат плантацияларини барпо этиш, экологик муаммоларига бағишланган. Ўрмончилик бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратган.

Ас.: Эрозия почв и мелиорация в горах, М., 1983; Горная мелиорация, М., 1993; Ўрмоншунослик, Т., 2001; Ўзбекистонда ўрмонзорлар барпо қилиш асослари, Т., 2002; Иқота дарахтзорлари ва деҳқончилик, Т., 2002.

ХОНАЗАРОВ Кўчқор Хоназарович (1922.27.1, Тошкент) — файласуф олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), фалсафа фанлари д-ри (1963), проф. (1967). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1942—44). Москва халқаро муносабатлар ин-тини тугатган (1950), КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм ин-ти (1953—59; 1971—1980), Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти (1959—63)да катта илмий ходим, Ўзбекистон ФА фалсафа кафедраси мудири (1964), Тил ва адабиёт ин-ти директори (1964—71), Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти директори (1980—86), бўлим мудири (1995—98). Ўзбек совет энциклопедияси бош муҳаррири (1986—88). Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-тида кафедра мудири (1993—95; 1998—2003).

Илмий фаолияти миллий ва жаҳон тиллари муносабатлари, миллий муносабатлар, маънавият, мафкура, маданият масалаларига бағишланган. «Меҳнат шуҳрати» ордени (2002), «Шуҳрат» медали (1995) б-н мукофотланган.

Ас.: Мустақиллик ва ёшларни байналмилал рухда тарбиялаш, Т., 1997; Интернационалное воспитание молодёжи в условиях независимости, Т., 1998; Мустақиллик ва Ўзбекистонда миллий муносабатлар, Т., 2001; Развитие национальных отношений в Узбекистане, Т., 2001.

ХОНАКИ МУШУКЛАР — *мушуклар* уруғига мансуб уй ҳайвони. 50 дан ортиқ зоти бор. Х.м. ёввойи мушукнинг Шим. Африка, Ўрта денгиз мушуги (дивин мушуги) кенжа туридан келиб чиққан. Эшитиш, кўриш, туйғу органлари яхши ривожланган, ҳидини итларга нисбатан кучсизроқ сезади. 7—9 ойда вояга етади, бўғозлик даври 9 ҳафта, 4—6, баъзан 10 тагача бола туғади, 13—18 й. умр кўради. Яқин вақтгача мушуклар Қад. Мисрда хонакилаштирилганлиги тахмин қилинар эди. Чунки бу мамлакатда мушуклар илоҳийлаштирилган ва улар мўмиёлаб кўмилган. Ҳозир Х.м.нинг суяк қолдиқлари Кавказ ва Олд Осиё ҳудудларида бронза ва ҳатто неолит даврларида аҳоли яшаган жойлардаги қатламлардан ҳам топилган. Х.м. зотлари бир-биридан, асосан, жун ва думининг узунлиги, жуни ва кўзининг ранги б-н фарқ қилади. Узун жунли мушукларга ангор, Эрон ва Сибирь; калта жунлиларга сиам ва думсиз ҳамда кўпчилик Европа мамлакатларида тарқалган бошқа зотлар киради. Х.м. омборлар ва хонадонларда зараркунанда кемирувчилар (сичқон, каламушлар)-ни қириб фойда келтиради.

Хонаки мушуклар:
1 — Эрон мушуги;
2 — Норвегия мушуги; 3 — сиам мушуги.

ХОНАНДА ОВОЗИ — одамнинг овоз аъзолари ёрдамида мусиқали товушларни ҳосил қилиш қобилияти. *Мусиқа ижроси* ривожи натижасида болалик давридан қарор топади; одатда, 13 ёшида етилиб, тўлиқ ҳажми (1,5 октава)га эришади. Ўғил болалар Х.о. расталик давридан кейин бир октава пасайиб йўғонлашади, ўзгаради, баъзан хонандалик хусусиятлари ҳам йўқолади. Буни олдини олиш мақсадида Италияда 17—18-а.ларда энг яхши Х.о.га эга ўғил болалар баъзан бичилган. Х.о. хусусиятлари унинг жарангдорлиги, ширадорлиги, узоқ садоланиши ва кучлилигига боғлиқ. Одатда, машқ қилдирилмаган овоз ва профессионал Х.о. бўлади. Ҳар бир Х.о. табиий хусусиятларга қараб, опера-концерт, камер, эстрада ёки анъанавий мумтоз ашулалари ижрочилигига мувофиқлаштирилиб, тарбияланиши мумкин. Х.о. садосининг равон, текис ёки, аксинча, сиқилиб чиқиши ашулачилик усулларига ҳам боғлиқ (қ. *Хонандалик услуби*).

Х.о. диапазони бир нечта регистрга ажратилади. Турли регистрдаги товушлар ҳар хил тембр ва янгроқликка эга. Мас., эркаклар овозининг пастки диапазони (кўкрак регистри) ширали ва кучли янграйди, баланд товушлар регистри эса жарангли ва қуруқроқ садоланади. Аёллар овози эса пастки товушлар (кўкрак регистри), марказий (ўрта баландликдаги) ва баланд товуш-

лар регистрларига бўлинади. Профессионал Х.о. диапазони 2 октавага эга бўлиши, регистрлар ўртасидаги товушлар эса текис садоланиши керак.

Х.о. йўғон-ингичкалигига ва ширадорлигига қараб Европа хонандалигида 6 турга бўлинади. Аёллар Х.о. — *сопрано, меццо-сопрано* ва *контральто*, эркаклар Х.о. — *тенор, баритон* ва *бас*. Эркак овозларидан нисбатан баланд ва очиқроқ янграйдиганлари лирик, йўғон ва қуюқроқ эшитиладиган овозлар драматик турларга ажратилади (мас., лирик тенор). Ўзбек миллий хонандалигида товушлар кўлами кенг, салобатли кучга эга «нор овоз», барча пардаларда аниқ эшитиладиган «жарангдор қувроқ овоз», шунингдек, «тик овоз», «панг овоз», «хаста ишками овоз» каби тушунчалар қўлланилади.

Х.о. садоси, кўпинча, сўз талаффуз этилиши б-н боғлиқ. Ижросида бадиий матнни тингловчиларга равшан қилиб етказишда, хусусан, унли товушларни аниқ айтиш ва Х.о.ни нутқ интонацияси унсурлари б-н узвий боғлай олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Мамадалиев Ф., Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари, Т., 2001.

ХОНАНДАЛИК УСЛУБИ — вокал мусиқа асарларини ижро этиш йўли. Хонанда овозини чиқариш ва ишлатиш усуллари, овозининг туси, кенглик кўлами, кучи, жарангдорлиги ва б. сифатлар б-н ажралиб туради. Европа профессионал вокал санъатида товушни кўкракдан, танглайдан чиқариш каби усуллар қўлланилади (қ. *Бельканто*). Ўзбек ва тожик анъанавий ашулачилигида биниги (димоғдан чиқариладиган овоз), гулиги (томоқдан чиқариладиган овоз), ишками (кўкрак-қорин диафрагмаси воситасида ҳосил қилинадиган овоз) усуллари мавжуд. Асосий Х.у.лари: куйчан услуб, унда кенг, равон оҳангдорлик — кантилена асосий ўрин эгаллайди; декламация услуби — нутқ *интонациясига* яқин (*речитатив*); *колоратура*ли услуб, унда куйлаш ўз характерига кўра куйнинг созлаги ижросига яқин бўлади ва хонандаликнинг текст б-н алоқаси бир оз йўқолади (яна қ. *Хонанда овози, Мусиқа ижрочилиги*).

ХОНАТЛАС — *абрбанди* усулида безаб тайёрланадиган шойи мато; қ. *Атлас*.

ХОНАҚОҲ — катта бино ёки унинг асосий хонаси: 1) диний меъморий иншоотлар (масжид, мадраса ва б.)даги катта хона (зал). зиёратчилар учун қурилган *жамоатхоналар, ҳужралар* ҳам шундай аталади; 2) суфийлар машғулотларини ўтказишга мўлжалланган катта хона ва унинг атрофига қурилган ҳужралардан иборат меъморий маскан; 3) маҳалла, қишлоқ масжидларининг томи (ёпмаси) гумбазли ёки текис бўлган қишки қисми.

Х., одатда, мураббаъ ёки тўртбурчак тарҳли бўлиб, бир неча кириш эшигига эга бўлган. Мужассамотида, айниқса, очиқ муҳитда марказийликка мойиллик сезилади. Асосий кириш эшиги анъанавий усулда баланд пештоқли қилиб қурилган, эшиклар тобадонига ёғоч панжаралар ўрнатилган, ичи оддий, равоқли, токчали, меҳроби серҳашам безатилган. Бинолар таркибидаги Х. мақбара бўлган ёки шунга ўхшаш вазифани бажарган (мас., Тошкент ш.даги *Бароқхон мадрасаси*даги Суюнчхўжа мақбараси, *Абулқосим мадрасаси*даги Мўйи муборак Х. ва б.). Маҳалла масжидлари Х. и гумбаз томли қилиб қурилса ҳам, айвонининг шифти текис бўлган. Кўп ҳолатларда Х. ҳам, айвон ҳам бир хил тўсинли қилиб қурилган. Йирик Х.лар амалий безак санъати намуналари (ганч ва ёғоч ўймакорлиги, наққошлик ва б.) б-н жозибадор безатилган (Бухородаги Хўжа Зайнуддин, Чор Бакр, Қосим Шайх Х.лари диққатга сазовор). Х. махсус бино сифатида Ўрта Осиёда Амир Темур даврида ҳам маълум бўлган, 16-а.дан кенг миқёсда қурила бошлаган. Вақт ўтиши б-н Х.нинг вазифаси ўзгариб борган, сўнгги ўрта асрларга келиб Х. дарвишлар зикру самоъ қиладиган масканга айлана бошлаган.

ХОНБАНДИ — қад. сув омбори (10-а.). Ҳоз. Жиззах вилояти Фориш тумани марказидан 12—15 км шим.-да, Пасттоғ дараси ичига қурилган. Х. Нурота тоғидан оқиб чиқадиган *Осмонсой* ва *Илончисой*нинг сел сувларини жамғариб, ёзда экинларни суғориш учун барпо этилган. Х. тўғони гранит тошлар ва сувга чидамли махсус қоришмалардан ишланган. Тўғоннинг бал. 15,25 м, узунлиги устки қисмида 51,57 м, асосида 24,35 м. Х.нинг уз. 1,5 км, эни тўғон олдида 52 м, дара оғзида 200 м га ва сув сиғими эса 1 млн. 600 минг м³ га тенг бўлган. Х. туфайли Қизилқумнинг Мирзачўл б-н туташган чегарасида тахм. 1,5 минг га ер майдони ўзлаштирилган. Сув омборидан 6 км шим.-да мустаҳкам работ қад кўтарган, унинг харобалари Калтепа деб юритилади. Калтепада олиб борилган археологик текширишлар бу кичик воҳанинг 10-а.да обод этилиб, 12-а. охирларигача ҳаёт давом этганини аниқлаб берди. Сувни чиқариш учун Х. иншоотининг ғарбий чеккасида 9 та қувур ўрнатилган. Улар оқиб чиқадиган сувнинг динамик таъсирига қарши конуссимон қилиб ишланган.

Х. тўғонининг математик ўлчовларига қараганда уни бино қилган 10-а. ирригаторлари мазкур иншоотни қуришда тўғон олдида тўпланадиган 16 м чуқурликдаги сувнинг вертикал босим кучини ҳамда иншоотни ағдарувчи горизонтал кучни аниқ муҳандислик ҳисоби асосида белгилаб чиққанлар. Шунинг учун ҳам Х. тўғонининг асоси юқори қисмига нисбатан 4 баравар қилиб ишланган (қалинлиги остида 8 м, юқорисида 2 м га тенг). Тўғон махсус лойиҳа асосида бино қилинган.

Ад.: Ҳусанхўжаев З. Х., Гидротехника иншоотлари, Т., 1968; Муҳаммаджонов А. Р., Қадимги сув иншоотлари тарихидан, Т., 1968; Муҳаммаджонов А. Р., Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари, Т., 1997.

ХОНГУЛ, бухоро буғуси (Cervus elaphus bactrianus) — *буғулар* оиласи *жуфт туёқлилар* туркумига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танаси 78—86 см, бўйи (яғринидан) 56—60 см, оғирлиги 75—100 кг. Тўқ кулранг, елкасида қорамтир йўллари бор. Шохлари бутоқли. Илгари Амударё, Сирдарё ва Орол денгизи соҳилларидаги қамишзор ва тўқайларда тарқалган эди. Ҳоз. фақат Амударё воҳасидаги қўриқхоналарда яшайди. Сувда яхши сузади. Ўсимликлар б-н озиқланади. Урчиш даврида урғочи ва эркаклари бирга пода бўлиб юради. Сент.—окт.да жуфтлашади. Апр.—майда болалайди. 2—3 ёшда жинсий вояга етади. Овлаш тақиқланган. Х. сони камайиб кетганлиги сабабли Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил рўйхатига ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

Хонгул (бухоро буғуси).

ХОНГХА, Сонгкой (хитойча Юаньцзян), Қизил дарё — Хитой ва Вьетнамдаги дарё. Уз. 1183 км, ҳавзасининг майд. 158 минг км². Юньнан тоғлигидан бошланиб, асосан, тоғлардан оқади. Қуйи оқимида Бакбо текислигидан оқиб, Бакбо (Тонкин) қўлтиғига дельта ҳосил қилиб қуйилади. Ўртача сув сарфи 3800 м³/сек. Сув режими муссонли, ёзда тошади. Тошқинларнинг олдини олиш мақсадида қирғоқлари дамбалар б-н тўсилган. Сувидан суғоришда кенг фойдаланилади. Ёзда денгиз кемалари Ханой ш.гача (қуйилиш еридан 175 км) бора олади. Дарё сувида жуда кўп қизил рангдаги оқизиқлар оқиб келади (дарё номи шундан). Х. бўйида Хэкоу, Лаокай, Йенбай, Ханой ва б. шаҳарлар, дельтасида Хайфон денгиз порти жойлашган.

ХОНДАМ КАНАЛИ — Тошкент вилоятидаги йирик ва мураккаб гидротехника иншооти, 1928—32 йилларда қурилган. Чанқирғоқ Қорасув каналининг 3- км дан сув олиш иншооти ёрдамида сув олади. Дастлабки уз. 49 км. 1970 й.дан кейин амалга оширилган реконструкция натижасида қайта қазилди, унинг уз. 77,5 км га етказилди, канал кенгайтирилди, трассаси ўзгартирилди ва бош қисмидаги ҳисобий сув сарфи 23 м³/сек. ни ташкил этди. Канал трассаси мураккаб рельефни тоғ олди текисликлардан ўтгани боис унинг кўп қисми қазма (чуқ. 25 м гача) ва кўтарма (бал. 30 м гача) ўзандан иборат. Канал тубининг кенглиги 2—4 м, деворларининг қиялиги 1,75 м га тенг. Канал ўзанига фильтрацияга қарши 15 см қалинликдаги бетон тўшама ётқизилган. Унинг ўнг қирғоғида 7 м энликда инспекция йўли қурилган. Каналда кўп сонли гидротехника иншоотлари барпо этилган: унинг 28- км да 15 м баландликдаги шаршара, Паркентсой, Қизилсой, Самсараксойлар б-н кесишган жойларда дюкерлар қурилган, 10 га яқин йирик кўприклар, 5 та йирик сув чиқаргич, 2 та сув тўсгич, 4 та сув ташлагич барпо этилган. Трассанинг охири Хўжабаланд канали б-н туташтирилган. Канал ўнг қирғоғидаги 15 минг гектарга яқин экинзорни суғориш имкониятига эга.

ХОНДАМИР Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Хожа Ҳумомуддин ибн Хожа Жалолиддин Муҳаммад ибн Бурҳониддин Муҳаммад Шерозий (1473—76, Ҳирот — 1534, Манду; Деҳлида дафн этилган) — тарихчи. Она томондан *Мирхонд*нинг набираси ва шогирди. Отаси темурийлардан Султон Маҳмуд мирзонинг вазири бўлган. 10 ёшида Навоийнинг кутубхонасида кутубхоначи, 1498 й. мудир. 1503 й.дан Балхда *Бадиуззамон* Мирзо саройида хизмат қилган. 1507—10 й.ларда Шим. Афғонистонда (Башт қишлоғида) адабий ижод б-н шуғулланган. 1510 й. Х. Ҳиротга қайтиб келган. 1528 й. Х. Ҳиндистонга, бобурийлар пойтахти Аграга, яъни *Бобур* ҳузурига борган ва 1529 й. Бобурнинг Бенгалия ва Ганг дарёси соҳили томон қилган юришида қатнашган. Бобур вафотидан сўнг Х. унинг вориси *Ҳумоюн* б-н ҳарбий юришларда иштирок этган. Айни вақтда у «Ҳумоюннома» асарини ёзади. Бу хизмати эвазига унга «Амир ул-муаррихин» унвони берилган. Ҳумоюн б-н ҳарбий юришдан қайтиб келаётганда вафот этган. Васиятига биноан, Деҳлидаги машҳур қабристонга, шоир Хусрав Деҳлавий (1253—1325) ёнига дафн этилган. Х. 13 та асар ёзган, бизгача 8 таси етиб келган: «Маъосир ул-мулук» («Ҳамаср подшоҳларнинг тарихи») (1498—99); Алишер Навоийга бағишланган: «Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-ахёр» («Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси») (1498—1500) ва «Макорим ул-ахлоқ» («Олийжаноб хулқлар») (1501); «Дастур ул-вузаро» («Вазирлар учун қўлланма») (1500—01); «Номаи номи» («Атоқли номалар») ёки «Иншои Ғиёсиддин», «Иншои Ғиёсий» (1522—23); Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарига Х. томонидан қўшилган илова — 7-жилд ва «Географик қўшимча» (1522—23); «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар» («Инсон зоти хабарлари ва дўстнинг таржимаи ҳоли») (1520—24); «Ҳумоюннома» (1534).

Х.нинг қолган 5 та асарининг номлари маълум, холос: «Осор ул-мулук ва-л-анбиёо» («Подшоҳ ва пайғамбарлар ҳақида ҳикоялар») (1524—25); «Ахбор ул-ахёр» («Яхши инсонлар ҳақида хабарлар»); «Мунтахаб-и тарих-и Вассоф» («Вассоф тарихидан сайланма»); «Жавоҳир ул-ахбор» («Хабарлар гавҳарлари»); «Ғаройиб ул-асрор» («Қизиқарли сирлар»). Навоийнинг маълумотига кўра, Х. «Нақий» тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Х.нинг 3 жилдли «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар» асарининг 1- ва 2-жилди Туркистондаги хонлар, Чингизхон ва унинг авлодларининг тарихи ҳақида, 3-жилдида эса, 15-а.нинг 90-й.ларида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги темурийлар ўртасидаги ўзаро курашлар, Шайбонийхон босқини ҳақида бирмунча маълумотлар бор. Х. Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон тарихига оид муҳим асарлар яратган ва бу б-н жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшган.

Дилором Юсупова.

ХОНДИЗА ПОЛИМЕТАЛЛ РУДА КОНИ — Сурхондарё вилоятидаги кон. Ҳисор тоғларининг жан.-ғарбий қисмида, Денов ш.дан 90 км нарида жойлашган. Вулканоген жинслардаги колчедан-полиметалл саноат-генетик типига мансуб. Конда 1968—74 й.ларда муфассал разведка ишлари олиб борилган. Конни Т. Ш. Шоёқубов очган. Х.п.р.к. вулкано-тектоник структурада жойлашган бўлиб, асосан, андезит-дацит-риолит таркибли қуйи карбон тоғ жинсларидан тузилган. Интрузив тоғ жинсларидан гранит-порфир, габбро-гранит, габбро-диорит, диабаз-порфир, адамелит ва лампрофирлар мавжуд. Кондаги энг катта руда тўплами визе ярусининг зой (C_1t-v_1) ва вахшивар (C_1v_2-S) свита ётқизиқларида (конгломерат, қумтош, алевролит ва риолитли туфлар) жойлашган. Асосий рудалашув зонаси бир-бирига яқин жойлашган, 10—20 м дан 120—150 м гача бўлган қатламсимон ва линзасимон таналардан иборат бўлиб, ялпи брекчиясимон ҳамда холхолсимон рудалар мажмуасидан иборат. Полиметалл рудалар, асосан, галенит, сфалерит, халькопирит минералларидан ташкил топган. Оз миқдорда пирит, кварц, серицит, доломит, хлорид ҳам учрайди. Рудада асосий элементлар (Zn, Pb, Cu) дан ташқари, саноат аҳамиятига эга Au, Ag, Cd, Se, Fe ва б. бор. Х.п.р.к.да қўрғошин — 703,8 минг т (рудадаги таркиби 2,99%), рух — 1503,8 минг т (6,39%), мис — 173,1 минг т (0,85%), кумуш — 2333,3 т (114,3%), олтин — 7064 кг (0,35 г/т), селен — 128 т (0,00068%), кадмий, индий ва б.нинг захиралари аниқланган. Х.п.р.к.ни ўзлаштириш 2005 й.дан қўшма корхона ташкил қилиш йўли б-н амалга ошириш мўлжалланган.

ХОНДРИТ (юн. choundros — донача) — тош метеоритларнинг энг кўп тарқалган тури. Х. барча тош метеоритларнинг қарийб 90% ини ташкил қилади. Х.нинг асосий хоссаси — майда доначали массада жойлашган майда шарсимон жисмлар — хондраларининг мавжудлиги, таркибида 13% га яқин никелли темир доначалари борлиги.

ХОНЗОДА БЕГИМ, Севинбека (? — 1411.3.11, Тус) — Хоразм маликаларидан бири. *Ўзбекхон*нинг набираси. Х.б. номи б-н машҳур бўлган.

1374 й. Х.б. иззат-икром б-н Самарқандга келтирилган ва Жаҳонгир Мирзога никоҳлаб берилган. Уларнинг никоҳидан *Муҳаммад Султон* Мирзо туғилган. 1376 й. Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг Х.б. Амир Темурнинг 3-ўғли *Мироншоҳ* никоҳига кирган (1383). Мироншоҳдан *Халил Султон* Мирзо дунёга келган. Х.б. ўткир зеҳнли, ақл-фаросатли ҳамда тадбиркорлиги туфайли Амир Темур эътиборини қозонган. 1407 й.да Х.б. Маккатулло зиёратига кетган. Зиёратдан қайтгач, *Абдураззоқ Самарқандий*нинг маълумотига қараганда ўғли, Халил Султон Мирзонинг ўлимидан бир неча кун илгари вафот этган.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996; Рюи Гонзалес де Клавихо, Дневник путешествия в Самарканд к двору Темура (1403—1406), М., 1990; Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995.

ХОНЗОДА БЕГИМ (1478, Андижон — 1544, Кобулхақ) — Фарғона вилояти ҳокими темурий Умаршайх Мирзонинг қизи. Заҳириддин Муҳаммад *Бобур*нинг опаси. Онаси Қутлуғ Нигор хоним Тошкент ҳукмдори, чингизий Юнусхоннинг Эсон Давлатбегимдан туғилган иккинчи қизи эди. 1501 й.да катта қўшин б-н Самарқандни 5 ой мобайнида муҳосара қилган Шайбонийхон сулҳ эвазига Х.б.ни ўзига хотинликка сўрайди. Х.б. Шайбонийхон никоҳига киради ва ундан Хуррамшоҳ номли ўғил кўради. Отаси Балх вилоятини кейинчалик унга беради. 1510 й. Марвда Шайбонийхон ҳалок бўлгандан кейин Х.б. Қундузда турган укаси Бобур ҳузурига 10 йиллик айрилиқдан сўнг қайтиб келади. 1512 й. Хуррамшоҳ дунёдан ўтади. Х.б. ўзининг ақл-идроки ва тадбиркорлиги туфайли сарой аҳли орасида юксак ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлади. Х.б. Кобулхақ мавзеида вафот этади. Уч ойдан кейин унинг хоки Кобулга келтириб, Бобур мақбарасига дафн қилинади.

Ад.: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобурнома, Т., 1960; Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995.

ХОНИАРА — Соломон Ороллари давлати пойтахти. Гуадалканал о.да жойлашган. Аҳолиси 44 минг киши (1998). Тинч океанининг Маржон денгизи соҳилидаги порт (четга копра, музлатилган балиқ, кокос, мойлар чиқарилади). Шаҳар атрофида кокос пальмаси плантациялари бор.

ХОНИЙ — ўрта асрларда Ўрта Осиёда подшоҳ, хон ва султонлар тарафидан элчиларга, мударрис ва илми толибларга уларнинг маоши учун вақт-вақти б-н бериб туриладиган пул инъоми. Бу инъом олувчиларнинг мартабаларига қараб берилган.

ХОНИНГЛАШ (инг. hone — чарxлаш) — деталларнинг ички цилиндрик сиртларини майин тишли узунчоқ (думалоқ, тўртбурчак) абразив асбоб (жилвир чивиқ) б-н ишлаб силлиқлаш (пардозлаш). Сиртга ишлов бериш учун абразив асбоб Х. каллаги (хон)га маҳкамлаб қўйилади, каллак эса Х. станогининг шпинделига ўрнатилади. Х. станогининг вертикал, горизонтал ва қия; бир ва кўп шпинделли; универсал, ярим автоматик ва автоматик турлари бор. Х. асбобининг асосий (айланма) ҳаракати алоҳида электр двигатели ёки гидротурбина б-н, детални суриб туриш ҳаракати (тўғри чизиқли, илгарилама-қайтма ҳаракат) гидроюритма б-н амалга оширилади. Станокда абразив асбобни радиал тарзда ҳаракатлантирадиган механизм ҳам бўлади. Х. пайтида абразив асбоб ишлов бериладиган сиртга сиқилиб туради, Х. каллаги айланма ва тўғри ёки илгарилама- қайтма ҳаракат қилади. Х. деталнинг ички сиртига ишлов беришнинг охирги (пардозлаш) операцияси ҳисобланади. Мас., автомобиль двигатели цилиндрлар блокига ишлов беришда Х. операциясидан фойдаланилади.

ХОНКЕЛДИЕВ Карим (1912.9.5, Андижон — 1977.18.8, Гулистон, Тошкентда дафн этилган) — Ўзбекистон халқ артисти (1964). 1934—58 й.лар Андижон театрида, 1958—77 й.лар Тошкент ёш томошабинлар театрида актёр. Франц Моор (Ф. Шиллер, «Қароқчилар»), Мавлон (А. Қаҳҳор, «Шоҳи сўзана»), Илҳом (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари»), Завқий (С. Абдулла, «Муқимий»), Холмат (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Жевакин (Н. Гоголь, «Уйланиш») каби образларни Андижон театри саҳнасида яратди. Қаҳрамонлар хусусиятини, ижтимоий му-

ҳит б-н муносабатларини ҳаётий ва реал тасвирлай олувчи ўзига хос актёрлардан. «Мусо Жалил» (Н. Исамбетда Борман, «Шум бола»да Ҳожибобо каби турли характердаги ролларни ижро этиб, актёрлик маҳоратининг янги қирраларини намойиш этди. 1959 й.дан Тошкент телевидениесида «Юлдузча», 1962—77 й.лар «Оталар сўзи ақлнинг кўзи» кўрсатувларини олиб борган.

ХОНКЕНДИ (1990-й.лар бошигача Степанакерт) — шаҳар, Озарбайжон Республикаси таркибидаги Тоғли Қорабоғ маркази. Т.й. станцияси. Аҳолиси 55,2 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Енгил (ипак к-ти, пойабзал, гилам, тикувчилик ф-калари) ва озиқ-овқат (сут, гўшт к-тлари, вино з-длари) саноатлари ривожланган. Асфальт-бетон, электртехника, қ.х. машиналари з-длари, қурилиш материаллари к-ти, мебель ф-каси бор. Педагогика ин-ти, театр, тарихий-ўлкашунослик музейи мавжуд.

ХОНОБОД (1972—91 й.ларда Советобод) — Андижон вилоятидаги шаҳар (1972 й.дан). Қорадарёнинг ўнг соҳилида. Т.й. станцияси (Хонобод). Вилоятнинг шарқида жойлашган. Вилоят маркази (Андижон ш.) дан 80 км. Аҳолиси 35,9 минг киши (2004).

Қўқон хонлиги даврида бу ҳудуд «Бешкапа» деб юритилган. Маҳаллий ривоятга кўра, Қўқон хонлари Х. атрофидаги тўқайзорларга келиб шикор уюштириб дам олишни хуш кўрганлар. Шу боис бу ҳудуд ободонлаштирилган (шаҳар номи шундан). 1969 й. Қорадарёда Андижон сув омбори қурилишининг бошланиши б-н Х.да аҳоли сони кўпайди. Шаҳарда «Сув қурилиш жиҳозлари», «Андижон ГЭС», «Электроника», «Тарандубитель» корхоналари, 2 автокорхона, «Андижонкабель», «Хон-Бугда», «Ўз-КОЖИ» қўшма корхоналари фаолият кўрсатади. Алоқа уйи, «Хотира майдони», 2-жаҳон уруши қурбонлари хотирасига бағишланган ёдгорлик, Алишер Навоий ва Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғлари, Фозилмонота зиёратгоҳи, рақс ва кулги майдони мавжуд.

Хонобод шаҳри. Маиший хизмат касб-ҳунар коллежи.

«Хон-Бугда» қўшма корхонасида.

«Андижон сув омбори» музейи, 6 кутубхона, 4 касб-ҳунар (саноат, маиший хизмат, компьютер, пед.) коллежи ишлаб турибди. Марказий касалхона, болалар поликлиникаси, туғруқхона ва б. тиббий муассасалар (200 ўрин) аҳолига хизмат кўрсатади. Тез тиббий ёрдам бўлими, Султонобод, Хидирша қишлоқ врачлик пунктлари бор. Шаҳар ҳудудидан маҳаллий аҳамиятдаги Андижон — Хонобод автотрассаси ва Ўш — Бишкек халқаро автомобиль тракти ўтган.

ХОНОБОДТЕПА — шаҳар харобаси (мил. 6—13-а. боши — 16—17-а.лар). Тошкент ш. жан.да Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, дарёдан 0,5 км нарида жойлашган. Ўтган асрнинг 30—60-й.ларида М. Е.*Массон*, В.М.Массон, Ю. Ф. *Буряков*; 1971—75 й.ларда Тошкент археология экспедицияси (В. А. Булатова, Л. Г. Брусенко, Л. Л. Ртвеладзе, Э. В. Ртвеладзе, М. И. Филанович) текширган. Х. ёдгорлиги квадрат (530×500 м) шаклда. Майдони тахм. 30 га. У кенг хандақ б-н ўралган арк ва шаҳристондан иборат. 6-а.да истеҳкомсиз кичик қишлоқ шаклида қад кўтарган. Х. 7-а. ўрталарида 4 бурчагида миноралари бор мустаҳкамланган қалин девор б-н ўралган шаҳарга айланган. Шаҳар ичида муҳташам бинолар, уй-жойлар, майдон ва бозор жойлашган. 8-а.нинг 1-ярмида вайронага айланиб, 9—12-а.ларда ҳаёт тикланган. 13-а. бошида мўғуллар томонидан вайрон этилган. Узоқ вақт вайроналикдан сўнг, 15—16-а.ларда шаҳар қайта тикланиб, мустаҳкам девори янги арк (104×80 м) бино қилинган. Шаҳар харобасидан 8-а.нинг 1-ярмига оид тангалар (Чоч ҳокими Тарнабчнинг силовсин тасвирли тангаси, Усрушона ҳокими Сатачурий II, Суғд ихшиди Турғар (738—750), турк хоқони Элтегин тангалари) ва *аббосийлар*нинг мис фулусларидан иборат хазина; шунингдек, қопқоғида қуш боши ва соқолли кекса киши тасвиридаги ўймакор нақшли остодонлар, буқа бошли сирланган қадаҳ, 6—12-а.ларга оид сирсиз ва сирланган сопол идишлар топилган.

Ад.: Филанович М. И., Ташкент. Зарождение и развитие города и городской культуры, Т., 1983; Мукминова Р. Г., Филанович М. И., Ташкент на перекрестке истории, Т., 2001; Муҳаммаджонов А., Қадимги Тошкент, Т., 2002.

Абдулаҳад Муҳаммаджонов.

ХОНСЮ, Хондо — Япония архипелагидаги энг катта орол, Япон денгизи б-н Тинч океан оралиғида. Майд. 230,4 минг км² (атрофидаги ороллар б-н бирга 231 минг км²), уз. 1400 км дан зиёд. Оролда мамлакат аҳолисининг тахм. 80% яшайди. Рельефи, асосан, тоғли. Оролнинг марказий қисмини йирик тоғ тизмалари (Оу, Хида, Кисо, Акаиси) эгаллаган. Вулкан кўп, Фудзияма вулкани Япониядаги энг баланд чўққи (3776 м). Тез-тез кучли зилзила бўлиб туради. Соҳил қисми камбар текислик. Олтингугурт, қўрғошин, рух, нефть, газ конлари бор. Иқлими муссонли, океан иқлими, шим.да мўътадил, жан.да субтропик. Кузда тайфунлар бўлади. Дарёлари қисқа, серостона, гидроэнергия захирасига бой. Энг катта кўли — Бива. Тоғлар кенг баргли ўрмонлар б-н қопланган, жан.да субтропик доим яшил ва игна баргли ўрмонлар бор. Миллий боғлар ташкил этилган. Х. — Япониянинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ҳудуди. Текисликларда аҳоли зич, деҳқончилик ривожланган. Йирик шаҳарлари: Токио, Осака, Нагоя, Киото, Йокохама, Кобе. Хўжалиги ҳақида *Япония* мақоласига қ.

ХОНТАНГРИ — Марказий Тяньшан тоғларидаги чўққи. Қирғизистон ҳудудининг энг шарқий чеккасида, бал. 6995 м. Пирамида шаклида. Палеозой ёшидаги мармар ва мармарлашган оҳактошдан ташкил топган. Чўққини 1857 й.да П. П. Семёнов-Тяньшанский Х. деб атаган; унгача қирғизча Қантоо, яъни Хонтоғ деб аталар эди. Илк ўрта асрдан бўлган маълум ҳақиқий Хонтангри чўққиси жан.роқда Қақшал тизмасида бўлиб, Ғалаба чўққиси деб аталади (7439 м). Х.га.Т. Погребецкий 1931 й. 1 сент.да биринчи марта чиққан. Ён бағирлари тик ва қор б-н қопланганлиги сабабли қор кўчкилари бўлиб туради.

ХОНТАХТА — рўзғор буюми; ерда — палос, гиламга солинган кўрпача устида ўтириб овқатланишда фойдаланилади. Х., асосан, тўртбурчак, доира шаклида (баъзан кўп қиррали) калта оёқли қилиб ишланади. Ёғочдан (баъзан устки қисми юпқа пластмасса қоплаб) ясалади. Халқ усталари (ўймакор ва наққошлар) 5, 6, 8 қиррали Х.лар ясаб, уларни нафис ислимий нақшлар

Хонтахта.

б-н безатиб амалий санъат асарига айлантирган хиллари республика музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади.

ХОНТАХТА ТИЗМАСИ — Ҳисор тоғ тизмасининг жан.-ғарбий тармоқларидан бири. Жан. ва жан.-ғарбда Катта Ўрадарё, шим., шим. -шарқ ва шарққа 60 км дан зиёд масофага чўзилган. Ўртача бал. 1500—2500 м, энг баланд жойи 2938 м. Сувайирғич қисми текисланган юзалардан иборат. Ён бағирлари жан. ва шарқий қисмида Катта Ўрадарё ўзанидан деярли тик кўтарилган, шим.-ғарбий ён бағри эса бир оз нишаб. Этагида адирлар б-н туташиб кетган ва кўплаб дарёлар (Лангар, Катта Ўрадарёнинг чап ирмоқлари) б-н зич ва чуқур кесилган. Х.т. антиклиналь структурадир. Унинг сувайирғич қисми па-

Хонсю оролидаги Япониянинг энг баланд чўққиси — Фудзияма вулкани.

леозой даври ётқизиқларидан ташкил топган. Тизманинг ён бағирларида юра, бўр ва палеоген оҳактошлари, гипсли гиллар, мергель, қумтош, конгломератлар тарқалган. Дарёлар кўп қисмида чуқур дарӓлар ҳосил қилган. Оҳактошлар тарқалган ҳудудида карст (карст гори, воронка ва каррлари) ҳамда куэста рельеф шакллари ҳосил бўлган. Иқлими қуруқ, ёгингарчилик асосан, қиш ва баҳорда бўлади. Қўнгир ва жигарранг тупроқларда арчазорлар, бутазор ва б. ўсимликлар тарқалган. Яйлов сифатида фойдаланилади.

ХОНТЎРАЕВ Тургунбой Анорбоевич (1935.31.12, Андижон вилоят Асака ш.) — Ўзбекистон халқ артисти (1988). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1957). 1954 й.дан Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театри) актёри. «Қутлуғ қон» (Ойбек) спектаклидаги Миршаб образи б-н ўз фаолиятини бошлаган. Кичик ролларни ҳам маромига етказиб ижро этиш, қаҳрамонининг ички ва ташқи кечинмаларини атрофлича очишга уриниш, улар орқали улкан бадиий-фалсафий умумлашмалар мужассам эта олиш Х. ижодига хосдир. Идрис (М. Диб, «Жазоир — менинг Ватаним»), Гўрков (У. Шекспир, «Ҳамлет»), Сайёр (О. Ёқубов, «Юрак ёнмоги керак»), Миллер (Ф. Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Шокирбой (Б. Авазов, «Фурқат»), Боқижон (Р. Бобожон, «Тога жиянлар»), Сейдизо (М. Каору, «Ўгирланган умр»), Сайфиқори (Ф. Мусажонов, «Оқ кабутар»), Бобо Кайфий (М. Шайхзода, «Мирзо Улугбек»), Маймандий (Уйгун, «Абу Райҳон Беруний»), Мусулмонқул (И. Султон, «Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлари») ва б. унинг театрда яратган энг яхши образларидан.

Тургун Хонтўраев Абдусалом ролида («Олтин девор»).

ХОНҚА — Хоразм вилояти *Хонқа тумани*даги шаҳарча (1981 й.дан), туман маркази. Амударёдан 6 км гарбда, вилоят маркази (Урганч ш.)дан 12 км шарқда жойлашган. Т.й. станцияси. Аҳолиси 35,9 минг киши (2004).

Шаҳарча тарихий адабиётларда Сафардиз номи б-н тилга олинади. 13-а.да мўгуллар томонидан вайрон этилганидан сўнг бу ерда масжиднинг биргина хонақоҳи сақланиб қолган. Я. Гуломовнинг таърифича, Х.нинг номи (Хонақоҳ—Хонақо—Хонқа) шундан келиб чиққан. Х.да 1890 й.да рус савдогарлари томонидан пахта тозалаш з-ди қурилган. Х.да ҳафтада 2 марта бозор бўлган.

Хонқа шаҳарчасининг марказий кўчаси.

Шаҳарчада пахта тозалаш з-ди, «Хонқа гуруч», «Дон маҳсулотлари» к-тлари, Ўзбекистон — Италия «Мева» консервалаш қўшма корхонаси ва б. бор. Савдо тижорат дўконлари, деҳқон бозори, 40 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишлаб турибди. 15 умумий таълим мактаби, 4 касб-ҳунар коллежи, 3 маданият уйи, 8 кутубхона, маданият ва истироҳат боги аҳолига хизмат кўрсатади. Стадион, 40 спорт майдончаси, спорт зали ва б. спорт иншоотлари, марказий касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар мавжуд. Х.дан Урганч, Тўрткўл, Боғот, Ҳазорасп ва б. шаҳар ва шаҳарчаларга автобуслар қатнайди, Урганч—Тошкент поезди ўтади.

Меъморий ёдгорликлардан Саид ота жоме масжиди (1766, 1912, 1989 й.ларда таъмирланган) ва мақбараси сақланган. 17—19-а.ларда Х.дан Диловархўжа, Андалиб, Исломхўжа, Иброҳимхўжа, Ҳожи Муҳаммад Аминаддин ўғли каби машҳур кишилар етишиб чиққан.

Комил Нуржонов.

ХОНҚА ТУМАНИ — *Хоразм вилояти*даги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1962 й. 24 дек.да Янгиариқ туманига қўшилган. 1973 й. 26 дек.да қайта тузилган. Туман вилоятнинг шим.-гарбий ва гарбий қисмида Урганч тумани, жан.-гарбда Хива ва Янгиариқ туманлари, жан. ва жан.-шарқда Боғот туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,43 минг км². Аҳолиси 137,5 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳарча (Хонқа), 10 туман фуқаролари йиғини (Амударё, Жирмиз, Мадир, Навхос, Намуна, Олажа, Сарапоён, Томилургоалик, Қиркёп, Қорақош) бор. Маркази — *Хонқа* шаҳарчаси.

Табиати. Туман ҳудуди Амударёнинг чап соҳилидаги пасттекисликда жойлашган. Ўртача бал. 100 м. Бу жойлар Амударёнинг қад. дельтаси бўлиб, ҳоз. ҳам ўзанини ўзгартириб турадиган жуда кўп дарё тармоқлари мавжуд. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, Арктика ҳавоси кириб келганда, т-ра кескин пасайиб кетади. Йиллик ўртача т-ра 11°, янв.нинг ўртача т-раси —5,1°, июлники 27,3°. Энг юқори т-ра 43°, энг паст т-ра —32°. Вегетация даври 201 кун. Йилига ўртача 80—100 мм ёгин тушади. Туманнинг ёнидан Амударё, туман ҳудудидан Шовот, Полвонёп, Кулобод, Хонқаариқ, Урганчарна, Олажа ва б. магистрал канал ва ариқлар оқиб ўтади. Тупроғи серунум, дарё оқизиб келтирган қум ва гилдан пайдо бўлган аллювиал, чўл-қум ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар ташкил этади. Ёввойи ўсимликлардан чий, қамиш, қўга, қўйтикан, рўвак, бугдойиқ, ажриқ, янтоқ, қорабароқ, оқбош, шўра, печакўт, юлгун, турангил, терак, тол, жийда ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўрсиқ, юмронқозиқ, қуён, чиябўри, тошбақа, калтакесаклар; қушлардан бир неча хил ўрдак, кулранг гоз, қўтон, бирқозон, чумчуқ, мўйловли читтак, деҳқон чумчуқ, оқ қанотли қизилиштон, сассиқпопишак, заргалдоқ, тустовуқ ва б. кўп. Балиқлардан оқ амур, дўнг пешона, карп, сазан, лаққабалиқ ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қорақалпоқ, рус, туркман,

Саид ота мақбараси.

татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 319,8 киши (2004). Шаҳар аҳолиси 33,6 минг киши, қишлоқ аҳолиси 103,9 минг киши (2004).

Хўжалиги. Туман иқтисодиёти, асосан, қ.х. ишлаб чиқаришига ихтисослашган. Пахтачилик, галлачилик, чорвачилик, ипакчилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ривожланган. Хонқа қад.дан кулолчилик буюмлари б-н машҳур. Р. *Матчонов* яратган кулолчилик буюмлари хориж музейларида намойиш этилмоқда. Туманда йирик, ўрта, кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатади. Пахта тозалаш, гишт з-длари, «Хонқагуруч», дон маҳсулотлари к-тлари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона ва б. ишлаб турибди. Ўзбекистон—Италия «Мева» консервалаш қўшма корхонаси фаолият кўрсатади. Деҳқон бозори, 250 савдо, 228 маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Х.т.да 9 ширкат, 400 дан зиёд фермер хўжалиги, ижара хўжалиги мавжуд. Умумий экин майд. 24,7 минг га, шундан 10,4 минг га ерга пахта, 9,7 минг га ерга дон, 342 га ерга картошка, 987 га ерга сабзавот экинлари экилади (2004). Шунингдек, полиз маҳсулотлари, ем-хашак ҳам етиштирилади. Туманнинг Навхос қишлоғида Ўзбекистон ФА га қарашли пахтачилик тажриба даласи мавжуд. Жамоа ва шахсий хўжаликларда 60,4 минг қорамол (шу жумладан, 22,6 минг сигир), 17 минг қўй ва эчки, 140 мингдан зиёд парранда боқилади (2004).

2003/04 ўқув йилида 51 умумий таълим мактабида 34,2 мингдан зиёд ўқувчи таълим олди. 4 касб-ҳунар коллежи, 3 иқтидорли болалар мактаби ишлаб турибди (2004). Марказий кутубхона ва унинг тармоқлари (31 мингдан зиёд асар), 13 маданият уйи, «Жайхун» қўғирчоқ театри, «Дилором», «Сарапоён гуллари» ашула ва рақс дасталари, ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади. Маданият ва истироҳат боги, Алишер Навоий хотирасига бағишланган адабиёт боғ-музейи бор. Стадион, 38 спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 2 касалхона (470 ўрин), туғруқхона, 2 тиш даволаш, катталар поликлиникалари, 20 фельдшер-акушерлик пункти, 3 қишлоқ амбулаторияси, 13 қишлоқ врачлик пункти, дорихоналар ва б. тиббий муассасаларда 270 врач, 1019 ўрта тиббий ходим ишлайди (2004). «Хонқа» ва «Автомобилчи» санаторийлари бор.

Туман ҳудудидан Урганч — Тошкент автомобиль трақти, Тошкент — Урганч — Волгоград — Москва халқаро т.й. ўтган. Хонқадан Урганч, Боғот, Ҳазорасп, Тўрткўл ва б. шаҳар ва аҳоли пунктларига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. Меъморий ёдгорликлардан Саид ота масжиди ва мақбараси, Гавдонбой уйи (1910—14 й.лар; 1994 й.да таъмирланган) сақланган. 1931 й.дан «Хонқа ҳаёти» (аввалги номлари «Қурилиш», «Машъал») туман газ. нашр этилади (адади 1000).

Ад.: Фатеев А. А., Ханкинская волость, 1926; Хонқа тарихи, Урганч, 1995.

Комил Нуржонов.

ХОНҚИЗ НЕФТЬ-ГАЗ КОНИ — Фарғона вилоятидаги кон. Фарғона ш.дан 27 км жан.-гарбда. 1957 й.да очилган ва ўша йили ишга туширилган. Кон рельефи ясси, икки адир оралигидаги водийдан иборат. Хонқиз структураси Қопчигай-Аччисой антиклинорийси чегарасида жойлашган бўлиб, кенглик бўйича чўзилган брахиантиклиналдан иборат. Неоген ётқизиқлари бўйича бурманинг уз. 8 км, эни 4 км. Гумбаз юзаси кенг, қанотлари ясси. Х.н.-г.к.да жами 25 та бурги қудуғи қазилган. Конда саноат миқёсидаги нефть уюмлари палеоген даврининг ётқизиқларида ажратилган горизонтларда учрайди. Улар 1300—1350 м ва 1675 м чуқурликда очилган бўлиб, гил, алевролит, мергель қатчалари б-н қаватланган қумтош ва оҳактошлардан тузилган. 1957—1989 й.ларда Х.н.-г.к.нинг пастки қатламлари синаб кўрилди, натижада қуйи бўр даври муян свитасида ва ўрта юра даврининг терриген ётқизиқларида 3 та горизонт ажратилди ва газ уюмлари мавжудлиги аниқланди. Ушбу горизонтлар қумтошлардан тузилган бўлиб, конгломерат ва айрим жойларда карбонат қатчалари б-н қаватланади. Горизонтларнинг қалинлиги 35—58 м, газлилик майдонлари 2,16 км², 3,24 км² ва 31,4 км² ни ташкил қилади. Ушбу горизонтлардаги газнинг кимёвий таркиби бир-бирига яқин. Юра даври қатлам сувлари кучли намакоб ҳисобланади, улар хлор-кальцийли типга мансуб. Ҳоз. кунда кондан фойдаланилмоқда.

ХОНҚИЗИ ҚЎНҒИЗЛАРИ, кокцинеллидлар (Coccinellidae) — асосан, йиртқич қўнгизлар оиласи. Х.қ.нинг тана уз. 3—7 мм, усти дўмбоқ. Кўпчилик турлари ёрқин тусда бўлиб, одатда, устқанотларида чизиқ ва доғлар бор. Тухуми кўпинча тўқ сариқ, 20—25 тасини тўп-тўп қилиб қўяди. Қуртлари серҳаракат, ўсимликларда очиқ ҳаёт кечиради. Кўпгина Х.қ. — йиртқич энтомофаг. Қўнгиз ва личинкалари ўсимлик битлари, ўргимчакканалар, кокцидлар, барг бургалари, каналар ва б. б-н озиқланади. Фақатгина Epilachninae кенжа оиласи ва Bulae Muls. уруғига мансуб баъзи турлари ўсимликхўр бўлиб, зарар келтиради. Х.қ.нинг 2 мингга яқин тури маълум; жумладан, Ўзбекистоннинг суғориладиган деҳқончилик минтақаларида 40 га яқин тури тарқалган. Экинлар биоценозида етти нуқтали Х.қ. (C.septempunctata L.); икки нуқтали Х.қ. (Adalia bipunctata L.) ва б., шунингдек, кенг тарқалган акарифаг — ўргимчаккана қушандаси — нуқтали стеторус (Stethorus punctillum Ws.) катта аҳамиятга эга. Битта қўнгизи бир кунда 50—100, личинкаси эса 85 тача ўсимлик битини ейди. Х.қ. дан ўсимликларни зараркунандалардан биологик ҳимоя усулида фойдаланилади. Бунинг учун қўнгизларни йиғиб, ўсимлик битлари колониясига қўйиб юборилади. Х.қ. ни сўрувчи зараркунандаларга қарши 1:20 нисбатда тарқатилса, кимёвий воситалардан фойдаланмаслик ҳам мумкин.

Хонқизи қўнғизлари. Етти нуқтали хонқизи қўнғизи: *1* — личинкаси; *2* — гумбаги; *3* — қўнғизи; *4* — икки нуқтали хонқизи қўнғизи.

Ўзбекистонда полиз Х.қ. (Epilachna chrysomelina F.) ва 19 нуқтали лавлаги Х.қ. (Bulae lichatchovi) экинларга зарар келтиради. Уларга қарши хлорофос (1,5 кг/га), карбофос (1—1,5 кг/га) ва б. инсектицидларнинг сувли эмульсияси сепилади.

Шомил Хўжаев.

ХОНҚУЛИ ТЎПЧИБОШИ (17-а. охири — 18-а.нинг 1-чораги) — *Бухоро хонлиги*нинг Россияга юборган элчилари раҳбари (1716—18). Х.т. рус асирларидан бўлиб, мусулмонликни қабул қилган ва Бухоро хони Абулфайзхон саройида хизмат поғонасида хон қулидан *тўпчибоши* мансабигача эришган. Х.т. бошчилик қилган элчиларнинг асосий мақсади Россия б-н Бухоро ўртасида ўзаро бож олмай савдо-сотиқ қилишни йўлга қўйиш, асирликдаги бухороликларни озод қилиш бўлган. Элчилик ўз вазифасини тўла адо этган.

Бухоро элчилари Петербургдан 1718 й. 18 мартда жўнаб кетишган. Аштархонда уларнинг сафига Пётр I томонидан Россия давлатининг Бухоро хонлигидаги элчиси (аслида жосуслик миссияси бошлиғи) қилиб тайинланган Флорио *Беневени* қўшилгач (1718 й. 13 нояб.), ҳар икки элчилик ҳайъатини Эрон орқали Бухорога жўнаб кетиши маъқул кўрилган. Аштархондан фақат 1719 й. 24 июнда йўлга чиқилган. Х.т. ва Ф. Беневени Ширвон хони ҳузурида — Шемахада анча туриб қолишгач, 1721 й. 25 майда Бухорога йўл олишган. 1721 й. 6 нояб.да Х.т. ва Ф. Беневени бошчилигидаги элчилар Бухоро ш.да тантанали кутиб олинган.

Ад.: Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718—1725 годах, М., 1986; Гуламов Х. Г., Из истории дипломатических отношений России с Бухарским ханством XVIII в., Т., 1992.

ХОПЁР — РФдаги дарё, *Дон* дарёсининг чап ирмоғи. Пенза, Саратов, Воронеж ва Волгоград вилоятлари ҳудудида. Уз. 979 км. Ҳавзасининг майд. 61,1 минг км². Волга бўйи қирлари ён бағридан бошланиб, ўр-қир ерлардан кенг водий бўйлаб оқади. Ўнг қирғоғи баланд (120 м) ва тик, жар кўп. Чап қирғоғи қия ва паст (10—30 м). Ўртача сув сарфи қуйилиш жойидан 45 км да 150 м³/сек. Нояб.—дек.да музлаб, апр.да муздан бўшайди. Асосан, қор сувларидан тўйинади. Новохопёрск ш.гача кема қатнайди. Х. бўйида Балашов, Новохопёрск, Урюпинск ш.лари жойлашган. Х.нинг қуйи оқими водийсида Хопёр қўриқхонаси бор.

ХОПКИНС (Hopkins) Фредерик Гоуленд (1861.20.6, Истборн —1947.16.5, Кембриж). — инглиз биокимёгари. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1905) ва президенти (1930—35). Лондон ун-тини тугатган (1894, фалсафа д-ри) ва 1898 й.гача шу жойда ишлаган. Кембриж ун-тида проф. биокимёгар (1914 й.дан). Асосий илмий ишлари организмда азот алмашинуви биокимёсига оид. А ва Д витаминларини, глутатионни кашф этган. Ишлаб турган мускулларда сут кислотасининг тўпланишини аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1929).

ХОР (юн. choros — даира ўйин қўшиғи) — 1) антик давр театр томошаларининг жамоавий иштирокчиси; биргаликда куйлаб, рақсга тушиб драматик ҳолатларга, қаҳрамонлар ҳаракатига изоҳ берадиган актёрлар гуруҳи; 2) хонандалар жамоаси. Таркибига кўра, бир турдаги (эркаклар хори, аёллар хори, болалар хори) ва аралаш, шунингдек, ижрочилар сонига қараб камер (12—20 кишидан иборат), кичик ва катта [100—120 гача; қўшма Х.ларда 500—1000 ва ундан ортиқ иштирокчи қатнашиши мумкин] Х.ларга бўлинади. Европада профессионал унисон Х.лар христиан черковларда 4-а.дан маълум (клирос). 10—13-а.ларда Х. жамоасининг овоз (партия)ларга бўлиниши бошланди. *Гомофония* услуби ва мумтоз *гармония*нинг ривожи даври (17-а.)дан аралаш Х. жамоаси 4 та (сопрано, альт, тенор, бас) партияга ажратилади. Х. ижрочилиги мусиқа чолғулари жўрлигида ва жўрсиз (а *капелла*) бўлади. Ўзбекистонда кўп овозли Х. ижрочилиги 19-а. охиридан ривожлана бошлади (В. Сакович, Н. *Миронов*, С. Кузьменко ва б. раҳбарлигидаги жамоалар). Профессионал Х.лар 20-а. ўрталарида ташкил топган: Ўзбек радиоси Х.и (1947, В. Веров), Навоий театри Х.и (1948), Ўзбек филармониясининг Давлат академик капелласи (1952, С. Валенков ва А. Султонов). Айнан шу даврдан бошлаб Х. ижрочилиги махсус мусиқа таълими тизимига киритилди, профессионал жамоалар қаторида ўқув, ҳаваскор, болалар Х.лари кенг ривож топди. Ҳозирда Ўзбекистонда бир неча профессионал Х. жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон давлат академик капелласи (1978—2001 й.ларда бадиий раҳбари ва бош дирижёри — А. Ҳамидов, 2002 й.дан Д. Жланов). Репертуаридан чет эл композиторлари (Керубини, Моцарт, Верди, Форе, Гендель, Танеев, Чесноков, Рахманинов ва б.)нинг мумтоз асарлари, шунингдек, қайта ишланган ўзбек халқ қўшиқлари, Ўзбекистон композиторлари асарлари ўрин олган. Ўзтелерадиокомпаниияси қошидаги Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси (ташкилотчиси — Б. *Умиджонов*, 1960; 2003 й.дан бадиий раҳбари — Д. Маликова, дирижёри — Ж. *Шукуров*). Ижро услубида Европа хор анъаналари б-н миллий хонандалик услублари уйғунлашган. Репертуаридан М. Бурҳонов, Б. Умиджонов, С. Бобоев, Ик. Акбаров, М. Насимов ва б. қайта ишлаган халқ қўшиқлари, М. Бафоев, Ф. Алимов, Б. Лутфуллаев, Д. Омонуллаева, Н. Ғиёсов ва б. ўзбек композиторларининг поэма, кантата, ораторияларри асосий ўрин тутади. Хусусий ташкил этилган «Ипак йўли» камер хори (2001, Д. Жланов) фаолият юритмоқда. Репертуаридан жаҳон халқлари қўшиқлари, чет эл мумтоз асарлари ўрин олган (яна қ. *«Булбулча»*).

Барно Мусаева.

ХОР МУСИҚАСИ — мусиқа тури; *хор* ижроси учун мўлжалланган мусиқа асарларидан иборат. Халқ ва профессионал, диний ва дунёвий Х.м.га ажратилади. Профессионал Х.м.да *месса*, мотет, *мадригал*, *кантата*, *оратория*, *реквием* каби жанрлар мавжуд. Ўзбекистонда Х.м. 1930-й.ларда юзага келган. Илк намуналари ўзбек халқ қўшиқларининг хор аранжировкалари (мас., Е. Романовскаянинг «Пахта теради»), ўзбек мусиқали драма ва илк ўзбек опералари даги хорлардан иборат. Мустақил Х.м. асарлари (кантата, оратория ва б.) 1940—60 й.ларда ривож топди (С. Юдаков, М. Ашрафий, Ик. Акбаров, М. Бурҳонов ва б.). Кейинги йилларда ўзбек ва б. *халқ куйларини қайта ишлаш* жанрида М. Бурҳонов, С. Бобоев, Б. Умиджонов, Н. Шарафиева ва б. самарали ижод қилишган. М. Бафоев, Б. Лутфуллаев, Ҳ. Раҳимов, Ф. Янов-Яновский, Н. Ғиёсов, Д. Омонуллаева ва б. ораторияри, поэма, кантата, хор симфонияси ва б. туркумли асарлар яратишган.

ХОРАЗМ, Қадимги Хоразм — Турон ва Эрон минтақалари оралиғида жойлашган тарихий ўлка ва қад. давлат. Х. ҳудуди қадимда Амударё адоқларидан жан.га томон Мурғоб ва Тажан дарёларининг юқори оқимларигача чўзилган. Шу боисдан бу қад. тарихий ўлка фанда 2 хил: Қад. Хоразм ва Катта Хоразм номлари б-н маълум. Х. ҳақидаги илк маълумотлар *Авесто*, *Доро I* нинг *Биҳистун китобалари*, қад. юнон муаллифлари (Гекатей, Геродот, Страбон ва б.) ҳамда илк ўрта асрларнинг араб географлари асарларида учрайди.

«Х.» атамаси (топоними) Авестода Хваиризем, қад. форсийчада Уваразмис, лотинчада Хорасмия ва юнончада Хоразмия деб юритилган. Арабча ёзма манбаларда бу ўлка Хворазм талаффузида тилга олинади. «Х.» атамасининг семантикаси ҳақида бир қанча фикрлар мавжуд. Х. тарихининг билимдони С.П. *Толстов* «Х.» атамаси

талқинлари орасида эронча «Хурр-Хуршед» ва «зм-зем» сўзлари асосида юзага келган номнинг «Қуёшли ўлка», «Қуёшли ер» деб аталиши ҳақиқатга энг яқин этнонимлар деб таъкидласа-да, Х.ни «Хварри ёки Харри (Хуррий) халқи ўлкаси», «қуёш (халқи) ери» деб изоҳлайди. Суғдшунос олим М. Н. Боголюбовнинг фикрича, Х. айрим-айрим 3 сўзлардан таркиб топган. Ху (Хуш, Хаш), вар (вара) ва зм (зим, зем). Эроний тилларда Ху —«яхши» «маъқул», вар(вара) — «девор», «марза», «гов», «қалъа», «қўра» деган маъноларни билдирган. Зм (зим, зем) эса — «ер», «ўлка», «диёр», «мамлакат» каби маъноларни англатган. Демак, «Х.» атамаси қандай шаклда қайд этилмасин, у «яхши қўрали ер», «ажойиб қалъали ўлка», «мустаҳкам қалъалари бор диёр» деган маънони англатган.

Авестонинг «Яшт» қисмида Хоразм «Минг ирмоқли дарё», «Кўллар ва ўтлоқларга бой ўлка» сифатида мадҳ этилади. Қад. Хоразм ҳудуди табиий жиҳатдан 2 минтақага ажралган. Унинг шим. қисмида Амударё этакларида сон-саноқсиз серсувли ўзанлар, шим. ва шим.-шарққа томон ястанган кенг яйловлардан иборат бепоён пасттекисликлар, унинг жан. қисмида эса, Мурғоб ва Тажан дарёлари водийларининг каттагина қисми тоғ ва адирликлар ва улардан бош олган каттакичик дарё-жилғалар этакларида юзага келган ҳосилдор ерлар жойлашган.

Қадимги Х. минтақалари ҳудудларининг ўзига хос табиати, шубҳасиз, қад. аҳолининг турмуш тарзини белгилабгина қолмай, балки бу диёрда юзага келган қад. маданиятларнинг шаклланиши, ривожи ва бир-бирига қоришувига ҳам кучли таъсир этган. Шу боисдан Х.нинг шим. қисми (Оқчадарё дельтаси)да мил. ав. 4—3 минг йилликларда овчилик ва балиқ овлаш б-н кун кечирган аҳоли (қ. *Калтаминор маданияти*) яшаган бўлса, мил. ав. 2-минг йилликда эса чорвачилик ва деҳқончиликнинг соддагина усулларидан хабардор бўлган қабилалар (қ. *Тозабоғёб маданияти* ва *Сувёрган маданияти*) истиқомат қилган. Мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмига бориганда, хусусан, унинг охири ва мил.ав. 1-минг йиллик бошлари (9—8-а.лар)да суғорма деҳқончилик мукаммаллашиб, яйлов чорвачилик ривож топган (қ. *Амиробод маданияти*). Бу даврда Тозабоғёб, Сувёрган ва Амиробод маданиятларини яратган қабилаларнинг қоришмаси асосида таркиб топган Кавунди (Кавонди) қабилалари яшаган. Улар Х.нинг қад. аҳолиси *массагетлар*нинг бевосита аждодлари бўлган. Кўчманчи чорвачилик, хусусан, йилқичиликнинг ривожи Х. аҳолисининг ижтимоий ҳаётига ҳам кучли таъсир этиб, суворийлар табақасини шакллантирган.

Х. нинг жан. қисмида жойлашган водий ва воҳалар (Тажан, Ҳерируд, Мурғоб ва Гёксур) да эса мил. ав. 6—3-минг йилликлардаёқ ўтроқ суғорма деҳқончилик маданияти қарор топиб, тараққий қилган. Бу даврларда ушбу минтақа аҳолиси қабилалар уюшмасига бирлашиб, деҳқончилик хўжалигида мотига (кетмон)дан ташқари омочдан ҳамда турли хилдаги каттакичик суғориш иншоотларидан ҳам фойдаланган. Аввал улар сомонли гувалалардан бир хонали, сўнгра эса кўчалар бўйлаб гувала ва хом ғиштлардан бир неча хонали уйлар бино қилиб, атрофи девор б-н ўралган турар жой ва истеҳкомли қишлоқлар барпо этган (қ. *Жойтун маданияти* ва *Намозгоҳтепа*).

Мил. ав. 2-минг йиллик охири — 1-минг йиллик бошларида қад. суғорма деҳқончилик маданиятининг ҳудудлари шарқ ва жан.-шарқ томон кенгайиб, Ҳерируд водийсининг юқори оқимигача ёйилган. Шу боисдан Авестода Хваиризем ўлкаси Арейдан шарқда Ҳилманд водийсида жойлашгани ҳақида ишора қилинади.

Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, айнан шу даврда Амударё этакларида яшаган кўчманчи чорвадор қабилаларнинг бир қисми жан. томон силжиб то шим. Ҳиндистон ҳудудларига қадар бориб ўрнашгани кузатилади.

Милетлик Гекатей (мил. ав. 6-а.) маълумотлари асосида Геродот (мил. ав. 5-а.) *ахоманийлар* давридан аввал гирканлар (Каспий денгизининг жан.-шарқи, Гургон дарёси ҳавзаси), парфиялик лар (Шим. Хуросон), дранглар ва таманайлар (Ғарбий Афғонистон)нинг ҳудудлари б-н туташган кенг ўлкада хоразмийлар яшагани тўғрисида маълумотлар келтиради.

Геродотнинг ёзишича, кейинчалик, ўлка ахоманийларга қарам бўлиб қолгач, тоғ дараларидан оқиб тушадиган Акес (Ҳерируд) ўзани дарвозали тўғон б-н боғланиб, хорасмийлар (хоразмийлар)нинг экин ерлари сувсиз қолган. Улар шоҳ саройига бориб арзидод қилиб, сув учун алоҳида солиқ тўлагач, шоҳ тўғон дарвозаларини очишга буюрган.

Мил. ав. 6—5-а.ларда Х. Ахоманийлар давлатининг 16-сатрапликка таркибига кирган. Мил. ав. 5-а. охири — 4-а. бошларида эса, у алоҳида сатраплик ҳисобланган. Мил. ав. 3 — мил. 3-а.ларда Х. Сирдарё ҳавзасининг ўрта қисмида

1. Қалъалиқирдаги сарой харобаси. Мил. ав. 5—4-асрлар; 2. Аёзқалъа. 1-минг йиллик ўртаси; 3. Тупроққалъа. Гипсдан ишланган ҳайкал парчаси. 3-аср; 4. Тупроққалъа. Ёғочга битилган қад. хоразмий ёзуви. 3-аср.

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИ
(ХАРИТА - СХЕМА)



Султон Увайс бобо мақбарасидаги устун боши (бошаси). Мил. ав. 6—5-асрлар.

ташкил топган Қанг давлатининг таркибида бўлган.

Тарихий манбаларнинг таққосий таҳлилидан маълум бўлишича, хоразмийларнинг дастлабки ватани Бақтриядан жан.да Арейдан шарқда, Ҳерируд ва Ҳилманд дарёларининг юқори ҳавзасида жойлашган (яна қ. *Хоразмийлар*). Шубҳасиз, хоразмийлар массагетлардан фарқли ўлароқ, парфиилар, маргиёналиклар, бохтарийлар, арейликлар, гирканияликлардек суғорма деҳқончилик ва унинг асоси ҳисобланган суғориш иншоотлар барпо этишда бой асрий тажрибага эга эдилар. Уларнинг кўп асрлик бинокорлик ва ҳунармандчиликдаги тажрибалари ва амалий кўникмалари туфайли асрлар оша Амударё этаклари обод этилиб, йирик суғориш тармоқлари ва сув иншоотлари— дамбалар барпо этилган, ҳунармандчиликнинг барча соҳалари кенг ривож топган.

Мил. ав. 4-а.нинг 2-ярмида Х.да мустақил давлат қарор топади. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Х. давлатига афсонавий қаҳрамон Сиёвуш (Сиёвахш) асос солган. Мил. ав. 328 й. баҳорида Ўрта Осиёга юриш қилган македониялик *Александр* (Искандар) қароргоҳига музокара қилиш учун Х. ҳукмдори *Фарасман* 1500 суворий б-н ташриф буюрган. Фанда массагетлар конфедерацияси (туркуми) номи б-н тилга олинган Х. давлатини афсонавий сиёвушийлар, аслида эса африғийлар сулоласи бошқарган. Давлат пойтахти дастлаб *Тупроққалъада* бўлган. Кейинчалик (305 й.) эса Кот ш.га кўчирилган. Беруний хоразмшоҳлардан 22 тасининг номини қайд қилган. Аверси (бети)да тождор ҳукмдор, реверси (сирти)да суворий тасвири туширилган дастлабки кумуш танга Тупроққалъадан топилган. Танга мил. ав. 1-а.га мансуб. Нумизматик маълумотлардан аён бўлишича, бундай шаклдаги тангалар мил. 8-а.гача зарб этилган.

Х. давлати Ўрта Осиёда ташкил топган ўзига хос энг қад. давлатлардан бири бўлиб, унда ўтроқ зироаткор ва кўчманчи чорвадор аҳолининг удумлари, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик каби хўжаликлар бошқарувини асрий тизимлари мужассамланган эди.

Демак, Х. аҳолисининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз берган тадрижий ривожланиш унинг шим. ва жан. қисмларида, аввал бири иккинчисидан тубдан фарқланувчи 2 турдаги маданиятлар шаклланган. Сўнгра эса уларнинг қоришуви оқибатида Х.нинг ўзига хос юксак даражадаги маданияти юзага келиб, равнақ топган.

Қадимги Хоразм маданияти. Қадимдан Ғарбий Осиё, хусусан, шим.-шарқий Эрон ҳудудлари б-н бевосита алоқадор бўлган Х.нинг қад. муштарак маданиятининг кўпгина жиҳатлари, хусусан, бадиий маданияти — аҳолисининг тили, урф-одатлари, уй-жойларининг тузилиш тартиблари, рўзғор-буюмлари, зеби-зийнатларида ўз ифодасини топган. Мас., Х.нинг жан. қисми қадимги обидаларида (мил. ав. 6—3-минг йиллик) сомонли гуваладан бино қилинган саҳни, ганч аралаш лой сувоқли бир хонали уйлар ичида ўчоқ, супа, ғалла учун ўра (тўла) бўлган. Чақмоқтош қуроллари қирғич, ўроқ, ранда, пичоқ; суякдан ясалган игна, бигиз; ярматош; сомонли лойдан ясалган сопол идишлар, баъзиларининг сиртига қизил ранг (ангоб) берилган; тош ва сополдан ясалган аёл ва турли хил ҳайвон ҳайкалчалар; тош суяк ва чиғаноқлардан ясалган тумор, мунчоқ каби тақинчоқлар учрайди.

Мил. ав. 4—2-минг йилликларда эса турар жойлар майдони ниҳоятда кенгайиб хом ғиштли кўп хонали уйлардан иборат қишлоққа айланган. Уларнинг гирди мудофаа девори б-н ўралиб, оташгоҳ, ҳовлилар, тор кўчалар ва марказида майдон пайдо бўлган. Қуролларининг аксарияти тош ва суякдан, қисман мисдан ясалган, қўлда ясалган сопол идишлар сиртига қора рангли геометрик ва жимжимадор (гилам нусха) нақшлар, ҳайвон ва парранда тасвирлари туширилган. Сўнгра кулолчилик чархи кашф этилиб, би-

Арфа чалаётган аёл.
Тупроққалъадан топилган деворий расм.

коник нусха идишлар, қадаҳ ва вазалар пайдо бўлган. Бинокорликда монументал иморатлар [ибодатхона, миён-сарой (зал) ва б.] қад кўтариб, қишлоқлар эса илк шаҳар шаклини ола бошлаган.

Х. шим. қисмининг моддий маданият обидалари (мил. ав. 4—3-минг йиллик), асосан, овчи ва балиқчи қабилаларнинг улкан чайлалари чақмоқтошдан қадама (микролит) қуроллар, тағи тухумсимон сопол идишлар, чиғаноқ ва жилвир тошлардан ясалган тақинчоқлардан иборат. Мил. ав. 2-минг йилликда гарчи суғорма деҳқончилик хонаки чорвачилик ва подачилик пайдо бўлиб, турли зот (майда ва йирик шохли ҳайвонлар) б-н бир қаторда от, туя хонакилаштирилиб, йилқичилик анча ривож топган бўлса-да, турар жойлар ярим ер тўла-бостирма шаклида бўлган. Тақинчоқлари (узук, билагузук, исирғалар) жез ёки мис каби маъдан бўлсада, қуролларининг аксарияти чақмоқтошлардан ясалган. Бу даврда Х.нинг шим. қисмида шубҳасиз, на мисдан ясалган қурол ва на гувала ёки хом ғиштлардан бино қилинган турар жой мавжуд эди.

Хоразмийларнинг жан.дан шим.га Амударё қуйи оқими томон силжиши, уларнинг маҳаллий қабилалар б-н

Қўйқирилган қалъанинг умумий кўриниши (реконструкцияси).



Сопол идишдаги Дионис тасвири (Хумбуз-тепа топилмаси).

қоришуви оқибатида, тубдан янги маданият шаклланади. Амударё адоги (дельтаси) ўзлаштирилиб, ўлкада бир нечта монументал бинолар (*Кўзалиқир* ва *Қальалиқир* кабн) қад. кўтаради. Мил. ав. 4—3-а.ларда Х. иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топиб, йирик суғориш каналлари (60—70 км, эни 30—40 м ли саёз) барпо этилиб, янги шаҳарлар, қўрғон-қалъалар (Жонбос қалъа, Бозорқалъа, Қўйқирилган қалъа) қурилади. Ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ҳамда санъат ривож топиб, пойтахт (Тупроққалъа) барпо этилади. Х. қалъа ва шаҳарлари тўғри тўртбурчакли ва доирасимон шаклларда аниқ режа асосида қурилган. Улар қалин ва баланд мудофаа девор б-н ўралиб, ташқарисидан кенг (10—15 м) ва чуқур хандақ қазилган. Қалъа ва шаҳарларнинг мудофаа қудратини стратегик жиҳатдан кучайтириш мақсадида уларнинг ташқи деворлари бир ёки икки қатор шинак (нишон, туйнук)лари, дарвоза оғзи эса, ғуломгардиш (лабиринт) — иҳота истеҳкоми б-н мустаҳкамланган. Бундай мудофаа иншоотлари мажмуи, шубҳасиз, аниқ режалар асосида стратегик жиҳатдан ниҳоятда мустаҳкам қилиб барпо этилган. Мас., тўртбурчакли қалъалар (Жонбос қалъа, Бозорқалъа) деворлари бўйлаб 2 қаторли шинаклардан нишонга 4 томондан ўқ узиш учун мўлжалланган бўлса, доира шаклдаги қалъа (Қўйқирилган қалъа)дан қамал вақтида шинаклардан бир йўла 360 даража йўналишда ўқ узилган. Бундай услуб, ҳарбий тактикада доира бўйлаб марказдан ўққа тутиш деб юритилади.

Х.да шаҳарсозлик санъати, айниқса, монументал меъморлик мил. ав. 1-минг йиллик ўрталаридан то мил. 8-а. бошларигача ўтган давр ичида кенг ривожланган. Йирик қалъалар, хусусан, пойтахт шаҳар (Тупроққалъа, Кот) ўлка ибодатхонаси (Ҳазорасп), мақбаралар (*Чирикработ*) ва б. турдаги жамоат бинолари қад. кўтарган. Тупроққалъада 3 миноралн қароргоҳ, муҳташам шоҳона саройи (саҳни 280 кв.м), марказий кўчалар бўйлаб жойлаштирилган ҳунармандчилик турар жойлари ва бозор ўрни олган. Шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари: кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, қуролсозлик, заргарлик, бинокорлик ва тўқимачилик юксак даражада ривож топган. Тупроққалъа харобаларидан топилган турли хилдаги ашёлар, хусусан, тасвирий санъат асарларининг айрим бўлаклари, лойдан ишланган ҳайкаллар, деворий рангли тасвир (чилтор чалаётган аёл, қўлида анор тутган маъбуда Ноҳид), табиат манзаралари ва сопол ҳайкалчалар, бадиий юксак даражада ясалган. Ёғоч ва чармга қад. хоразмий ёзувида битилган ҳужжатлар ўлка аҳолиси маънавиятини асоси бўлган саводхонлик даражасидан далолат берарди.

Илк ўрта (4—8-а.ларда) меъморлик янада ривож топиб, қалъа, қаср ва кўшклар (Бурғутқалъа, Уйқалъа, Кумбосган қалъа ва б.) квадрат ёки тўртбурчак шаклда бино қилиниб, бурчаклари доирасимон буржлар б-н мустаҳкамланади. Бу даврда бунёд этилган қалъа ва кўшклар орасида меъморий жиҳатдан, айниқса, *Тешикқалъа* ва *Якка Порсон* диққатга сазовордир.

Х.да бадиий санъат ҳам ривож топган. Айниқса, заргарлик (олтин, кумуш ва жездан турли хил тақинчоқлар: узук, билагузук, исирға ва б.) оҳангарлик ва саррожлик, оҳанжома (темир жиба, от анжомлар) ясалган, ип ва ипакли гуллор матолар тўқилган. Мил. ав. 6—5-а.ларда рўй берган юксалиш мил. 3-а. охири ва 4-а. бошида тушкунликка учраб, харобага айланган қатор шаҳар-у қалъалар 5—6-а.ларда яна жонланган (Кават қалъа, Гулдурсун қалъа, Кот ва б), 10-а. охирларида Шимолий Х.да Урганч ш.нинг аҳамияти ортиб, унда қатор монументал бинолар қад кўтарган. Бинокорликда пахса, хом ғишт б-н бир қаторда пишиқ ғиштдан фойдалана бошланган (Кўҳна Урганч; Султон Такашнинг мақбараси, Фахриддин ар-Розийнинг мақбараси ва б. шулар жумласидандир).

Ад.: Толстов С. П., Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964; Толстов С. П., По древним дельтам Окса и Яксарта, М., 1962; Массон В. М., Средняя Азия и Древний Восток, М., 1964; История Хорезма, Т., 1976.

Абдулаҳад Муҳаммаджонов.

ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИЯ-ЭТНОГРАФИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ — Хоразм воҳаси археологик маданияти ва тарихини (палеолит давридан мил. 18—19-а.ларгача) текшириш мақсадида уюштирилган экспедиция (1937). Хоразмни археологик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш 1928—29 й.ларда бошланган. А. Ю. *Якубовский* бошчилигидаги экспедиция хоразмшоҳлар пойтахти — Урганч (ҳоз. Кўҳна Урганч) даги меъморий ёдгорликларни ва илк ўрта аср шаҳри Миздахқон (Хўжайли яқинидаги Гавр қалъа)да қазишма ишлари олиб борган. 1934 й. Тошҳовуздаги Замахшар шаҳар харобасида М. В. Воеволский экспедицияси фаолият юритган. 1936 й. Я. *Ғуломов* ва Т. Миргиёсовлар Мангит яқинида жойлашган мил. 1-минг йиллик ўрталарига оид зардуштийлар қабристонини тадқиқ этган. 1937 й. Я. Ғуломов Гулдурсун, Норинжон ва Пилқалъа шаҳар харобаларини текширган. Шу йилдан эътиборан Х.а.-э.э. (раҳбари — С.П.*Толстов*) иш бошлаган. Экспедиция таркиби йилдан йилга археолог, этнограф, антрополог, рассом, меъмор ва б. мутахассислар б-н кенгайтирилган. Экспедиция аъзолари *Аёз қалъа, Бозорқалъа, Жонбос қалъа, Тупроққалъа, Қўйқирилган қалъа, Қўрғошинқалъа, Қизилқалъа, Кўзалиқир, Тешикқалъа* каби ноёб археологик ёдгорликларни илмий тадқиқ этдилар.

Қазишлар натижасида турли даврларга мансуб бўлган Хоразм воҳасининг жуда кўп тарихий ёдгорликларининг харобалар, қалъалар, истеҳкомлар, каналлар, қад. маданиятни ўрганишга ёрдам берувчи ёзувлар, суратлар, уй анжомлари, муҳрлар, кумуш, мис ҳайкалчалар топилди. Экспедиция Қад. Хоразмнинг бошқа ўлкалар б-н қандай алоқада бўлганлигини ўрганди. Натижада Хоразм қадимдан Волга-Дон ҳавзаларидаги скифлар, қуйи Сирдарё атрофидаги саклар, Жан. Туркманистон ва Бухоро воҳаси халқлари б-н тарихий-маданий алоқада бўлганлиги илмий жиҳатдан асосланди. Экспедиция материаллари асосида муҳим монографиялар, илмий мақолалар, тарихий очерклар ёзилган. Илмий ҳисоботлар «Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции» номи б-н нашр қилинади. Х.а.-э.э. фаолияти туфайли 1-марта Хоразмнинг археология харитаси (1956) тузилган. Экспедициянинг и.т.лари бутун Ўрта Осиёнинг қад. тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ад.: Толстов С. П., Древний Хорезм, М., 1948; Ғуломов Я. Ғ., Хоразмнинг суғорилиш тарихи, Т., 1959.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ — Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1925 й. фев.дан 1938 й. янв.гача Хоразм округи. 1938 й. 15 янв.да ташкил этилган.

Республиканинг шим.-ғарбида, Амударё қуйи оқимининг чап соҳилида. Шим. ва шим.-шарқдан Қорақалпоғистон Республикаси, жан. ва жан.-ғарбдан Туркманистон, жан.-шарқдан Бухоро вилояти б-н чегарадош. Майд. 6,1 минг км². Аҳолиси 1412,7 минг киши (2004). Таркибида 10 қишлоқ тумани (Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Янгибозор, Қўшкўпир, Ҳазорасп), 3 шаҳар (Урганч, Хива, Питнак), 7 шаҳарча (Гурлан, Хонқа, Чалиш, Шовот, Янгибозор, Қўшкўпир, Ҳазорасп), 100 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — *Урганч* ш.

Табиати. Вилоят чўл зонасида, *Хоразм воҳаси*нинг ғарбий қисмида, ўртача 100 м баландликда жойлашган. Рельефи пасттекисликдан иборат. Амударё қад. дельтасининг бир қисми бўлиб, дарё ётқизиқларидан ташкил топган. Қорақум чўлига туташган ғарбий ва жан.-ғарбий қисми қум б-н қопланган. Фойдали қазилмалардан оҳактош, қум, гил ва б. қурилиш материаллари бор. Иқлими кескин континентал. Қиши мўътадил совуқ, қор кам ёғади, янв.нинг ўртача т-раси —5°, энг паст т-ра —32°. Ёзи иссиқ, қуруқ, июлнинг ўртача т-раси 30°, энг юқори т-ра 45°. Вегетация даври 200—210 кун. Йилига 78—79 мм ёғин тушади, асосан, март—апрель ойларида ёғади. Шим. ва шим.-шарқий шамоллар эсади. Ягона дарёси — *Амударё* вилоят ҳудудида кенг водий бўйлаб оқади, қирғоқлари паст, шу сабабли тошқин бўлиб туради. Тошқинга қарши дамбалар қурилган. Амударё сувидан йирик каналлар ёрдамида экинларни суғоришда фойдаланилади. Вилоят жан.да майда шўр кўл, ботқоқлик ва шўрхок кўп. Тупроқлари Амударёнинг аллювиал ётқизиқларидан ташкил топган. Дарё водийсида ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, ғарбида қумликлар учрайди. Суғориладиган ерларда, асосан, бўз тупроқ бўлиб, кучли шўрланган. Вилоят ҳудудининг асосий қисми ҳайдаладиган ерлар. Амударё қайирларидаги тўқайзорларда терак, тол, жийда, юлғун, қандир, қумликларда саксовул ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан, асосан, кемирувчилар, судралувчилар, тўқайзорларда тўқай мушуги, чиябўри; қушлардан тўрғай, ўрдаклар, кулранг ғоз, оққуш, бирқозон, балиқчи, деҳқончумчуқ, қизилиштон, зарғалдоқ ва б. бор. Сув ҳавзаларида ондатра ва нутрия иқлимлаштирилган.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (96,3%), шунингдек, туркман, рус, қозоқ, татар, корейс, қорақалпоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 231,6 киши. Шаҳарликлар 321,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 1091 минг киши (2004).

Урганч халқаро аэропорти.

Ўтмишда Хоразмда яшовчи ўзбеклар қабилалари бир неча этник гуруҳлар бўлиб, улар Абулғозий Баҳодирхон (1643—64) томонидан 4 гуруҳ (тўп)га бўлинган. Ҳар бир гуруҳга 2 қабила (1- гуруҳга уйғур ва найман, 2- сига қўнғирот ва қиёт, 3-сига нукуз ва манғит, 4-сига қанғли ва қипчоқлар) бирлаштирилган. Шунингдек, бир неча қабила қолдиқлари (жалойир, кенагас, дўрмон, юз, минг, шиҳ, қатағон) ва айрим этник гуруҳлар (али эли, хўжа-эли ва сайидлар) мавжуд бўлган. Амударёдан сув оладиган каналлар ва суғориладиган ерларнинг катта қисми шу қабила ва уруғларга тақсимлаб берилган ва улар аста-секин ўтроқлашиб, деҳқончилик б-н шуғулланганлар. Қолган гуруҳлар Хоразмда жуда кам бўлиб (булар қўнғиротлар ва б.) вилоятнинг Гурлан ва Шовот туманлари, манғитлар Гурлан тумани ва Шовот тумани (Анбар-Манақ)да, қиётлар Шовот туманида, қипчоқлар Урганч, Шовот ва Қўшкўпир туманлари, дўрмонлар Урганч ва Шовот (Анбар-Манақ) туманларида, хидир-эли Урганч ва Хивада, тама Хонқа ва Боғот туманларида жойлашган.

Хўжалиги. Х.в. иқтисодиётида қ.х. б-н бирга саноат ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Пахта толаси, калава ип, гилам, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ускуналари экспорт қилинади.

Саноати. Вилоятда пахта тозалаш саноати ривожланган (барча туман марказлари ва Урганч ш.да пахта тозалаш з-длари бор). Гурлан, Боғот, Хонқа, Урганч, Хива ва Ҳазораспда тўқимачилик, пиллакашлик, тикувчилик; Хивада гилам ф-каси, «Хива гилами» акциядорлик жамияти ишлаб турибди. Фаолият кўрсатаётган жами корхона ва ташкилотлар 13748 та. Микрофирмалар сони 11340 дан зиёд (2004).

Вилоятда 36 қўшма корхона ва уларнинг филиаллари ишлаб турибди. Ўзбекистон — Туркия «Багат Текстиль», «Хоразм—Нуртов», «Семург-Сан-Те», «Хоразм Текстиль», «Мемгилам»; Ўзбекистон — АҚШ «Амероз-индустриес», «Хива маликаси», «Нурлайт», «Раҳнамо Нур»; Ўзбекистон — Германия «Унихо», «ЎзОлмон-Хотелз», «Хива Карпет»; Ўзбекистон—Британия «Хива»; Ўзбекистон—Россия «Намуна-Агрофуд»; Ўзбекистон — Италия «Мева»; Ўзбекистон—Украина «Киев-Хоразм»; Ўзбекистон — Хитой «Азия Текстиль ЛТД»; Ўзбекистон—Туркманистон «Ғайрат-Ҳумоюн» ва б. шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалиги асосини пахтачилик ва ғаллачилик ташкил этади. Полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик, пиллачилик ҳам ривожланган. Ширкат, ижа-

Урганч шаҳри. Беруний кўчаси.

«Жайхун» меҳмонхонаси.

ра ва хусусий фермер, деҳқон хўжаликлари, акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатади. Вилоятда жами экин майд. 232,1 минг га, шундан 129,4 минг га қ.ҳ. ширкатлари (69 минг га ер хусусий фермерлар, 33,7 минг га ер деҳқон хўжаликлари)га тегишли. Умумий ер фондининг 38,4% қайдалади, 18,2% яйлов, ўтлоқ, 1,3% боғ ва токзор; ўрмон ва чангалзорлар 9,6% ни, тутзорлар 0,9%ни ташкил этади.

1991—2003 й.ларда канал ва ариқлар реконструкция қилиниб, сув йўлларининг умумий узунлиги кўпайди. Х.в.даги шўр суклар вилоят ташқарисига захкашлар орқали чиқариб ташланади. Вилоятда ирригация ва мелиорация ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Жами экин майдонининг 102,3 минг гектарига пахта, 86 минг гектарига дон, 3 минг гектарига картошка, 9 минг гектарига сабзавот экилади (2003). Дон (асосан, бугдой, шоли) етиштириладиган майдонлар кенгайди. Х.в. мамлакатда шоли етиштириш бўйича 1-ўринда туради.

Вилоят жамоа ва хусусий хўжаликларида 492,3 минг қорамол (шу жумладан, 202,1 минг сигир), 247,1 минг қўй ва эчки, 1437,6 минг парранда боқилади. 6500 дан зиёд фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Урганч, Хива паррандачилик ф-калари фаолият кўрсатади. Х.в.да Пахтачилик и.т. станциясининг пахтачилик-бедачилик зонал комплекс тажриба ст-яси (Урганч ш.да), Қорақум и.т. станцияси, пахта навларини тажриба қилиш участкаси (Хива туманида), мевали дарахтзорлар кўчатзори, ўрмон кўчатзори (Урганч туманида) ва б. бор.

1996—2004 й.ларда И. Бобожонов, М. Қувоқов, Б. Жуманиёзов, В. Б. Пак, А. Маҳмудова «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлдилар.

Транспорти. Х.в. орқали Тошкент—Москва, Душанба—Москва т.й. ўтган, Урганч — Тошкент йўналишида поездлар қатнайди. Т.й. узунлиги 128 км (2004). Амударё устига қурилган Ҳазорасп т.й. кўприги ишга туширилиб (Ҳазорасп якинида, 2004), Ҳазорасп — Мискин — Тошкент т.й. масофаси қисқарди. Кўприк ҳар суткада 14 поезд, 20 минг автомобиль ўтказиш имкониятига эга. Кўприк стратегик аҳамиятга эга. Вилоятдаги қаттиқ қопламали автомобиль

Урганч шаҳри. Абу Райҳон Берунийга ўрнатилган рамзий ёдгорлик.

йўлларининг уз. 2750 км (2004). Хива—Урганч йўналишида троллейбус қатнови (1997 й.дан) йўлга қўйилган. Урганч, Хива ш.ларидан Тошкент, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Нукус ва б. шаҳарларга автобуслар қатнайди. Урганч ш. халқаро ва маҳаллий йўналишлар аэропортларидан хорижий давлатлар (шу жумладан, Париж, Токио, Мюнхен, Тель-Авив, Москва, Симферополь ва б.) шунингдек, Тошкент, Нукус ва б. шаҳарлар б-н мунтазам авиация алоқаси ўрнатилган. Вилоят орқали Ўрта Осиё — Марказ, Бухоро — Урал, Туркманистон —Россия халқаро газ магистрал қувурлари ўтказилган.

Маданий маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт. 2003/04 ўқув йилида 537 умумий таълим мактаби (шу жумладан, 47 ихтисослашган мактаб, гимназия, интернат мактаби) бўлиб, 335,4 мингта яқин ўқувчи таълим олди. 1997 й.да Хоразм тасвирий ва амалий санъати лицейи очилди. Вилоятдаги 57 касб-ҳунар коллежи ва ўрта махсус билим юртларида 34 мингдан зиёд талаба ўқийди (2004).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси б-н *Хоразм Маъмун академияси* қайта тикланди, педагог кадрлар тайёрлашга ихтисослашган вилоят пед. ин-ти (1935—1992) Ал-Хоразмий номидаги *Урганч университетига* айлантирилди. Урганч давлат ун-ти, Тошкент давлат 1-тиббиёт ин-тининг Урганч филиалида 7460 талаба таълим олади (2004). Ўзбекистон ФА археология регионал бўлими, пахтачилик, Қорақум и.т. станциялари фаолият кўрсатади. Х.в.да Хива давлат *«Ичан қалъа»* тарихий-меъморлик музей-қўриқхонаси ва унинг филиаллари, 424 жамоат кутубхонаси (5 млн. асар), 302 клуб муассасаси, маданият уйлари ва маданият саройлари, 10 га

Урганч шаҳри. «Авесто» ёдгорлиги.







ВКИН маданият ва истироҳат боғи, Хоразмий, Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Авесто ёдгорлик боғ-мажмуалари, «Оразибеғи», «Акпахон», «Дустон» фольклор-этнографик халқ дастаслари, «Муборак, «Юлдуз», «Навбаҳор», «Хива нақшлари» анъана ва рақс дастаслари, миллий дорбозлар гуруҳи, кўплаб бадиий ҳаваскорлик жамоалари бор. Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри, вилоят кўғирчоқ театри (Хива ш.да) ишлаб турибди.

Хоразм мусиқий ҳаёти Хоразм воҳасида қадим яшаб келаётган халқларнинг турмуш тарзида муҳим ўрин эгаллаган. Қад. Хоразм ҳудудидаги Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Қирққизқалъа каби истеҳкомлардан топилган ва асл номлари сақланмаган торли (дуторсимон, чанг-канора, арфага ўхшаш), дамли (най, мизмар), зарбли (даф ва ногорага ўхшаш) чолғу созларини ушлаган аёл ва эркаклар тасвирлари туширилган тангалар ва ганч ҳайкалчалар бу воҳа мусиқа санъатининг илдизлари жуда қад. эканлигидан далолат беради. 8-а. бошидаги араблар истилоси оқибатида Қад. Хоразм маданияти ва санъати харобаликка юз тутиб, ислом маданиятининг янги анъаналари тараққий эта бошлади. *Хоразмий*, *Беруний*, Абу Абдулло ибн Юсуф Хоразмий (10-а.) ва б. олимларнинг қомусий асарларини мусиқага бағишланган қисмларида мусиқани ҳисоб илмининг таркибий бўлаги ва уни инсон руҳиятига таъсири таърифланади. «Мафотих улулум» асарида ўша даврдаги мавжуд чолғулар: уд, чанг-канора, қонун, танбур, мизмар, арғанун, най, сурнайларнинг номлари келтирилган. Ўша даврда Гургандда чолғу асбоблар ясовчи усталар маҳалласи бўлган.

Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида (1200—21) машҳур созанда устоз Маҳмуд, Юсуфбек Дуторий каби созандалар элда танилган. 14-а.да яшаган «Муҳаббатнома» достонининг муаллифи *Хоразмий*, Абдураҳим Ҳофиз Хоразмий, айниқса, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида ва б. классик шоирларнинг газалларида ўша давр мақомлари, созандалари ва чолғулари юксак дид б-н таърифланади. Шунингдек, санъаткорлар ҳомийси Султон Вайис (Увайс), бахшилар пири Ошиқ Ойдинлар ҳам шу даврда яшаганлар. Муҳаммад Раҳимхон (1806—25) даврига келиб Ниёзжонхўжа ва унинг шогирдлари Маҳдумжон қози, Муҳаммаджон Сандиқчи, Абдусаттор махрам, унинг шогирди Худойберган қосиб ва б. танбур мақомларини ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. *Комил Хоразмий* Хоразм мақомларини ўзи ихтиро қилган «*Танбур чизиги*» асосида қоғозга туширишни бошлаб берган етук мусиқашуносларидан ҳисобланади. 1883 й.да дастлаб Хоразм мақомлари тарқибидаги «Рост» мақоми, кейин, бу ишни давом қилдириб ўғли Муҳаммад Расул *Мирзо* Хоразм мақомларидан Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ ва Ростларни қоғозга туширган. Бу даврда Оташ бахши, Нуржон бахши ва, айниқса, Эшвой бахши ҳамда унинг шогирди Муҳаммадниёз Гуржи каби бахшилар ном қозонганлар.

Номлари номаълум бўлган устоз созандалар ва бахшилар томонидан Хоразм дутор йўллари жамланиб 11 та дуторм дутор мақоми шаклланган. Машҳур созанда ва нафис таъб эгаси Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) хонлик даври (1864—1910) га келиб Хоразмда мусиқа санъати янада ривож топди. Феруз саройида 40 дан ортиқ шоир, 20 га яқин мақомчи созандаларни тўплаб мушоира ва мақом кечаларини ўтказиб турарди. Саройи мақомчилари орасида Паҳлавон Ниёз Мирзабоши Комил, Муҳаммад Ёқуб Девон Харрот, Ёқуб ғозачи, Қаландар Дўнмас ва б. мақомларнинг чолғу ва айтим қисмларини бойитганлар. Ферузнинг ўзи ҳам мақом чолғу қисмларига 14 та яқин куй басталаган. Бу даврда 40 дан ортиқ бахши, 32 созанда қўшлари (созандаларнинг жамланган дастаси) фаолият кўрсатган. Улар сайил ва байрамларда хоннинг кўригидан ўтар ва эл-юртнинг томошасини

Хоразм кузони.

ўтказишга фатво олар эдилар. Бахшилар ичида машҳурлари: Ризо бахши, Эрназар бахши, Суяв бахши; созанда қўшиларидан элга танилган намояндалардан Шомурод сурнайчи ва б. бўлган.

1910 й. Хива хонлиги тахтига *Асфандиёрхон* ўтиргандан кейин сарой шоир ва созандалари тарқаб кетди.

Хоразмда шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, мақом ва мусиқа ривожи бироз тўхтади. 1923 й.да Хива ш.да мусиқа мактаби ташкил қилиниб, скрипка, кларнет, танбур каби чолғу асбобларда ижро этиш бўйича синфлар очилди. 1925 й.да Москва ш.да Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодаларининг «Хоразм мусиқий тарихчаси» китоби чоп этилди. Бу даврда созандалардан Сафо Оллаберганов (Муғанний), Қурбон созчи Исмоилов,

Қовун полизи.

Вилоят маънавият ва маърифат маркази.

Мадраҳим Ёқубов *(Шерозий)*, Қурбонназар Абдуллаев *(Бола бахши)*, Матюсуф *Харратов* (Чокар), Отажон Абдуллаев, Ҳожихон *Болтаев*; аёл халфалардан Онажон Собирова (Анаш маҳрам), Онабиби қори Отажонова (Ожиза) ва б. машҳур бўлишган. Уларнинг издошлари ва шогирдлари ичида хонандалардан Комилжон *Отаниёзов*, Ваҳобжон *Фаёзов*, Коммуна *Исмоилова*, Султонпошша *Раҳимова*, Матёқуб *Раҳимов*, Қувондиқ Искандаров, Жуманазар Бекчонов, Олмахон *Ҳайитова*, Рўзмат *Жуманиёзов*, Ортиқ Отажонов, Отажон *Худойшукуров*, Бобомурод *Ҳамдамов*; созандалардан дуторчи Н. Болтаев, қўшнайчи Қ. Бобожонов, торчи Ҳ. Бобожонов, ғижжакчи О. Ҳасанов; бастакорлар Р. *Оллаберганов*, Ш. *Рамазонов*, Ш. Солаев, А. Отажонов, М. *Юсупов*, С. *Ҳайитбоев*, У. *Мусаев*, Р. *Абдуллаев*, Қ. Полвонов, М. Отажонов, Р. Бекчонов, Ш. Файзуллаев, Қ. *Раҳимов*, мусиқашунос О. *Матёқубов* ва б. маълум. 1958—60 й.лар орасида М. *Юсупов* томонидан тўплаб нотага олинган «Ўзбек халқ мусиқаси» (6,7 ва 9 жилдлар) чоп этилди. 1980—87 й.ларда Хоразм мақомларининг янги тўлдирилган вариантлари нашрдан чиқди.

Х.в.да 16 та болалар мусиқа мактаби (шулардан 3 таси санъат мактаби), мусиқа билим юрти, филармония, вилоят телерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар ансамбли фаолият кўрсатади.

Урганч шаҳри. «Хоразм» спорт мажмуаси.

Х.в.дан *Девонаи Ҳисобий*, *Ниёзжонхўжа*, *Ниёзий*, *Худойберган* муҳркан, Комил Хоразмий, Матёқуб *Харратов*, М. *Худойберганов*, Сафо *Муғанний*, Х. *Девонов* каби йирик санъаткорлар; Бола Бахши, Қ. Искандаров, Р. Жуманиёзов, Ф. *Давлетов* сингари Ўзбекистон халқ достончи ва ҳофизлари; Матюсуф Харратов, М. Юсупов, Р. Оллаберганов, Ш. Рамазонов, Л. Абдуллаева, И. Ниёзматов, Р. Абдуллаев, О. Матёқубов, С. Давлетов, У. Мусаев, О. Оллаберганов, Қ. Раҳимов каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари ва композиторлар; Шерозий (Ёқубов), К. Отаниёзов, Ҳ. Болтаев, К. Раҳимов, М. Раҳимов, Б. Раҳимова, С. Девонов, С. Раҳимова, Г. Ёқубова, М. Ихтиёрова, О. Ҳайитова, Г. Матёқубова, М. Бобожонов, О. Отажонов, Г. Раҳимова сингари Ўзбекистон халқ артистлари; Норбек бахши, Қаландар бахши каби Ўзбекистон халқ бахшилари етишиб чиққанлар.

Х.в.да халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик, айниқса, Хива, Ҳазорасп ва Хонқа ш.ларида қадимдан тараққий этган. Ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, кандакорлик, гиламчилик, кулолчилик ва б. ривожланган. Хива гиламчилик ф-каси, «Хива сополи» акциядорлик жамияти ва б. ишлаб турибди. Ўзбекистон халқ рассоми А. *Болтаев*, халқ наққошлари ва ёғоч ўймакор усталари О. Полвонов, Р. Машарипов, С. Боғбеков, машҳур кулол, кошинкор уста Р. *Матчонов* ва б.нинг номлари машҳур.

Соғлиқни сақлаш. Вилоятда 6269 ўринли 36 касалхона ва 211 тиббий муассасаларда 3882 врач (ҳар 10 минг кишига 27,1 врач), 13337 ўрта тиббий ходим ишлайди. Давлат дастурига асосан, вилоятда Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг вилоят бўлими ва барча туман марказий касалхоналари қошида унинг бўлинмалари ташкил этилган ҳамда зарурий тиббий ва техник жиҳозлар б-н таъминланган. Х.в.да 4010 ўринли 20 санаторий фаолият кўрсатади.

2004 й.гача ўз касби бўйича хусусий иш фаолияти юритиш учун 50 га яқин мутахассисга лицензия берилди.

Спорт. Х.в. спортчилари спортнинг кўплаб турлари бўйича турли даражадаги мусобақаларда иштирок этмоқда (кураш, футбол, қўл тўпи, волейбол, теннис, бокс ва б.). «Умид ниҳоллари — 2003» спорт мусобақалари ўтказилиши муносабати б-н шаҳар ва туманларда 17 та йирик спорт иншоотлари, «Олимпия захиралари» коллежи, 10—15 минг кишилик стадион фойдаланишга топширилди.

Вилоятда 14 спорт мажмуаси, шунингдек, 16 стадион, 8 сузиш ҳавзаси, 136 теннис корти, очиқ спорт заллари, отиш тири, баскетбол, қўл тўпи, футбол майдонлари бор. 389 минг киши жисмоний тарбия ва спорт б-н шуғулланади. Турли миқёсдаги республика ва халқаро спорт мусобақаларида вилоятнинг 9 спортчиси олтин, 8 таси кумуш медалларга сазовор бўлишди. Хоразмда «Умид ниҳоллари—2003» тадбири катта байрам сифатида нишонланди. «Умид ниҳоллари», «Президент кубоги учун», Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб ўтказилган Республика ва халқаро спорт беллашувларида 6 спортчи республика ва жаҳон чемпиони унвонларини олдилар.

Х.в.да 10 дан ортиқ халқаро тоифадаги спорт устаси, 100 дан ортиқ спорт устаси, 300 дан зиёд спорт усталигига номзод, шунингдек, кўплаб 1-тоифадаги спортчи тайёрланди. Вилоятнинг 30 дан ортиқ спортчиси Ўзбекистоннинг турли миллий терма жамоалари аъзоларидир.

Адабиёти. Хоразм адабиёти замонлар силсиласида емирилиб, йўқотилиб, қайта шаклланди. Араблар Хоразмга бостириб келганда ўзларига қараганда жуда ҳам юқори маданиятга дуч келдилар. 8-а.га келиб қад. *хоразмий тилининг* батамом йўқотилиши б-н 8-а.дан токи 12—13-а.ларгача форс ҳамда араб ва 12-а.лардан бошлаб туркий-ўзбек тилларида ижод қилинади. Абу Мансур Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл-ал аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси») тазкирасида 10—11-а.ларда Хоразмда яшаб, араб тилида ижод этган етук арабнавислар ҳақида кенг маълумот берилади. Қарийб 5 аср давомида (8—12-а.лар) араб тилида ижод қилган кўпгина Хоразм шоирлари ўз фаолияти б-н Хуросон ва Мовароуннаҳрда шуҳрат қозонганлар. 11-а. бошида Хоразмда илк бор ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясида жаҳон тарихи, фани ва адабиётига муносиб улуш қўшган Беруний раислигида Ибн Сино, Абу Наср Ироқ каби замонасининг йирик фан ва маданият намояндалари ижод қилдилар. Асли балхлик бўлиб, Хоразмда турғун яшаб Хоразмшоҳ *Отсиз* ҳукмронлиги даврида юқори мартабага эга бўлган Рашидиддин Ватвот («Саъд-ал-мулк» фахрий унвонини олган) форс ва араб тилларида ижод қилиб шеъриятда мурассаъ, тарсеъ, тажнис ва б. усулларни қўллашда форсий тилда ёзадиган пешқадам шоирлардан бири ҳисобланади. Аҳмад Яссавийнинг шогирди Сулаймон Боқирғоний 12-асрдаёқ туркийда ижод қилган. Бу даврларда араб, форс тиллари ва туркийда баравариға ижод қилингани ўша давр адабий муҳитининг нақадар кўп қирралигини кўрсатади. Хоразмдаги адабий жараён Чингизхон истилоси ва ундан кейинги даврда анча мураккаб кечган бўлса-да, тўхтаб қолмади. Кубровийлик тариқатининг асосчиси, «Шайхи валитарош» («Авлиёлар етиштирувчи шайх») номи б-н бутун Шарққа машҳур бўлган шоир Нажмиддин *Кубро*, «Муҳаббатнома» муаллифи *Хоразмий* (14-а.), Насриддин Бурҳониддин Рабғузий (13-а. охири —14-а. бошлари), *Паҳлавон Маҳмуд*, Ҳайдар Хоразмий, Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи (14-а.) каби буюк сиймолар ижод этган. Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асари ўзбек насрининг мукаммал намунаси бўлиши б-н эътиборлидир. Хоразм адабий муҳити, илм-фани жаҳон маърифати тараққиётига таъсири эътирофига лойиқ. Аз-Замахшарий араб дунёсини кезиб илм тарқатган бўлса, 1414 й.да Шерозга келган Абдураҳим Ҳофиз Хоразмий туркийда битган ғазаллари б-н шуҳрат топган.

Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг вилоят бўлими биноси.



«Асакабанк» вилоят бўлими биноси.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Хожа Абулвафойи Хоразмий ва Мавлоно Жалолиддин Румий маснавийсига шарҳ битган Ҳусайн Хоразмийларни катта ҳурмат б-н таърифлайди. Хоразм адабий жараёнининг ривожланиши натижасида етук адабиёт намояндалари етишиб чиқа бошлади. Булар Равнақ (1725—1805), Роқим (1742—1825), Насимийнинг ғазалларини ўзбек тилига ағдарган машҳур шоир Андалиб (1710—70), Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарини форсийдан таржима қилган, ўзбек ва форс тилларида баравар ижод этган Диловархўжа (18-а.), Навоийнинг «Хамса»сидаги достонларнинг насрий вариантларини яратган Умар Боқий (18-а.), ўз замонасининг улуғ шоирлари *Мунис*, *Огаҳий*, Комил Хоразмий (1825—99), *Баёний* ва б.дир.

Шовот тумани «Бўйрачи» санаторийси.

Феруз даврида Хоразм адабий муҳити янада ривожланди. Унинг буйруғи б-н шоир Табибий «Мажмуаи 30 шуаро пайрави Феруз» тазкирасини тузади ва Ферузнинг 101 ғазалига 30 шоир ёзган пайравни киритади. Тазкиранавис Лаффасий тузган «Тазкираи шуаро»да (1945) Мунис давридан Лаффасий давригача ижод қилган (Мунис ва Лаффасий б-н бирга) Хоразмдаги 51 шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар битилган.

Хоразмда қадимдан достончилик ривожланган. Халқ анъанавий достонлари бахшилар орқали оғиздан-оғизга ўтиб сайқалланган. «Авазхон», «Бозиргон», «Сайёдхон ва Ҳамро», «Қоракўз Ойим», «Гулруҳ пари», «Шобаҳром», «Заврие», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Юсуп Аҳмад», «Қирқ минг» каби достонлар Хоразм халқ оғзаки ижодининг нодир бойлигидир. Хоразм халқ достонлари ҳажми бошқа ўзбек халқ достонларига қараганда кичиклиги, шу б-н бирга мусиқавийлиги б-н ажралиб туради. Хоразмда достон куйловчиларни *бахши* деб атаб келганлар. Хоразм воҳасида 19-а.нинг 1-ярмида Эшвой бахши машҳур бўлган. Хоразм воҳасида муаллиф номи б-н аталган «Эшвой нағмаси» куйи тарқалган. 19-а.да Хоразмда яшаб ижод қилган бахшилардан Оташ, Ғарибниёз бахшилар, Бобо бахши, Жуманазар бахши Бобо бахши ўғли, Бекжон бахши, Абдрим бахши ва б. шуҳрат қозонган. 20-а. бошларида Хўжаёз бахши атоқли бахши ҳисобланган. У «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Сайёдхон ва Ҳамро», «Бозиргон», «Алпомиш» ва «Гўрўғли» туркумидаги достонларни ёд билган ва уни хуш овоз б-н дутор жўрлигида ижро этган. Ундан кейинги даврда Бола бахши, Матназар Жаббор ўғли, Қаландар бахши, Бола бахшининг фарзандлари Норбек бахши, Матёқуб ва Етмишбой бахшилар Хоразм достончилик мактабини тараққий қилишга ҳисса қўшдилар.

Хоразмдаги халқ оғзаки ижодининг яна бир тури халфачиликдир. *Халфалар* (фольклорда) репертуарида халқ достонлари, ранг-баранг халқ қўшиқлари, мумтоз шоирларнинг ашулабоп ғазаллари асосий ўрин олган. 19— 20-а.нинг 2-ярмида Хоразмда Хонимжон халфа, Онажон халфа, Онабиби қори (Ожиза), Шукуржон халфа, Шарифа халфа, Жони халфа, Бибижон халфа, Дурхоним халфа, Киш халфа, Гулжон қори, Ойша кулол халфа, Ёқут халфа Вафоева, Шарифа нўғай Оташева, Ўғил Нўғай Қурёзова, Ёқут халфа Сейтниязова ва б.нинг номлари халқ орасида танилган эди. Халфачилик санъати анъаналари Хоразм ёш ижрочилари томонидан кейинги даврларда ҳам давом эттирилмоқда.

20-а.да Хоразм адабиётшунослигида *Муғанний*, Суханвар, Умар Қурбоний, Қаландар Қурбоний, М. Абдуллаев, Эгам Раҳим, Аҳмад Бобожон, Айёмий, Раҳим Бекниёз, Дўстжон Матжон ва б.нинг назм ва насрий асарларида маърифатпарварлик ғоялари ўз аксини топган.

Омон Матжон, Баҳром Рўзимуҳаммаднинг фалсафий шеърияти, Эркин Самандарнинг «Дарёсини йўқотган қирғоқ», «Тангри қулуғи», Комил Авазнинг «Қўналға» романлари, Матназар Абдулҳакимнинг Нажмиддин Кубро, Белил, Паҳлавон Маҳмуд рубоиёти ва ғазалларининг ўзбек тилига таржималари муҳим аҳамиятга эга. Проф.лардан О. Мадраҳимов, С. Рўзимбоев, З. Дўсимов, Ж. Юсупов, араб ва форс тиллари билимдони

Хива шаҳри. Ичан қалъа.

А. Аҳмедов ва б. адабиётшуносликка доир асарлар ёздилар. Айниқса бу борада Ҳ. Абдуллаевнинг Абу Бакр Хоразмийдан ҳозиргача яшаб ижод қилган адабиёт аҳлининг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи тазкираси, Н. Қобуловнинг 2 жилдли «Хоразм адабий муҳити» асари, С. Рўзимбоевнинг «Гўрўғли» китоби муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Х.в.да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилари, рассомлар ва б.) вилоят ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот, радиоэшиттириш ва телевидениеси. Х.в.да 2 вилоят газ. («Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда», 2 та газ. адади 5500), 10 туман газ., 3 журнал («Илм сарчашмалари», «Дийдор», «Хива Шарқ гавҳари», адади 2000) нашр этилади. Вилоятда, шунингдек, бир қанча тармоқ газ.лари чоп қилинади. Жами 27 номдаги газ. ва журналлар чиқарилади.

Туристлар Хивада.



Хоразм (Хива)да Муҳаммад Раҳимхон Феруз ташаббуси б-н 1874 й.да Туркистонда илк бор *тошбосма* очилган. Тошбосмада илк матбаачилик фаолиятини биринчи ўзбек матбаачиси Отажон *Абдалов* бошлаган. Ушбу тошбосма фаолияти кейинроқ, 1920 й.дан «Инқилоб қуёши» газ., 1939 й.дан «Хоразм ҳақиқати», 1941 й.дан «Хорезмская правда» газ.ларининг ташкил қилинишига замин яратган.

Х.в.да 1874—1924 й.ларда фаолият кўрсатган матбаачилик анъаналари 1991 й.да қайта тикланди. «Хоразм» нашриёти ишга туширилиб, дарсликлар, китоблар нашр этиш йўлга қўйилди. «Хоразм тарихи» (1995), «Ҳазорасп тарихи», «Хонқа тарихи» (1995—98), «Авестонинг яратилиши» (2001), «Маъмун академияси» (тўплам, 2003) каби китоблар чоп этилди.

Х.в. да биринчи радиоэшиттиришлар 1936 й.дан бошланган. Вилоят радиоси ойига 31 соатлик ҳажмда эшиттиришлар беради. Телекўрсатувлар 1961 й.дан олиб борилади. Маҳаллий кўрсатувлар, 1979 й.дан рангли тасвирда (ўзбек ва рус тилларида), ҳафтасига 15 соат ҳажмда намойиш қилинади.

Меъморий ёдгорликлари. Х.в.даги тарихий ва меъморий ёдгорликлар жаҳонга машҳур. Вилоятда 149 меъморий ва шаҳарсозлик, 16 археологик, 21 монументал санъат ва ҳайкалтарошлик ёдгорлиги бор. Меъморий ёдгорликларнинг асосий қисми *Хива* ш.да жойлашган. Унинг Ичан қалъа қисми эса ЮНЕСКОнинг *Жаҳон мероси* шаҳарлари ташкилоти ҳисобига киритилган. Хивадаги ёдгорликлардан Жума масжид (10—18-а.лар), Паҳлавон Маҳмуд меъморий мажмуаси (14-а., 19—20-а. бошлари), Саид Аловиддин (14—18-а. лар), Уч Авлиё (1549, 1821) мақбаралари, Тошҳовли (19-а.), Кўҳна Арк (17—19-а.лар) саройлари, Муҳаммад Аминхон мадраса ва минораси ва б. меҳмонлар ва сайёҳатчилар диққатини ўзига тортади. Шунингдек, Хива, Ҳазорасп, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Қўшкўпир, Боғот ва б. туманларида ҳам тарихий обидалар мавжуд. Шулардан Хива туманидаги Чодра ҳовли (18—19-а.лар), Шоҳимардон меъморий мажмуаси (19-а.), Қубла Тозабоғ саройи (1893—1913), Ҳазораспдаги Музробшоҳ (16—18-а.лар), Шайх Қосим эшон мақбаралари (18—19-а.лар), қад. Ҳазорасп қалъаси (мил. ав. 6—5-а.лар), Хонқа туманидаги Саид ота масжиди (1766), Шовот туманидаги Ваянган бобо мақбараси (16—19-а.лар); Янгиариқ туманидаги Шайх Мухтор Валий (Остонабобо, 14-а) меъморий мажмуаси; Қўшкўпир туманидаги Иморатбобо меъморий мажмуаси (16—19-а.лар) ва б.ни айтиш мумкин.

Мустақиллик йилларида вилоятда икки тартибда уй-жой қуриш тез ривожланди. Урганч, Хива ш.ларига йўлдош Навруз, Қосмаобод шаҳарчалари бунёд этилди. Вилоятда тарихий ва меъморий ёдгорликларни асраш, таъмирлаш ишларига Ўзбекистон ҳукумати томонидан катта эътибор берилмоқда. Хива ш.нинг 2500 йиллик юбилейи (1997), Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги (1999), Авесто китоби яратилишининг 2700 йиллиги (2001) байрамлари арафасида вилоятда кенг миқёсда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, улар атрофларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Х.в. 2003 й. 22 авг.да Жалолиддин Мангуберди ордени б-н мукофотланган.

Хива шаҳри. Исломхўжа минораси.

Ад.: Толстов С. П., Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964; Виноградов А. В., Неолитические памятники Хорезма, М., 1968; Средняя Азия в древности и средневековье, М., 1977; Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции, т. 1—10, М., 1952—77; Хоразм тарихи, 1995, Урганч; Қиличев Т., Хоразм халқ театри, Т.; Садоков Р. Л., Музыкальная культура древнего Хорезма, М., 1970; Садоков Р. Л., Тысяча осколков золотого саза, М., 1971.

Комил Нуржонов, Бонир Матёқубов, Комил Авазов.

ХОРАЗМ ВОҲАСИ — Амударёнинг қуйи қисмидаги қад. воҳа. Х.в.да Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти, Қорақалпоғистоннинг жан.-ғарбий қисми ҳамда Туркманистон Тошҳовуз вилоятининг шим.-шарқий қисми жойлашган. Шим.дан (шартли равишда) Қўнғирот кенглиги, ғарб ва жан.да Устюрт платоси ва Қорақум чўллари, шарқда Қизилқум чўли б-н чегарадош.

Х.в. ҳудуди юзасининг шаклланиши *Амударё* аккумулятив фаолияти б-н боғлиқ. Дарёнинг чўкинди ва гил ётқизиқлари минг йиллар давомида шу ҳудудда тўпланиб дельталарни ҳосил қилган (қ. *Амударё дельтаси*). Х.в. жан.да Туямўйин танглигига қадар давом этган. Воҳа шим. ва шим.-ғарб томон 300 км дан зиёд масофага чўзилган. Эни чекка жан. қисмида (Туямўйин танглигида) 10—12 км, шим. қисмида 120—130 км, Султон Увайс тизмасининг ғарбий қисмида (Тахтатош танглигида) 70—80 км. Туямўйин танглигидан шим.да Хоразм-Тошҳовуз текислиги жойлашган. Х.в.нинг ер юзаси тўртламчи даврда аллювиал-дельта ётқизиқларининг аста-секин тўпланиши ва дельтанинг Орол денгизи ва Сариқамиш ботиғи томон ўсиши натижасида шаклланган. Улар ёши ва литологик таркиби жиҳатидан бир хилда эмас. Айрим кичик ботиқларда кўл ётқизиқлари ҳам учрайди. Қадимдан деҳқончилик қилинадиган ерларда (қалинлиги 2—3 м ли) агроирригацион қатламлар тўпланган.

Х.в. ер юзаси тузилиши жиҳатидан, асосан, ясси текислик, шим. ва шим.-ғарб томон бир оз нишаб. Нишаблик жуда кам бўлганидан Амударё (айниқса, воҳанинг шим. қисмида) тармоқланиб секин оқади. Шу боис, бир неча қад. ўзанлар (Кўҳнадарё, Дарёлик, Давдон, Шўртонбой, Крейт-Ўзак, Иткраўзак, Қораўзак ва б.) вужудга келган. Улар орасида турли баландликдаги бир қанча тепалик ва марзалар жойлашган.

Х.в. ер юзаси инсон фаолияти таъсирида ҳам ўзгарган (канал, ариқ, зовурлар қазилган). Х.в. шим. кенгликда жойлашган. Янв.нинг ўртача т-раси —4,5°, —7,6°. Энг паст т-ра —32°. Баъзи йилларда —41°, —43°. Июлнинг ўртача т-раси 25,3°—28,4°. Энг юқори т-ра 41°—44°. Ҳоз. кунда, Орол денгизи сатҳининг пасайиши оқибатида ёзги т-ра ортиб, қиш совуқлашиб бормоқда. Х.в. энг қурғоқчил ҳудудлардан ҳисобланади (йилига 80—120 мм ёғин тушади). Ёғин миқдори жан.дан шим.га ортиб боради. Ёғиннинг кўп қисми қиш ва баҳор фаслларида тушади.

Амударё тармоқларининг кўпчилик қисми қуруқ ўзанларга айланган. Х.в.да 100 дан ортиқ кўл (Тўнгизкўл, Шўркўл, Улуғшўркўл, Кернай, Қоратеран, Бўтакўл, Оқчакўл, Олтинкўл, Зейкўл, Оққўл ва б.) мавжуд. Х.в.да турли тупроқ типлари тарқалган. Катта қисмида ўтлоқ-қайир аллювиал, суғориладиган ўтлоқ (ўтлоқ-воҳа) тупроқлар ҳосил бўлган. Улардаги чириндили моддалар миқдори 2—3%. Бу тупроқлар пастқам, грунт сувлари ер юзасига яқин ерларда шўрланган. Ботқоқ-шўрхок тупроқлар ҳам учрайди. Тупроқлар инсониятнинг бир неча минг йиллардан бери давом этиб келаётган хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариб, маданий воҳа тупроғига айланган. Воҳада ёввойи ўсимликлардан қамиш, турангил, ёввойи жийда, тол, юлғун, янтоқ, ажриқ, буғдойиқ, сарсазан, қорабароқ, тамариск, шўра ва б. ўсади. Чўлларга ёндош қисмида селин, жузғун, оқ саксовул, қуёнсуяк, қизилча ва б. тарқалган. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, тулки, тўқай мушуги, бўрсиқ, кўрсичқон, каламуш, типратикан, ондатра; қушлардан чумчуқ, майна, зарғалдоқ, бедана; дарё қайирлари ва кўлларда қирғовул, ғоз, ўрдак ва б. учрайди. Дарё ва кўлларда балиқларнинг бир қанча тури бор. Х.в. ер, ўсимлик ва иқлим ресурсларига бой. Воҳа ҳудудидаги ўсимлик ва ҳайвон турларини ўрганиш ва муҳофаза қилиш мақсадида *Бадайтўқай давлат қўриқхонаси* ташкил этилган.

Мурод Маматқулов.

ХОРАЗМ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ — бахшилик санъати марказларидан бири. Хоразм достончилигида мавжуд эпик асарлар Ўзбекистоннинг бошқа ерларидаги ўзбеклар орасида тарқалган достонлардан мазмуни, услуби, композицияси, образ яратиш принциплари б-н фарқ қилади. Х.д.м.да оғзаки ва ёзма адабиёт анъаналарининг ўзаро ижодий ҳамкорлиги сезиларли. Бадиҳагўйлик асосий роль ўйнамайди, мусиқа етакчилик қилади. Кўп ҳолларда айтувчи қўлида достоннинг қўлёзма матни бўлади. Хоразмда эпик асарлар 3—5 кишидан иборат бахши ансамбллари томонидан ижро этилади. Бахши достонни дуторда (кейинчалик тор ҳам ишлатила бошлади) куйлайди, унга ғижжакчи, буламончи жўр бўлади. Хоразм достонларида қаҳрамонларнинг ҳис-туйғуларини, ички кечинмаларини назм орқали, саргузаштларини наср орқали баён этиш қатъий тартиблашган. Достон куйлашдан олдин бахши ансамбли «Пешрав», «Мухаммаси ушшоқ» каби бирор куй чалади, сўнг дидактик характердаги қўшиқ куйланади. Достон тугагач, «Туйингдан қайтсин» куйи ижро этилади. Х.д.м.да асар ички бўғиз товушда эмас, балки очиқ овозда ижро этилиши б-н ҳам бошқа достончилик анъаналаридан фарқ қилади. Х.д.м.нинг йирик вакиллари: Суяв бахши (19-а.), Жуманазар бахши, *Аҳмад бахши*, *Матназар Жаббор ўғли*, *Бола бахши*, *Худойберган Ўтаган ўғли*, Оллоберган бахши, Мурод бахши, Болтабой бахши, Жумабой бахши, Қодир созчи ва б. Улар репертуарида «*Гўрўғли*» туркуми достонлари, «Ошиқ Ғариб», «Ошиқ Маҳмуд», «Ошиқ Ойдин», «*Тоҳир ва Зуҳра*», «Лайли ва Мажнун», «Тулумбий» каби достонлар мавжуд. Яна қ. *Хоразм мусиқа услуби*.

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ, Маъмунийлар академияси — Хоразмда 10-а. охири — 11-а. бошларида фаолият кўрсатган илмий муҳит. Маъмунийлар давлати (992—1017) тарихи б-н бевосита боғлиқ. Сиёсий, иқтисодий, ҳарбий қудратга эришган хоразмшоҳлар давлати мамлакатни бирлаштириш, унда тартиб ўрнатиш бўйича тадбирларни бошлаб юборган. Қун тартибида давлат ички ва ташқи сиёсатини олиб боришда мафкуравий масалаларни ҳал қилиш турган. Али ибн Маъмун (997—1010) доно ва зукко маслаҳатчиларга муҳтож бўлган. Унинг бахтига тоғаси, *Абу Наср* ибн Ироқ ўз даврининг ўта билимдон олими бўлган. 1004 й.нинг бошида Ибн Ироқ такли-

фи б-н Беруний Гурганжга қайтиб келган; Маъмун саройида илм аҳли учун яхши шароит яратиб берилган. Бу 2 шахс Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўплаб олимлар б-н шахсий ёзишмаларда бўлганлар. Уларнинг таклифи б-н Нишопур, Балх, Бухоро ва бошқа араб Ироқидан кўплаб олимлар Гурганжга келишган.

Шу тариқа 1004 й.дан бошлаб Гурганжда «Дорул ҳикма ва маориф» (баъзи бир манбаларда «Мажлиси уламо») номини олган илмий муассаса тўла шаклланган. Бу илмий муассасада худди Афинадаги «Платон», Бағдоддаги *«Байт ул-ҳикма»* академияси фаолиятига ўхшаб илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган; ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган; Ал-Хоразмий, Ал-Фарғонийларнинг ўлмас асарлари, илмий ишларидан фойдаланилган ва тадқиқ қилинган. 18—20-а. тарихчи олимлари томонидан илмий муассаса ҳар томонлама ўрганилган ва ўз фаолияти нуқтаи назаридан бу даргоҳ ўз даврининг академияси бўлганлиги исботланган ва унга «Маъмун академияси» номи берилган.

Х.М.а. асосини қуйидаги олимлар ташкил этган: Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ал-Жаъдий (10-а. — 1034), *Абулхайр ибн Хаммор* (941—1048), Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Масиҳий ал-Журжоний (970—1011), Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-*Беруний*, Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн *Сино*, Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Мискавайҳ (1030 й. в.э.), Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-*Саолибий* ан-Найсабурий (961—1038), Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий (1015 й.в.э.), Абу Али ал-Ҳасан ибн Ҳорис ал-Хубубий ал-Хоразмий (10—11-а.лар), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Хоразмий (10—11-а.лар) ва б.

Х.М.а олимлари Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини жамлаб, танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтарганлар. Академия аъзоларининг аксарияти олим сифатида Марказий Осиёда шаклланганлар. Уларнинг илмий фаолияти, асарлари туфайли Қад. Хоразм бадиий санъати, адабиёти, астрономияси, математикаси, суғориш маданияти ютуқлари жаҳон тамаддунининг хазинасига кирган ва бутун инсоният манфаатларига хизмат қила бошлаган.

Мас., Абу Наср ибн Ироқ астрономияга доир ҳамда асарлари туфайли «Батлимуси соний» («Иккинчи Птолемей») деган фахрий ном олган.

Абулхайр ибн Хаммор мантиқ, фалсафадан ташқари табобатда ҳам жуда машҳур бўлгани учун «Буқроти соний» («Иккинчи Гиппократ») лақабига сазовор бўлган.

Абу Саҳл ал-Масиҳий табиб, Ибн Синонинг устози бўлган. Академия раҳбари Абу Райҳон Беруний фаннинг деярли ҳамма соҳалари б-н шуғулланган. Унинг геодезия ва математика соҳалари бўйича асарлари бугун ҳам долзарбдир. Беруний Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, тиббиётга оид «Китоб ас-Сайдана фит тиб» («Табобатда доришунослик китоби») асарини ёзган. Беруний Америка қитъаси мавжудлигини европалик олимлардан тахм. 450 й. олдин айтиб ўтган. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қад. халқлар (юнонлар, эронийлар, суғдийлар, хоразмийлар ва б.) нинг йил ҳисоблари, байрамлари ва машҳур кунлари, урф-одатларига оид қимматли маълумотлар тўпланган.

Х.М.а.нинг яна бир забардаст аъзоси олими Ибн Сино жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Хусусан, унинг «Тиб қонунлари» асари бутун дунёга машҳур бўлган. Хоразмда Ибн Сино, асосан, мат. ва астрономия б-н шуғулланган. Олимнинг Аристотель таълимоти хусусида Беруний б-н ва ўзининг шогирди Баҳманёр б-н ёзишмалари тарихда машҳурдир. Бу ёзишмалар савол-жавоб тарзида бўлиб, унда Беруний ва Ибн Сино фазо, чексизликнинг тарқалиши, жисмларнинг иссиқдан кенгайиши, нурнинг акс этиши ва синиши каби масалаларда илмий мунозара олиб борганлар. Ибн Сино хоразмшоҳлар вазири Абул Ҳусайн ас-Саҳлий б-н дўстлашиб, унга атаб алкимёга оид «Рисола ал-иксир» («Иксир ҳақида рисола») асарини ёзган.

Х.М.а. олимлари Хоразм табиати, иқлими, суғориш тизими, минералогияси, ер ости сувлари, Амударё ўзгариши тарихи, қоришлар қуриш орқали тупроқни тозалаш йўлларини тадқиқ этишган. Академия аъзоларидан Абу Бакр ал-Хоразмий, табиб Абу-л-Фараж ибн Ҳинду шеъриятда юксак маҳоратга эришганлар. Хоразм тарихи, динлари, тақвими, байрамлари, урф-одатлари, ёзуви, миллий қадриятлари ҳақидаги қимматли маълумотлар уларнинг фаолияти туфайли бизгача етиб келган. Уларнинг ғояларига хос шиори: «Илм — инсонлар ҳожатини чиқармоқликка хизмат қилсин», — деб аталган эди. Х.М.а. олимларида илмга қатъийлик хос бўлган. Аристотель айтган кўпгина ғояларни текширишлар давомида тузатганлар, қуёшнинг давомий йўли ва кунлар масаласи асослик б-н фалакиёт фани нуқтаи назаридан тушунтирилиб, ечилган. Беруний қайд этишича, қадимда Хоразм астрономлари юлдузлар жойланишини тарихларига араблардан кўра яхшироқ билишган.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун (Маъмун II) саройидаги олимлар шуҳрати ўз даврида узоқ ўлкаларга тарқалган. Бу эса Маҳмуд Ғазнавийнинг ғазабига теккан. У уюштирган суиқасд натижасида 1017 й.нинг баҳорида Маъмун II ўлдирилган ва ўша йилнинг ёзида куёви учун қасос олиш баҳонасида б-н Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга бостириб кирган. Катта қирғин ва талон-торожликлар натижасида Х.М.а. фаолияти тугатилган ва бу ердаги олимларнинг кўпчилиги Ғазнага мажбуран олиб кетилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони (1997 й. 11 нояб.) Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда ҳам фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантиришда қўйилган муҳим қадам бўлди.

1997 й. нояб. ойида академиянинг таркибида археология, тарих ва фалсафа, тил ва адабиёт, биология муаммолари бўлимлари ташкил қилиниб, 9 илмий мавзу бўйича и. т.лар олиб борилди.

Археология, тарих ва фалсафа бўлими ходимлари «Хоразмнинг қадимги ва ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи», «Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни», «Хоразм вилояти археологик ёдгорликларини тадқиқ қилиш» мавзулари бўйича илмий изланишлар олиб борилди.

Тил ва адабиёт бўлимида «9—13-а.ларда Хоразм ёзма адабиёти ва оғзаки эпос», «9—13-а.лар Хоразм ёзмалари тили» мавзуси бўйича Хоразм ёзма адабиёти ва оғзаки афсоналари ҳамда ривоятлар Авестодаги мифологик қатлам б-н қиёсий таҳлил қилинди. Оғзаки ва ёзма намуналар таҳлили орқали адабий ва бадиий тилларга хос хусусиятлар, уларнинг ўзаро таъсири ўрганилади.

Биология муаммолари бўлимида 4 илмий мавзу «Хоразм воҳаси тупроқ — иқлими шароитида истиқболли, серҳосил, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли кўпйиллик ўсимликлар навларини ўрганиш», «Хоразм вилояти шароитида экинларни алмашлаб экишнинг биологик асосларини ишлаб чиқиш», «Хоразм вилояти шароитида асосий, оралиқ ва такрорий экинларда озуқабоп экинларни парваришлашнинг самарали технологияларини ва маккажўхорининг уруғчилик тизимини барпо қилиш», «Қуйи Амударё минтақаси тупроқларининг сув-туз режимини яхшилайдиган коллектор — зовур тизимларининг иш режимини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш» бўйича и.т.лар амалга оширилди.

Х.М.а. жамоаси и.т.ларни халқ хўжалиги талаблари асосида шакллантириш, уларни долзарб масалаларни ечишга қаратиш, бюджет маблағларининг самарадорлигини оширишга устувор фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга интилмоқда.

2003 й.дан бошлаб академияда 2 фундаментал ва 8 амалий лойиҳалар бўйича 58 ходим, шу жумладан, 2 акад., 8 фан д-ри ва 24 фан номзодлари илмий изланишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 9 июлдаги қарорига мувофиқ, 2005 й.да Х.М.а.нинг 1000 йиллиги нишонланиши белгиланган.

Ад.: Абу Райҳон Беруний, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, Танланган асарлар, 1-ж., Т., 1968; Садуллаев А., Хоразм Маъмун академияси, Хива, 2000; Садуллаев А., Содиқов А., Хоразм Маъмун академиясининг тарихий илдизлари, Урганч, 2003.

ХОРАЗМ МАҚОМЛАРИ — *мақом* тури. Хоразмда мақом йўлларига яқин мумтоз мусиқа намуналари қадимдан маълум бўлган. Бизгача етиб келган шакли — олти мақом (Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ) тизими *Шашмақом* асосида 19-а. бошларида шаклланган. Ҳар бир мақом белгиловчи оҳанг — муайян лад тизими ва унинг асосида юзага келган куй йўлларидан иборат. Х.м. Бухоро Шашмақоми каби мустақил тузилишга эга бўлган чертим (чолғу) ва айтим (ашула) бўлимларини

ўз ичига олади. Чертим йўли (бўлими) таснифи мақом, тарже, пешрав, мухаммас, сақил, уфар каби шакллардан иборат ва ниҳоят мустақил қисмлардан ташкил топган. Бошланғич тани мақом ва якунловчи уфар ҳар бир мақомда биттадан бўлиб, ўртадаги қолганлари — тарже, пешрав, мухаммас, сақил 2—3 тадан бўлади. Чолғу йўли яккахонлик ва жўровозлик усулида чалинади. Яккахонликда танбур асосий соз ҳисобланади. Жўрнавозлик, асосан, танбур, дутор, най, бўламон, қўшнай, ғижжак, чанг, доирадан иборат ансамбльда амалга оширилади.

Шунингдек, Х.м.нинг дутор, сурнай йўллари ҳам мавжуд. Мас., 19—20-а. бошларида Хивада 11 та Хоразм дутор мақоми машҳур бўлган: Чапандоз, Наврўзи, Сарви Ироқ, Тошниёз, Адо ва б. Танбур йўлларидан фарқли ўлароқ улар туркумли асарлар бўлиб, ҳар биттаси 2—7 қисм (мас., «Ироқ» дутор мақоми «Ўрта уфори», «Нигорим», «Ораижон», «Бойнуҳавоси», «Сақилжон») дан иборат. Булардан «Оразбам ва уфориси», «Мажнун лали», «Ёроний», «Мискин ва уфориси», «Мўғулча уфорилари» М. *Юсупов* томонидан «Ўзбек халқ музикаси»нинг 6-жилдига киритилган.

Айтим йўли тани мақом, талқин, наср каби асосий қисмлар — шўъбалар ва улар негизида тузилган тароналар, сувора, нақш, фарёд ва уфар деб номланган вариант қисмлардан ташкил топади. Дастлаб Х.м. насрлари форс-тожик (Ҳофиз, Жомий каби) ва кейинчалик ўзбек, озар мумтоз шоирлари (Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳийлар)нинг ғазалларидан фойдаланилган.

Х.м. ва Бухоро Шашмақомининг умумий ва фарқ қилувчи томонлари мавжуд. Ташқи томондан Х.м. Ростдан, Шашмақом Бузрукдан бошланади. Х.м.да Ироқнинг ашула бўлими учрамайди. Рост мақомининг чертим йўллари асосан 6 қисмдан иборат Панжгоҳ туркумида; сувора, нақш, фарёд каби қисмлари ўзига хос хусусиятларга эга; савт ва мўғулча каби 2-гуруҳ шўъбалари учрамайди. Ички тузилиши жиҳатидан кўпчилик доира усуллари, куй йўли мураккаблиги, ижрочилик услуби мустақиллиги б-н ажралиб туради.

Х.м. Комил Хоразмий ихтиро қилган *танбур чизиғида* унинг ўзи ва ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши томонидан тўла ёзилган (1886). Ҳоз. нота ёзувида Е. Романовская чертим йўлларини («Хоразм классик музикаси», Т., 1939) ва М. Юсупов чертим ва айтим йўлларини («Ўзбек халқ музикаси», 6-жилд, Т., 1958) ёзиб олган. М. Юсупов томонидан кейинчалик нашрга тайёрланган «Хоразм мақомлари» тўпламига (Т., 1980—1987) Хоразм мумтоз мусиқасининг бошқа жанрлари (сувора, фарёд каби) намуналари ҳам киритилган. Е. Романовская, Ил. Акбаров томонидан Матёқуб *Харратов* танбурдан ижро этган айрим парчалар фонографга ёзилган (1934). Санъатшунослик институтида К. *Отаниёзов* ва К. Исмоиловлардан Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ (1949), Ҳ. *Болтаевдан* Бузрук (1952) мақомларининг ашула йўллари магнит лентасига ёзиб олинган.

Х.м. ижрочилигининг йирик намояндалари Ниёзжонхўжа, Комил Хоразмий, Феруз, Худойберган муҳаккик, Матёқуб ва Матюсуф Харратовлар, М. Худойберганов, К. Отаниёзов, Ҳ. Болтаев, М. Раҳимов, П. Юсупова, М. Юсупов, Р. Жуманиёзов ва б. бор.

Ад.: Акбаров И., Кон Ю., Хоразм мақомлари («Ўзбек халқ музикаси» китобида, 6-ж.), Т., 1958; Ражабов И., Мақомлар масаласига доир, Т., 1963; Матёқубов О., Мақомот, Т., 2004.

ХОРАЗМ МУСИҚА УСЛУБИ — Хоразм воҳасида қарор топган муайян мусиқий анъаналар мажмуи. Қадимдан маданият ва санъат маскани бўлган ушбу ҳудудда ўзига хос халқ мусиқа ижодиёти (болалар ва маросим қўшиқлари, *халфа ашулалари* ва б.), оғзаки анъанадаги касбий мусиқа (достон, талқинчи ва гўяндалар санъати, мақом ва б.) намуналари кенг ўрин тутади. Х.м.у. доирасида халқ мусиқасининг энг қад. шаклларига мансуб куй-оҳанг намуналари ўз аксини топган. Жумладан, болалар («Мамоқ мошияк», «Арпачи канги войжон», «Тузлар, хо гулларо» ва б.) ва мавсум маросим қўшиқлари («Суст хотин», «Ашшоқ дарсо» ва б.)да мусиқанинг илк босқичларига оид дастлабки тузилма ва оҳанг аломатлари, бошланғич парда асослари сақланиб қолган. Халфалар санъатидаги «ичкари»га хос ихчам диапазондаги паст овоз кўламида айтиладиган, фақат аёлларгагина хос бўлган қўшиқ ва ашулалар ўрин олган. Бунда кузалар томонидан тўйга рухсат берилгандан кейин айтиладиган «Боринг бошланг, ўғиллар бўлгай тўйингизга», тўй бошланишида «Муборакбод бўлгай этган тўйингиз» ёки келин келгандан кейин «Айлангаман келиннинг қадди бўйиниг» ва б. қўшиқлар тўйнинг ўзига хос ривожини белгилаган. Айниқса, қайроқ б-н ўйнаб айтиладиган лапар тури халқ раққосаларига жуда хосдир.

Хоразмда хонандалик, созандалик ва раққосликни ўзига касб қилиб олган санъаткорлар гуруҳлари «созанда қўшлари» дейилган. Улар икки хил таркибда, яъни 2 та сурнайчи, доирачи, танбурчи-ашулачи, созчи (гармончи)-ашулачи, раққос, масхарабоз, сўз устаси (шунинг ўзи мағалдоқчи-акробат); дорбозчи, чодир хаёл (қўғирчоқбоз) ва б.дан ташкил топган. Созанда қўшларининг вазифаси тўйда бахши достонни тугатгандан кейин ёки тўйни янада қиздириш мақсадида ўз санъатларини (*Лазги* каби куй ва рақсларни ижро этиб) намойиш қилишдан иборат. Эл орасида танилган созанда қўшларининг бошлиқларидан Ҳусайн Калот, Собир Калот, Шомурод сурнайчи, Ушли Кал (машҳур «Ушлини уфориси» ялласининг муаллифи), Дурди карнайчи, Собир Дорбоз, Хўжа Кўр, Отоқ Жонли, Кўпал Ҳожи, Баётвой, Оллаберган Ҳожи, Худойберган Вовоқ ва б. машҳур.

Х.м.у.нинг бахши-достончилар санъати ўзига хос бўлиб, алоҳида ўринга эга. Достоннинг насрий қисми ҳикоя, назмий қисми эса қўшиқ шаклида очиқ овозда чолғу ансамбль жўрлигида ижро этилади. Хоразм бахшичилиги Ширвоний ва Эроний услубларга бўлинади. Ширвоний услуб Амударёнинг юқори ва ўрта оқимидаги ҳудудда тарқалган (маркази — Хива). Бу услуб намояндалари дутор, ғижжак, бўламон ва доира жўрлигида куйлайдилар. Унда 72 та достон куйлари мавжуд бўлиб, булар: Мухаммаслар туркуми (5 та куй), Илғорлар (4), Эшвойлар (5), Найлармонлар(5), Нолишлар (7), Ширвонийлар (3), Зорижилар (2), «Раҳм айла», «Бобохоним», «Гуландом» ва б.

Эроний услуб Амударёнинг қуйи оқими ҳудудида тарқалган (маркази — Манғит ш.). Ушбу услуб бахшилари дутор, ғижжак, бўламон жўрлигида достон куйлашади. Уларнинг қўшида доира қатнашмайди. Эроний услубда 32 та достон куйлари бўлиб, уларнинг кўпчилиги Ширвоний номалар б-н ўхшаш, лекин Сарпарда, Кўр қиз, Қўшалас, Қўшим Полвон Илғори ва бошқалар б-н ажралиб туради. 18-а. охири ва 19-а. бошларида Хива хонлигида 40 дан ортиқ бахшилар фаолият кўрсатган ва улардан энг машҳурлари Эшвой бахши, Муҳаммадниёз Гўржи, Ризо бахши, Эрназар бахши, Суёв бахши, Жуманазар бахши, Аҳмад бахши, Бола бахши Абдуллаев ва б.

Х.м.у.да талқинчи ва гўяндалар ижоди аниқ бир жанр б-н чегараланмаган бўлса-да, уларнинг ўз йўллари ва ўзига хос услублари мавжуд. Айниқса, улар *суворалар* ва уларнинг сантлари ҳамда бошқа йирик шаклдаги мумтоз ашулаларни Машраб, Сўфи Оллоёр, Маҳтумқули, Мулла Нафас каби шоирларнинг тасаввуф йўлидаги ғазаллари, насиҳат ҳамда ўгитларига солиб куйлаганлар. Шунингдек, мусулмончиликни тарғиб қилувчи «Кишикнома», «Сайид Ваққос», «Кантар», «Амир Ҳамза», «Меърожнома», «Султонбобо ҳикояти», «Пайғамбарлар ҳикояти» каби номаларни ҳам ижод қилганлар. Талқинчи ва гўяндалар «Дийрадлимма» деб номланган эркин танловларда синалган, улардан Подли Дурчи, Қаландар Банги, Қуржи ота ва б. машҳур.

Ҳоз. даврда Хоразмда 15 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда мусиқа коллежида Х.м.у. бўйича ёшларга таълим берилмоқда. Уларнинг кўпчилигида халфа ва бахшилар синфлари очилган. Вилоятдаги «Қалдирғоч», «Навбаҳор», «Олтин қўллар», «Оразибон», «Муборак» ва б. ансамблларда Х.м.у.нинг ёрқин кўринишлари намоён бўлмоқда.

Ботир Матёқубов.

ХОРАЗМ РАҚСИ — ўзбек халқ рақс услуби. Хоразм воҳасида қадим замонларда шаклланган ва асрлар давомида ривожланиб келган. Х.р.да гавданинг белдан юқори қисми орқага ташланганроқ, кураклар бир-бирига яқин, тиззалар бироз эгик, оёқ учлари ёнга очилганроқ бўлади. Хотин-қизларда расмий ҳолатда бармоқ учлари пастга қаратилади, тирсаклар бироз букилади, йигитларда қўллар чўзилган, тирсаклар тўғри бўлиб, бармоқлар юқорига, кафтлари ёнга қаратилади. Хотин-қизлар билакларига зинг (майда қўнғироқчалар) тақиб ўйнайдилар. Бошларидаги тақитузи, пешоналарига боғланган манглай тузи, кўкракларига осилган шокилалар, қулоқларидаги сирғалар, билакларидаги билагузуклар ҳам рақс усулларига мос тушиб, умумий рақс образини яратишга хизмат қилади. Йигитлар устига тук рангли камзул, бошларига чугурма кийиб ўйнайдилар. Рақс жараёнида бармоқларини қирсиллатиб, гоз туриб ушаш, такла, қўл-дасталарни титратиш, елка қоқиш, чўкка сакраш, қайроқларда усул бериш аёллар ва эркаклар рақсига бирдай хос. Х.р. ҳаракатларга бой. Бизгача етиб келган «Чагалдоқ», «Норим-норим», «Алиқамбар», «Оразибон», «Мури», «Хўббимбой», «Ширинновот» ўйинлари ижросида углон раққослар ва масхарабозлар ўзини курсатган бўлса, «Ашшаларот», «Мақом уфори» каби рақсларда раққосалар устунлик қилган. «Лазги» рақс туркуми ижросида эркак ва аёл рақс усталари бирдай маҳорат б-н ўйнайдилар. Энг машҳур Онажон халфа Собирова (1885—1952) халфа томошаси таркибини сақлаш, гармон чалиш ва куйлаш, раққосларни ўйнатишда, айниқса, хотин-қизлар рақсини саҳнага олиб чиқишда катта хизмат қилган. С. Оллаберганова, Р. Ҳакимова, Р. Отажоновалар Онажон халфа ансамбли иштирокчиларидир. Х.р. ижро услубини, анъаналарини, янги ижтимоий шароитларда сақлаш ва ривожлантиришда Қамбар бола, Канарак бола Саидов, Қодирберган Отажонов, Карим Оллаберганов, Римажон Маткаримова, Матлатиф Саидов, Латиф Зарифов, Худойберган тўқ-тўқ, Гавҳар *Матёқубова* ва б.нинг хизматлари алоҳида. Х.р. услуби Хоразм вилоят театри, халқ ансамбллари, «Ўзбекрақс» бирлашмаси тасарруфидаги «Лазги» ансамбли фаолиятида давом этиб келмоқда.

Ад.: Киличев Т., Хоразм халқ театри, Т., 1988; Авдеева Л., Ўзбек миллий рақси тарихидан, Т., 2001; Каримова Р., Ўзбек рақслари, Т., 2003.

Муҳсин Қодиров.

1. Тамарахоним ижросидаги хоразмча рақс.
2. Сўгдиёна Исроилова ижросидаги хоразмча рақс.

ХОРАЗМ ТЕАТРИ, Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри — Ўзбекистондаги қўҳна театрлардан бири. 1922 й. 2 мартда «Ҳукумат уйи» номи б-н Ҳамза бошчилигида ташкил бўлган. Етук санъаткор Машариф Полвонов раҳбарлигида театр пойдеворини яратган 12 кишидан иборат (Сафо Муганний, Қ. С. Сароймонов, У. Қурбоний, Р. Юсупов, О. Бекчурина, М. Ёқубов (Шерозий), Қ. Қутлиев, М. Харратов, Ш. Садоев, Ж. Қалантаров ва б.) труппа ўз фаолиятини кичик асарлар саҳналаштиришдан бошлаган. Ҳамза ўз асарлари асосида саҳналаштирган «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жазоси», «Заҳарли ҳаёт», «Фарғона фожиалари», «Қармоқ», «Телефон», Маннон Уйғурнинг «Туркистон табиби», Ғулом Зафарийнинг «Эрк болалари» кабилар театрда қўйилган илк спектакллар бўлиб, бош ролларни Машариф Полвонов, Ёқуб Девонов, Ойша Бекчурина, Ханский, Ханская сингари актёрлар ижро этганлар. 1933 й. Хоразм маркази Урганчга кўчирилиши муносабати б-н театр ҳам Урганчга кўчирилиб, Хоразм округ давлат мусиқали драма театри номини олган. Республиканинг турли вилоятларидан истеъдодли санъаткорлар жалб этилди. М. Шерозий, Р. Омонов, К. *Раҳимов*, Қ. Искандаров, Қ. Бойжонов, М. Сафоев, О. Худоёрова, М. Худоёров, С. Девонов, С. Хожиева, О. Рўзметова, Р. Мусаев, С. Мусаева, В. Фаёзов, О. Қориева, З. Қобулов, *Тамарахоним*, А. *Турдиев*, *Охунжон қизиқ*, С. *Олимов*, Ш. *Рамазонов* ва б. шулар жумласидан. 2-жаҳон уруши йилларида театр жамоаси ҳарбий қисмларга хизмат қилдилар. Урушдан кейинги йилларда М. Шерозий, Ҳ. *Болтаев*, К. *Отаниёзов*, В. Фаёзов, Қ. Бойжонов, Н. Болтаев, Н. *Юсупова*, С. *Раҳимова*, С. Девонов, М. *Раҳимов*, З. Ғаффорова, Р. Отажонова, Р. Бойжонова, М. *Юсупова*дек санъаткорлар театрни юксак поғоналарга кўтардилар. «Макр ва муҳаббат», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ҳамлет», «Қароқчилар», «Монсерро» ва б. 50—60-й.лар яратилган энг яхши спектакллардир. 70—80-й.лар театрда юксалиш даври бўлди. З. Қобулов, А. Муҳамедов, Ҳ. Исломов, Ҳ. Аппанов, И. Ниёзматов сингари малакали реж. лар долзарб ва бадиий тўлақонли асарлар саҳналаштирдилар. Истеъдодли ёш ижодкорлар театр жамоасига келиб қўшилди. «Кечиккан севги» (А. Островский), «Миндаугас» (Марцинкявичус), «Ҳижрон» (С. Раҳмон), «Беруний» (Уйғун), «Ибн Сино» (Шаломаев), «Олтин девор» (Э. Воҳидов), «Қароқчилар» (Ф. Шиллер), «Аждодлар қиличи» (Э. Самандаров) каби спектакллар шу йиллар маҳсулидир.

Мустақиллик йиллари театр Хоразм ижодкорлари б-н яқиндан ҳамкорлик қилиши унинг ижодий равнақига ижобий самарасини берди. Н. Солаев, Қ. Матризаев, Ҳайитмат Расул асарлари театр репертуарини бойитибгина қолмай, унинг ижодий такомиллашувига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Комил Авазнинг «Марварид таққан аёл», «Феруз», «Огаҳий» мусиқали драмалари, «Жобби жужакнинг ҳийласи», «Ташкилдаги ҳангома», «Жавоҳир», «Тили асалим», «Нилуфар», «Жавлон журра» комедиялари; «Авесто — меҳр фарзанди» спектакли сўнгги йиллар саҳналаштирилган энг яхши спектакллардир. Театрга турли йилларда М. Полвонов, С. Сароймонов, З. Қобулов, Х. Аппанов, Ҳ. Исломов, И. *Ниёзматов*лар бош реж.лик, Л. *Абдуллаева*, О. *Оллаберганов*, С. Қодиров, П. Кичколар бош рассомлик, А. Отажонов, Ҳ. Бобожоновлар бош дирижёрлик, Н. Шабанов, З. Ғаффоровалар бош балетмейстерлик қилиб келдилар.

Ҳоз. кунда (2005) Г. *Раҳимова*, М. *Бобожонов*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан Ш. Рамазонова, О. Бобожонов, О. Тоғанов, Ж. Нурлаевлар, артистлардан К. Тожибоев, Ш. Шомуродов, А. Йўлдошев, П. Матёқубов, Р. Қўчқоров, С. Жуманиёзовлар театрнинг етакчи актёрларидир. Театрнинг бош реж. и — М. Қурёзов, бош рассоми — Б. Бекмуродов.

Тошпўлат Турсунов.

Хоразм театри. «Жавлон Жўрра» ва «Авесто» спектаклларидан кўриниш.

ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (ХХСР) (1920—1924) — Хива хонлиги ҳудудида хонлик тузуми ағдариб ташлангач, юзага келган халқ республикаси. Майд. 62.200 $км^2$, аҳолиси 550 минг киши (1920). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар (65%), қисман туркманлар (26,8%), қорақалпоқлар (3,8%), қозоқлар (3,4%) ва б.дан иборат. ХХСР маъмурий жиҳатдан 4 та вилоят (Ҳазорасп, Янги Урганч, Тошҳовуз, Хўжайли) ва 26 та туманга бўлинган (1923). ХХСР ҳудуди *Бухоро Халқ Совет Республикаси*, Туркистон АССР, Қозоғистон АССР б-н чегараланган. Пойтахти — Хива ш.

Хивада хонлик тузуми ағдариб ташланган кун — 1920 й. 2 фев.да Ёш хиваликлар партияси аъзоларидан иборат, (5 киши кирган) Муваққат инқилобий қўмита — ревком (раиси Мулла Жуманиёз Султонмуродов) тузилган. Бу қўмита 2 ой давомида ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро қилувчи ҳокимият вазифасини бажарган. 9 апр.да мазкур қўмита ишини яхшилаш мақсадида унинг таркибида 10 кишидан иборат дастлабки халқ ҳукумати — Нозирлар Шўроси ташкил қилинди. Ҳукумат таркибига Жуманиёз Султонмуродов (Муваққат инқилобий ҳукумат раиси; хорижия — ташқи ишлар нозири), Одамохун Ортиқов (ҳукумат раиси ёрдамчиси), Мулла Наврўз Рўзибоев (ҳукумат котиби), Мулла Ўроз Хўжамуҳамедов (ҳукумат котиби ёрдамчиси), Матлапобой Мадраҳимов (молия нозири), Шайхутдин Ҳасанов (ҳарбий ишлар нозири), Полвонниёз Ҳожи (Полёзҳожи) Юсупов (олий муфаттиш — давлат назорати нозири), Эшчонқори Жабборқулов (халқ хўжалиги нозири), Мулла Бекжон *Раҳмонов* (халқ маданияти ва маориф нозири). Бо-

боохун Салимов (адлия нозири) киришди. Асосан, ёш хиваликлардан иборат бўлган ҳукумат аъзолари Хоразмда ағдариб ташланган хонлик ҳукумати ўрнига демократик республика қуриш учун интилдилар.

1920 й. 26 — 30 апр.да Бутун Хоразм халқ вакилларининг 1 қурултойида Хоразм Халқ Совет Республикаси — ХХСР тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинган. Қурултойда 15 кишидан иборат ХХСР ҳукумати — Халқ Нозирлар Шўроси (раиси П. Юсупов) тузилди.

ХХСРнинг ёш ҳукумати БХСР, Туркистон АССР, РСФСР давлатларидан ташқари Финляндия, Швеция, Германия, Туркия, Афғонистон, Эрон каби хорижий давлатлар б-н ҳам мустақил равишда савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларни олиб боришга ҳаракат қилди. Мас., 1921 й. 24 нояб.да Афғонистонга қозикалон Бобоохун Салимов бошчилигида махсус элчилик ҳайъати жўнатилган. Хусусан, Финляндия б-н савдо-сотиқ алоқалари самарали бўлган.

1920 й. 13 сент.да Москвада РСФСР б-н ХХСР ўртасида 24 моддадан иборат Иттифоқ шартномаси ва 15 моддадан иборат иқтисодий битим тузилган. Иттифоқ шартномасига биноан, совет Россияси ХХСР мустақиллиги ва дахлсизлигини расмий суръатда тан олган. Иттифоқ шартномасининг 17-моддаси асосида алоҳида ҳарбий-сиёсий битим ҳам тузилган. Унда Хоразм қизил армияси РСФСР ҳомийлиги остида тузилиши таъкидланган.

Бироқ шартнома ва битимларда кўрсатилган асосий моддаларни, хусусан, ХХСРнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги ҳуқуқини совет Россияси тан олмай, доимий равишда ёш республиканинг ички ишларига қўпол равишда аралашиб турди, Хоразмда катта миқдордаги қизил аскарларни сақлаб, бу ҳарбий кучлар орқали мамлакатни ўзи бошқаришга интилди. 1921 й. 6 мартда Хоразмда қизил аскарлар уюштирган ҳарбий давлат тўнтаришидан кейин П. Юсупов ҳукумати ҳам ағдариб ташланди. Ҳукуматнинг собиқ раиси яширинишга улгурди. Бироқ орадан кўп ўтмай у қамоққа олинди. Большевиклар кўплаб нозирларни отиб ташлашди. Тирик қолган айрим нозирлар Жунаидхон сафига бориб қўшилган. Ёш хиваликлар партиясининг фаолияти тақиқланган. Хоразм Коммунистик партияси ташкилий жиҳатдан расмийлашди (1921 й. дек.).

ХХСР давлат бошқаруви жиҳатидан халқ демократик республикаси ҳисобланган. ХХСР Конституциясига мувофиқ, давлат ҳокимиятининг олий бошқарув органи, Бутун Хоразм халқ вакиллари қурултойи, қурултойлар ўртасида — ХХСР Марказий Ижроия Қўмитаси ҳисобланган. Ижро қилувчи олий орган (ҳукумат) — Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси саналган. Бироқ, асосий ҳокимият ХХСРда турган совет Россияси ва СССРнинг турли фавқулодда органлари қўлида бўлган.

Афсуски, Хоразмда ҳокимиятнинг янги органлари фаолияти бу гал ҳам узоққа чўзилмади. 1921 й. сент. ойида бўлган ХХСР МИК мажлисида «Ўз вазифасини бажара олмаган ва ишни чалкаштирган» деган сохта айблар б-н М. Оллоберганов ўз лавозимидан олиб ташланди ва ўлимга ҳукм қилинди. Умуман олганда, ХХСР мавжуд бўлган қарийб 5 йил давомида большевиклар томонидан ХХСР МИК раислари ва ҳукумат бошлиқларининг ҳар бири 10 марталан ўзгартирилди. Хоразмда ўтказилган бундай давлат тўнтаришлари оқибатида ўзбек халқининг кўплаб асл фарзандлари қатағон қилинди.

1920 —21 й.ларда ХХСРда аграр соҳада дастлабки ўзгаришлар амалга оширилиб, 10 минг десятина ер деҳқонларга бўлиб берилди. Бундан ташқари, уларга уруғ, деҳқончилик асбоблари ҳамда ссуда (қарз) ажратилди. Деҳқонларга кредит ҳисобидан 5 минг чорва мол сотилди. Эски суғориш иншоотларини қайта тиклаш б-н бирга янгилари ҳам қурилди. Мас., 1922 й. охиригача Хоразм деҳқонлари Ҳазораспдан Хўжайлигача бўлган ҳудудда 12 та дамба қурдилар. 1922 й.да чорикор ва камбағалларга ер бўлиб бериш учун давлат ер фонди тузишга ҳамда деҳқонларга узоқ муддатли ва қайтариб олинмайдиган ссудалар бериш учун давлат деҳқонлар банкини таъсис этишга қарор қилинди. Банкка 3 млрд. сўм маблағ ажратилган. Хуллас, 1921 —22 й.ларда 400 минг танобдан ортиқроқ ер камбағал деҳқонларга берилди.

ХХСРда иқтисодий сиёсат ва хўжалик соҳасидаги ислоҳотлар зиддиятли тарзда кечди. Хоразм Республикасидаги солиқ сиёсатида совет Россиясининг таъсири кучлироқ бўлганлиги учун синфий ёндашув яққол намоён бўлди. Солиқнинг оғир юки савдогарлар, судхўрлар ва йирик ер эгалари зиммасига тўғри келди. Қ.х.да ягона солиқ тизими (1922 й. дек.) жорий қилинди. Солиқ тўлашни тўғри йўлга қўйиш мақсадида давлат банки ва солиқ палатаси ташкил қилинди. 1923 й. июнда ҳунармандчилик ва саноат соҳасидаги солиқлар ҳам бир тизимга солиниб, давлат саноат солиги жорий қилинди. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП)нинг эълон қилиниши б-н ХХСРда карвонсаройлар, корхоналар, кўллар ва тўқайлар ижарага берила бошланди. Телефон симлари тортилиб, дарё кемачилиги тиклашга киришилди. Бир қанча йирик кўприклар қурилди. Пахта майдонларининг ҳудуди 1921 й.даги 10 минг танобдан 1924 й.да 85 минг танобга, ҳосилдорлик 100 минг пуддан 800 минг пудга кўтарилди. Умумий экин майдонлари 1913 й.даги даражанинг 62%ни, ҳосилдорлик 70 —75% ни ташкил қилди. 1924 й.га келиб, 6 та пахта тозалаш з-ди, 10 та тегирмон з-ди, ёғ з-ди, босмахона, электростанция тикланди, қоғоз ва ғишт з-длари қурилди. Савдода давлат сектори устувор мавқеини эгаллади.

ХХСР ҳукумати маданий-маърифий ва соғлиқни сақлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратди. 1920 й. баҳорида республикада янги типдаги мактаблар ташкил қилина бошланди. 1921 й. сент.да Хивада очилган халқ дорилфунуни республика маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР). 1923 й. 17 —20 окт.да бўлган Бутун Хоразм халқ вакилларининг 4-қурултойи ХХСРни Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. 20 окт.да ХССРнинг 5 бўлим ва 12 бобдан иборат янги Конституцияси қабул қилинди. Бу Конституция мамлакатнинг социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун йўли б-н мустаҳкамлади. Унга мувофиқ, ернинг хусусий мулк эканлиги бекор қилинди, вақф ерлари бутунлай тугатилди. Мавжуд ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилиниб, барча вақф мулклари маориф нозирлиги ихтиёрига берилди. Қозихоналар фаолияти тақиқланиб, совет судлари ташкил қилинди. Шу тарзда 1923 й. окт. ойидан бошлаб Хоразм Республикасида чекли демократик ўзгаришларга чек қўйилди. Хоразмни советлаштириш жараёни ўзининг юқори босқичига кўтарилди. Ҳукуматнинг кескин янги сиёсатидан норози бўлган бартча кишилар бундай вазиятда истиқлолчилар сафини тўлдирдилар. *Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат* Хоразм воҳасига ҳам кенг тарқалган эди. ХССРнинг марказий ва жан. қисмларида кўплаб сардор ва қўрбошиларнинг ҳаракатлари янада авж олди.

1923 й. дек.да Питнак, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманларида янги совет ҳукуматига қарши деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари бошланиб кетди. Қўзғолончилар жойлардаги совет ташкилотларини тугатиб, мамлакат пойтахти Хива ш. устига юриш бошладилар. Қорақумда турган Жунаидхон қўшинлари ҳам ғарб томондан, бир вақтнинг ўзида шаҳарга қараб ҳаракат бошлади. 1924 й. 10 янв.дан бошлаб Жунаидхоннинг 15 минг кишилик отлиқ ва пиёдалардан иборат қўшини Хивани қамал қилишга киришган. 16 янв.да ХССРда ҳарбий ҳолат жорий қилинди. Қизил армия қўмондонлиги зудлик б-н Хоразмга катта миқдордаги ҳарбий кучларни жўнатгач, 1924 й. фев. ойининг бошларида халқ қўзғолони бостирилди ва большевиклар давлатининг янги жазолаш (қатағон) органларини ташкил қилишди. 1924 й. 20 фев.да совет прокуратураси тузилди. Шунингдек, Хоразмдаги вилоятларда 5 та совет халқ судлари ҳам ташкил қилинди. Бу даврда ҳарбий трибунал ва Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) фаолияти янада кучайтирилди. Бу жазолаш органлари коммунистик мафкурани тан олмаган ҳар қандай кишиларни қатағон қилишни авж олдирди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО)нинг тазйиқи натижасида 1923 й. ёзида Хоразмдаги миллий валюта РСФСР рублига (10 Хоразм сўмига 1 РСФСР рубли нисбатида) алмаштирилган эди. 1924 й.дан бошлаб Хоразм Республикаси ҳам худди БХСР сингари СССРнинг ягона банк ва молия тизимига тўлиқ тортилди. ХССР армиядан кейин давлат мустақиллигининг муҳим тимсоли бўлган миллий валютадан ҳам маҳрум қилинди.

Бутун Хоразм халқ вакилларининг 5-қурултойи (1924 й. 29 окт. — 2 нояб.) Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш муносабати б-н ХССР тугатилишини эълон қилди. ХССРнинг ўзбеклар яшайдиган 23 та тумани янгидан ташкил қилинган Ўзбекистон ССР таркибига Хоразм вилояти қилиб киритилди. ХССРнинг қолган ҳудудлари Туркманистон ССР ва Қорақалпоқ мухтор вилояти (Қозоғистон АССР таркибида)-га қўшилди. 1924 й. 23 нояб.да ХССР МИК ва 30 нояб.да Халқ Нозирлар Шўроси ўз фаолиятини тўхтатди.

Ад.: Полвонниёз Хожи Юсупов, Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар), Урганч, 1999; Маткаримов М., Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди, Урганч, 1993; Хива минг гумбаз шаҳри, Т., 1997; Хоразм тарихи, 2-ж., Урганч, 1997; Ўзбекистон янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ражабов Қ. К., Мустақил Туркистон фикри учун муҳолалалар, Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари, Т., 2001.

Қаҳрамон Ражабов.

ХОРАЗМ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ, Хоразм вилоят давлат қўғирчоқ театри — болалар театри. 1993 й. Хива ш.да ташкил бўлган. Театрнинг ташкил топишида Санъат ин-тининг «қўғирчоқ театри» бўлимини битказган махсус «Хоразм гуруҳи» б-н биргаликда Огаҳий номидаги театр қошидаги «қўғирчоқ театри» студияси актёрлари асос бўлди. Театр ўзига хос ижод йўли ва услубига эга бўлиб, замонга ҳамнафас спектакллар б-н бир қаторда халқ эртаклари, мумтоз асарларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда, класс концерт, шоу томошалари б-н томошабинни мамнун этмоқда. «Афанди ҳангомалари» (М. Курёзов) театрнинг илк спектаклидир. Кетма-кет «Тўғри ва эгри», «Сирли сандиқ», «Чодир жамол», «Кашмир қўшиғи» (Ш. Рашидов), «Сусамбил» (М. Қодиров) каби спектакллар саҳналаштирилди. Театр ижодкорлари турли мавзуларга мурожаат этган ҳолда спектаклларга болаларни фақат хаҳолликка, меҳнатсеварликка, оқил ва билимдон, ватанга, халқига, ота-онасига муҳаббатли бўлишга ундовчи энг муҳим тарбиявий восита сифатида қарамоқда. «Туҳмат тош ёрар», «Шоҳсанам қиссаси», «Дўстлик боғи» (С. Козлов), «Тилла «Африка қўшиғи» (Д. Сабуров), «Тилла тарвуз», «Янги йил эртаги» (О. Абдулаев), «Қизил танлилар сардори» (О. Генри), «Олтин балиқ» (А. С. Пушкин), «Ишламаган тишламайди» (У. Хўжаниёзов), «Тулки ҳийласи» (М. Ашурова), «Тўтихон шоу» (класс концерт), «Ўрмондаги базм» (шоу томоша) ва б. театр саҳнасидан ўрин олган энг яхши асарлардир. Роҳила Матниёзова, Юсуфбой Юсупов, Умид Досов, Даврон Исмоилов, Фароғат Саидназарова ва б. театрнинг етакчи актёрларидир.

«Хоразм лазгиси» спектаклидан.

«ХОРАЗМ ҲАҚИҚАТИ» — ижтимоий-сиёсий газета. Урганч ш.да ҳафтада 2 марта чоп этилади. Муассиси: Хоразм вилояти ҳокимлиги. Дастлаб, 1920 й. 8 мартдан «Инқилоб қуёши» номи б-н нашр қилинган. 1939 й. 1 янв.дан ҳоз. номда. 1921 й. Хоразмга келган Ҳ.Ҳ. Ниёзий газета фаолиятини мустаҳкамлашга ёрдам берган. Давлат ва жамоат арбоблари Карим Болтаев, Қурбон Берегин, Худойберган Девонов; ёзувчи ва шоирлар Фақирий, Мутриб, Партав, Чокар, Муғанний, Саид Назарий, Умар Қурбоний, Маҳмуд Исмоилов, Эшмурод Девонов, Ҳайит Эшмуродов ва б. газ.нинг илк мухбирлари бўлган. Саҳифаларида вилоят ҳаётига доир иқтисодий-ижтимоий, маънавий масалалар ёритиб борилади. 1996 й. 3 апр.дан «Х.ҳ.» ва *«Хорезмская правда»* газ.лари бирлашган таҳририяти ташкил этилди.

Газ.га турли даврларда Бекжон Раҳмонов, Афзал Тагиров, Шариф Булатов, Раҳмат Мажидий, Қурбон Берегин, Отахон Тошхўжаев, Эгам Раҳимов, Эркин Самандаров, Карим Қурбонов муҳаррирлик қилганлар. Ҳоз. муҳаррири Рустам Искандаров (1996 й.дан). Адади 3443 (2005).

ХОРАЗМИЙ, Абу Жаъфар (Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783, Хива — 850, Бағдод) — ўртаосиёлик буюк математик, астроном, географ, фан тарихидаги илк қомусий олимлардан. Дастлабки маълумотни Хива ш.да олган ва етук олим бўлиб шаклланган. Бунда араб истилосидан сўнг муайян даражада сақланиб қолган қадимги Хоразм фани анъаналари асосий роль ўйнаган. Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли ва унинг Хуросондаги волийси ал-Маъмун ҳузурига — Марвга таклиф этилган. 819 й.да Бағдодни эгаллаган ал-Маъмун туркистонлик олимлардан Х., *Аҳмад ал-Фарғоний*, Ҳабаш ал-Ҳосиб Марвазий, Абул Аббос Жавҳарий ва б.ни ўзи б-н олиб кетиб, ўзига хос илмий жамоа ташкил этган. Бу жамоа фан тарихидаги дастлабки расмана академия деб қаралади ган илмий муассаса — *«Байт ул-ҳикмат»* («Донишмандлик уйи») нинг ўзагини ташкил этган. Бу академияда Х. етакчи олим ва илмий раҳбар бўлган. У шу даврдан бошлаб Бағдодда ал-Маъмун (813 — 833), сўнг ал-Мўътасим (833 —842), ал-Восиқ (842 —847) халифалиги даврларида яшаб ижод этган.

Х.нинг бизгача ўнтача асари тўлиқ, қисман ёки айрим парчалар тарзида етиб келган. Шу асарларнинг ўзиёқ кўрсатадики, Х. инсоният цивилиза-

Хоразмий ҳайкали (Хива ш.).

циясига буюк ҳисса қўшган олимдир. Америкалик фан тарихчиси Жорж Сартон Х.ни «Ўз замонасининг энг буюк математиги, агар барча ҳолатлар эътиборга олинса, барча замонларнинг энг буюк математикларидан бири», деб баҳолаган. Бундай баҳо Х.нинг математика тарихида тутган беқиёс ўрни туфайлидир.

Мил. ав. 6-а.дан милодий 5-а.гача равнақ топган юнон маданияти 4-а.га келиб инқирозга юз тутди. 415 й.да юнон фанининг хазинаси бўлган Искандария кутубхонаси вайрон қилиниб, минглаб китоблар ёқиб юборилди. Натижада фан тараққиётдан тўхтаб, хатто қўлга киритилган ютуқлар ҳам унутила бошлади. 4 —8-а.ларда олис Хитой ва Ҳиндистондаги айрим олимлар фаолиятини ҳисобга олмаганда Константинополь (Византия) ва Гандишапурда (Эроннинг ҳозирги Ҳузистон вилоятида) жон сақлаган юнон олимлари, айрим сурёний, яҳудий ва насроний руҳонийлари омон қолган юнончa китобларни сақлаш, таржима қилиш, шарҳлар битиш билангина шуғулланган, диний эҳтиёжлар туфайли айрим астрономик кузатувларгина олиб борилган.

9-а.да Араб халифалиги кучайиб, унинг пойтахти Багдод улкан иқтисодий-ижтимоий марказга айланди ва бу ерга илм аҳли оқиб кела бошлади. Ал-Ҳажжож ибн Матар ал-Куфий, Абу Закарийя Яҳё ибн ал-Битрик, Ҳунайн ибн Исҳоқ, Қуста ибн Лукё ал-Баалбакий ва б. юнон олимларининг асарларини, Муҳаммад ал-Фазарий, Яъқуб ибн Тарик ва б. олимлар ҳинд тилидаги китобларни араб тилига таржима қила бошладилар, араб тилида дастлабки шарҳлар битилди. Лекин фан янги марраларни эгаллаши учун уни янги ривожланиш босқичига кўтариш лозим эди. Фан тарихчиси Адам Мец ибораси б-н «Мусулмон ренессанси» деб аталган фан тарихидаги бу ҳодиса биринчи навбатда Х. номи ва илмий жасорати б-н боғлиқ.

Х. Багдодда юнон фанининг ютуқларини ўрганади, ҳинд ва эрон манбалари, хатто бевосита Бобилдан қолган айрим фактлар ҳамда хитой манбалари б-н ҳам танишади, уларни ўзининг муҳим кашфиётлари б-н бойитади ва фан тарихида абадий из қолдирган фундаментал асарлар яратади. Шунинг учун Х. ўзигача мавжуд бўлган цивилизация меросини синтез қилиб, бойитиб жаҳонга ёйган фан даҳоси ҳисобланади.

Х. *алгебра* фанига асос солгани, бу фан атамаси унинг «Китоб мухтасар мин ҳисоб *ал-жабр вал-муқобала*» («Ал-жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб») асари номидан келиб чиққани яхши маълум. Лекин баъзан Х. фақат ўзидан аввал маълум бўлган чизиқли ва квадрат тенгламалар ечиш усулини тизимга солган, деган нуқтаи назар учрайди. Бу фикр Х. асари шу мавзудан бошланганлиги туфайли пайдо бўлган. Ҳолбуки, Х.нинг китоби, биринчи навбатда, алгебраик ҳисобга бағишланган. Бу шундан ҳам кўринадики, китоб номи икки муҳим алгебраик амал — ал-жабр ва ал-муқобала б-н аталган. Х. алгебраик амалларни, аввал тенгламаларни ечишда қандай қўлланишини баён этиб, сўнг алгебраик шакл алмаштиришларига ўтган. Акс ҳолда китобнинг мақсадини тушуниш қийин бўлар эди. Х. асари 12-а.нинг бошларида кремоналик Герардо, честерлик Роберт томонидан лотинчага таржима қилинган, номи қисқариб «алжебра» (француз, инглиз тилларида), «алгебра» (немис, рус тилларида) деб атала бошлаган ва фан номига айланиб кетган.

Унинг муқаддимасида китоб нима мақсадда ёзилгани баён қилинади: «Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Ал-жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ни таълиф қилдим, чунки мерос тақсимлашда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда, алдашиларида, савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда, геометрияда ва б. шунга ўхшаш турли ишларда кишилар учун бу зарурдир».

Китоб уч қисм (китобдан иборат. Унинг 15 бобли биринчи қисми «Китоб ал-мухтасар фил-жабр вал-муқобала» деб номланган ва соф математик фактлар баёнига бағишланган. Хусусан, унда Қад. Бобилдан маълум бўлган биринчи ва иккинчи даражали тенгламаларни ечиш усуллари баён қилинган. Х. манфий сонлардан фойдаланмагани учун тенгламаларни қуйидаги кўринишда қарайди:

$$ax^2=bx,\ ax^2=c,\ bx=c,$$
$$ax^2+bx=c,\ ax^2+c=bx,\ ax^2=bx+c.$$

(Улар ҳозирги фан тилида биринчи ва иккинчи даражали тенгламаларнинг мусбат сонлар ярим майдони устидаги каноник кўринишларидир).

Х. ҳар бир ҳолда тенгламани ечиш қоидалари ҳамда уларнинг қатъий исботларини келтиради. Исбот гарчи ташқи кўринишда геометрик тилда баён қилинса-да, моҳиятан ҳозирги алгебраик исбот б-н мос тушади.

Китобнинг кейинги бобида алгебраик ҳисоб, хусусан, алжабр ва муқобала амаллари баён қилинади. Бу бобда «иррационаллик» тушунчаси киритилади, «шоҳалар қондаси» келтирилади, ҳозирги ёзувда

$$(10+\tfrac{x}{2})(\tfrac{1}{2}-5x)=5-2\tfrac{1}{2}x^2-49\tfrac{3}{4}x;$$
$$(20-\sqrt{200})-(\sqrt{200}-10)=30-\sqrt{800};$$
$$2\sqrt{x}=\sqrt{2\cdot 2x}=\sqrt{4x};\ \sqrt{\tfrac{1}{2}}\cdot\sqrt{\tfrac{1}{3}}=\sqrt{\tfrac{1}{6}}$$

кўринишда ёзиладиган кўплаб мисоллар кўрилади. Китобнинг навбатдаги икки боби алгебрадан масалалар тўпламидан иборат бўлиб, ал-жабр ва муқобала амаллари б-н ечиладиган мураккаброк мисолларга, «Ўлчашлар ҳақида боби» *геометрия*га бағишланган. Унда шаклларнинг юз ва ҳажмларини ўлчаш қоидалари, Пифагор теоремаси ва б. фактлар баён қилинган. Бу боб ҳажм жиҳатдан кичик бўлса ҳам, ўша давр амалиёти учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган. Лекин муаллиф муқаддимада қайд этганидек, бу бобдан кўзланган асосий мақсад геометрияни баён қилиш эмас, балки алгебра геометрияда ҳам қўлланишини намойиш қилиш бўлган. Мас., уч томони берилган учбурчакнинг баландлиги алгебра воситасида топилишини кўрсатилган.

Китобнинг қолган икки қисми «Васиятлар китоби» ва «Тақсир айланишлари ҳисоби ҳақида» деб номланиб, мусулмон фиқҳи бўйича, хусусан, мерос тақсимлашга оид масалалар алгебра усуллари б-н қандай ҳал этилиши кўрсатилган.

Шундай қилиб, «Ал-жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»алгебра асослари ҳамда алгебрани амалда татбиқ этишга бағишланган мукаммал дарслик бўлган (яна қ. *«Ал-жабр вал-муқобала»*).

Цивилизация тараққиётида сонлар ва арифметик амаллар қандай ўрин тутиши равшан, бусиз жамият тараққиётини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Бутун умумбашарий маданиятнинг энг оддий унсурига айланиб кетган сонларни ўнли саноқ системасида ёзиш ва улар устида арифметик амалларни бажариш қоидалари Х.нинг «Арифметика» асари туфайли жорий бўлган.

«Алгебра» қўлёзмасининг 1-саҳифаси (Оксфорд, Буюк Британия).

Ган шундаки, ҳинд олимлари томонидан кашф этилган сонларни ўнта рақам ёрдамида ёзиш усули Х.гача ҳам Яқин Шарқ олимларига маълум эди. Лекин шунга қарамай ҳинд ҳисоби кенг ёйилмаган. Х.нинг буюк хизмати шундаки, у ўнли саноқ системасининг аҳамиятини биринчи бўлиб пайқаб, содда ва лўнда услубда баён қилиб берган. Шу туфайли Х.нинг китоби ҳам, ўнли саноқ системаси ҳам тез орада Шарқий Туркистондан Испаниягача бўлган ҳудуддаги мусулмон дунёсига, 12-а.дан бошлаб Европага тарқалди. Шунинг учун Х.ни бутун инсониятни *арифметика*га ўргатган устоз ҳисоблаш мумкин.

Ўрта асрларда *математика, астрономия* ва б. фанлар соҳасида ёзилган юзлаб олимларнинг китоблари орасида айнан Х. асарлари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам энг кўп тарқалгани ва умуминсоний тараққиётга энг кўп ҳисса қўшгани б-н ажралиб туради. Бунга Х. кенг қўллаган оригинал баён услуби сабаб бўлган. Бу услуб тагида *алгоритм* ғояси ётади. Х.нинг бу ғояси замонлар ўтиши б-н кўпроқ аҳамият касб этиб бормоқда ва бугунга келиб жамият тараққиётининг энг муҳим омилларидан бирига айланди — рақамли ахборотни қайта ишлаш шунга асосланади.

Алгоритм намуналари (мас., Эвклид алгоритми) юнон математикасида учрайди. Х. алгоритмик мушоҳадаларнинг қийин ва мураккаб мавзуларни баён қилишдаги аҳамиятни тўғри баҳолаб, уни ўз асарларида мунтазам равишда қўллаган, мушоҳада ва баён услубига айлантирган. Ўрта асрларга келиб, Европада аввал тўрт амални бажариш қоидалари, сўнг умуман арифметика, 18-а.дан ҳар қандай қатъий тартибдаги математик қоидалар, 19-а.дан ҳисоблаш машиналари учун дастурлар «алгоритм» деб атала бошлаган. 20-а. ўрталарида алгоритм тушунчаси компьютерлар фанининг ўзак концепциясига айланган бўлса, аср охирида у математика ва информатика доирасидан чиқиб, барча табиий фанлар ва техникада тафаккурнинг зарурий унсури — алгоритмик мушоҳада қобилияти даражасига етди. Х.нинг нисбаси алгоритм атамасига айланган тарихий адолатдир.

Х. «Арифметика»си сонлар табиати ҳақидаги умумий мушоҳадалардан бошланади. Сўнг исталган бутун мусбат сонни ўнта рақам орқали ёзиш усули, яъни ўнлик саноқ системаси ва унинг афзалликлари баён қилинади. Сўнг бу саноқ системасида ёзилган сонларни қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш қоидалари баён қилиниб, мисоллар б-н тушунтирилади. Шундан кейин Х. каср сонлар ҳақида тушунча беради ва улар устида арифметик амалларни оптимал саноқ системасига асосланиб бажариш қоидаларини айтади.

Китоб беш қисмининг (уч яримни саккиз бутун ўн бирдан учга кўпайтириш мисолигача) лотинча таржимаси сақланган, холос. Тарихчилар асарнинг қолган қисмлари ҳақида бир фикрга келолмаган. Таржималардан бир нусхаси «Магистр А. томонидан тузилган ал-Хоразмийнинг астрономия санъатига кириш китоби» деган сўзлар б-н бошланиб, у 1143 й.да кўчирилган (Вена да сақланади). Иккинчи рисоланинг нусхаларидан бири ҳам шу даврга мансуб бўлиб, испаниялик Юҳаннога тегишли (Парижда сақланади).

Бу манбаларга кўра, Х. «Арифметика»сининг давомида сонларни иккилантириш, иккилаш (яъни иккига бўлиш) ва квадрат илдиз чиқариш амаллари баён қилинган.

Мутахассислар Миланда сақланаётган «ал-Хоразмийнинг бутун квадривиумга мукаддима китоби» қўлёзмасига асосланиб, Х. «Арифметика»си аслида квадривиум, яъни арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа қисмларидан иборат бўлган деб тахмин қилишади. Булардан ташқари, қад. қўлёзмаларда Х.нинг «Китоб ал-жамъ-вал-тафриқ» («Қўшиш ва айириш китоби») асарига тегишли деб кўрсатилган парчалар учрайди. Бу фактга кўра, Х. арифметикага оид яна бошқа асарлар ҳам ёзган.

«Арифметика»нинг лотин тилидаги саҳифаси (Кембрик, Буюк Британия).

Х.нинг фан тараққиётида чуқур из қолдирган яна бир асари «Зиж»дир. У назарий астрономия ва астрономик жадваллардан иборат бўлиб, арабча қўлёзмалари сақланмаган. Маслама ал-Мажритий (10-а.) томонидан қайта ишланган вариантнинг лотинчага ва испанчага таржималари етиб келган.

Х. «Зиж»и ўрта асрлар фанидаги астрономияга оид дастлабки асар бўлиб, 37 бобдан иборат ва 116 та жадвални ўз ичига олади. Унда турли тақвимлар, хронология, Қуёш, Ой, сайёраларнинг ҳаракати, буржлар ва б. ҳақида маълумотлар келтирилган. Хусусан, Қуёш ва Ой ҳаракати тенгламалари ва тутилиш муддатларини аниқлаш қоидалари, синуслар жадваллари, географик нуқталарни топиш қоидалари берилади. «Зиж»да биринчи марта тангенс функцияси киритилган.

Х. «Зиж»и ҳам астрономия ва тригонометриянинг кейинги тараққиётида намуна вазифасини ўтаган.

Х.нинг «Китоб амал бил-астурлобот» («Астролябиялар б-н амаллар ҳақида китоб») асарида қад. ва ўрта аср астрономиясининг асосий кузатув асбоби бўлган астролябия (арабча астурлоб) ясаш ва ундан фойдаланиш, осмон ёритқичларининг баландлиги, буржларга кириш вақти, бир кунлик ҳаракати ва эклиптик координаталари, географик объектларнинг координаталари, янги Ой чиқиш муддатларини аниқлаш ва б. аниқ ва лўнда қоидалар тарзида (алгоритмик услубда) баён қилинган. Бундан ташқари, китобда аср намози вақтини аниқлаш, синус-квадрант деб аталувчи асбоблар тўғрисида ҳам сўз боради. Бу эса Х. илмий асбобсозлик б-н ҳам шуғулланганлигидан далолат беради.

«Зароиф мин амал Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий маъриф ас-самтбил-астурлоб» («Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг астролябия ёрдамида азимутни аниқлаш бўйича амалларидан келиб чиқадиган зариф фикрлар») номли кичик асарида (қўлёзмаси Истанбулдаги Аё София кутубхонасида сақланади) астрономиянинг икки масаласи — Қуёш азимутини ва меридиан чизиғини аниқлаш, Ернинг ўша даврда маълум қисми — Ойкуменанинг етти иқлимга бўлиниши, ҳар бир иқлим учун буржларнинг кўтарилиш вақтлари тўғрисида маълумотлар келтирган.

«Қуёш соати текислигида соат ясаш» (Аё София кутубхонасида сақланади)



Қуёш соати схемаси.

китобида горизонтал текисликда қуёш соати ясаш, яъни совоқ мил вазифасини ўтовчи пластинка — гномон ўрнатиш ва соат шкаласини чизиш қоидаси. Гномон соясининг шкалаларги ҳолатига қараб вақтни аниқлаш усули баён қилинади. Гномон соясининг учи сирпанадиган чизиқ — гиперболани ясашда қутб координаталари системаси қўлланган ва бу аналитик геометрияга оид дастлабки фактлардан ҳисобланади. Х.нинг «Яҳудийлар тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола» (Ҳиндистоннинг Патна шаҳрида сақланади) асари олимнинг этнография б-н шуғулланганидан далолат беради. Бу асарда яҳудий тақвими, уни бошқа тақвимларга ўтказиш қоидалари, яҳудийлар байрамлари ва уларни тақвимда белгилаш қоидаларини, айрим муҳим астрономик маълумотларни беради. Қуёш йилининг уз. 365 куну

$5\frac{3701}{4101}$ соат, яъни 365,242265 кунга

тенг эканлиги айтилади. Бу ўз даври учун жуда аниқ маълумот бўлган. Тарихчилар бу асар аслида Х.нинг этнография ва тақвимларга оид йирик асаридан кўчириб олинган парча бўлиши керак, деб тахмин қилишади.

Х. юнон олими *Птолемейдан* кейин яшаган буюк географларидан биринчиси саналади. Унинг «Сурат ал-Арз» асари (бошқа номи «Ал-Хоразм географияси», тўлиқ номи Птолемей тақдиф этган «География» китобидан Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий таскин этган Ер сурати — шаҳарлар, тоғлар, денгизлар, ороллар ва дарёлар китоби») фан тарихидаги муҳим манбалардан биридир. Китоб Птолемейнинг «География»си асосида ёзилган бўлса-да, шунчаки шарҳ эмас, балки мустақил асар ҳисобланади. Унда биринчи марта Ер сиртини етти иқлимга бўлиш илмий ёндашув б-н, иқлимларнинг географик катталиклари асосида берилган ҳамда 2402 географик объект ҳақида маълумотлар, хусусан, уларнинг кенглиги ва узунлиги келтирилган (бу маълумотларнинг кўпчилиги Птолемей «География»сида берилмаган). Хусусан, Х. география тарихида биринчи марта Тинч океанини тилга олади. У ўзи яшаган жойлардан жуда узоқдаги бошқа объектлар: Атлантика ва Ҳинд океанларидаги ороллар, жумладан, Буюк Британия, Ирландия, Саранди (Шри Ланка) жойлашувини тўғри тасвирлайди. Китобда тасвирланган хариталар харитаграфия тарихида муҳим ўрин тутади. Бу китоб 12-а.гача лотин тилига таржима қилинган ва география фани ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Х.нинг «Китоб ат-тарих» (Х. «Тарих»и) асарида Муҳаммад (ас) ҳаёти б-н боғлиқ саналар, исломи тарихидаги муҳорабалар, Қуёш тутилишлари, 713 йил 10 мартда Антиохия шаҳрида юз берган даҳшатли зилзила, халифаликдаги сиёсий ҳодисалар қайд этилган. Афсуски, бу асар бизгача етиб келмаган. Лекин ундан олинган кўчирмалар жуда кўп тарихнавис олимлар (Беруний, Ёқут Румий, Яъқубий, Элиас Бар Шинойи, Ҳамза Исфаҳоний, ат-Табарий, ал-Масъудий ва б.) китобларида учрайди. Бундан кўринадики, Х.нинг «Тарих»и ўз даврида машҳур бўлган ва кенг тарқалган. Асар ўша даврнинг бошқа тарихчилар ёзган китобларидан воқеаларни аниқ қайд этилиши б-н ажралиб туради.

Аҳмад ал-Фарғоний астролябиянга оид асарида Х.га тегишли сфера геометрияси ҳақидаги асарни эслатади, аммо у ҳозиргача топилмаган. Х. фаннинг бешдан ортиқ соҳасини фундаментал янгиликлари б-н бойитгани сабабли фан тарихидаги илк қомусий олим деб саналишга ҳақли. Х. бошлаган бу анъана кейинчалик *Ибн Сино, Беруний, Леонардо да Винчи, Лейбниц, Ломоносов, Франклин* каби олимлар томонидан давом эттирилган.

Х.нинг илмий меросига қизиқиш унинг ҳаётлик давридаёқ бошланган. Замондошларидан Аҳмад ал-Фарғоний, Хутталий ва б. унинг асарларига шарҳлар ёзишган. Х. ўзининг «Зиж»ини ёзишда ҳинд «Синдҳанта»ларига ва Птолемейнинг «Алмагест» асарига таянган бўлса, «Алгебра», «Арифметика»ва б. асарлари батамом оригинал асарлар саналади. Х. асарларининг мундарижаси, тузилиши ва баён услуби кейинги олимлар учун намунага айланади. Шу б-н бирга унинг ижоди фаннинг кейинги тараққиёти учун муҳим погона вазифасини ўтади. Мас., Беруний Х.нинг «Зиж» ига атаб учта рисола битган.

Х. асарлари 12-а. бошидаёқ Европа шаҳарларига кириб боргани маълум. Китобларга эҳтиёж кучайганидан сўнг улар лотинчага таржима қилинган. Х. нинг «Алгебра», «Арифметика», «География»си ва «Зиж»и 16-а.гача дарслик вазифасини ўтаган. Х. асарлари ўша даврларда Ҳиндистонга ҳам олиб кетилгани ҳақида далиллар мавжуд.

19-а. бошларида Х. меросига тарихий нуқтаи назардан қизиқиш бошланган. Х. «Алгебра»сини 1817 й.да К. Коулбрук қисман, 1831 й.да Ф. Розен тўлиқ ҳажмда Лондонда, 1838 й.да Г. Либри Парижда чоп эттиради. Ҳозир бу асарнинг инглизча (Л.С. Карпинский, 1915 й., АҚШ), арабча (А.М. Мушаррафа, 1939 й.), русча (Ю.Х. Копелевич, Б.А. Розенфельд, 1964 й.) ва б. нашрлари мавжуд.

Х.нинг «Арифметика»сини биринчи марта Б. Бонкомпаньи Римда (1857), К. Фогель Германияда (1963), А.П. Юшкевич Москвада (1954) чоп эттиришган.

Х. «Зиж»ини ўрганишга ҳам катта эътибор берилган. Уни 1914 й.да Н. Зутер, сўнг О. Нейгебауэр (1962),

Нил ҳавзасининг Хоразмий чизган харитаси (Страсбург, Франция).

В.Миллас, Гольштейн (1963) ва б. нашр қилишган. 1919 й.да Ф. Ж. Видеман «Астролябия» б-н амаллар ҳақида китоб»ини нашр этган.

Х.нинг «География»си биринчи марта Х. фон Мжик (1926) томонидан чоп этилган. Олимнинг бошқа қўлёзмаларини излаб топиш, ўрганиш, чоп этиш ва таржима қилиш — математика тарихи соҳасининг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда.

1983 й.да Х. таваллудининг 1200 йиллиги муносабати б-н унинг барча асарлари рус тилида (А.Аҳмедов, А.П.Юшкевич, Б.А. Розенфельд ва б. таржималарида) ҳамда Тошланган асарлари ўзбек тилида (А. Аҳмедов таржимасида) нашр этилди.

Х. илмий меросини ўрганиш ва унинг фан тараққиётига қўшган ҳиссасини тарғиб қилишда номлари юқорида зикр этилган олимлардан ташқари Ж. Сартон, Э.С. Кеннеди, Д. Кинг (АҚШ), С.А. Наллино (Италия), Х. Земанек (Австрия), А. Аллар (Бельгия), Р. Рашед (Франция), С. Брокельман, Д. Самплониус (Германия), М. М. Рожанская (Россия) ва б. ҳам муҳим ҳисса қўшган.

Ўзбекистонда Х. ҳаёти ва фаолияти б-н биринчи бўлиб Т.Н. *Қори-Ниёзий* қизиққан. 1960-й.лардан С.Х. *Сирожиддинов* ва Г.П. Матвиевская раҳбарлигида Яқин ва Ўрта Шарқ фани тарихи, жумладан, Х. меросини ўрганиш ва дунё миқёсида тарғиб қилиш бўйича кенг кўламда илмий тадқиқотлар бошлаб юборилди. 1983 й.да буюк олим таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб ўтказилган Халқаро илмий анжуман (Москва, Тошкент ва Урганч ш.да) Х.нинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнини белгилашда муҳим тадбир бўлди.

Урганч давлат ун-ти, Ўзбекистоннинг турли жойларида кўплаб мактаб ва б. объектлар Х. номи б-н аталган.

Ас. Танланган асарлар, Т., 1983; Математические трактаты, Т. 1964; Астрономические трактаты, Т., 1983.

Ад.: Сираждинов С. Х., Матвиевская Г. П., Ал-Хорезми — выдающийся математик и астроном средневековья, М., 1983; Салье М. А., Муҳаммад ал-Хоразмий — великий узбекский учёный, Т., 1954; Салье М. А., Улуғ ўзбек олими Муҳаммад ал-Хоразмий, Т., 1955; Абдурахмонов А., Ал-Хоразмий — буюк математик, Т., 1983; Мухаммад ибн Муса ал-Хорезми. К 1200 летию со дня рождения, М., 1983; Великий ученый средневековья ал-Хорезми, Т., 1985; Булгаков П.С., Розенфельд Б. А., Ахмедов А. А., Муҳаммад ал-Хоразмий, М., 1983.

Абдулла Аъзамов.

ХОРАЗМИЙ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий (10-а.) — тарихчи. Балхда туғилган, *сомонийлар* амири *Нуҳ ибн Мансур* саройида хизмат қилган. Сомонийлар вазири Утбийга атаб қомусий асар «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калити») номли асар ёзган. Асарда араб тилида кўп ишлатиладиган атамаларнинг изоҳлари берилган. Атамалар фанлар бўйича алоҳида-алоҳида бўлим (15 бўлим) қилиб берилган. Айниқса, маъмурий масалаларга (иш юритиш, солиқлар тартиби масалалари, сувдан фойдаланиш, шунингдек, об-ҳаво) оид бўлимлари муҳим тарихий аҳамиятга эга.

ХОРАЗМИЙ (14-а.) — шоир. Ўзбек адабиётининг Навоийгача бўлган атоқли вакилларидан, *ғазал* жанрининг асосчиси. Ҳаёти ва ижоди ҳақида айрим маълумотлар унинг бизгача сақланиб қолган ягона асари «Муҳаббатнома» орқали етиб келган. «Муҳаббатнома» Олтин Ўрда хони Жонибекнинг ҳукмдорларидан Муҳаммад Хўжабекнинг таклифи б-н 1353 й.да ёзилган. «Муҳаббатнома»нинг «Баёни воқеи айтур» қисмидан маълум бўлишича, Х. илгари ҳам кўп шеърлар ёзган, айниқса, муҳаббат мавзуидаги асарлари б-н шуҳрат қозонган, лекин улар форсийда ёзилган бўлиб, Муҳаммад Хўжабек шоирдан ишқий мавзуда туркийча китоб ёзиб беришни илтимос қилган. Х. асарининг майдонга келишида Авҳадий Марағавий (1274—75; 1337—38)нинг форсча ёзилган «Муҳаббатнома» достонининг таъсири бўлган. Лекин Авҳадийда номалар ошиқ ва маъшуқа номидан ёзилган бўлса, Х.да ошиқнинг маҳбубасига йўллаган шеърий номалари жамланган. Ҳар бир мактуб муаллифнинг чуқур кечинмалари, мурожаати б-н бошланса-да, унда маъшуқа ҳусну жамоли, феъл-атворининг муболағали тасвири биринчи ўринга чиқади. Номалар моҳият эътиборига кўра, васф б-н мадҳнинг синтезидан иборат.

Асар б-н Навоий ҳам таниш бўлган. «Муҳокамат ул-лутатайн»да туркий тилнинг бойлигини исботламоқ мақсадида «Муҳаббатнома»дан мисол келтиради.

«Муҳаббатнома»нинг 2 та қўлёзма нусхаси (уйғур ва араб ёзувларида) маълум. Шулардан эскиси уйғур ёзувидаги нусха бўлиб, Британия музейида (инв. № 8193) сақланади. Нусха Шоҳрухнинг Ҳиротдаги саркардаси Мир Жалолиддин топшириғи б-н Бакир Мансур томонидан 1432 й.нинг мартида Яздда кўчирилган. Ўнта нома берилган. 364 байтдан таркиб топган.

Асарнинг араб ёзувидаги 2-нусхаси ҳам Британия музейида сақланади (инв. №Add 7914), 1508—09 й.ларда кўчирилган, 474 байтдан таркиб топган. Мафоийлун мафоийлун фаувлун вазнида ёзилган.

«Муҳаббатнома» кейинги шоирларга катта таъсир кўрсатган. Хўжандий («Латофатнома»), Юсуф Амирий («Даҳнома»), Саййид Аҳмад («Таашшуқнома») унга назира битганлар.

Ас.: Муҳаббатнома, Т., 1959; Муҳаббатнаме, М., 1969.

Ад.: Маллаев Н. М., Ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1965; Ўзбек адабиёти тарихи [5 жлд], 1-ж., Т., 1977.

Бегали Қосимов

ХОРАЗМИЙ Комил — қ. *Комил Хоразмий*.

ХОРАЗМИЙ Мунис — қ. *Мунис*.

ХОРАЗМИЙ ТИЛИ — *эроний тиллар*нинг шарқий гуруҳига мансуб ўлик тил. Амударё этакларида, тарихан Хоразм деб номланган ҳудудда тарқалган; мил. ав. 2—1-а.лардан мил. 8-а. ўрталаригача қад. Хоразм давлатининг расмий тили бўлган. Мил. ав. 3—2-а.ларга тегишли ёдгорликлардан маълум; асосий манбалари (арабча қўлёзмалардаги хоразмийча сўз ва иборалар) 12—14-а.ларга мансуб.

Х.т.нинг унлилар тизимида a, i, u, e, ə товушларининг чўзиқ, қисқа ва бурунлашган турлари фарқланади. Ундошлар тизимида 27 та фонема бўлган. Ўзига хос морфологик-синтактик хусусиятларга эга. Мас., от туркумига 3 келишик, 2 жинс ва 2 сон шакли, аниқлик артикли хос бўлган. Ушбу ва б. ҳолатлар Х.т.да қад. эрон тилига хос хусусиятлар сақланганлигидан дарак беради. Ҳоз. Хоразм шеваларини ўрганган олимлар Х.т.га оид баъзи сўзлар ана шу шевалар лексикасида, топонимикасида мавжудлигини қайд этадилар. Мас., «патик» — шип, «кунда» — омоч, «ёп» — ариқ каби сўзларни, Индавак, Пишканак, Арвак топонимларини Х.т. га оид деб тахмин қиладилар.

Х.т. 9-а.гача оромий алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланган; 10-а.дан эса 5 та ҳарф б-н тўлдирилган араб алифбоси қўлланган. *Замахшарий*нинг «Муқаддимат ул-адаб» асари қўлёзмасининг Хоразм варианти (1200) ана шу ёзувда битилган. Х.т. 15—16-а.ларда батамом ўлик тилга айланган.

Ад.: Фрейман А. А., Хорезмийский язык, ч. 1, М. — Л., 1951; Лившиц В. А., Хорезмийские документы, в кн.: Топрак-кала. Дворец, М., 1984.

Анвар Исмоилов.

ХОРАЗМИЙЛАР, хорасмийлар — Қад. Хоразмда яшаб, *хоразмий тили*да сўзлашган халқ. Тахминларга кўра, Х. Ҳилманд водийси (Ҳирот атрофидадан) Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларга мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида кўчиб келганлар ва маҳаллий массагет қабилалари б-н аралашиб, уларга ўз номларини берганлар. Х. илк бор *Биҳистун китобалари*, шунингдек, *Геродот*, *Гекатей Милетлик* асарларида қайд этилган. Жумладан, Геродотнинг ёзишича, Х. Амударё дельтаси (Орол денгизи бўйида) ва ҳоз. Хива воҳаси жан.да яшаганлар. Мил. ав. 6—5-а.лар бўсағасида «Хорасмия шаҳри» ва Х. мамлакати ҳақида милетлик Гекатей хабар беради. Мисрдаги Нил дарёси бўйидаги мил. ав. 5-а.га оид шаҳар харобаларидан топилган бир ҳужжатда Харчин ўғли Даргман исмли бир хорасмий саркардаси тилга олинган, у *аҳамонийлар* қўшинининг бош қўмондони бўлган.

Х. ўзларининг жанговарликлари б-н ажралиб турганлар. Х. Хоразмдан ташқарида, ҳатто *Хазар хоқонлиги* қўшинида ҳам катта мавқега эга эдилар, хоқонлик қўшини, асосан, Х.дан ташкил топган.

ХОРАЗМШОҲ — Хоразм ҳукмдорларининг унвони. *Беруний* асарларида келтирилган маълумотларга қараганда, дастлаб Х. унвони б-н Хоразмни *Кайхусрав* идора этган. Кейинги 4 сулола: *афригийлар* (305—995); маъмунийлар (995—1017); олтинтошлар (1017—34); *ануштегинийлар* (1077—1231) ҳукмдорлари Х. унвонига эга бўлганлар.

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ — қадимги даврдан 13-а. ўрталарига қадар Хоразм ҳудудида ҳукмронлик қилган сулолалар (*сиёвушийлар*, *афригийлар*, маъмунийлар, олтинтошлар, *ануштегинийлар*). Х.д.ни *хоразмшоҳ*лар бошқарган. Маркази, асосан, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган бўлса ҳам, ривожланган даврларида, айниқса, 13-а. бошларида шим.да Каспий денгизининг шим. соҳиллари, жан.да Ҳиндукуш тоғлари, шарқда Қашқаргача етган. Археологик маълумотлар *Кўзалиқир*, *Қўйқирилган қалъа*, *Тупроққалъа*, Кат қалъаларини пойтахт шаҳар бўлган деб тахмин қилишга имкон беради. Ёзма манбалар Кат қалъасини афригийлар сулоласи вакилларининг сўнгги қароргоҳи бўлганлигини тасдиқласа, Гурганж (Кўҳна Урганч) ш. маъмунийлар, олтинтошлар ва ануштегинийлар сулоласининг пойтахти бўлган.

Абу Райҳон *Беруний* маълумотларига қараганда, хоразмшоҳ унвонини олган дастлабки сулола сиёвушийлар ҳисобланади. Мил. ав. 8-а.да шаклланган Қадимги Хоразм (қ. *Хоразм*) давлатида *аҳамонийлар* ва ундан кейинги афригийлар сулоласи асосчиси Африггача (305 й.) бўлган Х.д. ҳақида тўла ва аниқ маълумотлар йўқ.

Беруний бу ҳақда: «Сиёвуш ибн Кайхусравнинг Хоразмга келишидан, Кайхусрав ва унинг наслининг Хоразмда подшоҳлик қилишларидан тарих олдилар. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлари (устидан) ҳукмронлигини юргизган эди», деб ёзган.

Кайхусрав б-н Африг даври оралиғида «хоразмшоҳ» унвонига сазовор бўлган шоҳлардан бизга Кайхусрав (тахм. мил. ав. 1200—1140 й.), Саксафар (тахм. мил. ав. 519—517 й.), *Фарасман* (тахм. мил. ав. 329—320 й.), Хусрав (тахм. мил. ав. 320 й.) номлари маълум. Бу даврларга оид археологик манбалар Х.д.да суғьий суғоришга асосланган деҳқончилик, савдо-сотиқ анча ривожланганидан дарак беради. 1938—40, 1954—56 ва 1965—75 й.лардаги археологик-этнографик экспедициялар натижасида ўрганилган ёдгорликлардан топилган моддий-маданий топилмалар Хоразмда илм-фан, санъат, ҳайкалтарошлик юксак даражада ривожланганидан дарак беради. Бу ёдгорликларнинг юқори қатламлари ва ҳозиргача сақланиб қолган қисмларининг кўпчилиги, асосан, афригийлар сулоласи даврида қурилган.

3-а.да Хоразм ҳудудида иқтисодий-сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб олган бир нечта ҳокимликлар вужудга келган. Тупроққалъа саройи залларининг бирида бошига тож кийган ва қўлига бургут ушлаган подшо ҳайкалининг топилиши, шунингдек, Анқақалъа яқинида ҳам бошида тож, қўлида бургут ушлаган киши расми солинган танганинг топилиши ва шу жойда зарб қилинганлиги маҳаллий сулола ҳокимияти ўрнатилганлигидан гувоҳлик беради. Топилган тангаларда лотин алифбосидаги «S» ҳарфига ўхшаш сиёвушийлар тамғасининг борлиги, бу сулола сиёвушийлар авлодидан бўлишини кўрсатади. Мил. 3-а. ўрталарида Кушон подшолигидагина эмас, балки бутун Ўрта Шарқда катта сиёсий ўзгаришлар рўй беради. Кушонлар сулоласи б-н бир вақтда *аршакийлар*нинг ҳукмронлиги емирилади. Хоразмда кушонлар б-н кураш ва ички сиёсий ларзалар қудратли маҳаллий сулолани вужудга келтиради. Бу сулола ўз тангаларини зарб қилади ва шаҳарларда ўзларига саройлар қуради. Шундай қилиб, 3-а.да Хоразмда кушонлар б-н курашда ғолиб чиққан сиёсий гуруҳ — афригийлар сулоласига асос солинади.

Хоразм *эфталийлар* (5-а.нинг 2-ярми — 6-а.нинг ўрталари) даврида ҳам, турклар (6-а.нинг 2- ярми — 7-а.нинг 1-ярми) даврида ҳам ўзининг сиёсий мустақиллигини сақлаб қолди.

Византиялик тарихчи Менандр, Хоразм 6-а.нинг 60-й.ларида Византия ва турклар б-н дипломатик алоқалар олиб борганлиги тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумот беради.

Араб манбаларида Хоразмнинг араб лашкарбошилари Салим ибн Зиёд ва Умайя ибн Абдуллоҳ томонидан икки марта бўйсундирилганлиги тўғрисида гапирилади. Аслини олганда бу ерларга ҳам Мовароуннаҳр шаҳарларига нисбатан қилинганидек, талон-торож юришлари уюштирилиб турилган. Фақат 8-а. бошидагина Хуросон нойиби *Қутайба ибн Муслим* бошчилигидаги қўшинлар Хоразмни узил-кесил босиб олдилар. Қутайба хоразмликларнинг тарихий адабиёти ва маданий меросини яратган ва сақлаб келган олимларни қириб юборади ва қувғин қилади. Шунинг учун ҳам, арабларгача бўлган Х.д. тарихига оид етарли ёзма манбалар учрамайди.

Арабларнинг шафқатсиз зулми ва қувғинига учраган хоразмшоҳнинг укаси Хурзод тарафдорларидан бир гуруҳи Булон бошчилигида 712 й.дан 730 й.гача *Хазар хоқонлиги* ҳудудларига кўчиб, мустаҳкам ўрнашиб, бу ерда улар армия, давлатни бошқариш ишларини ўз қўлларига олдилар. Улар ҳарбий мавқеларини мустаҳкамлаб, Кавказда араблар эгаллаган ерларга хавф сола бошлайдилар.

Бу даврда Урганч волийси ва Х.д. халифаликка тўғридан-тўғри бўйсуниб, ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида хирож тўлаб туришган. Х.д. ҳукмдорлари ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун бир қанча тадбирларни амалга оширишган. 751 й. хоразмшоҳ Шаушафирнинг элчилари Хитойга келганлиги ҳақида маълумотлар сақланиб қолган.

Кучли ларзалардан тушкунликка учраган Х.д. 9—10-а.ларда Араб халифалигининг емирилиши туфайли кетма-кет Ўрта Осиё ва Шарқий Эронда пайдо бўлган йирик мустақил давлатлар *тоҳирийлар*, *саффорийлар* ва *сомонийлар* қўл остида бўлган.

Тарихий ва археологик маълумотларга қараганда 10-а. охирларида Хоразм иқтисодий жиҳатдан жуда тез ривожлана бошлайди. Бунга шаҳарларнинг ўсиши далил бўла олади. Агар, *Табарий* 712 й.да Хоразмда учта шаҳар бўлганлигини кўрсатиб ўтса, Истахрий 10-а. бошларида Хоразмда шаҳарлар сони ўнтага етганлигини кўрсатади. 985 й.ларда эса, Мақдисийнинг ёзишича, Хоразмдаги шаҳарларнинг сони ўттиз иккитага етган. Археологик қазилма вақтида топилган кулолчилик маҳсулотлари бу шаҳарларда ҳунармандчилик тез ривожланганлигидан дарак беради. Араб манбаларига қараганда, 10—11-а.ларда Хоразм йирик савдо марказига айланган. Хоразм савдогарлари, ҳоз. Қозоғистон ва Туркманистон ўрнидаги даштларда яшовчи аҳоли б-н Волга бўйидаги Хазария ва Булғор подшолиги ҳамда Шарқий Европадаги славян олами б-н кенг кўламда савдо айирбошлаш ишларини олиб борган. Шарқий Европа савдонинг ўсиши натижасида Х. д.нинг шим.-ғарб томонидаги энг чекка истеҳкоми бўлган Урганч Хоразмда бу савдонинг биринчи аҳамиятга эга бўлган марказига айланган. «Ҳудуд ул-олам» муаллифининг таърифича, «Гурганж» қад. замонда Хоразм мулклари жумласига кирган шаҳар бўлиб, эндиликда унинг алоҳида подшоси бор. Шаҳар подшосини «Гурганж мири» деб атайдилар. Унинг алоҳида бўлиб ажралиб чиқишини — мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан гуриллаб ўсиши, Волга бўйи б-н бўлган савдо алоқаларининг ривожланиши ҳамда сиёсий тарихий шароит б-н боғланган ҳолда тушуниш мумкин.

10-а.га оид ёзма манбаларда қайд қилинишича, хоразмликлар қўшинлари ўғузлар б-н муваффақиятли жанг қилиб турган. Хоразмликлар Хазар хоқонлигида муҳим роль ўйнаганлар, хоқон қўшинларидаги асосий қисм улардан иборат бўлган. 992 й. сомоний Нуҳ ибн Наср ўз пойтахти Бухородан маҳрум бўлиб, Амул (Чоржўй)га қочади ва шу ердан туриб истилочиларга қарши кураш уюштирмоқчи бўлади. Хоразмнинг иккала ҳокими унга ёрдамга келади. Нуҳ уларнинг кўрсатган ёрдами учун Хуросондаги иккита йирик мулкини тақдим қилади: хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммадга Обивардни, Урганч амири Маъмун ибн Муҳаммадга Нисо ш.ини беради. В. В. Бартольд кўрсатиб

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ



Хоразмшоҳлар давлатининг 12-13-а.ларда кенгайиши

ўтганидек, Нуҳ Хуросоннинг итоатсиз ҳокими Абу Алига қарама қарши шундай иш қилган эди. Шуниси қизиқки, Абу Али Нисони ҳеч қандай қаршиликсиз Маъмунга топширади, лекин Абу Абдуллоҳ юборган вакилларни Обиварага киритишдан бош тортади. *Гардизий*нинг ҳикоя қилишича, исёнкор Абу Али 995 й. баҳорида Нуҳнинг вассали ва лашкарбошиси сифатида ҳаракат қилган Сабуктегиннинг лашкарларидан енгилгач, дастлаб Райга қочади, сўнгра Нишопурга қайтишга ҳаракат қилади. Сабуктегиннинг ўғли Маҳмуднинг қўлига тушади ва унча катта бўлмаган гуруҳ б-н Хоразмга Маъмуннинг паноҳига қочади. Лекин уни хоразмшоҳнинг аскарлари ушлаб оладилар ва Катга келтирадилар. Бу воқеа икки Хоразм давлати ўртасидаги курашнинг узил-кесил барҳам топишига баҳона бўлади. Маъмуннинг қўшини Катни ишғол қилган ва озод қилинган Абу Алини, Маъмун Урганчда тантана б-н кутиб олган. Асир олинган сўнгги африғий ҳам шу ерга келтирилган. Маъмун ўзининг азалий душманини қатл қилишга буюради. Хоразмнинг иккала қисмини ўз ҳокимияти остида бирлаштириб, хоразмшоҳ унвонини олади.

Шу тариқа 995 й.да африғийлар сулоласи барҳам топиб, маъмунийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланади. Шу даврдан бошлаб Гурганж (Кўҳна Урганч) Х.д.нинг пойтахти бўлиб келган.

Маъмунийлар сулоласида 3 та шоҳ давлат ҳокимиятини бошқарган: Маъмун ибн Муҳаммад (995—997), Али ибн Маъмун (997—999), Маъмун ибн Маъмун (999—1017). 10-а. охири — 11-а. бошларида Ўрта Осиёдаги оғир сиёсий вазиятга қарамасдан қисқа вақт ҳукмронлик қилган маъмунийлар сулоласи Х. д.ни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантирди.

Маъмурий жиҳатдан бу давлат вилоятларга, вилоятлар эса, шаҳар ва қишлоқларга ажратилиб бошқарилган. Улар даврида Хоразмда давлат бошқарувининг анча такомиллашган тизими вужудга келди. Хоразмшоҳ давлатининг олий ҳукмдори, ҳокими мутлақ ҳисобланган. Гурганжда шоҳ саройи қошида марказий бошқарма — девонхона ташкил этилиб, унинг таркибида зироат, савдо-тижорат, молия, солиқ ишлари, шаҳар ва қишлоқларда осойишталикни сақлаш, ҳарбий ишлар ва бошқа давлат аҳамиятига эга вазифалар б-н шуғулланадиган маҳкамалар бўлган. Саройнинг энг юқори лавозимларидан бири вазирлик лавозими бўлиб, у хўжайибузрук (бош хўжа) унвонига эга бўлган. У девонхона ишларига жавоб берган, катта сафар пайтида подшо номидан давлатни идора қилган.

Хоразмшоҳлар давлати: Хоразм давлатининг ўрта аср ёдгорликлари. 1. Қават қалъа саройи ички деворларининг алебастрдан ишланган безаклари. 2. Қават қалъа саройининг нақшинкор эшигидаги безак. 3. Қават қалъа ва воҳанинг бошқа ёдгорликларидан топилган тош ва сопол қозон парчалари. 4. Тегирмонтош парчалари (Қават қалъа). 5. Металлдан ишланган безаклар (Змухшир). 6. Сопол идишлар (Норинжон). 7. Сирланган сопол буюмлар (Змухшир).

Маъмунийлар даврида Х.д.да илм-фан, маданият равнақ топиб, *Хоразм Маъмун академияси* ташкил қилинди. Унда хизмат қилган буюк қомусий олимлар, алломалар ўзларининг ажойиб кашфиётлари ва асарлари б-н Х.д.нинг маданиятини ўз даври ва кейинги даврлар учун юксак даражага кўтардилар. Бироқ бу маданий юксалиш узоқ давом этмади. 1017 й.да Хоразм *Маҳмуд Газнавий* томонидан забт этилди. Шу б-н маъмунийлар сулоласига чек қўйилди. Маҳмуд Газнавий ўз саркардаларидан бири *Олтинтош*ни хоразмшоҳ лавозимига тайинлайди. Олтинтошлар сулоласидан ҳам 3 та хоразмшоҳ ҳукмронлик қилган.

Марказий Осиёда пайдо бўлган Салжуқ турклари б-н газнавийлар ўртасида низо чиқиб, 1040 й.да Данданакон ш. ёнида улар ўртасида қаттиқ жанглар бўлиб, Салжуқ турклари ғолиб чиқадилар. Улар газнавийлар мулкини қўлга киритиб, Хоразмни ҳам қарам қиладилар. Олтинтошлар сулоласининг сўнгги вакиллари салжуқийлар қўлида турли лавозимларда хизмат қилганлар, лекин уларга хоразмшоҳ унвони берилмаган.

Хоразмни 1040 й.дан Салжуқ султонлари томонидан тайинланган ҳокимлар бошқарган. Ана шундай турк ҳокимларидан бири ануштегинийлар сулоласи асосчиси *Ануштегин* Гарчой (1077—97) эди. 1097 й.да Ануштегин вафотидан кейин Хуросон ноиби Додбек Ҳабаший унинг ўғли Кутбиддин Муҳаммад (1097—1127)ни Хоразм ноиби қилиб тайинлаб, унга хоразмшоҳ унвонини беради. Кутбиддин Муҳаммаднинг адолатли ва салоҳатли хизмати эвазига Султон *Санжар* (1118—57) унинг ўғли *Отсиз* (1127—56)ни Хоразм тахтига тайинлайди. Дастлаб, Султон Санжарга садоқат б-н хизмат қилган Отсиз 1130-й.лар охирларида Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазиятдан фойдаланиб, мустақил Х.д.ни тузишга ҳаракат қилиб, унинг б-н тинимсиз уруш олиб боради. Отсиз вафотидан кейин тахтга ўтирган Эл Арслон (1156—72) маҳаллий ҳокимлар ва қорахитойларга қарши кураш олиб борди. Унинг ворислари Алоуддин Султоншоҳ Муҳаммад (1172) ва *Такаш* (1172—1200) ҳокимият учун 1193 й.га қадар ўзаро кураш олиб бордилар. Такаш ўз вориси *Муҳаммад* Хоразмшоҳга (1200—20) марказлашган мустаҳкам давлат ва ташкилий жиҳатдан қудратли қўшинни мерос қолдирган бўлса, унинг ўз сўзлари б-н айтганда, ўғли *Жалолиддин Мангуберди* (1220—31)га парокандa салтанатни мерос қилиб қолдирди. 1231 й. да Жалолиддин Мангуберди вафоти б-н хоразмшоҳ унвони ҳамда салтанатни бошқарган сулолалар ҳам якун топади. Султон Шоҳрухнинг Хоразмдаги ноиби амир Шоҳмалик (1413—26) умрининг охиригача Хоразмшоҳ унвонини ўзида сақлаган. Шунингдек, унинг ўғли Насриддин Султон Иброҳимга ҳам мерос тариқасида хоразмшоҳ унвони ўтган. У *Абулхайрхон* томонидан Хоразмдан қувилганига қадар хоразмшоҳ деб аталган. Бундан кейинги Хоразм ҳукмдорларидан ҳеч бири бу унвонга эга бўлмаган.

12—13-а. бошлари Хоразм давлатчилигининг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Бу даврда Хоразмда ануштегинийлар сулоласидан чиққан ҳукмдорлар Отсиз, Такаш ва Султон Муҳаммад Хоразмшоҳлар мамлакатни бошқаришнинг янада мукаммал тизими, тартиботи ва услубларини яратганлар. Салтанатнинг энг олий лавозими вазирлик бўлиб, улар Садр, Хўжайибузрук ва Низомулмулк (мулкнинг таянчи) унвонлари б-н юритилган. Вазир фақат олий ҳукмдор олдида ҳисобдор бўлган. Салтанатнинг барча амалдорлари ва ҳарбий бошлиқлар ҳам вазирга итоат қилганлар, унинг олдида ҳисобдор бўлганлар.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз подшолигининг сўнггида саройда яна бир олий маҳкама, яъни вакиллар Кенгаши номи б-н юритилган давлат Кенгашини таъсис этади. Кенгаш ишида олий ҳукмдордан бошқа яна тажрибали, билимли 6 та вакил иштирок этади. Давлат кенгашида энг долзарб масалалар муҳокама этилиб, қарорлар кўпчилик овоз б-н қабул қилинган.

Х.д. да улуг ҳожиб, амир охур, амир шикор, мутасарриф, тоштдор, қиссадор, давлатдор, фарроши, амир ул-алам каби юқори лавозимлар ҳам бўлган.

Х.д.да давлат ҳокимияти марказлашган ва такомиллашган бошқарув тизимига эга бўлган. Маҳаллий ва марказий ҳокимиятнинг кенг ваколатли маҳкамалари ёрдамида мамлакат идора қилинган. Давлатнинг маҳаллий ҳокимият органлари марказий ҳокимиятнинг кучли назорати остида бўлган.

Катта ҳудудда марказлашган йирик сиёсий бирликнинг вужудга келиши туфайли давлатнинг сиёсий мавқеи ортди, унда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланди, шаҳарлар юксалди. Хўжаликнинг турли соҳаларидаги ўсиш умумий иқтисодий ва маданий тараққиёт учун омил бўлди. Пойтахт Гурганж йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланди. Шаҳарлар ривожи учун савдо, айниқса, халқаро савдо муҳим ўрин тутган. Хоразм давлатининг савдо карвонлари нафақат ўз ҳудуди бўйлабгина эмас, балки ундан ташқарига, жан.да Ҳиндистонга, ғарбда Арабистон ва Европага қатнаган.

Х.д. таркибига киритилган ҳудудлардаги бир қанча шаҳарларда илм-маърифат, маданият юксалди. Мовароуннаҳр, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Ироқ ўлкалари ўртасида маданий алоқалар кучайди. Ушбу даврнинг таниқли олимлари жумласига Рашидиддин Вотвот, Исмоил Исфаҳоний, Тоҳир Фарёбий, Абулфайз Ахсикатий, Сайфуддин Бухорий, Абулмажид Жандий, Али Ҳижозий, Исмоил Журжоний, Али Хоразмий, *Абулҳасан Хоразмий*, Нажиб Бакрон, Маҳмуд ал-Чағминий, Фаридуддин Аттор, шайх Нажмиддин Кубро, Муҳаммад Ахсикатий, Абдуллоҳ ар-Розий, Маҳмуд Самарқандий, Масъуд Хўжандий, Маҳмуд Замахшарий, Абдулкарим ас-Самъоний ва б.ни киритиш мумкин. Уларнинг ижодига назар ташлар эканмиз, ўша даврда илм-фан ҳам табиий, ҳам ижтимоий соҳалар бўйича ривожланганини кўрамиз.

Хоразмда ҳукмронлик қилган сулолалар даври тарихи Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги ва маданияти тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ад.: Толстов С. П., Хоразм маданиятини излаб, М., 1948; Ғуломов Я., Хоразмнинг суғорилиш тарихи, Т., 1959; Абу Райҳон Беруний, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, 1-ж., Т., 1968; Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий, Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти, Т., 1999; Ойдин Тоҳирий, Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври, Т., 1999; Буниёдов З., Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати, Т., 1998.

Неъмат Полвонов.

ХОРАЛ (лот. cantus choralis — *хор* ижрочилиги) — Европа профессионал мусиқасининг илк шакли, бир овозли черков хори ижросига мўлжалланган диний (христиан) мазмундаги асар. Қоғозга туширилган илк нусхалари 8—9-а.ларга тааллуқлидир. *Классицизм* давригача Х. кўп овозли мусиқа (хусусан, *полифония*)нинг асосий манбаи вазифасини бажарган. Х. куйларини қайта ишлаш йўли б-н 10—17 а.лардаги кўпгина мусиқа жанрлари ва шакллари қарор топди (органум, антифон, респонсорий, мотет, *месса, кантата*, Х. *прелюдияси*, Х.*фантазияси* ва б.). И.С. Бах, Г.Ф. Гендель, В.А. Моцарт, П. Чайковский, С. Танеев, С. Рахманинов, ўзбек композиторларидан М. Бурҳонов, Ик. Акбаров, М. Тожиев ва б.Х.нинг бадиий-ифодавий имкониятларидан ижодий фойдаланишган.

ХОРВАТ ТИЛИ — қ. *Серб-хорват тили*.

ХОРВАТИЯ (Hrvatska), Хорватия Республикаси (Republika Hrvatska) — Болқон я.о.нинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Майд. 56,6 минг км². Аҳолиси 4,39 млн. киши (2002). Пойтахти — Загреб ш. Маъмурий жиҳатдан 20 жупаний (округ)га бўлинади.

Давлат тузуми. Х. — парламентли республика. Амалдаги конституцияси 1990 й. дек.да қабул қилинган. 1997, 2000, 2001 й.ларда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан Стипе Месич), у умумий тенг ва тўғри яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент — Сабор (вакиллар палатаси ва жупанийлар палатаси), ижрочи ҳокимиятни президент б-н ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Х. ҳудудининг шарқий қисми (Славония) сертепа текисликдан иборат, уни Сава ва Драва дарё водийлари кесиб ўтади. Мамлакат марказида ва ғарбида *карст* рельефли *Динара тоғлиги* (энг бал. жойи 1831 м) бор. Бу тоғлик шим.-шарқда пасая бориб, Ўрта Дунай пасттекислигига туташади. Жан. ва жан.-шарқи — Адриатика денгизининг энсиз тоғли соҳили (Далмация) кўпгина қўлтиқлар б-н парчаланган. Қирғоқ яқинида *Далмация ороллари* жойлашган. Х. шарқида иқлим мўътадил, континентал. Динара тоғларида совуқ қиш узоқ давом этади, денгиз соҳилида субтропик Ўрта денгиз иқлими. Ўртача йиллик ёғин 600—700 мм, соҳилда 1000 мм гача. Текисликлар кенг баргли ўрмонлар, тоғлар бук, эман дарахтзорлари, аралаш ўрмонлар б-н қопланган, тоғлардаги карст платоси тақир бўшлиқдан иборат, соҳилда Ўрта денгиз атрофига хос бутазорлар (маквис) бор. Ҳайвонот дунёси унчалик бой эмас: тоғларда бургут, тоғ эчкиси, текисликларда кемирувчилар, судралиб юрувчилар ва қушлар учрайди.

Аҳолисининг 78,1% хорватлар. Шунингдек, серб, словен, венгер ва б. ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 56,2%. Диндорларнинг аксарияти католиклар. Расмий тил — хорват тили. Йирик шаҳарлари: Загреб, Сплит, Риека.

Тарихи. Х. ҳудудида одам илк палеолит давридан бошлаб яшайди. Жез даврида иллирий, сўнг кельт қабилалари яшаган. Мил. ав. 1-а.да Рим босиб олган. Мил. 1-а.да Х.нинг талай қисми Римнинг Паннония ва Далмация вилоятларига, 395 й. эса Византия таркибига кирган. 6—7-а.ларда Х. ҳудудида славянлар яшай бошлади. 8-а.да франклар бостириб келди. 9-а. охирида хорват князлари франклар ва Византия асоратидан қутулиб мустақилликка эришдилар, 925 й. Хорват давлати (қироллик) вужудга келди. 10-а.да христианлик тарқалди. 1102 й. Х. венгер қиролларига тобе бўлиб, ички ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолди. 16-а. охирида Х. ҳудудининг кўп қисми

Хорватия герби.

Усмонийлар империяси тасарруфига ўтди. Бир қисми Габсбурглар ҳукмронлиги остида қолди. 17-а. охири — 18-а. бошларида турклардан озод қилинган ерлар (Славония) Ҳарбий ҳудуд (Туркия б-н чегарадош бўлган вилоят; Габсбурглар империяси таркибида бўлган) таркибига, бир қисми 1809—13 й.ларда Иллирийлар провинцияси таркибига киритилди. 18-а. охири — 19-а. бошларида хорват миллатининг шаклланиш жараёни кучайди ва 19-а. 1-ярмида миллат сифатида шаклланиб бўлди. 19-а.нинг 30—40-й.лари хорват ерларида иллирийлар ижтимоий ҳаракати ёйилди. 1848—49 й.ги Австрия ва Венгриядаги инқилоб натижасида Х. Габсбурглар империяси таркибида мухториятга эришди. Аммо инқилоб бостирилгач, мухториятдан маҳрум бўлди. 1868 й.ги Х. - Венгрия битими натижасида чекланган мухториятга эришди. Австрия-Венгрия давлати барбод бўлгач (1918), Х. Серблар, хорватлар ва словенлар (1929 й.дан Югославия) қироллиги таркибига кирди. 1939 й. авг.да Х. мухториятга эришди. 1941 й. апр.да фашистлар томонидан оккупация қилинган Х. ҳудудида «Мустақил Х. давлати» деган қўғирчоқ давлат эълон қилинди. 1945 й. Х. ҳудуди бутунлай озод қилинди ва Югославия Федератив Халқ Республикаси (кейинчалик Югославия Социалистик Федератив Республикаси) таркибига киритилди.

Хорватия жанубидаги Зрмани дарёсининг юқори оқими.

1963 й.дан 1991 й.гача Югославия таркибида Х. Социалистик Республикаси деб аталди. 1991 й. июнда Х. мустақиллиги тўғрисидаги Декларация қабул қилиниб, мамлакат Х. Республикаси деб атала бошлади. Х. — 1992 й. 22 майдан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 28 дек.да тан олган ва 1995 й. 6 фев.дан дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 30 май — Давлатчилик куни (1990).

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Либерал партия, 1998 й. тузилган; Социал-демократик партия, 1990 й. ташкил этилган; Х. демократик партияси, 1989 й. асос солинган; Х. деҳқонлар партияси, 1990 й. тузилган; Х. ҳуқуқ партияси, 1861 й. миллатчи партия сифатида ташкил этилган, 1990 й.дан ҳоз. номда қайта тикланган; Х. мустақил демократлари, 1994 й. асос солинган; Х. демократик Ҳамдўстлиги, 1990 й. тузилган. Х. мустақил касаба уюшмалари конфедерацияси, 1990 й. асос солинган; Х. мухтор касаба уюшмалари бирлашмаси, 1990 й. ташкил этилган; Х. касаба уюшмалари бирлашмаси. 1990 й. тузилган.

Хўжалиги. Х. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатининг улуши 24%, қ.х.нинг улуши 12%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 64%.

Саноати нинг асосий тармоқлари: кончилик, кемасозлик, машинасозлик, фармацевтика, нефтни қайта ишлаш, электрон саноати ва ҳ.к. Рашада тошкўмир, денгиз бўйларида нефть ва газ, боксит ва цемент хом ашёси қазиб чиқарилади, денгиз сувидан туз ажратиб олинади, станок, электр техникаси асбоблари, денгиз кемалари, цемент, пойабзал ишлаб чиқарилади. Машинасозлик тармоқларидан паровоз ва вагонсозлик, электр куч жиҳозлари ва бошқалар и.ч. ривожланган. Нефть кимёси саноати корхоналарида пластмасса, дори-дармон ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Йирик қора ва рангли металлургия саноати (чўян, пўлат, алюминий эритиш) барпо этилган. Ёғочсозлик, кўн-пойабзал, тўқимачилик, озиқ-овқат корхоналари бор. Йилига ўртача 8,3 млрд. кВт-соат электр энергия (кўп қисми ГЭСларда) ҳосил қилинади. Асосий саноат марказлари: Загреб, Славонски-Брод, Сплит.

Хорватия байроғи.

Қишлоқ хўжалиги ички эҳтиёжни тўла-тўкис таъминлайди, деҳқончилик етакчи ўринда. Буғдой, маккажўхори, картошка, қанд лавлаги, кунгабоқар, зиғир, каноп, ем-хашак экинлари етиштирилади. Боғдорчилик (кўпроқ олма ва олхўри), токчилик ривожланган. Денгиз соҳилида субтропик мевалар етиштирилади. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, қўй ва йилқи боқилади. Ўрмонларда ёғоч тайёрланади, денгиздан балиқ овланади.

Т.й. узунлиги 2,7 минг км, автомобиль йўллари уз. 26,9 минг км. Асосий денгиз портлари: Риека, Копер, Карделево, Сплит, Шибеник. Хорижий сайёҳлик ривожланган. Адриатика соҳилида (Дубровник, Риека, Сплит) йирик курортлар бор. Четга машина ва саноат ускуналари, алюминий, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотлари чиқаради, четдан хом ашё, жиҳозлар, бутлаш қисмлари ва турли аппаратлар олади. Ташқи савдода Германия, Италия, Словения, Австрия б-н ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — куна.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Асосий 8 йиллик мактаб таълимнинг 1-босқичи бўлиб, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Ундан кейинги босқич 2 йиллик умумий ўрта мактаб; у умумий ўрта маълумот беради. Умумий ўрта мактаб негизида ўрта махсус ва олий таълим амалга оширилади. Х.да бир қанча олий ўқув юртлари бор. Загреб (1669), Риека (1973), Сплит (1974)да ун-тлар ва бир қанча ин-т мавжуд. Загребда Нафис санъат академияси (1907), амалий санъат ва ҳунармандчилик, театр, кино ва телевидение академиялари. Риекада денгиз мактаби ташкил этилган. Загребдаги Фан ва санъат академияси (1867) таркибида бир қанча и.т. институти, шунингдек, меъморлик ва шаҳар лойиҳалаш (1952), фольклорни ўрганиш (1948), табиатни муҳофаза тадқиқотлари (1947), тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш (1910), гидрометеорология (1947) ва б. илмий уюшмалар ишлайди. Сплитда океаншунослик ва балиқ овлаш (1930). Далмация тари-

Дубровник шаҳри.

хий ёдгорликларини муҳофаза қилиш (1854) ин-тлари мавжуд.

Йирик кутубхоналари: Загребда Миллий ва ун-т (17-а. бошларида ташкил этилган) кутубхоналари, Давлат архиви кутубхонаси б-н (1643), Риекада илмий кутубхона (1627), Задар, Дубровникда кутубхоналар, Сплитда шаҳар кутубхонаси бор. Музейларнинг кўпи Загребда жойлашган. Йириклари: Шаҳар галереяси (1961), Археология (1846), Этн. (1919), Геол.-палеонтология (1846), Мактаб-пед. (1901), Х. тарихи (1846), Зоол. (1846).

Матбуоти, радиоэшиттириши, телекўрсатуви. Асосий газ. ва жур.лари: «Весник» («Хабар», ижтимоий-сиёсий газ., 1940 й.дан); «Глас Славоние» («Славония овози», мустақил газ.); «Нови весник» («Янги хабарлар», газ., 1940 й.дан); «Слободна Далмация» («Озод Далмация», газ., 1943 й.дан); «Спортске новости» («Спорт янгиликлари», кундалик газ.); «Арена» (безакли ҳафтанома, 1957 й.дан); «Глобус» (сиёсий ҳафтанома, 1990 й.дан). Х. ахборот агентлиги (ХИНА), 1990 й. асос солинган. Х. радиоси 1926 й.дан, телевидениеси 1956 й.дан ишлайди.

Адабиёти. Тахм. 1100 й. яратилган «Башчан плитаси» асари хорват халқ тили унсурлари бўлган дастлабки тил ва ҳуқуқ ёдгорлигидир. Халқ оғзаки ижодиёти, жумладан, хорват қаҳрамонлик достонлари бадиий адабиёт шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Гуманизм ва итальян уйғониш даври шеърияти таъсирида ривожланган Дубровник ва Далмация адабиёти — 15—18-а. хорват адабиётининг таркибий қисмидир. 15—16-а.ларгача И. Чесмицкий, Ю. Шижгорич, Я. Бунич кабилар лотин тилида ижод қилган бўлса, улардан кейинги авлод ёзувчилари М. Марулич, Ш. Менчетич, Ж. Држич, Г. Лучич, М. Држич, И. Гекторовичлар она тилига мурожаат этдилар. 17—18-а.ларда И. Гундулич, Ж. Палмотич, Ю. Крижанич, Н. ва П. Зринский каби адиблар етишиб чиқди. 18-а. охири — 19-а. ўрталарида Х. миллий уйғониш даврида маърифатпарварлик адабиёти (М. Релькович, Т. Брезовачки) майдонга чиқди. Иллиризм ватанпарварлик оқимининг атоқли намояндалари Л. Гай, Д. Деметер, Станко Враз романтизм адабиётига асос солдилар. 19-а. охири — 20-а. бошларидаги «хорват модерни» бадиий оқими адабий жараён ривожида сезиларли роль ўйнади. Турли ғоявий-бадиий оқимларга мансуб бўлган М. Дежман, В. Видрич, Д. Шимунович, М. Марьянович, А.Г. Матош шу оқимни ривожлантирдилар. 1- ва 2-жаҳон урушлари оралиғида шоир, ёзувчи ва драматург М. Крлежа адабий муҳитда етакчилик қилди. 1941—45 й.лардаги халқ озодлик уруши йилларида В. Назор, И.Г. Ковачич, Г. Витез, Ю. Каштелан, В. Попович, Ж. Еличич-ларнинг жўшқин шеърлари халқни руҳлантириб турди. 2-жаҳон урушидан кейин ҳам озодлик кураши адабиётнинг асосий мавзуи бўлиб қолди. 60—80-й.ларда О. Шольц, Н. Миличевич, З. Голоб, С. Михалич, М. Славичек, Т. Саблик, Н. Петрак, Ж. Сабол ижодида умумий инсонпарварлик руҳи устунлик қилди. Драма соҳасида П. Будак, И. Рэос, Ф. Хажич, Д. Рок-санич асарлари шуҳрат қозонди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Х. ҳудудида истеҳкомли манзилгоҳларнинг қолдиқлари, Адриатика соҳилида кўпгина антик, асосан, Рим шаҳарларининг харобалари, қад. меъморлик ёдгорликлари (мил. ав. 1-а.га мансуб Пуладаги Август ибодатхонаси, мил. ав. тахм. 300 й.га оид Сплитдаги Диоклетиан саройи) сақланиб қолган. 9-а. боши — 12-а. охирларида барпо этилган турли шаклдаги тош черковлар, князь саройлари (Сплит яқинидаги Биячи деган жойда)да Византия ва Марказий Европа меъморлиги услубидан фойдаланилган. 12-а. охирида *роман услуби* (Задардаги 1175 й.га оид авлиё Кршеван черкови), 13-а.да *готика* (Загребдаги диний иншоотлар) ёйилди. 15—16-а.ларда шаҳарлар кенгайди, тош истеҳкомлар барпо этилди. Шу даврда Уйғониш даврига хос меъморлик ривож топди (1431—1505 й.ларга мансуб Шибеникдаги собор, 15-а.нинг 2-ярмига оид Дубровникдаги князь саройи ва б.). 17—18-а.ларда *барокко* услуби урф бўлди (Загребдаги Оршич-Раухов, Вараждиндаги Патачичи саройлари). 19-а.да классицизм услубидаги иншоотлар (Загребдаги меъмор Б. Фелбингер саройлари), янги уйғониш ва янги барокко услубидаги жамоат бинолари (Загребдаги Фан ва санъат академияси, Загреб, Сплит, Дубровникдаги театрлар) қурилди. 20-а. бошларида аввал янги классицизм, сўнг функционализм руҳидаги иншоотлар (Загребдаги биржа ва б. бинолар) қад кўтарди. Аср охирларида саноат корхоналари, турар жойлар замонавий материаллардан қурила бошлади (Загребдаги «Ружер Бошкович» илмий маркази, меъмори К. Острогович; аэропорт, меъмори И. Ухлик, Сплитдаги «Марьян» меҳмонхонаси, меъмори Л. Перкович).

Х. ҳудудида неолит даврига оид сопол буюмлар, кейинги даврларга мансуб металлдан ясалган бадиий буюмлар, антик ҳайкалтарошлик ёдгорликлари (ҳайкалчалар, рельефлар), қадама нақш асарлари топилган. 13-а.да ҳайкалтарошликда роман услуби (уста

Загреб шаҳри.

Андрей Бувина рельефлари) ёйилди, дастлабки деворий расмлар пайдо бўлди. 16-а.да черков ибодатхоналари рангтасвири, 17-а. охири — 18-а. бошларида барокко услубидаги ҳайкалтарошлик ва рангтасвир расм бўлди (Ф. Бенкович, Б. Бобич асарлари, И. Рангер фрескалари). 15—18-а.ларда ёғоч ўймакорлиги, бадиий тўқувчилик, металлсозлик ва ш.к. ҳунармандчиликлар ривожланди. 19-а. бошларида тасвирий санъатда дунёвий жанрлар (портрет ва тарихий композициялар) тарқалди. Ф. Кикерез, В. Буковац, Ц. Медович асарларида романтизм белгилари кўзга ташланади. Рангтасвирчилардан М. Кралевич, Й. Рачич, графикачи Т. Кризман ижодида 20-а. хорват рассомлиги асослари яратилди. И. Мештрович, А. Августинчич ва б. ҳайкалтарошлик санъатини ривожлантирдилар. В. Бецич, Л. Бабич, Й. Мише каби рассомлар мамлакат табиат манзаралари ва халқ турмушини тасвирладилар. 20-а.нинг 2-ярмида рангтасвирчилардан Э. Муртич, И. Войводич, М. Станчич абстракт санъат ва сюрреализм руҳида ижод қиладилар.

Мусиқаси. Х. мусиқа маданиятида халқ санъати катта ўрин тутади. Хорватларнинг қад. маросим, эпик, рақс, лирик ва б. халқ қўшиқлари ҳозиргача давом этиб келаётир. Профессионал мусиқа 16-а.да юзага келган. Н. Спепан (Спадина), скрипкачи ва композитор И.М. Ярнович ва б. 18-а.нинг таниқли мусиқа арбобларидир. 1827 й. Загребда Мусиқа жамияти ва унинг мусиқа мактаби (1916 й.дан консерватория) ва оркестри, шунингдек, Иллирий халқ хор жамияти (1839) ташкил этилди. Х. мусиқа маданиятини ривожлантиришда мусиқашунос Ф. Кухач, дирижёр ва композитор И. Зайц, дирижёр Н. Фаллер, композиторлардан Б. Берса ва Й. Хатзе фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. 1918 й. ягона давлат тузилгач, хорват миллий композиторлик мактаби вужудга келди. 20-а. охирларида Загребда «Қардошлик ва бирлик», Сплитда «Бирлик» хор жамиятлари, Загребда «Ладо» халқ ашула ва рақс ансамбли ва б. мусиқа жамоалари ишлади. Таниқли композиторлари: И. Брканович, М. Келемен, Б. Папандопуло, С. Хорват, Р. Радика, Д. Детони.

Адриатика денгизи соҳили.

Театри. 16-а.да дунёвий театр (Дубровникда ҳаваскорлик труппалари, Далмация шаҳарларида профессионал труппалар) пайдо бўлди. 17—18-а.ларда мактаб театри ривожланди. 1797—1834 й. лар Загребда биринчи доимий «Амадей театри» фаолият кўрсатди. 1834 й. «Эски театр» (1861 й.дан «Миллий театр») очилди. 1896—98 й.ларда дастлабки актёрлар мактаби ишлаб турди. Б. Гавелла Х. театри ривожига катта ҳисса қўшди. У театрлар репертуарига илғор миллий драматурглардан М. Крлежа, И. Цанкар, жаҳон мумтоз драматургиясидан У. Шекспир, Ф. Достоевский, Л. Толстой, Б. Шоу, К. Чапек, Б. Нушич пьесаларини киритди. 1950 й.дан Театр, мусиқа, кино, телевидение академияси (Загреб) ишлайди.

Ўзбекистон — Х. муносабатлари эндигина йўлга қўйилиш босқичида турибди. 2003 й. икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 115 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон томони турли хизматлар кўрсатиш б-н шуғулланади. Х. томони электр жиҳозлар, фармацевтика ва кондитер маҳсулотлари етказиб беради. Х.нинг муҳандислик ва қурилиш ишлари б-н шуғулланувчи «Ингра. Инжиниринг энд Констракшэн К°» акциядорлик жамияти фирмаси ЎзРда ўз ваколатхонасини очган.

ХОРВАТЛАР — халқ, Хорватиянинг асосий аҳолиси (3,8 млн. киши). Шунингдек, Сербия (200 минг киши), Босния ва Герцеговина (830 минг киши)да яшайди. Умумий сони 5,65 млн. киши (1990-й. лар ўрталари). Хорват-серб тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, католиклар. Кўпроқ деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланадилар.

Хорватлар анъанавий миллий кийимда.

ХОРДА (юн. chorde — пай, ип) — хордали ҳайвонларнинг эластик ўқ скелети. Бирламчи ичак орқа қисмининг ўртасидан бўртиб чиқиши натижасида ҳосил бўлади. Бу бўртиқ кейинчалик чўзилиб, нерв найи устида жойлашадиган бўйлама узун ипга айланади. *Ланцетниклар*, тўгаракоғизлилар ва айрим балиқлар (яхлитбошлилар, осётрсимонлар, икки хил нафас олувчилар)да ҳаёти давомида сақланиб қолади. Бошқа умуртқалилар ва қобиқлиларда фақат эмбрион даврида бўлади. Ҳайвон танаси тўлқинсимон эгилганида (сузганида) Х. ҳам сегментлашган ён бош мускуллар таъсирида эгилади.

Вояга етган умуртқалиларда Х. атрофида тоғай ёки суяк ҳосил бўлади; кейинчалик тоғай сиқиб чиқарилиши натижасида Х. *умуртқа поғонаси* б-н алмашинади; Х. қолдиқлари умуртқалар танаси оралиғида сақланиб қолади ёки йўқолиб кетади (қушлар). Х. қобиғининг пишиқлиги, таранглиги ва таянч функцияси унинг ҳужайралари тургор ҳолати б-н боғлиқ.

ХОРДАЛИЛАР (Chordata) — иккиламчи оғизли ҳайвонлар типи. Ўқ скелети — *хорда* ичак устида жойлашган. Кўпчилик Х. ҳаёти давомида хорда устида жойлашган нерв найи сақланиб қолади. Кейинчалик нерв найидан бош мия ва орқа мия ҳосил бўлади. Сувда яшовчи Х. ҳалқуми деворидаги жуфт жабра ёриқлари ҳаёт давомида сақланади. Қуруқликда яшовчи ўпка б-н нафас оладиган Х.да жабра ёриқлари онтогенезининг бошланғич даврларида бўлади. Х. Юраги 2—4 бўлмали. Фақат тубан Х. (ланцетниклар)да қорин томири қисқариш хусусиятига эга. Гавдаси-

нинг олдинги 3 та бўғимлари бўйлаб ўталиган сегментлар тубан Х. ва умуртқалиларнинг эмбрионал ривожланиши даврида яхши кўзга ташланади. Тубан Х. сузгич думга (тананинг анал тешигидан кейинги қисми) эга.

Х. типи бош хордалилар, қобиқлилар ва умуртқалилар кенжа типига ажратилади. 40000 га яқин тури (жумладан, 38000 умуртқали ҳайвонлар) маълум. Х. ҳайвонот дунёси системасида ўзига хос ўринга эга. Аммо Х. жабра аппарати ичак б-н нафас олувчилар ва айрим қазилма игнатерилиларга ўхшаш бўлади; орқа нерв стволи чалахордалилар учун ҳам хос.

ХОРДОФОНЛАР (юн. chorde — тор ва фон) — қ. *Торли мусиқа чолғулари.*

«ХОРЕЗМСКАЯ ПРАВДА» («Хоразм ҳақиқати») — рус тилида чиқадиган ижтимоий-сиёсий газета. Урганч ш.да ҳафтада 2 марта чоп этилади. Муассиси: Хоразм вилояти ҳокимлиги. Дастлаб, 1921 й. 6 июлдан Хивада «Известия Полномочного представительства РСФСР в Хорезмской Советской Республике» (Хоразм Совет Республикасидаги РСФСР мухтор вакиллигининг маданий-маърифий комиссияси органи сифатида), кейин «Последние вести» («Сўнгги хабарлар») номи б-н рус тилида ҳафтада 3 марта чиқа бошлаган. 1927 й. 21 майдан шу газ. ўрнига «Инқилоб қуёши» газетасига русча илова — «Солнце революции» нашр этилган. 1941 й. 1 янв.дан ҳоз. номда.

Газ.га турли даврларда И.Бик, Г. Завельский, В. Николаев, П. Подварков, К. Сергеев, Г. Гульшин, Б. Переплеснин, П. Бородин, Е. Типикин, В. Мильготин, О. Демчик, Г. Раҳимбоева ва б. муҳаррирлик қилишган. Муҳаррири Р. Искандаров (1995 й.дан). Адади 1048 (2004).

ХОРЕОГРАФИЯ (юн. choreia — рақс ва ... *графия*) — 1) шартли белгилар асосида ёки сўзлар б-н баён этиш орқали рақсни ёзиш. 15-а. охиридан рақсни ёзиш бўйича уринишлар бўлган бўлса-да, асосан, 17-а. охири — 18-а. бошларидагина бал ва саҳна рақси назариясини ишлаб чиқилгани туфайли бир гуруҳ француз балетмейстерлари ва рақс ўқитувчилари (П. Бошан, Р. Фёйе, Фавье, П. Ромо) рақсни ёзиб олиш тизимини ишлаб чиқдилар. «Х.» атамаси дастлаб Р. Фёйе томонидан «Хореография, ёхуд рақс ёзуви санъати» китоби (1700)да қўлланилган. 20-а. давомида дунёнинг турли мамлакатларида рақс ёзишнинг 70 дан ортиқ тизимлари жорий қилинган бўлиб, шу асосда халқ рақслари, балет спектакларини ёзиб олиш йўлга қўйилган. Уларни, асосан, 3 тоифага бўлиш мумкин: рақс ҳаракатларини шартли белгилар б-н ифода қилиш, сўз б-н баён этиш ва нота ёзувида шартли белгилар қўшиб ёзиш. Охирги банди Хитой ва Жан. Кореяда кенг тарқалган. Ўзбекистонда гарчи рақс асрлар давомида яшаб, ривожланиб келган бўлса-да, ўтмишда рақс ёзилмаган. Натижада қанчадан-қанча мумтоз ва халқ рақслари изсиз йўқолиб кетган. 1936—41 й.лардагина этнограф Ираида Бахта «Катта ўйин» номли Фарғона рақс туркумини сўз б-н ёзиб олган. Унга Ғулом Зафарий ва мусиқашунос Е. Романовская яқиндан ёрдам берган. Шу даврда Уста Олим Комилов б-н Тамарахоним «Доира дарси» машғулотларини яратиб, шу асосда ёш ижрочиларни тарбия қила бошлаган. Аммо рақс ёзувини яратиш учун муайян бир тизим ишлаб чиқиш лозим эди. Бу ишни Розия *Каримова* рақс ҳаракатлари асосида ишлаб чиқди. «Фарғона рақси», «Хоразм рақси», «Бухоро рақси», қўлланмалари, «Ўзбек рақслари» дарслиги ва б.; 2) халқ рақси йўналишидаги ва балет спектаклларини ижод қилиш санъати. Шу маънода «Х.» атамаси 19-а. ўрталаридан қўллана бошлаган. Шу сабабли «балетмейстер» атамаси ўрнига баъзан «хореограф» атамаси ишлатилади; 3) санъатшуносликда 19-а. охири — 20-а. бошларидан «Х.» атамаси умуман рақс санъатини, балет театрини ифодаловчи кенг маънода ишлатила бошланди. (Яна қ. *Рақс*).

Ад.: Каримова Р., Ўзбек рақслари, Т., 2003.

Муҳсин Қодиров.

ХОРЕЯ (юн. chorea — рақс) — нерв системаси касаллиги; тез-тез такрорланадиган ғайритабиий ҳаракатлар, қўл-оёқларнинг тўсатдан тортишиши, ортиқча қисқариши ва ҳ.к.; *гиперкинезнинг* бир тури. Х. терминини тиббиётга немис врачи Парацельс киритган. Катта Х., Кичик Х. ёки Сиденхем Х.си, Гентингтон Х.си ва б. фарқ қилинади.

Ревматизмда миянинг органик ўзгариши (ревматик Х.) ёки мустақил сурункали ирсий касаллик сифатида кузатилади. Х. бошланишида худди ревматизмга хос аломатлар пайдо бўлади. Бунда дастлаб болада ўта толиқиш, диққат-эътибор сусайиши кузатилади; секин-аста унинг ҳаракатлари ўзгаради; бола сакраганга, ўйинга тушаётганга ўхшаб юради, кўзини пириллатади, лабини чўччайтиради, қўлида бирор нарсани ушлаб туролмайди (чой ёки овқатни тўкиб юборади), пала-партиш ёзади, юзини буриштириб, тилини чиқараверади, бемор худди сизни масхаралаётганга ўхшаб кетади. Кейинчалик бундай аломатлар жиддий тус олади. Вақт-вақти б-н беморнинг гоҳ қўли, гоҳ оёғи тортишиб қолади; мускул тонуси сусаяди. Х.нинг олдини олиш ва даволашда врач айтганларини бекаму кўст бажариш ниҳоятда муҳим. Одатда, ревматизмга йўлиққан беморлар диспансер назоратида бўлишлари, агар Х.га хос андак ўзгариш пайдо бўлса, дарҳол врачга кўринишлари лозим. Касалликка муртак безининг яллиғланиши сабаб бўлса, дарҳол уни олдириб ташлаш, ревматизмни мунтазам профилактик даволаш тавсия этилади. Касаллик ўз вақтида даволанса, бемор бутунлай соғайиб кетади.

Х. ҳомиладорликда, айниқса ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида ҳам пайдо бўлиши мумкин; кўпроқ ёшлигида ангина, ревматизм ёки Х. б-н оғриган аёлларда учрайди. Бундай беморлар аёллар консультациясига вақтида мурожаат этишса, касалликнинг олди олинади. Х.нинг Гентингтон хили аксарият ўрта яшар ва кексаларда учрайди, наслдан-наслга ўтади; баъзан атеросклероз оқибатида вужудга келади. Бунда қўл-оёқ ва танадаги ғайритабиий ҳаракатлар тилга ҳам ўтади. Бемор гапириш, овқат ейиш, юришга қийналади, эси кирарли-чиқарли бўлади; ишга яроқсиз бўлиб қолади. Касаллик зўрайган даврида махсус парвариш талаб этилади.

ХОРИЕН ҚАЛЪАСИ, Хориен қояси — македониялик Искандар (*Александр*)нинг Туронзаминга қилган босқинчилик юриши даврида маҳаллий эпарх (ҳоким)лардан бири — Хориен раҳбарлигида олиб борилган мудофаа (мил. ав. 328 й.). Александр *Суғд қоясини* эгаллагач, Паретака («Тоғлар ўлкаси») вилоятига (Жан. Ўзбекистондаги Бойсун тоғлари) йўл олган. Бу ердаги мустаҳкам қалъалардан бирига Хориен бошқа аслзодалар б-н ўрнашиб олган. У узоқ муддатга етадиган озиқ-овқат захирасини ғамлаб, мудофаага шай бўлиб турган. Қалъанинг бал. 20 стадий, айланаси 60 стадийни ташкил қилган (1-стадий — 176,6 м). Қалъа тик ён бағирли тоғда жойлашиб, унга фақат биргина тор сўқмоқ йўл орқалигина чиқиш мумкин бўлган. Қоя тепасидан тез оқар тоғ дарёчаси оқиб тушган. Қалъанинг теварак атрофи чуқур хандақ б-н ўраб олинган. Қамалдагилар кутмаганда Александрнинг шахсан раҳбарлигида македонияликлар қисқа муддатда хандақни михлар ёрдамида бир-бирига бириктирилган қарағай (арча) ёғочлари б-н тўлдирдилар. Қамалдагилар дастлаб душманнинг бу ишларига бефарқ қараган, бироқ македон қўшини кўплаб шотилар ясаб, тоғ тепа-

сига чиқа бошлаганларнинг кўмаги, Хориен таслим бўлишга мажбур бўлган. Александр 500 та қалқонбардори б-н қалъага кўтарилиб унинг нақадар мустаҳкам эканлигига шоҳид бўлган. Қалъанинг қор-бўронларидан сиздаси кўринган, озиқ-овқат захираси тугай деб қолган македон қўшини учун Александр Х.қдаги озиқ-овқат захирасини олган. Александр қалъани ва унинг атрофидаги вилоятни Хориен ихтиёрида қолдириб, ўзи Бақтрияга йўл олган.

Ад.: Арриан. Поход Александра. М.—Л., 1962.

ХОРИЖИЙЛАР (араб. — ажралиб чиққан, исёнчи) — исломдаги илк оқим тарафдорлари. Халифа Али б-н *умавийлар* ўртасидаги кураш давомида 7-а.нинг 2-ярми бошларида вужудга келган. Тахт учун курашда Али Муовия тарафдорлари (умавийлар) б-н муроса қилиб боришга кўнган. Бу ҳол Али ҳақиқий ворислик ҳуқуқига эга деб ҳисоблаган тарафдорларининг ўртасида норозилик туғдирган. Қўшиннинг бир қисми (12 минг киши) Алини келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб чиққан ва кейинчалик Алига ҳам, умавийларга ҳам баб-баравар қарши кураш бошлаган. Ана шу гуруҳ тарафдорлари Х. деб ном олган. Х. ҳаракати араблар томонидан бўйсундирилган Ироқ ва Эрон аҳолиси, оддий араб-мусулмонлар манфаатини ифодалаган. Улар ўзларини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаганлар. Х. «диндан қайтган» деб эълон қилинган сиёсий ва ғоявий рақибларга нисбатан муросасиз бўлган. Х. таълимотига кўра, халифа диний жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсунади; ҳар қандай тақводор мусулмон (ҳатто қул ёки қора танли бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса, вазифасидан бўшатилади ва ҳатто қатл этилади. Х. фикрича, эътиқод амалий фаолият б-н мустаҳкамланиши лозим. Эътиқоди, гуноҳкор кишиларни жазолаш масалаларида Х. *мурожиъийларга* қарама-қарши турган. Кейинчалик Х. бир неча майда гуруҳларга бўлиниб кетган. Умавий ва аббосий халифалар 7—9-а.ларда Х.га қарши кескин кураш олиб борди. Бунинг натижасида Х.нинг кучи қирқиб ташланди, қолганлари Шим. Африкада ўз давлатини вужудга келтирди. Х. халифаликдаги кўпгина қўзғолонлар (Занжилар қўзғолони, Абу Муслим қўзғолони ва б.) қўзғолонларида қатнашган. Ҳоз. даврда Х.нинг ибодийлар фирқаси мағриб мамлакатларида (Жазоир, Тунис ва б. мамлакатларда), Уммон, Танзанияда учрайди.

ХОРИОИДИТ (лот. chorioidea — кўзнинг томирли пардаси) — кўзнинг томирли пардаси яллиғланиши. Бунда, кўз тўр пардаси ҳам зарарланади (хориоретинит). Кўпинча, сил, захм, туғруқдан кейинги сепсис, кўзнинг шикастланиши ва б. оқибатида келиб чиқади. Инфекция томирли пардага қон орқали ўтади. Х.да уч хил яллиғланиш кузатилади, кенгайиш томирли ва тўр пардаларнинг яллиғланган қисми *атрофияга* учрайди, кўз хиралашади. Касалликнинг белгиларига қараб даво буюрилади. Ўз вақтида даволанмаса бемор кўр бўлиб қолиши мумкин.

ХОРИОН (юн. chorion — қобиқ, пуст) — 1) юксак сут эмизувчиларда ташқи муртак қобиғи, муртак (эмбрион) ривожланишининг бошланғич даврларида ҳосил бўлади; 2) умуртқасиз ҳайвонлар ва айрим тубан умуртқалилар тухумининг иккиламчи қобиғи (қ. *Тухум*).

ХОРИОНЭПИТЕЛИОМА (*хорион, эпителий* ва юн. oma—ўсма) — ҳомила тухуми тукли пардаси (хорион) эпителийсидан юзага келадиган хавфли ўсма. Ёш (25—35 ёшлар) аёлларда учрайди. Кўпинча ҳомиладорлик даврида, туғруқ, абортдан кейин *сабабсиз* пайдо бўлади. Олдин Х. бачадонда ҳосил бўлади, кейинчалик ўпка, бош мия, жигар ва б. аъзоларга жуда тез *метастаз* беради. Асосий белгилари: аёл жинсий аъзоларидан қон ёки сероз-қон аралаш оқчил келади (бу ҳомиладорлик, туғруқ ва ҳатто *климакс* даврида ҳам кузатилади). Кейинчалик йўтал, қон кетади, бемор озиб (*кахексия*), камқон (*анемия*) бўлиб қолади. Даво, асосан, беморнинг умумий аҳволига қараб олиб борилади (*химиятерапия, нурлантириш*, жарроҳлик усули ва б.).

ХОРИОПТОЗ, терихўр қўтир — чорва молларининг инвазион касаллиги. Терида, оёқ бўғимларида, думнинг пастки томони ва илдиз қисмида, баъзан сакраш бўғимларида паразитлик қилувчи Chorioptes туркумига мансуб терихўр каналар қўзғатади. Терихўр каналар моллар ноқулай шароитда боқилганда учрайди. Қорамолларда C.bovis, отларда C.equi, қўйларда C.ovis, эчкиларда C. caprae каналари паразитлик қилади. Кўпроқ ёш моллар касалланади. Касалликни тарқатувчиси касал ҳайвонлар. Белгилари: қичишиш, пўст ташлаш, жун ва тук тўкилиши, тери қалинлашиши ва пўстлоқ ҳосил бўлиши б-н кузатилади.

Ташхиси тери зарарланган жойдан қирма олиб аниқланади.

Даволаш. қичимага қарши спиртли ёки ёғли линиментлар суртиш, қичимага қарши ванналарда чўмилтириш.

Олдини олиш: янги қўшиладиган моллар карантини, бинони зарарсизлантириш.

ХОРМЕЙСТЕР (хор ва нем. Meister — уста, раҳбар) — хор *дирижёри*, раҳбари. Х. касби 19-а. ўрталарида хор санъати ва концерт ижрочилиги жадал ривожи туфайли қарор топган. Унгача Х. вазифаларини черковда фаолият кўрсатган кантор, регент ҳамда *капельмейстерлар* бажарган.

Ўзбекистонда С. Валенков, А. Султонов, Б. *Холхожаев*, А. Ҳамидов, Н. Қодиров, Ш. *Ёрматов*, С. *Шодмонов*, Ж. *Шукуров* каби Х.лар танилган.

ХОРОК (Lycopsis orientalis L.) — гулсапсарлар оиласига мансуб қишлайдиган бир йиллик бегона ўт. Пояси мустақим, тик ўсади, юқори қисми сершох, оқ қаттиқ туклар б-н қопланган, бўйи 20—40 см. Барглари тукли, ланцетсимон, четлари бутун, юқоридагилари бандсиз. Гуллари ҳаворанг, ғуж тўпгулга йиғилган. Илдизи ўқ илдиз. Меваси ёнғоқча. Май—сентябрда гуллаб, 10—дан мева беради. Уруғидан кўпаяди. Кузда 12° да уруғлари кўкариб чиқади. Ўрта Осиё ниҳолхоналари бўлган ҳудудларда тарқалган. Дон экинлари ва беда экинларида, пахта далаларида бегона ўт сифатида учрайди. Ариқ, канал бўйларида, боғ, узумзорларда, сабзавот-полиз экинлари орасида ўсади.

Кураш чоралари: алмашлаб экиш қўлланилади, ер чуқур ҳайдалади, бегона ўтлар гуллагунгача ўрилади. Ғалла экинларига гербицидлар пуркалади.

ХОРТИ (Horthy) Миклош (1868—1957) — Венгрия диктатори (1920—44), контр-адмирал (1918). 1918 й.даги Венгрия Котор қўзғолони ва 1919 й.даги Венгрия совет республикасидаги қўзғолонларни бостиришда иштирок этган. 1941 й.да Венгрия Германия томонидан урушга киритилган. 1944 й. СССРга қарши урушга кириб, 1944 й. октябрда ҳокимиятни Ф. Салаши қўлига топшириб, хорижга кетган.

ХОРУҒ — Тожикистон Республикасидаги Тоғли Бадахшон мухтор вилоятидаги шаҳар (1932 й.дан), вилоят маркази. Помирнинг жан.-ғарбида (2200 м баландликда). Ғунт дарёсининг Панж дарёсига қуйилиш жойида (Ғунтнинг Панж дарёсига қуйилиш жойида). Автомобиль трассаси орқали Душанбе ва Ўш шаҳарлари б-н боғланган. 1999 й.дан бошлаб Хоруғ — Қалъаи Хумб — Кўлоб, шунингдек, Хоруғ — Кулма орқали Хитой ҳудудига чиқувчи магистрал йўллари қурилмоқда. Аҳолиси 27,4 минг киши (2001), асосан, помирлик тожиклар, шунингдек, ўзбек, рус, татар, қирғиз, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди.

Х.да гўшт-сут к-ти, темир-бетон конструкциялар, нон з-длари, тикувчилик ф-каси, автомобиль таъмирлаш корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ГЭС, ун-т, 12 умумий таълим мактаби, тиббиёт билим юрти, ҳунар-техника билим юртлари, мусиқа мактаби, драма театри, маданият уйлари, ўлкашунослик музейи, маданият ва истироҳат боғи, стадион мавжуд. 1977 й.дан Помир регионини «Орбита» телевизион ст-яси ишлаб турибди. Шаҳарда Тожикистон ФА нинг Биология ин-ти (шаҳар чеккасида ин-тининг Ботаника боғи) жойлашган. Х. 1925 й.да қишлоқ сифатида вужудга келган, 1932 й.дан Тоғли Бадахшон мухтор вилоятининг маркази.

Насриддин Мамадшоев.

ХОСТ, Хуст, Хвост — Ўрта асрларда Тохаристонга мансуб шаҳарлардан бири. Андароб ш. (Шим. Афғонистон) яқинида. Банди дарёси бўйида, ал-Кувш водийсида жойлашган. Х. атрофида округ маркази бўлиб, унга 4 тоғ дарёси бўйлаб ўтган 4 йўл туташган. Хитой сайёҳи *Сюань Цзан* асарида Х. Тохаристондаги Кю-си-то мулки сифатида қайд этилган. 7-а.да бу ерда 3 та Будда ибодатхонаси ва бир неча роҳиблар бўлган. Бу ерни араблар истилоси даврида қалъа бўлиб, унда Низак Тархон (*Nizak Tarkhan*) Кутайба ибн Муслим тазйиқидан қочиб яширинган. Кутайба бу мустаҳкам қалъани куч б-н эгаллай олмай, уни фақат ҳийла б-н забт этган.

Х. 9—10-а. манбаларида қайд этилган. 9-а.да Х.да жоме масжиди бўлган. 10-а.да Х. ҳосилдор ерли, қалин боғларга эга пайда ва гуллаган шаҳар ҳисобланган. Унда арабларнинг «ашраф» қабиласи яшаган, бу қабила 12-а.да *Самъоний* асарида ҳам қайд этилган. Мўғуллар истилосидан сўнг, шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврида *Балхга*, 16—17-а.ларда эса Балх хонлигига тобе бўлган. Ўрта аср Х. шаҳри ҳозир ҳам ўз номини сақлаб қолган. У 20-а. бошида Файзанг б-н бирга Каттағон ҳокимига тобе бир ўлкани ташкил қилган.

Ад.: Ахмедов Б. А., История Балха, Т., 1982; Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ХОТАМБАНДИ — ёғочга ёғоч, суяк, садаф қадаб безак, нақш яратиш усули; шу усулда яратилган безак ҳам Х. деб аталади. Амалий безак санъатида кенг қўлланилади. Х. усулида безатилган бадиий буюмлар (мусиқа асбоблари, чинг, тор, рубоб ва б.) республика музейларида сақланади.

ХОТАМКОРИ, мухатта — қашама нақш тури; турли шаклдаги ва ҳажмдаги ёғоч бўлакларидан тузилган нақш безак.

ХОТИМА — бадиий, илмий асарларга якун сифатида ёзилган қўшимча қисм. Бадиий асар Х.сида ёзувчи асар қаҳрамонларининг кейинги тақдири ҳақидаги мулоҳазаларини қисқа баён қилади. Театр-драматик асарлар (кўпроқ комедиялар)да актёр-персонажларнинг намойиш қилинган воқеалар мазмуни ҳақидаги якуний характеристикаси ёки уларнинг томошабинларга қарата насиҳат, миннатдорчилик, илтифот кўрсатиш шаклидаги нутқлари (Шекспир, Брехт, Мольер драмалари) тушунилади. Юнон драматургиясида Х. вазифасини хорнинг якуний монологи бажарган. Кўпгина роман ва қиссаларнинг Х.сида қаҳрамонларнинг асосий воқеалардан сўнг маълум вақт ўтгандан кейинги ҳаёти тасвирланади. Айни бир пайтда Х.да тасвирланган воқеаларнинг ижтимоий, фалсафий, эстетик жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Л.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» асарларида Х. намуналари мавжуд.

ХОТИНРАБОТ — кушонлар даврига оид шаҳар харобаси (мил. 1—4-а.лар — мил. 11—12-а.лар). Сурхондарё вилояти Термиз тумани ҳудудида жойлашган. 16 хонадан иборат қўрғони ва устахонаси (21×18 м) ва устахонаси хароблари қазиб очилган. Зал ғишт безатилган. Одатдаги устун асослари, сопол идишлар, ҳайкалчалар ва сопол пишириладиган хумдонлар топилган. Мирзоний тепаликнинг шим. қисмида мил. 11—12-а.ларда қаср қисман тикланган. Мирзоний тепадан 200 м шарқда мил. 16—17-а.ларга оид савдо тоқи қолдиқлари очилган. Тоқнинг тархи асосида 8 қиррали зал ва унинг атрофида 8 хўжалик хоналари бўлиб, зал тузилишига кўра гумбаз б-н ёпилган.

ХОТИН-ҚИЗЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ, аёллар касалликлари, гинекологик касалликлар — хотин-қизлар организмининг анатомик ва физиологик хусусиятларига боғлиқ касалликлар бўлиб, *гинекология* фани ўрганади. Бу касалликлар жинсий системага тегишли бўлса-да, у бутун организмга таъсир қилади. Барча аъзо ва системалар бир-бири б-н узвий боғлиқлиги туфайли Х.-қ.к.га бутун организмнинг касаллиги деб қараш лозим; гинекологик касалликлар ўз навбатида бошқа аъзо ва системалар касалликлари оқибатида ҳам юзага келиши мумкин. Бунда турли специфик ва носпецифик инфекциялар, болаликда бошдан ўтказган касалликлар, эндокрин хасталиклар, моддалар алмашинувининг бузилиши, ҳаётий муҳим аъзолар патологияси асосий аҳамиятга эга. Х.-қ.к. бир неча гуруҳларга бўлинади: яллиғланиш касалликлари, ҳайз фаолиятининг бузилиши, ўсма касалликлари, жинсий аъзолар ривожланиши ҳамда жойлашуви нуқсонлари ва ҳ.к. Хотин-қизларда кўпроқ яллиғланиш касалликлари кузатилади. Бу кўп жиҳатдан репродуктив системанинг функцияси б-н боғлиқ бўлиб, *ҳайз, аборт* ва айниқса *туғруқ* жараёнида аёл организмида инфекция ривожланиши учун қулай шароит вужудга келади. Булардан ташқари специфик инфекциялар, жинсий йўл б-н юқадиган касалликлар — *захм, сўзак*, трихомонадоз (қ. *Трихомоноз*), сўнгги йилларда ОИТС (СПИД), хламидиялар ва вируслар Х.-қ.к.нинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Кўп ҳолларда Х.-қ.к.ни *стафилококк, стрептококк*, ичбуруғлар ва б. қўзғатади. Оғир кечувчи септик ҳолатларда, асосан, 2 ва ундан ортиқ турдаги микроорганизмлар касаллик қўзғатувчи сифатида иштирок этади. Жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликларига бошқа аъзолардаги яллиғланиш жараёнлари ангина, синуситлар, буйрак хасталиклари ва ҳ.к. ҳам сабаб бўлиши мумкин. Яллиғланиш қайси аъзода ривожланишига кўра *кольпит* (қинда), *эндометрит* (бачадонда), *сальпингит* (бачадон найида), *оофорит* (тухумдонда) ва б. фарқ қилинади. Бу касалликларда тана ҳароратининг кўтарилиши, интоксикация, бош оғриши, умумий аҳволнинг ўзгариши б-н бирга маҳаллий белгилар — қорин пастида оғриқ бўлиши, оғриқнинг ўзига хос тарқалиши (иррадиацияси), қиндан ажралмалар (оқчил) келиши, баъзан ҳайз функциясининг бузилиши каби аломатлар кузатилади.

Х.-қ.к.нинг кўпчилиги ҳайз функциясининг бузилиши — гиперменструал синдром (ҳайз қони миқдорининг ортиши) ёки, аксинча, гипоменструал синдром (ҳайз қонининг камайиши ёки ҳайзнинг айланмаслиги), дисфункционал қон кетиши ва бошқалар б-н боғлиқ.

Х.-қ.к.дан жинсий системанинг хавфли ва хавфсиз ўсмалари кўп, улар асосан тухумдон ва бачадонда кузатилади, бошқа жинсий аъзоларда эса кам учрайди. Жинсий аъзоларнинг ўсма касалликларини *онкология* ўрганади.

Гинекологик амалиётда жинсий системанинг ракоолди касалликларини олдини олиш муҳим, чунки улар вақт ўтиши б-н ракка айланиши ҳам мум-

кин. Ўсмалар ҳам, раколди касалликлар ҳам одатда кўзга яққол ташланмайдиган белгиларсиз кечади, шу сабабли аёллар йилига икки марта акушер-гинекологга кўриниб туришлари лозим.

Қиз болалар ва ёш қизчаларда ҳам жинсий система касалликлари кузатилади. Бу, ҳайз функциясининг бузилиши ва жинсий аъзолар ривожланишидаги аномалиялардир. Бунга, асосан, унинг болалигида бошидан кечирган турли касалликлари, ноқулай турмуш тарзи, ҳатто у она қорнидалигидаёқ онасининг бирор-бир жиддий касаллик б-н оғриганлиги сабаб бўлиши мумкин. Ҳайз функциясининг бузилиши қизларда ҳайзнинг кеч ёки эрта бошланиши, номунтазамлиги, қон кетиши ва ҳ.к. лар б-н кечади. Даволаш чоралари қанча эрта бошланса, шунча самаралироқ бўлади.

Жинсий система аъзоларининг ривожланиши ва жойлашуви аномалиялари ҳам катта гуруҳни ташкил этади; булар қизлик парда, қин, бачадон бўйни соҳасидаги битишмалар, бачадоннинг баъзан иккита ва ҳ.к. бўлиши. Бу аномалиялар жарроҳлик йўли б-н даволанади. Жинсий аъзолар жойлашуви аномалиялари (бачадон, қин деворларининг турли йўналишда пастга силжиши, ҳатто тушиб қолиши) кўпинча туғруқ асоратлари, баъзан чаноқ тубининг туғма заифлиги, оғир жисмоний меҳнат оқибатида юзага келади, бу одатда ёши каттароқ аёлларда кузатилади. Булар жарроҳлик усулида даволанади.

Ҳомиладорликнинг асоратли кечиши б-н боғлиқ баъзи патологиялар (ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ҳомиланинг тушиб қолиши, *бачадондан ташқари ҳомиладорлик*, *елбўғоз*), баъзи туғруқ асоратлари (оқма яралар, қўшни аъзолар шикастлари) ҳам гинекологик касалликларга киради.

Х.-қ.к. ичида алоҳида гуруҳни нейро эндокрин синдромлар ташкил этади; бу, асосан, гипоталамо-гипофизар патологиялар б-н боғлиқ. Булар гинекологик ҳамда эндокринологик йўл б-н даволанилади.

Аёллар жинсий системаси касалликларининг олдини олиш ва даволашни республикамиздаги таркибида *аёллар консультацияси* бўлган туғруқ мажмуи ва оилавий поликлиникалар амалга оширади. Тошкентдаги акушерлик ва гинекология и.т. институти, шунингдек, унинг вилоятлардаги филиаллари ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнларининг асоратсиз кечиши, *оналар ва болалар муҳофазасини* таъминлашда акушерлик ва гинекологик ёрдамни илмий ташкил этиш мақсадида фаолият кўрсатиб келмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНСУЛЬТАЦИЯСИ — қ. *Аёллар консультацияси.*

ХОТИРА — инъикос этилган нарса ва ҳодисаларни ёки ўтмиш тажрибаларни эсда қолдириш ва зарур бўлганда тиклашдан иборат психик жараён. У нерв системаси хусусиятларидан бири бўлиб, ташқи олам воқеалари ва организм реакциялари ҳақидаги ахборотни узоқ сақлаш ҳамда уни онг фаолиятида ва хулқ, хатти-ҳаракат доирасида такрор тиклаш қобилиятида намоён бўлади.

Х. ҳақидаги дастлабки илмий қарашлар Шарқ мутафаккирлари ва юнон файласуфлари (*Аристотель* ва б.)да учрайди. Хусусан, *Форобий* Х.га билишдаги ақлий жараённинг таркибий қисми сифатида қараб, Х.ни фақат инсонга эмас, ҳайвонга ҳам хос хусусият эканини алоҳида таъкидлаган.

Х.нинг физиологик асоси бош мия ярим шарлари пўстлоғининг муваққат боғланиши (қ. *Ассоциация*) ва уларнинг кейинги фаолиятидан иборат. Х. кўлами, ахборотларнинг узоқ вақт ва мустаҳкам сақланиши, шунингдек, муҳитдаги мураккаб сигналларни идрок этиш ва адекват реакцияларга ишлаб чиқиш бош мия нерв ҳужайралари (нейронлар) сонининг кўпайиб бориши ҳамда унинг структураси мураккаблашуви жараёнида ўсиб боради. Физиологик тадқиқотларда қисқа ва узоқ муддатли Х.лар қайд этилган. Қисқа муддатли Х.да ахборотлар бир неча дақиқадан бир неча ўн минутгача сақланади, нейронлар ишига халал берилганда (мас., электр шок, наркоз таъсирида) у бузилади. Узоқ муддатли Х.да ахборотлар одам умри бўйи сақланиб турли таъсирларга чидамли бўлади. Қисқа муддатли Х. аста-секин узоқ муддатли Х.га айланади. Х. руҳиятнинг ўтмиш ҳолати б-н ҳозирги ҳолати ва келгусидаги ҳолатларга тайёрлаш жараёнлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатади. Бошқа психик ҳодисалар каби Х. ҳам шахснинг хусусиятлари, унинг эҳтиёжи, қизиқишлари, одати, феъл-атвори ва ш.к. билан узвий боғлиқ.

Х. намоён бўлишдаги шаклига кўра, шартли равишда эмоционал Х. (ҳис-туйғуни эсда тутиш), образ Х.си (нарсаларнинг тасвири ва хусусиятларини эсда тутиш), сўз-мантиқ Х.си (нарсаларнинг моҳияти, мазмунини сўз б-н ифодаланган ҳолда эсда тутиш) каби турларга бўлинади. Булардан инсонда сўз-мантиқ Х.си етакчи ўрин тутади. Х.нинг барча тури бир-бирлари б-н чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Психологияда, шунингдек, ихтиёрий ва ихтиёрсиз Х.лар фарқ қилинади. Ихтиёрий Х.да муайян материални эсда олиб қолиш олдиндан мақсад қилиб қўйилади; ихтиёрсиз Х.да бундай мақсад бўлмайди — бирор фаолиятда (мас., меҳнат жараёнида ёки ким б-ндир суҳбатлашиб турилганда) ўз-ўзидан эсда сақлаб қолинади. Барқарорлиги жиҳатдан ихтиёрий Х. ихтиёрсиз Х.дан самаралироқ.

Фанда Х. билан боғлиқ равишда унутиш масаласини ўрганишга аҳамият берилмоқда. «Нормал» унутишни психик касалликлардаги Х. бузилишидан фарқ қилмоқ керак. Бу касалликларда Х. сусайиши (гипомнезия), йўқолиши (амнезия) ёки бир томонлама кучайиши (гипермнезия) кузатилади. Баъзи касалликларда у сифат жиҳатдан бузилади: беморга бўлмаган воқеаларни гўёки ўз бошидан кечиргандек туюлади, ёки қачонлардир бўлиб ўтган воқеаларни кеча ёки бугун рўй берган деб ўйлайди (конфабуляция, псевдореминисценция). Бундай сохта Х.лар кишида жиддий руҳий хасталиклар оқибатида келиб чиқади. Бундай касалликларда бош мия қон томирлари атеросклерози, шикастланиш, мияга қон қуйилиши ҳолатлари, оғир заҳарланишлар оқибати (мас., алкоголизмда учрайдиган психоз) ва ш.к. киради. Х. бузилганда уни келтириб чиқарувчи асосий касалликни даволашга эътиборни қаратиш керак.

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ МАЙДОНИ — Тошкент ш.даги меъморий мажмуа; 1999 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида барпо этилган. *Мустақиллик майдони*дан шим.даги хиёбонда, мангу аланга ёдгорлиги атрофида жойлашган бўлиб, майдон кенглигини давом эттириб туради. Майдоннинг тўрига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган (ҳайкалтарош И. *Жабборов*). Хиёбоннинг уз. 60 м. унинг шим. ва жан. томонида айвонлар қад кўтарган. айвонлар токчаларига ўрнатилган металл тахталарга 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик барча жангчиларнинг исм-шарифи битилган. Айвонлар миллий анъанавий меъморлик услубида устунли, вассажуфтли қилиб қурилган. Мажмуани бунёд этишда ва ўймакорлик б-н жозибадор безашда республикадаги моҳир усталар: *А.Абдуллаев* (Қўқон), Х. Боғбеков (Хоразм), Ҳ. *Одилов*, С. *Раҳматуллаев* (Тошкент), Н. *Соҳибназаров* (Самарқанд), *Й. Ўнгаганов* (Андижон) шогирдлари б-н биргаликда қатнашган (худди шундай меъморий иншоотлар республика вилоятларининг марказларида ҳам бунёд этилган).

Хотира ва қадрлаш майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали.

ХОТИРА ҚУРИЛМАСИ — электрон ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ), рақамли ҳисоблаш машинаси (РҲМ) ва компьютерларнинг ахборотларини қайд қилиш, сақлаш ва оператор излаганда «қайтариб бериш» учун мўлжалланган қисми. Асосан интеграл микросхемалардан иборат. Х.қ.да ахборотларни қайд қилишда ахборотларни элтувчи материал (перфокарта, перфолента)ни механик тарзда суриш, магнит материаллар (магнит диск, магнит лента ва б.)нинг магнит хоссасини ўзгартириш, диэлектрикларда электростатик зарядларни тўплаш, товуш ва ультратовуш тебранишларидан фойдаланиш, ўта ўтказувчанлик ҳодисасини қўллаш ва б. амаллар бажарилади.

Х.қ., асосан, ўта оператив, оператив ва ташқи қурилмалардан иборат бўлади. Ахборотларни излаш усулига кўра, адресли (ҳар бир хотира уясига зарур рақам қўйилади ва ахборот аниқ бир адрес бўйича изланади) ҳамда ассоциатив (ахборотлар аломатлар йиғиндиси бўйича изланади) Х.қ. фарқланади. Х.қ.нинг ахборотлар ўчмайдиган (диод матрицалар, перфоленталар ва б.даги ахборотлар) ва ўчадиган (магнит элтувчилар, ферромагнит ўзаклар ва б.даги ахборотлар) турлари бор. Х.қ.нинг асосий иш кўрсаткичи бирлиги бит ёки байт (8 бит)да ўлчанадиган сиғим, яъни бир вақтда Х.қ.да жойлашиши мумкин бўлган белгилар сони.

Инсон мияси энг мукаммал Х.қ. ҳисобланади. Унда $(10-15)\cdot 10^{9}$ га яқин асаб ҳужайраси (уяси) — нейтронлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири хотира ҳужайраси (уяси)ни ташкил қилади.

Компьютернинг «мияси» — микропроцессор маълумот ёки дастурларни айнан хотирадан олади ва натижаларни унга қайд қилади. Компьютер дискдан маълумотларни «ўқиб», махсус қисмида сақлайди ва иш жараёнида ундан бевосита фойдаланиб туради. Ана шу махсус қисм оператив хотира деб аталади. Компьютернинг имкониятлари оператив хотира сиғимига боғлиқ. Компьютерда оператив хотира 1 Мбайт ёки ундан кичик бўлса, у фақат MS DOS ОТ муҳитида, агар 4 Мбайт бўлса, MS DOS ОТ, Windows 3.1 муҳитида, 32 Мбайт ва ундан катта бўлса, локал тармоқлар (*интернет*, электрон почта — E-mail) да ишлаши мумкин. Кўпчилик компьютерларда оператив хотира орасига қўшимча КЭШ-хотира ўрнатилади. Кўп ишлатиладиган маълумотлар ана шу хотирага қайд қилинади. IBM PC компьютерида яна хотиранинг BIOS (доимий хотира) ва CMOS (ярим доимий хотира) турлари мавжуд. Уларда компьютер қурилмаларини текшириш дастурлари, операцион тизимни юклаш ва компьютер қурилмаларига хизмат кўрсатиш вазифаларини бажариш дастурлари сақланади. Электрон техникасининг ривожланиши, бионика ютуқларидан самарали фойдаланиш туфайли сиғими инсон мияси сиғимига яқинлашиб қоладиган Х.қ. яратишга муваффақ бўлинди.

Ад.: Холматов Т.Х. ва б., Информатика, Т., 2003.

ХОТТА Ёшиэ (1918.17.7, Тояма — 1998.5.9, Ёкохама) — япон ёзувчиси. Кейо ун-тининг француз адабиёти бўлимини тугатган (1942). Талабалик йилларида шеърлар ёзган. 1945 й.да Хитойга маданий фаолият учун юборилган ва Шанхайда япон ёзувчилари б-н танишган. Японияга қайтгач, Хитойда орттирган тажрибасига асосланиб, «Тўлқин остида» (1948), «Ватандан айрилиш» (1950) ва б. романларини ёзган. «Ватан хоини» (1951) ва «Майдон ёлғизлиги» (1951) романлари ҳам бор. «Майдон ёлғизлиги» романида япон зиёлилари, унинг Корея уруши пайтида пайдо бўлаётган милитаризмга нисбатан ташвишлари акс этган. 1977 й.дан Испанияда яшаган. 1978 й. Тошкентга келган. Х.нинг истеъдоди унинг ижтимоий романларида яққол кўзга ташланади. Япониянинг 1939—45 й.лардаги, 2-жаҳон урушининг сўнгги йиллари ва урушдан кейинги дастлабки йиллардаги фаолияти «Ҳайкал» (1955) романида кенг талқин қилинган. Хиросима фожиаси ва урушнинг маънавий асоратлари муаммоси «Суд» (1960—63) ва «Кўприкдаги манзара» (1970) романларида ўз аксини топган. «Гоя» (4 жилдли, 1974—77) асари ҳам бор.

Асамура Такао.

ХОТУН, қатун — хоқон хотини ва ҳукмдор аёлга нисбатан қўлланилган туркий унвон. Дастлаб, ҳунлар даврида (мил. ав. 3 — мил. 3-а.лар) қайд этилган. *Турк хоқонлиги* даврида (6—8-а.лар) хоқондан кейин 2-даражали турувчи унвон.

Х.лар *тўра* асосида хоқон б-н биргаликда ҳокимиятни бошқаришган. Тарихда туркий ҳукмдорларнинг бир неча хотини бўлганлиги, фақат улардан бири — бош Х. бўлганлиги маълум. Хоқон вафот этганда ўрнини эгаллайдиган ўғли кичик ёш бўлса Х. унинг номидан ҳокимиятни бошқарган.

Ҳарбий сафар чоғида ҳам Х.лар ҳукмдорлар ёнидан жой олганлар, шунингдек, ҳукмдор саройда бўлмаган пайтда саройни бошқариб, элчилик ҳайъатларини қабул қилганлар.

Турк хоқонлиги даврида унга бўйсунувчи бир қатор ўлка, давлатларда Х. унвони кенг тарқалган. Жумладан, Чоч, Суғд, Бухоро, Тохаристон, Зобулистон ва Гандхарада ушбу унвон ҳукмдорларнинг бош хотинига нисбатан қўлланилган. Мас., хитой ва араб манбаларида қайд этилишича, Чоч воҳасида 7—8-а.ларда Хотункат («Хотун шаҳри») мавжуд бўлган. Бухорога 7-а.нинг 80-й.ларида араблар бостириб кирган пайтда уларга Бухорхудот ва Хотун қарши чиққан. Араблар томонидан Бидун ўлдирилгач, унинг ўғли Туғшода ёш бўлганлиги сабабли тахтга хотини *Хутак хотун* ўтиради. Шу-

нингдек, 726 й.да Шим. Ҳиндистонда бўлган хитой сайёҳи Хой Чао бу ердаги Гандхара ўлкасини туркий сулола бошқарганлигини ва ҳукмдорнинг аёли катун (хотун) будда монастири қурдирганлигини қайд этган.

7—8-а.ларга тааллуқли суғдий ёзувли қад. туркий тангалар орасида қўшалоқ тасвирли; ўнг томонида ҳукмдор ва малика тасвирланган, орқа томонида эса MR'Y (ҳукмдор) ва a.'ttwnh (хатун) унвони зарб қилинган тангалар учрайди. Ушбу тангалар, асосан, мамлакатимиз ҳудудидан топилган бўлиб, Суғд ёки Бухорода ҳукмронлик қилган туркий сулолага мансуб ҳисобланади.

Хуросон, Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистонда мусулмон дини тарқалгач, туркий сулолаларда ҳам аёлларнинг мавқеи сақланиб қолган ва улар Х. унвони б-н давлат ишларида катта ўрин тутганлар. Жумладан, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар ва бир қатор бошқа туркий давлатларда Х.ларнинг мавқеи баланд бўлган. Мас., *Хоразмшоҳлар давлати*ни бошқаришда *Муҳаммад* Хоразмшоҳ онаси *Туркон хотун*нинг измидан чиқмаган.

Ад.: Гумилев Л.Н., Древние тюрки. М., 1967; Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А., Қадимги туркий тил, Т., 1982.

Ғайбулла Бобоёров.

ХОФМАН (Гофман) Роалд (1937.18.7, Злочев, Польша) — америкалик кимёгар. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1972). Колумбия ун-тини тугатган (1958). 1965 й.гача Гарвард ун-тида ишлаган, 1965 й.дан Корнелл ун-тида ишлайди (1968 й.дан проф.). Асосий и.т.лари кимёвий кинетика ва кимёвий реакциялар механизмини ўрганишга оид. Р.Б.Вудворд б-н ҳамкорликда мослашган реакциялар учун орбитал симметриянинг сақланиш қоидасини (Вудворд—Хофман қоидаси) таклиф қилган (1965). Кимёвий ўзгаришлар йўлидаги энергетик ғовлар шаклланишининг физик моҳиятини аниқлаган (1970). Стереокимё ва комплекс бирикмалар соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантирган (1978—80). Нобель мукофоти лауреати (1981; К. Фукуи б-н ҳамкорликда).

ХОФСТЕДТЕР (Hofstadter) Роберт (1915.5.2, Нью-Йорк — 1990) — америкалик физик. Принстон ун-тини тугатган (1938). Принстон ун-тида (1946 й.дан), Станфорд ун-тида (1950 й.дан, 1954 й.дан проф.) ишлаган. Гамма-квантлар, нейтронлар ва рентген нурланишларини қайд қилиш учун мўлжалланган ҳисоблагичларни яратган. Космик нурларни ва релятивистик электронлар вужудга келтирган каскад жалаларни ўрганган. Электронларнинг нуклонларда тарқалишига доир фундаментал ишларни амалга оширган, натижада нуклонларнинг структурасини билишга имкон туғилган. Нобель мукофоти лауреати (1961).

ХОХЛОВ ЭЛЧИЛИГИ — рус подшоси М.Ф.Романов (1613—45) Бухоро хони Имомқулихон ҳузурига боярин Иван Данилович Хохлов бошчилигида юборган дипломатик миссия (1620—22). Имомқулихон томонидан юборилган Оламбий раҳбарлигидаги элчилик (1619—20) га жавобан жўнатилган. И.Д.Хохловга аввало Бухоро хонини Россия б-н савдо ва дўстона алоқалар ўрнатишга кўндириш, Бухородаги рус асирларини озод этиш, Бухоро хонлигининг Туркия, Эрон, Грузия, Хива хонлиги б-н алоқалари қандай эканлиги, Бухоронинг ҳарбий қудрати ҳақида махфий маълумотлар тўплаш ва б. вазифалар юклатилган. Элчилар Қозондан 1620 й. 21 июнда Бухоро ва Хива элчилари Оламбий ва Раҳимқул ҳамроҳлигида йўлга чиққанлар. Улар Астрахон — Каспий денгизи — Тўнқараган пристани — Урганч — Хива — Хонқа — Қизилқум — Хайробод — Бухоро йўналиши б-н манзилга етиб келишган. Элчиларни Имомқулихон яхши кутиб олган. Саройдаги 23 рус аскари озод қилинган, қолган асирлар эса турли сабабларга кўра озод этилмаган. И.Д.Хохловнинг ҳисоботида хонликнинг ички ва халқаро аҳволи, Бухоро хонлигидаги ижтимоий-иқтисодий (солиқлар, шаҳар, қишлоқлардаги аҳвол), сиёсий вазият, шунингдек, этнографик характердаги маълумотлар тўпланган.

Ад.: Ахмедов Б.А., Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв. Письменные памятники. Т., 1985; Гулямов Х.Т., Из истории дипломатических отношений России с Бухарским ханством в XVIII в., Т., 1992.

ХОЧ, крест, салиб — христианликнинг асосий тимсолларидан бири, *православие* ва *католицизм*да диний сиғиниш буюми. Х.га сиғиниш 4-а.да расмийлашган. Христианлар ривояти бўйича, Исо Х.га михлаб ўлдирилган, шунга кўра, қатл қуроли тасвири христианлик динини қабул қилиш белгиси сифатида диний тимсолга айланган. *Протестантизм*да Х.га сиғинилмайди.

ХОШИМИН (1976 й.гача Сайгон) — Вьетнамдаги шаҳар. Атрофи б-н марказга бўйсунувчи алоҳида маъмурий бирликни ташкил этади. Аҳолиси 3,6 млн. киши (1996). Транспорт йўллари чорраҳаси. Сайгон дарёси бўйидаги порт (Жан. Хитой денгизидан 80 км

Хошимин шаҳри. Бозор.

ичкарида). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Озиқ-овқат, кўн-тери, тўқимачилик саноатлари ривожланган. Машинасозлик (хусусан, кемасозлик) ва металлсозлик, тайёр қисмлардан электротехника ва радиотехника буюмлари йиғиш, кимё (каучук), цемент, ётоқсозлик корхоналари мавжуд. Балиқ овлаш маркази. Бадиий ҳунармандчилик, кулолчилик ривожланган. Ун-т, музейлар, илмий тадқиқот ин-тлари, Миллий кутубхона ва б. бор.

Шаҳарга 1779 й.да хитойлик савдогарлар Тангон (вьетнамча Сайгон) номи б-н асос солганлар. 1864 й.дан Сайгон Франция мустамлакаси Кохинхин (Жан. Вьетнам)нинг маъмурий маркази. 1954 й. июлдан ҳукумат қароргоҳи. 1976 й.дан шаҳар Шим. Вьетнам сиёсий арбоби Хо Ши Мин шарафига Х. деб аталди. Салой ва Винь-Нгием будда пагодалари ва б. 18-а.да қурилган меъморий ёдгорликлари сақланган.

ХОҚОН, қаған, қоон — Марказий Осиёлик айрим халқларда, шу жумладан, туркий халқларда ҳукмдорларнинг энг олий унвони. Ушбу унвон *император*, *шаҳаншоҳ* унвонлари б-н тенг маънони билдирган.

Мил. ав. 1-а.дан то сўнгги ўрта асрларгача Марказий Осиё, Шим. Хитой, Шим. Кавказ, Жан. Россия, Шарқий Европа, Эрон, Ҳиндистон ва б. ўлкаларда ҳукм сурган туркий сулолалар аксариятида ҳукмронлар учун қўлланган. Дастлаб мил. ав. 1-а.да Осиё хунларида кўринган ушбу унвон Европа ҳунлари — *гуннлар*, *сянбилар*, табғач (келиб чиқиши туркий бўлган Хитойдаги Шим. Вэй сулоласи), эфталийлар, Авар хоқонлиги (Шарқий Европада), Турк хоқонлиги, Хазар хоқонлиги, Уйғур хоқонлиги давлатларида мавжуд бўлган. Кейинчалик, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар, Усмонийлар давлатларида ҳам юксак унвон сифатида қўлланилган. Бундан ташқари, ушбу унвон туркийлар б-н қўшни бўлган бошқа халқларда: славянларда (Киев Руси давлати), мўғуллар (Чингизхон империяси)да ҳам ишлатилган (яна қ. *Хон*). Айниқса, Турк хоқонлиги даврида олий ҳукмдор сифатида давлат тепасида Х.лар турган. Бу даврга тааллуқли қад. туркий, хитой, юнон, арман, сурёний, суғдий, бақтрий, тибет тилидаги манбаларда турк Х.лари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Хитой йилномаларида Х.ларнинг тахтга чиқиш маросими ҳақида кенг тафсилотлар берилган. Жумладан, Х. бўладиган шахс оқ кигиз устига ўтиргизилиб, 9 киши томонидан юқорига кўтарилган ҳолда ўтов (чодир)нинг атрофида қуёш йўналишида 9 маротаба айлантирилган. Сўнгра эса ипак рўмол б-н томоғи сиқилиб, ундан қанча йил ҳукмдор бўлиши сўралган, оғзидан чиққан биринчи товуш ёки сўзга қараб, унинг қанча муддат ҳукм суриши тайин қилинган. Шунга ўхшаш маълумотлар юнон, араб, форс, туркий манбаларда ҳам сақланиб қолган.

Турк хоқонлиги даврида, жумладан, 6—8-а.ларда Марказий Осиёнинг бир қанча ўлкаларида: Тохаристон, Суғд, Фарғона, Чоч, Еттисувда «хоқон» унвони б-н тангалар чиқарилган.

Ад.: Бичурин Н.Я., Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена, т. 1—3, М.—Л., 1950—1953.

Ғайбулла Бобоёров.

ХОҚОНИЙ ШИРВОНИЙ (тўлиқ исм-шарифи Афзалиддин Бадил ибн Али) (1120, Ширвон — 1199, Табриз) — озар шоири. Ғазал, қасида ва маснавийлар битган. Шоир Абу Ало Ганжавийдан (12-а. 1-ярми) бадиий ижод сирларини ўрганган. 25 ёшида Ширвоншоҳлар саройидаги адабий доирага дохил бўлиб, «Хоқоний» тахаллуси б-н ғазаллар ёза бошлаган. Аммо сарой амалдорлари Х.Ш. б-н устози орасида низо чиқаради. Х.Ш. ҳажга бориш баҳонаси б-н бу можаролардан қутулади (1156). Х.Ш. ҳаждан қайтгандан сўнг ҳам унинг атрофидаги иғво ва туҳматлар тўхтамайди. Ҳатто Мужриддин Бойлақоний Х.Ш. имзоси б-н Исфаҳон халқини ҳажв қилиб, қасида тарқатади, шоир зиндонга ташланади. Унинг «Сифаҳон», «Ҳибсиёт» (1159) қасидалари шу муносабат б-н ёзилган. Византия шаҳзодаси Андроник Комнен ёрдамида ҳибсдан қутулган. Умрининг охирги йилларини Табризда ўтказган. Шоирнинг қабри Мурғоб қабристонидаги «Мақбарат уш-шуаро»дадир. Х.Ш.дан бизга қадар 14 минг байтдан иборат шеърлар девони, 3 минг байтни ташкил қиладиган «Туҳфат ул-Ироқайн» («Икки Ироқ туҳфаси», 1157) маснавийси мерос бўлиб қолган. Шеърларида ишқ-муҳаббат тасвири б-н бирга мавжуд ижтимоий тузум, ўзи яшаётган замон иллатларини рўй-рост танқид, зулм-зўравонликлардан нолиш кучли. Ижоди 13-а.дан ўрганила бошлаган. «Туҳфат ул-Ироқайн» маснавийси ҳамда «Мадойин қасри» қасидаси Араб ва Ажам халқлари тарихи, маънавиятини ўрганишда муҳим манба вазифасини ҳам ўтайди.

ХОҲИШ (психологияда) — муайян ҳаракатни бажаришга интилиш ҳақидаги тасаввур ва шу йўлдаги кечинма. Ҳаракатнинг амалга ошуви Х.нинг қондирилишини ифодалайди. Этика ва ижтимоий психологияда Х. интилиш, аниқроғи, бирор мақсад, идеал, орзуга эришиш импульси сифатида қаралади.

Х. — шахс хулқи ва фаолиятини белгиловчи муҳим психик ҳолатлардан бири; у бу ҳолатларнинг мотивлари ва иродавий томонини ифодалайди. Шунинг учун Х. психологияда фақат майл ёки фаолият объектига интилиш сифатида эмас, балки бу фаолиятни амалга оширишни хоҳлаш ва ният қилиш сифатида ҳам баён қилинади. Х.нинг ривожланиши уни қониқтириш усул ва шароитлари, Х.нинг барқарорлиги, узоқ сақланиши ва кучи б-н белгиланади. Шунга қараб Х. бажарилиши мумкин бўлган, нореал, жиддиятли, бемаъни, мақсадли ва б. турга бўлинади. Х. инсоннинг қизиқиши ва эътиқоди б-н бирга ўз фаолиятига онгли муносабатда бўлишини ҳам ифодалайди.

ХРАПОВИКЛИ МЕХАНИЗМ, храповик — машиналар (велосипед, станоклар, чиғирлар ва б.)да илгарилама-айланма ҳаракатни бир йўналишдаги узуқ айланма ҳаракатга ўзгартириш учун мўлжалланган тишли механизм. Вазифаси машиналардаги иш органининг тескари томонга айланиб кетишига йўл қўймаслик. Асосий қисмлари: бир томонлама қия тишли ғилдиракча (храповик), тирак тилча (собачка), етакчи ричаг, ўқ, қўшимча тирак тилча. Етакчи ричаг соат мили йўналишига тескари йўналишда ҳаракатланганда тирак тилча храповикни муайян бурчакка буради. Ричаг тескари йўналишда ҳаракатланганда тирак тилча бир ёки бир неча тишга сирпаниб ўтади. Қўшимча тирак тилча эса храповикнинг тескари томонга айланишига имкон бермайди. Х.м. юк кўтариш машиналарида чиғир (лебёдка) барабанининг юк таъсирида тескари томонга ўз-ўзидан айланиб кетишига йўл қўймайди.

Храповикли механизм схемаси: *1* — қия тишли ғилдиракча (храповик), *2* — тирак тилча (собачка), *3* — етакчи ричаг, *4* — қўшимча тирак тилча.

ХРЕН — қ. *Ерқаламир*.

ХРЕСТОМАТИЯ (юн. chrestos — фойдали ва manthano — ўқийман) — таълимнинг бирор соҳаси бўйича муайян ички тамойиллар асосида тартиб б-н берилган ўқув китоби. Х. ўзбек тилида «мажмуа» деб ҳам юритилади. Улар илмий, бадиий, мемуар, публицистик асар ёки улардан олинган парча ёхуд турли ҳужжатлардан иборат бўлиши мумкин. Одатда, Х.га киритилган материаллар айни турдаги мактабда ўқитиладиган муайян ўқув предметининг мақсадига мувофиқ тарзда танланади. Умумтаълим мактаблари амалиётида ижтимоий-гуманитар йўналишдаги деярли барча фанлар бўйича Х.лар тузиш тажрибаси мавжуд. Улар ўқувчиларда мустақил ўқиш ва илмий адабиётлардан фойдаланиш малакасини шакллантириш жиҳатидан катта аҳамият касб этади. «Х.» атамаси илк бор мил. 4-а.да юнон грамматиги Элладий томонидан юнон ёзувчиларининг асарларидан олинган парчалар тўпламига нисбатан қўлланилган. Шундан буён Европа таълим тизимида бу дидактик ашёдан фойдаланиб келинади. Қад. Туркистон мактабхона ва мадрасаларидаги таълим жараёнида талабаларнинг мустақил ўқиши учун фойдаланилган баёзу куллиётлар ҳам ўзига хос Х. ҳисобланган. Ўзбекистонда бевосита педагогик мақсадда тартиб б-н берилган Х.лар илк бор 20-а. бошларида *Мунаввар қори* («Сабзавор»), Абдулла *Авлоний* («Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар»), Ҳамза («Енгил адабиёт», «Қироат китоби») ва б. жадид маърифатчилари томонидан янги усул мактаблари ўқувчилари учун тайёрланган. 20-а.нинг 20-й.лари ўрталарида чоп этилган Элбекнинг «Гўзал ёзғичлар», Чўлпоннинг «Адабиёт парчалари» сингари мажмуалари тўла маънодаги ўқув Х.ларидир. 20-а.нинг 50-й.ларидан буён мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун мунтазам равишда Х.лар нашр қилиб келинади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ҳам умумтаълим мактаб-

лари ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар йўналишдаги турли фанлардан Х.лар тайёрланмоқда. Х.да берилган матилар, одатда, асари ўрганилаётган ёзувчи, фаолияти тўғрисида маълумот берилаётган тарихий шахслар, танишиш учун берилган ҳужжатлар ҳақидаги маълумот ҳамда изоҳлар б-н таъминланади. Х.лар дидактик аппаратининг мукаммаллиги унинг педагогик жиҳатдан самарадорлигини таъминлайди. Х. материаллари тарихий-хронологик, мавзувий ёки жанрий хусусиятларига кўра жойлаштирилади. Х.лар орасида адабиёт бўйича тузилган ўқув мажмуалари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки улар ўқувчиларга бевосита бадиий асар матни б-н танишиш имконини бериб, уларни мустақил фикрлашга ўргатади. ЎзР умумтаълим тизими амалиётида адабиёт Х.ларидан фойдаланиш тажрибаси кенг ёйилган. Адабиёт Х.лари қайси тамойилларга кўра тузилгани, материаллар қандай асосларда танлангани ва жойлаштирилганига кўра умумлаштирувчи, йўналишли ва тизимли сингари турларга ажратилади. Умумтаълим мактабларининг 5—7-синфларида умумлаштирувчи, 8—9-синфларида йўналишли, 10—11-синфларида тизимли Х.лардан фойдаланилади. Х.ларнинг ҳажмини белгилашда унинг қайси синф ўқувчиларига мўлжаллантани ва қайси ўқув фанига доир эканлиги ҳисобга олинади.

Қозоқбой Йўлдошев.

ХРИЗАНТЕМА (Chrysanthenum) — мураккабгулдошлар оиласига мансуб, бир ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми; манзарали экин. Ватани—Европа. 200 га яқин тури Ҳиндистон ва Африкада тарқалган. Ҳинд Х.си (C.indicum) Ғарбий Европа, Япония, АҚШ, Россия ва б. мамлакатлар саноат гулчилигида муҳим аҳамиятга эга. Х.нинг майда гулли ва йирик гулли навлари иссиқхоналарда ўстирилади.



Хризантема.

Майда гулли Х.нинг бал. 50—60 см, ён шохлар сони кўп, ҳар бир шох гул б-н тугайди. Гуллари оқ, қизил, оч бинафша ва ҳ.к. Йирик гулли Х.нинг бал. 50—70 см, 1 ёки 2 шохли, гуллари йирик, мураккаб тўпгулли, диаметри 6—8 см. Йирик гулли Х. аксарият уй шароитида ўстирилади. Х. тўпгулининг чиройлилиги, узоқ муддат гуллай олиши туфайли унинг бир йиллик турлари гулчиликда экилади. Х. уруғидан ва 8—10 см узунликдаги қаламчасидан кўпайтирилади. Май ойида туп оралиғи 40—60 см қилиб экилади. Июнь ойида ён шохлар чилпиб шакл берилади. Окт.-нояб.да гуллайди. Ўзбекистонда Х.нинг Ўзбекистон тўғонаси, Тошкент тўғонаси ва б. навлари чиқарилган.

ХРИЗОБЕРИЛЛ (юн. chrysos — олтин ва берилл) — мураккаб оксидларнинг кичик синфга мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Al_2[BeO_4]$. Ромб сингонияда кристалланади. Донадор агрегатлар ҳосил қилади. Яшил, сариғи, сариқ, жигарранг, қизил, баъзан рангсиз бўлади. Х.нинг хром таркиблиси зумрадлек яшил, электр нурида бинафша ранг, қизил тусда товланадиган хили александрит, тилла ранг-сариқ, кўкиш товланадигани эса, цимофан ёки мушуккўз дейилади. Шишалек ялтироқ. Қаттиқлиги 8,5; зичлиги 3,5—3,7 г/см³. Мўрт. Гилтупроқли тоғ жинсларида ётган гранитли пегматитларда мусковит ва берилл б-н биргаликда йирик доналар шаклида учрайди. Таркибида кўп BeO бўлган Х.ли ва фанакитли флюорит метасоматитлари бериллий рудаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мьянма, Ҳиндистон, Мадагаскар о., РФ (Урал), Бразилия, Шри Ланкада Х. конлари машҳур. Ўзбекистонда Чатқол тоғларида мавжуд. Тиниқ, чиройли турлари (александрит, цимофан) қимматбаҳо тош ҳисобланади. Заргарликка оид энг йирик қирралланган Х. — «Хоуп хризоберилл» (45 карат) Британия музейида сақланади.

ХРИЗОКОЛЛА (юн. chrysos — олтин ва kolla — елим; қадимда олтин буюмларни кавшарлашда ишлатилган) — силикатлар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Cu_8[Si_4O_{10}]_2(OH)_{12}\cdot nH_2O$. Ромб сингонияда кристалланади. Криптокристалл, куртаксимон, узум бошидек, тупроқсимон, пўстлоқсимон агрегатлар ҳосил қилади. Ҳаво ранг, ҳаво ранг-яшил, кўк, қўнғир, қора хилларн маълум. Қаттиқлиги 2—4, зичлиги 2,2—2,3 г/см³. Ерикларни, шунингдек, кварц, пироксен доналари орасини юпқа парда каби тўлдириб туради. Х. мис конларининг оксидланиш зонасида кенг тарқалган минерал бўлиб, мис рудаларини қидиришда даракчи ҳисобланади. Қуруқ, иссиқ иқлимли жойларда кенг тарқалган. Унинг малахит, азурит, церуссит, кальцит ва б. минераллар ўрнида пайдо бўлган псевдоморфозалари бор. Х. хорижда Чили, АҚШ, РФ (Урал, Байкал орти), Қозоғистондаги конларда учрайди. Ўрта Осиёда Х. қадимдан маълум. Ўзбекистонда Қалмоққир, Кўрғошинкон, Қўнғот ва Олтинтопган конларида мавжуд.

ХРИЗОЛИТ, перидот (юн. chrysos — олтин ва lithos — тош) — минерал, *оливин*нинг шаффоф, олтин тусли, яшил рангли нафис тури. Таркибидаги рангига таъсир қилувчи FeO 8—15% дан кам эмас. Х. призма шаклидаги кристаллар ҳосил қилади. Мўрт. Кислоталарда яхши эрийди. Осон сайқалланади. Кам учрайди, асосан, кимберлитлар, ишқорли оливинли базальтлар, серпентинланган перидотитлар, ультрасосли ишқорли жинсларда ҳамда сочмаларда учрайди. Қизил денгиздаги Зебергед о.да энг машҳур йирик кристаллари топилган. Х. АҚШ, Мьянма, ЖАР, РФ (Саха)да ҳам маълум. Қадимда заргарлик ишларида Х. номи бошқа яшил рангли қимматбаҳо тошлар: демантоид (гранатнинг тури), олтин-яшил рангли топаз, *хризоберилл*, везувианларга ҳам қўлланилган.

ХРИЗОМАНАДАСИМОНЛАР (Chrysomanadales) — тилла ранг сувўтлар қабиласи ёки синфи. Майда ҳаракатчан (1—2 хивчинли) бир ҳужайрали ёки колоннал организмлар. Баъзи Х.нинг танаси қобиқсиз, шаклини ўзгартириб туради, баъзилари қипиқсимон қобиқ б-н қопланган. 70 турни (500 тури) маълум. Кўпчилиги чучук сувларда яшайди. Х.нинг кўпайиб кетиши сувнинг гуллашига олиб келади. Х.нинг баъзи турлари сувнинг ифлосланиш даражасини аниқлаш имконини беради.

ХРИЗОТИЛ-АСБЕСТ — қ. *Асбест.*

ХРИСТИАНЛИК — жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. Европа, Америка мамлакатларида, Австралияда, фаол миссионерлик ҳаракати натижасида Африка, Яқин Шарқда ва Узоқ Шарқнинг бир неча минтақаларида кенг ёйилган. Жаҳонда бу динга тахм. 2 млрд. киши эътиқод қилади. Х.нинг асосий ғояси худо-одам — Инсус Христос (Исо масиҳ; қ. *Исо*) ҳақидаги ривоятлар б-н боғлиқ. Х. таълимотига кўра, Худо ягона, лекин у *муқаддас учлик* (троица)да намоён бўлади. Исо келажакда тирикларни ва ўликлар устидан ҳукм чиқариш учун охират куни ерга қайтиб келади. Унинг ўгитларига, васиятларига амал қилганлар, ҳаёт машаққатларига у каби бардош берганларгина нариги дунёда ажр (мукофот) га эришадилар. Х.нинг ахлоқий нормалари, чеклаш ва тақиқлари *Библия* ва б. муқаддас китобларда ўз ифодасини топган. Х. 1-а.нинг 2-ярмида Рим империясининг шарқий қисмида яшовчи яҳудийлар ўртасида пайдо бўлган. Илк Х. дастлаб *иудаизм*дан ажралиб чиққан. Шарқ динларига хос айрим тасаввурлар ҳам унда ўз ифодасини топган. Христиан жамоаларининг ижтимоий таркиби вақт ўтиши б-н руҳонийлар (клир) ва оддий жамоа аъзолари (мирян)га бўлинган. Айрим-айрим жамоалар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши епископ бошлиқ *черков*нинг таркиб топишига олиб келди. Черков катта бойлик тўплаб, сиёсий кучга айланиб борган. Дастлаб христианларни таъқиб этган Рим императорлари кейинчалик Х. тарафдорлари бўлдилар. 4-а.да Х. Рим империясида мавжуд ижтимоий тузум ва унинг тартибларини ҳимоя қилувчи давлат динига айланди. Рим империясининг ғарбий ва шарқий қисмидаги ўзига хос тарихий тараққиёт Х. черковини иккита: *католицизм* (империянинг ғарбий қисми) ва *православие*га (шарқий қисми) бўлинишига олиб келди. Х.нинг бу бўлиниши 1054 й.да расман эътироф этилган бўлса-да, бироқ бу жараён 13-а.нинг бошларида тугалланган. 16-а.да *Реформация* натижасида Европадаги қатор черковлар католицизмдан ажралиб чиқиб, Х.нинг учинчи асосий оқими — *протестантизм* юзага келди. 19-а.нинг охирида христиан черковларининг миссионерлик фаолияти кучайди.

Мил.нинг бошларидаёқ Х. Марказий Осиё, айниқса, Марв ва Бақтрияда кенг тарқалган эди. Ана шу даврда христианларнинг Марказий Осиёда мавжуд бўлганини черков, монастир, Х.ка оид буюм, қабртош ҳамда танга каби тарихий ашёвий далиллар исботлайди. Араблар бу ҳудудни эгаллаганидан сўнг христиан жамоаларининг фаолияти тўхтаган. Х.нинг Туркистон ўлкасида кейинги пайдо бўлиши 19-а.нинг 40-й.ларига тўғри келади. Ўрта Осиёда муқим православ черковларининг биринчиси 1847 й.да Сирдарё вилоятидаги Раим истеҳкомида қурилди. Шундан кейин Авлиёота (1866), Жулек ва Марки (1866), Туркистон (1866), Чиноз (1868), Ўратепа (1867) истеҳкомлари, Тошкент (1865), Чимкент (1868), Жиззахда (1866) православ жамоалари ташкил қилиниб, уларда доимий ҳарбий руҳонийлар фаолият олиб бордилар. Сўнгра Зарафшон округига қарашли Самарқанд ва Каттақўргонда ҳам жамоалар шакланди. 1871 й. Россия императорининг фармонига биноан, Туркистон епархияси ташкил этилиб, унинг маркази Верний (ҳоз. Олмаота) ш.да жойлашди. 20-а. бошларига келиб Туркистонда 306 православ черкови бор эди. Бундан ташқари, ўлкада 10,1 минг старообрядчилар, 8,2 минг лютерчилар, 7,8 минг католик, 26 минг яҳудочилар, 17,1 минг га яқин бошқа динга мансуб кишилар истиқомат қилар эди. 1916 й. охирига келиб епархия маркази Тошкентга кўчирилди. Бу вақт Тошкентда 16 та черков фаолият кўрсатар эди. 1936 й.да Рус Православ черкови Патриархининг қарорига асосан, епархия Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ҳамда Олмаота ва Қозоғистон епархияси номи б-н 2 га ажратилди. Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси тасарруфига Ўзбекистондан ташқари Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондаги рус православ черковлари ҳам кирди. Ҳоз. кунда Ўзбекистонда Х.нинг турли оқимларига мансуб диндорлар яшайди.

Эдҳам Иброҳимов.

ХРИСТОС — қ. *Исо.*

ХРОМ (юн. chroma — ранг, бўёқ, бирикмалари ёрқин рангли бўлгани учун, лот. Chromium), Cr — Менделеев даврий системасининг VI гуруҳ асосий кимёвий элемент. Тартиб ҳига мансуб рақами 24, ат. м. 51,996. Х.нинг 4 та барқарор изотопи мавжуд: ^{50}Cr (4,31%), ^{52}Cr (83,76%), ^{53}Cr (9,55%) ва ^{54}Cr (2,38%). Х.нинг сунъий радиоактив изотопларидан энг муҳими ^{51}Cr ($T_{1/2}$=27,8 кун).

Х.ни дастлаб француз кимёгари Л.Воклен 1797 й. табиий қўрғошин (II)-хромат — крокоит ($PbCrO_4$) минерали таркибидан топган. Соф Х.ни Бунзен хром (II)-хлорид эритмасини электролизлаб олган.

Х. Ер пўстининг масса жиҳатидан 0,035% ини ташкил қилади. Асосий минераллари: хромит $FeCr_2O_4$, крокоит $PbCrO_4$, уваровит $CaCr_2(SiO_4)_3$. Бундан хромит (хромли темиртош) катта амалий аҳамиятга эга. Х. оқ-кулранг, қийин эрийдиган ялтироқ қаттиқ металл. Суюқланиш т-раси 1890°, қайнаш т-раси 2680°, зичлиги 7,2 г/см³. Ҳавода Х.нинг сирти оксид парда б-н қопланади, бу парда Х.ни кейинги оксидланишдан сақлайди. Х.га углерод сидланишдан сақлайди. Х.га углерод сингари, унинг қаттиқлиги ялада ортади. Х. қуйи т-раларда ниҳоятда инерт модда, лекин қиздирилганида кислород, азот, углерод, олтингугурт ва галогенлар б-н реакцияга киришади. Мас., хром (III)-оксид Cr_2O_3 хром (III)-хлорид $CrCl_3$, хром (III)-сульфид CrS_3, хром (III)-нитрид CrN_3лар ҳосил қилади. Хром (III)-сульфид фақат қуруқ муҳитдагина барқарор, сув таъсирида гидролизга учрайди, натижада хром (III)-гидроксид ва водород сульфид ҳосил бўлади. Х.нинг галогенидлари ичида Х. хлоридлари муҳим аҳамиятга эга. Х. (II)-хлорид $CrCl_2$ — рангсиз гигроскопик кристалл модда. Суюқланиш т-раси 824°, зичлиги 2,88 г/см³. Хромометрияда ишлатилади. Х. (III)-хлорид $CrCl_3$ — бинафша тусли кристалл модда. Суюқланиш т-раси 1152°, зичлиги 3,03 г/см³. Х. (IV)-хлорид $CrCl_4$ — қиздирилганда $CrCl_3$ ҳосил бўлади. Х. олишда ишлатилади.

Х. нитрат кислота ва зар сувида фақат қиздирилганида озгина эрийди. Х. ўз бирикмаларида 2, 3, 4, 6 валентли. 2 валентли Х. бирикмалари беқарор, 3 валентлиларники барқарор моддалардир.

Саноатда хром (III)-оксид калий бихроматни кокс ёки олтингугурт б-н қайтариб олинади. Хром (III)-оксид Х. олишда, мойли ва акварел бўёқлар тайёрлашда ишлатилади. 3 валентли Х.нинг кўпчилик тузлари сувда яхши эрийди, лекин гидролизга учрайди. Хром (III)-сульфат калий (натрий, рубидий, цезий) сульфат таъсирида кристалланиб, қўшалоқ туз — Х.ли ачиқтош ҳосил қилади.

Хром (VI)-оксид, CrO_3 — хромат ангидрид сув б-н 2 хил кислота: H_2CrO_4 (хромат кислота), H_2CrO_7 (бихромат кислота), ишқорлар б-н хроматлар ҳосил қилади. Хром (VI)-оксид ниҳоятда кучли оксидловчи. Х.нинг CrO_3 таркибли пероксиди ва H_2CrO_5 таркибли пероксокислотаси мавжуд.

Х. пўлат ва темирдан ясалган буюмларнинг сиртини коррозиядан сақлаш мақсадида хромлашда, уларга безак беришда, қаттиқ ва пухта, шунингдек, занглмас сифатли пўлатлар тайёрлашда кенг қўлланади. Х. оловбардош, кислоталар таъсирига чидамли. Х. бирикмалари заҳарли, улар бўёқ сифатида, фотографияда, пиротехникада, кўн саноатида ва б. соҳаларда ишлатилади.

ХРОМ АРАЛАШМАСИ — калий бихромат (дихромат) $K_2Cr_2O_7$ нинг сувдаги эритмаси б-н концентрланган сульфат кислота H_2SO_4 нинг тенг ҳажмда олинган аралашмаси. Кучли оксидловчи. Лаб.да оксидловчи сифатида ишлатилади (яна қ. *Дихроматлар*).

ХРОМ ОКСИДЛАРИ — хромнинг кислород б-н бўлган бирикмалари: CrO, Cr_2O_3, CrO_3 ва б. Хром (II)-оксид CrO — қора кристалл модда. Суюқланиш т-раси 1550°, асосли оксид, сувда эримайди, қайноқ концентрланган HCl ва H_2SO_4 да эрийди. Кучли оксидловчи. Хром (III)-оксид Cr_2O_3

— тўқ яшил кристалл модда. Суюқланиш т-раси 1990°, зичлиги 5,21 г/см³, сувда эримайди. Ишқорлар б-н хромитлар ҳосил қилади. Бўёқлар тайёрлашда, шиша ва сополларни бўяшда, катализатор сифатида ишлатилади. Хром (VI)-оксид — хромат ангидрид CrO_3, тўқ қизил кристалл модда. Суюқланиш т-раси 196°, зичлиги 2,8 г/см³. Сув б-н хромат кислота ҳосил қилади, кучли оксидловчи. *Хром* олишда, хромлашда ишлатилади. Заҳарли.

ХРОМ РУДАЛАРИ, хромитлар — таркибида техник жиҳатдан саноатда ишлатишга яроқли ҳамда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ миқдор ва концентрацияда хром бўлган табиий минерал ҳосилалар. Таркибида хром бўлган минераллардан фақат *хромшпинелидлар* саноат аҳамиятига эга. Х.р. нинг асосий минераллари — хромшпинелидлар ва силикатлар — серпентин, хлорит, баъзан оливин, пироксен, плагиоклаз, уваровит, хромактинолит, тальк, брусит, карбонатлар, сульфидлар ва б. Яхлит ва хол-хол Х.р. маълум. Рудаларда муҳим компонентларнинг миқдори: Cr_2O_3 10—62%; Al_2O_3 4,0—34%, Fe_2O_3 1,0—18%; FeO 7,0—24%; MgO 10,5—33%; SiO_2 0,4—27% бўлиб, баъзиларида платина гуруҳи элементлари 0,1—0,2 г/т ва Au 0,2 г/т гача бўлади. Зарарли аралашмалар — S, P ва Ca 1% дан ортиқ. Руда таналарининг шакли турлича: платформалардаги стратиформ массивларда — қатлам шаклида, қалинлиги бир неча ўн см дан бир м гача, баъзан бир неча км га чўзилиши мумкин; бурмали областлардаги массивларда — чўзиқ линзасимон, штоксимон шаклларда бўлади. Х.р. конлари базальтоид ва ультраасосли магмаларнинг кристалланишидан ҳосил бўлади. Хромитли формациянинг 3 тури: перидотит-ортопироксенит-норитли формация (платформаларда), перидотитли ва габбо-норит-перидотитли формация (геосинклиналь областларда) фарқ қилинади. Х.р. делювиал, элювиал ва денгиз соҳилларидаги сочмаларда ҳам мавжуд. Саноатда фойдаланиш бўйича рудаларнинг металлургик, оловбардош ва кимёвий типлари маълум. Х.р.нинг асосий конлари ЖАР, Зимбабве, РФ (Урал), Туркия, Филиппин о.лари, Ҳиндистон ва Финляндияда бор.

ХРОМ ҚОТИШМАЛАРИ — хромга никель (Ni), титан (Ti), ванадий (V) ва б. элементлар қўшиб тайёрланадиган иссиқбардош материаллар. Зарарли суюқ ва газсимон муҳитларга бардошли. 1200°С гача т-рада мустаҳкамлигини яхши сақлайди. Асосий камчилиги — зарбларга унча чидамсизлиги, яъни зарбий қовушоқлиги пастлиги. Х.қ.дан сув ости кемаларининг корпуси деталлари, кимёвий аппаратлар, зарарли суюқ ва газсимон муҳитда ишлайдиган аппаратлар ва б. тайёрлашда фойдаланилади.

ХРОМАТ КИСЛОТАЛАР — 6 валентли хромга мувофиқ келадиган кислоталар; булар хромат кислота H_2CrO_4 ва изополихромат кислоталар — дихромат кислота $H_2Cr_2O_7$, трихромат кислота $H_2Cr_3O_{10}$ ва тетрахромат кислота $H_2Cr_4O_{13}$ дан иборат. Хромат кислота қизил рангли кристалл модда. Изополихромат кислоталар фақат сувдаги эритмаларда мавжуд. Хромат кислота эритмалари хром олишда ишлатилади. Х.к.нинг тузлари — *хроматлар*дир. Х.к. заҳарли.

ХРОМАТИДА (юн. chromatos — ранг, бўёқ) — хромосоманинг тузилма элементи (қ. *Хромосома*). Ҳужайра ядроси интерфазаси даврида ДНК молекуласининг икки ҳисса ортиши (репликацияси) натижасида ҳосил бўлади. Х. митознинг метафазасида айниқса яхши кўринади. Бу даврда хромосома 2 та Х.дан иборат. Улар бирламчи белбоғ (центромера) орқали ўзаро бириккан бўлади. *Митоз* анафазасида центромера узилиб, Х. янгидан ҳосил бўладиган қизлик ядроларга тарқалади ва мустақил (қизлик) хромосомаларга айланади. Мейозда гомолог хромосомалар ўзаро яқинлашиб, тўртта хроматидадан иборат тетрадани ҳосил қилади (қ. *Мейоз*). Х. ўртасидаги фарқ кроссинговер натижасида ёки ҳар хил Х.нинг қисмлари ўртасида ўзаро алмашинув туфайли пайдо бўлади. Айрим физик ва кимёвий омиллар таъсирида бундай алмашинув тезлашади. Алмашинувлар натижасида ирсий хилма-хиллик (генетик гетерогенлик) ортади.

ХРОМАТИЗМ, хроматика (юн. hromatismos — бўяш) — 1) *диатоника* тизимидаги лад поғонасининг ярим тонга кўтарилиши ёки пасайиши. Поғонанинг тортилиши, аккорднинг функционал динамикасини ошириб, куй ва гармониянинг ифодавий таъсирчанлигини кучайтиради. Нота ёзувида *альтерация* белгилари б-н кўрсатилади; 2) ярим *тон* нисбатларига асосланган мусиқа (интерваллар) тизими.

ХРОМАТИН — ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари ядросидаги хромосома моддаси. Асосий бўёғичлар таъсирида кучли рангга киради; ҳужайралар бўлинганда хромосомаларда маълум шаклни олади. «Х.» терминини 1880 й.да фанга немис гистологи В.Флемминг киритган. Ҳоз. замон цитологиясида Х. деб интерфазадаги хромосома моддаси тушунилади. Х. таркибига *дезоксирибонуклеин кислота* (ДНК) (30—40%), рибонуклеин кислота (РНК), гистонлар ва гистон бўлмаган оқсиллар киради. Х.нинг асосий таркиби дезоксирибонуклеопротеид ипларидан иборат.

ХРОМАТЛАР — *хромат кислоталар*нинг тузлари. Ишқорий муҳитда барқарор; кислотали муҳитда *дихроматлар*га айланади. Калий хромат ва натрий хромат муҳим аҳамиятга эга. Калий хромат K_2CrO_4 — сариқ кристалл модда. Суюқланиш т-раси 968,3°, зичлиги 2,732 г/см³, сувда яхши эрийди. Натрий хромат Na_2CrO_4 — сариқ кристалл модда. Суюқланиш т-раси 790°, зичлиги 2,72 г/см³; гигроскопик, сувда яхши эрийди. Калий ва натрий Х. кимёвий реактив сифатида, газламаларни оҳорлашда, тери саноатида, уруғни дорилашда, ёғочни консервациялашда ишлатилади.

ХРОМАТОГРАФИЯ (*хромо...* ва *...графия*) — газ, суюқлик ёки эриган моддалар аралашмасини адсорбцион усуллар да ажратиш ва анализ қилиш. Х. рус ботаниги М.С.Цвет томонидан 1903 й.да кашф этилган. 1931 й.да Кун ва унинг шогирдлари Х. ёрдамида тухум сарисидаги ксантофил, лутеин ва зеаксантин моддалари ҳамда α- ва β-каротинларни ажратишди. 1941 й.да А.Мартин ва Р.Синг тақсимлаш Х.сига асос солди ва оқсил, углерод бирикмаларини ўрганишда унинг кенг имкониятларини кўрсатиб берди. 1940—45 й.ларда С.Мур ва У.Стайнлар аминокислоталарни Х. усулида ажратиш ва миқдорий анализ қилишга катта ҳисса қўшди. 1950 й.да Мартин ва Жеймс газ-суюқлик Х.си усулини ишлаб чиқди.

Х. олиб борилаётган муҳитга қараб газ, газ-суюқлик ва суюқлик Х.ларига, моддаларни ажратиш механизмига қараб молекуляр (адсорбцион), ион алмаштиргич, чўктириш ва тақсимлаш Х.ларига, олиб борилаётган жараён шаклига қараб колонкали, найчали (капилляр), қоғозли ва юпқа қатламли Х.ларга бўлинади. Адсорбцион Х. — моддаларнинг адсорбентда турлича сорбцияланиши (ютилиши)га асосланган; тақсимлаш Х.си — аралашма таркибий қисми (компонентлари)нинг кўзғалмас фаза (ғовак сатҳли қаттиқ модда юзасига ўрнатилган юқори т-рада қайнайдиган суюқ модда) ва элюентларда турлича эришига; ион алмаштиргич Х. — ҳаракатсиз фаза (ионит) ва ажралувчи аралашма компонентлари орасидаги ион алмаштириш мувозанати константалар фарқига; чўктириш Х.си эса ажратилувчи компонентларнинг қаттиқ кўзғалмас фаза устида турлича чўкмага чўкишига асосланган.

Х. хроматограф деб аталадиган асбоб ёрдамида амалга оширилади. Анализ вақтида хроматограф колонкасига юборилган текширилувчи моддалар элюент б-н бирга турли вақт оралиғида алоҳида-алоҳида бўлиб колонканинг чиқиш томонига келади ва махсус сезгир асбоб — детектор ёрдамида унинг вақт бирлигидаги миқдори қайд этилади, яъни эгри чизиқ ҳолида ёзиб олинади. Бу хроматограмма деб аталади. Сифат анализи вақтида модданинг колонкага юборилгандан то чиққунгача бўлган вақти ҳар бир компонент учун доимий т-рада бир хил элюентда белгилаб олинади. Миқдорий анализ учун эса Х.даги пиклар (ҳар бир модда учун тегишли эгри чизиқ шакли) баландлиги ёки юзаси, детекторнинг моддага нисбатан сезгирлигини назарга олган ҳолда ўлчанади ва махсус усулда ҳисобланади.

Парчаланмай буғ ҳолатига ўтадиган моддаларнинг анализи ва ажратилиши учун кўпинча газ Х. ишлатилади. Бунда элюент (газ ташувчи) сифатида гелий, азот, аргон каби газлардан фойдаланилади. Сорбент сифатида эса (зарралар диаметри 0,1—0,5 мм бўлган) силикагеллар, алюмогеллар, ғовакли полимерлар ва б. ишлатилади.

Газ-суюқлик Х. учун сорбент тайёрлашда солиштирма сатҳи 0,5—5 м²/г ли қаттиқ модда юзасига қайнаш т-раси юқори бўлган суюқликлар (углеводородлар, мураккаб эфирлар, силоксанлар ва б.) қалинлиги бир неча мкм парда ҳолида қопланади.

Колонкали суюқлик Х.да элюент сифатида осон учувчи эритувчилар (углеводородлар, эфирлар, спиртлар), кўзғалмас фаза сифатида эса силикагеллар, алюмогеллар, ғовакли шиша ва б. қўлланади.

Х. усулининг кашф этилиши туфайли органик кимё, айниқса, табиий бирикмалар кимёси жадал ривожланди. Х. кўп компонентли системаларни сифат ва миқдорий анализ қилиш, соф ҳолда ажратиб олишда (жумладан, саноат миқёсида) катта аҳамият касб этади. Х. ёрдамида нодир металлар анализ қилинади. Сунъий тайёрланган трансуран элементларининг очилишида ҳам Х. муҳим роль ўйнади. Х. ёрдамида 99-элемент — эйнштейний (Es), 100-элемент — фермий (Fm) ва 101-элемент — менделеевий (Md) ажратилди.

Х. ҳаво, сув, тупроқ, мономерлар таркибидаги аралашмаларни аниқлашда, органик ва нефть кимёси синтези маҳсулотлари анализида, дори-дармонлар тозалигини аниқлашда, криминалистикада катта аҳамиятга эга. Космик кемалар гази, Марс атмосфераси гази, ой тупроғидаги моддаларни анализ қилишда ҳам Х. усуллари жорий этилган.

Х. юқори молекулали бирикмалар, айниқса, инсон, ҳайвон, ўсимлик, микроблар дунёсига тегишли биологик объектларнинг анализи учун ниҳоятда зарур.

Х. усуллари ўсимлик таркибидаги бирикмаларни аниқлаш, ажратиб олиш, нефть, газ таркибини ўрганишда кенг қўлланади.

Ад.: Березкин В. Г., Газо-жидко-твердофазная хроматография, М., 1986; Миркомилова М., Аналитик кимё, Т., 2003.

Муҳаббат Миркомилова.

ХРОМАТОФОРАЛАР (юн. chroma, chromatos — ранг, бўёқ, phoros — сақлайдиган, эга бўлган) — *сувўтлар* цитоплазмаси таркибида учрайдиган органоид; *фотосинтез*да иштирок этувчи пигментларни сақлайди. Х. пигментларининг таркиби сувўтлар турига боғлиқ. Тўқ қизил бактериялар ҳужайрасидаги пигмент сақловчи мембранали пуфакчалар ҳам Х. дейилади. Уларда фотосинтезнинг бошланғич жараёнлари рўй беради. Х. ҳужайра мембранасининг ўсиши ва ичкарига ботиб кириши натижасида ҳосил бўлади. Шунинг учун Х. мембраналар б-н туташиб туради.

ХРОМО... (юн. croma — ранг, бўёқ) — қўшма сўзларнинг биринчи қисми; ўзи қўшилган сўзнинг рангга ёки кимёвий элемент *хром*га алоқадорлигини билдиради (мас., *хромоскоп*, *хромофорлар*).

ХРОМОПЛАСТЛАР (*хромо* (о)... ва юн. plastos — ясалган) — пишган мевалар, баъзи гултожибарглар, кузги япроқлар, баъзи сабзавот илдизлари (мас., сабзи) ҳужайралари таркибида учрайдиган сариқ, тўқсариқ, қизил рангли пластидалар. Х. ранги каротиноидлар деб аталувчи пигментлар таркибига боғлиқ. Баъзи каротиноидлар липидларда эриган ҳолда бўлади; бошқалари эса оқсил фибриллаларида тўпланади. Х. ҳам хлоропластлар сингари икки қават мембраналар б-н ўралган, лекин тилакоидларнинг жуда кам бўлиши ёки бутунлай бўлмаслиги б-н улардан фарқ қилади. Х. пластидалар ривожланишининг охирги босқичи бўлиб, хлоропластлар ёки лейкопластлардан вужудга келади.

ХРОМОПРОТЕИДЛАР (*хромо...* ва *протеидлар*) — мураккаб бўлган оқсиллар. Таркибида хромопротеид ютилиши спектрини белгиловчи простетик гуруҳ бўлади, яъни Х. рангини белгилайди. Простетик гуруҳ тузилишига биноан, Х. гемопротеидлар, флавопротеидлар, ретинилиденпротеидлар, фикобилинлар ва б.га ажратилади. Х. энергия узатилиши ва ўзгариши б-н боғлиқ жараёнлар (нафас олиш, *фотосинтез*, *кўриш* ва б.)да иштирок этади.

ХРОМОСОМА КАСАЛЛИКЛАРИ — *хромосомалар* сони ёки тузилишининг ўзгариши б-н кечадиган ирсий касалликлар. Хромосомалардаги у ёки бу ўзгаришлар мутацияларнинг бир тури ҳисобланади. Агарда хромосома мутациялари жинсий ҳужайралар ёки уруғланган тухум ҳужайралари бўлинишининг биринчи босқичларида юзага келса, улар ривожланаётган организмнинг кўпгина ҳужайраларига ўтади, натижада қатор ривожланиш нуқсонлари кузатилади. Хромосомасида меъёрдан ташқари ўзгаришлар бор эмбрионлар туғилгунга қадар нобуд бўлади, ўлик туғилган чақалоқларнинг 6%и хромосомаларида бузилишлар борлиги аниқланган.

Х.к.га, асосан, хромосомаларнинг икки хил ўзгариши сабаб бўлади; улардан биринчисида хромосомалар сонининг ўзгариши кузатилади. Мас., уч тўплам хромосомали туғилган болалар узоқ яшамайди. Х.к.нинг кўпчилигида бир жуфт хромосомаларнинг бирида қўшимча хромосомалар пайдо бўлади (трисомия). Кўпинча трисомия 21 хромосомада вужудга келади, бунда Даун касаллиги ривожланади. Бошқа ҳолларда, жинсий хромосомалар сони ўзгаради, мас., хромосомалар тўпламида Х-хромосомалар сони бештагача, Y-хромосомалар — учтагача кўпаяди. Х.к.да жинсий аъзолар ҳолати ва жинсий етилиши бузилади, бепуштлик ривожланади. Айрим Х.к. жинс б-н боғлиқ бўлади. Мас., аёлларда кўпроқ Шерешевский-Тернер ва Х-трисомия синдроми, эркакларда эса Клайнфельтер синдроми кузатилади, бунда Х-хромосома ортиқча учрайди.

Хромосомаларни аниқлаш усуллари такомиллашуви б-н алоҳида у ёки бу хромосоманинг ўзгариши б-н боғлиқ кўпгина туғма ривожланиш нуқсонлари қайд этилмоқда. Бунда аномалиялар кучсизроқ намоён бўлиб, фақатгина айрим аъзо ва тўқималар б-нгина боғлиқ бўлади. Мас., 13 хромосомадаги мутация ҳисобига болалар кўзи склерасида бир томонлама ёки икки томонлама ретинобластома (ўсма касаллиги) ривожланади.

Кўпинча Х.к. бор болалар соғлом ота-оналардан туғилади. Хавфли гуруҳга, асосан, катта ёшлаги аёллар киради (35—40 ёшдан сўнг), уларда Даун ва Х.к.лар б-н туғилиш бир неча бор ошиб кетади.

Ҳоз. Тошкент ш.да Республика скрининг маркази ва вилоят марказларида унинг филиаллари мавжуд, у ерда мутахассислар ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқларда ирсий касалликларни эрта аниқлашга қаратилган кузатув ишлари олиб борадилар. Х.к.га гумон қилинганда дарҳол уни олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилади. Худди шу мақсадда оилавий поликлиника ва тиббий-генетик маслаҳатхоналар фаолият кўрсатади.

ХРОМОСОМАЛАР (*хромо...* ва юн. soma — тана) — ҳужайрасидаги генларни ўзида сақловчи, ҳужайра ва яхлит организм учун хос хусусиятларни белгиловчи органоидлар. Ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга. Организмлар Х.и тузилиши ва функциясига кўра бир-биридан фарқ қилади. «Х.» терминини немис анатоми ва гистологи В.Вальдейер таклиф этган (1888). Х. асосини *оқсиллар* ва нуклеопротеидлар б-н боғланган 2 занжирли ДНК молекуласи ташкил этади. Х.даги ирсий ахборот ДНК молекуласининг тузилиши ва унинг генетик коди орқали таъминланади. Х.даги ДНКнинг тахланиши ва РНК синтезини бошқаришда оқсиллар иштирок этади. Х. тузилиши ва функциясининг ўзгариши Х. суббирликлари — хромонемаларнинг спиралланиши б-н боғлиқ. Спиралланган Х. ҳужайра бўлиниши метафазасида ёруғлик микроскопда яхши кўринади. Ҳар бир хромосома центромералари орқали ўзаро туташган 2 та хроматиддан иборат. Хроматидлар редупликация натижасида ҳосил бўлади. Соматик ҳужайрларда Х. диплоид (2 тадан), уларнинг бири она, 2-си ота организмга тегишли. Жинсий кўпайиш (*мейоз*) да гомологик Х.дан бири жинсий ҳужайраларга ўтади. Ҳар хил турга мансуб организмлар бир-биридан Х. сони ва уларнинг тузилиши б-н фарқ қилади. Ҳужайрадаги барча Х. кариотип (Х. тўплами)ни ҳосил қилади. Кариотипда жинсий Х. ва аутосомалар бўлади. Айрим турларда айнан шу тур учун хос генларга эга бўлмаган қўшимча Х. ҳам учрайди. Бактериялар ва вируслар генетик аппарати бир чизиқли ёки халқасимон, цитоплазмадан ядро қобиғи орқали ажралмаганлиги ва тахланмаганлиги туфайли уларни шартли равишда Х. дейиш мумкин.

ХРОМОСФЕРА [*хромо...* ва (атмо)-*сфера*] — Қуёш атмосфераси қатламларидан бири. Бевосита *фотосфера* устида жойлашган. Қуёш тўлиқ тутилган пайтда олдин кўзга гарчишнинг атрофини ўраган пушти ҳалқа тарзида кўринади.

ХРОМОФОРЛАР (*хромо...* ва юн. phoros — ташувчи) — хромогенлар деб аталадиган органик бирикмаларга маълум бир ранг берадиган тўйинмаган атомлар гуруҳлари (мас., —N=N—, —CH=CH—, —N=O, >C=O). Хромогенларни бўядиган моддалар (мас., тола) учун татимли бўятгичларга айлантириш мақсадида уларнинг молекулаларига *ауксохромлар* қўшилади.

ХРОМШПИНЕЛИДЛАР, хромшпинеллар — мураккаб оксиллар кичик синфининг шпинелидлар гуруҳига мансуб минераллари; люминг таркибга эга бўлмаган қаттиқ эритмалар системаси. Кимёвий таркиби (Mg, Fe)(Cr, Al, Fe, Ti)$_2O_4$. Х. 20 га яқин минерал ва уларнинг турларини ўз ичига олади. Асосий минераллари: магнохромит, хромникотит, алюмохромит. Соф хромит $FeCr_2O_4$ кам учрайди, метеоритлардагина топилган. Х.да V, Ti, Mg, Zn изоморф аралашмалари бор. Ti нинг кўплиги хромли ульвешпинел ва ильменитнинг микроқўшимчалари б-н боғлиқ. Таркибида Fe кўп бўлган Х. ферримагнетиклардир. Х. кўпинча платина гуруҳи минералларининг механик аралашмасини ташкил қилади. Куб сингонияда кристалланади. Одатда, қора донадор массалар, баъзан октаэдр шаклидаги майда кристаллар ҳолида учрайди. Ранги қора, кўнғир-қора. Металлдек ялтироқ. Қаттиқлиги 5,5—7,5, зичлиги 4,2—5,1 г/см^3. Х. конлари, асосан, ультраасосли магматик жинслар б-н боғлиқ. Ундан ташқари, тальк ва хлоритли сланецлар, доломитлар, темирли метеоритлар ва ой базальтларида учрайди. Сочмаларда тургун ҳолатда бўлади. Йирик конлари ЖАР, Бразилия, Албания, Туркия, РФ (Урал) ва Қозоғистон жан.да мавжуд. Х. *хром рудалари*нинг асосий минералларидир. Сунъий Х. (хромли ферритлар)дан радиоэлектроника, ҳисоблаш техникаси ва б.да фойдаланилади.

ХРОНИКА (юн. chronika — йилнома) — 1) адабий жанр. Воқеаларнинг тарихан изчил баёнини ўз ичига олади. Х.ла вақт тарихий жараённинг субъекти тарзида акс этади. Х. сюжети вақтнинг ўзгариши таъсирида уюштирилади, асар воқеалари ва персонажлар тақдири вақтга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Х. сюжетини реал тарихий вақтдан бошланган воқеалар суръати, давомийлиги, тартиби ва ритми ташкил этади. Х. дастлаб мифлар ва эпик сюжетларнинг тарихий асосини белгиловчи унсурлар шаклида намоён бўлган. Қад. Инжил китобларида ва исленд сагаларида Х.дан фойдаланилган. Ўрта асрларда Х. мустақил тарихий жанр—йилномаларда кўп учрайди. Уйғониш давридан бошлаб Х. материалларидан бадиий мақсадларда фойдаланилади. Шекспир драмаларида Х. унсурлари ишлатилган. Кейинроқ хроникал баён усулларини қўллаш эстетик маъно касб этди. 20-а.да эпик усул тараққиёти б-н боғлиқ ҳолда ва адабиётнинг ҳужжатлиликка интилиши туфайли Х. кенг оммалашди (мас., С.Айнийнинг «Қуллар» романи ва б.); 2) вақтли матбуотда, радио, телевидение, кинода сиёсий, ҳужалик, маданий ва б. ҳаётга оид кундалик воқеаларни ахборот тарзида ёритувчи материал.

ХРОНО... (юн. chronos — вақт) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; ўзи қўшилган сўзнинг вақтга алоқадорлигини билдиради (мас., *хронология, хронометр*).

ХРОНОГРАФ (*хрон...* ва *...граф*) — қисқа вақт оралиқларини ўлчаш ва бирон бир воқеанинг содир бўлиш вақтини аниқ қайд қилиш учун мўлжалланган асбоб. Қайд қилиш аниқлиги ~0,001 с. Қайд қилиш усулига кўра, ёзма (қоғоз лентага чизиқлар чизади), босма (чоп қилувчи) ва фото (фотоплёнкага суратга туширувчи) турларга бўлинади. Ёзма Х.да воқеанинг содир бўлиш пайти бир текис ҳаракатланиб турувчи қоғоз лентага ўзига хос тузилишдаги перолар ёрдамида қайд қилинади. Босма Х.да перолар ўрнига игна ишлатилади. Бундай Х.да 4 та айланувчи диск бўлиб, уларнинг гардишида соат, минут, секунд ва секунда улушлари кўрсатилади, улушлар доираси 1 секундда, секундлар доираси 1 минутда, минутлар доираси 1 соатда ва соатлар доираси 24 соатда бир марта айланади. Қайд қилинадиган вақт ёзув машинкаси лентаси орқали қоғоз лентага босилади. Фото Х.да вақтни кўрсатувчи доираларнинг маълум қисми чақновчи лампа ёруғлиги ёрдамида фотоплёнкага тушириладн. Астрономия, геодезия, авиация ва денгиз навигациясида аниқ соат — хронометрдан фойдаланилади.

ХРОНОЛОГИЯ (*хрono...* ва *...логиядан*) — 1) тарихий воқеаларнинг даврий тадрижийлиги; 2) вақт ўлчови ҳақидаги фан. Астрономик Х. фазодаги ҳодисаларнинг қайтарилиб туриш қонуниятларини ўрганади ва аниқ астрономик вақтни белгилайди. Тарихий Х. — ёрдамчи тарих фани; турли халқлар ва давлатлар йил ҳисоби тизими ва тақвимларини ўрганади, тарихий воқеалар содир бўлган саналарни ва тарихий манбалар яратилган вақтни аниқлашда ёрдам беради. Х. тараққиёт босқичларининг вақтини аниқлаш демакдир. Бу эса алоҳида тарихий воқеалар, меҳнат қуроллари, ҳунармандчилик ва ҳўжаликнинг ривожи, уй-жойлар, қишлоқлар ва шаҳарларнинг қурилиши, давлатларнинг ташкил топиши ва маданият тараққиёти ютуқлари вақтини аниқлашни англатади.

Ёзма манбалар асосида аниқ саналар белгиланади. Археологик маълумотларга асосланган Х. юз ва минг йилликлар б-н ўлчанади.

Бобил, Миср, Юнонистон ва Рим да шаклланган Х. ўрта асрларда Туронда ривожланди. *Беруний*нинг 1000-й.да ёзилган «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Хронология») асарида жаҳондаги турли халқлар тарихи ва маданияти ихчам тарзда ўз аксини топган. Х.даги тарихий изчилликни фанга 16-а.да француз Ж.Скалигер киритди. Ҳоз. пайтда Х.нинг тараққиёти бу фаннинг археология, табиий фанлар, статистика ва б. б-н ўзаро ҳамкорлигига боғлиқдир.

Ад.: Сагдуллаев А. ва б., Ўзбекистон тарихи (Энг қадимги даврлардан милодининг 5-а.гача). Т., 1999.

ХРОНОМЕТРАЖ (*хроно...* ва *метраж*) — и.ч.да қўлда ёки машинада бажариладиган (тақрорланадиган) муайян меҳнат операцияси учун сарфланган вақтни ҳисоблаш. Х.дан мақсад — меҳнат операциясининг давомийлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш. Секундомер ёки бошқа электрон вақт ўлчаш асбоблари ёрдамида амалга оширилади. Х. технологик операция (мас., соат, машина йиғишдаги муайян бир амал)ни бажариш маромн ва самарали усулини танлаш, иш меъёри ва иш вақтини белгилаш, ишнинг бажарилишини назорат қилишга имкон беради. Х. мақсадида *компьютер*лардан ҳам фойдаланилади.

ХРУСТАЛЬ (юн. krustallos — кристалл) — қ. *Биллур.*

ХРУЩЁВ Никита Сергеевич [1894. 5(17)4, Курск губерняси Калиновка қишлоғи — 1971.11.9, Москва] — КПСС МК 1-котиби (1953—64), айни вақтда собиқ Иттифоқ Министрлар Совети раиси (1958—64). 1931 й.дан Москвада партия ишида, 1935—38 й.ларда ВКП (б) Москва вилояти ва шаҳар комитети 1-котиби. 1938 й. —1947 й. март ва 1947 й.дек. —49 й. Украина КП(б) МК 1-котиби, айни вақтда 1944—47 й. Украина ХКС (МС) раиси. Москва ва Украинада оммавий қатағонларнинг ташкилотчиларидан. 1941—45 й.лардаги урушда бир неча фронтлар Ҳарбий Кенгаши аъзоси. 1949 й.дан ВКП (б) МК котиби ва айни вақтда (1949—53) ВКП (б) Москва комитети 1-котиби. 1939—64 й.ларда МК Сиёсий бюроси (Президиуми) аъзоси. Ички ва ташқи сиёсатни «юмшатиш», қатағон қурбонларини оқлаш ташаббускорларидан бири; партия-давлат тизимини замонга мувофиқлаштиришга уринди. КПССнинг 20- (1956) ва 22- (1961) съезларида И.В.Сталин шахсига сиғинишни ва унинг фаолиятини кескин танқид қилди. Бироқ мамлакатда якка партия ҳукмронлигининг сақланиши, ўзгача фикрловчиларга йўл бермаслик, намойишчи ноинчиларнинг отилиши (1962 й. Новочеркасскда ва б.), зиёлиларга зуғум қилиш, бошқа давлатларнинг ишига аралашиш (1956 й.да Венгрияга қуролли интервенция ва б.), ғарбга нисбатан ҳарбий қарама-қаршиликнинг кучайиши (1961 й.даги Берлин ва 1962 й.даги Кариб танглиқлари ва б.), шунингдек, сиёсий ва иқтисодий хомхаёллик («Американи қувиб етиш ва ундан ўзиб кетиш» каби шиорлар), 1980 й.га коммунизм қуриш вазифалари унинг сиёсатида зиддиятлар ва нойма-пойликка олиб келди. Олий давлат ва партия аппаратидаги норозилик Х.ни эгаллаб турган барча лавозимларидан олинишига сабабчи бўлди. Х. хотираларини 1981 АҚШда, 1997 й. Россияда, тўлиқ матни 1999 й.да эълон қилинган.

ХУАЙНАНЬ — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар, Хуайхэ дарёси бўйида, Аньхой провинциясида. Аҳолиси 1,8 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Тошкўмир ҳавзаси маркази. Қора металлургия, кончилик машинасозлиги, қоғоз ва ўғитлар и.ч., резина, фармацевтика корхоналари мавжуд. Йирик иссиқлик электр ст-яси қурилган.

ХУАЙХЭ — Хитойнинг шарқий қисмидаги дарё. Уз. 813 км, ҳавзасининг майд. 187 минг км^2. Асосан, Буюк Хитой текислигидан оқади. Ўртача сув той текислигидан оқади. Ўртача сув сарфи 1000 м^3/сек., энг юқориси 10—13 минг м^3/сек. Ёзда тошади. Дарё жуда кўп оқизиқ келтиради, бу эса ўзанининг кўтарилишига олиб келади. Натижада сув тошқини хавфи кучаяди. Фалокатли тошқинлардан сақланиш учун сув омборлари ва қирғоқларига дамбалар қурилган. Каналлар орқали Сариқ денгиз, Янцзи ва Хуанхэ дарёлари б-н боғланган. Суторишда кенг фойдаланилади. Қуйи қисмида кема қатнайди. Х. водийси Хитойнинг муҳим қ.х. районларидан бири. Дарё бўйида Хуайнань ва Бэнбу ш.лари жойлашган.

ХУАН КАРЛОС I (Juan Carlos I; тўлиқ номи — Хуан Карлос Виктор Мануэль де Бурбон-и-Бурбон) (1938.5.1, Рим) — Испания давлат арбоби. Барселона графи Дон Хуан ўғли, қирол Альфонс XIII невараси. Мадриддаги «Сан-Исидро» коллежини тугатган (1954), умумқўшин, ҳарбий-денгиз ва авиация билим юртларида ўқиган (1955—59). Армия, авиация ва флот генерал-капитани. Мадрид ун-тида тарих, фалсафа, иқтисодиёт фанларини ўрганган (1960—62). Испаниядаги турли вазирлик ва давлат муассасаларида тажриба орттирган. 1969 й. Испания давлат бошлиғи генерал Франко Х.К.нн ўзининг расмий вориси — Испания шаҳзодаси этиб тайинлаган. Франко вафотидан сўнг, 1975 й. 25 нояб.дан Испания Қироллиги қироли. Айни вақтда Испания қуролли кучлари бош қўмондони.

ХУАНХАЙ — қ. *Сариқ денгиз.*

ХУАНХЭ, Сариқ дарё — Хитойнинг шарқий қисмидаги дарё. Уз. 4845 км, ҳавзасининг майд. 771 минг км^2. Тибет тоғлигининг шарқий қисмидан, 4000 м баландликдан бошланиб, Орқин-Нур ва Жарин-Нур кўллари орқали, Кунлун ва Наньшан тоғлари тармоқлари орасидан оқади. Ўрта оқимида, Ордос ва Лёсслн платони кесиб ўтаётиб, катта меандралар ҳосил қилади. Қуйироқда, чуқур даралардан ўтгач, сўнгги 700 км масофада Буюк Хитой текислигидан оқади. Сариқ денгизнинг Бохайвань қўлтиғига дельта ҳосил қилиб қуйилади. Ўртача сув сарфи 2000 м^3/сек., режими муссонли, ёзда тошади. Текисликларда сув сатҳи 4—5 м, тоғларда 15—20 м гача кўтарилади. Дарё йилига 1300 млн. т оқизиқ келтиради ва бу жиҳатдан дунёда 1-ўринни эгаллайди. Х. ва унинг ирмоқлари келтирган жуда кўп миқдордаги оқизиқлардан сув лойқаланиб, сариқ тус олади (дарё номи шундан). Оқизиқлар қуйи қисмида тўпланиб бориб, дарё ўзанини кўтаради. Натижала текисликлан ўтган қисмида дарё ўзани теварак-атрофдаги текисликлардан 3—

10 м баланд. Тошқинларнинг олдини олиш мақсадида уз. 5 минг км ли дамбалар б-н ўралган. Х. ва унинг ирмоқлари гидроэнергия захирасига бой. Суғоришда кенг фойдаланилади. Айрим қисмларида (жами 790 км) кема қатнайди. Х. ҳавзаси Хитойнинг аҳолиси энг зич р-нларидан бири. Буюк канал орқали Хуанхэ дарёси б-н боғланган. Х. бўйида Ланьчжоу, Баотоу, Лоян, Чжэнчжоу, Кайфин, Цзинань каби йирик шаҳарлар жойлашган.

ХУАРЕС (Juarez) Бенито Пабло (1806.21.3, Сан-Пабло-Гелатао, Оахака — 1872.18.7, Мехико, Мексика) — давлат ва сиёсат арбоби, Мексика миллий қаҳрамони. Камбағал индейс оиласида туғилган. Диний семинарияни (1827 й.) ва юридик мактабни (1833 й.) тугатган. 1847—52 й.лар Оахака штатининг губернатори бўлган. 1846—48 й.лардаги америка-мексика уруши даврида америкалик интервентларга қаршилик кўрсатишни ташкил этишда катта роль ўйнаган. А. Санта-Ана диктатурасига қарши чиққанлиги учун мамлакатдан бадарға қилинган (1853). 1854 й. инқилоби бошланиши б-н Мексикага қайтиб келган ва либераллар армиясига кирган. Х.Алварес инқилобий ҳукуматида адлия ва культлар вазири бўлган (1855). 1857 й. конституцияси муаллифларидан бири. 1858—61 й.ларда ҳукумат бошлиғи. 1861—72 й.ларда мамлакат президенти. Черковнинг иқтисодий ва сиёсий мавқеини чекловчи қонунлар чиқарган. Англия—Франция—Испания интервенцияси (1861—67 й.), Мексика экспедицияси вақтида чет эл интервентларига қарши курашга раҳбарлик қилган.

ХУББИ — зардуштийликда сув тангриси (муаккили) номи. Этнографик манбаларга кўра, Ўрта Осиёда у Ҳ. (Хоразм ва Оҳангарон водийси). Эрхубби (Фарғона водийсида) номлари б-н ҳам аталади. У кемачи ва балиқчиларнинг «ҳомийси» ва малаикори» ҳамда дарёда ғарқ бўлаётганларнинг «халоскори» ҳисобланган. Минерал тузларга бой шифобахш чашмалар, дашту биёбонларда қазиб очилаётган қудуқларнинг эшлот сувлари Х.нинг мўъжизаси деб тушунилган. Афсоналарда у навқирон билиқчи йигит қиёфасида тасвирланади. У дарёнинг «молики» бўлиб, ҳаётлик чоғларида ҳамиша бедор турган. Бундай даврларда дарё тошқинлари сув ҳалокатлари ва қуроқчилик офатлари, чанқоқлик азобу уқубатлари содир бўлмаган. Чунки ўша даврларда ҳеч қандай ёвуз куч дарёга яқин кела олмаган.

Хоразмнинг кекса дарғa ва кемачилари Х.ни ҳамиша барҳаёт, Амударёдек муқаддас дарёни ҳимоя қилиб мо ҳомийлик қилади деб тушунганлар. Шу боисдан Х.га бўлган ишонч ниҳоятда кучли бўлган. Дарё, сойларнинг баҳори ва ёзги тошқинлари вақтида хоразмлик ва фарғоналиклар б-н бир қаторда Оҳангарон водийсида пискентлик, оққўрғонлик, туятепалик аҳоли ҳам Х. ёки Эрхуббидан мадад сўраб унга илтижолар қилганлар. Ибодат чоғларида «дарё ўз қирғоғидан оқсин!», «тошқинлар экинларимизни уюриб кетмасин!», «найкаларимизни сув босмасин!», ... деб Х.га илтижо қилиб, фотиҳада қўл очиб дуо қилганлар. Ҳатто хоразмликлар ва қорақалпоқлар фарзандларини Хуббиниёз ёки Уббиниёз, Хуббиқул ёки Уббиқул каби номлар б-н атаб, уларни шарафлаганлар.

Исломият даврида Х. тимсоли Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳасан ат-Термизий 19-а.нинг «Жомеъ алулум» номли асари орқали ислом адабиётига ўтиб, «Хуббиможа» номи б-н таъриф қилинади.

Ад.: Гуломов Я., Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадим замонлардан ҳозиргача, Т., 1959.

ХУБЕР Роберт (1937.20.2, Мюнхен) — немис биокимёгари. Мюнхен техника ун-тини тугатган (1960). Мартинсридаги (Мюнхен яқинида) М.Планка номидаги Жамиятнинг биокимё инс-тида ишлайди (1978 й.дан инс-т директори). Асосий илмий тадқиқотлари мураккаб биорганик бирикмалар, шу жумладан, оқсилларнинг рентгеноструктуравий анализига оид. 1970 й.да иммуноглобулинларнинг учламчи тузилишини юқори даражада аниқлашга эришган. 1982 й.да Й.Дайзенхофер б-н ҳамкорликда мембранали интеграл оқсилнинг уч ўлчамли тузилишини аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1988; Й. Дайзенхофер ва Х. Михель б-н ҳамкорликда).

ХУБИЛАЙ, Қубилай (1215—1294) — *Мўғуллар давлати* ҳукмдори, қоон (1260—94). *Тулихон*нинг 4-ўғли. *Чингизхон*нинг набираси. Онаси — Суркуктоний керайт қабиласи беги *Ванхон Тўғрул* (Ўнхон)нинг жияни бўлган. 1251 й.да Х. мўғул подшоларининг буюк қурултойида раислик вазифасини адо этган. Шу пайтдан эътиборан у *Мунка* қоон фармонига мувофиқ, мўғуллар томонидан босиб олинган Хитой ерларини бошқарган. Пекин ш.дан тахм. 550 км шим.да Кайпин ш.ни барпо этган, у кейинчалик Шанду деб аталган. Мунке вафотидан сўнг (1259) Х. ва унинг укаси Арикбуқо ўртасида тахт учун кураш бошланган. 1260 й. Х. ўзини ҳоқон деб эълон қилган ва ўз пойтахтини Кайпинга кўчирган. Х. 1260 й.нинг кузида хос Мўғулистон ҳукмдори Арикбуқо пойтахти *Қорақурум*ни қўлга киритган. Х.га қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда мағлубиятга учраган Арикбуқо 1264 й. унга таслим бўлган. 1271 й.да Х. ҳозирги Пекин яқинида янги пойтахт қурган ва уни Хонбалиқ (Хоқон шаҳри) деб ном берган. Мўғуллар сулоласини эса *Юань* номи б-н юрита бошлаган. 1266 й.да Х. ... бор Японияга элчи юборган. Аммо Япония унинг буйруғига бўйсунмаган, корейс усталари томонидан минглаб кемалар қуриб тугатилган. 1270 й. 2 марта Японияга юришлар уюштирилган. 1279 й. Жан. Сунь давлати тугатилган ва Хитой мамлакати бутунлай мўғуллар тасарруфига кирган. 1280 й. Японияга бостириб кириш учун ҳаракат қилинган. Лекин Япония қирғоқларига келган кучли довул туфайли бу юриш муваффақиятсиз якунланган. 1283 й.да Бирма босиб олинган. 1258, 1285 ва 1287 й.ларда Х. Аннам (Вьетнам) ерларига қўшин юборган. Бу юришлар пайтида мўғул армияси жанговар филларидан жангда фойдаланишни ўрганган. 1293 й.да Индонезиянинг Ява ва б. оролларидаги давлатлар Юань сулоласига бўйсундирилган. 1264 й.дан умрининг охиригача Х. Арикбуқо тарафдорлари, Кайду (Ўқтой қоон набираси) исёнига қарши кураш олиб борган. Х. замонида унинг ҳукмига асосан, қоғоз пуллар муомалага киритилган, йўллар, кўприклар, йўллари қурилган, ... ривожланган, ... Хитойда қорамат ҳамда ... йўллари ... қаратилган. Х. фармонига кўра, ... Тибет ламаси Пагбапа давлат маслаҳатчиси этиб тайинланган. Ҳарбий қатнаган ... Марко Поло сингари европаликлар хизматидан фойдаланган. Мўғулларнинг хитойлашувига қарши чора-тадбирлар кўрган. Хитойда кўплаб-кўп будда ибодатхоналари барпо этган. Манбаларнинг далолат беришича, Х.нинг 12 ўғли бўлган. Х. сулола тахтини невараси Темур хоқонга қолдирган.

Ад.: Рашид ад-Дин, Сборник летописей, т. 2, М.—Л., 1960; Бичурин Н.Я., Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, т. 2, М.—Л., 1950.

Хамидулла Ҳидоятов

ХУБЛИ-ДХАРВАР — Ҳиндистоннинг жан., қисмидаги шаҳар. Карнатака штатида. Аҳолиси 825 минг киши (2001). Транспорт йўллари чорраҳаси. Савдо-санoат маркази. Машинасозлик, ип газлама саноати, кўн-тери, озиқ-овқат корхоналари, т й. устахоналари мавжуд. Аэропорт, ун-т бор.

ХУБСУГУЛ, Косогол — Мўғулистоннинг шим. қисмидаги кўл. Тоғ оралиғидаги тектоник ботиқда, 1645 м баландликда жойлашган. Майд. 2620 км², уз. 134 км, эни 36 км гача. Энг чуқур жойи 238 м. Суви чучук. Ҳ.дан Эгин-Гўл дарёси оқиб чиқиб, Селенга дарёсига қуйилади. Қирғоқлари баланд, тик. Декабрь май ойигача музлайди. Балиқ овланади. Кема қатнайди.

ХУБЭЙ — Хитойнинг марказий қисмидаги провинция. Янцзи дарёси ўрта оқимининг ҳар икки соҳилида. Дунтинху кўлининг шим.да жойлашган. Майд. 187,5 минг км². Аҳолиси 59 млн. киши (1999). Маъмурий маркази — Ухань ш. Рельефи текислик. Иқлими субтропик, муссонли. Кўп кўл. Темир рудаси, тошкўмир, марганец конлари бор. Машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, қоғоз, цемент, керамика, қора металлургия корхоналари мавжуд. Ҳ.нинг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Ҳайдаладиган ерларнинг катта қисми суғорилади. Йилига 2 марта ҳосил олинади. Асосий экини — шоли. Буғдой, арпа, маккажўхори, гўрик ҳам экилади. Техника экинларидан пахта, рами, кунжут, ер ёнғоқ, гепе, тамаки, шакарқамиш, чой етиштирилади. Боғдорчилик (цитрус мевалар, олма, нок) ривожланган. Ўрмон хўжалиги б-н шуғулланилади. Қорамол, чўчқа, паррандa боқилади. Балиқ овланади. Янцзи дарёсида кема қатнайди. Йирик шаҳарлари: Ухань, Хуанши, Шаши, Ичан.

Х. ҳудудида қадимда маньва ва қабилалари яшаган. Мил. ав. 9—8-а.ларда Х.га хитойлар кўчиб кела бошлаган. Х. 1668 й.дан ҳозирги чегарасига эга.

ХУДБИНЛИК — ўз манфаатини бошқа кишилар манфаатидан юқори қўйиш. Салбий ахлоқий сифат деб баҳоланади. Х. манфаатпарастлик ва шахсиятпарастликни ўз ичига олади. Худбин одам ўз манфаати йўлида ҳеч кимни, ҳеч бир жонзотни, ҳеч қандай жамиятни ҳам аямайди. Х. жумирдлик (олижанобилик)нинг акси. Х.ни шахснинг ўзига бўлган муҳаббати б-н чалкаштирмаслик лозим. Имом *Ғаззолий* муҳаббатнинг 5 тури ҳақида фикр юритиб, инсоннинг ўзига, ўзининг азаларига, саломатлигига бўлган муҳаббатини биринчи ўринга қўяди. Унингча, бу муҳаббат Аллоҳ, ота-она, қариндош-уруғ, дўст-биродар, муҳтожэҳтиёжмандлар ниҳоятида бўлишга имкон яратувчи асоси ҳисобланади. Х. муҳаббат ҳиссига зид, нафсга, хирсга асосланади. Ўзини адолатсизлик, инсофсизлик, беразилик каби иллатларда намоён этади. Жуҳардлик ҳаммани ҳам қўлидан келавермайди, лекин инсоннинг ўзига бўлган муҳаббати, бошқаларни ҳам ўзини суйгандай муҳаббат борлигини шукр этмаслик керак. Бу қонда бузилган жойдан Х. бошланади.

Х. инсоннинг ўзини ўзи сақлашнинг табиий инстинкти сифатида пайдо бўлганлигини эътироф этиш лозим.

ХУДО — диний эътиқод ва эътиқод қилишнинг объекти сифатида намоён бўладиган илоҳий куч; азалийлик ва абадийлик, яратувчилик тимсоли. Ҳар бир динда Х. бутун оламни яратувчи сифатида эътироф этилади. Х. турли таълимотларда турлича талқин қилинган. Қад. диний эътиқодларда Х.ларга сиғиниш бўлиб, жонсиз нарсалларга, жон ва руҳга, ҳайвон ва ўсимликларга топинилган (қ. *Анимизм*, *Фетишизм*, *Тотемизм*). Шарқда кенг тарқалган политеистик қарашларда (қ. *Политеизм*) Х. табиатнинг ўзиш, Х. ва табиат бир бутунликни ташкил этади деб қаралган. *Зардуштийлик*да икки Х. — ёруғлик, эзгулик Х.си *Ахурамазда* ва қоронғулик, ёвузлик Х.си *Анграманйу* (Ахриман) бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Қад. Шарқ динларида ва б. политеистик (қ. *Политеизм*) динларда жуда кўп Х.ларга эътиқод қилиниб, улардан бири Бош Х., қолганлари иккинчи даражали Х.лар ҳисобланган. Бунга юнон мифологиясидаги Х.лар иерархияси мисол бўла олади. Монотеистик динларда (қ. *Монотеизм*) битта Х.га сиғинилган. *Буддизм* динида дастлаб Х.ларга сиғиниш инкор этилган бўлса-да, кейинчалик *Будда*нинг ўзи Х. деб танилган. Бу динда у б-н бирга бошқа Х.лар ҳам бор. *Ҳиндуийлик*да асосий Х.лар — *Брахма*, *Вишну*, *Шива*. Иудаизмдаги Х. — Яҳва ва дастлаб қабила Х.си ва маҳаллий Х. бўлган, кейин яҳудийларнинг бирлашиши ва *Яҳудо подшолиги*нинг ташкил этилиши б-н ҳамма яҳудийларнинг ягона Х.сига, кейинчалик эса ҳукмдор Х.га айланган. Христианликда Х. ягона, лекин 3 қиёфада (ота-худо, ўғил-худо, муқаддас руҳ-худо) намоён бўлади. Ислом динида ягона ва қудратли Х. — *Аллоҳ*га эътиқод қилинади. Унга эътиқод қилиш бу диннинг асосий ақидаси. Х.га эътиқод қилиш Х.дан қўрқиш ҳар қандай динга хос.

ХУДОЁРХОН — (1831, Қўқон — 1884, Карруҳ, Афғонистон) — Қўқон хони (1845—75 й.лар, танаффуслар б-н). *Минг* сулоласига мансуб. *Шералихон*нинг ўғли. Қайнотаси *Мусулмонқул* томонидан тахтга ўтқазилган. Аммо ёш бўлганлиги туфайли амалда давлат ишларини Мусулмонқул бошқариб борган. Энг муҳим лавозимлар қипчоқлар қўлига ўтади ва улар ҳаддан ташқари бебошлик қила бошлаганлар. Натижада ички кураш кучайиб, 1853 й. қипчоқлар қирғини бошланган. Бунинг оқибатида 20 мингга яқин қипчоқлар ўлдирилган, Мусулмонқул эса Қўқонда дорга осилган. Шу йилдан Х. давлатни мустақил идора қила бошлаган. Аммо, тахрибасизлиги туфайли кўп хатоларга йўл қўйган. Бундан фойдаланган акаси Маллабек тахт учун курашни бошлаб юбориб 1858 й. ўзини Қўқон хони деб эълон қилган (қ. *Маллахон*). Х. Бухорога қочишга мажбур бўлган. 1863 й. Бухоро амири *Музаффар* ёрдамида Қўқон тахтига қайта ўтирган. Аммо Мусулмонқулнинг ўғли мингбоши *Алимқул* хонлардан бўлмиш ёш Саид Султонмуродни хон деб эълон қилади ва Х.ни яна Бухорога қочишга мажбур этган. Алимқул амир ул-умаро бўлиб амалда давлат ишларини якка ўзи бошқариб борган. Қўқон хонлигидаги ички курашлардан фойдаланган Россия империяси хонликка тегишли Туркистон, Чимкент (1864 й.) ва Тошкентни (1865) босиб олган. 1865 й. Қўқон тахтига Худойқул («Белбоғчикон» деган лақаби хон мажлиси) ўтирган. Аммо у 14 кундан сўнг хонлигини ўзи б-н олиб Қашқарга қочиб кетган. Бундан фойдаланган Х. яна тахтга чиққан. Х. даврида қ.х.га эътибор берилган, янги анҳор ва ариқлар қазилган. Кўҳандал 1873 й. хон ўрдаси битказилиб ниҳоясига етказилган. Бундан ташқари, Х. даврида «Мадрасаи Олий», «Мадрасаи Ҳоким ойим», «Мадрасаи Султон Муродбек» лар қурилган. Х.нинг фармони б-н Мавлон (Зиёвуддин Хўқандий) 1696 саҳифалик «Шоҳнома» асарини ёзган (Қўқон Истон буша сақланмоқда).

Х. даврида хонлик ҳудудини анча қисқариб, турли солиқлар ўйлаб чиқарилган. Бунинг устига 1868 й. Туркистон генерал-губернатори К.П.*Кауфман* б-н тузилган «тенг ҳуқуқли» шартномага мувофиқ, рус савдогарларига хонликнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқ-

ларида бўлиш ва карвонсаройлар қуриш, рус товарларини хонлик ҳудуди орқали бошқа давлатларга бож тўламасдан бемалол олиб ўтиш ҳуқуқи берилган; рус савдогарлари қўқонлик савдогарлар б-н бир миқдорда бож тўлайдиган бўлган. Х. Туркия ва Бухоро б-н яхши алоқада бўлишга, Англия эмиссарлари б-н учрашиб, улардан мадад олишга интилган. Аммо, юзага келган сиёсий вазият туфайли у К.П.Кауфман б-н кўпроқ яқинлашишга мажбур бўлган.

Тахт учун курашлар, ўзаро урушлар, солиқларнинг кўпайиб кетиши аҳоли турмушини оғирлаштирган. Натижада хонликда тез-тез қўзғолонлар бўлиб турган. Шулардан энг каттаси 1873 й. бошланган «Пўлатхон қўзғолони» бўлган. Қўзғолонни бостиришнинг иложини топа олмаган Х., барча хазинани олиб К.П.Кауфмандан ҳарбий ёрдам олиш учун Тошкентга кочган, сўнгра Оренбургга сургун этилган. У бу ердан қочиб Маккага борган. Кейинчалик, Қўқон хонлигининг қолган ҳудудларини ҳам Россия босиб олгандан сўнг Х. К.П.Кауфманга расман мурожаат қилиб сиёсий ишларга аралашмасликни вазда қилиб Қўқонга қайтишга рухсат сўраган, аммо рад жавобини олган. Х. 2-марта мурожаат қилган. Бу ариза сенатда кўриб чиқилиб Х.га Қўқонга қайтишга рухсат берилган. Аммо бундан хабарсиз Х. яширин ҳолда Қўқонга қайтмоқчи бўлган. Йўлда вафот этган.

Ад.: Бобобеков Х.Н., Қўқон тарихи, Т., 1996; Бабабеков Х.Н., Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические предпосылки, Т., 1990.

Ҳайдарбек Бобобеков.

ХУДОЁРХОН ЎРДАСИ — Қўқондаги меъморий ёдгорлик (19-а. 2-ярми); Қўқон хони Худоёрхон қурдирган. Меъмор ва муҳандис Мир Убайдулла лойиҳаси ва раҳбарлигида бунёд этилган; усталардан Мулла Суярқул, Солиҳўжа ва бухоролик уста Фозилхўжалар қатнашган, кошинларини риштонлик кулол уста Абдулла маҳорат б-н бажарган. Х.ў. тўғри тўртбурчак тарҳли (68×143 м) бўлиб, сунъий тепаликка баланд гиштин пойдеворли қилиб қурилган: хон қароргоҳи, ўрда аҳли яшайдиган ҳамда турли мақсадларда фойдаланиладиган 100 га яқин катта-кичик хоналар, ички-ташқи ҳовлилардан иборат бўлган. Биринчи ҳовлида айвон, кўринишхона, хазинахона, алоҳида саҳнли масжид, марказда хон қароргоҳи (шоҳнишин), саломхона, хўжалик бинолари, иккинчи ҳовлини унинг саҳни б-н боғланган ҳарам ва хос хоналар эгаллаган; ҳарамхоналари безаклари одми бўлиб, асосан, қуима ганч ишлатилган. ҳарамхоналарига айвончага ўхшаш ўтиш жойлари (йўлаклар) орқали киришган.

Х.ў.нинг асосий шарқий томонини ташкил этувчи пештоқ-гумбазли дарвозахона ҳамда унинг икки қанотида жойлашган хоналарнина сақланган, қолган қисми бузилиб кетган. Бош тарзи бир қаватли қилиб бунёд этилган, пишиқ гиштдан (26×26×5 см) ганч суворда терилган деворларга бир гишт чуқурлигида равоқлар ишланган. Пештоқ ўрда деворидан бирмунча бўртгириб олдинга чиқариб қурилган, баланд ва ҳашаматли, пештоқнинг икки ёни ва тарзларининг икки бурчакларида гумбазли мезаналар б-н якунланган гулдасталар бор. Пештоққа уз. 40 м бўлган қия йўлка (*пандус*) орқали ўтилади. Х.ў. бош тарзи равоқлари, пештоқ ва гулдасталаридаги ҳандасий нақшлар кошинлар, сиркори парчинлардан маҳорат б-н яратилган. Пештоқ орқали тўртбурчак тарҳли дарвозахонага ўтилади, дарвозахона гумбази ўзаро кесишган равоқли асос устига қўйилган; гумбаз усти, ўз навбатида, қуббали мезана б-н якунланган, ундаги панжарали дарчалар орқали ичкарига ёруғлик тушади. Ўрданинг бош тарзи, хоналар кошинлар, ўйма ганчкори нақшлар б-н безатилган, шифтлари ҳовузакли бўлиб, уларга гуллар солинган, хоналарнинг тепа қисми шарафалар б-н ҳошияланган, айрим хоналарнинг полига паркет терилган, айвонлар саҳнига мармар ётқизилган, деворларига равоқлар ишланиб, нақшлар б-н зийнатланган.

1938 й. Х.ў.да меъмор Обид Зайниддинов бошчилигида таъмирлаш лойиҳаси ишлари олиб борилди; таъмирлашда уста Қ. *Ҳайдаров*, наққош С.*Норқўзиев* ва б. усталар қатнашди. 1974 й.даги илмий таъмирлаш ва лойиҳалаш ишлари (меъмори Н. Акромхўжаев, Э. Нуруллаев ва б.) натижасида саройнинг дастлабки ҳолати аниқланди.

1924 й.да Х.ў.да Қ.х. ютуқлари кўргазмаси очилган, 1925 й.дан Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатиб келмоқда.

ХУДОЙБЕРГАН МУҲРКАН (1822 — Хива — 1920) — хаттот, наққош, бастакор. Тўп қувачи уста Муҳаммад Паноҳнинг ўғли. Отасидан тўп қуюшни, хаттот уста Эрмон халфадан хаттотликни, муҳркан уста Иелом хўжадан муҳрканликни ўрганган. Х.м. хон саройида девон лавозимида ишлагани учун «девон», давлат зарбхонасида танга пуллар учун қолиплар ва муҳрлар ясагани учун «муҳркан» номларига сазовор бўлган. Х.м. Муҳаммад Раҳимхон II саройи кутубхонасидаги китобларнинг асосий қисмини (мас., Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланаётган Абдураҳмон Жомийнинг «Ҳафт авранг», «Силсилат уз-заҳаб», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо» достонлари ва б.) чиройли нафис ёзувларда кўчирган. Х.м. мармар тахталар, ўратош (пойустун)ларни чиройли ёзув ва нафис нақшлар б-н, шеърий тарихларни мармар тошга ўйиб ёзган ва гулдаг б-н безаган; Х.м. ишларидан намуналар Хивадаги кўпгина меъморий обидаларда сақланган: Сайд Маҳрўйжон мақбараси (1864), Асфандиёрхон ҳарами (1896) ва қабулхонаси (1912), Юсуф ясовулбоши (1906) ва

Худоёрхон ўрдаси. Саломхонадаги шифт безаги.

Подвон қори (1906) мадрасалари, Иеломхўжа минораси ва мақбараси (1910) ва б.

Мусиқага ихлоси баланд бўлган Х.м. таниқли мақомчи даражасига кўтарилди, мусиқа асбоблари ясайди, тузатади ҳамда уларни нафис нақшлар б-н безайди. Комил Хоразмийнинг «*Танбур чизиги*» нота китобини кўчирган, ўзи ҳам Рост мақомига «Сақили муҳркан» номи б-н куй басталаган.

Х.м. кўплаб шогирдлар (Собиржон Худойберган ўғли, Каримберган *Раҳматберганов*, Комил Девоний ва б.) тайёрлаган.

ХУДОЙБЕРГАН ТЎҚ-ТЎҚ (1900 — Хоразм — 1961) — масхарабоз, қизиқчи. Кулги санъатини машҳур масхарабоз — тоғаси Буважон тўқ-тўқ (1870—1940) дан ўрганган. «Хўкки тўра», «Онам ўтинга юборганим», «Холвачига шогирд тушганим» каби юмористик ҳикоялар, «Ироқ уфориси», «Галмадан, галмади», «Қумпишиқ» сингари ҳазил-лапар ва пантомимик рақслар Х.т.-т. ижодидан ўрин олган. Хоразм масхарабозлари ичида саҳнада бирланига 4—5 киши ҳолатини бера оладиган, ҳаракатлари тез ва ўткир масхарабозлардан.

ХУДОЙБЕРГАН ҲОЖИ (19-а. охири — 20-а. бошлари) — хивалик гиштқор, тоштарош уста. Мадрасалар қуришга ихтисослашган. Қаландар Кўчум б-н ҳамкорликда ишлаган. Кўпроқ минора, гулдаста, гумбаз каби мураккаб ишларни бажарган; *Исломхўжа мадрасаси ва минораси*, Қози калон (Салим Охун) (1905), Абдурасулбой (1906) мадрасалари, *Матпанабой мадрасаси*, *Толиб Махсум мадрасаси* ва б. қурилишида устанинг иш услубига ижодий эркинлик, иш жараёнида лойиҳани осонгина ўзгартира олиш хос бўлиб, анъанавий меъморликда гишт териш, цемент қоришма ишлатиш, тўл б-н ёпишни қўллаган.

ХУДОЙБЕРГАНОВ Матпано (тахаллуси Суханвар; 1888, Хива — 1960, Урганч) — хонанда (лирик тенор), созанда (танбур, дутор), мақомчи, шоир. Созандаликни, халқ мусиқаси ва Хоразм мақомларини отаси *Худойберган муҳркан* ва Матёқуб *Харратов*дан ўрганган. Созчилар уюшмаси ансамбли (1925—32), Урганч театри (1932—34), Миллий эстрада (1934—40)да созанда ва хонанда, мақомчилар ансамбли раҳбари (1942—47). Хоразм мақомлари ва сувора йўлларининг моҳир ижрочиси сифатида танилган. Х.нинг кенг овоз диапазонига асосланган нафис хонандалик услуби шогирдлари Х.*Болтаев*, К.*Отаниёзов*, Н.Юсупова-

лар ижрочилигида ўз аксини топган. Х.нинг раҳбарлиги ва назорати остида Санъатшунослик ин-тида Хоразм мақомларининг ашула йўллари (Х. Болтаевдан Бузрук, К. Отаниёзов, К. Немонловаридан Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ) магнит лентасига ёзиб олинган (1949—52). Шогирди М.*Юсупов* Х.дан ўрганган Хоразм мақомларини тўла нотага олган ва нашр эттирган («Ўзбек халқ мусиқаси», 6-ж., 1958; «Хоразм мақомлари», 1—3 ж., 1980—87). Х.нинг ёзган ғазаллари Насруллойи, Насри Рост каби мақом ва анъанавий сувора туркумидаги куйларда айтилади.

ХУДОЙБЕРДИЕВ Аслиддин Ҳақбердиевич (1972.5.10, Ургут тумани) — юнон-рум курашчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси (1999). «Ўзбекистон ифтихори» (2002). 60 кг вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони (1992, 1994, 1995, 1997, 1998, 1999, 2003). Марказий Осиё ўйинларини голиби (1995, Тошкент; 1999, Бишкек), Осиё чемпиони (2003, Деҳли), Осиё ўйинларининг кумуш медали соҳиби (1998, Бангкок), ҳарбийлар ўртасида жаҳон чемпионати ва халқаро мусобақаларда совриндор бўлган. Х. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1994). 1995 й.дан Марказий ҳарбий спорт клубида спорт йўриқчиси.

ХУДОЙБЕРДИЕВ Раҳим Эгамбердиевич (1922.1.1— Тошкент — 2003.17.3) — анатом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1971); тиббиёт фанлари д-ри (1957), проф. (1958). ТошТИ ни тугатгач (1943), шу ин-т анатомия кафедрасида аспирант (1943—46), ассистент (1946—50), доцент (1950—57). 1960 й.дан ТошТИ анатомия кафедраси мудири, педиатрия (1960—71), стоматология ф-тлари (1971—73) декани. Илмий ишлари турли аъзоларнинг қон б-н таъминланиши ва қон томирлар жароҳатланганда янги қон айланиш йўллари ҳосил бўлишига оид.

Ас.: Пластичность венозного русла в условиях острой травмы основных венозных магистралей конечности, Т., 1974; Одам анатомияси, 2-нашр, Т., 1975.

ХУДОЙБЕРДИЕВА Ҳалима (1947.17.5, Боёвут тумани) — Ўзбекистон халқ шоираси (1992). Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (1972).

«Саодат» жур.да адабий ходим, бўлим мудири, (1972—75), бош муҳаррир ўринбосари ва бош муҳаррир (1982—94). Ёшлар нашриётида бўлим мудири (1978—82). Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси (1990—94), «Ёзувчи» нашриётида етакчи муҳаррир (1996—98), «Санам» жур.да бош муҳаррир ўринбосари (1998—2003). 2004 й.дан «XXI аср» газ.да бўлим муҳаррири.

Х.нинг илк шеърлари ўқувчилик йилларида Янгиер туман газ.да босилган (1964). Шундан кейин унинг «Илк муҳаббат» (1968), «Оқ олмалар» (1973), «Чаман» (1974), «Сукин тоғларим» (1976), «Бобо қўёш» (1977), «Иссиқ қор» (1979), «Садоқат» (1983), «Муқаддас аёл» (1987), «Бу кунларга етганлар бор», «Ҳурлик ўти» (1993), «Тўмарисниинг айтгани» (1996) «Йўлдадирман» (2005) ва б. шеърий китоблари нашр этилган. Х. ўзбек шеъриятига самимий инсоний туйғу ва фазилатлар — севги ва садоқат, меҳр ва мурувватни тараннум этувчи шоира, ўзбек хотин-қизлари орзу ва армонларининг куйчиси сифатида кириб келди. У дастлабки шеърий тўпламларидан бошлаб ўз ижодида аёл ва она образларининг сеҳрли қирраларини очишга, уларнинг нафақат жамиятнинг тўлақонли ва фаол аъзолари, балки шу жамиятнинг кўрки ва безаги эканлигини уқтиришга интилади. Унинг тасвиридаги аёл ҳар қандай халқ ва мамлакатнинг келажаги — соғлом ва баркамол ёшларни етказиб берувчи мўъжизавий кучдир. Х. айни шу нуқтаи назардан ўзбек аёлларининг ўй-хаёлларини, ички кечинмаларини ёркин тасвирлайди, замондошларида аёлларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини ўстиришга интилади.

Х.нинг шеърлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. Тўфон Миннуллининг «Алла» пьесаси Х.нинг авторлаштирилган таржимасида ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театри саҳнасида қўйилган.

1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1990).

Ас.: Сайланма [шеърлар], Т., 2000.

Ад.: Раҳимжонов Н., Ҳамдова М., Ҳалима Худойбердиева ижодкаси, Т., 2004.

ХУДОЙДОД, Худододи Ҳусайний, Худойдод Баҳодир (? — 1409/1410) — *Амир Темур* саркардаларидан бири. Сейистон (1382—83), Мозандарон (1384), Тўхтамишхонга қарши юришларда (1389—95) фаол қатнашган, қўшиннинг чап қанотига тайин этилган. *Халил Султон*га отабеклик қилган, кейинчалик у б-н низолашиб қолган. Соҳибқирон вафотидан кейин юз берган барча воқеаларда муҳим роль ўйнаган. Хўжанд ва Фарғона ўша вақтда унинг ҳукмронлиги остида бўлган.

Соҳибқироннинг Хитойга юриши чоғида Халил Султон бош бўлган қўшиннинг сўл қанотида ўғруққа раҳбарлик қилган. Соҳибқирон вафотидан сўнг ўғруқ б-н Халил Султондан ажралиб чиқиб, Аччиқ-Паркентга кетган ва Сирдарё ортида исён кўтарган. Х. мўғуллар б-н сулҳ тузиб Соҳибқирон эгаллаган барча ерларни уларга қайтариб берган. Х. Жиззахга чопқун қилиб, Амир Темурнинг от уюрларини ҳайдаб кетган.

1407 й. Халил Султон Х.га қарши юриш қилган. Хўжанд ва Шоҳрухия унга жангсиз таслим бўлган. Тошкент узоқ қамалдан сўнг таслим этилган. Тошкентдан шим.даги Шаробхона мавзеида Халил Султон қўшинига Х. ва Шайх Нуриддинлар кўққисдан тунги ҳужум — шабихун уюштирганлар. Халил Султон катта талафот б-н Самарқандга чекинган. 1409 й. Шоҳрух Мовароуннаҳрга қўшин тортганидан фойдаланган Х. Ўратепани эгаллаб олган. Халил Султон унга қарши оз сонли қўшин (4 минг киши) б-н отланган, бироқ Самарқанд яқинидаги Султония (ёхуд Шероз)да Х. унга катта қўшин б-н кўққисдан ҳужум қилиб, уни асир олган (1409 й., 30 март) ва Самарқандни эгаллаган. Шоҳрух унга қарши 7 апр.да қўшин тортиб, Х.ни кўп маротаба ўз ихтиёри б-н тобе бўлишга даъват этган. Х. унга рақиби Шайх Нуриддинни қўл-оёғи боғланган ҳолда жўнатишларини талаб этган. Шоҳрух буни рад этиб, Сирдарёга қўшин тортган. Х. мўғуллар томонидан қатл этилган.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996; Бартольд В.В., Сочинения, т.2, часть 2, М., 1964.

ХУДОЙШУКУРОВ Отажон (1944.4.10 — Тўрткўл — 1994.22.12) — хонанда; Ўзбекистон (1977) ва Қорақалпоғистон (1970) халқ артисти. Ашула айтишни амакиси хонанда Й. Оллошукуровдан ўрганган, кейинги устозлари К.Отаниёзов, Назир қори, Ж.Бекчонов ва б. 1963 й.дан Қорақалпоқ давлат филармониясида яккахон хонанда. Репертуаридан мумтоз ашулалар («Феруз I—II», «Хоразм Сетоҳи», «Бозургоний», «Қушчинор», «Гулузорим», «Курд Эшвойи», «Самарқанд ушшоғи», «Тошкент Ироғи» ва б.), Хоразм достон нома (қўшиқлари («Нажаб ўғлон» достонидан «Кимни севар ёрисан», «Баҳром ва Гуландом»дан «Айрилиқ», «Авазхон»дан «Қаландарим»), композитор ва бастакорлар асарлари («Кўзларинг сенинг», «Ўзбекистоним», «Раъно бўлайин деб», «Соғиниб келдим» ва б.), шунингдек, туркман, озарбайжон, қорақалпоқ, қозоқ ва қирғиз халқ қўшиқлари ўрин олган. Х. созанда (торчи) ва ўзи айтадиган («Мужгонларинг», «Оламда бир», «Биринчи муҳаббатим» каби 300 дан ортиқ) қўшиқларнинг бастакори сифатида ҳам танилган. Х. жозибали, чиройли тембрли, кенг, барча пардаларда равон ва жарангдор овоз соҳиби. Унинг қўшиқларидаги эҳтирос, шижоат ва жўшқинлик, мазмуний теранлик каби хислатлар тингловчилар қалбидан чуқур жой олган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974). 1999 й.дан Отажон Худойшукуров номида ёш хонандаларнинг Республика танлови ўтказилмоқда. Элликқалъа ва Тўрткўлдаги кўча, хиёбон ва боғларга Х. номи берилган.

ХУЛМ — ўрта асрларда *Тохаристон*га тобе бўлган қад. шаҳар. Балхнинг шарқий тарафида, Амударёдан 6 фарсах нарида, Ҳиндукуш тоғидан оқиб келадиган Х. сойи бўйида жойлашган. Унинг харобалари Тошқўрғон ш. (Шим. Афғонистон)нинг шим.-ғарбий тарафида бўлган. 7-а.да хитой сайёҳи Сюань Цзан Тохаристондаги Ху-лин ёки Хуен-мо мулкини қайд этиб ўтган. У ерда 10 та будда монастири ва 500 га яқин роҳиб бўлган. Х. шаҳри 706 й. араблар томонидан босиб олиниб, вайрон этилган, лекин тез орада қайта тикланган. 737 й. Х.да арабларнинг қўриқчилари жойлашган. 9-а.да шаҳарда жоме масжиди бўлган; арабларнинг аздий, бакр, тамим ва қайс қабилалари яшаган. 10-а.да Х. кичик шаҳар бўлса-да, кўплаб қишлоқлари ва экинзорлари бўлган кенг рустоққа эга эди. *Маҳмуд ибн Вали*нинг ёзишича, Х.нинг ҳавоси тоза бўлиб, эртаю кеч тинмайдиган шамол эсган, уни «Х. шамоли» деб атаганлар. 10-а.да Х. дарёсидан шаҳар атрофини суғориш учун каналлар чиқарилган. 15-а.да темурийлар даврида Х.нинг пул зарб этиладиган ўз зарбхонаси бўлган. 17-а.да Х. Балх вилоятининг энг асосий шаҳарларидан ҳисобланган. 18-а.да Х.нинг жанубида Тошқўрғон ш.га асос солинган, у Ҳиндистондан Бухорога келадиган савдо йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Х. аста-секин таназзулга учраб, 19-а.нинг 2-ярмида ташландиқ ҳолга келган.

Ад.: Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ — тафаккурнинг асосий мантиқий шаклларидан бири. Унда мантиқнинг маълум қоидалари ёрдамида бир ёки бир неча ҳукм (асос)дан янги ҳукм чиқарилади. Х.ч. чин асосларга таянса ва тўғри мантиқий қоидалардан фойдаланса, у вақтда чиқарилган хулоса ҳам чин бўлади. Бу принципга амал қилмаслик Х.ч.да хатога олиб келади. Мас., «ҳамма мустақил давлатлар БМТ га аъзо» ва «Ўзбекистон мустақил давлат» деган чин асослардан мантиқий қоидаларга риоя қилинган ҳолда «Ўзбекистон БМТ га аъзо» деган тўғри хулоса келиб чиқади. Воқеликни билиш жараёнида янги билимларни ҳосил қилишнинг — Х.ч.нинг турли усуллари мавжуд. Асосларининг сонига кўра, бевосита ва бавосита Х.ч., хулосанинг чинлик даражасига кўра, зарурий ва эҳтимолий Х.ч., фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра, дедуктив, индуктив ва аналогия каби турларга бўлинади. Х.ч.ни фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра турларга ажратиш нисбатан мукаммалроқ бўлиб, у Х.ч.ни бошқа турлари ҳақида ҳам маълумот бериш имконини яратади. Хусусан, дедуктив Х.ч. зарурий Х.ч. деб, индуктив Х.ч. ва аналогия эҳтимолий Х.ч. деб қаралиши, бевосита Х.ч. эса дедуктив Х.ч.нинг бир тури сифатида ўрганилиши мумкин (яна қ. *Индукция*, *Дедукция*).

Х.ч. назариясининг яратилиши ва уни ривожлантиришда Аристотель, Форобий, Ибн Сино, Ф. Бэкон, М.И.Каринский, Л.В.Рутковский ва б. мантиқшунос олимларнинг хизмати катта.

ХУЛҚ, хулқ-атвор — ахлоқшунослик тушунчаларидан бири. Инсоннинг феъл-атвори б-н боғлиқ ахлоқий ҳодиса бўлиб, киши феълининг ахлоқийлик доирасида намоён бўлиши тушунилади. Инсоннинг ахлоқийлик доирасидаги хатти-ҳаракатлари Х.дан ташқари *одоб* ва *ахлоқ*ни ўз ичига олади. Одоб инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин оила, жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида ўзгариш ясайдиган даражада аҳамият касб этмайдиган хатти-ҳаракатлардан иборат бўлса, ахлоқ — муайян жамият, замон, инсоният тарихи учун таъсир эта оладиган турли хатти-ҳаракатлар мажмуи, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса. Х. қамровлилик жиҳатидан ана шу икки ҳодиса ўртасидаги хусусиятларга эга; у одобдан кенг, ахлоқдан тор маънога эга бўлиб, ахлоқ сингари жамият, замон, тарих миқёсидаги воқеликка таъсир кўрсата олмайди. Лекин, оила, меҳнат жамоаси, маҳалла-кўй доирасида сезиларли даражада кўзга ташланади. Ахлоқ ўзини эзгулик ва ёвузлик, адолат, инсонпарварлик, фидойилик сингари ижтимоийлашган тушунчалар ва тамойилларда намоён қилса, Х. яхшилик ва ёмонлик, бурч, жумардлик, меҳмондўстлик каби тушунчаларда акс этади, одоб эса камтарлик, инсофлилик, босиқлик, ҳалоллик, ростгўйлик ва б. ахлоқий меъёрларда ифодаланади. Шарқ фалсафаси ва ахлоқ илмида мазкур уч ахлоқий ҳодиса, жуда қатъий чегараланган бўлмаса-да, бир-биридан фарқли тарзда олиб қаралган. Европада эса Х. билан ахлоқ кўп ҳолларда айнанлаштирилади ёки улар бир-бирига синоним тушунчалар сифатида талқин этилади.

Х. ўзича, «соф» олинганда мавҳум ахлоқий ҳодиса, у инсон хатти-ҳаракатларида аниқлик касб этади; ижобий хатти-ҳаракатларда намоён бўлиши — хушхулқлилик, салбий аъмоллардаги кўриниши — бадхулқлилик деб аталади. Хушхулқ инсон мулойим, ширинсухан, меҳрибонлик б-н муносабатда бўлса, бадхулқ одам қўпол, оғзи шалоқ, бемеҳр ва ҳ.к. бўлади.

Абдулла Шер.

ХУМ — оғзи кенг йирик *сопол* идиш; сув, озиқ-овқат маҳсулотлари сақлашда ишлатилади. Бал. 1,5 м гача бўлади. Лойдан ясалиб, Х.нинг белидан юқори қисми чизма усулида ҳандасий нақшлар б-н безатилади, сўнг хумдонда пиширилади. Асосан, идишнинг ичи сирланади, баъзан ташқариси ҳам белигача сирланиши мумкин. Кўтаришга қулай бўлиши учун 2 (баъзан 4) та даста ишланади. Ўрта Осиё ҳудудида қадим (мил. ав. 1-минг йиллик 1-ярми)дан кенг фойдаланилган.



Хум.

ХУМБОШ БАЛИҚЛАР (Hypophalmichthynae) — карпсимонлар оиласига мансуб чучук сув балиқлари кенжа оиласи. Уз. 1 м гача, вазни 20—35 кг. Жабра пардалари баъзан ўзаро қўшилиб ўсиб, тўр ҳосил қилади. Пешонаси нисбатан баланд (номи шундан). 2 тури маълум. Шарқий ва Жан.-Шарқий Осиё дарёларида яшайди. 5—7 йилда жинсий вояга етади. Ёзда сув тошганида 490—560 минг увилдириқ ташлайди. Ёш балиқлар дастлаб зоопланктон, кейинроқ фитопланктон б-н (оқ Х.б.) ёки аралаш озиқланишга ўтади (чипор Х.б.) Х.б. кўпчилик мамлакатларда иқлимлаштирилган. Амур, яъни оқ Х.б. Ўзбекистон сув ҳавзаларида ҳам иқлимлаштирилган. Х.б. ов объекти, ҳовузларда ҳам боқилади.

Хумбош балиқ.

ХУМДОН — ғишт, сопол, кошин, чинни ва б. буюмлар юқори т-рада пишириладиган қурилма ёки иншоот. Пишириладиган маҳсулот турига қараб ҳар хил катта-кичикликда ясалади. Ичи думалоқ ёки тўртбурчак шаклида бўлиб, лой, гувала, пишиқ ғиштдан қурилади. Қадимги Х. 2 қисм: пастки қисм (ўтхона ёки оташхона) ва устки (маҳсулотлар жойланадиган) қисмдан иборат. Уларнинг орасини ғишт б-н уриб, ўртасидан кичкина тешик қолдирилади (урилган қават арақ, унинг тешиги арақ оғзи деб юритилади). Арақнинг 4 бурчагидан биттадан кичкина мўри чиқарилади, 4 ёни ва тепаси ғишт ёки гувала б-н урилиб, уйча (хумдон) ясалади. Х. тепасида «тана оғиз» деб аталадиган тешик қўйилади. Тешик орқали хом маҳсулотлар териб бўлингач, Х.нинг оғзи беркитилиб, ўт (ўтин ёки кўмир, ҳозирги пайтда газ) ёқилади. Бу жараён маҳсулотнинг кўп-озлигига қараб, 6 соатдан 12 соатгача давом этиши мумкин. Ўтни олдин паст ёқиб, сўнгра аста-секин баландлатилади. Маҳсулот пишгач, ўтхонанинг тепа оғзи беркитилиб, ҳаво кириб туриши учун кичкина туйнук қолдирилади. Маҳсулот Х. ичида 1—2 кун сақлаб совитилади, сўнгра олинади. Ғишт Х.лари бошқа Х.ларга нисбатан каттароқ бўлади. Ҳозир янги техника ускуналари б-н жиҳозланган (газлаштирилган, электрлаштирилган) Х.лардан фойдаланилади. Қишлоқ жойларда (қисман шаҳарларда ҳам) ўтин ёқиб ишлатиладиган Х.лар ҳозир ҳам бор.



Қадимги хумдоннинг ички тузилиши: *а* — юқори қисм (хумдон); *б* — ўтхона; *в* — хумдон оғзи; *г* — мўри.

ХУМКАЛЛА ҚЎНҒИЗЛАР, ер кавлагич қўнғизлар (Lethrus apterus) — пластинка мўйловлилар оиласига мансуб қўнғизлар. Х.қ. танаси қисқа ва йўғон (8—18 мм); боши ва олдкўкрак йирик, қорни ва кўкрагининг кейинги икки сегменти номутаносиб тарзда кичик (номи шундан). Устқанот чокидан қўшилиб ўсган, қаноти йўқ. Юқори жағлар, айниқса, эркагида кучли ривожланган бўлиб, туртиб чиққан. Қўнғизлари қишлайди. Эрта баҳорда (апр.) қўриқ, ташландиқ, партов ва б. ерларда шохобчали узун ин ясайди. Урғочиси шу ин тармоқчалари четига чуқурчалар ясаб, биттадан тухум қўяди, устини личинкалар озиқланиши учун ўсимлик пояси, барги, шохчалар б-н ёпади. Урғочиси ҳаммаси бўлиб 8—11 та тухум қўйгач, ин йўлларини тупроқ б-н бекитиб қўяди. Х.қ. Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Қўнғизи лалми ерлар ҳамда чўлга ёндош далалардаги, айниқса, янги ўзлаштирилган жойлардаги экинларга катта зарар етказади. Х.қ. турли экинларни, кўпроқ буғдой, арпани, шунингдек, қисман беда ва ғўзани шикастлайди.

Кураш чоралари: Х.қ. кўпайиши учун қулай қўриқ ва партов ерларни ўзлаштириш; ҳимоя ёки тутқич ариқчалар қазиш. Экин далалари чети

Хумкалла қўнғиз.

ҳамда унга ёндош ерлардаги ўсимликларга хлорофоснинг 80%ли техник эритмасини ва ҳўлланувчи кукунини (0,75—2 кг/га) сепиш.

ХУМС (араб. — бешдан бир) — ислом анъанасида мусулмон қўшинлари қўлга туширган ўлжаларининг (қ. *Ғанимат*) бешдан бир қисми. Уни аввал Муҳаммад (сав) ихтиёрига, кейинчалик халифалар хазинасига (қ. *Байт ул-мол*) ажратилган, қолган қисмини ҳарбий бошлиқлар ўзлари ва лашкарларга тақсимлаганлар. Бу қоида илк ислом давридаёқ Қуръон оятларида (8: 42) баён этилган ва шу асосида амалга киритилган, у ўрта асрларда барча мусулмон мамлакатларида қўлланилган. Х. сифатида тўпланган маблағларнинг бешдан бир қисми аввал Муҳаммад (сав) ва унинг авлодларини таъминлашга, шунингдек, қўшинлар харажатларига сарфлаган. Халифалар ва кейинги ҳукмронлар даврида Х. хазинага тушган.

ХУМУЛИЙ, Жумақули ибн Сўфий Тағойи турк Ургутий Самарқандий (19-а.) — шоир ва ёзувчи. Бухоро амири Насрулло (1827—60) даврида Ургутда қозилик қилган. Ўзбек ва тожик тилларида наср ва назмда ижод этган, тарихий асарлар ҳам ёзган. Замондош олим ва шоирларнинг таржимаи ҳолини ёзиб қолдирган. Х.нинг «Тарихи Хумулий», «Манзумоти тарихий», «Шоҳ ва гадо», «Девони Хумулий», «Шайх Мусохон ад-Даҳбидийнинг таржимаи ҳоли» каби асарлари бор. «Тарихи Хумулий»да баъзи бир дарвеш шайхларнинг таржимаи ҳолидан ва манғитлар сулоласи тарихидан маълумотлар келтирилган. «Манзумоти тарихий» асарида эса 1870 й. содир бўлган тарихий воқеалар шеър б-н баён қилинади.

ХУН (форс. — қон) — қонли ўч, қариндош-уруғнинг ҳаёти, номус-ори, шаъни ва мулкини ҳимоя қилишдаги қад. одатлардан бири. Ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлган. Баъзи уруғларда фақат қотилни ўлдириш б-н Х. олинса, айрим ҳолларда унинг уруғига тегишли бирор яқин қариндошини маҳв қилиш б-н кифояланган. Давлат барпо бўлган янги жамоада бу одатга бир оз чек қўйилган. Қасоскорлар б-н жавобгарлар доираси бирмунча қисқартирилган, келтирилган зарар миқдори, қасос олинган объектнинг жинси, ёши, жамиятда тутган ўрни эътиборга олинган. Кейинчалик Х. олиш етказилган зарарни моддий тўлов б-н қоплаш тизими б-н ҳам алмаша бошлаган.

Этнографик тадқиқотларга кўра, 19-а.нинг охири — 20-а.нинг бошларида ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида уруғчилик қолдиғи бўлмиш қон учун товон — Х. олиш одати сақланиб келган. Қотил «хундор» деб аталган. Марҳумнинг қариндошлари «хун сўровчилар», «ўч олувчилар» ҳисобланган. Қотиллик содир бўлгач, жабрланувчи томон маҳаллий ҳукумат — қозиларга мурожаат қилган. Қози томонларнинг ўзаро муносабатларини шариат асосида аниқлаган. Қасддан ўлдирилган яқин қариндош учун Х. олишга шариат ижозат берган («қонга қон — жонга жон»). Х. фақат ҳақиқий қотилдан олинган. Шунингдек, шариат қотиллик ва майиб қилганлик учун Х. ўрнига келтирилган зарарни қоплаш мақсадида уни моддий маблағ б-н алмаштиришга имкон берган. Мас., ўлдирилган одамнинг қони учун товон пули тўланган.

Товон ҳажми марҳумнинг меҳнат қобилияти, жамоадаги ўрнига боғлиқ бўлган. Мас., катта ёшли эркакнинг Х.и аёл Х.идан ва аёл Х.и қизникидан қимматроқ бўлган. Мабодо марҳумнинг оиласи боқувчисиз қолса, қотил бутун умри давомида ёрдам бериши шарт бўлган. Айрим халқларда катта товонлар тўлаш учун қариндош-уруғлардан маблағ тўпланган. Товон тўлаб бўлингач, томонлар ярашишган ва улар ўртасида ўзаро муносабатлар давом эттирилган. Жаҳондаги кўп мамлакатларда ҳоз. Х. олиш тақиқланган.

Ад.: Бўриев О. ва б., Ўзбек оиласи тарихидан, Т., 1995.

ХУНАНЬ — Хитойнинг марказий қисмидаги провинция. Янцзи дарёси ўрта оқими ва Дунтинху кўли ҳавзасида. Майд. 210 минг км². Аҳолиси 65 млн. киши (1999). Маъмурий маркази — Чанша ш.

Ер юзаси ғарбий ва жан. қисмида тоғлар, маркази ва шим.да текисликлардан иборат. Иқлими субтропик, муссонли иқлим. Йиллик ёғин 1100—2000 мм. Иқтисодиётининг етакчи тармоғи — қ.х., хусусан, деҳқончилик. Асосий экини — шоли. Буғдой, маккажўхори, арпа, батат, рами, рапс, ер ёнғоқ, кунжут, тамаки, жут экилади. Чой ва тунг дарахти ўстирилади. Боғдорчилик, хусусан, цитрус мевалар етиштириш ривожланган. Ёғоч тайёрланади. Чорвачиликда қорамол, чўчқа боқилади. Дарёлардан ва Дунтинху кўлидан балиқ овланади. Х.да сурма, қўрғошин, рух рудалари, вольфрам, марганец қазиб чиқарилади. Сянтанда электровоз, электротехника ускуналари, станоклар, Ханьянда кон ускуналари ишлаб чиқарилади. Озиқ-овқат, қоғоз, тўқимачилик саноатлари ривожланган. Янцзи дарёси ва Дунтинху кўлида кема қатнайди. Йирик шаҳарлари: Чанша, Сянтань, Чжучжоу ва б.

Х. ҳудудида қадимда маяь қабилалари яшаган. 4-а.дан хитойлар кўчиб кела бошлаган. 1937—45 й.ларда Х. ҳудудининг катта қисми японлар қўл остида бўлди.

ХУНАСАЛИК — қ. *Гермафродитизм.*

ХУНВЭЙБИНЛАР («қизил соқчилар») — Хитойда 1966 й.ги «маданий инқилоб» даврида тузилган отрядларнинг қатнашчилари. Ўрта мактаблар ўқувчилари ва талабалардан ташкил топган. Улардан ҳамда изюфанлардан сиёсий ва жамоат арбобларини жазолаш учун фойдаланилган. 1968 й. Х. сиёсий саҳнадан йўқотилди. Кейинчалик Х. нинг жиноятлари Хитойда қораланди.

ХУНОХУНОВА Муқаддам Жўраевна (1955.24.3, Оққўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Тошкент пед. институтини тугатган (1978). 1978 й.дан Оққўрғон туманидаги 17-мактабда кимё-биол., 1992 й.дан 49-ихтисослашган мактабда биол. ўқитувчиси. Ноанъанавий дарс усулларидан самарали фойдаланади.

ХУН СЮЦЮАНЬ (1814—64) — 1850—64 й.ларда Хитойда бўлиб ўтган *Тайпин қўзғолони* ташкилотчиси ва олий раҳбари. Деҳқон оиласида туғилган. 1851 й.дан Тайпинлар давлати бошлиғи. 1864 й. Нанкинни ҳукумат қўшинлари қамал қилганида ўз жонига қасд қилган.

ХУНТА (испанча junta) — испан тилида сўзлашувчи мамлакатлардаги бирлашма, иттифоқ, комиссиялар, давлат органларининг номи. Лотин Америкасининг айрим мамлакатларида ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимият тепасига келган ҳарбий ҳукумат.

ХУНУКЛИК — эстетика тушунчаси. Инсон гўзаллиги, шаъни, қадр-қимматн ва идеал тасаввурларга хилоф келадиган хусусият, нарса ва ҳодисани ифодалайди. *Гўзалликнинг* акси. Х. кишида турли хил салбий ҳис-туйғу, ноxуш кайфият, таассуф ва нафрат қўзғатади, ёқимсиз таассурот қолдиради. У — Х. — ўзида нуқсонни ифодалайди. У инсоннинг интеллектуал ва ирода кучига бўйсуниши мумкин бўлган, шахс, жамият учун тўғридан-тўғри хавф туғдирмайдиган, келажакда ниҳоятда сонийимконият лар доирасида шаклан ёки мазмунан ижобий ўзгариш касб эта оладиган муваққат хусусият. Шу нуқтаи назардан гўзаллик б-н узвий боғлиқ. Қад. хитой донишмандлари Х.нинг ҳам ўзига хос аҳамияти борлигини таъкидлаб, одамлар Х. орқали гўзаллик ниҳоятини англаб етадилар, деган фикрни билдирадилар *(Лао Цзи)*. Юнон мутафаккирлари гўзалликнинг Х.ка ўтиб туриши мумкинлигини айтадилар, бу фикрни ёш, гўзал йигитнинг кейинчалик касал қарияга айланиши б-н изоҳлайдилар *(Аристотель)*. Шу маънода Х.ни қадрнинг қадрсизланиши тарзида талқин қилиш мумкин. Х. санъат асарига кўчганида, санъаткор маҳорати ва санъат қонуниятлари воситасида ўзининг объектдаги жиркантирувчи жиҳатларини йўқотади, гўзалликка айланади, айни пайтда, мазкур объектга бўлган инсондаги салбий муносабат онгида сақланиб қолаверади. Бу ҳолат бадиий асарни идрок этувчи кишининг ахлоқий-эстетик тарбиясига таъсир кўрсатади.

ХУРЖУН — икки қопчиқ (бўлма)ли тўрва. Шарқ мамлакатларида қадимдан нарса (юк) кўтариб юришда кенг фойдаланилади. Х. тахм. 100×40 см ли тўртбурчак шаклга эга бўлиб, қопчиқлари юз томонининг 2 четида жойлашади, икки буклангаида қопчиқлар устма-уст тушади. Киши қопчиқларни олди ва орқасига ошириб елкасига осиб олади, уловлар (от, туя, эшак ва б.)да эса Х. улов устидан ошириб унинг икки ёнига осилган ҳолда жойлашади. Амалий безак санъати—гиламчиликда (палос ва гилам каби) тўқиб тайёрланади, нақш мужассамотини йўл-йўл, ҳандасий шакллар ташкил қилади.

Хуржун.

ХУРЖУН МАДРАСА — қ. *Хўжамбердибий мадрасаси.*

ХУРМО (Diospyros) — хурмодошлар оиласига мансуб субтропик дарахт ёки буталар туркуми, экиладиган мева дарахти. Тропик ва субтропик минтақаларда 500 га яқин тури учрайди. Хитой, Япония, Ўрта денгиз бўйи мамлакатлари, Австралия, АҚШ, Кавказ, Ўрта Осиёда экилади. Меваси учун, асосан, шарқ Х., совуққа чидамли виргиния Х.си (D. virginiana), шунингдек, Кавказ Х.си (D. lotus) ўстирилади. Ўзбекистонда экиладиган шарқ Х.си (D. kaki Thunb.)нинг ватани — Хитой. Дарахти 8—12 м, чиройли, шох-шаббаси думалоқ ёки пирамидасимон. 100 —400 йил, баъзан ундан ҳам кўпроқ яшайди, лекин 50— 60 йилгача яхши мева беради. Х. —15, —20° гача совуққа чидайди, ёруғсевар ўсимлик. Барги йирик тухумсимон, усти тўқ яшил, орқаси тукли, кетма-кет жойлашган, тўкилиш олдидан қизғиш рангга киради.

Хурмо: 1 — Кавказ хурмоси; 2 — Виргиния хурмоси; 3 — Шарқ хурмоси (Хиакуме нави; *а* — гули; *б* — меваси; *в* — меванинг кўндаланг кесими).

Гули бир, баъзан икки жинсли. Апр. — майда гуллайди, окт. —нояб.да пишади. Меваси турли шаклда (500 г гача). Х. таркибида қанд, С витамини, протеин, темир тузлари, оксил, ошловчи моддалар ва б. бор. Меваси 2 —3 ой сақланади, янгилигида ҳамда қуритилган ҳолда истеъмол қилинади, қандолатчилик саноатида ишлатилади, ликёр, вино, жем тайёрланади. Х., асосан, пайвандлаш йўли б-н кўпайтирилади. Кўчати кузда ёки баҳорда 8×6 ва 6×6 м схемада экилади. Қумли, шағалли шўр ерларни ёқтирмайди. 3—4-йили ҳосилга киради, 10—12 ёшида тўлиқ ҳосил бера бошлайди. Бир туп дарахти 250 кг гача ҳосил беради. Ўсув даврида ер шароитига қараб 10 —12 марта суғорилади; ўғитланади, атрофи юмшатиб турилади. Х.нинг Ўзбекистонда тар-қалган ва Сурхондарё, шунингдек, Навоий, Наманган, Самарқанд вилоятлари учун районлаштирилган асосий навлари — Вахш, Хиакуме, Зенджи-мару, Тожикистон, ва б.

Ад.: Кульков О. П., Мухамедзянов Ш. З., Ўзбекистоннинг субтропик ўсимликлари, Т., 1968; Животинская С., Восточная хурма в Узбекистане, Т., 1989.

Раҳмowой Жўраев.

ХУРМОДОШЛАР, сафсандошлар (Ebenaceae) — тропик ва субтропикларда кенг тарқалган ўсимликлар оиласи. Дарахт ёки бута. Барглари оддий ва этли. Гуллари, кўпинча, айрим жинсли ва икки уйли. Чангчиси кўп, 1 ёки 2 доира бўлиб жойлашган. Уруғчиси 2 — 16 мевабаргли, кўп уяли. Меваси резавор. Х. 5 туркум (300 тур)дан иборат. Ўзбекистонда Х.нинг битта ёввойи тури ва бир нечта маданий навлари бор.

ХУРМОИ, Қизил хурмои — ўртапишар хўраки узум нави. Ватани — Ўзбекистон. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига мансуб. Х. кўпроқ Ўзбекистонда ўстирилади. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача, думалоқ, гули икки жинсли. Узум боши ўртача (200 —300 г), шакли цилиндрсимон, ўртача зич. Ғужуми йирик, узунчоқ-овалсимон, тўқ қизил, бинафша ранг, юпқа ним ғубор б-н қопланган. Пўсти қалин этдор. Ҳосили фаол ҳарорат йиғиндиси 2700° да ўртача 150 кунда етилади. Новдалари яхши пишади. Касалликларга ўртача чидамли. Ҳосилдорлиги 160 — 200 ц/га. Янгилигида ейилади, қишга сақланади. Узоқ жойларга юборишга чидамли.



Хурмои узум нави.

ХУРМОЙИ — ўртапишар жайдари ўрик нави. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Самарқанд филиалида Хурмойи нави клонидан ажратиб олинган. Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Дарахти катта, 100 й.гача яшайди, шох-шаббаларининг қалинлиги ўртача, бал. 7 —7,5 м, кенглиги 8 —8,5 м. Четдан чангланади, июнь —июлда пишади. Меваси кенг тухумсимон,

Хурмойи ўрик нави.

заргалдоқ, хушбўй, ширали. Таркибида қанд миқдори 14 —16%, нордонлиги 0,3%. Данаги этидан осон ажралади. Кўчати ўтқазилгач, 4—5 й.да ҳосилга киради. Тупидан 200 кг гача ҳосил олинади. Меваси янгилигида ейилади,

консерва қилинади ва қоқи солинади. 1959 й.дан Давлат реестрига киритилган. Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятларида р-нлаштирилган.

ХУРОСОН (форс. — кун чиқиш, шарқ) — Эроннинг шим.-шарқий қисмидаги тарихий вилоят. *Парфия подшолиги*нинг маркази (мил. ав. 250 — мил. 224). Х. номи сосонийлар давридан маълум. Х. 3-а.дан 18-а. ўрталаригача ҳоз. Эроннинг шим.-шарқий қисми, Марв воҳаси, ҳоз. Туркманистоннинг жан. қисми ва Афғонистоннинг шим. ва шим.-ғарбини ўз ичига олган. Машҳад, Нишопур, Марв, Балх, Ҳирот, Тус, Сарахс, Обиварл, Нисо, Сабзавор Х.нинг муҳим шаҳарлари бўлган. 7-а. ўрталарида уни араблар эгаллаган. Араб халифалиги таназзулга учрагач, Х. Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Ҳулокуийлар, Куртлар давлати таркибига кирган (9 —14-а.лар). 8-а.дан 13-а.нинг 20-й.ларигача Х. Яқин ва Ўрта Шарқда иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ўлкалардан бири бўлган. У қўшни давлатларга қ.х. маҳсулотлари, мевалар, ипак, жун, мўйна чиқарган. Шунингдек, Х.да кумуш, қўрғошин, мис ва темир рудалари, олтин, олтингугурт, тўтиё, маргимуш, мармар, малахит ва б. қазиб чиқарилган, тўқимачилик авж олган. 1220 ва 1223 й.ларда Х.га мўғуллар ҳужум қилиб, вайрон этган; аҳолисининг кўпчилиги қириб ташланган. Шундан кейин Х. аввалги мавқеига чиқа олмаган. 14-а. охирида *Амир Темур* Х.ни ўз давлатига қўшиб олган, кейинчалик Шайбонийлар, 1510—1736 й.лар Сафавийлар давлатларига тобе бўлган. Кейинчалик Х.нинг бир қисми (Ҳирот вилояти ва Балх) Афғонистонга, бир қисми Эронга қўшилган.

ХУРРАК, хуррак отиш — нафас йўлидан ўтаётган ҳаво оқими таъсирида ҳосил бўладиган товуш. Бунга кичик тилчанинг ҳаво ўтаётганда тебраниши, яъни вибрацияси сабаб бўлади. Оғизни очиб (баъзан оғиз юмуқ бўлганда ҳам) ва чалқанча ётиб ухлаганда киши Х. отади, чунки бунда юмшоқ танглайнинг ўта бўшашиши учун шароит яратилади.

Бурун-ҳалқум тузилишидаги ўзига хос туғма хусусиятлар ёки сурункали яллиғланиш касалликлари: *тумов, гайморит, тонзиллит*, пневмония, астма, шунингдек, бурун полиплари ва *аденоидлар* ҳам Х. отишга сабаб бўлади. Баъзи касалликларда, мас., дифтериядан сўнг пайдо бўлган юмшоқ танглай фалажида, миядa қон қуйилганда, мия эзилганда ҳам бемор Х. отиши мумкин. Кўп Х. отадиган одам ёнбошлаб ётиши, ёстиғи иложи борича баланд бўлишига ҳаракат қилиши лозим; механик микромассаж, игнасиқ қилиш, ультратовуш, лазер каби муолажалар яхши наф беради. Бурундан нормал нафас олишни тиклаш мақсадида баъзан хирургик операция қўлланади.

ХУРРИТ ТИЛИ — Арманистон тоғлиги жан.ида, шим. Сурия ва Месопотамияда, Кичик Осиёнинг жан.-шарқий қисмида ва Угарит ш.да тарқалган ўлик тил. Х.т.нинг генетик алоқаларига доир ягона фикр мавжуд эмас. Рус олимлари И.М. Дьяконов ва С.А. Старостинларнинг Х.т. ва унга қариндош *урарт тили*нинг *нах-доғистон тиллари* б-н қариндошлиги ҳақидаги фарази бир қадар ишончли фикр ҳисобланади. Х.т.нинг сақланиб қолган ёдгорликлари унда ўзаро фарқланувчи 6 лаҳжа борлигини кўрсатади.

Х.т.нинг энг қад. ёдгорлиги мил. ав. 3-минг йиллик охирига мансуб. Хорижий тиллар матнларидаги атоқли отлар ва сўзлар мил. ав. 2-минг йилликдан кейин ҳам Х.т. Арман тоғликларининг айрим жойларида сўзлашув тили сифатида қўлланганини кўрсатади. Мил. ав. 1-минг йилликдаёқ бундай матнлар мавжуд бўлмаган. Ёзуви — бўғинли миххат; угарит алифболи миххатида ҳам ёдгорликлар учрайди.

ХУРРИТЛАР, хуррийлар — тил жиҳатидан урартларга қардош бўлган қад. қабилалар. Шим. Месопотамия ва Дажла дарёсининг сўл ирмоқлари ҳавзасида мил. ав. 3-минг йилликдан, мил. ав. 2-минг йилликдан эса Фрот дарёсининг юқори ва ўрта ҳавзасида, Сурия, Тавр тоғлари, қисман Фаластинда ва б. ерларда яшаганлар. Х.нинг энг кўп тарқалган маркази Закавказье бўлган деган тахминлар мавжуд. Сурия ва Месопотамияда Х. *сомийлар* б-н аралаш яшаган. Мил. ав. 16 —13-а.ларда Х. Шим. Месопотамияда Митанни давлатини барпо этиб, *Хетт подшолиги*га кучли таъсир кўрсатган. Мил. ав. 2 —1-минг йиллик бошидаги оссурий манбаларида Х. субарейлар деб қайд этилган. Мил. ав. 1-минг йилликда Х. Арманистон тоғлари атрофида тарқоқ ҳолда яшаган. Х. михxат ёзувидан фойдаланишган.

ХУРСАНДТОҒ — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги чўққи. Ҳисор тоғининг жан.-ғарбида. Бал. 4117 м. Гранит, конгломерат ва оҳактошлардан тузилган. Ён бағирлари тик, тепаларида музликлар бор. Атрофидан сойлар оқиб тушади. Арчазорлар учрайди. Х. ёнида Хонди(з)а рух-қўрғошин кони бор. Баъзи жойларда альп ва субальп ўтлоқлари учрайди.

ХУРУШЛАШ, техникада — қаттиқ материаллар (металл, қотишма, шиша ва б.) сиртига кимёвий ва электр-кимёвий усулларда ишлов бериш. Кимёвий ишлов кислоталар (сульфат кислота, нитрат кислота, фторид кислота, хлорид кислотанинг сувдаги эритмаси, ўювчи ишқорлар ва ишқорли эритмаларда, электр-кимёвий ишлов эса шундай муҳитлар ҳамда тузли эритмаларда электр токи таъсирида амалга оширилади. Х. учун махсус ванналарга эритма тўлдирилиб, буюм ана шу эритмага ботирилади, ё бўлмаса, узлуксиз ёки даврий ишлайдиган қурилмаларда эритмалар буюмга пуркалади. Х. орқали металлар (қотишмалар) сиртидаги куюнди (металл занги) кетказилади, металл заготовкалар зарур ўлчам ва шаклга келтирилади, босма схема ва клишелар сиртига зарур қиёфа берилади, механик ишловдан кейин қолган ғадир-будурликлар текисланади, шиша сирти ўзига хос хираро(қ) тусли ва нақшли ҳолга келтирилади. Бундан ташқари, Х. ёрдамида металлар ва минераллар структураси аниқланади, металлардаги нуқсонлар топилади. Х.нинг газли, ультратовушли ва б. усуллари ҳам бор.

ХУРШИД (тахаллуси; асл номи Шарафиддинов Шамсиддин) (1892.20.6 — Тошкент — 1960.13.9) — шоир ва драматург. Ўзбекистон миллий мусиқали драма театри асосчиларидан бири. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1941). Тошкентдаги мадрасаларнинг бирида, сўнг рус-тузем мактабида (1908—10) ўқиган. Отаси вафотидан кейин 1910 й.да ўқишни ташлаб, Андижонга борган ва 1918 й.гача қадар приказчик бўлиб ишлаган. Х. Андижондалик пайтида Қрим, Татаристон ва Озарбайжонда нашр этилган газ. ва жур.лар б-н танишган. 1918 й.нинг ёз ойларида Тошкентга қайтиб, ўқитувчилар тайёрлаш 4 ойлик курсида ўқиган, сўнгра «Беҳбудий» ва «Намуна» мактабларида ўқитувчилик қилган (1918—20). 1920 й.дан бошлаб Эски шаҳар халқ маориф бўлимида ходим ва Маннон Уйғур раҳбарлигидаги театр труппасида суфлёр, «Муштум» жур. таҳририятида техник муҳаррир (1924—26), Андижон вилоят театри (1929—33) ва Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида (1933—48) адабий эмаклош(?), Тил ва адабиёт ин-ти қошидаги Адабиёт музейида илмий ходим (1949—60).

Х.нинг дастлабки шеърлари 1914 й.да «Туркистон вилоятининг газети»,

«Садои Туркистон» газ.лари, «Таржимон», «Ойна» жур.лари ва «Туҳфаи Хислат» баёзида (1914) «Хониб» тахаллуси б-н эълон қилинган. Ўз шеърларини жамлаб, «Девони Шоҳидий» номи б-н девон ҳам тузган (1912). Шоир кейинчалик «Муштум» жур.да босилган ҳажвий шеърларида «Ўжар», «Тажанг», «Чаён» каби тахаллуслардан фойдаланган.

Х.нинг 1920 й.дан кейинги ижодий фаолияти асосан театр б-н боғлиқ. Х. драматург сифатида 20 га яқин катта ва кичик ҳажмли пьесалар яратган. Айниқса, М. Уйғур труппаси б-н ҳамкорлик қилган йилларда «Ёмон ўртоқ», «Туганмас бойлик», «Кичик аскар», «Буюк аскар» каби саҳна асарларини ёзган. «Жалид(?), қалим» ва «Жувонбозлик қурбони» пьесалари Х.нинг драматург сифатида муайян тажриба ҳосил қилганидан дарак берди. Шундан кейин у ўзбек драматургиясида биринчи марта Навоий «Хамса»сига кирган достонлар асосида мусиқали драмалар ёзишга киришган. Унинг «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмаси 1923 й.да, «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмаси эса 1926 й.да давлат намуна труппаси томонидан саҳналаштирилган. Х. кейинчалик бу 2 асарнинг ҳам мусиқали театр, ҳам опера театри учун бир неча нусхаларини яратган ва бу асарлар республика театрлари саҳнасида узоқ вақт давомида муваффақият б-н намойиш этилган. Х., шунингдек, «Қалин» (1930), «Сиёвуш» (Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари асосида, 1945), «Ойбону» (1955) мусиқали драмаларининг ҳам муаллифидир.

Х.нинг мусиқий драмалар ва опера либреттолари учун «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Ушшоқ», «Баёт» сингари халқ куйларига мослаб ёзган аксар қўшиқлари ўзбек қўшиқчилик санъатининг мумтоз намуналарига айланган ва етакчи ҳофизлар репертуаридан ўрин олган. Х. ўзбек миллий журналистикаси, публицистикасининг қалдирғочларидан бири сифатида 20-а.нинг 10—20-й.ларида газ. ва жур.ларда долзарб мавзулардаги мақола, тақриз ва фельетонлар чоп эттириб турган.

Х. Тил ва адабиёт ин-тида ишлаган пайтида «Юсуф ва Зулайҳо» достонини, Муниc ва Огаҳий каби шоирларнинг асарларини нашрга тайёрлаган. У бадиий таржима б-н ҳам шуғулланиб, 20-й.ларда номаълум муаллифларнинг «Шаҳзода ва тиланчи», «Аввали ҳой, охири вой» асарларини озарбайжон тилидан таржима қилган, 50-й.ларда эса Ҳофиз Шерозийнинг бир қанча асарларини ўзбек тилига ўгирган.

Республика ҳукуматининг қарори б-н атоқли шоир ва драматург Х. таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди (1995). Тошкентдаги маҳалла, кўча, мактаб ва кинотеатрлардан бирига Х. номи берилган.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1967.
Ад.: Насриддинов Б., Хуршид, Т., 1972; Насриддинов Б., Хуршид. Ҳаёти ва ижоди ҳақида монографик очерк, Т., 1975.

«ХУРШИД» («Қуёш») — илк ўзбек газеталаридан бири. «Илмий, адабий, сиёсий, маданий, туркча жаридаи исломиядур». 1906 й. 7 сент.дан ҳафтада 1 марта Тошкент ш.да нашр этила бошлаган. Ильин босмахонасида дастлаб тошбосма (котиби Ўтаб Расулов), сўнг михбосмада босилган. Ношир ва муҳаррири Мунавварқори Абдурашидхонов.

Газ. «ҳеч партияга мансуб эмасмиз, миллий бетараф, тўғри-ҳаққониятчимиз» деган фикрга амал қилган. «Фельетон», «Ахбори дохилия», «Ахбори хорижия» рукнлари остида кундалик муаммолар, сиёсий аҳвол, халқаро вазият, миллий турмуш масалалари ҳақида маълумот бериб борган. «Таржимон», «Вақт», «Улфат» газ.ларидан сиёсат, халқаро вазият ва миллий масалаларга оид мақола ва хабарларни кўчириб босган. Матбуотнинг миллий маданиятдаги ўрни ва ролини тўғри тушунтириб берган. Сўл йўналишдаги асарларни босгани учун чор Россиясининг Туркистон цензураси томонидан тўхтатиб қўйилган.

ХУРШИД ДАВРОН (асл номи Давронов Хуршид) (1952. 20.1, Самарқанд вилояти Чордара қишлоғи) — Ўзбекистон халқ шоири (1999). Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (1969). Турли нашриёт ва ижодий ташкилотларда ишлаган (1974—94). Маънавият ва маърифат марказида раҳбар ўринбосари (1994—96). 1996 й.дан Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлар» телеканалининг бош директори.

Дастлабки шеърлар тўплами — «Қадрдон қуёш» (1979), «Шаҳардаги олма дарахти» (1979), «Тунги боғлар» (1981), «Учиб бораман қушлар билан» (1983), «Тўмариснинг кўзлари» (1984), «Болалигимнинг овози» (1986), «Қақнус» (1987) ва «Баҳордан бир кун олдин» (1997) каби шеърий тўпламлари нашр этилган. Шеърларида воқеликка ингичка нигоҳ б-н қаровчи, табиат, жамият ва кишилар ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни синчковлик б-н кузатувчи, айни пайтда бокира ёшликка хос ҳайрат ҳиссини сақлаб қолган зукко шоир сифатида гавдаланади. Х.Д. сўзга, ифода воситалари ва шеърий шаклларга юксак мезонлар асосида ёндашади.

Х.Д. 90-й.ларда шеъриятдан кўра насрий жанрларда самарали ижод қилди. У олис ўтмишда яшаган унутилмас тарихий сиймолар ҳаёти ва фаолияти б-н қизиқиб, улар ҳақидаги мўътабар қўлёзма манбалар б-н танишди ва Бибихоним ҳақида «Самарқанд хаёли» (1991), Улуғбек ҳақида «Соҳибқирон набираси» (1995), Шайх Кубро ҳақида «Шаҳидлар шоҳи» (1998) каби тарихий-маърифий қиссаларини яратди. Х.Д. бу асарлари б-н 90-й.ларда Ўзбекистонда тарихий ўтмишга бўлган муносабатнинг яна ҳам қизғин тус олишига муносиб ҳисса қўшди. Х.Д. бундай тарихий сиймолар ҳаётини пухта ўрганиб, улар ҳақида саҳна асарлари ҳам ёзди. («Мирзо Улуғбек» — «Алгул», 1995; «Бобуршоҳ», 1996). Х.Д. тарихий мавзудаги бу асарлари б-н ҳоз. ўзбек драматургиясига ўтмишда яшаган ажойиб ватандошларимизнинг ёрқин образларини олиб кирди. Х.Д. айни пайтда Самарқандда Амир Темурнинг 660, Улуғбекнинг 600 йиллигига, Парижда «Одеон» театрида Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишлаб ўтказилган театрлаштирилган томошалар ва 21 қисмдан иборат «Темурнома» видеофильми ва «Бухоройи шариф» (2 қисмли) телефильми сценарийлари муаллифи.

Шарқ ва Ғарб шоирларининг асарларидан иборат «Қирқ бир нишқ дафтари» (1989) ва япон шоирларининг шеърларидан таркиб топган «Денгиз япроқлари» (1988) тўпламларини ўзбек тилига таржима қилган. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).

Ас.: Самарқанд хаёли, Т., 1991; Баҳордан бир кун олдин [шеърлар, ривоятлар, таржималар], Т., 1997; Шаҳидлар шоҳи (Шайх Кубро тушлари), Т., 1998.

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД (асл номи Дўстмуҳамедов Хуршид) (1951.8.1, Тошкент) — ёзувчи, журналист. Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (1973). «Фан» нашриёти ҳамда «Фан ва турмуш» жур.да муҳаррир ва бўлим

муҳаррири (1973—83), «Қишлоқ ҳақиқати» газ.да мухбир (1983—84), «Ёш куч» жур.да бўлим муҳаррири, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир (1984—95), Республика Президенти девонида масъул ходим (1995—97), «Ҳуррият» газ.да бош муҳаррир (1997—2002) ва Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасида ҳамкорлик (1997—2004). «Ўзбекистон матбуоти» жур.нинг бош муҳаррири (2002—05), Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг раис ўринбосари (2004 — 05). Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси (2004).

Дастлабки китоби — «Ҳовли этагидаги уй» (1989). Шундан кейин ёзувчининг «Паноҳ», «Оромкурси», «Сўроқ», «Соф ўзбекча қотиллик», «Маҳзуна», «Ибн Муганний», «Ёлғизим — Сиз», «Кўз қорачиғидаги уй», айниқса, «Жажман» (1997) асарлари, шунингдек, «Ҳижроним мингдир менинг» (2000) қисса ва ҳикоялар тўплами, «Бозор» (2000) романи нашр этилган.

Х.Д., шунингдек, қатағон қурбонларидан бирининг фожиали тақдирига бағишланган «Ҳамид Аъламовнинг айтолмаган гаплари» хотира-эссеси ва «Журналист бўлмоқчимисиз?» (2002) рисоласи, «Чаёнгул» киносценарийси муаллифи (2000).

Х.Д. 1- ва 2- чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси (2005 й.дан).

ХУСРАВ — Шарқда анъанавий бадиий образ. Х. дастлаб 6-а.да паҳлавий тилида яратилган «Хусрав ва Ридак» асарида учрайди. Асар ахлоқий-таълимий характерга эга бўлиб, унда мусиқа, хаттотлик, ишшо, ўқ отиш, човганбозлик, кураш, шатранж ва нард ўйинларини эгаллаган ёш йигитнинг ҳожаси Хусрав б-н савол-жавоблари тасвирланган. Х.нинг прототипи сосонийлар шаҳаншоҳи *Хусрав* II Парвиздир. Х. Фирдавсий «Шоҳнома»си қаҳрамонларидан бири ҳисобланади. Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонида у мукаммал бадиий образ даражасига кўтарилган. Шундан сўнг бу образ Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Ҳиндистон халқларининг оғзаки ижоди, ёзма адабиётидан кенг ўрин олган. Ҳатто Х. Табарий, Жоҳиз, Балъамий, Саолибий сингари олимлар асарларида ҳам ижобий образ сифатида тасвирланган. Кейинчалик Х. образи Хусрав Деҳлавийнинг «Хусрав ва Ширин» (13-а.), Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» (15-а.), Ҳотифийнинг «Хусрав ва Ширин» (16-а.), Вахший Бафқийнинг «Фарҳод ва Ширин», (16-а.), Руҳиламининнинг «Хусрав ва Ширин» (17-а.) сингари асарларида ҳам кенг тасвирланган.

Гарчи Низомий Х.ни ҳақиқий оиқ сифатида тасвирласа-да, ундаги ҳудбинлик, маишатпарастлик, давлатни бошқаришдаги ўзбошимчаликни қаттиқ қоралайди. Навоий Х.ни бокиначи, золим, ҳудбин шоҳ сифатида тасвирлаган ва қоралаган. Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин» (1948), Самад Вургуннинг «Фарҳод ва Ширин» (1942), Назим Ҳикматнинг «Ишқ қиссаси» (1948), М. Турсунзода ва А. Деҳотийларнинг «Хусрав ва Ширин» (1936), Г. Птицинниинг «Хусрав ва Ширин» (1939) драмаларида ҳам Х. образи мавжуд.

Ад.: Алиев Г. Ю., Легенда о Хосрове и Ширин в литературах народов Востока, М., 1960.

ХУСРАВ I Анушинрвон — қ. *Анушинрвон.*

ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ (тахаллуси; тўла номи Яминиддин Абдулҳасан) (1253, Патёли — 1325.27.9 Деҳли) — форс-тожик шоири, адабиётшунос, бастакор. Х.Д.нинг отаси Сайфуддин Маҳмуд кеш (шаҳрисабз)лик бўлиб, мўғуллар истилоси вақтида туркий сулолалар ҳукмронлик қилаётган Ҳиндистонга кўчган. Деҳли султони Шамсуддин Элтутмиш (1211—36) унга амирлик унвонини берган. Сайфуддин Маҳмуд мўғулларга қарши жангда ҳалок бўлгач (1261), ёш Х.Д.ни бобоси Имодулмулк ўз тарбиясига олган. Унинг шахс ва шоир сифатида шаклланишида онаси Давлатнозбегимнинг ҳам хизмати катта. Хушхат бўлгани учун хаттот қилиш мақсадида отаси уни дастлаб Қози Саъдуддин Муҳаммад ихтиёрига берган. Лекин боланинг шеър ёзишга майли кучли эканини кўрган устози ва бобоси уни шоир Ҳожа Азизиддин тарбиясига топширганлар. Ёшлигидан алоҳида қобилияти б-н ажралиб турган Х.Д. ўша замоннинг асосий фанлари бўйича кенг ва чуқур билим олиб, турк, форс, араб ва ҳинд тилларини мукаммал ўзлаштирган. Шоир, олим, бастакор сифатида танилган Х.Д. сарой хизматига жалб қилинган. Уч сулоғага мансуб 7 султон саройида хизматда бўлган Х.Д. ўша давр анъаналарига кўра, ўз асарларини ана шу султонларга бағишлаган. Х.Д. умрининг охирида сарой хизматини тарк этиб, чиштия тариқатининг машҳур шайхи Низомиддин Авлиёга мурид тушган, тариқат босқичларини босиб ўтиб, валиуллоҳ мақомига эришган. Шоҳона Хусрав исмидан воз кечиб, фақирона Муҳаммад Косалеъ номини олган. Навоий «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида уни авлиёлар қаторида ибр этган. Х.Д. Деҳлида Низомиддин Авлиёнинг оёқ томонига дафн этилган.

Илк асарларини «Султоний» тахаллусида ёзган. Деҳлида яшагани учун кейин Деҳлавий тахаллусини олган. У Шарқ адабиётининг деярли барча жанрларида ижод қилиб, форсий шеъриятини янги тараққиёт босқичига олиб чиққан. У нафақат шеърий, балки насрий асарлар ҳам ёзган. Ўзининг айтишича, мероси 500 мингга яқин бўлган. Жами унинг 99 та китоб ёзганини айтади, баъзи тазкиранавислар шоирни 199 китоб муаллифи деб ёзадилар. Бадиуззамон Хуросонийнинг ёзишича, «Шоирлардан ҳеч бири ўзидан кейин Амир Хусравчалик кўп шеър қолдирмаган. У форсийдан ташқари, урду, ҳинд ва араб тилларида ҳам асарлар ёзган».

Ҳаёти давомида ёзган шеърий меросини умр фасилларига мослаб, 5 девон тартиб берган шоир Шарқ адабиётида девон тузиш анъанасини бошлаб берган. Кейинчалик Жомий ва Навоий ушбу анъанани давом эттириб, девонларини шу тартибда тузганлар. Бу девонлар «Туҳфат ус-сигар» («Ёшлик туҳфаси», 1272), «Васат ул-ҳаёт» («Умр ўртаси», 1284), «Ғуррат ул-камол» («Камолот ибтидоси», 1293), «Бақияи нақия» («Сараланинг сараси», 1316), «Ниҳоят ул-камол» («Камолот ниҳояси» 1325) деб аталиб, умумий ҳажми 32645 байт. Шоирнинг 2000 дан ортиқ газал, 300 атрофидаги қасида, 20 га яқин маснавий, 1200 дан зиёд рубоий, 500 тача қитъа ва б. жанрлардаги асарлари ушбу девонлардан ўрин олган.

Низомий Ганжавий «Хамса»сига жавоб ёзиш б-н хамсанавислик анъанасини бошлаб берган. Унинг 1299—1302 й.ларда ёзилиб, Алоуддин Хилжийга бағишланган «Хамса»си қуйидаги достонларни ўз ичига олади: «Матлаъ ул-анвор» («Нурларнинг чиқиш жойи»), «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Оинаи Искандарий» («Искандар ойинаси»), «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат»). У Низомий достонларининг шакли ва сюжети, образлар силсиласини сақлаган ҳолда, уларни ўзига хос талқин этган ва ниги мазмун б-н бойитган. Низомий достонлари шоир лирикасининг кенглиги ва билимининг теранлигини намойиш этса, Х.Д. «Хамса»си руҳият теранлиги ва қалб бойлигига эга. Х.Д. «Хамса»си ўзидан кейинги шоирларга кучли таъсир кўрсатган.

Бундан ташқари, у «Кирон ус-саъдайн» («Икки саодатли сайёранинг учрашуви», 1289), «Мифтоҳ ул-футуҳ» («Галабалар калити», 1291), «Дувалрони ва Хизрхон» (1316), «Нуҳ сипеҳр» («Тўққиз фалак», 1318), «Тўғлуқнома» достонларини ҳам ёзган. 5 рисоладан иборат «Эъжози Хусравий» («Хусрав мўъжизаси», 1319) насрий асари эса адабиёт назарияси масалаларидан баҳс этади. Унинг «Маноқиби Ҳинд» («Ҳинд манақиби») ва «Тарихи Деҳли» («Деҳли тарихи») каби тарихий асарлар ёзганлиги ҳақида маълумотлар бўлсада, улар ҳозирча топилган эмас. Мусиқага бағишлаб ёзган рисоласи ҳам бизгача етиб келмаган. Кўплаб куйларни унга нисбат берадилар.

Х.Д. ўз асарларида барча замонлар учун муҳим бўлган кўплаб ижтимоий-ахлоқий масалаларни бадиий талқин қилган. Одил подшо орзуси, давлат мустаҳкамлиги ва мамлакат фаровонлиги, ранят тинчлиги, маърифат тантанаси, комил инсон муаммоси каби ғоялар шоир асарларининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бадиий сўзнинг қудратини намоён қилган асарлари ижод аҳли учун маҳорат мактаби ҳисобланади.

Х.Д. ранг-баранг мавзу ва жанрлардаги бадиий юксак асарлари б-н Ҳиндистондаги форсийзабон адабиётнинг тамал тошини қўйган. Унинг ижоди туфайли Хуросон ва Мовароуннаҳр сўз санъатида мавжуд бўлган барча жанрлар Ҳиндистон адабиётига кириб борган.

Шоир асарларининг умуминсоний аҳамияти ҳисобга олиниб, ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 1973 й. Х.Д.нинг 700 й.лиги халқаро миқёсда нишонланган. Шоир асарлари ўзбек халқи орасида ҳам кенг тарқалган, хусусан, «Хамса»си ва девонлари қўлёзмаси кўплаб кўчирилган. Навоий ўз «Хамса»сини яратишда Низомий б-н бир қаторда, Х.Д.дан ҳам кучли таъсирланган, ҳар бир достони муқаддимасида уни устоз фанидек Султонга топширилган. «Музаккири аҳбоб» тазкира муаллифи, шоир Ҳасанхожа Нисорий Х. С. ҳузурида (1553; 1555—56 й.ларда) хизмат қилган.

Ад.: Ҳасанхожа Нисорий, Музаккири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси), Т., 1993.

ХУСРАВОНИЙ (форс. — шоҳларга мансуб) — Ўрта Осиё ва Эрон қад. *бастакорлик* санъати, хусусан, *Барбад* ижодига нисбат этилган мусиқий асарлар туркуми. Дастлаб, 7 қисмдан иборат бўлиб, 7 хил пардада куйланувчи шоҳона (жасорат, мардлик ва б.) мавзуларга оид (айримлари *«Авесто»* матнларидаги) қўшиқлардан тузилган. Кейинроқ булар асосида ўзга мавзулар қамровидаги туркумли асарлар юзага келган (мас., «Арус Ганжи» — «Гов ганжи» — «Шабода ганжи» — «Афросиёб ганжи»; «Эраж қасли» — «Сиёвуш қасли» — «Фамдор» — «Доду фарёд»; ва б.). Х. туркумлари Шарқ бадиий (Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Навоий ва б.) ва илмий (Форобий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Муҳаммад Нишопурий, Хожа Абдулқодир Марогий ва б.) асарларда кенг таърифланган. Рисолаларда кўрсатилишича, турли оммавий тадбирлар, хусусан, Наврўз байрами ва ҳатто ҳарбий юришлар Х. туркумидаги куй ва қўшиқларсиз ўтмаган. Х. кейинчалик *Ўн икки мақом* тизими ва ўзга мукаммал туркумлар шаклланишида омил вазифасини ўтган.

Ад.: Гафурбеков Т., Творческие ресурсы национальной мелодии, Т., 1984; Барбад, эпоха и традиции культуры, Душанбе, 1989.

Тўлқин Гафурбеков.

ХУСУСИЙ АЖРИМ — суд қарорининг алоҳида тури. Жиноят ишини кўзғатиш жараёнида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд Х.а. чиқариб, унда тегишли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, жамоалар ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки Х.а. юборилган ташкилот, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва уларнинг натижалари тўғрисида кечи б-н 1 ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчини, терговчи, прокурор ёки судни хабардор қилиши шарт.

ХУСУСИЙ АЙБЛОВ — айрим категориядаги жиноий ишлар бўйича суд ишларини юргизиш тартиби; бундай жиноий ишлар, одатда, фақат жабрланувчининг айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб берган шикоят аризаси б-н қўзгатилади. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунида Х.а. тартибида иш кўриш қисман мавжуд бўлиб, у жинсий эркинликка қарши жиноят ишлари асосидагина қўзгатилади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 118-моддасининг 1-қисми ва 119-моддасининг 1-қисми). Жабрланувчи ночор аҳволда қолганлиги туфайли, айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга кўра, ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини шахсан ўзи ҳимоя қила олмайдиган фавқулодда ҳолларда прокурор жабрланувчининг аризасисиз ҳам жиноят ишини қўзгатади.

ХУСУСИЙ МУЛК — айрим кишилар ёки хонадонлар ихтиёридаги мулк; бозор иқтисодиётидаги хилма-хил мулклар орасида етакчи мулк шакли. Х.м.нинг объекти моддий ва маънавий бойликлар, иш кучи, интеллектуал меҳнат маҳсули, ер, сув, ер ости бойликлари, корхоналар, хўжаликлар, акция ва облигациялар, пул маблағлари, транспорт воситалари, турар жой, истеъмол товарлари, меҳнат қобилияти, ишбилармонлик маҳорати, илмий кашфиётлар, техникавий ихтиролар, санъат ва адабиёт асарлари ва бошқалар бўлиши мумкин. Х.м. субъекти унга эгалик қилувчи кишилар, айрим шахслар ва хонадон аҳли ҳисобланади.

Х.м. мулкчиликнинг энг кўҳна шакли, бундан бир неча минг йиллар олдин қабила, уруғ-аймоқларнинг жамоа мулкидан ўсиб чиққан жамоа мулки айрим кишилар қўлига ўтиб Х.м.га айланган. Х.м. анъанавий ва бозор тизимида асосий мулк ҳисобланган. Режали иқтисодий тизим хусусий мулкни йўқотиб давлат мулкини ўрнатган, истеъмолга хизмат қилувчи мулкни, жумладан уй-рўзғор буюмлари ва томорқа хўжалигини шахсий мулк, деб эълон қилган. Режали тизимдан бозор иқтисодиётига қайтилгач, Х.м. янгидан тикланади. Бунга қуйидаги йўл б-н эришилади: 1) давлат мулки Х.м.га айлантирилади; 2) ўз маблағи ҳисобидан хусусий мулкни яратишга рухсат берилади; 3) жамоа (колхоз) мулкидан хусусий мулк ажралиб чиқади; 4) шахсий мулк ҳисобланган томорқа ва хонадон мол-мулкига Х.м. мақоми берилади; 5) Х.м. чет эллан кириб келади, мавжуд мулкчилик тизимига қўшилади.

Бозор иқтисодиётига хос мулкий полиформизмни Х.м. трансформацияси юзага келтиради. Х.м. ўз соҳиблари ихтиёри б-н бирлашганда жамоа мулки ҳосил бўлади. Х.м. миллийлаштирилганда у давлат мулкига айланади.

Х.м. бозор иқтисодиётининг таянчи сифатида бир қатор белгилар б-н тавсифланади: Х.м. иқтисодий ресурслар, яратилган маҳсулот ва хизматларни, умуман бойликни якка тартибда айрим кишилар ёки оилалар томонидан ўзлаштирилишини таъминлайди. Х.м. соҳиблари турли тоифадаги кишилар, чунончи тадбиркорлар, ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, ер эгалари ва рантьелар бўлиши мумкин. Х.м. ўз эгасига иқтисодий ҳокимият беради, яъни уни бошқарини функцияси б-н таъминлайди. Мулк объектини мулкдорнинг ўзи ёки унинг номидан менежерлар бошқаради. Х.м. ўз соҳибига наф келтириши шарт. Х.м. ўз соҳибига иқтисодий мустақиллик беради, яъни мулк соҳиби уни ўз билганича ишлатади. Мулк эгаси муқобил иқтисодий танлов қонунига биноан, нима иш қилишини белгилаб олади, у мулкини бизнесга қўяди, сотади, гаровга беради ёки мероска қолдиради.

Х.м. иқтисодий рўёбга чиқиши — ўз эгасига мулкий даромад келтириши ёки унинг истеъмол эҳтиёжини қондириши керак. Давлат қабул қилган қонунлар ва ёзилмаган қоидалар, яъни шаклланган анъаналар ва мулкий улумлар Х.м.га эгалик қилишни, мулкий ҳуқуқни таъминлайди. Ўзбекистонда Х.м. дахлсизлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мулк тўғрисидаги қонунларда эътироф этилган.

Ўзбекистонда Х.м. давлат мулкини хусусийлаштириш, уни ҳосил этишга рухсат берилиши натижасида юзага келди ва хусусий корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, хусусий банклар, томорқа, хонадондаги мол-мулк ва пул жамғармалари, қимматли қоғозлар Х.м. объектига айланди.

Х.м., уни иқтисодий рўёбга чиқариш усули жиҳатидан 2 турга бўлинади: 1) айрим кишиларга қарашли бўлган танҳо индивидуал Х.м. Бу мулкка эгалик мулкдорнинг ўзининг фаолияти орқали юз беради, якка тартибда эгаси томонидан бошқарилади, у келтирган даромад улушларга ажралмаган ҳолда тўла-тўкис эгасига тегади; 2) корпоратив, гуруҳий Х.м. Бу улушбай, шерикчиликка асосланган мулк бўлиб, акциядорлик жамиятига хос. Унинг эгалари акциядорлар ҳисобланади, уларнинг мулкий улуши қўшилган акциялар қиймати б-н ўлчанади. Х.м.нинг бу турида мулкнинг иқтисодий рўёбга чиқиши алоҳида эмас, балки мулкдорлар гуруҳи доирасида юз беради. Бу мулкни акциядорларнинг ўзлари эмас, балки ёлланган менежерлар бошқаради, ундан келган даромад акциядорлар ўртасида улушбайчилик қоидасига биноан тақсимланиб *дивиденд* шаклига киради. Майда Х.м. индивидуал бўлса, йирик Х.м. корпоратив Х.м. тавсифига эга.

Х.м. амал қилиши жиҳатидан 2 хил бўлади: биринчиси бизнесга хизмат қилувчи мулк бўлиб капитал сифатида ҳаракатда бўлади ва эгасига фойда келтиради; иккинчиси истеъмолга хизмат қилувчи мулк бўлиб, хонадонда ишлатилади. Бу мулк истеъмол буюмлари ва пул маблағидан иборат, хонадоннинг тирикчилик эҳтиёжларини қондиради. Х.м.нинг иқтисодиётдаги роли хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ва хусусий мулкнинг миллий бойликдаги ҳиссасига боғлиқ. Х.м. давлат мулкини хусусийлаштириш ва мулкдорлар топган даромаднинг жамғарилиб, мулк объектини кенгайтириш йўли б-н кўпаяди. Х.м. бозор тизимида устувор бўлса-да, бошқа мулк шаклларини инкор этмайди, улар б-н ёнма-ён амал қилади, мулкий полиформизм таъминланади.

Ахмаджон Ўлмасов.

ХУСУСИЙ СЕКТОР — иқтисодиётнинг хусусий мулкчилик ва хўжалик юритишнинг эркин бозор усулларига, иқтисодий алоқалашувига асосланган соҳаси. *Бозор иқтисодиёти* давлат ва нодавлат секторларидан иборат. Ўз навбатида, нодавлат сектори хусусий ва жамоа секторларига бўлинади. Х.с. нодавлат секторининг бош бўғини. Х.с.даги моддий ва молиявий ресурслар, яратилган маҳсулот ва хизматлар *хусусий мулк* ҳисобланади. Бу сектор хусусий корхоналар, фирмалар, молия компаниялари, хўжаликлар, банклар, жамғармалардан иборат ва иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларида амал қилади.

Х.с. тарихан анъанавий тизим даврида ибтидоий жамоавий хўжаликлар вайроналарида юзага келган. Меҳнат унумдорлиги ўсиб, жамоадан ажралган ҳолда якка тарзда меҳнат қилиб тирикчилик ўтказиш имкони пайдо бўлиши б-н хусусий хўжаликлар юзага келади. Улар кўпайиб кетгач, Х.с. пайдо бўлади. Чунки Х.с. айрим хўжалик эмас, балки хўжаликлар мажмуи ҳисобланади. Х.с. бир неча минг йиллар давомида сақланиб қолган жамоавий сектор б-н ёнма-ён ривожланди. Бироқ *давлат* пайдо бўлиши б-н давлат сектори юзага келди. Шу даврдан эътиборан иқтисодиётнинг секторларига аниқ ажралиши юз берди. Анъанавий тизим босқичида Х.с. натурал-истеъмолчи иқтисодиётга хизмат қилган, у ўзини ўзи таъминлаши учун маҳсулотлар яратган, унда *бартер* алоқалари бўлган, онда-сонда товар-пул алоқалари учраб турган. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати б-н Х.с. товар ишлаб чиқарувчи корхона ва хўжаликлар мажмуасига айланди. Бу сектор бозор қонун-қоидаларига биноан ривожланади, пул муносабатлари иқтисодий алоқаларнинг асосини ташкил этади, иқтисодий фаолият *фойда* топишга қаратилади, у эркин ёлланма меҳнатни қўллашга асосланади, меҳнатдан иқтисодий манфаатдорлик пайдо бўлиб, иқтисодий стимуллар кучга киради. Натижада Х.с. жадал ўсади.

19-а. ўрталаридан индустриал мамлакатларда Х.с. бозор тизимининг бош бўғини сифатида ривожланиб келди. 21-а. бошларига келиб Х.с. тартибли ривожлана бошлади. Бу ердаги иқтисодий фаолият ўзининг ижтимоийлиги, яъни жамият фаровонлигини таъминлашга қаратилиши б-н ажралиб туради, унинг тартибланиб туришида бозор қучлари б-н биргаликда давлат ҳам қатнашади. 20-а охири — 21-а. бошларига келиб собиқ социалистик мамлакатларнинг режали тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиши б-н жаҳондаги 25 мамлакатда (булар жумласига Ўзбекистон ҳам киради) кўп секторли иқтисодиёт пайдо бўлди, унинг таркибида илгари давлат секторини ташкил этган корхоналарни хусусий корхоналарга айлантириш; корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантириш, янги хусусий корхоналар очиш; томорқа хўжалигини хусусий деҳқон хўжалигига айлантириш; собиқ жамоа хўжаликлари (колхоз)лар асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва б. йўллар б-н давлатнинг фаол иштирокида, унинг раҳбарлигида ўтказилган бозор ислоҳотлари жараёнида Х.с. кўлами кенгайди. Х.с.нинг иқтисодиётдаги ўрни 3 кўрсаткич б-н баҳоланади: 1) асосий капиталдаги ҳисса; 2) ишловчилар сонидаги ҳисса; 3) ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги ҳисса. Булар орасида Х.с.нинг ЯИМдаги ҳиссаси асосий, унга қараб Х.с.нинг иқтисодиётдаги мавқеи аниқланади.

Ўзбекистонда Х.с. хусусий корхоналар, асосан, кичик ва ўрта бизнес корхоналаридан, якка тадбиркорлардан, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва хусусий банклардан иборат. 2003 й.да Ўзбекистонда 92,4 минг хусусий корхона, 87,6 минг фермер хўжалиги ва 97,2 минг якка тартибда тадбиркорлик қилувчилар фаолият кўрсатди. Ўзбекистон иқтисодиётида Х.с.нинг ЯИМдаги ҳиссаси 2003 й.да 74,5% ни ташкил этди, 2148,1 минг гектар ерга эга бўлган фермер хўжаликларида 603 минг киши банд бўлди. Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг турли соҳаларида Х.с. ҳар хил мавқега эга. Унинг ривожланиш даражаси бўйича савдо-сотиқ ва йўловчи транспорти, қурилиш ва б.қ. олдинги ўринларда бўлса, алоқа ва банк соҳаси кейинги ўринларда туради.

Ахмаджон Ўлмасов, Фаррух Вахобов.

ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ — фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкий ва айрим бошқа муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқ тармоқлари. Умум мансолувчи ҳуқуқ тармоқлари. Умум манфаатларини тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи оммавий ҳуқуқдан фарқли равишда Х.ҳ. якка мулкдорлар ва бирлашмалар (корпорациялар)ни уларнинг мулкий фаолиятидаги ва шахсий муносабатларидаги мустақиллиги ва ташаббусига асосланган хусусий манфаатларини ифода этувчи муносабатларни тартибга солади. Х.ҳ.нинг асосини *фуқаролик ҳуқуқи*, шунингдек, турли кўринишлардаги савдо ҳуқуқи (савдо ҳуқуқи амал қиладиган давлатларда) ташкил этади.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлат-дан хусусий субъектларга ўтиши жараёни, хилма-хил мулкчиликни шакллантириш, иқтисодиётни давлатлаштиришдан қайтиш йўлларидан бири. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш Х.дан ташқари шу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларини вужудга келтиришни ҳам назарда тутади (қ. *Давлат мулкини хусусийлаштириш*, *Давлат тасарруфидан чиқариш*).

ХУСУСИЯТ — бирор нарса ва ҳодисанинг бошқа нарса ва ҳодисадан фарқини ёки уларнинг умумийлигини кўрсатиб турувчи хоссалари, жиҳатлари ва белгилари. Х. нарсаларнинг ўзаро таъсир ва муносабатлари жараёнида ўзини намоён этади. Хосса Х.ни билишда погона бўлиб хизмат қилади. Х. барча нарсага тегишли бўлиб, ўзига хос ва умумий, асосий ва асосий бўлмаган, зарурий ва тасодифий, табиий ва сунъий ва ш.к. хоссаларга ажратилади. Х. нарсаларнинг ички моҳиятини белгилаб, инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд. Ҳар қандай Х. инсбийдир. Нарса ва ҳодисалар Х.ларини ўрганиш уларнинг *сифатини* билишда муҳим аҳамият касб этади.

ХУТАК ХОТУН — арабларга қарши курашган Бухоро маликаси (673—695). 673 й.да араб саркардаси Убайдуллоҳ ибн Зиёд Тохаристон ўлкасини ишғол қилгандан кейин Амударёни кечиб ўтиб, Пойкенд ва Ромитан ш.ларини босиб олади. Унга қарши чиққан Бухоро ҳукмдори Бидун ўлдирилгач, Бухоро ҳокимияти унинг аёли қўлига ўтади ва у арабларга қарши курашга бошчилик қилади. Араб-форс манбаларида ушбу аёлнинг исми Х.х., Қабаж хотун, Хотун шаклларида зикр этилади. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида қайд этилишича, араблар томонидан бухорхудот Бидун ўлдирилгач, унинг ўғли Туғшода ёш бўлганлиги сабабли ўрнига аёли Хотун ўтиради. Хотун 695 й.гача Бухорони бошқаргач, унинг ўрнини ўғли Туғшода олади. Наршахийнинг таъкидлашича, Хотун ҳукмронлик қилган даврда ундан донороқ бирор киши бўлмаган. У донолик б-н ҳукмронлик қилгани учун халқ унга итоатда бўлган. Табарийнинг «Тарих ар-расул ва-л-мулук» асарида қайд этилишича, 681 й. арабларнинг Хуросондаги нойиби умир Салм ибн Зиёд Бухорога юриш бошлайди. Бундан хабар топган Х.х. турк хоқони ҳузурига элчи юбориб, уни ёрдамга чақиради. Ўзининг мактубида Х.х. хоқон б-н никоҳ тузишга рози эканлигини хабар қилади. Турк хоқони катта қўшин б-н Бухорога етиб келиб, араблар б-н қаттиқ жанг қилади. Лекин, у араблардан мағлубиятга учрагач, Х.х. араблар б-н сулҳ тузишга мажбур бўлса-да, Бухорони анча йиллар араблар ҳукмронлигидан сақлаб қолади.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966.

ХУТБА (араб. — тарғибот, нутқ) — жума намози олдидан ва ҳайит намозидан кейин хатиб (масжид имоми)нинг ваъзхонлиги, диний панд-насиҳат. Ўрта асрларда Х.нинг муҳим сиёсий аҳамияти бўлган. Намозхонлар мамлакат ҳукмдори исмини айтиб, унинг ҳақига дуо қилишлари лозим эди. 9-а. 2-ярмидан айрим ҳукмдорлар Х.да ўз исмларини халифа исмидан кейин қўшиб айтилиши учун ҳаракат қилишган. Х.да ҳукмдор исмининг ёдга олиниши ҳукмдорнинг мустақил эканлигининг асосий ташқи белгиларидан бири ҳисобланган.

ХУТОРНОЙ Юрий Петрович (1921.16.3, Наманган — 1979.3.6, Тошкент) — селекционер олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1971). Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1948). Г.С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги и.т. ин-ти ингичка толали ғўза навлари селекцияси лаб. мудири (1956—79). Р-нлаштирилган ингичка толали С-6022, С-6030, С-6037 навларини яратган. С-6002 нави муаллифларидан бири. У яратган С-6015, С-6034, С-6035, С-6038 ва б. навлар бошланғич материал сифатида амалий селекцияда кенг фойдаланилади.

ХУФТОН (форс. — ухлаш) — 1) Қуёш ботганидан бир ярим соат ўтганидан кейинги вақт. Йил фаслига қараб, тахм. кеч соат еттидан ўнгача давом этади; 2) Қуёш ботганидан бир ярим соат ўтганидан кейин ўқиладиган кечки намоз; бомдод намози вақти киргунгача давом этади (қ. *Намоз*).

ХУХ-ХОТО, Хухэ-Хаото (аввалги номи Гуйсуй) — Хитойнинг шим. қисмидаги шаҳар. Ички Монголия мухтор р-нининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,04 млн. киши (1999). Пекин—Баотоу т.й.даги йирик савдо-транспорт чорраҳаси. Мамлакатнинг муҳим маданият ва илмий марказларидан. Қора металлургия, машинасозлик, қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи (кўн-тери, жун, гўшт, шакар-қанд, ун тортиш) корхоналари ишлаб турибди. Ун-т бор. Ҳунармандчиликда турли буюмлар ишлаб чиқарилади. Шаҳарга 16-а.да асос солинган.

ХУ ЦЗИНТАО (1942.25.12, Аньхой провинциясининг Цзиси уезди) — Хитой давлат арбоби. Хитой КП аъзоси (1964). Пекин ун-тини тугатган (1965). Ганьсу провинциясидаги ГЭС қурилишида меҳнат фаолиятини бошлаган. 1974 й.дан Ганьсу провинциясида қурилиш бўйича партия қўмитаси котиби, 1980 й.дан партия қўмитаси раиси ўринбосари, 1982 й.дан Ганьсу провинцияси коммунистик ёшлар иттифоқи қўмитаси котиби, 1984 й.дан 1-котиби, 1985 й.дан Гуйчжоу провинцияси, 1988 й.дан Тибет мухтор р-ни партия қўмитаси котиби. 1992 й. Хитой КП МК Сиёсий бюроси доимий қўмитаси ва котибият аъзоси этиб сайланган. Хитой КП МК ҳузуридаги Партия мактаби директори (1993—2002), ХХР Раиси ўринбосари (1998—2002). Хитой КП МК Ҳарбий кенгаши раиси ўринбосари, ХХР Марказий Ҳарбий кенгаши раиси ўринбосари (1999—2002), раиси (2004 й.дан). 2002 й. нояб.дан Хитой КП МК Бош котиби. 2003 й. мартдан ХХР Раиси, айни вақтда 2004 й. сент.дан Хитой Қуролли кучлари Бош қўмондони. Расмий ташриф б-н 2004 й. Ўзбекистонда бўлган.

ХУШБЎЙ ЎСИМЛИКЛАР — айрим органлари ёки танасининг ҳамма қисмида хушбўй моддалар (кўпинча эфир мойи) ҳосил қилувчи ва сақловчи ўсимликлар (қ. *Эфир мойли ўсимликлар*).

ХУШНАЗАРОВ Сапар (1906, ҳоз. Самарқанд вилояти Каттақўрғон ш., Ингичка шаҳарчаси — 1943.7.10, Чернигов вилояти, Семаки қишлоғи) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 й.дан армияда. Марказий фронтнинг 61-армияси, 81-ўқчи дивизияси, 467-ўқчи полкининг оддий аскари. 1943 й. 2 окт.да Гомель обл.нинг Гоев р-ни, Глушец қишлоғи яқинида Днепр дарёсини кечиб ўтишда жасорат кўрсатган ва 7 окт.да жароҳатдан вафот этган. 1944 й. 15 нояб.да Қаҳрамон унвони берилган. Семаки қишлоғида дафн этилган. Каттақўрғон ш. ва Ингичка шаҳарчасидаги кўчаларга номи берилган. Оқтош, Каттақўрғон ш.ларида бюсти ўрнатилган.

ХУШҲОЛХОН ХАТТАК, Хушҳолхон (1613.18.6 — Акора —1691) — афғон шоири, мутафаккири. Афғонларнинг хаттак қабиласи бошлиғи. Бобурийлар салтанатига қарам Акора вилоятининг ҳокими (1641 й.дан). У афғон қабилаларини бирлашишга даъват этган, халқнинг миллий озодлик ҳаракатига бошчилик қилган, юртдошларини ўз мустақил миллий давлатларини тузишга чақирган, таъсирчан шеърияти б-н халқни курашга руҳлантирган. Миллий афғон тили — пушту (пашту)да форс-тожик мумтоз адабиёти анъаналарини мужассамлаштирувчи гўзал шеърият яратган. Асарларида биродарлик, дўстлик, ишқ-муҳаббат, мустақиллик, одоб-ахлоқни куйлаган. Х.Х. яратган адабий мактаб афғон адабиётининг кейинги тараққиётига кучли таъсир кўрсатган.

40 минг байт шеърни ўз ичига олган «Куллиёт» девони Х.Х.нинг асосий адабий меросини ташкил этади. Х.Х. бундан ташқари, тарих, геогр., тиббиёт, ҳарбий санъат, сиёсат ва б. соҳаларга оид асарлар ҳам яратган. Маснавий шаклида ёзилган «Фазлнома» достони диний масалаларга, «Фараҳнома» достони қилич ва қалам мунозарасига бағишланган. «Фироқнома» тўплами шоирнинг маҳбуслик даврида ёзган маснавий ва ғазалларини ўз ичига олади. «Дасторнома» сиёсат, мазҳаб, ахлоқ, ҳарбий санъат сингари турли мавзуларни қамраган насрий асардир. «Сиҳат ул-бадан» — тиббиёт, «Бознома» асари эса ов тўғрисида ҳикоя қилади.

Х. Х. «Ҳидоя» асарини араб тилидан, Анвар Суҳайлийнинг «Аёри дониш» ини форс тилидан пушту тилига таржима қилган. «Куллиёт»и Кобул, Пешовар, Деҳли, Калькутта ва Лондон кутубхоналарида сақланади.

Ад.: Ганиев А., Абаева Т., Афғон классик шоири Хушҳолхон Хаттак, Т., 1967.

ХУЭЙ (хуэтузу, тунган, дунган) — Хитойдаги халқ (асосан, Нинся — Ҳуэй мухтор р-нида). 8,9 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Хитой тили лаҳжасида сўзлашади. Умумий сони 7,6 млн. киши. Этногенетик жиҳатдан Марказий Осиёдаги *дунганлар* б-н қардош. Динлорлари сунний мусулмонлар. Асосий машғулоти — деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик.

ХЬЮБЕЛ (Hubel) Дэвид Хантер (1926) — америкалик врач, нейрофизиолог. Канадада туғилган, 1951 й.дан АҚШ да. Асосий фаолияти кўриш нейрохирургиясига оид. Миянинг ташқи таъсиротларни қабул қилувчи нейрон структураларида ахборотни қайта ишлаш принципларини кашф этган. Нобель мукофоти лауреати (1981 й.; Т. Н. Визель б-н ҳамкорликда).

ХЬЮИШ (Hewish) Энтони (1924.11.5, Фой ш., Корнуолл графлиги) — инглиз астрономи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1968 й.дан). Кембриж ун-тида ўқиган. Кембриж ун-тининг Маллард радиоастрономик расадхонасида ишлаган (1946 й.дан). Илмий ишлари радиоастрономияга оид. Кичик бурчак ўлчамли радиоманбаларнинг *сцинтилляция*сини тадқиқ қилган ва Қуёш тожининг ташқи қатламларини ўрганиш усулларидан бирини таклиф қилган. *Пульсарлар*ни очирган радиоастрономлар гуруҳига раҳбарлик қилган (1967). Нобель мукофоти лауреати (1974; М. *Райл* б-н ҳамкорликда).

ХЬЮСТОН — АҚШнинг жан. қисмидаги шаҳар, Техас штатида. Аҳолиси 1,95 млн. киши (2000). АҚШнинг йирик нефть ва ғалла порти (йилига 120 млн. т юк ортиб-туширилади). Денгиз кемалари қатнайдиган канал орқали Мексика қўлтиғи ва Гальвестон аванпорти б-н боғланган. Транспорт йўллари чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. АҚШ жан.нинг энг йирик саноат марказларидан. Нефть, газ, олтингугурт қазиб олинади ва қайта ишланади (синтетик каучук, пластмасса, органик ва неорганик химикатлар, минерал ўғитлар и.ч.). Қора металлургия ривожланган. Нефть ва газ саноати учун машиналар, жиҳозлар ва қувурлар ишлаб чиқарилади. Радиоэлектроника, кемасозлик, озиқ-овқат (жумла-

Хьюстон шаҳридаги замонавий бинолар.

дан, шоли оқлаш), полиграфия саноати корхоналари мавжуд. Ун-тлар, Жонсон номидаги космосга учиш маркази бор. Шаҳарга 1836 й.да асос солинган. 1840 й.гача «мустақил» Техас Республикаси пойтахти бўлган.

ХЭБЭЙ — Хитойнинг шим. қисмидаги провинция, шарқдан Сариқ денгизнинг Ляодун ва Бохайвань қўлтиқлари ўраб туради. Майд. 202,7 минг км². Аҳолиси 65,7 млн. киши (1999). Ҳудудининг катта қисми Буюк Хитой текислигида, ғарб, шим. ва шим.-ғарбида тоғлар бор. Дарёлари зич. Маъмурий маркази — Шицзячжуан ш.

Х. — Хитойнинг энг ривожланган провинцияларидан бири. Кўмир, металлургия, машинасозлик, тўқимачилик, фарфор-чинни саноатлари мамлакат аҳамиятига эга тармоқлар. Мамлакатда қазиб олинадиган кўмирнинг катта қисми Х.га тўғри келади, шунингдек, темир рудалари ҳамда нефть конлари топилган. Кўп тармоқли машинасозлик, хусусан, энергетика, кончилик, транспорт, металлургия, нефть саноати учун жиҳозлар, қ.х. машиналари и.ч. ривожланган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ханьдан ва Шицзячжуанда йирик тўқимачилик к-тлари, Таньшанда керамика к-ти ишлаб турибди. Провинциянинг марказий ва шарқий қисмлари провинция таркибида бўлмаган Пекин ва Тяньцзин марказга бўйсунувчи шаҳарлар б-н мамлакатнинг ягона саноат р-нини ташкил қилади. Х. — мамлакатнинг муҳим деҳқончилик р-ни. Асосий экинлари: ғалла ва пахта, шунингдек, мойли ва б. техника экинлари экилади. Қ.х., асосан, шаҳарлар аҳолисини озиқ-овқат хом ашёси б-н таъминлашга қаратилган. Буғдой, маккажўхори, гаолян, тариқ, шоли экинлари катта ҳудудларни эгаллайди. Шунингдек, соя, ер ёнғоқ, кунжут, каноп ҳам экилади. Тамакичилик, сабзавот ва боғдорчилик б-н ҳам шуғулланилади. Чорвачиликда қорамол, эшак, қўй ва чўчқа боқилади. Паррандачилик ривожланган. Қирғоққа яқин сувлардан балиқ овланади. Буюк канал орқали кема қатнайди.

Х. ҳудудида қад. одам — *синантроплар* қолдиқлари топилган. Қадимда Х. ҳудуди «Янь ва Ю ери» деб номланган. 17-а. ўрталаригача турли подшоҳлик ва давлатлар таркибида бўлган, ўша вақтдан Чжили провинцияси таркиб топган. 1928 й.дан Х. номи б-н аталади.

ХЭЙЛУНЦЗЯН — Хитойнинг шим.-шарқий қисмидаги провинция. Амур дарёси (хитойча Хэйлунцзян) ҳавзасида. Майд. 463,6 минг км². Аҳолиси 37,73 млн. киши (1999). Маъмурий маркази — Харбин ш.

Ер юзасининг аксари қисми текислик. Шим.-ғарбида Катта Хинган, ўрта қисмида Кичик Хинган, жан.-шарқида Шарқий Манчжурия тоғлари жойлашган. Майдонининг 30% ўрмон б-н қопланган. Хўжалиги аграр-индустриал характерга эга. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Буғдой, маккажўхори, гаолян, картошка, арпа, сули ва б. экилади. Х. қанд лавлаги, соя, узун толали зиғир, кунгабоқар етиштиришда мамлакатда 1-ўринда. Кўмир, ёнувчи сланец, темир рудаси ва рангли металл рудалари қазиб олинади. Нефтни қайта ишлаш саноати ривожланган. Нефть қувурлар орқали Дацин, Пекин, Шаньян-Дальян ш.ларига юборилади. Машинасозликнинг турли тармоқлари, металлургия, кимё, қоғоз, ёғочсозлик саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари, станоклар, электротехника, радиоэлектроника буюмлари ишлаб чиқарилади. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноатлари ривожланган. Дарёларида кема қатнайди. Асосий шаҳарлари — Цицикар, Муданьцзян, Хэган ва б.

ХЭНАНЬ — Хитойдаги провинция. Хуанхэ ва Хуайхэ дарёларининг ўрта ва қуйи оқими ҳавзаларида. Майд. 167 минг км². Аҳолиси 93,2 млн. киши (1999). Маъмурий маркази — Чжэнчжоу ш.

Х.нинг шарқий қисми Буюк Хитой текислигида, ғарбида Циньлин ва Тайханшан тоғлари тармоқлари жойлашган. Дарёлари зич. Хитойнинг муҳим деҳқончилик р-ни. Асосий экинлари: буғдой, маккажўхори, гаолян, дуккаклилар, шоли. 2 йил давомида 3 марта ҳосил йиғиштириб олинади. Х. Хэбэй провинцияси б-н бирга мамлакатнинг асосий пахтачилик р-ни ҳамдир. Шунингдек, ер ёнғоқ, кунжут, тоғ ён бағирларида чой экилади. Боғдорчилик б-н шуғулланилади. Х.да озиқ-овқат ва енгил саноатлар ривожланган. Кўмир саноати — оғир саноатнинг етакчи тармоғи. Металлургия, машинасозлик, кимё, цемент, қоғоз саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчилик б-н шуғулланилади. Х. ҳудудидан муҳим т.й.лар ўтган. Асосий саноат марказлари: Чжэнчжоу, Лоян, Кайфин, Наньян ва б.

ХЭФЭЙ — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Аньхой провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 4,3 млн. киши (1999). Транспорт йўллари чорраҳаси. Металлсозлик, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари, ун-т бор.

ХЮЭ, Гуэ — Вьетнамдаги шаҳар. Жан. Хитой денгизи соҳили яқинида. Биньчитхьен провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 260,5 минг киши (1990-й.лар бошлари). Транспорт йўлларининг йирик чорраҳаси. Шоли оқлаш, тахта тилиш, тўқимачилик корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Шаҳарга мил. ав. 3-а.да (Нятнам номи б-н) асос солинган. 1471 й.дан Вьетнам давлати таркибида. 1804 й.дан Х. номи б-н Вьетнам пойтахти. 1884 й.да француз протектората ўрнатилган вақтда ҳам Вьетнам императорлари қароргоҳи бўлган.

ХЎЖА (форс. — хўжайин, соҳиб) — ислом мамлакатларида турли даврларда турлича маънода ишлатилиб келинган фахрий унвон ва мурожаат шакли. Ижтимоий табақа сифатида *саййид*лардан кейинги ўринда турган. Х.ларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳар хил фикр бор. Баъзи маълумотларда Х.лар *чорёр*лардан тарқалган дейилса, бошқасида арабларнинг истилочилик юришларида бошчилик қилган саркардаларнинг авлодлари деб ҳисобланади. Х.лар муайян имтиёзларга эга бўлганлар. Баъзи мамлакатларда бу имтиёз маълум даражада сақланиб қолган.

ХЎЖА АЛАМБАРДОР МАҚБАРАСИ — Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (19-а.); Камолон қабристонида. Хўжа Абдул Азиз Аламбардор (аламбардор — байроқдор) номи б-н маълум бўлган шахсга атаб қурилган. Мақбара ғиштдан безаксиз қурилган. Пештоқ-гумбазли, тўртбурчак тарҳли (8,87×8,0 м), баландлиги гумбази б-н 10,3 м. Пештоқ орқали мураббa тарҳли (6,08×6,08 м) хонага кирилади. Хонанинг гумбаз ости бағалларидаги ғиштлар мавж усулида терилган. Мақбара шарқидан 9 м наридаги чиллахона ер

Хўжа Аламбардор мақбараси.

остида жойлашган бўлиб, чортоқ тарҳли фонуси ер юзига туртиб чиққан, ички деворлари чуқур равоқли. Унга зинапоя орқали тушилади.

ХЎЖА АМИН МАҚБАРАСИ, Хўжамининг қабри — Намангандаги меъморий ёдгорлик (18-а.). Шайх Хованди Тоҳур авлодларидан бўлган, Тошкентдан Наманганга келиб ўрнашиб қолган Иминхўжа Эшон қайнотаси Иброҳимхўжа қабрининг олд тарафига, пишиқ ғиштдан қабрдан жан. роқда мақбара қурдирган. Мақбара 11—12-а.лар меъморлиги анъаналари асосида қурилган бўлиб, ғиштлар ораси ганч қоришмаси б-н тўлдириб текисланган. Қабр устига тўғри тўртбурчакли сагана қўйилган. Мақбара (9×12 м) пештоқ-гумбазли; пештоқ ва унинг икки ёнидаги гулдасталари ўзаро мутаносиб ҳамда ўйма гириҳ нақшлар б-н нафис безатилган; ғиштга хомлигида ўйма нақшлар ишланиб, сўнг хумдонда қиздирилган. Пештоғининг равоғи ўйма безакли устунлар — гулдасталарга таянган. Хонанинг ички гумбази нақшинкор қовурғалар б-н бўлиниб, ҳар бир бўлагига турунжлар, гумбаз ости балларига муқарнасли равоқлар ишланган; хона деворининг юқори қисми ёзув қатори б-н гир айлантириб ҳошияланган. Бинонинг ташқи безагида қора ва қизил сир, равоқларида қизил ва яшил сирланган ғишт, гумбазида қизил ва қора сиркори парчинлардан жозибадор нақшлар ҳосил қилинган.

ХЎЖА АҲМАД АББОС (1914.7.6, Панжоб ш. — 1987, Бомбай) — ҳинд ёзувчиси, кинодраматург, реж. Урду ва инглиз тилларида ижод қилган. Талабалик йилларидаёқ миллий озодлик ҳаракатида иштирок қилган. «Эртанги кун бизники» (1945), «Тўрт қалб, тўрт йўл» (1959) каби романларида, кўп сонли ҳикоялари («Ўғлим — душманим», «Тоғи тўшак устида минг кеча», «Гуруҳ» ва б.)да, «Зубайда» (1941), «Ананас ва атом бомбаси» (1943), «Мангулик» (1951) каби пьесаларида, «Дайлн», «Жаноб 420», «Уч денгиз ошна саёҳат» (М. Смирнова б-н ҳамкорликда) фильмларига ёзган сценарийларида жиддий ижтимоий муаммолар ёритилган, бу асарлар кучли драматизми б-н диққатга сазовор. Реж. сифатида дастлабки асари — инглиз мустамлакачиларини айбловчи «Ер фарзандлари» фильми (1946)да халқ турмуши реал акс этган. «Шаҳар ва орзу», «Бомбай тун огушида», «Икки томчи сув» каби фильмларида ҳаёт ҳаққоний тасвирланган. Бомбайда кино фирмаси бор. Бир неча марта Ўзбекистонга (жумладан, 2-Тошкент кинофестивали, 1972) келган.

ХЎЖА ЗАЙНУДДИН МАЖМУАСИ — Бухородаги меъморий ёдгорлик (16-а. 1-ярми); икки кўча кесишган ерда бунёд этилган хонақоҳ-масжид. 1465—80 й.ларда Бухоро қозикалони лавозимида бўлган Хўжа Зайнуддин ташаббуси б-н Имом ал-*Бухорий* шарафига уста Мир Дўстумбий томонидан қурилган. Бино масжидга мўлжаллаб қурилган, ҳужралари ҳам бор. Хонақоҳ пештоқ-гумбазли катта хона ва 5 кичик ҳужралар ҳамда унга икки томондан туташ айвондан иборат, ҳовуз ҳовлининг катта қисмини эгаллаган; хонақоҳнинг жан. томонидаги равоқлардан бирига Хўжа Зайнуддин қабри жойлаштирилган. Хонақоҳнинг бош тарзи пештоғида нақш қолдиқлари сақланган. Катта хонадан 3 томон (чуқур равоқ орқали кўчага ва 2 томонидан айвон)га чиқилади. Хона гумбази мураккаб қалқонсимон бағаллар ёрдамида асосига ташган, гумбаз ичи 32 та бўлиниб, улар ҳалланган майда гулдор б-н безатилган, гумбазнинг қуйи қисми муқарнаслар қатори б-н ҳошияланган. Хона деворларидаги тахмонлар ҳамда меҳробга ярим гумбаз шаклида муқарнаслар ишланган. Девор изоралари сиркори парчинлардан мураккаб ҳандасий шакллар, ўсимликсимон нақшлар б-н безатилган; гумбаз, тахмонлар, меҳроб ва ғарбий деворлари ёзувлар қатори кундал усулида безарилган. Деворнинг юқори — асосий қисми нелимий нақшлар (оқ, қора, кўк ранг) б-н қопланган. Катта хонанинг айвонга туташ деворлари равоқли намоёнларга бўлинган. Шим. шарқидаги бал. 7 м бўлган 8 устунли айвон атрофи тошлар б-н қопланган ҳовузли ҳовлига қараган (ҳовузга ўймакори ажлар шаклидаги мармар новдан сув келтирилган). Айвон шифтини тоқили, коллузсимон 7 ҳовузакларга бўлиниб, ҳандасий нақшлар б-н жозибадор безатилган. Х. З. м. жамоат ва ибодат бинолар меъморлигининг ўзига хос мужассамлаштирган иншоот сифатида қимматлидир.

ХЎЖА ИЛҒОР МАСЖИДИ — Қўқондаги меъморий ёдгорлик (20-а.боши). Шокир мингбоши буюртмаси б-н оташгил усталар Эшонхон ва Норбойлар қуришган. Масжид тўртбурчак тарҳли (40×13 м), уч устунли, атрофи уч томондан айвон б-н ўралган. Хонақоҳнинг ғарбий деворига ва айвонига меҳроблар ишланган, шифти нелимий нақшлар, қиррали таг устунлар ҳандасий нақшлар б-н серҳашам безатилган. Гул ва нақшларнинг ўзаро уйғунлиги ва ранг-баранглиги эътиборни тортади. Масжиднинг шим. томонида ҳовуз бўлиб, атрофига дарахтлар экилган.

Хўжа Зайнуддин мажмуаси.

Хўжа Амин мақбараси.

Хўжа Илғор масжидининг ички безаги.

ХЎЖА ИМКОНАГИЙ ХОНАҚОҲИ — Қашқадарё вилоятидаги меъморий ёдгорлик (16—17-а.лар); «Имконагий» нисбали олим, шайх Хўжа Абдубоқий томонидан қурилган (номи шундан). Х.И.х. дастлаб қишлоқ қабристони тепалигидаги юқори (хонақоҳ ва 2 дахма) ва тепалик ён бағридаги қуйи (ўзаро туташган 2 ҳовли атрофида жойлашган масжид, мадраса, карвонсарой) иншоотлар гуруҳидан иборат мажмуа таркибида бўлган. Юқори ва қуйи гуруҳи иншоотлар ғиштдан қурилган девор устидаги йўл (*пандус*) орқали бирлашгани б-н ўзига хос меъморий мужассамот ечимига эга бўлган. Қуйи гуруҳдаги иншоотлар 20-а. 60-й.лари бузилган, юқори гуруҳдаги хонақоҳ ва (2 катта ва кичик) дахма сақланган.

Хонақоҳ тўғри тўртбурчак (24,0×20,2 м) тарҳли, анъанавий гумбаз томли, тарҳлари пештоқли (асосий кириш қисмидаги пештоғи бошқаларидан бирмунча баланд); деворларидаги равоқли дарчаларга ганчкори панжаралар, бино бурчакларига гулдаста-миноралар ишланган; меҳроби серҳашам безатилган — мураккаб ироқи муқарнас ҳамда часпак усулидаги намоёнлар диққатни тортади. Катта ва кичик дахмалар устидаги оқ мармар қабртошларининг ён томонлари қулранг мармар б-н қопланган, улар юзаси ҳандасий (тўртбурчак, мураббa ва б.) шаклларга бўлиниб, ўйма нақшлар б-н нафис безатилган.

ХЎЖА ИСО МАҚБАРАСИ — қ. *Термизий мақбараси.*

ХЎЖА МАҒИЗ МАҚБАРАСИ — Мартилондаги меъморий ёдгорлик (18-а. 1-ярми). Мақбара тўғри тўртбурчак тарҳли (6,4×7,4 м), бир хонали, гумбаз томли (диаметри 4,4 м) қилиб пишиқ ғиштдан қурилган. Гумбаз ости қирралар бўлиб, ғўласимон асосга ўрнатилган. Хонанинг ички томони саккиз бурчакли, токчаси равоқли. Сағана қуйма ганч тахталаридан ташкил топган, бўртма нелимий нақшлар ишланган.

ХЎЖА ПАРИХОНТЕПА, Хўжа Фархон — Тошкентдаги илк ўрта асрларга оид археологик ёдгорлик, оташпарастлар қабристони (мил. 6—7-а.лар). Беруний шоҳкўчаси б-н Ниёзов кўчалари кесишган ерда жойлашган. 1988 й. Тошкент археология экспедицияси (М.И. Филанович) томонидан ўрганилган. Х. П. мархумлар оссуарийларда дафн этилган некрополь эканлиги аниқланган. Х. П.нинг ўтмишда бал. 5 м бўлган. Х. П.нинг устки қатлами 20-а. бошида қабристон бўлиб Тожик мозор деб аталган. Х.П.да *қорахонийлар* даврида хумдон бўлган. Х. П.дан топилган кўплаб оссуарийлар Чоч ва Илоқ аҳолиси ўртасида исломдан аввал зардуштийлик кенг тарқалгани, Суғд ва Хоразм б-н яқиндан алоқалар мавжуд бўлганидан далолат беради. Х.П. ўрнида ҳозир замонавий бинолар бунёд этилган.

ХЎЖА РЎШНОИ МАҚБАРАСИ — Термиздаги меъморий ёдгорлик (11-а.). Мақбара пештоқ-гумбазли, бир хонали (тарҳи 6×6 м), хом ғишт (26×26×5 см)дан қурилган; безаксиз. Бош тарзи шарққа қараган; чуқур равоқли пештоқ орқали гўрхонага кирилади. Хонанинг ички қисми яхши сақланган, бағаллари муқарнасли, ёруғлик дарчалари орқали тушади. Гумбази пишиқ ғиштдан қайта тикланган.



Хўжа Рўшноий мақбарасининг чизмаси.

ХЎЖА СИНОН (1489/1490, Кайсари — 1588, Истанбул) — турк меъмори ва муҳандиси, 1538 й.дан Султон Сулаймон I ҳузурида бош меъмор. Х. С. Византия меъморлигини ижодий ўрганган. Унинг бевосита раҳбарлигида жуда кўп саройлар, масжид, мақбара, истеҳком, кўприклар ва б. иншоотлар бунёд этилган. Х. С. яратган бинолар, асосан, марказий гумбазли бўлиб, улугворлиги, интерьерларининг кенглиги ва ҳашаматлилиги, яхлит мужассамоти б-н диққатга сазовор: Истанбулдаги Шаҳзода (1548), Сулаймония (1550—57), Эдирнедаги Салимия (1569—75), Евпатория (Украина)даги Жоме (1552) масжидлари ва б.

ХЎЖА ҚУРБОН МАДРАСАСИ — Қаршидаги меъморий ёдгорлик (18-а.). Мадраса мураббa тарҳли (21,25×21 м), бош тарзи пештоқ б-н ажратилган, пишиқ ғишт (21×24×4 см)дан қурилган. Кичик ҳовли (10,7×9,1 м) атрофи ҳужралар б-н ўралган; ҳужралар мураббa тарҳли, балхи гумбазли. Пештоқдан гумбазли миёнсарой орқали ҳовлига ўтилади. Миёнсаройга фақат бир томондан мураббa тарҳли дарсхона туташ (дарсхона деворларига токчалар ишлаб кенгайтирилган, гумбази қалқонсимон бағалларга таянган), дарсхонанинг қарамақарши томонини бир жуфт тор ҳужралар эгаллаган. Х.Қ.м. сирти силлиқланган ғиштлар б-н текис ишланган.

ХЎЖАБАҚИРҒОН — Фарғона водийсидаги дарё. Туркистон тизмасининг шим. ён бағридан бошланади. Уз. 117 км. Ҳавзасининг умумий майд. 2150 км². Ўртача йиллик сув сарфи 10,3 м³/сек. Музлик ва қор сувларидан тўйинади. Асосий ирмоқлари — Лайлак ва Қозбола. Кўп қисми Қирғизистон ҳудудидан оқади, суви суғоришга сарфланиб, Тожикистоннинг Хўжанд ш. яқинида тугайди.

ХЎЖАЕВ Азиммурод (1909 — Самарқанд — 1968) — кошинкор, кулол. Ҳунарни уста Ғуломдан ўрганган. Х. бошчилик қилган устахона режали равишда қоплама сопол парчаларини тайёрлаган. Тиллакори мадрасанинг бурчак минорасига шарафалар ишлаган; Амир Темур мақбараси гумбазининг аслини тиклаб, кошинлар б-н безаган (ҳамкорликда); Бухородаги Кўкалдош мадрасаси, Мир Араб мадрасаси, Туркистон (Қозоғистон)даги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ва б. обидаларни таъмирлашда иштирок этиб, улар учун кошинлар тайёрлаган.

ХЎЖАЕВ Азмидин (1892 — Тошкент — 1946) — шахматчи. Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони (1930, Самарқанд). Х. 1924 й.дан Ўзбекистонда замонавий шахмат қоидаларини тарғиб этишга бошчилик қилди. Етакчи шахматчиларни таклиф этиб, оммавий мусобақалар уюштирди, шахмат тўгараклари очди. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жонли шахмат (ҳар бир сипоҳи хос кийинган одамлар иштирок этувчи) ўйинларини ташкил этди. Хайрулла

Абдуллаев, Александр Айрапетов, Улуғбек Элбеков каби иқтидорли шахматчиларнинг камол топишига кўмаклашди. 1972 й.дан Ўзбекистонда Х. хотирасига бағишланган анъанавий мусобақалар ўтказиб келинади.

ХЎЖАЕВ Бобо (1916.15.6 — Тошкент — 1993.3.1) —актёр, реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1967). Москва ўзбек драма студиясини тугатган (1930). 1930—32 й.лар Бухоро театрида актёр ва реж. 1932—56 й.ларда республиканинг турли театрларида ишлаган. 1956—77 й.лар Ўзбекистон телевидениесида реж. Актёр сифатида Ғофир («Бой ила хизматчи»), Калаф («Маликаи Турандот»), Карл Моор («Қароқчилар») каби образлар яратган. «Уйланиш» (Н. Гоголь), «Ҳамлет» (У. Шекспир; М. Уйғур б-н ҳамкорликда), «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид), «Гулсара» (К. Яшин), «Майсаранинг иши» (Ҳамза; М. Мироқилов б-н ҳамкорликда), «Скапеннинг найранглари» (Мольер), «Фронт» (А. Корнейчук) ва б. спектаклларни саҳналаштирган.

ХЎЖАЕВ Низомиддин Асомиддинович (1885 — Тошкент — 1942) — сиёсат ва жамоат арбоби. Бошланғич рус-тузем мактаби (1900) ва Ўрта Осиё ун-тининг ижтимоий фанлар ф-тида (1929) ўқиган. 1901 й.да Тошкентдаги Ильин босмахонасида ишчи бўлиб ишлаган. «Турон» жамиятида фаол қатнашган (1913—17). 1916 й.дан Ўрта Осиёда кўтарилган қўзғолонни қувватлаб, халқни подшо Россия-сига қарши курашга даъват этган. *Феврал инқилоби* (1917)дан сўнг Тошкент Эски шаҳар ҳунармандлар уюшмаси раҳбари, озиқ-овқат қўмитаси аъзоси. *Туркистон мухториятини* қувватлаб, Тошкентда ўтказилган намойишнинг ташкилотчиларидан бири (1917 й. дек.). Кейинчалик *большевикларга* яқинлашиб, партия сафига кирган (1918). Тошкент Эски шаҳар совети Ижроия қўмитаси раиси, Эски шаҳар партия комитети котиби (1918—19). Фарғона вилояти инқилобий қўмитаси раиси, Туркистон АССР МИҚ аъзоси (1919—20). Туркистон Компартияси ҳузуридаги *Мусулмонлар бюроси* ишида қатнашган.

Х. 1921—23 й.ларда Бутун Россия ёғоч саноати вилоят бўлими ва Туркистон Компартияси Марказий Назорат комиссияси раиси лавозимларида ишлаган. 1924 й. мартда *Хоразм Халқ Совет Республикасига* масъул лавозимга жўнатилган. Кейинчалик Ўзбекистон ССР Давлат План комиссиясида президиум аъзоси (1929—32; 1933 й.дан), Ўзбекистон тарихий ёдгорликлари ва санъатини сақлаш комитети раиси (1932—33). 1934 й.даги «тозалаш» компаниясидан кейин ижтимоий фаолиятдан четлаштирилган. Кейинчалик Қатағон қилинган ва 1942 й.да отиб ташланган. Ўлимидан сўнг оқланган. Тошкентдаги кўчалардан бирига унинг номи қўйилган.

Ад.: Азизхода Л. Янги ҳаёт курашчилари. Т., 1977; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т. 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917—1924), Т., 2002.

ХЎЖАЕВ Олим (1910.24.9, Бухоро — 1977.14.2, Москва, Тошкентга дафн қилинган) — актёр, реж., жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ артисти (1948). Бухоро маориф билим юртини тугатган (1929). 1929—77 й.лар Ҳамза театрида актёр (1975—77 й.лар директор). 30-й.лар Калаф (К. Гоцци, «Маликаи Турандот»), Яровой (К. Тренёв, «Любовь Яровая») каби образларни яратди. Юксак ижрочилик маҳорати, саҳнавий жозибаси, маъноли ва нафис ҳаракатлари, талаффузининг равон ва оҳангдорлиги — санъаткорнинг ўзига хос ижодий табиатини белгилади. Ижоди давомида 100 дан ортиқ образлар яратди. Уларнинг бадиий даражаси — актёрнинг характерли роллардан кура, эътиқодли, фозил ва чуқур фалсафий фикрлайдиган, қатъиятли шахслар образини гавдалантиришга мойиллиги кўпроқ сезилди. Ўзбек театри тарихидан олтин саҳифа бўлиб ўрин олган образларидан бири Ҳамлет (У. Шекспир, «Ҳамлет»)дир. У яратган Ҳамлет кучли эҳтироси ва улуғворлиги б-н ажралиб туради (30 й. давомида узлуксиз ижро этган). Актёр Ҳамза (К. Яшин, А. Умарий, «Ҳамза») образини яратиш б-н ҳам ўз ижодида алоҳида саҳифа очди. Қаҳрамонига хос сергайрат ҳаракатлар, шоирона табиати, ички ва ташқи қиёфасини очишда Ҳамза б-н шахсан таниш бўлгани катта ёрдам беради. Актёр ўз қаҳрамонини ижтимоий-психологик образ даражасига кўтариб муваффақият қозонди («Ўзбекфильм»-да яратилган «Ҳамза» бадиий фильм»-да ҳам Ҳамза образи Х. томонидан яратилган). «Алишер Навоий» (Уйғун, И. Султон)

Олим Хўжаев (Б. Жалолов асари).

драмасидаги Навоий образи нафақат театр тарихида, балки актёр ижодида ҳам алоҳида ўринга эга. Ҳаётга чинакам ижодкор кўзи б-н қараган, ўзбек халқининг порлоқ келажагига ишончини ўз асарларида эҳтирос б-н куйлаган, давлат ичидаги ижтимоий зиддиятлар, халқ ва сарой ўртасидаги қарама-қаршиликларни ақл-идрок кучи б-н ҳал қилган донишманд шоир ва улуғ мутафаккир қиёфасини ёрқин гавдалантира олди. Навоий образини лирик-фалсафий йўсинда ҳал этиб, инсоний, ижтимоий ва ижодий фаолиятини унинг шоирлик табиати б-н очиб берди. Х. бу ролни саҳнада 25 й. давомида ижро этди ва Давлат мукофотига сазовор бўлди (1949). Карл Моор (Ф. Шиллер, «Қароқчилар»), Саттор (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари»), Чжин Гун (Ван Ши Фу, «Май тўкилди»), Астров (А. Чехов, «Ваня тоға»), Нолинакха (Р. Тагор, «Ганг дарёсининг қизи»), Полвонов (С. Азимов, «Юлдузлар жамоли»), Содиқ Собирович (Уйғун, «Қотил») каби образлари актёр ижодининг янги қирраларини очди. «Имон» (И. Султон)даги Комилов образи ўзининг бадиий юксаклиги, ҳаётийлиги б-н ажралиб туради. Образ б-н актёр ўртасидаги уйғунлик, тенгқурлик, уларнинг ахлоқий, маънавий ва инсоний қарашлар жиҳатидан бир-бирига яқинлиги, инсон психологиясини яхши билиши санъаткорга саҳнада зиёлининг бадиий умумлашма қиёфасини гавдалантиришга имкон берди. Х. Паратов (А. Островский, «Сепсиз қиз»), Солиҳбой (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), айниқса, Яго, Юлий Цезарь (У. Шекспир, «Отелло», «Юлий Цезарь») каби салбий образларни моҳирона талқин этди. Актёр саҳнада яратган йирик образлардан яна бири Қирол Лир (У. Шекспир, «Қирол Лир») бўлиб, бу образни актёр психологик ўткир, ижтимоий, фалсафий ва ғоявий мазмунга тўла тарзда гавдалантирди. Сальвадор Альенде (В. Чичков, «Чили, сенга ишонаман»), Креонт (Софокл, «Антигона»), Маттиас Клаузен (Н. Гауптман, «Қуёш ботиш арафасида») каби ғоявий-бадиий мукаммал образларни актёр умрининг сўнгги йилларида яратган.

Олим Хўжаев.
1. Навоий («Алишер Навоий»);
2. Профессор Комилов («Имон»).

Х. режиссёр сифатида «Май тўкилди» (Ван Ши Фу), «Абу Райҳон Беруний» (Уйғун), «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза, Болгариянинг Хасково театрида) сингари спектаклларни саҳналаштирган. Кинода Ҳакимбойвачча («Қутлуғ қон»), Давронбек («Фарзандлар»), Обидий («Умид») каби роллари б-н танилди. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг раиси (1955—77). Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967). Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002).

Сирдарё театри, Бухоро маданият коллежи, Тошкент ўрта мактабларидан бирига Х. номи берилган.

Ад.: Фельдман Я. С., Олим Хўжаев, Т., 1961.

Фрунзе Жўраев.

ХЎЖАЕВ Отаулла, Хўжаев Отахўжа Пўлатхўжаевич (1880, Бухоро — 1937.25.10, Тошкент) — Бухородаги *жадидчилик* ҳаракатининг йирик намояндаси, давлат ва жамоат арбоби. Бухорода мадраса таҳсилини олган. Сўнгра Туркияга бориб, акаси Усмон Хўжа, *Фитрат* ва б. билан Истанбулда таҳсил олган (1909—13). «*Тарбияи атфол*» махфий ташкилоти ва *Ёш бухороликлар* партияси фаолиятида қатнашган. 1913—14 й.ларда Бухоро амирлигида жадид мактаблари очган ва муаллимлик қилган. Бунинг учун Бухоро амири Олимхон томонидан таъқибга учраган ва зиндонда ўтирган (1915). Х. БХСР Қарши вилояти инқилобий қўмитаси раиси (1920), БХСР ички ишлар нозири (1921), БХСР Нозирлар Шўроси раиси ўринбосари (1921—23), раиси вазифасини бажарувчи (1922 авг.—нояб.), ташқи ишлар нозири (1923). БХСРнинг Москвадаги мухтор вакили (1922 й. янв.—май). 1921 й. ёзида Х. бошчилигидаги махсус комиссия Балжувонда Давлатмандбек қўрбоши, Камолбий ва Қаюм тўқсабо б-н БХСР ҳукумати номидан музокаралар ўтказган ва сулҳ шартномаси имзоланган (1921 й. 12 авг.). 1920 й.дан Бухорода яширин фаолият кўрсатган «Миллий иттиҳод» ташкилоти ишида фаол қатнашган. РКП(б)МК Ўрта Осиё бюроси котиби Я. Э. Рудзутакнинг талаби б-н Фитрат ва б. нозирлар қаторида ўз лавозимидан олиб ташланган ва БХСР ҳудудидан сургун қилинган. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгач, турли лавозимларда ишлаган. БХСРнинг раҳбар арбоблари (жами 17 киши) б-н биргаликда у қамоққа олинган (1937 й. 19 янв.) ва отишга ҳукм қилинган. 1965 й. 2 дек.да оқланган.

Қаҳрамон Ражабов.

ХЎЖАЕВ Порсо, Порсо Хўжа Ҳасан (1867, Бухоро — 1937.25.10, Тошкент) — Бухородаги *жадидчилик* ҳаракатининг намояндаларидан бири, давлат ва жамоат арбоби. Бухорода мадраса таҳсилини олган. 1905 й.дан Бухородаги жадидчилик ва Ёш бухороликлар сафида *Янги усул мактаблари* очиш ва жадид газлари чиқариш, кўплаб қироатхона ва кутубхоналар ташкил этишда фаол қатнашган. 1918 й.мартдан Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Бухорода амирлик тузумига қарши курашда иштирок этган.

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилгач, Хатирчи ва Кармана вилоятлари инқилобий қўмитаси раиси (1920—21), БХСР деҳқончилик нозири ва нозир ўринбосари (1921), Бухоро марказий касабалар иттифоқи раиси (1922), БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси (1922 й. авг.—1924 й. нояб.). 1925 й.дан Бухоро ш. ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, Бухоро округида ер ислоҳоти бўйича комиссия раиси. 1929 й.дан Тошкентда ишлаган. БХСРнинг раҳбар арбоблари б-н биргаликда миллатчиликда айбланиб, 1937 й. 14 окт.да отишга ҳукм қилинган. 1962 й. 26 нояб.да оқланган.

ХЎЖАЕВ Сойиб (Соҳибжон) (1910.5.12, Андижон вилояти Хонобод қишлоғи — 1982.3.5, Андижон, Тошкентда дафн этилган) — Ўзбекистон халқ артисти (1939). Актёрлик фаолиятини 1927 й. Қўқон драма театрида бошлаган. Дастлаб Миршоҳид *Мироқиловдан* таълим олган. 1928—39 й.лар Андижон вилоят театрида актёр. Труффальдино (К. Гоцци, «Маликаи Турандот»), Соли домла (К. Яшин, «Ўртоқлар»), Холмат (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Бобчинский (Н. Гоголь, «Ревизор») каби образларни яратиб, комик актёр сифатида кўзга ташланади. 1939—82 й.лар Муқимий театрида ишлади. Шу йилларда Х. саҳна кулгиси, сатира ва юмор воситаларини яхши ўзлаштириб, халқ қизиқчиларининг бадиҳагўйлик, мимика ва тақлид воситаларидан кенг фойдаланиш, жарангдор нутқ, сўз ўйини каби анъаналарни саҳна имкониятлари доирасида ривожлантириши туфайли жиддий ютуқларга эришди. Ўзбек драматургиясида яратган Мулладўст («Майсаранинг иши»), Ҳузурхўжа («Нурхон»), Ғани («Олтин кўл»), Хушмамат («Ватан ишқи»); таржима асарлардаги Черевик («Сорочинск ярмаркаси»), Микола («Наталка—Полтавка»), Девона («Гули сиёҳ»), Сэр Тоби («Ўн иккинчи кеча») образлари шундан далолат беради. Х., айниқса, Ҳ. Ғулом асарлари («Фарғона ҳикояси», «Тошболта ошиқ», «Ўғил уйлантириш», «Ажаб савдолар») даги Кичкинахўжа, Тошболта, Норхўжа, Вакил қассоб ролларида катта муваффақият қозонди. Тошболта ролини 1500 марта ўйнаган. Х. бир қанча фильмлар («Насриддиннинг саргузаштлари»да чойхоначи, «Ёр-ёр»да Аҳмаджон, «Дилбарим»да Зуҳуров, «Еттинчи жин» да Султон ва б.) да ҳам суратга тушган. Тошкент телевидениесининг «Экран хандаси», «Висол онлари» дастурлари ва «Табассум» радиожурналининг доимий қатнашчиси бўлган. «Сойибхўжа операцияси» (С. Имомов) спектакли (1999) Х.га бағишланган. С. Хўжаев хотирасига бағишланган кулги санъати

Сойиб Хўжаев Тошболта ролида («Тошболта ошиқ»).

кўрик-танловлари ўтказиб турилади. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003).

Ад.: Кодиров М., Сойиб Хўжаев. Т., 1973.

Муҳсин Қодиров.

ХЎЖАЕВ Сулаймон (асли Сулаймонхўжа Насруллахўжа ўғли) (1866— Тошкент — 1947.21.1) — ёғоч ўймакори, Меҳнат Қаҳрамони (1932). Тошкент ёғоч ўймакорлигининг йирик вакили, *паргари* ва *лавҳ* бўйича моҳир уста. 17 ёшигача отаси — дурадгор уста б-н ишлаб ҳунар ўрганган, сўнг уста Искандар Мирзаёқубов устахонасида ишлаган. 1891 й.дан уста Тошпўлат *Айюбхўжаев*дан паргари усулини мукаммал эгаллаган. Х. Тошкент ўқув и.ч. устахоналарида ўқитувчи, Тошкент ш. Халқ маорифи бўлими ҳузуридаги тўтиракларга раҳбарлик қилди, кўплаб шогирдлар тайёрлади (жумладан, М. Асқаров, М. *Қосимов* ва б.). Тошкент тўқимачилик к-тида миллий нақшлар асосида матога гул солиш бўйича маслаҳатчи рассом бўлган. Х. яратган хонтахта, курси, қутича, лавҳ ва б. бадиий буюмлар нақш мужассамоти, нафис, юксак маҳорат б-н ишланиши ва б. хусусиятлари б-н диққатга сазовор.

С. Хўжаев паргари усулида безаган буюмлар.

1913 й.дан Х. бадиий асарлари б-н Халқаро кўргазмалар (Санкт-Петербург, Париж ва б.)да иштирок этган. Унинг асарлари ва нақш мужассамотлари республика ва хорижий мамлакатлар музейларида сақланади.

ХЎЖАЕВ Сулаймон (1893, Тошкент — 1937.20.8, Тошкент вилояти) — илк ўзбек кино актёри, сценарийчи, кинорежиссёр. Ўзбек кино санъатининг асосчиларидан. Ҳамид *Сулаймонов*нинг отаси. Тошкентдаги «Кўкалдош», Абулқосим мадрасалари (1902—1912) ва Москвадаги кинематография ин-ти (1927—32)да таҳсил кўрган. «Турон» театр тўдаси спектакларида артист сифатида қатнашган (1916—17). «Беҳбудий» мактабида ўқитувчилик қилган (1927—32). «Турк адам марказият» ва «Миллий истиқлол» аксилшўровий ташкилотлари аъзоси (1917—1921). Х.20-й.ларнинг 2-ярми — 30-й. ларнинг бошларида яратилган дастлабки ўзбек фильмларида артист («Равот қашқирлари», 1926; «Чачвон», 1927; «Сўнгги бек», «Авлиё қизи», 1930; «Тоғи олдидан», 1933), сценарий муаллифи, режиссёр ассистенти ва режиссёр сифатида иштирок этган. Жиззах қўзғолонига бағишланган «Тоғи олдидан» фильмида 1916 йил халқ қўзғолонининг шафқатсиз бостирилиши ҳақиқий тасвирланган. Асарда Х. овозсиз кинонинг барча тасвирий-эмоционал имкониятларидан моҳирона фойдалана олувчи, монтаж санъатини эгаллаган етук ижодкор жанрини намойиш этган. Х. навбатдаги фильмни суратга олиш пайтида (1934) ҳибста олиниб, 6 йиллик жазо муддатини ўташ учун «Малик» лагерь-с-ига юборилган. Кўп ўтмай, ақсил-шўровий таргиботда айбланиб, ўша ерда отиб ташланган.

ХЎЖАЕВ Тошхўжа Умарович (1922.1.9 — Тошкент — 1975.22.5) — реж. актёр, педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1959). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1951). 1950—60 й.лар Ҳамза театрида реж., бош реж., айни вақтда (1957—70 й. лар) Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида педагог. 1970—75 й.лар «Ўзбекфильм»да кино-актёрлар студиясига раҳбар, актёр сифатида ишлаган. Замонавий режиссурага хос максимал аниқлик, ҳар бир деталь ва хатти-ҳаракатни символ даражасига кўтариш услуби, кенг қамровлилик, етакчи мураббийлик Х. ижодига хос. «Скапеннинг найранглари» (Ж.Б.Мольер) Х.нинг саҳнага қўйган илк спектаклидир. «Мангу ҳаёт» (Брагин ва Товстоногов), «Шоҳи сўзана» (А. Қаҳҳор, А. Гинзбург б-н ҳамкорликда), «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Аяжонларим» (А. Қаҳҳор), «Қутлуғ қон» (Ойбек), «Шахсий иш» (А. Штейн), «Олтин девор» (Э. Воҳидов), «Юрак ёнмоғи керак», «Чин муҳаббат» (О. Ёқубов), «Ҳуррият» (Уйгун), «Фурқат» (Т. Хўжаев ўз пьесаси асосида, Б. Авазов б-н ҳамкорликда), «Сарвқомат дилбарим» (Ч. Айтматов), «Ўғирланган умр» (М. Каюм), «Моисерра» (Роблес) каби спектаклларида юмор, сатира ва лирик ёндашувларни, спектакль мазмунини актёр ижросига уйғунлаштира олди. Шунингдек, Рус драма театрида «Байрамнинг биринчи куни» (Н. Ҳикмат), Мукимий театрида «Фазал ҳожиаси» (А. Бобожон) сингари спектакллар қўйган. У «Сарвқомат дилбарим» (Ч. Айтматов) спектаклини Татаристон театрида ҳам саҳналаштирган. Х. бир қанча чет эл мумтоз драматург асарлар ва К.С.Станиславскийнинг «Актёрнинг ўз устида ишлаши» асарини ўзбек тилига таржима қилган. Абдулла Тўқай номидаги Татаристон Давлат ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари лауреати (1966, 1970).

Тошпўлат Турсунов.

ХЎЖАЕВ Убайдулла — қ. *Асадуллахўжаев* Убайдуллахўжа.

ХЎЖАЕВ Файзулла (1896.1.7, Бухоро — 1938.15.3, Москва) — давлат ва сиёсат арбоби. Савдогар оиласида туғилган. Бухоро мадрасасида 2 й. таҳсил олган, 1907—12 й.ларда Москвада ҳусусий мактабда ўқиган. Бухорога қайтгач, 1912 й.дан *ёш бухороликлар* партиясининг, 1913 й.дан партия МКнинг аъзоси бўлди. Оиласидан мерос қолган катта бойликни янги усул мактабларини очишга, ёш бухороликлар сиёсий фаолиятини молдий қўллаб-қувватлашга сарфлади. 1917 й.дан бошлаб Х. ва *Фитрат* партиининг сўл қанотига бошчилик қилиб, Бухорода давлат конституцион монархия, сўнгра демократик республика тузиш учун курашдилар. Ёш бухороликлар амир томонидан таъқиб қилингач, Х. ва унинг сафдошлари Бухоронн тарк этишга мажбур бўлишди. Х. 1920 й. январда Тошкентда тузилган инқилобчи ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюроси раиси, «Учқун» газ. муҳаррири (1920 й. апр.—сент.). 1920 й. 14 сент.да БХСР ҳукумати — Халқ Нозирлар Шўроси тузилиб, Х. ҳукумат бошлиги қилиб сайланди. БХСР ташқи ишлар нозири (1920—22), ҳарбий ишлар нозири (1921—24), ички ишлар нозири (1922), БХСР Меҳнат ва мудофаа кенгаши раиси (1922—24). Шунингдек, Шарқий Бухоро Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси (1923—24), СССР Ҳарбий-Денгиз ишлари халқ комиссарлигининг Ўзбекистон ССР бўйича расмий вакили (1925 й.дан).

Х. БХСРнинг мустақил ички ва ташқи сиёсат юритишга, иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш ва демократик эркинликларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратиб, Совет Россиясидан ташқари Эрон, Туркия, Афғонистон, Хитой, Озарбайжон, ХХСР, шунингдек, Германия ва Япония б-н дипломатик алоқалар ўрнатган. У талабаларни хорижга жўнатиб ўқитишнинг ташаббускорларидан бири бўлган. Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси (Ревком) — Муваққат ишчилеққон ҳукумати раиси (1924 й. нояб. — 1925 й. фев.), ЎзССР ХКС раиси (1925—1937), СССР МИК раисларидан бири.

Х. ўз фаолияти давомида ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий равнақига хизмат қилувчи тадбирларни амалга оширишга интилди. У ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва Ўзбекистон КП МКга нисбатан мухолифат мавқеида турган «ўн саккизлар гуруҳи» (1925 й. нояб.)га хайрихоҳ бўлган.. «Қулоқ»ларни синф сифатида тугатиш сиёсатини ёқламаган. Ўзбекистонда ёппасига чигит экилиши пахта яккаҳокимлигига олиб келади, деб ҳисоблаган. Ўзбекистонда замонавий саноат иншоотлари қурилишида ташаббускор бўлган.

Х. давлат арбоби, тарихчи ва иқтисодчи олим, публицист-журналист сифатида бой илмий мерос қолдирган. Унинг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» (1926), «Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тарихига доир» (1932) китоблари, «БХСРдаги иқтисодий аҳвол» (1924), «Ёш бухороликлар тўғрисида» (1926), «Жадидлар» (1926), «Босмачилик» (1930) мақолаларида Ўзбекистон тарихининг 20-а. 1-чорагидаги жиддий муаммолар кўрсатилган. Х. 1937 й. 9 июлда Москвада қамоққа олинди. Унга Советларга қарши «Ўнг троцкийчи блок» фаолиятига қўшилганлиги ҳамда «Миллий иттиҳод» ташкилоти фаолиятига раҳбарлик қилганлик, «босмачилик» ҳаракати ва қўрбошиларни қўллаб-қувватлаганлик, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва б. ўзбек зиёлиларига ғамхўрлик кўрсатганлик каби айблар қўйилди ва отишга ҳукм қилинди. Ҳукм Москва атрофидаги Бутово қатлгоҳида ижро этилган.

1965 й. 6 мартда СССР Олий суди ҳарбий коллегияси Х.ни айбсиз деб топди ва оқлади. Ўзбекистонда Х.нинг 100 йиллик юбилейи нишонланди (1996). Х. асарлари ва у ҳақидаги тадқиқотлар нашр этилди. «Бухоронинг жон қўчалари» (А. Мухтор) қиссаси, «Инқилоб тонги» (К. Яшин) драмаси, «Мен яшашни истайман» (Н. Наимов) роман-хроникаси ва б. асарлар Х. фаолиятига бағишланган. Бухоро ун-ти, Бухоро ш.даги пед. коллежи, Бухоро ш.даги кўча, Тошкентдаги метро бекати, кўча, кўплаб ширкат хўжаликлари, мактаб ва маҳаллалар Х. номи б-н аталди. Бухорода ҳайкали бор. БХСРнинг Қизил юлдуз (I даражали) ордени б-н мукофотланган (1922).

Ас.: Избранные труды, т. 1—3, Т., 1970—73; Танланган асарлар, 1—3-жлар, Т., 1976—80;

Ад.: Политическая жизнь русских мусульман до февральской революции, Оксфорд, 1987; Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар, Т., 1997; Файзулла Ходжаев. 100 лет, Навои, 1996; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Эшонов О. Э., Файзулла Хўжаев, Т., 1973; Ҳасанов М., Файзулла Хўжаев, Т., 1990; Бақоев М., Файзулла Хўжаев-журналист ва публицист, Т., 1992; Ражабов Қ., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши қурош, Т., 2002.

Қаҳрамон Ражабов.

ХЎЖАЕВ Шуҳрат Хуршидович (1969.11.7, Бухоро) — самбочи-курашчи. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси (2000), «Ўзбекистон ифтихори» (1998). Самбо бўйича 90 кг вазнда Осиё чемпиони (1996, Красноярск; 1997, Улан-Батор; 1998, Тошкент; 1999, Сингапур; 2000, Уральск; 2001, Тошкент), Осиё кубоги голиби (1995, Бишкек), жаҳон чемпиони (1996, Токио; 2000, Киев), жаҳон кубоги голиби (1996, 1998, Кстова). Кураш бўйича Осиё чемпиони (2001, Тошкент), жаҳон чемпионати бронза медали совриндори (1999, Тошкент). Х. курашнинг сумо тури бўйича ҳам кўплаб халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси ин-тини тугатган (1994). 1990 й.дан Бухородаги курашга ихтисослашган 2-болалар-ўсмирлар олимпия захиралари мактабида мураббий.

ХЎЖАЕВ Эрнафас (1916.15.5, ҳоз. Бухоро вилояти Ромитан ш. — 1944.13.11, Польша, Малая Турка қишлоғи) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1941 й.дан фронтда. 717-ўқчи полки (1-Белоруссия фронти 48-армиясининг 170-ўқчи дивизияси)-да взвод командири ўринбосари, старшина. 1944 й. 18 июлда Польшанинг Хайнувка ш.дан шим.-шарқда жойлашган Семенувка қишлоғи яқинидаги жангда сафдан чиққан взвод командири ўрнида жангчиларни ҳужумга бошлаган. Қўл жангида жасорат кўрсатгани учун Қаҳрамон вафотидан сўнг). Ромитан ш. ва Ромитан туманидаги қишлоқлардан бирида бюсти ўрнатилган. Қишлоқдаги ўрта мактабга унинг номи берилган.

ХЎЖАЕВ Қудрат Умарович (1911.5.5 — Тошкент — 1981.9.8) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1956). Москва театр санъати ин-тини тугатган (1936). Ижодий фаолиятини 1929 й.да Тошкент ишчи-ёшлар театрида актёрликдан бошлаган. 1936—41 й.ларда ва ўна 1952 й.дан Ҳамза театрида актёр, 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Янгийўл театрида реж., Самарқанд ва Наманган вилоят театрларининг бадиий раҳбари (1942—52). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида педагог (1961—81). Фитратнинг «Арслон» спектаклидаги Имом роли Х.нинг илк саҳнавий образидир. Франц (Шиллер, «Қароқчилар»), Лаэрт, Кассио (У. Шекспир, «Отелло»), Қори (А. Қаҳҳор, «Тобутдан товуш»), Жоген (Р. Тагор, «Ганг дарёсининг қизи»), Цезарь (У. Шекспир, «Юлий Цезарь»), Серебряков (Чехов, «Ваня тоға»), Саккокий (М. Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»), Сандхон (С. Азимов, «Қонли сароб»), Ил-ҳом (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари») каби ролларн б-н шуҳрат қозонган. Реж. сифатида «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид), «Момақалдироқ» (А. Островский), «Ҳалима» (F. Зафарий) сингари спектаклларни саҳналаштирган. Ҳар қандай образнинг ташқи қиёфаси, нутқи, юриш-туришини, ўзига хос одатларини пухта ўйларди, шу орқали қаҳрамонининг ички дунёсини очиб берарди. Унинг қаҳрамонлари кўпинча маданиятли, билимдон, салоҳиятли бўларди. Х. сатирик образлар устаси сифатида ҳам танилган. Шу хусусиятлар кинофильмлардаги образларида ҳам ўз аксини топган (Наргиз, «Алишер Навоий»; Назирий, «Ҳамза»; Нақшобий, «Икки дил достони» ва б.).

Қудрат Хўжаев Жоген ролида («Ганг дарёсининг қизи»).

Ас.: Ғўзаларк шайдосиман, Т., 1976; Саҳнага йўл, Т., 1982; Монолог об актёрской жизни, Т., 1983.

ХЎЖАЕВА Салимахон Шовосуповна (1916.1.1 — Тошкент — 2004.9.6) — опера хонандаси (лирик-драматик сопрано), Ўзбекистон халқ артисти (1967). Москва ўзбек опера студияси (1941) ва Тошкент консерваторияси (1945)ни тугатган. Навоий театрида яккахон хонанда (1941—67). Катта Фарғона канали қурилишида (1939), 2-жаҳон уруши даврида ҳарбий қисмларда маданий хизмат кўрсатган. Тошкент консерваторияси (1961—72), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1972—84)да педагог.

Х.нинг ёқимли, жозибадор овози, нурли чеҳраси, юқори вокал ва актёрлик маҳорати ўзбек ва чет эл мумтоз операларида ижро этган асосий партиялар-

да намоён бўлган: Лайли («Лайли ва Мажнун»), Зуҳра («Тоҳир ва Зуҳра»), Ширин («Фарҳод ва Ширин»), Тина («Эр Тарғин», Б. Брусиловский), Нигор («Кўр ўғли», У. Ҳожибеков), Татьяна, Лиза, Иоланта (П. Чайковский, «Евгений Онегин», «Қарға моткаси», «Иоланта»), Кармен (Ж. Бизе, «Кармен»), Любаша (Н. Римский-Корсаков, «Шоҳ қайлиғи») ва б. Концерт репертуаридан ўзбек халқ қўшиқлари («Қошлари қаламлар» ва б.), чет эл композиторлари (Гендель, Моцарт, Шуберт, Глинка, Чайковский ва б.) асарлари кенг ўрин олган. Шу б-н бирга Х. ўзбек бастакор ва композиторларининг қўшиқ ва романсларининг илк ижрочиси сифатида ҳам танилди: Т. Содиқовнинг «Баҳор», М. Бурҳоновнинг «Табассум қилмадинг», «Ишқила» ва б., А. Муҳаммедовнинг «Алла», Ҳам. Раҳимовнинг «Севимли ёр» ва б.

Холида Хўжаева Хонзода ролида («Бой ила хизматчи»).

ХЎЖАЕВА Холида (1916.1.1, Самарқанд) — Ўзбекистон халқ артисти (1956). Москва драма студиясини тугатган (1930). Студияда Лазокат (Л.Аппоқова, «Қон ва сув»), Надя (Д. Фурманов, «Исён»), Мартин (Мольер, «Зўраки табиб») каби ролларни ижро этган. 1930—33 йлар Бухоро театри, 1933—87 йлар Ҳамза театрида, 1987—90 йлар Аброр Ҳидоятов номидаги театрда актриса. Ижрода босиқлик б-н эътиборни қаҳрамон ички кечинмаларини очишга йўналтириш Х. ижодига хос. Бу нарсалар унинг Ҳалима (F. Зафарий, «Ҳалима»), Лауренсия (Лопе де Вега, «Кўзбулоқ қишлоғи»), Дилбар, Ўлмас (К.Яшин, «Тор-мор», «Ёндирамиз»), Хонзода, Пошшоойим, Холисхон (Ҳамза, «Бой ила хизматчи», «Паранжи сирлари»), Любовь Яровая (К. Тренёв, «Любовь Яровая»), Нина (М. Лермонтов, «Маскарад»), Татьяна (М. Горький, «Мешчанлар»), Хуморхон (А. Қаҳҳор, «Отриқ тишлар»), Шамсиқамар (М. Аблиев, «Шамсиқамар»), Гавҳаршод бегим (М. Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»), Бўстон (С.Аҳмад, «Келинлар қўзғолони»), Ойниса (Ў. Умарбеков, «Кузнинг биринчи куни») каби роллари талқинида намоён бўлди. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

Хўжаевлар.

ХЎЖАЕВЛАР — ўзбек цирк артистлари сулоласи. Замонавий ўзбек циркида чавандозлик ва от ўргатиш жанри ривожига катта ҳисса қўшишган. Сулола асосчиси — Хўжаев Муҳаммад (тахаллуси «Чаққон») (1886, Қўқон — 1971. 28.2, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1939). Ижодий фаолиятини 8 ёшидан Баратбой раҳбарлигидаги цирк гуруҳида бошлаб, муаллақчилик, ҳаво гимнастикаси ва масхарабозлик ўйинларида иштирок этган. 1900 й.дан наманганлик Мирзааҳмад циркида муаллақчи Қодир Абдуллаев б-н ишлаган, 1905 й.дан Муллабой Мансуров циркида фаолиятини давом эттириб, қизиқчилар ва муаллақчилар гуруҳларида қатнашган, турникда, бир поғонали ва икки поғонали чигириқда ишлаган. 1919—20 йлар Р. Абдуҳалилов ва Ф. Юпатов циркларида ишлаган. 1931 й. «Эркинликдаги отлар» томошасини тайёрлаб, ўзбек цирки тарихида энг кучли от ўйинларидан бирини яратиб, кўп йиллар давомида намойиш этди. Хўжаева Лола (1923.18.9, Самарқанд) — чавандоз, от ўргатувчи. Муҳаммад Хўжаевнинг қизи. Ўзбекистон халқ артисти (1950). 1931 й.дан отаси раҳбарлигидаги «От устида вольтиж» ҳамда «Чавандозлик» ўйинларида, шунингдек, акробатлар гуруҳида қатнашган. 1934 й. «От устида гротеск» томошасини яратиб, унда миллий ўзбек рақси пластикасини анъанавий чавандозлик траюклари б-н узвий боғлади. Чопаётган от устида бир неча мураккаб ўйинларни енгил ва эпчил ижро этар эди, масалан, баландга сакраб, тиззага ўтириш, сўзаналар устидан сакраб ўтиш, отни тортилган тасмалар устидан сакратиш ва б. Л.Х. бажарган бетакрор машқлардан бири — чопаётган отни кенг тасма устидан сакратиб, ўзи ҳам баландликдаги тасмадан сакраган ва яна от устига қайтиб тик турган. 1972 й.дан ит ўргатувчи.

Хўжаев Ловар (Леонид) (1932.5.6, Тошкент) — чавандоз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1964). Муҳаммад Хўжаевнинг ўғли. 1941 й.дан акробатика ўйинларида иштирок этган. 1951 й.дан опаси Лола Хўжаева б-н «қўшалоқ гротеск» томошасини тайёрлаб, чопаётган от устида якка ва жуфт трюкларни, бир-бирига қараб чопаётган икки от устида мураккаб машқларни бажаришган. Хўжаев Андрей (1961.21.12, Тошкент) — чавандоз. Ловар Хўжаевнинг ўғли. 1975 й.дан «От устида гротеск» томошаси б-н танилган. 1992 й.дан «Бўғма илон б-н олишув» томошасини намойиш этиб келмоқда.

Шавкат Тошкабаев.

ХЎЖАИКОН ТУЗ КОНИ — Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги кон, 1942 й.да ишга туширилган. Кон ётиқ синклиналь бурмада жойлашган, бунда туз қатламлари тескари қатламланган бўлиб, оқ тузлар юқорида, қизил тузлар пастда жойлашган. Қизил туз қатламларида калий тузларининг 6 қавати ажралиб туради. Тузларнинг разведка қилинган захираси 46 млн.т, йилига 150 минг т. дан карьерлардан қазиб олинмоқда. Х.т.к.да ош тузи йирик донали, таркибида 92,3—99,7% NaCl мавжуд. Кондаги ош тузи қатламининг қалинлиги 350—400 м га етади. Ранги оқ, сариқ, пушти, қизил. Туз қатламлари 150—300 м қалинликдаги қум, гил, қумтош, оҳактош каби тўртламчи ва қуйи бўр даврларига мансуб ётқизиқлар б-н қопланган. Х.т.к. ҳозирги кунда мамлакат аҳамиятига молик саноат корхонасидир. Йилига 93 минг т ош тузи қазиб чиқарилмоқда. 1995 й. АҚШдан келтирилган жиҳозлар б-н ишлайдиган истеъмол тузи ишч. линияси ишга туширилган.

ХЎЖАИПОК — Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги дарё. *Сурхондарё*нинг ўнг ирмоғи. Бойсунтоғининг шарқидаги Хўжабузоракўтоғидан 3360 м баландликдан бошланади. Уз. 91 км, ҳавзасининг майд. 765 км², ўртача бал. 695 м. Йиллик ўртача сув сарфи 16,8 м³/сек.дан (кўп сувли 1969 й.да) 2,49 м³/сек.гача (кам сувли 2001 й.да) ўзгаради. Қор ва ёмғирдан тўйинади. Дарёнинг гидроэнергия захираси 1 млрд. кВт/соат. Х.дан экинзоларни суғоришда фойдаланилади. Қайроқ, Дуоба, Дийбола, Қўрғонча, Оқсув, Фангарт қишлоқларидан оқиб ўтади. Х.нинг турли қисмлари қайси қишлоқ ёнидан ўтишига қараб Ҳалқажар, Қизилсув, Хўжабузоракўрғонча, Тентаксой деб юритилади.

ХЎЖАЙЛИ (Хўжаэли) — Қорақалпоғистон Республикаси *Хўжайли тумани*даги шаҳар. Туман маркази. Амударёнинг қуйи оқими чап соҳилида, Нукусдан 24 км; т.й. станцияси, дарё пристани. Шаҳар ўртасидан Тошлиёп канали ўтади. Аҳолиси 75,4 минг киши (Водник шаҳарчаси б-н бирга, 2003). «Х.» атамаси 17-а. охири —18-а. бошларида пайдо бўлган. Рус талқиқотчиси А.Л.Куннинг Х. ҳақида 1874 й. эшиттан ривоятлардан бирида Х. қалъасини Туркистондан кўчиб келган эшон Аламин Хўжа қурган. Шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида шаҳарга суфийларнинг яссавийлик оқимига мансуб хўжалар томонидан асос солинган деган ривоятлар бор. Шаҳар атрофида мил. ав. 4—3 а.ларда аҳоли яшаганлигини археологик қазилмалар тасдиқлайди. Х. ёнидаги *Миздахқон* ш. харобаси бунинг далилидир. Х.нинг табиати, бозорлари, мадрасалари, суғориш каналлари, аҳолиси тўғрисида А. Л. Кун, В. В. Бартольд ва б. томонидан ёзиб қолдирилган манбалардан маълум. Янги Хўжайли (т.й. станцияси) 1952—53 й.ларда т.й. ўтказилиши муносабати б-н қурилган.

Хўжайли шаҳри. Туман ҳокимияти биноси.

Хўжайли шаҳри. Меҳрибонлик уйи.

Х.да пахта тозалаш, гишт, ёғ-мой, сут з-длари, тикувчилик ф-каси, нон, гўшт к-тлари, газ компрессор ст-яси, 4 автокорхона мавжуд, меҳрибонлик уйи, 20 га яқин умумий таълим мактаби, касб-ҳунар коллежлари, 2 мусиқа, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, халқ театри, 4 маданият уйи, 14 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи ва Хотира хиёбони бор. Марказий касалхона ва унинг тармоқлари, поликлиника, 2 тиббий диспансер, шошинич тиббий ёрдам бўлими фаолият кўрсатади.

ХЎЖАЙЛИ ТУМАНИ — Қорақалпоғистон Республикасидаги туман. 1926 й. 14 янв.да ташкил этилган. Амударёнинг чап соҳилида жойлашган. Шим.дан Нукус, жан.-шарқдан Қораўзак, шим.-ғарбдан Қанликўл, Шуманай туманлари, ғарб ва жан.дан Туркманистоннинг Кўҳна Урганч тумани б-н чегаралош. Майд. 0.85 минг км². Аҳолиси 146,4 минг киши (2004). Туманда 9 овул фуқароси йиғини (Амударё, Бегжап, Жаланжап, Кенагас, Кўлоб, Найманкўл, Саройкўл, Сариғунқўл, Сомонқўл), 1 шаҳарча (Водник) бор. Марказ — *Хўжайли* ш.

Табиати. Рельефи, асосан, текисликдан иборат. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 11°. Янв.нинг ўртача т-раси —6,9°, энг паст т-ра —32°. Июлнинг ўртача т-раси 27,1°, энг юқори т-ра 44°. Вегетация даври 196 кун. Йилига 120 мм ёғин тушади. Туман ҳудуди орқали Қўнғирот ва б. каналлар оқиб ўтади. Ўсимликлардан чий, наллар оқиб ўтади. Ўсимликлардан чий, қамиш, қўға, қўйтикан, рўвак, бутдойиқ, ажриқ, қорабароқ, оқбош, қарагай, юлғун, туранғил, ёввойи жийда, тол, селин ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан, асосан, кемирувчилар, судралиб юрувчилар; қушлардан ўрдак, ғоз, оққуш, қўтон, бирқозон, читтак, ингуя, деҳқончумчуқ, қизилиштон, сассиқпопишак, зарғалдоқ ва б. учрайди. Тупроқлари, асосан, қумли чўл тупроқлар. Фойдали қазилмалардан пойдеворда ишлатиладиган тош олинади (Сариғунқўл, Найманкўл).

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқлар ва ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, туркман, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 172 кишн (2004).

Хўжалиги. Туманда 10 саноат корхонаси (шу жумладан, ун ва ёрма к-тлари, шоли оқлаш, аралаш ем з-длари ва б.), 4 автокорхона, почта, электр алоқаси корхоналари, т.й. транспорти, газ қувурлари (РФнинг марказий р-нлари ва Уралга газ узатадиган компрессор ст-ялар), тикувчилик ф-каси, гиламчилик корхонаси ва б. фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик. Галла, сабзавот ва полиз, картошка, шоли, ем-хашак экинлари ҳам экилади. 11 ширкат, 5 фермер хўжалик уюшмаси бор. 490 деҳқон хўжалиги ташкил этилган. Тумандаги 329 та фермер хўжалиги деҳқончилик, 69 таси чорвачилик, 16 таси боғдорчилик б-н шуғулланади. Туманда 22,5

Хўжайли шаҳри. Маданият ва истироҳат боғидаги Хотира хиёбони.

минг га ерга қ.х. экинлари экилади. Х.т.даги жамоа ва шахсий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, йилқи, парранда боқилади. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади.

Туманда 72 умумий таълим мактаби, 2 махсус интернат мактаби, меҳрибонлик уйи, 4 ўқувчиларни касбга йўналтириш маркази ишлаб турибди, 9 маданият уйи, 3 клуб, халқ театри, маданият ва истироҳат боғи, 35 кутубхона аҳолига хизмат кўрсатади. 3 касалхона, 5 поликлиника, 2 диспансер, 10 қишлоқ врачлик пункти, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 14 фельдшер-акушерлик пункти, тез тиббий ёрдам бўлими мавжуд.

Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан *Миздахқон* ўрта аср шаҳри харобаси, унинг ҳудудида *Габр қалъа* тепалиги, Жумарда тепалиги, Антакия шаҳар тепалиги (14-а.), Мазлумхон Сулув мақбараси (13-а. охири —14-а. боши), Шамун Наби мақбараси, Ражаб Халифа уйи, Қирқ чўпон ёдгорлиги сақланган.

ХЎЖАКЕНТ ГЭС — Чирчиқ дарёсининг юқори қисмида, *Чорвоқ* ГЭС дан қуйироқда. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Қоронқўл қишлоғи

Хўжакент ГЭС.

яқинида жойлашган. Ўрта Чирчиқ ГЭСлар каскади таркибига киради. Ст-яда умумий қуввати 165 МВт бўлган 3 гидроагрегат ўрнатилган. ГЭС қурилиши 1971 й.да бошланган. 1-гидроагрегати 1976 й. 10 дек.да фойдаланишга топширилган, кейинги 2 агрегати 1977 й.да ишга туширилган.

ГЭС гидроузели таркибига бал. 40 м, уз. 597 м ли тўғон, 3 та сув ташлама иншоот, ст-я биноси киради. ГЭСлан электр қуввати 110 кВ кучланишли электр узатиш линияси орқали саноат корхоналарига етказиб берилади. 2003 й.да 688,1 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Ўрта Осиё «Энергия» бирлашган энергетика тизимига уланган.

ХЎЖАКЕНТ МАКОНИ — мустье даври ғорлари. Ҳоз. Хўжакент қишлоғи (Тошкент вилояти) яқинидаги қоятошлар орасидан топилган (1957). Бир-бирига ёндош 2 та унгурдан иборат. 1-унгурдан 36 м² майдон очилиб, унинг 1—2-қатламларидан илк ўрта асрларга оид сопол изишларининг синиқлари ва бир неча тош қуроллар, 3-қуйи қатламидан эса, мустье даврига оид сариқ харсангтош бўлақлари ва кўпгина тош қуроллар топилган. 10 дан ортиқ йирик тош, шунингдек, майда нуклеуслар учрайди. Х.м.дан тош парракча, қирғич, ўчоқ ўрни, унинг атрофида қорайган тошлар ва қад. ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари, 2-унгурдан эса ҳар хил тош қуроллар ва ҳайвон суяклари топилган. Х.м.да яшаган *неандерталлар* овчилик ва теримчилик б-н кун кечирганлар.

ХЎЖАКЕНТ РАСМЛАРИ — Чатқол тог тизмасининг ғарбий ён бағридаги қоятошларга ишланган расмлар. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудуда. 1949—50 й.ларда археолог Х. Алписбоев топган, А. Кабиров (70-й.лар), М. Хўжаназаров (80-й.лар) томонидан ўрганилган. Бу ноёб қоятош ёдгорлиги ўзининг мазмуни, мавзуси, услуб хусусиятлари ва тузилиши жиҳатидан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ёдгорлик ҳақида биринчи маълумотлар 1949 й.да Х. Алписбоев томонидан берилган. Ёдгорлик 1950 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1951 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1952 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1953 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1954 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1955 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1956 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1957 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1958 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1959 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1960 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1961 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1962 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1963 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1964 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1965 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1966 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1967 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1968 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1969 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1970 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1971 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1972 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1973 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1974 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1975 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1976 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1977 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1978 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1979 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1980 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1981 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1982 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1983 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1984 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1985 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1986 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1987 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1988 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1989 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1990 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1991 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1992 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1993 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1994 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1995 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1996 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1997 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1998 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 1999 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2000 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2001 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2002 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2003 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2004 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2005 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2006 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2007 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2008 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2009 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2010 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2011 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2012 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2013 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2014 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2015 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2016 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2017 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2018 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2019 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2020 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2021 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2022 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2023 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2024 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2025 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2026 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2027 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2028 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2029 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2030 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2031 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2032 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2033 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2034 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2035 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2036 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2037 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2038 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2039 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2040 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2041 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2042 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2043 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2044 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2045 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2046 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2047 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2048 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2049 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2050 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2051 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2052 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2053 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2054 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2055 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2056 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2057 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2058 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2059 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2060 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2061 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2062 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2063 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2064 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2065 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2066 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2067 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2068 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2069 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2070 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2071 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2072 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2073 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2074 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2075 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2076 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2077 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2078 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2079 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2080 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2081 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2082 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2083 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2084 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2085 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2086 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2087 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2088 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2089 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2090 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2091 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2092 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2093 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2094 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2095 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2096 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2097 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2098 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2099 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган. Ёдгорлик 2100 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Тошкент археология экспедицияси томонидан текширилган.

Хўжакент расмлари.

ланди. Демак, Х.р.нинг энг қад. мил. ав. 4—3-минг йилликка мансуб, мил. ав. 1-мин йилликнинг 2-ярми ва милод бошларига тааллуқли расмлар ҳам мавжуд. Х.р.да одам, ит, қўй, эшак, тог эчкиси, қийик, от, ўқ-ёй, ҳандасий шакл ва б. тасвирланган бўлиб, улар қаттиқ буюм (тош, темир) б-н соя, оддий чизиқлар, шакл кўринишли услубида уриб чўкичлаб ишланган; расмлар орасида бошсиз ва қўлсиз қилиб ишланган уч аёл тасвири реалистик тарзда нозик ишланган. Қад. санъатда аёллар тасвири ва ҳайкалчалари жуда кам учрайди. Неолит ва энеолит даврига оид археологик ёдгорликларнинг кўпчилигидан аёллар ҳайкалчалари топилган, лекин шу даврга оид қоятош расмларида аёл тасвирланган ёдгорлик деярли учрамайди. Шу сабабли Хўжакентдан топилган уч аёл тасвири Марказий Осиёда неолит ва энеолит даври учун ягона ва жуда нодир ҳамда қимматлидир. Расмларнинг аксарияти яхши сақланган, айрим расмларгина табиат ҳодисалари оқибатида емирилган, синиб тушган ва ёрилган. Х.р. археологик ёдгорлик, қад. халқ ҳаётининг баъзи томонларини ҳамда шу жойларнинг ҳайвонот олами тарихини ўрганишда тарихий манба ва ибтидоий одамларнинг тасвирий санъати сифатида муҳим аҳамиятга эга.

ХЎЖАЛИК — кишилар томонидан ўз яшаш шароитлари ва манбаларини яхшилаш, сақлаш ва яхшилашда фойдаланиладиган табиий ва инсон қўли б-н яратилган воситалар мажмуи. К. *Миллий иқтисодиёт.*

ХЎЖАЛИК ЙИЛИ — ҳисоботлар ва режалар учун асос қилиб олинадиган муайян давр, вақт бўлаги (давомийлигига кўра календарь йилга тенг). Жаҳон мамлакатларида Х.й.нинг бошланиши ва охири турлича бўлиб, календарь йил боши ва охирига тўғри келмайди. Мас., Япония ва Буюк

Британияда Х.й. календарь йилининг 1 апр.дан бошланиб келгуси йилнинг 31 мартида, АҚШда 1 окт.дан бошланиб келгуси йилнинг 30 сент.гача давом этади. Собиқ СССРда 1930 й. сент.га қадар Х.й. 1 окт.дан бошланиб келгуси йилнинг 30 сент.да тамом бўлган. Ўзбекистонда Х.й. 1 январдан бошланиб 31 дек. да тугайди.

ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ (ЎзРда) — иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида тарафлар ўртасида келиб чиқувчи келишмовчиликлар. Юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва икка тартибдаги тадбиркор мақомини олган фуқаролар Х.н. билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳисобланади. Х.н.нинг қўйидаги турлари мавжуд: тузилиши нарида тутилган шартнома моддасидан келиб чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топширилиши ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар; шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги; мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги; мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли тарзда бажарилмаганлиги; мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олишга оид; мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш б-н боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлик; етказилган зарарни қоплаш; шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва б. низолар, давлат рўйхатига олишни рад этганлиги ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан шикоят кабилар.

Х.н.ни, асосан, хўжалик судлари кўриб чиқади. Хўжалик судларининг ваколат доираси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (111-модда) белгилаб берилган. Х.н., шунингдек, *ҳакамлар суди*га кўриш учун топширилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ХПК, 25-модда).

ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР — хўжалик фаолиятини ташкил этиш ёки бевосита и.ч. жараёни б-н боғлиқ ҳолда юзага келиб шахснинг соғлиғига ёки жамият манфаатларига ёхуд давлатнинг иқтисодий тизимига зарар етказувчи жиноятлар. Х.ф.с.ж.ни 2 гуруҳга: хўжалик фаолиятини ташкил қилиш б-н ва бевосита хўжалик и.ч. жараёни б-н боғлиқ ҳолда юзага келувчи жиноятларга бўлиш мумкин. Хўжалик фаолиятини ташкил қилиш б-н боғлиқ ҳолда юзага келувчи жиноятлар асосан и.ч. жараёнидан олдинги босқичда, яъни хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш босқичида юзага келади. Ушбу гуруҳдаги жиноятларга, Ўзбекистон Республикаси ЖКга кўра, савдо ёки воситачилик фаолияти б-н қонунга хилоф равишда шуғулланиш, фаолият б-н лицензиясиз шуғулланиш, қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш, рақобатчини обрўсизлантириш каби жиноятлар киради. Бевосита хўжалик и.ч. жараёни б-н боғлиқ ҳолда юзага келувчи жиноятлар асосан маҳсулот и.ч., хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш жараёнида, шунингдек, хўжалик фаолияти натижаларини реализация қилиш босқичида юзага келади. Ушбу гуруҳдаги жиноятларга Ўзбекистон Республикаси ЖКга кўра, сифатсиз маҳсулот и.ч. ва сотиш, этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда и.ч. ёки муомалага киритиш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш каби жиноятлар киради.

Х.ф.с.ж. оддий ва махсус субъектлар томонидан содир этилиши мумкин. Жиноятнинг оддий субъектига хўжалик маҳсулотларини и.ч., хизматлар кўрсатиш, ишлар бажаришни бевосита амалга оширадиган, ташкил қиладиган, шунингдек, реализация қиладиган фуқаролар киради. Бундай субъектлар томонидан жиноят содир этилиши Х.ф.с.ж.нинг асосий таркибини ташкил этади. Жиноятнинг махсус субъектларига *мансабдор шахслар, уюшган гуруҳ*, такроран жиноят содир этган шахслар ҳамда хавфли *рецидивистлар* киради. Ушбу тоифадаги жиноятлар махсус субъектлар томонидан содир этилганда жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олиниши керак. Яъни хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни оддий ёки махсус субъектлар томонидан содир этилиши жиноят квалификациясига бевосита таъсир қилади.

Х.ф.с.ж., асосан, ҳаракат б-н, айрим ҳолларда аралаш тарзда (ҳаракат ва ҳаракатсизлик б-н) содир этилиши мумкин (савдо ёки воситачилик фаолияти б-н қонунга хилоф равишда шуғулланиш, фаолият б-н лицензиясиз шуғулланиш. Ушбу тоифадаги жиноятлар фақат бир ҳолатда, яъни савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жиноятида ҳаракатсизлик орқали содир этилиши мумкин. Х.ф.с.ж. аксарият ҳолларда қасддан, шунингдек, эҳтиётсизлик орқали ҳам содир этилади.

Х.ф.с.ж. учун жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум этиш каби жазолар қўлланади. Бундай жиноятларнинг деярли барчасида муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоси асосий жазо сифатида қўлланиши ушбу тоифадаги жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятидир.

Мирзакуф Рустамбоев.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ — тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий *шартнома*. Бунда тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлиги фаолияти соҳасида товарларни бериш ишларини бажариш ёки хизматлар кўрсатиш, 2-тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Х.ш. соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунига (1998 й. 29 авг.) асосланади. Қонун Х.ш.га қўйиладиган талаблар, Х.ш.ни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби, Х.ш. бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда жавобгарлик асослари, шартнома юзасидан талабнома ва даъво келтириш тартиби, шунингдек, иқтисодий муносабатларда шартномавий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишда давлат бошқарув органларининг ваколат доирасини белгилаб берган. Х.ш.га қўйиладиган талаблардан бири унинг ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, яъни унинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текшириб кўрилган бўлишидир. Х.ш. қонунда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробаридан ортиқ суммага тузилган тақдирда хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосаси керак бўлади. Қонунда бу қоиданинг белгиланиши истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият манфаатларини, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза этиш б-н боғлиқдир.

Х.ш. фуқаро қонунчилигидаги шартномалар тузишнинг умумий қоидаларига мувофиқ тарзда, ёзма шаклда тузилади. Хўжалик шартномаларини мазмун ва моҳиятига кўра, қуйидагича тизимлаштириш мумкин: мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини ўтказишга; мол-мулкка нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини топширишга; муайян ишни

бажаришга; хизмат кўрсатишга қаратилган шартномалар. Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини ўтказишга қаратилган шартномаларнинг асосий хусусияти товарга бўлган эгалик ҳуқуқининг бир шахсдан 2-шахсга ўтиши б-н характерланади. Бу шартномаларга олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, қ.х. маҳсулотларини контрактация, айирбошлаш каби шартномаларни киритиш мумкин. Мол-мулкка нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини топширишга қаратилган шартномаларга мулк ижараси, прокат шартномаси, транспорт воситалари ижараси, бинолар ва иншоотлар, уй-жой ижараси, корхонани ижарага бериш, лизинг, текин фойдаланиш шартномаси кабиларни киритиш мумкин. Бу шартномалар бозор иқтисодиёти шароитида мулк эгасининг ўз мулкидан унумли фойдаланиш имкониятини бериш б-н бирга, бўш, фойдаланилмай ётган мулкни катта даромад манбаига ҳам айлантиради. Ўз навбатида, хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун ўзининг мол-мулкига эга бўлмаган шахснинг бундай мулкни бошқа шахсдан вақтинча фойдаланиш учун олиб, бу орқали ўзининг шу мулкка бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятини вужудга келтиради. Муайян ишни бажаришга қаратилган шартномалар бошқа шартномалардан ўзининг тартибга солиниши асоси б-н фарқ қилади. Бунда ишларни бажариш мажбуриятлари хўжаликлар ўртасидаги муносабатлардан вужудга келади. Бу муносабатлар асосида махсус билим ва малака талаб этилган ишларга бўлган эҳтиёж ётади. Мас., корхоналарни қуришни лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш учун махсус билим ва малакага эга бўлган ёки бу ишларни амалга оширишга ихтисослашган ташкилотлар б-н шартномавий муносабатларга киришни тақозо этади. Бу муносабатлар муайян ишни бажаришга қаратилган пудрат, қурилиш пудрати, и.т. ва конструкторлик, лойиҳалаш, қидирув, технологик ишларни амалга оширишга қаратилган шартномалар воситасида тартибга солинади. Хизмат кўрсатишга қаратилган шартномалар бошқа шартномалардан фақат хизмат кўрсатишга доир мажбуриятлар орқали амалга оширилиши б-н фарқ қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятида хизмат кўрсатиш муносабатларига бўлган эҳтиёж ортиб боради ва унинг янги-янги кўринишлари вужудга келади. Бу шартномаларнинг характерли хусусияти шундаки, бунда моддий неъмат яратилмайди, балки ашёвий шаклда бўлмаган хизмат бажарилади. Бу шартномалар жумласига ссуда, келишиш, юк ташиш, ҳақ бараварига хизмат кўрсатиш каби шартномаларни киритиш мумкин.

Х.ш.нинг қонун талаблари даражасида тузилиши, бажарилиши, шартнома интизомига риоя қилиниши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлашиши, иқтисодиёт ривожланишининг муҳим воситаларидан биридир.

Хуршида Бурхонхўжаева.

ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ — қ. *Ширкат.*

ХЎЖАМАЗГИЛ МАКОНИ — юқори палеолит даврига оид макон. Самарқанд вилояти Булунғур туманининг Хўжамазгил қишлоғи яқинидаги қоя бағрида жойлашган. Майд. тахм. 3 га. Ўзбекистон ФАнинг Тарих ва археология ин-ти ходимлари ўрганган (1969). Х.м.дан кўплаб тош қуроллар, хилма-хил пичоқлар, қиргичлар, кескичлар, тош болталар, нуклеуслар, тош парракчалар ва пластинкалар топилган.

ХЎЖАМБЕРДИБИЙ МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1688, 1834); *Ичан қальа*да, Полвон дарвоза яқинида. Дастлаб таркибида масжид, 10—12 ҳужрали, бир ҳовлили қилиб тўртбурчак тарҳли (20×38 м) Хўжамбердибий мадрасаси қурилган. 1834 й. Оллоқулихон мадрасаси қурилиши муносабати б-н мадраса икки ҳовлили қилиб қайта қурилган; шакли хуржунга ўхшагани учун «Хуржун мадраса» деб ҳам аталган. Аввалги мадрасадан масжид ва унга ёндош ҳужралар сақланган. Бир гумбазли оддий дарвозахона (3,0×3,0 м) дан ҳовлиларга ҳамда Оллоқулихон мадрасасига олиб борувчи йўлак (пандус)га ўтилади. Шим. ҳовлида (11,7×9,8 м) 10 та ҳужра ва жан. ҳовлида (4×7 м) 6 та ҳужра ҳамда дарсхона (3,5×3,5 м) жойлашган; дарсхона деворига ишланган меҳроб ундан масжид сифатида фойдаланилганини кўрсатади. Бино қиёфаси Оллоқулихон мадрасаси меъморий шаклига яқинлаштирилган, ҳужралар пастқам, балхи гумбазли, содда безаксиз; фақат эшик ёғоч ўймакорлигида зийнатланган.

ХЎЖАМБЕРДИЕВ Тилаш (1938.10.5, Бўстонлиқ тумани Сижжак қишлоғи — 2001.7.9, Тошкент) — созанда (чанг), бастакор. Ўзбекистон халқ артисти (1998). Тошкент консерваториясини тугатган (1964). Ўзтелерадиокомпаниясида Дони Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестри созандаси (1961 й.дан), халқ чолғу ансамбли раҳбари (1974 й.дан). Репертуаридан ўзбек халқ («Курд», «Илгор» ва б.) ва бастакорлар (Ф. Содиқовнинг «Ишқ» каби) куйлари, ўзбек (Т. Алимовнинг «Гўзал диёрим», Ф. Харратовнинг «Ёшлар вальси», Т. Тошматовнинг «Баҳор армуғони») ва чет эл композиторлари (У. Ҳожибековнинг «Кур ўғли» операсидан рақс, увертюра ва б.) асарлари ўрин олган.

«Чанг тароналари», «Саболар айтди», «Шодиёна», «Сарвигул», «Наврўз навоси», «Гулчеҳра қиз ўйинсин» каби чанг учун асарлар яратган. Х. вилоятларда ҳам турли ансамбллар (мас., Фарғона вилоятидаги «Райҳон» ашула ва рақс ансамбли ва б.) ташкил этган. Белоруссия, Россия, Эстония, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатларда гастролда бўлган.

ХЎЖАМҚУЛИБЕК БАЛХИЙ Имомқули ўғли (тахаллуси Қипчоқхон) (17-а. охири — 18-а.нинг 1-ярми) — тарихчи олим ва давлат арбоби. Отаси Имомқули қўшбеги Субҳонқулихон саройида хизмат қилган. Х.Б. Балх ҳокими ҳузурида сиёсий фаолият бошлаган. 1692—93 й.ларда Хива қўшинлари Қорақўлга бостириб келганида Х.Б. отаси б-н биргаликда Маҳмудбий қатағон раҳбарлигида душманга қарши курашган. Отасини Маккага ҳаж сафарига кузатиб борган (1695—96) ва орқага қайтишда Панжобда қолишган. Чунки бу пайтда Балх ҳукмдори Маҳмудбийнинг марказий ҳокимият (Бухоро)га нисбатан айирмачилик сиёсати натижасида Балхда сиёсий аҳвол мураккаблашган эди.

Х.Б. Панжобнинг пойтахти — *Лоҳур*да яшаб, маҳаллий ноиб Абдул Самадхонга бағишлаб 1718—24 й.ларда форс тилида «Тарихи Қипчоқхоний» («Қипчоқхон тарихи») асарини ёзди. Асар муқаддима, 9 та боб ва хотимадан иборат. Асарнинг охирги бобида *шайбонийлар* ва *аштархонийлар*, Ўзбек улуси хони *Абулхайрхон*дан бошлаб 1724 й.гача Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр, Хуросон, Шим.Афғонистон, Шарқий Туркистон, Эрон, Ҳиндистонда юз берган муҳим сиёсий ҳодисалар тасвирланган. Ҳатто Туркия ва Миср тарихидан ҳам айрим лавҳалар келтирилган. Асарда темурийзода Султон Абу Саид б-н Абулхайрхон ўртасида тузилган иттифоқ, Бухорода қалмиқлар, қипчоқлар, қорақалпоқлар, хитой-қипчоқлар кўтарган қўзғолонлар (1681, 1715—16, 1718—19) ҳақида ҳам муҳим маълумотлар бор. Асар қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида ҳам сақланади.

ХЎЖАНД (1936—91 й.ларда Ленинобод) — шаҳар, Тожикистон Республикаси *Суғд вилояти* маркази. Фарғона водийсининг ғарбий қисмида, Туркистон тизмаси б-н Мўғултоғ ўртасида, Сирдарё бўйида жойлашган. Т.й. станцияси. Душанба ш.гача 341 км. Аэропорт бор. Аҳолиси 147 минг кишидан зиёд (2001), асосан, тожиклар ва ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, украин, корейс, афғон, немис, қирғиз, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди.

Х. Ўрта Осиёнинг энг қад. шаҳарларидан бўлиб, мил.ав. 1-минг йилликда вужудга келган. Археологик қазишмалар натижасида шаҳар ҳудудидан мил. ав. 6—4-а.ларга оид тарихий ашёлар топилган. Мил. ав. 329 й.да шаҳарни Александр Македонийлик эгаллаган. Тарихий маълумотлар бўйича шаҳар 7-а. нинг 2-ярмида Х. номи б-н машҳур бўлган (Х. орқали Хитойдан Европага *Буюк ипак йўли* ўтган). 8-а.да араб халифалиги, 13-а.да мўғуллар империяси, 14—15-а.ларда Темурийлар, 16-а.да Шайбонийлар, сўнгра Қўқон хонлиги тасарруфида бўлган.

1866 й.нинг 24 майида шаҳарни подшо Россияси қўшинлари босиб олди. Х. 1924 й.да Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон таркибига кирган, 1929 й. дан Тожикистон таркибига ўтказилган.

Ўтмишда Х.да кустарь ипакчилик ривожланган, Шаҳар савдо ва ҳунармандчилик маркази сифатида Буюк ипак йўлининг чорраҳасида Ўрта Осиёни Ҳиндистон, Эрон, Яқин Шарқ, Хитой ва Ўрта денгиз ҳавзасидаги мамлакатлар б-н боғлаб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳардан ўнлаб тарихий шахслар, *Темур Малик*, мунажжим ва риёзиётшунос Абдумаҳмуди Хўжандий (10-а.), шоирлардан Маҳасти Хўжандий (12-а.), Камол Хўжандий (14-а.), Муҳаммадаминхўжа Кошиф (1825—87), Абдулло Фаёз (1847—1934), *Асирий*; географ ва сайёҳ Ҳожи Юсуф Мирфаёзов (1842—1925), файласуф олим Муҳаммад Осимий (1920—96) ва б. етишиб чиққан.

Х. — мамлакатнинг йирик иқтисодий ва маданият маркази. Саноатининг асосий тармоқлари — тўқимачилик, металлсозлик, озиқ-овқат саноатлари. Ипак к-ти, пойабзал, мебель ф-калари, консерва ва гўшт, сут к-тлари, ёғ-мой экстракт, пилла, пахта тозалаш, сирли идишлар, автотаъмирлаш ва б. заводлар, қурилиш материаллари, шиша и.ч., матбаа корхоналари, мебелсозлик ф-калари, «Панжшанбе» бозори фаолият кўрсатади.

20 дан зиёд умумий таълим мактаби, 5 олий ўқув юрти, Тожикистон ФАнинг, Республика ёзувчилар уюшмасининг бўлимлари, 10 дан зиёд ўрта махсус билим юрти, касб-ҳунар билим юртлари, маданият саройи, мусиқали драма ва халқ театрлари, ўлкашунослик музейи, маданият ва истироҳат боғи, Тошхўжа Асирий номидаги вилоят кутубхонаси, Тожикистон ФАнинг Ботаника боғи, меҳмонхоналар мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан Шайх Муслиҳиддин мақбараси (14-а.), шаҳар қалъаси (Ўрда қолдиқлари, 7—8-а.лар) сақланган.

Насриддин Маманазаров.

ХЎЖАНДИЙ (14-а.нинг 2-ярми — Хўжанд — 15-а. бошлари) — шоир, Х. дунёвий адабиёт вакилларидан бири. Х. ҳақида биографик маълумотлар сақланмаган. Бизгача унинг «Латофатнома» асари етиб келган. Асар *Хоразмий*нинг «Муҳаббатнома»сига назира тарзида ёзилган. Достон ўнта нома (мактуба)дан иборат. Асарда севги тараннум этилиб, висол иштиёқи ва ҳижрон изтироблари тасвирланган.

Тилар бўлсанг жаҳон ичра иморат.
Фақирлар кўнглини қилғил иморат

каби мисраларида инсонпарварлик ғоялари илгари сурилган. «Латофатнома» 15-а. бошларида ўзбек шеъриятига хос деталлар ва бадиий анъаналар (айниқса, тажнис)га бой, тили оммабоп. Форсча, арабча сўзлар кам. Унда фикрий аниқлик ва ҳиссий жўшқинлик мужассам. Асар Олтин Ўрда хонлигида яратилган туркий тилдаги нодир адабий асар бўлиб, ўзбек адабиётида номанавислик жанрига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган.

Ад.: Ўзбек адабиёти, 1-ж., Т., 1959.

ХЎЖАНИЁЗОВ Махсет Сапарович (1947.4.4, Нукус) — опера хонандаси (бас). Ўзбекистон (1993), Қорақалпоғистон (1980), Татаристон (1981) халқ артисти. Тошкент консерваториясини тугатган (1972). 1972—74 й.лар Навоий театрида, 1974 й.дан Қорақалпоқ давлат мусиқали драма ва комедия театрида яккахон хонанда, айни пайтда Нукус мусиқа билим юртида ўқитувчи. Опера саҳнасида Примбий (Н. Муҳаммаддинов, «Ажиниёз»), Гремин (П. Чайковский, «Евгений Онегин»), Қари лўли (С. Рахманинов, «Алеко») каби партияларни ижро этган. Концерт репертуаридан қорақалпоқ (Т. Эсиркеновнинг «Ўзбекистоним»), ўзбек (Ҳ. Раҳимовнинг «Севимли ёр», Т. Содиқовнинг «Жонон кўринур») ва чет эл мумтоз композиторлар (Брамс, Бетховен, Верди ва б.)нинг романс, қўшиқ ва ариялари, шунингдек, қорақалпоқ халқ қўшиқлари («Бўзатов», «Жетиасирим») ўрин олган. Минтақавий (Тошкент, 1972) ва халқаро (Тошкент, 1977; Рио де Жанейро, 1979) танловлар лауреати. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

ХЎЖАНИЁЗОВ Сапар (1913.15.4, Кегейли тумани — 1983.15.4, Нукус) — қорақалпоқ адиби, актёр ва реж. Ўзбекистон халқ артисти (1973). Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1957). Москва театр санъати ин-тини тугатган (1959). 1935—76 й.ларда Қорақалпоқ мусиқали драма театрида ишлаган. «Гулистон» шеърий тўплами (1948), «Ойша», «Зиёда»,

«Бахт», «Гўзаллар», «Ёшлар», «Ойқулоқ», «Талуас» пьесалари, «Оқ олтин далаларининг кишилари» қиссаси нашр қилинган. «Суймаганга суйканма» комедияси кенг шуҳрат қозонган. «Қизлар» мусиқали комедияси, «Аҳмоқ подшо» (Бердақ достони асосида), «Маманбий» (Т. Қайипбергенов романи асосида) мусиқали драмаларини яратди. Актёр сифатида Мита («Камбағаллик айб эмас»), Бойсари («Алпомиш»), Макдональд («Америка овози») каби образлари унга катта шуҳрат келтирган. «Олтин кўл» (Уйғун), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза), «Оғриқ тишлар» (А. Қаҳҳор), «Қиз Жибек» (Г. Мусрепов) сингари спектаклларни саҳналаштирган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1960).

ХЎЖАНОВ Султонбек Хўжанович (1894, ҳоз. Жан. Қозоғистон вилоятининг Туркистон туманидаги Аксумбе овули — 1938.10.2) — давлат ва жамоат арбоби. Тошкентда қозоқ тилида нашр этилган «Бирлик туғи» газ.нинг муҳаррири (1917). Сирдарё вилояти инқилобий қўмитаси раиси (1920), Туркистон АССР ички ишлар (1920—21), маориф (1921—22), ер ишлари (1923—24) халқ комиссари, Туркистон АССР МИК раиси ўринбосари (1924).

РКП(б) Қозоғистон ўлка комитети котиби ва Марказ ВКП(б) МКда миллий республикалар ва вилоятлар бўйича масъул ходим (1925). Х. миллий масалада «оғмачилик»ка йўл қўйган деб айбланган ва унга «хўжановчилик» тамғаси босилган. Х. кейинчалик Тошкентда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси таш-

виқот-тарғибот бўлимида ишлади (1928—29), Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация политехника ин-ти биринчи ректори (1929—31), «Ўрта Осиё пахтачилик маркази» бошқармаси раиси (1931—32); Москвада «Союзхлопок» бошқармаси раисининг ўринбосари (1932—33), СССР Ишчи-Деҳқон назорати халқ комиссарлигида пахтачилик бўлими бошлиғининг ўринбосари (1933—34); СССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги (Тошкент) ваколатхонаси раиси (1934), Ўзбекистон пахтачилик трести директорининг ўринбосари (1934).

Х. матбуот, маориф ва маданият, тарих ва адабиёт масалалари б-н ҳам фаол шуғулланган. У «аксилинқилобий қозоқ миллатчилик ташкилоти»нинг раҳбарларидан бири сифатида айбланиб, 1937 й. 16 июнда қамоққа олинган ва отишга ҳукм қилинган (1938 й. 8 фев.). 1957 й.да оқланган.

ХЎЖАОБОД — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги шаҳар (1981 й.дан), туман маркази. Вилоят маркази (Андижон)дан 25 км. Яқин т.й. станцияси — Гуруҳчмозор (10 км). Аҳолиси 17 минг киши (2004). Хўжаликлари ва аҳолиси Жан. Фарғона каналидан сув олади. Шаҳар номининг келиб чиқишини маҳаллий тарихчи ва топонимистлар машҳур уламо Хожа Абдулло Мавлоний Қози б-н боғлайдилар. Х.да 7 саноат корхонаси, шу жумладан, пахта тозалаш з-ди, таъмирлаш ва қурилиш корхоналари, 2 қўшма корхона, деҳқон бозори, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. 5 умумий таълим мактаби, гимназия, қурилиш касб-ҳунар коллежи, 2 кутубхона, маданият уйи, шошилинч тиббий ёрдам бўлими, касалхона, туман туғруқ мажмуаси, дорихона ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. Шаҳар ҳудудидан Андижон — Ўш автомагистрали ўтган.

ХЎЖАОБОД ТУМАНИ — *Андижон вилоятида*ги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1973 й.да туман тар-

кибидан Жалолқудуқ тумани, 1992 й.да Булоқбоши тумани ажралиб чиққан. Х.т. шим.-шарқдан Жалолқудуқ, шим.-ғарбдан Андижон, ғарбдан Булоқбоши туманлари, шарқ, жан., ва жан.-ғарбдан Қирғизистон б-н чегарадош. Майд. 0,23 минг км². Аҳолиси 82,1 минг киши(дан иборат (2004). Туманда 4 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бирлашган, Манак, Олтин Водий, Хўжаобод), 1 шаҳар (Хўжаобод) бор. Марказ — *Хўжаобод* ш.

Табиати. Туман ҳудуди Фарғона водийсининг жан.-шарқий қисмида жойлашган. Жан.да Помир-Олай тизмаларининг Чилустун ва Қиртоштог тоғлари бор (энг баланд жойи 1457 м). Шим.-ғарбий қисми адирлардан иборат. Қолган қисми пасттекислик. Фойдали қазилмалардан нефть ва газ, оҳактош, шағал, харсангтошлар бор. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 13,1°. Июлнинг ўртача т-раси 26,7°, энг юқори т-ра 45°. Янв.нинг ўртача т-раси —3,5°, энг паст т-ра — 26°. Йилига 300—330 мм ёғин тушади. Экинзорлар Шаҳрихонсой, Оқбурасой, Аравонсой, Савоғ ва Жан. Фарғона каналларидан суғорилади. 5 сув чиқариш иншооти бор. Тупроқлари, асосан, маданий воҳа тупроғи бўлиб, қадимдан деҳқончилик б-н шуғулланилади. Адир этакларида оч ёки типик бўз тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан ранг, қўнғирбош, шайтонкавуш, оққурай, оқшувоқ, мингбош, қизил биюргун, қамиш ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қуён, тулки, ёввойи мушук, бўрсиқ, бўри, жайра, қўшоёқ, кўрсичқон, каламуш; қушлардан каклик, бедана, какку, чуғурчиқ, зағизғон, майна, зарғалдоқ, сўфитўрғай, жиблажибон, каптар, читтак, ўрдак, зоғча, кўккарға, сассиқпопишак, қизилиштон, қарқуноқ, бургут, игалги, бўктарги ва б.; судралувчилардан калтакесак, илон кўп. Сув ҳавзаларида ҳар хил балиқлар (лаққа, дунгпешона, карп, қора балиқ, сазан ва б.) бор.

Аҳолиси. асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, қирғиз, уйғур, турк, озарбайжон, кореис ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 357 киши. Шаҳар аҳолиси 17 минг киши, қишлоқ аҳолиси 65,1 минг киши (2004).

Хўжалиги. Туманда «Хўжаободконсерва», «Хўжаободмевақуритиш», «Хўжаободдон», «Хўжаободпахтатозалаш», «Хўжаобод тикувтрикотаж», «Хўжаободцинмерилии» акциялорлик жамиятлари; Ўзбекистон — Болгария «Навигул», Ўзбекистон — Хитой «Хўжаобод Дизин-Ду» қўшма корхоналари фаолият кўрсатади. МТП, қурилиш ташкилотлари мавжуд. Туман ҳудудида нефть ва газ олинади. Заврак ГЭС бор. Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг 36 км туман ҳудудидан ўтган.

Туман қ.х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган, чорвачилик ҳам ривожланган. Туманда 8 пахтачилик ва дончилик, 2 богдорчилик хўжалиги, бўрдоқичилик фермаси, кўчат етказишга ихтисослашган «Ипакчилик» ширкат хўжалиги, асаларичилик хўжалиги ва паррандачилик ф-каси бор. 192 фермер хўжалиги (шу жумладан, ўрмончилик, балиқчилик фермер хўжаликлари) фаолият кўрсатади. 3,1 минг га ерга пахта, 2,6 минг га ерга бутдой, 115 га ерга картошка, 395 га ерга ем-хашак, 73 га ерга дон учун маккажўхори, 149 га ерга сабзавот, 3 га ерга полиз экинлари ва б. экилади (2004). Сой, канал ва ариқлардан ташқари туманнинг 840 га ер майдони бўлоқ сувлари орқали таъминланади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 1,2 минг қорамол, 1,8 минг қўй, 16,9 мингдан зиёд парранда, 66 йилқи боқилади.

Республика тиббий ёрдам маркази бўлими биноси.

Х.т.да 32 умумий таълим мактаби (22 минг ўқувчи), лицей, гимназия, 4 касб-ҳунар коллежи, меҳнибонлик уйи, 2 махсус интернат мавжуд (2004). Марказий кутубхона ва унинг 20 тармоғи (259 мингдан зиёд китоб), марказий болалар кутубхонаси, марказий ва 7 қишлоқ маданият уйлари, «Армуғон» ашула ва рақс дастаси фаолият кўрсатади. 5 касалхона (550 ўрин), қишлоқ врачлик амбулаторияси, 15 қишлоқ врачлик пункти, 11 фельдшер-акушерлик пункти, тез тиббий ёрдам маркази ва б. тиббий муассасаларда 165 врач (ҳар 10 минг аҳолига 19,7 киши), 680 ўрта маълумотли тиббий ходим ишлайди. 1998 й.дан «Хўжаобод» (аввалги номи «Шонли меҳнат») туман газ. нашр қилинади (адади 3600 нусха).

ХЎЖАПИРЁҲ ТОҒИ — Бойсун тизмасининг шарқий тармоқларидан бири. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари чегарасида, Тўполондарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Деярли кенглик бўйлаб 30 км га чўзилган. Бал. 3500—4000 м, энг баланд жойи 4425 м (Хўжапирёҳ чўққиси). Сувайирғич қисмининг баъзи жойлари текис, кўп қисми қоялардан иборат. Шим., шарқий ва жан. ён бағирлари Тўполондарё ва унинг ирмоқлари б-н энч ва чуқур кесилган (уларнинг кўпчилиги дара шаклига эга). Қад. музлик рельеф шакллари (троглар, морена уюмлари) ҳамда кичик ҳоз. замон музликлари ва доимий қор қопламлари учрайди. Йилига 700—800 мм ёғин тушади. Типик қўнғир, оч қўнғир ўтлоқ дашт баланд тог тупроқлари тарқалган. Ўт ўсимликлар ўсади, арчазорлар бор. Х.т. ёйлов сифатида фойдаланилади.

ХЎЖАХАЙРОН ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Қашқадарё вилояти Косон туманидаги кон. Муборак т.й. станциясидан 15 км шим.-ғарбда. 1959 й.да очилган. 1978 й.да фойдаланишга топширилган. Кон рельефи чўл текислигидан иборат. Хўжахайрон структураси Муборак кўтарилмасида жойлашган бўлиб, шим.-шарққа чўзилган брахиантиклиналдан иборат. Бурма асимметрик тузилишга эга, ўқи ёйсимон эгилган, қабариқ томони жан.га йўналган. Х.г.-к.қ.да жами 4 та бурғи қудуғи қазилган, юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр ётқизиқлари очилган. Саноат миқёсидаги газ уюмлари б-н боғлиқ бўлган горизонтлар бўш оҳактошлардан тузилган, айрим жойларида зич, говакли оҳактош қатламлари мавжуд. Уюм қатлами гумбазли типга мансуб. Ушбу горизонтлар 1697 —1710 м чуқурликда очилган. Горизонтнинг қуйи қисмидан (1720—1718 м) газ сув б-н бирга чиқади. Қатлам сувлари минераллашган, натрий-хлор коэффициенти миқдори 0,9—0,92. Ҳоз. кунда қондан фойдаланилмоқда.

ХЎЖАШ МАҲРАМ МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1839); *Ичан қалъа* ҳудудидаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ёнида. Мадраса тўртбурчак тарҳли (21×19,5 м), бир қаватли. Бош тарзи пештоқли (бал. 7,5 м), гумбаз томли, икки ёнида ҳовли атрофи бўйлаб ҳужралар жойлашган, икки бурчагида гулдасталар бор. Ҳовли (11,8×11,8 м)нинг шим.-шарқий бурчагидаги дарсхона (3,8×3,8 м) ташқарига бир оз туртиб чиққан. Пештоқ ортидаги икки қаватли, гумбазли миёнсарой орқали ҳовлига ўтилади. Бино тарзлари гиштдан, фақат бош тарзи, пештоғи ва минора — гулдасталар, «дандана»-ли ҳошиялар сирли кошинлар б-н безатилган.

Хўжаш маҳрам мадрасаси.

ХЎЖАҒОР — сўнгги палеолит даврига оид манзилгоҳ. Қирғизистоннинг Ўш вилояти Қопқон қишлоғи яқинида жойлашган. 1954—55 й.ларда А. П. *Окладников* раҳбарлигида Тожикистон археология экспедицияси ўрганган. Х.да яшаган одамлар чақмоқтошдан қуроллар ясаганлар. Ҳдан тош парракчалар, чақмоқтош учиринди(ларидан ясалган хилма-хил қирғичлар, тешгичлар, пармалар, найзасимон қуроллар ва б. топилган. Тезоқарсой манзилгоҳининг бир қисмини ювиб кетган.

ХЎТАН — Хитойнинг ғарбий қисмидаги дарё, Тарим дарёсининг ўнг ирмоғи. Узунлиги (Қорақош дарёси б-н бирга) 1035 км, ҳавзасининг майд. 43,6 минг км². Қорақурум ва Куньлун тоғларидан бошланадиган Қорақош ва Юрунқош ирмоқларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, текислика Такламакон чўлидан оқади. Бу ердан ўтган қисмида фақат июль—авг. ойларидагина тўлиб оқади. Ўртача сув сарфи тоғдан чиқиш жойида 120 м³/сек. Хўтан воҳасини суғоришга сарфланади.

Ц

Ц — ўзбек кирилл алифбосининг йигирма тўртинчи ҳарфи. Тил олди, қоришиқ (т+с), шовқинли, портловчи, жарангсиз ундош товушни ифодалайди. Қўлланиши жиҳатидан нофаол фонемани ифодаловчи ҳарф: фақат рус тили орқали кириб келган оз сонли русча ва байналмилал сўзлар таркибида учрайди. Сўзнинг бошида (цирк, циклон), ўртасида (акция, процент, француз) ва охирида (абзац, кварц, шприц) кела олади. Ушбу ҳарф ифодаловчи товуш туркий тилларда бўлмаганлиги ва ўзбек тилига ҳам бу товуш тўла ўзлашиб кетмаганлиги сабабли у туркий халқлар учун умумий бўлган ёзувлардан фақат кирилл алифбосидагина учрайди.

Ёзув тури	*Белги*	*Сана*
Авесто	—	*Мил. ав. 6—4-а.*
Ўрхун-Енисей ёзуви	—	*5—8-а.*
Туркий (уйғур) ёзув	—	*8—13-а.*
Суғд ёзуви	—	*Мил. ав. 1-минг й. охири — 13-а.*
Араб ёзуви	—	*13-а. — 1929 й.*
Лотин ёзуви	—	*1929—1939 й.*
Кирилл ёзуви	Ц	*1940—1995 й.*
Лотин ёзуви	—	*1995 й. дан*

ЦАЙДАМ СОЙЛИГИ — Хитойдаги тектоник ботиқ. Уз. 700 км, эни 300 км гача, бал. 2600—2900 м. Наньшан, Куньлун, Олтинтоғ тоғлари ўраб туради. Туби текис. Иқлими кескин континентал, қуруқ. Янв.нинг ўртача т-раси −11° дан −15° гача, июлники 15—18°. Йиллик ёғин 25—50 мм, шарқида 150 мм гача. Майда шўр кўл кўп. Ц.с.нинг аксари қисми тошлоқ, қумли, гилли чўл, чала чўл ва шўрхоклан иборат. Шим.-ғарбий қисми денудацион текислик, жан.-шарқи — аккумулятив текислик. Ўсимлик кам. Тоғ этакларида қамиш, бошоқлилар, юлғун, жузғун ўсади. Нефть ва ош тузи конлари бор.

ЦАМУТАЛИ Александр Сергеевич (1928.22.9, Қирғистон, Пржевальск ш. — 2005.31.1, Тошкент) — агроном-иқтисодчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1988), иқтисод фанлари д-ри (1972), проф. (1977), Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФА акад. (1991). Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1952). Союз НИХИда катта илмий ходим, бўлим мудири (1956—60), Ўрта Осиё иқтисодиёт ва қ.х. илмий тадқиқот ин-ти бўлим мудири (1960—64), директор ўринбосари (1965—76). ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими раиси ўринбосари (1976—91). Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФА вице-президенти (1991—92). Республика қишлоқ хўжалиги илмий-и. ч. маркази бош илмий котиби (1993—98). 1998 й.дан шу Марказга қарашли Ўзбекистон бозор ислоҳотлари и.т. ин-тида етакчи илмий ходим. Илмий ишлари пахтачиликда агротехника тадбирлари самарадорлигини иқтисодий асослаш, меҳнат унумдорлиги, капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, қ.х. маҳсулотларига нарх белгилаш, агросаноат интеграцияси, Ўзбекистон аграр-саноат мажмуида илмий-техника тараққиёти истиқболларига бағишланган.

Ас.: Проблемы перевода аграрной науки на хозяйственный расчет, Т., 1998; Система земледелия в условиях коренного изменения структуры сельскохозяйственного производства, Т., 1998.

ЦАНГА (нем. Zange) — цилиндрик ёки призматик шаклдаги деталларни қисиб қўйиш учун мўлжалланган мослама. Пружиналанувчан (қисилиб-кенгаювчан) қисми қирқма втулкадан иборат. Металл кесиш ёки ёғочга ишлов бериш станокларида қисувчи патрон сифатида, ўзаги (графити) қисиб қўйиладиган қаламларда ишлатилади. Ц.нинг бир томонлама ва икки томонлама турлари бор. Ц. каллак, ўрта қисм, пружиналанувчи қисм ва йўналтирувчи қисмлардан иборат. Каллак томонида қисиш кулачокларини иккига ажратиб турувчи ўйиғи бўлади. Детални Ц.га ташқи ёки ички сиртидан қисиб қўйиш мумкин. Детални Ц.га қисиб қўйиш учун конуссимон қисмининг ташқи ёки ички сиртига ўқ томонга йўналган куч таъсир эттириш лозим. Ц. металл (станокларда) ёки пластмасса (қаламларда) дан ясалади.

ЦАНДЕР Фридрих Артурович (1887.11.78, Рига — 1933.28.3, Кисловодск) — олим ва ихтирочи, ракета техникаси яратувчиларидан бири. Рига политехника ин-тини тугатгач (1914), Рига ва Москвадаги саноат корхоналарида ишлаган (1920 й.гача). Реактив ҳаракат муаммолари б-н 1908 й.дан шуғуллана бошлаган. 1921 й.да сайёралараро кема-аэроплан лойиҳасини эълон қилган. 1924 й.да самолёт ва ракетани ўз ичига олган космик учиш аппарати (КУА) ни яратган; парвоз пайтида қўшимча ёнилғи сифатида КУАнинг иш бажариб бўлган қисмларини ёқиш ғоясини илгари сурган. 1930—31 й.да тортиш кучи 1,42 Н га тенг бўлган, сиқилган ҳаво ва бензиндан иборат ёнилғида ишлайдиган ОР-1 реактив двигателини, 1931—32 й.ларда суюқ ёнилғида ишлайдиган ОР-2 ракета двигатели ўрнатилган двигатель қурилмасини ясади ва синаб кўрди. Ц. «10 двигатели» ва «ГИРД-Х» ракетаси лойиҳасини ишлаб чиқди. Ойнинг тескари томонидаги кратер Ц. номи б-н аталган.

ЦАПФА (нем. Zapfen) — машина, механизм, станоклар ўқи ёки валининг таянч (мас., подшипник)ларга таяниб турадиган қисми. Ўқ ёки вал учидаги Ц. т у р у м, учларига яқин ёки ўрта қисмидаги Ц. б ў й и н, тик валнинг пастки томонидаги қисми т о в о н деб аталади. Турум ва бўйинлар цилиндрик, конус ва сферик шаклда, товонлар ҳалқасимон (битта таянч сиртли), баъзан тароқсимон (бир таянч сиртли) қилиб ясалади. Ц.нинг зарур шакл ва ўлчамдан хиёл бўлса ҳам оғиши механизмнинг ишига салбий таъсир қилади, шунинг учун у жуда аниқ қилиб тайёрланади.

ЦАРЛИНО (Zarlino) Жозеффо (1517.22.4 — Венеция — 1590.14.2) — итальян композитори, мусиқа назариётчиси. Сан-Марко собори капелласи раҳбари (1565 й.дан). Венеция академиясининг аъзоси. Диний месса, мотет, дунёвий мазмундаги мадригаллар муаллифи. «Гармония қоидалари» (1558), «Гармония далиллари» (1571) ва б. асарларида *контрапункт* (қатъий услуб қоидалари), *мусиқа шакли* (имитация, фуга ва б.) ҳамда *гармония* (аккорд, мажор ва минор назарияси) таълимотларига асос солган.

ЦАХУРЛАР — Доғистон (5,2 минг киши) ва Озарбайжон (13 минг киши, 1990-й.лар ўрталари) даги халқ. Цахур тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Ц. — чорвачилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланишади.

ЦВЕЙГ (Zweig) Арнольд (1887.10.11, Грос-Глогау, Польша — 1968.26.11, Берлин) — немис ёзувчиси ва жамоат арбоби. 1907—15 й.ларда Бреслау, Мюнхен, Берлин ун-тларида ўқиган. 1933 й.дан антифашист сифатида муҳожирликда, 1948 й.дан Берлинда яшаган. «Клавдия ҳақидаги новеллалар» (1912) романида, ҳикоялар, қиссалар, драмаларида анъанавий реализм ва модернизм белгилари кузатилади; романда санъат б-н воқелик, ижод б-н пул ҳукмронлиги орасидаги зиддият тасвирланади. «Оқ одамларнинг катта уруши» ижтимоий-психологик эпопеяси (6 романдан иборат, 1927—57), жумладан, «Унтер Гриша ҳақидаги можаро» (1927), «Верденда олинган тарбия» (1935) романлари 1913—18 й.лар воқеаларини қамраб олган ва «кичик одам»нинг уруш пайтидаги муаммоларига бағишланган. Шу туркумдаги «Вандсбек болтаси» (1943, иврит тилида) романида эса фашизм-га хизмат қилган немис майда буржуа табақаларининг ахлоқий тубанликлари фош этилган.

ЦВЕЙГ Стефан (1881.28.11, Вена — 1942.22.2, Петрополис, Рио-де-Жанейро яқинида) — австриялик ёзувчи. Вена ва Берлин ун-тларида ўқиган. 1-жаҳон уруши йилларида Австрия ҳарбий вазирлиги архивида хизмат қилган ва урушга қарши мақолалар ёзган. Дастлаб Зальцбургда, кейин Лондон (1934 й.дан), Нью-Йорк (1940 й.дан), Петрополисда яшаган. «Кумуш торлар» (1901) шеърий ва «Эрика Эвальд муҳаббати» (1904) насрий тўпламларида француз символистлари таъсири сезилади. «Илк кечинмалар» (1911), «Амок» (1922), «Туйғулар тўлқини» (1927) ҳикоялар тўпламларида Ц. инсон руҳиятининг сирли томонларини, шахсий ҳаётининг зиддиятли манзараларини тасвирлашга уринган. «Мендель — нодир китоблар сотувчиси» (1929), «Янги ихтисослик б-н дафъатан таништув» (1936) каби ҳикоялари бор.

Ц. ижодида биографик роман, эссе ва очерклар, айниқса, катта бадиий қимматга эга. Унинг Л.Н.Толстой, А. Стендаль, З. Фрейд, Ф. Ницше ва б.га бағишланган биографик асарларида давр руҳи, ижодкнинг ширин ва азобли

дақиқалари, тасвир этилган ижодкорнинг руҳий ва маънавий олами ёрқин мужассамлантирилган. Ц.нинг «Жаҳон бунёдкорлари» (1920—28) туркумига кирган эсселари орасида Ф.М. Достоевский, Ч. Диккенс, Р. Роллан ва б. ёзувчиларга бағишланганлари алоҳида эътиборга сазовор. «Бальзак» (1946) асари жаҳон адабиётидаги биографик роман жанрининг энг яхши намуналаридан.

Сиёсат, Ц. назарида, гирром ўйиндан иборат. Шунинг учун у ўз ижодида даврнинг сиёсий масалаларини четлаб ўтиб, сиёсий ўйинлар тегирмонига тушиб қолган ожиз кишиларга хайрихоҳлик б-н қараган («Мария Антуанетта», 1932; «Мария Стюарт», 1935). Ц. гарчанд машҳур тарихий сиймолар ҳақида «Магеллан» (1938) ва «Америго» (1942) сингари романлар яратган бўлса ҳам, у, биринчи навбатда, 19—20-а.ларда яшаган И. В. Гёте, Т. Манн, Б. Шоу каби сиймолар ҳақидаги бадиийлашган асарлари б-н жаҳон адабиётида биографик роман, эссе ва очерк жанрларининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшди. «Номаълум аёл мактуби» ҳикояси, «Куйган кўнгил фарёди» ҳикоялар тўплами ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Собрание сочинений в 4-х томах, т. 1—4, М., 1982—85.

ЦВЕТАЕВА Марина Ивановна (1892.26.11, Москва — 1941.31.8, Елабуга, Татаристон) — рус шоираси. Москва ун-ти проф. Лозанна ва Фрейбургдаги мусиқа мактаби ва католик пансионда, Ялтадаги қизлар гимназиясида ўқиган. Октябрь тўнтаришини қабул қилмай, 1922 й.да Прагага, 1925 й.да эса Парижга кўчиб борган. Муҳожирликда муҳтожлик ва ватансизлик азобини бошидан кечирган Ц. 2-жаҳон уруши бошланиши б-н СССРга қайтиб келган (1939). Аммо кўп ўтмай, руҳий изтироблар орқасида ўз жонига қасд қилган.

Дастлабки шеърий тўпламлари — «Оқшом альбоми» (1910) ва «Сеҳрли фонарь» (1912). 1916 й.га келиб, Ц. ижодининг асосий мавзуи — муҳаббат, Россия, шеърият мавзуи узил-кесил шаклланади. Ц.нинг 20-й.лар аввалига оид шеърлари оқ гвардиячиларнинг муҳожирликда нашр этилган жур.ларида эълон қилинади. Шу даврда унинг «Блокка аталган шеърлар», «Ҳижрон» (1922), «Психея, Романтика», «Ҳунар» (1923) шеърий китоблари ва «Баракалла» (1924) достон-эртаги нашр этилган. Ц.нинг «Россиядан кейин. 1922—25» сўнгги тўплами 1928 й. Парижда босилган.

Ц. шеърияти мусиқийлиги, товушнинг шеър мусиқий қурилмасидаги катта ўрни ва аҳамияти б-н ажралади. Ташқи дунё б-н муроса қила олмаган ва шу дунёдаги ҳаётида рўшнолик кўрмаган шоиранинг асарлари, жумладан, «Тоғлар достони», «Интиҳо достони» (1926), «Крисолов» лирик сатираси (1925), ҳатто антик давр сюжетлари асосида ёзилган «Тезей» (1927) ва «Федра» (1928) трагедиялари узун ҳамда кескин монологлардан таркиб топган.

Ц. насрда ҳам қалам тебратиб, М. Волошин, О. Мандельштам, А. Белий ва б. ҳақида фалсафий ўйлар ва хотиралардан иборат ўзига хос адабий портретларни яратган.

Ас.: Мой Пушкин, М., 1967; Сочинения, т. 1—2, М., 1980.

Ад.: Цветаева А., Воспоминания, М., 1971.

ЦЕЗАРЬ Гай Юлий (мил. ав. 102 ёки 100—44) — Рим диктатори (49, 48—46, 45; 44 й.дан умрбод), саркарда, ёзувчи. Сиёсий фаолиятини демократик гуруҳ тарафдори сифатида бошлаб, ҳарбий трибун (73), эдил (65), претор (62) лавозимларида бўлган. Консулликка интилиб, 60-йили *Помпей* ва *Красс* б-н иттифоқ тузган (1-триумвират). Консул (59), сўнгра Галлия ноиби; 58—51 й.ларда бутун Альп орти Галлиясини Римга бўйсундирган.

Красс вафотидан кейин 48 й. армияга таяниб, якка ҳокимлик учун кураш бошлаган. Помпей ва унинг тарафдорларини 49—45 й.ларда тор-мор қилиб, ҳокимият тепасига чиққан. Ўз қўлида республиканинг энг муҳим лавозимларини (диктатор, консул ва б.) жамлаб, амалда расмий монарх бўлган. Республикачилар фитнаси натижасида ўлдирилган. «Галлия уруши ҳақида хотиралар» ва «Гражданлар уруши ҳақида хотиралар» асарлари муаллифи; календарни ислоҳ қилган (Юлий календари).

ЦЕЗИЙ (лот. caesius — зангори, ҳаво ранг, Caesium), Cs — Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент; тартиб рақами 55, ат.м. 132,9054. Табиий Ц. 1 та изотоп ^{133}Cs дан иборат. Унинг 15 дан ортиқ сунъий

радиоактив изотоплари олинган. Булар ичида энг барқарори ^{137}Cs ($T_{1/2}$ = 33 й.).

Ц. дастлаб 1860 й.да Р. *Бунзен* ва Г. *Кирхгоф* томонидан Германиянинг Дюркгейм минерал сувларини спектрал усулда текшириш натижасида кашф қилинган. Металл Ц.ни дастлаб К. Сеттерберг 1882 й.да суюқлантирилган цезий цианидни электролизлаб олган. Ц.нинг спектрида 2 зангори чизиқ мавжуд.

Ц. ноёб элемент. Ер пўстининг массаси жиҳатидан $7\cdot10^{-4}$% ини ташкил этади. Ц. поллуцит номли минерал (алюмосиликат) ҳосил қилади. Ц. бирикмалари минерал сувлар таркибида ва тирик организмларда бўлади. Ц. оз миқдорда базальт, гранит, диабаз каби тоғ жинслари таркибида учрайди. Лепидолит (ёки поллуцит)дан литий, калий, рубидий ва кальций ажратилгандан кейин Ц. бирикмалари олинади. Соф Ц. олиш учун Ц. галогенидлар кальций б-н қайтарилади.

Ц. сарғиш-кумуш рангли, енгил, жуда юмшоқ ишқорий металл. Суюқланиш т-раси 28,5°, қайнаш т-раси 705°, зичлиги 1,90 г/см³ (20°да). Ц.нинг ёруғликка сезгирлиги барча металлардагидан юқори.

У жуда фаол металл. Ҳавода ўз-ўзидан алангаланади, ҳатто вакуумдан ҳам ўзига кислородни тортиб олади. Ц. парафин мойида сақланади. Ц. сув б-н шиддатли реакцияга киришиб, цезий гидроксид CsOH ҳосил қилади; бунда водород ҳам ажралиб чиқади ва портлаш юз беради. Ц. галогенлар б-н аланга ҳосил қилиб, шиддатли реакцияга киришади, Ц.нинг олтингугурт б-н реакцияси ҳам шу тарзда боради. Ц. кучли қайтарувчи. 300° да SiO_2 дан кремнийни қайтаради. Ц. фотоэлементлар и.ч.да, баъзи бирикмалари тиббиётда, CsI, CsBr дан тайёрланган призмалар инфрақизил спектроскопияда ишлатилади. Ц. бирикмаларидан катализда ҳам фойдаланилади.

ЦЕЙ МУЗЛИГИ — Катта Кавказ тизмасининг шим. ён бағридаги музлик. Уилпата ва Адайхох чўққилари оралиғида. Майд. 9,7 км². Уз. 8,6 км, эни 600 м. 2200 м баландликкача тушиб борган. Музликдан Цейдон дарёси (Ардон дарёсининг чап ирмоғи) бошланади. Ц.м. яқинида альпинистлар лагерлари ва туристик база жойлашган.

ЦЕЙЛОН (Ceylon) — *Шри Ланка* давлати ва оролининг 1972 й.гача бўлган номи.

ЦЕЛЕСТИН (лот. caelestis — зангори осмон) — сульфатлар синфига мансуб минерал. Стронций сульфат кислота бирикмасидан таркиб топган. Кимёвий таркиби $SrSO_4$; Ca ва Ba аралашган бўлади. Ромб сингонияли кристалланади. Кристаллари устунсимон, дисксимон, пирамидага ўхшаш. Донадор, толасимон, пластинкасимон, тупроқсимон агрегатлар ҳосил қилади. Ҳаво ранг ёки ҳаво ранг-кулранг, баъзан қизғиш ёки сарғиш хиллари мавжуд. Шишадек ялтироқ. Мўрт. Қаттиқлиги 3—3,5, зичлиги 4 г/см³ чамасида. Асосий конлари оҳактош, доломит, гипслар б-н боғлиқ. Хемоген-биоген чўкинди жинсларда хол-хол кўринишида ёки говакларни тўлдирувчи сифатида учрайди. Синонимлари: [illegible]. Стронций ва унинг турли бирикмалари пиротехникада, махсус қотишмалар и.ч.да, рангли телевизор, лазер электроникаси ва б.да қўлланилади. Ц.дан стронций олинади. Ўрта Осиё, РФ (Волга бўйи, Урал), Буюк Британия, Германия, АҚШ, Италия ва б. жойларда конлари мавжуд. Ц. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Фарғона водийси, Ўзбекистон ғарби ва жан.да бўр ва палеоген даврлари ётқизиқларида учрайди.

ЦЕЛЛОФАН — (*целлюлоза* ва юн. phanos — шаффоф) — вискозадан махсус усулда олинадиган юпқа (0,01—0,06 мм) шаффоф материал. Сув ва ҳавони ўтказмайди. Мол ўраш, иссиқхоналарнинг устини ёпиш учун, озиқ-овқат саноатида (мас., колбаса тайёрлашда), матбаада (мас., китоб муқовасига қоплашда) ва б. мақсадларда ишлатилади. Ҳар хил кенгликда, ўрам-ўрам қилиб ишлаб чиқарилади.

ЦЕЛЛУЛОИД (*целлюлоза* ва юн. eidos — кўриниш) — шаффоф пластик материал; таркибида пластификатор ва бўягичлар бўлган *коллоксилин* (целлюлоза нитрат) асосидаги пластмасса. Ўлчов асбобларининг кўрсаткич ойналари, планшетлар, чизғичлар, музика асбоблари ва ёзув машиналари клавиатураларини тайёрлашда қўлланади. Ёнувчанлиги туфайли Ц.нинг ўрнига бошқа *целлюлоза эфирлари* ва синтетик полимерлар кўпроқ ишлатилмоқда.

ЦЕЛЛЮЛОЗА (франц. cellulose, лот. cellula — ҳужайра) — ангидро-D-глюкозаларнинг элементар звеноларидан тузилган полисахарид: $(C_6H_{10}O_5)_n$; поли-1,4 β-D-глюкопиранозил- D-глюкопиранозадан иборат. Ц. макромолекулаларида ангидроглюкоза звенолари б-н бир қаторда бошқа моносахарид (гексозалар ва пентозалар) ҳамда урон кислота бўлиши мумкин. Ц. асосан, баъзи ўсимлик уруғлари туклари (мас., чигит туклари (97—98%), ёғочда (40—50%, қуруқ модда ҳисобидан), каноп поя толаси, ўсимлик қобиғининг ички қатлами (мас., зиғир, рамида 80—90%, жутда 75% ва ҳ.к.), бир йиллик ўсимлик поялари (қамиш, маккажўхори, бошоқли ўсимлик, кунгабоқар)да 30—40% бўлади. Тоза ҳолдаги Ц. толасимон оқ модда.

Ц. табиий материаллардаги Ц. бўлмаган компонентларни парчаловчи ёки эритувчи реагентлар таъсир эттириб ажратиб олинади. Ц.ни ажратиб олиш усули ўсимлик материалининг таркиби ва тузилишига боғлиқ. Пахта толасидан Ц.ни олишда ишқорий усул қўлланади. Пахта толаси уювчи натрий (NaOH)нинг 1,5—3% ли эритмаси б-н 3—10 атм босимда 3-6 соат қайнатилиб, оксидловчилар б-н оқартирилади. Мол. м. кичик бўлган полисахаридлар (пентозанлар, гексозанлар, урон кислота), ёғ ва мум эритмага ўтади.

Ц.ни ёғочдан ажратиб олишда (ёғочда 40—50% Ц., 5—10% гексозанлар, 10—20% пентозанлар, 20—30% лигнин, 2—5% смола ва б. аралашмалар бўлиб, улар мураккаб морфологик тузилишга эга бўлганлиги учун мураккаб ишлов бериш усули — ёғоч қириндиларини сульфитли ёки сульфатли қайнатиш усули қўлланади. Сульфитли қайнатиш усули юқори сифатли қоғоз ва картон тайёрлашда, сульфатли қайнатиш усули эса букламали (гофрировка) картон, қоп қоғози тайёрлашда қўлланади.

Ц. оқ рангли толали материал, зичлиги 1,52—1,54 г/см³ (20°да). Кимёвий табиатига кўра, Ц. кўп атомли спиртдир. Макромолекула элементар звеносида гидроксил гуруҳи бўлганлигидан Ц. ишқорий металлар ва асослар б-н реакцияга киришади. Ц.га концентрланган ишқор эритмаси таъсир эттирилганда кимёвий реакциялар б-н бир қаторда физик-кимёвий жараёнлар ҳам кечади, яъни Ц. бўкади. Ц.нинг концентрланган NaOH эритмаси б-н реакцияга киришишидан тўқимачилик саноатида сунъий толалар ва оддий Ц. эфирлари и.ч.да фойдаланилади.

Янги қимматли техник хоссаларга эга бўлган Ц. материаллари олишда тикилган сополимерлар синтезининг амалий аҳамияти муҳим. Мас., полиэлектролитлар (полиакрил кислота, полиметил винилпиридин) б-н тикилган Ц. сополимерларидан ион алмашинган тўқималар, толалар ва плёнкалар сифатида фойдаланиш мумкин.

Ц. макромолекуласининг оддий звеносида гидроксил гуруҳ борлиги учун улардан оддий ва мураккаб эфирлар олиш мумкин. Бу бирикмалар қимматли хоссаларга эга бўлганлигидан турли техника соҳаларида толалар, плёнкалар, лок ва электр изоляция қопламалари, нефть ва тўқимачилик саноатида суспензия стабилизаторлари ҳамда қуюлтирувчилари сифатида қўлланилади (яна қ. *Целлюлоза эфирлари*).

ЦЕЛЛЮЛОЗА ЭФИРЛАРИ — *целлюлоза* гидроксил гуруҳини алкиллаш ёки ацеллаш натижасида олинадиган маҳсулотлар. Умумий формуласи $[C_6H_7O_2(OR)_3]_n$ (оддий Ц.э.) ва $[C_6H_7O_2(OCOR)_3]_n$ (мураккаб Ц.э.).

Оддий Ц.э.ни олиш усули ишқорий целлюлозага алкилгалогенидлар ёки алкилсульфатлар таъсир эттиришдан иборат. Бу жараён юқори (80—120°) т-рада олиб борилади. Оддий Ц.э. 30—50% ли NaOH муҳитида олинади. Этерификация 5—10 соат давом этади.

Мураккаб Ц.э.лар синтезида кислоталар ёки уларнинг ангидрид ва хлорангидридлари этерификацияловчи реагент вазифасини ўтайди. Мураккаб Ц.э.лардан энг кўп ишлатиладиганлари уларнинг минерал кислоталар, мас., нитрат кислота б-н бирикмаси — *нитроцеллюлоза*. Ц.э. қоғоз, тўқимачилик, лок, бўёқ саноати ва б. соҳаларда ишлатилади.

ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ — қ. *Қоғоз саноати*.

ЦЕЛЛЮЛЯР ПАТОЛОГИЯ (лот. cellula — хонача; бу ерда ҳужайра маъносида), ҳужайра патологияси — тиббиёт назарияси. 1855—58 й.ларда Р.Вирхов яратган. Унинг асоси *ҳужайра назарияси*дир. Унинг асосий қоидалари қуйидагича: 1) ҳужайра бутун тирик мавжудотнинг бирламчи морфологик элементи бўлиб, соғ ва нормал, ва патологик ҳаёт фаолияти йўқ; 2) ҳар қандай ҳужайра ҳужайрадан ҳосил бўлади; 3) ҳар қандай тирик мавжудот ҳаёт учун муҳим элементларни ўзида мужассамлаштирган ҳужайра таркибий қисмлари мажмуидан иборат; 4) организмда алоҳида элементлар фаолиятини бошқариб турадиган анатомик-физиологик марказ йўқ, фақат ҳужайранинг мунтазам тикланиб туриши организмнинг бир бутунлигини таъминлайди; 5) ҳар бир ҳужайра озми-кўпми ўзига мустақил бўлиб, ўзгаришлар бир ҳужайра доирасидагина рўй бериши мумкин; 6) бутун патология ҳужайра патологиясидир, касаллик — организмнинг муайян жойига тегишли жараён; агар врач касалланган жойни аниқ билолмаса, у касаллик ҳақида тўғри хулосага келолмайди.

Ц.п.га асос бўлган жуда кўп далилий манбалар тиббиётнинг ривожланишида, яъни касалланган организмда рўй берган морфологик ўзгаришларни ўрганиш, улар *патогенези*ни аниқлаш, диагностикани такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Ц.п. гуморал патологияни, шунингдек, барча касалликларнинг келиб чиқишига организмдаги ярим ферментлар ва нерв системасининг бузилишига сабаб бўлади, деб билган бир томонлама ва хатоликларни бартараф этди. Бироқ Вирхов, айниқса, унинг издошлари бу қарашларга қарши чиқиш б-н бирга ҳамма патологик жараёнларни фақат ҳужайрада бўладиган ўзгаришларнинг оқибати деб билдилар; шунингдек, касалликнинг келиб чиқишида асаб ва гормонал омилларнинг аҳамиятини ҳисобга олмай, бир томонлама йўл тутдилар. Улар организмнинг бир бутунлиги б-н ички ва ташқи муҳитнинг ўзгариб турувчи шароити ўртасидаги боғлиқликни инкор этдилар. Ўша давр рус олимлари И.М. Сеченов ва б.ларнинг ҳаққоний танқидига учради. Фаннинг кейинги ютуқлари, айниқса, нейро-гуморал омиллар, субҳужайра ва молекуляр структураларнинг ўрганилиши Ц.п.нинг хатоликларига барҳам берди. Ц.п. ва целлюляризм, гуморализм, нервизмнинг барча фойдали томонларини бирлаштириш, ягоналаштириш имкон берди (яна қ. *Патология*).

ЦЕЛОМ (юн. koilōma — чуқурлик, бўшлиқ) — иккиламчи тана бўшлиғи, кўп ҳужайрали ҳайвонлар (халқали чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёқлилар, погонофоралар, хордалилар ва б.)да тана девори б-н ички органлар оралиғидаги бўшлиқ. Ц. мезодермадан ҳосил бўлган эпителий девор б-н чегараланган; целомик суюқлик б-н тўлиб туради, ташқи муҳитга махсус найчалар — целомодуктлар орқали очилади. Ц. тана девори, мускуллари учун таянч (гидростатик скелет); организм ички муҳитининг биокимёвий турғунлигини таъминлайди. Бундан ташқари, бир қанча ҳайвонларда: озиқлантириш, айириш, нафас олиш, жинсий ва б. функцияларни бажаради. Ц.га эга бўлган ҳайвонлар иккиламчи тана бўшлиқли, яъни целомик ҳайвонлар дейилади.

ЦЕЛОСТАТ (лот. caelum — осмон ва юн. statos — қўзғалмас) — осмон гумбазининг суткалик кўринма ҳаракати туфайли жойини ўзгартирадиган осмон ёритқичларини кузатишга имкон берувчи қўшимча астрономик асбоб. Айланиб турувчи ясси кўзгуси бўлиб, у ёритқич тасвирини қўзғалмас телескопга йўналтириб беради. Асосан, Қуёшни кузатиш учун ишлатилади. Ц.нинг экспедицион (олиб юрса бўладиган) ва стационар (муқим турладиган) хиллари бор. Экспедицион Ц., асосан, Қуёш тутилишларини кузатишга мослашган бўлиб, қуёш нурини телескоп объективига ёки камера кўзгусига йўналтириб беради. Стационар Ц.ларни кўпинча ясси кўзгу б-н жиҳозлашга тўғри келади. Ц. қуёш телескопларида, спектрогелиоскопларда ишлатилади. Тошкент астрономия ин-тида Ц. қурилмали спектрогелиоскоп, горизонтал қуёш телескопи бор.

ЦЕЛЬСИЙ (Celsius) Андерс (1701.27.11 — Уппсала — 1744.25.4) — швед астрономи ва физиги. Стокгольм ФА аъзоси. Уппсаладаги ун-тда ўқиган, шу ун-тда проф. (1730 й.дан). Уппсала астрономик расадхонаси директори (1740 й.дан). 1736—37 й.ларда меридиан ёйини ўлчаш бўйича Лапландияда экспедицияда қатнашган. Илмий ишлари астрономия, геофизика ва физикага оид. 1742 й.да юз градусли температура шкаласини таклиф қилган (қ. *Градус*).

ЦЕМЕНТ (лот. caementum — шағал, чақиқ тош) — сунъий ноорганик кукунсимон боғловчи материал. Сув қўшилса, хамирсимон масса ҳосил бўлади, вақт ўтиши б-н қотиб, тошсимон жисмга айланади. Ц. ҳавода ҳам, сувда ҳам қотиш хусусиятига эга. Ц. қурилишда жуда кенг қўлланиладиган *бетон*нинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ц.нинг романцемент, *портландцемент*, глинозёмцемент, кенгаювчан, гидравлик қўшимчали каби турлари мавжуд. Романцемент оҳактошни 900° гача куйдириш йўли б-н олинади, кейин майдалаб кукун ҳолига келтирилади. Хом ашёнинг хилига қараб, романцементнинг қотиш муддати 15 минутдан 24 соатгача бўлиши мумкин. Унинг мустаҳкамлиги анча паст бўлиб, 25 дан 100 гача маркали бўлади. Шунинг учун ҳам унинг ўрнини 20-а. ўрталаридан бошлаб портландцемент эгаллай бошлади.

Глинозёмцемент глинозём (алюминий оксиди)га бой бўлган тоғ жинслари — боксит (алюминий рудаси), оҳак ёки оҳактош аралашмасини куйдириш йўли б-н олинади. Кимёвий таркиби 40% CaO; 40% Al_2O_3; 6—8% SiO_2 дан иборат. Тез қотиши, мустаҳкамлигининг юқорилиги ва минераллашган сувларга турғунлиги б-н ажралиб туради. Маркаси 300; 400, 500. Нархи портландцементга нисбатан 2,5—3 баравар баланд. Глинозёмцемент катта мустаҳкамлик талаб этиладиган бетон ва темир-бетон конструкцияларда, денгиз ва минераллашган сувлар таъсирида бўладиган иншоотларда, тезкор йўл ва қурилиш ишларида, қиш шароитида бетонлашда қўлланилади

лади. Кенгаювчан Ц.нинг таркибида глинозём цементдан ташқари оҳак ва гипс ҳам бўлади; тез қотади; ўта мустаҳкам ва сув ўтказмас материал ҳисобланади. Кенгаювчан Ц. гидроизоляция ишларида, чокларни ёпиш ва таъмирлаш ишларида қўлланилади. Гидравлик қўшимчали портландцемент (баъзан «пушолан портландцемент» деб ҳам юритилади) Ц. клинкери (тошқоли) ва нордон гидравлик қўшимчалар (трепел, диатомит, трасс, пемза ва б.)ни биргаликда майдалаш (қукунлаш) йўли б-н тайёрланади. Гидравлик қўшимчалар аралашма миқдорининг 20—40% ини ташкил этиши мумкин. Бу Ц. портландцементга нисбатан арзонроқ бўлиб, гидротехника, водопровод ва канализация иншоотларида қўлланади. Агрессив сувлар таъсирига чидамли. Ц. саноатда 19-а.дан бошлаб ишлаб чиқарилади (қ. *Цемент саноати*).

Ад.: Технология вяжущих веществ, М., 1965; Қосимов Э.К., Қурилиш ашёлари, Т., 2003.

Ботир Хобилов.

ЦЕМЕНТ САНОАТИ — қурилиш материаллари саноатининг энг йирик тармоғи. Портландцемент, пушолан портландцементи, тошқол портландцементи, шифер, асбоцемент қувурлар, ганч, гил ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Цемент дастлаб 1824 й.да Англиянинг жан.даги Портленд ш. яқинида («портландцемент» номи шундан) инглиз ихтирочиси Ж.Аспдин томонидан маълум нисбатларда қўшилган оҳак ва тупроқ аралашмасини куйдириб олинган. 19-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб Буюк Британия, АҚШ, Россия, Германияда цемент з-длари қурила бошлади. 19-а.нинг 70-й.ларига келиб цемент жаҳон қурилиш техникаси ривожланишининг асосий йўналишини белгилаб, йирма темир-бетонни кашф этилишига олиб келди. 20-а. давомида жаҳонининг ривожланган мамлакатларида Ц.с. юқори сурьатларда усли ва цемент и.ч.нинг умумий ҳажми 1500 млн. т ни ташкил этди (1998).

«Қувасой цемент» акциядорлик жамияти корхонасининг айланма печлари.

Ўрта Осиёда биринчи бўлган Хилъково (ҳоз. Бекобод) цемент з-ди 1913 й.дан қурила бошлаган. 1926 й.да корхона қайта ишга туширилди. 1932 й.да Қувасой цемент з-дида турли маркадаги цементлар ишлаб чиқарила бошлади. 50-й.лардан бу корхоналар кенгайтирилиб, к-тларга айлантирилди, уларда цементдан ташқари шифер, оҳак, асбоцемент қувурларини и.ч. йўлга қўйилди. Халқ хўжалигининг цементга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадларида 1962 й.да йиллик қуввати 1,7 млн. т бўлган Оҳангарон цемент к-ти, 1976 й.да йиллик лойиҳа қуввати 3,4 млн. т бўлган Навоий цемент к-тининг 1-навбати (йиллик қуввати 1150 минг т) ишга туширилди. 70-й.лар ўрталарига келиб Ц.с.да 3536 минг т турли маркадаги цемент ишлаб чиқарилди.

90-й.лар ўрталаридан тармоқ корхоналари акциядорлик жамиятларига айлантирилди, реконструкция ишлари амалга оширилди, чет эл технологиялари б-н жиҳозланди. «Оҳангарон-цемент» акциядорлик жамияти ҳузурида «Оҳангарон рангли цемент» Ўзбекистон—Британия қўшма корхонаси ташкил этилди (1995). *«Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти* (собиқ Навоий цемент з-дида и.ч. қувватларини тўлиқ ишга солиш талабирлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Ц.с.да гидротехника ва ер ости иншоотлари қурилишда юқори намлик ва музлаш шароитларида ишлатиладиган, сульфат кислотага чидамли М400 ва М500 маркали портландцемент, автомобиль йўллари ва аэропортлар қурилишида ишлатиладиган портландцемент, нефть ва газ қудуқларини бургулашда ишлатиладиган тампонаж цементи, шунингдек, пушолан цементи, оҳак ва майдаланган оҳак, шифер, қурилиш ганчи, минерал пахта ва б. ишлаб чиқарилади. 2003 й.да Ўзбекистон Ц.с. корхоналарида 4062,5 минг т цемент, 313,7 млн. дона шартли шифер тахталари ишлаб чиқарилди (2002 й.да тегишлича 3926,7 минг т цемент; 298,8 млн. дона шартли шифер тахталари).

Республика Ц.с. корхоналари маҳсулотлари чет эллларга экспорт қилинади.

Хорижий мамлакатлардан АҚШ, Германия, Италия, Япония ва Франция цемент и.ч. бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгалланди.

Нуриддин Мусаев

ЦЕМЕНТИТ, темир карбиди (Fe$_3$C) — *темирнинг углерод* б-н ҳосил қилган кимёвий бирикмаси; таркибида 6,67% углерод бўлган мураккаб панжарали структура. Ц. жуда қаттиқ (НВ≈800 кг/мм^2) ва мўрт (нисбий узайиши δ≈0) бирикма. Ц. марганец (Mn), хром (Cr) ва б. элементларни маълум миқдорда эритa олади, лекин уни маълум шароитда парчаланиб, ундан *графит* ажралиб чиқади: Fe$_3$C→3Fe+C. Шунинг учун Ц. беқарор бирикма ҳисобланади. Ц.даги углерод атомлари ўрнини металлоидлар, мас., азот ёки кислород атомлари, темир атомлари ўрнини эса металлар, мас., марганец, хром, вольфрам атомлари олиши мумкин. Таркибидаги темир атомлари ўрнини бошқа металлларнинг атомлари олишидан ҳосил бўлган бирикма легирланган Ц. деб аталади. Ц. металлнинг суюқ эритмалари, *аустенит* ва *перлит*дан ажралади. Кристалланиш шароити ва кейинги ишлов турига қараб ҳар хил шаклда — тенг ўқли доначалар, пластиналар шаклида бўлиши мумкин.

ЦЕНЗУРА (лот. censura — жиддий муҳокама, шафқатсиз танқид) — босмадан чиқадиган маҳсулотлар, уларнинг чоп этилиши, тарқатилиши устидан, шунингдек, саҳна асарлари, радиоэшиттиришлар ва телевизион кўрсатувлар, баъзида эса шахсий ёзишмаларнинг мазмуни ва ижроси устидан расмий ҳокимият органларининг назорат ўрнатиши. Илк бор Ц. 15-а.да Ғарбий Европада пайдо бўлган ва черков маъмурлари томонидан илоҳий ва б. диний қўлёзма китобларга нисбатан қўлланган. Черков Ц.си расмий черков ақидасига зид келадиган қўлёзмаларни, бидъатчилар китобларини мутлақо тақиқлаган. Европада матбаачиликнинг ўсиши б-н Ц. тизими ҳам ривожланди. 1471 й.дан диний мазмундаги китоблар фақат черков маъмуриятининг рухсати б-н нашр этиладиган бўлди. 16-а.дан Ц. диний ҳокимиятдан аста-секин дунёвий ҳокимиятга ҳам ўта бошлади: босмаханалари бўлган барча Ғарбий Европа мамлакатларида Ц. тартиби ўрнатилди. Ц. органлари тармоғи кенгайиб борди, Ц. қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Буюк франциз инқилоби ва б. инқилоблар фуқароларга ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи берилишини ва Ц.нинг бекор этилишини эълон қилди. Бироқ кўпгина мамлакатларда матбуотда чекланлар давом этаверди. Россияда чоризмнинг қаттиқ Ц. тартиби туфайли кўпгина газ. ва журлар ўз фаолиятини тухтатишга мажбур бўлган. Туркистонда ҳам Россия подшосининг Ц. органлари ишлаган. Ц. идоқчилари бу ерда ҳар бир матбуот органидан кўз-қулоқ бўлиб турган, ўзи учун номақбул ҳисобланган чиқишларни тақиқлаган. Собиқ шўролар даврида эса 1922 й.дан Матбуотда давлат сирларини сақлаш бош бошқармаси (Главлит) ва унинг республикалардаги бошқармалари томонидан Ц. амалга ошириб келинган.

Ҳоз. замон Конституцияларининг аксариятида сўз ва ахборот эркинлиги эътироф этилиб, Ц. тўғридан-тўғри тақиқланса-да, дунёнинг барча мамлакатларида баъзи ҳолларда, жумладан, *фавқулодда ҳолат* эълон қилинган вақтда инён етказувчи ёки номақбул деб ҳисобланган гоялар ва маълумотлар тарқатилишини олдини олиш чоралари кўрилиб, Ц.ни жорий этишга йўл қўйилади.

Ўз вазифаларига кўра, Ц. бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Бевосита Ц. ахборот манбаларига, уларни тарқатувчи воситаларга давлат томонидан махсус, очиқдан-очиқ қатъий назорат ўрнатади. Ц.ни амалга ошириладиган ташкилий-маъмурий тизим яратилади ва у бевосита оммавий ахборот воситалари ва б. маълумот ташувчилар фаолияти б-н шуғулланади. Бундай идора ходимларини давлат сирларини ошкор этмасликни назорат қилиш б-н асослантирилади, урушни тарғиб қилиш, порнография тарқатиш, миллатлараро ва динлараро низоларни келтириб чиқариш кабиларни тақиқлайди ёки ҳукмрон тартибни бирор-бир тарзда танқид қилишга йўл қўймаслик учун барча мавжуд ахборотни қамраб олади. Бундай Ц. замонавий давлатларнинг кўпчилигида Конституция томонидан тақиқланади. Билвосита Ц. жаҳонининг барча давлатларида мавжуд. У ахборот яратувчиларга турли (энг аввало, иқтисодий воситалар орқали) таъсир кўрсатишда ўз ифодасини топади. Билвосита Ц.нинг турларидан бири ўзини ўзи Ц. қилишдир, яъни ахборот яратувчининг ўзи назорат қилади.

Ц.ни амалга ошириш усулига кўра, ластлабки ва кейинги Ц.га бўлиш мумкин. Дастлабки Ц. китоб чиқариш, саҳна асарлари қўйини ва ш.к.да рухсат олиш заруратини назарда тутади. Кейинги Ц. эса эълон қилинган нашрларни баҳолашдан иборат бўлиб, улибу талабларни бузган шахсларга нисбатан маъзурий ва чекловчи чораларни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасига мувофиқ, Ц.га йўл қўйилмайди. Ахборот олиш ва тарқатиш кафолатларига оид «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» (2002 й. 12 дек.), «Ахборотлаштириш тўғрисида» (янги таҳрирда, 2003 й. 11 дек.), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997 й. 25 дек.), «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида» (1997 й. 24 апр.)ги қонунлар қабул қилинган.

Нарзулла Жўраев, Аслиат Саидов.

ЦЕНОГЕНЕЗ (юн. kainos — янги ва *...генез*) — организмнинг эмбрионал ёки личинка ривожланишининг ўзига хос шароитларига мослашуви. Ц.га аминион, хорион, аллантоис, сариқлик халтаси, йўлдош ва б. провизор (вақтинчалик) муртак органлар, эмбрионал ривожланиш тезлиги, эмбрион варақлари ҳосил бўлиши ва жойининг ўзгариши мисол бўлади. «Ц» терминини немис олими Э.Геккел ўзининг биогенетик қонун концепциясида таклиф этган (1866). Дастлаб Ц. онтогенездаги ҳар қандай ўзгаришларга нисбатан ишлатилган. Ц.нинг А.Н.*Северцов* ишлаб чиққан филэмбриогенез назариясида (1912) Ц.га фақат эмбриологик ва личинкалик мосланиш тарзида қаралади.

ЦЕНТАВР (лот. Centaurus) — осмоннинг Жан. ярим шаридаги катта юлдуз туркуми. *Гидра, Насос,* Паруслар, *Киль,* Пашша, Циркуль ва *Бўри* юлдуз туркумлари орасида жойлашган. Ц.да равшан юлдузлар (энг равшани 0-юлдуз катталигидаги α юлдузи) ҳамда туманлик ва юлдуз тўдалари мавжуд. Ц.нинг α си қўшалоқ юлдуз бўлиб, бизга энг яқин юлдуз ҳисобланади (масофаси 1,3 парсек ёки 4,3 ёруғлик йилига тенг). 1916 й.да Ц.нинг йўлдоши кашф этилиб, бош юлдуздан 0,04 ёруғлик йили масофада эканлиги аниқланган. Бу энг яқин (Проксима) юлдуздир.

ЦЕНТРИОЛЬ (лот. centrum, юн. kentrom — марказ, ўрта нуқта) — ҳайвонлар ва айрим ўсимликлар ҳужайрасининг мембранасиз органоиди. Ц.ни инглиз микробиологи Ф.Флеминг кашф этган (1875). Ц. Гольжи аппарати ёнига жойлашган; диплоид ҳужайраларда бир жуфт бўлиб, диплосома дейилади. Ц.дан бири етук (оналик), 2-си етилмаган (қизлик) бўлади. Қизлик Ц. она Ц.нинг кичик нусхаси ҳисобланади. Интерфазанинг синтез ёки ундан кейинги даврида Ц. 2 қисса ортади. *Митоз* профазасида диплосомалар бир-биридан итарилиб, митоз дукини ҳосил қилади. Полиплоид ҳужайраларда Ц.лар сони хромосомалар тўпламидан сонига мос келади. Ц. юксак ўсимликлар, баъзи замбуруғлар, сувўтлар ва айрим содда ҳайвонларда бўлмайди. Ц. найсимон тузилган; унинг девори 9 триплет микронайчалардан иборат.

ЦЕНТРИФУГА (рус. центр — марказ ва лот. fuga — қочиш) — бир жинсли бўлмаган бирикмалар — суспензиялар, эмульсиялар, шламлар (қукунсимон тог жинслари) ва б.ни марказдан қочма куч таъсирида таркибий қисмларга ажратувчи аппарат. Асосий қисми ўз ўқи атрофида катта тезликда айланиб турувчи ротор (барабан) ҳисобланади. Иш принципига кўра, Ц. тиндирувчи ва сузувчи (фильтрловчи) турларга бўлинади. Тиндирувчи Ц. суюлтирилган суспензиялардаги суюқ фазани тиндириш ва концентрацияланган суспензиялардаги қаттиқ фазани чўктириш учун ишлатилади. Сузувчи Ц. таркибида суюқ фазаси кам бўлган суспензиялар ва шламлардан қаттиқ фазани сузиб (ажратиб) олиш учун ишлатилади. Тузилишига кўра,



1. Тиндирувчи центрифуга схемаси: *1* — суспензия юборини; *2* — тиндирилган суюқлик чиқиши; *3* — чўкинди.

2. Узлуксиз ишловчи центрифуга схемаси: *1* — ротор; *2* — чиқарувчи шнек; *3* — суспензия юборини; *4* — тиндирилган суюқлик чиқиши; *5* — чўкинди.

Ц.нинг яхлит роторли ва тешик-тешик (перфорацияланган) роторли турлари бўлади. Кейингисига сузувчи материал қопланади. Ц. яна узлуксиз ишлайдиган ва даврий ишлайдиган хилларга ҳам бўлинади. Юқори дисперсли системалар ва юқори молекуляр бирикмалар (мас., оқсиллар) ни талқин қилишда ультрацентрифугалаш аппаратларидан фойдаланилади.

ЦЕНТРОМЕРА (лот. centrum, kentro ва meros — бўлак, қисм), кинетохор — *митоз* ёки *мейоз* бўлинишда хромосомаларнинг қутбларга силжишини таъминловчи қисми. Ц.га бўлиниш дуки ипчалари (микронайчалар) бирикади. Хромосомалар Ц.нинг жойлашган ўрни б-н бир-биридан фарқ қилади; бундан хромосомаларни таснифлашда фойдаланилади (қ. *Хромосомалар*). Ц.нинг жойлашишига қараб елкалар (теломерлар) узунлиги ўзгаради. Ц.нинг жойлашган ўрнига кўра хромосомалар акроцентрик, метацентрик, субметацентрик бўлади. Ц. жойининг ўзгаришидан хромосома мутацияларини аниқлашда фойдаланилади.

ЦЕОЛИТЛАР (юн. zeo — қайнаяпман ва lithos — тош) — минераллар гуруҳи, ишқор сувли алюмосиликатлар. Структура ва морфологик хусусиятларига кўра, Ц. қуйидаги минерал гуруҳларига ажратилади: натролит гуруҳи — мезолит, сколецит, томсонит, гоннардит, эдингтонит, маунтинит, родзит ва б.; гейландит гуруҳи — стильбит, эпистильбит, дикиардит, брюстерит, феррьерит, клиноптилолит ва б. Ц. табиатда соф ҳолда учрайди ҳамда сунъий йўл б-н ҳам олинади. Табиий Ц. 40 дан зиёд минерал туридан иборат бўлиб, улардан асосийлари, анальцим, ломонтит, филлипсит, натролит, морденит, гейландит, клиноптилолит, шабазит, эрионит, фожазитлардир. Соф Ц. оқ, баъзан рангсиз ва шаффоф, қизғиш, жигарранг ва яшил туслилари мавжуд. Қаттиқлиги 3—5, зичлиги 2—2,3 г/см^3. Ц. асосан, эффузив тоғ жинслари орасидаги бўшлиқларда ва гидротермал жараённинг охирги босқичларида пайдо бўлади. Чўкинди тоғ жинслари орасида аутиген кўп учрайди. Ц. нефть углеводородларини ажратиш ва тозалашда, катализатор сифатида ҳамда газни тозалаш, қуритиш ва газларни (шу жумладан, ҳавони) ажратишда, фреонларни қуритишда, радиоактив элементларни чиқариб олишда, кучли вакуумларни ҳосил қилишда ишлатилади. Ц. конлари РФ (Воронеж), Арманистон ва Грузияда мавжуд. Ўзбекистонда гилмоялар ва опокасимон гиллар орасида учрайди.

ЦЕРЕЗИН (лот. cera — мум) — юқори молекулали қаттиқ ациклик ва циклик тўйинган углеводородлар аралашмаси. Оқ рангдан жигарранггача; мумга ўхшайди. Табиий Ц. 57—80° да, синтетик Ц. эса 90—100° да суюқланади. Озокерит, нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан ҳамда углерод оксид б-н водороддан синтез қилиб олинади. Консистент суркамалар тайёрлашда, электр изоляция материали сифатида асбоб ва ускуналарни занглашдан сақлашда, қоғоз ва газламаларга шимдиришда ва тиббиётда қўлланади.

ЦЕРЕРА (лот. Ceres) — кичик сайёра, астероид; 1801 й.да Ж. *Пиацци* кашф этган. Ц. кичик сайёралар ичида энг каттаси бўлиб, диаметри 770 км, ўртача *кўриниш юлдуз катталиги* 7,5. Қуёш атрофини 4,6 йилда бир марта тўлиқ айланиб чиқади. Ц.нинг Қуёш атрофидаги орбитаси *Марс* ва *Юпитер* орбиталари оралигида жойлашган. Ц. орбитасининг катта ярим ўқи, яъни унинг Қуёшдан ўртача узоқлиги 2,77 *астрономик бирлик*ка тенг. Ц. орбита текислигининг эклиптика текислигига огмалиги i=10°,61, эксцентритети e=0,076. Ҳамма кичик сайёралар сингари Ц. ҳам аниқ геометрик шаклга эга бўлмаган қаттиқ жисм бўлиб, ўз атмосферасига эга эмас.

ЦЕРЕТЕЛИ Зураб Константинович (1934.4.1, Цулукидзе ш.) — рассом, ҳайкалтарош, Россия БА акад. (1992), 1997 й.дан президенти. Грузияда хизмат кўрсатган рассом (1967), Халқ рассоми (1980), Меҳнат Қаҳрамони (1990). Грузия БА да таълим олган (1952—59). Ц.нинг ёрқин безакдор монументал асарлари (намоён, мозаика, витраж, ҳаракатланувчи безак ҳайкаллари) меъморий ҳамда атроф муҳит б-н уйғунлиги, ёрқин ранги, шаклга бойлиги, хом ашёси б-н ажралиб туради. Пицунда (1967), Адлер (1973) каби курорт мажмуалари, Москвадаги «Измайлово» меҳмонхона мажмуаси (1980), «Абадий дўстлик» монументи (ҳамкорликда, 1983), «Петр I ҳайкали» (1997), Поклонная тепалиги (1995) ҳамда Манеж майдони (1996) даги ва б. мемориал мажмуаларни безашда иштирок этди. Ц. китоб ва журнал иллюстрацияси, театр рассомлиги соҳасида ҳам ишлади.

ЦЕРИЙ (лот. Cerium), Ce — Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент. *Лантаноидлар*га киради. Тартиб рақами 58, ат. м. 140,12. 1803 й.да Ц. б-н деярли бир вақтда кашф этилган Церер планетаси номидан олинган. Кулранг металл. Суюқланиш т-раси 795°, зичлиги 6,77 г/см^3. Кимёвий фаол элемент. Монацитдан олинади. Ёйли электродлар, трассирловчи ўқлар тайёрлашда, пўлатнинг мустаҳкамлигини оширишда қўлланади.

ЦЕРКОСПОРОЗ — Cercospora авлодига мансуб замбуруғлар қўзғатадиган ўсимликлар касаллиги. Ўсимлик баргларида турли ўлчам, шакл ва рангдаги доғлар пайдо бўлиши б-н тавсифланади. Касаллик кучли ривожланганда барглар қуриб қолади. Ц. қўзғатувчилари вегетация даврида тарқалади, усимликнинг зарарланган қолдиқларида қишлайди. Энг кўп тарқалган ва зарарлилари лавлаги, картошка, ток ва мевали дарахтлар Ц.ларидир.

Кураш чоралари: картошка ва лавлаги далаларида ҳосил йиғилгандан кейин майдонни тозалаш, фосфор-калийли ўғитлар б-н озиқлантириш, *фунгицидлар* пуркаш; мевали дарахтлар ва токларнинг зарарланган қисмларини ва тўкилган баргларини ёқиб юбориш; шохларни қирқиш; фунгицидлар б-н ишлов бериш.

ЦЕРНИКЕ (Zernike) Фриц (1888.16.7, Амстердам — 1966.10.3, Гронинген) — нидерланд физиги, Нидерландия Қироллик ФА аъзоси (1946). Амстердам ун-тини тугатган (1912). Гронинген ун-тида ишлаган (1913 й.дан, 1920—58 й.ларда проф.). Асосий илмий ишлари *оптика*, *математик статистика* ва б.га оид. Оптик асбоблар, хусусан, *телескоп* ва *микроскоп* назариясини яратган. Нобель мукофоти лауреати (1953).

ЦЕРУССИТ, оқ қўрғошин рудаси — карбонатлар синфига мансуб минерал, қўрғошин карбонати. Кимёвий таркиби $PbCO_3$; оз миқдорда Ca, Zn, Sr, Mg аралашган бўлади. Ромб сингонияда кристалланади. Арагонитнинг структуравий аналоги. Кристаллари псевдогексагонал-дипирамидал, устунсимон ва б. шаклларда. Доналор, кукунсимон, толасимон агрегатлар ҳосил қилади. Рангсиз, оқ, кулранг, қора, камдан-кам қўнғир, кўк, яшил тусда. Олмосдек, баъзан шишасимон ялтирайди, шаффоф. Қаттиқлиги 3—3,5, зичлиги 6,4—6,6 г/см^3. Жуда мўрт. Қўрғошинли томирларнинг ер сатҳига яқин зоналарида карбонатли сувларнинг галенитга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Синоними: акрузит, қўрғошин шпати. Қўрғошин олинадиган руда ҳисобланади. Ц. 10—11-а.лардан маълум бўлиб, қўрғошинининг осон ишлов бериладиган рудаси сифатида фойдаланилган. РФ (Олтой), Қозоғистон, АҚШ ва Австралияда конлари бор. Ўзбекистонда Қўрғошинкон, Лочинкон, Жан. Дарбоза конларида топилган.

ЦЕСАРКА (полякча — cesarka), хонаки цесарка — цесаркалар оиласига мансуб парранда. Ғарбий Африкада яшайдиган ёввойи кулранг цесарка (Numida meleagris) дан келиб чиққан. Дастлаб, Ц. Юнонистон ва Римда хонакилаштирилган. Танасининг уз. 30—75 см, бўйни калта, бўйнининг устки қисми ва боши патсиз. Бошида жигарранг тожи ва оқ-

Цесарка.

қизғиш шокиласи бор. Тумшуғи эгикроқ, узунлиги ўртача, ёнлари сиқиқроқ. Қанотлари қисқа, думи калта. Патларида ялтироқ ола-чипор доғлари бор, танасига ёпишиб туради. Кук, оқ, кулранг ва б. тусли. Ц. жуда ҳаракатчан; учади ва тез югуради. 5—8 йил яшайди. 6—8 ойлигида жинсий етилади. 2—3 й. тухум олиш учун фойдаланилади (4—6 та макиёни учун битта эркаги қўйилади). Ц. гўшти учун боқилади. Нари 1,7—1,8 кг, макиёни 1,8—2 кг гўшт беради. Йилига 70—120 та тухум қилади. Тухуми 42—45 г, узоқ сақланади, саригида кўп миқдорда каротиноидлар бор. Жўжалари 28 суткада тухумдан чиқади. Ц. деярли барча мамлакатларда тарқалган. Сибирь ва Қозоғистонда, Ғарбий Европа мамлакатларида махсус хўжаликларда етиштирилади.

ЦЕСТОДАЛАР — қ. *Тасмасимон чувалчанглар.*

ЦЕСТОДОЗЛАР — цестодалар ва уларнинг личинкалари қўзғатадиган инвазион касалликлар *(гельминтозлар)*. Одам ва ҳайвонларда учрайди. Цестодаларнинг етилган (тасмалик) шакллари одам ҳамда ҳайвонлар ичагида яшайди ва урчийди, улар тухуми ахлат б-н ташқи муҳитга чиқади ва личинка даври оралиқ хўжайин (чўчқа, ҳўкиз, балиқ ва б.) танасида кечади. Цестода личинкалари — финналари (қ. *Финка*) оламга чала пиширилган балиқ, қорамол гўштини истеъмол қилганда ўтади. Улар одам ингичка ичагида жинсий етилади ва паразитлик қилади. Цестодаларнинг эхинококк шакли одам ва ўтхўр ҳайвонларнинг жигар, ўпка, мия, кўмик ва ҳ.к. аъзоларида паразитлик қилади. Етук цестодалар қўзғатадиган касалликлар бирмунча енгилроқ кечиб, баъзан ҳазм аъзолари ва нерв системаси фаолияти бузилади. Цестода личинкалари қўзғатадиган *эхинококкоз*, *цистицеркоз*, ценуроз каби касалликлар анча оғир ўтади. Касалликнинг шаклига қараб даволанади. Олдини олиш учун гўшт маҳсулотларини етарли пишириб истеъмол қилиш, уй ҳайвонлари (итлар) б-н яқин мулоқотда бўлмаслик, оқар сувлар ва ўтлоқ жойларни ифлослантирмаслик, шахсий ва овқатланиш гигиенасига қатъий риоя қилиш, беморларни тўла-тўкис даволаш зарур.

Ҳайвонларда авителлиноз, мониезиоз, ценуроз, цистицеркоз, эхинококкоз ва б. учрайди. Ичак Ц.лда овқат ҳазм қилиш бузилади, эхинококкозда жигар, ўпка соҳаларида оғриқ пайдо бўлади, қўйлар ценурозида эса ҳаракатни бошқариш бузилади. Касал ҳайвонлар ўсмайди, озади. Касаллик антигельминтлар б-н даволанади. Олдини олиш ва кураш чоралари гельминтсизлантириш ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилишдан иборат.

ЦЕФЕИДАЛАР — равшанлиги вақт бўйича текис ва даврий ўзгариб турадиган, пульсацияланувчи физик ўзгарувчан юлдузлар. Цефей юлдуз туркумидаги δ юлдуз номи б-н аталади. Равшанлиги, одатда, 0,5 дан 6-юлдуз катталигигача. Равшанлигининг ўзгариш даври ҳар бир цефеида учун ўзгармас ва аниқ. Ўзгариш даврининг узунлиги, кўриниша юлдуз катталиги, спектри, т-ра ва радиусининг ўзгариши турли Ц.да ҳар хил. Ц. гигант ва ўта гигант юлдуз бўлиб, спектри *F* ва *G* синфига мансуб.

Назарияга кўра, водороднинг «ёниши» натижасида қизил гигант юлдузда гелийли «ядро» ҳосил бўлади. Ядронинг гравитацион сиқилишида т-ра ва босимнинг ортишидан юлдуз кенгаяди. Босим ўсиши кескин катталашиб, кенгаяётган юлдуз мувозанат ҳолатидан чиқиб кетади ва шу қадар кенгаядики, ядросидаги босим қобиғидаги босимдан кам бўлиб қолади. Натижада Ц.нинг тебраниши вужудга келади. Бу тебраниш сиқилиши даврида ионлашган *He* нейтрал ҳолатга ўтиб, чиқаётган ёруғлик энергияси йўлини тўсиши сабабли тўпланадиган энергия б-н таъминланади. Цефеиданинг мутлақ катталиги қанча ортиқ бўлса, равшанлигининг ўзгариш даври ҳам шунча узун бўлади. Бу боғланишни америкалик астрономлар Ливитт ва Х. Шепли аниқлашган (1918). Ц.нинг ўзгариш даври б-н мутлақ юлдуз катталикларининг ўзаро боғлиқлигидан уларгача бўлган масофалар ҳисобланади.

ЦЕФЕЙ (лот. Cepheus) — осмоннинг Шим. қутби яқинидаги юлдуз туркуми; *Кичик Айиқ*, *Оққуш*, *Калтакесак*, *Жираф* ва *Аждар* юлдуз туркумлари орасида жойлашган; 1784 й.да кашф қилинган. Энг равшан юлдузи 3-юлдуз катталигида; Ц.нинг δ юлдузи ўзгарувчан бўлиб, *цефеидалар* деб аталувчи ўзгарувчан юлдузлар синфининг номи шу юлдуз б-н боғлиқ. Ўзбекистон ҳудудида йил бўйи кўринади.

ЦЕЦЕ ПАШШАСИ (Glossina) — катта мўйловли икки қанотли ҳашаротлар уруғи. Уз. 9—14 мм. Жағ пайпаслагичлари узун ва кенг, санчиб сўрувчи хартуми узун. 20 га яқин тури тропик ва субтропик Африканинг нам ўрмонларида тарқалган. Тирик туғади. Туғилган қуртлари дарров гумбакка айланади. Бир қанча турлари оғир касаллик қўзғатувчи трипаносомаларни юқтиради. Ц.п.нинг 3 тури оғир уйқу касаллиги трипаносомасини (касалликдан ҳар йили минглаб кишилар ҳалок бўлади), бошқа икки тури уй ҳайвонларида касаллик туғдирадиган трипаносомаларни юқтиради. Ц.п.га қарши ҳар хил пестицидлар ёрдамида олиб борилган кураш чоралари унчалик самара бермади, лекин флора ва фаунага катта зиён етказди.


Цеце пашшаси.

ЦЗИНАНЬ — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Шаньдун провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 5,53 млн. киши (1999). Резина саноатининг йирик маркази. Машинасозлик (хусусан, станоклар, саноат жиҳозлари, автомобиллар и.ч.), металлургия, кимё, нефть кимёси, озиқ-овқат, қоғоз, тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб турибди.

ЦЗИНЬ, Олтин, Алтан хонлиги — ўрта асрларда ҳоз. ХХРнинг шим.-шарқида яшаган жужанларнинг давлати ва сулоласи (1115—1234). Жужанларнинг *кидантар* зулмига қарши кураши жараёнида барпо этилган. 1125 й. Ц. киданларнинг Ляо давлатини тугатиб, унинг ҳудудини босиб олган. 1125—27 й.ларда Хитойнинг Шим. Сун сулоласига қарши кураш олиб бориб, Шим. Хитойнинг катта қисмини, жумладан, империя пойтахти Кайфин ш.ни эгаллаган Ц. қўшинлари Янцзи дарёси қирғоқларигача боришган. 1139 й. Ц. Хитойнинг Жан. Сун давлати б-н сулҳ битими имзолаган. Унга кўра, Жан. Сун давлати ўзини Ц.нинг вассали деб тан олган. 12-а. ўрталарига келиб Ц. Шарқий Осиёдаги кучли давлатга айланган. Унинг таркибига ҳоз. Шим.-Шарқий ва Шим. Хитой, Ички Монголиянинг бир қисми кирган. Тангутларнинг давлати Си Ся ва Корея ҳам Ц.га вассал бўлган. Ц. *мўғуллар истилоси* даврида барҳам топган.

ЦЗЮЛУН, Коулун — Сянгандаги шаҳар. Цзюлун я.о.нинг жан. қисмида. Маъмурий жиҳатдан Сянган ш. таркибида. Ундан тор бўғоз орқали ажралган. Жан. Хитой денгизидаги порт. Кемасозлик, электротехника, радиоэлектроника саноати корхоналари бор.

ЦЗЯНСИ — Хитойнинг шарқий қисмидаги провинция. Янцзи дарёсининг ўнг соҳилида. Майд. 164,8 минг км^2. Аҳолиси 41,9 млн. киши (1999). Маъмурий маркази — Наньчан ш.

Ер юзаси марказий ва шим. қисмида аллювиал пасттекислик, қолган қисми тоғлик, энг баланд жойи 1696 м. Иқлими субтропик муссонли иқлим. Йиллик ёғин 1400—1700 мм. Тоғлар ўрмонлар б-н қопланган. Иқтисодиётида деҳқончилик етакчи ўринда. Асосий экини — шоли. Буғдой, арпа, батат, дуккаклилар, пахта, жут, шакарқамиш экилади. Цитрус мевалар етиштирилади. Қорамол, чўчқа боқилади. Балиқ овланади. Вольфрам, тошкўмир, рух, қўрғошин қазиб олинади. Тўқимачилик, машинасозлик, кимё, ойна-шиша, металлургия, қоғоз саноати корхоналари бор. Ц. қадимдан ўзининг чинни буюмлари б-н машҳур. Бу ерда Хитойда энг катта чинни ф-каси жойлашган. Дарёларида кема қатнайди.

Ц. ҳудудида мил. ав. 7—4-а.ларда Ци, Юэ, Чу подшоҳликлари бўлган. Мил. ав. 3-а.да Цинь империяси таркибидаги Цзюцзян вилояти эди. 13-а.да Хитойни мўғуллар босиб олгач, Ц. провинцияси таркиб топган.

ЦЗЯНСУ — Хитойнинг шарқий қисмидаги провинция. Янцзи дарёси қуйи оқими ҳавзасида. Шарқий Хитой ва Сариқ денгизлар б-н ўралган. Майд. 102,6 минг км². Аҳолиси 71,8 млн. киши (1999). Маъмурий маркази — Нанкин ш. Шанхай ш. алоҳида маъмурий бирлик. Ц. Хитойнинг аҳоли зич яшайдиган провинцияси.

Ц., асосан, Шим. Хитой текислигида жойлашган. Иқлими тропик, муссонли иқлим. Йиллик ёғин 600—1200 мм. Буюк канал Янцзи дарёсини Ц. ҳудудидаги кўллар б-н боғлайди. Ц. — иқтисодий жиҳатдан ривожланган индустриал-аграр р-н. Иқтисодиётида Шанхай ш. муҳим ўрин тутади. Кўмир, темир рудаси, апатит, каолин қазиб чиқарилади. Тўқимачилик, металлургия, машинасозлик, кимё, цемент, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчилик ривожланган. Қ.х.да деҳқончилик етакчи ўринда. Асосий экини — шоли. Буғдой, арпа, маккажўхори, батат, дуккаклилар, сабзавот ҳам экилади. Пахтачилик ривожланган. Чўчқа, парранда боқилади. Балиқ овланади.

Қадимда Ц. ҳудудида мань ва хуайи қабилалари яшаган. Ц. мил. ав. 8—4-а.ларда Ци, У, Юэ, Чу подшоҳликлари таркибида бўлган, 17-а.да Хитойни манжурлар босиб олгандан сўнг бу ерда Цзяньнан вилояти ташкил топди, кейинроқ у Ц. провинцияси деб аталди.

ЦИАН, дициан NC—CN — ўткир ҳидли рангсиз газ. Мол. м. 52,04. Суюқланиш т-раси —34,4°; қайнаш т-раси —20,7°. Спирт, эфир, сирка кислотада эрийди. Ц. шовул (оксалат) кислотанинг динитрили бўлиб, P_2O_5 га NH_3 таъсир эттириб олинади. $Hg(CN)_2$ қиздирилганда ҳам Ц. ҳосил бўлади. Ц. узоқ қиздирилса (400° да), полимер модификацияга айланиб, парациан, Ц.га сульфат кислота таъсир эттирилса, цианат кислота ҳосил бўлади.

ЦИАНИД КИСЛОТА — қ. *Водород цианид.*

ЦИАНИДЛАР — цианид кислота (HCN) тузлари. Умумий формуласи MeCN (бу ерда Me — 1 валентли металл). Кўпчилик оддий Ц. рангсиз. Ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг Ц.и сувда эрийди. Оғир металларнинг Ц.и (симоб цианиддан ташқари) сувда оз эрийди. Ц. оксидланганда цианатлар ҳосил қилади. Ц. олтин ва кумушни рудалардан ажратиб олишда, фотографияда қўлланади. Ц. жуда заҳарли.

ЦИАНИН БЎЯГИЧЛАР— органик бирикмалар, синтетик циан бўягич (бўёқ)ларнинг бир тури. Фотографияда қўлланадиган эмульсияларда оптик сенсибилизатор сифатида қўлланади.

ЦИАНОКОБАЛАМИН, B_{12} витамини, камқонликка қарши омил қ. — *Витаминлар.*

ЦИВИЛИЗАЦИЯ (лот. civilis) — фуқароликка, давлатга таалуқли), тамаддун — 1) кенг маънода — онгли мавжудотлар мавжудлигининг ҳар қандай шакли; 2) *маданият* сўзининг синоними. Бу термин кўпинча моддий маданият маъносида ҳам қўлланилади; 3) маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи (Миср Ц.си, Месопотамия Ц.си ва б.); 4) ёввойилик ва *ваҳшийлик*дан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи. «Ц.» тушунчаси 18-а.да «маданият» тушунчаси б-н узвий боғлиқ равишда пайдо бўлган. Француз файласуф маърифатпарварлари ақл ва адолатга асосланган жамиятни Ц.лашган жамият деб билганлар. Кўпчилик файласуфлар «Ц.» деганда жамиятнинг моддий-техника ютуқларини, «маданият» деганда эса фақат унинг маънавий қадриятларини тушунишган. Улардан айримлари бу тушунчаларни бир-бирига қарама-қарши қўйганлар. Чунончи, О. Шпенглер фикрича, «Ц.» ҳар қандай маданият тараққиётининг муайян тугал босқичини билдиради. Ц.ни бундай давр таназзули сифатида тушуниш маданиятнинг бир бутунлиги ва табиийлигига зиддир.

ЦИГЛЕР Карл Вальдемар (1898.26.11, Хельзе — 1973.11.8) — немис кимёгари. Марбург ун-тини тугатган (1920). Гейдельберг ун-ти проф. (1927—36), Галладаги Кимё ин-ти директори (1936—43). Мюльхеймдаги кўмирни ўрганиш бўйича Кайзер Вильгельм ин-ти (1943—69), айни вақтда 1947 й.дан Ахендаги Олий техника мактаби директори. Асосий илмий ишлари органик кимё ва юқори молекуляр полимерлар кимёсига оид. Динитрилларни циклизациялаб макроциклик кетонлар олиш усулини топган (1933) (Циглер реакцияси). Литий-алкиллар б-н нитрилларнинг ўзаро таъсири натижасида иминонитриллар ҳосил бўлишини кашф этган (1934). Кёнига тузи — глутамин альдегид ҳосилаларидан азуленлар олиш усулини ишлаб чиққан (1955). Нобель мукофоти лауреати (1963; Ж. Натта б-н ҳамкорликда).

ЦИКАДАЛАР, житилдоқлар-саратонлар (Cicadinea) — тенгқанотлилар туркумига мансуб ҳашаротларнинг кенжа туркуми. 17 минг тури маълум. Ц. жуда серҳаракат ҳашарот. Танасининг уз. 25—50 мм. Боши кўкрак қисмига ҳаракатсиз бириккан. Мураккаб кўзларидан бошқа яна 2—3 та оддий кўзи ҳам бор. Қанотлари бир-бирига бинонинг стропил томисимон тахланиб ёпилади, олдинги жуфт қанотлари орқа қанотларга нисбатан қалинроқ. Мўйлови ва панжаси уч бўғимли. Личинкалик даври 5 ёшдан иборат; тупроқда яшаб, ўсимлик илдизлари б-н озиқланади. Кўпчилик турлари бир йилда 1—2 авлод беради. Ривожланиш цикли 4 й. (ғўза Ц.), баъзиларини 17 й. (куйловчи Ц.) давом этади. Дарахт, бута ва б. ўсимликларга барг ширасини сўриб зарар келтиради. Айрим турлари ўсимлик поясига тухум қўйиш даврида унинг ўтказувчи найларини шикастлайди. Натижада ўсимликнинг айрим қисмлари нобуд бўлади. Ц.нинг кўп турлари ҳар хил вирусли касалликларни тарқатиши мумкин. 10 дан ортиқ тури ғўзага зарар етказади. Айниқса, *сариқ житилдоқ* ва б. хавфли.

Цикадалар: *1* — оддий цикада; *2* — қизил нуқтали цикада; *3* — яшил цикада.

Кураш чоралари: зараркунанда яшайдиган жой (янтоқзор, қизилмия чакалаклари)ни йўқ қилиш, экинларга инсектицидлар б-н ишлов бериш.

Ад.: Насекомые Узбекистана, Т., 1993.

ЦИКЛ (юн. kyklos — доира) — 1) маълум вақт ичида такрорланиб турадиган ҳодиса, жараён ва б.нинг ҳар бир даври (мас., йиллик Ц.); 2) муайян фанлар туркуми (мас., тарихий Ц.); 3) бир бутунни ташкил этувчи бир қанча асар, маъруза, концерт ва ш.к. мажмуи; 4) бадиий адабиётда — *туркум*; 5) мусиқада — *туркумли мусиқа шакли*.

ЦИКЛАМЕН, альп фиалкаси (Cyclamen) — наврўзгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми; экма гул. Ўрта денгиз ва Ғарбий Осиёда 15 тури, Қрим ва Кавказда 8 тури маълум. Маданий ҳолда энг кўп тарқалгани форс цикламени. Бўйи 40—50 см, барглари кўп, барг бандли узун. Окт.—мартда гуллайди, гуллари йирик, гул шохида гуллайди, ранги оқ, пушти, бинафша, қизил. Четдан чангланади. Уруғидан кўпаяди, уруғлари июль—авг.-да экилади, 20—25 кунда униб чиқади. Кўчатлари 2—3 марта яшикларга кўчириб ўтказилади, баҳорда тувакларга экилади. Манзарали ўсимлик сифатида хонадонларда ўстирилади.

ЦИКЛОИДА (юн. kykloeides — доирасимон) — текисликда бир тўғри чизиқ бўйлаб сирпанмай ғилдировчи айланадаги нуқта чизадиган ясси эгри чизиқ. Айлана Ц.нинг ясовчиси деб аталади. Нуқта айлананинг ўзида ётса, оддий Ц., айлана ичида ётса, қисқартирилган Ц., айлана ташқарисида ётса, узайтирилган Ц. ҳосил бўлади. Оддий Ц.нинг параметрик тенгламаси: $x = r\arccos\frac{r-y}{r} - \sqrt{2ry-y^2}$; бунда x, y — координаталар, r — айлана радиуси. Энг тез сирпаниб тушиш мумкин бўлган чизиқ Ц. ҳисобланади. Мас., қордан ясалган тепалик сирти Ц. шаклида бўлса, ундан тез сирпаниб тушилади. Ц. сиртида тебраниб ҳаракатланаётган оғир шарчанинг тебраниш даври унинг амплитудасига боғлиқ бўлмайди. Бу хоссадан фойдаланиб Х. *Гюйгенс* маятникли соат ясаган. Ц.га доир дастлабки тадқиқотларни 16-а.да Г. *Галилей* олиб борган. Кейинчалик Р.*Декарт*, Б.*Паскаль* ҳам Ц. б-н шуғулланишган. Ц. техника ва механизмлар назариясида қўлланади.

Циклоида: *а* — циклоида; *б* — гипоциклоида; *в* — эпициклоида.



ЦИКЛОН (юн. kyklon — айланувчи) — атмосферанинг паст босимли области. Асосан, икки хил ҳаво массаси чегарасида (ҳаво фронтида) юзага келиб, Ц. марказида ҳаво босими энг паст, чеккаларида юқори бўлади. Шамол атрофдан Ц. маркази томон эсади. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши таъсирида шамоллар Шим. ярим шарда соат стрелкаси ҳаракати йўналишига тескари, Жан. ярим шарда соат стрелкаси йўналишида ҳаракатланади. Ц. марказида босим 950—960 мбар, баъзида 920—930 мбар бўлади. Паст босимли областни ўраб турган изобаралар диаметри бир неча юз км дан 2—3 минг км. гача етади. Ана шу майдонда ҳаво айланма ҳаракат қилади. Кучли шамоллар эсиб, тезлиги 20 м/сек. ва ҳатто 30 м/сек.дан ҳам ошади. Ҳаво Ц. марказий қисмидан юқорига ҳаракат қилгани учун унда кўпинча ҳаво булутли бўлади. Ҳаво уюрма ҳаракат қилганидан Ц.га Ернинг турли кенгликларидан ҳар хил ҳаво массалари оқиб келади. Шунинг учун ҳам ҳаво т-раси турли қисмларида турлича бўлади. Шим. ярим шарда Ц.ларнинг олд томонида шамоллар жан., жан.-ғарбдан эсгани учун ҳаво илиқ бўлади, атмосфера босими пасаяди, ҳавода булут кўпайиб, ёғин ёғади. Ц. маркази ўтгандан кейин шим. ва шим.-ғарбдан совуқ шамол келади. Қишда ёмғир қорга айланиб, *антициклон* бошланади. Тропиклардан бошқа жойларда ёғиннинг асосий қисми айнан Ц.да ёғади. Шаклланишининг дастлабки босқичида Ц. тропосферанинг қуйи қисминигина ўз ичига олади. Етилган Ц. бутун тропосферани қамраб олиши ва ҳатто стратосферанинг қуйи қисмига тарқалиши мумкин. Ц.лар мўътадил минтақаларда, асосан, ғарбдан шарққа ҳаракатланади. Ц.нинг ўртача тезлиги 30—45 км/соат, баъзида 100 км/соатга етади. Ц. ўтган ҳудудда атмосфера босими ва шамол б-н бирга ҳаво т-раси, намлиги, булут ва ёғин миқдори ҳам ўзгаради. Тропик кенгликларда вужудга келадиган тропик циклонлар диаметри кичикроқ (100—300 км), марказида босим 950 мбар, баъзан 900 мбардан ҳам паст бўлади. Шу сабабли бундай Ц.ларда босим фарқи жуда катта бўлганидан кучли шамоллар — довуллар эсади (қ. *Тўфон*). Шамолнинг ниҳоятда тез эсиши ва кўп ёғин ёғиши оқибатида денгизларда кучли тўлқинлар кўтарилади, қуруқликда катта вайронагарчиликларга сабаб бўлади. Ўзбекистонга Атлантика океанидан келадиган Ц.лар қишда илиқ, ёмғирли, қорли об-ҳаво келтиради.

ЦИКЛОН (техникада) — ҳаво (газ) ни унинг таркибидаги муаллақ қаттиқ зарралар (мас., сув томчилари ёки чанг)дан марказдан қочма куч таъсирида тозалаш учун мўлжалланган аппарат. Тузилиши паст томонга конуссимон торайиб борадиган цилиндрик корпус, корпусга урунма ёки спиралсимон тарзда ўрнатиладиган патрубок ва чиқиш қувуридан иборат. Ифлос ҳаво (газ) катта тезликда патрубок орқали Ц.нинг юқори қисмига юборилади. Ҳаво (газ) айланма ҳаракатланиб, юқоридан пастга спиралсимон уюрма ҳосил қилиб тушади. Шунда марказдан қочма инерция кучи таъсирида муаллақ қаттиқ зарралар (мас., чанг зарралари) Ц. деворига итқитилади, ҳаво (газ) б-н бирга корпус тагига тушиб, чиқиш патрубоги орқали чиқади. Тозаланган ҳаво (газ) чиқиш қувури орқали ҳаракатланиб, ички уюрма ҳосил қилади ва ташқарига чиқиб кетади.



Циклон: *а* — умумий кўриниш; *б* — схема; *1* — корпуснинг конуссимон қисми; *2* — цилиндрик қисм (халқасимон бўшлиқ ҳосил қилади); *3* — чиқиш қувури; *4* — металл зонт (ёнлари, очиқ қопқоқ).

Ҳаво (газ)нинг тозаланиш даражаси аппаратнинг геометрик ўлчамлари ва шаклига, чанг (томчи)нинг хоссаларига, ҳаво (газ)нинг оқими тезлиги (20—25 м/с) ва б. омилларга боғлиқ. Ц., асосан, саноат корхоналарида қўлланади.

ЦИКЛОПЛАР (Cyclopoida) — эшкак оёқли қисқичбақалар кенжа туркуми. Уз. 1—8 мм. Битта науплеус кўзи бор (номи шундан). Урғочисида 2 та тухум халтаси бўлади. 250 дан ортиқ

тури, асосан, чучук сувларда тарқалган. Кўпчилиги сув тубида ёки сув тубига яқин қатламда, сувўтлар орасида, баъзан планктонда яшайди. Айрим денгиз Ц.и нур таратади. Кўпчилиги йиртқич, майда умуртқасизлар, ҳатто балиқ чавоқлари б-н озиқланади; айримлари ўсимликхўр. Бир қанча турлари балиқлар ва умуртқасиз ҳайвонлар паразити, айрим турлари паразит чувалчанглар (кенг тасмасимон, ришта) оралиқ хўжайини. Ц. — кўпчилик балиқлар учун озиқ.

ЦИЛИНДР (юн. Kylindros — вал, галтак) — 1) математикада — цилиндрик сирт ва иккита параллел текислик б-н чегараланган жисм. Параллел текисликларнинг цилиндрик сирт б-н чегараланган қисмлари Ц.нинг асослари деб аталади. Агар Ц.нинг асослари доиралардан иборат бўлса, бундай Ц. доиравий Ц. дейилади. Ц.ни чегараловчи цилиндрик сиртнинг параллел текисликлар орасидаги қисми цилиндрнинг ён сирти дейилади. Агар цилиндрик сирт ясовчилари Ц. ясовчисига перпендикуляр бўлса, у тўғри Ц. деб аталади. Агар доиравий Ц.нинг радиуси *r*, баландлиги *h* деб олинса, ён сирти $S=2\pi rh$, ҳажми $V=\pi r^2h$ бўлади;

Геометрик цилиндр.

2) техникада — машина ва механизмларнинг механик иш энергиясини суюқлик ёки газнинг босим энергиясига ёки, аксинча, айлантириб берадиган детали. Ички цилиндрик бўшлиғида *поршень* ёки *плунжер* ҳаракатланиб, поршеннинг гоҳ у томонидаги, гоҳ бу томонидаги бўшлиқ ҳажмини ўзгартириб туради. Агар поршеннинг фақат бир томонидаги бўшлиқдан фойдаланиладиган бўлса, Ц.нинг бир томони қопқоқ б-н беркитилади, агар иккала томонидаги бўшлиқдан фойдаланиладиган бўлса, иккита қопқоқ ва поршенни ползунга туташтирувчи шток кўзда тутилади. Гидравлик (суюқликли) ва пневматик (ҳаволи) юритмаларда (металл кесиш станоклари, пресслар, кўтаргичларда), шунингдек, баъзи поршенли машиналарда Ц. алоҳида деталь тарзида қилинади. Кўп цилиндрли поршенли машиналар (ички ёнув двигателлари ва б.)да кўпинча Ц.лар умумий блокка бирлаштирилади. Бунда Ц.лар бир қатор (қаторли двигатель), маъ-



Двигатель цилиндри: А — одций цилиндрлар; Б — икки томонлама цилиндрлар; 1 — цилиндр; 2 — поршень; 3 — плунжер.

лум бурчак остида (V-симон двигатель) ёки рўпарама-рўпара (оппозит двигатель) жойлаштирилади. Айланма ҳаракатланувчи насослар ва гидромоторларда Ц. кўпинча ўққа радиал ёки параллел равишда *ротор*га жойлаштирилади.

Автомобилларнинг ички ёрув двигателлари Ц.ларида бевосита ёнилғи ёнганда ҳосил бўладиган газларнинг кенгайиш босимидан фойдаланилади. Ц. ичида поршень илгарилама-қайтма ҳаракатланиб туради. Кривошип-шатунли механизм поршеннинг илгарилама-қайтма ҳаракатини тирсакли валнинг айланма ҳаракатига айлантириб беради.

ЦИЛИНДР ҚУВВАТИ — *бу машинаси, ички ёнув двигатели* ва б. поршенли машиналарнинг бир цилиндрида вужудга келадиган қувват. Унинг қиймати поршеннинг ўртача тезлиги, цилиндр диаметри ва ҳажмига боғлиқ. Ц.қ. ҳар хил машина учун турлича бўлади. Мас., Андижондаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган уч цилиндрли «Тико» автомобили учун Ц.қ. 41 о.к. (цилиндр ҳажми 796 см³), уч цилиндрли «Дамас» автомобили учун 38 о.к. (цилиндр ҳажми 796 см см³), тўрт цилиндрли «Нексия» автомобили учун 75 о.к. (цилиндр ҳажми 1488 см³). Самарқанддаги «СамКоч-Авто» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган, 4 цилиндрли турбодизель ўрнатилган IVECO 8040.25 юк автомобили учун 115 о.к. (цилиндр ҳажми 3908 см³)га тенг.

ЦИЛИНДРИК ФУНКЦИЯЛАР — Бессель, Нейман (Вебер), Ханкель функциялари. Цилиндр б-н чегараланган баъзи чегаравий масалаларни ечишда фойдаланилади. Биринчи Ц.ф. Бессель функцияси бўлиб, бу функция ушбу

$$y'' + \frac{1}{x}y' + \left(1 - \frac{a^2}{x^2}\right)y = 0 \qquad (1)$$

тенгламанинг ечимидир. $a=n$ бўлганда (1) тенгламанинг иккинчи ечими сифатида Нейман (Вебер) функцияси

$$N_n(x) = \lim_{a\to n} N_a(x) =$$

$$= \lim_{a\to n} \frac{I_a(x)\cos a\pi - I_{-a}(x)}{\sin a\pi}$$

олинади. Ниҳоят учинчи Ц.ф.:

$$H_n^{(1)}(x) = I_n(x) + iN_n(x),$$

$$H_n^{(2)}(x) = I_n(x) - iN_n(x),$$

Ханкель функцияларидир. Бу ерда *a* — рационал сон. Ц.ф. аргументининг комплекс қийматлари учун ҳам батафсил ўрганилган. Ҳисоблашда кўп сонли Ц.ф. жадвалларидан фойдаланилади.

ЦИН (айнан — тоза) — Хитойда ҳукмронлик қилган манжур императорлари сулоласи (1644—1912). Ц. сулоласи ҳукмронлигини 4 та йирик даврга бўлиш мумкин: 1) манжурларнинг Хитойга бостириб кирганидан Мин давлати чегараларида Ц. тузумини ўрнатилишигача (1644—83; Шуньчжи ва Канси ҳукмронлиги); 2) 17-а.нинг 80-й.ларидан 18-а.нинг 70-й.ларигача — Хитойда Ц. тузумининг нисбатан тургун ички сиёсати ва Халхадаги мўғул князликлари, Амурдаги рус қишлоқлари, Жунғор хонлиги, Тибет, Шарқий Туркистон, Вьетнам, Бирма, Непал ва б.га нисбатан босқинчилик юришлари (Канси, Юнчжэн ва Цяньлун ҳукмронликлари) даври; 3) 18-а.нинг 70-й.ларидан 19-а.нинг охиригача, яъни Ц. монархияси 19-а. ўрталарида капиталистик давлатлар агрессияси натижасида ички низоларнинг кучайиши (Цяньлун, Цзяцин, Даогуан, Сяньфин, Тунчжи, Гуансюй ҳукмронликлари) даври; 4) 1894—95 й.лардаги Япония—Хитой урушидан Цинларнинг тахтдан воз кечгунларигача бўлган давр. Ц. империяси империалистик давлатларнинг ярим мустамлакасига айланган. Синьхай инқилоби натижасида Ц. сулоласи ҳукмронлиги ағдариб ташланган (сўнгги манжур императори Пу И 1912 й. 12 фев.да тахтдан расман воз кечган).

ЦИНГА — қ. *Лавша*.

ЦИНДАО — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар, Шаньдун провинциясида. Аҳолиси 6,99 млн. киши (1999). Транспорт йўллари чорраҳаси. Сариқ денгиз бўйидаги йирик денгиз порти. Мамлакатнинг тўқимачилик (ип ва жун газлама, зиғир, трикотаж) саноати маркази. Транспорт ва б. машинасозлик, радиотехника, металлургия, кимё, электроника, резина, озиқ-овқат, кўн-тери, цемент саноати корхоналари мавжуд. Балиқ ва б. денгиз ҳайвонлари овланади. Океанография и.т. институти, денгиз музейи бор.

ЦИНИЗМ (лот. cynismos — *киниклар* таълимоти) — жамият маданияти, унинг маънавий ва айниқса, ахлоқий *қадрият*ларини назар-писанд қилмаслик, умум эътироф этган ахлоқ-одоб меъёрларига нафрат б-н муносабатда бўлиш; беҳаёлик, юзсизлик.

ЦИНКИТ — оддий оксидлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби ZnO. Ондаги аралашмалари: MgO (9% гача), PbO (5,3% гача) ва FeO (1,1% гача). Гексагонал сингонияда кристалланади. Олатда, донадор тўпламлар ҳолида учрайди, кристаллари сийрак. Ранги тўқ сариқдан тўқ қизилгача. Кам учрайди. Қаттиқлиги 4—5; зичлиги 5,6—5,7 г/см³, ярим ўтказгич. Олмосдек ялтирайди. Шаффоф, мўрт. Виллемит, франклинит ва б. камёб минераллар б-н бирга контакт-метасоматик конлардаги қайта кристалланган оҳактошларда учрайди. Zn рудаси сифатида АҚШнинг Франклин конида қазиб чиқарилади; баъзи қўрғошин-рух конларида ҳам топилган.

ЦИНКОБУРОВ Георгий Иванович (1919.15.6, Краснодар — 2000.18.12, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1979). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1950—89 й.лар Рус ёш томошабинлар театрида актёр. Фердинанд («Макр ва муҳаббат»), Саша («Икки капитан»), Листовский («Етуклик аттестати»), Захаров («Абдулла Набиев»), Антифол Эфесский («Хатолар комедияси»), Алибобо («Алибобо ва қирқ қароқчи»), Подхолюзин («Қўйнидан тўкилса қўнжига») каби роллари б-н танилган.



Георгий Цинкобуров Алибобо ролида («Алибобо ва қирқ қароқчи»).

ЦИНХАЙ — Хитойнинг шим.-ғарбий қисмидаги провинция. Майд. 721 минг км². Аҳолиси 5,03 млн. киши (1999), аксари қисми хитойлар, шунингдек, тибет, дунган, қозоқлар ҳам яшайди. Маъмурий маркази — Синин ш. Ер юзаси, асосан, тоғ ва текисликлардан иборат. Цайдам сойлиги шим.дан Наньшан ва Олтинтоғ, жан.дан Куньлун тоғлари б-н ўралган. Жануброқда Тибет тоғлигининг шим.-шарқий қисмлари жойлашган. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ ва ёзи салқин. Йиллик ёғин 300—500 мм. Янцзи, Хуанхэ, Меконг дарёларининг бошланиш қисмлари Ц. ҳудудида. Кўл кўп, энг йириги — Кукунор.

Ц. — Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан камроқ ривожланган провинцияси. Қ.х.да яйлов чорвачилиги етакчи. Асосан, қўй ва эчки боқилади. Чорвачиликнинг асосий маҳсулоти — жун ва гўшт. Деҳқончилик б-н дарё водийларида шуғулланилади. Донли экинлар, шунингдек, рапс, картошка ва полиз экинлари етиштирилади. Нефть, тошқуз, қўрғошин ва рух рудалари конлари топилган. Нефтни қайта ишлаш з-длари, металлургия ва машинасозлик саноати, қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари мавжуд.

Қадимда провинция ҳудудида жун, кейинроқ туфон қабилалари яшаган. 14-17-а.ларда мўғуллар қўл остида бўлган. 18-а.нинг 20-й.ларида Хитой назорати остига ўтган. 1928 й.дан Хитойнинг Ц. провинцияси.

ЦИНЦИННАТИ — АҚШнинг шарқий қисмидаги шаҳар, Огайо штатида. Аҳолиси 331,3 минг киши (2000). Огайо дарёси бўйидаги порт. Т.й. ва автомобиль йўллари чорраҳаси. АҚШнинг йирик саноат, савдо-молия ва маданият маркази. Станоксозлик, авиация двигателлари и.ч., электротехника саноати корхоналари мавжуд. Саноат жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Кимё саноати (совун ва кир ювиш воситалари, косметика, дори-дармонлар и.ч.) ривожланган. Озиқ-овқат, полиграфия корхоналари ишлаб турибди. Музейлар, ун-т бор. Шаҳарга 1788 й.да асос солинган.

ЦИНЬ — Хитойдаги императорлар сулоласи (мил. ав. 221—207). Асосчиси — Цинь Шихуанди. Пойтахти — Сяньян ш. Ц. ҳукмронлиги даврида Хитой тарихида илк маротаба марказлашган давлат тузилган; мамлакат ҳудуди 36 та округга тақсимланган, уларни император томонидан тайинланган амалдорлар бошқарган. Шим. ва Жан.да олиб борилган тинимсиз урушлар, *Буюк Хитой девори* ва кўплаб саройларнинг қурилиши солиқларнинг кўпайишига сабаб бўлган. Мил. ав. 209 й. охири — 208 й. бошида мамлакатда халқ қўзғолони кўтарилган. Унга Чэнь Шэн, У Гуан, Любан ва б. раҳбарлик қилган. Мил. ав. 207 й. окт.да Лю Бан армияси Сяньянни эгаллаган, Ц. сулоласи тугатилган.

ЦИНЬ — Қад. Хитой подшолиги. Мил. ав. тахм. 10-а.да вужудга келган. Дастлаб Чжоу сулоласига қарам бўлган. Унинг таркибига ҳоз. Шэньси вилоятининг ғарби ва шим.-ғарбий қисми, Ганьсунинг шарқий ва Сичуаннинг шим. қисми кирган. Чжаньго даврида (мил. ав. 5-а.лар) Хитойда Чжоу монархиясидан мустақил бўлган 7 та энг қудратли давлатлардан бири ҳисобланган. Ц.нинг кучайиши Шан Янь ислоҳотлари б-н боғлиқ бўлган. Мил. ав. 4-а. ўрталарида бошқа подшоликлар б-н кураш бошланган ва мил. ав. 221 й.га келиб улар бўйсундирилган. Бунинг натижасида марказлашган Ц. империяси барпо этилган.

ЦИНЬЛИН — Хитойнинг шарқий қисмидаги тоғ тизмаси, шарқда Куньлун тоғларига туташиб кетади. Янцзи ва Хуанхэ дарёлари оралиғидаги сувайирғич. Уз. 1000 км, энг баланд жойи 3666 м. Оҳактош ва кристалли сланецлардан тузилган. Кучли парчаланган, шарқий тизмалари тўрт тармоққа бўлинган. Шим. ён бағри тик, жан. эса қия. Ц. шим.да мўътадил минтақа б-н жан.даги субтропик иқлимли ерлар ўртасидаги муҳим табиий тўсиқдир. Шим. қисми каштан тупроқли қуруқ дашт, қисман ўрмон. Жан.да доим яшил субтропик аралаш ўрмонлар бор. Тоғ оралиғидаги водийларда аҳоли зич.

ЦИНЬ ШИХУАНДИ, Ин Чжэн (мил. ав. 259—210) — *Цинь* салтанати подшоси (мил. ав. 246—221), Хитой императори (мил. ав. 221—210). Цинь ҳукмдорлари хонадонига мансуб бўлган. Хитойдаги олтита подшоликни босиб олиб, мил. ав. 221 й. ягона марказлашган Цинь империясини барпо этган ва ўзини биринчи Хитой императори — Ц.Ш. деб эълон қилган. Унинг даврида, мил. ав. 215/214 й. *Буюк Хитой девори*ни илгари мавжуд бўлган чегара истеҳкомлари б-н яхлит ҳолга келтириш жараёни бошланган. Ц.Ш. қўлида қонун чиқариш, олий ижроия ва суд ҳокимияти тўпланган. Ўз ҳокимиятига нисбатан ҳар қандай танқидий муносабатларга барҳам бериш мақсадида мил. ав.

Император Цинь Шихуанди дафн этилган жойдан топилган жангчилар ва отларнинг ҳайкаллари.

213 й. хусусий шахслар қўлида сақланаётган гуманитар адабиётларни ёқиш ҳақида фармон чиқарган. 212 й. Ц.Ш. император ҳокимиятига қарши халқни кўтармоқчи бўлган 460 та конфуций дини арбобларини қатл эттирган. Ц.Ш. даврида зулм кучайган, унинг вафотидан сўнг халқ қўзғолонлари кўтарилиб Цинь империяси барҳам топган. Император ҳоз. Сиань яқинидаги дафн этилган ери б-н шуҳрат қозонган; мақбарани 700 минг асир-қул барпо этган. Ц.Ш. ўлимидан сўнг ҳам ҳарбий кучга таяниш учун 6 минг жангчиси ва отларнинг бўй баравар катталикдаги ҳайкалларини ясашни буюрган. Ц.Ш. вафот этганида барча ҳайкаллар ҳам у б-н кўшиб кўмилган. 1974 й. Ц.Ш. дафн этилган жойдан жангчилар ва отларнинг бўй баравар катталикда ишланган терракота ҳайкаллари (мил. ав. тахм. 210 й.) топилган.

ЦИОЛКОВСКИЙ Константин Эдуардович [1857.5(17).9, Рязань вилояти — 1935.19.9, Калуга] — *авиация, аэродинамика* ва *ракеталар динамикаси* соҳасидаги рус олими ва ихтирочиси; болалигида оғир касалликдан кейин кар бўлиб қолиб, ўқишни давом эттиролмаган. 1879 й.да ўқитувчилик унвонига имтиҳон топширган. Боровск (Калуга губернияси) даги уезд билим юртида мат. ва геометриядан дарс берган (1880—98). 1880—81 й.ларда бу соҳадаги мавжуд ихтиролардан бехабар «Газлар назарияси» илмий ишини ёзиб, унда газлар кинетик назарияси асосларини тавсифлади. 1897 й.да Россияда биринчи аэродинамик труба қурган. Кейинроқ дунёда биринчи бўлиб ракета назариясига ва суюқ ёқилғили ракета двигатели назариясига асос солган. Илмий ишлари 3 муаммога: металл аэростат (дирижабль)ни илмий асослаш (1885—92), аэропланнинг суйрилиги (1894 й.да эълон қилинган), сайёралараро ракеталар (1896 й.дан) га бағишланган. Учишда реактив ҳаракатдан фойдаланиш ғояси биринчи марта Ц. томонидан 1883 й.да баён этилган. Ц. 1903 й.да «Реактив асбоблар б-н фазони тадқиқ этиш» асарида биринчи бўлиб ракета ҳаракати фазода ва тортишиш майдонида ўзгарувчан массали жисм ҳаракатига ўхшашлигини, сайёралараро алоқада ракеталардан фойдаланиш мумкинлигини асослаб берди. 1929 й.да «Космик ракета поездлари» асарида босқичли ракета ҳаракати назариясини яратди. Ерга сунъий йўлдош бўладиган ракета масаласи б-н биринчи бўлиб шуғулланди. Ердан ташқарида ст-ялар қуриш фикрини илгари сурди. Ойдаги кратерга Ц. номи берилган.

ЦИРК (лот. circus — доира, айлана) — санъат тури. Акробатика, гимнастика, эквилибристика, клоунада, жонглёрлик, полвонлик, иллюзионизм, от ўйинлари, дорбозлик, ҳайвон ўргатиш каби жанрларни ўз ичига олади. Цирк артисти ақл бовар қилмайдиган ўйинлар кўрсатиб, инсоннинг чексиз имкониятларини намойиш этади, унинг ақли, эпчиллиги, жасурлиги, куч-қудратини улуғлайди ва Ц.нинг ўзига хос бадиий ифода воситалари орқали руҳан ва жисмонан баркамол инсоннинг умумлашган бадиий образини яратади. Бу образ — трюклар, яъни моҳирлик ва эпчиллик б-н бажариладиган ҳаракатлар ёрдамида очилади, артистнинг бошқа ифода воситалари — актёрлик маҳорати, пластикаси, имо-ишорасидир. Ҳар бир цирк томошаси — цирк санъатининг мукаммал бадиий асари. Турли жанрдаги бир неча томошалардан цирк дастурлари тузилади.

Цирк синтетик санъат бўлиб, театр, хореография, вокал, рассомлик, кино элементларидан фойдаланади. Инсонпарварлик, байналмилаллик ғояларини тарғиб этиб, халқчиллиги, оммавийлиги, демократик йўналиши б-н ажралиб туради. Ц. қадимдан маълум бўлиб, одамларнинг меҳнат жараёни, урф-одатлари, томошалари, ҳарбий ва спорт машқларидан юзага келган. Халқ сайилларида намойиш этиладиган майдон томошалари ва театрлаштирилган спорт мусобақалари такомиллаша бориб, санъат турига айланган. Ц.нинг алоҳида жанрлари Қад. Миср, Рим, Юнонистон, Хитой ва б. мамлакатларда мил. ав. 1-минг йилликдан бошлаб ривожланган. Қад. Римда мил. ав. 6-а.дан бошлаб, эллипс шаклидаги очиқ майдонларда ўтказиладиган чавандозлик мусобақаларида акробатлар, дорбозлар, жонглёрлар, гладиаторлар, ҳайвон ўргатувчилар ва б. ўз томошаларини намойиш этишган. Қад. Хитойда (мил. ав. 3—2-а.лар) акробатика, гимнастика, эквилибристика, иллюзионизмнинг ўзига хос ўйинлари кенг тарқалиб, улар анъанавий театр томошалари б-н уйғунлашиб кетган. Қад. Арманистон ва Грузия амфитеатрларида тоқ театр, тоқ цирк томошалари кўрсатилган. Киевдаги Авлиё София ибодатхонаси (1037) деворларида сознанда, полвон, муаллақчи, от устида машқ қилаётган чавандозлар акс эттирилгани бу ерларда цирк томошалари кўрсатилганидан далолат беради. Ўрта асрларда Ц. нинг ривожланишида халқ сайёр артистлари алоҳида роль ўйнаган. 12-а.дан бошлаб, аввал Италияда, сўнг Европанинг бошқа мамлакатларида махсус от миниш мактаблари очилди ва бу ерда дастлабки цирк чавандозлари таълим олди. 1770 й. Ф. Астлей Лондонда чавандозлик мактабини очади, 1780 й. эса алоҳида амфитеатр қуриб, ўргатилган отлар иштирокида томошалар кўрсата бошлади. Бу томошаларда ҳайвон ўргатувчилар, клоунлар, дорбозлар қатнашадилар ҳамда тарихий мавзудаги театрлаштирилган саҳналарда роллар ижро этишган. Ф. Астлей амфитеатри жаҳонда биринчи стационар цирк ҳисобланади. 1807 й. А. Франко Парижда «Олимпия цирки»ни очди ва шу йилдан бошлаб «цирк» атамаси кенг ишлатила бошланди. 19-а.нинг 2-ярмида Европа мамлакатларида ҳамда Шим. Америкада Ц. кенг ривожланди. Йирик шаҳарларда йирик цирк бинолари қад кўтарди: Москвада К.Гинне (1866) ва А.Саламонский (1880), Берлинда Г.Шуман (1868), Петербургда Г. Чинизелли (1877), Брюсселда Э.Вульф (1892) цирклари ва б. 1873 й. тадбиркор Т. Барнум АҚШда маҳобатли кўчма цирк қуриб, томошалар бир вақтнинг ўзида 3 та манежда намойиш қилинган. 19-а.нинг охирига бориб, ҳоз. тушунчамиздаги кўп жанрли цирк дастурлари шаклланди.

1. Мурод Тошканбоев дор устида.
2. Ҳайвон ўргатувчи Рустам Матчонов.



Ц. Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан маълум бўлган. Афросиёб, Парфия, Холчаён, Панжикент, Хоразмда мил. ав. 3-а. — мил. 2-а.да олиб қазиш ишлари жараёнида топилган бир қатор тасвирий санъат асарлари ва полвон, муаллақчи, масхарабозларнинг ҳайкалчалари, ўрта асрларга оид адабий манбалар бу ерда цирк томошаларининг кенг тарқалганлигини кўрсатади. Баъзи манбалар Амир Темур саройида дорбозлар, полвонлар, муаллақчилар ҳамда ўргатилган филлар ва отлар томошаси кўрсатилганини тасдиқлайди.

Асрлар мобайнида ўзбек цирки майдон томоша санъати сифатида ривожланиб келган. Халқ байрам ва сайилларида, бозор майдонларида дорбозлар, симбозлар, чиғириқчилар, «бесуяк» муаллақчилар, ҳайвон ўргатувчилар, найрангбозлар, ёғочоёқ ва б. анъанавий цирк жанрлари ўйинчилари томоша кўрсатганлар. 18—19-а.лар ўзбек цирки артистлари қўшни мамлакатлар — Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Россия шаҳарларида ўз санъатини намойиш этганлар.

19-а.нинг охирларида Туркистон ўлкасига Европа услубидаги бир қатор цирк гуруҳлари гастролга келишган, Германия, Франция, Италия, Англия, Россия, Польша артистлари маҳаллий аҳолини жаҳон Ц. б-н таништирди. Кўп йиллар мобайнида Ф. Юпатов, В.Жигалов, М. ва С.Барднескийлар, А.Козирков, А.Борги, Р.Капито, В.Сур, А.Макаров, М.Висоцкий, Е.Гамкрелидзе ва б. цирк тадбиркорлари Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Урганч каби шаҳарларда цирк томошаларини уюштиришган. Европа цирки таъсирида тарқоқ ҳолда фаолият юритаётган ўзбек цирки артистлари орасида гуруҳларга уюшиш кучайди. Натижада 20-а. бошида Баратбой, Муллабой Мансуров (*Муллабой Мансуров цирки*), Латофат Саримсоқова, Раҳмон Абдухалиловлар раҳбарлигидаги дастлабки миллий профессионал цирк жамоалари ташкил бўлди. Уларнинг репертуари, асосан, анъанавий ўйинлардан иборат бўлиб, айрим ҳолларда Европа томошаларини ҳам ўз ичига олган. 1920—30- й.ларда Ўзбекистонда давлат цирклари б-н бир қаторда хусусий цирклар ҳам фаолият кўрсатган. 1942 й.да Тошкентда биринчи миллий жамоа ташкил этилди. Бадиий раҳбари Тошканбой Эгамбердиев, саҳналаштирувчи реж.лар Хўжаев ва Н.Байкалов, балетмейстер *Али Ардобус*, рассом Ш. *Шораҳмедов*, композитор М.Ниёзов бўлган. Уч қисмдан иборат театрлаштирилган цирк томошасида етакчи артистлар б-н бир қаторда, анъанавий цирк ўйинчилари ҳам қатнашган. 1950—80 й.лар ўзбек цирки жамоаси миллий руҳда ишланган дастури б-н кўпгина мамлакатларда гастролда бўлди. 1950 й.дан Тошкентда «Саҳнадаги цирк» кўчма корхоналар Дирекцияси иш бошлади. 20-а.да ўзбек циркининг ривожланишига *Тошканбоевлар, Зарифовлар сулоласи, Хўжаевлар*, Маматиевлар сулоласи, Акром *Юсупов*, Г.И.*Заставников*, П.А.Боровиков, Х.Мусин, Қодир-Ғулом (В.К. Янушевский), Раҳмоновлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Масхарабозлар томошаси.

Мустақиллик даврида ўзбек цирки халқаро цирк майдонига чиқиб, муносиб ўрин эгаллади. Унинг репертуари бирмунча кенгайиб, замонавий томошабинлар талабига мос янги цирк томошалари б-н бойиди. Миллий руҳда саҳналаштирилган, анъанавий ва замонавий томошалар 20 та яқин мамлакатларда намойиш этилди. Нуфузли халқаро фестиваль ва кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашди. 1991 й.дан «Ўзбекдавлатцирк» Республика бирлашмаси фаолият кўрсатмоқда.

Пўлат Тошканбоев.

ЦИРКАД РИТМЛАР (лот. circa — яқин ва dies — кун) — бир кеча-кундузлик ритмлар; биологик жараёнлар ва ҳодисаларнинг ҳар 20—24 соатда такрорланиб туриши. 24 соатдан кўпроқ вақтдан сўнг такрорланадиган Ц.р. фақат экспериментал шароитда (доимий ҳарорат ва ёруғликда) кўпчилик ўсимлик, ҳайвонлар ва одамда кузатилади. Олимлар фикрича, Ц. р. табиий бўлмаган, яъни доимий шароит таъсирида ирсий суткалик ритм асосида юзага чиқади. Мас., доимий шароит организм учун қулай бўлганида ҳайвон одатдагига нисбатан эртароқ ҳаракатчан бўлиб қолади; шароит ноқулай бўлганида эса илгариги 24 соатлик ритм кечика бошлайди. Ц.р. организмнинг ҳаёт фаолиятига таъсир қилиши (мас., ҳашаротларнинг тухум қўйиши, ўсимликлар барги ҳолатининг ўзгариши) ёки айрим физиологик жараёнларга таъсир кўрсатиши мумкин. Доимий шароитда Ц.р. организм функцияларига бир хил таъсир этмайди. Мас., одамда гавда ҳарорати, бедорлик ва уйқу даврлари ритми фарқ қилади. Бу ҳолат организмда касаллик пайдо қилиши мумкин (мас., космик парвозда).

ЦИРКАН РИТМЛАР (лот. circa — яқин, ёнида, annus — йил), йиллика ўхшаш ритмлар, цирканнулаль ритм — биологик жараёнлар ва ҳодисаларнинг тахм. 10 ойдан 13 ойгача муддат ичида такрорланиб туриши. Фақат доимий лаб. шароитида кўзга ташланади. Ц.р.нинг ташқи муҳит даврийлигидан фарқ қилиши уларнинг эндоген йўл б-н келиб чиққанлигини кўрсатади.

ЦИРКОН (Zirkon; дастлаб форсча — заргун дейилган) — оролли силикатлар синфига мансуб минерал, $Zr[SiO_4]$. Аралашмалари таркибига кўра, Ц.нинг қуйидаги: альвит Hf ва Th б-н, оямалит — Tr ва P б-н, хагаталит — Th ва Nb б-н, наэгит — TR, Th, Nb, Ta ва бошқалар б-н бўлган турлари мавжуд. Таркибида Th, U, H_2O (Th+U) бўлган метамиктли дипирамидаль Ц.лар малаконлар, призматик (Th, U)лари — цирто-

литлар деб аталади. Шаффоф Ц. сариқ, қўнғир-қизил тусли рангдорлари гиацинт деб, метаколлоидли, коллоидли хиллари — аршиновит деб номланган. Тетрагонал сингонияда кристалланади. Гранит, сиенит ҳамда пегматитларда учрайди. Ранги жигарранг-сариқ, пушти, баъзан рангсиз. Кўриниш даражасида шаффоф. Радиоактивли, мўрт. Олмосдек ялтирайди, тиниқ. Қаттиқлиги 7—8. Зичлиги 4,6—4,7 г/см³. Ц. гранат, нефелинли сиенит ва уларнинг эффузив аналогларидаги акцессор минерали. Нураш жараёнида сочмаларда йиғилади. Синонимлари: малаконит, циртолит, цирконит ва б. Ц. — цирконий ва гафний олишнинг асосий манбаи. Соф Ц.ли қумлар қолипга қуйишда ҳамда махсус сополларни ясашда хом ашё сифатида фойдаланилади. Гиацинт ва Ц.нинг шаффоф сариқ ва яшил турлари заргарликда ишлатилади. Ц.нинг катта захиралари АҚШнинг Тинч океан соҳилларидаги денгиз бўйи сочмаларида, Шри Ланка ода ва Ғарбий Австралияда топилган. Ўзбекистонда Чатқол-Қурама регионида, Ангрен тоғларининг нураш пўстида ва Қорақалпоғистоннинг фосфоритларида учрайди.

ЦИРКОНИЙ (лот. Zirconium), Zr — Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 40, ат. м. 91,22. Табиий Ц.нинг 5 та изотопи бор, ^{90}Zr (51,46%), ^{91}Zr (11,23%), ^{92}Zr (17,11%), ^{94}Zr (17,40%) ва ^{96}Zr (2,80%). Ц.нинг сунъий йўл б-н 2 та радиоактив изотопи ^{93}Zr ($T_{1/2}$=1,1·10⁶ й.) ва ^{95}Zr ($T_{1/2}$=65 кун) олинган; улар радиоактив индикаторлар сифатида ишлатилади.

Ц.ни М. Клапрот 1789 й.да кашф қилган, у циркон минералини анализ қилиб, янги элемент оксидини ажратиб олган (циркон сўзи арабча Zerk — қимматбаҳо тош ёки форсча Zargun — олтин тош демакдир). Ц. зийнат тош сифатида қадимдан маълум. Ер пўстининг масса жиҳатидан $2 \cdot 10^{-2}$ ини ташкил қилади. Ц.нинг циркон ($ZrSiO_4$) ва бадделеит (ZrO_2) номли минераллари маълум.

Ц. кумуш каби ялтироқ, қаттиқ, болғаланувчан, пластик метал. Ц.нинг α- ва β-модификациялари маълум. α-Ц. гексагонал панжарали, β-Ц. ҳажмий марказлашган куб панжарали кристалланади. Ц.нинг зичлиги 6,46 г/см³ (20° да), суюқланиш т-раси 1852°, қайнаш т-раси 3580—3700°.

Ц. кимёвий хоссаси жиҳатидан гафнийга ўхшаш. Кўпчилик металлар б-н қотишмалар ҳосил қилади. Электр ва иссиқликни ёмон ўтказади. Ц.нинг гидриди кулранг тусли мўрт металлсимон кукун. Ц. фторид кислота HF б-н нитрат кислота HNO_3 аралашмасида эрийди. Ц. юқори т-рада кимёвий жиҳатдан жуда фаол. Бу шароитда у галогенлар, кислород, олтингугурт, углерод ва азот б-н шиддатли реакцияга киришади. Ц. ўз бирикмаларида 4 валентли. Ц. кислородли атмосферада қиздирилса, оқ тусли цирконий (IV)-оксид ZrO_2 ҳосил бўлади. Бу модда сувда ҳам, суюлтирилган кислота ва ишқорларда ҳам эримайди, концентрланган сульфат кислота б-н қиздирилганда жуда суст (HF да тез) эрийди.

ZrO_2 га мувофиқ келадиган цирконий (IV)-гидроксид $Zr(OH)_4$ цирконий хлорид $ZrCl_4$ га ишқор таъсир эттирилганда ҳосил бўлади. $Zr(OH)_4$ сувда оз эрийди, кучсиз (амфотер) асос. Цирконий (IV)-оксиднинг Me_2ZrO_3, Me_4ZrO_4 таркибли тузлари ZrO_2 ни ишқорлар б-н қиздириш натижасида олинади (бу ерда Me — I валентли металл). Ц. тузлари эритмаси гидролизланиб, цирконил ионини ZrO^{2+} ҳосил қилади. Ц. галогенидларини ҳосил қилиш учун ZrO_2 ни кўмир б-н бирга галоген атмосферасида қиздирилади. $ZrCl_4$ кўпчилик металлар ҳамда водороднинг галогенидлари б-н комплекс тузлар ҳосил қила олади.

Циркон ва бадделеит минерали Ц. олишда хом ашё ҳисобланади. Соф Ц. атом техникасида нейтронларни қайтарадиган конструкцион материал сифатида ишлатилади.

ЦИРКОНИЙ ДИОКСИД, ZrO_2 — цирконийнинг ягона барқарор оксиди, оқ рангли кристалл модда. Бир неча модификациялари мавжуд. Ц.д.нинг барқарор модификацияси табиатда бадделеит минерали кўринишида учрайди. Суюқланиш т-раси 2710°, қайнаш т-раси 4300° атрофида. Зичлиги 5,86 г/см³, Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 6,5. Сувда, кўпчилик кислоталар, ишқорлар, тузлар ва барча органик эритувчиларда эримайди. Фторид кислота, концентрланган сульфат кислота, эритилган шиша ва бурада эрийди. Ц.д. цирконийнинг термик беқарор бирикмаларини (гидроксиди, нитрати, оксалати ва б.) қиздириш натижасида ҳосил бўлади. Оловбардош материаллар олишда, силлиқловчи материал сифатида, бўёқ, сир ва эмаллар тайёрлашда қўлланади.

ЦИРКОНИЙ ҚОТИШМАЛАРИ — цирконий асосидаги қотишмалар. Цирконийни баъзи элементлар (ниобий Nb, қалай Sn, темир Fe, хром Cr, никель Ni, мис Cu ва алюминий Al) б-н легирлаб олинади. Бу элементлар Ц.қ. таркибида 2—3% ни ташкил қилади. Ц.га легирловчи элементлар қўшилганда унинг мустаҳкамлиги ортади, лекин пластиклиги камаяди. Мас., цирконийнинг мустаҳкамлик чегараси $\sigma_в$=800—1000 МПа (80—100 кГ/мм²), нисбий узайиши σ=3—5% бўлган қотишмаларни олиш мумкин. Ц.қ.нинг 0,5—1% қалай, 0,2% темир, 0,3% никель ва қолгани цирконийдан иборат бўлган тури циркаллой, 0,5% қалай, 0,1% никель, 0,1% ниобий ва қолгани цирконийдан иборат бўлганини жезели деб аталади. Цирконийнинг суюқланиш т-раси юқори (1852°) бўлишига қарамай, баъзи Ц.қ. унча мустаҳкам бўлмайди ва аммо 400° дан юқори бўлмаган буғ-суюқ муҳитларда ишлатиш учун яроқли. Ц.қ. ядро энергетикасида, кимёвий аппаратлар тайёрлашда, жарроҳлик ва б. соҳаларда қўлланилади.

ЦИРКУЛЬ (лот. circulus — доира, айлана) — айлана ва ёйлар чизиш, кесмаларнинг узунлигини ўлчаш ва ўлчамларни кўчириш учун мўлжалланган чизмачилик асбоби; паргар. Унинг режалаш (ёки бўлиш), чизмачилик (ёки доиравий), пропорционал турлари бор. Режалаш Ц.и чизиқли ўлчамларни ўлчаб, бошқа жойга (қоғозга) тушириш учун мўлжалланади. Чизмачилик Ц.и диаметри 300 мм гача бўлган



Циркуллар: а — режалаш; б — микрометрик кронциркуль; в — пропорционал; г — чизмачилик; д — «раққоса» (балеринка) кронциркули; е — штангенциркуль.

айланаларни чизишда ишлатилади (диаметри 2—80 мм ли айланаларни чизиш учун мўлжалланган Ц. кронциркуль, диаметри 300 мм дан катта айланаларни чизишда ишлатиладиган Ц. штангенциркуль деб аталади). Пропорционал Ц. учлари кўчирилаётган узунликларни масштабини ўзгартиришга имкон беради. Ц. чизмачилик асбоблари тўпламига киради.

ЦИРРОЗ (юн. kirrhos — сарғиш, малла ранг) — паренхиматоз аъзолар (жигар, ўпка, буйрак ва б.) бириктирувчи тўқималарининг зўр бериб ўсиши оқибатида чандиқланиб буришиши ва шаклининг ўзгариши. *Жигар циррози* кўпроқ учрайди. Асосан Ц. номи ҳам касалланган жигарнинг сариқ тусга кириши(дан) келиб чиққан. Буйрак (нефросклероз), ўпка (пневмосклероз) ва б. аъзолар ҳам Ц. б-н касалланади. Ц. юқумли касалликлар, *интоксикация*, моддалар алмашинувининг бузилиши, турли хил яллиғланиш оқибатида келиб чиқади. Ц. бўлган аъзода дистрофик ўзгаришлар (қ. *Дистрофия*) ва некроз (ўлиш) ўчоқлари пайдо бўлади. *Паренхима* ўрнига бириктирувчи тўқима ўсиб, чандиқланади, бетартиб *регенерация* ўчоқлари ҳосил бўлади. Аъзо қаттиқлашади ва юзаси ғадир-будур бўлиб қолади (яна қ. *Жигар*).

ЦИС ВА ТРАНС ИЗОМЕРИЯ — қ. *Геометрик изомерия.*

ЦИСТА (юн. kystis — пуфак) — кўпчилик бир ҳужайрали организмларнинг вақтинчалик яшаш шакли; муҳофаза қобиғи. Бир ҳужайрали ҳайвонлар (хивчинлилар, сохта оёқлилар, споралилар, инфузориялар)да тиним ва кўпайиш Ц.си бўлади. Тиним даври Ц.си ноқулай шароит (қурғоқчилик, совуқ)да ҳосил бўлади. Паразит бир ҳужайралилар Ц.си уларни ташқи муҳит орқали бир организмдан иккинчисига ўтишини таъминлайди. Бундай Ц. бир неча йил сақланиб қолади. Кўпайиш Ц.си қисқа вақт давомида ҳосил бўлади, бу вақт давомида циста ичидаги организм бўлиниб, бир неча организмни ҳосил қилади.

Ўсимликлар ва замбуруғларда Ц. кўпчилик бир ҳужайрали сувўтлар (перидиней, хризомонадалар, эвгленалар ва б.)да ҳамда хитридиесимон замбуруғларда бор. Ц. ҳужайра деворининг қалинлашуви натижасида, кўпинча об-ҳаво ёмонлашганда ҳосил бўлади. Қулай шароит бўлиши б-н циста пўсти ёрилиб, организм ўсиб бошлайди.

Бактерияларда Ц. грамманфий бактериялар (азотобактер, спирохеталар ва б.)нинг ҳаётий даврига ўтиши б-н боғлиқ. Бактериялар Ц.сининг ҳужайра девори қалинлашган; радиация ва қурғоқчиликка чидамли. «Ц.» термини микробактериялар мевали танаси махсус қисми — миксоспоралар тўпламига нисбатан ҳам қўлланилади (яна қ. *Бактериялар, Бир ҳужайрали организмлар*).

ЦИСТЕРНА (лот. cisterna — сув ҳавзаси, ҳовуз) — суюқликлар, суюлтирилган газлар, тўкиладиган маҳсулотлар (нефть маҳсулотлари, сут, ун, цемент ва б.)ни сақлаш ёки ташиш учун мўлжалланган сиғими берк идиш. Бетон, темир-бетон, пўлат, алюминий қотишмалари ва б. материаллардан ясалади. Цилиндр, шар шаклидаги, кўчма, ер устига ўрнатиладиган ёки ер тагига кўмиладиган турлари бор. Ц. ундаги сақланаётган ёки ташилаётган маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиб туриш учун мўлжалланган асбоблар, маҳсулотларни қуйиш ёки бўшатиш қурилмалари б-н жиҳозланади. Кўчма Ц. автомобиллар, тракторлар, т. й. вагонларида олиб юрилиши мумкин.

ЦИСТИТ (юн. kystis — қовуқ) — қовуқнинг яллиғланиши. Қовуққа турли инфекциялар тушиши оқибатида рўй беради. Пайдо бўлишига кўра, бирламчи ва иккиламчи, келиб чиқиши бўйича специфик (сўзак, сил циститлари) ва носпецифик Ц. фарқланади. Касаллик ўткир ва сурункали кечади. Бирламчи Ц. бошқа аъзолардаги инфекция юқори сийдик йўллари ёки уретрадан қон ва лимфа йўллари орқали қовуққа ўтиши натижасида пайдо бўлади. Бунга, шунингдек, совуқ қотиш, спиртли ичимлик ичиш, қабзият, нерв психиканинг бузилиши ҳам сабаб бўлади. Аёлларда Ц. аксари ҳомиладорлик ёки туғруқдан кейинги даврда кузатилади. Иккиламчи Ц. (кўпинча сурункали кечади) қовуқда тош, ёт жисмлар, ўсма бўлганда, қовуқ сили, простата безининг ўсмаси оқибатида юзага келади. Шунингдек, баъзи дорилар, заҳарли моддалар ичилганда ҳам Ц. кузатилиши мумкин.

Ц.да бемор тез-тез (ҳар 10—15 минутда) сияди, сийганда оғриқ сезади, оғриқ айниқса, сийгиси қистаганда ва сийгандан кейин зўраяди, ловуллаш, ачишиш, баъзан сийдикда қон ва йиринг пайдо бўлади. Яллиғланиш қўшни аъзоларга ўтганда (*пиелонефрит, уретрит* ва б.) тана т-раси кўтарилади. Ўткир Ц.нинг олди олинмаса сурункали тус олади. Касалликни аниқлашда сийдик таҳлили, цистоскопия, цистография, ультратовуш текширувлари ўтказилади.

Даволаш: беморнинг умумий аҳволи ва касаллик белгиларига қараб олиб борилади (оғриқ қолдирувчи дорилар, антибиотиклар, кўп суюқлик ичиш, ванна, физиомуолажалар буюрилади).

ЦИСТИЦЕРКОЗ — *тасмасимон чувалчанглар* (цестодлар) синфига кирувчи чўчқа солитерларининг личинкалари қўзғатадиган гижжа касаллиги. Одам ва ҳайвонларда учрайди. Чўчқа солитёрининг личинкаси цистицерклар деб аталиб, одатда, чўчқанинг кўндаланг тарғил мускулларида яшайди (чўчқа оралиқ хўжайин). Одамга цистицеркли чўчқа гўштини чала пишириб истеъмол қилганда юқади. Одам организмига ўтган цистицерк меъда ширасининг таъсирида парчаланади ва варанг ўз сўрғичлари б-н ингичка ичак деворига ёпишиб, шу ерда жинсий етилади. Ичакда етилган гижжа одамда тениоз касаллигини қўзғатади. Баъзи ҳолларда, яъни бемор қайт қилганда ичакнинг юқори қисмларининг туфайли гижжанинг ичакда етилган бўғимлари меъдага қайтарилиб тушиб, улар деворидан қон томирларига ўтади ва у ерда тухумидан онкосфералар чиқади. Онкосфералар қон ва лимфа орқали бемор скелет мускулларига, бош ва орқа миясига, кўзга ва б.га тарқалиб, цистицеркларга айланади (бунда одам оралиқ хўжайин бўлиб қолади). Цистицерклар одам организмида ейилиб, ниҳоят оғир ва уни сурункали заҳарлаб туради. Цистицерклар кўпайганда касалликлар оғир кечиб, улар қайси аъзода паразитлик қилса, ўша аъзо қаттиқ зарарланади (мас., кўз хиралашади, бош қаттиқ оғрийди, бемор тиришади, тутқаноқ тутиши ва ҳ.к.).

Цистицерклар жойлашган аъзога ва касаллик белгиларига кўра даво қилинади. Олдини олиш учун гўшт маҳсулотларини текшириб пиширилиб ейиш, шахсий ва овқатланиш гигиенаси қоидаларига қатъий риоя қилиш, беморларни вақтида даволаш, оқар сувларни ифлослантирмаслик зарур.

Ҳайвонларда Ц. қорамол, қўй, эчки, от, чўчқа, туя, ит ва б.да учрайди (жинсий етилган гижжа гўштхўр ҳайвонларнинг ичагида паразитлик қилади). Ц. ҳайвонларга паразитнинг тухуми тушган озуқа ёки сув орқали юқади. Цистицерклар скелет ҳамда чайнов мускуллари, юрак, тил, бош мия ва б. аъзо ва тўқималарда ҳар хил катталикдаги пуфакчалар кўринишида ривожланади.

Олдини олиш: Ц. сабабли сўйилган чорва моллари гўшти зарарсизлантирилади ва кўмиб ташланади; фермалар ва моллар сўйиладиган жойларга итлар қўйилмайди; итлар вақт-вақти б-н гельминтсизлантирилади.

...ЦИТ, ЦИТО... (юн. kytos — идиш, омбор; бу ўринда — ҳужайра) — ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий

қисми; ўзи иштирок этган сўзнинг ҳайвон ёки ўсимлик ҳужайраларига алоқадорлигини кўрсатади (мас., лейкоцит, фагоцит, эритроцит; цитогенетика, цитолиз, цитология).

ЦИТАТА (лот. citare — келтирмоқ, эълон қилмоқ) — қ. *Иқтибос*.

ЦИТОГЕНЕТИКА (*цито*... ва *генетика*) — генетиканинг бир соҳаси; ирсият ва *ўзгарувчанлик* қонуниятларини ҳужайра ва субҳужайра (асосан хромосома) даражасида ўрганади. Ц.нинг назарий асослари 20-а. бошларида шаклланган *ирсиятнинг хромосома назарияси* ҳисобланади. Ц.нинг ривожланиши давомида белгиларнинг ажралиши ва мустақил тақсимланиши, генларнинг бирикиб ирсийланиши ва кроссинговер ҳодисаларининг цитологик асослари очиб берилди. Генетик қариндошликнинг кўрсатгичи ҳисобланган хромосомалар коньюгациясининг ўрганилиши натижасида япон цитогенетиги Х. Кихара цитогенетик методлардан бири бўлган геном анализ методини ишлаб чиқди (1924). *Хромосомалар* таркиби ва ҳолатини таҳлил қилиш натижасида *митоз* ва *мейоз* жараёнида хромосомалар тўпламида чуқур ўзгаришлар рўй бериши аниқланган. Ц.да электрон микроскопия, рентгеноструктура таҳлили ва б. замонавий методларнинг қўлланиши хромосомаларнинг нозик тузилиши тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтирди; хромосома моддаси (хроматин)ни тадқиқ қилишга, репликация, транскрипция ва трансляция жараёнларида хромосомалар функциясини аниқлашга имкон берди. Ц. далиллари кариотиплар эволюцияси, яъни тур ҳосил бўлишини тушуниб олишда, қ.х. ва тиббиётда организмда кечадиган жараёнларни асослаб беришда аҳамиятга эга.

ЦИТОКИМЁ (*цито*... ва *кимё*) — *цитология*нинг бўлими, ҳужайра тузилмаларининг кимёвий таркиби, ҳужайрада кимёвий бирикмаларнинг синтезланиши, тақсимланиши ва фаоллигини, ҳужайра функциясига қараб уларнинг ўзгаришини ўрганади. Ц. соҳасидаги тадқиқотлар 19-а.нинг ўрталаридан 20-а. ўрталаригача айниқса жадал ривожланган. Ц. тадқиқотлари ҳужайра таркибий қисмларининг муайян бўёқлар б-н бўялиши ва, аксинча, бошқа бўёқлар таъсир қилмаслигига асосланган. Нуклеин кислоталарининг ирсиятдаги аҳамиятини тушунтириб берилиши, оқсил молекулалари миқдорий ўзгаришларининг ҳужайра функционал фаоллигига боғлиқлиги аниқланиши, ҳужайра циклини ўрганиш Ц.нинг энг катта ютуқларидир. Иммуноцитокимё, электрон микроскопик цитокимё Ц.нинг энг истиқболли соҳалари ҳисобланади. Тўқима структураларини Ц. методи ёрдамида ўрганиш г и с т о к и м ё дейилади.

ЦИТОЛИЗ (*цито*... ва ...*лиз*) — ҳайвон ва ўсимлик ҳужайрасининг бутунлай ёки қисман эриши. Ц.да *лизосомалар* фаоллик кўрсатади. Ц., одатда, физиологик жараёнлар (мас., *метаморфоз*) ҳамда ҳар хил патологик ҳолатларда ҳам содир бўлади (яна қ. *Автолиз*).

ЦИТОЛОГИЯ (*цито*... ва ...*логия*) — *ҳужайра* ҳақидаги фан. Ҳужайраларнинг тузилиши ва функциясини, кўп ҳужайрали, шунингдек, бир ҳужайрали организмлардаги аъзо ва тўқималарнинг ўзаро боғланиши ва муносабатларини ўрганади. Барча тирик мавжудотларнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган ҳужайрани ўрганиш б-н Ц. биология фанлари орасида марказий ўринни эгаллайди; у ўсимликлар гистологияси, анатомияси, физиология, генетика, биокимё, микробиология ва б. фанлар б-н узвий боғланган. Организмнинг ҳужайра тузилишини ўрганиш 17-а. микроскопистлари Р.Гук, М.Мальпиги, А.Левенгук (1632—1723) томонидан бошланган эди.

Ц.нинг тараққиёти ҳужайра тадқиқоти усулларининг ривожи б-н боғлиқ.

19-а.га келиб бутун органик дунё учун ягона ҳужайра назарияси яратилди (Т.Шванн, 1838). Ҳужайра назариясининг яратилиши ҳужайрани барча тирик организмларнинг асоси сифатида ўрганиш учун туртки бўлди. 19-а. ўрталаридан ҳужайралар структурасини фиксация қилиш, яъни кимёвий моддалар ва физик омиллар таъсир эттириш йўли б-н шу структурани сақлаш ва тўқималарни бўяшнинг ҳар хил усуллари қўллана бошлади. Ц.нинг кейинги ривожланишига немис патологи Р.*Вирхов*нинг «целлюляр патология» ҳақидаги таълимоти сабаб бўлди (1858). Вирхов ҳайвон организми ҳужайралар мажмуидан иборат, шулардан ҳар бири ҳаётнинг барча хоссаларига эга ва ҳар бир ҳужайра фақат ҳужайрадан ривожланади деган фикрни олға сурди.

19-а.нинг охирида протоплазманинг доимий таркибий қисмлари (органоидлари): центросомалар, митохондриялар, тўрсимон аппарат ёки Гольжи комплекси, шунингдек, ҳужайра ядросидаги нуклеин кислота аниқланди. Ҳужайранинг кариокинетик бўлинишини (қ. *Митоз*) аввал ўсимликларда, кейин ҳайвонларда кашф қилинди. Хромосоманинг индивидуаллик назарияси ва сони турғунлиги қоидаси яратилди. Жинсий ҳужайралар ривожланишида хромосомалар сони редукцияси жараёни кашф қилинди. Рус цитологи С.Г.Навашин (1898) ёпиқ уруғли ўсимликларда қўш уруғланиш ҳодисасини аниқлади.

Ҳужайра физиологиясини тадқиқ қилишда ҳам катта ишлар қилинди. И.И.Мечников *фагоцитоз* жараёнини топди. Ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраларининг танлаб ўтказувчанлик хусусияти кашф қилинди. Мембрананинг ўтказувчанлик назарияси пайдо бўлди. Ҳужайрани тириклайин бўяш усуллари ишлаб чиқилди.

20-а.нинг бошидан ҳужайрани тадқиқ этишда ультрабинафша нурлар ва флюоресцент микроскопияси, 1941 й.дан фаза — контрастли микроскопия қўлланилди. Цитокимёвий таҳлилларнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Ҳужайра устида ҳар хил тадқиқотлар ўтказишга ёрдам берувчи микроманипуляторлар юзага келди. 20-а.нинг биринчи чорагида ҳужайра структурасининг функционал роли аниқланди. Ўсимлик ҳужайраларида вакуоляр система ривожланиши ва пластидалардан крахмал ҳосил бўлиши кузатилди.

*Мендель қонунлари*нинг қайта кашф қилиниши Ц. ривожига катта таъсир кўрсатди. Жинсий аъзолар ва соматик ҳужайралар ядросида кечадиган жараёнларни ўрганиш натижасида *ирсиятнинг хромосома назарияси* яратилди; *цитогенетика* соҳа бўлиб ажралди.

20-а.га келиб Ц.нинг жадал ривожланишига янги усуллар (электрон микроскопия, изотоп индикаторлар, ҳужайраларни сунъий ўстириш ва б.) асос бўлди. Ҳужайранинг янги ультрамикроскопик компонентлари, ҳужайрани ташқи муҳитдан ажратиб турадиган плазматик ёки ҳужайравий мембрана ва ҳ.к. кашф қилинди. Субмикроскопик тадқиқотлар ҳужайраларни э у к а р и о т л а р ва п р о к а р и о т л а р гуруҳига (шунга кўра организмларни ҳам) ажратиш имкониятини берди.

Ҳужайранинг таркибий қисмларини ажратиб олиш усулларини такомиллаштириш, биокимёнинг аналитик ва динамик усулларини Ц.га татбиқ этиш ҳужайранинг кимёвий топографиясини ва унинг таркибий қисмини, биокимёвий роли ҳамда функционал аҳамиятини аниқлашга олиб келди. Ҳужайранинг генетик функциясини ўрганишда ядро ва ҳужайранинг цитоплазматик таркибида ДНК борлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги Ц.нинг асосий вазифалари ҳужайранинг микроскопик ва субмикроскопик структураси ҳамда кимёвий таркибини, ҳужайралар структураларининг функциялари ва уларнинг ўзаро таъсирини, моддаларнинг ҳужайрага ўтиши ва ундан ажралиб чиқиш усуллари ҳамда мембрананинг бу жараёнлардаги ролини, микроорганизмларнинг нерв ва гуморал омиллари ҳамда ташқи муҳит омилларига ҳужайраларнинг реакция кўрсатишини, унинг қўзғалишини қабул қилиши ва ўтказишини, ҳужайранинг бир-бирига ўзаро таъсирини, унинг шикастлайдиган таъсиротга кўрсатадиган реакциясини, ҳужайранинг ядро ва цитоплазматик-генетик аппарати ва ирсий касалликларда унинг ўзгаришини, ҳужайраларнинг вируслар б-н муносабатини, нормал ҳужайраларнинг ўсма (рак) ҳужайраларига айланишини, ҳужайра системасининг пайдо бўлиши ҳамда эволюцияси ва б. масалаларни ўрганишдан иборат. Ц.нинг цитогенетика, цитоэкология, радиацион Ц., онкологик Ц. ва б. тармоқлари бор.

Ҳоз. республикамиздаги мавжуд тиббиёт ин-тларда Ц. гистология б-н қўшиб ўқитилади. Ўзбекистон ФАнинг «Ўзбекистон биология журнали» ва б. нашрларда Ц. масалалари ёритилади (яна қ. *Ҳужайра*).

Ад.: А ф а н а с ь е в Ю.И. и др., Руководство по гистологии, М., 2001; З у ф а р о в К.А. Гистологиядан ўқув қўлланма, Т., 1991.

ЦИТОПЛАЗМА (*цито*... ва юн. plasma — шаклланган) — ҳужайранинг ядро б-н плазматик мембрана оралиғида жойлашган асосий таркибий қисми (қ. *Ҳужайра*). Ц. коллоид система — гиалоплазма, органоидлар ва киритмалардан ташкил топган. Ц.даги коллоид заррачалар ва б. таркибий қисмлар доим ҳаракатда бўлади. Микрофибрилла, микронайчалар ва б. толасимон тузилмалар ҳужайранинг ҳаракат-таянч системаси ҳисобланадиган цитоскелетни ҳосил қилади. Ҳайвон ҳужайралари Ц.си органоидлари кам бўлган, плазматик мембранага яқин ташқи қисмини эктоплазма, ички, ядрога яқин жойлашган органоидларга бой қисмини эндоплазма дейилади. Ўсимлик ҳужайралари цитоплазмаси ҳайвон ҳужайраларидан махсус органоидлар — пластидалар ва йирик вакуолаларнинг бўлиши б-н фарқ қилади.

ЦИТОСПОРОЗ — мевали ва ўрмон дарахтларининг қуриб қолиш касаллиги. Асосан, ёш данакли мева дарахтлари (ўрик, шафтоли) зарарланади. Cytospora туркумига мансуб замбуруғлар қўзғатади. Данакли мева дарахтларининг совуқ таъсирида ёки нотўғри парвариш туфайли зарарланган танаси ва йўғон шохларининг пўстлоғида касаллик қўзғатувчи замбуруғлар ўрнашиб олади ва пўстлоқнинг замбуруғ мицелийлари зарарлаган жойларидан ўсимлик шираси оқиб чиқади, натижада дарахтлар сўлийди ва қуриб қолади.

К у р а ш ч о р а л а р и: кўчатларни тўғри экиш, қуриган шох ва дарахтларни кесиб ташлаш; дарахтларни механик ва термик шикастланишдан ҳимоя қилиш; данакли мева дарахтларига эрта баҳорда 1—2% ли бордо суюқлиги, мис купороси, темир купороси эритмасини пуркаш.

ЦИТОТОМИЯ (*цито*... ва юн. tome — айириш, кесиш), ц и т о к и н е з — *митоз* ёки *мейоз* телофазасида она ҳужайранинг икки қиз лик ҳужайрага ажралиши. Кўпчилик ўсимлик ҳужайраларида Ц. цитоплазма ўртасида тўсиқ шаклланиши орқали содир бўлади. Тўсиқ аста-секин ён томонга ўсиб, ҳужайрани тенг иккига ажратади. Ҳайвон ва айрим ўсимлик ҳужайраларида Ц. ҳужайра белбоғи ҳосил бўлади. Баъзи органлар (мас., жигар, йирик безлар) ҳужайраларида Ц. содир бўлмаслиги туфайли икки ядроли ҳужайралар вужудга келади. Кўндаланг-тарғил мускулларнинг кўп ядроли ҳужайралари — симпластлар худди шу йўл б-н ҳосил бўлади.

ЦИТОХРОМЛАР (юн. kitos — ҳужайра ва chroma — ранг, бўёқ) — таркибида темир атомлари бўлган мураккаб оқсиллар. Ц.нинг оқсил бўлмаган қисми (простетик гуруҳ) гемдан иборат. Ц. ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари, микроорганизмлар (ачитқилар, айрим факультатив анаэроблар)да митохондрийлар, эндоплазматик тўр, хлоропластлар ва хроматофоралар мембраналарида жойлашган. Ц. тирик организмларда кечадиган жараёнлар: ҳужайранинг нафас олиши, фотосинтез ва микросомал оксидланишда муҳим аҳамиятга эга. Ц.нинг электронларни бериш ва қабул қилиб олиш хусусияти улар геми таркибидаги темир атоми валентлиги ўзгариши б-н боғлиқ. Одатда, Ц. ўзаро бирикиб, занжир ҳосил қилади; электронлар ана шу занжир бўйлаб донордан акцепторга узатилади. Хлоропластлар, митохондрийлар ва прокариотларда электрон кўчирувчи занжирнинг энергия б-н таъминланиши ёруғлик энергияси (*фотосинтез*) ёки субстратнинг оксидланиши (нафас олиш)да ҳосил бўладиган энергия ҳисобига амалга ошади. Эндоплазматик тўр мембраналарида электрон кўчирувчи занжирлар, одатда, калта бўлиб, микросомал оксидланиш жараёнида ароматик бирикмаларни зарарсизлантириш вазифасини бажаради.

40 га яқин Ц. аниқланган. Уларнинг бир қисми тоза ҳолда индивидуал оқсиллар сифатида олинган. Ц. 4 асосий гуруҳ (a, в, c, d)га ажратилади. Бу гуруҳлар, ўз навбатида, яна бир неча кичик гуруҳларга бўлинади. (мас., цит. а, цит. $а_1$, цит. $а_2$, цит. $а_3$, Ц.р-450, Ц.h). Айрим Ц. мембраналар б-н мустаҳкам боғланганлиги сабабли уларни тоза ҳолда ажратиб олиш қийин. Тирик организмлардан ажратиб олинган Ц. c_1 нинг оқсил қисмидаги аминокислоталар кетма-кетлигини таққослаш натижасида полипептид занжирнинг турли қисмларида 35 ва 11 та аминокислота жойлашганлиги, полипептидлар таркиби доимий бўлиши аниқланган. Полипептид занжирнинг бошқа қисмларида алмашиниб қолган аминокислоталар миқдори мазкур турлар ўртасидаги филогенетик фарқ б-н бевосита боғлиқ. Мас., от б-н ачитқи замбуруғи Ц. c_1 даги 48 та, ўрдак б-н товуқ фақат 2 та аминокислота қолдиги б-н фарқ қилиши, сигир б-н қўй эса умуман фарқ қилмаслиги аниқланган. Ц. молекулаларини ўрганиш айрим эволюцион ҳодисаларини, мас., мутацион жараён тезлигини, филогенетик яқинликларини, оқсил молекулалари айрим қисмларининг эволюцион ўзгарувчанлик даражасини миқдор жиҳатдан тавсифлаш имконини беради.

ЦИТРУС ЎСИМЛИКЛАР — рутадошлар оиласининг цитрус туркумига мансуб доим яшил ўсимликлар, экиладиган мевали дарахтлар. *Апельсин*, *мандарин*, *грейпфрут*, *лимон*, бергамот, цитрон, шеддок, бигарадия ва б. 30 га яқин тури бор. Шим. Хитойдан Австралиягача, Ўрта денгиз соҳилларидан Европага тарқалган. Ўзбекистонда Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-ти, Тошкент вилояти Қибрай тумани ва б. иссиқхона хўжаликларида ўстирилади. Ц.ў. бутасимон ёки паст дарахтсимон, барча органларида хушбўй эфир мойи бор. Гуллари барг қўлтиғида жойлашган, хушбўй, четдан ва ўздан чангланади. Меваси хушхўр, парҳез ва доривор хусусиятга эга, турли витаминлар ва лимон кислотага бой. Мас., лимон ва апельсинда 60 мг % С витамини, 600—700 мг % Р витамини бор. Мева шакли думалоқ ёки тухумсимон, оч сариқ, тўқ сариқ, сегментларга бўлинган. Таркибида пектин, каротин, қанд, С, В, Р витаминлари бор. Мевалари янгилигида ейилади, консервалар, мураббо, цукат тайёрланади. Барг ва пўстидан эфир мойи олинади.

Ц.ў. пайванд қилиб ва қаламчаларидан кўпайтирилади. Экилгандан сўнг 3—4 й.дан ҳосилга киради. 20—60 й. атрофида юқори ҳосил олинади.

ЦИХЛАСОМАЛАР (Cichlasoma) — олабуға балиқлар туркуми уруғи. Уз. 10—30 см. Танаси баланд, икки ёндан сиқиқ. Эркакларида орқа ва анал сузгичлари кейинги чети узун ва ўткир. Ранги ҳар хил, кўпинча доғлари йўл-йўл тусда бўлади. 20 га яқин тури бор. Шим. Америкасининг жан. қисми, Жан. Америка ва Кариб денгизи о.ларидаги чучук сув ҳавзаларида тарқалган. Сув тубидаги сувўтлар орасида яшайди. Увилдириқ ташлашдан олдин жуфт ҳосил қилади. Уруғочиси бир неча юздалан 2 минггагача увилдириқ ташлайди. Тухумлари ва ёш балиқчаларини қўриқлайди. Бир қанча турлари аквариумларда боқилади.

ЦИЦЕРО — 1) босмахона шрифти. Ўлчами (кегли) 12 пункт (4,51 мм) га тенг. Дастлаб, *Шиперо*нинг «Хатлар» асарини чоп қилишда қўлланилган (Рим, 1467 й., номи шундан). Ц. асосан болалар учун мўлжалланган нашрлар ва бошланғич синфлар дарсликларини териш учун қўлланади; 2) босмахоналарда ҳарф териш учун ишлатиладиган чизиқли ўлчовлар бирлиги:

1 Ц.=12 пункт = $\frac{1}{4}$ *квадрат*.

ЦИЦЕРОН Марк Туллий (Marcus Tullius Cicero) (мил. ав. 106.3.1, Арпинум — мил. ав. 43.7.12, ҳоз. Гаэта яқини) — Рим сиёсий арбоби, нотиқ, ёзувчи. Римда таҳсил олиб, нотиқлик санъатини эгаллайди, сўнг Афина, Кичик Осиё ва Родосда ўз билимини мукаммаллаштиради. Элчилик даврида (мил. ав. 63 й.) Катилина фитнасини фош этгани учун «фуқаролик чамбари» б-н тадқирланади ва Рим фуқаролари орасида биринчи бўлиб «Юрт отаси» унвонига сазовор бўлади. Аммо римлик фитначиларни судсиз қатл этгани сабабли мил. ав. 58 й.да қувғинга учраб, хорижда яшашга мажбур бўлган. Цезарь ўлдирилгач (мил. ав. 44 й.), Антоний буйруғи б-н қатл этилгунига қадар Риммнинг амалдаги ҳукмдори саналган.

Ц. сиёсат, фалсафа ва адабиётда «ўрта оқим» ҳисобланган барқарорлик ва вазминлик ақидаларига содиқ бўлган. «Аралаш давлат тузилмаси» (монархия, аристократия ва демократиянинг қўшилишидан пайдо бўлган ҳокимият) Ц.нинг сиёсий идеали бўлиб, мил. ав. 2-а. бошидаги Рим республикасини бунинг намунаси деб ҳисоблаган. Ц. фалсафий сифатида *атомизм*га қарши чиқди, жонни ўлмас ва абадий деб билди, реал тасаввурларни реал бўлмаган тасаввурлардан фарқ қилиш учун мезон йўқ деб ҳисоблади. Фалсафий асарларида *этика* масалаларига асосий эътиборни қаратди. Юнон фалсафаси атамаларини ишлаб чиқди. Давлат ҳақидаги рисолаларида давлатни хусусий мулкни ҳимоя қилувчи, умумий ҳуқуқ меъёрларига асосланган кишилар уюшмаси сифатида талқин этди.

Ц.нинг 58 та нутқи, 19 та асари ва 800 дан зиёд мактублари сақланиб қолган. Ц. асарлари Римдаги фуқаролар уруши даври тўғрисидаги маълумотлар манбаи ҳисобланади. Ц. жаҳон тарихида нотиқлик санъатини мукаммал эгаллаган киши сифатида шуҳрат қозонган. Унинг турли суд жараёнларида сўзлаган нутқлари нотиқлик санъатининг энг юксак намуналаридир. Ц. ўз асарлари («Яхшилик ва ёмонликнинг чегаралари тўғрисида», «Давлат тўғрисида», «Қонунлар тўғрисида», «Мажбуриятлар тўғрисида» ва б.) ҳамда нутқлари б-н Рим мумтоз насри ва адабий тилига тамал тошини қўйган. Ц.нинг «Верресга қарши нутқлар», «Катилинага қарши нутқлар», «Оратор ҳақида» трактатини *Ойбек* ўзбек тилига таржима қилган.

Ас.: Рим адабиёти, Т., 1939; Речи, т. 1—2, М., 1962; Три трактата об ораторском искусстве, М., 1972; Избранные сочинения, М., 1975.

Ад.: Утченко С., Цицерон и его время, М., 1972.

ЦОКОЛЬ (итал. zoccolo) — 1) бино, иншоот деворининг, устун, ҳайкал ва б.нинг пастки қалинлашган қисми; *пойдевор*нинг давоми, яъни ер сиртидан чиқиб турадиган қисми. Ц. пишиқ ғишт, бетон ёки темир-бетон блоклардан ишланади. Бинога алоҳида кўрк бериш мақсадида гранит, мармар ва б. материаллар б-н қопланади; 2) электротехника ва радиотехникада — электрон ёки ион асбоблар — чўғланма лампалар, люминесцент лампалар, электрон лампаларнинг пастки конструктив қисми. Лампани патрон, лампа панели (корпуси)га ўрнатиш ва лампа ичида жойлашган элементлар (чўғланма симлар, электродлар)ни ташқи электр занжирига улаш учун хизмат қилади.

ЦРВЕНКОВСКИЙ (Crvenkovski) Бранко (1962.12.10, Сараево ш. яқини) — Македония давлат арбоби. Скопье ун-тининг электроника ф-тини тугатган (1986). 1986 й.дан Скопьедаги «Семос» фирмаси директори. 1990 й.дан Македония парламенти депутати, парламентнинг ташқи ишлар бўйича комиссияси раиси (1990—92). Македония мустақиллиги тўғрисидаги референдумни ўтказиш ташаббускорларидан бири. Македония Мажлиси (парламентининг барча чақириқлари депутати. 1991 й. апр.дан Македония Социал-демократик иттифоқи партияси раиси. 1992—98 ва 2002—04 й.ларда Македония ҳукумати раиси. 2004 й. апр.дан Македония Республикаси президенти.

ЦУГАРУ, Сангар бўғози — Хонсю ва Хоккайдо о.лари (Япония) ўртасидаги бўғоз. Япон денгизини Тинч океан б-н боғлайди. Уз. 96 км, энг қамбар жойининг эни 18 км, энг саёз жойининг чуқ. фарватерида 110 м. Муҳим портлари: Хакодате ва Аомори. Ц. орқали дунёда энг узун (54 км) транспорт тоннели қурилган.

ЦУКЕРВАНИК Исаак Платонович (1901.23.5, Боку — 1968.21.4, Тошкент) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (1966). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1942). Кимё фанлари д-ри (1940), проф. (1940). Туркистон ун-тини тугатган (1927), органик кимё кафедраси мудири (1938 й.дан). Асосий илмий ишлари ароматик бирикмаларни алкиллаш ва ацилдашга онд. Ароматик углеводородларни спиртлар б-н алюминий хлорид иштирокида алкиллаш усулларини ишлаб чиққан (1933—34). Бифункционал бирикмалар б-н алкиллаш реакцияларини ўрганган ҳамда галоид-, окси-, алкокси-, карбокси-, циан- ва нитроҳосилалар олиш усулларини таклиф этган. *Дефолиантлар, десикантлар* ва ўстириш регуляторлари синтезини амалга оширган (1963 й.дан).

Ас.: Исследования нефтей Узбекистана, Т., 1938; Исследования в области алкилирования ядра ароматических соединений, Ереван, 1955.

ЦУНАМИ (японча — ажал ва вайронаилик келтирувчи тўлқинлар) — сув остида ёки соҳил бўйида кучли зилзила бўлганда, баъзан вулканлар отилиши ёки бошқа тектоник жараёнлар оқибатида денгиз тубининг кўтарилиши ва чўкиши натижасида юзага келадиган жуда узун гравитацион денгиз тўлқинлари. Сувнинг кам сиқилиши ва сув туби майдонларининг деформацияланиш даражасининг жуда жадаллиги сабабли, унга таянган сув устуни тарқалишга улгурмай ўрнидан кўтарилади, натижада океан юзасидан кутарилиш ва пасайиш юзага келади. Бу юзага келган кўтарилиш сув қатламининг тулқинсимон ҳаракатланишига сабаб бўлади, яъни катта тезликда (50 дан 1000 км/соатгача) ҳаракатланувчи Ц. тулқинлари юзага келади. Тўлқинлар оралиғидаги масофа 5 дан 1500 км гача, баландлиги эса очиқ океанда 0,1 м дан 5 м гача етади ва ундан ҳам ортиб кетади. Ц. катта ҳалокатлар келтиради. Асосан, Тинч океан қирғоқларида (Ц.ларининг 80%) кузатилади. Энг кучли Ц. 1895 й.да Хонсю о. яқинида содир бўлган. Сўнгги 2004 й. 26 дек.да Жан.-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган Ц. оқибатида 300 мингдан зиёд киши қурбон бўлди ва бедарак йўқолди. Шу регионда жойлашган мамлакатлар иқтисодига улкан зарар келтирди. Ц.дан қисман сақланиш учун океан ва денгиз қирғоқларида иншоотлар қурилади. Бир неча мамлакатларда аҳолини Ц.дан хабардор қилиш хизматлари тузилган.

ЦУСИМА ЖАНГИ (1905) — рус-япон уруши (1904—05) даврида Россиянинг 2-Тинч океан эскадраси (Ўмондон — вице-адмирал З.П.Рожественский) б-н Япония флоти (Ўмондон — адмирал Того) ўртасида Корея бўғозида Цусима о.лари яқинида бўлиб ўтган денгиз жанги [14—15(27—28 май)]. Ц.ж. рус эскадрасининг бутунлай маглубияти б-н тугаган. Русларнинг 5 минг кишиси ва 27 жанговар кемаси яксон қилинган. Жангда япониларнинг 3 миноносеци йўқ қилиниб, бир неча кемаси шикастланган. Ц.ж. натижасида подшо Россияси урушни узил-кесил бой берган. Натижада Россия сулҳ музокаралари олиб боришга мажбур бўлган.

ЦУСИМА ОҚИМИ — Япон денгизидаги илиқ юза оқим. *Куросио* оқимининг тармоғи. Япония қирғоқлари бўйлаб, жанубдан шим. томон ҳаракатланади. Ц.о. таъсирида Япон денгизининг шарқий қисми сув т-раси (тармоғи қисмига нисбатан) қишда 5—6° га, ёзда 1—3° га кўтарилади. Тезлиги соатига 1 км.

ЦХИНВАЛИ (1934 й.дан 1961 й.гача Сталинири) — Грузиядаги шаҳар (1922 й.дан). *Жанубий Осетия* маркази. Катта Лиахви дарёси (Кура дарёси ирмоғи) бўйида. Т.й. станцияси. Самтредиа — Боку йўналишидаги Гори ст-яси ё-н г.й. тармоғи орқали боғланган. Аҳолиси 43 мин кишига яқин (1990 й.дан ўртадари). Электротехника, металлсозлик, енгил, кимё, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноатлари ва б. ривожланган. Пед. институт, драма театри, Жан. Осетия ўлкашунослик музейи бор.

ЦЮЙ ЮАНЬ (тахм. мил. ав. 340—278 й.лар) — хитой шеърияти тарихида номи маълум бўлган биринчи шоир. Шеърларида поймол бўлган адолат, ватан тақдири учун азоб чекувчи олижаноб қалб олами, юксак ахлоқий орзуларга садоқат акс эттирилган («Ватан йўлида фидо бўлиш», «Пойтахт Ину хақида йиғлайман»; «Хўрланган кишининг қайғуси» марсия-достони ва б.). Ц.Ю. хитой мумтоз адабиётидаги асосий шеърий жанрлардан бири — «чу-ци»ни яратган; унинг ижоди фольклор шеъриятидан сўз санъатининг юксак босқичларига ўтишидан далолат беради. Туҳмат қурбонига айланиб, қувғунда яшаган ва ўзини ўзи ўлдирган.

ЦЮРИХ — Швейцариянинг шим. қисмидаги шаҳар. Цюрих кантонининг маъмурий маркази. Аҳолиси 336,8 минг киши (1998). Цюрих ва Лиммат дарёси бўйидаги порт. Транспорт йўлларининг йирик чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим саноат ва савдо-молия маркази. Машинасозлик, кимё, тўқимачилик, тикувчилик, ёғочсозлик, полиграфия ва озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ун-т (1833), Швейцария музейи, Кунстхауз (14—20-а.лар санъати), бадиий ҳунармандчилик музейи бор. Шаҳар Туриқум келът-герман қишлоғи ўрнида юзага келган. Илк бор шаҳар сифатида 929 й.да қайд этилган. 1218 й.дан империя шаҳри мақомини олган. 19-а.дан шаҳар йирик банк, саноат ва маданият марказига айланди. Меъморий ёдгорликлардан Гроссмюнстер ва Фраумюнстер роман-готика соборлари (12—15-а.лар), черков (13-а.), ратуша (1694—98) ва б. сақланган.

Цюрих шаҳри. Гроссмюнстер собори.

ЦЮРИХ УНИВЕРСИТЕТИ — Швейцариядаги йирик ун-т. Швейцариялик черков ислоҳотчиси ва сиёсий арбоб У.Цвингли асос солган (1523) мактаб негизида 1833 й. ташкил этилган. Теология, ҳуқуқ, иқтисодиёт, тиббиёт, санъат, тарих, археология, фалсафа, адабиёт, лингвистика, пед. ва психология, астрономия, биол., генетика, геол., физика, геогр., кимё, мат. ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Ботаника боғи музейи (1836), зоол. (1837) ва палеонтология (1956) музейлари, илмий кутубхонаси (1,5 млн.дан ортиқ асар) бор. 19 мингга яқин талаба таълим олади.

Ч

Ч — ўзбек кирилл алифбосининг йигирма бешинчи ҳарфи. Тил олди, қоришиқ (т+ш), шовқинли, портловчи, жарангсиз ундош товушни ифодалайди. Ушбу ҳарф (товуш) сўзнинг бошида (чаман, чигит, чўл), ўртасида (аччиқ, кичик, сочиқ) ва охирида (ишонч, кеч, тинч) кела олади. Баъзан ушбу товуш жарангсиз ва портловчи товушлардан олдин келганда, ч>ш, ч>с каби талаффуз этилади (мас., қочди>қошти, учта>ушта, уч сўм — ус сўм каби), лекин бу фонетик ҳодиса имлода акс этмайди. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган ёзувларда Ч ҳарфи ўзига хос шаклларда учрайди. Улар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	ℰ	Мил. ав. 6 — 4 - а
Урхун - Енисей ёзуви	⅄Ұ	5 — 8 - а
Туркий (уйғур) ёзув	Ա Ա	8 — 13 - а
Суғд ёзуви	—	Мил. ав. 1 - минг й. охири — 13 - а
Араб ёзуви	چ	13 - а — 1929 й.
Лотин ёзуви	ç	1929 — 1939 й.
Кирилл ёзуви	Ч	1940 — 1995 й.
Лотин ёзуви	Ch	1995 й. дан

ЧААТАС (хакасча — уруш тоши) — Минусинск сойлигидаги (Хакасиядаги Абакан ва Енисей дарёлари ҳавзаси) мозорқўрғонлар ва археологик маданият (6—9-а.лар)нинг номи. Тошдан бунёд этилган қўрғонлар вертикал тош плиталар ва стела (устунлар) б-н қопланган. Бу стелаларнинг баъзиларида Урхун-Енисей битиклари учрайди. Қўрғонларнинг тош лаҳадларида марҳумлар куйдириб дафн этилган, майит атрофига овқат ва ичимлик қолдиқлари бўлган идишлар қўйилган. Зодагонларга тегишли катта қўрғонлар (диаметри 30 м гача) дан олтин ва кумушдан ясалган идишлар, қурол-аслаҳа, эгар-жабдуқ ва б. топилган (қ. *Уйбат Чаатаси*), бу қўрғонларнинг атрофи оддий жамоа аъзоларига тегишли кичик мозорқўрғонлар б-н ўралган.

ЧАБУКИАНИ Вахтанг Михайлович [1910.27.2(12.3) — Тбилиси — 1992] — балет артисти, балетмейстер, балет мактабининг йирик усталаридан. Халқ артисти (1950). 1929—41 й.лар Ленинград опера ва балет театрида, 1941—73 й.лар Грузия опера ва балет театрини, шунингдек, 1950—73 й.лар Тбилиси хореография билим юртини бошқарган. Базиль («Дон Кихот»), Отелло («Отелло»), Альберт («Жизель»), Зигфрид («Оққуш кўли»), Жером («Париж алангаси») каби партиялари б-н балет чўққисига кўтарилган. «Синатле» (Г.В.Киладзе), «Горда» (Д.А.Торадзе), «Аппассионата» (Л.Бетховен) ва б. балетларни саҳналаштирган.

ЧАВАНДОЗЛАР — 1) бир қатор антик давлатлар (Қад. Афина, Рим ва Фессалия)да аслзодалар қаторидаги имтиёзли табақа. Улар аслзодалар каби катта мулкларга эга бўлган. Ч. таркибига катта ер эгалари, ҳарбийлар, судхўрлар, йирик савдогарлар ва б. кирган; 2) *Сосонийлар* Эронидаги алоҳида ижтимоий табақа бўлиб, Ғарбий Европадаги рицарликка яқин турган; 3) от чоптириш, улоқ чопиш, отда ўйиш санъатини эгаллаган одам.

ЧАВАТИ — оширилмаган (хамиртурушсиз) хамирдан тайёрланадиган нон тури. Илиқ сувда оддий ошхамир қорилади ва 10—15 мин. ўраб тиндирилади. Сўнгра хамирдан 200 г ли зувалалар узиб, ўқловда юпқа (2 мм) қилиб ёйилади (ёймани пичоқ б-н эни-бўйини 25—30 см қилиб кесиш ёки зувалани кичикроқ олиб нон шаклида ёйиш ҳам мумкин). Ясалган юпқа хамир қизиган тандирга ёпиб пиширилади. Куртоба, ширчой, қайнатма шўрва каби таомлар б-н бирга истеъмол қилинади. Парҳезлик хусусиятга эга.

ЧАВГОН (форс. — учи эгри таёқ) — отда ўйналадиган жамоавий спорт ўйини. Қад. Шарқда Ч. чорвадорлар ўйини сифатида пайдо бўлган. Кейинроқ отлиқ аскарларнинг машғулотига айланган. Шарқ халқлари Ч. тўпини «гўй», эгри таёғини «чавгон» дейишган. Шу боис бу ўйин «гўйчавгон» деб ҳам аталган. Бу тарихий қўлёзмаларда ўз ифодасини топган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Абдуратиқ Самарқандийнинг «Мажлиси саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари ва б. манбаларда Ч. ўйинига оид қимматли маълумотлар бор. Айниқса, Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Унсур ал-Маолийнинг «Қобуснома» асарларида Ч. ўйини муфассал берилган. 16-а. миниатюра мактабига мансуб номаълум мусаввирнинг «Чавгон ўйини» асарида бу ўйиннинг қизғин лаҳзаси тасвирланган. Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий Ч. ўйинидан илҳомланишган ва ажиб ўхшатишлар яратишган. Бу анъана Шарқ адабиётида ҳамон давом этиб келади. Ёзувчи Примқул Қодировнинг «Ҳумоюн ва Акбар» тарихий романи бобурий маликаларнинг Ч. ўйинига тайёргарлигини тасвирлашдан бошланади. Тарихий манбаларда ёзилишича, Ч. ўйини айнан бобурийлар салтанати даврида Ҳиндистонда кенг оммалашган.

1850 й.да Ҳиндистонда хизмат қилаётган инглиз отлиқ аскарлари Ч. ўйинига қизиқиб қолишган ва дастлабки мусобақаларни ўтказишган. 1871 й.да Буюк Британияда Ч. (поло) мусобақаси ташкил қилинган. Шу тариқа Ч. олдин Европа, кейин Америка давлатларига тарқалган. 1900, 1904, 1920, 1924 ва 1936 й.ларда бўлган олимпиада ўйинлари дастуридан ҳам жой олган. Замонавий Ч. ўйини (ҳоз. кўплаб давлатларда «поло» деб аталади) майдонининг ўлчами 274×182 м, ёғочдан тайёрланадиган тўпининг диаметри 8 см, оғирлиги 120—135 г, икки ёндаги дарвозаларининг эни 8 м дан, ўйин вақти 56 мин. (7 мин.дан 8 бўлим). Мусобақалашаётган икки жамоадаги 4 тадан отлиқ ўйинчи қўлларидаги учи эгри таёқ (клюшка) ёрдамида тўпни рақиб дарвозасига киритишга ҳаракат қилади. Ўйинчиларга учрашув давомида отларини ўзгартиришларига рухсат этилади. Ҳоз. кунда Ч. ўйини Франция, Аргентина, АҚШ, Мексика, Буюк Британия, Италия давлатларида ривожланган.

Асрор Мўминов.

ЧАВЕС (Chavez) Фриас Уго Рафаэль (1954.28.7, Баринас штати) — Венесуэла давлат арбоби. Ҳарбий билим юртини тугатган (1975). КОМАКАТЕ ташкилотида ҳукуматга қарши яширин фаолият б-н шуғулланган. 1980-й.лар охири — 1990-й.лар бошида ташкилот ҳаракати фаоллашган. Ч. 1992 й. 4 февдаги армия колонналари исёнига раҳбарлик қилган, аммо ҳукумат исённи бостиришга эришган ва Ч. қамоққа олинган. 1994 й. авф этилган; озодликка чиқиб яна сиёсат б-н шуғулланган. Президент сайлови кампаниясида қатнашиб, ғолиб чиққан ва 1998 й. дек.дан Венесуэла Боливар Республикаси президенти.

ЧАВЧАВАДЗЕ Илья Григорьевич [1837.27.10(8.11), Кварели — 1907.30.8(12.9), Тбилиси] — грузин ёзувчиси ва жамоат арбоби. Петербург ун-тида (1857—61) таҳсил кўрган. 1861 й. ватанига қайтиб, грузин адабиётидаги инқилобий-демократик йўналишга бошчилик қилган. 1864 й.дан эътиборан адабий фаолиятдан ташқари, давлат ва жамоатчилик муассасаларида ҳам хизмат қилиб, 1861 й. ислоҳоти туфайли дворянлар ва деҳқонлар ўртасидаги муносабатни мувофиқлаштириш ишлари б-н шуғулланган. Узоқ йиллар грузинлар ўртасида саводхонликни тарқатиш жамиятига раис. «Иверия» газ.га муҳаррир (1877—1902) ва грузин драматурглари жамияти ҳайъатига раҳбар (1879 й.дан) бўлиб ишлаган. 1906 й.да эса Давлат кенгашига аъзо этиб сайланган. Ч. Тбилисидан Сагурамога кетаётганида чор охранкаси жосуслари томонидан ўлдирилган.

Ч. ижоди 19-а.нинг 50-й.ларида бошланган. «Рўё» (1859), «Бир неча манзара ёки Қароқчи ҳаётидан бир лавҳа» (1860) достонлари ва «Фақир кишининг ҳикояси» (1859—62), «У ҳам одамми?» (1859—63), «Отарнинг беваси» (1880) қиссаларида Ч. грузин жамиятидаги синфий-табақавий зиддиятларни, меҳнаткаш халқ ҳақ-ҳуқуқларининг поймол қилинганини акс эттирган.

Табиат тасвирига бағишланган «Кварели тоғларига» (1857) сингари айрим шеърларни истисно қилганда Ч.нинг поэтик асарларида ҳам ватанпарварлик ғоялари устуворлик қилган. Шоирнинг халқ ижоди асарлари сюжети асосида ёзилган «Дарвеш» (1883) достонида инсон жамиятда яшаши ва шу жамиятни такомиллаштириш йўлида меҳнат қилиши лозим, деган фикр олға сурилган. Грузин адабий тилини халққа яқинлаштириш ва грузин адабиётида реалистик тасвир теранлашувида Ч.нинг хизматлари катта. Асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган. Шоир Матиминда тоғи (Тбилиси)даги грузин адабиёти ва маданияти арбоблари пантеонида дафн этилган.

Ас.: Стихотворения и поэмы, Ленинград, 1979.

ЧАГАЕВ Руслан Шамилевич (1978.19.10, Андижон) — боксчи. «Ўзбекистон ифтихори» (1998), Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2000). Андижон республика олимпия ўринбосарлари билим юртида таҳсил олган (1991—1997), Андижон ун-тини тугатган (2002). 91 кг вазн тоифасида Ўзбекистон (1996, 1999, 2000, 2001), Марказий Осиё ўйинлари (1995, Тошкент; 1997, Олмаота), Осиё (1995, 1999, Тошкент), Осиё ўйинлари (1998, Бангкок), жаҳон (1997, Будапешт) чемпиони. У 91 кг дан зиёд вазнда ҳам жаҳон чемпиони бўлган (2001, Белфаст). 2001 й.дан профессионал боксчи. Гамбург (ГФР)нинг «Универсум бокс промоушн» клуби б-н шартнома имзолаб, рейтинг учрашувларини ўтказиб келади (2004). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (2001).

ЧАГОС АРХИПЕЛАГИ — Ҳинд океанидаги ороллар. Буюк Британия мулки. Майд. 200 км². Ч.а.ни Мальдив сув ости тизмасининг маржон рифлари б-н ўралган чўққиларидан иборат 5 та атоллар гуруҳи ташкил этади. Кокос пальмазорлари бор. Балиқ овланади ва экспорт қилинади. *Диего-Гарсия* о. архипелаг таркибида.

ЧАД — Марказий Африкадаги оқмас кўл. Нигерия, Нигер, Чад ва Камерун ҳудудида, 240 м баландликда. Уз. 270 км, эни 150 км гача. Майд. 10 мингдан 26 минг км² гача (Ч.га қуйиладиган оқим миқдорининг кўп йиллик ўзгаришига боғлиқ), чуқ. 4 м дан 11 м гача. Иқлим намлиги юқори бўлган даврда, яъни 5—6 минг йил аввал кўл майд. 400 минг км² га етган. Ғарбий ва жан. қирғоқлари паст, ботқоқлашган, шим.-шарқи ва шарқи кучли емирилган, улар яқинида орол кўп. Ч.га Шари ва Комадугу-Йобе дарёлари қуйилади. Кўлнинг дарё дельталари яқинида суви чучук, қолган қисмида шўр. Ч.да сувнинг ер остига сингиб атрофдаги грунт сувларини таъминлаб туриши натижасида кўлнинг суви мунтазам алмашиниб туради. Бегемот, ламантин, тимсоҳлар, сув ва ботқоқ паррандалари яшайди. Балиқ тури кўп. Кема қатнайди.

ЧАД (Tchad), Чад Республикаси (République du Tchad) — Марказий Африкадаги давлат. Майд. 1284 минг км². Аҳолиси 9 млн.га яқин киши (2002). Пойтахти — Нжамена ш. Маъмурий жиҳатдан 28 префектурага бўлинади.

Давлат тузуми. Ч. — республика. Амалдаги конституцияси 1996 й. 31 мартда қабул қилинган. Давлат бошлиғи президент (1991 й.дан Идрисс Деби), у умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали (Миллий мажлис ва Сенат) парламент, ижроия ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади. Президент бош вазирни тайинлайди.

Табиати. Ч. ҳудудининг кўп қисми бал. 250—400 м бўлган ясси текисликдан иборат. Мамлакат шим. қисми *Саҳрои Кабир* чўлида жойлашган, жан. Соҳил деб аталувчи чўл ва чала чўл ландшафтли саванна ва Судан табиий областининг бир қисмини эгаллайди. Чекка шим.да Тибасти тоғлиги бор (энг бал. жойи 3415 м, Эми-Кўси тоғи). Мамлакат шим.-шарқида Эннеди ва Эрди платолари, жан.-шарқий қисмида Вадаи массиви жойлашган. Ч.да боксит, диатомит, каолин, нефть, қалай, уран, олтин конлари бор; Чад кўлидан сода ва туз олинади.

Иқлими шим.да тропик чўл иқлими. Янв.нинг ўртача т-раси 15°, июлники 30° гача (айрим ҳолларда 50° гача

Чад герби.

бориши мумкин). Ўртача йиллик ёғин 100—250 мм. Жан.да экваториал муссонли иқлим. Қиш мавсуми (окт.—нояб.дан апр.—майгача) қуруқ. Ўртача т-ра энг совуқ ойда 21°, энг иссиқ ойда 33°, ўртача йиллик ёғин (250—1000 мм) шим.дан жан.га томон ортиб боради. Шим.да доимий оқар дарёлар йўқ, Жан.да кема қатнайдиган йирик дарёси — Шари. Мамлакатнинг ғарбий чегарасида Чад кўли жойлашган. Шим.даги тошлоқ чўлларда тиканакли ярим бута ва буталар, воҳаларда ток, хурмо ўстирилади. Чекка жан.да қизил-қўнғир тупроқларда саванналар мавжуд, баобаб дарахти ҳам учрайди. Саванналарда йирик сут эмизувчи ҳайвонлар — фил, жирафа, кийик, буйвол, каркидон; йиртқичлардан — арслон, леопард, сиртлон, чиябўри бор. Шари дарёсининг юқори оқимида маймунлар учрайди. Қушлардан туяқуш, сақоқуш, қизилғоз бор. Илон, калтакесак ва ҳашарот кўп. Ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш учун Закума миллий боғи ташкил этилган.

Аҳолисининг $^{1}/_{3}$ қисмидан кўпроғини шари-нил тилларида сўзлашувчи халқлар, $^{1}/_{3}$ қисмини араблар ташкил этади. Чад кўлининг жан.да чад тилларида сўзлашувчи муби, хауса, масса халқлари, Камерун б-н чегарага яқин жойларда мбум халқи яшайди. Расмий тиллар — француз ва араб тиллари. Аҳолининг ярмидан кўпи маҳаллий динларга эътиқод қилади, қолганлари мусулмон суннийлар; христианлар ҳам бор. Йирик шаҳарлари — Нжамена, Мунду, Абеше.

Нжамена жанубидаги саванна.

Тарихи. Ч. ҳудудида одам қадимдан яшаб келган. 9-а.да Чад кўли ҳавзасида Канем давлати пайдо бўлган. Канем давлати таназзулга учрагач, 14-а. охирида Борну давлати ташкил топди. 19-а. охиригача ҳоз. Чад ҳудудининг турли қисмларида Вадаи (14-а.), Багирми (16-а.), Раббаҳ (19-а.) давлатлари вужудга келди. 19-а. охири — 20-а. бошларида Чад кўли ҳавзасини Буюк Британия, Германия, Франция эгаллаб олишга интилдилар. 1900 й. Ч. Франциянинг ҳарбий ҳудуди деб эълон қилинди. Унинг айрим қисмларини босиб олиш 1914 й.гача давом этди. 1904 й. Чад ҳудуди Убанги-Шари — Чад мустамлакалари федерацияси (1910 й.дан Франция Экваториал Африкаси) (ФЭА) таркибига кирган. 1914 й. Чад Убанги-Шаридан ажратиб олиниб, ФЭАнинг алоҳида мустамлакасига айлантирилди. 2-жаҳон уруши йиллари (1939—45) Ч. «Озод Франция» ҳарбий қисмлари тўпланадиган ҳудудга айланди. Урушдан кейинги йилларда Ч.да миллий озодлик ҳаракати авж олди. 1946 й. Чад ФЭА таркибида Франциянинг «денгиз ортидаги ҳудуди»га айланди. 1947 й. тузилган Ч. илғор партияси Ч. мустақиллиги учун олиб борилган курашга раҳбарлик қилди. 1957 й. Чадда африкаликлардан иборат ҳукумат кенгаши тузилди. 1958 й. 28 нояб.да Ч. Франция Ҳамжамияти таркибидаги республика деб эълон қилинди. Миллий озодлик ҳаракати авж олиши натижасида Франция ҳукумати Ч.га мустақиллик берди. 1960 й. 11 авг.да Ч. мустақил давлат деб эълон қилинди. 1975 й. ҳарбий тўнтариш бўлиб, ҳукумат тарқатиб юборилди. Шу пайтдан бошлаб мамлакатдаги турли ҳарбий-сиёсий гуруҳлар ўртасида бир неча бор қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди. 1990 й. дек.да ҳокимият тепасига Идрисс Деби бошчилигидаги Миллий қутқариш ватанпарварлик ҳаракати келди ва у кўп партиявийлик демократик тузумни жорий этиш йўлини танлади. Ч. 1960 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1993 й.12 янв.да тан олган, 1994 й. 16 сент.дан дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 11 авг. — Мустақиллик куни (1960).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Демократия ва тараққиёт учун миллий уюшма, 1992 й. тузилган; Тараққиёт ва янгиланиш миллий иттифоқи; Миллий



Чад байроғи.

қутқариш ватанпарварлик ҳаракати, 1990 й. тузилган; Янгиланиш ва демократия учун иттифоқ, 1992 й. асос солинган; Ч. миллий озодлик фронти, 1965 й. ташкил этилган. Ч. касаба уюшмалари бирлашмаси, 1988 й. тузилган.

Хўжалиги. Ч. — иқтисодий жиҳатдан заиф ривожланган мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 39%, саноат ва қурилишники 15%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 46% ни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги — иқтисодиётнинг асоси. Қ.х.нинг асосий тармоғи — деҳқончилик. Маҳсулоти четга чиқариладиган асосий экини пахта. Шунингдек, ер ёнғоқ, шоли, буғдой, тариқ, жўхори экилади; хурмо ўстирилади. Аҳолининг $^{1}/_{3}$ қисми кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлик б-н шуғулланади. Чорвачилигида қорамол, қўй ва эчки боқилади. Дарёлари ҳамда Чад ва б. кўлларда балиқ овланади.

Саноати яхши ривожланмаган. Унинг асосий тармоғи — тўқимачилик. Озиқ-овқат саноатида гўшт, ун, шоли оқлаш, ёғ, шакар-қанд, пиво пишириш з-длари бор. Чад кўлидан ош тузи ва сода қазиб олинади. Йилига ўртача 92 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади.

Автомобиль йўллари уз. — 32,7 минг км, т.й. йўқ. Логоне ва Шари дарёларида 1 й.да 3 ой кема қатнайди. Нжаменада халқаро аэропорт бор. Ч. четга пахта, қорамол, гўшт, тери чиқаради; четдан нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат, транспорт воситалари олади.

Деҳқонларнинг турар жойлари.

Нжамена шаҳрида мустақиллик шарафига ўрнатилган ёдгорлик.

Ташқи савдода Португалия, Франция, АҚШ, Германия, Япония б-н ҳамкорлик қилади.

Маорифи ва илмий муассасалари. Ч.да 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун бошланғич таълим мажбурий. Таълим француз тилида олиб борилади. Бошланғич мактабга болалар 6 ёшдан қабул қилинади. Бошланғич мактаб 6 й.лик. Ўрта мактабда ўқиш 7 й. Ўрта техника таълими тўлиқсиз ўрта мактаб негизида мактаб ва ин-тларда амалга оширилади. Олий таълимни Нжаменадаги Чад ун-ти беради. И.т. муассасалари: Пахта ва тўқиш ин-ти, Миллий гуманитар фанлар ин-ти, планетарий, қ.х. бюроси, илмий техника бюроси, геогр. тадқиқот ст-яси ва б.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Ч.да француз тилида «Инфо-Чад» («Чад ахбороти») кундалик бюллетень чиқади (1964 й.дан). Ч. ахборот агентлиги 1964 й.да ташкил этилган. Ч. миллий радиоси ҳукумат радиост-яси ҳисобланади; 1955 й. тузилган. Ч. телевидениеси, ҳукумат хизмати.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Ч. ҳудудидан палеолит ва неолит даврига оид қоятошларга ишланган расмлар топилган. Ч.нинг ўтроқ аҳолиси Логоне ва Шари дарёлари водийларидаги кичикроқ шаҳарчаларда истиқомат қилади. Аҳоли қишлоқларда томи чўққисимон, деворлари лой б-н сувалган доирасимон ва тўғрибурчакли кулбалар қуралилар. Шаҳарларда ички ҳовлили, ясси томли, атрофи кунгурадор девор б-н ўралган уйлар барпо этадилар. Ч. жанубида 8—10-а.ларга оид қад. маданият ёдгорликлари (керамика буюмлари, одам ва ҳайвон тасвирлари туширилган сопол ва бронза ҳайкалчалар, одамнинг лойдан тайёрланган бошлари) топилган. Ч.да қадимдан амалий-безак санъатининг тўқувчилик, каштачилик, кандакорлик, кулолчилик каби турлари ривожланган.

Мусиқаси. Ч. халқларининг халқ қўшиқлари пентатоникага асосланади; рақслардан млюмланг (овчилар рақси), илон мбесси, байян, идасьон (маросим рақси), сан, басака (байрам рақси) турлари кенг тарқалган. Чолғу асбоблари: зарбли — барабан (3 барабандан иборат ансамбль машҳур), шақилдоқ, қўнғироқча, ксилофонлар; пуфлама созлар — алгаита (гобой тури), қамишдан ясалган кларнет ва б. Профессионал ансамблларда пуфлама созлар барабанлар б-н бирга ишлатилади. 1970 й. Миллий рақс ансамбли ташкил этилган.

ЧАД ТИЛЛАРИ — сом-ҳом (афроосиё) тиллари макрооиласининг бир тармоғи; Марказий ва Ғарбий Суданда, Чад кўли атрофидаги минтақа — Шим. Нигерия, Шим. Камерун ҳамда Чад Республикаси ҳудудларида тарқалган. 150 дан ортиқ тиллари, лаҳжа гуруҳларини қамраб олади. Тармоқдаги энг йирик ҳисобланган *хауса* (тили)нинг азалий қўлланиш ҳудуди Нигернинг жан.-шарқий қисмларини ҳам ўз ичига олади. Хауса халқининг кўчиб юриши ва савдо-сотиқнинг тобора кенгайиши натижасида хауса тили Гана, Того, Бенин республикаларининг шим. қисмлари ва Африканинг бошқа кўплаб мамлакатларида ҳам тарқалган. Ўтган асрнинг 90-й.лари ўрталаридаги маълумотларга кўра, Ч.т.да 35—40 млн.дан (хауса тилида 31 млн.дан) ортиқроқ киши сўзлашади.

Ч.т. 3 та асосий гуруҳга бўлинади: ғарбий чад тиллари, ўз навбатида, хауса, ангас, рон, боле-тангле, шим. баучи, жан. баучи, баде гуруҳчалари (7 та)га ажралади; марказий чад тиллари, ўз навбатида, тера, бура-марги, хиги, бата, хилкала, мандара, сутур, матакам, даба, гидер, котоко, музгу, маса гуруҳлари (13 та)га ажралади; шарқий чад тиллари, ўз навбатида, кера, нанчере, самрай, сокоро, дангра, мокулу, мубу гуруҳчалари (7 та)га ажралади.

Ч.т.нинг фонологик тизимида ундошларнинг 3 тури — жарангли, жарангсиз ва эмфатик турлари фарқланади. Унлиларнинг чўзиқлик—қисқалик бўйича қарама-қаршилиги кенг тарқалган. Барча Ч.т. ҳам лексик, ҳам грамматик маъноли фонологик тон (оҳанг)ларга эга. Морфологиясида феъл тизими бошқа сом-ҳом тилларига нисбатан бир қанча ўзига хосликларга эга, олмошларнинг алоҳида сўз ва қўшимча кўринишидаги турлари мавжуд.

Ч.т. орасида хауса тилигина ривожланган ёзув анъаналарига эга (қ. *Хауса*); бошқа тиллар ўз ёзувига эга эмас. Энг кўп ўрганилгани ҳам хауса тилидир (19-а. ўрталаридан). Ўтган асрнинг 70-й.ларидан бошлаб барча Ч.т. тавсифий ва қиёсий-тарихий тадқиқотлар объектига айланди.

Ад.: Дьяконов И. М., Семитохамитские языки, М., 1965; Порхомовский В. Я., Чадские языки, в кн.: Сравнительно-историческое изучение языков разных семей. Задачи и перспективы, М., 1982.

ЧАЁН (лот. Scorpius) — юлдуз туркумларидан бири (қ. *Ақраб*).

ЧАЁН — қ. *Чаёнлар*.

ЧАЁН ЧАҚИШИ — киши ҳаёти учун хавфли ҳолат. Чаён чаққан жойда кучли оғриқ сезилади, кейинчалик у қон томирлари ва нерв толалари орқали бутун танага тарқалади. Ўша жой қизиб, баъзан «муздаб» жонсизланади, қичишади, қизариб шишади, гоҳо унда пуфакчалар пайдо бўлади; киши ҳолсизланади, боши айланади ва оғрийди, эти увишади. Оғирроқ ҳолларда томир тортишиб, нафас олиш, гапириш қийинлашади. Чаён чаққан жойга нашатир спирти суртиб, иссиқ қилиш лозим, унга саримсоқ ёки пиёзни эзиб қўйиш, марганцовка (калий перманганат) эритмаси б-н ванна қилиш ҳам мумкин. Чаён чаққан кишида беҳоллик аломатлари кузатилса, дарҳол врачга мурожаат этиш зарур. Унга иложи борича кўп суюқлик ичириш лозим. Ч.ч.ни олдини олиш учун чаён ўлжа қидириб кириб қолиши мумкин бўлган пойабзал, кийим ва б.ни қоқиб-суқиб кийиш мақсадга мувофиқ.

ЧАЁНЛАР (Scorpiones) — *ўргимчаксимонлар* туркуми, баъзан мустақил синф сифатида қаралади. Уз. 1—20 см. Бошкўкраги яхлит қалқон б-н қопланган. Бу қалқон ўртасида 2 жуфт, унинг 2 ёнида бир неча жуфт кўзлари бор. Кутикуласи мум қавати б-н қопланган. Қорин қисми кенгайган. Ингичка кейинги бўлими бошкўкрак томонига эгилувчан. Бир жуфт заҳар бези кейинги қориннинг охирги бўғимида жойлашган бўлиб, санчувчи наштарга очилади. Хемицералари майда, қисқичсимон. Оёқ пайпаслагичлари учки қисми йирик қисқичга айланган. Ўпка орқали нафас олади. Сперматофорлар ёрдамида уруғланади. Ч. тирик туғади. 750 га яқин тури, жумладан, Ўзбекистонда бир неча тури бор. Чипор (сариқ) Ч. кўп учрайди. Йиртқич, тунда ов қилади. Чаққанида қаттиқ оғрийди. Айрим тропик турларининг чақиши кишини ўлимга олиб келиши мумкин (яна қ. *Чаён чақиши*).



Сариқ чаён

ЧАЙИР, шанр (Andropogon L.) — соябонгулдошларга мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми; озуқабоп экин. Тропик ва субтропик мамлакатларда 25 га яқин тури маълум. Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ ва Қримда 2 тури (оддий Ч. ҳамда кавказ Ч.и) ўсади. Қуруқ даштларга мослашган. Илдизи йўғон, этдор. Пояси битта, баъзан икки-учта, юқори қисмидан шохланган. Гуллари сариқ, шохлари учидаги мураккаб соябон тўпгулга жойлашган. Май ойида гуллайди, уруғи июлда пишади. 100 кг кўк массаси таркибида 24,2 озуқа бирлиги ва 1,4 кг ҳазм бўладиган протеин (хашагида тегишлича 37,7 ва 3,3 кг) бор. Ўзбекистоннинг Нурота тоғи, мирзачўл ҳамда Қизилқумдаги паст тоғларнинг тошлоқ ён бағирларида ўсади. Илдизларида шира-смола, крахмал, барглларида эфир мойи бор. Смола халқ табобатида турли жароҳатларни даволашда, илмий тиббиётда қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади. Барча қ.х. ҳайвонлари учун яхши ем-хашак ҳисобланади.

ЧАЙКАЛАР — қ. *Балиқчилар.*

ЧАЙКИН Вадим Афанасьевич (1886, Курск губернясининг Ново-Оскол уезди — 1941.8.9) — тарихчи ва жамоат арбоби. Уфа гимназиясида ўқиган. 1904 й.дан эсерлар партиясининг аъзоси. 1908—15 й.ларда қамоқ ва сургунда бўлган. Туркистонда подшо Россияси ҳукмронлигига қарши курашларда фаол қатнашган. 1916 й. ёзидан Андижонда яшаган. *Миркомилбой* таклифи б-н Андижон аҳолиси номидан Ч. Убайдуллахўжа *Асадуллахўжаев* б-н мардикорликка сафарбарлик ишини текшириш учун Петроградга борган (1916 й. июль). Ч., У. Асадуллахўжаев, *Мустафо Чўқай* ҳамроҳлигида А.Ф.Керенский ва Қ.Б.Таваккалов-дан иборат комиссия Туркистонга келади. 1917 й.да у сиёсий фаолиятини янада жонлантирган. Эсерлар партиясининг Туркистондаги раҳбарларидан бири бўлган. Бутун Россия Советларининг 1-съезди (Петроград, 1917 й. июнь)да Ч. У. Асадуллахўжаев б-н биргаликда қатнашган. Россия Муваққат ҳукумати Туркистон қўмитаси раиси (1917 й. июль—сент.). *Октябрь тўнтаришидан* сўнг Ч. ўнг эсер сифатида большевикларга қарши чиқади. Россия Таъсис Мажлиси аъзоси (1917—18).

Ч. тарихчи олим сифатида 20-а. бошларида Россияда инқилобий жараёнлар ва миллий муносабатлар, народниклар тарихи, Украина ва Туркистондаги сиёсий аҳвол тўғрисида асарлар ёзган. Унинг қўлёзмалари 1933 й.да 5 жилдли китоб шаклида келтирилган.

1922 й.дан бошлаб совет режими томонидан бир неча марта қамалган ва сургун қилинган. СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси қарори б-н Ч. отиб ташланган (1941 й. 8 сент.).

Ад.: Германов В.В., Историки Туркестана в условиях политического террора 20—30-х годов, Т., 2000; Аъзамхўжаев С., Туркистон мухторияти, Т., 2000; Шамсутдинов Р., Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар, Т., 2001.

ЧАЙКОВСКИЙ Пётр Ильич [1840.25.4(7.5), ҳоз. Воткинск — 1893.25.10 (6.11), Петербург] — рус композитори, йирик симфониячи, мусиқий драматург, дирижёр, педагог. Петербург консерваториясини тугатган (1865). Москва консерваториясида проф. (1866—78). Рус мусиқа жамияти Москва бўлимининг директори (1885 й.дан). 1887 й.дан Россия, шунингдек, Европа ва АҚШда гастролда бўлиб, асосан, ўз асарларига дирижёрлик қилган. Ч. чуқур миллий, халқчил ва демократик услубдаги опера, балет, симфоник ва камер асарларининг юксак намуналарини яратган. Унинг ижоди рус романси, халқ қўшиқлари ва романтизм даври оҳангларига асосланган ўзига хос мусиқа услуби б-н ажралиб туради. Ч. мусиқаси ниҳоятда таъсирчанлиги, ажойиб оҳангдорлиги, ёркин ифодавий воситалари, жўшқин, ҳаяжонли куйларга бойлиги б-н аҳамиятлидир. Ижодида ўта нозик руҳий жараёнлар б-н бирга кўлами кенг — муҳаббат ва тақдир, ҳаёт ва ўлим, табиат каби мавзулар ўзининг юксак бадиий ифодасини топган. Ч. турли жанрларда бой ижодий мерос қолдириб, 10 опера, 3 балет, 6 симфония, симфоник фантазия, увертюра ва сюиталар, 3 фортепиано ва 1 скрипка концертлари, диний мавзудаги хор асарлари, шунингдек, фортепиано, скрипка учун пьесалар ҳамда вокал мусиқанинг етук намуналарини яратган. Айниқса, 4—6 симфониялари (1877—1893), «Франческа да Римини» (1876) ва «Ромео ва Жульетта» (1869) симфоник увертюра—фантазиялар, «Итальянча каприччио» (1880), скрипка (1878) ва 1-фортепиано (1875) концертлари, «Евгений Онегин» (1878), «Қарға моткаси» (1890), «Иоланта» (1891) опералари, «Оққуш кўли» (1876), «Уйқудаги гўзал» (1889), «Шчелкунчик» (1892) балетлари жаҳон *симфонизми* чўққилари ҳисобланади. *Гармонияси*дан рус тилида биринчи дарслик («Гармониянинг амалий ўрганиш бўйича қўлланма», 1872) муаллифи. Ч.нинг барча асарлари тўла нашр этилган (Полное собрание сочинений, т. 1—63, М., 1940—90). Воткинск шаҳ. мемориал музейи (1894 й.дан) ва Клин (1940) шаҳ. уй-музейи бор. Москва консерваториясининг, 1958 й.дан Москвада ўтказиладиган мусиқа ижрочилари халқаро танлови ва б. га Ч. номи берилган.

ЧАЙЛА — қ. *Капа.*

ЧАЙНАШ — оғизда овқатни майдалаш, эзиш, уларни сўлак б-н намлаш ва ютум ҳосил қилишдан иборат физиологик жараён. Одам ва кўпгина ҳайвонларда Ч. чайнов мускуллари қисқарганда, пастки жағ ҳаракатининг юқори жағ ҳаракатига нисбатан турлича ўзгариши натижасида амалга ошади. Ҳид ва лунжлар ҳаракати ҳам аҳамиятга эга. Ч. аппаратининг шикастланиши, айниқса, тишларнинг бўлмаслиги ёки етишмаслиги овқат ҳазм қилиш жараёнининг кескин бузилишига олиб келади.

ЧАЙОТ, мексика бодрингги (Sechium edule L.) — қовоқдошлар оиласига, Sechium туркумига мансуб ўсимлик тури, озиқ-овқат экини. Марказий Америкада индейслар томонидан маданийлаштирилган. 19-а. ўрталаридан Африкада, сўнгра Жан. Европада, Осиёнинг тропик қисмида тарқалган. Асосан, Мексикада кўп экилади. Тропикларда кўп йиллик, субтропикларда бир йиллик экин, поясининг уз. 10 м гача боради. Барги беш бўлмали, гули айрим жинсли. Меваси ноксимон, ранги яшил, бир уруғли, уз. 13—20 см гача, оғирлиги 0,2—2 кг. Меваси таркибида 3—3,5% қанд, 20% крахмал, оқсил, қисман мой бор. Қовуриб ёки димлаб ейилади. Экилганидан кейин 2-йилдан бошлаб илдизида 2 кг дан 30 кг гача туганаклар ҳосил қилади. Илдизда ҳосил бўлган туганакларда 20% гача крахмал, оқсил, смолали моддалар тўпланади, мазаси картошкага ўхшайди, болалар ва беморлар учун парҳез ун тайёрланади. Поясидан бош кийим ва саватлар тўқиладиган пишиқ тола олинади.

Чайот меваси.

Субтропикларда бутун меваси-ни банд томони б-н экиб кўпайтирилади. Экиш схемаси 2 м × 1,5 м. Сентда гуллайди, бир ойдан кейин мевалари етилади (бир ўсимлик 200 донагача мева тугади).

ЧАКА, Шака (тахм. 1787—1828 й. сент.) — зулудар ҳокими (нико-си). Ҳоз. Наталь (ЖАР) провинциясидаги кардош қабилалар бирлашмасига бош бўлган, сўнгра ўз ҳокимиятини ҳоз. Трансваалнинг бир қисми, Кап ва Оранж вилоятларида ўрнатган. Интизомли қўшин тузган. Ч. ҳокимлиги даврида зулударда давлатчиликка асос солинган. Ч. қаттиқўл охирида чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган, золим мутлақ ҳукмдорга айланган. Фитначилар томонидан ўлдирилган.

ЧАКАМИР, ёпишқоқ кумриўт (Calium aparine L.) — рўяндошлар оиласи кумриўтлар туркумига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик тури; бегона ўт. Пояси тўрт қиррали, ётиб ўсади, пастга қайрилган тиканчалар б-н қопланган. Бўйи 80—100 см. Барглари яхлит қиррали, ўткир учли, наштар - понасимон, тикансимон, тиканча ва қиллари бор. Гуллари оқиш, тикансимон гулбандли. Меваси буйраксимон ёнғоқча. Илдизи ўқ илдиз. Май—сент.да гуллаб мевалайди. Уругидан кўпаяди. Бир тупи 1000 тагача уруғ беради. Мевалари етилиши б-н сочилади. Суторма деҳқончилик ҳудудларида уруғлари кузлаёқ кўкариб чиқади. Ўрта Осиё, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятларида кенг тарқалган. Суториладиган ерлар, айниқса, галлазорларда, шунингдек, полизлар, боғлар, ариқ бўйлари, йўл ёқалари ҳамда тўқайзорларда учрайди.

Чакамир.

Кураш чоралари: уругликни тозалаш, галла экинлари йигиштирилгач, ангизни юмшатиш; ерларни шудгор қилиш; галла экинларига *гербицидлар* пуркаш.

ЧАКАНА САВДО — товарларни донолаб ёки кичик тўп б-н сотиш ва сотиб олиш; Ч. с. товарларни шахсий ёки уй хўжалигида пировард истеъмолга сотишнинг асосий шакли бўлиб, деҳқон бозорлари, кичик дўконлар, супермаркетлар орқали амалга оширилади (қ. *Савдо*).

ЧАКАНДА, жирганоқ (Hippophae) — жийдадошлар оиласи дарахтсимонлар ёки бутасимонлар туркуми; дориворва мевали экин. Евросиёнинг илиқ иқлимли минтақаларида 3 тури тарқалган. Шарқий ва Ғарбий Сибирь, Кавказ, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда дарё соҳилари ва тўқайзорларда Ч.нинг жумрутсимон тури (H.rhamnoides) ёввойи ҳолда ўсади. Россиянинг Олтой, Сибирь ва Ноқоратупроқ зоналарида маданийлаштирилган навлари ўстирилади. Табиий ўсадиган чакандазорлардан ҳам кенг фойдаланилади. Ч. ёругсевар, қурғоқчилик ва совуққа чидамли. Бўйи 2—5 м, сершох, барги наштарсимон зич, усти кулранг, ости кумушсимон. Ч. икки уйли (эркак ва урғочи дарахтли) ўсимлик. Баҳорда барг чиқариши б-н гуллайди, шамол ёрдамида чангланади. Гуллари майда сарғиш, ҳидли. Меваси авг. охири—сент. бошларида пишиб етилади, майда, тухумсимон ёки думалоқ, новдаларга зич ёпишган, ранги оч сариқ ёки сарғиш-қизил, таъми нордон-ширин. Таркибида органик кислоталар, қанд, С ва В, Е, F гуруҳи витаминлари, каротин ҳамда тиббиётда ишлатиладиган шифобахш мой бор. Ч. бачки, парҳиш ҳамда қаламчасидан кўпайтирилади. Қумликларни, қирғоқларни, темир йўл бўйларини мустаҳкамлаш, йўлакларни қордан ҳимоя қилиш мақсадида ҳам экилади. Мевалари янгилигида ейилади, мураббо, жем, шарбат тайёрланади, мой олинади. Боғ ва хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.



Чаканда: *1* — эркак дарахти тўпгули; *2* — урғочи дарахти новдаси; *3* — мевали шохи.

ЧАКИН ЧЎР БИЛГА — Панч (Панжикент) ҳокими. Унинг номи Мут тоғидан топилган 8-а.га тааллуқли суғдий ҳужжатлар орасида учрайди. Талқиқотчилар Чакин унинг номи бўлиб, туркий чўр унвонига эга бўлганлиги, Билга (қад. туркча «доно») сўзи эса эпитети (сифат) бўлганини таъкидлайдилар. Бу пайтда Панжикент Турк хоқонлиги таркибига кирувчи Суғд конфедерациясига тааллуқли бўлиб, Самарқанддан кейинги ўринда турган. Ч.Ч.Б. томонидан зарб қилдирилган тангаларда «Панч ҳукмдори подшо Билга» жумлалари учрайди. Панжикентда 7-а.нинг 1-чорагида, яъни Деваштич ҳукмронлиги даврида чиқарилган тангаларда «Панч маликаси Нана» шаклида аёл ҳукмдорнинг номи ва унвони акс этган. Мазкур тангалардаги тамга шакли Ч.Ч. Б.га оид тангалардаги тамга б-н деярли бир хил. О.И. Смирнова, бу ерда зарб қилинган тангаларни белгиларга асосланиб, бир асрга яқин ҳукм сурган Панжикент ҳукмдорлари сулоласининг келиб чиқишини Сирдарё (Шош воҳаси) атрофидаги туркий ҳоким уруғларидан бирортаси б-н алоқадор бўлса керак, деб ёзади.

Ад.: Смирнова О.И., Каталог монет с городища Пенджикент, М., 1963; Исҳоқов М., Унутилган подшоликдан ҳатлар (Бир туркум суғд ҳужжатларининг ўзбек тилига таржимаси ва изоҳлари), Т., 1992.

ЧАККА — сузмага ошиқўқлар аралаштириб тайёрланадиган хушхўр парҳез таом. Бу таом кўпроқ Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида ёз ойларида тайёрланади. Ч. тайёрлаш учун сузма яхшилаб ийланиб туз, туйилган мурч, майда тўғралган кўкпиёз, кашнич, укроп, райҳон қўшиб аралаштирилади. Ч. салат сифатида дастурхонга тортилади.

ЧАККАЛИК, чаккатузи — заргарлик буюми; чаккага тақиладиган аёллар тақинчоғи. Куйи қисмига атрофи феруза кўзлар б-н ҳошияланган безак тош ёки рангли шиша ўрнатилган йирик ҳажмдаги ҳалқа ва босма безакли япроқча ва маржонли шокилалардан тузилган. Ч.дан кейинчалик исирға келиб чиққан.

ЧАКМОН — устки кийим тури; эркакларнинг олди очиқ қишки тўни. Жун матодан тикилади. Барлари олд этак қисмига қўшимча трапециясимон қийиқ қўшилиши ҳисобига бир-бирига устма-уст кириб туради. учбурчак

бўйин ўнгизига ёқа ўрнатилади, енг учи томон торайиб боради. Ч.нинг қўлтиқ ости (хиштак) қисми очиқ қолдирилган. Ч. ҳам тўн каби ёқа, бар, этак четига жиякбар қўйиб безатилган. Баҳор, кузда яхтак устидан, совуқ ойларда пахтали тўн, пўстин устидан кийилади. Хоразмда чап барлар ўнг бар устини ёпиб турган. Яйловларда ҳозир ҳам кундалик кийим сифатида кийилади. Бу ҳудудда мовут тўнлар — ч а к м о н, ш о л ч а к м о н, я к т а к сингари астарсиз тикилган. Жун мато энсиз бўлгани сабабли битта Ч.га 25 м гача мато сарф қилинган. Улар, асосан, оч жигарранг туя жунидан бўлиб, 2 андазали ёки 3 андазали бичиқда тикилган, яъни ён бўлак-тарзли ёки тарлар қўшилмай тикилган.

Самарқанд—Бухоро муҳофоти мовут Ч.лари, асосан, қўй жуни матосидан тайёрлангалиги туфайли, сидирға оч сариқ ёки қора тусли бўлган. Шол Ч. (туя жунидан тайёрланган), мовут Ч. (ф-ка мовутидан тайёрланган) лар қиммат сотилган, асосан, ўзига тўқ, бой аҳоли сотиб олган. Ч. оддий тўнлар сингари бичилган, яъни 3 андазали тўғри бичиқли бўлиб, барлар олдига кийиқлар солинган. Жиякбар б-н безатилган.

Фарғона — Тошкент муҳофотида қўй жунидан тўқилган мовут Ч.лар — қ о қ м а Ч. дейилган. Энг арзон мовут Ч.лар паст навли аралаш матолардан тикилган (кўк Ч.). Қор-ёмғирларда бўкиб қотмаслик учун кўпинча қайноқ сувга бўктирилган. Ч. матоси тўқилишига қараб фарқланган. Асосан, кўкиш рангли бўлган, бичими эса пахтали чопон, тўнлар каби 3 андазали тўғри бичиқли бўлган. Ҳоз. кунда Ч.лар кундалик кийимлар қаторидан жой олган.

Ад.: Сухарева О. А., Костюм народов Средней Азии. М., 1982; Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. М., 1989.

ЧАКСА — Ўзбекистон ҳудудидаги қад. ўлчов бирлиги. Асосан, пуднинг 1/3 қисмига тенг бўлган. Ўзбекистоннинг Косон, Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятларида, Тожикистоннинг Хўжанд ш. атрофларида ҳозир ҳам аҳоли томонидан фойдаланилади.

ЧАК-ЧАК — хамирдан тайёрланадиган ширинлик тури. Ч. учун тухумнинг сариғи юқорачита солиниб аталанади ва унга туз, коньяк (арақ) қўшиб хамир қорилади. Хамир бир оз ўраб тиндирилгач, ўқлов б-н 2 мм қалинликда ёйилиб, турли шакл ва ўлчамларда кесилади ва қизиб турган ёғда оч-олтин ҳовуриб олинади. Бошқа бир идишга асал солиб оловга қўйилади. Асал эриб суюлгач, шакар қўшиб яна оловга қўйиб, қиём тайёрланади. Қовуриб олинган хамир қисмга (совимасдан) аралаштирилади ва ёғланган юза идишларга уюб солиниб қўл б-н босилади. Тайёр Ч.нинг устини ёнғоқ ёки майда конфетлар б-н безатилади. Ч., асосан, тўйлар, байрамлар, тантанали оилавий маросимларга тайёрланади.

ЧАЛА МАЙМУНЛАР (Prosimii) — маймунлар кенжа туркуми. Тупайилар ва галаго ўхшаш ҳар хил. Кўпчилигининг кейинги оёқлари олдингиларига нисбатан узун. Жуни қалин, юмшоқ. Кўз косалари бир-биридан [illegible] жойлашган. Бурун теваги бурнининг учки қисмидан [illegible] ташқари). Сут безлари сўрғичлари 1—3 жуфт, тишлари 18—38 та. Миясининг бурмалари нисбатан кам. 6 оила 52 тури мавжуд. Тропик Африка (лорисимонлар), Мадагаскар ороли (лемурлар, индрисимонлар, қўлоқсимонлар), Осиё ва Малайзия архипелагида (тупайясимонлар, лорисимонлар, узунтовонлар) учрайди; тунги ёки шомги, кундузги ҳайвонлар. Кўпчилиги дарахтда кичик гуруҳ бўлиб, жуфт ёки якка ҳолда яшайди. Ҳаммахўр. Бўғозлик даври 2—5 ой. 1—4 (кўпинча 1) та бола туғади. Лемурсимонлар ва лорисимонлар тутқунликда ҳам кўпая олади.

ЧАЛА ТУҒИЛГАН БОЛА — ҳомиладорлик муддати тугамай (ҳомиладорликнинг 29-ҳафтасидан 38-ҳафтасигача) туғилган бола. Вазни 1000 г дан 2500 г гача, бўйи 45 см атрофида бўлади.

Ч.т.б. нормал ривожланган бўлса ҳам ўзи мустақил яшай олмайди, шунинг учун уни алоҳида парвариш қилиш талаб этилади. Ч.т.б. ҳаётининг дастлабки ҳафтасида кўрсатиладиган самарали парвариш фақат касалхонанинг махсус бўлимларида врач назорати остида олиб борилади.

Ч.т.б. кўриниши, аъзо ва системаларининг ривожланишига кўра нормал туғилган боладан ажралиб туради (қ. *Гўдак*). Ч.т.б. жуда кўп ухлайди, йиғиси чўрга эшитилади. Териси юпқа, қуруқ, кўпинча оч пушти ёки қизғиш бўлиб, буришиб туради. Танаси майин тук б-н қопланган, тери ости ёғ қатлами анча заиф; оёғи танасига нисбатан калтага ўхшаб кўринади; боши катта, қулоқ супраси юмшоқ, бошига ёпишган бўлади.

Ички аъзолари ривожланган, лекин функционал жиҳатдан анча заиф; юқори нафас йўллари нозик бўлиб; кўкрак қафаси нафас олишда кам қатнашади. Нафас олиши тез ва нотекис, юзаки, пульси суст, қон айланиш системаси яхши ривожланмаган. Меъда-ичак системаси номукаммаллиги сабабли ич келиши турғун бўлмайди (кўпинча [illegible] бўлади). Буйрак функциялари ҳам суст ривожланган; қиз болаларда жинсий тешик сал очиқ, ўғил болаларда эса моек ҳали ёрғоққа тушмаган бўлиши мумкин.

Ч.т.б.нинг нерв системаси ҳам функционал жиҳатдан яхши етилмаган бўлиб, унинг организми т-расини бир меъёрда ушлаб тура олмайди (тез қизиб ёки совиб кетади).

Ч.т.б. жисмоний ривожланишининг (ҳаётининг биринчи йилида) ўзига хос хусусияти бор. Бундай болалар вазни бир ойда нормал туғилган болаларникига нисбатан жуда кам, лекин нормал туғилган болаларга қараганда кейинги ойларда тез ўсиб, вазни ҳам тез ортади. Бола қанча кам вазн б-н туғилган бўлса, вазни шунчалик тез ортади.

Ч.т.б. организмининг функционал жиҳатдан етилмаганлиги, унга, айниқса, биринчи ой давомида бирмунча қулай шароит яратиб, юқумли парвариш қилишни тақозо этади, уни т-ра, ёруғлик, товуш ва б. таъсиротлардан сақлаш, *асептика* ва *антисептика* қоидаларига риоя қилиш зарур.

Вазни 2000 дан 2500 г гача бўлган Ч.т.б.ни аҳволи ва уй шароитига қараб врач рухсати б-н туғруқхонадан уйга жавоб берилади. Вазни кам бўлиб туғилган бола махсус стационар шароитида парвариш қилинади. Вазни 1500 г дан кам бўлиб туғилган болалар маълум т-рали, ҳавоси нам ва кислородли бир камера — кювезларда боқилади. Боланинг вазни тўлиқ [illegible] ҳам [illegible] т-расини бир меъёрда ушлай олгунча) кювезларда парвариш қилинади. Боланинг вазни 2500 г га етгандагина уйга жавоб берилади.

Уй шароитида Ч.т.б. ётган хонанинг т-раси 25° бўлиши лозим. Боланинг бошини баландроқ қилиб ётқизиш керак, сиқиб йўргаклаш ярамайди. Болага иссиқ юмшоқ ич кийим кийгизиб, пахтали адёлга ўраб қўйиш мақсадга мувофиқ (қўлларини ҳам). Бошига қалпоқча кийгизиб, юзи очиқ қолдирилади. Агар гўдак тез совиб кетса, унинг атрофига ва оёғига сочиққа ўралган грелкаларни тахм. 10 см узоқроққа қўйилади (сувининг т-раси 65° бўлиши керак). Бола исиб кетса, юзи қизариб, тана т-раси кўтарилиб, безовта бўла бошлайди. Бунда грелкалар сонини камайтириш ёки ҳаммасини олиб қўйиш, зарур бўлса, бир неча минутга 1—2 сидра кийимини ечиш лозим. Агар у совиб кетса, териси оқариб, кўкиш тусга кириши ва музлек бўлади, боланинг ўзи эса бўшашиб қолади. Бунда уни иссиқ адёлга ўраш ёки иссиқ ваннага (36—37°) солиш (5—7 мин) ва атрофига иссиқ грелкалар қўйиш лозим. Исиб ёки совиб кетишнинг олдини олиш учун грелкадаги сув т-расини термометр б-н тез-тез ўлчаб туриш керак.

Ч.т.б. фақат она сути б-н боқилса, яхши ўсиб ва ривожланади. Уларда эмиш рефлекси (баъзиларида ютиш рефлекси ҳам) суст ёки умуман бўлмайди, дастлабки кунлари бола зонд орқали (кунига 10 марта), кейинчалик сўрғич орқали эмизилади, кейинроқ кўкракдан эмишга ўргатилади.

Ч.т.б. худди нормал туғилган болалар каби чўмилтирилади. Вазни 1500 г дан кам бўлган болаларни туғилганидан 3 ҳафта кейин, вазни 1500 г дан ортиқ болалар эса туғилганидан 10—15 кун ўтгач чўмилтирилади.

Соф ҳавода сайр қилдириш Ч.т.б.нинг ўсиши ва ривожланишига яхши таъсир кўрсатади. Бу муолажа вазни 2500 г дан ортиқ болалар учун тавсия этилади. Қишда эса вазни 3000 г дан ортиқ болаларнигина очиқ ҳавода сайр қилдиришга рухсат берилади. Лекин бунда жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Чала туғилишнинг олдини олишни ҳомиладорликка қадар бошлаш, аёллар ўзида мавжуд касалликларини ўз вақтида даволатишлари, шахсий ва жинсий гигиенага қатъий риоя қилишлари зарур (қ. *Жинсий ҳаёт*).

Ҳомиладорликнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши б-н аёллар керакли маслаҳатлар олиш учун врачга кўринишлари лозим (қ. *Ҳомиладорлик*). Ҳомиладор аёл тўғри овқатланиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслиги, чекмаслиги лозим. *Ҳомиладорлик токсикозлари* пайдо бўлиши б-н врачга мурожаат этиш керак.

ЧАЛА ТУҒИШ — *ҳомиладорлик* муддати тугамай (ҳомиладорликнинг 29 ҳафтасидан 38 ҳафтасигача) туғиш. Бунда ҳомила вақтдан аввал, чала туғилади (қ. *Чала туғилган бола*). Эркак уруғидаги нуқсонлар, тухумхужайранинг тўла ривожланмаганлиги, ирсий омиллар, эр-хотиннинг яқин қариндош бўлиши, *плацента*нинг бачадонга нотўғри бирикиб қолиши, ҳомиланинг тескари ётиши, аёл нерв ва эндокрин системасининг бузилиши (мас., тухумдонлар, қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши, диабет), *ҳомиладорлик токсикозлари*, *аборт*, камқонлик, ўткир ва сурункали юқумли касалликлар (мас., бруцеллёз, токсоплазмоз, грипп, ангина, вирусли гепатит ва б.), шунингдек, ички жинсий аъзоларнинг турли сабаблар б-н яллиғланиши, уларда ўсма пайдо бўлиши, аёл жинсий аъзоларининг етарли ривожланмаганлиги (инфантилизм), она б-н ҳомила қон гуруҳлари ва *резус-фактор*нинг номутаносиблиги ва бошқалар Ч.т.га сабаб бўлади. Асабий-руҳий ва жисмоний шикастланишлар, оғир иш шароити, оиладаги нотинчлик ва б. ноқулай таъсиротлар вақтидан аввал туғишга сабаб бўлади. Буйрак, жигар, юрак-томир, нерв касалликлари б-н оғриган аёлларда ҳам Ч.т. кузатилади. Бунда она б-н ҳомила ўртасидаги қон айланиши бузилади, ҳомиланинг кислород б-н таъминланиши ёмонлашади ва бу вақтидан аввал туғишга сабаб бўлади. Ч.т. аксарият жуда ёш ёки ёши 35 дан ошиб биринчи марта туғаётган аёлларда учрайди. Даво Ч.т.га сабаб бўлган асосий касалликка қараб белгиланади. Ч.т. эҳтимоли бўлган аёл ҳомиладор бўлгунича ҳамда ҳомиладорлик даврида даволаниши лозим. Олдини олиш Ч.т. сабабларини ўз вақтида аниқлаш ва уни даволаш чора-тадбирларидан иборат.

ЧАЛА ЧЎЛ ЗОНАЛАРИ — чала чўл ландшафти устун бўлган қуруқликлари табиат зоналари. Шим. ва Жан. ярим шарларнинг мўътадил, субтропик ва тропик минтақаларида чўллар б-н дашт ва саванналар оралиғида жойлашган. Иқлими қуруқ. Ч.ч.з.нинг катта қисмида ҳаво т-раси қишда 0—10°, ёзда 25—25° бўлади. Ёғинларнинг [illegible] (300 мм дан ортмайди) нисбатан мумкин бўлган буғланиш 3—6 баробар кўп; дарё жуда кам, асосан мавсумий. Тупроқлари оч каштан, қўнғир, бўз тупроқ, чиринди кам (2—4%), шўрланган ер кўп. Ўсимликлари шувоқ, шўралар, чим ҳосил қилувчи бошоқдошлар, шимолда [illegible] қисмида [illegible] бўйли чала буталардан иборат. Ҳайвонларидан чўл, дашт ва тоғ олди фаунаси, яъни кемирувчилар (юмронқозиқ, қўшоёқ, олахуржун), судралиб юрувчилар (тошбақа, илонлар) ва бошқалар яшайди. Ч.ч.з.нинг катта қисмидан яйлов чорвачиликда фойдаланилади, кўп қисми ўзлаштирилиб, суғориб экиладиган ерларга айлантирилган. Субтропик минтақаларнинг Ч.ч.з. Эрон тоғлиги, Ғарбий Осиё, Шим. Африка, [illegible] тоғларининг ён бағирлари, тропик минтақаларда Саҳрои Кабирнинг жанубида, Тар текислигида, Атакама чўлининг шим. қисми, шунингдек, тропик минтақа тоғларининг қуйи қисмларида. Мўътадил минтақада Евросиё материгининг ички қисмида — ғарбда Каспий бўйи пастекислигидан шарқда Ордос платосининг шарқий чеккасигача бўлган ҳудудларда жойлашган. Ўзбекистонда тоғ олди қирлари ва адирлар баландлик Ч.ч.з. минтақасига киради.

ЧАЛАБИЙ — қ. *Акий Чалабий*.

ЧАЛАБУТАЛАР — танасининг фақат пастки қисми ёғочланиб, қолган юқори қисмлари қишда қуриб кетадиган кўп йиллик ўсимликлар. Ана шу хусусияти б-н бута ва буталардан фарқ қилади. Ч. *арид ландшафтларда* ўсишга кўпроқ мослашган. Мас., терескен, чўл ва адирларда ўсувчи *шувоқнинг* баъзи турлари, *изен* ва б. Бўйи ўртача 80 см, баъзан 150—200 см. Ч. кўп йиллик ўтлардан куртак чиқарадиган новдаларнинг ер устидан бир неча см юқорида ўрнашганлиги б-н фарқланади.

ЧАЛАТИШЛИЛАР (Edentata) — йўлдошли сут эмизувчилар туркуми. Уз. 12 см дан 1,2 м гача. Олдинги оёқларининг 2 ёки 3 та бармоғи бошқаларига нисбатан йирикроқ бўлиб, кучли тирноқлари бор. Тишларида эмал ва илдиз бўлмайди, доим ўсиб туради; озиқ ва қирқич тишлари ривожланмаган ёки [illegible]. Йўлдоши содда. 3 оиласи (чумолихўрлар, ялқовлар, совутлилар) бор. Жан. ва Марказий ва Шим. Америкада тарқалган. Ер устида, дарахтларда яшайди. Ўсимлик ва ҳашаротлар б-н озиқланади. Кўпчилик турларининг гўшти истеъмол қилинади.

ЧАЛАХОРДАЛИЛАР (Hemichordata) — умуртқасизлар типи. Илгари *хордалилар* кенжа типи сифатида қаралган. Хордага ўхшаш орган — нотохорд ичак жабра ёриқларининг бўлиши б-н хордалиларга ўхшаб кетади. Ч. 2 ёнлама симметрияли, целомик ҳайвонлар. Танаси 3 бўлим: хартум, ёқача ва танадан иборат. Ҳар бир бўлимнинг ўз целомик халтаси бўлади. Нотохорда — ичакнинг учи берк ўсимтаси хартум учун таянч вазифасини бажаради. Ҳалқумда жабра ёриқлари жойлашган. Қон айланиш системаси органлари бўйлама орқа ва қорин қон томирларидан иборат. Орқа қон томирининг нотохорда устидаги қисми кенгайиб, лакунар юракни ҳосил қилади. Нерв системаси тери эпителийсида жойлашган бўлиб, ёқача б-н танаси ўртасидаги нерв ҳалқаси ва у б-н боғланган орқа ҳамда қорин стволларидан иборат. Айириш органлари — жуфт целомодуктлар хартумда ва ёқачада жойлашган. 2 синфи: ичак б-н нафас олувчилар ва қанот жабралилар бор.

ЧАЛИШ — Хоразм вилояти *Урганч туманидаги* шаҳарча. Амударё соҳилида. Вилоят маркази (Урганч ш.)дан 8 км. Яқин т.й. станцияси — Урганч (14 км). Аҳолиси 5,6 минг киши (2004). Ч. ўрни илгари Амударёнинг чап соҳилидаги тўқай-чангалзорлардан иборат бўлган. 1886 йилда Амударё флотилияси ташкил топгандан сўнг пристань барпо этилиб, шу атрофга кўчманчи қозоқлар бу ерда макон тутганлар.

«Ч.» атамаси — қамиш, соҳилдаги [illegible] маънони [illegible] эрамизда [illegible]

зиш жойи (кечув) маъносида. Аҳоли дарё бўйларидаги тўқайзорларда ўсувчи ёввойи кандирдан ип йигириб палос ва пойандозлар тўқишган. Шу сабабли бу жой Кандиркум, Кўполиқ (Қамишзор) деб ҳам аталган. 1929 й.гача бу ерда Кўполиқ пристани бўлган. 1929 й. баҳорида Амударё тошиб пристанни ювиб кетган. Кейинчалик унинг ўрнида қурилган пристань Ч. деб аталган. Ч. ёнида Амударё пароходчилиги сув йўлини назорат қилувчи техника участкаси ва б. ташкилотлар ишлай бошлади. 1940 й.да шаҳарчада боғдорчилик-токчилик хўжалиги барпо этилди.

1952 й.гача Ч. Хоразм вилоятининг асосий транспорт-кема (порт) дарвозаси ҳисобланган. Хўжалик юклари Амударё орқали Чоржўй (ҳоз. Туркманобод) ва Орол денгизидан кемаларда ташиб келтирилган. Урганч —Ч. орасида тор изли (мотовоз) т.й.да юк ташилган. Ч. 1957 й.гача Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани тасарруфида бўлган, сўнгра Хоразм вилояти Урганч тумани таркибига киритилган. 1969 й. 13 мартда Амударё тошиб овул сув остида қолган. Тошқин оқибатлари тугатилгач, Ч.да тошқинга қарши курашадиган қурилиш ташкилоти тузилди. 1992 й.да Амударё устидан Ч.ни Қорақалпоғистоннинг Беруний ш. б-н боғловчи понтон кўприги қурилди. Шаҳарча ёнида винобоп узум етиштириладиган ширкат хўжалиги бор.

Ч.да Амударё кемалар қатнови хавфсизлигини таъминловчи «Чалиш теххизмати» идораси, вилоят от спорти мактаби, қурилиш ташкилоти ва «Жайхун» санаторийси жойлашган. 2 умумий таълим мактаби (ўзбек ва қозоқ тилларида ўқитиладиган), маданият уйи, кутубхона, врачлик пункти мавжуд. Амударё соҳилидаги хушманзара жойларда шаҳарликларнинг дам олиш зоналари, дала ҳовлилари бор.

Ад.: Нуржонов К., Кўҳна ва Янги Урганч, Урганч, 1993.

ЧАЛОБ — қатиқ ёки сузмадан тайёрланадиган чанқовбосар ичимлик. Ч.ни тайёрлаш учун сузма (1 кг сузмага 2 л сув) қайнатиб совитилган сув б-н яхшилаб аталанади. Сўнг туз, қалампир, кўкпиёз, кашнич, укроп, райҳон ва б.ни майда тўғраб, аталанган сузмага солиб аралаштирилади. Тайёр Ч. истеъмолдан олдин совитилади ёки муз солинади. Ч. ёзнинг иссиқ кунларида чанқоқни яхши босади.

ЧАЛОВ (Stipa) — ғалладошларга мансуб кўп йиллик, баъзан бир йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Мўътадил ва субтропик минтақаларда, қисман тропик тоғларда 300 га яқин тури маълум. Ўзбекистон тоғларида ва тоғ ён бағирларида 13 тури, жумладан, тукли Ч. (S. capillata), кавказ Ч.и (S. caucasia Schmalh.), сович Ч.и (S. szovitsiana Trin. ex Hohena.) ва б. учрайди. Кўпчилик турлари чўл, дашт, прериялар ўт ўсимликлар қопламининг асосий қисмини ташкил этади. Шағалли ва тошлоқ ерларда ҳам ўсади. Барглари камбар, узун, чизиқсимон, қилтиқли. Бошоқлари бир гулли. Ҳамма турининг хашаги сифати ўртача. Чорва моллари уларни баҳорда (майса ҳолатида) хуш кўриб ейди. Баъзи турлари қоғоз саноати учун хом ашё.

Тукли чалов тури.

ЧАЛҚАР — Қозоғистондаги бир неча кўл номи. Энг йириклари: 1) Ч. (Чархал), Оқтўба вилоятида, Уральск ш.дан 65 км жан.да. Майд. 190 км², уз. 18,6 км, эни 14 км, чуқ. 13,5 м. Суви шўррок (ёзда шўр). Шолаконкат ва Исенанкат дарёлари ва ер ости сувларидан тўйинади. Баъзан, Солянка дарёси орқали Урал дарёсига қуйилади. Балиқ овланади; 2) Ч. (Шалқар) Қозоғистоннинг Кўкчатов ш.дан ғарбда жойлашган оқмас кўл. Майд 40 км², чуқ. 17 м. Суви шўррок.

ЧАЛҚАРТЕНГИЗ — Қозоғистон Республикаси Оқтўба вилоятидаги шўрхоқ. Орол денгизининг шим.-шарқидаги ботиқда. Майд. 1800 км², уз. 74 км, чуқурлиги 3 м. Қирғоқлари паст, ётиқ, қумлоқ жинслардан тузилган. Туби текис, балчиқ б-н қопланган. Баҳорда Ч.га Иргиз ва Тўрғай дарёлари қуйилади ва аччиқ-шўр кўлга айланади.

ЧАМАНДАГУЛ (Verbena) — тизимгулдошларга мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ва ярим буталар туркуми; экма гул. Ватани — Перу. Американинг тропик ва субтропик минтақаларида 200 дан ортиқ тури ўсади. Гулчиликда гуллари қалқонсимон, тўпгули диаметри 6—7 см, оқ, қизил, пушти, сариқ, бинафша рангли, бир йиллик дурагай Ч. (V.hybrida) экилади. Бўйи 25—50 см, тупи ёйиқ, шохлари ғуж, барги тухумсимон, ранги яшил. Совуққа чидамли, эрта тушган қор остида ҳам сонуқ урмайди. Ч. уруғидан кўпайтирилади. Уруғи феврал-март ойларида иссиқхоналарда экилади. Июндан октябргача гуллайди. Ч. хоналонларда, кўп қаватли уйлар балконида, парк ва хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Чамандагул.

ЧАМБАЛ — Ҳиндистондаги дарё, Жамна дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 830 км, ҳавзасининг майд. 135 минг км². Виндҳья тоғларидан бошланиб, Малва платосини кесиб ўтади. Ўртача сув сарфи 600 м³/сек. Суви, асосан, суғоришга сарфланади. ГЭС бор. Рампур ш. яқинида йирик сув омбори қурилган. Дарёнинг айрим қисмларида кема қатнайди. Ч. бўйида Кота ш. жойлашган.

ЧАМБАР ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Қашқадарё вилояти Косон туманидаги кон. Муборак т.й. станциясидан 42 км шим.-шарқда. 1980 й.да очилган. 1986 й.дан фойдаланишга топширилган. Кон рельефи кучсиз табақаланган, зол қумлари б-н қопланган чўл текислигидан иборат. Ч.г.-к.к. Бухоро тектоник поғонасидаги Муборак кўтарилмасининг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. Ч.г.-к.к.да қазилган жами 4 та бурғи қудуғида палеозой эраси, юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр ётқизиқлари очилган. Саноат миқёсидаги газлилик 13- ва 12- горизонтларда белгиланган. Горизонтлар қумтош, алевролит, гил, мергель ва оҳактошлардан таркиб топган бўлиб, 886—1014 м ва 917—1058 м чуқурликларда очилган. Кондаги газ метанли, қуруқ. Конденсат олтингугуртли, 1 м³ қатлам газида 13 г конденсат мавжуд. Бензин фракцияларининг гуруҳий углеводород таркибига кўра, конденсат метан-нафтен-ароматли типга мансуб. Кондан ҳоз. кунда фойдаланилмоқда.

ЧАМОРРО — халқ, Мариана о.ларининг асосий аҳолиси. 97 минг киши (1990-й.лар ўрталари), жумладан, Гуам о.да 80 минг киши яшайди. Индонез тил гуруҳига кирувчи тилда сўзлашади. Диндорлари — христиан (католик)лар.

ЧАМПИ (Ciampi) Карло Адзельо (1920) — Италия давлат арбоби. Филологик ва юридик олий маълумотга эга. 2-жаҳон уруши даврида Қаршилик кўрсатиш ҳаракати иштирокчиси. 1946 й.дан Италия Банкида меҳнат фаолиятини бошлаган (1997 й.дан бошқарувчиси). 1993—94 й.ларда Италия ҳукумати раиси. 1996 й.дан Италия хазиначилик вазири, 1999 й. 13 майдан Италия Республикаси президенти.

ЧАНА, чена (рус. сани сўзидан) — асосан, қор ва муз сиртида сирпаниб юриладиган ғилдираксиз аравача. Усти очиқ, ёпиқ (кажавали), соябонли ва б. хиллари бор. Сирпанғич ёгоч (чанги) устига ўрнатилган корпусдан иборат. Баъзан, сирпанғич ёгоч тагига металл ҳам қопланади. Ч.дан транспорт ва спорт воситаси, болалар ўйинчоғи сифатида фойдаланилади. Ч.ни одам, от, буғу, итлар ва ҳатто эчкилар тортиб юриши мумкин. Асосан, қиш узоқ давом этадиган ва қор кўп ёғадиган шимол мамлакатларида кенг тарқалган. Қад. Миср, Русь ва б. баъзи мамлакатларда Ч. дафн маросимларида ҳам қўлланилган. Ўзбекистон ҳудудида, асосан, болалар ва спорт Ч.си ишлатилади. Ч.нинг 6 — 8 спортчига мўлжалланган «чана-қайиқ» русумли спорт тури резина-полимер материалдан тайёрланади.

Сирпанғириб учадиган ... чанаси

Спорт чанасида мусобақа пайти.

ЧАНА СПОРТИ — қишки спорт тури, бир кишилик (оғирлиги 22 кг) ва икки кишилик (оғирлиги 26 кг) чана (сирпанчиқларининг эни 15 см, ораси 48 см, уз. 124—150 см) да 800—2000 м қорли ёки музлатилган махсус қиялик трассадан тез учиш мусобақаси. Ч.с. 19-а. охирида Европада спорт тури сифатида шаклланган, 1883 й.да Швейцариянинг Давос ш. яқинида биринчи халқаро мусобақа ўтказилган. 1884 й.дан Германияда спорт чаналари и.ч. йўлга қўйилган. Ч.с. 1924 й.дан Халқаро бобслей ва тобогган федерацияси таркибида ривожлана бошлади. 1954 й.да Халқаро Ч.с. федерацияси (FIL) ташкил топди, унга 40 дан зиёд давлат аъзо. Ч.с. бўйича 1955 й.дан жаҳон чемпионати ўтказиб келинади, 1964 й.дан олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. Ч.с. Австрия, Германия, Италия, Норвегия, Польша, Чехия, Швейцария каби давлатларда ривожланган.

ЧАНГ — 1) қад. ва Ўрта аср Шарқ (Ассурия, Миср, Шим. Ҳиндистон, Эрон, Марказий Осиё) маданиятида қўлланилган торли тирнама мусиқий соз. Бурчакли ёки ёйсимон шаклда бўлиб, унга 13 ва ундан ортиқ торлар ўрнатилган. Ҳоз. Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида тахм. 17-а.гача қўлланилган. Ўрта асрларда Ноқус Чангий, Мавлоно Мирек Чангий Бухорий, Хожа Бобо Чангий, Ҳофиз Чангий, *Дарвишали Чангий* ва б. Ч. ижрочилари танилган. Грузинларда чанги, абхазларда аюме ва ҳ.к. деб ҳам юритилади; 2) ўзбек, тожик, уйғур халқлари торлиурма мусиқа чолғу асбоби. Ўзбекистонда кенг ишлатиладиган ҳоз. тури трапеция шаклдаги товушхонага эга. Сим торлари 2 харак воситасида 2 гуруҳга бўлинади: ўнг харак устидан ўтказилган симлар паст регистрда, чап харак устидан ўтказилганлари 1 ва 1,5 октава юқори регистрларда овоз чиқаради. Умумий диапазони 2,5 октава. Бамбукдан ишланган икки чўп ёрдамида уриб чалинади. 1930 й.ларда янги (хроматик товушқаторга эга) турлари яратилди (прима, тенор, бас). Жарангдор тембр, кенг динамик ва техник имкониятлари туфайли турли ансамбль, халқ чолғулари оркестри таркибида ҳамда якканавоз чолғу сифатида кенг тарқалган. Ўзбекистонда Ч. ижрочиларидан Матюсуф ва Фозил *Харратовлар*, Р. *Исабоев*, Фахр. *Содиқов*, Б. *Алиев*, Т. *Хўжамбердиев*, Т. *Маҳмудов*, А. *Одилов*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Т. Отабоев, Ф. Шукурова, Т. Собиров ва б. танилган.

Жасур Расулов.

Қадимги чанг (16-аср миниатюрасидан лавҳа).

Замонавий чанг.

ЧАНГ ДОНАЧАЛАРИ, чанг заррапари (*палинологияда*) — гуллардаги чангдонларда ҳосил бўладиган доначалар. Микроспорангийда микроспорадан ривожланади. Ч.д. уруғкуртак камерасига (очиқ уруғлиларда) ёки уруғчи тумшуқчасига (ёпиқ уруғлиларда) тушиб, уни чанглантиради. Ч.д.нинг ташқи (экзина) ва ички (интина) пардалари бор. Очиқ уруғлиларда Ч.д. чанглангунча бир неча тирик ҳужайралардан, шу жумладан, вегетатив ва генератив ҳужайралардан иборат бўлади. Булардан биринчиси чанг камерасида чанг найчаси (гаустор)ни, иккинчиси эса уруғланишда қатнашадиган иккита эркак жинсий ҳужайра — гаметаларини ҳосил қилади. Ўсимликнинг турига қараб Ч.д.нинг шакли ва катталиги турлича.

Кўпчилик уруғли ўсимликлар (моналалар)да чанг доначалари, одатда, кўп бўлади.

ЧАНГ ҚОРАКУЯ — ғалла экинлари касаллиги (қ. *Қоракуя*).

ЧАНГДОН — чангчининг асосий қисми. Унда *микроспоралар* ҳосил бўлади. Кейинчалик улардан *чанг доначалари* шаклланади.

ЧАНГИТКИЧ — ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, ғўзанинг баргларини тўкиш (дефолиация) мақсадида уларга қуруқ чангсимон моддалар (заҳарли дорилар) сепиш учун мўлжалланган қ. х. машинаси. Худди шу мақсадда ўсимликларга суюқ моддаларни сепадиган машина пуркагич деб аталади (қ. *Пуркагичлар*). Ч.нинг тракторга ўрнатиб ва елкага осиб ишлатиладиган турлари бўлади. Тракторга ўрнатиб ишлатиладиган Ч. б-н бир йўла 8 ёки 16 қатор ўсимликка (мас., ғўзага) дори сепиш мумкин. Асосий қисмлари: вентилятор (ёки дори аралаштириш камераси), паррак, дорини тўзитувчи учлик, таъминлагич шнек, ғалтак ва та-



Чангиткич: *1* — вентилятор; *2* — паррак; *3* — тўзитувчи учлик; *4* — бункер; *5* — шнек; *6* — ғалтак.

реяка (расмга қ.). Ч.нинг иш органлари тракторнинг қуввати олиш валидан ҳаракатланади. Ейилган осиб юриладиган Ч.нинг асосий қисмлари таъминлагичли бункер, қўлда ҳаракатлантириладиган вентилятор, тўзитгичли учлиқлар ва ш. к.дан иборат. Барча Ч.ларнинг иш тарзи бир хил: таъминлагич бункердаги дорини аралаштириш камерасига қайтаради, вентилятор ҳосил қиладиган ҳаво оқими уни тўзитгич орқали ўсимликка пуркайди. Ч.лар б-н гуллар, дарахтлар, токларга ишлов берилади.

ЧАНГЛАНИШ, ўсимликларда — чангларнинг уруғчи тумшуқчасига (гулли ўсимликларда) ёки уруғ куртакка (очиқ уруғлиларда) тушиши. Ч.дан сўнг чангдан чанг найчаси ривожланади; найча тугунчага қараб ўсади. Найча орқали уруғ ҳужайралар — спермийлар уруғ куртакдаги тухум ҳужайрага етиб боради. Уруғланган тухум ҳужайрадан куртак ривожланади. Гулли ўсимликларда четдан ва ўзидан Ч. содир бўлади. Четдан Ч.да бир гулнинг чангдонидаги чанглар 2-гул уруғчиси тумшуқчасига, ўзидан Ч.да чанглар шу гул уруғчиси тумшуқчасига тушади. Четдан Ч.да ҳосил бўладиган янги организм уруғли ўсимликлар белгиларини комбинациялашга эга бўлгани учун ўзидан чангланишга нисбатан биологик устунликка эга. Ўзидан Ч. эса тур белгиларининг турғунлашувига имкон беради. Кўпчилик ўсимликлар ўзидан чангланади. Четдан чангланадиган ўсимликларда бирор сабабга кўра четдан Ч. содир бўлмаслиги (мас., об-ҳаво ноқулай келганда) ўзидан Ч. рўй беради.

Ўсимликларда эволюция давомида четдан Ч.га мосланиш (гуллар ва айниқса, ўсимликларнинг айрим жинсли бўлиши, икки жинсли гулларда чангдонлар ва уруғчининг бир вақтда етилмаслиги) пайдо бўлган.

Четдан Ч.да ҳайвонлар (зоофилия), жумладан, қушлар (орнитофилия), сут эмизувчилар — кўршапалаклар, кемирувчилар, айрим халталилар (Австралияда), лемурлар (Мадагаскар о.да) иштирок этади. Лекин четдан Ч.да ҳашаротлар (энтомофилия), шамол (анемофилия) ва сув (гидрофилия) асосий аҳамиятга эга. Эволюция давомида ҳайвонлар (асосан, ҳашаротлар) б-н гулли ўсимликлар ўртасида Ч.га ўзаро мосланиш белгилари (коэволюция) содир бўлган. Мингдевона гул кўрганни найчасининг чўзилиши б-н уни чанглатадиган шоҳ капалак хартуми ҳам узайиб борган. Орхидеялар гулларининг ва уларни чанглатадиган ҳашаротлар урғочисига ўхшаш бўлиб қолган Орхидеялар ва бир қанча бошқа ўсимликлар гулларининг ҳиди уларни чанглатадиган ҳашаротлар ривожланишининг муайян даврига тўғри келади. Бир хил ўсимликлар (мас., анжир) фақат бир турдаги, бошқалари ўнлаб, ҳатто юзлаб ҳашаротлар ёрдамида чангланади.

Анемофилия, хусусан, очиқ ерларда ўсадиган ўсимликлар ва кўпчилик дарахтлар учун хос. Бундай ўсимликлар гуллари майда бўлиб, гулпояда тўпланган, гуллар жуда кўп чанг ҳосил қилади. Улар барг ёзишдан олдин гуллайди ёки тўпгуллари баргларидан анча юқори кўтарилиб туради (бошоқдошлар). Анемофил ўсимликларнинг тўпгуллари кучсиз шамолда ҳам тебраниб, чангини ҳавога тарқатади.

Сув орқали чангланадиган ўсимликлар чанглари тўкилгач, сув орқали уруғчи тумшуқчасига тушади. Айрим ўсимликлар ҳар хил йўл б-н чангланади. Мас., зубтурум ҳашаротлар ва шамол ёрдамида чангланиши мумкин.

ЧАНГСЎРГИЧ — хоналарни йиғиштириш, мебель, кийим-кечак, гилам ва қалин пардаларни чангдан тозалаш учун мўлжалланган ҳаво сўрувчи жиҳоз. Деворларни бўяш, елим ва металл сиртларига бўёқ пуркаш, қиронни намлаш, ўсимликларга дори сепишда ҳам Ч.дан фойдаланиш мумкин. Асосий қисмлари — металл ёки пластмасса корпус, коллекторли двигатель ва марказдан қочма вентилятор. Ўзаштириб қисқартирса бўладиган (тофарланадиган) шланг ва турли-туман учликлар б-н бутланади. Ч.нинг полда туриладиган, дастаки ва орқага осиб юриладиган, чўткасимон турлари бор. Ишлаш тарзига кўра, тўғри оқимли цилиндрик, уюрмали (канистрли) ва б. хиллари бор. Гиламларни ювиш, пол ювиш ва ялтиратиш, мебелни ялтиратиш, автомобилларни тозалаш учун мўлжалланган мосламали Ч. ҳам бўлади. Ч. с. истеъмол қиладиган электр токи қуввати — 150—800 Вт.

ЧАНГХЎРЛАР (Allecnlidae) — қўнғизлар оиласи. 1300 га яқин тури маълум. Уз. 4—25 мм, танаси овал шаклда; ранги қора, қўнғир ёки сариқ. Ер юзида, айниқса, жан. мамлакатларда кўп тарқалган. Ўсимлик барги, айниқса, гул чанги б-н озиқланади. Баъзи Ч. (мас., лобистон чангхўри) экинлар майсаси ва уруғини еб, зарар келтиради.

ЧАНГЧИ — гулли (уруғли) ўсимликлар гулининг асосий қисми. Ч. чангдон ва чангчи ипидан иборат. Ч. озиқ моддалар (қанд, ёғ, минерал тузлар, оқсил)га бой бўлиб, улар чанг доначаларининг ўсиши учун сарфланади. Ч таркибида уруғланиш жараёни учун зарур ферментлар, каротиноидлар, витаминлар ва б. биологик фаол моддалар бор. Чангнинг кимёвий хусусияти ҳар хил ўсимлик турларида турлича. Шунинг учун сунъий чанглатишда Ч.нинг сақланиш турли усуллари ишлаб чиқилган.

ЧАНГҚЎБИЗ, чанқовуз — тилчали чертма созлар оиласига мансуб чолғу асбоби. Пластинкасимон ва ёйсимон турлари бор. Суяк, ёғоч, қамиш, бронза, металлдан ясалади. Осиё (Сибирь, Узоқ Шарқ, Ўрта Осиё), Африка ва Европа халқлари орасида кенг тарқалган бўлиб, мусиқий фольклор қатламига мансуб чолғудир. Ч. лабларга яқин ушлаб ёки босиб турилиб, тилчаси (турига қараб унга боғланган ип ёрдамида тортиб ёки кўрсатиш бармоқлари билан, кўрсаткич бармоқ) б-н тирнаб чалинади. Унинг маълум бир оҳанглардаги доимий бир овоз ва шу овоз обертонларидан оғиз артикуляцияси ёрдамида муайян оҳанглар чиқарилади. Овознинг баланд-пастлиги оғиз бўшлиғининг катта-кичик очилиши ва тилча тебранишининг узун ва қисқалигига боғлиқдир. Ч. ўзига хос пастлиги, нисбатан тор доирали диапазони б-н ажралиб туради. Ўтмишда ўзбекларда суяк Ч. («Алпомиш» достони) ва темир Ч. турлари бўлиб, асосан, хотин-қизлар томонидан қўлланилган. Ҳозир Ўзбекистонда, асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, шунингдек, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида темир Ч. тарқалган. 1990-йиллардан бошлаб баъзи фольклор-этнографик жамоалар томонидан кенг ишлатиладиган бўлди. Ч. маълум маросим б-н боғлиқ


Темир чангқўбиз.

бўлмай, унда одатда (баъзида баъзи усулбандлар) кичик куйлар («Ч. куйи» ёки «Ч. чертиш») чалинади. Шунингдек, Ч.да турли ҳайвонларнинг овозларига ўхшатмалар қилинади.

ЧАНДИГАРҲ — Ҳиндистоннинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар, Ҳимолай тоғлари этагида. Панжоб ва Харьяна штатларининг (ушбу штатлар таркибига кирмайди) ҳамда Чандигарҳ иттифоқдош ҳудудининг маъмурий маркази. Аҳолиси 746 минг киши (2001). Енгил саноат тармоқлари: кимё ва машинасозлик, шунингдек, озиқ-овқат, жун, трикотаж ва фармацевтика саноати корхоналари, ун-т бор. Шаҳар 1951—56 й.ларда ҳинд ва хорижий меъморлар лойиҳаси асосида қурилган. Кўчалари тўғри, биноларида замонавий услубда, ҳинд ва Европа меъморлиги услубларидан уйғунликда фойдаланиб қурилган.

ЧАНДИГАРҲ — Ҳиндистондаги иттифоқдош ҳудуд (1966 й. 1 ноябрдан). Мамлакатнинг шим.-ғарбий қисмида, Ҳимолай тоғлари этагида. Майд. 114 км². Аҳолиси 876 минг киши (2001), асосан, панжобийлар. Маъмурий маркази — Чандигарҳ ш. Майдонининг 1,5 минг гектарида деҳқончилик қилинади. Буғдой, ем-хашак экинлари ва сабзавотлар етиштирилади. Ҳудуднинг 27% урмон. Ч.да 15 дан ортиқ йирик ва ўрта корхоналар бор.

ЧАНДИР — туркий қабила. 8—9-а.ларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида. Орол денгизининг жан. ва шарқий қирғоқларида яшаган ўғузлар таркибида бўлганлар. Кейинчалик Ч.ларнинг бир қисми Мовароуннаҳрга ўтиб, ўзбеклар ва туркманлар б-н аралашиб кетган, улар таркибига сингиб кетган. Айрим гуруҳлари ўғузлар таркибида Озарбайжонга ўрнашиб қолган. 19-а. охири — 20-а. бошларида Ч.ларнинг айрим гуруҳлари ўтроқ ҳаёт кечириб, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган. 1924 й.даги маълумотларга кўра, Ч. жами 3425 хонадон оилани ташкил этган.

ЧАНДРАГУПТА — Қад. Ҳиндистондаги Магадҳа давлати подшоси, *Маурьялар сулоласи асосчиси* (хукм. ав. 317—293). Ёшлигида нандлар (Магадҳа подшолари) саройида хизмат қилган, кейинчалик улар б-н тахтга эгалик қилиш учун кураш бошлаган, мағлубиятга учраб мамлакатнинг шим.-ғарбига кетган. У ерда Ҳиндистонга бостириб кирган Искандар (*Александр*) қўшинига қўшилган ва уни нандларга қарши юришга ундаган. Александр Ҳиндистондан кетгач, Ч. юнон-македонияликларни мамлакатдан бутунлай қувиб чиқариш учун бошланган курашга раҳбарлик қилган. Бунда аҳоли ютуқларига эришган Ч. Магадҳа учун курашни қайта бошлаган. Дхан Нандуни тахтдан ағдариб ҳокимиятни қўлга олган. Шим. Ҳиндистонни тобе этиб Маурийлар империясига асос солган. Мил. ав. 305 й. Салавк I Никатор босқинини қайтарган, у б-н тузилган сулҳга кўра, Ч. 500 та фил эвазига Ҳинд дарёси ғарбидаги катта ҳудуд (ҳоз. Балужистон ва Афғонистоннинг бир қисми)ни олган ва Салавкнинг қизига уйланган. Айрим маълумотларга кўра, Ч. мил. ав. 293 й. жайнизмни қабул қилиб, тожу тахтдан воз кечиб роҳибликка кетган.

ЧАНДРАСЕКАР (Chandrasekar) Субраҳманьян (1910.18.10, Лахур, Ҳиндистон — 1995) — америкалик физик ва астрофизик; миллати ҳинд. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1944). Америка фан ва санъат академияси, АҚШ Миллий ФА аъзоси. Мадрас ун-тини тугатган (1930). Кембриж ун-тида ишлаган (1933—36). 1936 й. АҚШга кўчиб ўтган (1953 йилдан АҚШ фуқароси) ва 1937 й.дан Йеркс расадхонасида, Чикаго ун-тида (1942 й.дан проф.) ишлаган. Асосий илмий ишлари юлдузлар тузилиши, юлдузлар атмосфераси ва динамикасини тадқиқ қилишга, *математик физика* (стохастик жараёнлар назарияси)га оид. Оқ митти юлдузлар эволюциясини яратди ва уларнинг максимал массаси (Ч. чегараси)ни, юлдуз изотермик ядросининг массаси (Шенберг — Ч. чегараси)ни топган. *Гравитациянинг* узлуксизлик назариясида, юлдузлар динамикасида, магнит гидродинамикасида, мувозанатли фигуралар ва қора туйнуклар назариясида фундаментал натижалар олган. Нобель мукофоти лауреати (1983; У. Фаулер б-н ҳамкорликда).

ЧАН КАЙШИ (Цзян Цзеши) (1887.31.10, Фынхуа, Чжэцзян вилояти — 1975.5.4, Тайбэй) — Хитойдаги гоминьдан маъмуриятининг раҳбари (1927 й.дан). Вампу ва Токиодаги ҳарбий академияларни тугатган. 1927 й. 12 апрелда ҳарбий тўнтариш қилиб мамлакатда диктаторлик тузумини ўрнатган. 1931 й.дан Гоминьдан (миллатчи) партияси раҳбари. 2-жаҳон урушида Японияга таслим бўлган. Хитой коммунистик партиясининг коалицион ҳукумат тузиш ҳақидаги таклифини рад этиб, мамлакатда фуқаролар урушини бошлаб юборган (1946, июль). 1949 й. охирида Тайванга қочган ва у ерда гоминьданчилар ҳукуматини тузган.

ЧАНОҚ, тос — гавда скелетининг пастки қисми. Ч. олдида оёқларни, суткэмизувчиларда эса орқа оёқларни, таначани бирлаштиради. Ч. *равурқа* *апомаси* ва тананинг юқори қисми учун таянч вазифасини бажаради; Ч. ўнг ва чап номсиз Ч. суяклари ҳамда думғаза ва дум суякларидан ҳосил бўлади.

Ч. суяклари бир-бирига олдиндан қов симфизига ўхшаб, орқадан эса жуфт думғаза-ёнбош бўғимлари кўринишида думғазага бирлашади. Ҳар бир номсиз суяклар (ўсиш даври охирида қўшилиб кетади) ёнбош, қуймуч ва қов суякларидан ташкил топади. Улар бирлашган жойининг ташқи томонида қуймуч косаси жойлашади.

Ч. тузилишининг жинсий хусусиятлари бор. Аёлларда Ч. эркакларникига нисбатан бир қадар кенг ва калта бўлади. Катта ва кичик Ч. бор. Катта Ч. олдидан қорин олд девори юмшоқ тўқималари б-н, орқадан умуртқа поғонаси, ёндан ёнбош суяк қанотлари б-н, кичик Ч. олдидан қов суяклари, орқадан думғаза ва дум суяги, ёндан қуймуч суяги ва юмшоқ тўқималар б-н ўралган. Катта Ч.да қорин бўшлиғи пастки қисмидаги аъзолар, кичик Ч.да тўғри ичак, қовуқ, эркакларда простата бези ва уруғ пуфакчалари, аёлларда бачадон ва унинг ортиқлари ҳамда қин жойлашган. Ч. суякларида орқа томондан орқа ва умуртқа поғонаси мускуллари, олдидан қорин мускуллари бирлашади. Оёқ мускуллари ҳам Ч.дан бошланади. Думбанинг катта мускули Ч. соҳасидаги энг катта мускул ҳисобланади. Ёнбошнинг ички жуфт артериялари Ч. девори ва ундаги ички аъзоларни қон б-н таъминлайди; думғаза нерви чигалларининг шохчалари *иннервация* қилади.

Ч. синиши Ч.нинг хавфли шикастланиши ҳисобланади. Ч. чиқиши кам учрайди; лекин болаларда Ч. шикастланиши натижасида бойламлар узилиши, *чаноқ-сон бўғими* чиқиши кўпроқ кузатилади. Туғруқ вақтида баъзан Ч.нинг қов бирикмаси узилиши мумкин. Қуймуч косаси синганда кўпинча сон чиқади. Ч. касалликларига қон оқиши тарқалиши (гематоген) *остеомиелит* (бунда, одатда, ёнбош суяги қанотлари ва думғаза зарарланади), *бруцеллёз* ва ревматоид *артрит*да думғаза-ёнбош бўғимининг зарарланиши ва б. киради.

ЧАНОҚ-СОН БЎҒИМИ — *чаноқ* суягидаги қуймуч косаси б-н сон суягининг боши бирлашишидан пайдо бўлади. Қуймуч косасининг қирғоғида чуқурчанинг катталашишига мосланган фиброз тоғай лаби бор. Бўғим халтаси эркин жойлашган бўлиб, сон суяги бошининг ҳаракат қилишига халақит бермайди. Ч.-с.б. ёнбош-сон, ўтирғич-сон, қов-сон бойламлари б-н мустаҳкамланади. Ч.-с.б. атрофидаги мускуллар бўғим ҳаракатида бойламларнинг унчалик таранглашмаслигига имкон яратади. Бўғим ёнғоқсимон шаклда бўлиб, фронтал ўқида танага яқинлашиб-узоқлашиши, вертикал (тик) ўқи бўйлаб ташқари ҳамда ичкарига айланиши ва айлана шаклида ҳаракат қилиши мумкин.

ЧАНОҚҚАЛЪА — Туркиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Чаноққалъа элининг маъмурий маркази. Аҳолиси 40 минг кишидан зиёд. Дарданелл бўғозидаги порт. Автомобиль йўллари чорраҳаси. Озиқ-овқат, керамика, кемасозлик ва б. саноат корхоналари мавжуд.

ЧАНОҚҚАЛЪА БЎҒОЗИ — қ. *Дарданелл*.

ЧАНОХ, жаноҳ (араб. — қанот) — Темурийлар даврида қўшин қанотини англатган истилоҳ. Сўл Ч. ва сўл Ч. қўшиннинг ўнг ва чап қанотларини англатган. Қўшиннинг ўнг ва чап қанотларини кўриқлаб турувчи махсус ҳарбий бўлинма ҳам Ч. деб аталган

ЧАН ХИНГ ДАО (Tran Hu'ng Dao), Чан Куок Туан (Tran Quoc Tuan) (1226—1300) — Вьетнам саркардаси, вьетнам халқининг мўғул истилочиларига қарши кураш ташкилотчиси. Мўғуллар Дайвьет (Вьетнам)га 1257—58, 1284—85, 1287—88 й.ларда ҳужум қилишган вақтда мамлакат қўролли кучлари бош қўмондони (1283 й.дан). 1288 й. 9 апр.да вьетнам қўшинлари Ч.Х.Д. раҳбарлигида Батьланг дарёси бўйидаги жангда йирик ғалабага эришганлар. Натижада мўғул истилочилари Дайвьет ҳудудидан қувиб чиқарилган. Бу сана ҳар йили миллий байрам сифатида нишонланади.

ЧАНЧУНЬ — Хитойнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Итунхэ дарёси бўйида. Гирин провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 6,9 млн. киши (1999). Транспорт йўллари чорраҳаси. Машинасозликнинг йирик маркази (транспорт воситалари, асосан, автомобиллар, станоклар, радиотехника, оптик приборлар и.ч., радиоэлектроника). Кимё (шина, пластмасса, ўғитлар, дорилар и.ч.), тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик ривожланган. ФА филиали, ун-т бор. Шаҳарга 19-а. бошларида асос солинган. 1897—1903 й.ларда Хитой-Шарқий т.й.нинг қурилиши б-н йирик савдо-саноат марказига айланди.

ЧАНША — Хитойнинг марказий қисмидаги шаҳар. Хунань провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 6,1 млн. киши (1999). Транспорт йўллари чорраҳаси. Сянцзян дарёси бўйидаги порт. Ривожланган қ.х. районининг (шоли ва б.) маркази. Енгил ва озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Пўлат, алюминий, станоклар, электр ва саноат жиҳозлари, вагонлар, ўғитлар ишлаб чиқарилади. Йирик шоли бозори. Ҳоз. шаҳар ўрнидаги аҳоли яшайдиган манзил мил.ав. 5-а.дан маълум.

ЧАНҚАШ, ташналик — организмда сув танқислиги олдидан юзага келадиган физиологик ҳолат. Организмнинг сувсиз қолиш муддатига, тер, сийдик б-н сув йўқотишига, ейилган овқатдаги ош тузи миқдорига қараб, одам ҳар хил даражада чанқайди. Одам чанқаганда оғзи ва томоғи қурийди. Бу ҳолат оғиз ва томоқни сув б-н чайганда, мириқиб сув ичганда бутунлай йўқолади. Ч.нинг пайдо бўлиши организмдаги сув-туз мувозанатини сақлашга қаратилган. Ч. натижасида организмда жиддий ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Бу жараённинг келиб чиқиш марказий нерв системасининг турли қисмлари (*гипоталамус, ретикуляр формация*, катта ярим шарлар пўстлоғи) даги бир қанча нерв ҳужайраларининг рефлектор фаолиятига боғлиқ.

Ч. организмда сув миқдорининг камайишига бўлган нормал реакциянинг эмас, балки айрим касалликлар (мас., диабет, буйрак касалликлари ва ҳ.к.) белгиси бўлиши ҳам мумкин.

Бош мия фаолиятининг бузилишига алоқалар касалликларда киши ташқиликни бутунлай сезмайди. Жуда кучли Ч. юқори т-ра (иссиқ иқлим ва ҳ.к.) шароитида ишловчи кишиларда кузатилади. Бунда юз берувчи кучли терлаш организмнинг фақат сувни эмас, балки тузларни ҳам йўқотишига олиб келади. Натижада организмнинг сувни ушлаб қолиш қобилияти пасаяди, киши кўп терлаганидан ташқиқ уни ҳолдан тойдириб қўяди. Бундай ўзгаришларни махсус сув ичиш режими ёрдамида сезиларли даражада камайтириш мумкин.

ЧАНҒИ — қорли жойлар, ботқоқ ерлар ва сув юзида тайч майдонини кенгайтириб, силжишни осонлаштирувчи мослама. Шим.даги қабилаларда неолит даврида вужудга келган. Бир неча минг йиллар давомида, асосан, юриш воситаси сифатида қўлланилган, ундан овчилар, жангчилар фойдаланганлар. Кейинчалик Ч. спорт ва жисмоний тарбияда кенг қўллана бошланди. Ҳоз. чангиларнинг одимловчи ва сирғалувчи турлари мавжуд. Одимловчи Ч.лар вазифасига кўра, қор ва ботқоқликда юрувчи Ч.га бўлинади. Сирғалувчи Ч.лар спорт Ч.си, туристлар Ч.си, овчилар Ч.си, махсус Ч. (мас., самолётлар Ч.си), сув Ч.си ва б.га бўлинади (яна қ. *Чанғи спорти*).

ЧАНҒИ СПОРТИ — қишки спорт тури. Унга чанғи пойгаси, трамплиндан сакраш, икки кураш (пойга ва сакраш), *тог чанғи спорти* ва *биатлон* киради. Ч.с. Норвегияда спорт тури сифатида шаклланди. 1767 й.да шу мамлакатда ҳарбий хизматчилар ўртасида илк мусобақа ўтказилди, 1843 й.дан эса оммавий мусобақалар ташкил қилина бошлади. Кейинроқ Ч.с. Европанинг бошқа давлатларида ҳам оммалашди. 1910 й.да Халқаро чанғи спорти комиссияси тузилди ва Ч.с.нинг қоидалари тасдиқланди. Бу комиссия 1924 й.да Халқаро Ч.с. федерацияси (FIS)га айлантирилди. Ҳоз. кунда бу федерацияга 100 дан зиёд давлат (Ўзбекистон 1993 й.дан) аъзо (2004). Ч.с. 1924 й.дан олимпиада ўйинлари дастурига киритилди, 1925 й.дан (1937 й.дан икки йилда бир марта) жаҳон чемпионати ўтказилади. Ўзбекистонда 20-а.нинг 70-й.ларидан бошлаб Ч.с.нинг, асосан, тог чанғи спорти турини ривожлантиришга киришилди. Республикада 300 дан зиёд киши Ч.с. билан шуғулланади. 2 та Ч.с.га ихтисослашган спорт мактабида 17 мураббий 196 нафар болалар-ўсмирларга Ч.с.дан сабоқ беришади (2004). Ака-синглар Комил ва Элмира Ўринбоевалар, Владимир Юнусов каби етакчи чангичилар нуфузли мусобақаларнинг иштирокчиларидир.

ЧАП ҚЎЛ ҚОИДАСИ — қ. *Ампер қоидаси*.

ЧАПАНДОЗ (форс. — тескари, чапақай) — 1) ўзбек ва тожик мусиқасида 3/4+3/8 такт ўлчовидаги мураккаб доира усули. *Талқин* усулининг акси бўлиб (тескари ижро этилиши учун) шундай ном олган:

2) шу номли доира усули жўрлигида ижро этиладиган мумтоз куй ва ашулалар. Кўпроқ ҳазажи мусаммани солим (мафоилун-мафоилун...) вазнидаги ғазаллар б-н ижро этилади. Ч.лар муайян куй ва ашуланинг Ч. усулига туширилган варианти бўлиб, асосий ашула йўли ва номи б-н қўшиб аталади (мас., «Чапандози Наво», «Чапандози Ироқ»). Ҳозирда Ч. усули ва куй йўллари талқинларидан деярли фарқ қилмайди.

ЧАПАР — дарахт новдаси ёки симдан тўқилган қалқонсимон мудофаа воситаси. Ўрта асрларда Темурийлар, Ўрта Осиё хонликлари ва Эрон қўшинларида қўлланишда бўлган. Кўпинча мудофаа иншоотлари ҳисобланмиш хандақ ҳамда мўржал (окоп) олдига ўрнатилган ва у аскарларни душман отган ўқ, тош ва б.дан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Хива хонлиги қўшинида бундай мудофаа аслаҳаси чиб (жиб) деб номланган.

Чанғичи трассада.

ЧАПАҚАЙЛИК — ирсиятга боғлиқ ҳолат; бунда баъзи мақсадга мувофиқ ҳаракатларни бажаришда кўпроқ чап қўл ишлатилади. Одам бош миясининг ривожланиш жараёнида функциялар чап ва ўнг ярим шарлар ўртасида тақсимланади. Чап ярим шар иммасига нутқ, ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, аналитик фаолиятнинг (логик, математик) мураккаб шакллари, ўнг ярим шар иммасига эса конкрет образли фаолият (ташқи олам-лари нарсаларининг кўриниши, товуши, ранги ва б. бўйича аниқлаш) тушади. Оёқ-қўллар ҳаракатини бажаришда иккала ярим шар қатнашади; чап ярим-шар ихтиёрида ўнг қўл ва оёқ, ўнг ярим шар ихтиёрида чап қўл ва оёқ бўлади. Кўпчилик кишиларда чап ярим шар устунлик қилганидан ўнг қўл кўпроқ иш бажаради; ўнг қўл ёрдамида ишлаш, овқат ейиш ва б. одатдаги ҳолат. Чапақайларда бош миянинг ўнг ярим шари функцияси чап ярим шариникидан устун туради. Ривожланишнинг ҳар иккаласи: ўнақайлик ҳам, Ч. ҳам нормал ҳисобланади. Бироқ турмушда ва и.ч.да ҳамма асбоблар ва меҳнат қуроллари ўнақайларга мўлжалланганлиги туфайли чапақай болаларни ўнақайликка ўргатиш мақсадга мувофиқ. Ўнақайлик ва Ч.ни аниқлаш невропатологияда муҳим аҳамиятга эга.

ЧАПЕК (Čapek) Карел (1890.9.1, Мале-Сватоневице — 1938.25.12, Прага) — чех ёзувчиси. Прага ун-тининг фалсафа ф-тини тугатган (1915). 1921 — 22 й.ларда Прага театрида режиссёр, кейинчалик бутунлай ёзувчилик ва журналистика б-н шуғулланган. «Қаконот боғи» (1918) ҳамда «Шўлавор тубсизликлар» (1916) тўпламларига кирган дастлабки ҳикояларини акаси Иосиф Чапек (1887—1945) б-н ҳамкорликда ёзган. «Чормихга тортиш» (1917) ва «Ғамгин ҳикоялар» (1921) тўпламларидан жой олган ҳикояларида уруш йилларининг серташвиш муҳити, кишиларараро муносабатлардаги зиддиятли манзаралар акс эттирилган. «Қароқчи» лирик комедияси (1920) да ўзи эътиқод қўйган «ҳар ким ўзича ҳақ» фалсафасини бадиий ёритишга ҳаракат қилган.

Ч. номини, асосан, ижтимоий-фантастик мазмундаги асарлари дунёга ёйган. Темиртан (робот; «робот» сўзини Ч. ўйлаб топган)лар кўзғолонидан ҳикоя қилувчи «R. V. R.» (1920), «Микронулоснинг қуроли» (1922) драмалари, «Абсолют фабрикаси» (1922) ва «Кракатит» (1924) романларида юксак инсонпарварлик борасидаги ўй-мушоҳадаларини баён этган. «Адам-саводгар» пьесаси (1927; акаси б-н ҳамкорликда), «Чўнтакдаги ҳикоялар», «Бошқа чўнтакдаги ҳикоялар» (1929) ўтмишдаги адабий ва диний сюжетлар асосида ёзилган. «Аповкрифлар»да ана шу ҳолат сезилади. «Гордубал», «Метер», «Оддий ҳаёт» (1933—34) романларини қамраб олган трилогияси ноинсоний урф-одатлар, фашизм реакциясига қарши кураш гоялари б-н йўғрилган. «Саламандралар билан жанг» (1936) романи Ч. ижодининг чўққиси ҳисобланади. Унда умуминсоний қадриятлар фашизмнинг ирқий назарияси ва сиёсатига, гайриинсоний муносабатларга қарама-қарши қўйилган. Айни шу гоялар «Оқ касаллик» (1937), «Қутқарувчи» (1937), «Она» (1938) каби пьеса ва драмаларида ҳам давом эттирилган.

Ч. ҳоз. замон ижтимоий фантастикасига самарали таъсир кўрсатган, унинг бадиий оламини бойитган.

Ас.: Сочинения, т. 1—5, М., 1958—59.

Ад.: Николъский С.В., Карел Чапек — фантаст ва сатирик, М., 1973.

ЧАПЛИГИН Сергей Алексеевич [1869.24. (5.4), Рязань губернияси, Раненберг ш., ҳоз. Липецк вилояти, Чаплигин ш. — 1942.8. 10, Новосибирск] — механика соҳасидаги рус олими, гидродинамика асосчиларидан бири, СССР ФА акад. (1929), Меҳнат Қаҳрамони (1941). Н.Е. *Жуковский*нинг шогирди ва сафдоши. Москва ун-тини тугатган (1890). Марказий аэродинамика ин-тида ишлаган (1918 й.дан). Илмий ишлари асосан назарий механика муаммоларига доир. Қаттиқ жисмларнинг суюқликдаги ҳаракат қонунларини ўрганган, тезлиги товуш тезлигидан кичик бўлган газ оқимини текшириш усулини ишлаб чиқиб, газ динамикасига асос солган. Ч. самолёт қаноти атрофида ҳаво циркуляцияси тезлигини аниқлаш ҳақидаги постулатни (Ч. — Жуковский постулатини) биринчи марта аниқ баён қилган. Ч. авиация ва аэромеханикага доир мураккаб масалаларнинг ечимини берган.

ЧАПЛИН (Chaplin) Чарлз Спенсер (1889.16.4, Лондон — 1977.25.12, Швейцария) — америкалик актёр, реж., сценарийчи, продюсер. Фаолиятини 1897 й. мюзик-холл саҳналарида чиқишдан бошлаган. 1907—12 й.лар Ф.Карно пантомима театрида ишлади. 1913 й. АҚШга қилган гастроли пайтида «Кистоун» кинокомпанияси б-н контракт тузади ва М. Сеннет раҳбарлигида фильмларда суратга туша бошлайди. Ўша пайтлари машҳур америкалик актёр М. Линдернинг унга таъсири кучли бўлган. «Бахтиёр Чарли» фильмидаги фирибгар олифта роли унинг экранда яратган илк образидир. Кейинчалик бошқа студиялар фильмларида ҳам суратга тушиб, машҳур бўла бошлайди. 1914 й. давомида «Кистоун»да 34 фильмда ўйнаб америка киносининг энг истеъдодли ва ёркин комик актёрига айланди. 1915—17 й.лар «Эссеней», «Мьючуэл» фирмаларида сценарийчи, реж., актёр сифатида фаолият кўрсатиб, пантомима санъатини комик куч б-н уйғунлаштира олишда энг юқори чўққиларга кўтарилган жаҳонининг энг машҳур санъаткори сифатида танилди. 1923 й. «Чарлз С. Чаплин фильм корпорейшен» номли шахсий кинофирмасини ташкил этди. Шу йилдан бошлаб Ч. реж.-муаллиф сифатида қисқа ёки ўрта метражли фильмлардан тўламетражли фильмлар ишлашга ўтади. Биринчи йирик катта фильмларидан «Париждаги аёл» психологик драмаси бўлди. «Дайди», «Банк», «Елланган», «Тинч кўча», «Хорижлик» ва б. унинг дастлабки фильмларидан намуналар. «Ит ётиш, мирза туриш», «Елкага», «Қуёшли томон», «Кичкинтой» сингари фильмларида Ч. маҳоратининг янги қирралари очилди. «Олтин жазаваси», «Цирк», «Катта шаҳар чироқлари», «Буюк диктатор», «Месье Верду», «Рампа ёрути» (1952, «Оскар» мукофоти, санъат чўққисига кўтарилган фильмлардан) фильмлари Ч. ижодининг дурдоналаридир. 1953 й.дан Швейцарияда яшаган. 1957 й. Буюк Британияда «Қирол Нью-Йоркда» (ўзи бош роль ижрочиси) фильмини экранлаштирди. «Гонконглик графиня» (1967) Ч.нинг сўнгги иши. Ч. ижодкор сифатида санъатга «инсонни ҳаёт б-н боғлаб турувчи энг буюк куч» деб қараган. Ўзининг клоунлик ниқобини оддий инсонлар тақдири, хавотирини ифодаловчи, катта кучларни бирлаштириб турувчи инсон образига айлантираолди. 1928 ва 1972 й.лар махсус «Оскар» мукофотига сазовор бўлган. Халқаро тинчлик мукофоти лауреати (1954).

Чаплин ролида («Катта шаҳар чироқлари» фильми).

Жўра Тешабоев.

ЧАПҚИРҒОҚ ҚОРАСУВ КАНАЛИ — Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидан чиқарилган канал (дарё) (Тошкент вилояти). Юқори Чирчиқ гидроузелидан бошланиб, Шамалак гидроузелигача давом этади. Уз. 87 км. Сув ўтказиш имконияти 180 м³/с. Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон туманларида 165 минг га ерни суғоради. Каналга кўпгина сой сувлари келиб қўшилади. Энг йириклари: Жузуруқсой, Паркентсой, Самсараксой, Қизилсой. Қорасув канали қад. каналлардан бири. Бир неча тўғонли сув олиш иншоотлари бор. Уларнинг биринчиси — Найман тўғони (каналнинг 59 км да). 1926 й.да қурилган бўлиб, РК-7, РК-7-1, Олғабоғ каналларига сув беради. 1930—32 й.ларда 74-км да Хонтўғон сув олиш иншооти қурилди. Иншоот тўғон ва Моргуненков номидаги РК-8, РК-9 каналларига сув берадиган тақсимлагичлардан иборат. 1960—70 й.ларда каналнинг 3-, 13-, 36- ва 56- км ларида яна 4 сув олиш узеллари қурилди. 68-км да каналга *Тужбўғиз сув омборидан* канал орқали сув олинади. Ч.Қ.к.нинг 36-км да И.А. Полвонов номли *Тошкент канали* бошланади (схемаси *Тошкент канали*да берилган).

ЧАРВАКА — қ. *Локаята*.

ЧАРВИ — ички (висцерал) қорин пардасидаги кенг ва узун бурама қават. Пардалар орасида ёғ тўқималари, лимфа тугунлари ва қон томирлар жойлашган. Катта ва кичик Ч. фарқ қилинади. К а т т а Ч. қорин пардасининг иккита олдинги ва иккита орқа варағидан таркиб топган. К и ч и к Ч. жигарни меъда ва 12 бармоқ ичак б-н туташтириб туради. Ч. ичакларни олд томондан фартук каби беркитиб, ташқи муҳит таъсиридан ҳимоя қилади ва қорин бўшлиғидаги ҳароратни сақлайди.

ЧАРМ — ҳайвон терисидан ёки сунъий хом ашёдан тайёрланадиган материал. Табиий ва сунъий турларга ажратилади. Табиий Ч. ҳайвонлар: қорамол, от, қўй, эчки, чўчқа, туя, буғу, кийик, сув ҳайвонлари, ит, айрим балиқ ва б. ҳайвонларнинг терисини ошлаб тайёрланади. Ишлатилишига қараб, пойабзал, эгар-жабдуқ, техника, кийим-бош, атторлик учун мўлжалланган хилларга ажратилади. Хом ашё тури, ошлаш, пардозлаш, ташқи кўриниши, қалинлигига қараб ҳам хилларга бўлинади. Сунъий чарм полимер хом ашё материаллардан тайёрланади. Сунъий Ч. толалардан тўқилган ёки нотўқима матолар сиртига юмшоқ плёнка ҳосил қилувчи моддалар (каучук, латекс, поливинилхлорид ва б.) қоплаш натижасида ҳосил бўлади. Сунъий Ч. пойабзал, кийим-кечак, атторлик ҳамда техника буюмлари тайёрлаш ва б. эҳтиёжлар учун табиий Ч. ўрнида кенг миқёсда ишлатилади (қ. *Кўн, Кўн-пойабзал саноати, Кўнчилик*).

ЧАРОИТ (Шарқий Сибирдаги Чара дарёси номидан) — занжирли силикатларнинг кичик синфига мансуб минерал. Таркибида сув ва фтор бўлган K, Na, Ca, Ba, Mn нинг мураккаб силикати. Кимёвий таркиби аниқланмаган. Ғарбий Сибирнинг Мурун ишқорли массивида 1977 й.да топилган. Тахм. моноклин сингонияда кристалланади. Яхлит толали ва ингичка нинали, попуксимон нурлар кўринишидаги агрегатлар. Структураси аниқ эмас. Пушти ва оч бинафша рангли ўта кам учрайдиган минерал. Қаттиқлиги 5,5, зичлиги 2,5—2,6 г/см³. Гидротермал метасоматик (фенитлар ҳисобига) генезисга эга. Ч. таркибли жинсларнинг чиройли турлари заргарлик, безак ва коллекция тошлари сифатида фойдаланилади. Айниқса, бинафша рангли, ипаксимон ялтирайдиган турлари жуда қадрланади. Ч.нинг дунё бўйича ягона кони Шарқий Сибирдаги Сиренли тош конидир.


Чароитдан ясалган ваза. Москвадаги «Самоцвет» музейи.

ЧАРОС — эрта ўртапишар маҳаллий, хўраки узум нави. Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Тупи кучли ўсади. Барги йирик, тўгарак, ўртача ва кам кертикли, усти тўқ, орқаси оч яшил, туксиз. Гули функционал урғочи. Узум боши ўртача ва йирик, тиғиз, 300—400 г. Ғужуми йирик, думалоқ-тухумсимон, кўкимтир-қора, серэт, ширин, пўсти қалин. Таркибида қанд миқдори 21—23%, нордонлиги 5,5 — 8%, июл-авг.да пишади. Ҳосилдорлиги 80—100 ц/га. Асосан, янгилигида ейилади. *Раноға* чидамсиз. Тошкент, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида экилади.

Чарос узум нави.

ЧАРХ — 1) қўлда ип йигиришда фойдаланиладиган қад. асбоб. Унда, асосан, пахта, жун ва б. толалар йигирилади. Кўриниши даста б-н айлантириладиган ғилдирак (барабан) шаклида бўлади. Ўрта Осиёда пахта экиб, ип йигириш милод бошидаёқ маълум бўлган. Пахта ва жун толасидан ип йигириш учун олдин *урчуқ*, кейин уни такомиллаштириб, Ч. ясалган. 18-а.да машинада ип йигиришга ўтилгач, Ч.га эҳтиёж камайган, лекин айрим чекка жойларда ундан ҳали ҳам фойдаланилади (қ. *Йигириш*); 2) қайчи, пичоқ, теша, кетмон, ўроқ ва б. кесувчи асбобларни ўткирлаш (чархлаш) учун ишлатиладиган асбоб. Дастаки ва электр Ч.лар бор. Дастаки Ч. доирасини чархчи оёқда тепкига босиб айлантиради. Ҳунармандлар (мас., дегрезлар, мисгарлар, кулоллар) чўян буюмлар қолипи ясаладиган,

Ч а р х. Тошкент (19-а. охири — 20-а. боши).

мис ва сопол буюмлар сирти силлиқланадиган асбобларни ҳам Ч. деб аташади; 3) айрим асбоблар ва қурилмаларнинг айланадиган қисми. Мас., *чархлаш станоги*нинг абразив (жилвир) доираси Ч. ҳисобланади.

ЧАРХ (с а н ъ а т д а) — 1) қад. доира усулларидан бири; шу усулда ижро этиладиган ўзбек халқ куйлари. Ч. куйининг сурнай йўли ҳам бўлиб, дорбозлик ўйинлари вақтида сурнай, ноғора каби созлардан иборат ансамблларда ижро этилади. «Шолиёна» сурнай туркумининг бир қисми ҳам Ч. деб юритилади; 2) ўзбек халқ қўшиғи. Ўтмишда *чарх*да ип йигириш жараёнида айтилиб, хотин-қизларнинг ҳис-туйғуларини ифода этган; 3) халқ рақсларида чир айланиб ижро этиладиган ўйин ҳаракатларидан бири.

ЧАРХ ИЛОНЛАР, э ф а л а р (Echis) — қора илонлар оиласига мансуб илонлар уруғи. Уз. 80 см гача. Кулранг ёки қўнғир тусли танасида оқиш илон изи ҳошияси бор. Танасининг 2 ёнидаги тангачалари қиррасида тишчалари бўлади. Ч.и. танасини ҳалқа қилиб ўраганида тангачалар ишқаланиши натижасида чарх тоши айланишига ўхшаш товуш чиқади (номи шундан). 3 тури, жумладан, қум чарх илони ва чипор чарх илони Шим. Африка, Жан., Жан.-Ғарбий Осиё ва Ўрта Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда қум чарх илони Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қизилқум чўлида учрайди. Шомда ва тунда фаол ҳаёт кечиради. Майда умуртқалилар, ёш Ч.и., асосан, ҳашаротлар ва ўргимчаксимонлар б-н озиқланади. Тухумдан тирик туғади. Урғочиси 3 тадан 18 тагача бола туғади. Заҳарли, чақиши ўлимга олиб келиши мумкин. Заҳаридан иммун зардоб тайёрлашда ва и.т. ишларида фойдаланилади.

Чарх илон.

ЧАРХИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳамроалиев Асқарали) (1900.23.2 — Қўқон — 1979.18.12) — Ўзбекистон халқ шоири (1975). Қўқондаги мадрасаларнинг бирида таълим олган. Шу вақтда мумтоз шеърият намояндалари ижоди б-н яқиндан танишган ва хаттотлик санъатини ўрганган. Қўқондаги «Қувват» артелида гулабардор (тўқувчилик корхоналарида гула тайёрлаш ёки тандага гула кўтариш иши, касби, 1926—38). Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тузилган қўмитада хаттот (1939), Муқимий уй-музейида илмий ходим (1941), Қўқон шаҳар театрида адабий эмакдош (1942—47), Ғафур Ғулом номидаги вилоят Адабиёт музейида (1950—79) илмий ходим бўлиб ишлаган.

Ч. Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Бедил сингари Шарқ мумтоз шоирлари ва Муқимий, Фурқат, Завқий сингари замондошлари ижодидан сабоқ олиш б-н бирга Сулаймонқул Рожий ва Мирза Хўқандийдан аруз илмини ўрганиб, 1916 й.дан эътиборан ғазаллар ёза бошлаган. Унинг асарлари илк бор 1938—39 й.ларда «Янги Фарғона» газ. ва кейинчалик «Муштум» жур.да эълон қилинган. Ч. ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини давом эттириб, ҳам лирик, ҳам ҳажвий шеърият жанрларида ижод қилган. Ч. ижодининг асосий жанрлари ғазал, мухаммас ва маснавийлар. Ч. нинг «Ширин ва аччиқ» (1959) илк шеърий гулдастасидан кейин «Шеърлар» (1966), «Алихўжа-Хўжаали» (1970), «Девон» (1972) ва «Бешигингда ётмайман» (1975) тўпламлари нашр этилган. Шоирнинг кўплаб ғазалларига куй басталаниб, халқ ҳофизлари томонидан ижро этиб келинади.

Ас.: Девон, Т., 1972.

ЧАРХИН — Самарқанд вилояти *Пастдарғом тумани*даги шаҳарча. Самарқанд ш.дан 15 км, туман маркази (Жума ш.)дан 16 км. Яқин т.й. станцияси — Улуғбек. Аҳолиси 13,3 минг киши (2003). Эски Ангор каналидан сув олади. Ч.да пахта тозалаш, тери саралаш з-длари, 2 касб-ҳунар коллежи, умумий таълим мактаби, 3 кутубхона, маданият уйи, аҳолига хизмат кўрсатиш, тикувчилик, пойабзал, автомобиль ва мебель таъмирлаш устахоналари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Касалхона, поликлиника, 2 дорихона бор.

ЧАРХЛАШ СТАНОГИ — кесувчи асбобларни абразив (жилвир) олмос доиралар б-н чархлайдиган силлиқлаш гуруҳига кирувчи станок. Кескичлар, пармалар, кўп кескичли кесиш асбоблари, фрезалар, зенкерлар, развёрткалар, диск арралар, метчиклар ва б.ни чархлайдиган махсус Ч.с. кенг тарқалган. Пичоқ чархловчи усталар фойдаланадиган Ч.с.нинг электр двигатель ёрдамида ишлайдиган ёки чархчининг ўзи оёғи б-н ҳаракатлантирадиган турлари бор. Бундан ташқари, абразив доирасиз чархлайдиган анод-механик, электр-учқунли ва ультратовушли Ч.с. ҳам ишлатилади. Чархлаш бурилувчи стол ёки кескични керакли бурчакка буришга имкон берадиган мослама ёрдамида бажарилади. Лентали ёки дискли арраларни чархлаш учун автомат усулда ишлайдиган Ч.с.дан фойдаланилади. Рўзғорда дастаки Ч.с.дан фойдаланилади.

ЧАРХПАЛАК — 1) сув суғориладиган ерга нисбатан анча пастда оқадиган ариқ ва анҳорлардан сувни юқорига кўтариб берадиган иншоот; айланаси бўйлаб чўмичлар ўрнатиб қўйиладиган парракли катта ғилдирак. Ғилдирак диаметрининг ўлчами анҳор ёки ариқнинг катта-кичиклигига, оқаётган сувнинг кўп ёки камлигига қараб олинади. Чўмичлар сони ғилдиракнинг диаметрига б о ғ л и қ. Оқиб турадиган сув ғилдирак парракларини (кураклари)га таъсир қилиб, ғилдиракни айлантиради, шунда чўмичлар сувга тўлади. Ғилдирак оғиши б-н чўмичдаги сув новга қуйилади, новдан ариқча орқали керакли жойга оқади. Ч. қадимги сув иншоотларидан бири ҳисобланади. Дастлабки Ч.лар мил. ав. 4—3- минг йилликда пайдо бўлган. Қадимда Ўзбекистон ҳудудида ҳам Ч. асосий сув чиқариш воситаси ҳисобланган. 19-а.да насослар пайдо бўлгач, Ч.ларга бўлган эҳтиёж камайди, лекин айрим жойларда ҳозир ҳам фойдаланилади; 2) маданият-истироҳат боғлари ва болалар майдонларига ўрнатиладиган кўнгилочар иншоот. Айланаси бўйлаб қўзғалувчан қилиб ўриндиқлар осиб қўйиладиган катта диаметрли ғилдирак. Бундай Ч.ни электр двигатель ҳаракатлантиради.

Чархпалак.



ЧАРЧАШ, т о л и қ и ш, ҳ о р и ш — организмга ҳаддан ташқари зўр келиши натижасида меҳнат қобилиятининг пасайиши б-н кечадиган физиологик ҳолат. Ақлий Ч. интеллектуал меҳнат маҳсулдорлигининг камайиши, эътиборнинг бузилиши, фикрлашнинг сусайиши ва бошқалар б-н белгиланади. Жисмоний Ч. мускуллар кучи ва бир текисда ҳаракатланиши каби функцияларнинг бузилиши б-н кечади.

Ўта ва сурункали Ч. фарқ қилинади. Ўта Ч. зўр бериб жисмоний меҳнат қилиш натижасида рўй беради. Сурункали Ч. турли функционал системалар ва бутун организмдаги ўзгаришларнинг ойлар ва йиллар давомида тўлиқ тикланмаслиги б-н боғлиқ.

Ч.нинг тезлиги меҳнатнинг хусусияти б-н белгиланади: бир тарзда туриб мускулларга зўр келадиган иш бажарилганда киши анча тез, бир маромдаги иш бажарилганда бирмунча кам толиқади. Ч.нинг юзага келишида одамнинг бажараётган ишга нисбатан муносабати ҳам муҳим роль ўйнайди. Кўпчилик одамларда эмоционал қўзғалиш даврида узоқ вақтгача Ч. белгилари пайдо бўлмайди.

Етарли дам олмаслик ёки узоқ вақт ҳаддан ташқари зўриқиб ишлаш Ч.га ёки мадор қуриишига олиб келади. Ақлий

ва руҳий толиқиш фарқ қилинади. Ёш ва нерв системаси маълум бир тузилишга эга бўлган кишиларда жадал ақлий меҳнат *невроз*ларга олиб келади. Руҳий толиқиш «юрак ҳиссиётига» тўлиб-тошган ва турли мажбуриятлари бўлган шахсларда кузатилади.

Мириқиб ухлаш ва фаол дам олиш иш қобилиятини тез тиклайди.

Оғир касалликларни бошдан кечирган кишиларда Ч. тез юз беради. Арзимаган ва унча узоқ давом этмайдиган зўриқиш ҳам уларда бош оғриғи, ҳарсиллаш, тез юрак уриши, терлаш ва қувватсизликка сабаб бўлади. Бундай кишилар меҳнат режимига ва иложи борича узоқроқ дам олишга қатъий амал қилишлари зарур.

Болалар организмининг анатомо-физиологик хусусиятларига кўра ҳатто унчалик уринмаганида ҳам (мас., гўдак уйқудан қолганида, мактабда партада узоқ ўтирганида) тез чарчаб қолиши мумкин. Кун тартибининг нотўғрилиги, бир турдаги машғулот, ортиқча ўйин-кулги ҳам тез Ч.га олиб келади.

Болаларда Ч. белгилари кўпинча хатти-ҳаракатнинг бузилишида кўринади: улар тоқатсиз, эътиборсиз, дарс вақтида гаплашадиган, яъни интизомсиз бўлиб қоладилар. Баъзи ҳолларда, айниқса, касалликларни бошидан кечирган болалар бўшанг, сусткаш, хоргин, кучсиз бўлиб, фикрлаганда бош оғриғи сезади.

Ч. баъзан бошдан кечирилган касалликнинг оқибати эмас, балки унинг бошланғич белгиси бўлиши ҳам мумкин. Болада бошдан кечирилган касалликка ёки ақлий ва жисмоний зўриқишга боғлиқ бўлмаган тез чарчаб қолиш ҳоллари юз берганида, албатта, врачга мурожаат этиш лозим.

Иш қобилиятини узоқ вақтгача сақлаб қолишнинг таъсирли воситаларидан бири — меҳнат фаолиятининг аниқ маромда бўлишидир. Тез Ч.ни олдини олишда меҳнат ва дам олишни тўғри йўлга қўйиш, иш куни давомида қисқа муддатли танаффуслар ташкил қилиш, шунингдек, иш жойини тартибга солиш, ва ўзини сал ҳориган ҳис қилганда, чарчоғини ёзадиган машқлар бажаришга муҳим эътибор бериш зарур.

Болаларда тез чарчаб қолишнинг олдини олиш учун уларнинг кун тартиби маромининг бузилишига йўл қўймаслик (тўйиб ухлашига, иш оғирлик қилмаслигига, иш б-н машғулотни тўғри навбатлаштиришга, уларнинг очиқ ҳавода узоқроқ бўлишига имконият туғдириш) керак.

ЧАСТОТА — 1) физикада — даврий тебранишнинг миқдорий ифодаси; тебраниш цикллари сонининг у ўтадиган вақтга нисбати. Ч. ν (техникада f) тебраниш даври T га тескари катталик: $\nu=1/T$. Ўлчов бирлиги — Гц (секундига 1 тўлиқ цикл). Агар Ч.ни электр токига нисбатан қўллайдиган бўлсак, саноат Ч.си 50 Гц (фақат АҚШ да 60 Гц); 2) эҳтимоллар назариясида — бирор ҳодиса (мас., A ҳодиса) нинг рўй бериши сони m нинг тажрибалар умумий сони n га нисбати $\left(\frac{m}{n}\right)$. Агар A ҳодисанинг тажрибада алоҳида рўй бериши эҳтимоли p га тенг бўлса, етарлича катта n лар учун ҳар қандай кичик $\varepsilon>0$ бўлганда $\left(\frac{m}{n}\right)$ ушбу

$$\left|\frac{m}{n}-p\right|\le\varepsilon$$

тенгсизликни қаноатлантиради. Бу хулоса катта сонлар қонунидан келиб чиқади. Ч. тушунчаси эҳтимолликнинг статистик таърифи учун асос бўлади; 3) кино техникасида — кинога олиш ёки кино қўйишда ёки телевизор экранида кадрларнинг алмашинишини даврийлиги ёки тезлиги. Стандарт тезлик сифатида 1 секундда 24 кадр алмашинишини қабул қилинган (баъзан 8 ва 16 мм ли кинолентлар ишлатилганда 1 секундда 16 кадр алмашинадиган тезлик қабул қилинади). Телевизор экранида кадрлар алмашинишини стандарт бўйича 25 Гц га тенг.

ЧАТЕМ —Тинч океанининг жан. қисмидаги 2 та йирик (Чатем ва Пит) ва бир гуруҳ майда вулкан ороллари. Янги Зеландия ҳудуди. Майд. 963 км². Энг баланд жойи 291 м (Чатем о.да). Ландшафти ботқоқ, яйлов, чакалакзорлардан иборат. Аҳоли қўйчилик б-н шуғулланади, балиқ овланади. Оролларга европаликлардан илк бор 1791 й.да инглиз денгизчи сайёҳи У.Р. Броутон борган.

ЧАТИРКЎЛ — Қирғизистон Республикаси Норин вилоятидаги кўл. Марказий Тяньшанда. Шим.да Отбоши ва жан.да Тўруғарттов тоғлари орасида, 3530 м баландликдаги сойликда жойлашган. Майд. 175 км², уз. 23,5 км, энг кенг жойи 12 км. Кўл саёз, ўртача чуқ. 3,8 м (энг чуқур жойи 22 м). Ч.га атрофидаги тоғлардан бир қанча сой ва жилғалар оқиб тушади, ундан сув оқиб чиқмайди. Июнь — июль ойларида сув сатҳи анча кўтарилади, янв.-февралда пасаяди. Суви чучук, шарқий қисмида бир оз шўр. Нояб. дан апр.гача муз б-н қопланади.

ЧАТИШТИРИШ — урғочининг жараёнида ирсий жиҳатдан бир-бирига ўхшамайдиган иккита жинсий ҳужайра (гамета)нинг табиий ёки сунъий қўшилиши. Ч. натижасида пайдо бўлган насл ген бўйича гетерозиготали ҳолатда туради. Унинг бир-бирига ўхшаш бўлмаган ота-она гаметалари б-н турли аллеллари дурагай муртакка (зиготага) ўтган бўлади. Дурагай организм ота-онасининг белги ва хусусиятларига эга бўлиши б-н бирга, ота-онасининг жинсий ҳужайралари орқали уларга ўтган ирсий имкониятларнинг муайян жуфтлашиши, ривожланиши ва намоён бўлиши каби хусусиятларга ҳам эга бўлади. Танлаш, одатда, дурагайларнинг иккинчи бўғинида ўтказилиб, кўпинча бешинчи-олтинчи бўғинларгача, гомозиготали нусхалар олингунгача такрорланади (қ. *Гомозиготалик*). Дурагайда ота-онадан бирортасининг белги хусусиятларини кучайтириш учун такрорий (*беккросс*) Ч. (авлодни ота ёки она шакли б-н қайта Ч.) ўтказилади.

Ўсимликлар амалий селекциясида оддий ва мураккаб Ч. қўлланилади. Иккита она-она шакллари ўртасида бир маротаба ўтказилган чатиштириш оддий Ч.га киради (қ. *Жуфт чатиштириш*). Ч.га бирин-кетин иккитадан ортиқ ота-она шакллари жалб этилса, мураккаб Ч. ҳисобланади (қ. *Дурагайлаш*).

Чорвачиликда молларнинг насл сифатини ошириш ҳамда янги сермаҳсул зотларини яратишда Ч.нинг: а) қон қуйиш; б) қон сингдириш; в) завод чатиштириши; г) саноат чатиштириши; д) навбатли чатиштириш усуллари қўлланилади.

Ўзбекистон чорвачилигида маҳаллий қорамолларни швиц зоти б-н Ч.нинг қон сингдириш усулида қўнғир тусли қорамол подалари шакллантирилган. Ч.нинг мураккаб завод усулида бушуев зоти яратилган. Ч.нинг қон қуйиш усулида республикада р-нлаштирилган барча зотлар «яхшиловчи» зотлар б-н такомиллаштирилмоқда. Ч.нинг саноат усули сут йўналишидаги қора-ола ва қизил чўл зотлари, гўшт йўналишидаги герефорд, абердин-ангус, шароле, киан, санта-гертруда ва б. зотлар б-н жуфтлаштиришда қўлланилиб, тез етилувчан ва серпушт бўлган биринчи чатишма авлодлари олинган.

Дурагай ва чатишмалар ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг хўжалик жиҳатидан фойдали белгилари бўйича танлаш, саралаш, янги зотлар ва навлар етиштириш учун дастлабки материал бўлади.

Баҳодир Норматов, Убайдулла Носиров.

ЧАТУРАНГА (санскритча чатур — тўрт, анга — қисм) — мил. ав. Ҳиндистонда пайдо бўлган тафаккур ўйини. Қад. Ҳиндистонда қўшин 4 қисмга бўлинган: жанг аравадагилар, филбонлар, отлиқ ва пиёда аскарлар. Ч. сипоҳлари қўшин қисмларини ифодалаган. Қўшиннинг ҳар бир қисмини рожалар бошқаргани учун Ч. «чатурроджа» деб ҳам аталган. Ч.да 32 та (16 тадан оқ ва қора) сипоҳ 64 та оқ-қора катакли тахтанинг 4 четига 8 тадан терилган ва 4 киши (2 тадан бўлиб) ўйнаган. Юришлар шашкол ташлаш б-н амалга оширилган (6 холли томон тушса шоҳ, 5 холли томон тушса фарзин юрилган ва ҳ.к.). Ўйин рақибларнинг барча сипоҳларини (шу жумладан, шоҳни ҳам) уриб олингунча давом этган. 5—6-а.ларга келиб Ч. ўйин қоидаларининг ўзгарган тури чатранг (шатранг) деб номланган. Чатрангда сипоҳлар ўйин тахтасининг 2 томонига терилган ва 2 киши ўйнаган. Юришлар шашколсиз амалга оширилган ва ўйиннинг мақсади шоҳни мот қилиш бўлган (яна қ. *Шахмат*).

ЧАТҚОЛ — Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти ва Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилоятидаги дарё. *Чорвоқ сув омбори* қурилгунга қадар *Чирчиқ*нинг йирик ирмоғи бўлган. Уз. 217 км, ҳавзасининг майд. 7110 км². Талас Олатовининг жан.-ғарбий ён бағридан Қорақулжа номи б-н бошланади. Қорақасмоқ ирмоғи қўшилгач, Ч. номини олади. Чорвоқ сув омборига қуйилади. Бошланиш қисмида Ч. чуқур ва тор дарада оқади; Қоратака ирмоғи қуйилган жойдан бошлаб дарё водийси кескин кенгаяди. Қуйи қисмида Ч. бир неча террасалари бўлган кенг водийда чуқур ўзанда оқади.

Ч. водийсининг ён бағирлари кўп жойларда тик ва баланд тоғ ён бағирларидан иборат, калта ирмоқлар, жарликлар б-н парчаланган. Водийси кенг жойларда ён бағирлари ётиқроқ, бал. 8—40 м бўлган террасалар ҳосил қилган. Эни 200—300 м ли қайирларда дарё ўзани бир неча майда тармоқларга ажралиб кетади. Дарё ҳавзаси баланд тоғларда жойлашган (ўртача бал. 2605 м). Умумий майд. 51 км² бўлган 119 кичик музлик бор. Дарё қор ва музлик сувларидан тўйинади. Ч.нинг ўртача йиллик сув сарфи Терс дарёсининг қуйилиш жойида 67 м³/сек., Назайтўқай қишлоғи ёнида 85 м³/сек., сув омборига қуйилиш ерида 126 м³/сек., 1932—74 й.лардаги кузатиш маълумотларига кўра, дарёнинг қуйилиш қисмида энг кўп сув сарфи 920 м³/сек., энг кам сув сарфи эса 7,0 м³/сек. бўлган. Ч. дарёсида март ойидан сув кўпаяди, янв. — февралда камаяди. Ўрта ҳисобда йиллик сув миқдорининг 55% март— июнда, 30% июль—сент.да ва 15% окт.—февраль ойларида оқиб ўтади. Дарё суви унча лойқа эмас (ўртача ҳисобда 460 г/м³). Дарё суви тез оққанлигидан музламайди. Лекин, шовуш оқиши ва қирғоқ музлаши мумкин. Ч. сувидан экин майдонларини суғоришда фойдаланилади.

Чатқол дарёси.

ЧАТҚОЛ БИОСФЕРА ҚЎРИҚХОНАСИ — Тошкент вилоятининг Паркент тумани тоғли ҳудудида, Чатқол тоғ тизмаларининг жануби-ғарбида жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1990 й. 21 июндаги қарори б-н Чатқол қўриқхонаси (1947) негизида *Угом-Чатқол давлат табиат миллий боғи* ташкил этилиши муносабати б-н унинг жан. қисмида алоҳида қўриқланадиган ҳудуд тарзида ажратилган. Тошкент вилояти табиатини муҳофаза қилиш бошқармасига қарайди. Ғарбий Тяньшаннинг улкан ва ноёб ўсимликлари, ҳайвонот ва қушларини ўрганиш, сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсадларида иш олиб боради. Умумий майд. 9900 га. Қўриқхона ҳудуди шарқда деярли Наманган вилояти, жан.-ғарбда Оҳангарон тумани тоғли ҳудудларига яқин боради. Рельефи ҳар хил баландликлар (1100 —4000 м), қояли чўққилар ва тик қияликлар б-н тавсифланади. 1000 —1500 м баландликда лёссимон тупроқлар, ундан юқорида тоғ ўрмон ва ўтлоқи

Чатқол биосфера қўриқхонаси манзараси.

тупроқларнинг турли шакллари ривожланган. Иқлими континентал, янв. ойининг ўртача ҳарорати −7°, июль ойиники 23—25°, йиллик ёғин миқдори 700—800 мм. Қўриқхона ҳудудидаги асосий сув ҳавзалари Бошқизилсой, Шоввасой ва уларнинг ирмоқлари. Қўриқхонада ўсимликларнинг 1300 га яқин тури, шу жумладан, доривор ўсимликлардан женшень, тоғ ён бағирларида 40 дан ортиқ дарахт ва бута турлари ўсади. Асосий дарахтлари тол, терак, қора арча, савур арча, ёнғоқ, писта, қайин, зирк, четан, дўлана, ёввойи олма, тоғолча ва б. Ҳайвонот дунёсида 30 дан ортиқ сут эмизувчилар тури, шу жумладан, тоғ қоплони, қўнғир айиқ, тоғ эчкиси, елик, тулки, бўрсиқ, қобон (ёввойи чўчқа) ва б., қушларнинг 140 дан ортиқ тури — бедана, қирғий, қора лайлак, каклик, қумри ва б. (қушлардан қора лайлак, қирғий уя қуриб бола очади), умуртқасизларнинг 19 тури учрайди. Ғарбий Тяньшан учун ноёб бўлган ўсимликларнинг 33 тури, ҳайвонларнинг 3 тури, қушларнинг 4 тури Халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Қўриқхона ўсимлик қоплами тикланиб, ҳайвон ва қушлар сони кўпаймоқда. Қўриқхона Майдонтол участкасининг баланд тоғ қояларида тоғ эчкиси ва кийиклар тасвири туширилган петроглифлар (Тераклисой петроглифлари) топилган (1965).

ЧАТҚОЛ ВОДИЙСИ — Ғарбий Тяньшан тоғларидаги водий. Чатқол дарёси юқори оқимида. Қирғизистон Республикасининг Ўш вилояти ҳудудида. Шим.-ғарбдан Писком ва Сандалаш, шим.дан Талас Олатови, жан.-шарқдан *Чатқол тизмаси* б-н ўралган. Шим.-шарқдан жан.-ғарбга 90 км дан зиёд масофага чўзилган. Ўртача эни 2—5 км. Водий тубининг баландлиги жан.-ғарбдан (1400 м) шим.-шарққа (2200 м) ортиб боради. Водий Чапчама довони (2841 м) орқали Қозоғистоннинг Жамбул вилояти б-н боғланган.

Ч.в.нинг ўрта қисмидан оқиб ўтадиган Чатқол дарёси ва унинг ўнг ва чап ирмоқлари (Қорақасмоқ, Толдибулоқ, Сандалташ, Жартису, Қорақорум ва б.) кенг қайир, бир қанча эрозион ва эрозион-аккумулятив террасалар ҳосил қилган. Террасалардан юқоридаги тизмалар ён бағрида ва сувайиргич қисмларида текисланган юзалар учрайди.

Ч.в. тектоник жиҳатдан тершн бурмаланиши даврида шаклланган синклиналь ботиқдир. Водийни ўраб олган тизмалар палеозойгача ва палеозой даври чўкинди, метаморфик ва вулканик тог жинслари (сланец, қумтош, оҳактош, конгломерат, кварцит ва б.)дан ташкил топган. Водийда палеоген ва тўртламчи давр чўкинди тог жинслари (қумтош, алевролит, гил, конгломерат, мергель, қум аралаш шағал тошлар, лёсслар) тарқалган.

Иқлими кескин континентал. Ўртача т-ра январда —17,8°, июлда 17,3°. Энг паст т-ра (—47°) дек.да кузатилади. Ўртача йиллик т-ра 2° атрофида. Йиллик ёғин 600—700 мм. Асосан, март — апр. ойларида ёғади.

Ч.в. ҳудудида, асосан, бўз, қўнғир, жигарранг тупроқлар, дарё ва сойлар оқизиб келтирган тош, қум ва қумлоқлар учрайди. Эфемер ва эфемероидлардан лола, лолақизғалдоқ, ранг, қўнғирбош, бутдойиқ, какра, бўтакўз ва б., водийнинг баландроқ қисмлари ва дарё бўйларида бўлиқ ўтлар, буталар, дарахтлар (тиканли бодом, дўлана, зирк, арча, ёнғоқ, заранг, қайин, қайрағоч, тол, терак, олча ва б.) ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, айиқ, тулки, бўрсиқ, олмахон, кийик, қор қоплони, силовсин, каламуш, илонлар; қушлардан каклик, каптар, чумчуқ, қирғий, лочин, сўфитўрғай ва б. бор. Водий ҳудудида *Бешқорол қўриқхонаси* ташкил қилинган. Водийда деҳқончилик, боғдорчилик б-н шуғулланилади ва ундан яйлов сифатида фойдаланилади.

Мурод Маматқулов.

ЧАТҚОЛ ЗИЛЗИЛАСИ — Ўрта Осиёдаги энг кучли зилзилалардан бири. 1946 й. 2 нояб.да содир бўлган. Эпицентрда кучи 9—10 баллга етган. Магнитудаси Рихтер шкаласи бўйича 7,5 бўлган. Зилзила 150 дан ортиқ қишлоқ ва шаҳарларда 9 баллдан тортиб, 4—5 баллгача сезилган. Ҳатто 240 км узоқликдаги Тошкент ш. ҳам жиддий талафот кўрган. Тебраниш кучи Тошкентда 7—8 баллни ташкил этган. Талқиқот ишлари натижасида зилзила ўчоғининг уз. 80 км, эни 15 км ва чуқ. 20—25 км эканлиги аниқланган. Бу ерда жойлашган сейсмоген узилманинг ҳаракатга келиши натижасида атрофдаги қоятошлар қулаган ва тог ён бағирларида чуқ. 10—15 м ли ер ёриқлари ҳосил бўлган. Қулаган тог жинсларидан вужудга келган уюм ҳажми 4 млн. м³ дан ошиб кетган ва у Норин дарёсини тўсиб қўйган. Бунинг натижасида атрофда кўллар ҳосил бўлган. Фарғона, Чатқол ва Талас Олатови ён бағирларидаги 50 дан ортиқ қишлоқни харобага айлантирган. Шунингдек, Подшоотасой, Аравон, Афлотун, Арқит, Кетмонтепа оралиқларидаги йўллар бузилиб, турли хил кўриниш (шаклни олган. Зилзила эпицентри Чатқол—Отойнак сейсмоген зонасида бўлиб, асосий ер қимирлашдан кейин ҳам 2 йил мобайнида кучли тебранишлар қайд қилинган. Уларнинг кучи 6—8 баллга етган. Кейинги зилзилалардан Фарғона водийсидаги аҳоли пунктлари яна талафот кўрган.

«ЧАТҚОЛ» САНАТОРИЙСИ — тог иқлимий курорт. Тошкент ш.дан 55 км узоқликда, Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида, денгиз сатҳидан 610 м баландликда жойлашган. Шим.-шарқ ва жан.дан Ғарбий Тяньшаннинг Угом, Писком, Чатқол ва Қурама тог тизмалари ўраб туради. Майд. 12,5 га. «Ч.» с. 1975 й.да ташкил этилган, Ўзбекистон Республикаси Геол. ва минерал ресурслар Давлат қўмитасига қарашли тиббий соғломлаштириш маскани. Иқлими қуруқ тог ҳавоси, ёзи жазирама эмас, қиши илиқ. Йиллик ўртача т-ра 11,5°, ҳавонинг нисбий намлиги 50—60%. Йил давомида 800 мм ёғингарчилик бўлади. Чирчиқ дарёси яқинлиги туфайли вужудга келадиган гидроаэроионизация ва қуёшнинг тўлиқ нури дам олувчилар учун қулай шароит туғдиради.

Даволаш омили кислородга бой муссаффо тог ҳавоси. Санаторийда геол. соҳасида кўпроқ кузатиладиган кардионеврологик, юрак-томир, меъда-ичак ва таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари б-н оғриганлар даволанади. Санаторий яхши кўкаламзорлаштирилган. Ҳудудидан минерал сув чиққан. Таркибида калий, натрий, магний, кальций, хлор каби кимёвий элементлар, шунингдек, гидрокарбонат, кремний кислотаси ва б. бор. Минерал сувдан, асосан, ванналар учун, меъдани ювиш, ичакларни чайиш, ичиш,тюбаж, душ, сув ости массажи қилишда фойдаланилади. Бундан ташқари, физиотерапевтик (даволаш балан тарбияси, массаж) ва бальнеотерапевтик (шарқулар душ, Шарко душ) муолажалар б-н даволаш усуллари ҳам қўлланади. Санаторийда Шарқ табобати — шеҳлар б-н даволаш ҳамда парҳез б-н овқатланишга қатъий риоя этилади.

250 ўринга мўлжалланган ётоқ корпуси, клуб, кутубхона, спорт майдончалари, чойхоналар мавжуд (2004).

ЧАТҚОЛ ТИЗМАСИ — Ғарбий Тяньшандаги тог тизмаси. Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудларида. Фарғона ва Чатқол водийларини бир-биридан ажратиб туради. Жан.-тарбдан шим.-шарққа 220 км чузилган. Шим.-шарқий қисмида Талас Олатовидан Терекбел довонининг гарброгида ажралиб, жан.-тарбда Чирчиқ водийсида тугайди. Бал. 3000—3500 м, энг баланд жойи 4503 м. Ч.т. да бир-биридан дарёлар б-н ажралган бир қанча тог массивлари бор. Булардан йирикларн Суренота, Қизилнура, Учтош, Аравон, Сарғардон, Кумбел ва б. Ч.т. асимметрик тузилишга эга. Шим. ва шим.-тарбий ён бағирлари Чатқол дарёси водийсидан тик кўтарилган. Жан. ва жан.-шарқий ён бағирлари эса қияроқ. Сувайиргич қисмида кўплаб тик кўтарилган чўққилар бор. Ён бағирлари ич дарё водийлари б-н кесилган, денудацион юзалар тарқалган.

Тектоник жиҳатдан герцин бурмаланиши даврида шаклланган антиклинорий. Ҳоз. баландлигига бугунги кунларда ҳам давом этаётган янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган. Ч.т., асосан, палеозой даври чўкинди, метаморфик, отқинди тог жинслари (сланец, оҳактош, гранит, гранодиорит, порфир ва б.)дан ташкил топган. Этажларида палеоген, неоген, тўртламчи давр шағал, гил, конгломерат, лёсс қатламлари учрайди. Сувайиргич ва унга ёндош қисмларида қад. музликлар қолдирган музлик ётқизиқлари (мореналар) ҳам тарқалган. Иқлими континентал, қиши совуқ, ёзи салқин, сернам. Йилига 1000 мм дан зиёд ёғин тушади (гарбий қисмида ёғингарчилик камроқ). Тупроқ-ўсимлик қоплами баландлик

«Чатқол» санаторийси.

Чатқол тизмаси тог олди қисми.

минтақалари бўйича тог-дашт минтақасидан бошланиб, абадий қорлар б-н қопланган нival минтақада тугайди. Тизманинг этакларида бўз тупроқлар тарқалган. Ларда лола, лолақизғалдоқ, ранг, қўнғирбош, оқ каврак, бутдойиқ, чалов, бетага, так-так, бўтакўз, буталардан дўлана, тоғорча, аччиқбодом ва б. ўсади. Юқорироқ қисмларида қўнғир тог-ўрмон, каштан тупроқларда баланд бўйли ўтлар, тиканли бодом, дўлана, ирк, арча, ёнғоқ, қорақарағай, заранг, қайин ва б. учрайди. 3000 м баландликда субальп, алъп ўтлоқлари мавжуд. Шунингдек, мушукқўйруқ, алъп лоласи, ёввойи пиёз, қизилтикан, каврак ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қобон, бўрсиқ, олмахон; тизманинг баланд қисмларида кийик, қор қоплони, силовсин, бўри, айиқ, тулки ва б.; қушлардан каклик, каптар, булбул, қирғий, лочин, калхат ва б. учрайди.

Ч.т. ҳудудида *Саричелак қўриқхонаси* ва *Угом-Чатқол давлат табиат миллий боғи* ташкил этилган. Ч.т.нинг табиий ресурсларидан энг муҳимлари: қазилма бойликлар, сув-энергия ресурслари, шифобахш иқлими, мевали ва доривор ўсимликларидир.

Мурод Маматқулов.

ЧАУРАСИЯ (Chaurasia) Пандит Харипрасад (1938.1.7, Илоҳобод, Ҳиндистон) — ҳинд созандаси (бансури най), замонавий ҳинд мумтоз мусиқа мактаби вакили. 1957 й.дан Ҳиндистон радиоси (Катака ш.)да созанда ва бастакор, кейинчалик Бомбайда яшаган. Ч. Шим. (ҳиндустани) ва Жан. (карнатак) Ҳиндистон мумтоз мусиқа услубларини ўзлаштириб, *рага*, тхумри, даара, хаял каби жанрлар ижрочилигида биринчи бўлиб бансури найни қўллаган. Ижро услуби ноёб маҳорати, виртуоз техникаси б-н ажралиб туради. Ижролари ўнлаб грампластинка ва компакт дискларга ёзилган. Осиё (жумладан, 1975 ва 1977 й.ларда Ўзбекистонда ҳам), Европа ва Америка мамлакатларида гастролда бўлган. Санжит Натак академияси аъзоси (1984). Ҳиндистоннинг энг юқори (Падма Бхушан, 1992; Падма Вибхусан, 2000) мукофотлари б-н тақдирланган.

ЧАУШЕСКУ (Ceauşescu) Николае (1918.26.1, Олт уезди, Скорничешти қишлоғи— 1989. 22.12, Бухарест) — Руминияда диктаторлик режими ўрнатган ҳукмдор. 1955 й.дан Руминия компартияси раҳбариятида (1965 й.дан эса бош котиби). Давлат кенгаши раиси бўлган (1967—74). Руминия президенти (1974—89). Халқ қўзғолони натижасида ҳокимиятдан агдарилиб, отиб ташланган.

ЧАШМАИ АЙЮБ — Бухородаги меъморий ёдгорлик (12-а., 1380). Муқаддас зиёратгоҳ биноси тўғри тўртбурчак тарҳли (19×26 м) бўлиб, гарбдан шарққа чўзилган 4 хонадан иборат, ҳар бир хона бир-бирига ўхшамаган гумбазлар б-н қопланган. Дастлаб энг қад. хона — мурабба тарҳли (4,5 × 4,5 м) қудуқхона бунёд этилган (Арслонхон томонидан Миноран калон ва Намозгоҳ масжиди б-н бир даврда қурилган деган ривоятлар сақланган), унинг икки ёнида зиёратчилар учун ўз вақтида 2 эшик бўлган; олд томонига тоқли хона (4,5×4,5 м) туташтириб қурилган, у бинога пештоқ вазифасини ўтаган, қўш гумбазли, олди пештоқли. Зиёратхона деворида Амир Темур фармойишига биноан 1379 й.да унга тақаб қулоҳий гумбазли катта хона, бурчакларида миноралари бўлган даҳлиз қурилганлиги ёзилган. Бинонинг қад. қисми ичкарида қолган. Ривоятларга кўра чашма-қудуқ Айюб пайғамбар қадамжойи.

ЧАШМАЛАР — қ. *Булоқлар.*

ЧАШМАРДОН ДОВОНИ — Чумқор тог тизмасининг марказий қисмидаги довон. Ўзбекистон б-н Тожикистон чегарасида. 2868 м баландликда жойлашган. Довон орқали Сангзор водийсидан Зарафшон водийсига ўтилади.

ЧАШНАЧИЛИК (форс.-тож. чашони — татиб кўриш, едириш) — узум, вино, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ўсимлик ҳом ашёси сифатини органолептик усулда — кўриш, ҳидлаш, таъм билиш, эшитиш аъзолари орқали аниқлаш. Виночиликда винонинг истеъмол қимматини ҳамда и.ч. жараёнида унинг сифатини махсус чашначи усталар баҳолайдилар. Тажрибали виночи-чашначи кимёвий таҳлил ёки махсус асбоблар ёрдамида олинган вино ёки вино маҳсулот ҳақидаги ахборотни тўлдириб, технологик жараённинг такомил даражасига тузатишлар киритади. Чой Ч.да қуруқ чойнинг ташқи кўриниши, дамланган чойнинг таъми, ранги, ҳиди ва барги-нинг кўриниши; тамакида ҳиди, таъми, ўткирлиги, тутунида ёғли моддаларнинг бўлишига эътибор берилади. Узумнинг хўраки навлари Ч. жиҳатидан 10 балли шкала бўйича — узум боши ва гужумининг кўриниши, таъми ва ҳиди, пўсти хусусиятлари ва этининг тузилиши бўйича баҳоланади. Ч.нинг камчилиги — унинг муайян даражадаги субъективлиги, афзаллиги эса, энг сезгир асбоблар б-н аниқлаб бўлмайдиган ўзига хос нозик сифат хоссаларини фарқлаш ва унга баҳо беришдир. Ч.да винолар орасидаги кимёвий йўл б-н аниқлаш мумкин бўлмаган фарқни, мас., маркали ва оддий вино орасидаги таъм, хушбўйлик ва б. фарқларни аниқлаш мумкин. Ч.ни махсус тажриба ва лаёқатга эга бўлган чашначи мутахассислар бажарадилар. Бундай қобилият табиий тарихий ривожланиш натижаси бўлиб, инсон шаклланганидан то ҳозиргача ва бундан буён ҳам и.ч. фаолияти таъсирида истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини сақлаш, овқатланиш маданияти б-н доим алоқадорликда такомиллашиб боради. Маза сезиш аъзолари ривожланган, нодир қобилият эгалари бўлган чашначилар билинар-билинмас, ниҳоятда нозик таъм ва лаззатларни сезиб, хулоса чиқара олаЧашман Айюб.

дилар. Кўргазма, танлов ва ярмаркаларда вино, узум, тамаки маҳсулотлари сифати чашначилар хулосаларига кўра белгиланади. Қадимдан ўзбеклар орасида урф бўлган анор сайли, қовун сайли (ширинак) каби сайилларда ҳам етиштирилган анор, анжир, қовун-тарвуз ширинлиги, ранги, этининг мулойимлиги, шарбати миқдори, уруғининг озлиги ёки йирик-майдалиги каби сифатларини аниқлаш бўйича чашначилар мусобақалари ўтказилган.

ЧАҚА, чақа пул — қиймати паст бўлган металл тангалар; майда тўловлар, йирик пул белгиларини майдалаш, қоғоз пуллардан қайтим бериш учун қўлланилади. Жаҳон мамлакатларида Ч.нинг энг кичик қиймати амалдаги миллий валюта бирлигининг 1/100 қисмига тенг бўлган танга шаклида зарб қилинади (мас., *сўмда тийин, долларда* цент, *рублда* пайса, *гривнада* копеек). Қадимдан Ч. пуллар қиймати юқори бўлган кумуш ва олтин тангалардан фарқли ҳолда фақат мис ёки жез сингари арзон металлардан ясалган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 й. 1 июлдан муомалага чиқарган 1, 3, 5 тийин қийматдаги мис тангалар Ч. ҳисобланади.

ЧАҚАЛОҚ — қ. *Гўдак.*

ЧАҚАЛОҚЛАРНИНГ ГЕМОЛИТИК КАСАЛЛИГИ — чақалоқларда оғир кечадиган касаллик. Она ва ҳомила қон группаларининг турли системалар, кўпинча *резус-фактор* бўйича мос келмаслиги.

Қонда резус-факторнинг бор-йўқлигига қараб, у резус-мусбат ёки резус-манфий деб белгиланади. Болада касаллик она ёки ота қонининг резуси мос келмаслиги (онаси—резус-манфий, отаси—резус-мусбат) дан пайдо бўлади. Бунда ҳомилага резус-фактор резус-мусбат отадан ўтиши мумкин. Ҳомиланинг резус-факторни плацента орқали резус-манфий она қонига ўтади. Она организми ҳомила резус-факторига нисбатан антителолар ишлаб чиқаради, булар плацента орқали резус-мусбат ҳомила қонига қайта ўтиб, унинг эритроцитларини емиради (*гемолиз* рўй беради), камқонлик ва сариқ пигмент — билирубиннинг тўпланиши юзага келади. Касаллик аксари иккинчи, учинчи ва кейинги ҳомиладорликларда туғилган, шунингдек, абортлардан кейинги ҳомиладорликда туғилган (чунки она организмида антителолар миқдори бир ҳомиладорликдан иккинчи ҳомиладорликкача ортиб боради) гўдакларда учрайди. Онага илгари резус-факторни ҳисобга олмай қон қуйилган бўлса, биринчи ҳомиладорликдан туғилган болада ҳам Ч.г.к. пайдо бўлиши мумкин.

Ч.г.к. она ва ҳомила қони қон группалари бўйича мос келмаганда ҳам кузатилади, бу кўпинча онанинг қон группаси I(O), боланики II(A) ёки III(B) бўлган ҳолларда рўй беради.

Ч.г.к.нинг 3 шакли фарқ қилинади: ҳомиладаги умумий туғма шиш, чақалоқлардаги сариқлик ҳамда уларлаги туғма камқонлик.

Чақалоқлардаги сариқлик кўпроқ учрайди. Сариқлик туғруқнинг биринчи-иккинчи кунида пайдо бўлади ва бола ҳаётининг кейинги кунларида кўпая боради; баъзан гўдак териси сарғайиб туғилади, бу қонда эритроцитлар парчаланишидан ҳосил бўладиган бўёвчи модда — билирубиннинг пайдо бўлиши ва тез кўпайишига боғлиқ. Бунда биринчи ҳафтанинг охирларида боланинг аҳволи оғирлашиб, у шилқиллаб туғилади, яхши эммайди, оёқ-қўллари тортишади.

Ҳомиланинг умумий туғма шиши ҳамда камқонликда бола ўлик туғилади ёки туғилган заҳоти нобуд бўлади.

Ч.г.к.нинг олдини олиш учун ҳомиладор аёлларнинг қони резус-факторга текширилади ва қон группаси аниқланади. Қони резус-манфий аёллар ҳисобга олинади; уларнинг қони резус-антителоларга мунтазам текшириб турилади. Қони резус-манфий биринчи марта ҳомиладор бўлган аёлларга аборт қилдириш тавсия этилмайди.

ЧАҚАР МАСЖИДИ — Марғилондаги меъморий ёдгорлик (1911); хонақоҳ, айвон ва хўжалик биноларидан иборат бўлган. Бизгача бинонинг айвон қисми сақланган. Айвоннинг уч томони ёпиқ, шифти тўсинлар ёрдамида тўғри тўртбурчакларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирига гуллар солинган гулдонлар ишланган, ранг-баранг нақшлар б-н серҳашам безатилган.

ЧАҚИЛИКАЛОН — Зарафшон тизмасининг ғарбий қисмидаги тоғ тизмаси. Шарқда Зарафшон дарёсининг чап ирмоғи (Мағиёндарё)дан бошланиб, ғарбга Тахтақорача довонигача тахм. 70—75 км га чўзилган. Эни 15—20 км. Бал. 2000—2500 м. Энг баланд жойи унинг шарқий қисмида (2936 м), ғарбида эса 2388 м дан ошмайди. Ч. ассиметрик тузилишга эга. Шим. ён бағри тик, қояли. Сувайирғич қисмида платосимон юзалар учрайди. Ғарбий чеккасининг сувайирғич қисмида Қирқтоғ платоси мавжуд. Ч. герцин бурмаланиши даврида шаклланган. Мезозойда кўтарилган тоғлар емирилган. Ҳоз. кўриниши янги тектоник ҳаракатлар натижасида вужудга келган. Тектоник жиҳатдан антиклинорий структура. Тизма, асосан, силур ва девон даври чўкинди тоғ жинслари (оҳактош ва доломитлардан ташкил топган. Ч. иқлими қуруқчил. Ёзи анча илиқ, қиши совуқ. Ўртача йиллик т-ра 12,0°—12,3°. Йиллик ёғин 800 мм (Омонқўтонда), тоғ ён бағирларида 550 мм дан ошмайди. Ч.дан бошланадиган дарёлар (Қорасув, Ургутсой, Камонгарон, Омонқўтонсой ва б.) Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари ҳавзасига мансуб.

Ч. тизмаси ҳудудида, асосан, жигарранг тупроқлар тарқалган, тоғ олди қисмларида бўз тупроқлар учрайди. Тизма ҳудуди адир ва тоғ ўсимликлари минтақасига киради. Мезоксерофил ва эфемер ўсимликлар ўсади. Тизманинг шим. ён бағрида ёнғоқ, ёввойи олча ва б. дарахтлардан ташкил топган ўрмонлар мавжуд. Ч.да кўплаб карст рельеф шакллари (каррлар, карст воронкалари, ботиқлари, қудуқлар, шахталар, ғорлар) вужудга келган. Ч.нинг Қирқтоғ платосида *Кинг гори* бор.

ЧАҚИРИМ (чақирмоқ сўзидан) — қад. узунлик ўлчов бирлиги. Қадимдан Ўрта Осиёда катта масофаларни ўлчаш учун қўлланиб келинган. Қиймати 1200 қадамга тенг. Агар бир қадам ўртача 0,75 м эканлиги ҳисобга олинса, унда 1Ч. =1200·0,75=900 м =0,9 км га тенг. Бироқ 19-а. охиридан бошлаб чоп этилган адабиётларда 1 Ч. 1500 *газ* га тенг эканлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Бунда газнинг 0,71÷0,72 м эканлиги ҳисобга олинса, 1Ч.=1500·(0,71÷0,72) =1,065÷1,08 км. Чор Россиясининг 1894 й.да рус ўлчов бирлигига ўтиши тўғрисидаги кўрсатмаси чиққан даврғача 1Ч.=0,9 км, ундан кейин 1 Ч.=1,06÷1,08 км га тенг бўлган. Ҳоз. вақтда 1 Ч. деганда 1 км тушунилади.

ЧАҚИҚ ЖИНСЛАР — чўкинди тоғ жинслари; турли тоғ жинслари (магматик, метаморфик ёки чўкинди тоғ жинслари) ҳамда минераллар (кварц, дала шпатлари, слюдалар, баъзан глаукомит, вулкан шишаси ва б.) бўлаклари, парчаларидан ташкил топган. Ч.ж.нинг цементлашган, цементлашмаган ва ғовак турлари мавжуд. Цементлашган Ч.ж.да карбонатлар (кальцит, доломит), кремний оксидлари (опал, халцедон, кварц), темир оксидлари (лимонит, гётит ва б.), гилли минераллар ва б. боғловчи материал вазифасини ўтайди. Ч.ж.да кўпинча органик қолдиқлар, моллюска чиғаноқлари, дарахтларнинг тана ва шохлари ва б. бўлади. Ч.ж., асосан, структурали белги — жинс бўлаклари, парчалари, зарралар ўлчамига кўра таснифланади: йирик чақилган жинслар ёки псефитлар, зарраларининг ўлчами 1 мм дан ортиқ (цементлашмаган жинслар: палахса, гўлатош, чағир тошлар, майда ва йирик шағаллар; цементлашган жинслар — конгломерат, брекчия, гравелит ва б.); қум жинслар ёки псаммитлар, заррачаларининг ўлчами 1—0,05 мм (қум ва қумтошлар); чангсимон жинслар ёки алевритлар, заррачаларининг ўлчами 0,05—0,005 мм (алевритлар ва алевролитлар); гилли жинслар ёки пелитлар зарраларининг ўлчами 0,005 мм дан кам (гиллар, аргиллитлар ва б.) бўлган жинсларга ажратилади. Ч.ж.га вулкан жинслари ҳам киради. Олтин, платина, қимматбаҳо тошлар сочмалари, қалай, вольфрам минераллари, камёб ва радиоактив элементлар дарё ва денгиз қумларида учрайди. Ч.ж.дан қурилиш материали сифатида, қумдан — шиша ва металлургия саноатида фойдаланилади.

Чақар масжидининг ички безагидан парча.

ЧАҚМОҚ — атмосферада юз берадиган учқунли электр разряди. Булутлар б-н булутлар орасида ёки булутлар б-н ер орасида ҳосил бўлади. Ч. ҳосил қилувчи момақалдироқ булутининг электр зарядлари 10—100 Кл бўлиб, унга сабаб электр зарядларининг бир-бирига таъсирлашувидир. Ч. чаққанда атроф бир зум ёришиб кетади. Узунлиги бир неча км, диаметри бир неча ўн см, давомийлиги секунднинг ўнларча улушига тенг, ток кучи 100 кА гача бўлиши мумкин. Бундай чизиқли Ч. б-н бирга баъзан шарсимон Ч. ҳам чақади. Ч., асосан, баҳор ва ёз фаслларида кузатилади. *Момақалдироқ* б-н бирга юз беради (яна қ. *Яшин*).

ЧАҚНОВЧИ ЮЛДУЗЛАР — равшанлиги қисқа вақт ичида минг ва ҳатто миллион марта ортиб, аста-секин эски ҳолига қайтувчи юлдузлар. Мўътадил ҳолатида Ч.ю. анча хира бўлиб, кўзга унча кўринмайди. Улар чақнаганда юлдуз портлаб, моддаси катта (секундига бир неча юз км дан минглаб км гача) тезликда тарқалади ва атрофида жуда катта ўлчамли туманлик ҳосил бўлади. Ч. ю. янги ва ўта янги юлдузлар деб ҳам аталади.

ЧАҒДАВУЛ, чангдовул (мўғулча — чағдаул, чағаул) — 1) Чингизийлар, Темурийлар армиясида қўшиннинг орт-арьергард қисми. Унга шаҳзодалар ва тажрибали лашкарбошилар қўмондонлик қилган; 2) қўшиннинг орт (арьергард) қисми қўмондони. Хива хонлигида отлиқ қоровул сардори ҳам Ч. деб юритилган. Бухоро хонлигида ҳарбий мансаблардан бири ҳисобланиб, қоровул, йўлчи ва жосусдан юқори турган. Айни пайтда арьергард қўшинида хизмат қилувчи аскар ҳам Ч. истилоҳи б-н ифодаланган.

ЧАҒИЛЛИТЕПА — *неолит* даври макони (мил. ав. 5-минг йиллик). *Жойтун маданияти*га оид ёдгорликлардан бири. Туркманистоннинг жан.да Копетдоғ тоғ олди текислигидаги Меана ва Чаача қишлоқлари оралиғида. 1962—63 й.ларда текширилган. Ч. учта маданий қатламдан иборат, юқори қатламда археологик материаллар сақланиб қолмаган. Ўрта ва қуйи қатламларни қазиш вақтида бир хонали уйлар ва хўжалик хоналари очилган. Хоналардан рангли сопол идишлар, тош қуроллар (пичоқ, қирғич, ўроқ ва б.) топилган. Ч. аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик ва овчилик б-н шуғулланган.

ЧАҒОН — 8-а. бошларида Хоразмда ҳукмронлик қилган *хоразмшоҳ*. Пойтахт Фир (Фил) ш. (қ. *Кот*)да хоразмшоҳнинг саройи жойлашган. Манбаларда айтилишича, хоразмшоҳ Ч. ўзига қарши қўзғолон кўтарган халққа бошчилик қилган укаси Ҳурзод (Хўрзод) га қарши курашиш учун Хоразмга бостириб кирган араблар лашкарбошиси Кутайба ибн Муслимдан ҳарбий ёрдам сўрайди ва ўз шаҳарларининг олтин калитларини унга юборади (711 й.). Ҳурзод бу пайтда ўз тарафдорлари б-н Мизлаҳқонда турган. Хоразмни босиб олишга 2 йилча тайёргарлик кўрган Кутайба бу ихтилофдан унумли фойдаланиб, *Ибн ал-Асир*нинг ёзишича, 712 й.да ўз қўшини б-н Фир ш.га бостириб кирган. Кутайбага қарши Ҳурзод қўшини мардлик б-н курашган. Бироқ Ҳурзод жангда асир олиниб ўлдирилган. Хоразмшоҳ Ч. Ҳурзод тарафдорлари ва ўзига қарши чиқаётган Ҳамжир ҳокимларига қарши кураш олиб бориш учун яна Кутайбадан ёрдам сўрайди. Хоразмшоҳ Ч. оқибатда араблар ҳукмронлигини тан олиб, уларга *хирож* тўлашга мажбур бўлади. Хуллас, Ч. ҳукмронлиги даврида Хоразм ўз мустақиллигини йўқотган. Хоразмшоҳ Ч.нинг қўшинлари арабларнинг Самарқанд ва б. шаҳарлар устига қилган юришларида бир неча марта иштирок этганлар. Кутайба Хоразмни тарк этгач, ватанпарварлар Ч.ни хоинликда айблашган. Саросимада қолган Ч. — турклар, сўнгра Кутайба ҳузурига қочиб борган.

Ад.: История Хорезма, Т., 1976.

ЧАҒОНИЁН (араб. Сағониён) — Сурхондарё (Чағонруд)нинг ўрта ва юқори оқими бўйларида жойлашган тарихий-маданий вилоят. Дастлаб Сюань Цзань томонидан (мил. тахм. 630 й.) қайд этилган. Бу ҳудудда инсонлар яшаганлигининг энг қад. излари *мезолит* ва *неолит* даврларига оид. Мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмида бу ерда илк деҳқончилик манзилгоҳлари (Мўлалитепа), мил. ав. 1-минг йиллик ўртасида эса илк шаҳар (Қизилтепа) вужудга келган. Мил. ав. 1-а. — мил. 1-а.да Ч. юечжийлар давлатининг асосий марказларидан бири бўлган. Мил. 1—3-а.ларда Ч. *Кушон подшолиги* таркибига кирган. Ч.нинг иқтисоди ва маданияти бу даврда равнақ топган, кўплаб шаҳар ва қишлоқлар вужудга келган, товар-пул муносабатлари, суғорма деҳқончилик, турли касб-ҳунарлар, тасвирий ва амалий санъат (айниқса, ҳайкалтарошлик) ривожланган (*Холчаён, Далварзинтепа*). Мил. 3—4-а.ларнинг 2-ярмида Ч. сосоний кушоншоҳлар қўл остида бўлган. Мил. 5-а.нинг 2-ярми — 6-а.да вилоят аввал *Эфталийлар*, сўнгра Сосонийлар давлати таркибига кирган. 6-а.нинг 2-ярмидан — 8-а.нинг 2-ярмигача Ч.ни маҳаллий сулола бошқарган, у номигагина Тохаристоннинг олий ҳукмдорлари — туркий ябғуларга бўйсунган. Ч.нинг айрим ҳукмдорлари — худевлар ёки чағонхудотларнинг исмлари ёзма, эпиграфик ва нумизматик маълумотлар бўйича аниқланган: Фаға-

Чағониён элчиси. Таъмирланган деворий расм

Будроч топилмаси. Афсонавий жониворларнинг терракота ҳайкалчалари.

ниш, Сашр, Зарин, Туронтош, Тиш, Хнар. Мил. 7-а.нинг 2-ярмида Ч.га араблар кириб келган, улар 8-а. охирида маҳаллий сулолани тугатганлар. 9-а.нинг ўртаси ёхуд 2-ярмидан 11-а. бошигача Ч. — сомонийларнинг энг қудратли ярим мустақил вассалларидан ҳисобланган мухтожийлар сулоласидан бўлган ҳокимларнинг меросий мулки бўлган. Бу сулола амирлари Абу Бакр Муҳаммад бин Музаффар (940/941 й. в.э.), айниқса, Аҳмад бин Абу Бакр Муҳаммад — Абу Али Чағоний (955/956 й.) Сомонийлар саройида энг муҳим маъмурий мансабларни (жумладан, Хуросон ноиби ва сипоҳсолорлик) эгаллаганлар. Мухтожийлар даврида Ч. таркибига ҳоз. Сурхондарё вилоятидан ташқари Тожикистоннинг шим.-ғарбидаги Шуман ва Охарун вилоятлари кирган. Ч. пойтахти ҳам Сағониён деб аталиб, Деновдан 6 км жан.-шарқдаги Будроч ш. харобаси ўрнида бўлган. Чағониён (Сағониён) ш. бу даврда Марказий Осиёнинг энг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган. Ч. амири

Далварзинтепа топилмаси. Шахмат доналари.

Аҳмад бин Муҳаммад эса кўплаб буюк шоирлар (Дақиқий, Фаррухий, Манжуқий) ҳомийси (мамлух) сифатида Шарқда шуҳрат қозонган. 11-а.нинг 1-ярмида Ч. маълум даражада қорахонийларга қарам бўлган, айрим вақтларда у мустақил мулк ҳисобланган. 11-а.нинг 2-ярми — 12-а.нинг 1-ярмида Ч. Салжуқийлар давлати таркибига кирган. 12-а.нинг 2-ярми — 13-а. боши Ч.ни қорахонийлар, қарлуқлар, гурийлар, хоразмшоҳлар идора этган. Мўғуллар истилосидан сўнг 13-а. ўртасида Ч. Чиғатойхоннинг набираси Есун Туванинг, сўнгра унинг ўғли Бароқнинг меросий мулкига айланган. Бу даврда Янги шаҳар илгариги рибод ўрнида вужудга келиб 16-а. бошига қадар мавжуд бўлган, сўнгра Шайбонийхон томонидан босиб олинган. Шундан сўнг асосий марказ Деҳинав (ҳоз. Денов)га кўчган.

Ад.: Ртвеладзе Э.В., Великий шелковый путь, Т., 1999; Буриев О., Темурийлар даври манбаларида Чағониён, Т., 2001; Чағониён тарихи, Т., 2002.

ЧАҒРАК, чиғрот, чиғрак — туркий этник гуруҳ. *Бобур* Ч.лар ҳақида шундай ёзган: «Андижон вилоятининг саҳрониншинларидан бири чағрак элдир, қалин эллур. Беш-олти минг уйлуқ эл бордур. Фарғона б-н Қашқар орасидаги тоғда бўлурлар. Отлари кўп ва қўйлари қалиндур». Ч.ларнинг баъзи гуруҳлари қипчоқлар б-н бирга 11-а.нинг 1-ярмидаёқ Хоразмнинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Тахмин қилинишича, Ч.лар қипчоқ қабилаларидан бири бўлиб, 11—12-а.ларда Фарғона водийсининг тоғли ҳудудларига келиб ўрнашиб қолган.

ЧАҒРИБЕК, Чағрибек Довуд (туркча чағри — бургут)(990—1060.4.4, Сарахс) — *Салжуқийлар давлати* арбоби, саркарда. *Салжуқ*нинг невараси ва султон *Тўғрулбек*нинг акаси. Тўғрулбек б-н биргаликда кўчманчи ўғузлар — салжуқийларнинг ҳарбий бирлашмаларига бошчилик қилган.

1035 й. майда салжуқийлар Ч. ва Тўғрулбек қўмондонлигида Амударёни кечиб ўтиб, Амул (Чоржўй)ни эгаллаган ва Нисога йўл олган. *Ғазнавийлар давлати*нинг султони *Масъуд Ғазнавий* уларга қарши ҳарбий кучлар жўнатган. Бу жангда ғазнавийлар қўшини мағлубиятга учрагач, Масъуд Ғазнавий Ч.ка Деҳистон (Каспий денгизининг шарқий соҳили), Тўғрулбекка Нисо, Мусо байғуга Фарова вилоятларини ҳамда уларга «деҳқон» унвонини беришга мажбур бўлган. 1036 й.дек.да Ч. 4 минг қуролли отлиққа бош бўлиб, Ғозон, Гур, Сиёҳкўҳ орқали пойтахт Ғазнани эгаллаш учун ҳарбий юриш қилган. Ч. Марв, Андхўй, Шобуркон (Шибирғон)ни забт этиб, бу ерларда салжуқийлар ҳукмронлигини ўрнатган. 1037 й. 22 апр.да Марвда Ч. номи хутбага қўшиб ўқилган ва унга «малик ал-мулук» ва «шаҳаншоҳ» унвонлари берилган. Ч. салжуқ амирларига қарши юборилган ғазнавийларнинг *Субоши* бошчилигидаги катта қўшинини мағлубиятга учратган. Бу пайтда Ч. Балх вилоятини ҳам ўзига бўйсундирган (1038 й. бошлари). У Тўғрулбек томонидан бутун салжуқийлар қўшинининг Олий бош қўмондони қилиб тайинланган.

Тўғрулбек Нишопурда султон деб эълон қилингач (1038 й. июнь), у биродари Ч.ка Деҳистон вилояти ҳокимлиги ва Марвни топширган. 1038 й.да Ч.ка Нишопурдан Амударёгача бўлган Хуросон, шунингдек, Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудлари теккан. Ч. кейинчалик Хоразм, Бухоро ва Балхда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатди. *Данданоқон жанги*дан сўнг Тўғрулбек Хуросон ҳукмдори деб эълон қилинган. Ч. Марвни, Тўғрулбек Райни ўзларига пойтахт қилишган.

Ч. 1042—43 й.ларда Хоразмга юриш қилиб, пойтахт *Кот*ни эгаллаган. Қипчоқларни ҳам тобе қилиб, улар орасида ислом динини тарқатган. Кейинчалик Ч. қорахонийлар хоқони б-н сулҳ тузган.

Манбалар: Садр ад-дин Али ал-Ҳусайни, Ахбар ад-даулат ас-селджукиййа (Зубдат ат-таворих), М., 1980; Абу-л-Фазл Байхаки, История Масъуда (1030—1041, 2-изд., М., 1969.

Ад.: Агаджанов Г., Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII вв., Ашхабад, 1969.

Қаҳрамон Ражабов.

ЧЕБИШЁВ Пафнутий Львович [1821.14(26).5, Калуга губернияси, Окатово қишлоғи — 1894.26.11(8.12), Петербург] — рус математиги ва механиги, эҳтимоллар назарияси рус мактабининг асосчиларидан бири. Петербург ФА акад. (1856). Москва ун-тини тугатган (1841), проф. (1850). Илмий ишлари эҳтимоллар назарияси, сонлар назарияси, математик анализ, механизмлар назариясига оид. Ч. тасодифий миқдор тушунчасини эҳтимоллар назариясига татбиқ қилган; эҳтимоллар назариясининг лимит теоремаларини исботлашнинг янги усули — моментлар усулини яратди; катта сонлар қонунини умумий ҳолда исботлади. Сонлар назариясида туб сонлар тақсимотининг асимптотик қонуни ва б.ни умумий шаклда исботлади. Ортогонал кўпҳадлар, функцияларни энг яхши яқинлаштириш муаммолари б-н шуғулланди. Дифференциал биномни элементар функцияларда интеграллаш шартларини топди. Ч.нинг кўп (асосан, механизмлар назарияси соҳасидаги) кашфиётлари амалий таҳқиқотлар ривожига сабаб бўлди.

ЧЕБОКСАРИ (чувашча — Шупашкар) — РФ Чувашия Республикасидаги шаҳар, республика пойтахти (1925 й.дан). Волга дарёсининг ўнг соҳилида, Чебоксар дарёсининг Волгага қуйилиш жойи-да. Т.й. станцияси, автомобиль йўллари чорраҳаси, аэропорт бор. Йирик дарё порти. Аҳолиси 440,6 минг киши (2002). Илк бор 1469 й. солномасида учрайди. 1555 й.дан Русь давлати қалъаси. Волга бўйининг йирик савдо маркази. 1781 й.дан Қозон губернияси уезд маркази. 1920 й.дан Чувашия мухтор вилояти маркази, 1925 й.дан Чувашия Мухтор Республикаси пойтахти, 1992 й.дан Чувашия Республикаси пойтахти. Етакчи саноат тармоқлари: машинасозлик (электротехника саноати, приборсозлик, тракторсозлик ва б.), енгил (шу жумладан, ип-газлама к-ти); шунингдек, озиқ-овқат (сут з-ди, гўшт к-ти), қурилиш материаллари саноатлари мавжуд. Иссиқлик электр ст-яси бор. 3 олий ўқув юрти (шу жумладан, Чувашия ун-ти), 5 театр, 4 музей (ўлкашунослик, бадиий, адабиёт ва б. музейлар), филармония, картиналар галереяси фаолият кўрсатади.

Чебоксари. Троица монастири.

Меъморий ёдгорликлардан Троица монастири (16-а.), Введение собори (1651), Воздвижение (1702) ва Успение (1763) черковлари, 17—18-а.ларда қурилган турар жой бинолари сақланган.

ЧЕГАРА — қ. *Давлат чегараси.*

ЧЕГАРА ДЕЛИМИТАЦИЯСИ — қ. *Давлат чегараси.*

ЧЕГАРА ДЕМАРКАЦИЯСИ — қ. *Давлат чегараси.*

ЧЕГАРА ҚАТЛАМ — суйри жисмларнинг сирти яқинида, канал деворларида ёки суюқликнинг ҳар хил тезликли, т-рали, ё бўлмаса, турлича кимёвий таркибли икки оқимнинг бўлиниш чегарасида суюқлик ёки газнинг оқиш соҳаси. Ч.қ. назариясини 1904 й.да Л. *Прандтль* яратган. Оқиш режими суюқлик ёки газнинг қалинлиги, ташқи муҳитнинг қандайлиги, суюқлик (ёки газ) тегиб турган юзанинг силлиқлигига боғлиқ. Ч. қ.да ёпишқоқлик кучи ҳисобга олинади. Нисбий тезликка эга бўлган икки оқимнинг қўшилиши натижасида ҳам Ч.қ. ҳосил бўлади ва у эркин қатлам деб аталади. Ч.қ.да оқимнинг ламинар (текис) ва турбулент (уюрмали) режими юз бериши мумкин. Ламинар Ч.қ. қалинлиги $\delta \sim R_e^{-0.5}$, турбулент Ч.қ. учун эса $\delta \sim (\lg R_e)^{-2.58}$ формула орқали аниқланади.

Ч.қ.да муҳит зарралари тормозланади, маълум вақтдан кейин уларнинг кинетик энергияси ҳосил бўлган босимни енгиш учун етарли бўлмай қолади, бу вақтда Ч.қ.да тескари оқим ҳосил бўлади. Суюқлик зарралари дастлаб жисм юзасига параллел ҳаракат қилади, тескари оқим ҳосил бўлиши б-н жисм юзасидан узоқлашади. Бу ҳодисани Ч.қ.нинг ажралиши дейилади. Ч.қ.да ажралиш қанча олдин рўй берса, жисмнинг қуйруқ қисмида босим шунча кам бўлади. Ч.қ. ажралиши б-н Ч.қ.дан ташқарида суюқлик (газ) оқими тубдан ўзгаради. Бу, ўз навбатида, жисмга, мас., самолёт қанотига қаршилик кучини кўпайтириб, кўтариш кучини камайтиради.

ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ (баъзи давлатларда чегара қўриқчилари, чегара соқчилари) — давлатнинг қуруқликдаги, денгиз ва дарё (кўл)даги чегараларини ҳимоя қилишга мўлжалланган қўшинлар. Ч.қ. давлатлар ва улар орасида чегара айириш юзага келган қад. даврлардаёқ маълум шаклда мавжуд бўлган. Баъзи давлатлар ўз чегараларида мудофаа деворлари барпо этган (қ. *Буюк Хитой девори, Кампир девор* ва б.). Мазкур мудофаа деворларининг ҳар жой-ҳар жойида қўшин (чегара гарнизони) турадиган қўрғонлар қурилган. Бу қўшинлар вилоят дарвозаларини қўриқлаш, иншоотларни кузатиш, душман ҳужум қилган тақдирда мамлакат ичкарисига бу ҳақда хабар бериш сингари вазифаларни бажарганлар.

Ўзбекистон Республикасида Ч.қ. мамлакат чегарасининг дахлсизлигини таъминлайди, давлат чегарасининг қонунсиз бузилишига қарши курашади. Ч.қ. замонавий ҳарбий техника воситалари б-н қуроллантирилган. Ч.қ.ни, асосан, чегарачилар ҳарбий ўқув юртлари зобит кадрлар б-н таъминлаб туради. Ч.қ.га Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси мутасаддилик қилади.

ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР — берилган соҳада аниқланган функцияларнинг бирор синфидан бу соҳанинг чегарасида берилган шартларни қаноатлантирувчи функцияни топиш учун мўлжалланган масалалар. Аниқ ҳодисаларни ифодаловчи функциялар, одатда, математик физика тенгламаларининг ечимларидан иборат бўлади. Математик физика тенгламалари (дифференциал, интеграл, интегро-дифференциал, функционал тенгламалар) чексиз кўп ечимларга эга, шунинг учун ҳам керакли бирдан-бир ечимни аниқлаш учун қўшимча чегаравий шартлар берилади. Мас.:

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} = 0 \qquad (1)$$

тенглама чексиз кўп $u(x, t)=f_1(x+t)+f_2(x-t)$ ечимларга эга, бунда f_1, f_2 — ихтиёрий икки марта узлуксиз дифференциалланувчи функциялар. Ушбу $0 \le x \le l$, $-a \le t \le a$ тўртбурчакда (1) тенглама қуйидаги чегаравий $u(0, t) = 0;\ u(l, t) = 0;\ -a \le t \le a$ (2) ва бошланғич

$$u(x, 0) = \varphi(x);$$

$$\left.\frac{\partial u(x,t)}{\partial t}\right|_{t=0} = \psi(x);\quad 0 \le x \le l$$

шартларни қаноатлантирувчи бирдан-бир $u(x, t)$ ечимга эга. Бу ечимни топиш масаласи аралаш масала дейилади. Бундан кўринадики, чегаравий шартлар ечим изланаётган соҳанинг фақат чегаравий нуқталарида берилса, бошланғич шартлар соҳанинг ичидаги аниқ нуқталар тўпламида ҳам берилиши мумкин. Мас., D — $x=(x_1, \ldots x_n)$ нуқталарининг *евклид фазоси*даги соҳа, S эса унинг чегараси бўлса, D соҳада

$$\sum_{i,j=1}^{n} A_{ij}(x)\frac{\partial^2 u}{\partial x_i \partial x_j} + \sum_{i=1}^{n} B_i(x)\frac{\partial u}{\partial x_i} + C(x)u = F(x) \qquad (4)$$

тенгламанинг

$$u(x)=\varphi(x),\ x \in S \qquad (5)$$

чегаравий шартни қаноатлантирувчи $u(x)$ ечимини топиш масаласи Дирихле масаласи (биринчи чегаравий масала) дейилади. Агар S чегарада (5) шарт ўрнига

$$\sum_{i=1}^{n} p_i(x)\frac{\partial u}{\partial x_i} = \varphi(x),\ x \in S \qquad (6)$$

берилган бўлса, (1), (6) масалани эгри ҳосилали масала дейилади. Хусусий ҳолда $(p_1, \ldots p_n)$ вектор S га ўтказилган конормал б-н устма-уст тушса, эгри ҳосилали масала Нейман масаласи (иккинчи чегаравий масала) дейилади.

$A_{ij} = \begin{cases} 1, & i = j \\ 0, & i \ne j \end{cases}$ бўлса, Нейман масаласидаги шарт $\frac{\partial u}{\partial \nu} = \varphi(x)$ дан иборат бўлади, бунда ν — S га ўтказилган нормал. Текис эллиптик тенгламалар учун, яъни ушбу

$$k_0\sum_{i=1}^{n}\lambda_i^2 \le \sum_{i,j=1}^{n} A_{ij}(x)\lambda_i\lambda_j \le k_1\sum_{i=1}^{n}\lambda_i^2,$$

$$x \in D\cup S$$

шарт бажарилганда (бунда $\lambda_1,\ldots,\lambda_n$ — ихтиёрий ҳақиқий параметрлар, k_0, k_1 эса аниқ нолдан фарқли бир хил ишорали сонлар). Дирихле ва Нейман масалалари чегараси етарли силлиқ сиртлардан иборат бўлган чегараланган соҳалар учун тўла текширилган. Эллиптик тенгламаларнинг энг содласи $\sum_{i=1}^{n}\frac{\partial^2 u}{\partial x_i^2}=0$ — Лаплас тенгламаси учун етарли силлиқ чегараланган соҳада Дирихле масаласининг ҳар доим бирдан-бир ечими мавжуд. Айрим ҳолларда бу ечимнинг яққол ифодасини келтириш мумкин. Мас., n=3 да $|x|<R$ шарт учун ечим ушбу кўринишга эга бўлади:

$$u(x)=\frac{1}{4\pi R}\iint_S \frac{R^2-|x|^2}{|x-y|^3}\varphi(y)dS,$$

бунда $S:|x|=R$, $|x-y|$ — x, y нуқталар орасидаги масофа. Агар (4) тенглама эллиптик типга тегишли бўлмаса, D соҳа S чегарасининг маълум бир қисмини чегаравий шартлардан озод қилинмаса (4), (5) ёки (4), (6) Ч. м. мазмунли маънога эга бўлмаслиги мумкин. Мас., параболик тенгламалар учун шундай бўлади. D соҳанинг турли қисмида дифференциал тенглама турли типга тегишли бўлса, яъни аралаш типдаги тенглама бўлса, Ч.м. махсус қўйилади. Ч.м.ни текширишда интеграл тенгламалар, олдиндан баҳолашлар, чекли айирмалар усули ва б. усуллар кенг қўлланади.

ЧЕГИРМА (сонлар назариясида) — агар $a-b$ айирма m га бўлинса (a, b, $m>0$ — бутун сонлар), у ҳолда a сони b сонининг m модули бўйича Ч.си дейилади. Акс ҳолда a Ч. бўлмайди. Мас., 24 сони 3 сонининг 7 сони бўйича Ч.си (25 сони эса 3 нинг 7 бўйича Ч.си эмас), чунки 24—3=21 ва 7 га бўлинади (25—3=22 эса 7 га бўлинмайди).

ЧЕГРАВА (Hydroprogne caspia) — балиқчисимонлар туркумининг чигиртчилар оиласига мансуб қуш. Оиланинг энг катта вакили. Вазни 600—700 г. Қанотлари ёзилганда 120—130 см. Думи айрисимон. Бошининг усти қора. Танасининг усти оч кулранг, қорни оқ. Тумшуғи бақувват, қизил, оёғи қора. Жан. Америкадан бошқа ҳамма жойларда тарқалган. Африкада ва Жан. Осиёда қишлайди. Шўр сувли ҳавзаларнинг қумли ва қум тошли оролларида колония бўлиб уя қуради. 3 тагача тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси навбат б-н 22—25 кун босади. Асосан, балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчи умуртқасизлар, баъзан қушлар тухуми ва жўжалари б-н озиқланади.

Чеграва.

ЧЕДВИК (Chadwick) Жеймс (1891.20.10, Манчестер — 1974.24.7) — инглиз физиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1927). Э. *Резерфорд*нинг шогирди. Манчестер ва Кембриж ун-тларини тугатган. 1943—45 й.ларда Лос-Аламос (АҚШ) даги атом бомбаси лойиҳаси устида иш олиб бораётган бир гуруҳ олимларни бошқарган. Ливерпуль ун-ти проф (1935—48), Кембриж ун-ти қошидаги Ганвилл ва Киз колледжи директори (1948—58). Илмий ишлари атом ядроси физикасига оид. Бета-нурланиш энергиясининг туташ спектрини кашф этган (1914), ядрода альфа-зарралар сочилишини ўрганиб, ядро зарядини бевосита ўлчаган (1920) ва Резерфорд атом назариясини узил-кесил тасдиқлаган. Берилийни альфа-зарралар б-н нурлатганда вужудга келадиган нурланишни ўрганиб, нейтронни кашф этган (1932). Нобель мукофоти лауреати (1935).

ЧЕЙН (Chain) Эрнст Борис (1906.19.6, Берлин — 1979.12.8) — инглиз биокимёгари, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1949 й.дан). Берлин ун-тини тугатган (1930). 1933 й.дан Англияда. Кембриж биокимё ин-ти (1933—35), Оксфорд ун-ти (1935—48), Италиядаги Халқаро кимё микробиология марказида турли лавозимларда ишлаган (1948—61). 1961 й.дан Лондон ун-тида биокимё проф. Илмий фаолияти инсулиннинг кимёвий асослари, пенициллиннинг кимёвий ва клиник хусусиятларини ўрганишга оид. Нобель мукофоти лауреати (1945; А.*Флеминг* ва Х. *Флори* б-н ҳамкорликда).

ЧЕК Томас (1947.8.12, Чикаго) — америкалик кимёгар. Калифорния ун-тини тугатган (фалсафа д-ри, 1975). Колорадо ун-ти проф. (1980 й.дан). Асосий илмий ишлари *нуклеин кислоталар* кимёсига оид. Генларнинг мозаик (узукли) тузилишини ўрганиш оқибатида улардаги кодланган қисмлар (экзонлар) кодланмаган қўйилмалар (интронлар) б-н галма-гал жойлашишини топган (1970). Силайсинг реакцияси учун, яъни энг оддий организмлардан тетрахимена генидаги 2 экзонни ажратиб турувчи интронни олиб ташлаш ва экзонларни ўзаро боғлаш (димеризация) учун зарур ферментни топиш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар натижасида бу реакция ҳеч қандай оқсил-ферментлар иштирокисиз, ўз-ўзидан ўтишини аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1989, С. Олтмен б-н ҳамкорликда).

ЧЕК (форс.-тож. — пул ҳужжати) — 1) банкдаги ҳисобварақ эгаси (Ч. берувчи)нинг муайян суммадаги пулини бирор шахс (Ч.ни тақдим қилувчи)га тўлаш тўғрисида банкка ёки кредит муассасасига йўлланган ёзма буйруғи, фармойиши; пул ҳужжати, қимматли қоғоз тури. Ч. ёзиладиган қоғоз (Ч. қоғози) белгиланган тартибда расмийлаштирилган бланка (иш қоғози) тарзида махсус дафтарча ҳолида чиқарилади. Ч. берувчи ўз ҳисобварағидан ўзи учун пул олишда ҳам Ч.дан фойдаланади. Ч.лар н о м и к ў р с а т и л г а н (аниқ бир шахс номига ёзилган), о р д е р л и (бирон бир шахс фойдасига ёзилган) ёки т а қ д и м э т и л а д и г а н (тақдим этувчига ёзилган) турларга бўлинади. Банклар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда банк Ч.лари, саёҳат ва хизмат сафарларида ҳар қандай банкда тезда нақд пулга алмаштириш мумкин бўлган йўл Ч.лари ишлатилади. Йўл Ч.лари нақд пул ва кредит карточкалари каби тўлақонли тўлов воситаси бўлиб, унда тақдим этувчининг номи кўрсатилади. Ч. берувчининг шахсий имзоси б-н тасдиқланади ва пул олишда шахсини исботлайдиган ҳужжат кўрсатилишини талаб этади; 2) чакана савдода кассанинг харидордан пулни қабул қилиб олгани тўғрисидаги паттаси. Тўлов ўтказилган ва харидни олиш мумкинлигини тасдиқлайди ва тўлов ўтказилган дўкон (магазин) доирасида амал қилади.

ЧЕК, п о л — текисланган тупроқ ва марзалар б-н ўралган дала участкаси; шоли экишда, бостириб суғоришда ёки тупроқ шўрини ювишда қўлланилади. Ч.нинг катта-кичиклиги ер нишаби ва жой рельефига боғлиқ. Ер нишаби 0,0005 дан кичик бўлса, Ч. эни 10—25 м (нишаби катта томон бўйича), уз. 50—70 м (нишаби кичик томон бўйича), имкони борича эни тўғри бурчакли қилиб олинади, яъни Ч. майд. 0,07—0,20 га бўлади. Нишаби бундан катта бўлган ерларда Ч. эни камайтирилади. Нишаби паст участкаларда ва механик таркиби оғир қумоқли ва гилли тупроқларда Ч. майдони 2 га гача бўлиши мумкин. Капитал шўр ювишда Ч. майдони ва катта-кичиклиги (ўлчамлари), одатда, муваққат зовурларнинг жойлашиш ҳолатига қараб белгиланади. Бостириб шўр ювилганда Ч.да сув қатлами 20—30 см бўлиши керак; марза бал. (сув сатҳи юқорисида запас бўлишини назарга олиб) 45—60 см бўлади.

ЧЕК ЕР — ўтмишда ердан фойдаланиш шаклларидан бири. Ўрта Осиёда 20-а.нинг бошларига қадар ўтроқ ҳаёт кечирадиган қишлоқ жамоаларига қарашли, фойдаланувчиларга ҳар йили тақсимлаб бериладиган қ.х. ерлари. Ч.е.нинг унумдорлиги, текис-қиялиги жиҳатидан фарқланадиган пайкаллари, хусусий мулк бўлмаган суғорма ва лалми ерлардан иборат бўлиб, жамоанинг ўз ер-мулкига эга бўлган ёки ерсиз хонадонларига қўшимча деҳқончилик қилиш учун ҳар йили баҳорда оиласи ва қўш-ҳўкизи сонига (ерни эка олиш қувватига) кўра муайян таноблардa қуръа ташлаш йўли б-н («чекига тушганига қараб») ажратиб берилган. Деҳқончилик йили тугаганидан кейин янаги йили баҳорда пайкаллар фойдаланишга яна қайта тақсимланган.

ЧЕКИШ — айрим тутовчи ўсимлик маҳсулотлари (тамаки, афьюн ва б.) тутунидан нафас олиш. Тамаки Ч. кенг тарқалган зарарли одатлардан бўлиб, чекувчи ва унинг атрофидаги одамлар соғлиғига ёмон таъсир этади; юрак-томир, меъда, ўпка касалликлари ривожланишига олиб келади. Тамаки чеккан одам унга ўрганиб, чекмасдан туролмайдиган бўлиб қолади. Тамаки таркибидаги никотин одам организмига кучли таъсир этиб, у марказий ва периферик нерв системасига вақтинча қўзғатувчи таъсир кўрсатади, артериал қон босимини оширади, майда томирларни торайтиради; нафасни тезлаштиради ва ҳ.к. Никотин б-н бирга тамаки тутунидаги ёниш маҳсулотлари ҳам организмни заҳарлайди. Тамаки тутунида *канцероген моддалар* бўлади. Тамаки тутунидан тиш эмали шикастланади, *кариес*, *стоматит*, *гингивит* каби касалликлар вужудга келади, у бронхлар шиллиқ пардасига таъсир этиб, сурункали бронхит ва ўпка эмфиземасига, кейинчалик тузатиб бўлмайдиган хавфли ўсмалар ривожланишига олиб келади.

Сурункасига узоқ вақт чекиш кишининг тез қаришига сабаб бўлади. Тўқималарнинг кислород б-н ёмон таъминланиши, майда томирларнинг торайиши чекувчиларнинг ташқи кўринишини ўзгартириб юборади (кўз оқи ва тери сарғимтир тусга киради, сўлғинлик пайдо бўлади). Нафас йўллари шиллиқ пардасидаги ўзгариш товушга таъсир этади (товуш бўғиқлашади, одам хириллаб нафас олади). Никотин ёшларга ва кексаларга анча салбий таъсир кўрсатади, чунки уларнинг нерв системаси никотин таъсирига ўта сезувчан бўлади. Ч. ҳомиладорлик даврида айниқса, зарарлидир, бунда никотин она қонига ўтиб, ҳомилани заҳарлайди.

Ч. ирсиятни ҳам заҳарлаб, нимжон, нуқсонли фарзандлар туғилишига олиб келиши мумкин.

Ч. ўта зарарли бўлгани учун кейинги пайтларда қатор мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам Ч.га қарши қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда, тамаки маҳсулотларини реклама қилиш ва уни болаларга сотиш, жамоат жойларида ва транспортда чекиш тақиқланади ва ҳ.к. Кўпчилик чекувчиларнинг чекишни ташлагандан сўнг киши хасталаниб қолиши мумкин деган гапи асоссиз, чунки заҳардан ўзини тийган киши ҳеч қачон зарар кўрмаган.

Киши ҳар қанча кашанда бўлса ҳам Ч.дан қутулиш мумкин. Бунинг учун унда мустаҳкам ирода ва чекишни ташлашга қатъий қарор бўлиши керак. Ч.ни ташлаган кишида қандайдир ноҳушлик, жиззакилик, уйқу бузилиши, баъзан бош оғриғи каби ҳолатлар кузатилади. Лекин булар кейинчалик барҳам топади. Ч.ни ташламоқчи бўлганда врач-наркологга учрашиш ва тегишли маслаҳатлар олиш лозим.

ЧЕККА БУКИЛМАЛАР — Ер пўстининг букилмалари бўлиб, геосинклиналь ривожланишининг кечки босқичида, геосинклиналь б-н платформалар оралиғида ҳосил бўлади. Ч.б.нинг, асосан, палахсали бурма ва диапирли гумбаз кўринишидаги қатламлари силжиган лагуна ва молассли формацияларнинг чўкиндилари б-н тўлиши кузатилади. Ч.б.да кўмир, нефть, табиий газ ва туз конлари кўплаб учрайди.

ЧЕККА ДЕНГИЗЛАР — материкларга ёндашиб турган ва океандан ярим ороллар ҳамда ороллар орқали ажралган денгизлар. Ч.д., одатда, материк саёзлигида ва материк ён бағрида жойлашган бўлади. Бу денгизларнинг барча хусусиятлари (туб ётқизиқларининг тури, иқлими, гидрологик режими, органик дунёси)га материк ҳам, океан ҳам кучли таъсир этиб туради. Баренц, Кара, Лаптевлар, Шарқий Сибирь, Чукотка, Норвегия, Беллинсгаузен денгизлари Ч.д.дир.

ЧЕККА НУҚТА — ишлаб турган *поршенли машина* цилиндрида *поршен*нинг ўз ҳаракат йўналишини ўзгартирадиган энг чекка ҳолати. Поршеннинг тирсакли вал (кривошип) дан энг узоқлашган ҳолати юқори Ч.н. (ЮЧН), унга энг яқинлашган ҳолати пастки Ч.н. (ПЧН) деб аталади. Поршень Ч.н.да турганида унинг тезлиги нолга тенг бўлади. Поршень ЮЧН б-н ПЧН орасида ўтадиган масофа п о р ш е н ь й ў л и деб аталади. Поршень ЮЧН дан ПЧН га силжиганда цилиндрда ҳосил бўладиган бўшлиққа цилиндрнинг и ш ҳ а ж м и дейилади. Поршень ЮЧН да турганида унинг устида энг кичик бўшлиқ қолади. Ана шу бўшлиқ ёнилғи ёниш камерасининг ҳажми деб аталади (қ. *Ички ёнув двигатели*).

ЧЕКЛАНГАН РЕСУРСЛАР — қ. *Ресурслар камёблиги*.

ЧЕКЛИ МАТЕМАТИКА, д и с к р е т м а т е м а т и к а — мат.нинг чекли тарздаги объектлар хоссаларини ўрганувчи бўлими. Объектлари: чекли группалар, чекли графалар, чекли автоматлар, Тьюринг машинаси ва б.

ЧЕКЛИЛИК ВА ЧЕКСИЗЛИК (фалсафада) — нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қарши томонларини ифодаловчи тушунчалар. Ч е к л и л и к — *фазо ва вақт*да ўз ибтидоси ва интиҳоси бўлган аниқ, чегарали объектлар (нарса, жараён, ҳодиса, ҳолат, хусусият ва ш.к.)ни англатади. Чеклилик чегараси объект интиҳосини бошқа объектдан ажратиб туради ва уларни бир-бирига боғлайди. Чеклилик доим ўзгаришда, ҳаракатда. Воқеликдаги ҳар бир билиш объекти муайян муносабатда, чеклилик сифатида намоён бўлади. Ч е к с и з л и к — материя ва унинг турли хусусиятларига хосдир. У дунёнинг фазо ва вақтда бениҳоялигини англатадиган тушунча. Ҳар қандай нарса ва ҳодисалар чеклидир, чунки у бошқа предмет ва ҳодисалардан мустақил ҳолда мавжуд бўлиб, фазо ва вақтда маълум кўламни эгаллайди. У ўзини қуршаб олган дунё б-н тинимсиз алоқада бўлганлиги учун чексиздир. Ҳар қандай чекли нарса — чексизликнинг юз бериш шаклидир. Илм-фан чекли объектларини билиш орқали чексизликни очиб беришга яқинлашади.

ЧЕКСИЗ КАТТА МИҚДОР — ўзгариш жараёнида мутлақ қиймати бўйича берилган ҳар қандай сондан катта бўлиб қоладиган ўзгарувчи миқдор. Ч.к.м. ўзгариш жараёнида мутлақ қиймати бўйича аввалдан берилган ҳар қандай мусбат сондан катта бўла олади. Мас., $\{x_n\}=\{(-2^n)\}$ кетма-кетлик чексиз катта кетма-кетликлар.

Ҳар қандай чексиз катта кетма-кетлик чегараланмаган кетма-кетликдир. Аммо ҳар қандай чегараланмаган кетма-кетлик Ч.к.м. бўлиши шарт эмас. Мас., 1, 2, 1, 4, 1, 8,..., 1, 2^n, 1,... кетма-кетлик чегараланмаган бўлиб, у Ч.к.м. эмас. Ч.к.м. ва *чексиз кичик миқдор*лар ўзаро боғланган бўлиб, Ч.к.м.ни ўрганишда чексиз кичик миқдорларни ўрганишга келтириш мумкин.

ЧЕКСИЗ КИЧИК МИҚДОР — лимити нолга тенг бўлган ўзгарувчи миқдор. Мас., $n\to\infty$ да $x_n=\frac{1}{n}$ миқдор

Ч.к.м., $x\to 0$ да $f(x)=\sin x$ Ч.к.м., чунки $\lim_{\theta\to 0}\frac{1}{\theta}=0$ ва $\lim_{x\to\infty}\sin x=0$.

Агар $f(x)$ ўзгарувчи миқдор $x\to a$ да чекли лимит b га эга бўлса, $a(x)=f(x)-b$ Ч.к.м. бўлади ва аксинча. Демак, лимитга эга бўлган ихтиёрий ўзгарувчи миқдор бирор ўзгармас сон б-н Ч.к.м. йиғиндисидан иборат бўлади. Ч.к.м. қуйидаги асосий хоссаларга эга: 1) чекли сондаги чексиз кичик миқдорларнинг алгебраик йиғиндиси ёки кўпайтмаси Ч.к.м. бўлади; 2) чегараланган миқдор б-н Ч.к.м. кўпайтмаси Ч.к.м.дир; 3) Ч.к.м.га тескари бўлган миқдор чексиз катта миқдорлар; 4) чексиз катта миқдорга тескари бўлган миқдор Ч.к.м. бўлади.

ЧЕКСИЗ КЎПАЙТМА — ҳадлари нолдан фарқли бўлган $\{P_n\}$ кетма-кетлик ҳадларининг кўпайтмасидан тузилган

$$P_1\cdot P_2\cdot\ldots P_n\ldots=\prod_{n=1}^{\infty}P_n$$ символ (тимсол).

Ч.к.нинг кўпайтувчилари P_k ($k=1, 2,\ldots$) сонлардан иборат бўлса, сонлар кўпайтмаси деб аталади. Агар $\lim_{n\to\infty}\prod_{k=1}^{n}P_k=P$ нолдан фарқли чекли сонга тенг бўлса, яқинлашувчи, акс ҳолда узоқлашувчи Ч.к. дейилади. Яқинлашувчи Ч.к. учун $\prod_{n=1}^{\infty}P_n$ нинг яқинлашиши учун ($P_n\neq 0$, $P_n>0$) ушбу $\sum_{n=1}^{\infty}\ln P_n$ қаторнинг яқинлашиши зарур ва етарли. Демак, Ч.к.нинг яқинлашишини ўрганиш қаторларнинг яқинлашишини ўрганишга олиб келади (қ. *Қаторлар*).

Ч.к. математиканинг татбиқларида кўп учрайди. Мас., инглиз математиги Ж.Валлис (16-а.) π сонининг қийматини чексиз кўпайтма ёрдамида ҳисоблаш учун қуйидаги $\frac{\pi}{2}=\prod_{n=1}^{\infty}\left(\frac{2n}{2n-1}\cdot\frac{2n}{2n+1}\right)$ формулани топган. Ч.к. ёрдамида функцияларни ҳам ифодалаш мумкин. Мас., $\sin x=x\cdot\prod_{n=1}^{\infty}\left(1-\frac{x^2}{n^2\pi^2}\right)$, $\cos x=\prod_{n=1}^{\infty}\left[1-\frac{4x^2}{(2n-1)^2\cdot\pi^2}\right]$.

ЧЕКСИЗ ҚАТОР — қ. *Қаторлар*.

ЧЕКСИЗЛИК (математикада) — миқдорлар, катталиклар ва б. математик тушунчаларни кенгайтириш мақсадида ишлатиладиган тушунча. Математик анализда чексиз кичик, чексиз катта миқдорлар, геометрияда чексиз узоқлашган элементлар, ҳақиқий сонлар тўпламини иккита «махсус» сон $-\infty$ ва $+\infty$ б-н, тўпламлар назариясида натурал сонлар қатори 1, 2,... ни трансфинит сонлар б-н тўлдириш ва ҳ.к. шундай тушунчалар.

Мас., ҳосила тушунчаси чексиз кичик икки миқдор нисбатининг лимити, интеграл эса сони чексиз кўп «чексиз кичик»лар йиғиндисининг лимити бўлиб, бундай «кенгайтиришлар» мат. ва б. фанларда муҳим аҳамиятга эга. Ўзгарувчан чексиз кичик, чексиз катта миқдорларни ўзгармас чексиз катта миқдорлардан фарқ қилиш учун «потенциал» ва «актуал» чексизлик терминлари вужудга келган.

Чексиз узоқлашган элементлар сонли системага турли усулларда киритилади. Мас., ҳақиқий ўзгарувчили ҳақиқий функцияларни ўрганишда ҳақиқий сонлар тўпламини иккита чексиз $+\infty$ ва $-\infty$ элементлар б-н тўлдирилади. У ҳолда ихтиёрий чекли a сони учун $-\infty<a<+\infty$ деб олиб, кенгайтирилган сонлар тўпламида ҳам тенгсизликларнинг асосий хоссаларини сақлаб қолиш б-н бир қаторда $+\infty$ ва $-\infty$ лар учун қуйидаги қоидалар киритилади: $(+\infty)+a=+\infty$, агар $a\neq-\infty$ бўлса; $(-\infty)+a=-\infty$, агар $a\neq+\infty$ бўлса, $(+\infty)+(+\infty)$ — маъноси йўқ; $(+\infty)\cdot a=+\infty$, агар $a>0$ бўлса; $(+\infty)\cdot a=-\infty$, агар $a<0$ бўлса; $(-\infty)\cdot a=+\infty$, агар $a>0$ бўлса; $(-\infty)\cdot a=+\infty$, агар $a<0$ бўлса; $(+\infty\cdot 0)$ ва $(-\infty\cdot 0)$ — маъноси йўқ.

ЧЕЛАК — Самарқанд вилояти *Пайариқ туманидаги* шаҳар (1981 й. дан). Илгари унинг ўрнида Ойтамғали қишлоғи бўлган. Ч. туман маркази (Пайариқдан 8 км, яқин т.й. станцияси — Самарқанд (36 км). Аҳолиси 16,6 минг киши (2000). Хўжаликлари ва аҳолиси Пайариқ каналидан сув олади. Шаҳардаги корхона ва микрофирмалар асосан, қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Ч.да Ўзбекистон —Россия «Балтимор-Челак» қўшма корхонаси (томат пастаси ишлаб чиқаради) фаолият кўрсатади. 4 савдо маркази, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 4 умумий таълим мактаби, болалар мусиқа мактаби, касб-ҳунар коллежи, 3 кутубхона, 4 маданият уйи, стадион, спорт зали, марказий касалхона, 8 дорихона ва б. тиббий муассасалар бор. Ч. яқинидаги Хартанг қишлоғида *Бухорий ёдгорлик мажмуи* барпо қилинган (1998).

ЧЕЛАК ХАЗИНАСИ — Самарқанд вилояти (ҳоз. Пайариқ тумани Челак ш.)даги Челак шаҳар харобасидан топилган кумуш буюмлар (1961). Топилмалар 4 та кумуш идишдан иборат бўлиб, улардан бири — сосонийлар даврига оид. Идишда, шаҳаншоҳ Пероз тасвири туширилган, 2-идиш қалин бўлиб, унда бир эфталий зодагонининг тасвири бор. Қолган 2 идиш юпқа, нозик ишланган бўлиб, Сутдла қилинган. Ч.х. мил. 6-а.нинг охири — 7-а.нинг бошида Сутдла яшаган шаҳарликнинг хонадонидан топилган бўлиб, бу ерга эфтиллар бир аср муқаддам келиб қолган. Ч.х. Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланмоқда.

ЧЕЛЕКЕН — Каспий денгизининг шарқий қирғоғидаги ярим орол. Туркманистон ҳудудида. Дастлаб (20-а.нинг 30-й.ларида) орол бўлган. Каспий денгизи сув сатҳининг пасайиши натижасида 1937 й.дан ярим оролга айланган. Майд. 500 км². Ер юзаси текислик. Марказий қисмида Чухрак қирлари (100 м) жойлашган. Ч.нинг кўп қисмини шўрхок-тақирлар, дўнг ва барҳан қумлар эгаллаган. Иқлими қуруқ, ёзи иссиқ, қиши нисбатан илиқ. Тупроқ-ўсимлик қоплами жиҳатидан типик чўл. Нефть-газ, озокерит конлари; тарқибида йод, бром бўлган минерал булоқлар бор. Денгиз бўйларида балиқ овланади. Ғарбий қисмида (денгиз бўйида) Челекен ш. жойлашган.

ЧЕЛЕСТА (итал. celeste — самовий) — пластинкали клавишли-урма мусиқа чолғу асбоби. Кичик *пианино* шаклида бўлиб, соддалашган фортепиано механизми ва хроматик созланган пўлат пластинкалар ёки трубкаларга эга. Ч.ни Парижлаги О.Мюстель фирмаси чиқарган (1886) ва тез орада уни француз, рус композиторлари симфоник оркестрга киритган. Диапазони 4 октава (c^1—c^5). Майин, куйчан (қўнғироқчасимон) товуши б-н ажралиб туради.

«ЧЕЛЛЕНЖЕР» — АҚШнинг кўп марта учиришга мўлжалланган, бортида космонавт-учувчиси бўлган транспорт космик кемаси. «Спейс Шаттл» транспорт космик кема мажмуаси таркибига киради. «Ч.»нинг стартолди массаси ~2000 т, уз. 56 м. Экипажи 7 кишидан иборат бўлган. Икки босқичли тизим асосида учирилган. Кеманинг 1-босқичи қаттиқ ёқилғили ракета двигатели бўлган 2 та тезлатқичдан иборат, 2-босқичи (орбитал) бортида астронавт бўлган, қанотли бўлиб, орбитадан чиққандан сўнг «самолёт» режимида қўниш қобилиятига эга бўлган. «Ч.» 1986 й. 28 январда ҳалокатга учраган.

ЧЕЛЮСКИН БУРНИ — Таймир я.о.нинг шим. чеккаси ва Евросиё материгининг энг шим. нуқтаси (77°43′ ш.к. ва 104°18′ ш.у.). 1932 й.дан Қутб ст-яси фаолият кўрсатади. Илк бор Ч.га рус қутб денгизчиси С.И.Челюскин раҳбарлигидаги 2-Камчатка (Буюк Шимол) экспедицияси 1742 йда борган (С.И.Челюскин номига қўйилган).

ЧЕЛЯБИНСК — РФ Челябинск вилоятидаги шаҳар (1743 й.дан), вилоят маркази. РФнинг муҳим иқтисодий, маданий, илмий маркази, йирик транспорт йўллари чорраҳаси. Жан. Уралнинг шарқий ён бағрида, Миасс дарёси соҳилида жойлашган. Аҳолиси 1077,2 минг киши (2002). Қора (металлсозлик к-ти, қувур прокати з-ди) ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлсозлик («Челябинск абразив заводи», «Полёт», «Турбодеталь» корхоналари; трактор, станоксозлик, «Теплоприбор», соатсозлик, йўл тузатиш машиналари з-длари ва б.) саноатлари мавжуд. Иссиқлик электр ст-яси ишлаб турибди.

1736 й.да рус қальаси сифатида бошқирдларнинг Селяба (Челяба) қишлоғи ўрнида вужудга келган. 1743 йдан шаҳар, Исеть провинцияси (Пермь, кейинроқ Уфа наиблиги), 1796 й.дан Оренбург губерниясининг уезд шаҳри. 19-а.нинг 90-йларида Буюк Сибирь магистрали ва Екатеринбург йўналишидаги т.й. қурилиши муносабати б-н шаҳар йирик транспорт ва савдо марказига айланди. Саноат тез ривожланди. 1933 й. да трактор з-ди (ЧТЗ) қуриліб фойдаланишга топширилди. Уруш даврида (1941—45) Ч.га 60 га яқин саноат корхонаси эвакуация қилинди. Шу даврда шаҳар саноати турли ҳарбий қуролларни ишлаб чиқарди. Аэропорт бор. Ун-т, политехника, қ.х.ни механизациялаш ва электрификациялаш, тиббиёт, жисмоний тарбия, пед., маданият олий ўқув юртлари, и.т. институтлари фаолият кўрсатади. 4 театр, филармония, ўлкашунослик музейи, картиналар галереяси мавжуд.

ЧЕЛЯБИНСК ВИЛОЯТИ — РФдаги вилоят, 1934 й. 17 январда ташкил этилган. Майд. 87,9 минг км². Аҳолиси 3606,1 минг киши (2002), асосан, руслар (81%), шунингдек, татар, бошқирд, украин, немис ва б. миллат вакиллари яшайди. Шаҳар аҳолиси 81,8%. Таркибида 24 маъмурий туман, 30 шаҳар, 30 шаҳарча бор. Маркази — *Челябинск* ш. Бошқа йирик шаҳарлари: Магнитогорск, Златоуст, Миасс, Копейск.

Ч.в. Жан. Уралнинг шарқий ён бағирлари ва Урал орти платоси б-н ёндош ҳудудда жойлашган. Фойдали қазилмалари: темир, никель, мис-рух рудалари, қўнғир кўмир, магнезит, графит, бокситлар, мармар, кварц қумлари ва б. Иқлими континентал, қиши совуқ, давомли. Янв.нинг ўртача т-раси —16°дан —18° гача. Ёзи илиқ, жан.-шарқида иссиқ, июлнинг ўртача т-раси 17—20°. Йилига 300 мм дан (текисликда) 600 мм гача (тоғларда) ёғин тушади. Вегетация даври 130—150 кун. Асосий дарёлари — Урал, Миасс. Чучук ва шўр сувли кўл кўп. Энг йирик кўллари: Увильди, Иртяш, Тургояк, Катта Касли, Чебаркўл. Вилоят ўрмонли дашт ва шим. дашт зонасида жойлашган. Тупроқлари, асосан, оддий ва ювилган қоратупроқ ҳамда бўз ўрмонли, бўз тоғ-ўрмонли ва ўтлоқи тупроқ. Шим.да тоғтерак-қайин ва қарағай ўрмонлари, марказий қисмида ўрмонли дашт ўсимликлари кенг тарқалган. Ўрмон ва дашт ҳайвонлари учрайди. Ч.в. ҳудудида миллий боғлар, *Ильмень қўриқхонаси* бор. Ўрмонлар вилоят ҳудудининг 25% ни эгаллайди.

Саноатининг етакчи тармоқлари: қора (Россиядаги пўлатнинг 22% дан ортиғи, қора металл прокатининг 22%, пўлат қувурларнинг 18% ишлаб чиқарилади) ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлсозлик (электродвигателлар, радио мосламалари, совитқич ва музлаткичлар, юк машиналари, кончилик жиҳозлари, станоклар, соатлар ва б.), кимё (минерал ўғитлар, синтетик смолалар, лок ва бўёқлар) саноатлари. Енгил ва ҳарбий саноат мажмуаси корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Қўнғир кўмир, қора ва рангли металлар рудалари, магнезит қазиб олинади. Йирик корхоналари: Челябинск трактор з-ди, Юрюзань механика з-ди, Усть-Катав вагонсозлик з-ди ва б. Электр энергиянинг кўп қисми маҳаллий электр ст-яларда ишлаб чиқарилади.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи сут-гўшт етиштиришга ихтисослашган чорвачилик (қорамол, кўй ва эчки, чўчқа), паррандачилик. Галлачилик (асосан, буғдой экилади) ва дон-ловиячилик, сабзавотчилик ривожланган. Картошка кўп экилади.

Челябинск шаҳридаги спорт саройи.

Челябинск шаҳри. Опера театри биноси.

Т.й. узунлиги 1793 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллари 8137 км (2002). Вилоят ҳудудидан транзит нефть ва газ қувурлари, авиалиния шохобчалари ўтган. Магнитогорск ва Челябинскда йирик халқаро аэропортлар бор. 10 олий ўқув юрти, 34 и.т. институти, 13 музей, 7 театр фаолият кўрсатади. Вилоятда 160 дан зиёд санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш жойлари бор.

ЧЕМБЕРЛЕН Невилл (1869.18.3, Эжбостон, Бирмингем — 1940.9.11, Хикфилд) — Буюк Британия давлат арбоби. Консерваторлар партияси раҳбарларидан бири. 1915—16 й.ларда Бирмингем ш.нинг лорд-мэри. 1918 й.дан парламент аъзоси (консерваторлар партиясидан). Почта вазири (1922—23), Соғлиқни сақлаш вазири (1923, 1924—29, 1931). Молия вазири (1931—37). Консерваторлар партияси раиси (1930—31). 1937—40 й.ларда бош вазир ва консерваторлар партияси раҳбарларидан бири. Гитлер, Муссолини ва Даладье б-н 1938 й.да Мюнхен битимини имзолаган. Ч. 1939 й. Москвада бўлиб ўтиши кўзда тутилган агрессорларни жиловлашга қаратилган ҳарбий-сиёсий иттифоқ бўйича музокараларни барбод қилганликда айбланган. Натижада Англия ниҳоятда оғир вазиятда 2-жаҳон урушига кирган. Айни вақтда Ч. Германия агрессиясини Шарққа, яъни ССРга қарши йўналтириш бўйича кўп ҳаракатларни амалга оширди. Германия 1940 й.нинг баҳорида Ғарбий фронтда кенг кўламда ҳужумга ўтганда Ч. бош вазир лавозимидан истеъфога чиқишга мажбур бўлган.

ЧЕМБЕРЛЕН (Chamberlain) Оуэн (1920.10.7, Сан-Франциско) — америкалик физик. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1960). Чикаго ун-тини тугатган (1948). 1942—46 й.ларда Лос-Аламос лаб.да ва 1948 й.дан Беркли Калифорния ун-тида ишлаган. Атом бомбаси яратувчиларидан бири. Илмий ишлари ядро физикаси, нейтрон физикаси ва юқори энергиялар физикасига оид. Э. *Сегре* ва б. олимлар б-н ҳамкорликда антипротонни кашф этган. Юқори энергияли ядро реакцияларини яратиш б-н шуғулланган. Таркибида қутбланган протонлар мавжуд нишонни олишга муваффақ бўлган (1963—64). Нобель мукофоти лауреати (1959; Э.Сегре б-н ҳамкорликда).

ЧЕМПИОНАТ — расмий спорт мусобақалари, спортнинг бирор тури бўйича голиб — чемпион (спортчи, жамоа)ни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган биринчилик. Айрим ҳолларда «Ч.» ва «биринчилик» тушунчалари фарқланади (мас., футбол, бокс бўйича Ўзбекистон Ч.и — катталар ўртасида ва спортнинг ана шу турлари бўйича мамлакат биринчилиги — ёшлар-ўсмирлар, спорт жамиятлари учун).

«Ч.» атамаси ҳайвонларнинг энг яхши бирор наслини аниқлаш учун ўтказиладиган кўргазма-мусобақаларда ҳам қўлланади.

ЧЕНЛА — илк ўрта асрлар (б-а. ўртаси — 8-а.лар)да Меконг дарёси ўрта оқими бўйларида яшаган монкхмер қабилалари бирлашмаси. 8-а.да Ч.нинг сўнгги ҳукмдори малика Жайдева даврида ўзаро рақобатда бўлган князликларга парчаланиб кетган. Ч. ҳукмдори Ишанаварман I (7-а. боши — тахм. 635) Фунань вилоятини эгаллаб, ўз ҳокимиятини Гарбга, Анғкор томонгача тарқатган ҳамда Стунг-Сен дарёси бўйида Ч. пойтахти — Ишанапур ш.га асос солган. Ч. давридан ғиштдан қурилган кўплаб саждагоҳлар, ҳайкалтарошлик намуналари, эпиграфик ёдгорликлар сақланиб қолган. Ч.нинг маданий анъаналари кейинчалик Камбуджадеша давлатида давом эттирилган.

ЧЕННАЙ (1996 й.гача Мадрас) — Ҳиндистоннинг жан. қисмидаги шаҳар, Бенгалия қўлтиғи соҳилида. Тамилнад штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 6,8 млн. киши (2001).

Иқлими иссиқ, янв.нинг ўртача т-раси 24°, июлиники 32°. Йилига ўртача 1200 мм ёғин ёғади. Тез-тез бўлиб турадиган тропик циклонлар шаҳарга катта зарар келтиради. Ч. катталиги жиҳатдан мамлакатда Мумбай, Деҳли, Калькуттадан кейин 4-ўринда туради. Ч. — Ҳиндистоннинг энг катта порт-

Ченнай шаҳрининг умумий кўриниши.

ларидан. Транспорт йўлларининг йирик чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Йирик саноат, савдо-молия ва маданият маркази. Ч.да мамлакат саноат маҳсулотининг $^1/_{10}$ қисми ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик (ип газлама), машинасозлик (жумладан, вагонсозлик, ҳарбий), металлсозлик саноатлари ривожланган. Нефть қайта ишланади. Озиқ-овқат, тамаки, полиграфия, электроника, цемент, кўн-пойабзал саноати корхоналари мавжуд. Ун-т (1857), Ҳиндистон геогр. жамияти, и.т. институтлари, техника ин-ти, Мусиқа академияси, марказий кутубхона, давлат музейи, Миллий бадиий галерея, театр, киностудия, расадхона ва б. бор.

Ч. ўрнида 17-а. бошларида балиқчиларнинг Малраспатам номли қишлоғи бўлган. Англиянинг Ост-Индия компанияси бу ерда қалъа қуриб (1639—40), бош қароргоҳини кўчириб келтирган. Ўша вақтдан Ч. инглизларнинг Ҳиндистондаги ҳарбий таянч базаси ва савдо пункти. 1746—49 й.ларда французлар қўл остида бўлган. 18-а.нинг 2-ярми ва 19-а. бошида Ч. инглизларнинг Ҳиндистоннинг жан.-шарқий қисмидаги босиб олган ерларининг сиёсий-маъмурий маркази. Ҳиндистон мустақилликка эришгач (1947), Ч. Мадрас (1969 й.дан *Тамилнад*) штатининг маъмурий маркази. Ч. яқинида тамил меъморлиги ёдгорликларидан Маҳабалипурам мажмуаси сақланган.

ЧЕНСТОХОВА — Польшанинг жан. қисмидаги шаҳар. Варта дарёси бўйида. Ченстохова воеводалигининг маъмурий маркази. Аҳолиси 248,9 минг киши (2004). Транспорт йўллари чорраҳаси. Металлургия к-ти, машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, қоғоз, мебель саноати корхоналари бор. Меъморий ёдгорликлардан 15—18-а.ларда қурилган бинолар (паулинлар монастири) сақланган.

ЧЕПРАКОВ Константин Павлович (1907.13.9, Украина, Бердянск ш. — 1972.31.5, Тошкент) — мойбўёқчи рассом, график. Ўзбекстон халқ рассоми (1967). Рассомликни мустақил ўрганган. 1933 й.дан Тошкентда яша-

ган. Маиший картиналари («Дам олиш кунида», «Пенсионерлар», «Меҳмондорчиликда» ва б.)да Ўзбекистон манзаралари заминида бахтиёр ҳаётни ифодалади. Мойбўёқ ва акварелда ҳам манзаралар тасвири («Чирчиқ йўлида тонг» ва б.)ни яратди.

ЧЕРАГАЛАР (Mergus) — ўрдаксимонлар оиласига мансуб қушлар уруғи. 7 тури маълум. Тумшуғи узун, ингичка, четида ўткир тишчалари бор. 5 тури Шим. ярим шарда, 1 тури Жан. Америкасининг тропик қисмида ва 1 тури Океанд о.ларида яшайди. Катта черага тури Ўрта Осиё тоғлари ва Севан кўлида тарқалган. Унинг танаси 80 см ча, оғирлиги 1,5— 2 кг. Узун тумшуқ Ч., тангачали Ч. ва ёмон Ч. Ўрта Осиёда фақат қишлаш жойига учиб ўтаётганда учрайди. Ч. уясини ерга, қоя ёки коваклараги ясайди. 8—15 та тухум қўяди. Балиқ, сувдаги ҳашаротлар, баъзан моллюскалар б-н озиқланади. Хўжалик аҳамияти кам.

Катта черага.

ЧЕРВЕЦЛАР — кокцидлар кенжа туркумига мансуб тенгқанотли ҳашаротлар. 250 га яқин тури учрайди. Танасининг уз. 0,5—35 мм. Урғочиси қанотсиз. Эркакларида битта олдинги жуфт қанотлари бор, оғиз аппарати ривожланмаган. Урғочисининг оғиз аппарати сўрувчи типда. Танасининг усти мумсимон ёки унсимон ғубор б-н қопланган. Кўпчилик турлари мавсумда 1—2, айримлари эса 3—4 авлод беради. Жинсий йўл б-н ёки партеногенетик кўпаяди. Урғочиси 3000 тагача тухум қўяди, тирик тугадиганлари ҳам бор. Ўрта Осиёда кометок червеци, унсимон узум червеци, думалоқ червец, акация ва б. зарар келтиради. Ч. қишлоқ хўжалик ва техника экинлари, манзарали ҳамда ўрмон ўсимликлари зараркунандасидир. Кўпчилик турлари ноҳота дарахтлари (тутни шикастлайди. Зарарланган дарахтлар усиши ёмонлашади, барг, мевалари тўкилади, новдалари қуриб қолади. Буёқчилик саноатида айрим Ч. ажратган моддалардан фойдаланилади.

Новдадаги унсимон червецлар (катталаштирилган).

Қураш чоралари: қирқилган новдаларни боғдан ташқарига олиб чиқариб ёқиб юбориш; дарахт қуртаклари ривожланмасдан олдин унга минерал-мой эмульцияси (бир туп дарахтга 10—15 л) пуркаш ва б. Экиладиган кўчатларни метил бромид препарати (50—60 г/м³) б-н фумигация қилиш.

ЧЕРВЯКЛИ УЗАТМА — винт (червяк) ва у б-н илашадиган червяк ғилдираги воситасида айқаш валларга айланма ҳаракат узатадиган механизм. Ҳаракат червякдаги трапециодал резьба б-н ғилдиракнинг ёйсимон тишлари орасидаги илашиш кучи натижасида узатилади. Червяк резьбасининг киримлар сонига кўра, бир, икки ва тўрт киримли, резьба ўрами шаклига кўра, архимед спиралли, ботиқ профилли ва б. хилларга бўлинади. Ч.у.да узатиш сони 300 ва ундан катта бўлади ва у қуйидаги формула орқали аниқланади: $i=z_2/z_1$, бунда i — узатиш сони, z_1 — червякнинг киримлар сони, z_2 — червяк ғилдираги тишлари сони.

Червякли узатма: 1 — червяк (винт); 2 — ғилдирак.

Ч.унинг бошқа узатмалардан афзалликлари текис, шовқинсиз ишлаши, ихчамлиги; камчилиги туташувчи элементлар (червяк ўрами б-н ғилдирак тиши)нинг бир-бирининг устида нисбий сирпаниши, фойдали иш коэффициенти пастлиги, деталлар қизиб ейилиши ҳисобланади. Червяк ғилдираклари ейилишини камайтириш учун улар антифрикцион хоссали материаллар (асосан, бронза) дан, рангли металларни тежаш учун таркибий материаллар (бронза-пўлат, бронза-чўян)дан, кучсиз узатмаларда эса текстолит, полиамид ва б.дан тайёрланади.

Ч.улан машиналарни ҳаракатлантиришда, бошқариш қурилмалари (мас., автомобилнинг руль бошқармаси)да, металл кесиш станоклари, гидротехника иншоотлари, кўтариш-ташиш машиналари ва б.да фойдаланилади.

ЧЕРДАНЦЕВ Глеб Никанорович (1885.4.8, Омск — 1958.5.12, Москва) — иқтисодчи ва географ олим, Ўзбекистон ФА акад. (1956), иқтисод фанлари д-ри (1936). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1955). Петербург Политехника институтини тугатган (1909). Одессада (1910—15), Туркистон ўлкасининг турли бошқармаларида (1915—17) ишлаган. Туркистон халқ ун-тининг ректори (1918), ТуркАССР Давлат план қўмитаси раиси ўринбосари (1922—23), ХХСР Давлат план қўмитаси раиси (1923). Москва Геодезия, аэрофотосъёмка ва харита-графия муҳандислари ин-ти проф. (1924—58). Асосий илмий фаолияти Ўрта Осиё энергетикаси, қ.х. ва ирригация, мелиорасадво ишлари, меҳнат ва транспорт воситалари, иқтисодий районлаштириш масалаларини ўрганишга қаратилган. Тошкентдаги кўчалардан бири Ч. номи б-н аталган.

Ас.: Водное право Туркестана в его настоящем и проектах ближайшего будущего, Т., 1921; Среднеазиатский экономический район, Т., 1922; К истории экономических исследований в Каракалпакской АССР, Т., 1950.

Одий черемуха: *1* — гули; *2* — меваси.

ЧЕРЕМУХА (Padus) — *раъногуллар* оиласига мансуб дарахт ёки буталар туркуми. Бўйи 2—17 (20) м, диаметри 40 см. Шох-шаббалари кенг, қалин, эгилиб турадиган поясининг пўстлоғи қуранг-қора, ёш новдаларининг очиқ яшил ёки қизил-жигарранг, ялтироқ. Барги 5—15 см. Гулларининг хушбўй, ҳидли, 8—12 см узунликдаги шингилга тўпланган. Меваси данакли, бир уругли, шарсимон қора, ялтироқ, ширин резавор. Май—июнь ойларида гуллайди. Барги, пўстлоғи, гули, меваси ва уругида амигдалин глюкозиди бор. Шим. Америка, Европа ва Осиёда тарқалган. 20 тури маълум. Шулардан оддий Ч.нинг (P.racemosa) аҳамияти катта. Ўзбекистонда оддий Ч. ва виргин Ч. манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Пўстлоғидан яшил ва қўнғир бўёқ олинади. Мевасида олма, лимон кислота ва 5% қанд, баргида витамин С ва эфир мойи — прунозин бор. Меваси истеъмол қилинади ва ичимликлар тайёрлашда ишлатилади, шунингдек, ичбурутга қарши дори тайёрланади.

ЧЕРЕНКОВ Павел Алексеевич (1904.28.7, Воронеж вилояти — 1990) — рус физиги, акад. (1970); Воронеж ун-тини тугатган (1928). СССР ФА Физика ин-тида ишлаган (1930 й.дан). Илмий ишлари физик оптика, ядро физикаси, космик нурлар физикаси ва тезлаткичлар техникасига оид. С.И. *Вавилов* раҳбарлигида уран тузлари эритмасининг гамма-нурланиш таъсиридаги люминесценциясини ўрганиб, одатдаги люминесценциядан фарқланувчи ёруглик (*Черенков — Вавилов нурланиши*) юзага келишини қайд этди, унинг асосий хоссаси — йўналганлигини аниқлади (1936). Моддада ёруглик тезлигидан катта тезликли зарядли зарралар таъсирида модданинг ёруглаииш эффекти Вавилов — Черенков эффекти номини олди. Ч. биринчи синхротронларнинг яратилишига ҳисса қўшган. Тормозланиш нурланишининг

нуклонлар ва ядролар б-н ўзаро таъсирини, фотоядро ва фотомезон реакцияларни, юқори энергияли гамма-квантлар б-н енгил ядроларнинг парчаланишини тадқиқ этган. Нобель мукофоти лауреати (1958).

ЧЕРЕНКОВ—ВАВИЛОВ НУРЛАНИШИ, Черенков—Вавилов эффекти — тез ҳаракатланувчи зарядланган зарралар (электронлар, протонлар, мезонлар ва б.) бирор моддадан ўтганда содир бўладиган ёруғлик нурланиши. С.И.*Вавилов* ташаббуси б-н П.А.*Черенков* радийнинг γ-нурлари таъсирида тоза суюқликнинг ёруғланишини кузатаётиб кашф этган (1934). Бу ҳодисани 1937 й.да И.Е.*Тамм* ва И.М.*Франк* назарий томондан тушунтириб берганлар. Зичлиги катта моддадаги электронларнинг нурланиш содир қилиши учун бир неча юз минг эВ протонлар шундай тезликка эришиши учун 10 млн. эВ энергия керак бўлади (чунки протоннинг массаси электронникидан анча оғир).

Ч.—В.н.нинг ўзига хос хусусияти унинг йўналганлиги: ёруғлик ҳар томонга нурланмай, балки зарранинг ҳаракат траекторияси б-н ўткир бурчак ҳосил қиладиган йўналишда нурланади. Нурланиш бурчаги θ қуйидаги муносабатга бўйсунади:

$$\cos\theta = 1/\beta^n,\ \beta = \frac{v}{c}.$$

Бурчак θ ни топиб, зарра тезлигини аниқлаш мумкин. Ч.—В.н. тез зарра (электрон, протон, мезон)ларнинг тезлигини ўлчаш ва ҳаракат йўналишини аниқлашда қўлланади.

ЧЕРЕПАНОВЛАР Ефим Алексеевич (1774, Вийск з-ди — 1842, Нижний Тагил) ва Мирон Ефимович (1803, Вийск з-ди — 1849, Нижний Тагил) — ота-бола рус машинасозлари ва ихтирочи механиклари, *паровоз* ихтирочилари. Заводчи Демидовларнинг крепостнойлари бўлишган. Нижний Тагилдаги з-дларда ишлашган. Ефим ва унинг рафиқасига 1833 й.да, Мирон ва унинг рафиқасига 1836 й.да ихтирочилик фаолиятлари учун озодлик берилган. Ч. ҳар хил механизмлар, металл қуйиш, темирчилик, мис эритиш саноатидаги жараёнларни, нодир металларни қазиб олишдаги ишларни такомиллаштиришга доир ихтиролар қилишган, з-длар ва транспорт учун қуввати 2—60 о. к.ли 20 га яқин буғ машиналари ясашган ва амалда жорий қилишган. Россияда биринчи паровозни 1833—34 й.да, иккинчи паровозни эса 1835 й.да ясашган. Ч.лар ташаббуси б-н Вийск з-дидан Медний рудникача чўян т.й. изи ётқизилган, лекин 20-а. бошигача бу изда паровоз ўрнига отлар қўшилган вагонлардан фойдаланилган.

ЧЕРЕПИЦА (рус.) — асосан, бино томига ёпиш учун ишлатиладиган қурилиш материали. Ч.ларнинг асосини сопол ва цемент-қум қоришмасидан тайёрланади. Сопол Ч.лар 1000—1100°C т-рада куйдириш йўли б-н, цемент-қум қоришмали Ч.лар эса механик пресслар ёрдамида тайёрланади. Ч. нишаби камида 30° ли том устига ўрнатилган ёғоч рейкаларга бир-бирига илаштириб териб чиқилади. Ўзбекистонда кам тарқалган, лекин кейинги йилларда пластмасса, металл ва б. материаллардан тайёрланган Ч.лар пайдо бўла бошлади.

ЧЕРЕПОВЕЦ — РФ Вологда вилоятидаги шаҳар. Вологда—Балтика сув йўлида. Т.й. станцияси. Рибинск сув омборидаги порт. Аҳолиси 311,9 минг киши (2002). Ч. — қора металлургиянинг йирик маркази. Кимё, кемасозлик-кема таъмирлаш, махсус автомобиль жиҳозлари, механика з-длари, фанера-мебель к-ти, трикотаж, тикувчилик ф-калари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Пед. ин-ти, ўлкашунослик музейи (бадиий бўлими б-н), В.В.*Верешчагин* уй-музейи (Ч.да туғилган) фаолият кўрсатади.

Ч. 14-а.дан мавжуд бўлган Воскресенье монастири яқинида слобода сифатида вужудга келган. 1777 й.дан Новгород ноиблиги шаҳри, 1780 й.дан Новгород губерниясининг уезд шаҳри. 1918—27 й.ларда Череповец губернияси маркази.

ЧЕРИК (санскритча ksatrika — қўшин, лашкар) — 1) Турк хоқонлиги (6—8-а.лар), Қорахонийлар, Салжуқийлар, Чингизийлар, Темурийлар, Шайбонийлар, Хива ва Бухоро хонликларида ҳарбий юриш вақтида туман, вилоят, ўлка ва улуслардан олий ҳукмдор томонидан чиқарилган фармонга мувофиқ йиғиладиган мунтазам қўшин. Ч., асосан, отлиқ, қисман пиёда қисмлардан ташкил топган. Ч.ни белгиланган жой (миод ери)га тўплаш вазифаси олий бош қўмондон адъютанти — *тавочи* зиммасига юклатилган. Ч. ўнлик, юзлик, минглик ва туманларга тақсимланган ва уларга ўнбеги, юзбеги, мингбеги ва туманбегилар сардорлик қилган. Бухоро хонлигида номунтазам қўшин қора Ч. деб номланган; 2) Усмонийлар салтанатида 1362 й. *Мурод I* томонидан жангда асирга олинган ва махсус тарбияланган насроний ўсмирлардан тузилган алоҳида мунтазам ҳарбий қисм. Тарихда «йени чери» («янги қўшин») номи б-н шуҳрат топган (қ. *Яничарлар*).

ЧЕРИКЛАР, чориклар — туркий қабилалардан бири. «Черик» этноними 8-а.дан буён маълум. Ч. қад. туркий қабилалардан бири сифатида илк ва сўнгги ўрта асрларда ўзбеклар ва қирғизлар таркибида бўлганлар. Ч. Фарғона қипчоқларининг сари қипчоқ уюшмасига кирган. Нурота туркманлари таркибида черикли тармоғи мавжуд бўлган. Шунингдек, уруғ тармоғи сифатида қирғизларнинг боғиш қабиласи таркибига ҳам кирган. Ўзбеклар таркибидаги Ч. утроқлашиб деҳқончилик, қирғизлар ичидаги Ч. чорвачилик б-н шуғулланганлар. Даврлар ўтиши б-н Ч.лар ўзбек ва қирғизлар таркибига қўшилиб кетганлар.

ЧЕРКАСЛАР (ўзларини — адиге деб аташади) — Қорачой Черкасиядаги халқ (40,2 минг киши). РФда жами 50,7 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Туркия ва Олд Осиёнинг бошқа мамлакатларида келиб чиқиши Шим. Кавказдан бўлган барча аҳолини Ч. деб атайдилар. Умумий сони 270 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Кабардин-черкас тилида сўзлашади. Диндор Ч. — сунний мусулмонлар.

Черкаслар. Анъанавий кийимдаги аёл.

ЧЕРКАССИ — Украинанинг Черкасси вилоятидаги шаҳар (1795 й.дан), вилоят маркази. Кременчуг сув омбори (Днепр дарёси) ўнг соҳилидаги порт. Т.й. ва автомобиль йўллари чорраҳаси. Аҳолиси 295,4 минг киши (2001). Ч. Литва қўл остида бўлган Киев князлиги таркибида 1394 й.дан маълум. 1954 й.дан вилоят маркази. Саноатининг муҳим тармоқлари: кимё, машинасозлик ва металлсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатлари. Йирик корхоналари: кимё к-ти, кимёвий тола ва кимёвий реактивлар, пластмасса ва б., «Ротор» и.ч. бирлашмаси, шакар-қанд, сут з-длари, консерва, гўшт, тамаки, тикувчилик бирлашмаси, трикотаж ф-калари, шойи газламалар к-ти ва б. фаолият кўрсатади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Пед. ин-ти, 2 театр, филармония, ўлкашунослик музейи бор.

ЧЕРКАССИ ВИЛОЯТИ — Украина таркибидаги вилоят, 1954 й. 7 янв.да ташкил этилган. Майд. 20,9 минг км². Аҳолиси 1336,8 минг киши (2004).

асосан, украинлар, шунингдек, рус, белорус ва б.миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 43%. 20 маъмурий туманга бўлинган. 15 шаҳар, 19 шаҳарча бор. Йирик шаҳарлари: Черкасси, Умань, Смела, Звенигород, Золотоноша, Канев, Шпола. Маркази — *Черкасси* ш.

Кременчуг ва Канев сув омборларининг (Днепр дарёси) ҳар иккала соҳилида. Ўнг соҳилидаги катта қисми Днепрбўйи қирлари (энг баланд жойи 270 м), чап соҳилидаги қисми Днепрбўйи пасттекислигида жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. янв.нинг ўртача т-раси —5°, июлники 19,5°. Йиллик ёғин 450—500 мм. Вегетация даври 206—212 кун. Йирик дарёси — Днепр. Типик подзоллашган қора, сур тупроқлар, чап соҳилида ўтлоқ ва чимли подзол тупроқлар кенг тарқалган. Вилоят ҳудудининг 15,5% ўрмон. Дашт ўсимликлари кам тарқалган. Ўрмон ва дашт ҳайвонлари учрайди.

Хўжалигининг етакчи тармоғи — озиқ-овқат саноати (гўшт к-тлари, сут, спирт-арақ ва б. з-длар). Қанд-шакар и.ч. бўйича вилоят мамлакатда 1-ўринда. Машинасозлик ва металлсозлик ривожланган. Кимё к-ти, кимёвий тола, кимёвий реактивлар, пластмасса з-длари ишлаб турибди. Шойи ва ип газламалар, гигроскопик пахта, тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарилади. Черкасси иссиқлик электр маркази ва Канев ГЭС вилоятни электр энергияси б-н таъминлайди. Қурилиш саноати ривожланган (уйсозлик к-ти, гранит карьери, ғишт з-длари). Қ.х. лавлаги-дон экинлари етиштириш ва гўшт-сут чорвачилигига ихтисослашган. Дон, қанд-лавлаги, картошка, озуқа экинлари экилади. Боғдорчилик ва сабзавотчиликнинг ҳам салмоғи катта. Вилоят хўжаликларида қорамол, қўй-эчки ва парранда боқилади.

Т.й. узунлиги 605 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 5,6 минг км га яқин. Днепр дарёсида кема қатнайди. Ҳаво транспорти ривожланган. 3 олий ўқув юрти, 7 музей, 2 театр, филармония фаолият кўрсатади.

ЧЕРКЕЗ, норбоялиш (Salsola richteri Karel.) — шўрадошлар оиласига мансуб йирик бута ёки дарахт Ўрта Осиёнинг қумли чўллари, Эрон ва Афғонистонда ўсади. Бўйи 4 м ча, барглари ингичка, деярли ипсимон, уз. 4—8 см. Гулёнбаргчалари гулларидан қисқа ёки уларга тенг. Гуллари кўримсиз, гулқўрғони оддий, беш бўлакли. Июнь—сент.да гуллаб, мева беради. Ўзбекистоннинг қумли ерларида кенг тарқалган. Ем-хашак ва доривор ўсимлик. Ундан кўчма қумларни мустаҳкамлашда ҳам фойдаланилади. Хашаги тўйимли, мевасидан доривор моддалар, янги баргларидан газлама бўёқлари олинади, яшил новдалари совун тайёрлашда ишлатилади. Уруғи, қаламчаси ва илдиз бачкиларидан кўпаяди.

ЧЕРКЕССК (1825—1931 й.ларда Баталпашинская станицаси, 1936—37 й.ларда Сулимов, 1939 й.гача Баталпашинск) — РФ Қорачой-Черкасия Республикасидаги шаҳар (1931 й.дан). Қорачой-Черкасия Республикаси пойтахти (1991 й.дан). Кубань дарёси бўйида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 116,2 минг киши (2002). Машинасозлик (совиткичлар, паст вольтли аппаратура и.ч.), электротехника, кимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари мавжуд. Технология ин-ти, театр, ўлкашунослик музейи, бир неча илмий тадқиқот ин-ти фаолият кўрсатади. Шаҳар 1803 й.да рус ҳарбийларининг Кавказдаги таянч пункти сифатида вужудга келган. 1922—26, 1957—91 й.ларда Қорачой-Черкасия мухтор вилояти, 1926—28 й.ларда Черкасия округи, 1928—43 й.ларда Черкасия мухтор вилояти маркази.

ЧЕРКОВ (юн. kyriake — худонинг уйи) — 1) *христианлик*даги махсус диний ташкилот. Ўз диний ақидалари ва маросимлари тизимига эга. Ч. иерархик тарзда бошқарилади. Ч.га мансуб кишилар руҳонийлар ва оддий диндорларга бўлинади. Христианлик Ч.ни «Исонинг илоҳий танаси», унга эътиқод қилувчилар шу тана аъзоларидир, Исо эса шу тананинг боши деб таълим беради. Ч. диндорлар уюшмаси бўлиб, сирли маросимлар (хусусан, нон ва вино тотиш маросими)да инсон б-н худонинг биргаликдаги иштироки орқали уларнинг бирлашиб кетиши амалга оширилади, деб тасаввур қилинади. Йирик христиан Ч.лари — православ Ч.и (қ. *Православие*), католик Ч.и (қ. *Католицизм*), протестант Ч.и (қ. *Протестантизм*) ва б.; 2) христиан динида ибодат қилиш учун махсус қурилган бино. У меҳроблик қисм ва унга туташ зал — диндорлар ибодатга тўпланадиган хонадан иборат. Турли халқларда Ч. биноларининг турли типлари вужудга келган. Шаҳар ёки *монастир*нинг бош Ч.и *собор* деб аталади. Лютерчилар Ч.и, одатда, кирка ёки кирха, поляк католик Ч.и *костёл* дейилади. Ўзбекистонда 160 та христиан Ч.и фаолият кўрсатади (2004).

ЧЕРНИГОВ — Украинанинг Чернигов вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Десна дарёсининг ўнг соҳилидаги порт. Т.й. ва автомобиль йўллари чорраҳаси. Аҳолиси 305 минг киши (2001). Шаҳар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 907 й.ги солномада қайд этилган. Ч. 1802 й.дан Чернигов губернияси маркази.

Енгил (камволь-мовут к-ти, жунга дастлабки ишлов бериш, тикувчилик, пойабзал ф-калари), озиқ-овқат (гўшт к-ти, сут з-ди, қандолат ва макарон ф-калари), машинасозлик (автомобиль эҳтиёт қисмлари, таъмирлаш-механика ва махсус қирқиш асбоблари, радио асбоблари ишлаб чиқарилади), кимё («Химволокно» и.ч. бирлашмаси) саноатлари мавжуд. Уйсозлик к-ти, мусиқа асбоблари (пианино), картон ф-калари ишлаб турибди. Пед. ин-ти, 2 театр, тарихий, бадиий халқ декоратив санъати, М.М.Коцюбинский номидаги адабий-мемориал музей фаолият кўрсатади. Тарихий-меъморий қўриқхона. Меъморий ёдгорликлардан Спас-Преображение (11-а.), Борис ва Глеб (12-а.) соборлари, Пятницкий черкови (12-а. охири — 13-а. бошлари), Лизогуб уйи (1690 й.лар), Елец ансамбли (17-а.да асос солинган) таркибида Успение собори (12-а.) ва Троица монастири (17—18-а.лар) сақланган.

ЧЕРНИГОВ ВИЛОЯТИ — Украина таркибидаги вилоят. 1932 й. 7 окт.да ташкил этилган. Майд. 31,9 минг км². Аҳолиси 1199,1 минг киши (2004), асосан, украинлар, шунингдек, рус, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 42%. 22 маъмурий туманга бўлинган. 15 шаҳар, 31 шаҳарча бор. Йирик шаҳарлари: Чернигов, Прилуки, Нежин. Маркази — Чернигов ш.

Ч.в. Днепрнинг чап ирмоғи — Десна дарёси ҳавзасида жойлашган. Ер юзаси текислик, шим.-шарқдан жан.-ғарбга томон қия. Иқлими мўътадил континентал. Ёзи илиқ. Янв.нинг ўртача т-раси —6°, —8°; июлники 19—20°. Йилига 500—600 мм ёғин тушади. Вегетация даври 190—200 кун. Асосий дарёси — Десна. Майда кўл кўп. Шим. қисмида чимли подзол, қумли, қумлоқ, жан.да қоратупроқ тупроқлар кенг тарқалган. Вилоят ҳудудининг 1/5 қисми ўрмон (қарағай, граб, дуб, жўка). Ўрмон ва ўрмонли дашт ҳайвонлари учрайди.

Вилоятда бир қанча нефть конлари очилиши натижасида нефть, нефтни қайта ишлаш саноати тармоқлари вужудга келди. Ч.в. торф захиралари бўйича мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Темир-руда, фосфорит, мергель конлари бор

Енгил саноат етакчи ўринда. Тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик корхоналарининг салмоғи катта. Машинасозлик ва металлсозликда қ.х. машиналари, ёнғинга қарши асбоб-ускуналар, автомобиль эҳтиёт қисмлари и.ч. тажриба-экспериментал, махсус қирқиш асбоблари, таъмирлаш з-длари ишлаб турибди. Кимё ва нефть кимёси саноатлари («Химволокно» и.ч. бирлашмаси, пластмасса, лок ва бўёқ корхоналари) вужудга келган. Мебель, мусиқа асбоблари (пианино) и.ч. корхоналари, техник қоғоз ф-каси бор. Йиғма темир-бетон конструкциялар, тунука материаллар, ғишт ишлаб чиқарилади. Гўшт, мой-сир, сут, шакар-қанд, пиво, крахмал-қиём з-длари фаолият кўрсатади. Сабзавотни қайта ишлаш ривожланган.

Вилоят қ.х. картошка, дон, қанд лавлаги, узун толали зиғир, сабзавот етиштириш ва сут-гўшт чорвачилигига ихтисослашган. Қ.х.да фойдаланиладиган ерлар вилоят ҳудудининг 70% га яқинини ташкил этади. Дон, картошка, техника ва озуқа экинлари экилади. Яйлов ва пичанзорлар 30%га яқин майдонни эгаллайди.

Жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, чўчқа, қўй ва эчки боқилади. Т.й. узунлиги 900 км га яқин. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 4 минг км чамасида. Днепр ва Десна дарёларида кема қатнайди. Ҳаво йўли ривожланган. 2 пед. ин-т, 8 музей, тарихий-меъморий музей-қўриқхона, 2 театр бор.

ЧЕРНИКА (Vaccinium) — эрикадошларга мансуб бута ёки ярим буталар туркуми. 200 дан ортиқ тури бор. Евросиё ва Шим. Американинг ўрта ва совуқ иқлим шароитларида, Кавказ, Ғарбий ва Шарқий Сибирь ҳамда Узоқ Шарқда тарқалган. Оддий Ч. (V. myrtillus) тури АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида экилади. Бўйи 15—40 см. Илдизи узун, тарқоқ. Гуллари оч-яшил, гулбандларида якка-якка жойлашган. Май—июнда гуллайди. Четдан чангланади. Меваси июль-авг.да етилади, таркибида 12% ошловчи модда, 44 мг% С витамини, қанд, лимон ва олма кислотаси, бўёқ моддалари, сийдик ва қонда қанд миқдорини камайтирувчи неомиртиллин гликозиди бор. Янги мевасидан кисель, вино, ликёр ва б. тайёрланади. Тиббиётда Ч.нинг қуритилган меваларидан ич кетишини қолдирувчи восита сифатида фойдаланилади. Оқ қарағай, қарағай, эман, қайин, каштан ўрмонзорларида, тундра, ўрмон тундра, тоғларда ўсади. Табиий ҳолда илдизпоясидан кўпаяди.

ЧЕРНИШЕВСКИЙ Николай Гаврилович [1828.12.24 (7) — Саратов — 1889.17(29).10] — рус публицисти, адабий танқидчи ва жамоат арбоби. Петербург ун-тининг тарих-филол. бўлимини (1846—50) тугатган. Рус жамиятида илк демократик ҳаракат ва инқилобий вазият учқун олган 1859—61 й.ларда «Современник» жур. «деҳқонлар демократияси»нинг минбарига айланган. Шу жараёнга бошчилик қилган ҳамда инқилобий руҳдаги варақаларни тайёрлаш ва тарқатишда иштирок этган Ч. рус муҳожирлари б-н алоқада айбланиб, 1862 й. 7 июлда ҳибсга олинади. Ч. Петропавловск қалъасида ўзининг машҳур «Нима қилмоқ керак?» (1863) романини ёзади. Ч.ни 7 йил муддатли каторга ишларига юбориш ҳақидаги ҳукм эълон қилиниб, очиқ майдонда «фуқаролик жазоси» ўтказилгач (1864 й. 19 май), у жандармлар ҳамроҳлигида Сибирга юборилган. 20 й.дан зиёд умрини қамоқ, каторга ва сургунда ўтказиб, 1883 й.да Астраханда яшаш шарти б-н озод этилган.

Ч.нинг асосий фаолияти деҳқонлар инқилоби ёрдами б-н Россияни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишга қаратилган. У Европадаги инқилобий ҳаракатлардан сабоқ чиқарган ҳолда аграр Россиянинг келажагини деҳқонлар инқилобининг рўй бериши ва шу инқилобнинг бўлажак самараларида кўрган. Ч. Россиядаги мавжуд сиёсий тузумни деҳқонлар инқилоби ёрдамида ўзгартириш ғоясини олға суриш б-н бирга Европада шаклланиб бораётган капитализмни ҳам қабул қилмаган. Ч. Россияда капитализм босқичини кечирмай туриб, янги, тараққий этган ва демократик меъёрлар устуворлик қилган жамиятни барпо этиш мумкин, деб ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам шўро даври файласуфлари Ч.нинг сиёсий-ижтимоий қарашларини утопик социализм таълимотининг кўринишларидан бири сифатида баҳолаб келганлар.

Ч.нинг асосий адабий-эстетик қарашларига кўра, «санъат — санъат учун» назарияси зарарли; ғоявийлик, халқчиллик ва ҳаққонийлик адабиётнинг устувор тамойилларидир. Ч. нинг адабий-танқидий ва эстетик қарашлари, биринчи навбатда, ўз даври учун, рус адабиёти ва санъати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ч.нинг адабий меросида «Нима қилмоқ керак?» (1862—63) романидан ташқари, Сибирда ёзилган «Муқаддима» («Пролог», 1867—69) романи; «Бир қиз тарихи», «Барбаруссанинг аллолари», «Ёғду жилолари» сингари ҳикоялар, «Ечимсиз драма», «Олижаноб эр», «Бўтқа тайёрловчи пазанда» каби пьесалар бор. Бу асарлар орасида «Муқаддима» ва, айниқса, «Нима қилмоқ керак?» романлари алоҳида мавқега эга. Ч. «Нима қилмоқ керак?» романи асосида эски ҳаётни ёмон кўрган, эскича яшашни хоҳламаган, ўз ватанининг гўзал эртанги кунини яқинлаштиришни истаган кишилар нима қилишлари лозим, деган саволга жавоб беришга уринган. Ч.нинг «Муқаддима» романи ҳам жамиятни қайта қуриш муаммосига бағишланган бўлиб, унда ҳам рус адабиётидаги «янги кишилар» образи яратилган.

Ас.: Танланган адабий-танқидий мақолалар, Т., 1956; Нима қилмоқ керак? Т., 1968; Сочинения, т. 1—5, М., 1974.

Ад.: Покусаев Е.И., Н.Г.Чернышевский, М., 1976; Ланщиков А., Н.Г.Чернышевский, М., 1982; Н.Г.Чернышевский в воспоминаниях современников, М., 1982.

Наим Каримов.

ЧЕРНОВ — Дмитрий Константинович (1839, Петербург — 1921, Ялта) — металлургия ва металлшунослик соҳалари бўйича рус олими, ҳоз. замон металлшунослиги асосчиси, рус металлургия ва металлшунослари йирик илмий мактабини яратган. Петербург амалий технология ин-тини тугатган (1858), шу ин-тда ўқитувчилик қилган (1859—66). Петербург пўлат қуйиш з-дида муҳандис бўлиб ишлаган (1866 й.дан). Донбассда тоштуз конлари қидириш б-н шуғулланган (1880—84). Петербургда Денгиз техникаси комбинатида ишлаган (1884 й.дан). Ч. 1889 й.дан Михайлов арт. академиясида проф.

Асосий илмий ишлари металларга термик ишлов бериш масалаларига доир. Ч. пўлатни қаттиқ ҳолатда қиздирганда ва совитганда унинг фазавий ўзгаришини кашф этди, шу жараёндаги критик нуқтани аниқлади. Пўлатни қиздиришда юз берадиган ички-полиморфик ўзгаришларни таъминлайдиган нуқта «Чернов нуқтаси» деб аталади. Ч. пўлат қуймасининг кристалланиши ва структураси назариясини ишлаб чиқди. Унинг металларга доир олиб борган тадқиқотлари ҳоз. замон металлшунослиги ва пўлатни термик ишлаш масалаларини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берди. Ч.нинг металлургия техникасини такомиллаштиришга доир ишлари жуда муҳим.

ЧЕРНОВА Ольга Александровна (1924.13.7, Челябинск вилояти Троицк ш. — 1985.26.8, Тошкент) — реж., педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1974). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1949 й. актёрлик ф-ти, 1979 й. реж.-лик ф-ти). 1943—48 й. лар Толдиқўрғон вилоят (Қозоғистон) драма театрида актриса. 1957—85 й.лар М.Горький номидаги Тошкент рус драма театрида (1966—70 й.лар Куйбишев вилоят драма театрида) реж. (1978—81 й.лар бош реж.). Айни вақтда Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида ўқитувчи, проф. (1949—85). Ч. «Қувонч излаб» (В.Розов), «Жиноят ва жазо» (Ф.Достоевский), «Океан» (А. Штейн), «Чайка» (А. Чехов), «Ёлғончи даркор» (Д. Псафас), «Момо ер» (Ч. Айтматов), «Қил устида» (Н. Ҳикмат), «Валентин ва Валентина» (М. Рощин), «Беозор қариялар» (М. Богучаров), «Уч пулга қиммат опера» (Б. Брехт), «Авлабар бекаси» (А. Цагарели), «Абадият қонуни» (Н.Думбадзе) ва б. Ч. саҳналаштирган энг яхши спектакллардир.

ЧЕРНОВЦИ (1944 й.гача — Черновици) — Украинанинг Черновци вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Карпат тоғлари этагида, Прут дарёси соҳилида. Т.й. ва автомобиль йўллари чорраҳаси. Аҳолиси 240,6 минг киши (2001).

Ч. Киев Руси таркибига кирган қад. шаҳарлардан. Шаҳар 1408 й.дан маълум. У тез-тез қўлдан қўлга ўтиб турган. Аввал Австрия-Венгрия, кейин Руминияга қарам бўлган. 1940 й.да Шим. Буковина таркибида УССРга қўшилган.

Ғарбий Украинанинг йирик саноат маркази. Саноатининг асосий тармоқлари: енгил (тикувчилик, кўлқоп-трикотаж, пойабзал, пайпоқ, ип-газлама корхоналари), озиқ-овқат (гўшт, ёғ-мой к-тлари, шакар-қанд, сабзавот қуритиш ва консерва з-длари), машинасозлик ва металлсозлик (машинасозлик, нефть саноати аппаратуралари, енгил саноат учун ускуналар, ҳисоблаш техника воситалари, электр приборлар и.ч.), ёғочсозлик (мебелсозлик ва тахта тилиш) корхоналари, иссиқлик электр маркази фаолият кўрсатади. 2 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 2 театр, филармония, халқ меъморлиги ва турмуши, ўлкашунослик, О.Ю.Кобилянская ва А.Федьковичларнинг адабий-мемориал музейлари бор. Меъморий ёдгорликлардан Николай (17-а.), Пятницкая, Клокучкадаги Троица, Калинчанкадаги Успение ёғоч черковлари (барчаси 18-а.) сақланган.

ЧЕРНОВЦИ ВИЛОЯТИ— Украина таркибидаги вилоят. 1940 й. 7 августда ташкил этилган. Майд. 8,1 минг км². Аҳолиси 913 минг киши (2004), асосан, украинлар, шунингдек, молдаван, румин, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 36%. 10 маъмурий туманга бўлинган, 10 шаҳар ва 9 шаҳарча бор. Маркази — Черновци ш. Муҳим шаҳарлари: Черновци, Хотин, Сторожинец.

Ч.в. Карпат тоғлари ва шу тоғ этаклари ҳамда Волинь-Подолия қирларининг тармоқларида жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси −4,8° дан −10° гача; июлники 12°—19°. Йиллик ёғин 500—1000 мм. Вегетация даври 206—216 кун. Муҳим дарёлари: Днестр, Прут, Сирет. Текисликда сур тусли ўрмон ва подзоллашган қоратупроқ, тоғларда ва тоғ этакларида подзоллашган қўнғир тупроқ ва чимли қўнғир тупроқлар тарқалган. Ҳудудининг 28% ўрмон ва бутазорлар (қорақарағай, оққарағай, дуб, қора қайин). Тоғ ва тоғ этаклари табиий пичанзор ва яйлов. Ўрмонларда буғу, қобон, айиқ, силовсин, тулки, сувсар, тийин, ондатра, малла товушқон яшайди. Зубр, лось, норка; қушлардан қирғовул иқлимлаштирилган.

Озиқ-овқат, енгил ва машинасозлик саноатлари ривожланган. Гўшт, ёғ-мой к-тлари, шакар-қанд, сабзавот қуритиш ва консерва з-длари бор.

Машинасозлик корхоналари, нефть саноати учун аппаратуралар, энергетика асбоблари, енгил саноат учун станоклар и.ч.га ихтисослашган. Ўрмон ва ёғочсозлик саноати ривожланган. Вилоят электр энергиясини Черновци иссиқлик электр марказидан олади. Ип-газлама, кўлқоп-трикотаж, пайпоқ и.ч. бирлашмалари ишлаб турибди. Қ.х. ғалла ва техника экинлари етиштириш, сут-гўшт учун қорамол боқишга ихтисослашган. Ғалла, техника ва ем-хашак экинлари экилади. Боғдорчилик ривожланган. Вилоят хўжаликларида қорамол, чўчқа, қўй ва эчки боқилади. Т.й. узунлиги 466 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 2,7 минг км. 2 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 5 музей, филармония, 2 театр бор. Ч.в. ҳудудида 17—18-а.ларга оид тарихий-меъморий ёдгорликлар (ёғоч черковлар) сақланган.

ЧЕРНОВЦИ УНИВЕРСИТЕТИ — Украинадаги йирик ун-тлардан бири. Черновци ш.да. 1875 й.диний семинария негизида ташкил этилган. Мат., физика, биол., кимё, геогр., тарих, филол. ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Илмий кутубхонасида 1,7 млн.дан ортиқ асар сақланади. 9 мингга яқин талаба таълим олади.

ЧЕРНОГОРИЯ (Crna Gora), Черногория Республикаси (Republika Crna Gora) — *Сербия ва Черногория* таркибига кирувчи республика. Майд. 13,8 минг км². Аҳолиси 635 минг киши (1996). Пойтахти — Подгорица ш. Маъмурий жиҳатдан жамоаларга бўлинади. Аҳолисининг кўпи черногорлар; серб ва албанлар ҳам яшайди. Аҳолисининг 69% христиан (православ), 19% ислом динига эътиқод қилади. Ч.нинг ўз конституцияси, парламенти (скупщина) ва ҳукумати бор.

Табиати. Ч. мамлакат жан.-ғарбида, Адриатика денгизи соҳилида жойлашган. Ҳудудининг катта қисмини Динара тоғлиги эгаллаган (энг баланд жойи 2511 м, Дурмитор тоғи); жан.-ғарбида Черногория карстли платоси бор. Иқлими мўътадил, континентал, Адриатика денгизи соҳилларида ўрта денгиз иқлими. Йиллик ёғин ўртача 1600—1800 мм, соҳилларда 3000 мм гача. Тоғ ён бағирлари игна баргли ва аралаш ўрмонлар. Ч.да қўрғошин-рух рудалари, боксит, қўнғир кўмир конлари бор. Асосий дарёлари Морача ва унинг ирмоғи Зета.

Тарихи. Ч. ҳудудига қадимда иллирийлар келиб жойлашган. Мил. ав. 1-а.да *Рим* томонидан босиб олинган. Мил. 1-а.да Ч. ҳудуди (11-а.гача Дукля, кейинчалик Зета, 15-а.дан Ч. деб аталган) Римнинг Далмация, 297 й.дан Превалитана провинциясига қўшиб олинган. 7-а.да славянлар келган. 1479 й.дан мамлакат текислик қисми турклар тасарруфида бўлди. 1499 й.да Ч. ҳудуди Усмонли турк империяси таркибига қўшиб олинди. Туркларга қарши курашган митрополит Данило Петрович Негош (1697—1735 й.ларда ҳукмронлик қилган) Негошлар сулоласи (1697—1918)га асос солган. 1796 й. Ч. амалда мустақилликка эришди. Наполеон

урушлари ва серблариниг мустақиллик учун олиб борган курашларида (1804—15) Ч. Россия ва Сербия томонида бўлди. 1852 йил Ч. меросий князлик деб эълон қилинди. 1878 й. Берлин конгресси қарорига биноан, Ч. тўлиқ мустақил давлат деб тан олинди. 1910 й.дан Ч. қироллиги деб аталди. Ч. Болқон урушлари (1912—13)да қатнашди. 1-жаҳон уруши (1914—18)да *Антанта* томонида туриб урушди. 1918 й. 1 дек. да Серблар, хорватлар ва словенлар қироллиги (1929 й.дан Югославия) таркибига кирди. 1941 й. апр.да фашистлар Германиясининг Югославияга ҳужумидан сўнг, Ч. Италия қўшинлари томонидан босиб олинди. 1944 й. дек. да Югославия халқ озодлик армияси томонидан озод этилди. 1945 й. нояб. дан Ч. Югославия таркибидаги олти республикадан бири бўлди. 1991 й. Югославия Социалистик Федератив Республикаси парчаланиб, ундан Словения, Хорватия, Босния ва Герцеговина, Македония чиқиб кетгач, Сербия б-н Ч. Югославия Иттифоқ Республикасини туздилар. 2003 й. 4 фев.дан бу давлат Сербия ва Черногория деб атала бошлади.

Хўжалиги. Саноати минерал хом ашёларни қазиб олиш ва унга ишлов бериш, қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш б-н боғлиқ. Боксит, қўрғошин-рух рудалари, қўнғир кўмир, туз қазиб олинади. Зета дарёсида ГЭСлар қурилган, йирик иссиқлик электр ст-яси мавжуд. Саноатнинг асосий тармоқлари металлсозлик, кимё, кўн-тери ва пойабзал саноати. Электротехника (Цетине), кема таъмирлаш (Котор), ёғочсозлик, тўқимачилик ҳамда озиқ-овқат (жумладан, тамаки) маҳсулотлари и.ч. корхоналари, гўшт к-тлари, балиқни қайта ишлаш, сут з-длари бор.

Қ.х.даги етакчи тармоқ — тог-яйлов чорвачилиги (асосан, қўйчилик). Тог яйловлари ва ларё водийларида маккажўхори, буғдой, тамаки, сабзавот етиштирилади. Боғдорчилик ва токчилик ривожланган. Адриатика денгизи соҳили Ч.нинг субтроник усимликлар (цитрус мевалар, зайтун ва б.) устириладиган муҳим р-ни ҳисобланади. Сайёҳликдан катта даромад олинади, денгиз соҳилида курорт кул. Асосий денгиз порглари — Бар ва Котор. Бар — Белград йўналишида электрлаштирилган т.й. магистрали мавжуд. Асосий аэропорти Подгорицада.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Таълимининг асосий тури — 8 йиллик мактаб. 2 йиллик умумий ўрта мактаблар, мақсадли ўрта таълим мактаблари, 8 йиллик мактаб негизида ишчи малакасини берувчи қўшимча мактаблар мавжуд. Подгорицада ун-т (1973), Никшичда пед. академияси, Которда олий денгиз мактаби бор. Ч. фан ва санъат академияси (1976 й. ташкил этилган), тарих, геол. ва кимёвий талқиқотлар, гидрометеорология, денгиз биол.си ин-тлари, сейсмология ст-яси бор. Бир қанча кутубхона, жумладан, Цетине ш.да Марказий халқ кутубхонаси ишлайди. Йирик музейлари: Қад. санъат, этн., тарих музейи, Негош Петрович музейи, Денгиз музейи.

Кундалик «Победа» («Ғалаба») газ. серб тилида 1943 й.дан чиқади. Подгорицада радиост-я ва телемарказ ишлайди.

Адабиёти. Черногор адабиёти қўшни халқлар адабиёти, айниқса, серб адабиёти б-н узвий алоқада ривожланган. Биринчи йирик босма адабий асар Ч.да ҳукмронлик қилган Василий Петрович (1709—66)нинг «Черногория тўғрисида тарих» асари бўлиб, у 1754 й. Москвада нашр этилган. Янги черногор адабиётининг бошланиши 18-а. охири — 19-а. 1-ярмига тўғри келади. Унинг асосчиси шоир ва давлат арбоби Пётр II Петрович Негошдир (1813—51). Унинг ижоди черногор шеъриятида 1918 й.гача энг юксак чўққи ҳисобланади. «Черногориянинг қисқача тарихи» асари (1835 й. нашр этилган) муаллифи ҳукмрон Пётр (Петар) I Негош шеърий асарлар ҳам ёзган. 1827—31 й.лар Ч.да яшаган серб ёзувчиси ва тарихчиси С. Милутанович-Сарайлия «Черногория тарихи» асари (1835)ни ва 2 драма ёзган. 19-а. — 20-а. бошларидаги шоир С.М.Любиши ва серб ёзувчиси С.Матовуль ҳикоялари ажралиб туради. С.Матовуль бир неча йил Ч.да яшаб черногор халқи турмушини акс эттирувчи бир қанча ҳикоя ва романлар ёзган. Бу даврда ёзувчилардан Л. Йовович, С.Вулетич, М.Томич, С.Шобаич самарали ижод қилдилар. 30-й.ларнинг бошларида бошқа халқлар адабиётидаги каби Ч. адабиётида ҳам «ижтимоий реализм» оқими вужудга келди ва шу оқим йўналишида шеърий асарлар яратилди. Булар Р.Зоговичнинг «Мушт» (1936), «Оловли кантарлар» (1937) тўпламлари, «Келинликлар» достони (1937); М.Баневичнинг «Ўрмон» (1938), «Оловли тонг» (1941) тўпламлари; Я.Жоновичнинг «Икки ларё» (1938) ва М.Вуковичнинг «Ер» (1934) тўпламлари. Шу йилларда Д.Журович «Тоғликлар орасида» ҳикоялар тўплами (1936), «Дукля мамлакати» романи (1939), Н.Ловичич «Деҳқонлар» ҳикоялар тўплами (1939)ни яратдилар ва уларда черногор халқининг реал ҳаётини акс эттирдилар. 1950—70 й.лар адабиётида М. Лалич алоҳида ўрин тутади. Унинг «Тўй» (1950), «Ёмғирли баҳор» (1953), «Узилиш» (1955), «Лесей тоғи» (1962) романларида халқ озодлик курашн мавзуи ёрқин акс этган. А.Асанович, Ч. Вукович каби ёзувчилар ҳам шу мавзуда ҳикоя ва романлар яратдилар. Бу давр шеърияти йўналишларини Р.Зогович, Д.Жонович, М.Баневич, Д.Костич, Р.Вешович, М.Кральч, С.Петрович, Е.Бркович каби шоирлар ижоди б-н боғлиқ. Драматургия соҳасида Е.Бркович, В.Иванович, Ж. Команин ва б.нинг пьесалари алоҳида ўрин тутади.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Ч. ҳудудидан неолит даврига оид сопол идишлар топилган. Иллирийларнинг мустаҳкамланган қўрғон ва некрополлари жез даври охири ва темир даври бошларида барпо этилган. Ўрта асрларда Ч. меъморлиги Италия ва Дальмация, Сербия ва Византия маданиятлари таъсирида ривожланди. 11-а.да *роман услубида* черковлар қурилди. 12—13-а.ларда Авлиё Трипуна собори (1166), авлиё Павел черкови (1263—66; иккаласи Котор ш.да), Морач монастири черкови каби иншоотлар қурилди. 14—15-а.ларда денгиз бўйи р-ларидаги биноларда роман услубидаги шакллар б-н уйғунлашган готика услуби белгилари пайдо бўлди (Савч. Бар, Котордаги черков ва уйлар). 17—18-а.лар черков қурилишида барокко услуби кенг қўлланилди (Прчандаги черков). 19-а. охирида шаҳарларда сўнгги классицизм руҳида ҳашаматли бинолар (Цетинедаги Данилов саройи, 1894—95) ва эклектик иншоотлар (Котордаги авлиё Никола черкови, 1910) пайдо бўлди. 1960—70 й.лар меъморлиги учун миллий ўзига хослик, манзара б-н уйғунлаштириб тасвирлаш характерли («Подгорица» меҳмонхонаси, 60-й.лар, меъмор С.Радевич; «Беко» универмаги, 1961, меъмор Б.Минч, иккаласи ҳам Подгорицада; Херцегновидаги меҳмонхоналар мажмуаси, 1963, меъмор Д. Катарина, П. Милорад; Будва, Трстенодаги курорт мажмуалари ва б.).

Неолит даврида геометрик шакл ва нақшлар б-н безатилган керамика ривожланган. 11—12-а.дан маҳобатли рангтасвир намуналари сақланган (Стон яқинидаги авлиё Михаил черкови фрескалари). 13—14-а. тасвирий санъатида роман ва готика услуби унсурлари қўшилиб кетди (Морачдаги монастирь черковлари фрескаси, 1252). 15—16-а. рассомлар ижодида уйғониш даври белгилари мавжуд (Лавро Маринов ва Вишко Доброчевичи). 17—18-а.ларда маҳаллий рассомлардан Ж. Митрофановичи, А. Вуничи, Т. Коколя ажралиб туради. Византия санъати анъаналари *миниатюрада* сақланиб қолди. 19-а. 2-ярми — 20-а. бошларидан Ч.нинг ўз тасвирий санъати шакилланди. Рассомлар миллий тарих мавзуидаги портрет, композициялар яратдилар (П. Почек, М. Грегович, И. Шобаич). 20-а.нинг 20—30-й.ларида рассомлар М. Милунович, П. Лубарда, ҳайкалтарош Р. Стийович самарали ижод қилдилар. Ч.да монументал санъат ҳамда тематик, портрет ва пейзаж рангтасвир ривожланган.

Мусиқаси. Ч.да 19-а. охиригача фақат халқ мусиқа маданияти ривожланган. Халқ эпик, қаҳрамонлик, лирик, маросим қўшиқларини ижро этишнинг қад. анъаналари сақланган. Халқ мусиқасининг асосий чолғуси қўбизсимон гусле. Оро рақси кенг тарқалган. 19-а. охирида мусиқий жамоа ташкилотлари ва ижрочи жамоалар пайдо бўлди. Композитор Й. Иванишевич, хормейстер А. Иванович дастлабки профессионал мусиқачиларидандир. Биринчи мусиқа мактаби 1924 й. Цетинеда ташкил этилган. 2-жаҳон уруши (1939—45) дан кейин Цетине (1947), Подгорица (1950, М. Милянов номида), Котор (1950) ва б. шаҳарларда мусиқа мактаблари очилди. Подгорицада Радионинг симфоник оркестри ва аралаш хори, «Оро» халқ ашула ва рақс ансамбли бор. Ҳаваскорлик хор жамиятлари, Ч. композитор ижрочи-мусиқачилар жамияти ишлайди.

Театри. Ч. профессионал театри 19-а. — 20-а. 1-ярмида расм бўлган театрлаштирилган маросимлардан бошланади. Театр маданиятини ривожлантиришда Пётр II Петрович Негош ижоди катта аҳамиятга эга бўлган. Унинг «Тог тожи» (1847) ва «Сохта подшо Степан Мали» драматик асарлари Ч. ўтмишига бағишлаб ёзилган (ҳаваскор театр тўгаракларн томонидан қўйилган). 1953 й. Подгорицада Ч. миллий театри (драма ва опера труппалари б-н) ташкил этилган. Режиссёрлардан Б. Зракович, актёрлардан В. Мандич, Д. Томас, Б. Вукович ва б. машҳур.

ЧЕРНОГОРЛАР — халқ. Черногориянинг асосий аҳолиси (460 минг киши). Сербияда 140 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Шунингдек, АҚШ ва Албанияда ҳам яшайдилар. Умумий сони 620 минг киши. Серб-хорват тилининг штокав лаҳжасида сўзлашади. Диндорлари — асосан, православлар.

ЧЕРНЯЕВ Михаил Григорьевич [1828.21.10(3.11) —1898.4(16).8. Тубишки қишлоғи, ҳоз. Белоруссиянинг Могилёв вилояти] — рус мустамлакаси ҳарбий арбоби, генерал-лейтенант (1882). Дворян оиласида туғилган. Ҳарбий академияни туғатган (1853). Қрим ва Кавказ урушларида қатнашган. 1864—65 й.ларда алоҳида Ғарбий Сибирь отрядига қўмондонлик қилиб Кўқон хонлигига қарашли Авлиёота, Чимкент ва *Тошкентни* босиб олган (қ. *Алимқул, Дархон жанги*) ва Россия империяси таркибида янги ташкил этилган Туркистон области ҳарбий губернатори этиб тайинланган. Тошкент Россиянинг кейинроқ Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши учун таянч пунктига айлантирилган. Мансабини суистеъмол қилгани учун 1866 й. истеъфога чиқарилган. 1873 й.дан (1878 й.гача) ҳарбий публицист Р.А. Фадеев б-н ҳамкорликда Петербургда «Рус дунёси» («Русский мир») консерватив-миллатчилик руҳидаги газ. нашр қилдирган. Герцеговина-Босния қўзголони (1875—78) бошланганда рус ҳукуматининг истагига қарши, яширин равишда Белградга кетган (1876) ва серблар армиясига қўмондон этиб тайинланган. Бу армия Сербия ва Черногориянинг Туркия б-н бўлган урушида маглубиятга учраган (1876). 1877—78 й.лардаги Россия—Туркия уруши бошланганда Ч. ҳарбий хизматга жалб қилинган, бироқ ҳаракатдаги армияда бирон-бир мансабга тайин этилмаган. 1882—84 й.ларда Туркистон генерал-губернатори. 1886 й.дан истеъфода. Ч. Тошкентни босиб олишда ҳам, губернаторлик фаолияти даврида ҳам Россия ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини изчил амалга оширишга ҳаракат қилган.

ЧЕРСКИЙ ТИЗМАСИ (Черский тог занжири) — РФнинг шим.-шарқидаги тоғлар (Саха Республикаси ва Магадан вилояти). Шим.-ғарбдан шарқ-жан.-шарққа 1600 км чўзилган. Ч.т.нинг ғарбий қисмида Хадаранья тизмаси (энг баланд жойи 2185 м), Тас-Хаяхтах (2356 м), Чемалгинский (2547 м), Курунда (1919 м), Догдо (2272 м), Чибагалахский (2449 м), Боронг (2681 м), Силяпский (2703 м) тизмалари жойлашган; Индигирка дарёси ҳавзаси ва Колиманинг бош томонида Улаҳан-Чистай тизмаси (энг баланд жойи Ғалаба тоғи — 3147 м) ва Черге тизмаси (2332 м) бор.

Ч.т. мезозой бурмаланишида ҳосил бўлган ва палеозойнинг кучли дислокацияга учраган ва метаморфозлашган карбонат жинсларидан, чеккалари эса денгиз ва қуруқлик ётқизиқларидан тузилган, кўпгина жойларда бу жинсларни қалин гранит интрузиялари ва б. магматик нордон жинслар ёриб чиққан. Ч.т. ўртача баландликдаги тоғлардир. Умумий майд. 157 км²га яқин бўлган 350 дан зиёд музлик бор.

Иқлими қаттиқ совуқ, кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси — 34°дан — 40°гача (пастликларда — 55°, —60°). Ёзи қисқа ва салқин. Июлнинг ўртача т-раси 3°дан (баланд тоғларда) 12°—13° гача. Йиллик ёғин 300 дан

Черногория табиати кўринишн.

Морач монастири черкови.

600—700 мм гача. Тўнгиб ётган ерлар бор. Дарё водийсида терак, шим. ён бағрида тилоғоч ўсади. Ҳудудининг кўп қисми баланд тоғ минтақаси ўсимликлари б-н қопланган; чўққилари совуқ тошлоқ тоғ чўлидан иборат. Фойдали қазилмалардан олтин, қалай, тошкўмир конлари бор. Ч.т.рус геологи ва географи, Шарқий Сибирнинг тадқиқотчиси И.Д. Черский номи б-н аталган.

ЧЕРЧИЛЛ Уинстон Леонард Спенсер (1874.30.11, Бленим, Оксфордшир — 1965.24.1, Лондон) — Буюк Британия давлат арбоби, Консерваторлар партиясининг раҳбари (1940—55). Сандхерст ҳарбий кавалерия мактабини тугатган. 1896—98 й.ларда Ҳиндистоннинг шим.-ғарбий чегарасида қўзғолон кўтарган қабилаларни бостиришда қатнашган. 1896—98 й.ларда Ҳиндистонда хизмат қилган. 1900 й. Консерваторлар партиясидан парламентга депутат қилиб сайланган. Мустамлака ишлари (1906—28; 1921—22), Савдо (1908—10), Ички ишлар (1910—11), Ҳарбий денгиз (1911—15), Ҳарбий таъминот (1917—18), Молия (1919—21), Ҳарбий ва авиация вазири (1924—29) лавозимларида ишлаган.

Буюк Британия *иккинчи жаҳон урушига* киргач, 1939 й.сент.да Н. Чемберлен ҳукуматида Ҳарбий-денгиз вазири бўлиб тайинланди. 1940 й. Н. Чемберлен истеъфога чиққач, Ч. коалицион ҳукумат бош вазири. Ч. ҳукумати гитлерчилар Германиясига қарши биргаликда курашиш тўғрисида СССР б-н имзоланган битим (1941 й. июль) ва иттифоқчилик тўғрисидаги шартнома (1942 й. май)га қарамасдан СССРни кучсизлантириш мақсадида *иккинчи фронтни* белгиланган муддатда очмаган. Ч.СССР, АҚШ, Буюк Британия давлат бошлиқларининг Теҳрон (1943), Ялта ва Потсдам (1945) конференциялари қатнашчиси. 1945 й. парламент сайловларида Консерваторлар партиясининг мағлубиятга учраши туфайли Ч. ҳукумати истеъфога чиққан. 1951—55 й.ларда яна бош вазир. Ч. 1955 й. истеъфога чиққан ва умрининг охиригача вакиллар палатасининг аъзоси бўлган. Бир қанча тарихий-мемуар асарлар муаллифи. Адабиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати (1953).

ЧЕРЧИЛЛ — Канаданинг марказий қисмидаги дарё. Уз. 1400 км (Бивер ирмоғи б-н бирга 2000 км дан зиёд). Ҳавзасининг майд. 282 минг км². Буюк текисликлардан оқади ва кенг ўзан ҳосил қилиб Гудзон қўлтиғига қуйилади. Ч. системасида кўл кўп. Йирик ирмоғи — Бивер. Ўртача сув сарфи 1200 м³/сек., баҳорда тошади. Нояб. дан июнгача музлайди. Сув омборлари ва ГЭС қурилган. Қуйилиш қисмида Черчилл порти жойлашган.

ЧЕРЯЗОВА Лина Анатольевна (1968.1.11, Тошкент) — фристайлчи, «Ўзбекистон ифтихори» (1998), Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (1994). Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1994). Ч. фристайлнинг акробатика тури бўйича жаҳон чемпиони (1993, Альтенмарк), 2 карра жаҳон кубоги ғолиби (1993, 1994), қишки олимпиада ўйинлари чемпиони (1994, Лиллехаммер). Осиё ўйинлари (1996, Харбин) ва Нагано олимпиадаси (1998)да қатнашган.

ЧЕСКЕ-БУДЕЁВИЦЕ — Чехиядаги шаҳар, Влтава дарёси бўйида. Будеёвице вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 98 минг киши (2000). Машинасозлик, озиқ-овқат («Будвар»-пиво з-ди ва б.), ёғочсозлик (қоғоз, «Кох-и-Нор» қалами ва б. канцелярия буюмлари и.ч.) саноати корхоналари мавжуд. Ўрта асрларга оид меъморий ёдгорликлар (готика уйлари, монастирлар, черковлар ва ратуша) сақланган.

ЧЕСМА ЖАНГИ — рус-турк уруши (1768—74) даврида бўлган жанг [1770 й. 26.6 (7.7)]. Адмираллар Г.А. Спиридов ва С.К. Грейг қўмондонлигидаги рус флоти Кичик Осиё соҳилидаги Чесма (Чашма) кўрфазида турк флотини қуршаб олиб, тор-мор келтирган. Бу ғалаба рус флотига Эгей денгизида ҳукмронлик қилиш ва Дарданелл бўғозини қамал қилиш имконини берган.

ЧЕТАН (Sorbus L.) — раъногулдошларга мансуб бута ва дарахтлар туркуми. Ўрта Осиёда Туркистон, Зарафшон, Ҳисор, Дарвоз, Угом, Чатқол, Помир-Олай, Фарғона тоғларида 3 тури: қизил Ч. (S.tianschanica), туркистон Ч.и (жағиси) (S. turkestanica) ва форс Ч.и. (S. persica) учрайди. Қизил Ч. кўпинча, арча, оқ қайин, шилви кабилар б-н бирга денгиз сатҳидан 1800—3000 м баландликда аралаш ўрмонлар ҳосил қилиб ўсади. Бўйи 3—5 м. Илдизи 7—8 м чуқурликкача тарқалади. Гуллари йирик. Июнь ойида гуллаб, авг.-сент.да мева беради. Меваси қизил, тахир-аччиқ ёки ширин, биринчи совуқдан кейин қўнғир тусга киради. Мевасида С. витамини, 4—13,7% қанд моддаси, уруғида 22% мой, пўстлоғида 14% танин бор. Ёғочидан мебель и.ч.да фойдаланилади. Баргларидан жигарранг бўёқ олинади. Қизил Ч.ни уруғидан, илдизбачкисидан кўпайтириш мумкин. Ч. 60—100 йил яшайди. Ч.нинг ҳамма турлари қимматли ўрмон, мевали, манзарали ва асал берувчи ўсимлик ҳисобланади.

ЧЕТКАУСКАС Альгимантас Повилас (1931.24.4, Каунас) — график рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1981). Каунас бадиий ўқув юртини (рангтасвир бўлими бўйича) тугатган (1950). 1956 й.дан Ўзбекистонда. 1958 й.дан «Рассом» к-тида ижодхонлови рассом. «Жанговар қалам» нашри ташкилотчиларидан. Ч. карикатура, плакат жанрларида, жур. безаги соҳасида ижод қилади, безовчи рассом сифатида безаш санъати ривожига ҳисса қўшди; кўп йиллар давомида Тошкент ш. ва унинг маркази (Мустақиллик майдонини байрамона безашга раҳбарлик қилди.

ЧЕХ ТИЛИ — *ҳинд-европа тиллари* оиласидаги славян гуруҳининг ғарбий славян гуруҳчасига мансуб тиллардан бири. Чехия Республикасининг расмий тили. Асосан, Чехияда (8,5 млн. киши), шунингдек, Словакия, АҚШ, Канада, Германия ва б. мамлакатларда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 10 млн. кишидан ортиқ (ўтган асрнинг 90-й.лари ўрталари).

Ч.т. 4 лаҳжага бўлинади: 1) асл чех (маркази Прага бўлган ўрта чех, жан.-ғарбий, шим.-шарқий шевалар); 2) ганак (ганаш); 3) ляш (силез); 4) морав-словак. Фонетик хусусиятлари: сўз маъноларини ва шаклларини фарқлашга хизмат қиладиган чўзиқ ва қисқа унлиларнинг мавжудлиги, қаттиқлик ва юмшоқлик бўйича мос келувчи 3 жуфт ундошнинг борлиги ва б. Морфологик хусусиятлари: отлар турланиши ва феъллар тусланишининг хилма-хил турлари, 3 та жинс категорияси, 2 хил сон категориясининг мавжудлиги, содда ўтган замон шаклининг йўқлиги ва б.

Адабий Ч.т. ўрта чех шевалари асосида шаклланган. Дастлабки ёзма ёдгорлиги 13-а.га мансуб. 15—16-а.ларда адабий тил барқарорлашган, лекин 1620 й.дан 18-а. охиригача Чехия Габсбурглар сулоласи қўл остида бўлиб, расмий тил немис тили бўлганлигидан Ч.т. ривожланмай қолган. 18-а. охири — 19-а. бошида Ч.т. 16—17-а.лар адабиёти асосида қайта туғилади. Ёзуви лотин графикасига асосланган.

ЧЕХИЯ (Česhy), Чехия Республикаси (Česka Republika) — Марказий Европадаги давлат. Майд. 78,9 минг км². Аҳолиси 10,5 млн. киши (2002). Пойтахти — Прага ш. Маъмурий жиҳатдан 14 обл. (вилоят)га бўлинади.

Давлат тузуми. Ч. — суверен, демократик давлат. Амалдаги конституцияси 1992 й. 16 дек.да қабул қилинган ва 1993 й. 1 янв.дан кучга кирган, 1997 й. 23 окт.да тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (2003 й.дан Вацлав Клаус), у парламентнинг иккала палатаси томонидан 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи органи — депутатлар палатаси ва Сенатдан иборат парламент. Ижроия ҳокимият органи президент томонидан тайинланадиган ҳукумат.

Табиати. Ч. ҳудудининг катта қисми Чехия тоғларида жойлашган. Унинг атрофида ўртача баландликдаги Шумова, Чехия ўрмони, Рудали тоғлар (Крушне-Гори), Крконоше тоғлари (энг баланд жойи 1602 м, Снежка тоғи) бор. Чехия тоғларининг ички қисми — Чехия сойлиги тепаликлар ва уларни ажратиб турувчи паст тоғлардан иборат. Моравияда ҳам тепалик ва паст тоғлар кўп. Ч.нинг жан. ва марказий қисмида Чехия-Моравия қирлари бор. Ч.да кўмир, темир рудаси, графит, каолин конлари мавжуд.

Иқлими мўътадил иқлим. Ғарбдан шарққа ва ички сойликларда континенталлашиб боради. Текисликларда ўртача т-ра янв.да −2° дан −4° гача, тоғларда −8° дан — 10° гача, июлда 19—20°, тоғларда 4—8°. Йиллик ёғин текисликларда ўртача 500—700 мм, тоғларда 1600—2100 мм. Мамлакат жан. ва ғарбида унча катта бўлмаган кўллар бор. Асосий дарёлари — Лаба (Эльба), Влтава. Тоғ ён бағирлари аралаш ва игна баргли ўрмонлар б-н қопланган. Ҳайвонлардан тоғларда қўнғир айиқ, тулки, кийик, ёввойи эчки, текисликларда кемирувчилар, калтакесак ва қушларнинг кўп турлари бор.

Аҳолисининг кўпчилиги — чехлар (81,3%); словак, поляк ва б. ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 70%. Расмий тил — чех тили. Диндорларнинг аксарияти католиклар. Йирик шаҳарлари: Прага, Брно, Пльзень, Острава.

Тарихи. Ч. ҳудудида одам палеолит давридан бошлаб яшайди. Мил. ав. тахм. 400-й.ларда бу ерда кельтлар, мил. ав. 2-а.да кельт қабилаларининг бойи гуруҳи яшаган (Ч.нинг лот. Bohemia, нем. Bohmen номи ҳам шундан). 1-минг йиллик ўрталарида Ч.да славян қабилалари кўпчиликни ташкил этди. 7-а.да Ч. ҳудуди Само давлати, 9—10-а. бошларида Буюк Моравия давлати таркибига кирди. 10-а.да пайдо бўлган Прага князлиги илк чех давлатининг ўзаги бўлиб қолди. 1198 й.дан қироллликка айланди. 1310—1437 й.ларда чех ерлари Люксембурглар сулоласи мулки таркибида бўлди. 15-а.нинг 1-ярмида Ч.да кучли ижтимоий-инқилобий, миллий озодлик ҳаракатлари бўлиб ўтди (қ. *Гусчилар ҳаракати*). 1526 й. Ч. Габсбурглар империяси таркибига мухторият ҳуқуқи б-н қўшиб олинди. 1618—20 й.ларда чех қўзғолонининг мағлубиятидан сўнг, унинг провинциясига айланди. 18-а. охири — 19-а. 1-ярмида чех тили, миллий маданиятини сақлаш ва ривожлантириш учун миллий ҳаракат авж олди. 19-а.нинг 30—40-й.ларида у сиёсий тус ола бошлади. 1848 й. Прагадаги Святовацлав йиғини Габсбурглар империясида 1848—49 й. инқилоби бошланишига олиб келди. 1867 й. Ч. Австрия-Венгриянинг Австрия қисми таркибига кирди. 1878 й. Ч.да Чехославян социал-демократик ишчи партияси тузилди. 1918 й. Австрия-Венгрия парчалангач, Ч. Словакия б-н бирлашиб мустақил Чехословакия Республикасини ташкил этдилар. 1938 й. окт. бошларида Германия Ч.нинг Судет вилояти деб номланган ҳудудини, 1939 й. мартда барча чех ерларини босиб олди ва уни «Богемия ва Моравия протекторати» деб эълон қилди. Чех халқининг 1945 й. майдаги қўзғолони натижасида 1945 й. 9 майда Прага ш. озод қилинди; чех ерлари ва Словакия Чехословакия Республикаси доирасида қайта бирлаштирилди. Ч. 1948 й. 9 майдан Чехословакия Халқ Демократик Республикаси, 1960 й. 11 июлдан Чехословакия Социалистик Республикаси, 1990 й. 29 мартдан Чехословакия Федератив Республикаси, 1990 й. 20 апр.дан 1992 й. 31 дек.гача Чехия ва Словакия Федератив Республикаси таркибида бўлди. Чехия ва Словакия Федерациясининг 1992 й. 25 нояб.даги Чехия ва Словакия Федерациясининг тугатилиши тўғрисидаги федерал қонунига биноан Ч. 1993 й. 1 янв.дан суверен давлатга айланди. Ч. 1993 й.дан БМТ аъзоси. 1992 й. 24 янв.да ЎзР суверенитетини тан олган ва 1993 й. 1 янв.дан дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 28 окт. — Мустақил Чехословакия ташкил бўлган кун (1918).

Чехия герби.



Чехия байроғи.

Асосий сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Фуқаролар демократик партияси, 1991 й. 23 фев.да ташкил этилган; Фуқаролар демократик альянси, 1989 й. тузилган; Демократик иттифоқ партияси, 1994 й. асос солинган; Ч. ва Моравия коммунистик партияси, 1990 й. ташкил этилган; Озодлик иттифоқи партияси, 1998 й. тузилган; Чехия социал-демократик партияси, аввалги номи Чехословакия социал-демократик партияси, 1989 й.дан мустақил партия сифатида фаолият юритади. Чех-Моравия касаба уюшмалари конфедерацияси, 1990 й. ташкил этилган, 31 тармоқ касаба уюшмасини бирлаштиради.

Хўжалиги. Ч. — индустриал-аграр мамлакат. Миллий даромадда қ.х. 5%, саноат 33%, хизмат кўрсатиш тармоғи 61,2% ни ташкил этади.

Саноатида ёқилғи-энергетика ва қора металлургия (Острава р-ни), кимё, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланган. Қўнғир кўмир ва тошкўмир қазиб олинади. Острава-Карвина тошкўмир, Шим. Чехия ва Соколов қўнғир кўмир ҳавзалари, темир руда конлари мавжуд. Йилига ўртача 58,7 млрд. кВт-соат

электр энергияси ҳосил қилинади. Асосий саноат марказлари — Прага, Пльзень, Острава, Брно.

Қишлоқ хўжалигида, асосан, қанд лавлаги, буғдой, жавдар, арпа, ем-хашак экинлари, картошка ва б. экилади. Боғдорчилик ва сабзавотчилик ривожланган, кўп миқдорда қулмоқ (хмель) етиштирилади. Гўшт-сут чорвачилигига асосий эътибор берилади (чўчқа, қўй, қорамол, парранда боқилади). Сув ҳавзаларида балиқ етиштирилади.

Т.й. узунлиги 9,4 минг км, автомобиль йўллари уз. 124,8 минг км. Влтава ва Лаба дарёларида кема қатнайди. Асосий дарё портлари — Прага ва Дечин. Прагада халқаро аэропорт бор. Ч. четга машина ва жиҳозлар, енгил, шиша-керамика саноати маҳсулотлари, кўмир чиқаради. Четдан нефть, газ, қора металл, истеъмол моллари олади. Хорижий сайёҳлик ривожланган. Германия, Словакия, Австрия, Россия б-н савдо қилади. Пул бирлиги — чех кронаси.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Ч.да 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун 8 й.лик мажбурий таълим жорий этилган (асосий мактаб). 8 й.лик мактаб негизида тўлиқ ўрта мактаб, гимназия, ўрта касб-ҳунар билим юртлари ва мактаблари фаолият юритади; улар малакали ишчиларни тайёрлайди. Ч.да 23 олий ўқув юрти бор. Йириклари: *Прага университети*, Политехника ин-ти, Иқтисодиёт ин-ти, Тасвирий санъат академияси, Мусиқа санъати академияси (ҳаммаси Прага ш.да), Брно, Оломоуц ш.ларидаги ун-тлар, Остравадаги кончилик ин-ти. Олий илмий муассасаси — Чехия ФА. Вазирлик ва муассасаларнинг геол., гидрометеорология, сув хўжалиги марказий и.т. институтлари бор. Йирик кутубхоналари: Прага ун-ти кутубхонаси, давлат кутубхонаси, Чехия ФА асосий кутубхонаси, Я.А. Коменский номидаги пед. давлат кутубхонаси, Брнодаги ун-т кутубхонаси, давлат илмий кутубхонаси. Острава, Оломоуц, Пльзень ва б. шаҳарларда ҳам илмий кутубхоналар бор. Ч.да бир қанча музей ва галереялар мавжуд. Йириклари: Прагадаги Миллий музей ва Миллий галерея, Напрстак номидаги этн. музейи, А. Дворжак музейи, Б. Сметана музейи, планетарий, чех миллий ёзуви музейи ва б.

Крконоше тоғлари.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Ч. бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Асосийлари: «Вечерник Прага» («Прага оқшоми», чех тилидаги кундалик газ., 1955 й.дан), «Власта» (Власта — аёл исми; чех тилидаги ҳафталик жур., 1947 й.дан), «Зрцадло» («Ойна», ёшларнинг ойлик жур., 1990 й.дан), «Лидова демократия» («Халқ демократияси», чех тилидаги кундалик газ., 1945 й.дан), «Право» («Ҳуқуқ», чет тилидаги кундалик мустақил газ., 1991 й.дан), «Право лиду» («Халқ ҳуқуқи», чех тилидаги кундалик газ., 1989 й.дан), «Праце» («Меҳнат», касаба уюшмаларининг чет тилидаги кундалик газ., 1945 й.дан). Ч. телеграф агентлиги ахборот агентлиги бўлиб, 1918 й. Чехословакия телеграф агентлиги сифатида ташкил топган; 1992 й.дан ҳоз. номда. Ч. радиоси ва телевидениеси (1992 й.дан) фаолият юритади.

Адабиёти. 9-а.да пайдо бўлган чех ёзуви дастлабки эски славян тилида ривожланди. Бунда ака-ука Кирилл ва Мефодийларнинг маърифатпарварлик фаолиятлари муҳим роль ўйнади. Буюк Моравия давлати ағдарилгач (906), лотин тили ёйилди. Прагалик Козьманинг «Чех хроникаси» асари (1125) лотин тилида яратилган йирик асар ҳисобланади. Далимил Мезиржицкийнинг 14-а. бошларида яратган «Далимил хроникаси» асари чех тилидаги қад. адабий ёдгорликдир. Ч.нинг биринчи машҳур ёзувчиси ҳажвчи С.Фляшка (14-а. — 1403) дир. 15-а.да Ян Гус, Ян Желинский, П. Хельчицкий антикатолик руҳда асарлар ёздилар. Австрия-Венгрия ҳукмронлиги даврида чех адабиёти таъқибга учради. 17-а.даги йирик адабий ёдгорлик — Я.А. *Коменский* асарлари бўлди. Й. Добровский, Й. Юнгман, П.Й.Шафарик, Ф. Палацкий, А.Я. Пухмайер, В. Ганка, Я. Коллар, Ф.К. Челаковский каби олим ва ёзувчилар чех миллий Уйғониш даври (18-а. охири — 19-а. 1-ярмининг буюк арбоблари ҳисобланади. Бу давр адабиёт-да славян халқларининг бирлиги, чех халқининг ҳуқуқи, славянлар халқ оғзаки ижодига мурожаат, миллий маданиятни яратиш учун кураш ғоялари акс этди. 1848—49 й. инқилоби таъсири натижасида адабиётда миллий озодлик ғоялари кучайди, ижтимоий масалаларга эътибор ошди. К. Гавличек-Боровский ва Б. Немцова Австрия монархиясидаги ижтимоий муносабатларни танқид қилиб чиқдилар. Танқидий реализмнинг пайдо бўлиши, асосан, Я. Неруда ижоди б-н боғлиқ. А. Сташек асарлари, А. Ирасек, В.Б. Тршебизский тарихий насри ижтимоий романнинг шаклланишида асос бўлди. Шеъриятнинг ижтимоий аҳамияти ошди (С. Чех, Я. Врхлицкий, Й.В. Сладек). 19-а. охири ва 20-а. бошларида модернистик ва декадентлик оқимлари пайдо бўлди. 1920—30 й.ларда ёзувчи Карел Чапек, 1940-й.ларда шоир Ярослав Зейферт самарали ижод қилди. Урушдан кейинги давр адабиётда антифашистик мавзу кенг ўрин эгаллади. Бу соҳада ёзувчилардан В. Ржезач, В. Незвал ижоди муҳим ўрин тутади. 1960—80-й.ларда Вацлав Гавелнинг Чехословакия ҳаётини акс эттирган драмалари, Милан Кундер, Богумир Грабал каби ёзувчиларнинг асарлари пайдо бўлди. Аммо адабиётнинг асосий ғоявий йўналишини ижтимоий ва миллий озодлик кураши масалалари белгилаб берди (А. Мацек, П. Безруч, А. Сова, Й.С. Махар шеърияти, И. Ольбрахт, Я. Гашек, М. Майеровалар илк насри).

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Ч.да палеолит даври ҳайкалчалари, неолит даврига оид керамика ва б. сақланиб қолган. Католицизм қабул қилингач (865), Византия, Ғарбий Европадаги каби тошдан черковлар қурилди (Старе-Место яқинидаги ибодатхона харобалари, 9-а., Прагадаги авлиё Вита ибодатхона-ротондаси, тахм. 930). 11—13-а.ларда роман услуби шаклланди. 13-а. ўрталари — 15-а. 1-ярмида меъморликда *готика* санъати равнақ топди (Кршивоклатдаги қаср, 13—16-а.лар, Прагадаги авлиё Вита собори шарқий қисми). 16-а. 1-ярмида Ч. меъморлигида Уйғониш даври услуби унсурлари пайдо бўлди (Прагадаги Бельведер саройи, тахм. 1536—36), 17-а.нинг 2-ярмидан барокко услубидаги саройлар қурила бошлади (Клам-Галласов саройи, тахм. 1713—25, меъмор Й.Б. Фишер фон Эрлах). 18-а. охири — 19-а. бошлари меъморликда классицизмдан сўнг эклектика руҳидаги «миллий романтика» йўналиши қарор топди (Прагадаги Миллий музей, 1884—90, меъмор Й.Шчульц). 19-а. охири — 20-а. бошлари модерн услуби ўрнини рационализм эгаллади. 1920—30-й.лар меъморликда функционализм миллий мактаби шаклланди (Градец-Кралове ш.даги Й. Гочер иншоотлари). Ҳайкалтарошликда ҳам юксак ютуқларга эришилди. 1950-й.лар Прагада яратилган чех халқининг миллий қаҳрамони Ян Жижка, рассом Й. Манес (иккаласининг ҳайкалтароши Б. Кафка), Ян *Гус* (ҳайкалтароши К. Лидицкий), ёзувчи Б. Немцова (ҳайкалтароши К. Покорний) ҳайкаллари, В. Маковскийнинг «Янги аср» композицияси диққатга сазовор. 1945 й.дан кейин турар жойлар, жамоат марказлари, янги маъмурий ва маданий-маиший бинолар қуриш авж олди. Жумладан, Брно ш.даги халқаро машинасозлик ярмаркаси мажмуи (меъморлар З. Алекс, Ф. Ледерер), Йештед тоғидаги телеминора ва меҳмонхона (меъморлар К. Губачек, З. Патрмак) ва б.ни кўрсатиш мумкин. 1970—80-й.ларда Прагада «Интернациональ» меҳмонхонаси (меъморлар К. Филсак, И. Шпец), «Котва» универмаги (меъморлар В. ва В. Махонинлар) ва Маданият саройи (меъморлар Я. Майер, А. Марек, Я. Кралик, В. Устогал). Прагадаги уз. 485 м бўлган осма кўприк (меъморлар В. Михалек, С. Губечка) яратилди.

Прага шаҳри.

Ч.да 7-а.да керамика, заргарлик буюмлари тайёрланган. 11—13-а.ларда деворий расмлар, миниатюралар пайдо бўлди. 13-а. ўрталари — 15-а. 1-ярмида готика услуби равнақ топди. 14-а. 2-ярмида портрет яратиш санъати ривожланди. 14-а. охири — 15-а. бошларидан Ч. тасвирий санъатида амалий-безак санъати (бадиий шиша, витраж, мозаика, заргарлик буюмлари) кенг ёйилди. 17—18-а. тасвирий санъати барокко услубида ривожланиши б-н бирга, унда реалистик ва демократик йўналишлар намоён бўлди. Бу даврда ҳайкалтарошлардан М.Б.Браун ва Ф. М. Брокоф машҳур бўлган. 18-а. ўрталарида ҳайкалтарошлик ва рассомликда рококо ва классицизм унсурлари пайдо бўлди. 18-а. охири — 19-а. бошларида Ч. санъатида классицизм ва романтизм б-н бирга реалистик тенденциялар ёйилди. Рассомлар миллий тарих, ўлка табиатини тасвирлаш мавзуида асарлар яратдилар. 19-а. охирги чорагида рассом М. Алеш, ҳайкалтарош Й.В. Мислбек ижоди ривожланди. Бу даврда графика модерн услубида тараққий этди, ҳайкалтарошликда Я. Штурса асарлари ажралиб турди. 20-а. бошида авангардизм вакиллари Б. Кубишта, Э. Филла, А. Прохазка, Я. Зрзавий, Р. Кремличка ижод қилдилар. 1918 й. мустақил Чехословакия республикаси ташкил бўлгач, миллий маданиятни ривожлантириш имконияти пайдо бўлди. Кўп авангардчи рассомлар ўз асарларида реал воқеликни акс эттирдилар (В. Новак, О Кубин, Й. Чапек, В. Рабас). Айрим рассомлар ишчилар синфи курашини ҳаққоний тасвирладилар (К. Голан, К. Штика рангтасвир асарлари, К. Покорний, Лауда ҳайкаллари, Ф. Бидло, В. Силовекийнинг график асарлари). 20-а.нинг 20—30-й.ларида чех санъатида ижтимоий-танқидий йўналиш шаклланди. 1945 й. Чехословакия немис-фашистлардан озод этилгач, рассомлар Э. Филла, А. Падерлик, В. Седличек, ҳайкалтарошлар В. Маковский, К. Лидицкий, К. Покорний самарали ижод қилдилар. Бу даврда монументал-безак санъати турлари ривожланди. 1970—80-й.лар санъаткорлари орасидан А. Забрдвский, Р. Коларж, Й. Брож каби рассом ва графикларни, И. Малейовский, М. Акеман каби ҳайкалтарошларни кўрсатиш мумкин. Бу даврда амалий-безак санъати турлари кенг ёйилди (бадиий ойна, тўқувчилик ва ҳ.к.).

Мусиқаси. Ч. мусиқа маданияти бой халқ ижоди — маиший, меҳнат, маросим қўшиқ ва рақслари асосида ривожланиб келди. Чолғу асбоблари — фуяр, волинка, най, труба, цитра, арфа ва б. 9-а.дан профессионал — диний (черков) ҳамда дунёвий мусиқа ижоди тараққий этди. 15-а.да бир овозли «гусчилар қўшиғи», 16-а.дан полифония мусиқаси ривожланди (А. Михна, Й. Рихновский, Я. Турновский ва б.). 17—19-а.ларда кўпгина чех композитор ва созандалари ўз Ватанини тарк этиб бошқа мамлакатларда самарали ижод қилишди: Венада Ф. Тума, Я. Ванхель, В. Йировец ва б., Парижда А. Рейха, Италияда Б. Черногорский, Й. Мисливичек, Германияда Я. Зеленка, *Мангейм мактаби* вакиллари ва ҳ.к. 1737 й. Прагада опера театри, 1783 й. Ностицкий миллий театри, 1811 й. Прагада консерватория, 1831 й. орган мактаби, 1881 й. Миллий театр очилди. 1891 й. Чех квартети, 1901 й. Чех филармонияси, 1920 й. Прага квартети, 1928 й. Прага пуфлама соз квинтетига асос солинди. Ф. Шкроуп чех тилидаги биринчи операни яратди (1826). Б. *Сметана* ва А. *Дворжак* чех мумтоз мусиқа мактаби асосчиларидир. З. Фибих ва Л. Яначек уларнинг издошларидир. 19-а. охири — 20-а. 1-ярмида И. Б. Фёрстер, В. Новак, Й. Сук, Б. *Мартину*, В. В *Лейсек*, О. Острчил каби композиторлар самарали ижод қилдилар. Ижрочилар орасида дирижёр В. Талих, скрипкачилар Ф. Лауб, О. Шевчик, Я. Кубелик, хонандалар В. Геш, Б. Бенони, К. Буриан, Э. Дестиновалар ажралиб туради. 1930-й.ларнинг ўрталаридан илғор мусиқачилар антифашистик мавзуда асарлар яратдилар. 2-жаҳон урушидан кейин композиторлар жамиятдаги ўзгаришларни акс эттиришга интилдилар (В. Добиаш, Э. Акеман, Б. Мартину, К. Буриан ва б.). 1960—80-й.ларда композиторлардан Й. Пауэр, В. Соммер, Л. Железни, С. Гавелка, В. Калабис машҳур бўлган. Сметана, Яначек номидаги торли квартетлар, Й. Сук номидаги торли трио шуҳрат қозонган.

Театри. 16—17-а.ларда мактаб театри, айниқса, ҳаваскорлик театри кўплаб пайдо бўлди. 1737 й. Прагада биринчи доимий театр биноси — «Театр у Котцу» қурилди. 1786—89 й.лар «Боуда» театрида чех тилидаги труппа ишлай бошлади. 19-а. 1-ярмида чех драматургиясида Я.Н.Штепанек (реж. ҳам бўлган), В. Клицпер, Й.К. Тил (профессионал театрнинг ривожланишида хизмати катта бўлган)нинг асарлари пайдо бўлди. Й. Тил 1824—34 й.ларда чех труппасини, 1835—37 й.ларда «Театр у Каэтана» номидаги ҳаваскорлар жамоасига раҳбарлик қилди. 1862—83 й.лар Прагада Муваққат театр фаолият кўрсатди. Бу театрда актёрлардан Й. Мошна (чех реалистик актёрлар мактаби асосчиларидан), Й. Бигнер, Е. Пешкова, К. Шимановский, Ф. Колар, режлардан Й. Колар, Э. Хвадовский ишлаган. 1881 й.дан «Театр у Либуше» театри ишлай бошлади. 1883 й. Прагада Чех

миллий театрига асос солинди (20-а.нинг 70—80-й.ларида мамлакат театр ҳаётининг марказига айланди). 19-а. охири — 20-а. бошлари Лирик театр (1911 й. асос солинган), Санъат театри (1912—13) фаолият кўрсатди, ҳаваскорлик театрлари кўпайди. Пльзень, Брно ва б. шаҳарларда театрлар пайдо бўлди. 1919 й.дан Брно, 1920 й.дан Оломоуц шаҳар театрлари, 1933 й.дан Прагада «Д-34» театри ишлай бошлади. Бу давр театр арбобларидан актёрлар — В. Видра, Я. Шкода машҳур бўлган. 2-жаҳон урушидан кейин Прагада Реалистик театр, Сатира театри ташкил этилди; 60—70-й.ларда кичик тажриба театрлари фаолият кўрсатди. 1970—80 й.лардаги актёрлардан О. Крейча, Ф. Смолик, Я. Пруха, З. Штепанек, Б. Загорский, реж.лардан М. Михачек, К. Палоуш, К. Новак, ҳоз. композиторлардан П. Эбен, С. Гавелка, опера ижрочилари Г. Бенячкова, Э. Груберова, П. Дворский ва б.ни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон — Ч. муносабатлари. 1993 й. имзоланган «Савдо-иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорлик тўғрисида»ги ҳукуматлараро битим икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1997 й. янв.да Ч.га қилган ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Ташриф чоғида бир қанча ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатлар орасида сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқарувчи муассасалар ва миллий банкларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳужжатлар алоҳида ўрин олади. 1999 й.да эса, бирдек манфаатдор ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида қўшма декларация, автомобиль транспортида йўловчи ва юкларни ташиш тўғрисида, 2000 й.да икки томонлама солиқ солиш ва мулкдан келадиган даромаддан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида битим имзоланди. 2004 й. 1 майдан Ч. Европа Иттифоқига қўшилганидан кейин 1993 й.да имзоланган савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ўз кучини йўқотди. Шу муносабат б-н томонлар 2004 й. 28 июнда иқтисодиёт, саноат ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик бўйича янги битимни имзоладилар. 2003 й. икки томонлама товар айланмаси 20,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Ч.га газлама, йигирилган ип, пахта момиги, жун, ошловчи ва бўёвчи экстрактлар, сут маҳсулотлари чиқаради. Ч.дан механика ва электр жиҳозлар, дори-дармон, қора металл ва ундан тайёрланган буюмлар, қоғоз ва картон, каучук ва резина буюмлари ва б. олади. Ўзбекистонда чехиялик ишбилармонлар сармояси иштирокида тузилган 30 корхона мавжуд. Улар орасида Ч. сармояси 100% бўлган 2 корхона бор. Улар қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш, халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, дори-дармон и.ч. соҳаларида фаолият кўрсатади. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ч.нинг «Эри элл Корпорэшн», «Марц ЦЗ», «Томас Прага», «ЧКД Нове Энерго», «Айвэкс-ЧР», «Ясон Травел», «Янцен» каби компаниялари рўйхатдан ўтган. Икки давлат ўртасида материалшунослик, микроэлектроника, ядро физикаси, приборсозлик, машинасозлик, тиббиёт ва фармакология, шунингдек, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ҳуқуқи бўйича илмий-техникавий алоқалар ривожланмоқда. 1994 й.дан Лидице ш.да ўтказиладиган Жаҳон болалар ижоди кўргазмасида Ўзбекистондан ҳам болалар иштирок этади. 1994—2001 й.ларда улар 41 та мукофотга сазовор бўлдилар. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ч.нинг «Хемапол», «Ково», «Лохема» фармацевтика фирмалари б-н ҳамкорлик қилади.

Чехия табиати манзараси.

ЧЕХИЯ МАССИВИ — Европадаги тоғ массиви, аксари қисми Чехия, шунингдек, Польша, Германия ва Австрия ҳудудларида. Уз. 500 км чамасида, кенглиги 300 км гача. Марказий қисми пастроқ бўлиб (бал. 300—600 м), ер юзаси сертепа текислик, айрим жойларда кўтарилган чўққилар бор. Асосан, кристалли сланец, қумтошлардан тузилган, юзаси чўкинди жинслар б-н қопланган. Чекка қисми ўртача баландликдаги тоғлар (Судет, Чехия ўрмонлари, Шумава, Рудали тоғлар) ва Чехия-Моравия қирларидан иборат. Энг баланд жойи 1602 м (Снежка тоғи). Иқлими мўътадил, сернам. Дарё кўп. Тоғларда 1200—1400 м гача аралаш ва игна баргли ўрмонлар бор, ундан баланд қисми — ўтлоқ, текислик қисми ўзлаштирилган.

ЧЕХИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — Чехия Республикасининг олий илмий муассасаси. 1993 й. Прага ш.да ташкил этилган (ўтмишдошлари: Чехия қироллик илмий жамияти, 1790; Чехия фан, ижодиёт ва санъат академияси; Чехословакия ФА, 1982).

ЧЕХЛАР — халқ, Чехиянинг асосий аҳолиси (9,55 млн. киши 1990-й.лар ўрталари). Умумий сони 10,38 млн. киши. Чех тилида сўзлашади. Диндорлар — асосан, католиклар, протестантлар ҳам бор. Чехия ҳудудига славянлар 5—6-а.ларда келиб ўрнашганлар. Ёзма манбаларда айрим чех қабилаларининг номлари (чехлар, дудлеблар, хорватлар, лучанлар, зличанлар, дечанлар, пшованлар, литомержицлар, хебанлар, гломачлар) сақланиб қолган. 11-а.да Чехия давлати ҳудудида чех элати шаклланган. Анъанавий машғулотлари — деҳқончилик; чорвачилик ҳам муҳим роль ўйнайди. Халқ ҳунармандчилиги ривожланган. Ч.нинг кўпчилиги саноатда банд. Ч.нинг миллий кийимлари, анъанавий ҳунармандчилиги сақланган. (қ. *Чехия*).

Эркак ва аёл анъанавий кийимда.

ЧЕХОВ Антон Павлович [1860.17 (29).1, Таганрог — 1904.2 (15). 7, Баденвейлер, Германия; Москвада дафн этилган] — рус ёзувчиси. Москва университетининг тиббиёт ф-тини тугатган (1884), шифокор бўлиб ишлаган. 1892—98 й.ларда Москва яқинидаги Мелихово қишлоғи (ҳоз. Чехов ш.)да яшаб, маҳаллий деҳқонларга тиббий ёрдам кўрсатган, уларнинг болалари учун мактаблар очган. Сил касали б-н оғриб, 1898 й. Ялтага кўчган. Саломатлиги ёмонлашгач, 1904 й. июнида Баденвейлер (Германия)га борган ва у ерда вафот этган.

Ч. 80-й.ларнинг 2-ярмида театр учун «Иванов» (1887—89), «Алвасти» (1889, кейинчалик «Ваня амаки» номи б-н қайта ишланган) пьесалари, «Тўй» (1889) бир пардали пьесаси, шунингдек, «Тамакининг зарари ҳақида» (1886), «Айиқ» (1888), «Юбилей» (1891—92) сингари водевиллар ёзган. 90-й.ларда Сахалинга саёҳатга бориб, каторга ва сургун қилинган кишиларнинг фожиали турмуши б-н танишган. Ушбу саёҳат хотиралари «6-палата» (1892) қиссаси ва «Сахалин ороли» (1893—94) китобида ўз аксини топган.

90-й.лар охирига бориб, Ч.нинг драматурглик маҳорати юксак чўққига эришди. «Чайка», «Ваня амаки» (1896), «Уч опа-сингил» (1900—01), «Олчазор» (1903—04) пьесаларининг 1898 й. Москва Бадиий театрида саҳналаштирилиши Ч. ижодида янги давр бошланганидан дарак берди.

Ч. ижоди 3 даврдан иборат: 1) 80-й.ларнинг ўрталарига қадар бўлган давр; 2) 80-й.ларнинг ўрталаридан 90-й.ларнинг бошларига қадар бўлган давр; 3) 90-й.ларнинг бошларидан ёзувчи вафотига қадар бўлган давр. Ч. ижодининг дастлабки даврида турли ноширларнинг диди ва буюртмаси б-н асосан ҳазил-мутойибадан иборат асарлар ёзган бўлса-да, шу даврдаёқ ёзувчи ижодининг асосий мавзулари (инсон ва амал, гўзаллик ва разолат, ҳаётнинг серҳашам ва ғариб томонлари ва б.) юзага чиқа бошлади. Ч. шу даврда ёзган «Семиз ва ориқ», «Чиновникнинг ўлими» (1893), «Буқаламун», «Ниқоб» (1884), «Унтер Пришибеев» (1885) сингари ҳикояларида мавзуни кулги ёрдамида ёритиш, ҳажвий образ яратиш, воқеа ва ҳодисаларни лўнда тасвирлаш санъатини мукаммал эгаллаганини намойиш қилади.

Ч. ижодининг 2-даврида ёзувчининг марказий мавзуси аниқ қирралар касб этади. Қаҳрамоннинг руҳий олами ва ҳатто воқеа-ҳодисаларнинг ривожи эмас, балки ижтимоий муносабатлар ва маиший тўқнашувларнинг қаҳрамон характерига таъсири масаласи Ч.нинг диққат марказида бўлади. Бу масала, биринчи навбатда, Ч.нинг «Ғилоф бандаси» (1898) ҳикоясида ўзининг ёрқин тажассумини топади. Бу асарда ғилоф ёлғон ва зулмга, кимнингдир айш-ишрат қилиб, кимнингдир азоб-уқубат чекиб яшашига асосланган ҳаётнинг тимсолига айланади. Ч. ижодининг шу босқичида

кўзга ташланган тамойиллар 3-даврда янги бадиий куч б-н ифодаланади. Ч.нинг «Болохонали уй», «Менинг ҳаётим» (1896) қиссалари, «Ионич» (1898), «Лайча етаклаган хоним» (1899) ва б. ҳикояларида шу даврдаги рус жамиятининг анатомияси шафқатсизлик б-н очиб ташланди. Бу асарларда инсоннинг лоқайдлиги мавзуси фақат маънавий-психологик режада эмас, балки ижтимоий йўналишда ҳам бадиий талқиқ этилди. Ч. турли табақа ва ижтимоий қатламларга назар ташлаб, ўз қаҳрамонининг руҳий уйғониш, муҳитга қаршилик кўрсатиш, ҳаётини қайта қуриш қобилиятини муттасил равишда текшириб туради.

Ч.нинг драматургия соҳасидаги ижоди рус театри тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Ёзувчининг насрий асарларида ўз ифодасини топган кишилар ўртасидаги руҳий алоқаларнинг йўқлиги мавзуси унинг саҳна асарларида ҳам турли шаклда талқин этилган.

Ч. насрий ва драматургик ижоди б-н жаҳон адабиёти тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Ўзбек адабиётида реалистик ҳикоя жанрининг майдонга келиши ва Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор ҳикоянавислик ижодининг шаклланишида Ч. анъаналари ҳам муайян омил бўлиб хизмат қилган.

Ч.нинг энг яхши насрий асарлари ва пьесалари ўзбек тилига таржима этилган. Унинг барча машҳур пьесалари республикадаги ўзбек ва рус театрларида саҳналаштирилган.

Ас.: Танланган асарлар, 3-ж.ли, Т., 1957—58; Полное собрание сочинений, т. 1—30, М., 1973—83.

Ад.: Бердников Г. П., Чехов, М., 1978; Полоцкая Э. А., А.П.Чехов и движение художественной мысли, М., 1979; Бялый Г.А., Чехов и русский реализм, М., 1981.

Наим Каримов.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ (Československo) — Марказий Европадаги давлат (1993 й.гача мавжуд бўлган). 1918 й. Австрия-Венгрия империясининг парчаланиши натижасида чех ва словак халқлари ерларида ташкил бўлган. 1938 й. окт. — 1939 й. мартда Германия томонидан босиб олинган. 1945 й. майда Ч. ҳудуди озод этилгач, ягона, мустақил давлат сифатида қайта тикланди; 1948 й. халқ демократик республикаси деб эълон қилинди. Ҳокимият тепасида Чехословакия КП турган (1989 й.гача). 1960—1990 й. мартда Ч. Социалистик Республикаси (ЧССР) деб аталди. 1968 й.да авж олган жамиятни демократик янгилаш жараёни 1968 й. авг.да Варшава шартномаси ташкилоти аъзолари бўлган 5 давлат (СССР, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша) қўшинлари томонидан барбод этилди. 1990 й.дан Ч. федератив давлат сифатида Чехия ва Словакия Федератив Республикаси (ЧСФР) номида бўлди. 1992 й. нояб.да ЧСФР парламенти 1993 й. 1 янв.дан чехословак федерацияси тугатилганлиги ва у *Чехия* ҳамда *Словакия* республикаларига ажратилганлиги тўғрисида федерал қонун қабул қилди.

ЧЕЧАК, чин чечак — одам ва ҳайвонларнинг ўткир юқумли касаллиги. Ўтмишда ер юзидаги барча мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, у ҳақдаги дастлабки маълумотлар Қад. Миср ва Хитой қўлёзмаларида учрайди, кейинроқ юнон ва римлик врачларнинг асарларида қайд этилган. Ўрта асрларда *Розий* «Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб» («Китоб ал-жударий ва-л-ҳасба») номли асар яратиб, тиббиёт тарихида биринчи марта Ч.ни таърифлаб берди ва Ч.га қарши эмлаш керак деган фикрга келиб, уни амалда қўллади. Ч.нинг олдини олиш ҳақидаги фикрлар Ибн Сино асарларида ҳам илгари сурилган. 1796 й.га келиб Европада инглиз врачи Э. *Женнер* чечакка қарши эмлашни таклиф этганидан сўнггина Ч. анча камайди.

Ч.ни фильтрланувчи вируслар қўзғатади. Инфекция манбаи — бемор. Вирус ҳаво (чанг, бемор аксирганда, йўталганда) ва бемор буюмлари (кийим-кечак ва ҳ.к.)дан ўтади. Касаллик ўткир бошланади. Гавда т-раси бирдан кўтарилиб, бош оғрийди, эт увишиб кўнгил айнийди ва бел, думғаза атрофида оғриқ пайдо бўлади. Беморнинг пульси тезлашиб, тили қуруқшайди, қарашланади. Томоқ, бурун, ҳалқум шиллиқ қаватлари қизариб яллиғланади. Шу даврда айрим беморларнинг қорин пасти, сонининг ички тарафига қизамиқ ёки қизилча тошмасига ўхшаш тошмалар тошади. 3—4 кундан сўнг беморнинг аҳволи бирмунча яхшиланиб, кейин яна оғирлашади. Бу даврда пешона, соч, юз, қўл панжасида ҳақиқий Ч. тошмаси — майда доғга ўхшаш тошмалар пайдо бўлади, эртасига улар қизғиш тугунчалар (папула)га айланиб бутун баданга тарқалади. Кейин тугунчалардан пуфакчалар (везикула) ҳосил

бўлади ва йириғ бойлайди. Касалликнинг 10—13-куни йириғли тошмалар қуриб, қоракўтир бўлади. 18—20-куни улар туша бошлайди ва ўрни чандиқлана боради, беморнинг аҳволи бирмунча яхшиланади. Оғир кечадиган аралаш Ч.да тошмалар бир-бирига қўшилиб кетади. Геморрагик Ч. («қора Ч.» ёки Ч. пурпураси) да тўқима ва аъзоларга қон қуйилади. Ч.нинг тошма тошмайдиган, иситмасиз кечадиган шакллари фарқ қилинади.

Ч.нинг олдини олиш учун бемор Ч.га қарши эмланади ва б. чора-тадбирлар кўрилади. 1980 й. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ассамблеясининг 33 сессиясида ер юзида чин чечак буткул тугатилганлиги расмий равишда эълон қилинди.

Чорва молларида Ч. заҳарланиш, иситма ва терига тошмалар тошиши б-н кечади. Ч. қўзғатувчиси Poxviridae оиласига мансуб 7 туркум вируслари. Ҳар бир ҳайвон турида Ч.ни қўзғатадиган ўзига хос вируслари бор. Мас., қўй Ч.да кўз, бурун зарарланади, сигир Ч.да соғим камаяди, елинда ва тананинг бошқа қисмларида тошмалар пайдо бўлади, қушларда тери ва ички аъзолар зарарланади. Касал бўлиб тузалган ҳайвонларда турғун иммунитет ҳосил бўлади. Касаллик касал ҳайвон б-н соғлом ҳайвон бир жойда сақланганда, вирус б-н зарарланган озуқа, сув ва б. орқали юқади. Вируслар атроф муҳитда бир неча ойгача сақланади. Қиш ойларида ёш ҳамда нимжон ўстан чорва моллари кўпроқ ва оғирроқ касалланади; уларнинг маҳсулдорлиги пасаяди, териси ёрилади, айрим ҳайвонлар нобуд бўлади. Ташхис клиник-эпизоотологик ва эпидемиологик маълумотлар, лаб. текширувлари натижалари асосида қўйилади.

Даволаш: гамма-глобулинлар, антибиотиклар, малҳам дорилар, глицерин ёки антисептик воситаларни қўллаш.

Олдини олиш: умумий санитария-ветеринария қоидаларига риоя қилиш; ҳайвонларда эмлаш йўли б-н иммунитет ҳосил қилиш; касалликка чалинган молларни алоҳида сақлаш ва б.

ЧЕЧАКТЕПА — туркий қавмларга тегишли қад. мудофаа иншоати (мил. 4-а. охири —8-а. ўртаси). Қашқаларё вилоятидаги Қизилдарё ва Тирнасой соҳилларида жойлашган. Археологик қазишмалар (Г.Я. Дресвянская, В. Я. Марчук) натижасида Ч.дан ҳоким Урка Вартармук (7-а. охири — 8-а. боши), Ал-Ашъос ибн Яҳъё (761—762) тангалари, шунингдек, кўплаб сопол идишлар (хумлар, кўзалар, қалаҳлар, қозонлар), шиша буюмлар топилган.

ЧЕЧЕН ТИЛИ — *кавказ (иберий-кавказ) тилларининг* нах гуруҳига мансуб тил. Асосан, РФнинг Чеченистон (Чечня), Ингушия республикаларида, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия ва Украинада тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 960 минг кишидан ортиқ бўлган асрнинг 90-й.лари ўрталари).

Ч.т. текислик ва тоғлик лаҳжаларига, тоғлик лаҳжалар эса ўз навбатида яна 6 лаҳжага бўлинади. Ч.т. фонетикаси мураккаб вокализм (қисқа, чўзиқ, умлаутли содда унлилар, дифтонглар, трифтонглар) ва консонантизм (содда, қўшалоқ, танглай ундошлари) тизимига эга. Морфологияси аглютинатив-флектив белгиларга эга: унда 6 грамматик синф, кўп келишикли турланиш, феълнинг замон, майл, тус категориялари мавжуд. Синтаксиси содда гап турларининг ва қўшма гап ясалиши усулларининг хилма-хиллиги б-н ажралиб туради. Лексикасида рус, араб, форс, грузин, туркий ва б. тиллардан ўзлашган сўзлар анчагина. Ёзуви ўтган асрнинг 20-й.ларида араб графикаси асосида, кейинроқ лотин графикаси асосида яратилган. 1938 й.дан рус графикаси асосидаги ёзув жорий қилинган.

ЧЕЧЕНИСТОН, Чеченистон Республикаси — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Майд. тахминан 15 минг км² (Ч. билан Ингушия ўртасидаги чегара демаркация қилинмаган). Аҳолиси 1 млн. 100,3 минг киши (2002). Пойтахти — *Грозный* ш. Маъмурий жиҳатдан 16 туман ва 5 шаҳарга бўлинади.

Давлат тузуми. Ч. — республика. Давлат бошлиғи — президент. Амалдаги Конституцияси 2003 й.да қабул қилинган. Конституцияга назарда тутилган ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органларини шакллантириш жараёни кетмоқда.

Табиати. Ч. Катта Кавказ тоғлари (Ч.нинг энг баланд жойи Тебулосмта тоғи, 4493 м)нинг шим. ён бағри ва унга туташган Чечен текислиги ҳамда Терек-Кума пасттекислигида жойлашган. Нефть, газ, қурилиш материаллари конлари бор. Иқлими континентал. Янв.нинг ўрта т-раси Терек-Кума пасттекислигида —3°, тоғларда —12° гача, июлда 25° ва 21°. Ўртача йиллик ёғин 300—1000 мм. Йирик дарёлари — Терек, Сунжа. Тупроқлари текисликларда, асосан, ўтлоқи, каштан ва оч каштан, қирларда карбонатли қора, дарё водийларида аллювиал, тоғларда тоғ-ўрмон ва тоғ-ўтлоқи тупроқлар. Терек-Кума пасттекислигида шувоқ ва шўра ўсимликлар. Чечен текислигида дашт ва ўрмонли дашт ўсимликлари усади. 2200 м гача бўлган баландликдаги тоғларда кенг баргли ўрмонлар, ундан юқорида субалп ва алп ўтлоқлари мавжуд. Ч.да ҳемирувчи ва судралиб юрувчи ҳайвонлар кўп; қушлардан саввони урдак, тоғ, тувалоқ, кавказ қирғовули бор. Тоғларда қўнғир аюқ, тўнғиз, қизил, бўри, ўрмон мушуги, сувсар яшайди.

Аҳолиси. Асосий аҳолиси чеченлар. Ингуш, рус ва б. халқлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 34,5%. Республиканинг давлат тили — чечен ва рус тили. Динсизлар ислом динининг сунна мазҳабида.

Тарихи. Чеченлар 7-а.да биринчи бор тилга олинган. Ўрта аср бошларида Ч. ҳудудининг кўп қисми Алания давлати таркибида бўлган. 19-а.да Ч. аҳолиси тоғли халқларнинг рус қўшинларига қарши қаролли курашида қатнашган. Тоғлилар мағлубиятидан сўнг (1859), Ч. Россия таркибига қўшиб олинган. 1921 й.дан РСФСР таркибидаги Тоғли мухтор республикага киритилган. 1922 й. ноябрда Ч. Мухтор вилояти тузилган. 1934 й.дан Чечен-Ингушия мухтор вилояти таркибида. 1936 й. вилоят мухтор республикага айлантирилган. 1942 й. Ч.нинг бир қисми немислар томонидан босиб олинган. 1943 й. озод этилган. 1944 й. Чечен-Ингушия тугатилиб, аҳолиси 2-жаҳон урушида босқинчиларга ён босди, деган туҳмат б-н зўрлаб Ўрта Осиё ва Қозоғистонга *депортация* қилинган. 1957 й. мухтор республика тикланган. 1991 й. Чечен-Ингушия

Чеченистондаги тоғ сойи.

Новогрозненский шаҳрининг умумий кўриниши.

мухтор республикаси Чечен-Ингушия Республикаси деб номланди. 1992 й. Россия Федерацияси таркибида Ингушия ва Ч. Республикалари тузилди. 1991 й. сент. да чечен халқининг умуммиллий конгресси Ч. Республикасининг давлат суверенитетини эълон қилди. 1992 й. президент лавозими таъсис этилди. Булар Россия Федерацияси томонидан тан олинмади. Ж. Дудаев режими сиёсати Ч.да кескин ижтимоий-сиёсий инқирозга, Россия Федерацияси конституциясини қўпол равишда бузишга олиб келди. 1994 й. дек. — 1996 й. авг.да қуролланган чечен отрядлари б-н конституцион тартиб ўрнатиш учун Ч.га киритилган федерал қўшинлар ўртасида ҳарбий ҳаракатлар бўлиб ўтди. 1999 й. авг.да чечен жангариларининг Дағистонга қилган юришидан сўнг федерал қўшинлар Ч. ҳудудида антитеррористик ҳаракатларни бошладилар.

Хўжалиги. Саноатининг асосий тармоқлари — нефть қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси, машинасозлик, озиқ-овқат, ўрмон ва ёғочсозлик, енгил саноат; қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади (цемент ва б.). Ҳунармандчилик ривожланган (ёғоч, тош ўймакорлиги, металлга бадиий ишлов бериш, каштачилик, гилам тўқиш). Қ.хда буғдой, шоли, кунгабоқар, қанд лавлаги етиштирилади. Боғдорчилик, токчилик ва сабзавотчилик б-н ҳам шуғулланилади. Чорвачилигида қорамол, қўй (асосан, майин толали жун берадиган қўйлар) боқилади.

Ч.да автомобиль йўллари уз. 3100 км (1990-й.лар боши).

Адабиёти. Чечен адабиётининг асосчиси С. Бадуев (1904—43) чечен тилидаги биринчи босма бадиий асар («Очлик» қиссаси, 1925), чечен тилида биринчи роман («Петимат», 1930) ва пьесалар («Оталар удуми», 1929; «Қизил қалъа», 1930) муаллифидир. Ш. Айсхонов (1907—37) пьеса («Қурош», 1932) ва ҳикоялар, Н. Музаев пьеса («Давримиз ниҳоллари», 1934) ва достон («Ўрмон яланглиги», 1933) яратди. 30-й.ларнинг бошларида М. Мамакаев (1910—73)нинг дастлабки шеърлари, Х. Ошаев (1898—1977)нинг очерк ва пьесалари, С. Арсанов (1889—1968)нинг «Икки авлод» тарихий романи (1930) пайдо бўлди. 40-й.ларда А. Мамакаев (1918—59)нинг ватанпарварлик руҳидаги пьесалари, Н. Музаевнинг шеърлар тўплами, М. Сулаевнинг достони нашр этилди. 50-й.ларда Отмаота шда «Дўстлик» номи б-н чечен ёзувчилари асарлари тўпламини чиқди. С. Арсановнинг тарихий-инқилобий мавзудаги «Дўстлик шарофати» (1968) романи чечен насрининг ютуғи бўлди. А. Мамакаев, М. Мамакаев, Н. Музаев, Р. Ахматова ва б.нинг шеърий тўпламлари нашр этилди.

60—70-й.ларда шеърият бадиий жиҳатдан анча юксалди, насрда очерк, достон, роман жанрларида муҳим асарлар яратилди. Болалар адабиётида У. Гайсултонов, Х. Эдилов, М. Мусаев самарали ижод қилдилар. Чечен драматургиясида ҳам турли мавзуларда пьесалар яратилди. Жумладан, Х. Ошаев, А. Ҳамидов фуқаролар уруши, Н. Музаев, М. Мусаев қишлоқ ҳаёти, М. Мусаев, А. Ҳамидов 2-жаҳон уруши мавзуларида асарлар яратдилар.

ЧЕЧЕНЛАР (ўзларини нохчий деб аташади) — асосан, Чеченистон ва Ингушиядаги халқ (734,5 минг киши). РФда жами — 899 минг киши (1990-й.лар ўрталари). *Чечен тилида* сўзлашади. Динодорлари — сунний мусулмонлар. Ч. қардош ингушлар каби Шим. Кавказнинг туб аҳолиси ҳисобланади. 7-а. арман манбаларида нахчаматьян номи б-н қайд этилган. Ч.нинг анъанавий машғулоти — пасттекисликларда деҳқончилик, тоғларда чорвачилик. Анъанавий ҳунармандчилик (кулолчилик, қурол ясаш, заргарлик) тараққий этган.

ЧЖАНЦЗЯКОУ, Калган — Хитойнинг шим. қисмидаги шаҳар. Янхэ дарёси водийсида, Хэбэй провинциясида жойлашган. Аҳолиси 530 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Пекиндан шим.га бориладиган қад. Кяхта савдо йўли устида. Темир рудаси ва тошкўмир қазиб олинадиган ва қўйчилик р-ни маркази. Саноат ва транспорт жиҳозлари ишлаб чиқариладиган йириқ корхоналар, металлургия к-ти, озиқ-овқат саноати корхоналари бор.

ЧЖАН ЦЯНЬ (? — мил. ав. тахм. 103) — хитойлик дипломат ва сайёҳ. Мил. ав. 138 й. император *Ў-ди* томонидан ғарбга, юечжилар б-н ҳуннуларга қарши иттифоқ тузиш мақсадида юборилган. Ҳуннулар қўлига тушиб қолиб, фақат 10 й. ўтгачгина қочишга муваффақ бўлиб саёҳатини давом эттирган. Қайтишда яна ҳуннулар қўлига тушган, лекин тез орада қочишга эришган. Мил.ав. 115 й. элчиларга бош бўлиб Хитой чегараларидан ғарбдаги кўчманчи усун қабиласи ҳукмдори (туньмо) ҳузурига жўнатилган. Ч.Ц. уни Хитой б-н иттифоқ тузишга кўндирган. Ч.Ц. томонидан Хитойдан Ўрта Осиёга босиб ўтилган йўл кейинчалик Европада *Буюк ипак йўли* номини олган.

Ғарбий ўлкалар — Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон Ч.Ц. саёҳатигача хитойликларга номаълум бўлиб келган. Хитойнинг Ғарбий ўлка б-н дипломатик алоқалар ўрнатишига асосий сабаб мил. ав. 2-а.нинг 1-ярмида ҳуннулар б-н юечжилар (тохарлар) ўртасидаги уруш бўлган. Бу урушда юечжилар енгилиб, уларнинг аксари қисми ҳоз. Ганьсу вилоятидан Еттисувга кўчган, бироқ бу ерда ҳам ҳуннулар уларга тинчлик бермай қувғин қилганлар. Улар Ўрта Осиёнинг жан.га, Бақтрияга кетишга мажбур бўлишган, у ерда *Юнон-Бақтрия подшолигини* вайрон этишда бошқа қабилалар б-н иштирок этишган. Кейинчалик юечжиларнинг авлодлари *Кушон подшолигини* барпо этишган.

Юечжилар ҳуннуларга қарши курашда ўзларига иттифоқчи излашган. Хитойнинг Хань сулоласи ҳам ҳуннуларга қарши кураш олиб бормоқда эди. Ч.Ц. ғарб сафарида унга ҳун йўлбошловчиси Таньи Хунтаньфу ҳамроҳлик қилган. Бироқ йўлда у ҳуннулар томонидан қўлга олиниб уларнинг ҳукмдори ҳузурига келтирилган. Ч.Ц.ни ҳунну қизга уйлантиришган, ундан бир ўғил фарзанд кўрган. Лекин қулай фурсат келиши б-н у ҳамроҳлари б-н асирликдан қочиб, сафарини давом эттирган. У қад. Фарғона — *Давани*га келган. Даван ҳокими Хитой б-н дипломатик ало-

ҳашаротлар, ўр-гимчаклар, капалаклар ва б. қанотли ҳашаротлар б-н озиқланади. Айрим турлари уча олмайдиган умуртқасизлар (қўнғиз, кана, ўргимчаклар ва б.)ни ейди. Кузда озиқ етишмаганда ўсимлик мевалари ва уруғлари б-н ҳам озиқланади.

ЧИВИҚ — 1) техникада — ингичка ва узун металл таёқ (мас., темир-Ч). Кесими, асосан, думалоқ, баъзан тўртбурчакли, олтибурчакли, овалсимон, сегментсимон ва трапециодал бўлиши мумкин. Ч. ҳар хил маркали темир, пўлатдан болғалаш, пресслаш, прокатлаш усулларида тайёрланади. Ч.дан пластик деформациялаш (болғалаш, пресслаш) ёки кесиб ишлаш йўли б-н турли деталлар ясалади. Пишиқ пўлатдан тайёрланган эгилувчан, қисилувчан ва чўзилувчан Ч.дан темир-бетон тайёрлаш учун арматура («қобирға») сифатида фойдаланиш ҳам мумкин; 2) дарахтларнинг сурх новдаси. Мас., тол новдаси; 3) газлама турига нисбатан ишлатиладиган атама. Мас., майда чизиқ-чизиқ йўлли газлама Ч.-газлама деб аталади.

ЧИГАНОВ Георгий Иванович (1925.24.8, Қозоғистон, Каленое қишлоғи) — график рассом. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989). Беньков номидаги республика рассомлик билим юртини тугатган (1954). Китоб-журнал графикаси ва дастгоҳ графикасида ижод қилган Ч. ижодига лиризм, ёрқинлик хос; асарларида инсон кайфияти б-н табиатнинг ҳамоҳанглиги етакчилик қилади. Китоб графикасида Э. Межелайтиснинг «Инсон», Р. Ҳамзатовнинг «Юксак юлдузлар», Навоийнинг «Садди Искандарий» ва б. асарларни бадиий безаган. Ўзбекистоннинг тарихи ва ҳаётини умумлаштирувчи «Ўзбекистоннинг ёшлиги» линогравюралар туркумини; акварелда «Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари бўйлаб», «Бойсун», «Шоҳимардон», «Бахмал қўшиқлари», «Хива», «Тошкент тонги» каби асарлар туркумини яратди.

ЧИГИЛЛАР, Чикил — туркий қабилалар иттифоқи. 10—11-а.ларда Иссиқкўлнинг шим.-шарқида ва Талас р-нида яшаганлар. Ч. Или дарёси водийсида, Қашқар яқинидаги қишлоқларда ва истеҳкомли кичик Чигил ш. (ҳоз. Авлиёота яқинида)да яшашган. Туркман ўғузлар Амударёдан Хитойгача бўлган ҳудудларда яшаган барча туркий қавмларни Ч. деб аташган. Ч. кўчманчи ҳаёт кечириб, асосан, чорвалик б-н шуғулланганлар. Тахм. 900 й. Ч. *ягмолар* б-н бирга ислом динига киришган. Ч.нинг бир қисми христиан бўлган. Ч. *қарлуқлар* ва ягмолар б-н бирга *Қорахонийлар* давлатида муҳим роль ўйнашган, хусусан, давлат бошқарув аппарати ва қўшинлдаги энг муҳим мансабларни улар эгаллаган. 10—11-а. бошида Ч.нинг аста-секин ўтроқлашув жараёни содир бўлган. 11-а.нинг 1-ярмида Ч.нинг бир қисми Зарафшон водийсига кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли б-н аралашиб кетган.

Ад.: Бартольд В. В., Очерк истории Семиречья, Сочинения, т.2, ч. 1, М., 1963; Шониёзов К., Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, Т., 2001.

ЧИГИРТКА — чигирткасимонлар катта оиласининг гала бўлиб яшайдиган турлари умумий номи. Қ.х. экинларининг (ғалла экинлари, беда, ғўза ва б.) зараркунандаси ҳисобланади. Жан. Европа, Жан. ва Шарқий Осиё, Африка, Жан. ва Шим. Америка, Австралия мамлакатларида учрайди. Ч.ларнинг экинларга келтирадиган офати ҳақида Қадимги Миср ёзма манбаларида (бундан 4 минг йил аввал) маълумотлар учрайди. Ўзбекистонда тарқалган турлари ичида энг хавфлилари — *осиё чигирткаси, воҳа чигирткаси, марокаш чигирткаси* ва *чўл чигирткаси*. Ч. лар, айниқса, узоқ масофалардан учиб келиб ва тўсатдан ёпирилиб экинларни нобуд қилиши б-н хавфлидир. Ч. личинкаларининг тўдаси озиқ қидириб маълум йўналишда ҳаракат қилади ва ўз йўлида учраган кўкатларни еб битиради. Ҳаёти мобайнида ҳар битта Ч. 300 г гача кўкат ейди. Зараркунанда кўплаб урчиган йиллари улар сони ҳар бир $м^2$ майдонда бир неча юзга ва ҳатто бир неча мингга етади, эгаллаган майдон эса баъзан 1 млн. га ни ташкил этиши мумкин. Тўда бўлиб яшаш инстинкти Ч. тухумдан чиқиб ҳаракат қила бошлаганда пайдо бўлади. Об-ҳавонинг қулай келиши Ч.нинг кўплаб урчишига ёрдам беради. Ч.ларнинг экинларга ва ўсимликларга етказадиган зарарини бартараф этиш мақсадларида Ҳиндистон, Яқин Шарқ мамлакатлари, Африкада БМТ Озиқ-овқат ва қ.х. бўйича ташкилотининг Ч.ларга қарши кураш таянч пунктлари очилган, Франция ва б. мамлакатларда йирик илмий, илмий-и.ч. марказлари тузилган.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё Маркази ҳузурида Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистонда Ч.га қарши кураш экспедициялари ишлайди (1983 й.дан қайта тикланган; Қорақалпоғистонда эса бундай экспедиция 1930 й.дан бери мавжуд).

Кураш чоралари: бўз ерлар ҳайдаб, ўзлаштирилади; ўтлоқ ва пичанзорлар доим назорат қилиб турилади; партов ва бўш ётган ерлар орасидаги уватлар йўқотилади. Ёш (1—3) Ч.га қарши 50% ли карбофос (2 кг/га), 30% ли вафотокс (2 кг/га) ва 20% ли сумицидин (0,4—0,5 кг/га) қўлланади.

Султон Алимуҳамедов

ЧИГИРТКАСИМОНЛАР (Acridoidea) — тўғриқанотли ҳашаротлар туркумининг катта оиласи. 10 мингдан ортиқ тури бор. Танасининг уз. 9 см ча; ипсимон мўйловлари тана узунлигининг ярмича. Қанотлари 2 жуфт, баъзан ривожланмаган ёки бутунлай йўқ. Орқа оёқлари сакровчи; панжаси 3 бўғимли. Орқа оёқ сонини устқанотга ишқалаб товуш чиқаради. Эшитиш органи қорин олд бўғимининг ён қисмида. Тухумқўйғичи қисқа. Тухумларини тупроққа туп-туп қилиб қўяди. Урғочиси тухум қўйғичи ёрдамида чуқурча ясайди ва унга тухуми б-н бирга махсус безлардан кўпиксимон суюқлик ажратади. Шу суюқлик қотиб, кўзача ҳосил бўлади. Личинкаси, одатда, баҳорда пайдо бўлади ва 4—7 марта пўст ташлаб 1—1,5 ойда ривожланади. Ёзда жинсий етилган индивидлар ҳосил бўлади ва уруғланиб, тухум қўйбошлайди. Гала бўлиб (чигирткалар) ва якка яшовчи Ч. бор. Гала бўлиб яшовчи Ч. серҳаракат личинкалар ёки қанотли имагодан иборат тўдалар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Улар сийраклашганда якка яшовчи индивидлар вужудга келиб, кўчманчилик хусусиятини йўқотади. Ҳамма Ч. ўсимликхўр, баъзи эса ҳайвонлар организми б-н ҳам озиқланади. Кўпгина Ч., айниқса, гала бўлиб яшовчилари қ.х.га катта зарар етказади. Баъзи қурғоқчил вилоятларда тупроқ ҳосил бўлиш жараёни ҳамда моддалар алмашинувини жадаллаштиришда Ч. роли борлиги аниқланган (қ. *Чигиртка*).

ЧИГИРТЧИЛАР, денгиз қалдирғочлари (Sternidae) — балиқчисимонлар туркумига мансуб қушлар оиласи. 10 уруғи ва 43 тури бор. Гавдасининг уз. 20—55 см. Қаноти узун, тумшуғи учли. Умумий ранги оч, кўпчилик турларининг бошида қора «қалпоқча»си, бармоқлари орасида тери парда бор. Чаққон учади, сувда яхши сузади. Денгиз, кичик дарё ва кўлларнинг оролларида ерда, баъзилари дарахтлар ва буталарда, ботқоқликда яшовчи турлари сув юзасига ўсимлик тўшаб, уя ясайди. 1—4 та тухум қўйиб, 14—22 кун босади. Тухумдан чиққан жўжалари 1 кундан кейин урғочиси орқасидан эргашиш қобилиятига эга. Табиатда 23—27 йил яшайди. Асосан, балиқлар,

Денгиз чигиртчиси.

қисқичбақасимонлар ва ҳашаротлар б-н озиқланади. Ер юзида жуда кенг тарқалган. Ўзбекистонда 7 тури учрайди.

ЧИГИТ — *ғўза* уруғи; териб олинган пахтани қайта ишлаб (толадан ажратиб) олинади. Терилган пахта вазнининг 55—60% Ч. ҳиссасига тўғри келади. Шакли тухумсимон ёки ноксимон, учи нишоқ ёки катта, бўйи 1,5—15 мм, эни (диаметри) 1—8 мм, оғирлиги 70—160 мг, 1000 донасининг ўртача вазни 120—140 г; қўнғир-жигарранг, қаттиқ қобиқ ва мағиз (ядро)дан иборат. Устки қавати (пўсти)дан тола ва момиқ (*линт*) ажратиб олинади (қ. *Пахта толаси*). Тола ва туклари кўп кенг қисми (гумбоқ томони) халаза, уч қисми микропиле (чанг йўли) дейилади. Ч. муртаги 2 та уруғпалла, уруғпалла остки бўғини, илдиз қинидан иборат. Фойдаланиш мақсадларига кўра *уруғлик* ва саноатда қайта ишланадиган техник Ч.ларга бўлинади. Бир неча ойдан бир икки йилгача яхши сақланган Ч. физиологик пишиб етилган, соғлом ва унувчан бўлади. Бехато ва соғлом униб чиқиши учун ишитилади. Ч.нинг муҳим хусусияти унинг эпидермис ҳужайраларида бир ҳужайрали 20 мм дан 42—44 мм ва ундан ортиқ бўлган толаларнинг ҳосил бўлишидир. Ч. мағзи таркибида 24 дан 29% га қадар мой бор (қ. *Пахта мойи*). Ўзбекистон ёғ-мой саноати корхоналарида ҳар йили 1,5—2 млн. т техник чигит қайта ишланиб пахта ёғи, шулха (Ч. пўчоғи), кунжара олинади. Ч. чиқиндиларини қайта ишлаб, улардан целлюлоза, спирт, лок ва б. маҳсулотлар и.ч.да фойдаланилади.



Етилган чигитнинг қўндаланг кесими: *1* — ташқи интегумент; *2* — ички интегумент; *3* — эндосперм; *4* — муртак (буралган уруғбарглар); *5* — гипостаза; *6* — ички интегументнинг устунли қавати; *7* — илдизча; *8* — микропиле; *9* — халаза; *10* — ўтказувчи найлар; *11* — уруғбарг учи.

ЧИДАМЛИЛИК (техникада) — буюмлар, машина ва механизмлар, бино ва иншоотларнинг муайян муддатгача, яъни маълум чегаравий ҳолатгача ишга яроқлилигини сақлаш хоссаси. Буюмларнинг Ч. даражаси уларнинг қандай материалдан ясалганлигига, уларни сақлаш ва ишлатиш шароитларига боғлиқ бўлади. Буюмларни шартли равишда таъмирланадиган (тузатиб турилидиган) ва таъмирланмайдиган (бузилганидан кейин ташлаб юбориладиган) турларга бўлиш мумкин. Таъмирланадиган буюмлар (уй-рўзғор буюмлари, газ ва электр асбоблари, соатлар ва б.)нинг маълум чегаравий ҳолати (яъни Ч. чегараси) уларнинг эскириши, тез-тез ишламай қолиши ёки тузатиш учун сарфланадиган маблағнинг ўзини оқламаслиги б-н белгиланади. Айрим ҳолларда буюмлардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, хавфсизлик техникасига риоя қилмаслик ҳам уларнинг Ч. чегарасига таъсир қиладиган омиллар ҳисобланади. Буюмларнинг маънавий эскириши (янги-янги русумли, дизайни яхшиланган буюмларнинг ишлаб чиқарилиши) ҳам уларнинг чегаравий ҳолатини белгилайди. Таъмирланмайдиган буюмлар (мас., ёритиш лампалари, тишли ғилдираклар ва б.) Ч.ги учун чегаравий ҳолат уларнинг ишдан чиқиши (мас., лампочка толасининг куйиши, шестерня тишининг синиши ва б.) б-н боғлиқ бўлади ва уларни ташлаб юборишга тўғри келади.

Бино ва иншоотларнинг Ч.ги деганда уларнинг талаб этиладиган фойдаланиш кўрсаткичларини сақлаган ҳолдаги хизмат муддати тушунилади. Бундай Ч. маънавий ва жисмоний турларга бўлинади. Маънавий Ч. — бино ва иншоотларнинг ўзгарувчан фойдаланиш шартларига ёки хавфсизлик ва эстетика талабларига жавоб бермай қолгунча бўлган хизмат муддати. Бу муддатни ўтаб бўлган бино ёки иншоот (мас., турар жой биноси ёки кўприк) мукаммал (капитал) таъмирлашдан чиқарилади ёки бузиб ташланади. Жисмоний Ч. механик зўриқиш (нагрузка) ва физик-кимёвий омиллар таъсирида бўлган асосий юк тушувчи конструкция ёки элементлар (мас., бинонинг пойдевори, синч девори, кўприкнинг устуни ва б.)нинг емирилиши б-н белгиланади. Бино ва иншоотлар бундай аҳволга тушмаслиги учун махсус изоляция материаллари қўлланади, пойдеворларга қора мой суркалади, бинолар вақти-вақти б-н тезлаб турилади, кўприкларнинг емирилган устунлари алмаштирилади, фойдаланишга доир қоидаларга қатъий риоя қилинади ва б. Шунда бино ва иншоотларнинг хизмат муддати узаяди. Давлат стандартлаштириш ташкилотлари томонидан бино ва иншоотлар учун қурилиш меъёрлари ва қоидалари белгилаб қўйилади. Бу меъёрлар ва қоидаларга кўра, Ўзбекистонда бино ва иншоотларнинг хизмат муддати (вазифаси, қурилган жойи ва б.га кўра) камида 20 йил, 50 йил ва 100 йил қилиб белгиланган.

Буюмлар, машина ва механизмлар, бино ва иншоотларнинг Ч. хоссаларини ўрганиш, бу хоссаларни яхшилаш, хизмат муддатини узайтириш чора-тадбирларини кўриш давлат миқёсидаги муҳим иш ҳисобланади. Бу ишлар б-н махсус ташкилотлар, и.т. муассасалари, стандартлаштириш ва сертификациялаш идоралари шуғулланади.

ЧИЖ (Spinus spinus) — *чумчуқсимонлар* туркумининг саъвалар уруғига мансуб қуш. Вазни 11—14 г. Нарининг кўкраги сариқ, бошининг усти қора. Моласи кулранг-қўнғир, доғлари бор. Тумшуғи қисқа. Европа, Ғарбий Осиё, Ғарбий Сибирь ва Узоқ Шарқнинг қайин, қарағай ва б. дарахтлар ўсадиган аралаш ўрмонларида, айниқса, тоғли жойларда кенг тарқалган. Баланд дарахтларнинг қалин шохларида уя ясайди; 3—6 та тухум қўйиб, моласи 12—14 кун босади. Асосан, ўсимлик уруғлари, баъзан ҳашаротлар б-н озиқланади. Яшаш ареалининг жан. қисмида, ҳатто ундан ташқарида — Шим. Африка, Ироқ, Жан. Хитойда ҳам қишлайди. Баъзан, Ўрта Осиё (гоҳо Тошкент, Бишкек, Олмаота каби ш.)да ҳам учрайди.

Чиж.

ЧИЗЕЛЛАШ — тупроққа ишлов бериш усулларидан бири; тупроқни юмшатиш, аралаштириш, бегона ўтлар илдизини йўқотиш вазифасини бажаради. Ч. учун тиркама ва осма чизеллар осма ёки тиркама бороналар б-н бирга ишлатилади. Тупроғи оғир, яхоб бериш ёки шўр ювишда ҳайдалма қатлами зичлашиб кетган ерларда 1—2 марта Ч. ўтказилади. Чунки бороналаш тупроқни кутилган даражада юмшатиш ва уқалантиришга имкон бермайди. Ч.ни етилган тупроқ чуқурлиги (12—14 см)да қўллаш лозим. Ч.да экишга қадар далага минерал ўғитлар солинадиган бўлса, иш қуроллари иш органлари ораси 25—30 см қилиб, экиш қаторига нисбатан кўндаланг йўналишда ўрнатилади. Ч., айниқса, картошка ва б. илдизмевали экинларда яхши самара беради, уларнинг ҳосилдорлиги 15—20% га ошади.

Бегона ўтлар кўп ўсган ерларни Ч.да иссиқ (ётиқ) кесмали чизель қўлланилади. Тароқлаб йиғилган илдизпоялар дала ташқарисига чиқарилиб, ёқиб юборилади.

ЧИЗИҚ — 1) ёзилган, чизилган ёки кўкадиган нарсалар қолдирган ингичка из. Мас., қалам ёки бўр б-н чизилганда пайдо бўладиган йўл; 2) нарсаларнинг чегарасини, жойлашишини ёки боришини кўрсатувчи йўналиш. Мас., реактив самолёт учганда двигателининг орқасидан чиқадиган тутун изи; 3) математикада — сиртнинг икки қўшни соҳасидаги умумий қисм. Аналитик геометрияда текисликдаги Ч. нуқталарининг координаталари орасидаги тенгламалар б-н ифодаланади. Тўғри бурчакли координаталар тизимида Ч. тенгламаларнинг турига қараб ажралади. Агар тенглама $F(x, y)= 0$ кўринишида бўлса, у ҳолда n-тартибли алгебраик эгри чизиқ деб аталади (бунда $F(x, y)$ — x, y га нисбатан n-даражали кўпҳад). 1-тартибли Ч. тўғри чизиқ бўлади. Конуссимон кесим, эллипслар (шу жумладан, айланалар), гиперболалар ва параболалар 2-тартибли Ч.лар жумласига киради. Алгебраик бўлмаган Ч.ларга мисоллар: тригонометрик функцияларнинг графиклари, логарифмик ва гиперболик функциялар, циклоида, гипоциклоида, эпициклоида ва ҳоказолар.

ЧИЗИҚЛИ АЛГЕБРА — мат.нинг чизиқли фазолар ва уларнинг чизиқли акслантиришларини ўрганувчи бўлими. Ч. а.нинг ривожланиши 19-а.да чизиқли тенгламаларнинг умумий назарияси вужудга келиши б-н бошланган. Чизиқли тенгламаларни ўрганиш жараёнида қўллана бошлаган аниқловчи (детерминант) векторлар, матрицалар каби тушунчалар кейинча ўзаро қўшиш ва скалярга кўпайтириш мумкин бўлган объектлар ҳақида ўрин тутишини англашди, уларни бошқа конкрет хоссалардан ажралган ҳолда ўрганишга олиб келди. 19-а. охирида иккинчи тартибли сиртларнинг тенгламаларини каноник (энг содда) кўринишга келтириш масаласи Ч.а. масаласидан иборат эканлиги аниқлангач, Ч.а. кўп ўлчовли фазо аналитик геометрияси б-н қўшилиб кетди ва чизиқли, бичизиқли, квадратик формалар, чизиқли акслантириш ва акслантириш, *Евклид фазоси*, проектив фазо тушунчалари б-н бойиди.

Дифференциал геом. ва механика эҳтиёжи б-н Ч.а. да векторларни умумлаштирувчи тензорлар, чизиқли ва бичизиқли формаларни умумлаштирувчи кўпчизиқли форма тушунчалари киритилди. Ч.а.нинг тензорлар алгебраси, кўпчизиқли алгебра каби бўлимлари вужудга келди.

ЧИЗИҚЛИ ГЕОМЕТРИЯ — фазонинг асосий элементи сифатида тўғри чизиқ қаралувчи геометрия бўлими. Фазода z ўқига параллел бўлмаган тўғри чизиқлар $x=az+p$, $y=bz+q$ тенгламалардаги тўртта a, b, p, q сонларни тўғри чизиқнинг координаталари деб қараш мумкин. Агар бу координаталар бир, икки ва уч параметрнинг функциялари бўлса, у ҳолда бу тўғри чизиқлар тўплами мос ҳолда тўғри чизиқли сиртлар, конгруэнциялар ва тўғри чизиқлар комплексини ҳосил қилади ва бу объектлар Ч. г.да ўрганилади.

ЧИЗИҚЛИ ЁЗУВ — 1) Крит оролидаги қад. ёзувлар тизими; А ва Б турлари фарқланади. Ч.ё.нинг Б тури (крит-микен бўғин ёзуви)да битилган матнлар юнон тили лаҳжаларидан бирини намоён қилади. Мил. ав. 15–14-а.ларга мансуб ушбу матнлар 19-а. охирларида Крит о.дан, мил. ав. 13-а.га мансуб матнлар эса 1939 й.да Пелопоннеснинг жан. қисмида топилган. Бу ёзувдаги матнлар биринчи марта инглиз олими А. Эванс томонидан 1909 й.да эълон қилинган. Ч.ё.ни ўқишга инглиз олимлари М. Вентрис ва Ж. Чедвиклар муваффақ бўлишган (1953). Баъзи олимларнинг фикрича, крит-микен ёзувининг айрим унсурлари ёки ундан иборат шакллар гуруҳларига мувофиқ келмаган белгилари кейинчалик юнон тилига ўзлаштирилган ва мослаштирилган. Бўғинли кипр ёзуви ҳам шу ёзув асосида пайдо бўлган. Ч.ё.нинг А тури ҳали ўқилмаган ва унинг ҳинд-европа тиллари гуруҳига алоқадорлиги исботланмаган; 2) имо-ишора тили белгилари, «буюм ёзуви» ва қисман пиктографик ёзувдан кейинги ёзув турлари [идеографик — иероглифик, силлабик (бўғинли), фонографик (ҳарф-товуш) ёзувлар]нинг умумий номи (яна қ. *Ёзув*).

ЧИЗИҚЛИ ТЕНГЛАМАЛАР (математикада) — номаълумларнинг фақат биринчи даражалари аниқ коэффициентлар б-н қатнашиб, уларнинг юқори даражалари, ўзаро кўпайтмалари ва мураккаб функциялари қатнашмаган тенгламалар. Бир номаълумли Ч.т. $ax=b$ кўринишда бўлади. Бир неча номаълумли ҳолларда эса Ч.т. системалари б-н иш кўрилади. *Аниқловчи* ва *матрица* тўғрисидаги таълимотлар пайдо бўлгандан кейин Ч.т. назарияси ривожланди. Чизиқлилик тушунчаси алгебрик тенгламалардан мат.нинг бошқа соҳаларидаги тенгликларга кўчирилади. Мас., чизиқли дифференциал тенглама номаълум функция ва унинг ҳосилалари чизиқли, яъни 1-даражали кирадиган тенгламадир.

ЧИЗИҚЛИ ФУНКЦИЯ — $y = kx + b$ формула б-н аниқланадиган функция, бунда k, b — ҳақиқий сонлар. Хоссалари: 1) барча ҳақиқий x сонлар учун аниқланган; 2) ҳақиқий қийматларни қабул қилади; 3) $k \neq 0$ да чексиз; 4) Ч. ф.нинг орттирмаси аргумент x орттирмасига пропорционал. Ч. ф.нинг графиги — тўғри чизиқдир. Бу тўғри чизиқ б-н Ox ўқи орасидаги бурчак α



Чизиқли функция.

нинг тангенси k га тенг: $k = tg\alpha$. k сон Ч. ф. графигининг Ox ўққа оғишини ифодалайди. b параметр Ч. ф. графиги Oy ўқдан ажратган кесманинг узунлигига тенг (расмга қ.).

ЧИЗМА — қоғоз, калька (кора қоғоз), тахта, ер сирти ва б. га чизилган лойиҳа; махсус чизмачилик асбоблари (рейсфедер, циркуль, рейсмус, рейсшина, чизғич ва б.) ёрдамида қалам, туш б-н маълум қоидалар асосида чизилган график тасвир. Машиналар, механизмлар, бино ва иншоотлар, пароход ва самолётлар, ракета ва космик кемалар, радио ва телевизорлар, ... корхоналарда тайёрланадиган, қурилиш майдонларида қуриладиган нарсалар ва объектларнинг қисмларини тайёрлаш, бузилганда таъмирлаш (тузатиш), текшириш учун Ч.лардан фойдаланилади. Машинасозликда қўлланадиган Ч. 3 турга бўлинади: туркумлаб ва кўплаб ишлаб чиқариш Ч.лари, якка тартибда ишлаб чиқариш Ч.лари ва таъмирлаш Ч.лари. Ч.ларда тайёрланадиган, таъмирланадиган ва текшириладиган нарсаларнинг ўлчамлари, материали, вазифаси, аниқлик, тозалик синфлари ва б. маълумотлар кўрсатилади. Қурилишдаги Ч. умумий қурилиш Ч.лари ва ишчи (қурилиш) Ч.ларига бўлинади.

ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ — *геометриянинг* фазовий фигураларни текисликда тасвирлаш ва улар ёрдамида фазовий масалаларни ечиш усулларини ўрганадиган бўлими. Ч.г. инсониятнинг амалий фаолиятида аста-секин вужудга келган, у иншоотлар ва машиналарни лойиҳалашда, тасвирий санъат ва б. соҳаларда қўлланилган. Ўрта Осиё меъморлари ҳам гумбазли бинолар, кўприкларни лойиҳалашда геометрик шакллардан фойдаланишган. Ҳозир ҳам ҳар хил геометрик шаклли бино ва иншоотларни қуришда Ч.г. усуллари кенг қўлланилади.



1-расм.

Фазовий фигураларни текисликда тасвирлашнинг 2 усули бор: марказий проекциялаш ва параллел проекциялаш. Мас., нарсаларнинг фотосуратлари ва ёруғлик нурларидан жисмларнинг текисликда ҳосил бўлган сояларни марказий проекциялардир. Марказий проекциялаш усули б-н ясалган тасвир перспектива деб аталади. Перспективадаги тасвирда фигуранинг ҳақиқий шакли ва ўлчамларини аниқлаб бўлмайди (1-расм). Параллел проекциялашда марказий проекциялашдаги проекция маркази S чексиз узоқда деб фараз қилинади. Параллел проекциялашда проекцияловчи тўғри чизиқларнинг аниқ йўналиши берилиши керак. Қуёш ёки Ой нуридан жисмлар соясининг пайдо бўлиши параллел проекциялашга мисол бўлади.

Фигураларни ўзаро перпендикуляр икки текисликка тўғри бурчакли проекциялаш ортогонал проекциялаш деб аталади. Баъзан, чизмани мукаммаллаштириш мақсадида горизонтал ва фронтал текисликларнинг иккаласига ҳам перпендикуляр бўлган текислик (профиль текислиги) дан фойдаланилади. Ортогонал проекциялар воситасида чизмалар осон ясалади, ортогонал проекциялар (комплекс чизмада) тасвирланган нарса ўлчамлари (бўйи, эни, баландлиги)ни бевосита аниқлаш мумкин (2-расм). Лекин бундай чизма буюм тўғрисида яққол тасаввур бермайди. Ундан, айниқса, мураккаб фигураларнинг фазовий шаклларини кўз олдига келтириш қийин. Шунинг учун нарсанинг ортогонал проекциялаш асосида ясалган тасвири унинг *аксонометрик* проекцияси б-н тўлдирилади.



2-расм.

Муҳандислик қурилиш ишларида кўпинча сонлар б-н белгиланган проекциялар деб аталувчи усулдан фойдаланилади. Бунда нуқталар проекциялар текислигига ортогонал проекцияланиб, проекция ёнига нуқтанинг текисликдан баландлигини ифодаловчи сонлар — белгиланишлар қўйилади. Бу чизма аёний бўлиши учун бир хил баландликдаги нуқталар орқали баландликлар чизиғи ўтказилади.

Агар ер сиртини (рельефини) чизмада тасвирлаш лозим бўлса, горизонтал проекциялар текислигидан фойдаланилади. Бунда сатҳ чизиқлари горизонталлар деб аталади. Горизонталларнинг шакли ва жойлашишига қараб ер сиртининг тасвирланаётган қисми тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Горизонталлар ёрдамида ер сиртини бундай тасвирлаш усули топографик усул деб аталади (3-расм). Ч.г. усуллари меъморлик, тасвирий санъат, техника ва б. соҳаларда кенг қўлланилади.



3-расм.

ЧИЗМАЧИЛИК — объектлар (турли машиналар, механизмлар, бинолар, иншоотлар ва б.)нинг чизмаларини, схемалар, хариталар ва графикларни чизишга, турли буюмларнинг тасвирларини ясашга оид қонун-қоидалар ва усулларни ўз ичига олган техника фани; чизмалар, лойиҳаларни чизиш б-н шуғулланиш. Ч.нинг асосини *геометрия, чизма геометрия* фанлари ташкил этади. Вазифаси — чизмачилик асбобларидан фойдаланиб турли буюмларнинг тасвирларини, лойиҳалар ва эскизларини чизишга, чизилган чизмаларни ўқишга, *аксонометрия* ясашга ўргатиш. Ч.нинг мазмуни ва ҳажми унинг фан ва техниканинг қайси соҳаси учун мўлжалланганлигига қараб аниқланади. Ч. фаннинг бўлимлари: геометрик Ч.; проекцион Ч.; машинасозлик Ч.и, қурилиш Ч.и ва б. Геометрик Ч.да чизмачилик асбоблари, чизмаларни расмийлаштириш, геометрик ясашлар, туташмалар ва эгри чизиқлар ўрганилади. Проекцион Ч.да нуқта, тўғри чизиқ, текис шакллар, геометрик жисмларнинг тасвирларини ясаш ва уларнинг ўзаро вазиятига оид масалалар, аксонометрик тасвирлар ва б. ўрганилади. Машинасозлик Ч.ида чизмаларнинг турлари, кўринишлар, қирқимлар, кесимлар, резьбалар ва б., қурилиш Ч.ида эса бино қисмлари, санитария техникаси буюмларининг шартли белгилари ҳамда бино ва иншоотларнинг чизмалари ўрганилади. Чизмалар (схемалар, хариталар ва графиклар)ни чизиш б-н шуғулланувчи кишилар чизмакашлар деб аталади. Турли соҳаларнинг муҳандислари, конструкторлари ва лойиҳачилари чизмакашликни билишлари шарт.

ЧИЙ (*Lasiagrostis caragana* Trin.) — бошоқдошларга мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Бўйи 2 м гача боради. Апр.—май ойларида гуллаб, мева тугади. Чўл-адирларда, тоғ олди ён бағирларида, қизилқум тоғларининг ўрта минтақаларида ўсади. Ем-хашакбоп ўсимлик бўлиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

ЧИЙ — қамиш ёки саваги поясидан тайёрланадиган маҳаллий қурилиш материали. Ч. 1,5–2 м узунликдаги яхши пишган, ёрилмаган, синмаган ва барг қинидан тозаланмаган қамиш поясидан якка-якка ҳолда қаторлаб каноп ип ёки юмшоқ сим б-н 3 илла қилиб боғлаб (икки чеккаси ва ўртасидан) тўқилади. Шипга қоқилиб, устидан алебастр, гаж ёки сомонли лой б-н сувалади. Бундай шип чийшип деб аталади. Ч. уй-рўзғор ва хўжаликнинг бошқа соҳаларида (кунда айвон олдини қоплаш, тўсиш, узумни сақлаш, ипак қурти боқишда таг тўшама сифатида) ишлатилади. 20-а.нинг 90-й.ларидан шаҳарларда умумий овқатланиш нуқталари атрофларини ўраб тўсишда (чий девор) ҳам Ч.нинг турли шаклларидан фойдаланилмоқда.

ЧИКАГО — АҚШнинг шим. қисмидаги шаҳар, Иллинойс штатида. Аҳолиси 2,9 млн. киши (2002). АҚШнинг йирик транспорт йўллари чорраҳаси. Мичиган кўлининг жан.-ғарбий соҳилидаги порт. Кўлга Чикаго дарёси (Буюк кўллардан Миссисипи дарёсига бирлаштирадиган сув йўли) қуйилиш ерида. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Дунёда энг йирик т.й. узели. Иқтисо-

Чикаго шаҳридаги осмонўпарғич бинолар

дий аҳамияти бўйича Ч. мамлакатда Нью-Йоркдан кейин 2-ўринда. Мамлакатнинг савдо-молия, илмий ва маданий марказларидан. Етакчи тармоғи — оғир саноат (хусусан, металлсозлик), шунингдек, қора ва рангли металлургия, машинасозликнинг турли соҳалари ривожланган. Радиоэлектроника ва электротехника (телефон-телеграф аппаратлари, маиший электртехникаси, радио ва телевизорлар и.ч.нинг муҳим маркази), автомобилсозлик, приборсозлик, авиация саноати корхоналари мавжуд. Турли саноат жиҳозлари, металл конструкциялар, қувурлар, т.й. вагонлари ва локомотивлар ва б. ишлаб чиқарилади. Ч. — мамлакатнинг кимё, нефтни қайта ишлаш, қоғоз, полиграфия, озиқ-овқат саноатларининг йирик марказларидан. Метрополитен қурилган. Ун-тлар, Бадиий ин-т, табиат тарихи, фан ва саноат музейлари бор. Шаҳар ўрнида 1803 й.гача қишлоқ бўлган, 1833 й.дан шаҳар мақомига эга.

ЧИКАГО УНИВЕРСИТЕТИ — АҚШнинг йирик олий ўқув юртларидан бири. 1857 й. ташкил этилган (1886—89 й.ларда ишламаган. Ж.Д.Рокфеллернинг молиявий ёрдами туфайли 1890 й. фаолиятини тиклаган, доимий машғулотлар 1892 й.дан бошланган). 19-а. охирида хотин-қизларга таълим олиш ҳуқуқини берган АҚШдаги дастлабки ун-тлардан бири. 20-а. 1-ярмидан йирик илмий марказ. 1942 й. бу ерда Э.Фарми раҳбарлигида биринчи марта занжирли ядро реакцияси амалга оширилган. Ун-т биол., гуманитар фанлар, физика, тижорат, кутубхоначилик, тиббиёт, пед., ҳуқуқ ва б. соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонаси (1892 й. ташкил этилган)да 3,5 млн. га яқин асар сақланади. Ун-тда 6 мингдан зиёд талаба таълим олади.

ЧИЛ (Perdix perdix) — *товуқсимонлар* туркумининг қирғовуллар оиласига мансуб қуш. Танаси 35 см ча. Вазни 350—600 г. Умумий кўриниши кичикроқ товуқни эслатади. Нарининг усти кулранг-қўнғир, қора чизиқчалари, қорнида тақасимон жигарранг доғи бор. Моласи олмироқ тусда. Европа, Осиё, Жан. - Ғарбий Сибирь ва Ўрта Осиёнинг шарқий ҳудудларида тарқалган. Асосан, дашт ва ўрмон-дашт, дарё қайирлари, галла далаларида қиш ва куз-да тўда, бошқа фаслларда жуфт-жуфт бўлиб яшайди. Уясини ерга ясайди. 12—20 та тухум қўйиб, нари ва моласи навбат б-н 24—25 кун босади. Асосан, ўсимлик уруғлари, мевалари, яшил қисми, ёз ва куз ойларида ҳашаротлар б-н озиқланади. Гўшти мазали, овланади. Овчилик хўжаликларида кўпайтирилади.

Чил.

ЧИЛ АВЛИЁ МИНОРАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (19-а.). Қирқ авлиё масжиди (сақланмаган) ёнида барпо этилган. Минора бал. 17 м. Пишиқ гиштдан, фонусининг тепаси қуббали қилиб қурилган. Танасига оқ ва кўк кошиндан белбоғ қилинган.

ЧИЛАНГАРЛИК — майда буюмлар (устара, қайчи, бигиз, арра, искана каби иш асбоблари)ни ясаш касби; замонавий и.ч. шароитида турли механик амалларни бажариш. Ч. буюмларни аввал хонаки ҳунармандчилик усулларида ишлаб чиқарилган. Чилангарлар, асосан, ўчоқ, дам, бозгон, болға, омбур ва б. асбоблардан фойдаланган. Улар сартарошлик, этикдўзлик, кавуш-маҳсидўзлик, тикувчилик ва дуралгорлик касбларига керакли, шунингдек, бинокорлик учун иш қуроллари ясашган. Ҳозир Ч. маҳсулотлари асосан корхоналарнинг махсус цехларида кўплаб ишлаб чиқарилади. Корхоналардаги Ч. (слесарлик) режалаш, кесиш ёки қирқиш, текислаш ёки тўғрилаш, эгиш, пармалаш, ўйиш, эговлаш, парчинлаш, кавшарлаш, қалайлаш ва б. амалларни ўз ичига олади. Бирор маҳсулотни тайёрлашда бу амалларнинг баъзилари бирин-кетин муайян тартибда бажарилади. Бу тартиб технологик жараён деб аталади. Технологик жараёнлаги амаллар махсус асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, станоклар, кавшарлаш ва пайвандлаш жиҳозлари ёрдамида бажарилади.

ЧИЛДИРМА, чирманда — қ. *Доира*.

ЧИЛЁСИН (чиҳил ёсин; форсча қирқ ёсин) — Қурьонининг *Ёсин* сурасини ўқиш б-н боғлиқ бўлган диний одат. Мусулмон анъанасига кўра, оғир касални тузатиш ёки енгиллаштириш мақсадида Ёсин сураси беморнинг устида 40 марта ўқилиб, унга дам солинади.

ЧИЛИ (Chile) Чили Республикаси (Republica de Chile) — Жан. Америкасининг жан.-ғарбида жойлашган давлат. Майд. 756,9 минг км². Аҳолиси 15,824 млн. киши (2003). Пойтахти — Сантьяго ш. Маъмурий жиҳатдан 13 вилоят (region), жумладан, Сантьяго пойтахт вилоятига бўлинади.

Давлат тузуми. Ч. — республика. Амалдаги конституцияси 1980 й.да қабул қилинган ва 1981 й.дан кучга кирган; 1989, 1994, 2004 й.ларда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан Рикардо Лагос Эскобар), у умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 4 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни сенат ва депутатлар палатасидан иборат Миллий конгресс, ижрочи ҳокимиятни президент амалга оширади; президент ҳукуматга ҳам бошчилик қилади.

Табиати. Ч. шим.дан жан.га Тинч океан соҳили бўйлаб 4300 км га чўзилган, ҳудулининг катта қисмини Анд тоғлари (бал. 6880 м гача), шим.ни Атакама чўли эгаллаган. Мамлакат жан.да Патогония текислиги жойлашган. Ч. ҳудуди таркибига қирғоққа яқин бир неча орол, Оловли Ер о.нинг ғарбий қисми ҳамда Тинч океандаги баъзи ороллар (Пасха о. ва б.) киради. Рельефида 3 бўйлама минтақа яққол кўринади: шарқда Андининг Бош Кордильера тоғлари, ғарбда соҳил бўйи Кордильера тизмаси ва тог оралиғи ботиғида Бўйлама водий бор. Ч.да вулкан кўп; тез-тез зилзилалар бўлиб туради. Ч. ҳудудида мис, табиий селитра, молибден, соф олтингугурт, темир руд.аси, марганец, кўргошин, олтин, кумуш, тошкўмир, рух, барит, нефть, газ конлари бор. Иқлими шим. қисмида тропик чўл иқлими (йиллик ёғин 50 мм дан кам). Субтроник Ўрта Ч.нинг шим.да иқлим қуруқ (йиллик ёғин 100—200 мм), марказида ўрта ленгиз иқлими, қишда ёмғир ёғади (Сантьяго шда йиллига 350 мм), жан.да нам субтроник иқлим (йиллик ёғин 2000—2500 мм). Жанубий Ч.да иқлим мўътадил океан иқлими, ёғин кўп ёғади (йилига 3000—7000 мм). Тоғларда музликлар бор. Ўртача ойлик т-ра шим.да 12—16° дан (июлда) 18—22° гача (январда), марказида 8—20°, жан.да 8—15°. Деярли ҳамма дарёлари жуда қисқа ва Тинч океан ҳавзасига мансуб. Шимолий Ч.да Лоа дарёсидан бошқа оқар сув йўқ. Жан.да эса дарёлар йил давомида сероув. Шимолий Ч.да тупроқ ва ўсимлик қоплами яхши ривожланмаган. Ўрта Ч.нинг шим. чала чўл, марказида сур жигарранг ва жигарранг тупроқларда кserофил буталар ўсади. Анд тоғларининг ўрта ён бағирлари қорақайин ўрмонлари б-н қопланган, ундан юқорироқ тог даштлари. Ўрта Ч.нинг жан.даги қўнғир ўрмон ва ботқоқли тупроқларда қалин ўрмонлар. Анд тоғларида қорақайин-игна баргли ўрмонлар ва альп ўтлоқлари бор. Жан.да субантарктика аралаш ўрмонлари, чекка жан.да ботқоқлашган ўтлоқлар ва торфли ерлар учрайди. Ҳайвонот дунёси хилма-хил. Ч. шимолида агуарачай тулкиси, пума, судралиб юрувчилар, жан.да пуду ва уэмул бугулари, америка сассиққўзани, сувсар, мегеллан тулкиси ва б. яшайди. Ч.да Вильяррика, Бернардо-О' Хиггинс, Альберто-Агостини, Лос-Парагуас, Перес-Росалес ва б. миллий боғлар ҳамда қўриқхоналар ташкил этилган (жумладан, Пасха ва Хуан-Фернандес о.ларида).

Чили гербн.

Аҳолисининг 90% чилилар. Мамлакатнинг туб аҳолиси араукан, кечуа ва аймара индейсларидир. Расмий тил — испан тили. Диндорларининг аксарияти католиклар. Шаҳар аҳолиси 86%. Йирик шаҳарлари — Сантьяго, Вальпарансо, Винья-дель-Мар.

Тарихи. Ч. ҳудудида қадимдан индейс қабилалари яшаган. 15-а.да мамлакатнинг шим. қисмини *инклар* эгаллаб олди. 16-а.нинг 30-й.ларида Ч.га испан конкистадорлари бостириб кирди. 16-а.нинг ўрталарида Ч. ҳудуди Испаниянинг Перу вице-қироллиги таркибига кирган. 1810 й. июлда испанлар зулмига қарши халқ қўзғолони бошланди. 18 сент.да миллий ҳукумат хунтаси ташкил топди. Америка қитъасидаги Испания мустамлакаларининг мустақиллик учун олиб борган уруши йилларида (1810—26) Ч. мустақиллиги эълон қилинди (1818 й. 12 фев.). 1823 й. қулчилик бекор қилинди. 19-а. ўрталаридан Ч.га чет эл сармоялари кириб кела бошлади. 1865—66 й.ларда Ч. Перу, Боливия ва Эквадор б-н биргаликда Испанияга, 1879—84 й.ларда Буюк Британия ёрдамида Перу ва Боливияга қарши уруш олиб борди. Натижада бу давлатларнинг селитра захираларига бой ҳудудлари Ч.га ўтди. Бу мамлакатда кончилик саноатининг ривожланишига имкон яратди. 1-жаҳон уруши йиллари (1914—18) Ч. бетарафлик эълон қилди. 1927 й.ги давлат тўнтариши натижасида мамлакатда ҳарбий диктатура ўрнатилди. Сиёсий партиялар, ишчи ва касаба уюшма ташкилотлари фаолияти тақиқланди. 1936 й. Ч.да Коммунистик, Радикал ва Социалистик партиялар ташаббусида Халқ фронти тузилди ва унинг номзоди П. Агирре Серда 1938 й.даги президент сайловида ғалаба қозонди. Ҳукумат бир қанча ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга оширди. 1941 й. ўнг социалистларнинг сотқинлиги туфайли Халқ фронти тарқалиб кетди. 2-жаҳон уруши йиллари (1939—45) Ч. Германия (1945 й. фев.) ва Япония (1945 й. апр.)га қарши уруш эълон қилган бўлса ҳам амалда урушда қатнашмади. 1947—58 й.лар ҳокимияти диктаторлик режими бошқарди. 1956 й. Чили КП (1922 й. тузилган) ва Социалистик партияси (1933 й. асос солинган) Халқ ҳаракати фронтини, 1969 й. Коммунистик, Социалистик ва б. сўл партиялар Халқ бирлиги блокини ташкил этдилар. Халқ бирлиги блоки номзоди С. *Альенде Госсенс* сайловларда ғалаба қозониб, мамлакат президентлигига сайланди. 1973 й.даги ҳарбий тўнтариш пайтида Альенде ўлдирилди ва ҳокимият тепасига А.Пиночет бошчилигидаги ҳарбий хунта келди. У 15 й.дан ортиқ вақт давлатни бошқарди.

Чили байроғи.

Бу даврда оммавий репрессиялар авж олдирилди; шу б-н бирга мамлакат иқтисодиёти Жан. Америкадаги давлатлар ўртасида олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Бу Ч.га халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш имкониятини яратди. 1989 й.ги демократик сайловлар натижасида А.Пиночет ҳокимиятдан кетди ва 1990 й.дан мамлакатни демократик йўл б-н бошқариш шакли ўрнатилди. Ч. 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1992 й. 18 мартда тан олган ва 1994 й. 16 сент.да дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 18 сент. — Мустақиллик куни (1810).

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Ч. Коммунистик партияси, 1922 й. тузилган; Демократия учун кураш партияси, 1988 й. ташкил этилган; Миллий янгиланиш партияси, 1987 й. тузилган; Ч. радикал социал-демократик партияси; Ч. социалистик партияси, 1933 й. ташкил этилган; Христиан-демократик партия, 1957 й. тузилган; Ч. бирлашган социалистик партияси. Ч. меҳнаткашлари бирлашган касаба уюшма маркази, 1988 й. Чили меҳнаткашлари ягона касаба уюшмаси маркази (1953) негизида ташкил этилган.

Хўжалиги. Ч. Лотин Америкасидаги иқтисодий жиҳатдан нисбатан ривожланган мамлакатлардан бири. Ялпи ички маҳсулотда қ.х. ва балиқ овлаш улуши 6,4%, саноатники 38,8%, хиз-

Чили жанубидаги океан соҳили.

мат кўрсатиш тармоғиники 54,8% ни ташкил этади.

Саноати. Ч. мис қазиб олиш бўйича дунёда олдинги ўринларда туради (йилига ўртача 2488 минг т). Шунингдек, табиий селитра, молибден, нефть, темир рудаси, олтин, кумуш, табиий газ, тошкўмир қазиб олинади. Йилига ўртача 25,2 млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади. Саноатнинг озиқ-овқат ва енгил саноат тармоғи ривожланган. Машинасозлик, қора ва рангли металлургия, кимё, нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси, целлюлоза-қоғоз саноати ривожланмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи деҳқончилик. Бугдой, арпа, маккажўхори, картошка, лукакали дон экинлари экилади. Боғдорчилик (олма, цитрус мевалар, шафтоли) ва токчилик ривожланган. Қанд лавлаги, зиғир, тамаки, зайтун етиштирилади. Чорвачиликда қорамол, қўй, эчки, чўчқа, йилқи боқилади. Йирик шаҳарлар атрофида сут чорвачилиги ривожланган. Денгиздан балиқ ва денгиз жониворлари овланади. Ўрмонда ёғоч тайёрланади.

Транспорти. Мамлакат ичкарисида юк ташишда автомобиль транспорти етакчи ўринда. Автомобиль йўллари уз. 79,8 минг км. Т.й. узунлиги 6,6 минг км. Ташқи савдо айланмасининг асосий қисми денгиз транспортига тўғри келади. Муҳим денгиз портлари: Уаско, Вальпараисо, Токопилья. Сантьяго ш.да халқаро аэропорт бор. Ч. четга мис, балиқ ва денгиз маҳсулотлари, қ.х. маҳсулотлари, селитра, қоғоз, йод чиқаради; четдан нефть, кимё буюмлари, электрон ва машина жиҳозлари олади. Ташқи савдода АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Аргентина, Бразилия, Япония, Мексика б-н ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — чили песоси.

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Ч.да врачлар ун-тларининг тиббиёт ф-тларида тайёрланади.

Мамлакатда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун 8 йиллик мажбурий таълим жорий этилган. Асосий деб номланган бошланғич мактабда ўқиш 8 й., ўрта мактабда 4 й. Асосий мактаб негизида 4 йиллик ҳунар-техника мактаблари ва пед. билим юртлари ишлайди. Мамлакатда 8 ун-т бор. Йириклари: Чили ун-ти (1843), Техника давлат ун-ти (1947), Католик ун-т (1888); ҳаммаси Сантьяго ш.да. Шунингдек, 3 олий коллеж, консерватория ва амалий санъат мактаби мавжуд. Илмий муассасалар, асосан, Сантьяго ш.да жойлашган. Ил.лар Чили бактериология ин-ти (1929), метеорология хизмати (1894), ҳарбий геогр. ин-ти (1922), геогр., геодезия ва геофизика миллий қўмитаси (1955), гидрография ин-ти (1874, Вальпараисо), геол. ин-ти (1957), Антарктида ин-ти (1963), ядро энергиясини ўрганиш миллий маркази, Океанография ин-ти (1945, Вальпараисо), Лебу илмий ин-ти (1945, арауканлар тарихини ўрганади), Ч. академияси (1855), Ч. Табиий фанлар академияси (1926), Ч. тарих академияси (1940), Чили ФА (1964)да олиб борилади. Йирик кутубхоналари: Ч. миллий кутубхонаси (1813), Чили ун-тининг марказий кутубхонаси; иккови ҳам Сантьяго ш.да. Музейлари — Миллий тарих музейи, Нафис санъат миллий музейи, Пед. музейи, ҳоз. замон санъати музейи, америка халқи санъати музейи ва б.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Ч.да бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Асосийлари: «Аналисис» («Таҳлил», ҳафталик жур., 1977 й.дан), «Меркурио» («Меркурий», кундалик газ., 1827 й.дан), «Насьон» («Миллат», кундалик газ., 1917 й.дан), «Ой» («Бугун», ҳафталик жур., 1977 й.дан), «Сегунда» («Секунда», кундалик кечки газ., 1931 й.дан), «Терсера» («Чорак», кундалик газ., 1950 й.дан), «Ультимас нотисиас» («Сўнгги ахборот», кундалик газ., 1902 й.дан). Орбе Сервисиос Информатиос (ОСА) ҳукумат ахборот агентлиги 1953 и. февр.да тузилган. Ч. янгиликлар агентлиги, 1993 и. асос солинган. Ч. радиост-я ассоциацияси 1936 и. да ташкил этилган, 455 радиост-яни бирлаштиради. Ч. — 7 канал миллий телевидениеси ҳукумат маҳкамаси бўлиб, 145 ст-яни бирлаштиради. Бир қанча тижорат радио ва телевидение ст-ялари бор.

Дарёлари бозор.

Адабиёти. Ч.ни Испания босиб олгандан бери испан тилида ривожланмоқда. Испаниялик А. де Эрсилья-и-Суньига (1533—94)нинг «Араукана» достони (1—3 қисмлар, 1569—89) 16-а.да яратилган энг йирик асар ҳисобланади (унда арауканларнинг испан мустамлакачиларга қарши кураши акс эттирилган). Бу даврда креоллар фольклори испан халқ шеърияти асосида ривожланди. Америкаларни Испания мустамлакаларининг мустақиллик учун кураши даври (1810—26)да публицистика асосий жанр бўлиб қолди. Биринчи Ч. газетаси — «Аурора де Чиле» («Чилининг тонги шафаги»)нинг асосчиси К.Энрикес бу жанрда ижод қилган ижодкорларнинг ёркин вакилидир. Миллий драматургия асосини М.Магальянес яратди. 1818 й. Чили мустақилликка эришгач, Лотин Америкаси мамлакатларидаги кўп адиблар Ч.да яшаб ижод қилдилар. Венесуэла ёзувчиси, олим ва давлат арбоби А.Белло, аргентиналик ёзувчи, жамоат арбоби ва маърифатпарвар Д.М.Сармьянто ва б. ижоди Ч. маданияти ривожида муҳим роль ўйнайди. Ч. жамоат арбоби, олим ва адиб Х.В.Ластаррия (1817—88) Ч. адабиёт жамғармасини ташкил этиб (1842), миллий адабиётни яратиш вазифасини қўйди. 19-а. 1-ярмида шеърият романтизм руҳида ривожланди (С.Санфуэнтос, Э.Лильо ва б.). Насрда костумбризм етакчи йўналиш бўлиб қолди. 19-а. ўрталарида танқидий реализм майдонга келди. А.Блест Гана (1830—1920) унинг йирик вакилидир. 19-а. охири — 20-а. бошларида П.А.Гонсалес Бастиас, М.Хара ва б. шеъриятда янги бадиий шаклларни излай бошладилар. Бунга маълум даражада никарагуалик шоир Р.Дарио ижоди таъсир кўрсатди. 1920-й.ларда Г.*Мистрал*, В. Уйдобро каби шоирлар самарали ижод қилдилар. 30-й.ларда шоир П. *Неруда* ижоди чуқур эволюцияни бошидан кечирди. Шу даврда ижод қилган Ф. Гана, Ф.Сантиван, Л.Дуран ва б. ўз асарларида деҳқонлар ҳаётини акс эттирдилар. Деҳқонларнинг синфий кураши Р.Ломбой, М.Герреро романларида, ишчилар ҳаёти, уларнинг фаровон келажак учун кураши Н. Гусман, А.Сабельи, Д.Муньос, Г.Сентено, В.Тейтельбойм романларида ўз ифодасини топди. Ф. Колоан, М.Рохас, Г.Атиас насрий асарлари ижтимоий муаммоларга бағишланди. 1960—70 й.ларда снёсий қўшиқлар жанри кенг тарқалди. В. Хара бу жанрда ижод қилган ижодкорларнинг ёркин вакилидир. Мамлакатда ҳарбий хунта ҳокимият тепасига келгач (1973), кўп адиб ва шоирлар таъқиб остига олинди. Мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлган адиблар ўз асарларида Ч. фожиасини акс эттирдилар (А.Скармет, В.Тейтельбойм романлари ва б.).

Меъморлиги. Ч. ҳудудида яшаган индейсларнинг қад. санъатидан қалъалар, баланд тош девор б-н ўралган 1—2 қаватли уйлардан иборат қишлоқ харобалари сақланган. 16-а.дан форт, шаҳар ва черковлар, ички ҳовлиси бўлган 1 қаватли уйлар қурилди. 18—19-а.ларда барокко ва классицизм услубида шаҳар бинолари, черков ва саройлар барпо этилди (меъморлар Х. Тоэска-и-Ричи, М. де Хара Кемада). 19-а. Ч. меъморлигида эклектизм, 20-а. бошларида модерн услуби қарор топди. 20-а.нинг ўрталарида шаҳарлар қайта қурилди, замонавий меъморий иншоотлар, жумладан, «Гонсалес Кортес» (1960—63, меъмор С.Гонсалес ва б.), «Порталес» (1961—63, меъмор К.Брешани ва б.) турар жой мажмуалари, Сантьягода Технология ин-ти (1962—65, меъмор К.Брешани ва б.) бунёд этилди.

Тасвирий санъати. Индейсларнинг қад. маданияти Перу маданияти б-н боғлиқ. Турли шаклларда ясалган ва раем солинган сопол идишлар, металл тақинчоқлар, одам ва ов манзараларининг қоятошларга ишланган тасвири сақланган. Бу анъаналар тўқувчилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлигида ўз аксини топган. 18—19-а.ларда манзара рассомлиги ва ҳайкалтарошлиги, гравюра ривожланди (А.Сантелисее). 19-а. ўрталарида портретчилар Ф.Х.Мандьола, А.Гана, 19-а. 2-ярмида рассомлар П.Лира ва М.А.Киро ижод қилдилар. Рассомлар А.Валунсуэла Льянос, Э.Пласа, ҳайкалтарошлар Н.Плаза, В.Ариас 19- ва 20-а.нинг реалист усталари бўлган. 20-а.да Ч.да турли модернистик оқимлар (кубизм, сюрреализм, абстракционизм) кенг тарқалди. К.Эрмосилья Альварес, Г.Нуньес, П.Льбос, Х.Эскамес каби рассомлар, Л.Домингес, С. Роман Рохас каби ҳайкалтарошлар реалистик анъаналарда ижод қилдилар.

Мусиқаси. Ч.нинг қад. мусиқа маданиятини туб жой аҳолиси авлодлари, аввало, арауканлар сақлаб келмоқдалар. Уларнинг асосий мусиқа асбоблари: зарбли — барабан (культрун), шакилдоқ (уада); пуфлама — трутрука, лолкинь, пифолька. Креоллар халқ мусиқаси аргентина халқ мусиқасига яқин. Қўшиқ-рақс жанрлари — куэка, куандо, қўшиқ жанри — тонада (якка ижро этиладиган лирик қўшиқ). Мусиқа чолғу асбоблари — гитара, арфа, гитаррон. 19-а. Сантьягода филармония жамияти тузилди (1827), мусиқа мактаби очилди (1849; 1851 й.дан консерватория). Композиторлардан М.Роблес Ортис де Сарате (19-а.), К.Лавин, П.У. Альенде Сарон, Х.Уррутиа Блондель, Э.Соро, Д.Санта-Крус Вильсон (20-а.), дирижёрлар А.Карвахаль, В.Тева, пианиночилар К.Арроу, Х.Рейес, скрипкачи П. д' Андурайн машҳур. Сантьягода Ч. симфоник оркестри (1941 й. ташкил этилган), Муниципал симфоник оркестри (1955), Торли квартет (1954), Ч. миллий балети (1957), шунингдек, Миллий консерватория ишлайди.

Театри. Профессионал театр сарчашмалари Ч. ҳудудида яшаган индейсларнинг халқ маросимларидан бошланади. 17—18-а.ларда Сантьяго ва Консепсьон ш.ларидаги тўй маросимларида спектакллар қўйилган. 1709 й. Сантьягода биринчи театр биноси қурилди. Бу театрда, асосан, испан драматурглари — Лопе де Вега, А.Морето, Х. Руис, Л.Сагрело пьесалари саҳналаштирилди. 1791 й. Вальпараисо ш.да театр барпо этилди. 1815 й. Сантьягода «Колиссео» театри очилди. Ч. мустақилликка эришгач, 1818 й. Сантьягода «Ромада» театри ишлай бошлади ва

Сантьяго шаҳри.

унда миллий драматург М.Магальянес асарлари қўйилди. 1842 й. Чили ун-ти ҳузурида театр (1857 й.дан муниципал театр), 1848 й. «Республика театри» ташкил этилди. 19-а. Чили театри тараққиётида аргентиналик драматурглар — К.Бельо, Р. Минньелелар муҳим роль ўйнайди. 20-а.нинг 1-ярмида мамлакатнинг кўп шаҳарларида ҳаваскорлик жамоалари пайдо бўлди. 1939 й. Сантьягода Кичик ун-т театри, 1941 й. Чили ун-тининг тажриба театри (ҳоз. Чили ун-ти ҳузуридаги театр ин-ти) тузилди. 1946 й. Сантьягода Саҳна санъати халқ мактаби очилди. 50-й.ларда Р.Фронтаур, В.Варгас, А.Флорес раҳбарлигида театр гуруҳлари юзага келди. Шунингдек, «Театро мунисипаль», «Ателье», «Театро мимико» театрлари ишлайди. 20-а.нинг 50—60-й.ларида театр репертуарларидан Х. Диас, И.Агирре, Е.Бунстер, Д. Баррос Грес ва б. драматургларининг пьесалари, жаҳон классик ёзувчиларининг асарлари ўрин олди. Мамлакатда ҳарбий хунта ҳокимият тепасига келгач (1973), кўп театр арбоблари қамоқхоналарда ҳалок бўлдилар, хорижга кетишга мажбур бўлдилар ва ўша ерда театр жамоаларини туздилар. Жумладан, 1976 й. Францияда «Алеф» театри, 1980 й. Швецияда Сандино номидаги Лотин Америкаси театри (чилилик театр арбоби И.Контильяно раҳбарлигида) пайдо бўлди.

Киноси. Ч.да биринчи ҳужжатли хроникал фильм 1907 й. яратилди. 20-а. бошларида Сантьяго ва Вальпараисо ш.ларида «Жамбастиани-фильм», «Чиле-фильм» ва б. кинофирмалар ишлай бошлади. 1934 й. биринчи овозли фильм («Шимол ва жануб», реж. Х.Делано) яратилди. 30-й.ларнинг 2-ярмида, асосан, қисқа метражли, хроникал ва ҳужжатли фильмлар экранга чиқди. 40-й.ларда тижорат фильмлари б-н бирга реж. Х.Деланонинг «Крильонлик қиз» (1941), «Голливуд» (1944) фильмлари намойиш этилди. 1957 й. Сантьяго ун-ти ҳузурида кино ин-ти очилди. 60-й.ларнинг энг яхши фильмлари: «Қонли селитра» (1969, реж. Э.Сото), «Биз яшайдиган уй» (1970, реж. П.Каулен) ва б. 1970-й.лар бошида Лотин Америкаси киноси олтин фондига кирган «Ўртоқ президент» (1970, реж. М.Литтин), «Овоз ва милтиқ» (1971, реж. Э.Сото), «Гувоҳлар» (1971, реж. К.Эльсессер) ва б. фильмлар яратилди. Ҳокимият ҳарбий хунта қўлига ўтгач, илғор кино арбоблар таъқибга учради. 70-й.ларнинг охирида Ч.нинг тараққийпарвар реж.лари четэлда бир қанча фильмлар яратдилар [«Буни унутиб бўлмайди» (1975, реж.лар М.Мальет, Х.Фахардо, Р.Гонсалес), «Марусия конидаги воқеа» (1976, реж. М.Литтин) ва б.].

ЧИЛИ АРХИПЕЛАГИ — Тинч океандаги бир нечта тоғли ороллар гуруҳининг умумий номи. Чилининг жан.-ғарбий қирғоқлари яқинида. Йирик ороллари: Чилоэ, Уэллингтон, Санта-Инес (энг баланд жойи 1341 м). Тез-тез зилзила бўлиб туради. Қирғоқлари қўлтиқ ва бухталар б-н кучли парчаланган. Ўрмонлари паст бўйли барг тўкувчи дарахтлардан иборат, ботқоқ ва яйлов ўсимликлари ўсади. Аҳоли ўрмончилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланади. Бош шаҳри ва порти — Анкуд (Чилоэ о.да). Миллий парклар ташкил этилган.

ЧИЛИ ЗИЛЗИЛАСИ — 20-а.нинг энг даҳшатли ер қимирлашларидан бири. У тарихга «Чилидаги ҳалокат» номи б-н кирган. Зилзила 1960 й. 21 май шанба куни маҳаллий вақт б-н соат 5 дан 15 мин. ўтганда бошланган. Аввалига бир неча кучли тебраниш (форшоклар) бўлган. Улар одатдаги зилзилаларга ўхшаш бўлганлиги учун унчалик хавф-хатар уйғотмаган. Лекин эртаси куни 22 май соат 3 ларда рўй берган асосий зилзила Жан. Американи ларзага келтирган. Анд тоғларининг уз. 1000 км ва эни 300 км ли катта бўлаги (блоки) деформация туфайли бир вақтда ҳаракатга келиши бир неча зилзила ўчоқларини ҳосил қилган. Булар ичида энг ҳалокатли ер қимирлаш ўчоғидан магнитудаси 8,5 га тенг бўлган энергия ажралиб, эпицентрда сейсмик тебранишлар кучи 11 баллдан ошган. Натижада Арауко я.о.даги қишлоқлар ва Консепсьон ш. тиклаб бўлмас даражада харобага айланган. Шунингдек, Вальдивия, Пуэрто-Монт, Кастро, Чильян каби бошқа бир қанча шаҳарлар 11 балли зилзиладан вайрон бўлган. Пуэрто-Монтда тебраниш қудрати шу қадар кучли бўлганки, портнинг бетон тўсиқлари, порт кранлари, 40 т ли вагонлар, ҳатто товар омборхоналари денгизга суриб ташланган. Ер юзасининг баъзи жойлари одам бўйи чўкиб, баъзи жойлари тик кўтарилган. Зилзиладан ҳосил бўлган сейсмик тўлқинлар Ер шарини бир неча марта айланиб чиққан. Шу сабабли Тинч океанда *цунами* пайдо бўлган, вулканлар, тоғ кўчкилари ҳаракатга келган ва 200 минг км² майдонни хонавайрон қилган. Ҳалокатга учраган жойлардаги 352,5 минг иморатдан 58,7 мингтаси ер б-н яксон бўлган, қолганлари яроқсиз ҳолга келган. Қурбон бўлганлар сони 6000 га етган. Зилзила содир бўлган океандаги сув тўлқини 6 м кўтарилиб, соатига 640 км тезлик б-н Гавайи о.лари ва Япония қирғоқларига етиб борган, юзлаб одамларни ҳалок қилган. Зилзила 8 кун мобайнида 3 марта қаттиқ тебранишлар (афтершоклар) б-н давом этган.

Ад.: Иброҳимов Р., Кучли зилзилалар изидан, Т., 1982.

ЧИЛИ СОЙЛИГИ — Тинч океаннинг жан.-шарқий қисмидаги сойлик. Шарқда Чили нови, шим.-ғарбда Сала-и-Гомес ва Наска сув ости тизмалари, жан.-ғарбда Ғарбий Чили тизмаси б-н чегараланади. Шим.дан жанубга 1700 км га, шарқдан ғарбга 2400 км га чўзилган. Чуқ. 3500—4000 м, энг чуқур жойи 5537 м. Баъзи тизмаларининг чўққилари сув юзасидан ороллар кўринишида кўтарилиб туради.

ЧИЛИЛАР — халқ, Чилининг асосий аҳолиси (11,4 млн.дан ортиқ киши). Умумий сони 11,78 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Испан тилида сўзлашади. Диндорлари — католиклар. Ч. испан босқинчилари б-н маҳаллий индейс аҳоли — араукандар, диагитлар ва б.нинг қўшилиши натижасида шаклланган. Ч.нинг аксарияти деҳқончилик, чорвачилик, кончилик, қайта ишлаш саноатида банд.

ЧИЛИМ — тамаки солиб чекиладиган асбоб. Қадимдан Ўрта Осиёда, шунингдек, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Афғонистонда кенг тарқалган. Асосан, қовоқнинг алоҳида навидан, баъзан, металл (мис, бронза, кумуш ва б.)дан тайёрланади. Унинг ташқи томони турли ҳандасий шакллар ва нақшлар б-н безалади. Ичига сув солинадиган идиш, унга уланган най (қамиш ёки ёғочдан), тик ўрнатилган найча қўйиладиган сархона ва ўтхонадан иборат шаклга эга. Ч. чекиш киши соғлиги учун ўта зарарли.

Чилим.

ЧИЛКАКЛИК (Ammoperdix griseogularis) — *қирғовуллар* оиласига мансуб қуш. Оғирлиги 200 г ча. Нари кулранг-сарғиш, пушти тусда. Биқинида жигарранг ва қора йўллари бор, пешонаси ва кўзининг атрофи ҳам қора. Тумшуғи қизғиш, оёғи бўғиқ сариқ. Моддаси олмиpoқ. Ироқ, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистонда тарқалган. Тоғ олди, қир адирли қояташли жойларда яшайди. Уясини ерда ясайди; 8—16 та тухум қўяди. Моддаси уларни 3 ҳафтага яқин босади. Ўсимликлар уруғи, куртаги, баъзан ҳашаротлар б-н озиқланади. Овланади.

Чилкаклик.

ЧИЛЛА (форс-тож. — қирқ) — турмушдаги баъзи ҳодиса-ҳолатларнинг энг оғир, хатарли ёки масъулиятли даврини англатувчи тушунча. Ч., одатда, 40 кун ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудида ёз Ч.си ёки ёзги Ч. 25 июндан 5 августгача, қиш Ч.си ёки қишки Ч. 25 декабрдан 5 февралгача давом этади. Ч. она ва чақалоғи ҳаётининг туғруқдан кейинги (қ. *Чилла даври*), келин-куёв турмушининг никоҳдан кейинги 40 кунлик даврларига ва б.га нисбатан ҳам қўлланилади (20 кунлик давр кичик Ч. деб юритилади).

ЧИЛЛА ДАВРИ — *туғруқ*дан (йўлдош тушгандан бошлаб) кейинги 6—8 ҳафтагача бўлган давр. Туғруқдан кейинги биринчи соатлар (1 суткагача) эса илк чилла даври ҳисобланади. Бу муддатда кўп қон кетиш ҳолатлари кузатилади, шу сабабли алоҳида эътибор ва кузатув талаб этилади. Халқ табобатида Ч.д. 40 кун ҳисобланиб, шундан 20 куни кичик чилла, 20 куни катта чилла дейилади. Туғруқдан сўнг аёл организмининг асли ҳолига қайтиши, чақалоқнинг она сути б-н озиқланишини, нормал ўсишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда кўзи ёриган аёлга Ч.д. учун жами 106 кун (туғруқдан олдин ва туғруқдан кейин) декрет отпускаси белгиланган, кейинчалик бола 2 ёшга киргунча нафақа тўлаш, аёлнинг хоҳишига кўра бола 3 ёшга тўлгунича иш жойи сақланган ҳолда бепул отпуска бериш қонунлаштирилган.

Ч.д.да ҳомиладорлик, туғруқ даврида аёл организми (аъзо ва системалари)да содир бўлган физиологик ўзгаришлар аслига қайтади (инволюция). Ч.д.нинг 1—2-куни бачадон туби киндик рўпарасида (қовдан 12 см юқорида) туради. Ч.д.нинг 10—12 куни давомида бачадон қисқариб, туби одатдагича қов суяги ортига ўтади. Ч.д.нинг дастлабки кунлари бачадон оғирлиги 1000 г бўлса, 8-ҳафта охиригача камайиб, 50—60 г га тушади. Бачадон бўйнининг ички тешиги туғруқдан кейин, ташқи тешиги 3-ҳафтада беркилади. Бачадон қисқараётган даврида шиллиқ қавати ҳам тикланиб, аста-секин бачадон ички юзасини қоплаб боради. Ч.д.нинг 3-ҳафтасига келиб, бачадоннинг эпителий қавати тўла тикланади. Бу жараён тугаллангунга қадар туғруқ вақтида бачадон ички юзасида ҳосил бўлган жароҳатлардан Ч.д.га хос ажралма — лохиялар келиб туради. Лохиялар Ч.д.нинг 3—4-куни қонли, қип-қизил бўлиб, кейин рангсизланади ва камайди, 5—6 ҳафтага бориб тўхтайди. Ч.д.да қин (дилоқ) тонуси тикланади, ташқи жинсий аъзолар, қин ва бачадон бўйнининг чақаланган, йиртилган, шилинган жароҳатлари битади. Бачадоннинг чўзилган бойламлари секин-аста калталаниб, бачадон найлари ва тухумдонлар одатдаги ҳолига келади.

Ч.д.нинг 2—3-куни *сут безлари*дан сут (туғруқнинг 15—18-кунигача *оғиз сути*, кейин одатдаги сут) ажрала бошлайди (қ. *Лактация*). Нормал ўтаётган Ч.д.да чиллали аёлнинг умумий аҳволи яхши: *пульси* текис, тўла, баъзан сийрак (физиологик брадикардия), артериал босими ва тана т-раси нормал ёки шунга яқин (гоҳо янги бўшанган аёл т-раси бир оз кўтарилиши ҳам мумкин) бўлади. Ч.д.да ташқи жинсий аъзолар ва сут безларини ҳар куни тозалаб туриш, *асептика, антисептика* қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур. Чунки аёл жинсий йўлларидаги туғруқ жароҳатлари, кўкрак сўрғичидаги ёриқлар орқали организмга инфекция кириши ва *чилладаги септик касалликлар* ривожланиши мумкин.

Ч.д.да соғлом аёлларга туғруқнинг 2-куниданоқ организмни бақувватлаш, бачадон қисқаришини тезлаштириш мақсадида махсус гимнастика машғулотлари комплекси белгиланади. Ч.д.нинг 1—2-куни соғлом аёлга енгил ҳазм бўладиган овқатлар (сут, манний бўтқаси, қаймоқ, қандли чой, кофе), 3-кундан бошлаб одатдаги калорияли сервитамин овқатлар тавсия қилинади. Ч.д.да аёл аччиқ, шўр, ўткир дориворли ва бадҳазм таомлар истеъмол қилмаслиги, спиртли ичимлик ичмаслиги керак. Нормал кечаётган Ч.д.нинг 4—5- куни туққан аёл туғруқхонадан чиқарилади. Гавда т-раси юқори, шамоллаган, йирингли тери касаллиги ва б. инфекцион касаллиги бор аёллар туғруқхонанинг махсус бўлимига ўтказилади.

Ад.: Бодяжина В.И., Акушерлик (Дарслик), Т., 1971.

ЧИЛЛА ЯРА — гўдакларда учрайдиган тери касаллиги (қ. *Экзема*).

ЧИЛЛА ЎТИРИШ — суфийларга ва муридларга хос одат. Муриднинг 40 кун давомида уйдан чиқмасдан тоат-ибодат қилиши тушунилади. Йирик суфий намояндаларининг қароргоҳлари (мас., Туркистон ш.даги Аҳмад Яссавий, Бухоро яқинидаги Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари)да Ч.ў. учун алоҳида ҳужралар бўлган. Ч.ў. вақти диндор томонидан олдиндан ният қилинган бўлади. Бу эътикоф деб ҳам аталади.

ЧИЛЛАДАГИ СЕПТИК КАСАЛЛИКЛАР — *чилла даври*да учрайдиган инфекцион касалликлар. Буларни хилма-хил микроорганизмлар — стафилококк, стрептококк, ичак таёқчаси, пневмококк, клебсиелла, кўк йиринг таёқчаси, гонококк, анаэроб қўзғатувчилар ва ҳ.к. қўзғатади. Сўнгги йилларда Ч.с.к.га хламидиялар, замбуруғлар, вируслар кўпроқ сабаб бўлмоқда. Қўзғатувчилар жинсий йўлларга аксарият оғир кечган туғруқда (айниқса, операция қилиб туғдиришда) вужудга келган жароҳатлар орқали, шунингдек, нормал туғруқ вақтида юзага келган (йўлдош кўчгандан сўнг бачадоннинг ички юзаси, бачадон бўйни, қин ва оралиқнинг шилинган, йиртилган, эзилган жойлари) шикастлардан киради. Микроблар жароҳат юзасига ташқи (экзоген инфекция) ва ички (эндоген инфекция) йўллар б-н (мас., стерилланмаган қўл, парвариш буюмлари, кийим-кечак, ҳаво орқали ҳамда аёл организмида мавжуд микробларнинг ташқи жинсий аъзолардан, шунингдек, қон ва лимфа орқали) ўтади. Организмга кирган инфекциянинг таъсири 2—3 кундан кейин намоён бўла бошлайди. Ч.с.к. бошланганда дастлаб жароҳат юзаси яллиғланади. Касалликнинг ривожланиши, авж олиши, микробнинг кўпайиб тарқалиши аёл организмининг ҳимоя қувватига ҳамда микробларнинг фаоллигига боғлиқ. Бунда аёлнинг турли экстрагенитал касалликлари (инфекцион, яллиғланиш касалликлари, юрак-томир, эндокрин система патологиялари, моддалар алмашинувининг бузилиши, камқонлик), ҳомиладорлик ва туғруқ патологияларининг аҳамияти катта. Инфекцион ва яллиғланиш касалликлари бевосита инфекция манбаи бўлиб хизмат қилади. Турли соматик касалликлар эса аёл организмининг заифлашуви ва шу сабабли инфекцияга берилувчанлигига олиб келади.

Касалликнинг кечиши ва микробнинг организмда тарқалишига кўра

Ч.с.к.нинг 4 босқичи фарқланади. 1-босқичда инфекция фақат тутруқ жароҳати соҳасида чегараланади (чилладаги *эндометрит*; оралиқ қин, бачадон бўйнидаги чилла яралар); 2-босқичда (инфекция жароҳат соҳасидан четга чиқади) чаноқ бўшлигидаги аъзолар зарарланади (*метрит, параметрит*, чаноқ ва сон веналари *тромбофлебити*, бачадон ортиқлари (сальпингоофорит) ва чаноқ қорин пардасининг яллиғланиши (пельвиоперитонит); 3-босқичда ялпи (диффуз) *перитонит* ва авж олувчи тромбофлебит, септик шок; 4-босқичда септик инфекция бутун организмга тарқалади, *сепсис* юзага келади. Касалликнинг босқичига кўра беморда ланжлик, бош оғриши, пульс тезлашуви, жунжиш, иситмалаш, қалтираш каби аломатлар кузатилади. Баъзи касалликларда тутруқдан сўнг бачадон қисқариши секинлашади ёки бачадондан келадиган ажралма (лохиялар) тўхтайди, сут безининг яллиғланиши — *маститт* ривожланади ва ҳ.к.

Даво касалликнинг тури ва босқичига қараб белгиланади, антибиотиклар, сульфаниламид ва қувватга киритадиган дори-дармонлар буюрилади, зарур ҳолларда операция қилинади. Олдини олиш тадбирлари аёллар консультацияга учрашгандан бошлаб олиб борилиши керак. Аёллар ҳомиладорликда врачга қанча эрта учрашсалар (12 ҳафтагача) септик касаллик шунча кам учрайди, бунда аёлларни аёллар маслаҳатхонаси шароитида ҳомиладорликдан аввал ва ҳомиладорлик даврида соғломлаштиришнинг аҳамияти катта. Шу мақсадда аёлларнинг барча экстрагенитал касалликлари турли мутахассислар иштирокида даволанади; ҳомиладорлик патологиялари ҳамда, туғруқ асоратларининг олдини олиш ва даволаш амалга оширилади. Шунингдек, туғруқхоналарда санитария-гигиена режими, асептика ва антисептикага қатъий риоя қилиш, касалликни эрта аниқлаш ҳам Ч.с.к.ни олдини олиш чора-тадбирларидан ҳисобланади.

Ад.: Исмоилова С.А., Чилла даври касалликлари, Т., 1980.

ЧИЛЛАКИ — 1) маҳаллий эртапишар хўраки узум нави. Ч.нинг Қизил Ч. ва Оқ Ч. хиллари бор. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистонда тарқалган. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Тупи ўртача ўсади. Барги майда (диаметри 8—10 см), ғўтарак, чуқур кертикли, беш бўлмали, тўқ яшил, нафис, силлиқ. Гули икки жинсли. Узуми ноянинг 2-ярмида пишади. Узум боши 200—250 г, конуссимон, тигиз. Ғужуми ўртача, думалоқ (Қизил Ч.ники тўқ қизил, оқ Ч.ники новвотранг-саргиш), ширинлиги ўртача, пўсти юпқа. Таркибида 14—

Оқ чиллаки.

15% қанд, 3—3,5% кислота бор. Ҳосилдорлиги 80—100 ц/га. Асосан, янгилигида истеъмол қилинади. Замбуруғли касалликларга (ғайриқса, Қизил Ч.) чидамсиз. Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларида кўп учрайди; 2) экинларнинг эртапишар навлари.

ЧИЛЛАШИР (*чилла* ва форс-тож. — сут) — одамда тўхтовсиз ич кетиши, *глоссит, анемия*, озиб кетиш б-н кечадиган касаллик. Асосан, субтроник ва тропик иқлимли жойларда учрайди. Ч. ҳаммада, кўпроқ туққан аёлларда *чилла даврида* кузатилади (номи шундан). Оқсилли моддалар кам, углеводли овқатлар кўп истеъмол қилиниши, иссиқ иқлим шароити ва б. натижасида ичакда турли замбуруғларнинг кўпайиб, бижғиш жараёнининг кучайиши ҳамда витаминлар танқислиги Ч.га сабаб бўлиши мумкин.

Касаллик секин-аста бошланади (ҳомиладорлик вақтида бошланиши ҳам кузатилади). Дастлаб, беморнинг қорни дам бўлиб, оғрийди, қўлларайди, кўп ел чиқади, гавда т-раси нормал ёки баланд, ёхуд паст бўлади. Тўхтовсиз (суткасига 8—10 марта) ич кетади (нажас кўпиксимон, оқ рангда бўлади). Тил қизаради, милк, танглай, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва ютқин яллиғланиб, уларда яралар пайдо бўлади. Кўп ич кетиши ичакда сўрилиш жараёнини сусайтиради, ички секреция безлари ва нерв системаси фаолияти ўзгаради, қон ишлаб чиқарилиши бузилиб, камқонлик юзага келади, бемор озади, дармони қурийди.

Даво касаллик белгиларига қараб тайинланади.

ЧИЛЛИСОЙ — Тошкент вилоятидаги сой. Уз. 35 км. Сув сарфи 4 м³/сек. Ч. Бўзсув каналидан бошланадиган Чап Соҳил Қорасув каналидан сув олади ва Бўка туманидаги бир неча коллектор (ташламa) сувини қабул қилади. Бўка туманидаги экин майдонларини суторади. Сувининг қолган қисми Сирларе бўйидаги botқоқликларга қуйилади.

ЧИЛОНЖИЙДА, унаби, хитой хурмоси (*Ziziphus* Mill.) — жумрутдошлар оиласи, *целтис* туркумига мансуб дарахт ёки бута; экиладиган мева дарахти. Осиё, Африка, Шим. Америка, Австралиянинг тропик ва субтропик минтақаларида ўсадиган 50 дан ортиқ тури маълум. Жумладан, Ўрта Осиёнинг текис ҳудудларида майда мевали ёввоий тури ўсади. Хитой Ч.си (унаби, *Z.jujuba* Mill.) маданийлаштирилган. Япония, Хитой, Покистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистонда экилади. Дарахти бал. 8—12 м га боради, танасининг ўтонлиги 40—60 см (баъзан 4 м ли бута ҳолида ўсади). 100 йилдан ортиқ яшайди.

Барги тухумсимон, ялтироқ, четлари майда арра тишли. Май охири — июль бошларида гуллайди, гуллаши 30—35 кун давом этади. Гули ҳашбўй, икки жинсли, майда, сариғимтир-кўкиш. Ўзидан ва четдан чанглланади. Меваси 26—32 г, уз. 3—3,5 см, ноксимон, тухумсимон, қизғиш-жигарранг, ялтироқ, пўсти қалтиқ. Сент. охирида пишади. Эти оч яшил, оқ, ширин. Таркибида 19—20% қанд, 0,3—0,5% кислота, 2,8—2,9% оқсил, 1,73% кул модаси, 500—523 мг% С ва Р, А витаминлари; илдиз,

Чилонжийда: *а* — мевали шохчаси, *б* — меваси, *в* — гулли шохчаси.

барг ва пўстлоғида 4—9,5% ошловчи модда бор; шифобахш.

Ч. намсевар, қурғоқчилик ва совуққа чидамли, баҳорги қорасовуқдан зарарланмайди. Кўчати ўтқазилгач 2—4-йили ҳосилга киради. 18—20 ёшида бир туп дарахти 40—45 кг мева беради. Ҳосилдорлиги 150—200 ц/га. Қаламча, пайвандлаш йўли б-н ҳамда уруғидан кўпайтирилади. Меваси янгилигида ейилади, қуритилади, шукатлар, мураббо, компотлар, консерва қилинади.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида 1967 йилдан Хитой ва 1934 йилда Калифорния (АҚШ)дан келтирилган Тан Янгзе, У Син-хун навлари экилади.

Зараркунанда ва касалликлари. Ч. касаллик ва зараркунандаларга чидамли. Меванинг Ч. пашшаси катта зарар етказади. Қўрғон чоралари қўлланилмаганда чилонжийда пашшаси қуртлари меванинг 90—95% ини зарарлайди.

Ад.: Тошматов Д., Чилонжийда, Т., 1962; Помология Узбекистана, Т., 1983; Ахмедов У.А., Холматов Х.Х., Чилонжийда зараркунандалари, Т., 1993.

ЧИЛОНЖИЙДАДОШЛАР (Rhamnaceae) — чилонжийданамолар (Rhamnales) қабиласига мансуб оила. 60 туркумга оид 900 га яқин тури бор. Ч. ер юзида жуда кенг тарқалган. Ўрта Осиёда табиий ҳолда 5 туркумга мансуб 8 тури, Ўзбекистонда эса 3 туркумга кирадиган 6 тури ўсади. Ҳаётий шаклига кўра, бута ва паст бўйли дарахтдошлар иборат. Барглари бутун, ёнбаргчали, гуллари тўтри, оқ ёки оч яшил. Бир ёки икки жинсли. Косачаси 4—5 бўлакли. Гултожибарглари 4—5 та, чангчилари 4—5 та, устунчаси 1 та, тугунчаси устки, меваси данакча. Ч.нинг *чилонжийда* туркуми мевасининг шифобахшлиги б-н жуда қадрли. Халқ табобатида қонни суюлтиришда ва қон босимини туширишда фойдаланилади.

ЧИЛОНЗОР ОҚТЕПАСИ — Тошкентнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган археологик ёдгорлик (4—8-а.лар; 10—11-а.лар). Бўзсув анҳори бўйида. 1940 й. А.И. Тереножкин қайд этган; 1960 й. А.С.Шиллер ва Ю.Ф.Буряков, 1969—71 йл.да Тошкент археология экспедицияси текширган. Ч.О. бал. 15 м ли тепалик бўлиб, атрофида умумий майд. 60×75 м² келадиган қад. қишлоқ харобаси қолдиқлари жойлашган. Тепаликда олиб борилган қазишмалар натижасида ундаги иморатлар мажмуаси устма-уст хом ғишт ва пахсадан қурилганлиги аниқланган. Вазифасига кўра, мажусийлик б-н боғлиқ бўлган, композицияси жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган бинолар 3 даврга мансублиги аниқланган. 1-даврда (4-а.) бино пахса пойдеворни устига қурилган 4 минорали қасрдан иборат бўлган. Бино квадрати (13,5×13 м²) ички томондан гумбазли узунчоқ 3 хонага ажратилган. 2-даврда (5—6-а.лар) дастлабки иморат атрофига янги хоналар ва ёрдамчи хўжалик хоналари қурилган, шинакли қўшимча қалъа девори б-н мустаҳкамланган. 3-давр (7—8-а.лар)да дастлабки иморат қолдиқлари тупроқ б-н тўлгазилиб шиббаланиши натижасида вужудга келган, 9 м ли тагкурси устига қурилган тепаси очиқ тўртбурчак (38×27 м²) ҳовли кўринишидаги ноёб бино бўлган. Қазишмалар натижасида ҳовли саҳнининг қалин қатламларидан органик қолдиқлар, Ковунчи II маданияти (қ. *Ковунчи маданияти*)га хос сопол буюмлар, ёргучоқлар ва б., шунингдек, туркашларнинг 8-а.га оид тангаси ҳам топилган. Араб халифалиги истилосидан сўнг бино бир қанча вақт зардуштийларнинг дафн этиш жойи бўлиб хизмат қилган, сўнгра харобага айланган. Кейинчалик (10—11-а.лар) харoба атрофида ҳаёт тикланиб кичик қишлоқ вужудга келган. Ҳозир Ч.О. атрофида замонавий иморатлар қад кўтарган.

Чилонзор Оқтепаси харобалари.

ЧИЛПИШ, чеканка, декапитация — ўсимликни бўйига ўсишдан тўхтатиш, ҳосил тўплаш ва етилишини тезлатиш мақсадида ўсиш нуқтаси ёки ҳосил новданинг учки қисмини олиб ташлаш; қўшимча агротехника тадбирларидан бири. Ч. шаклланаётган ҳосилга озиқ моддаларнинг етиб келишини кучайтиради, уларнинг ривожланишига қулай шароит яратади. Асосан, ғўза, ток, мевали дарахтлар, тамаки, канакунжут, помидор ва б. чилпилади. Ғўзани Ч.да унинг пояси ва ён шохлари учи олиб ташланади. Агротехник нуқтаи назардан ёруғлик ва иссиқлик режимини яхшилайди, кўсакларнинг ортиқча тўкилиб кетмаслигига, тупининг ётиб қолмаслигига ёрдам беради, ҳосилдорликни 1—4% га оширади. Толанинг етилишини ва чаноқнинг очилишини тезлаштиради. Одатда, Ч. ғўза ялпи кўсаклай бошлаган пайтда — ўрта толали ғўзада 14—16, ингичка толали ғўзада 20—22 ҳосил шохи шаклланганда — июлнинг ўрталари — авг.нинг биринчи ўн кунлигида ўтказилади. Асосий поя учи 4—6 см, ён шохлар учи 2—3 см узунликда чилпиб ташланади. Ғўзани Ч. қўлда ёки махсус Ч. мосламалари, машиналарда ўтказилади. Токни Ч. новдаларининг пишишини тезлаштиради, уларда озиқ моддаларнинг тўпланишига ёрдам беради, қишга чидамлилигини оширади, етарли ёруғлик, ҳаво, иссиқлик таъсирида гужумлари йирик, рангдор ва ширали бўлади. Ч. суторилаган ҳосилли токзорларда яхши самара беради. Токлар, биринчи марта шўра хомтокда (1—2 см), асосан, иккинчи марта авг. нинг 2-ўн кунлигида новдаларнинг ўсиш даври секинлашганда чилпилади, бунда новдалар учининг 1/3 — 1/4 қисми олиб ташланади. Сабзавотчиликда бодринг ва помидор (иссиқ-

Ғўзани машиналар ёрдамида чилпиш.

хоналарда авг.да экилган помидор 7—9- шохи устидан)ни Ч. ғовлашга йўл қўймай, ҳосил шох (палак)ларини кўпайтиради. Бақлажон, брюссель карами, уруғликка экилган лавлаги ҳам чилпилади.

ЧИЛПИҚ -қад. иншоот қолдиғи (6—7-а.лар). Нукус ва Беруний ш.лари (Қорақалпоғистон) оралиғидаги *Султон Увайс тоғи* қоялари устида жойлашган. Ч. айлана шаклида бўлиб, атрофи қалин пахса девор б-н ўралган, бир томони кириш йўли сифатида очиқ қолдирилган. Ч.нинг 6—8 м лик девори сақланган, ички радиуси 12 м. Маҳаллий аҳоли Ч.нинг барпо этилишини афсонавий девлар б-н боғлайди. Ч. ҳудудидан исломгача бўлган қад. дафн маросимларига хос ёдгорликлар топилган. Олимлар фикрига кўра, Ч. оташпарастлар жасадларини келтириб қўядиган махсус даҳма вазифасини ўтаган.

ЧИЛТОН, чилтан — диний тасаввурларга кўра, ғайритабиий кучга эга бўлган афсонавий 40 та руҳ. Ривоятларда Ч.лар одамлар кўзига кўринмайди, баъзан улар орасида одам қиёфасида яшайди деб талқин этилади. Улар, одатда, мозор ва ш.к. одамлар бўлмайдиган жойларда учрайди деб тасаввур қилинади. Турли офатлардан сақланиш, касалдан қутулиш мақсадида Ч.ларга атаб пиликдан ясалган 40 чироқ ёқиш, уларга бағишлаб турли таомлар пишириш одати бўлган. Таомлар Ч. оши деб аталган ва улар шу маросим муносабати б-н тўпланган хотин-қизларга тарқатилган. Ҳоз. вақтда Ч.лар ва улар б-н боғлиқ бўлган урф-одатлар деярли йўқолиб кетган.

ЧИЛТЎҒОН (аслида номи Чилчўптўғон, яъни Чилпоя — ёғочдан ясалган қирқ оёқли тўғон) — қад. гидротехника мосламасининг махсус тури. «Чорпоя — тўрт оёқ», «сепоя — уч оёқ» турлари ҳам бўлиб, дарё, сой ва канал (шоҳариқ) соҳилларини мустаҳкамлаш, тўғон ёки сувайиргичлар барпо этишда фойдаланилган. Чилпоя тўсинга айри шаклида ёғочда қатор қирқта оёқ ўрнатилиб ясалган.

Ч. — чилпояли чилчўптўғон Тошкент ш.нинг асосий сув манбаи Кайковус канали устига ўрта асрларда қурилган. Себзор ва Кўкча даҳа ерларини сув б-н таъминловчи сувайиргич — бош тўғон ҳисобланган. Ҳоз. Ч. ўрнида Тахтапул сув тақсимловчи гидротехника иншооти барпо этилган.

ЧИЛУСТУН — Ўзбекистоннинг Андижон вилояти ва Қирғизистоннинг Ўш вилояти чегарасидаги паст тоғлар, Помир-Олай тизмаларининг тармоғи. Хўжаобод тумани ҳудудида. Шим.-ғарбдан жан.-шарқ ва шарққа 12 км га чўзилган. Бал. 1200—1400 м гача. Шим. ён бағри қиялиги камроқ, асосан, адирлардан иборат.

ЧИЛУЧОР ЧАШМА — *мезолит* даврига оид макон (мил. ав. 8—7-минг йилликлар). 40 дан ортиқ булоқларнинг қўшилиш жойидан топилгани учун шу ном б-н аталган. Тожикистоннинг Хатлон вилояти, Шаҳритуз тумани ғарбида жойлашган. 1953 й.да А.П. Окладников ўрганган. Топилган тош қуроллар, асосан, чақмоқтошдан ясалган, улар учи ўткир тош парракчалар, тўғри тўртбурчак шаклидаги майда тош қуроллар, призма шаклидаги нуклеуслар, қирғичлар ва б. ҳар хил тош парчаларидан иборат. Ч.ч. маконидан топилган қуроллар *Капса маданияти*га хос қуроллар хилига киради.

ЧИЛҲУЖРА (форс. — қирқ ва ҳужра) — илк ўрта аср (4-а. охири — 8-а. боши) қўрғони. Тожикистоннинг Шаҳристон туманининг жан. жойлашган. 1961—66 й.ларда қазиш ишлари олиб борилган. Қўрғон тўртбурчак шаклда, атрофи қалин девор б-н ўралган, бурчакларида минoралари бўлган. Қўрғон пахсадан тикланган. Ч. меъморлигида гумбаз ва равоқлардан фойдаланилган. Ч.дан деворий расмлар, ёғоч ҳайкаллар, Тожикистон ҳудудидаги энг қад. мусиқа асбоблари, заргарлик буюмлар топилган. Суғд ёзуви битилган 3 та тахтача Ч.дан топилган ноёб ёдгорлик бўлиб, у *Уструшона*да яшаган аҳолининг тили ва ёзуви тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

ЧИМ — тупроқнинг кўп йиллик ўт (ажриқ, итқўноқ ва б.) илдизлари, поялари ва илдизпояси ўрами б-н қопланган устки қавати. Таркибида органик модда кўп. Қўриқ ва ўтлоқ ерларда пайдо бўлади, нам тўплаш ва шимиш учун хизмат қилади. Ч.дан махсус усулда кўчирилган бўлаклар кўкаламзорлаштириш ва суғоришда эгатларга сув таралишда сув тупроқни ювиб кетмаслиги учун даҳана ёнларига босишда ишлатилади. Ерни ҳайдашда ва мол боқилганда Ч. бузилса, тупроқ эрозияси рўй беради. Ч.ли тупроқлар чимқирқар плуг б-н ҳайдалади, дискланади.

ЧИМ ДЕВОР — Шаҳрисабз, Китоб ва улар атрофидаги қалъаларни ўраган қад. мудофаа деворининг қолдиғи (мил. 6-а.). Чимдан барпо қилингани учун шу ном б-н аталган. Ч.д. харобалари 1870, 1959 й.ларда текширилган. 19-а. ўрталаригача бир неча марта таъмирланган. Ч.д. бўйлаб бир қанча истеҳком, работ, бурж ва дарвозалар қурилган. Деворнинг ташқи томонида хандақ қазилган. Ч.д. қолдиқлари сунъий марза ҳолида сақланган, эни 10—12 м, бал. 3 м гача, уз. 90 км дан зиёд.

ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ — қ. *Хоккей*.

ЧИМБОЙ — Қорақалпоғистон Республикаси *Чимбой тумани*даги шаҳар (1974 й.дан), туман маркази. Амударё дельтасида, Кегейли каналининг ҳар иккала соҳилида, Нукус т.й. станциясидан 56 км. Аҳолиси 46,2 минг киши (2004).

Ч. 17-а.да балиқчилар ва чорвадорлар қалъаси сифатида вужудга келган. 1976—77 й.ларда шаҳар ҳудудида қорақалпоқ археологлари томонидан ўтказилган қазишма ишлари натижасида бу ердан 7—8-а.ларга оид ашёлар топилган. Тарихий манбаларда Ч. дастлаб Шохтемир деб юритилган. 1643 й.да бу қалъа Хива хонлигининг Орол денгизи жан. соҳилидаги ҳудудларининг маркази бўлган. 1740 й.да Хивага келишда поручик Гладишев Шохтемирдан ўтган. 1741 й. геодезист Муравин тузган харитада ҳам Шохтемир кўрсатилган.

1890 й.да Ч.да рус-тузем мактаби ва тиббий пункт очилган. 20-а.нинг 1-чорагида бу ерда 80 та савдо дўкони бўлган. Чимбойлик савдогарлар Оренбургдан матолар ва б. молларни олиб келишган. 1907—08 й.ларда беда уруғи ва б. турли маҳсулотлар Россия, АҚШ, Германияга экспорт қилинган. Шу даврда Ч.да пахта тозалаш, ёғ-мой, кўн-тери з-длари қурилган; 1913 й.да беда уруғини тозалаш з-ди ишга туширилган. 1916 й.да Ч. аҳолиси рус подшо ҳукуматининг маҳаллий аҳолини мардикорликка олишига қарши қўзғолон кўтарган. 1919 й.да Чимбойда янги мактаблар очилган. 1920 й.да

Чимбой шаҳри. Деҳқон бозори.

Амударё вилояти тугатилиб, у икки уездга (Шўраҳон ва Чимбой) бўлинган. Ўша йили Ч.да болалар интернати фаолият кўрсата бошлаган. Ч.га 1927 й.да шаҳарча мақоми берилган. 1980 й. т.й. ўтказилди.

Ч.да пахта тозалаш, ёғ-мой, керамика, асфальт-бетон з-длари, маҳаллий саноат корхоналари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Қорақалпоғистон қ.х. илмий тадқиқот ин-ти, наслчилик ст-яси, умумий таълим мактаблари, пед. касб-ҳунар коллежи, кутубхоналар, клуб муассасалари, маданият уйлари, ўқувчилар маданият саройи мавжуд. Касалхона, туғруқхона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

ЧИМБОЙ ТУМАНИ — *Қорақалпоғистон Республикаси*даги туман. 1927 й. 3 июлда ташкил этилган. Шим.-ғарбдан Мўйноқ, ғарбдан Бўзатов ва жан.дан Кегейли, шарқ ва шим.-шарқдан Қораўзак туманлари б-н чегарадош. Майд. 3 минг км². Аҳолиси 92,8 минг киши (2004). Туманда 8 овул фуқаролари йиғини (Бахтли, Кенес, Май, Майжап, Тагжап, Тозажўл, Қизилўзек, Кўстерек) бор. Маркази — *Чимбой* ш.

Табиати. Туман ҳудуди Амударё қуйи оқимининг ўнг соҳилидаги текисликда, Кегейли канали соҳилида жойлашган. Бал. 60—70 м. Ғарбий ва шим. қисмлари ботқоқлашган тўқайлардан иборат. Шим.-ғарбидаги қум тепалари унча баланд бўлмаган (250 м) Кўшхона тоғларига туташади.



Иқлими кескин континентал. Ер ости сувлари яқин. Ёзи иссиқ, қуруқ. Қиши совуқ. Йиллик ўртача т-ра 11°. Янв.нинг ўртача т-раси −6,9°. Энг паст т-ра −32°. Амударё соҳилида кўлмак кўп. Туман ҳудудида Қозоқдарё ва унинг ирмоғи Эркиндарё оқади. Улардан Тасжарма, Қизилўзак, Қўшқаржиққан каналлари чиқарилган. 1939—40 й.ларда қурилган Майжап ва Ободжап каналларидан ҳам экинларни суғоришда фойдаланилади. Туман ҳудуди орқали Кегейли канали ўтади (туман ҳудудидаги уз. 70 км). Қизкеткан, Ўржап ва б. каналлар. Қоракўл, Мақпалкўл, Шардарё, Тобонкўл каби кўллар бор. Улардан ҳам экинларни суғоришда фойдаланилади. Тупроқлари, асосан, оч бўз, қўнғир, ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи тупроқ; баъзи жойларда шўр тупроқлар ва тақирлар ҳам бор. Табиий ўсимликлардан қамиш, қўға, юлғун ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қуён, бўрсиқ, тулки, қобон, чиябўри, бўри, типратикан, кўрсичқон, ҳар хил илонлар, калтакесаклар; қушлардан ўрдак, ғоз, бирқозон, қўтон, қизилоёқ, йилқичи, қирғовул, тўрғай, каптар, қирғий, мусичa ва б. яшайди.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқлар; ўзбек, рус, қозоқ, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1км² га 31 киши. Шаҳар аҳолиси 46,2 минг киши, қишлоқ аҳолиси 46,6 минг киши (2004).

Хўжалиги. Туман хўжалигида қ.х. асосий ўринни эгаллайди. Пахтачилик ва шоликорлик, чорвачилик ва полизчилик яхши ривожланган. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади.

Туманда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, пахта тозалаш, ёғ-мой, ғишт, қурилиш материаллари, керамика, асфальт-бетон з-длари ва б. бор.

Ч.т.да 9 ширкат, 570 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, шоли, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади.

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

Ч.т.да пед. касб-ҳунар коллежи, умумий таълим мактаблари, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот ин-ти, наслчилик ст-яси фаолият кўрсатади, 6 кутубхона, болалар маданият саройи, 4 маданият уйи, 5 касалхона, поликлиника, туғруқхона, 11 қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади.

Чимбой туман ҳокимияти биноси.

Чимбой ўтови.



ЧИМБОЙ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ — Қорақалпоғистонда совет ҳокимиятига қарши 1919—20, 1929 й.ларда кўтарилган халқ қўзғолонлари.

Биринчи Чимбой қўзғолони (1919—20)га Эшонзода Хон Махсум (Убайдулла Отауллаевич Боҳауатдинов; 1887—1956) ва Қўнғиротнинг собиқ беги Қутлимурот бий (у Бола бий номи б-н машҳур бўлган) раҳбарлик қилишган. Қўзғолончилар 40 минг киши Чимбой ва Мўйноқ туманларини большевиклардан озод қилиб (1919 й. 17 авг.). Нукусни ишғол қилишган. *Жунаидхон* 60 кишилик қуролли гуруҳни ҳарбий ёрдамга жўнатган. Амударё бўлимининг шим. туманларида ҳам большевиклар ҳукумати ағдарилиб, халқ ҳокимияти ўрнатилган. М. Фильчев (ураллик казак) бошчилигида Чимбойда тузилган халқ ҳукумати таркибига нуфузли қорақалпоқлардан Хон Махсум, Бола бий, И. Одилов, И. Ниёзов, С. Пирназаров ва Урал казаклари киритилган.

Кейинчалик Туркистон комиссияси махсус вакили Г. Скалов б-н қўзғолон раҳбарлари ўртасида сулҳ битими имзоланиб, совет ҳукумати қўзғолончиларга амнистия эълон қилган (1920 й. 18 фев.). Бироқ орадан кўп ўтмай большевиклар қўзғолон раҳбарлари — Хон Махсум ва б. (жами 24 киши) ни ҳибсга олишган (1921 й. фев.) ҳамда Семипалатинск ва Томск вилоятларига сургун қилишган. Йирик ер эгалари ва савдогарлар (75 киши)дан катта миқдорда товон пули

ундирилган. Совет ҳокимияти қўзғолон қатнашчиларининг кўпчилигини қатағон қилган.

Иккинчи Чимбой қўзғолони (Тахтакўпир воқеалари; 1929) Қорақалпоғистон автоном вилояти (бу пайтда у Қозоғистон АССР таркибида эди)да 1929 й. қ.х.ни жамоалаштириш ва аҳолидан катта миқдорда солиқ ва турли йиғинлар ундиришига қарши кўтарилган. Совет ҳокимиятидан норози кучлар 1929 й. июль — сент. да Чимбойда яширин кенгашлар ўтказиб, қўзғолон режасини тузишган. 1929 й. 26 сент.даги кенгашда халқ ҳукумати ташкил этилиб, Абдужалил Махсум Исматуллаев (1879—1930; вилоят суди раисининг собиқ бошлиғи) — ҳукумат бошлиғи (хон), Каримберди Охун Нуруллаев — адлия вазири (қозикалон), Борлиқбой Нурумов (собиқ бўлис бошлиғи; уруғ раҳбари) — ҳарбий вазир лавозимига сайланишган. Қуролли гуруҳ тузилиб, қўзғолонга пухта ҳозирлик кўрилган.

Қўзғолон 1929 й. 27 сент.да Тахтакўпирда бошланган. Каримберди Охун бошчилигидаги қўзғолончилар (200 кишидан ортиқ) Тахтакўпирда совет ҳокимиятини ағдариб ташлашган. 1929 й. 28 сент.да ВКП(б) Қорақалпоғистон вилоят комитети Чимбой ва Тахтакўпирдаги воқеалар муносабати б-н пойтахт Тўрткўлда фавқулодда ҳолат эълон қилган. Тахтакўпирга ҳарбий жазо отряди юборилган. Вилоят раҳбарлари П. Варламов ва К. Оллаберганов ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросидан шошилинч ҳарбий ёрдам сўрашган. Қўзғолончилар Хоразм ва Тошҳовуз округларида большевикларга қарши курашаётган миллий кучлар (Жунаидхон ва б.) б-н алоқалар ўрнатишган. Қўзғолон Қорақалпоғистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам кенг тарқалган. Унда ҳатто аёллар фаол қатнашган. Қўзғолон Тошкент, Қизилўрда, Москвадаги совет режими раҳбарларини жиддий ташвишга солган. ВКП(б) МК Хоразм воҳасига Гричманов бошчилигида махсус ҳарбий отряд жўнатган. Ўрта Осиё ҳарбий округининг 84-отлиқ полки ҳам қўзғолонни бостириш учун сафарбар қилинган. ОГПУнинг вилоят бўлими ҳарбий жазо операциялари вақтида қўзғолон раҳбарлари ва иштирокчиларидан Хўжайлида (74 киши), Қўнғиротда (64 киши), Тахтакўпирда (44 киши) ва б. ҳибсга олинган. Сургундан қайтган Хон Махсум ҳам қамоққа ташланган. 1929 й. дек. да бўлган Қозоғистон АССР Олий судининг сайёр сессиясида 16 киши отишга ҳукм қилинган, 26 киши турли муддатга озодликдан маҳрум этилган. Бундан ташқари «Чимбой аксилинқилобий ташкилоти»нинг 36 аъзоси (К. Нуруллаев, Т. Сапаров, А. Содиқов ва б.) махсус «учлик» қарори б-н отишга, 13 киши концлагерларга юборишга ҳукм қилинган. Қўзғолончиларнинг оила аъзолари ҳам қамоққа олинган ва сургун қилинган.

Ад.: Алланиёзов Т.К., «Контрреволюция» в Казахстане: Чимбайский вариант, Алматы, 1999; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; История Узбекистана (1917—1991 гг.), Т., 2002; Абдуллаева Я., Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср, Т., 2004.

Қаҳрамон Ражабов

ЧИМБОЙЛИҚ ТОПИЛМАСИ — *жез даври*га оид ёлғорлик, топилма (мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярми). Тошкент ш.дан 50 км шарқда, Чирчиқ ш.нинг ўнг томонида, Чимбойлиқ қишлоғи яқинида олтин қидириш мақсадида ўтказилган қидирув ишлари олиб борилаётган пайтда топилган (1898). Ч.т. — болта, мих шаклидаги бигиз, баргсимон пичоқ ва 580 г қуйма жездан иборат. Ч.т. катакомба шаклида бўлиб, *Андроново маданияти*га яқин туради.

ЧИМЁН — Фарғона вилояти Фарғона туманидаги шаҳарча (1943 й.дан). Фарғона ш.дан 28 км, яқин т.й. станцияси — Олтиариқ (24 км). Аҳолиси 3,4 минг киши (2004). Ч.да 2 умумий таълим мактаби, кутубхона, маданият саройи, савдо, маиший ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, стадион, поликлиника, дорихона мавжуд. Ч. ҳудудида эски нефть кони, бальнеологик курорт бор. Курорт минерал суви таркибида водород-сульфид (300—500 мг/л) ва натрий хлорид асосий ўрин тутади. Таркиби жиҳатдан Кавказдаги Сочи-Мацеста минерал сувларига тенглашади. Ч.да юрак-томир, периферия нерв системаси, таянч-ҳаракат аппаратлари, овқат ҳазм қилиш органлари, тери, радикулит, спондилёз, ревматизм ва б. касалликлар даволанади.

ЧИМЁН АДИРИ — *Фарғона вилояти* ҳудудидаги адир. Фарғона ботиғининг жан.да жойлашган. Шим.дан Ёрмозор, жан.дан Водил-Чимён адир ораси ботиқлари б-н туташган. Ғарбдан шарққа 25 км га чўзилган. Энг баланд жойи 856 м. Шим. ён бағри қияроқ, Ч.а. ён бағирлари кўплаб қуруқ сой ўзанлари ва жарликлар б-н зич ўйилган. Тектоник жиҳатдан брахиантиклиналь структура. Палеоген, неоген ва қуйи тўртламчи давр қумтошлари, гиллари, конгломератлари, қум, шағал тошлар ва лесслардан ташкил топган. Ч.а. тўртламчи даврда янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган. Иқлими континентал, йилига 250—300 мм ёғин тушади. Бўз тупроқлар тарқалган. Уларда ранг, қўнғирбош, шайтонковуш ва б. ўсимликлар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан каламуш, қўшоёқ, бўрсиқ, жайра, калтакесак, илон ва б. учрайди. Адир ҳудуди яйлов сифатида фойдаланилади.

ЧИМЁН ЗИЛЗИЛАСИ — 1982 й. 6 май куни Фарғона водийсининг Чимён шаҳарчаси атрофида рўй берган. Аввалига портлашга ўхшаш товуш эшитилган ва бир зумда ер қаттиқ силкиниб, ҳамма жойда чанг-тўзон кўтарилган. Тоғларда урилиш, кўчки ва тош кўчиш жараёнлари бошланган. Зилзила маркази Лангар қишлоғида (Охунбобоев тумани) бўлиб, кучи 7—8 баллга етиб, магнитудаси 5,8 бўлган. Зилзила ўчоғининг чуқ. 20 км. Лангардаги кўплаб уйлар шикастланган, айниқса, гувала ва пахсадан қурилганлари бузилган. Ҳамза ва Водилдаги 2 қаватли ғиштли иморатларда катта-кичик ёриқлар пайдо бўлган, эшик ва ромлар ўрнидан қўзғалган, томлардаги печка мўрилари бузилиб кетган. Бу жойларда тебранишлар кучи 7 баллга етган, шунингдек, Фарғонада 6 балл, Андижонда 5—6 балл, Наманганда 5 балл, Тошкентда 4 балл б-н сезилган. Зилзила изосейстлари Жан. Фарғона сейсмоген зонасининг йўналишига мос келган. Ер қимирлаш эпицентри аввалдан кучли зилзилалар бўлиши эҳтимоли бор жой деб белгилаб қўйилган сейсмоген зонада содир бўлганлиги, ўзбек сейсмологларининг башоратини тасдиқлади.

«ЧИМЁН ОРОМГОҲИ» — саломатлик маркази. «Ч.о.»да турист, спортчи ва дам олувчиларнинг дек.—апр. ойларида қишки спорт турлари б-н шуғулланишлари, қиш зийнатидан баҳраманд бўлиб саломатлигини тиклашлари учун шароит яратилган. Ёз мавсумида эса, турли йўналишларда тоғ бўйлаб экскурсиялар ҳам уюштирилади. «Ч.о.» Тошкентдан 80 км шим.-шарқда, Чатқол тоғ тизмасининг денгиз сатҳидан 1600 м баланд қисмида жойлашган. 20-а.нинг 70-й.ларида бу масканда қурилиш ва текислаш ишлари бошланган. 1983 й.да меҳмонхона, ресторан, канат (осма) йўл ва б. хизмат кўрсатиш жойлари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган. «Ч.о.» да чанги ва чанада учиш учун уз. 300, 500, 800 ва 1500 м, қиялиги 25°—40° бўлган трассалар бор. Чатқол тоғ тизмасида қорнинг сирпанчиқлик даражаси яхши бўлгани учун 2000 й.да «Ч.о.» яқинида Белдорсой ҳавзасида «Белдорсой» тоғ чанги спорти маркази қурилди. Унинг чанги учиш трассаси жаҳон стандартларига мос бўлгани учун халқаро чанги спорти федерацияси (FIS) томонидан рўйхатга олинган. «Ч.о.» атрофидаги ажойиб қишки тоғ манзараси бу масканга келувчиларга завқ бағишлайди. Ҳоз. вақтда «Ч.о.»да 220 ўринли меҳмонхона, коттежлар, 100 кишига мўлжалланган ресторан, уз. 700 ва 2500 м бўлган 2 та канат (осма) йўл бор (2004).

«Чимён оромгоҳи».

«ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИ — бальнеологик курорт. Фарғона ш.дан 32 км масофада, Катран тизмаси ён бағрида, денгиз сатҳидан 450 м баландликда, Олтинсой дарёси водийсида жойлашган. 1979 й. 17 апрелда ташкил этилган. Майд. 28 га. Санаторийда овқат ҳазм қилиш, қон айланиш, нерв, таянч-ҳаракат системаси, гинекологик ва урологик касалликлар б-н оғриган беморлар даволанади. Санаторий 1000 ўринга мўлжалланган, бир-икки кишилик палаталари бўлган ётоқ корпусларига эга; у яхши кўкаламзорлаштирилган, гулзор ва манзарали дарахтлари бор. Иқлими континентал; ёзи иссиқ, қуруқ, қиши юмшоқ, янв.нинг ўртача т-раси −1,5°, июлники 26°, ҳавонинг нисбий намлиги 48%.

Даволаш омили — водород-сульфидли мацеста типидаги минерал сувлар ва Балиқли кўлининг балчиғи. Бундан ташқари, ичиш учун сульфат-гидрокарбонат-натрийли кучсиз (1 г/л гача) минерал сув ишлатилади.

Минерал сувлар, асосан, ванналар учун, меъдани ювиш, ичакларни чайиш, побаж, душ, сув ости массажи қилишда фойдаланилади. Бундан ташқари, физиотерапия, даво физкультураси, шифобахш балчиқли аппликация б-н даволаш усуллари ҳам қўлланилади.

Сульфидли сувлар одам организмига тери шиллиқ қаватлари ва нафас йўллари орқали тушганда шифобахш таъсир қилади, эркин водород-сульфидли борлиги туфайли одамни соғломлаштиради. Улар энергия алмашинувига таъсир қилиб, томирлар ўтказувчанлигини оширади, регенератив жараёнларни фаоллаштиради, юрак фаолиятини кучайтиради, артериал босимни пасайтиради, оғриққа ҳамда яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади ва ҳ.к. Санаторий замонавий тиббий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган; унда ётоқ корпусларидан ташқари маданият саройи, кутубхона, спорт майдончалари, маданий-маърифий бинолар мавжуд (2004). Болалар ва ота-оналари учун йил бўйи ишлайдиган бўлим ҳам бор (200 ўринли).

ЧИМЁН ЧЎҚҚИСИ, Катта Чимён чўққиси — Ғарбий Тяньшаннинг Чатқол тизмасидаги чўққи. *Катта Чимён тоғида.* Тошкентдан 80 км шарқда. Ч.ч.ни шим.дан Чатқол, шарқдан Оқбулоқ дарёлари (Чатқолнинг чап ирмоғи), жан. ва ғарбдан Чимёнсой водийлари ўраб туради, бал. 3309 м. Атрофдаги ҳудудлардан тик кўтарилган. Асосан, палеозой даври оҳактошлардан ташкил топган. Чўққининг ён бағирлари кўплаб сойлар б-н кесилган. Улар орасида тик кўтарилган қоялар, қурумлар, доимий қор уюмлари учрайди.

ЧИМЁНСОЙ — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги сой. Чирчиқ дарёсининг чап ирмоғи. Уз. 17 км, ҳавзасининг майд. 39,3 км², ҳавзасининг ўртача бал. 1635 м. Катта Чимён тоғининг ғарбий ён бағридан 2000 м баландликдаги булоқдан бошланади. Ч. бошланиш қисмида ён бағирлари баланд дарасимон тор водийда ва тошлоқ ўзанда оқиб, нисбати кенгроқ Чимён сойлигига чиқади (сойликнинг туби ғовак жинслардан таркиб топган). Қизилжар ирмоғи қўшилган жойда яна тор водийда оқади. Ирмоқлари Катта Кўксой, Қизилжар; сойга кўплаб булоқ сувлари қуйилади.

Ч.нинг ўртача йиллик сув сарфи 0,6—0,7 м³/сек. Асосан, қор ва ер ости сувларидан тўйинади; ер ости сувлари йиллик оқимнинг 70%ини ташкил этади. Май—июнь ойларида суви кўпаяди, дек.—фев.да камаяди. Ч.дан суғоришда фойдаланилади.

Ч. водийсида сил касалликлари санаторийси, болалар оромгоҳлари, пансионатлар жойлашган. Чанги мусобақалари ўтказилади.

ЧИМИЛДИҚ, гўшанга — никоҳ тўйи куни қизнинг уйидаги куёв кирадиган хонага ва куёвнинг уйидаги келин тушадиган хонанинг бир бурчагига ёки уйнинг тўрига тутиладиган махсус оқ парда ёки гулли чойшаб. Хоразмда «кўшана» дейилади. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларида Ч. даставвал (куёв келар кечаси) қизнинг отаси уйида тутилиб, унинг орқасига келин-куёвни ўтқазадилар. Никоҳ маросимлари ўтгач, қиз куёвникига олиб келинади. Бу ерда ҳам Ч. тутилади. Куёв-келин биринчи кечани Ч. ортида ўтказадилар. Кўп ерларда тўйнинг эртаси куни Ч. олиб қўйилади. Айрим жойларда маълум муддат («чилласи чиққунча») Ч. тутилган ҳолда тураверади. Илгари Ч. (оқ ёки гулли мато)дан келин биринчи фарзанд кўрганда ундан чақалоқнинг бешигига ёпқич, ёстиқ, кўрпачаларини тикишган (қ. *Никоҳ тўйи*).

ЧИМКЕНТ (қозоқча Шимкент)— Қозоғистон Республикаси *Жанубий Қозоғистон вилояти*даги шаҳар, вилоят маркази (1932—62 й.ларда Жан. Қозоғистон вилояти, 1962—64 й.ларда Жан. Қозоғистон ўлкаси, 1964—92 й.ларда Чимкент вилояти маркази). Тоғ олди текисликларида, Бодом ва Сайрам (Сирдарё ҳавзаси) дарёлари оралиғида, Жамбул, Арис, Лангар т.й. йўналишларининг чорраҳаси. Аҳолиси 354,4 минг киши (2002). Ч. 12-а.да Хитойдан Ўрта Осиё ва Ғарбий Осиёга ўтган савдо йўли («Ипак йўли») устида вужудга келган. 19-а. бошидан Қўқон хонлиги тасарруфида бўлган, 1864 й. Россия босиб олган ва Россиянинг Ўрта Осиёдаги маъмурий ва ҳарбий таянч пунктига айлантирилган. Шаҳарнинг суст ривожланишига т.й.дан узоқлиги ҳам таъсир этган. Фақат 1915 й. Арис — Ч. линияси ш.ни Оренбург — Тошкент магистрали б-н боғлади. 1924 й.гача Ч. Туркистон Республикаси таркибида. Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилгандан кейин

Чимкент шаҳридаги «Сапар» меҳмонхонаси.

Сирдарё губерниясининг маъмурий маркази, сўнг округ маркази бўлиб Қозоғистон Мухтор ССР таркибига киради.

Шаҳар саноати маҳаллий қ.х. хом ашёлари ва фойдали қазилмаларни қайта ишлаш негизида ривожланмоқда. Йирик корхоналари Қоратов ва Жунғария Олатовидаги конлар асосида ишлайдиган қўрғошин з-ди, темирчилик-пресс ускуналари ишлаб чиқарадиган, «Фосфор» (минерал ўғитлар ва б. ишлаб чиқарилади), «Чимкентшина» и.ч. бирлашмалари, «Электроаппарат», нефтни қайта ишлаш, кимё-фармацевтика, цемент, ғишт з-длари ва б. ишлаб турибди. Енгил (пахта тозалаш, қоракўл з-длари), озиқ-овқат (гўшт к-ти, ёғ экстракция, сут-консерва, мева-консерва, пиво з-длари) саноати корхоналари фаолият кўрсатади. 3 олий ўқув юрти, 3 театр, ўлкашунослик музейи бор.

ЧИМҚЎРҒОН МАКОНИ — чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган қабилалар қарорғоҳи (мил. ав. 1-минг йилликнинг бошлари). Қашқадарё вилоятидаги Чимқўрғон сув омборининг жан. қирғоғида. Археолог Дуке Ҳуан томонидан топилган (1970). 1972 й. нинг апр.—май ойларида текширилган. Маконнинг катта қисми сув остида қолиб бузилган. Тепаликда сақланиб қолган қисмининг шарқдан ғарбга томон уз. 22—24 м, эни шим.дан жан.га 7 м, бал. 1,6 м. Ч.м.дан 7 мингта яқин сопол парчалари, ҳайвон суяклари, ёргучоқ, жез парчаси ва б. топилган. Сопол буюмларнинг кўпчилиги қўлда ясалган тувак, товоқ ва товалардан иборат. Баъзи идишларга лой бўлакчалари ёпиштириб безатилган, айримларида мато излари сақланиб қолган. Ч.м.нинг сопол буюмлари мил. ав. 1-минг йилликнинг бошлари ва 7-асрларда чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган қабилаларнинг маконларидан топилган буюмларга ўхшайди.

ЧИМҚЎРҒОН СУВ ОМБОРИ — Қашқадарёнинг ўрта оқимида қурилган гидротехника иншооти. Қашқадарё вилояти ҳудудида, Қарши ш.дан 60 км шарқда. Ч.с.о. қурилиши 1958 й.да бошланган. 1960 й.дан доимий фойдаланишга топширилди. Тўла сиғими 500 млн. м³, фойдали сиғими 450 млн.м³. Суви юзаси сатҳи 49,2 км², сув омбори ўзан типида. Уз. 17,5 км, максимал чуқ. 30 м, ўртача чуқ. 17,2 м. Қашқадарё оқимини мавсумий тартибга солиш учун мўлжалланган. Қашқадарё вилоятининг Қамаши, Қарши, Ғузор ва Косон туманларидаги 188 минг га ерни суғоради. Ч.с.о. таркибига тупроқли тўғон, минорали сув чиқаргич, қуйи бьефда жойлашган чап соҳил (27 м³/с) ва ўнг соҳил (22 м³/с) бош тақсимлагичлари киради. Тўғон бал. 33 м. Минорали сув чиқаргич суғориш учун сув бериш ва айни вақтда ортиқча сувни чиқариб ташлаш учун мўлжалланган (сув ўтказиш имконияти 350 м³/с).

ЧИН — қад. туркий халқлар яшаган жой номи. «Улуғ», «мустаҳкам» деган маънони билдиради. Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида Ч. аслида учга бўлинади. Биринчиси Юқори Ч. бўлиб — буни Табғач (*Тавғач*) дейдилар, иккинчиси ўрта Ч. бўлиб — буни Хитой дейдилар, учинчиси Қуйи Ч. бўлиб — буни Бархан дейдилар. Лекин ҳозир Табғач — Мочин, Хитой — Чин, Бархан — Қашқар деб юритилади деб ёзади. Яна шу китобда Ч.дан Мочингача бўлган ҳудудда 20 туркий қабиланинг бири хитойлар (қитонлар, кидонлар) яшаганлиги айтилган. Кошғарий Ч. деб номлаган Кидон (Қитон) давлати (916—1125) Хитойнинг шим.да, шарқда Улуғ океангача, шим.да Байкалгача, ғарбда Олтой тоғларигача бўлган ҳудудни эгаллаган. Мазкур жойда, хитой манбаларидаги туркий халқларнинг аждодлари — *дилар* истиқомат қилганлар.

Хитойда Мин(Минг) сулоласи (1368—1644) даврида Хитойнинг жан.да истиқомат қилиб келган аҳоли (ханзулар), Хитойнинг шим.даги кидонлар (хитойлар) ҳудудини эгаллаган. Улар сон жиҳатдан кўп бўлган, шу туфайли кидонлар ханзуларга сингиб кетади. Уларнинг Марказий Осиёга сурилган бир қисми (*қорахитойлар*) кўчманчи туркий қабилаларнинг таркибига сингиб кетади.

1644 й. Ч. ҳудудидан чиққан Манжур империяси Жан. Хитойни (Жунгуони) босиб олгандан сўнг, империя номини «Чин» деб атади. Сўнгра мазкур империя ўрта ва Қуйи Ч. ни ҳам эгаллади. Европаликлар Манжур империясини Шин, Чина, Чайна, Хина деб талаффуз қилган. Кейинчалик бу ном *Хитойга* тааллуқли бўлиб қолган. Араб, форсий, туркий манба ва адабиётларда 20-а.нинг бошларига қадар туркий халқларнинг қад. масканлари Ч. ва Мочин (Улуғчин) деб тилга олинади.

Абдулхолиқ Айтбоев.

ЧИНГИЗИЙЛАР — *Мўғуллар давлатининг* асосчиси ва хони (1206 й.дан) *Чингизхон* номидан келиб чиққан, Осиё ва Шарқий Европада ҳукмронлик қилган сулола. Мўғуллар давлати ҳукмдорлари: Чингизхон (1206—27), Тулихон (1227—29), Ўқтой қоон (1229—42), Туракина хотун (1242—46), Куюк (Гуюк) қоон (1246—48), Мункэ (Мангу) қоон (1251—59), Хубилай (1259—94), Ўлжайту — Темур қоон (1295—1307), Хайсанкулуг қоон (1307—11),

Чимқўрғон сув омбори.

Аюрбарибад — Буянту қоон (1311—20), Шидэбала — Гэгэн қоон (1320—23), Есун — Темур қоон (1324—28), Хушила қоон (1328), Туғ-Темур қоон (1328—32), Иринжибал қоон (1332), Тўғон Темур (1333—70), Аюширидор қоон (1370—78), Тўкус Темур қоон (1378—88). *Жўжи улуси* (Олтин Ўрда) ҳукмдорлари: Жўжи (1224—27), Боту (1227—56), Беркахон (1256—66), Мангу Темур (1266—?), Тўда Мангу (?), Тўла бўға (?), Тўхтахон (1290—1312), Ўзбекхон (1312—40), Жонибекхон (1340—57), Бердибекхон (1357—59), Наврўз (1359—60), Хизрхон (1360—61), Мардуд (Мурид)(1361—63), Муродхўжа (1363), Кутлугхожа (1364), Ўрусхон (1364—75), Тўқтақия (1375), Темур Малик (1375—76), Тўхтамишхон (1376—96), Темур Кутлуг (1396—99), Шодибек (1399—1407).

Ироқ (Озарбайжон, Форс, Хуросон, Кермон ва Эроннинг Ғарби)да ҳукм сурган Ч. (ҳукмдорлар): Ҳулокухон (1256—65), Абақахон (1265—82), Аҳмадхон (1282—84), Арғунхон (1284—91), Кейхоту (Гайхату)хон (1291—95), Бойдухон (1295), Ғозонхон (1295—1304), Ўлжайтухон (1304—16), Абу Саъид Баҳодирхон (1316—35), Арпахон (1335—36), Мусохон (1336), Султон Муҳаммадхон (1336—38), Тағой Темурхон (1338; 1341—51), Сулаймонхон (1339—41).

Шарқда Олтойдан то ғарбда Амударёгача, Ғулжадан Самарқанду Бухорогача бўлган ҳудудда, асосан, Чингизхоннинг 2-ўғли Чиғатой наслидан бўлган (қ. *Чиғатойийлар*) хонлар ҳукм сурган.

Ад.: *Рашид-ад-Дин*, Сборник летописей, т.2, М.-Л., 1960; *Абулғозий*, Шажараи турк, Т., 1992; *Мирзо Улуғбек*, Тўрт улус тарихи, Т., 1994; *Низомиддин Шомий*, Зафарнома, Т., 1996.

ЧИНГИЗТОВ — Қозоғистон паст тоғларининг шарқидаги тоғ тизмаси. Қозоғистон Республикаси (Шарқий Қозоғистон вилояти)да. Уз. 180 км, энг баланд жойи Қўсоба тоғи (1305 м). Сувайирғич қисмлари, асосан, текислашган юзалардан иборат. Баъзи жойларида якка гумбазсимон чўққилар мавжуд. Тик ён бағирлари кўплаб қуруқ сойлар б-н кесилган. Палеозойнинг қумтош, сланец, оҳактош, сланец, порфиритларидан тузилган. Ён бағирларида тоғ дашти ўсимликлари, бутазорлар ва кичик қайин-тоғтерак ўрмонлари учрайди.

ЧИНГИЗХОН (асл исми Тэмужин, Темучин) (тахм. 1155, Ўнон дарёси яқинидаги Делпун Бўлдан мавзеи — 1227.25.8) — *Мўғуллар давлати* асосчиси, саркарда. Мўғул қабилалари иттифоқи — тайжиутлар сардори Ясугай баҳодирнинг Ўэлун Фужин (хотун)дан туғилган тўнғич фарзанди. 13 ёшида отасидан етим қолган Ч. 27 йил давомида бир қанча уруғ ва қабилаларни тайжиутлар атрофида бирлаштириш мақсадида ҳарбий ҳаракатлар олиб борган. 1195—1204 й.ларда Ч. кераитлар бошлиғи *Ванхон Тўғрил* (Ўнхон) б-н иттифоқда меркит, найман, куралас, икирас, дурбан, татар ва ҳ.к. қабилаларни бўйсундиради. Бироқ, кейинчалик улар орасига адоват тушган. 1204 й. Ўнхон б-н бўлган жангда ғалаба қозонган Ч. хонлик тахтини эгаллайди. 1206 й. мўғул аслзодалари, нўёнлари иштирокида буюк қурултойда «чингиз» (тенгиз — денгиз, океан) унвони б-н сарафроз этилади (Улуғхон маъносида) ва барча қабила, уруғ, элатларнинг буюк хони деб эълон қилинади. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тартибга солишда Ч. томонидан эълон қилинган қонунлар тўплами — ясо (ясоқ) муҳим роль ўйнайди. Минг кишилик шахсий гвардия ҳамда юз минг жангчидан иборат отлиқ армияни шакллантирган Ч. Сибирдаги бир нечта қабила ва элатларни (1207), Шим. Хитойни (1211—15), Ўрта Осиёни (1219—21), Хуросон, Эронни (1221—24) ўз тасарруфига киритади. Мўғуллар томонидан забт этилган ҳудудлар вайрон қилинган, аҳолиси қириб ташланган, қулликка маҳкум этилган. 1224 й. Ч. Мўғуллар давлатини 4 ўғли — Жўжи, Чиғатой, Ўқтой ва Тулиларга тақсимлаб берган. Шим. Хитойдаги тангут қабилаларининг Си-ся давлати (10—13-а.лар)га қарши юриш қилган вақтида Ч. оғир дард туфайли вафот этади. Уни Мўғулистондаги Бурхон—Халдун тоғ этагида дафн этишади.

Ад.: *Утемиш-хаджи*, Чингизнаме, Алма-Ата, 1992; *Кычанов Е.И.*, Жизнь Тэмучжина, думавшего покорить мир, Бишкек, 1993; *Султанов Т.И.*, Поднятые на белой кошме. Потомки Чингизхана, Алматы, 2001.

ЧИНГИЗХОН ЯСОСИ, *Буюк ясоқ*, *Буюк яса* (мўғулча «жасоқ» — қонун, қарор, жазолаш сўзининг туркий «ясоқ» шакли) — Чингизхон томонидан мўғул қабилаларининг Ўнон дарёсининг бошланиш жойида чақирилган қурултойи (1206)да қабул қилинган қонунлар мажмуи, ўрта асрлар мўғул ҳуқуқи тўғрисидаги асосий ёзма ёдгорлик. Чингизхон амрига биноан ёзилиб, «Олтун дафтар» (чингизий хонларнинг расмий тарихи) б-н бирга хон хазинасида сақланган. *Мўғуллар давлатининг* ташкил топиши б-н Ч.я.ни такомиллаштириш, янги қонунлар б-н тўлдириш зарурати туғилган. 1218 й.да унга муҳим тузатишлар киритилган. Ч.я.нинг сўнгги таҳрири 1225 й.даги қурултойда қабул қилинган.

Даставвал Ч.я., асосан, давлат томонидан амалга ошириладиган турфа тадбирлар, муайян гуноҳлар учун бериладиган жазо чораларини ўзида мужассам қилган. Ч.я. тўла шаклда сақланиб қолмаган, унинг айрим парчалари бизгача етиб келган.

Жувайний (13-а.)нинг ёзишича, Ч.я. уйғур ёзувида тумор шаклида битилган бўлиб, у «Йаса номайи бузург» («Яса буюк китоби») деб номланган. Ч.я.нинг парчалари мусулмон тарихчилари Жувайний, *Рашидуддин*, *Ибн Баттута*, Тақиаддин Макризий; европалик сайёҳлар Плано *Карпини*, Виллем *Рубрук*, *Марко Поло* (13—14-а.лар) асарларида сақланиб қолган. 1240 й.га оид — «Мўғулларнинг махфий тарихи» ва хитой манбаларида ҳам ясоқ ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд.

Ад.: *Утемиш-ходжи*, Чингизнаме, Алма-Ата, 1992; *Султонов Т. И.*, Поднятые на белой кошме. Потомки Чингизхана, Алматы, 2001.

ЧИНГИЙ — қ. *Муҳаммад Ёқуб Чингий.*

ЧИНДОВУЛ — ўзбек ва тожик халқларида дубулға шаклидаги, бир томонидан тери б-н қопланган урма чолғу. Ҳарбий юришлар ва турли маросимларда қўлланилган. Ч. отлиқ аскар эгарига бойланган, таёқ ёки қамчи дастаси б-н чалинган.

ЧИНИҚТИРИШ — 1) *техникада* — янги ишлаб чиқарилган машиналар (автомобиль, трактор, трамвай, троллейбус, самолёт, т.й. состави, станоклар ва б.)ни дастлаб муайян маромда (режимда) ишлатиб, аста-секин равон ишлайдиган ҳолга келтириш. Мас., автомобилни меъёрий (паспортда кўрсатилган) тезликда ҳайдай бошлашдан олдин муайян пастроқ тезликда ҳайдаб юриш керак бўлади. Шунда унинг бир-бирига ишқаланиб мослашувчи деталлари (мас., двигателнинг цилиндри б-н поршени) муддатидан олдин ейилиб кетмайди, равон ишлайдиган бўлади. Самолёт ва вертолётни синовчи учувчилар чиниқтиради. Т.й. состави ҳам олдинига йўловчиларсиз ҳайдаб синаб кўрилади; 2) *тиббиётда* — организмнинг ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамлилигини

оширish, шартли рефлекс омилларини кучайтириш учун бажариладиган муолажалар мажмуи (қ. *Организмни чиниқтириш*).

ЧИНК, чинг (қозоқча — шинг) — 1) қир ва баландликлар, супатоғларнинг эрозион, денудацион ва тектоник йўл б-н ҳосил бўлган тик тушган баланд ён бағри, жарлик. Бал. 300—350 м га етади. Ч.лар олди кўпинча пастликлар бўлиб, уларни шўр ва ботқоқ босган бўлади. Мас., Устюрт платоси, Мангишлоқ я.о. чеккалари Ч.лардан иборат; 2) чўққи, тоғ тепаси, кимсасиз, қор босган тоғлар.

ЧИННИ (*чин* сўзидан) — сув, газ ва электр ўтказмайдиган, ўтга чидамли, жарангдор, асосан, оқ рангли (юпқаси ёруғлик ўтказадиган) маҳсулот; *керамика*нинг нафис тури. Махсус тупроқ (Ч. гили), каолин, кварц, дала шпати ва б. хом ашёлар аралашмасидан тайёрланади. Ч.дан рўзғор буюмлари (чойнак, пиёла, коса, ликопчалар, лаганлар), безак буюмлари (гулдон, ҳайкалча ва б.), меъморлик деталлари, санитария-гигиена буюмлари ишланади, кислоталар таъсирига чидамли (фторид кислотадан ташқари) бўлганидан кимё саноатида, электр ўтказмаслиги туфайли радиотехника ва электротехникада фойдаланилади.

Сифати жиҳатдан нафис Ч. (туркча фарфур, форсча — фағфур; энг сифатли Ч. тайёрланган қад. Хитой вилоятининг номи), дағал Ч. (фаянс, итальянча — Фаэнц; йирик керамика маркази бўлган шаҳарнинг номи), техник, хўжалик, сирланган ва сирланмаган Ч. фарқланади. Нафис Ч.нинг сувни сингдириши 0,5% гача. Дағал Ч. нафис Ч.га нисбатан серғоваклиги, сувни кўпроқ сингдириши (9—12% гача) б-н фарқ қилади, шунинг учун ҳам у сирланади. Нафис Ч. ҳам, дағал Ч. ҳам бир хил хом ашёлардан тайёрланади (таркиби: оқ гил ва каолин 45—50%, кварц қуми 25—35%, дала шпати 12 — 25%, бўр 0 —10%, чинни синиқлари 5—15%), фақат тайёрлаш технологияси ҳар хил бўлади. Ч.нинг қаттиқ ва юмшоқ турлари ҳам бор. Идишлар ясашда, техника ва саноатда қаттиқ Ч. ишлатилади, бадиий ва безак Ч. маҳсулотлари юмшоқ Ч. дан тайёрланади. Қаттиқ Ч. юмшоқ Ч.га нисбатан чидамлироқ, хом ашёси таркибида тупроқ кўпроқ (45—60%) бўлади, шунинг учун ҳам юмшоғига нисбатан юқори т-рада (юмшоғи 1300° гача, қаттиғи 1450°гача) пиширилади. Ч. маҳсулотлари сирланиб, бўялиб, гуллар солиниб ёки гул босилиб ишлаб чиқарилади.

Чинни. 1. Хитой вазаси. 2. Тошкент чинни заводида ишланган ваза. Рассом Х. Ҳайдаров.

Хитойда 4—6-а.ларда чиннисозлик санъати юксак даражага кўтарилган, Ч.нинг таркиби ва тайёрлаш технологияси сир сақланган. 11—14-а.ларда Эрон, 16-а.да япон Ч.си шуҳрат қозонди. 16-а.да Европада (Флоренция, Франция, Голландия, Англияда) илк Ч. буюмлари пайдо бўлди, дастлабки Ч. з-ди 1710 й.да Майсенда, 1717—18-й.ларда Венада, 1744 й.да Петербургда қурилди. Дания (Копенгаген), Швеция (Мариебург), Голландия (Весп, Гаага), Бельгия (Турне), Швейцария (Цюрих), Чехия (Славков, Клаштерец) бадиий Ч.си шуҳрат қозонди. 18-а. ва 19-а.да Ч.дан безак маҳсулотлар ва бадиий буюмлар ясалган. 20-а. бошларидагина Ч. санъат миқёсида ишлаб чиқарила бошлаган.

Ўрта Осиёга Ч. қадимдан Хитой ва Эрондан, кейинчалик Россиядан келтирилган. Маҳаллий кулоллар (айниқса, Риштон кулоллари) сополнинг Ч.га яқин хилларини ишлашган. Ўзбекистонда Ч. саноати 20-а. 50-й.ларида юзага келди, бирин-кетин Тошкент, Самарқанд, Қува, Ангрен ш.ларида Ч. з-длари қурилди (қ. *Чинни-фаянс саноати*).

ЧИННИ ТАРВУЗ — ўрта эртапишар маҳаллий тарвуз нави. Палаги, ён шохлари ўртача, барглари сийракроқ, конуссимон, бироз майин тукли. Мева шакли шарсимон, туси оч яшил, ўртача катталикда. Пўсти қаттиқ. Мева юзаси силлиқ, юзаси бўйлаб тўқ яшил рангли тасмачалар бир-бирига уланиб уячалар шаклини беради. Этининг ранги оч қизил, серсув, ширали, толали. Таркибида 6,5% қуруқ модда ва 6,5% қанд бор. Ҳосили 70—75 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 320—340 ц/га. 1956 й.дан давлат реестрига киритилган. Ўзбекистоннинг (Самарқанд вилоятидан бошқа) барча вилоятларида экилади.

Чинни тарвуз.

ЧИННИГУЛ (Dianthus) — чиннигулдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт ва ярим бутачалар туркуми; манзарали экма гул. 300 дан ортиқ тури маълум. Европа, Осиё ва Африкада тарқалган. Даштлар, ўтлоқзорлар, қумлоқ ерларда ўсади. Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган кўп йиллик ўт бўлган 3 тури (ангрен, угом, туртгангачали Ч.лар) учрайди. Пояси бўғимларга бўлинган, барглари қарама-қарши, бандсиз, тўғри наштарсимон ёки учи ўткир. Гулёнбаргчаси косачасига яқин жойлашган. Ч.нинг кўпгина турлари манзарали ва экиб кўпайтирилади. Жан. Европада кенг тарқалган бир ва икки йиллик боғ ёки голланд чиннигули (D. caryophyllus) тури Ч.нинг манзарали навларини яратишда асос бўлган. Гули битта тупгулда, йирик, қалин, қатма-қат, хушбўй, ранги ҳар хил (қизил, пушти, сариқ, оқ ва б.). Кўпгина мамлакатларнинг саноат гулчилигида очиқ ерларда ва иссиқхоналарда етиштирилади. Кўп йиллик патли ёки турк Ч.и (D. barbatus) турининг гуллари майда, ғоят хушбўй, қалин тўпгулга йиғилган. Гулчиликда аҳамияти катта. Бир йиллик хитой Ч.и (D. chinensis) тури гулининг ранги ва тузилиши б-н фарқ қилади.

Ч. уруғидан (уруғи иссиқхоналарда янв.—майда сепилади) ва қаламчасидан (ноябрь—март ойларида илдиз олдирилади) кўпайтирилади. Голланд Ч.и 5—8 ойда гул чиқаради, турк Ч.и 2-йили июнь—июлда, хитой Ч.и июндан биринчи қорасовуқларгача гуллайди. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун манзарали Ч.нинг Вильямс Сим нави р-нлаштирилган (1980).

Чиннигул.

ЧИННИГУЛДОШЛАР (Caryophyllaceae) — чиннигулнамолар қабиласига мансуб оила. Чалабута ҳамда бир, икки ва кўп йиллик буталардан иборат. 80 туркумга кирадиган 2000 тури бор. Ўзбекистонда 24 туркумга мансуб 122 тури ўсади. Барглари оддий, қарама-қарши жойлашган, бандсиз, текис қиррали. Гуллари тўғри, 4—5 бўлакли. Косача барглари эркин ёки туташган. Чангчилари 4—10 та, уруғчиси 1—5 та, тугунчаси устки, меваси кўсакча. Шим. ярим шарнинг мўътадил минтақасида тарқалган. *Чиннигул*, дрема, лихнис, ер совун ва б. турлари манзарали. Етмак, совунут, эчкимия ва б. илдизлари ҳолва ва ҳар хил ичимликлар тайёрлашда ишлатилади. Ч.нинг баъзи турлари атир-упа саноатида ва тиббиётда қўлланади. Ч.нинг 10 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

ЧИННИ-ФАЯНС САНОАТИ — *чинни, фаянс* ва б. нафис *керамика* маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи. Уй-рўзғорда ишлатиладиган чинни буюмлар ва бадиий чинни маҳсулотлар, фаянс, ярим чинни ва майолика маҳсулотлари и. ч.ни қамрайди. Ч.-ф.с. маҳсулотлари рўзғорда, айрим саноат тармоқларида кенг қўлланилади. Чинни идишлар тайёрлаш қад. Хитойда 4—6-а.ларда пайдо бўлди. Европада биринчи чинни з-ди 1710 й.да Мейсен (Германия)да, Россияда 1744 й.да қурилган. Ўзбекистонда Ч.-ф.с., асосан, 20-а.нинг 50-й.ларидан ривожлана бошлади. Унга қадар Ўрта Осиёга чинни буюмлар қадимдан Хитой ва Эрондан, 19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб Россиядан келтирилган. Рўзғорда, асосан, маҳаллий кулоллар тайёрлаган сопол идишлар (пиёла, коса, лаган, хум, хурмача, чироқдон ва б.)дан фойдаланилган (қ. *Кулолчилик*).

1952 й.да Тошкент чинни з-дида миллий безакли чинни буюмлар ишлаб чиқарила бошлади. 1970 й.да йиллик и.ч. қуввати 22 млн. дона маҳсулот бўлган Самарқанд чинни з-ди, 1978 й.да йиллик и.ч. қуввати 29 млн. дона маҳсулот бўлган Қувасой чинни з-ди ишга туширилди. 1967 й.да Ангрен керамика к-ти ишга туширилиши б-н республикада турли хил фаянс ва чинни плиткалар ва санитария-қурилиш маҳсулотлари и.ч. йўлга қўйилди.

20-а.нинг 70-й.лари ўрталарида Ўзбекистон Ч.-ф.с.да 40,5 млн. дона чинни маҳсулотлар (шу жумладан, 0,44 млн. дона санитария-қурилиш буюмлари) ишлаб чиқарилди. Республика Ч.-ф.с. корхоналарида аҳоли эҳтиёжлари учун миллий услубдаги чинни буюмлар (пиёла, чойнак, коса, тарелка, лаган, кўза, совғабоп тўпламлар), қурилишда ишлатиладиган фаянс плиткалар чиқарилади. Тармоқда «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига кирадиган корхоналар: Абдурауф Иброҳимов номидаги «Тошкент чинни заводи» акциядорлик жамияти, *Самарқанд «Нафис» акциядорлик жамияти*, *«Қувасой чинниси» акциядорлик жамияти*. 2003 й.да тармоқ корхоналарида 44 млн. дона чинни маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Чинни буюмлар чет элларга экспорт қилинади. «Оқ олтин», «Тонг», «Узум», «Товус», тўпламлари халқаро кўргазмаларда олтин медаллар б-н тақдирланган.

Ўзбекистон чинни саноатида ишлаб чиқарилган «Оқ олтин» тўплами.

Хорижий мамлакатлардан Хитой, ГФР, АҚШ, Франция, Япония, Чехия ва бошқаларда Ч.-ф.с. тараққий этган. Германияда «Розенталь», «Хученройтер», Францияда «Бернардо», «Дюпе», Буюк Британияда «Уэжвуд», Японияда «Норитаке» тармоқдаги энг йирик ва тарихий анъаналарига эга бўлган фирмалар ҳисобланади.

Ад.: Аминджанова М., Сайко Э., Керамика, стекло и фарфор в Средней Азии, Т., 1968; Технология фарфорового и фаянсового производства, М., 1975.

ЧИННИХОНА — археологик ёдгорлик; сарой. Самарқандда Чўпонота тепалигининг жан.-ғарбида жойлашган. 15-а.нинг 40-й.ларида *Улуғбек расадхонаси*га яқин жойда қурилган. Сарой деворлари чинни б-н қоплангани учун ҳам Ч. деб аталган. *Улуғбек* ва олимлар шу ерда самовий кузатув. и. т.лардан сўнг ҳордиқ чиқаришган. Ёдгорликда археолог В.Д.Жуков (1941), Ў. Алимов (1968) қазиш ишлари олиб боришган. Бинонинг жан. қисмида айвон (саҳни устига силлиқланган 25×25×4,5 см ли пишиқ ғишт терилган), унинг олдида 8 қиррали (айланаси 1,5 м) фонтан ўрни, 6 қиррали пишиқ ғишт терилган супача топилган. Олдингисидан 50 м ғарбда айлана шаклда мармар тош ётқизилган 2-фонтан ўрни очилган. Унга ер тагига ётқизилган сопол қувурлар орқали сув келган. Ч.нинг пештоқли асосий эшиги сайқалланган оқ мармар, серпантин ва б. тоғ жинсларидан ишланган. Ч.дан нафис кошинли девор қолдиқлари, чинни ва тош тахтачалар (бирида «бахтли бўл» ёзуви бор), рангли шишачалар, чақа пуллар топилган.

Чиннихона. Ўймакор нақшлар.

ЧИННИҚУЛОВ Ўрол (1937.25.8, Пайариқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУни тугатган (1962). 1962 й.дан Пайариқ туманидаги 14-интернат мактабида бош тарбиячи, 1970—95 й.ларда 20-мактабда ўқув бўлими мудири, она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

«ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИ — овқат ҳазм қилиш аъзолари (меъда, ичак, жигар ва ўт пуфаги) касалликларини даволашга ихтисослашган тиббий соғломлаштириш маскани. Тошкентнинг Юнусобод туманида жойлашган. Санаторий ҳудуди 1938 й.да пахта тозалаш з-длари ишчиларининг дам олиш зонаси бўлган, 1941 й. эвакуация қилинган госпиталь жойлаштирилган, 1946 й. санаторийга (75 ўринли) айлантирилган. «Ч.» с.нинг ҳозирги майд. 19 га, атрофи мевали ва манзарали дарахтлар б-н кўкаламзорлаштирилган. 1963 й. санаторий ҳудудида 1554 м чуқурликдан бурғи қудуғи орқали *Тошкент минерал суви* чиқарилган. Санаторий 370 ўринли, унда даволаш ва диагностика бўлимлари, жумладан, шифобахш минерал сув, балчиқ, озокерит ва электр б-н даволаш бўлимлари, бадан тарбия зали, аэросолярий, ингаляторий, рентген, ректороманоскопия, стоматология хоналари, биокимё, бактериология ва клиник лаб.лари бор. Минерал сувдан асосан ванналар учун, ичиш, ичакларни чайиш, тюбаж, душ, сув ости массажи қилишда фойдаланилади. «Ч.»с. меъда ва 12 бармоқ ичакни текширадиган замонавий тиббий текширув асбоблари б-н жиҳозланган. 1997—98 й.дан санаторийнинг даволаш ихтисослиги кенгайтирилди: қандли диабет, гинекология, урология, андрология бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. 1999 й.дан фоль акупунктура диагностикаси жорий этилди, бунда биологик фаол нуқталар (БФН) ва компьютер ёрдамида аниқ ташхис қўйилади.

Беморларга табиий минерал сувдан ташқари, дори-дармонлар, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар, парҳез овқатлар ва б. берилади. Йилига 6000 киши даволанади (2004).

Санаторийда 370 ўринга мўлжалланган ётоқ корпуслари (бир ва икки ўринли), 2 та оилавий коттеж, клуб, кутубхона, спорт майдончалари бор. «Ч.-с.да бекаму кўст даволаниш, мароқли дам олиш учун барча қулайликлар ва оромбахш микроиқлим мавжуд. 2001 йилдан «Ч.-с. очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ)га айлантирилди.

ЧИНОЗ (мўғулча — бўри) — ўзбеклар таркибига кирган қабилалардан бири. Рашидуддин Фазлуллоҳ (14-а.)нинг «Жоме-ут-таворих» тарихий асарида ёзилишича, «Ч.» атамаси мўғулларнинг тайжуит қабиласи таркибидаги уруғлардан бирини англатади. Кейинчалик Ч.лар тайжуитлардан ажралиб, мустақил қабила бўлганлар. 13—14-а.ларда Ч. қабиласи ҳам бошқа бир қанча мўғул қабилалари каби Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмига келиб ўрнашганлар. 16—17-а.ларда уларнинг бир қисми Қарши чўли (Қарши ш. яқини)га ва Тошкент воҳасига кўчиб келиб, ўтроқлашиб кетган. Дашти Қипчоқда қолган қисми эса қорақалпоқлар таркибига кирган.

ЧИНОЗ — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги шаҳар, туман маркази. 1958 й. 8 майда асос солинган. Т.й. станцияси, автомобиль йўллар чорраҳаси. Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида. Тошкент ш.дан 50 км жан.да. Аҳолиси 35 минг киши (2004). Шаҳарнинг шим. -шарқий қисмида қад. Чиноз харобалари сақланиб қолган. Бу ерда дастлабки манзилгоҳ мил. бошларида вужудга келган. 1-минг йиллик ўрталарига келиб манзилгоҳ мудофаа деворлари б-н ўралган ва марказий қисмида арқи (бал. 8 м) бўлган шаҳарга айланган. Кўчманчи чорвадор халқлар б-н алоқалари ва Шарқ мамлакатларига бориладиган машҳур савдо йўлида жойлашганлиги Ч.нинг тез суръатлар б-н ўсишига сабаб бўлган. Шаҳар 13-а. бошларида мўғуллар истилосидан кейин харобага айланган. Бу ерда ўтказилган археологик қазиш пайтида кўплаб хўжалик буюмлари, безаклар ва тангалар топилган.

Чиноз туманидаги қишлоқ врачлик пункти.

Ч. ёнида шағал-қум карьери мавжуд. Шаҳарда 2 қўшма корхона (шу жумладан, калава ип, газлама ишлаб чиқариладиган Ўзбекистон—Туркия—Япония «Тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси), кичик корхоналар, пахта тозалаш, нон з-далари, қурилиш конструкциялари к-ти, норуда материаллар н.ч., уруғлик танёрлаш корхоналари фаолият кўрсатади. Шунингдек, маданий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқон бозори мавжуд. 10 дан иборат умумий таълим, мусиқа мактаблари, 2 та ўрта махсус билим юрти, маданият уйи, марказий кутубхона ва унинг тармоқлари, маданият ва истироҳат боғи, 2 касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар бор.

Ч.дан Тошкент—Нукус, Тошкент—Урганч автомобиль трассаси ва т.й. ўтган. Шаҳардан Тошкентга автобуслар қатнайди.

ЧИНОЗ ТУМАНИ — *Тошкент вилоятидаги* туман. 1935 й. 9 февр.да ташкил этилган. 1962 й. 24 дек. да Янгийўл туманига қўшилган. 1973 й. 12 апр. да қайта тузилган. Шим. ва шим.-шарқдан Янгийўл, шарқ ва жан.-шарқдан Қуйи Чирчиқ туманлари, жан. ва ғарбдан Сирдарё, шим.-ғарбдан Қозоғистон Республикаси б-н чегарадош. Майд. 0,34 минг км². Аҳолиси 116 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳар (Чиноз), 2 шаҳарча (Олмазор, Янги Чиноз), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Ислоҳот, Иттифоқ, Кўтарма, Туркистон, Чиноз, Эски Тошкент, Яллама, Ўзбекистон) бор. Маркази — *Чиноз ш.*

Табиати. Рельефи, асосан, текисликдан иборат. Қир ва адирлар, Қозоғистон чегарасига яқин жойда эса чўл бошланади. Фойдали қазилмалардан Сирдарё б-н Чирчиқ дарёсининг қўшилиш жойида қурилишда ишлатиладиган қум-шағал олинади. Иқлими континен-

Чиноз деҳқон бозори.

Чиноз туманидаги 20-умумий таълим мактаби.

Автомобиль таъмирлаш з-ди, қурилиш материаллари ва конструкциялари, норуда қурилиш материаллари к-тлари, МТП, қум-шағал карьери бор. 2 қўшма корхона (шу жумладан, калава ип-газлама н.ч.га ихтисослашган Ўзбекистон — Туркия — Япония «Тўқимачи — ЛТД» корхонаси) ишлаб турибди. Савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқон бозори фаолият кўрсатади. Қ.хнинг асосий тармоқлари — пахтачилик ва галлачилик. Шу б-н бирга чорвачилик, полизчилик, сабзавотчилик, полигончилик, боғдорчилик ҳам ривожланган. Туманда 13 ширкат, 541 деҳқон фермер хўжалиги бор. Ч.тдаги шахсий ва жамоа хўжаликларида 26,8 минг қорамол (шу жумладан, 11,6 минг сигир), 17,6 минг қўй ва эчки боқилади, паррандачилик б-н ҳам шуғулланилади.

Туманда 48 умумий таълим мактаби (26,1 минг ўқувчи), 2 ўрта махсус билим юрти (1,2 минг ўқувчи), марказий кутубхона ва унинг 29 та тармоғи, болалар мусиқа мактаби, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. 2 касалхона (400 ўрин), поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари, дорихона ва б. тиббий муассасаларда 163 врач ишлайди. Ч.дан Тошкентга автобуслар қатнайди. 1935 й. дан «Чиноз ҳаёти» туман газ. чиқади (адади 11050).

ЧИНОР (Platanus) — чинордошлар оиласига мансуб барг тўкувчи ўсимликлар туркуми; 10 тури маълум. Шим. Америка (Канададан Мексикагача), Жан. Шарқий Европа ва Ўрта денгизбўйи мамлакатларидан Ҳиндихитойгача бўлган ҳудудда тарқалган. Кавказ, Қрим, Ўрта Осиёда шарқ чинори (P.orientalis), Жан. Украина, Қора денгиз соҳиллари, шунингдек, Ўрта Осиёда Шим. Америкадан келтирилган ғарб чинори (P.occidentalis) турлари ўстирилади. Шарқ Ч.и ёввойи ҳолда ўсади. Шох-шаббаси қалин, бўйи баланд (50 м гача), танаси бақувват (айланаси 18 м гача), цилиндрсимон, шўстюги сарғиш-оқ. Ўзбекистонда манзарали Ч.нинг ҳар икки тури ўсади. Новдалари ва барглари ёшлигида тукли, кейинчалик туклари тўкилиб кетади. Барглари йирик, асосан, 3 (баъзан 7) бўлмали. Меваси думалоқ, дағал тукли ёнғоқча, диаметри 1,5 см, мева бандида 2—5 талаб ўрнашган, узоқ вақт тўкилмайди. Апрда гуллаб, меваси май—сент.да етилади. Ч., айниқса, ёшлигида тез ўсади. Қулай шароитда 2000 йил ва ундан ҳам кўпроқ яшайди. Эгей денгизидаги Крит о.да танаси айланаси 18 м бўлган 2300 йиллик Ч.лар бор. Сурхондарё, Наманган ва Самарқанд вилоятларида 600—800 ёшли Ч.лар учрайди.



Шарқ чинори: *1* — умумий кўриниши; *2* — уруғи; *3* — барги ва мева шохчаси.

Ч. уруғини экиб, қаламчасидан ва илдиз бачкиларидан кўпайтирилади. Ч.нинг ёғочи енгил, пишиқ, мебель саноатида қадрланади. Унинг ёғочидан ўзбек меъморлигида қадимдан фойдаланиб келинган.

ЧИНҒИЛ, жангал (Halimodendron halodendron (Pall.) Vass.) — дуккакдошларга мансуб бута тури. Бўйи 2 м га боради, тиканли. Барглари жуфт патсимон, гули пушти. Табиий ҳолда тўқайларда, ариқ ва жар ёқаларида ўсади. Апр.—авг.да гуллаб, июнь—сент.да меваси пишади. Чўл ва адирларда ҳар қандай тупроқларда, ҳатто шўр тупроқларда ҳам ўсади. Уруғидан ва илдиз бачкиларидан кўпаяди. Қумларни мустаҳкамлаш, шўр ерларни кўкаламзорлаштиришда қўлланилади.

Гуллаган чинғил ва уруғи.

ЧИПОР ИЛОНЛАР — сув илонлар оиласига мансуб илонлар 2 уруғи; асл Ч.и. (Coluber) ва ўрмаловчи Ч.и. (Elaphe)нинг умумий номи. Уз. 2,4 м гача. Гавдасининг орқа қисми сидирга рангли, баъзан қора йўл-йўл доғлари бўлади; қорин томони оқиш. 30 га яқин тури Жан. Европа, Осиёнинг мўътадил ва тропик минтақалари, Шим. ва Шарқий Африка ҳамда Шим. Америкада тарқалган. Ўзбекистонда Ч.нинг 6 тури учрайди. Айниқса, турли рангли Ч.и. ва гуллар Ч.и. кенг тарқалган; чўл минтақаларда кўндаланг йўлли Ч.и., хоналар Ч.и. кўп учрайди. Ч.и. майда кемирувчилар, калтакесаклар, қушларнинг болалари ва майда қушлар б-н озиқланади. Жуда ҳаракатчан. Ўлжасини бўғиб ёки ерга босиб ўлдиради. Ўргочиси 3 талаб 40 тагача тухум қўяди. Чақади, лекин заҳареиз бўлганидан хавфли эмас. Айрим турлари Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

Ранг-баранг чипор илон.

ЧИПОРҚАНОТЛИЛАР (Zygaenidae ёки Anthrocеridae) — капалаклар оиласи. 1200 га яқин тури маълум. Қанотлари ёйилганда 5 см ча. Олдингиси, одатда, ялтироқ, кўк, яшил ёки қора. Қизил, сариқ, оқ доғлари бор. Баъзи Ч. ранги сидирга бир хилда. Личинкаси ўсимлик (асосан, дуккакдошлар) барги б-н озиқланади. Пилла ичида гумбакка айланиб, қишлайди. Ер юзида, айниқса, тропикларда тарқалган. Ўзбекистонда 10 га яқин тури учрайди. Айрим турлари маданий ўсимликлар зараркунандаси. Ток чипорқанотлиси ток барги ва куртагини зарарлайди.

ЧИПҚОН, фурункул — соч халтачаси (фолликула) ва атрофидаги ёғ бези ҳамда тўқималарининг ўткир йирингли некротик яллиғланиши. Стафилококклар қўзғатади. Терида ёғ ва тер ажралишининг кучайиши, авитаминоз, модлалар алмашинувининг бузилиши, гигиена риоя қилмаслик, терининг тирналиши, чақаланиши Ч.га сабаб бўлади. Ч. терининг тукли қисмида, кўпинча бўйин (энса соҳаси), юз, бел, думба, сон ва б. жойларга чиқади.

Ч. ҳар хил катталикда бўлиши мумкин. Дастлаб думалоқ, конуссимон, қизғиш тугунча юзага келиб, терилар кўтарилиб чиқади, безиллаб оғрийди.

атрофидаги тўқималар шишади. Агар лаб, қовоқ каби ёғ кўп йиғиладиган соҳада пайдо бўлса, атрофи жуда шишиб кетади, ҳатто бемор оғзи б-н кўзини очолмай қолади, қаттиқ оғрийди. Касаллик секин-аста авж олади: дўмбайиб турган тугунча 3—4 кундан сўнг катталашиб яллиғланади, ўртаси йиринг бойлайди, кейин кўкимтир тусга киради, йиринг кўпайиб, Ч. уч беради ва ёрилади. Ёрилган ердан бир оз йиринг чиқиб, яра пайдо бўлади. Яра ўртасида соч ва унинг атрофидаги тўқималардан иборат Ч. «ўлиги» кўриниб туради; 2—3 кундан кейин яра катталашиб, ичидан қон аралаш йиринг чиқади. Бу вақтда оғриқ камайган, Ч. атрофидаги шиш ва яллиғланиш аломатлари анча пасайган бўлади. Кейинчалик Ч. «ўлиги» бутунлай чиқиб, яра чандиқланиб битади. Ч.нинг айни вақтда кўплаб тошиши фурункулёз дейилади. Маҳаллий ва умумий фурункулёз фарқ қилинади. Маҳаллий ёки чегараланган фурункулёз, асосан, терининг маълум бир қисмида (кўпинча бўйин, бел, думба соҳасида) учраб, санитария-гигиена қоидаларининг бузилиши, Ч.ни ўз вақтида даволамаслик ёки нотўғри даволаш натижасида вужудга келади. Умумий ёки тарқоқ фурункулёз терининг анчагина қисмини эгаллайди, бунга кўпинча моддалар алмашинувининг бузилиши (диабет, колит, неврит, анемия ва б.), гиповитаминоз (А, В, С), тузук овқатланмаслик, оғир инфекцион ёки сурункали касалликлар, бирдан совқотиш, иссиқлаб кетиш, шунингдек, жисмонан толиқиш, нерв системаси фаолиятининг бузилиши ва б. сабаб бўлади.

Ч. ва фурункулёзни мутахассис врач даволайди; даво касаллик босқичи, ўрни ва танада тарқалишига қараб олиб борилади. Ч.ни ҳар ким ўз билгича ситиши ярамайди, акс ҳолда оғир асоратлар юзага келиши мумкин. Ч. ёки фурункулёз чиққанда ҳаммомга тушиш, шунингдек, душ, ванна қабул қилишга рухсат этилмайди; врач тавсияси бўйича дезинфекцияловчи ванна (марганцовка б-н) қилиш мумкин.

Парҳез сақлаш, хусусан, аччиқ, шўр овқатлар ва ширинликларни чеклаш, сервитамин овқатлар тавсия этилади. Ч.га даво қилинганда аввало унга сабаб бўлган асосий касалликни даволаш лозим.

ЧИРИКРАБОТ — сак қабилаларидан бўлган опасиаклар шаҳрининг харобаси (мил. ав. 1-минг йиллик ўрталари). Жангадарё бўйи (Қизилқум)да жойлашган. Хоразм археология-этнография экспедицияси (1948—49), Ю.А.Рапопорт раҳбарлигидаги археология отряди (1957—58) текширган. Ч. қалъаси тухумсимон тепалик (бал. 15 м) устига қурилган, майд. 850×600 м. Атрофи квадрат шаклидаги ғиштдан (30×30×9 см дан 50×50×11 см) қурилган. Ички ва ташқи девор б-н ўралган. Девор ташқарисидан қалъани айлантириб хандақ (кенглиги 40 м, чуқ. 4,5 м) қазилган. Ч.нинг ян қад. ёдгорликлари мозорқўрғонлардир, улардан 6 таси маълум. Мозорқўрғонда 10 га яқин қабр очилган. Қабрларга жасадлар чалқанча, бошлари шим.-ғарбга қаратиб ётқизилган. Мозорқўрғондан мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарига оид бир неча сопол бўлаклари, ясси дастали темир қилич, 3 қиррали жез ўқ учлари ва майда олтин буюмлар топилган. Шаҳарнинг жан.-шарқий томонида жойлашган қад. ёдгорликлардан яна бири хом ғиштдан қурилган, доира шаклидаги мақбара (диаметри 38,5 м, бал. 8,4 м) харобаси бўлиб, квадрат шаклидаги 4 хона (ҳар бири 5,9×5,9 м)дан иборат. Мақбарадан темир ханжарлар, пичоқлар, олтин ва кумушдан ясалган қўнғироқчалар, турли тақинчоқлар чиққан. Сопол буюмларнинг ақсарияти мил. ав. 3—2-а. га оид.

ЧИРИЛДОҚЛАР (Gryllidae) — тўғриқанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. Тропик ва мўътадил минтақаларда 2 мингдан ортиқ тури маълум. Сернам ўтлоқ ерларда, полиз ва сабзавот экинзорларида, хоналонларда яшайди. Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик минтақаларида кўпинча дашт чирилдоғи (Acheta deserta Pall.) учрайди. Эркагининг тана уз. 10—16 мм, урғочисиники 12—20 мм, қора; танаси майда кулранг туклар б-н қопланган. Орқа оёқлари сакровчи. Устқаноти қорнининг учигача етади. Эркаги устқанотларини бир-бирига ишқалаб чириллаган товуш чиқаради. Эшитиш органи олдинги болдирида. Қорнининг учида узун ўсимталари бор. Тупроқ ёриқлари, тошлар таги ёки уяларда, баъзилари уйларда (уй чирилдоғи ёки қора чигиртка) яшайди.

Дашт чирилдоғи.

Тупроқнинг юза қатламида катта (бешинчи) ёшдаги личинкалари қишлайди. Апр.-май ойларида личинкалар пўст ташлаб, вояга етган ҳашаротга айланади. Қанотлари шаклланиб бўлгандан кейин, бир ой ўтгач Ч. кичикроқ гала бўлиб, тупроқ ёриқларига тухум қўяди. 15—20 кунда тухумдан личинкалар чиқади. Йилига бир марта авлод беради. Экинларни зарарлайди, баъзан кўчат қалинлигининг камайишига сабаб бўлиши мумкин. Вертун чирилдоғи (Oecanthus turanicus Uv.) ғалла экинзорлари ва уларга яқин жойлашган ғўза, беда, ёш токларни зарарлайди.

Кураш чоралари: заҳарли хўрак ва ўсимликларга инсектицидлар сепиш, бегона ўтларга қарши кураш, тупроққа яхши ишлов бериш ва б.

Султон Алимуҳамедов.

ЧИРИЛДОҚЛАР (Locustella) — *чумчуқсимонлар* туркумига мансуб қушлар уруғи. Эни майда қушлардан, уз. 12—16 см. Танаси чўзиқ, тумшуғи жуда узун ва тўғри. Танасининг устки томонида ёки томоғида узунасига жойлашган қорамтир доғлар бор. 7—8 тури, жумладан, Ўзбекистонда 4 тури маълум. Европа, Шим.-Ғарбий Африка ва Осиёда (жанубда Ҳимолайгача) тарқалган. Африка ва Жан. Осиёда қишлайди. Ўрмон четлари ва тўқайларда яшайди. Буталарга ёки ерга уя қуради. Ер бағирлаб паст учади. Ҳашаротлар б-н озиқланади. Чирқиллашга ўхшаш овоз чиқариб сайрайди (номи шундан).

ЧИРИНДИ — қ. *Гумус*.

ЧИРИНДИЛИ ГОРИЗОНТ, тупроқнинг гумусли қатлами — тупроқнинг ўсимлик ва ҳайвонот қолдиқлари чириндиларидан иборат органоген горизонти. Бу горизонт қалинлиги қора тупроқларда 150—200 см, сур тупроқларда 25—50 см, чўл тупроқларида 20, баъзи жойларида эса 30 см гача. Ўрта Осиёнинг чўл минтақасида тарқалган чўл қумли тупроқлари, сур тусли қўнғир ва тақирсимон тупроқларда чиринди миқдори жуда кам. Агротехник ва кимёвий ишлов бериш натижасида тупроқда органик моддалар, жумладан чиринди миқдори ортиб боради. Мирзачўлнинг оч тусли бўз тупроқларидаги қўриқ очилиб, унда алмашлаб экиш ва минерал ўғит қўллаб экин экилгандан кейин, ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида камайиб кетган чиринди миқдори 10 й.дан кейин тупроқнинг 1 м ча қалинликдаги қатламида 20%, 30 йил суғорилгандан сўнг эса 23,5% га, шунга мувофиқ азот 9,2 ва 14,1% га ортади. Чиринди, асосан, экилган ўсимликлар илдиз қолдиқлари ҳисобига тўпланади. Бундан ташқари, бу қатламда *гумус*нинг кўпайишида дуккакли, бошоқли ёки улар аралашмасидан иборат ўтлар экиш, шунингдек, сув б-н оқиб келган оқизиқларнинг аҳамияти катта.

ЧИРКИН Василий Александрович (1884.12.8, Екатеринбург —1940.10.6, Тошкент) — реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1936). Москва филармониясининг драма синфини тугатган (1910). 1910—12 й.лар Москва Кичик театрида, 1917—23 й.лар Москва Ҳарбий театрида, 1924—34 й.лар Иваново-Вознесенск, Курск, Брянск, Боку, Свердловск, Қозон театрларида ишлаган. 1934 й. Тошкентга келиб, Рус театри (ҳоз. Ўзбекистон рус академик драма театри) ташкилотчиларидан ва биринчи бадиий раҳбари бўлган. «Интервенция» (Л. Славин), «Аристократлар» (Н. Погодин), «Тубанликда» (М.Горький), «Телба кун, ёки Фигаронинг уйланиши» (П. Бомарше), «Отелло» (У. Шекспир), «Момақалдироқ» (А.Островский), «Ванюшин болалари» (С. Найдёнов), «Пётр I» (А.Толстой), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза), «Ҳамлет» (У.Шекспир, М.Уйғур б-н ҳамкорликда) каби спектаклларга реж.лик қилган. Юқори идеалларга интилтиришга ҳаракат қилиш, ҳаёт ҳақиқатининг ёрқин театр шакллари б-н уйғунлашиб кетиши, спектаклларга Вахтангов услубини сингдиришга уриниш Ч. режиссурасига хос.

ЧИРМОВУҚ — ўсимликларга чирмашиб ўсадиган паразит ўсимлик (қ. *Девпечак, Зарпечак*).

ЧИРОКИЛАР, черокилар — АҚШ даги ирокезлар гуруҳига мансуб индейс халқи (Шим. Каролина ва Оклахома штатларидаги резервацияларда яшайдилар). 66 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Асосан, деҳқончилик, майда тадбиркорлик б-н шуғулланадилар. Диндорлари — христианлар (католиклар, протестантлар ва б.); анъанавий эътиқодлар ҳам сақланиб қолган.

ЧИРОҚЖЎРА ВОЛЬФРАМ КОНИ — Зирабулоқ тоғларининг ғарбий қисмидаги кичик кон. Чироқжўра интрузив массивининг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1955 й.да очилган. Кон геол.сини Н.Д. Ушаков (1958—60), Ҳ.Н. Боймуҳамедов (1960) ўрганган. Конда силур даврига мансуб оҳактош ётқизиқлари мавжуд. Вольфрам рудаси Чироқжўра интрузив массиви ичида ётган (750×100 м катталикдаги) оҳактош ҳарсанглари (ксенолитлари) б-н гранодиоритлар туташган жойда ҳосил бўлган скарнлар б-н боғлиқ. Линзалар шаклидаги рудали скарнлар таркибида вольфрамнинг шеелит минерали бор. Рудали скарн жисмининг уз. 150 м, қалинлиги эса 0,4 м. Рудали скарнлар, асосан, пироксен, гранат, кварц, шеелит, стильпномелан, антимонит, везувиан, нонтронит, пирротин, халькопиритлардан таркиб топган. Вольфрам рудаси (шеелит) жуда майда доначалар ҳолида скарндаги пироксенлар орасида жойлашган.

ЧИРОҚЧИ — Қашқадарё вилояти *Чироқчи туманидаги* шаҳар (1980 й. дан), туман маркази. Ч. номи чироқ ясовчи ҳунармандлар касби б-н боғлиқ. Ч.дан вилоят маркази (Қарши ш.) гача 83 км, яқин т.й. станцияси — Яккабоғ (12 км). Аҳолиси 17,5 минг киши (2003). Аҳолиси ва хўжаликлари Қашқадарёдан сув олади. Пахта тозалаш, ғишт з-длари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, босмахона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, умумий таълим мактаби, болалар мусиқа мактаби, касб-ҳунар коллежи, кутубхона, маданият уйи, марказий касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар бор.

ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ — *Қашқадарё вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1962 й. да Яккабоғ туманига қўшилган. 1964 й. 22 февр.да қайта ташкил этилди. Шарқдан Шаҳрисабз, Китоб, жан.-шарқдан Яккабоғ, жан.дан Қамаши, ғарб ва жан.-ғарбдан Қарши, Косон туманлари, шим.дан Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Нуробод туманлари б-н чегарадош. Майд. 2,84 минг км². Аҳолиси 270 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Чироқчи), 20 қишлоқ фуқаролари йиғини (Дам, Долиқ, Жар, Кўклала, Лангар, Мирзатўп, Охунбобоев, Пахтаобод, Торжилға, Уймовут, Уйшун, Хумо, Чим, Чорвадор, Шўрқудуқ, Эски Ангор, Янги Ҳаёт, Қалқама, Қаҳрамон, Қумдарё) бор. Маркази — Чироқчи ш.

Табиати. Туман ҳудуди вилоятнинг шим. қисмида жойлашган. Рельефи текис чўл ва қир-адирлардан иборат бўлиб, жан.-ғарбдан шим.-шарққа (Қоратепа тоғи) баландлашиб боради. Баландлиги текис чўл қисмида 400—600 м, адирда 700—900 м ва Зарафшон тизмасининг давоми бўлмиш Қоратепа тоғида 1200—1500 м. Дурсун қишлоғи ёнида табиий газ кони топилган. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 14,7°. Янв.нинг ўртача т-раси 2,7°, энг паст т-ра −20°. Июлнинг ўртача т-раси 28°, энг юқори т-ра 45°. Вегетация даври 220—230 кун. Йилига 368 мм, шарқида 400—500 мм ёғин тушади. Тумандаги экинлар Қашқадарё, Қумдарё, Оёқчидарё ва б. каналлардан суғорилади. Туманнинг жан.да Чимқўрғон сув омбори бор. Шим. тоғли зонада ўтлоқи, текислик қисмида типик бўз тупроқлар, оч бўз тупроқ, дарё водийларида ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан ранг, қарғаоёқ, қамиш, чигир, каррак, буғдойиқ, янтоқ, қашқар беда, қорамут, қўзиқулоқ, оққурай, тунқорин ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, юмронқозиқ, қуён, каламуш, кўшоёқ, сичқон, эчкемар; қушлардан қирғовул, сўфитўрғай, чумчуқ, чугурчиқ, зарғалдоқ ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик,татар, рус, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 95,1 киши. Қишлоқ аҳолиси 252,5 минг киши, шаҳар аҳолиси 17,5 минг киши (2003).

Хўжалиги. Туманда 2526 йирик, ўрта, кичик корхона ва микрофирмалар, пахта тозалаш, ғишт з-длари, гилам ф-каси, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, босмахона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. 20 ширкат, 970 фермер, бўрдоқичилик хўжаликлари фаолият кўрсатади. Қ.х. пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. Экин майдонларига пахта, дон, картошка, полиз, сабзавот, озуқа экинлари экилади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қоракўл қўй, парранда боқилади. 174 умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, 3 касб-ҳунар коллежлари, марказий кутубхона ва унинг тармоқлари, 18 клуб муассасалари, маданият ва истироҳат боғи ишлаб турибди. Касалхона, фельдшер-акушерлик пунктлари, поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар бор.

ЧИРЧИҚ (қад. номи Парак, «Бобурнома»да Чир, кейинги кичрайтирилган номи Ч.) — Тошкент вилоятидаги дарё. *Сирдарё*нинг йирик ўнг ирмоғи. Дарё ҳавзаси жан. ва шарқда Қурама тизмаси ва Чатқол тоғ тизмалари, шим.да Талас Олатови ва унинг ғарбий тармоқлари б-н чегараланган. Ғарбий Тяньшан тоғларидаги қор ва музликлардан Чатқол, Кўксув ва Писком дарёлари бошланади. 1971 й. гача Ч. Чорвоқ сойлигида Чатқол ва Писком дарёлари қўшилишидан ҳосил бўлар эди. Эндиликда дарё Чорвоқ сув омборидан бошланади ва Чиноз қишлоғи ёнида Сирдарёга қуйилади. Уз. 454

Чирчиқ дарёси.

км, ҳавзасининг майд. 14240 км². Ч. тез оқадиган типик тоғ дарёси, тоғли қисмида чуқур, тор ва нишаб ўзанда тез оқади. Утом дарёси қўшилгандан сўнг Ч. водийси кенгаяди. Ч. га бир неча ирмоқлар келиб қуйилади. Энг йириклари Утом дарёси ва Оқсоқотасой. Қолган майда ирмоқлари (Қизилсув, Шўробсой, Озодбошсой, Оқтошсой, Товоқсой, Қорангқўлсой, Ғолибасой, Олтинбексой, ва б.)нинг баъзилари ёз ва куз ойларида қуриб қолади. Водийнинг текислик қисмида дарёга бирорта ҳам ирмоқ қўшилмайди. Ч. қор ва музлик сувларидан тўйинади. Сув сарфи Ҳўжакент қишлоғи яқинида 221 м³/сек., Чиноз қишлоғи ёнида 62 м³/сек. Энг кўп сув сарфи 2160 м³/сек. (1959 й. 8 апр.) ва 1452 м³/сек. га (1914 й. 14 май) етган. Бундай катта сув сарфи Ч. дарёси учун хос эмас. Энг кам сув сарфи 22м³/сек. бўлган (1956 й. февраль). Ч. Сирдарёга йилига 164 м³/сек. сув қуяди. Сув оқимининг 52,4% март—июнь ойларида, 32,1% июль—сент. ва қолган 15,5% окт.—февраль ойларида оқади. Янв.—февраль ойларида суви камайиб, 52 м³/сек. дан ошмайди. Ч.да лойқа оқизиқлар кам. Тоғлардан чиқиб текислик бўйлаб оққанда суви кўплаб ирригацион тармоқлар орқали суғоришга олинади. Захарик, Бўзсув, Қорасув, Шим. Тошкент каби каналлар Ч. дарёсидан сув олади. Дарёдан гидроэнергетикада ҳам кенг фойдаланилади. Қодирия, Товоқсой, Оққовоқ, Оқтепа, Салор ва учта Қуйи Бўзсув, Чорвоқ (қуввати 600 минг кВт-соат, Ғазалкент) ГЭСлар каскади шулар жумласидандир. Ч. суви, асосан, Тошкент вилояти ҳудудидаги экин майдонларини суғоришга сарфланади (Ч. — Бўзсув системаси Ўзбекистон ҳудудида 100 минг гектардан иҳёд ерни суғорали), шунингдек, Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Ғазалкент ш.ларини ва кўп қишлоқларни сув б-н таъминлайди. Ч. урта оқимида унинг ўнг соҳилидаги террасаларда Тошкент ш. жойлашган.

ЧИРЧИҚ — Тошкент вилоятидаги шаҳар. Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, Қоржонтовнинг ён бағрида, 730 м баландликда, Тошкентдан 30 км шим.-шарқда жойлашган. Тошкент Чорвоқ т.й. даги станция ва автомобиль йўллари чорраҳаси. Аҳолиси 140,1 минг киши (2004).

Ч. 1932 й.да дарё бўйидаги Қирғизқулоқ, Қинчоқ, Ниёзбек қишлоқлари ўрнида йирик электркимё к-ни қурилиши муносабати б-н вужудга келган. Янги саноат корхоналари қурилиши б-н аҳоли сони ҳам тез ўсди (1939 й. — 15 минг киши, 1959 й. — 65 минг киши, 1970 й. — 107,4 минг киши). 30 — 40-й.ларда Индустриал техникуми биноси, 50-й.ларда электр-кимё корхонасининг Маданият саройи ва б. жамоат бинолари қурилди. 1966—67 й.лардан кўп қаватли йирик панелли бинолар қад кўтарди. 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган чирчиқликлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, мактаблар, поликлиника, касалхона ва б. бунёд этилди. Шаҳар ёнида аҳолининг дам олиш жойлари мавжуд. Шаҳарда «Чирчиққишлоқмаш», «Трансформатор», «Ўзбеккимёмаш», «Электркимёсаноат» (минерал ўғитлар), қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар к-ти каби корхоналар ишлаб турибди. 26 та қўшма корхона (шу жумладан, «Кибо», «Чирком», «Узметаллтехнологжи», «Бурсель—Ташкент—Текстиль»), 850 дан зиёд кичик корхона фаолият кўрсатади. Қурилиш материаллари, темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарилади. Ғишт, асфальт-бетон з-длари, гўшт, нон к-тлари, пойабзал ва тикувчилик ф-калари мавжуд.

Чирчиқ олий танк командир-муҳандислик билим юрти, 25 умумий таълим мактаби, 7 ўрта махсус билим юрти, 12 кутубхона, 3 маданият муассасаси, музей, маданият ва истироҳат боғи бор. Касалхона (500 ўрин), поликлиника, доривохоналар ва б. тиббий муассасалар ишлаб турибди. Ч.дан Тошкент ш.га автобуслар қатнайди. «Чирчиқ тонги» газ. (1932 й.дан нашр этилади, адади 760), «Чирчиқ» (1932 й.дан нашр этилади, адади 800) газ.лари чиқарилади.

Чирчиқ шаҳри. Кимёгарлар маданият саройи

ЧИРЧИҚ ВОДИЙСИ — Ғарбий Тяншандаги водий. *Тошкент вилояти* ҳудудида. Чорвоқ сув омбори қурилгандан кейин Ч.нинг юқори қисми сув остида қолиб кетган. Водий шим.-ғарб ва шимда Қоржонтов ва Утом тизмалари, шим.-шарқ ва шарқда Талас Олатови, жан. -шарқда эса Чатқол тизмаси б-н ўралган. Жан. ва жан.-ғарбий қисмлари текисликка туташган. Ўзунлиги Ангрен қўтарилмасидан (жан. -ғарб томон) Сирдарёгача 135 км. Кенглиги водий тор ғарбий жойларда 80—100 м, ўрта қисмида 35—40 км гача. Водийнинг энг тор жойи (Чорвоқ қисни ёки Чорвоқ дарвозаси)-га тутон, сув омбори қурилган. Чирчиқ дарёсининг қуйи оқими томон терраса (кўҳна қайир) погоналари пасайиб боради ва дарё водийсининг четараларини аниқ пайқаш қийин. Писком ва Чатқол дарёлари қўшилган жойдан Чирчиқ шарқа бўлган ҳудуд Чирчиқ ботиғидан иборат. Палеоген даврида Ч.в. ўрнида денгиз бўлган. Чирчиқ дарёсининг бир неча террасалари бунн исботлайди. Ушбу ҳудудда тектоник ҳаракатлар давом этмоқда. Ер юзасидаги янги тектоник ҳаракатлар дифференциал характерга эга. Тектоник жиҳатдан Ч.в. грабен-синклиналь, ён-атрофдаги тизмалар горст антиклиналдир. Улар тоғнинг бурмаланиши даврида пайдо бўлган. Неоген тўртламчи давр янги тектоник ҳаракатлар таъсирида ҳозирги кўринишини олган. Водий ҳудудида бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр ётқизиқлари (конгломерат, қум аралаш шағал тошлар, лёсслар) кенг тарқалган.

Чирчиқ водийси

Ч.в.нинг иқлими континентал, ёзи иссиқ, қиши мўътадил. Йиллик ўртача т-ра 11,6—13,8°, январнинг ўртача т-раси —1° дан — 2,9° гача. Энг паст т-ра —29°, —33° дек. — янв. ойларида кузатилади. Июлнинг ўртача т-раси 23,9—26,8°, ёз фаслининг баъзи кунлари т-ра 44° гача кўтарилади. Йиллик ёғин водийнинг жан.-ғарбий қисмида 300 мм, ўрта қисмида эса 1000 мм дан зиёд. Тоғларда кўпроқ қор, водийнинг ўзида ёмғир ва қор ёғади. Ғазалкент ва Чирчиқ ш.лари атрофларида йиллик ёғинининг 35—40% баҳор ойларига тўғри келади. Асосий дарёлари — Чирчиқ ва унинг ирмоқлари: Утом, Оқсоқотасой ва б. Вақтинча оқар сой ҳам кўп. Тог ён бағирларида сувнинг емириш фаолияти кучли, баҳор ва ёз бошларида сел келади, суриламлар содир бўлади.

Ч.в.да асосан, бўз тупроқлар тарқалган. Тог тизмаларига яқин қисмларида қўнғир, дарё бўйларида ўтлоқ, эпизлар эпизидаган ерларда агроирригацион тупроқлар мавжуд. Бу тупроқларда ўсимликлардан бутдойиқ, қўнғирбош, қорабош, ёнғоқ, дўлана, бетага, тол, терак ва б. ўсади. Водийнинг текислик қисмларини, асосан, маданий ландшафтлар эгаллаган. Пахта, беда, галла, сабзавот ва б. экинлар экилади. Богдорчилик ва токчилик ривожланган. Ёввойи ҳайвонлардан тоғ эчкиси, бўри, тулки, сугур, юмронқозиқ, турли хил қушлар, судралиб юрувчилардан илонлар ва б.; сувларда балиқлар бор.

Ч.в. аҳолиси зич ҳудуд бўлиб, унда Тошкент, шунингдек, Чирчиқ, Янгийўл, Бектемир, Ғазалкент, Чиноз каби шаҳарлар жойлашган. Ч.в. мамлакатнинг иқтисодиёти ривожланган р-ларидан. Тоғли қисмларида санаторий ва дам олиш зоналари мавжуд.

Мурод Маматқулов.

ЧИРЧИҚ ОЛИЙ ТАНК КОМАНДИР-МУҲАНДИСЛИК БИЛИМ ЮРТИ — олий махсус ҳарбий маълумотли офицерлар тайёрлайдиган ўқув юрти. 1941 й.да Украинанинг Харьков ш.дан Чирчиқ ш.га эвакуация қилинган. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун юқори малакали, олий махсус ҳарбий билимга эга офицерлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича тайёрланади: танк бўлинмалари, қисмлари ва қўшилмаларини жанговар қўллаш; жанговар техникаларни эксплуатация қилиш ва таъминлаш муҳандислари; ҳаво десант бўлинмалари, қисмлари ва қўшилмаларини жанговар қўллаш; ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг бўлинма, қисм ва қўшилмаларини жанговар қўллаш. Уларга «лейтенант» офицерлик унвони ва малакасига мувофиқ муҳандислик дипломи берилади.

«ЧИРЧИҚ ТРАНСФОРМАТОР ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — электротехника саноатининг йирик корхонаси. Турли типдаги электр куч трансформаторлари, электр токини тақсимлаш қурилмалари, йирик (10,35, 110 кВ кучланиш ва қуввати 25 дан 6300 кВА гача бўлган) куч трансформаторлари ва комплектли трансформатор кичик станциялари ишлаб чиқаради. *«Ўзэлтехсаноат»* уюшмасига қарайди.

3-д 1942 й. 12 апрелда Ленинграддан эвакуация қилинган «Электропульт» з-ди негизида ташкил этилган ва «Электрощит» деб юритилган. 1962 й.дан Чирчиқ трансформатор з-ди деб номланди. Дастлаб корхонада электр щитлари ишлаб чиқарилган, электр моторлари ва б. электр жиҳозларини таъмирлаш, созлаш, ишга тушириш каби ишлар бажарилган. 1945 й.дан куч трансформаторлари, 1947 й.дан пайвандлаш аппаратлари и.ч. ўзлаштирилди. 1949 й.дан кўчма трансформатор кичик станциялари, 1952 й.дан 6 кВ ли комплектли тақсимлаш қурилмалари, 1961 й.дан ТМЗ-1000 куч трансформатори б-н ишлайдиган янги типдаги комплектли трансформатор кичик станциялари ишлаб чиқарила бошлади. 60—80-й.ларда корхона бир неча марта реконструкция қилинди. 1966 й.да корхона биносининг 1-навбати, 1970 й.да 2-навбати фойдаланишга топширилди. 1994 й.дан корхона очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. Ўзбекистон энергетика тизимини трансформатор кичик станциялари б-н таъминлаб келмоқда.

2003 й.да 716 дона куч трансформаторлари ишлаб чиқарилди (2001 йилга нисбатан 4,9 марта кўп). Маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади.

ЧИРЧИҚ «ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — Ўзбекистондаги йирик кимё саноати корхонаси. Аммиак селитраси, карбамид, аммиак, суюқ аммиак, аммоний сульфат ва б. ўғитлар; капролактам, нитрат кислота, аммиак ва металл синтези катализаторлари, қуруқ туз ва б. кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаради. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясн таркибига киради. Корхона Ўзбекистонда қ.х.ни, шу жумладан, пахтачиликни ривожлантириш бош режасига мувофиқ, Чирчиқ дарёси бўйида 1934 й.дан «Чирчиқазот» номи б-н қурила бошлаган. 1941 й. ноябрида дастлабки маҳсулот — аммиак селитраси ишлаб чиқарилган. 1944 й.да кўмирни газга айлантириш негизида аммиак ишлаб чиқарувчи 2-навбати, 1949 й.да карбамид цехи ишга туширилди. 1961 й.дан табиий газдан аммиак ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1975 й.дан Чирчиқ «Электркимёсаноат» и.ч. бирлашмаси деб номланди.

1994 й.дан устав капитали 29 млрд. 996 млн. сўм (66,5 млн. АҚШ долла-

Чирчиқ «Электркимёсаноат» акциядорлик жамиятининг минерал ўғитлар ишлаб чиқариш мажмуи.

Чирчиқ шаҳри. «Ўзбеккимёмаш» корхонаси

ри) бўлган очиқ акциядорлик жамияти (давлат улуши 51%, хорижий инвесторлар улуши 49%) ва ҳоз. номда.

2000 й.да бир суткада и.ч. унумдорлиги 1000 т гача етадиган янги аммиак агрегатини қуриш бошланган ва 2003 й.дан тўлиқ қувват б-н ишламоқда. Маҳсулотлари ички бозорда сотилади ва чет элларга экспорт қилинади (Хитой, Туркия, Эрон).

ЧИРЧИҚ-БЎЗСУВ СУВ-ЭНЕРГЕТИКА ТРАКТИ — *Чирчиқ* дарёси ва *Бўзсув канали* бўйлаб кетма-кет жойлашган ГЭСлар мажмуи. Трактнинг уз. 171,1 км. Трактда умумий ўрнатилган қуввати 1220,6 МВт бўлган 19 та ГЭС бор. 1926 й.да ишга туширилган *Бўзсув ГЭС* трактда биринчи бўлиб қурилган.

Трактнинг бошланиш қисмида (Чирчиқ дарёси ўзанида) кетма-кет 3 ст-я — *Хўжакент ГЭС, Чорвоқ ГЭС, Ғазалкент ГЭС* жойлашган. Ғазалкент ГЭСдан қуйироқда, Чирчиқ дарёси сувини тартибга солиб турувчи тўғоннинг ўнг томонидан *Тавоқсой ГЭС*, Логинов номидаги ГЭС ва Оққовоқ ГЭСлари, Қибрай ГЭСнинг деривация каналлари бошланади. Сўнгра Оққовоқ-2 ГЭСнинг сув ташлама каналидан бошланган Бўзсув ирригация каналида кетма-кет Қибрай, Қодирия, Салор, Бўзсув, Шайхонтоҳур, Бўржар, Оқтепа ГЭСлари, 1-, 2-, 3-, 4- ҳамда 6-Қуйи Бўзсув ГЭСлари жойлашган.

Трактнинг барпо этилиши натижасида Чирчиқ дарёси суви ёрдамида электр энергияси ҳосил қилиш б-н бирга ирригация иншоотлари, йирик саноат марказлари, шаҳарлар, аҳолини, саноат корхоналари ва экинзорларни сув б-н таъминлаш масалалари ҳам комплекс ҳал қилинган.

2003 й.да бу трактдаги ГЭСларда 5625,3 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

ЧИСТИКЛАР (Alcidae) — ржанкасимонлар туркумига мансуб қушлар оиласи, 22 тури бор. Ҳақиқий денгиз қушлари. Оғирлиги 80 г дан 1,2 кг гача. Усти қора, қорни оқ. Иккала жинс ҳам бир хил тусда. Тана тузилиши сувда сузиш ва шўнғишга яхши мослашган. Оёқлари қисқа, олдинги уч бармоғи сузгич парда б-н туташган. Тумшуғи ҳар хил кўринишда. Жуда тез учади. Учишда орқага узатилган панжалари руль вазифасини бажаради. Ерда бесўнақай ва ёмон юради; сув остида қанотлари ёрдамида ҳаракатланади. Урчиш даврида бошида патли кокиллар, тумшуғида шохсимон пластинка ва ўсмалар пайдо бўлади. Ч. қуруқликка фақат тухум қўйиш учун чиқади. Қоя ёриқларига ва бошқа жойларга уя қуради. Колония ҳосил қилади. 1—2 та тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси навбат б-н 24—35 кун босади. Майда балиқ, қисқичбақалар, моллюскалар, денгиз чувалчанглари б-н озиқланади. Шим. Муз океани, Европа, Осиё ҳамда Американинг Тинч ва Атлантика океанлари шим. қирғоқларида тарқалган. Тухуми ва гўшти учун кўп овланганлиги сабабли камайиб бормоқда. Ҳозир тухумини йиғиш тақиқланган. Катта аҳамиятга эга бўлган қушлар бозори қўриқхоналарга айлантирилган.

Чистик.

ЧИСТОН (форс. — топишмоқ) — Шарқ шеъриятидаги лирик жанрлардан бири. Дастлаб халқ оғзаки ижодида шеърий савол-жавоб, топишмоқ шаклида пайдо бўлган. Ч.да нарса ёки ҳодисанинг характерли белгилари мажозий тавсифланиб, нима эканлигини топиш ўқувчи, тингловчига ҳавола этилади. Шу сабабдан Ч. топишмоқ-шеър деб ҳам аталади. Ч.да нарсаларнинг номлари очиқ айтилмайди, балки уларга хос шакл, сифат ва хусусиятлар қайд этилади. Ўқувчи ёки тингловчи Ч. мазмунидан келиб чиқиб, унда яширинган, номи пинҳон тутилган нарсани ўз зеҳни, идроки кучи б-н топиб олади. Ўтмишда шоирлар Ч. яратишда, асосан, 2 усул — *абжад* ва оддий топишмоқдан фойдаланишган. Ч.лар фард, байт, қитъа, рубоий ва қисман ғазал шаклида ёзилади, 2 байтдан 10 байтгача, ҳатто ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин; маърифий, ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлади.

Ўзбек адабиётида Ч.нинг дастлабки намуналарини Алишер Навоий яратган (мас., «Қалам», «Танга», «Миқроз», «Юмуртқа» ва б. Ч.лар). *Шавқий Каттақўрғонийнинг* «Самандар қуш», *Увайсийнинг* «Анор» Ч.лари машҳур.

Ад.: Орзибеков Р., Лирикада кичик жанрлар, Т., 1976.

ЧИТ (санскритча читрас — ола-була) — енгил ип-газлама. Қадимдан Шарқ мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ёғоч дастгоҳда пахта ипидан тўқилган. Ҳозир тўқув станокларида тўқиладиган дағал хом сурп (миткал) ни пардозлаб (майинлаштириб, оҳорлаб, гул босиб) олинади. Сидирға ва гул босилган хиллари бўлади. Ч.дан аёллар, болалар ва эркаклар кўйлаклари, кўрпа-кўрпачалар, дарпардалар ва б. маҳсулотлар тикилади.

ЧИТА — РФ Чита вилоятидаги шаҳар (1851 й.дан), вилоят маркази. Чита дарёсининг Ингода дарёсига қуйиладиган жойда. Транспорт йўллари чорраҳаси. Аэропорт бор. Аҳолиси 316,6 минг киши (2002). Ч. Шарқий Сибирнинг муҳим саноат ва маданият маркази. Машинасозлик ва металлсозлик (машинасозлик, автомобиль шинув, станоксозлик ва б. з-длари), мебель, ёғочсозлик, енгил (камвольн—мовут ва кун- пойабзал к-лари, хром тери з-ди, пўстин—мўйна ф-каси), озиқ-овқат (ун, гўшт ва сут к-лари), қурилиш материаллари саноати бор. Қўнғир кўмир қазиб олинади. Иссиқлик электр маркази мавжуд. 3 олий ўқув юрти, 2 театр, ўлкашунослик музейи ва бадиий музейлар ишлаб турибди. Ч. Ингодинское зимовье посёлкаси сифатида 1653 й.дан маълум. 1690 й. дан слобода — солиқ ва б. мажбуриятлардан озод қилинганлар қишлоғи (1706 й.дан у Чита слободаси деб атала бошлаган). 1851 й.дан шаҳар ва Забайкалье вилояти маркази. 1920—22 й.ларда Узоқ Шарқ республикаси пойтахти. 1922 й.дан Забайкалье губерняси маркази, 1926—37 й.ларда Забайкалье ўлкасидаги округ маркази.

ЧИТА ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1937 й. 26 сент.да ташкил қилинган. Байкалортида жойлашган. Ч.в. *Ага Бурятлари мухтор округини* ўз ичига олади. Майд. 431,5 минг км². Аҳолиси 1156,2 минг киши (2002), асосан, рус, буритлар, шунингдек, украин, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 64%. 31 маъмурий туман, 10 шаҳар, 45 шаҳарча бор. Маъмурий маркази — Чита ш. Бошқа йирик шаҳарлари: Краснокаменск, Борзя.

Рельефида ўртача баландликдаги тоғлар (бал. 3072 м) ва уларни бўлиб турган сойлик кўп. Шим.да тоғлар 3072 м. гача кўтарилган (Кодар тизмаси). Жан.да кенг Ононбўйи текислиги бор. Фойдали қазилмалари: қалай, олтин, полиметаллар, мис, молибден, вольфрам, темир рудалари, тошкўмир ва қўнғир кўмир, магнезит ва б. конлар мавжуд. Иқлими кескин континентал. Қиши қуёшли, қуруқ ва совуқ. Янв.нинг ўртача т-раси —26°, —33°. Ёзи илиқ, қисқа. Июлнинг ўртача т-раси 17—21°. Йилига 240—400 мм ёғин тушади. Вегетация даври 120—160 кун. Музлоқ ер кўп. Асосий дарёлари: Шилка ва Аргунь (Амур ирмоқлари), Хилок ва Чикой (Селенга ирмоқлари), Олёкма ва Витим (Лена ирмоқлари). Йирик кўллари: Катта Лепринда, Леприндокан, Ничатка, Чита кўллари гуруҳи, Кенон, Зун-Торей, Барун-Торей. Минерал сувлар бор. Ч.в. ўрта тайга ва дашт зонасида жойлашган. Тупроқлари, асосан, тоғ-тайга, подзол; даштларда қоратупроқ ва каштан тупроқ; тоғлараро сойликларда ўтлоқ ботқоқ ва ўтлоқ-қоратупроқ. Ҳудуднинг 50% дан ошиғини тоғ-тайга ўрмонлари (даурия тилоғочи, қарағай, кедр, қайин) эгаллайди. Жан.да ва сойликларда турли хил ўтли даштлар бор. Ўрмонларда соболь, колонок, тийин, қўнғир айиқ, силовсин, шим. бугуси, илвирс ва б., ўрмонли дашт ва дашт р-нларида бўрсиқ, бўри, оласичқон, қуён, юмронқозиқ ва б. яшайди. Қушлардан карқур, каклик, турна ва б. мавжуд. Дарёларда балиқнинг ноёб турлари (омуль, осетр, таймень, сиг ва б.) бор. Вилоят ҳудудида Даурия ва Сохонда қўриқхоналари жойлашган.

Саноатининг асосий тармоқлари: кончилик (олтин, молибден, қалай, қўрғошин-рух, полиметалл, кўмир қазиб олиш), қора металлургия, машинасозлик (ёғочсозлик станоклари, кемасозлик з-длари). Ўрмон ва ёғочсозлик, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси ишлаб турибди. Асосий саноат марказлари: Чита, Петровск-Забайкальский, Краснокаменск, Балей, Борзя.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари — чорвачилик (майин жунли ва ярим майин жунли қўйчилик, қорамолчилик), шим.да буғучилик ва мўйначилик. Донли экинлар (буғдой, сули, арпа), картошка, сабзавот ва б. экилади. Т.й.лар (Транссибирь т.й. магистрали), автомобиль транспорти ривожланган. Читада халқаро аэропорт бор. Шилка дарёсида кема қатнайди. Бир нечта ўрта махсус билим юрти, 3 олий ўқув юрти, и.т. институтлари, 4 музей, 2 театр фаолият кўрсатади. 30 дан зиёд курорт ва дам олиш муассасалари ишлаб турибди.

ЧИТГАРЛИК — бўз матога ўйма ёғоч қолип ёрдамида гул босиш касби. Читгарлар илгари барча жараён (тўқиш, бўяш ва гул босиш)ни устахоналарда бажаришган. 19-а.нинг 1-ярмигача Ч. санъати, асосан, Фарғона водийси (Қўқон, Хўжанд, Наманган, Марғилон, Чуст ва б. шаҳарларда), Бухоро (Варданзи, Ромитан, Ғиждувон ва б.), Самарқанд (Ургут, Каттақўрғон), Тошкентда ривожланган. Айниқса, Хоразм читгарлари (Хонқа, Хива, Урганч, Ҳазорасп) жуда нозик дид б-н гул босишган.

Мато дастлаб қозонда қайнатилиб олинган, махсус тезоб (бузғунч) б-н ишлов берилиб, сўнг қуритилган. Матога гул қўлда ёғоч қолип ёрдамида (нақшнинг асосий шакли қаттиқ нок ёғочидан ишланган қолип б-н қора тусда) туширилган. Сўнг мато яна маълум вақт давомида рангли сувда қайнатилиб, оқар сувда чайилган. Тайёр, гулли читга қўшимча ранглар ҳам берилган (етти хилгача). Читга аноргул, тол барги, қизил гул, шохчалар ва б. гуллар туширилган. 19-а. 2-ярмидан Тошкент бадиий кашталаридан олинган нақш нусха кенг тарқалган. Ўрта Осиё бозорларида ф-када ишлаб чиқарилган читлар кўпайиши муносабати б-н Ч. санъати аста-секин 1950-й.ларда барҳам топди; фақат 80-й.лардан ота-боболарининг касбини давом эттирган тошкентлик усталар (Ҳ. Раҳимов, А. *Раҳимов* ва б.) ижодида қайта тиклана бошлади. 90-й.лар Ч.да ўзига хос ривожланиш босқичи бўлди: чойшаб, дастурхон каби бадиий буюмлар б-н бир қаторда замонавий либосларни и.ч.да ҳам Ч. санъати кенг қўлланилади. Анъанавий шаклдаги «ой», «юлдуз», «бодом»симон гуллар б-н бирга ислимий нақшлардан ҳам кенг фойдаланилади, мато рангларининг уйғунлиги б-н ажралиб туради.

Сайёра Маҳкамова.

ЧИТИР (Strigosella) — бутгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, бегона ўт. Ўзбекистонда тукли Ч. (S. trichocarpa Botsch.) ва туркистон Ч.и (S.turkestanica (Litv.) Botsch.) турлари учрайди. Тукли Ч. бўйи 5—60 см, пояси оддий ёки шохланган. Барглари бандли, эллипссимон, чети текис. Тўпгули шингил. Қўзоқлари 3—8 см. Апр.—майда гуллаб, урут беради. Тоғ ён бағирлари, сой бўйлари, шунингдек, суғориладиган далалар ва лалми ғаллазорларда бегона ўт сифатида ўсади.

Тукли читир.

ЧИТТАГОНГ, Чатагам — Бангладешдаги шаҳар, Бенгалия қўлтиғидан 15 км ичкарида, Карнапхули дарёси бўйида. Читтагонг вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,1 млн. кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари чорраҳаси. Йирик порт. Мамлакатнинг иқтисодий маркази. Жут, ип газлама, кимё, озиқ-овқат, цемент, ёғочсозлик ва металлсозлик саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси, ун-т бор. Металлургия ва нефтни қайта ишлаш, электр жиҳозлари ишлаб чиқарувчи з-длар, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш корхоналари фаолият кўрсатади. Шаҳар мил. ав. 1-а.дан маълум. Меъморий ёдгорликлардан 12—17-а.ларга оид бинолар сақланган.

ЧИТТАКЛАР (Paridae) — *чумчуқсимонлар* оиласи. 65 турни бирлаштирган 10 уруғи бор. Танасининг уз. 10—20 см, оғирлиги 7—25 г. Конуссимон тумшуғи қисқа, бурун тешиклари атрофи қилсимон пар б-н ўралган. Оёқлари бақувват, тирноғи ичига қайрилган. Нари ва модасининг ранги ўхшаш: боши ва томоғи қора, кўкраги қора йўлли сариқ, танасининг усти, қорни ва ёни саргиш-кўкимтир. Ч. дарахт ковакларида ва шох-шаббаларига уя қуради. Йилда бир (жан. минтақаларда икки) марта 3—16 та тухум қўяди. Тухумини модаси 12—13 кун босади. Жўжаларини нари б-н модаси биргаликда боқади. Ч. фақат ҳашаротлар б-н озиқланади; ўрмон, парк, боғ зараркунандаларини қириб фойда келтиради. Евросиё, Африка, Шим. Америкада тарқалган. Ўзбекистонда оқ читтак, сариқ томоқ читтак, катта читтак, ваҳимақуш (уясини дарахт новдаларига осилтириб қуради) каби турлари яшайди.

Катта читтак.

ЧИУАУА — Мексиканинг шим. қисмидаги штат. Майд. 247 минг км². Аҳолиси 3,1 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Чиуауа ш. Штат Мексика тоғлигининг шим. қисмида (энг баланд жойи 1000—2000 м), тоғ тизмалари оқмас ҳавзаларни ажратиб туради. Ғарбида Ғарбий Сьерра-Мадре тоғ системаси (энг баланд жойи 2591 м) жойлашган. Иқлими тропик, қуруқ иқлим, ўртача ойлик т-ралар 10—15° дан, 25—30° гача. Йиллик ёғин ўртача 500 мм. Йирик дарёси — Кончос (Рио-Браво-дель-Норте дарёси ҳавзасида). Дашт ва чўл ўсимликлари ўсади. Мамлакатнинг муҳим кончилик ва металлургия саноати р-ни. Фойдали қазилмалардан полиметалл ва уран рудалари, кумуш, симоб олинади. Рангли металлургия, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — чорвачилик. Суғориладиган ерларда пахта экилади. Ч. орқали Марказий Мексикани АҚШ б-н боғлайдиган т.й. ўтган.

ЧИХАЧЁВ ТИЗМАСИ — Олтойнинг жан.-шарқидаги тоғ тизмаси. РФ Олтой ўлкаси, Тива Республикаси ҳудудида, РФ б-н МХР чегараси бўйлаб чўзилган. Уз. 100 км, энг баланд жойи 4029 м. Асосан, қумтош, сланец, оҳактош, кристалли сланец ва кварцитлар-

Майя-тольтекларга мансуб меъморий обида: «Жангчилар ибодатхонаси»нинг устунли мажмуа.

дан тузилган. Кичик музликлар мавжуд. Ён бағирлари, асосан, шувоқли дашт ўсимликлари б-н қопланган. Сувайирғич қисмида тошли тундра мавжуд. Тизма рус географи ва геологи П.А.Чихачёв номи б-н аталган.

ЧИЧЕН-ИЦА (Chichen-Itza) — Юкатан я.о.нинг шим.даги майяларнинг сиёсий ва маданий маркази. Мил. 6-а.да барпо этилган деб тахмин этилади. 10-а.да тольтеклар томонидан босиб олинган. 11-а. ўрталаридан Ч.-И. тольтекларнинг Юкатандаги давлати пойтахтига айланган. Майяпана, Ушмаль ва Ицмаль каби шаҳар-давлатлар қўшинлари томонидан 1178 й. вайрон қилинган. Испанлар истилоси даврида (16-а. ўртаси) Ч.-И. хароба ҳолатида бўлган. Ч.-И. ҳудудида бир неча марта қазишма ишлари олиб борилган; майя-тольтекларга мансуб энг муҳим меъморий обидаларга «Қизил уй», «Аёл монастири», «Черков», «Қоракўл» расадхонаси, «Жангчилар ибодатхонаси», Кукулькан ибодатхона эҳроми («Кастильо»), тўп ўйнашга мўлжалланган катта стадион ва б.ни киритиш мумкин. Кўплаб монументал-декоратив ҳайкалтарошлик намуналари ва деворий расмлар топилган.

ЧИЯБЎРИ, шақал (Canis aureus) — йиртқичлар туркумининг итсимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танаси 71—85 см, думи 20—36 см, оғирлиги 7—13 кг. Қишда юнги хира сарғиш, кулранг (елкасида қора

Чиябўри.

аралаш), ёзда малла рангда, қораси кам. Думи малла-қўнғир, учи қора. Ч. дарё ва кўл қирғоқларидаги тўқай, бутазорларда инда яшайди; бошқа ҳайвонлар инидан, табиий чуқурчалардан фойдаланади (баъзан ўзи уя қазийди). Март—майда 4—9 та бола туғади. Ҳаммахўр, ҳар хил ҳайвон ҳамда ўсимлик маҳсулотлари, ўлимтиклар ва б. б-н озиқланади. Шим. Африка, Жан. Осиё, Жануби-Шарқий Европа, Болқон я.о. ва Арабистонда тарқалган. Кавказ, Ўрта Осиё, баъзан Молдавияда ҳам учрайди. Аҳоли яшайдиган пунктларга яқин жойлардаги Ч.лар ўлимтиклар б-н озиқланиб, баъзи юқумли касаллик қўзғатувчиларини тарқатади ва паррандаларни еб зиён келтиради. Мўйнаси сифатсиз.

ЧИҚАРИШ СИСТЕМАСИ, айириш системаси, экскретор система — тирик организмларда ортиқча сув, моддалар алмашинувининг охирги маҳсулотлари, туз, шунингдек, унда ҳосил бўладиган ёки ташқи муҳитдан кирадиган заҳарли моддаларни организмдан ташқи муҳитга чиқариб турадиган органлар мажмуи. Одам ва юксак сут эмизувчилар Ч.с. бир жуфт буйрак, улардан бошланадиган бир жуфт сийдик йўли, қовуқ ва сийдик тўкиш найидан иборат. Бир ҳужайралиларда сувда эрийдиган алмашинув маҳсулотлари (аммиак, мочевина) диффузия йўли б-н ёки қисқарувчи вакуолалар орқали, тубан сув ҳайвонлари (ғовактанлилар, бўшлиқичлилар)да тана юзасидан диффузия йўли б-н чиқарилади. Кўпчилик кўп ҳужайрали умуртқасиз ҳайвонларда ичак ҳам чиқариш функциясини бажаради. Эволюция жараёнида ҳайвонларда ихтисослашган махсус Ч.с.и пайдо бўлади. Тубан чувалчанглар, приапулидлар, айрим ҳалқалилар, кўп туклилар ва моллюскалар личинкасида Ч.с. — *протонефридийлар*, ҳалқали чувалчангларда *метанефридийлар*. Қисқичбақасимонлар Ч.с. антеннал ва максилляр безлардан иборат.

Қуруқликда ҳаёт кечиришга ўтиш намликни тежашни талаб қилади. Шунинг учун сувда осон эрийдиган аммиак ва мочевина қийин эрийдиган гуанин (ўргимчаксимонлар) ёки сийдик кислотаси б-н алмашинади (ҳашаротлар, судралиб юрувчилар, қушлар). Қуруқликда яшовчи бўғимоёқлиларда Ч.с. ичак девори ёки мальпиги найчаларидан иборат. Чиқариш маҳсулотлари орқа ичакка ўтиб, ундаги моддалар алмашинуви маҳсулотлари чўкмага тушади, сув эса ичак девори орқали яна қонга сўрилади. Сувсизланган чиқариш маҳсулотлари ҳазм бўлмаган озиқ қолдиқлари б-н анал тешигидан ташқарига чиқарилади.

Бир қанча умуртқасиз ҳайвонларда чўкмага тушган чиқариш маҳсулотларини тўпловчи буйраклар бўлади. Бу вазифани нематодаларда махсус ҳужайралар, ёмғир чувалчангларида хлороген ҳужайралар, ҳашаротлар ва кўпоёқлиларда ёғ таначалари, заҳкашлар (қуруқликда яшовчи қисқичбақасимонлар)да жигар ўсимталари бажаради.

Хордалилардан қобиқлиларнинг Ч.с. тўпловчи қопчалардан иборат. Ланцетникнинг жабралари яқинида жойлашган нефромиксийлар деб аталадиган Ч.с.нинг бир учи жабра олди бўшлиғига, иккинчи учи эса тана бўшлиғига очилади. Умуртқали ҳайвонлар Ч.с. типик целомодуктлардан иборат. Целомодуктлар тўпламли буйракларни ҳосил қилади; буйраклардан бошланадиган сийдик йўли бевосита клоакага ёки қовуққа, қовуқ эса сийдик тўкиш найи орқали ташқарига очилади. Айрим умуртқали ҳайвонларнинг денгизда яшашга мосланиши ортиқча тузни ажратадиган махсус Ч.с.ни, мас., пластинкажабрали балиқларда ректал безлар, судралиб юрувчилар ва қушларда туз безларининг ривожланиши б-н боғлиқ. Чўлда яшовчи сут эмизувчиларда эса сийдикнинг осмотик концентрацияси кўтарилади.

Умуртқали ҳайвонлар эволюцияси ва индивидуал ривожланиши давомида пронефрос (бош буйраги), мезонефрос (тана буйраги) ва метанефрос (чаноқ буйрак ёки иккиламчи буйрак) деб аталадиган буйраклар кетма-кет алмашинган (яна қ. *Буйрак*, *Нафас*, *Тери*).

ЧИҚИШ ВА БОТИШ ТУГУНЛАРИ — осмон жисмлари орбиталарининг 6 элементи жумласига кирувчи нуқталар. Эллиптик орбиталар бўйлаб ҳаракатланаётган осмон жисмларининг вазиятини аниқлаш учун катта ярим ўқ, эксцентриситет, оғмалик, перигелийгача масофа ва ўртача *аномалия*дан ташқари, яна Ч. ва б. т. катталиги маълум бўлиши керак. Ҳар бир сайёра орбитаси эклиптикани 2 нуқтада кесиб ўтади. Ана шу нуқталардан бирини чиқиш, иккинчисини ботиш тугунлари дейилади. Сайёра осмоннинг Жан. ярим шаридан Шим. ярим шарига ўтиш нуқтаси чиқиш тугуни ва Шим. ярим шардан Жан. ярим шарга ўтиш нуқтаси ботиш тугуни деб қабул қилинган.

ЧИҒАНОҚ — кўпгина умуртқасиз ҳайвонларнинг танасини қоплаб, ҳимоя функциясини бажарувчи скелет тузилмаси. Одатда, Ч. танага зич ёпишиб турмайди ва ундаги тешикдан организм қисман ташқарига чиқиши мумкин. Асосан, кальций карбонат ёки қум, диатомлар зирҳи, булутлар игнаси ва б. аралашган органик моддалардан иборат. Ч. баъзи бир ҳужайрали ҳайвонлар, кўпчилик моллюскалар, шунингдек, бўғимоёқлилар ва елкаоёқлилар учун хос. Ч. яхлит ёки бир неча камерали бўлади. Катталиги 50 мкм дан (фораминифералар) бир неча см гача. Моллюскалар чиғаноғи (Ч. б-н тана орасидаги мантия бор) 3 қаватдан иборат: ташқи мугуз қават — периостракум органик модда (конхиолин)дан, ўрта қават — остракум конхин б-н бириккан ва Ч. юзасига тик жойлашган оҳакли шпат ёки арагонит призмачалардан, ички қават — гипостракум (садафли қават) конхин б-н бириккан арагонит (бир-бирига ёпишган) пластинкалардан ташкил топган. Моллюскалар чиғаноғи шакли ҳамда катталиги турлича (тридакна чиғаноғи 1,7 м ча, оғирлиги 250 кг ча), зирҳли моллюскалар чиғаноғи бир неча пластинкали бўлади.



1 — денгиз тароқчаси; *2* — мидия; *3* — наутилус; *4* — хитон чиғаноқлари.

Моллюскалар чиғаноғидан хўжалик ва зийнат буюмлари тайёрланади. Баъзи бир ҳужайрали ҳайвонлар чиғаноғи тўпланишидан чўкинди тоғ жинслари, моллюскаларникидан эса оҳак ва б. ҳосил бўлади.

ЧИҒАНОҚЛИЛАР, остракодалар (Ostracoda) — қисқичбақасимонлар синфига мансуб умуртқасиз ҳайвонларнинг кенжа синфи. 2000 га яқин тури маълум. Танаси (0,2—23 мм) оҳак б-н тўйинган икки табақали чиғаноқ ичига жойлашган. 3 жуфт оёғи бор. Кўпчилик Ч.да битта оддий, баъзиларида бир жуфт мураккаб (фасеткали) кўзлари бўлади. Денгиз ва чучук сувлар тубида яшайди. Овланадиган балиқлар учун озиқ. Қазилма Ч. Кембрий даври ётқизиқларидан топилган бўлиб, нефть ва газ конларини излаб топишда муҳим омил ҳисобланади, стратиграфияда ҳам катта аҳамиятга эга.

ЧИҒАТОИЙЛАР — Чиғатой улусини идора этган чингизий сулола (1224—1404). *Чингизхон*нинг 2-ўғли *Чиғатой* номидан келиб чиққан.

Чиғатой улуси ҳукмдорлари: Чиғатойхон (1224—42), Қора Ҳулоку (Ҳалоку)(1242—46, 1252), *Есу Мункэ* (1246—57), Орқина (Эргэнэ) хотун (1252—61), Олғу (1261—65), *Муборакшоҳ* (1265—66), *Бароқхон* (1266—71), Никпай (1271—72), Тўға Темур (1272—74), *Дувахон* (1274—1306), Кунчак (1306—08), Толиқу (1308—09), Кебак (1309; 1318—26), Эсан буға (1309—18), Элчиғадой (1326), Дува Темур (1326), *Тармаширин* (1326—34), Жингшин (Жанкши) (1334—35), Бузан (Пуран) (1335—38), Есун Темур (1338—40), Али Султон (Ўқтой наслидан) (1340—42), Муҳаммад (1342—43), Қозон (1343—46), Донишманлча (Ўқтой наслидан)(1346—48), *Баёнқулихон*(1348—58).

14-а. ўрталарида Чиғатой улуси парчаланиб, улуснинг шарқий қисми — Шарқий Туркистон ва Еттисувда турк ва мўғул қабилаларини ўз ичига олган *Мўғулистон* давлати ташкил топади. *Туғлуқ Темур* Мўғулистон хони қилиб кўтарилади. Чиғатой улусининг ғарбий қисмида 1370 й. *Амир Темур* салтанати вужудга келади. Соҳибқиролон тахтга чингизийлардан бўлган *Суюрғатмишхон* (1370—88), *Султон Маҳмудхон* (1388—1404)ларни расман хон қилиб кўтариб, ҳатто уларнинг номидан ёрлиқлар чиқартириб, пуллар зарб эттирган.

ЧИҒАТОЙ, Чиғатойхон (?—1242) — *Чиғатой улуси* ҳукмдори (1224—42). *Чингизхон*нинг 2-ўғли. Онаси Бўрта фужин (хотун) қўнғирот уруғи вакили Дай нўённинг қизи бўлган. Салтанат қонун-қоидалари (тўра), улумтанат қонун-қоидалари, хусусан, *Чингизхон ясоси*нинг бежарилишини назорат истисно бажарилишини назорат қилиш унинг зиммасига юклатилган. Ч. Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг босқинчилик юришларида фаол иштирок этган. 1211 й.да Хитойга қарши ташланган ҳарбий сафарда Ч. укалари Ўқтой ва Тулу ҳамроҳлигида бир нечта йирик шаҳарларни забт этган. Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан истило қилинишида фаоллик ва қаттиққўллик кўрсатган Ч. Жўжи ва Ўқтой б-н биргаликда Ўтрорни 3 ойлик қамалдан сўнг (1219) олган. 1220 й. *Урганч мудофааси* вақтида Ч. б-н акаси Жўжи ўртасида келишмовчилик юзага чиқади. Оқибатда Чингизхон лашкар қўмондонлигига Ўқтойни тайинлайди. Ч. 1221 йилнинг 25 нояб. да Султон Жалолиддин б-н бўлган қақшатқич жангда (қ. *Синд дарёси бўйидаги жанг*) отаси ёнида турган. Чингизхоннинг тангутларга қарши уюштирган ҳарбий сафари чоғида (1227) Ч. юртни муҳофаза қилиш ишларига бошчилик қилган.

1224 й. Чингизхон мўғуллар забт этган ерларни ўғилларига мулк тарзида тақсимлаб берган. Шарқда найман қабилалари яшайдиган Олтойдан ғарбда Жайҳун (Амударё)гача, Ғулжадан Самарқанду Бухорогача бўлган ҳудудлар Ч.га теккан. Унинг қароргоҳи Или дарёси водийсида жойлашган. Ч. ўзига тегишли улус бошқарувини аввал *Маҳмуд Ялавоч*га, 1238 й. Маҳмуд Ялавоч Ўқтой томонидан Пекин губернатори (1254 й.гача) этиб тайинлангач, унинг ўғли Масъудбекка (1238—89) топширган (қ. *Масъуд Ялавоч*). Ўзи умрининг охиригача Ўқтой қоон саройида ҳукмдорнинг маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатган. Ч. номи б-н унинг улуси Чиғатой улуси, Мовароуннаҳр аҳолиси сўзлашадиган тил эса чиғатой тили деб ном олган (қ. *Чиғатойлар*).

Ад.: Рашид ад Дин, Сборник летописей, т.2, М.—Л., 1960; Абулғозий, Шажараи турк, Т., 1992; Мирзо Улуғбек Тўрт улус тарихи, Т., 1994.

Ҳамидулла Дадабоев.

ЧИҒАТОЙ Тоҳир (Тоҳир Шокурзода) (1902, Тошкент — 1984.27.6, Туркиянинг Бурса ш.) — файласуф. Тошкентдаги эски мактабда, кейин янги усул ва рус тузем мактабларида билим олди. Сўнг Уфадаги «мадрасаи олия»да, Боку (1915—17)да таҳсил кўрди. 1922 й. Германияга бориб, Хайделберг ун-тида фалсафа, социология ва иқтисодиёт фанларини б-н шуғулланди. Шу ун-тнинг фалсафа ф-тида «Туркистон иқтисодиёти» мавзусида д-рлик диссертациясини ҳимоя қилди (1931). Ч. 1929—39 й.ларда Берлинда чиқадиган «Ёш Туркистон» жур. масъул котиби ва ходими. 1939 й.дан умрининг охиригача Туркияда яшади. Анқара ун-ти доценти ва

проф. (1953—62), ижтимоий фанлар бўлими мудири (1971 й.гача). Ч.нинг «Қизил империализм» (Истанбул, 1958—62), «Туркистонда туркийлик ва халқчилик» (Истанбул, 1951, 1954, 1967, 1969), «Туркистонда миллий озодлик ҳаракатидан лавҳалар» (1959) каби китоблари нашр этилган.

Шерали Турдиев.

«ЧИҒАТОЙ ГУРУНГИ» — Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган маданий-маърифий ва илмий-адабий ташкилот (1919—21). *Фитрат* бошчилигида Тошкентда тузилган. *Туркистон мухторияти* ҳукуматининг ағдарилиши ва *Колесов воқеаси* (1918 й. фев.—март)дан кейин асосан Тошкентда фаолият кўрсатаётган жадидлар тактик мақсадларни кўзлаб, совет ҳокимияти б-н яқинлашишга мажбур бўлдилар. Фитрат совет ҳокимиятидан сиёсий ташкилот тузиш учун рухсат ололмагач, маданий қурилишга хизмат қиладиган миллатпарвар ташкилот тузишга интилган. Туркистон АССР миллий ишлар халқ комиссарлиги томонидан «сиёсатга аралашмаслик шарти б-н» «Ч.г.» тузилишига расмий рухсат берилган. Ушбу ташкилот номланиши 13—14-а.ларда мавжуд бўлган *Чиғатой улуси* ва 14—16-а.ларда эски ўзбек тили маъносида қўлланган чиғатой тили каби атамалар ва истилоҳлар б-н боғлиқдир. Фитрат ташкилотга ном танлашда Туркистон ҳудудида яшаган туркий халқларга дахлдор меросни ўрганишга эътибор қаратган.

«Ч.г.» туркий халқлар маданияти, санъати, адабиёти, тарихи, тил ва имлоси каби соҳаларни жиддий ўрганишга киришган. «Гурунг» аъзолари ўзбек тилининг софлиги учун курашиш б-н бир қаторда янги ўзбек миллий маданиятини барпо этишга интилганлар. Ўша даврда мавжуд бўлган «Темур», «Турон», «Турон тўдаси», «Турк кучи», «Изчи» каби тўдалар ва уюшмаларга нисбатан «Ч.г.» самарали фаолият кўрсатган. «Ч.г.» низомида ёзилишича, у бир нечта шуъбалардан иборат бўлган. Бу шуъбалар «Тил ва имло тўдаси», «Адабиёт тўдаси», «Санъат ва театр тўдаси» ва б. деб номланган. «Тил ва имло тўдаси»га дастлаб *Чўлпон*, сўнгра *Элбек* раҳбарлик қилган. Фитратнинг «Тилимиз» (1919) мақоласида ушбу тўданинг дастурий йўналиши белгилаб берилган бўлиб, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Шорасул Зуннун, Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон, Ғози Олим Юнусов каби олимларнинг тилшуносликка оид ишлари ушбу дастурга биноан бажарилган. «Гурунгчилар» томонидан 1919 й.да араб алифбосини ислоҳ қилган ҳолда янги алифбо яратилган. Тил ва имло қурултойи (1921 й. янв.) бевосита «Ч.г.» ташкилотчилигида ўтган.

«Ч.г.» тарих соҳасидаги ишни манбашуносликдан бошлаган. Туркистон ўлка *Мусулмонлар бюроси* 1919 й.да Фитрат, Назир Тўрақулов ва Лазиз Азиззодадан иборат ҳайъат тузиб, тарихий меросни ўрганиш зарурлигига эътиборни қаратган эди. Уларнинг Бухоро, Самарқанд ва Фарғона водийсига қилган илмий сафарлари натижасида кўплаб тарихий асарларнинг қўлёзмалари топилди ва Тошкентга олиб келинди.

«Ч.г.» адабиёт ва санъат соҳасида муҳим ишларни амалга оширган. Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек қаламига мансуб «Ўзбек ёш шоирлари» (1922) тўплами, Фитратнинг «Темур сағанаси», «Ўғузхон», «Або Муслим» ва «Қон» сингари драматик асарлари бунга мисолдир.

«Ч.г.» аъзолари ўз ғояларини «Янги Шарқ», «Учқун» газ. ва «Тонг» жур. орқали ифодалашган. Ташкилотнинг «Чиғатой гурунги» номли махсус жур.нинг 1-сони чоп қилингач, жур. тақиқланган. 1921 й. бошларида «Ч.г.» ташкилоти фаолияти Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан тўхтатилган.

Наим Каримов, Қаҳрамон Ражабов.

ЧИҒАТОЙ ОҚТЕПАСИ — археологик ёдгорлик, истеҳкомли қишлоқ харобаси (5—8-а.лар, 10—12-а.лар). Тошкентнинг шим.-ғарбида, Кайковус канали бўйида жойлашган. 1927 й. Н. Г. Маллицкий ва 1940 й. М.Э.Воронец қайд этган. 1968 й. *Тошкент археологик экспедицияси* текширган. Тик ён бағирли тепалик шаклида сақланган арк харобасининг диаметри 30 м, бал. 6—8 м бўлиб, атрофида мустаҳкам мудофаа devори б-н ўралмаган қишлоқ жойлашган. Ч.О. ҳудуди ҳоз. тепалик шаклида сақланиб қолган.

ЧИҒАТОЙ ТИЛИ — қ. *Эски ўзбек тили.*

ЧИҒАТОЙ УЛУСИ — *Чингизхон* томонидан 2-ўғли *Чиғатой* ва унинг меросхўрларига ҳукмронлик учун берилган (1224) ҳудуднинг номи. Ч.у. Қашқар, Еттисув ва Мовароуннаҳр ерларини ўз ичига қамраб олган. Кўчманчилик б-н шуғулланувчи мўғулларнинг ўтроқ аҳолини бошқариш тажрибаси йўқлиги боис Чиғатойхон ўзига тегишли улусни бошқаришни аввал хоразмлик *Маҳмуд Ялавочга*, сўнгра унинг ўғли Масъудбекка (1238—89) топширади. У ва ҳатто умрининг охиригача ўша Ўқтой қоон саройида бош маслаҳатчи тарзида фаолият кўрсатади. Ч.у.дан олинадиган даромадларнинг асосий қисми *Қорақурумга* жўнатилган. Қолган қисмини маҳаллий аҳолидан тайинланган олий ҳоким улус эҳтиёжлари ҳамда қўшин харажатлари йўлида сарф қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Ч.у.да ҳам Чингизхон барпо этган *мўғуллар давлати*дек меҳнаткаш омма нафақат мўғул босқоқлари, доруғалари, балки маҳаллий юлғонлар ва оқсуяклар томонидан ҳам эзилган. Деҳқонлар, ҳунармандлар, косиблар, чорвадорлар илгаридан мавжуд бўлган солиқлардан ташқари мўғуллар жорий қилган янги солиқ ва ўлпонларни тўлашга мажбур эди. Охир-оқибат Ч.у.нинг қишлоқ ва шаҳарларида мўғулларга ва ерлик зодагонларга нисбатан норозиликлар кучайган, қўзғолонлар бўлиб ўтган (қ. *Маҳмуд Торобий қўзғолони*). Чиғатой вафотидан сўнг Мангу қоон ва Ботухон Ч.у.ни мулк сифатида тутатиб, уни Тули ва Жўжи ворислари ўртасида тақсимлашга келишиб олишган. 1251 й. империя пойтахти Қорақурумда бўлиб ўтган қурултойда Мангу қоон этиб сайлангач, чиғатой хонзодаларининг кўпчилиги Ўқтой қоон авлодлари қаторида қатл қилинган. Ч.у.ни Мангу қоон ва Ботухон бўлишиб олганлар. Мовароуннаҳр Ботухонга қарам бўлиб қолган. 13-а.нинг 60-й.ларида Чиғатойнинг 6-фарзанди Байдарнинг ўғли Олғу (1261—65) чиғатойлар ҳокимиятини қайта тиклашга эришади. Олғу вафот этгач, унинг ворислари — *Муборакшоҳ* ва *Бароқхон* маҳаллий аҳоли б-н яқинроқ муносабатда бўлиш мақсадида мусулмон динини қабул қилганлар. 1266 й. Ч.у. хони қароргоҳи Еттисувдан Мовароуннаҳрга — Оҳангаронга кўчирилади. Бароқхон ҳукмронлиги вақтида Хайду кўрсатмасига мувофиқ Масъудбек томонидан Бухоро қайта тикланади. Фарғона водийсида янги шаҳар — Андижонга асос солинади. Кебакхон (1318—26) даврида қароргоҳ Қашқадарёга кўчирилади, қад. *Насаф* яқинида Қарши ш. барпо этилади. Улус Эрондаги каби маъмурий бирликлар ҳамда солиқ ундирилувчи туманларга (Фарғона ва Қашқарда — ўрчин) тақсимланади, ягона пул бирлиги — кебакийга ўтилади. Аммо мўғул мулкларини бирлаштириш ва марказлаштириш мақсадида ўтказилган маъмурий ва молиявий ислоҳотлар сиёсий тарқоқликка барҳам беришга қодир эмас эди. 14-а. ўрталарида Ч.у. Мовароуннаҳр ва *Мўғулистон*га бўлиниб кетган. 1370 й. Мовароуннаҳрда Амир Темур салтанатининг ўрнатилиши чиғатойлар ҳокимиятига барҳам берди.

Ад.: Рашид ад-Дин, Сборник летописей, т.1 (кн.2), т.2, М.—Л., 1952,1960; Бартольд В.В., Сочинения, т.2(ч.2), М., 1964; Мирзо Улуғбек, Тўрт улус тарихи, Т., 1996; Абулғозий, Шажараи турк, Т., 1992; Ўзбекистон халқлари тарихи, 1-ж., Т., 1992.

Ҳамидулла Додабоев.

ЧИҒАТОЙЛАР — 13-а. 2-ярми — 16-а. бошларида Мовароуннаҳр аҳолиси номи. *Чингизхон*нинг ўғли — *Чиғатой* номи б-н боғлиқ. Маълумки 13-а. бошларида Мовароуннаҳр *Чиғатой улуси* таркибига кирган. Бу даврда (13—14-а.лар) «Чиғатой» атамаси дастлаб Чиғатой атрофидаги аслзодалар, қўшини ва уларнинг авлодларини англатган. 14-а.да кўчманчи ва ўтроқ туркий аҳолининг аралашуви натижасида янги этнос шаклланган. Кейинчалик 15-а.да Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистоннинг туркий аҳолиси Ч. деб аталган.

15-а. охири — 16-а. бошларида Мовароуннаҳрнинг туркигўй ва форсигўй ўтроқ аҳолиси Ч. деб аталди. 16—17-а.ларда Мовароуннаҳрнинг ўтроқ туркий аҳолисининг катта қисми ўзбек номини қабул қилди. 18-а. манбаларида Бобурийлар салтанатининг қўшини Ч. деб аталган.

19-а. охири — 20-а. бошларида Ч.нинг маълум қисми туркигўй бўлса, қолгани форсигўй бўлган. Лекин, уларнинг кўпчилиги 2 тил — туркий ва форсийда эркин сўзлашган. 20-а. бошларида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жан.да Шайбонийхон юришларигача яшаган аҳоли авлодларига нисбатан Ч. атамаси ишлатилган. 20-а. бошларида Ч.нинг асосий қисми ҳоз. Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ва Тожикистоннинг жан.да яшаган. Ч.нинг маълум гуруҳлари Ўзбекистоннинг Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари ҳамда Шим. Афғонистон ва Покистонда ҳам яшаган.

Ад.: Кармышева Б.Х., Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана, М., 1976.

ЧИҒИР — 1) юкларни кўтариш ёки силжитиш учун мўлжалланган машина; барабанга ўраладиган пўлат арқон (канат) ёрдамида амалга оширилади. Ҳаракатлантириш турига кўра, дастаки ёки машина (электр двигатель, ички ёнув двигатели ва б.) б-н ҳаракатланадиган, ўрнатилишига кўра муқим (стационар) ва кўчма хилларга бўлинади. Ч. ҳаракатлантирувчи қисм, редуктор, барабан, тормоз ва юк кўтарадиган эгилувчан элемент (канат ёки занжир) дан иборат. Юк кўтарувчанлиги 250 кг дан 20 т гача, юк кўтариш тезлиги 0,5—1 м/с. Ч. юкларни кўтариш, тушириш, айрим ҳолларда горизонтал йўналиш бўйича ташишда ишлатилади. Ч.дан кўтариш-ташиш машинаси ёки мураккаб кранларнинг кўтариш механизми сифатида фойдаланиш мумкин; 2) сув сатҳи суғориладиган ер сатҳидан пастда бўлган жойларда сувни юқорига кўтариб берадиган қад. энг оддий гидравлик мослама; уй ҳайвонлари, одам ёки оқар сув кучи б-н ҳаракатга келтирилган. Қадимда Миср, Ҳиндистон, Хитой, Ўрта Осиё ва б. ўлкаларнинг суғориш тизимларида қўлланган. Тарихий маълумотларга кўра, оқар сув кучи б-н ҳаракатлантириладиган Ч. Ўрта Осиёда (айниқса, Хоразмда) 9—11-а.ларда кенг тарқалган.

ЧИҒИРИҚ — Тошкент вилояти *Ўрта Чирчиқ тумани*даги шаҳарча. 1957 й. 2 фев.да ташкил этилган. Тошкент ш.дан 32 км жан.да. Тошкент—Оҳангарон—Ангрен т.й. ёнида. Яқин т.й. станцияси — Тўйтепа. Аҳолиси 2880 киши (2004). Ч.да Навоий кончилик-металлургия к-тига қарашли бойитиш цехи, алоқа бўлими, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, умумий таълим мактаби, кутубхона, тиббий амбулатория ва б. бор.

ЧИҲИЛ СУТУН — Исфаҳон ш. (Эрон) даги саройлардан бири. Шоҳ Аббос I томонидан 1590 й.да шаҳарни қайта қуриш даврида бунёд этилган. Шоҳ майдон ва Чорбоғ хиёбони оралиғидаги боғнинг шарқ томондаги эшигидан кирилади. Асосий қисмлари пештоқ, айвон, унинг ёнларидаги 2 зал ва симметрик тарзда жойлашган арзхонадан иборат. Пештоқ шифти чинор дарахтидан ишланган бўлиб, унинг ёпмасини муқарнас каллакли 20 устун (бал. — 14,6 м) кўтариб туради. Пештоқ тагида фавворали ҳовуз ташкил этилган. Ҳовуз бурчакларидаги устунларнинг мармар курсилари шер шаклида ишланган. Шифти нафис нақш б-н безалган. Пештоқнинг тўрида шоҳнинг тахти учун токчасимон айвон қурилган. Унинг ярим гумбаз тариқасидаги ёпмаси муқарнасдан ташкил топган. Сиркор парчинларга эга. Айвонга 2 томондан 2 зал туташ, айвон ва залларнинг орқасида кўндаланг йўналишдаги 3 гумбазли арзхона жойлашган. Унинг деворлари сюжетли сиркор суратлар б-н қопланган. Гумбазларнинг сиртлари ҳам сиркор нақшлар б-н зийнатланган. Арзхонанинг шим. ва жан. томонларида ҳам чоғроқ бўлган пештоқлар мавжуд. Саройнинг асосий олд ва 2 ёндаги пештоқлари иморатни атрофдаги муҳит б-н боғлаб туради. Устунлар унга енгиллик бахш этади. Ч.с. саройи қад. Эрон даврига мансуб бўлган ёдгорликлардан.

Хайрулла Пўлатов.

ЧКАЛОВ Валерий Павлович [1904.20.1(2.2), ҳоз. Чкаловск — 1938.15.2, Москва] — рус синовчи-учувчиси, комбриг (1938). Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1936). Олий пилотажнинг бир неча янги шаклларини ишлаб чиққан. 1936—37 й.ларда Г.Ф.Байдуков, А.В.Беляковлар б-н бирга Москвадан Удд о. (Узоқ Шарқ)гача, сўнг Москвадан Шим. қутб орқали Ванкувер (АҚШ)гача қўнмасдан учиб ўтган. Янги қирувчи самолётни синаш вақтида ҳалок бўлган. РФ ва МДҲ мамлакатларида Ч. номи б-н аталган кўплаб шаҳар, қишлоқ, истироҳат боғлари ва б. бор. Жумладан, «Тошкент авиация и.ч. бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти, Тошкентдаги метро ст-яларидан бири Ч. номи б-н аталган.

ЧОГОРИ, Годуин-Остен, Дапсанг — Қорақурум тоғларидаги энг баланд чўққи (8611 м). Баландлиги бўйича *Жомолунгмадан* кейин 2-ўринда. Гранит ва гнейс жинслардан тузилган. Йирик музликлар (Балторо ва б.) бор. Ч.га илк бор 1954 й.да италиялик альпинистлар Л.Лачаделли ва А.Компаньони чиққан.

ЧОДАК МАСЖИДИ — Наманган вилоятидаги меъморий ёдгорлик (18-а.); хонақоҳ ва уч томони айвондан иборат бино. Қўш синчли, пойдевори тошдан, девори хом ғиштдан терилган. Хонақоҳ ва айвон серҳашам безатилган.

ЧОДАК ОЛТИН КОНИ — Наманган вилояти Поп туманидаги кон. Руда майдони, асосан, Пирмироб ва Гузоқсойда, шунингдек, бир қанча майда олтин-кумушли намоёнларни қамраб олган. Қурама тоғ тизмаларининг жан. ён бағрида, Қўқон ш.дан 65 км, Наманганда 73 км масофада Чодак дарёси водийсининг ўрта қисмида жойлашган. Кон 1953 й.да очилган. Олтин рудалари кварц-олтинли саноат турига мансуб, кумуш кенг тарқалган. Майдон Ер пўстининг йирик Угом-Кумбел ва Шим. Фарғона синиқлари туташган, юқори палеозой вулканизми жараёнлари кенг ривожланган (60% дан кўпроқ майдонни эгаллайди) ҳудудда жойлашган. Майдон тузилишини бир неча омиллар — турли йўналишларда ривожланган йирик синиқлар (Анжур, Челпаксой, Жўласой,

Чолакбоши, Пирмироб, Гузоқсой, Оқбулоқ-Қорақўтон ва ҳ.к.) ва уларнинг шохобчалари мураккаблаштирган Ўриклик қубба кўтарилмаси, Чолак синиқолди чўкмаси ҳамда ушбу структураларга Қуюнди (C_3-P_1) порфирли гранитоид интрузиясининг жойлашуви (30% дан зиёдроқ майдонни эгаллаган) белгилайди. Руда таналарининг жойлашуви, асосан, гранитоидлар таъсирида скарнлашган, березитлашган жинслар, аргиллизитлар, кварц-адуляр метасоматитлар орасида турли синиқлар б-н белгиланган бўлиб, улар плитасимон, мураккаб томир ва томирсимон, линза ва устунсимон шаклларда учрайди. Руда таналарининг уз. 1000 м гача, қалинлиги 10 м гача, бир неча юз м чуқурликкача тарқалган. Олтиннинг миқдори 30—40 г/т (ўртача 5—6 г/т), кумушники 2200 г/т гача (ўртача 30—80 г/т) етади. Асосий рудали минераллари: пирит, арсенопирит, халькопирит, клеофан, галенит, теннантит. Сфалерит, магнетит, гематит, пираргиллит, фрейбергит, полибазит, галенит, алларгентум ва б. ҳам учрайди. Au нинг асосий қисми — электрум шаклида, бир неча (6 тагача) генерацияси мавжуд; кюстелит ҳам учрайди. Рудани ер ости усулида қазиб олиш қулай. Олтин ажратиб олишнинг энг осон усули — тўғридан-тўғри цианлаштиришдир.

ЧОДАКСОЙ — Наманган вилоятидаги сой. Қурама тизмасининг ён бағридан бошланади. Шим. Фарғона каналига қуйилади. Уз. 76 км, ҳавзаси майд. 566 км², ўртача бал. 2370 м. Сув сарфи 3,72 м³/сек., вегетация даврида ўртача 7,24 м³/сек. Қор ва музликлардан тўйинади. Ч. дан Поп туманидаги экин майдонларини суғоришда фойдаланилади.

ЧОДИР — вақтинчалик кўчма турар жой, бошпана. Ўтмишда кўчманчи туркийлар орасида кенг тарқалган. Катта-кичик кўринишда бўлиб, қалин пишиқ матодан, кўпинча синчга тортиб қилинади. Ч. тепасида ҳаво алмашиб туриши, тутун чиқиши учун туйнук ишланади. Ҳозир Ч.дан узоқ сафарда ҳарбийлар, альпинистлар, геологлар ва б. фойдаланади. Меъморликда — шакли чодирсимон (конуссимон ёки қиррали конуссимон) гумбаз ҳам Ч. дейилади.

ЧОДИР ЖАМОЛ — ўзбек анъанавий қўғирчоқ театрининг тури. Унда қўғирчоқлар қўлга кийиб ўйнатилади. Шунга кўра, у «қўл қўғирчоқ» деб ҳам юритилади. Унинг томошалари асосан кундузи кўрсатилган. Саҳнаси кўпинча қизил ёки сариқ тусли қаттиқ газламалардан халтасимон қилиб тикилган бўлиб, чодир деб аталади. Қўғирчоқбоз чодир ичига кириб унинг қисмини белига боғлаб олади, боши узра тураладиган юқори қисми эса ошиқ-машуқли болорчўп, остона, иккита ён чўп ва тирговучлар ёрдамида тўртбурчак саҳна тусини олади. Қўғирчоқбоз ўзи кўринмаслан чўккалаб ёки тик турган ҳолда чодир ичига тикилган чўнтакда тахлаб қўйилган қўғирчоқлардан ҳар гал иккитасини чиқариб ўйнатади. Қўғирчоқлар қўндирилган бармоқлар ҳаракатланиши б-н қўғирчоқларга «жон» киради. Ч.ж. Ўзбекистон ҳудудида тахм. 5-а.да юзага келган. 14—16-а.лар кенг тараққий этган. У, асосан, реал ҳаётдан олинган воқеаларни акс эттирган.

Чодир жамол (тарихий сурат).

Полвон Качал — Ч.ж. театрининг бош қаҳрамони. М. Гаврилов, Л. А.Перепелицина ва М.Қодиров томонидан Ч.ж. театрида ўйналадиган комедиянинг бир қанча намуналари ёзиб олиб, эълон қилинган. Шулан энг мукаммали ва қадимийси самарқандлик қўғирчоқбоз Қули бобо Новвотовдан М.Қодиров ёзиб олган «Полвон Качал саргузаштлари» комедиясидир. 20-а.да халқ қўғирчоқбозлари, асосан, Ч.ж. турида ишлаб келдилар. Янги шаклдаги профессионал ва ҳаваскор қўғирчоқ театрининг ташкил топишида ҳам Ч.ж. муҳим роль ўйнайди.

Анъанавий Ч.ж. театрининг чодирлари ва қўғирчоқлари музейлар (Тошкент, Бухоро, Самарқанд кабилар)да сақланади.

Ад.: Қодиров М., Халқ қўғирчоқ театри, Т., 1972.

Муҳсин Қодиров.

ЧОДИР ХАЁЛ — ўзбек анъанавий қўғирчоқ театри тури. Одатда, қўғирчоқларнинг боши, эгни, киндиги, тирсаги, билаги, тиззаси, тўпиғи иплар б-н боғланиб, бир учи дастчўпга уланади. Парда ортида турган қўғирчоқбоз дастчўпдан ушлаб қўғирчоқни саҳнага олиб чиқади ва ипларни тортиш орқали уларни ҳаракатга келтиради. Саҳналоҳ, кўча ёки ҳовлида орқи табиий тўсиқли жой танланиб, уз. 5—6 м, бўйи 2—2,5 м келадиган рангдор ёки гул-гул читдан парда тутилади. Унинг ўртаси кесилган бўлади. Чодир деб аталган бу жойнинг ортида уз. 3—3,5 м., бўйи 20—25 см келадиган ички қора чодир бўлиб, унинг ҳам пастки томони 180 см узунликда ва 70—75 см баландликда кесилади ва унинг жойи ҳосил қилинади. Ички чодир остона, устун, болор, тирговучлардан иборат мослама б-н тикланиб туради. Ярим метрлача ичкарида қора орқа парда бўлади. Томошалар, одатда, кечқурун кўрсатилиб, 50 тача қўғирчоқ ўйнатилган. Ч.х. Ўзбекистон ҳудудида тахм. 6-а.да майдонга келган. 14-а.нинг 2-ярмидан 16-а.нинг бошигача кенг тараққий этган. Дастлаб халқ афсоналари, мифологик сюжетлар ёритилган бўлса, 18—19-а.ларда унда сатирик бўёқлар б-н сарой ҳаёти, бозор манзаралари акс этган. 2 пирик комедия ўйналган. Этнограф М.Ф.Гаврилов туфайли Ч.х. театрининг «Саркардалар» комедияси, П.А.Комаров ташаббуси б-н унинг 47 та қўғирчоғи етиб келган. Ч.х.нинг энг сўнгги «Салтанат» номли спектакли (С.Абдулла қайта ишлаган) 1937 й. ўзбек санъати декадаси муносабати б-н Тошкент ва Москвада кўрсатилган.

Ад.: Қодиров М., Халқ қўғирчоқ театри, Т., 1972.

Муҳсин Қодиров.

ЧОДИРА (форс.) — Шарқ мусулмон аёллари уйдан ташқарига чиққанларида қадди-қоматини бегона эркаклардан беркитиш мақсадида ўраниб оладиган ёпинчиқ.

ЧОЙ (Thea) — 1) чойдошлар оиласига мансуб кўп йиллик доим яшил буталар ёки дарахтлар туркуми. Ватани — Жан. Осиё. Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Шри Ланка, Кения, Аргентина асосий чой етиштирувчи мамлакатлар қаторида туради. Жаҳон бўйича экин майдони 2291 минг га, ҳосилдорлиги 1254 кг/га, ялпи ҳосили 2872 минг т (1999). 2 тури бор. Хитой Ч.и(T.sinensis: Жан. Шарқий Осиёнинг тоғли р-нларида тарқалган) бутасимон, бўйи 1—3 м, сершох, баргининг уз. 10 см гача,

шакли понасимон чўзинчоқ. Ассом Ч.и (T.assamica; Ҳиндистон ўрмонларида ўсади) дарахт, бўйи тик, шохланган, баргининг уз. 7 см гача. Бу турга Хитой ва ассом Ч.нинг табиий дурагайи бўлган цейлон Ч.и ҳам киради. Илдизи ўқилдиз, 1—3 м гача тупроққа кириб боради. Гули қизил, оқ, четдан чангланади, меваси 3—4 уяли чаноқ, 1000 дона уруғи вазни 1 кг га яқин. Ч. иссиқсевар ва намсевар ўсимлик, —12° га қадар қисқа совуқларга чидайди. Тропикларда йил бўйи ўсади, 100 й. ва ундан ортиқ яшайди. 10—70 ёшида яхши ҳосил беради. Қизил тусли ва сариқ тусли тупроқларда яхши ўсади. Уруғи 60—70% намликда ва 20—25° да униб чиқади, 4—5 ёшидан бошлаб ҳар йили гуллайди. Ҳаво ҳарорати 20° ва намлиги 70% бўлган шароитларда яхши ривожланади. Ёш баргларининг таркибида 72—80% сув ва 20—28% қуруқ модда, оқсил, танин (8—18%), кофеин (2,1—4,2%), қанд, органик ва аминокислоталар ва минерал моддалар (4,7% гача), B_1, PP, B_2, C витаминлари, ферментлар (хлорофилл, каротин, ксантофилл), эфир мойи бор. Ч.нинг кимёвий таркиби унинг ёшига, тур-хилига, баргни териш муддатига, новдаларининг ўсиш тезлигига боғлиқ. Ёш баргларда экстрактив моддалар кўп.



Чой: *а — гулли шохчаси; б — ўсув шохчаси.*

Ч. уруғи ва қаламчаларидан кўпайтирилади. Баҳорда ва кузда қатор оралари культивация қилинади, тропик минтақаларда ҳар 2—3 ҳафтада юмшатилади, ўғитланади. Ч. ўсимлиги 2—3 ёшлик бўлганда тупларга шакл берилади, ён шохлар кесилади. 6 ёшга етган ўсимликлардан энг ёш новда учидаги 2—3 та барглар — ҳосил қўлда май ойидан окт. ойигача териб олинади. Йиғилган барг 2—3 соат ичида чой ф-каларига топширилади ёки салқин жойларда сақланади.

Ч. баргларидан чой саноати корхоналарида қадоқланган, барглари ўралган қора Ч., кўк Ч., кўк ва қора тахта (прессланган) Ч. маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Баъзи мамлакатларда (Ҳиндистон, Хитой, Япония) сариқ ва қизил Ч. ҳам тайёрланади.

Ч. баргининг чиқиндиларидан кофеин, турли витамин препаратлари ва б. доривор моддалар олинади. Ч.нинг уруғидан олинадиган мой косметикада, консерва саноатида ва б.да ишлатилади. Хитой ва Мьянмада янги Ч. барги истеъмол (салат ва ошкўк) қилинади.

Қора олий нав Ч. тайёрлаш учун чой барги 40—50° (сув бугланиб, маҳсулот эластик бўлиши учун)да сўлдирилади, кейин барглар ўралади ва ферментация қилинади. Ферментлар таъсирида таниннинг аччиқ фракциялари оксидланади, натижада ёқимли тахирроқ таъмли танин, хушбўй эфир мойлари ҳосил бўлади. Кўк Ч. тайёрлаш усули худди қора Ч.никидек, фақат барглар сўлдирилишидан олдин (баргларнинг кўк рангини сақлаб қолиш ва ферментларнинг парчаланиши учун) ўткир буғ б-н (100°) ишланади. Қора тош Ч. олий навли Ч. тайёрлашдан чиққан чиқитлардан (125—250 г прессланиб) тайёрланади. Кўк тош Ч. кузги асосий йиғим кампанияси тамом бўлгандан кейин қолган дағал барглардан ёки кўкламги дарахтларни буташ пайтида йиғилган барглардан тайёрланади.

Ч.нинг асосий маҳсулоти — барги ва ундан олинадиган қуруқ Ч.дир. Мил. ав. 4-а.да Хитойда Ч. барги учун экила бошлаган. Ч. ичимлиги тўғрисидаги дастлабки маълумотлар мил. ав. 2700-й.ларга оид қўлёзма манбаларида учрайди. 9-а.дан Японияда ва Кореяда, 19-а.дан Индонезия, Ҳиндистон, Шри Ланкада экила бошлади. 1885 й.дан Грузияда, 1901 й.дан Россиянинг Краснодар ўлкасида, 1913 й.дан Озарбайжонда Ч. плантациялари ташкил топди.

Россияда Ч. ичимлиги 1638 й.дан киборлар доираларида истеъмол қилина бошлаган. 18-а.га келиб бу ичимлик анча оммавийлашган ва рус самоварларининг пайдо бўлиши шу даврга тўғри келади.

Ўзбекистонда Ч. ичиш қачондан бошлаб урф бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Айрим манбаларга кўра, Туркистон шаҳарларида ҳинд савдогарлари Ч. савдоси б-н шуғулланганлар. Шаҳарлар ва йирик қишлоқлар гузарларида фақат Ч. ичимлиги ва тамадди (нон, қанд-қурс) б-н савдо қиладиган *чойхоналар* бўлган. 20-а. бошларида ҳинд савдогарлари Самарқандда Ч. қадоқлаш корхонасини ташкил этганлар. 1913 й.да Ўрта Осиёга четдан 720 минг пуд Ч. келтирилган (75%и кўк Ч.), унинг 240 минг пуди Туркистон ўлкасида, 150 минг пуди Бухоро хонлигида, 40 минг пуди Хива хонлигида сотилган.

1923 й.да Ўрта Осиёда ягона ва четдан келтириладиган хом ашёда ишлайдиган *Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси* ишга туширилди.

90-й.лар бошидан Самарқанд, Наманган, Тошкент ш.ларида Буюк Британия, Ҳиндистон, Аргентина, Шри Ланка, Хитой фирмалари («Вета Теа», «Тата», «Импра», «Акбар», «Липтон» ва б.) б-н ҳамкорликда Ч. импорти, қадоқлаш ва сотиш б-н шуғулланадиган қўшма корхоналар ташкил топди ёки чет эл фирмаларининг ваколатхоналари очилди. Ўзбекистонда 2002 й.да 4847 т қадоқланган Ч. ишлаб чиқарилди.

Ҳалима Отабоева.

2) махсус ишлов берилган Ч. баргларидан тайёрланадиган ичимлик. Чой дамлашнинг ўзига хос қоидалари бор. Чинни ёки фаянс чойнак яхшилаб ювилади, сўнгра иситиш учун қайнаган сув б-н 2—3 марта чайилади, кейин қуруқ чой солиб, қайнаб турган сув қуйилади (чойнакнинг $^1/_2$ ҳажмида), чойнакни қалин қилиб сочиқ ёки махсус ёпқич б-н ўраб 5—7 мин. дамга қўйилади, сўнгра чойнакка тўлгунча қайнаб турган сув қуйилади. Ч. шамаси чойнак тубига чўккандагина чой тайёр ҳисобланади. Ч.ни турли ширинликлар (қанд, мураббо, асал), сут, қаймоқ б-н ичиш мумкин.

Ч.нинг организмни тетиклаштирувчи хусусияти унинг таркибидаги кофеин (4%) миқдорига боғлиқ. Ч. кофеини қаҳва кофеинига нисбатан организмга енгил таъсир қилади ва организмда йиғилмайди.

Ўзбекистонда асосан *кўк чой* (Тошкент ш. ва Тошкент вилоятида қора чой) ишлатилади, организмни те-

Японияда чой плантацияси.

тиклантирувчи хусусияти ва таркибидаги Р витамининиг кўплиги жиҳатидан қора чойдан устун туради. Ч.ни овқат олдидан, овқатдан кейин, ҳазмни енгиллаштирувчи, чанқоқбосар ичимлик сифатида, асосан иссиқ ёки яхна ҳолида ичилади.

Ўзбек халқи урф-одатларига кўра, меҳмон олдига нон б-н бирга, албатта Ч. ҳам келтирилади.

ЧОЙБАЛСАН (1921 й.гача Сан-Байсе, 1941 й.гача Баянтуман) — Монголиядаги шаҳар. Керулен дарёси бўйида. Шарқий аймоқнинг маъмурий маркази. Аҳолиси 38,5 минг киши (1999). Автомобиль йўллари чорраҳаси, т.й. орқали Транссибирь темир йўли б-н боғланган. Мамлакатнинг саноат марказларидан. Озиқ-овқат (жумладан, гўшт к-ти), жун ювиш, металлсозлик корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Автомобиль таъмирлаш з-ди, иссиқлик электр ст-яси бор. Шаҳар яқинидан тошкўмир, флюорит қазиб олинади. Монголия сиёсий ва давлат арбоби Х.Чойбалсан (1895—1952) номи б-н аталган.

ЧОЙДОШЛАР (Theaceae) — икки уруғпаллали ўсимликлар оиласи. Доим яшил дарахт ёки буталардан иборат. Барглари оддий, четлари текис ёки тишли, бирин-кетин жойлашган. Ёнбаргли, баъзан ёнбаргсиз. Гуллари тўғри, икки жинсли ёки айрим жинсли. Косачабарглари 5—7 та, тожбарглари 5 та, баъзан 4 та. Меваси кўсакча ёки камдан-кам резавор. Ҳашаротлар, баъзан шамол ёрдамида чангланади. Ч.нинг 30 туркуми, 400 тури маълум, тропик ва субтропик мамлакатларда ўсади. *Чой* ва *камелия* туркуми катта аҳамиятга эга.

ЧОЙМОМО — ўзбек фольклорида шамол ҳомийси сифатида тасаввур қилинган мифологик образлардан бири. Сурункали эсган шамолни тўхтатиш учун Ч.га мурожаат қилиш б-н боғлиқ турли хил ишонч-эътиқодларни ўз ичига олган маросим Чимкент вилоятида яшовчи ўзбеклар томонидан ўтказиб келинган.

Қадимда одамлар кучли ел, қуюн ёки довул сифатида намоён бўладиган ҳамда экин-тикинларни пайҳон қилиб, дарахтларнинг мевасини тўкиб, катта зиён етказадиган шамолни ёвуз куч аломати деб билишган. Бевақт эсган шамолни тўхтатиш ва ҳосил нобудгарчилигининг олдини олиш мақсадида бу табиий ҳодисага турли магик амаллар б-н таъсир кўрсатишга ҳаракат қилишган. Ана шу мифологик қарашлар асосида шамол ҳомийси сифатида тасаввур қилинган Ч. образи ҳамда у б-н боғлиқ шамол тўхтатиш маросими юзага келган.

Ч. маросимининг қад. кўриниши аёллар томонидан ўтказилиши ҳамда ижро этиладиган «Ч.» қўшиғининг матнида эниклик ва эмоционаллик акс этиб туриши б-н характерланса, маълум ўзгаришларга учраган кўриниши шамол тўхтатиш амалларининг фақат эркаклар томонидан бажарилиши ва «Чуй-чуй момо» қўшиғи ижро этилиши б-н фарқланиб туради.

Ч. маросимининг ўтказилиш тартиби ва унда айтиладиган қўшиқларнинг бир неча хил типлари мавжуд. Мас., унинг бир кўринишида кекса аёллар б-н 5—7 та бўй етган қизлар иштирок этса, бошқа бир вариантида чодрали кампир б-н 7 етим қиз қатнашган. Маросимнинг учинчи локал вариантида эса барча удумлар 3 нафар кампир томонидан бажарилган: улардан бири ўқлоғини миниб олса, иккинчиси супурги ушлаб олган, учинчи кампир хонадонлардан йиғиладиган масаллиқларни (ун, буғдой ва ш.к.ни) тўрвага солиб кўтариб юрган. Уч кампир ана шу ҳолатда қишлоқдаги ҳар бир уй олдига бориб, «Ч.» қўшиғини айтишган:

Чоймомо, чой, чой, чой,
Чайқалиб қолсин қув шамол,
Боса-боса беринглар,
Босилиб қолсин қув шамол!
Уга-уга беринглар,
Угилиб қолсин бу шамол.
Чоймомолар ўлибди,
Ўғли етим қолибди,
Чоймомонинг онаси
Амакимга борибди,
Чоймомо, чой, чой,
Чайқалиб қолсин қув шамол...

Ад.: Диваев А., Заклинание и призыв ветра, в кн.: Этнографическое обозрение, вып. 1—2, 1910; Саримсоқов Б., Ўзбек маросим фольклори, Т., 1986; Тайжанов К., Исмаилов Х., Особенности доисламских верований у узбеков-карамуртов, в кн.: Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии, М., 1986.

Тўра Мирзаев, Маматқул Жўраев.

Тошкент шаҳридаги «Салом» чойхонаси

ЧОЙНАК — чой дамлашда ишлатиладиган рўзғор буюми. Ч. жуда қадимдан маълум. Ҳозир *чинни*, металл Ч.лар кенг тарқалган. Дастали, оғизли, қопқоқли, жумракли, кичик, ўртача ва катта ҳажмли хиллари бўлиб, турли нақшлар б-н безатилади.

ЧОЙХОНА, самовар — чой ичиб тамадди қилинадиган, ҳордиқ чиқариладиган жамоат жойи. Иссиқ иқлим ва шароит тақозоси б-н Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўтроқ халқларда қадимдан (араблар истилосидан илгари ҳам) Ч. каби қишки ва ёзги тамаддихоналар бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Ч. работлар, бозор, гузарлар ва маҳаллалардаги хушманзара жойларга қурилган, уларда чой-нондан ташқари турли қанд-курс, мева қоқилар сотилган, таомлар ҳам тайёрланган. Ч.лар мусофирлар, йўловчилар тунаб қоладиган жой вазифасини ҳам бажарган. Ўтхонали сув қайнатиш қурилмаси — рус самоварлари пайдо бўлиши б-н Ч.ларда чой, албатта самоварда қайнаб турган сувдан дамланган (Ч.нинг «самовар» номи шундан). 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб собиқ совет даврида Ч.лар «қизил бурчаклар» ташкил қилинган тарғибот-ташвиқот, ташкилий ишлар марказига айлантирилди. 90-й.лар бошидан қишлоқ марказларида, корхоналарда, шаҳар маҳаллалари ва ошхоналар ҳузурида ишлаб турган Ч.ларда миллий урф-одатларни тиклаш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Ч.ларни миллий услубларда қуриш, безаш ва жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш, маданий ҳордиқ чиқариш шарт-шароитлари яратилди. Ч.лар маданият ва истироҳат боғларининг зарурий унсурига айланиб, дам олувчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Самарқанд вилояти Иштихон шаҳарчасидаги чойхона.

Тошкентдаги «Салом», «Мовий гумбазлар», «Самарқанд», «Фарғона», «Оталар чойхонаси», Самарқанд, Наманган, Қўқон ш.даги намунали Ч.лар бинолари атроф муҳит б-н уйғунлаштириб қурилган, уларнинг замонавий жиҳозланишига алоҳида аҳамият берилган.

Султон Ҳотамқулов.

ЧОЙШАБ (форс. — тун чодири, рўйжо) — рўзғор буюми. Тахмонга тутиш, тўшак устидан тўшаб қўйиш, ётганда ёпиниш учун ишлатилади. Ч.нинг тўшак устига ёзиладиган оқ, сури ва оқ малла бўздан каштасиз, баъзан кам каштали қилиб, тахмонга тутиладиганини эса сатин, шойи, бахмал ва б. матолардан кашта б-н безаб тикилади. Кейинги вақтларда баъзан рўзғорда безакли Ч.дан *сўзана* каби бадиий буюм сифатида ҳам фойдаланилмоқда.

Чойшаб.

ЧОК — 1) тикувчиликда — тикиш, қирқиш, ямаш, кашта гулларини тикишда ҳосил бўладиган бахялар тизмаси, буюмларнинг тикиб бириктирилган жойи. Газлама, чарм, тери ва б.ни тикишда бирор буюмни нақшли кашталар б-н безаш, кийим тикишда қисмларини бириктиришда қўлланилади. Ч. қўлда (игна, ангишвона, илмоқли сўзон игна, бигиз ва б. б-н) ва тикув машинасида тикилади. Ч. текис ва пишиқ чиқишида ипнинг сифати катта аҳамиятга эга. Агар ип яхши пишитилса, Ч. текис ва зич чиқади, ип ҳом пишитилган бўлса, таранг тортилмай, Ч. ғадир-будур бўлади. Ч.да табиий (ипак, пахта, жун) ва сунъий толалардан фойдаланилади.

19-а.гача Ч., асосан, қўлда тикилган. 19-а.нинг 2-ярмидан Европа мамлакатларида Ч.ни тикув машинада тикишга ўтилган. Ч.лар тикиш техникаси, расмлар мужассамоти ва гуллари б-н бир-биридан ажралиб туради. Бадиий каштачиликда *палак, сўзана, гулкўрпа, зардевор, жойнамоз* ва б. бадиий буюмлар қадимда турли хил Ч. б-н қўлда тикилган. Ҳозир ҳам қўлда, ҳам махсус попоп машиналарда тикилмоқда. Тикувчиликда кийим қисмларининг ип ёки елим ёрдамида бириктирилган жойи Ч. ҳисобланади.

Вазифасига кўра, Ч.лар бириктириш, зиҳ ва безак-пардозлаш Ч.ига бахя, тепчима, ёйма, босма, қайирма, қуйма, қулф, учма-уч Ч.лар киради. Ҳошия Ч. астарсиз ва ситилувчан газламалардан тикиладиган кийимларнинг қисмлари, қирқимларини ишлаш учун қўлланилади.

Каштадўзликда энг кўп тарқалган Ч.лар: қуппа, босма, *дурўя* (канда хаёл), чинда хаёл, хомдўзи, *йўрма*, попур, *ироқи*, илмоқ, чамак бахя ва б.; 2) машинасозликда металл қисмларнинг туташтирилган жойлари; 3) бинокорликда — терилган ғиштлар, блокларнинг оралиғи, панелли уйларда панеллар туташган жойлар. Бино ва иншоотларнинг бир қисмини иккинчисидан ажратадиган энсиз оралиқ конструктив Ч. дейилади. Бундай Ч. т-ра, чўкиш ва сейсмик Ч.га бўлинади. Т-ра Ч.и т-ранинг ўзгаришидан, чўкиш Ч.и иморатнинг чўкишидан вужудга келадиган қўшимча зўриқишларнинг олдини олади, сейсмик Ч. биноларни силкинишда бузилишдан асрайди. Амалда кўпинча бу 3 та чок вазифасини битта чок бажаради, яъни 3 та чок ўрнига битта чок қолдирилади.

ЧОКА ПАРДОЗ, ёрма пардоз — ўймакорликда *пардоз* тури; ганч ва ёғоч ўймакорлигида кенг қўлланади. Ўйма нақшнинг четидан марказ томон қия қилиб чуқур ўйиб бориб ҳосил қилинади; чуқур ўйма кескин нурсоя ўйини ҳосил қилиб, нақшга жозибадорлик бахш этади. Бўртма (рельеф) юзага ишлов беришда бошқа пардоз турларига нисбатан усталар (айниқса, Фарғона, Тошкентда) кенг қўллайди; Ч.п. усталар томонидан ёрма пардоз ҳам деб аталади.

ЧОКАР — илк ўрта асрлар (4—8-а.лар)да қишлоқнинг йирик мулкдор—деҳқонларнинг истеҳкомли қўрғонлари ва мулкларини қўриқлаш ва уларни ташқи ҳужумлардан муҳофаза этиш учун тузилган ёлланма қуролли отряд (гуруҳ). Ч.лар гуруҳи 30—40, 50—100 ва ундан ортиқ ҳарбий навкарлардан иборат бўлган. Улар қилич, қалқон, найза ҳамда камон ва садоқ тўла ўқлар б-н қуролланган. Ч.лар деҳқон қўрғонларига яқин ёки шаҳар гирдида бино қилинган истеҳкомларда яшаганлар. Бундай истеҳкомлар Чокардиза деб юритилган. Тошкентнинг Чақар ва Самарқанднинг Чокардиза каби маҳаллалари илк ўрта асрларда Ч.лар жойлаштирилган қароргоҳларнинг ўрни бўлган. Ч.лар бақувват ва абжир ҳамда ўз валинеъматига садоқатли ўспиринлардан танлаб олинган. Бундай садоқатли ва жанговар Ч.лар б-н деҳқонлар ёвғарчилик пайтларида душманга қарши ҳарбий юришларда қатнашар, осойишталик замонда эса уларга суяниб қишлоқнинг зироаткор аҳолиси устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилган.

Ад.: Муҳаммаджонов А., Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача), Т., 2004.

ЧОКАРДИЗА — тарихий мавзе. Самарқанд ш.нинг Регистон мажмуаси яқинида, ҳоз. Вобкент, Ғиждувон ва Бухоро кўчалари оралиғида жойлашган. Илк ўрта асрларда (5—7-а.лар) бу ерда ҳарбий истеҳком бўлган. Ч. — «чокар» — жангчи ва диза — қалъа, яъни «жангчилар қалъаси»дан олинган. Қалъа яқинидан Ч. канали ҳам ўтган, у 1220 й.гача «Жўйи Арзиз»га уланиб, Самарқандни сув б-н таъминлаб турган. 9-а.да Ч.да имом Абу Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Саммоси Мутаваъйининг боғи, ўртасида эса масжид бўлган. Имомнинг ўзи ҳам шу ерга дафн этилган. Кейинчалик Ч. мусулмон оламининг энг табаррук қабристонларидан бирига айланган. Ч.да машҳур имомлар *Мотуридий*, *Бурҳониддин Марғиноний*, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ан-*Насафий* ва б. дафн этилган. 2000 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси б-н Ч.да катта таъмирлаш ишлари ўтказилиб, *Мотуридий ёдгорлик мажмуи* бунёд этилди.

Азим Маликов.

ЧОКМОРОВ Суймонкул (1939.9.11, Қирғизистон, Жонтош қ. — 1992, Бишкек) — қирғиз актёри, реж. Халқ артисти (1981). Бишкек бадиий билим юртини (1958) ва Ленинград тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-тини (1964) тугатган. 1969 й. «Қараш довонидаги ўқ» фильмидаги Бахтигул роли б-н кинодаги фаолиятини бошлаган. Дониёр («Жамила»), Қораболта («Иссиққўл қизғалдоқлари»), темирчи Утур («Оловга қуллуқ қил»), Мақсумов («Еттинчи ўқ», «Ўзбекфильм»), Бойтемир («Мен — Тяншань»), Ахангул («Вахший»), Темур («Қизил олма»), Жонбов («Дерсу Узала»), Лао («Фердинанд Люс ҳаёти ва ўлими»), Озод Байрамов («Ўлан», 1978), Қосим («Аёлсиз эркаклар») ва б. образлар Ч. ижодида алоҳида ўрин тутади. Тоҳтағул номидаги Қирғизистон Давлат мукофоти лауреати (1980).

ЧОЛА — қадимда ва ўрта асрларда Жан. Ҳиндистондаги давлат ва ҳукмрон сулола. Ч. давлатининг тарихий маркази (Чоламандала) Танжавур р-нида жойлашган. Давлат тили — тамиль тили бўлган. 10-а. охири — 12-а. бошларида Ч. кучайган, унга Тамилнаднинг бошқа р-нлари (Пандьямандала, Тондаймандала, Конгумандала), Керала, Карнатака, Андхранинг бир қисми, Шри Ланка о. тобе бўлган. Бу даврда Тамилнаднинг иқтисодий ва маданий юксалиши кузатилган. 13—18-а.ларда Ч. хонадонига мансуб шахслар Жан. Ҳиндистондаги бир қатор майда князликларни бошқаришган.

ЧОЛ-НЎҒАЙ — ўзбек уруғларидан бири. Асосан, ўзбекларнинг қипчоқ қабиласининг тўққиз-урут (туғузбой) гуруҳи таркибига кирган. Дастлабки Ч.-н.лар 16—17-а.ларда Дашти Қипчоқнинг ғарбий қисмида Нўғай хонлигининг емирилиши натижасида ҳар хил кўчманчи уруғ ва қабилаларнинг қолдиқларидан вужудга келган. Сўнгра, Ч.-н.лар Дашти Қипчоқ қабилалари таркибига кирганлар. 17-а.нинг охири — 18-а.нинг бошларида қипчоқларнинг катта бир гуруҳи Зарафшон водийсига жойлашган.

ЧОЛОТА ҚЎРҒОШИН-РУХ КОНИ — Тожикистон Республикаси Суғд вилоятидаги кон. Олтинтопган шаҳарчасидан 1,5 км ғарбда, Қорамозор (Курама тоғларининг ғарбий тармоғи)нинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1940 й.да очилган. Унинг геологик тузилишида терриген, чўкинди-вулканоген, карбонат ҳамда чўкинди-вулканоген ётқизиқлар мавжуд. Чолота рудали майдони Чолота, Олтинтопган ва Оқкулоқ ёриқларидан ҳосил бўлган тектоник блокни ташкил қилади. Қўрғошин-рух руда минераллари, асосан, скарнлар ичидан ўрин олган. Руда таркибида, асосан, пирит, пирротин, сфалерит, галенит, халькопирит, баъзан магнетит, гематит ва б. бор. Конда, қўрғошин ва рухдан ташқари, саноат аҳамиятига эга бўлган кумуш, кадмий мавжуд. Руда жисмларининг уз. 200—700 м, қалинлиги 4,4—7,2 м. Қўрғошиннинг таркиби: рудали таналарда 2,12% дан 0,96% гача.

ЧОЛҒУ ЙЎЛИ — 1) *мақом* чолғу намуналарининг умумий ифодаси; 2) ўзбек ашула ва қўшиқларининг муайян мусиқа чолғуларида ижро этишга мўлжалланган кўриниши (мас., дутор йўли, сурнай йўли ва б.); 3) атоқли созанда — бастакорларнинг ижрочилик-ижодкорлик услубига хос асарлар (мас., «Сақили Ислимхон» «Сақили Ашкулло», «Сақили Ниёзжонхўжа»).

ЧОЛҒУ МУСИҚАСИ — мусиқа чолғуларида ижро этишга мўлжалланган *асарлар*. Якканавоз созанда (мас., *прелюдия, куй*), ансамбль (*трио, квартет*) ва оркестр томонидан чалинадиган (*симфоник мусиқа* каби) турлари бор.

ЧОЛҒУЛАШТИРИШ — мусиқий ижод тури; мусиқа асарини муайян чолғу ансамбль ёки оркестр (*оркестрлаш*) таркиби ва ижросига мўлжаллаб мослаштириш. Ч. жараёнида композитор чолғулар хусусияти ва ифодавий имкониятлари, шунингдек, асарнинг бадиий мазмунидан келиб чиққан ҳолда овоз йўлларининг қайси созда ижро этилишини белгилайди. Ч. янги асарни ижод этиш пайтида ҳамда мавжуд асарни бошқа мусиқа жамоаси ижросига мослаштириш (*аранжировка*) жараёнида намоён бўлади. Ч. махсус мусиқа ўқув юртларида ихтисослашган фан сифатида ўқитилади.

ЧОМГА, катта қўнғир (Podiceps cristatus) — қўнғирсимонлар туркумига мансуб қуш. Уз. 54—60 см. Баҳорда нари ва модаси бошининг энса қисмидаги узун патлари бўйнидан орқароқда ҳурпайган кокил ва бўйинбоғ ҳосил қилади. Евроосиё, Африка, Австралия, шунингдек, Каспий денгизи ва Ўрта Осиё сув ҳавзаларида тарқалган. Кўл-ларда сузувчи уя қуради; 3—4 та тухум босади. Урчиш даврида ҳар хил мураккаб хатти-ҳаракатлар намоён этиб, жуфт ҳосил қилади.

Чомга.

ЧОНЖУ, Чонджу — Корея Республикасининг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Чолла-Пукто провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 563 минг киши (1995). Транспорт йўллари чорраҳаси. Озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатларининг йирик маркази. Ёғочсозлик ва қоғоз саноати корхоналари мавжуд.

ЧОПАР — отлиқ хабарчи. Ўтмишда Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда давлат аҳамиятига молик ва шошилинч хабарларни етказувчи отлиқ. Ч. ҳоким, вилоят беклари ёки ҳолиса солиқ бўлган жойнинг оқсоқоллари томонидан тайинланган. Кўпинча Ч.лар муҳим хабарларни эстафета тариқасида етказганлар. Ч.лар учун йўл устидаги манзилгоҳлар (работ, бекат, ём)да махсус от, улов ажратилган.

ЧОПИҚ, чопиқ қилиш — агротехника тадбирларидан бири, экиннинг қатор ораси ва илдиз атрофини 8—12 см чуқурликда юза юмшатиш б-н биргаликда ўсимлик туви атрофига тупроқ уйиш; Ч.нинг асосий вазифаси — экин қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш, илдизнинг ривожланиши учун тупроқни юмшатиб, қулай намлик ва тупроқ шароитини яратиш. Ч. натижасида пушта ва эгатларда ҳосил бўлган ортиқча намлик йўқолиб, тупроққа ҳаво ўтиши яхшиланади, тупроқ яхши қизийди, илдизлар яхши ривожланади, суғорилганда илдизлар сувдан яхши баҳра олади. Қулай муддатларда ўтказилган Ч. далани бегона ўтлардан тозалайди. Ч.дан олдин қоида тарзида экинлар суғорилади ва 2—3 кундан кейин ер етилиши б-н Ч. ўтказилади. Кечикиб ўтказилган Ч.да эса тупроқ қотиб, сифатсиз ишланади, ўсимлик илдизлари кесилиб, туплари юлиниб кетади, тупроқ нами беҳуда сарфланади. Маккажўхори, тарвуз, қовун, бодринг, помидор, бақлажон ва б. экинлар ҳосилдорлигини оширишда Ч.нинг аҳамияти катта, чунки бу ўсимликлар Ч.дан кейин янги илдизлар чиқариб авж олиб ўсади. Ч.нинг самарадорлиги, асосан, уни ўтказиш муддати ва сифатига боғлиқ (яна қ. *Культивация*).

ЧОПИҚ ҚИЛИНАДИГАН ЭКИНЛАР — ўсиши ва ҳосил бериши учун катта озиқ майдони, намлик ва қатор ораларига ишлов бериш (тупроқни юмшатиш), зараркунандалар, бегона ўтлар ва касалликларга қарши курашни талаб этадиган экинлар. Техника экинлари — *ғўза, тамаки, каноп, қанд лавлаги;* дон экинлари — *жўхори, маржумак, маккажўхори;* мойли экинлар — *кунгабоқар;* сабзавот экинлари, *картошка*, озуқабоп илдизмевалилар, полиз экинлари (*қовун, тарвуз, бодринг* ва б.) чопиқ қилинади. Буларнинг уруғи (кучати) кенг қаторлаб (қатор ораларини 60—90 см қилиб) экилади. Ўсув даврида қатор оралари культиватор ёки кетмон б-н 2—6 марта юмшатилади, пушталари чопилади, ўтоқ қилинади, 2—9 марта суғорилади. Ч.қ.э. экилган ерда тупроқнинг микробиологик фаоллиги ортади, озиқ моддалар кўп тўпланади.

ЧОПОВУЛ, чаповул (чопмоқ, ғорат қилмоқ) — 1) Темурийлар, Шайбонийлар, Ўрта Осиё хонликлари қўшинида душман кучлари ёки қишлоқ ёхуд шаҳарларига кўққисдан ҳужум қилиб, уни парокандага учратиш мақсадида кенг қўлланилган тактик амалиёт; 2) ғаним ҳарбий кучларига, унга тегишли объектларга тўсатдан ҳужум қилиб, ўлжа келтирувчи суворий гуруҳ. Бундай отлиқ гуруҳ, шунингдек, чоповулчи истилоҳи б-н ҳам англашилган.

ЧОПОН — қ. *Тўн.*

ЧОПҚУН, чопғун — ўрта асрларда аксарият ҳарбий ҳаракатлар чоғида қўшиннинг озиқ-овқати, ем-хашаги ва б. эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, қамалда қолган шаҳар, қишлоқ, қалъа, қўрғон ва ҳисор мудофаачилари тинкасини қуритиш мақсадида теварак-атрофдаги жойларга қилинган талончилик амалиёти. Ч.да бир неча юздан бир неча минггача отлиқ жангчилар — чопқунчилар иштирок этган. Ч. вақтида қўлга киритилган барча нарсалар, жумладан, бандилар қароргоҳга ўлжа қилиб олиб келинган. *Бобур* Афғонистон ва Ҳиндистон юришлари вақтида Ч.дан унумли фойдаланган. Тарихий манбаларнинг қайд этишича, 1502 й. *Шайбонийхон* Ҳисор ва Чағониён устига лашкар тортиб борганида, Ҳисор теварак-атрофини Ч. қилган. Унинг чопқунчи (юртовул)лари 100 минг қўй, 50 минг от, 50 минг асир ва б. нарсаларни ўлжа сифатида хон қароргоҳига олиб келганлар. 1505 й. Шайбонийхон Хоразм волийси Чинсўфига қарши отланганда 5 минг аскардан иборат чопқунчини Хива атрофидаги қишлоқларни талаш учун тайинлайди. Ч. натижасида 100 мингдан ортиқ қорамол, қўй, от ва б. қўлга киритилган.

ЧОР БАКР — Бухорода яшаб ўтган (9—10-а.лар) машҳур тўрт шайх, *тасаввуфнинг* йирик намояндалари. Ч.Б.ларнинг аждодлари пайғамбар *Муҳаммад* (сав)нинг набираси Имом Ҳусайнга бориб тақалади. Улар Али авлодларидан 4-имом бўлган Жаъфар ас-Содиқнинг неваралари ҳисобланган.

Абу Бакр Саъд, Абу Бакр Аҳмад ибн Хожа Саъд Ямоний (9-а. охири — 971), Бухорода туғилган. Унинг отаси Хожа Саъд Ямоний имом Ҳусайннинг Зайнулобидин исмли ўғлининг фарзанди бўлиб, у Бухорога Али ибн ал-Ҳусайн б-н биргаликда келиб қолган (9-а.нинг сўнгги чораги). Наршахийнинг ёзишича, *сомонийлар* амири *Исмоил Сомоний* унга Бухоро яқинидаги *Жўйи Мўлиён* мавзеидаги серҳосил ерларининг катта қисмини вақф қилиб берган. Хожа Саъд Бухоро атрофидаги Сумитан қишлоғида чорбоғ, боғ, сардоба, тегирмон, ҳовуз ва б. бинолар барпо этиб, бу ердан катта даромад олган. Абу Бакр Саъд ва унинг авлодлари сомонийлар даврида Бухорода шайхулисломлик қилишган. Абу Бакр Саъд отаси вафот этгач, унинг ўрнига Исмоил Сомонийнинг пири ҳисобланган. У фиқҳ мактабини ташкил этиб, кўплаб уламоларга устозлик қилган.

Абу Бакр Фазл, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ибн Жаъфар ал-Бухорий (9-а.нинг 2-ярми — 937), Имом Жаъфар ас-Содиқ авлодидан. Сомонийлар даврида Бухорога келиб қолган. Унинг «Муснади Фазл» китоби айниқса машҳур бўлиб, бу асар *Чингизхон* Бухорони босиб олганда ёндириб юборилган.

Абу Бакр Муҳаммад, Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳамид (9-а.нинг 2-ярми — 937). Унга «шайх ул олам» унвони берилган. У Абу Бакр Фазл б-н бир йилда вафот этган ва иккаласининг қабрлари ҳам бир жойда ёнма-ён жойлашган.

Абу Бакр Тархон, Имом Абу Бакр Тархон (9-а.нинг 2-ярми — 945), «Китоби Муллазода» асарида ёзилишича, у «Жомеъ ва муснад» китобини ёзган.

Ч.Б.лар Бухорода вафот этган ва шаҳар яқинидаги Сумитан мавзеида дафн этилган. Уларнинг қабрлари устида Абдуллахон II (16-а.) даврида ҳашаматли мақбара ва б. меъморий иншоотлар қурилган (қ. *Чор Бакр меъморий мажмуаси*).

Ч.Б.лар шажарасидан 16-а.да *Жўйбор хожалари* номи б-н машҳур бўлган нақшбандия тариқатининг йирик шайхлари (қ. *Хожа Муҳаммад Ислом, Хожа Саъдуддин*) етишиб чиққан. Бухоролик шоир Тошпўлат Аҳмад Ч.Б.лар фаолияти ҳақида «Чор Бакр» (1999) достонини ёзган.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966; Ғафурова Л.Г., Китоби Мулла-заде, Т., 1992; Ҳусенов С., Ражабова И., Чор Бакр, Т., 2001; Йўлдошев Н., Қурбонов Ҳ., Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги зиёратгоҳлар тарихи, Бухоро, 2001.

Қаҳрамон Ражабов.

ЧОР БАКР МЕЪМОРИЙ МАЖМУАСИ — Бухоронинг Сумитан мавзеидаги меъморий ёдгорлик (16—19-а.лар). Шу ерда яшаб ўтган машҳур тўрт шайх (қ. *Чор Бакр*) номи б-н боғлиқ. Шайхлар қабристони олдига *Абдуллахон II* томонидан хонақоҳ, масжид, мадраса ва катта боғдан иборат меъморий мажмуа барпо этилган (1559), кейинги асрларда яна қўшимча бинолар қурилиб, атрофи боғларга айлантирилган. Хонақоҳ гумбазли хона ва пештоқдан иборат. Пештоқ безагида кошинкори нақшлар ва йирик куфий ёзувлар, 2 ён қанотида гулдасталар бор. Ички безагида ганчкорлик ва қирма намуналари учрайди. Мадраса пештоғи кенгроқ, даҳанаси уч равоққа бўлинган. Китобаси арабий ёзувдан иборат.

Чор Бакр меъморий мажмуаси.

Дарсхона тўртбурчак тарҳли, гумбазли, бурчаклари ҳужраларга туташ. Ён тарзлари қўшқават равоқлар қаторини такрорлайди. Ёзлик масжид майдон саҳнининг тўрида мадраса ва хонақоҳ орасида жойлашган. Пештоғининг 2 қаноти қўш қаватли ҳужралардан иборат. Пештоқ олдидаги супа саҳнидан намозгоҳ сифатида фойдаланилган. Муъжаз минора меъморий мажмуа марказида жойлашган.

«ЧОР ДАРВЕШ» — Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ишқий-саргузашт асар. Дастлабки нусхаси 18-а.да Ўрта Осиёда форсий тилда номаълум муаллиф томонидан яратилган. «Ч.д.»нинг сюжети бошқа саргузашт асарларга ўхшаб ровий характерга эга. «Ч.д.» муқаддима ва хотимадан ташқари, 5 қисмдан — Рум молики Озодбахт ва тўрт дарвешнинг саргузашти тасвиридан иборат. Озодбахт бефарзанд эди. Кунлардан бир кун тахт вориси — фарзанд доғида юрган Озодбахт қабристон зиёратига бориб, тўрт дарвешга учраб суҳбатлашади. Улардан икки нафари Озодбахтга ўз саргузаштларини ҳикоя қилади. Шундан сўнг подшо дарвешларни саройга элтиб, зиёфат беради ва қолган икки дарвешнинг кўрган-кечирганларини тинглайди. Қиссахонлик айни қизиган пайтда сарой ходими подшоҳ хотинларидан бири фарзанд кўрганлиги ҳақида хушхабар келтиради. Озодбахтнинг фарзанд кўриши, қиссалар охирида дарвешларнинг мурод-мақсадларига эришиши тафсилотлари «Ч.д.»нинг сюжетини ташкил қилади. Қисса ичида қисса шаклидаги бу асарда мардлик ва жасорат, инсонсеварлик ва илм-маърифат, юксак ахлоқ-одоб тарғиб этилиб, хоинлигу пасткашлик, нопоклигу таъмагирлик, бойликка ружу қўйиш, худбинлик қаттиқ қораланади. Фаранг, Рум, Шом подшоларининг қизлари айш-ишрат, роҳат ва фароғатдан чин муҳаббат йўлида садоқатни, инсонсеварлик, адолатпешалигу ҳақиқатпарварликни афзал биладилар, содиқ дўст учун жонфидолик қиладилар. Дарвешлар сиймосида ҳам ана шу хислатлар мужассам. Барча саргузашт қиссалар сингари «Ч.д.» ҳам наср-назм аралаш тарзда битилган. 19-а.да «Ч.д.» Бомбай, Тошкент ш.ларида тошбосма усулда бир неча бор чоп этилган. «Ч.д.»нинг ўзбекча (Хиромий достони), қозоқча (Шоди Тўра достони) ҳамда «Боғу баҳор» номида урдуча (Мир Аммон Деҳлавий қиссаси) вариантлари ҳам яратилган.

Ад.: Брагинский И.С., История таджикской народной поэзии, М., 1960.

ЧОР ДАРД — *қ. Дард тутиши.*

«ЧОР ДЕВОН» — *Алишер Навоий*нинг асари; *«Хазойин ул-маоний»*нинг халқ орасидаги номи.

ЧОР МИНОР (форс. — тўрт минора) — Бухородаги меъморий ёдгорлик (1807). Халфа Ниёзқул қурдирган. Ч.м. анъанавий усулда қурилган масжид, бир қаватли мадраса, атрофи бир қаватли ҳужралар б-н ўралган ҳовлидан иборат. Синчли пешайвон ишидаги масжид ҳовлининг жан.-ғарбий бурчагида жойлашган. Мадрасага 2 қаватли, гумбаз томли дарвозахона орқали кирилади. Мураббa тарҳли дарвозахона ўзига хос мужассамот ечимига эга: олди пештоқли, тўрт бурчагида тўртта минора жойлашган (номи

Чор минор.

ҳам шундан), минораларнинг тепа қисми гумбаз шаклида якунланган бўлиб, улар сиркори кошинлар б-н безатилган. 2 қаватли хонанинг 1-қавати *миёнсарой* кўринишида бўлиб, изоралари тошлар б-н қопланган, томи гумбазли, 2-қавати кутубхона, кутубхонанинг шифти пастак гумбазли бўлиб, содда муқарнаслар ҳалқаси б-н тўлдирилган. 2-қаватга минораларнинг биридаги зина орқали чиқилади.

ЧОРАЙМОҚЛАР — Афғонистоннинг шим.-ғарби (600 минг киши, 1990-й.лар ўрталари) ва Эроннинг шим.-шарқида (260 минг киши) яшовчи халқлар гуруҳи (жамшидлар, ферузкўҳилар, тайманлар, теймурлар). Эрон тилларига мансуб тилларда сўзлашади. Диндорлари — асосан, сунний мусулмонлар. Эрондаги Ч.нинг бир қисми — шиалар.

ЧОРАК — 1) Ўрта Осиёдаги эски оғирлик ўлчов бирлиги. Ч. қўлланилиши жойига қараб ҳар хил қийматларга эга бўлган. Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда 1 мисқол 4,82 г бўлса, 1Ч =856 мисқол=856·4,8=4,1088 кг га тенг бўлган ва у катта Ч. деб юритилган. Унинг ярми, яъни 428 мисқол=428·4,8=2,0544 кг кичкина Ч. деб юритилган. Фарғонада, мас., 1830 й.да 1Ч = 2 пуд = 32,762 кг бўлса, 1841 й.да 1Ч = 4,5 пуд = =73,712 кг, кейинроқ 1Ч = 5 пуд = =81,902 кг бўлган. Булардан ташқари, Ч.нинг 5 пудга яқинроқ қийматлари ҳам бор, у 87,36 кг гача бўлган; 2) Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда қад. узунлик ўлчови бирлиги; газ ёки одчиннинг = $\frac{1}{4}$ қисмига тенг. Агар 1 газ = = одчин = 52–107 см бўлса, у ҳолда 1 Ч. = $\frac{1}{4}$ одчин = $\frac{1}{4}$ ·(52–107)=13–26,75 см бўлади.

ЧОРАКОР (форс. — тўртдан бирга ишловчи) — бойлар ерини, олинадиган ҳосилнинг тўртдан уч қисмини ер эгасига бериш шарти б-н ижарага олиб экувчи, кам ерли, ерсиз ёки от-уловсиз деҳқон. Ҳеч қандай воситаси ёки маблағи бўлмаган Ч. олинган ҳосилнинг 1/4 қисмини ўзлаштирган, от-уловли Ч. эса ҳосилнинг 1/2 қисмини олган. Ер ижараси турларидан бири — чоракорлик. Бунда ер эгаси ўз ерини ижарага бериб, олинадиган ҳосилдан маълум миқдорда улуш ундирган.

ЧОРБОҒ — шарқ мамлакатларида атрофи девор б-н ўраб олинган кўшк, айвон, қўрғонли тартиб асосида тузилган боғ. Ч. учун текис, сувли, дарахтли жой танланади; нотекис (нишабли) жойлар поғона-поғона саҳнларга келтирилади, сунъий шаршаралар қилиш имкониятлари яратилади. Ч. мураббa ёки тўртбурчак тарҳли бўлиб, кириш ҳар 4 тарафнинг ўрталаридан ташкил этилади; ҳудуди йўлка ва ариқлар ёрдамида айрим боғчаларга, боғчалар эса яна ўз навбатида чаманзорларга бўлиниб, чорчаманларни ташкил қилади. Ч. мужассамотининг марказини бино (қўрғон, кўшк) эгаллайди. Баланд бўйли дарахтлар деворга яқин экилади, ундан сўнг мевали дарахтлар ва гуллар тартиб б-н экилади, уларнинг эрта баҳордан кеч кузгача очилиб туришига эътибор берилади. Бино мужассамоти Ч.ни турли нуқталардан кўриш имконини берадиган тарзда, 1—2 қаватли, марказий мужассамотли қилиб қурилади; ўртада атрофини айвонлар ўраб олган чордара хона



Чорбоғ реконструкцияси.

бўлиб, 2-қаватга бино буржларидаги зинялар орқали чиқилади. Сув иншоотларидан катта ариқлар ва ҳовузга сув келади, ҳовуз шакллари ҳамда *фавворага* алоҳида эътибор берилади. Ч.да, шунингдек, ўтов, чодир кабиларни ўрнатиш учун жойлар ажратилади. Ч.даги қушлар (мас., тустовуқ, товус ва б.) унга ўзгача кўрк бағишлайди (Яна қ. *Боғ тузиш санъати*).

Ч. қадимдан яратилиб келинган, *темурийлар* ва *бобурийлар* даврида равнақ топган (қ. *Амир Темур боғлари*), моҳир боғсоз усталар етишиб чиққан. Жумладан, 16-а.да яшаган ҳиротлик Мирак Сайид Ғиёс боғ режасини тузиш, ер усти иншоотларини лойиҳалашга моҳир бўлган, унинг Бухорода ҳам Убайдуллахон учун боғ барпо қилгани манбалардан маълум. 13-а. охирига оид рисолада, 16-а.да қайта кўчирилган «Иршод уз-зироат фи илмил-ҳиросат» рисоласида Ч. яратиш ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинган, ҳатто рисоланинг бир боби «Кўчат, гул, дарахт, муаттар ўтлар ўтказиш, Ч.га тартиб бериш ва уни барпо қилишда изчилликка риоя қилиш» деб аталади. Рисолада Ч.нинг энг мақбул тури келтирилади ҳамда турли тавсиялар б-н бирга мужассамотда симметрия, ритм, ранг каби масалаларга алоҳида аҳамият берилиб, мевали дарахтларга кенг ўрин ажратилади.

Ч. 19-а.нинг 2-ярми 20-а.нинг бошларида ҳам бунёд этилган (Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса, Қўқон хонинг Ойим қишлоғидаги, Хивадаги Нуруллабой Ч.лари ва б.).

Хайрулла Пўлатов.

ЧОРВАЧИЛИК — қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири. Ч. маҳсулотлари етиштириш учун чорва молларини боқиш ва урчитиш б-н шуғулланади; аҳолини иш ҳайвонлари (от, ҳўкиз, туя, буғу), озиқ-овқат маҳсулотлари (сут, қатиқ, гўшт, ёғ, тухум ва б.), енгил саноатни хом ашё (жун, тери, мўйна ва ҳ.к.), *деҳқончилик*ни органик ўғит б-н таъминлайди. Ч. маҳсулотлари ва чиқиндиларидан айрим озуқалар (ёғи олинган сут, гўшт-суяк уни, суяк уни ва б.), шунингдек, ҳар хил дори-дармонлар (шифобахш зардоблар, гормонал препаратлар ва б.) олинади. Ч.нинг тараққий этиши ва маҳсулдорлиги деҳқончиликнинг ривожланиши, ердан интенсив фойдаланиш б-н чамбарчас боғлиқ. Ч.нинг асосий тармоқлари: *қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик, туячилик, паррандачилик, асаларичилик, чўчқачилик, қуёнчилик, даррандачилик, буғучилик, итчилик*дан иборат.

Жаҳон мамлакатларида табиий-иқлим шароитлари ва озуқа базасига кўра Ч. ривожи ўзига хос хусусиятларга эга. Жаҳон Ч.да (млн. бош) қорамол — 1338,2; қўй — 1068,6; эчки — 709,8; буйвол — 158,6; от — 61,095; хачир — 14,1; эшак — 43,4; туя — 19,1; чўчқа — 912,7; товуқ — 14139; курка — 244 ва б. боқилади ва улардан турли маҳсулотлар етиштириш муҳим ўринда туради (1999). Гўшт етиштириш ҳажми 225,9 млн. т ни, сигир сути етиштириш 480,6 млн. т ни (ёки ҳар бир сигирдан ўртача 2071 кг ни) ташкил этди.

Ч. инсон томонидан ёввойи ҳайвонларни овлаш ва уларни хонакилаштириш мақсадида қўлга ўргатишдан бошланган. Археологик далиллар ҳайвонларни хонакилаштириш янги тош даврида — неолитда бундан 15—10 минг йил аввал бошланганини кўрсатади. Бу даврда одам такомиллашган тош қуролларга эга бўлган, оловни билган ва сопол идишлардан фойдаланган. Энг аввал ит, сўнгра чўчқа, қўй ва кейинчалик қорамоллар ва отлар (7—8 минг йиллар илгари) хонакилаштирилган. Осиёнинг жан.-ғарбий қисми ва Ўрта денгиз атрофлари ҳайвонларни хонакилаштиришнинг асосий марказлари ҳисобланади. Европада қорамоллар, от, қўй, эчки, чўчқа, қуён, ит, паррандалардан ўрдак ва ғозлар, Осиёда буйвол, қўтос, ўркачли ва ўркачсиз туялар, қорамол, эчки, қўй, чўчқа, от, ит, қуён, товуқ, ўрдак, ғоз ва товуслар хонакилаштирилган. Африкада қорамоллар, бир ўркачли туя, эшак, чўчқа, мушук, ит, цесарка товуқлар, қўй ва эчкилар қўлга ўргатилган. Америкада ўркачсиз туянинг икки тури — *лама* ва альпака, денгиз чўчқаси, курка ва мускус ўрдаклар хонакилаштирилган. Натижада инсон томонидан уларнинг сифат ва сон кўрсаткичларига аҳамият берилиб, ҳайвонлардан насл олиш, секин-аста маҳсулот йўналишлари бўйича зотлари чиқарилган. Ўрта Осиё ҳудуди ҳам Ч. дастлаб шаклланган ҳудудлар қаторига киради.

Ч. *кўчманчилик* ҳаёт тарзини вужудга келтирди. Дарё бўйи, чўл ва тоғ олди, кўл атрофларида овчилик, балиқчилик б-н шуғулланган жамоаларнинг маданиятлари ривожланиб борган сайин Ч. ҳам ривожланиб борди. Жумладан, Хоразм ҳудудида Амударёнинг қуйи ҳавзасида топилган *Калтаминор маданияти* мил. ав. 4—3-минг йилликда яшаган овчилар ва балиқчилар жамоаси маданиятларидан бири ҳисобланади.

Мил. ав. 2—1-а.ларда Даван (Фарғона)да деҳқончилик маданияти ва йилқичилик юксак даражада ривожланган. *Авесто*да келтирилган маълумотларга кўра, сут ва гўшт берадиган қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш ихтисослашган соҳа сифатида бундан 3000 й. олдин шаклланган. 20-а. бошларига қадар Ўзбекистонда кўчманчилик б-н узвий боғлиқ бўлган қўйчилик, эчкичилик, туячилик, отчилик, шунингдек, воҳаларда қорамолчилик кўпроқ ривожланди.

Ўзбекистон ҳудудида 1916 й. қорамоллар сони 1342 минг бошни, шу жумладан, сигирлар 481 минг бошни, қўй ва эчкилар 3821 минг бошни, отлар 517 минг бошни ташкил қилган.

20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб Ч.нинг илмий базасини яратиш, ҳудудларининг табиий-иқтисодий шароити ва озуқа базаси ресурсларига қараб минтақалар бўйича ривожлантириш ишлари бошланди. Суғорма деҳқончилик ҳудудларидаги хўжаликларда сут, сут ва гўшт йўналишидаги қорамолчилик, паррандачилик ва чўчқачилик, тоғ олди минтақалари, Амударёнинг қуйи оқими ва Орол бўйи қамишзор ва тўқайли ҳудудларида гўштдор қорамолчилик, гўшт-ёғ қўйчилиги, йилқичилик, чўл яйловларида қоракўлчилик ривожлантирилди. Каммаҳсул молларни чатиштириш ва республикага кўплаб наслдор молларни олиб келиш натижасида қорамолларнинг қора-ола, қизил чўл,

швин, бушуев зотлари сони кўпайиб маҳсулдор подалар гуруҳи шакллантирилди. Зотларнинг р-нлаштирилган ҳудудлари белгиланди. Қоракўлчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ихтисослаштирилган йирик қоракўлчилик хўжаликлари катта иқтисодий самара келтирди. 1930—33 й.лардан бошлаб чорвачиликнинг наслчилик з-длари, хўжаликлари, фермалари, ст-ялари ва корхоналарининг ташкил этилиши наслчилик тизимининг шаклланишида муҳим бурилиш бўлди.

1932 й. Ч. тажриба ст-яси ва 1935—39 й.ларда Бутуниттифоқ қоракўлчилик, Ўзбекистон чорвачилик ва Ўзбекистон ветеринария и.т. ин-тларининг ташкил этилиши Ч.да илмий тадқиқот ишларини ўтказиш, Ч. фанини ривожлантириш ҳамда унинг истиқболини белгилаш, хўжаликларда янги технологияларни жорий этишда муҳим омил бўлди. Чорва молларининг сермаҳсул подалари гуруҳи кенгайтирилди ва р-нлаштирилган зотлари такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, қ.х.да туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида давлат хўжаликлари жамоа, ширкат хўжаликларига айлантирилди, чорвачилик, аксарият хўжаликларнинг қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди, деҳқон ва Ч. йўналишидаги фермер хўжаликлари ташкил этила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 15 мартда «Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1994 й. 23 фев.да «Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», 1995 й. 24 мартдаги «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорларига кўра, жамоа хўжаликларининг зарар б-н ишлаётган 1499 қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди (1995). Натижада республикада ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сутнинг 75% ни хусусий сектор бера бошлади. Ўзбекистон Республикасининг 1995 й. 25 дек.да қабул қилинган «Наслчилик тўғрисида» қонуни Ч.ни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1990—2003 й.лар мобайнида республиканинг барча тоифадаги хўжаликларида қорамоллар сони 28,2% га, сигирлар 38, қўй ва эчкилар 7, отлар 36% га, сут етиштириш 32,8% га, гўшт етиштириш 18,6% га кўпайди. Ч. маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади (Ўзбекистонда моллар сони, Ч. маҳсулотларини етиштириш кўрсаткичлари 1- ва 2-жадвалларда берилган).

1-жадвал

Ўзбекистонда моллар ва паррандалар сони
(барча тоифадаги хўжаликлар бўйича, минг бош)

	1991	2000	2002	2003
Қорамол	4580,8	5281,8	5416,1	5477,6
шу жумладан сигирлар	1856,4	2310,0	2361,8	2393,2
қўй ва эчкилар	9229,6	8863,6	9022,6	9233,9
паррандалар	36025,6	14521	14828,7	15354,9

2-жадвал

Ўзбекистонда етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари
(барча тоифадаги хўжаликларда, минг т)

Маҳсулотлар	1991	2000	2002	2003
Гўшт (тирик вазнда)	491,8	841,5	865,1	935,5
Сут	3331,4	3636,2	3721,3	4030,3
Тухум (млн. дона)	2347,0	1252,9	1368,9	1611,4
Жун, т	25,3	15834	16594	17632
Қоракўл тери (минг дона)	1475,8	743,5	688,1	689,3
Пилла	33,8		19,9	16,7

Ч. озуқа базасини мустаҳкамлаш тадбирлари олиб борилмоқда. Республика экин майдонларининг 10% га яқин қисмига ем-хашак экинлари экилади. Табиий ва маданий яйловлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишлари давом этмоқда. Аралаш ем, оқсил-минерал ем қўшимчалари, ем озуқа ачитқилари ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпаймоқда. Ч.да ветеринария хизмати кўрсатиш — касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, Ч. маҳсулотлари ветеринария-санитария экспертизаси ҳайвонлар касалликларига қарши кураш ст-ялари, ветеринария шифохоналари ва пунктларида, ветеринария лаб.да олиб борилади.

Республикада чорвадор мутахассислар коллежлар, Тошкент аграр ун-ти, Самарқанд, Андижон қ.х. ин-тларида тайёрланади. Чорва ҳайвонлари зотини яхшилаш, маҳсулдор подалар гуруҳини кўпайтириш ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш Бош бошқармаси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси, Давлат ветеринария Бош бошқармаси ва «Ўзбек ипаги» уюшмаси ташкил этилган, уларни асраш ва парваришлашда янги технологияларни ишлаб чиқиш б-н вазирликнинг Қишлоқ хўжалиги илмий- и.ч. маркази таркибидаги Ўзбекистон чорвачилик, Қоракўлчилик ва чўл экологияси ин-тлари, Балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот маркази ва Ипакчилик ин-ти, Ўзбекистон ветеринария, Ўзбекистон ветеринария-санитария ва акарология (1991) ин-тлари шуғулланади. Тошкент вилояти Янгийўл туманида давлат минтақавий балиқ чавоқлари етиштириш питомнигида балиқ зотлари (карп, оқ амур, дўнг пешона) етиштирилади.

«Наслхизмат» республика наслчилик уюшмаси қ.х. субъектларига чорвачилик бўйича хизматлар кўрсатади. *Давлат наслчилик корхонаси* қорамолларнинг турли зотлари бўйича сунъий уруғлантиришда фойдаланиш учун мўътадил уруғларни қадоқлаб, сунъий уруғлантириш б-н шуғулланувчи «Наслхизмат» ташкилотларига етказиб беради.

Чет мамлакатларда сут ва гўшт йўналишидаги қорамолчилик, айниқса, Европа мамлакатлари (Голландия, Дания, Германия, Россия), АҚШ, Канада, Янги Зеландия, қўйчилик Англия, Австралия, Россия ва б. Европа мамлакатларида жадал ривожланган. Сутчилик йўналишидаги қорамолчилик ривожланган давлатларда (АҚШ, Канада, Нидерландия, Германия ва б.) сигирлардан ўртача 8000—11000 кг сут соғиб олинади. Сут маҳсулотлари б-н таъминланишнинг энг юқори кўрсаткичлари (аҳоли жон бошига 1950 кг) Янги Зеландия, Дания ва Голландияга хос. Қорамол гўшти б-н таъминланиш эса Аргентина (110 кг) ва Уругвайга (106 кг) тўғри келади. Жаҳон миқёсида Ч.нинг барча соҳалари ихтисослашган ҳолда жадал ривожланмоқда. Сермаҳсул зотлар ва самарали технология-лар яратилиб, Ч.га кенг жорий қилинмоқда.

Ад.: Шчекин В.А., Чорвачилик, Т., 1968; Носиров У., Қорамолчилик, Т., 2001.

Убайдулла Носиров, Иззатулла Эшматов.

ЧОРВАЧИЛИК ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти — илмий муассаса. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги

Қишлоқ хўжалиги илмий-и.ч. маркази таркибида. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Қизил Шалола посёлкасида жойлашган. 1939 й. 29 нояб.да Ўрта Осиё чорвачилик ҳамда отчилик ст-ялари негизида ташкил этилган. Ин-тда 23 бўлим (сутдор қорамоллар селекцияси ва уларни кўпайтириш ҳамда сут и.ч. технологияси; гўштдор қорамоллар селекцияси ва уларни кўпайтириш ҳамда и.ч. технологияси; қўйчилик ва эчкичилик; чўчқачилик ва чўчқа гўшти ишлаб чиқариш; паррандачилик, паррандалар селекцияси ва генетикаси; отчилик; қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини озиқлантириш ва б.), махсус тадқиқотлар олиб борувчи гуруҳлар бор. Ин-т таркибида Қорақалпоғистон Республикаси филиали, Тошкент вилоятида «Қизил Шалола» тажриба хўжалиги, А. Усанов номидаги ширкатлар уюшмаси (гўштдор қорамолчилик ва санта-гертруда зотли қорамолларни кўпайтириш бўйича), «Эркин» ширкатлар уюшмаси (маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги бўйича), Сурхондарё таянч пункти (гўшт йўналишидаги қорамолларни урчитиш бўйича), Самарқанд лаб. (қора-ола зотли қорамолларни кўпайтириш бўйича), ферментлар ишлаб чиқарувчи лаб., Паррандачилик селекция-генетика ст-яси, Чатқол асаларичилик тажриба хўжалиги; бушуев зотли қорамолларни тарқатиш корхонаси; чорва ва парранда зотлари, озуқабоп экинлар, чорвачиликни механизациялаш бўйича кўргазма павильони; чорвадорлар илғор тажриба ва механизаторлар малакасини ошириш мактаби фаолият кўрсатади. Ин-т фаолиятининг асосий йўналишлари: чорва моллари ва паррандаларнинг мавжуд зотларини такомиллаштириш ва янги зотларини яратиш; озуқабоп экинларнинг серҳосил навлари ва дурагайларини яратиш; чорвачилик ва ем-хашак етиштиришнинг жадал технологияларини ишлаб чиқиш; чорва моллари ва паррандаларни илмий асосларда боқиш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишнинг биологик асосларини ўрганиш ва б.

Ин-т ташкил этилгандан бери сутдор бушуев зотли қорамол, жундор ва тивит берадиган Ўзбекистон эчки зотлари, қора-ола ва қизил чўл зотли қорамолларнинг 4 тизими, гўшт йўналишидаги қорамол зотларининг наслдор подаси, қўйларнинг 9 тизими, товуқларнинг маҳсулдор 2 та гуруҳи, озуқабоп экинларнинг 16 нави ва дурагайлари яратилди. Ўтган давр ичида ин-тда 1 акад., 20 дан ортиқ фан д-ри ва 300 дан ортиқ фан номзодлари етишиб чиқди.

Ин-тда илмий кутубхона, аспирантура, ихтисослашган илмий кенгашлар мавжуд. Илмий асарлар, монографиялар, тавсиономалар нашр этилади.

Муродилла Аширов.

Чорвоқ шаҳарчасидаги болалар боғчаси.

ЧОРВОҚ (Чорбоғ) — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги шаҳарча. Тошкент ш.дан 70 км. Угом тизмасининг ён бағрида, Угом дарёсининг Чирчиқ дарёсига қуйилиш жойидаги ўнг соҳилида. Тошкент — Хўжакент т.й.да жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Хўжакент (3 км). Ўртача 892 м баландликда. 1964 й. Чорвоқ сув омбори ва Чорвоқ ГЭС қурилиши муносабати б-н бунёд этилган. Аҳолиси 5,5 минг киши (2004).

Ч.да, асосан, қурувчилар ва энергетиклар, шунингдек, йўлсозлар, ҳайдовчилар, корхоналар ишчи ва хизматчилар ҳам яшайди.

Шаҳарча номи («Чорбоғ») тўртта боғ маъносини билдиради. Ч.да Чорвоқ ГЭС қурилиш бошқармаси, Ўрта Чирчиқ ГЭСлар каскади, Бўстонлиқ тумани автомобиль йўллари бошқармаси, автотранспорт и.ч. корхонаси каби йирик корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатади. «Шамс» фирмаси («Ҳумсон» минерал суви қадоқланади) бор. 3 умумий таълим мактаби, маданият уйи, 2 болалар, 1 шаҳар кутубхонаси, марказий касалхона мавжуд. Ч. ён атрофида болалар оромгоҳлари, дам олиш уйлари, санаторийлар ишлаб турибди. Сув омбори соҳилларида «Чорбоғ» оромгоҳи, Бекобод, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия к-тларининг дам олиш масканлари барпо этилган. Ч.га Тошкент — Чорвоқ йўналишида автобуслар, Тошкент — Хўжакент электр поезди қатнайди.

Чорвоқ манзараси.

ЧОРВОҚ ГЭС — Чирчиқ дарёсида, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Хўжакент қишлоғи яқинида жойлашган. Ўрта Чирчиқ ГЭСлар каскади таркибига киради. ГЭСда умумий қуввати 620,5 МВт бўлган 4 гидроагрегат ўрнатилган. ГЭС қурилиши 1963 й.да бошланган. 1970 й. 1 дек.да қуввати 150 МВт бўлган радиал турбинали 1-гидроагрегат, 1972 й.да охирги — 4-гидроагрегати ишга туширилган. ГЭСдан 220 кВ ли узатиш линиялари орқали саноат корхоналари электр қуввати б-н таъминланади. Ўрта Осиё «Энергия» бирлашган энергетика тизимига уланган. 2003 й.да 2470,1 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

ЧОРВОҚ СОЙЛИГИ — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги сойлик (Бурчмулла сойлиги деб ҳам аталади). Ғарбий Тяньшань тоғлари орасида, Тошкент ш.дан 70—80 км шим.-шарқда жойлашган. Неотектоник ҳаракатлар натижасида палеозой даврида Писком ва Чатқол дарёларининг

Чорвоқ ГЭС.

қуйи оқимида вужудга келган синклиналь. Ҳамма томонидан ер ёриқлари орқали уни ўраб олган тизмалардан ажралган. Сойлик палеозой, неоген ва тўртламчи давр ётқизиқлари б-н тўлган. Сойликнинг уз. 20 км дан зиёд, эни 7—9 км. Шим.дан Угом тизмаси, Писком водийси, шарқдан Кўксув тизмасининг Отайлов ва Қўнгирбуқа тоғлари, Кўксув водийси, жан.дан Чатқол тизмасининг Катта Чимён, Обиқашқа тоғлари, жан.-шарқда Чатқол водийси б-н ўралган. Ён бағирларида янги тектоник ҳаракатлар ва дарёлар фаолияти натижасида ҳосил бўлган ва нисбий баландлиги турлича дарё террасалари бор. Рельефи сурилмалар, карст-суффозион жарлари натижасида шаклланган. Сойликка Писком, Кўксув, Чатқол, Наволисой, Сижжаксой, Оқсорсой, Афғонсой, Мозорсой, Бешқайрағочсой каби дарё-сойлар оқиб келади. Ч.с.нинг ғарб томони очиқ бўлиб, Угом ва Чатқол тоғлари табиий дарвоза ҳосил қилган. Шу ерда *Чорвоқ сув омбори* барпо этилган. Сув омборидан *Чирчиқ* дарёси бошланади.

Мурод Маматқулов.

ЧОРВОҚ СУВ ОМБОРИ — Чирчиқ дарёсининг бошланиш қисмида қурилган (1963—70) гидротехника иншооти. Қ.х.ни бир меъёрда сув б-н таъминлаш, тошқинларнинг олдини олиш ва гидротехника мақсадларида барпо этилган. Дарё сувини мавсумий тартибга солади. Сув омбори Чатқол ва Угом тоғлари орасига қурилган. Тош тупроқли тўғони уз. 768 м, баландлиги 168 м, юқори қисмининг эни 12 м. Тўғонда Чорвоқ ГЭСни сув б-н таъминлаш учун уз. 800 м ва диаметри 11 м бўлган 2 та туннель бор. Ч.с.о.нинг тўла сиғими 2006 млн. м³, шундан фойдали сув ҳажми 1580 млн. м³, сув юзаси сатҳи 40,1 км², эни айрим жойларда 10 км, уз. 19 км, максимал чуқ. 131 м, ўртача чуқ. 55 м. Сув омборига Писком, Кўксув, Чатқол дарёлари қуйилади.

Сув оқими кўпайиб, хатарли даражага етганда сувни чиқариб юборадиган шахтали (1200 м³/сек) ва 2 та поғонали (450 м³/сек ва 500 м³/сек) сув ташлагичлар б-н жиҳозланган.

Ч.с.о. *Чирчиқ—Бўзсув сув-энергетика трактини* бир меъёрда сув б-н таъминлайди. Унинг барпо этилиши б-н сув кам бўлган йиллари Тошкент вохасидаги ва Қозоғистон Республикаси Жан. Қозоғистон вилоятидаги 355 минг га дан ортиқ ерни барқарор сув б-н таъминлаш (шундан янги ўзлаштирилган ерлар 150 минг га), Чирчиқ дарёсининг юқори оқимида рўй берадиган сув тошқинларига барҳам бериш имкониятлари яратилди.

2000-йил бошларидан Ч.с.о. соҳилларида халқаро андозаларга мос бўлган йирик дам олиш мажмуалари барпо этилди.

Чорвоқ сув омбори.

ЧОРГОҲ (форс.—тўрт ва жой, ўрин) — 1) *Ўн икки мақом* тизимидаги 24 шўъбалардан бирининг номи. Товушқатори 2 бутун (204 ва 180 цент) ва ярим тон (114 цент) оралиғида жойлашган пардалар тузилмасига асосланган. Ўтмишда бастакорлар Ч.нинг пардалари негизида турли шакл ва жанрларда асарлар яратишган. Ч. мақом йўллари ҳоз. кунга қадар хилма-хил ижод ва ижро услублари орқали бизгача етиб келди. Муайян мақом ёки шўъба товушқаторининг тўртинчи пардаси ҳам Ч. дейилади. Мусиқа ижодкорлари томонидан ҳар хил мақом ва шўъбаларга таянган ҳолда Ч. номида куй ва ашулалар битилгани маълум. Мас., «Чоргоҳи Ажам» (Ажам шўъбасининг Чоргоҳи) каби. Бу асар Ўрта асрларда 24 мураккаботнинг бири саналган; 2) Шашмақом ҳамда Хоразм мақомлари мажмуасидаги Дугоҳ мақомида таркибий чолғу куй ва ашула йўллари: «Мухаммаси Ч.», «Талқини Ч.», «Насри Ч.», «Уфари Ч.», «Савти Ч.», «Талқинчаи Савти Ч.», «Қашқарчаи Савти Ч.», «Соқийномаи Савти Ч.», «Уфари Савти Ч.». Улар парда тузилишининг дастлабки тўрт поғонаси Ўн икки мақом Ч. шўъбасига мос келади. Ч. мақом йўллари эркин ва ёқимли янграйди, тингловчида хуш кайфият уйғотади. Ч. шўъбаларининг ўзача услубий йўллари ҳам яратилган. Чунончи, Тошкент, Фарғонада машҳур Ч. ашула йўллари, «Еввоии Ч.», сурнай куйлари, Содирхон Ҳофиз (Бобошарифов) яратган «Чорғоҳи Муножот» шулар жумласидан. Мазкур воҳаларда машҳур Ч. йўллари 5 қисмли йирик шаклдаги ашула туркумидан иборат: «Ч.-1» сарахбор, «Ч.-2» тарона, «Ч.-3» савт, «Ч.-4» қашқарча, «Ч.-5» ва Ч.-6» уфар доира усуллари асосида ишланган; 3) Эрон дастгоҳлари, озарбайжон муғомлари ва уйғур муқомларидан бирининг номи. Мазкур Ч.ларнинг парда тузилиши бир-бирига яқин бўлса-да, куй-оҳанглари, усул ва услублари ўз миллий ва маҳаллий мусиқасига хосдир.

ЧОРГУМБАЗ МАСЖИДИ, Халфа эшон масжиди — Қашқадарё вилоятидаги меъморий ёдгорлик (11—12-а.лар). Масжид бир хонали, мураббаъ тарҳли, хонақоҳи тўрт гумбазли. Гумбази марказий устун ва деворларига таянган. Ички деворларида кошинкори ва гулғанч нақшлар, тилла ҳалли ёзувлар сақланган.

ЧОРДАРА СУВ ОМБОРИ — Сирдарёнинг ўрта оқимида суғориш-энергетика мақсадларида барпо этилган гидротехника иншооти. Қозоғистон Республикаси Жан. Қозоғистон вилояти ва Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилояти ҳудудларида жойлашган. 1965 й.да қуриб битказилган. 1965—68 й.ларда сув б-н тўлдирилган. Тўлиқ сиғими 5,7 млрд. м³, фойдали сиғими 4,7 млрд. м³. Уз. 80 км, ўртача эни 15 км, ўртача чуқ. 6,3 м, максимал чуқурлиги (тўғони ёнида) 22 м; сув сатҳи юзаси 900 км². Таркибида 4 тупроқли тўғон, сув тақсимлагич (сув ташлагич), ГЭС (қуввати 1000 МВт) бор. Ч.с.о. Чордара шаҳри яқинида Жовсумқум қирғидаги Чордара ва Арнасой ботиғи (қ. *Арнасой кўллари*) бошланишида барпо этилган. Ч.с.о.нинг ўнг қирғоғи тик, чап қирғоғи қиялик. Сув омборининг ғарбий қисмида, тўғондан юқорида Арнасой ботиғига сув ташламаси бўлган иккинчи тўғон қурилган. Асосий тўғонга яқин жойдан Қозоғистон (Сирдарёнинг чап соҳилидаги ерларига сув берадиган Қизилқум магистрал канали бошланади. Окт.дан мартгача тўлдирилади, апр.дан сент.гача сув олинади. *Қайроққум сув омбори* б-н биргаликда Мирзачўлдаги янги ерларни суғориш ва Қозоғистондаги суғориладиган ерларни сув б-н янада яхшироқ таъминлашга хизмат қилади. Балиқчилик хўжаликлари бор.

Чордара сув омбори ва унга қурилган ГЭС.

ЧОРЁРЛАР (форс.—тўрт дўст) — Муҳаммад (сав) вафотидан кейин араб халифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки 4 халифа (*Абу Бакр, Умар, Усмон, Али*). Уларни Ч. деб аташ Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёдаги оддий диндорлар орасида расм бўлган. Ч. араб тилидаги диний манбаларда «хулафо ар-рошидин» («тўғри йўлдан борган халифалар») номи б-н тилга олинади. Ч. халифаликни бошқариш ва кенгайтириш, қўшни ерларни фатҳ этиб ислом байроғи остида бирлаштиришга раҳнамолик қилган ҳукмдорлардир. Исломда Ч. «пайғамбар ноиблари» ҳисобланадилар. Ислом анъанасида Ч. ҳукмронлик даври исломнинг олтин асри деб юритилади. Бу давр 30 й. давом этган.

ЧОРИЕВ Нурсаид (1935.21.5, Шеробод тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1960). 1960—96 й.ларда Шеробод туманидаги 32-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси.

ЧОРИЕВ Рўзи Чориевич (1931.28.8, Шеробод тумани Пошхурд қишлоғи — 2004.18.9, Тошкент) — рангтасвир устаси. Ўзбекистон БА фахрий акад. (1997). Ўзбекистон халқ рассоми (1987). Беньков номидаги республика рассомлик билим юрти (1959) ва Репин номидаги Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-ти (1965) ни тугатган. 1966—73 й.лар Тошкент педагогика ин-тида дарс берган. 1990 й.дан Республика болалар ижодиёти марказида бадиий раҳбар. Ч. асарларида ўлка манзаралари, ўтмиши ва бугунги куни, кишиларини ёрқин бўёқларда катта маҳорат б-н акс эттирган. Ч. ижоди рангтасвирга миллий руҳ, урф-одатлар, замондошлар, машҳур намояндалар образлари туркумини олиб кириши, қишлоқларда тасвирий санъат галереяларини ташкил қилиши б-н алоҳида аҳамиятга эга. Портретлар («Замондошим», «Дўстим портрети», «Келин. Шоҳи сўзана», «Фиръавн. Эркак портрети», «Бойсунлик қария», «Пошхурдлик қиз Барно», «Сайроблик чол», «Қиш. Автопортрет»), маиший ва тарихий («Суҳбат», «Хумсон оқшоми», «Олтинтопган кони», «Най. Чўпон бола», «Бойсун», «Баҳор. Шеробод манзараси», «Боғлар» ва б.) ва ш.к. мавзулардаги асарлари машҳур. Ч. Ўзбекистон тасвирий санъатини тарғиб қилишда фидойилик кўрсатган: унинг ташаббуси ва бевосита иштирокида Республика болалар ижодиёти маркази, вилоятлар (Сурхондарё ва б.)да тасвирий санъат музейлари ташкил қилинган, ёш рассомларга ғамхўрлик кўрсатган. 1969 й.дан Халқаро кўргазмаларда қатнашиб келган. Европа (Италия, Швеция, Греция ва б.), Осиё, Африка мамлакатларида ижодий сафарда бўлиб, таассуротлари асосида қатор асарлар яратган. Ч. ҳақида «Кўнгил камалаги ёки Рўзи Чориевни эслаб...» фильми яратилган (2004). Ч. асарлари республика ва хорижий мамлакатларнинг музейлари ва хусусий тўпламларида сақланади. «Чорвоқ водийси», «Сурхондарё одамлари» асарлари туркуми учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

Ад.: Валиуллина Н., Рўзи Чориев, Т., 1983.

Р. Чориев. «Келин. Шоҳи сўзана» (1967).

ЧОРИКОР — Афғонистоннинг шарқий қисмидаги шаҳар. Кобул ш.дан шимолроқда. Парвон вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 196,7 минг киши (2003). Металл ва кўн буюмлар ишлаб чиқариладиган ҳунармандчилик ва тўқимачилик корхоналари мавжуд. Кулолчилик буюмлари тайёрланади. Шаҳар атрофи боғ ва токзорлар.

ЧОРИҚУЛБОЙ Пирнафасбой ўғли (1847, Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Қоқиштувон қишлоғи — 1934, Чоржўй вилоятидаги Дарғонота ш.) — йирик қоракўлчи бойлардан бири. Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти даврида (1925—26) Қизилқум яйловларидаги 50 минг бош қўй ва б. мол-мулкларини ўз ихтиёри б-н совет ҳокимиятига топширган. Бироқ, шунга қарамасдан 1932 й.да қамалиб, Оренбургга сургун қилинган. Ўзбекистон ССР ХКС раиси Ф.*Хўжаевнинг* аралашуви б-н 1933 й.да Ч. сургундан қайтарилган ва унга Чоржўй вилоятидаги Дарғонотада яшаш учун рухсат берилган. Ч. Ромитан ш.да Зарафшон дарёси устида ҳашаматли кўприк (1911—14) ва Хайробод ариғи бўйида муҳташам клуб (1924) қурдирган. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, унинг хоки Қоқиштувон қишлоғидаги Сазоқли бобо (Ҳазрати Насимий) қабристонига қайта дафн этилган (1993). Қабри устига мақбара ўрнатилган.

Ад.: Ҳалимов Т., Саҳоватли Чориқулбой, Бухоро, 1996.

ЧОРКЕСАР — Наманган вилояти Поп туманидаги шаҳарча (1957 й.дан). Туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Поп (30 км). Аҳолиси 1,6 минг киши (2003). Канкалсойдан сув олади. Ёнида Чоркесар руда кони мавжуд. Умумий таълим мактаби бор.

ЧОРЛАШ, чақириқ — Туркистон халқларида никоҳ тўйидан сўнг келин ёки куёв шарафига ҳар икки қуда уйида ўтказиладиган 1-чақириқ, зиёфат, маросим. Ўзбекларда келин Ч. (чорлар) тўйдан кейин бир ҳафта ичида келиннинг ўз ота-онасиникига куёвнинг яқин қариндошлари, қўни-қўшнилари б-н меҳмон бўлиб боришдир (эркаклар иштирок этмайди). Бунда куёвнинг онаси қудасиникига ҳар хил совғалар, миллий таомлар, ширинлик ва б. келтиради. Келиннинг онаси зиёфат тугагач, аёл қудаларга

совға, қизига эса бош-оёқ сарпо қилди. Ч. б-н қудаларнинг расмий қариндошчилиги бошланган. Куёв Ч. (чақириқда) 1-фарзанд кўргунга қадар куёв якин қариндош-уруғлари, маҳаллалаги эътиборли кишилар, дўстлари (фақат эркаклар) б-н қайнатасиникига боради. Куёвнинг қайнатаси ўз имкониятига яраша куёвига ва унинг қариндошларига совғалар беради. Ҳозирда Ч. маросими йўқолиб бормоқда.

ЧОРМИТОН ОЛТИН КОНИ — Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани марказидан 14 км шим.-шарқдаги кон. 1953 й. И.*Хамробоев* томонидан очилган. Шим. Нурота тизмасининг марказий қисмида Қўшработ гранитоид интрузив массивининг жан.-шарқий экзо- ва эндоконтактларида жойлашган. Рудалар ўрта силур даврига мансуб жезбулоқ свитасининг вулканоген-терриген ётқизиқлари: оҳактош, туфли қумтош, туф-алевролит, диабаз, порфир силлари мавжуд дойли сланецлари, алевролитлари, қумтошларининг Қўшработ интрузияси таъсирида гидротермал ўзгарган — метаморфлашган турларида (андалузитли сланецлар, биотит-дала шпатли роговиклар, мармарлар, скарнлар) учрайди. Кон тузилиши асосида тектоник жараёнларининг ривожланиши — Қоровулхона — Чормитон синиқлик зонаси ҳамда ундан тармоқланган шим.-гарбий йўналишдаги шохобчалар, айниқса, «от думи» шаклида едпигчисимон ривожланган тик ётувчи ва кон майдонини алоҳида блокларга бўлувчи синиқликлар ётади. Кондаги олтин рудалари, асосан, томирлар шаклида учрайди; уз. 1,5 км гача, қалинлиги 1—3 м гача, чуқ. 1 км дан зиёд. Чизиқли штокверксимон ва плитасимон руда таналари ҳам учрайди. Таналардаги олтин миқдори 10 г/т атрофида. Таркиби бўйича кон рудалари кам ёки меъёрдаги сульфидли, нисбатан осон қайта ишланадиган (гравитация-флотация усули) турга мансуб. Асосий минераллар: пирит, арсенопирит, камроқ шеелит, вольфрамит, пирротин, халькопирит, сфалерит, галенит, сульфатузлар ва олтин минераллари. Норудалардан — асосан, кварц, камроқ дала шпати, кальцит. Олтининг софлиги ўзгарувчан бўлиб, 500—950 ни ташкил этади. Кон, асосан, ер ости усулида қазиб олинади.

ЧОРСИ — қ. *Белбоғ*.

ЧОРСУ (форс. чор—тўрт, суқ—бозор; чорраҳадаги бозор жой) — 1) тарихий шаҳарларнинг асосий чорраҳасидаги олатда усти ёпиқ бўлган савдо-сотиқ жойи; аксари шаҳарнинг ўртасида қурилиб, марказий мўжассамотга эга бўлган; 2) умуман савдо-сотиқ жойи. Ч.ларининг пайдо бўлиши шаҳарнинг ўзи каби қадимийдир. Қад. Мисрда «шаҳар» маъноси доира ичидаги чорраҳа шаклидаги иероглиф орқали ифодаланган. Қад. Рим шаҳарсозлигида чорраҳа махсус иморат (тетрапилллар б-н ажратилган. Болқон мамлакатлари меъморлигида Ч. номи «чаршия» деб талаффуз этилади (мас., Македониядаги Скопле ва Битола шаҳарларининг қад. бозорлари). Шаҳрисабзда Ч.ларнинг яққол намунаси сақланган. Самарқанд Ч.си ҳам тарихий шаҳарнинг савдо-сотиқ марказида, олти асосий кўчаюналишларининг кесишган жойида барпо бўлган (қ. *Чорсу*). Бухорода Ч.лар «тоқ» ибораси б-н машҳур: *Тоқи заргарон*, *Тоқи саррофон* ва б. Тошкент, Шаҳрихон каби шаҳарларда Ч. бинолари сингчлан, ясси томли қилиб ишланган (сақланмаган). Хивада Ч. дўконлари кўпроқ Ота ва Полвон дарвозалар кўчалари бўйлаб жойлашган эди.

«ЧОРСУ» — меҳмонхона. Тошкент шаҳрининг Чорсу майдони, Навоий, Беруний ва Самарқанд дарвоза кўчаларининг кесишган жойида, Уккоша бўлоғи устига қурилган, салобатли кўринишга эга. 1982 й.да қурилган (бош меъмор — В.Сивак, бош муҳандис — А.Асанов, меъморлар — Л.Неседов, Н.Золотина). Бино 23 қаватли бўлиб, дастлабки 2 қавати — ресторан, банкет зали, маъмурий-бошқарув хоналари жойлашган бино-блок қўшилиб яхлит меъморий ансамблни ташкил этади. Бинонинг пастки қисмила баланд қилиб тиргакли деворлар ёрдамида сунасимон композиция (стилабат) ташкил қилиниб, унинг яқинида жойлашган Кўкалдош мадрасасининг энг пастки қисмига тенглаштирилган. Бино меъморлигида офтоблан сақловчи жиҳозлар орқали бадний счимга эришилган. Меҳмонхона 1, 2, 3 ўринли хоналардан иборат турар жойларни ташкил этади. Бино ички безакларида турли безак-рельефлар (бўртма расмлар) ишланган. Бинонинг кўп қаватли қисми йиғма темирбетон конструкция бўлиб, зилзилага чидамлидир. 2004—05 й.ларда қайта таъмирланди.

«Чорсу» меҳмонхонаси.

ЧОРСУ — Самарқанд *Регистон*идаги чорраҳада жойлашган усти ёпиқ бозор-тим (18-а.). Тарихий манбаларда кўр. Туман ого томонидан қурилган. Темурлар-фурунон тими (14-а. охири) таҳм. Унинг ўрнида бўлган. Бинонинг ташқи деворлари 12 қиррали призмани ҳосил қилади. Олти тарафга қараган равоқлар ва улар орқасидаги йўлаклар шаҳарнинг асосий кўчалари йўналишлари бўйича қурилган. Равоқли томонларнинг оралиқларида тарқлари учбурчак шаклида бўлган дўконлар жойлашган.



Самарқанддаги Чорсу тарҳи.

Йўлаклар усти кичик гумбазлар б-н, марказ катта гумбаз б-н ёпилган. Ч. йўлакларининг 6 та бўлагини шаҳар дарвозалари сонига нисбатан — рамзий маъноси бор. Йўлакларнинг йўналишлари Регистон мадрасалари томонларига ҳам мос келган. Ч. бинокн ҳозир ҳам аттордлик дўконлари мажмуи.

Хайрулла Исматов.

ЧОРСУ — Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик (1598—1602). Шаҳарнинг бош савдо иншоотн, мураббо тарҳли гимнинг ҳар тўрт томонида пештоқли,

Шаҳрисабздаги Чорсу.



Шаҳрисабзлаги Чорсу тарҳи.

қўш табақа дарвозаси бор. Тўрт томонлан келган йўллар шу савдо тимининг ўртасидаги улкан гумбаз тагида кесишади. Унинг остида савдо дўконлари — турибурчакли ҳонлар жойлашган. Бу ҳонлардан ҳозир ҳам савдо иншоотн сифатида фойдаланилади.

ЧОРТОҚ — Наманган вилояти Чортоқ туманидаги шаҳар, туман маркази. Т.ю. станцияси. Ч.дан республика аҳамиятидаги Наманган — Чортоқ — Нанай автомобиль йўли ўтган. Наманган шаҳридан 19 км шим.да. Чортоқсой водийсида. Аҳолиси 47,7 минг киши (2003). Ч.да пахта тозалаш, минерал сув қадоқлаш з-длари, тикувчилик ф-каси, автокорхона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари. 10 дан иборат умумий таълим мактаби, маданият уйи, кутубхоналар, касалхона, поликлиника, босмахона ва б. ишлаб турибди.

Ч.дан 7 км шим.-шарқда 650 м баландликда, Чортоқсой соҳилида «Чортоқ» санаторийси жойлашган. *Чортоқ минерал суви* 1953 й.да очилган. Болалар санаторийси ҳам ишлаб турибди. Санаторийда 15 хилдан кўпроқ даволаш усуллари қўлланилади. Даволаш комплексига физиотерапия, иқлим б-н даволаш, массаж, парҳез овқатлар ва б. киради. Иқлими континентал. Ёзи иссиқ, қуруқ, қиши илиқ, қуёш нури кўп. Йиллик қуёш нури Кавказ ва Қрим курортларига нисбатан икки баробар ортиқ тушади (4800 соат. Сочида 1980, Нальчикда 1710 соат). Қуёшнинг юқори турини натижасида бўлутли кунлар кам бўлади ва қуёш радиацияси 144,0 ккал/см² га етади. Ч.да янв., февраль ойларидагина т-ра 0°дан паст бўлади. Янв. нинг ўртача т-раси —1,4°, энг паст т-ра —24°, июлнинг ўртача т-раси 23°, энг юқори т-ра 39°. Йилига 277 мм ёғин тушади. Бу шароит санаторийда аэро ва гелиотерапия усулларида даволаш имкониятини ҳам беради. Ҳудуди кўкаламзорлаштирилган, бог, мевазор ва ёнғоқзорлардан иборат.

ЧОРТОҚ МИНЕРАЛ СУВИ — шифобахш, ҳидсиз ва рангсиз сув. Кимёвий таркиби бўйича сульфат-хлоридли-натрийли, сувининг минераллашганлиги pH=7,2 б-н 2,6 г/л ва таркибида 14 мг/л кремний кислотаси мавжуд. Сувнинг т-раси 30°. Чортоқ ш.дан 7 км шим.-шарқда Чортоқсой соҳилида *«Чортоқ» санаторийси* жойлашган. Бу ерда 1953 й. иеоген ётқизиқларидан ташкил топган Чортоқ структурасида чуқур бурғи қудуқлари (3010 м гача) ёрдамида минерал сув топилган. Бактрия сериясн конгломератларида 150—500 м оралиқда 4 та сув ўтказувчи горизонт очилган, чуқ. 507 м ли бурғи қудуғи 1958 й. Фарғона гидрогеология экспедицияси томонидан қазилиб, 1959 й.да фойдаланишга топширилган. Бурғи қудугининг дебити (сарфи) 2 атм босимда 7 л/сек атрофида. Овқат ҳазм қилиш органлари касалликларини даволашда ичиш учун фойдали.

Массагет сериясн ётқизиқларидан топилган Ч.м.с. эса, юқори минераллашган (60 г/л гача), гипертермалли (т-раси 72° гача), хлорид-натрий-кальцийли, кам радиоактивли, таркибида юқори даражада йод (19—48 мг/л) ва бром (25 мг/л) бўлган газ чиқарувчи азотли сув. Кимёвий элементлар мажмуасининг уйғунлигига кўра, бу сув бальнеологик нуқтаи назаридан катта амалий аҳамиятга эга. 1250—1550 м чуқурликдаги массагет сериясн ётқизиқларида очилган, фаввора бўлиб чиқувчи сувлар базасида «Чортоқ» санаторийси фаолият кўрсатмоқда. Бу сув таянч-ҳаракат органлари, полиартрит, меъда-ичак, гинекологик, спондилёз, юрак, тери ва б. касалликларни даволашда фойдаланилмоқда. Чортоқнинг йодланган минерал суви нафақат бальнеологик нуқтаи назаридан, балки саноат учун зарур бўлган йод ажратиб олиш объекти сифатида ҳам аҳамиятга эга.

«ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИ — бальнеологик курорт; Наманган ш.дан 25 км масофада Чортоқсой соҳилида, Чатқол тоғининг жан. қияликдаги тор адирларида, денгиз сатҳидан 650 м баландликда жойлашган. *Чортоқ минерал суви* туфайли бунёд этилган.

1949 й. 31 авг.да Чортоқда 30 ўринли бальнеологик шифохона ташкил этилди; йил сайин у кенгая бориб, 1959 й. ўринлар сони 250 тага етди. 1961 й. 1 мартдан шифохона «Ч.»с.га айлантирилди. Санаторий ҳудуди турли мева ва манзарали дарахтлар б-н кўкаламзорлаштирилган. Майд. 37 га. иқлими юмшоқ, континентал, ёзи қуруқ, иссиқ, қиши юмшоқ. Январдаги ўртача ҳарорат — 1,4°, июлда 23°, нисбий намлик 52%. Даволаш омили — минераллари кам, ичиладиган, сульфат-хлоридли, натрийли минерал тузлар ва термал, гипертермал (42° дан юқори ванналар учун), йодли, хлоридли, кальций-натрийли минераллари кўп (20—50 г/л) сувлар ҳисобланади. Бундан ташқари, физиотерапия, даво физкультураси, массаж, иссиқ (парафин ва озокерит) б-н даволаш усуллари ҳам қўлланилади. «Ч.»с. замонавий даволаш-диагностика асбоб-ускуналари б-н жиҳозланган; у ерда 40 кишилик ванна, бассейн, душ ва сув муолажаси хоналари мавжуд. Санаторийда ҳаракат аъзолари, нерв системаси, ҳазм аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари б-н оғриган беморлар даволанади. Шунингдек, ўткир миокард инфарктини бошдан кечирганлар соғлиғини тиклаш учун 30 ўринли реабилитация бўлими фаолият кўрсатмоқда.

«Чортоқ» санаторийси.

ят кўрсатади. Минерал сувли ванналар гипотоник, томир кенгайтирувчи таъсир қилади, у қон оқими тезлигини барқарорлаштиради, организмнинг ҳимоя вазифасини оширади, иллигланишга қарши таъсир кўрсатади. Санаторийда 400 ўринга мўлжалланган ётоқ корпуслари (бир ва икки ўринли), клуб, кутубхона, фитобар, спорт майдончалари ва б. бор (2004).

ЧОРТОҚ СУВ ОМБОРИ — Наманган вилоятида Чортоқсой дарёси ўзанида қурилган сув омбори. Дарё сувини мавсумий тартибга солади. 1-навбати 1975 й.да қуриб тамомланган. Тўлиқ ҳажми 30,0 млн. $м^3$, тўғони бал. 37 м, максимал сув ўтказиш имконияти 50 $м^3$/сек. Наманган вилоятидаги Чортоқ, Учқўрғон туманларидаги экинзорларнинг сув таъминотини яхшилаш имкониятини беради.

ЧОРТОҚ ТУМАНИ — Наманган вилоятидаги туман. 1950 й. 15 апр.да ташкил этилган. Ғарбдан Янгиқўрғон, жан., жан.-шарқдан Уйчи туманлари, шим. ва шарқда Қирғизистон Республикаси б-н чегарадош. Майд. 0,36 минг $км^2$. Аҳолиси 143,9 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Чортоқ), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Алихон, Боғистон, Гулшан, Короскон, Мучум, Ойқирон, Пешқўрғон, Сарой, Ҳазратишо) бор. Маркази *Чортоқ* ш.

Табиати. Ч.т. Чатқол тизмасининг жан. этакларида жойлашган. Ер юзаси текислик ва адирлардан иборат. Баландлиги жан.дан шим.га 300 м дан 1500 м гача. Фойдали қазилмалардан нефть, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қурилиш материалларидан шағал, оҳактош, гил тупроқлари бор. Иқлими континентал; ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ. Ўртача т-ра янв.да —1° дан —4° гача, июлда 25—26°. Энг паст т-ра қишда —29°, ёзда энг баланд т-ра 40°. Йилига 300—400 мм ёғин тушади (кўпроқ қишда ва баҳорда ёғади). Вегетация даври 175 кун. Тоғ-адирлардан катта кичик сойлар оқиб тушади. Улардан баъзиларида фақат ёғингарчилик мавсумидагина сув оқиб, ёзда қуриб қолади. Энг йирик сойлари: Чортоқсой, Намангансой (юқори қисмида Поччаотасой) ва б. сойлардан баҳорги ёмғирларда кучли сел келади ва хўжаликка катта зарар етказади. Айрим сойларда селга қарши селхоналар қурилган. Сой сувларидан суғоришда кенг фойдаланилади. Туманнинг жан. қисмидан Катта Наманган (Чортоқ), жан. чегарасидан Шим. Фарғона каналлари ўтган. Тупроқлари, асосан, типик бўз тупроқлар. Қ.х. га яроқли ерлар ўзлаштирилган. Табиий ўсимликлар, асосан, адирларда сақланган: эфемер ўтлар ва буталар ўсади. Адир ўсимликларини ўрганиш ва уларни бойитиш бўйича ЎзФА Ботаника ин-тининг тажриба участкаси бор. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, юмронқозиқ, тошбақа, турли хил илонлар, калтакесаклар; қушлардан каклик, улар ва б. учрайди; сувларида ҳар хил балиқлар мавжуд.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 $км^2$ га 400 киши. Қишлоқ аҳолиси 96,2 минг киши, шаҳар аҳолиси 47,7 минг киши.

Хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Пахта тозалаш, Чортоқ минерал сув з-длари, босмахона, тикувчилик ф-каси, автокорхона, МТП, қурилиш ташкилотлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик. Сабзавотчилик, ғаллачилик, мева етиштириш ҳам ривожланган. Ширкат ва фермер хўжаликлари бор. Экин майдонларига пахта, дон, сабзавот, картошка ва полиз экинлари

экилади. Мевазор ва токзорлар кўп. Туманда марказий кутубхона ва унинг тармоқлари, клуб муассасалари ва маданият уйлари, халқ театри аҳолига хизмат кўрсатади. Умумий таълим мактаблари, болалар мусиқа мактаби, марказий касалхона, поликлиника, дорихоналар, фельдшер-акушерлик, қишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди. «Пахталикўл», «Чортоқ» санаторийлари фаолият кўрсатади. Фарғона водийси бўйлаб ўтказилган айланма т.й. Чортоқ ш.дан ўтади. Наманган—Чортоқ—Нанай автомобиль йўли республика аҳамиятига эга.

ЧОРТОҚСОЙ — Қирғизистон Республикаси (юқори қисми) ва Наманган вилоятидаги сой. Чатқол тизмасининг Бўзбиттов тоғи (2875 м) ён бағридан бошланиб, асосан, Уйчи тумани ҳудудида тугайди. Кучли сел келган пайтлардагина Сирдарёгача етиб келади. Шим. Фарғона канали б-н кесишган жойда канал суви Ч. остидан дюкер орқали ўтган. Уз. 67 км. Ҳавзасининг майд. 715 $км^2$. Ўртача йиллик сув сарфи 1,8 $м^3$/сек. Ёғин-сочин ва булоқ сувларидан тўйинади.

Ч. Поччаота суғориш системасига киради. 1957 й. Ч. да насос ст-яси қурилиб 6 минг га дан зиёд ер суғориладиган бўлди. Баҳорги сел ва тошқинларнинг бузиш кучини камайтириш учун Алихон қишлоғи яқинида сел сувини тўплайдиган селхона қурилди. Сой бўйида Чортоқ ш. ва санаторийси, қишлоқлар жойлашган.

ЧОРУХДАЙРОН ВОЛЬФРАМ КОНИ — Тожикистон Республикаси Суғд вилоятидаги кон. Хўжанд ш.дан 18 км шим. да Қорамозор тоғларида, Қурама антиклинали системасидаги Мўғултоғ антиклиналининг шим.-шарқий қисмида жойлашган. Рудаларнинг минерал таркиби — скаполит, шеелит, апатит, молибденит, халькопирит, камроқ пиритдан иборат. Морфологияси бўйича кондаги руда таналари, ҳар хил ўлчам ва қалинликдаги томирли ва томирсимон жисмлардан таркиб топган. Ч.в.к., асосан, қазиб олинган бўлиб, параметрлари бўйича ўртача конларга мансуб.

ЧОРШАНБА (форс.-тож. чор — тўрт ва *шанба*) — ҳафтанинг *якшанбадан* кейинги учинчи куни.

ЧОСОН (айнан — тонгги гўзаллик) — Корея тарихидаги илк давлат (мил. ав. тахм. 1-минг йиллик). Дастлаб Ч. — қабила ёки қабила иттифоқи томонидан барпо этилган. Мил. ав. 2-а. охирида Ч. Хитойдаги *Хань* сулоласи томонидан босиб олинган. Хитой босқинчиларига қарши кураш жараёнида милоднинг бошларида Когурё, Пэкче ва Силла каби илк ўрта аср маҳаллий давлатлари шаклланган. Ч. корейс давлатининг номи сифатида Ли сулоласи қарор топиши б-н (1392) вужудга келган ва 1897 й. Кореяни Тэхан империяси деб қайта номланишига қадар сақланиб қолган. КХДР барпо этилиши б-н «Ч.» атамаси республиканинг расмий номи таркибига кирган (Чосон минжужуйи инмин конхвагук).

ЧОТТОПАДДХАЯ Бонкимчондро (1838.26.6, Канталпара, Калькутта яқинида — 1894.8.4, Калькутта) — ҳинд ёзувчиси ва шоири. Бенгал тилида ижод этган. *Бенгал адабиётида* тарихий роман жанрининг асосчиси. Асарларида ватанпарварлик ва ҳинд халқининг миллий озодлик учун кураши бобидаги етук ғоялар акс этган. Ч.нинг «Сени олқишлайман, Ватан!» шеъри ҳинд халқининг 1905—47 й.лар мобайнидаги миллий озодлик курашининг гимни бўлиб келган. «Чондрошекхар» (1873), «Бахт макони» (1882), «Раж Сингҳ» (1893) романлари мустақиллик учун кураш ҳиссиётлари б-н суғорилган. Ижтимоий муаммолар, жумладан, жамиятда аёллар ҳуқуқини чеклангавлиги муаммоси «Заҳарланган дарахт» (1872), «Кришнокантo васияти» (1875) каби романларида акс эттирилган. Ч. маърифатпарвар, публицист ва «Бонгодоршон» жур.нинг бош муҳаррири сифатидаги фаолияти б-н Бенгалиянинг маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутиб келган. Ч.нинг бир қанча тарихий, адабий, ижтимоий ва илмий-фалсафий мақолалари, сатирик ҳикоялар тўпламлари ҳам бор.

ЧОТТОПАДДХАЯ Шоротчондро (1876.15.9, Дебанандапур қишлоғи, Бенгалия — 1938.16.1, Калькутта) — ҳинд ёзувчиси. Бенгал тилида ижод этган. 1903—16 й.лар Бирмада яшаган. 20-а. бошларида эса ҳинд халқининг миллий озодлик ҳаракатида фаол иштирок этган. Ч. ижодида ҳам романтизм (1-ярмида), ҳам реализм (2-ярмида) унсурларини кўриш мумкин. Асарларида Ҳиндистондаги кастачилик тизимида ҳинд аёлининг тақдири, ҳинд жамияти турли жабҳаларидаги ҳаётий масалалар акс эттирилган. [«Қишлоқ жамоаси», 1916; «Йўлдан адашганлар», 1917; «Ёндирилган уй», 1920, «Шриканто» (1—4-қисм), 1917—33 ва б.]. «Йўл беринг» (1926) романи ҳинд адабиётида дастлабки сиёсий ва антимустамлакавий асардир. «Охирги савол» (1931) романи эса маънавий-ахлоқий ва диний анъаналарнинг бугунги кун б-н ўзаро муносабати муаммосига бағишланган.

ЧОЧ — қ. *Тошкент.*

ЧОЧ РАҚСИ — мил. 1-минг йиллик ўрталарида Хитойда шуҳрат қозонган рақс тури. Чжечжи (Чоч — Тошкент) номи б-н аталган. Ч.р.ни, асосан, қизжувонлар ижро этган. Рақсга аввал бир киши тушган, яъни якка ўйин ҳисобланган. Мил. 5—6-а.ларда эса, 5 киши, кейинги асрларда эса 24 киши ўйнаган. Ч.р. давра қилиб, айланиб ўйналган, у миллий мусиқа, мақом ва хонанда ашуласи б-н ҳам қўшиб юборилган. Рақкосалардан бири давранинг марказида ўйнаб, ўйинни бошқариб борган. У ҳуасин («гулнинг маркази») деб аталган. Рақкосалар қимматбаҳо матолардан тикилган, дур ва жавоҳирлар, чиройли кашта нусхалар б-н безалган либосларда чиқишган. Ч.р. хитойликларни ўзига мафтун этган. Ўша даврларда ёзилган мусиқа рисолаларида бу ўйинга жуда юқори баҳо берилган. Мас., Чэнь Янь ўзининг «Мусиқа китоби» асарида «Хитойликлар чжечжи рақсини ижро этишда хуслар (хорижийлар) б-н тенглаша олмайдилар», деб ёзган. Хитой шоирлари Ч.р.нинг мафтуни бўлиб, унга бағишлаб 29 та шеър ва қасидалар ёзганлар.

Ад.: Шониёзов К., Қанг давлати ва қанғлилар, Т., 1990. Муҳаммаджонов А., Қадимги Тошкент, Т., 2002.

ЧОЧПОПУК — қ. *Сочпопук.*

ЧОШНИГИР (форс. — татиб кўрувчи) — қадимда хон ва подшоҳ саройидаги мансабдор, шоҳ ошхонасининг бошлиғи. Ч. ҳукмдорни заҳарланишдан сақлаш ва таом таъмини билиш мақсадида шоҳга тортиладиган таомларни дастлаб ўзи татиб кўрган. Ч.лар Шарқ давлатлари, жумладан, Мовароуннаҳр хонликларида ҳам бўлган (яна қ. *Бакоул*).

ЧОҚАДАМБУЛОҚ ТЕМИР КОНИ — Тожикистон Республикасининг Суғд вилоятидаги кон. *Хўжанд* ш.дан 20 км шим-шарқда, Қорамозор тоғларида жойлашган. Руда қамровчи метасоматитлар (скарнлар) амфиболитланиш, эпидотланиш, хлоритланиш, карбонатланиш, кварцланиш ва б. ўзгаришларнинг кўп қаватли намоёнларини ўзида акс эттиради. Ч.т.к. скарн-магнетитли саноат типига мансуб. Асосий рудали минераллари: магнетит, пирит, галенит, сфалерит, халькопирит, гематит ва б. Параметрлари бўйича Ч.т.к. кичик конлар типига мансуб, айрим жойларда темир таркиби юқори (30—50% дан кўпроқ).

ЧУ — Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари ҳудудидаги дарё. Уз. 1067 км, ҳавзасининг майд. 62,5 минг $км^2$. Марказий Тяньшандан бошланган Қорахўжир (қуйи оқимида Жувонариқ) ва Кўчқор дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб Сирдарёга 110 км етмасдан қумлар орасида тугайди. Ч. бош қисмида чуқур водийда тез оқади. Кунгай Олатови б-н Қирғизистон тоғ тизмаларини кесиб ўтиб тор Бўум дарасини ҳосил қилади. Бўум дарасидан ўтгач, Чу водийсига чиқади ва Бетпакдала ҳамда Мўйинқум чўллари орасида секин оқади. Ч.нинг тоғли қисмида Ўртатўқай сув омбори қурилган. Тошқин пайтида Кутемалди тармоқчаси орқали сувининг бир қисми Иссиққўлга қуйилади. Ч. Бўум дарасидан кейин ўнгдан Катта Кебин, Кичик Кебин, Иргайли, Кўкпатос; чапдан Аламедин, Оқсув, Қораболта, Қурағати ирмоқлари қўшилади. Асосан, қор сувларидан, қисман музликлардан тўйинади. Баҳорда серсув. Ўртача кўп йиллик сув сарфи тоғдан чиқаверишда 52,9 $м^3$/сек. Ч. тоғли қисмида музламайди, текислик қисмида 3—3,5 ой музлайди. Дарёдан Катта Чу, Шўртепа, Отбоши, Чўмиш, Георгиевка каналлари чиқарилган; Отбоши, Аламедин ГЭСлари қурилган. Ч. соҳилида Тўқмоқ, Чу ш.лари жойлашган. Дарё водийси бўйлаб Тароз — Бишкек — Балиқчи т.й. ўтган.

ЧУ — Қозоғистон Республикаси Жамбул вилоятидаги шаҳар. Чу дарёси, соҳилида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 38,3 минг киши (1990-й.лар охири). Шакар-қанд, сут, таъмирлаш-механика з-длари, т.й. транспортига хизмат қилувчи корхоналар бор.

ЧУ ВИЛОЯТИ — Қирғизистон Республикаси таркибидаги вилоят, республика шим.да. Майд. 18,8 минг $км^2$. Аҳолиси 747,9 минг киши (1995), асосан, қирғизлар ва руслар, шунингдек, ўзбек, украин, немис, татар, дунган, уйғур ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Таркибида 11 туман, 5 шаҳар ва 7 шаҳарча бор. Қирғизистон пойтахти (Бишкек) ҳам вилоят ҳудудида жойлашган. Ундан ташқари, Тўқмоқ, Қораболта, Кант, Шопоков ш.лари мавжуд. Маркази — Қораболта ш. Вилоятнинг рельефи тоғли. Бал. 5000—5500 м. Ч.в. ҳудудига Чу ва тоғ оралиғидаги Катта Кебин водийлари, шунингдек, уларни ўраб турган Қирғиз, Или, Кунгай Олатовларининг ён бағирлари киради. Водийнинг ғарбий ва ўрта қисмлари деярли текислик. Қирғиз Олатовининг этакларига яқин томони ҳамда Қирғиз, Или Олатовлари эгаллаган шарқий қисми бироз қия. Водийнинг шарқида Чу дарёсининг ўнг соҳилида Кебин водийси жойлашган. Водийдан жан.да даралар б-н бўлинган ўртача баландликдаги тоғ

тармоғи бор. 3500 м дан юқорида кўп йиллик музлик, қоялар, музли минтақалар бошланади. Қирғиз Олатовидаги довонларнинг ҳаммаси 3000 м дан баланд. Тоғнинг энг баланд жойи Оларча ва Аламеддин дарёларининг бошланишида жойлашган. Айрим тоғ чўққилари 4500 м баландликда. Шарқда Или ва Кунгай Олатовларининг оралиғида Катта Кебин водийси, водий ичкарисида Кўкойроқ яйлови жойлашган.

Фойдали қазилмалардан полиметалл рудалари, рангли металлар, нометаллардан ош тузи, гипс, мармар, сиенит, гранит, мергель, шағал, сланец ва б. бор. Газ, нефть ресурслари ўрганилган. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, айрим йиллари қишда қаттиқ совуқ бўлади. Баҳори қисқа, март охиридан ҳаво исий бошлайди. Июлнинг ўртача т-раси 22°—25°. Энг юқори т-ра 44°. Янв.нинг ўртача т-раси —7°. Энг паст т-ра —40°. Қор 75—90 кунгача эримай туриши мумкин. Йиллига водийда 270—400 мм, тоғ ён бағирларида 500—600 мм ёғин тушади. Вегетация даври 220—230 кун. Дарёлари Чу дарёси ҳавзасига мансуб. Энг катта дарёси — *Чу*. Унинг ўнг ирмоқлари — Катта ва Кичик Кебин дарёлари, чап ирмоқлари — Жералиқ, Толдибулоқ, Шамиши, Бурана ва б. Иссиқ ва минерал булоқлар бор. Сунъий кўл кўп. Шарқий, Ғарбий, Жан. Катта Чу суғориш каналлари ва Ўртатўқай сув омбори қурилган. Чу, Кебин водийларининг текислик қисмида бўз тупроқ, айрим жойларда нам ва шўр тупроқ; оч тусли қўнғир тупроқлар ҳам учрайди. Тоғ этакларида оч тусли ва қора қўнғир тупроқлар тарқалган. Табиий ўсимликлардан шувоқ-эфемерли чала чўл ўсимликлари, шувоқ-ғалладошлар, чалов-

Чу вилояти манзараси.

шувоқли ўтлар, қамиш ва бутасимонлар учрайди. Тоғ этаклари, асосан, чалов ва қорақиёқ ўсимликларига бой. Тоғ ён бағирларида ўтлоқлар, баланд қисмида бутазор ва ўрмонлар мавжуд. Қирғиз Олатовидаги дараларда, Катта Кебин водийсида қарағай, қайин, арча, четан дарахти ва б. ўсади. 3600 м дан юқорида субнивал-нивал минтақа жойлашган. Ёввойи ҳайвонлардан тоғ такаси, кийик, архар, силовсин, тулки, бўри, қундуз, сугур ва б., сувларда ҳар хил балиқлар, ғоз, ўрдак, ондатралар бор. Оларча дарёси дарасида миллий боғ ташкил этилган. Тўқмоқда қирғовулларни кўпайтириб тарқатиш хўжалиги, Оқсув давлат комплекс қўриқхонаси, Жарли Қайинди, Кебин давлат зоологик қўриқхонлари мавжуд.

Вилоятда рангли металлургия, ёғочсозлик ва мебелсозлик, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат саноатлари бор. «Гадлстар» радиозаводи, «Торгмаш», таъмирлаш-механика, Чу металл буюмлари и.ч., Қайинди кабель з-длари, «Қирғизмебель» и.ч. бирлашмаси, Тўқмоқ ип-йигирув ф-каси, Қирғиз камвол-мовут к-ти, йирик панелли уйсозлик з-ди, кигиз, мўйна ф-калари, озиқ-овқат саноати (консерва, ёғ-пишлоқ, шакар-қанд, арақ-ликёр, тамаки, пиво з-длари, гўшт, ун ва б.) корхоналари ишлаб турибди. Ч.в.да деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган. Деҳқончиликнинг асосини ғаллачилик ташкил этади. Қанд лавлаги, маврак, зиғир, сабзавот, картошка, полиз, озуқа экинлари экилади. Мевачилик, токчилик тараққий этган. Қорамол, чўчқа, парранда, шунингдек, йилқи, қуён, тулки, нутрия боқилади. Вилоят ҳудудидан Луговая — Бишкек — Кебин — Балиқчи т.й. ўтган (Ч.в.даги уз. 186 км). Водийдан Талас, Ўш, Тошкент, Олмаота, Балиқчи, Норинга магистрал автомобиль йўллари кетган. Бишкек ш. яқинидаги «Манас» аэропорти водийни Олмаота, Остона, Тошкент, Москва, Истанбул, Деҳли, Қоракўл, Ўш, Норин, Жалолобод ва б. шаҳарлар б-н боғлайди. 300 га яқин умумий таълим мактаби, олий ўқув юртлари, музей, театр, маданият саройлари бор.

ЧУ ВОДИЙСИ — Чу дарёси водийсининг бир қисми, дарёнинг ўрта оқимида. Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари ҳудудида. Жан.-шарқда Боом дарасидан шим.-ғарбда Муюнқумнинг шарқий этагига боради. Уз. 200 км чамасида, эни жан.-шарқида 15 км гача, шим.-ғарбида 90—100 км. Бал. 500—1200 м. Ер юзаси дарё қайири ва террасаларидан иборат. Иқлими кескин континентал, қуруқ. Йиллига 250—400 мм ёғин (асосан, баҳорда) тушади. Ч.в.нинг деярли ҳаммаси ҳайдалган ва суғорилади, қуриқ ерларда бўз тупроқда чала чўл ва қуруқ дашт ўсимликлари ўсади. Ч.в. Қирғизистоннинг асосий қ.х. районидир (қанд лавлаги, каноп етиштирилади; боғдорчилик, токчилик, ғаллачилик ривожланган). Суғориш каналлари ўтказилган. Ч.в. жанубида Қирғизистоннинг пойтахти ва асосий саноат маркази Бишкек ш. жойлашган.

ЧУ ДАШТИ — Олтой тоғ системасининг жан.-шарқидаги дашт. Чу дарёсининг юқори оқимида, 1750—2000 м баландликдаги тоғлар оралиғида. Ғарбдан шарққа 70 км, шим.дан жан.га 40 км га чўзилган. Ер юзаси тўлқинсимон текислик. Иқлими кескин континентал. Қиши совуқ. Янв.нинг ўртача т-раси —31,7°. Энг паст т-ра —53°. Ёзи қисқа, салқин. Ёғин кам (102 мм). Қор қоплами жуда юпқа (10 мм). Абадий музликлар тарқалган. Каштан тупроқларда дашт ва чалачўл ўсимликлари (шувоқ, бетага, изен ва б.) ўсади. Чу дарёси қайирида ўтлоқлар бор. Кемирувчилардан: юмронқозиқ, дала сичқонлари, қуён, бурсиқ ва б. яшайди. Ч.д. орқали РФ дан МХР га Чу автомобиль йўли ўтган.

ЧУВАЛЧАНГЛАР (Vermes) — умуртқасиз ҳайвонларнинг йиғма гуруҳи, икки ёнлама симметрияли, танаси чўзиқ ҳайвонларни ўз ичига олади. Илгари Ч.га тип мақоми бериб келинган. Ҳоз. Ч. мустақил типлар: ясси Ч., немертинлар, бирламчи тана бўшлиқлилар, тиканбошлилар, ҳалқали Ч.га ажратилади. Дастлабки 3 тип тубан Ч. гуруҳи, яъни сколецидларга киритилади.

ЧУВАШ ТИЛИ — *туркий тиллардан* бири; РФнинг Чувашистон, Татаристон, Бошқирдистон республикаларида ва уларга қўшни бир қанча вилоятларда, шунингдек, Қозоғистон ва Украинада тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 2 млн. кишидан ортиқроқ (ўтган асрнинг охирлари).

Ч.т. юқори (вирйал) ва қуйи (анатри) лаҳжаларига бўлинади. Қуйи лаҳжа адабий тилга асос бўлган. Ч.т. ўз тараққиёти тарихида аввал скиф, славян, фин-угор тиллари, кейинчалик, татар ва бошқирд тиллари таъсирига учраганлиги туфайли бошқа туркий

тиллардан бир қанча фонетик ва грамматик ўзига хосликларга эга. Бундай тафовутлар унлилар сони (9 та) ва талаффузида, отлардаги кўплик қўшимчасининг қўлланишида, айрим сонлар ва олмошларнинг шаклий кўринишида кузатилади. Лексикада қад. туркий, мўғул, фин-угор, эроний тиллардан, шунингдек, араб ва рус тилидан ўзлашган сўзлар алоҳида қатламни ташкил этади.

Ч.т.нинг дастлабки грамматикаси 1769 й.да нашр этилган. 18-а.да ва 19-а.нинг 1-ярмида луғатлар, диний адабиётларнинг Ч.т.даги таржималари, фольклор намуналари чоп этилади. Эски чуваш ёзуви асосан рус графикасини қўллаган. 1871 й.да чуваш ёзувчиси ва олими И.Я. Яковлев янги чуваш ёзувини яратган. 1933 й.дан рус графикаси асосидаги янги алифбо жорий этилган.

Ад.: Баскаков А.Н., Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969.

ЧУВАШИЯ, Чувашия Республикаси (Чаваш Республикаси) — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Шарқий Европа текислигининг шарқида, Волга дарёсининг ўрта оқимида жойлашган. Майд. 18,3 минг км². Аҳолиси 1 млн. 313,9 минг киши (2002). Пойтахти — Чебоксари ш. 21 туман, 9 шаҳар, 8 шаҳарча бор.

Давлат тузуми. Ч. — республика. Республика раҳбари ва ижроия ҳокимият бошлиғи — президент. Олий ижроия ҳокимият органи — Вазирлар Маҳкамаси. Олий қонун чиқарувчи ҳокимият органи — Давлат кенгаши.

Табиати. Волга дарёсининг ўнг соҳили Волга бўйи қирларидан иборат. Шим.-шарқий қисми Чувашия платоси б-н банд (бал. 175—227 м.). Платонинг Волгага қараган ён бағри тик тушган, шу қисмида жарлик кўп. Чап соҳили — Заволжье текислиги (бал. 50—70 м)да дўнгликлар, ботқоқ ва торфли ерлар бор. Фойдали қазилмалардан оҳактош, доломит, ёнувчи сланец, фосфорит ва б. бор. Иқлими мўътадил континентал; қиши совуқ, ёзи илиқ. Янв.нинг ўртача т-раси —12°, июлники 19°. Йиллик ёғин 450 мм. Дарёлари Волга ҳавзасига мансуб (Волганинг Ч. ҳудудидан ўтадиган қисми уз. 127 км). Ч.да чимли подзол ва сур тусли ўрмон тупроқлари ҳамда ишқорсизланган қоратупроқлар тарқалган. Ҳудуднинг катта қисми ўрмонли дашт зонасида. Ўрмонлар (кўпроқ қайин, қарағай, эман, жўка ўсади) 32% майдонни эгаллаган. Ёввойи ҳайвонлардан қўнғир айиқ, бўри, тулки, тийин, ондатра, сугур, лось, енотсимон ит ва б. яшайди. Ч.да Чаваш Вармане миллий боғи, Присура қўриқхонаси бор.

Аҳолиси, асосан, чувашлар (67,8%); рус, татар, мордва ва б. ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 60,6%. Давлат тиллари — чуваш ва рус тиллари. Диндорларнинг аксарияти православлар. Йирик шаҳарлари: Чебоксари, Новочебоксарск, Канаш.

Тарихи. Ч. ҳудудида неолит даври охирида фин-угор қабилалари яшаган. 10-а.да Ўрта Волга бўйида дастлабки давлат — *Волга-Кама Булғорияси* ташкил топди. Бу давлат 1243 й. *Олтин Ўрда* таркибига қўшиб олинди. Ч.нинг шим. қисмига келиб ўрнашган булғорлар б-н фин-угор аҳолисининг аралашуви натижасида 15-а.га келиб чуваш халқи шаклланди. 15-а. бошида Олтин Ўрда парчаланиб кетди, чувашлар бошқа халқлар б-н бирга 15-а. 1-ярмида вужудга келган *Қозон хонлиги* таркибида бўлди. 1551 й. чувашлар Россия таркибига кирдилар. 1920 й. июнда РСФСР таркибида Ч. мухтор вилояти ташкил этилди. 1925 й. 21 апр.да Чувашия АССРга айлантирилди. 1990 й. сент.да республика давлат суверенитети тўғрисида декларация қабул қилинди ва ҳоз. номини олди.

Хўжалиги. Ялпи маҳсулот таркибида саноат улуши 31,5%, қ.х. 18,5%, қурилиш 7%, транспорт 1,7%, савдо 10,9%ни ташкил этади. Асосий саноат тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик (электроника жиҳозлари, тўқув станоклари, электр юклагичлар, трактор ва б. ишлаб чиқариш), кимё (заҳарли химикатлар, лок, бўёқ и.ч.), енгил (жумладан, тўқимачилик), нефть кимёси, ўрмон, қора металлургия, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз, озиқ-овқат саноати. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Шумерля ш.да махсус автомобиллар з-ди, Чебоксарида приборсозлик, электроаппарат, электр приборлари, электроника ва механика, кабель з-длари, микропайванд учун махсус асбоб, видеокассета ишлаб чиқариладиган з-д, тўқимачилик машиналари, саноат тракторлари ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариладиган з-длар, ип-газлама, трикотаж к-тлари. Мариинский Посад ш.да кабель з-ди. Канаш ш.да электр юклагичлар з-ди, Шумерля, Козловка ш.ларида автофургон к-тлари бор. Йиллига ўртача 7 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Чебоксари ГЭС ишлайди. Асосий саноат марказлари: Чебоксари, Новочебоксарск, Канаш, Алатирь, Шумерля.

Қ.х. гўшт-сут чорвачилиги ва ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган. Деҳқончиликда буғдой, жавдар, сули, зиғир, қанд лавлаги, картошка ва сабзавот етиштирилади. Боғдорчилик б-н ҳам шуғулланилади. Қорамол, чўчқа, қўй боқилади; паррандачилик ривожланган.

Ч.да темир йўллар уз. — 396 км. Муҳим т.й. тармоқлари: Саранск—Канаш—Чебоксари, Москва—Арзамас—Канаш—Қозон. Автомобиль йўллари уз. 4424 км. Асосий автомагистраллари: Нижний Новгород—Чебоксари—Қозон, Ульяновск—Чебоксари—Йошкар-Ола. Волга ва Сура дарёларида кема қатнайди. Асосий дарё портлари: Чебоксари ва Новочебоксарск. Чебоксарида халқаро аэропорт бор.

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 1990-й.лар охирида ҳар 10 минг аҳолига 43 врач тўғри келди. 20 дан ортиқ санаторий-курорт ва б. дам олиш муассасалари бор. Ч.даги 715 умумий таълим мактабида 210 минг, 26 ўрта махсус ўқув юртида 20,4 минг ўқувчи, 3 олий ўқув юрти (Чувашия ун-ти, қ.х. академияси, пед. институти)да 18,8 минг талаба таълим олади. Ч.да миллий академия, тармоқ и.т. институтлари фаолият юритади. 700 дан зиёд кутубхона, бир қанча клуб муассасаси ва киноқурилма. Чебоксарида ўлкашунослик музейи, 750 га яқин тарихий ва маданий ёдгорликлар. Ибреси этн. музейи (очиқ) бор. Чуваш ва рус тилларида газ. ва жур. нашр этилади. Маҳаллий радио ва телевидениеси чуваш ва рус тилларида эшиттириш ҳамда кўрсатувлар олиб боради.

Адабиёти 19-а.нинг 2-ярмида вужудга келган. Унгача бой фольклор (эпик қисса, тарихий ва маиший қўшиқлар, эртак, афсоналар) мавжуд бўлган. 19-а. ўрталаридан биринчи чуваш тарихчи ёзувчиси, фольклорчи ва



этнограф С.Михайлов ижод қила бошлаган. 19-а.нинг 70-й.ларида маърифатпарвар Н.Я.Яковлев (1848—1930; 1872 й. «Чувашлар учун алифбе» яратган)нинг халқ ижоди асосида яратган асарлари чуваш миллий адабиётининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Унинг дастлабки арбоблари М.Фёдоров, И.Юркин. 20-а.нинг бошлари ва фуқаролар уруши даврида сатирик ва драматург М.Акимов, демократ шоир К.Иванов, драматург ва композитор Ф.Павлов, шоирлар Н.Шубоссинни, Н.Шелеби, Т.Тимки, М.Сеспель самарали ижод қилдилар. 20—30-й.ларда С.Фомин, С.Эльгер, И.Максимов-Кошкинский, М.Трубина, П.Осипов, П.Хузангай, Л.Агаков, Я.Ухсай, Н.Ильбеков ва б.нинг асарлари юзага келди. 2-жаҳон уруши йиллари чуваш ёзувчилари томонидан ватанпарварлик руҳидаги асарлар яратилди (М.Уйпнинг «Солдатнинг онаси» достони, 1943; Л.Агаковнинг «Партизан Мурат» қиссаси, 1943). Урушдан кейинги ва 50—70-й.ларда чуваш адабиётида халқнинг жанг майдонидаги ва тинч қурилиш давридаги меҳнат қаҳрамонлиги ўз ифодасини топди (П.Хузангайнинг «Улкан қалб» достони, Н.Терентьевнинг «Тўлқинлар қирғоққа урилади» пьесаси, А.Артемьев, С.Аслан, К.Турхан, А.Емельянов, Г.Краснов ва б.нинг насрий асарлари, Ю.Семёнов, А.Галкин, Г.Ефимов ва б.нинг шеърлари). 1934 й. Чувашия ёзувчилар уюшмаси ташкил этилган.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Ч. ҳудудидан палеолит даврига мансуб қароргоҳларнинг қолдиқлари, қўрғонларнинг харобалари, 10—12-а.ларда Волга бўйи булғорлари яшаган жойлар (Тигашево қишлоғидаги қалъа, Була, Цивиль ва Сура дарёлари ҳавзасидаги қишлоқ ва б.) топилган. Ч. Русь давлатига қўшилгач (16-а. ўрталари), аҳоли пунктлари (Алатирь, Чебоксари, Ядрин) қуриш бошланди; улар аста-секин шаҳарларга айлантирилди. Шаҳарларда турли хил иншоотлар (жумладан, Чебоксаридаги Введенский собори, 1657; 17—18-а.ларда бунёд этилган турар жой бинолари) барпо этилди. 19-а.нинг 2-ярмидан қишлоқларда рус халқ меъморлиги таъсири кўпга ташланади. Ҳоз. даврдаги ширик иншоотлар: қ.х. институти (1957; меъмор Е.Калашников), Ч. мусиқали-драма театри (1961, меъмор А.Максимов), «Электрчи» маданият саройи (1964, меъмор А.Корольков), савдо маркази (1982, меъмор М.Кудрявцев ва б.), ҳаммаси Чебоксари ш.да.

Ч.да қадимдан халқ амалий-безак санъати (нақш б-н безаб мато тўқиш, каштадўзлик, ёғоч ўймакорлиги, мунчоқлардан буюм тайёрлаш, кашта б-н безаб кийим тикиш) ривож топган. 1920-й.лардан рассомлик (М.Спиридонов, Н.Сверчков, Ю.Зайцев), ҳайкалтарошлик (Г.Спиридонов) пайдо бўла бошлади. Рассомлардан Н.Овчинников, Н.Карачарсков, Р.Фёдоров, П.Григорьев, В.Гурин, графиклардан В.Агеев, Б.Емельянов, ҳайкалтарошлардан Ю.Ксенофонтов машҳур. 1933 й.дан Ч. рассомлар уюшмаси мавжуд.

Мусиқаси. Чуваш халқ қўшиқлари, асосан, бир овозли ва пентатоникага асосланади. Мусиқа асбоблари: шахлич (қамишнай), шапар ва сарнай (волинкалар), кёсле (гусли), вархан ва палнай (тидди), хапкарма (бубен); кейинчалик скрипка ва гармон ҳам урф бўла бошлади. Ч.да профессионал мусиқа 1920-й.лардан вужудга келди. Ф.Павлов, С.Максимов, В.Воробьев, Г.Лисков биринчи чуваш композиторларидир. Вокал, вокал-симфоник, симфоник мусиқа, саҳна мусиқа жанрларини ривожлантиришга Ф.Лукин, Г.Хирбю, Г.Лебедов, А.Тогаев, Ф.Васильев ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар. Ижрочилар ўртасида хонандалар И.Васильев, А.Токсина, А.Казакова, Т.Чумакова, М.Денисов, дирижёрлардан Ф.Лукин, Г.Лебедев, А.Орлов-Шузьм машҳур. Ч.да Чуваш мусиқали театри (1959), филармония (1936), ашула ва рақс ансамбли (1924), Чуваш радио ва телевидениеси хори (1943) фаолият кўрсатади. 1940 й. Чувашия композиторлар уюшмаси тузилган.

Чебоксари шаҳри умумий манзараси.

Театри. Биринчи чуваш профессионал театри 1918 й. Қозон ш.да тузилган ва Чуваш кўчма театри деб номланган. Бу театрнинг ташкил топиши миллий драматургиянинг ривожланишига сабаб бўлди. Унинг саҳнасида биринчи чуваш пьесалари — М.Акимов-Арунинг «Бевақт ўлим», Ф.Павловнинг «Судда» пьесалари қўйилди. 1920 й. Чуваш кўчма театри Қозон ш.дан Чебоксарига кўчирилди (1933 й.дан академик театр, 1959 й.дан К.В.Иванов номидаги Чуваш мусиқали драма театри). 1969 й. ундан Мусиқа театри ажралиб чиқди, драма жамоаси эса К.В.Иванов номидаги Чуваш академик драма театри деб номланди. Бу театрда турли даврларда миллий драматурглар П.Осипов, Р.Ржанов ва б. халқлар классикларининг пьесалари саҳналаштирилди. Театр актёрларидан А.Урдалкин, В.Кузьмина, В.Родионов, В.Яковлев, Л.Родионова ва б. машҳур. Ч.да, шунингдек, Рус драма театри (1922), ёш томошабинлар театри (1933), қўғирчоқ театри (1943) (ҳаммаси Чебоксари ш.да), бошқа шаҳарларда театрлар бор.

ЧУВАШЛАР (ўзларини чаваш деб атайдилар) — халқ. Чувашиянинг асосий аҳолиси (907,6 минг киши), шунингдек, Бошқирдистон, Татаристон, Ульяновск ва Самара вилоятлари (РФ) ва б. ерларда яшайди. РФ да жами — 1773,6 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Чуваш тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар. Ч. деҳқончилик, ҳунармандчилик ва асаларичилик б-н шуғулланади.

Анъанавий кийимдаги чуваш аёли.

ЧУДЬ-ПСКОВ КЎЛИ — РФ Псков вилояти ва Эстониядаги кўл. Эстонлар Пейпи-Ярв кўли деб аташади. Бал. 30 м. Жан.дан шим.га 150 км чўзилган. Бир-бирига туташган 3 та кўлдан иборат. Чекка жан.да Псков, ўртасида Тёплое, шим.да Чудь кўллари жойлашган. Умумий майд. 3550 км^2, ўртача чуқ. 7,5 м, энг чуқур жойи 15 м. Шим. ва шарқий қирғоқлари паст, қум дюналари, қисман тошлоқлардан иборат. Баҳорда суви кўпайганда шарқий ва шим. қирғоқлари сув остида қолади. Кўлда майда ороллар бор, йирикроқлари Пириссар ва Талабский о.лари. Кўлга Великая, Эмайига, Желча, Авийига, Чёрная каби дарёлар қуйилиб, Нарва дарёси оқиб чиқади. Декабрнинг ўрталаридан музлаб, апр. охири — май бошларида музлан ҳоли бўлади. Кўлнинг сув сатҳи баҳор охирларида, дарё суви кўпайганда 3 м гача кўтарилиб, қишда пасаяди. Ўртача сув ҳажми 25,2 км^3. Ч.-П.к. да балиқларнинг 22 тури (лещ, плотва, судак, сиг, налим, чўртан ва б.) бор. Кўлда кема қатнайди, ёғоч ташилади.

ЧУ-ИЛИ ТОҒЛАРИ — Жан. Қозоғистондаги емирилган паст тоғли ўлка. Жан.-шарқда Орқа Или Олатови, шим.-ғарбда Бетпақдала б-н туташади. Жан.-шарқий қисми Айтов (энг баланд жойи 1800 м — Ч.-И.т.нинг энг баланд қисми) деб номланади. Айтовнинг жан.-ғарбий ён бағри тик, шим.-шарқийси ётиқ. Унинг шарқида Қорауй платоси, шим.-шарқида Хонтов жойлашган (энг баланд жойи 1200 м). Хонтовнинг шим.-ғарбидаги емирилган паст тоғли Желтов Бетпақдалага туташади. Айтовнинг жан.даги Копии боғиги уни Кандиктос тоғидан ажратиб туради. Ч.-И.т. қадимий тоғлар бўлиб, замини, асосан, палеозой, усти мезо-кайнозой ётқизиқлари (сланец, гранит, оҳактош, гипссимон жинслар, қумтошлар) дан ташкил топган. Қиши совуқ, ёзи қуруқ ва иссиқ. Янв.нинг ўртача т-раси —14°, —15°, июлники 23°—25°. Йилига 350—400 мм ёғин тушади, шим.-шарқий ён бағрида 200—250 мм. Тоғларнинг қуйи қисмида чўл, сунгра адир, юқори қисмида тоғ минтақаси мавжуд. Ён бағирлари чўл-дашт ўсимликлари б-н қопланган.

ЧУКОВСКИЙ Корней Иванович (тахаллуси; асл исм-шарифи Корнейчуков Николай Васильевич) [1882.19(31).3, Петербург — 1969.28.10, Кунцево, Москва вилояти] — рус ёзувчиси, болалар шоири, таржимон ва адабиётшунос.

Ижодининг асосий қисмини болаларга бағишланган асарлар ташкил этади. Ч.нинг «Ваня ва Тимсоҳ», «Тозалабюв» («Мойдодир»), «Суваракбой» (1923), «Пашша-серхархаша» (1924), «Бармалей» (1925), «Войжонимнинг саргузаштлари» (1929) ва б. шеърий эртаклари машҳур. Мазкур асарлар асосида кўплаб эртак-спектакллар, мультфильмлар яратилган. Ч. узоқ йиллар давомида ёқимтой болалар тилини кузатиб, «Иккидан бешгача» китобини ёзди (1928—70). У таржимашунослик, адабиётшунослик соҳасидаги асарлари б-н ҳам танилган. 2-жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшаган. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Собрание сочинений, т. 1—6, М., 1965—69; Мойдодир, Т., 1954.

Ад.: Петровский М.С., Книга о Корнее Чуковском, М., 1966; Воспоминания о Корнее Чуковском, 2-изд., М., 1983.

ЧУКОТКА ДЕНГИЗИ — Шим. Муз океанининг чекка денгизи; Осиё б-н Шим. Америка қирғоқлари яқинида. Шарқда Бофорт денгизи, жан. да Беринг бўғози орқали Шарқий Сибирь денгизи б-н туташиб туради. Майд. 595 минг км^2. Ўртача сув ҳажми 51 минг км^3. Кўп қисмининг чуқ. 25—50 м дан 200 м гача. Энг катта қўлтиқлари: Колючи (Осиё) ва Коцебу (Шим. Америка). Йирик ороллари: Врангель, Геральд, Колючи, Пуффин. Иқлими Арктикага хос. Қишда шим.-шарқий шамоллар эсиб, ҳаво т-раси —20°, —30° га, айрим вақтларда эса —42°, —49° гача пасаяди. Ёзда кўпроқ шим. шамоллар эсиб, июлнинг ўртача т-раси денгиз устида 7°, 13°, қирғоғида 26° гача кўтарилади. Қишда сувнинг т-раси —1,7°, —1,8°, шўрлиги 32,5—33,5‰, қирғоқ яқинида 24‰ дан 27‰ гача. Ёзда сув юзасида (очиқ денгизда) шўрлиги 28—32‰, т-раси 3°дан 7° гача кўтарилади. Ч.д.га Беринг бўғози орқали Беринг денгизидан илиқ оқим (сув), аксинча, шим.-шарқдан Шарқий Сибирь денгизидан совуқ оқим кириб келади. Қишда Ч.д. муз б-н қопланади. Денгизда сув қалқиши ярим суткалик (0,9 м гача). Совуқ сув шароитига мослашган ўтлар, айниқса, денгиз карами кўп ўсади. Ҳайвонлардан морж, тюлень, нерпа, музларда оқ айиқ, балиқлардан харнус, навага, голец, қутб трескаси бор. Ёзда денгиз соҳилларида ўрдак, ғоз, гага, чағалай каби қушлар яшайди. Ч.д. дан Шим. денгиз йўли ўтади, энг катта порти — Уэлен (Чукотка я.о. да). Денгиз соҳилларида бир неча кичик портлар, қутб ст-ялари жойлашган. Аҳолиси балиқ ва денгиз ҳайвонларини овлаш, буғучилик, морж суягидан бадиий буюмлар ясаш б-н шуғулланади.

ЧУКОТКА МУХТОР ОКРУГИ — РФ даги мухтор округ. 1930. й. 10 дек. да ташкил этилган. РФ нинг чекка шим.-шарқида, Чукотка я.о. ва материкнинг бир қисми ҳамда ороллар (Врангель, Айон, Аракамчечен, Ратманов ва б.)да жойлашган. Шарқий Сибирь, Чукотка ва Беринг денгизлари б-н чегарадош. Округнинг кўпгина қисми Шим. Қутбий доирадан шим.да. Майд. 737,7 минг км^2. Аҳолиси 73,8 минг киши (2002), асосан, руслар (66%), шунингдек, украин; шим. халқларидан: чукча, эвен, эскимос, чуван, юкагир ва б. яшайди. Шаҳар аҳолиси 69,3%. 8 маъмурий туманга бўлинган, 3 шаҳар, 15 шаҳарча бор. Маркази — Анадирь ш. Бошқа шаҳарлари — Билибино, Певек. Ч.м.о. ҳудудида палеолит давридан одамлар яшаб келган. 17-а.да Чукоткани Россия эгаллаган. 19-а.нинг 20-й.ларидан америка саноатчи ва савдогарлари кела бошлаган.

Шарқий Сибирь ва Чукотка денгизларининг қирғоқлари кам ўйилган, йирик қўлтиғи — Чауна қўлтиқчаси. Беринг денгизида чуқур фьордлар ва йирик қўлтиқлар бор. Округ ҳудудини ўраб турган денгизлар йилнинг кўп қисмида муз б-н қопланиб ётади. Округнинг марказий қисмда Анадирь ясситоғлиги, жан.-шарқида Анадирь пасттекислиги, шим.-шарқда Чукотка тоғлиги (энг баланд жойи 1843 м) бор. Фойдали қазилмалардан қалай, симоб руда конлари, тошкўмир, қўнғир кўмир, газ ва б. топилган.

Иқлими қаттиқ совуқ. Ички р-ларда кескин континентал. Қиши 10 ойгача давом этади. Янв.нинг ўртача т-раси Беринг денгизи соҳилларида —15°, —21°, ички қисмларида —27°, —39°. Энг паст т-ра —38°, —55°. Қишда кучли шамоллар эсади. Ёзи қисқа, салқин ва серёғин. Июлнинг ўртача т-раси 5—10°. Анадирь пасттекислигида 13°—14°. Йилига 200—500 мм ёғин тушади. Вегетация даври округнинг жан. қис-

Врангель оролидаги тоғлар.

мида 80—100 кун. Кенг майдонлар кўп йиллик музлоқ ерлардан иборат. Дарёлари Шим. Муз океани ва Тинч океан ҳавзаларига мансуб. Энг йириклари: Анадирь, Великая, Амгуэма, Омолон, Катта ва Кичик Анюй. Кўл кўп. Округ ўрмонли тундра, тундра ва арктика чўллари зонасида жойлашган. Тупроқлари, асосан, тоғ-тундра тупроқлари, пасттекисликларда глейли, глейли-ботқоқ ва торф-глейли тупроқлар мавжуд. Тундра ўсимликлари ўсади. Тоғларнинг юқори ён бағирларида ва Врангель о.да арктика муз саҳролари бор. Анадирь ва б. йирик дарёлар ҳавзасида тўп-тўп ўрмонлар (тилоғоч, терак, корейс толи, қайин, қандағоч ва б.) учрайди. Ч.м.о.да қутб тулкиси, бўри, росомаха, бурундуқ, олмахон, лемминг, оқ қуён, қўнғир ва оқ айиқлар; қушлардан оқ ва тундра қури, ўрдак, ғоз, оққуш ва б. яшайди. Соҳилда «қушлар бозори»да кайра, гага, чағалайлар бор. Денгизларда балиқ (кета, горбуша, голец) ва денгиз ҳайвонлари (морж, нерпа ва б.) кўп. Дарё ва кўлларда чир, нельма, хариус мавжуд. Врангель ороли қўриқхонаси бор.

Округ иқтисодиётида кон саноати етакчи ўринда. Олтин, қалай, вольфрам, симоб, кўмир қазиб олинади. Иссиқлик электр марказлари бор. Балиқ, қурилиш материаллари саноатлари ривожланган. Балиқ, мўйнали ва денгиз ҳайвонлари овланади. Қ.х.да етакчи тармоқ — буғучилик. Сут чорвачилиги, чўчқачилик, паррандачилик, шунингдек, даррандачилик (оқ тулки, кумуш ранг-қора тулки кўпайтирилади) салмоқли ўрин эгаллайди. Иссиқхона хўжалиги ривожланган. Картошка, сабзавот етиштирилади.

Асосий транспорт турлари — денгиз ва ҳаво транспортлари. Портлари: Певек, Провидения, Анадирь, Эгвекинот, Беринг. Кема қатнайдиган дарёлари: Анадирь, Великая, Катта ва Кичик Анюй. Қаттиқ қопламали йўллар уз. 1279 км. (2002). Ч.м.о.да умумий таълим мактаблари, ўрта махсус билим юртлари, кутубхона, ўлкашунослик музейи, санаторий-курорт муассасаси ва б. бор.

ЧУКОТКА ЯРИМ ОРОЛИ — Осиёнинг шим.-шарқидаги ярим орол. РФ Магадан вилоятида. Майд. 49 минг км². Шим. Америка (Сьюард я.о.)дан Беринг бўғози орқали ажралган. Ярим оролда Россиянинг энг шарқий нуқтаси — Дежнев бурни жойлашган. Ч.я.о. Беринг денгизининг Анадирь бўғози ва *Чукотка денгизи* б-н ўралган. Қирғоқлари қўлтиқлар б-н кучли кесилган. Катта қисми Чукотка тоғликлари б-н банд. Унда қуплаб ботиқлар орқали бир-биридан ажралган гумбазсимон қирлар мавжуд. Ер юзасининг ўртача бал. 400—500 м, энг баланд ери жан.да (Исходная тоғи, 1158 м). Ч.я.о.нинг катта қисми тундра ўсимликлари б-н қопланган. Фойдали қазилмалари — олтин, қалай, вольфрам ва б.

ЧУКУРОВА, Киликия пасттекислиги — Туркиянинг жан. қисмидаги пасттекислик, Тавр тоғлари б-н Ўрта денгиз оралиғида. Уз. 150 км чамасида, кенглиги 70 км гача. Жайҳон ва Сайҳон дарёлари оқизиб келтирган аллювий жинслардан тузилган. Қоратепа миллий боғи ташкил этилган. Мамлакатнинг муҳим пахтачилик р-ни. Ч.да Адана, Жайҳон, Мерсин ш.лари жойлашган.

ЧУКЧА ТИЛИ, чукот тили — чукот-камчатка тиллари оиласининг чукот-коряк тармоғига мансуб тил. РФнинг Чукот ва Коряк мухтор округларида, шунингдек, Саха Республикасининг Қуйи Колима туманида тарқалган. Сўзлашувчиларининг умумий сони 15 минг кишидан ортиқ (ўтган асрнинг охирлари).

Ч.т.нинг 10 га яқин лаҳжаси бўлиб, уларнинг асосийлари 2 та: шарқий (уэлен) — адабий тилга асос бўлган; ғарбий (певек). Ч.т. фонетик тизимида 6 унли, 13 ундош мавжуд; унлиларда *сингармонизм*, *ассимиляция*, *диссимиляция* ҳодисалари кузатилади. Грамматик қурилиши жиҳатидан агглютинатив тилларга киради. Сўз ва шакл ясалиши суффикслар ва префикслар орқали амалга ошади. Морфологиясида сон категорияси (бирлик ва кўплик) мавжуд, олмошлар сони 6—8 тани ташкил этади. Синтаксисида қўшма гапларга нисбатан содда гаплар кўпроқ қўлланади. Лексикасида эскимос, юкагир тилларидан, шунингдек, рус тилидан (19-а. охири — 20-а.) ўзлашган сўзлар бор. 1931 й.да лотин графикаси асосида шаклланган ёзуви 1936 й.да рус графикасига кўчирилган.

ЧУКЧАЛАР (ўзларини луораветлан — «ҳақиқий инсон» деб аташади) — РФнинг Чукотка (тахм. 12 минг киши) ва Коряк (1,5 минг киши) мухтор округларида яшовчи халқ. РФда жами — 15,1 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Чукча (чукот) тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар, анъанавий эътиқодлар сақланган. Асосий машғулотлари — кўчманчи буғучилик, денгиз ҳайвонларини овлаш.

Чукчаларнинг анъанавий турар жойи.

ЧУЛИМ — Сибирь (РФ Красноярск ўлкаси ва Томск вилояти) даги дарё. *Обь* дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 1799 км, ҳавзасининг майд. 134 минг км². Кузнецк Олатовидан бошланувчи Белий ва Черний Июс дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Асосан, қордан тўйинади. Ўртача сув сарфи 785 м³/сек. Окт.—нояб.да музлаб, апр.— майда муздан бўшайди. Йирик ирмоқлари: ўнгдан: Кемчуг, Чичкаюл; чапдан — Кия, Серёж, Урюп, Яя, Еточ қўшилади. Қуйилиш жойидан 1173 км масофада кема қатнайди. Ч. бўйида Назарово, Ачинск, Асино ш.лари жойлашган.

ЧУЛИМ ТИЛИ, чулим татарлари тили, чулим-турк тили — *туркий тилларнинг* уйғур-ўғуз гуруҳига мансуб. РФда Обь дарёсининг ўнг ирмоғи бўлган Чулим соҳилларида яшовчи оз сонли (690 киши, 1996) чулим (кижилар) халқининг тили. Қуйи чулим ва ўрта чулим лаҳжаларига бўлинади. Ушбу лаҳжалар, асосан, фонетик, қисман грамматик ва лексик жиҳатдан ўзаро фарқланади. Ч.т. ўз ёзувига эга эмас, кундалик ҳаётда сўзлашув тили сифатида қўлланади, холос.

ЧУЛИМЛАР, чулим татарлари — Чулим дарёси (Обь дарёси ирмоғи)нинг ўрта ва қуйи оқими бўйларида яшовчи туркий гуруҳ. Ч. *Сибирь хонлиги* қулагач, Шарққа томон силжиган айрим туркий қавмлар, қисман телеутлар ва Енисей қирғизларининг селькуплар ва кетларнинг майда гуруҳлари б-н аралашуви натижасида 17—18-а.ларда шаклланган. Ч. ўтроқ ҳаёт тарзи кечириб, деҳқончилик ва чорвачилик б-н машғул бўлишган. Ч. аждодлари хакаслар ва руслар б-н аралашиб кетган.

ЧУЛИШМАН ЯССИТОҒЛИГИ — Шарқий Олтой (Олтой Республикаси) даги ясситоғлик. Жан.-ғарбида Чулишман дарёси водийси ва шим.-шарқда Шапшаль тизмасининг ғарбий ён бағри оралиғида. Ғарби (ўртача бал. 2000—2200 м) ва жан.да кристалли сланец ва гранитлардан ташкил топган тизмалар (энг баланд жойи 3148 м) қад кўтарган. Тизмалар ён бағирларида 2000 м баландликкача кедр-тилоғоч тайгаси мавжуд, ундан юқорида тошлоқ тундра учрайди.

ЧУЛОН, шулон (тугун оши) — ўтмишда қишлоқ жамоаларида ўтказилган халқ одати. Қишлоқ қарияларининг раҳбарлиги ва уларнинг маслаҳати асосида ўтказилган. Ч.да ўзига тўқ хонадонлардан ун, дон (буғдой, арпа, гуруч, жўхори, мош, тариқ), ёғ ва б. маҳсулотлар тўплаб пиширилган ва қийналиб қолган, камбағал, бева бечораларга текинга овқат тарқатилган.

ЧУМАКОВ Иван Давидович (1906.17.4, Қозоғистон, ҳоз. Жамбул вилояти — 1980.9.11, Тошкент) — геология-разведка техникаси соҳасидаги олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1966), техника фанлари д-ри (1963), проф. (1969). Ўрта Осиё ун-ти физика-математика ф-тининг геол. бўлимини тугатган (1930). Туркманистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда геол. бошқармаларида ишлаган. Ўрта Осиё Геол. ва минерал хом ашё и.т. институтида директор ўринбосари (1957—62), 1962 й.дан шу ин-тда разведка техникаси ишлари раҳбари. Асосий илмий йўналиши тоғли шароитларда конларни разведка қилиш техникаси ва технологияси бўлиб, уни ташкил этишнинг рационал усулларини ишлаб чиққан.

ЧУМИЗА, Хитой қўноғи (Setaria italica maxima) — бошоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик маданий ўсимлик; озуқабоп ва донли экин. Корея, Ҳиндистон, Монголия, Япония, Украина, Белоруссия, Грузия, Шим. Кавказ, Узоқ Шарқда етиштирилади. Ч. озиқ-овқат (ёрма ва ун) ва ем-хашак учун экилади. 100 кг кўк массасида 15,5 кг озуқа бирлиги ва 21,1 кг ҳазм бўладиган протеин; хашагида 55 кг озуқа бирлиги ва 3,4 кг ҳазм бўладиган протеин бор. Кўк массаси, пичани ва силоси қорамолларга, қўйларга, отларга, дони барча чорва ҳайвонларига берилади. Ч. қурғоқчиликка чидамли, иссиқсевар, ётиб қолмайдиган ўсимлик. Уруғи 5° да униб чиқади. Дони учун кенг қатор оралаб, қатор оралари 45—60 см (10—12 кг/га) қилиб, пичан учун қаторасига экилади. Ўсиш даври 70—80 кундан 120—140 кунгача давом этади. Гектаридан 250—300 ц гача кўкпоя, 40 ц гача дон, 50—70 ц пичан беради.

Чумиза бошоғи.

ЧУМОЛИ КИСЛОТА — бир асосли оддий карбон кислота, HCOOH; ўткир ҳидли рангсиз суюқлик; суюқланиш т-раси 8,4°, қайнаш т-раси 100,7°, зичлиги 1,2126 г/см³ (20°да). Сув, спирт ва эфир б-н яхши аралашади. Алифатик углеводородларда эримайди, бензол, толуол ва Cl_4 да эрийди, сув б-н азеотроп аралашма (қайнаш т-раси 107,3°; 77,5% Ч.к.) ҳосил қилади. Баданга тегса куйдиради. Ёғ кислоталарининг ичида энг ўткири. Қорақарағай баргида, баъзи меваларда, асаларилар ва чумолида бўлади (17-а.да дастлаб чумолидан топилганлигидан Ч.к. номи берилган). Ч.к. қиздирилганда CO_2 ва H_2 га ажралади. Бутаннинг суюқ фазада оксидланиши натижасида ва сирка кислота и.ч.да оралиқ маҳсулот сифатида ҳосил бўлади. Саноатда қаттиқ NaOH б-н CO ни бир-бирига таъсир эттириб ҳосил қилинган натрий формиат HCOONa ни сульфат кислота б-н парчалаб олинади. Тўқимачилик саноатида, тери ошлашда, катализатор тайёрлашда, мураккаб эфирлар синтезида, шарбатларни консервалаш ва б.да ишлатилади.

ЧУМОЛИЛАР (Formicidae) — пардақанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. 1- ва 2-қорин бўғимлари ингичкалашиб, кўкрак б-н қўшиладиган пояча ҳосил қилади. Боши катта, жағлари кучли ривожланган (кемирувчи оғиз органлари). Ч. жамоа (оила) бўлиб яшайди. Ч. оиласи бир неча минг, ҳатто миллионлаб индивидлардан таркиб топган. Оилада кўп минглаб ишчи Ч., қанотли ўғлаб эркаклари ва бир неча она чумоли бўлади. Эркак Ч. фақат кўпайиш даврида пайдо бўлиб, уруғланишдан сўнг ўлиб кетади. Ишчи Ч. жинсий органлари ривожланмаган урғочилардан иборат. Она Ч. учиш даврида пайдо бўлади; учишдан сўнг қанотини ташлаб, тухум қўя бошлайди, 20 й.гача яшайди. Ишчи Ч. оилани озиқ б-н таъминлайди, уяни қўриқлайди (навкарлар) ёки суюқ захира озиқни сақлайдиган асалли бочкачалар ҳосил қилади ва б. вазифаларни бажаради.

Ч. полиморфизмининг бошқарилиши урғочиларининг ҳар хил катталикда тухумлар қўйиши, личинкаларининг ривожланишига таъсир кўрсатиши, личинкаларни озиқлантирувчи бошчи Ч.нинг физиологик ҳолати ёки хатти-ҳаракати ва б. омиллар б-н боғлиқ. Ч.нинг яхлит оила сифатида ҳаёт кечиришида оиладаги индивидлар орасида озиқ моддалар ва секреция безлари суюқлиги б-н алмашиниб туриши (трофаллакс), тухум қўювчи урғочиси б-н ишчи Ч. ўртасида кимёвий сезги орқали боғланиш борлиги катта аҳамиятга эга. Оила ҳаётини бошқаришда, айниқса, феромонлар муҳим аҳамият касб этади. Айрим оилаларнинг ўзлари озиқланадиган жойлари бўлади. Бир қанча Ч. турлари бир неча оилани бирлаштирувчи колониялар ҳосил қилади; оилалар ўзаро индивидлар ва озиқ моддалар алмашиниб туришади; биргаликда ўзларига тегишли ҳудудни қўриқлашади. Ч. тупроқда, тошлар остида, чириётган дарахтлар танасига (ёғочхўр Ч.) уя қуради. Баъзан томи ер юзасига конус шаклида чиқиб турадиган қилиб, қуруқ шохлардан уя ясайди. Ч. тупроқда жуда мураккаб, кўп камерали ин қуради. Сариқ ўрмон Ч.нинг ини ер ости лабиринт ва ер усти гумбаздан иборат. Инининг ер ости қисмида 1—3 м чуқурликкача борадиган мураккаб тармоқланган йўлаклар бўлади; бу ерда улар қишлайди. Инининг ер усти қисмида эса қуртлари ривожланади. Бир қанча тропик Ч. баргларни тикиб уя ясайди. Тропик минтақаларда тарқалган дайди Ч. уяси бўлмайди. Ч. турли хил ҳашаротлар, ўсимликлар уруғи, шунингдек, гул нектари, ўсимлик ширалари ва кокцидлар ажратадиган шира б-н озиқланади. Кўпчилик турлари ўз уясида озиқ бўладиган ҳашаротлар ва замбуруғларни кўпайтиради. Айрим Ч.нинг ўз ишчилари бўлмайди. Улар бошқа оилага мансуб турдан ишчи Ч.ни ўғирлаб олиб келишади. Бир қанча турлари (мас., сариқ ўрмон чумолиси) зараркунанда ҳашаротларни қириб, катта фойда келтиради.

Ўрта Осиё фаунасида Ч.нинг 100 га яқин тури учрайди. Чўл зонасида тарқалган фаэтон чумоли майда зараркунанда ҳашаротлар, ёввойи ўсимликлар дони, нектар б-н, чўл ва даштларда тарқалган қир чумоли ўсимликлар дони б-н озиқланади; Боғ қора чумолиси шира битлари ажратадиган ширин суюқликни ялайди; уларни бошқа йиртқич ҳашаротлардан ҳимоя қилиши б-н қ.х.га зиён келтиради. Хонадонларда кўп учрайдиган сариқ фиръавн чумолиси ширинлик ва ёғли озиқ-овқат маҳсулотларини ейдиган зараркунанда ҳисобланади.

Ад.: Мавлонов О., Хуррамов Ш., Умуртқасизлар зоологияси, Т., 1998; Насекомые Узбекистана, Т., 1993.

ЧУМОЛИХЎРЛАР (Myrmecophagidae) — чала тишлилар туркумига мансуб сут эмизувчилар оиласи. 3 уруққа мансуб 3 тури бор: катта Ч. (гавдаси 100—120 см, думи 60—90 см, оғирлиги 18—23 кг), тамандуа (гавдаси 55 см ча, оғирлиги 3—5 кг), кичик Ч.

Катта чумолихўр

(гавдаси 18 см ча, думи 20 см ча, оғирлиги 0,5 кг ча). Катта Ч.нинг елкаси ва думидаги туклар жуда узун (40 см ча), тумшуғи найсимон, тишлари йўқ; олдинги оёқларидаги тирноғи мустаҳкам, илмоқсимон қайрилган. Тамандуа ва кичик Ч. думи туксиз. Ч. оқшомда ва тунда фаол. Асосан, чумоли ва термитлар уясини бузиб, уларни ёпишқоқ узун (60 см ча) тили б-н тутиб ейди. Йилда битта бола тугади. Ч. Мексикадан Боливиягача бўлган жойларда, Бразилия ва Шим. Аргентинанинг тропик ўрмонлари ҳамда бутазор даштларида тарқалган. Катта Ч. камайиб кетгани учун муҳофазага олинган.

ЧУМЧУҚКЎЗ (Veronica campylopoda) — сигирқуйруқдошлар оиласига мансуб бир йиллик майда, жингалак тукли ўсимлик. Бўйи 5—10 см, пояси тўғри ёки шохланган. Барглари оддий, чўзиқ наштарсимон, юқоридагиларининг четлари текис, пастдагиларининки сал ўйилган. Тўпгули шингилсимон. Гуллари қийшиқроқ, кўк, икки жинсли. Меваси туклар б-н қопланган, икки уяли кўсакча. Ч. мартда гуллайди, апрелдан мева тугади. Ч. Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида, Закавказье, Афғонистон, Ироқ ва Кичик Осиёда тарқалган. Ўзбекистоннинг чўлларида, тоғ этакларининг майин тупроқли, қумли ва майда тошли ён бағирларида ўсади. Бегона ўт сифатида турли экинлар орасида ҳам учрайди. Ч. баҳорда овқатга ишлатилади.

ЧУМЧУҚЛАР (Passer) — тўқимачилар оиласига мансуб қушлар уруғи. 17 тури бор. Ранги ҳар хил: қора, оқ, жигарранг ва сариқ туси кўпроқ. Наринининг томоғи қора. Ўтроқ, кўчиб юрувчи ва мавсумий қушлар. Дарахт, бино ва б. жойларга уя қуради. 3—6 та тухум қўяди. Тухумини 11—12 кун босади. Ўсимлик уруғлари ва мевалари б-н озиқланади; одатда, жўжаларини ҳашаротлар б-н боқади. Африка, Европа, Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда ҳинд чумчуғи, дала чумчуқ, қора томоқ чумчуқ, саксовул чумчуғи учрайди. Ч. — донли экинларнинг хавфли зараркунандалари. Ч.га қарши курашда кимёвий ва биологик усуллардан фойдаланилади.

Уй чумчуғи.

ЧУМЧУҚСИМОНЛАР (Passeriformes) — қушлар туркуми. 63 оиласи, 5100 га яқин тури маълум. Ўзбекистонда 209 тури учрайди. Ч. танасининг уз. 9,5 дан (королёк—читтакнинг бир тури) — 65 см гача (қузғун). Оғирлиги 3—4 г дан 1,1—1,6 кг гача. Ер юзида кенг тарқалган. 4 кенжа туркум: шохтумшуқли Ч., қичқирувчи Ч., сайроқи Ч. ва ярим сайроқи Ч.га бўлинади. Шохтумшуқли Ч. (14 тур) Африка ва Жан.-Шарқий Осиёда тарқалган. Қичқирувчи Ч. (1100 тур) Жан. Америка ва Шарқий ярим шарнинг тропик қисмида тарқалган. Сайроқи Ч. (қарийб 4000 тур) ер юзининг ҳамма жойида яшайди. Ярим сайроқи Ч. (4 тур) Австралияда учрайди. Кўпчилик Ч. дарахт ва бутасимон ўсимликларда, айримлари ҳавода, баъзилари ерда яшайди. Ўтроқ, кўчиб юриб ва мавсумий ҳаёт кечирувчи Ч. бор. Тропик ва субтропик мамлакатларда йилда икки марта 4—6 (баъзилари 16) та, Австралияда яшовчи айрим турлари 1 та тухум қўяди. Кўпчилик турлар 11—14 кун, баъзилари 19—20 кун, айримлари 45 кун тухум босади. Кўпчилиги жиш жўжа очади (қ. *Жиш жўжа очувчи қушлар*); боласи бир ёшда вояга етади. Нари ва модаси катталиги, ранги, сайроқилиги (нари сайрайди) б-н бир-биридан фарқ қилади. Ч.нинг ҳашаротхўрлари ва ўсимлик-хўрлари мавжуд. Баъзи турлари зараркунанда ҳашаротлар б-н озиқланиб, қ.х.га катта фойда келтиради. Ноёб турлари Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китоби рўйхатига киритилган.

ЧУМҚОР ТОҒИ — Жиззах вилоятининг жан.даги тоғ. *Туркистон тизмаси*нинг бевосита давоми. Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ва Тожикистоннинг Суғд вилояти ҳудудларида жойлашган. Тоғнинг сувайирғич қисмидан Ўзбекистон ва Тожикистоннинг давлат чегараси ўтган. Ч.т., асосан, кенглик бўйлаб чўзилган, фақат Қоштепа довонидан ғарбдаги қисми жан.-ғарбга йўналган. Ч.т. шарқда Гуралаш довонидан бошланиб, шим.-ғарбда Зарафшон дарёси яқинида (Ғубдинтоғда) тугайди. Умумий уз. 80 км дан зиёд. Кенглиги ўртача 16 км. Бал. 2000—3000 м. Энг баланд жойи 3405 м (Бозорхоним чўққиси). Ч.т. Латтабанд довонига етгач, икки тармоққа ажралган, жан. қисми — Қизилқанор тоғи (Тожикистон ҳудудида), шим. қисми — Латтабанд тоғи.

Ч.т. герцин бурмаланишида шаклланган антиклиналь. Асосан, палеозойнинг гилли сланецлари, қумтошлари, оҳактошларидан ташкил топган. Сувайирғич қисми ўткир, қояли. Жан. ён бағри нисбатан нишаброқ. Сангзор дарё-си ва унинг чап ирмоқлари б-н кесилган. Тоғнинг этакларида бўз, ён бағирларида тоғ-ўрмон жигарранг, қўнғир, тоғ ўтлоқ дашт тупроқлар тарқалган. Бўз тупроқларда ранг, ялтирбош, чалон, бутлоциқ, каррак, оқ комрак, тулхайри, бетага ва б. усади. Бутазорлардан дулана, писта учрайди. 1800—3000 м баландликлар ораси арчазор. Тоғ-ўрмон жигарранг, қўнғир тупроқлар тарқалган. Писта, арган, шра, бодом бутали ўтлар ҳам усади. 3000 м дан юқорида субальп ўтлоқлари (қўнғирбош, ранг, таран, анжабор, тактак) бошланади. Тоғ этагида лалмикор деҳқончилик, мевачилик, сабзавотчилик ривожланган. Чорвачилик б-н ҳам шуғулланилади.

Мурод Маматқулов.

ЧУНЦИН, Юнчуан, Басянь — Хитойнинг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Цзялинцзян дарёсининг Янцзи дарёсига қуйилиш ерида. Сичуань провинциясида. Аҳолиси 3,2 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари чорраҳаси. Аэропорт бор, дарё порти. Мамлакатнинг йирик савдо ва саноат марказларидан. Қора металлургия, саноат жиҳозлари, приборсозлик, кимё, резина, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ун-т ва б. олий ўқув юртлари, 2 иссиқлик электр ст-яси, ГЭС каскади бор. Шаҳарга 3 минг йил аввал асос солинган. 1937—46 й.ларда Хитойнинг вақтинчалик пойтахти бўлган. Ч. яқинидан тошкўмир қазиб олинади.

ЧУРРА — ички аъзолар ёки улар бир қисмининг табиий ёки янги пайдо бўлган тешиклан Ч. дарвозаси орқали бирор бўшлиққа ички қорин пардаси б-н чиқиши, бунда бўшлиқ ичини қоплаб турган парда ва терининг бутунлигига путур етмайди. Мия, кўкрак, қорин чурралари, Шморл чурраси (умуртқалараро диск чурраси) ва б. Ч.лар фарқланади. Қорин чуррасига кирадиган чов, сон, киндик, қориннинг олдинги девори чурраси, човёрғоқ чурраси (*дабба*), операциядан кейин пайдо бўладиган Ч. кўп учрайди. Ч. туғма ва орттирилган, жойига қайтиб кирадиган ва кирмайдиган, сиқилган ва сиқилмаган бўлади. Ташқи (ички аъзолар уларни қоплаб турган қорин парда б-н тери остига чиқиши) ва ички (Ч. ҳосиласини қорин пардаси ва ичак тутқич ҳосил қилувчи, чўнтакларда бўртиб чиқиши) Ч.лар бор. Ҳар бир Ч.да: ички аъзоларнинг бўшлиқдан чиқадиган жойи — Ч. дарвозаси; қорин пардасининг бевосита Ч. дарвозасидан чиқадиган қисми — Ч. халтачаси; Ч. халтачасидаги аъзолар — аксари ингичка ичак, чарви, баъзан бачадон найи, тухумдон, йўғон ичак, талоқ ва б. бўлиши мумкин.

Қорин Ч.си кўпроқ кузатилади, бунда соннинг юқори қисмида кўпинча оғир меҳнатдан кейин, кучанганда шиш, баъзан шу соҳада кучсиз оғриқ пайдо бўлиб, кўпинча бу аломатлар беморни тинч ҳолатида ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Узоқ вақт Ч. б-н оғриган беморларда шиш доимий бўлиши мумкин. Ч. умуртқалараро дисклан чиқадиган бўлса, бел ва оёқларга оғриқ беради, ҳаракат чекланади.

Ч.нинг сабаблари маҳаллий ва умумий бўлади. Буларга Ч. халтачаси бўртиб чиқадиган тана қисмларининг тузилиш хусусиятлари (маҳаллий), оғир юк кўтариш, қабзиятда доимо кучаниш (умумий) ва ҳ.к. киради. Ҳомиладорликда қориннинг ички босими ошади, деворлари эса бўшашиб юпқалашади, натижада Ч. хавфи кучаяди. Бўшлиқ деворининг айрим шикастларидан сўнг «бўшашган (заиф) жойлар» ҳосил бўлиб қолиши мумкин. Она қорнидаги ривожланиш нуқсонлари, мас., киндик ҳалқасининг ўсмай қолиши оқибатида келиб чиқадиган туғма Ч. ҳам бўлади.

Ч. белгилари: одатда Ч. пайдо бўладиган соҳа бўртиб (шишиб) чиқади, пайпаслаб кўрилганда Ч. дарвозаси сезилади ва ҳ.к. Асорат бермаган Ч.да бемор оғриқ, ноқулайлик сезади, баъзан сийдик ажралиши бузилади. Катта Ч.да оғриқ пайдо бўлиб, одамнинг иш қобилияти пасаяди.

Яллиғланиш ва қисилиш Ч.нинг энг кўп учрайдиган асоратидир. Ч. халтачаси ва ичидаги аъзонинг шикастланиши оқибатида яллиғланиш рўй беради, бунда Ч. халтачаси ичидаги аъзо б-н унинг деворлари ўртасида битишмалар ҳосил бўлиб, тўғриланмайдиган Ч. юзага келади.

Ч. қисилганда қисилган аъзода қон айланиши бузилиб, у жонсизланади. Қисилиш ўз вақтида бартараф этилмаса, ичак ёрилиши (*перитонит*) пайдо бўлиши мумкин. Ичаклар босилганда *ичак тутилиши* рўй беради.

Ҳар қандай Ч.ни ўз вақтида операция қилинмаса асорати ёмон бўлади. Ч. қисилганда зудлик б-н тез ёрдам чақириш керак.

Ч. ҳатто безовта қилмаганда ҳам операция қилиш лозим. Беморнинг соғлиғи операцияга имкон бермаганда бандаж тақиб юриш тавсия этилади.

Болаларда кўпинча туғма Ч. бўлади. Уларда асосан киндик ва чов Ч.лари кўп учрайди. Киндик Ч.си камдан-кам қисилади ва гўдак ҳаётининг дастлабки йилларида ўз-ўзидан тузалиб кетади, чунки бола ўсган ва мускуллари ривожланган сари киндик ҳалқаси ўзича бекилиб қолиши мумкин. Гўдак болаларда киндик Ч.сини киндикка мунтазам ёпишқоқ пластир ёпиштириб даволанади. Пластирни 7—14 кунда алмаштириб туриш лозим.

Олдини олиш: қорин девори мускулларини мустаҳкамлайдиган махсус машқлар б-н мунтазам шуғулланиш (врач тавсияси б-н), организмни чиниқтириш, жисмоний иш б-н дам олишни тўғри ташкил қилиш керак. Ҳомиладорликда бандаж тақиш, бола тарбия б-н шуғулланиш, туғруқдан сўнг қоринни массаж қилиш ва бирдан семириб ёки озиқлаб кетишдан сақланиш лозим. Болаларда Ч.нинг олдини олиш учун уларни рационал овқатлантириш, қабзиятга йўл қўймаслик гоятда муҳим. Гўдак боларини суткасига 3—4 марта 1—3 мин. дан қорни б-н ётқизиш тавсия этилади. Бу орқа ва қорин мускулларини яхши мустаҳкамлайди.

ЧУРРАК (Anas crecca) — *ўрдаклар* оиласига мансуб парранда. Оғирлиги 200—450 г. Оёқ кафти узун, бироқ бармоқлари қисқа. Нарининг устки пати қўнғир кулранг, қорни оқ, баъзан саргиш. Кўкрагида қора думалоқ доғи бор. Боши ва бўйни малла-қизғиш, ёнидан қорайашил йўл ўтган. Модаси қўнғир, малла ёки кулранг холли. Ёзги туллашдан сўнг нарининг туси модасига ўхшаш бўлиб қолади. Ч.Ғарбий Европа, Россия, Эрон, Шим.-Ғарбий Монголия, Қозоғистон, Ўрта Осиёда тарқалган. Сув ҳавзалари қирғоқларига уя қуради; 8—11 та тухум қўяди. Тухумларини модаси босади. Сувда яшовчи умуртқасиз ҳайвонлар, ўсимликлар уруғи, куртаги ва б. қисмлар б-н озиқланади. Гўшти мазали. Катта овчилик аҳамиятига эга.

Катта чуррак.

ЧУСОВАЯ — РФдаги (Челябинск, Свердловск ва Пермь вилоятлари) дарё. Кама дарёсининг чап ирмоғи (Ўрта Уралдан бошланиб Кама сув омборига қуйилади). Уз. 592 км, ҳавзасининг майд. 23 минг км². Юқори оқимида водийси кенг; ўрта оқимида тор каньонлардан, қуйи оқимида текисликдан ўтади. Кама ГЭС қурилиши муносабати б-н қуйи қисмини сув босган. Ирмоқлари: ўнгдан — Межевая Утка, Койва, Усьва ва чапдан — Ревда, Лисьва. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 222 м³/сек. Нояб. да музлаб, апр.да муздан бўшайди. Ёғоч оқизилади, кема қатнайди. Ч. бўйида Первоуральск, Чусовой ш.лари қурилган.

ЧУСОВИТИНА Оксана Александровна (1975.19.6, Бухоро) — гимнастикачи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (1992), олимпиада ўйинлари чемпиони (1992, Барселона). Ч. Ўзбекистонда ва Жаҳонда хизмат кўрсатган мураббий Светлана Кузнецова раҳбарлигида 7 ёшидан спорт гимнастикаси б-н шуғулланади. У Тошкентдаги Республика олимпия ўринбосарлари билим юртини (1994) ва Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини (2000) тугатган. 1989 й.дан Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида гимнастика бўйича спорт йўриқчиси. Ч. Осиё чемпиони (1996, Чанжоу), 2 карра Осиё ўйинлари ғолиби (2002, Пусан), 3 карра жаҳон чемпиони (1991, Индианаполис — 2 карра; 2003, Анахайм), жаҳон кубоги ғолиби (2002, Штутгарт), 2 карра Яхши ният ўйинлари ғолиби (1990, Сиэтл), кўплаб нуфузли мусобақаларда совриндор бўлган. У 4 та олимпиада ўйинлари (1992, 1996, 2000, 2004) да қатнашган дунёдаги ягона гимнастикачи. Ч. «Йилнинг энг яхши спортчиси» (2003) деб топилган.

«Дўстлик» (1996) ва «Меҳнат шуҳрати» (2000) орденлари б-н мукофотланган.

ЧУСТ — Наманган вилояти *Чуст тумани*даги шаҳар, туман маркази. Фарғона водийсининг шим. чеккасида, тоғ этагидаги текисликда, Чуст сойи соҳилида, *Наманган*дан 36 км ғарбда, Чуст т.й. станциясидан 13 км шим.да 1000—1200 м баландликда жойлашган. Аҳолиси 63,8 киши (2004). Ч. Фарғона водийсининг қад. шаҳарларидан биридир. Ч.нинг шим. чеккасидаги Буонамозор (Бибинамозор) манзилгоҳи ҳудудидан *Чуст маданияти*-

Чуст шаҳри. Санъат саройи.

Чуст шаҳридаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи.

га оид материаллар топилган. Ч.нинг ёши тўғрисида бир қанча тахминлар мавжуд. Бибиона манзилгоҳида 1953, 1957, 1959, 1961 йилларда олиб борилган археологик қазилма ишлари натижасида бу ердаги маданият сўнгги жез ва илк темир даврига мансублиги маълум бўлди. Ўрта асрларда шаҳар ҳарбий қалъа сифатида ривожланди. Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо 1480 йда Ч.ни ўз қароргоҳига айлантирган. 16-а. бошида Ч. бир неча кўргондан иборат бўлиб, улар умумий девор б-н ўралган. 1882 йда қалъа деворлари бузиб ташланди. Шаҳар кенгайиб, 1886 йдан Ч. Чуст уезди маркази бўлган. Ч.га оид дастлабки илмий маълумотлар шарқшунос олим акад. *А.Ф. Миддендорфнинг* «Фарғона водийси очерклари» да (Санкт-Петербург, 1882) учрайди.

Шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида тарихчи, тилшунос ва топонимист олимларнинг бир қанча тахминлари мавжуд. Тарихий манбалардан шаҳар қад. дан Чуст ва Тус номлари б-н маълум бўлганлиги аниқланган. Маҳаллий тилшунос олимларнинг фикрича чуст сўзи форсчада «тез», «тезкор» маъносини билдиради. Ч. қадимдан Фарғона водийсининг ҳунармандчилик марказларидан биридир. Чустлик темирчилар, тўқувчилар, сопол буюм усталари, заргарларнинг маҳорати шуҳрат қозонди, чуст пичоқлари ва дўппиларининг довги кенг тарқалди. 1912 йда 6 пахта тозалаш, чарм з-длари фаолият кўрсатган. 1926 йдан Ч. янги ташкил қилинган Чуст туманининг маркази бўлди. Ч.да «Барион», «Пахта толаси», «Чустмаш» ва б. акциядорлик жамиятлари, «Сувмаш», нон з-длари ва савдо корхоналари, босмахона, кўзи ожизлар корхонаси, кичик корхона, микрофирмалар, қурилиш, транспорт корхоналари ва б. фаолият кўрсатади.

Умумий таълим мактаблари, шу жумладан, гимназия-интернат мактаби, санаторий-интернат мактаби, иқтидорли болалар интернат мактаби, 2 болалар ва мусиқа санъат мактаблари, 6 касб ҳунар коллежи, 3 болалар ва ёшлар спорт мактаби, стадион, теннис корти, сувни ҳавзаси, кутубхоналар ва клублар, музей, маданият ва истироҳат боғи, тугруқхона, марказий туман касалхонаси ва унинг бўлимлари ишлаб турибди.

Ч. орқали Фарғона ҳалқа автомобиль йўли ўтади ва шаҳарни Наманган, Андижон, Поп, Фарғона, Қосонсой, Ғова, Варзиқ, Олмос, Ахча ва б. аҳоли пунктлари б-н боғлайди.

Мурватилло Ҳамдамов.

ЧУСТ МАДАНИЯТИ — Фарғона водийсидаги кўҳна деҳқончилик маданияти (мил. ав. 2-минг йиллик охири чораги — 1-минг йиллик бошлари). Деҳқонлар сув бўйидаги унумдор ерларни ўзлаштирилишига қараб алоҳида воҳа ёки гуруҳ тарзида жойлашганлар. Ч.м. ёдгорликлари, асосан, Фарғона водийсининг шим.-шарқий туманларида учрайди, уларнинг сони ҳоз. 80 дан ортиқ. Бу маданиятга тааллуқли 1-ёдгорлик 1950 й. тошкентлик археологлар М.Э.Воронец ва В.И.Сарианиевскийлар томонидан ҳоз. Чуст ш. яқинидан топилган. Маданият номи шундан (маҳаллий аҳоли Буонамозор деб атайди). 1953—61 йларда В. И. Сарианиевский Ч.м.да мунтазам археологик текширув ишлари олиб борган. Ч.м.ни кейинги ўрганилишида Санкт-Петербурглик олим Ю.А.Заднепровскийнинг хизматлари катта бўлган. Ч.м.нинг айрим ёдгорликларида (Далварзин, Чуст) мулофла иншоотлари ўрганилган. Андижон вилояти, Жалақудуқ туманидаги Далварзин водийсидаги илк шаҳар ва унга хос марказ бўлгани (мил. ав. 12—7-а.лар) археологик жиҳатдан исбот этилган.

Ҳоз. кунда Ч.м.да 3 хил турдаги иншоотлар қайд этилган: 1) чанғиллиқ ўхшаш енгил уйлар, 2) ерўгдалар, 3) пишиқ-пахсадан қилинган уйлар. Ч.м. сополлари, асосан, илк сутлома деҳқончилик (арпа, буғдой, тариқ), чорвачилик, металл (жез)га ишлов бериш, кулолчилик, тўқимачилик б-н шуғулланганлар; овчилик, балиқ овлаш ҳам ҳўжаликда муҳим роль ўйнаган. Буни археологик ёдгорликларни қайси пайтда топилган жез пичоқлар, бигизлар, металлга ишлов беришда ишлатилган тош қолиплар, тўқимачиликда қўлланилган сумқли ялтироқ тароқсимон асбоблар ҳамда минтақа сопол идишлар гувоҳлик бермоқда. Уй-рўзғор буюмлари ичида, айниқса, пақпиндор сопол идишлар жарлиб турали. Пақпилар, асосан, геометрик шаклда қора, жигарранг бўёқ б-н идиш сиртига берилган. Айрим ҳолларда ҳайвон тасвирлари (ечки) ҳам учрайди. Ч.м. аҳолиси марҳумларни уйлари яшаб турган жойга (уй ичига ва остоналарга) дафн этишган. Алоҳида ажратилган қабристонлар бўлмаган. Марҳумларни якка ва кўпчилик қилиб тузанак ҳолда ён томон б-н кўмганлар. Фақат Далварзинтепада олам суяги ва калласи алоҳида, пиқиламчи бор кўмилгани қайд этилган. Булардан ташқари, уй ҳайвонлари ҳам баъзида одам суяклари б-н бирга кўмилган. Ҳозирда Ч.м.нинг ўзига хос маҳаллий хусусиятлари ва қўшни ҳудуллар [Тошкент воҳасидаги Бурғулуқ (Бўрғанли)] маданияти, Жан. Ўзбекистоннинг Кучуктепа маданияти б-н алоқалари (Б.Х.Матбобоев) ўрганилмоқда.

Чуст маданиятига оид сопол идишлар

Ад.: Матбобоев Б.Х., Локальные варианты Чустской культуры Ферганы, Л., 1985; Вайнберг Б.И., Ставиский Б.Я., История и культура Средней Азии в древности, М., 1994.

Боқижон Матбобоев.

ЧУСТ ТУМАНИ — Наманган вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Шарқдан Тўрақўрғон, шим.-шарқдан Косонсой, жан. ва ғарбдан Поп, жан.-шарқдан Мингбулоқ туманлари, шим.дан Қирғизистон Республикаси б-н чегарадош. Майд. 0,92 минг км². Аҳолиси 198,9 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳар (Чуст), 11 қишлоқ фуқаролар йиғини (Ахча, Боймоқ, Варзиқ, Каркидон, Карнон, Олмос, Отасарой, Шоён, Шуркент, Ғова, Ҳисорак) бор. Маркази — *Чуст ш.*

Варзиқ, Каркидон, Карнон, Олмос, Отасарой, Шоён, Шуркент, Ғова, Ҳисорак) бор. Маркази — *Чуст ш.*

Табиати. Туман ҳудуди Чатқол тоғларининг этакларидаги паст-баланд текисликларда жойлашган. Кўп қисми адир. Бал. 1000—1200 м. Тоғлардан оқиб тушадиган сойлар (Ғовасой, Олмассой, Шағаксой, Ревексой, Каркидонсой ва б.) жарликлар ҳосил қилган. Жан. қисми Сирдарёга туташ бўлиб, текисликлари иборат. 1947 йда ишга туширилган Чуст канали Қосонсой сув омбори сувини 58 км масофага — Олмос қишлоғигача олиб боради. 1973 йда сув тақсимлайдиган Ғовасой гидроузели қурилди. Кўксарайсой сув омбори ва Чуст насос ст-яси бор. Иқлими континентал. Йиллик ўртача т-ра 11°. Янв. нинг ўртача т-раси —1,3°, энг паст т-ра —26°. Июлнинг ўртача т-раси 25,8°, энг юқори т-ра 40°. Йилига 305 мм ёғин тушади. Вегетация даври 190 кун. Тупроқлари текисликларда бўз тупроқ, адирлар қум, тош, лёсс, мергель б-н қопланган. Ёввойи ўсимликлардан шувоқ, янтоқ, дўлана, қизилмия, оқмия, ёввойи пиёз, лола ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, қуён, сутар, қобон учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 216,2 киши. Қишлоқ аҳолиси 135,1 минг киши, шаҳар аҳолиси 63,8 минг киши.

Хўжалиги. Туманда «Чустмаш», «Пахта толаси», «Барион» акциядорлик жамиятлари, миллий пичоқлар ясаш, «Сувмаш» корхоналари, қ.х. машиналари учун эҳтиёт қисмлар и.ч., асфальт з-длари (Олмос қишлоғи), бадиий буюмлар, қандолат, тикувчилик, атлас корхоналари, нон, сут з-длари, савдо корхоналари бор. Чуст пичоқлари жаҳон кўргазмаларида иштирок этган. Чуст дўппилари 1968 йда Нью-Дехли, 1969 йда Монреаль, 1970 йда Токио ва Познань шаҳарларидаги жаҳон кўргазмаларида юқори баҳоланди.

Туман қ.х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Чорвачилик, боғдорчилик, токчилик ҳам ривожланган. Туманда 16 ширкат, 945 фермер, 68 деҳқон хўжалиги бор. Экин майдонларининг 9,7 минг гектарига пахта, 12,3 минг га ерга ғалла, 55 га ерга картошка, 128 га ерга сабзавот, 28 га ерга полиз экинлари экилади. 4,3 минг га мевазор, 1,5 минг га токзор, 798 га тутзор. 13 га мевали кўчатзор б-н банд. Ч.т. жамоа ва шахсий хўжаликларида 43,4 минг қорамол (шу жумладан, 20,5 минг сигир), 89,9 минг қўй ва эчки, шунингдек, паррандалар ҳам боқилади (2003).

Туманда 69 умумий таълим мактаби, 2 иқтидорли болалар интернати, 2 гимназия-интернат, санаторий-интернат мактаблари, санъат, мусиқа мактаблари, 6 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. 47 кутубхона (306 минг нусха китоб), 14 клуб муассасаси, 2 музей, санъат саройи, 6 маданият ва истироҳат боғи бор. 3 болалар ва ёшлар спорт мактаби, 6 стадион, 2 сув ҳавзаси, 40 спорт зали, 36 отиш тири, 4 теннис корти, 11 футбол майдони бор. 38 касалхона (1096 ўрин), тугруқхона, поликлиника, дорихона, қишлоқ врачлик пункти, 3 фельдшер-акушерлик пункти, 3 қишлоқ даволаш амбулаторияси ва б. тиббий муассасаларда 408 врач ва 2031 ўрта тиббий ходим ишлайди. Санаторий, дам олиш уйлари ишлаб турибди. Туман ҳудуди орқали Фарғона ҳалқа автомобиль йўли ўтади. Чустдан Наманганга автобус қатнайди. 1960 йдан «Чуст ҳақиқати» туман газ. чиқади (адади 6,5 минг).

ЧУСТИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Хўжаев Набихон) (1904.20.2 — Чуст ш. — 1983.13.8) — шоир, таржимон. Чуст ва Қўқондаги эски мактаб ва мадрасаларда таълим олган. Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейини ўтказишга тайёргарлик муносабати б-н Тошкентга чақирилган. Ч. Мукимий театрида адабий эмакдош (1939—41) ва директор (1941—42). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт фондида директор (1942—44). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим (1959—68). Ч. асосан мумтоз шеърият йўлида ижод қилиб, ғазал, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, рубоий, туюқ, маснавийлар ёзган. Шоирнинг бу ижод намуналари унинг «Гул мавсуми» (1969), «Ғазаллар» (1977) тўпламлари ва «Ҳаётнома» (1988), «Садоқат гуллари» (1992), «Кўнгил тилаги» (1994), «Кўргунча хайр энди» (2004) девонларида нашр этилган. Турли йилларда яратилган «Тирик жаннатга кирган кампир», «Кийикнома», «Боғи Эрам» достонлари ҳам бор. Ч. айниқса 2-жаҳон уруши йилларида фаол ижод қилган. Ватанпарварлик ва қаҳрамонлик мавзуларидаги «Шамшир», «Лолазор», «Ҳаёт завқи», «Кўзгол», «Жасур оила» шеърий тўпламлари, «Зафарнома» достони, «Даврон ота» (К. Яшин ва С. Абдулла б-н ҳамкорликда), «Ўзбекистон қиличи», «Қурбон Умаров», «Кўчқор Турдиев» (С. Абдулла б-н ҳамкорликда), «Қасос» (А. Умарий ва Туйғун б-н ҳамкорликда) саҳна асарларини яратган.

Чуст шаҳри. Педагогика касб ҳунар коллежи.

Чуст тумани. «Ёш келинлар» кўрик танлови.

Ч.нинг ишқий ва ахлоқий мавзудаги кўплаб ғазал, мухаммас, мураббаълари қўшиқларга айланиб, таниқли ҳофизлар томонидан куйлаб келинади. Ч. ўзбек мумтоз шеъриятининг улкан намояндалари Навоий, Фузулий, Нодира, Фурқат ва б.нинг анъаналарини давом эттириш б-н бирга уларнинг энг яхши ғазалларига тахмислар боғлаган. Шунингдек, у мумтоз ва замонавий форс адабиётининг машҳур вакиллари Саъдий, Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий, Собир Термизий, Мирзода Ишқий, Жаъфар Ифтихор, Парвин Эътисомий ва б.нинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. 4-ж.ли «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»ни (1—2-ж., Т., 1983) тузишда фаол иштирок этган.

Тошкент, Чуст, Қўқон, Наманган шаҳарларидаги кўча, мактаб, кутубхона, кинотеатр ва жамоа хўжаликлари Ч. номи б-н аталади. 2004 й. июнь ойида Ч. таваллудининг 100 йиллиги нишонланди.

Ас.: Гул мавсуми, Т., 1969; Ҳаётнома, Т., 1988; Салоқат гуллари, Т., 1992; Кўнгил тилаги, Т., 1994; Кўргунча хайр энди, Т., 2004.

Ад.: Ёд этингиз камтарин Чустийни ҳам, Наманган, 1994; Қалблардасиз мавлоно Чустий, Наманган, 2004.

ЧУСТ-ПОП АДИРЛАРИ — Фарғона водийсидаги адирлар. Фарғона ботиғининг шим.да. Ғарбда Хонобод қишлоғидан бошланиб шарқда Чуст ш. яқинида тугайди. Шим.да Олмос-Варзик адирорти ботиғи, жан.да Чодаксой, Ғовасой, Чустсой ва б. ёйилма конусларининг қўшилишидан ҳосил бўлган Сирдарёга нишаб текисликлар ва Сирдарё террасаси б-н чегараланган. Адирлар ғарбдан шарққа 38 км га чўзилган. Эни 4—5 км. Баландлиги ғарбий қисмда 939 м гача, шарқида 855 м гача. Қурама ва Чатқол тизмаларидан бошланувчи дарёлар (Олмос, Моргузар, Тузли, Мурилди, Жида) адирларни кесиб ўтган. Антиклиналь тузилишга эга, неоген-қуйи тўртламчи даврларининг гил, алевролит, конгломерат, лёссларидан ташкил топган. Қиши мўътадил, ёзи иссиқ, ёғингарчилик кам. Бўз тупроқлар тарқалган, асосан, эфемер ва эфемероидлар ўсади. Анча қисми сув чиқарилиб ўзлаштирилган.

ЧУФА — бардидошлар (бардигуллилар оиласи)га мансуб ўсимлик (қ. *Ербодом*).

ЧУФУТ ҚАЛЪА — Қримдаги ўрта аср шаҳар харобаси (асосан, 5—6-а.лар). *Боқчасарой* яқинида жойлашган. Мудофаа деворлари, дарвозалар, турар жой ва хўжалик иншоотлари (ер устидаги ва ғорлардаги), масжид, мақбара (1437), қараим кенасалари (ибодатхоналари) харобалари топилган. Шаҳарнинг шарқий қисмида, 15-а. девори ортида зарбхона, кўплаб турар жойлар жойлашган. Боқчасаройнинг юксалиши б-н (асосан, 16-а. бошида) таназзулга учраган ва 19-а. ўрталарига келиб ташландиқ ҳолга келган.



Чуфут қалъа: Мудофаа девори харобаси (тахминан 10-аср).

ЧУЧМОМАДОШЛАР (Amarillidaceae) — пиёзбошли ва илдизпояли, ҳашаротлар ёрдамида чангланувчи кўп йиллик ўтлардан иборат туркумларни ўз ичига олган оила. Гуллари икки жинсли, тўғри ёки сал қийшиқ. Гулкўрғони икки доира ҳосил қилиб ўрнашган. Меваси кўсакча. Оиланинг, асосан, тропик ва субтропик ўлкаларда тарқалган 90 туркуми (1000 тури) мавжуд. Шундан Ўзбекистонда 4 туркуми (8 тури) ўсади. Ч.нинг барча вакиллари манзарали (истироҳат боғлари, хонадонлар ва оранжереяларда ўстирилади). Доривор турлари (мас., омонқора) ҳам бор.

ЧУЮТ, чуит, чийит, чилчуит — ўзбек уруғларидан бири. Қашқадарёда, кенагаслар таркибида яшаган. 1924 й.ги маълумотга кўра, Ч.ларнинг сони 45 минг киши бўлган. Ч.ларнинг кенагаслар таркибидаги кичик гуруҳлари Зарафшон (Кармана) ва Фарғона водийларида ҳам тирикчилик қилишган. Ч.лар уйшун қабиласи таркибига ҳам кирган. Чуют, чуит, чил-чуит номлари Ч.ларнинг мазкур ҳудудларда яшаб, маҳаллий аҳоли б-н қўшилиб кетганлигини кўрсатади.

ЧУҚУР БОСМА (матбаада) — босма қолипнинг ҳарф босиш элементлари асосий сиртдан чуқурроқ жойлашганлиги б-н *текис босма* ва *юқори босма* усулларидан фарқ қиладиган босма тури. Ҳарф босиш элементлари қанча чуқур жойлашган бўлса, нусха олишда қолипдан қоғозга шунча кўп бўёқ ўтади. Ч.б. усулида босилган нашрларда рангли яримтонлар сифатли чиқади. Ч.б.да дастурли ростлаш қурилмасидан фойдаланилади. Одатда, Ч. б. рангли расмлари кўп журналлар, фотоальбомлар, портретлар, китобларнинг рангли варақлари ва б.ни босиш учун ишлатилади.



Чуқур босма: *1* — босма қолип; *2* — бўёқ қуйилган қолип; *3* — босиш; *4* — бўёқ (ҳарфлар) ўтган қоғоз.

ЧУҚУРЛИК ЎЛЧАГИЧ — 1) деталлардаги тешиклар, ўйиқлар, резьбаларнинг ботиқлари ва б. чуқурлигини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. Чуқурликнинг ўлчами аниқланадиган ҳисоблаш қурилмасининг хилига қараб, Ч. ў. штанген, микрометрик ва индикаторли турларга бўлинади. Штанген Ч.ў. асосли рамка, штанга, микрометрик механизм ва нониус (даражаланган рейка) дан иборат. Унинг ўлчаш чегараси 320 мм гача, бўлинмасининг қиймати 0,05 мм ҳамда ўлчаш чегараси 500 мм гача, бўлинмасининг қиймати 0,1 мм бўлган хиллари бор (қ. *Штангенциркуль*). Микрометрик Ч.ў. асос, даражаланган стержень, ўлчаш стержени, барабан, тартарак ва стопор (қотиргич)дан иборат. Унинг ўлчаш чегараси 150 мм гача, бўлинмасининг қиймати 0,01 мм. (қ. *Микрометр*). Индикаторли Ч.ў. асос, тутқич, *индикатор* ва ўлчаш стерженидан иборат. Унинг ўлчаш чегараси 100 мм гача, бўлинмасининг қиймати 0,01 мм. Микрометрик ва индикаторли Ч.ў.лар алмаштириб турса бўладиган ўлчаш стержени б-н таъминланади. Кўрсаткичлар бевосита микрометр ёки индикатор бўйича ҳисобланади. Штанген Ч.ў.ларда кўрсаткичлар бевосита даражаларга бўлинган рейкадан ўлчанади; 2) сувнинг чуқурлиги ўлчанадиган асбоб (қ. *Лот*, *Эхолот*).



Индикаторли чуқурлик ўлчагич: *1* — асос; *2* — тутқич; *3* — индикатор; *4* — винт; *5* — алмаштириладиган ўлчаш асбоби; *6* — циферблат.

ЧУҚУРЛИКДАГИ ЁРИҚЛАР, ўта чуқур ёриқлар — Ер пўстининг мантиягача бўлган қисмидаги чўкинди ва магматик тоғ жинсларининг геологик ташкил топиш даврларида тектоник ҳаракатлар туфайли яхлитлигининг бузилиши (деформацияланиши, дарз кетиши, синиши ва майдаланиши) натижасида ҳосил бўлган зоналар. Узунлиги юзлаб км, чуқ. 70—80 км ва энг бир неча юз м дан 10 км га чўзилган бўлиб, баъзи жойларда улар Ер мантиясигача кириб боради. Бу зоналар йирик геологик структуралар (тоғ тизмалари, чўкма, водий ва текисликларни бир-биридан ажратади ва турли шаклларда намоён бўлиб, чегара вазифасини ўтайди. Дастлабки Ч.ё. протерозой бошларида (600 млн. йилча аввал) пайдо бўлган. Ч.ё. таълимотига асос солган рус олими А.В.Пейве 1945 й.да «Ч.ё.» терминига кенг таъриф берган. Ч.ё. ҳақидаги таълимот геотектониканинг мустақил бўлимига айланди. Ч.ё. Ер пўсти ва юқори мантиянинг ўта ўтказувчан зоналари бўлиб хизмат қилади, бу зоналарда магматик ўчоқлар вужудга келади ва магматик фаолият тўпланади. Ч.ё.да вулкан минтақалари, ультра асосли магма минтақалари, гранитоид плутонлари ва руда майдонлари бўлади. Континент, денгиз ва океанлар, тоғли ўлкаларнинг чегаралари кўпинча, Ч.ё. б-н боғлиқ. Улар геофизика усуллари, аэрокосмик фотосъёмка, айниқса, чуқур сейсмик зондлаш, зилзила тўлқинлари ёрдамида аниқланади ва ўрганилади. Ч.ё.нинг юқори қисми б-н зилзила ўчоқлари бевосита боғлиқ. Баъзан уларнинг йўллари бўйлаб нефть ва газ конлари қатори жойлашади. Ўрта Осиёда, шунингдек, Ўзбекистонда Талас-Фарғона, Фарғона жан. ва шим. ҳамда Тяньшан жан. чуқур ёриқлари мавжуд. Улар геологик структураларни ва улар б-н боғлиқ бўлган фойдали қазилма бойликларни шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Ўрта Осиёда Ч.ё.ни ўрганишда Ҳ.М. Абдуллаев, М.О.Аҳмаджонов, Т.Л.Бобожонов, Ф.Х.Зуннунов, Р.Н.Иброҳимов, И.Х.Ҳамробоев, Ж.Ҳ.Якубов ва б. салмоқли ҳисса қўшганлар.

Ад.: И.Х.Хамрабаев, Глубинное строение литосферы Памира и Тяньшана. Динамика и эволюция литосферы, М., 1986.

ЧУҒУРЧУҚЛАР (Sturnidae) — *чумчуқсимонлар* туркуми оиласи, 24—26 уруққа мансуб 110 тури маълум. Танасининг уз. 17—45 см, вазни 50—100 г. Оёқлари бақувват, ерда ва дарахтда ҳаракатланишга яхши мослашган. Вояга етганларининг ранги қорамтир, товланиб туради. Европа, Осиё, Африка, Австралияда тарқалган (оддий Ч. шим. Америкага олиб келинган). Ўзбекистонда оддий чуғурчуқ, соч ва майна учрайди. Уясини коваклар, қоя ёриқларига, бинолар бўғоти ва б. жойларга қуради. Жан. ҳудудларда йилида 3 мартагача 4—6 тадан тухум қўйиб, нари ва модаси навбат б-н 15—18 кун босади. Ҳашаротлар, уларнинг личинкалари ва мевалар б-н озиқланади. Баъзан бегона ўтлар уруғини ҳам ейди. Яхши сайрайди, майна эса айрим сўзларни ёдда сақлайди ва такрорлайди.

Чуғурчуқ.

ЧУҲРА — Темурийлар, Шайбонийлар даврида ҳукмдор саройида хизмат қилувчи хос маҳрам. Ч.лардан сарой қўриқчилари, яъни ҳукмдорнинг шахсий гвардияси ташкил қилинган. Ч.ликка аслзода, зодагон ва юқори табақа фарзандлари жалб этилган. *Бобур*нинг таъкидлашича, *Абу Саид* Мирзо саройида 100 та Ч. хизмат қилган, уларнинг 50 таси Хуросон Ч. тобини, қолган 50 таси эса Самарқанд Ч. тобини деб юритилган. Ч.лар, табиийки, ҳукмдор ҳокимиятини асраш, унга содиқ қолиш руҳида тарбияланган. Асосан, ҳукмдор қароргоҳини қўриқлаш учун хизматга жалб этилган. Ч. зарур вазиятларда ҳарбий ҳаракатларда ҳам қатнашган. Ч.лар хизмат чоғида бевосита *чуҳра оқоси* ҳамда чуҳрабошига бўйсунган.

ЧУҲРА ОҚОСИ — ҳукмдор шахсий гвардияси, хос соқчилар — *чуҳра* бошлиғи. Ч.о. лавозимига ҳукмдор эътиборини қозонган шахслар тайинланган ва улар саройни қўриқлашга масъул ҳисобланган. Мавқеига кўра, Ч.о. ясовул ҳамда жарчи сафида турган. Ч.о.га *баковул* ва шарбатдор каби амалдорлар мавқеига эга бўлган чуҳрабоши бўйсунган. Ҳарбий юришларда иштирок этиш учун жалб қилинган Ч.о. ўнбоши (даҳбоши) вазифасини бажарган. Хонликлар тугатилгач, Ч.о. лавозими ҳам барҳам топди.

ЧХОНЖИН, Чхончжин — КХДРнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Хамгён-Пукто провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 520 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари чорраҳаси. Япон денгизи соҳилидаги музламайдиган порт. Мамлакатнинг йирик қора металлургия маркази. Машинасозлик (кемасозлик, станоксозлик, кончилик жиҳозлари, қ.х. машиналари и.ч.), тўқимачилик (жумладан, сунъий ипак), кимё саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Балиқ овланади.

ЧЬЯПАС — Мексиканинг жан.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 73,8 минг км². Аҳолиси 3,92 млн. киши (2000), асосан, индейслар. Маъмурий маркази — Тустла-Гутьеррес ш. Рельефи Тинч океан соҳили бўйлаб чўзилган тоғлардан (энг баланд жойи, 4117 м, Такана вулкани), марказий қисмида ясситоғликлардан (бал. 500—1500 м) иборат. Шим.да пасттекисликлар бор. Иқлими тропик, иссиқ ва сернам иқлим. Ўртача ойлик т-ра 22—27°. Йиллик ёғин 1200—1500 мм. Нам тропик ўрмонлар, саванналар, тоғларда игна баргли ўрмонлар бор. Плантация хўжалиги ривожланган. Маккажўхори, ловия экилади. Нефть ва газнинг йирик конлари топилган. Озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Индейс халқининг бадиий ҳунармандчилиги ривожланган. Ч. ҳудудидан Панамерика шоссеси ўтади.

ЧЭНДУ — Хитойнинг марказий қисмидаги шаҳар. Миньцзян дарёси водийсида. Сичуань провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 9,9 млн. киши (1999, шаҳар атрофи б-н). Транспорт йўлларининг йирик чорраҳаси. Мамлакатнинг муҳим саноат марказларидан. Кўп тармоқли машинасозлик (станоклар, радиоаппаратура, транспорт воситалари), мис, алюминий, кимёвий ўғитлар и.ч., ёғочсозлик, металлсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Бадиий ҳунармандчилик ривожланган. Ун-т бор. Шаҳарга мил. ав. 4-а.да асос солинган. 13, 16—18-а.ларга оид меъморий обидалар сақланган.

ЧЎГАРИ, Чўкари, Бухарка 944 — эртапишар маҳаллий қовун нави (ҳоз. Ўзбекистон ўсимликшунослик ин-тида К.И.Пангало, М.К.Гольдгаузенлар томонидан яхшиланган хилига Бухарка 944 номи берилган). Меваси юмалоқ, баъзан чўзинчоқроқ, ўртача катталикда, вазни 3—6 кг, уз. 20—26 см, туси оч сариқ, юзаси нотекис, сал буришган, тўрсиз. Тўни катта сариқ ёки маллаланг доғлар б-н қопланган. Пўсти юмшоқ, эти оқ, қалинлиги 5—5,5 см, сершира, серсув, юмшоқ, оғизда эрийди. Таркибида қанд миқдори 12,5%. Уруғи йирик



Чўгари қовун нави.

тухумсимон, сариқ. Ниҳоли униб чиққанидан кейин ҳосили 75—85 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 250—300 ц/га. 1943 й.да давлат реестрига киритилган. Тошкент вилоятида кўпроқ экилади. Тупроқ шўрлиги ва оқпалак касаллигига чидамли.

ЧЎКИНДИ КОНЛАР — сув ҳавзалари тубида чўкинди йиғилиши жараёнида шаклланувчи фойдали қазилма ётқизиқлари. Улар дарё, ботқоқ, кўл, денгиз ва океанларда ҳосил бўлиб, денгиз ва океанлардагилари платформа ва геосинклиналь Ч.к.ига ажратилади. Денгизда ҳосил бўлган Ч.к. катта ўлчамли бўлиб, ўнлаб км га, қатлам свиталари эса юзлаб км га чўзилади. Ч.к. механик (қум, тупроқ ва б.), кимёвий (туз, темир ва марганец рудаси ва б.) ва биокимёвий (нефть, кўмир ва б.) ларга ажратилади. Чўкинди жинслар ва улар б-н боғлиқ бўлган Ч.к.нинг шаклланиши *литогенез*нинг 3 босқичи: седиментогенез, диагенез ва катагенез орқали бўлади. Ч.к. тоғ жинсларига мувофиқ ётади ва қатлам ёки текислик линзалар шаклида бўлади. Баъзан метаморфизм ва тектоник ҳаракатлар оқибатида улар ўз шаклини ўзгартириб, мураккаброқ қиёфа ҳосил қилади. Ч.к.даги минералларнинг таркиби минералларнинг 3 гуруҳи б-н аниқланади: 1. Чақиқ минераллар (кварц, рутил, баъзан дала шпатлари, пироксенлар, амфиболлар, слюдалар ва б.), улар нураш жараёнига чидамли бўлади; 2. Кимёвий нураш маҳсулотлари (каолинит, монтмориллонит, сувли слюдалар, опал ва б.); 3. Янги чўкинди ҳосилалар (карбонатлар, тузлар, фосфатлар, руда минераллари, кремнийли маҳсулотлар ва б.). Ч.к. йирик саноат аҳамиятига эга бўлиб, уларга ҳамма ёнувчи қазилмалар (нефть, газ, кўмир, ёнувчи сланецлар), темир, марганец, алюминий рудаларининг айрим турлари ҳамда рангли ва нодир металлар (U, Cu, V ва б.) конлари киради. Ч.к. орасида қурилиш материаллари (шағал, қум, гил, сланец, оҳактош, бўр, доломит, мергель, гипс, яшма, трепел), қазилма тузлар, фосфоритларнинг кўпгина конлари маълум.

ЧЎКИНДИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ — модданинг сувда чўкиши ёки ҳаводан тушишидан ҳамда қуруқлик юзаси, денгиз океан ҳавзаларидаги музлар фаолияти натижасида ҳосил бўладиган тоғ жинслари. Чўкиш механик (оғирлик кучи таъсири ва муҳит динамикасининг ўзгаришидан), кимёвий (сувли эритманинг тўйиниш концентрациясига етишидан ва алмашинув реакциялари натижасида) ҳамда биоген йўл б-н (организмлар ҳаёт фаолияти б-н боғлиқ) содир бўлади. Ч.т.ж. чўкиш характерига кўра, чақиқ, кимёвий ва биоген жинсларга бўлинади. Ч.т.ж.ни ҳосил қиладиган асосий манбалар: Ер пўстини ташкил қилган магматик, метаморфик ва қад. чўкинди жинслар; табиий сувларда эриган компонентлар; атмосфера газлари; организмларнинг ҳаёт фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган маҳсулотлар; вулканоген материаллардан иборат. Ҳоз. замон океан чўкиндилари ва қад. чўкинди жинсларда космик материал ва органик қолдиқлар ҳам учрайди. Баъзи Ч.т.ж. (оҳактош, кўмир, диатомит ва б.) бутқул органик қолдиқлардан таркиб топган. Зарра (доналарнинг ўлчами, уларнинг шакли ва ўзаро бирикмалари Ч.т.ж. структурасини белгилайди (қ. *Тоғ жинслари тузилиши*). Ч.т.ж. шакли ва ҳажми турлича бўлган қатлам, линза ва б. шаклардаги геологик жисмлар ҳосил қилиб, Ер пўстида нормал-горизонтал, қия ёки мураккаб бурмалар тарзида ётади. Ушбу жисмларнинг ички тузилиши (доналар-зарраларнинг ўзаро жойлашуви ва йўналиши б-н боғлиқ) ва бўшлиқни қай йўсинда тўлдириши Ч.т.ж. текстураси дейилади. Ч.т.ж. қуйидагича ҳосил бўлади: туб тоғ жинсларининг емирилишидан пайдо бўлган дастлабки маҳсулот сув, шамол, музликлар б-н кўчиб, қуруқлик юзаси ва сув ҳавзаларига чўкади. Натижада турли хил компонентлардан тузилган бўш ва ғовак, сувга тўйинган чўкинди ҳосил бўлади. Бу чўкинди мураккаб ва хилма-хил физик-кимёвий (қисман биологик) системадан иборат бўлиб, вақт ўтиши б-н аста-секин чўкинди жинсга айланади (қ. *Литогенез*). Ч.т.ж.нинг таснифи уларнинг таркиби ва генезисига кўра 10 дан ортиқ гуруҳга ажратилади: чақиқ жинслар, гиллар, глауконитли, глинозёмли, темирли, марганецли, фосфатли, кремнийли, карбонатли жинслар, тузлар, каустобиолитлар ва б. Асосий гуруҳлардан ташқари аралаш таркибли жинслар ҳам бор. Ч.т.ж. кимёвий таркибига кўра магматик жинслардан фарқланади: жинс ҳосил қилувчи компонентлар таркиби турлича бўлади; таркибида сув, карбонат кислота, органик углерод, кальций, олтингугурт, галоидлар кўп бўлади; темир оксиди б-н темир (II)- оксиди нисбати катта. Ч.т.ж. дан гил (гил, аргиллит, гилли сланецлар — 50% га яқин), қумтош (қум ва қумтошлар) ва карбонатли жинслар (оҳактошлар, доломитлар 45% ча) кенг тарқалган. Ер юзасида Ч.т.ж.нинг ҳосил бўлиши ва жойлашуви иқлим ва тектоник шароитлар б-н аниқланади. Геосинклиналларда Ч.т.ж.нинг катта қатламлари йиғилади, платформаларда эса, аксинча уларнинг қалинлиги кам бўлади. Ч.т.ж. Ер пўсти массасининг 10% ни ташкил қилиб, Ер юзасининг 75% ни қоплайди. Қуруқликдаги Ч.т.ж.нинг 75% геосинклиналь областларда бўлиб, 25% платформаларга тўғри келади. Ер қаъридан олинадиган жами фойдали қазилмалар (кўмир, нефть, газлар, темир, марганец ва алюминий рудалари, олтин ва платина сочмалари, олмос, фосфоритлар, қурилиш материаллари ва б.нинг 75% Ч.т.ж. га тўғри келади.

ЧЎКТИРИШ, чўктириш усуллари — эритмадан ёки газдан бир ёхуд бир нечта кимёвий компонентларни кам эрийдиган бирикма (чўкма) ҳолида ажратиб олиш. Ч. кимёвий анализда элементларни ажратиб олишда кенг қўлланади. Сифат ва миқдор анализнинг кўпгина усуллари Ч.га асосланган. Модда эритмадан тегишли реагент қўшиб чўкмага туширилади. Саноатда (қ. *Гидрометаллургия* ва *аналитик кимё*)да, хусусан, рангли металларни электролитик Ч. усули қўлланади. Электролиз йўли б-н металларгина эмас, балки уларнинг оксидлари, мас., қўрғошин қўш оксид ва марганец қўш оксид — анодда, молибден ва уран оксидлари — катодда чўкмага туширилади. Ч. биокимё, санитария-гигиена ва клиника лаб.ларида ҳам қўлланади.

ЧЎЛ — ўсимлик дунёсининг яхши ривожланишига йўл бермайдиган доимий қуруқ ва иссиқ иқлимли ўлкалардаги биом тини. Ер қуруқлик қисмининг 20% дан ортиғини эгаллайди. Тупроғи ва ер юзасини қоплаган ётқизиқларига кўра қуйидаги Ч.лар ажратилади: қад. аллювиал текисликларнинг ғовак жинслари устидаги — қумли Ч., гипсли плато ва тоғ олди текисликларидаги шағалли ва қум-шағалли Ч., гипсли плато ва тоғ олди текисликларидаги чағир шағалли гипсли Ч., пасттоғ ва тепаликлардаги тошлоқ Ч., кам карбонатли қумоқ тупроқлар устидаги қумоқ Ч., тоғ этаги текисликларидаги лёссли Ч., тоғ этакларидаги текисликлар ва дарёларнинг қад. дельталари ўрнидаги гилли тақир Ч., шўр мергель ва гил жинслардан тузилган паст тоғлардаги гилли баланд Ч., денгиз соҳиллари ва шўрхок депрессиялардаги шўрхок Ч.лар. Ч.нинг ўсимлик турлари ўзига хос. Улар қад. тур ҳосил бўлиш марказларидан. Бу ерларда қайнозойгача бўлган эндемиклар кўп тарқалган. Ўсимлик турлари Ч.лар ер юза-

Чўл ландшафти.

сининг тузилиши, тупроқ таркиби, намгарчилик миқдорига боғлиқ. Турли қитъалардаги Ч. ўсимликларининг тарқалишида ўхшашлик хусусиятлари ҳам бор; барча ерда ўсимлик сийрак, тури кам, катта майдонларда бир хил ўсимликлар ўсади. Мўътадил минтақаларнинг материк ичкарисидаги Ч.ларида склерофил типдаги ўсимликлар, жумладан, баргсиз бута кўп. Улар орасида эфемер ва эфемероидлар муҳим ўринни эгаллайди. Субтропик ва тропик минтақаларнинг материк ичкарисидаги Ч.ларида ксерофил буталар ва кўп йиллик ўт кўп. Қумли Ч.ларнинг ўсимлик дунёси бир қадар бой, қумшағалли Ч.ларда эса ўсимлик кам бўлади. Шўр қатқалоқ босган Ч.ларда ўсимлик умуман ўсмайди. Субтропик Ч.ларнинг ўсимлик дунёси анча бой. Бу ерларда пакана акация ва эвкалиптлар ўсади, шағал аралаш чағир тошли Ч.ларда шўра ва шўрадошлар учрайди. Океан соҳилларидаги субтропик ва тропик Ч.ларда суккулент типидаги ўсимлик кўп. Осиёнинг мўътадил минтақа чўлларидаги дарё водийларида барг тўкувчи дарахтлар — турангил, терак, тол, жийда, субтропик ва тропик минтақалардаги дарё водийларида доим яшил ўсимликлар —пальма ва толтуллар ўсади (яна қ. *Чўл зоналари*).

Потшоҳсаид Гулонов.

Чўл баҳор фаслида.

ЧЎЛ БУРГУТИ (Aquila rapax) — *қарчиғайлар* оиласига мансуб қуш тури. Танасининг уз. 60—85 см, вазни 3—5 кг. Европа ва Осиё чўлларида тарқалган. Ерга, баъзан паст, якка ўсган дарахтларга уя қуради. 2 та тухум қўяди. Тухумини 40—45 кун босади. Асосан, ўртача катталикдаги кемирувчилар, баъзан судралиб юрувчилар ва қушлар б-н озиқланади. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

Чўл бургути.

ЧЎЛ ЗОНАЛАРИ — табиий ландшафти, асосан, чўллардан иборат географик зоналар. Шим. ярим шарнинг мўътадил минтақасида, Шим. ва Жан. ярим шарларнинг субтропик ва тропик минтақаларида тарқалган. Намгарчилик кам, йиллик ёғин 200 мм гача, баъзи ерларда 500 мм гача. Рельефи тоғлик, паст тоғлар, текисликлар, қад. дарё водийлари ва берк кўл ботиқларидан иборат. Эол рельеф шакли кенг тарқалган. Ч.з.нинг катта қисмида оқар сувлар бўлмайди, баъзан уларни транзит дарёлар кесиб ўтади. Ўз чегаралари ва майдони ҳамда сув сатҳини тез-тез ўзгартириб турадиган ва баъзан қуриб қоладиган кўллар ва мавсумий сой кўп. Ер ости сувлари минераллашган бўлади. Тупроқлари яхши ривожланмаган, шўрхок ва шўртоблар б-н қопланган. Ўсимлик дунёси сийрак бўлиб, баъзи ерларда бутунлай ўсмайди. Ксерофил ва галофил ўсимликлар — Осиё чўлларида саксовул, эфемер ва шувоқдошлар, Шим. Америкада кактусдошлар, креозотлар ўсади. Ҳайвонот дунёси хилма-хил. Кемирувчилар ва судралувчилар асосий ўринни эгаллайди. Ч.з.да яйлов чорвачилиги ривожланган, суғориб деҳқончилик қилинади.

ЧЎЛ ТОШБАҚАСИ — қ. *Тошбақалар.*

ЧЎЛ ЧИГИРТКАСИ, шистоцерка (Schistocerca gregaria L.) — тўғриқанотлилар туркумига мансуб ҳашарот. Қ.х. экинлари учун хавфли ҳаммахўр зараркунанда. Шим. Африка, Ғарбий ва Жан. Осиё мамлакатларида (Ҳиндистонда ҳам) тарқалган. Кўплаб урчиган йиллари Ўрта Осиёга Афғонистондан учиб ўтиши мумкин. Тана уз. 46—61 мм. Якка ва гала бўлиб яшовчи шакллари мавжуд. Гала бўлиб яшовчи Ч.ч.нинг жинсий етилмагани пушти, етилгани сариқ (қора нуқталари ҳам бор), якка яшовчи Ч.ч.нинг личинкалари сарғиш ёки оч яшил рангда бўлади. Бир йилда 2—3 авлод беради. 1-си жан.да куз-қиш даврида ривожланади ва вояга етгандан сўнг шимолга қараб уча бошлайди. Шим. районларда ёш чигиртка вояга етади ва 2- (баҳорги—ёзги) авлодни бошлаб беради. Бу авлоднинг ривожланиши эса жан.да тугайди. Жануб Ч.ч. тупроққа тухум қўяди. Личинкалари 10—20 сутка ўтгач, чиқа бошлайди; уларнинг ривожланиши 30—50 кун давом этади. Ёғингарчилик бошланиши б-н чигирткалар сони кескин кўпаяди ва ареали ҳам вақтинча кенгаяди. Ч.ч.нинг ўртача ҳар 10—12 й.да бир марта кўплаб урчиши аниқланган. Бу ҳолат зараркунанданинг доимий ривожланадиган маконларидаги ёғингарчилик б-н боғлиқ. Ч.ч.нинг зарари баъзи йиллари табиий офат даражасига етади.

Кураш чоралари: заҳарли хўраклар сочилади, ўсимликларга инсектицидлар сепилади, шунингдек, Ч.ч. яшайдиган маконларида йўқотилади (яна қ. *Чигиртка*).

ЧЎЛБАИР ТОҒЛАРИ — Сурхондарё вилоятидаги тоғлар. Ҳисор тоғ тизмасининг жан.-ғарбий тармоқларидан бири. Сурхондарёнинг ўнг ирмоқлари Ҳолханжар ва Тўполондарё орасида жойлашган. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа 60 км дан зиёд масофага чўзилган. Бал. 1500—2500 м. Энг баланд жойи 3812 м. Ён бағирлари асимметрик тузилишга эга. Жан.-шарқий ён бағирлари анча тик (1500 м гача). Кўплаб дарё тармоқлари б-н кесилган. Ч.т. антиклиналь тузилишга эга, асосан, тошкўмир, пермь, бўр, палеоген, неоген даври чўкинди тоғ жинсларидан ташкил топ-

ган. Иқлими континентал. Ёғин шим.-шарқий қисмида 800 мм дан зиёд. Ён бағирларидаги бўз, жигарранг, қўнғир тупроқларда буғдойлошлар, турли буталар ўсади, арчазорлар, ёнғоқзорлар бор. Ҳудудидан яйлов сифатида фойдаланилади.

«ЧЎЛИ ИРОҚ» — *Ироқ* мақоми бош куй мавзуи асосида яратилган йирик шаклдаги мумтоз чолғу асар. У ғамгин, қайғули руҳий ҳолатни ифода этгани б-н теран фалсафий маъно ва мазмунга эга. «Ч.И.» *сарахбор* усулининг тезлаштирилган вариантига боғланган. Куй тузилишида чолғу қисмларга хос *бозгўй*лар учраса-да, асосан, мақом шўъбаларидек мураккаб куй тузилмаларидан таркиб топган. «Ч.И.»нинг шакли даромад, 2 та миёнхат, авжида Муҳайяри Чоргоҳ намуди ишлатилишидан иборат. Асар якканавозликда кўпроқ най, ғижжак, танбур, сато, дутор, қўшнай сингари чолғуларда, шунингдек, турли хил ансамблларда ижро этилади. Ўзбекистон бастакорлари ва композиторлари ўз асарларида «Ч.И.» куй ва оҳангларидан унумли фойдаланишган. Шу жумладан, И.Икромов унинг ашула йўлини Навоий ғазалига боғлаб тузган. Д.Соатқулов ўзбек халқ чолғулари оркестри учун мослаштириб қайта ишлаган.

ЧЎЛЛАНИШ — қурғоқчил иқлимли ўлкаларда экологик тизимларнинг бузилиши, улардаги органик ҳаётнинг барча шакллари ёмонлашувига ва натижада табиий-иқтисодий имкониятларнинг пасайиб кетишига олиб келувчи табиий-географик ҳамда антропоген жараёнлар мажмуи. Бу жараёнлар табиий ўсимликлар турлари ва миқдорининг камайиши, тупроқ эрозияси, тупроқнинг шўрланиши ва унумдорлигининг камайиб кетиши кабилардан иборат. Ч. натижасида чўлларнинг майдони ортади, чўл тавсифли ландшафтлар юзага келади. Ер юзасининг 48,5 млн. км² га яқин қисми чўл ва чала чўллардан иборат бўлиб, унинг 10 млн. км² га яқини антропоген омиллар таъсирида юзага келган. Ч. жараёни деярли барча қитъаларда, кўпроқ Африка, Осиё, Австралия ҳамда Жан. Американинг қурғоқчил иқлимли ҳудудларида кузатилмоқда. Ўрта Осиёда *Орол денгизи* ва Оролбўйи регионида ҳам мавжуд бўлиб, танг экологик ҳолат юзага келди. Ч. мураккаб ва жаҳон миқёсидаги экологик муаммога айланди. Ч. 1968—79 й.ларда Африкада Саҳрои Кабирнинг жан. ҳудудларида, ғарбдан Мавритания ва Сенегалдан бошлаб, шарқда Чад ва Судан чегарасигача бўлган жуда катта майдонда рўй берган ва бу қурғоқчилик «Саҳел фожиаси» номи б-н машҳур бўлди. Ч.ни ўрганиш, олдини олиш ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари бўйича жаҳон миқёсида ишлар олиб борилади. Бу мавзудаги 1-илмий анжуман 1977 й.да Кениянинг Найроби ш.да ўтказилган ва унда Ч.га қарши кураш режаси ишлаб чиқилган. Бундай илмий анжуманлар Ўзбекистонда 1981 й.да Тошкентда, 2000 й.да Самарқандда ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси 1995 й. 31 окт.да қурғоқчилик ва Ч.га қарши кураш Халқаро конвенциясига қўшилган.

Шуҳрат Зиёдов

ЧЎЛПОН (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов) (1898, Андижон — 1938.4.10, Тошкент) — шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи ва жамоат арбоби. Дастлаб мадрасада (1908—12), сўнгра рус-тузем мактабида (1912—14) ўқиган. Шарқ мумтоз шоирлари асарларини мутолаа қилиш ва жадид матбуотини кузатиш йўли б-н адабий, ижтимоий-сиёсий билимини оширган. 1914 й. Тошкентга келиб, «Садои Туркистон» газ. б-н ҳамкорлик қилган. «Янги Шарқ», «Иштирокиюн» (1920 й.дан «Қизил байроқ», 1922 й.дан «Туркистон») газ.да адабий ходим (1919—23). Халқ маориф комиссарлиги қошидаги Илмий кенгаш (1921 й.дан Ўлка ўзбек билим ҳайъати, 1922 й.дан Илмий ҳайъат)да раис (1920—23), «Бухоро ахбори» газ.да муҳаррир (1921—22), «Турон» театрида директор (1921; 1922—23), «Муштум» жур. ва «Дархон» газ.да техник муҳаррир, адабий ходим (1922—23), Ўзбек драма студияси (Москва, 1924—27) ва Ўзбек давлат драма театрида адабий эмаклош (1927—31), СССР ХКС ва Шарқ халқлари марказий нашриётида таржимон (Москва, 1931—34), «Муштум» ва «Гулистон» жур.лари ҳамда «Театру» газ.да адабий ходим (жамоатчилик асосида, 1935—37).

Адабий ижоди 1913—14 й.ларда Андижоннинг ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақида хабарлар ёзиш б-н бошланган. 1914 й. Тошкентда М.Абдурашидхонов ва У.Хўжаев б-н танишиш Ч.нинг миллий уйғониш ҳаракати намояндаси сифатида шаклланишида муҳим омил бўлган. Ч. «Садои Туркистон» газ.да дастлабки «Туркистонли қардошларимизга» шеъри, «Қурбони жаҳолат», «Дўхтир Муҳаммадёр» ҳикоялари ва «Адабиёт надир?» мақоласини эълон қилиб (1914), шу давр адабиёти намояндалари сафидан ўрин эгаллаган. Туркистон аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий қолоқлик шароитида яшаётганининг асосий сабабини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатида кўрган Ч., бошқа жадидлар қатори, ўз асарлари б-н халқнинг маданий ва маърифий салоҳиятини кўтаришга киришган.

1917 й. Феврал инқилобининг рўй бериши тараққийпарвар зиёлилар дунёқарашини ўзгартириб юборди. Улар, шу жумладан, Ч. мустақиллик учун кураш энди тарғибий-ташвиқий давридан амалий фаолият босқичига ўтганини англадилар. Ч. Туркистон мухторият ҳукуматининг барпо этилишида фаол иштирок этиб, мухториятни шарафловчи «Озод турк байрами» шеърини ёзди ва бу шеър ўзбек давлатчилиги тарихида илк мадҳия бўлди. Шу даврда Туркистондаги кўп миллатли зиёлилар ўртасида федерализм ғояси кенг тарқалгани сабабли Ч. айни вақтда З.Валидий б-н бирга Оренбургга бориб, Бошқирдистон мухторият ҳукуматининг ташкил этилишида ҳам иштирок этди. Федералистларнинг фикрларига кўра, Туркистон ва Волга бўйидаги туркий халқлар ўз мухторият ҳукуматларини барпо этгандаридагина бу ҳукуматларини большевиклар томонидан тан олинишини ва биргаликда ҳимояланишини мумкин эди.

Мухторият тугатилгач, Ч. «Илмий кенгаш», «Чиғатой гурунги», «Нашри маориф» ташкилотлари ва «Турон» театрида адабий, илмий-маърифий ишлар б-н машғул бўлди. Айни пайтда шўро давлатининг мустамлакачилик сиёсати оқибатларини фош этувчи шеър ва мақолалар ёзиш б-н истиқлол учун курашда давом этди. Аммо республика маданият ходимларининг 2-қурултойи (1927)дан кейин Ч.га қарши бошланган кураш уни сиёсий фаолиятдан узоқлашишга, ҳатто 1931—35 й.ларда Москвага қочиб бориб, мусофирликда яшашга мажбур этди.

Ч. 1937 й. 14 июль куни ҳибсга олиниб, кўп ўтмай, отиб ташланди.

Ч.нинг адабий мероси шеърият, наср, драматургия, публицистик ва адабий-танқидий мақолалар ҳамда таржимадан иборат.

Ч.нинг шеърий асарлари «Ўзбек ёш шоирлари», «Уйғониш» (1922), «Булоқлар» (1923), «Тонг сирлари» (1926) ва «Соз» (1935) тўпламларида, шунингдек, турли газ. ва жур.ларда эълон қилинган. Улар ғоявий-тематик йўналишига кўра 2 гуруҳга ажралади: соф лирика ва ижтимоий-сиёсий лирика. Ишқий кечинма ва табиат манзаралари тасвирланган шеърларида Ч. жаҳон лирик шеъриятининг мумтоз вакиллари даражасига кўтарилган. Шеърлари лирик қаҳрамонининг бой ва гўзал руҳий оламини, табиат манзарасини, табиатда кечаётган жараёнларни катта маҳорат б-н акс эттирган. «Гўзал», «Сезги», «Сирлардан», «Мен шоирми?» сингари шеърлари б-н бармоқ вазнига асосланган янги ўзбек шеъриятини юксак тараққиёт босқичига олиб чиқди. Бармоқ вазни Ч. ва Фитратнинг ижодий изланишлари б-н 20-й.ларнинг бошларидаёқ янги ўзбек шеъриятининг асосий вазнига айланди.

Тарихий давр ва тарихий шароит Ч.дан муҳаббат ва табиат лирикасидан кўра шу даврдаги ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳволини яхшилашга қаратилган асарлар ёзишни тақозо этди. Ватан ва миллат манфаати б-н яшаган шоир даврнинг шу талаби б-н большевиклар олиб борган сиёсатнинг мустамлакачилик моҳиятини фош этишга, халқни зулм ва зўравонликка қарши ҳуррият учун курашга даъват этишга қаратилган шеърлар ёзди («Бузилган ўлкага», «Халқ», «Виждон эрки», «Кишан» ва б.). Ч. бу шеърлари б-н адабиётнинг кураш қуролига айланиши мумкинлигини исботлаб берди. Шоирнинг юрак қони б-н ёзилган бу шеърлари ватандошларида ўзбек диёрига оташин муҳаббат, мустамлакачиларга нафрат, эрк ва ҳуррият ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялади. Агар Ч.нинг «кўнгил лирикаси» анъаналари кейинчалик Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Зулфия, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи ва б. ижодида муваффақият б-н ривожлантирилган бўлса, унинг ижтимоий мазмун б-н йўғрилган шеърияти анъаналари кейинчалик давом эттирилмай қолди.

Ч. истеъдодига хос лирик назокат ва нафосат шоир насрий асарларининг ҳам ўзига хослигини белгилаб келади. Ч. қайси мавзуга мурожаат этмасин, бадиий воқеликни поэтик тил ва образлар орқали мужассамлантиришга эришди. Шу маънода унинг 20-й.ларда ёзган «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз» сингари ҳикоялари ўзбек адабиётидаги лирик насрнинг дастлабки мумтоз намуналаридир. Ч. бу ҳикояларида ўзбек хотин-қизларининг аянчли тақдирини турли бадиий режада тадқиқ этар экан, ҳар бир жамиятнинг тараққиёт даражаси шу жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати б-н белгиланади, деган ғояни бу асарлар оша «қизил ип» янглиғ ўтказган. Умуман, ўзбек хотин-қизларининг мустамлакачилик шароитидаги тақдири тасвири

Ч. шеърий ижодининг ҳам, кичик эпик асарларининг ҳам, «Кеча ва кундуз» (1936) романининг ҳам асосий ғоявий йўналишини белгилаб берган.

Ч. насрий ижодининг муҳим қисмини публицистика ташкил этади. У «Йўл эсдалиги», «Вайроналар орасидан» каби қатор очерк ва публицистик мақолаларида 20-й.лардаги мустамлака ўлка ҳаётининг мудҳиш манзараларини тасвирлаган. Ч. бу асарларида реалистик тасвир санъатини мукаммал эгаллаган ёзувчи сифатида гавдаланади. Ч. ёзувчилик маҳоратининг шундай қирралари «Кеча ва кундуз» романида, айниқса, ёрқинроқ акс этган. Ч. Абдулла Қодирий б-н бирга ўзбек адабиётида реалистик роман ва ҳикоя жанрларининг тараққиёт тамойилларини белгилаб берди.

Ч.нинг драматургия соҳасидаги дастлабки изланишлари 1919 й.га оид. У шу йили «Темирчи», «Гуноҳ», «Чўрининг исёни» сингари кичик саҳна асарларини ёзди. 20-й.ларнинг бошларида эса Ч.нинг «Ёрқиной», «Халил фаранг», «Ўлдирувчи» (1921), «Севги ва салтанат», «Чўпон севгиси» (1922) пьесалари майдонга келди (бу асарларнинг аксари бизгача етиб келмаган). Ч. «Турон» театрига директорлик қилган й.ларида саҳна санъати ва драматургия «сир»ларини, шунингдек, рус тилини пухта эгаллагани туфайли 1924 й. Москвада ташкил этилган ўзбек драма студиясига адабий эмаклош этиб юборилди. У ҳали рус тилини билмаган ватандошларига москвалик машҳур артист ва режиссёрларнинг маърузаларини таржима қилиб беришдан ташқари, ўзи ҳам студиячилар учун саҳна асарлари («Ёрқиной», «Яна уйланаман», «Қоровул уйқуси» (Л.Свердлин б-н ҳамкорликда), «Узун қулоқ бобо»)ни ёзиб, рус ва европа драматургларининг пьесалари (К.Гоцци, «Маликаи Турондот», Н.В.Гоголь, «Терговчи», В.Н.Билль-Белоцерковский, «Лаббай», Мольер, «Хасис»)ни таржима қилиб берди. Ч. 1927 й.да Москва ва Боку драма студиялари қатнашчилари базасида Ўзбек давлат намуна труппаси (1929 й.дан Ўзбек давлат театри) ташкил этилгач, мазкур труппа (театр) нинг адабий эмаклоши сифатида фаолият олиб борди. Шу даврда унинг кишилар ва жамият ҳаётидаги нуқсонларни ҳажв этувчи «Муштумзўр», «Ҳужум» (В.Ян б-н ҳамкорликда, 1928), «Ўртоқ Қаршибоев» (1929) каби пьесалари саҳна юзини кўрди. Ч. айни пайтда театр таржимони сифатида ҳам самарали ижод қилиб, К.Гольдонининг «Икки бойга бир қарол», Лопе де Веганинг «Қўзи булоқ», У.Шекспирнинг «Ҳамлет», Ф.Шиллернинг «Босмачилар», Билль-Белоцерковскийнинг «Пўртана», С.Левитиманинг «Ҳукм», А.Файконинг «Портфелли киши», В.Третьяковнинг «Наърангни торт, Хитой!», Вс. Ивановнинг «14—69 рақамли зирҳли поезд» пьесаларини ўзбек тилига ўгирди. Ч. адабий эмаклош, драматург ва таржимон сифатида М.Уйғур б-н бирга профессионал ўзбек театрига тамал тошини қўйди.

Ч.нинг адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган фаолияти кичик-кичик мақолалардан иборат бўлса-да, уларнинг айримлари дастурий аҳамиятга эга. Ч. 1914—15 й.ларда ёзган «Адабиёт надир?» ва «Муҳтарам ёзувчиларимизга» мақолалари б-н адабиёт ва санъатнинг халқ ва жамият олдидаги вазифасини, тарбиявий-маърифий аҳамиятини аниқ белгилаб берди. У ўзбек ва хорижий халқлар адабиёти намояндалари («Марҳум Тавфиқ Фикрат», «Икки йўқотиш», «Ризо Тавфиқбек», «Тагор ва тагоршунослик», «Улуғ ҳинди», «Жўрж Дандон», «Катта мактаб эгаси», «Увайсий», «Устоднинг хислатлари»), театр ва мусиқа санъати («Або Муслим», «Иблис», «Шайх Санъон», «Ойдин», «Маликаи Турондот», «Мейерхольд театри», «Турсуной саҳнада», «Ашулага ишқибоз», «Қизиқлар», «Ота-бола санъаткор», «Базм-чолғу тўдаси», «Украина бандурачилари»), тил («Шоҳнома»нинг туркча таржимаси», «Тилимизнинг ишланиши») ва таржима («Таржима тўғрисида жиндак», «Сўз, сўз, сўз») масалаларига бағишланган мақолалари б-н 20-й.ларда адабий танқид, санъатшунослик, тилшунослик ва таржимашунослик соҳаларининг пайдо бўлиши ва шаклланишига катта ҳисса қўшди.

Ч. адабий меросининг салмоқли қисмини таржима асарлар ташкил этади. У Москвада яшаган йилларида моддий эҳтиёж орқасида кўпгина ўткинчи асар-

лари таржима қилишга мажбур бўлди. Лекин шу б-н бирга Ч. А.С.Пушкин («Борис Годунов», «Дубровский»), Н.В.Гоголь («Терговчи»), И.С.Тургенев («Чўри қиз»), И.Франко («Миллион», «Феруза»), Л.Андреев («Губернатор», «Осилган етти кишининг ҳикояси»), А.П.Чехов («Қочоқ»), А.М.Горький («Илгаклар», «Она») сингари рус ва б. халқлар адабиётининг мумтоз асарларини ҳам катта маҳорат б-н таржима қилиб, замонавий миллий таржима мактабига асос солди. Ч. таржимасидаги У.Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси ўзбек таржима санъатининг шоҳ намунасидир.

Ч. шўро давлатининг доимий тазйиқи ва назорати остида яшагани сабабли унинг кўплаб қўлёзмалари ўғирланди. У 1937 й.да «халқ душмани» сифатида айбланиб, қамоққа олиниши арафасида ва кейин ҳам барча қўлёзма асарлари куйдириб ташланди. Шунга қарамай, Ч.дан бизга қадар етиб келган 10 жилд ҳажмдаги оригинал ва таржима асарлар ўзбек халқининг катта маданий ва маънавий бойлигидир.

Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилингач, Ч.нинг ўзбек маданиятини ривожлантириш ва халқ оммасини истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси юксак баҳоланди. Ч.га Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти (1991) ва «Мустақиллик» ордени (1999) берилди. 1997 й. Ч.нинг 100 йиллиги кенг нишонланиб, Андижонда Чўлпон уй-музейи ташкил этилди. Тиллар пед. ин-ти ва лицей Ч. номи б-н аталди. Ўзбек миллий академик драма театрида Ч. ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Кундузсиз кечалар» (Усмон Азим асари) спектакли саҳналаштирилди.

Ас.: Яна олдим созимни, Т., 1991; Асарлар [3 жлд], 1—2-ж., 1999; Адабиёт надир, Т., 1993.

Ад.: Шарафиддинов О., Чўлпон, Т., 1991; Каримов Н., Чўлпон, Т., 1991; Чўлпоннинг бадиий олами, Т., 1993; Шарафиддинов О., Чўлпонни англаш, Т., 1994; Қуронов Д., Руҳий дунё таҳлили, Т., 1994; Каримов Н., Истиқлолни уйғотган шоир, Т. 2000; Каримов Н., Чўлпон (маърифий роман), Т., 2003.

Наим Каримов.

ЧЎЛПОН — эртапишар олма нави. Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ин-тида эркин чангланган Симиренко ренети нави уруғи кўчатларидан чиқарилган (А.Р.Шредер, А.Г.Шредер, Е.А.Шредер). Дарахти ўрта бўйли, шох-шаббаси ўртача шохланган, овалсимон. Кўчати ўтқазилгандан сўнг 5—6-йили ҳосилга киради. Меваси июнь охири — авг. бошида пишади. Ҳосилдорлиги бирмунча даврий. 8—9-йилдан яхши ҳосил бера бошлайди, 10—12 йиллик дарахти 110—120 кг гача ҳосил беради. Меваси 200—240 г, думалоқ, уч томони чўзинчоқ, тўқ-сариқ, қизғиш йўлли. Эти оч сариқ, серсув, ширин-нордон, хушбўй. Янгилигида ейилади, қоқи қилиш мумкин, узоқ жойларга юборишга чидамли. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун р-нлаштирилган.

ЧЎЛПОН МУЛК ОҒО — Соҳибқирон *Амир Темур*нинг суюкли хотини. Хожибек мўғулнинг қизи. Ч.М.о. ниҳоят даражада гўзал бўлган. Уни Соҳибқирон 1391 й.да Дашти Қипчоққа қилган юришида ўзи б-н бирга олиб кетади. Амир Темур 1393 й. Ироқ ва Шероз томон ҳарбий сафарга отланганда Сароймулкхоним ва Туман оғоларни ўғруқда қолдириб, Ч.М.о., Дурсултон оғо ва Нигор оғоларни ўзи б-н бирга олиб кетади. 1394 й.нинг янв.да Туркиянинг Мордин ш. яқинида жойлашган Руҳо қалъасини забт этиб, бир оз нафас ростлаш учун тўхтаган Соҳибқирон қароргоҳига барча хотинлари, жумладан, Ч.М.о. ва Дилшод оғолар етиб келадилар. Тарихчи Шарафуддин Али Яздий 1403 й. воқеаларини тасвирлар экан, Ч.М.о. номини бир неча ўринда тилга олиб ўтади. Шунингдек, Кастилия элчиси Рюи Клавихо ҳам 1404 й.да малика Ч.М.о.-ни кўрганлигини ёзади.

Ч.М.о.нинг қачон туғилгани ва қачон, қаерда вафот этгани аниқ эмас.

ЧЎЛПОН НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимига киради. 2004 й. июнда «Чўлпон» нашриёти (1986 й.дан фаолият кўрсатган), «Ижод дунёси» (2000 й.дан фаолият кўрсатган) нашриёт уйи ҳамда босмахона бирлаштирилиб, уларнинг вориси сифатида Ч.н.н.-м.и.у. ташкил этилган. Асосий фаолият йўналиши қуйидагилардан иборат: болалар ва ўсмирлар учун турли бадиий-адабий, санъат асарлари, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий адабиётлар нашр этиш; ёшларни мумтоз ва ҳоз. замон ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти ва санъати дурдоналари б-н таништириш; олий ва ўрта махсус таълим тизими, умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этиш.

Мустақил республикамиз ёш авлодини миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқ ҳолда баркамол инсон қилиб тарбиялашга ҳисса қўшиш Ч.н.н.-м.и.у.нинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ч.н.н.-м.и.у. 2004 й.да 212 номда 3200 минг нусхада китоб нашр этди.

ЧЎЛПОНОТА — Қирғизистон Республикаси Иссиқкўл вилоятидаги шаҳар (1957 й.дан). Иссиқкўл кўлининг шим. соҳилида. Аҳолиси 11 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Шифобахш бальнеобалчиқ ва иқлимий курорт. Ёзи мўътадил илиқ (июлнинг ўртача т-раси 17°), қиши юмшоқ (янв.нинг ўртача т-раси −3°). Йилига 250 мм ёғин тушади. Иқлим терапияси, шифобахш балчиқ ва Иссиқкўлнинг минерал суви бор. Асаб системаси, ҳаракат ва таянч органлари касалланган беморлар даволанади. Болалар ўпка сили касалликлари санаторийси, катталар санаторийси, сув-балчиқ б-н даволаш зоналари, сут к-ги бор.

ЧЎЛЯЛПИЗ (*Ziziphora tenuior* L.) — лабгулдошлар оиласи, кийикўтлар туркумига мансуб бир йиллик ўт тури. Пояси тик, асос қисмидан шохланган, гуллари оч сапсар ранг, бошоқсимон тўпгул ҳосил қилади. Май—июнь ойларида гуллаб, июль—авг.да мева тугади. Чўлларда, адирларда, тоғларнинг ўрта минтақаларида шағалли ва тошли тупроқларда ўсади. Суғорилмайдиган баҳорикор экинлар орасида бегона ўт сифатида учрайди. Эфир-мойли ўсимлик.

Чўлялпиз.

ЧЎНГАРА-ҒАЛЧА ГАЗ-НЕФТЬ КОНИ — Фарғона вилояти Риштон туманидаги кон. Қўқон ш.дан 35 км жан. да, Олай тоғларининг тоғ олди қияликларидаги Ғалча, Чўнгара, Шим. Сўх антиклиналларида жойлашган. 1949 й.да очилган. 1950 й.дан фойдаланишга топширилган. Кон Чўнгара ва Ғалча структураларининг шарқий периклиналь ботиқлигида жойлашган. Чўнгара антиклиналь структураси кичик бўлиб, бақтрия-сўх ётқизиқлари бўйича уз. 6 км, эни 1,3 км, асимметрик тузилишга эга, кенглик бўйича чўзилган. Ғалча структураси Чўнгара структурасига нисбатан жан.роқда жойлашган бўлиб, субкенглик бўйича чўзилган гумбази ясси ва кенг. Конда жами 118 та бурғи қудуғи қазилган бўлиб, палеозой, мезозой ва кайнозой ётқизиқларини очган. 1958—60 й.ларда Чўнгара ва Ғалча майдонларидаги (4-горизонт) нефть уюми яхлит эканлиги маълум бўлди.

Конда саноат миқёсида нефть 4-горизонтда литологик тўсилган уюмда, газ 5- ва 7-горизонтлардаги уюмларда мужассамлашган. 4-горизонт мергель, ангидрит, гиллар б-н алмашиниб келадиган оҳактошлардан таркиб топган. Улар остидаги майда заррали қумтошлар айрим жойларда қийиқланиб, алевролит ёки гил б-н алмашиниб келади. Нефть ва газ уюмлари айнан шу жойда қумтошларнинг литологик қийиқланган зоналарида жойлашган. 5-горизонт палеоген даврининг туркистон, 7-олай қатламининг юқори қисмидаги гил жинслар ичида ажратилган, асосан, оҳактошлардан ва қисман мергель қатламларидан тузилган. 5-горизонт 340—420 м, 7-горизонт 405—467 м чуқурликда очилган. Ҳамма горизонтлардаги сувлар паст даражада минераллашган бўлиб, кимёвий таркибига кўра, гидрокарбонат-натрийли ва сульфат-натрийли типга мансуб. Кон захирасига кўра, кичик конлар тоифасига киради. Кондан ҳоз. вақтда фойдаланилмоқда.

ЧЎНГКОЙ СИМОБ КОНИ — Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Аравон қишлоғидан 18 км жан.-ғарбдаги кон. Жан. Фарғона симоб-сурма конлари камарининг Қорачатир зонаси шарқий қисмида жойлашган. Ч.с.к. 1957 й.да очилган. Кон қуйи палеозойнинг вулканоген-чўкинди тоғ жинслари — диабазли порфирит, туф, оҳактош, қумтош ва сланецлардан иборат. Ч.с.к. Жан. Фарғона йирик тектоник синиғи таъсир зонасида бўлиб, унинг серпентинлашган перидотит таналари б-н боғланган бир неча тик ётувчи шохобчалари йўналиши ўзгарган букилмада жойлашган. Бу тоғ жинслари серпентинлашган перидотитлар б-н чегарадош ерларда кучли гидротермал ўзгаришларга учраб, уларда роговик, лиственит каби метасоматитлар ривожланган. Улар кондаги асосий рудалашув зоналарининг кўриниши бўлиб, тик ва ёнма-ён жойлашган 3 йирик ва бир неча майда рудалашган таналарни ташкил этади. Уларнинг қалинлиги бир неча м дан 50—60 м гача, чуқ. 1200—1500 м, уз. 100 м дан 1500—2000 м гача. Рудалар тузилиши бўйича нуқтасимон, томирли-нуқтасимон, яхлит рудалашув тарзида ривожланган. Кон рудалари симоб конларининг «магнезиал-карбонат-киноварли» (ёки «лиственитли») турига мансуб. Уларда асосий минерал киновардан ташқари оз миқдорда антимонит, пирит, миллерит, герсдорфит, реальгар, норудалардан — кварц, кальцит, доломит, диккит, анкеритлар учрайди. Конда иккиламчи ўзгаришлар, айниқса, ер юзига яқин қисмида кам ривожланганлиги сабабли, иккиламчи симоб минералидан каломель, тугма симоб оз учрайди. Симобнинг миқдори ўта ўзгарувчан бўлиб, 0,01% дан 1,2% гача, ўртача 0,16%—0,40% ни ташкил этади. Коннинг қуйи чегараси аниқ белгиланмаган.

ЧЎПОНДЕПЕ, Чўпонтепа — мил. ав. 6—5-минг йилликлар (неолит даври)га оид археологик ёдгорлик. У илк суғорма деҳқончилик маданиятига мансуб (қ. *Жойтун маданияти*). Ч. Ашхобод вилоятининг Гўкдепе тумани марказидан 7—8 км шарқда жойлашган. 1957—58 й.ларда қайд этилиб, қазишмалар ўтказилган. Ч. узунчоқ шаклда бўлиб, бал. 5 м, майд. 2 га дан иборат. Бир неча минг йилликлар давомида Ч.да кечган ўтроқ ҳаёт излари ёдгорлик саҳни остида 6 м ли қалинликдаги маданий қатламда сақланиб қолган. Қазиш жараёнида унинг юқори ва остки қатламларидан турар жой харобалари кавлаб очилган. Мураббаъ шаклдаги уйлар йирик гувала (диаметри 20—25 см, уз. 60—70 см ли)лардан сомонли лой б-н бино қилинган. Хона деворлари саҳни сомонли лой б-н сувалган. Хонага торгина эшик орқали кирилиб, ичкарисида гуваладан барпо этилган улкан ўчоқ, ташқарисида эса, ҳовли, хўжалик ўраси ва катаклари жойлашган. Қазишмалардан 2 мингдан ортиқ микролит тош қуроллар (қадама ўроқ, қиргич, ўроқранда, тешгич, парма), қўлда ясалган сопол идиш (коса, товоқ ва хумчалар), турли ҳайвонларнинг суяклари (эчки, қўй, буқа, жайран, ит, тулки ва б.) ва кўмирга айланган дон қолдиқлари (асосан, арпа, буғдой) топилган. Сирти силлиқланган сопол идишларнинг айримларига тўқ жигарранг ёки оч малла рангли тўлқинсимон ёки ярим доира шакллардаги нақшлар берилган. Топилмалардан маълум бўлишича, Ч.ликлар, асосан, суғорма деҳқончилик ва ҳонаки чорвачилик б-н шуғулланган бўлсалар-да, овчилик ҳам улар ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Ад.: Массон В.М., Средняя Азия и Древний Восток, М.—Л., 1964.

ЧЎПОНЗОДА (тахаллуси; асл исм-шарифи Бекир Ваҳап ўғли) [1893.15(27).5, Симферополь уезди Арғун қишлоғи — 1937.13.10, Боку] — қримтатар шоири, адабиётшунос, туркийшунос. Ч.нинг адабий фаолияти 1913 й.да «Онанг қайда?» достони б-н бошланган. Унинг Туркия, Венгрия, Қрим ва Кавказда ёзган шеърлари «Бўрон» (1928) тўпламидан ўрин олган. Ч.нинг кейинги фаолияти илмий йўналиш касб этиб, у туркий халқлар тили, фольклори ва ёзма адабиёти масалаларига бағишланган илмий асарлар ёзган. У янги турк алифбоси Бутуниттифоқ марказий қўмитасига (1927—29) ва Озарбайжон Халқ маориф комиссарлиги ҳузуридаги терминология қўмитасига (1929 й.дан) раҳбарлик қилган. Ч. 1936 й. ёзида Озарбайжоннинг қишлоқ жойларига бориб, сўнгги марта диалектология ва фольклорга оид бой материаллар тўплаган. Ч. 1926—28 й.ларда Ўзбекистонга бир неча марта келган ва ўзбек фольклоршунос, тилшунос, адабиётшунос олимлари б-н яқин ижодий алоқада бўлган. 1937 й. 28 янв.да Кисловодскдаги санаторийда даволанаётган пайтида қамоққа олинган ва Бокуга олиб келиниб, «халқ душмани» сифатида отиб ташланган. Ч. 1957 й. 12 окт.да СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан оқланган.

ЧЎПОНОТА МАЖМУАСИ — Тошкентдаги меъморий ёдгорлик. Гумбазли дарвозахона ва мақбара (айрим маълумотларга кўра 15-а.), масжид (асоси 19-а. охири — 20-а. боши) дан иборат. Дарвозахона ҳовлининг жан. томонида, ғарбида масжид, шим. тарафда мақбара жойлашган. Мақбарага бораверишда хиёбон тарзида ташкил этилган. Дарвозахона ва мақбаранинг (тарҳлари мос равишда 3,5×4,9 м ва 4,6×5,6 м) ҳажмий тузилишларида умумийлик кўп: иккаласи ҳам майда (24×24×4 см) ғиштдан ишланган; олд тарзларининг томонларидаги гулдасталар юқорига қараб ингичкалашиб кетган; гулдасталарнинг тепаларига ўймакорлик воситасида қафаса шакллари берилган.

Чўпонота мажмуаси.

эшикларининг тепасида китобаларнинг ўрни бор. Бино интерьерлари ва деворларига тўрттадан саёзроқ тахмонлар ишланган; бағаллари «каптар думи» (қалқонсимон) шаклида чиқарилган. Биноларнинг фарқли жиҳатлари ҳам бор. Дарвозахонанинг ҳовли томонида ҳам пештоқ бўлиб, у кўча тарафидагига қараганда пастроқ; гумбазининг устига мезана қурилган. Мақбара эшигининг тепасидаги ёзув (китоба) қириб олинган, ўрнига ганчдан нақш ишланган. Сағана мақбара ичининг анча қисмини эгаллаган. Ғарбий тахмон деворида туйнук бор. Мақбаранинг ичи сувоқсиз бўлиб, ғиштлардан нақшсимон шакллар ҳосил этилган. Шифтли масжид 20-а.нинг 50-й.ларидаги кенгайтириш натижасида ўзининг дастлабки ҳолатини йўқотган. Хонақоҳ 3 қисмга бўлинган. Унга шарқдан ўртасида беш таянчи бўлган ромли айвон туташтирилган. Масжид тарҳининг таҳлили унинг энг аввалги қисми иморатнинг жан.-ғарбида жойлашганлигини кўрсатади: хонақоҳнинг жан. қисми дастлабки хонақоҳ, ўрта қисми эса дастлабки очиқ айвон бўлган, деб тахмин қилиш мумкин; хонақоҳнинг шим. қисми ва ромли айвон кейин қурилган. Масжиднинг қаршисида, ҳовлининг шарқий томонида ёрдамчи қурилмалар, ҳовуз бор. Ч.м.да халқ меъморлигининг, айниқса, ғишткор усталарнинг маҳорати мужассам бўлган.

Хайрулла Пўлатов.

ЧЎПОНОТА МАҚБАРАСИ — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (15-а.). Бино тўртбурчак тарҳли, тўрт томонида эшик ўрни бор. Бино ташқариси безаксиз, фақат гумбази феруза рангли кошинлар б-н қопланган. Бино ичи ва пойгумбаз ганч сувоқ қилинган. Ч.м. ёпмаси ташқи ва ички гумбазли тузилишга эга: хонанинг гумбази равоқларга қўйилган; ташқи гумбаз баланд пойгумбазга ўрнатилган. Бу услубдаги қурилма Ч.м.да илк бор қўлланилган бўлиб, кейинги иншоотларда янада мукаммаллаштирилган.

ЧЎПХИНА, ёввойи хина (Impatiens parviflora) — хинадошларга мансуб бир йиллик ўт. Пояси тик, бўғинлари йўғон, учи шохланган, бўйи 30—50 см, попук илдизли, туксиз, нозик, чиройли. Барглари оддий, қисқа бандли, бутун, тухумсимон ёки эллипссимон, четлари тишли. Гуллари сариқ, икки жинсли, майда, сачоқ тўпгул ҳосил қилади. Меваси қаламсимон, бўйи 15—20 мм, кўп уруғли. Ч. июнда гуллайди, июлдан то сент.гача мевалайди. Тоғ ва адирларнинг нам ва сой ерларида, қояларнинг ёриқларида, дарахтлар тагида усади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида воҳа ва боғларда бегона ўт сифатида учрайди. Ч.дан бўёқ олинади.

ЧЎПЧАК — қ. *Эртак.*

ЧЎР, Чур — Турк хоқонлиги бошқарувидаги унвонлардан бири. Қад. турк битиктошлари, хитой, суғд, араб, форс манбаларида учрайди. Ч. унвони, асосан, хоқонликнинг ғарбий қисмидаги «Ўн ўқ» бошқаруви таркибида беш дулу уруғи ва б. йирик туркий уруғлар бошлиқларига нисбатан қўлланилган. Жумладан, ушбу унвон хитой манбаларида чжо шаклида қайд қилиниб, Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувида ислоҳот ўтказилганлиги ва Еттисувдаги Суяб дарёсининг шарқий ҳавзасида яшовчи дулу қабиласининг бешта уруғи бошлиқларининг ҳар бирига чжо (чўр) унвони берилгани айтиб ўтилади. Ч. унвони хоқонлик таркибидаги бошқа ўлкалар бошқарувида ҳам ишлатилиб, баъзан киши номлари таркибида қўлланилгани кўзга ташланади. Табарийнинг «Тарих ар-расул ва-л-мулук» (9-а.) баъзи нусхаларида Фарғона ҳукмдорининг исми Жўр (Чўр) тарзида учрайди. Яъқубийнинг «Китаб ал-булдон» (9-а.) асарида Фарғона ҳукмдорининг авлоди тарзида кўрсатилган Билгачўр исмидан ҳам водийнинг бошқарувида Ч. унвони қўлланилганини пайқаш мумкин. Урхун битиктошларида Кўл-чур, Чўр-тегин, араб манбаларида Харачур, Аличур, Алтучур каби туркий лашкарбошилар исми учрайди.

Ад.: Исҳоқов М., Унутилган подшоликдан хатлар (бир туркум суғд ҳужжатларининг ўзбек тилига таржимаси ва изоҳлари), Т., 1992.

ЧЎРТАНСИМОНЛАР (Esocidae) — лососсимонлар туркумига мансуб балиқлар оиласи. 1 уруққа мансуб 5 тури маълум. Ер юзида кенг тарқалган. Қора, Азов, Каспий, Орол, Болтиқ, Оқ, Баренц ва Охота денгизларида ҳам учрайди. Боши катта, тумшуғи чўзиқ, ясси. Оғиз бўшлиғидаги суяклар ва тили майда тишлар б-н қопланган. Тангачалари майда. Типик вакили оддий чўртан балиқ гавдаси 1,5 м гача, оғирлиги 35 кг дан ортиқ. Усти кулранг-яшил, кулранг-сарғиш ёки қўнғир бўлиб, қорни оқ. Кулсаклингида ва узунасига кетган йўллари ва қорамтир холлари бор. Елка, анал ва дум сузгич қаноти қора холли қўнғир, кўкрак ҳамда қорин сузгичи — сарғиш-қизил. Кўлларда, дарёларнинг тинч оқар ва ўсимликка бой жойларида якка яшайди. Ўзбекистонда Аму ва Сирдарёда, Айдаркўлда учрайди. 175—215 минг увилдириқ ташлайди. Эркаги 3—4, урғочиси 5 ёшда вояга етади. Йиртқич. Балиқ, бақа, сув қушлари ва б. билан озиқланади. Сони кескин камайиб кетган.

Қалқонли чўртан.

ЧЎТ (рус. счёт сўзидан) — арифметик ҳисоблаш (қўшиш ва айириш, бўлиш, кўпайтириш) учун ишлатиладиган энг содда асбоб. Биринчи тахта Ч. Россияда 16-а.да пайдо бўлган. 18-а. бошларида Ч. ҳозирги кўринишини олган. Рус Ч.лари собиқ Иттифоқ давлатлари ҳамда Эронда ишлатилган. Шунингдек, Хитой Ч.и (суан-пан) ҳам бор, улар Хитой ва Японияда қўлланилган. Хитой Ч.и рус Ч.идан анча илгари яратилган бўлиб, ҳозиргача ҳам ўзининг 5 бирликли саноғи б-н қадимий тузилишини сақлаб қолган.

ЧЎЧҚА, хонаки чўчқа — ҳақиқий чўчқасимонлар туркуми (Sus)га мансуб жуфт туёқли ҳайвон. Хонаки Ч.лар Европа, Ўрта денгиз ва Осиё *тўнғиз*ларининг кенжа тури (Sus scrofa)дан келиб чиққан. Европа ва Осиё гуруҳларига бўлинади. Мил. ав. 5—4-а.ларда хонакилаштирилган. Озуқа шароити, парвариш ҳамда узоқ ва мақсадли селекция натижасида жаҳонда 100 дан ортиқ Ч. зотлари чиқарилган. Энг кўп боқиладиган зотлар — йирик оқ, ландрас, йирик қора, дюрок, Шим. Кавказ, Украина дашт оқ чўчқаси ва б. Ч.нинг танаси тузилиши қўпол, тумшуғи узун, учида ҳаракатланувчи хартуми бор. Оёқлари тўрт бармоқли, елини икки тизимда жойлашган, 14 сўрғичли; танаси сийрак дағал қил б-н қопланган. Эркагининг вазни 250—300 кг, урғочиси 200—220 кг га боради. Ч. чорва ҳайвонлари ичида энг тез етилувчи ва сермаҳсул ҳисобланади. 4—5 ойлигида жинсий етилади, 9—10 ойлигида қочирилади. Бўғозлик даври 102—128 кун, йилига 2 марта болалайди ва ҳар болалашида 10 ва ундан ортиқ бола беради. Ч. боласининг тирик вазни туғилганида 1,2—2 кг, икки ойлигида 16—20 кг, 6—7 ойлигида 90—110 кг, 12 ойлигида 200 кг тош босади. Бир она Ч.дан бир йилда 20—22

бола олиш ва уни боқиш мумкин. Боқилган Ч.нинг сўйим гўшт чиқими 70—85% ни ташкил этади. И.ч. да она чўчқалар 5—6 й., эркак чўчқалар 7 й. фойдаланилади. Ч.лар табиий ва сунъий усулда қочирилади. Бир эркак Ч. уруғи б-н 100 дан кўпроқ она чўчқаларни сунъий уруғлантириш мумкин. Ч.ларни гўшт учун (*бекон*), гўшт-ёғ учун ва ёғ учун боқиш усуллари мавжуд. Ч. гўшти ва ёғидан турли озиқ-овқат маҳсулотлари (бекон, ветчина, колбаса, дудланган гўшт, рулет, корейка, шпик ва б.) тайёрланади. Ишлаб чиқаришда Ч. терисидан оёқ кийими, эгар-жабдуқлар ва б. нарсалар тайёрлашда фойдаланилади. Дунёнинг ҳамма мамлакатларида, йирик фермалар ва хонадон хўжаликларида боқилади (қ. *Чўчқачилик*).

ЧЎЧҚАЧИЛИК — *чорвачилик*нинг чўчқаларни урчитиш, улардан гўшт, ёғ, тери ва б. маҳсулотлар олиш б-н шуғулланадиган тармоғи; чўчқалар биологияси, селекцияси, зоотехникаси, хўжалик аҳамиятини ўрганадиган фан.

Ч. чорвачиликнинг жуда қад. тармоқларидан бири. Шаҳарларнинг йириклашуви, аҳолининг гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларининг ортиб бориши б-н Ч. ҳам жадал ривожланди. 18-а.дан Америкада маҳаллий чўчқа зотларини бу ерга олиб келинган юнон-рим ва қад. хитой зотлари б-н чатиштириб, янги сермаҳсул зотлар чиқарилди. товар Ч.дан наслчилик Ч. ажралиб чиқди, селекция ишлари олиб борилди, наслчилик китобларини юритиш бошланди, натижада йоркширлар, беркширлар каби юқори маҳсулдор чўчқа зотлари яратилди.

Ч. жаҳондаги деярли барча мамлакатларда гўшт маҳсулотлари етиштиришда самарали соҳа ҳисобланади. Жаҳон бўйича чўчқалар сони 912,7 млн. бошни ташкил этади (1999); Африка мамлакатлари (млн. бош) (27,0), Хитой (429,1), АҚШ (62,2), Бразилия (27,4), Испания (21,6), Россия (17,3) ва б.да йирик чўчқачилик фермалари ташкил этилган. Чўчқа гўшти етиштиришнинг деярли ярми Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда Ч., асосан, 19-а.нинг 2-ярмида, Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин бу ерга кўчиб келган европалик аҳоли орқали пайдо бўлди. 1960-й.ларга қадар иссиқ иқлим ноқулайликларига қарамай, давлат ва жамоа хўжаликларининг Ч. фермаларида ва, асосан, рус, украин, белорус ва б. европалик аҳолининг шахсий хўжаликларида ривожланди. Россия, Украина, Кавказдан сермаҳсул оқ чўчқа, Украина дашт оқ чўчқаси, Шим. Кавказ ва ландрас чўчқа зотлари келтирилди. Ўзбекистон чорвачилик ин-тида Ч. бўлими ташкил этилди. Ч. б-н шуғулланадиган наслчилик з-длари, хўжаликлари ва фермалари барпо этилди. 1960—91 й.ларда Ч. саноат асосида жадал ривожлантирилган. Тошкент, Самарқанд, Жиззах вилоятларида ихтисослашган Ч. комплекслари қурилди, жумладан, 108 минг бошга мўлжалланган «Ғаллақудуқ», 54 минг бошга мўлжалланган «Сирғали» ва «Рассвет» комплекслари ишга туширилди. 1990 й.да барча тоифадаги хўжаликларда чўчқалар сони 716 минг бошга етди, 47 минг т чўчқа гўшти тайёрланди. 1991 й.дан кейин қ.х.да ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар давомида Ч. фермалари хусусийлаштирилди. Ўзбекистонда 85,3 минг бош чўчқа боқилди, 5 минг т гўшт тайёрланди (2003).

Ўзбекистон чорвачилик и.т. институти чўчқачилик бўлимида Ч. ишларини ташкил этиш, чўчқаларни парвариш қилиш ва улардан сифатли маҳсулот олиш каби мавзулар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилади. Олий ва махсус қ.х. ўқув юртларида Ч. фан сифатида ўқитилади.

Убайдулла Носиров, Нъматулла Эшматов.

ЧЎЯН — ҳар хил буюмлар (қозон, сантехника қурилмалари, меъморлик безаклари, панжаралар ва б.) қуйиш учун ишлатиладиган мўрт материал; темир б-н углерод қотишмаси. Оддий (легирланмаган) Ч. таркибида 2,0% дан ортиқ углерод ва оз миқдорда доимий қўшилмалар — кремний, марганец, фосфор ва олтингугурт бўлади. Таркибида легирловчи элементлар — хром, никель, молибден, мис, алюминий ва б., шунингдек, 2% дан ортиқ марганец ҳамда 4% дан ортиқ кремний бўлган Ч. легирланган (махсус) Ч. дейилади.

Ч. кулранг, оқ ва оралиқ турларга бўлинади. Кулранг Ч.да углерод эркин ҳолатда — бодроқсимон, пластинкасимон ёки шарсимон графит тарзида, оқ Ч.да углероднинг ҳаммаси ёки жуда кўп қисми темир карбиди Fe_3C — цементит ҳолида, оралиқ Ч.да эса углероднинг бир қисми цементит ва бир қисми графит ҳолида бўлади.

Кулранг Ч. таркибидаги графитнинг шаклига кўра, оддий кулранг Ч., болғаланувчан ва жуда пухта Ч.да Ч.ларга бўлинади. Оддий кулранг Ч.да графит пластинка (япроқ) шаклида, болғаланувчан Ч.да — бодроқсимон (пага-пага), жуда пухта Ч.да эса шар шаклида бўлади. Қуймалар олиш учун ишлатиладиган кулранг Ч. қуймакорлик чўяни деб ҳам аталади. Оқ Ч. қайта ишланувчи Ч. дейилади, чунки у, асосан, пўлат ишлаб чиқаришга ярайди. Оқ Ч.ни термик ишлаб, юмшатиш йўли б-н болғаланувчи Ч. ҳосил қилинади. Оддий кулранг Ч. ҳарфлар (КЧ) ва икки хонали икки сон б-н белгиланади. Мас., КЧ12—28 да КЧ (СЧ) ҳарфлари («кулранг чўян», русча «серый чугун» сўзларининг биринчи ҳарфлари) кулранг Ч. эканлигини, 12 сони унинг чўзилишдаги, 28 сони эса эгилишдаги мустаҳкамлик чегарасини (кг/мм^2) билдиради. Болғаланувчан Ч. БЧ (КЧ) ҳарфлари ва кетма-кет келадиган икки сон б-н белгиланади, мас., БЧ50-4 да БЧ (КЧ) ҳарфлари («болғаланувчан чўян», русча «ковкий чугун» сўзларининг биринчи ҳарфлари) Ч.нинг болғаланувчанлигини, 50 сони чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасини, 4 сони эса нисбий узайишини (% ҳисобида) билдиради.

Ч.лар темир рудалари ва полиметалл рудаларидан металлургия печлари (домна печи, электр печлар) да ишлаб чиқарилади. Печларда кулранг ва оқ Ч.лардан ташқари, ферроқотишмалар деб аталадиган Ч.лар ҳам олинади; бундай Ч.лар таркибида кремний ва марганец миқдори одатдаги Ч.лардагига қараганда анча кўп бўлади.

Машинасозликда Ч.нинг қуйидаги турлари катта аҳамиятга эга. Алюминий Ч. — таркибида алюминий миқдори кўп бўлган Ч., у оловбардош ва коррозиябардош, электротехникада магнитмас материал сифатида ишлатилади. Антифрикцион Ч. — ейилишга чидамли Ч., подшипниклар ва б. ишқаланувчи деталлар тайёрлаш учун ишлатилади. Иссиқбардош Ч. — т-ра кўтарилганда мустаҳкамлиги унча пасаймайди; юқори т-рада ишлайдиган Ч. арматуралар ва б. буюмлар тайёрлаш учун ишлатилади. Оловбардош Ч. — юқори т-раларда оксидланишга яхши қаршилик кўрсатади; бу хосса унга кўпроқ миқдорда хром қўшиш йўли б-н ҳосил қилинади, 1100°C гача т-рада ишлайдиган деталлар тайёрлаш учун ишлатилади. Коррозиябардош Ч. — зарарли муҳитлар — кислота, ишқор ва б.га кимёвий турғунлиги юқори бўлган легирланган Ч.лар жумласига киради.

Магнийли Ч. — таркибидаги графит шар шаклида бўлган кулранг (жуда пухта) Ч.; суюқ Ч.га магний ёки унинг қотишмаларидан қўшиш йўли б-н Ч. графити шар шаклига келтирилади. катта юк (куч) тушадиган деталлар тайёрлаш учун ишлатилади. Магнитмас Ч. — асоси аустенит бўлган кўп легирланган Ч.; магнит киритувчанлиги жуда кичик бўлади; асосан, электротехникада ишлатилади.

ЧЎҚМОР — *қ. Гурзи.*

ЧЎҚҚИ — тог тизмасининг энг баланд жойи (*қ. Тог чўққиси*).

ЧЎҒЛАНМА ЛАМПА — электр токи таъсирида толаси (сими) чўғланиб нур сочадиган ёруғлик манбаи. Ичидан ҳавоси сўрилиб, чўғланиш жисми (сим) жойланган колба (лампочка)дан иборат. Баъзи Ч.л.ларнинг колбаси толанинг т-раси, яъни нур сочишини яхшилаш учун инерт газ б-н тўлдирилади. Ч.л.нинг толаси спирал, биспирал (икки спирал) ёки триспирал (уч спирал) тарзида ўралган вольфрам симдан қилинади. Ч.л. ёнганда толаси



Электр чўғланма лампалари: *а* — оддий лампочка; *1* — ниша колба; *2* — чўғланма тола; *9* — цоколь; *б* кинопроекцион (кучланиши 40 в, қуввати 750 Вт); *в* руда конида ишлатиладиган (4 В, 3,75 Вт); *г* — автомобилда ишлатиладиган икки толали лампа (12 В, 50 Вт)

2500—3300 К гача қизийди; нур сочиш қуввати 10—35 лм/Вт; хизмат муддати 1000 соатгача. Дастлабки Ч.л.ни 1872 йл.да А.Н.*Лодыгин* ихтиро қилган. 1879 йл.да Т.А. *Эдисон* уни такомиллаштирган. Ч.л.лар хоналар ва майдонларни ёритишда, кинопроекцион аппаратларда, конларда, автомобилларда ишлатилади.

ЧҲАТТИСГАРҲ — Ҳиндистоннинг марказий қисмидаги штат. Майд. 135 минг км². Аҳолиси 21 млн. киши (2001). Маъмурий маркази — Раипур ш. Штат шарқда Жарқланд ва Орисса, ғарбда Мадҳья-Прадеш ва Маҳаранштра, шим.да Утгар-Прадеш штатлари б-н чегарадош. Штат 2000 и. 1 ноябрда ташкил этилган.

Ч — аграр штат. Аҳолисининг 80% қ.хда банд. Майдонининг 43% ишланади. Асосий экини — шоли, шунингдек, бугдой, маккажўхори, дуккаклилар экилади, ипакчилик ва саёзлатчилик ривожланган. Штат ҳудудининг 44% ўрмон. Штатнинг муҳим табиий ресурси — ўрмон маҳсулотлари. Металлургия саноати, пўлат қуйиш ва цемент з-длари, машинасозлик, озиқ-овқат, қимё саноати корхоналари мавжуд. Пластмасса ишлаб чиқарилади. Алюминий, кончилик ривожланган. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган т.в. платформаларининг 100%, цементнинг 20% Ч.га тўғри келади. Темир, марганец, олтин ва боксит рудалари қазиб олинади. Шунингдек, олмос, берилл, аметист (сафсар), александрит ва б. қимматбаҳо тошлар конлари топилган.

Ш

Ш — ўзбек кирилл алифбосининг йигирма олтинчи ҳарфи. Тил олди, сиртлатувчи, шовқинли, жарангсиз ундош товушни ифодалайди. Қўлланиши жиҳатдан ўртача фаол, талаффуз жиҳатдан эса барқарор ундош: ҳар қандай позицияда ҳам лекин бир хил талаффуз этилади. Сўзнинг бошида (ширин, шох, шўх), ўртасида (машҳур, оғиқ, қошиқ) ва охирида (дилкаш, кураш, тиш) кела олади. Баъзан сўз ўртасида жуфт ҳолда ҳам учрайди (пашша, қашшоқ). Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган ёзувларда Ш ҳарфи ўзига хос шаклларда учрайди. Улар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	𐬱 𐬫	Мил. ав. 6—4 - а
Урхун - Енисей ёзуви	𐰴𐰍𐰇	5 — 8 - а
Туркий (уйғур) ёзуви	𐱅	8 — 13 - а
Суғд ёзуви	𐼴	Мил. ав. 1 - минг й. охири — 13 - а
Араб ёзуви	ش	13 - а — 1929 й.
Лотин ёзуви	§	1929 — 1939 й.
Кирилл ёзуви	Ш	1940 — 1995 й.
Лотин ёзуви	Sh	1995 й. дан

ШАБАКА — металл буюмларда панжарасимон безак яратиш усули. Заргарлик, кандакорликда кенг тарқалган. Металл буюмлар ва уларнинг қисмларини (қопқоқ, даста ва б.)ни безашда, заргарлик буюмлари яратишда қўлланилади. Шу усулда яратилган буюмлар (мас., Самарқанд, Бухоро билагузуклари ва б.) ҳам Ш. деб аталади.

ШАБАРОН, Шаброн (эронча Шопур номидан) — 1) Озарбайжондаги қад. шаҳар харобаси. Куба ш.дан 25 км жан.-шарқда жойлашган. Сосонийлардан Хусрав I Ануширвон томонидан асос солинган (6-а.). Шу номдаги тасарихий вилоят маркази бўлган. Ўрта асрларда Ширвон таркибига кирган, ипак савдосининг йирик маркази ҳисобланган. Ш. орқали Астрахон — Шемаха карвон йўли ўтган. 18-а. бошида турклар томонидан вайрон қилинган; 2) Озарбайжондаги тарихий вилоят. Каспий денгизининг Кавказ соҳилида жойлашган. Мил. ав. 7-а.да Ш. ҳудудида подшо скифлари қабила иттифоқи — Ашғуз вужудга келган. У *Оссурия* қулаб, *Урарту* ағдарилгач, ўз ҳукмронлигини Шарқий Закавказьенинг бутун ҳудудига тарқатган. Мил. 1—2-а.ларда Ш. Кавказ массагетлари (мазкутлар) подшолиги таркибига кирган. 4—9-а.ларда Ш. ҳудудида қад. лезгиларнинг Хурсан князлиги мавжуд бўлган; 9-а. ўртасларидан Ш.Ширвон таркибида.

Ад.: Минорский В.Ф., История Ширвана и Дербенда X—XI вв., М., 1963.

ШАББЎЙ (Matthiola) — бутгулдошларга мансуб бир, икки ва кўп йиллик манзарали ўсимликлар туркуми. Европада, Ғарбий ва Ўрта Осиёда, Шим. ва Жан. Африкада 55 га яқин тури маълум. Маданий ҳолда ўсадиган Ш.нинг бўйи 20—80 см. Барглари наштарсимон ёки қатма-қат. Гуллари оддий, шингилларга тўпланган, қатма-қат, чиройли, хушбўй, ранги турлича. Гулчиликда Ш.нинг қишки ва ёзги турлари экилади. Ёзги турларининг кўпгина навлари гулзорларда ёки тувакларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Айниқса, оқшомда гуллайдиган Ш.нинг (M. bicornis) бир йиллик тури қадрланади. Уруғидан кўпайтирилади. Уруғлари фев.да иссиқхоналарда экилади. Май ойида кўчатлари гулзорларга ўтқазилади. Июндан — авг.гача гуллайди.

Шаббўй.

ШАБДОР, эрон себаргаси (Trifolium resupinatum. L.) — себаргадошлар туркумига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик тури, ем-хашак экини (*қ. Себарга*).

ШАБКЎРЛИК (форс.— тун, кеча), гемералопия — қоронғида кўриш қобилиятининг бузилиши. Ш. кўпинча туғма бўлиб, болалик ва ўсмирлик даврида асосан ўғил болаларда кузатилади, аксарият оилавий-ирсий хусусиятга эга бўлади. Симптоматик Ш. кўзнинг турли органик касалликлари (*глаукома*, кўрув нерви атрофияси, хориоретинит ва ҳ.к.)да касалликнинг бир белгиси сифатида учрайди. Функционал Ш. кўпроқ овқат таркибида А витамини етишмаслиги ёки бўлмаслигти натижасида пайдо бўлади. Ш.да бемор ним қоронғи ёки тузук ёритилмаган хоналарда, кунниг гира-шира пайтларида ва тунда, ёруғдан қоронғига ўтганда кўра олмай қолади (айни вақтда ёруғликда яхши кўради). Кейинроқ *ранг ажрата олмаслик* аломатлари намоён бўлади, асосан, кўриш майдони торайиб, кўриш ўткирлиги ҳам пасаяди. Ш.ка кўз тўр пардаси таёқча ҳужайралари (қ. *Кўз*) структурасининг органик ўзгаришлари ёки шу ҳужайра таркибига кирувчи кўз пурпури (родопсин)нинг функционал етишмовчилиги сабаб бўлади. Кўз пурпури оқсилининг А витамини б-н ҳосил қилган комплекси бўлиб, кўзнинг қоронғиликка мослашувида муҳим аҳамиятга эга. У ёруғлик таъсирида (ретинин ва специфик оқсилга) парчаланади, қоронғида эса (бевосита А витамини иштирокида) тикланади ва шу б-н таёқча-ҳужайралар функционал қобилиятини тиклайди.

Ш.да кўз тўр пардасида қоп-қора пигмент таначалари пайдо бўлиб, улар борган сари кўпайиб боради. Қон томирлари торайиб, тўр пардаининг ўзи юпқалашади, унинг озиқланиши бузилиб, сўнг кўриш бутунлай йўқолади. Ш.нинг ҳамма шаклларида сервитамин (А витаминига бой) овқатлар (сут, сариёғ, балиқ мойи, жигар, сабзи, кўк пиёз, укроп, петрушка ва б.), витамин препаратлари буюрилади.

Ш.ка хос аломатлар сезилса дарҳол мутахассис врачга кўриниш лозим.

ШАБЛОН (юн. schablone — намуна) — 1) тайёр буюмлар шаклининг тўғрилигини текширадиган асбоб, мослама; 2) табиий катталикда тайёрланган деталь (меъморлик, қурилиш) чизмаси; 3) кўчма маънода — кўр-кўрона тақлид қилиш.

ШАВВОЛ (араб.) — қамарий йил ҳисобида (ой тақвимида), шунингдек, мусулмонларнинг ҳижрий-қамарий йил ҳисобида ўнинчи ойнинг арабча номи; 29 кунга тенг.

ШАВКАТ БУХОРИЙ (тахаллуси; исми Муҳаммад Исҳоқ) (17-а.нинг 20-й.лари, Бухоро — 1695/1699, Исфаҳон) — форс-тожик шоири. Бухорода таҳсил олган. Саррофлик б-н шуғулланган. Ҳиротга келиб, шаҳар ҳокими Сафоқулихон Шомлу ва унинг вазири Мирзо Саъдуддин хизматида бўлган. Дастлаб Нозик тахаллуси б-н шеърлар ёзган.

Ш.Б. ўз даврининг етук шоири, ҳинд услубининг намояндаларидан бўлган, нафақат замондош, балки ўзидан кейинги шоирларга ҳам таъсир кўрсатган. Малеҳо Самарқандийнинг «Музаккир ул-асҳоб», Мирзо Муҳаммад Тоҳир Насрободийнинг «Тазкираи Насрободий», Ғуломалихон Озод Билгиромийнинг «Хизонаи Омира», Шамсиддин Сомийнинг «Қомус ул-аълом» тазкираларида шоир ҳақида маълумот берилиб, шеърларидан намуналар келтирилган. Исфаҳонда у б-н 7 ой давомида мулоқотда бўлган Малеҳо ўз тазкирасидан ўрин олган 202 шоир ичидан фақат Ш.Б.га батафсил ва юксак баҳо берган. У анъанавий услубни янгилаган, оҳорли ва гўзал фикру ташбеҳларни ўзига хос усулда бадиий юксак ифодалаган. Анъанавий ишқ мавзуи б-н бирга, шоир ижодида таржимаи ҳол руҳидаги, ватандан ва дўстлардан жудолик, дунё, замон ва одамлардан шикоят оҳангидаги шеърлар етакчилик қилади. Ҳаётсеварлик, панду насиҳат ва б. ҳам шоир ижодининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади.

Меросининг асосий қисмини қасида, ғазал, қитъа ва рубоийлар ташкил этади. 6221 байтдан иборат шеърий мероси тўпланиб, 1987 й.да Душанбада нашр қилинган. Девонининг нусхалари Тошкент, Душанба, Москва, Санкт-Петербургдаги қўлёзма фондларида сақланади.

Ас.: Бухорийлар бўстони, Т., 1997.
Ад.: Тўхсанов Қ., Шавкат Бухорий шеъриятининг услуби ва бадиияти, Самарқанд, 1998.

ШАВКАТ РАҲМОН (асл исм-шарифи Раҳмонов Шавкат) (1950.12.9, Ўш, Қирғизистон — 1996.2.10, Тошкент) — шоир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1996). Москвадаги Адабиёт ин-тини тугатган (1975). Қурилиш, з-д ва вилоят босмахонасида ишчи (1966—68), вилоят газетаси таҳририятида мусаҳҳиҳ ва адабий ходим (1968—75). Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир ва бўлим мудири (1975—82; 1985—90), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул ходим (1982—84). Дастлабки шеърий тўплами — «Рангин лаҳзалар» (1978). «Юрак қирралари» (1981), «Очиқ кунлар» (1983), «Гулистон

тоғ» (1984), «Уйғоқ тоғлар» (1986), «Ҳулкар» (1988) сингари шеърий китоблари эълон қилинган. Ш.Р. сўзнинг бадиий имкониятларини кенгайтириш, фикр ва туйғунинг ботиний ҳаракатини ифодалаш усул ва воситаларини топиш мақсадида кутилмаган мажозий образлардан, қиёслардан самарали фойдаланган, бармоқ вазнининг анъанавий ўлчовларини бузиб, ритм ва оҳангга эркин муносабатда бўлган, шеърият б-н тасвирий санъат, шеърият б-н фалсафа ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаган. Ўзбек шеъриятини 20-а. испан шоирларининг бадиий тажрибаси б-н бойитган. Ф.Г.Лорка («Сайланма», 1979), Х.Р.Хименес, Р.Альберти шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ад.: Сайланма, Т., 1997.

ШАВКАТЛИ ҚАЛАЙ КОНИ — Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилидаги Боботоғ интрузивида жойлашган кон. 1967 й. М.А.Аҳмедов очган. Кон геол.сини У.Раҳмедов, И.Ҳ.Ҳамробоев, А.Сотволдиев ва б. ўрганган. Ш.қ.к.да қуйи триас даврига мансуб кварц-порфир, гранит-порфир ва уларни ёриб чиққан диабаз-порфирлар бор. Кон магматик жинсларнинг гидротермал жараёнда ўзгарган (кварцлашган, серицитлашган, хлоритлашган, гематитлашган) 4 та минераллашган зонасидан ташкил топган. Зоналар уз. 250—800 м, эни 5—40 м. Зоналарда микроклин, серицит, кварц, магнетит, хлорит, касситерит, шеелит, гематит, халькопирит ва б. минераллар бор. Қалай минерали — касситерит кварц, серицит, хлорит ва б. минераллар б-н бир вақтда ҳосил бўлиб, қалай б-н бирга учрайди. Зоналардаги қалайнинг миқдори 0,003% дан 3,6% гача. Конда вольфрам, сийрак ер элементлари ва б. элементлар ҳам бор.

ШАВЛА — овқат тури. Ш. тайёрлаш учун гўшт майдароқ бўлакларга бўлиниб, сабзи сомон шаклида, пиёз паррак-паррак қилиб тўғралади. Қозонга ёғ солиб барча масаллиқ худди паловнинг зирвари каби қовурилиб, 2—3 дона помидор ёки 2 ош қошиқ томат қўшилади. Масаллиқ яхши қовурилгач, сув қуйиб қайнатилади, гўшт ва пиёзлар солиб таъми ростланади. Сўнгра ювиб тозаланган гуруч солиб, қаклаб пиширилади. Агар гуруч солинганда суви камлик қилса яна қайнаган сув қўшиш мумкин. Суви тортилиб, гуруч бир-бирига қовушгач, таом тайёр ҳисобланади. Тайёр таом олиб қолиниб, қопқоғи ёпилган ҳолда 10—15 мин «дам едирилади». Ш.нинг ачиқ Ш., қовурма Ш., ловия Ш., урикли (туршакли) Ш. ва б. хиллари мавжуд. Ш. парҳез таомлар гуруҳига киради.

ШАВҚИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Мулла Шамси мулла Ҳусайн ўғли) (1805 — ҳоз. Туракўрғон тумани — 1889) — шоир, таржимон. «Девон»ида ўзбек-форс тилидаги шеърлари жамланган бўлиб, уларнинг асосий қисмини ўзбек тилидаги шеърлари ташкил қилади. Ш.нинг асарлари мумтоз шеърий жанрлар: ғазал, мухаммас, маснавийлардан иборат. Шоир асарлари («Паришонлар», «Бир тули раъно», «Зебо», «Ишқ сайли» ва б.) нинг асосий мавзуси диний-тасаввуфий ва лирик мазмунда. Шу б-н бирга девонда ижтимоий ва тарихий мавзуга бағишланган мухаммас ва маснавийлар ҳам учрайди. Уларда чор Россиясининг Туркистонни, хусусан, Қўқон хонлигини босиб олиш воқеалари шеърий мисраларда тасвирланган. Унинг муборак ҳаж зиёрати давомидаги таассуротлари акс этган шеърий асарлари 20-а. бошларида Тошкент литографияларида чоп этилган.

«Жомеъ ул-ҳаводис» («Ҳодисалар жамланмаси»), «Жангномаи Худоёрхон», «Тарихи Хўқанд», «Панднomai Худоёрхон» каби тарихий достонлари, асосан, 19-а. 2-ярмида Қўқон хонлигида юз берган қипчоқлар қўзғолони воқеаларига бағишланган. Бу достонлар Худоёрхон давридаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни, турли табақа вакилларининг ўзаро муносабатларини ўрганишда аҳамиятлидир. Ш.нинг «Девони Шавқий», «Жомеъ ул-ҳаводис» асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

ШАВҚИЙ Аҳмад (1868.16.10 — Қоҳира — 1932.14.10) — араб шоири. «Амир аш-шуаро» («шоирлар амири») унвонини олган. Ижодида француз классицизми ва романтик шеърияти таъсири сезилади. Парижда «Булон ўрмони» ва «Улуғ Алибей ёки Мамлуклар давлати» (1893) асарларини нашр эттирган. Миср халқи ҳаётидан шеърлар («Нил водийсида содир бўлган воқеалар», 1894), шунингдек, тарихий ва фольклор сюжетлари асосида қисса ва ҳикоялар («Ҳинд ҳур қизи», 1897; «Ладияс», 1899; «Мирта барги», 1904), шеърий пьесалар ёзган. Ш. ижодида ватанпарварлик туйғулари кучли («Лев Толстой ўлимига», 1911; «Мустафо Комил», 1908 ва б.).

ШАВҚИЙ КАТТАҚЎРҒОНИЙ (тахаллуси; исми Муҳаммад Шариф) (1785 — Каттақўрғон тумани — 1861) — шоир. Бухородаги Гавкушон мадрасасида таҳсил олган. Ўзбек, тожик ва араб тилларида ижод қилган. Унинг бир девон ва турли баёзлардаги лирик шеърларининг умумий ҳажми 3000 мисра атрофида. Булар ичида ғазал салмоқли ўрин тутади. Ш. К. шеъриятида, шунингдек, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, муашшар, маснавий, рубоий, фард, қитъа, марсия, мувашшаҳ, чистон жанрига мансуб шеърлар ҳам учрайди.

Ш.К.нинг шеърларида инсондаги гўзал маънавий фазилатлар мадҳ этилган. У Бедил, Навоий, Фузулий, каби шоирларнинг адабий анъаналарини давом эттириб, ўзининг комил инсон борасидаги фикрларини фалсафий мушоҳадалар, тасаввуфий қарашлар, диний эҳтирослар пардасига ўраб берган.

Ш.К. мусулмончилик қонун-қоидаларининг қисқа мажмуи — «Мухтасар ул-виқоя» маснавийсини «Миръот ал-мухтасар» номи б-н тожик тилида шарҳлаган. Тахм. 23 минг мисрадан иборат бўлган бу рисола 26 боб — фаслга бўлинади. Ҳуқуқ мезонлари, ахлоқий-таълимий қарашлар ҳар бир фаслда баён шаклида бериб борилган. Асар охирида китобдаги арабча сўз ва истилоҳларнинг луғавий маъноларига изоҳ берувчи сўзлик илова қилинган. Шунингдек, араб грамматикасига оид «Рисолаи қофия ё миръот ун-наҳв» асарини ёзган. Ш.К. девонлари нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. №4634) ва Тожикистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. № 1899) да сақланади.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1964.
Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи [4 ж.], Т., 1978.

ШАГАЕВ Эркин Мақсудович (1959. 12.2, Тошкент) — сув полоси бўйича олимпиада ўйинлари чемпиони (1980, Москва), хизмат кўрсатган спортчи (1980). Ш. икки карра жаҳон кубоги голиби (1981, Сакраменто; 1983, Лос-Анжелес), жаҳон чемпиони (1982, Кито). Ш. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1981). «Меҳнат» спорт жамиятида йўриқчи (1977—1984), сув полоси бўйича республика ёшлар терма жамоасида бош мураббий (1984—1989), жамоат ва давлат ташкилотларида ишлаган (1984—1991). Пед. фанлари номзоди (1990). Ш. 1991 й.дан Австралия терма жамоасида мураббий.

ШАД, шод — Турк хоқонлиги бошқарувидаги унвон. Қад. турк битиктошларида, хитой, юнон, араб манбаларида учрайди. Хитой манбаларида ша ёки ше шаклларда қайд этилади. Ш. Турк хоқонлигида бош ҳукмдор — хоқондан кейинги ўринда турувчи ябғудан сўнг энг юқори унвон бўлиб, ушбу унвонга, асосан, хоқон хонадонига мансуб, бирор ўлкага маъмур қилиб тайинланган ва ўз қўшинига эга бўлган тегин, шаҳзодалар сазовор бўлишган. Хоқонликнинг марказий ҳокимиятида хоқон, ўнг (Тўлас) ва сўл (Тардуш) қанотлари бошқарувида Ш.лар турар эди. Турк хоқонлиги даврида Чоч, Бухоро, Тохаристонни Ш.лар бошқаргани хитой ва араб манбаларидан маълум. Жумладан, хитойлик роҳиб *Сюань Цзан* 629—645 й.лар оралиғида Ғарбий Турк хоқони Тун ябғу (618—630) ҳимоятида Ғарбий ўлкаларга саёҳат қилган пайтида Тохаристонда ҳам бўлади. Тохаристон ябғуларининг маркази Қундузда уни Тун ябғунинг ўғли Тарду-шад қарши олади. Тарду-шад 7—8- а.ларда ҳукм сурган Тохаристон ябғулари сулоласининг асосчиси ҳисобланади. Шунингдек, Ши (Чоч) да 7-а.нинг 2-ярмида Шужу Ш., Бухорода 7—8- а.ларда Коно Ш., Тугшода (Тугшад), Тохаристондаги Чағониён ҳокимлигида 710-й.ларда Ш. унвонли туркий ҳукмдорлар бўлишган. Хазар хоқонлиги (7—9-а.лар) ва Уйғур хоқонлиги (8—9-а.лар) бошқарувида ҳам Ш. унвони нуфузли унвонлардан ҳисобланган.

Ад.: Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А., Қадимги туркий тил, Т., 1982.

ШАДДОДИЙЛАР — ўрта асрларда Арран (Кура ва Аракс дарёлари оралиғидаги ҳудуд) ва Арманистондаги мусулмон курд сулоласи (тахм. 951—1199). Асосчиси — Муҳаммад ибн Шаддод. У Дайсам ибн Иброҳим ал-Курдий қўл остидаги Двин ш.ни эгаллаб олган. Ш.нинг асосий тармоғи Ганжада 10-а.нинг 70-й.ларидан 1075 й.даги салжуқийлар босқинигача ҳукмронлик қилган, шу йили Ш.дан Фазлун III асир олинган. Двинлик Ш.дан бири 1072 й. салжуқийлар султони Алп Арслондан Ани ш.ни сотиб олиб, уни ўғли Манучага берган. Мануча Ш.нинг Ани тармоғи сулоласи (1072—1199) асосчиси бўлган. Ш. сулоласи, 1199 й. Ани ш.ни Грузияга (унга вассал Захарийлар князлигига) қўшиб олиниши б-н тугатилган.

ШАЖАРА (араб. — дарахт), генеалогия — кишиларнинг келиб чиқиши, аждодлари ва қон-қариндошлик алоқалари мажмуи. Уни тарих фанининг бир тармоғи — генеалогия фани ўрганади. Подшолар, ҳукмдорлар, афсонавий қаҳрамонлар насл-насабига қизиқиш қадим замонларданоқ бўлган, лекин ўрта асрларда Ш. имтиёзли табақаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг авлод-аждодларини расмийлаштиришга қизиқишнинг кучайиши б-н алоҳида аҳамият касб этган. Бу, ўз навбатида, 15-а.дан бошлаб Ш. ўртасидаги никоҳ алоқалари ҳақида гувоҳлик берувчиларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Шу даврларда уруғ ёки бир-бирига яқин бир неча уруғ аъзоларининг насл-насабига оид бир неча дафтарлар тузила бошлаган. Ўрта Осиёда Ш.га оид дастлабки йирик асарлар 15—17-а.ларда пайдо бўлган. Айниқса, Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарлари 13—17-а.лардаги мўғул ва турк уруғлари, ҳукмдорлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Ўрта Осиёда насаб дафтарига хўжалар, саидлар ва б. эга бўлиб, бу ҳужжатлар уларнинг пайғамбар, саҳобалар, тархон, беклар наслидан келиб чиққанлигини кўрсатувчи далил сифатида, шунингдек, солиқ тўлаш, халқ ҳашарларига чиқиш ва б. ишларда алоҳида имтиёзга, умуман жамият ҳаётида юқори мавқега эга бўлиши учун хизмат қилган. Ш. ҳужжатлари дастлаб шахснинг сиёсий мавқеига кўра, гувоҳлар иштирокида ҳукмдорлар ҳузурида тузилган ва унинг муҳри б-н тасдиқланган. Кейинчалик ҳукмдорлар аввалги муҳрларни кўриб тасдиқлаб бераверишган.

«ШАЖАРАЙИ ТАРОКИМА» («Туркманлар шажараси») — тарихий асар, муаллифи *Абулғозий Баҳодирхон*. Эски ўзбек тилида ёзилган (1661). Асарда Одамато ҳақидаги диний характердаги афсоналар, Ўғуз-туркманлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда реал асосга эга бўлган воқеалар баён қилинган. Обида туркий қабилалар, хусусан, туркман халқининг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлари б-н қимматлидир. Унда барча туркий қабилаларнинг афсонавий ҳукмдори Ўғузхон ва унинг авлодлари тарихи, шунингдек, туркман уруғлари — солур, така, боярдур, теваги, ёвмут, Хизр эли, Али эли, сариқ, эрсари, ёзир ва б.нинг генезиси хусусида қисқа маълумотлар берилган.

Манбанинг танқидий матни, рус тилига таржимаси ва илмий тадқиқи 1958 й. акад. А.Н.Кононов томонидан чоп этилган. Асар 1992 й. жорий алифбода Тошкентда нашр қилинди.

Ад.: Кононов А.Н., Родословная туркмен. Сочинение Абу-л Гази-хана Хивинского, М.—Л., 1958.

«ШАЖАРАЙИ ТУРК», «Шажараи турк ва муғул» («Туркий халқлар ва мўғуллар шажараси») — тарихий асар, муаллифи *Абулғозий Баҳодирхон*. Эски ўзбек тилида ёзилган. «Ш.т.» 13—17-асрлардаги мўғул ва турк ҳукмдорлари ҳақидаги маълумотларни, хусусан, Марказий Осиё хонликлари, жумладан, Хива хонлигининг муаллиф яшаган даврigача бўлган тарихини ўз ичига олган. «Ш.т.» Абулғозий Баҳодирхоннинг ўлими туфайли ниҳоясига етказилмай қолган бўлса-да, унинг ўғли Ануша Муҳаммадхон (1663—87) топшириғига мувофиқ, урганчлик тарихчи Маҳмуд ибн Мулла Муҳаммад Замон Урганжий томонидан баъзи маълумотлар б-н тўлдирилган. «Ш.т.»нинг ёзилиш сабаби муаллиф томонидан қуйидагича изоҳланган: «Аммо бизнинг ота-оғаларимизнинг бепарволиги ва Хоразм халқининг бетуфайлиги. бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизнинг Абдуллахоннинг (Абдуллахон II) оталари биртан бизнинг оталаримизнинг айрилган ерларидин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали деб фикр қилдук, ҳеч муносиб киши топмадук. зарур бўлди (ва) ул сабабдин ўзимиз айттук». Асар муқаддима ва 9 бобдан ташкил топган.

«Ш.т.»нинг 7-, 8- ва 9-боблари (1644 й.гача кечган воқеалар) Абулғозихон томонидан ёзилган. 1-, 6-боблар ва 9-бобнинг давоми (1644—64) Маҳмуд ибн Мулла Муҳаммад Замон Урганжий тарафидан битилган. «Ш.т.»да кўплаб этнографик ҳамда Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир маълумотлар бор. Асарнинг бизгача еттидан ортиқ қўлёзма нусхаси етиб келган, улар Тошкент, Ашхобод, Санкт-Петербургдаги фондларда сақланмоқда.

«Ш.т.» оддий тушунарли тилда ва очиқ-ойдин услубда ёзилганлиги б-н ажралиб туради. Ҳодисалар баёнидаги ихчамлик, ифоданинг равшанлиги, воқеаларни латифа ва ривоят услубида содда, равон тасвирлаш асарнинг муҳим томони ҳисобланади. Манба грамматик қурилиши, луғат таркиби нуқтаи назаридан халқ сўзлашув тилига яқин туради. Абулғозийнинг «Ш.т.»ни ёзишда илгари битилган бир неча тарихий асарлар, хусусан, *Рашидуддин*нинг «Жомеъ ут-таворих», Шарафуддин Али Яздийнинг «Муқаддимаи Зафарнома»сидан керакли ўринларда унумли фойдаланган. Мазкур асар рус, француз ва немис тилларида нашр этилган.

Ад.: Абулғозий. Шажараи турк, Т., 1992; Иванов С.Н., «Родословное древо тюрок» Абу-л-Гази-хана. Грамматический очерк, Т., 1969.

Хамидулла Ҳасанов.

ШАЙБА (нем. Scheibe) — гайка ёки винт каллаги остига қўйиладиган деталь. Таянч юзасини оширганда пластмасса темир ёки латекс бўлган учувчи шайбалари мўлжалланган Ш., кантиклаш вақтида гайка ёки винт каллагининг қийшиқлигини бартараф қилишда сферик ва қийшиқ Ш., деталларга ишлов беришда тайёр деталини тезда бўшатиб, ялтиллатиш учитишда тез олинадиган Ш., герметик бирикма ҳосил қилишда юмшоқ материаллардан тайёрланадиган зичловчи Ш., гайка ёки винтни ўз-ўзидан бураллиб кетишдан сақлашда пружиналанган



Шайбалар: а — учувчи винтларга мўлжалланган; б — қийшиқ; в — сферик; г — тез олинадиган; д — пружиналанадиган; е — стопор; ж — деталь ошига қўйиладиган.

ладиган Ш., гайка ёки винтнинг деталга нисбатан бураганишининг олдини олишда стопор Ш. ва б. қўлланилади (расмга қ.). 2) хоккей ўйинидаги ўйин қуроли; қаттиқ қора резинадан тайёрланадиган ясси диск: диаметри 76,2 мм, қалинлиги 25,4 мм, оғирлиги 140—170 г. ён сирти майда тарам-тарам бўлади.

ШАЙБОН, Шайбон (13-а.) — *Жўжихон*нинг бешинчи ўғли, *Чингизхон*нинг набираси. *Шайбонийлар* бобокалони. Жўжихоннинг қароргоҳи — *Дашти Қипчоқ*нинг Кўк Ўрда деган ерида улғайган. *Қорақурум*да бўлган қурултой (1229)да акаси *Ботухон* б-н биргаликда қатнашиб, *Ўқтойни* улуғ хон (қоон) қилиб сайланган. Сўнгра Ботухон б-н биргаликда Ўқтойнинг Хитойга қилган ҳарбий юришларида ҳам ҳамроҳлик қилган. Хитой тўла бўйсундирилгач, Дашти Қипчоққа — Жожи улусига қайтган. Ботухоннинг Шарқий Европага қилган ҳарбий юришларида ҳам қатнашган.

Ад.: Мирзо Улуғбек, Тўрт улус тарихи, Т., 1994; Абулғозий, Шажараи турк, Т., 1992.

ШАЙБОНИЙ Муҳаммад (тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан) (749, Iроқнинг Восит ш. — 805, Рай ш. яқинида) — фақиҳ, мусулмон ҳуқуқини ишлаб чиқиш, тартиб берувчилардан бири. Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Молик ибн Анаснинг сабоқ олган. Бағдоднинг энг таниқли фақиҳларидан бири саналган. Ракка ш. қозиси бўлиб ишлаганда Абу Ҳанифа илмий меросини тўплаган. Фиқҳга оид «ал-Мабсут» 12 томли. «Китоб ал-асл фи-л-фуруъ» (ҳанафийлик асослари) ва унга «Китоб аз-зиёдот»ни қўшимча қилган. Фиқҳ бўйича қатор маълумотнома — «Китоб ал-жомеъ ал-кабир» ва кичик маълумотнома — «Китоб ал-жомеъ ас-сағир»ни, шунингдек, ҳарбий ҳуқуққа оид асар ва б.ни ёзган. Ш. Молик ибн Анаснинг «ал-Муватта»сини таҳрир қилган, барча тўпламлари машҳурлари асарининг тузувчи ва шарҳловчисидир. Шайбоний шогирдлари орасида энг машҳури Муҳаммад аш-*Шофиъий* ҳисобланади.

ШАЙБОНИЙЛАР — Бухоро хонлигини бошқарган сулола (1500—1601). *Шайбонийхон* асос солган.

Шайбонийхон 15-а. охири ва 16-а. бошларида тож-тахт учун узаро курашаётган темурий шаҳзодалар (қ. *Темурийлар*)нинг ўзаро низолари оқибатида Мовароуннаҳрнинг асосий шаҳарлари: Самарқанд ва Бухорони осонлик б-н эгаллаб, шу даврдан давлата асос солган. Кейинчалик Мовароуннаҳрнинг қолган ҳудуди ва Хуросон ҳам бу давлат таркибига киритилган. *Исмоил I Сафавий* б-н бўлган жангда Шайбонийхон ўлдирилгач (1510), *Кўчкунчихон* хон қилиб кўтарилган. Унинг вафотидан сўнг ўғли *Абу Саид* хон қисқа муддат (1530—33) ҳукмронлик қилди. Шайбонийхоннинг жияни *Убайдуллахон* даврида пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилган ва давлатнинг расмий номи *Бухоро хонлиги* деб аталадиган бўлган. Хусусан, Убайдуллахон Ш. сулоласини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади. Убайдуллахон вафот этгач (1540), хонлик қисқа муддат 3 қисмга бўлиниб, Бухорода *Абдулатифхон*, 1557 й.дан Абдулла Султон (*Абдуллахон II*, *Искандархон*нинг ўғли), Самарқандда Абдуллахон I, *Абдуллатифхон*, *Бароқхон*, Балхда *Пирмуҳаммадхон* ҳукмронлик қилишган. Абдуллахон II бу тарқоқликка барҳам бериб, хонлик ҳудудини

бирлаштирган ва уни янада кенгайтирган. Абдуллахон II вафот этгач, унинг ўғли Абдулмўминхон ва амакиваччаси Пирмуҳаммадхон II (Султони сулолонинг ўғли) қисқа муддат хон бўлишган. 16-а. охири — 17-а. бошларидаги мураккаб ҳарбий-сиёсий низолар натижасида Ш. ҳокимиятдан айрилишди. Сўнгги шайбоний Пирмуҳаммадхон II унга қарши чиққан Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад б-н 1601 й. ёзида Самарқанд яқинидаги Боғи Шамолда бўлган жангда мағлубиятга учрагач, тахтни топширишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, 1601 й.дан Бухоро хонлигини янги туркий сулола — *аштархонийлар* (жонийлар) бошқариши киришган.

Манбалар: Муҳаммад Солиҳ, Шайбонийнома, Т., 1989; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, Абдулланома (1—2-китоблар), Т., 1999—2000; Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобурнома, Т., 2002; Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Тарихи Рашиди, Т., 1996.

Ад.: Материалы по истории Средней и Центральной Азии X—XIX вв., Т., 1988; История Узбекистана (XVI — первая половина XIX века), т. 3, Т., 1993; Ўзбекистон ҳалқлари тарихи ва жаҳон тараққиёти, 1-қисм, Т., 2000; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари, Т., 2001.

ШАЙБОНИЙЛАР ДАХМАСИ — Самарқанддаги ўрта аср меъморий ёдгорлиги (16-а.). *Шайбонийхон* 1510 й. Эрон шоҳи *Исмоил I Сафавий* б-н бўлган жангда ҳалок бўлгач, Самарқандга олиб келиниб ўзи қурган мадрасада мармар супа остига дафн этилган. Супа остига Шайбонийхондан ташқари бошқа шайбоний султонлар ва аъёнлар: Маҳмуд Султон (1503—04 й. ўлдирилган), Маҳди Султон, Ҳамза Султон (1511 й. ўлдирилган), Муҳаммад Темур Султон (1511 й.ваф.), Кутлуғ Муҳаммад Султон (1545 й.ваф.), Абулхайр Султон (1511 й. ўлдирилган), Ёдгор Султоним (1526 й.ваф.), Шаҳрибону хоним (1535 й.ваф.), Шоҳ Султон хоним (1530 й.ваф.), Сулоим Муҳаммад Султон (1586 й.ваф.) лар дафн этилган.

Ад.: Абу Тоҳирхожа, Самария, Т., 1991.

«ШАЙБОНИЙНОМА» — тарихий-жангнома достон. *Муҳаммад Солиҳ* асари. 1506—07 й.ларда ёзилган. Достон Шайбонийхоннинг (1451—1510) ҳарбий-сиёсий фаолиятига бағишланган. «Ш.» 8902 ри тасвирига бағишланган. «Ш.» 8902 мисрадан иборат бўлиб, 76 бобдан ташкил топган. 16 боб достоннинг муқаддимаси, шундан 1—3-боблар ҳамд ва наът, 4-боб сўз таърифига, 5—14-боблар Шайбонийхоннинг таърифи ва тавсифига бағишланган; 15-боб эса «Китоб назмининг сабаби» баёнидадир. 16-боб Мулло Абдураҳим ҳақида. Асарнинг сюжети — асосий қисми 17-бобдан бошланади. Кейинги бобларда 1499—1500; 1505—06 й.ларда рўй берган тарихий воқеалар хронологик изчилликда баён этилган.

Достонда 16 а. нинг бошларидаги Ўрта Осиё халқларининг турмуш тарзи, хўжалиги, ҳарбий ҳаётига доир қимматли маълумотлар ҳам мавжуд. Достонда Султон Маҳмуд, Темур Султон, Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Боқи Тархон, Султон Али, Бешнузамон сингари ўнлаб тарихий сиймолар ҳам тасвирланган.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи [5-жилд], 1-ж., Т., 1977.

ШАЙБОНИЙХОН, Султон Муҳаммад Шайбонийхон (1451—1510) — *шайбонийлар* сулоласи асосчиси. *Абулхайрхон*нинг набираси, Шоҳбудоқ султоннинг ўғли. Абулхайрхон унга Шоҳбахт деб лақаб қўйган. Отасининг эрта вафотидан сўнг, бобосининг қаромгида қолган Султон Муҳаммад Шайбон Бекнайх оталигида вояга етган. У 15-а. 80-й.ларида Абулхайрхон вафотидан сўнг Дашти Қипчоқнинг асосий ҳудудида ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлган. Ш. 1490 й.лардан ўзаро курашлар ва ички низолар туфайли тобора заифлашиб бораётган Темурийлар ҳудудини бўлган Мовароуннаҳрда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун ҳаракат бошлаган. 15-а. охири — 16-а. бошларида Мовароуннаҳрга қилган юришлари натижасида ҳокимиятни бошқарувни унинг қўлига ўтган. У ўзбек, форс тилларида ғазал, рубоийлар ҳам битган. Унинг ана шу ғазал, рубоийларидан айримлари ва «Баҳр-ул ҳудо» номли достони, ўғли Темур султонга атаб ёзган панд-насиҳатлардан иборат китоби (ягона нусхаси Туркияда сақланган) бизгача етиб келган. Ш. Туркистоннинг Сиғноқ, Саброн, Ясси шаҳарини ҳам ўз қўл остига киритган. 1504 й. Ҳисор, Қундуз, Бадахшон, Балх, 1505 й.да Хоразм, 1507 й.да Ҳирот ҳам Ш. қўл остига ўтган. Кейинроқ Эроннинг Машҳад ва Тус шаҳарини ҳам эгаллаган. 1510 й.да Марв яқинидаги Маҳмудобод қишлоғида Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг 17 минг кишилик лашкари б-н Ш. қўшинлари ўртасидаги жангда унинг қўшинлари мағлубиятга учраган ва Ш.нинг ўзи ҳам ҳалок бўлган. Унинг бошсиз танаси Самарқанддаги Бадиъ Суфига дафн қилинган, Балади Суфа Регистон майдонида Тиллакори ва Шердор мадрасалари ўртасидаги бурчакда жойлашган бўлиб, бу ерга кейинчалик бошқа шайбонийлар ҳам дафн этилган (қ. *Шайбонийлар дахмаси*).

Ад.: История Узбекистана, т. 3; Бартольд В.В., Шейбаниды Сочинения, т. 2 (ч.2), М., 1964.

Раим Муқминова.

ШАЙН (араб.) — икки учига тарози палладари осиб қўйилган мослама, елка. Темир ёки ёғочдан қилинади. Ш. тортиладиган нарса оғирлигини аниқлаш учун хизмат қилади.

ШАЙТОН (араб.) — ислом, христианлик ва б. динларнинг таълимотларига кўра, ёвуз руҳ ёки ёвуз руҳларнинг бошлиғи, дунёдаги ёвузликларнинг ийбдори, одамларни гуноҳга етакловчи куч. Ш. тўғрисидаги тасаввур «сатана» шаклида юнон тилидан христиан адабиётига, ундан Европа тилларига, «сатана» шаклида рус тилига ўтган. Қуръонда талқин қилинишича, Ш.ни Аллоҳ оловдан яратган, кейинчалик инсонга итоат қилмагани учун уни эшикдан ҳайдаган (арабча «ражим») деб лаънатлаган. Лекин Аллоҳ бандаларини унинг васвасаларига алданиши ёки алданмаслигини синаб кўриш учун Ш.га муҳлат берган. Шунинг учун у барча оқимни йўлдан оздиришга ҳаракат қилади. Қуръонда Ш. сўзининг синоними сифатида Иблис ибораси ҳам қўлланилган.

Ш. сўзи фирибгар, айёр одамларга нисбатан ҳам ишлатилади.

ШАЙТОН — ғўзанинг техникавий аниқлаш учун мўлжалланган асбоб (қ. *Айлан*).

ШАЙТОНЛАШ — қ. *Спахиофилия*.

ШАЙХ (араб. — кекса, оқсоқол; қабила, уруғ, оила оқсоқоли) — ислом дини тарқалган мамлакатларда аввало билимдон кишиларга, сўнгра уламолар, фақиҳларга бериладиган ном. Кейинчалик сўфийлик тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойларнинг мутасаддилари ҳам Ш. деб юритилган. Арабларда исломдан илгари уруғ, қабила бошлиқлари, катта патриархал оила оқсоқоллари Ш. деб аталган. Мусулмон мамлакатларида ҳозир Ш. олий диний мактабларнинг мударрислари ва йирик уламоларга нисбатан қўлланади.

ШАЙХ АҲМАД ибн ХУДОЙДОД — қ. *Тарозий*.

ШАЙХ ЗАЙНИДДИН БОБО МАҚБАРАСИ — Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (13—14-асрлар). Ривоятларга кўра, мақбара Амир Темур даврида Шайх Зайниддин (13-а.)га атаб барпо қилинган (қ. *Зайниддинбобо*). Шаҳар ҳудудида, қабристон ўртасидаги баландликда жойлашган. пештоқ-гумбазли, чўтиноқ мақбара-хонақоҳлар турига мансуб. Атрофида бошқа турли бинолар — тобутхона, чиллахона (12—13-асрлар), ошхона, айвонли масжид, чортоқ ва б. бор. Олд кўриниши жануби-шарққа қаратилган. кўчадан унга қўшимча биноларни бирлаштирувчи ҳисобон орқали кирилади. Тўртбурчак тарҳли (16×18 м), баландлиги 20,3

Шайх Зайниддин бобо мақбараси.

м, ҳамма томонлари пештоқли. Мақбара марказида Шайх Зайниддин саганаси, бурчакларида бошқа шахсларнинг қабрлари бор. Мақбаранинг жан.-ғарбий пештоғидаги ёзувга кўра, ҳижрий 1339 й.да (мил. 1920—21) таъмирланиб, мақбаранинг эски ғиштлари янги ғиштлар (26×12×6 см) б-н алмаштирилиб, гумбази квадрат (24×24×5 см) ғиштдан терилган.

ШАЙХ МУХТОР ВАЛИЙ МАҚБАРАСИ — Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги меъморий ёдгорлик (14-а.). Катта ва кичик хона ҳамда гўрхонадан иборат. Катта хонанинг тўрт томони чуқур равоқли, кейинчалик ёнларидаги ҳужраларга эшик очилган. Кичик хонанинг ҳам бурчакларида ҳужралар, шунингдек, зиёратхона қурилган. Орқасида 2 гўрхона, ҳалимхона ва омборхона бор. Мақбарада Шайх Мухтор Валий, унинг хотини ва яқин кишилари қабрлари жойлашган. Мақбара ҳажми ҳар хил тўртбурчак ғиштлардан қурилган. Ёғоч ўймакорлиги б-н нафис безатилган 4 эшик сақланган, буларнинг бирида уста Зайниддин ибн Одина Муҳаммаднинг номи ёзилган. Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги даври (1806—25)да таъмир этилиб, янги бир устунли айвон ва қорихона қурилган.

Шайх Мухтор Валий мақбараси.

ШАЙХ УЛ-ИСЛОМ — баъзи мамлакатларда олий диний унвон. 10-а.дан бирор фақиҳ ёхуд суфийга нисбатан ишлатилган. 13-а.дан кейин мунтазам қўлланган. Бухоро хонлиги, Туркия (16-а.дан 1924 й.гача) ва б. давлатларда Ш.ул-и. — олий диний лавозим. Бундай лавозим ва унвон мусулмон мамлакатларининг баъзиларида учрайди. Шиаликка мансуб диний бошқарма раҳбари ҳам Ш. ул-и. унвони б-н юритилади. Суннийликка мансуб бошқармаларнинг раҳбарлари *муфтий* унвонига эга.

ШАЙХ ХОВАНДИ ТОҲУР (Таҳур), Шайхонтоҳур (13-а. охири, ҳоз. Бўстонлиқ тумани Боғистон қишлоғи — 1359, Тошкент) — шайх. Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли. Ривоят этилишича, Умар Боғистоний бефарзанд бўлиб, кунларнинг бирида ўз занжаи муҳтарамаси б-н Шайх Зайниддин мақбарасига келиб Аллоҳдан фарзанд ато этишни илтижо қилишади. Кўп ўтмай фарзанд кўришиб, унга Хованди Тоҳур (пок шайх) деб ном қўйишади. Ш.Х.Т. илоҳиётга ва тариқатга доир илк сабоқни отасидан олган. «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Ҳаёт булоқларидан оққан томчилар») номли асарда ёзилишича, Ш.Х.Т. илоҳиёт ва тасаввуф илмининг йирик намояндаларидан бири, етук мутасаввифлардан бўлган. У *яссавийлик* тариқати намояндаларидан тариқат йўлини ўрганади ҳамда илми зоҳирий ва илми ботиний сир-асрорларидан воқиф бўлади, кароматли шайхлар орасида юксак мақомга эришади. Якка худолик ҳақидаги таълимотни, *тасаввуф*га оид ибораларини шарҳлаб берган, шунингдек, шеърият б-н шуғулланган. Ш.Х.Т.нинг Довуд исмли ўғли бўлиб, у ҳам шайх сифатида машҳур эди.

Ш.Х.Т. дафн этилган жой зиёратгоҳ ҳисобланади. Унинг мозори атрофида бошқа сағана ва қабрлар пайдо бўлиб, Тошкентнинг катта ва муқаддас қабристонига айланган. *Хожа Аҳрор* қабр устига мақбара қурдиради. Зотан унинг волидаи муҳтарамаси шайх Довуднинг қизи бўлган. Хожа Аҳрор курдирган иншоот замонлар ўтиши б-н нураб, бизгача етиб келмаган. Ҳоз. мақбара ва дивахтисининг зоҳири ва кўринишини сақлаган ҳолда қайта тикланган (яна қ. *Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси*). Тошкент ш.даги туманлардан бири Ш.Х.Т. номи б-н аталади.

ШАЙХ ХОВАНДИ ТОҲУР МАЖМУАСИ — Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (15—19-а.лар). *Шайх Хованди Тоҳур* мақбараси (19-а.да кўҳна пойдевори устига қайта қурилган), шератхона ва гўрхонадан иборат. Безаксиз, ички деворлари чуқур равоқли, дарчаларига кошинкори панжаралар ўрнатилган; хоналар гумбазлар б-н ёпилган. гўрхонанинг қўшқаватли гумбази 12 қиррали асосга ўрнатилган. Кейинроқ атрофига чиллахона, Юнусхон мақбараси (15-а.) қурилган. Уч масжид биноси, минора, Эшон қули додхо мадрасаси сақланмаган.

Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси.

ШАЙХ ХУДОЙДОД, Халифа Худойдод ибн Тошмуҳаммад Азизон ал-Бухорий (18-а.нинг 1-чораги, Хоразм — 1801 й. июнь, Бухоро) — машҳур шайх, *яссавийлик* тариқатининг йирик намояндаси. У 16—17 ёшларида илм олиш учун Бухорога келган ва шу ерда яшаб қолган. Мир Араб мадрасаларини тугатиб, унда дарс берган. Кўли Одина қишлоғига келган ва бу ерда хонақоҳ ва масжид қурдирган ҳамда яссавийлик тариқатининг муршиди сифатида фаолият олиб борган. Тарихчи *Носируддин ал-Ҳанафий*нинг ёзишича, 1785—86 й. ларда Бухоро ш.га қайтиб, бу ерда ҳам хонақоҳ, мадраса, сардоба (қ. *Халфа Худойдод мажмуаси*) қурдириб, уларга вақф ажратади.

Ш.Х. шариат ва тариқат масалаларига оид қатор асарлар ёзган.

Ш.Х. асарларининг қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

ШАЙХ ҚАЛАНДАР БОБО МАЖМУАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (16-а. — 1894). Шоҳ амалдорларидан Раҳматулла Ясовулбоши томонидан қурила бошланган, Муҳаммад Раҳимхон II нинг синглиси Бекажон-Бека томонидан ниҳоясига етказилган. 16-а.да яшаган Шайх Қаландар бобо мақбараси атрофида мадраса, масжид, минорадан иборат мажмуа барпо этилган. Мадрасага 3 гумбазли миёнсарой орқали кирилади. Миёнсаройнинг 3-хонаси дарсхона ва масжид б-н ўзаро боғланган. Пештоғи шим.га қараган, унинг 2 бурчагида гулдасталар қад. кўтарган. Минора (бал. 18 м, асосининг диаметри 6 м) пештоқдан 4 м нарида, бош тарзи марказида жойлашган. Унинг белбоғига ғиштлар мавжли шаклда терилган. Мақбаранинг 3 хонасидан бизгача зиёратхона сақланган.

ШАЙХ ҲАСАН САБРОНИЙ МАҚБАРАСИ — Хоразм вилояти Шовот туманидаги меъморий ёдгорлик (14-а. бошлари). Шайх Ҳасан Саброний, ривоятларга кўра, 12-а.да яшаган; мақбара 14-а. бошларида бунёд этилганлиги аниқланган. Тўртбурчак тарҳли (9,1×9,7 м) мақбара пештоқ-гумбазли, безаксиз; унинг қурилишида япалоқ ғишт (23× 23×3,5—4 см) ва ганч қоришмасидан фойдаланилган. Вайрона ҳолида бўлган (гумбази 1937 й.да қулаб тушган) мақбара 20-а. 80-й.ларида қайта қурилган.

ШАЙХЗОДА, Мақсуд Шайхзода [1908.25.10 (7.11), Озарбайжон Республикаси, Ганжа вилояти, Оқтош ш. — 1967.19.2, Тошкент] — шоир, драматург, адабиётшунос, таржимон, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Бокудаги дорилмуаллиминни тугатган (1925). Дастлаб Дарбанддаги 1-босқич озарбайжон мактабида, Буйноқдаги таълим ва тарбия техникумида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1927 й.да аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида ҳибсга олиниб, 1928 й. фев.да Тошкентга сургун қилинган. Ш. Ўрта Осиё ун-тининг Шарқ ф-тида қисқа муддат ўқигани (1928)дан кейин «Шарқ ҳақиқати» (1929—32), «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи» газ.лари (1932), «Гулистон» жур. (1933—34) таҳририятларида хизмат қилган. 1933 й. Бокудаги пед. ин-тининг барча курслари учун имтиҳон топшириб, Фан қўмитаси қошидаги аспирантурага ўқишга кирган (1934). Айни пайтда Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим бўлиб ишлаган (1935—38). 1938 й.дан умрининг охирига қадар дастлаб кечки, сўнгра кундузги пед. ин-тларида ўзбек адабиёти тарихидан маъруза ўқиган.

Дастлабки шеърий тўплами — «Ловиқ соқчи» (1932). Шундан кейин Ш.нинг «Ўн шеър» (1932), «Ундошларим» (1933), «Учинчи китоб» (1934), «Жумҳурият» (1935), «Ўн икки», «Янги девон» (1937), «Сайлов қўшиқлари» (1938), «Кураш нечун?» (1942), «Жанг ва қўшиқ», «Кўнгил дейдики...» (1943), «Ўн беш йилнинг дафтари» (1947), «Юрт шеърлари» (1948), «Замон торлари», «Олқишларим» (1949), «Йиллар ва йўллар» (1961), «Шеърлар» (1964) ва б. шеърий тўпламлари нашр этилган. Ш.нинг дастлабки ижодида ва қисман 50-й.лардаги айрим шеърларида озарбайжон шеъриятига хос оҳанглар, минбар шеърият белгилари устуворлик қилган. Аммо Ш. ўзбек мумтоз ва замонавий шеъриятининг тили ва услубини эгаллагани сайин унинг шеърларида ўзбекона мусиқий равонлик кучая борди. Ш. воқеликка фаол муносабатда бўлишга интилиб, халқ ва мамлакат ҳаётида рўй берган муҳим воқеаларни тасвирлашга, меҳнат ва кураш қаҳрамонлари образини яратишга алоҳида эътибор берди. У шу мақсадда достон жанрига қўл уриб, «Ўртоқ мулк» (1933), «Чироғ», «Ўртоқ», «Мерос», «Тупроқ ва ҳақ» (1936), «Овчи қиссаси», «Искандар Зулқарнайн» (1940), «Ўн бирлар», «Женя», «Оқсоқол» (1943), «Аҳмаджоннинг ҳикматлари», «Учинчи ўғил» (1944), «Нурмат отанинг туши» (1947) сингари лиро-эпик асарлар ёзди. Шоирнинг 30—40-й.лардаги шеъриятига ҳам, кейинги ижодига ҳам хос муҳим фазилатлардан бири сюжетлиликдир. Ш. лирик сюжет яратишга мойил шоир сифатида халқ афсоналари ва тарихий ўтмиш саҳифаларига, шунингдек, замондошлари ҳаётига мурожаат этиб, ўз шеърларига балладага хос поэтик белгилар ва турли поэтик тафсилларни олиб кирган. сўзнинг шеърий қурилмадаги мавқеини ошириш чораларини кўрган. Шу б-н бирга Ш. қофиянинг янги бадиий имкониятларини кашф этиб, ўзбек шеъриятига янги вазн ва шакл кўринишларини олиб кирган. Шоир ижодига хос бу тамойил унинг, айниқса, «Тошкентнома» (1958) лирик достонида ёрқин ифодасини топган.

Ш. 2-жаҳон уруши йилларида ёзган «Жалолиддин Мангуберди» (1944) трагедиясида ўз юртининг озодлиги ва мустақиллиги учун мўғул истилочиларига қарши курашган сўнгги Хоразм шоҳининг жанговар жасоратини тарихан аниқ ва ҳаққоний тасвирлаган. «Мирзо Улуғбек» (1961) трагедиясида Ш. бош қаҳрамон образини Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек халқи ҳаётида рўй берган Уйғонишнинг ёрқин тимсоли сифатида акс эттирган. Шекспирона услубда ёзилган бу асарда Ш. Улуғбек ҳаётининг сўнгги 2 йилини тасвирлаш орқали унинг жаҳон фани тарихидан муносиб ўрин эгаллаган машҳур олим, адолатпарвар ва ҳақиқатпарвар давлат арбоби ва айни пайтда салтанатнинг мутаассиб кучлари олдида ожиз бир инсон бўлганини ҳам ҳаққоний кўрсатган. Шекспирона кўлам ва ҳарорат б-н ёзилган «Мирзо Улуғбек» трагедиясининг майдонга келиши ўзбек драматургияси ва театри тарихида катта воқеа бўлди. Ш. сценарийси асосида режиссёр Л. Файзиев томонидан яратилган «Улуғбек юлдузи» (1964) фильми эса кенг халқ оммасига улуғ ўзбек олими ва унинг фожиали тақдири б-н яқиндан танишиш имконини берди.

Ш. шеърий ижодида, асосан, замонавий мавзуларда қалам тебратди, драматургиясида эса, тарихий ўтмишга теран назар ташлаб, ундаги замонавий муаммоларни ёритишга ёрдам берувчи сиймолар ва воқеаларга янги бадиий ҳаёт бағишлади. У умрининг сўнгги йилларида *Беруний* тўғрисида сўнгги саҳна асарини ёзди.

Ш., бадиий ижоднинг барча тур ва жанрларида асарлар ёзибгина қолмай, адабиётшунос ва танқидчи сифатида ҳам самарали ижод қилган. 1941 й.даёқ «Гениал шоир» монографиясини эълон қилган Ш. умрининг сўнгги кунларига қадар Навоий ҳаёти ва ижоди б-н муттасил шуғулланиб келди. У Навоийнинг 500 йиллиги муносабати б-н ёзган «Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида» (1948) мақоласидан кейин «Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида» (1959), «Устоднинг санъатхонасида» (3 қисмли мақола, 1965—66), «Ғазал мулкининг султони» (1966), «Тазкирачилик тарихидан» (1968) сингари йирик илмий тадқиқотлар яратиб, навоийшунослик фанини янги тараққиёт босқичига

олиб чиқди. Ш. адабиётшунос ва танқидчи сифатида ҳам самарали қалам тебратиб, ўзбек халқ оғзаки ижодининг Фозил шоир сингари намояндалари, «Алпомиш», «Ширин билан Шакар» каби асарлари, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг Бобур, Муқимий, Фурқат, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, жаҳон адабиётининг Низомий Ганжавий, Ш. Руставели, А.С. Пушкин, Н.А. Некрасов, А.Н. Островский, Т.Г. Шевченко, А.П. Чехов сингари намояндаларига бағишланган асарлар ёзди. Педагог олим ва шоир сифатида эса талайгина шоир, адабиётшунос ва танқидчилар авлодининг етишиб чиқишига муносиб ҳисса қўшди.

Ш. адабий билим доирасининг кенгайиши, ижодининг мумтоз жаҳон ёзувчилари бадиий тажрибаси б-н бойишида таржима муҳим роль ўйнади. У Ш. Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» (ҳамкорликда) эпоси, У. Шекспирнинг сонетлари, А.С. Пушкиннинг шеърлари, «Мис чавандоз» достони, «Моцарт ва Сальери» трагедияси, М.Ю. Лермонтовнинг шеърлари ва «Кавказ асири» достонини, шунингдек, Низомий, Фузулий, Мирзо Фатали Охундов, Эзоп, Эсхил, Гёте, Байрон, Маяковский, Нозим Ҳикмат ва б. ёзувчиларнинг айрим асарларини ўзбек тилига катта маҳорат б-н таржима қилди.

Ш. 1952 й.да НКВД ходимлари томонидан ҳибсга олиниб, 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва 1954 й.да озод этилган.

Ас.: Асарлар [8 ж.ли], 1—6-ж., Т., 1969—74; Ҳиёбон, Т., 1968.

Ад.: Зокиров М., Мақсуд Шайхзода. Адабий-танқидий очерк, Т., 1969; Юсуф Шомансур, Шайхзода — бунёдкор шоир, Т., 1972; Ғафуров И., Ўртоқ шоир. Мақсуд Шайхзода ижодиёти, Т., 1975; Мақсуд Шайхзода замондошлари хотирасида, Т., 1983; XX аср ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1999.

Наим Каримов.

ШАЙХЗОДА Маҳмуд (15-а. охири — 16-а.) — наққош ва мусаввир. *Беҳзод*, Ога Мирақлардан таълим олган. Аввал Султон Ҳусайн Мирзо саройида ижод этган, кейинчалик (1529 й. Убайдуллахон Ҳиротни эгаллагач) Мир Али Ҳиравий б-н бирга Бухорога келган. Беҳзод анъаналарини давом эттириб самарали ижод этган ва ўзига хос мактаб яратган. Мусаввир Ҳофиз Шерозийнинг «Девон»и, Абдураҳмон Жомийнинг «Туҳфат ул-аҳрор» (АҚШ, Вашингтон, Сакклер галереясида), «Ҳафт манзар», Низомий Ганжавийнинг «Маҳзан ул-асрор» (Париж миллий кутубхонасида), Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» (Франция, Гулбекиян ва Каир тўпламида), «Равзат ул-муҳиббин» (Ҳиндистон, Ҳайдаробод, Салар Жанг музейида) қўлёзмаларига миниатюралар яратган.

ШАЙХОВ Эркин Турдиевич (1927.13.11, Тошкент) — иқтисодчи олим, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФА акад. (1991), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1990), проф. (1977). Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1948). 1949—60 й.ларда комсомол ва партия ишларида ишлаган. Тошкент вилоят ижроия қўмитаси раиси (1962—71), Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазири (1971—75), Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-ти (1991 й.дан Тошкент аграр ун-ти) ректори (1975—95), айни пайтда шу ин-т қ.х. иқтисодиёти кафедраси мудири, 1995 й.дан маслаҳатчи-проф. Илмий ишлари қ.х. тармоқлари иқтисодиёти, таннарх, н.ч. рентабеллиги, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида аграр-саноат мажмуини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган. Қ.х. олий ўқув юртлари учун дарслик, ўқув қўлланмалари муаллифи.

Ас.: Пахтачилик иқтисодиёти ва уни ташкил этиш, Т., 1980; Пахтачилик, 2-нашри, Т., 1990 (ҳаммуаллифликда).

ШАЙХОВ Ҳожиакбар (1945.25.3, Шинжон, Хитой — 2002.27.5, Тошкент) — фантаст ёзувчи ва публицист. Ўзбек илмий-бадиий фантастикасининг асосчиларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1997). Ота-боболари асли тошкентлик бўлиб, Шарқий Туркистонга кўчиб кетишган ва 1955 й. ватанига қайтишган. Тошкент политехника ин-тининг энергетика ф-тини тугатган (1971). Ўзбекистон ФА Электроника ин-тида етакчи муҳандис (1978—81), «Ёш гвардия» нашриётида бўлим мудири (1981—84), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ижодий ишлар бўйича ўринбосари (1984—89), 1999—2000 й.ларда «Сирли олам» жур. ва унинг иловаси — «Қалб кўзи» газ.нинг асосчиси ва бош муҳаррири. «Ёзувчи» нашриётининг директори (1996—2000), Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари (2001 й.дан). Ш. 30 дан зиёд илмий-фантастик ҳикоялар, қиссалар ва романлар муаллифи. «Рене жумбоғи» (1977), «Зангори одамлар» (1977), «Еттинчи операция» (1979), «Ғаройиб кулачка» (1980), «Олмос жилоси» (1983), «Сўнгги аждарнинг ҳалокати» (1985), «Ҳаётбахш хаслар» (1985), «Аждодлар хотираси» (1986), «Ёнар дарё» (1986), «Мактаб саҳнаси» (1988), «Сеҳрли қиз» (1989), «Телба дунё» (1990), «Тутқин одамлар» (1996), «Жодугарнинг эри» (1999), «Икки жаҳон овораси» (2001) ва б. фантастик қисса ва романлари бор. Асарларида эзгулик ва ёвузлик, тўғрилик ва эгрилик, бағрикенглик ва худбинлик ўртасидаги кураш илмий-фантастик шаклларда ўзига хос нусхада акс эттирилган. Воқеалар силсиласи қанчалик ғаройиблигини, қаҳрамонлар эса қанчалик ғаройиб бўлмасин, воқеалар Ердагина эмас, бутун коинотда, қуёш системаларда рўй бермасин, улар охир-оқибат қай бир томонлари б-н одамларнинг бугунги ҳаёти ва ташвишларига боғланиб кетган. «Фан фидойиси» (1987), «Замин шайдоси» (1990) публицистик асарлари ҳам чоп этилган.

ШАЙХОВА Муҳаббат Ёқубовна (1949.30.11, Тошкент) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент чет тиллар педагогика ин-тини тугатган (1972). 1973—2000 й.ларда Чилонзор туманидаги 163-, 164- ва 178- мактабларда инглиз тили ўқитувчиси.

ШАЙХОВА Хотима Омиловна (1929.15.1, Тошкент) — файласуф олима. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1995), фалсафа фанлари д-ри (1985), проф. (1988). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1960). Тошкентдаги ўрта мактабларда ишлаган (1946—63). Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тида кичик ва катта илмий ходим (1966—71), бўлим мудири (1971—87), Тошкент Олий партия мактабида кафедра мудири (1987—92), Тошкент иқтисодиёт ун-тининг профессори (1992—97). Илмий асарлари этика, маънавий ҳаёт, турмуш тарзи, ижтимоий адолат, тарбиянинг ижтимоий-ахлоқий ва маънавий муаммоларига бағишланган.

Ас.: Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот (ҳаммуаллифликда), Т., 1992; Инсоннинг маънавий қиёфаси, Т., 1993; Хулқ-одоб маънавият калити, Т., 1994; Истиқлол ва аёл қадри, Т., 2002.

ШАЙХОНТОҲУР — 1) ўтмишда Тошкентдаги даҳа номи. Шаҳарнинг шарқий қисмида (ҳоз. Шайхонтоҳур тумани ҳудудининг бир қисми) жойлашган. Тошкентнинг 4 даҳасидан бири. Ш. ҳудуд жиҳатдан энг катта, шу б-н бирга энг ёш даҳа ҳисобланган. Шим.дан Себзор (Жангоб ариғидан), жан.-ғарбдан Бешёғоч, ғарб ва шим.-ғарбдан Кўкча даҳалари б-н чегараланган. Яссавия тариқати шайхларидан *Шайх Хованди Тоҳур* номидан олинган. Ш. даҳаси дастлаб Шайх Хованди Тоҳур меъморий мажмуаси (15—16-а.лар) атрофида шакллана бошлаган. 18-а.нинг 80-й.ларида *Юнусхўжа* ҳокимлиги даврида Ш. даҳасида янги мудофаа деворлари б-н ўралган кичик ўрда қурилган. 19-а. бошида Қўқон хони *Олимхон* Тошкентни эгаллаган пайтда бу ўрда бузилиб, даҳа ҳудудига ўтган. Анҳор канали чап соҳилида янги ўрда бунёд этилган (19-а.нинг 30-й.ларида). Даҳа ерлари Анҳордан бош олган ариқлардан суғорилган. Тошкентнинг 19-а. ўрталаридаги 12 дарвозасидан 3 таси (Қўймас, Қўқон ва Қашқар) Ш.да жойлашган; 70 масжид, 3 мадраса, кўплаб карвонсаройлар, тегирмонлар бўлган. Ш. 64 та маҳалладан таркиб топган. Эски жува (Чорсу) бозорининг бир қисми ҳам Ш.га қараган. Даҳа аҳолиси, асосан, дегрезлик, эгарчилик, газмол тўқиш ва б.; шаҳар атрофидаги Ялангоч, Қорасув, Оққўрғон, Дархон, Бўз, Шўртепа, Посира ва б. мавзеларда жойлашган дала ҳовлиларида эса деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланганлар; 2) Тошкент ш.даги туманлардан бири (қ. *Тошкент*).

Ад.: Маллицкий Н. Г., Тошкент маҳалла ва мавзелари, Т., 1996; Муҳаммаджонов А. Р., Қадимги Тошкент, Т., 2002.

Машҳура Шарипова.

ШАЙХОНТОҲУР ГЭС — *Чирчиқ — Бўзсув сув-энергетика трактидаги* 19 гидроэлектр ст-ялардан бири. Тошкент ш. Шайхонтоҳур туманида жойлашган. Тошкент ГЭСлар каскади таркибига киради. Ст-яда умумий қуввати 3,6 МВт бўлган 3 гидроагрегат ўрнатилган. ГЭС қурилиши 1951 й.да бошланган. 1953 й.да қуввати 1 МВт бўлган 2 агрегати, қуввати 1,6 МВт бўлган 3-агрегати 1954 й.да ишга туширилган ва 1955 й. янв.да саноат фойдаланишига қабул қилинган. Агрегатлар турбиналари тик радикал ўқли.

Шайхонтоҳур ГЭС.

ГЭС Тошкент шаҳри саноат корхоналарини электр қуввати б-н таъминлайди. Қувватлар 35 кВли кучланишда электр узатиш линиялари орқали етказиб берилади. 2003 й.да 22,1 млн. кВт-соат электр энергия ишлаб чиқарилди.

ШАК (араб.) — рамазон (рўза) ойи киришидан олдинги кун; рўза арафаси.

ШАКАЛА, Шакла (санскритча: пали тилида — Сакала) — Панжобдаги қад. шаҳар (ҳоз. Сиалкот, Покистон). Мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида вужудга келган деб тахмин этилади. Шим.-Ғарбий Ҳиндистоннинг муҳим савдо ва ҳунармандчилик маркази ҳисобланган. Подшо Менандр даврида Ш. Ҳинд-юнон давлатининг пойтахти бўлган. 5—6-а.ларда *эфталийлар* истилоси даврида жиддий шикастланган, бироқ *Михиракула* давлатининг пойтахти бўлган. Сўнгги ўрта асрларда Ш.нинг мавқеи анча пасайган.

ШАКАР — қ. *Қанд.*

ШАКАРПАЛАК — ўртапишар қовун нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз ва картошкачилик и.т. ин-тида Фарғона водийсининг маҳаллий навидан якка танлаш усули б-н яратилган (бу навнинг П.Н. Дудко томонидан яхшиланган Оқ Ш. 554 ва К.И. Пангало ва М.К. Гольдгаузен томонидан яхшиланган Қизил Ш. хиллари бор). Меваси узун тухумсимон, ўртача катталикда, уз. 26—32 см, оғирлиги 2—4 кг. Сирти текис, тўри йирик катакли, ўртача дағал. Ранги оч яшил. Пўсти қаттиқ, этининг қалинлиги 4—4,5 см, оқ, мулойим, карсиллайди, жуда ширин, хушбўй, таркибида 8—14% қанд, 10—17% қуруқ модда бор. Уруғи униб чиққанидан кейин ҳосили 75—90 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 200—250 ц/га. Фузариоз (оқпалак) касаллигига нисбатан чидамли. Ташишга ва узоқ жойларга юборишга яроқли. 1948 й.да давлат реестрига киритилган. Ўртапишар навлар орасида энг яхши сақланади, сифатли қоқи олинади. Андижон, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида экилади.



Шакарпалак қовун нави.

Абдулазиз Аббосов.

ШАКАРПОРА — ўртапишар маҳаллий қовун нави. Меваси тухумсимон, уч томони ингичка, катта, уз. 35—45 см, оғирлиги 5—7 кг. Сирти бир оз бўғимли, тўр б-н қопланган, тўрлари йирик, туси хира, тўқ яшил. Сиртидаги гуллари тор, узун-узун, эгри-бугри қорамтир йўллардан иборат. Пўсти қаттиқ. Эти оқ, баъзан оч яшил, қалинлиги 4—6 см, жуда сершира, ширин, хушхўр, таркибида 9% гача қанд, 12% қуруқ модда бор. Уруғи йирик, тор тухумсимон, сариқ. Ҳосили уруғи униб чиққанидан кейин 76—80 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 220—280 ц/га. Ташишга чидамсиз. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда кўпроқ экилади.

Шакарпора қовун нави.

ШАКАРҚАМИШ (Saccharum), найшакар — қўнғирбошлар оиласига мансуб кўп йиллик, қанд (шакар) моддали ўтсимон ўсимликлар туркуми. 5 та маданий тури бор. Ватани — Жан. Шарқий Осиё. Шарқий Хитой, Индонезия, Эрон ва б. турли минтақаларда, Ҳиндистонда мил. ав. 3-минг йилликда ўстирилган, 16-а.да Кубага ва Америкага келтирилган. Куба (1100 минг га), Никарагуа (627 минг га) Бразилия (4860 минг га), Хитой (1048 минг га), Ҳиндистон (4150 минг га), Покистон (1056 минг га) ва б. мамлакатларда экилади (1999). Европада фақат Испанияда ўстирилади (араблар томонидан 8-а.да келтирилган). Ўзбекистон ҳудудида 1936 й.дан Сурхондарё вилоятининг Денов туманида экила бошлаган. Жаҳон бўйича экин майдонлари 19405 минг га, ҳосилдорлиги 656,9 ц/га, ялпи ҳосили 1274697 минг т.

Илдизи яхши ривожланган, 1,5 м чуқурликка кириб боради, пояси тик, баланд (6 м гача), ранги сариқ, пушти, қизил, қора, барглари кенг, узун

(кенглиги 10 см гача, уз. 2 м гача), маккажўхорига ўхшаш рўваги йирик, бошоғи узун, туклар б-н қопланган, гули икки жинсли. Экилгандан сўнг биринчи иккита баргнинг пайдо бўлиши учун 30—32° ҳарорат ва 12—13 кун керак бўлади. Тропикларда ривожланиш цикли — қаламчаларни экишдан бошлаб поянинг тўлиқ пишиши ва уни йиғиштириш 12—24 ой давом этади. Бир далада 2—4 цикл ўстирилади (Ўрта Осиёда вегетация даври 7 ой атрофида бўлгани сабабли бир йиллик ўсимлик тарзида етиштирилади). Техник пишиш даври рўваклаиниш даврига тўғри келади. Ш. иссиқсевар, ёругсевар ва намталаб, қисқа кун ўсимлиги (—3° да барглари нобуд бўлади). Ш. пояси шакар и.ч.да асосий хом ашё ҳисобланади. Поя таркибида қанд миқдори ўртача 16—18%, баъзиларида 20—21% гача (поя оғирлигига нисбатан ўртача 11—12% шакар чиқади). Ш. пояси ўрилганидан кейин, шакар з-дларида поясидан сиқиб шарбат, шарбатдан шакар олинади (янги шарбатини бевосита истеъмол қилиш мумкин). шарбат қуйқасидан спирт ва *ром* ишлаб чиқарилади. Шарбати сиқиб олинган пояси ҳамда барглари ем-хашак, ёқилғи сифатида ишлатилади. Суғориладиган ерларда етиштирилади, қаламчасидан кўпайтирилади. 25—35 см ли қаламчалар чуқ. 20—25 см, эни 25 см бўлган уяларга 2—3 тадан экилади, кўчатлари тутиб кетганидан кейин мавсумда 12—15 марта суғорилади. Ш. рўваклаиниш даврида поянинг 4—5 см юқорисидан ўрилади. Ўрилган поядан 4—6 ҳафтадан кейин янги новдалар ўсиб чиқади ва улар кейинги йили ўрилади.

Шакарқамиш: *а* — поянинг бир қисми; *б* — ўсимлик пояси.

Ҳалима Отабоева.

ШАКЛ — қ. *Мазмун ва шакл.*

ШАКЛ ЯСАЛИШИ — сўзнинг у ёки бу грамматик маъно ифодаловчи шаклининг ҳосил қилиниши; шундай шаклнинг ҳосил бўлиши (қиёсланг: *Сўз ясалиши*). Мас., ўзбек тилида Ш.я.нинг қуйидаги усуллари бор: аналитик усул, синтетик усул. Ш.я.нинг аналитик усули ёрдамчи сўзлар воситасида амалга ошади. Чунончи, уқиб кўрмоқ, ташлаб кетмоқ, кун сайин сўз шакллари кўр, кет, сайин ёрдамчилари воситасида ясалмоқда. Ш.я.нинг синтетик усули махсус шакл ясовчи аффикслар воситасида амалга ошади.

Шакл ясовчи аффикслар сўзнинг грамматик маъно ифодаловчи шаклини ёки бирор грамматик вазифага хосланган шаклини ясайди. Бундай аффикслар асосий хусусиятларига кўра 2 га бўлинади: 1) категориал шакл ясовчи аффикслар — маълум сўз туркумидаги бирор грамматик категорияга хос шакл ясайди. Мас., отлардаги кўплик, эгалик, келишик шаклини ясовчи, феълнинг майл, замон, шахс-сон, нисбат шаклини ясовчи, сифат ва равишлардаги даража шаклини ясовчи аффикслар категориал шакл ясовчи аффикслардир; 2) нокатегориал (функционал) шакл ясовчи аффикслар — грамматик категорияга оид бўлмаган маънони ифодаловчи, маълум синтактик вазифага хосланган сўз шаклини ҳосил қилади. Мас., отлар ва олмошларга қўшилиб, хослик ифодаловчи -ники аффикси, отлардаги эркалаш ва кичрайтириш, ҳурмат ва ўхшатиш шаклларини ҳосил қилувчи -ча, -чак, -чоқ, -лоқ, -хон, -гина ва б. аффикслар, феълнинг сифатдош, равишдош, ҳаракат номи шаклларини ясовчи аффикслар (-ган, -гач, -гунча ва б.) ана шу турдаги аффикслардир. Ўтган асрнинг 80-й.ларигача бўлган ўзбекча лингвистик адабиётларда сўз ясовчилардан бошқа аффикслар шакл ясовчи ва сўз ўзгартирувчи аффикслар тарзида 2 га ажратилган.

Ш.я. ва шакл ясовчи аффикслар морфологияда ўрганилади.

Ад.: Ўзбек тили грамматикаси, 1-ж., Морфология, Т., 1975; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм, Т., 1980.

Азим Ҳожиев.

ШАКЛАР — қ. *Саклар.*

ШАКТИ (санскритча — куч, қувват) — *ҳиндуийлик*даги тушунча. Аёл яратувчи куч-қувватга эга деган маънони билдиради. Ш.га сиғиниш — шактизм *тантризм* ва *шиваизм*да кенг тарқалган. Уларда Ш. Шива рафиқалари (Парвати, Дурги, Кали)дан бири қиёфасида гавдаланади. Ш.га сиғинишнинг ашаддий тарафдорлари шактийлар сектасига киради.

ШАКЬЯ, Сакья — қадимда кшатрийлар олигархик республикаси ва Жан. Ҳимолай этаклари (Непал)даги қабила. Капилавасту ш. республиканинг пойтахти бўлган. Будда анъанасига мувофиқ, Шакья-Муни (Шакья-тарки дунё) лақабли будданинг асосчиси Сиддхартха Гаутама Ш. қабиласидан бўлган. Унинг Ш.га мансуб дастлабки издошлари будда роҳиблар жамоасининг асосини ташкил этган, шунинг учун Будда роҳиблари кўпинча Ш. деб ҳам аталган (яна қ. *Будда*).

ШАЛАНДИН Вальдемар Сергеевич (1924.12.12, Москва — 1944.10.1, Белгород вилояти Яковлев қишлоғи) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардиячи танкчи, лейтенант. 1942 й. Тошкентдаги танк ҳарбий билим юртини тамомлаган. 1943 й.дан фронтда. 1-гвардиячи танк бригадаси (Воронеж фронтининг 1-танк армияси) взвод командири. Ш. Белгород вилояти Яковлев қишлоғида душманнинг қарши ҳужумини қайтаришда кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган (1944). Тошкентдаги кўчалардан бирига номи берилган.

ШАЛЛИ (Schally) Эндрю Виктор (1926.30.11) — америкалик тиббиёт олими (медик). Канададаги Макчилл ун-тини тугатган (1955). 1949—52 й. Лондондаги тиббий тадқиқотлар Миллий ин-тида биокимёдан ассистент; 1952—57 й. Макчилл ун-ти психиатрия бўлимида ишлаган (Монреаль, Квебек). 1957 й.дан АҚШда. 1957—62 й.ларда Хьюстондаги Бейлер ун-ти тиббиёт коллежида физиология ва биокимё бўйича проф. ёрдамчиси. 1962 й.дан Нью-Орлеандаги госпиталда поликлиника ва эндокринология лаб. раҳбари. Илмий фаолияти гипоталамик рилизинг-гормонларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишга оид. Нобель мукофоти лауреати (1977, Р. Гиймен ва Р.С. Ялоу б-н ҳамкорликда).

ШАЛОМАЕВ Арон (1917.20.10, Бухоро — 2004.20.7, Исроил) — ёзувчи, драматург, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1987). Тошкентдаги ўқитувчилар уйини тугатган (1934). Ёзувчилик фаолиятини 20-а. 30-й.ларидан бошлаган. «Оқибат» Ш.нинг илк пьесаси. «Она меҳри», «Ардоқли Ватан», «Ҳалоллик», «Қон сачраган чинор», «Бухоро фожиаси», «Алишер Навоий», «Аҳмад Дониш», «Ибн Сино», «Олтин қафас ичра», «Умар Хайём», «Изтироб», «Қалб нидоси», «Гардиши даврон» каби асарларининг деярли ҳаммаси республикамиз театрларида саҳналаштирилган. Тошкентдаги 29-сонли, 65-сонли мактабларнинг ва ўқувчилар саройининг узоқ йиллар давомида директори бўлган. Самарқанд давлат бухоро-яҳудийлари мусиқали драма театрининг ташкилотчиларидан. «Аҳаронома» («Ҳоронома») туркумидаги 8 та китоб, «Бухоро яҳудийларининг адабиёти» (14—20-а.лар 2 жилдли, Ҳавой Толмас б-н) номли китоб муаллифи. «Ампун ва Томор», «Эстер ҳамалка» унинг сўнгги йиллар яратган асарларидир.

ШАЛЯПИН Фёдор Иванович [1873.1(13)2, Қозон — 1938.12.4, Париж; 1987 й.да Москвада қайта дафн этилган] — рус хонандаси (юқори бас). 20-а. вокал санъатининг йирик намояндаси. Россия халқ артисти (1918). 1895 й.дан Петербург ва Москва опера театрларида яккахон хонанда. 1901 й.дан чет эл гастроллари (*«Ла скала»*, *«Метрополитен-опера»* театрлари ва б.)да бўлиб, бутун Европа мамлакатлари ва АҚШда шуҳрат қозонган. 1922 й.дан чет элда яшаган. Чиройли, кенг, ниҳоятда ўзгарувчан ва бўёқларга бой овоз соҳиби бўлган Ш.нинг ижро услуби ажойиб актёрлик маҳорати, ҳар бир сўз маъносига алоҳида аҳамият бериши, энг нозик туйғуларни бадиий теранлик б-н ифодалаш каби хусусиятлар б-н ажралиб туради. Кенг кўламли саҳнавий истеъдодга эга бўлган Ш. рус ва Ғарбий Европа операларида 70 га яқин асосий партияларни ҳаққоний, чуқур психологик тарзда талқин этган: Борис Годунов (Мусоргский, «Борис Годунов»). Тегирмончи (Даргомижский, «Сув париси»), Иван Грозний (Римский-Корсаков, «Псковлик қиз»), Галицкий, Кончак (Бородин, «Князь Игорь»), Мефистофель (Гуно, «Фауст»; Бойто, «Мефистофель»), Дон Базилио (Россини, «Севилья сартароши») ва б. Ш. талқинида камер мусиқа асарлари (Мусоргский, Глинка, Даргомижский, Шуман, Шуберт ва б.) ҳамда рус халқ қўшиқлари ўзининг етук ифодасини топган. Ш. опера режиссёри, истеъдодли рассом ва ҳайкалтарош сифатида ҳам танилган.

ШАЛҚАР — Навоий вилояти *Учқудуқ туман*идаги шаҳарча (1989 й.дан). Туман маркази (Учқудуқ)дан 4 км жан.-шарқда жойлашган. Яқин т.й. станцияси Учқудуқ. Ш. орқали Навоий — Учқудуқ автомагистрали, Навоий — Учқудуқ — Нукус темир йўли ўтган. Аҳолиси 1,4 минг киши (2003). Шаҳарчада умумий таълим мактаби, алоқа бўлими, тиббий пункт, дорихона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Ш. атрофида фойдали қазилмалардан каолин мавжуд.

ШАМ — ёруғлик кучи бирлигининг номи. Ҳозирги номи *кандела.*

ШАМАЕВА Муҳаббат (асл исми Люба) (1944.12.5, Бухоро) — хонанда, Ўзбекистон халқ артисти (1978). Ижодий фаолиятини Бухорода ҳаваскорлик ансамблида бошлаган. 1963—65 й.лар Ўзтелерадиосининг *«Мақом ансамбли»*, 1965—91 й.лар эстрада-симфоник оркестрида якка хонанда. 1990-й.ларнинг 2-ярмидан Нью-Йоркдаги «Тиклаииш» бухоро яҳудийлари мусиқали театри актрисаси. Жозибали, ёрқин овоз соҳибаси. Репертуаридан ўзбек халқ («Тановор», «Фарғонача» ва б.) ашулалари, бастакор ва композиторлар яратган лирик ва эстрада қўшиқлари («Кўчалар», Д. Зокиров; «Тошкент наҳори», «Тонг навоси», М. Мирзаев; «Ўрик гуллаганда», М. Левиев; «Йўлларим», М. Ашрафий; «Мирзачўл ёр-ёри», Ғ. Қодиров ва б) кенг ўрин олган. У, шунингдек, турли халқлар (тожик, яҳудий, озарбайжон, татар, турк, эрон, араб, афғон, француз ва б.) қўшиқларини ҳам ижро этган. Европа ва Осиё мамлакатларида гастролда бўлган. Ижролари грампластинка ва компакт дискларга ёзилган.

ШАМАК — қ. *Қорақурмак.*

ШАМОЗИТ [Швейцариядаги Шамозон (Chamozon) қишлоғи номидан] — 1) варақсимон силикатларнинг кичик синфига мансуб минерал, темирли хлорит. Кимёвий таркиби (Fe, Al, $Mg)_3[(Si, Al)_4O_{10}]$ $(OH)_2$ $(Fe, Mg)_3$ $(O, OH)_6$. Таркибида 30% дан ортиқ темир оксиди бор; 2) Бертьерин, септешамозит минераллари, септехлоритлар оиласига мансуб. Кимёвий таркиби $(Fe^{2+}, Fe^{3+}, Al, Mg)_6$ $[(Si, Al)_4O_{10}]$ $(OH)_8$. Унда 40—45% темир оксиди бўлиб, табиий ўзгарувчан. Ҳар иккала минерал бирга учраши мумкин ва уларни бир-биридан фарқлаш қийин. Моноклин сингонияда кристалланади. Структураси каолинитникига ўхшаш. Ш. оолитлар, тупроқсимон жинслар тарзида бўлади. Ранги яшил-сариқ, кўк, кулранг-қўнғирдан қорагача. Қаттиқлиги 2,5—3, зичлиги 3—3,3г/см³. Мўрт, хира ялтирайди. Гиперген. Гилли ётқизиқларда ва чўкинди темир рудаларида учрайди. Ш. сидерит, темир сульфиди, марказит ва пирит б-н ассоциацияда бўлади. Нураш натижасида оксидланади ва темир гидрооксидларини ҳосил қилади. Баъзан катта тўпламлар тарзида учрайди. Темир рудаси. Ўзбекистонда Қурама тоғлари (Навгарзансойнинг касситерит-сульфидли руда намоёнларида) ва Шим. Орол бўйи чўкинди темир конларида мавжуд.

ШАМОЛ — атмосферада ҳавонинг ер сиртига нисбатан горизонтал ҳаракати. Ҳаракатнинг горизонтал ташкил этувчиси Ш. сифатида тасаввур қилинади. Баъзан, горизонтал Ш.га нисбатан анча кучсиз вертикал Ш. ҳам бўлади. Кучли вертикал Ш. айрим ҳоллардагина, мас., *конвекция* кучли тараққий этган булутларда ёки тоғларда — ҳаво тоғ ён бағри бўйлаб пастга ҳаракат қилгандагина вужудга келади. Ш. *босим* горизонтал йўналишда нотекис тарқалган пайтда *атмосфера*даги т-ранинг ҳар хил бўлиши оқибатида пайдо бўлади. Ш. тезлиги ва йўналиши б-н ифодаланади. Ер юзасидаги Ш. тезлиги махсус асбоблар (мас., анемометр), эркин атмосферада эса учаршар (радиозонд) ёрдамида аниқланади. Ш. тезлиги м/сек, м/соат, йўналиши эса флюгер, вимпел, шамол конуси ва б. ёрдамида аниқланади. Ш.нинг қайси томондан эсгани *азимут* б-н кўрсатилади. Ш. йўналиши градус ёки румбалар б-н ифодаланади. 5—8 м/сек тезликдаги Ш. ўртача, 14 м/сек тезликдаги Ш. эса кучли ҳисобланади; 20—25 м/сек тезликдаги Ш. довул (шторм), 30 м/сек тезликдаги Ш. бўрон (урагаи), унинг бирданига 20 м/сек гача кескин кучайиши қасирға (шквал) дейилади. Тропик циклонларда айрим қаттиқ Ш.ларнинг тезлиги 100 м/сек гача етиши мумкин. *Тропосфера*дан юқори кўтарилган сари Ш. тезлиги кучаяди. 8—10 км баландликда 60—70 м/сек дан ҳам ортиб кетади. Ҳаво оқими турбулентлиги туфайли ҳар доим Ш. тезлиги ва йўналиши ўзгариб туради. Ер юзасида баъзан бутунлай Ш. бўлмай сукунат (штиль) юз беради. Ш. тезлиги ва йўналиши кеча ва кундузга ҳам боғлиқ. Кечаси Ш. тезлиги ер сиртида энг кичик бўлиши, кундузи пешиндан кейинги пайтларда эса энг юқори қийматга эришиши мумкин. Ш.нинг йил мобайнидаги табиати атмосферанинг умумий циркуляциясига ва маҳаллий шароитига боғлиқ бўлади. Маҳаллий Ш. ўша жойнинг маҳаллий атмосфера циркуляциясига, жойнинг рельефига ва б. омилларга боғлиқ (қ. *Маҳаллий шамоллар*).

ШАМОЛ ДВИГАТЕЛИ — шамол оқимининг кинетик энергиясини механик энергияга айлантирадиган қурилма. Асосий қисмлари: ротор, парракли барабан, шамол ғилдираги ва б. Карусель (роторли), қанотли ва барабанли хилларга бўлинади. Карусель Ш.д. иш органининг айланиш ўқи вертикал жойлашган бўлади. Ўқнинг бир томонига жойлашган паррakларга шамол таъсир қилади, парракнинг айланма тезлиги шамол тезлигидан ошмагани учун атиги 15 фоизи механик энергияга айланади. Шунинг учун камроқ ишлатилади. Қанотли Ш.д. да ўқ шамол йўналишига нисбатан горизонтал ва параллел жойлашади. Бундай Ш.д. кенг тарқалган. Унда шамол энергиясининг 48 фоизи механик энергияга айланади. Барабанли Ш.д.да барабан вали шамол оқимига нисбатан горизонтал ва перпендикуляр жойлашган бўлади. Ш.д. қуввати шамол ғилдирагининг диаметрига, шамолнинг тезлигига боғлиқ. Ш.д., асосан, *шамол энергетикасида* ишлатилади.



Қанотли шамол двигатели схемаси: 1 — шамол ғилдираги; 2 — юқориги редуктор; 3 — минора; 4 — вертикал вал; 5 — пастки редуктор; 6 — иш машиналари

ШАМОЛ КАДАСТРИ — *шамол энергетикаси* ресурслари (имкониятлари)ни ҳисобга олиш тизими; маълумотлар тўплами. Жойлардаги (маҳаллий) шамол тезликлари режимини ифодаловчи объектив маълумотларни ўз ичига олади. Ш.к. маълумотлари шамол энергетикаси соҳасида бажариладиган ҳисоблашлар учун асос бўлади. Ш.к.да *маҳаллий шамолларнинг* ойлик ва ўртача тезликлари, такрорланувчанлиги, юз берадиган сукунат (штиль) давомийлиги ва б. тўғрисидаги маълумотлар жадвал ёки график шаклида берилади. Бу жадвал ва графикларни тайёрлашда метеорологик ст-ялардаги кўп йиллик кузатишлари материалларидан фойдаланилади. Ўзбекистонда бундай кузатишлар *гидрометеорология* хизмати томонидан олиб борилади (Ўзбекистонда 47 та метеорологик ст-я мавжуд, 2005).

ШАМОЛ ТЕГИРМОНИ — шамол оқимининг кинетик энергиясидан фойдаланишга асосланган қурилма (тегирмон). Дон янчиш ва сув чиқариш учун мўлжаллаб қурилади. Дастлабки Ш.т. мил. ав. 2—1-а.да Миср ва Хитойда пайдо бўлган. У инсон кучи б-н ҳаракатланадиган механик двигатель ҳисобланган. Ш.т. қурилмаси тўрт ёки олти паррakли ғилдирак (барабан), шамол двигатели, тегирмон тоши, двигателдан тошга ҳаракат узатувчи оралиқ механизмлардан иборат. Ш.т. қурилмаси, парраклари, двигателлари, оралиқ механизмлари, асосан, пишиқ ёғочдан ясалган. Парракли ғилдирагининг диаметри 15—24 м бўлади. Сув тегирмони ва электр тегирмон пайдо бўлгандан кейин ҳам (қ. *Тегирмон*) айрим жойларда Ш.т. ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ш.т., асосан, шамол кучли эсиб турадиган ҳудудларда қурилган. Шамол унча кучли эсмайдиган, аммо сув сероб бўлган жойларда, мас., Марказий Осиёда сув тегирмонлари қурилган (Ш.т. фақат Қозоғистоннинг шим. ҳудудларида бор. Ўзбекистон ҳудудида сув тегирмонлари қурилган, Ш.т. йўқ).



Шамол тегирмони

ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ (ШЭС) — шамол оқимининг кинетик энергиясини электр энергиясига айлантирувчи қурилма. Шамол двигатели, электр токи генератори, генератор ва двигателнинг ишини бошқарувчи автоматик қурилма ҳамда уларни ўрнатиладиган иншоотлардан иборат. Ш.э.с.дан, кўпинча, шамол оқимининг ўртача йиллик тезлиги юқори (5 м/сек дан катта) бўлган ва марказлаштирилган электр таъминоти тармоқларидан узоқда жойлашган ҳудудларда (мас., Ўрта Осиёда — дашт, чўл ва чала чўлларда) электр энергияси манбаи сифатида фойдаланилади. Ш.э.с. 8 кВт дан 1,2 мВт гача қувватли электр энергияси ишлаб чиқариши мумкин.

ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИКАСИ — фан ва техниканинг шамол оқимининг кинетик энергиясидан механик, электр ва иссиқлик энергияси олишда фойдаланиш усулларини, назарий асосларини ишлаб чиқувчи ва халқ хўжалигида шамол энергиясидан фойдаланиш имкониятлари ҳамда масалаларини белгиловчи соҳаси. Инсон шамол кучидан қадимдан фойдаланиб келган. Оламдаги энг қадимги фақат елканли кемаларда фойдаланилган кемачилик (мил. ав. 2—1-а.) Миср ва Хитойда шамол тегирмонлари пайдо бўлган (қ. *Шамол тегирмони*), кейинчалик шамол двигателлари ва қурилмалари яратилган. Шамол энергиясидан Куёш ва сув энергияси б-н бирга фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ш.э., асосан, 2 қисмга бўлинади: шамол техникаси ва шамолдан фойдаланиш. Шамол техникаси қисми шамол кучидан фойдаланиб ишловчи техника воситалари (агрегатлари, двигателлари, қурилмалари) ни лойиҳалашнинг назарий асосларини ва амалий усулларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. Шамолдан фойдаланиш қисмида шамол энергиясидан самарали фойдаланиш, шамол қурилмаларидан умумий фойдаланиш, уларнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш масалалари ва бошқа назарий ва амалий масалалари ўрганилади ва амалда татбиқ қилинади. Ш.э. учун назарий ва амалий масалаларини ўрганиш ва ишлаб чиқишда бошқа фан соҳалари, айниқса, аэрология тадқиқотлар натижаларига асосланади. Бошқа энергия манбаларидан фойдаланиш юқори ва умуман бундай манбалар йўқ жойларда Ш.э. имкониятлари жуда юқоридир, Ўрта Осиёда (хусусан, Ўзбекистонда) дашт, чўл ва чала чўлларда Ш.э. техника воситаларидан кўп кенг фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон ФА Энергетика ва автоматика ин-тида Ш.э. муаммолари б-н ҳам шуғулланилади.

ШАМОЛ ЭРОЗИЯСИ, дефляция — тупроқнинг унумдор устки қисмини шамол учириб кетиши ҳамда заррачаларини шамол кўтариши (қ. *Тупроқ эрозияси*).

ШАМОЛЛАР СХЕМАСИ (метеорологияда) — маълум жойдаги (маҳаллий) шамол режими (йўналишлари ифодалайдиган график. Одатда, кўп йиллик кузатишлар асосида олинган маълумотлар бўйича график тарзда тузилади. Уфқнинг асосий йўналишлари бўйлаб бир марказдан таралган нур шаклидаги чизиқларнинг узунлиги шу йўналишда эсган шамолларнинг қайтарилиш такрорланишига, ўртача тезлигига, шу икки миқдорнинг кўпайтмасига ва б.га мутаносиб (тўғри) бўлади. Нурлар (чизиқлар)нинг ҳар бири шамолнинг қайси томонга эсишини кўрсатади (мас., Ғ — ғарб, Ш — шимол, ШҚ — шарқ, Ж — жануб, ШҒ — шимоли-ғарб, ШШҚ — шимоли-шарқ, ЖШҚ — жануби-шарқ, ЖҒ — жануби-ғарб). Нурларнинг учлари синиқ чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Ш.с.нинг фан ва халқ хўжалигидаги назарий ва амалий аҳамияти катта.



Шамоллар схемаси.

ШАМОЛЛАШ — организм совқотиши оқибатида келиб чиқадиган ўткир респиратор касалликларнинг умумий номи. Ҳаво ҳароратининг пасайиши, намликнинг ортиши ва б. омиллар Ш.га сабаб бўлади. Ш. кишининг куч-қувватини ва организмнинг микробларга қарши курашиш қобилиятини сусайтиради. Ш. деганда кўпинча нафас йўли касалликлари: *грипп, тумов, бронхит, пневмония, ангина* ва б. тушунилади. Шамоллаган кишининг эти увишади ёки совқотади, аксиради, бурни битиб сув келади, иситмаси чиқади, боши оғриб, лоҳас бўлади, дармони қурийди.

Баъзи аъзо шамоллаганда кўпинча унинг нерв томирлари ва мускуллари яллиғланиб оғрийди, мас., *радикулит, миозит, люмбаго, неврит*, юз нерви фалажи ва б. Ш. организм сезувчанлигининг ортиши б-н кечадиган (аллергик) касалликлар, мас., бўғим ревматизми, пўрим сурункали хасталиклари, мас., сурункали нефрит ва б. зўрайишига сабаб бўлади.

ШАМОЛЛИ ОРОЛЛАР, Кариб ороллари — Кариб денгиздаги маржон ва вулқон ороллари гуруҳи. Кичик Антил ороллари архипелагининг Тринидад ва Виргиния ороллари оралиғидаги шарқий қисми. Йирик ороллари: Гваделупа, Доминика, Мартиника, Гренада, Сент-Винсент, Сент-Люсия, Антигуа ва б. Умумий майд. 6 минг км². Рельефи, асосан, тоғли, энг баланд жойи 1447 м (Доминика о.да). Ҳаракатдаги вулқонлар бор. Иқлими тропик пассат. Йиллик ёғин 1500—2000 мм, асосан, ёзда ёғади. Табиий ўсимликлари (доим яшил ўрмонлар ва бутазорлар) кам сақланган. Шакарқамиш, цитрус мевалар, кофе, какао, банан плантациялари бор. Йирик шаҳарлари: Фор-де-Франс, Пуэнт-а-Питр, Бас-Тер, Кастри ва б. Ш.о.ни европаликлардан илк бор Х. *Колумб* 1493—1502 й.ларда борган. Ороллар шим.-шарқий пассат оқимига нисбатан рўпара жойлашганлиги сабабли Ш.о. деб номланган.

ШАМОЛСИЗ ОРОЛЛАР, Жанубий Антил ороллари — Кариб денгиздаги вулқон ва маржон ороллар гуруҳи, Кичик Антил ороллари архипелагининг жан. қисми. Таркибида Аруба, Кюрасао, Бонайре, Авес ва б. ороллар бор. Майд. 1,2 минг км². Аҳоли, асосан, Кюрасао ва Аруба о.ларида яшайди. Йирик ороллар рельефи тоғли, майдалари — пасттекисликлар. Иқлими тропик, йиллик ёғин 500—600 мм. Доим яшил қаттиқ баргли ўрмонлар ва бутазорлар б-н қопланган. Маҳаллий ботлар таркиб этилган. Сорго, банан, батат плантациялари бор. Кўп ва уюм балиқ овлаш. Нефть конлари топилган. Йирик шаҳарлари: Виллемстад ва Ораньестад. Оролларга дастлаб 1499 й.да европалик денгизчи сайёҳлардан А.Охеда ва А.*Веспуччи* борган. Ороллар (Шамолли ороллар нисбатан) шим.-шарқий пассат оқимига нисбатан тескари жойлашганлиги сабабли Ш.о. деб номланган.

ШАМОТ (франц. chamotte) — ўтга чидамли пиширилган лой ёки каолин. Асосан, глинозем ва кремнезем (кремний (II)-оксид)дан иборат. Бу таркибий қисмлар юқори т-раларга чидамли материал (муллит; $3Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$) ни ҳосил қилади. Ш.лар 1300—1500° т-рада пластиклиги йўқолгунча пишириб тайёрланади. Ш.нинг суюқланиш т-раси 1810°. Таркибида кремнекислоталар мавжудлиги туфайли Ш. 1100—1400° т-рада юмшай бошлайди. Таркибида 30% глинозём бўлган Ш. га ўтга чидамли лой қўшиб, ўтга чидамли ғиштлар (Ш.-ғиштлар) тайёрланади. Улар *мартен печи* тубларини, қозонларнинг ички деворларини, бу қозонларнинг ташқи қисмларини қоплаш ва б.да ишлатилади. Туйилган Ш. ўтга чидамли бетон кўринида, вино гиштларини териша, хавконтарошлиқда қўлланади.

ШАМПАНЬ ВИНОСИ — карбон кислотага тўйинтирилган кўпикланувчи узум виноси; махсус тайёрланган ва қайта ишланган вино маҳсулотни герметик беркитиладиган шиша ёки махсус идишларда такрорий бижғитиш йўли б-н олинади. Ш.в.да карбон кислотанинг юқори миқдори шиша ёпиғи очилган пайтда винонинг кўпикланиши ва мавжланишини таъминлайди. Таркибидаги қанд миқдорига қараб: Ш.в. брют (0,3% гача), ниҳоясиз (0,8%), ярим ширин (3%), ним ширин (5%), ширин (8%) ва жуда ширин (10%) турларга бўлинади.

Ш.в. 17-а. ўрталарида Франциянинг Шампань вилоятида биринчи марта тайёрланган (Шампань номи шундан). Янги узилган узум 4 соатдан кечиктирилмай эзилиб, мева бандларидан тозаланган, прессланиб шарбати олинади. Шарбат паст (10—12°) т-рада 14—16 соат ёки 25—30° да 18—24 соат тиндирилади, ранги тиниқ бўлиши учун ҳар 1 дал шарбатга 2—3 г бентонит қўшилади. Тиндирилган шарбатга ачитқи ва сут кислотаси бактериялари қўшилади ва бижғитиш идишларига ўтказилади. Бижғиш 14—18° т-рада 10 суткага яқин давом этади. Бижғитиш тугагач б-н (қанди 0,2%) шарбат бошқа идишларга қуйилади. Тайёр виноь 10—15 минг дал дан қилиб шампань з-дига юборилади. Шампань з-дларида винони такрорий бижғитиш йўли б-н карбон кислотаси тўйинтириш жараёни шампанлаш деб аталади. Шампанлаш 2 усулда ўтказилади.

Бутилка усули: вино маҳсулотларига шакар ва бижғитиш учун ачитқи қўшиб, махсус шиша идишларга қуйилади ва сақлаш учун олиб қўйилади. 3—4 ҳафтадан кейин винога қўшилган шакар бижғишидан ҳосил бўлган карбон кислота туфайли бутилкада 5 атм гача босим вужудга келади. Шампанланган винонинг сақланиш муддати 3 йил давом этади. Бу давр мобайнида мураккаб физик-кимёвий ва биокимёвий жараёнлар натижасида Ш.в.нинг ўзига хос таъми, ҳиди ҳамда мавжланиш ва кўпикланиш хусусиятлари пайдо бўлади.

Резервуар усули даврий ва узлуксиз йўналишда ўтказилади. Винони даврий шампанлаш катта резервуарларда (5—10 м³) 1 ой мобайнида ўтказилади. Кейин вино совитилади, тиндирилади ва бутилкаларга қуйилади.

Ўзбекистонда Ш.в. ишлаб чиқариш 1942 й.дан бошлаб йўлга қўйилган ва «*Ўзбекистон шампани*» компаниясида «Ўзбекистон шампани», «Дурдона», «Наврўз», «Гулшан» ва б. Ш.в. ишлаб чиқарилади. Ш.в. энг яхши узум навларидан, Ўзбекистонда, асосан, Баян

Ширей, Ркацителли, Кабарнс, Рислинг, Оқ Пино, Қора Пино, Алиготе каби махсус навлардан тайёрланади.

ШАМПИНЬОН (Agaricus) — агарикадошлар оиласига мансуб қалпоқчали замбуруғлар туркуми; экма қўзиқорин. 60 га яқин тури маълум. Ш.нинг жуфт спорали (A. bisporus) тури кенг тарқалган бўлиб, махсус ним қоронғи, салқин ва нам муҳитда (ҳарорат 20—25°, намлик 80—90%) сўкчакларда етиштирилади. Ш. қовуриб, қайнатиб (шўрва), димлаб ейилади, консерва қилинади (қ. *Қўзиқорин*).

ШАМРАЙ Галина Яковлевна (1931.5.10, Тошкент) — гимнастикачи, хизмат кўрсатган спортчи (1954). Тошкент пед. институтини тугатган (1952). Спорт гимнастикаси бўйича жамоа ҳисобида олимпиада ўйинлари чемпиони, икка мусобақада эса кумуш медаль совриндори (1952, Хельсинки), жаҳоннинг мутлақ чемпиони (1954, Рим). 1956 й.дан мураббий, мусобақаларда ҳакамлик қилган. Халқаро тоифадаги ҳакам (1975).

ШАМС (араб.) — қ. *Қуёш*.

ШАМС ҚАЙС РОЗИЙ (тўлиқ исми — Шамсуддин Муҳаммад ибн Қайс Розий) (12-а.нинг охири, Рай — 13-а.нинг 1-ярми) — форс адабиётшуноси. 1205 й.да Бухорога келган. 1207 й. Малик Санжар исёнини бостириш мақсадида Бухорони истило қилган Муҳаммад Хоразмшоҳ олимни ўз саройига даъват этган ва у 1219 й.гача Хоразмда яшаган. Мўғуллар ҳужуми туфайли Хоразмни ташлаб, Муҳаммад Хоразмшоҳ б-н бирга Ироққа ҳижрат қилган. 1219—26 й.лар дарбадарликда ҳаёт кечирган. Райда 2 марта асирга тушган. 1226 й. Форс отабеги Саъд ибн Занги хизматига кирган. Донишманд ва тажрибали Ш.Қ.Р. тез орада обрў-эътибор қозониб, шоҳнинг хос надимлари қаторидан ўрин олган.

«Ал-мўъжам фи маъойири ашъори-л-ажам» («Ажам шеър ўлчовлари луғати») китоби машҳур. «Тибъён ул-луғат ат-турки ало лисон ул-қанғали» («Туркий тилнинг қанғали тилидаги муфассал баёни»), «Ал-уюб фи муқаффи ашъор ул-араб» («Араб қофиясининг айблари»), «Китоб ул кофи фи-л-арузайн ва-л-қавофи» («Аруз ва қофия хусусида батафсил маълумот») каби рисолалар ҳам ёзган бўлиб, улар бизгача етиб келмаган.

«Ал-муъжам» дебоча, 2 қисм ва хотимадан иборат. Дебочада ўз таржимаи ҳоли — туғилган жойи, ёшлик йиллари, турли мамлакатларга саёҳатлари, мўғулларнинг Кичик Осиёга ҳужуми ва уларнинг даҳшатли оқибатлари, сарсон-саргардонликлари, Райда 2 марта асир тушгани, асарнинг ёзилиши сабаби ва тақдири хусусида фикр юритади. Китобнинг 1-қисми арузга бағишланган бўлиб, 4 бобни ўз ичига олади. Бу боб аруз ҳақида маълумот, рукнлар ва уларнинг номланиши, жузвлар ва рукнлар асосида вужудга келган вазнлар; аруздаги ўзгартиришлар — зиҳофлар; эски ва янги баҳрлар таҳлилига бағишланган. 2-қисм қофия ва бадиий санъатлардан иборат бўлиб, у шеър ва қофия табиати; қофия унсурлари ва уларнинг номланиши; қофия унсурларининг қўлланиши ва номланиши; қофиянинг қўлланиши доиралари ва қофия турларининг таснифи; қофия қусурлари; бадиий санъатлар ҳақида. Хотима қисмида шеър ва шоирлик хусусидаги муҳим кузатишлар баён этилган. «Ал-мўъжам» адабиётшунослик ҳақидаги қад. ва мукаммал асар бўлиб, шеър назарияси ва шоирлик шартлари, шоир ва мунаққид муносабати хусусидаги муҳим манба ҳисобланади.

ШАМСИДДИН МАҲБУБИЙ, Шамсиддин Аҳмад ибн Жамолиддин Маҳбубий Бухорий (12-а.нинг 2-ярми — Бухоро — 1238) — шайх ва машҳур фақиҳ. Унвони: Садр аш-Шариъа ал-акбар (ал-аввал). Йирик фақиҳ Жамолиддин Убайдулло ибн Иброҳим Аҳмад (1151—1233) хонадонида туғилган. Ш.М. мадраса таҳсилини олган, фиқҳга оид кўплаб асарлар ёзган. *Мўғуллар истилоси*дан кейин Бухоро халқининг босқинчиларга қарши курашида ғоявий раҳнамолик қилган. Унинг таклифи б-н мўғулларга қарши кўтарилган қўзғолонга *Маҳмуд Торобий* бошчилик қилган. Қўзғолончилар Бухоро ш.ни эгаллагач, бош садр Бурҳониддин (қ. *Бурҳонлар, Садри жаҳон*) Ш.М.ни шаҳар садри қилиб тайинлашга мажбур бўлган. 1238 й.да Бухоро атрофида мўғулларга қарши бўлган жангда Маҳмуд Торобий б-н биргаликда Ш.М. ҳам ҳалок бўлган. Бухоро ш.даги Чашмаи Айюбнинг шарқий томонидаги Шеробод мозорида дафн этилган.

Ад.: Гафурова Р.Л., Китоби Мулла-заде, Т., 1992; Йўлдошев Н., Ражабов П., Мавлоно Шамсуддин Маҳбубий ал-Бухорий, Бухоро, 2001.

ШАМСИДДИН ЭЛДЕГИЗ — Озарбайжон ва Шим.-Ғарбий Эрондаги туркий элдегизийлар сулоласи (1136—74) асосчиси. Ш.Э. қипчоқ-қулларидан бўлиб, *Салжуқийлар* вазири Сумайрамийнинг хизматкори эди. Кейинчалик Султон Масъуд ибн Муҳаммад (1133—52) хизматига ўтган. 1136 й. Жан. Озарбайжон ва Аррон ноиби этиб тайинланган. Масъуд вафотидан сўнг Озарбайжондаги мулкларининг мустақил ҳукмдори ва Эрондаги Салжуқийлар султонлигининг регенти (васийси)га айланган. Озарбайжоннинг жан. ва шим. қисмини (Ширвон ва Грузия чегараларигача), Ғарбий Эронни ўзига тобе этган. 1166 й. Ш.Э. Сюникни қўшиб олган.

ШАМСИДДИН ЭЛТУТМИШ — *Деҳли султонлиги* ҳукмдори (1211—36), ғуломлар сулоласидан. Ёшлигида Деҳли султонлиги асосчиси Қутбиддин Ойбоқнинг турк ғуломи бўлган, кейинчалик бир қатор вилоятларнинг ноиби (муқта) этиб тайинланган. Султонликка Панжоб ва Синдни қўшиб олган ва ҳинд князлари б-н муваффақиятли урушлар олиб борган. 1229 й. Бағдод халифаси томонидан мустақил ҳукмдор (султон) деб эътироф этилган. Ш.Э. даврида Деҳлида йирик диний иншоотлар қурилиши олиб борилган.

ШАМСИДДИНОВ Фазлиддин (1916.13.1, Бухоро — 1980, Тошкент) — дирижёр, Ўзбекистон (1965) ва Қорақалпоғистон (1973) халқ артисти. Москва Ўзбек опера студиясини (1941), Тошкент консерваториясини (1956) тугатган.



Ижодий фаолиятини Ўзбек давлат мусиқали театрида хонанда ва актёр сифатида бошлаган (1929—34). Янгийўл театри (1942—48), Муқимий театри (1948—53), Навоий театри (1956—61)да бош дирижёр, Ўзбек давлат симфоник оркестри (1953—56), Навоий театри (1941—42 ва 1961 й.дан), «Ўзбекфильм»да (1955—71) дирижёр. 1958 й.дан Тошкент консерваторияси, 1970 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида дарс берган.

Ш.нинг дирижёрлик техникаси ўзининг аниқлиги, равонлиги, мусиқийлиги, ижро услуби ҳар бир образни ўзига хос мусиқий тавсиф орқали

ифодалашнинг б-н ажралиб туради. Ш. «Тоҳир ва Зуҳра» (Т.Жалилов) каби мусиқали драмалар, «Лайли ва Мажнун» (Р.Глиэр, Т.Содиқов), «Майсаранинг иши» (С.Юдаков), «Полтавалик Наталка» (Н.Лисенко), «Кармен» (Ж.Бизе), «Сўғд элининг қоплони» (И.Акбаров) сингари опералар, «Момақалдироқ сўқмоқларидан» (Қ.Қорабоев), «Франческа да Римини» (П.Чайковский), «Болеро» (М.Равель) ва б. балетларни саҳнага тайёрлашда фаол қатнашган ва дирижёрлик қилган. У Ўзбекистон композиторлари (М.Бурҳонов, Ик.Акбаров, С.Юдаков, С.Бобоев ва б.) симфоник асарларининг биринчи ижрочиси ва тарғиботчиси сифатида ҳам танилган.

ШАМСИДДИНОВ Ҳамидулла Убайдуллаевич (1940.27.10, Тошкент) — дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти (1988). Тошкент консерваториясининг чолғу ижрочилиги (қашқар рубоби, 1962) ҳамда опера-симфоник дирижёрлиги (1968) ихтисосликлари бўйича тугатган.

Ўзбек давлат филармониясининг халқ чолғулари оркестрида созанда (1958—63). Навоий театрида дирижёр (1968—2002, 1990 й.дан бош дирижёр). Дирижёрлик услуби аниқ ҳаракатлар, мусиқа ривожининг саҳна жараёни б-н узвий боғланишига асосланган. Репертуаридан Ўзбекистон композиторлари («Дилором», «Севги тумори», М.Ашрафий; «Сухайл ва Меҳри», М.Левиев; «Зебуннисо», «Маликаи айёр», Сайфи Жалил; «Тахтга йўл», Н.Зокиров ва б.) ва чет эл мумтоз («Евгений Онегин», «Иоланта», П.Чайковский; «Фигаронинг уйланиши», «Сеҳрли флейта», В.Моцарт ва б.) опера ва балетлари ўрин олган. Навоий театрида бир неча спектаклни дирижёр сифатида саҳналаштирган (Ик. Акбаровнинг «Навруз», Ф.Амировнинг «1001 кеча» балетлари ва б.). Таиланд, Хитой (Гонконг), Сингапур мамлакатларида гастролда бўлган. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (2001).

ШАМСИЕВ Порсо (1897.10.2, Бухоро — 1972.21.3, Тошкент) — навоийшунос ва матншунос олим. Филол. фанлари д-ри (1970), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1972). Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. 30-й.ларга қадар мадраса, мактаб ва маориф йўналишидаги муассасалар-

да хизмат қилган. Ўзбекистон Давлат нашриёти (1931—36) ва Ўқув-педагогика нашриёти (1936—40) да муҳаррир, Ўз ФАН нашриётида муҳаррир (1941—45), Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1945—72). «Адабиётдан иш китоби», «Адабиёт дарслиги», «Ўзбек тили дарслиги», «Ўқиш китоби» (1- ва 2-китоблар) муаллифи. Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб» ва б. асарларининг илмий-танқидий матнини нашрга тайёрлаган ҳамда шоир асарларининг 15 жилдлигини нашр этишда фаол қатнашган. «Хамса»нинг илмий-танқидий матнини яратиб, мазкур матн юзасидан амалга оширилган текстологик тадқиқотларини докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя этган. Ш., бундан ташқари, Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган, Бобурнинг «Бобурнома» (С.Мирзаев б-н ҳамкорликда) асарининг илмий нашрини яратган, 5 китобдан иборат «Ўзбек адабиёти» мажмуасини тузиш, таҳрир этиш ва изоҳлар ёзишда иштирок этган. Ш. Британия музейида сақланаётган ва Абдужамилга нисбат берилган «Туҳфат ус-салотин» асари микрофильмини ўрганиб, унинг Навоий ғазалларидан олинган ва Абдужамил хаттот томонидан кўчирилган шоҳбайтлар эканини ва мавзу бўйича 45 фаслга бўлинганини аниқлаган. Ш. Ғафур Ғуломнинг 4 жилдли «Танланган асарлар»и ва 2 жилдли «Адабий-танқидий мақолалар»ини ҳам нашрга тайёрлаган. Ш. шунингдек, С.Иброҳимов б-н ҳамкорликда «Ўзбек классик адабиёти луғати» (1953) ва «Навоий асарларининг луғати» (1972)ни тузган.

Тошкент кўчаларидан бирига Ш. номи берилган.

Ас.: Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар, Т., 1986.

ШАМСИЕВ Сайфи Шамсиевич (1914.1.12, Наманган — 1995.14.12, Тошкент) — педиатр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), тиббиёт фанлари д-ри (1951), проф. (1951). ТошТИнинг педиатрия ф-тини тугатган (1936), шу ин-т педиатрия кафедрасида аспирант (1936—40), ассистент (1941—45), ТошТИ болалар касалликлари пропедевтикаси кафедраси мудири (1951—72). 1972 й.дан Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия ин-ти факультет педиатрия кафедраси мудири. Илмий ишлари болаларда нафас, юрак-томир ва ҳазм аъзолари касалликларини ўрганишга бағишланган.

Ас.: Основы клинической фонокардиографии у детей (в соавторстве), Т., 1976; Фармакотерапия у детей, Т., 1997.

ШАМСИЕВ Фазлиддин (1934.9.9, Ғиждувон тумани — 2001, Музработ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1955). 1955—2001 й.ларда Жарқўрғон туманидаги 2-, Шўрчи туманидаги 17-, 40-, Музработ туманидаги 2- ва 1-мактабларда физика-мат. ўқитувчиси.

ШАМСИЯ (арабча қуёш йили) — Қуёшнинг Ер атрофида йиллик кўринма айланиш даври — *тропик йил*. Ушбу йил Қуёш календарини тузишда асос қилиб олинади ва улар шамсий (ёки қуёш) календари дейилади (қ. *Календарь*).

ШАМСИЯ — ўрта асрларда мусулмон Шарқи давлатларида қабул маросими, саёҳат ва сафар чоғида ҳукмдорнинг боши устида тутилган соябон. Ш. туфайли исталган бир шахс ҳукмдорнинг борлигини ва турган ерини узоқдан туриб ҳам билиб олган.

ШАМСУДДИН КУЛОЛ, Шамсиддин Кулор (? — 1360 й.гача, Кеш) — шайх. *Шарафуддин Али Яздий* «Зафарнома» асарида берган маълумотига кўра, Амир Тарағойнинг пири. «У қадрли шайх Шамсуддин Кулолга сидқидилдан ихлос қиларди ва унинг муборак қабрига (зиёрат учун) тез-тез бориб турарди», деб ёзади Али Яздий. Ш.К. тасаввуфда суҳравардийлик тариқатига мансуб бўлган. Айни пайтда у хожагон тариқатига ҳам ҳурмат б-н қараган. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам унга нисбатан ихлоси жуда кучли бўлган, салтанатни бошқарган чоғларида ҳам Ш.К. қабрини зиёрат қилиб турган.

1373—74 й. Амир Темур Ш.К. қабри ёнида бир гумбаз-мақбара қурдиради ва отасининг хокини ўша ерга кўчиртириб, Ш.К. қабрининг қибла (ғарб) томонига дафн этади (қ. *Шамсуддин Кулол мақбараси*).

ШАМСУДДИН КУЛОЛ МАҚБАРАСИ — Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик (15-а.). Амир Темурнинг отаси Амир Тарағойнинг пири *Шамсуддин Кулол* қабри устига қурилган. Гўрхонанинг тарҳи тўртбурчак (12,1×10,6 м), пишиқ ғиштдан қурилган, тўрдаги девори равоқли тоқлардан иборат. Ўймакори эшиги майда гулли, унинг ислимий нақши ва куфий ёзуви нодир. Мақбаранинг кулоҳий (қирралор) гумбази 20-а. бошларида бузилиб тушган, ўрни бир ус-

Шамсуддин Кулол саганаси.

тунли текис том б-н таъмирланган. Ш.К.м. Амир Темур даврида шаклланган янги меъморий услубнинг илк намунаси ҳисобланади. айниқса, бино ичидаги гумбаз ости тузилмаси — ўзаро кесишган равоқлар ва улар орасидаги қалқонсимон безаклар меъморий услубга муҳим таъсир кўрсатган.

ШАМСУЛМУЛК, Малик Шамсулмулк (Наср) ибн Иброҳим Тамғачхон (11-а.нинг 1-чораги — 1080, Бухоро) — Қорахонийлар ҳукмдори (1068—80). Ғарбий қорахонийлар хонлиги асосчиси *Иброҳим ибн Наср*нинг ўғли. *Салжуқийлар* султони *Алп Арслон*нинг бевақт ўлимидан кейин Ш.Термиз ва Балхни қисқа муддат ишғол қилиб турган. Бироқ тез орада Алп Арслоннинг вориси *Маликшоҳ* бу шаҳарларни ўз давлатига қайта қўшиб олган. Бошқа тарафдан Қодир Юсуф Тамғачхон ва унинг ўғиллари Ш.ка қарши кураш олиб бориб, ундан Сирдарёнинг шимоли ва Фарғона водийсини тортиб олганлар. Ш. Мовароуннаҳр, хусусан, Бухорода катта қурилишлар олиб борган. «Бухоро тарихи»асарида келтирилишича, Бухоро ш. ва унинг атрофларида қурилган кўплаб меъморий обидалар Ш. номи б-н боғлиқдир. У Бухородаги Жоме масжидини таъмирлаб, қайта қурган (1069). Кармана яқинидаги Чўли Маликда ҳашаматли карвонсарой ва работ (қ. *Работи Малик*) ва Ҳазора қишлоғида Деггароний масжидини ҳам Ш. қурдирган.

Манба: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966.

ШАМШАРОВ Йўлдош (1907 — Чуст тумани Олмос қишлоғи — 1987, Тошкент) — ёзувчи, таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1933). «Ёш ленинчи» газ.да масъул котиб (1933—34), «Ленин учқуни» газ.да муҳаррир (1934—37), «Қизил Ўзбекистон» газ.да масъул котиб, бўлим мудири (1938—41; 1955—62). Ўзбекистон КП МК матбуот сектори мудири (1941—44), Ўзбекистон давлат нашриёти директори (1944—47). «Шарқ юлдузи» (1963—64), «Гулистон» (1964—69) журналарида муҳаррир. «Пахтакўрлар» (1959), «Қизғалдоқлик йўли» (1960), «Ғурумсаройликлар» (1962), «Ошиқлар» (1969), «Инсон қалби» (1969) очерклар тўпламлари, «Чироқ» (1971) романи, «Ҳаёт тақозоси» (1974), «Навбаҳор қиссаси» (1975), «Ишқ ўти» (1978) китобларининг муаллифи. И. С.Тургеневнинг қатор қисса ва романларини, Д.Дефонинг «Робинзон Крузо» ва б. машҳур ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

ШАМШИР (форс.) — қурол тури (қ. *Қилич*).

ШАМШОД (Вихиз) — шамшодгулдошлар оиласига мансуб доим яшил дарахтлар ва буталар туркуми. Жан.-Шарқий ва Шарқий Осиёда, Ўрта денгиз атрофларида, Ҳиндистонда, Сокотра ва Мадагаскар оролларида ҳамда Африкада уларнинг 40 дан ортиқ (баъзи маълумотларга қараганда 70) тури тарқалган. Ксерофиль бута ўсимликларда, барг тўкалиган, аралаш ўрмонларнинг ин пастки қисмида ўсади. Барглари эллипссимон ёки думалоқ, қалин. Гуллари майда, бир жинсли, тўпгулга йиғилган, хушбўй. Эрта кўкламда гуллайди. Четлан чангланади. Меваси уч уяли кўсакча, уруғлари қора, ялтироқ. Ш. нинг 2 та ноёб (реликт) тури: колхида Ш. и (B. colchica) Ғарб. Закавказьеда ва гиркан Ш. и (B.hyrcana) Талишда ўсади. Унинг 4 тури интродукциялашган бўлиб, улардан яшил Ш. (B. sempervirens) Ўзбекистонда ҳам ўстирилади. Сербарг бута ёки барглари ялтироқ дарахт. Жуда секин ўсади (300—400 ёшли дарахтининг бўйи 20 м дан ошмайди). Қаттиқ сариқ ёғочидан мусиқа асбоблари, совғалар учун турли майда ўймакорлик маҳсулотлари тайёрланади. Шаҳар шароитига чидамли. Уруғидан, кўпроқ қаламчаларидан кўпайтирилади. Манзарали усимлик сифатида хиёбонларда ўстирилади.

Шамшод дарахти.

ШАН (ўзларини — *тай* ном.-шарқ.) — Мьянманнинг шим.-шарқидаги (2,85 млн. киши), Таиланд ва Лаосдаги таи гуруҳига мансуб халқ. Умумий сони 2,93 млн. киши (1987). Диндорлари, асосан, буддавийлар. Шларининг аждодлари Хиндихитойда мил. ав. 1-минг йиллик охири — мил. 1-минг йиллик бошида пайдо бўлишган. 7-а.да улар илк ўрта аср Муанмяу давлатини барпо этишган. Бу давлат 16-а.да парчаланиб кетган. 1947 и. Шлар мухторият ҳуқуқини олганлар (мил.нинг Шан давлати). Анъанавий машғулоти — деҳқончилик, чорвачилик, балиқ овлаш; ҳунармандчилик тараққий этган.

Шан. Анъанавий турар жой.

ШАН ТИЛИ — *тай тиллари*дан бири; Мьянманнинг шим.-шарқидаги Шан миллий вилоятида, ХХРнинг Юньнань вилоятида, шунингдек, Таиланд ва Лаосда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 3 млн. кишидан ортиқ (Мьянманнинг ўзида 3 млн. кишига яқин). Ш.т.нинг 3 лаҳжаси бор: тайлонг — Шан вилоятидаги кўпчилик шахслар сўзлашадиган лаҳжа; тай-не (тай-ле) — ХХРдаги кўпчилик шахслар сўзлашадиган лаҳжа; тай-мау — Иравади дарёси водийсида Бамо туманидаги шахслар сўзлашадиган лаҳжа. Лаҳжалар ўзаро фонетик ва лексик жиҳатдан фарқланади. Ш.т. — уруғқабилалар ичидаги кундалик сўзлашув тили бўлиб, у Шан вилоятидагина муҳим коммуникатив аҳамиятга эга; бу ерда Ш.тда вақтли матбуот ва бадиий адабиёт нашр этилади. Ёзуви ҳарф-бўғинли бўлиб, тахм. 11—12-а.ларда яратилган ва 2 кўринишга эга: тай-лонг лаҳжасида қўлланадиган ва ҳарф-белгилари думалоқ шаклда бўлган кўриниши пали ёзувидан; бошқа лаҳжаларда қўлланадиган, ҳарф-белгилари бурчакли (қиррали) бўлган кўриниши *деванагари*дан келиб чиққан. Энг қад., асосан, диний мазмундаги ёдгорликлари 18-а.га мансуб.

ШАН ТОҒЛИГИ — Мьянманнинг шарқий қисмидаги тоғлик, шунингдек, Хитой, Лаос ва Таиланд ҳудудида ҳам давом этади. Майд. 150 минг км². Гнейс, кристалли сланец ва оҳактошлардан тузилган. Карст ривожланган. Ғарбий қисми ўртача бал. 900 м бўлган ўр-қирли текислик, алоҳида эски юзали текисликлар ҳам учрайди. Шарқий қисми, асосан, Салуин ва Меконг дарёларининг чуқур даралари б-н ўзилган тог массивларидан иборат, ўртача бал. 2500—2600 м. Полиметалл рудалар, қимматбаҳо тошлар конлари топилган. Иқлими субэкваториал, муссонли, ямлининг ўртача т-раси 18—24°, июлиники 30° гача. Йиллик ёғин 1300—1700 мм, асосан, ёз ойларида ёғади. Гидроэнергия ресурсларига бой. Кўл кўп. Доим яшил ва барг тўкувчи ўрмонлар баландлик оргпан сари ингна барғли ўрмонлар б-н алмашинади. Қуруқчил ҳудудларда саванна ўсимликлари ўсади.

ШАНБА (форс.) — *Григорий календари* бўйича ҳафтанинг жумадан кейинги, якшанбадан олдинги куни. Исломдан илгари арабларда Ш. дастлаб муқаддас кун саналган. Ислом динида жума ибодат ва дам олиш куни деб қабул қилингач, Ш. ҳафтанинг бошланиш куни бўлиб қолган. Бошқа кунлар шунга мувофиқ равишда номланган. Мас., якшанба — биринчи кун, душанба — иккинчи кун, сешанба — учинчи кун, чоршанба — тўртинчи кун, пайшанба — бешинчи кун.

Қадимги яҳудийлар анъанасида Ш. куни муқаддас кун ҳисобланади. Руслардаги «сўббота» сўзи яҳудийларнинг «шаббот» (диний байрам) сўзидан олинган.

ШАНИДАР — тош даврига оид гор. Ироқнинг шим.даги Загрос тоғларида жойлашган. Америкалик археолог Р.Солецкий томонидан тадқиқ этилган (1951—65). 5 та маданий қатламдан иборат. Горнинг юқори қатламида ҳоз. ва антик даврга оид ашёлар топилган. Ш.нинг энг қуйи қатламидан милоддан 44—48-минг йил аввалги, мустье даврига оид тош қуроллар ва 9 та неандертал одамларининг скелети чиққан. Булардан пастроқда топилган гўдак скелети улардан ҳам қадимийроқ — 60 минг йилга тенг. Ш. горига дастлаб мустье одамлари тахм. 100 минг йил аввал келиб жойлаша бошлаган.

ШАНКАРА (тахм. 788, Малабара — 820) — ҳинд илоҳиётчи файласуфи, *ҳиндуийлик* ислоҳчиси. Барча олдинги ортодоксал (яъни, *ведалар*ни эътироф этувчи) тизимларни умумлаштирган, адвайта-веданта таълимотини ривожлантирган. «Упанишадлар», «Веданта сутра», «Бхагавадгита»га шарҳлар ёзган.

ШАНКР (франц. chancre — яра) — инфекция тушган жойда вужудга келадиган яра ёки эрозия; бубонлар Ш. — бир вақтнинг ўзида ҳам жинсий аъзоларда, ҳам терининг бошқа жойларида ривожланадиган қаттиқ шанкр (яна қ. *Захм*).

ШАННОН — Ирландиядаги энг катта дарё. Уз. 368 км, ҳавзасининг майд. 15,7 минг км². Қатор жойларида кўллар орқали Марказий текисликдан оқади, эгарий ҳосил қилиб Атлантика океанига қуйилади. Ёмғир сувидан тўйинади. Куз ва қиш ойларида сершув, ёзда суви камаяди. Ўртача сув сарфи 200 м³/сек. Лох-Аллен кўлидан бошлаб кема қатнайди. Иккита канал орқали Дублин б-н боғланган. Қуйилиш ерида Лимерик денгиз порти жойлашган.

ШАНТАР ОРОЛЛАРИ — Охота денгизининг ғарбий қисмидаги 15 оролдан иборат архипелаг. РФ Хабаровск ўлкасида. Умумий майд. 2500 км². Энг йирик оролларн Катта Шантар, Феклистов, Кичик Шантар, Беличий. Ер юзаси қирлардан иборат. Энг баланд жойи 701 м. Қиши совуқ, ёзи илиқ. Аралаш ўрмонлар (оққарағай, даурия тилоғочи, аян қарағайи) б-н қопланган, қирларнинг юқори қисмлари ўтлоқ. Оролларда тез-тез туман тушади, атрофида сув қўтарилиши ва пасайиши кучли.

ШАНХАЙ — Хитойдаги шаҳар. Янцзи дарёси эстуарийсида, унинг ўнг ирмоғи — Хуанпу дарёси бўйида жойлашган. Мамлакатнинг аҳолиси энг кўп шаҳри, дунё бўйича ҳам олдинги ўринларда. Атрофидаги ҳудудлар б-н алоҳида маъмурий бирлик сифатида ажратилган. Аҳолиси 13,1 млн. киши (1998). Ш. — Хитойнинг йирик саноат, транспорт ва савдо маркази. Йирик денгиз ва дарё порти, мамлакат ташқи юкларининг ярмидан ортиғи шу порт орқали ўтади. Т.ж., автомобиль йўлларининг муҳим чорраҳаси. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг деярли 15% Ш.га тўғри келади. Саноат ялпи маҳсулотининг 50% ни оғир саноат беради. Машинасозлик саноати ривожланган: электроэнергетика, нефть, тўқимачилик, кончилик, полиграфия, қоғоз ва озиқ-овқат саноатлари учун жиҳозлар, электр жиҳозлари, радио ва электроника аппаратуралари, автомобиллар, денгиз кемалари, станоклар, кино- ва фотоаппаратлар, соат ва б. ишлаб чиқарилади. Ташқаридан келтириладиган хом ашё ҳисобига кимё саноати (минерал ўғитлар, кислоталар, пластмасса, синтетик смола, резина, фармацевтика буюмлари и.ч.) ривож топган. Нефть қайта ишланади. Жаҳондаги энг йирик тўқимачилик саноати марказларидан. Озиқ-овқат, хусусан, тамаки саноати корхоналари ишлаб турибди. Ҳунармандчиликда суяк, ёғоч ўймакорлиги, тош ва металл буюмлар ясаш, каштачилик ва тўқимачилик ривожланган. Йирик нашриётлар, ун-тлар, пед. ин-тлари, Хитой ФА филиали, и.т. муассасалари, илмий жамиятлар, расадхона, кутубхоналар, музейлар бор.

Шаҳарнинг марказий қисми ва асосий саноат р-нлари Хуанпу дарёсининг чап соҳилида. Марказдан жан. томон шаҳарнинг тарихий негизи ҳисобланган қисми — Наньдао-



Шанхай шаҳрининг соҳил қисми.

да меъморий ёдгорликлар, шунингдек, ҳунармандчилик устахоналари жойлашган.

Ш. ўрнида қадимда балиқчилар қишлоғи бўлган. 16-а.дан савдо ва ҳунармандчилик маркази. 1842 й.дан Нанкин шартномасига мувофиқ, хорижий савдо учун очиқ деб эълон қилинган. 1854 й.дан Буюк Британия, АҚШ ва Франция эгаллаб олиб, 1937 й.гача шаҳар божхонасини бошқарганлар. 19-а.нинг 2-ярмидан мамлакатнинг йирик саноат ва савдо марказига айланиб борди. 1937—45 й.ларда Япония қўшинлари босиб олган.

Шаҳар марказидаги бинолар Европа меъморлиги ва миллий анъанавий услублар уйғунлигида қурилган. Меъморий ёдгорликлардан (16—19-а.ларга оид Линхуа пагодаси, Чэнхуанмяо ва Юйфэси (нефритли Будда ҳайкали б-н) ибодатхоналари ва б. сақланган.

Ш.да халқаро миқёсдаги учрашувлар ўтказилади.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ШҲТ) — минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 мамлакат — Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари учрашувида тузилган (2001 й. 15 июнь). ШҲТнинг вужудга келиш тарихи «Шанхай бешлиги» деб аталган уюшма фаолияти б-н боғлиқдир. Дастлаб Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон давлатлари раҳбарлари («Шанхай бешлиги») учрашуви бўлиб ўтган. Унда чегарадош мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш (1996 й.) ва қўшма чегарада қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш (1997) тўғрисида 2 та битим имзоланган эди. 1998 й.дан «бешлик» мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги собиқ Совет Иттифоқи — Хитой чегараси бўйлаб ҳарбий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш масалаларидан минтақавий хавфсизлик ва кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш чораларига ўтишга қаратилди. ШҲТнинг Душанба (2000) саммитида Ўзбекистон Республикаси биринчи марта кузатувчи сифатида қатнашди. Ана шу саммитда «бешлик» негизида кўп тармоқли ташкилот тузиш тўғрисида таклиф илгари сурилди. ШҲТ таъсисчиларидан бири сифатида иштирок этиш ҳақидаги қарорни Ўзбекистон ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда қабул қилди. Шанхай саммитида (2001 й. июнь) янги ташкилотнинг мақсад ва принципларини эълон қилган Декларация, шунингдек, Терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. Ташкилотнинг Санкт-Петербургда бўлган 2-саммитида (2002 й. июнь) устав ҳужжати — ШҲТ Хартиясига имзо чекилди. ШҲТ нинг олий органи Давлат бошлиқлари кенгашидир. Ташкилот структураси Ҳукумат бошлиқлари (бош вазирлар) кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари кенгаши, Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши ва доимий ишловчи Котибият (Пекин ш.да жойлашган) ҳамда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ; Тошкент ш.да жойлашган)дан иборат.

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси 2004 й. 1 янв.дан фаолият кўрсатади. Мазкур тузилма зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали терроризмнинг олдини олиш вазифаси юкланган. Шу мақсадда тузилма таркибида кенгаш ва ижроқўм фаолияти йўлга қўйилган. Кенгашга 6 давлат махсус хизматлари раҳбарларининг вакиллари киритилган. Ижроқўмда эса ўзаро тасдиқланган лавозим ўринларига мувофиқ ШҲТга аъзо давлатлардан вакиллар ишлайди. ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2004 й. 17 июнда Тошкентда бўлган мажлисида Ташкилотнинг шаклланиш даври якунланганлиги қайд этилди. Мажлис якунлари бўйича Тошкент декларацияси, ШҲТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикасининг Ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг тегишли миллий маҳкамаларнинг янги таҳдид ва хуружларга қарши туришдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадига қаратилган доимий учрашувларини ўтказиб туриш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

ШҲТ аъзо мамлакатларни хавфсизлик орқали ҳамкорлик сари бошлайдиган ташкилотдир. Иқтисодий ҳамкорлик борасида олдинда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хом ашё захираларини ўзлаштириш, сув энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид ва б. масалалар бор.

Сайфиддин Жўраев.

ШАНЬДУН — Хитойнинг шарқий қисмидаги провинция. Шаньдун о. ва қисман Буюк Хитой текислигида. Хуанхэ дарёсининг қуйи қисмида жойлашган. Сариқ денгиз ва унинг Бохайвань қўлтиғи сувлари ўраб туради. Майд. 153 минг км². Аҳолиси 88,4 млн. киши (1999). Маъмурий маркази — Цзинань ш. Иқлими мўътадил, муссонли иқлим. Дарё кўп, асосий дарёлари — Хуанхэ, Вэйхэ. Кўллардан Дуншинху ва Дуншаньху Буюк канал б-н боғланган. Ш. — мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган, муҳим индустриал р-ни. Кончилик ривожланган: тошкўмир, нефть, темир рудаси, боксит, графит, туз қазиб олинади. Нефтни қайта ишлаш — етакчи саноат тармоғи. Цзинань ва Циндао ш.ларида йирик қора металлургия з-длари. Циндаода алюминий з-ди бор. Машинасозлик кўп тармоқли: электр жиҳозлари, вагонлар, тўқимачилик ва қ.х. машиналари и.ч., кемасозлик ва б. ривожланган. Кимё, қоғоз-целлюлоза, ип газлама, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд.

Ш. — мамлакатнинг муҳим қ.х. райони. Асосий экини — буғдой, шунингдек, дуккакликлар, тариқ, шоли, гаолян, маккажўхори, батат, техника экинларидан пахта, ер ёнғоқ, тамаки, каноп экилади. Мевали боғ ва токзорлар бор. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, эшак, қўй ва эчки, йилқи боқилади. Паррандачилик ривожланган. Денгиздан балиқ ва денгиз ҳайвонлари овланади. Хуанхэ, Сяоцинхэ дарёларида, Буюк каналда кема қатнайди. Йирик портлари: Циндао, Яньтай, Вэйхай, Лункоу ва Шидао. Циндао денгиз курорти бор.

Ш. ҳудудида Луншань неолит даври маданияти буюмлари топилган. Мил. ав. 8—3-а.ларда ҳудуд Ци ва Лу подшоҳликлари таркибида бўлган. Ш. — хитойлик файласуфлар Конфуций ва Мэнцзининг ватани. 17-а.нинг ўрталаридан Хитойнинг Ш. провинцияси.

ШАНЬСИ — Хитойдаги провинция. Хуанхэ дарёси ўрта оқими ҳавзасида. Майд. 157 минг км². Аҳолиси 31,7 млн. киши (1999). Маъмурий маркази — Тайюань ш. Ш. ҳудуди Шаньси платоси ва Лёссли платонинг шарқий қисмида жойлашган. Иқлими мўътадил, муссонли, ўртача т-ра янв.да —16° дан (шим.да) —2° гача (жан.да), июлда 20—25°. Йиллик ёғин 400—500 мм. Ғарб ва шим.-ғарбида чала чўл ўсимликлари ўсади, шарқидаги баландлик минтақаларида аралаш ва кенг баргли ўрмонлар сақланган.

Ш. — Хитойнинг саноати ривожланган провинцияларидан. Кўмир, металлургия, машинасозлик, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Асосий саноат марказлари — Тайюань, Датун ва Янцюань ш.лари. Ҳунармандчиликда металл ва чинни буюмлар ясалади, ипак матолар, гилам тўқилади. Тайюань, Датунда қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ш. — Хитойнинг қад. деҳқончилик р-ни. Суғориб деҳқончилик қилинади. Асосий экини — донли экинлар (буғдой, гаолян, маккажўхори, сули ва б.). Техника экинларидан пахта ва зиғир, кунжут, ер ёнғоқ, қанд лавлаги экилади. Чорвачиликда қорамол, эшак ва қўй боқилади.

Ш. ҳудудида Яншао маданияти қолдиқлари топилган. Мил. ав. 7—5-а.ларда Цзинь подшолиги, мил. ав. 5—3-а.ларда Чжао ва б. бир қанча подшоҳликлар таркибида бўлган. 14-а.дан бошлаб ҳоз. номда, 17-а.дан Хитойнинг Ш. провинцияси.

ШАНЮЙ — қад. туркийларда «император» маъносида қўлланилган унвоннинг хитой манбаларидаги шакли. Хун империяси (мил. ав. 3-а.) ҳукмдорларининг бош унвони бўлиб, мил. 6-а.гача мавжуд бўлган бир қанча туркий давлатларда ишлатилган. Хан-шу («Хан сулоласи тарихи») йилномасида хун ҳукмдорлари уларнинг тилида «Тенгли куту шанюй» деб аталиши ва тенгли сўзининг хун тилида «тангри, осмон», куту «ўғил», Ш. эса «кенг ва буюк» маъносини билдириши қайд этилади. Бир қатор тадқиқотчиларга кўра, мазкур жумладаги иккинчи сўз куту «қут, бахт» сўзлари б-н алоқадор бўлиб, «тангри қути» ибораси «худо бахт ато этган» маъносида эканлигини таъкидлашади. Шунингдек, Ш. сўзини туркий дабғу(ябғу) унвони б-н алоқадор ҳисоблашади.

Ад.: Бичурин Н.Я., Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, т. 1—3, М.—Л., 1950—53.

ШАПИРО Владимир Михайлович (1948.25.2. Тошкент) — реж. Ўзбекистон санъат арбоби (2000). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1971), Ленинград театр, мусиқа ва кинематография ин-ти (1979)ни тугатган. Ижодий фаолиятини Тошкентдаги М. Горький номидаги рус академик драма театрида актёрликдан бошлаган (1965). 1989 й.дан шу театрда реж., 1990 й.дан бадиий раҳбар (1991 й.дан директор ҳам). Ш. «Бир йилдан сўнг ўша кун» (Б. Слейд), «Телба ҳаёт» (С. Злотников), «Графиня Юлия» (А. Стринберг), «Ҳамма нарса боғда» (Э. Олби), «Буюк афсунгарлик» (Э. Де Филиппо), «Шапалоқ еядиган киши» (Л. Андреев), «Кал хонанда» (Э. Ионеско), «Жорж Данден» (Ж. Мольер), «Меҳмонхона бекаси» (К. Гольдони), «Ҳар тўкисда бир айб» (А. Островский), «Зоннинг уйи» (М. Булгаков) ва б.ни саҳналаштирган.

ШАПИРО Яков Иосифович (1937.6.7, Украина, Олевск ш.) — ҳайкалтарош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1976). Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатган (1963). Ш. реализмнинг академия оқимига хос тасвирий ва ифода йўлларини қўллаб дастгоҳ ва монументал санъат соҳасида ижод қилади. «Там-там» (бронза, 1963), «Йўловчи» (бронза, 1967) ва б. дастгоҳ санъат асарлари унинг илк ишлари жумласига киради. Ш.нинг монументал асарлари: Шастри ҳайкали (бронза, гранит, 1972, Тошкентда), Ҳамид Олимжон ҳайкали (бронза, гранит, 1989, Тошкентда), «Семурғ қуш» (1989, АҚШнинг Сиэтл ш.да), Шукур Бурҳонов бюсти (бронза, 1989, қабри устига ўрнатилган) ва б.

Ш. республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси; асарлари республика ва хорижий мамлакатлар музей ва тўпламларида сақланади.

ШАР — фазодаги берилган нуқта (марказ)дан муайян узоқликда жойлашган нуқталарнинг геометрик ўрни; ярим доирани диаметри атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган геометрик жисм. R^3 да маркази O (a, b, c) ва радиуси R бўлган шар қуйидаги

$$B_R(O) = \{(x; y; z) \in R^3 (x-a)^2 + (y-b)^2 + (z-c)^2 \le R^2\}$$

нуқталар тўпламидан иборат бўлади. $B_R(O)$ шарнинг O нуқтадан d масофада жойлашган текислик б-н кесими а) $R>d$ бўлганда доира; б) $R=d$ бўлганда нуқта; в) $R<d$ бўлганда бўш тўпламдан иборат. Ш.нинг ҳажми $V=4/3\ \pi R^3$, сиртининг юзаси (сфера) — $S=4\pi R^2$.



Шар.

ШАРАФА — *муқарнас* тури; муқарнас мужассамоти (равоқли косачалар қаторлари)нинг горизонтал йўналишда чапу рост такрорланишидан ҳосил бўлади. Ш. косачалар қатори ўзгармаслиги б-н бошқа муқарнас турларидан фарқ қилади. Меъморликда биноларнинг девор б-н шифти оралиғи, тахмон, меҳроб, минораларнинг тепа қисмини безашда қўлланади. Ш. ганч, мармар (ҳозирда гипс, бетон ва б.)дан ишланади. Ш. мужассамоти *ахта* ёрдамида тўғридан-тўғри деворга тушириб ўйилади, қуйма усулида тайёрланган Ш. бўлаклари эса безатиладиган сатҳга ёпиштириб ҳосил қилинади. Ш. Шарқ (Ўрта Осиё,


Шарафа.

айниқса, темурийлар даври) меъморлигида юксак тараққий этган. 20-а. ўрталаридан Ўзбекистон меъморлигида Ш. қайтадан кенг қўллана бошланди (*Уста Ширин* Муродов, Ш.Ғафуров, Қ.Жалилов ва б.).

ШАРАФИДДИНОВ Озод Обидович (1929.1.3, Қўқон ш. Охунқайнар қишлоғи) — адабиётшунос олим, танқидчи. Ўзбекистон Қаҳрамони (2002). Филол. фанлари номзоди (1954), проф. (1979). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1951). ТошДУнинг ўзбек филологияси ф-тида доцент, проф. (1955—95), «Тафаккур» жур.да бош муҳаррир ўринбосари (1996—97), «Жаҳон адабиёти» жур. бош муҳаррири (1997 й. дан).

Ш. 20-а.нинг 60-й.ларидан адабиётшунос сифатида танилган. «Замон. Қалб. Поэзия» (1962) китобида адабий асарларни бадиийлик қонуниятлари нуқтаи назаридан тадқиқ этган. Унинг тадқиқотлари адабиётни миллий ғоялар ва адабий қонуниятлар асосида таҳлил қилишга бағишланган. «Адабий этюдлар» (1968) китобида ижодкор шахси ва унинг бадиий асардаги ўрни масалалари талқин қилинган. «Яловбардорлар» (1974), «Истеъдод жилолари» (1976) тўпламларига киритилган илмий мақолалари адабий ижоддаги анъаналар, мумтоз адабиётни ўрганиш воситалари ва жаҳон адабиётини ўрганиш муаммолари ҳақида. Ш. ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида миллий ва жаҳон адабиёти анъаналарини уйғун қабул қилиш тамойилларини бошлаб берди.

Ш. «Биринчи мўъжиза» (1979), «Талант — халқ мулки» (1979), «Адабиёт — ҳаёт дарслиги» (1980), «Ҳаёт б-н ҳамнафас» (1983), «Гўзаллик излаб» (1985) асарларида ўзбек шеърияти, насри ва танқидчилигининг муҳим муаммоларини ёритган.



Ш. нинг мунаққидлик фаолиятида 2 давр кўзга ташланади. Биринчи давр шўро тоталитар тузумида кечган бўлиб, унда адабиётни тоталитар мафкура ғояларидан ҳимоя қилиш, адабий қонуниятлар асосида тадқиқотлар олиб бориш муаммолари талқиқ этилган («Заҳарханда қаҳқаҳа», 1962; «Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси», 1979; «Юртни мадҳи бўлди сўнгги сатри ҳам», 1979; «Шеър кўп, аммо шоир-чи?», 1983). Иккинчи давр мунаққид фаолиятида асосий давр бўлиб, у истиқлол йилларидаги ижодини қамраб олади. Бу даврда Ш. миллий адабиётни шакллантириш муаммолари, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигини қайта қуриш, жаҳон адабиёти анъаналарини ўзлаштириш ҳамда таржима санъатини юксалтириш масалаларини талқиқ этган («Бир тилда гаплашайлик», 1987; «Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч», 2000; «Қайдасан, Морико», 2002).

Ш. ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти б-н уйғун тарзда ўрганиш анъанасини бошлаб берган. Ш.нинг «Истиқлол фидойилари» (1993), «Сардафтар сарлавҳалари» (1999), «Маънавий камолот йўлларида» (2001) китобларида Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Отажон Ҳошимов ижоди янгича нуқтаи назардан таҳлил этилган. «Чўлпонни англаш» (1993) асарида эса янги ўзбек танқидчилиги 20-а.да босиб ўтган мураккаб йўлни талқин, таҳлил қилган, кўплаб мунаққидлар ижоди, эстетик принципини *Чўлпон* ижодига муносабат нуқтаи назаридан ёритган. Ш. «20-аср ўзбек адабиёти тарихи» ўқув дастури (1997), «20-аср ўзбек адабиёти» (1999) дарслиги муаллифларидан.

Ш. ижодининг чўққиси «Ижодни англаш бахти» (2004) китобидир. Унда ўзбек адабиётининг жаҳон адабий жараёнида тутган ўрни ва илмий-маънавий ўзанлари талқиқ этиб берилган.

Ш. таржима санъатига танқидчилик концепциясини олиб кирди. Л. Толстойнинг «Иқрорнома», П.Козловнинг «Кимёгар», А.Севелянинг «Тухтатинг самолётни, тушиб қоламан» асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). «Меҳнат шуҳрати» (1997), «Буюк хизматлари учун» (1999) орденлари б-н мукофотланган.

Ас.: Моҳият ва муҳаббат, Т., 1994; Сардафтар саҳифалари, Т., 1999; Маънавий камолот йўлларида, Т., 2001; Довондаги ўйлар, Т., 2004; Ижодни англаш бахти, Т., 2004.

Ад.: Адиблар, арбоблар, журналистлар, Т., 1999; Расулов А., Истеъдод ва эътиқод, Т., 2002.

ШАРАФИДДИНОВ Олим (тахаллуси Айн) (1903, Тошкент — 1943, Белоруссия) — адабиётшунос. Ўзбекистон ФА нинг мухбир аъзоси (1943), 2-жаҳон уруши иштирокчиси (1941—43; урушда ҳалок бўлган). Эски мактабда араб, форс тилларини, мумтоз адабиётни ўрганган. Тошкентдаги Эрлар билим юртида ўқиган (1918—20). Боку олий пед. институтини тугатган (1925).

Турк олами тарихи, фалсафаси, адабиётини, шунингдек, хорижий ва антик адабиётни чуқур ўзлаштирган. Бокудан қайтгач, Эрлар билим юртида, хотин-қизлар пед. билим юртида, Таълим-тарбия техникумида, ёши ўқитувчилар тайёрлаш курсларида (1925—30) адабиётдан дарс берган. Самарқанддаги Ўзбекистон педагогика академияси (1930—32). Тошкентдаги маданий қурилиш (1932—33), Тил ва адабиёт (1937) ин-тларида, Навоий юбилейини ўтказиш қўмитасида (1938—41) илмий ходим, сектор мудири, Ўрта Осиё ун-тида (1933—35), Тошкент пед. ин-тида (1935—38) доцент, кафедра мудири.

Ш.нинг адабий танқид соҳасидаги, хусусан, Чўлпон ва Абдулла Қодирий ижодларига бағишланган дастлабки мақолалари 20-а.нинг 20-й.ларида эълон қилинган. У, шунингдек, Ҳамза, С.Айний, Уйғун, А.Лоҳутий ва б. ижоди ҳақида ҳам бир қанча мақолалар ёзган, ўрта мактабларнинг 5-, 6-, 7-, 9-синфлари учун адабиётдан дарслик, хрестоматия ва дастурлар тузган. Унинг 7-синф учун ёзган «Адабиёт. 19—20-асрлар» дарслиги бир неча бор нашр этилган. Ш. илмий ижодининг асосини Алишер Навоий ижодининг турли қирраларига бағишланган ўнлаб мақолалари ва «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди» (1939, 1967, 1971, 1978) монографияси ташкил этади. Ш. нинг мазкур китоби қарийб 25 йил давомида Навоий ижоди ҳақидаги энг ишончли манба ҳисобланиб келди. Унда Ш. Навоий достонларининг Низомий, Деҳлавий, Жомий асарларидан фарқли, еркин жиҳатларини аниқлаб, Навоийнинг даҳо санъаткор эканлигига бўлган ишончни ўқувчига сингдира олган.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1978.

Абдуғафур Расулов.

ШАРАФИДДИНОВ Оқилхон (1898.7.3 — Тошкент — 1981.31.3) — ўзбек педагоги. Меҳнат Қаҳрамони (1968). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1936). Дастлаб Тошкентдаги эски мактаблардан бирида, кейинчалик Хожа Аҳрор мадрасасида таҳсил кўрган. 1917 й.да қадар янги усул мактабларида, 1918 й.дан Тошкент уездининг Туйтепа қишлоғида мактаб очиб муаллимлик қилган. 1921 й.дан Тошкентдаги 19-мактабда, 1924 й.дан 1970 й.гача

14-мактабда бошланғич синфларга дарс берган. Ш. яратган «Алифбе» китоби (1938) ўзбек мактабларининг 1-синфи учун узоқ вақт асосий дарслик бўлиб келди. 1968 й. Қ. Абдуллаева б-н ҳамкорликда янги «Алифбе» дарслигини тузди. Кейинги йилларда ўзгартишлар киритилиб, қайта-қайта нашр этилди. «Билим ва мактаб», «Меҳнат болалари», «Катталар алифбеси», «Чиройли ёзув», «Ўқиш китоби» каби дарслик, ўқув қўлланмалари муаллифи. Тошкент ш.даги 129-мактаб Ш. номига қўйилган.

ШАРАФУДДИН АЛИ ЯЗДИЙ (? — 1454, Язд ш. яқинидаги Тафт қишлоғи) — темурийлар даври машҳур тарихнависи. 1414—35 й.лар мобайнида *Шоҳрухнинг* ўғли, Форс ўлкаси ҳокими *Иброҳим Мирзо* хизматида бўлади ва унинг топшириғи асосида машҳур «*Зафарнома*» асарини ёзади. Иброҳим Мирзо вафотидан сўнг Ш.А.Я. Султония, Рай ва Қум вилоятлари ҳокими бўлган Шоҳрухнинг набираси Султон Муҳаммад хизматига ўтади. 1445—46 й. Муҳаммад Султоннинг марказий ҳукуматга қилган исёнига аралашиб қолган Ш.А.Я. *Улуғбекнинг* ўғли *Абдуллатиф* томонидан жазодан сақлаб қолинади ва Ҳиротга юборилади. Камолиддин Абдулвосеъ ан-Низомийнинг «Мақомоти мавлавий Жомий» асарида келтирилишича, Ш.А.Я. Ҳиротга келиб, Жомийнинг суҳбатида бўлган. Шоҳрух вафотидан сўнг (1447 й.) ўз ватани Тафтга қайтиб келади ва хонақоҳга жойлашиб, умрининг охиригача ўша ерда яшайди.

Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида ёзишича, 6 ёшида «Шоҳрух Султон бўзуглигида» (яъни Шоҳрух вафотидан сўнг мамлакатда юз берган низолар чоғида) катта жамоат б-н Хуросондан Ироққа кетаётганда, Тафтда Ш.А.Я. яшаган хонақоҳда бўлиб, уни кўрган. Навоий ушбу асарида Ш.А.Я.нинг билимдонлигига юқори баҳо бериб: «Мавлононинг соҳиб камоллиги олам аҳли қошида мусалламдур», деб ёзган. Шундан кейинги йилларда, яъни 1452 й. тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ҳам Тафтда Ш.А.Я. билан учрашиб суҳбатлашган. Мўғулистон хони *Юнусхон* ёшлигида Шоҳрух топшириғига кўра, узоқ йиллар Шерозда Ш. А.Я. тарбиясида бўлган ва султон *Абу Саид* уни олиб келиб, *Мўғулистонга* хон этиб тайинлаган.

Ш.А.Я. адабиёт ва тил услуби, шеърият назарияси, нужум илми, тарих, мусиқа, тасаввуфнинг назарий масалалари бўйича бир нечта асарлар ёзган; «Шараф» тахаллуси б-н шеър битгани ҳам маълум. Шунингдек, Ш.А.Я.нинг «Ҳуллали мутарраз дар муаммо ва луғаз» («Муаммо ва топишмоқлар борасида безакли нома»); «Мунтахаби ҳулал» (мазкур асарнинг қисқартирилган баёни); «Мавотин ё манотир дар муаммо» («Муаммо фанида жой ва манзаралар»); «Кунҳ уз-зод дар илми вақфи аъдод» («Ададлар мувофиқлиги илмида ҳақиқат чўққиси»); «Ал-китоб фи илм ил-устурлоби» («Устурлоб илми бўйича китоб»); «Девони Шараф Яздий» («Шараф Яздийнинг девони»); «Ҳақойиқ ат-таҳлил» («Таҳлил, яъни «Ло илаҳа иллаллоҳ»нинг ҳақиқатлари»); «Шарҳи-Қасидаи Бурда» («Қасидаи Бурда»нинг шарҳи); «Шарҳи Асомои Аллоҳ» («Аллоҳ исмлари» шарҳи); «Туҳфат ул-фақир ва ҳадят ул-ҳақир» («Фақирнинг туҳфаси, ҳақирнинг ҳадяси»); «Муншаот» (Хатлар тўплами); *Амир Темур* тарихига бағишланган шеърий асарлари маълум.

Асомиддин Ўринбоев.

ШАРАҚСОЙ КОРУНД КОНИ — Жиззах вилоятидаги кон. Жиззах ш.дан 50 км жан.да, Молгузар тоғларининг шим. ён бағрида жойлашган. 1942 й.да очилган. Корунд ҳосилалари қуйи—ўрта карбон оҳактошлари ётқизиқларининг карстланган нотекис юзасида тарқоқ жойлашган. Умумий уз. 20 км. Конда корунднинг кальцитли, темирли, маргаритли, оҳактошли турлари мавжуд бўлиб, улар массивли, йўлйўл ва хол-хол кўринишдаги рудалар ҳолида қатламсимон ва уячасимон шакллардаги таналарда учрайди. Таналарнинг қалинлиги 0,38 м дан 1,8 м гача, уз. 200—400 м гача ўзгаради. Руданинг таркиби: корунд 3—70%, гематит 0,5—35%, маргарит 10—15% дан 20—50% гача. Корунд доналарининг ўлчами 0,2 дан 2—3 мм гача. Ш.к.к.нинг захиралари (тоифалар бўйича) В — 34 минг т, C_1 — 35,4 минг т, C_2 — 28,1 минг т. Технологик синовлар натижасида Ш.к.к. рудаси абразив хусусиятга эга ва абразив саноатида ишлатишга яроқли деб топилган.

ШАРБАТ — янги узилган ва терилган мева, резавор мевалар ҳамда сабзавотлардан сиқиб олинадиган ширали суюқлик, мева суви. Ш.дан *вино, шинни*, мармелад, патока ва б. ширинликлар ишлаб чиқарилади. Қайнатиб, консерваланган ҳолда ёки бевосита истеъмол қилиш мумкин бўлган тўйимли, шифобахш, парҳез ичимлик ҳисобланади. Энг кўп истеъмол қилинадигани — узум, олма, олча, олхўри ва помидор Ш.лари. Узум Ш. таркибида 15% қуруқ модда (шу жумладан, 13,2% углеводлар), 3,5 мг% С витамини, 0,12% каротин, шунингдек, B_1, Р витаминлари ва калий тузлари бор, нордонлиги 0,2%; помидор Ш.и таркибида 3% углеводлар, 0,8% оқсил, 15 мг% С витамини, 0,5 мг% каротин, B_1, B_2, РР витаминлари, минерал тузлар бор.

ШАРЖ (франц. charger — юкламоқ) — шеърий ёки насрий сатирик, юмористик асарлардаги бирор бир шахсга оид ҳажвий хусусиятлар устидан кулиш. Ҳажвгўй шоирлар, ёзувчилар ёки карикатурачилар ўзларининг Ш.лари б-н шахс характерига хос бўлган маълум хусусиятни бирор бир нарса ёки предметга қиёс қиладилар ва уни ўта муболағали тарзда тасвирлайдилар. Киши табиати ёки ташқи қиёфасидаги бирор жиҳатни Ш. сифатида самимий қиёслаш ёки ўхшатиш дўстона ҳазил шеърларда ҳам учрайди.

ШАРЖА — БААдаги шаҳар. Шаржа амирлигининг пойтахти. Аҳолиси 320 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Форс қўлтиғи соҳилидаги порт, савдо маркази. Олтин ва кумуш буюмлар кандакорлиги ривожланган. Қирғоққа яқин сувлардан балиқ овланади.

ШАР-ЗОНД — ичига водород тўлдирилган резина шар; атмосферанинг қуйи қатламларини талқиқ этиш учун унга *метеорограф* бириктирилган. Ш.-з. маълум баландликка етгач, резина шар ёрилиб (ташқи босим камайиши натижасида), метеорограф парашютда Ерга қайтиб тушади. Ундан метеорологлар атмосферанинг ҳолати, физик параметрлари ҳақида муҳим маълумотларни оладилар.

ШАРИ — Марказий Африкадаги дарё. Уам ва Грибинги дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Логоне дарёси б-н ягона дельта ҳосил қилиб Чад кўлига қуйилади. Уз. 1450 км, ҳавзасининг майд. 700 минг км². Ёзги серёмгир мавсумда, ўрта ва қуйи оқимларида эса куз ойларида суви кўпаяди. Ўртача сув сарфи 1230 м³/сек. Батангафо ш. гача кема қатнайди. Дарёдан балиқ овланади. Ш. бўйида Чад пойтахти Нжамена ш. жойлашган.

ШАРИАТ (араб. — тўғри йўл; исломда қонунчилик маъносида ишлатилади) — ислом ҳуқуқ тизими. Ш.да соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий меъёрлар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси берилган. Ш.га мусулмон киши учун дунёга келишидан то ўлимигача юриш-туришини белгиловчи қоидалар тўплами сифатида қаралган. Илк исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш *Қуръон* асосида олиб борилган. Кейинроқ мусулмонларнинг барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва диний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилган. Ислом ҳуқуқшунослари бир неча аср мобайнида Ш. меъёрларини ишлаб чиққанлар. Ш.га Қуръон, *сунна, ижмо* ва *қиёс* асос қилиб олинган. Ш. ҳуқуқий тизим сифатида 11—12-а.ларда тугал шаклланган. Бунда ёзма ва оғзаки диний, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг таъсири бўлган.

Исломда *суннийлик* ва *шиаликдаги* Ш. тизимлари ўртасида муайян тафовутлар бор. Суннийликда *ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик, ҳанбалийлик*, шиаликда эса *жаъфарийлик* мазҳабининг ўзига хос ҳуқуқий тартиблари мавжуд. Ш.да давлат (халифалик) ҳуқуқи меъёрлари, мажбурият, мерос, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқи, шунингдек, суд ишларини юритиш, васийлик кўрсатмалари берилган. Ш. хусусий мулкни худо томонидан белгиланган, доимий ва ўзгармас деб ҳисоблайди. Ш.да барча хатти-ҳаракатлар дастлаб 2 тур — *ҳаром ва ҳалолга* ажратилган. Кейинчалик Ш. шаклланиб тугалланган даврда 5 тоифага бўлинган. Булар: *фарз ё вожиб* — бажарилиши муҳим ва мажбурий ҳисобланган хатти-ҳаракатлар (мас., намоз ўқиш, закот бериш); суннат ё *мустаҳаб* — мажбурий эмас, лекин маъқул, ло-

зим деб ҳисобланган нормалар (мас., уйланиш, салақа бериш); *ибоҳ* ё жоиз — рағбатлантирилмайдиган ва уни бажармаслик гуноҳ ҳисобланмайдиган ихтиёрий хатти-ҳаракатлар (мас., битим, савдо шартномалари тузиш, сафар қилиш, емоқ, ичмоқ ва б.); *макруҳ* — жазога тортилмайдиган, аммо номаъқул ҳисобланадиган хатти-ҳаракатлар (мас., сўкиниш, катталарнинг ҳурматини ўрнига қўймаслик, сувни ифлослантириш, ҳайвонларга ҳаддан ортиқ юк ортиш); ҳаром — қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар (мас., чўчқа гўшти истеъмол қилиш, арақ ичиш, одам ўлдириш ва б.). Ш. жиноят учун қатъий, шафқатсиз чораларни кўзда тутади.

Ш. илмлари ислом дини ва унга боғлиқ бўлган масалаларни қамраб олган. Булар тажвид (қироат), тафсир, ҳадис, *фиқҳ* илмлари, фиқҳнинг фаръий (жузъий) қисмлари ҳамда калом илмидан иборатдир. Ш. илмлари қаторига араб тили ва адабиёти ҳам киритилади, чунки уларсиз Ш. илмларини ўрганиш мумкин эмас, деб ҳисобланади (яна қ. *Мусулмон ҳуқуқи*).

Ad.: Бурҳониддин Марғиноний, Ҳидоя, 1-ж., Т., 2000; Абдулваҳҳоб Халлоф, Усул ул фиқҳ (Ислом қонуншунослиги асослари), 1—2-қисм, Т., 1997; 3—4 қисм, Т., 1999; Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари, Т., 2002; Сандов А.Ҳ., Бурҳониддин Марғиноний — буюк ҳуқуқшунос, Т., 1997; Ҳусниддинов З., Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар, Т., 2000.

ШАРИК ҚЎЗҒОЛОНИ — Бухорода Аббосийлар халифалигига қарши кўтарилган қўзғолон (751). Унга Шарик ибн Шайх ал-Маҳрий бошчилик қилган. Қўзғолонга умавийлар ўрнига 750 й.да ҳокимият тепасига келган аббосийларнинг халифалик ҳудудидаги араб бўлмаган халқларга нисбатан сиёсатида ўзгаришлар қилмаганлиги; қонуний ҳокимият Али авлодлари қўлига топширилиши лозим, деган шиаларнинг фикрлари сабаб бўлган. Унда Бухородаги суғдийлар ва араб аҳолиси қатнашган. Бироқ қўзғолонда маҳаллий зодагонлар, савлогарлар, кашоварзлар деярли иштирок этмаган.

*Наршахий*нинг ёзишича, қўзғолон раҳбари Шарик араб ҳарбийларидан бўлиб, у Бухорода яшаган. Унинг атрофида жуда кўп киши йиғилган. Бухоро амири Абдулжаббор ибн Шуайб, Хоразм амири Абдулмалик ибн Харсама, Барзам (ҳоз. Карки) амири Муҳаммад ибн Ҳусайн ва б. Шарикка байъат қилиб, уни қўллаб-қувватлашган. *Табарий*нинг фикрича, Шарик тарафдорлари 30 минг кишидан ортиқ бўлган.

Хуросон волийси *Абу Муслим* Зиёд ибн Солиҳ бошчилигидаги 10 минг кишилик лашкарни қўзғолонни бостириш учун Бухорога жўнатган. Бухоро ш. дарвозалари олдида 37 кун узлуксиз жанг бўлиб, унда бухороликлар доим галаба қозониб турган.

Бухоҳудот Қутайба ибн Ташнода 10 минг одам б-н келиб, Зиёд ибн Солиҳ б-н иттифоқликда Шарик қўшинига қарши урушга киришди. Қўзғолон маглубиятга учрашига сабаб бўлган. Шарик лашкари катта қийинчиликда қолган. Қўшин ўртасида очлик бошланган. Шундай бўлишига қарамасдан, қўзғолончилар Зиёд ва Ташноданинг бирлашган қўшинини Бухоро ш.дан бир фарсанг узоқликда бўлган жангда магълубиятга учратишган. Навканд (Навканда) қишлоғида бўлган иккинчи жанг (751 й. ёзида) эса қўзғолончилар магълубиятга учраган. Шарик ибн Шайх ҳам жанг пайтида отдан йиқилган ва ўлдирилган. Бухоро амири Абдулжаббор бу магълубиятга қарамай, шаҳарни арабларга топширишдан бош тортган. Араб лашкарбошиси Зиёд ибн Солиҳ Бухорога келиб, уч кеча-кундуз давомида шаҳарга ўт қўйдирган. Шаҳар ичида ҳам араб қўшини бухороликларнинг қаттиқ қаршилигига учраган. Наршахийнинг ёзишича, Зиёднинг буйруғи б-н шаҳар аҳолисидан кимни тутсалар, уларни дорга осганлар ва ниҳоят шаҳарни олганлар. Шарикнинг ўғли ва ҳарбий қўмондонлари ҳам ўлдирилган. Сўнгра Зиёд ибн Солиҳ Самарқандга келиб, бу ердаги қўзғолонни ҳам бостиргач, Хуросонга қайтган.

Ш.қ. кейинчалик Мовароуннаҳр ва Хуросонда арабларга қарши кўтарилган *Муқанна қўзғолони* олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтаган.

Манбалар: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966; История ат-Табари, Т., 1987.

Қаҳрамон Раҳмабов.

ШАРИПОВ Жуманиёз (1911.25.10, Хива) — ёзувчи, таржимашунос олим. Филол. фанлари д-ри (1968). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1971). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—43). Самарқандлаги пед. академияни тугатган (1932). Маориф халқ комиссарлиги методика илмий кенгашининг масъул раҳбари (1932—34). Тил ва адабиёт ин-ти аспиранти (1935—37). Ўқув-пед. нашриёти директори (1937—40; 1949—52). Ўзбекистон КП МК маданият бўлими мудири (1941—43; 1943—45). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг масъул котиби (1945—49). Ўзбекистон ФА нашриётининг директори (1952—59). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1959—70), сектор ва бўлим мудири (1970—78), катта илмий ходим (1978—2002).

Илк китоби — «Ёшликни шеърлар» (1931). «Адабиёт дарслиги» (1933), «Максим Горький» (1948) достони, «Саодат» (1958) қиссаси нашр этган. «Хоразм» (1-китоб, 1960; 2-китоб, 1970; 3-китоб, 1974; 4-китоб, 1976) тетралогиясида *Асфандиёрхон* ҳукмронлиги (1910—18) ва фуқаролик уруши даврида хоразмликларнинг оғир ҳаёти, ўлкада Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши воқеалари акс эттирилган. «Ўзбекистонда таржима тарихидан» монографиясида ўзбек адабиётида эн қад. даврлардан то 20-а.га қадар яратилган таржималар ўрганилган. Ш. таржима тарихи ва назарияси, таржимонлар маҳорати юзасидан қўплаб рисола ва мақолалар эълон қилган. Ш.Руставели, А.С.Пушкин, Маҳтумқули, М.Горький, С.Стальский, Б.Кербобоев ва б.нинг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ас.: Бадиий таржиманинг баъзи масалалари, Т., 1957; Ўзбекистонда таржима тарихидан, Т., 1965; Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар, Т., 1972; Хорезм, 1—3 кн., М., 1968—76.

ШАРИПОВ Йўлдош (1913, Қўнғирот ш. — 1973.23.7, Нукус) — қорақалпоқ актёри, реж., театр арбоби. Қорақалпоғистон (1949) ва Ўзбекистон (1957) халқ артисти. Қорақалпоғистон миллий театрининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшган. Москва театр санъати қошида очилган Қорақалпоқ студиясида ўқиган (1935—39). Ўз фаолиятини 1932 й. Қорақалпоқ давлат драма театрида бошлаган ва «Аршин мол олон» (У.Ҳожибеков), «Бюрократлар» (Ж.Оймурзаев), «Бойдагул» (С.Мажитов), «Қора юраклар» (Р.Мажитов) спектакларини саҳналаштирган. 1939—50 ва яна 1956 й.дан Қорақалпоқ давлат драма театрида актёр ва реж. (1961—63 й.лар бош реж.). 1951—56 й. лар Қорақалпоғистон маданият ишлари вазирлиги қошидаги санъат бошқармаси бошлиғи. Ш. ижоди халқ юморига бойлиги, ўзига хос миллийлиги б-н ажралиб туради. Жеронт (Мольер, «Скапеннинг найрангларн»), Гордей Торцов (Н.Островский, «Камбағаллик айб эмас»), Бойсари (Н.Довқораев, «Алвомиш»), Макферсон (К.Симонов, «Рус масаласи»), Пазимбет, Полвон ота (Ж. Оймурзаев, «Ойгул-Абат», «Амударё соҳилида») ва б. роллари б-н шуҳрат қозонган. «Гулсара» (К.Яшин), «Ўзингдан чиққан балога ...», «Амударё соҳилида», «Бердақ» (Ж.Оймурзаев), «Камбағаллик айб эмас» (Н.Островский), «Тозагул» (Р.Мажитов), «Тобутдан товуш» (А.Қаҳҳор) каби спектаклларни саҳналаштирган.

ШАРИПОВ Латиф Каримович (1943.10.8, Пешқу тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1966). 1966 й.дан Пешқу туманидаги 14-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси, директор ўринбосари, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, 2000 й.дан туман халқ таълими бўлими давлат таълим стандартлари мониторинги мутахассиси.

ШАРИПОВ Солижон Шокирович (1964.24.8, Ўзган ш., Қирғизистон) — Россия Федерацияси (РФ) космонавт-учувчиси (1998), америка астронавти (1998), миллати ўзбек. Харьков олий ҳарбий авиация учувчилар билим юртини тугатган (1987). Товушдан тез учар самолётларни бошқарган (жами 950 соат учган). 1990 й.дан РФ Қосмонавтлар тайёрлаш марказининг космонавтлар отрядида. «Мир» орбитал кемасида парвоз қилиш дастури бўйича космонавтлар гуруҳи таркибида тайёргарлик кўрган (1992—97). «Мир» (ЭО-27, ЭО-28), «Союз ТМ-29», «Союз ТМ-30» ККларининг дублёр экипажи таркибида ўтган (1997—98). 1998 й. 22 январь — 1 фев.да АҚШнинг «Эндевор» (STS-89) КК сида парвоз қилган (6 та америка астронавти б-н бирга, АҚШ, Флорида штати, Канаверал космодроми). Бу кема Россиянинг «Мир» орбитал кемасига туташтирилган ва рус космонавтлари А. Соловьев ва П. Виноградов, америка астронавти Д. Вульф б-н бирга Ш. ҳам «Мир» бортида ишлаган. 2004 й. октябрда Россиянинг махсус КК сида 10-халқаро космик экипаж аъзолари — америка астронавти Лерой Чиао ва рус космонавти Юрий Шаргин б-н бирга Бойқўнғир космодромидан (Қозоғистон) космосга парвоз қилди. Бу КК космосга олдин учирилган Халқаро космик ст-я (ХКС)га туташтирилди ва Лерой Чиао, Ю. Шаргин, С. Шарипов узоқ муддат

Солижон Шарипов (чапда) халқаро экипаж аъзоси АҚШ астронавти Лерой Чиао б-н машқ пайтида (2004 й.).

ишлаш учун ХКС га ўтишди. ХКС даги олтинчи экипаж ерга қайтиб тушди. Ш. Қирғизистон Республикаси Қаҳрамони (1998), Ўзбекистон Республикасининг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (1998).

ШАРИПОВ Ҳусан (1937.27.7, Тошкент) — актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1991). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугаттан (1963). 1959 —91 й.лар Мукимий театрида актёр (1986—87 й.лар директор). 1990—95 й.лар Ўзбекистон телерадиокомпаниясида бадиий сўз устаси. 1995—97 й. лар Ўзбекистон театр арбобларн уюшмаси котиби. Ш. ижоди табиатан халқчиллиги, бой фантазияси, имконияти кенглиги, ижро санъати ва маҳорати комик йўналишидаги ролларга мойиллиги б-н ажралиб туради. Актёрнинг ўзбек анъанавий театри ва аския санъати воситаларидан унумли фойдаланиши саҳнада, кинода, миниатюра театри, «Ханда» эшиттиришлари (радио)да яратган образлари, роллардаги соддалик, самимийлик кўзга ташланади. Театрда Тошболта («Тошболта ошиқ»), Пўлат («Хотинимнинг эри»), Тожибой («Ўжарлар»), Ҳасан («Жон қизлар»), Акоп («Хонума хоним»), Абдулла («Ака-ука совчилар»), Абдулла («Ватан ишқи»), Собиржон («Ошиқ Ғариб»), Чойхоначи («Жоним фидо») каби роллари б-н театр ривожига муносиб ҳисса қўшди. Кинода

Ҳусан Шарипов Шермат ролида («Сувончи» кинофильми).

Шермат («Сувончи»), Ҳусан Шарипов («Водийлик келин»), Автобаза директори («Марҳумнинг ҳурмати»), Ҳусан («Шўрпешоналар», «Келинлар қўзғолони», «Ким жинни»), Ҳожи Аълам («Майсаранинг иши»), Зокир хотинбоз («Амирнинг бевақт ташрифи»), Ҳожи («Бомба»), Бўёқчи («Маккора»), ота («Чинор тагидаги дуэль» ва б.) ва телефильмлар [Ҳожи Деҳдор («Алишер Навоий»), 12 қисмли, Савдогар («Увайсий»), Ҳусан («Учрашув») ва б.]да ҳам самарали ижод қилди. 1960 й.дан «Табассум» радиожурналининг, 1969 й.дан телеминиатюра театрининг мунтазам иштирокчиси. Маънавият ва маърифат йўналишидаги театрлаштирилган «Маънавият қалбим қўёши» дастури муаллифи ва ижрочиси. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1999).

ШАРИПОВ Ҳусниддин (1933.10.2, Поп ш.) — шоир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1983). Тошкент қишлоқ хўжалик ин-тининг ўрмон-мелиорация ф-тини тугатган (1949—54). «Наманган ҳақиқати» газ.да адабий ходим ва масъул котиб (1956—60), «Ўзбекистон маданияти» газ.да адабий котиб (1960—62), «Шарқ юлдузи» жур.да бўлим мудири (1962—69; 1976—77; 1982—83). Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи (1984—93). Дастлабки тўпламн — «Ниҳол» (1956). Ш. «Кўнгил буюргани» (1961), «Куёшга ошиқман» (1963), «Тупроққа қасида», «Ернинг қалби» (1965), «Мен сизга айтсам» (1968), «Лирика» (1970), «Ҳаяжонли дақиқалар» (1980), «Оҳ, гўзал» (1981), «Хирмон» (1985), «Яна висол» (1987), «Ёр истаб» (1992) сингари шеърий китоблар ҳамда «Дўстим Тожиддин» (2001) номли воқеий қисса муаллифи. Ш.нинг шеърий ижодида оназаминга чексиз муҳаббат, ўз меҳнати ва бунёдкорлик фаолияти б-н мамлакатнинг гуллаб-яшнаши йўлида тер тўкаётган замондошларга ҳурмат, юксак инсоний қадриятларга садоқат туйғулари тасвири устуворлик қилади.

Ш.нинг шеърий ижодида достонавислик муҳим ўринни эгаллайди. У, айниқса, 60—70-й.ларда достон жанрида самарали ижод қилиб, шу давр ўзбек достоннавислиги тараққиёт тамойилларини белгилаб берган: «Қўёшга ошиқман» (1961), «Бог кўча болалари»

(1962), «Тановар» (1965), «Соғинтилдан салом» (1968), «Қилмиш-қидирмиш» (1976), «Инсоф диёри» (1979), «Қалтис юриш» (1999) ва б. Илмий-техник тараққиёт даврининг маънавий муаммоларига бағишланган «Бир савол» (1972) шеърий романи ҳам бор.

Ш.нинг «Сени севаман» (1958), «Ота ўғли» (1964), «Афсона» (1975), «Чоллар ва кампирлар» (1979), «Карвон бехатар бўлмас» (1986), «Ёр истаб» (1993) сингари пьесалари республикамиздаги мусиқали драма театрларида саҳналаштирилган. Бир қанча шеърлари қўшиқ бўлган.

Жаҳон адабиёти намояндаларининг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2000).

Ас.: Сайланма [2 ж.ли], Т., 1983; Асприн-ман, Т., 2003.

ШАРИФ (араб. — олижаноб, асилзода) — Муҳаммад (сав) авлодларининг номига қўшиладиган ҳурмат сўзи. Ўрта асрлардан бошлаб 7 шаҳар: Макка, Мадина, Қуддус, Бағдод, Дамашқ, Мозори Шариф ва Бухоро ш.лари диний марказ сифатида шуҳрат қозонгани учун, уларга «Ш.» сўзи қўшиб айтиладиган бўлган. Шунингдек, бир неча атамаларга сифат тарзида қўшилган ҳолда (мас., ҳалиси Ш., каломи Ш., мусҳафи Ш. ва ҳ.к.) ҳам қўлланилади.

ШАРИФБОЙ МАДРАСАСИ — Қаршидаги меъморий ёдгорлик (18-а.). Мадраса мударриси Шарифхўжа қурдирган. Мадраса унча катта эмас, тўғри тўртбурчак тарҳли. Бош тарзи марказидаги пештоқдан миёнсарой орқали кичик ҳовлига чиқилади. Ҳовли атрофида балхи гумбазли ҳужралар жойлашган. Ғарбида пешайвонли масжид бор.

ШАРИФХЎЖАЕВ Мурод (1932.20.8, Тошкент) — иқтисодчи олим, Ўзбекистон ФА акад. (1995), иқтисод фанлари д-ри (1976), проф. (1978), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий (1992). Тошкент молия -иқтисод ин-тини тугатган (1953). Шу ин-тда аспирант, ассистент, катта ўқитувчи (1953—63), доцент (1963—67), халқ хўжалигини режалаштириш кафедраси мудири (1967—79). Ўзбекистон Давлат план қўмитаси (Госплан) қошидаги Иқтисодий и.т. ин-ти директори (1975—76), Тошкент халқ хўжалиги ин-ти ректори (1976—86), Қурилиш комплекслари раҳбарлари ва мутахассислари малака-



сини ошириш ва қайта тайёрлаш ин-ти проректори (1986—90), Ўзбекистон ФА бош илмий котиби (1990—91), Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари ва Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси (1994—95), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ректори (1995 й. апр.—июль). Тошкент молия ин-ти ректори (1991—2005).

Илмий ишлари Ўзбекистонда капитал қурилиши, иқтисодий назария, республиканинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, халқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар, ташқи иқтисодий алоқалар, аҳолини иш б-н таъминлаш ва б. масалаларга бағишланган. Олий ўқув юртлари учун дарслик, ўқув қўлланмалари муаллифи. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. 2005 й. фев.дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси.

Ас.: Капитальное строительство в Узбекистане и его материально-техническая база, Т., 1971; Экономические проблемы производства строительных материалов, Т., 1971; Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти, Т., 2000; Менежмент, Т., 2001; Ўзбекистон. Янги гоялар, янги кутуқлар, Т., 2002; Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши, Т., 2003; Человек, определивший эпоху, М., 2004; Даврни белгилаб берган инсон, Т., 2004 (ҳаммуаллифликда).

ШАРНИРЛИ МЕХАНИЗМ — звенолари фақат айланма кинематик жуфт (шарнир) ҳосил қиладиган механизм. Звеноларининг ҳаракатига кўра, текис, сферик ва фазовий хилларга бўлинади. Текис Ш.м.да шарнир ўқлари параллел жойлашган бўлиб, звенолари текис параллел ҳаракат қилади. Сферик Ш.м.да шарнир ўқлари битта нуқтада кесишади. Текис ва сферик Ш.м.да камида 4 та звено бўлади. Фазовий Ш.м.да айланувчи жуфтларнинг ўқлари турли бурчак остида кесишади. Умумий ҳолда фазовий Ш. м.да камида 7 та звено бўлиши керак. Бироқ звеноларининг чиқлари ва бурчак улчамлари орасидаги маълум муносабатларни бажаришда звенолар сони 4 тагача камаяди.



Шарнирли механизм: *1, 2, 3* — звенолар (ҳаракатланувчи қисмлар); *0* — асос (стойка).

Иш звеносининг ҳаракатига кўра, Ш.м. силжитувчи, пульсирловчи, узатувчи ва тўхтаб-тўхтаб ишловчи хилларга бўлинади. Силжитувчи Ш.м. иш звеносини бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга силжитади. Йўналтирувчи Ш.м. звенонинг битта нуқтасини берилган эгри чизиқ бўйича силжитиш учун мўлжалланган. Узатувчи Ш.м. маълум қонун бўйича айланма ҳаракат ҳосил қилишга мўлжалланган. Тўхтаб-тўхтаб ишловчи Ш.м. машина-автоматларда иш органларини ҳаракатлантириш учун ишлатилади. Ш.м. техниканинг турли соҳаларида (поршенли насослар, учиш аппаратлари, автомат машиналар, ҳисоблаш машиналарида, металлургия ва озиқ-овқат саноатида) қўлланади.

ШАРОЛЕ — гўшти учун боқиладиган қорамол зоти. 18-а.да Франциянинг Шароле вилоятида маҳаллий зотларни яхшилаш б-н яратилган. Ш. зотли қорамоллар йирик, танаси узун, туси сарғиш-малларанг, уча гўштдор, бузоқлари йирик туғилади. Буқаларининг ўртача вазни 1400—1500 кг, сигирлариники 800—1000 кг. Жаҳондаги 70 дан ортиқ мамлакатларда тарқалган. Маҳаллий зотларнинг гўшт маҳсулдорлик сифатларини яхшилашда фойдаланилади.

Ўзбекистонга Ш. зотли буқалар биринчи бор 1970—71 й.ларда олиб келинган. Республика наслчилик ст-ясида муқаддиб сақланган уруғлари қора-ола зотли сигирларни уруғлантиришда ишлатилган. Фарғона вилоятининг Бувайда хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонасида қора-ола зотли каммаҳсул сигирларни Ш. зоти б-н чатиштиришдан олинган биринчи авлодлари вазни 5—6 ойлигидаёқ 250—260 кг га етган. Саноат усулида чатиштиришда истиқболли зотлардан ҳисобланади.

ШАРОФИДДИН АЪЛАМ ибн НУРИДДИН ОХУНД (17-а. — 18-а.нинг 1-чораги) — тарихчи олим. Андижон вилоятида туғилган. Кейинчалик Самарқанд ш.да яшаган. Ҳаёти ҳақида маълумотлар деярли сақланиб қолмаган. «Тарихи Саид Роқим» («Саид Роқим тарихи») асарида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда *Амир Темур* давридан то 1645 й.гача, яъни *аштарх-онийлар*дан Бухоро хони *Абдулазизхон* тахтга ўтиргунча бўлган давр тасвирланган. Асарда муҳим тарихий воқеалар изчил хронология асосида ёритилган. Хусусан, йирик уламолар, шайхлар, шоирлар ва ҳофизлар ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд.

«Тарихи Саид Роқим» асари *Мирза Салимбек* томонидан Тошкентда нашр этилган (1913). Асар қўлёзмалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фонди (30 дан ортиқ) ҳамда Санкт-Петербург, Душанба ва Англия, Франция, Миср ва Саудия Арабистонида сақланади.

Ад.: Ахмедов Б.А., Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв., Т., 1985.

ШАРОФИДДИН БУХОРИЙ, Хожа Шарофиддин Саноий (13-а. 2-ярми — Шофиркон тумани — 14-а. 1-чораги) — фақиҳ ва мударрис, мутасаввиф шоир. Бухоро мадрасаларида мударрислик қилган. Ўрта асрларда мадрасалар ва мактабларда асосий дарсликлардан бири сифатида ўқитилган «Чор китоб» (бошқа номи: «Чаҳор китоб» — «Тўрт китоб»; 2 шеърий ва 2 насрий мажмуа) ни тузган ва унинг 1-китоби — «Номи Ҳақ» («Аллоҳ номи») ни форс-тожик тилида ёзган (тахм. 1300 й.). Ислом динига оид панд-насиҳатлар китоби саналган «Чор китоб» ҳоз. кунгача етиб келган. Китобда тоат-ибодат, шариатнинг қонун-қоидалари: фарз, суннат, намоз ва рўза ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, унда қизиқарли воқеа ва ҳикоятлар, шарқона донишмандлик намуналари баён этилган. «Чор китоб» тожик тилида (Душанба, 1990) ва шоир Олим Бўри таржимасида ўзбек тилида (Тошкент, 1992) нашр этилган.

ШАРП (Sharpe) Вильям (1934) — америкалик иқтисодчи, Берклидаги Калифорния ун-тини тугатган, философия д-ри (1961). РЭНД корпорациясида иқтисодчи, Вашингтон ун-ти, 1973 й.дан Стэнфорд ун-ти проф. 1980 й.да Америка молия уюшмаси (AFA) президенти бўлиб сайланган. Ш. турли бойлик шаклларини оқилона уйғунлаштириш (портфель ёндашуви) назарияси асосчиларидан бири. 20-а.нинг 60-й.ларида молия бозорларида капитал активлар нархларининг шаклланиш моделини яратган. Асосий асарлари: «Капитал активлар нархи. Хатар шароитида бозор мувозанати назарияси», 1964; «Инвестиция портфели назарияси ва капитал бозорлари», 1970; «Инвестициялар», 1978; «Активларни жойлаштириш воситалари», 1985; «Инвестиция киритиш асослари», 1989. Нобель мукофоти лауреати (1990; Э. *Марковиц* ва М.*Миллер* б-н бирга).

ШАРТЛИ РЕФЛЕКСЛАР — одам ва ҳайвонларнинг шахсий ҳаёти давомида орттирган мослашув реакциялари системаси; шартли (сигнал) қўзғатувчи б-н шартсиз рефлектор қўзғатувчи ўртасида вужудга келадиган муваққат боғланиш туфайли пайдо бўлади. Ш.р. марказий нерв системасига эга барча ҳайвонларда бор. «Ш.р.» терминини И.П. *Павлов* таклиф этган (1903). Ш.р. ҳосил қилинадиган реакцияга бефарқ бўлган қўзғатувчи (сигнал), яъни шартли таъсирловчининг организмга узлуксиз таъсири б-н боғлиқ. Мас., чироқ ёқилганида овқатланишга нисбатан Ш.р. ҳосил бўлиши учун итга чироқ ёқилгандан сўнг овқат бериб туриш керак. Ташқи ёки ички муҳитнинг ҳар қандай ўзгариши шартли таъсирловчи бўлиши мумкин. Илгари бефарқ бўлган, лекин вақт жиҳатидан бирор шартсиз рефлекснинг намоён бўлиши б-н мос келадиган ҳар қандай таъсирловчи шартли сигнал бўлиши мумкин.

Ш.р.нинг шаклланишида марказий нерв системасининг олий қисмлари (балиқларда ўрта мия ва миича, судралиб юрувчилар ва қушларда бош мия ярим шарлари, одам ва сут эмизувчиларда бош мия ярим шарлари пўстлоғи) асосий аҳамиятга эга. Ш.р. асосида ҳар хил *шартсиз рефлекслар* ўртасида икки томонлама боғланиш бўлса керак, деб тахмин қилинади. Шартли ва шартсиз таъсирловчиларни бир хил нейронлардаги конвергенцияси ва бош мия ҳар хил марказлари фаоллигининг ўзаро мос келиши Ш.р. ҳосил бўлишининг асосий шарти ҳисобланади. Шартсиз қўзғатувчи томонидан мустаҳкамланиб турилмаган Ш.р. тормозланади, баъзан йўқолиб кетади. Шунинг учун Ш.р.нинг биологик аҳамияти организмнинг мосланиш имкониятларини кенгайтиришдан ва унинг хатти-ҳаракатларини ҳар хил шароитга мосланишига ёрдам беришдан иборат. Организмнинг филогенетик тараққиёти ва индивидуал ривожланиши давомида Ш.р. ҳам тобора мураккаблашиб боради (яна қ. *Олий нерв фаолияти*).

ШАРТЛИ ҲУКМ — жиноят ҳуқуқида назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий чоралардан бири. Ўзбекистон Республикаси ЖКга кўра, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, Ш.ҳ. қўлланиши мумкин (ЖК, 72-модда). Ш.ҳ. қўлланилаётганда суд синов муддати белгилайди, ана шу муддат давомида Ш.ҳ. қилинган шахс ўзининг хулқи б-н тузалаётганлигини исботлаши керак. Синов муддати 1 й. дан 3 й.гача белгиланади ва ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Ш.ҳ. қилинган шахсларнинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради. Ана шу назорат олиб борувчи органнинг тақдими б-н суд синов муддати давомида ҳукм қилинган шахсга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин. Ш.ҳ. ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганларга нисбатан қўлланмайди. 18 ёшга тўлмаган шахслар, 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек, 60 ёшдан ошган шахслар бундан мустасно.

ШАРТНОМА — фуқаролик ҳуқуқида икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, бурчларини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви, *битим*нинг тури. Ш.дан келиб чиқувчи фуқаролик ҳуқуқий муносабат ҳам, шунингдек, ёзма равишда тузилган Ш. мазмуни баён қилинган ҳужжат ҳам «Ш.» термини б-н аталади. «Ш.» сўзининг синоними — *контракт*. Фуқаролар ва юридик шахслар Ш. тузишда эркиндирлар. Ш. тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, Ш. тузиш бурчи қонунларда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган Ш.ни ҳам тузишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасининг ФКда Ш. тўғрисидаги умумий қоидалар, Ш.нинг кўринишлари, Ш. тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби баён қилиб берилган (ФК, 353—385-моддалар). Халқаро ҳуқуқдаги Ш. тушунчаси тўғрисида *халқаро шартнома*, меҳнат ҳуқуқидаги Ш. тушунчаси тўғрисида *меҳнат шартномаси*, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий Ш. ҳақида *хўжалик шартномаси* мақолаларига қаранг.

ШАРТСИЗ РЕФЛЕКСЛАР, тур рефлекслари — организмнинг ички ва ташқи қўзғатувчилар таъсирига нисбатан ўзгармас, генотип б-н боғлиқ бўлган, яъни ирсийланадиган реакцияси. «Ш.р.» терминини И.П. *Павлов* муайян қўзғатувчиларнинг рецепторларга таъсири натижасида юзага келадиган рефлекслар (оғизга овқат тушганида сўлак ажралиши, бармоққа ўткир нарса санчилганида тортиб олиниши ва б.)ни ифодалаш учун фанга киритган (1903). Ш.р., асосан, марказий нерв системасининг қуйи бўлимлари (ганглийлар, орқа мия, бош мия дастаси ва б.) б-н боғлиқ. Ш.р.да қўзғалишнинг рецепторлардан эффекторга ўтадиган йўли рефлектор ёйи дейилади. Ш.р. турнинг барча индивидлари учун умумий бўлиб, организм хатти-ҳаракатини доимий (ўзгармас) муҳит шароитига мосланишини таъминлайди.

Ш.р. *онтогенез* ва *филогенез*да ўзгариб боради. Чақалоқларда ҳаёт давомида йўқолиб борадиган эмиш рефлекси соф ҳолдаги Ш.р.га мисол бўла олади. Одам вояга етган сари янги (мас., жинсий) рефлекслар пайдо бўла боради. Вояга етган одам ва ҳайвонларда Ш.р. соф ҳолда учрамайди; Ш.р. *шартли рефлекслар* б-н қўшилиб кетади. Шартсиз ва шартли рефлекслар ўртасидаги фарқ нисбий бўлганидан уларни таснифқилиш анча қийин. Таъсирловчи таъсири хусусиятига ва жавоб реакциясининг биологик моҳиятига биноан Ш.р.ни ҳимоя, озиқланиш, жинсий, мўлжал олиш ва б. хилларга ажратилади. Мураккаб бир хил хатти-ҳаракатлардан иборат туғма рефлекслар *инстинкт* дейилади. Баъзан инстинкт мазмунан Ш.р.га тенглаштирилади.

ШАРШАР ВОЛЬФРАМ КОНИ — Зирабулоқ тоғларининг шим.-ғарбидаги кичик кон. Чўкинди тоғ жинсларининг Зирабулоқ интрузиви б-н туташган қисмида жойлашган. 1943 и.да очилган. Ш.в.к.даги скарнлар метаморфик сланецлар ичидаги мергелли оҳактошлар ҳисобига ҳосил бўлиб, линзасимон шаклда учрайди. Скарн рудалари пироксен, гранат, актинолит, кварц, кальцит, шеелит, пирит, пиротин, ионтронит, лимонит минераллардан таркиб топган. Кондаги асосий руда шеелитлар. Шеелит скарнда гранат ва кварц б-н бирга майда (2—5 мм) доначалар ҳолида деярли бирдек тарқалган. Скарнларда пирит кўп. Кварц-сульфид томирчалар, одатда, скарнларда жойлашган, баъзан улар сланецлар ичига ҳам ўтади.

ШАРШАРА — дарё ўзанидаги тик жарликлардан сувнинг пастга отилиб тушиши. Сув бир неча поғоналардан оқиб тушиб, Ш.лар қатори — каскад ҳосил қилиши мумкин. Дарё юмшоқ ва қаттиқ жинслардан таркиб топган жойлардан ўтганда юмшоқ жинсли жойни ўйиб кириб поғона ҳосил қилади ва шу поғоналардан пастга отилиб тушади. Ш. поғонаси бетўхтов емирилиб туради ва Ш. оқимининг юқори томонига силжиб боради. Поғона тез емирилиб борган жойларда Ш. ўрнида остоналар ҳосил бўлади. Тоғлардаги тор водий ва дараларнинг ўпирилиб тушган қаттиқ тоғ жинслари б-н тўсилиши оқибатида ҳамда текисликларда дарёнинг қаттиқ жинслар ер юзасига чиқиб қолган жойлардан ўтишида ҳам Ш.лар пайдо бўлиши мумкин.

Сурхондарё вилоятидаги шаршара.

Ўрта Осиё дарёларининг тоғли ҳудудларидаги ирмоқлари, сойлар бўйи жойларда узоқ катта бўлмаган Ш.лар (мас., Сангардакдарё Ш.си) ҳосил қилган. Дарёлардаги Ш.лар кема қатнови ва ёғоч оқизишга халақит беради, бироқ ГЭС-лар қуриш учун қулайдир.

Дунёдаги энг баланд ва машҳур шаршаралар

Номи	Жойлашган ўрни	Баландлиги, м ҳисобида
Анхель	Жан.Америка	1054
Тугела	Африка	933
Йосемит	Шим.Америка	727
Утигард	Европада	610
Катерлена	Океания	580
Виктория	Африка	120
Игуасу	Жан. Америка	72
Ниагара	Шим.Америка	51
Бойома	Африка	40

ЎЗМЭ 9-ЖИЛДИ МАҚОЛАЛАРИНИНГ АСОСИЙ МУАЛЛИФЛАРИ РЎЙХАТИ*

Биология ва кимё илмий таҳририяти

Абдуллаев Мағди
Аминов Собиржон
Асроров Музаффар
Ахмеров Қудрат
Бақоев Савриддин
Бекназаров Бегали
Ботиров Бешим
Вазихонов Мухсим
Зарипов Бакриддин
Зокиров Ҳосил
Исабоев Зикрилла
Исмоилов Исроил
Лаханов Жаббор
Мавлонов Очил
Маърупов Рустам
Мирабдуллаев Искандар
Миркомилова Муҳаббат
Мўминов Боқижон
Нишонбоев Кураш
Отақўзиев Темиржон
Парпиев Нусрат
Пратов Ўктам
Раҳматиллаев Алимардон
Сиддиқов Жаҳонгир
Сулаймонов Эргаш
Тожиев Комил
Туробжонов Садриддин
Тўйчиев Сайфулло
Тўрабеков Шарифжон
Тўхтаев Анвар
Тўхтаев Саидахрол
Ҳуррамов Шукур
Шерназаров Элмурод
Эргашев Аҳмадқул
Эркаев Ахтам
Эшова Холниса
Қосимова Сталина
Қутлиев Жуманазар
Ҳакимов Нажмиддин
Ҳамраев Аловиддин
Ҳамраев Сайфулла
Нуржонов Комил
Обидов Бахтиёр
Раҳимов Аҳмаджон
Реимов Валижон
Сержанов Азат
Султонхўжаев Абдимўбди
Цой Владимир
Эгамбердиев Асомберди
Эргашев Йўлдошбой
Эрдонов Латиф
Ғуломов Потиҳкамол
Ҳайдаров Муродилла

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти

Аббосов Абдулазиз
Абдуганиева Матлуба
Азимбоев Собиржон
Алимуҳамедов Султон
Амиров Абдусаттор
Артукметов Зиёмиддин
Аширов Муродилла
Аҳроров Умид
Ваҳобов Фаррух
Ёрматова Дилором
Ёқубов Рисқивой
Жўраев Рихсивой
Зикирёев Абдукарим
Йўлдошев Суҳроб
Мирзаев Тоҳиржон
Мусаев Нуриддин
Нигматов Ботир
Номозов Хушвақт
Норматов Баҳодир
Носиров Убайдулла
Нурмаматов Ҳошим
Олимбоев Эркин
Отабоева Ҳалима
Раззоқов Абдухалил
Расулов Мухтор
Раҳимова Барно
Салимов Садир
Турсунхўжаев Пўлат
Тўхлиев Нурислом
Файзиев Жамолиддин
Ҳолматов Неъмат
Холназаров Султон
Хоназаров Абдушукур
Шеннаев Хўжаёр
Эшматов Иззатулла
Юсупов Қодиржон
Ўлмасов Аҳмаджон
Ғанихўжаева Рафиқа
Ҳусанов Расулмат

География, геология ва геофизика илмий таҳририяти

Абдураимов Тойир
Абдурасулов Абдулла
Абдураҳимов Абдуқаюм
Абдусатторов Фахриддин
Абидов Асрор
Авазов Комил
Авазов Сотим
Акбаров Ҳабибулла
Аминов Эркинжон
Аҳмедов Эркин
Баратов Паттоҳ
Бўриева Мамлакат
Бўриева Ҳайрия
Давлетов Санжар
Ёқубов Қосим
Жамолҳожи Илҳомжон
Жумабоев Тошпўлат
Жўрабоев Отабек
Зокиров Шуҳрат
Иброҳимов Рашод
Иванов Юрий
Исаҳожиев Бахтиёр
Каримов Иброҳим
Маманазаров Насриддин
Маматқулов Мурод
Матёқубов Ботир
Матчонов Қодир
Машарипова Гулором
Мирзаҳмедов Ҳамидулло
Муҳаммаджонов Ғолибжон

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти

Абдуллаев Йўлдош
Абдуллаева Қумри
Йўлдошбеков Жалолбек
Йўлдошев Қозоқбой
Мажидов Абдурашид
Охунжонов Алишер
Пиримқулов Шодмонқул
Саъдуллаев Азимбой
Сулаймонов Асқарали
Тожибоев Рустамжон
Тоиров Собит
Эркабоева Нигорахон
Юсупов Муҳсинжон
Юсупов Қодиржон
Ясь Алексей Васильевич
Ҳошимова Маъсуда
Ҳусанбоева Қундузхон

*Муаллифлар номи «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти илмий таҳририятлари бўйича (фақат бир жойда) кўрсатилди.

Маданият ва санъат илмий таҳририяти

Абдуллаев Неъмат
Абдуллаев Рустам
Аширова Моҳина
Аъзамова Олтиной
Баяндиев Тешабой
Беков Олимжон
Булатов Саидахбор
Дурдиева Гавҳар
Ёқубов Шуҳрат
Жўраев Фрунзе
Зоиров Комил
Зоҳидов Пўлат
Иброҳимов Оқилхон
Исмоилов Ҳамдам
Каримова Мухтабар
Коптелова Ирина
Мадраимов Абдумажид
Маннопов Султонали
Маҳкамова Сайёра
Мирхўжаева Барно
Муллажонов Давлат
Мусабоева Барно
Насриддинов Баҳриддин
Нозилов Додо
Носиров Муҳиддин
Островский Владимир
Пўлатов Хайрулла
Солиҳова Муҳаббат
Тешабоев Жўра
Тошматова Озода
Тоқтош Рафаил
Турсунбоев Сотимбой
Турсунов Тошпулат
Турсунова Гулшан
Холиқова Зуҳра
Худойбердиев Комилжон
Хўжаназаров Муҳиддин
Шокиров Ўткир
Юнусов Равшан
Яҳёев Абдужаббор
Қодиров Муҳсин
Қодирова Тўлқиной
Қурбонов Қалмирза
Қўзиев Турсунали
Ғафурбеков Тўхтасин
Ҳамидов Ҳожиакбар
Ҳошимов Баҳодир

Тиббиёт илмий таҳририяти

Абдуллаев Ҳожиакбар
Азизов Асилбек
Азизов Мирҳаким
Акбаров Зоирхўжа
Алиев Ҳабибулла
Арифов Саидқосим
Бекназаров Жуманазар
Дадахонова Гулчеҳра
Жалилов Ҳабибулла
Зокиров Искандар
Зокиров Муҳсин
Зокиров Ўғув
Ибрагимова Салтанат
Икромов Адҳам
Комилов Холиджон
Муродхўжаев Наримон
Нарчаев Жамшид
Солиев Мурод
Султонов Акмал
Убайдуллаев Абдулла
Шаҳобутдинов Зиёдхўжа
Шоҳаҳобов Шоҳосир
Шомирзаев Нажмулла
Эшбоев Эгамберди
Қосимов Эркин

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти

Абдуллаев Ортиқбой
Абдуназар Ҳабиб
Абдуғафуров Абдурашид
Аминов Муроджон
Аҳмедов Сирожиддин
Баракаев Раҳматулла
Бекмуродов Исмат
Боқиев Набижон
Воҳидов Шодмон
Жабборов Шукур
Жалилов Омон
Жўрабоев Отабек
Жўраев Маматқул
Иброҳимов Ансориддин
Имомов Комилжон
Иномхонов Мансур
Иноғомов Раҳматулла
Исмоилов Анвар
Исмоилов Масъудхон
Исомиддинов Зуҳриддин
Йўлдошева Ҳалима
Каримов Акромжон
Каримов Наим
Лафасов Ўроқ
Мадвалиев Абдуваҳоб
Мадраҳимов Илҳомжон
Маматов Жўра
Маҳкамов Неъмат
Маҳмудов Низомиддин
Мингноров Абдухолиқ
Мирзаев Ибодулла
Мирқаев Тура
Муҳибова Улфатхон
Нурмонов Абдуҳамид
Нурмуҳамедов Ҳусниддин
Охунов Носиржон
Очилов Норали
Парпаев Абдуқаюм
Пўлатов Исроил
Ражабов Дилшод
Расулов Абдуғафур
Раҳмонов Насимхон
Саидов Азиз
Сиддиқов Мўминжон
Такао Асамура
Тожибоев Рустам
Тўхлиева Гавҳархон
Холмўминов Жаъфар
Худойқулов Мухтор
Хўжаниёзова Зилола
Шарафиддинов Озод
Шарафиддинова Раҳимахон
Ўлмасов Раҳимжон
Қодирова Маҳбуба
Қосимов Бегали
Ҳайитметов Абдуқодир
Ҳамидов Зиёдулла
Ҳасанов Нодир
Ҳожиев Азим
Ҳомидов Ҳамиджон
Ҳотамов Наримон

Тарих, миллий мерос ва қадриятлар илмий таҳририяти

Абдуҳалимов Баҳром
Айтбоев Абдухолиқ
Алимов Ўткир
Асқаров Аҳмадали
Аҳмедов Ашраф
Бобобеков Ҳайдарбек
Бобоёров Ғайбулла
Бўриев Омонулла
Бўриев Очил
Далабоев Ҳамидулла
Иброҳимов Неъматилла
Иноятов Ислом
Исломов Ўткир
Камолиддинов Шамсуддин
Каримов Сирожиддин
Каримова Сурайё
Мавлулов Абдухалил
Маликов Азим
Матбобоев Боқижон
Матрасулов Шихназар
Машарипова Гулора
Мукминова Розия
Муҳаммаджонов Абдулаҳад
Норқулов Наим
Отамуродов Саъдулла
Охунжонов Собиржон
Очилов Эргаш
Полвонов Неъмат
Ражабов Қаҳрамон
Рамазонов Нодир
Раҳимов Муҳаммаджон
Ртвеладзе Эдвард
Сабурова Севара
Сафаров Карим
Тиллабоев Сойибжон
Турсунов Жовли
Турсунов Сайфулло
Хўжаев Абдулаҳад
Хўжаева Гулнора
Шарипова Машҳура
Эргашев Фатхулла
Юсупова Дилором
Ўринбоев Асомиддин
Қорабоев Усмон
Ғиёсов Бобур
Ғиёсов Темур
Ғуломов Хондамир
Ҳайитов Шодмон
Ҳасанов Фахриддин

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти

Абдулла Шер
Абдумажидов Ғафур
Абулҳасан Нуриймон
Алиқулов Ҳайдар
Баратов Миродил
Бегматов Абдуллажон
Бурҳонхўжаева Хуршида
Жўраев Нарзулла

Жўраев Сайфиддин
Иброҳимов Эллор
Имомов Нурилло
Иномжонов Шуҳрат
Йўлдошев Саъдулла
Йўлдошева Шоира
Комилов Нажмиддин
Кремков Михаил
Мамасиддиқов Музаффар
Мансуров Абдулазиз
Муслев Сохт
Мўминов Асрор
Назаров Қиём
Оқюлов Омон
Раҳмонова Раҳбархон
Раҳмонова Сурайё
Рустамбоев Мирзаюсуф
Саидов Акмал
Самиғжонов Фазлиддин
Сапаев Ўткир
Турдиев Шерали
Тўйчиев Бердиқул
Тўлаганов Абдужаббор
Тўраев Бахтиёр
Тўраев Шавкат
Уватов Убайдулла
Усмонхўжаев Талъат
Файзиҳўжаева Дилбар
Файзуллаев Омонулла
Хидиров Садриддин
Хўжаев Фахриддин
Шамсуддинов Рустамбек
Шермуҳамедова Нигина
Шорахмедов Даврон
Эргашев Ибодулла
Яралиев Комилжон
Ўтамуродов Акбар
Қодиров Муҳаммаджон
Қутибоев Зокир
Ғафуров Уйғун
Ғозиев Эргаш
Ҳайдаров Ўткир
Ҳасанов Аҳаджон
Ҳусниддинов Зуҳриддин

Физика, математика ва техника илмий таҳририяти

Абдуллаев Фатхулла
Абдуназаров Сафарқул
Абдураҳмонов Қаҳҳор
Азимов Шуҳрат
Аъзамов Абдулла
Баҳромов Акбар
Бердиқулов Мусулмонқул
Боқиев Машариф
Дадажонов Рўзимат
Ёқубов Эркин
Жўраев Тўхтамурод
Зиёхонов Рашид
Ибрагимов Фарҳод
Икромов Атхам
Идёсов Собит
Иноғомов Эргаш
Иноғомов Қўрқмас
Каримов Озод
Латипов Абдусалом
Мажидов Сапи
Мамадазимов Маматмусо
Мансуров Ҳожиакбар
Мирбобоев Воҳид
Мирбобоев Миркомил
Мирбобоев Отабек
Мирзаахмедов Мирфозил
Миртожиева Каромат
Назиров Дилшод
Нармонов Абдуғаффор
Носиров Темур
Нуритдинов Салоҳиддин
Нўъмонхўжаев Аброр
Расулова Муҳаббат
Рашидов Турсун
Ризаев Анвар
Сандхонов Носир
Тайлақов Норбек
Тўйчиев Тоҳир
Тўраев Назар
Узоқов Абдураим
Умаров Ғайрат
Файзиев Мирадҳам
Худойбердиев Саъдулла
Шамсиев Зоир
Шарипов Анвар
Шоимқулов Баҳодир
Шокиров Анвар
Эгамберднев Одил
Ўлмасова Муҳаббат
Қодиров Сарвар
Қосимов Эркин
Қосимова Гулнора
Ғаниев Расулжон
Ғоипов Суннат
Ҳайдаров Қудратилла
Ҳакимов Рихситилла
Ҳамидов Аслом
Ҳобилов Ботир

Ў-28

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд: Ғарбий Хитой Шарқидаги Тангир ҳақида] / Масъул муҳаррир А. Аҳмедов; Б. Алимов, М. Аминов ва б. Т. — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. — 704 б.
ББК 92

№ 252—2005
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси

11121.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ
9-ЖИЛД

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
Тошкент — 2005,
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.

З.Т. Исажонов, К.Т.Мансуров, Р. Мусаев, Ж.Ж.Нишонҳамедов, Ш. Усмонов, Ф. Чанишева, Б. Х. Туёқов, А. Махамедов, М. Усмонова, М. Ибодова, Т. Ҳамидов, В. Панфилов.
Манзил: Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Фотографлар: Б. И. Дьякин, А. Е. Зуев, А. Д. Михайлов, В. П. Телегин, Р. З. Яруллин.
Соҳа харита муаллифлари: С.А.Авазов, С. Салоҳиддинова, А. Эгамбердиев.
Харита чизувчи: М. М. Мирзиев.

ЎзМЭ 9-жилди 2004 йил 12 сентябрда теришга берилди.
2005 йил 22 мартда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 84×108$^1/_{16}$. Офсет қоғозда босилди. 125,03 нашриёт-ҳисоб табоғи. 74,0 шартли босма табоқ. Адади 2000. Баҳоси шартнома асосида.
15—914-буюртма.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи корхонасида босилди.
Тошкент—129, Навоий кўчаси, 30-уй.